Э.И. ФОЗИЛОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛУҒАТИ

I

«МАЪЖАМ ЛУҒАТ»

ТОШКЕНТ
«NISO POLIGRAF»
2013

УЎК: 821.512.133(038)
КБК: 83.3(5Ў)я2
Ф 79

Адабиётшунослик. Луғат

Тақризчилар:

А.П. ҚАЮМОВ – академик, филология фанлари доктори, профессор;

Ғ.А. АБДУРАҲМОНОВ – академик, филология фанлари доктори, профессор;

А.Р. РУСТАМОВ – академик, филология фанлари доктори, профессор;

Х.Ш. АБДУСАМАТОВ – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Ушбу луғат матнидан муаллиф рухсатисиз тўлиқ, қисман кўчириб олиш, лотин ҳарфларига ўгириш билан ўзлаштириб олиш, сўз изоҳи, цитаталардан фойдаланиш ман этилади.

Туркий халқларнинг классик адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий асарларининг луғати улуғ шоирнинг лексик бойликларини қамраб олган. Луғат Навоийнинг туркий асарлари материаллари бўйича ҳозирги замон лексикография ва тарихий-филологик таҳлил асосида тузилган, унда сўзларнинг мукаммал изоҳи берилган.

Луғат Навоийнинг дунёдаги танқидий ва оммавий нашрларидан ташқари, унинг бадиий ва илмий нодир қўлёзма асарларидан ҳам фойдаланилган. Луғат XV аср ўзбек адабий тилининг нормасини акс эттиради. У китобхонларга буюк мутафаккир асарларини чуқур тушунишда катта ёрдам беради. Бу луғатдан туркий халқларнинг қадимги қўлёзмаларини, эски обидаларини ўқиш ва ўрганишда фойдаланиш ҳам мумкин. У мутахассислар учун тарихий, қиёсий-тарихий грамматика бўйича керакли фактик материаллар беради. Луғат арабча, форсча сўзлар семантикасининг эволюциясини ҳамда ўзлаштирилган сўзлар тарихини аниқлашда муҳим манбадир.

Луғат илмий ходимларга, шунингдек, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи, талабалар ва Алишер Навоий ижодининг ихлосмандларига мўлжанланган.

10411742
491

Фозилов Э.И.

Алишер Навоий асарлари луғати: К.1 /Э.И. Фозилов. – Т.: «Niso Poligraf», 2013. – 1008 б.
УЎК: 821.512.133(038)
КБК: 83.3(5Ў)я2

ISBN 978-9943-4016-6-3

Alisher Navoiy
2013/124
A
9736
O'zbekiston MK

© Э.И. Фозилов, 2013 й.
© «Niso Poligraf», 2013 й.

СЎЗ БОШИ

Жаҳон адабиётининг буюк классик адиби Алишер Навоий асарлари тили XVI асрдаёқ ўрганила бошланган. Толи Имонийнинг «Бадаи ал-луғат», муаллифи ҳозирча аникланмаган «Абушқа», «Луғати Навоий», Мирза Меҳдихоннинг «Санглох», «Луғати Амир Навоий», «Хамса бо ҳалли луғат», «Дар баёни луғати Навоий», «Ҳалли луғати Хамсайи Навоий» ва бошқалар шулар жумласидандир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб улар туркшунос олимларнинг илмий текширишлари натижасида маълум бўла бошлади: А.Вамбери («Абушқа», Будапешт, 1862), В.В. Вильяминов-Зернов («Абушқа», Санкт-Петербург, 1868), Фазлуллахон («Чиғатойча-форсча луғат», Калькутта, 1825), Шайх Сулаймон Бухорий («Чиғатойча-туркий-усмоний луғат» Истамбул, 1882), Игнац Кунаш («Чиғатойча-немисча луғат», Будапешт, 1942), Дж. Клосон («Санглох», Лондон, 1960), Карл Менгес («Мирза Меҳдихон», Майнц, 1956), А.К. Боровков («Бада'и ал-луғат», М. – Л., 1961) каби олимлар мазкур ёдгорликларни чоп этишган. Шунингдек, Алишер Навоий асарларининг кенг китобхонларга мўлжаллаб чоп этилган 15 жилдлик нашрига луғат ҳам юзага келган. Бу С. Иброҳимов ва П.Шамсиевлар яратишган «Алишер Навоий асарлари тилининг луғати»дир. Ушбу луғатга 1953 йили чоп этилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»даги ҳамма сўзлар тўла киритилган бўлиб, бўларнинг кўпчилиги Алишер Навоий асарларида учрамайди.

Булардан ташқари «Алишер Навоий асарларида синонимлар масаласига доир» (М.Раҳматуллаева), «Алишер Навоий тилининг диалектал асослари» (Х.Дониёров), «Алишер Навоий лирикасида қўшма сўзлар» (Б.Бафоев), «Алишер Навоий «Мажалисун-нафоис» асарининг лексикаси» (И.Носиров), «Алишер Навоий «Лисонут-тайр» асарининг лексико-семантик ва лингвопоэтик тадқиқи» (З.Ҳамидов), «Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чиғатойи ва туркий усмони» луғатини лексикографик тадқиқи» (Н.Ҳусанов) каби қатор мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилган, булар улуғ шоир асарлари тилини янада чуқуррок ўрганишда фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган асирининг 70-йилларида Э.И.Фозилов раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Алишер Навоий асарларининг мукаммал луғатини тузишга киришилган эди. Натижада 1982 йили 4 жилдик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» яратилди ва 1983–1985 йилларда «Фан» нашриётида чоп этилди. Луғат иштирокчиларнинг меҳнатлари ҳар бир жилдда қайд қилинган.

Жумладан «Э.И.Фозилов – ишнинг раҳбари, луғатнинг илмий лексикографик принципларини ишлаб чиққан, қадимги туркий (ўзбек) сўзлари луғавий маъносини талқин қилган, айрим асарлар бўйича тузилган глоссарий (луғат), шарҳ ва изоҳларни манбалар асосида сўз ва маънолар билан тўлдириб, бирлашган луғат-мақолалари қилиб тузган, XVI–XX асрларда Навоий асарлари асосида тузилган луғатлардаги сўз изоҳларини қиёсий текшириб чиққан, «Алишер Навоий асарлари тили изоҳли луғати»нинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартибини ёзган» (I жилд, 3 саҳифа).

Ушбу ишни амалга оширишда менга яқиндан ёрдам кўрсатганлар: Қутбиддин Мухиддинов, Жафар Эфтихор, Юсуфхон Шокиров, шоир Н.Хўжаев (Чустий), Жавкон Лапасов, Абдуллажон Юнусов, Ноилахон Расулова, Ахмаджон Каримовларни алоҳида ҳурмат билан қайд қиламан. Ушбу тўрт жилдли луғатни яратишда ва чоп этишда ниҳоятда жиддий ғов, тўсиқлар, турли ғаммозликлар ва тубанликларни бардош билан ен-

гиб чиқишга тўғри келди. Аммо ҳеч вақт Алишер Навоий луғатини мукаммалаштириш борасидаги тадқиқотимни сусайтирмадим ва бу саъйи ҳаракатим натижасида 4 жилдлик «Алишер Навоий асарлари луғати»ни хозирладим.

Ушбу луғатнинг аввал чоп қилинган луғатлардан жиддий фарқ, тафавутларини қуйидаги жадвалдан очиқ-ойдин кўриш мумкин.

Алишер Навоий луғатларлардаги бош сўз мақолалари, қўшма сўзлар изофалар, турғун сўз бирикмалар, тасдиқловчи цитаталарнинг қиёсий адади (А–Ж ҳарфлари мисолида).

Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Муҳаррир С.Муталлибов. Тошкент – 1972

Ҳарфлар	Бош сўз	Қўшма сўз	Изофа	Турғун сўз бирикмалари	Тасдиқловчи цитата
А	685	23	68	73	23
Б	827	51	100	79	193
В	153	18	10	20	40
Г	244	27	51	22	52
Д	465	68	104	47	79
Е	11	6	–	5	3
Ё	94	9	5	3	23
Ж	331	46	51	44	67
З	3/4	49	54	45	64
Умумий адад	3124	303	443	338	544

Алишер Навоий асарлар тилининг изоҳли луғати. I–IV жилд, Тошкент –1983–1985

А	841	269	453	269	2647
Б	1127	298	217	203	2777
В	205	96	56	63	542
Г	276	102	118	42	857
Д	523	134	145	92	1538
Е	27	13	–	5	103
Ё	140	34	11	19	344
Ж	341	95	91	69	949
З	353	100	67	70	901
Умумий адад	3833	1041	1158	832	10658

Алишер Навоий асарлари луғати. Тошкент – 2013

А	1102	322	910	217	3833
Б	1528	402	368	225	3462
В	283	139	137	63	929
Г	416	170	343	49	1616
Д	743	221	525	83	2531
Е	56	19	–	15	185
Ё	208	34	22	20	618
Ж	527	149	372	79	1778
З	518	179	287	82	1578
Умумий адад	5377	1635	2964	838	16526

Юқорида келтирилган жадвалдан бу уч луғатда мавжуд бўлган фарқлар асносида холисона объектив фикр юритиш мумкин. Булар очиқ-ойдин кўриниб турган чин ҳақиқат:

– бош сўз-мақолаларнинг адади;

– қўшма сўзларнинг акс этилиши ва сони;

– форсий, арабий изофалар тўла қамраб олиниши ва изоҳи;

– турғун сўз бирикмалари, жуфт, такрорий сўзлар адади;

– сўзлар маънолари, қўлланиш доирасини тасдиқловчи цитаталар в.ҳ.

«Алишер Навоий асарлари луғати» (I жилд, Тошкент – 2013)ни бошқа луғатлардан ҳар тарафлама устунлиги ва ҳар жиҳатдан афзаллиги яна жуда кўп фазилатларда намоён бўлади:

– бевосита бош – сўздан сўнг арабча эквиваленти берилган;

– бош сўз-мақолаларидаги изоҳлар қайта кўриб чиқилган, керакли тузатишлар, таҳрирлар киритилган;

– хато кетган бош сўз – мақолалар қўлёзма манбалар асосида ўзгартирилган, тузатилган;

– янги хорижий илмий нашрлардан тўла-тукис фойдаланиш орқали бош сўз-мақолалар адади кўпайган;

– қўшма сўзлар, фразеологик, турғун бирикмалар адади ҳар тарафлама тўла қамраб олинган;

Ўзбекистонда чоп этилган кўпжилдли (15, 20, 10 томли) оммобоп нашрлардаги ҳадсиз кўп хато ва ғализликлар тузатишга ҳаракат қилинган;

– сўзларни транскрипция, транслитерацияси, тиниш белгилар қўйилиши, айрим унлиларни (*а*, *о*) ишлатилишида илмий нашрлар, қўлёзмаларга асосланганлиги;

– тасдиқловчи цитаталар қайта-қайта текшириб чиқилган, хато, нуқсонлар тузатилган в.ҳ.

Натижада ҳозирги давр илм талабига жавоб берадиган Алишер Навоий асарлари мукаммал луғати яратилди.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ЛУҒАТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Тил миллий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисмидир, сўз эса халқ маданияти, фалсафаси ва тарихини тушунишга имкон берувчи воситадир. Буюк сўз санъаткорларининг тилини, сўз бойлигини ўрганмай туриб, шу ёзувчилар мансуб бўлган халқнинг тарихини мукаммал билиб бўлмайди. Россия тарихи Пушкин, Толстой, Достаевский тилисиз тўла тушунарли эмас, Англия тарихини Шекспир, Байрон, Голсуорси тили таҳлилисиз билиш мумкин эмас, ўзбек халқининг тарихини тушуниш учун эса Алишер Навоий тилини билиш жуда зарур. Луғат – давр кўзгуси, дил акси, жавоҳирлар хазинасидир.

Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати кенг китобхонлар оммасини адибнинг бебаҳо ижоди билан тўлароқ танишиш ва уни чуқурроқ билиш имконини яратади. Бу луғат туркий халқларнинг ҳам адабий ва тарихий обидаларини, қўлёзма манбаларини ўқиш ва ўрганишга хизмат қилади.

Луғат таркиби. Луғатга Алишер Навоий асарларида истеъмолда бўлган сўз, фразеологик иборалар ва турғун бирикмалар киритилган.

Алишер Навоий изоҳли луғатини яратишда Европа, Ўзбекистон, Туркия, Россия ва бошқа давлатларда сақланиб келаётган қўлёзмалар, нашрлар, махсус тадқиқотлар хизмат қилди. Луғатда барча сўз туркумларига оид туб, ясама, қўшма сўзлар форсий, арабий ва бошқа тилларга мансуб бўлган ўзлаштирмаларнинг барчаси изоҳланди. Луғатга форсча, арабча шеър ва иборалардаги сўзлар уларнинг шарҳларини иловада берилган. Атоқли отлар, географик, шахсий ва китоб номлари ҳам иловада келтирилган.

Луғат мақоласининг тузилиши. Алишер Навоий асарларида учрайдиган ҳар бир сўз (мустақил, ёрдамчи сўз, юклама, ундов) луғатда алоҳида бош сўз-мақола сифатида талқин қилинган. Бош сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилган. Сўзнинг грамматик формалари бир сўз сифатида каралган. Отларда келишик, эгалик, кичрайтиш, эркалаш, кўплик аффикслари, феълларда шахс-сон, замон, майл, сифатдош, равишдош қўшимчалари сўзнинг грамматик формалари сифатида талқин қилинган. Равишдош ва сифатдошлардан фақат бошқа сўз туркуми вазифасида қўлланганлари луғатга киритилган ва шарҳланган.

Бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бир луғат мақоласида берилган.

Қўшма сўзлар бош сўз сифатида берилмай, ўз таркибидаги компонентлардан бири мақоласи ичида, асосан биринчи компонент мақоласида келтирилган:

Омоним сўзларнинг ҳар бири алоҳида мақолаларда бош сўз тарзида берилиб, рим рақамлари билан бир-биридан фарқланган.

Бош сўз ёлғиз ишлатилмасдан, бирикма таркибидагина қўлланган бўлса, бош сўздан кейин ўша сўзнинг бирикмадаги ҳолати шарҳланади, айрим ўринларда бош сўз изоҳланиб, сўнгра бирикма шарҳланган:

Баъзи ҳолларда бирикмалардаги асосий сўзга ишора қилиниб, бош сўзнинг асосий маъноси келтирилган.

Синоним, маънодош сўзлар алфавит тартибида ўз ўрнида бош сўз сифатида берилиб, мустақил равишда изоҳланган.

Луғат мақоласининг асосий вазифаси сўзнинг маъносини ёки маъноларини шарҳлаш, таркибида шу сўз мавжуд бўлган қўшма сўз, фразеологик, турғун бирикмаларни изоҳлаш ва сўзнинг ҳар бир маъносига тасдиқловчи иллюстратив материал келтиришдан иборат.

Бош сўзга тааллуқли барча материаллар луғат мақоласини ташкил қилади. Луғат мақоласи қуйидаги элементлардан иборат:

– бош сўз транслитерация асосида берилган;

– нодир қўлёзмалардаги сўзнинг арабча типик ёзув шакли бош сўздин сўнг келтирилган;

– бош сўзнинг маъно ёки маъноларининг изоҳи;

– бош сўзнинг маъноларини тасдиқловчи қўлёзма ва нашрлардан олинган мисоллар;

– қўлёзманинг саҳифа ва қаторлари, нашр қилинган манбаларнинг варақлари;

– изофа, идиоматик, фразеологик, турғун бирикмалар, қўшма от ва феъллар шарҳи ва иллюстратив материал;

– бош сўзнинг фонетик варианти параллел чизиқдан сўнг берилган.

Луғатда изоҳланган сўз ёлғиз қўлланмаган тақдирда ўша сўз билан келган бирикма берилиб, шарҳланган.

Сўз маъносининг изоҳи. Ҳар бир сўзнинг Алишер Навоий асарларидаги маъноси қисқа, лўнда ва аниқ изоҳ билан ифода этишга ҳаракат қилинган.

Сўзларнинг мустақил маънолари бир-биридан араб рақамлари билан ажратилган, ҳар бир маънога тааллуқли маъно нозикликлари айрим ўринларда ажратилмай, мисоллар келтириш билан кифояланган.

Бош сўзларнинг мустақил кўчма маънолари араб рақамлари билан ажратилган.

Сўзларнинг маъноларини очишда қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

– қисқа тушунтириш йўли билан изоҳлаш;

– кенг тушунтириш йўли билан изоҳ бериш;

– синонимлар орқали изоҳлаш;

– қисқача энциклопедик маълумот келтириш йўли билан изоҳлаш;

– антонимлар орқали изоҳлаш;

– реалияни кенгроқ изоҳлаш;

Луғатда тарихий принципга амал қилинган ҳолда сўзларнинг тарихий-тадрижий равишда юзага келган маъноларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Сўз маъноларини жойлаштиришда уларнинг бир-бирига яқинлиги, ўзаро ички муносабатлари асосга олинди.

Кўп маъноли сўзларни изоҳлашда олдин уларнинг бош маънолари, сўнг ҳосила маънолари берилган.

Луғатда фразеология. Луғатда фразеологик бирликларни турларга ажратиш мақсад қилиб қўйилмаган. Луғат мақолаларида икки, ундан ортиқ сўздан иборат бўлган, яхлит лексик маъно билдирилган тил бирликлари, фразеологик ва турғун иборалар шарҳ қилинган. От, сифат, феъл ва бошқа туркумдаги сўзлар билан бирикиб ҳосил бўлган мураккаб бирикмаларнинг доимий, типик бўлганларига ҳам луғатда изоҳ берилди. Булар кўп ўринда биринчи компоненти орқали изоҳланиб, ҳар бирига манбалардан тасдиқловчи мисоллар келтирилган. Арабча ва форсча изофаларнинг барчасига изоҳ берилган:

Фразеологик бирликлар, турғун иборалар ва мураккаб бирикмалар бир марта шарҳланган. Бош сўз ўрнида тильда ~ белгисидан фойдаланилган.

Фразеологик ибора одатда унинг семантик марказини ташкил этувчи, шакли ўзгармайдиган ва бошқа сўз билан алмашилмайдиган компонент сўз мақоласида изоҳланди.

Феълли фразеологик бирликлар феъл-сўз мақоласида изоҳланиб, иллюстратив материал билан таъминланди.

Лекин агар феълнинг маъноси ибора таркибида мавҳум бўлиб, унинг функцияси боғлама вазифасига яқинлашиб қолган ва фразеологик бирликнинг маъно, марказини грамматик жиҳатдан тобе от-сўз ташкил қилган бўлса, иборанинг изоҳи ва иллюстратив материали от-сўз мақоласида берилди.

Сифат ва отдан ташкил топган бирикмалар одатда от-сўз мақоласида изоҳланди ва мисоллар билан таъминланди.

Алишер Навоий асарлари тилида фразеологик бирлик ва турли хил идиоматик бирикмалар билан бир қаторда форс-тожик ва араб тилларидан бутунлигича ўзлаштирилган ва маълум даражада турғунлашган иборалар, шунингдек, мазкур тиллар доирасидаёқ идиоматик маънога эга бўлган бирикмалар ҳам кўплаб учраб туради. Бундай ибора ва бирикмаларнинг изоҳида форс-тожик, араб тилларининг идиоматик луғатларидан фойдаланилди.

Иллюстратив материалнинг берилиши. Луғатдаги иллюстратив мисоллар луғат мақоласидаги сўз ва ибораларнинг маъно ҳамда маъно нозикликлари Алишер Навоий

асарлари тилида мавжудлигини, ўша маъноларда ишлатилганлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади.

Насрий асарлардан олинган мисоллар қисқартириб берилган, бунда изоҳланаётган сўзга бевосита алоқаси бўлмаган қисмигина тушириб қолдирилган. Цитатанинг қисқартирилган қисми ўрнига айрим ҳоллардагина кўп нукта қўйилган.

Зарур ўринларда квадрат қавс, қавс ичида айрим аниқликлар ва тўлдиришлар берилган.

Сўзнинг у ёки бу маъносига оид цитаталар танлашда мисолларнинг мазмун, ранг-баранглиги, грамматик формаларнинг ҳар хиллигига аҳамият берилди. Луғат мақолаларида келтирилган ҳар бир мисол-цитатадан сўнг қўлёзманинг бет ва сатри, нашр қилинган манбаларнинг жилди ва саҳифаси кўрсатилган.

Алишер Навоий асарлари тили луғатини тузиш жараёнида сўзларнинг маъноларини изоҳлашда контекст, сўзнинг ҳозирги тилдаги лексик, грамматик эквиваленти назарда тутилган.

Сўзнинг маънолар системасини адиб давридаги қўлланилиш доирасини аниқлашда қўлёзма манбалар ва бир қатор чоп этилган тадқиқотлар, луғатлар муҳим роль ўйнайди. Булар кўп асрлик анъаналарга эга. Ушбу анъаналардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Алишер Навоий асарлари тилидаги сўзларни изоҳлашда Шарқ олимларининг асарлари, айниқса Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Абу Хайённинг «Китобул-идрок лисонул-атрок», Жамолиддин Туркийнинг «Китоб булғатал-муштоқ фил-луғат ит-турк вал-қифчоқ», муаллифлари номаълум бўлган «Китоб ат-туҳфа аз-закия фил-луға ат-туркия», «Таржумон турки ва ажами ва мугали», «Таржумон ас-сиҳоҳ», «Ал-кавонин ал-кулия ли-забтил луғатит-туркия» кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Қадимги ёдномаларга бағишланган тадқиқотлар, туркий тилларнинг тарихий, этимологик, икки тилли, диалектологик луғатлари ўтмиш классикларининг асарларидаги сўзларни шарҳлашдаги тадқиқотлар катта ёрдам берди. Ёзма обидаларни ўрганишда В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, А.Н. Самойлович, Л.З. Будагов, С. Е. Малов, Юлиус Теодор Зенкер, Ф.А.Стейнгасс, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, Э. В. Севортян, И. А. Батманов, Х. К. Баранов, М. А. Гаффоров, А. Н. Кононов, С.М. Муталлибов, П. Шамсиев, С. Иброҳимов, Ш. Ш. Шукуров, А.М. Шчербак, С.Н. Иванов, С. Г. Кляшторний, Э. Р. Тенишев, В.М. Наделяев, Д.М. Насилов, И. В. Кормушин, Л. Ю. Тугушева, Ю. А. Рубинчик, Ф. В. Мюллер, М. Т. Хоутсма, А. Лекок, Ю. Немет, Л. Лигети, Дж. Клоусон, А. Зайончковский, К. Брокельман, А. Титце, Г. И. Рамстедт, П. Пельо, В. Банг, А. Габен, Дж.Дёрфер, К. Менгес, М. Рясянен, Раҳмати Арат, Умар Осим Аксўй, Ферит Девеллиоглу, Огоҳ Левенд, Я. Экман, А. Бодроглигети, Кл. Рурбўрн, К. Эраслан, Г. Алпай, Л. Базен, Бесим Аталай, В. Котвич, Э. Триярский, Ханс Веер, П. Циме, Самих Тезжон, Усмон Сарткоя, Юже Нури каби олимларнинг тадқиқот ва луғатлари тилшуносларнинг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Булардан ташқари, форс-тожик тилида яратилган фарҳанглар: «Фарҳанги забони точики» (т. I–II, М., 1969), «Фарҳанги Амид», «Фарҳанги Жаҳонгири», «Баҳори Ажам», «Гиёсул-луғот», «Фарҳанги Рашидий», «Луғоти фурс», «Фарҳанги Ҳусайн Вафойи» («Фарҳангнома»), «Бурҳони қотиъ», «Ахтари кабир», «Луғати Гудий» кабилар классикларимиз тилини ўрганишда ва уларнинг асарларидаги сўз ва ибораларни таҳлил қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, «Турк тил куруми» томонидан чоп этилган саккиз томлик «Tarama sözlüğü» (Анқара, 1963–1977 йиллар) тарихий лексикология ва лексикография бўйича катта аҳамиятга молик асарлар қаторига киради.

Кейинги 25 йил давомида ниҳоятда кўп луғатлар, ёзма обидалар классик адабиёт танқидий матнлари ва буларга илова қилинган луғатлар нашр этилди. Буларнинг ҳаммаси диққатимиздан четда қолмади.

МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

ХАЗОЙИНУЛ-МАОНИЙ: Ғаройибус-сиғар. Биринчи том, Тошкент, 1963. (Iа).
Ғаройибус-сиғар. I, Тошкент, 1959 (Iб).
Наводируш-шабоб. Иккинчи том, Тошкент, 1963. (IIа).
Наводируш-шабоб. II, Тошкент, 1959 (IIб).
Бадоеъул-васат. Учинчи том, Тошкент, 1965. (IIIа).
Бадоеъул-васат, III, Тошкент, 1960. (IIIб).
Фавоидул-кибар. Тўртинчи том, Тошкент, 1965. (IVа).
Фавойидул-кибар. IV, Тошкент, 1960. (IVб).
Хазойинул-маоний. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, № 677.

Хазойинул-маоний. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, № 1280.

Алишир Нава'и. Диван, Издание текста, предисловие и указатели *Л. В. Дмитриевой.* М., 1962.

Алишер Навоий. Куллиёт. С.-Петербург шаҳридаги Салтиков-Щедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси Шарқ қўлёзмалар фонди. инв. ГПБ № 55.

Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи: филология фанлари доктори, проф. Ҳамид Сулаймон. Тошкент, 1968.

Ҳайратул-аброр: Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев, Тошкент, 1970.

Хамса. Ҳайратул-аброр, Олтинчи том, Тошкент, 1965.

Фарҳод ва Ширин: Хамса. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев, Тошкент, 1963. Хамса. Фарҳод ва Ширин, Еттинчи том, Тошкент, 1964.

Лайли ва Мажнун: Хамса. Лайли ва Мажнун. Илмий танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев, Тошкент (қўлёзма). Хамса. Лайли ва Мажнун. Саккизинчи том, Тошкент, 1965.

Сабъаи сайёр: Хамса. Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев, Тошкент, 1956. Хамса. Сабъаи сайёр, Тўққизинчи том, Тошкент, 1965.

Садди Искандарий: Хамса. Садди Искандарий. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев, Тошкент (қўлёзма). Хамса. Садди Искандарий. Ўнинчи том, Тошкент, 1965.

Хамса: Ҳайратул-аброр; Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун; Сабъаи сайёр; Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. Ўзбекистон «Фан» нашриёти, Тошкент, 1958.

Хамса. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 5018.

Хамса. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, № 7554.

Хамса. С.-Питербург шахридаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимидаги 560 рақамли қўлёзма.

Лисонут-тайр: Лисонут-тайр. Илмий-танқидий текст, тайёрловчи: Ш. Эшонхўжаев, Тошкент, 1965. Лисонут-тайр. Ўн биринчи том, Тошкент, 1966.

Л и с о н у т-т а й р. С.-Питербург шахридаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалар фонди. Инв. ГПБ № 55.

Мажолисун-нафоис: Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Суйима Ғаниева, Тошкент, 1961.

Мажолисун-нафоис. Ўн иккинчи том, Тошкент, 1966.

Мажолисун-нафоис. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди № 9762/11.

Маҳбубул-қулуб: Маҳбубул-қулуб. Текстни нашрга тайёрловчи А.Н. Кононов, М. – Л., 1948.

Маҳбубул-қулуб. Ўн учинчи том, Тошкент, 1966.

Маҳбубул-қулуб. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 9762/11.

Арбаин. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 3902–V. АНҚАК, 64, 1.

Арбаин. Ўн бешинчи том, Тошкент, 1967.

Муншаот: Муншаот. Ўн учинчи том, Тошкент, 1966.

Вақфия: Вақфия. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 11138/11.

Вақфия. Ўн учинчи том, Тошкент, 1966.

Хамсатул-мутаҳаййирин: Хамсатул-мутаҳаййирин. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 9762/У.

Хамсатул-мутаҳаййирин. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер: Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад: Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Муҳокаматул-луғатайн: Муҳокаматул-луғатайн. M. Quatremere. Chrestpmathie en turk oriental contenant plusieurs ourrages de l'emir Ali-Schir, 1841.

Муҳокаматул-луғатайн. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Мезонул-авзон: Мезонул-авзон. Критик текст тайёрловчи: Иззат Султон, Тошкент, 1949.

Мезонул-авзон. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Тарихи мулуки ажам: Тарихи мулуки ажам. M. Quatremere. Chrestoathie en turk oriental contenant plusieurs ourrages de l'emir Ali-Schir, Paris, 1841.

Тариҳи мулуки ажам. Ўн тўртинчи том, Тошкент, 1967.

Назмул-жавоҳир: Назмул-жавоҳир. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик институти қўлёзмалар фонди: № 9361, № 9944.

Назмул-жавоҳир. Ўн бешинчи том, Тошкент, 1967.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. Текстни тузувчи: Шарофиддин Шарипов. «Фан» нашриёти, 1987 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. Текстни тузувчи: Марям Раҳматуллаева. «Фан» нашриёти, 1987 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймон. «Фан» нашриёти, 1988 й.

Алишер Навоий. Мукаммал сарлар тўплами. Тўртинчи том. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймон. Мазкур томни қайта нашрга тайёрловчи: Ф. Сулаймонова. «Фан» нашриёти, 1989 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймон. Мазкур томни қайта нашрга тайёрловчи. Ф.Сулаймонова. «Фан» нашриёти, 1990 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймон. «Фан» нашриёти, 1990 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Еттинчи том, Хамса. Ҳайратул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А. Ҳайитметов, И.Ҳаққулов. «Фан» нашриёти, 1991 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том, Хамса. Фарҳод ва Ширин. П. Шамсиев илмий-танқидий матни асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева. «Фан» нашриёти, 1991 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Тўққизинчи том, Хамса. Лайли ва Мажнун. П. Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: Т.Ғофуржонова. «Фан» нашриёти, 1992 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том, Хамса. Сабъаи сайёр. П. Шамсиев илмий-танқидий матн асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: М. Мирзааҳмедова. «Фан» нашриёти, 1992 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. *Нашрга тайёрловчилар*: М. Ҳамидова, Т. Аҳмедов. «Фан» нашриёти,1993 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн иккинчи том. Лисонут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: Ш. Эшонхўжаев. «Фан» нашриёти, 1996 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. *Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи* Суйима Ғаниева. «Фан» нашриёти, 1997 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Маҳбубул-кулуб. Нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева; Муншаот. Нашрга тайёрловчилар: Суйима Ғаниева, Қодиржон Эргашев; *Вақфия. Муқаддима матнини тайёрловчи*: И. Шамсимуҳамедов; Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева. «Фан» нашриёти, 1998 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин, Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, Назм ул-жавоҳир. П.Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб, нашрга тайёрловчи Суйима Ғаниева. «Фан» нашриёти, 1999 йил.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. Муҳокамат ул-луғатайн. Матнни П. Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева;

Мезон ул-авзон. Матнни И. Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева;

Тарихи анбиё ва ҳукамо. Матнни нашрга тайёрловчи: Латиф Халилов;

Тарихи мулуки ажам. Нашрга тайёрловчи: Латиф Халилов;

Арбаин. Матнни нашрга таёрловчи: С. Ғаниева;

Сирож ул-муслимин. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева.

Муножот. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С. Ғаниева;

Рисолаи тийр андохтан. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева. «Фан» нашриёти. 2000 й.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Тошкент – 2001.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Биринчи жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Учинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўртинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Девоний Фони. Қасоид Муфрадот. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Еттинчи жилд. Хамса. Лайли ва Мажнун. Сабъаи сайёр. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Саккизинчи жилд. Хамса. Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Лисон ут-тайр. Мажолис ул-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. Тошкент – 2011.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон, Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Тошкент – 2011.

Alisher Navoiy. Hayrat ul-abrar. Nasriy bayani bilan. Porso Shamsiyev tuzgan ilmiy-tanqidiy matn asosida dostonni nashrga tayyorlovchi: Vahob Pahmonov. Toshkent – 2006.

Alisher Navoiy. Farhod va Shirin. Porso Shamsiyev tuzgan ilmiy-tanqidiy matn asodida dostonni nashrga tayyorlovchi: Vahob Rahmonov. Toshkent – 2006.

Alisher Navoiy. Layli va Majnun. Porso Shamsiyev va G'ulom Karimovlar tuzgan ilmiy-tanqidiy matn asosida dostonni nashrga tayyorlovchi: Vahob Rahmonov. Toshkent – 2006.

Alisher Navoiy. Sab'ai sayyor. Porso Shamsiyev tuzgan ilmiy-tanqidiy matn asosida dostonni nashrga tayyorlovchi Vahob Rahmonov. Toshkent – 2006.

Alisher Navoiy. Saddi İskandariy. Dostonni ilimiy-tanqidiy matn asosida nashrga tayyorlovchilar: Mavjuda Hanidova va Vahob Rarmonov. Toshkent – 2006.

'Alī Şīr Nevāyī. Gara'ibu'ş-şıgar. İnceleme – Karşılaştırmalı Metin. Hazırlayan Günay Kut. İnceleyenler: Prof. Dr. Mustafa Canpolat, Prof. Dr. Kemal Eraslan. Ankara, 2003 (киск. – Т).

'Alī Şīr Nevāyī. Nevādiru'ş-şebāb. Hazırlayan Prof. Dr. M. Metin Karaörs. İnceleyenler: Prof. Dr. Mustafa Canpolat, Prof. Dr. Kemal Eraslan. Ankara. 2006.

'Alī Şīr Nevāyī. Bedāyiu'l-vasat. Hazırlayan Kaya Türkay. İnceleyenler: Prof. Dr. Kemal Eraslan, Prof. Dr. Ahmet B. Ercilasun. Ankara, 2002.

'Alī Şīr Nevāyī. Fevāyidu'l-kiber. Hazırlayan Önal Kaya. İnceleyenler: Prof. Dr. Kemal Eraslan, Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 1996.

'Alī Şīr Nevāyī. Ferhad ü Şīrīn. İnceleme-Metin Gönül Alpay. Ankara, 1975.

Alī Şīr Nevāyī. Leylī vü Mecnūn. Hazırlayan Ülkü Çelik. İnceleyenler: Prof. Dr. Kemal Eraslan, Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 1996.

Alī Şīr Nevāyī. Saddi İskenderī. İnceleme-Metin. Dr. Hatice Tören. İnceleyenler: Prof. D. Kemal Eraslan, Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 2001.

Alī Şīr Nevāyī. Lisānü't-tayr. Hazırlayan Prof. Dr. Mustafa Canpolat. İnceleyenler: Prof. Dr. Kemal Eraslan, Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 1995.

Alī Şīr Nevāyī. Mecālisü'n-nafāyis I Giriş ve Metin. Hazırlayan: Prof. Dr. Kemal Eraslan. İnceleyen Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 2001.

Alī Şīr Nevāyī. Mecālisü'n-nafāyis II Çeviri ve notlar. Hazırlayan: Prof. Dr. Kemal Eraslan. İnceleyen Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 2001.

Alī Şīr Nevāyī. Nesāyimü'l-Mahabbe min şemāyimi'l-fütüvve. Doktora tezi. Hazırlayan: Doç. Dr. Kemal Eraslan. İstanbul – 1979.

Alī Şīr Nevāyī. Nesāyimü'l-mahabbe min şemāyimi'l-fütüvve I Metin. Hazirlayan: Prof. Dr. Kemal Eraslan. İnceleyen: Prof. Dr. Ahmet Bican Ercilasun. Ankara, 1996.

Alī Şīr Nevāyī. Mīzānu'l – evzān. Vezinlerin terazisi. Hazırlayan: Prof. Dr. Kemal Eraslan. İnceleyen: Prof. Dr. Hamza Zülfikar. Ankara, 1993.

Alī Şīr Nevāyī'nin. «Hālāt-i Pehlevan Muhammad» risālası. Hazırlayan: Kemal Eraslan. Türkiyat Mecmuası XIX' dan ayrı basım. İstanbul – 1980, s. 99–164.

Alī Şīr Nevāyī. Muhākemetü'l-lugateyn. İki dilin muhakemesi. Hazirlayan: F. Sema Barutçu Özönder. Inceleyen: Prof. Dr. Kemal Eraslan. Ankara, 1996.

Günay Alpay. Alīşīr Nevāyi'nin birinci dıvanı, Garāibüş-sığar. Doktora tezi. İstanbul, 1965.

Agāh Sırrı Levend. Ali Şīr Nevāyī. I cilt: Hayatı, sanatı ve kişiligi. Ankara, 1965; II cilt: Dıvanlar (4 Türkçe I Farsça divan), Ankara, 1966; III cilt: Hamse (Hayretü'l-ebrar, Farhad ü Şirin, Leylī vü Mecnūn, Sab'a-i sayyāre, Sadd-i İskandarī). Ankara 1967, IV cilt: Divanlar ile Hamse dışındakı eserler. Ankara, 1968.

А

ААЗЗ [أعز] – энг азиз; азизроқ:

Ҳақдин азизлик тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким халқнинг ааззи деди: «азза ман қанаъ». *Бадойиул-васат*, 221-Т;

~ **и ахбоб** – дўстларнинг, ҳамсуҳбатларнинг энг азизи, муҳтарами:

Агарчи алар ахасси асҳобу ааззи аҳбоб эрдилар, кўп қатла бу иш иртикобиға илтимос ва таклиф қилур эрди... *Ғаройибус-сиғар*, 7-Т.

АБ [أب] – ота:

Дегач абжад бошиға эврулурлар,
Қамар бирла қуёш яъни жад-у аб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т;
Зотида ҳаё била адаб ҳам
Ул навъ ки амму холу аб ҳам. *Лайли ва Мажнун*, 368-Т.

АБАД [أبد] – чексизлик, абад, мангулик:

Зиҳи ниҳоятинг охир келиб абад аввал,
Вале хабар бера олмай бидоятингға азал. *Наводируш-шабоб*, 363-Т;
Ҳаётингиз зулоли абадғача завол касофатидин ори бўлсун. *Муншаот*, 14-196;

~ **нуқтаси** – мангулик белгиси:

Эй сафҳаи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуқтаси тугро. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т;

~ **умри** – туганмас, боқий умр:

Эй Навоий, гар насибингдур абад умри керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса. *Фавойидул-кибар*, 29-Т;

~ **ҳаёти** – туганмас, мангу ҳаёт:

Абад ҳаёти киби васлиға етишкунча,
Фироқ маҳлакаси ичра умр амон бермас. *Бадойиул-васат*, 183-Т.

АБАДИЙ [أبدى] – доимий, мангу:

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал. *Ҳайратул-аброр*, 7-19;
Масти абадий бўлғуси мен янглиғ азалда,
Ҳар ким ки фано дайрида бнр жом сумурди. *Фавойидул-кибар*, 565-Т.

АБАДИЯ [أبديه] – мангу, абадия:

Чун иблисни Одам жиҳатидин лаънати абадияға шойиста бўлиб эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-100.

АБАДИЙЯТ [أبديت] – абадийлик, доимийлик:

...азалийятингга бидоят йўқ ва абадийятингга ҳадду ниҳоят йўқ.
Муножот, 16-293.

АБАС [عبث] – бефойда, бемаъни, бехуда:

Етар бўлса филҳол ўлумдин газанд,
Абас бўлди бас ҳабс-у зиндон-у банд. *Садди Искандарий*, 308-Т.

АБАҒА [اباغه] – амаки; тоға:

Ва булар атонинг ағо инисин абаға дерлар. *Муҳокаматул-луғатайн*. 176-Т.

АББАДАТ [ابدت] – абадий, мангу:
Шоҳ Абулғози мало зулхофиқайн,
Аббадат эҳсонаҳу Султон Ҳусайн. *Лисонут-тайр*, 273-Т.

АБВОБ – [ابواب] – 1. эшиклар, дарвозалар:
Кўнглум ичра яралар чун бутти қўйди доғи ишқ,
Хоқон ул янглиғ ки босқай муҳр абвоб устина. *Наводируш-шабоб*, 563-Т;
2. боблар, бўлимлар, ёзув фасллари:
Ишқ абвобин ёзарга яхши жисмим хомаси,
Хосса ким тиғи фироқинг айлади бошимни шақ. *Наводируш-шабоб*, 309-Т;
Араб тилиннинг сарфий истилоҳининг абвобида бир бобдур ки анга муфоала боби от қўюбтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;
3. хусус, жиҳат; важҳ:
Тузуб иккимиз вахдат асбобини,
Фироз айлали шиддат абвобини. *Садди Искандарий*, 319-Т;
~ **и маони** – маъно боблари, жиҳатлари:
Манга чун етти бу давлат нишони,
Очилди ҳар ён абвоби маони. *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т;
~ **ул-мулук** – шоҳлик йўлланмаларининг йўлбошчиси:
Хоқоне ким абвобул-мулук қиблатул-ҳожот кошиси била қадр меъмори олий даргоҳи китобасин музайян этти. *Вақфия*, 14-241.

АБДОЛ [ابدال] – тоат-ибодат қилувчи(лар), дарвеш(лар); (тасаввуфда **абдол** сўфилик силсиласининг бешинчи даражасидан ўрин олганлар):
Ва Бобо Худойдод ким дерлар ки абдолдин эрмиш... *Мажолисун-нафоис*, 178-Т;
Имом Аҳмади Ҳанбал дебдур ким Заккарийя абдолдиндур.
Насойимул-муҳаббат, 52-Т.

АБДОЛВАШ [ابدالوش] – дарвешсифат; абдолваш:
Сайид Муслимий исфаройинликдур. Абдолваш йигит эрди.
Мажолисун-нафоис, 60-Т.

АБДОН [ابدان] – баданлар, тан, гавда:
Бурудатдин абдон тўла бошлади,
Ҳарорат ўти паст ўла бошлади. *Садди Искандарий*, 286-Т.

АБЁТ [ابيات] – 1. байтлар:
Бу маснавийнинг ниҳоятин подшоҳ дуоси билан хатм қилибдур ва дард-у ҳол аҳли бу абётдин маълум қилурлар ким Паҳлавоннинг табъида не миқдор дард-у ҳол чошниси бор экандур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 109-110-Т;
2. шеърлар:
Қатрахўйлук оразинг васфин Навоий қилғали,
Лутфи табъ абёти назмин дурри макнун қилди ло. *Фавойидул-кибар*, 35-Т;
~ **и адад** – байтлар сони:
Ва бу банданинг даҳи тўрт девонимға ким туркча тил била назм топиб дурур ва абёти адади йигирми беш мингга яқинлашибдур. *Мезонул-авзон*, 12-Т.

АБЖАД [ابجد] – араб алифбосининг махсус тартибда тузилган сираси,
бунда ҳар бир ҳарф маълум бир сон қийматига эга; алифбе:
Агар ҳикматда ул миқдор бўл ким
Ўқусун Бу Али оллингда абжад. *Наводируш-шабоб*, 660-Т.

АБЖАДХОН [ابجدخوان] – мактаб ўқувчиси, мактаб бола:
...олтинчи айвон донишмандидур омий ва нодон ва ҳар толиби илм олинда Уторид ким иккинчи суффа мустаидидур тифли абжадхон. *Вақфия*, 14-259.

АБИД [عبيد] – куллар, бандалар, зангилар:

Ва Яъқуб алайҳис-саломға бу фарзандлар муяссар бўлғандин сўнг кўй ва сойир мавоший ва абиддин кўп жамият ҳосил бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-121.

АБИМУДОР [ابيمدار] – падар, ота чизиғи, доираси:

Не сўзда ки саъйи ошкор килиб,
Чу хасм ўлди абимудор қилиб. *Садди Искандарий*, 218-Т.

АБИР [عبير] – хушбўй модда; анбар:

Марғулаи сунбулунг очайин,
Оламға абиридин сочайин. *Лайли ва Мажнун*, 349-Т;
Сандал-у мушк-у абир-у заъфарон.
Табъи жаҳлидин саросар заъфрон. *Лисонут-тайр*, 34-Т;

~ **и жаннат** – жаннатга мансуб абир, хушбўй ҳид:

Абири жаннат исин айламас писанд ул ким
Муаттар айласа майдин машом мен янглиғ. *Бадайиул-васат*, 230-Т;

~ **и тараб** – завқ, шавқ, шодлик анбари:

Кўнглак аро мушк-у абири тараб,
Кўнглида юз ит ўлуб-у гандараб. *Ҳайратул-аброр*, 7-139.

АБИРАФШОН [عبيرافشان] – хушбўй ҳид таратувчи, абир сочувчи, таратувчи:

Зулфим-у оҳим елидин совурур оламға мушк,
Ё сабо таҳрикидин сунбул абирафшонмудур? *Наводируш-шабоб*, 161-Т.

АБИРСИРИШТ [عبيرسرشت] – абирга йўғрилган, қорилган; энг қоронғи:

Ясабан гул бари абирсиришт,
Базмни қилди гулистони биҳишт. *Сабъаи сайёр*, 10-251;
Ул кеча ким эди абирсиришт,
Қадр аро ғайрати саводи биҳишт. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

АБИҲ [ابيه] – **сирру абиҳ** – отасининг сири:

Одам асрорининг ижмолини қилдинг тафсил,
Мундин эркин ки дединг ал-валаду сирру абиҳ. *Наводируш-шабоб*, 519-Т.

АБКАМ [ابكم] – лол, гунг, соқов:

Навоий айтсун ўз дардини ки дард мени
Қилибтур ул сифат абкам ки айта олмасмен. *Бадойиул-васат*, 368-Т.

АБКАМЛИҚ [ابكم ليق] – соқовлик, гунглик; лол бўлмоқлик; ожизлик:

Не ҳусн-у нутқ эрур, ё Раб ки зоҳир айласанг андин,
Қуёшқа тиралик бўлғай аён Исоға абкамлиқ. *Фавойидул-кибар*, 307-Т.

АБКОР [ابكار] – янги, нозик, латиф, ишлатилмаган сўзлар, фикрлар:

Неча ёшунса хаёл абкорӣ,
Зоҳир ўлғай барининг рухсори. *Фавойидул-кибар*, 674-Т;
...турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоида ким маъно абкориға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар. *Мезонул-авзон*, 11-Т;
...авроқ қиёсидин секиз биҳиштдин намудор эрди ва маоний абкори ғавғосидин ҳур анжум анда ошкор. *Муншаот*, 14-227.

АБЛАҚ [ابلق] – 1. икки рангли, олача; оқ-қора:

Савуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул кўзга келтур юз,
Ки анда аблақ этмишмен мураттаб теграси кундуз. *Наводируш-шабоб*, 203-Т;

2. олача от:

Тер оқизған аблақингдектур сени келгайму деб,
Ҳар сари тушкан кўзум юз минг дурри ғалтон аро. *Бадойиул-васат*, 15-Т;

3. кеча-кундуз:
Ҳар аблақ ки рафтор аро гом олиб,
Замон аблақи кўз етарча қолиб. *Садди Искандарий*, 291-Т;
Ўйла аблақ тунд сурди ким кира олмас қуёш,
Тун била кундин қилиб маркаб анинг майдонида. *Наводируш-шабоб*, 556-Т.

АБЛАҒ [ابلغ] – балоғатлироқ, етукроқ; энг равшан ифодали, энг етук, энг балоғатли:
Китобинг ўзга кутубдин ки бордурур аблағ,
Балоғатингга муносиб Ҳақ айламиш иблоғ. *Наводируш-шабоб*, 294-Т.

АБЛАҲ [ابله] – нодон, калтабин, тентак, аҳмоқ, ақлсиз:
Аблаҳ ани бил ки оламдин бако қилғай тамаъ,
Аҳмоқ ул ким олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ. *Фавойидул-кибар*, 724-Т;
Жунунум манъ қилдинг ул пари ишқида, эй носиҳ,
Киши девона бўлса яхшироқ юз қатла ким аблаҳ. *Фавойидил-кибар*, 508-Т;
~ **и нодон** – ақлсиз, нодон:
Ўзунгга аблаҳи нодонни айлама ҳамроз,
Ки яхши эрмас эшак дағи ҳам сабоқлиққа. *Наводируш-шабоб*, 687-Т.

АБНО [ابنا] – болалар, ўғиллар, фарзандлар, авлод:
Сўфи ибнул-вақтдур гар истасанг осудалиғ,
Эй кўнгул кўп илтифот этма замон абносиға. *Наводируш-шабоб*, 562-Т;
~ **йи ам** – амакибаччалар:
Ул шайх Разийуддин Али Лоло отаси била абнойи ам экандир.
Насойимул-муҳаббат, 419-Т;
~ **йи даврон** – даврон фарзандлари, замондошлар:
Соқиё абнойи даврон жаврининг поёни йўқ,
Ўйла соғар тут ки зойил айлагай ҳуш-у хирад; *Фавойидул-кибар*, 123-Т;
~ **йи даҳр** – замона, давр фарзандлари, дунё аҳли:
Меҳр-у вафо айбидин покдур абнойи даҳр,
Пок назардур ким ул сари назар солмамиш. *Ғаройибус-сиғар*, 218-Т;
~ **йи жинс** – ҳамжинслар, тенгқурлар, ҳамфикр улфатлар:
Сени қилди чун холиқи корсоз,
Ўз абнойи жинсинг аро сарафроз. *Садди Искандарий*, 511-Т;
Андақ ки оз фурсатда жамиъ абнойи жинсин мағлуб қилиб бариға фойиқ ва ғолиб келибдур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;
~ **йи замон** – замона одамлари:
Бир замондур умр азми дашт этиб осуда бўл,
Бўлсанг абнойи замон бедодидин қийналғудек. *Ғаройибус-сиғар*, 267-Т;
Кимса абнойи замондин кўрдиму ҳаргиз вафо,
Ким мен ул хунрез-у ошуби замондин кўргамен. *Фавойидул-кибар*, 461-Т;
~ **йи рўзгор** – бирга кун кечирувчилар, замондошлар:
ва подшоҳи исломнинг фирдавсойин базмида илтифот ва эҳсонға абнойи рўзгордин мумтоз ва мулоимат ва инъомға аҳли замондин сарафроз бўлдунг.
Муншаот, 14-215.

АБО [عبا] – енгсиз уст кийим:
Чу абоға бу навъ бердинг сифот,
Алар таҳтида айладинг уммаҳот. *Садди Искандарий*, 51-Т.

АБОАНЖАД [اباعن جد] – ота-бободан мерос, анъана:
Атонинг хирқа ва сажжодаси абоан жад анга тегибдур.
Насойимул-муҳаббат, 385-Т.

2013/12
A 9736
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

АБОБИЛ [ابابيل] – қалдирғоч; тоғ қуши; узун қанот:
Ул даъвоға ул равшан далилдур асҳоби фил воқиаси била тайри абобилдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-76;
Кўр ки не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тайри абобил ила асҳоби фил. *Ҳайратул-аброр*, 7-32.

АБР [ابر] – булут:
Абр ки ҳар қатра гуҳардур анга,
Гул очилурдин не хабардур анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-171;
~ **и бало** – бало булути, офатли булут, фалокат булути:
Ғам елидин ул навъ ўтум урди алам ким
Юз барқ ясар абри бало ҳар шараримдин. *Ғаройибус-сиғар*, 367-Т;
~ **и баҳор** – баҳор булути, серёмғир булут:
Ҳар дам ул гул ҳажридин ашким бўлур абри баҳор
Кўзларимга ишқи илги кожидан ўт чақилиб. *Наводруш-шабоб*, 53-Т;
~ **и баҳорий** – баҳорги, серёғин булут:
Ҳажрдин абри баҳорий кибидур тира кўзум,
Кўз юмуб очқуча, эй барқи висол, ани ёрут. *Наводируш-шабоб*, 71-Т;
Токи хазон ели зарафшон эрур,
Абри баҳорий гуҳарафшон эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;
~ **и баҳорон** – кўклам булутлари:
Дема қатра ким пояборон дегил,
Дема ел, абри баҳорон дегил. *Садди Искандарий*, 379-Т;
~ **и гуҳарбор** – 1. гавҳар ёғдирувчи булут; булут; саховатли булут:
...салтанат баҳрининг дурри яктоси... саховат ҳавосининг абри гуҳарбори ва шижоат бешасининг ҳунарбар шери шикори адолат чаманининг сарви сарбаланди. *Мажолисун-нафоис*, 202-Т;
~ **и гуҳарсанж** – гавҳар ёғдирувчи булут:
Ғарқи ҳаво абри гуҳарсанждек,
Туфраг ичинда ётибан ганждек. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;
~ **и карам**-карам, саховат булути; нозу неъматга боис булут:
Май ич ки халқ гуноҳин юмаққа абри карам,
Ёғар маҳалда эмас ринд-у порсо малҳуз. *Ғаройибус-сиғар*, 232-Т;
~ **и касофат** – ҳалокат булути:
Тутун янглиғ дами абри касофат
Шарарлар анда ҳар бир барқи офат. *Фарҳод ва Ширин*, 208-Т;
~ **и каф** – қўлининг очиғлиғи, саховати; саховатли булут:
Абри кафи баҳри жавоҳирнисор,
Тиғи бу дарё суйиға жўйбор. *Ҳайратул-аброр*, 7–68;
~ **и кофурбез** – қор ёғдирувчи булут:
Вале мушк уза абри кофурбез,
Жаҳон узра якдаст кофуррез. *Садди Искандарий*, 230-Т;
~ **и кўҳсори** – тоғли жойлар булути:
Чекиб наъра юз урди тоғ сари,
Нечук ким тира абри кўҳсори. *Фарҳод ва Ширин*, 220-Т;
~ **и мутир** – серёғин булут:
Ҳаё гулистонида абри мутир,
Адаб осмонида меҳри мунир. *Садди Искандарий*, 101-Т;
~ **и навбаҳор** – баҳор булути, серёмғир булут:
Юзунг ғамидин эрур абри навбаҳор кўзум,
Не айб ер юзини қилса лолазор кўзум. *Ғаройибус-сиғар*, 337-Т;

~ **и нисон** – нисон булути, баракали булут, серёмғир булут:
Истабан васлинг гулистонин ҳавойи бўлмасам,
Абри нисондек кўзум дурбор бўлғайму эди? *Фавойидул-кибар,* 598-Т;
Чу гулзор уза абри нисон ёғиб,
Дема қатра ким дурри ғалтон ёғиб. *Садди Искандарий,* 381-Т;
~ **и офат** –офат булути:
Ул кўкка дағи етиб касофат,
Бўлғай эди шояд абри офат. *Лайли ва Мажнун,* 163-Т;
~ **и пурбор** – қалин, серёғин булут:
Қаро тупрағ уза ул абри пурбор,
Туруб қилди ўзин ул навъ дурбор. *Фарҳод ва Ширин,* 109-Т;
~ **и раҳмат** – раҳмат ёғинини келтирадиган, баҳраманд қиладиган булут:
Гунаҳ шуъласин чун чекиб ул тамуғ,
Куюб абри раҳмат нечук ким мамуғ. *Садди Искандарий,* 55-Т;
~ **и сероб** – серёғин булут:
Мулк боғин маъмур қилурға абри сероб ва мулк аҳли кўзин ёрутурға меҳри жаҳонтоб... *Маҳбубул-қулуб,* 14-13;
~ **и хиром** – хуш муждали булут; булутдай тезюрар:
Бу қофила аҳлиға ҳарам шавқи тамом,
Жаммозалари пўя била абри хиром. *Ғаройибус-сиғар,* 9-Т;
~ **и шингарфгун** – шингарф, қизил рангли булут:
Боғлади золи чарх ўлуб раъно,
Абри шингарфгун била ҳино. *Сабъаи сайёр,* 10-236;
~ **и эҳсон** – карам, саховатли булут:
Дур сочар эрди абри эҳсони,
Бор эди бир ғариб меҳмони. *Сабъаи сайёр,* 10-239;
~ **и қирмонанд** – қора булут:
Даврон уза абри қирмонанд,
Тун қири юзига қирпайванд. *Лайли ва Мажнун,* 78-Т;
~ **и ғуррон** – момақалдирокли булут:
Наъра била гурд абри ғуррон
Ул абрға барқ тиғи буррон. *Лайли ва Мажнун,* 213-Т;
~ **и ҳасрат** – зарар еткизадиган, армонда қолдирадиган булут:
Абри ҳасрат ёмғури ву тири борони фано,
Кисвати мавт-у ҳалоким турфа тор-у пудидур. *Наводируш-шабоб,* 163-Т.

АБРАС [ابرص] – пес (касали); хасталик, касаллик:
Ҳадиси пок-у нутқи жонфазойиндин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро, агар абрас, агар акмаҳ. *Бадойиул-васат,* 381-Т;
Бир бўлур ҳам ки шаҳ қулаққа солур,
Қиймати мулк абраси амвол, *Муҳокаматул-луғатайн,* 166-Т.

АБРАШ [ابرش] – оқ ва қизил рангли от:
Не абрашдур ки секратмиш яна майдонға ул маҳваш,
Қизил оқ гул била елдин магар халқ ўлди ул абраш. *Ғаройибус-сиғар,* 211-Т;
Оламни агар кўзғабан ўт солса, тонг эрмас,
Ул шўх ки сархуш чиқибан сакратур абраш. *Фавойидул-кибар,* 254-Т.

АБРКАФ [ابركف] – сахийлик, жувонмардлик:
Абркафи баҳри жавоҳирнисор,
Тиғи бу дарё суйиға жўйбор. *Ҳайратул-аброр,* 7-68.

АБРКИРДОР [ابركردار] – булутли, булутга ўхшаш:
...барқвор секирмакдин ўзга абркирдор елмакдин ўзга чора бўлмағусидурур.
Муншаот, 14-148.

АБРОР [ابرار] – азизу пок одоблилар, эзгулар, хайр соҳиблари, софдиллар:
агар ул дарёйи абрордур бу абри баҳордир. *Муҳокаматул-луғатайн*, 183-Т;
Ҳайрати аброр кўруб зотнни
«Ҳайратул-аброр» дедим отини. *Ҳайратул-аброр*, 7-344.

АБРУ [ابرو] – қош; **камон абру** – қоши камондай:
Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон абруда тузлукдин нишоне топмадим. *Ғаройибус-сиғар*, 322-Т.

АБТАР [ابتر] – 1. калта, узилган; чўнток, фарзандсиз:
Истасанг ким бўлмағай ошуфта ву дарҳам дегил,
Қилмасун бизни паришонҳол-у абтар кокулунг. *Бадойиул-васат*, 272-Т;
2. узуқ-юлук, чала, хунук; нуқсонли:
Мени махмурлуғ ранжидин озод этсанг, эй соқий,
Ёзармен гарчи илгим титрамактин келса абтар хат. *Фавойидул-кибар*, 279-Т;
3. арзимас, кераксиз, бекор:
Паришонмен эй оҳ афлокдин,
Бу абтар варақларни барбод қил. *Наводируш-шабоб*, 368-Т;
4. хаста, нотавон; бахтсиз:
Оллоҳ-оллоҳ бўйла офатнинг гирифтори бўлуб,
Найлагай бир мен киби зори заифи абтаре. *Наводируш-шабоб*, 578-Т;
Ул ердин ким жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-19;
5. бефойда:
Ҳар ким ки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса эранларга адаб зевар бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-145;
6. аруз фани атамаси: *Мезонул-авзон*, 16-Т;
~ **бўл-** – чала, нуқсонли бўлмоқ:
Кўрдилар ким бўйла абтар бўлди иш,
Қуръа солмаққа муқаррар бўлди иш. *Лисонут-тайр*, 128-Т;
~ **айла-** – вайрон, хароб, хаста айламоқ:
Мени бу кеча музтар айлабтур,
Зор кўнглумни абтар айлабтур. *Сабъаи сайёр*, 88-ВР.

АБТАРВАШ [ابتروش] – хайрсиз, паришонваш; паришонҳол:
Мавлоно Муҳаммади Хуросоний... лоуболи ва лавандшева абтарваш киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 163-Т.

АБТАРИЙ [ابترى] – абтарга мансуб:
Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи хуморийи абтарий бор эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-19;
~ **йи ўсрук** – маст абтар:
Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдилар ким туна кун девонаи абтарийи ўсрук аларға йўлуқуб кўп беадабона ҳарзалар деб оғзиға келган сафоҳат қилған экандур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-74.

АВТАРЛИҒ [ابترليغ] – нуқсонли; хасталик; нотавонлик:
Ким эрур маҳзи бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғу абтарлиғинг. *Лисонут-тайр*, 66-Т.

АБТАРШЕВА [ابترشیوه] – феъл-атворида номуносиб, номувофиқлиги бор шахс:
Мавлоно Хайрий... девонаваш ва абтаршева кишидур. *Мажолисун-нафоис*, 182-Т.

АБТАҲИЙ [ابطحی] – абтаҳли; кумлоқ ва тошлоқ водийли (Муҳаммад пайғамбарга берилган нисба):
Барчасининг аъзамийу афсаҳи,
Англа ки келмиш набийи Абтаҳий. *Ҳайратул-аброр*, 7-105.

АБУ [ابو] – ота, атоқли отдан олдин келадиган куня:
Амирул-мўъминин Абу Бакри Сиддик... таърифида. *Лисонут-тайр*, 27-Т.

АБУКА [ابوکا] – бобо, ота:
Баҳром бинни баҳром бинни Баҳром. Ато ва Абука отин анга қуйдилар ва лекин ани Шаҳаншоҳ дедилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-228.

АБУШҚА [ابوشقه] – кекса, қари эр:
Гар ўғли фироқи бирла кетти,
Не бўлса абушқасиға етти. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т;
Бир ёндин ўғул ғам-у шиканжи
Бир ёндин абушқа дард-у ранжи. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т;
Мен сағиндим ки андақи эранларга тўрт хатун алмақ раводур, хотунларға тўрт абушқаға тегмак жойиздур. *Насойимул-муҳаббат*, 331-Т.

АБЯЗПЎШ [ابیض پوش] – оқ кийган, оқ тусга кирган, оқарган; **субҳи абязпўш** – ёришган, равшан, оппоқ тонг:
Нафас урғунча субҳи абязпўш,
Бирида йўқ эди нафас бал хуш. *Сабъаи сайёр*, 10-373.

АБҲАРШАМИМ [ابهرشمیم] – хушбўй, уд иси:
Урди нафас нафҳаи анбарнасим,
Етти варақ сафҳаи абҳаршамим. *Ҳайратул-аброр*, 7-82;
Келиб бешадин атри анбарнасим,
Қилиб тира туфрағни абҳаршамим. *Садди Искандарий*, 302-Т.

АВАЛА- [اولمه] – 1. уқаламоқ; силамоқ:
Аҳмад дебдур ки кеча аёғин авалаб эрдим.
Аёғи бир олма чоғлиғ қабариб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 139-Т;
2. қуймоқ (ғишт), гувалак қилмоқ:
Ва Шайх Иброҳим Ожурий ки хишт авалабтур. *Насойимул-муҳаббат*, 4-Т.

АВБАЛИҒ [اوبه لیغ] – Авба (жой номи); авбалик:
Мавлоно Айний. Авбалиғдир. Ҳофиздир ва китобат ҳам қилур. *Мажолисун-нафоис*, 123-Т.

АВБОШ [اوباش] – бадкор, безори, саёқ, бевош:
Соф этинг май дурди сажжодамда ким бордур ҳақир,
Олиб эгним устидин солмаққа авбош остиға. *Бадойиул-васат*, 401-Т;
Эй ки сахо кўйида авбошсен,
Телба-у ўсрук киби зарпошсен. *Ҳайратул-аброр*, 7-150.

АВБОШЛИҚ [اوباشلیق] – безорилик, саёқилик:
Ким эрур ушбу иши қаллошлиқ,
Ринд-у қаландарваш-у авбошлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-260.

АВВАЛ [اوّل] – 1. дастлаб, аввал, илк:
Эй кўнгул андин ки аввал дуд эрур сўнг ўт,
Ишқ аро Фарҳод-у Мажнунға тақаддум қилмадинг. *Фавойидул-кибар*, 334-Т;
3. ибтидо, бош, охирнинг зидди:
Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охир ким
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо. *Бадойиул-васат*, 4-Т;

~ **и жулус** – мажлис маросимнинг бошланиши:
Мухлисона дуодин сўнгра қуллуқ арзадошт ул ким аввали жулусда ким хурше-ди авжи салтанат олам аҳли кўзин ўз партави била баҳраманд қилди.
Муншаот, 14-158;

~ **и иродат** – майлу хоҳиш, ихтиёр, ихлос, эътиқод аввали:
... деди ким аввали иродатимда Ҳазрати Рисолатни туш кўрдум ки ўлтурубдур.
Насойимул-муҳаббат, 103-Т;

~ **и офариниш** – яратилиш боши:
Мавлоно Мирхонд... иншо ва торих фаннида беназирдур. Бу фақир илтимоси била аввали офаринишдин бу кунгача торихи жомиъи битибдур ким нисфиғача етибдур.
Мажолисун-нафоис, 140-Т;

~ **и шом** – кечки пайт, оқшом:
Кўнглум не учун еткач зулфунгға бўлур бехуд,
Маъҳуд эмас элга чун аввали шом уйқу.
Бадойиул-васат, 376-Т;

~ **и ҳол** – дастлаб, даставвал:
Мавлоно Муҳаммади Бадахший... аввали ҳолида андин чиқиб таҳсил учун Самарқандға борди.
Мажолисун-нафоис, 143-Т.

АВВАЛАН [اوّلاً] – биринчидан; дастлаб, бошдан, дастлабки вақтда:
Агарчи аввалан Ануширавон қавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гуноҳға кўп сиёсат қилир жиҳатдин эл андин мутаваҳҳим бўлдилар ва мужиби тана-ффур бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 16-245.

АВВАЛИЙЯТ [اولیت] – илгарилик, азалийлик:
Аввалғи муножот Ҳақнинг аввалийятида ким хирад анга соний билмас.
Ҳайратул-аброр, 7-18.

АВВАЛИН [اولین] – олдинги; аввалги:
Шайхул-ислом дебдур ки тонгла карам шодурвонин андақ ёйғай ки аввалин-у охириннинг гуноҳи анда гум бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 177-Т.

АВВАЛО [اوّلاً] – биринчидан; олдиндан, бошдан:
Жафо биносини бузғил недин ки муҳдас эрур,
Хилофи шаръ бино қилдинг аввало иҳдос.
Фавойидул-кибар, 92-Т.

АВВАЛҒИ/АВВАЛҚИ [اوّلغی / اوّلقی] – биринчи, дастлабки, аввалги; юқори:
Шайхи гўё келди ул аввалғи тайр,
Ким наво ичра келиб умрида сайр.
Лисонут-тайр, 255-Т;
Зуннуни Мисрий... аввалқи табақадиндур.
Насойимул-муҳаббат, 17-Т;
Кўнглум ичра дард-у ғам аввалғиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалғиларға ўхшамас.
Наводируш-шабоб, 238-Т;
Самуд фолин кўруб анжумдин аввалқи учи мезон,
Чу амринг чарх золин айлабан маккораи қадхам.
Фавойидул-кибар, 382-Т.

АВВАЛҒИЧА [اوّلغیچه] – аввалгидай:
Ҳам ёман худ кўрунмагай лекин
Лутфи аввалғича эмас мумкин.
Сабъаи сайёр, 10-35.

АВВОН [عوان] – ситамгар, золим, безори:
Не бўлғусидур аҳли тажоҳул қадри,
Ё зумраи аввон-у такосул қадри.
Назмул-жавоҳир, 15-165;
Киши фарзо аввон-у золим ўлса,
Валекин нуктадон-у олим ўлса.
Фарҳод ва Ширин, 497-Т.

АВД [عود] – қайтиш; такрорланиш; **~айла-/эт-/қил-** – қайтмоқ, такрорланмоқ:
Топқач не ки Ҳақдин истаб ани,
Авд айлади моҳи осмони.
Лайли ва Мажнун, 53-Т;

Булар қилмайин авд побўс этиб
Ки бир ўзга хайли малойик етиб. *Садди Искандарий*, 68-Т;
Қилиб авд майли ватан айласанг,
Ичиб бода азми чаман айласанг. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т;
Лекин бу сўз эрди қилу қоли,
Ким сайрда авд этиб малоли. *Лайли ва Мажнун*, 174-Т.

АВДАТ [اودت] – жўнаш; қайтиш; **қил-** – қайтмоқ, жўнамоқ:
Ва бу барчадин сўнгра Нишапурға авдат қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 229-Т.

АВЖ [اوج] – 1. баланд; юқори; юксак:
То ки бир кун тушти дарё узра мавж,
Кемага ер гаҳ ҳазизу гоҳ авж. *Лисонут-тайр*, 84-Т;
Аён бўлмайин баҳри зотингға мавж,
Анинг мавжиға не ҳазиз-у не авж. *Садди Искандарий*, 47-Т;

2. бирон нарсанинг энг юқори нуқтаси, юксак даража, чўққи:
Не ой даври чатри фалак фарсойингча,
Не кўк авжи хоки кафи пойингча. *Муншаот*, 14-173;

3. энг баланд чўққи, нуқта; зенит:
Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж. *Лайли ва Мажнун*, 303-Т;

~ **и гардун** – фалакнинг энг юқори нуқтаси:
Авжи гардун хоки роҳ ўлди анга,
Боғи жаннат жилвагоҳ ўлди анга. *Лисонут-тайр*, 140-Т;

~ **и моҳ** – моҳлар юксаги; ойнинг осмондаги энг юқори нуқтаси:
Бергил анга авжи моҳдин то моҳи
Бил ким не ки бор эрса анинг дилхоҳи. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т;

~ **и муқарнас** – осмон, кўк гумбази:
Бўлуб сақф ўрниға авжи мукарнас,
Бисоти узра ёйди чархи атлас. *Фарҳод ва Ширин*, 110-Т;

~ **и рифъат** – юқори мартаба, юксак даража:
Юз эллик қари авжи рифъат анга,
Яна мунча дағи захомат анга. *Садди Искандарий*, 243-Т;
Наклдур ким авжи рифъат кавкаби
Миҳтари аъзам Сулаймони наби. *Лисонут-тайр*, 162-Т;

~ **и салтанат** – салтанатнинг энг юқори поғонаси:
Бириси тахти маъдалат шоҳи,
Бириси авжи салтанат моҳи. *Сабъаи сайёр*, 10-Т;

~ **и сипеҳр** – осмон чўққисининг энг юксак ўрни:
Ҳам авжи сипеҳр тахтгоҳинг,
Ҳам нуқтаи меҳр хоки роҳинг. *Муншаот*, 14-176;

~ **и хуршид** – қуёшнинг энг юқори чўққиси:
Авжи хуршид мақом ўлсун анга,
Жоми Жамшид мудом ўлсун анга. *Фавойидул-кибар*, 696-Т;

~ **и шараф** – улуғлик мартабаси, буюкликнинг юқорн чўққиси:
Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатға саҳоб ўлди ҳаё. *Назмул-жавоҳир*, 15-145;

~ **и ҳаёт** – айни ҳаёт чўққиси:
То танинг авжи ҳаёт устидадур сен хок бўл,
Истасанг ким авж туткай сен танинг бўлғанда хок. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;

~ **и ҳарам** – энг муқаддас макон; Каъба:
Кўйининг девори устумга йиқилса яхширақ,
Андин айру жилвагоҳим бўлғуча авжи ҳарам. *Фавойидул-кибар*, 388-Т;
~ **и ҳашмат** – шуҳрат авжи, шуҳратнинг энг юқори нуқтаси:
Неча авжи ҳашмат уза фош сен,
Манга нисбат ичра қариндош сен. *Садди Искандарий*, 511-Т;
~ **и ҳақиқат** – ҳақиқат осмони; ҳақиқатнинг юқори даражаси:
Нафс-у ҳаво девига бермакка тоб,
Авжи ҳақиқат фалакида шиҳоб. *Ҳайратул-аброр*, 136-2;
~ **оҳангини қил-** – баланд осмон чўққисига таратмоқ; интилмоқ:
Қуёш чун қилиб авж оҳангини
Ёрутти яна чарх аврангини. *Садди Искандарий*, 135-Т;
бер- – юқори даражага, юксак мартабага етказмоқ; энг юқори ютуқларга эриштирмоқ:
Рух ул нурдурур ким Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматқа қолиб қилмиш анга поя хубут. *Фавойидул-кибар*, 276-Т;
~ **ол-** – кучаймоқ, зўраймоқ:
Ишқдин куйди танимда ҳар чурук бўлған сўнгак,
Ким кўрубтур мундақ авж олмақ чақин хошокдин. *Наводируш-шабоб*, 466-Т;
~ **тила-** – юқори мартаба ва юксак ўринга интилмоқ, майл этмоқ:
Туз бўл ўқтек гар тиларсен авж ё ким эгридур,
Давр ҳар бир гўшадин бўғзиға солибтур кериш. *Ғаройибус-сиғар*, 214-Т;
~ **топ-** – юксак ўрин олмоқ, юқори даража ва мартабага етмоқ:
Рух исён туфрағидин авж топмас ўйла ким
Бир малак журм айлабан олий маконидин тушуб. *Бадойиул-васат*, 39-Т;
~ **тут-** – кучаймоқ, кўпаймоқ:
Баҳри ғуфронингға тушкан чоғда мавж
Журм арир ҳар неча тутқан бўлса авж. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
Авж тутуб шуълаи жабборлиқ,
Мавж уруб лужжаи қаҳҳорлиқ, *Ҳайратул-аброр*, 7-28;
~ **и камол топ-** – камолот чўққисига эришмоқ:
Неча меҳрдек топти авжи камол
Фалак давридин топти охир завол. *Тарихи мулуки ажам*, 16-228.

АВЗАҲ [أوضح] – энг равшан; равшанроқ энг очиқ:
Султон Ҳусайн... ва авзаҳ алал оламин. *Лайли ва Мажнун*, 73-Т.

АВЗОН [أوزان] – 1. вазнлар; аруз вазнлари:
Аммо маълум бўлсун ким аруз фанида назм авзони усулининг биносин уч рукнга қўюбтурлар. *Мезонул-авзон*, 13-Т;
2. музикадаги ўлчов:
Яна турк улуси батахсис чиғатой халқи аро шойиъ авзон ким алар сурудларин ул вазнлар била ясаб мажолисда айтурлар, бириси туйуғдур ким икки байтқа мукаррардур. *Мезонул-авзон*, 58-Т.

АВЗОЪ [أوضاع] – тавр, ҳолат; аҳвол; шароит:
Халал йўл берма ишрат васфиға ву тут ғанимат ким
Дамодам даҳр авзоъин кўрармен ихтилол ичра. *Бадойиул-васат*, 415-Т;
Ўз авзоъиға боқса сарто ба қадам,
Топар айласа яхши андеша ҳам. *Садди Искандарий*, 399-Т.

АВЛИ/АВЛО [اولى] – сазоворроқ, яхшироқ, афзалроқ, энг афзал:

Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса авло дурур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-125;
Ансаб анга луқма ки ул оч эрур,
Авли анга тўн ки ялонғоч эрур. *Ҳайратул-аброр*, 27-ВР;
Чун мени Мажнун шажар яфрағидин килдим либос,
Авло улдур ким гиёҳдин эмди дастор айласам. *Наводируш-шабоб*, 404-Т;
Кўнглига заъф бўлди муставло,
Деди: ё Раб не қилғаним авло? *Сабъаи сайёр*, 40-271;
Чун улар водийи ҳижрон йўлида,
Берса авло жонни жонон йўлида. *Лисонут-тайр*, 42-Т.

АВЛИЁ [اولياء] – валилар, каромат соҳиби бўлганлар, мукаддас, азиз одамлар; Ҳақ дўстлари:

Ҳар не ким айтур ўлса Худо-у Расулдин,
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи. *Маҳбубул-қулуб*, 14-23;
Бу навъ каромат авлиёнинг комидин воқеъ бўлмиш бўлғай ким ўттуз йил ортуғракдин сўнгра натижа зоҳир бўлмиш бўлғай.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-76;
Мунаввар ҳазираси авлиё ва атқиёнинг чилла ўлтурур хилватлари мавзиъидадур. *Насойимул-муҳаббат*, 338-Т;

~ **и изом** – улуғ мартабали авлиёлар:
Уламои исломға алардин фойдани умид авлиёи изом алар анфосидин мустафид анбиёйи мурсалинни аларга модиҳ билгил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-44;

~ **и кибар** – буюк авлиёлар:
ва авлиёйи кибар ва машойихи олий миқдор... *Муҳокаматул-луғатайн*, 167-Т;

~ **и киром** – карим авлиёлар:
Ва ўзларидин тўрт беш юз йил мобайнида зуҳур қилған машойихи изом ва авлиёйи киром зикри худ ул кутубда йўқтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-49.

АВЛИЁУЛЛОҲ [اولياء الله] – Худога якин кишилар:

Яна машойих ва аимма ва авлиёуллоҳдин ҳам кўп азимушшон элнинг назми, балки девони ва маснавий тариқи била китоблари бор. *Мезонул-авзон*, 13-Т;
Чун «Насойимул-муҳаббат» нафаҳоти баёнидин килким файзрасон бўлубтур авлиёуллоҳ муқаддас руҳи файзидин олам тўлубтур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т.

АВЛОД [اولاد] – фарзандлар, насл; сулола:

Искандар чун Эрон мулки била форсни фатҳ қилди, бу мамоликни билган салотин ва авлодин йиғди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-218;
Ва уч тил ки турки ва форсий ва ҳинди бўлғай, бу учавнинг авлоду атбоъи аросида шойи бўлди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;
Ва ҳоло ул ер икки азизнинг авлоду атбоъи тасаррруфидадур ва машҳур ва мукаррар ердур. *Насойимул-муҳаббат*, 337-Т;

~ **и одам** – одам авлоди:
ва сойир авлоди одамға азо воқиъ бўлди ва лекин соҳибазо бу ношоди таъзиятшиор эрдим. *Ҳамсатул – мутаҳаййирин*, 15-8.

АВЛОДЛИҒ [اولادليغ] – фарзандлик, туғишганлик, қариндошлик:

Ва мавлонойи мазкурнинг кутуб байъ-у широсига ҳам муносабати ҳам ҳазрати хожаға авлодлиғ нисбати бор. *Хамсатул мутаҳаййирин*, 15-15.

АВЛОДМОНАНД [اولادمانند] – ўғилдай, фарзанддай, туғишгандай, қариндошдай:

... балки ходим-у шогирдкирдор ва бу фақирнинг фарзанди аржуманд кўрмагим ва риоятингни авлодмонанд... *Муншаот*, 14-216.

АВН [عون] – ёрдам, мадад, кўмак, нажод:
Яна Ардашер бини Ҳурмузға кавн
Етишти чу ул Тангридин топти авн. *Садди Искандарий*, 112-Т.

АВОИЛ [اوائل] – авваллари, ибтидо; дастлабки:
Авоилда ғани эрди элга ярмақ судға берур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 13-Т;
Бари кичик ёшидин шабоб аҳдининг авоилиғача ким Жом вилоятида эрмишлар аларға фойда еткурур киши оз топилған жиҳатидин.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-11;
Бу хоксорға сибо авоилида ким оғиз ҳуққасидин бирар гавҳар зоҳир бўла бошлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;

~ **и сулук** – аввалги, дастлабки дарвишлик ҳаёт йўли; тариқат аввали, ибтидоси:
... Авоили сулукда ҳар кеча алар бир чоҳдин бош тубан осар эрмишлар.
Насойимул-муҳаббат, 10-Т;

~ **и ҳол** – аввалари:
Шайхул-ислом авоили ҳолда анинг зиёратиға кўп борур эрмиш,
Насойимул-муҳаббат, 219-Т.

АВОМ [عوام] – омма, халқ:
Ки ҳужжат муносибдурур ўтса шом,
Ки топқай сукун уйқу бирла авом. *Садди Искандарий*, 236-Т;
Авом зоҳиридек қилмағанға зоҳирини,
Муяссар ўлмади ботин иши нечук ки хавос. *Наводируш-шабоб*, 271-Т;

~ **арозили** – пастҳиммат авом:
Йўқ ким харобот дурднўшлари балки муножот хирқапўшлари ва демай ким авом арозили, балки хавос афозилининг тилларига жорий ва кўнгулларига корий тушар. *Ғаройибус-сиғар*, 6-Т;

~ **и анжуман** – омма мажлиси, йиғини:
Бани одам ашроф ва ҳаввоси хилватларида хусусан ва аҳли олам сойир авоми анжуманларида... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-9.

АВОМИР [اوامر] – амрлар, буйруқлар:
Нечук ким Борий таоло авомир-у навоҳисининг тамшияти.
Назмул-жавоҳир, 15-131.

АВОМУННОС [عوام الناس] – халқ оммаси, умум халқ:
Жамеъ авомунноси уҳдасидин чиқмақ мушкулдир. *Муншаот*, 14-154;
Аввалғи қисм авом ишқидур ки авомуннос аросида бу машҳур ва шоеъдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-67.

АВОН I [عوان] – уй бекаси, жувон:
Накди жон истаб мени қийнаса кофир кўзунг,
Неткамен бермай ким ул турк эмастур авон. *Наводируш-шабоб*, 444-Т;
Арғувоний тўн била қатл айламас ул сарв ким
Қон ила қилмиш либосин арғувоний бир авон. *Ғаройибус-сиғар*, 346-Т.

АВОН II [اوان] – вақт, фурсат, чоғ, замон, ёшлик:
Шод эдим ҳусн аҳли онидин қани ул аҳли ҳусн,
Эй кўнгул мен ғофил-у эрмиш ғанимат ул авон. *Бадойиул-васат*, 367-Т;
...ҳукм сурар замонида ва ҳар қайсининг мартабаси таъйин қилур авонида умидим улдур ва ҳаёлимға андақ келур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т.

АВОНИ [اوانى] – идиш, кўза:
Яна яшмдин минг авони ву зарф
Латофат аро бир-биридин шигарф. *Садди Искандарий*, 354-Т;

~ **йи сиймин-у зар** – кумуш, олтиндан ясалган идиш, кўза:
Авонийи сиймин-у заррин зуруф,
Ки ожиз бўлуб элга андин вукуф. *Садди Искандарий*, 250-Т.

АВОРИЗ [عوارض] – ҳодисалар, турли тасодифлар:

Хожа Хурд... мунча машоғил ва авориз била чун лутфи табъи ғолибдур, назм-у иншо ва торих ва муаммо фунунида ҳам иштиғол кўргузур.

Мажолисун-нафоис, 178-Т.

АВОСИТ [اواسط] – 1. ўрта(лар), давр ўрта(лар)и, ўрта замон:

Шоҳруҳ Султон замони авоситидин Султон Абусаид замонининг авоилиғача шаҳрда сокин эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-14;

Учунчи девон ким умр авоситида вокеъ бўлған бадиъ нукотдур «Бадойиул-васат»қа мавсум бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-70;

2. ўртадагилар:

Булардин авосит ародур асад,
Ки нуқсонлари фош ўлур беадад. *Садди Искандарий*, 168-Т.

АВОХИР [اواخر] – бирон даврнинг охирлари, кейинги пайтлар:

Яна «Фавойидул-кибар» девонидур ким ҳаёт авохирида тахайюлум хомаси ани рашки нигорхонаи Чин ва гайрати хулди барин қилибдур ким анда улуғларға фойидалар зулолин еткурубмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т.

АВР [عور] – яланғоч; ~ **ўл-** – яланғоч бўлмоқ:

Авр ўлуб гулхан этти кошона,
Қул аро ўзни қилди девона. *Сабъаи сайёр*, 10-171.

АВРАНГ [اورنگ] – 1. тахт:

То шаҳимға маснади давлат ҳисор аврангидур,
Ҳам манга ву ҳам фиғонимға ҳисор оҳангидур. *Фавойидул-кибар*, 162-Т;

Мусаллам анга эрди аврангу тож,
Ки боғишлади етти йиллиқ хирож. *Садди Искандарий*, 106-Т;

Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,
Иккига тож ила авранг қани? *Фавойидул-кибар*, 658-Т;

2. шараф, гўзаллик:

Ҳусн мулкида шаҳ ул юз чатри мушкин бўлди қош,
Не ажаб бўлса зумурраддин анга авранг хат. *Наводируш-шабоб*, 281-Т;

3. ақл; шавкат; тахт:

Ҳар ким ки мақоми умр авранги эмиш,
Ғафлат майининг ҳамиша дилтанги эмиш. *Назмул-жавоҳир*, 15-174.

АВРАТ [عورت] – аврат; шармгоҳ:

Не манъи нола ғавғосиға анинг,
Не сатри аврат аъзосиға анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 84-Т.

АВРОД [اوراد] – вирдлар, дуолар:

Ғафлатдин авродида алоло нечук ким мастлар базмида «дирно талоло». *Маҳбубул-қулуб*, 14-44;

Дайр пири ўзлукум қайдин кетарди вах не тонг,
Гар дуоси ҳар сабуҳи вақти авродимда бор. *Фавойидул-кибар*, 193-Т;

Неча шайхи хонақах авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олиб дайри фано сари кетай. *Фавойидул-кибар*, 637-Т.

АВРОДЛИҒ [اورادلیغ] – дуогўйлик, дуолик; вирдлик:

Софий авқотлиғ ва авродлиғ киши эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 394-Т.

АВРОҚ [اوراق] – 1. варақлар, саҳифалар:

Китоб авроқидек бўлғай мусаттаҳ қолмайин даври,
Ғамим тошиға бўлса бир нафас тўккуз фалак ҳойил. *Ғаройибус-сиғар*, 291-Т;

Оз фурсатда бу рукъалар жамъ бўлуб ва номалар йиғилиб эрди ким бу аврок зимнида сабт бўлди. *Муншаот*, 14-134;

2. барглар, япроқлар:
Яхши очилмиш баҳоринг гуллари, эй боғбон,
Ғам хазони хуштур авроқини барбод этмаса. *Ғаройибус-сиғар*, 431-Т;
Қилиб зарҳал хазон наққоши тартиб,
Қилурға боғ авроқини тазҳиб. *Муншаот*, 14-139;
3. бўлаклар, парчалар, қисмлар:
Уйқуни оҳим ели кўздин учурди бу кеча,
Ақл-у ҳис авроқ-у ажзосин совурди бу кеча. *Фавойидул-кибар*, 522-Т;
Жон пардаларидин анда аврок,
Жондин бериб ул варақни ушшоқ. *Лайли ва Мажнун*, 374-Т;
4. қоғозлар, ҳужжатлар; йўл харитаси:
Тенгизда равон қилған асбоқинн,
Чекилган масоҳатнинг авроқини. *Садди Искандарий*, 459-Т;
5. ёзилган нарсалар, ёзувлар (шеър, рисола ва ш. к.), китоблар:
Ва икки мураттаб бўлган девонлардин янги айтилган абёт адади аксар ва... хотирға келур эрди ким агар бу авроққа рабт-у тартиб берилмаса... *Ғаройибус-сиғар*, 3-11-12;
6. бирор нарса мажмуаси, йиғиндиси:
Сикандарни доноға топшурди чуст,
Ки донишнинг авроқин эткай дуруст. *Садди Искандарий*, 118-Т;
7. либос:
Қушдек ўлуб сайр муяссар анга,
Эгнида авроқи бўлуб пар анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-215;
8. варақлар:
Кўрмаган бўлса юзунг масҳафини тифли чаман,
Нега гул дафтари авроқини барбод берур. *Фавойидул-кибар*, 172-Т;

~ **и сим** – нуқра, кумуш варақлар; тонг ёришиши, қуёш нурлари:
Таъаний била жунбиш айлаб насим,
Ёйиб мушк зимнида авроқи сим. *Садди Искандарий*, 62-Т;

~ **и ҳижрон** – ҳижрон варақлари:
Ишқ авроқида эй ким ўқудунг юз минг бало,
Юз туман анча эрур авроқи ҳижронимда сабт. *Бадойиул-васат*, 60-Т.

АВРОҚЛИҚ/АВРОҚЛИҒ [اوراقلیغ/اوراقلیق] – 1. варақлиқ; саҳифага оид:
...ва қайси ҳуруфка ружуъ қилмоқ саҳифаи рухсорға мужиби оқлиқ дурур ва роқимға сафид авроқлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-223;
2. китобли, асарли:
Софий авқотлиғ ва авроқлиғ киши эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 394-Т.

АВСАТ [اوسط] – ўрта, марказ, ўртаси:
Авсатлари ким ҳеч нимага ярамас,
Бил ким нафас урмамақ алардин авло. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27;
Яна «Бадойиул-васат» девонидур ким умр авсатида хаёлим хомаси анинг зебиға нақшбандлиғ ва зийнатиға сеҳрпайвандлиғ қилибдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 180-Т;

~ **сўз** – қисқа сўз; ихчам сўз:
ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатшиор ва булағойи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидур ким зоҳир юзидин саноиъ ойин ва бадоиъ тазйин воқиъ бўлубтур. *Назмул-жавоҳир*, 15-126.

АВСАТУН-НОС [اوسط الناس] – ўрта табақадан бўлган кишилар:
Мавлоно Баннойи авсотун-носдиндур. *Мажолисун-нафоис*, 80-Т.

АВСАЪ [اوسع] – кенгроқ:

Андин аълодур жаноб ул шоҳға,
Андақ авсаъ фусҳат ул даргоҳға. *Лисонут-тайр*, 40-Т;
Тушар кўнглумга ул юз партави кўксум шикофидин,
Бу равзанни не бўлди қилсанг эй тиғи қазо, авсаъ. *Ғаройибус-сиғар*, 236-Т.

АВСОФ [اوصاف] – васфлар, сифатлар, мақтовлар, таърифлар:

Номасин қуш кетуруб сайраса авсофида кўп,
Йўқ ажаб чунки бўлур аҳли рисолат лаффоз. *Фавойидул-кибар*, 282-Т;

~ **и иншо** – васфлар, таърифлар услуби:

Чун маълум бўлди ким мундақ шоҳи фалаксарир ким сипеҳр муншиси анинг авсофи иншойи била гардун авроқи ложувардисин мушкин қилса...
Назмун-жавоҳир, 15-131;

~ **и ҳамида** – эзгуликлар, мақтовли сифатлар мадҳияси:

... ва яна жаҳон ибтидосиғача анинг авсофи ҳамидаси киби ҳаётидин халойиқ коми моломол бўлғай. *Вақфия*, 14-265;

~ **и ҳилм** – тоқат, бардош, юмшоқлик, ҳалимлик сифатларининг мақтови:

Ки эй ғусса ошомида кофи ҳилм,
Сенинг зотингға содиқ авсофи ҳилм. *Садди Искандарий*, 493-Т.

АВТОД I [اوتاد] – чор авлиё; олам бўйича сараланган тўрт нафар валий:

Каъбада автод ила ақтоб аро.
Ўйла эрди ким Наби асҳоб аро. *Лисонут-тайр*, 93-Т.

АВТОД II [اوتاد] – аруз рукни:

...не асбобдин... ва не автоддин андақ ким байт. *Мезонул-авзон*, 14-Т.

АВТОН [اوطان] – ўрин, макон; ватанлар:

...лутф ва эҳсон автонида фориғулбол бўлғайлар. *Вақфия*, 14-240.

АВТОР [اوتار] – торлар; чалғу торлари; камон, ёй ипи:

Навоий бўлмайин зор-у заиф ўлмас наво топмақ,
Бу эрмиш пири чанг авторидин дайр ичра талқинлар. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;

~ **и чанг** – чанг торлари:

Чанг уни бирла май ич кўргузди чун қавси кузаҳ,
Давр ила андоми чанг-у лавн ила автори чанг. *Бадойиул-васат*, 259-Т.

АВФО [اوفا] – энг вафоли, жонга яқин:

Тахти остида фарши-ав-адно,
Тожи устида дурри мо авфо. *Вақфия*, 14-235.

АВҚОР [اوقار] – улуғвор виқорлик:

... бир авқори виқор ва баҳолиғ киши кирди. *Насойимул-муҳаббат*, 347-Т.

АВҚОТ [اوقات] – 1. вақтлар, дамлар, чоғлар, пайтлар:

Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди.
Ҳолоти *Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-91;

Базм ичра демай ки барча авқот,
Махлуқ анга лутфи маҳздин зот. *Лайли ва Мажнун*, 368-Т;

2. умр, ҳаёт; замон:

умр кечириш, вақт ўтказиш:

Бири деб ким важду ҳолотинг қани,
Зуҳд ила покиза авқотинг қани? *Лисонут-тайр*, 104-Т;
Иши йиғлайу узри мофот эди,
Анга тонгғача бўйла авқот эди. *Садди Искандарий*, 135-Т;

Микнат аҳлидин баъзи анга мухлис ва мурид эрдилар.
Ва аврод-у авқоти дарвишона эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 405-Т;

~ **сур-** – ҳаёт кечирмоқ, умр ўтказмоқ:
Ки тилармен ки улча бўлса ҳаёт,
Ушбу даргоҳда сургамен авқот. *Сабъаи сайёр*, 10-344.

АВҚОТЛИҒ [اوقاتليغ] – умрли; вақт кечириш:
Хонақоҳ ва муридлари бор эрди, покиза авқотлиғ бийик мақомотлиғ бузург эди. *Насойимул-муҳаббат*, 404-Т;
Ким ила бўлса тира авқотлиғи,
Бор лозими умр тулининг ётлиғи. *Назмул-жавоҳир*, 15-165.

АВҚОФ [اوقاف] – вақфлар; вақф мулклари:
Ҳам авқофни садри амлок этиб,
Вале кўпракин май учун ток этиб. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т;
Яна ул ким судурға ҳукм бўлса ким вилоят авкофидин хабардор бўлсалар бузулғанин тузатсалар мутағаллиба илгида бўлса чиқариб ҳосилин масрифиға еткурсалар. *Муншаот*, 14-188;
Бекка бу ҳол зоҳир бўлғач мурид бўлуб лангар ясаб кўп авкоф қилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 385-Т;

АВҲОМ [اوهام] – ваҳмлар, хаёллар; ўйлар, туйғулар:
Ким ки ул ваҳм-у хаёли аро зотингни кивурди,
Қилмади ғайри хаёлот ила авҳом таманно. *Фавойидул-кибар*, 9-Т.

АГАР [اگر] – 1. агар, борди-ю:
Агар ёман, агар яхши кимса йўқ озод,
Недин ки буйруғи яхши ёмангадур нофиз. *Наводируш-шабоб*, 129-Т;
Кўнгли киши хушлуғидин хуш керак,
Нохуш агар бўлса мушавваш керак. *Ҳайратул-аброр*, 17-240;
2. гарчи, ...са ҳам, ...са-да:
Йўлунгға нисор ашким агар оз эрур гар кўп,
Итингга ғизо кўнглум агар бор агар йўқтур. *Наводируш-шабоб*, 166-Т;
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси. *Ғаройибус-сиғар*, 520-Т;
3. хоҳ..., ё..., ёки...:
Навоий севди бир лўълини кездик рубъи маскунда,
Агар арлат, агар барлас, агар турфон, агар сулдуз. *Наводируш-шабоб*, 203-Т;
Сипехрдин не шикоят эрур чу қисми азал,
Агар вафо етишур гар бўлуб жафо ҳодис. *Наводируш-шабоб*, 90-Т;

~ **ҳам** – агарда, яна, агар:
Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг
Бағрини куйдургали оҳи жигарсўзе керак. *Ғаройибус-сиғар*, 265-Т;

~ **худ** – эса-да; агар ..., гарчи:
Сенинг кибриёнг остонида яксон,
Агар худ салотин-у гар худ раоё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т.

АГАРЧИ [اگرچی] – 1- гарчи, ҳарчандки:
Агар бир дам унутсам ани Ҳақдин истарам ўлмак,
Агарчи ўлдурур ҳар дам мени бедилни ёди ҳам. *Фавойидул-кибар*, 418-Т;
Ул агарчи бўлса дарвешу гадо,
Тенгрининг амрини хуб айлар адо. *Лисонут-тайр*, 146-Т;
Агарчи туркча назмлар ҳам айтур эрди ки барчаға қабул эрди. *Мажолисун-нафоис*, 195-Т;

2. шундай бўлганда ҳам:
Ки агарчи юзи зебдин эрди фард,
Ниёз оҳидин лек топти навард, *Садди Искандарий*, 81-Т;
Одамиға агарчи воқиъ эрур,
Қариған сари барча ишда халал. *Арбаин*, 16-263.

АДАБ [ادب] – 1. одоб, хуш хулқ, гўзал ахлоқ; зарофат:
Ҳаё ву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзим-у ҳурматни фош. *Маҳбубул-қулуб*, 14-110;
2. шарм, ҳаё; таълим:
Есун итинг жигаримни узуб узуб нега ким
Кесиб кесиб қошиға ташламағил эрмас адаб. *Наводируш-шабоб*, 46-Т;
3. илму дониш, билим, фазлу камол; ахлоқ қоидалари:
Булуғ ҳаддиға еткандин сўнгра салтанат гавҳари ўз ишин қилиб козурлуқ ишин макруҳ тутуб илм-у фазл ва адаб касбин қилиб... *Тарихи мулуки ажам*, 16-212;
То илм-у адабни ком қилдинг,
Мактаб тарафи хиром қилдинг. *Лайли ва Мажнун*, 266-Т;
Олтун кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар йўқтур адаб не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушрақ эрур олтунидин. *Назмул-жавоҳир*, 15-137;
4. танбеҳ, тарбия, таъзир:
Адаб сиёсати чекти кўзумга мужгондин,
Синон ки баҳра далирона қолмағай андин. *Наводируш-шабоб*, 494-Т;
Ул девона безътидолликлар қилса эрди анга таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладим ким анга адаб буюрғаймен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-19;

~ **аҳли** – хушодоблилар; донишманд кишилар, адиблар:
Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан жавоҳир бу маҳсулни жамъ этар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-59;

~ **биноси** – одоб ва ахлоқ чегараси, пардаси; асоси:
...ва адаб биносин йиқма ва ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-109;

~ **расми** – одоб-ахлоқ қоидаси, тартиби:
Гаҳи бехудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда. *Ғаройибус-сиғар*, 49-Т;

~ **қил-** – 1. тарбия бермоқ, адаб ўргатмоқ:
Хайлингға адаб қилиб асиғ еткургил. *Назмул-жавоҳир*, 15-137;
Бу иш била ани адаб қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 104-Т;
2. жазо бермоқ, жазоламоқ; огоҳлантирмоқ:
Қадингға сарв бош индурмамиш эмас акси,
Ки даҳр адаб қилур ани солиб сув ичра нигун. *Ғайройибус-сиғар*, 381-Т;
Санга тақлид қилмиш гул ки осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига ани турғузуб гардун адаб қилмиш. *Бадойиул-васат*, 196-Т;

~ **бўл-** – топмоқ; ~ қил- – адаб сақламоқ:
Топтинг чу аёл яхшилиқ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса қатиғ еткургил,
Хайлингға адаб қилиб асиғ еткургил. *Назмул-жавоҳир*, 15-137.

АДАБЛИҒ/АДАБЛИК [ادبليغ / ادبليق] – адабли:
Мавлоно хушёрлиғда бас одамийваш ҳаё ва адаблиғ йигитдур. *Мажолисун-навоис*, 79-Т;
Меҳмон ки адаблиқ бўлғай мунтазир бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 25-Т.

АДАБСИЗ [ادب سيز] – ҳурматсиз, беадаб:

Қадам қўйма адабсиз бу хазон кўрган чаман ичра,
Ки бир гул ранг юзининг сафҳасидур ҳар сариғ яфрағ. *Наводируш-шабоб*, 296-Т;
Ва ўз ўзи била дер эрди ки эй адабсиз, биравни таъзим қилмас сен...
Насойимул-муҳаббат, 321-Т.

АДАБСИЗЛИҒ [ادبسيزليغ] – беадаблик; ҳурмат сақламаслик:

Ҳамоно ки сўз пок-у софийдурур,
Адабсизлиғимға талофийдурур. *Садди Искандарий*, 509-Т.

АДАД [عدد] – 1. сон, санок, ҳисоб:

Ранжима йўқ эса адад хост бу эрса найлайин,
Дардима гар канора йўқ бўлмаса бўлмасун нетай *Бадойиул-васат*, 446-Т;
Тўрт юз эрди барчасиға адад,
Ҳар бири ожизи ҳакими хирад. *Сабъаи сайёр*, 10-11;
Тартиб берибмен ким мингдин абёти адади кўпракдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 185-Т;

2. қатор:

Ва баъзи тарихда ани мулук ададиға киюрмайдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;

3. бош, дона, нафар:

Минг адад қўй бирла музддур шубон,
Музд олиб қўйларға бўлмиш посбон. *Ҳайратул-аброр*, 7-131;

4. бўлак, парча:

Ғамингни чеккали ёлғуз кўнгул эди ожиз,
Ки тиғи фуркат ила ани юз адад қилдинг. *Ғаройибус-сиғар*, 284-Т;

~ **махласи** – ҳисоб; ҳосила, йиғинди:

Муҳосиблар ани ҳисоб эттилар,
Адад махласин интиҳоб эттилар. *Садди Искандарий*, 460-Т.

АДАДЛИҒ [عددليغ] – саноғлик, ҳисоблик:

Келиб анжум ададлиғ боргоҳи,
Вале мўр-у малах янглиғ сипоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т.

АДАДСИЗ [عددسيز] – сонсиз-саноқсиз, беҳисоб кўп:

Ададсиз дард-у ранжим саъб эканниму қилайин шарҳ,
Сифатқа рост келмас шавкум ошуби балосинму? *Ғаройибус-сиғар*, 397-Т;
Деди шоҳ ким неча аҳли қалам
Ҳисоб айласун ул ададсиз рақам. *Садди Искандарий*, 460-Т.

АДАМ [عدم] – йўқлик, фано:

Ёшурғай аҳли бақо оразини гарди фано,
Чу ел совурса адам кўйида ғуборимни. *Наводируш-шабоб*, 607-Т;
Ким бўлмаса неткай эрди будум,
Ё бўлса эди адам вужудум. *Лайли ва Мажнун*, 162-Т;

~ **вилояти** – йўқлик, нобудлик вилояти:

Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ,
Адам вилоятидин нари юз хатар топтим. *Ғаройибус-сиғар*, 320-Т;

~ **дарёси** – йўқлик дарёси; йўқлик оқими:

Ғунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға
Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано. *Ғаройибус-сиғар*, 55-Т;

~ **дашти** – йўқлик дашти, биёбони:

Вафони қилди кўп озурда ул ой чун жафо айлаб,
Адам даштида кўнглумни ватан қилмиш жало айлаб. *Бадойил-васаит*, 44-Т;

~ **и иститоат** – иқтидор, кудрат адами, йўқлиги:
Аноси ризоси учун бовужуди адами иститоат ва номуродлиғ ҳаж сафари ихтиёр қилиб аносини элтти. *Мажолисун-нафоис*, 181-2-Т;

~ **иқлими** – йўқлик мамлакати:
Шоми ҳижрони ки ғоятсиз эрур тиралики
Адам иқлимиға ул келди саводи аъзам. *Бадойиул-васат*, 313-Т;

~ **кишвари** – йўқлик мамлакати, нариги дунё:
Анга дағи элдин етиб интиқом,
Адам кишвари сари қилди хиром. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;

~ **кунжи** – йўқлик бурчаги:
Ғунча ичра жола лоф урса тишинг бирла не тонг,
Бу адам кунжига қолса ул топибтур ерни кенг. *Бадойиул-васат*, 277-Т;

~ **кўйи** – йўқлик кўчаси, манзили:
Эй ажал қўй ким қўяй юз ёрнинг кўйига ким
Қўйғудектурмен адам кўйига армон бирла юз. *Фавойидул-кибар*, 221-Т;

~ **мисри** – йўқлик шаҳри, йўқлик мамлакати:
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари,
Борғил ки эрур эр тилаган ерда азиз. *Ғаройибус-сиғар*, 547-Т;

~ **мулки** – йўқлик мамлакати, нариги дунё:
Тож хаёли била бошларин тарк эттилар ва адам мулки тахтгоҳиға кеттилар.
Маҳбубул-қулуб, 14-75;

~ **ниҳонхонаси** – йўқлик, яширинлик, йўқдан бор бўлиш; туғилиш, дунёга келиш:
Ҳар ким адам ниҳонхонасидин вужуд анжуманиға қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;

~ **риштаси** – йўқлик ипи, йўқлик тузоғи:
Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ ани,
Яъни ки адам риштасиға тоқ ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-142;

~ **саҳроси** – йўқлик саҳроси:
Ишқ ила топтим адам саҳросидин мулки вужуд,
Ошиқ ўлдум дард қилғунча вужудимни адам. *Фавойидул-кибар*, 388-Т;

~ **тариқи** – йўқлик йўли:
Адам тариқиға туштум тилаб анинг оғзин,
Сўруб манга киши ул роздин нишон бермас. *Бадойиул-васат*, 182-Т;

~ **туни** – пайдо бўлишдан аввалги йўқлик:
Кўнгулнинг адам тунидин қутулуб вужуд субҳиға ҳамнафас бўлуб, малак олами баҳористонининг ранго ранг азҳори ва гуногун ашжорин тамошо қилғани...
Ҳайратул-аброр, 7-75;

~ **хонақоҳи** – ўзлигини, Худодан ўзгани унутиш жойи:
Карам боргоҳида маснаднишин,
Адам хонақоҳида хилватгузин. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;

~ **шоми** – йўқлик қоронғилиги, туни:
Кўз очибан хожа адам шомидин,
Жон топибан тонг ели пайғомидин. *Ҳайратул-аброр*, 7-76;

~ **и ихтиёр** – йўқлик майли, ихтиёри:
Муножот инсоннинг адам ниҳонхонасидин вужуд кошонасиға келмакта адами ихтиёридин нишонае демак. *Насойимул-муҳаббат*, 82-Т;

~ **и муносабат** – боғлиқликнинг йўқлиги, богланмай қолишлик:
...ё ул ҳулла ву ҳарирни мурассаъ қилған жавоҳирда адами муносабат сабабидин футуре зоҳир бўлса... *Ғаройибус-сиғар*, 3-17;

~ **и ризо** – норозилик:
Агар мундақ қилса улча анга қазодур анинг муқобаласида ҳам фузуллуқ, ҳам адами ризодур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-65;

~ **и таайюн** – бетайинлик, бевошлик; ишончсизлик:
Ва сиати машраб била адами таайюн жиҳатидин гоҳи бирар аёғ ичарда дафъи малолат ё касрати нашот учун нард ўйнарға таназзул қилурлар. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т;

~ **и тамаъ** – бетамаълик, тамаъ қилмаслик:
Тамаъ била ул ким ола олур ва олмас бу адами тамаъ ҳеч саховатдин қолмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-103;

~ **и тарбият** – тарбият қабул қилмаслик:
Қобилға тарбият қилмамақ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зойиъ қилма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-109;

~ **и улфат** – дил яқинлигининг бўлмаслиги, ўзаро қадрсизлик:
Ул мазмунда ким такаллуфлуқ тўн мужиби кулфатдур ва бетакаллуфлуқ била адами улфат. *Ғаройибус-сиғар*, 531-Т;

~ **бўл-** – 1. йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ;
Сизнинг бу адоватингиз ҳаргиз адам бўлмас.
Бу душманлиқ орангиздин ҳаргиз кам бўлмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;

2. ўлмоқ, ер юзидан кетмоқ:
Ки қўйди вужуд уйига чун қадам,
Яна анга бўлмақ керактур адам. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;

3. ўзликни йўқотмоқ; ёмон аҳволга тушмоқ:
Бовужуди ким адам бўлдум ғамидин қайғуруб,
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман сўруб. *Ғаройибус-сиғар*, 66-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўқ қилмоқ:
Навоий ўздин асар топман ўлғали ошиқ,
Не ишқ эди ки адам айлади вужудумни. *Бадойиул-васат*, Т-435;
Вужудум этти адам оқибат бу ҳайрат ким
Адамдек оғзи аро сўз не навъ топти вужуд. *Наводируш-шабоб*, 122-Т;
Чун вужудин бу сифат қилғай адам,
Сўнгра бу йўл азмиға урғай қадам. *Лисонут-тайр*, 170-Т;

~ **йўлин тут-** – йўқлиқ йўлин тутмоқ:
Навоийни тила андин бурун ки дегайлар,
Адам йўлин тутуб ул зори бенаво кетти. *Ғаройибус-сиғар*, 460-Т;

~ **сари кўч-** – вафот этмоқ:
Булар чун адам сари кўчмиш эди,
Дегил маснавий ўти ўчмиш эди. *Саддий Искандарий*, 82-Т;

~ **шомиға юзлан-** – йўқлик зулмати бошланмоқ; ажал яқинлашмоқ:
Гул адам шомиға юзланмак учун занбақ гули,
Бор кумуш машъалдағи ву хўрдалардур ахгари. *Ғаройибус-сиғар*, 448-Т.

АДАМВОР [عدموار] – йўқ каби; ~ **айла-** – йўқ этмоқ; унутиб юбормоқ:
Аларни даври чарх айлаб адамвор,
Менинг жисмимни худ туфроққа ҳамвор. *Фарҳод ва Ширин*, 428-Т.

АДАМГОМ [عدمگام] – қадам қўймаган, учрамаган, бор бўлмаган:
Пайкига вужудта адамгом,
Ул пайкка рахш дағи ҳамгом. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т.

АДАС [عدس] – наск, адас, ёсмиқ; маржамак:
Рангсиз холинг жамолинг хонида эй сиймбар,
Ё адасдур, ё ёпушмиш бир адас чоғлиғ шакар. *Наводируш-шабоб*, 135-Т.

АДАШ [ادش] – адаш, исмдош:

Ул пари ишқида отим бўлди мажнунлукка фош,
Андин ортук ким бурун мундин манга эрди адаш. *Ғаройибус-сиғар*, 217-Т.

АДВОР I [ادوار] – адвор, даврлар; усуллар, мақомлар, куйлар, нағмалар; музика илми, музика назарияси:

Эй Навоий дахл қилма, гар тилар эрсанг наво,
Ҳар неча хориж наво кўрсанг сипеҳр адворини. *Бадойиул-васат*, 431-Т;
Мунча хориж нағма ким даври мухолиф кўргузур,
Эй Навоий топмадим бирин бокиб адворға, *Наводируш-шабоб*, 537-Т;
Яна қўшуқдур ким урғуштак усулида шойидур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубтур. *Мезонул-авзон*, 58-Т;

~ **илми** – музика илми, назарияси; қадимги музика назариётида асарлар номи, бунда мақом ва усуллар доира шаклида берилган:

Бу сурудни рамали мусаммани маҳзуф вазниға элтиб мусиқий ва адвор илмида мулойим табълиғ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб Султони соҳибқирон мажлисида айтурлар. *Мезонул-авзон*, 59-Т;
Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидур ким чун лаҳжаси ва ҳусни савти хуб эркандур. *Ҳолоти Паҳлавон Маҳаммад*, 103-Т;
...ва мусиқий ва адвор рисоласин битидилар ким бу фанда андак мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-70.

АДВОР II [ادوار] – давралар; аруз илми атамаси: *Музонул-авзон*, 30, 33-Т.

АДД [عدّ] – адад, сон, санок; ҳисоб; беҳад:

Истасанг йўл касратиға адд-у ҳад,
Халқ анфоси била тенг бил адад. *Лисонут-тайр*, 207-Т;
Ва андин бу навъ каромоти беҳадд-у адд кўрубтурлар тафсили узундур. *Насойимул-муҳаббат*, 204-Т;

Димоғ ичра хабт ўлди беҳадд-у ад,
Футур ўлди ойини раъй-у хирад. *Садди Искандарий*, 286-Т.

АДЁН [اديان] – динлар; мазҳаблар; тариқатлар:

Салоти хамсани адёнға айладинг носиҳ,
Бу панжа бирла малакнинг юзига урдинг кож. *Наводируш-шабоб*, 92-Т;
Ва зотларида башарийят ғолиб эркан жиҳатдин мухталиф адён-у милал ароға тушти. *Насойимул-муҳаббат*, 3-Т;
Мухбири содиқ шаҳе ким қилди дин-у шаръни,
Бари адён носихи андак ки мумкин эрди туз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-22.

АДИБ [اديب] – устоз; адиб, мураббий:

Эй Навоий уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ чархи мухолифдур адиб. *Наводируш-шабоб*, 49-Т;
Не айб телба кўнгулни қочурса носиҳлар,
Бўлурму тифлға рағбат адиблар сари. *Наводируш-шабоб*, 606-Т.

АДИЛ [عديل] – баробар, тенг:

Подишоҳе ким анга йўқтур назир,
Не шарик-у, не адил-у, не вазир. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
Сўзни айлаб улар сўзига адил,
Балки тағйир этиб бериб табдил. *Сабъаи сайёр*, 10-40.

АДИЛСИЗ [عديلسيز] – мислсиз, ўхшаши йўқ, тенги йўқ; ягона:

...бу девонлар ул ҳазратнинг адилсиз табъидек беназир-у ҳар шоҳбайти ўз ҳумоюн зотидек оламгир бўлғай. *Ғаройибус-сиғар*, 3-18.

АДИМ I [عديم] – тенги йўқ, топилмас:

Эрур суннатуллоҳу расми қадим,
Билурда сенинг дағи мислинг адим. *Садди Искандарий*, 494-Т.

АДИМ II [أديم] – ошланган тери; ~ **и Яман** – Яман териси:

Қайда адими Яман идрок этиб,
Айлади курбон ани юз чок этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-252.

АДЛ [عدل] – 1. адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик:

Шаҳ уббаҳату ҳашматидур адли била,
Иқбол дағи шавқат эрур адли била,
Олам эли амнийятидур адли била,
Султонларнинг давлатидур адли била. *Назмул-жавоҳир*, 15-149;

Ҳақни ботилдин бир ул ким қилди фарқ,
Адли бирла равшан этти ғарб-у шарқ. *Лисонут-тайр*, 28-Т;

2. инсоф:

Навоий улча керак айладинг не қилғайсен,
Ишингни адл била сурса ёр агар ногаҳ. *Наводируш-шабоб*, 551-Т;

Мулк-у кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисини обод айла. *Фавойидул-кибар*, 660-Т;

~ **авзони** – ҳақиқат ўлчови, мезони:

Ва жадид наът ва кариб дуруд ул нозимға ким олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост кетурди. *Мезонул-авзон*, 11-Т;

~ **у дод/адл ила дод** – адолатпарварлик; яхшилик, ҳаққонийлик:

Дороб чун Ҳумой ўрниға тахтқа ўлтурди адл-у дод пеша қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-213;

Ярим кунгача адл ила дод эди,
Яна кун сўнгғи яхши бунёд эди. *Садди Искандарий*, 138-Т;

~ **аёғи** – мурувват, ҳаққонийлик жоми:

Адл аёғин тут ки бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай. *Ҳайратул-аброр*, 7-132;

~ **амри** – одиллик йўл-йўриғи; одиллик кўрсатмаси:

Шоҳ эшиткач бўлди адл амриға хос,
Қилди мудбирга равон ҳукми қисос. *Лисонут-тайр*,72-Т;

~ **аҳли** – адолатлилар; одиллар:

Ҳадисида ҳам бу башоратдурур,
Ки адл аҳли сари ишоратдурур. *Садди Искандарий*, 140-Т;

~ **бозуси** – адолат қўли; ирода:

Яна тузди олтун тарозусини,
Қавий айлабан адл бозусини. *Садди Искандарий*, 137-Т;

~ **бунёди** – ҳаққонийликни ўрнига қўйиш, адолатни тиклаш:

Бу янглиғ кўюб адл бунёдини,
Ярим кунгача берди эл додини. *Садди Искандарий*, 137-Т;

~ **бўстони** – адолат боғи; адолат гулшани:

Адли бўстонида юз хайли туйур
Кўрмасинлар зулм тошидин футур. *Лисонут-тайр*, 273-Т;

~ **гавҳари** – адолат дурдоналари:

Аввалғини фазл дурриға уммон бил,
Соний адл гавҳариға кон бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-124;

~ **жўйбори** – адолат ариғи; адолат, инсофнинг йўлга қўйилиши:

Адл жўйборидин мулк боғинда фароғат ашжори шодоб бўлди ва инсофи тарбиятидин амнийят ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-241-242;

~ **занжири** – адолат силсиласи:
Кисро тоқин ул ясади ва адл занжирин ул ости. *Тарихи мулуки ажам,* 16-242;
~ **тариқи** – адолат йўл-йўриғи:
Адл тариқиға қўюб гомни
Адл ила ўрганмади исломни. *Ҳайратул-аброр,* 7-313;
~ **қонуни** – адолат йўл-йўриғи:
Гарчи жуз жом дам-бадам чекмай,
Адл қонунидин қадам чекмай. *Сабъаи сайёр,* 10-74;
~ **қуёши** – одиллик, адолатпешаликнинг порлоқ куёши:
Агар башарият тағофулидин шариф рўзгори ҳавосида зулм булутлари адл қуёши юзин ёпардек бўлса бу қул зурваи арзға еткургай, то ул булутларни надомат оҳи сарсари била оламдин чиқарғай. *Ваққия,* 14-254;
~ **и бениҳоят** – чексиз, ниҳоясиз адл:
Бу амн ила адли бениҳоят
Шаҳр аҳлиға боиси кифоят. *Лайли ва Мажнун,* 72-Т;
~ **и Доройи замон** – Доро замони одиллиги; замон Дороси:
Бу замон амнийатин қилма гумон,
Собит ўлмай адли Доройи замон. *Лисонут-тайр,* 273-Т;
~ **и олам** – адолат олами:
Подшоҳидурур ажаб одил,
Адли олам эли аро шомил. *Сабъаи сайёр,* 10-249;
~ **созини туз-** –адолат ўрнатмоқ:
Зулм торини ул сифат узмиш,
Адл созини ул сифат тузмиш. *Сабъаи сайёр,* 10-249;
~ **уйи маъмур айла-** – адолатлик, ҳаққонийликни ўрнига қўймоқ:
Шоҳ адли уйини айлайин деб маъмур,
Саъй айладим ул қадар ким эрди мақдур. *Ваққия,* 14-255;
~ **эшигин кушод айла-** – адолат, мурувват қилмоқ:
Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтирди ву дод айлади. *Ҳайратул-аброр,* 7-130;
~ **айла-** – инсоф, ҳаққонийлик кўрсатмоқ, адолат йўлини тутмоқ:
Сипоҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раийятни адл айлаб обод қил. *Садди Искандарий,* 503-Т;
Адл айла ки ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул киши ким адл сифоти бўлмиш. *Назмул-жавоҳир,* 15-142;
~ **эт- /қил-** – адолат юргизмоқ:
Ҳақ сени адл эткали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-128;
Бўлмағил ҳеч нафас ғафлат ила,
Адл қил йўқ эрса бўл ишрат ила. *Фавойидул-кибар,* 660-Т;
Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адл Навоий не ғам. *Ҳайратул-аброр,* 7-132.

АДЛОЙИН [عدلایین] – адолат юзасидан иш қилувчи, адлойин, ҳақиқатпарвар:
Адлойине ки раийят риоятида инсоф деҳқони мададидин Миррихи қаҳтандеш савобит доналарин сипеҳр мазраъида экти. *Ғаройибус-сиғар,* 10-Т.

АДЛЧА [عدلچه] – одилона, одилликча:
Аммо биравни ким Тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди, анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва ҳеч наҳйдин ижтиноб чоғир таркича бўлмас.
Муншаот, 14-154.

АДН [عدن] – жаниат боғи, биҳишт:

Бадви фитратта биҳишти ади аро,
Шохсори хулд аро достонсаро. *Лисонут-тайр,* 47-Т.

АДНО [ادنا] – 1. энг паст, қуйи, тубан:

Яна адно табақаси жамоатедурлар ким назм била кўнгуллари хушнуд ва хурсанд ва рози ву баҳраманддурлар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-26;

Аълоларидур недин ки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча данидин адно. *Маҳбубул-қулуб,* 14-26;

2. озгина; арзимас:

Уй ки адно тебранур сокинга хотиржамъ эмас.
Не ажаб гар амн йўқтур гунбади гардон аро. *Ғаройибус-сиғар,* 41-Т;

Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшид-у Афридун?
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач. *Ғаройибус-сиғар,* 99-Т;

3. пастки табақа одамлари, жамиятнинг қуйи табақаси:

Етмагай аълодин адноға шикаст,
Бўлмағай ашраф ахасс оллинда паст. *Лисонут-тайр,* 37-Т;

~ **ав адно** – пастроқ, яқинроқ (Қуръондаги оятга ишора):

Тахти остида фарши ав адно,
Тожи устида дурри мо авфо. *Вақфия,* 14-235.

АДО [ادا] – 1. ўташ, бажариш:

Мушкиллик илаки иш адоси келди,
Сўнгра анга «ал-айш» нидоси келди. *Назмул-жавоҳир,* 15-165;

Намоз адосида қилғил кўнгулни Тенгрига туз:
Кўнгул туз ўлса эмас бок бўлса қибланг каж. *Фавойидул-кибар,* 96-Т;

2. баён, ифода:

Сабт ўлмаса Навоий оти назми зайлида,
Фаҳм айлар аҳли дард каломи адосидин. *Бадойиул-васат,* 347-Т;

3. тарз, тавр:

Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллуқ феъллар бор ки анинг адоси дағи муътабар ва куллийдур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 117-Т;

4. сўз; ижро:

Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени,
Ҳар замон бир таънагар муҳлик адосидин мени. *Бадойиул-васат,* 476-Т;

Мукри ки эрур покрў ву зоҳидваш,
Алҳони хуш-у ҳусни адоси дилкаш. *Маҳбубул-қулуб,* 14-29;

5. услуб, ижро, бажарилиш йўсини:

Мундин сўнгра уч навъ тилдур ким асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруи бағоят кўптур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 168-Т;

Назм адосиға мувофиқ ясаб ун,
Жоми май назми нигорандаға сун. *Фавойидул-кибар,* 668-Т;

6. сўз охири, якуни:

Сўнгра ҳолим дедим шитоб этмай,
Сўз адосида изтироб этмай. *Сабъаи сайёр,* 10-343;

Яна бир адолари бор ки баъзи алфознинг сўнгғида «чи» ки «чи» лафзидур орттурурлар ё мансабнинг ё ҳунарнинг ё пешанинг изҳори учун ки форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн,* 177-178-Т;

~ **йи закот** – закот ўташ, бажариш:

Солис эрур фарзи адойи закот,
Ҳақ не ки бермиш санга мол-у жиҳот. *Ҳайратул-аброр,* 66-25;

~ **йи маъний** – маъно тўла-тўкислиги:
Лаъли ҳар лафзида маъний кўп турур йўқ тифлдек,
Пур адойи маъний айларда дегай бисёр лафз. *Бадойиул-васат*, 218-Т;
~ **йи маънавий** – ички руҳий ифода, кўнгилни сўзсиз баён этиш:
Булбул ар гулбонг урар гул суратидин мен хамуш,
Қим такаллум тахтиға кирмас адойи маънавий. *Ғаройибус-сиғар*, 492-Т;
~ **йи поём** – ҳабар, дарак етказиш:
Алар дағи зоҳир қилиб эҳтиром,
Булар дағи айлаб адойи поём. *Садди Искандарий*, 294-Т;
~ **йи пайғомий** – адо хабари, дараги:
Не ким эрди нидойи Баҳромий,
Раҳи этти адойи пайғомий. *Сабъаи сайёр*, 10-401;
~ **йи салот** – намоз ўташ:
Сони эрур анда адойи салот
Лек адосида эрур мушкилот. *Ҳайратул-аброр*, 7-112;
~ **йи фарз** – бурчни ўташ:
Чун қилдим адойи фарзи бари
Қўл борди давот-у хома сари. *Лайли ва Мажнун*, 89-Т;
Хожа Алоуддин... бу яқинда силаи раҳм риояти учун ки
адойи фарз қилғай Хуросонға келиб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 6-Т;
~ **айла-** – бажармоқ:
Чу ҳотиф манга бу нидо айлади,
Мен эткан адони адо айлади. *Садди Искандарий*, 91-Т.
Шоҳ хизматини тузлук ила айлагил адо,
То икки жаҳонда бўлғасен комраво. *Муншаот*, 14-155;
~ **бўл-** – бажо келтирилмоқ, амалга ошмоқ; охирига етказилмоқ, тугамоқ:
Адо бўлди чун ҳамду наът-у сано,
Бу оворадин юз туман минг дуо. *Ғаройибус-сиғар*, 507-Т;
~ **эт-** – охирига етмоқ, тугалланмоқ, тамом бўлмоқ:
Қилиб донишойин дуо ибтидо,
Дуодин сўнг этти бу янглиғ адо. *Садди Искандарий*, 369-Т;
~ **топ-** – ифодаланмоқ:
Ҳар не бир достонға солди садо,
Мунда бир байт бирла топқай адо. *Сабъаи сайёр*, 10-73;
Шеър ҳар синфин ки килдим ибтидо,
Турк алфози била топти адо. *Лисонут-тайр*, 271-Т;
~ **туз-** – ёзиб тугатмоқ; изҳор қилмоқ:
...чун нома саводи зулматидин «Зубдатут-таворих» адосин
тузубмен салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузубмен.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;
~ **кўргуз-** – намоён қилмоқ:
Ҳажр тунида васл орзусидин буълажаб хаёлин баён қилур ва фироқ шомида висол шавқидин саъб ҳолин адо кўргузур. *Мажолисун-нафоис*, 240-Т;
~ **қил-** – 1. бажо келтирмоқ, бажармоқ, ўтамоқ:
Амриға иқдом одаттур манга,
Чун адо қилдим саодаттур манга. *Лисонут-тайр*, 167-Т;
Не ки дастур эди билурлар эди,
Ҳар йил ани адо қилурлар эди. *Сабъаи сайёр*, 10-78;

2. ўринлаштирмоқ:
Бўлуб шод шаҳға дуо қилдилар,
Садоқат тариқин адо қилдилар. *Садди Искандарий*, 463-Т;
3. еткизмоқ:
Халқ ниёзини адо қилғали,
Барча халойиқни дуо қилғали. *Ҳайратул-аброр*, 7-329;
Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб оллида шоҳ-у гадо. *Ҳайратул-аброр*, 7-99;
4. бошдан соқит қилмоқ:
Аҳли дин ул дурур ки қилғай адо,
Бот агар зиммасинда дайн ўлғай. *Арбаин*, 16-265;
5. баён этмоқ, ифодаламоқ:
Золим ёрининг зулм қилмақта беихтиёрлиғида айтилибдур ва ўзининг мазлумшиорлиғини хуброқ важҳ била адо қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 242-Т;
Чу шоҳ қилди бу навъ сўзлар адо,
Тарабдин бу худ қилди жонин фидо. *Садди Искандарий*, 274-Т.

АДОВАТ [عداوت] – душманлик, мухолифатлик:
Ва гар худ адоватқа қилдинг ғулу
Не кўрдунг адоват ки бўлдунг аду. *Садди Искандарий*, 318-Т;
Инсон била шайтон аросида адоватдур ва табиий мухолифат бири ўтдин яратилди ва бири туфроғдин. Бу адоват ароларидадур ул чоғдин ўт ғолиб бўлса туфрағни кул қилур ва туфраг ғолиб бўлса ўтни ўчурур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;
~ **абвоби** – адоват, душманлик эшиги:
Аҳиббойи давронға ким бир муҳаббат эшиги очти ким алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. *Муншаот*, 14-211;
~ **айёми** – душманчилик даври, кунлари, муддати:
Қатиқлаштилар ишта ҳаддин фузун,
Адоватнинг айёми чиқти узун. *Садди Искандарий*, 209-Т;
~ **бўл-** – душман, мухолиф бўлмоқ:
Сим ила илгингга адоват бўлуб,
Анда фалак, мунда саховат бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-144;
~ **кўргуз-** – қаршилик қилмоқ:
Бухл айласа нафсингға адоват кўргуз,
Ҳар нима ки топилса саховат кўргуз. *Назмул-жавоҳир*, 15-143.

АДОВИЙ [اداوی] – дорилар, дори-дармонлар; ўқ-дори:
Ичининг халосин мало қилдилар,
Адовийдин ани тўло қилдилар. *Садди Искандарий*, 247-Т.

АДОЛА [عدالہ]– одиллик, адолат:
Дайр ичра Навоийға қилур муғбачалар зулм,
Гар пири харобат тутар жоми адола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т.

АДОЛАТ [عدالت] – шафқатлик, одиллик:
Беасл иши бўлмади адолатқа далил,
Донолиғ эрур элда асолатқа далил. *Назмул-жавоҳир*, 15-168;
~ **авжи** – адолат осмони; яшноқ чўққиси:
...бу адолат авжининг тўлун ойиға камлик юзланмасун. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т;
~ **жаҳони** – одиллик дунёси; олам; давр:
Асолат сипеҳрида раҳшанда меҳр,
Адолат жаҳонида олий сипеҳр. *Садди Искандарий*, 101-Т;

~ **олами** – инсоф, раҳмдиллик олами:
Ошикор айлаб адолат оламин,
Еб суда мавжуд курту куш ғамин. *Лисонут-тайр*, 15-Т;

~ **партави** – адолат нури, шуъласи; ёлқини:
...адолатайни партавидин зулм зулумотин йитурмак ва сиёсат сини аррасидин бидъат ва фасод дарахти бўйинин қатъға текурмак. *Назмул-жавоҳир*, 14-131;

~ **сипеҳри** – адолат осмони, юксак одиллик:
...Рифъат жаҳонининг қуллаи гардунхироши адолат сипеҳрининг саҳоби гавҳарпоши фазлу камол ҳадиқасининг мардума ки бийноси такаллуму мақол ҳадиқасининг булбули хушнавоси... Абул Ғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон.
Муҳокаматул-луғатайн, 189-Т;

~ **тариқи** – одиллик йўл-йўриғи, қонуни:
Бу қонундин ар бўлса иш мухталиф,
Адолат тариқи бўлур мунҳариф. *Садди Искандарий*, 314-Т;

~ **чамани** – адолатнинг барқ урган пайти:
...адолат чаманининг сарви сарбаланди... султонус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон. *Мажолисун-нафоис*, 202-Т;

~ **ҳавоси** – инсоф йўл-йўриғи:
Ҳаким ўйла ким кўргузуб эрди йўл,
Адолат ҳавосин билиб эрди ул. *Садди Искандарий*, 148-Т;

~ **айла-** – одиллик айламоқ:
Бу зулмлар ки ул айлар не айлагай ногаҳ,
Анинг ҳисобида Ҳақ айласа адолат анга. *Фавойидул-кибар*, 12-Т;

~ **уйин Садди Искандар эт-** – ҳаққонийлик тузумини мустаҳкамламоқ:
Мулозимларни Сикандарфар эт,
Адолат уйин Садди Искандар эт. *Садди Искандарий*, 100-Т;

~ **ўл-** – адолат бўлмоқ:
Шоҳнинг чун адолат ўлди фани,
Эли ушбу жиҳатдин асру ғани. *Сабъаи сайёр*, 10-242.

АДОЛАТШИОР [عدالت شعار] – адолат хислати, одати, адолатпеша:
Керак шаҳ адолатшиор айлагай,
Ки зулм аҳлини хоксор айлагай. *Садди Искандарий*, 505-Т;
Агар шоҳга адолатшиор улуси шиорида ҳам адолатдин осор.
Маҳбубул-қулуб, 14-20.

АДОЛИҚ/АДОЛИҒ [اداليق/اداليغ] – ўташли, бажаришли; ифодали:
Изҳори бу навъ ақида эрдим ким бу навъ... салис иборатлиқ латиф адолиқ шеър фақир кўрмайдурмен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-16;
...рубъи маскун маъмурасининг мураббаъ ҳужраларидағи мавзун адолиғ ва матбуъ алқоблиғ талабасининг замирлари мушкилотиға... *Вақфия*, 14-423;
Мавлоно Зиё... кўнгулга яқин ширин адолиқ мақбулғина кишидур.
Мажолисун-нафоис, 87-Т.

АДОЛАТПЕША [عدالت پيشه] – адолатойин, одилликни касб қилиб олган:
Қуёшдек шаҳ адолатпеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутқай. *Бадойиул-васат*, 501-Т.

АДУ/АДУВ [عدو] – душман, ғаним, ёв, рақиб:
Шаҳе ки сидқи анинг Тенгри бирла туз бўлғай,
Не ғам адуси анинг бир йўқ эрса юз бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-18;
Истасам ҳуснунг закотин гар бўлур мониъ рақиб,
Не ажаб ким ит бўлур дойим гадо бирла аду. *Фавойидул-кибар*, 491-Т;

Эй Навоий кўзга кўнглумдин адувроқ мен ки ёр,
Манга кўнглум меҳнати кўнглума кўзнинг офати. *Наводируш-шабоб*, 597-Т;

~ **доми** – душман тузоғи:
Кўргузуб ихлос ишида ихтисос,
Сени адув домидин айлай халос. *Ҳайратул-аброр*, 7-211;

~ **йи жон бўл-** – ашаддий душман бўлмоқ:
Хайли одамға адуйи жон бўлуб,
Душман-у ғоратгари имон бўлуб. *Лисонут-тайр*, 17-Т;

~ **айла-** – ёв, душман қилмоқ:
Ўйла ким душман яратиб ўтқа су,
Елни ҳам туфраққа айлаб аду. *Лисонут-тайр*, 16-Т;

~ **дин мубарро қил-** – душмандан холи қилмоқ, кутултирмоқ:
Адудин мубарро қилиб маъманин,
Жаҳондин чиқарсам эди душманин. *Садди Искандарий*, 201-Т;

~ **қасди қил-** – душманни янчишга бел боғламоқ:
Агар шоҳдин халқи хурсанд эмас,
Адув қасди қилса хирадманд эмас. *Садди Искандарий*, 208-Т.

АДУБАНД [عدوبند] – душманни бандга солувчи, асир олувчи; ғолиб:
Расул айтти: к-эй шоҳи покрой,
Адубанд йўқ йўқ ки кишваркушой. *Садди Искандарий*, 331-Т;
Кўп этти чу лутф-у карам ошикор,
Деди: к-эй адубанд ваҳшийшикор. *Садди Искандарий*, 410-Т.

АДУВАШ [عدوش] – душмансифат:
Ниҳони игна санчар ёрлардин,
Адуваш новакафганлар кўп ортуқ. *Бадойиул-васат*, 510-Т.

АДЪИЯ [ادعیه] – дуолар; ниёзлар:
Анинг учун ки бизинг қасдимиз бу изоми машоир ва адъия ки ҳар маҳалу мақомда қилилди. *Насойимул-муҳаббат*, 246-Т;
Яна фиқҳ илмида ибодотдин фаройиз ва сунан ва вожибот ва мустаҳабот ва бу ибодатға мувофиқ адъия ким кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодға мазбут ва маҳфуз эмас. Паҳлавонға мазбут эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т.

АДҲАМ [ادهم] – кора; қора тўриқ от:
Саҳар кун ашҳабиға чун керактур поймол ўлмақ,
Фалак майдониға ҳар тун қамардек сурди тўрт адҳам. *Наводируш-шабоб*, 427-Т;
Туну кун адҳамию ашҳабини,
Чархи тавсаннинг икки маркабини. *Сабъаи сайёр*, 10-8.

АЁ [ایا] – эй; аё:
Деди кумри ким аё фархундарой,
Ғофил-у гумроҳларға раҳнамой. *Лисонут-тайр*, 64-Т;
Қилур эсанг манга сомон аё рафиқ ҳавас,
Анинг аёғиға еткур менинг бошимни ву бас. *Наводируш-шабоб*, 696-Т.

АЁЛ [عیال] – аёл; бола-чақа; оила:
Етинг аҳл-у аёлингизға ёниб,
Диёр-у мулк-у молингизға ёниб. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;
Эл моли тамаъи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-14;
Аёл-у ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар то ки имкони бор. *Садди Искандарий* 319-Т.

АЁЛҒУ [ایالغو] – музика абоби; наво, куй; нағма; қўшиқ; нақарот:

Ул қила олмаса ҳамовозлиқ,
Қилса аёлғу била дамсозлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-64;
Ҳолимға ҳажр базми аро тортсам суруд,
Бор навҳа мадди телба кўнгулнинг аёлғуси. *Ғаройибус-сиғар*, 493-Т.

АЁЛҒУЧИ [ایالغوچی] – хонанда, созанда; куйчи; аёлғу созандачи; нақаротчи:

Воиз ки дастёрсиз ўлмас сухангузор,
Анга ёрод-у мунга аёлғучи ҳукми бор.
Тенгри сўзин аёлғучи бўлмай дей олмағай,
Бир сўз бўлса ҳам керак ул қилғай ихтиёр. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

АЁН [عیان] – аниқ, равшан, маълум, ошкор, зоҳир, очиқ;

Ҳеч мақомдин анга ҳабар қилмадим ки ул хабар анга аён эмас эрди.
Насойимул-муҳаббат, 446-Т;

Аён сув ичра ҳар ён юз ғаройиб,
Бўлуб минг зоҳир ул юз бўлса ғойиб. *Муншаот*, 14-144;
Яна бир амри азим эҳсондур ким анинг баёнида кўп сўз аёндур.
Маҳбубул-қулуб, 14-77;

~ **бўл-/ўл-** – ошкор бўлмоқ; кўринмоқ, кўзга ташланмоқ:

Жисмимдин оқиб қони, пайкони аён бўлди,
Шох узра бўлур дойим гул кетса самар пайдо. *Бадойиул-васат*, 26-Т;
Не суд гулшан аро ичмакинг ниҳон бода,
Ки юзда гуллар очардин бўлур аён бода. *Бадойиул-васат*, 403-Т;

~ **ўл-** – аниқ бўлмоқ; белгиланмоқ:

Қаю бирнинг ўлғач аён навбати,
Сағинди ки жовид эрур мулкати. *Тарихи мулуки ажам*, 16-222;

~ **айла-/эт-/қил-** – маълум қилмоқ; ошкор қилмоқ; билдирмоқ:

Ҳар не харидор гумон айлабан,
Сотғучи юз анча аён айлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-308;
Ҳар ким ки аён этар тағофул анда,
Имон заъфидур такосул анда. *Назмул-жавоҳир*, 15-140;
Зиҳи гул ичра кулар чоғ этиб аён ғунча,
Чу ёпилиб қила олмай киши гумон ғунча. *Наводируш-шабоб*, 525-Т;
Хатоға тадорук недур бехилоф,
Аён қилмақ ўз саҳвиға эътироф. *Маҳбубул-қулуб*, 14-110;
Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқин ким анинг шарҳи топмас баён. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256.

АЁНЛИҚ [عیانلیق] – ошкорлик, зоҳирлик, равшанлик:

балки дақойиқ фунунинг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳаддислари ниҳоди зеҳн бадри... *Вақфия*, 14-234.

АЁҒ/АЁҚ I [ایاغ /ایاق] – 1. оёқ; қадам:

Гулдек юзунг ислабан дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ агар десанг аёғингни ўпай. *Ғаройибус-сиғар*, 566-Т;
Олтун исирға ки қулоқ оғритур,
Зарҳал этукдур ки аёқ оғритур. *Ҳайратул-аброр*, 7-167;
Хилват ичра истайу элдин фароғ,
Ўлтуруб эрди узатиб бир аёғ. *Лисонут-тайр*, 31-Т;
Қўйғасен анда ўнг аёқ илгари,
Ғайри Худо қўймағасен ичкари. *Ҳайратул-аброр*, 7-112;

2. охир, сўнг, интиҳо:
Бу хаёлинг келди беҳосил хаёл,
Балки бошдин то аёқ ботил хаёл. *Лисонут-тайр*, 140-1;
Бошдин аёғ яланг таним узра ки тоза доғ эрур,
Ҳуснунга қилғали назар ҳар бири бир қарағ эрур. *Фавойидул-кибар*, 119-Т;
3. поя, куйи, паст; пастки қисм; этак:
Тахт аёғи сари солиб такягоҳ,
Ётиб эрди боши узра келди шоҳ. *Лисонут-тайр*, 264-Т;
Юзидин ўртанибан талпинур оллида кўнгул,
Шамъ аёғида урунған киби парвона куюб. *Бадойиул-васат*, 46-Т;
Қилиб шоҳнинг побўсиға майл,
Нечук ким тушар тоғ аёғиға сайл. *Садди Искандарий*, 299-Т;

~ **яланг** – яланг оёқ; пойафзалсиз:
Аёғ яланг бориб қилдинг иморат Каъбани гўё
Аёғинг ўпмаки бирла бузуғ кўнглумни шод айлаб. *Наводируш-шабоб*, 59-Т;
Неча харобот ичра аёғ яланг ёқа чок,
Ичарга дурди қадаҳ ҳар тараф шитоб манга. *Фавойидул-кибар*, 20-Т;

~ **илиг** – оёқ қўл:
Таҳорат қилур эрди ва ел келур эрди ва аёғ илиги ёрулур эрди.
Насойимул-муҳаббат, 118-Т;

~ **остида қол-** – оёқ ости бўлмоқ, жабр тортмоқ, тепкиланмоқ:
Мен андақ мўрдурмен ким аёқ остида қолмишмен,
Кўнгул мулкини бузғанда сипоҳи ишқ туғёни. *Фавойидул-кибар*, 607-Т;

~ **торт-** – алоқани узмоқ, тортмоқ; тарк этмоқ:
Бошиға десам ки эврулуб ўпай тобонини,
Вой ким дам аёғ тортар бу саргардонидин. *Наводируш-шабоб*, 464-Т;

~ **узат-** – ўрин олмоқ, жойлашмоқ:
Ҳар барг ки хаставор ётти,
Ер бистарида аёғ узатти. *Лайли ва Мажнун*, 339-Т;

~ **чек-** – узмоқ, четлашмоқ, узоқлашмоқ; бош тортмоқ:
Келмаса равшан зулол албатта бўлур чашма кўр,
Бас аёқ чекма Навоий дидаи гирёнидин. *Наводируш-шабоб*, 464-Т;

~ **бўл-** – тамом бўлмоқ, ўлдирилмоқ:
Гуноҳ лойида кимса бўлса асир,
Топилғач аёғ бўлғай ул дастгир. *Садди Искандарий*, 306-Т;

~ **ур-** – кетмоқ; вафот этмоқ:
Алар Паҳлавон қошиға еткинча Паҳлавон худ ўзга олам азиматиға аёғ урған экандур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т;

~ **сол-** – юрмоқ, қадам ташламоқ:
Сайр чоғи тушса кўзи ҳар сари,
Солиб аёқ минг йиғач андин нари. *Ҳайратул-аброр*, 7-70;

АЁҒ/АЁҚ II [ایاغ / ایاق] – 1. қадаҳ; чанақ, жом:
Оразимни бир аёқ бирла қизарт, эй соқий,
Неча суртай аёғингға мени расво ораз. *Наводируш-шабоб*, 278-Т;
Бир йиғач аёғим ҳам эрди ки анинг ичида сут солиб ичар эрдим.
Насойимул-муҳаббат, 53-Т;

Топса киши бодия ичра зулол,
Олтун аёқ қайда ву синған сафол. *Ҳайратул-аброр*, 7-167;
Соқиё таклиф ила ич дема тўлдур даги кўр,
Ким аёғнинг нақшини элтур кириб сипқармағим. *Фавойидул-кибар*, 404-Т;

2. коса:
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси. *Ғаройибус-сиғар*, 520-Т;
Ҳар навъдин аёқ аёқ заҳрға ўзни омода тутмақ керак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-78;

~ **ич-** – май, шароб ичмоқ:
Гар Навоий бир аёғ гоҳи ичар ғам дафъиға,
Зоҳид андин ўзни ғамгин тутса ичдик эмди қўш. *Наводируш-шабоб*, 243-Т;
Давр аёғин ичмайин давронга солдинг рустахез,
Кўрмади давр ичра сендек аҳли даврон ичкучи. *Наводируш-шабоб*, 644-Т;

~ **тут-** – май, кадаҳ тутмоқ:
Мирзо, Ҳофизға дебдур ким тушуб суроҳини олиб бир байт ўқуб бир аёқ тут. Ҳофиз суроҳини олиб Мавлонозодадин аёқ тутуб бу байтни ўқубтур.
Мажолисун-нафоис, 138-Т;
Эй Навоий чун кўнгул бир дам очилмас бодасиз,
Истасанг ул уйни равшан дам-бадам тутғил аёғ. *Наводируш-шабоб*, 296-Т.

АЁҚЧИ/АЁҒЧИ [ایاغچی / ایاقچی] – соқий, май қуювчи:
Қайғу ўлтурди мени тутқил аёқчи тустуған.
Ким чоғир қайғуни ўлтурмакка аччиғ оғудур. *Наводируш-шабоб*, 162-Т;
Аёқчи унут бир дам андешани,
Аёқ ичра қилғил нигун шишани. *Садди Искандарий*, 228-Т;
Ва аёқчиларға гоҳи муғаннийлар бода илтимоси учун бу назм била мутаранним... *Муншаот*, 14-140;
Аёқчи маҳвашу май дилкашу аҳли тараб *сархуш*,
Қадаҳ келтур ки қилмақ порсолиқ йўқтур имконим. *Бадойул-васат*, 320-Т;
Муғанний бир навое туз, Навоий нағмае кўргуз,
Аёғчи томса тут тўққиз ки Доройи замон келди. *Ғаройибус-сиғар*, 449-Т.

АЁҚЧИЛИК [ایاقچیلیک] – соқийлик, косагуллик:
Аёқчилик этиб ҳар сари ойин,
Ачиғ май тутқали бир сабзи ширин. *Фарҳод ва Ширин*, 167-Т.

АЁҒЛАН- [ایاغلان] – **тўрт аёғлан-** – тўрт оёқлаб юрмоқ, эмакламоқ:
Тўрт аёғланиб итинг хайли аро мен мажнун,
Гар кесак отсанг ўлай гар сўнгак отсанг кўмурай. *Наводируш-шабоб*, 596-Т;
Борур эрди тўрт аёғланиб тез,
То қилди замона фитнаангез. *Лайли ва Мажнун*, 282-Т;
Муяссар ўлмаса бу тўрт аёғланиб кечалар,
Танимни итдек этиб итлари сари узатай. *Фавойидул-кибар*, 574-Т.

АЁҒЛИҒ [ایاغلیغ] – оёғлик; **тўрт оёғлиғ** – ҳайвон:
Итмен илигингда бўйни боғлиғ,
Деб қилди ўзини тўрт аёғлиғ. *Лайли ва Мажнун*, 273-Т.

АЁҒСИЗ [ایاغسیز] – аёғсиз; чўлоқ:
Кафшсизликдин малул бўлмағил, аёғсизларға боқиб шукр қил.
Маҳбубул-қулуб, 14-129.

АЖАБ [عجب] – 1. ажаб, таажжуб, ҳайратомуз; ажойиб:
Бахилдин амонат ажаб каримдин хиёнат ажаб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;
Кўксум ичра йўқ эса кўнглум ажаб йўқ эй хирад,
Не ажаб девонани гар топмасанг маскан аро. *Наводируш-шабоб*, 38-Т;
Руҳни ошуфта айлаб ҳайъати,
Юз ажаб суратға солиб сурати. *Лисонут-тайр*, 97-Т;

2. аруз вазни атамаси: *Мезонул-авзон*, 16-Т;

~ **ажаб**- – турфа-турфа, янги-янги; ҳайратли таажубли:
Турлук турлук иллат бадани уйида ўкулуб, ажаб ажаб мараз касратидин ҳаётдин тўнгулуб... *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;

~ **қол**- – ҳайратда қолмоқ, таажжубланмоқ:
Ул ой жамоли аро зулфидин ажаб қолдим,
Ки ой аросида қилмиш аён занаб сурат. *Бадойиул-васат*, 64-Т.

АЖАБЛИҚ [عجب لیق] – ҳайронлик, таажжублик; ҳайратангезлик:
Чу ҳал бўлди бўлуб бир дам тараблиқ,
Бўлуб рафъ ул ажаб ишдин ажаблиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 142-Т.

АЖАЛ [اجل] – ўлим, умр интиҳоси:
Ҳижрон балосидин жониға етиб ажалға илтижо қилур. *Мажолисун-нафойис*, 241-Т;
Ёрдин айру Навоий ўзига истар ўлум,
Эй ажал жонинг учун берма анга кўп танқис. *Наводируш-шабоб*, 273-Т;
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға укубатдур ўлум ботлиғи. *Назмул-жавоҳир*, 15-165;

~ **дарвозаси** – ўлим дарвозаси, эшиги:
Тикканин еткач очар пайкони кўксум чокининг
Ул калид ўлмиш ажал дарвозаси гўё бу чок. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;

~ **доми** – ўлим тузоғи, ҳалокат тузоғи:
Юз кўнгул сайдин ажал домидин озод айлади,
То жамолинг тоблиғ зулфини барбод айлади. *Наводируш-шабоб*, 693-Т;
Ани худ шоҳ иқболи паст айлади,
Ажал домиға пойбаст айлади. *Садди Искандарий*, 225-Т;

~ **дўзахи** – ўлим дўзахи; азобли, машаққатли ўлим:
Ясоле ки қалмақ хони ясаб,
Ажал дўзахидин нишоне ясаб. *Садди Искандарий*, 185-Т;

~ **ели** – ўлим ели; сўнгги нафас, ўлим нишонаси:
Кўзин очибан элга айлаб нигоҳ,
Ажал елидек чекти бир савуғ оҳ. *Садди Искандарий*, 479-Т;

~ **жоми** – ўлим пайти; ўлим ҳолати:
Йўқ бу дайр ичра берур жоми ажал таъмини май,
Ким эрур паймона тўлмақдин нишон паймона ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 317-Т;
Ногаҳон чекти ажал жомини шоҳ,
Тахтни шаҳзода қилди жилвагоҳ. *Лисонут-тайр*, 191-Т;

~ **заҳри** – ўлим оғуси, заҳари:
Фироқ ичра ажал заҳрин тут эй соқий ки ишқ андақ
Ачиғ шарбатни бу қатиқ маразға судманд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т;
Майға эй соқий ажал заҳри эзиб бир жом тут,
Тори уммедимни яъни риштаи ҳижрондин уз. *Фавойидул-кибар*, 201-Т;

~ **илиги** – ўлим қўли:
Ҳар кимни ким оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илигидин ани паст эттиинг. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;

~ **коси** – паймона; ажал, ўлим косаси:
Соқиё жом айла дойир ким ғаниматдур ҳаёт,
Тутқусидур чун ажал косини даврон оқибат. *Бадойиул-васат*, 55-Т.

~ **майи** – ўлим нашъаси:
Бу диққатпеша зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст-у бехабардурлар. *Мажолисун-нафоис*, 166-Т;

~ **нахли** – ўлим дарахти:
Ажал нахлиға ҳар бири соқ ўлуб,
Сипаҳдорнинг соқидек оқ ўлуб. *Садди Искандарий*, 290-Т;

~ **пайки** – ўлим элчиси:
Ажал пайки қачан ким етса филҳол,
Вадиатни дегач топшур десам ол. *Вақфия*, 14-217;

~ **сарриштаси** – ўлим ипининг учи; ўлим воситалари:
Кўнгул уз чарх золидин фирибин ема ким охир,
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас. *Бадойиул-васат*, 181-Т;

~ **сарсари** – ажал шамоли, ўлим қуюни:
Ажал сарсари бўлди гетинавард
Қаро қилди олам юзин тира гард. *Садди Искандарий*, 485-Т;

~ **соғари** – ажал жоми, қадаҳи:
Аҳли вабо тортиб ажал соғари,
Қон аро ёқут қўюб жавҳари. *Ҳайратул-аброр*, 7-147;

~ **тийғи** – ўлим ханжари; ўлим тиғи:
Ажал тиғи не бўлғай элни майдон ичра қатл этса,
Ки эл ғавғосидин чобук суворим эмди отланмас. *Наводируш-шабоб*, 226-Т;

~ **уйқуси** – ўлим уйқуси:
Тушта васлин кўргали ваҳ ким ажал уйқусиға,
Бордиму кўнглум аро қолди ул уйқу ҳасрати. *Наводируш-шабоб*, 594-Т;

~ **хайли** – ўлим лашкари; ўлим ғолиблиги:
Ки мендин ки йўқ мендек озурдае,
Ажал хайли илгида пажмурдае. *Садди Искандарий*, 480-Т;

~ **хори** – ўлим тикани; ўлим азоби:
Санчилған ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонға бало нешин ҳажр ўзгачарак санчар. *Ғаройибус-сиғар*, 158-Т;

~ **чобуки** – ўлим чавандози; ўлим аломатлари:
Эй жисм ажал чобуки ҳар гўй ким ўйнар,
Майдони фано ичида бошинг соғинурмен. *Ғаройибус-сиғар*, 348-Т;

~ **шоми** – ўлим шоми, фироқ, жудо шоми:
Ажал шоми тонг йўқ агар бўлса фош,
Ки Баҳман кунига уёқти қуёш. *Садди Искандарий*, 204-Т;

~ **қасри** – ўлим қўшки, саройи; йўқлик олами:
Ажал қасрин ҳакими сунъ бас мушкил тилисм этмиш,
Ки ҳар ким анда кирди бўлмади андин хабар пайдо. *Фавойидул-кибар*, 37-Т;

~ **қафаси** – ўлим қафаси, гўр:
Қуш то таманноий хомға тушмас, сайёд илгида домға тушмас ва анга то ажал қафаси эшиги очилмас сайёд дом-у донасига майл қилмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96;

~ **куллоби** – ўлим чангаки; ўлим исканжаси:
Ғарқ ўлай май баҳри ичра рост ул ғоятқача,
Ким солиб бўғзум аро чеккай ажал куллоби шаст. *Ғаройибус-сиғар*, 84-Т;

~ **айла-** – ажал келмоқ:
Манга берди худ ҳаййи доно мурод,
Ажал айлаган чоғ вале номурод. *Садди Искандарий*, 200-Т:

АЖАМ I [عجم] – Форс, Эрон, ноараб; мусиқа оҳанги:
Эй Навоий то муқаррар қилдим оҳанги Ҳижоз,
Гаҳ Ирок-у гаҳ Ажам сари тараннум айларам. *Ғаройибус-сиғар*, 335-Т;
Яна Хусрав ул турки ҳиндий лақаб,
Ки сўз бирла олди ажам то араб. *Садди Искандарий*, 519-Т;

Учунчи доиранинг тўртунчи баҳри ҳафифдур ва бу баҳрнинг матбуъ авзонида ажам шуароси маснавийлар битибдурлар. *Мезонул-авзон*, 51-Т;

~ **тили** – форс тили:
Тўртинчи доира икки баҳрдур мутақориб ва мутадорик ва ажам тили била асли маснавий мутақориб баҳридур. *Мезонул-авзон*, 53-Т.

АЖАМ II [عجم] – оҳанг, куй номи:
Муғанний ажам ичра тутқил нағам,
Сиғур анда зикри мулки ажам. *Садди Искандарий*, 106-Т.

АЖВИБА [اجوبه] – жавоб(лар):
Ақлий ва нақлий улумида анинг била Хожа Насируддини Тусий аросида асъила ва ажвиба воқиъ бўлубдур. *Насойимул-муҳаббат*, 363-Т.

АЖДАР [اژدر] – аждаҳо, афсонавий ҳайвон:
Дема йилан, аждар эрур ганжсанж
Музмар анинг жавфида юз турфа ганж. *Ҳайратул-аброр*, 7-223;
Аждаредур ҳалқа урған песа кавкаб холидин,
Жуз ажал заҳрини ком андин топа олмас мазоқ. *Бадойиул-васат*, 241-Т;
Зулфи қонлиғ пайкаримни чекти печ-у хам била,
Ул сифат ким торткай аждар биравни дам била. *Фавойидул-кибар*, 520-Т;

~ **и тездам** – баднафс аждарҳо:
Нафир ўйла ким аждари тездам,
Таҳарруқ солиб бўйниға икки хам. *Садди Искандарий*, 189-Т.

АЖДАРВАШ [اژدروش] – аждарга ўхшаш, аждарсимон; қўрқинчли, баҳайбат:
Танида ҳар сари мў бир синондек,
Синон йўқ, балки аждарваш йилондек. *Фарҳод ва Ширин*, 218-Т;
Фано ғориға чун ани кивурди,
Анинг ғориға аждарвашни сурди. *Фарҳод ва Ширин*, 210-Т.

АЖДАРОСО [اژدرآسا]– аждардек, аждар каби:
Йўқ йўқ ки шубонлиқ ичра Мусо,
Илгингда асо ҳам аждаросо. *Лайли ва Мажнун*, 281-Т.

АЖДАРҲО [اژدرها] – аждаҳо:

~ **йи афлок** – фалак аждаҳоси:
Юз урди ул сари андақ ғазабнок,
Ки жон қасдиға аждарҳойи афлок. *Фарҳод ва Ширин*, 209-Т;

~ **йи хунхўр** – қонхўр, қон тўкувчи аждарҳо;
Оқиб водида юз дарёйи хунхор,
Тоғ ичра худ минг аждарҳойи хунхор. *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т.

АЖДАҲО [اژدها] – I. аждар; афсонавий ваҳший маҳлуқ:
Таворихда аждаҳо ва каркидон ўлтурди дебтурлар.
Ҳар тақдир била Қайсар ани куёв қилиб қизин анга берди.
Тарихи мулуки ажам, 16-209;
То бузуғ кўнглум аро зулфунг хаёли айланур,
Аждаҳоедур ки бир вайрона ичра тўлғанур. *Фавойидул-кибар*, 143-Т;
Ул бири ким масси хартум айлади,
Аждаҳо андоми маълум айлади. *Лисонут-тайр*, 209-Т;

2. қасд қилувчи, ҳалок этувчи; бало, офат:
Дўзах ўти дудиға йўқ интиҳо,
Халқ ҳалокиға бўлур аждаҳо. *Ҳайратул-аброр*, 7-106;

3. қўриқчи, кучли посбон:
Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида. *Наводируш-шабоб*, 677-Т;
Бу маҳзан ки ҳар тошидур бебаҳо,
Бўлуб бу халойиқ анга аждаҳо. *Садди Искандарий*, 396-Т;

~ **йи ганжи мақсуд** – мақсад ганжи посбони, аждаҳо:
Чекиб дам аждаҳойи ганжи мақсуд,
Югуртуб айлабан будини нобуд. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т;

~ **йи дамон** – аждаҳо ҳайбати, хаяжони, даҳшати:
Фалак ҳақиқати фикрида куйди эрса не тонг,
Ки аждаҳойи дамоннинг дамидадур кўнглум. *Ғаройибус-сиғар*, 324-Т;

~ **йи замон** – замон аждаҳоси:
Тўла ғорлар аждаҳойи дамон,
Дами ўйла ким аждаҳойи замон. *Садди Искандарий*, 238-Т;

~ **уйи** – аждаҳо макони (афсонага кўра хазина беркитилган жойда аждаҳо бўлар эмиш):
Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадир,
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат. *Ғаройибус-сиғар*, 81-Т.

АЖДАҲОВАШ [اژدهاوش] – аждаҳосифат, аждаҳосимон, аждаҳога ўхшаш; ғам-алам етказувчи:
Машаққат ғори ичра аждаҳоваш,
Маломат жомидин заҳри балокаш. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т.

АЖДАҲОКУШ [اژدهاکش] – аждар ўлдирувчи; ботир, кўркмас:
Эмди ишқ аждаҳоси зўр этти,
Аждаҳокуш танимни мўр этти. *Сабъаи сайёр*, 10-123;
Қатлим этмаслар ғам-у дардинг бало таҳқирдин,
Мўр қатлин аждаҳокушлар қачон айлар писанд. *Наводируш-шабоб*, 116-Т;
Димоғимдин олиб бир жом ила ҳуш,
Мени қил девбанду аждаҳокуш. *Фарҳод ва Ширин*, 196-Т.

АЖДАҲОКУШЛУК [اژدهاکشلوک] – аждар ўлдиришлик; аждар ўлдиришга ярайдиган:
Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳпайкарига миниб аждаҳокушлук тиғин чекиб аждаҳо водисиға кириб аждаҳо уни ўқ йиланидин дамор чиқарғандек аждаҳони ўқ йилани била тор-у мор қилмағи... *Фарҳод ва Ширин*, 205-Т.

АЖДАҲОЛИК [اژدهالیک] – аждаҳолик; зўравонлик; ~ **қил-** – зўравонлик қилмоқ:
Йўлумда не ким аждаҳолиқ қилиб,
Қўлумда мададға асолиқ қилиб. *Садди Искандарий*, 86-Т.

АЖДОД [اجداد] – бобо, ота-боболар, аждод:
Ҳам обоси бу хонадон бандаси,
Ҳам аждоди аждодим афгандаси. *Садди Искандарий*, 160-Т;
Амир Давлатшоҳ... обо ва аждоди тариқидин ким аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 167-Т.

АЖЗ [عجز] – 1. ожизлик, заифлик; чорасизлик, нотавонлик:
Жонида ҳарфи ғами ёзар таҳририға кўнгул ажз ва нотавонлиғидин унамаслиғиға тадбир ва чора топмасдин бечоралиғ зоҳир қилур. *Мажолисун-нафоис*, 239-Т;
Ошиқ иши ажз-у нотавонлиқ,
Гумон қилдинг бу ишни нуктадонлиқ. *Вақфия*, 14-251;
Ул ажзиға эътироф қилса,
Ҳамдингдин ўзин маоф қилса. *Лайли ва Мажнун*, 35-Т;

2. хасталик:
Ишқ шиддати ажзидин кўзни аъмоликка раво кўриб қазоға дардмандона хитоб қилғани... *Мажолисун-нафоис*, 228-Т;
3. ожизликни, хоксорликни тан олиш:
Хирадка солиб ажз зотинг сенинг,
Хирад аҳлиға муъжизотинг сенинг. *Садди Искандарий*, 59-Т;
Айлади ажз-у ниёзингни қабул,
Нолау сўз-у гудозингни қабул. *Лисонут-тайр*, 121-Т;
4. аруз фани атамаси;
бир байтни иккинчи мисраънинг сўнг жузи. *Мезонул-авзон*, 23-Т;
~ **и аҳвол** – ожизу нотавон аҳвол:
Зоҳир этти ажзи аҳволини куф
Ким эрурмен мен заиф-у йўл махуф. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
~ **ет-** – ожизлик қилмоқ:
Навфал кўруб ул хилофи одат,
Ҳайрат анга ажз этиб зиёдат. *Лайли ва Мажнун*, 199-Т;
~ **кетур-** – ожизлнк кўрсатмоқ; тарк қилмоқ:
Риёға ажз кетурсам тангирғама, эй шайх,
Ул ишда чун яратибдур мени Худо ожиз. *Бадойиул-васат*, 157-Т;
~ **ўз ажзини адо қил-** – ожизлигини, забунлигини бўйнига олмоқ:
Яъс ила ўз ажзини қилғач адо,
Қилди анга хотифи ғайбий нидо. *Ҳайратул-аброр*, 7-77.

АЖЗКЕШ [عجزكيش] – ожизлик, камтарликни йўл-йўриқ қилиб олган:
Деди Ҳудҳуд: к-эй забуни ажзкеш,
Шавк-у дард ичра кўнгулни иста реш. *Лисонут-тайр*, 65-Т.

АЖЗО [اجزاء] – 1. жузвлар, бўлаклар, парчалар, зарралар, қисмлар:
Анча ким бўлғай ул ғубор асари,
Етар ажзосиға анинг зарари. *Сабъаи сайёр*, 10-381;
Зарра эрмас ким қуёш ажзоси нур айларга касб,
Ул пари қасрига равзандин қилур ҳар дам нузул. *Ғаройибус-сиғар*, 296-Т;
2. китоб қисмлари, жузвлари; рисола:
Яна дағи расоилға қалам сурубмен ва макотибға рақам урубмен ки форсий сеҳрсозлар ва паҳлавий афсонапардозлар хам анда аврок ороста ва ажзо пироста қилибдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т;
~ **йи жигар** – жигар бўлаклари, жузвлари:
Суни андақ ки ёпқай сафҳа барги гул тушкач,
Ёшимға пора пора бўлмиш ажзойи жигар ҳойил. *Фавойидул-кибар*, 373-Т;
~ **йи паришон** – тарқоқ, безовта жузвлар, ажзо:
Жузви жузвумни айириб ким паришон айладинг,
Бордур анинг шарҳи ажзойи паришонимда сабт. *Бадойиул-васат*, 60-Т.

АЖЗПАЙВАНД [عجزپيوند] – ожизликка, нотавонликка мубтало; мадорсиз, бемажол:
Бениёзлиғи жанбида чархи нигун бир гадойи ниёзманд ва чорасозлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7.

АЖИБ [عجيب] – 1. ажойиб, ҳайратли:
Ва султонус-салотиннинг шафқат-у улфати ва ажиб иноят ва унсийяти Паҳлавон борасида бор эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;
Ҳар парида юз туман ранги ажиб,
Лек ҳар рангида минг нақши ғариб. *Лисонут-тайр*, 38-Т;
2. одамни ҳайратга соладиган; ўта яхши:
...бу икки байтнинг дағи маъниси бир бирига мавкуф ва мусалсал воқиъ бўлубтур ва асру ғариб тартиб ва ажиб таркиб тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 209-Т.

АЖИБА [عجيبه] – ажабланарли, ҳайратли:

... бу тифлдин бир бузург хонвода зоҳир бўлурнинг исси келадур ки андин аҳвол-у осори ғариба ва ажиба мушоҳада бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 204-Т.

АЖИЛЛА [اجله] – улуғлар, азизлар:

Оти Аскар бин ал-Ҳасин. Хуросон машоихининг ажилласидиндур.

Насойимул-муҳаббат, 34-Т;

бу латофатойин аъиззаға ва бу балоғаттазйин ажиллаға ким табълари натижасидин олам аҳли хушҳол... *Мажолисун-нафоис*, 75-Т;

~ **йи асҳоб** – улуғ зотлар:

Аммо баъд ажиллайи асҳоб оллида андақ маъруз бўлур ва аиззайи аҳбоб хизматида андақ арзға еткурулур. *Муншаот*, 14-133;

~ **йи аҳбоб** – улуғ зотлар, мўътабар ҳамсуҳбатлар, қадрдонлар:

...дебочасида шарҳ била аиззайи асҳоб ва ажиллайи аҳбоб хизматларида арз қилиб эрдим. *Ғаройибус-сиғар*, 3-10.

АЖЛОФ [اجلاف] – билимсизлар; енгилтаклар:

Турк элида ажлоф ва сода эл сартдин зиёдадур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

АЖМАЛ [اجمل] – гўзал, энг гўзал; яхшироқ; ёқимлироқ:

Қаю мазҳар ки ажмал келса мавсуф,
Ажаб йўқ анда кўпрак бўлса машъуф. *Фарҳод ва Ширин*, 359-Т.

АЖМАЪ [اجمع] – барча, ҳамма:

ва куммали авлиё ва акобир ва машойих муҳаққиқлари раваҳуллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин азвоқидин жамъ қилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 360-Т.

АЖНАБИЙ [اجنبی] – бегона, хорижий, ёт, чет (тил):

Эй Навоий ҳеч билман ким унағайму кўнгул,
Анга мунча ажнабий сўзлар ки иршод айладим. *Наводируш-шабоб*, 412-Т.

АЖНИҲА [اجنحه] – қанотлар:

Ҳар бири бир ажниҳа товус ўлуб,
Донайи тасбиҳ анга маънус ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-102;
Тоби муҳаббат чоғи ул ажниҳа,
Ўтлари туғёни учун мирваҳа. *Ҳаратул-аброр*, 7-103.

АЖНОС [اجناس] – 1. жинслар, турлар:

Қиймати ажносидин чун шадда боғлар ҳафт ранг,
Ҳусн бозори аро зоҳир бўлур колоси чўх. *Фавойидул-кибар*, 113-Т;

...ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандарак ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илги тегмакдин маъмун.

Муҳокаматул-луғатайн, 180-Т;

2. либос, мол, мато:

...нафис ажносни аяб чопон киймаса лазиз ағзияни исиркаб куруғ нон емаса...

Маҳбубул-қулуб, 14-34;

~ **и зебо** – гўзал, зебо либослар:

Яна қирқ уй аро ажноси зебо
Ҳар уйда қирқ танк аксун-у дебо. *Фарҳод ва Ширин*, 184-Т;

~ **у накд** – мол ва маблағ:

То ки кўп харж айлабан ажнос-у накд,
Ром этиб ул дилрабони қилди акд. *Лисонут-тайр*, 159-Т.

АЖОЙИБ [عجايب] – 1. ажиб, ҳайратли, ҳайрон қоларли:

Ким ниҳоний ривоятим бордур,
Бас ажойиб ҳикоятим бордур. *Сабъаи сайёр*, 10-82;

2. ажиб нарса, ҳайратга солувчи мавжудот; ажойибот, ғаройибот:
Кўнглум аро фалакдин юз ханжари навойиб
Ҳолим билиб сўрарсен сендин дағи ажойиб. *Фавойидул-кибар,* 728-Т;
3. ёкимли, чиройли, жозибали:
Кўрдилар ўзни қаён ким тушти кўз,
Оллоҳ-оллоҳ не ажойибдур бу сўз. *Лисонут-тайр,* 245-Т;

~ **ул-махлуқот** – тааҗжублантирувчи нарсалар, гўзал, тенги йўқ махлуқ:
Мавлоно Шиҳоб – Мудаввин лақаби била машҳурдурур ва ани ажойибул-махлуқот деса бўлур. *Мажолисун-нафоис,* 149-Т.

АЖОЙИБСУВАР [عجايب سور] – ажойиб тасвир, нақш:
Наботи ву кони ву гар жонвар
Ғаройибмисол-у ажойибсувар, *Садди Искандарий,* 442-Т;
Баҳрий жонвардин ажойибсувар ғоятсиз ва дарёйи суратдин ғаройиб пайкар ниҳоятсиз. *Муншаот,* 14-144.

АЖР [اجر] – мукофот, эваз; ўч, қасос:
Бир ул ким қиёмат куни ажри бор,
Анга ким бу зулм айламиш зажри бор. *Садди Искандарий,* 141-Т.

АЖРИҒ [اجريغ] – ажриғ (ўт):
Орада бўлған ўлса туфрақ руст,
Асраған бўлса ажриғ ани дуруст. *Сабъаи сайёр,* 10-378.

АЖРОМ [اجرام] – жисмлар; жонсиз жисмлар; моддалар:
Бир фано аҳли елидин сарбасар барбод ўлур,
Гар ҳаво узра булут ажромини сажжода эт. *Наводируш-шабоб,* 88-Т.

АЖСОД [اجساد] – гавдалар, жасадлар:
Мўъмин ул ажсод ҳашриға ву даъво қилма кўп,
Ким азоб-у неъматин тонгла қилур идрок руҳ. *Бадойиул-васат,* 85-Т.

АЖСОМ [اجسام] – жисмлар:
Агарчи ул ажсомаға ҳулулдин муназзаҳдур, аммо чун анинг била бу китъам лаҳми санавбари аросида нисбати бор. *Насойимул-муҳаббат,* 253-Т.

АЖУЗ/АЖУЗА [عجوزه / عجوز] – 1. қари, кекса; кампир; кўҳна (олам):
Кезиб топтилар бир йиғач бўйла туз,
Валекин анинг молики бир ажуз. *Садди Искандарий,* 344-Т;
Ажузлар чархуни мадди била анинг дуосиға нағмасоз ва канизаклар мамуқ сабамақ уни била анинг алқишиға нағмапардоз. *Маҳбубул-қулуб,* 14-12;
Бир кун анинг уйида эканимда ки анинг хотуни ажуза эрди, муҳташам ва соҳиби вилоят... *Насойимул-муҳаббат,* 208-Т;
Дерлар ки Нишопурда Ироқийя деган ажузае эрди, эшикларга юруб савол қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат,* 37-Т;
Хаёлим бу ким чун оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажузасининг вафосизлиғи... *Вақфия,* 14-246;
2. жодугар, маккора:
Бу даҳр ажузе ки вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдур ки ҳаёси йўқ анинг. *Назмул-жавоҳир,* 15-174;
Даҳр золиға кўнгул берма ки Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамкора ажуз. *Бадойиул-васат,* 164-Т;
3. аруз илми атамаси; бир байтнинг иккинчи мисраъси ярми
Мезонул-авзон, 27-Т;

~ **и сипеҳр** – кекса, қадимий сипеҳр:
Юзи машшотаси ажузи сипеҳр,
Ҳусни кўзгуси ул сипеҳрда меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-221.

АЖУЗАЛИҒ [عجوزالیغ] – қарилик, кексалик; кўҳналик:
... ул бирга ҳам ўғулсизлиқ жиҳатидин ҳам таън қилур эрди ҳам ажузалиғ жиҳатидин шамотат кўргузур эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-151.

АЗ [از] – олд кўмакчи; чиқиш келишиги қўшимчаси – *«дан»*нинг функциясини бажаради:
Мўътабар эрмас агар зарқ аҳли кўп тўккан сиришк,
Ким мушъабид оз дирам истаб фаровон йиғлагай. *Бадойиул-васат*, 439-Т.

АЗАЛ [ازل] – 1. энг аввал, боши йўқ; абаднинг зидди, ибтидосиз қадим:
Барча қушннинг оти булбул бўлмади,
То азалдин ишқ аро кул бўлмади. *Лисонут-тайр*, 202-Т;
Азалда чунки рақам топти толиҳ-у солиҳ,
Манга бу пандларинг бежиҳаттур, эй носиҳ. *Фавойидул-кибар*, 104-Т;
Эй санга мабдода абаддек азал,
Зоти кадиминг абадий лам язал. *Ҳайратул-аброр*, 7-19;
2. аруз вазни зиҳофларидан бирининг номи: *Мезонул-авзон*, 16-Т;
~ **и озол** – азалдан азал:
...ул ким озоли азалда ким мавжудот раънолари адам шабистонидин вужуд гулистониға жилвасоз бўлмайдур эрдилар. *Вақфия*, 14-236;
~ **девони** – қисмат, тақдир, пешонада ёзилган:
Сизу васл эй айш аҳли ким Навоий жониға
Андухи ҳижрон азал девонидин таъйин эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 129-Т;
~ **куни** – қисмат, тақдир куни:
Деди ихтиёринг анга ки азал кунида санга қисмат бўлубдур.
Насойимул-муҳаббат, 84-Т;
~ **наққоши** – Яратувчи, Тангри, Худо:
Азал наққоши ким чекти янги ой нақшини гўё,
Қалам соф айлар эрди сизғали ул дилрабо қошин. *Бадойиул-васат*, 370-Т;
~ **то абад/дин то абад/ то ба абад** – аввалдин охир, бутун борлиқ давомида; бошдан-оёқ; ҳамиша, доимо:
Силсила бу навъ азал то абад
Келгучи ву кетгучи беҳадду адд. *Ҳайратул-аброр*, 7-249;
Эй жамолинг сеҳридин равшан азалдин то абад,
Зарра янглиғ ул ёруглуқ ичра саргардон хирад. *Наводируш-шабоб*, 114-Т;
Зуҳд хуффоши оча олмаса кўз кимга гунаҳ
Ишқ хуршиди ёрутмиш чу азал то ба абад. *Фавойидул-кибар*, 124-Т;
~ **хатти** – энг қадимий ёзув; тақдир:
Эй сафҳаи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т;
~ **қассоми** – қисмат битувчи, яратувчи, Худо:
Навоий бенаво бўл ким азал қассоми қилғанда,
Халойиққа наво тақсим бизни бенаво қилмиш. *Наводируш-шабоб*, 270-Т;
~ **қисмати** – энг аввалги насиба; тақдир:
Саъй била азал қисматин орттурай деган ёғин риштасига гирех урай дер.
Маҳбубул-қулуб, 72.

АЗАЛИЙ [ازلی] – азалга мансуб; азалий:
Ҳудҳуд ки қўйдилар азалий тож бошиға,
Тушкайму жола ёғқан ила тож бошидин. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т;

Зотимда чун майи азалий чошниси бор,
Ҳар сари маст кўл солиб андак ки токмен. *Ғаройибус-сиғар*, 357-Т.

АЗАЛИЙЯТ [ازليت] – азалийлик; азалият:
Илоҳи азамат ва жабарут сенинг шаънингдадур ва мулку малакут сенинг ҳукму фармонингда азалийятингга бидоят йўқ ва абадийятингга ниҳоят йўқ.
Муножот, 16-293.

АЗАЛЛ [ازلّ] – аруз вазни зиҳофларидан бирининг номи:
Аммо фуруъи: мафоилун-мақбуз; мафоъийлу-макфуф... фаул-мажбуб; фоъ-азалл; фаъ-абтар. *Мезонул-авзон*, 20-Т.

АЗАМАТ [عظمت] – 1. улкан, улуғвор, улуғлик; буюклик:
Азамат бобида гумондин улуғ,
Не ким андин улуғроқ андин улуғ. *Сабъаи сайёр*, 10-13;
Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб. *Ҳайратул-аброр*. 7-24;
2. салтанат, ҳукмронлик, амалдорлик:
Ардувон бинни Ялош Ашконийларнинг сўнгги подшоҳи эрди азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табақадаги салотиндин ортти.
Тарихи мулуки ажам, 16-221;
Қози Исо... микнат ва азамати чоғи ҳеч иш қилмади ким андин деса бўлгай.
Мажолисун-нафоис, 184-Т;
~ **кўргуз-** – катталик қилмоқ, керилмоқ:
...ҳар неча қози Исо элга истиғно ва азамат кўргузди.
Мажолисун-нафоис, 184-5-Т.

АЗБАР [ازبر] – ёддан, ёдаки; ~ **қил-/айла-** – ёдламоқ, ёдда тутмоқ:
ва қайтқанда дарсға машғул бўлур эрдим ва олти варақ битир эрдим ва азбар қилур эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 210-Т;
Фасонаи ғаму меҳнат буюрдунг айламак азбар,
Қаноат этмай улусқа мени афсона ҳам эттинг. *Наводируш-шабоб*, 356-Т.

АЗБАС/АЗБАСКИ [ازبس / ازبسكه] – шу боисдан ки, сабабдан ки; қанчали, қанча ки:
Ўкурда рукъаи ҳижрон узулди тори ҳаёт,
Недин ки тордек азбас ўзумга тўлғандим. *Фавойидул-кибар*, 407-Т;
Бу ким қолибдур ул ой ҳажрида ҳаёт манга,
Ҳаёт қолмамиш азбаски бор уёт манга. *Наводируш-шабоб*, 12-Т;
Ожиз бўлуб ул дағи бир ришта,
Азбаски қанот уруб фаришта. *Лайли ва Мажнун*, 378-Т.

АЗВОҚ [اذواق] – завқлар, лаззатлар, нашъалар:
ажмоъин азвоқидин жамъ қилдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 360-Т;
Хожа Абул-Вафои хидматлариға тавҳид арбоби ва мавожид ва азвоқ асҳоби сўфийя машорибидин шурби тамом бор эмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 274-Т.

АЗДОД [اضداد] – зидлар, зиддиятлар:
Қила кўр маҳзу инсонийятингдин,
Не ким аздод эрур ани мувофиқ. *Муншаот*, 14-205.

АЗЗА ҚАДРУҲУ [عزقدره] – қадрини улуғ қилсин:
Жалла зикруҳу зиҳи илоҳи рафиъ,
Азза қадруҳу зиҳи расули шафиъ. *Арбаъин*, 16-261.

АЗИЗ [عزيز] – 1. нодир, ноёб; қадрли:
Эрур оз ки фируза бўлмиш азиз,
Чу хармуҳра кўпдур ани бир пашиз. *Садди Искандарий*, 260-Т;

2. улуғ, қадру қимматли, муҳтарам, мўътабар:
Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хордурур олим-у жоҳил азиз. *Ҳайратул-аброр*, 7-212;
Аввалғи мажлис жамоати маходим ва азизлар зикрида...
Мажолисун-нафоис, 5-Т;

3. тенгсиз; улуғвор:
Мавлоно Лутфий... азиз ва мутабаррик киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 67-Т;

4. шоҳ; улуғ зот:
Ёниб Миср фатҳиға қилди ситез,
Сипеҳр ани Миср узра этти азиз. *Садди Искандарий*. 149-Т;

5. олий қадр, табаррук:
Мавлоно Машрикий... Мир Маҳмуд кўп азизлар хизматиға етиб эрди.
Мажолисун-нафоис, 55-Т;

~ **лар ҳазираси** – атрофи ўралган жой; хилхона; Ҳирот шаҳрининг шимоли ҳаддида тоғ этагидаги Саййид Ҳасан Ардашернинг хилхонаси:
Ва хели азизлар ким аларға тирикликда мусоҳиб эрдилар ва қабрлари пароканда ерларда вокиъ эрди, йиғиштуруб, алар жаворида қўюлди. Бу жиҳатдин баъзи азизлар ул ерни «Азизлар ҳазираси» дебдурлар ва бу исм машҳур ҳам бўлубдур.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-102;

~ **и хайл** – азиз зотлар, гуруҳлар:
ва маони лаъли оташнокининг кони бўла олғайлар, бас азизи хайл ва шарифи қавм бўлғайлар. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т;

~ **бил-** – азиз тутмоқ, азизламоқ, эъзозламоқ:
...сўл кўзни хор ўнг кўзни азиз билгай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-65;

~ **бўл-** – эътиборли бўлмоқ; ҳурматли бўлмоқ:
Ҳунар аҳлин севар эрди ва анинг замонида ҳунар аҳли азиз бўлдилар ва ҳунар такмил топти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-220;

~ **эт-** – аъзозламоқ:
Нафси хор этмиш Навоийни азиз эт фақр била,
Эй жалол-у раҳматингдин гар залил-у гар муъаззаз. *Наводируш-шабоб*, 199-Т;

~ **тут-** – ҳурмат-эҳтиром қилмоқ, эъзозламоқ:
Яна бири шафқати муфрит ки барча риндларни азиз тутқайлар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-94;
... айтти ким Абдуллоҳни азиз туттунг ки андин имомлиғ келур.
Насойимул-муҳаббат, 210-Т.

АЗИЗЛИК [عزيزليق] – иззатлик, обрў-эътиборлик; улуғлик:
Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким халқнинг ааззи деди «азза ман қанаъ». *Бадойиул-васат*, 221-Т.

АЗИМ [عظيم] – 1. катта, улкан, буюк:
Кўрунуб бу анга ғариб нима
Ки аён бўлди бир азим кема. *Сабъаи сайёр*, 10-326;
Мавлоно Муин Воиз... ҳоло ўзи дағи азим воиздур ва муридлари кўп.
Мажолисун-нафоис, 139- Т;

2. муҳим:
...яна бири лутф ва тавозуъ ва адаб ва юмшоқ сўз ким бу барчадин азимроқдур.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 527;
Бу амр сифатиға мавсуф бўлмаққадур мундин азимроқ амр не навъ бўла олур.
Маҳбубул-қулуб, 14-77;

3. оғир; қийин:
Азим анингдек эрур ишқ маҳмили ким анга
Қазо фалакни икки бўлса бўлғай икки жарас. *Ғаройибус-сиғар*, 191-Т;

Қойид деди ким бу ёлғон онт ўғурлуғдин азимракдур.
Насойимул-муҳаббат, 152-Т;

4. жуда кўп, бениҳоя, ҳисобсиз:
Ёдгор Муҳаммад Мирзо ким мулк вориси эрди азим черик била ул ҳазратнинг устига юруди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-236;
Азим қийинлар тортти ва бору йўқ жиҳотни девоний қилдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-74;

5. бой, мартабали:
Сиздин ар бўлсун азим ар худ ҳақир,
Тавру вазъ ичра сағир ар худ кабир. *Лисонут-тайр*, 41-Т;

~ **шони** – улуғ шонлик, мартабалик:
Шахси эди бир азим шони,
Рифъатда сипеҳрдин нишони. *Лайли ва Мажнун*, 97-Т.

АЗИМА/АЗИМАТ [عظیمه/عظیمت] – 1. қасд, ният, жазм; интилиш:
Подшоҳ Қундуз вилояти азиматиға черик отланганда аларнинг ва ҳеч кимнинг ул юруш днлхоҳи эмас эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-43;
Алар Паҳлавон қошиға еткунча Паҳлавон худ ўзга олам азиматиға аёғ урған эканлар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т;

2. сафар, кўч, риҳлат ихтиёри:
Қушларнинг йўл азмиға ҳужум кўргузганлари ва риёзат шиддатидин баъзининг азиматиға футур йўллангани. *Лисонут-тайр*, 54-Т;

~ **и дайр** – майхонага азимат:
Масжидқа неча аҳли риёдек етайин,
Ё ринд киби азимати дайр этайин. *Ғаройибус-сиғар*, 560-Т;

~ **и дашт** – дашт, биёбонга азимат:
Навоий айласа Лайливаше азимати дашт,
Муносиб эрди ўрдуси улусиға ҳай. *Фавойидул-кибар*, 575-Т;

~ **бўл-** – етиб бормоқ; йўлланмоқ:
Ҳамул учурда подшоҳ Марв қишлоғиға озим бўлдилар. Иттифоқо неча кундин сўнгра азимат бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-34;

~ **қил-** – 1. қарор, аҳд қилмоқ, отланмоқ, кетмоқ:
Қўбтию қилди азимат Румға,
Дину имонсўз марз-у бумға. *Лисонут-тайр*, 119-Т;
Самарқандға ҳазрати Хожа Насриддин Убайдуллоҳ шарафи суҳбатлариға ким... мушарраф бўлурға азимат қилдилар. Хожа била неча кун суҳбатлар тутуб таъзим ва ташрифлар топиб яна Ҳирот шаҳриға азимат қилдилар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-101;

2. интилмоқ; ҳаракат қилмоқ; йўл олмоқ:
Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳмон сари азимат зинҳор. *Назмул-жавоҳир*, 115-162;
Ҳар душвор иш ки мол сарф этмак била муяссардур, қилмасанг жонға хатардур сарфин ғанимат бил ва саломат сари азимат қил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-91;

3. кўшин тортиб бормоқ, юриш қилмоқ; жўнамоқ:
Алар анингтек турғанидин ул ишга ризо фаҳм қилмақ туҳмати била Ҳурмузни ҳалок қилиб оз киши била Парвизни Фирот суйидин ўткариб Рум азимати қилдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247;
Маккани бузғали азимат қилиб эрди ким Бори таоло тайри Абобилни йибариб ани ва черикин ҳалок қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243;

4. вафот қилмоқ, ўлмоқ; ўтмоқ:
Оқибат ул дағи ўзгалар азимат қилғандек озим бўлди ва анинг подшоҳлиғи қирқ йил эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-221;

~ **айла-/эт-** – йўл олмоқ, жўнамоқ:
Бари ошубдин холи кўруб йўл,
Ҳисор ичра азимат айлади ул. *Фарҳод ва Ширин*, 229-Т;
Биззарурат азимат айлади жазм,
Ешибан заврақини қилғали азм. *Сабъаи сайёр*, 10-324;
Ул сари ким азимат этти сипоҳ,
Ҳам ушул ён азимат айлади шоҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-380;
Бу маҳалда мухтасиблар еттилар,
Ул ғулув ҳар ён азимат эттилар. *Лисонут-тайр*, 62-Т;
Навоийё қани ул файз хонақоҳ ичра,
Азимат эт ки эрур хушроқ анда ўқ эканим. *Бадойиул-васат*, 312-Т.

АЗИМЖУССАЛИҒ [عظیم جسّه لیغ] – улкан жуссалик, азим гавдали, кадду қоматли:
...жаноҳининг сояси қуёшнинг анқойи заррин жаноҳиға зулмат қофида нешимен берур ва азимжуссалиғи васфида ким байзонинг симин байзосин жаноҳи остиға яшурур. *Садди Искандарий*, 122-Т.

АЗИМЛИҒ [عظیملیغ] – катталик, улканлик, бақувватлик:
ва не ишнинг азимлиғи ва душворлиғи жиҳатидин шуруъ қила олур эрдим.
Насойимул-муҳаббат, 2-Т;
Ўтнинг азимлиғидин киши ёқиниға бораолмас эрди ким ани ўтқа солғайлар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-115.

АЗИМУШ-ШАЪН [عظیم الشأن] – баланд мартабали, эътиборли, ҳурматли:
Агарчи мезбони ани танимади, аммо чун бағоят важиҳ ва мутакаллим киши эрди зиёфат қоидасини яхши маръий тутти ва билди ким азимуш-шаън кишидур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-239.

АЗЛ [عزل] – четлатиш, узоқлаштириш; мансабдан бўшатиш:
Шоҳға зеб-у фар жамолидин анинг,
Азлу фавти ҳам жалолидин аннинг. *Лисонут-тайр*, 116-11;

~ **қил-** – 1. узоқлаштирмоқ, бўшатмоқ; четлатмоқ:
Қубод... Мадойинға етиб подшоҳликка ўлтурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-240;
Сиз агар Кисрони подшоҳ қилибсиз айтман ким филҳол ани азл қилинг.
Тарихи мулуки ажам, 16-235;

2. рад қилмоқ, истеъфо бермоқ:
Оғаси Мавлоно Низомуддин ким икки қатла Ҳирий шаҳрининг қазосин таклиф била анга бердилар иккаласи қатла ўзин азл қилди. Умид ул ким бу қатла қабул қилғай ва азл қилмағай. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т;

~ **эт-** – ҳайдамоқ, узоқлаштирмоқ; йўқотмоқ:
Аввал бу эрди ким кўнгул кишваридин ул ҳазратнинг ғайрининг хаёлин азл этиб балки ихрож қилиб сидқ булутидин сафо ёғини била кишварларини ғайр гардидин юб... *Вақфия*, 14-252.

АЗМ I [عزم] – ният, мақсад, майл, қатъий қарор, жазм; ирода; қасд:
Сафар азмида мусофиридин айрилур чоғда хайрбод мазмунлуқ алфозни радиф қилиб айтилған шеъринининг матлаи фурқатнамо келибдур.
Мажолисун-нафоис, 221-Т;
Вале эмди азмим будур ким Худой,
Агар бўлса умрумға муҳлатфизой. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;

2. бориш, жўнаш:
Эмди мавъид фалон кун ўлди якин,
Азм учун соат айладук таъйин. *Сабъаи сайёр*, 10-292;

Бу манзилдин манга йўл азмиға боисдурур бу ким
Етар бир корвон ҳар дам ўтар бир корвон ҳар дам. *Фавойидул-кибар*, 386-Т;

~ **и асар** – таъсирнинг азми:
...соҳибқирони ки тиғи суйидин разм бўстонида фатҳ гуллари очилди ва мулкистони ки азми асаридин базми анжуманида иноят саҳобидин зафар дурлари сочилди. *Ғаройибус-сиғар*, 10-Т;

~ **и бевақм-у бок** – гумонсиз кўрқинч азми:
Қаён азми бевақм-у бок айлади,
Тенгиз бағрини чок чок айлади. *Садди Искандарий*, 449-Т;

~ **бедод** – зулм, исканжа азми:
Оҳ ким номеҳрибоним азми бедод айлади,
Бир йўли меҳр-у вафо расмини барбод айлади. *Бадойиул-васат*, 442-Т;

~ **и бода** – май, шароб, бода азми:
Алар ҳам айш уйин омода айлаб,
Шабистон ичра азми бода айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 241-Т;

~ **и бўстон** – бўстон азми:
Чекма эй булбул Навоийдек фиғон ким ёнмасун,
Сайр учун ул сарви гулрух азми бўстон айлагач. *Наводируш-шабоб*, 97-Т;

~ **и ватан** – ватанга жўнаш нияти, майли, қарори:
Гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум гоҳ бу шиддатлардин азми ватан қилдим. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
Ё жон куши учти жисми хасдин.
Азми ватан айлади қафасдин. *Лайли ва Мажнун*, 168-Т;

~ **и висол** – висол, учрашув нияти, қасди:
Йил тукангач қилғасен азми висол,
Мен муҳайё айлабан базми висол. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Эй тойири давлат айласанг азми висол,
Бу чок кўнгулни уз урубан чангал. *Муншаот*, 14-205;

~ **и висоқ** – аҳдлашиш, келишув азми:
Кечқурун қилғач йигит азми висоқ,
Деди доно ким кириб ёрингга боқ. *Лисонут-тайр*, 160-Т;

~ **и водийи тавҳид** – бирлаштириш, эътиқод қилиш водисига азм:
Чу солик айлар эса азми водийи тавҳид,
Керак ки минса бу сайр ичра маркаби тажрид. *Фавойидул-кибар*, 117-Т;

~ **и гулшан-** – гулшан азми:
Мен муқаййад ҳажр зиндонида ву аҳбоб ила,
Ҳар кун ул гулрухқа азми гулшан эрмиш англадим. *Наводируш-шабоб*, 431-Т;

~ **и дайр** – 1. бутхона, ибодатхона азми:
Каъбадин андақ ки қилди азми дайр,
Дайрдин ҳам Каъбаға кўргузди сайр. *Лисонут-тайр*, 127-Т;

2. майхона азми:
Субҳдам махмурлугдин тартибан дарди сари,
Азми дайр эттим ки ичкаймен сабуҳий соғари. *Ғаройибус-сиғар*, 498-Т;

~ **и даргоҳи шаҳи олий жаноб** – олий жаноб шоҳ дарғоҳига азм:
Эй Навоий бир сари бўлди бу ғамлар чун санга,
Азми даргоҳи шаҳи олий жаноб ўлди яна. *Ғаройибус-сиғар*, 407-Т;

~ **и даргоҳи шаҳи аршжаноб** – арш соҳиби шоҳ доргоҳига азм:
Чарх зулм этса Навоий тиламас дод андин,
Азми даргоҳи шаҳи арш жаноб айласа бас. *Бадойиул-васат*, 178-Т;

~ **и дарё** – дарё азми:
Неча кун қилғумиздур азми дарё,
Сафар асбобини қилғил муҳайё. *Фарҳод ва Ширин*, 257-Т;
~ **и дашт** – дашт азми:
Бир замондир умр азми дашт этиб осуда бўл,
Бўлсанг абнойи замон бедодидин қийналғудек. *Ғаройибус-сиғар*, 267-Т;
~ **и дуруст** – тўғридан тўғри азм; ҳақ, ҳақиқат азми:
Бир кун эрди сайрға азми дуруст,
Шефта золе этагин тутти руст. *Ҳайратул-аброр*, 7-130;
~ **и жавлон** – жавлонлик азми:
Ваҳ недур майдонда ҳар ён азми жавлон айламак,
Бизга еткач ўзга ён оҳанги майдон айламак. *Ғаройиб-сиғар*, 259-Т;
~ **и жануб** – жанубга азм:
Чу рафъ айлабан куфр янглиғ уйуб,
Бериб раҳнавардиға азми жануб. *Садди Искандарий*, 151-Т;
~ **и зулмат** – зулматга азм:
Сикандарга жаҳон-у азми зулмат,
Ки мулки ишқ-у шоми ғам манга бас. *Фавойидул-кибар*, 235-Т;
~ **и зуннор** – зуннор (ўзга дин белбоғи) нияти, майли:
Куфр дайри ичра маъво айлайин,
Азми зуннор-у чалипо айлайин. *Лисонут-тайр*, 93-Т;
~ **и Каъба** – Каъбага азм:
Санга толиб ким ки азми Каъба айлар йўкса дайр,
Сен муроди ким ки дайр ичра санам дер ё самад. *Наводируш-шабоб*, 114-Т;
~ **и Кирмон** – Кирмонга азм:
Ўтуб Синд ила Каж-у Мукрон сари,
Ҳам андин қилиб азми Кирмон сари. *Садди Исканарий*, 151-Т;
~ **и кўй** – маъшуқа маҳалласи, кўчасига азм:
Баданға келмади, то азми кўйинг айлади руҳ,
Ки руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 101-Т;
~ **и кўйи хаммор** – майфуруш кўчасига азм:
Эй Навоий судраб элтур бода бирла муғбача,
Ихтиёрим бирла азми кўйи хаммор айламан. *Фавойидул-кибар*, 468-Т;
~ **и кўч** – кўчиш азми:
Манзил етиб бўлдилар жазми кўч,
Қўпуб ҳар тараф қилдилар азми кўч. *Садди Искандарий*, 179-Т;
~ **и майдон** – майдонга азм:
Чавгониға чу қилса азми майдон,
Майдонаро қилса майли чавгон. *Лайли ва Мажнун*, 75-Т;
~ **и масжид** – масжидга бориш майли:
Мен худ эттим азми масжид эй мусулмонлар, валек
Бок эмас гар кўрмасам ул кофири бебокни. *Ғаройибус-сиғар*, 467-Т;
~ **и масоф** – жанг майдонига азм:
Магар Ардавон бирла айлаб хилоф,
Икки саридин бўлди азми масоф. *Садди Искандарий*, 347-Т;
~ **и мақсад** – мақсадга азм:
Эл тилар муғ кўйин-у истар Навоий муғбача,
Азми мақсад айлаб эл ул қасди мақсуд айлади. *Ғаройибус-сиғар*, 478-Т;
Дуо хатти бизга рақамзад қилинг,
Бажал айлабан азми мақсад қилинг. *Садди Искандарий*, 465-Т;

~ **и мағрибзамин** – мағриб ўлкаларига азм:
Бурун тортибан разм учун тиғи кин,
Юруб айлади азми мағрибзамин. *Садди Искандарий*, 149-Т;
~ **и меҳроб** – меҳробга азм:
Уйқудин бош қўйғай ул кўз сажда ҳуд қилғуси йўқ,
Кофире ким мастлиғдин азми меҳроб айламиш. *Фавойидул-кибар*, 262-Т;
~ **и нашот** – шодлик азми:
Шоҳ ки гулшанни бисот айлагай,
Базм тузуб азми нашот айлагай. *Ҳайратул-аброр*, 7-60;
~ **и Нишобур** – Нишонурга азм:
Балхдин азми Нишобур айлади,
Ани вайрон муни маъмур айлади. *Лисонут-тайр*, 170-Т;
~ **и оби ҳаёт** – тириклик, ҳаёт сувига азм:
Яна азм қилди қуруғлуғқа бот,
Чиқиб айлади азми оби ҳаёт. *Садди Искандарий*, 153-Т;
~ **и пўя** – елиш, чопиш, илдам бориш нияти:
Чиқти дағи азми пўя этти,
Ғам бодиясиға кирди кетти. *Лайли ва Мажнун*, 115-Т;
~ **и рамим** – чирик суяк:
Эрур лек бу бирда дурри ятим,
Яна бирда бир неча азми рамим. *Садди Искандарий*, 207-Т;
~ **и рафтар** – муомала азми, нияти:
Йўқ майли сукун-у азми рафтор,
Не меҳнат аро эдим гирифтор. *Лайли ва Мажнун*, 272-Т;
~ **и роҳ** – йўл азми:
Бу эл аро расм бу эрмиш ки шоҳ
Қилса бақо мулки сари азми роҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-174;
~ **и Рум** – Рум азми:
Чу бир бирга ҳижрон чекиб еткабиз,
Фароғат била азми Рум эткабиз. *Садди Искандарий*, 464-Т;
Шайх айлар чоғда гўё азми Рум,
Анга маскан эрмиш ўзга марз-у бум. *Лисонут-тайр*, 116-Т;
~ **и савби шимол** – шимол томон (тараф)га азм:
Чу мағрибни осудаҳол айлади,
Яна азми савби шимол айлади. *Садди Искандарий*, 424-Т;
~ **само** – самони ўрганиш максади:
Бири бўлди оламда фикратнамо,
Вале бир гуруҳ этти азми само. *Садди Искандарий*, 373-Т;
~ **и сафар** – сафарга азм, қасд:
Айладим азми сафар бўлгай дебан ишқ ўти кам,
Ул ҳуд афзун бўлди ҳар манзил демай ким ҳар қадам. *Фавойидул-кибар*, 387-Т;
Қилгали азми сафар ул ким манга дилхоҳдур,
Огаҳ ўз ҳолимдин эрмассен Худо огоҳдур. *Наводируш-шабоб*, 155-Т;
~ **и суҳбат** – суҳбат нияти:
Равон тарих сари рағбат айла,
Салотин бирла азми суҳбат айла. *Фарҳод ва Ширин*, 500-Т;
~ **и тавоф** – зиёратга бориш нияти:
Деди ким эй арш матофинг сенинг,
Каъба қилиб азми тавофинг сенинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-120;

~ **и тамошо** – тамошо, сайр азми:
Тушуб чун қилдилар азми тамошо,
Десанг фирдавс ўлур ул навъ ҳошо. *Фарҳод ва Ширин*, 160-Т;
~ **и тариқ** – йўл азми:
Форс навоҳийсидин икки рафиқ,
Айладилар Чин сари азми тариқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-173;
~ **и тасбиҳ-у мусалло қил-** – тасбиҳу жойнамозни қўлга олмоқ, намоз ўқиб, тиловот қилишга киришмоқ:
Ул бири дом эрди бу бир дона эл сайди учун.
Ҳар қачон ким азми тасбиҳ-у мусалло қилди шайх. *Ғаройибус-сиғар*, 109-Т;
~ **и фалак** – фалакка юксалиш нияти:
Бум ки азми фалак ўлди анга,
Доирадин ой дафак бўлди анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-83;
~ **и харобот** – майхонага азм:
Эй кўнгул маст ўлали азми харобот айлаб,
Дайр кўйида гадолиққа мубоҳот айлаб. *Наводируш-шабоб*, 60-Т;
Бодаи лаълинг учун азми харобот эткали,
Риндлар ичра эрур қадрим бийик шоним азиз. *Бадойиул-васат*, 155-Т;
~ **и хилват** – хилватга, холи бир жойга азм:
Пари пайкар деди жонимга миннат,
Равон қўпти ву қилди азми хилват. *Фарход ва Ширин*, 410-Т;
~ **и Ховар** – Ховар азми:
Қилдилар азми Ховар икки киши,
Туну кун сайр ўлуб аларнинг иши. *Сабъаи сайёр*, 10-307;
~ **и хонақаҳ** – хонақаҳ азми:
Йўлдин-ўқ кўргузди азми хонақаҳ,
Шайх атрофида истай деб паноҳ. *Лисонут-тайр*, 116-Т;
~ **и чаман** – чаманга азм:
Қилиб авд майли ватан айласанг,
Ичиб бода азми чаман айласанг. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т;
~ **и шароби ноб** – соф шароб, май нияти:
Чун азми шароби ноб этарлар,
Жайрон қўзисин кабоб этарлар. *Лайли ва Мажнун*, 115-Т;
~ **и шарқ** – шарқ азми:
Шимол аҳлин эҳсонға ғарқ айлабан,
Таважжуҳ қилиб азми шарқ айлабан. *Садди Искандарий*, 150-Т;
~ **и шигарф** – муносиб, улуғ азм:
Айласалар ҳар сари азми шигарф.
Юзларининг қатраси дарёйи жарф. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;
~ **и шимол** – шимолга азм:
Очилғач булар шоҳи фархундафол,
Саодат била қилди азми шимол. *Садди Искандарий*, 150-Т;
~ **и Шом** – Шом азми:
Миср неча вақт анга эрди мақом,
Субҳ дами қилди кўпуб азми Шом. *Ҳайратул-аброр*, 7-198;
~ **и Шом-у Ҳалаб** – Шом-у Ҳалабга азм:
Яна айлади азми Шом-у Ҳалаб,
Насиб ўлди ул ерга ком-у тараб. *Садди Искандарий*, 150-Т;

~ **и шоҳ** – шоҳ билан учрашув мақсади:
Ки қилмаққа ҳолини табоҳ,
Не ҳожат эди айламак азми шоҳ. *Садди Искандарий*, 178-Т;
~ **и ғурбат** – ғурбат, ғариблик азми:
Ки хокон топмайин андин кудурат,
Ул эткай азми ғурбат биззарурат. *Фарҳод ва Ширин*, 258-Т;
~ **и ҳарам** – ҳажга бориш азми; ихтиёр қилиш азми;
Кўйининг эҳромидин кўнглумни манъ этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалғиларға ўхшамас. *Наводируш-шабоб*, 238-Т;
Сидқ бирла айлабан азми ҳарам,
Бодия қатъиға урдилар қадам. *Лисонут-тайр*, 123-Т;
Эшиткач бу сўз боштин айлаб қадам,
Киши ўйла ким қилса азми ҳарам. *Садди Искандарий*, 514-Т;
~ **и Ҳирот** – Ҳирот азми:
Кўп ҳукм етишти ким ёниб келсун бот,
Чун бўлди зарурат айладим азми Ҳирот. *Муншаот*, 14-163;
~ **айла-/эт-/кил-** – касд қилмоқ, отланмоқ, кетмоқ, жўнамоқ:
Биз бу йўлға анда ким азм айладук,
Юз балийят чекмагин жазм айладук. *Лисонут-тайр*, 242-Т;
Ул худ айлар азм мен хастадурмен ҳам ғариб,
Гоҳ гоҳи бўлғамен сендин хабардор эй кўнгул. *Наводируш-шабоб*, 384-Т;
Саъд ер ўпти дағи азм этти,
Ўз висоқида майли базм этти. *Сабъаи сайёр*, 10-229;
Чиқти жон рози имон кўйунгға борғай нега ким
Ҳар қаён азм этса дард-у ғам анинг ҳамроҳидур. *Наводируш-шабоб*, 158-Т;
Не янглиғ ул қуёш кўйига ёлғуз азм қилгаймен,
Ки бўлмақ истамен ул ён борурға соя ҳамроҳим. *Бадойиул-васат*, 304-Т;
Дедилар: азм қилмамак авло,
Ки эрур шоҳға заъф муставло. *Сабъаи сайёр*, 10-366.

АЗМ II [عظم] – суяк, устухон; ~ **и рамим**– чириган, эски суяк:
Рўзи этти елга руҳосо шамим,
Ким шажарға топти жон азми рамим. *Лисонут-тайр*, 16-Т;
Эрур лек бу бирда дурри ятим,
Яна бирда бир неча азми рамим. *Садди Искандарий*, 207-Т.

АЗМСОЗ [عزمساز] – тайёргарлик кўрувчи:
...баъзи авқотда олам кишвари фатҳига азмсоз ва баъзи ҳолотда кишвар аҳли ободонлиғиға сеҳрпардоз... *Ғаройибус-сиғар*, 3-5.

АЗО [عزاء] – 1. мотам, мусибат:
Султон Бадиуззамон Мирзо ким Мозандарон мулкидии киши йибариб алар азоси учун баъзиға либослар илтифот қилиб эрдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-79;
Бу ким бири бири кейнича бордилар аҳбоб,
Азоларига сиришким тузуб қатор келур. *Фавойидул-кибар*, 170-Т;
Ёлғуз ато йўқ ки қавму хайли
Тортиб бу азода вою вайли. *Лайли ва Мажнун*, 351-Т;
2. дод-фарёд, йиғи-сиғи:
Кундуз эли уйда топмай ани,
Бошлаб яна навҳаю азони. *Лайли ва Мажнун*, 186-Т;
3. ранж, азият, озор,
Ҳам хирад нурин топиб ҳуснунг куёшидин димоғ,
Ҳам вараъ рўзи олиб зикринг азосидин жасад. *Наводирул-шабоб*, 114-Т;

Юзланди қабилаға азойи
Сўг аҳлиға тушти ҳой-ҳойи. *Лайли ва Мажнун*, 319-Т;

~ **сўр(а)-** – кўнгул сўрамоқ; таъзия билдирмоқ:
Мажлисда ўлтургач фақирларнинг рутбаси шавкатидин ва мажлис савлатидин ҳаср бўлуб ҳеч навъ сўз ким далолат азо сўрмоқға қилғай айта олмадим.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-26;

~ **тут-** – мотам тутмоқ:
Фалак вафоға азо тутқан ўлса аҳли вафо,
Тирик нетиб юругайлар жамоати мафлук. *Фавойидул-кибар*, 315-Т;
Шом ила субҳ ар сариғ эмаслар пас недур,
Тун сочин ёйиб қуёш йиртиб юзин тутмақ азо. *Фавойидул-кибар*, 41-Т.

АЗОБ [عذاب] – машаққат, азият; озор, дард, алам:
...агар амалдин бурун савоб раво бўлса залолдин ҳам бурун азоб раво бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 23-Т;
Ҳар не хато қилғанинг ўлғач ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-124;
Носавоб хаёли туз чиқмаса ширкати йўқларға итоб ва балки хабари йўқларға арода азоб. *Махбубул-қулуб*, 14-15;
Қариға бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик об-у тоби эрмас. *Назмул-жавоҳир*, 15-171;

~ **и алим** – изтиробли азоб:
Чекти Муқбил басе азоби алим,
То анга қатъ бўлди дашти ҳамим. *Сабъаи сайёр*, 10-309;

~ **и муаббад** – абадий азоб:
...далили бирла дунёда шаковати мухаллад ва укбода азоби муаббад бўлғай.
Вақфия, 14-239;

~ **ояти** – азоб нишонлари, аломатлари:
Ҳажрида барча азоб оятлари шонимдадур,
Барча раҳмат оятидек нозил анинг шонида. *Бадойиул-васат*, 387-Т;

~ **бўл-/ўл-** – азоб бўлмоқ:
Худоё афв осонрақ дурур йўкса ғазаб қилсанг,
Магар ким ўзга дўзах ўзга ўт ўзга азоб бўлғай. *Бадойиул-васат*, 717-Т;
Қисмати аввалғининг ўлди азоб,
Бўлди икинчида дуо мустажоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-43;

~ **еткур-** – азобламоқ, азоб бермоқ, қийнамоқ:
...бир неча изо ва азоб била ҳам бўлмағусидур, балки ул изо ва азоб еткурурда бу фақирнинг заъфлиғ мизожиға тараддуд ва ташвиш кўпрак еткусидур.
Муншаот, 14-217;

~ **торт-** – азоб чекмоқ:
Кеча нафсинг ҳавосиға тонг откунча мундақ азоб тортарсен ки шуубатидин хабаринг йўқтур. *Насойимул-муҳаббат*, 16-Т;

~ **-айла-/кил-** – ранжитмоқ, қийнамоқ, азобламоқ:
Кетур эй ҳурваш соқий майи кавсар зулолидек,
Ки дўзахдек хумори ҳажр жонимға азоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 185-Т;
Ҳажр ким жоним тилар ҳар дам азоб айлаб эрур
Золиме ким қийнаб элдин нақди пинҳон истагай. *Наводируш-шабоб*, 625-Т;
Гар санга бўлса азоб этмак ғараз,
Мен бўлай бу нотавонларға эваз. *Лисонут-тайр*, 175-Т;
Соқийё тут қадаҳ ки ранжи хумор,
Қиладур жонима азоб яна. *Наводируш-шабоб*, 527-Т.

АЗОКИРДОР [عزاكردار] – азодор:

Ой ҳалокимга тутуб мотам кийиб тундин қаро,
Оразинг сели бало аҳли азокирдор этар. *Наводируш-шабоб*, 164-Т.

АЗОЛИҒ/АЗОЛИК [عزاليغ / عزاليق] – азадорлик; мотам тутувчи:

Деб бўйла суруди бенаволиғ,
Ё навҳа ки айлагай азолиғ. *Лайли ва Мажнун*, 329-Т;
Мажнун ғамидин бари азолик,
Лайли ўлуми учун қаролик. *Лайли ва Мажнун*, 375-Т.

АЗОМАТ/ИЗОМАТ [عظامت] – улуғлик; киборлик, мутакаббирлик; хусумат:

Ким рози бўлуб азоматимға,
Бўйнингни қўйуб маломатимға. *Лайли ва Мажнун*, 292-Т;
Йиллардур анинг маломат ва азоматидин қутулмадим. *Мажолисун-нафоис*, 135-Т.

АЗОН [ازان] – азон:

Чун ул масжидқа кирди, қирқ киши ғайбдин пайдо бўлдилар.
Бири азон айтти. *Насойимул-муҳаббат*, 333-Т.

АЗОПЕША [عزاپيشه] – мусибат, мотам иши амали бўлган:

Қилди волийи хорижандеша,
Неча кун ғам ебан азопеша. *Сабъаи сайёр*, 10-260.

АЗОСИЗ [عزاسيز] – мусибатсиз, матомсиз:

Булбул топмай ўзин азосиз,
Бўлғай бири бўйниға қаро киз. *Лайли ва Мажнун*, 341-Т.

АЗРАҚ [ازرق] – 1. кўк, яшил, ҳаворанг; нилгун:

Бири азрақ либос аҳли хирад,
Бўлуб оромгоҳи кўк гунбад. *Сабъаи сайёр*, 10-47;
Кўз азрақ соқол сариғу тира юз,
Чиқиб барчанинг мангларидин мунгуз. *Садди Искандарий*, 405-Т;

2. осмон:

Азрақ уза ким бўлубан бахясоз,
Анжуми наҳси фалаки нақшбоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-133.

АЗРО [عذرا] – бокира қиз, «Вомиқ-у Азро» достонидаги Вомиқ маҳбубаси:

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ,
Юзунгдин гар изори боғида гул очмади Азро. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т.

АЗРОЪИЗОР [عذرا عذار] – сариқ либосли бокира:

Соқийи азроъизори ҳуллапўш,
Ҳушсизға чун ичирди неча қўш. *Лисонут-тайр*, 226-Т.

АЗУБАТ/УЗУБАТ [عذوبت] – тотлилик, ёқимлилик:

Тилдин азубат дилписанддур ва лийнат судманддур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-94.

АЗФАР [اذفر] – ўткир ҳид; ўткир ҳидли:

Ҳирот дорус-салтанасининг... қаро туфрағи мушки азфар ва таблаи анбарға таънасоз тоғе воқиъдур. *Вақфия*, 14-256.

АЗҒОС [اضغاث] – чигал нарса; туш; ~ **и аҳлом** – алағда, пойма-пой тушлар; аллақандай ноаниқ умидлар:

Қози бу тушни азғоси аҳломға ҳамл қилиб яна такя қилди.
Насойимул-муҳаббат, 332-Т.

АЗҲАР [اظهر] – ўта зоҳир, энг равшан, энг порлоқ:

Боргаҳи торами азҳар киби,
Хайли бу торам аро ахтар киби. *Ҳайратул-аброр*, 7-204.

АЗҲО [اضحا] – қурбон; ~ **ийди** – Қурбон ҳайити:
Ул дебдур ки азҳо ийдида Минода эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 89-Т.

АЗҲОР [ازهار] – гуллар; гўзаллик, зийнатлилик:
...малак оламининг баҳористони ранго-ранг азҳори ва гуногун ашжори тамошо қилгани. *Ҳайратул-аброр*, 7-75;
...фарзанд мевасидин ўзга жамиъи азҳор-у фавоких била музайян эрканин айтмақ. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;
ҳадойиқи номутаноҳий азҳори – чексиз боғларнинг гуллари; бирор асар тилининг сўз бойлиги, ранг-баранглиги:
Чун [«Арбаин ҳадис»] мутолаасиға машғул бўлдум алфозидин ҳадойиқи номутаноҳий азҳори ва маонисидин ҳақойиқи илоҳий анвори зоҳир бўла кириштн. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-55.

АИЗЗА [اعزه] – азизлар; улуғлар; донишмандлар:
Бу латофатойин аиззаға ва бу балоғаттазйин ажиллаға ким табълари натижасидин олам аҳли хушҳол. *Мажолисун-нафоис*, 75-Т;
~ **йи асҳоб** – азиз саҳобалар:
дебочасинда шарҳ била аиззайи асҳоб-у ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим. *Ғаройибус-сиғар*, 3-10;
~ **и аҳбоб** – азиз дўстлар, иззатли, ҳурматли жўралар:
Аммо баъд ажиллайи асҳоб оллида андақ маъруз бўлур ва аиззайи аҳбоб хизматида андақ арзға еткурулур. *Муншаот*, 14-133.

АИММА [ائمه] – имомлар, дин пешволари:
...[Сайид Ҳасан Ардашер] асрнинг уламо ва ашроф ва аиммаси била дойим мусоҳиб эрдилар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-96;
Қавмнинг аиммаси ва машойихнинг ажилласидиндур.
Насойимул-муҳаббат, 45-Т;
~ **и ислом** – ислом имомлари, ислом динининг пешволари:
Андақ ким бу маъниға аиммаи ислом, балки хавос ва авомдин кўпи воқифдурлар ва бу бобда таҳсинлар қилиб инсофлар берурлар. *Вақфия*, 14-260.

АЙ- [ای] – айтмоқ, демоқ:
Жабраил келиб айди: Ё Муҳаммад, Худойи таоло айди ким ул ўқни топсунлар.
Рисолаи тийр андохтан, 16-305;
...анбиё қисматгоҳи илми ўн оламча эканлардин юз батар ортуқроқтур ким айған ва бани Исроил тарбиятгоҳида юз йигирма тўрт минг ҳариф орасидин...
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-7.

АЙБ [عیب] – нуқсон, хато, камчилик:
Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбиға кўз солма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124;
Чун ўғул айбини ато кўрмас,
Кўрса ҳам қилғанин хато кўрмас. *Сабъаи сайёр*, 10-403;
Эл айбини айтурға бирав ким узатур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узатур бил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-106;
Қофиясида айбғинаси бор, аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди.
Мажолисун-нафоис, 68-Т;
~ **кўзи** – нуқсон қидирадиган кўз:
Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Заҳр кўрар гарчи эрур ангубин. *Ҳайратул-аброр*, 7-237;
~ **кўр-** – айб топмоқ; нуқсон, камчилик кўрмоқ:
Эй хушо, ул ки айб кўрмамак ила,
Юз ҳунарвар маротибин топқай. *Арбаин*, 16-267;

~ **айла-** – айбламоқ, маломат қилмоқ:
Дайр аро усрук кўруб зоҳид мени айб айламиш,
Билмамиш мискин ки ҳеч иш хорижи тақдир эмас. *Ғаройибус-сиғар,* 196-Т;
~ **қил-** – айбламоқ; таъна-маломат қилмоқ:
Ўзунг ўз сиррингни асрай олмаганингни билурсен яна бирав ани фош этса айб ҳам қулурсен. *Маҳбубул-қулуб,* 14-124;
Истаса куйган кўнгул ўтлуқ юзингни қилма айб,
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл. *Наводируш-шабоб,* 365-Т;
~ **эт-** – айбламоқ, таъна-маломат қилмоқ:
Навоий дарди ҳолидин дам очмас бўлса айб этманг,
Не дам очсун бирав ким топмади оламда бир ҳамдам. *Наводируш-шабоб.* 427-Т;
Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,
Гар будур меҳроб бир-бир кўйғусидур барча бош. *Ғаройибус-сиғар,* 208-Т;
~ **ёп-** – айб ёпмоқ, яширмоқ:
Эрур аҳли ҳунар қошинда ҳунар,
Айб ёпмақ дағи ҳунар топмақ. *Фавойидул-кибар,* 706-Т;
~ **топ-** – айб, нуқсон топмоқ:
ҳеч киши ҳеч навъ айб топа аймади. *Мажолисун-нафоис,* 133-Т;
~ **топил-** – айб, нуқсон, камчилик топилмоқ:
Фасиҳ турклар қасида ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқусалар ҳар лафзлариға юз айб топилғай. *Муҳокаматул-луғатайн,* 179-Т.

АЙББИНЛИҚ [عیب بینلیق] – айб кўришлик, бадниятлик, қора кўнгиллик:
Айббинлиқ назарлари айбжўйлиқ ҳунарлари. Кайду фирибда фусунсоз макр-у ҳийлада сеҳрпардоз. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-479.

АЙБГЎ/АЙБГЎЙ [عیبگوی / عیبگو] – бировнинг айбини айтувчи, камчилигини юзига солувчи:
Ул ки санга элдин эрур айбгў,
Элга дағи сендин ўлур айбжў. *Фавойидул-кибар,* 724-Т.

АЙБЖЎ/АЙБЖЎЙ [عیبجوی / عیبجو] – бировнинг айбини қидирувчи, фисқ-фужур юритувчи, қора ниятли:
Айбжўй – маъюб, айбгўй – манқуб. *Маҳбубул-қулуб,* 14-99.

АЙБЖЎЙЛИҚ [عیبجویلیق] – айб қидирувчилик, фисқ-фужур юритувчилик, қора ниятлилик:
Айббинлик назарлари айбжўйлиқ ҳунарлари. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-479.

АЙБЛИҒ [عیب لیغ] – нуқсонли:
Ложарам анда айлагум печиш,
Айблиғ бўлмасун дебан ҳеч иш. *Сабъаи сайёр,* 10-76.

АЙБПЎШ [عیب پوش] – айб яширувчи, бировнинг камчилигини кўрмасликка ҳаракат қилувчи; айб кечирувчи:
Муҳтасиб таъзир этар вақти таним қилди яланг,
Дайр пирининг қулидурмен ким улдур айбпўш. *Наводируш-шабоб,* 243-Т.

АЙБСИЗ [عیب سیز] – нуқсонсиз, айбсиз:
Аммо Мавлоно қилғанининг хато эрканига воқиф бўлғач яна ўз иши бошига борди. Бормаса икки хато бўлур эрди, бок йўқ айбсиз Тангридур.
Мажолисун-нафоис, 139-Т.

АЙВОН [ایوان] – 1. олди очиқ бино; кўшк, қаср:
Бодадин юзни лаълфом айлаб,
Кўнгул айвонида хиром айлаб. *Сабаъи сайёр,* 10-33;

Сурди чун тўртинчи айвонға асос,
Шоҳи анжум айлади нур иқтибос. *Лисонут-тайр*, 10-12;
Эй жамолинг ҳаёли хотири вайронда нақш,
Шамсадин қолған асар янглиғ бузуғ айвонда нақш. *Бадойиул-васат*, 195-Т;

2. олтинчи қат осмон, фалак; олтинчи қаср; кўшк:
...ҳар мударриси қошида Муштарий ким олтинчи айвон донишмандидур, олий ва нодон ва ҳар толиби илми оллинда Уторид ким иккинчи суффа мустаидидур тифли абжадхон... *Вақфия*, 14-259;
Дема китоба фалак айвониға,
Раҳрав ўлуб чарх шабистониға. *Ҳайратул-аброр*, 7-83;

3. қуёшнинг 12 буржидан бири:
Бу таназзул шараф қилиб санға фош,
Ҳамал айвонида нечук ки куёш. *Сабъаи сайёр*, 10-19;

~ **и вусул** – васл айвони:
То мақоми бўлди айвони вусул,
Ҳар не матлубиға юз қойди ҳусул. *Лисонут-тайр*, 144-Т;

~ **и доро** – шоҳ айвони, кўшни:
Талашмаққа не ҳадд-у ёро эди,
Ким ул шамъи айвони доро эди. *Садди Искандарий*, 386-Т;

~ **и жаҳон** – олам кўшки:
Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий. *Ҳайратул-аброр*, 7-99;

~ **и мунаққаш** – безакли, нақшинкор айвон; фалак, чарх:
Чарх айвони мунаққашдур, вале нақкоши сунъ
Чекмади нақши вафо бу тоқи мийнокорда. *Бадойиул-васат*, 396-Т;

~ **и рифъат** – юксаклик айвони; юқори осмон, фалак:
Меҳр ила гар келди чарх айвони рифъатдин манеъ;
Жом қўйған дайри тоқин англағил андин рафеъ. *Наводируш-шабоб*, 288-Т;

~ **и шараф** – шарафли айвон:
Айвони шараф нуҳуфта ганжи
Низони лутф хазона санжи. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т;

~ **и ҳувайдо** – равшан, аён кўшк, қаср:
Беш олти поя чиққач бўлди пайдо,
Фазойи анда айвони ҳувайдо. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т.

АЙЁМ [ايّام] – кунлар, давр, пайт, замон, вакт:
Муғанний ҳазин нағма бунёд қил,
Йигитликнинг айёмини ёд қил. *Садди Искандарий*, 278-Т;

~ **и адл** – адолат, адл кунлари, даврони:
Кетур соқиё тўлдуруб жоми адл,
Ки кўргузди Искандар айёми адл. *Садди Искандарий*, 139-Т;

~ **и айшу тараб** – шавқу завқ, тўй, хурсандчилик кунлари, айшу завқ вақти:
Аёқчи кетур жомни лаб-болаб
Ки тўй ўлди айёми айшу тараб. *Садди Искандарий*, 378-Т;

~ **и висол** – етишув кунлари, учрашув пайти:
Жилва кўргузгач ҳамул аввалғи ҳол,
Зоҳир ўлғай сизга айёми висол. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

~ **и тоат** – итоат; ибодат кунлари:
Йигитлик ки айёми тоат дурур,
Санга бу сифат жаҳлу ғафлат дурур. *Садди Искандарий*, 281-Т;

~ **и шабоб** – ёшлик даври:
Эй Навоий сендек эткан зойиъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб. *Ғаройибус-сиғар*, 66-Т;
~ **и ҳажр** – айрилиқ кунлари, жудолик дамлари, ҳижрон вақти:
Эрур шомдек тира айёми ҳажр,
Не бўлғай хаёл айлагил шоми ҳажр. *Садди Искандарий*, 416-Т.

АЙЁР [عيّار] – ҳийлагар, фирибгар, маккор; сеҳргар:
Тоби зулфунгда каманд ичра шикаст,
Хол-у хаттингда тун ичра айёр. *Фавойидул-кибар*, 652-Т;
Ул нур ошиқи маҳжур кўзи равзани шишалари равзан кўзи шишаларидек ҳайрон қилиб ишқи бебок айёри ул равзан йўлидин ўзин кўнгул маъмурасиға ташлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-67;
~ **кўз** – маккор нигоҳли; мафтун қилувчи нигоҳ:
Кўз учидин ваъдаи васл айлаб аммо олди жон,
Гўйиё бози бериб жон олди ул айёр кўз. *Бадойиул-васат*, 158-Т.

АЙЁРА [عيّاره] – мунофиқ, ҳийлагар, маккора; кўҳна дунё:
Гарми меҳр ўлган ила золи фалакдин топма фириб,
Ким бу айёранинг асру кўп эрур макр-у фани. *Бадойиул-васат*, 428-Т;
Жаҳон айёрасидин тут канора,
Ки макр фаннига йўктур шумора. *Наводируш-шабоб*, 663-Т;
Агар умр ўлса ул аиёраларға,
Демай айёра ким маккораларға. *Фарҳод ва Ширин*, 347-Т.

АЙЁРВАШ [عيّاروش] – маккорсифат, айёрваш:
Ақлу дин нақдин ўғурлар гўйи ул айёрваш,
Бу ки беҳуш айлар элни ҳусниға ҳайрон қилиб. *Ғаройибус-сиғар*, 80-Т.

АЙЁРЛИҚ [عيّارليق] – айёрлик, устакорлик, ҳийлагарлик:
Бу сифат ким топти ул айёрлиқ сарриштасин,
Тонг эмасдур гар отин кўйгайлар анинг сўзани. *Бадойиул-васат*, 514-Т;
...ва ул шайх силсиласиға кириб айёрлиқ камандин узгани.
Ҳайратул-аброр, 7-242.

АЙЁРСИФАТ [عيّارصفت] – маккор хусусиятли, ҳийлагар:
Бурди бор-у кўҳвиқорларнинг малаквашлиғин кўргузмак ва шўх айёрсифатлар шайтонлиғи сўзин демак. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

АЙЁШ [عيّاش] – ишратпараст, маишатпараст:
[Фируз бинни Ҳурмуз] айёш киши эрди ва овни севар эрди.
Тарихи мулуки ажам, 16-220;
Бойсунғур Мирзо хуштабъ ва сахий ва айёш ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди...
Мажолисун-нафоис, 194-Т.

АЙИЛ- [ايل] – айрилмоқ; ўзига келмоқ, ҳушёр бўлмоқ; тушунмоқ, фаҳмламоқ:
Неча дерсен ки соқий бизни бир май бирла маст этсун,
Ғуруру жаҳл ичинда мастлиғлардин бир айил боре. *Фавойидул-кибар*, 617-Т;
Эй Навоий умр ўтуб ҳам маст-у ҳам уйқуда сен,
Ҳеч билман ким сени уйғон дебан ёхуд айил. *Наводируш-шабоб*, 373-Т;
Навоий басе кеч айилдинг дариғ,
Йигитликни барбод қилдинг дариғ. *Садди Искандарий*, 278-Т;
Боғ мендек сарғариб булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундақ бўлур бир гулдин айилганға ҳол. *Ғаройибус-сиғар*, 304-Т.

АЙИЛДУР- [ایيلدور] – ўзига келтирмоқ, ҳушга келтирмоқ; ажратмоқ:

Масти ишқ ўлмиш Навоий бермагил панд эй ҳаким,
Ким магар соқий айилдурғай бу майнинг бехудин. *Бадойиул-васат*, 341-Т.

АЙИЛМАҚ- [ایيلماق] – ажралиш, айириш:

Мумкин эса телба ит айилмақ,
Ёхуд анга эътимод қилмақ. *Лайли ва Мажнун*, 273-Т.

АЙИР- [ایير] – ажратмоқ; жудо қилмоқ:

Яъни чун ишқ айирса жондин
Чиққунгдур сурхрў жаҳондин. *Лайли ва Мажнун*, 342-Т;
Жавр учун аҳли вафо ким айириб,
Барчасиндин мени мумтоз айлаб. *Фавойидул-кибар*, 66-Т;
Киши айирса бир бедилни ёри дилпазиридин,
Умид ул ким айирғай Тенгри ани ногузиридин. *Бадойиул-васат*, 361-Т;
Шеър тақтиъи иборат андиндур ким байт алфозини бир-биридин айирғайлар.
Мезонул-авзон, 30-Т.

АЙИРМАҚ [ایيرماق] – айириш, ажратиш:

Гарчи бўлур қалб дирам рўйкаш,
Андин айирмақ бўлур ўт била ғаш. *Ҳайратул-аброр*, 7-138.

АЙИТ- [ایيت] – айтмоқ:

Бир қатла Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам анга айитти ким ҳар киши ҳар кун қирқ бир қатла айитса ким... *Насойимул-муҳаббат*, 111-Т.

АЙИҚМАҚ [ایيقماق] – шуҳрат топиш, ном қазаниш; машҳур бўлиш:

Бўлса эрди шаммаи парвойи нанг-у номдин,
Отланиб бадмастлиғ бирла айиқмақ не эди.
(İst. Univer.ktb. №2794: **атиқмақ**) *Фавойидул-кибар*, 603-Т.

АЙИҒ [ایيغ] – айиқ:

...инсоният ва мусулмонликдин йирок, тўнғуз ва айиғ одамийлиғда алардин яхширақ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-40;
Қуҳийи тоғ ичра бир айиғ тутуб
Ўргатиб эрди ани қон ютуб. *Лисонут-тайр*, 74-Т.

АЙЛА- [ایلا] – 1. айламоқ, қилмоқ, этмоқ:

Ўртаб эй ҳижрон мени дудумни қил кўйида миғ,
То ул ой ҳусниға айлай олмағай наззора эл. *Гаройибус-сиғар*, 308-Т;
Деманг ул шўхи бало ўсрук етишти қил ҳазар,
Ваҳ нетай ким бу балодин айлай олман эҳтироз. *Фавойидул-кибар*, 217-Т;

2. ёрдамчи феъл, кўшма феъл ясайди:

Чеҳра ёптинг хаста жонимни анга зор айлабан,
Зулф бандинг телба кўнглумни гирифтор айлабан. *Наводируш-шабоб*, 482-Т.

АЙЛАМАК [ایلاماک] – айлаш; қилиш:

Чиқмақ ўсрук дағи ул кофири бебок бало
Мастлиғдин ёқа ҳам айламаки чок бало. *Фавойидул-кибар*, 33-Т;
Ўз тилим чун истамас розимни ихфо айламак,
Ўзга тилдин не таажжуб бўлғай ифшо айламак. *Фавойидул-кибар*, 318-Т;
Ўз жониға айламак жафолар,
Тутмақ ўзи ўзига азолар. *Лайли ва Мажнун*, 331-Т.

АЙЛАМАКЛИК [ایلاماک لیک] – айлашлик, айламаклик:

Эй Навоий бил ки топмас лаълидин кути ҳаёт,
Жонни таслим айламакликда мусаллам бўлмаган. *Фавойидул-кибар*, 347-Т;

Тоғни қум айламаклик са‘й ила бўлғай валек
Шишаи соат куминнинг риштаси бўлмас тугун. *Фавойидул-кибар*, 714-Т;
Ки банд айламакликка йўқ эҳтиёж,
Эмас ҳудҳуд ойини сунқурға кож. *Садди Искандарий*, 331-Т;
Ким не сўз ким десанг манга не ҳад
Айламаклик эшитмайин ани рад. *Сабъаи сайёр*, 10-163.

АЙЛАН- [ايلان] 1. айланмоқ, буралмоқ; гирдидан юрмоқ:
Икки парвона ки бир шамъ устига айлансалар,
Гаҳ мувофиқ гаҳ мухолиф шак йўқ ўлмақ муҳтариқ. *Фавойидул-кибар*, 304-Т;
...етти қатла қабрни айлан ки мурод ҳосилдур. *Насойимул-муҳаббат*, 180-Т;
Тизгиниб ўйла ким куюн айланиб ўйла ким тутун,
Рахши солиб чу дубдурур хайли балони қўзғатиб. *Бадойиул-васат*, 40-Т;

2. кезмоқ; ҳозир бўлмоқ:
То бузуғ кўнглум аро зулфунг хаёли айланур,
Аждаҳоедур ки бир вайрона ичра тўлғанур. *Фавойидул-кибар*, 143-Т;

3. ўзгармоқ, бошқа ҳолатга ўтмоқ:
Кўр ғамим афзунлуғун ҳар дам ки ашким хайлининг
Қатраси баҳр ўлди эмди айланибтур қонға ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 334-Т;
...бу адолат авжининг тўлун ойиға камлик юзланмасун ва бу салтанат буржининг хуршиди оламороийи камол даражасидин айланмасун.
Мажолисун-нафоис, 248-Т;

4. қайтмоқ, юз ўгирмоқ:
...ўз ақидаларидин айланиб фақирнинг ақидасиға келдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-16;
Чун йигит бўлдунг ҳам андин ёнмадинг,
Лаҳзаи ўз ҳолингга айланмадинг. *Лисонут-тайр*, 145-Т.

АЙЛАНДУР- [ايلان دور] – айлантирмоқ; қийнамоқ:
Чун қўйунни дашт аро айландуруб,
Суда игримни дағи тўлғандуруб. *Лисонут-тайр*, 16-Т;
Бошин айландурғай элнинг қилсалар наззораси,
Қўпса мен саргаштанинг туфрағидин ногаҳ куйун. *Наводируш-шабоб*, 454-Т.

АЙЛАНДУРМАК [ايلان دورماک] – айлантириш:
Кўк тегирмон тоши айландурмак истар бошима,
Дема ой-у кун бошим узра бу ким сайёрдур. *Фавойидул-кибар*, 184-Т.

АЙЛАНМАК [ايلانماک] – айланиш, бурилиш:
Таважжуҳ Ҳақ субҳонаҳу таолоға юзлашмак ва ул ён айланмакдур ва халқдин тааллуқ торин узуб анга уланмақдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-62.

АЙМАН [ايمن] – муборак; бехатар; бахтли; дарахт номи:
Гоҳи аъзам узра ламъаафган,
Шох узра нечук ки нори айман. *Лайли ва Мажнун*, 81-Т.

АЙМОН [ايمان] – қасамлар; ваъдалар:
Бири бу ким мунча панд-у насиҳат ва ташниъ-у маломат ва онт-у аймон била бирав ким мутанаббиҳ бўлмамиш. *Муншаот*, 14-217;
Қуллуғунгга маҳкам эт имонини
Айлагил имонидек аймонини. *Ҳайратул-аброр*, 64-2;

~ **қил-** – қасамёд қилмоқ:
Шахрда турмасингға паймон қил,
Бошинг олиб кетарга аймон қил. *Сабъаи сайёр*, 10-349.

АЙН I [عين] – араб *алифбесидаги ε (айн) ҳарфининг номи:*

Айн ёзилган кибидур лаъл аро қилсанг назар,
Кўз ки ҳайратдин тикибмен ул лаби хандон аро. *Фавойидул-кибар*, 23-Т.

АЙН II [عين] – 1. кўз, дида; кўз қорачиғи:

Чек айнима ишқ тўтиёсин,
Ур қалбима ишқ кимёсин. *Лайли ва Мажнун*, 191-Т;
Кўзи айни махмурлуғ ичра маст,
Майи лаълидин мастлар майпараст. *Садди Искандарий*, 231-Т;

2. чашма:

Юзунгдур поклик меҳри кўзумдур ростлик айни,
Анингдек юзга мундақ кўздин ўзга кўз маозаллаҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 424-Т;
Лаълидин то ким такаллум қилди ул шўхи малиҳ,
Хизрнинг айни ёшунмиш кўкдин инмас ҳам Масиҳ. *Бадойиул-васат*, 471-Т;

3. манба; сабаб:

Аввал ўзунг охиру мобайн ўзунг,
Барчага холиқ бариға айн ўзунг. *Ҳайратул-аброр*, 7-19;

4. моҳият; жиҳат:

Гар бебасарлиқ айнидин наргис кўзунгдин лоф урар,
Аҳли назар англар ким ул ҳам кўр эрур ҳам бадалаф. *Бадойиул-васат*, 238-Т;

~ **и бебоклик** – итоатсизликнинг айни ўзи, худди ўзи:

Филвоқиъ холиқ ибодатининг тарки ва махлуқ бандалиғининг иштиғоли ким айни бебоклик ва маҳзи беоқибатлиғдур. *Ҳолоти Саййид Хасан Ардашер*, 15-97;

~ **и бемаънилиғ** – бемаъниликнинг ўзгинаси:

Ким эрур ул маҳзи бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғ-у абтарлиғинг. *Лисонут-тайр*, 69-Т;

~ **и биниш** – ўткир кўзлилар; чуқур тушунувчи, билимдон кишилар, аҳли назар:

Қайу ерда ким айни бинишдурур,
Сабабни билур ким икки ишдурур. *Садди Искандарий*, 526-Т;

~ **и васл** – васлнинг ўзгинаси:

Айни васл ичра иши ўтса шикоят мужиби,
Икки ёндин рафъ этиб бир бирларини алдашиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т;

~ **и воқиъ** – айни юз берган воқиа:

Навоий ҳаддин ошти сўзда лофинг,
Билинди айни воқиъдин гузофинг. *Фарҳод ва Ширин*, 505-Т;

~ **и воҳид** – айни ягона:

...ул айни воҳидға ки барча соликларнинг мақсуду матлубидур.
Насойимул-муҳаббат, 253-Т;

~ **и вужуд** – вужуднинг ўзгинаси:

Айтма мавжуд ки айни вужуд,
Ҳар не ки мавжуд анга файёзи жуд. *Ҳайратул-аброр*, 7-102;

~ **и жалодат** – азаматлик юзасидан; чаққонлик, чобуклик:

Эй сурубан айни жалодат аро,
Рахшни майдони шижоат аро. *Ҳайратул-аброр*, 158-1;

~ **и жамъ** – жамоат, мажлис; муҳаббатнинг ҳақиқий моҳияти:

Ишқда айни жамъға етиб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 67-Т;

~ **и заъф** – нотавонликни ўзгинаси:

Ул қуёш ҳажринда жисмим бовужуд айни заъф,
Ерга ҳар дам бош уруб андақ ки ерни тебратиб. *Фавойидул-кибар*, 69-Т;

Айни заъф ичра кўзунгга шўхлуғ ойин зрур,
Ўйла ким беморлар ичра бўлур баъзи тетик. *Фавойидул-кибар*, 321-Т;

~ **и идбор** – бахтсизликнинг ўзи:
Сабукашликим айни идбордин,
Қаддимни юк остида дол айлади. *Ғаройибус-сиғар*, 504-Т;

~ **и иззат** – иззат юзасидан, важидан:
Не таҳаммул гар юзига тушса номаҳрам кўзи,
Ўз кўзумни айни иззатдин чу маҳрам истаман. *Бадойиул-васат*, 355-Т;

~ **и ийд** – байрамнинг ўзгинаси:
Ё Уторид килкида зарҳал туганди кўкда чун
Ёзди айни ийднинг аввалғи жузве суратин. *Бадойиул-васат*, 485-Т;

~ **и иноят** – иноятнинг айни ўзи; холис меҳрибонлик:
Навоий қонин ул кўз бирла тўктунг,
Тирик бўл ким будур айни иноят. *Бадойиул-васат*, 57-Т;

~ **и инсон** – ҳақиқий, юксак даражадаги инсон:
Демай айни инсон ки инсон айн,
Ҳам инсон-у ҳам айн Султон Ҳусайн. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;

~ **и инсонийят** – ҳақиқий инсоният:
Чу сенсан айни инсонийят ўлсанг дийдадин пинҳон,
Қаранғудур жаҳон андақ ки кўзда бўлмаса мардум. *Фавойидул-кибар*, 397-Т;

~ **и ифлос ва фалокат** – кучли, ўта тушкунлик ва фалокат:
Бу фақирни айни ифлос ва фалокатда ва сарнавишт ва обхўришт Машҳад сари тортиб элтти. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т;

~ **и карам** – карам юзасидан:
Ки айни карамдин қачан ким илоҳ,
Гунаҳкордин ўткарур бир гуноҳ. *Садди Искандарий*, 54-Т;

~ **и касофат** – касофат манбаи; ўта касофат:
Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-149;

~ **и кулгу** – кулгу билан ёш аралаш:
Ул парий васли аро ёдимға келса фурқати,
Телбалар янглиғ тўкармен ашк айни кулгуда. *Бадойиул-васат*, 21-Т;

~ **и латофат** – латофатнинг худди ўзи:
Бўлуб фаҳм ул судин айни латофат,
Кўнгул элтурга лекин сели офат. *Фарҳод ва Ширин*, 317-Т;

~ **и малолат** – малолатни ўзи:
Дема ашким жоласин ғам шоми дурри шабчароғ,
Ким эрур айни малолатдин нухусат ахтари. *Фавоийдул-кибар*, 571-Т;

~ **и маслаҳат** – асл, ҳақиқий маслаҳат.
Яъни тутаримға юз жиҳатдур,
Борсам дағи айни маслаҳатдур. *Лайли ва Мажнун*, 309-Т;

~ **и махмур** – мастлик ўзгинаси:
Бўлуб сиҳҳат олурда гоҳ ранжур,
Бўлуб гаҳ айни ўсруклукта махмур. *Фарҳод ва Ширин*, 293-Т;

~ **и махмурлуғ** – кўзи маҳмурлиқнинг ўзгинаси:
Кўзи айни махмурлуғ ичра маст,
Майи лаълидин мастлар майпараст. *Садди Искандарий*, 231-Т;

~ **и маъшуқ** – маъшуқ кўзлари:
Недин ошиқни ўртар шайни маъшуқ,
Чу ошиқ мунда келди айни маъшуқ. *Фарҳод ва Ширин*, 79-Т;

~ **и маъшуқлуқ** – маъшуқлуқ кўзлар (*сўз ўйини* «айн» ҳарфи ҳам «кўз»; бутун борлиқ):
Айни маъшуқлуқда жилваи зот
Ўзини кўргали тилаб миръот. *Сабъаи сайёр*, 10-12;

~ **и мақсуд** – асл мақсад, ҳақиқий мақсад:
Чунки мақсуд ичра нобуд ўлди ул,
Ул фанода айни мақсуд ўлди ул. *Лисонут-тайр*, 235-Т;

~ **и муҳаббат** – муҳаббат туфайли; холис муҳаббат:
Басо тифле ким айни муҳаббатдин ато сақоли тукин тортиб узубтур ва сажжодаси мсҳробида беадаблиғ кўргузубтур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-123;

~ **и назоҳат** – асл покизалик, ҳақиқий мусаффолик:
Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,
Барча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон. *Ҳайратул-аброр*, 7-73;

~ **и ноз** – ноз туфайли; нозли кўз; ёлғиз ноз қилишлик:
Қолдиму ноз уйқусинда тун-у кун кофир кўзунг
Ё очилмас нотавонлар сари айни ноздин. *Наводируш-шабоб*, 440-Т;
Дема айни ноздин ул кўз очилмайдур ки бор
Кофире ким мастлиғ ифротидин уйқудадур. *Ғаройибус-сиғар*, 169-Т;

~ **и нур** – нурнинг худди ўзи, ўзи ёруғлиқдан иборат:
Ўйла ки хуршед эрур айни нур,
Кўзни ёрутмақда анга не шуур. *Ҳайратул-аброр*, 7-178;

~ **и оби ҳайвон** – тириклик сувининг ўзгинаси:
То тўкар жонбахш лаълингнинг хаёлидин сиришк,
Баҳри ашк эрмас ки айни оби ҳайвондин кўзум. *Наводируш-шабоб*, 399-Т;

~ **и расволиқ** – ўта расволик, расволикнинг ўзи:
Бийик қироати маҳзи раънолиқ ва анонийят жамоатдин илгари чиқмағи айни расволиқ ва нафсонийят хаёли... *Маҳбубул-қулуб*, 14-28;

~ **и рашк** – рашк туфайли, рашк тақозоси билан; рашкли назар:
Ёрни ағёр била кўра олмаслиғидин кўз қони деб айни рашкдин бу матлаъ хуб адо топибдурур. *Мажолисун-нафоис*, 236-Т;

~ **и ризо** – назари марҳамат, қабулият назари; розилик жиҳатидан:
Бу иш ки сенинг ризонг учун қилмишмен,
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё Раб. *Вақфия*, 14-270;

~ **и сафо** – сафонинг ўзгинаси, холис сафолик:
Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-93;

~ **и талаттуф** – нозик муомалада бўлиш туфайли; биргина яхшилик:
Эрур маҳзи тақвий валекин риёсиз,
Убудийяти сирф-у айни талаттуф. *Фавойидул-кибар*, 301-Т;

~ **и хумор** – хуморликнинг ўзи:
Икки ўтлуқ наргисинг ким қилдилар бағрим кабоб,
Биридур айни хумор ичинда бири масти хоб. *Ғаройибус-сиғар*, 58-Т;

~ **и шуҳуд** – гувоҳ, кўриб туриш:
Ажаб ҳол ким бўлса ‘айни шуҳуд
Чиқарғай бирав жонидин шавқи дуд. *Садди Искандарий*, 53-Т;

~ **и ярақон** – сариқ касаллиги билан оғриган кишининг кўзи:
Наргис арилмай маразидин ариғ,
Кўзлари айни ярақондин сариғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-80;

~ **и ўсруклук** – мастликнинг ўзи:
Икки қотил кўзунг бемормен ким
Эрурлар айни ўсруклукда махмур. *Фавойидул-кибар*, 166-Т;

~ **и қадим** – қадимгининг ўзгинаси:
...дебдур ки яқин йўқтур жуз айни қадим аёни айни қадим аёнининг нийяти сурати амалсиз ибодатдур. *Насойимул-муҳаббат*, 165-Т;
~ **и ҳаётафзо** – ҳаёт бағишловчи, тирилтирувчи, илтифотли кўз:
Ҳам хати хазроси хуштур, ҳам лаби гўёси хуш,
Ҳам Хизир хуш ҳам анинг айни ҳаётафзоси хуш. *Фавойидул-кибар*, 248-Т;
~ **и ҳарорат** – ҳароратнинг ўзгинасидан:
Юзунг ки айни ҳароратдин ўлди ғарқи арақ,
Де ани чашмаи хуршид ё гули сероб. *Наводируш-шабоб*, 44-Т;
~ **и ҳақиқат** – ҳақиқатнинг ўзи:
Гар Навоий йиғласа ишқинг мажозидур дема,
Ким назар пок айлагач айни ҳақиқатдур мажоз. *Наводируш-шабоб*, 200-Т.

АЙНАЙН [عينين] – икки кўз:
Ва бу вақтда Юсуф ўттуз икки яшар эрди ва Зулайхо ўттуз ва бикр эрди. Нечун ки азиз айнайн эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-126;
~ **и зиннурайин** – Ҳазрати Усмон Муҳаммад пайғамбарнинг икки қизига уйлангани учун ушбу от берилган:
Ул ҳаё кони ки нурул-айн эди,
Ўйла ким айнайни зиннурайн эди. *Лисонут-тайр*, 30-Т.

АЙНАК [عينک] – кўзойнак:
Ва жавоҳири манзума ким хирад сайрафиси басорат айнакин кўзига қўюб ихлос нуқудин оллиға тўкуб... *Назмул-жавоҳир*, 15-123;
Бода ҳажридин оқарди кўзларим, эй пири дайр,
Синдурур сен шишасиндин айлагил айнак манга. *Фавойидул-кибар*, 18-Т;
Ки пўя қилса назар солғали йигитларга,
Валек жисми асо истаса кўзи айнак. *Фавойидул-кибар*, 713-Т.

АЙНАН [عيناً] – айнан, худди ўзи:
Эй жамолинг равзаси фирдавси боғидек жамил,
Лабларингнинг кавсари айнан тусаммо салсабил. *Фавойидул-кибар*, 365-Т.

АЙНИЯТ [عينيت] – айният, айнан ўхшашлик; тенглик:
...жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай ул сифотидин зоти айният мушоҳада қилиб сабабни мутлақо ародин муртафаъ кўруб...
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-13.

АЙНУЛ-КАМОЛ [عين الكمال] – камолот, балоғат; биргина камолат важидан:
Бу тира рўзгорни ҳам сиғуруб ва раёҳин дастасидин айнул-камол газанди манъи учун хошокни чеккандек бу хоксорни ҳам кивуруб эрдилар.
Назмул-жавоҳир, 15-132.

АЙНУЛ-МАФАР [اين المفر] – қочмоқ қайда; қочадиган жой қайда:
Қазодин манга тушди мундақ сафар,
Қадар ҳукмидин элга айнул-мафар. *Садди Искандарий*, 448-Т.

АЙНУЛ-ЯҚИН [عين اليقين]– бирор нарсанинг моҳиятини аниқ билиш, кўриш:
Етишгай бегумон айнул-яқин асрориға ҳар ким
Аёғинг туфроғидин кўзларига тўтиё чекса. *Гаройибус-сиғар*, 427-Т;
Ул жумладин дағи бир неча ким айнул-яқин бўлубтур битимаги муносиб кўрунди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-73;
аҳли – чин, ҳақиқатни билувчи, мушоҳада этувчи кишилар; ўткир кўзлилар:
Уружунгда айнул-яқин аҳлининг
Кўзига ғуборинг бўлуб тўтиё. *Фавойидул-кибар*, 10-Т.

АЙНУЛ-ҲАЁТ [عين الحيات] – 1. ҳаёт булоғи, оби ҳаёт, тириклик чашмаси:

Адолат ойини таърифида ким салотиннинг зулумоти зулми аросида айнул-ҳаёти жовидоний дурур ва ичганга зулоли зиндагоний еткурур.

Садди Искандарий, 138-Т;

Кўзларим боғи сочарда ашки гулгун оштилар,
Бу бири айнул-ҳаёт ул ҳар гулафшондин дағи. *Наводируш-шабоб*, 601-Т;

2. асар номи:

Яна «Айнул-ҳаёт» қасидаси зулолин еткурубмен ки ғафлат аҳлининг ўлук баданларига жон кивурубмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 184-Т.

АЙРИ [ایری] – бошқа, ўзга:

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуқ маскан манга,
Ўйла дур ким жондин айри юз яралиғ тан манга. *Ғаройибус-сиғар*, 37-Т;
Сендин айри то асири дарди ҳижрон қолмишам,
Бу ки ўлмай қолмишам ҳолимға ҳайрон қолмишам. *Ғаройибус-сиғар*, 337-Т.

АЙРИЛ-/АЙРУЛ- [ایریل / ایرول] – 1. ажралмоқ, бўлинмоқ; ажрамоқ, жудо бўлмоқ; узоқлашмоқ:

Ул парий савдоси мен девонадин айрилмади,
То мени девона ву расвойи олам қилмади. *Фавойидул-кибар*, 559-Т;
Ҳар ким Аллоҳни ёд қилса ҳақиқатда андин сифати айрилғай.

Насойимул-муҳаббат, 24-Т;

Дема мендин айрил дағи умр сур
Ки ул умр ўлумдин батардур манга. *Бадойиул-васат*, 12-Т;
Эй кўнгул ҳижрон кунидур, тортиб афғон йиғлағил,
В-эй кўз айрилғунгдур ул гулчеҳрадин қон йиғлағил. *Бадойиул-васат*, 292-Т;

2. ажралиб чиқмоқ:

Айрилур гўё куёшдин бир шиҳоб,
Оти наълидин ҳар ўт ким айрилур. *Ғаройибус-сиғар*, 164-Т.

АЙРИЛИШ- [ایریلیش] – айрилишмоқ:

... ва фалак мансубаларидин бир биридин қойим айрилишқанлари ва берк ерлар ҳисор қилиб тушканлари. *Лайли ва Мажнун*, 206-Т;
Ҳам ул кеча айрилиштилар бот,
Уз бўлмайин ўлдилар яна ёт. *Лайли ва Мажнун*, 301-Т;
Бу сўз била бир биридин айрилишибдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 362-Т.

АЙРИЛМАҚ/АЙРИЛМАҒ [ایریلماق / ایریلماغ] – айрилиш:

Олам аҳлиға қўшулмаққа ўзунгни қилма зор,
Чунки айрилмақ керактур сўнгра юз озор ила. *Фавойидул-кибар*, 530-Т;
Не айрилмақ дурур ким ёр то айрилди айрилмиш,
Кўнгул мендин фиғон кўнглумдин-у ўтлар фиғондин ҳам.

Наводируш-шабоб, 397-Т;

Ёр тандин жоним айрилғунча зулмин қилмағи,
Эрмас анча саъб ким мендин ўзи айрилмағи. *Наводируш-шабоб*, 577-Т;
Шаҳ тилар бўлса шоҳлиқ қилмақ,
Сипаҳидин керакмас айрилмақ. *Сабъаи сайёр*, 10-295;
Жисми шарар айрилмағ ила бил ки туганди
Кўнглида муҳаббат шараридин асар ўлган. *Бадайиул-васат*, 359-Т.

АЙРИҚ [ایریق] – айриқ, бўлак; ажралган:

Носиҳо қилма жидол айриқ кийиклардин дебан,
Олими шаҳр этмагай гули биёбон бирла баҳс. *Ғаройибус-сиғар*, 93-Т.

АЙРУ [ایرو] – 1. бошқа, ўзга:
Ўйла ки бу шартлар имкони бор,
Шартдин айру дағи аркони бор. *Ҳайратул-аброр*, 7-111;
2. айрим, алоҳида, ташқари:
Мақсуд ки пир иршодидин айру бу йўлға қадам урмамақ керак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-118;
...Мундақ бўлғандин сўнгра киши нечук ато ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. *Муншаот*, 14-183;
3. айрилган, узоқлашган (ҳолда); узоқда:
Хазони ҳажр аро қолдим йирақ баҳоримдин,
Юрурмен итдек ўлуб айру шаҳриёримдин. *Муншаот*, 14-194;
Тирик юрурмену бор мендин айру жононим,
Бу умр бирла юруб ўлмаган менинг жоним. *Ғаройибус-сиғар*, 321-Т;
~ **бўл-** – бўлак-бўлак бўлмоқ, ажралиб кетмоқ:
Бўлур жисм уза айру айру бўғун,
Бир ипдек ки бўлғай паё-пай тугун. *Садди Искандарий*, 281-Т;
~ **сол-** – айирмоқ; ажратмоқ, узоқлаштирмоқ:
Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолдик ўз ойи ҳажрида мендек балоға чарх. *Ғаройибус-сиғар*, 108-Т;
~ **туш-** – айрилмоқ, ажралмоқ, узоқлашмоқ, четлашмоқ:
Жонона тушубтур мени бемордин айру,
Жон айла ки тушкай бадани зордин айру. *Бадойиул-васат*, 379-Т;
~ **тут-** – алоҳида сақламоқ:
Ҳеч суҳбатни тиламаслар эрди ким Паҳлавондин айру тутқайлар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т.

АЙРУЛУҚ [ایرولوق] – жудолик:
Анинг учун Тангридин айрулуққа узр қолмасбиз. *Насойимул-муҳаббат*, 79-Т.

АЙТ- [ایت] – 1. айтмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ:
Ичимдаки ёшурун ғам ки айта олмасмен,
Бир ўт солур манга ҳар дам ки айта олмасман. *Бадойиул-васат*, 368-Т;
Айтур сўзни айт айтмас сўздин қайт. *Маҳбубул-қулуб*, 14-125;
Эй кўнгул кўйида аҳволимни жононимға айт,
Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимға айт. *Фавойидул-кибар*, 84-Т;
2. ёзмоқ, битмоқ:
Ажам шуаросининг мутааххирларидин баъзи мақбузи аслам биносин ўн олти рукнга қўюб назм айтибдурлар. *Мезонул-авзои*, 54-Т;
3. ўқимоқ:
Магар мунглуғ истар эсанг анда байт,
Навоийнинг ошуфта назмидин айт. *Садди Искандарий*, 474-Т;
4. куйламоқ, хониш қилмоқ:
Мулойим мутриб ки табъ ва фаҳм анга ёр бўлғай одамий кўнгли тошдин бўлса анга зор бўлғай хусусан ки ҳам айтқай ва ҳам чолғай кўнгул мулкига не кўзғалонлар ки солғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-30;
Яна турк улуси батахсис чағатой халқи аро шойиъ авзон ким алар сурудларин ул вазнлар била ясаб мажолисда айтурлар. *Мезонул-авзон*, 58-Т.

АЙТИЛ- [ایتیل] – 1. айтилмоқ, айтиб ўтилмоқ:
Қадаҳ кетургил-у дам урма даҳр сирридин,
Ки мубҳам ўлди бу сўз ҳар неча ким айтилди. *Бадойиул-васат*, 432-Т;

Айтилғай икиси бетааммул,
Ул навъ ки айладим тахайюл. *Лайли ва Мажнун*, 61-Т;
Гул-у булбулдек отим сенсиз эмас эл тилида,
Шукр ким сўзда дағи айтила олман сенсиз. *Бадойиул-васат*, 168-Т;

2. ёзилмоқ, битилмоқ:
Фақирнинг «Туҳфатул-афкор» қасидамдин ким аларнинг [Жомийнинг] отиға айтилибтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-39.

АЙТИЛМАҚ/АЙТИЛМАҒ [ایتیلماق / ایتیلماغ] – айтилиш:
Васлидин ваҳ не сўз айтай ким эмас мумкин валек
Холи арғиши ҳам эрмас ҳар замон айтилмағи. *Наводируш-шабоб*, 577-Т;
...ва ул гавҳар адам кониға кириб бу сайрафийлар мақсуд гавҳарин илиглаб қайтмақлари қайфиятининг айтилмағи. *Фарҳод ва Ширин*, 231-Т.

АЙТИЛҒУЛУҚ [ایتیلغولوق] – айтилиши лозим:
Деди ким бу бир иш эди қилғулуқ,
Бу айтилмаган нукта айтилғулуқ. *Садди Искандарий*, 516-Т.

АЙТИШ- [ایتیش] – гапиришмоқ, сўзлашмоқ; баҳслашмоқ:
Чу айтиштилар шубҳа рафъ ўлди пок,
Сикандар бўлуб хуррам-у завқнок. *Садди Искандарий*, 469-Т.
Бозордин ўтсам эрди эл бир бирига айтишурлар эрди ким бу ул кишидур ким ҳар кун мунча ва анча мустаҳақларға нафақа қилур эрди.
Насойимул-муҳаббат, 29-Т.

АЙТИҚЛИҚ [ایتیقلیق] – чақимчилик, иғво; гап-сўз; таъна:
Айтиқлиқ била юз қизартмақ аларға тазйин сўз асносида юзига қаро тиламақ аларға ойин. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-479.

АЙТМАҚ/АЙТМАҒ [ایتماق / ایتماغ] – айтиш, ёзиш, сўзлаш:
...кўп элнинг кўнглини шеър айтмақдин совутқай эрди.
Мажолисун-нафоис, 11-Т;
Фано аҳлиға кўп айтмақ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд.
Маҳбубул-қулуб, 14-73;
ва ҳам туркча айтмаққа моҳир эрди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т;
Шайх Зебойи раъно эрди. Шакли дилпасанд ва ҳақойиқ-у маориф айтмағи дилфириб. Шариф суҳбатиға етиштим. *Мажолисун-нафоис*, 35-Т;
Ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмағиға бар ва сен биганурсен.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 115-Т.

АЙУР- [ایور] – фарқламоқ; ажратмоқ:
Чун байтларни бу фан била мезон қилиб мавзунин номавзундин айурурлар гўё ки қиймат ва баҳоси маълум бўлур. *Мезонул-авзон*, 13-Т.

АЙУРУЛ- [ایورول] – ажралмоқ, бошқа-бошқа бўлмоқ:
Заҳҳокдин чун эл айурулуб эрдилар тура олмай қочти.
Тарихи мулуки ажам, 16-201.

АЙШ [عیش] – 1. турмуш, ҳаёт:
Бахилнинг молин асрардин меҳнати қаттиғ ва ҳасуднинг феъли уётидин айши аччиғ ким ул ўз аносидин залилдур ва бу ўз қилиғидин алил.
Маҳбубул-қулуб, 14-90;
Тоқ киши айши уйин бил нигун
Уйга қачан ҳомил эрур бир сутун. *Ҳайратул-аброр*, 7-181;

2. хурсандчилик, кайфу сафо, ишрат; кўнгилхушлик:
Мундақ фасл ки ҳеч фасл нишотға мундин лойиқрақ эмас ва мундақ вақт ки ҳеч вақт айшқа мундин мувофиқрақ киши нишон бермас. *Муншаот*, 14-139;

Яна чун шабобу куҳулат дағи
Эрур элга айш-у фароғат чоғи. *Садди Искандарий*, 236-Т;

~ **аҳли** – айш-ишрат қилувчилар, базмдагилар:
Кеча айш аҳли муғанний лаҳнидин хушҳол эмас,
Анча ким мен тонгға тегру итлари фарёдидин. *Фавойидул-кибар*, 455-Т;

~ **базми** – хурсандчилик, вақти хушлик базми:
Бўйла мавсимда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррадранг ер ҳам бодаи ёкутранг. *Бадойиул-васат*, 259-Т;

~ **гули** – хурсандчиликнинг яшнаган пайти:
Баҳор фасли бўлуб айши гулшани очилмағани ва ғам хазони елидин сабри хирмани саврулғани бобида дейилибтур. *Мажолисун-нафоис*, 241-Т;

~ **гулшани** – шодлик гуллаб-яшнаган чоғ:
Вой ким бир гул хазонга солди айшим гулбунин
Ушбу фасл ичраки топмиш жумлаи олам баҳор, *Ғаройибус-сиғар*, 137-Т;

~ **даврони** – хурсандчилик вақти; вақти хушлик даври:
Давр аёғин соқиё қўйма йигит жонинг учун,
Ким йигитлик рўзгори айш даврони эмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 137-Т;

~ **жоми** – хурсандлик қадаҳи:
Ақл васвоси хароб этмиш мени ҳужжат била
Соқиё бир айш жоми тут манга ву ани тенг. *Бадойиул-васат*, 277-Т;

~ **и ибтидо** – айшу ишрат, маишат бошланиши:
Иш саъби ки одами балоси келди,
Осонлиғи айши ибтидоси келди. *Назмул-жавоҳир*, 15-165;

~ **коми** – ҳаловат; айш таъми:
Заҳри ҳижронинг чу айшим комини қилди ачиғ,
Нўши васлинг элга еткандин манга йўқтур асиғ. *Фавойидул-кибар*, 295-Т;

~ **субҳи** – висол умиди; хурсандчилик бошланиши:
Қилди айшим субҳини ул шўх лаъби тира тун,
Тифл ўйнаб ўт ўчургандин сўнг ўлғандек тутун. *Наводируш-шабоб*, 454;

~ **таҳриси** – айшу ишрат истаги, шавқи:
Майға оҳанг эт Навоий ким муғанний ҳар замон,
Айш таҳririn аён айлар лисони уд ила. *Наводируш-шабоб*, 536-Т;

~ **хати** – хурсандчилик номаси; мурод номаси:
Лек нишон муждаи жони бўлуб,
Айш хати завқ нишони бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-228;

~ **и мудом** – доимий роҳат-фароғат майи, хурсандлик кайфи:
Ўксумайин айши мудоминг сенинг,
Жоми жаҳолат била коминг сенинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-257;

~ **и мустадом** – доимий хурсандчилик; узлуксиз айш-ишрат:
Ҳар ойина ким ул хуршеди авжи камол олтун жом ичра асфар май била сархуш ва анинг кайфияти ҳароратидин олам аҳлиға зарфишонлиғи ҳазоносо, балки хуршедвашдур ким айши мустадоми мудом бўлсун. *Муншаот*, 14-139;

~ **и ниҳон** – яширин айш:
Ул шўх биздин айру ки айши ниҳон қилур,
Биллоҳ бу навъ йўқ эди ҳаргиз гумонимиз. *Ғаройибус-сиғар*, 179-Т;

~ **-у ишрат** – айш-ишрат, кайф-сафо:
Айш-у ишрат жомидин бўлсун юзи гулгул валек
Кўнглига ғам гулбунидин хорхоре бўлмасун. *Ғаройибус-сиғар*, 367-Т;

~ **-у ком** – хурсандчилик истаги; фароғат, мақсадга эришиш; роҳат-фароғатли ҳаёт:
Шарҳ қил оғоз ила анжомини,
Аввал эмгак сўнгра айш-у комини. *Лисонут-тайр*, 196-Т;
Ўттуз-у қирқ ичра эрур айш-у ком,
Ваҳ ки манга ул дағи эрди ҳаром. *Ҳайратул-аброр*, 7-289;
~ **-у мурод** – мақсадга, хурсандчиликка етишиш:
Васл боғида гули айш-у мурод,
Анча топти жон насимидин кушод. *Лисонут-тайр*, 244-Т;
~ **-у нашот** – шоду хуррамлик, вақтичоғлик:
Мен балокашмен манга базм ичра ҳижрон заҳри бас,
Соқиё айш-у нашот аҳлига тут жоми висол. *Фавойидул-кибар*, 357-Т;
~ **-у тараб** – шодлик, хурсандлик, ўйин-кулги:
Эли кўнглидин кетти ранж-у тааб,
Булар ўрнига келди айш-у тараб. *Садди Искандарий*, 350-Т;
Доим тилаган айш-у тараб нохушдур,
Нўш айламаган ранж-у тааб нохушдур. *Назмул-жавоҳир*, 15-167;
~ **-у фараҳ** – кайф-сафо, фароғат:
Эмди ким тузди базми айш-у фараҳ,
Қўлига олди шоҳвор қадаҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-304;
~ **айла-/эт-** – айш-ишрат сурмоқ, кайф-сафо қилмоқ:
Бўлса манга дағи йўл анда ки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қол-у мақол ўзгача. *Фавойидул-кибар*, 532-Т;
Айш этиб ул хусрави олий мақом,
Топиб ул гулчеҳрадин ҳар лаҳза ком. *Лисонут-тайр*, 155-Т;
Узди мендин дўстлуғ ул шўхи сиймин тан яна;
Анча ким мумкиндур эткил айш эй душман яна. *Бадойиул-васат*, 394-Т;
~ **қил-/туз-** – хурсандчилик қилмоқ:
Уч ой бу қаср аро ҳам туздилар айш,
Суруду бода бирла қилдилар айш. *Фарҳод ва Ширин*, 169-Т.

АЙШГУЗИН [عیش گزین] – ишратпараст, айшу ишратни севувчи:
...арлатий исмлик садрнишинлар ва тархоний расмлик айшгузинлар ва қиёт насаблиқ мутааййинлар мавжуд эрди. *Вақфия*, 14-245.

АЙШПАРДОЗ [عیش پرداز] – айшу ишрат пардози, айшпардоз:
Нагисойи замонға чун бериб соз,
Замона аҳлин айлаб айшпардоз. *Фарҳод ва Ширин*, 82-Т.

АЙШСОЗ [عیش ساز] – айш-ишратсоз:
Эв эгаси Тангрига айлаб ниёз,
Деди: Ҳамоно ки шаҳи айшсоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;
~ **и қотил** – айш – ишратсозлик қотили:
Айтман бир сарвқадди моҳрухсор истагил,
Айшсози қотили шўхи ситамкор истагил. *Наводируш-шабоб*, 656-Т;
~ **бўл-** – айш-ишратга машғул бўлмоқ:
Неча кун бўлуб пардада айшсоз,
Ки фаҳм ўлмай ул пардадин ҳеч роз. *Садди Искандарий*, 392-Т.

АЙҒАҒ [ایغاغ] – беҳуда гап:
Нодонға сўз демак айғағдур ва кўп демаги йўртағдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-106.

АКБАР [اکبر] – энг улуғ, энг катта:
...ва асҳобининг ҳаёти қуши ҳамул тойири қудсийдин эришти, фазаи акбар малаи аълоға етишти. *Ҳамсатул-мутаҳаййирин*, 15-77;

Лек жиҳод ичра бу асғардурур,
Нафс била айлаган акбардурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-278;
Маҳшар кунида ким чароғ акбар ўлғуси,
Ҳажрингда келди кўнглума юз анча рустахез. *Наводируш-шабоб*, 214-Т.

АКБОДПАЙВАНД [اکباد پیوند] – жигарбанд, қариндошлар, туғишган; фарзанд:
...балки ходим-у шогирдкирдор ва бу фақирнинг фарзанди аржманд кўрмагим ва риоятингни авлодмонанд, балки акбодпайванд маръий тутмағим шоҳ ва гадо оллида возиҳ ва яхши-ёман қошинда лойиқ бўлди. *Муншаот*, 14-216.

АКЛ [اکل] – емак, емиш; овқат; таом:
Акл ила шурб айламагай рўзадор,
Лек икинчига будур эътибор. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;
Муважжаб акл-у шурб айлаб муруввat,
Навосиз жисмиға киргунча қувват. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т.

АКМАЛ [اکمل] – энг комил, энг етук, баркамол:
Гар вали ким халқдин акмалдур ул,
В-ар Наби қил фарз ким мурсалдур ул. *Лисонут-тайр*, 229-Т;
Қатл хукми айласа ўлтурубан ушшоқини,
Ишқ аро чун ким мен акмалмен тақаддум айларам. *Ғаройибус-сиғар*, 335-Т;
~ **и даврон** – даврнинг етук киши си:
Гар камол аҳли жалои ватан эрмас андин,
Нега туфрағдадур ул акмали даврон ватани? *Наводируш-шабоб*, 666-Т.

АКМАҲ [اکمه] – туғма кўр:
Ҳадиси поку нутқи жонфазойиндин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро агар абрас, агар акмаҳ. *Бадойиул-васат*, 381-Т.

АКНОФ [اکناف] – ён-атроф; тараф; паноҳ:
...анинг кишвари гулистонининг ҳарими атрофида ва мулки бўстонининг чамани акнофида кўрмас... нимадин қулағимни бинафша қулағидек кар ва тутмас...
Вақфия, 14-255.

АКНУН [اکنون] – энди, ҳозир, шу вақт, шу лаҳза, шу дам:
Агарчи акнун афйун касрати ани ақл ҳулъясидин ори қилибдур, ул вақтда бу фанда «Аслул-васл» отлиғ китобни тасниф қилди.
Хамсатул-мутаҳайирин, 15-70.

АКОБИР [اکابر] – улуғлар, аъёнлар, ашрофлар, мартабали кишилар; фазилат соҳиблари:
Яна ул ким ҳафтада икки кун ким эшикда акобир жамъ бўлурлар.
Муншаот, 14-188;
Ул акобир авлодидин эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 447-Т;
...бир мажлисда акобир сари боқиб Шоҳрух Мирзодин нақл қилдилар.
Мажолисун-нафоис, 192-Т;
Гадозодаи хирадманд акобир ҳамрози ғанийзодаи лаванд арзол дамсози.
Маҳбубул-қулуб, 14-112;
Акобир ки мулк ичра мавжуд эди,
Ким ул хайл мулк ичра мақсуд эди. *Садди Искандарий*, 292-Т;
~ **и авлиё** – улуғ авлиёлар;
...воқиъ бўлур раҳнамолиғи учун ва мушкулкушойлиғи учун бир нима ким ногузирдур комил раҳнасойи пирдур ким анинг иршоди бўлмайин бу йўлға азм қилмақни акобири авлиё жойиз тутмайдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;
~ **и изом** – энг улуғ кишилар:
Улус аро акобири изомдин сойири авомғача ва сипоҳи аро аморат маснадида базм тузгандин... *Вақфия*, 14-255.

АКОБИРА [اكابره] – сосонийлар сулоласи подшоҳларининг лақаби:

Тўртунчи табақа сосонийлардур ким аларни акобира дебтурлар.

Тарихи мулуки ажам, 16-222.

АКОСИРА [اكاثره] – сосонийлар сулоласи подшоҳларининг лақаби:

Акосира отланур бўлсалар эрди расм эрди ким сипоҳ йирақтин ҳалқа уруб отлиғ турарлар эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-251;

Чун Шеруя вафот қилди ва жамиъ мулк тегар ағо инисини ўлтуруб эрди ҳеч *киши акосирадин топмадилар ким подшоҳ қилғайлар.*

Тарихи мулуки ажам, 16-250.

АКРАМ [اكرم] – энг карамли, олижаноб; ўта ҳимматли;

~ **ул-акрамин** – саховатлиларнинг энг олий ҳимматлиси; каримлар карими, Тангри, Худо:

Карам сифати акрамул-акрамин ишидур, соҳиб карам киши ҳақнинг бу навъ сифатиға мутобеъ кишидур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-81;

Чу сен мукрим аҳли карамдур сабаб,
Десам акрамул-акрамин не ажаб. *Садди Искандарий*, 54-Т.

АКС [عكس] – 1. акс; тасвир, шакл; инъикос:

Муртафеъ шохлар шамъ шуъласидек барглар шакли шарҳиға бўстон музаккирлари мутакаллим ва ул шуълаосо барглар акси шишаи ҳалабийда ойнаи чиний киби зулол ичра тушгандин чаман қушлари савтиға мутаранним...

Муншаот, 14-138;

Ўзи ҳуснига назар солур эди,
Баҳра эл ҳам аксидин олур эди. *Лисонут-тайр*, 90-Т;

Қаю кўзгуда тутса аксинг вужуд,
Малойик нечук қилмағайлар сужуд. *Садди Искандарий*, 53-Т;

Оразинг кўзгусиму тер касратидин судадур,
Ёхуд ул ораз суйининг аксиму кўзгудадур. *Ғаройибус-сиғар*, 53-Т;

...ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдурлар муншаотларида мастур ким фақир жавоб битибмен ё акс. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-9;

2. шуъла, ёлқин; қуёшнинг акси, нури, ёруғлиги:

Кавкаби жом акси ламъафиган
Тоб аро айла ким Суҳайли Яман. *Сабъаи сайёр*, 10-63;

Ҳар бири бир қуёш нишиман этиб,
Буржни акси бирла равшан этиб. *Сабъаи сайёр*, 10-390;

3. тескари томон, зид тараф: тескари, қарама-қарши:

«Гузида»да мундақ битибдур ким Ардашер бағоят хирадманд ва доно киши эрди... Аммо Банокатий мунинг акси битибтур ким ул бағоят золим ва жобир эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232;

Эй Навоий тушта ул ой деди ким васл истама,
Акс эрур туш сен талабни улча мумкин бор қил. *Ғаройибус-сиғар*, 307-Т;

~ **и зоҳир** – зоҳир, аённинг акси:

Қуёш юзига боқардин назар эрур ожиз,
Юзунгда этти магар акси зоҳир ул кўзгу. *Бадойиул-васат*, 371-Т;

~ **и михроб** – михроб акси:

Ҳиндуйи соҳир дурур даври занахдонида хол,
Тавқи ғабғаб шаклидин бир акси михробин кўрунг. *Фавойидул-кибар*, 348-Т;

~ **и меҳри ховар** – шарқ тонгги қуёшининг акси:

Дарёйи малоҳат ичра гавҳар,
Гавҳар не ки акси меҳри ховар. *Лайли ва мажнун*, 218-Т;

~ **и ойинаи Чин** – Чин ойнасининг акси:
Магар чарх ўлуб зеб-у тазйин уза,
Солиб акси ойинаи Чин уза. *Садди Искандарий*, 358-Т;
~ **и рой** – фикр, ўй, рой акси;
Ул ким бу сўз исноди анинг зотиғадур,
Давлат юзи акси ройи миръотиғадур. *Назмул-жавоҳир*, 15-129;
~ **айла-** – кўрсатмоқ, тасвир қилмоқ:
Тиласанг файзи кўнгул ила хавотирдин пок,
Айламас акси қабул анда мукаддар кўзгу. *Наводируш-шабоб*, 513-Т;
~ **кўргуз-** – аксланмоқ, шуъласи тушмоқ, акси тушмоқ:
Ғам туни билман шафақдур ё фалак миръотида
Акс кўргузган кўзумнинг лаългун ёшимудур? *Бадойиул-васат*, 134-Т;
~ **сол-** – 1. акс этмоқ:
Қуёш ҳаёт суйинда кўрунди ё соқий,
Жамол аксини солди майи зулол ичра. *Фавойидул-кибар*, 543-Т;
2. соя, инъикосини солмоқ:
Бўл сафо аҳлиға ҳамдам ёр васлин истасанг,
Аксини солғайму соқий бўлмағунча бода соф. *Ғаройибус-сиғар*, 246-Т;
~ **топ-** – акси, тасвирини кўрмоқ, қабул қилмоқ:
Соф қил сафҳаи хотирни тилар бўлсанг файз,
Акс топмақ гар эрур тийра не имкон кўзгу. *Ғаройибус-сиғар*, 394-Т;
~ **тут-** – тескари, зид иш қилмоқ:
Мухолафат мазамматида ким манҳ ҳасад била улфат дурур ва махалли андеша била офат кўрунур ки аксин тутса мусодақат юз берур. *Садди Искандарий*, 167-Т.

АКСАР [اكثر] – 1. энг кўп, кўпчилик, зиёда:
Муҳаммад Али Жалойир... чун Хуросон аҳлининг аксари билурлар битмак бефойдадур. *Мажолисун-нафоис*, 172-Т;
Табарий дебтур ким йиғачдин тахта ул кесиб уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чиқарди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;
Чу ёғди тоши Навоийға кўп шикаст ўлди,
Қурук йиғачқа ёғиб жола синди аксар шох. *Ғаройибус-сиғар*, 110-Т;
2. кўпинча, умуман:
Дема кўнглунг лавҳиға ёзғил хирад ойинини,
Бас ки қўйдум доғи ишқ ул сафҳадур аксар қаро. *Наводируш-шабоб*, 30-Т;
3. кўпроқ, ошиқроқ:
Ва мураттаб бўлған девонлардин янги айтилган абёт адади аксар ва ҳар байти лафз-у маъно била даржлиғ гавҳар демай... *Ғаройибус-сиғар*, 3-11;
~ **и фосиқ** – кўпчилиги, кўпроғи фисқу фасодчи:
Аксари фосиқ ва бадхўй ва қолғани кажтабъ-у дуруштгўй.
Маҳбубул-қулуб, 14-31.

АКСАРАШ [اكثرش] – кўпчилиги, кўплари; кўпинча; кўпи билан:
...ва ҳар тарафдан келган фуқаро ва ғурабо ва аксараш ўн кун, балки бир ой икки ойғача тавақкуф қилсалар эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 15-112.

АКСУН [اكسون] – ипак мато; ҳашамли либос:
Яна кирк уй аро ажноси зебо
Ҳар уйда кирк танк аксун-у дебо. *Фарҳод ва Ширин*, 184-Т;
Тикилди ўрдуйи ким кўрмамиш кўз,
Хаз-у аксун атлас анча ким юз. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т.

АКТОФ [اكتاف] – елка, курак; кифтлар:

Чун Шопур олиб Коф то Кофни,
Чиқарур эрди беҳадд актофни. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232.

АЛА-БУЛА [الا بوله] – ола-була:

Тун кун ҳарире бўлди куёшнинг амомаси,
Чун чирмади ала-була дастор бошиға. *Фавойидул-кибар*, 513-Т.

АЛАВИЙ [علوی] – Али авлодига мансуб:

Алардин иккиси алавий эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 27-Т.

АЛАДДАВОМ [علی الدوام] – доимо, ҳамиша, мудом:

Ул ҳазратнинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони эрди ва мудом назм ва насрдин сўз мазкур ва аладдавом шеър ва муаммодин табоъ натойижи мастур бўлур эрди. *Мезонул-авзон*, 11-Т;

Навоий айласа кўз тўтиёси гарди фано,
Зиёни йўқ анга бўлса аладдавом уйқу. *Наводируш-шабоб*, 516-Т.

АЛ-АДЛ [العدل]– адл, адолат; Худонинг сифати:

Адолатка етканда қилмиш Худо,
Ўз отини ал-адл бирла адо. *Садди Искандарий*, 139-Т.

АЛАЗ(3) [الذ] – *энг тотли, лазиз, лазизли; дилкаш*:

Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз
Ҳайвон суйини қўй ки чучук жондин алаз...
Не жондин алаз не оби ҳайвондин алаз,
Ким ҳар неки йўқ андин алаз андин алаз. *Ғаройибус-сиғар*, 543-Т.

АЛАЛИТЛОҚ [علی الاطلاق] – мутлақ; мутлақо:

Муножот ул карами халлоқ ва мукими алалитлоққа ким караминнинг кофи сар-кашлик била ёзук... *Садди Искандарий*, 54-Т;

Даҳр халқиға сен келиб халлоқ,
Халқ аро холиқи алалитлоқ. *Сабъаи сайёр*, 10-13.

АЛАМ I [الم] – 1. ранж, ғам, қайғу, дард, азоб, изтироб; ҳасрат:

Дедим эрур Навоий ўз дардиға чорасиз деди:
Гар аламимға чора йўқ бўлмаса бўлмасун нетай. *Бадойиул-васат*, 446-Т;

Ишқнинг аламин дағи билурмен,
Ҳар чора қилай десам қилурмен. *Лайли ва Мажнун*, 280-Т;

Чун Талаб водийсиға қўйсанг қадам,
Оллинга ҳар дам келур юз минг алам. *Лисонут-тайр*, 198-Т;

2. аланга:

Ўт алам тортар эмиш афлокка,
Барқ тушкандек хас-у хошокка. *Лисонут-тайр*, 255-Т;

~ **и эҳтидо** – хақ йўлни топиш изтироби, азоби:

Балки чу тортиб алами эҳтидо,
Истабан умматлиғини анбиё. *Ҳайратул-аброр*, 7-208;

~ **еткур-** – озор бермоқ, оғритмоқ:

Аммо азоби чоғинда Мусо алайҳис-салом дуоси била Тенгри таоло ул азобдин алам еткурмай биҳишти жовидонға элтти. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-148;

~ **чек-** – дард чекмоқ, куйинмоқ, азоб тортмоқ:

Ёд қил ул ҳусни бенуқсонни ҳам,
Ўтдек ул гулшан сари чеккил алам. *Лисонут-тайр*, 52-Т;

Неча кимса ҳижронда чекса алам,
Агар оқибат васл топса не ғам. *Садди Искандарий*, 416-Т;

Кўнглига сипоҳ чекиб аламлар,
Охи ўти кўргузуб аламлар. *Лайли ва Мажнун*, 127-Т;

~ **торт-** – алангаланмоқ, аланга юқорига кўтарилмоқ:
Шуъла тушуб хасға ки тортар алам,
Чун ани куйдурди ўчар ўзи ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-234;

~ **кўй-** – ғам-андуҳга солмоқ, хафа қилмоқ:
Хожа асҳоб аро алам кўйди,
Юрубан кемага қадам кўйди. *Сабъаи сайёр*, 10-195.

АЛАМ II [علم] – 1. байроқ, туғ:
...таяммун учун анинг йиғочқа боғлаб алам қилған сахтиёнини мурассаъ қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-202;
Ҳавоскға дилфиребедур савт ва нағам била авомға роҳзанедур таблу алам била. *Маҳбубул-қулуб*, 14-31;

2. нишон, аломат:
Масалан: от лафзи ки бир маъноси аламдур яна бир маъноси маркабдур ва яна бир маъноси амрдур ки «тошни ё ўқни от» деб буюрғайлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 174-Т;

~ **сутуни** – байроқ дастаси; ғалаба белгиси:
Бирав олди сўз кишварин якқалам,
Ки қилди қаламни сутуни алам. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-67;

~ **и заркаш** – зарланган байроқ; қуёш:
Тун яшурур шуққаи анбарвашин,
Субҳ чиқарур алами заркашин. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;

~ **айла-/қил-** – машҳур этмоқ, ҳаммага танитмоқ; байроқ қилиб кўтармоқ:
Эй кўнгул ким ки Навоий каби васл истади ани
Ишқ расволиғ била олам ичинда алам айлаб. *Фавойидул-кибар*, 61-Т;
Маст агар ўлсам асоға боғлабон зуннорни,
Қил алам кўйинг аро айлаб мазор эй муғбача. *Наводируш-шабоб*, 552-Т;

~ **бўл-** – машҳур бўлмоқ, ном чиқармоқ, танилмоқ:
Чун Навоий наътинг айтурға тилар бўлғай илим,
Не ажаб гар бўлса бот олимлар ичра аъламе. *Фавойидул-кибар*, 557-Т;

~ **кўтар-** – байроқ кўтармоқ; кўтарилмоқ, чиқмоқ (қуёш); нур таратмоқ:
Ганжа қуёши ки кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин якқалам. *Ҳайратул-аброр*, 7-51;

~ **ур-** – 1. байроқ тикмоқ; жазм қилмоқ, мақсад қилмоқ; ном чиқармоқ; ягона бўлмоқ:
Водийи ғайратқа қадам урмаған,
Кунгури ҳимматкға алам урмаған. *Ҳайратул-аброр*, 7-153;
Иккинчи навъ бу жамоатдин мутасаввиррақ ва бу гуруҳдин худписандрақ ва мутакаббиррақ ул хайледур ким нубувват даъвоси майдониға маркаб сурдилар ва бу фосид хаёл калъаси буржиға алам урдилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-75;

2. кўтарилмоқ, зўраймоқ, кучаймоқ, авж олмоқ:
Чун иккинчи авж ила урди алам,
Дурфишон бўлди Уторидға қалам. *Лисонут-тайр*, 24-Т;
Воли ичидин урубан ўт алам,
Шайх муриди бўлубан ўғли ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-200;

3. нишона, белги бермоқ:
Май ўти бут юзидин урғач алам,
Куйдуруб ул шуълаға мусҳафни ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-190;

~ **чек-** – 1 байроқ тикмоқ, байроқ кўтармоқ; юриш қилмоқ; гўзаллик кўрсатмоқ:
Ёд қил ул ҳусни бенуксонни ҳам,
Ўтдек ул гулшан сари чеккил алам. *Лисонут-тайр*, 52-Т;
2. юқорига кўтарилмоқ, зўраймоқ:
Топиб чу вуқуф бу ғазоға,
Ашжор алам чекиб ҳавоға. *Лайли ва Мажнун*, 125-Т;
То жилва қилди ул санам Лайли сўзи бўлди адам,
Савдом ўти чеккач алам паст этти Мажнун шуҳратин. *Ғаройибус-сиғар*, 387-Т;

~ **и нигунсор бўл-** – таслим бўлмоқ, тан бермоқ, яксон бўлмоқ:
Яздижурд муддате саъй қилиб илик оёғ урди ва бўлдура олмади ва амирул-мўъминин Умар разий аллоҳу анҳу черикига мулкин олдуруб қочиб араб илкига тушти ва ислом ливоси сарафроз куфр алами нигунсор бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 16-254;

~ **чиқ-** – пайдо бўлмоқ, қуёш чиқмоқ, тонг отмоқ:
Саҳар ховар гаҳи чарх узра ким хайл-у ҳашам чекти,
Шуъои хат била куҳсор уза олтун алам чекти. *Наводируш-шабоб*, 604-Т;

~ **торт-** – ғолиб чиқмоқ:
Фатҳ ўлуб давронида мулки ажам
Ул билод узра араб тортиб алам. *Лисонут-тайр*; 29-Т.

АЛАМАНГЕЗ [الم انگیز] – ғамли, қайғули, дардли:
Таҳайюр айлади Фарҳоду Вомиқу Мажнун,
Чу боқтилар аламангез достонимға. *Наводируш-шабоб*, 539-Т.

АЛАМКАШ I [الم کش] – ҳасрат, қайғу, ғам тортувчи:
Деди бу неча мазлуми ситамкаш,
Фалак бедодидин бўлған аламкаш. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т.

АЛАМКАШ II [علم کش] – байроқдор:
Гард ўлса фалак сари аламкаш,
Бор эрди кўзга тўтиёваш. *Лайли ва Мажнун*, 313-Т.

АЛАМНОК [الم ناک] – дардли, аламли:
Кишининг неча кўпрак гавҳари пок,
Анинг бедодидин кўпрак аламнок. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т.

АЛАМОН [الامان] – хонумонсиз, уй-жойсиз, хонавайрон; илтижо, ёрдам, мадад сўраш:
Лаҳза лаҳза бош чекар ишқим шарори эй рафиқ,
Аламон шавқ-у муҳаббат шуъласидин аламон. *Ғаройибус-сиғар*, 343-Т;
Чу бир дамға йўқтур кишига замон,
Фалак зулмидин аламон аламон. *Садди Искандарий*, 437-Т.

АЛ-АМОН [الأمان] – амонлик:
Макс эди бу навъ арода бир замон,
Ким эл аро тушти нидо ал-амон. *Ҳайратул-аброр*, 7-187.

АЛАМОНЛИҒ [الامان لیغ] – таланганлик, илтижо, ёрдам, мададга чақириш:
Хонумоним гаҳ бало тоғи гаҳе ғам даштидур,
Бўйла ким кўрди алахонлиғ аламонлиғ дағи. *Бадойиул-васат*, 452-Т.

АЛАМПАРВАРД [الم پرورد] – дарду ранжли, ҳасратли; ғамли:
Деди ким эй улусда нодиру фард,
Бўлмасун хотиринг алампарвард. *Сабъаи сайёр*, 10-404.

АЛАМСАНЖ [الم سنج] – ғаму ҳасратли, азоб тортувчи:
Тўкуб кўз ёши Бонуйи аламсанж,
Деди: табъида бордур заъфдин ранж. *Фарҳод ва Ширин*, 470-Т;

Кўп бўлди сенинг учун аламсанж,
Кўнглига ишингда етти кўп ранж. *Лайли ва Мажнун*, 288-Т.

АЛАМСИЗ [الم سيز] – ғамсиз, дардсиз, беғам:
Замон навойибидин кўнгли ғамсиз фалак ҳавосидин хотири аламсиз.
Маҳбубул-қулуб, 14-45.

АЛАМТИРОЗ [علم طراز] – байроқни безовчи:
Дин нусратининг аламтирози,
Яъни Султон Ҳусайни Ғозий. *Лайли ва Мажнун*, 67-Т.

АЛАМФАРСО [الم فرسا]– ранж, аламдаи эзилган:
Ким ул бўлғай бисот аро ғамин элга нашотафзо,
Бисот ичра аламфарсо нашот ичра тарабгустар. *Фавойидул-кибар*, 148-Т.

АЛАМШУЙ [الم شوی] – дард-аламни кетказадиган:
Сокиё тут манга гулбўй қадаҳ,
Халқ кўнглидин аламшўй қадаҳ. *Фавойидул-кибар*, 666-Т.

АЛАН [علن] – ошкор, аён, очиқ:
Ғайр нақшидин этиб лавҳи замирин софий,
Ёр қолғай дағи ул балки пири сирри алан. *Наводируш-шабоб*, 439-Т.

АЛАНГ [النگ] – пасту баланд ер:
Қатъ қилғунча риё дашти аро юз минг аланг,
Ташлаб ўзлукни қадам дайри фано жониби манг. *Фавойидул-кибар*, 354-Т.

АЛАПЎКА [الاپوکه] – ўрдакнинг бир тури:
Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида масалан, чўрка ва эрка, суқсур ва олмабош ва чакир қанот ва темир қанот ва алдалдаға ва алапўка ва бағчал ва бу йўсунлуқ дерлар ки етмиш навъ бўлурким сарт барисин мурғоби – ўқ дер.
Муҳокаматул-луғатайн, 176-Т.

АЛАР [الار] – 1. улар:
Шайх деб ким йўқ алар бирла ишим,
Ким харобот ичрадур истар кишим. *Лисонут-тайр*, 104-Т;
Девсиратлардин эй гардун мени оғритма ким
Юз аларча оғритурға ул парирухсор бас. *Фавойидул-кибар*, 231-Т;

2. улар (ҳурмат маъносида):
Чун алар кичик ёшдин фазойил-у камолот иктисобиға авқотларин сарф қилур эрмишлар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-89.
Замон аҳлидин эй кўнгул гар қутулсанг,
Алар сари майл этмагил яна ногаҳ. *Бадойиул-васат*, 403-Т.

АЛАС-САБОҲ [علی الصباح] – эрта тонгда, азонда, эрталаб:
Қуллуқ арзадошт ул ким бу банда алас-сабоҳ эшикка ҳозир бўлғаннинг жиҳати ул эрди ким муборак дийдорингиз кўруб қолғаймен. *Муншаот*, 114.

АЛАС-САВИЙЯ [علی السویة] – баб-баровар, барча баровар, тенг:
[Қози] маҳкамаси махзани улуми шаръия ва ҳукм қилурида ошною бегона анга алас-савийя. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21;
...бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улуқдин кичик бариси аросида ихтилот алас-савийядур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

АЛАСТ [الست] – азалият, ибтидо, азал:
Кўргуз эй товуси гулзори аласт,
Жилвае ким қилғасен давронни маст. *Лисонут-тайр*, 49-Т;

Одами хокийни чу субхи аласт
Айладилар руҳ майи бирла маст. *Ҳайратул-аброр*, 7-188;
Тонг эмас бўлса Навоий маст то шами абад,
Ким азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт. *Ғаройибус-сиғар*, 84-Т.

АЛАТА (АЛО ТО) [الاتا] – эй, токи:
Алата қуёш зарафшон ўлғуси,
Саҳоб илги гавҳарафшон ўлғуси. *Садди Искандарий*, 103-Т.

АЛАФ [علف] – ем, ўт, хашак:
Шайхул-ислом деди анга боқма ки алафка муҳтож экандур.
Насойимул-муҳаббат, 214-Т.

АЛАФБАҲО [علف بها] – экиннинг кўкига қараб белгиланадиган солиқ:
Барисидин алафбаҳо кўтариб,
Сабзаи умри айшдин кўкариб. *Сабъаи сайёр*, 10-66.

АЛАХОНУ АЛАМОН [الاخان و الامان] – хонавайрон, уй-жойсиз; илтижо, ёрдам, мадад сўраш:
Ишқ аро мен киби йўқ бесар-у сомон бўлған,
Хонумон бузған алахон-у аламон бўлған. *Наводируш-шабоб*, 487-Т;
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъни ки алахон-у аламон мендек. *Ғаройибус-сиғар*, 555-Т.

АЛАЧА [الاچه] – олача, мато номи:
Алача ҳошиялиғ тўн кийиб ул рашки пари,
Ол этук бирла хиром этса эрур кабки дари. *Бадойиул-васат*, 427-Т.

АЛАЧУҚ/АЛАЧУҒ [الاچوغ / الاچوق] – 1. чодир, капа:
Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард,
Ики уч алачуқ аро етти фард. *Садди Искандарий*, 368-Т;
Ичи куйган ёғач каваки очуқ
Бўлуб ғулу шаётинға алачуқ. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
2. уя:
Ишқ елин еткурубан тунду тез,
Ақл алачуғин этиб рез-рез. *Ҳайратул-аброр*, 7-16;
~ **кўз алачуғлари** – кўз қорачиғлари:
Сел йўлида фано даштида мужгоним эмас,
Кўз алачуғларининг дуд еган ўғларидур. *Фавойидул-кибар*, 736-Т;
3. Уч алачуқ, Уч капа (жой номи):
Баҳроми Гўр ҳикояти ким Уч Алачуқ элига меҳмон бўлди.
Садди Искандарий, 368-Т.

АЛБАТТА [البته] – шубҳасиз, мутлақо, аниқ, қатъий:
Кўп Навоий ноласин манъ айламанг ким то ки ул
Ёрини ёд айлагай албатта фарёд айлагай. *Наводируш-шабоб*, 633-Т;
...барча худ бирдек эмас албатта тафовут бор. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 536.

АЛБИСА [البسه] – кийимлар, либослар:
ва маъҳудий албисадин масал дастор ва қалпақ ва наврўзий ва тўпи ва ширдағ ва дагала ва йилак ва ёғлиқ ва терлик ва қур йўсунлуғ нималарни барисин турк тили била айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

АЛБОС [الباس] – либослар:
Қилиб зеб албоси фирўзни,
Ҳарам аҳли моҳи дилафрўзни. *Садди Искандарий*, 276-Т.

АЛВИДОЪ [الوداع] – хайр-хўш, алвидо, яхши қолинг; **~ қил-** – хайрлашмоқ, тарк этмоқ; видолашмоқ:
Истасанг ким урғасен давронға тиғи инқитоъ,
Ул видоь эткунча сен қилғил бурунроқ алвидоъ. *Ғаройибус-сиғар*, 234-Т.

АЛВОН [الوان] – ранглар, бўёқлар, ранг-баранг, турли-туман:
Алвон била ток барги раъно,
Раъно каф аро нигор-у ҳино. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;
Неча байрамларда кийган жандасин фақр аҳлининг
Хор кўрма эй ки хилъатдур неча алвон санга. *Наводируш-шабоб*, 17-Т.

АЛВОҲ [الواح] – лавҳалар:
Бу маҳд алвоҳиға қилған нигориш,
Бу янглиғ қиссаға берди гузориш. *Фарҳод ва Ширин*, 300-Т.

АЛДА- [الده] – 1. ёлғон сўзламоқ; лақиллатмоқ, алдамоқ:
Топакўр ани чу топсанг ҳар қаён озим эса,
Бошиға эврул қуюндек дағи алдаб қайтару. *Фавойидул-кибар*, 492-Т;
2. юпатмоқ, тасалли бермоқ:
Маҳзун кўнглини алдаб дилрабосининг келур хабарини дебтур.
Мажолисун-нафоис, 240-Т;
Қўйингиз бир нафасе жонима бедод айлай,
Тифл ё телба киби манъ этибан алдамангиз. *Фавойидул-кибар*, 208-Т.

АЛДАЛДАҒА [الداداغه] – ўрдак тури:
Ва ўрдакнинг анвоъи билур қушчилар қошида масалан, алдалдаға ва алапўка ва бағчал... *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т.

АЛДАМАҚ [الداماق] – алдаш:
Атфолни қарилар хидматида йўлдамақ ва чучук сўз била алдамақ.
Ғаройибус-сиғар, 530-Т.

АЛДАРА- [الدره] – саросима, изтиробға тушмоқ, довдиратмоқ, шошиб қолмоқ:
Анга еткур сўзум эй оҳ ким ул ҳусн миръоти
Чу қилди жилва кўзгу акси янглиғ алдарайдурмен. *Ғаройибус-сиғар*, 350-Т;
Бир қадаҳ май берсалар ваҳ ғояти ифлосдин,
Неча лаъли қиймати топқан гадодек алдарай. *Ғаройибус-сиғар*, 446-Т.

АЛДАРАТ- [الدارت] – изтиробга, саросимага солмоқ:
Қиш алдаратиб ҳумуми елни,
Ёз илбаратиб самуми елни. *Лайли ва Мажнун*, 84-Т.

АЛДАШ- [الداش] – бир бирини алдамоқ:
Айни васл ичра иши ўтса шикоят мужиби,
Икки ёндин рафъ этиб бир бирини алдашиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т.

АЛИЛ [عليل] – бемор, дардманд, иллатли:
Гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
Кўнгул алил эса фориғ эмас хавотирдин,
Жароҳат узра йиғилмақ эрур чибинга хавос. *Ғаройибус-сиғар*, 223-Т;
~ бўл-– бемор, дардманд, хаста бўлмоқ:
ҳеч гунаҳкор анга залил бўлмасун ва ҳеч бегунаҳ мунга алил бўлмасун.
Маҳбубул-қулуб, 14-24;
~ айла-/қил-– оғритмоқ, хасталантирмоқ; дардманд қилмоқ:
Анинг ким мизожин алил айлабан
Биёбонда зору залил айлабан. *Садди Искандарий*, 480-Т;

Одами табъини жаҳл айлаб залил,
Ҳар ёман ахлоқдин қилса алил. *Лисонут-тайр*, 34-Т.

АЛИМ I [عليم] – билимли, олим; илмлар соҳиби; Тангри:
Эрур ҳайй-у алим-у яна қодир,
Муъид-у ҳам самиъ ўлди-у нозир, *Сирожул-муслимин*, 16-277.

АЛИМ II [اليم] – аламли, машаққатли, дардли, пуразобли:
Тан хок эса хасмдин салим англа ани,
Зарбе ки ҳабиб урар алим англа ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-160.

АЛИФ [الف] – 1. араб алфавитидаги биринчи ҳарф; ўқ, найза:
Жон аросиға кирар ҳар дам хиромон қоматинг,
Гарчи сокиндур алиф ким жонга бўлмиштур васат. *Ғаройибус-сиғар*, 229-Т;
Новакинг то ким эрур куйган кўнгулда муътакиф,
Ўртаган ё сабт қилған доғ аро бўлмиш алиф. *Наводируш-шабоб*, 306-Т;
Алиф бе дегач устод ибтидодин
Алиф олди аламдин бе балодин. *Фарҳод ва Ширин*, 136-Т;
Дема ики шамьи мунхасифдек,
Ошиқ танида ики алифдек. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;

2. келишган, тик (қад, қомат); гўзал:
Қаддиға эл майли бўлғандин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш. *Наводируш-шабоб*, 268-Т;
Етгач алиф қадин қилиб дол,
Мажнунни аёғин ўпти филҳол. *Лайли ва Мажнун*, 218-Т;

3. оҳ, нола, кин; из, акс; нишона:
Зор жисмимда қиличинг захми ҳарён мухталиф,
Ҳар биридур сарв қаддинг ҳасратидин бир алиф. *Ғаройибус-сиғар*, 245-Т;
Офат алифи киби тиканлар
Лоласида ишқдин туканлар. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т;
Қоматинг ёдида кўксум ичра кескан ҳар алиф,
Рост бўлмиш ул алифдек ким ёзилғай жон аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т;

~ **кес-** – машаққат чекмоқ:
Қадди ҳажрида ки кўксумда алифлар кестим,
Бўлди андуҳ-у бало кулбасиға риндона. *Наводируш-шабоб*, 565-Т;

~ **чекил-** – алиф шаклида хол битмоқ:
Қаддинг ҳажрида юз девор уза қўйдум чу заъфимдин
Чекилди бир алиф ҳар қатра ёшимдин нишон анда. *Наводируш-шабоб*, 25-Т.

АЛИФБЕ [الف بی] – алифбо:
Айлабан барбод зуҳд-у илмни эй пири дайр,
Тифли раҳдек эмди бизга ишқ алифбесин ўкут. *Наводируш-шабоб*, 79-Т.

АЛИФСИЗ [الف سيز] – алифсиз, беалиф:
Алифсиз жон киби йўқ ул паридин ўзга мавжуди,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин. *Ғаройибус-сиғар*, 377-Т.

АЛКАН [الكن] – лол, соқов, дудуқ:
Ҳар неча чекти тилни савсан,
Гул васфида келди лол-у алкан. *Лайли ва Мажнун*, 254-Т;
...анинг васфида қалам тили ожизу лол ва қаламзан хомаси алкан-у шикаста мақолдур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-73;
Ясармен юз мақолат ваҳ бўлур кўргач ани ногаҳ,
Кўзум ҳайрон таним ларзон эсим волиҳ тилим алкан. *Ғаройибус-сиғар*, 374-Т.

АЛЛАР [الّار] – улар:

Ваҳ ки келтурдунг фирокингдин балолар бошима,
Ул балолардан ки қочтим келди аллар бошима. *Наводируш-шабоб*, 550-Т.

АЛЛОМ [علام] – ўта билағон, олим, доно; Тангри:

Ҳазрати малики алломнинг каломи муъжизнизоми... нозил бўлди.
Мажолисун-нафоис, 3-Т;

Ул олими алломға юз ҳамду сано,
Ким одам ила тузди чу бу дайри фано. *Хамсатул-мутаҳайирин*, 15-Т.

АЛЛОМА [علامه] – атоқли олим, донишманд:

Мен не бўлғум ким агар алломалар,
Сурса йиллар васфинг ичра хомалар. *Лисонут-тайр*, 250-Т;
Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,
Ўрганурга жидду жаҳд эткан жаҳон алломаси. *Маҳбубул-қулуб*, 14-112;

~ **и кишвар** – мамлакатнинг етук олими:

Суруб нукта ҳар сари донишваре,
Билик ичра алломаи кишваре. *Садди Искандарий*,135-Т.

АЛЛОНБАР [علان بر] – туҳфачи; ҳаммол:

Неча кун бўлди музди ичра даранг,
Бўлди аллонбар асру кўп дилтанг. *Сабъаи сайёр*, 10-238.

АЛЛОФ [علاف] – ғаллафуруш, ун сотувчи:

Этмакчи танури андин қизиқ аллоф бозори андин иссиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-37.

АЛЛОҲ [الله] – Худо, Тангри:

Қилди чун еттинчи торамға убур,
Ҳиндуйи музлим деди Аллоҳ нур, *Лисонут-тайр*, 24-Т;
Меҳроби уза ёзилған Аллоҳ,
Уйининг эйаси эшикта огоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 62-Т;
Аллоҳни Аллоҳдин ўзга киши танимас: *Насойимул-муҳаббат*, 137-Т.

АЛЛОҲ-АЛЛОҲ [الله-الله] – ажаб, ҳайрат, таажжуб:

Аллоҳ-аллоҳ ул равзаи руҳафзода не ҳасрат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;
Аллоҳ-аллоҳ не нури воло бу,
Йўқ эди офариниш илло бу. *Сабъаи сайёр*, 10-18;
Бор анингдек ким керак ул кўз-у қош-у қадд-у юз,
Аллоҳ-аллоҳ ким кўрубтур ҳусн бу янглиғ тўкуз. *Бадойиул-васат*, 166-Т;
Аллоҳ-аллоҳ не от эрур бу,
Не пок-у хужаста зот эрур бу. *Лайли ва Мажнун*, 74-Т.

АЛЛОҲДЎСТ [الله دوست] – Оллохнинг ҳабиби, севимлиси (Ҳазрати Муҳаммад):

Навоий фақр кўйида тааллуқ куфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳдўстдин не ким насибинг болса бўл қониъ. *Ғаройибус-сиғар*, 237-Т.

АЛМОС [الماس] – олмос, қимматбаҳо қазилма, металл:

Тилни чу метин узатиб ўт солур,
Хорадин алмос ила ёкут олур. *Ҳайратул-аброр*, 7-148;
Қайд қилманг ки жунун силсиласи қайдида мен
Ким кеса олмас ани қилсалар алмос игак. *Ғаройибус-сиғар*, 264-Т.

АЛО I [الا] – ҳой, огоҳ бўл, эшит *(ундов)*:

Ало то қуёш зарфишон ўлғуси,
Саҳоб илги гавҳарфишон ўлғуси. *Садди Искандарий*, 103-Т;

Ало то ки ҳар шаҳ ки ком истагай,
Жаҳон мулки тахтин мақом истагай. *Муншаот*, 14-152.

АЛО II [علا] – юксаклик, олийлик:
Навоий ўлди басе хор-у паст хас янглиғ,
Сенинг йўлунгда эса бас анга бу изз-у ало. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

АЛОВ [الاو] – ўт, аланга:
Ишқинг ўти шуъласин муфрит тилар мажнун кўнгул,
Ўйла ким девоналар дойим тилар қилмақ алов. *Наводируш-шабоб*, 508-Т.

АЛОЙИҚ [علايق] – алоқалар, муносабатлар; дунё молига майлу ҳавас:
Эй Навоий файздин анфосим ўлмиш руҳбахш,
То Масиҳодек алойиқ зулматидин покмен. *Фавойидул-кибар*, 458-Т.

АЛОЛО [الالا] – 1. шовқин-сурон, ғавғо, қий-чув:
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр. *Ҳайратул-аброр*, 7-60;
2. овоза, можаро; гап:
Ҳусн аро оламда ғавғоси анинг,
Шаҳр-у кишварда алолоси анинг. *Лисонут-тайр*, 147-Т;
~ **бўл-** – шовқин-сурон бўлмоқ:
Қазодин бу навъ иш чу пайдо бўлуб,
Боши узра элдин алоло бўлуб. *Садди Искандарий*, 199-Т;
~ **айла-** – дод-вой қилмоқ, шовқин кўтармоқ:
Телбалар таври алоло айлай,
Телба итлар киби ғавғо айлай. *Фавойидул-кибар*, 683-Т;
~ **қил-** –ғала-ғовур, можаро қилмоқ:
Қилмағил эй шайх ўсруклар унидин шиква ким
Маст ўлуб майхонада бўлмас алоло қилмайин. *Бадойиул-васат*, 354-Т;
~ **сол-** – шовқин-сурон солмоқ, ғавғо кўтармоқ:
Гаҳи масжид ичра алоло солиб,
Харобот аро гоҳ ғавғо солиб. *Садди Искандарий*, 76-Т;
~ **туш-** – ғала-ғовур тўполон бошланмоқ; саросимага тушмоқ:
Фалак аҳли ичра алоло тушуб,
Малак хайлиға шўр-у ғавғо тушуб. *Садди Искандарий*, 68-Т.

АЛОМАТ [علامت] – 1. белги, нишон; из, асар:
Осори ҳажр агар будурур ким кўрар кўнгул,
Дўзах аломати бу сифат ҳойил ўлмағай. *Бадойиул-васат*, 441-Т;
Журме ки ёнидадур надомат,
Ул келди нажотдин аломат. *Лайли ва Мажнун*, 370-Т;
Сенинг тавбангнинг сидқи аломати улдур ки ҳамул мавзиъға қайтиб борғайсен ва ул дарахт ва гиёҳлар санга ул сўзни демагайлар. *Насойимул-муҳаббат*, 354-Т;
2. ҳодиса:
[Жомийнинг] туфулиятлари айёмидағи бу навъ осор-у аломат кўп манқулдур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-10-11.

АЛОЙИН [علايين] – ошкора, очиқ, рўй-рост; ошкоралик:
Аларнинг сири алойинисидин вокиф бўлмағай. *Вақфия*, 14-240.

АЛОҚА [علاقه] – 1. муносабат, боғланиш; муомалада бўлиш:
Қози Исо... Султон Яъқуб ани ул мартабада таъзим ва тарбият қилди ким ҳеч подшоҳ аҳли алоқадин ҳеч кишини анча тарбият қилғанни тарихларда кўрул-майдур. *Мажолисун-нафоис*, 184-Т;

Алоқа барига саросар ипак,
Дур-у лаъл-у фируза мунчоғидек. *Садди Искандарий*, 353-Т;
Халойиқ анга шифта ва алоқа аҳли суҳбатиға фирифта.
Насойимул-муҳаббат, 404-Т;

2. салла печи:
Таврларидин ошуфтароқ аларға дастор ва дастор алоқасидин учаларида озор.
Маҳбубул-қулуб, 14-18.

АЛОҚАДР [على قدر] – имкон борича:
...ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва расул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак. *Ҳайратул-аброр*, 7-100.

АЛОҚАЛИҚ [علاقه لیق] – печлик:
Керак ки бошиға қўйса алоқалик дастор,
Яна ридо ҳам анинг эгнида маволийдек. *Маҳбубул-қулуб*, 14-17.

АЛОҚАСИЗ [علاقه سیز] – алоқасиз, беалоқа:
ва ҳеч кимни андин пайвандсизрақ ва алоқасизрақ ва покизарақ кўрмасмен.
Насойимул-муҳаббат, 188-Т.

АЛОҲИДА [على حده] – бошқалардан холи, айрим; ягона, ўзгача:
Ўз ҳовлим гўшасида алар учун бир мухтасар маскане алоҳида тартиб қилиб эрдим.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-99.

АЛТОЙИ [الطای] – олтой тулкиси ва ундан тикилган пўстин:
Равшан айлар шуъла устидин кўринган дудни,
Маҳвашим эгнида алтойи била бошида қиш. *Наводируш-шабоб*, 258-Т;
Қизиқ кул тоби йўқ анча ки санжоб,
Йўқ алтойича ёнған шуълаға тоб. *Фарҳод ва Ширин*, 170-Т.

АЛТОФ [الطاف] – лутфлар, илтифот, марҳамат:
Бу бесомони кам бизоат ва бу нотавони беиститоат бу алтоф муқобаласида не дей олғаймен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-58;
Шаҳ алтофини чун кўруб беқиёс,
Қўпуб ройи ҳинд айлади илтимос. *Садди Искандарий*, 299-Т.

АЛУМРАТАЙН [العمرتین] – икки умр:
Деди: оғзимдур сенинг умрунг висолин истагил,
Умр агар бўлса висолин топқамен алумратайн. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

АЛФ [الف] – минг:
Китобатда бирдектур алф-у алиф,
Ҳисоб ичрадурлар басе мухталиф. *Садди Искандарий*, 207-Т;
~ **у алф** – минг-минг, миллион; минглаб, миллионлаб:
Ё Расулаллоҳ алф-у алф салом,
Бика мин зил-жалоли вал-икром. *Сабъаи сайёр*, 10-18.

АЛФИРОҚ [الفراق] – фироқ, ҳижрон, жудо:
Тоғ-у фалакларда тароқо тароқ,
Барча тароқида аён алфирок. *Ҳайратул-аброр*, 7-24.

АЛФОЗ [الفاظ] – 1. сўзлар, калом, ибора; жумла:
Шайх солғач маҳваш алфозиға гўш,
Ишқ туғён айлабан чекти хурўш. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Андақ ки «ағир» ва «бағир» алфозин «содир» ва «қодир» алфози била кофия қилса бўлур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;

2. гапириш услуби, талаффуз:
...баъзининг алфозидин кишига маъни маълум бўлур ва баъзидин бўлмас.
Назмул-жавоҳир, 15-126;

3. тил:
Бу фақирга ҳам амр қилдилар ким сенинг даги назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур сен даги ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-69;

Шеър ҳар синфин ки қилдим ибтидо,
Турк алфози била топти адо. *Лисонут-тайр*, 271-Т;
Йўқ ажаб чун ким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур куёш. *Бадойиул-васат*, 496-Т;

~ **и имон** – имон каломи:
Яна бири «Шавоҳид ун-нубувват» муқобала қилибтур ки алфози имон жўйбори ашжори яқин анҳори била сероб... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-72;

~ **и латофат** – латиф сўзлар:
...даги руқъа келтурган қосидни қайтаргай алфози латофатдин муарро ва тароқиби балоғатдин мубарро эрди. *Муншаот*, 14-133.

АЛЯҚ [اليق] – энг лойиқ, энг муносиб; сазоворлар:
Вазир визрдин муштақдур ва бу феъл анинг зотиға аҳақ ва алякдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-16;

Қошингға «қоба қавсайн» оятидин йўқ нима аляқ,
Сочингға йўқ саводи лайлатул-меърождин ашбаҳ. *Бадойиул-васат*, 381-Т.

АЛҚА- [القه] – олқишламоқ, мақтамоқ:
Сенда ноз ўлди Навоийда ниёз эрмас ажаб
Бас сен ани қарғаган сайи сени ул алқамақ. *Наводируш-шабоб*, 310-Т.

АЛҚИССА [القصه] – хуллас, қисқаси, хулосаи калом:
Бу икав бас ким малол изҳори айларлар бўлур,
Ҳам манга мундин малол алқисса ҳам андин малол. *Фавойидул-кибар*, 378-Т;
Манга не ул бўлуб алқисса муяссар не бу,
Гаҳ ани зоҳир этиб гаҳ муни ихфо айлаб. *Наводируш-шабоб*, 65-Т.

АЛҚИШ [القيش] олқиш, дуо:
Жонон муроди қатлим ўлуб қилса жон ибо,
Жонимга қарғишимдуру жононга алқишим. *Бадойиул-васат*, 318-Т.

АЛҚОБ [القاب] – 1. лақаб (лар), ном (лар), тахаллус (лар):
Нозим ўлуб сўз дурри серобиға,
Чарх Низомий ёзиб алқобиға. *Ҳайратул-аброр*, 7-49;

2. сифат, мақтов:
Симни алқобинг этиб муҳтарам,
Сиккаи қадрингға кавокиб дирам. *Ҳайратул-аброр*, 7-121;
Бу рубоийлар шаҳ алқобиға назм силкида интизом топтилар
Назмул-жавоҳир, 15-136;
Ва ани Султони Соҳибқирон оти зевари била музайял ва алқоби гавҳари била мукаллал қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т;

~ **и Искандарий** – Искандарий лақаби:
Ҳерот ўлди алқоби Искандарий,
Дедилар авом ани лекин Ҳарий. *Садди Искандарий*, 241-Т.

АЛҲАЗАР [الحذر] – сақлан, эҳтиёт бўл:
Қаён ким тавсанин айлаб равона,
Йироқдин алҳазар айлаб замона. *Фарҳод ва Ширин*, 295-Т.

АЛҲАМД [الحمد] – алҳамд, Қуръон сураси:

Ул алҳамд ўқуғач ҳам ул дам сиҳҳат топти. *Насойимул-муҳаббат*, 218-Т.

АЛҚОБЛИҒ [القابليغ] – номли, лақабли:

...рубъи маскун маъмурасининг мураббаъ ҳужраларидағи мавзун адолиғ ва матбуъ алқоблиғ талабасининг замирлари мушкулотиға ва хаёллари мисбоҳиға изоҳ қила олмақлиқларининг боиси ул бўла олғай... *Ваққия*, 14-233.

АЛҲАҚ [الحق] – ҳақиқатан, тўғриси, дарҳақиқат, ростдан:

Ёр қадди ҳажридин сарв майлин мафқуд дебдур ва юзи шавқидин гул орзусин нобуд билибдур алҳақ равшан-у рост тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 24-Т.

АЛҲОН [الحان] – 1. яхши, ёқимли товуш, хуш овоз, куш сайраши:

Мукрий ки эрур покрў ва зоҳидваш,
Алҳони хуш-у ҳусни адоси дилкаш. *Маҳбубул-қулуб*, 14-29;
Сойири халқ ичинда пинҳоний,
Шоҳни ҳам вола айлаб алҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-338;
Ким наво қушлар тили алҳонидур,
Дилкаш афғони ҳазин достонидур. *Лисонут-тайр*, 272-Т;

2. куй, оҳанг, наво:

...андалиби хушнавоси нубувват баёни била ва рисолат нағмаи алҳони била суруд кўргузур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;

...баъзи маҳалда рангин алҳон ва тараннум била андак адо қилур эрди ким аксар мажлис ҳуззориға насридин хабар ва назмидин асар воқиъ бўлуб риққатлар даст берур эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т;

~ **и ҳол** – ҳол, вазиятга мос наво, куй:

Нағма туз эй кумри бўстони ҳол,
Нағманг ичра мундариж алҳони ҳол *Лисонут-тайр*, 50-Т.

АЛҲОНЛИҒ [الحانليغ] – хушовозлиғ, хуш оҳанглик:

Ким анга ҳар хориж алҳонлиғ туюр,
Чекса афғон топмағай андин қусур. *Лисонут-тайр*, 253-Т.

АЛҲОННАМОЙ [الحان نماى] – ранг-баранг оҳангларда куйловчи, ширин тил билан ҳикоя қилувчи:

Бу зебо базмининг алҳоннамойи
Бу янглиғ бўлди сўз достонсаройи. *Фарҳод ва Ширин*, 133-Т.

АЛҲОНСАРО [الحان سرا] – сайроқи, сайровчи:

Ки эй булбули зори алҳонсаро,
Вале сўз риёзида достонсаро. *Садди Искандарий*, 189-Т.

АМАД [عمد] – мақсад, истак; устун, таянч:

Бо вужуди ул ким олам низоми ва бани одам интизоми ва амадқа дарбанд ва мувониға ҳожатманд эрмас эрди. *Ваққия*, 14-244.

АМАДО [عمدا] – таянч, тиргак:

Ғайбдин нуқтаи йўнуб амадо,
Хат аро айб айласа пайдо. *Сабъаи сайёр*, 10-408.

АМ(М) [عمّ] – амаки; тоға:

Ўлмак учун мунча недур мотаминг,
Туткуси мотам санга хол-у амминг. *Ҳайратул-аброр*, 7-293;
Султони русул бирла қадам баркадам ул,
Фарзанд-у рафиқ-у куёв-у ибн амм ул. *Назмул-жавоҳир*, 15-124;
Мавлоно Маҳрамий... Хожа Мансурнинг амми дурур. *Мажолисун-нафойис*, 129-Т.

АМАЛ I [عمل] – 1. иш, амал, ҳаракат:

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай.
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;

2. мансаб, хизмат, вазифа:

Амалға боқма ки бебаҳри фазл эрур яксон,
Фузайли Бармакий ўлсун, вагар Фузайли Аёз. *Ғаройибус-сиғар*, 226-Т;
Амал ҳирси чоғи асос мужримнинг тутулмағиға соий аммо
ўз матлубини ҳосил қилғандин сўнгра қутулмағиға доий. *Маҳбубул-қулуб*, 14-36;

~ **мезони** – амал ўлчови:

...охират илми савдосидин эърозлари ва амал мезони адолатиға эътирозлари.
Маҳбубул-қулуб, 114-35;

~ **айла-/қил-** – 1. (бирон ишни) бажармоқ, ижро этмоқ

Амал бир оят ила айламас чу йўқ тақдир,
Бирав ки айласа «Кашшоф»да ўзин шориҳ. *Фавойидул-кибар*, 104-Т;
Бир амал ҳаргиз риёсиз қилмадим,
Ризқсиз ҳаргиз ўзумни билмадим. *Лисонут-тайр*, 20-Т;

2. риоя этмоқ, иш тутмоқ:

Илм Навоий санга мақсуд бил,
Эмди ки илм ўлди, амал айлагил. *Ҳайратул-аброр*, 7-222;
Магар Китобуллоҳдин ояте санга етибдур ки анинг била амал қилғайсен.
Насойимул-муҳаббат, 220-Т;
Лекин ул илм дағи нафъ этмас,
Билибан бўлмаса амал қилмақ. *Бадойиул-васат*, 505-Т.

АМАЛ II [عمل] – умид, орзу, тилак, истак:

Дебан ким чун жаҳоннинг йўқ вафоси,
Эмас маҳкам амал қасри асоси. *Фарҳод ва Ширин*, 127-Т;
Амал риштаси тамаъ игнасига чекиб ул безабоннинг кўрар кўзин ҳам тикиб мақсуди ани сайёд қилмақ ва ўзга жонлиғлар қасдиға жаллод қилмақ.
Маҳбубул-қулуб, 14-40.

АМАЛ III [امل] – баста тури; куй, оҳанг:

Яна сегоҳ амалидур ким Мавлоно Хусравийнинг шеъриға боғлабтур... Яна панжгоҳ амалидур... *Ҳолоти Паҳловон Муҳаммад*, 104-Т;
Кўпрак ўз шеъриға мусиқий боғлар эрди. Исфаҳон амалини бу байтиға боғлаб турур. *Мажолисун-нафоис*, 54-Т;
Мавлоно Соҳиб Балхий... ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдур ким далолат анинг фазойилиға қилғай. *Мажолисун-нафоис*, 18-Т;
Машҳур амалларидин бири чоргоҳ амалидур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 103-Т.

АМАЛА [عمله] – амалдорлар, мансабдор:

...мадраса ва хонақоҳнинг муддарисдин ё талаба ва мутавалли ва шайх ва ҳуффоз ва сойир амаласидин номашруъ амре содир бўлса, икки қатлағача шарьан ҳар мувоҳазаға муставжиб бўлсалар... *Вақфия*, 14-269.

АМАЛДОР [عمل دار] – мансабдор, амалдор, лавозимли шахс:

[Одил Султон] ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ.
Маҳбубул-қулуб, 14-12;
Мавлоно Муҳаммад Амин... кўпрак авқот нависанда ва амалдорлар теграсида бўлур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 56-Т;
Черик улушидин ҳар бор алар шаталхор андақ ким мулк аҳлидин амалдор.
Маҳбубул-қулуб, 14-20.

АМАЛИЙ [عملی] – амалий, практик:

Шеър ва муаммо бобида илмий ва амалийсида Паҳлавон соҳиб вукуф ва жалд эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муқаммад*, 105-Т.

АМАЛСИЗ [عمل سیز] – 1. мансабсиз; асарсиз, тадқиқотлари бўлмаган:

Хайрсиз ғаний – ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим – добба ки анга юклагайлар китоб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;

2. ақиданинг бажарилмагани:

айни қадим аёнининг нийяти сурати амалсиз ибодатдир.
Насойимул-муҳаббат, 165-Т.

АМВОЖ [امواج] – мавжлар, тўлқинлар:

Чу бир жунбиш этти аён баҳри зот,
Падид ўлди амвожидин койинот. *Садди Искандарий*, 48-Т;
Тириклик кушларига ёпибан дом,
Тенгиз амвожидин андак ки сайёд. *Наводируш-шабоб*, 657-Т.

АМВОЛ [اموال] – молу мулк, молу дунё, бойлик:

Кўзлари жону кўнгул нақдин олиб сарф эттилар,
Айлагандек аҳли дин амволини куффор харж. *Фавойидул-кибар*, 98-Т;
Бир бўлур ҳам ки шаҳ кулоққа солур,
Қиймати мулк абраси амвол. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;
Юклабан неча тонг аро амвол,
Анда мавжуд ҳар не қилса хаёл. *Сабъаи сайёр*, 10-283.

АМВОТ [اموات] – ўликлар; баҳорда дарахтларнинг уйғонишига ишора:

Ва андин ховраки одот иҳё ву амвотқача зуҳурға келибдур.
Насойимул-муҳаббат, 260-Т;

Қилғали амвотни иҳё насим,
Фош этиб анфоси Масиҳо насим. *Ҳайратул-аброр*, 7-80;

боғ амвоти – қиш уйқусидаги дарахт ва ўсимликлар:

Тонг насимин Исоосо айлади,
Боғ амвотини иҳё айлади. *Лисонут-тайр*, 16-Т;

~ **эт-** – хазон қилмоқ; қишки уйқуга кирмоқ (дарахт ҳақида):

Бу ел Исо анфосин исбот этар,
Ки боғ ичра иҳёи амвот этар. *Садди Искандарий*, 379-Т.

АМД [عمد] – қасд, хохиш:

Ҳамоно куярдин қилиб манъ су,
Ки куймас амд шамъ бўлса ғулу. *Садди Искандарий*, 467-Т.

АМДАН [عمداً] – қасддан, атайлаб:

Чок этиб кўнглумни очилсун демак имкон эмас,
Ғунчани амдан очиб гул айламак осон эмас. *Садди Искандарий*, 54-Т.

АМДО [عمدا] – қасддан, атайлаб:

Меҳри худ йўқ, лек амдо зоҳир айлар илтифот,
Ким халойиқ жонима қасд айлагайлар еб ҳасад. *Фавойидул-кибар*, 123-Т;

Яна ишқ атворида ким ашк ва йиғламақ муқобаласида оҳ ва исиғ дам амдодур.
Муҳокаматул-луғатайн, 173-Т;

~ **айла-** – атайлаб, жўртага қилмоқ:

Бир парий ишқи мени бу навъ шайдо қилмаса,
Бўлмас ўзни ошиқ – у девона амдо айламак. *Фавойидул-кибар*, 316-Т.

АМЁ [عمیا] – кўр; кўрлик:

Барчаси амё юзидин сўз деди,
Гарчи ул сўзлар бари воқиъ эди. *Лисонут-тайр*, 209-Т.

АМЖОД [امجاد] – юксак даражали, шуҳратли, олийнасаб:

Хоқони Саид Шоҳрух Мирзо ким авлод ва амжод аросида Соҳибқирон атосининг қойим мақоми бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 192-Т.

АМЗОДА [عمّ زاده] – амакизода:

Амир Давлат Шоҳ. Феруз Шоҳ Бекнинг амзодаси Амир Алоуддавлаи Исфаройинийнинг ўғлидур. *Мажолисун-нафоис*. 167-Т.

АМИМ [عميم]– умумий, омма, барчага тенг:

...ва роси роўи оламоро била маъсият айнин кўр этар ва мими лутфи амим била хато хаттиға афв рақами чекар. *Садди Искандарий*, 54-Т.

АМИН [امين] – 1. ишончли, омонатни сақловчи, амонатдор:

...муътамад амин кишилар алар муҳофазати учун таъйин қилиб, эшикни устидин боғлатиб ул муҳофизға ташқаридин посбонлиқ буюрурлар эди.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-95;

Бу оғир юкка сен эрдинг ҳомил,
Сирр-у розиға амин-у комил. *Фавойидул-кибар*, 681-Т;

2. хавфсиз, тинч, саломат:

Мурид шайхқа деди ким йўқ мен таваккул қадами била бу йўлға қадам қўюбмен амин-у маълумни тилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-53;

~ **и ганжи роз** – сир-асрор ганжининг амонатдори:

Шайх Бистомий амини ганжи роз,
Мулки маъни тахти узра сарфароз. *Лисонут-тйр*, 182-Т;

~ **и махзани роз** – хазина сирининг амонатдори:

Кўз очти чун амини махзани роз,
Аларни қилди сўрмақ бирла эъзоз. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;

~ **бўл-** – амонатдор бўлмоқ:

Чиқариб риёзатда қирқ арбаин
Бу беш ганж зориға бўлди амин. *Садди Искандарий*, 519-Т;

~ **топ-** – ишончлик, тинчлик топмоқ:

Ўйла ким топибан амин кишилар,
Покпайванд-у хурдабин кишилар. *Сабъаи сайёр*, 10-352.

АМИР [امير] – шоҳ, ҳукмдор; амир:

Ҳукмин сурубан амирлардек,
Лайлини чекиб асирлардек. *Лайли ва Мажнун*, 216-Т;

Яна бир сойил деди тортиб нафир,
К-эй бари кушларға сархайл-у амир. *Лисонут-тайр*, 136-Т;

~ **айла-** – амир, буюрувчи ҳоким, ҳукидор қилмоқ:

Мунунг отин халқ амир айлабан,
Элни бу от бирла асир айлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-129.

АМИРЗОДА [امير زاده] – амирзода, шаҳзода:

Мозий салотиндин ул ерда боғ ясарға аморат сийтин солған амирзодалар, балки салтанат кўсин чолған шаҳзодалар орзу ниҳолин тикиб... *Вақфия*, 14-257.

АМИРУЛ-МУЪМИНИН [امير المؤمنين] – 1. мўъминлар амири (халифаларга берилган ном, лақаб):

Мавлоно Муин Воиз... бир қатла ҳазрати амирул-мўъминин Алининг имони тақлиди экандур деганга ул ҳазратнинг рухидин ғариб сиёсат ва шиканжалар кўрди. *Мажолисун-нафоис*, 139-Т.

АМИРУЛ-УМАРО [امير الأمراء] – амирларнинг амири, амири умаро:

Мир Ҳусайн Али Жалойир... Али Жалойирнинг ўғлидур ким отаси Ёдигор Муҳаммад Мирзо эшикида амирул-умаро ва соҳиби ихтиёр.

Мажолисун-нафоис, 167-Т.

АМИҚ [عميق] – 1. чуқур; теран:

Деди давриға қаздилар ҳар фариқ,
Очуқ хандақ аммо бағоят амиқ. *Садди Искандарий*, 428-Т;
Ул су тўлди ву баҳр эрди амиқ,
Кема ву кема аҳли бўлди ғарик. *Сабъаи сайёр*, 10-285;

...тааққул ва илмда дақиқрақ ва камол-у фазл фикратида амиқрақ зуҳур қилибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;

2. мулойим, ёқимли:

Чун ул маликул-калом бу фанда маҳорату камолидин ва амиқ табъу дақиқ хаёлидин кўпрак баҳрда шеър айтибдур. *Мезонул-авзон*, 11-Т;

~ **зеҳн** – ўткир зеҳн, теран фикр:

...назм либоси аларнинг амиқ зеҳнлари мўйшикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигори топадур. *Мажолисун-нафоис*, 76-Т;

~ **айла-** – атрофлича фикр юритмоқ:

Деди кордон фикрин айлаб амиқ,
Ки бу сўз аро нуктаедур дақиқ. *Садди Искандарий*, 211-Т;

~ **ўл-** – чуқур бўлмоқ; ниҳоясиз бўлмоқ:

Бу дашт қатъи ажаб саъб эрур тут эй соқий,
Тўла қадаҳни ғамим баҳри янглиғ ўлса амиқ. *Фавойидул-кибар*, 303-Т.

АМКИНА [امكنه] – маконлар, мавқилар, ерлар:

Қачан ул руҳи мусаввар ки самоъ ичра кирар,
Эврулур бошиға қудс амкинасидин арвоҳ. *Фавойидул-кибар*, 105-Т.

АМЛАҲ [املح] – энг ёқимли, гўзал, малоҳатли; ~ **ўл-** – энг гўзал, барно бўлмоқ:

Зиҳи тилинг ана афсаҳ такаллумида фасиҳ
Сен амлаҳ ўлдунг агар дилраболар ўлди малиҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 101-Т.

АМЛОК [املاک] – мулклар, бойликлар:

Ҳам авқофни садри амлок этиб.
Вале кўпрагин май учун ток этиб. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т.

АММЗОДА [عمّ زاده] – амма, хола:

...дебдур ки ул аммзодасиға мубтало бўлди ва ани никоҳиға кивурди. *Насойимул-муҳаббат*, 137-Т;

Дедим агар бир рукъа аммзодларингға битилса сенинг ҳолинг риояти қилурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 445-Т.

АММО [امّا] – зидловчи боғловчи; лекин, бироқ:

Элдин олмишмен рамида ани ром айлай дебан,
Лекин ул бор элга ром, аммо эрур мендин рамон. *Фавойидул-кибар*, 432-Т;
Яна бирда сабт айладинг собитот,
Анга сайр аммо буларға сабот. *Садди Искандарий*, 49-Т;
Ахтар аммо булут ичинда нуҳуфт,
Гавҳар аммо анга етишмай суфт. *Сабъаи сайёр*, 10-137;
Йўқ ул сенда пинҳон ки сен анда гум,
Жалолатдин аммо ишинг уштулум. *Садди Искандарий*, 402-Т.

АММОЛ [امّال] – солиқ солувчилар:

...жуҳҳол ситамидин шеваси азо бўлғанларнинг сўғворлиғи ва аммол қаламидин рўзғори қаро бўлғанларнинг беқарорлиғи. *Вақфия,* 14-263.

АММОР(А) [عمّاره] – буюрувчи, ундовчи (ёмон йўлга); бузуқ нафс:

Аларға марази ориз бўлди андақ ки видоъ тавофин амморе билан қилдилар. *Насойимул-муҳаббат,* 246-Т;

Малак таслими шайтон кибридекдур бу ки ақл ўзин,
Қилиб маъмури амр истар аморат нафси аммора. *Наводируш-шабоб,* 529-Т.

АМН [امن] – 1. тинчлик, омонлик, осойишталик:

Ноамнлиқ ўлди халқ фарсудалиғи,
Амн ичра бўлур маош осудалиғи. *Назмул-жавоҳир,* 15-152;

Шайх дастгирликка қўлин узатди [Муриднинг] илкин тутуб чекти баҳр соҳилиға отти ва маҳлака ғарқобидин судради амн манзилиға. *Маҳбубул-қулуб,* 14-118;

2. тинч; хилват, роҳат:

Бир мақоми амн топ анда бурун ором тут,
Сўнгра туз базму дилоромингға ҳар дам жом тут. *Наводируш-шабоб,* 70-Т;

Манзил дағи амн-у кўнгул асҳобдин эмин,
Май дағи эрур беғашу руҳ андин этиб ғаш. *Наводируш-шабоб,* 251-Т;

~ **у амон** – осойишталик ва роҳат, тинчлик, тотувлик; хотиржамлик:

Қолиб фитна хайлиға аҳли замон,
Адам куйига қочти амн-у амон. *Садди Искандарий,* 166-Т;

Ким анинг давлатидин аҳли замон,
Топмамишлар бағайри амн-у амон. *Сабъаи сайёр,* 10-249;

Рубъи маскунда ҳукмунгуз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлиға адлингиздин амн-у омон. *Муншаот,* 14-174;

~ **и манзил** – тинчлик, осойишталик манзили:

Бу куҳан дайри ичра бир дам қилгали дафъи хумар,
Амни манзил топса бўлмас кулбаи хаммарча. *Фавойидул-кибар,* 510-Т;

~ **и тариқ** – тинчлик, омонлик, осойишталик йўли, йўл чораси, илажи, хавфсизлиги:

...ва сойир халойиққа шарти иститоат ва амни тариқдур. Ва бу тоифаға амни тариқ Ҳақ таоло милкидадир. *Насойимул-муҳаббат,* 7-Т.

АМНИЙЯТ [امنيت] – тинчлик, омонлик; беташвишлик; хотиржамлик:

Мулк аро чун ки бўлди амнийят,
Юзланур мулк элига жамият. *Сабъаи сайёр,* 10-249;

Умрни ғанимат бил сиҳҳат ва амнийятқа шукр қил. *Маҳбубул-қулуб,* 14-123;

Ҳуштурур бу навъ амнийят вале оқшомғача
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса. *Фавойидул-кибар,* 29-Т.

АМНИЙЯТРЎБ [امنيت روب] – тинчлик, хотиржамликни йўқотиш, тўзон қилиш:

Навоий жаҳон ичра ошуб эрур,
Фитан сарсари амнийятрўб эрур. *Садди Искандарий,* 166-Т.

АМНОБОД [امن آباد] – осойишта, роҳат-фароғат, осуда жой:

Ва агар баъзи кунлар алар... йиқилсалар эрди аларни атодек кишиларнинг амнобод уйларига ётқузуб қуфл қилдуруб... *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер,* 15-95;

Бу заифнинг хаёлида улдур ким ўз дуо ва ниёзим амнободин ул ҳазрат теграсига ҳисор қилибмен. *Муншаот,* 14-152.

АМОЛ [اعمال] – ҳунарманд, косиб:

Етти юз етмиш еттида дунёдин ўтубтур ва Исфаройин амолидин бир ҳисорда мадфундур. *Насойимул-муҳаббат*, 284-Т.

АМОМА [عمامه] – салла, дастор:

Ҳам тўниға тегуруб шамома,
Ҳам бошиға чирматиб амома. *Лисонут-тайр*, 75-5;

...бир кун шайхқа минбар устида истиғроқе воқиъ бўлди андақ ки амомасидин бир печ очилди. *Насойимул-муҳаббат*, 28-Т;

Бошиға қўйдилар амома дағи,
Анда сандал била шамома дағи. *Сабъаи сайёр*, 10-317;

~ **и нур** – тонг ёриша бошланиши:

Субҳ ким кийди ҳуллаи кофур,
Қўйди боши уза амомаи нур. *Сабъаи сайёр*, 10-158.

АМОН [امان] – 1. хавфсизлик; фароғат, осойишталик:

Ул амон ичинда бўлсун эй Навоий гарчи мен,
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим. *Ғаройибус-сиғар*, 323-Т;

Ало то ки шаҳсиз чу бўлғай жаҳон,
Замон аҳлиға бўлмағуси амон. *Тарихи мулуки ажам*, 525;

Нома эрмас эрди ким таъвизи жон эрди манга,
Ҳажр тиғи қатлидин хатти амон эрди манга. *Муншаот*, 14-192;

2. нажот, қутулиш, халос бўлиш:

Лаъли жонбахшинг сари майл эттилар жонлар қуши,
Ул чибинлардин амон истар эсанг шаккарни ёп. *Фавойидул-кибар*, 72-Т;

~ **бер-** – тинчлик бермоқ, хавфу хатардан холи қўймоқ; қутқармоқ:

Кўз юмулмиш ҳажрдин ул юзга очмақ истарам,
Лек ҳижрон кўз юмуб очкунча ҳам бермас амон. *Бадойнул-васат*, 329-Т;

~ **топ-** – 1. тинчлик, фароғатда бўлмоқ; осуда бўлмоқ:

Бир неча кун умрдин топсанг амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон. *Лисонут-тайр*, 127-Т;

2. нажот топмоқ, қутулмоқ:

Адолат қўлин тутти андоқ бийик,
Ки топти амон арсалондин кийик. *Садди Искандарий*, 138-Т;

Тушти сипоҳи бирисин чопқали,
Шоҳ ясоқидин амон топқали. *Ҳайратул-аброр*, 7-180;

~ **тут** – хавфсизликда сақламоқ:

Ўз ҳифзи аро замонда тутқай,
Ҳар мулкидин амонда тутқай. *Лайли ва Мажнун*, 293-Т.

АМОНАТ [امانت] – 1. ишончлилик, тўғрилик; садоқат; сидқу садоқат:

Бахилдин амонат ажаб каримдин хиёнат ажаб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;

2. сақлаш учун берилган нарса:

...вазир амонат ҳуққани тилаб ул розни ошкоро қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-224;

Бирав амонатини асрай олмас, арчи эрур
Худой амонатини асрамағ ҳаволат анга.

~ **бўл-** – амонат сақламоқ; *Фавойидул-кибар*, 12-Т;

Хозин ҳунари амонат бўлур ва тасарруфи хиёнат бўлур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-26.

АМОНАТДОРЛИҚ [امانت دارلیق] – амонатни асраб берувчилик:

Рафиқ-у ёрлиқ мундақ бўлурму,
Амонатдорлиқ мундақ бўлурму? *Фарҳод ва Ширин*, 409-Т.

АМОНИЙ [امانی] – авф, кечирим:

Номанг ки манга муждаи жоний эрди,
Ҳижрон ғамидин хатти амоний эрди. *Муншаот*, 14-157.

АМОНЛИҚ/АМОНЛИҒ [امان لیغ / امان لیق] – қутулиш, омон қолиш:

Жаҳон мулкидин амн бўлмақ йироқ,
Амонлиқ ҳам ул мулк элидин қироқ. *Садди Искандарий*, 169-Т;
Гар юз йил ул ки комронлиғ этти,
Чун топмади маргдин амонлиғ нетти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;
Видоъ этмиш бу кишвардин амонлиқ,
Амонлиқ ўрниға келмиш ёманлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 440-Т.

АМОРАТ [امارت] – амирлик:

...кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидин адақ навоҳисиға дегинча аморат қилди. *Мажолисун-нафоис*, 170-Т;

Қўюб аморат-у бебоклик биҳамдиллаҳ,
Ки фақр кўйи насиб этти кирдикор манга. *Наводируш-шабоб*, 692-Т;

~ **сийти** – амирлик, ҳокимлик шон-шуҳрати:

Мозий салотиндин ул ерда боғ ясарға аморат сийтин солған амирзодалар. *Вақфия*, 14-257;

~ **девони** – маҳкама:

Амир Маҳмуд Барлас ...Кирмон вилоятида ҳукумат қилди ва муддатедур ким. Подишоҳи эшикида аморат девонида муҳр босадур. *Мажолисун-нафоис*, 180-Т.

АМОРАТМАОБ [امارت مآب] – амирлик нишони, амирликнинг аломати:

Алар ким эрурлар аморатмаоб,
Қилурлар наёбат учун изтироб. *Садди Искандарий*, 168-Т.

АМОРИ [عماری] – кажава; тахти равон:

Қуёшни шафақгун аморига солиб фалак қўрғанидин чиқарғанда сабоҳ монанд амори зайли очилмағи... *Фарҳод ва Ширин*, 471-Т;
Деди ки кетурдилар амори,
Азм айлади ўз висоқи сари. *Лайли ва Мажнун*, 110-Т;
Фаррух ул қисса изтиробида,
Кўзи ҳар лаҳза бир аморида. *Сабъаи сайёр*, 10-148;
Борғил эй Мажнун ки ул ой заврақидек тез эмас,
Жўнг ким Лайли аморисин чекар ҳомун аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;
Кўч ўлуб чунки нола чекти диро,
Манга ер бўлди бир амори аро. *Сабъаи сайёр*, 10-360.

АМР [امر] – 1. буйруқ, ҳукм, фармон, фармойиш:

Қачан ким буюрсанг бу янглиғ тилисм,
Бу бир амр эрур ким эрур бизга қисм. *Садди Искандарий*, 373-Т;
Ким ки ато амриға қўймас бўюн,
Пир ила махдум ишин дер ўюн. *Маҳбубул-қулуб*, 14-87;

2. иш, амал; фаолият:

Фикрати ҳар амрда фархундарой,
Ройи бари уқдада мушкилкушой. *Ҳайратул-аброр*, 7-93;
Мавлоно Абдулваҳҳоб... Астработқа иҳтисоб амрин анга ружуъ қилиб йибардилар. *Мажолисун-нафоис*, 54-Т;

3. бобида, ҳақида, хусусида:
Бир кишини қилмиш ул нақш-у хаёл,
Нақш-у тасвир амрида соҳиб-камол. *Лисонут-тайр*, 44-Т;

~ **и азим** – улуғ, буюк фармойиш:
Яна бир амри азим эҳсондур ким анинг баёнида кўп сўз аёндур.
Маҳбубул-қулуб, 14-77;

~ **и бадиъ** – гўзал, маъқул иш, амал:
Қилди риоят Ҳасан ибн Робиъ,
Ғазв масофида бу амри бадиъ. *Ҳайратул-аброр*, 163-3;

~ **и дилбар** – дилбар амри:
Навоий айласа ҳар ён азимат андин эрур,
Ки амри дилбарининг ҳар қаёнғадур нофиз, *Наводируш-шабоб*, 129-Т;

~ **и иттифоқий** – бир-биридан хабарсиз ҳолда бир хил иш қилиб қўйиш, айнан бир хил шеър ёзиш; кўққисдан ҳодисанинг рўй бериши:
...ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг ароликда воқиъ бўлган эрмиш.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-15;

~ **и кун** – ҳувайдо – аён, равшан амр:
Ким бўлди чу амри кун ҳувайдо,
Бўлди фаякун ғулуси пайдо. *Лайли ва Мажнун*, 55-Т;

~ **и матбуъ** – мақбул амр:
Ёйилди элга чун бу амри матбуъ,
Магар Хусравға даги бўлди масмуъ, *Фарҳод ва Ширин*, 337-Т;

~ **и маъруф** – савоб ишларга даъват:
Бир кеча пурҳолу пурзавқ эрди ва амри маъруф ва наҳйи мункар баёнида сўз айтур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 332-Т;
... агар фиск-у фасод аҳли бўлуб алар амри маъруф қила олмасалар арз қилсалар. *Муншаот*, 14-188;

~ **и маъҳуд** – аҳд қилинган амр, ваъдага вафо амри:
Билурмен бу иш амри маъҳуд эмас,
Кишига тенгиз сайри мақсуд эмас. *Садди Искандарий*, 462-Т;

~ **и маҳол** – қийин, бажариш мушкил бўлган иш:
Ким эрур васфида анинг нутқи лол,
Ақл оллинда эрур амри маҳол; *Лисонут-тайр*, 168-Т;

~ **и нохуш** – кўнгилсиз иш, амал:
Бўлғунча бу навъ амри нохуш,
Бир фикр келур басе манга хуш. *Лайли ва Мажнун*, 216-Т;

~ **хилофи** – буйруққа хилоф иш қилиш:
Бирав ки амр хилофидин айлагай эъроз,
Агар улус шаҳидур йўқ анинг киби муртоз. *Ғаройибус-сиғар*, 226-Т;

~ **и қазо** – тақдир ҳукми:
Тақдирдин не келса Навоий итоат эт,
Ким сен киби забун эрур амри қозоға чарх. *Ғаройибус-сиғар*, 108-Т;

~ **и ғариб** – диққатни жалб қилувчи ҳодиса:
Қодире ким кудратидин мунча юз амри ғариб,
Бўлса ҳар соатда мавжуд андин эрмастур ажиб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7;

~ **у наҳй** – буйруқ ва манъ этиш:
Ҳар ким таслим юзин қабул туфрағиға қўйуб уларнинг амри наҳйиға имон келтуриб тоатларига амал қилса... *Вақфия*, 14-238;
Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амр-у наҳйиға андин тасарруф. *Фавойидул-кибар*, 301-Т;

~ **бўл-** – буйруқ берилмоқ:
Аммо ҳар не ки келур азал қисматиға ҳавола қилиб ўзунгизни амр бўлған ишдин маъзур тутмағайсиз. *Муншаот*, 14-150;
~ **айла-/қил-/эт-** – буюрмоқ, фармон бермоқ:
Эрур ҳар зулм ким амр айлагунгдур,
Ўкунгдек жисми урёнимға нофиз. *Бадойиул-васат*, 106-Т;
Бу фақирға ҳам амр қилдилар ким аларнинг бу ғазалин мусаддас боғлағаймен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-71;
Икки раҳбарға амр қилди хиром,
Қиссаси шаҳға айлабан эълом. *Сабъаи сайёр*, 10-227;
Эй Навоий кўнглума амр этма тарки ишқ ким
Ул самандардур эмас ўт фурқати имкон анга. *Наводируш-шабоб*, 9-Т.

АМОТА [امانه] – ўлдириш, жонни олиш:
Ул жумладин бир нечаси булардурур маълум ижоди ва мавжуд эъдоми... ва мавто иҳёси ва иҳё амотаси. *Насойимул-муҳаббат*, XV-73.

АМРАД [امرد] – кўса, бесоқол:
Шайх... буюрубтур ки ул ки дерлар амрад эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 268-Т.

АМРОЗ [امراض] – касалликлар, иллатлар; хасталик:
Қалоб амрозининг моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демакдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-73;
~ **эт-** – хаста, касал қилмоқ:
Пир нутқи кетарур ужб риё бирла ҳасад,
Исо ўлди чу муъолиж ҳасад нетар этмай амроз. *Бадойиул-васат*, 209-Т.

АМРОҒ [امراغ] – жозиба, сеҳр, тароват; афсункорлик; мафтунлик; ~ **эт-** – сеҳрламоқ, мафтун қилмоқ:
Бу балоға не даводур ки Навоийни ул ой,
Неча йиг кўрса муни ишқ анга амроғ этадур. *Ғаройибус-сиғар*, 134-Т.

АМРСИЗ [امرسيز] – буйруқсиз:
Не қадаме амрсиз олиб не дам,
Барча вужуд аввалидин то адам. *Ҳайратул-аброр*, 7-103.

АМРУД [امرود] – нок, олмурут, нашвати:
Ширада зардолу этиб қанд ҳал,
Йўқ каду амруд кадуйи асал. *Ҳайратул-аброр*, 7-283.

АМСОЛ I [امثال] – ўхшашлар, монандлар:
Дилбарим Ширин била Лайлиға гар акрон,
Мен дағи Мажнун била Фарҳодқа амсолмен. *Бадойиул-васат*, 362-Т;
Халойиқ орасида такаллумда акрон ва амсолдин имтиёз ва эътибор ва улуғ от била овоза ва иштиҳорға ки ул ҳазратнинг иноят ва эҳтимомлари боис бўлди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т;
~ **и густохлиғ** – мисли бетакаллуфлик, беадаблик, беҳаёлик:
Ҳар неча бу навъ сўзлар амсоли густохлиғ сурати топар. *Насойимул-муҳаббат*, 256-Т.

АМСОЛ II [امثال] – мисоллар, қиссалар, маталлар, ҳикоялар:
Мавлоно Муқбилий... надимшева ва ҳакимваш кишидурур мажлисда амсол ва назойир кўп келтурур. *Мажолисун-нафоис*, 87-Т.

АМТОР [امطار] – ёмғирлар, ёғин-чочин; катралар:
«Шароҳидун-нубувват» ...маониси ийкон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори била шаҳди ноб этар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-72;

Тукангач эрур файз амтор анга,
Ҳавода яна борми яна осор анга. *Садди Искандарий*, 89-Т.

АМУД [عمود] – устун; гурз:
Шайх табассум қилди ва деди ки ул билмайдур нур мунқатиъ бўлғандин сўнгра мен сўзни бас қилдим яъни ул нурдин амуд осмондин илоҳий мададининг сурати эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 376-Т.

АМУДИЙ [عمودی] – амудий, устунли:
...шайх сўз айтур эрди кўрдум ки осмондин бир нури амудий шайхнинг оғзиға муттасил эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 376-Т.

АНБАР [عنبر] – анбар, хушбўй модда:
Анбар-у кофури шом-у субҳнинг бўлди хажил,
Оразинг кофури узра зулфдин анбарни ет. *Фавойидул-кибар*, 72-Т;
Ул руқъа ки сочиб эди кофур уза анбар,
Ҳар нуктаси мушк эрди ву ҳар нуқтаси гавҳар. *Муншаот*, 14-209;
~ **и соро** – тоза, холис анбар; хушбўй ҳидли; жуда ёқимли ҳид:
Сабзасидин гулшани миноға рашк,
Туфрағидин анбари сороға рошк. *Ҳайратул-аброр*, 7-307;
Туфрағи мушку анбари соро,
Оти олам аро «Жаҳоноро». *Сабъаи сайёр*, 10-399;
Эй гулшани рухсоринг ўлуб даҳрға оро,
Рухсор уза сочинг гул уза анбари соро. *Бадойиул-васат*, 6-Т;
~ **и суда** – эзилган анбар:
Не мадфан ки аждоди осудадур,
Ки туфрағ анга анбари судадур. *Садди Искандарий*, 274-Т;
~ **бўл-** – анбар бўлмоқ, хушбўй модда таратмоқ:
Ер курави шакл ила мижмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-44.

АНБАРАФШОН [عنبر افشان] – анбар сочувчи, хуш бўй таратувчи:
Шамим ким сочибан зулфи анбарафшонинг,
Бўлуб савомиъи қудсий элига атр-у димоғ. *Наводируш-шабоб*, 294-Т;
Зулф-у холи фитнадин анбарафшон,
Фитна ул янглиғ киши бермай нишон. *Лисонут-тайр*, 219-Т;
~ **айла-** – ёйиб юбормоқ, ҳидини таратиб юбормоқ:
Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач. *Ғаройибус-сиғар*, 99-7.

АНБАРБЕЗ [عنبر بیز] – анбар сочилган, хушбўй, муаттар иси:
Муроди субҳи висолингни тийра қилмақ эрур,
Ки ҳажр шомин этар мушкпош-у анбарбез. *Бадойиул-васат*, 153-Т.

АНБАРБОР [عنبر بار] – анбар ёғдирувчи, ёқимли ҳид тарқатувчи:
Гул уза анбар ёйилди зоҳир эткач ёр хат,
Орази гулнор уза ким кўрди анбарбор хат. *Бадойиул-васат*, 214-Т.

АНБАРВАШ [عنبروش] – анбарга ўхшаш, анбар ҳидли:
Тун яшурур шуққаи анбарвашин,
Субҳ чиқарур алами заркашин. *Ҳайратул-аброр*, 7-333.

АНБАРИН [عنبرین] – 1. анбар тусли, исли, хушбўй, муаттар; анбар аралашган;
Навоий олмади кўз анбарин ҳилолингдин
Недин ким ул тилабан кўкта ерда топти муни. *Бадойиул-васат*, 427-Т;

Кунжи ширатдур аруси даҳр васли оҳ ким.
Анбарин зулфидин ўзга аждаҳоси йўқ анинг. *Фавойидул-кибар*, 335-Т;
Узулганда топиб чу тоб-у шиканж,
Ики анбарин афъи ул жисмганж. *Садди Искандарий*, 60-Т;
Қилиб жилва ҳар соқийи маҳжабин,
Сочиб анбарин зулфдин мушки Чин. *Садди Искандарий*, 261-Т;

2. тим қора дуд:
Дема юз узра зулфи анбаролуд,
Ки ул ўт зоҳир айлаб анбарин дуд. *Фарҳод ва Ширин*, 317-Т;

~ **хол** – қора хол:
Агар кўз қилса мардум ашкин ол,
Тилаб кофургун юз анбарин хол. *Ваққия*, 14-246.

АНБАРИНФОМ [عنبر انفام] – муаттар анбар тусли, муаттар анбар ҳидли:
Анга тегру ки мушк сочиб шом,
Қилди олам юзини анбаринфом. *Сабъаи сайёр*, 10-140;
Юзунг сунбули анбаринфом аро.
Соадат тазарви тушуб дом аро. *Садди Искандарий*, 61-Т.

АНБАРНАСИМ [عنبرنسيم] – хушбўй ел, анбарин, муаттар таратувчи шамол:
Урди нафас нафҳаи анбарнасим,
Ёпти варақ сафҳаи абҳаршамим. *Ҳайратул-аброр*, 7-82.

АНБАРОЛУД [عنبر آلود] – анбар аралаш; тим қора хушбўи анбарли:
Лаб уза хатти анбаролуди.
Оташин лаълининг эрур дуди. *Фавойидул-кибар*, 580-Т;
Фалакдин ўтти гарди анбаролуд,
Чу майдон ичра сурдунг ашҳобингни. *Бадойиул-васат*, 435-Т.

АНБАРОМИЗ [عنبر آميز] – анбарли, анбар таратувчи:
Юз уза зулфунгни қилдингму паришон ноз ила
Ким гаҳе гулбор-у гаҳе анбаромиз эсти ел. *Фавойидул-кибар*, 381-Т.

АНБАРОСО [عنبر آسا] – анбар аралашгандек, анбарин:
Не икки анбаросо зулф вах вах,
Не икки жонфизо лаб Оллаҳ-оллаҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 293-Т.

АНБАРСИРИШТ [عنبرسرشت] – анбарга қорилган, хушбўй:
Суйи латофатда зулоли биҳишт,
Туфроғи гул нафҳа-у анбарсиришт. *Ҳайратул-аброр*, 7-91;
Анинг муздидур бу риёзи биҳишт,
Ели мушксо гарди анбарсиришт. *Садди Искандарий*, 145-Т;

АНБАРСО/АНБАРСОЙ [عنبرسا/ عنبرسای] – анбар суртилган; хушбўй тонг қоронғилиғи:
Бўлди ошуфта димоғимга футур,
Ҳар дам ул турфаи анбарсодин. *Фавойидул-кибар*, 648-Т;
Жамол бирла жалолийётингдин ўлди бу навъ,
Саҳар узори уза шоми зулфи анбарсой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т.

АНБАРФОМ [عنبرفام] – қора тусли:
Анга тегру ки мушк сочиб шом,
Қилди олам юзини анбарфом. *Сабъаи сайёр*, 10-140;
Соясидин су гарчи анбарфом,
Сандалосо топиб исини машом. *Сабъаи сайёр*, 10-313.

АНБАРШАМИМ [عنبرشميم] – анбар ҳидли:

Борму ул икки ўрулған гесуи анбаршамим,
Ё этак солмиш Муҳаммадда ёзилған икки «мим». *Бадойиул-васат*, 297-Т;
Келиб бешадин атри анбарнасим,
Қилиб тира туфрағни анбаршамим. *Садди Искандарий*, 302-Т.

АНБИЁ [انبياء] – пайғамбарлар, набилар, ялавочлар:

Тоатда узун умр шумори охир,
Топқанға бил анбиё шиори охир. *Назмул-жавоҳир*, 15-161;
Мавлоно Хуррамий... Макка ва Мадина ва Байтул-муқаддас кўпрак анбиё ва машойих мазоротин яёқ бориб зиёрат қилди. *Мажолисун-нафоис*, 85-Т;

~ **йи акмал** – энг етук анбиё:

... жавоби била ноумид бўлурлар ва анбиёйи акмал... *Муншаот*, 14-153;

~ **йи мурсал/мурсалин** – илоҳий китоб соҳиблари, расуллар, пайғамбарлар:

Анингдек анбиёйи мурсал анжумани анжумиға Муҳаммади арабий айнидин қуёшлиқ аён бўлди. *Садди Искандарий*, 95-Т;
Анбиёйи мурсалин еткандин назарларин мақсуддин олмай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-70;

~ **ҳалқасининг хотими** – пайғамбарларнинг охири (Муҳаммад пайғамбарга нисбатан айтилади). *Хазойинул-маоний*, Іа-57.

АНБОЗ [انباز] – шерик, эш, ҳамдам, ҳамроҳ: ~ **ўл-** – шерик, эш, ҳамдам бўлмоқ:

Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,
Доим тааб-у аламға анбоз ўлғунг. *Назмул-жавоҳир*, 15-137;

~ **кел-** – мос келмоқ, мувофиқ тушмоқ:

Фаъоли қазо ҳукмиға анбоз келиб,
Ғаддори қадар амриға дамсоз келиб. *Ғаройибус-сиғар*, 3-12.

АНБОЗЛИҒ [انبازليغ] – шериклик; ҳамроҳлик, ҳамдастлик:

Соҳибқиронлиқ лақаби била сарафроз қилибдурлар ва бемисл у анбозлиғ васфи била мумтоз этибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т.

АНБОН [انبان] – халта, тўрва:

Бир анбонда тўла ўтмакдур. Мирга ҳавола қилиб деди ки улаш закотсиз ва таманносиз. *Насойимул-муҳаббат*, 375-Т.

АНБОНЧА [انبان چه] – халтача, тўрвача:

Тутмак мутааззир эрди гўша
Анбончада ҳар не эрди тўша. *Лайли ва Мажнун*, 225-Т.

АНБОР [انبار] – омбор, хирмон, уюм:

Укулган нофадин харвор харвор,
Тўкулган мушк худ анбор анбор. *Фарҳод ва Ширин*, 185-Т;

~ **айла-** – йиғмоқ, жамламоқ:

Нажосат йўлидин тўлуб гулхани,
Заҳирам деб анбор айлаб ани. *Садди Искандарий*, 123-Т.

АНБОРКАШ [انبارکش] – хас-хашак ташувчи, гўнг чиқинди ташувчи:

Бермасанг очдур берсанг тўқ. Забунедур боркаш хоркаш балки анборкаш. *Маҳбубул-қулуб*, 14-99;

Бўлмас эди гулхани анборкаш,
Бўлмаса мурдор исидин табъи хваш (хуш). *Ҳайратул-аброр*, 7-260.

АНБОРКАШЛИҒ [انبارکش لیغ] – хас-хакаш ташувчилик, ғўнг ташувчилик:
Бог аро анборкашлиғ бирла хуш,
Боғбон йўқ ким дегил анбаркаш. *Лисонут-тайр*, 66-Т.

АНБОШТА [انباشته] – тўхтатиш, ғов бўлиш; ~ **қил-** – тўхтатмоқ, тўсмоқ, ғов бўмоқ:
ва йиғачларни қўнғарадурмиш бўлғай ва дарёларни анбошта қиладурмиш бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 190-Т.

АНБУР [انبور] – омбир, кисқич:
Қатиқ эл жисмидин анбурлар олмай нақд эмас ҳосил,
Ки тоғни пора пора қилмайин нақд олмади восил. *Фавойидул-кибар*, 720-Т;
Чун сипеҳр заргарининг анбури учидин бир кулча олтун секриб сувға тушти.
Муншаот, 14-135;

Су мавжин огзида қилғил тасаввур,
Ки бир жавшанни ҳардам тутқай анбур. *Фарҳод ва Ширин*, 263-Т.

АНБУҲ [انبوه] – 1. кўп, ҳисобсиз, сон-саноқсиз:
Илм-у тақвосидин кўнгулларда шукуҳ ва диққат фаросатидин бедиёнатлар кўнглида анбуҳ андуҳ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21;
Ул ишда тағофул ўлса анбуҳ санга,
Ортар тавқир кўҳ то кўҳ санга. *Назмул-жавоҳир*, 15-141;

2. жамоат, гуруҳ:
Бу вилоятосор гуруҳ ва бу фасоҳатшиор анбуҳларнинг руҳларини ким халойиқ руҳи аларнинг жонпарвар нафасларидин тозадур. *Мажолисун-нафоис*, 30-Т;
Ҳам ул ҳар тарафдин бир анбуҳ саф,
Не анбуҳ ким куҳ то куҳ саф. *Садди Искандарий*, 190-Т;

~ **ўл-** – беҳад кўпаймоқ, ортмоқ:
Манга гар дард-у ғам анбуҳ ўлди,
Қисматим ғусса ву анбуҳ ўлди. *Фавойидул-кибар*, 679-Т.

АНВАР [انور] – энг нурли, энг равшан, порлоқ:
...маърифати соиқасидин руҳ шуъласи анварига ҳариқ этсун.
Мажолисун-нафоис, 30-Т;
Йўлунг изидин ўзни равшан қилибан кавкаб,
Рахшинг тўзидин кўзни ҳар дам қилиб анвар чарх. *Фавойидул-кибар*, 110-Т;

~ **и ҳақиқат** – ҳақиқат нурлари: *Муҳокаматул-лугатайн*, 187-Т.

АНВАРВАШ [انوروش] – энг нурли, равшан каби:
Шоҳ ул шуълада самандарваш,
Не самандар ки меҳри анварваш. *Сабъаи сайёр*, 10-178.

АНВАРИН [انورین] – нурли, порлоқ:
Шабистон субҳи давлатдин ёруғрақ бўлса тонг эрмас,
Ки партав анда ул рухсор шамъи анвариндиндур. *Наводируш-шабоб*, 189-Т.

АНВОР [انوار] – 1. нурлар, ёруғликлар; ёғдулар:
Куёшча манга тушта анвор эди,
Яна бир қуёш ҳам падидор эди. *Садди Искандарий*, 329-Т;
Елдин ул бурқаъ чу бўлди бартараф,
Ул қуёш анвори тушти ҳар тараф. *Лисонут-тайр*, 96-Т;

2. чеҳра, нурли чеҳра:
Кўз қани ул ой юзига солғуча,
Ул қуёш анворидин нур олғуча. *Лисонут-тайр*, 101-Т;

~ **и илоҳий** – илоҳий нурлар:
Юзи миръоти анвори илоҳий,
Илоҳий сиррини англаб камоҳий. *Фарҳод ва Ширин*, 236-Т;

~ **и кулл** – ҳамма нурлар, мутлоқ нурлар; Тангри нурлари:
Лекин учунчиси будур ким кўнгул
Чунки эрур маҳбити анвори қулл. *Ҳайратул-аброр*, 7-115;

~ **и файз** – файз нурлари:
Эй етиб лаълинг майидин руҳума осори файз,
Ламъасидин касб этиб кўнглум уйи анвори файз. *Фавойидул-кибар*, 274-Т;

~ **и шоҳаншаҳ** – шаҳаншоҳлик белгиси; шоҳлик нурлари:
Жабинида анвори шоҳаншаҳи
Каломида иъжози руҳуллоҳи. *Садди Искандарий*, 399-Т;

~ **и шоҳий** – шоҳлик нурлари:
Сўзидин зоҳир асрори илоҳий,
Жамолидин аён анвори шоҳий. *Фарҳод ва Ширин*, 326-Т;

~ **и қудс** – турли поклик, муқаддаслик:
Ани айлабан равшан анвори қудс,
Мунунг нутқидин равшан асрори қудс. *Садди Искандарий*, 515-Т.

АНВОЪ [انواع] – навлар, турлар, хиллар; турли-туман, ҳар хил:
...яна от анвоида ки тубучақ ва арғумақ... йўсунлуқ барини туркча ўқ айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-177-Т;

~ **и балийят** – турли хафаликлар; ҳар хил кўргиликлар:
Бу матлаъ дағи ҳоли шарҳида ким анвои балийят ишқ офатидин бир-бирининг устида тушмуш бўлгай. *Мажолисун-нафоис*, 228-Т;

~ **и зарар** – турли-туман зарарлар:
ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-100;

~ **и изо ва зарар** – жуда кўп, турли кулфат ва азиятлар:
Султон Абусаид Мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб бўлмаса тафаххусида муболағалар қилиб элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Арвашер*, 15-100;

~ **и каромот** – турли кароматлар:
Ва андин анвои кароматлар ва хаворики одот зоҳир бўлур эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 377-Т;

~ **и лутф-у эҳсон** – турли-тумон лутфу эҳсонлар:
Ул дебдур ки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анвои лутф-у эҳсон била халқни ўзига тилади ижобат қилмадилар. *Насойимул-муҳаббат*, 447-Т;

~ **и маломат** – турли маломатлар:
ва анга анвои маломатлар етадур. *Насойимул-муҳаббат*, 172-Т;

~ **и ниёзмандлиғ** – турли-туман ҳожатмандлик:
...Мавлоно хизматида анвои ниёзмандлиғлар қилғандин сўнгра фақирға адно шуур ҳосил бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;

~ **и риёзат** – турли дунё лаззатларидан нафсни сақлаш:
Авойилда анвои риёзату мужоҳадотға мажҳул бўлур экандур. *Насойимул-муҳаббат*, 252-Т;

~ **и риоят** – турли ҳурмат, эътиборлик:
...рукъаларида анвои риоят хотир била дилжўйлиғлар қилиб. *Муншаот*, 14-229;

~ **и савдо** – турли савдо;
Бухоронинг тимларидин бирида анвои савдо ва сотиғ қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 238-Т;

~ **и тақдис** – турли-тумон муқаддаслик, поклик:
Ҳақ субҳонаҳу ва таоло тасбиҳин мухталифа тил била айтурлар анвои тақдис била. *Насойимул-муҳаббат*, 349-Т;

~ **и улум** – турли илмлар, фанлар:
...ва ўз замонида анвои улумға олим эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 145-Т;

~ **и файз** – турли саховатлар:
ғайбдин абвоб ва гушод ва анвои файз-у иршод аларға етибдур.
Насойимул-муҳаббат, 396-Т;

~ **и фисқ** – турли-туман фиску фужур:
Неча мажҳулға анвои фисқни мубоҳ балки ҳалол килғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-23;

~ **и ҳайвон** – турли жонворлар:
Бу муносабат била ким барча анвои ҳайвон ва инсон ва баҳойим...
Маҳбубул-қулуб, 14-97.

АНГУБИН [انگبین] – асал, бол:
Сочинг ранги анбармудур мушки Чинму,
Лабинг таъми шаккармудур ангубинму. *Бадойиул-васат*, 377-Т;
Лабингда ҳаловат бўлур муфрит андақ,
Ки гул яфрағида бўлур ангубин жамъ. *Бадойиул-васат*, 222-Т;
Лаъли ҳадисида деман ким сифат ўйла кирпигин
Оғзима чунки санчилур неш бу ангубин аро. *Наводируш-шабоб*, 21-Т.

АНГАЛ [انگل] – халал, халақит, тўсиқ; ғов:
Муяссардур Навоий ёр васли хилвате топсанг,
Ки яъни бўлмаса ул хилват ичра ўзлукунг ангал. *Ғаройибус-сиғар*, 291-Т.

АНГАЧА [انگه چه] – унгача; у пайтгача, у вақтгача:
Дема ким бўлди ажал кирмак учун рахна ву бас,
Ангача йўл бу дурур киргали минг турлук ғам. *Наводируш-шабоб*, 418-Т;
Бу фақирнинг ҳолидин хабар топғандин сўнгра бир кун қадам ранжи қилиб улча қоидаи шафқат ва ёрлиғ ва... ғамхўрлиғдур бажо келтурур эрдилар анга-ча ки мараз дафъ бўлди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т.

АНГДИ- [انگدی] – пойламоқ, пайт пойламоқ:
Бир ўғри ангдиб аларнинг дасторин сирмабдур. *Насойимул-муҳаббат*, 15-70;
Асру ёлған ваъдасидин куймуш эрди жонғинам,
Ангдибан бир кеча тушти элгима ўсруккина. *Фавойидул-кибар*, 536-Т.

АНГЕЗ [انگیز] – қасд, хоҳиш, тезлаш; интилиш:
Қонима ҳар дам кўзунгнинг ўзгача ангези бор,
Ким анинг мужгони бирла ғамзаи хунрези бор. *Фавойидул-кибар*, 137-Т;

~ **айла-/қил-** – бошламоқ, кўтармоқ; баён қилмоқ:
Неча юз кимса бирла гоҳи ситез,
Бир шабихун чу айлади ангез. *Сабъаи сайёр*, 10-75;
Гарчи ул қилди узрлар ангез,
Ки ўти ўзга барқдин эди тез. *Сабъаи сайёр*, 10-331.

АНГЛА- [انگله] – 1. тушунмоқ, фаҳмламоқ; билмоқ, хабардор бўлмоқ:
...ул ҳазратнинг дақиқ сўзин ё англамай ё англасалар буюрулған ёсун амал қилмай ё қила олмай. *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т;
Содаваш ёрин бағоят пурфан эрмиш англадим,
Ошиқора дўст-у пинҳон душман эрмиш англадим. *Наводируш-шабоб*, 431-Т;
Кимни тиласанг билай мақолин англа,
Аслин десанг англайин фиолин англа,
Кирдориға боқиб асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин англа. *Назмул-жавоҳир*, 15-148;

Хато ва саҳвин англаб мутанаббиҳ бўлган саодатманд одамийдур.
Махбубул-қулуб, 14-110;
Кичик Мирзо... шеър ва муаммони хуб англар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 197-Т;

2. ажратмоқ, фарқ қилмоқ:
Чу йўқ шоми ҳижрон ҳумориға субҳ,
Ичиб англамай субҳни шомдин. *Ғаройибус-сиғар*, 501-Т.

АНГЛАМАҚ [انگلاماق] – англаш, фаҳмлаш, тушуниш:
Фиғон ки ишқ ҳадиси дақиқ эрур андақ
Ки қосир ўлмиш ани англамақдин идроким. *Фавойидул-кибар*, 402-Т;
Деди бу дард анга ки пинҳондур,
Англамақ ани худ не имкондур. *Сабъаи сайёр*, 10-158;
Соқиё май бер ки бу дайри қуҳан авзоъида,
Бўлди ўз нодонлиғимни англамақ донолиғим. *Наводируш-шабоб*, 432-Т.

АНГЛАН- [انگلان] – тушунилмоқ, англанилмоқ:
Бу ён кўк юзин хайли кўлак анга,
Ҳубоб англаниб гўйи афлок анга. *Садди Искандарий*, 88-Т.

АНГЛАТ- [انگلات] – англатмоқ, тушунтирмоқ:
Хонақаҳ шайхидин эл сирри фано англамади,
Дайр пири ани хуб англатур элга англанг. *Фавойидул-кибар*, 354-Т;
Этти Навоий оҳ ила нолаи умркоҳ ила,
Чунки шаҳ-у сипоҳ ила сайрини элга англатиб. *Бадойиул-васат*, 41-Т;
Кўпи андақдир ки асло анинг музмунин тафҳим қилмақ бўлмас ва баъзини ки англатса бўлғай ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмағунча бўлмас.
Муҳокаматул-луғатайн, 170-Т.

АНГУШТНАМО/АНГУШТНАМОЙ [انگشت نمای / انگشت نما] – шуҳрат, донг таратган, обрў-эътиборли; кўзга кўринарли:
Ул атонинг олий маротибидиндур ки бу ўғул эл тилига тушубтур ва ангуштнамо бўлубтур. *Насойимул-муҳаббат*, 172-Т;
Бу қатла худ элга ангуштнамо бўлуб яна Ҳумойға ани битидилар.
Тарихи мулуки ажам, 16-213;
Алийшон ил кичик ёшлиғ эканда ҳам олам оройдур ва ой бир кечаликда ангуштнамой. *Ғаройибус-сиғар*, 526-Т.

АНГУШТХОЙ [انگشت خای] – ҳайратда қолган, ҳайрон; афсусланиш:
Дин чекибан мотамиға ҳой-ҳой,
Пири хирад тифлдек ангуштхой. *Ҳайратул-аброр*, 7-197.

АНДА [انده] – 1. унда; у ерда:
Мавлоно... Абдураззоқ... батахсис тарих илми ким анда мусаннафоти бор.
Мажолисун-нафоис, 38-Т;
Нарийда фавт бўлди қабри ҳам андадир. *Мажолисун-нафоис*, 51-Т;
Бир кун деди ким бу не ишдур ки мен андамен. *Насоиймул-муҳаббат*, 137-Т.

АНДАЛИБ [عندلیب] – булбул:
Номасидин тил топибан сўз насиб,
Ўйла ки гул сафҳасидин андалиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-228;
Чу ҳусн даври вафосиздур, эй гули раъно,
Қил илтифот гаҳи андалиблар сари. *Наводируш-шабоб*, 603-Т;

~ **и девона** – телба булбул:
Ва шабистон савдоси девоналаридин бири парвона ва гулистон ҳавоси ношикебларидин бири андалиби девона. *Маҳбубул-қулуб*, 14-66;

~ **и нағмасарой** – куйловчи булбул; билағон, донишманд:
Назм гулистонининг андалиби нағмасаройи яъни Алишерул-Мутахаллис бин Навоийи мундақ арз қилур... *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;

~ **и рух** – булбул руҳи:
Чун бу нотавоннинг булбули табъи сўз гулистонин нишиман қилди ва андалиби руҳи сўзи гулшанин ватан айлади. *Назмул-жавоҳир*, 15-127;

~ **и суханвар** – гапирувчи булбул, ширин сўз булбул; билимдонлик куйчиси:
...ва унс гулистонининг андалиби суханвари балоғат шаккаристонининг тўтийи ширинкаломи жаноби махдуми мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий.
Ғаройибус-сиғар, 8-Т;

~ **и хушнаво** – хушнаво булбул:
Андалиби хушнавоси нубувват баёни била ва рисолат нағма алҳони била суруд кўргузур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т.

АНДАР [اندر] – *-дар* олд кўмакчининг қадимги формаси; ўрин-пайт келишиги қўшимчаси «да»га тўғри келади (ичида, орасида).

АНДАҚ/АНДАҒ [انداق / انداغ] 1. – ундай, шундай, шунча, шу қадар, шу даражада:
Агар тузлук била топса ҳисобин,
Берур эрди минг андақинг жавобин. *Фарҳод ва Ширин*, 450-Т;
Ки мулки андақ-у ойини мундоқ.
Сипоҳи андақ-у тамкини мундақ. *Фарҳод ва Ширин*, 113-Т;
бизнинг ўрнумизға Ахи Алини ўлтуртунгуз ва андақ бўлди ва андақ қилдилар.
Насойимул-муҳаббат, 289-Т;

2. бир оз, озгина, пича, жиндай:
Бу учурда чархи нилун қазосидин ва сипеҳри дун иқтизосидин андақ ғуборе ва андақ изтироре ким ул ҳазратнинг рўзафзун давлати ва ҳумоюн зотиға мутаважжиҳ бўлди. *Муншаот*, 14-149;
Кимга бергай даст ким Рабби ғафур
Қулбасига солғай андақ икки нур. *Лисонут-тайр*, 30-Т.

~ **дур ки/ким** – шундайдур ки/ким:
Бу чамандин ел учуруб гулни булбул қолғани.
Рост андақдур ки қолғай чунки шуъла ўчса кул. *Фавойидул-кибар*, 359-Т;
Қариға шаҳват берса хориш андақдур
Ки кўргузур қариған ҳез ҳуккаи шанъат. *Фавонидул-кибар*, 73-Т;
...аларнинг ботини нисбатларининг парвариши андақдур ки ҳар қачон тиласалар ки анча иштиғол кўргузгайлар. *Насойимул-муҳаббат*, 253-Т.

~ **ки** – шундайки:
Ҳажр аро саргаштамен андақ ки то туткум қарор,
Иш йиқилмақдур бари олам бошимға айланиб. *Бадойиул-васат*, 42-Т;
Ерга санчинг судралур кулбамга кирсанг ҳам бўлуб.
Меҳр раст ўлған замон андақ ки топқай соя тул. *Ғаройибус-сиғар*, 297-Т.

~ **ким** – шундай ким:
Навоий топти муҳлик ноладин ул заъф ким сиққай,
Қаламда пол андақ ким сиғар ул дағи нол учра. *Бадойиул-васат*, 413-Т;
Барги иш гулдек ҳулла жисмингда сабо таҳриқидин
Титрар андақ ким кумуш устида бир муфлис бахил. *Фавойидул-кибар*, 366-Т;
Бас ки кўнглумни фалак мажрух-у вайрон истагай,
Истарам ўлмакни андақ ким ўлуг жон истагай. *Наводируш-шабоб*, 625-Т.

АНДАҒИ [انداغی] – ундаги; у ердаги:
Андағи эл бўлуб сарафганда,
Шоҳ топиб барча бўлдилар банда. *Сабъаи сайёр*, 10-304;
Агар андағи ишларда безҳтимомлиғ воқиъ бўлса Мирзо табуғида бу қул уётлиғ бўлғусидур деб қуллуқ арзадошт битилди. *Муншаот*, 14-170.

АНДЕША/АНДЕШ [اندیشه / اندیش] – 1. фикр, ўй, хаёл, мулоҳаза; андеша:
Тараб базмида айш ўлуб пешаси,
Вали кўнглига азм андешаси. *Садди Искандарий*, 228-Т;
Нотавонлиғ ошиқ элга пешадур,
Балки жон тарки мудом андешадур. *Лисонут-тайр*, 136-Т;
Ўзга ҳар роқими ҳунар пеша,
Нозук андеш-у чобук андеша. *Сабъаи сайёр*, 10-39;
Кел эй соқий ву бу андешлардин бизни қутқарғил,
Вафо жомини тут ким бевафодур чарх даврони. *Фавойидул-кибар*, 608-Т;

2. мақсад, қасд:
Уғул атоға бози бермак пешалари дағаллиқларин киромул-котибиндин яшурмақ андешалари. *Маҳбубул-қулуб*, 14-35;
Сўнгғиси муфтийи ҳиял беша бил,
Ҳийла била макр анга андеша бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-225;

3. қўрқинч, хавф:
Абу Усмони Ҳири дебдур ки ҳар ким ки Абу Яҳёдек тирилса ўлумдин андешаси бўлмағусидур ва ўлумдин сўнгра ҳам андешаси бўлмағусидур. *Насойимул-муҳаббат*, 52-Т;
Агар [шоҳға] зулмпеша – элида ҳам зулмидин андеша. *Маҳбубул-қулуб*, 20;
Агар қон тўкмак анга пеша ким ки жони бор анга андеша. *Маҳбубул-қулуб*, 14-15;
Чун ҳаво айлаб кўруб ул бешани,
Жазм этиб ўтун йиғар андешани. *Лисонут-тайр*, 255-Т;

~ **и бу корхона** – андешали бу дунё:
Соқиё тут бода ким кўпрак мени мабҳут этар,
Неча ким андешаи бу корхона айларам. *Бадойиул-васат*, 321-Т;

~ **и гумроҳ** – зътиқод; андашали гуноҳкорлик, адашганлик:
Тенг тутуб андешаи гумроҳ ила,
Лот лосин лойи иллоллоҳ ила. *Лисонут-тайр*, 104-Т;

~ **и мабдаъ** – андеша асли, асослари:
Бу танаъъумлар аро хотирима
Тушти андешаи мабдаъ ву маод. *Фавойидул-кибар*, 650-Т;

~ **и пурпеч** – чигал андешалар, хаёллар:
Сиз гуруҳе ҳеч-у камрак ҳечдин
Шод бу андешаи пурпечдин. *Лисонут-тайр*, 240-Т;

~ **и фаҳи-н-назар** – андашали назар:
Ёрутув айнини мо зоғал-башар
Рафъ ўлуб андешаи фиҳи-н-назар. *Лисонут-тайр*, 26-Т;

~ **и хато** – хато фикр, мулоҳаза:
Бу не андешаи хато бўлғай,
Сену мундақ хато раво бўлғай. *Сабъаи сайёр*, 10-405;

~ **и хом** – хом хаёл, андеша:
Эрур Хусравға бас андешаи хом,
Қаён ул борса қўймақ ул тараф гом. *Фарҳод ва Ширин*, 431-Т;
Гар бўлса назорасида андешаи хом,
Кўзларга назар дағи ҳаром ўлди ҳаром. *Ғаройибус-сиғар*, 560-Т;

~ **и ҳижрон** – ҳижрон андешаси:
Зинҳор аҳбоб ошиқ бўлмангиз ким саҳв этиб,
Бўлмақ истарсиз бурун андешаи ҳижрон қилинг. *Наводируш-шабоб*, 354-Т;
~ **и ҳусн** – ҳусн андешаси:
То ҳақиқи ишқ мастимен кўнгулни қавмишам,
Ани ким андешаи ҳусни мажоз айлай нетай. *Наводируш-шабоб*, 614-Т.
~ **айла-** – фикр юритмоқ, андеша қилмоқ:
Қаю бир пеша ким андеша айлаб,
Қолиб ҳайрон-у таҳсин пеша айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 151-Т;
~ **қил-** – ўйламоқ, фикр қилмоқ:
Умр ўтмакин андеша қил давронға йўқтур меҳр бил,
Эй шоҳ гадони кўзга ил ким не гадо қолур, не шаҳ. *Фавойидул-кибар*, 509-Т.

АНДЕШАВОР [اندیشه وار] – мулоҳазали фикр, мақсади монанд; ~ **бўл-** – фикр, мақсади ўхшамоқ, монанд бўлмоқ; андишали, мулоҳазали бўлмоқ:
Чу Фарҳодға бўлдум андешавор,
Тузаттим басе тоғ бўлуб тешавор. *Садди Искандарий*, 518-Т.

АНДЕШАЛИҒ/АНДЕШАЛИҚ/АНДЕШАЛИК [اندیشه لیغ / اندیشه لیق / اندیشه لیک] – мулоҳазали, фикрли:
Кўрунгач ул билурин пайкари пок,
Бўлуб андешалиғ (андешалик) кўнгли тарабнок. *Фарҳод ва Ширин*, 245-Т;
Бойсунғур Мирзо... салтанат тахтида фақрпешалик ва макрамат бисотида фано-андешалик йигитдур. *Мажолисун-нафоис*, 201-Т;
~ **бўл-** – гумонли, шубҳали бўлмоқ:
Агар бўлсангиз мендин андешалик,
Қилинг банд инак аёғ-у илик. *Садди Искандарий*, 331-Т.

АНДИЖОНЛИК [اندیجان لیک] – андижонлик:
Мавлоно Сафойи – андижонликдур. Сода йигит эрди. *Мажолисун-нафоис*, 65-Т.

АНДИН [اندین] – ундан:
(Парвизнинг) макнат ва шавкати бир ерга етти ким андин бурунғи салотинға муяссар бўлмайдур эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247.

АНДОЗ [انداز] – 1. қасд, майл:
Новакинг кўнглумда гар этти ҳам ул андоз ила,
Ани топмақ истасанг жоно яна бир новак от. *Бадойиул-васат*, 56-Т;
Новак андоз ўлғали кофир кўзунг эй қоши ё,
Кимсага жон қолмағай фаҳм айладим андоздин. *Наводируш-шабоб*, 440-Т;
2. мўлжал, андоза; улги:
То қолибдурсен кўнгул парвозидин,
Шоҳ қасри томининг андозидин. *Лисонут-тайр*, 53-Т;
~ **и фирок** – фирок майли, қасди:
Бузди кўнглунг уйини хонабар андози фирок,
Эй Навоий не асиғ панд ила таъмир санга. *Наводируш-шабоб*, 16-Т.

АНДОЗА [اندازه] – 1. ўлчов, қолип; ҳад, меъёр:
Нукта ёқардек анга беҳад дебан,
Беҳаду андоза хушомад дебан. *Ҳайратул-аброр*, 7-270;
Тушта Юсуф ҳайъатин кўрдум ҳабибим ёдидин,
Гўйи ул қолиб бу руҳи маҳз учун андозадур. *Бадойиул-васат*, 146-Т;
2. намуна, қиёс; солиштириш, ўхшаш:
Шаҳға бормиш бу навъ овоза,
Ки анинг базлиға йўқ андоза. *Сабъаи сайёр*, 10-257;

Доғима андоза марҳамлиғ мамуғдин истаған,
Кўнглум ичра бўйла ҳар ён дағи беандоза бил. *Фавойидул-кибар,* 370-Т;

3. юксаклик, баландлик:
Фитна хайлиға мамар дарвозаси,
Фитнагар тоқи сипехр андозаси. *Лисонут-тайр,* 96-Т;

~ **и жоҳ** – юксак мансаб, юқори мартаба:
Чу қосид етиб шоҳ даргоҳиға,
Назар солди андозаи жоҳиға. *Садди Искандарий,* 317-Т;

~ **бўл-** – андоза, меъёр бўлмоқ:
Садо чун беҳаду андоза бўлди,
Очилған бурнарақ дарвоза бўлди. *Фарҳод ва Ширин,* 228-Т.

АНДОЗАЛИҚ [اندازه لیق] – андозалик:
Чекиб бошиға бу андозалиқ гурз,
Ки гар ул тегса туфрағ ўлғай Албурз. *Фарҳод ва Ширин,* 219-Т.

АНДОЗАСИЗ [اندازه سیز] – беқиёс, беўлчов; беҳисоб, чексиз, чегарасиз, беандоза:
Қадаҳ бу дайрда андозасиз тутунг ким бор
Бошимда муғбачалар шўри ишқи андози. *Наводируш-шабоб,* 647-Т;
Ким юбан ҳайвон суйи бирла оғиз,
Йўқ ўни юз қатла ким андозасиз. *Лисонут-тайр,* 40-Т.

АНДОМ [اندام] – 1. қадди-қомат, қиёфа, бўй; гавда, жисм:
Ичкали гулранг май наргис масаллик жоми бор,
Савсани тўн бирла ул ким сарвдек андоми бор. *Фавойидул-кибар,* 185-Т;
Қадду андомим ушалди жилвасидин дўстлар,
Ваҳ не дилкаш қомат-у не дилфириб андоми бор. *Наводируш-шабоб,* 184-Т;

2. афт, башара; қиёфа:
Кирса ёлғанчи куйгай андоми,
Пишкай ул сувда пайкари хоми. *Сабъаи сайёр,* 10-314;
Алар ким май ичкайлар ором ила,
Кўрунур аларға юз андом ила. *Садди Искандарий,* 354-Т;

3. оройиш; ярашиғлик:
Бу восита била кўнглум ўтиға ороме ва ишқим бедоди ноҳамворлиғиға андоме ҳосил бўлур эди. *Ғаройибус-сиғар,* 3-11;

4. кўркамлик, манзурлик; оройиш, тартиб:
Бўйла сўзлар хитоби ҳаққа мудом,
Бу ки йўқ ишларингда ҳеч андом. *Сабъаи сайёр,* 10-311;

5. кўриниш:
Ақл ожиз сайр ила оромида,
Ҳуш қосир вазъ ила андомида. *Лисонут-тайр,* 130-Т;

6. аъзолар, инсон аъзолари:
Тушти жони пок фаржомиға ишқ,
Кирди қондек етти андомиға ишқ. *Лисонут-тайр,* 99-Т;

~ **и руҳафзо** – руҳлантирувчи қиёфа:
Солланиб чун жилва айлар халқни волиҳ қилур,
Ҳам қадди раъноси ҳам андоми руҳафзоси чўҳ. *Фавойидул-кибар,* 113-Т;

~ **бер-** – зеб, оройиш, кўрк бермоқ; тартибга солмоқ:
...ва бу сухон била ишка андом бермак тилади. *Садди Искандарий,* 508-Т;
Таабиатқа инсоният тариқида андом берур ва мижозға одамийлиқ манзилида ором еткурур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-58.

АНДОМЛИҒ [اندام لیغ] – андомли:

Эрмас ўтлуғ кўнглум оғзинг нақшидур кўксум аро,
Қатраи қон оташин гул ғунчаси андомлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 243-Т.

АНДУД [اندود] – қопланган, суртилган, сувалган; мустақил маъноли сўзларга қўшилиб қўшма сўз ва иборалар ҳосил қилади; **зарандуд.**

АНДУЗ [اندوز] – қўшма сўзларда ёрдамчи компонент бўлиб келиб *ҳосил қилувчи, олувчи* каби маънолар беради.

АНДУХТА [اندوخته] – йиғилган, тўпланган, ҳосил қилинган, натижа:

ва навойиб ғамандузи намандуз зиндонидағи меҳнат андухталарни навозиши кирёс ва айвони паноҳиға сиғурмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-132;

~ **и иштиёқ** – шавқ-завқ, истак борлиги; шавқ тўлқини:

Сўхтаи фироқ ўлмакдин анга ғам йўқ андухтаи иштиёқ куймакдин анга алам йўқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-56.

АНДУҲ [اندوه] – ғам, алам, қайғу, дард, ранж:

Йўқтур андуҳ-у малолат ўтиға хас мен киби,
Бедил-у бечора ву бемор-у бекас мен киби. *Наводируш-шубоб*, 621-Т;

...тарки жон айлаган бехонумон кўнгли ёди била ўз андуҳин зиёд қилур. *Мажолисун-нафоис*, 241-Т;

Чарх дард аҳлиға бедод айлабан
Тоғ тоғ андуҳ ижод айлабан. *Лисонут-тайр*, 100-Т;

~ **ели** – ғам шабадаси, шамоли:

Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна,
Гўйи ани кўзғаған чобук суворедур яна. *Ғаройибус-сиғар*, 416-Т;

~ **туфрағи** – қайғу, алам тупроғи:

Ул кирпични андуҳ туфрағи ва ҳасрат сувидин куюб эрдилар. *Вақфия*, 14-257;

~ **хайлхонаси** – ғам, ранж, дард меҳмонхонаси, манзили:

Қайснинг ҳажр шомида андуҳ хайлхонасидин чиқиб висол қабиласиға азм эткани. *Лайли ва Мажнун*, 133-Т;

~ **ғизоси** – ғам ейиш, алам чекиш:

Соқиё тут бир қадаҳ май ким эриткай тошни,
Ким ғаму андуҳ ғизосидин эрур кўнглум сақил. *Ғаройибус-сиғар*, 307-Т;

~ **и балийят** – бало қайғулари:

Тоши андуҳи балийят тоғидин
Кирпичи дард-у бало туфрағидин. *Лисонут-тайр*, 95-Т;

~ **и беандоза** – беандоза ғам, ранж, алам:

Вали юз мунча дарди тоза бирла
Ғаму андуҳи беандоза бирла. *Фарҳод ва Ширин*, 419-Т;

~ **и даврон** – давр, замон, ғам, аламлари:

Жом давридин халос ўлмақни зинҳор истама,
Эйки бўлмақ истадинг андуҳи даврондин *халос*. *Ғаройибус-сиғар*, 224-Т;

~ **и сипеҳр** – фалакдек қайғу-аламлар:

Занжири жунун эрур нишони,
Андуҳи сипеҳри каҳкашони. *Лайли ва Мажнун*, 37-Т;

~ **и фироқ** – фироқ қайғуси:

Васл чоғи етти андуҳи фироқ,
Ҳар не дер эрдинг йирақ эрмиш йирақ. *Лисонут-тайр*, 185-15;

~ **и фурқат** – айрилиқ ғами, дарди, қайғуси:

Навоий андуҳи фурқатда ўткариб умри,
Агар даме топибан васл доғи ўлса не бок. *Фавойидул-кибар*, 329-Т;

~ **и ҳижрон** – ҳижрон қайғу алами:
Сиз-у васл эй айш аҳли ким Навоий жониға
Андуҳи ҳижрон азал девонидин таъйин эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 129-Т.

АНДУҲАФЗО [اندوه افزا] – ғам, қайғу келтирувчи; мунгли, қайғули, ғамгин:
...ҳамул радифда бу матлаи дағи асру дилоро ва андуҳафзо тушубтур.
Мажолисун-нафоис, 225-Т;
...бу матлаъ нишотфарсо ва андуҳафзо воқиъ бўлубтур.
Мажолисун-нафоис, 237-Т.

АНДУҲГИН [اندوه گین] – ғамгин, маҳзун, қайғули:
Ва ҳам ул дебдур ки андуҳум андин эмас ки андуҳгиндурмен.
Насойимул-муҳаббат, 442-Т;
Бадан дардидин ранжа ву хаста дағи
Кўнгул ҳажридин зор-у андуҳгин ҳам. *Наводируш-шабоб*, 429-Т.

АНДУҲЗО [اندوه زا] – қайғу, ғам орттирувчи, қайғу келтирувчи:
Дема афғонимда булбул ноласидин йўқ нишот,
Бу ҳам андуҳзо эмас гар ул нишотафзо эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 193-Т.

АНДУҲЛИҒ/АНДУҲЛУҒ/АНДУҲЛУҚ [اندوه لیغ / اندوه لوغ / اندوه لوق] – андуҳлук, қайғули:
Ҳам ул шуълаи шавқ туғёнидин
Кечиб эрди андуҳлиғ жонидин. *Садди Искандарий*, 419-Т;
...ногоҳ бир андуҳлиғ ун эшиттим. *Насойимул-муҳаббат*, 451-Т;
Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур.
То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур. *Ғаройибус-сиғар*, 135-Т;
...муридиға савол тили очилғани ва ул шофий жавоблар била андуҳлуқ кўнглин холи қилғани. *Ҳайратул-аброр*, 7-108.

АНДУҲНОК [اندوه ناک] – ғамли, қайғули, дардли:
Ғам туни ҳар кавкабинким жилвагар қилди мени,
Маҳвашим ҳижронидин андуҳнок этти сипеҳр. *Бадойиул-васат*, 133-Т.

АНДУҲОСО [اندوه آسا] – ғам аралаш, қайғу, ғам билан:
Сафар азмида мусофирдин айрилур чоғда хайрбод мазмунлуқ алфозни радиф қилиб айтилқан шеърнинг матлаи фуркатнамо келибдур ва андуҳосо айтилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 221-Т.

АНЖИР [انجیر] – анжир:
Ҳар тақдир била Одамға буғдой емакдин наҳй бўлди, баъзи узум, баъзи анжир деб турлар. *Тарихи анбиё ва ҳунамо*, 15-190.

АНЖОМ [انجام] – 1. оқибат, охир, интиҳо, поён, натижа:
Шоҳ Баҳромнинг бутуб коми,
Мундақ ўлди ишининг анжоми. *Сабъаи сайёр*, 10-375;
Ўқуб эрди шоҳ толеъ аҳкомида,
Ки анинг ҳаётининг анжомида. *Садди Искандарий*, 473-Т;
2. бажариш, тугалланиш:
Кетур соқиё муждае жомдин,
Ки пажмурда бўлмишмен анжомдин. *Ғаройибус-сиғар*, 501-Т;
~ **и адл** – адолат натижаси:
Соқийи гулчеҳра кетур жоми адл,
Кўр ки пе гуллар очар анжоми адл. *Ҳайратул-аброр*, 7-132;
~ **и фано** – йўқлик анжоми, охират тайёргарлиги:
Соқиё тут қўйибан жоми фано,
То кўрай ким недур анжами фано. *Фавойидул-кибар*, 684-Т;

~ **айла-** – қасд қилмоқ, лойиқ кўрмоқ:
Жаҳл бирла тарки ислом айлагай,
Ўзга дўзах азмин анжом айлагай. *Лисонут-тайр*, 151-Т;
~ **бер-** – тугатмоқ, охирига еткизмоқ:
Сўзга бергунча қиссагў анжом,
Ғойибидин нишон топиб Баҳром. *Сабъаи сайёр*, 10-365;
~ **топ-**– охирга етмоқ, тамом бўлмоқ:
Дедим: ишқингда ўлмак топтим анжом,
Кулуб дер ким ҳануз оғозидур бу. *Наводируш-шабоб*, 518-Т;
~ **иға ет-** – тугамоқ, тамом бўлмоқ:
Ғараз ким бу сўз етса анжомиға,
Бу тарих юз қўйса итмомиға. *Тарих мулуки ажам*, 16-257;
Ки яъни бу сўз етти итмомиға
Бу тарих оғози анжомиға. *Садди Искандарий*, 498-Т.

АНЖУМ [انجم] – 1. юлдузлар:
Сипеҳри даввор шабнам рашошасиға анжум зиёси беribдурур.
Назмул-жавоҳир, 15-133;
Ул қачон бўлса бу ародин гум,
Сангадур ёр чарх ила анжум. *Сабъаи сайёр*, 10-257;
...ҳажр шоми суубатида ўзини анжуму афлок била машғул тутар.
Мажолисун-нафоис, 235-Т;

2. дурлар:
Баҳрида анжумдин ўлмиш зеб-у фар,
Ҳар кеча дур янглиғ ўлмақ жилвагар. *Лисонут-тайр*, 33-Т;
~ **анжумани** – юлдузлар тўдаси:
Фалак гунбазида анжум анжумани тун қаро киши ичра ниҳон ва рўзғор олачуғида қуёш турки саҳобнинг хокистарий синжобида пинҳон сипеҳр хиргоҳи... *Муншаот*, 14-140;
~ **арқоми** – астрология термини (юлдузлар ўрни бўйича ҳисоблаш):
Қилиб ҳукмлар анжум арқомида,
Рақамлар қўюб эрди аҳкомида. *Садди Искандарий*, 118-Т;
~ **гули** – юлдузлар гули; ҳисобсиз гул:
Ким то фалак офоқ уза давр қилур,
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т;
~ **дирамлари** – юлдуз тангалари; юлдуз нурлари, кўринишлари:
То меҳр фулуриси кўрунгач анжум дирамлари эткай ва то субҳ ҳулласи ошкор бўлғач кеча палосининг рақамлари кеткай. *Муншаот*, 14-205;
~ **дурри** – юлдуз дурлари; порлоқ юлдузлар:
Ки анжум дуррин гар тўкар чархи куз,
Эмас бир гуҳарнинг баҳоси ҳануз. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;
~ **кўзи** – юлдузлар ёруғлиги, нурли кўриниши:
Чекти гардунға нолаи жонкоҳ,
Тикти анжум кўзига новаки оҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-128;
~ **тирнағи** – юлдуз қирралари:
Кун шуоъий хатлари эрмас ки тутмиш мотамим,
Юзни анжум тирнағи бирла қилиб афгор субҳ. *Бадойиъул-бидоя*, 1-108;
~ **сипоҳи** – юлдузлар лашкари:
Анжум сипоҳи кўпрак эрур анжуманорой тун бўлса қоронғу.
Бадойиъул-васат, 469-Т;

~ **и асҳоб** – юлдуз асҳоблари:
Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми асҳоб анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-99;

~ **и ашк** – кўз ёши қатралари:
Чарх мен саргашта ёшидин хижил ўлди ки кўр,
Анжуми ашким шиҳобосо югурди бу кеча. *Фавойидул-кибар*, 523-Т;

~ **и бемиҳр** – меҳрсиз юлдузлар:
Фалак-у анжуми бемиҳр-у дани
Барчасиз қилди сени дағи мени. *Фавойидул-кибар*, 682-Т;

~ **и дурахшон** – порлоқ, чақнаган юлдузлар:
ва оқидин ҳижроним қаро тунига минг анжуми дурахшанда ломеъ ва хуллакирдор хилъат... *Муншаот*, 14-205;
...ва кеча талбис шуъласидин ёруған кирми шабистон шамъи анда анжуми дурахшон. *Муншаот*, 14-148;

~ **и наҳс** – ёмонлик келтирувчи юлдузлар, бахтсизлик юлдузлари:
Азроқ уза ким бўлубан бахясоз,
Анжуми наҳс-у фалаки нақшбоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-133;

~ **и пайкон** – беҳисоб найзалар, тиғлар; кўз ўқи:
Қутқарай деб чарх давридин мени саргаштани,
Анжуми пайкон била жисмимни гардун қилди ло. *Ғаройибус-сиғар*, 435-Т;

~ **и рахшон** – порлоқ юлдузлар:
Ғам туни тийра дағи анжуми рахшон дема ким
Ер юзин тутти шарарлар била оҳим тутуни. *Бадойиул-васат*, 429-Т;

~ **и сипеҳрнишин** – осмонга тақалган юлдузлар; баланд, ёруғ юлдузлар:
Назми рифъат аро сипеҳри барин
Нукталари анжуми сипеҳрнишин. *Сабъаи сайёр*, 10-38;

~ **и сойир** – сайр қилувчи юлдузлар:
Деди то арх бўлғуси дойир,
Келгуси давра анжуми сойир. *Сабъаи сайёр*, 10-307;

~ **и улувви рифъат** – энг баланд, юксак юлдузлар; юксаклик юлдузлари:
Мундақ киши керак ки... шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса то донаси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб анжуми улувви рифъат тергай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-38;

~ **и хориж** – ташқари, сиртдан пайдо бўлувчи юлдузлар:
Ғами етти чархи жафопешадин,
Ҳам ул анжуми хориж андешадин. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;

~ **и шабгард** – тунда кезувчи юлдузлар:
Ройиҳадин айлади бу сувда мушк
Анжуми шабгард димоғини хушк. *Ҳайратул-аброр*, 7-82;

~ **соч-** – бахт-саодат бермоқ:
Дуосиға минбарда чун қўл очиб,
Бошиға фалак нақди анжум сочиб. *Садди Искандарий*, 64-Т;

~ **тўк-** – кўз ёши тўкмоқ:
Ашкдин анжум тўкуб гардун киби,
Йиғлабан лайливаши Мажнун киби. *Лисонут-тайр*, 124-Т.

АНЖУМАДАД [انجم عدد] – беҳисоб, сон-саноқсиз юлдузлар.
Хусрави баҳромнабард сипоҳи анжумадад чекиб жаҳон мулкин олмак.
Садди Искандарий, 255-Т;

АНЖУМАН [انجمن] – кўпчилик, жамоат; йиғин; маъракa:

[Саййид Ҳасан Ардашер] подшоҳ хилватида анис-у маҳрам ва анжуманда рафик-у ҳамдам эрдилар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-96;

Базмдин чун чиқти ёр-у анжуманға кирмади,
Тандин андақ чиқти жоним ким баданға кирмади. *Фавойидул-кибар*, 621-Т;

~ **аҳли** – мажлис, йиғин иштирокчилари:

Анжуман аҳли юзин гулгул қилали май била,
Мехрдин топкунча анжум гуллари бир-бир шикаст. *Ғаройибус-сиғар*, 84-Т;

~ **тамошогоҳи** – базм аҳли, жамоат; кўпчилик:

...маоний гавҳарларин назм силкиға кийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогоҳига жилва берур эрдилар.
Муҳокаматул-лугатайн, 187-Т;

~ **и шавқ** – йиғин, маъракa шавқи, завқи:

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг башағлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил. *Ғаройибус-сиғар*, 295-Т;

~ **и ғам** – хафалик, мотам йиғини; дард-аламнинг кўплиги, кулфатлар йиғиндиси:

Ким бу сифат анжумани ғам аро,
Ғам демайин мажмаи мотам аро. *Ҳайратул-аброр*, 7-29.

АНЖУМАНДИДА [انجمندیده] – мажлис кўрган, кўпни кўрган, тажрибали:

Яна қилди таъйин писандида эл,
Бари хайл аро анжумандида эл. *Садди Искандарий*, 214-Т.

АНЖУМАНОРОЙ [انجمن آرای] – йиғилишга ҳусн берувчи, даврани безатувчи:

Анжум сипаҳи кўпрак эрур анжуманорой тун бўлса қоронғу.
Бадойиул-васат, 469-Т.

АНЖУМАНПАРДОЗЛИҚ [انجمن پردازلیق] – мажлисни қизитувчи, безатувчи:

Чун ул бийик пояға сарафрозлиқ ва ул олий мақомда ан-жуманпардозлиқ даст берди. *Муншаот*, 14-134.

АНЖУМАНСОЗ [انجمن ساز] – мажлис курувчи:

Барин ҳозир этти тузуб анжуман,
Деди анжумансоз лашкаршикан. *Садди Искандарий*, 245-Т.

АНЖУМГУРУҲ [انجم گروه] – кўп фуқаролик (шоҳ); юлдуздай кўп халқли:

Ки арз этти хоқони дарёшукуҳ,
Ки эй номвар шоҳи анжумгуруҳ. *Садди Искандарий*, 318-Т.

АНЖУМКИРДОР [انجم کردار] – юлдузлардек порлоқ, чароғон:

ва ул ой ва қуёшнинг анжумкирдор ҳукамо анжумани била Суҳайл ойии ҳаким ғориға бормақлари. *Фарҳод ва Ширин*, 196-Т.

АНЖУМОЙИН [انجم آیین]– мажлисни безатувчи:

Нозимнинг бу жавоҳири самин ва бу лаолийи анжумойин назм силкига тортилғанға кон қазар машаққатидин фароғат топқани... *Сабъаи сайёр*, 10-387;

Топиб анжумойин табъин тамом
Тибоъи маволиди суфлимақом. *Садди Искандарий*, 373-Т.

АНЖУМРАБОЙ [انجم ربای] – юлдузни ўзига тортадиган, юлдузларни нишонга олувчи:

Ҳам ўқи тира кеча анжумрабой,
Ҳам қиличи заҳми бўлиб янги ой. *Ҳайратул-аброр*, 7-86.

АНЖУМРЕЗ [انجم ریز] – юлдузлар нур ёғдириши, юлдузлар учиши:

Рокиб-у маркаб юз-у аъзосидин терму оқар,
Ё булут дурбор ўлуб хуршид анжумрез эрур. *Наводируш-шабоб*, 193-Т.

АНЖУМСИПОҲ [انجم سپاه] – аскари юлдузлардай беҳисоб:

Еттинчи мажлиснинг туканчиси бу олий жоҳ подишоҳлар ва анжумсипоҳ фалакдастгоҳлардин аввалғи Жамшид ва Фаридунмонанд ато фарзандқа...

Мажолисун-нафоис, 201-Т;

...Олийқадр подшоҳлар ва рафиъмартаба анжумсипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалийёт айттилар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 188-Т;

Сикандар хаёли бу ким субҳгоҳ,
Таҳаррук топиб хайли анжумсипоҳ. *Садди Искандарий*, 323-Т.

АНЖУМСОН [انجم سان] – юлдуз каби, юлдузга ўхшаш; атрофини юлдуз ўрагандек:

Бошиға сим ўлуб паррон тушуб гирдиға анжумсон,
Тулуъ эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар. *Наводируш-шабоб*, 194-Т.

АНЖУМЧА [انجم چه] – фалак юлдузларича беҳисоб:

Афлокча тахти иқтидоринг бўлсун,
Анжумча сипоҳи бешуморинг бўлсун. *Муншаот*, 14-228.

АНЖУМШУНОС [انجم شناس] – астролог, мунажжим:

Қилиб ҳикмат аҳли басе илтимос,
Хусусан Арастуйи анжумшунос. *Садди Искандарий*, 331-Т.

АНЗОР [انظار] – назарлар, қарашлар, боқишлар:

Мувофиқ топиб кавкаб анзорини,
Аён эттилар санъат изҳорини. *Садди Искандарий*, 373-Т.

АНИ [انی] – уни:

Ани бу жиҳатдин хато айлади,
Ки шаҳ буйруғидин ибо айлади. *Садди Искандарий*, 278-Т.

АНИС [انیس] – дўст, улфат, ҳамсуҳбат, сирдош, ҳамдард:

Ҳар кишига даст берса ул пари янглиғ анис,
Бақа олмас топса меҳри ховаре янглиғ анис. *Фавойидул-кибар*, 230-Т;

Бор эса навмид ошиқлар анисим тонг эмас,
Мотам аҳлиға ажаб йўқ аҳли мотам бирла унс. *Фавойидул-кибар*, 233-Т;

~ **и анжуман** – кўнгилга яқин улфат, ҳамсуҳбат; сирдош:

[Паҳлавон Муҳаммад] султонус-салотиннинг надими мажлис ва аниси анжуман ва хилвати ва ҳар розда маҳрами ва ҳар ҳолда ҳамзабон ва ҳамдами эрди.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 113-Т;

~ **и жовидоний** – мангулик дўст; айрилмас улфат:

Деди ким аё рафиқи жоний,
Йўқ йўқ ки аниси жовидоний. *Лайли ва Мажнун*, 219-Т;

~ **и жони ғампарвар** – ғам билан ўсган жон ҳамдарди:

Бари ҳолатда чун ҳамдардим ўлдунг,
Аниси жони ғампарвардим ўлдунг. *Фарҳод ва Ширин*, 389-Т;

~ **и хилват** – ёлғизликда ҳамдам, сирдош дўст:

Ўйла ким элдин узилди улфатим,
Ул китоб эрди аниси хилватим. *Лисонут-тайр*, 267-Т;

~ **и ҳарам** – сирдош, улфат паноҳгоҳи, ҳарами:

Завжа ким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам. *Ҳайратул-аброр*, 7-159;

~ **бўл-** – улфат бўлмоқ:

Қатъ ўлуб шаҳ базмиға бўлсак анис,
Туҳфаи вожибдурур беҳад нафис. *Лисонут-тайр*, 189-Т.

АНИФ [عنيف] – қўпол, дағал, раҳмсиз; қаҳрли; дарғазаб:
Ногаҳон гар бетааммул сурса бир ҳукми аниф,
Ким заиф андин қавий ёхуд қавий бўлғай заиф. *Маҳбубул-қулуб*, 14-88.

АНКАБУТ [عنكبوت] – ўргумчак:
Заъфдин кулбамда қўпмак истасам айлар мадад
Анкабуте ришта осқан бўлса ҳар деворға. *Мажолисун-нафоис*, 246-Т;
Кўнгул қушидур анинг зулфи тобдори била,
Чибин ки боғлиғ эрур анкабут тори била. *Ғаройибус-сиғар*, 420-Т;
Бўлуб ғорида ҳар дун анкабути,
Бир устурлоби гардун анкабути. *Фарҳод ва Ширин*, 236-Т.

АНКАЛ [انكل] – гирифтор; ошиқ:
Муяссардур Навоий ёр васли хилвате топсанг,
Ки яъни бўлмаса ул хилват ичра ўзлукунг анкал. *Ғаройибус-сиғар*, 291-Т.

АНКАР [انكر] – жуда ёқимсиз, хунук; ёқимсизрок:
[Муқриънинг] руҳи тоат завқидин бехабар ва уни савтулҳамирдин анкар.
Маҳбубул-қулуб, 14-29.

АНО I [انا] – она, волида:
Жинси башар йўқ огаҳинг хуршид хоки даргаҳинг,
Кўк маҳд аро тифли раҳинг етти ато ву тўрт ано. *Фавойидул-кибар*, 5-Т;
Иста ато йўлида жон фидо қилмақ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138.

АНО II [عنا] – машаққат, заҳмат, азоб; ранж:
...ва агар фодорлиқ қилиб ўтруда ранжу ано ҳам чексанг яна убудият тамаъ қилурлар.
Маҳбубул-қулуб, 14-78;
Қилса бало заҳмлари чораси,
Бутса ано ўқларининг яраси. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
Икки уч кун тортибан ранж-у ано,
Маъман ичра комлар тортиб яна. *Лисонут-тайр*, 79-Т.

АНОАФСАҲ [عنا افسح] – машаққат афсаҳи:
Ул ким аноафсаҳ этти даъви
Фош этти бу даъви ичра маъни. *Лайли ва Мажнун*, 35-Т.

АНОДИЛ [عنادل] – булбуллар:
...матбуъ садолиғ анодил гулбонгидин рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати фирдавси барин қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т.

АНОЛИҒ [انالیغ] – оналик:
Эврулуб ул тифлваш бошиға ой-у кун бўлур.
Ул анолиғ орзу бу бир атолиғ орзу. *Наводируш-шабоб*, 517-Т.

АНОМ [انام] – одамлар, кишилар, халқ; одам жинси, барча одамлар, барча халқ:
...вақф қилған маҳдудлар ким шаҳр ва тавобиндадур мажмалан мазкур бўлур ва тафсили форси вақфияларда ким мукаррар айтилибдур... ва коффаи аном хузурида кофага хукм топибдур. *Вақфия*, 14-265.

АНОНИЙЯТ [عنانیت] – 1. худбинлик, манманлик, такаббурлик:
Эгнидин солиб анонийят тўнин,
Айириб ўтдин башарлик учқунин. *Лисонут-тайр*, 25-Т;
Мирхонд... ва ҳоло бовужуди кибари сен ва улувви насаб ва касрати ҳасаб ки барча мужиби ужбу анонийятдурлар. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т;

2. иззат нафси, ғурури:
[Жут ва лўлининг] анонийятлари юзига тезак солиб чаманвар ва инсонийятлиғлари доираси маймунлариға чанбар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-39;
Сабоҳ Шайх Аммор буюрди ким Нажмуддин кўп ва Мисрға бор Шайх Рузбихон қошиға ким бу анонийятни сели била сенинг бошингдин чиқарғай. *Насойимул-муҳаббат*, 266-Т;

~ **хошогин совур-** – кибру ҳаво, мутакаббирликни йўқотмоқ, енгмоқ:
Дард аҳлининг нафаси бир ўтдур ким қаттиқ кўнгулнн юмшатур ва куруғ кўзни йиғлатур ва сўз аҳлининг дами бир елдур ки анонийят хошогин совурур ва ғазаб туфрағин супурур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-85.

АНОР [انار] – анор (мева):
Ул суфрада анор эрди. Ва шайх анор ейдур эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 312-Т;
Нор ахгарларининг ламаоти нечук ким лаъли коний ва анор доналарининг боғланғани нечук ким ёқути руммоний. *Муншаот*, 14-141;
[Мунажжим] Ўз илгида бир анор бўлса билмас ки неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида неча донаси бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

АНОСИЗ [انا سيز] – онасиз, етим:
Масиҳо бирла Марямдин қиёс эт,
Ки имкон йўқтурур бўлмақ аносиз. *Бадойиул-васат*, 496-Т;
Ким телба бор эди навосиз,
Чун бўлди атосиз-у аносиз. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т.

АНОСИР [عناصر] – элементлар, унсурлар; тўрт ўнсур (оташ, ҳаво, сув, тупрок); тўрт рукн (аруз фанида):
Уйла соврулған аносир ҳар тараф ким топмағай
Бир бирисидин нишон бу водийи хирмон аро. *Наводируш-шабоб*, 5-Т;
Ҳужаста тийнати руҳи покдин тоҳир ва фархунда хилқати аносир таркибидин пок эркани зоҳир аносирнинг ели Масиҳ анфоси ва туфроғи Яъқуб кўзининг тўтиёси ва суйи Хизр чашмасининг зулоли ва ўти калим дарахтининг нори иштиъоли. *Маҳбубул-қулуб*, 14-8;

~ **и арбаа** – тўрт унсур, элемент (сув, ҳаво, тупрок, оташ):
Робиъи ким аносири арбаа таркиби анинг махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскуни чаҳор девори анинг пажаи вилояти била барқарордур. *Назмул-жавоҳир*, 15-124;

~ **у афлок** – фалак жинслари, унсурлари:
Қариб аносир-у афлок туғмади фарзанд,
Бизнинг йигит киби андақ ато-анолардин. *Фавойидул-кибар*, 484-Т.

АНСАБ [انسب] – муносиброк, лойикрок; энг муносиб, энг лойик:
Мавлоно дедилар маволиға мадраса ансабдур. *Насойимул-муҳаббат*, 297-Т;
Йўқ эрди қабилаларда мактаб,
Бу мактабдин ўқурға ансаб. *Лайли ва Мажнун*, 102-Т;
Илож қилма ки батрак куярга ансаб эрур,
Таним хасин неча ҳажрингда нотавон қилсанг. *Фавойидул-кибар*, 332-Т.

АНСИЗ [ان سيز] – усиз; маҳбубасиз:
Кўнглума ансиз бир ўтдур ким ёман ўртар мени,
Англаман дўзах ўтиё сузи ҳижрондурму ул. *Фавойидул-кибар*, 355-Т;
Ансиз ҳам бўлмағай ким бирар варақ юзини мураккаб қароси била ўз юзлари сафҳасидек қаро қилмағайлар. *Муҳокаматул-лугатайн*, 168-Т;

Ансизин панд анга ҳожат эрмас.
Ақли кул аллида эл панд демас. *Фавойидул-кибар*, 661-Т.

АНСОР [انصار] – мадад берувчилар, ёрдамчилар, тарафдорлар; Муҳаммад пайғамбарга мадад бўлган Мадина аҳолиси:
Динға етиб рахна чу куффордин,
Саддиға нусрат кўруб ансордин. *Ҳайратул-аброр*, 7-44.

АНФАЪ [انفع] – фойдалироқ; энг фойдали, нафли:
Кўп чучуклуктин ачиғлиқ анфаъ ўлди ишқ аро,
Шарбати аттор эрур ширин майи хаммор талх. *Бадойиул-васат*, 89-Т.

АНФОС [انفاس] – 1. дамлар, нафаслар:
Уламойи исломға алардин фойдаи умид авлиёйи аъзам алар анфосидин мустафид. *Маҳбулбул-қулуб*, 14-44;
Шум анфосининг шаоматидин
Баҳр чайқалди мавж офатидин. *Сабъаи сайёр*, 10-311;

2. овоз, сўз, сўзлаш оҳанги:
Ҳудҳуд анфосин шакаррез айлади,
Ул шакарни нуктаомез айлади. *Лисонут-тайр*, 40-Т;

~ **и жонпарвар** – жонпарвар нафаслар:
Неча ким сурса Масиҳ анфоси жонпарвар калом,
Ёху жаннат васфида Идрис қилсун иҳтимом. *Фавойидул-кибар*, 643-Т;

~ **и Исосиришт** – Исо дами билан йўғрилган; ҳаётбахш, жонлантирувчи нафас:
Назохатда гулшан нечук ким биҳишт,
Ели барча анфоси Исосиришт. *Садди Искандарий*, 381-Т;

~ **и Масиҳ** – Исо нафаслари:
Ул биридин руҳпарвар топти анфоси Масиҳ,
Бу бирисидин асосин аждаҳо кўрди Калим. *Бадойиул-васат*, 297-Т;

~ **и Масиҳо** – пайғамбар Исо нафаси, ҳаётбахш нафас:
Дўзахи қаҳрингдин айрилса ҳавоға бир шарар,
Айлаб анфоси Масиҳо барқи офат хислатин. *Фавойидул-кибар*, 490-Т;

~ **и муқаддас** – пок, муқаддас нафаслар:
Бас муни анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема ақдас дегил. *Ҳайратул-аброр*, 7-296;

~ **и нафҳаи сандал** – сандал дарахтининг иси келадиган нафаслар:
Нуктагў бошлади дуо аввал,
Бериб анфоси нафҳаи сандал. *Сабъаи сайёр*, 10-307;

~ **и Руҳуллоҳ** – Исо пайғамбар нафаси, жон бахш этувчи, тирилтирувчи нафаслар:
Магар бўлди руҳул-қудс ҳамроҳи,
Ваё келди анфоси Руҳуллоҳи. *Садди Искандарий*, 78-Т;
Лаъли шавқидин кўз-у кўнглумга ашк-у оҳдур,
Ё зулоли Хизр ила анфоси Руҳуллоҳдур. *Фавойидул-кибар*, 180-Т;

~ **и фасиҳ** – ёқимли нафас:
Оразида лаъл-у анфоси фасиҳ,
Иттисол айлаб қуёш бирла масиҳ. *Лисонут-тайр*, 219-Т;

~ **и шитоб** – тезлашган нафас:
Йиқиб жисмини анфоси шитоби,
Тешиб кўксини кўнгли изтироби. *Фарҳод ва Ширин*, 297-Т;

~ **и қудсий** – пок нафасли, муқаддас нафасли:
Солиб сўзга анфоси қудсий сиришт,
Санга очилар бўйла саккиз биҳишт. *Садди Искандарий*, 507-Т.

АНФУС [انفس] – нафслар; жонлар:

Табойиъ ки офоқ-у анфусда бор,
Барин тўрт табъ эттилар зътибор. *Садди Искандарий*, 383-Т.

АНЧА [انچه] – 1. кўп, анча:

Кўрубмен анча ғам-у дард ошнолардин,
Чекибмен анча алардин алам ано бирла. *Фавойидул-кибар*, 705-Т;
Дўст лутфидин умидим анчадур ким ғайри афв.
Истай олман гарчи қилмаймен хатодин ўзга иш. *Фавойидул-кибар*, 256-Т;
Қилди тараб-у нашот анча,
Ул хайл ила инбисот анча. *Лайли ва Мажнун*, 277-Т;
Бу фақирнинг хаёлиға андақ келур ким Мавлоно Котибийда шеър саликаси анча бор экандур. *Мажолисун-нафоис*, 11-Т;
Анга анча айттим ки бовар қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 156-Т;

2. шунча, шунчалик:

Йўқ дема гар оғзингни десам нуқтаи мавҳум,
Ким анча даги бўлмади ақл оллида мафҳум. *Наводируш-шабоб*, 425-Т;
Шоми ҳажр эрмас шафақ балким Навоий ғуссадин
Йиғлади қон анча ким гардунға рангин бўлди зайл. *Наводируш-шабоб*, 364-Т.

АНЪОМ [انعام] – чорва:

Сипаҳға бериб неъмат-у ком ҳам
Мавожиб демай балки анъом ҳам. *Садди Искандарий*, 392-Т;
Бериб устодларға анча анъом,
Не анча юз тамаъ қилғанча анъом. *Фарҳод ва Ширин*, 161-Т;

~ **и оми** – авом ҳадяси, туҳфаси.

Чеким хоқонға ул ганжи гироми,
Ки бўлғай хайлиға анъоми оми. *Фарҳод ва Ширин*, 213-Т.

АНҚАРИБ [عنقريب] – чамаси, шекилли; яқинда, яқин орада:

Чун сафар асбобини омода айлайдур ҳабиб,
Бир тараф гўё азимат қилғудектур анқариб. *Фавойидул-кибар*, 644-Т;
Гар менинг ишқимға ҳуснунгдин вафойи етмади,
Йўқ сенинг ҳуснунг менинг ишқим нишони анқариб. *Наводируш-шабоб*, 49-Т.

АНҚО [عنقا] – 1. Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи:

Қайси қуш Қофи фано анқоси ул,
Жумлаи қушлар тили доноси ул. *Лисонут-тайр*, 251-Т;
Кўргузуб чун доми зулф-у донаи хол айлабан,
Булбулу кумри деман ким пашша то анқони сайд. *Фавойидул-кибар*, 122-Т;

2. топилмас, нодир, ягона:

Меҳригиё дема ки анқодур ул,
Жавҳари фарду дури яктодур ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-177;
Ҳам Тури фазилат узра Мусо,
Ҳам Қофи қаноат узра анқо. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;

~ **йи зарринжаноҳ** – заррин қанотли анқо:

Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиғи таърифида ким жаноҳининг сояси куёшнинг анқойи зарринжаноҳиға зулмат Қофида пушаймон берур.
Садди Искандарий, 122-Т.

АНҲИ [انهى] – хабар, маълумот:

Вале мавқуф эди мунҳийлариға,
Ки не келгай алар анҳиларига. *Фарҳод ва Ширин*, 136.

АНҲОР [انهار] – дарёлар, сойлар, окар сувлар:

Узи чунки жаннатномудор ўлуб,
Сулар дағи жаннатқа анҳор ўлуб. *Садди Искандарий*, 239-Т;
Хиттаси хушрок Эрам гулзоридин,
Суйи дилкашрақ биҳишт анҳоридин. *Лисонут-тайр*, 44-Т.

АНҒА [انغه] – унга:

Сайид Ғиёс ким ул боғнинг таъмири ва боғбонлиғи анға мутааййин эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-18;

Ганжи мақсуд кимга бўлса умид,
Ул насиҳатлар эрур анға калид. *Муншаот*, 14-151.

АОЛИ [اعالی] – улуғлар, олий зотлар:

Валекин аолиға тушса ҳисоб,
Ки бўлғай салотини гардунжаноб. *Садди Искандарий*, 168-Т.

АПКИН [اپکین] – қора тусли қиммат баҳо мато:

Ўйладур ким илгини ҳинно уза қилмиш қаро,
Ул ки гулгун кўнглак узра топин апкин айламиш. *Ғаройибус-сиғар*, 211-Т.

АР [ار] – 1. *агар* боғловчисининг қисқартирилган шакли:

Ғараз ар мол эрур эмас ул кам,
Жон эса йўқтурур музояқа ҳам. *Сабъаи сайёр*, 10-261;

2. хоҳ:

Агар Яздижурд ўлсун, ар Шаҳриёр,
Ва гар Баҳмон ўлсун, гар Исфандиёр. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255.

АРАБ [عرب] – 1. халқ номи; арабистонлик, араблар:

Йўқ ажаб чунким араб алфозида
Истилоқ ичра муаннасдур қиёш. *Бадойиул-васат*, 496-Т;
Мени девонаға юз шаква бор ўз қавм-у хайлимдин,
Ки Мажнунға не турлук зулм ким қилмиш араб қилмиш. *Бадойиул-васат*, 196-Т;
Навоий иста мазоҳирда чеҳраи мақсуд,
Араб ва гар чиғатой, йўқса туркман-у халаж. *Фавойдул-кибар*, 96-Т;

2. араб тили, арабча:

Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазйини била муъжизатироздир. *Муҳокаматул-луғатайн*, 167-Т;

3. араб мамлакати:

Бу кеча арабда Қурайш қабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлғай ким фурс мулуки давлати анинг замонида охир бўлғай. *Тарихи мулуки ажам*, 16-244;

~ **и таассуб** – беҳад берилган араб:

Ҳар бир араби таассуб ойин.
Равшан қилиб анча шуълайи кин. *Лайли ва Мажнун*, 214-Т.

АРАБА [عربه] – арава:

ва агар қўнгарса болорин таширға сипеҳр арабаси ул юк остиға янчилиб... *Муншаот*, 14-147;

Араба уза тўра пайваст ўлуб,
Тўра кейнида халқ ҳамдаст ўлуб. *Садди Искандарий*, 322-Т;
Араба дема ким гардуни дойир,
Бўлуб хоро юки остида сойир. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т.

АРАБИЙ [عربی] – 1. арабча; арабий:

Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллук феъллар бор ки анинг адоси дағи муътабар ва куллийдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;

Мир Сайид Ҳасан Абивардий... Ироқда... олти етти йил қолиб арабий тилни равонрак қилиб Хуросонға келди. *Мажолисун-нафоис*, 146-Т;

2. араб, араб халқига мансуб:
Муҳаммади арабий бармағи ишорат ила,
Сипеҳр хонида ой қурсин ул сифат осон. *Фавойидул-кибар*, 697-Т.

АРАБИЙЯ/АРАБИЙЯТ [عربيه / عربيت] – араб тили, адабиёти, тарихига оид, арабча:
Кўпрак улум ва фунунни билур эрди батахсис улуми арабийяни, аммо фалакиятда шуҳрат бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 32-Т;
...шеърият анга эврулур эрди. Арабийят ва фиқҳи таъриф қилғуча дерлар. *Мажолисун-навоис*, 143-Т;
Арабийятда моҳир эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 398-Т;
...фиқҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди ва арабийяда Ибни Ҳожиб каффасида тутарлар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 33-Т.

АРАЗ [عرض] – 1. ишорат, аломат; тасодуф белги, жиҳат:
Жаҳон халқидин пок зоти ғараз
Бу жавҳар келиб офариниш араз. *Садди Искандарий*, 96-Т;
Қолмайин тўрт жавҳар олти араз,
Олтию тўртдин бир анга ғараз. *Сабъаи сайёр*, 10-27;

2. беморлик, хасталик:
Ва лекин бирав ки маъийятни билмагай, илло жисм маъийятини жисм била ё араз маъийятини араз била ё араз маъийятини жисм била. *Насойимул-муҳаббат*, 229-Т.

АРАЗВОРИ [عرض وارى] – қўшиқ, наво тури (Ироқ туркийларида тарқалган):
Яна Ироқ тарокимасида сурудидур машойих ким ани аразвори дерлар ва анинг байти кўпрак ҳажази мусаммани солимда боғланур. *Мезонул-авзон*, 60-Т.

АРАНГ [ارنگ] – тус, ранг:
Эй Навоий ёр берди не бало муҳлик эмиш
Ким аранг заъф эткани ушшоқни айлар ҳалок. *Ғаройибус-сиғар*, 263-Т.

АРАС [ارس] – дарё (номи):
Фароғат чоғи сайд ўлуб пешаси,
Матофи Арас рудининг бешаси. *Садди Искандарий*, 238-Т.

АРАСОТ [عرصات] – киёмат, маҳшар ери; энг кучли дод-фарёд:
Мажнуннинг... дуо қилмақ таронаси била хотирадағи махфий мақосидин тимдин чиқарғани ва арафот аҳлидин арасот қўпарғани. *Лайли ва Мажнун*, 186-Т.

АРАСТУШУКУҲ [ارسطوشكوه] – Арасту савлатли, донишманд:
Бори ҳикмат ойину донишпажуҳ,
Билатунманиш бал Арастушукуҳ, *Садди Искандарий*, 292-Т.

АРАФА [عرفه] – арафа:
Сендин бизга мундак етибтур ким арафа куни ўз еринғдин чиқарсен. *Насойимул-муҳаббат*, 156-Т.

АРАФОТ [عرفات] – Арафот (тоғ номи):
Арафот мавқиъида ҳозир бўлурсен. *Насойимул-муҳаббат*, 156-Т;
Ва арафот аҳлидин арасот қўпарғани. *Лайли ва Мажнун*, 186-Т.

АРАШ [ارش] – узунлик ўлчови (50–60 см.), қадам:
Ёр чун жонимда махфийдур тафовут йўқтурур,
Жилва қилса зоҳира гар минг ёғоч гар бир араш. *Наводируш-шабоб*, 248-Т.

АРАҚ I [عرق] – тер:

Гўйиё хуршид ҳар сори югуртур кавкабин,
Чунки суръат вақти ул юздин томар ҳар ён арақ. *Бедойиул-васат*, 250-Т;
Икки рухсоринг эрур гул чаман аро,
Арақинг юз уза шабнам саман аро. *Мезонул-авзон*, 51-Т;

~ **и пешоний** – пешона тери:

Ўн учунчи мақолот саҳобдек нафъ расонлар бобида ким араки пешоний била раёҳин деболари бошиға гавҳарафшон бўлурлар. *Ҳайратул-аброр*, 7-233.

АРАҚ II [أرق] – ичимлик, ароқ:

Терлаган лаъли гулоб ичрамудур гул барги,
Йўқса усрук кўзиму солди арақ ичра набот. *Ғаройибус-сиғар*, 88-Т.

АРАҚНИШИН [عرق نشين] – терга ботган, янги соф гул япроғи:

Тер суйи била арақнишин гул,
Ҳуммо ўти бирла оташин гул. *Лайли ва Мажнун*, 336-Т.

АРАҚНОК [عرق ناک] – терлаган, терли:

Ул арақнок оташин рухсоринга майл эттилар,
Телбалар мойил бўлурлар кўрсалар ўт бирла сув. *Бадойиул-васат*, 372-Т.

АРАҚРЕЗ [عرق ريز] – тер тўкувчи; меҳнаткаш, меҳнатсевар:

Ёхуд ярақан ўтин қилиб тез.
Сариғ юзига бўлур аракрез. *Лайли ва Мажнун*, 113-Т.

АРБАДА [عربده] – шовқин-сурон, тўполон, мастона бақириш:

Арбадамдин гар тариқтинг соқиё тут бода ким
Бўлмағумдур бўмағунча масти лояъқил хамуш. *Наводируш-шабоб*, 243-Т;
Мавлоно Хумойи... бир мажлисда анга бир аёқ берсалар ул арбада
ва пургўйлук ким андин зоҳир бўлур. *Мажолисун-нафоис*, 187-Т;

~ **айла-/қил-** – шовқин-сурон солмоқ, ҳайқирмоқ:

Телбараб кўнгли Навоийнинг агар арбада айлар,
Дафъиға силсилаи зулфи ила басдур чоҳи ғабғаб. *Наводируш-шабоб*, 71-Т;
Навбаҳор ўлди ву мен ҳажрида соқий май тут,
Токи йиғлай қилибан арбада андақ ки булут. *Наводируш-шабоб*, 71-Т;

~ **бунёд эт-** – шовқин-сурон кўтармоқ, тўполон, тартибсизлик қилмоқ:

Ёки қачан арбада бунёд этар,
Дафъини айларга қасамёд этар. *Ҳайратул-аброр*, 7-263.

АРБАДАГАР [عربده گر] – жанжалкаш, туполончи:

Не масти арбадагарсен ки чиқса базмингдин,
Бузар замонани бадмастлиғ била ҳар маст. *Бодайиул-васат*, 58-Т.

АРБАДАЖЎ [عربده جو] – тўс-тўполон қилувчи, туполончи, ғавғо кўтарувчи:

Саломат аҳли тутунг дин-у офиятқа азо,
Ки маст-у арбадажў чиқти номусулмоним. *Фавойидул-кибар*, 395-Т.

АРБАЪА [أربعة] – тўрт:

Робиъ ким аносири арбаъа таркиби анинг махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскун... *Назмул-жавоҳир*, 15-124.

АРБАЪИН [أربعين] – 1. кирқ кун, чилла; қирқ кун хилватда ибодат қилиш:

Ул бузургвор илигида тавба қилиб суфиййа адаб ва тариқаға машғул бўлди. Ва арбаъинлар ўлтуруб дерлар ким гушойишлар топти. *Мажолисун-нафоис*, 163-Т;
... ва неча йил алар суҳбат ва мулозаматларида сулук қилиб хонақоҳларида азим арбаъинлар чиқарди. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-98;

2. қирқ ҳадис:
«Арбаин»и ки айлабан тартиб,
Арабий бирла форсий таркиб. *Сабъаи сайёр*, 10-42;
Ким бу навъ икки «Арбаин» мавжуд
Бўлса шояд ки топқасен мақсуд. *Арбаин*, 16-270;

~ **аҳли** – қирқ ҳадис ёзганлар:
Арбаин аҳли даркидин ожиз,
Кўрмайин бўйла «Арбаин» ҳаргиз. *Сабъаи сайёр*, 10-42.

АРБАИНОТ [اربعينات] – қирқ кунлар, чиллалар:
... авойилда анда болур эркандур ва арбаинот анда чиқарибдур ва баъди амлокин анга вақф қилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 259-Т;

АРБОБ [ارباب] – 1. соҳиблар, эгалар; фозиллар:
Ул ҳазрат камоли донолиқ ва вуқуфи тавонолиғ ниҳоятидин бу фан асҳобиға ва бу фазл арбобнға таълимлар бериб ва талқинлар
қилиб... *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т;

2. улуғлар, амалдорлар, мансабдорлар:
Хожа Ҳусайни Кирангий... отаси Хожа Қанбар Хуросоннинг мутаъаййин арбобларидин эрди. *Мажолисун-нафоис*, 161-Т;

~ **и биниш** – арбоб назари:
Ўзин аъмо кўруб арбоби биниш,
Қаро босқан қушидек офариниш. *Фарҳод ва Ширин*, 393-Т;

~ **и вазойиф** – вазифа эгалари, давлат арбоблари:
Арбоби вазойиф икки олими муттақий мударрис бўлғай. *Вақфия*, 14-267;

~ **и дин** – дин арбоблари, пешволари:
Бас ки ибодотидин арбоби дин
Отини айтиб Зайнул – обидин. *Ҳайратул-аброр*, 7-290;

~ **и ишқ** – ишқ соҳиблари:
Хатинг сипоҳи чу чиқти нечук ки мур-у малах,
Дема ки қочмасун арбоби ишқ-у урма захах. *Наводируш-шабоб*, 113-Т;

~ **и маломат** – маломат соҳиблари:
Юз очма, гарчи тутқай кўрса маъзур,
Мени ишқингда арбоби маломат. *Бадойиул-васат*, 66-Т;

~ **и маони** – маони соҳиблари:
Соқиё жоми Каёни келтур,
Қут арбоби маони келтур. *Фавойидул-кибар*, 674-Т;

~ **и риёсат** – раҳбар арбоблар:
Ғариби хастаға қилғай сиёсат,
Зиҳи ойини арбоби риёсат. *Фарҳод ва Ширин*, 378-Т;

~ **и тағофул** – ғафлат эгалари, ғофиллар, ғафлатда қолганлар:
Йўқ дайрда арбоби тағофул қадри,
Беҳад бўлур асҳоби таваккул қадри. *Назмул-жавоҳир*, 15-166;

~ **и қулуб** – қалб соҳиблари:
Қуръон хатмидин арбоби кулуб суҳбатидин ва улум тадрисидин ул замонғача ки беш юз бешда... *Насойимул-муҳаббат*, 229-Т;
Ва яхши уни бор эрди ва хуб нағамот била ваъз айтур эрди. Ва зуҳҳод ва ибод ва арбоби кулуб анинг мажлисида ҳозир бўлур эрдилар.
Насойимул-муҳаббат, 443-Т;

~ **и ҳақиқат** – ҳақиқат йўли эгалари; ҳақиқатни кўзловчилар:
...асҳоби тариқат ва арбоби ҳақиқат зикрида ким... китобе битибдурлар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-48;

~ **и ҳожот** – ҳожат, лозимлик, зарурлик аҳли:
Мавлоно Қосимни салотин хидматиға баъзи арбоби ҳожот муҳиммоти учун йибарур эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 258-Т.

АРБОҒ [ارباغ] – авроқ, авраш; афсун:
Зулфи савдосида билмаслар Навоий нуктасин,
Ким жунун гуфторидур ёхуд йилон арбоғи. *Хазойинул-маоний*, 15-48.

АРВОҲ [ارواح] – руҳлар:
Наср ила чун тазкира мавжуд этиб,
Авлиё арвоҳини хушнуд этиб. *Лисонут-тайр*, 35-Т;

~ **и қудсий** – пок, муқаддас арвоҳлар:
Эрур ишқ ояте ким нуқтасининг донасин кўргач,
Тушар арвоҳи қудсий қушлари беихтиёр анда. *Ғаройибус-сиғар*, 46-Т.

АРДАВОН [اردوان] – қидимги эрондаги Гаштосб наслидан бир шоҳ номи; бир вилоят номи:
Яна тутти олам юзин Ардавон
Ки чекти ани чархи аҳзар-девон. *Садди Искандарий*, 110-Т;
Магар Ардавон бирла айлаб хилоф,
Икки саридин бўлди азми масоф. *Садди Искандарий*, 347-Т.

АРДИСТОНИЙ [اردستانی] – Ардистонга мансуб, ардистоний:
Қатраси лаъл вале руммоний,
Қайси руммон дегил ардистоний. *Фавойидул-кибар*, 662-Т.

АРДИЧА [اردیچه] – кетида, ортида:
Навоийё эрур ул шўхи туркман бас тунд,
Наво тилар эсанг андин югурма ардича чўх. *Наводируш-шабоб*, 111-Т.

АРЖМАНД/АРЖУМАНД [ارجمند] – 1. азиз, иззатли, қадрли, қимматли; шарафли, обрўли; муҳтарам:
Бийик мақомотки етти ва аржманд каромотқа машҳур бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 311-Т;
Айлабан ани ҳаким аржманд
Жумлаи шогирдлар ичра писанд. *Лисонут-тайр*, 158-Т;

2. арзийдиган, лойиқ, сазовор:
Паст ҳиммат гар топар бахти баланд,
Мудбири кўҳидек эрмас аржаманд. *Лисонут-тайр*, 173-Т;
Ёки сени гардиши чархи баланд
Айласа шаҳ хидматиға аржманд. *Ҳайратул-аброр*, 7-161;

3. машҳур; улуғвор:
[Атрок] муқобалада форсий алфознинг иншолари дилписанд ва мақотиб ва имлолари аржманд эрди хаёлға андақ келди. *Муншаот*, 14-134;
Назм адоси бағоят аржманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёт каломида нозил бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-24;

4. етишиш қийин, амри маҳол бўлган нарса:
Бил яна бир мартаба мундин баланд,
Ким анга йўл топмақ эрур аржманд. *Ҳайратул-аброр*, 7-241;
Чу бердинг анга рутба мундақ баланд,
Қилиб кўнглини севмагинг аржманд. *Садди Искандарий*, 23-Т;

~ **айла-/қил-** – иззатли, обрўли қилмоқ, иззатламоқ, ҳурматламоқ, эъзозламоқ:
Сени шаҳлар ичра баланд айлайин,
Иноят қилиб аржаманд айлайин. *Садди Искандарий*, 221-Т;

Чу Баҳроми Чўбинни бахти баланд
Жаҳон мулкида айлади аржаманд. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;
Бу фақирни [Жомий] (ўз ёрлиғлариға) баҳраманд ва ўз муҳаббатлариға аржаманд қилибтурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-62;

~ **бўл- –** иззатли, қадрли бўлмоқ; баҳраманд бўлмоқ:
...ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳли ибриқиға сув қўймақ била аржманд бўлдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
Дарвешлар мажлисиға баҳраманд ва хизмат ва мулозаматларидин сарбаланд ва аржманд бўлуб... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-111-Т;

~ **эт- –** сазовор қилмоқ, иззатли қилмоқ, азиз этмоқ:
Тўкулмак қонингиз кўйида ушшоқ орзу қилманг,
Ки тиғи ишқ бу давлатқа бизни аржманд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т;

~ **тут- –** ўзини катта олмоқ, тутмоқ:
Чу разл ҳавсаласиздур не тонг агар ногаҳ,
Етишса миннат анга аржманд тутқай ўзин. *Бадойиул-васат*, 500-Т.

АРЖМАНДСАРМОЯ [ارجمند سرمایه] – қадрли, қимматли, улуғворли:
Хоқоннинг хонлиқ тожин ўз гавҳари била аржмандсармоя қилурнинг можарост ва жаҳонбонлиқ тахтин ўз қарилиғидин боши оқарған саргўзаштин демак. *Фарҳод ва Ширин*, 172-Т.

АРЗ I [ارض] – ер, замин, ер юзи:
Арзу фалак йўқидин-у боридин,
Барчаниил ихфоси ву изҳоридин. *Ҳайратул-аброр*, 7-24;
Арз жирмин қилиб етти тақсим,
Айладинг ҳар бирини бир иқлим. *Сабъаи сайёр*, 10-8;
Чақин ёруғлиғи мадди самодин арзғача,
Замон йўли ики лафз ўқурғача етмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96;

~ **сатҳи** – ер юзаси, усти:
Не ким арз сатҳида топмиш вужуд,
Манга бўлди манзур буду нобуд. *Садди Искандарий*, 442-Т;
Арз сатҳи узра юз шакли ажиб,
Шаклларда юз туман лавни ажиб. *Лисонут-тайр*, 229-Т;

~ **и сокин** – сокин, барқарор турган ер:
Арзи сокин қайда ва сипеҳри даввор қайда ва туроби мутамаккин қайда ва кавкаби сайёр қайда? *Маҳбубул-қулуб*, 14-118.

АРЗ II [عرض] – 1, изҳор, баён, мурожаат, истак; шикоят:
Кўпдин кўп дуо ва саломдин сўнгра арз ул ким бу фақир Хуросонда эрканимда ҳам сиздин айру эрдим. *Муншаот*, 14-155;

2. кўрсатиш, намойиш этиш, ҳавола қилиш:
Вале арзида асра шарти адаб,
Ки тарки адаб баҳра берур тааб. *Садди Искандарий*, 512-Т;

~ **и Аллоҳ** – Аллоҳга мурожаат:
Агарчи ул фуржа заҳир бўлған такмили учун яна хишт солинса арзи Аллоҳ восиат юзин балки кураи арз даврасин... *Маҳбубул-қулуб*, 14-126;

~ **и дуо** – дуо изҳори, истали:
Мендин анга арзи дуо айлагил,
Йўлида жонимни фидо айлагил. *Ҳайратул-аброр*, 7-183;

~ **и жамол** – гўзаллик баёни:
Йўқ жамол ичра вафо ҳуснға дағи буднёд,
Ғирром ҳусн бўлуб арзи жамол айламангиз. *Наводируш-шабоб*, 671-Т;

~ **и жоҳ** – юқори мартаба, мансаб истаги:
Агарчи арзи жоҳ-у рифъат эткай
Вали боши бу сўздин кўкка еткай. *Фарҳод ва Ширин*, 339-Т;
~ **и журм** – гуноҳ баёни:
Каффадур гардун хами ҳажрим юкини чексалар,
Арзи журми ул тарозу ичра бир мисқал экан. *Наводируш-шабоб*, 477-Т;
~ **и имон** – имонга даъват:
Шайх ашк айлаб равон рухсориға,
Арзи имон этти тарсо ёриға. *Лисонут-тайр*, 126-Т;
~ **и илтимос** – илтимос баёни:
Чун карам баҳри мавжзаи етти,
Меҳмон арзи илтимос этти. *Сабъаи сайёр*, 10-27;
~ **и истеъдод** – истеъдод баёни:
Дард мулки ғам синоҳи ғусса нақдин арз этиб,
Эй Навоий ишқ элига арзи истеъдод эрур. *Бадойиул-васат*, 129-Т;
~ **и ихлос** – ихлос, дўстлик изҳори:
Қочмайин афтодалиғдин арзи ихлос айла ким
Дўст лутфи оқибат афтодаларни қўлдамиш. *Фавойидул-кибар*, 267-Т;
~ **и карам** – карам изҳори:
Алар қилсалар мунча арзи карам,
Бу маъразда не навъ атай сени ҳам. *Садди Искандарий*, 57-Т;
~ **и мақсуд** – мақсадни баёнлаш:
Ўзни чу кўруб арода набуд,
Изҳор этиб ўзга арзи мақсуд. *Лайли ва Мажнун*, 52-Т;
~ **и мусиқий** – мусиқий баён:
Бор экандур менинг қошимда забун,
Арзи мусиқий этса Афлотун. *Сабъаи сайёр*, 10-344;
~ **и намоз** – намоз изҳори истаги:
Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак. *Ҳайратул-аброр*, 7-120;
~ **и ниёз** – арз эҳтиёжи, зарурати; дуо:
Шайх Фаридудин Маҳаммад Атторға мадҳ-у сано оғози ва ўз арзи ниёзи.
Лисонути-тайр, 33-Т;
~ **и паём** – хабар етказиш, дарак бериш:
Қосиди қудсий чу салом айлабан,
Ҳақ саридин арзи паём айлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-45;
~ **и тазаллум** – зулмдан шикоят қилиш:
Кўруб ул халқ бу арзи тазаллум,
Анинг зимнида бу ҳусни такаллум. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т;
~ **и фасоҳат** – фасоҳат майдони, изҳори, боби:
Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳиҳ,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-40;
~ **и ҳожат** – ҳожат изҳори:
Ҳожат аввал анга ижобат ўлуб,
Сўнгра изҳори арзи ҳожат ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 10-27;
~ **и ҳол** – ҳол-аҳвол изҳори:
Дебан арзи ҳолим тазаллум қилиб,
Асирона нутқу такаллум қилиб. *Садди Искандарий*, 332-Т;
Арзи ҳолим кўнглума қилдим баён чун қилди зулм. *Фавойидул-кибар*, 638-Т;

Не янглиғ дей қошингда арзи ҳолим,
Ки қолмас ани кўргач деб маҳаллим. *Фавойидул-кибар*, 422-Т;

~ **и ҳолат** – ҳол, ҳолатни изҳори, баёни:
Қилиб арзида изҳори хижолат,
Ким ул хижлат ўқ айлаб арзи ҳолат. *Фарҳод ва Ширин*, 341-Т;

~ **и ҳунар** – ҳунар кўрсатиш:
Арзи ҳунар бўлса йигитлар иши,
Қилса аён ўз ҳунарин ҳар киши. *Ҳайратул-аброр*, 7-272;

~ **айла-/эт-/қил-** – 1. изҳор этмоқ, баён қилмоқ, арз қилмоқ:
Чун Набиға арз этибтурлар ани,
Бўйла дебтур ул ҳидоят маҳзани. *Лисонут-тайр*, 32-Т;
Арз этар эрди гуна-гуна либос
Меҳмон қилмас эрди тарки палос. *Сабъаи сайёр*, 10-157;
Чун тахти Сулаймонға етишди қадами,
Ер ўпти ву қайтти қилиб арзи ниёз. *Муншаот*, 14-162;
Арз айлади кайфиятни Мажнун,
Навфалки эшитти бўлди маҳзун. *Лайли ва Мажнун*, 220-Т;
Жаҳду суръат аро айлаб арз,
Ҳолатим айласанг Суҳайлға арз. *Сабъаи сайёр*, 10-301;
Не ким кўрғанни келганлар яко-як,
Туруб арз эттилар бешубҳа ву шак. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т;
Ваъдаи васлиға етмай ўлганимни эй рафиқ,
Қилғасен ҳар ерда кўрсанг аҳди ёлғонимға арз. *Ғаройибус-сиғар*, 228-Т;

2. кўрсатмоқ, назардан ўтказмоқ, қабулига ҳавола қилмоқ:
Хўбларни арз қилдим қилмади кўнглум писанд,
Ани кўргач ихтиёри қолмайин деди бу хўб. *Ғаройибус-сиғар*, 63-Т;

~ **ға еткур-** – баён этмоқ:
...аммо ўз ажзи ҳолимни арзға еткурмакдин ҳам гузир эмас эрди.
Ғаройибус-сиғар, 3-14;

~ **ўл-** – билдирилмоқ, маълум қилинмоқ:
Чу хоқонға арз ўлди ул можаро
Тилатти ани боргоҳи аро. *Садди Искандарий*, 340-Т.

АРЗ III [عرض] – бирор нарсанинг кенглиги, эни:
Истахр шаҳрин улғайтти андақ ки тули Хуфракдин Ромжаррадқа етти ким ўн икки йиғач бўлғай ва арзи ўн йиғачқа етти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-119;
Бу йўл ким анга тоғ ўлуб ҳар сари,
Келиб арзи тахмин била юз қари. *Садди Искандарий*, 243-Т.

АРЗА [عرضه] – ариза; илтимос, изҳор; шикоят:
Мавлоно Олим... Мавлоно арзасини хожаға берди. *Мажолисун-нафоис*, 82-Т;

~ **қил-** – баён қилмоқ, билдирмоқ:
Андақ ким дунё ва охират саодатин арза қилсалар ва сиддиқлар ва пайғамбарлар маротибин жилва берсалар... *Маҳбубул-қулуб*, 14-62;
Иноят қилиб мундағи ҳолатни руқъа ҳомилидин сўрулса арза қилғусидур.
Муншаот, 14-172.

АРЗАДОШТ [عرضه داشت] – арзи ҳол баён қилиш, истак, мақсадни билдириш:
Қуллуқ арзадош ул ким иноят номада битилиб эрди ким муддатедур ким арзадошт битимагайсен. *Муншаот*, 14-159;
Мавлоно Олим... ўз муддаоси мавофақати арзадошти ҳам битиб эрди.
Мажолисун-нафоис, 82-Т;
Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт ул ким Илдирим Мирохур келиб банданавозлиғ нишонин келтурди. *Муншаот*, 14-174;

~ **қил-** – арз қилмоқ, баён қилмоқ, мақсадни айтмоқ:
Бу рукъани бу фақир Марвдин арзадошт қилиб эрдим ким ихтисор жиҳатидин анда битилган рубоий била ихтисор қилилур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-30;
Махфий хитоб жавобин фош арзадошт қилмақни ва ниҳон масала баёнини ошкор битмакни адабдин йирақ ва убудиятдин қирақ кўрдум. *Муншаот*, 14-178.

АРЗАНДА [ارزنده] – лойиқ, муносиб, арзийдиган; эрка, севикли:
Борсен сен борлиғ зебандаси
Бирлику жабборлиғ арзандаси. *Лисонут-тайр*, 18-Т.

АРЗАНДАЛИҚ [ارزنده لیق] – арзирли, арзигули:
Қулоқларида халқаи бандалиқ
Топиб ўзга олтунға арзандалиқ. *Садди Искандарий*, 291-Т.

АРЗИ- [ارزی] – лойиқ, муносиб бўлмоқ; тенг келмоқ; арзимоқ:
Даврон гули бу гулшани хориға арзимас,
Гулгун майи балойи хумориға арзимас. *Бадойиул-васат*, 171-Т;
Деди бедил ки от аҳли эмасмен,
Отим тутмаққа даги арзимасмен. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;
Мавлоно Султон Али Қониъий... бир куни анга китобат буюрулуб эрди музд таъйин қилурда муболағани ул ерга еткурди ким ҳар бир байтим бир тангага арзир деб бир маънидин йирақ ҳам эмас. *Мажолисун-нафоис*, 153-Т;
Шод бўл ким икки олам коми
Арзимас ким егасен бир дам ғам. *Бадойиул-васат*, 299-Т.

АРЗИЙ [ارضی] – заминий; дунёвий:
Анинг бирла кони маоний кутуб,
Йўқ арзий кутуб осмоний кутуб. *Садди Искандарий*, 78-Т.

АРЗОЛ [ارذال] – 1. разиллар; энг тубан, пасткаш:
... мажруҳ танимға жунун арзолининг муҳлик тоши ёққай. *Вақфия*, 14-164;
Мир Сарбураҳна... Мир ул вилоятнинг вожибул-эҳтиром содотидиндур агарчи арзол ва хубасо мусаллам тутмаслар ва нимагина дерлар ул тоифанинг сўзига эътибор йўқтур. *Мажлисун-нафоис*, 134-Т;
Хайли ашроф эттилар зоҳир низоъ
Қилмади ул сўзга арзол истимоъ. *Лисонут-тайр*, 36-Т;
Ва гоҳ жунун маҳалласида арзол бўйинумға силлий урдилар ва атфол бошимға тош ёғдурдилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
2. пастки табақа, авом халқ:
Муноди қилиб барча атрофқа,
Хабар айтиб арзол-у ашрофқа. *Садди Искандарий*, 482-Т;
Аммо сарт улусининг арзолидии ашрофиғача ва омисидин донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

АРЗОНИЙ [ارزانی] – лойиқ, мувофиқ, муносиб, муяссар:
То бўлғай улусқа шоҳлиғ имкони,
Сен шоҳқа ву шоҳ санга арзоний. *Муншаот*, 14-210;
Кишвари Зобул анга арзоний,
Рустами Зол таки дарбоний. *Фавойидул-кибар*, 665-Т;
~ **тут-** – муяссар қилмоқ:
Ким айладинг ани олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-55;
Мавлоно Абдуллоҳ... бу давлат анга ва ҳар кимга насиб бўлса Ҳақ таоло арзоний тутсун омин. *Мажолисун-нафоис*, 84-Т.

АРИ [اری] – асалари; занбур:

Лаб аро оғзинг чучук тил бирла гўё англасам,
Шаҳдлиғ неши била гул баргини тешмиш ари. *Бадойиул-васат*, 434-Т.

АРИ- [اری] – тозаланмоқ, софланмоқ:

Дерсен ки ёр акси сенга тушкай эй кўнгул,
Аввал ғубори ғайрдин ойинасен ари. *Фавойидул-кибар*, 576-Т;
Ел-у туфрағ-у ўт-у судин ариб
Ҳам мен-у сен ҳам ул-у будин ариб. *Лисонут-тайр*, 25-Т;
Ўзум ўзлугум меҳнатидии ариб,
Бориб ўзлукдин ўзумдин бориб. *Садди Искандарий*, 515-Т.

АРИЗ [عریض] – аруз илми атамаси: *Мезанул-авзон*, 129-Т.

АРИЗА [اریزه] – ариза:

Мавлоно аризасини Хўжаға берди. *Мажолисун-нафоис*, 82-Т.

АРИЛ- [اریل] – тозаланмоқ, покланмоқ, тарқалмоқ:

Наргис арилмай маразидин ариғ,
Кўзлари айни яракандин сариғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-80.

АРИМАҚ [اریماق] – покланиш; қутилиш:

Хожа ҳаммомға йибарди ани,
Чирки ҳижрондин аримаққатани. *Сабъаи сайёр*, 10-163;
Бу гунаҳдин аримақ этсанг ҳавас,
Ул дағи осон эрур эй бул-ҳавас. *Лисонут-тайр*, 139-Т.

АРИН [عرین] – чангалзор, тўқай, беша:

Тоат айларда мўри хаста барин,
Лекин исён маҳали шери арин. *Сабъаи сайёр*, 10-15.

АРИТ- [اریت] 1. тозаламоқ, артмоқ, покламоқ, тозалатмоқ; сарфламоқ, холи қилмоқ, фориғ қилмоқ:

... кўрди ким кор остида тебранадур. Андин корни аритти ва деди сен ҳануз мундасен? *Насойимул-муҳаббат*, 177-Т;
Кўзи бирла аритти гардин анинг,
Қўпти филҳол очиб навардин анинг. *Сабъаи сайёр*, 10-87;
Асҳоб дедилар ки дирамларни берали ким мустароҳларни аритсунлар. *Насойимул-муҳаббат*, 39-Т;
Чаман туфрағин эй аҳбоб аритманг зор жисмимдин,
Либосин сўймангиз ҳазл айлабан мажнуни урёндин. *Наводируш-шабоб*, 502-Т;

2. кўтармоқ, бартараф қилмоқ:

Парда ҳижобини юзунгдин арит,
Саф аро сур элга ўзунгни танит. *Ҳайратул-аброр*, 7-278.

АРИТМАҒ/АРИТМАҚ [اریتماق / اریتماغ] – кетказиш, артиш, тозалаш:

Еғлиғинг элгимда ашкимни равона айларам,
Кўзга суртуб ашк аритмақни баҳона айларам. *Фавойидул-кибар*, 419-Т;
Эй Навоий енгда пинҳон этма ул ой рукъасин,
Чун санга улдур ҳамиша ашк аритмағ бирла тенг. *Бадойиул-васат*, 277-Т;
Ашк хунобидин ўлмиш кўзларим уммон киби,
Қон ёш аритмағдин элгим панжаи маржон киби. *Бадойиул-васат*, 447-Т;
Номаи иқболим ул янглиғ қародур журмдин.
Ким надомат ашкидин ани аритмақ ўлмағай. *Фавойидул-кибар*, 703-Т;
Яна биравга аритмағин буюрмақ не?
Яъни ўзумиз аритмақ керак. *Насойимул-муҳаббат*, 39-Т.

АРИШ [اریش] – қарич:

Ёр чун жонимда махфидур тафовут йўқ турур,
Жилва қилса зоҳир агар минг йиғач, гар бир ариш. *Наводируш-шабоб*, 248-Т.

АРИҚ/АРИҒ I [اریق / اریغ] – 1. ариқ:

Қор аритурда мукри ва ходимлар ва фаррошлар ва табақчилар барча бир бириға мадад бўлуб аритқайлар ва ариқ аритурда ким балчиғ била қумни ариқ ёқасиға йиғарлар мутавалли муздур тутуб кўтаргай. *Вақфия*, 14-269;

Камарда бир ариқ қазмаққа машғул,
Ариғ топиб камар шакли била тул. *Фарҳод ва Ширин*, 246-Т;

Хосса ким қондин оқибан юз ариғ,
Хар ариғ қилса ер юзини балчиғ. *Сабъаи сайёр*, 10-378;

Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг жанубий ҳадди... *Вақфия*, 14-258;

2. кўз ёшининг оқиши, оқадиган йўли:

Ғайр гарди борур ул пок сари,
Қани эй кўз бу маҳалда ариғинг. *Ғаройибус-сиғар*, 273-Т.

АРИҚ/АРИҒ II [اریق / اریغ] 1. – тоза; соф; пок, покиза:

Яна бир мисол: тўр ки домдур яна тўр ки андин дақиқрақдур ки қуш ўлтурур йиғачдур ва тўр ки андин дақиқрақдур, уйнинг тўридур ва тўр ки барчадин ариқдур тўрлуғни ё эшикни тўрмак амридур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;

Ва зарфлар бўшаб эрдилар ва бошларин ёпиб эрдук то ариқ қолғай ҳожат вақтиғача ... Деди бўш бўлса бошларин нега беркитибсиз? Дедим анинг учун ки ариқ қолғай. *Насойимул-муҳаббат*, 454-Т;

Тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-120;

2. янги:

Хирқасида вуслалар бари ариғ,
Ранглар анда қизил ёшил сариғ. *Лисонут-тайр*, 143-Т;

Ани чикарур кун ариғ тўн кийиб ариғ дастор чирмаб мотамийларға ким андуҳ-у изтироб юзидин беихтиёр йиғлар эрдилар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-100;

3. яхши, дуруст, маъқул:

То ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти. *Ҳайратул-аброр*, 7-164;

4. бебаҳра, узоқ, маҳрум:

Ёман юзлари ранги беҳад сариғ,
Қизил туклар анда сафодин ариғ. *Садди Искандарий*, 425-Т.

АРИҒЛИҚ/АРИҒЛИҒ [اریغ لیغ / اریغ لیق] – софлик, поклик:

[Саййид Ҳасан Ардашернинг] зот ва кўнгуллари ва зийнатлари ариғлиқға мушаҳид ва муқаррар эрмиш. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-91.

АРИҒЛИҒ [اریغ لیغ] – ариғлик:

Ҳар неча бўлса ариғсиз чун ариғлиғ сув аро,
Хилт бўлди мумкин эрмас қолмағ ул нопоклик. *Фавойидул-кибар*, 713-Т.

АРИҒСИЗ [اریغ سیز] – нопок; мудҳиш:

...ариғсиз иш сафо бўлмас ип ғанжиси асо бўлмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121.

АРИҒСИЗЛИҒ [اریغ سیز لیغ] – нопоклик:

Ул ариғ менда ариғсизлиғ сифат,
Васлини истарга мониъдур уят. *Лисонут-тайр*, 139-Т.

АРК [ارک] – сарой, қаср, арк, баланд қўрғон-сарой; ички қалъа:

Арки бийикрак тўққуз афлокдин,
Ўйла ки гардун курраи хокдин. *Ҳайратул-аброр*, 7-308;

Не қўрған бир ҳасин-у берк қўрған,
Фалак ҳиснини аркидек яшурған. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т.

АРКОН [ارکان] – 1. рукнлар, устунлар, таянчлар; Ислом биносининг аркони:
Қози ислом биносиға аркондур ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21;
...ва адл натижаси жаҳонгирлик арконин собит қилмақ ва одилға ул жаҳон саодати ҳам топилмақ. *Садди Искандарий*, 146-Т;
2. таркибий қисмлар, асослар:
Англағил арконини беиштибоҳ,
Аввал «Илаллоҳ» ила «ло илоҳ». *Ҳайратул-аброр*, 7-111;
Ўйла ки бу шартлар имкони бор,
Шартдин айру дағи аркони бор. *Ҳайратул-аброр*, 7-111;
3. бурчаклар; асослар:
Масжиди аркони бўлуб мухталиф,
Қибла жануби тарафи мунҳариф. *Ҳайратул-аброр*, 7-135;
4. рукнлар (арузда):
Анинг шарҳи будур ким ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазнда эрканин ва арконига қайси зиҳоф кириб не навъ тағайюр топқанин биткайлар. *Мезонул-авзон*, 12-Т;
~ **и давлат** – давлат устунлари; давлат арбоблари; амалдорлар:
Талаб қилди аркони давлатни бот,
Жулус амри этти қилиб илтифот. *Садди Искандарий*, 350-Т.

АРЛАТ [ارلات] – уруғ номи; улус номи:
Қим кўнгул сайд этса лўли бўлса ким тут муғтанам,
Айтман арлат ё барласдин бирар мирзода топ. *Наводируш-шабоб*, 68-Т;
Эй Навоий мени зор айлади бир лўливаш,
Ким ҳам арлат манга бўлди унут ҳам билгут. *Фавойидул-кибар*, 74-Т;
Арлат улуси ва тархон эминнинг улуқ кичики ани муқтадолиққа қабул қилибдурлар. *Насойимул-мухаббат*, 390-Т.

АРЛАТИЙ [ارلاتی] – арлот уруғига мансуб:
...темурий нажод шаҳзодалар ва барласий ниҳод озодалар ва арлатий исмлик садрнишинлар... *Вақфия*, 14-245.

АРМАНИ [ارمنی] – армани:
Арманидур гўйиё ул шўхи кофир туркман,
Ким етар дин мулкига кофир кўзи яғмаси чўх. *Фавойидул-кибар*, 113-Т;
Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитойи ўлсун ва ё армани ва ё ҳинду. *Наводируш-шабоб*, 514-Т;
Ишқи комил элни ё Фарҳод ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани ёхуд араб. *Наводируш-шабоб*, 45-Т.

АРМАНИВОР [ارمنی وار] – арманлардек, арманийча:
Мени чун қилди моҳи армани зор,
Чекай бир неча соғар арманивор. *Фарҳод ва Ширин*, 279-Т.

АРМАНИЙЯ [ارمنیّه] – Армания; Арманистон:
Ки чун ул хайлни ҳайрат қилиб данг,
Қилибан Арманийя сари оҳанг. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т.

АРМАНИСОЗ [ارمنی ساز] – армани ясаган май, арманча шароб:
Кетур соқий шароби арманисоз,
Тут ани шоҳ мадҳин айлаб оғоз. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т.

АРМОН [ارمان] – 1. ушалмаган орзу, истак: пушаймон; ўкинч:
Умид ила келдим вале армон била бордим. *Муншаот*, 14-174;
Бодадин коми лабинг бодасидин жон топтим,
Соқиё йўқтурур ўлсам доғи армон эмди. *Ҳаводируш-шабоб*, 631-Т;
Бу икки киши умр зоиъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-89;

2. орзу, умид, тилак:
Ва гар бизни истарга фармон эрур,
Бариға юзунг кўрмак армон эрур. *Садди Искандарий*, 252-Т;
Ултур деб анга ки бўлса фармон,
Ким йўқ анга мундин ўзга армон. *Лайли ва Мажнун*, 77-Т;

~ **элт-** – пушаймон емоқ, армонда кетмоқ, ўкинчламоқ:
Эй Навоий ўлсам армон элткумдур ичмайин,
Бир сабухи гул узори бода ошомим била. *Бадойиул-васат*, 412-Т;

~ **қол-** – армон қилмоқ:
Ўлтурур хижрон туни ўлсам ҳам армон қолмағай,
Тушта ҳам бўлса бир айёми висолингни кўриб. *Фавойидул-кибар*, 57-Т;

~ **чек-** – армонда кетмоқ:
Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал заҳри,
Навоий жон бериб ул жомини чекмактур армоним. *Бадойиул-васат*, 304-Т.

АРМОНЛИҒ [ارمان لیغ] *армонлик, нокомлик, умидсизлик, машаққат:*
Эй Навоий сен ҳуд эттинг кимса сендек этмасун,
Шоҳидин хирмонлиғ-у моҳидин армонлиғ доғи. *Бадойиул-васат*, 452-Т.

АРО [ارا] – 1. ўрта, ора, оралиқ масофа, оралиқ ўрин:
Ким ул ўқ ўтмади ярасидин,
Тери бирла сўнгак аросидин. *Сабъаи сайёр*, 10-108;
Ким шом-у саҳар қилиб мароға,
Минг тил била ун солиб ароға. *Лайли ва Мажнун*, 130-Т;
Чекиб бежиҳат бўйла хориж наво,
Аромизда кўрма хусумат раво. *Садди Искандарий*, 159-Т;

2. ўрталик, ўрта:
Ким ул мулк ғарбиға мойилдурур,
Аро ерда бир тоғ ҳойилдурур. *Садди Искандарий*, 425-Т;
Кетурди бу сўзни дебан нуктагўй
Аро ерга бир савлажон бирла гўй. *Садди Искандарий*, 163-Т;

3. пайтида, сабабли, туфайли:
Бу ким сайр аро элга еткай малол,
Анинг рухсатидур маҳалли савол. *Садди Искандарий*, 261-Т;
Булъажаблиғлар баҳори ишқ аро кўр ким мени,
Гаҳ булутдек йиғлатур гоҳи чақиндек кулдурур. *Ғаройибус-сиғар*, 142-Т;

4. бобида, борасида:
Ҳусн аро ҳур-у пари мағлуб анга,
Меҳр ила ой кўп кўрунмай ҳуб анга. *Лисонут-тайр*, 247-Т;
Равон кўпти бир шўхи чинийсиришт,
Малоҳат аро рашки ҳури биҳишт. *Садди Искандарий*, 360-Т;

5. орқали, ёрдамида; орқасидан:
Меҳнат ародур кушод топмақ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмақ билгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-174;

Кўрма арода ўзингни мискинлик аро,
Ким бўлди киши ҳалоки худбинлик аро. *Назмул-жавоҳир*, 15-177;

6. каторида, сафида:
Кўп тўъма ер эл аросидин ихрож ўл,
Савм аҳли аро бош кўй-у соҳибтож ўл *Назмул-жавоҳир*, 15-169;

7. масаласида:
Ишқ аро пок-у қаландарлиқ керак,
Шуъла баҳрида самандарлиқ керак. *Лисонут-тайр*, 202-Т;

8. юзида, устида:
Бир дам ул юз нақши гирён кўз аро топмас қарор,
Сув аро хуршид аксидек ки қилғай изтироб. *Наводируш-шабоб*, 41-Т;

9. ичра:
Ёман котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун қаламидек боши яра ва юзи қаро бўлсун. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27;
Икки рухсоринг эрур гул чаман аро,
Арақинг юз уза шабнам суман аро. *Мезонул-авзон*, 51-Т;
Яхши от била олам аро яхши от чиқарғаймен. *Муншаот*, 14-198;

10. билан:
Юз қаролиғ анча бўлмиш жаҳл аро,
Ким кўзумга қилди оламни қаро. *Лисонут-тайр*, 20-Т;

11. учун:
Амалнинг чу мақсуд аро дахли бор,
Тавонгарға кўпрак керак эътибор. *Садди Искандарий*, 129-Т;

12. ўрин-пайт келишиги маъносида:
Шоҳга бу умид ким ошиқ эса,
Ишқ даъвоси аро содиқ эса. *Лисонут-тайр*, 43-11;

13. жўналиш келишиги маъносида:
Ул ки авроқ аро ки солғай кўз,
Айлагай кўнглига асар бари сўз. *Арбаин*, 16-262;
Ҳар киши ким биравга қазғай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-304;

~ **қон аро** – қонли, қонга бўялган:
Гулрухум ёди била кўнглум эрур гулга ҳарис,
Ким берур Юсуф иси қон аро юз пора қамис. *Ғаройибус-сиғар*, 223-Т;

~ **дин кўтар-** – йўқ қилмоқ, енгмоқ:
[Искандар] Дороға хуруж қилиб ани ҳам юқари ўткандек ародин кўтариб жаҳон мулкин олди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-216;

~ **дин чиқар-** – йўқ қилмоқ, маъдум этмоқ:
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон. *Тарихи мулуки ажам*, 16-204;

~ **ға кир-** – даврага, қаторга қўшилмоқ:
Мавлоно Фатҳулло дағи эмди ароға кирган наврас йигитлардиндур. *Мажолисун-нафоис*, 110-Т;

~ **ға туш-** – ўртага тушмоқ, ҳимоя қилмоқ; аралашмоқ:
Туштум мен нотавон ароға,
Юз ранж-у бало ву ибтилоға. *Вақфия*, 14-250.

АРОЗИ [اراضی] – ерлар, маконлар, жойлар:
...ва мукаммал ва сарой ва боғча ва сойир арозиси била... *Вақфия*, 14-267;

Тўлди яна ғамдин ул арози,
Мажнун эли худ ўлимга рози. *Лайли ва Мажнун*, 296-Т.

АРОЗИЛ [ارذل] – энг паст табақа вакиллари; нокаслар:
Етса арозил кафидин бож анга,
Кўк сари тошлар нимадур тож анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-166.

АРОЙИС [عرايس] – келинлар; гўзалликлар:
... ва зиҳн шабистонидин аввал жилваи зуҳур қилған аройис...
Ҳайратул-аброр, 7-317;
Чаман аройиси зебиға бўлди ҳуснунгдин
Зулоли ойинадор-у насими нофакушой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т.

АРПА [ارپه] – арпа:
Агар отинг йўқтур арпа ғамини емассен. *Маҳбубул-қулуб*, 14-129;
Қачан сочса туфраққа буғдой бирав,
Йўқ имкон ким ул арпа қилғай дарав. *Садди Искандарий*, 314-Т.

АРРА [ارّه] – 1. арра:
... кўрар ки бир гўша башида аёғ узатиб ётибдур. Бир арра чиқариб анинг пошнасиға қўйуб торта киришти. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;
Ўз муборак илиги била экин суварурға бел урар эрди ва ашжор тарбиятиға теша ва арра сўрар эрди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-55;
2. наҳангнинг орқа умуртқа силсила тишлари:
«Син»и наҳанг орқасининг арраси,
Юз кеманинг офати ҳар парраси. *Ҳайратул-аброр*, 7-12.

АРРОН [ارّان] – Аррон (Азарбайжон ўлкасида вилоят номи):
Чу қишлоқ иши кўнглида эрди жазм,
Қарабоғи Аррон сари қилди азм. *Садди Искандарий*, 228-Т;
Ки чун қилди қишлақ азмиға шоҳ,
Қарабоғи Аррони оромгоҳ. *Садди Искандарий*, 238-Т.

АРРОС [عرّاس] – ҳанграш:
Бир эшакдур ки тағофул юзидин
Қилғай изҳор паёпай аррос. *Ғаройибус-сиғар*, 529-Т.

АРСА [عرصه] – 1. майдон, яланг жой:
Жавлонингға арса етти кишвар бўлсун,
Ҳар не тиласанг барча муяссар бўлсун. *Муншаот*, 14-172;
Маркаб ели арсани супурди,
Озарм гиёҳларин совурди. *Лайли ва Мажнун*, 211-Т;
2. кенглик:
Чарх йўқ мулки арсасиға адил,
Ўзга шаҳларнинг отича анга пил. *Сабъаи сайёр*, 10-238;
3. олам, дунё:
Бу арсада айлаган так-у пўй,
Сўз соҳатида бу навъ урар гўй. *Лайли ва Мажнун*, 230-Т;
Арсанинг бир гўшасин бот йўқ ки кеч,
Тортибан бузғач бу мажмуъ бўлди хеч. *Лисонут-тайр*, 213-Т;
4. иқлим:
Чу ёйди саропарда шавкатин
Ёйи арсада чолди беш навбатин. *Садди Искандарий*, 475-Т;
~ **и базм-** – базм майдони, саҳна:
Ким арсаи базми ичра етсам,
Барини анинг нисори этсам. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т;

~ **и боргаҳ** – подшо баргоҳи, зиёфатхонаси сатҳи:
Ҳам чарх бисоти арсаи боргаҳинг,
Ҳам ой жирми наъли саманди сипаҳинг. *Муншаот*, 14-198;
Дедим ки билай не шох эрур бу,
Не арсайи боргох эрур бу. *Лайли ва Мажнун*, 67-Т;
~ **и маҳшар** – қиёматда барча инсонлар тўпланадиган майдон, қиёмат майдони; арасот:
Ашк ўлтурди мени ҳашр элига доми агар
Чексалар арсаи маҳшарға бу тўфоним ила. *Наводируш-шабоб*, 567-Т;
Зоҳид-у фосиқ гадо ву муҳташам,
Арсаи маҳшар аро қўйғай қадам. *Лисонут-тайр*, 174-Т;
~ **и мотамча** – дунё мотамдек:
Оҳдин ким ҳар бири бир арсаи мотамча бор,
Ўксуди умрум недин ким ҳар бири юз дамча бор. *Фавойдул-кибар*, 735-Т;
~ **и олам** – олам сатҳи, ер юзи:
Арсаи оламға сабодек бориб,
Мехрдек обод-у бузуқ ахтариб. *Ҳайратул-аброр*, 7-63;
~ **и осмон** – осмон сатҳи, осмон кенглиги:
Яъни тутубан жаҳон юзини,
Бал арсаи осмон юзини. *Лайли ва Мажнун*, 64-Т;
~ **и офоқ** – осмон, фалак:
Сипеҳр гунбазини равшан эткали зотинг,
Чароғ ўлуб анга қандили арсаи офоқ. *Ғаройибус-сиғар*, 249-Т;
~ **и хок** – ер юзи:
Не ким жилвагар қилди афлок аро,
Не қилди аён арсаи хок аро. *Ғаройибус-сиғар*, 514-Т;
Биридин аён бўлди афлок иши,
Яна биридин арсаи хок иши. *Садди Искандарий*, 375-Т;
~ **и шатранж** – шахмат тахтаси:
Икки шатранж ўйнағучи устод,
Арсаи шатранжиға айлаб кушод. *Лисонут-тайр*, 212-Т.

АРСЛОН/АРСАЛОН [ارسلان / ارسالان] – шер, арслон:
Ишқ оламсўз келди қўй фусунунг эй хирад,
Етти чун ер кўкни йиртиб арслон эй тулку қоч. *Наводируш-шабоб*, 96-Т;
Баҳром арслонларни ҳалок қилиб тожни бошиға қўюб тахтға ўлтурди.
Тарихи мулуки ажам, 16-235;
Адолат қўлин тутти андақ бийик,
Ки топти амон арсалондин кийик. *Садди Искандарий*, 138-Т.

АРСЛОНЛИҚ [ارسلان لیق] – шерлик; ғолиблик:
Дард ила ҳажр қилғач арслонлик,
Муш ўлубмен вале ярим жонлик. *Сабъаи сайёр*, 10-123.

АРТИЛ- [ارتیل] – артилмоқ, покланмоқ, ошмоқ:
Ашким артилған учун хам бўлмамиш кирпикларим,
Ким ясабдур кўз хаёлин чеккали куллоблар. *Ғаройибус-сиғар*, 151-Т.

АРУЗ [عروض] – 1. аруз, шарқ назмидаги муайян қолиплар, вазнлар, қоидалар:
Ва муни туйуғ дерлар ва мунунг таърифин «Мезонул-авзон» отлиғ аруз ки битилибдур, анда қилилибдур. *Муҳокаматул-лугатайн*, 174-Т;
Аммо билгил ки аруз фанни ким назм авзонининг мезонидур шариф фандур.
Мезонул-авзон, 12-Т;

2. Арабистондаги бир водий номи:
Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳи ки бу фанниинг возиъидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир води эрмиш ва ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водида араб уйларин тикиб жилва бериб баҳоға кивурурлар эрмиш. *Мезонул-авзон*, 13-Т;

~ **аҳли** – аруз илми олимлари:
...араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур ва аруз аҳли ани «афоийл» ва «тафоийл» дерлар ва ул секкиз аслға мунҳасирдур. *Мезонул-авзон*, 15-Т;

~ **фани** – аруз илми атамаси:
Аммо билгил ки аруз фани ким назм авзонининг мезонидур шариф фандур. *Мезонул-авзон*, 12-Т.

АРУЗИЙ [عروضی] – аруз илмига оид атама; арузчилар:
...бу беш аслдин ҳар бирига неча фаръдур ким тағайюрлар сабабидин ки ани арузийлар «зиҳоф» дерлар. *Мезонул-авзон*, 15-Т.

АРУС [عروس] – эрта баҳор чечаклари: келин, келинчак:
Чун саҳар хутбасини чекти хурус,
Жилвагар бўлди кун нечук ки арус. *Сабъаи сайёр*, 10-163;
Чун саромад келди эрликда хурус,
Ҳақ анга берди неча зебо арус. *Лисонут-тайр*, 85-Т;

~ **и даҳр** – дунё келини; олам, куёш:
Тун-у кун жилва қилма эй аруси даҳр билмишмен,
Ки меҳнат субҳи бўлмиш қоқумунг ғам шоми синжобинг. *Фавойидул-кабар*, 352-Т;
Қилур машшотаи сунъ ошкоро,
Аруси даҳрнинг хусниға аро. *Фарҳод ва Ширин*, 163-Т;
Чиқса акдингдин аруси даҳр бергил нақди жон,
Демагил ким хун баҳодур ушбу ё кобинмудур? *Фавойидул-кибар*, 198-Т;

~ **и дилистон** – зебо келинчакдек дилрабо:
Ғалат қилдим бу тиҳматдин баридур,
Жаҳон раъно аруси дилистони. *Наводируш-шабоб*, 658-Т;

~ **и зеболиқ** – зебо келинчак:
Мен ҳам ул жавоҳирни пироста эткаймен то замона
Нав аруси зеболиқ либоси ул мурассаъ била зийнат топқай. *Назмул-жавоҳир*, 15-128;

~ **и мастура** – иффатли келинчак:
Орияти дасторин бошиға бурунчак қилғайлар ки аруси мастурадур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-42;

~ **и меҳр** – қуёш:
Бу тийра даҳрни гар ошиқ этмасанг бўлмас,
Аруси меҳр фалаки мазҳарида жилванамой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т;

~ **и парданишин** – парда ортида ўтирган иффатли келинчак:
Йўқ эрса ғунчаға ҳифзинг нечук ки парда арус,
Аруси парданишин янглиғ ўлмағай мастур. *Наводируш-шабоб*, 132-Т;

~ **и чарх** – фалак келини, ой, қуёш:
Аруси чарх тун кун доякирдор,
Бўлуб ҳар таври ҳолидин хабардор. *Фарҳод ва Ширин*, 134-Т.

~ **кўк аруси** – қиёш, офтоб:
Кўк аруси тўнин қилиб заркаш,
Чиқти андақ ки гулрухи маҳваш. *Сабъаи сайёр*, 10-177.

АРУСАК [عروسک] – ўйинчоқ; қўғирчоқ:

Киш меҳрини чун итикрак эттинг,
Қорнинг садафини арусак эттинг. *Лайли ва Мажнун*, 30-Т.

АРУСОНА [عروسانه] – келинларга хос; гўзал:

Баҳор эрди ву гул арусиға зеб
Арусона булбулға андин фиреб. *Садди Искандарий*, 378-Т.

АРФАЪ [ارفع] – энг юқори, энг юксак; юксакроқ, баландроқ:

Ул бири раҳмат малойикидин ашраф ва бу бири саодат сипеҳридин арфаъ кўрунди. *Муншаот*, 14-192;

...ўз кўнгли тилаганлар мавто азосин фарз билмак ва маҳбуби ҳакиқий ризоси била тирилмак. Бу мақомдур соликнинг аъзом мақомоти ва арфаъ даражоти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-64-65.

АРЧИ [ارچی] – гарчи, агарчи, шундай бўлса-да:

Бирав амонатини асрай олмас арчи эрур,
Худой амонатини асрамағ ҳаволат анга. *Фавойидул-кибар*, 12-Т;

Черик чекмай арчи кўрунур ирик,
Ириклик эмас рафъ чекмай черик. *Садди Искандарий*, 507-Т;

Туъмаға худхуд не ки муҳтож эрур,
Пайк бил арчи бошида тож эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-166.

АРШ [عرش] – 1. осмоннинг энг юксак қавати:

Жабраилосо аён юз роз анча,
Қурб арши авжида парвоз анга. *Лисонут-тайр*, 37-Т;

Гоҳ фарш ўрниға келиб арши,
Гоҳ арш устига чиқиб фарши. *Сабъаи сайёр*, 10-383;

2. юксак тахт:

Балки кудси рухининг гўё қуши,
Арш боғидин келиб кўнглим туши. *Лисонут-тайр*, 253-Т;

Ранж ўти кўкка чекар эрди алам,
Аршни куйдургудек курсини ҳам. *Лисонут-тайр*, 131-Т;

~ **и аъзам** – энг улуғ тахт, арш:

Бу навъ ўлсалар арши аъзам эли,
Не бўлғай хаёл айла олам эли. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-68;

Чархи аълоға шукуҳидан шикаст,
Арши аъзам миннати оллимда паст. *Лисонут-тайр*, 91-Т;

Кибр аҳли қошида арши аъзам,
Фақр аҳли қошида заррадин кам. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

~ **и аъло** – энг юксак арш:

Сўфийи олами кудсий сен-у асҳоби русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг. *Ғаройибус-сиғар*, 271-Т;

~ **и барин** – юқори, юксак арш:

Ҳам рафиқингға арши баринда макон,
Ҳам буроқингға хулди баринда чаро. *Бадойиул-васат*, 7-Т;

~ **буржи** – осмоннинг юқори чўққиси:

Фалак гунбади ичра қандилдек,
Ваё арш буржида Жибрилдек. *Садди Искандарий*, 49-Т;

~ **сутуни** – осмон таянчи, дунё устуни:

Ҳайъати махрути ила мустатил,
Арш сутуни бўлуридин далил. *Ҳайратул-аброр*, 7-310;

~ **қандили** – куёш, ой:
Арш қандили гумон қил шишадек софий кўнгул,
Урмағил дам ким топар елдин ҳалал равшан зужож. *Бадойиул-васат*, 75-Т;
~ **и муалло** – арши аъло, юксак арш:
Солик ани арши муалло деди,
Софи ани олами кубро деди. *Ҳайратул-аброр*, 7-12;
~ **и муқаддас** – муқаддас тахт:
Қубба бўлуб арши муқаддас анга,
Бир қафаси чархи муқарнас анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-310.

АРШАД [ارشد] – катталар, улуғлар; энг ақлли:
...барчанинг ағаси ва аршади ул азиз фарзанддур. *Муншаот*, 14-165.

АРШЖАНОБ [عرش جناب] – энг юксак даргоҳ; улкан тахт мансабига эга:
Хожаи комёби аршжаноб,
Бўлубан баҳри васлдин сероб. *Сабъаи сайёр*, 10-27;
Чарх зулм этса Навоий тиламас дод андин,
Азми даргоҳи шаҳи аршжаноб айласа бас. *Бадойиул-васат*, 178-Т.

АРШОЙИН [عرش آیین] – арши аъло даражасидагидек:
Бу янглиғ фалак тазйин даргоҳдин ва бу навъ аршойин боргоҳдин хитоби садматомиз ва ҳукми ҳайратангиз етишти. *Ғаройиб ул-сиғар*, 3-13.

АРШОСО [عرش آسا] – аршдек юксак:
Не нома эрди ким аршосо даргоҳдин нозил бўлди. *Муншаот*, 14-178.

АРШПАЙВАНД [عرش پیوند] – фалакнинг энг юксак қаватига пайванд:
Ер мақдамидин фалакка монанд,
Ул бу фалак узра аршпайванд. *Лайли ва Мажнун*, 187-Т.

АРШПАРВОЗ [عرش پرواز] – аршда парвоз этувчи, юксакка кўтарилувчи:
Аршпарвоз ўлди кирган жаннати ахлоқ аро,
Эй хуш ул ким топти ул хушхўйлуқнинг учмағин. *Фавойидул-кибар*, 482-Т.

АРШСАЙР [عرش سیر] – осмоннинг юқори қаватларини сайр қилиш:
Тўкти юз минг қон бу золим қўҳна дайр.
То Муҳаммад бўлди бир тун аршсайр. *Лисонут-тайр*, 211-Т.

АРШСАРИР [عرش سریر] – юксак тахт:
дунёда Ҳақ таоло аларни шоҳи тахтгир қилғандек охиратда ҳам муқарраби даргоҳ-у арш сарир қилған. *Мажолисун-нафоис*, 201-Т.

АРШСО/АРШСОЙ [عرش سای / عرش سا] – аршга етган, осмон чўққисига тенг, аршча етган:
Ислом алифи анга ливо бил,
Син кунгири қасри аршсо бил. *Лайли ва Мажнун*, 67-Т;
Пояси рифъатда бўлғай аршсой,
Соясидин бумни қилғай ҳумой. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

АРШФАРСО [عرش فرسا] – арш каби юксак, аршга еткан:
Ҳам ўлсун пояи тахтинг фалаксо,
Ҳам ўлсун тожи қадринг аршфарсо. *Муншаот*, 14-166.

АРҚАМ [ارقم] – олачипор, заҳарли илон:
... рўзгори буқаламун арқами бир пайса таноб ва сабоъи салобатидин чархи дун асадиға паргиздин ясаған шерча ҳисоб. *Муншаот*, 14-147-8.

АРҚОМ [ارقام] – рақамлар:
Қилиб ҳукмлар анжум аркомида,
Рақамлар қўюб эрди аҳкомида. *Садди Искандарий*, 118-Т;

Ва саҳву хато арқомиға эътироф варзиш этиб ҳақдин ул бобда талаби омурзиш қилмақ. *Лайли ва Мажнун*, 374-Т;

Бода ғам дафъин қилур кайфийятин десанг билай,
Ол иликка жом-у арқоми каноридин ўқу. *Фавойидул-кибар*, 501-Т.

АРҒАДА- [ارغده] – алдамоқ, ҳийла, макр қилмоқ:

Мени бедил санга жон ўйнамақ бирла ярайдурмен,
Бале сен тифлни бу туҳфа бирла арғадайдурмен. *Ғаройибус-сиғар*, 349-Т;

Ней учун ки турк алфози возии асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузъи мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдур ки соҳиби вуқуф киши то зоҳир қилмас инонса ҳам бўлмас. Андақ ки... арғадамақ ва ишанмак ва игланмак...

Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т.

АРҒАДАЛ [ارغدال] – яшириниш, пана жой; пистирма учун фойдаланадиган тоғ даралари:

... ул дашт аро кўп арғадал намудори ва ҳабобдин ул йўл аро кўп сангреза осори ва Искандарнинг мухит марказига еткани... *Садди Искандарий*, 456-Т;

Арғадал ичра қароқчи махфий ўлғандек дурур,
Фитна хайлиға яна зулфунг дағи чин-у шикан. *Наводируш-шабоб*, 501-Т;

Зулфининг ҳар чинида юз фитнадур дин аҳлиға,
Арғадал ичра кароқчи айлаган янглиғ камин. *Наводируш-шабоб*, 451-Т.

АРҒАМЧИ [ارغمچی] – арғамчи:

Илоҳи агар дастгир сен бўлмасанг асо ҳамон-у ит ғунжиси ҳамон ва агар пардапўш сен бўлмасанг ридо ҳамон-у эшак арғамчиси ҳамон. *Муножот*, 16-296.

АРҒАНУН [ارغنون] – музика асбоби, орган:

Басо аҳлуллоҳ ки арғанун унидин дайрға кирди ва дин ва ислом нақдин муғбачаларға бой берди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-30;

Савти ноқис-у кавойи арғанун,
Шайх дини мотамиға тортиб ун. *Лисонут-тайр*, 111-Т;

Арғанун савти ву ноқус уни бирла ҳар ён,
Юз муғона амали-у қавл ила ғавғо эрди. *Фавойидул-кибар*, 590-Т.

АРҒУВОН/АРҒАВОН [ارغوان] – арғувон, қизил гулли дарахт:

Қоматингдек боғи ҳусн ичра йўқ сарви равон,
Оразингдек худ қони сарв узра улдек арғувон. *Наводируш-шабоб*, 444-Т;

Юзунг хижолатидин арғувонға тушти тағайюр,
Дарахти рангидин англар киши ки қони қурушмиш. *Наводируш-шабоб*, 261-Т;

~ **и май** – қизил май:

Ўзи илгида арғувони май,
Этти оллида ҳасм қони май. *Сабъаи сайёр*, 10-237;

~ **бўл-** – қизармоқ:

Юзунг ҳажрида бил ким қон ёшим оқмиш чаман ичра,
Қачон кўрсанг ки ҳар бир шох уза гул арғувон бўлмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 205-Т.

АРҒУВОНГУН [ارغوانگون] – қизил тусли:

Арғувонгун юз бинафшаранг хат жоним олур,
Хилъати бўлсун анинг гар арғувоний гар бинафш. *Фавойидул-кибар*, 264-Т.

АРҒУВОНИЙ/АРҒАВОНИЙ [ارغوانی] – қизил рангли:

Аргувоний тўн била то жилва қилдинг ваҳ ки бор
Ҳайратингдин арғувон шоҳиға ҳар яфроғ доғ. *Наводируш-шабоб*, 298-Т;

Кирпикимдур арш қони бирла шаҳи арғувон,
Раҳм қил эй арғуваний ранг тўнлуқ навжувон. *Бадойиул-васат*, 366-Т;

Арғавон-у сарв истармен чаманда,
Арғавний тўн била ул сарв қилди нотавон. *Ғаройибус-сиғар*, 346-Т.

АРҒУВОНРАНГЛИК [ارغوان رنگلیک] – арғувонранглик:
Бўлуб жилва қилған замон арғувон,
Тўни арғувонранглик навжувон. *Садди Искандарий*, 380-Т.

АРҒУВОНРЕЗ [ارغوان ریز] – қон ёш тўкувчи, қонли кўз ёши тўкувчи:
Юз узр ила қўпти сарви навхез,
Наргисларин айлаб арғувонрез. *Лайли ва Мажнун*, 309-Т.

АРҒУВОНХАД [ارغوانخد] – қизил юзли, гўзал ёноқли:
Кейнида неча канизи ҳамқад,
Барча гулрўй-у арғувонхад. *Лайли ва Мажнун*, 108-Т.

АРҒУМАҚ [ارغماق] – арғумоқ, зотли чопқир от:
Яна от анвоида ки тўбучақ ва арғумақ ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлуқ барин туркча-ўқ айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-177-Т.

АРҒУШТАК [ارغشتاک] – рақс, ўйин, куй:
Яна кўшиқдур ким арғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубдур. Ва ул суруд аъробнинг тева сурар худолари вазни била рамали мураббаъи маҳзуфда воқеъ бўлур. *Мезонул-авзон*, 58-Т;
Хуш улки базмда айлар тапарда арғуштак,
Шаҳ апда тамбура чолиб Навоий деса қўшуқ. *Бадойиул-васат*, 248-Т.

АСАД [اسد] – 1. шер, арслон:
Ҳам қоплонидин асадға эмгак,
Ҳам таккаси жадий бирла ҳамтак. *Лайли ва Мажнун*, 312-Т;
Бу бор эди бир ғазоли хушбу,
Худ шум асадинг эмас эди бу. *Лайли ва Мажнун*, 334-Т;

2. шамсия йилиннинг бешинчи ойи; қуёш буржларидин бешинчи бурж:
Асад ўзни саки шикорий этиб,
Сунбула донасин нисорий этиб. *Сабъаи сайёр*, 10-24;

~ **бешаси** – асад ойининг буржи:
Чунки шубонлиқ этиб ўз пешасин,
Жадй ватан айлаб асад бешасин. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

~ **буржи** – асад буржи; подшо даргоҳи, ўрдаси, тахти:
Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт ул ким манозил сайридин хуршед ўз манзилиға яъни асад буржиға юзлангани ва қулан овидин шер ўз бешасиға яъни Журжон тахтгоҳи гардун иштибоҳиға қайтқани эшитилди. *Муншаот*, 14-176.

АСАДКИРДОРЛИҚ [اسدکردارلیق] – шерлик килиш, шер қилиқлик, шер феъллик:
Фаридин топти қўзи кўчқорлик,
Саврға етти асадкирдорлик. *Лисонут-тайр*, 24-Т.

АСАЙЛА- [اسیلا] – унитмоқ; сақламоқ:
Яъни қачан кўрсанг ки Ҳақ таоло халқдин ваҳшат берди андақ ки ҳозирдин асайламассен ва ғойибни тиламассен. *Насойимул-муҳаббат*, 130-Т.

АСАЛ [عسل] – бол:
Нўшханд этканда лаълингдин кўрунмишму тишинг
Англаман ёхуд асал ичра ёзилған синмудир. *Фавойидул-кибар*, 198-Т;
Занбур ғавғосидин ниш мутасаввардур ва асал савдосидин нўш муяссардур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-85;
Филҳол асал ва розёна тилаб эди ва оғриқ дафъ бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 273-Т.

АСАММ [أصم] – кар, гаранг:

Дедилар ки асамм эмас эрди ва бир амри воқиъ бўлди ки ани асамм дедилар.
Насойимул-муҳаббат, 41-Т.

АСАНН [أسن] – қария, кекса:

Неча бўлсалар умр бирла асанн,
Топарлар камол ичра важҳи ҳасан. *Садди Искандарий*, 287-Т.

АСАПҚУР [اسپقور] – асапкур, полкурак (қўйнинг елка сўнгаги, учаси):

Паёпай асапкурни айлаб равон,
Емактин бўлуб ожиз ул нотавон. *Садди Искандарий*, 366-Т.

АСАР [أثر] – 1. из, қолдиқ, белги, аломат:

Мавлоно Хуррамий Ҳирий одамизодаларидиндур. Аммо ўзида одамийликдин асар балки бўйи йўқтур. *Мажолисун-нафоис*, 85-Т;

Йўқ эди анда шикоятдин асар,
Таън-у ташниъ-у киноятдин асар. *Лисонут-тайр*, 249-Т;

2. таъсир:

Воиз ким... буюруб ўзи қилмағай ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.
Маҳбубул-қулуб, 14-32;

~ **и иноят** – иноят асари:

Султони соҳибқирон асари иноятидин ва мухлиси тарбиятидин Паҳлавоннинг иши сўнгралар улуқ бўлди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 117-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – таъсир қилмоқ:

Бирига ҳар ройиҳа айлаб асар,
Хоҳ куруқ нофау гар мушки тар. *Ҳайратул-аброр*, 7-94;

ва анинг метини ламъасининг барқи мунунг хородек кўнглига асар эткани...
Фарҳод ва Ширин, 289-Т;

Мавлоно Муҳаммад Табодагоний... ҳар қачан самоъға кирса эрди бовужуд ким ушул қоидаси била ҳаракати мувофиқ эрмас эрди, аммо халойиқға андақ асар қилур эрди ким кўп йиғлар эрдилар. *Мажолисун-нафоис*, 35-Т;

Ким кўнгулга ўти асар қилғай,
Жонға куйдирмаги хабар қилғай. *Сабъаи сайёр*, 10-54;

Шаҳниг афъоли этар хайл-у сипоҳиға асар,
Чун наби деди ки «анносу ало дини мулук». *Ғаройибус-сиғар*, 529-Т;

~ **еткур-** – 1. таъсир қилмоқ:

Агар неш урсалар ва чўкур санчсалар сувурғандин сўнг юзига асар еткурмас, яъни ўзига келтурмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-97;

2. бахра, хабар келтирмоқ; нишона кўрсатмоқ:

Яна ҳақиқат аҳлининг сархайлу сарафрози Хожа Ҳофиз Шерозий никот ва асрорин ки анфоси рухул-қудусдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидин асар еткурур.
Муҳокаматул-луғатайн, 182-Т;

~ **ўл-/бўл-** – мавжуд бўлмоқ; таъсир топмоқ:

Жисми шарар айрилмақ ила балки туганди,
Қўнглида муҳаббат шараридин асар ўлған. *Бадойиул-васат*, 359-Т;

Кўзунга ўхшағай наргис агар қиймоч ўлуб оқи
Мудаввар асфари ичра қаролиғдин асар бўлғай. *Наводируш-шабоб*, 611-Т;

~ **топ-** – таъсирланмоқ:

Улуғидин дағи асар топай,
Балки ўздин дағи хабар топай. *Сабъаи сайёр*, 10-26.

АСАРИЧА [اثریچه] – орқасидан, изидан:

Соҳиби ҳар неча интизор тортибдур ул пайдо бўлмайдур. Оқибат тилай асарича боribдур. *Насойимул-муҳаббат*, 73-Т;

Расул саллаллоху алайҳи ва саллам бу сўзни айтти ва азимат қилди ва мен асарича бориб дедим. *Насойимул-муҳаббат*, 133-Т.

АСАРЛИҚ/АСАРЛИҒ [اثرلیغ / اثرلیق] – таъсирчанлик, жозибадорлик:

Бўлғач тили лафздин хабарлиқ,
Ҳар лафз ки деб бари асарлиқ. *Лайли ва Мажнун*, 94-Т;
Лек анда тухфа сўз-у дард эрур,
Бир асарлиғ оҳи ғампарвард эрур. *Ласоиут-тайр*, 190-Т.

АСАРСИЗ [اثرسیز] – 1. изсиз, белгисиз, бенишон; хабарсиз:

Асарсиздир кўнгулда шуълин ризқ,
Бўлур чун қалб рўхаш айлаган мис. *Наводирун-ниҳоя*, 2-192;

2. таъсирсиз, таъсирланмайдиган:

...ул ишқ ўти ҳароратидин бу ҳолдин хабарсиз ва яланг аъзоси қор ва замҳарир бурудати шиддатидин асарсиз туруб эрди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-49;

...баъзи аҳбоб ки бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва шарддин асарсиздур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-49;

АСАС [عسس] – тун соқчиси, кеча қоровули, посбони:

Оқибат бир кун асаслар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқардилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-57;

Дайри фано майли қилди ринди харобот,
Ким кеча алда не шиҳнадур не асасдур. *Фавойидул-кибар*, 200-Т.

АСАФО [اسفا] – афсус, ачиниш, таассуф; надомат; эвоҳ;

...жазаъи акбар вовайлоси ошубу фазаъ маҳшарда асафоси аларнинг ниҳодидин фалаки ғаддорға майл эткай ва бу сипеҳри давворға еткай. *Маҳбубул-қулуб*, 16-67.

АСАҲҲ [اصح] – энг тўғри, сахих:

Аммо асаҳҳ ул дур ким тиҳа балийяси айёмида эркандур.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-146.

АСБ [عصب] – боғ, боғлаш; аруз илмида бир жузнинг бешинчи ҳарфини сокин қилиш:
Мезонул-авзон, 130-Т.

АСБАКБОЗЛИҒ [اسبک بازلیغ] – ўйнашиш; сатанлик:

(Хотунларнинг) пардада ўлтурмағлари ҳийласозлиғ ясаниб отланмағлари асбакбозлиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-479.

АСБОБ I [اسباب] – сабаблар, баҳоналар, воситалар:

Очибан элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асбобини. *Ҳайратул-аброр*, 7-127;
Ки қил бартараф кина асбобини,
Узорингға оч сулҳ абвобини. *Садди Искандарий*, 339-Т.

АСБОБ II [اسباب] – 1. жиҳозлар, анжомлар; керакли нарсалар; яроғлар:

Зуҳал асбобин айлади бир бир,
Хиндуйидек ки бўлса маъракагир. *Сабъаи сайёр*, 10-24;
Айлаб аркони давлат ишга шитоб,
Бўлди омода не керак асбоб. *Сабъаи сайёр*, 10-132;
Султон Бадиуззамон Мирзо... базм асбобидин ичмак ва бағишламакда бемонанд. *Мажолисун-нафоис*, 209;

2. молу дунё, қимматбаҳо нарсалар, безакли буюмлар:

Бири олам асбоби ҳижрони бил,
Муассир жаҳон аҳлиға ани бил. *Садди Искандарий*, 418-Т;
Дунё асбоби нажосат кибидур мазбалада,
Покрўлар нечук ўзни анга қилғай машъуф. *Фавойидул-кибар*, 298-Т;

3. дастархон, нозу неъматлар:
Сендин ажаб эрди бари эй дўст,
Душманлар учун тузатмак асбоб. *Бадойиул-васат*, 482-Т;
4. илож, воситалар:
Анинг дафъи асбобин ийнак тузай,
Анга ул ким эрканлигин кўргузай. *Садди Искандарий*, 161-Т;
5. кишанлар, банд қилиш воситалари:
Давлати зоҳир ки маҳбуб айладинг тарк айла ким
Қайдинга зулфайни дол-у ломидин асбоби бор. *Ғаройибус-сиғар*, 165-Т;
6. эрмак, овунчоқ; зебу зийнат:
Кўп равза била жаврини кўргузма юз очқил,
Ким хаста Навоий эмас асбоб ила мултаз. *Наводируш-шабоб*, 130-Т;
7. қобилият, бардош, тоқат:
Бу нома ки жонни қилди бетоб,
Ёзмаққа жавоб йўқтур асбоб. *Лайли ва Мажнун*, 252-Т;

~ **и айш** – айш-ишрат, хурсандчилик учун зарурий нарсалар:
Эй Навоий гар муҳайё топмасанг асбоби айш,
Ғам ема шаҳ қуллуғи юз айш учун асбоб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 168-Т;

~ **и кибор** – яқин улуғлари:
Абул-Қосим ал-Қасрий Жунайднинг асбоби киборидин эрди.
Насойимул-муҳаббат, 159-Т;

~ **и мурод** – кўнгил исгаган буюмлар:
Кўрди ўзни бир назаҳ гулшанда шод,
Теграсида жамъи асбоби мурод. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

~ **и нажот** – халос бўлиш, қутулиш воситаси, нажот йўллари:
Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен. *Назмул-жавоҳир*, 15-139;

~ **и саодат** – бахтли бўлиш воситалари:
Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;

~ **и суварий** – бўлак сабаблар; дунёвий машғулотлар:
Муҳаммад Табодконий... иршод маснадида толиблар ва муридлар такмилиға машғул бўлур эрдилар барча асбоби суварийни барҳам уруб ул бузургвор хизматиға бориб фақр тарикин ихтиёр қилдилар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-98;

~ **и сур** – тўй, базм асбоблари;
Муҳайё бўлуб ҳар сифат хоста
Чу асбоби сур ўлди ороста. *Садди Искандарий*, 378-Т;

~ **и танаъъум** – базм азбоб анжомлари:
Тузалди анча асбоби танаъъум,
Ки гулшан бўлди анинг остида гум. *Фарҳаод ва Ширин*, 164-Т;

~ **и тараб** – хурсандчилик, шодлик сабаблари; базм асбоблари:
Анда худ омода асбоби тараб,
Мунтазир хилватда моҳи нўшлаб. *Лисонут-тайр*, 225-Т.

АСБОҚ [اسباق] – сабоқлар, дарслар, таълимлар:
Тенгизда равон қилған асбоқини,
Чекилган масоҳатнинг авроқини. *Садди Искандарий*, 459-Т.

АСВОБ [اثواب] – кийим-кечаклар; либос:
Иккиси жисмида не ким асвоб
Бор эди сарбасар яшил мошоб. *Сабъаи сайёр*, 10-204;

Одина куни Баҳромнинг кофурий асвоб била қасри кофургун ичинда мушкин зулфи кофурий либос била тахти ож узра... *Сабъаи сайёр*, 10-334.

АСИЛ [اصل] – ҳақиқий, насли тоза; шарафли:

...замоннинг асил мирзозодалари тараддуд ва ижобсиз ва таҳоший ва изтиробсиз алар била мусоҳиб бўлур эрмишлар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-91;

...Амир Давлатшоҳ ким Хуросон мулкининг асил мирзодалари орасида фазл ва дониш зевари била баҳраманд. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т.

АСИР [اسير] – 1. асир, туткун, банди:

Деди Жабир ки эй қўлумда асир,
Разм-у кўшишда қилмадинг тақсир. *Сабъаи сайёр*, 10-286;

...асирлардин бири Шопур ҳолидин воқиф бўлуб ани халос қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-231;

2. мубтало, ошиқи беихтиёр, муштоқ:

Уч зори заифи ногузирим,
Ким бордур ул менинг асирим. *Лайли ва Мажнун*, 182-Т;

3. қарам, муте, тобе; муҳтож:

Сен халойиққа бўлиб фармонпазир,
Дона бирла сув учун зор-у асир. *Лисонут-тайр*, 67-Т;

Султон Абусаид Мирзо замонида ким Хуросон аҳли Самарқанд элига асир эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т;

~ **и андух** – дарду ғамга мубтало бўлган; сариштасини йўқотган:

Қўймишсиз ани асири андух,
Ким тутмиш гоҳ дашт гоҳи кух. *Лайла ва Мажнун*, 207-Т;

~ **и банд** – туткун, банди қул:

Ул пари ким телбаларга ишқидин монанд эдим,
Зулфи занжирида мажнундек асири банд эдим. *Ғаройибус-сиғар*, 495-Т;

~ **и дард** – дард, алам, ғам-ғусса:

Сендин айри то асири дарди ҳижрон қолмишам,
Бу ки ўлмай қолмишам ҳолимға ҳайрон қолмишам. *Ғаройибус-сиғар*, 337-Т;

Асири дард ич-у таши анинг
Ки то ўн тўрт бўлди ёши анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 139-Т;

Англаб бир асири дарду оҳи
Оғзиға нафас келурни гоҳи. *Лайли ва Мажнун*, 148-Т;

~ **и изтироб** – азоб, қайғу, аламга йўлиққан:

Бу қайғу асири изтироб этти мени,
Ҳосил ки бу андеша хароб этти мени. *Назмул-жавоҳир*, 15-134;

~ **и куфр** – мафтун бўлган; муҳаббатга сиғинган:

Зулфин очти ул санам эй шайх бовар қилмасанг,
Ким асири куфрмен бут бирла зуннорима боқ. *Ғаройибус-сиғар*, 256-Т;

~ **и маҳжур** – тарк этилган унитилган, узоқлашган банди:

Фикр айла ки ул асири маҳжур.
Фаҳм этса сенинг била манга сур. *Лайли ва Мажнун*, 292-Т;

~ **и миҳан** – меҳнат бандиси, қули:

Сайрда кўрдум бир асири миҳан,
Бир кучак орқасиға юклаб тикан. *Ҳайратул-аброр*, 7-152;

~ **и фироқ** – фироқ асири, айрилиқ, ҳижрон туткуни:

Бирав ки ёрдин айру эрур асири фироқ,
Арода хоҳ якин тут йўлини, хоҳ йирак. *Муншаот*, 14-155;

Киши дам-бадам куймак эрмас йирак,
Ким ул мендек ўлгай асири фирок. *Садди Искандарий*, 417-Т;

~ **и куллоб** – чангак асири:
Бу ҳалқа аро асири куллоб
Сўз риштасидин навъ очар тоб. *Лайли ва Мажнун*, 158-Т;

~ **и ғам** – қайғу-ғам асири:
Тўкуб ашк мендек асири ғаме;
Вале ҳар кўлумға тушуб оламе. *Садди Искандарий*, 524-Т;
Чун кўруб ул Золни бир Рустаме,
Бўлди ҳавосида асири ғаме. *Ҳайратул-аброр*, 7-248;

~ **и ғамгин** – ғамгин асир:
Ул қойил-у юз асири ғамгин
Барининг ўлуб ҳадиси омин. *Лайли ва Мажнун*, 193-Т;

~ **и ғамкаш** – ишқ асири, мубтало:
Эй кимни ки айлабан париваш,
Мажнун анга юз асири ғамкаш. *Лайли ва Мажнун*, 28-Т;

~ **и ҳажр** – ҳажр асири:
Насими васлига хўи айлаган кўнгулларни,
Асири ҳажр этибан мубталойи ғам қиладур. *Ғаройибус-сиғар*, 159-Т;

~ **бўл-** – 1. қўлга тушмоқ, тутқун бўлмоқ; қарам бўлмоқ:
Яна бўлди Луҳрасп соҳиб сарир,
Ки бўлди қўлида салотин асир. *Тарихи мулуки ажам*, 16-210;

2. мубтало бўлмоқ, ошиқи беихтиёр бўлмоқ, гирифтор бўлмоқ:
Бор эди бир бедили зори ҳақир,
Бўлди бир бадмеҳр ишқиға асир. *Лисонут-тайр*, 262-Т;

3. ғарқ бўлмоқ, ботмоқ:
Гуноҳ лойида кимса бўлса асир,
Топилғач аёғ бўлғай ул дастгир. *Садди Искандарий*, 306-Т;

~ **у бенаво бўл-** – асиру бенаво бўлмоқ:
Не тонг минг тил била афғонинг эй булбул ки сендурсен,
Бу гулшанда Навоийдек асир-у бенаво бўлган. *Фавойидул-кибар*, 473-Т;

~ **ўл-** – мубтало бўлмоқ; боғланмоқ:
То ишқ балосиға фақир ўлди кўнгул,
Ҳар кўз ҳаримиға асир ўлди кўнгул. *Назмул-жавоҳир*, 15-160;
Биравни кўз кўруб кўнглум асир ўлғанни ёшурсам,
Гаҳ ашким имтидоди фош этар гаҳ оҳи ногоҳим. *Бадойиул-васат*, 304-Т;

~ **кил-** – 1. тутмоқ, қўлга туширмоқ, банди қилмоқ:
Фируз... Ҳурмуз бошиға келди ва ани асир қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-238;
Бу худ ул навъ шаҳни қилди асир
Ки чекар эрди чанги билан нафир. *Сабъаи сайёр*, 10-253;

2. ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ:
Ва лекин ани даги бу кунда пир
Ажал хайли илкига қилди асир. *Тарихи мулуки ажам*, 16-240;

~ **эт-** – ўзига қаратмоқ, маҳлиё, ром этмоқ:
Мени гар муғбача дайри фано ичра асир этти,
Чу тақдир эрса эй шайх ҳарамни қилғасен тағйир. *Наводируш-шабоб*, 133-Т;

~ **и каманд эт-** – тутқин, банди қилмоқ:
Суханвар аёғини банд эттилар,
Қўлин ҳам асири команд эттилар. *Садди Искандарий*, 331-Т;

~ **айла-** – 1. банд қилмоқ, мубтало бўлмоқ:
Яна бир сойил деди: к-эй беназир,
Айламиш бир ишқ кўнглимни асир. *Лисонут-тайр*, 156-Т;
2. нафсни ўлдирмоқ, нафсни енгмоқ; ғолиб келмоқ:
Сен шаҳ аммо нафсқа зор-у ҳақир,
Ул гадо ву нафсни айлаб асир. *Лисонут-тайр*, 146-Т;
3. мажбур қилмоқ:
Укчи этти ўзни меҳнатка асир,
Ким бу шояд шаҳға бўлғай дилпазир. *Лисонут-тайр*, 194-Т.

АСИР II [عصير] – юксак; осмон, фалак; кўёш:
Дегайсен юқорроқ чиқиб замҳарир,
Қуйирақ тушубтур сипеҳри асир. *Муншаот*, 14-139;
Қани Баҳром шоҳи чархи сарир,
Ки сарир айлади сипеҳри асир. *Сабъаи сайёр*, 10-385.

АСИРЛИК [اسيرليک] – бандилик, тутқунлик:
Исфандиёр бориб Аржаспни ўлтуруб Туронни Байтатқача олиб сингилларин асирликдин чиқариб азим ғанойим била келди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-210;
... ва ано қабри бошида асирлик мунги билан навҳа қилғани.
Лайли ва мажнун, 318-Т.

АСИРОНА [اسيرانه] – асирларча, тутқун каби:
Уйқуда хаста-у асирона,
Ери ул йўл бошида вайрона. *Сабъаи сайёр*, 10-171.

АСИҒ [اسيغ] – фойда, наф, баҳра:
Каломи неча ким соф-у ариғдур,
Манга нуқсондин ўзга не асиғдир. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;
Хирадманд пандини кўрган ачиғ,
Сўнгида пушаймонлиғи не асиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-529;
~ **бўл-** – фойда, наф бўлмоқ:
Мундақ кишининг мақсуди тамом асиғ бўлмаса ва бу асиғ ҳусули учун ранжи қатиғ бўлмаса... мундақ киши хожа эмас. *Маҳбубул-қулуб*, 10-34;
~ **еткур-** – наф келтирмоқ:
Ҳар неча адаб бўлса қатиғ еткургил,
Хайлингға адаб қилиб асиғ еткургил. *Назмул-жавоҳир*, 14-137;
~ **қил-** – фойда қилмоқ, наф келтирмоқ:
Уйға не асиғ қилур бу парвор
Ким ўлса ву паҳи келса харвор. *Лайли ва Мажнун*, 372-Т.

АСИҒЛИҒ [اسيغ ليغ] – фойдалик; баҳрамандлик:
Ҳар қаён тиғ солур кўнглум асиғлиғдур анга,
Бейла қатл аҳлида ким кўрди диловиз қилич. *Бадойиул-васат*, 79-Т;

АСКАР [عسكر] – лашкар; жангчи; сарбоз, сипоҳи:
Жўнаи меҳр чун узор очди,
Ҳинди ву Шом аскари қочди. *Сабъаи сайёр*, 10-254;
Иншооллоҳ ки ҳар таважжуҳда кишваре фатҳ топқай ва ҳар ҳамлада аскаре мағлуб бўлғай. *Муншаот*, 14-178.

АСЛ [اصل] – 1. туб, илдиз, асос, негиз, моҳият:
Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром,
Ҳам асли йўқ эл ичга вафо келди харом. *Назмул-жавоҳир*, 15-146;

Фарз будур ул ки дедук ани асл
Қилмақ эрур барчасидин ўзни фасл. *Ҳайратул-аброр*, 17-114;
Фахр асл била ажаб таманно кўринур,
Фахр айласа фазл бирла авло кўринур. *Назмул-жавоҳир*, 15-167;

2. асл, ҳақиқий, асосий; бошланиш:
Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидур ки Нўҳ пайғамбарнинг уч ўғлиға ким Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етишур.
Муҳокаматул-луғатайн, 168-Т;
Мундин сўнгра уч навъ тилдур ким асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;
3. зот, келиб чиқиш; ҳақиқат, чин:
Киши фаҳм этса асл ила будин,
Англар ул дурни қатраи судин. *Сабъаи сайёр*, 10-71;
Чунки эрур асли ёман нописанд,
Айламас ул яхшини асло писанд. *Ҳайратул-аброр*, 7-236;
4. асосий, ҳаққоний, тўғри:
Куфру имои роҳравға кеш эмас,
Асл йўлда банди роҳи беш эмас. *Лисонут-тайр*, 199-Т;
5. аслида, асосан олганда:
Балки асли хаёл ул ҳазратнинг бўлуб бу банда ҳам ул ҳазратнинг буйруғи ва таълими била анда жузвий ва дахле қилмиш бўлғаймен. *Ғаройибус-сиғар*, 3-18;
6. аруз илмида асосий, бош; саккиз аслий жуз:
Бу мазкур бўлған тўққуз асл баҳрнинг солимини ки зиҳофот духулидин саломат қолмиши бўлғайлар бир доираи азимада жамъ қилиб...
Мезонул-авзон, 26-Т;
7. биринчи, дастлабки нусха:
Ҳар ўттуз йилда мутавалли «Вақфия»ни мукаррар янги биткай ва асл била муқобала қилғандин сўнгра кузот сижиллот била муқобала қилғай, то айём мурури била чурумагай. *Вақфия*, 14-269;

~ **и ватан** – ҳақиқий ватан, уй; майхона:
Шайх деб ким гўйиё ким зул-минан,
Бизга дайр эткандурур асли ватан. *Лисонут-тайр*, 104-Т;

~ **и вужуд** – борлиқнинг асоси, негизи:
Сен-сен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудға не вужуд. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-92;

~ **и илм** – ҳақиқий илм, билим:
Ишқ эрмиш асли илм фано дарсгоҳида
Аҳли усул ҳар не ки дер сарбасар фуруъ. *Бадойиул-васат*, 223-Т;

~ **и истиғно** – ҳақиқий, асл эҳтиёжсизлик:
Бас бу тамсиле сари наззора қил,
Асли истиғнони юз минг мунча бил. *Лисонут-тайр*, 214-Т;

~ **и кўшиш** – ғайрат асли:
Ки бу хайл эрур асли кўшиш чоғи,
Нечук ким билурсиз муни сиз дағи. *Садди Искандарий*, 348-Т;

~ **и манзил** – ҳақиқий манзил:
Бу бало даштин қачан қатъ эткабиз,
Асли манзилға не янглиғ еткабиз. *Лисонут-тайр*, 196-Т;

~ **и матлаъ** – матланинг келиб чиқиши:
Ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи ростдур, аммо асли матлаъда аввалғи мисроънинг бир лафзи била сўнгги мисроънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 185-Т;

~ **и мақом** – ватан, туғилган жой:
Қилиб хотирин жамъ қилди хиром,
Сипаҳ бирла ёд айлаб асли мақом. *Садди Искандарий*, 434-Т;

~ **и мақсуд** – асосий, ҳақиқий мақсад; тилак:
Асли мақсуд саридур йўл суҳбат,
Фархунда киши ки топқай ушул суҳбат. *Назмул-жавоҳир*, 15-159;

~ **и нийят** – ҳақиқий ният, ғараз, мақсад:
Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўни то чокжайб,
Билмай асли нийятин қилмақ ғалатдур шакк-у райб. *Бадойиул-васат*, 471-Т;

~ **и фитрат** – асл хислат, сифат:
Атоликка суратда пайванд эрур.
Вали асли фитратда фарзанд эрур. *Садди Искандарий*, 58-Т;

~ **-у насаб** – зот, келиб чиқиш:
Мен тилаб ҳусн вале шоҳ тилаб асл-у насаб,
Манга лўли била ҳинду анга қўнғироту қиёт. *Наводируш-шабоб*, 73-Т;

~ **-у нисбат** – қариндошлик, зот, келиб чиқиш:
Парда ичра маҳи фалак пайванд,
Аслу нисбатда хожаға фарзанд. *Сабъаи сайёр*, 10-337;

~ **-у пуд** – насл насаб:
Деди Баҳром кей мусофири чуст,
Аслу пудунгни айлагин тақрир. *Сабъаи сайёр*, 124-25.

АСЛАМ [اسلم] – аруз зиҳофларидан бири:
Ажам шуаросининг мутааххирларидин баъзи мақбузи аслам биносин ўн олти рукнга қўюб назм айтибдурлар. *Мезонул-авзон*, 54-Т.

АСЛАН [اصلا] – аслида, ҳақиқатан, туб моҳияти билан:
Аммо йиғламақта ҳой ҳой лафзин ўзларин туркийгўйларга шерик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 172-Т;
Шайх Жогир аслан курдлардин эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 357-Т.

АСЛАҲА [اسلحه] – курол-яроғ:
ва отдан тушуб аслаҳо ва малбусотин ташлаб бир пашмина кийиб аларға кўшулди. *Насойимул-муҳаббат*, 204-Т;
...ғариб ихтиролар қилди ва ул жумладин сипоҳийлик аслаҳасидур ким... синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебтурлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-199;
Мавлонони мунга муттаҳам қилдилар ким уйидин хуруж аслаҳаси пайдо бўлубтур деб... Подшоҳи замон анга шаҳрдин ихрож ҳукми буюрди. *Мажолисун-нафоис*, 36-Т.

АСЛИЙ [اصلی] – аслий, туб, негизга оид; ҳақиқий, табиий:
Қаро ранг аслий дема эл аро,
Ки бу мулк матомға кийди қаро. *Садди Искандарий*, 1370;
Ёшлари олтмишдин ўтуб эрди ва зотий муносабат майлиға ғолиб бўлди ва аслий мақсуди шавқ туғён қила бошлаб мулозамат тариқидин истиғфор зоҳир қилдилар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-97;
Мақсади аслийға хиром айлагай,
Қурб ҳаримини мақом айлагай. *Ҳайратул-аброр*, 7-101.

АСЛО [اصلا] – ҳеч, ҳеч вақт, ҳеч қачон мутлақо:

Не ким ўз қошингда эрур нораво,
Улуска ани кўрма асло раво. *Садди Искандарий*, 307-Т;
Мажнун бошини саждадин олмас эди асло,
Гар Лайли итининг жулидин топса мусалло. *Бадойиул-васат*, 24-Т;
Кўпи андақдир ки асло анинг мазмунин тафҳим қилмақ бўлмас.
Муҳокаматул-луғатайн, 170-Т.

АСМО [اسماء] – 1- исмлар, номлар:

Ким кўрубтур ани ву ҳолотини
Феъл-у асмо-у сифот-у зотини? *Лисонут-тайр*, 43-Т;

2. аташ, ном қўйиш; исм:

Вале оти асмода Одил эмас,
Укур чоғда эл ани одил демас. *Садди Искандарий*, 139-Т;

~ **и пари** – гўзал пари исми:

Исмат баҳористонинг шукуфта боғи ва иффат шабистонининг гавҳари шабчароғи рупулиғ Қофининг асмои париси. *Сабъаи сайёр*, 10-67;

~ **и ҳусн** – гўзал исмлар:

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло асмои ҳуснини анга ўргатти.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-99.

АСМОР [اثمار] – мевалар, самаралари:

Ки бўлмиш эрди ҳукмумдин муҳайё,
Гулу асмори андақ ким Сурайё. *Фарҳод ва Ширин*, 455-Т;
Яна бири «Шавоҳидун-нубувват» муқобала қилилибтур ким алфози имон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ажшори асморин таҳқиқ саҳоби амтори била шаҳди ноб этар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-72.

АСМОЪ [اسماع] – эшитиш, тинглаш:

Шаҳ ки асмоъи бу мақол этти,
Ғазаби ўти иштиол этти. *Сабъаи сайёр*, 10-109;

~ **и нокус** – довул, кўнгилга солиш; эшитиш:

Дайр аро асмоъи ноқус айлайин,
Бут сужудинда заминбус айлайин. *Лисонут-тайр*, 93-Т.

АСНО [اثنا] – ора, ўрта; вақт, пайт, ҳолат; ~ **сида** – вақтида, пайтида; орасида, ўртасида:

Нукта асносида ҳабиби Иллоҳ,
Деди: ал косибу ҳабибуллоҳ. *Бадойиул-васат*, 493-Т;
Базл чун анча накд-у мол этти,
Сўзнинг асносида савол этти. *Сабъаи сайёр*, 10-240;
Мавлоно Зиё... таҳсил асносида шеърга ҳам иштиғол кўргузди.
Мажолисун-нафоис, 87-Т;
Шайх Харқони сўз асносида ким манга айтур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 83-Т.

АСНОМ [اصنام] – санамлар; бутлар; маъбудлар:

Бу бирисин обиди асном бил,
Ул бирисин зумраи ислом бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;
Самад қилғач зуҳур *ул* навъ ким асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабҳут бўлғач ул санам пайдо. *Ғаройиб-сиғар*, 53-Т.

АСНОФ [اصناف] – турлар; синфлар:

Мавлоно Абдулло... сойир шеър аснофидин майли маснавийға кўпракдир.
Мажолисун-нафоис, 84-Т;

Ва анда ҳар навъ назм аснофидин масал муқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва тарих... *Муҳокаматул-луғатайн*, 186-Т;

Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,
Билур ҳар киши боқса девонима. *Садди Искандарий*, 87-Т.

АСО [عصا] – ҳасса, таёқ:

Асо юрурга мададдур вале асо аҳли,
Чу найза тутти ҳам ул юк юрурга нуқсондур. *Фавойидул-кибар*, 135-Т;

Бўлмиш эрди жисми туфраққа нигун,
Бир дам ул уйга асо бўлди сутун. *Лисонут-тайр*, 99-Т;

Мимин қилибан асо назири,
Мусодек эш ўлса дастгири. *Лайли ва Мажнун*, 68-Т;

Деди ўттуз йилдур ки бу тоғда одам юзин кўрмаймен ва асосин манга берди ки бу санга йўл бошласун. *Насойимул-муҳаббат*, 99-Т;

~ **и Калим** – Мусо пайғамбарнинг афсонавий таёғи:

Аждар эмас ким эмас аждар салим,
Балки дегил ани асойи Калим. *Ҳайратул-аброр*, 7-224;

~ **синдур-** – (бошида) таёқ синдурмоқ; жабр-зулм қилмоқ:

Сарв қадларнинг таманноси бошимдин чиқмағай,
Қаҳр этиб эй шайх синдурсанг асолар бошима. *Наводириш-шабоб*, 550-Т;

~ **тут-** – ҳасса таянмоқ:

Наргис киби сарғариб асо тутқан
Кўптур қаро кўзлар ичра беморинг. *Фавойидул-кибар*, 337-Т.

АСОЛИҚ [عصالیق] – ҳассалик, таёқлик;

Йўлимда не ким аждаҳолиқ қилиб,
Қўлумда мададға асолиқ қилиб. *Садди Искандарий*, 86-Т.

АСОКАШ [[عصاکش] – ҳассакаш:

Бир луқмаға мен бўлуб балокаш,
Бир луқмахўр оллима асокаш. *Лайли ва Мажнун*, 164-Т.

АСОКИР [عساکر] – аскарлар; **и мансура** – ғолиб аскарлар, енгилмас қўшин:

Ҳам мавкиби ҳумоюндин ким гарди сурмасидин адолат ва нусрат кўзлари равшан ва асокири мансура ким тиғлари сувидин фатҳ-у зафар биёбони гулшандур. *Муншаот*, 14-206.

АСОЛАТ [اصالت] – улуғлик; асиллик, зоти поклик:

Эй Навоий бода ол ич хосса бу шукронаға,
Ким саломатдур асолат гавҳари саййид асил. *Наводируш-шабоб*, 378-Т;

Асолат сипеҳрида раҳшанда меҳр,
Адолат жаҳонида олий-сипеҳр. *Садди Искандарий*, 101-Т;

Беасл иши бўлмади адолатқа далил
Донолиғ эрур элда асолатқа далил. *Назмул-жавоҳир*, 15-168.

АСОМИ [اسامی] – исмлар, номлар, атамалар:

Эрур кўнгли қушиға ҳалқам-у ушшоқ отин кўргач,
Навоий отиға ким халқа чектинг ул асомидин. *Фавойидул-кибар*, 448-Т;

Аммо буҳур асомиси: тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал... *Мезонул-авзон*, 201-Т.

АСОС [اساس] – 1. таянч, пойдевор:

Етти ву кўрди бир бийик кирёс,
Тоқ-у айвон анга сипеҳр асос. *Сабъаи сайёр*, 10-245;

Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосиға вайроналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 518-Т;

2. асос, замин:
... жон асосиға бақо йўқтур ва умр биносиға вафо йўқтур. *Муншаот*, 14-224;
Умр асоси мухаллад ва давлат биноси муаббад бўлсун. *Муншаот*, 14-208;

3. тартиб, тузум; кўркамлилик, етуклик:
Кирди ву топти бир дам осойиш,
Кўрди анча асос-у оройиш. *Сабъаи сайёр*, 10-246;

4. таъмир, қурилма, мустаҳкам бино:
Мунча лойиқ асоси шоҳона,
Ҳар ғаройиб ки ҳам керак ёна. *Сабъаи сайёр*, 10-146;

~ **и ихтилол-** – паришонлик сабаби:
Ҳасрат оҳидин фалакка ўт солурмен ҳар нафас,
Не экин ҳикмат бу ким топмас асоси ихтилол. *Наводируш-шабоб*, 377-Т;

~ **и калисо** – христианлар ибодатхонаси, манзили:
Ул асоси калисо монандни бузуб ерида масжиде солилди. *Вақфия*, 14-258;

~ **и коинот** – коинот асослари:
Тўрт унсур етти кўк олти жиҳат
Нодиру олий асоси коинот. *Лисонут-тайр*, 229-Т;

~ **и меҳмон** – асл меҳмон:
Соз айлаб асоси меҳмони
Хушдиллиғ ила тушуруб ани. *Лайли ва Мажнун*, 275-Т;

~ **сол-/туз-** – бирон нарсани ўрнатмоқ, юзага келтирмоқ, мустаҳкамламоқ; қўл урмоқ, иш бошламоқ:
Яна чун «Садди Скандарий» асосин хотирим муҳандиси солибдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;
Эранлар... ботинлари асосин тузубтурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-46-47;

~ **ға сур-** – пойдевор қўймоқ:
Сурди чун тўртинчи айвонға асос,
Шоҳи анжум айлади нур иҳтибос. *Лисонут-тайр*, 24-Т.

АСОФИЛ [اسافل] – энг тубан, паст кишилар; нодонлар:
Асофилға ҳар неча ким жаҳл зрур,
Валекин хусуматлари саҳл эрур. *Садди Искандарий*, 168-Т.

АСОҒИР [اصاغر] – энг кичиклар, сағирлар, норасидалар:
Халойиқдин кишига мужиби таъзим-у эъзоз ва акобирдин асоғирға боиси илтифот ва имтиёз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;
Абнойи жинсдин бир бирига мустаҳсан акобирдин асоғирга аҳсан.
Маҳбубула-қулуб, 14-58.

АСР [عصر] – 1. давр, аср, замон:
Ул асрнинг бу фанда моҳирлари масал Устод Муҳаммади Хоразмий ва Мавлоно Нуъмон... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 103-Т;
Сикандар ки ғардунға чекти ливо,
Анинг асрида бўлди фармонраво. *Садди Искандарий*, 108-Т;
Ўзга фазойили ҳам маърифати тақвимдек нақкошликдек бор, аммо уд ва ғичак ва қабузни асрида анча киши чала олмас. *Матолисун-нафис*, 158-Т;

2. пешин ва шом намозлари ўртасидаги вақт;

~ **киёми** – аср намозига туриш:
Ва аср қиёмидин ва иқомас-салоти жамоатиға юз қўйулди.
Садди Искандарий, 70-Т.

АСРА- [اسر] – 1. сақламоқ, асрамоқ, эҳтиётламоқ:

Сайд еткач кўзини асрар эди,
Кўрмайин деб ўзини асрар эди. *Сабъаи сайёр*, 10-294;
Қилди чун Тангри мулойим ани,
Асрадик хифзида дойим ани. *Фавойидул-кибар*, 662-Т;

2. риоя қилмоқ; тута билмоқ:

Бу кун асра оқшомғача бу эшик,
Менинг саридин бўлма андешалик.
Олим керак ки ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмагай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-108;
Навжавон ишқ ичра гарчи зор эди,
Кўп фусун бирла ўзин асрар эди. *Лисонут-тайр*, 221-Т;

3. тўхтатмоқ, тиймоқ; сақламоқ:

Тилингни ихтиёрингда асрағил сўзунгни эҳтиёт била дегил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-125;

4. назорат қилмоқ, коровулламоқ:

Шопурни асрар кишининг қизи ошиқ бўлуб ул ҳибсдин қутқариб икав қочиб Қазвинға келдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-231;

5. фарзанд қилиб олмоқ; тарбия қилмоқ:

Мир Иброҳим... фақир ани ўғилчилай асрармен. *Мажолисун-нафоис*, 170-Т;
Дебтурлар ки бир гозур иликига тушуб ани фарзандчилай асраб тарбият қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-212.

АСРАЛ- [اسرل] – асралмоқ:

Яъни нечук асралур аёлинг,
Маҳфуз нечук ки турса молинг. *Лайли ва Мажнун*, 373-Т.

АСРАМ [اسرم] – аруз зиҳофидан бири:

Мутақориби мусаммани асрам. *Мезонул-авзон*, 53-Т.

АСРАМАҒ/АСРАМАҚ [اسرماغ / اسرماق] – асраш, сақлаш:

Навоий кўнгли қонин тўккали асрабсен эй қотил,
Умидим йўқ эди кўнглумни мунча асрамакингга. *Бадойиул-васат*, 391-Т;
Бот бўлғай ки тўрда ўлтурғайсен ва ишқингда улоғлар бўлғай ва аларни асрамакқа санга киши керак бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 92-Т;
... асрамағи бўлмаса чун фитна ели эсгай. *Насойимул-муҳаббат*, 145-Т;
... анинг мадади била йиқиладурған кишига ўзин асрамақ муҳолдир. *Мажолисун-нафис*, 246-Т;

Асрамағдин маркабим ор англадинг,
Тира тунда нопадидор айладинг. *Лисонут-тайр*, 179-Т.

АСРАМАҒЛИҒ [اسرماغليغ] – асрашлик, сақлашлик:

Ичимда ишқдин юз барқ-у дам урмақда заҳрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб ваҳ мушкил эрмиш афамағлиғ дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 112-Т.

АСРАТ- [اسرت] – сақлатмоқ, асратмоқ:

Кўнглума ҳолинг ҳаёли кирса мардумлиқ
Кўз уйида ани мардумлар ичинда асратай. *Наводируш-шабоб*, 573-Т;
Аларға ошкоро ву ниҳони
Кўз ичра ашкдек асратқил ани. *Фарҳод ва Ширин*, 78-Т.

АСРАЪ [اسرع] – энг тез, энг суръатли:

Бу не рокибдур-у маркаб ки жавлон вақти бор дурлар,
Қуёшдин пояда аъло фалакдин пўяда асраъ. *Ғаройибус-сиғар*, 236-Т.

АСРАҒУЛУҚ [اسرغولوق] – асрашлик, сақлашлик:

Сувдин асрағулукдур туфрақ ва балчиғ уйин ва ўтдин асрағулукдур ёғач ва камиш уйин ва елдин асрағулукдур бўз уйин ва туфрағдин асрағулукдур кўз уйин. *Маҳбубул-қулуб,* 14-126.

АСРОР [اسرار] – сирлар, яширин нарсалар:

Давр сирри пардасин гар очмамишсен соқиё,
Бода тут ким дей санга бу парданинг асрорини. *Бадойиул-васат,* 431-Т;
Эл поясини англай десанг асрорини бил,
Кўнглидаги муддаосини изҳорини бил. *Назмул-жавоҳир,* 15-169;

~ **и вахдат** – танҳолик, бирлик, ягоналик сирлари:

Асрори ваҳдат иста харобот пиридин,
Ким шайх ваъз-у панди фусун-у фасонадур. *Наводируш-шабоб,* 186-Т;

~ **и илоҳий** – илоҳий сирлар:

Мавлоно Жалолиддин яъни Мавлавий Румийдур ки мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлосидин ўзга йўқтур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-25;

Сўзидин зоҳир асрори илоҳий
Жамолидин аён анвори шоҳий. *Фарҳод ва Ширин,* 326-Т;

~ **и ирфон** – билим сирлари; сўфийлар тариқатининг сирлари, худога етишиш сирлари, олий мавжудотни англаб етиш сирлари:

К-эй бари асрори ирфон мойили,
Зотингиз бу ганжи пинҳон қойили. *Лисонут-тайр,* 47-Т;

~ **и ниҳони** – ниҳоний сирлар:

Нутқ ки изҳори маони қилиб,
Зевари асрори ниҳони қилиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-217;

~ **и раббоний** – илоҳият сирлари:

Олий ҳазрати вилоят манқибати кошифи асрори раббоний ва олими румуз... *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-7;

~ **и самадоний** – тангри қудратига мансуб сирлар:

ва олими румуз ва асрори самадоний ал-уламо варсах ал-анбиё қисмат коҳида... *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-7;

~ **и таҳқиқ** – текширилган, таҳқиқ қилинган сирлар:

Деди кай оразингда нури тавфиқ,
Замиринг маҳзани асрори таҳқиқ. *Фарҳод ва Ширин,* 440-Т;

~ **и тоб** – куч, қувват, чидам сирлари:

Урмиш эрди ташлаган асрори тоб,
Кўрди дўконларда неъмат беҳисоб. *Лисонут-тайр,* 58-Т;

и шавқ – ажойиб сирлар:

Чек наво эй булбули гулзори шавқ,
Савти алҳонинг келиб асрори шавқ. *Лисонут-тайр,* 49-Т;

~ **и шигарф** – ажойиб сирлар:

Бошлаб ул мажмаъда асрори шигарф,
Фош қилди бўйла сармастона ҳарф. *Лисонут-тайр,* 49-Т;

~ **и қудс** – илоҳий сирлар:

Ани айлабан равшан анвори қудс,
Мунинг нутқидин равшан асрори қудс. *Садди Искандарий,* 515-Т;

~ **и ғайбийя** – яширин сирларни билиш илми, ғойиблик:

Басо асрори ғайбийя ва маонийи ҳақиқийя ки сурат ва кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар. *Насойимул муҳаббат,* 438-Т;

~ **и ҳақиқат** – ҳақиқат сирлари, илоҳий сирлар:
Ул ки букун кутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-52;
~ **и ҳақойиқ** – ҳақиқат сирлари:
Кашфи асрори ҳақойиқда фарид,
Нутқидин аҳли ҳақиқат мустафид. *Лисонут-тайр*, 251-Т.

АСРОРЛИҚ [اسرارلیق] – сирли, сирларни ўзида сақловчи:
Топқуча ганжинаи асрорлиқ,
Кўб қилибан солики атворлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-73;
Айлаб ато солики атворлиқ,
Ўғли қилиб маҳрами асрорлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-328.

АСРУ [اسرو] – 1. жуда, ниҳоятда; жуда кўп, беҳисоб:
Каманди зулфунг аро солма печ-у тоб асру,
Кўнгул шиканжасиға эшмагил таноб асру. *Фавойидул-кибар*, 498-Т;
Котибликка машҳур эрди, аммо шеър ҳам айтур эрди. Асру сода ва гўл киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 39-Т;
Кўрди беҳад эрур бало асру,
Бордурур дарди бедаво асру. *Сабъаи сайёр*, 10-154;
Гар тери бирла сўнгакмен туъма ҳам қилмас итинг,
Ким тери асру қатиқ бўлмиш сўнгак асру чурук. *Ғаройибус-сиғар*, 267-Т;
Муни бил ким жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру. *Фарҳод ва Ширин*, 239-Т;
2. тез, қаттиқ:
Сурубан рокиби баён асру,
Килким ўлди сабукинон асру. *Сабъаи сайёр*, 10-402;
Етиб ғайбдин чун бу неру манга,
Бўлуб сўз демак майли асру манга. *Садди Искандарий*, 91-Т.

АССОР [عصّار] – жувозкаш, жувозчи; ~ **ўйи** – жувозкаш ҳўкизи:
Қўяр ассор ўйи чун эгри гомин,
Йўл этмас қатъ тез айлаб хиромин.
Йўлида игрилар ассор ўйидек,
Яраб ўлтургали парвор уйидек. *Фарҳод ва Ширин*, 89-Т;
Бўлуб садқаси чархи даввор ўйи,
Қилиб ду раҳ андоқ ки ассор ўйи. *Садди Искандарий*, 66-Т.

АСТА [استه] – секин, оҳиста, мулойим:
Ул ҳазрат хизматларида астағина ўқудум.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-20.

АСТАР [استر] – астар:
Бир гулгун тўнға сариғ астардин зеб этиб,
Сарви раъносин гули раънода пинҳон айлаб. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

АСТОР [استار] – астор; пардалар:
Ул ун сўнгича бордум кўрдум ки жорияе Каъба асториға осилибдур.
Насойимул-муҳаббат, 451-Т.

АСТАҒФИРУЛЛОҲ [استغفرالله] – Худодан кечирим сўрайман, ўтиниб тилайман, Худо сақласин!
Бу дам кин хирад мендин огоҳдур,
Сўзум барча астағфируллоҳдур. *Садди Искандарий*, 94-Т.

АСТРАБОДЛИҒ [استرابادلیغ] – астрободлик, Астробод шаҳридан келиб чиққан:
Сайид Абдулҳақ астрободлиғдур... *Мажолисун-нафоис*, 62-Т.

АСФАЛ [اسفل] – паст, тубан; пастроқ:
Фазлалари дафъи учун икки йўл,
Жониби асфалдин ўлуб зоҳир ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-92;
Бўлиб аълода тир асфалда тори,
Фаланнинг икки жонибдин мадори. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т.

АСФАЛНИШИН [اسفل نشین] – пастда ўтирадиган, паст ўринли, паст мартабали:
Ясадинг касофат биринг ишин,
Ким ул бўлди бу иштин асфалнишин. *Садди Искандарий*, 52-Т.

АСФАР [اصفر] – сариқ, сап-сариқ:
Гулунг ранги асфар нишон бўлмасун,
Баҳорингға ҳаргиз хазон бўлмасун. *Муншаот*, 14-139;
Якшанба куни Баҳромнинг қуёшдек зарбафт либос кийиб... олтун соғарда асфар май ичгани. *Сабъаи сайёр*, 10-177.

АСФАРАФШОН [اصفرافشان] – сариқ таратувчи, сариқ сочувчи:
Ел су уза барги асфарафшон,
Мови варақи ясаб зарафшон. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т.

АСФАРКАШ [اصفرکش] – сариқ таратувчи:
Яна бир хилъате кийиб заркаш,
Зарваш уй ичра роҳи асфаркаш. *Сабъаи сайёр*, 10-47.

АСФАРНИШОН [اصفرنشان] – сариқ, сарғайган аломатли, белгили:
Гулунг ранги асфарнишон бўлмасун,
Баҳорингға ҳаргиз хазон бўлмасун. *Муншаот*, 14-139.

АСФОР [اصفار] – китоблар, буюк китоблар:
Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,
Асфори самовийдин бўлған киби йўқ позанд. *Ғаройибус-сиғар*, 110-Т.

АСЪАБ [اصعب] – энг душвор, қийин, қийинроқ; ~ **ўл-** – қийинроқ бўлмоқ:
Ҳажри ки анга мураттаб ўлди,
Аввалғидин эмди асъаб ўлди. *Лайли ва Мажнун*, 311-Т.

АСЪИЛА [اسئله] – сўроқ, илтимос:
Анинг била Хожа Насируддини Тусий аросида асъила ва ажвиба воқиъ бўлубтур. *Насойиул-муҳаббат*, 363-Т.

АСҚОЛ [اثقال] – оғир юклар, нарсалар:
[Хожа Дехдор] ул муҳимни саранжом қилиб, қайтиб келадурганда шаҳарнинг бир манзилида эканда аҳмол ва асқолни қўюб бежиҳат илғаб шаҳарға келди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-77.

АСҒАР [اصغر] – энг кичик, кичик;
Лек жиҳод ичра бу асғардурур,
Нафс била айлаган акбардурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-278.

АСҲАЛ [اسهل] – осонроқ; энг енгил, қулай; ~ **кил-** – осон қилмоқ; енгиллатмоқ:
Саҳл эрур жон нақдини соқий учун қилмақ нисор,
Лек бир паймона тўлдурмақ била асҳал қилинг. *Наводируш-шабоб*, 356-Т.

АСҲОБ [اصحاب] – саҳобалар, суҳбатдошлар, улфатлар, дўстлар; мажлис, зиёфат аҳли:
Дарвеш Ҳожининг тундлиқларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-17;

Уйғатур субҳи баҳор элни фиғон бирла саҳоб,
Ким сабуҳи чоғидур маст бўлунг эй асҳоб. *Фавойидул-кибар*, 45-Т;

~ **и дин** – диндорлар, дин аҳиллари:
Шайх Саври қидваи асҳобдин,
Наввар Оллоҳу сароҳу холидин. *Лисонут-тайр*, 236-Т;

~ **и жовидоний** – доимий, абадий суҳбатдошлар, дўстлар:
Илтимос асҳоби жовидонийдин ул ким гоҳи ниёз ашки била бу шориъ йўқ биё-бондин ким қуловузсиз киримбмен офот гард-у ғуборига сув ургайлар.
Муншаот, 14-145;

~ **и каннужум** – менинг суҳбатдошларим юлдузларга ўхшашдир:
Нубувват сипеҳрида қуёш эркани маълум,
Мусоҳиблар шаънида асҳоби каннужум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-8;
...Тўртинчи наът... ҳар бирига ул сипеҳрда бир кавкаби рахшандалиқ содиқ-дурур ки асҳоби каннужум бу мазмунға нотиқдурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-40;

~ **и каҳф** – ғор асҳоблари; ғор дўстлари:
Собиқан ҳам қисса ўтмиш бу қабил,
Сидқиға асҳоби каҳф этти далил. *Лисонут-тайр*, 135-Т;
Агар бу сўз санга кўрунса маҳол асҳоби каҳф била итларидин ҳисоб ол.
Маҳбубул-қулуб, 14-113;

~ **и кибор** – асҳобнинг улуғлари; шайху машойихларнинг улуғлари:
Жунайднинг асҳоби киборидин эди. *Насойимул-муҳаббат*, 159-Т;

~ **и киром** — карим соҳиблари:
ва асҳоби киром... ахбор-у сориға мутафаҳҳис ва мутажассис бўл.
Насойимул-муҳаббат, 241-Т;

~ **и рисолат** – дўстлик рисолатлари; рисола эгалари:
Ўйла ким сидра киби минбар уза гоҳ ҳадис,
Йиғилур ҳар сари асҳоби рисолат омин. *Бадойиул-васат*, 327-Т;

~ **и русул** – расуллар асҳоблари:
Сўфийи олами қудсийсен-у асҳоби русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонакоҳинг. *Ғаройибус-сиғар*, 271-Т;

~ **и таваккул** – Худога зътимод, умид қилганлар:
Йўқ дайрда арбоби тағофул қадри,
Беҳад бўлур асҳоби таваккул қадри. *Назмул-жавоҳир*, 15-166;

~ **и тариқат** – художўйлар, сўфилар, дин аҳли; тасаввуф аҳли:
Хожа Абдуллоҳ Ансорий... асҳоби тариқат ва арбоби ҳақиқат зикрида ким китобе битибдурлар ва ани беш табақа қилибтурлар.
Ҳамсатул-мутаҳаййирин, 15-48;

~ **и фил** – Абраҳанинг лакаби; филга минган лашкарлар:
Кўр ки не бир лаҳзада бўлди қотил,
Тири асбоби ила асҳоби фил. *Ҳайратул-аброр*, 320-7;

~ **и ямин** – саодат аҳли:
Шодлиқ асҳоби яминға рақам,
Сафҳалари лавҳиға етмай қалам. *Ҳайратул-аброр*, 7-105.

АТА- [أتـه] – 1. ном бормоқ, от қўймоқ, исмламоқ:
...чун Сосон орадин чиқиб эрди ани Бобак оти била атадилар.
Тарихи мулуки ажам, 16-223;

Сикандар атади Самарқанд ани,
Самарқанди фирдавсмонанд ани. *Садди Искандарий*, 243-Т;
Бу байтни ки уй оти била атабдирлар. *Мезонул-овзон*, 13-Т;

2. бағишламоқ, атамоқ:
Подшоҳ қизин Баҳромға бериб мулкин ҳам анга атаб валиаҳд қилмақ бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 16-237;

3. келтирмоқ, қайд қилмоқ:
Ва бирин бирин анларнинг отин атади. *Насойимул-муҳаббат*, 239-Т.

АТАБЕК [اتابیک] – мураббий, тарбиячи (*шоҳзодаларни*):
Ҳамул Фарҳодға эрди атабек,
Кўруб Фарҳод худ ани атодек. *Фарҳод ва Ширин*, 145-Т;
Чекиб афғонни мулкоро атодек,
Ким ул Фарҳодға эрди атабек. *Фарҳод ва Ширин*, 248-Т;
Шоҳ Нуъмон атабек ўлди анга,
Шавкат ичра атодек ўлди анга. *Сабъаи сайёр*, 10-74.

АТАКА/АТКА [اتکه] – тарбиячи, мураббий:
...ул қиз бир энака билан ва бир атака ва бир хожасарой била қолди.
Тарихи мулуки ажам, 16-216;
Ва алар ҳеч қайсиға от таъйин қилмайдурлар ва араб тили била «эм» ва «хол» дерлар... Ва атака ва энакани ҳам бу тил била айтурлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 176-Т.

АТАЛ- [اتال] – бирон вазифага тайин этилмоқ, белгиланмоқ:
Аталди бири Мисру Бағдодға,
Ёзилди бири мулки Навшодға. *Садди Исканадрий*, 218-Т.

АТАН- [اتان] – атанмоқ, аталмоқ:
Ит ўлуми бирла ўлсун номард,
Эр атаниб душманиға ялина. *Мажолисун-нафойис*, 193-Т.

АТАШ [عطش] – 1. ташналик, чанқоқлик:
Ҳар киши сувсиз бўлса хоҳ қари хоҳ йигит сув ичгач аташи дафъ бўлуб завқе топар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-101;
Сувдин ўлған замонда соғаркаш,
Айлагай дафъи жуъ дафъи аташ. *Сабъаи сайёр*, 10-314;

2. истак, хоҳиш:
Боқтим эрсам полизе кўрдум ки тўла қавун ва бодринг ва хиёр эрди. Андин узуб аташимға таскин бердим. *Насойимул-муҳаббат*, 123-Т;

3. ҳавас изтироби, хумор:
Соф васли бўлмаса гар барча заҳри ҳажридур,
Соқиё бир журъа тут ким олди жонимни аташ. *Ғаройибус-сиғар*, 212-Т.

АТАШ- [اتش] – айтишмоқ:
Сен куёш бирла муносибсен ўйунда хублар,
Икки икки чунки киргайлар аташиб ёр ёр. *Бадойиул-васат*, 125-Т;

АТБОЪ [اتباع] – тобелар, фуқаролар, қарашли кишилар; тарафдорлар, издошлар:
Бу ҳужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб сомон тиқтирди ва атбоъин қатл этти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-227;
Ҳам атбоъининг яхши нийятлари
Яна ҳам атоси васийятлари. *Садди Искандарий*, 134-Т;
Чун Ардашер Истаҳр шаҳриға етти атосининг атбоъидин баъзи анга йиғилдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-223.

АТБОҚ [اطباق] – табақалар, қаватлар:
... то меҳр ва анжумнинг оқ ва қизил дирамлари сипеҳр атбоқини музайян қилғай. *Муншаот*, 14-208;

Олиб чарх атбоқи ҳар дам сабок
Не янглиғ бўлур не табоқ бар табоқ. *Садди Искандарий*, 361-Т;
Деса бўлғай ки чарх атбоқи,
Бўлсалар эрди назмим авроқи. *Сабъаи сайёр*, 10-410.

АТВОР [اطوار] – 1. юриш-туриш, хулқ-атвор, феъл, ҳаракат:
Хублар минг бўлсалар мен хастаға бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдин бири гар бор бас. *Наводируш-шабоб*, 240-Т;
Мавлоно Хожи Муҳаммад... ахлоқа малакедур башар суратига келган ва атворда фариштадур инсон ҳайъатида зуҳур қилған. *Мажолисун-нафоис*, 144-Т;

2. йўл, йўсин, услуб; тартиб, одат:
Зарурат ки атвор ўлуб мухталиф,
Ҳар эл бир сифатқа бўлуб муттасиф. *Садди Искандарий*, 93-Т;
Соликнинг атвориға андом бергучи сафар ва кўнгулнинг ҳар сари ҳаво қилуриға ором бергучи сафар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-119;

3. боб (ида), йўл (ида), соҳа (сида):
Эй Навоий ишқ атворида будур зулм ким
Гул мақоми боғ ўлуб булбул ери бўлғай қафас. *Наводируш-шабоб*, 231-Т;
Зоҳиди нодон ғамим ошубидин ҳар дам кулар,
Хуррам ул ким ишқ атвориға муътод ўлмади. *Фавойидул-кибар*, 597-Т;
Тонгдин оқшомға ишда санъатсоз,
Ҳунар атворида фусунпардоз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-36;

~ **и мусоҳиблик** – суҳбатдош, улфатнинг хулқ-атвори:
Неча фикр қилилса бу тира рўзгори нукуҳида атвори мусоҳибликдин ўза айб анда топса бўлмас, аммо айбсиз Тангридур. *Мажолисун-нафис*, 166-Т;

~ **и пасандида** – яхши, хулқ-атворлилар, ёқимли қилиқлилар:
... ахлоқи ҳамида ва атвори пасандида ва зоҳир юзидин мунча фазлу камол ва маън тарафидин мунча важду ҳол бера олур.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 113-Т.

АТВОРЛИҚ [اطوارليق] – хулқ-атворлик:
Топкуча ганжинаи асрорлик,
Кўп қилибан солики атворлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-73;
Султон Аҳмад Мирзо ... яхши ахлоқлик пасандида атворлик дарвишваш ва одамийшева кишидур. *Мажолисун-нафис*, 196-Т.

АТИББО [اطباء] – табиблар, шифокорлар, даволовчилар:
Боши уза жамъ ўлуб аҳиббо,
Ҳозир қилур эрдилар атиббо. *Лайли ва Мажнун*, 105-Т;
Атиббо бир замондин сўнгра Паҳлавон мотамидин ғамзада бўлуб юз дард-у ҳасрат била қайтиб келдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т.

АТИЙЯ [عطيه] – хадя, совға, тортиқ:
Худ жаҳонда атийяе борму,
Яхширақ дўстлик ҳадиясидин. *Арбаин*, 16-267.

АТИҚ [عطيق] – Атиқ (кўҳна жомиъ номи):
Дерлар ки эллиг йил Шерознинг Атиқ жомиида тазкир қилди ва ваъз айтти.
Насойимул-муҳаббат, 162-Т.

АТИҚ- [اتيق] – шуҳрат топмоқ, машҳур бўлмоқ; ном қазанмоқ:
Тиғ ила бошима келдинг ки бу кун қатл ишида,
Хўблар ичра саромадсен ўлубсен атиқиб. *Фавойидул-кибар*, 65-Т.

АТИҚМАҚ [اتيقماق] – шуҳрат топиш, ном қазаниш, машҳур бўлиш:
Бўлса эрди шаммаи парвойи нанг-у номдин,
Отланиб бадмастлиғ бирла атиқмақ (İst.Üniver Ktb. №1565; 2794: **атимақ; айиқмақ**) не эди. *Фавойидул-кибар*, 603-Т.

АТЛАС [اطلس] – 1. атлас; газлама номи:
Ғанийға чапон киймак андақдур ким муфлисга атлас-у катон киймак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-106;
Қон ёшим аксим-у ол этмиш фалак миръотини,
Ким бўлубтур лаългун атласда сайр офтоб. *Бадойиул-васат*, 32-Т;
Хачир-у тева барчаси зебо,
Барчанинг рахти атлас-у дебо. *Сабъаи сайёр*, 10-166;
2. мовий осмон:
Кўк атласи бари зарҳал эткан,
Анжум дуридин мукаллал эткан. *Лайли ва Мажнун*, 31-Т;
Тун атласи ким йўқ карона
Ҳайлида бир эски ҳайлхона. *Лайли ва Мажнун*, 98-Т;
~ **и афлок** – мовий зебо осмон, фалак:
Рахт ки баззоз териб ранг-ранг,
Атласи афлок киби танг танг. *Ҳайратул-аброр*, 7-308;
~ **и гардун** – осмон, фалак:
Навоий атласи гардундин этса май поло,
Чу дайр дурдкашимен деманг ки бодани суз. *Наводируш-шабоб*, 205-Т;
Ҳашр хуршидиға мониъ фикр қилмас сен не суд,
Атласи гардун саропарданғға шодирвон бўлуб. *Ғаройибус-сиғар*, 73-Т;
Ишқ даштида бало гарди манга чун парда бас,
Атласи гардунни ёпмасмен тани урёнима. *Наводируш-шабоб*, 566-Т;
~ **и зарбафт** – зарбафтли атлас:
Тут фақр этаким атласи зарбафт сўзин қўй,
Ким ул дағи тан ҳифзида машабдек эрмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 212-Т;
Атласи зарбафт аро нодон анингдек ҳажв эрур,
Ким Хитой сафҳада сабт ўлди афшонлар аро. *Бадойиул-васат*, 17-Т;
~ **и фалак** – мовий осмон; осмон ранг-баранглиғи:
Пўши дебойи чин вале неча ранг,
Ким анга атласи фалак ҳамсанг. *Сабъаи сайёр*, 10-86;
~ **и чарх** – осмон:
Палоси хузн-у мен эй атласи чарх,
Манга лойиқ эмас воло кумашинг. *Ғаройибус-сиғар*, 271-Т.

АТНОБ [اطناب] – чилвирлар, кокиллар; камандлар:
Зулфум шиканида қилса атноб,
Жисмиға нечук тушар экин тоб. *Лайли ва Мажнун*, 183-Т.

АТО/ОТА [أتا / اتا] – 1. ота, падар:
То атодин ато, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андоқ яна. *Ҳайратул-аброр*, 7-34;
Ато анонгға раҳмат эй ўғул ким кўрмамиш сендек
Не ул тўққуз ато бал не бу тўрт асрағучи доя. *Фавойидул-кибар*, 527-Т;
Сарвдек бўлса бу гулшанда ато гулдек ано
Мумкин эрмас туғмағи сен сарви гулрухдек ўғул. *Наводируш-шабоб*, 365-Т;

Атонинг хатосин билгил савоб,
Сени юз балодин куткарғай Худо. *Муншаот*, 14-184;

2. манба, келиб чиқадиган жой:
Гуҳар зотиға не кам ўлғай шараф,
Бу ким бўлғай анинг атоси садаф. *Садди Искандарий*, 336-Т;

~ **ано** – ота-она:
Шоҳ Қули Уйғур... ато-анонинг севуклиги жиҳатидин омий қолди.
Мажолисун-нафоис, 174-Т;

Зуҳри абад истасанг фаровон қилмақ,
Бил ани ато аноға эҳсон қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;

~ **атодин** – ота-бободин:
Мир Ҳайдар... ато атодин бу даргоҳнинг бойри, балки туғмасидур.
Мажолисун-нафоис, 168-Т;

~ **дин ато** – ота-боболардан бошлаб:
Ки бу мулк андин ки иҳдос эрур,
Атодин ато бизга мерос эрур. *Садди Искандарий*, 337-Т;

~ **пардаси** – ота кўнгли:
Бу сўз ёдиға келгач ўлди зарур,
Етурмак ато пардасиға сурур. *Садди Искандарий*, 121-Т.

АТО [عطا] – бахшиш, инъом, ҳадя, хайру эҳсон, саховат:
Ҳам ул дебдур ки таваккул улдур ки манъ у атони Тангри таолодин ўзгадин кўрмагайсен. *Насойимул-муҳаббат*, 228-Т;
Ато ҳам турфа ишдур турфарақ бил,
Агар йўқтур анинг ёнинда миннат. *Наводируш-шабоб*, 692-Т;

~ **и Яздоний** – Тангри инъоми:
Муни билгил атойи Яздоний,
Лек сўрсанг сабаб эшит ани. *Сабъаи сайёр*, 10-249;

~ **айла-/қил-/эт-** – бағишламоқ, туҳфа, инъом қилмоқ, карам, саховат кўргузмоқ:
Улуққа улуқча ато айласа,
Кичикка кичикча сахо айласа. *Садди Искандарий*, 205-Т;
Хуш ул ким анга лутф бирла Худо,
Улуснинг қабулии қилди ато. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-93;
Лек бу чинлик ки Ҳақ этмиш ато,
Кўр ки улус оллида улдур хато. *Ҳайратул-аброр*, 7-206.

АТО-АНОЛИҚ/ОТА-ОНАЛИК [اتا-انا لیق] – ота-оналик:
Андақ чу тузалди кадхудолиқ,
Бу навъ ўлди ато-анолик. *Лайли ва Мажнун*, 32-Т.

АТОЁ [عطایا] – бахшишлар, туҳфалар, ҳадялар, инъом-эҳсонлар:
Анга ким атоё тилар сендин эҳсон,
Навол истаганларга сендин атоё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т;
Атоёни англаб мусаббиб иши,
Ўзин билмагай ўрта ерда киши. *Садди Искандарий*, 86-Т.

АТОКЕШ [عطاکیش] – ато қилувчи, бахш этувчи:
Булут элга дурдин атокеш эмас,
Ҳақ эҳсонидур ул сабаб пеш эмас. *Садди Искандарий*, 86-Т.

АТОЛИҚ/АТОЛИҒ/ОТАЛИҚ/ОТАЛИҒ [اتالیق / اتالیغ] – оталик, ота вазифасини бажариш:
Шафиқона сўз чун дамодам солиб
Уғуллуқ атолиқ сўзин ҳам солиб. *Садди Искандарий*, 343-Т;

Уғулсизларни ҳам айлаб наволиқ,
Атосизларга ҳам айлаб атолиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 129-Т;
Кўргач атосин канора тутти,
Гўё атолиғ ҳақин унутти. *Лисонут-тайр*, 264-Т;
Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф ва авқотим сенинг муҳофазатингга масруф илдим ва фарзандлиғинг рақамини хотиримга муҳаррар ва атолиғ меҳру шавқатин ҳолингга муқаррар эттим. *Муншаот*, 14-215.

АТОСИЗ/ОТАСИЗ [اتاسيز] – отасиз, отадан етим қолган:
Имонсиз киби сиздин ўксук басе,
Атосиз дилозурдаи бекасе. *Садди Искандарий*, 130-Т.

АТОҒЛИҒ [اتاغليغ] – махсус, аталган; тақдир:
Меҳр зулфиға кўнгли боғлиқ эди,
Бу анга гўйиё атоғлиғ эди. *Сабъаи сайёр*, 10-282.

АТР [عطر] – хушбўй модда; атр:
Бу дам ки эсиб насими наврўз,
Гул атрини қилди мажлисафрўз. *Лайли ва Мажнун*, 119-Т;
Ҳулла ранги неча ким қотил бўлуб,
Атрдин юз жон яна ҳосил бўлуб. *Лисонут-тайр*, 98-Т;
~ **и биҳишт** – жаннат атри, хушбўй ҳиди:
Анда чун эрди сарви ҳур сиришт,
Топар эрди машоми атри биҳишт. *Сабъаи сайёр*, 10-371;
~ **и жуал** – тезак кўнғиз атри, ҳиди:
Гулга ки юз хусн-у латофат дурур,
Атри жуал жониға офат дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-238;
~ **и руҳафзо** – жонлантирувчи атр:
Тоза қонлиғ доғ иси кўнглум аро муҳлиқдурур.
Атри руҳафзо кўрунг ғам боғи ичра вардима. *Фавойидул-кибар*, 539-Т;
~ **и сандал** – хушбўй сандар (дарахти) ҳиди:
Атри сандал топиб димоғи анинг,
Ёрубан гар кўзи чароғи анинг. *Сабъаи сайёр*, 10-332.

АТРАНГЕЗЛИҒ [عطر انگيزليغ] – хушбўй ҳидлилик, муаттарлик:
Наврўз насимининг мушкбезлиғи лола димоғин савдойи ва
баҳор салқинининг атрангезлиғи булут мизожин ҳавойи қилибтурур.
Муншаот, 14-134.

АТРЛИҚ [عطرليق] – хушбўйлик, атрлик:
Сўз боғи ажаб гулистонедур ким анда жанбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалик раёҳини гуногун кўпдурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-127.

АТРОК [اتراک] – турклар:
Эй Навоий айлади лўливаше кўнглумни қайд,
Халқни атрок асир этти вале бизни жатут. *Фавойидул-кибар*, 90-Т;
Омуфта рўзигор киши эрди. Кўпрак авқот атрок хизматида бўлур эрди.
Мажолисун нафоис, 57-Т;

Нечун ки букун жаҳонда атрок,
Кўбтур хуштабъ-у софий идрок. *Лайли ва Мажнун* 381-Т;
Навоий истаса лўливаше ажаб эрмас,
Бу важҳ ила ки вафо тарки эттилар атрок. *Бадойиул-васат*, 256-Т;
~ **и фақир** – камбағал, бечора турклар:
Ғайр хайли сода атроки фақир,
Ким аларда камдур идроки касир. *Лисонут-тайр*, 252-Т.

АТРОФ [اطراف] – 1. атроф, теварак-атроф:

Сойир азизлар ким атрофдағи вилоятдин аларннг (Жомийнинг) азоси учун келдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-79;

2. кирғоқ, лаб, бўй:

Неча кўз тушса кўк сув чарх монанд,
Топиб атрофи кўк зайлиға пайванд. *Муншаот*, 14-144;
Кезиб бу сифат баҳр атрофини,
Масоҳат била англаб авсофини. *Садди Искандарий*, 458-Т;

3. кўмакчи вазифасида:

Гулхан-у юз зоғи нажисхордек,
Ё заған атрофида мурдордек. *Ҳайратул-аброр*, 7-270;
Йўлдин-ўқ кўргузди азми хонакоҳ
Шайх атрофида истай деб паноҳ. *Лисонут-тайр*, 117-Т.

АТРФИЗОЙ [عطرفزای] – хушбўй ҳид таратувчи:

Сандалосо насими лахлаха сой,
Кўк димоғиға бўлди атрфизой. *Сабъаи сайёр*, 10-306.

АТРФИШОНЛИК [عطرفشانلیق] – атр, хушбўйлик таратиш; ~ **қил-** – хушбўйлик таратмоқ:

Давр ичингни неча қонлиғ қилиб,
Нофа киби атрфишонлиқ қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-233.

АТТОР [عطار] – аттор:

ва бозорға борди ва аттордин тилади ки соткун олғай. Аттор деди дўконимда атр йўқтур. *Насойимул-муҳаббат*, 368-Т;
Кўп чучуклуктин очиғлиқ анфаъ ўлмиш ишқ аро,
Шарбати аттор эрур ширин майи хаммор талх. *Бадойиул-васат*, 89-Т.

АТТОРЛИҚ/АТТОРЛИҒ [عطارلیق / عطارلیغ] – муаттарлик; хурсанд қиладиган ёқимли сўзлар:

Сўз ичра анга тезбозорлиқ
Бу бозор аро турфа атторлиқ. *Садди Искандарий*, 80-Т;
Бу атторлиғда мақосид билиб,
Ани дол дониши Уторид қилиб. *Садди Искандарий*, 80-Т.

АТФ [عطف] – боғлиқлик; йўналиш; майл:

~ **вови** – боғловчи «у»:

аммо олча китобатда бардур ва лафзда йўқтур атф вовидек масал жон-у жаҳон... *Мезонул-авзон*, 31-Т;
Бу шеърнинг қофиясидин сўнгра атф вовни калиманинг асли ҳарфи ўрниға тутулуб ғариб ихтироъ қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 2-Т.

АТФОЛ [اطفال] – гўдаклар, ёш болалар:

Ажабдур уч ёшида кўзга атфол,
Нечук ким ўн ёшида ўзга атфол. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;
Афтол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртақиб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27;
Тонг отқанда андақ ким ўйун атфол даъби бўлур ул жамоатнинг атфоли ул хонақоҳға ўйнағали кирдилар. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;

~ **и жунун** – ёшлик телбаликлари, шўх болалар:

Атфоли жунун жафо қилиб фош,
Ҳар лаҳза бошимға ёғдуруб тош. *Лайли ва Мажнун*, 35-Т;

~ **и марҳум** – раҳм қилувчи атфоллар:

Ким чекар атфоли марҳуми забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун. *Лисонут-тайр*, 266-Т;

~ **и маҳжабин** – хулқ-атвори гўзал ой юзли маҳбуба:
Хушо жунун ки чу юзлансам ул пари сари,
Қилур бошимға юз атфоли маҳжабин ғавғо. *Наводируш-шабоб*, 36-Т;
~ **и нужум** – кичик юлдузлар:
Атфоли нужум айлабан майл,
Ўкурға ва ўқумағи валлайл. *Лайли ва Мажнун*, 46-Т;
~ **и фаранг** – шўх ёш хуш рўйлар:
Ўйнабан дайр ичра атфоли фаранг,
Муқтадои дин била маст-у маланг. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
~ **и хаёл** – хулқ-атвор тасаввури, андешаси:
Мен ким-у ислом ким сажжода бирла хирқани
Айлади ул бутнинг атфоли хаёли тит-у пит. *Наводируш-шабоб*, 81-Т;
~ **и ғам** – турли-туман ғам-ғуссалар; ғамгин тасодифлар:
Бўрк ўрниға бош элтур нақд ўрниға жон олур.
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур. *Наводируш-шабоб*, 188-Т.

АТШ [عطش] – сувсизлик, ташналик; зўр истак, иштиёқ:
Бу эрса май ки куйдурди вужудим хирманин атши.
Яқин бил соқиё ким бода сиррин билмай ўтмиш жам. *Фавойидул-кибар*, 400-Т;
Келиб шоҳ кўнглиға бу нукта хваш,
Анингдек ки су кўрса соҳиби атш. *Садди Искандарий*, 300-Т.

АТЪИМА [اطعمه] – овқатлар, таомлар:
Ёйилғач улус оллида атъима,
Ки тутқай бари жашн ичин ер нима. *Садди Искандарий*, 482-Т;
Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввар эрмас ким лазиз ва мулавван атъима анда пишар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-100;
Ва турлук турлук атъима эрди андақ ки бу неъмат ва ағзиядин фуқаро ва масокин ва муқим ва мусофир маҳзуз эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т.

АТҚИЁ [اتقیاء] – тақводорлар, художўйлар:
Гоҳ атқиё масожидида алар қадами еткан ерга юз қўйдум ва сажда касратидин манглайим терисин сўйдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
Ва теграсидаги ёру ушшоқ ва мулозиму ҳамнишин ва сойир фуқаро ву масокин ва авлиё ва атқиё фиғонин фалаки асирға тортиб навҳалар ва нудбалар кўргуздилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т.
Ва теграсидаги ёр-у ушшоқ ва мулозим-у ҳамнишин ва сойир фуқаро ву масокин ва авлиё ва атқиё фиғонин фалаки асирға тортиб навҳалар ва нудбалар кўргуздилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т.

АФАЛЛОҲ [عفی الله] – Тангри афв этсин:
Ким ул бедилдин ўлмас бўлса ғофил,
Афаллоҳ балки соҳибдил не бедил. *Фарҳод ва Ширин*, 401-Т.

АФАН/АФН [عفن] – бадбўй хид, ёмон ҳидли; қўланса:
Бўлди бағрим яраси айла афан,
Ки шамимидин эрур бими вабо. *Бадойиул-васат*, 28-Т.

АФВ [عفو] – кечириш, гуноҳидан ўтиш; узрини қабул қилиш:
Мавлоно Ашроф... афв фазилатида «Хамса»сидин бу байт яхши воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 12-Т;
Ва гар афв ила қисмин этсанг тараб,
Сенинг хулқ-у лутфингдин эрмас ажаб. *Садди Искандарий*, 333-Т;

~ **и саҳоб** – туҳфа булути:
Лек қачан қаҳри ўти чекса бош,
Афви саҳоби етибан қатрапош. *Ҳайратул-аброр*, 7-69;

~ **суйи** – афв эътибори, иззати:
Оқ айламакини мен сиёҳ рўзи ёман,
Айлай олман афв суйи бирла гумон. *Ғаройибус-сиғар*, 562-Т;

~ **и хато** – хато узри, афви:
Айламагинг афви хато бас қани,
Баҳри карам бирла ато бас қани. *Ҳайратул-аброр*, 7-31;

~ **айла-/эт-/қил-** – гуноҳидин кечмоқ, кечирмоқ:
Қатл агар қилса ҳам фикандасимен,
Афв ҳам айлар эрса бандасимен. *Сабъаи сайёр*, 10-362;
Илоҳий шафиъ ўлғанда эл журмин ки афв этқунг,
Навоийни дағи навмид қилма ногаҳон анда. *Фавойидул-кибар*, 43-Т;
Саҳвларин афв қилиб юзларига келтурмагайлар то аларға хижолат воқиъ бўлмағай. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-94;
Гар Навоий гунаҳ ишқинг эрур,
Афв қилмақча ҳам эрмас бу гуноҳ. *Фавойидул-кибар*, 514-Т;

~ **кўргуз-** – илтифот килмоқ, кечирмоқ:
Кавий душман забунинг бўлса мурувват қил карам ва афв кўргузгил.
Маҳбубул-қулуб, 14-194;

~ **бўл-** – узри қабул бўлмоқ:
Исёнима афв бўлғай ойин,
Ё Раб ки бу навъ бўлғай омин. *Лайли ва Мажнун*, 383-Т.

АФВОЖ [افواج] – гуруҳлар, тўдалар:
Саҳар яшил аламдин ливонг уза шукка,
Малак қалин ҳашаридин сипоҳинга афвож. *Наводируш-шабоб*, 92-Т.

АФВОҲ [افواه] – оғизлар:
Насиб эт анинг мулкини шоҳға,
Дуосини қил жорий афвоҳға. *Садди Искандарий*, 508-Т.

АФГАН [افگن] – кўшма сўзларнинг иккинчи компоненти вазифасида келиб, *ташловчи, отувчи, тушурувчи, таратувчи, сочувчи, ёгдирувчи* маъноларини беради; **шамъи нурафган** – нур таратувчи шам:
Етти гардун демай ки етти лаган.
Ҳар бири ичра шамъи нурафган. *Сабъаи сайёр*, 10-8.

АФГАНДА [افگنده] – паст, тубан, ташландиқ; тобе, қарам; бахтсиз, бечора, ожиз, муҳтож; хаста:
Бўлдилар ўз феълининг шармандаси,
Ўз сулук-у феълининг афгандаси. *Лисонут-тайр*, 55-Т;
Жаҳон шоҳларин айламиш бандаси,
Забардастлар бўлмиш афгандаси. *Садди Искандарий*, 350-Т;

~ **и беэътибор** – назардан қолган киши (камтарлик юзасидан «мен» ўрнида ишлатилади); нолойиқ:
Бандаи хоксор агарчи туфрағдин ўксук эрдим аммо ул қуёш тарбияти билан ранго-ранг гуллар очтим ва бу афгандаи беэътибор агарчи заррадин камрак эрдим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т.

АФГАНДАЛИК/АФГАНДАЛИҚ/АФГАНДАЛИҒ [افگنده لیغ / افگنده لیق / افگنده لیک] – тушкунлик, фақирлик, муҳтожлик, бечоралик, хасталик:

Ҳам элдин санга кўпрак афгандалик,
Ҳавосингга даги парокандалик. *Садди Искандарий*, 90-Т;
Қоматидин сарвга афгандалиғ,
Оразидин меҳрга шармандалиғ. *Лисонут-тайр*, 89-Т;
Анга эваздур санга шармандалик,
Анга бийиклик санга афгандалик. *Ҳайратул-аброр*, 7-124;
Ҳам жунун ҳам хасталиғ куйунгда чун йикти мени,
Сарбаланд ўлмакдин ортукдур манга афгандалиғ. *Бадойиул-васат*, 229-Т;
Мубориз афганликлари ўз ҳолига сафшиканликлари ўз ясолига.
Маҳбубул-қулуб, 14-18.

АФГОР [افگار] – 1. яраланган, жароҳатланган, мажруҳ:

Таёк аъзосин андок афгор килди ким қон ул маъракани лолазор қилди.
Маҳбубул-қулуб, 14-57;

Аввалида ишкнинг бас зор эди,
Юз балийят тиғидин афгор эди. *Лисонут-тайр*, 138-Т;

2. эзилган, ўртанган; ночор: ғамли, андуҳли:

Ҳажрингда эй гулчеҳра беҳад зормен,
Қон ичра ғарка гул киби афгормен. *Мезонул-авзон*, 42-Т;
Мен ки бу нафс илгидин афгормен,
Мунча балоларга гирифтормен. *Ҳайратул-аброр*, 7-341;

~ **кўнгул** – дардли юрак:

Ким Суҳайлий саридур зор кўнгул,
Кўп тилар сухбатин афгор кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 678-Т;

~ **айла-** – эзмок, қийнамок, азоб бермок; жабр-ситам қилмок:

Кўнглум олдинг чеҳра буркаъдин намудор айлабан,
Сўнгра жаврунг не эди жонимни афгор айлабан. *Наводируш-шабоб*, 653-Т;
Дема Мажнун ул пари ишқидамен мен дашт уза
Нола чеккан тош ила кўксумни афгор айлабан. *Наводируш-шабоб*, 480-Т;

~ **бўл-** – жароҳатланмок, эзилмок:

Бўлмасам ошиқ фиғон-у зор бўлғайму эди,
Куймасам пинҳон ичим афгор бўлғайму эди. *Фавойидул-кибар*, 597-Т;
Яна ҳажр аро зор бўлдум,
Фироқингдин афгор бўлдум. *Мезонул-авзон*, 54-Т;

~ **иста-** – қийнамок, жабр-ситам қилмок:

Не жафо эрди ки марҳам васлидин қўймай ҳануз,
Ҳажр тиғи ёғдуруб кўнглумни афгор истади. *Фавойидул-кибар*, 585-Т;

~ **эт-** – яраламок, жароҳатламок:

Жунун тошин уруб ҳар дам янги доғимни афгор эт,
Ичимдин лоладек ишк ичра тошимни намудор эт. *Ғаройибус-сиғар*, 85-Т;

~ **ўл-** – афгор бўлмок:

Уйла ким урён танимга ёгди тош ҳижронида,
Эй Масиҳ асра даминг ким беҳад афгор ўлмишам. *Бадойиул-васат*, 313-Т;

~ **қил-** – қийнамок, азобламок, жабр-ситам қилмок:

Эй кирпики неш-у кўзи хунхор,
Жонимни неча қилурсен афгор. *Бадойиул-васат*, 479-Т.

АФГОРЛИҒ [افگارلیغ] – хасталик, мажруҳлик, жароҳатлилик, ярадорлик:

Ғунчадек юз пора кўнглум ҳоли бир гул ҳижрон,
Хўрлуғларму эмас афгорлиғларму эмас. *Фавойидул-кибар*, 229-Т;

Жигарсўз ҳодиса ким истимои кўзга мужиби хунборлиқ ва ғамандўз воқеа ким иттилои жонға боиси афгорлиғ эрди етишти. *Муншаот*, 14-160.

АФГОРЧА [افگارچه] – афгордек:

Гарчи даврон хоридин гул яфрағидур юз тешук,
Ҳажр нешидин эмас бу хотири афгорча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т.

АФЗ [افز] – қошни ноз-карашма билан ўйнатиш:

Қошингда тузуб афз ҳангомасин,
Гуноҳингға чектук карам хомасин. *Садди Искандарий*, 273-Т.

АФЗАЛ [افضال] – энг фозил, энг фозилатли:

анинг фақрға нисбати артуғрок бўлғай бу жиҳатдин ул афзал бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 255-Т.

АФЗО/АФЗОЙ [افزا / افزای] – қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб, *орттирувчи, кўпайтирувчи, узайтирувчи* каби маъноларни ифодалайди; қ. **ишрат афзой**.

АФЗОЙИШ [افزایش] – кўпайриш, орттириш, зўрайтириш:

Қадрига бергач анинг афзойиш,
Кўзига уйку солди осойиш. *Сабъаи сайёр*, 10-305.

АФЗОР [افزار] – асбоб, иш қуроли:

Ҳунарвар еткуруб гардунға бошин,
Муҳайё айлабан афзор-у тошин. *Фарҳод ва Ширин*, 154-Т;

~ **и дилжў** – кўнгил олувчи, ёқимли асбоблар:

Ясаб хар навъдин афзори дилжў,
Вале афзориға Қоран бериб су. *Фарҳод ва Ширин*, 156-Т;
Су берса айла афзориға устод.
Юз йил хоро демай ким йўнса пўлод. *Фарҳод ва Ширин*, 153-Т.

АФЗОРСИЗ [افزارسیز] – асбоб-ускунасиз, иш куролисиз:

Дема тифли Моний ки афзорсиз,
Чекиб юз туман давр паргорсиз. *Садди Искандарий*, 381-Т.

АФЗУН [افزون] – 1. ортик, эиёда, кўп:

Паришонлиғим кашмирий соҳир кўзлукларнинг насими шабгир совурған зулфидин афзунрақ. *Вақфия*, 14-264;
Не айб шодлиғ ашким кўп окса васлиигда
Баҳор фасли бўлур чашмалар суйи афзун. *Ғаройибус-сиғар*, 81-Т;

2. афзал, юқори, устун; кўпроқ:

Бўлди яна ул узори гулгун,
Ҳусн ичра бурунғидин ҳам афзун. *Лайли ва Мажнун*, 106-Т;
Сен мендин ўлуб вафода афзун,
Ҳам сидкда ҳам сафода афзун. *Лайли ва Мажнун*, 140-Т;

~ **ададдин афзун** – саноққа сиғмас, сонсиз, ҳадсиз:

Чаргаҳ аро қилмиш эди Мажнун,
Даврида кийик ададдин афзун. *Лайли ва Мажнун*, 199-Т;
Мужиби кўп йиғламақ эрмиш назар пок ўлмағи,
Эйла ким айлар суйин афзун аритмағдин булағи. *Ғаройибус-сиғар*, 241-Т;

~ **айла-** – орттирмоқ, кўпайтирмоқ, оширмоқ:

Шавкини наззора афзун айлади,
Ишқ аҳволин дигаргун айлади. *Лисонут-тайр*, 264-Т;

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар. *Назмул-жавохир*, 15-158;

~ **бўл-** – 1. ортмоқ, знёдалашмоқ:
Ҳажр аро жисминг киби бўлмас манга кам иштиёқ,
Балки ҳуснунгдек афзунракдур дамодам иштиёқ. *Наводируш-шабоб*, 317-Т;

2. ортиқроқ, бадтарроқ бўлмоқ:
Гарчи расво эрди Мажнун чун менинг расволиғим,
Бўлди афзун эмди кўрунмас анинг расволиғи. *Наводируш-шабоб*, 610-Т;

~ **ўл-** – кўпаймоқ, ортмоқ:
Неча ким комёб ўлуб афзун,
Кўнглига изтироб ўлуб афзун. *Сабъаи сайёр*, 10-102;
Бўлур таъвиз бирла афсун
Боис бари ранж ўлурға афзун. *Лайли ва Мажнун*, 319-Т;

~ **эт-** – оширмоқ, кучайтирмоқ:
Панд илә ишқимға ҳар ким деса ким таскин берай,
Оҳ ким бу ўтни дам бирла яна афзун этар. *Фавойидул-кибар*, 160-Т;

~ **қил-** – орттирмоқ, кўпайтирмоқ:
Чун шукрга ўз тилини мақрун қилғай,
Ўз неъматин ул шукр ила афзун қилғай. *Назмул-жавохир*, 15-143;
Ёр дардим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилди ло,
Жоним ошубини кам қилмақдин афзун қилди ло. *Фавойидул-кибар*, 35-Т;

~ **кўр-** – афзал, ортиқ кўрмоқ:
Ғаройиб ниҳоятдин афзун кўруб,
Ажиб амр ғоятдин афзун кўруб. *Садди Искандарий*, 259-Т.

АФЗУНЛИҒ/АФЗУНЛУҒ [افزونلوغ / افزونليغ] – кўплик, ортиқлик, зиёдалик:
Мумкин эрмас қисмат ўлған ризқнинг афзунлиғи
Бас халойиқ миннатин то бўлғай имкон чекмагил. *Бадойиул-васат*, 287-Т;
Кўр ғамим афзунлуғин ҳар дам ки ашким хайлининг,
Қатраси баҳр ўлди эмди айланибтур қонға ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 334-Т.

АФИФ [عفيف] – иффатли, номусли, покиза; афифа:
Навоийё санга ул пок ила не нисбат ким
Сен асру бодаға олудасен ул асру афиф. *Наводируш-шабоб*, 305-Т.

АФЛОК [افلاک] – фалаклар, осмонлар, осмон қаватлари:
Ул даргоҳдин келди расули мақбул,
Афлокдин андақ ки наби қилди нузул. *Муншаот*, 14-208;

~ **авжи** – фалакнинг энг юқори нуқтаси:
Ҳам ул дам ки қўрган аро тушти ўт,
Ки афлок авжиға ёвушти ўт. *Садди Искандарий*, 272-Т;

~ **жоми** – осмон гумбази; бахт-саодат баҳрамандлиги:
Ул ой ҳажринда маҳзунмен керак майхона ул янглиғ,
Ки май кам бўлмағай йиллар ичиб афлок жомидин. *Фавойидул-кибар*, 447-Т;

~ **сифат** – осмон сингари баланд, олий.
Ҳиммати рифъати афлок сифат,
Нафсининг пастлиғи хок сифат. *Фавойидул-кибар*, 673-Т;

~ **чароғи** – қуёш, офтоб:
Офоқ ганжи зоти фархундаси бил,
Афлок чароғи ройи рахшандаси бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-130;

~ **шаҳристони** – безакли фалаклар:
... афлок шаҳристонининг машъали анжумани меҳри оламгир ўлғай.
Мажолисун-нафоис, 248-Т;

~ **шоҳи** – шоҳлар шоҳи; қуёш:
Афлок шаҳи тобиъ-у хайл ўлди анга,
Балким ер-у кўк хайли туфайл ўлди анга. *Ғаройибус-сиғар*, 537-Т;
~ **эли** – фалаклар юрти, эли; чарх ҳаракати, юриши:
Вар мунга ҳам қилмаса парво дегил афлок элин
Кеча кундуз жонга еткурган фиғонимдин хабар. *Ғаройибус-сиғар*, 157-Т;
~ **и бало** – бало осмони, бахтсизлик осмони:
Ким балодин қоча олғай ки қилиб давр айлар,
Халқ боши уза парвизани афлок бало. *Фавойидул-кибар*, 34-Т;
~ **и машъалафрўзий** – еруғлик берузчп осмон:
Бўлғусидур бари анга рўзий,
Ройи афлоки машъалафрузий. *Сабъаи сайёр*, 10-219;
~ **и олийборгоҳ** – энг юқори осмон:
Тортибан афлоки олийборгоҳ,
Рифъату вусъат тузуб бу коргоҳ. *Лисонут-тайр*, 130-Т;
~ **и таадипеша** – зулмкор афлок:
Кўрки афлоки тааддипеша
Чархи бадмеҳр хилофандеша. *Фавойидул-кибар*, 670-Т;
~ **-у анжум** – осмон ва юлдузлар:
Чу афлок-у анжумға етмас илик,
Ки моҳияти элга бўлғай билик. *Садди Искандарий*, 443-Т;
~ **айла-** – бепоён айламоқ:
Йиғлабан бўлди асру кўп ғамнок,
Бу ситамдин ки айлади афлок. *Сабъаи сайёр*, 10-290;
~ **анжум ва афлок била машғул тут-** – фалакиёт мулоҳазалари билан тасалли бермоқ:
Ҳам ҳажр шом шуубатида ўзин анжум ва афлок била машғул тутар кайфийятида бу ғазал боштин аёқ хубу пурошуб воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 235-Т.

АФЛОКГАРД [افلاک گرد] – фалакларни кезувчи, айланувчи:
Қолиб пўядин пайки афлокгард,
Қадам олмайин рахши гардуннавард. *Садди Искандарий*, 66-Т.

АФЛОКИЙ [افلاکی] – афлокий, осмоний:
Зиҳи йўлунгда бир уфтода одами хокий,
Ҳавойи ишқингда саргашта меҳри афлокий. *Фавойидул-кибар*, 623-Т.

АФЛОКРАВ [افلاک رو] – фалакларни кезувчи:
Деди Бироҳим ки эй покрав,
Балки малак хайлидек афлакрав. *Ҳайратул-аброр*, 7-120.

АФЛОКСАЙР [افلاک سیر] – фалакларни сайр килувчи:
Бу ашжор учида ҳар жинс тайр
Бўлуб тойир ўлғанда афлоксайр. *Садди Искандарий*, 303-Т.

АФЛОКСЎЗ [افلاک سوز] – алангаси осмонга туташувчи:
Жигар гўшасин топмай ул тирарўз.
Жигардин чекиб оҳи афлоксўз. *Садди Искандарий*, 310-Т.

АФЛОКЧА [افلاک چه] – улкан, энг юқори даражали; осмондай юксак:
Базл агар бор эса афлокча,
Ҳар фалаки оллида хошокча. *Ҳайратул-аброр*, 7-334.

АФОЗИЛ [افاضل] – энг фазл эгалари, энг камолот эгалари:
Ҳазрати Махдум олам афозилининг ҳаками, балки ҳокимидур, аларни мусаллам тутмас киши йўқтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-18;

Шайх Шарафуддин Муслиҳ бин Абдуллоҳ ас-Саъдий аш-Шерозий қуддиса сирруҳу сўфийянинг афозилидин эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 429-Т;

~ **и даврон** – замон улуғлари:
ва абноии замондин ва афозили даврондин баъзидин ким... илми муаскари бадиеъул-ливо бўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-127.

АФОЪИЛУ ТАФОЪИЛ [عفاعيل و تفاعيل] – аруз илми атамаси; аруз вазни асосини ташкил этган жузлар:
Араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоъидиндур ва аруз аҳли ани афоъийл-у тафоъил дерлар. *Мезонул-авзон*, 15-Т.

АФРОД [افراد] – фардлар, шахслар, кимсалар:
Ҳам маҳофа ҳам рикоб-у ҳам алам,
Жавқ жавқ асҳоб-у афрод-у хадам. *Лисонут-тайр*, 185-Т;
Хонида чархваш афрод ғулу
Барчаға ҳавсала андин мамлу. *Фавойидул-кибар*, 686-Т;

~ **бил-** – қаторга киргизмоқ, ҳамсаф бўлмоқ:
Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлғанларни бу йўлда анга афрод бил. *Ғаройибус-сиғар*, 289-Т.

АФРУЗ [افروز] – 1. шуъла, ёлқин; ёритивчи:
Холе кўяйин юзингга яна,
Бўстон афруз ичра дона. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т;
2. қўшма сўзларда иккинчи компонент вазифасида келиб, *ёндирувчи, ёритувчи, равшан, обод этувчи* маъноларини беради.

АФРЎХТА [افروخته] – порлаган, қизариб ёнган, ёруғ, равшан:
Гул уза шабнам чу тушуб ҳар варақ,
Кўргузуб афрўхта юзда арақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-79;
Ҳам ул ўтдин ул хайли дилсўхта,
Куюб бу бири ул бир афрўхта. *Садди Искандарий*, 272-Т;
Бўлди бўстони узоринг бодадин афрўхта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг. *Ғаройибус-сиғар*, 276-Т.

АФСАР [افسر] – тож, подшолик тожи:
Зевар кишига не тож-у не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-145;
Бериб чун аршқа зоти тафохур,
Бўлуб арш афсар ул афсар уза дур. *Фарҳод ва Ширин*, 92-Т;
Тавсанинг наълидин истармен бошимга афсаре
Ҳиндудек ким бошиға товусдин санчар паре. *Ғаройибус-сиғар*, 438-Т;

~ **нигор** – тож нақши билан безатилган:
Дема лавҳа ким лавҳаи зарнигор,
Қилиб зарварақ бирла афсар нигор. *Садди Искандарий*, 303-Т;

~ **и Рум** – Рум шоҳлиги, подшолиги, тожи:
Ё Раб бўлсун гарди раҳинг зевари Рум,
Зоттингға насиб тахт ила афсари Рум. *Муншаот*, 14-177;

~ **и рифъат** – юксаклик, мартабалик тожи:
Андин ўлди бу қадар иззат манга,
Бош уза бу афсари рифъат манга. *Лисонут-тайр*, 134-Т;

~ **и гардундин ўт-** – шоҳлик мартабаси кўтарилмоқ:
Яна Кисро ўлди жаҳон довари,
Ки гардундин ўтти анинг афсари. *Садди Искандарий*, 113-Т.

АФСАРПАРАСТ [افسر پرست] – тожпараст:
Яна бўлди Озарми афсарпараст,
Ким ул топти Турон ерига нишаст, *Садди Искандарий*, 113-Т.

АФСАҲ [افصح] – фасиҳроқ, энг фасиҳ, энг чечан:
Масиҳодин лабинг афсаҳ куёштин оразинг аҳсан,
Куёшингга фалак ҳайрон масиҳингга куёш маскан. *Ғаройибус-сиғар*, 374-Т;
~ **ул-калом** – энг фасиҳ сўзлар:
Назм аҳлининг афсаҳул-каломи,
Сўз дуррига мунтазим низоми. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;
Аҳли назм афсаҳул-каломи ул,
«Хамса»нинг нозими Низомий ул. *Сабъаи сайёр*, 10-37.

АФСОНА [افسانه] – 1. ҳикоя, нақл, достон, ривоят:
Чу дуо қилди деди фархона,
Ки дей ўз кўрганимдин афсона. *Сабъаи сайёр*, 10-335;
Тенгри дўстларининг ҳикояти ва алар ахлоқининг ривояти афсонаедур ким уюган кўнгулни уйғатур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;
Ҳудҳуд ул афсонани чун қилди гўш,
Деди кўп қилма бу ишқингдин хуруш. *Лисонут-тайр*, 63-Т;
2. мақтов; довруқ:
Телбалардек ҳар дам айтиб ул пари афсонасин,
Толмайин мақтаъ яна бунёд қилмақдур ишим. *Наводируш-шабоб*, 406-Т;
Етти кох ичра етти фарзона,
Дегали ҳикматингдин афсона. *Сабъаи сайёр*, 10-7;
3. машҳур, ҳаммага танилган:
Мен жаҳон афсонаси ул шўх майл этмас нетай,
Гарчи шўх атфолиға доим тилар афсона табъ. *Фавойидул-кибар*, 285-Т;
То ишқ аро афсонамен ўт ичра ки девонамен,
Ул шамъ учун парвонамен ким бўлмиш ўртанмак фаним. *Бадойиул-бидоя*, I-390;
4. ёлғон, уйдирма гап; ҳақиқатдан узоқ ҳикоя:
... бу афсоналарни ясаб биравга боғласалар эшитган киши инона олмағай. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т;
Нодон дўстни ҳам дўст сониға кивурма хирад шамъиц анинг ҳарза афсонаси елидин ўчурма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;
~ **и бехуда** – бехуда нақл, уйдирма:
Бу бари афсонаи беҳудадур,
Ким ки сен уммидисен осудадур. *Ҳайратул-аброр*, 7-32;
~ **и дард** – дардли афсона, ғам-ғуссага тўлиқ ҳикоят:
Чу аввалғи фасиҳи ганжапарвард,
Рақамзад қилди бу афсонаи дард. *Фарҳод ва Ширин*, 115-Т;
~ **и ишқ** – ишқ-муҳаббат ҳақидаги гаплар, муҳаббат, севги васфи:
Сўзи бари бўлуб афсонаи ишқ,
Мақому маскани кошонаи ишқ. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;
~ **и Мажнун** – Мажнун достони, қиссаси:
Бу ки Лайливашим аллида фидо қилдим жон,
Бўлди бу қиссаға афсонаи Мажнун боис. *Фавойидул-кибар*, 93-Т;
~ **айла-** – ҳикоя қилмоқ, эртак сўзламоқ, нақл этмоқ:
Хат лабингдин жонфизо ул хат лабингдин руҳбахш,
Истаман афсонаи Хизру *Масиҳо айламак*. *Фавойидул-кибар*, 316-Т;

~ **айт-** – қиссағўйлик қилмоқ:
Дайр пири озу нофиъ нукта дер воиз не суд,
Гар даме афсона айтур лаҳзае афсун этар. *Фавойидул-кибар,* 160-Т;

~ **бўл-** – кишилар оғзига тушмоқ, турли ривоятларга сабаб бўлмоқ:
Маҳзун кўнгулнинг ёрсиз девона бўлмағининг узри ва ул ҳажрдин Вомиқ ва Мажнундек расволиққа афсона бўлмағининг маъзирати.
Мажолмсун-нафоис, 230-Т;

~ **қил-** – ривоят қилмоқ:
Кўнглида ваҳм қолмағач яна,
Маҳваш оғоз килди афсона. *Сабъаи сайёр,* 10-350;
Шоми ҳажрим шарҳин эл афсона қилди оҳ ким
Уйқуға солған қаро бахтимни бу афсонадур. *Ғаройибус-сиғар,* 138-Т.

АФСОНАГУЗОР [افسانه گذار] – афсона, ҳикоят айтувчи, саргузаштлар сўзловчи:
Тужжори саёҳатшиор ақолим ва булдон ҳолидин хабардор ажойибдин афсонагузор ва ғаройибдин нодиргуфтор. *Маҳбубул-қулуб,* 14-34;
Ходий қилибан неча хирадманд,
Афсона гузор-у шайхмонанд. *Лайли ва Мажнун,* 171-Т.

АФСОНАВАШ [افسانه وش] – афсонавий, афсонаваш:
Фасона боиси ғафлатдур элга воиздин,
Недин ки келтурур афсонаваш калом уйқу. *Наводируш-шабоб,* 516-Т.

АФСОНАЛИҒ/АФОНАЛИК [افسانه لیغ / افسانه لیق] – машҳурлик; афсоналик; кўп сўз, гап айтишлик:
Мен сўзи кавн аҳлиға афсоналиғ қилған қари,
Сен кўзи Кашмир элига ўргатур афсун йигит. *Наводируш-шабоб,* 80-Т;
Гар анжуманни деса мурид-у мутиъ этай,
Кўп нукта-у фасонада афсоналиқ керак. *Наводируш-шабоб,* 518-Т;
Ушбу бўлур ғайрат-у мардоналик,
Рашк-у ҳамият била афсоналик. *Ҳайратул-аброр,* 7-160.

АФСОНАПАРДОЗ [افسانه پرداز] – достончи, ҳикоянавис:
Паёмоварға очиб пардаи роз,
Барисин бўлдилар афсонапардоз. *Фарҳод ва Ширин,* 346-Т;
Яна даги расоилға қалам сурубмен ва макотибға рақам урубмен ки форсий сеҳрсозлар ва паҳлавий афсонапардозлар ҳам анда авроқ ороста ва ажзо пироста қилибдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн,* 181-Т.

АФСОНАСАНЖ [افسانه سنج] – афсона, ҳикоя айтувчи, танқидий ва ибратли назар билан тингловчи:
Алар узриға бўлди афсонасанж,
Ети кон уза бир бузуғ тўкти ганж. *Садди Искандарий,* 495-Т.

АФСОНАСАРОЙ [افسانه سرای] – афсона, нақл қилувчи, афсоначи:
Афсонасаройи дардпарвард,
Мундоқ деди бу фасонаи дард. *Лайли ва Мажнун,* 310-Т.

АФСОР [افسار] – нўхта; **ур-** – нўхта солмоқ; ўзига ром қилишга ҳаракат қилмоқ:
Эй Навоий шайхни шайтон гар афсор урмади,
Бас нега доим қилур ҳазл ул узун фашлиғ била. *Ғаройибус-сиғар,* 434-Т.

АФСУН [افسون] – 1. сеҳр, авраш, жоду, ҳийла:
...фусунгар афсун била йилонни тўшукдин чиқарур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-93;
... ширин лабин шаккарриз қилиб ул афсун тили била ошиқ ўтин тиз қилмағай.
Мажолисун-нафоис, 233-Т;

Сўрди чу отаси бўйла афсун,
Йиғлаб аёғиға тушти Мажнун. *Лайли ва Мажнун*, 270-Т;

2. жоду, жодугарлик сеҳри:
Илик зулфунгға элтур орзудин ёва айтурмен,
Биравдек ким йилон тутмақ учун оғзидадур афсун. *Ғаройибус-сиғар*, 340-Т;
Бўлур таъвиз бирла афсун,
Боис бари ранж ўлурға афзун. *Лайли ва Мажнун*, 319-Т;

3. афсона, ҳикоя:
Шоми ҳижронин кўруб меҳри отин тутмаған мазмунида ва ваъдаи субҳи висол айлаб ёрутмаған афсунида... *Мажолисун-нафоис*, 219-Т;

~ **Кашмир** – Қашмир жодуси:
Ки бу ишки афсуни Кашмир эрур,
Ани дафъ этарга не тадбир эрур. *Садди Искандарий*, 245-Т;

~ **и савдо** – қора жоду; ишқ савдосига соладиган тумор:
Дема таъвиз ким афсуни савдо эрди кўнглумга,
Ки ошти шуълаи ишқу жунун ёзған замон таъвиз. *Бадойиул-васат*, 105-Т;

~ **айла-/қил-** – алдамоқ, ҳийла ишлатмоқ; сеҳрламоқ:
Айлабан бу навъ юз афсун-у дам,
Олғуча ул луқмае ё бир дирам. *Лисонут-тайр*, 59-Т;
Кўйига топмас Навоий йўл рақиби таънидин,
Гўйиё ул ит сурубдур айлаб афсун ҳар тараф. *Наводируш-шабоб*, 307-Т;
Сочинг афъиларидин йўқ кўзунга ҳеч газанд,
Сеҳр ила то бу йилонларға не офсун қилди. *Наводируш-шабоб*, 620-Т.

АФСУНГАР [افسون گر] – сеҳргар, соҳир, жодугар:
Иккинч ул ки бор анча афсунгарим,
Мавожиб еган барчаси чокарим. *Садди Искандарий*, 224-Т;
Заҳр ила яшил бўлубан пайкари,
Булбул анинг бошида афсунгари. *Ҳайратул-аброр*, 7-79.

АФСУНСОЗ [افسون ساز] – сеҳрловчи, ҳайратлантирувчи:
Эй замон аҳли фусун-у ғадрингиз не айб ким
Нам замондек дойим афсунсоз-у ғаддор эрдингиз. *Фавойидул-кибар*, 209-Т;
Бўлубан сўз демакка афсунсоз,
Қилди андақ сано-у мадҳ оғоз. *Сабъаи сайёр*, 10-80.

АФСУНТИРОЗ [افسون تراز] – афсунгар, жодугар, соҳир, сеҳрчи:
Ичинда ики минг киши чорасоз,
Бари ҳийлапардоз-у афсунтироз. *Садди Искандарий*, 244-Т.

АФСУРДА [افسرده] – ҳориган, эзилган, сўлғин; ғамли, хаста:
Ҳасратингда афсурдамен,
Фуркатингда озурдамен. *Мезонул-афзон*, 48-Т;
Чу булбул аён қилди бу дард-у доғ,
Қоларди жавобида афсурда зоғ. *Садди Искандарий*, 383-Т.

АФСУРДАДИЛ [افسرده دل] – кўнгли синиқ, тушкунлик:
Не тонг афсурдадил бўлсам ки то ҳусн ўти ўчмишдур,
Кўнгулдин дағи ҳаргиз чиқмамиш бир шуълалиғ оҳи. *Фавойидул-кибар*, 559-Т.

АФСУРДАЛИҚ [افسرده لیق] – тушкунлик, сўлғинлик; эзилганлик:
Деди Ҳудҳуд қилмангиз афсурдалиқ,
Асру зоҳир этмангиз озурдалиқ. *Лисонут-тайр*, 242-Т.

АФСУС [افسوس] – пушаймон, ўкиниш, ачиниш, афсус:

Демай мол-у ҳаёт-у жондин афсус.
Валекин барча айтиб андин афсус. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т;
Чу умр ўтар бу кун ўзни нашот ила хуш тут,
Ки тонгла нафъи етурмас дариғ ила афсус. *Фавойидул-кибар*, 230-Т;
Афсус ки умри навжавонлиғ кетти,
Танға қариликда нотавонлиғ еттн. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116.

АФТОДА [افتاده] – 1. нотавон; мажолсиз; заиф; эзилган, қийналган; тушкунликка учраган:

Чу мулкида афтода-у зор эди,
Улус оллида дамбадам хор эди. *Садди Искандарий*, 261-Т;
Зулфунгда тугун эрмас кўюнгда ғубор эрмас,
Афтода кўнгуллардур фарсуда баданлардур. *Наводируш-шабоб*, 165-Т;

2. камтарлик юзасидан *мен* ўрнида ишлатилади:

Қуллуқ арзадошт ул ким ғарибнавозлиғи ким бу афтодаға мужиби сарафрозлиғ эрди бандапарварлиғи ким бу шикастаға дилнавозлиғ берди. *Муншаот*, 14-209;

~ **и ишқ** – ишқ курбони, ишқда эзилган; мубтало бўлган:

Соқиё кел манга тут бодаи ишқ,
Ким эрур хилқатим афтодаи ишқ. *Фавойидул-кибар*, 688-Т;

~ **бўл-** – эзилмоқ, қийналмоқ:

Агарчи дайрда усрук йиқилдим аммо шукр,
Ки боре муғбача кўйида бўлдум афтода. *Бадойиул-васат*, 384-Т;

~ **эт-** – қийнамоқ, азобламоқ:

Таййи арз этсанг чақиндек бир шарарча кўрмагил,
Барқдек ўзни фано туфрағида афтода эт. *Наводируш-шабоб*, 88-Т.

АФТОДАВАШ [افتاده وش] – ошиқ сифат, бечораҳол, нотавон:

Ҳудҳуд ул сўзлардин ўлди шод-у хуш,
Деди ким эй бир сурук афтодаваш. *Лисонут-тайр*, 46-Т.

АФТОДАЛИҒ/АФТОДАЛИК [افتاده لیغ / افتاده لیق] – ожизлик, нотавонлик; маъюслик, тушкунлик:

Жаҳл аро афтодаликдин қўлдасанг,
Шоҳимизни истамакда йўлдасанг. *Лисонут-тайр*, 39-Т;
Афтодалиғ била хўй тут ва шикасталиғ била кўпгулни овут. *Маҳбубул-қулуб*, 14-123;

Қочмайин афтодалиғдин арзи ихлос айла ким
Дўст лутфи оқибат афтодаларни қўлдамиш. *Фавойидул-кибар*, 267-Т;
бу тақвияти утрусида хошокдин ғайри афтодалиқ не келгай балки анинг афтодалиғидин ҳам не очилғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-135.

АФШОН I [افشان] – қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб, *сочилган, сочувчи, тарқатувчи* маъносида келади.

АФШОН II [افشان] – 1. зар нақшли безак:

Атласу зарбафт аро нодон анингдек ҳажв эрур,
Ким хитойи сафҳада сабт ўлди афшонлар аро. *Бадойиул-васат*, 17-Т;
Йўқ саҳоб айт қатра афшон миғ,
Қатра пайкон-у барқ ламъаи тиғ. *Сабаъи сайёр*, 10-61;

2. нақшу нигор, нақшин:

Лаълийи тахт нуқра қилурға шафақ,
Ранги ву афшонға қиёш зарварақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-68;

~ **қил-** – олтин зарраларини сочмоқ (китоб бетига):
Чеҳра гулгун сафҳасига қилдинг афшон зарварақ,
Ё магар раҳшон кавокиб зоҳир айлабтур шафақ. *Наводируш-шабоб*, 309-Т.

АФШОНИЙ [افشانی] – нақшинли, безакли:
... шингарф хутути узра заъфарон афшоний килғандин нишона кўгузди.
Муншоат, 14-138.

АФЮН [افیون] – кўкнори, корадори:
Агарчи акнун афюн касрати ани ақл ҳулясидин орий қилибдур ул вақтда бу фанда «Аслул-васл» отлиғ китобни тасниф қилди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-70.

АФЮНИЙ [افیونی] – кора дорини истеъмол қилувчи одам, гиёҳванд:
Афюний ва банги – одамийлар нанги. *Маҳбубул-қулуб*, 14-105.

АФЪО/АФЪИ [افعی] – 1. илон, заҳарли илон:
Бу икки хайлдин ҳар бири бир афъи шоҳга вожибдур буларнинг дафъи.
Маҳбубул-қулуб, 14-16;
Қуйруғидин ул ки кўргузди хабар,
Деди бир афъо осилмишдур магар. *Лисонут-тайр*, 209-Т;
Хизрдин иблис эрур аъмо киби,
Рост зумуррад била афъо киби. *Ҳайратул-аброр*, 7-238;
2. соч, соч ўрими:
Телбараб қочқан қулунг мен ким сочинг афъосидин,
Ҳам аёғимда эрур занжир-у ҳам бўйнумда ғул. *Наводируш-шабоб*, 367-Т;
~ **йи муанбар** – сеагилининг қора хушбўй сочи:
Ё икки афъийи муанбар де,
Ганжи зотингға икки аждар де. *Сабъаи сайёр*, 10-20;
~ **йи мушкин** – қора хушбўй соч ўрими:
Соч боғингдин чиққан аё сунбули пурчинмудур,
Ё терисин солған икки афъийи мушкинмудур. *Фавойидул-кибар*, 198-Т;
~ **йи печон** – беқарор илон:
Бадани нолдек бўлуб бежон,
Кўзига нол афъийи печон. *Сабъаи сайёр*, 10-122;
~ **йи ғам** – кучли ғам-алам:
Афъийи ғам чу элга айлади зўр,
Ани жоми зумаррад айлади кўр. *Сабъаи сайёр*, 10-235.

АФЪОЛ [افعال] – 1. феъллар, ҳаракатлар, ҳолат:
Недин бас қилиб тарки ройи савоб,
Қилур нохуш афъолни иртикоб. *Садди Искандарий*, 210-Т;
Бу ҳамида хисол ва пиандида афъол жиҳатидин яхши ва ёман аҳли замон кошида азиз-у мукаррам ва муҳтарам бўлур эрмишлар.
Ҳолоти Сайид Хасан Ардашер, 15-90;
2. одат, ахлоқ; қилиқлар:
Ато ҳаргиз ўғул кўнглига бокмай,
Ўғулға ҳам ато афъоли ёкмай. *Фарҳод ва Ширин*, 472-Т;
Атомнинг бўлуб эрди ёши улук,
Мен афъолидин бар эдим қайғулук. *Садди Искандарий*, 278-Т;
~ **и табаъ** – бўйсуниш, кўр-кўрона эргашиш йўсини, одати:
Дин ким анга афъоли табаъдин бўлди,
Қалқон анга «азза ман қанаъ»дин бўлди. *Назмул-жавоҳир*, 15-159;

~ **и чарх** – фалак ҳаракати, атвори:
Ажаб луъб кўргуди афъоли чарх,
Ки хуршид уёқти қолиб золи чарх. *Садди Искандарий*, 487-Т.

АФҒОН [افغان] – 1. фиғонлар, фарёдлар, нолалар:
Шағоли тортибан афғони андух,
Чекиб кирган кишининг ҳолиға вух. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
Солиб ҳам тоғ у ҳам ҳомунға афғон,
Оғир юкдин тушуб гардунға афғон. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
Оҳ-у вовайло ву афғон бошлади,
Халқ аро ғавго ву тўфон бошлади. *Лисонут-тайр*, 63-Т;
2. овоз, садо, жаранг, бонг:
Мунунгдек ким йирокдур Каъбаи мақсад ҳамоно ким
Эрур манзилға етмасдин жараснинг тинмай афғони. *Ғаройибус-сиғар*, 453-Т;
~ **и андух** – ғам, кайғу фиғонлари, нолалари:
Шағолининг уни афғони андух
Чекиб кирган кишининг суғиға дух. *Муншаот*, 14-147;
~ **и жарас** – кўнғироқ фиғони:
Жамъ этар оваораларни чоклиғ кўнглум уни,
Йўлдин озғанларни ул янглиғ ки афғони жарас. *Наводируш-шабоб*, 234-Т;
~ **и зор** – зорли фиғон:
То кутилса даҳр оримдин менинг
Даҳр эли афғони зориндин менинг. *Лисонут-тайр*, 102-Т;
~ **и ногох** – фиғонли ногоҳ:
Кўнгул афсонасин гоҳи десам элни тутар уйқу,
Ва лекин ҳар замон сескандурур афғони ногоҳим. *Ғаройибус-сиғар*, 330-Т;
Эй Навоий дерсен ўзни сахла кўрсанг ёрни,
Неткамен беихтиёр афғони ногоҳим била. *Фавойидул-кибар*, 548-Т;
~ **ўти** – оҳу фарёд ўти; ишқ ўти:
Оташин гулдин кизармиш боғ ёхуд андалиб,
Урди гулбунларға гул ҳижронидин афғон ўтин. *Ғаройибус-сиғар*, 368-Т;
~ **и зор эт-** – фиғону фарёд килмоқ:
Улус дағи афғони зор эттилар,
Алар дағи беихтиёр эттилар. *Садди Искандарий*, 220-Т;
Эй Навоий ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недур ким қон келур оғзингдин афғон айлагач. *Ғаройибус-сиғар*, 100-Т;
Оқибат чун ишқ туғён айлади,
Бир саҳар фарёд-у афғон айлади. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – фиғон чекмоқ, нола қилмоқ:
Эй Навоий магар оҳинг ани тутмиш ки кеча
Неча ким сен чекибан оҳ ул афғон этмиш. *Бадойиул-васат*, 201-Т;
Хом кўнглум ким дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бордурур ул тифлдек ким йиғлағай ҳалво учун. *Ғаройибус-сиғар*, 369-Т;
~ **торт-** – нола, фарёд қилмоқ:
Эй кўнгул ҳижрон кунидур тортиб афғон йиғлағил,
В-эй кўз айрулғунгдур ул гулчеҳрадин қон йиғлағил. *Бадойиул-васат*, 292-Т;
Сен май ичибу рост қилиб соз ила оҳанг,
Мен кон ютубу тортибон афғон била нола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т;
~ **туз-** – дод-вой солмоқ, фарёд, нола қилмоқ:
Вах ки ул субҳи узор-у шоми зулф андуҳидин,
Йиғларам то субҳ шом афғон тузуб то шом субҳ. *Бадойиул-васат*, 83-Т;

Гул чоғи ҳар гулга бир булбул тараннум кўргузуб,
Тоза қонлиғ доғ ила кўнглум куши афғон тузуб. *Наводируш-шабоб*, 52-Т;

~ **чек-** – фиғон чекмоқ, нола қилмоқ:
Агар юз қатла булбул чексун афғон,
Баҳор ўлмай гул очилмақ на имкон. *Мушаот*, 14-152;
Ул пари боргач Навоий дашт сари кўйди юз,
Телбалар янглиғ ёқасин чок этиб афғон чекиб. *Бадойиул-васат*, 41-Т.

АФҒОНЛИҒ [افغان لیغ] – оҳу фарёд чекаётган, фиғонли:
Оташин гул ғунчасидур ўтлуғ-у қонлиқ кўнгул,
Зор булбул тумшуғи чокидин афғонлиғ кўнгул. *Бадойиул-васат*, 295-Т.

АФҒОНСИЗ [افغان سیز] – фиғонсиз:
Ичимда кирпиги гар нола айласам тонг йўқ,
Қўнгулга неш тикилса болурму афғонсиз. *Наводируш-шабоб*, 215-Т;
Гар Навоий чекар ун хажр тўни,
Йўқ ажаб тун эмас ит афғонсиз. *Наводируш-шабоб*, 216-Т.

АХАВИЙМАОБ [اخوی مآب] – ҳамдамлик, биродарлик, дўстлик; ахавий (тасаввуф атамаси):
Ҳакимсурат дарвишсийрат балки дарвиши аҳам ҳукумати қасам, яъни ахавий-маоб давлати иёбға мавоизосо калом ва насойиҳи молокалом демак.
Садди Искандарий, 511-Т.

АХАСС I [اخس] – ўта хасис; энг паст:
Етмагай аълодин адноға шикаст,
Бўлмағай ашраф ахасс оллида паст. *Лисонут-тайр*, 37-Т.

АХАСС II [اخص] – энг хослар, энг яқинлар: ~ **и асҳоб** – энг яқин суҳбатдошлар:
Агарчи алар ким ахасси асҳоб ва ааззи аҳбоб эрдилар кўп қатла бу иш иртиқобиға илтимос ва таклиф қилур эрдилар. *Бадойиул-бидоя*, I-14.

АХБАС [اخبث] – энг ярамас, энг ичи қора:
Яна ҳам ки васфи ахбасин бир бири устига теribдурлар муносиб нималарга нисбат беribдурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-98.

АХБОР [اخبار] – хабарлар, маълумотлар:
Бўйла сўз манқул эрур ахбор аро,
Ҳиммат аҳли ҳолидин осор аро. *Лисонут-тайр*, 174-Т;
Қилиб Сукрот ахборин дағи ёд,
Вале ўлмай қутулғандин бўлуб шод. *Фарҳод ва Ширин*, 267-Т.

АХГАР [اخگر] – лахча чўғ, олов; ошиқ:
Оташин лаълни ахтар янглиғ,
Урай эл жониға ахгар янглиғ. *Фавойидул-кибар*, 682-Т;
Нор ахгарларининг ламаоти нечук ким лаъли коний ва анор доналарининг боғланғани нечук ким ёқути руммоний. *Муншаот*, 14-141;
Ишқ оташгоҳининг ахгари ул,
Балки ул шуъланинг самандари ул. *Сабъаи сайёр*, 10-38;

~ **кўнгли** – оташли юрак; қонли кўнгил:
Тиғ ила кўксумни ёрсанг шуълаи оҳим не тонг,
Чун ёлин ортар киши чок этса ахгар кўнглини. *Фавойидул-кибар*, 588-Т;

~ **и сўзанда** – лахча чўғ; ошиқ:
Ҳам ип кул бўлғай-у ҳам игна су бўлғай тикар бўлсанг,
Недин ки бор алардин ахгари сўзанда ҳар парканд. *Наводируш-шабоб*, 115-Т;

~ **бўл-/ўл-** – чўғланмоқ, оташланмоқ; ёнмоқ:
Анинг ахгари кони гавҳар бўлуб,
Мунунг лаъли бир пора ахгар бўлуб. *Садди Искандарий*, 229-Т;
Ки-эй ишқ ўти ичра ахгар ўлған,
Не ахгар ким самандар ўлған. *Лайли ва Мажнун*, 241-Т;
~ **қил-** – ёндирмоқ, оташга солмоқ:
Фалак уд сўзида ахгар қилиб,
Малоик ани уди мижмар қилиб. *Садди Искандарий*, 79-Т.

АХГАРНИШИН [اخگرنشين] – чўғда ўтирган, чўққа тушган; ўртанган:
Килиб шуъла зоҳир гули оташин,
Самандар киби булбули ахгарнишин. *Садди Искандарий*, 380-Т.

АХЁР [اخيار] – яхшилар:
... ахёр футуввати шамойимидин мунаввар ва аржманд эткайсен.
Насойимул-муҳаббат, 455-Т.

АХЗ [اخذ] – олиш:
Қилди руҳафзо лабинг кулмак била жонимни ахз,
Йиғлатиб кофир кўзунг ҳам нақди имонимни ахз. *Мажолисун-нафоис*, 209-Т.
~ **и амвол** – молу дунё олиш, молу мулк йиғиб олиш:
Хайли чун фатҳи Мадойин қилдилар,
Ахзи амволу фазойин қилдилар. *Лисонут-тайн*, 29-Т;
~ **и моли ҳаром** – ҳаром, ман этилган молни олиш:
Ахзи моли ҳаром коми ўлуб,
Бўйла ком истабан ҳароми ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 10-277;
~ **эт-** – олмоқ:
Тожир олиб ул сифат нақди азиз,
Ахз этиб ғаввос бир икки пашиз. *Лисонут-тайр*, 82-Т.

АХЗАР [اخضر] – кўк, яшил, сабзаранг:
Хирқаси ахзару асо ахзар,
Гўйи ул эрди Хизр пайғамбар. *Сабъаи сайёр*, 10-217;
Эрур жисмингда ахзар хилъат ул навъ,
Ки гулбун баргидин тўн қилса насрин. *Ғаройибус-сиғар*, 346-Т;
~ **гиёҳ** – яшил ўсимлик, гиёҳ, сабза:
Зулмат алар ўтиға бир дуди оҳ,
Йўлларида Хизр бир ахзар гиёҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;
~ **и дарё** – тиниқ дарё:
Ва муҳит атрофида етти ахзари дарё ким етти чархи хазродек шўрангиз...
Садди Искандарий, 450-Т;
~ **бўл-** – кўкармоқ; кўм-кўк бўлмоқ:
Шоҳи шажар хирқаси ахзар бўлуб,
Хирқа била Хизр пайғамбар бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-282.

АХЗАРВАШ [اخضروش] – яшил, яшилга мойил, яшилтоб:
Кўрди ким икки сурати дилкаш,
Қуш киби лек ранги ахзарваш. *Сабъаи сайёр*, 10-211.

АХЗАРГУЗИН [اخضرگزين] – нафис яшилранг:
Синони била тикти ахтаргузин,
Не ахтаргузин чархи ахзаргузин. *Садди Искандарий*, 119-Т.

АХЗАРГУН [اخضرگون] – яшилранг:
Топдилар икки тўтийи мавзун,
Ранг ичинда сипеҳри ахзаргун. *Сабъаи сайёр*, 10-183.

АХЗАРИЙ [اخضری] – яшил рангли, ҳаворанг:

Гунбад анга гунбади нилуфарий,
Равзаси саҳни фалаки ахзарий. *Ҳайратул-аброр*, 7-170.

АХЗАРПЎШ [اخضرپوش] – яшил, сабзаранг кийимли; сўфи:

Чун яқинлаштинг икки ахзарпўш,
Шаҳға бориб нечук ки икки сурўш. *Сабъаи сайёр*, 10-226.

АХИЙ [اخی] – 1. олий саховат эгаси, сахий киши:

Дунё сари ким майл ўкин отти ахий,
Анинг ваҳлиға белича ботти ахий,
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти ахий,
Дунёға бирав ки дунёни сотти ахий. *Назмул-жавоҳир*, 15-161;

Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де ўзи емай барин муҳтожға берганни ахий де. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80;

2. биродар:

Қаро кўзум, бирор биза боқ ахий,
Жароҳатимға марҳаме ёқ ахий. *Мезонул-авзон*, 50-Т;

Ани ҳам чекти мезбони сахий,
Меҳмон оллида сахо кўр ахий *Сабъаи сайёр*, 10-252;

Чехра ёпиб мени куйдурма ахий,
Важҳасиз жонима ўт урма ахий. *Наводируш-шабоб*, 639-Т;

3. шахс исми, лақаб:

Ҳукм қилди шоҳи хужастажамол,
Кирди ҳаммом аро Ахий филҳол. *Сабъаи сайёр*, 10-172.

АХЛОТ [اخلاط] – чиқиндилар; хилтлар:

Мухталиф ахлот ила мамлу эди,
Муҳлик-у макруҳ лавни бў эди. *Лисонут-тайр*, 161-Т;

Фосид ахлотиқа ки вожибдур дафъ,
Бўлғайму киши берай деса жон ҳукми. *Маҳбубул-қулуб*, 14-40.

АХЛОҚ [اخلاق] – хулқ-атвор, феъл, хуй; одоб:

... ахлоқ шахсининг оғир баҳолиғ либосидур ва ул либос жинсининг сангин деболи. *Маҳбубул-қулуб*, 14-83;

Мавлоно Ҳусайни Хоразмий... ўзга мусаннифоти ҳам бор аммо ахлоқ ва сифоти ботин илмида ёруғлуқ топқаннинг мунофисидур. *Мажолисун-нафоис*, 9-Т;

Одами табъини жаҳл айлаб залил,
Ҳар ёмон ахлоқдин қилса алил. *Лисонут-тайр*, 34-Т;

~ **и беҳадд** – чексиз одобли:

Ул ахлоқи беҳадд-у ғоят кўруб
Яна бахшиши бениҳоят кўруб. *Садди Искандарий*, 296-Т;

~ **и замим** – қабиҳлик, ёмонлик:

Ўзлукунг сайлидин ахлоқи заминингни кетар,
Ким кетар муҳмал ила неча мухолиф амроз. *Наводируш-шубоб*, 275-Т;

~ **и ҳамида** – яхши, мактовга арзийдиган хулқ, одоб:

Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон. *Маҳбубул-қулуб*, 14-110;
Кўп ахлоқи ҳамида андин марвидур. *Насойимул-муҳаббат*, 385-Т.

АХЛОҚЛИҚ [اخلاق لیق] – хулқли, ахлоқли, одобли:

Фаридун яхши ахлоқлиқ олим ва одил подшоҳ эрди. *Тарихи қулуки ажам*, 16-201;

Мирзабек ... инсонийятлиқ ва хўш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. *Мажолисун-нафоис*, 74-Т.

АХРАБ [اخرب] – аруз фани атамаси:

Яна бири ул ки аввалғи жузви «мафъулу» бўлғай ки ҳазажнинг бир жузвин «харб» қилибдурлар ва ани «ахраб» дерлар. *Мезонул-авзон*, 7-Т.

АХРАМ [اخرم] – аруз фани атамаси:

Бири ул ким аввалғи жузви «мафъулун» бўлғай ки ҳазажнинг бир жузвини «харм» қилибдурлар ва ани «ахрам» дерлар. *Мезонул-авзон*, 37-Т.

АХСАР [اخسر] – энг майда, жуда қисқа:

Фироқ шуъласида пора пора бағрим эрур,
Демай кабоб ки ул ўтнинг ахсари янглиғ. *Наводирун-ниҳоя*, 2-11.

АХСУМ [اخسوم] – синчиклаш; синчковлик:

Мингдин бир эмас бу ҳақиқат майидин
Ичган ани ахсум ўлса тонг йўқ пайваст. *Маҳбубул-қулуб*, 14-61.

АХСУМЛА- [اخسوملا] – синчикламоқ, синчковлик қилмоқ:

Шафақгун май сари чун қўл узатиб,
Чу ахсумлаб қуёш жомин ушатиб. *Фарҳод ва Ширин*, 104-Т.

АХТАР [اختر] – 1. юлдуз:

Бўлса бийик чарх ила ахтар анга,
Тўда кул ичра неча ахгар анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-171;
Маккада бўлғач ул ахтар нури фош,
Барча бутлар қўйдилар туфраққа бош. *Лисонут-тайр*, 22-Т;
Гулшане йўлукти гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшондарақ.
Муҳокаматул-луғатайн, 180-Т;

2. тақдир, қисмат; бахт:

Ашкдек оқти қаро сув кўзларимдин ҳажрида,
Тонг йўқ идборим чу бўлмишдур манга ахтар қаро. *Ғаройибус-сиғар*, 50-Т;

3. юз, жамол, чирой, ҳусн:

Ҳусн авжи узра тобон ахтар ул,
Лутф дуржи ичра рахшон гавҳар ул. *Лисонут-тайр*, 191-Т;
Ахтаридин мехрға фархундалик,
Бадру ҳилол айлаб анга бандалик. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

4. манзил, макон; шуъла:

Ел агарчи лола тожин учурғай аммо қиё камариға нета олғай ўт агарчи тоғ этагин куйдургай аммо қуёш ахтариға нечук ета олғай? *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;

~ **чечаклари** – чарақлаган юлдузлар:

Йигитликнинг ҳар чечаги ахтар чечакларидек сипеҳр гулбунидин очилса охир субҳи асфар хазониға мунтаҳи... *Муншаот*, 14-137;

~ **и ашк** – бахт, иқбол ёшлари:

Навфал аллида ахтари ашкин оқизғани... *Лайли ва Мажнун*, 215-Т;

~ **и баландсоя** – шаҳзода, улуғлар; мартабалилар:

Ул дурри гаронмояни Тенгри таоло Мирзо била Бегим учун поянда тутсун ва ул ахтари баландсояни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мирзом била Хоним учун тобанда асрасун. *Муншаот*, 14-199;

~ **и бахт** – бахт юлдузи:

Ахтари бахтим дурур ул хол йўқса кўрмадук,
Кавкаб андақ тира ким хуршид уза маълум эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 148-Т;
Мунажжим ахтари бахтимнн кўй ки оҳимдин
Бу кун эрур не нужум-у не осмон пайдо. *Наводируш-шабоб*, 34-Т;

~ **и бурж** – бурж юлдузлари:
Оразинг хуршиди қилди ахтари буржи шараф,
Даврида хатт шоми мушкосо юз урмиш ҳар тараф. *Наводируш-шабоб*, 304-Т;
~ **и жаҳонтоб** – жаҳонга нур сочивчи юлдуз:
Вилоят сипеҳрининг ахтари жаҳонтоби ва хидоят маъданинг гавҳари сероби ва назм авжининг меҳри фалак иҳтишоми... *Лайли ва Мажнун*, 61-Т;
~ **и идбор** – бахтсизлик юлдузи:
Ахтари идборим анинг барча наҳсийят била,
Толеъимнинг авжи узра кавкаби иқболдир. *Бадойиул-васат*, 126-Т;
~ **и ишқ**–ишқ, муҳаббат юлдузи:
Ҳамул кундин ки шоҳи кишвари ишқ,
Бало авжида рахшон ахтари ишқ. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т;
Гоҳи ҳажр тунида ахтари ишқ,
Рахшанда нечук ки гавҳари ишқ. *Лайли ва Мажнун*, 137-Т;
~ **и масъуд** – муборак юлдуз, бахтли юлдуз:
Хай қатрасидин ғарқ эрур холинг саводи вақ нетар,
Бир тира кавкаб фитнаси юз ахтари масъуд аро. *Фавойидул-кибар*, 25-Т;
Султон Масъуд Мирзо... мулк равнақ ва интизомида ахтари масъуд ва назм зеб-у зийнат итмомида... *Мажолисун-нафоис*, 200-Т;
~ **и мунҳасиф** – тутилган юлдуз, қуёш нурига яшириниб ўз нурини йўқатган юлдуз:
Бу муҳре ки нақшин тутуб ул катиф,
Қуёш ичрадур ахтари мунҳасиф. *Садди Искандарий*, 60-Т;
~ **и наҳс** – шум юлдуз, бахтсизлик юлдузи:
Ҳар бир бўлуб бир ахтари нахси чу шоми ҳажр
Чун дуди оҳим учкунини кўкка еткуруб. *Бадойиул-васат*, 49-Т;
~ **и рахшанда** – порлоқ юлдузлар:
Қатраси ахтари рахшанда киби,
Чун томиб барки дарахшанда киби. *Фавойидул-кибар*, 665-Т;
~ **и саодат** – бахт, саодат юлдузи:
Ул кеча ким санга валодат ўлуб,
Матлаи ахтари саодат ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 10-19;
~ **и саъд** – бахт юлдузи, бахтли юлдуз:
Вах не янглиғ ахтари саъд эрди ким қилғач тулуъ,
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри оламтобдек. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;
Ахтари саъд сенингдек ки туғубтур гўё
Ким куёш эрди ато бу тўлун ой эрди ано. *Ғаройибус-сиғар*, 56-Т;
~ **и Суҳайли** – Суҳайл юлдузи:
Андақ ки бўлуб демакка майли,
Назм авжининг ахтари Суҳайли. *Лайли ва Мажнун*, 86-Т;
~ **и тобнок** – нури тобланган юлдуз; ёрқин юлдуз:
Келиб салтанат баҳридин дурри пок,
Шараф авжидин ахтари тобнок. *Садди Искандарий*, 203-Т;
~ **и толиъ** – бахт, иқбол юлдузи:
Ахтари толеъ ўлуб баргашта,
Булажаб қавм аро саргашта. *Фавойидул-кибар*, 667-Т;
Ҳам волиди покидек ҳисоли маҳмуд,
Ҳам ахтари толеъдек исми масъуд. *Муншаот*, 14-227;

~ **и фархунда** – бахт-саодат, иқбол, кувонч юлдузи:
... базмсозлиғ снпеҳрининг ахтари фархундаси жаҳондорлиғ базмининг Искандари Жамшеди жоҳи... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон...
Муҳокаматул-луғатайн, 189-Т;

~ **и фархундафол** – бахтиёр, бахтли юлдуз:
Қуй акиқи май Суҳайли жом аро эй муғбача,
Ким ёрур ул ахтари фархундафолингдин кўзум. *Ғаройибус-сиғар*, 325-Т;

~ **и хужаста** – қутлуғ, муборак, бахтли юлдуз:
Бир кўзгу ҳар ахтари хужаста
Зоҳир қилибан сипоғи даста. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;

~ **и ҳусн** – ҳусн, гўзаллик юлдузи:
Кўргач ўқ ахтари ҳусн ўлса Навоий тонг йўқ,
Ким ўтуб умр тулуъ этти бу фаррух кавкаб. *Бадойиул-васат*, 36-Т;

~ **и суға туш-** – бахтсиз бўлмоқ; омади кетмоқ:
Қатра хайлар ичра ул оразни кўрдум эй рафик,
Улмагим эрмас ажаб ким суға тушмиш ахтарим. *Ғаройибус-сиғар*, 316-Т;

~ **ёру-** – бахт юлдузи кулиб боқмоқ; нур таратмоқ:
Бу неча иш бўлса муяссар санга,
Давлат ила ёруғай ахтар санга. *Ҳайратул-аброр*, 7-162;

~ **бўл-** – порлоқ юлдуздек раҳнимо бўлмоқ:
Барча сулук аҳлиға раҳбар бўлуб,
Йўл элига тира тун ахтар бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-99.

АХТАР- [اختر] – изламоқ, кидирмоқ:
Эй сабо овора кўнглум истайу ҳар ён бари,
Води ву тоғ-у биёбонларни бир бир ахтару. *Фавойидул-кибар*, 492-Т;
Тиғ ила хоки танимни ҳар тараф ёрдинг келиб,
Нақди жон олмакка бу туфроғни ахтардинг келиб. *Наводируш-шабоб*, 58-Т.

АХТАРГУЗИН [اخترگزین] – бахтли юлдуз:
Синони била тикти ахтаргузин,
Не ахтаргузин чархи ахзаргузин. *Садди Искандарий*, 119-Т.

АХТАРПАРАСТ [اخترپرست] – мунажжимликка берилган:
Яна бир қилиб фикри ахтарпараст,
Кавокибға қилди ани пойбаст. *Садди Искандарий*, 211-Т.

АХТАРМАҚ/АХТАРМАҒ [اخترماق / اخترماغ] – ахтариш, кидириш, излаш:
Қон бўлуб эткан кўнгулни истайу ул равзада
Ғунчалар хойлини гулбунларда ахтармақдур иш. *Бадойиул-васат*, 188-Т;
Арслон иши сайд уруб сибоъни тўйғармақ ва сичқан варзиши дирам ўғурлаб тугунни ахтармақ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80.
Ҳажр тирноғи била кўнглумни ким қилдинг фиғон,
Бўлмасун ғайринг демакдиндур бу навъ ахтармағим. *Фавойидул-кибар*, 403-Т.

АХТАРЛИҒ [اخترلیغ] – юлдузлик:
Илм сипеҳрининг баланд ахтарлиғда ким жаҳл тунини ёритмақ учун...
Ҳайратул-аброр, 7-212.

АХТАРФИШОН [اخترفشان] – кўз ёш оқизувчи; йиғи-сиғи:
Кўзларин гардун қилиб ахтарфишон,
Шайх аҳволиға мотамдин нишон. *Лисонут-тайр*, 100-Т.

АХТАРШУНОС [اخترشناس] – мунажжим, астроном:
Деди: ҳикматойини ахтаршунос,
Ки бу ишка бор ўзга янглиғ киёс. *Садди Искандарий*, 236-Т.

АХТАЧИ [اختہ چی] – 1. отбоқар, отлар билан шуғулланувчи:

Боғ аро чунки кирди ул маҳзун,
Ахтачи илгида эди Гулгун. *Сабъаи сайёр*, 10-270;

... ахтачидин иноят қилиб йибарган оғзи муҳрлуқ битикни ўқуб, жавоб олғунча ахтачи ошуқуб кеткан эрмиш. *Муншаот*, 14-168;

2. киши лақаби:

Арслонбек ахтачи фатҳ нишонлари била мазкур бўлған иноятномани еткурди. *Муншаот*, 14-181.

АХФО [اخفی] – энг яширин, махфий:

Чун муродинг ишта ахфодур басе,
Бизга ҳам ахфо таманнодур басе. *Лисонут-тайр*, 223-Т.

АЧИТ- [اچیت] – ачитмоқ, аламли оғриқ бермоқ:

Оғзим ачитқан дамбадам ул лаъли шаккарханд эрур,
Вах вах туз эрмиш ул ки мен қилдим гумон ким қанд эрур. *Ғаройибус-сигар*, 125-Т;

...анинг кўнгли жароҳатларидин мунунг ҳам кўнглин оғритқани ва анинг талх-ком бўлғанидин мунунг дағи комин ачитқани. *Лайли ва Мажнун*, 252-Т.

АЧИШМАҚ [اچیشماق] – ачишиш, жизиллаш:

Новаки захмида оғриқдин ачишмақдур фузун,
Музмар этмишлар магар су бирла пайконида туз. *Фавойидул-кибар*, 214-Т.

АЧИҒ/АЧЧИҒ/АЧИҚ/АЧЧИК [اچیغ / اچیق] – 1. аччиқ; нордон (*ширинниг акси*):

Дебан ким Сикандар йибарган битик.
Ки самдин ачиғдур қиличдин итик. *Садди Искандарий*, 227-Т;

Сокиё талх ўлди айшим ҳажри бедоди била,
Тут ачиғ май ким ичай Мирзо Чучук ёди била. *Ғаройибус-сигар*, 424-Т;

Дер ки сафро касратидин бўлмиш оғзим таъми талх,
Не тонг ўлсам ким бу навъ ўлмиш чучук жоним ачиғ. *Наводируш-шабоб*, 301-Т;

2. азобли, укубатли; аламли, изтиробли:

Гар ачиқ йиғлар Навоий вақтиға эй шўхлар,
Нетти оллинда туруб бирдам шакарханд истангиз. *Фавойидул-кибар*, 218-Т;

Деди ҳолин йиғлабан ачиғ ачиғ
Ким нечук ишқ айламиш ҳолин қатиғ. *Лисонут-тайр*, 222-Т;

Эй Навоий бўлса юз жоним қилурмен садқа ким
Бўлди жонон заъфидин айшим ачиғ ҳолим қатиғ. *Наводируш-шабоб*, 301-Т;

Мунга дамбадам ул қадаҳ ачиғи
Қадаҳдек солиб ачиғ ачиғ йиғи. *Садди Искандарий*, 230-Т;

Тузуб базм ул кеча ҳам ком-у ноком
Ичиб ачиққа ачиқ бир неча жом. *Фарҳод ва Ширин*, 244-Т;

Ҳажр эмгакини қатиқ яратқан.
Ғам шарбатини ачиқ яратқан. *Лайли ва Мажнун*, 253-Т;

Вақт каму йўл узуну май ачиқ,
Асру қатиғ ҳол етибдур қатиқ. *Ҳайратул-асрор*, 7-288;

Маъмурлар нофармонлиғидин рўзгори қатиғ ва маҳкумлар бесомонлиғидин тириклиги ачиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;

3. заҳарханда, киноялы, кесатиб сўзлайдиган:

Аччиғ тил заҳролуд нешдек бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93;

4. қаҳр, ғазаб:
Вали Қаландар. Ошуфта киши эрди. Бурд лафзидин аччиғи келур эрди.
Мажолисун-нафоис, 52-Т;

Қаҳр ила бода ки туттунг ўлдум,
Заҳрдек ўлтурур элни ачиғинг. *Ғаройибус-сиғар*, 273-Т;

~ **су** – май, шароб:
Оби ҳайвондек чучук лаълинг муяссар чун эмас,
Ҳажридин ҳар лаҳза кўнглум тортар ачиғ су сари. *Наводируш-шабоб*, 616-Т;

~ **ачиғ** – куйиб-ёниб, ич-ичдан эзилиб:
Деди ўзига йиғлаб ачиғ ачиғ,
Ки ачиғ йиғламақ манга не асиғ. *Сабъаи сайёр*, 10-288;
Ачиғ ачиғ йиғламай найлай икки лаълинг учун,
Ким хаёли солди кўзлар ашки ғалтонида туз. *Фавойидул-кибар*, 214-Т;

~ **аччиғ ашк** – аччиқ, аламли кўзёши:
Мен агар йиғлар эсам талх чучук лаълинг учун
Кўзларим дағи тўкар ашкни аччиг аччиғ. *Фавойидул-кибар*, 292-Т;

~ **ачиғ шўроба** – аччиқ ашк, сиришк, аламли кўзёши:
Етмай ики лабинг майидин кўнглума асиғ,
Шўроба оқти икки кўзимдин ачиғ ачиғ. *Фавойидул-кибар*, 290-Т;
Аччиғ аччиғ дамбадам шўробам этманг айб ким
Қилди айшим ҳажр ила бир шўхи ширинкор талх. *Бадойиул-васат*, 89-Т;

~ **чучук** – азобу роҳат, яхшилик ва ёмонлик, аччиқ-чучук; яхши-ёмон:
... иссиқ совуқдин жонға интибоҳ бергучи ул, аччиғ чучукдин кўнгулни огоҳ қилғвчи ул. *Маҳбубул-қулуб*, 14-119;
Басе иссиғ совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ чучук тоттим жаҳонда. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;

~ **бўл-** – кинояли сўзламоқ, заҳарханда билан гапирмоқ:
Ҳар кимга ки ачиғ бўлди сўз илкоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси. *Назмул-жавоҳир*, 15-172;

~ **ўл-** – аччиғ бўлмоқ:
Гар захр била кишига ком ўлса ачиғ,
Юз анча ки сўз била мудом ўлса ачиғ,
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиғ,
Хушрокдурур андин ки калом ўлса ачиғ. *Назмул-жавоҳир*, 15-145;

~ **йиғла- –** куйиб-пишиб, аччиқ йиғламоқ:
Ачиқ-чучукка лабингнинг мутиъимен ким ул
Агарчи йиғлатур ачиқ эрур чучук сўзлук. *Фавойидул-кибар*, 320-Т;

~ **аччиғ йиғла-** – аччиқ, аламли йиғламоқ:
Бўлғали хуноби ҳижрондин Навоий талхком,
Гоҳ йиғлар аччиғ аччиғ гоҳ айлар заҳрханд. *Наводируш-шабоб*, 117-Т;
Чу бу шаробаға етти ниҳоят
Деди ачиғ ачиғ йиғлаб беғоят. *Фарҳод ва Ширин*. 450-Т;

~ **и кел-** – ғазабланмоқ, аччиғланмоқ, жаҳли чиқмоқ:
Шайх кавсар шарбатимен талх май мадҳин дедим,
Аччиғи келса не тонг невчун ки аччиғ келди ҳак. *Бадойиул-васат*, 250-Т;

~ **кўр-** – ёмон деб ҳисобламоқ, ёктирмаслик, қабул қилмаслик:
Хирадманд пандини кўрган ачиғ,
Сўнгида пушаймонлиғи не асиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-107;

~ **эт-** – аччиқ этмоқ:
Диёр-у ёр дардин қаттиғ эткан,
Фирок-у ҳажр жомин аччиғ эткан. *Фарҳод ва Ширин*, 421-Т;

~ **қил-** –заҳарламоқ, алам, изтироб бермоқ:
Заҳри ҳижронинг чу айшим комини қилди ачиғ,
Нўши васлинг элга еткандин манга йўқтур асиғ. *Фавойидул-кибар*, 295-Т.

АЧИҒЛАН- [اچيغلان] – ғазабланмоқ, аччиғланмоқ:
Ҳадиси ўлтурубан тиргузур ки сўз сўрасам,
Агар ачиғланур аммо чучук берур посух. *Наводируш-шабоб*, 111-Т;
Ўл ачиғланиб сойилни қавди ки таом оздур, санга етмаз.
Насойимул-муҳаббат, 13-Т.

АЧИҒЛАНМАҚ [اچيغلانماق] – аччиғланиш, ғазабланиш:
Не ачиғланмақдур андин не чучук сўз эй кўнгул,
Хоҳ аччиғ йиғлайин хоҳи шакарханд айлайин. *Ғаройибус-сиғар*, 373-Т.

АЧИҒЛИҒ/АЧЧИҒЛИҚ [اچيغليغ/اچيغليق] 1. аччиғлик; қийинчилик, азоб; ғамли, қайғули:
Лабинг еткан қадаҳ тарёкидин еткургил эй соқий,
Ки ҳажр ачиғлиғи жомим аро майни оғу қилмиш. *Наводируш-шабоб*, 263-Т;
Ёман қилиғлиқ баджўй ва бот аччиғлиқ туршрўй бир балоға гирифтордур ва бир ибтилоға мубтало. *Мақбулбул-қулуб*, 14-101;
То билиб ўзни қатиғлиқ кўрмаган,
Ранж заҳридин ачиғлиқ кўрмаган. *Лисонут-тайр*, 57-Т;
Кўп чучуклукдин ачиғлиғ анфоъ ўлмиш ишқ аро,
Шарбати аттор эрур ширин майи ҳаммор талх. *Бадойиул-васат*, 89-Т;
Ул деди ўттуз йилдур ки нафсни риёзат ачиғлиғиға ўргатибмен.
Насойимул-муҳаббат, 339-Т;

2. кўпол муомалалик, заҳархандалик:
Чучук тил ки аччиғликка эврулди зарари ом бўлди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-94.

АШАДД [اشدّ] – қаттиғроқ; энг кучли; ўта даражада:
Булардин авосит ародур ашадд,
Ки нуқсонлари фош эрур беадад. *Садди Искандарий*, 168-Т;
Ўл замонғача ким халқнинг ашадди ва ағлази араб эрдилар.
Насойимул-муҳаббат, 3-Т.

АШАРА [عشر] – ўн, ўнта;
Бал анга ҳар доираи ашара гард,
Рутба аро бир фалаки ложувард. *Ҳаратул-аброр*, 7-10;

~ **и комила** – ўнта етук, комила қизлар:
... ўн фанда ўн соҳибкамол қиз ким ашараи комила алар таърифидин ушри асир бўла олмағай. *Фарҳод ва Ширин*, 321-Т.

АШБАҲ [اشبه] – ўхшашроқ; энг ўхшаш:
Соқийға ва ё аксиға май ичра боқармен,
Андин мунга, мундин анга чун топмадим ашбаҳ. *Фавойидул-кабар*, 512-Т;
Қошингға «қоба қавсайн» оятидин йўқ нима аляқ,
Сочингға йўқ саводи лайлатул-меърождин ашбаҳ. *Бадойиул-васат*, 381-Т.

АШБОҲ [اشباح] – инсон жисмлари, жонсиз баданлар:
Мундин сўнгра зиёратни ҳиммат била қил ки шахс анга кари қилмас ани зиёрат қилғайлар ва ашбоҳ ҳузурига ҳеч нима боғлиғ эмас.
Насойимул-муҳаббат, 179-Т.

АШЁ [اشياء] – нарсалар, буюмлар, мавжудот (жонсиз):

Мавлоно Нур... яхши ислик ашёни икки қоши орасиға қўюб нафасин юққари тортар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 152-Т;

Бақма эй зоҳид ҳақорат бирла ашё сари ким
Бўлмаған анинг сифоти мазҳари йўқ ҳеч зот. *Наводируш-шабоб*, 74-Т;

Элига қўйди барча ашёни,
Урди юз шаҳр ичиға пинҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-196;

Бир кун бир тақриб била ашё орасида тафовут бобида фазл аҳлидин бирав бу машҳур байтни укуди... *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*, 15-101.

АШЁН [اشيان] – оқшом тановули:

Йигит била қариға зуҳд бирла ашёнда
Йўқ ихтиёр мунга қаҳр анга не эҳсондур. *Фавойидул-кибар*, 135-Т.

АШЁЪ [اشياع] – шиалар; сафдошлар:

Аҳлию авлодию отбоиға,
Олию аҳводию ашёъиға. *Ҳайратул-аброр*, 7-44.

АШЖОР [اشجار] – дарахтлар:

... таъйин қилдим ким баҳор ўлғач ул боғчаға раёҳин ва ашжор эккай. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-16;

~ **тарбияти** – дарахтлар парвариши:

Уз муборак илиги била экин суғарурға бел урар эрди ва ашжор тарбиятиға теша ва арра сурар эрди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-55;

~ **у вард** – гул, атиргул кўчатлари, ниҳоллари:

Асмаъий ҳаж сари эрди роҳнавард,
Кўрди бир манзил аро ашжор-у вард. *Лисонут-тайр*, 203-Т;

~ **и мавзун** – мутаносиб, зебо дарахт:

... анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройихалик раёҳини гуногин кўпдурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-127;

~ **и муғилон** – муғилон, акация дарахти:

Ул чаман ашжори муғилон бўлуб,
Анда қуюн сарви хиромон бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-117.

АШИР [عشير] – ўндан бир; **ушри ашир** – юздан бир:

... алар таърифидин ушри ашир бўла олгай. *Фарҳод ва Ширин*, 321-Т;

Манга фурсат қилурда бу таҳрир,
Йўқ алар бирла тенг ки ушри ашир. *Сабъаи сайёр*, 10-410.

АШИЪА [اشعه] нурлар; шуълалар:

Шуълаедур сўзанда хошоки кўб жон-у кўнгул бўлған ва баркедур фирўзанда кўп жон-у кўнгул ашиъасида кул қилған. *Маҳбубул-қулуб*, 14-65;

Гаҳ ясриб уза бу барқ иниб тез,
Зулматқа ашиъаси зиёрез. *Лайли ва Мажнун*, 79-Т;

~ **и ламаот** – ярқираган нурлар; ~ **и зот** – нуроний зот; Тангри нури:

Зоҳир эткач «Ашиъаи ламаот»,
Ламъа қилди аён ашиъаи зот. *Сабъаи сайёр*, 10-43;

~ **и меҳр** – меҳр нурлари:

Уйқудин анда очди кўз ки сипеҳр,
Ерга ёймиш эди чу ашиъаи меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-322.

АШК [اشک] – 1. кўз ёши:

Вайронаедур масканим андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикда ўт, ашким била девор нам. *Мезонул-авзон*, 41-Т;

Ашким анжум масаллик октурдунг,
Давлатим мехрини уёктурдунг. *Сабъаи сайёр,* 10-115;
Гар ниҳон сочинг тарар машшота келсун ким эрур
Кирпикимдин шона ашкимдин су кўз хилватсарой. *Ғаройибус-сиғар,* 477-Т;

2. нур қатралари:
Қилиб ҳар кун ул сояға рашк фош,
Тўкар сарғариб титраб ашкин қуёш. *Садди Искандарий,* 60-Т;

3. кўз:
Булут бағрин ой ҳажри гўё сўкар,
Недин йўқса ашкини юммай тўкар. *Садди Искандарий,* 417-Т;

~ **и андуҳ** – ғам, қайғу, изтироб ёшлари:
Шоҳ хар нағмада бориб ўзидин,
Ашки андуҳ ёғдуруб кўзидин. *Сабъаи сайёр,* 10-371;

~ **ахтари** – кўз ёши қатралари:
Эй Навоий чарх янглиғ истар ўлсанг субҳи васл,
Тонггача ашк ахтарин тўкмай бўлурму кечалар? *Фавойидул-кибар,* 179-Т;

~ **баҳри** – кўз ёши денгизи:
Ул маҳи гулгун қабо бирла тилаб ҳамранглик,
Ғута еб гулранг ашким баҳри ичра олмен. *Наводируш-шабоб,* 476-Т;

~ **гавҳари** – кўз ёши доналари, қатралари:
Бу баҳона бирла рухсориға еткайменму деб,
Ришгаи жоним аро тортилди ашким гавҳари. *Наводируш-шабоб,* 589-Т;

~ **дарёси** – кўз ёши дарёси:
Ишқ ҳажрининг наҳанги деса бўлғай нега ким
Ашк дарёсин чекиб гардунға мен ул судамен. *Наводируш-шабоб,* 472-Т;

~ **девонасоз** – девоналардек ёш тўкиш:
Қилиб ваҳм ким ашки девонасиз,
Анга қилмағай ногаҳ ифшойи роз. *Садди Искандарий,* 231-Т;

~ **донаси** – кўз ёши қатраси, томчиси:
Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Кушқа ваҳ ким рам берур толиъ йўқидин донамиз. *Ғаройибус-сиғар,* 180-Т;

~ **дурлари** – кўз ёши қатралари, дурлари:
Неткай мени ҳавоий агар ашк дурларин
Сочсам барин булут киби дилдор бошиға. *Фавойидул-кибар,* 512-Т;

~ **ёмғури** – кўз ёши томчилари:
Ул куёштин айру ашким ёмғурининг баркидур,
Ут туташқан ришта янглиғ жисми печ-у тоб аро. *Ғаройибус-сиғар,* 42-Т;

~ **жоласи** – кўз ёши жаласи:
Анжум эрмас ким тушубтур чарх кўзгусига акс,
Бас ки ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи. *Фавойидул-кибар,* 582-Т;

~ **и жўйбори** – кўз ёши ариғи:
Қай гулдин экин бу хорхори
Қай сарвдин ашки жўйбори. *Лайли ва Мажнун,* 153-Т;

~ **касрати** – кўз ёшининг кўплиги:
Хунфишон кўзни юман қон этти ашким касрати,
Гарчи кетмас лоланинг судин савод-у ҳумрати. *Наводируш-шабоб,* 594-Т;

~ **мавжи** – кўз ёши тўлқини:
Ашк мавжида ушалса пайкарим ваҳ не ажаб,
Ким урар бир тоғ уза ҳар лаҳза ул тўфон мени. *Бадойиул-васат,* 419-Т;

~ **и равон** – оқар кўз ёши:
Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг,
Ғам тенгизи ашки равони анинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-50;
~ **сели/селоби** – кўз ёш сели; тинимсиз куз ёши:
Қайси водий ким танимни ашк сели сурмамиш,
Қайси тоғ авжиға ким мавжи бошимни урмамиш. *Наводируш-шабоб*, 265-Т;
Ғарқа эл дафни учун сардобаедур ҳар ҳубоб,
Ишқ водийсинда ашким селининг дарёсидин. *Ғаройибус-сиғар*, 340-Т;
Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 171-Т;
~ **симоби** – кўз ёши йирингланиши:
Бўлди симобий либосинг ранги бас ким айладим,
Кўз саҳобидин бошингға ашк симобин нисор. *Ғаройибус-сиғар*, 136-Т;
~ **суви/суйи** – кўз ёши:
Ашким суйининг мавжини кўнглунга кечур ким
Жавҳар била хушроқ кўринур эл аро пўлод. *Наводируш-шабоб*, 117-Т;
Эй кимни қилиб париға мажнун,
Ашк суйин оқизиб жигаргун. *Лайли ва Мажнун*, 28-Т;
~ **тухми** – кўзёши, ёш томчиси:
Ҳажр аро ашк тухмини сочтим,
То не бергай самар бу дона манга. *Наводируш-шабоб*, 644-Т;
~ **и хуноби** – қонли кўз ёши:
Неча лаълинг ҳажридин қонлиғ қадаҳ ичкан сайи,
Соғаримни ашки хунобидин афзун айламак. *Наводируш-шабоб*, 332-Т;
Ул юзин гулранг этибмен ашки хунобин ютуб,
Ким эрур ул бодаи гулранг-у мен қон ичкучи. *Наводируш-шабоб*, 644-Т;
~ **қони** – қонли кўз ёши:
Оҳ дудин ашк конин нола маддин айлагил,
Зулфи сунбул юзи гул сарви хиромонимға арз. *Ғаройибус-сиғар*, 228-Т;
~ **и анжумрез** – дона-дона ёши, ёмғирдек кўз ёши:
Навҳа тузди ашки анжумрез ила,
Бошлади ошуби рустахез ила. *Лисонут-тайр*, 227-Т;
~ **и гоҳ гоҳ** – гоҳ-гоҳ оққан ёш:
Манга хўд бу азо бўлди баҳона,
Мудом оқмакқа ашки гоҳ гоҳим. *Фавойидул-кибар*, 389-Т;
~ **и гулгун** – изтиробли кўз ёши, қонли ёш:
Кўзда эрмас фуркатидин ашки гулгун қатраси,
Балки кўздин ҳам бағир захми киби қоним чиқар. *Наводируш-шабоб*, 157-Т;
Кўзларим боғи гулистон бўлмиш ул юз шавқидин,
Борги гуллардин сочилған ашки гулгун ҳар тараф. *Фавойидул-кибар*, 307-Т;
~ **и гулнор** – қонли ёш; қон йиғлаш:
Ишқ ошубидин уй кунжида ашки гулнор эрканин зоҳир қилур.
Мажолисун-нафоис, 210-Т;
~ **и гулранг** – гулранг кўз ёши; қонли кўз ёш:
Мажнун ки уй ичра қолди дилтанг,
Кўздин тўкар эрди ашки гулранг. *Лайли ва Мажнун*, 279-Т;
~ **и жигаргун** – жигарранг кўз ёши:
Ажаб лаълисен эй ашки жигаргун,
Ажаб йўк ким эрур ғам тоғи конинг. *Ғаройибус-сиғар*, 283-Т;

~ **и лаълваш** – лаългун ёш, қон ёшли:
Сариғ варақ ол обкашдин
Ошиқ юзи ашки лаълвашдин. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;
~ **и лаългун** – лаъл рангидаги қонли кўз ёши:
Лаългун ҳар май ки ичтим ул майи лаб ҳажридин,
Кўздин ашки лаългун янглиғ равона айларам. *Бадойиул-васат*, 321-Т;
~ **и майгун** – қонли, майранг ёш:
Эрним ғами ашкин эта Жайҳун
Борурму экин ул ашки майгун. *Лайли ва Мажнун*, 184-Т;
~ **и малолат** – андуқ, ғам, ғусса, ранж ёшлари:
Кўруб Фарҳоди мақзун айла ҳолат,
Кўзидин ёғдуруб ашки малолат. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т;
~ **и надомат** – пушаймонлик кўз ёши:
Сув ки бу ўт жониға офат дурур.
Тавба чоғи ашки надоматдур. *Ҳайратул-аброр*, 7-263;
Кўз оч ашки надомат соч ўз аҳволингға ким бордур
Тунунг тира кўзунг хира йўлунг бурқағ отинг оқсағ. *Наводируш-шабоб*, 296-Т;
~ **и ниёз** – умидворлик натижасида, ёлвориб йиғлаганда тўкиладиган кўз ёшлари:
Эшиткач бўйла сўз шамъи тирози,
Куюб зоҳир бўлуб ашки ниёзи. *Фарҳод ва Ширин*, 140-Т;
~ **и ниёз тўфони** – муҳтожликда, зорланиб йиғлаганда тўкилган мўл кўз ёши; умидворлик кўз ёши:
Йигитларга ҳусну ноз туғёни анинг мағрурлуғидин қариларға ашки ниёз тўфони анинг маҳжурлуғидин. *Маҳбубул-қулуб*, 14-114;
~ **и нишот** – хурсандлик ёши, йиғиси:
Ҳам ашки нишот анга ёғиндек,
Ҳам пўяда секриди чақиндек. *Лайли ва Мажнун*, 354-Т;
~ **и ногоҳ** – ногоҳ, бевақт ёш:
Валекин элни оҳ-у ашки ногоҳ
Қилур эрди ниҳон дардидин огоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
~ **и равон** – юракдан оқаётган кўз ёши:
Ғар булар кўнглида таъсир айламасдек бўлса айт,
Ер юзин ғарқ айлаган ашки равонимдин хабар. *Ғаройибус-сағар*, 154-Т;
Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг,
Ғам тенгизи ашки равони анинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-119;
~ **и рангин** – рангли, рангдор ёш:
Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,
Балиғ захмини фахм айлар эл дарёда қон кўргач. *Ғаройибус-сиғар*, 98-Т;
~ **и риёзат** – ибодат йиғиси:
Ашки риёзат ки сочиб ҳар сари,
Андин ўчуб нафсу ҳаво ўтлари. *Ҳайратул-аброр*, 7-154;
~ **и сайландоз** – селдек кучли оққан ёш:
Йўқ атаб чунки келиши белгурур наврўзидин,
Кўзларим ўйи бузулди ашки сайландозидин. *Ғаройибус-сиғар*, 494-Т;
~ **и симандуҳ** – қайғули ёш:
Меҳнат-у ғам ўқлариға вақ ки юз минг захмлиқ
Ашки симандуҳ қилған ҳайъат ўлди жавшаним. *Ғаройибус-сиғар*, 322-Т;
~ **и таҳассур** – афсус, ҳасрат йиғиси:
Ҳажринг тунида шамъ киби қилди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тўкуб ашки таҳассур. *Ғаройибус-сиғар*, 124-Т;

~ **и хунафшон** – қонли, қон сочувчи ёш:
Чун манъ этиб ашки хунафшон
Афзун қилиб оҳ ила фиғон. *Лайли ва Мажнун*, 159-Т;
~ **и шафақгун** – шафақ рангидаги қип-қизил кўз ёши:
Шафақ кўк зарфин эткай лаъли аммо лаъли ҳажринда,
Қизарта олмағай оламни бу ашки шафақгундек. *Ғаройибус-сиғар*, 268-Т;
~ **и ғалтон** – узлуксиз кўз ёши:
Жигаргундур сиришким нега ким бор
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж. *Ғаройибус-сиғар*, 96-Т;
Не эркин оҳу афғониға боис,
Не қайғу ашки ғалтониға боис. *Фарҳод ва Ширин*, 145-Т;
~ **и ҳасрат** – афсусланиш, ҳасрат ёши; надомат йиғиси:
Ҳажр аро ҳар неча сочтим ашки ҳасрат берди бар,
Не самар бергай чу ҳар мазраъда сочқай дона ҳажр. *Фавойидул-кибар*, 146-Т;
~ **ёғдур-** – йиғламоқ, ёш оқизмоқ:
Йўқ фароғат даҳр аро ким шомдин сочин ёйиб,
Еғдуруб ашкин тутар ҳолингға ҳар тун мотаме. *Наводируш-шабоб*, 574-Т;
~ **ёғ-** – кўз ёши оқмоқ:
Еғмағунча ашк дафъ ўлмас кўнгулдин тиралик,
Бу ёғинни гўиё дебтур қазо ул ўтқа ёғ. *Ғаройибус-сиғар*, 241-Т;
~ **ни равона айла-** – кўз ёши оқизмоқ:
Ул кўзумга чун етиб таскин топиб гирёнлиғи,
Кўздин олғач ёна ашкимни равона айларам. *Фавойидул-кибар*, 420-Т;
~ **арит-** – кўз ёшни артмоқ:
Эй Навоий енгда пинҳон этма ул ой руқъасин,
Чун санга улдур ҳамиша ашк аритмақ бирла тенг. *Бадойиул-васат*, 277-Т;
~ **оқ-** – кўз ёши оқмоқ:
Совуғ оҳи ким чекармен гарм ўлур оқмакқа ашк,
Чашмаларда су бўлур иссиғ ҳаво бўлғач совуқ. *Бадойиул-васат*, 248-Т;
~ **соч-** – кўзёши тўкмоқ:
Сочиб ашк ул майни нўш айлар чоғи,
Юб илик ислом-у имондин дағи. *Лисонут-тайр*, 112-Т;
~ **сочил-** – кўз ёши сочилмоқ:
Кўздин сочилди ашку кўнгул ўти берди бар,
Ул навъ ўт чиқарди ажаб тавр донадур. *Наводируш-шабоб*, 187-Т;
~ **тўк-** – йиғламоқ:
Заъфароний юзда гулгун ашк тўкмак не асиғ,
Ишва кўрган даҳр боғининг гули раъносидин. *Ғаройибус-сиғар*, 340-Т;
~ **эврул-** – кўзга ёш келмоқ:
Ҳажридин кўзларга ким ашк эврулур ул ашк эмас,
Ким эрур дард-у бало дарёсиға гирдоблар. *Ғаройибус-сиғар*, 152-Т;
~ **и ниёз айла-** – кўз ёши тўкиб ёлвормоқ:
Бир кеча ашки ниёз айлаб равон,
Бўлмиш эрди йиғламақдин нотавон. *Лисонут-тайр*, 100-Т;
~ **дин анжум тўк-** – ўта аламли йиғламоқ:
Ашкдин анжум тўкуб гардун киби,
Йиғлабан Лайливаши Мажнун киби. *Лисонут-тайр*, 120-Т.

АШКАСТАЛИҒ [اشکسته لیغ] – синиқлик, шикасталик:
Юз шикаст ўлди жунун тошларидин жисмим аро,
Гарчи кўнглумда эрур анча юз ашкасталиғим. *Бадойиул-васат*, 11-Т.

АШКБЕЗ [اشکبیز] – кўз ёши сочувчи:

Ғам шоми гар ўтумға бўлур шамъ ашкбез,
Парвоналар қаноти ели айлар ани тез. *Наводируш-шабоб*, 214-Т.

АШКБОР [اشکبار] – ёш тўкувчи:

Мавлоно Лутфий... бир кун баҳор айёмида ким булут ошиқ кўзидек ашкбор ва ул ашк қатаротидин ҳар бири маъшуқ ваъдаси риштасидек пур мавҳум тор ошикор қилур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 245-Т;

Аммо «ал-маъмуру маъзурун» ҳукми била ўтлуқ оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб... *Муншаот*, 14-161;

~ **айла-** – йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ:

Чун анинг бирла тенгиштурди ўзин,
Нола қилди ашкбор айлаб кўзин. *Лисонут-тайр*, 233-Т;

~ **эт-** – йиғлатмоқ:

Ҳам юзи ани беқарор этти,
Ҳам сўзи ани ашкбор этти. *Сабъаи сайёр*, 10-158;

~ **қил-** – йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ:

Кўзумни шамъи жамолинг фуруғи бирла ёрут,
Тонг отқуча кечалар ашкбор қилма мени. *Ғаройибус-сиғар*, 450-Т.

АШКБОРОН [اشکباران] – кўз ёши ёғдирган:

Чиқиб тоғ узра айлаб ашкборон,
Чекиб ун ўйла ким абри баҳорон. *Фарҳод ва Ширин*, 320-Т.

АШКНОК [اشکناک] – ёшли, йиғили; ~ **айла-** – кўзидан ёш оқизмоқ, кўзини ёшлантирмоқ, йиғламоқ:

Надомат кўзин ашкнок айлабан,
Ҳамул су билан ғусли пок айлабан. *Садди Искандарий*, 73-Т.

АШКОЛ [اشکال] – 1. турлар, шакллар; хиллар:

... то барча эл ул баҳр аҳволини ва ул вазн ашколини маълум қилғайлар. *Мезонул-авзон*, 12-Т;

Базлу карам шевасининг ҳоли бор,
Лек нечук ким керак ашколи бор. *Ҳайратул-аброр*, 7-145;

2. геометрик шакллар, суратлар:

Билик бобида ҳар бири оламе,
Фалак рози ашколиға маҳраме. *Садди Искандарий*, 372-Т;
Таҳаррук топиб килки тақдир анга,
Бўлуб кавн ашколи тасвир анга. *Садди Искандарий*, 255-Т;

3. қиёфа, кўриниш:

Ишқда мен киби Мажнун ясади килки қазо,
Лайли ашколини дилдорима монанд қилиб. *Фавойидул-кибар*, 59-Т;
бизга сулук тариқида вақойиъ ашколин қилур киши қолмади. *Насойимул-муҳаббат*, 192-Т;

4. ишкаллик, чигаллик; мушкулликлар:

Келди ву арз қилди аҳволин,
Оллидин рафъ қилдим ашколин. *Сабъаи сайёр*, 10-220;

5. осмон жисмларининг маълум бир пайтда ҳосил қилган алоҳида геометрик шакли:

Банд этибдур жадал аҳли ишин ашкол андоқ,
Ким не «Мифтоҳ» анга суд қилур не «Талхис». *Ғаройибус-сиғар*, 223-Т;

~ **и сипеҳр** – осмон шакллари:
Эҳсон ки биравга сийрат-у сон келди,
Ашколи сипеҳр оллида осон келди. *Назмул-жавоҳир*, 15-140.

АШКОНИЙ [اشکانی] – қадимги Эрон подшоҳларининг сулоласидан бири:
Ардувон бинни Ялош ашконийларнинг сўнгғи подшоҳи эрди.
Тарихи мулуки ажам, 16-221;
Мулк ашконийлардин сосонийларға интиқол топти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-221.

АШКПОШ [اشکپاش] – кўп йиғловчи:
Кимни пушаймонлиғ этиб ашкпош,
Гавҳари мақсуд анга ҳар қатра ёш. *Ҳайратул-аброр*, 7-263.

АШКРЕЗ [اشکریز] – кўз ёши тўкувчи, йиғловчи:
Чашма кўруб бас ки ҳам андин ситез,
Бир кўз ўлуб ўз ғамидин ашкрез. *Ҳайратул-аброр*, 7-251;
Нозанин бошин қўюб қўйниға тез,
Юзда бўлди кирпикидин ашкрез. *Лисонут-тайр*, 125-Т;
~ **бўл-** – йиғлоқи бўлмоқ, кўз ёши тўкмоқ:
Шайх оҳ урди ву бўлди ашкрез,
Деди: эй кўнглумга солған рустахез. *Лисонут-тайр*, 108-Т.

АШКРЕЗЛИК [اشکریزلیک] – кўз ёши тўкишлик, йиғлашлик:
Кўнгул оташангезлиги била кўз ашкрезлиги шарҳида бир неча паришон байт мураттаб қилилди. *Муншаот*, 14-161.

АШКРЕЗОН [اشکریزان] – кўз ёши тўкувчи, йиғлаб турувчи:
Боши устида Бону ашкрезон,
Қарор-у сабри кўнглидин гурезон. *Фарҳод ва Ширин*, 405-Т;
~ **ўл-** – ёш тўкмоқ, йиғламоқ:
Лайлидин ўлуб тараб гурезон,
Тонг шамъидек ўлди ашкрезон. *Лайли ва Мажнун*, 308-Т.

АШКСИЗ [اشکسیز] – кўз ёшисиз, ёшсиз:
Не янглиғ ёшурай хижрон ғамин ким фош этар ҳардам,
Оғиздин шуълалиғ оҳим назардин ашксиз қоним. *Бадойиул-васат*, 303-Т.

АШКФИШОН [اشکفشان] – кўз ёши сочувчи, йиғловчи:
Фироқ кожлари бирла ваҳ ки не ўтлар
Булутдек ашкфишон кўзларимга чакиладур. *Ғаройибус-сиғар*, 166-Т.

АШКФИШОНЛИҒ [اشکفشانلیغ] кўз ёши сочувчилик, йиғлаш, йиғлоқилик:
Бас эттим ашкфишонлиғ чу зоҳир эттинг юз,
Нечук ки меҳр кўрунгач ниҳон бўлур юлдуз. *Ғаройибус-сиғар*, 205-Т.

АШО [عشا] – шом:
Ул эшткач соғинди ким хуфтон намозининг нидосидур ва ашо салотининг адоси ибтидосидур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-49.

АШРАФ [اشرف] – энг шарафли, муборак зотлар; улуғ, иззатли, олий шахслар:
Сарик оғрик бўлдум эй соқий хазони ҳажр аро,
Қани ашраф май ки бор ҳар қатраси бир каҳрубо. *Фавойидул-кибар*, 40-Т;
Ул бири раҳмат малойикидин ашраф ва бу бири саодат сипеҳридин арфаъ кўрунди. *Муншаот*, 14-192;
Кирмон мулкининг ашрафидиндур. *Мажолисун-нафис*, 185-Т;
Чу афъолнинг ашраф-у дуни бор,
Агар дуну ашраф бу конуни бор. *Садди Искандарий*, 314-Т;

~ **и авсоф** – энг олий, шарафли сифат, хусусият:
Неча сахо ашрафи авсофдур,
Муфрит агар айласанг исрофдур. *Ҳайратул-аброр,* 7-145;
~ **и уммат** – шарафли умматлар, зотлар:
Бу шараф басдур ки то ҳоли анга,
Ашрафи уммат эрур толи анга. *Лисонут-тайр,* 30-Т;
~ **и халқ** – яратилган мавжудотларнинг энг иззатлиси, энг улуғи:
Бу ким ашрафи халқ инсон эрур,
Ки ҳақ сирри зотида пинҳон эрур. *Садди Искандарий,* 403-Т.

АШРИБА [اشربه] – ичимликлар, шароблар:
... аширба ва фавокиҳ ва ҳалваёт ҳамул атъимаға яраша муқаррар эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 111-Т.

АШРОР [اشرار] – айбдорлар; ёмон хулқли; бузуқи:
Ва ул зония Жариҳка ўз зиноси била туҳмат қилди ва ул ашрор Жариҳнинг бўйниға ип тақиб маликлари қошиға элтиб малик Жариҳқа қатл ҳукми қилди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-190.

АШРОФ [اشراف] – шарафли, эътиборли кишилар; олий зотлар:
Хожа Афзал Кирмон мулкининг ашрофидиндур. *Мажолисун-нафоис,* 184-Т;
Акобир ва ашрофни таъзим юзидин меҳмон қилдим. *Маҳбубул-қулуб,* 14-10;
~ **инбисоти** – улуғлар суҳбати, хурсандчилиги, шодлиги, хушчақчақлиги:
... ашроф инбисоти ва хавас икроми ва авом ғавғоси золим иброми ва мазлум алолоси... *Вақфия,* 14-263.

АШТАР [اشتر] – аруз вазнига оид термин, зиҳофлардан бирининг номи:
Аммо фуруъи мафоилун-мақбуз; мафоийлу – макфуф, мафоулун – ахрам; мафоъулу – ахраб; фаъилун – аштар... *Мезонул-авзон,* 16-Т.

АШУР [عشور] – муҳаррам ойининг ўнинчи куни; буғдой оши пиширилади ган кун:
Олти юз саксан олтида ашур куни дунёдин ўтубтур.
Насойимул-муҳаббат, 164-Т.

АШЪОР [اشعار] – шеърлар, ғазаллар:
Чун Навоий ёр зулфи васфида кўп чирмашур,
Эт таажжуб қилмасун гар қилса ашъорида печ. *Фавойидул-кибар,* 101-Т;
... ҳатто турк шуароси ким форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. *Муҳокаматул-луғатайн,* 169-Т;
Навоийнинг ашъоридин неча байт
Менинг ҳасби ҳолим топиб туркий айт. *Садди Искандарий,* 343-Т;
~ **и латиф** – латиф, ғариб шеърлар:
Аларға ашъори латиф ғариб ахбори нодир ажиб бор.
Насойимул-муҳаббат 361-Т;
~ **и маорифнигор** – маърифат, билимлар кўрсатувчи шеърлар:
Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқлур ки иродға иҳтиёж бўлғай. *Насойимул-муҳаббат,* 439-Т.

АШҚИЁ [اشقيا] – золимлар, ёвузлар; бахтсизлар:
Сенинг миллатингдин чу топиб шараф,
Саодат либоси кийиб ашқиё. *Фавойидул-кибар,* 10-Т.

АШҒОЛ [اشغال] – машғул, ишлар; юмушлар:
Чу бўлди жилвагар ашкол юз навъ,
Анга ҳам бўлғуси ашғол юз навъ. *Фарҳод ва Ширин,* 144-Т;

Чу май шуғли сари бўлуб муртакиб,
Ул ашғол ўлуб мужиби кўп лаъиб. *Садди Искандарий*, 286-Т;

~ **касрати** – ишнинг, машғулотларнинг кўплиги:
Бир кун [Жомий] Мурғоб навоҳисида эрканда мулозимат машаққати ва ашғол касратидин изтирор юзланганда алар хизматиға бир киши юбариб бу рубоийни руқъада арз қилдим. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-37.

АШҲАБ [اشهب] – кулранг, оқиш бўз от:
Саҳаргун ашҳабиға ким керактур поймол ўлмақ,
Фалак майдониға ҳар тун қамардек сурди тут адҳам. *Фавойидул-кибар*, 401-Т;
Ўйла майдон ичра кирмиш тунд ул чобуксувор,
Ким дегайсен чарх уза секреткусидур ашҳабин. *Наводируш-шабоб*, 447-Т;
Туну кун адҳамию ашҳабини,
Чархи тавсаннинг икки маркабини. *Сабъаи сайёр*, 10-8.

АЪВОН [اعوان] – ёрдамчилар, кўмакчилар:
Нақди жон истаб мени қинаса ул кофир кўзунг,
Неткамен бермай ким ул турк эмастур аъвон. *Наводируш-шабоб*, 444-Т.

АЪДО [اعدا] – душманлар:
Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур ва аҳбоблиқ одами аъдосиз топилмайдур. *Муншаот*, 14-154;
Бу урушта ки султонға аъдо била воқиъ эрди аларға жазбае етти.
Насойимул-муҳаббат, 280-Т;
Ҳар не ким коми муяссар бўлсун,
Барча аъдоға музаффар бўлсун. *Фавойидул-кибар*, 663-Т;
... ва аҳбоб боши аъдо илайида куйи тушмагай. *Муншоот*, 14-154;

~ **сипоҳи** – душман лашкари:
Тийиб аъдо сипоҳин минг қаридин,
Дема бир саридин ким ҳар саридин. *Фарҳод ва Ширин*, 363-Т.

АЪДОД [اعداد] – сонлар, саноқлар, ҳисоблар, ададлар:
Сўз ғояти ва назм ниҳояти ва ғоятсиз ҳижолат изҳори ва ниҳоятсиз журъат эътизори... ва тарихининг табйини ва абёти аъдодининг таъйини.
Сабъаи сайёр, 10-402;

~ **ида тут-** – сонга қўшмоқ, қаторда санамоқ, ҳисобга қўшмоқ:
Муаррихлар Жомаспни мулук аъдодида тутмайдурлар.
Тарихи мулуки ажам, 16-241.

АЪДОСИЗ [اعداسيز] – душмансиз:
Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур ва асҳоблиқ одами аъдосиз топилмайдур. *Муншаот*, 14-154.

АЪЁН [اعيان] – улуғ мартабалилар, ашрафлар, таниқли, атоқли кишилар; ~ **и ҳазрат** – (подшоҳ) ҳузуридаги мансабдорлар:
Ул подшоҳи замоннинг аркони давлат ва аъёни ҳазрати ва олийшон умаро... аларнинг [Жомийнинг] остониға ким... ташриф келтурурлар эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-14.

АЪЖАМИЙ [اعجمى] – араб бўлмаган қавм; нодон; ночор, ожиз:
Ким аъжамий айлаб ўзни ёна,
Бу навъ сурар лабинг фасона. *Лайли ва Мажнун*, 121-Т.

АЪЖУБА [اعجوبه] – ажойиб; ажайибот, ҳайратга солувчи нарса; ҳайратомуз:
Бу аъжубалар ким анга берди даст,
Жаҳондорлар қадри топти шикаст. *Садди Искандарий*, 148-Т;

Ул қавмдин аъжуба халойиқ бўлмас,
Ким меъдалари ҳаром ердин тўлмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-19;
Икки сутун узра қилиб таъбия,
Анда кўп аъжуба қилиб таъмия. *Ҳайратул-аброр*, 7-91.

АЪЖУБАЛИҒ [اعجوبه لیغ] – ажойиблик, ғаройиблик:
Ишқ аро бу навъ ўлур аъжуба кўб,
Кўргузуб аъжубалиғ мансуба кўб. *Лисонут-тайр*, 126-Т.

АЪЗАМ [اعظم] – каттарок, улуғрок; энг буюк, энг улуғ, улкан:
Агарчи ишқ баҳри ҳажр дарёсидин аъзамдур,
Валекин гар кичикракдур пур офатрокдурур кулзум. *Фавойидул-кибар*, 397-Т;
Ул ки пайғамбарға ҳамдам эрди ул,
Шубҳасиз Форуқи аъзам эрди ул. *Лисонут-тайр*, 28-Т.

АЪЗАМСАВОД [اعظم صواد] – улуғ шаҳар; буюк ўлка:
Юруб су узра шаҳри аъзамсавод
Таҳаррукда бир ўзга оламсавод. *Садди Искандарий*, 449-Т;
Басе шаҳри аъзамға берди кушод,
Ки Мағриб замин келди аъзамсавод. *Садди Искандарии*, 394-Т.

АЪЗАМЛИҚ [اعظم لیق] – улуғлик, буюклик, улканлик:
Эрур бу турфа ким ишқи балоангиз ҳар соат,
Бу аъзамлиқ била айлар муаллақ чархи минони. *Фавойидул-кибар*, 607-Т.

АЪЗАМЧА [اعظم چه] – улканча:
Ва дунё асбоби иштиғолида ким ҳақ йўли сулукидин монеъдур бир нафс юз оламча зиён ва ҳар дам минг фалаки аъзамча нуқсон кутишдин равшанракдир. *Маҳбубул-қулуб*, 14-128.

АЪЗО [اعضا] – 1 тана аъзолари, гавда, бадан:
Ишқдин йўқ ким совуғдин оташин гул истабан,
Топмағандин булбул аъзосида пар синжоб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 168-Т;
Табли бирла тожини синдурдилар,
Дарра аъзосин яланглаб урдилар. *Лисонут-тайр*, 62-Т.

АЪЛАМ [اعلم] – ўта доно, катта илм эгаси, донишманд:
Ҳар илмда бир киши ки аълам,
Еткач оча олмай оллида дам. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;
Чун Навоий наътинг айтурға тилар бўлғай илм,
Не ажаб гар бўлса бот олимлар ичра аъламе. *Фавойидул-кибар*, 557-Т;

~ **и уламо** – олимларнинг энг билимдони:
Хожа Файзуллоҳ Абуллайсий... бовужуд ким Самарқанднинг аълами уламоси эрди. *Мажолисун-нафоис*, 33-Т.

АЪЛО [اعلی] – 1. олий, юксак, баланд:
Қадринг етти чархдин муалло,
Зотинг худ икки жаҳондин аъло. *Лайли ва Мажнун*, 41-Т;
Аълоларидур недин ки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча данидин адно. *Маҳбубул-қулуб*, 14-26;
Етмагай аълодин адноға шикаст,
Бўлмағай ашраф ахасс оллинда паст, *Лисонут-тайр*, 37-Т;

2. устун, юксакрок, олийрок:
Гарчи ул анфоси Масиҳодурур,
Мартаба андин мунга аълодурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-295;

~ **мартаба** – олий, юксак мартаба:
Паҳлавон кичик ёшлиғ эрканда ул қобилийят ҳам аъло мартабада бор эркандир. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;

~ **маком** – юқори, юксак мартаба, ўринли, даража:
Рутбада андақ анга аъло мақом,
Ким бўлубан чарх анга адно маком. *Ҳайратул-аброр*, 7-136.

АЪЛОМ [اعلام] – байроқлар:
Зоҳир этти шавқ исломини ҳам,
Исо Руҳиллоҳи аъломини ҳам. *Лисонут-тайр*, 126-Т.

АЪМО [اعمى] – кўр, сўкир; билимсиз, нодон:
Узин аъмо кўруб арбоби биниш,
Қаро босқан кишидек офариниш. *Фарҳод ва Ширин*, 393-Т;
Хирад ғайб илмида аъмодурур,
Ки билмаски тонгла келур недурур. *Садди Искандарий*, 350-Т;

~ **кел- –** билимсизлик, ожизлик қилмоқ:
Фақр аро андоқ дақойиқдур ки ишқ англар ани,
Ким анинг даркида аъмо келди ақли хурдабин. *Наводируш-шабоб*, 451-Т.

АЪМОЛ [اعمال] – амаллар, ишлар, қилмишлар:
Яхши сўзлари бор, муомалада ва нафс айбида ва аъмол офатида.
Насойимул-муҳаббат, 75-Т;
Чун ҳашаму хайлдин айрилғасен,
Де ки бу аъмол ила не қилғасен. *Ҳайратул-аброр*, 75-26;
Ул сафар асбоби солиҳ аъмолдур ва ҳамида хисол. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;

~ **и қабоиҳ** – ёмон, разилона, қабиҳ амаллар, қилмишлар:
...ва аъмоли қабоиҳидин шармандалиғдур ва афъол фазоиҳидин сарафкандалиғ ва огоҳлиғдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-47.

АЪМОЛИҚ [اعماليق] – кўрлик:
Ишк шиддати ажзидин кўзини аъмоликқа раво кўруб қазоға басе дардмандона хитоб қилғани дардманлар жониға бало барқ чақибдур. *Мажолисун-нафоис*, 228-Т.

АЪОДИ [اعادى] – душманлар:
Аъодиси қасд айлабан жониға,
Қилич лаългун қилдилар қониға. *Садди Искандарий*, 209-Т.

АЪРОБ [اعراب] – араблар; бадавийлар; саҳройи араблар:
Билмангму шукуҳу савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни. *Лайли ва Мажнун*, 156-Т;
Ул водида аъроб уйларин тикиб жилва бериб баҳоға киюрурлар эрмиш.
Мезонул-авзон, 13-Т.

АЪРОЗ [اعراض] – ориз, ўткинчи суратлар, белгилар; асл бўлмаган, тасодиф, аломатлар:
Бу аъроз аро жавҳари зот анга,
Қилиб пок гавҳарлик исбот анга. *Садди Искандарий*, 96-Т.

АЪТОФ [اعطاف] – меҳрибонликлар, марҳаматлар:
Бошим кўкка етгай ул алтофдин,
Намудору ойин аътофдин. *Садди Искандарий*, 293-Т.

АЪҚАЛ [اعقل] – ақллироқ; энг ақлли:
Мунингдек фасл ким тун мушкини чарх этти кофурий,
Сабуҳий майдин ул ким бўлса лояъқил эрур аъқал. *Ғаройибус-сиғар*, 291-Т;
Ки ул қавм эрур ё наби ё вали
Ваё ҳикмат аҳли аро аъқали. *Садди Искандарий*, 287-Т;

~ **и рўзгор** – замонасининг энг ақлли кишиси:
Недин ким эрур аъқали рўзигор,
Халойиққа ақл ичра омўзкор. *Садди Искандарий*, 491-Т.

АЯ- [أيا] – аямоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ:
Итларин анинг аяб бошимни қилман туъма ҳам,
Ишқ юз турлук балийят бошима келтургали. *Бадойиул-васат*, 460-Т;
Нафис ажносни аяб чапон киймаса.... лазиз ағзияни исиркаб қуруғ нон емаса... *Маҳбубул-қулуб*, 14-34;
Мир Ёдгорбек... ҳеч нимасин булардан аямас эрди. *Мажолисун-нафоис*, 38-Т.

АҚАБА/АҚБА [عقبه] – қийинчилик, машаққат; машаққатли, хатарли оғир, тоғ йўллари:
Тоғ ила тузни тун-у кун бошқариб,
Хайлини йўл ақбасидин ўткариб. *Ҳайратул-аброр*, 7-134;
Чиқарға чу қилдим азимат дуруст,
Қадам урдим ул ақба йўлиға чуст. *Садди Искандарий*, 9;
Аммо мусофирға йўл суубатининг саҳунати учун ва води йирағлиғининг дафъ шиддати учун ва ёман ақабалар ким олдига келур ва азим мухотиралар ки вокиъ бўлур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;
Ақбалар анда балийят тоғидин,
Гардлар кўзга ажал туфрағидин. *Лисонут-тайр*, 136-Т.

АҚАР [عقر] – ақар (қабила номи):
Эй Навоий манга бас ул санами лўливаш,
Бекка қипчақ-у ақар шаҳға киёт-у белгут. *Наодируш-шабоб*, 71-Т.

АҚВОЛ [اقوال] – гаплар, сўзлар, ривоятлар:
Аввалғи қисм улдур ким ўзининг ақволи ва афъоли ва ашколи ҳар не ким бор ўзига хўб кўрунгай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-73;
Пушаймон бўлуб деган ақволиға,
Бузулди басе кўнгли эл ҳолига. *Садди Искандарий*, 134-Т.

АҚД [عقد] – 1. банд; боғлаш, тугун; никоҳ:
Ой бирла қуёшни айлади ақд,
Боши уза сочтилар басе нақд. *Лайли ва Мажнун*, 290-Т;
Риштаси ақди тузулгани ва ул гириҳ маҳкам бўлмасдин бурун узулгани ва бир ошиқ маъшуқи васлидин ком топқани... *Лайли ва Мажнун* 286-Т;
Кўрунмай дирам ақдин очмағи жўб,
Дирам ҳар неча кўп тугун дағи кўп. *Садди Искандарий*, 122-Т;
2. танлаш, ихтиёр этиш:
Чарх арусиға йўқ гарчи ёманлиғ шиор,
Ақдиға майл этма ким шоҳид-у бадкорадур. *Фавойидул-кибар*, 151-Т;
~ **амри** – никоҳга доир қилинадиган ишлар:
Чун ҳисориға ногаҳон етса,
Ақд амрини ошкор этса. *Сабъаи сайёр*, 10-223;
~ **базми** – никоҳ тўйи:
Ақд базмини қилгали обод,
Гўйиё бу маҳал эди миод. *Сабъаи сайёр*, 10-283;
~ **и завж** – никоҳ ақди:
Агарчи ақди завж айлаб муқаррар
Бўлуб эрди анга гавҳар муяссар, *Фарҳод ва Ширин*, 335-Т;
~ **и зулф** – залфингга бандилик:
Юз бўғун эрмас сўнггакдин риштаи жоним аро,
Ақди зулфунгдин туганлардир ки бу торимда бор. *Наводируш-шабоб*,151-Т;

~ **и кобин** – никоҳ маҳри, қалини:
Кўз устида улча расм-у ойин,
Жон ўртада улча ақди кобин. *Лайли ва Мажнун*, 208-Т;
~ **мисоқи** – никоҳ шартлари:
Тутуб илгини бу сўз айтурда руст,
Ким ул ақд мисоқин айлаб дуруст. *Садди Искандарий*, 342-Т;
~ **и тазвиж** – никоҳ аҳди:
Чун бўлди маҳал ки ақди тазвиж
Бергай бу нишот ишига тарвиж. *Лайли ва Мажнун*, 298-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – никоҳ қилмоқ, никоҳига олмоқ; танламоқ, интиҳоб этмоқ; эгалламоқ, қўлга олмоқ:
Анга ақд айлаб кўзум нурини,
Кўзум ичраки парда мастурини. *Садди Искандарий*, 260-Т;
Токи кўп харж айлабан ажнос-у нақд,
Ром этиб ул дилрабони қилди ақд. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
Дема кўп эй нафс ким дунё арусин ақд қил,
Ўйда баъзидек соғин маккорае бордур манга. *Бадойиул-васат*, 12-Т;
Жаҳон маккораси дилкашдур аммо ким ки ақд этса,
Ипак жон риштаси ёрмак анга дин нақди кобиндур. *Ғаройибус-сиғар*, 147-Т.

АҚДАМ [اقدم] – пеш; илгарироқ, олдинроқ; энг илгари, энг аввал; юқори:
~ **кўр-** – устун билмоқ:
Подшоҳ давлати маслаҳатин барча ишда муқаддам тутмақ вожибдур Тенгри амрини андин ҳам ақдам кўрмак фарз. *Муншаот*, 14-155.

АҚДАС [اقدس] – энг муқаддас:
Бас муни анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема ақдас дегил. *Ҳайратул-аброр*, 7-296.

АҚДОМ [اقدام] – қадамлар, одимлар, ҳаракат; эргашиш, амрига юриш:
Амриға ақдом одаттур манга.
Чун адо қилднм саодаттур манга. *Лисонут-тайр*, 167-Т;
~ **ўр-** – қадам қўймоқ, йўл босмоқ:
...ҳар навъ ишқ ва суратда ақдом урдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9.

АҚДОҲ [اقداح] – қадаҳлар, косалар, май жомлари:
Чун қуёш лоласи тонг гулшанидин
Чиқти тут лола масаллик ақдоҳ. *Бадойиул-васат*, 81-Т;
Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ,
Ки йўқ салоҳ ила бўлмағлиғ эмди бизга салоҳ. *Ғаройибус сиғар*, 102-Т.

АҚИДА [عقيده] – 1. ишонч, эътиқод, ихлос:
Ҳақ анинг қошида ботил хирадманд анинг ақидасида жоҳил.
Маҳбубул-қулуб, 14-15;
Форсий ашъордин ҳазратн Хожа Ҳофиз Шерозий девониға кўп ақидалари бор эрди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-92;
Деди: саволимиз будур ки туркигўй шуородин ўлча шеърлари рўзгор саҳифасида сабтдур қайси яхширақ айтибдурлар ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмағиға бор ва сен биганурсен. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 115-Т;
Алар табассум қилиб дедилар ки магар ақиданг йўқтур ки бизга уйқудин ўзга амре бор. *Насойимул-муҳаббат*, 255-Т;
2. тушунча, фикр; билиш:
Чин дер элга жон хатари хайрға далолат қилғучиға ўлум зарари. Ҳақ анинг [золим подшоҳнинг] қошида ботил хирадманд анинг ақидасида жоҳил.
Маҳбубул-қулуб, 14-15;

...то ул жамъға фақирнинг сўзининг сидқи тамом зоҳир бўлуб ўз ақидаларидин айланиб фақирнинг ақидасиға келдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-16;

~ **и пок** – соф эътиқод, пок имон:
Дедилар сар-басар бўлуб ғамнок,
Ким мусаллам санга ақидаи пок. *Сабъаи сайёр*, 104;

~ **бўл-** – ишончли бўлмоқ:
Билди ки элга ул ақида бўлғусидур ки эмди дағи ҳақиқат юзиндиндур. *Насойимул-муҳаббат*, 162-Т;

~ **қил-** – ишонч ҳосил этмоқ; эътиқодли бўлмоқ:
Тенгри хонин очуқ ақида қилиб,
Халқдин рўзи истаган гумроҳ. *Наводируш-шабоб*, 672-Т.

АҚИЛА [عقيلة] – ақлли хотин; заифа; кичик:
Қирсанг фано тариқиға девонавор кир,
Ул важҳдин ки ақл бу йўлда ақиладур. *Бадойиул-васат*, 117-Т.

АҚИҚ [عقيق] – қизил рангли қимматбаҳо тош, ақиқ; қип-қизил лаб:
Ул дуржи ақиқ-у лаъли сероб,
Жузъумдин оқиздилар дурри ноб. *Бадойиул-васат*, 482-Т;

~ **и ашк** – ақиқ, қизил қон ёшли:
Навоийнинг ақиқи ашки ол эрди ки тутмиш ранг,
Суҳайли оразинг гўё ки қилмиш ламъа изҳори. *Ғаройибус-сиғар*, 473-Т;

~ **и беғаш** – тоза, соф ақиқ; қизил май, майнинг қизиллиги:
Бир нафас мутриби сарв-у дилкашидин бода топ,
Бир замон соқий ақиқи беғашидин ком тут. *Наводируш-шабоб*, 70-Т;

~ **и май** – қизил соф май:
Қуй ақиқи май Суҳайли жом аро эй муғбача,
Ким ёрур ул ахтари фархундафолингдин кўзум. *Ғаройибус-сиғар*, 325-Т;

~ **и ноб** – соф, тиниқ ақиқ:
Ақл саррофи лабинг рангин-у нозик сўз била
Топти гулғун ришта ўткарган ақиқи нобдек. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;

~ **и Яман** – Яман ақиқи:
Эмас учуқ лабингда ки ул юз Суҳайлидин
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;
Лола киби ёқут қадаҳ йўқ тубида дурд,
Бир шиша май андақ ки ақиқи Яман эрди. *Фавойидул-кибар*, 582-Т.

АҚЛ [عقل] – 1. идрок, зеҳн:
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақр-у фоқа ким оқилдур. *Назмул-жавоҳир*, 15-179;
Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати. *Садди Искандарий*, 285-Т;

2. донолик, билимдонлик; фаҳм-идрок:
Не ақл аларда не дин не ҳаё аларда ва не тамкин. *Маҳбубул-қулуб*, 14-38;
Дедук ким жунунунгға оғоз эмиш,
Жаҳолат санга кўп-у ақл оз эмиш. *Садди Искандарий*, 163-Т;

~ **алачуғи** – ақл уяси; мия:
Ишқ елин еткурубан тунду тез,
Ақл алачуғин этиб рез рез. *Ҳайратул-аброр*, 7-16;

~ **аҳли** – ақллилар, ҳушёр онг эгалари:
Эй пири хирад кўнглума кўп килма насиҳат,
Невчун ки жунун аҳлиға ақл аҳли қотилмас. *Наводируш-шабоб*, 228-Т;

~ **васвоси** – ақл васвасаси; мафтунлик; ақл тўлқини:
Ақл васвоси хароб этмиш мени ҳужжат била,
Соқиё бир айш жоми тут манга ву ани тенг. *Бадойиул-васат*, 277-Т;
~ **деҳқони** – онгли тушунча, мулоҳаза; тажрибали, онгли киши:
Юзунг кўп очма гоҳи сўз дегил ким ақл деҳқони
Не гул исрофини яхши демиш не ғунча имсокин. *Ғаройибус-сиғар*, 342-Т;
~ **и дурандиш** – узоқ ўйловчи ақллилар:
Аммо бу ҳисоб хиради дурбин ваззони била ва ақли дурандиш мезони била рост эмас. *Муншаот*, 14-155;
~ **кўйи** – ақл-идрок йўли:
Телбараб ҳар дам бўлур ғойиб Навоий неча ким
Бизга ани ақл кўйи сари бошқармақдур иш. *Бадойиул-васат*, 189-Т;
~ **мезони** – онг, ақл ўлчови, тарозуси:
Назар айласам ақл мезониға,
Ким ўлғай ки киргай киши сониға. *Садди Искандарий*, 160-Т;
~ **мустақим** – тўғри, ҳак идрокли:
Аммо табъи салим ва ақли мустақим шонидин бўлур... *Муншаот*, 14-204;
~ **мухандислари** – донишмандлар, олимлар; билимдонлар:
Даркида қосир бўлубан ҳислари,
Чун кўрубан ақл муҳандислари. *Ҳайратул-аброр*, 7-22;
~ **пири** – тафаккур устози; фаросатли кишилар:
Ақл пири ким малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул пари ишқи аро бозичаи атфолдур. *Бадойиул-васат*, 125-Т;
~ **саррофи** – ақл заргари:
Ул не гавҳардур ки жон мулки хирожи топқасен,
Ақл саррофи агар қилса баҳосин филмасал. *Наводируш-шабоб*, 468-Т;
~ **уйи** – мия, фикру хаёл:
Мажнунвашим илгида қадаҳ жабҳасида ҳай,
Бу ақл уйин бузди ву ул зуҳд асосин. *Наводируш-шабоб*, 468-Т;
~ **хабири** – ақл сезгирлиги; ақл куввати:
Ки ногаҳ хирад пири муҳиб урди ва ақл хабири юзумга югурди.
Бадойиъ ул-бидоя, I-19;
~ **эшиги** – ақл эшиги; ақл йўли, онгли йўл:
Жунун бу бўлса ким ёғди париваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд. *Ғаройибус-сиғар*, 112-Т;
~ **ўти** – зеҳн ўткирлиги, ҳушёрлик:
Ўчурди ақлим ўтин балки йиқти диним уйин,
Не англадим ки не сайли бало эмиш бода. *Бадойиул-васат*, 384-Т;
~ **қуши** – ақл қуши:
Париваш тифллардин ҳар замон ортар жунунум ким
Берурлар ҳуш-у ақлим кушлариға тош отардин рам. *Наводируш-шабоб*, 426-Т;
~ **хисоби** – онг доираси, чегараси:
Ақл ҳисобидин эрур бас йирақ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхширақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-145;
~ **дин бегона** – ақлдан озган, телба:
Халқ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққанни ақлдин бегона дерлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80;
~ **и дақиқ** – нозик, теран ақл:
Ҳеч ўлур ул навъ ким ақли дақиқ,
Неча зоҳир айласа фикри амиқ. *Лисонут-тайр*, 214;

~ **и жавҳаршунос** – етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунувчи нозик таъб кишиларнинг идроклиси:
Бу дурлар аро ақли жавҳаршунос
Иши риштаси бирла айлаб қиёс. *Садди Искандарий*, 510-Т;
Ки ҳар лафзини ақли жавҳаршунос
Кўруб жавҳари фард айлар қиёс. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;
~ **и зойил** – ақли кетган, ақл кетиши, ақлсиз бўлиб қолиш:
Ҳайрат айлар тилни гунг-у лол ҳам,
Ақли зойил ҳушни помол ҳам. *Лисонут-тайр*, 217-Т;
~ **и зулмоти** – хира ақл, ўтмас зеҳн:
Санга етишмаса тонг йўқ бу ақли зулмоти,
Ки меҳр шамъиға парвона бўлмади хуффош. *Ғаройибус-сиғар*, 203-Т;
~ **и кулл** – энг етук баркамол ақл:
Мени мажнун йиқилсам кўргач ўқ ҳайрат ери эмас,
Ки ақли кулга ҳар соат эрур наззорасидин ғаш. *Ғаройибус-сиғар*, 211-Т;
Ақли кулл ҳайратда зотинг бобида,
Зот йўқ ҳар бир сифотинг бобида. *Лисонут-тайр*, 262-Т;
~ **и маслаҳатбин** – маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл, тўғри фикрга йўлловчи ақл:
Чу сен сархуш чиқиб кўнглакча рахшингга бериб жавлон,
Бўлуб шайдо кўнгул паймол ақли маслаҳатбин ҳам. *Наводируш-шабоб*, 428-Т;
~ **и мужаррад** – яккаю ягона ақл, соф (ўткир) ақл:
Барқ илм аро бахти сарманд киби
Тажаррудда ақли мужаррад киби. *Садди Искандарий*, 375-Т;
Ҳам ҳаёда кўргузуб ақли мужаррад пайкарин.
Ҳам сафода англатиб руҳи мужассам суратин. *Бадойиул-васат*, 488-Т;
~ **и мулкоро** – давлатга оро берувчи ақл бойлиги:
Бадан мулкин қилиб ул қилса маъмур,
Вазири ақли мулкороси маъмур. *Фарҳод ва Ширин*, 81-Т;
~ **и мустақим** – баркарор, иккиланмайдиган, саботли, барқарор фикрли одам:
Аммо табъи салим ва ақли мустақим шонидин будур ким қила олғанча ўз ҳолиға муҳофиз ва ўз ҳолиға мулоҳиз бўлғай. *Муншаот*, 14-204;
~ **и муҳосиб** – фаҳм-фаросатга бўйсунувчи, онг, ақл, идрок:
Ки ақли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа. *Садди Искандарий*, 520-Т;
~ **и номовар** – машҳур, маъруф ақл эгаси:
Таносуб била ақли номовари
Деди отини Садди Искандарий. *Садди Искандарий*, 518-Т;
~ **и нофаржом** – натижасиз, бефойда ўй-фикр:
Бўлмишам ошиқ эй ақли нофаржом кет,
Тун кун иш бўлмиш манга чекмак лаболаб жом кет. *Фавойидул-кибар*, 81-Т;
~ **и огоҳ** – хўшёр ақл:
Вали бу турфарақ ким ақли огоҳ
Бўлуб ҳар сари минг йўл ичра гумроҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
~ **и салоҳандеш** – тўғри, соғлом фикр:
Не асар ислом-у имон кешидин,
Не нишон ақли салоҳандешдин. *Лисонут-тайр*, 119-Т;
Кўнглум андақ ким этиб Мажнун атодин тутти тоғ,
Дарди ишқ истар қочиб ақли салоҳандешдин. *Ғаройибус-сиғар*, 350-Т;
~ **и саркаш** – итоатсиз, қайсар, бўйин тобловчи ақл:
Субҳоноллоҳ не васиъ даргоҳ ва не рафиъ боргоҳдур ким анда пил хартуми пашша хартумиға забундур не ажаб агар ақли саркаш мабҳут ва илми сарнигундур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-76;

~ **и ситамкора** – ситамгар, жафо етказувчи ақл:
Ишқ эритур ақли ситамкорани,
Шуъла нечук ким сув қилур хорани. *Ҳайратул-аброр*, 7-192;
~ **и худбин** – фақат ўзини ўйловчи, ўзи ҳақидагина фикр юритувчи шахс:
Десанг ишқ даштини қатъ айлайин,
Керакмас бўйла ақли худбин санга. *Фавойидул-кибар*, 22-Т;
~ **и хурдабин** – ўткир, сезгир, нозик ақл, фаҳм-идрокли:
Топмағидин ноумид ўлғанда ақли хурдабин,
Истабан худбин мени кўзгуга қилди рўбарох. *Наводируш-шабоб*, 682-Т;
~ **и ҳикматпеша** – донишманд фикр, ақл:
Ки даркидин эрур андеша ҳайрон,
Ҳавос-у ақли ҳикматпеша ҳайрон. *Фарҳод ва Ширин*, 114-Т;
~ **ол-** – мафтун этмоқ, ҳайрон қолдирмоқ:
Кўнгул бирла қарор-у сабр-у хуш-у ақлим олмишсен,
Чу еттинг жонни таслим айлайим ким будурур қолған. *Наводируш-шабоб*, 446-Т;
~ **уч-** – ақли кетмоқ:
Ақлим учти айладим то касб ишқинг илмини,
Гарчи элга илм касбидин бўлур афзун хирад. *Наводируш-шабоб*, 128-Т;
~ **ўргат-** – онгли, ақлли қилишга интилмоқ; йўлга солмоқ:
Зоҳидо берма манга кўп панд ким ҳайвонча бор,
Телба итни оқил инсон истаган ақл ўргатиб. *Фавойидул-кибар*, 69-Т;
~ **и оз-** – ақлдан озмоқ:
Хандақини ваҳм анингдек қазиб,
Ким ки боқиб каъриға ақли озиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-66;
~ **ет-** – ақли етмоқ; тушунмоқ:
Бир ерга етиб ки ақл етмас,
Ул важҳ ила ақл бовар этмас. *Лайли ва Мажнун*, 51-Т.

АҚЛАН [عقلاً] – ақл юзасидан:
... бу жамоатни қатл қилмақ шаръан ва ақлан муносиб эрмас.
Тарихи мулуки ажам, 16-218.

АҚЛЗУДО [عقلزدا] – ақлни кетказувчи:
Соқиё тут қадаҳи ақлзудо,
Ким анга юз хираду ақл фидо. *Фавойидул-кибар*, 669-Т.

АҚЛИЙ [عقلی] – ақлий:
Авойилда ки Ҳазрати Шайх суҳбати азимати қилди китобхонаға кирди ва улуми ақлий ву нақлий латойифидин мажмуае интибоҳ қилди.
Насойимул-муҳаббат, 272-Т.

АҚЛОЙИН [عقل آیین] – оқилона, оқилларча:
Дедилар ким бизга сардоре керак,
Ақлойин хушкирдоре керак. *Лисонут-тайр*, 128-Т.

АҚМИША [اقمشه] – кумошлар, матолар:
...ва маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳажласи аройиси учун ғайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмақ... *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т.

АҚОЛИМ [اقالم] – иқлимлар, мамлакатлар, қитъалар, ўлкалар:
Баъзи салотиндек ким неча иқлимни олдилар ўзга ақолим ҳаёли бошларига тушти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-127;
Ҳам ақолим-у билод этқил хиёл,
Ҳам бихор-у ҳам уюн-у ҳам жибол. *Лисонут-тайр*, 229-Т;

~ **и жаҳон** – бутун дунё, дунё мамлакатлари:
Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри дағи кишвари жонни тутуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-53;

~ **и сабъа** – етти иқлим, барча қитъалар:
Фарҳод жоми жаҳоннумода ақолими сабъа мамоликин таксим қилиб ...
Фарҳод ва Ширин, 231-Т;
[Тахтнинг] тўрт *поясида афлок ва анжум ва ақолими сабъа* суратин хўбрақ важҳ ила тортиб эрдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247.

АҚРАБ [عقرب] – 1. чаён:
[Золимлар] килклари нўги ақраб неши раийят жониға ул неш ташвиши.
Маҳбубул-қулуб, 14-16;

Адлдин ростлиқ топиб мезон,
Неши ақраб самумидин резон. *Сабъаи сайёр*, 10-26;

2. чаён буржи:
Бор қамар ақрабда эй ишқинг маломат қулзуми
Оразинг кофурида ул зулфи мушкин каждуми. *Фавойидул-кибар*, 641-Т;
Юз-у зулфин кўрарга борғум эй чарх,
Жудо қилғил қамардин акробингни. *Бадойиул-васат*, 435-Т.

АҚРАБО [اقربا] – қариндош-уруғлар, яқинлар, туғишганлар:
Бир кун неча хайл-у ошноси,
Нисбат аро хешу ақрабоси. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;
Ожиз бўлубан ато аноси
Белки бари хайл-у ақрабоси. *Лайли ва Мажнун*, 150-Т;
Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлғай ит,
Ким эшикинг итларин топқай ўзига ақрабо. *Наводируш-шабоб*, 7-Т.

АҚРОН [اقران] – 1. тенгдош, ҳамнишин; тенг, яқин; монанд:
Дилбарим Ширин била Лайлиға гар ақрон эса,
Мен дағи Мажнун била Фарҳодқа амсолмен. *Бадойиул-васат*, 362-Т;

2. ёндошлар, бир-бирига яқинлар:
ва халойиқ орасида такаллумда ақрон ва амсолидин имтиёз ва эътибор ва улуғ от била овоза ва иштиҳорға ки ул хазратнинг иноят ва эҳтимомлари боис бўлди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т.

АҚСО [اقصا] – юқори, тўр; чет, узоқ, энг йироқ:
Яна пояда қўйди ақсоға юз,
Не ақсоға юз чархи аълоға юз. *Садди Искандарий*, 23868;

~ **билод** – узоқ, чекка ўлкалар:
Шайх таважжух килиб дебдур ки фармон улдур ким оламнинг ақсойи билодида кезгайсен. *Насойимул-муҳаббат*, 287-Т;
Курбон вақфаси бўлди оламнинг ақсойи билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз қўйдилар. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;

~ **йи мағрибзамин** – мағрибнинг энг чет ерлари:
Ватангоҳи ақсойи мағрибзамин эди эрмиш ул ерда водийнешин.
Садди Искандарий, 195-Т;

~ **йи Рум** – олис, ўзоқ Рум:
Ки чун бўлса манзури бу марз-у бум
Назар айлагай ул дам ақсойи Рум. *Садди Искандарий*, 394-Т;

~ **и чин** – энг йироқ Хитой замини:
Ҳам Эрон-у Турон ҳам ақсойи Чин
Анга тегру ким ҳадди машриқ замин. *Садди Искандарий*, 175-Т;

~ **йи ғарб** – узоқ ғарб:
Анга тегру ким ҳадди ақсойи ғарб,
Бутуб барчанинг жисмидин сози ҳарб. *Садди Искандарий*, 175-Т.

АҚСОМ [اقسام] – қисмлар, улушлар, бўлаклар:
Агарчи анга анча кўп ақсом лозим бўлур аммо бу ерда ихтисор учун уч қисмға мунқасим бўлур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-73.

АҚТОБ [اقطاب] – 1. қутблар:
Не қутб ки теграсида ақтоб,
Мужгон била хокрўби абвоб. *Лайли ва Мажнун*, 188-Т;
2. пешволар, азизлар, соҳиблар, улуғлар:
Каъбада автод ила ақтоб аро,
Уйла эрди ким Наби асҳоб аро. *Лисонут-тайр*, 93-Т;
~ **и замон** – замона улуғлари:
Тўстилар йўлини ақтоби замон,
Қилғали анинг сулукин имтиҳон. *Лисонут-тайр*, 171-Т.

АҚТОР [اقطار] – каноралар, тарафлар, чек-тевараклар:
Су узра булут тифли ақтор ила,
Қилибдурлар мишқ паргор ила. *Садди Искандарий*, 381-Т.

АҚТОЪ [اقطاع] – бўлаклар, парчалар, бурда-бўлаклар:
Сойил харитасида андин муҳайё ақтоъ,
Шоҳ хизонасида андин баҳр-у кон мато. *Маҳбубул-қулуб*, 14-38;
Олиб ганчдин барча ақтоъини,
Мураффаҳ бу навъ этти атбоъини. *Садди Искандарий*, 217-Т.

АҚШОМ [اقشام] – кечқурун, кечки пайт, тун, оқшом:
Шарҳ этти ки фитнаи ҳаводис,
Ақшом не эшитмиш эрди ҳодис. *Лайли ва Мажнун*, 309-Т;
~ **кули** – оқшом ғира-ширалиги, тугаши:
Машшотаи сунъунгдурур ул ким нафас ичра,
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т;
~ **бўл-** – оқшом бўлмоқ:
Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубан гўшае. *Ҳайратул-аброр*, 7-215.

АҚШОМҒИ [اقشامغی] – тундаги, кечасидаги:
Гаҳ сўруқлук андақ ки ақшомғи ҳол
Кўрунуб сабуҳий чоғида маҳол. *Муншаот*, 14-137.

АҒЁР [اغیار] – бегоналар, ўзгалар, бошқалар; рақиблар, душманлар:
Ёр мавжуд-у анда йўқ ағёр,
Ёрдин ўзга балки йўқ диёр. *Сабъаи сайёр*, 10-27;
Тузалгай ёр ила базми висоли,
Вале ағёрдин ул базм холи. *Муншаот*, 14-140;
Кўргузур ағёр юз туҳмат ниҳони найлайин,
Ёр ким сўрмай инанур бу балони найлайин? *Наводируш-шабоб*, 489-Т.

АҒЗИЯ [اغذیه] – егулик, озиқ-овқатлар, таомлар, ғизолар:
Андақ ки бу неъмат ва ағзиядин фуқаро ва масокин ва муқим ва мусофир маҳзуз эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т;
... лазиз ағзияни исиркаб қуруқ нон емаса ранжи маош суҳулати учун бўлмаса... *Маҳбубул-қулуб*, 14-34.

АҒИРЛА- [اغيرله] – ҳурматламоқ улуғламоқ:

Расул саллаллоҳу алайҳи ва саламни кўрдум. Деди ким бир бадхўй меҳмоним бор. Бориб ани ағирла ва айт ким ерингни бадал қил ким бу ер орзу ери эмас.

Насойимул-муҳаббат, 173-Т.

АҒЛАБ [اغلب] – кўп, аксар; кўпчилик; кўпроқ:

Ул замонғача ким халқнинг ашадди ва ағлаби аъроб эрдилар.

Насойимул-муҳаббат, 3-Т.

АҒЛАЗ [اغلظ] – энг ғализ, беадаб, дағал, ўта қўпол:

Ул замонғача ким халқнинг ашаддий ву ағлази аъроб эрдилар.

Насойимул-муҳаббат, 3-Т.

АҒЛОЛ [اغلال] – ғуллар, бўйинга солинадиган банд-занжирлар, бўйинтуруқлар:

Ўзин кўрди ажойиб ҳол ичинда,
Салосин қайдида ағлол ичинда. *Фарҳод ва Ширин,* 371-Т;

Гуноҳ аҳли тавқ-у занжирға гирифтор бу занжир-у тавқлари салосил ва ағлолдин намудор. *Маҳбубул-қулуб,* 14-36;

Ҳар бири бир ҳайъати ҳойил била,
Боғланиб ағлол-у салосил била. *Ҳайратул-аброр,* 7-27.

АҒНА- [اغنه] – ағанамоқ:

Тоғ этакинда гар ағнармен жунун ифротидин,
Истарам ул пардани урён танимға чирмамақ. *Наводируш-шабоб,* 310-Т;

Лолагун майдин қизармиш кўзларинг ул навъ ким
Лолазор устида ҳар ён ағнамиш бўлғай кийик. *Наводируш-шабоб,* 330-Т.

АҒНАТ- [اغنت] – думалатмоқ, ағнатмоқ:

Хора тубига ётқунг йўқ суд агар юз йил
Кўк атласи устида жисмингни топиб ағнат. *Наводируш-шабоб,* 75-Т.

АҒНИЁ [اغنيا] – бойлар, бадавлатлар, ғанийлар:

...тўннинг яхшироғин ағниёға беribдур тўннинг фаррини дарвишларға беribдур. *Насойимул-муҳаббат,* 63-Т;

Фуқаро сирка ва душоби андин ағниё нуқл-у майи ноби андин. Гуногун фавокиҳ била ким боғда тазйин чаман мулкида богланиб таъбия ва ойин *Маҳбубул-қулуб,* 14-38;

...ағниё ва аҳли тамкин ва озодалар ва шаҳзодалар... ҳам баҳраманд эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад,* 111-Т.

АҒО [اغا] – оға, ака:

Шоҳе ки атонг анга ағодур,
Ул санга ағодур ву атодур. *Лайли ва Мажнун,* 371-Т;

Самарқандда қолғанда ағосининг қотили ани шаҳодат мартабасиға еткурди. *Мажолисун-нафоис,* 73-Т.

АҒО-ИНИ [اغا اینی] – ака-ука:

Жадд-у або санга авлоди кани,
Ағо-ини санга аҳводи кани? *Фавойидул-кибар,* 659-Т.

АҒРОЗ [اغراض] – ғаразлар, қаршилик, максад, ният:

Қилма кўнглумни савол аҳли каду качкули,
Солма бир зарфқа юз навъ мухолиф ағроз. *Бадойиул-васат,* 209-Т.

АҲАД [احد] – бир; ёлғиз:

Меҳнатим тоғича йўқтур Ухуди,
Ани тортарға менингдек аҳади. *Наводируш-шабоб,* 641-Т;

Шукухи била фарридин ҳеч аҳад,
Топа олмай оллида сўз дерга ҳад. *Садди Искандарий*, 160-Т.

АҲАЗЗ [أهذ] – аруз илми атамаси: *Мезонул-авзн*, 18-Т.

АҲАК [أهک] – оҳак:
... ва аҳак ерига пўлоди маскул қўюб сад учин фалак тоғиға тегурганлари.
Садди Искандарий, 421-Т.

АҲАММ [أهم] – энг зарур, аҳамиятли, энг муҳим:
Ҳакимсурат дарвишсийрат балки дарвиши аҳамм ҳукумати қасам...
Садди Искандарий, 511-Т.

АҲАҚҚ [أحق] – энг лойиқ, муносиб; энг; сазовор:
Вазир визрдин муштақдур ва бу феъл анинг зотиға аҳақҳ ва аляқдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-16.

АҲБОБ [أحبأب] – севимлилар, дўстлар, ёронлар, сирдошлар:
Бу ким бири бири кейнича бордилар аҳбоб.
Азолариға сиришким тузуб қатор келур. *Фавойидул-кибар*, 170-Т;
Чаман туфрағин эй аҳбоб аритманг зор жисмимдин,
Либосин сўймангиз ҳазл айлабан мажнуни урёндин. *Наводируш-шабоб*, 502-Т;
~ **и жоний** – жондўст ҳабиблар:
... ва лекин тавақкуъ аҳбоби жонийдин ул ким дуо ели била гоҳи бу ниҳоятсиз даштдин ким наъл бараҳна қадам урубмен. *Муншаот*, 14-145;
~ **мулоқоти** – дўстлар суҳбати:
Йўқ бодаи васл оби ҳайвон ул эмиш,
Аҳбоб мулоқоти дема жон ул эмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 550-Т;
~ **и никуфаржом** – бахтли аҳбоблар, дўстлар:
Бир замон айрилма аҳбоби никуфаржомдин,
Ким эрур охир жудолиғ даҳри бадфаржом аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т.

АҲБОБЛИҚ [أحباب ليق] – ёру дўстларга эга; ёру биродарлик:
Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур ва аҳбоблиқ одами аъдосиз топилмайдур. *Муншаот*, 14-154.

АҲБОР [أحبار] – донишмандлар, хирадмандлар, донолар, олимлар:
[Кайхисрав] замонида анбиёдин Сулаймон алайҳис-салом ва аҳбордин Силуни ва ҳукамодин Фишоғурс эрдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-208;

АҲВАЛ [أحول] – ғилай:
Бирав ки кўзи аҳвалдур чун хилқати холиқдиндур анга не мадхалдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-102;
Май ичра акс эрур соқий юзидин англаман ёхуд
Кўзум наззорадин тўрт ўлди ёхуд бўлмишам аҳвал. *Ғаройибус-сиғар*, 291-Т.

АҲВАЛЛИҚ [أحول ليق] – ғилайлик:
Иккилик бу йўлда аҳваллиқ дурур,
Сирри ваҳдатдин муатталиқ дурур. *Лисонут-тайр*, 215-Т;
Ғайри аҳваллиқ эмастур бил муни,
Хотирингдин махв-у зойил қил муни. *Лисонут-тайр*, 217-Т.

АҲВОЛ [أحوال] – ҳоллар, ҳолат, аҳвол; вазият:
Ҳар не ким рой қилди келмади туз,
Қўйди аҳволиға тазалзул юз. *Сабъаи сайёр*, 10-170;
То барча эл ул баҳр аҳволин ва ул вазн ашколин маълум қилғайлар.
Мезонул-авзон, 12-Т;

Эй Навоий телба кўнглум дард-у гам тоғин қазар,
Кўрсанг аҳволим дегил мажнунсифат Фарҳодима. *Бадойиул-васат*, 392-Т;

~ **и жаҳонаро** – жаҳонни безовчи ҳолат:
Кўнгул жоми жаҳонбиндур тўла қил софи май бирла,
Ки солғай акс не ким бўлса аҳволи жаҳонаро. *Наводируш-шабоб*, 25-Т;

~ **и масал** – хокисорликда намуна:
Ул гадо чун ишқ аро эрди дағал,
Бўлди расволиққа аҳволи масал. *Лисонут-тайр*, 64-Т;

~ **и табоҳ** – хароб ҳол-аҳвол:
Ҳам аҳволи табоҳимдин ҳам оҳи умркоҳимдин,
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарариб кулбаи аҳзон. *Наводируш-шабоб*, 490-Т;

~ **и хароб** – хароб аҳвол, ҳол:
Қасида оллинда аҳволи харобимни дегил,
Муфрит андуҳ бирла муҳлик изтиробимни дегил. *Бадойиул-васат*, 280-Т.

АҲВОЛЛИҒ [احواللیغ / احوال لیغ] – аҳволлик, холатлик, вазиятлик:
Маҳбубнинг зулф очқанидин ўз ошуфта аҳволлиғи ва қоши чинидин кўнглининг беҳоллиғи бобида. *Мажолисун-нафоис*, 220-Т;
Ғайри аҳволлиқ эмастур бил муни,
Хотирингдин маҳву зойил қил муни. *Лисонут-тайр*, 217-Т.

АҲД I [عهد] – қатъий ваъда, сўз бериш, қасам, паймон:
Ҳоло не сўзунгга не аҳдингға не қавлунгға не онтингға эътимод колибдур. *Муншаот*, 14-217;
Андин сўрдилар ки тасаввуф недур? Деди ким аҳдқа вафо. *Насойимул муҳаббат*, 142-Т;
Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол нигаҳбони дуруст. *Назмул-жавоҳир*, 15-147;

~ **и банд** – узоқ муддат, замон:
... ва замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди банд ҳар навъ ... *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;

~ **и ёлғон** – алдамчи, ваъдабоз, бевафо, аҳди ёлғон:
Ваъдаи васлиға етмай ўлганимни эй рафиқ,
Қилғасен ҳар ерда кўрсанг аҳди ёлғанимға арз. *Ғаройибус-сиғар*, 228-Т;
Эй кўнгул ул аҳди ёлған меҳр шартин қилди тут,
Аҳдини поёниға еткурмайин айрилди тут. *Ғаройибус-сиғар*, 79-Т;

~ **и маҳкам** – ўз сўзида турувчи, ваъдаси устидан чикувчи:
Бўлмас эрмиш дилраболар аҳди маҳкам эй рафиқ,
Гар киши дер ким бўлур тутма мусаллам эй рафиқ. *Ғаройибус-сиғар*, 250-Т;

~ **и шабоб** – ёшлик аҳди:
Чун тўкулуб мева аҳди шабоб,
Борди бақо гулшанидин обу тоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-286;

~ **айла-** – ваъдалашмоқ, сўзни бир ерга қўймоқ:
Нуткунгни улуска ўйла ким шаҳд айла,
Сўз талх демасга ҳақ била аҳд айла. *Назмул-жавоҳир*, 15-158;

~ **боғла-** – қатъий қарор қилмоқ, ваъда бермоқ:
Таоло қошида дағи тавбалар қилиб аҳдлар боглаб онтлар ичиб барчани бузуб
Тенгри таолодин қўркмадинг. *Муншаот*, 14-217;

~ **ни буз**– ваъдани бузмоқ:
Қадингға қуллуғи аҳдини найшакар тузмиш,
Ки бўйла бир биридин банди банди айрилди. *Бадойиул-васат*, 432-Т;

~ **эт-/қил-** – қатъий қарор қилмоқ, сўз бермоқ, аҳду паймон этмоқ:
Вой ким душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,
Душманим ўлтурса аҳд эттим ки тутмай ёна дўст. *Ғаройибус-сиғар*, 91-Т:
Шер кўп афсун била чун қилди жаҳд,
Сидқ ила дуррож дағи қилди аҳд. *Ҳайратул-аброр*, 7-211.

АҲД II [عهد] – 1. замон, давр; аср:
Андақ ки даврнинг аржмандлари ва аҳднинг сарбаландлари ул ҳазратнинг олийшон остониға юз еткурурлар эди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-14;
2. ҳаёт, умр:
Қилмадинг аҳдингда бир аҳди ки қилгайсен вафо,
Бевафолар аҳди мундақ гўйиё маъҳуд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 126-Т;
~ **и баъид** – маълум бир вақт; йироқ замон:
Замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди баъид ҳар навъ шак ва суръатда иқдом урдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;
Чун ародин ўтти бир аҳди баъид,
Бўлдилар ул ҳолатимдин ноумид. *Лисонут тайр*, 268-Т.

АҲДНОМА [عهدنامه] – расмий шартнома, битим;
Қайсар Фаридун аҳдномасин кўргузди ким Рум қайсарлари бир динда бўлсалар киши тағйир бермасун. *Тарихи мулуки ажам*, 16-210.

АҲДШИКАН [عهد شكن] – аҳдини бузувчи; ваъдаси ёлғон:
Пуршикан зулфунг аро тушти ким эй аҳдшикан,
Юз шикан солди кўнгулларга анинг ҳар шикани. *Наводируш-шабоб*, 583-Т.

АҲЁ [احيا] – тирик, ҳаёт; турмуш ранжлари, қайғулари:
... ва мавто замонда мутааддид ва мухталиф маконға ҳозир бўлмақ ва мавто иҳёси ва аҳё имотаси ва жамодот наботот ва ҳайвонот каломининг самоъи ва маонисиға вуқуф... *Насойимул-муҳаббат*, 11-Т.

АҲЁНАН [احيانا] – баъзан, аҳёнда, баъзи вақтда, гоҳ-гоҳ:
Агар аҳёнан юздин бир солик зоҳир юзидин муршид пири нобуд экандур аммо маъни йўлидин мавжуд экандур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;
Мир Ҳож... аҳёнан бирар ғазал ҳам айтур. *Мажолисун-нафоис*, 91-Т.

АҲЗОН [احزان] – ғамлар, қайғу-аламлар; дард, ранж:
Ул изор-у хат учун ҳар дам Навоий чеккач оҳ,
Қулбаи аҳзониға ё тушти ўт ё бўлди дуд. *Фавойидул-кибар*, 121-Т;
Қадаҳ қуёши била сокмё мунаввар кул,
Ки ғамдин асру эрур тира кунжи аҳзоним. *Фавойидул-кибар*, 395-Т.

АҲИББО [احبّاء] – аҳбоблар, дўстлар, ҳабиблар:
Боши уза жамъ ўлуб аҳиббо,
Ҳозир қилур эрдилар атиббо. *Лайли ва Мажнун*, 105-Т;
... сиҳҳат-у умр-у давлатини мухаллад ва инсоф-у адолатини муаббад тутқил ва аъдосини мақҳур ва аҳиббосини мансур қилғил. *Насойимул-муҳаббат*, 455-Т;
~ **йи даврон** – даврон, замона ҳабиблари, дўстлари:
... аҳиббойи давронға ким бир муҳаббат эшиги очти ким алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. *Муншаот*, 14-211.

АҲКОМ [احكام] – 1. ҳукмлар, йўл-йўриқлар, низомлар:
Ишқ аҳкоми кўз-у кўнглум ародур жори,
Ки қазо амириғадур баҳр ила кон ичра нафоз. *Фавойидул-кибар*, 132-Т;
Деди: «Жомоспнома» арқомин,
Назар айлаб ўқуғил аҳкомин. *Сабъаи сайёр*, 10-217;

Чун хайлиға килди бейла аҳком,
Тушти дағи қўйди ул тараф гом. *Лайли ва Мажнун*, 200-Т;

2. гап; масала:
Сўзунгда пири хирад топмди ғалат аҳком,
Тилингга саҳв ила ҳам ўтмайин хато алфоз. *Наводируш-шабоб*, 283-Т;

~ **и номаъдуд** – сон-саноқсиз ҳукмлар; ҳодисалар:
Еткуруб аҳкоми номаъдудни,
Элга қосид кўргузуб мақсудни. *Лисонут-тайр*, 91-Т.

АҲЛ [اهل] – 1. -аҳл, мансуб, қарашли, тегишли; яшовчи; молик; оила, аёл:
Етинг аҳл-у аёлингизға ёниб,
Диёр-у мулк-у молингизға ёниб. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;

2. бир соҳа, касб, доира одамлари:
Кўп эди хизматида руд аҳли,
Базмида жонфизо суруд аҳли. *Сабъаи сайёр*, 10-78;

3. аҳоли; одамлар:
... Султон Абусаид Мирзо замонида ким Хуросон аҳли Самарқанд элига асир эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т;
Сиёвуш учун Эрон аҳли андак мотам туттилар ким ҳаргиз ҳеч киши ёд бермас. *Тарихи мулуки ажам*, 16-207;
Зиндон аҳли – дўзах аҳли *Маҳбубул-қулуб*, 14-36;

4. ошиқ; садоқатли; лойиқ:
Кўнгул ишқ аҳлига минг пора хуштур,
Чу маъшуқ аҳл эмастур чора хуштур. *Фарҳод ва Ширин*, 105;
Султон Иброҳим Мушаъшаъ... Донишманд ва муттақи ва бағоят аҳл кишидур. *Мажолисун-нафоис*, 54-Т;

~ **и авлод** – оила ва фарзандлар, уруғ-аймоқ:
Аҳли авлоди ву атбоъиға,
Олию аҳфоди ву ашёъиға. *Ҳайратул-аброр*, 7-44;

~ **и адаб** – адаб аҳли; одобли кишилар:
Топмағлиғ ани аҳли адабни ўртар,
Тотмағлиғ ани худ икки лабни ўртар. *Назмул-жавоҳир*, 15-150;

~ **и адам** – йўқлиқ аҳли:
Аҳли адам шомиға зулматфизой,
Тахти шиои абадий ичра ой. *Ҳайратул-аброр*, 7-23;

~ **и аён** – имони комиллар, ҳақиқий ишонч эгалари:
Аҳли аён солики атвори ул,
Исмда Абдуллоҳи Ансорий ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-141;

~ **и азимат** – йўлга, сафарга чиққан кишилар:
Башар ҳайли дори бақоға аҳли азиматдур ва тириклик бир неча кун ғаниматдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96;

~ **и азо** – азодор кишилар, мотамли кишилар:
Ой ҳалокимга тутуб мотам кийиб тундин қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар. *Наводируш-шабоб*, 164-Т;

~ **и азоб** – азоб чекувчилар, мазлумлар:
Тамуғ ўти била аҳли азоб жонига доғ,
Эмас фироқ ўти бирла доғи ҳижрондек. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;

~ **и азокирдор** – азодорлар, мотамли:
Ой ҳалокатимга тутуб мотам кийиб тундин қаро,
Оразинг сайли бало аҳли азокирдор этар. *Наводируш-шабоб*, 164-Т;

~ **и айём** – замон аҳли:
Қиёматқа дегинча аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком. *Фарҳод ва Ширин*, 499-Т;

~ **и айш** – маишатпарастлар, айшу ишратга берилганлар:
Аҳли айш олтун аёқ софин ичиб кийдинг ҳарир.
Ким сафоли фақр дурди бас дурур шоли манга. *Наводируш-шабоб*, 11-Т;

~ **и алам** – алам ситам тортувчилар, азоб тортувчилар:
Ичармен жоми май ҳижронда гарчи,
Ки бўлмас май била аҳли алам шод. *Наводируш-шабоб*, 123-Т;

~ **и алока** – алоқадор зотлар:
Яъқуб ани ул мартабада таъзим ва тарбият қилди ким ҳеч подишоҳ аҳли алокадин ҳеч кишини анча тарбият қилғанни тарихларда кўрулмайдур. *Матолисун-нафоис*, 148-Т;

~ **и амон** – фароғатли, осойиштали аҳл:
Шўхлуғдин не деса чун унутур аҳли амон,
Гарчи хўд ваъдаи васл айласа азҳорул шўх. *Наводируш-шабоб*, 109-Т;

~ **и ано** – заҳматкашлар; машққат, қийинчилик аҳли:
Магар замон ғамида қочмасун деб аҳли ано,
Иҳота айлади бир бирнинг устида афлок. *Фавойидул-кибар*, 329-Т;
Тутуб берк ул аҳли ано бир учин
Тўқуб шишасиға яна бир учун. *Садди Искандарий*, 470-Т;

~ **и аср** – замондошлар:
Мендин ансабдур бу иш Бу Насрға,
Ким дуо қилғай бу аҳли асрға. *Лисонут-тайр*, 179-Т;

~ **и афлок** – мунажжим, юлдузшунослар, астрологлар:
Бу худ эмас хиттаи хок сўзи,
Ҳам бўйла бийик йўк аҳли афлок сўзи. *Назмул-жавоҳир*, 15-129;

~ **и ақл** – ақл эгалари, донолар, ақллилар:
Бил ки бас нодон-у ғофил бўлғасен,
Аҳли ақл оллида жоҳил бўлғасен. *Лисонут-тайр*, 139-Т;

~ **и базм** – зиёфатдагилар, базмда ҳозир бўлганлар:
Гар анинг нўш айларидин ожиз бўлса аҳли базм,
Жам этиб барини бир йўли манга тутқил қадаҳ. *Наводируш-шабоб*, 105-Т;

~ **и байъ** – уй эгалари; даллоллар:
Жон сотармен хоки пойингға недин ким аҳли байъ,
Туттурурлар сотқучи бирла харидор илгиии. *Бадойиул-васат*, 451-Т;

~ **и балийят** – ранж, машаққат, озор чекувчилар; балога қолганлар:
Ҳажр шоми гар Навоий жонин олди тонг эмас,
Ким эрур аҳли балийят қатлининг муътоди тун. *Фавойидул-кибар*, 479-Т;

~ **и бако** – боқийлар, абадийлар, абадий тириклар; Тангрига яқин кишилар:
Ёшурғай аҳли бако оразини гарди фано,
Чу ел совурса адам кўйида ғуборимни. *Наводируш-шабоб*, 607-Т;

~ **и билиг** – билим аҳли, олимлар:
Дуо хатм бўлғач тушурди илиг
Йўқ ул балки мажмуъи аҳли билиг. *Садди Искандарий*,528-Т;

~ **и биниш** – кўзи ўткир, узоқни кўзловчилар; доно, донишмандлар; зийрак, ҳушёрлар:
Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг. *Мезонул-авзон*, 60-Т;
Матлубнинг моҳи оразин саодат матлаъи ва хоки даргоҳин аҳли биниш тўтиёсиға нисбат берилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 218-Т;

~ **и бозор** – бозор аҳли:
Сакиз юз сипоҳийи жарроғға,
Ики юз яна аҳли бозорға. *Садди Искандарий*, 445-Т;

~ **и ботин** – ички сирларни билувчилар, билимдонлар, донишманд одамлар; авлиёлар:
...ботинингни аҳли ботин ҳакойиқ ва маорифи била пироста бўлурға саъй қилдим. *Муншаот*, 14-215;
Ва аҳли ботин улумида мусаннафоти бор. *Насойимул-муҳаббат*, 287-Т;
Файзи қудсий тиласанг кўнглунга бўлғай зоҳир,
Аҳли ботин қошида сўз дема асло густох. *Бадойиул-васат*, 88-Т;
~ **и вабо** – вабо офатига учраганлар:
Аҳли вабо тортиб ажал соғари,
Қон аро ёкут қўюб жавҳари. *Ҳайратул-аброр*, 7-147;
~ **и вадод** – муҳаббат аҳли:
Ғамдин айлар шодлиғ аҳли вадод,
Бор аларға номурод ўлмақ мурод. *Лисонут-тайр*, 165-Т;
~ **и вайл** – дўзахдагилар, дўзах аҳли;
Ҳам аҳли равзаға фирдавс сенсизин чаҳи вайл,
Ҳам аҳли вайл иши ҳажринг ўтида вовайло. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;
~ **и вараъ** – тақводорлар, порсолар, парҳезгарлар:
Навоийё ғамим аҳли вараъдин ўлмади кам,
Қуй эмди майкада пирига илтижо қилайин. *Ғаройибус-сиғар*, 387-Т;
Хонақаҳ эрди хароб-у пири йўқ,
Тўрт юз аҳли вараъдин бири йўқ. *Лисонут-тайр*, 117-Т;
~ **и васл** – етишганлар, эришганлар:
Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур мунча муаззам бўлмангиз. *Фавойидул-кибар*, 460-Т;
~ **и вафо** – вафодорлар, вафолилар, ваъдасининг устидан чиқувчилар:
Аҳли вафо йўқ эрса не тонг чарх жавфида,
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафоға чарх. *Ғаройибус-сиғар*, 108-Т;
Гарчи ўлтурдунг жафо бирла мени лекин тилаб
Топмағингдур давронда бир аҳли вафо андақ ки мен. *Фавойидул-кибар*, 460-Т;
~ **и ваҳдат** – Худонинг бирлигини тан олганлар; тасаввуф аҳли:
Эй мусаллам зотингға тавҳиди пок,
Аҳли ваҳдат айтиб ани завқнок. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
~ **и видод** – дўстлар:
Ғамдин айлар шодлиғ аҳли видод,
Бор аларға номурод ўлмақ мурод. *Лисонут-тайр*, 165-Т;
~ **и висол** – етишганлар, эришган ошиқлар:
Сокиё софи тараб аҳли висол ичсунлар,
Ҳажр зиндонида тутсанг бас эрур лой манга. *Наводируш-шабоб*, 15-Т;
~ **и вифоқ** – ҳамкорлик, дўстликка интилувчилар:
Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,
Лек кўп эрди бадиъида нифоқ. *Фавойидул-кибар*, 693-Т;
~ **и вусул** – келишганлар, етишганлар, эришганлар:
Сикандарга арз этти аҳли вусул,
Ки доро қошидин келибтур русул. *Садди Искандарий*, 161-Т;
~ **и вуқуф** – воқиф кишилар, билганлар, хабардорлар:
Йўлда бир води эрди асру махуф,
Қилмайин андин мурур аҳли вуқуф. *Сабъаи сайёр*, 10-308;
~ **гуноҳ** – гуноҳкорлар:
Зулфининг ҳар ҳалқасида бир шикандур уйла ким
Хабс занжирида ҳар тавқ ичра бир аҳли гуноҳ. *Наводируш-шабоб*, 521-Т;
~ **давлат** – давлатмандлар, бойлар; ҳокимлар; подшолар:
Тавозуъ яхши аммо яхширақдур,
Агар даъб этса ани аҳли давлат. *Наводируш-шабоб*, 692-Т;

~ **давр** – давр, замон кишилари:
Мену жамолин анинг бир кўрарга бермак жон,
Агар бу нохуш эрур аҳли давр аро гар хуш. *Бадойиул-васат*, 191-Т;
~ **и даврон** – замона аҳли, замондошлар:
Анча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо,
Ким кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо. *Ғаройибус-сиғар*, 52-Т;
Жону кўнглум бас ки кўрди аҳли даврондин малол,
Жонима бўлмиш кўнгулдин кўнглума жондин малол. *Фавойидул-кибар*, 378-Т;
~ **и дайр** – бутхона аҳли;
Демакка зикринг эрур хонақоҳ ичинда ҳаё ҳўй,
Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра алоло. *Наводируш-шабоб*, 2-Т;
~ **и дарвеш** – дарвешлар:
Бу фақир аҳли дарвешлар мулозаматиға хўб етибмен.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-99;
~ **и дард** – дардмандлар, беморлар; ошиқлар:
Лабинг ки жон берадур аҳли дард қони учун,
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт. *Ғаройибус-сиғар*,83-Т;
Фироқнинг ўти гар бот туташса тонг эрмас,
Ки аҳли дард курук жисмидур анинг ўтуни. *Бадойиул-васат*, 426-Т;
~ **и дарс** – дарс аҳли:
Ишқ сиррин ринди дурдикаш билур не аҳли дарс,
Ўлча аврок узра сабт ўлмас не билгай Мавлави. *Ғаройибус-сиғар*, 492-Т;
~ **и дақиқ** – диққат-эътибор берувчилар:
Ҳеч ўлур ул навъ ким аҳли дақиқ,
Неча зоҳир айласа фикри амиқ. *Лисонут-тайр*, 214-Т;
~ **и диёр** – ватан, ўлка халқи:
Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,
Кўйида қўюнг тани низоримни менинг. *Ғаройибус-сиғар*, 556-Т;
~ **и дил** – 1. юрак сирларини сезувчи, сирдош, соҳибдил; ориф; покиза кишилар:
Бўлди ул кўзгу кўнгул эй аҳли дил,
Ким Ҳақ анда жилва айлар муттасил. *Лисонут-тайр*, 88-Т;
Аҳли диллар чеҳра очди ёр очманг дийда ким
Ҳар киши ул юзга кўз олдурди кўнглин олдурур. *Наводируш-шабоб*, 144-Т;
2. сўфийлар, ботиннй имон кишилари:
Хонақоҳда ҳалқаи зикр ичра гавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх. *Ғаройибус-сиғар*, 108-Т;
~ **и дин** – 1. динга эътиқодлилар, диндорлар:
Майдон аро эй аҳли дин кирман тамошосиға ким
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтурғуси. *Бадойиул-васат*, 446-Т;
2. зоҳирий диндорлар (сўфийлар тушунчаси):
Аҳли дин паймоншикандур килса бўлмас дўстлуқ,
Бас манга муғ дайрида ул ким тутар паймона дўст. *Ғаройибус-сиғар*, 91-Т;
~ **и дониш** – донишмандлар:
Эй кўнгул гар ақл этар манъи жунунум не жадал,
Айб эрур гар аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс. *Ғаройибус-сиғар*, 93-Т;
~ **и дунё** – ҳамма одамлар, дунёдаги барча кишилар:
Қафас кайдидадур булбул бу ким вайрона тутмиш чуғз,
Вафоси йўқ эканни билди гўё аҳли дунёнинг. *Ғаройибус-сиғар*, 286-Т;
~ **и дўзах** – дўзахийлар:
Ким илоҳий эҳли дўзахни тамом,
Ҳар не бўлғай шайх-у шоб-у хос-у ом. *Лисонут-тайр*, 174-Т;

~ **и жадал** – мубоҳасачилар, баҳс талашувчилар:
Чу савт-у ҳарф ила тавҳид сирри мумкин эмас,
Не огаҳ аҳли жадал мунча қил-у қол ичра. *Фавойидул-кибар,* 544-Т;

~ **Жазоир** – Жазоир аҳли:
Қароқчилар дурур аҳли Жазоир,
Бўлурлар бекарон баҳр ичра соир. *Фарҳод ва Ширин,* 272-Т;

~ **и жаҳон** – барча одамлар, дунё аҳли:
Жаҳон аҳлиға қилдим жон фидо ву қасди жон кўрдум,
Не махзун жон ки бор аҳли жаҳондин асрағил ё Раб. *Наводируш-шабоб,* 47-Т;
Бу кун аҳли жаҳондин хастахотирмен жаҳондин ҳам,
Деман аҳли жаҳон бирла жаҳон биллаҳ ки жондин ҳам. *Наводируш-шабоб,* 397-Т;

~ **и жоҳ** – мансабдорлар, юқори лавозимдагилар:
Эшитиб барча аҳли жоҳ-у талмиз,
Ким бор эрмиш биравда бўйла тамиз. *Сабъаи сайёр,* 10-351;
...ғарибнавоз аҳли жоҳлар сармояи жоҳ-у жамолин ғариблар сарвақтиға бардавом тутсун. *Муншаот,* 14-215;

~ **и жулус** – мажлисдагилар, йиғинда иштирок этувчилар:
Яқинроқ тутуб ҳикмат аҳли жулус,
Фалотуну Арасту Фурфурюс. *Садди Искандарий,* 360-Т;

~ **и жунун** – шайдолар, ошиқлар; девоналар, савдойилар:
Туттилар аҳли жунун вайроналик ул жамъдин,
Ким паришонлиғлар ичра бўлди вайрон мен киби. *Наводируш-шабоб,* 606-Т;

~ **и замон** – замондошлар, замона аҳли:
Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга. *Ғаройибус-сиғар,* 37-Т;
Шодмен аҳли замон бирла замондин ким ўзум
Айладим ул қисматим андуҳ агар ғам айладим. *Наводируш-шабоб,* 409-Т;

~ **и замона** – замона аҳли:
Ул умр бир замонлиғ эрур ки истама вафо,
Афғон ки ул ҳам эйла ки аҳли замонадур. *Наводируш-шабоб,* 186-Т;

~ **и занг** – ҳабаш аҳли:
Борур чоғда минг жодуйи сабзранг,
Валекин келиб барчаси ақли занг. *Садди Искандарий,* 249-Т;

~ **и зиндон** – зиндондагилар, тутқунлар:
Ул ки оламдин малул ўлғай элидин ҳам эрур,
Кимга зиндондин малолат аҳли зиндондин малол. *Фавойидул-кибар,* 378-Т;

~ **и зор** – нотавон, бечора зор аҳли:
Аҳли зор эл аллида одам деса бўлмас мени,
Мен ки ўз зоримға маҳрам жинси одам айладим. *Наводируш-шабоб,* 409-Т;

~ **и зоҳир** – 1. равшан, зийрак фикр юритувчилар:
Зоҳирингни аҳли зоҳир фунун ва фазойили била ороста... бўлуриға саъй қилдим. *Муншаот,* 14-215;

2. шакл, ташқи кўринишдан хулоса чиқарувчилар:
Ёрмангиз Фарҳод-у Мажнун аллида кўксумни ким
Ботинимнинг дард-у доғин аҳли зоҳир кўрмасун. *Бадойиул-васат,* 328-Т;

~ **и зулм** – золимлар, золим табиат кишилар:
Ишқ ўти мазлумкушдур билмаса ани аҳли зулм,
Англағил бу нуктани Фарҳод ила Парвездин. *Фавойидул-кибар,* 456-Т;

~ **и зухд** – зоҳидлар, зоҳидликка берилганлар:
Қайси ошиқ ким Навоийдекдурур эй аҳли зухд,
Ишқ манъин айлабан кўнглига озор айламанг. *Наводируш-шабоб,* 352-Т;

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг эй жамъ ким хамморсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т;

~ **и зухд-у салоҳ** – дарвешлар, парҳизкорлар:
Яна бир гуруҳ аҳли зуҳд-у салоҳ
Сафода куёшдек ки чиққай сабоҳ. *Садди Искандарий*, 292-Т;

~ **и ибриқ** – шаробли кўза, май аҳли:
Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳли ибрикиға сув қуймақ била аржуманд бўлдум.
Маҳбубул-қулуб, 14-9;

~ **и идрок** – фаросатли, зийрак кишилар; идрок соҳиблари:
Не ёнлиғ аҳли идрок ки чун гардунға сурди,
Кўзига сурма қилди ғуборин хайли афлок. *Наводируш-шабоб*, 321-Т;
Эй деб сифатингда аҳли идрок,
Лавлока ла-мо халақтул-афлок. *Ғаройибус-сиғар*, 258-Т;

~ **и иёдат** – ҳожат, ҳол-аҳвол сўровчилар:
Хасталиғ давлатиднн сўрғали келдннг бошим узра,
Заъф учун жон берурам гар сен эсанг аҳли иёдат. *Фавойидул-кибар*, 78-Т;

~ **и илм** – илм эгалари, илмлилар, олимлар:
Аҳли илм-у ақл сунъунгда забун,
Ҳар бирининг ҳайрати ҳар дам фузун. *Лисонут-тайр*, 262-Т;

~ **и имон** – имонлилар, мўминлар, динга эътиқодлилар:
Ким эрур Тангри лутфидин комил,
Аҳли имон қошида имони. *Арбаин*, 16-262;

~ **и иродат** – муридлар, муҳлислар; иродалилар, эътиқодлилар:
Ҳарза музахрафин ки бунёд этиб,
Аҳли иродатқа ҳам иршод этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-135;

~ **и иртидод** – диндан қайтганлар; маслагидан қайтганлар:
Мустафодин сўнгра аҳли иртидод,
Чун хилофатқа ул ўлди истинод. *Лисонут-тайр*, 28-Т;

~ **и ирфон** – билим, маърифат аҳли, пирлар, орифлар:
Чарх ўюн бирла олур дин накдин элдин воқиф ул,
Бу мушаъбид бирла бўлмас аҳли ирфон ўйнамақ. *Ғаройибус-сиғар*, 252-Т;

~ **и иршод** – ҳақ, тўғри йўл аҳли; пирлар:
Ҳақ субҳонаху ва таоло бу табақанинг аҳли иршодидин толибларға барчани ўз фазл-у карами била дарёйи раҳматиға ғарик ва ўз баворики курбиға ҳарик қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 259-Т;

~ **и исён** – итоатсиз кишилар, ошиқлар:
Эгриликда шўҳра бўлмақ истамас сен айлама,
Аҳли исён хизматида қадди беқонунни куж. *Ғаройибус-сиғар*, 188-Т;
Юз туман минг аҳли исёну гуноҳ,
Топқуси раҳмат етиб фазли илоҳ. *Лисонут-тайр*, 27-Т;

~ **и ислом** – мусулмонлар:
То абад ҳашматидин топсун ком.
Мулки исломда аҳли ислом. *Фавойидул-кибар*, 663-Т;
Деди шўх: Эй муршиди олий сифат,
Аҳли ислом ичра йўқ эрмиш уят. *Лисонут-тайр*, 108-Т;

~ **и ишрат** – айш-ишрат аҳли:
Қон ютуб кўнглум тилар ҳар лаҳза ишқинг доғини,
Курси лему истагандек аҳли ишрат ичра мул. *Ғаройибус-сиғар*, 303-Т;

~ **и ишқ** – ошиқлар, севишганлар:
Ким ки бўлса аҳли ишқ эй пешво,
Бил ани маҳзи адаб кони ҳаё. *Лисонут-тайр*, 108-Т;

Интиҳоси ишкнинг ҳижрон эмиш эй аҳли ишқ,
Васл даврони аро мағрур бўлманг асру ҳам. *Фавойидул-кибар*, 419-Т;

~ **и ихтидо** – ҳақ йўлдан борувчилар; тўғри йўл топганлар:
Ўлсангиз ҳуд шоҳ улдур сен – гадо,
Ким сен эрдинг маст ул аҳли ихтидо. *Лисонут-тайр*, 146-Т;

~ **и калом** – сўз усталари, адиблар, ширинсуханлар:
... фирдавс тазйин хизматларида ким аҳли каломдин ва мақолдин фазл ва камол зумрасининг мажмаидур ва илм ва фазлнинг манбаъидур.
Муҳокаматул-луғатайн, 187-Т;

~ **и камол** – ҳикмат, камолот эгалари, олимлар:
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қил-у қол. *Лисонут-тайр*, 184-Т;

~ **и карам** – сахий, қўли очиқ кишилар; олийҳиммат:
Ўз ерида юз туман ар бир дирам,
Базл ишида тенг кўрар аҳли карам. *Ҳайратул-аброр*, 7-149;

~ **и Кашмир** – Кашмир аҳли:
Ани аҳли Кашмир дарбанд этиб,
Ки тоғни бир бирга пайванд этиб. *Садди Искандарий*, 243-Т;

~ **и кин** – гина, адоват аҳли:
Лақаб қаъқаро деб анга аҳли кин,
Ери қирвон зоди машриқ замин. *Садди Искандарий*, 407-Т;
Не йўл ким бор эди айлаб каминлар,
Камингаҳларда қўйди аҳли кинлар. *Фарҳод ва Ширин*, 432-Т;

~ **и куфру дин** – кофирлар, динсизлар:
Келдилар бошиға аҳли куфр-у дин,
Уйла комил ишқиға деб офарин. *Лисонут-тайр*, 107-Т;

~ **и мажлис** – улфатлар, йиғин аҳли:
Чун неча давр ўтти пай дарпай,
Аҳли мажлис бошиға чиқти май. *Сабъаи сайёр*, 10-254;
Мири мажлисдағи аҳли мажлисға муттафиқ бўлди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-17;

~ **и мазаллат** – хор, тубан кишилар:
Аҳли мазаллат оҳининг новакидин сипеҳр агар
Қочмади мунча бас недур ҳам бўлубан шитоб анга. *Наводируш-шабоб*, 10-Т;

~ **и мактаб** – мактаб аҳли; ўқувчи ва ўқитувчилар:
Қачан мактабға ул моҳи муаддаб
Борур ўздин борурлар аҳли мактаб *Фавойидул-кибар*, 49-Т;

~ **и маломат** – маломат, таъна-туҳмат қилувчилар:
Манга солим ул деб дуо қилмангиз ким
Биганмас саломатни аҳли маломат. *Фавойидул-кибар*, 80-Т;

~ **и манол** – мулкдорлар, бадавлат кишилар:
Деди: хайр ким қилса аҳли манол,
Бу ишдин эмастур йирақ икки ҳол. *Садди Искандарий*, 129-Т;
Ки бу бобда барча аҳли малал
Кўп айлаб дурурлар тариқи жадал. *Садди Искандарий*, 369-Т;

~ **и маоний** – маъни эгалари; маоний соҳиблари:
...то ӧз фурсатда ул ҳазратнинг вахй асарлиқ сўзи ва илҳом хосиятлиқ ваъдасидек сўзумга пок маоний гавҳари тож ва ўзумга пок гавҳарлик аҳли маоний муҳтож бўлди. *Вақфия*, 14-250;
Кўнгул оллида ғамин қилма талаффуз тил ким
Еткурур аҳли маонийға малолат лаффоз. *Фавойидул-кибар*, 283-Т;

~ **и маркум** – эсланган, қайд қилинган аҳл:
Ва яна ул жумладин фазл-у камол ва ҳусни мақол аҳли маркум эрди...
Назмул-жавоҳир, 15-132;
~ **и масафф** – жангоҳ, муҳориба аҳли:
Ғам сипаҳ қасдимға чекти сокиё тут жоми соф,
Ким бўлур жоми май ичкандин делир аҳли масафф. *Мажолисун-нафоис*, 217-Т;
~ **и маст** – маст аҳли:
Соф-у тўла бўлғали жоми аласт,
Бўлғуча ул майдин абад аҳли маст. *Ҳайратул-аброр*, 7-106;
~ **и машраб** – ичкилик мухлислари:
Дабистони фанода шурб дарсин
Равон қилмай эмассен аҳли машраб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т;
~ **и маънавий** – маънавият аҳлига мансублар:
Бейла нисбатлардин аҳли маънавий
Чинда дерлар коргоҳи Монави. *Лисонут-тайр*, 45-Т;
~ **и маъни** – маъно эгалари, кобилиятлилар:
Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин. *Наводируш-шабоб*, 675-Т;
~ **и маърифат** – маърифат, илм эгалари:
Фақр ила шод ул ки ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Даҳр туфрағ бирла тенг бўлмақ не имкон оллида. *Наводируш-шабоб*, 27-Т;
~ **и мақолат** – сўз, нутқ аҳли; гапдонлар:
Яхши алфоз ила тил гар деса ул ой қавлин,
Тонг эмастур ким эрур аҳли мақолат лаффоз. *Фавойидул-кибар*, 282-Т;
~ **и миллат** – миллат аҳли; дин аҳллари, руҳонийлар:
Ки келгай бу янгғлиғ мазаллат била
Бу пас ким келур аҳли миллат била. *Садди Искандарий*, 299-Т;
~ **и мол** – бойлик, мулк эгалари:
Фориғ этар бодия қатъ аҳли мол,
Аҳли фано қатъида бор ўзга ҳол. *Ҳайратул-аброр*, 7-118;
~ **и мотам** – мотам тутганлар; мотам аҳли:
Басе йиғлаб нечук ким аҳли мотам,
Анинг ҳолиға ўз аҳволиға ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т;
Бор эса навмид ошиқлар анисим тонг эмас,
Мотам аҳлиға ажаб йўқ аҳли мотам бирла унс. *Фавойидул-кибар*, 233-Т;
~ **и муножот** – ялиниб ёлборувчилар, муножот аҳли:
Кўнгул жамъи аҳли муножот аро,
Анингдек ки тақво харобот аро. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т;
~ **и мусибат** – ғам-андуҳ, қайғу-алам чекувчилар:
Англағач қатл айлар эрди шукр ким билмас киши
Базми ғавғоси аро аҳли мусибат шеванин. *Бадойиул-васат*, 366-Т;
~ **и мутиъ** – итоаткорлар, тобелар:
Шаҳзодалар мажлисида аржманд ва озодалар суҳбатида сарбаланд ва ўз фанининг аҳли мутиъ ва фармонбардор балки ходим ва шогирдкирдор. *Муншаот*, 14-215;
~ **и муҳаббат** – ошиқлар; дўстлар, муҳаббатлилар:
... мундақ аҳли муҳаббат ва вадод ва хайли маваддат ва иттиҳод.
Маҳбубул-қулуб, 14-59;
Раҳм этиб аҳбобға гардун Навоий кўрди зулм,
Қўшмади гўё ани аҳли муҳаббат сонида. *Бадойиул-васат*, 20-Т;
~ **и наво** – хонандалар:
Агарчи аҳли наводур вале ул ой боқмас,
Навоийё неча булбул киби наво қилсанг. *Бадойиул-васат*, 273-Т;

~ **и надам** – пушаймон қилувчилар, афсусланувчилар:
Келмагандин сўз айтқан аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-126;
~ **и нажот** – кутулганлар, нажот топганлар, халос бўлганлар:
Эй Навоий кимдурур бу дайр аро аҳли нажот,
Ул ки чиқмас дайр пири амрию иршодидин. *Бадойиул-васат*, 345-Т;
~ **и назар** – эзгу назар солувчилар; фаросатлилар:
Зеб эрур ҳусн аҳлиға аҳли назар наззораси,
Кўз ки булбул тикти гул рухсори узра хол эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 128-Т;
~ **и назм** – шоирлар, назм аҳли:
Бир руқъада бу байтни битиб аҳли назмға ва хуштабъларға йибариб эрди.
Нажолисун-нафоис, 50-Т;
~ **и наим** – фаровон неъматлар аҳли:
Ҳамд важҳида бири сарчашмаи оби ҳаёт,
Ҳадди лутф ичра бири сарҳалқаи аҳли наим. *Бадойиул-васат*, 297-Т;
~ **и найранг** – сеҳргарлар:
Топиб ул фасл рангин аҳли найранг,
Мувофиқ айлагайлар қасрини ранг. *Фарҳод ва Ширин*, 142-Т;
~ **и насим** – ел, насим, шамолидан баҳрамандлар:
Ҳамд важҳида бири сарчашмаи оби ҳаёт,
Ҳадди лутф ичра бири сарҳалқаи аҳли насим. *Бадойиул-васат*, 11-Т;
~ **и насиҳат** – насиҳатгўйлар:
Эй Навоий кўнглума манъи жунун кўп қилма ким
Ани Мажнун айлаган аҳли насиҳат пандидур. *Фавойидул-кибар*, 144-Т;
~ **и нашот** – вақтини хурсандчилик билан ўтказувчилар:
Солмангиз кўз дафтари ишқимға эй аҳли нашот,
Ким анга боқмақ кўнгулга дарду ҳасрат келтирур. *Фавойидул-кибар*, 174-Т;
~ **и нигин** – қимматбаҳо кўзли узукдек азизлар:
Чиқиб бўйла ҳолатда аҳли нигин
Анингдек ки титраб замони замин. *Садди Искандарий*, 430-Т;
~ **и ниёз** – муҳтожлар, ҳожатмандлар:
Ришгаи ашкин тутуб туфрағ сари тортар фано,
Ул сабабдин эгма қад зоҳир қилур аҳли ниёз. *Ғаройибус-сиғар*, 181-Т;
~ **и номус** – номусли кишилар:
Даҳр эли ки келди аҳли номус бари,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бари. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;
~ **и нужум** – мунажжимлар, астрологлар:
Йигирми бешинчи фасл: аҳли нужум зикрида. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33;
~ **и нусур** – нусур, ансур аҳли; Нуҳ қавмининг бутсанами:
Ётмиш эди ул қубур ичинда
Урён аҳли нусур ичинда. *Лайли ва Мажнун*, 351-Т;
~ **и нутқ** – нотиқлар, сўз усталари:
Сўз гавҳаредур ки рутбасининг
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;
~ **и нуқсон** – жоҳиллар, нодонлар, нуқсонлилар:
Аҳли нуқсондин эди мудбирға сўз,
Ўйла ким бут васфидин кофирға сўз. *Лисонут-тайр*, 72-Т;
~ **и олам** – олам аҳли, барча одамлар:
Иштиёқим ҳажридин оламға томса қатрае,
Жонға еткайлар жигардин аҳли олам иштиёқ. *Наводируш-шабоб*, 317-Т;
агарчи аҳли оламға мотам юзланди аммо соҳиб мотам бу номуроди сўгвор эрдим. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-8;

~ **и офок** – дунё, ер юзини кезувчилар; кўриш ва қайтиш қирралари:
Чу фармон этиб шоҳи офоқгир
Бўлуб аҳли офок фармонпазир. *Садди Искандарий*, 446-Т;
~ **и пайғом** – мужда, башорат, хушхабар аҳли:
Пайғом аҳлини айлаб икром,
Пайғомини айлаб аҳли пайғом. *Лайли ва Мажнун*, 208-Т;
~ **и пурхос** – кўп эзгу хосиятлилар:
Лақаб раъд анга аҳли пурхос аро
Вали барқдек тутуб тош аро. *Садди Искандарий*, 406-Т;
~ **и равиш** – қоида, йўл-йўсин сақловчилар:
Мунда чун қўйди қадам аҳли равиш,
Анга ҳайронлиғдур ўзга бўлмас иш. *Лисонут-тайр*, 218-Т;
~ **и рад** – инкор аҳли:
Азмиға чун қўйди қадам аҳли рад,
Раҳбари тавфиқдин ўлмай мадад. *Ҳайратул-аброр*, 7-12;
~ **и расад** – мунажжимлар, астрологлар:
Узум хўшаси бирла аҳли расад,
Сипехр узра Парвин кўруб беадад. *Садди Искандарий*, 302-Т;
~ **и расм** – урфу одат, қоида тартибни сақловчилар:
Билмади мақсуд кунжининг нашотин аҳли расм,
Гар сўрарсиз ани беном-у нишонлардин сўрунг. *Фавойидул-кибар*, 342-Т;
~ **и раҳмат** – меҳрибонлар, шафқатлилар, ғамхўрлар, кўнгил кўтарувчилар; гуноҳи кечирилганлар:
Очилди чун эшиклар дайрға май ичмай ўлдум маст,
Нечук ким аҳли раҳмат жаннат абвоби сариридин. *Бадойиул-васат*, 362-Т;
~ **и риё** – риёкорлар, мунофиқлар, маккорлар:
Шайх ила аҳли риё ву дайр пири бирла ринд,
Ким фано ичра керактур пирнинг иршоди кўп. *Бадойиул-васат*, 51-Т;
~ **и риёзат** – порсолар, зоҳидлар:
Аҳли риёзатдин атаб бирини,
Бирига деб вокиа таъбирини. *Ҳайратул-аброр*, 7-135;
~ **и рисолат** – хабар етказувчилар, элчилар:
Номасин куш кетуруб сайраса авсофида кўп,
Йўқ ажаб чунки бўлур аҳли рисолат лаффоз. *Фавойидул-кибар*, 282-Т;
~ **и роз** – сирдошлар; сир билувчилар:
Бири деб к-эй муқтадойи аҳли роз,
Бу бало дафъиға вожибдур намоз. *Лисонут-тайр*, 103-Т;
Рози ишқнинг дерга пайконинг эрур кўнглумга тил,
Лол тил бирла қилур эрмиш такаллум аҳли роз. *Ғаройибус-сиғар*, 182-Т;
~ **и рўзгор** – замон кишилари:
Вафо айларда элга рўзгоринг айлама зоеъ,
Ки ул ким сен тиларсен йўқтур аҳли рўзгор ичра. *Наводируш-шабоб*, 549-Т;
~ **и савдо** – шайдолар; савдойилар:
Зулфи савдоси бу савдойи бошинда кўптурур,
Бўлса савдо аҳли тонг йўқ аҳли савдо бирла дўст. *Бадойиул-васат*, 63-Т;
Неча чирмаштуруб бир зулф савдосин димоғимға
Узумни аҳли савдодек паришонрўзгор айлай. *Наводируш-шабоб*, 613-Т;
~ **и савоб** – хайрли иш, ҳаракат аҳли:
Дуо ким ул аҳли савоб айлагай,
Ажаб йўқ ки Ҳақ мустажоб айлагай. *Садди Искандарий*, 528-Т;

~ **и савол** – савол берувчилар, сўровчилар:
Пешвоға тушти маъкул ул маҳол,
Деди: жамъ ўлдик бори аҳли савол. *Лисонут-тайр*, 133-Т;
~ **и саломат-** – соғ-саломатли аҳл, саломатлилар, соғлар, поклар:
Расволиғ ўти бирла туташиб келадурмен,
Эй аҳли саломат қўпунгуз раҳгузаримдин. *Ғаройибус-сиғар*, 367-Т;
Гар йиғилиб аҳли саломат анга,
Айласалар зажр-у маломат анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
~ **и салох** – тақводорлар, покизалар; номуслилар:
Кимни мендек хонакаҳдин сурдилар аҳли салох,
Муғтанам тутдик фано дайри аро ул бошни. *Навдируш-шабоб*, 597-Т;
~ **и само** – осмон, афлокни кузатувчилар:
Ҳар бири олам элига раҳнамо,
Дема жаҳон аҳли ки аҳли само. *Ҳайратул-аброр*, 7-99;
~ **и саодат** – саодатмандлар, хушбахтлар, бахтиёрлар; дунёси ва охирати хайрли кишилар:
Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манбаъ ҳам тил аҳли шақоватлар наҳс кавкабига матлаъ ҳам тил. *Маҳбубул- қулуб*, 14-93;
~ **и сафар** – сафо аҳли, йўловчилар, сафар килувчплар:
Манзилида бир кеча аҳли сафар,
Тутса таскин тонгласи айлаб гузар. *Лисонут-тайр*, 106-Т;
~ **и сафо** – кўнгли соф, покиза кишилар:
Кимга ким айлар назар аҳли сафо,
Ул назар туфрағни айлар кимиё. *Лисонут-тайр*, 134-Т;
Гар тиралар тақаддуми аҳли сафоға бор,
Бу нуктани муомаладин кўрма ташқари. *Бадойиул-васат*, 503-Т;
~ **и сахо** – саховатли кишилар, сахийлар:
Ҳар ким ки тамаъдурур гирифторлиғи
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи. *Назмул-жавоҳир*, 15-150;
~ **и сидқ** – содиқлар, садоқатлилар, ростгўйлар:
Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа. *Ғаройибус-сиғар*, 46-Т;
~ **и суннат** – суннийлар; пайғабар ва соҳибаларга эътиқодда бўлганлар:
... бидъатлар тарикиға носиҳ ва аҳли суннат ва жамоат коидасиға росих эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-35;
~ **и сурат** – шакл, ташқи кўриниш орқали хулоса чиқарувчилар; нодонлар:
Ким балоларға гадолиғ ортуғдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин. *Наводируш-шабоб*, 675-Т;
~ **и таайюн** – белгили, аниқли ошкор бўлганлар; шуҳратлилар:
... ва ройи ҳинд жамоати аҳли таайюн ва гуруҳи ҳикматойинни шафиъ қилиб алар подишоҳдин кули ёзуғин тилагандек дархост қилиб кабул тушкани.
Садди Искандарий, 287-Т;
~ **и тааммул** – мулоҳазали аҳл:
Басорат аҳли тааммул қилсунлар ва ҳамият хайли тафаккур айласунлар.
Назмул-жавоҳир, 15-133;
~ **и табъ** – истеъдодли кишилар, шоирлар, адиблар:
Сайид Ориф ҳам Машҳад аҳли табъдиндур. *Мажолисун-нафоир*, 104-Т;
Ва сарт аросида аҳли табъ-у дониш ва зумраи илм ва зеҳну биниш кўпракдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т;
~ **и тадбир** – тадбир аҳли:
Бўлуб ожиз ишгдин аҳли тадбир,
Бошингға келгусидир ул ки тақдир. *Фарҳод ва Ширин*, 242-Т;

~ **и тажаммул** – зийнат, хашамат аҳли:
Деб алақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Рухул-амин. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

~ **и тазаллум** – мазлумлар, эзилганлар:
Кайтарма инон зулм этиб эй шўх ки қўймиш,
Йўлунг аро туфрағ уза юз аҳли тазаллум. *Наводируш-шабоб*, 437-Т;

~ **талаб** – тилак, истак орқасидан юрувчилар:
Умрлар жон чексалар аҳли талаб,
Бири бу давлатқа етмакдур ажаб. *Лисонут-тайр*, 131-Т;

~ **и талаввун** – беқарор, бесабот аҳл:
Валекин даҳр аро аҳли талаввун
Адамға айлаб итлоқи таайюн. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;

~ **и тамайюз** – фарқ, тафовут қилувчилар:
... ва бу китоб муморасатиға машъуф бўлған аҳли тамайюзлар кўнглин мастур бўлған ахёр футуввати шамойимидин мунаввар ва аржманд эткайсен.
Насойимул-муҳаббат, 455-Т;

~ **и тамиз** – пок, зийрак, оқил, доно аҳллар:
Яна ул ки инсонға аҳли тамиз
Билур ким нима жондин азиз. *Садди Искандарий*, 420-Т;

~ **и тамкин** – виқорли, оғир вазмин одамлар:
Ағниё ва аҳли тамкин ва озодалар ва шаҳзодалар... ҳам баҳраманд эрдилар.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 111-Т;

~ **и тараб** – хушчақчақ кишилар, базм аҳли:
Аёқчи маҳвашҳ-у май дилкаш-у аҳли тараб сархуш,
Қадаҳ келтур ки қилмақ порсолиқ йўқтур имконим. *Бадойиул-васат*, 302-Т;
Тўрт минг уйлук созанда ва гўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб келди ки ҳоло бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур.
Тарихи мулуки ажам, 16-237;

~ **и тарих** – тарихчилар, тарихнавислар:
Аҳли тарих анинг [Яздижурд бинни Баҳромнинг] замонида ихтилоф кўп қилибтурлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-238;

~ **и тариқ** – маълум бир маслак кишилари, сўфийликка мансуб кишилар, муридлар; дарвишлар:
Тариқи жаддаи шаръ эрур бу дайр ичра,
Ким анда ким ки сулук этти бўлди аҳли тариқ. *Фавоидул-кибар*, 303-Т;
[Паҳлавон Муҳаммад] ҳар синифдин аҳли тариқ паҳлавонлар ва улуғ кишиларга шойиста хизматлар қилиб... кисватлар ҳавола қилиб эрдилар.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 111-Т;

~ **и тарк** – воз кечганлар, баҳридан ўтганлар:
Фард бўл ким ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк,
Ким фано йўлида тарки аҳли дунё айламиш. *Наводируш-шабоб*, 245-Т;

~ **и тасаввуф** – сўфийлар, художўйлар, нафсини ўлдирганлар:
Бу олти қасида ҳамду наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат. *Муҳокаматул-луғатайн*, 184-Т;

~ **и таслим** – таслим аҳли, тан берганлар:
Шукуҳидин етиб бим аҳлиға бим,
Кўруб таслим андин аҳли таслим. *Фарҳод ва Ширин*, 364-Т;

~ **и тахту тож** – подшоҳлар:
Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож,
Аҳли тож оллида андоқ ким гадоға эҳтиёж. *Наводируш-шабоб*, 93-Т;

~ **и таъид** – мадад қилувчилар, кўмаклашувчилар:
Хақдин дурур элга аҳли таъйид ўлмақ,
Навмид ўлуб толиби тажрид ўлмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;

~ **и тақви/тақво** – порсолар, тақводорлар:
Париваш раҳш уза сархуш пари жавлон қилур нетсун,
Жунун жомиға қилмай бодаполо аҳли тақви фаш. *Ғаройибус-сиғар*, 211-Т;
Қилма кўп эй шайх айбим хонақаҳға етмасам,
Ким харобат аҳли хушроқ аҳли тақводин йирақ. *Наводируш-шабоб*, 316-Т;

~ **и таҳқиқ** – билимдонлар, ҳақиқатни изловчилар, шеършунослар:
Хожа Алоуддин... бу яқинда Маккадин яна бир маснавий. айтиб йибариб эрди аҳли таҳқиқ ўқуғандин сўнг қойилининг камолин маълум қилгайлар.
Мажолисун-нафоис, 186-Т;

Кеч бу боғ-у гулларидин ҳам Навоий ким эмас
Аҳли таҳқиқ оллида дунё ву мофиҳо писанд. *Ғаройибус-сиғар*, 114-Т;

~ **и тож** – шоҳлар:
Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахт-у тож,
Аҳли тож оллида андақ ким гадоға эҳтиёж. *Наводируш-шабоб*, 93-Т;
Боши яланг бўлсун агар аҳли тож
Макрумат айлар чу кўрар эҳтиёж. *Ҳайратул-аброр*, 7-149;

~ **и туроб** – тупроқдагилар, ўликлар:
Ултуруб дайр эшики оллида туфрағ узра,
Дурди жоми ки томиб руҳ топиб аҳли туроб. *Бадойиул-васат*, 32-Т;

~ **и туруқ** – 1. касбдошлар:
Жамии аҳли турук ўзларин Паҳлавоннинг фотиҳа ва такбириға еткурмагунча ўз тариқларида ишлари тамом бўлмас эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;
2. сўфийлик маслакига эргашган кишилар:
Хожа Юсуф Бурҳон... жамиъи аҳли туруқнинг соҳиби тариқи эрди.
Мажолисун-нафоис, 54-Т;

~ **и убур** – кезиб юрувчилар, кечиб ўтувчилар; савдогарлар, саёҳатчилар:
Дашту дарёда лек аҳли убур,
Жобири роҳзан қилиб машҳур. *Сабъаи сайёр*, 10-278;

~ **и усул** – фиқҳ илми билан шуғулланувчилар:
Ишқ эрмиш асли илм фано дарсгоҳида,
Аҳли усул ҳар неки дер сар-басар фуруъ. *Бадойиул-васат*, 223-Т;

~ **и уқул** – оқиллар, донолар:
Вали ҳар киши бўлса аҳли укул
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул. *Садди Искандарий*, 313-Т;
Фархундалиғиға боқсалар аҳли укул,
Ҳам деса бўлур расул-у ҳам олий расул. *Муншаот*, 14-208;

~ **и фазаъ ва нафир** – кўркинч, ваҳмдан нола қилганлар:
Ул кишварнинг асирлари ва ул мулкнинг қатл-у торож кўрган аҳли фазаъ ва нафирлари ул жилва майидин масти бехуд... *Махбубул-қулуб*, 14-67;

~ **и фазл** – фазилат эгалари, илмлилар:
Кеча кундуз саъй этиб эл сарбасар,
Аҳли фазл-у илм-у ҳар аҳли ҳунар. *Лисонут-тайр*, 193-Т;

~ **и фазлу камол**– фазилатли, етук кишилар, олимлар, алломалар:
Не ояту не каломе ки аҳли фазл-у камол,
Эрур анинг киби бир ҳарфнинг адосида лол. *Вақфия*, 14-238;
Жаҳон аҳли адлида осудадил
Бетахсис ким аҳли фазл-у камол. *Садди Искандарий*, 528-Т;

~ **и фан**–фан, хунар эгалари, етук билимли моҳир кишилар:
Чун Паҳлавоннинг барчада вукуф ва дахл ва тасарруфи зоҳир балким ул фунунда аҳли фандек моҳир эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;
~ **и фано** – ўзини унутиб, илоҳиётга берилган одамлар, тасаввуфчилар:
Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фони ўлғил ким
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох. *Ғаройибус-сиғар*, 105-Т;
Чекти бу зулмин анинг барча халойиқ лекин
Чора бу дардға жуз аҳли фано айламади. *Навоируш-шабоб*, 667-Т;
Овораларни истаса жаҳон ичра ким керак
Дайри фанода аҳли фано бирла ихтисос. *Фавойидул-кибар*, 269-Т;
~ **и фасод**–йўлтўсарлар, безорилар, қароқчилар:
Аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилди ким мусофирлар фароғат била бориш-келиш қилғайлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243;
~ **и фасоҳат** – фасоҳат аҳли:
Нутқ аро чун зоҳир ўлуб муъжизинг,
Аҳли фасоҳат бўлубан ожизинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-40;
~ **и фақр** – фақирлар, дунёни тарк этканлар:
Жаҳондорларға сипеҳр интибоҳ,
Валий аҳли фақр оллида хоки роҳ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-13;
~ **и фунун** – турли фан ва ҳунар эгалари:
Табъи ҳар фанда чун мулойим ўлуб,
Анга аҳли фунун мулозим ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 10-243;
~ **и харобат** – риндлар:
Чекиб май аҳли харобот-у хирқа чок айлаб,
Кўтарсалар йиғилиб наъш ила тани зорим. *Наводируш-шабоб*, 400-Т;
Гаҳ тушуб хайли муножот ичра,
Гах қолиб аҳли харобот ичра. *Фавойидул-кибар*, 691-Т;
Не каҳринг заҳридин иман бўлуб ҳар сокини масжид,
Не лутфунг бодасиднн ноумид аҳли хароботе. *Ғаройибус-сиғар*, 436-Т;
~ **и хизмат** – хизмат кўрсатганлар, хизматдагилар:
Бу диккатпеша ва зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст ва бехабардурлар... қолған аҳли хизмат ва убудийятни шоҳ лутфидин шойистаи эҳсони беминнат *Мажолисун-нафоис*, 166-Т;
~ **и хирад** – ҳушёрлар, ақлу идроклилар, зийраклар:
Турфарақ будур ки ул ким жон анга қилдим фидо,
Бовар айлаб ҳолима ҳар не ки дер аҳли хирад. *Ғаройибус-сиғар*, 117-Т;
Замона боиси ғамдур замоне аҳли хирад
Қадаҳ кучи била ғамгин кўнгулни шод этадур. *Бадойиул-васат*, 118-Т;
~ **и хитта** – ўлка, вилоят аҳли:
Бу ҳуд эмас аҳли хиттаи хок сўзи,
Ҳам бўйла бийик йўқ аҳли афлок сўзи. *Назмул-жавоҳир*, 15-129;
~ **и хонақаҳ** – намозхонлар:
Шайх-у аҳли хонақаҳ Тенгри тута берсун манга,
Ҳақ йўлин кўргузгали дайри фано авбошини. *Ғаройибус-сиғар*, 469-Т;
~ **и хонумон** – уй жойлилар, уй жиҳозлилар:
Май ки қуйғай соки гулрух эрур ҳайвон суйи,
Вах ки офат селидур ишқ аҳли хонумониға. *Ғаройибус-сиғар*, 399-Т;
~ **и хумор** – хумор аҳли:
Бир қадаҳ май бирла бўлди сурхрў аҳли хумор,
Кўп аро гўё ки маҳлул айламиш хаммор лаъл. *Наводируш-шабоб*, 369-Т;
~ **и Хуросон** – Хуросон халқи, аҳолиси;
Эй Навоий қил Ироқ оҳанги ву азм эт Ҳижоз,
Ким муҳаббат зумрасин аҳли Хуросон танимас. *Фавойидул-кибар*, 228-Т;

~ **Чин-у Хито** – Чину Хитой аҳли:
Навоий этти ўзин эйла турк ҳиндуси,
Ки аҳли Чин-у Хито бўлдилар анга ҳинду. *Наводируш-шабоб*, 514-Т;
~ **и шақоват**–бадбахтлар, бахти қаролар:
Аҳли саодатлар руҳбахш зулолига манбаъ ҳам тил аҳли шақоватлар наҳс кавкабига матлаъ ҳам тил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93;
~ **и шимол** шимол аҳли:
Аҳли шимол ичра тушар можаро,
Номалари юзлари янглиғ қаро. *Ҳайратул-аброр*, 7-105;
~ **и шуҳуд** – шоҳидлар, гувоҳлар:
Топтилар анда нашъаи мақсуд,
«Арбаин»дин нечук ки аҳли шуҳуд. *Арбаин*, 16-261;
~ **и эътибор** – ибрат олувчи кишилар, ибрат эгалари:
Десанг нетай аҳли эътибор эл ерга,
Сидқ айла ки еткайсен канор эл ерга. *Назмул-жавоҳир*, 15-180;
~ **и эҳтиёж** – муҳтож кишилар:
Зулмунга бўлсам забун юз важҳ ила не айб ким
Сен ғанисен мен гадо сен шаҳ мен аҳли эҳтиёж. *Бадойиул-васат*, 75-Т;
~ **и яқин** – Худони таниганлар, художўйлар; порсолар; хирадмандлар:
Майда икки юз агар кўргузмаса ул маҳжабин,
Дурд дардин истабан жон бермагай аҳли яқии. *Наводируш-шабоб*, 693-Т;
Шукр айлаки ҳақ аҳли яқин қилди сени,
Гар сабр-у таҳаммулға қарин қилди сени. *Назмул-жавоҳир*, 15-166;
~ **и қабул** – халққа манзур, мақбул бўлганлар:
Килғучи бу бодия қатъиға майл,
Аҳли қабул-у рад эрур икки хайл. *Ҳайратул-аброр*, 7-12;
Эй Навоий қилдилар дунёни рад аҳли қабул,
Гар десанг мақбул ўлай ёр ўлма бу мардуд ила. *Ғаройибус-сиғар*, 410-Т;
~ **и қалам** – қалам эгалари, адиблар, шоирлар, котиблар:
Ҳисоб асрамиш эрди аҳли қалам,
Ким эрмас эди ганжнинг нисфи ҳам. *Саддий Искандарий*, 216-Т;
Хожа Афзал... аҳли қалам бу замонда барча муттафиқдурлар мунча ким сиёқ ва дафтар ва ҳисоб ва зарб ва қисмат илмида беназирдур. *Мажолисун-нафоис*, 185-Т;
~ **и қиёмат** – қиёмат аҳли:
Кун қизиғидин қилибан мағз жўш,
Кўкка чекиб аҳли қиёмат хуруш. *Ҳаратул-аброр*, 7-28;
~ **и қубур** – қабрдагилар, ўликлар:
Нафасинг ҳашр куни нашр бўлур олам аро,
Бир нафасда нега йўқса тирилур аҳли қубур. *Наводируш-шабоб*, 142-Т;
~ **и қулуб** – соф кўнгил, виждони пок кишилар; қалб эгалари:
Бу нома ки хомасиға қилдинг мактуб,
Қил аҳли қулуб оллида «Маҳбубул-қулуб». *Маҳбубул-қулуб*, 14-130;
Хаста дилларға не жон олғучи юздур ул ким
Қолибин қилди тиҳи кўргач ани аҳли қулуб. *Фавойидул-кибар*, 47-Т;
~ **и қурайш** – курайшилар:
Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада баъзида айш. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;
~ **и ғино** – ғанийлар; сазондалар:
Бўлуб аҳли ғино жавоҳирсанж,
Ҳаддин ортуғ тўкуб жавоҳиру ганж. *Сабъаи сайёр*, 10-86;
~ **и ғурур** – мағрурлар, ғурурга берилган:
Эй Навоий не бало ғофил эрур аҳли ғурур. *Наводируш-шабоб*, 142-Т;

Эгилиб ўпса ер аҳли ғурур ҳурмат учун,
Шабиҳ эрур анга мутлақ ки маст қилса намоз. *Ғаройибус-сиғар*, 172-Т;

~ **и ҳаё** – ҳаёлилар, андишалилар; иффатлилар:
Комиллар – аҳли ҳаё ва нокислар – беҳаё. *Маҳбубул-қулуб*, 14-82;

~ **и ҳалок** – ўлум, ҳалок аҳли:
Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти ву аҳли ҳалок. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;

~ **и ҳарб** – ҳарбийлар, сипоҳлар, аскарлар:
Разм майдонида ким икки тарафдин аҳли ҳарб,
Бош ила жон таркин айларлар ажаб ҳангомадур. *Наводируш-шабоб*, 685-Т;

~ **и ҳасад** – ҳасад аҳли, ҳасадгўйлар:
Яхшиғадур аҳли ҳасад заҳмати,
Нақдинг ўғридин эрур офати. *Ҳайратул-аброр*, 7-238;
Зоҳир уламосидин аҳли ҳасад ани замон подшоҳи хурусиға муттаҳам қилдилар ва Балхдин узр қўлдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 293-Т;

~ **ҳашр** – йиғин, қиёмат куни йиғини:
Тумуғни равза соғинғайлар аҳли ҳашр ул кун,
Ки телба кўнглум ўтин ошкора қилғайлар. *Бадойиул-васат*, 146-Т;
Шукр айлаки ҳақ аҳли яқин қилди сени,
Гар сабр-у таҳаммулға қарин қилди сени. *Назмул-жавоҳир*, 15-166;

~ **и қабул** – халққа манзур, мақбул бўлганлар:
Килғучи бу бодия қатъиға майл,
Аҳли қабул-у рад эрур икки хайл. *Ҳайратул-аброр*, 7-12;
Эй Навоий қилдилар дунёни рад аҳли қабул,
Гар десанг мақбул ўлай ёр ўлма бу мардуд ила. *Ғаройибус-сиғар*, 410-Т;

~ **и қалам** – қалам эгалари, адиблар, шоирлар, котиблар:
Ҳисоб асрамиш эрди аҳли қалам,
Ким эрмас эди ганжнинг нисфи ҳам. *Саддий Искандарий*, 216-Т;
Хожа Афзал... аҳли қалам бу замонда барча муттафиқдурлар мунча ким сиёк ва дафтар ва ҳисоб ва зарб ва қисмат илмида беназирдур. *Мажолисун-нафоис*, 185-Т;

~ **и қиёмат** – қиёмат аҳли:
Кун қизиғидин қилибан мағз жўш,
Кўкка чекиб аҳли қиёмат хуруш. *Ҳаратул-аброр*, 7-28;

~ **и қубур** – қабрдагилар, ўликлар:
Нафасинг ҳашр куни нашр бўлур олам аро,
Бир нафасда нега йўқса тирилур аҳли қубур. *Наводируш-шабоб*, 142-Т;

~ **и қулуб** – соф кўнгил, виждони пок кишилар; қалб эгалари:
Бу нома ки хомасиға қилдинг мактуб,
Қил аҳли кулуб оллида «Маҳбубул-кулуб». *Маҳбубул-қулуб*, 14-130;
Хаста дилларға не жон олғучи юздур ул ким
Қолибин қилди тиҳи кўргач ани аҳли кулуб. *Фавойидул-кибар*, 47-Т;

~ **и курайш** – курайшилар:
Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли курайш,
Баъзи ўлуб ғамзада баъзида айш. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

~ **и ғино** – ғанийлар; сазондалар:
Бўлуб аҳли ғино жавоҳирсанж,
Ҳаддин ортуғ тўкуб жавоҳиру ганж. *Сабъаи сайёр*, 10-86;

~ **и ғурур** – мағрурлар, ғурурга берилган:
Эй Навоий не бало ғофил эрур аҳли ғурур. *Наводируш-шабоб*, 142-Т;
Эгилиб ўпса ер аҳли ғурур ҳурмат учун,
Шабиҳ эрур анга мутлақ ки маст қилса намоз. *Ғаройибус-сиғар*, 172-Т;

~ **и ҳаё** – ҳаёлилар, андишалилар; иффатлилар:
Комиллар – аҳли ҳаё ва нокислар – беҳаё. *Маҳбубул-қулуб*, 14-82;

~ **и ҳалок** – ўлум, ҳалок аҳли:
Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти ву аҳли ҳалок. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;
~ **и ҳарб** – ҳарбийлар, сипоҳлар, аскарлар:
Разм майдонида ким икки тарафдин аҳли ҳарб,
Бош ила жон таркин айларлар ажаб ҳангомадур. *Наводируш-шабоб*, 685-Т;
~ **и ҳасад** – ҳасад аҳли, ҳасадгўйлар:
Яхшиғадур аҳли хасад заҳмати,
Накдинг ўғридин эрур офати. *Ҳайратул-аброр*, 7-238;
Зоҳир уламосидин аҳли ҳасад ани замон подшоҳи хурусиға муттаҳам қилдилар ва Балхдин узр қўлдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 293-Т;
~ **ҳашр** – йиғин, қиёмат куни йиғини:
Тумуғни равза соғинғайлар аҳли ҳашр ул кун,
Ки телба кўнглум ўтин ошкора қилғайлар. *Бадойиул-васат*, 146-Т;
~ **и Ҳақ** – имони бутунлар; ҳақиқат соҳиблари:
Истамаслар элдин инсоф аҳли Ҳақ,
Ким аларға келди мунсифлиқ сабақ. *Лисонут-тайр*, 176-Т;
~ **и ҳақиқат** – сўфийлик маслакида Худога етишган кишилар:
Фириб берма манга интиҳодин эй зоҳид,
Ки борур аҳли ҳақиқатка ибтидо малҳуз. *Ғаройибус-сиғар*, 232-Т;
Кашфи асрори ҳақойиқда фарид,
Нуткидин аҳли ҳакикат мустафид. *Лисонут-тайр*, 251-Т;
~ **и Ҳижоз** – Ҳижоз халқи, аҳолиси:
Анда ёзилған ки эй аҳли Ҳижоз,
Чорасин айтинг чу билгайсиз бу роз. *Лисонут-тайр*, 204-Т;
~ **и ҳижрон** – айриликда кун кечираётганлар:
Ёрутти васл шамъи аҳли ҳижрон тира авқотин,
Менинг шомимға вах ким қилмади даврон саҳар пайдо. *Фавойидул-кибар*, 37-Т;
~ **и ҳикмат** – билимдонлар, донишмандлар; файласуфлар:
Бода тут ким аҳли ҳикмат чарх бемеҳр эрканин,
Жом даври хатлари бирла мубарҳан қилдилар. *Фавойидул-кибар*, 154-Т;
~ **и Ҳирот** – Ҳирот аҳолиси:
Ул ки ани қибла дер аҳли Ҳирот,
Дема Ҳирот аҳли бари коинот. *Ҳайратул-аброр*, 7-141;
~ **и ҳожот** – ҳожат аҳли; муҳтожлар, аҳтиёжмандлар:
Гарм айлабан ани бу муножот,
Атрофида лол аҳли ҳожот. *Лайли ва Мажнун*, 193-Т;
~ **и ҳузур** – ҳозирлар, огоҳлар:
Туз кўнгулга басар-у нутки пароканда не бок,
Тил-у кўз ғайбатидин ғойиб эмас аҳли ҳузур. *Наводируш-шабоб*, 142-Т;
~ **и ҳунар** – ҳунар эгалари, ҳунармандлар:
Эрур аҳли ҳунар қошинда ҳунар,
Айб ёпмақ дағи ҳунар топмақ. *Фавойидул-кибар*, 706-Т;
~ **и ҳусн** – гўзаллар, зеболар:
Сўз вафодин дема ким ул эрмас аҳли хусн иши,
Жавр кам қил ким вафо сендин тамаъ тутмас киши. *Наводируш-шабоб*, 596-Т;
~ **и ҳуш** – ҳушёрлар, зийраклар:
Гар Навоий истади оворалиғ эй аҳли хуш,
Ғам еманг девонаи бехонумоне беш эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 189-Т;
Гар мени Мажнунға ташбиҳ этсангиз эй аҳли хуш,
Не тафовут бўлди бас девонадин оқилгача. *Бадойиул-васат*, 415-Т;
Бўйла ғафлатка ўлум рожиҳ дурур,
Аҳли хуш оллинда бу возиҳ дурур. *Лисонут-тайр*, 46-Т;

~ **и тариқ бўл-** – зоҳир ва сўфилар каторига кирмоқ:
Тариқи жоддаи шаръ эрур бу дайр ичра,
Ким анда ким ки сулук этти бўлди аҳли тариқ. *Фавойидул-кибар*, 303-Т;

~ **и таъйид ўл-** – кувватли, иродали бўлмоқ:
Ҳақдиндурур элга аҳли таъйид ўлмақ,
Навмид ўлуб толиби тажрид ўлмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138.

АҲЛАН ВА САҲЛАН МАРҲАБО [اهلا و سهلا مرحبا] – марҳамат, марҳабо, хуш келибсиз!
Бедилинг хайли русулсен сен аларға дилрабо,
Ё Наби руҳи фадок аҳлан-у саҳлан марҳабо. *Наводируш-шабоб*, 7-Т.

АҲЛЛИҚ [اهل لیق] – аҳл бўлиш, мансублик; маҳрамлик:
Ё шараф ганжига топиб аҳллиқ,
Салб қилса сийрати Бу-жаҳллиқ. *Лисонут-тайр*, 245-Т.

АҲЛОМ [احلام] – туш:
Қози бу тушни азғос-у аҳломға ҳамл қилиб яна такя қилди.
Насойимул-муҳаббат, 332-Т.

АҲЛУЛЛОҲ [أهل الله] – диндорлар; авлиёлар:
Муқбил айтур эрди аҳлуллоҳдин,
Динда хайли комили огоҳдин. *Лисонут-тайр*, 71-Т.

АҲМАР [احمر] – қизил:
Гул аҳмар сусан азроқ бу чаман ичра бўлуб андин,
Ки елдин тарбиятка чин аларға еткуруб маҳкам. *Наводируш-шабоб*, 392-Т;
Анинг ҳар ахгари ёкути аҳмар,
Мунинг ҳар зарраси рахшанда ахтар. *Муншаот*, 16-139.

АҲМАРИЙ [احمری] – қизил; қизилга мансуб:
Ич шафақгун май ки гардун қотибедур ким эрур
Янги ой бирла шафақ тиғ-у либоси аҳмарий. *Ғаройибус-сиғар*, 437-Т.

АҲМАҚ [احمق] –гўл, нодон, бефаросат, берахм:
Аблаҳ ани ки оламдин бако қилғай тамаъ,
Аҳмақ ул ким олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ. *Фавойидул-кибар*, 724-Т;
Аҳмақка чу етса салтанат шанъати бор,
Султонлиғининг заволиға суръати бор. *Назмул-жавоҳир*, 15-175;
Ҳар кимса ки йўқ илм анга аҳмақ де ани,
Мажлисда ки илм бўлса учмақ де ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-172.

АҲМОЛ [احمال] – -юклар:
Ул муҳимни саранжом қилиб қайтиб келадурганда шаҳарнинг бир манзилида эканда аҳмол ва асқолни қўюб бежиҳат илғаб шаҳарға келди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-76.

АҲОДИС [احادیث] – ҳадислар, сўзлар, гаплар; пайғамбарларнинг сўзлари:
... андақ ки аҳодисда мутасарриф бўлғай сен ва саҳиҳни сақимдин айирғайсен.
Насойимул-муҳаббат, 20-Т;
Расул саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳодисида дағи ҳам бу тариқ тушубдур.
Мезонул-авзон, 13-Т;

~ **и мустафовий** – пайғамбдрлар ҳадислари:
[Қози] кўнгли Каломуллоҳ аҳкомидин қавий ва ҳукмида муқтадо аҳодиси мустафовий. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21;

~ **и муъжиз** – муъжиз ҳадислар:
... ва аҳодиси муъжиз низоми хайрул-аном алайҳис – саловати вассаломдин сўнгра форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқарирақ сўз йўқтур.
Муҳокаматул-луғатайн, 187-Т;

~ **и Расул** – пайғамбар сўзлари, ҳадислари:
Ва аҳодиси Расули аном алайҳис-салоту вас-салом била мубайян.
Назмул-жавоҳир, 15-131.

АҲОЛИ [اهالی] – халқлар, кишилар, одамлар:

Шаҳр аҳолисидин содоти олийшон ва уламои рафиъмакон ва машойихи изом ва кузоти киром... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т.

АҲРАМАН [اهرمن] – даҳшатли дев; шайтон:

Иккинчи манзил ичра аҳраман бил,
Анга бедод-у офат даъб-у фан бил. *Фарҳод ва Ширин*, 188-Т.

АҲРАМАНВАШ [اهرمنوش] – девсимон:

Ва Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтургандек ул беша аҳраманин қатл эткани ва аҳраманваш рахшин аҳраман қасриға сургани... *Фарҳод ва Ширин*, 215-Т.

АҲРАМАНКУШ [اهرمنکش] – деб ўлдирувчи:

Бу маъни кўнглидин зойил қилиб хуш,
Равон савдо мизожи аҳраманкуш. *Фарҳод ва Ширин*, 221-Т.

АҲРОР [أحرار] – олижаноб ва ҳимматлилар; ҳурлар:

Чун ёшлари етмиш етти йилға етишти етти юз ўттуз олтида ражабнинг иккисида жумъа кечаси Сўфийободнинг буржи аҳрорида оламдин ўттилар. *Насойимул-муҳаббат*, 281-Т.

АҲСАН [احسن] – 1. энг яхши, яхшироқ, гўзал, аъло:

Мундин аҳсан кимсага йўқдур сифат,
Англамас ани жуз аҳли маърифат. *Лисонут-тайр*, 177-Т;

2. мақтов, офарин:

Абнойи жинсдин бир бирига мустаҳсан акобирдин асоғирға аҳсан. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;

~ **и тақвим** – энг гўзал тақвим:

Каррамано келди маноқиб анга,
Аҳсани таквим муносиб анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-21;

~ **ул-қисас** – қисса ва ҳикояларнинг энг гўзали:

Ҳусн ояти ки келди юзунг қиссасида насс,
Тонг йўқ тесам ки шонидадур аҳсанул-қисас. *Наводируш-шабоб*, 272-Т;

~ **айла-** – яхшиламоқ, тузатмоқ:

Таврини сулук ичинда аҳсан айлар,
Ким руҳни ўлмак сўзи равшан айлар. *Назмул-жавоҳир*, 15-151.

АҲСАНТА [احسنت] – офарин, балли:

Деди: аҳсанта мухбири содиқ,
Сидқ аро кимга ким десанг фойиқ. *Сабъаи сайёр*, 10-330;
Бўлуб аҳсанта лафзи элга ойин,
Етишгай шаҳдин эҳсон дағи таҳсин. *Фарҳод ва Ширин*, 509-Т.

АҲТАМ [اهتم] – аруз атамаси: *Мезонул-авзон*, 12-Т.

АҲФОД [أحفاد] – набиралар, авлодлар:

Худой Қули Шайхнинг аҳфодидиндур. *Насойимул-муҳаббат*, 388-Т;
Ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуштабъ салотини зуҳурға келди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 188-Т.

АҲШО [أحشا] – ички аъзолар, ичак-чавоқ:

ва то ул номурод кийик аъзо ва аҳшосидин нафси аммора сабуиға ком ва сабуият иштиҳосига ором бергай. *Вақфия*, 14-254;
Бир сабадка қўйнинг ич олотини
Солибан аҳшо ву қозуротини. *Лисонут-тайр*, 143-Т.

АҲҚАР [أحقر] – ҳақир, ожиз:

Фалак аъзам дағи мен аҳқар ўдум офариннишдин,
Менинг қасдимға золим ишқ пайдо айламиш ани. *Фавойидул-кибар*, 607-Т.

Б

Б [ب] – алифбонинг иккинчи ҳарфи; абжад ҳисобида 2-га тенг:

Алиф бе дегач устод ибтидодин,
Алиф олди аламдин бе балодин. *Фарҳод ва Ширин*, 136-Т.

БА [به] – олд кўмакчи; иш-ҳаракатнинг йўналиш тарафи, ўрни, восита каби маъноларни англатишга хизмат қилади.

БАБОД [بباد] – шамолга, ҳавога, елга; **~ўл-** – соврилмоқ, йўқолмоқ:

Сен ўлсанг чу қойим мақомим менинг,
Бабод ўлмағай нанг-у номим менинг. *Садди Искандарий*, 121-Т.

БАБР [ببر] – йўлбарс:

Кичим барчаға шер-у бабр-у паланг
Жаба узра хафтон дағи ушбу ранг.
Бўлуб ҳар бир андақ ки ғурранда абр,
Дегил тутти олам юзин шер-у бабр. *Садди Искандарий*, 189-Т;
Замоне бабру қоплондин бўлуб шод,
Қилиб дилдор кўйи итларин ёд. *Фарҳод ва Ширин*, 386-Т;
Бу беша ким ўтарда ваҳм этиб лол,
Солур бабр анда панжа шер чангал. *Фарҳод ва Ширин*, 219-Т;

~ **и хунрез** – қон тўкувчи йиртқич, чўл, саҳро арслони, йўлбарси:

Қоплон била шер бабри хунрез
Қон тўккали чанглар қилиб тез. *Лайли ва Мажнун*, 82-Т.

БАВЛ [بول] – пешоб, сийдик; бавл:

Шайхул-ислом дебдур ки ул ўттуз йил Маккада эрди ким анда бавл қилмади. *Насойимул-муҳаббат*, 53-Т;
Дарвешлар таажжуб эрмишлар ким ул мушук келиб ул мусофирлари бирин бирин ислаб бирининг устига бавл қилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 91-Т.

БАВОДИ [بوادی] – водилар; чўллар, дашту саҳролар, биёбонлар:

Умид ул ким андақ ки висол водиси тай бўлди, ҳижрон баводиси ҳам қатъ бўлғай. *Муншаот*, 145-Т;
Ешим эллик баводисин тай этмиш,
Не эллик, олтмиш ҳаддиға етмиш. *Фарҳод ва Ширин*, 177-Т.

БАВОДИПАЙМО [بوادی پیما] – саҳро, дашт, чўл кезувчи:

Ул мусофири баводипаймо, балки ул рокиби самовот паймо меърожи кечасининг таърифи... *Сабъаи сайёр*, 10-22.

БАВОРИҚ [بوارق] – яшинлар, чақмоқлар: **~ и қурбиға ҳарик қил-** – порлоқ, яшнок (Худо) нурига яқин қилмоқ:

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу табақанинг аҳли иршодидин толибларға барчани ўз фазл ва карами била дарёйи раҳматиға ғарик ва ўз баворики қурбиға ҳарик қилғай. *Насойимул-муҳайбат*, 259-Т.

БАГЎШ [بگوش] – **ҳалқа багўш** – қул:

Зиҳи отинг била хайли малойик ичра хуруш,
Фалак санга янги ой наъли бирла халқа багўш. *Бадойиул-васат*, 185-Т;

...ва бир камина халқа багўшдур ким ҳар қачон хусн султони маҳр- бублуғ никобларидин ва мастурлуғ ҳижобларидин чиқмақ асбобин тузса...

Маҳбубул-қулуб, 14-66-67.

БАД [بد] – қўшма сўзларнинг биринчи компоненти бўлиб келади ва ёмон, ярамас, зарар келтирувчи каби маъноларни беради.

БАДАДО [بدادا] – қўпол сўзли, аччиқ тилли; хунук, ёқимсиз товуш:

Агар бадлаҳжа бўлса ва бададо сурма анинг ғизоси қилсун Худо.

Маҳбубул-қулуб, 14-29.

БАДАЛ [بدل] – айирбош; бадал,эваз:

Зулфида сарриштаи имон бадалдур куфр ила,
Не тафовут тушса Марям риштаси зуннор аро. *Наводируш-шабоб,* 19-Т;
Муродинг биносиға етмай халал,
Машаққатларинг айш бирла бадал. *Муншаот,* 14-153;

~ **и мо ятаҳаллал** – сув аралашмаган, соф, тоза (май):

Туткил бадали мо ятаҳаллал майи соф,
То маст қилай ғам черики бирла масоф. *Ғаройибус-сиғар,* 653-Т;

~ **йўқ** – тенги йўқ, тенгсиз:

Анга йўқ борча фазлларда бадал,
Фазл аҳлидин отидек Афзал. *Муншаот,* 14-203;

~ **бўл- –** алмашинмоқ, бошқа бир нарсага ўрин бермоқ, ўрин алмашинмоқ:

Солди савдо димоғи ичра халал,
Ақл-у хуши жунунға бўлди бадал. *Сабъаи сайёр,* 10-128;

~ **кил- –** алмаштирмоқ; сотмоқ:

Туганди ашки гулгун эмди қолмиш заъфарони юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни. *Ғаройибус-сиғар,* 483-Т;
Деди ким бир бадхўй меҳмоним бор. Бориб ани оғирла ва айт ким ерингни бадал қил бу ер орзу ери эмас. *Насойимул-муҳаббат,* 137-Т;
Гардун шикоятида ким офиятин расволиғ била бадал қилмиш бўлғай.

Мажолисун-нафоис, 237-Т.

БАДАЛАФ [بدعلف] – сассиқ ўт; сассиқ, бадбўй:

Гар бебасарлиғ айнидин наргис кўзунгдин лоф урар,
Аҳли назар англар ким ул ҳам кўр эрур ҳам бадалаф. *Бадойиул-васат,* 238-Т.

БАДАН [بدن] – 1. тана, гавда, жисм, жасад:

Бадан ичра жон жавҳарин солғучи,
Яна охир ўз берганин олғучи. *Садди Искандарий,* 480-Т;

2. таркиб, мағз, асос:

Подшоҳ – мулк баданининг жонидур ва кўнгул бадан мулкининг султони.

Маҳбубул-қулуб, 14-88;

~ **аносири** – тана моддалари, тана аъзолари:

Бадан аносирининг чоргоҳин эт хориж,
Навоийё десанг айлай фалак сари оҳанг. *Наводируш-шабоб,* 335-Т;

~ **зиндони** – тан, тана, вужуд;

Баҳром деди ким чун сенинг руҳунг бадан зиндонидадур.

Тарихи мулуки ажам, 16-227;

~ **мулки** – вужуд, тана:

Ва кўнгул бадан мулкининг султони. *Маҳбубул-қулуб,* 14-88;

~ **и зор** – ожиз, нотавон, бемажол жисм, бадан:

Жонона тушубтур мени бемордин айру,
Жон ўйла ки тушкай бадани зордин айру. *Бадойиул-васат,* 379-Т.

БАДАНДЕШ [بدن دیش] – нияти бузуқ, бузуқ ниятли; душман:

Не толиъдур ки ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т;
Ул кунйа ким бўлуб бадандеш,
Чангал-у тишин танин қилиб реш. *Лайли ва Мажнун*, 140-Т.

БАДАНЛИК [بدن لیک] – баданлик:

Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит,
Гул киби нозук баданлик сарвдек раъно йигит. *Фавойидул-кибор*, 636-Т.

БАДАНСИЗ [بدن سیز] – бадансиз, бадан жисмдан ожралган:

Қурур чун гулистондин айрилди гул,
Ки бир луқма этдур бадансиз кўнгул. *Садди Искандарий*, 210-Т.

БАДАСИЛ/БАДАСЛ [بداصیل / بداصل] – бадзот, бадсиришт, асли паст, тубан:

Бадасил элга мулойаматдин иҳтироз кусин урмақ ва идбор аҳли суҳбаттидин ижтиноб қилмақ. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т.

БАДАФЪОЛ [بد افعال] – бадфеъл, кўпол, дағал; ахлоқсиз:

Агар фосиқ бўлса бадафъол эл ирз-у аёлиға бийм-у накол.
Маҳбубул-қулуб, 14-15.

БАДАХТАР [بد اختر] – бадбахт, бахтсиз, бахти қора:

Ахтаридур наҳсушшоқи бадахтар жониға,
Ул ки ҳар ён илтирар ҳижрон тунининг шудруни. *Ғаройибус-сиғар*, 441-Т;
Ҳар неча ки бор эсам бадахтар,
Қилған эса толеъим рад ахтар. *Лайли ва Мажнун*, 325-Т.

БАДАХШОНЛИҚ [بداخشان لیق] – бадахшонлик:

Мавлоно Шамсий бадахшонликдур. *Мажолисун-нафоис*, 183-Т.

БАДАҲД [بد عهد] – ваъдага вафосиз; бевафо:

Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб эмди,
Қатл айладилар асру бадаҳд эканлардур. *Наводируш-шабоб*, 165-Т.

БАДАҲДУ ПАЙМОН [بد عهد و پیمان] – ваъдаси ёлғон, аҳду паймонсиз:

Бу ки анинг аҳд-у паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанг ул бадаҳду паймонимға айт. *Наводируш-шабоб*, 85-Т.

БАДБАХТ [بدبخت] – бадбахт, бахти қаро, толесиз:

Вақти ки сенда бу тўрт хислат бўлмағай/кул бошингға совур ки бадбахт бўлдунг.
Насойимул-муҳаббат, 49-Т.

БАДБАХТЛИҒ [بدبخت لیغ] – бахтазлик, бадбахтлик:

Ва деди ким туна кун қўй мурдор ўлуб эрди. Мени бадбахтлиғ ва шайтон мунга тутти ким чун ҳеч киши бу ишка мутталиъ эмас. *Насойимул-муҳаббат*, 330-Т.

БАДБАХТҚИНА [بدبخت قینه] – бебахт, бахти қаро, толесиз:

Сайидд Қуроза... бу матлаъ ул бадбахтқинанингдур. *Мажолисун-нафоис*, 86-Т;
Гавҳаре ким моҳларға зеби тож-у тахт эрур,
Ташлаған ани нажосатға ажаб бадбахт эрур. *Маҳбубул-қулиб*, 14-125.

БАДВ [بدو] – бошланиш, ибтидо; **~ и фитрат** – яратилиш ибтидоси:

Бадви фитратда биҳишти адн аро,
Шохсори хулд аро дастонсаро. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т.

БАДГУМОН [بدگمان] – шубҳа билан қараш, гумонсираш, шубҳаланиш; бадгумон:

Оҳу х унобимни лаҳн-у бода қилмишсен гумон,
Дилраболар ичра сендин бадгумонрақ йўқ киши. *Ғаройибус-сиғар*, 444-Т;

Шопур жоҳдўст ва бадгумон киши эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-226;

~ **айла-** – гумон жилмоқ, шубҳа қилмоқ:
Хирадни не тонг айласа бадгумон,
Ки бошдин аёқ бор эмиш бир замон. *Садди Искандарий*, 269-Т;

~ **бўл-/ўл-** – шубҳа билан қарамоқ, бадгумон бўлмоқ:
Нетиб қошимда кўрай девлар ки бордур ишим,
Малойик ўтса анинг сари бадгумон бўлмоқ. *Наводируш-шабоб*, 319-Т;
Ҳазм боисдурур анга ки мудом,
Иши эл сари бадгумон ўлғай. *Арбаъин*, 16-268.

БАДГУМОНЛИҒ/БАДГУМОНЛИК [بدگمانلیغ / بدگمانلیق] – ишонмаслик, гумонсирашлик:
Навоийни деб эрмишсен ки мендин ўзгани севмиш,
Кам ўлмас Аллоҳ Аллоҳ сендин ушбу бадгумонлиғлар. *Бадойиул-васат*, 151-Т;
Ҳожат эрмас хурдадонлиқ кишига,
Кўп ҳазмдин ўлди бадгумонлиқ кишига. *Назмул-жавоҳир*, 15-154.

БАДГУҲАР [بدگهر] – асли ёмон; ёмон сифатли:
Сиришким ишқида гавҳар-шамойил,
Вале ул бадгуҳарлар сари мойил. *Фарҳод ва Ширин*, 105-Т.

БАДГУҲАРЛИҒ [بدگهرلیغ] – асли ёмонлик, зоти пастлик:
Ким эрур ул маҳзи бадгуҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғ-у абтарлиғинг. *Лисонут-тайр*, 69-Т.

БАДГЎЙ [بدگوی] – туҳматчи, иғвогар, ғийбатчи:
Ҳурмузга бадгўйлар мундақ еткурдилар ким Баҳром асру кўп ғанимат олибтур дағи санга оз нима йибарибдур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-245.

БАДДИЛ [بدل] – ишончсиз, бадгумон, шубҳали; ~ **бўл-** – шубҳаланмоқ:
Баъзи кўтаҳандеш эл бевафолиғ қилиб анга қочиб борған жиҳатдин халойиқ баддил бўлуб уруш ярағи топилмай... *Тарихи мулуки ажам*, 16-236.

БАДЗАБОН [بدزبان] – аччиқ тил, тили ёмон; иғвогар:
Мавлоно Дарвиши Машҳади... сафиҳ ва бадзабон киши дур.
Мажолисун-нафоис, 84-Т;
Али Кармол дағи удий эрди. Бағоят сафиҳ ва бадзабон киши эрди, аммо яхши таснифлари бор. *Мажолисун-нафоис*, 136-Т.

БАДИАТ [بدیعت] – бадиат, ижод; адиблик:
Ажал пайки қачан ким етса филҳол,
Бадиатин дегач топшур десам: ол. *Вақфия*, 14-247.

БАДИЛ [بدیل] – бадал:
Ё Раб ул ҳусн-у жамол авжида юз минг ой-у йил,
Не жамолингға завол ўлсун не ҳуснингға бадил. *Бадойиул-васат*, 475-Т;
Сен-у салтанат тарки сўзму бўлур,
Бадилингни кўргучи кўзму бўлур. *Садди Искандарий*, 133-Т.

БАДИЪ [بدیع] – ажойиб, нафис, нодир, камёб; тоза:
Чу яксар йиғилди шариф-у вазиъ,
Сўзи қилди оғоз беҳад бадиъ. *Садди Искандарий*, 130-Т;
Яна «Бадойиул-васат» девонидур ким... ул бадиълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;

~ **йўқ** – янгилик эмас, таажжуб эмас:
Кўруб оразинг йиғласам йўқ бадиъ,
Келур сайл бўлғанда фасли рабиъ. *Наводируш-шабоб*, 291-Т;

~ ўл- – гўзал, нафис бўлмоқ, гўзаллашмоқ:
Мукрим ишини кўр ки бадиъ ўлди басе,
Боғида ҳариф анга рабиъ ўлди басе. *Назмул-жавоҳир*, 15-163.

БАДИЪВАШ [بديع وش] – мукаммал, ғаройибга ўхшаш шеърлар:
Умрнинг васатида жилва қилган бадиъвашларга – «Бадойиул-васат»... от қўюлди. *Муншаот*, 14-173.

БАДИЪУД-ДАҲР [بديع الدهر] – замоннинг, даврнинг беназири:
Жаҳонға боиси амн-у амон ул,
Бадиъд – даҳр-у доройи замон ул. *Фарҳод ва Ширин*, 29-Т.

БАДИЪУЗ-ЗАМОН [بديع الزمان] – замон беназири, ғаройиби:
Олам эли ичра қаҳрамон ул,
Яъни ки бадиъуз-замон ул. *Лайли ва Мажнун*, 74-Т;
Келиб салтанат айн-у ул нури айн,
Бадиъ уз-замон ибн Султон Ҳусейни. *Садди Искандарий*, 101-Т.

БАДИЪУЛ-ЛИВО [بديع اللواء] – ажойиб жилвагар байроқ; нодир байроқ:
...табъи қасри рафиъул-бино ва илми муаскари бадиъул-ливо бўлғай.
Назмул-жавоҳир, 15-127.

БАДИҲА [بديهه] – бадиҳа, экспромт; ҳозиржавоблик:
Неча байт бадиҳада имло қилди ва деди ким бити битидим.
Насойимул-муҳаббат, 81-Т;
Бадиҳаси равондур ва таассуби ғолиб ва табъи ҳазлға кўп роғиб.
Мажолисун-нафоис, 187-Т;
Мавлоно Сулаймоний... бадиҳани равон айтур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 24-Т.

БАДКИРДОР [بدكردار] – ёмон табиатли, ёмон қилиқли, бадхислат:
Гунаҳкорга анда умиддин бим кўпрак ва бадкирдорға анда иноддин таслим кўпрак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-36;
Ғофиле қўйди қадам бозорға,
Хайл-у тобиъ нафси бадкирдорға. *Лисонут-тайр*, 58-Т.

БАДКИРДОРЛИҚ [بدكردارليق] – ёмон ниятлик, ёмон қилиқлнк, ахлоқснзлик:
Ростлиқ била савдо аларға [бозор косибларнга] зиёнкорлиқ ва ваъдаға вафо аларға бадкирдорлиқ. *Махбубул-қулуб*, 14-35.

БАДКОР(А) [بدكاره] – бузуқ ниятли, ахлоқсиз:
Эй Навоий ёрнинг кўнгли тутулди ноладин,
Ким ҳаргиз очмағай эдим мени бадкор оғиз. *Фавойидул-кибар*, 220-Т;
Чарх арусиға йўқ ғайр ёмонлиғ шиор,
Ақдиға майл этма ким шоҳид-у бадкорадур. *Фавойидул-кибар*, 151-Т.

БАДЛАҲЖА [بدلهجه] – қўпол сўзли, сўзи ёкимсиз, совуқ қилиқли:
Агар [ҳофиз] бадлаҳжа бўлса ва бададо сурма анинг ғизоси қилсун Худо.
Маҳбубул-қулуб, 14-29.

БАДМАОШ [بدمعاش] – дағал муомалали, маишин бузуқ:
Агар [ҳофиз] фосиқдур ва бадмаош сурма ҳам ҳайфдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-29;
Абулбарака... подшоҳ дегандур ким ҳар неча бадмаош ва бадбахт бўлса ул бурунқи қозидин яхшироқ бўлғусидур. *Мажолисун-нафоис*, 179-Т.

БАДМАСТ [بدمست] – 1. майхўр, бадмаст, кайфи тарақ:
Бадмастка дамодам ичмағидин не баҳр ким одамийлиғ қатлиға ичар қадаҳ қадаҳ заҳр. *Махбубул-қулуб*, 14-104;

Ҳам ул феълини ошикор айлабан,
Ки бадмастни шармсор айлабан. *Садди Искандарий*, 372-Т;

2. маст бўлиб жанжал кўтарувчи, ичиб тўполон қилувчи:
Жаҳон халойиқи жаврунгдин ўлди эй бадмаст,
Булар тафарружиға бир нафас айил боре. *Наводируш-шабоб*, 626-Т;
3. маҳбуб:
Захмиға ер кўрсатурмен чиқса ул бадмаст ким
Манглай узра бармағимни элтиб айлармен табуқ. *Наводируш-шабоб*, 320-Т;

~ **бўл-** – қаттиқ маст бўлмоқ:
Қамар юзинда мушт-у кождин кўрдум асар ҳар ён,
Ҳамоно ул қуёш бадмаст бўлғанда талашибдур. *Бадойиул-васат*, 115-Т.

БАДМАСТЛИҒ/БАДМАСТЛИК [بدمست ليغ / بدمست ليق] – кайфи тарақлик, бадмастлик:
Бирав майга топиб фурудастлик,
Аён қилғудек бўлса бадмастлик. *Садди Искандарий*, 355-Т;
Не масти арбадагарсен ки чиқса базмингдин,
Бузар замонани бадмастлиғ била ҳар маст. *Бадойиул-васат*, 58-Т;

~ **айла-** – қаттиқ мастлик қилмоқ:
Гар Навоий айлади бадмастлиғ эй пири дайр,
Сен карам кам қилмағил ким кўптур анинг камлиғи. *Наводируш-шабоб*, 630-Т.

БАДМЕҲР [بدمهر] – меҳрсиз, меҳри қаттиқ, раҳмсиз, шафқатсиз; ёр, гўзал:
Бизнинг сари келмассен не бўлди эй бадмеҳр,
Вафо йўлин билмассен не бўлди эй бадмеҳр. *Мезонул-авзон*, 49-Т;
Эй Навоий бўлсам ул бадмеҳр ишқидин халос,
Бўлмайин ҳусн аҳлининг меҳриға ҳаргиз муртакиб. *Фавойидул-кибар*, 55-Т;
Бор эди бир бедили зори ҳақир,
Бўлди бир бадмеҳр ишқига асир. *Лисонут-тайр*, 262-Т.

БАДМИЖОЗЛИҚ [بدمجازليق] – қилиғи совуқлнк, ёқимсизлик, мижози бузуқ-лик:
Мавлоно Хуррамий... бадмизожликлари жиҳатидин Хуросонда тура олмади.
Мажолисун-нафоис, 85-Т.

БАДНАФС [بدنفس] – баднафс, нафси ёмон:
Агар баднафсдан зулм етса шукр вожиб била ва Тангри ҳамдин адо қил.
Маҳбубул-қулуб, 14-92;

~ **и дун** – нафси бузуқ, нафси ёмон:
Сен ки мақсуд истай, эй баднафси дун,
Азм этардин бўйла бўлғайсен забун. *Лисонут-тайр*, 78-Т.

БАДНАФСЛИҚ [بدنفس ليق] – нафси бизуқлик, баднафслик:
Вазир эрди. Зулм ва баднафслиқ жиҳатидин подшоҳ сиёсатиға гирифтор бўлуб мақтул бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 72-Т.

БАДНОМ [بدنام] – ёмон отлиқ, бадном:
Шаҳр бадноми мени айлаб ўзунг ишрат аро,
Ваҳ ки бу бадномни бир ёд қатъо қилмадинг. *Бадойиул-васат*, 271-Т;
Судоба... ўз кўркинчидин Кайковус қошида ани [Сиёвушни] ўзи била бадном қилиб чиқти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-206;

~ **ўл-**–шарманда бўлмоқ, шармисор бўлмоқ, ёмон от чиқармоқ:
Ишқ аро Фарҳод-у Мажнунни манга ўхшатмангиз,
Ким алар ҳам мен киби расвои бадном ўлмасун. *Хазойинул-маоний*, IIа279;

~ **айла-/қил-** – шарманда қилмоқ, шармисор қилмоқ:
Қони расвое Навоийдек агарчи ани ишқ,
Некном элдиндурур деб бўйла бадном айламиш. *Наводируш-шабоб*, 252-Т;
Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва ноҳамвор равишлиқ элнинг кўпрак машғуллуқ қилғани ҳавос аҳлида бадном қилған эрмиш ким баъзи ўқумас эрмишлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-73.

БАДНОМЛИҒ/БАДНОМЛИК [بدنام لیغ / بدنام لیق] – бадномлик, шармисорлик, ёмон отлик:
Деб эмишсен тарк этиб ишқ-у муҳаббат шевасин,
Ўт чиқармишсен салоҳ ичра зиҳи бадномлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 244-Т;
Бадномлиқ ани бунёд қилғанға борур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-242;
Улуска меҳнат-у нокомлиғ ҳам,
Жаҳон халқи аро бадномлиғ ҳам. *Фарҳад ва Ширин*, 465-Т;
Яхши от бадномлиғ бирла чиқарғил ўлгуча,
Эй Навоий ўзни яхши от била бадном этиб. *Бадойиул-васат*, 43-Т.

БАДОВОЗ [بد آواز] – овози хунук, товуши ёқимсиз; кариҳ товушли:
Бадовоз муқри унидин ким жамоъатқа паришонлиғдур ва жамоъатқа келганда мужиби паришонлиғ. *Наводируш-шабоб*, 689-Т;
Агар муқрий лавандийдур бадовоз ва гулхандийдур лаҳни носоз бадани вузуъ қайдидин нопок ва ҳуши вақт риоятидин бебок. *Маҳбубул-қулуб*, 14-29.

БАДОЙИЪ [بدایع] – ажойиб, нафис нарсалар, гузалликлар; нодир ижодлар:
Ул қаламға ким ул варақ ҳошиясида бадойиъ нукта суруб замон нотавонин масрур қилибдур етти иқлим якқалам бўлсун. *Муншаот*, 14-174;
Навоий агар ёр эрур базлагўй,
Бадеъ элдин эрмас бадойи бадиъ. *Наводируш-шабоб*, 291-Т;
... ва булоғайи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидур ким гавҳар юзидин санъат ойин ва бадойиъ тазйин воқиъ бўлубтур. *Назмул-жавоҳир*, 15-126.

БАДПИСАНД [بدپسند] – номаъқул, ноўрин:
Ким кўрса бу ҳоли бадписанде,
Жонига тегурмагай газанде. *Лайли ва Мажнун*, 145-Т;
~ **эт-** – хафа қилмоқ, изтироб, азият бермоқ;
Ризо бер ким қазоға йўқ тафовут кимса юз қатла
Не келса оллиға хурсанд ёхуд бадписанд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т.

БАДР [بدر] – тўлин ой, ўн тўрт кунлик ой:
Ким қуёш нурини ниҳон қилди,
Бадрни мис табақ гумон қилди. *Сабъаи сайёр*, 10-405;
Қуёшингға ким банда юз бадрдур,
Икки зулф анга лайлатул-қадрдур. *Садди Искандарий*, 60-Т;
~ **и мунир** – нур тарқатиб турувчи тўлин ой; равшан, порлоқ ой:
Кўрса бирав хонида курси фатир.
Дер ани кўк саҳнида бадри мунир. *Ҳайратил-аброр*, 7-237;
Бу чароғи меҳр-у ул бадри мунир,
Иккиси бир тахт уза оромгир. *Лисонут-тайр*, 220-Т;
~ **и толиъ** – янги чиққан ой бахти, иқболи:
Ойи ву не ой бадри толиъ
Бадри ву не бадр меҳри ломиъ. *Лайли ва Мажнун*, 98-Т.

БАДРАНГ [بدرنگ] – туси бузуқ, ранги совуқ:
Қилур чин кўпи юзни бадранг жинс,
Фатилакаш андақ ки худранг жинс. *Садди Искандарий*, 282-Т.

БАДРАФТОР [بدرفتار] – ёмон йўлга юрувчи, саёқ, безори:

Ул пари кўнгли учун руҳум асир-у зор эрур,
Булъажаб тоши канотсиз кушға бадрафтор эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 129-Т.

БАДРАҚА [بدرقه] – йўл бошловчи; корвонкаш; посбон; нигоҳбон:

Бадрақаи роҳи нажоти бўлуб,
Мужиби рафъи даражоти бўлуб. *Хайратул-аброр*, 7-95.

БАДРЛИҚ/БАДРЛИҒ [بدرلیق / بدرلیغ] – тўлин ойлик; порлоқлик, тўлинлик; етуклик:

Кичик ёшлиқ, аммо улуғ қадрлик,
Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ. *Садди Искандарий*, 500-Т;

Қачон ким бадрлиқ топса ҳилолинг,
Қуёшдин бўлғай ортуқрақ камолинг. *Фарҳод ва Ширин*, 497-Т.

БАДРУД [بدرود] – видолашиш, хайрлашиш; жудолик:

Эй ки каддинг бўлди хам олам била кил хайрбод,
Ким хам этмак қад ҳамиша лозими бадруд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 127-Т.

БАДРЎЗ [بدروز] – ёмон кун; бахти қаро, бахтсиз, толеъсиз:

Ким амир элида Қайси бадрўз.
Бу ҳайда ки эрди донишомўз. *Лайли ва Мажнун*, 152-Т;

Зикр этар базм ичра лутф-у меҳр ила ошиқларин,
Лек мен бадрўз расвони қилур ёд ўзга навъ. *Бадойиул-васат*, 224-Т.

БАДСИГОЛ [بدسگال] – нияти бузуқ; ёмон ниятли:

Яна бир аёғ хам олиб бадсигол,
Ки ул зарф бор эрди яшил сафол. *Садди Искандарий*, 144-Т;

Берай гўшмоле ки ҳар бадсигол,
Тузалгай чу ёд эткай ул гўшмол. *Садди Искандарий*, 161-Т.

БАДТАЪМ [بدطعم] – бемаза:

...бадтаъм мевалари била номақбул ашжори... *Муншаот*, 14-148.

БАДФАРЖОМ [بدفرجام] – бадпировард, бадфаржом; бахтсиз, иқболсиз:

Бир замон айрилма аҳбоби нику фаржомда,
Ким эрур ахир жудолиғ даҳри бадфаржом аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т.

БАДФЕЪЛ [بدفعل] – феъли ёмон, баджаҳл, бадфеъл:

Мавлоно Хуррамий... сафарлардин келгандин сўнгра борғандин бурунрақдин бехабаррақ ва бадфеълрақ келди. *Мажолисун-нафоис*, 85-Т.

БАДФЕЪЛЛИК/БАДФЕЪЛЛИҒ [بدفعل لیغ / بدفعل لیک] – бадфеъллик:

Абдуллатиф Мирзо... савдойи мизож ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеъллиқлари бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 195-Т;

Ҳурмуз жиҳатсиз бадфеъллиғи жиҳатидин... [Баҳромга] бурўнчак ва чарх йибарди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-245.

БАДХАЁЛ [بدخیال] – бадфикр, баднадеша, бадхаёл:

Ким ки ошиқ бўлса зор-у хастаҳол ўлмақ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмақ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 265-Т.

БАДХОҲ [بدخاه] – нияти, хоҳиши бузуқ, ёмонлик хоҳловчи:

Бузуб ҳар тарафдин сипаҳ шоҳни,
Анга айлабан чийра бадхоҳни. *Садди Искандарий*, 265617.

БАДХУЛҚ [بدخلق] – ахлоқсиз, ахлоқи бузук:

Мавлоно Риёзий ҳам самарқандлиғдур бадхулқ ва муажжиб киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 64-Т;

Муҳаммад Солиҳ... бағоят бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 170-Т.

БАДХЎ/БАДХЎЙ [بدخو/بدخوی] – 1. бадфеъл, қўпол, баджаҳл, тўнг, дағал:

Хожа Абу Исҳоқ... Толиби илм ва хуштаб йигит эрди, аммо бадхўй ва мутакаббир ҳам бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 47-Т;

Ҳозиқ табиби хушгўй тан ранжига шифодур,
Омий ву тунд-у бадхўй эл жониға балодур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-24;

2. маҳбуба, гўзал; раҳмсиз:

Эй Навоий аччиғ аччиғ йиғларимни қилма айб,
Ким эрур кўнглумни олган кофири бадхў малиҳ. *Наводируш-шабоб*, 103-Т.

БАДХЎЙЛУҒ/БАДХЎЙЛУҚ [بدخوی لوق / بدخوی لوغ] – бадфеъллик, совуқ қиликлик, тундлик, дағаллик:

Ва ул ҳазрат йиллар анинг бадхўйлуғини кўруб сингурубдурлар, *Мажолисун-нафоис*, 77-Т;

Нега ким Тенгри ҳеч муъминда,
Бухл-у бадхўйлукни қилмади жамъ. *Арбаин*, 16-263;

Барчаси исён била бадхўйлук,
Бадхўйлук йўқ ки сияхрўйлук. *Ҳайратул-аброр*, 7-27;

Халойиқ анинг бадхўйлуғидин ожиз бўлуб муъбадлар ва хакимларға истиғоса кўргузуб истионат қилдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-227;

Бадхўйлук ул ваҳшат эрур шиддатдин,
Ким элга халослик йўқ ул ваҳшатдин. *Назмул-жавоҳир*, 15-155.

БАДШАКЛ [بدشکل] – бадшакл, кўриниши хунук, ўхшовсиз:

Гулга йиртуқ либосдин не зиён дурға бадшакл садафдин не нуқсон. *Маҳбубул-қулуб*, 14-99.

БАДШЕЪР [بدشعر] – бадшеър:

Ва Мавлоно Соғарий агарчи бадшеър эрди, аммо бу матлаъи хуб тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 40-Т.

БАДШЕЪРЛИҚ [بدشعرلیق] – савияси паст, саёз шеър ёзишлик, бадшеърлик:

Вали Қаландар... сухандонлар аросида бадшеърликка машхур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 52-Т.

БАДҲАЙЪАТ [بدهیئت] – бузуқ, бемаъни, кўриниши ёмон, хунук:

Воқеъ ўлмиш қону бу боис эмиш,
Ким муни мактули бадҳайъат демиш. *Лисонут-тайр*, 72-Т.

БАДҲОЛ [بدحال] – 1. ҳоли ёмон, ҳоли танг; бахтсиз:

Агар толиъида юз иқбол эрур,
Уторид вале анда бадҳол эрур. *Садди Искандарий*, 211-Т;

2. мадорсиз, ҳолсиз, кучсиз:

Тун хумори ҳажрида бадҳол эдим юз вой агар
Жоми васлидин мени ёр этмаса хушҳол субҳ. *Фавойидул-кибар*, 107-Т;

Бу балийат жисмини нол айлабан,
Ноласи жонини бадҳол айлабан. *Лисонут-тайр*, 138-Т;

~ **бўл-/-ўл-** – ҳолсизланмоқ; ёмон аҳволга тушмоқ:

Не баҳор ўлғай ки бир гул ҳажридин бадҳол мен,
Ўйла ким булбул хазон фаслида гунг-у лолмен. *Муншаот*, 14-207;

~ **айла-** – ҳолсизлантирмоқ, ёмон аҳволга солмоқ, кўнглини бузмоқ:

Кел ки ҳижронинг мени маҳзунни бадҳол айламиш,
Юз туман дард-у бало хайлиға помол айламиш. *Бадойиул-васат*, 185-Т.

БАДҲОЛЛИҒ [بدحال لیغ] – ёмон ҳоллик, ҳоли ночорлик, аҳволи танглик:

Хирод пири бадҳоллиғим билди. *Вақфия*, 14-251.

БАДҲУШ [بدهوش] – хушдан кетиш, ҳушсизланиш:
Сокиё ҳижрон хумори лол-у бадҳуш айламиш,
Бермагайсен бизга етса даври соғар интизор. *Фавойидул-кибар*, 163-Т.

БАЁЗ [بياض] – 1. оқ, оқлик; тоза, ғуборсиз:
Юзунг баёзида ул холи мушксо Ҳинду,
Ғариб тушти Хотан кишвари аро ҳинду. *Наводируш-шабоб*, 514-Т;
Ва дебдурлар ки чун алар суҳбататиға мушарраф бўлдум аларнинг юзида баёзе ки табъға мужиби танаффур бўлғай зоҳир эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 250-Т;
Кўз фироқиигда оқарди ву сиришки қуруди,
Ёмғури бўлмас агар айни баёз ўлди булут. *Фавойидул-кибар*, 74-Т;
2. баёз, шеърлар тўплами қўлёзмаси:
Шаръи тили нома баёзин ўқуб,
Тиғи суйи куфр саводини юб. *Ҳайратул-аброр*, 7-48;
Мавлоно [Лутфий]нинг «Зафарнома» таржимасина икки минг байтдан ортукроқ маснавийси бор баёзға бормаған учун шуҳрат тутмади. *Мажолисун-нафоис*, 67-Т;
Бу сабабдин анинг ранги баёзи саводға мубаддал бўлуб тили шикасталик зоҳир қилиб фасоҳат-у балоғат ҳилясидин оре қолди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;
~ **дин** – дин баёзи:
Нуқтаи мушғдур бу ё холи анинг жабин аро,
Куфр саводини не хуш сизди баёзи дин аро. *Наводируш-шабоб*, 21-Т.

БАЁЗВАШ [بياض وش] – баёзваш, оққа кўчирилгандек:
...ажздин такаллумға ёри бермас ва хошоки таърифида баёзваш сафҳа баёзида ахтар монанд жавоҳир тўкубдурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-133.

БАЁН [بيان] – 1. сўз, ифода, тасвир, таъриф, изҳор:
Сариҳ баёни ва фосих лисони бор эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 184-Т;
Мир Ғиёсиддин Азиз... таърифларида баён қосирдур. *Мажолисун-нафоис*, 135-Т;
Чун тилар максуд анга бўлди аён,
Ўзга зоҳир бўлмади андин баён. *Лисонут-тайр*, 235-Т;
2. маълумот, далил, ҳужжат:
Лекин ул ҳар бир тараннумдин аён,
Сирри ваҳдат шарҳиға равшан баён. *Лисонут-тайр*, 35-Т;
3. мазмун, мақсад:
Фироқ зовиясида ovoралиқнинг баёни мужиби кудурат ва боиси малолат бўлғай деб андин шаммае изҳор қилмақ маслаҳат кўрулмади. *Муншаот*, 14-199;
4. фикр; нозик маъноли сўз:
Ва басо маоний аҳли хўрдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнлар ки Анварий ва Салмон шеърида ҳар бири бирининг жонибин тутуб бахслар қилиб...
Муҳокаматул-луғатайн, 186-Т;
~ **и фасих** – фасоҳатли ифода, тасвир:
Яна ҳам ҳадиси дурур бу саҳих,
Ки айлабдур ани баёни фасиҳ. *Садди Искандарий*, 140-Т;
~ **топ-** – ифода этмоқ, изҳор қилмоқ:
Не ки хотирда эрди топти баён,
Ғайри ул ким топиб эди нисён. *Сабъаи сайёр*, 10-51;
~ **айла-** – 1. таърифламоқ, айтмоқ, ифодаламоқ:
Ишқ сиррин гар баён айлар эсам эй пири ақл,
Эътироз этма ҳадисимни тааққул қилмайин. *Фавойидул-кибар*, 465-Т;
2. гапирмоқ, сўзламоқ:
Чун қадаҳ қайфийяти бўлди аён,
Айлар эрдилар ҳикоятлар баён. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

Элчилардек сўз баён айлар эди,
Узи ўз ҳукмин аён айлар эди. *Лисонут-тайр*, 90-Т;

3. хабар қилмоқ, эшиттирмоқ:

~ **эт-/қил-** – таърифламоқ, айтмоқ, ифодаламоқ:
Бу таъриф қилган ишқ ва баён эткан ахли ишқ маъшуқ вужуди бирла қойимдурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-66;
Бу дағи ёниб неча қилди баён,
Бўлмади мақсуд жамъ ичра аён. *Лисонут-тайр*, 234-Т;
Бу сифат нуктани ки бўлди аён,
Сўз демак худ бўлур ким этса баён Сабъаи сайёр, 10-31;
Нуқтайи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса билгил ки қилмайдур билиб. *Ғаройибус-сиғар*, 69-Т.

БАЁНЛИҚ [بيان ليق] – баёнлик:
...балки дақойиқ фунунининг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳодислари ниҳоди... *Вақфия*, 14-234.

БАЁТ [بيات] – қадимги туркий мақомлардан бирининг номи:
Навоий айтса абёт ул ой меҳринда,
Керак ки нағмаси бўлса баёти ву маҳур. *Фавойидул-кибар*, 144-Т.

БАЖАЛ [بجل] – ёлғон; бўҳтон:
Дуо хатти бизга рақамзад қилинг.
Бажал айлабан азми мақсад қилинг. *Садди Искандарий*, 465-Т.

БАЖИД [بجد] – астойдил, жиддий, жон-жаҳд билан:
Мавлоно Масъуд... ўз мулкидин Ҳирийга келди ҳам ифода ҳам истифодаға бажид машғул бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 135-Т.

БАЖО/БАЖОЙ [بجا(ی)] – ўринли, маъқул; **~келтур-/кетур-** – бажармоқ, уйғун ўрнига қўймоқ; амалга оширмоқ, ижро, бажо қилмоқ:
Бу йўлда шарти фанодур агар қадам қўйсанг,
Керак бажо келтурсанг не ким эрур машрут. *Наводируш-шабоб*, 279-Т;
Мирзонинг давлатларининг дуосини бажо келтурдилар. *Муншаот*, 14-194;
Улча мумкин Ахийи равшанрой,
Мезбонлиқ ишин келтурди бажой. *Сабъаи сайёр*, 10-156;
Ки чексун келиб мол ила пешкаш,
Бажо келтуруб қуллуғунг бандаваш. *Садди Искандарий*, 222-Т.

БАЖУЗ [بجزء] – бошқа, бўлак, ўзга:
Ҳар замон бу навъ ўлуб андешаси,
Йўқ бажуз андеша анинг пешасн. *Лисонут-тайр*, 95-Т;
Одилға бажуз хайр сори сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас. *Назмул-жавоҳир*, 15-168.

БАЗА [بزه] – айб, гуноҳ; қабоҳат:
Ҳар шика шуруъ этмаки бемаза база,
Ибодат анга ортуғ айлаб база, *Садди-Искандарий*, 282-Т;
Йўқса ёлғаи демакда ким базадур,
Чун узоқ чекти асру бемазадур. *Сабъаи сайёр*, 10-54;

~ **и дунё** – қабоҳат дунё:
Ким бўлса саид анинг ғамин уқбо бил,
Бўлғанға шакий ғамин базайи дунё бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-177.

БАЗЗАЙФ [بضيف] – зайиф, ожиз:
Заъф ҳолингға неча раҳм айлагаймен эй кўнгул,
Сен дағи раҳм эт ки мен ҳам баззайф аҳволмен. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

БАЗЗОЗ [بزّاز] – матофуруш, дўкончи:

Рахт ки баззоз териб ранг ранг,
Атласи афлок киби танг танг. *Ҳайратул-аброр*, 7-308;

Шайх Абу Бакри Тоҳир бир кун бир баззоз дўконидин ўтти ва баззознинг ўғли шайхнинг ошноси эрди, *Насойимул-муҳаббат*, 115-Т.

БАЗЗОЗЛИҒ [بزّازلیغ] – дўкончилик, баззозлик:

Илм-у амал била ороста эрди. Ани атоси аввал баззозлиғ хирфасиға топшурди то касб қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 330-Т;

Устод бу сўздин мутаассир бўлуб Қодиъни атоси қошиға элтиб деди ки бу ўғулни ўзга фойидалиғ ишка топшур ки анинг мартабаси андин бийикракдур ки баззозлиғқа бош индургай. *Насойимул-муҳаббат*, 330-Т.

БАЗЛ [بزل] – 1. инъом, эҳсон, ҳадия, бахшиш, сахо, туҳфа:

Очиб бахшиш-у базл абвобини,
Тузатти басе сур асбобини. *Садди Искандарий*, 117-Т;

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий... ҳиммат ва базл бобида таърифдин мустағний эрдилар. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;

2. сарф, харж; қўли очиқлик:

Топмай анинг махзаниға дастрас,
Базл ила исрофини айлар ҳавас. *Ҳайратул-аброр*, 7-169;

Мавлоно Фасиҳиддин... мунча пуркорлиғ ва рангинлик била ақл-у базли ҳам бор ким мунофий бу улумдур. *Мажолисун-нафоис*, 166-Т;

~ **-у жуд** – сахийлик:

Ўл ки амнийят вужудидиндурур,
Халқ шокир базл-у жудидиндурур. *Лисонут-тайр*, 273-Т;

~ **и мавжуд** – мавжуд туҳфа:

Ки фақр ичра нима ким еткурур суд,
Эрур нафйи вужуд-у базли мавжуд. *Фавойидул-кибар*, 716-Т;

~ **сахо** – инъом-эҳсон сахийлиги:

Мизожида базл-у сахо ғолиб ва табъида шафқат-у вафо муфрит. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т;

~ **и ғолиб** – латифа айтувчиликда ғолиб:

Анча базли ғолиб-у лутфи амим,
Анча лутфи муфрит-у хулқи карим. *Лисонут-тайр*, 216-Т;

~ **эт-/қил-** – инъом- эҳсон этмоқ, ҳадъя қилмоқ, бағишламоқ;

Ринди соҳибҳиммат анда чун етар,
Ул сурукни бир гадоға базл этар. *Лисонут-тайр*, 174-Т;

Санга ким эрур базл қилмаққа тавъ,
Муни англа ким ул эрур неча иавъ. *Садди Искандарий*, 366-Т;

Сахий улдур ки навъе базл қилғай,
Агар худ суфра ичра бўлса нони. *Ғаройибус-сиғар*, 524-Т.

БАЗЛА [بزله] – аския, латифа, ўткир сўз:

Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлаға юз минг дирам. *Ҳайратул-аброр*, 7-169.

БАЗЛАГЎ/БАЗЛАГЎЙ [بزله گو(ی)] – латифа, аския айтувчи; хуштаъб одам:

Зарофат ҳолатида базлагўлар,
Уторидқа қилиб ҳар дам ғулулар. *Фарҳод ва Ширин*, 125-Т;

Навоий агар бор эрур базлагўй,
Бадиъ элдин эрмас бадойи бадиъ. *Наводируш-шабоб*, 296-Т.

БАЗЛАСАНЖ [بزله سنج] – сўз устаси, маҳоратли шоир:
Ганжа аҳлиға базласанж эрди,
Даҳр вайронасида ганж эрди. *Сабъаи сайёр*, 10-36.

БАЗЛСОЗ [بزل ساز] – ҳадъя, инъом-эҳсон қилувчи, бағишловчи; саҳий:
Бўлмақ агар кўп эса ҳам базлсоз,
Бергали ор айламамак бўлса оз. *Ҳайратул-аброр*, 7-239.

БАЗМ [بزم] – зиёфат, базм; шодлик, хурсандчилик давраси:
Тузай базм мулкида шаҳона базм,
Ҳам ул базм сари қилай яна азм. *Садди Искандарий*, 74-Т;
~ **асбоби** – зиёфат анжомлари:
Билурлар эрди Бону расму ройин,
Ҳам ул дам топти базм асбоби ойин. *Фарҳод ва Ширин*, 322-Т;
Султон Бадиуззамон Мирзо... базм асбобидин ичмак ва бағишламақта бемонанд. *Мажолисун-нафоис*, 198-Т;
~ **аҳли** – 1. улфатлар, айшу ишрат қатнашчилари:
Икки журъадин ўйла мастон бўлуб,
Ки базм аҳлиға ҳарфи дастон бўлуб. *Садди Искандарий*, 231-Т;
2. давр аҳли, замондошлар:
Бу базм аҳлини бот йиқмақдин ўзга сокийи даврон,
Не қилди қасд бу нили қадаҳ даври шитобидин. *Ғаройибус-сиғар*, 356-Т;
~ **майдони** – айшу ишрат жойи:
Базм майдони аларға жилвагоҳ,
Зоҳир айлаб бидъати ҳардам табоҳ. *Лисонут-тайр*, 77-Т;
~ **эли** – базм аҳли:
Кайфиятдин эмас эл боши куйи ким қиладур,
Ҳуснингға базм элининг ишқи салом эй соқий. *Наводируш-шабоб*, 609-Т;
~ **и айш** – ўйин-кулги, айшу ишрат давраси:
Субҳға тегру юзидин равшан эрди базми айш,
Ўйла ким эл хотириға келмади асло қуёш. *Наводируш-шабоб*, 246-Т;
Ичмагум эй дайр пири жоми май ул муғбача,
Май тутарға базми айш ичра агар йўқтур бу кун. *Фавойидул-кибар*, 471-Т;
~ **и васл** – ёрга етиш, ёр билан суҳбат қуриш:
Гар муяссар бўлса базми васли лутф айлар эсанг,
Қўй мени наззораға кўпрақ анга тутқил қадаҳ. *Наводируш-шабоб*, 105-Т;
Бенаволиғда Навоий ўлсанг,
Базми васл ичра наво қилма ҳавас. *Наводируш-шабоб*, 237-Т;
~ **и висол** – ёрга етиш, ёр бнлан учрашув базми:
Не учун базми висол ичинда ичмай бода ким
Кўзи ву оғзи бу кун бодаму шаккардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;
Тун-у кун базми висолинг аро ўсруклар элидин,
Мени лабташнаи махмурға бир жом таманно. *Фавойидул-кибар*, 9-Т;
Йил тукангач қилғасен азми висол,
Мен муҳайё айлабан базми висол. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
~ **и дард** – ғамгин базм; дардни таратувчи базм:
Боғламас нақш ул ки бўлғай сендин ўзга ёр учун,
Базми дард ичра Навоий боғласа ҳижронда нақш. *Бадойиул-васат*, 195-Т;
~ **и дилпазир** – кўнгилга ёқадиган, дилни хурсанд қиладиган базм:
Туздилар шоҳона базми дилпазир,
Бода ичти ишқ аро бўлған асир. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

~ **и ишрат** – ўйин-кулги, кайфу сафо, хушчақчақлик базми:
Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг эй дўстлар,
Ким насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;
~ **и ишратанжом** – ишрат анжомлари шай базм:
Ҳам ул шоҳона базми ишратанжом
Тузулди ул сифат ким бурнағи шом. *Фарҳод ва Ширин*, 223-Т;
~ **и ишқ** – ошиқнинг маъшуқа ишқида маст-аласт бўлиб юриши:
Базми ишқинг бодасин кавсар дейин ё салсабил,
Жоми Жам ул жонфизо саҳбоға соғар бўлди тут. *Бадойиул-васат*, 53-Т;
~ **и меҳмон** – меҳмонлар учун базм:
Шаҳ қошиға келтурдилар ани,
Шаҳ дағи тузди базми меҳмони. *Сабъаи сайёр*, 10-173;
~ **и меҳросо** – ошиқ ва маъшуқа висоли:
Ердур шамъи шабистоним бу оқшом эй сипеҳр,
Ахтарингнинг дурларин бу базми меҳросоға соч. *Бадойиул-васат*, 78-Т;
~ **и мурод** – кўзланган марра, мақсад, орзу:
Базми муродимни сипеҳри баланд,
Қилмади бу туҳфа била аржманд, *Ҳайратул-аброр*, 7-64;
~ **и нишот** – шодиёна базм, хурсандчилик давраси:
Келди ву уйда тузди базми нишот,
Бода ичмакда айлади ифрот. *Сабъаи сайёр*, 10-263;
~ **и олийасос** – юксак даражали базм:
Ясаб бир ажаб базми олийасос,
Такаллуфда ақл анда топмай қиёс. *Садди Искандарий*, 357-Т;
~ **оройиш** – улфатчилик давраси:
Шаҳ қилиб тарки базми оройиш,
Уйқудин тўлуб ўлди осойиш. *Сабъаи сайёр*, 10-276;
~ **и сабуҳи** – саҳарги майхўрлик:
Бир дам аҳбоб била базми сабуҳи тузубан,
Чекингиз дамни ғанимат билибан бодаи ноб. *Фавойидул-кибар*, 45-Т;
~ **и салтанат** – шаҳона базм:
Хусрав элчиси Арман кишвариға еткани ва Меҳин Бону мунҳийлариға мудда осин зоҳир этиб Бону ани кўрарга базми салтанат қурғани... *Фарҳод ва Ширин*, 340-Т;
~ **и тараб** – шавқ-завқ, шодлик базми:
Қул ўлди сарв то гулдашт этарга,
Қаддинг базми тарабдин кўпти озод. *Ғаройибус-сиғар*, 119-Т;
~ **и фурузанда** – даврани ёритувчи; шодлик бахш этувчи:
Шамъ киби базми фурузанда ул,
Базми фурузанда ву сўзанда ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-51;
~ **и хусравойин** – хусровона базм:
Тузулди ўйла базми хусравойин,
Ки кўрмай ўйла чархи кажравойин. *Фарҳод ва Ширин*, 324-Т;
~ **и шавқ** – айшу ишрат орзуси, хурсандчилик ҳаваси:
Шоҳ базми шавқидин тортиб наво,
Ул саробўстон сари қилғил ҳаво. *Лисонут-тайр*, 49-Т;
~ **и шоҳи** – шоҳона базм; подшоҳ зиёфати:
Ул ўлди шаҳ бўлур хайл-у сипоҳи,
Анга тегру ки эрди базми шоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 323-Т;

~ **и шоҳона** – шоҳона базм:
Қачан ким тузуб базми шоҳона ҳам,
Ароға солиб кўзгуни яна ҳам. *Садди Искандарий*, 372-Т;
~ **и ғам** – ғам мажласи:
Бу базми ғам дардпарвард
Бу навъ чекар суруди пурдард. *Лайли ва Мажнун*, 318-Т;
~ **и ғамафрўз** – ғамни тарқатувчи базм:
Тулуъ айлаб чу меҳри оламафрўз,
Дебан кай партавинг базми ғамафрўз. *Фарҳод ва Ширин*, 388-Т;
~ **и ғариб** – ажойиб, ғаройиб базм:
Дайр эшикинда зди базми ғариб,
Риндлар барчаси масти майи ноб. Фавойидул-кибар, 656-Т;
~ **и ғусса** – ғам-ғуссани тарқатувчи базм:
Бу базми ғусса ичра бодапаймой,
Бўлур ҳар лаҳза мундақ мажлисорой. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т;
~ **и ҳиммат** – сахийлик, ҳиммат базми:
Не учун ким рўза ябсидин димоғ айларга ратб,
Айлабан майли сабуҳи тузса базми ҳимматин. *Бадойиул-васат*, 486-Т;
~ **туз-** – 1. мажлис, анжуман курмоқ:
Ким олим эса нуқтада барҳақ де ани,
Гар базм тузар биҳишти мутлақ де ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-173;
2. рўй бермоқ, эгалламоқ, содир бўлмоқ:
Фироқ-у дард қачан тузса базм кулбам аро,
Берур кўзум майи лаъл-у кабоблиғ кўнглум. *Наводируш-шабоб*, 413-Т.

БАЗМАФРЎЗ [بزم افروز] – базм аҳлини шод қилувчи:
Жобири роҳзан бўлуб фируз,
Тун-у кун боғи ичра базмафрўз. *Сабъаи сайёр*, 10-298;
Дилсўз абётим муножот аҳлиға ошуб ва ғавғо солди ва базмафрўз ғазалиётим хароботийларға оҳ-у вовайло солди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т.

БАЗМГОҲ/БАЗМГАҲ [بزم گه / بزم گاه] – базм жойи, айш мажлиси; айш маҳали:
Салотин даргоҳидин йироқ ва хавоқин базмгоҳидин кирак, балки теграсига ёвумаған яхширак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96;
Нашъа етмас бода гулгун базмгаҳ гулзор эса,
Гар кўнгул ичра биравнинг хорхори бор эса. *Фавойидул-кибар*, 515-Т;
Дединг бўлсам санга меҳмон не ерни базмгаҳ қилғунг,
Гадойи хастаға манзил бузуғ кошонае бўлғай. *Ғаройибус-сиғар*, 490-Т;
~ **и хусравона** – шоҳона базм:
Ани истарга эл қилсак равона,
Тузатсак базмгоҳи хусравона. *Фарҳод ва Ширин*, 322-Т.

БАЗМОРО/БАЗМОРОЙ [بزم ارا(ی)] – мажлис, базмни безатувчи, файз берувчи:
Бағирдин итларига туъма қон ёшимни май қилдим,
Жунун базми аро ул хайл базмороси бўлмишмен. *Бадойиул-васат*, 364-Т;
Мезбон яна бўлди базморой,
Деди ўн ҳур ўлуб нишотафзой. *Сабъаи сайёр*, 10-250.

БАЗМОРОЛИҚ [بزم ارالیق] – базмни безашлик, базм зийнати бўлиш:
Эй Навоий каридинг гўша тутуб тоат қил,
Бўлмайин хор десанг айлама базмороликқ. *Наводируш-шабоб*, 315-Т;
Ишим ишратқа базмороликқ эрди,
Фароғат бирла бепарволиқ эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 182-Т.

БАЗМСОЗЛИҒ [بزم سازلیغ] – базмсозлик, базм яратувчилик:

Сарафрозлиғ тожининг гавҳари зебандаси базмсозлиғ сипеҳрининг ахтари фархундаси... Абулғози Султон Баҳодирхон... *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т.

БАИД [بعید] – узоқ, йироқ:

Замонаи рангомез гуногунлуғидин муддати мадид ва аҳди баид ҳар навъ шиқ ва суратда иқдом урдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9;

Сиз тушуб ул шоҳдин беҳад баид,
Ул яқинроқ сизга мин ҳаблил-варид. *Лисонут-тайр*, 38-Т;

~ **ул- фаҳм** – тушунилиши қийин, англанилиши мушкул:

Розим ер созинг лисонидин баидул-фаҳм эса,
Анга руҳафзо унингни дағи ҳамроз айласанг. *Наводируш-шабоб*, 360-Т.

БАЙДАҚ [بیدق] – пиёда; шахмат пиёдаси:

Олиб қўйса байдақни шоҳ ёнида,
Яна пил қўйса рух айвонида. *Садди Искандарий*, 260-Т;

Агарчи арса холи қолса мутлақ,
Тутармы анда шоҳ ўрнини байдақ. *Фарҳод ва Ширин*, 81-Т.

БАЙЗА I [بیضه] – тухум:

Товус жуфт бўлмай байза қўяр, баъзи қошида будур ким мастлиқ вақтида эркакининг кўзидан бир қатра сув модасининг кўзига томиб ул тухум моддаси бўлур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-25;

Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиғи таърифида ким жаноҳининг сояси ...ва азим жуссалиғи васфида ким байзанинг симин байзасин жаноҳи остиға яшурур. *Садди Искандарий*, 122-Т;

Деди биз ўрдак байзаси эрдук дарё қироғида ва шайх қуше эрди ки қаноти остида бизни парвариш бериб тарбият қилди то ул байзадин чиқтук.

Насойимул-муҳаббат, 268-Т.

БАЙЗА II [بیضه] – ўлчов атамаси, олтин доналари, миқдори:

Қилиб эрди минг байза ҳар йил қабул,
Зари мағрибидин топарға вусул. *Садди Искандарий*, 157-Т;

Минг байза олтун ким ҳар бири вазнға қирқ мисқол бўлғай.

Тарихи мулуки ажам, 16-214;

~ **и зар** – олтин доналари:

Хирож ул нима ким муқаррар эмиш,
Ҳамоно ки минг байзаи зар эмиш. *Садди Искандарий*, 154-Т.

БАЙЗАВОР [بیضه وار] – тухумдай, уруғлик:

Қилиб наргис ўз ғунчасин байзавор,
Ки кўзинда эрди рамаддин ғубор. *Садди Искандарий*, 358-Т.

БАЙЗО [بیضاء] – 1. оқ; равшан; пок, соф; **йади байзо** – Мусо пайғамбарнинг қўли:

Кўргузуб анда чун йади байзо
Қўюбан пушти даст юз Мусо. *Сабъаи сайёр*, 10-19;

2. қуёш:

Субҳи дам ким сипеҳри миноғун,
Ерни байзодин этти байзогун. *Сабъаи сайёр*, 10-207;

Қадам қуёш уза қўйдунг уруж шоми не тонг,
Касрингни гар йади байзоға қилсалар таржиҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 101-Т;

3. Эрондаги шаҳар номи:

Байзо шаҳри ким басе акобир ва ашроф андиндурлар.

Тарихи мулуки ажам, 16-211.

БАЙЗОГУН [بيضاگون] – окиш; ялтироқ; куёшсимон:

Ё туман минг чароғи байзогун
Ҳайъати табъ ичинда гуногун. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

БАЙИР [بير] – тепалик, баландлик; довон:

Ўлум хавфидин барча бутраштилар,
Қочиб ҳар бири бир байир оштилар. *Садди Искандарий*, 310-Т;

Ва бийикка чиқиб бир кўкради ул теградаки сибоъ бўри ва тулку ва шағал йўсунлуғ жонварлар жам бўлдилар ва арслон тевани алар илайига қўйуб ўзи бийик байирға чиқиб ўлтурди. *Насойимул-муҳаббат*, 200-Т.

БАЙЙИНОТ [بيّنات] – далиллар, ҳужжатлар; ҳукми аниқ оятлар:

Эй Мусо неча бу қавм бизинг возиҳа оёт ва лойиҳа байинотимизни кўруб тамарруд ва исён килғайлар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-144.

БАЙНА [بين] – ора, оралиқ:

Эй юзунг устида кўз андақ ки ораз узра айн,
Нун била икки қошинг ичра тафовут байна байн. *Фавойидул-кибар*, 433-Т;

~ **байн** – ора-сира, гоҳ-гоҳ:

Ва гар қувватин англаса байна байн,
Арода падид этмаса шўру шайн. *Садди Искандарий*, 173-Т.

БАЙНАЛ-АҚТОБ [بين الاقطاب] – кутублар ораси; қавмнинг етакчи гуруҳи ораси:

Аммо ободи тариқат касби собҳибус-сирра байнал-актоб тақийуд-дин Алийи Дўстий дунёдин ўтубтур. *Насоийимул-муҳаббат*, 287-Т.

БАЙНАЛ-ИШОАЙН [بين العشاعين] – кечки, оқшом била етиш ораси:

Яна бирав нақл қилибдур ки рамазон ойи байнал-ишоайн бозорға бардум то аҳлим учун нима сотқун олғаймен. *Насойимул-муҳаббат*, 380-Т.

БАЙНАЛ-МАНЗИЛАЙН [بين المنزلين] – икки манзил ораси:

Худоё сенинг қошингда агар менинг қадрим бўлса ўлумум байнал-манзилайнда керак бўлса эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 66-Т.

БАЙРАМ [بيرم] – тўй; тантана, байрам, шодлик куни:

Мавлоно Муин Воиз... шаҳр масжнди жомеъда жумъа куни ва ийдгоҳда икки байрам куни ваъз ул айтур. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т;

~ **бўл-** – байрам бўлмоқ:

Эл янги ой кўрди ву мен кўрмадим қошинг ҳамин,
Элга байрам бўлди аммо бизга байрам бўлмади. *Наводируш-шабоб*, 615-Т.

БАЙРАМЛИҒ [بيرم ليغ] – байрамлик:

Нотавон жисмимға байрамлиғ била бер сиҳҳати,
Ким кўнгул уммидвор-у мунтазирдур жон санга. *Наводируш-шабоб*, 17-Т.

БАЙРАМЧА [بيرم چه] – байрамдек, байрам каби:

...ва подшоҳ эшигида аркони давлатдин олийшон беклар ва олиймакон ичкилар ва судур ва сойир халойиқға Паҳлавоннинг суҳбати Наврўз ва байрамча бор эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 15-113.

БАЙТ I [بيت] – уй, манзил:

...чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмиш ва ани аруз дерлар эрмиш. Ул водийда араб уйларин тикиб жилва бериб баҳоға кивурурлар эрмиш ва уйни араб байт дер. *Мезонул-авзон*, 13-Т;

~ **и вайрона** – вайрона, хароба уй:

Юз фалак жо топса рифъат байти вайроним не тонг,
Юз қуёш чун ким бу вайронимни маскан айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т;

~ **и маъмур** – ободон уй; Каъба:
Уй ичра кўрдилар бир пораи нур,
Бўлуб уй партавидин байти маъмур. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т.

БАЙТ II [بيت] – 1. икки мисра шеър:
Мавлоно Сойилий... ҳар кун беш юз байт осонлиғ била битир.
Мажолисун-нафоис, 182-Т;
Туюғ дур ким икки байтқа муқаррардур. *Мезонул-авзон*, 58-Т;
Анга ҳар байт бир ғамхона эрди,
Бори Фарҳоддин афсона эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т;
2. шеър, ғазал:
Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур машойих ким ани арузворий дерлар ва анинг байти кўпрак ҳазажи мусаммани солимда боғланур. *Мезонул-авзон*, 60-Т;
Хома рафторин неча сурсам неча,
Қирқ эллик байт ҳар ярим кеча. *Лисонут-тайр*, 269-Т.

БАЙТУЛ-АҲЗОН [بيت الاحزان] – ғамлар уйи, кулфатлар маскани, ғамхона, алам кулбаси:
Ўтуб йиллар ул ой бир кун ки кулбам сари йўл озғай,
Ёман толиъдин ул кун бўлмағай мен байтул-аҳзонда. *Ғаройибус-сиғар*, 404-Т;
Ҳажр барқидин шабистониға ўт тушганининг ифшосида ва учкунидин байтул-аҳзони куйганининг адосида ажаб ўтлуғ матлаъ тушубдур.
Мажолисун-нафоис, 207-Т.

БАЙТУЛ-ИНТИЗОМ [بيت الانتزام] – тартиб, интизом уйи:
Уторид фалак девонхонасининг қаламзан ва роқимидур ва сипеҳр байтул-интизоминининг рақамкаш-у нозими. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т.

БАЙТУЛ-ЛАТАФ [بيت اللطف] – фоҳишахона:
Бу бирига куйи фақр эрди тараф,
Бўлди ул бир озими байтул-латаф. *Лисонут-тайр*, 72-Т;
Шаробхона байтул-латаф қиморхона буларға ўхшар номашруъ умурни куллий манъ қилилса. *Муншаот*, 14-188.

БАЙТУЛЛОҲ [بيت الله] – Тангри уйи; Каъба зиёратгоҳ:
Не ҳожат шарҳ қилмақлиқ тафовут,
Ки байтуллоҳдиндур фарқи собут. *Маҳбубул-қулуб*, 14-111;
Бир баҳор айёми азм айлаб сафар,
Ўзга байтуллоҳни айлаб мақар. *Лисонут-тайр*, 178-Т.

БАЙТУЛ-МАЪМУР [بيت المعمور] – обод уй (диний ривоятга кўра еттинчи қат кўкдаги бир кўшк):
Манга дайр ўлди шу байтул-маъмур,
Дайр пириға бўлубмен маъмур. *Фавойидул-кибар*, 655-Т.

БАЙТУЛ-МАҒФИРАТ [بيت المغفرت] – мағфират уйи, зиёратгоҳ:
...ва бу бандани султоний иморатнинг байтул-мағфиратининг сойир жорубкашларидин биринниг ўрниға масуб ва сарафроз этилгай. *Ғаройибус-сиғар*, 3-21.

БАЙТУЛ-МОЛ [بيت المال] – хазина; бойлик:
Шаҳ деди кема-у не ким иҳмол,
Барчаси бўлди жамъ байтул-мол. *Сабъаи сайёр*, 10-330;
Баъзи дедилар ким бу нима байтул-мол дохилидур подшоҳқа тааллуқ тутар.
Тарихи мулуки ажам, 16-242;
Кўз учидин боқмай ул амволға,
Барчани жамъ этти байтул-молга. *Лисонут-тайр*, 29-Т.

БАЙТУЛ-НИШОТ [بيت النشأت] – шодлик, хурсандчилик уйи:

Хонақохда тақво ибрикиға май солдим ниҳон,
Айладим байтул-нишот уй ким эди байтул-ҳазан. *Наводируш-шабоб*, 445-Т.

БАЙТУЛ-ҲАЗАН [بيت الحزن] – ғам, қайғу уйи, ғамхона, кулфат маскани:

Қаҳҳорлиғи сарсари учурурға собит ва сайёр настараннинг сочилған яфроғлари жабборлиғи куюни совурурга даҳри ғаддор байтул-ҳазаннинг тўкулган туфроғлари. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7;

Чоклик кўксум эшикдур жисм уйи байтул-ҳазан,
Ул эшикнинг ҳалқасидур наълу гул мунжи туган. *Наводируш-шабоб*, 501-Т.

БАЙТУЛ-ҲАРОМ [بيت الحرام] – Маккадаги Каъба зиёратгоҳи:

Нишиман айлади кўнглум куши кўйунгда қайд этма,
Кабутарға киши қасд этмади байтул-ҳаром ичра. *Фавойидул-кибар*, 550-Т.

БАЙТУТАТ [بيتوتت] – тунаш; ~ **қил-** – тунамоқ, кечани ўтказмоқ:

Мадраса маволиси мадрасада байтутат қилғайлар. *Вақфия*, 14-269.

БАЙТУШ-ШАРАФ [بيت الشرف] – шарафли уй, юксак мақомли уй:

Умр қуёшиға чу бўлди маҳал,
Чиккуси байтуш-шарафидин ҳамал. *Ҳайратул-аброр*, 7-285.

БАЙЪ [بيع] – савдо, сотув; қиймат, нарх:

Бўлдилар нақдсанж байъим учун,
Тўктилар молу ганж байъим учун. *Сабъаи сайёр*, 10-351;

Бешинчи ҳаждурур ва ул байъ узри муяссар бўлмайин ҳамоно ки ислом шахси бир кишига ўхшар ким анда хос хамсадин тўрти бор-у бас. *Вақфия*, 14-261;

~ **у широ** – савдо-сотик:

Мавлонойи мазкурнинг кутуб байъу широсиға ҳам муносабати, ҳам ҳазрати Хожаға авлодлиғ нисбати бор. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-15;

Чу байъ-у широ топмайин интиҳо,
Бериб Зол ҳам санги олтун баҳо. *Садди Искандарий*, 344-Т;

~ **эт-/қил-** – сотиб олмоқ, савдолашмоқ; мубадала қилмоқ:

Жон бериб васлингни байъ этканни ёздим кўнглума,
Дарду ишқ икки гувоҳим чоклик кўнглум чаким. *Бадойиул-васат*, 308-Т;

Майл қилди бурун Хито хони,
Байъ қилмақ бериб баҳо ани. *Сабъаи сайёр*, 10-86;

...Паҳлавоннинг такйасига бориб суҳбат байъи қилғайлар эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 112-Т.

БАЙЪАТ [بيعت] – аҳду-паймон; келишув:

Чун анга кўп эрди баридин билик,
Байъатиға бердилар барча илик. *Лисонут-тайр*, 129-Т;

~ **қил-** – аҳдлашмоқ:

Бир бири байъат қилдилар ким нима емагайлар то ҳиллияти аларға собит бўлмағай. *Насойимул-муҳаббат*, 27-Т;

Фалак чун зоҳир этти бўйла санъат,
Қилиб Шеруя бирла барча байъат. *Фарҳод ва Ширин*, 473-Т.

БАЙЪОНА [بيعانه] – баҳо, киймат, бай пули:

Куёшни Юсуфум саъйиға бермак бар эса мумкин,
Дегаймен тангаи байъонадур эрмас баҳосидин. *Ғаройибус-сиғар*, 385-Т;

Керак куёш дирами танга бўлса байъона,
Чу Юсуфимни ики даҳрға баҳо қилсам. *Ғаройибу-сиғар*, 339-Т.

БАКАЙ [بکی] – улуғ мартабали:

Эй Навоий гўнгу лол истар эсам тонг йўқ сени
То бакай озурдаи фарёду афғонинг бўлай. *Ғаройибус-сиғар*, 487-Т.

БАКАВУЛ [بکاوول] – баковул, бош ошпаз:

...салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун муътабардур, андақ ки... ясовул ва бакавул... *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т;

Малик Раён сувчиси бирла бакавули анга заҳр берур таваққумидин ёзғуруб зиндонға йибарди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-124;

Хизмат аро бор эди бир кул анга
Пояи хизматда бакавул анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-343.

БАКОР [بکار] – ярокли, фойдали:

Анга рости расти келгай бакор,
Қачан рост бўлмай бўлур ростгор. *Садди Искандарий*, 118-Т.

БАКТАР [بکتر] – зирҳ, совут:

Солиб танға сўз жавшан-у бактарин,
Қойуб бош уза пок назм афсарин. *Садди Искандарий*, 74-Т;

Чиқса уруш бактар-у хафтонидин,
Кийса тараб хулла ву каттонидин. *Ҳайратул-аброр*, 7-70.

БАКУЛЛИЙ [بکلی] – батамом, бутунлай; ҳаммаси:

Даҳоналар тарафидин хотир бакуллий жамъ бўлса... *Муншаот*, 14-190;

Бакуллий рафъ ўлуб ранж-у малоли,
Симоъ айлаб суруд айтиб висоли. *Фарҳод ва Ширин*, 481-Т.

БАЛ [بل] – 1. балки:

...биёбони суубатин бал вусъатин ким хаёл тойири йиллар қанот уруб анинг поёниға етмак хаёлдурур. *Муншаот*, 14-143;

2. эҳтимол:

Эмас кўксумда эски доғлар бал суқбалардур ким
Сувабмен то хаёлинг чиқмағай кўксум харобидин. *Ғаройибус-сиғар*, 355-Т;

Ишқ аро тиш бағрима урсам ичармен қон дағи,
Бал чекармен ҳажр ўқидин беркиган пайкон даги. *Фавойидул-кибар*, 592-Т;

3. ҳатто, ҳаттоки:

Сизга анда не вужуду не адам,
Бал вужудингиз адамдин дағи кам. *Лисонут-тайр*, 1241-Т;

4. аксинча:

Йўқса йўл бир кун икки кунлук эмас,
Бал киши поёниға еттук демас. *Лисонут-тайр*, 133-Т.

БАЛАНД [بلند] – 1. юқори, буюк:

Мадрасалар ҳар бириси аржманд
Пояда кўк мадрасасидек баланд. *Ҳайратул-аброр*, 7-310;

Чу бердинг анга рутба мундақ баланд,
Қилиб кўнглини севмагинг аржманд. *Садди Искандарий*, 53-Т;

2. устун, афзал:

Бил яна бир мартаба мундин баланд
Ким анга йўл топмақ эрур аржманд. *Ҳайратул-аброр*, 7-241;

3. мўътабар:

Камол ичра сендин кўпи аржманд,
Яна қобилийятда дағи баланд. *Садди Искандарий*, 307-Т;

~ **у паст** – яхши-ёмон:
Ёнди Шайх-у ринди болодаст ҳам,
Ул гуруҳ ичра баланд-у паст ҳам. *Лисонут-тайр*, 124-125-Т;
~ **ўл-** – юксак бўлмоқ; донг таратмоқ:
Берай ким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд. *Садди Искандарий*, 122-Т;
~ **айла-/эт-** – юқори кўтармоқ, кучайтирмоқ:
Сени кишварингда қилай аржуманд,
Бериб шоҳлиғ поянг айлай баланд. *Садди Искандарий*, 127-Т;
Бўл оҳимдин фалакка етсанг охир ишқи Мажнун ким,
Бу ел имдод ила ул шуълани андақ баланд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т;
~ **-у паст сўзлар айт-** – яхши-ёмон сўзламоқ, бўлар-бўлмас гапирмоқ:
Мавлоно Муин Воиз... ўзин «муини девона» била таъбир
қилур ва кўп баланд-у паст сўзлар айтур. *Мажолисун-нафоис*, 39-Т;
~ **ур-** – маҳкам киришмоқ; товуш чиқариб айтмоқ:
Мол-у мулк-у ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмақ баланд. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
~ **туш-** – юксак бўлмоқ:
Чун қобилийяти баланд тушкан эркандур. *Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад*, 103-Т;
~ **торт-** – юқори, қаттиқ (овоз) чиқармоқ, кўтармоқ:
Қаҳқаҳа эрмас ки тортарсен баланд,
Ким эрур ўз мотамингға заҳрханд. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
~ **чиқ-** – донг чиқармоқ, шуҳрат таратмоқ:
Қасри каломи чиқиб андақ баланд,
Ким анга гардун сола олмай каманд. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-49.

БАЛАНДАХТАРЛИҚ [بلند اخترلیق] –толеи баландлик, бахтлилик:
...ва Суҳайло партави илтифотин алар аҳволиға солиб Жомосб аҳ коми била Фарҳоднинг баландахтарлиқ муждасин бериб Суқрат ғориғача манзил ба манзил раҳнамойлиқ қилиб... *Фарҳод ва Ширин*, 196-Т.

БАЛАНДИДРОК [بلند ادراک] – юқори онгли, зеҳнли, ўткир идрокли:
Андақ маълум бўлур ки турк сартдин тезфаҳмроқ ва баландидрокрак ва хилқати софроқ ва покрак махлуқ бўлубтур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

БАЛАНДЛИҚ [بلندلیق] – баландлик:
Пастликдин баландлиқ топқай,
Зўрдин баҳрамандлиқ топқай, *Сабъаи сайёр*, 10-41.

БАЛАНДМАҚОМ [بلند مقام] – юксак даража, олий мақом:
Дедилар Хусрави баландмақом,
Етти иқлим шоҳидур Баҳром. Сабъаи сайёр, 10-391.

БАЛАНДОВОЗА [بلند آوازه] – донг, шуҳрат таратиш:
Баҳор андақ ки булбул гулъузори тоза истармен,
Ким ул гулбанг ила ўзни баландовоза истармен. *Фавойидул-кибар*, 480-Т;
~ **кил-** – шуҳрат, донг таратмоқ, таърифини ёймоқ:
Юзум лутфунг суйидин тоза қилғил,
Сўзум кўсин баландовоза қилғил. *Фарҳод ва Ширин*, 86-Т.

БАЛАНДПАРВОЗ [بلندپرواز] – 1. баландпарвоз, юксак:
Олийҳиммат шоҳбозедур баландпарвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юртачи боз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-50;

Ва сизинг руҳонийятингиз куши башарийят байзасидин чиқти. Аммо сизинг ҳимматингиз шаҳбози баландпарвоз тушубтур. *Насойимул-муҳаббат*, 236-Т;

2. олий даражали, улуғ мартабали:
Ишқ-у муҳаббат ҳавосининг ҳумойи баландпарвози Хожа Ҳофизи Шерозий... каломи таврида тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 217-Т.

БАЛАНДПАРВОЗЛИҚ/БАЛАНДПАРВОЗЛИҒ [بلندپروازلیق / بلندپروازلیغ] –

1. юксак даража, олий мартаба; олий жаноб, олий ҳиммат:
... ҳайф ва юз минг дариғ ким ул қуёшлар уёқиб бир неча тира рўзгор хуффошлар пару бол очиб иазарбозлиқ ва баландпарвозлиқ ҳавосида жилва қилурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-29;
2. камолат, балогат, етуклик:
Ва ул сипеҳр хавосида [туркий тилда] хаёл куши баланд- парвозлиғлар кўргузди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;
3. шуҳрат тутмоқлик, донг таратмоқлик; юксак мартаба ва даражалик:
Ул рисолат Қофининг Анқосининг баландпарвозлиғи ва маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб куш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи. *Лисонут-тайр*, 23-Т.

БАЛАНДПОЯ [بلندپایه] – олий маком, юқори мартаба, мансаб:
Гадойи камсармояи баландпоя ҳикояти ким шоҳи баландпоя камсармояға насиҳатда сўз юзин ирик қилди. *Садди Искандарий*, 508-Т;
...ва жаҳонбонлиқ тахтин ўз нақди била баландпоя этарнинг муддаоси... *Фарҳод ва Ширин*, 172-Т.

БАЛАНДСАРИР [بلند سریر] – юксак тахт:
Асл-у пуддингни айлагил тақрир,
Деди рови ки эй баландсарир.
Шаҳрисабз аҳли зодасидин мен,
Саъднинг хонаводасидин мен. *Сабъаи сайёр*, 10-236.

БАЛАНДСОЯ [بلند سایه] – баландсоя, улуғ мартабали, юксак даражали:
Ул дурри гаронмояни Тангри таоло Мирзо била Бегим учун поянда тутсун ва ул ахтари баландсояни Ҳак субҳонаҳу ва таоло Мирзом била хоним учун тобанда асрасун. *Муншаот*, 14-199.

БАЛАНДҚАД [بلند قد] – баланд бўйлик, новча, баландқад:
Ва ул баландқад-у бисёр жамил эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 223-Т.

БАЛБАЛА [بلبله] – май кўзачаси, май идиши:
Қўй гул-у булбулни гулгун май тўла тут балбала,
То ўқуй булбул маколотин очиб гул дафтарин. *Ғаройибус-сиғар*, 382-Т.

БАЛДА [بلده] – шаҳар; ~ **и фохира** – фахрли, кўркам шаҳар:
... Ҳирот дорус-салтанасининг равзаи эрам зийнатлиқ ва байтул-ҳарам манзалатлиқ балдаи фохирасининг шимол ҳаддида... *Вақфия*, 14-256.

БАЛЕ [بلی] – 1. ҳа, туғри, шундай:
Кўҳ ғам бўлди Навоий лолалар гулгун сиришк,
Тоғалар будур бале ашк ўлғусидур лолалар. *Ғаройибус-сиғар*, 139-Т;
Шайх муридиға деди ким ҳоло худ наълайнинг широки бутундур ва узулмайдур. (Мурид) деди, бале. *Маҳбубул-қулуб*, 14-53;

2. албатта:
Куруди чеккали қондин кўзум никоб қизил,
Бале ёғинсиз ўлур чун бўлур саҳоб қизил. *Наводируш-шабоб*, 375-Т.

БАЛИЙЯ [بلیه] – бало, офат, бахтсизлик; гирифторлик:
Бўлмай бу балийя бирла хурсанд,
Зиндонға солиб ҳам айлагай банд. *Лайли ва Мажнун*, 166-Т.

БАЛИЙЯТ [بلیّت / بلییت] – бало, ранж, озор, машаққат, қийинчилик, азоб, қайғу, мусибат:

Бу балийёт жисмини нол айлабан,
Ноласи жонини бадҳол айлабан. *Лисонут-тайр*, 138-Т;

Бу даштқа қилмайин гузар ҳеч,
Топмай бу балийятдин хабар ҳеч. *Лайли ва Мажнун*, 87-Т;

~ **и зарур** – лозим, вожиб машаққат, ранж:
Ки муҳлик йўл муруридин нечуксиз,
Балийяти заруридин нечуксиз? *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;

~ **аҳли** – бало ва офатларга мубтало кишилар:
Балийят аҳлини озод айламиш гардун,
Недин ки барча балоси бўлур манга ҳодис. *Наводируш-шабоб*, 90-Т;

~ **дашти** – ғам, бало, офат саҳроси:
Не андуҳ-у малолимға балийят даштидек ғоят,
Не савдо ву жунунумға маломат бахридек поён. *Наводируш-шабоб*, 490-Т;

~ **новаки** – жафо тиғи; маҳбуба кипригн:
Эй балийят новаки ул фитна кўздин айрилиб,
Ким ҳавойисен келибсен дағи ўлтур ёнима. *Наводируш-шабоб*, 566-Т;

~ **тиғи** – бало, хавфу-хатар тиги:
Аввалида ишқнинг бас зор эди,
Юз балийят тиғидин афкор эди. *Лисонут-тайр*, 138-Т;

~ **тори** – ғам, алам, азоб, машаққат, қайғу, мусибат тори:
Кўрди ул мабҳут хайли хастани,
Юз балийят ториға вобастани. *Лисонут-тайр*, 239-Т;

~ **тоши** – гам, офат, ранжу озор тошлари:
Балийят тоши ёғдурған киби вайронима гардун,
Мазаллат гарди ҳар дам ёгдурур бошимга вайроним. *Бадойиул-васат*, 304-Т;

~ **тоғи** – гам, алам, азоб, машаққат, қайғу, мусибат тоғи:
Тоши андуҳи балийят тоғидин,
Кирпичи дард-у бало туфрағидин. *Лисонут-тайр*, 95-Т;

~ **шоҳиди** – маҳбуба, гўзал:
Балийят шоҳиди гулгуна қилса бас муносибдур,
Мамуғлар ким яра огзида гулгун бўлди қонимдин. *Ғаройибус-сиғар*, 378-Т;

~ **ўқи** – ғам, андуҳ ўқи:
Ҳар балийят ўқи ким чархи муқаввасдин келур,
Гўйиё менмен ки олам аҳлидин қапудамен. *Наводируш-шабоб*, 472-Т;

~ **кайди**– қийинчилик кишани; ғамхона:
Ғам ки андин бўлса билгил шодлиғ,
Ҳар балийят қайдидин озодлиғ. *Лисонут-тайр*, 182-Т;

~ **чек-** – ғам, аламда қолмоқ, азоб, қайғу, мусибат тортмоқ:
Биз бу йўлға анда ким азм айладук,
Юз балийят чекмакин жазм айладук. *Лисонут-тайр*, 242-Т.

БАЛИНОС [بلیناس] – Балинос (қадимги юнон мутафаккири):

Аристо била йўқ Балинос эди,
Ки бу Ҳизр эди ул бир Илёс эди. *Садди Искандарий*, 134-Т;

~ **и доно** – доно Балинос:
Равон тутти айтиб сано бир кўлин,
Балиноси доно яна бир қўлин. *Садди Искандарий*, 134-Т.

БАЛИҒ [بليغ] – чечан, балоғатли; комил, фасеҳ:

Ва баъзи кишининг балиғ маънилиқ алфозини маълум қилмас...

Назмул-жавоҳир, 15-126;

...нотиқа тили лолдур ва тил нутқи шикастамақол. Ул мазмунда бу матлаъ бағоят балиғ вокиъ бўлубтур. Мажолисун-нафоис, 203-Т;

Анча ғариб маони ву дилпазир алфоз адо қилди ким Султон беихтиёр мурид бўлуб ул беадаблиғ юзидин хабосат қилған кишиға балиғ адаб буюрди.

Насойимул-муҳаббат, 332-Т.

БАЛИҒ/БАЛИҚ [باليغ / باليق] – балиқ:

Гуҳар ютқан балиғ янглиғ дам урмас нотавон кўнглум. *Ғаройибус-сиғар*, 323-Т;

Сайёднинг балиққа шаст солмағи нафс муддаоси учундир ва балиқнпнг ҳам кармакка гирифтор бўлмағи жуъ балоси учун. *Маҳбубул-қулуб*, 14-142;

Фироқида бу кунлук тонглалиқмен,
Ғамидин ўйла ким сусиз балиқмен. *Фарҳод ва Ширин*, 467-Т;

Дарёйи шавқидин мени манъ этма эй хирад,
Ким ўлгум ўйла ким тушар айру судин балиғ. *Фавойидул-кибар*, 293-Т.

БАЛИҒЧИ [باليغ چى] – баликчи:

Ва Сулаймон а.с. рўзи жиҳатидин дарё қирағинда балиғчиларға муздурлуқ қулур эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-167.

БАЛКИ [بلكه] – 1. аммо, лекин:

Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур,
Вах дема қон томадур балки чучук жон томадур. *Ғаройибус-сиғар*, 149-Т;

2. аниқроғи, тўғрироғи:

Ҳазрати махдум олам афозилининг ҳаками балки ҳокимидур.

Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-18;

3. аксинча:

Ҳажр аро жисминг киби бўлмас манга кам иштиёқ,
Балки ҳуснунгдек фузунракдур дамодам иштиёқ. *Наводируш-шабоб*, 317-Т;

4. эҳтимол:

Кечрак очмақ буркаъ эрмас эл ўлар деб раҳм учун,
Балки айларсен улус кўпрак йиғилсун деб ҳийал. *Ғаройибус-сиғар*, 297-Т;

Ул шўх анча жаврда кўргузди иҳтимом,
Ким от чиқарди балки анга ушбу эрди ком. *Наводируш-шабоб*, 700-Т;

5. ёки:

Агар юздин балки мингдин бири бу [турк] тилни ўрганиб сўз айтса ҳам ҳар киши эшитса билур ва анинг сарт эканини фаҳм қилур.

Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т.

БАЛКИМ [بلكيم] – 1. аммо, лекин, бирок:

Ҳусн-у лутфи жон аро ер туткудек,
Бир оёқ сув бирла балким ютқудек. *Лисонут-тайр*, 98-Т;

2. ҳатто:

бу арзадошт Мирзо буйруғи била эрмас, балким вукуфлари ҳам йўқдур.

Муншаот, 14-186;

Кўнгулни айлагандек захм ғамзанг,
Бичақ балким қилич ҳам яра қилмас. *Наводируш-шабоб*, 241-Т;

3. аниқроғи, тўғрироғи:

Эмастур каср балким қосиредур,
Ким таксир айламас айларда бедод. *Наводируш-шабоб*, 657-Т;

4. аксинча:
Юзин май гулгул эткандин харош эрмас унум балким
Кўнгулда хор хори нолам андомин фигор этмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 203-Т;
Ёгдурур ҳар дам мени ул қотил ўлтургум дебан,
Ултурур ҳар дам мени балким анинг ёзғурмағи. *Наводируш-шабоб*, 602-Т.

БАЛО [بلی] – 1. офат, мусибат; фалокат; бахтсизлик:
Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлған бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлған бало. *Ғаройибус-сиғар*, 49-Т;
Бошлариға келса минг турлик бало,
Хар балода бўлса юз минг ибтнло. *Лисонут-тайр*, 55-Т;
2. ажойиб, моҳир:
Не навъ зуҳд ила тақвини асройин маҳфуз,
Ки учрадим қариликда бало йигитларга. *Наводируш-шабоб*, 28-Т;
3. маъшука, севикли ёр, маҳбуба:
Ул балоға ўрганибмен ўйла ким жоним чиқар,
Кўрмасам бошимда бир соат мени шайдо бало. *Бадойиул-васат*, 22-Т;
4. даҳшат, мисдсиз (от):
Дегил қулла узра балойи миниб,
Ваё тоғ уза аждаҳойи миниб. *Садди Искандарий*, 407-Т;
~ **асири** – офатга, кулфатга дучорлик, гирифторлик:
Мен худ бу сифат бало асирн,
Юз меҳнат-у ибтило асири. *Лайли ва Мажнун*, 182-Т;
~ **атфоли** – бало болалари:
Бас ки ҳар торин бало атфоли уздилар чекиб,
Вах ки урён жисм уза меҳнат палоси колмамиш. *Наводируш-шабоб*, 269-Т;
~ **аҳли** – офат, мусибат чекувчилар:
Ғамидин топмағай мингдин бирин гар ишқ юз минг йил
Бало аҳлиға чоҳи ғамда ғампарвардлик қилса. *Бадойиул-васат*, 414-Т;
~ **барқи** – офат чақмоғи:
Тира ву афсурдабиз эй ишқ тарқатқан булут,
Бир бало барқи била ҳам ўрта бизни ҳам ёрут. *Наводируш-шабоб*, Т-79;
~ **водиси** – азоб-укубат водиси, маскани:
Бало водисиға солиб кадамни,
Маломат авжиға тортиб рақамни. *Фарҳод ва Ширин*, 281-Т;
~ **гарди** – бало тўзони, чангу ғубори:
Ишқ даштинда бало гарди манга чун парда бас,
Атласи гардунни ёпмасмен тани урёнима. *Наводируш-шабоб*, 566-Т;
~ **дарёси** – офат, мусибат дарёси:
Ул журъа кудуратидин сафодин айрилиб ул қатра хуружидин бало дарёсиға ботма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-120;
Субҳи фурқат бир бало дарёси бузди халқни,
Шоми хижронимда ёғкан шудрун ўлғайму икин? *Фавойидул-кибар*, 463-Т;
~ **дафъи** – балога карши, балони қайтариш:
Бири деб к-эй муқтадойи аҳли роз,
Бу бало дафъиға вожибдур намоз. *Лисонут-тайр*, 103-Т;
~ **дашти** – мусибат саҳроси, офат биёбони:
Бало дашти аро юз мннг ўлукдур анда қотил ишк,
Хирад мағлуб хайли бирла гўё ким савашибдур. *Наводируш-шабоб*, 160-Т;

~ **девори** – мусибат, бахтсизлик, офат, кулфат девори:
Ишқ султони сиёсат айлади ушшоқни,
Халқ жисмидур сомон эрмас бало деворида. *Ғаройибус-сиғар*, 420-Т;
~ **ёраси** – офат кучи, қуввати:
Не дашти махуф эмиш фано саҳроси,
Ким анда кирарга йўқ бало ёраси. *Ғаройибус-сиғар*, 567-Т;
~ **кулбаси** – ғамхона, бахтсизлик уйи:
Қади ҳажринда ки кўксумда алифлар кестим,
Бўлди андуҳ-у бало кулбасиға риндона. *Наводируш-шабоб*, 565-Т;
~ **ливоси** – офат байроги, бало туғи:
Кўнгулда ишқим ўти чун фалакка тортти шуъла
Бало ливоси бошиға бу шуъладин алам эттинг. *Наводируш-шабоб*, 356-Т;
~ **мазраи** – бало майдони, экинзори; кўнгил:
Кўнгулда анча ўқунгдин ўкулди пайкон ким
Башақ била бу бало мазраида хирмондур. *Наводируш-шабоб*, 154-Т;
~ **мактуби** – айрилик-ҳижрон хабари, дарду алам дараги:
Ваҳ ки мазмунидур аҳли дард саргардонлиғи,
Ҳар бало мактуби ким бу чархи гардондин келур. *Ғаройибус-сиғар*, 132-Т;
~ **маскани** – ғамхона; кулфат, бахтсизлик маскани:
Ишқ айнидин ёруқ ҳар равзани,
Лек ул равзан балолар маскани. *Лисонут-тайр*, 95-Т;
~ **мисмори** – ҳижрон дарди, висол орзуси, ёрга етишиш умиди:
Кўксума ғам тоғида ишқнинг бало мисморини,
Беркитурда айлади Фарҳод метинин чўкуш. *Наводируш-шабоб*, 247-Т;
~ **муғилони** – бало тикани:
Аёққа кирса не бўшқай бало муғилони,
Гар ўлса бодиядин Каъбаи сафо малҳуз. *Ғаройибус-сиғар*, 231-Т;
~ **неши**– офат найзаси, кулфат тикони:
Санчилған ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонға бало нешин ҳажр ўзгачарак санчар. *Ғаройибус-сиғар*, 158-Т;
~ **оғзи** – бало нафаси, дами:
Фироқ ўти ки бало оғзидур анга манфах,
Мисол дўзах-у жаннатдурур ул дўзах. *Наводируш-шабоб*, 108-Т;
~ **рухсори** – бало юзи, бало кўриниши:
Не ажаб тиғинг бало рухсориға миръот эса,
Ким кўрунур сувда юз акси качан ким бўлди соф. *Наводируш-шабоб*, 303-Т;
~ **сели** – офат сели, мусибат оқими:
Бало селидин ишқ даштида Мажнун
Менинг телба кўнглумча вайронму иркин. *Наводируш-шабоб*, 497-Т;
~ **селоби** – офат сели, мусибат оқими, тошқини:
Ҳар оҳим дуди ким кўк сари азм айлар ани ишқинг,
Бало селоби келтурмак учун мушкин саҳоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 172-Т;
~ **сипехри** – бало осмони:
Сиришк қатралари тира кулбам ичра магар,
Бало спехри аро наҳсваш кавокибдур. *Бадойиул-васат*, 131-Т;
~ **тоғи** – бало тоғи, жабр, чексиз кулфат:
Ким мени кўрса бало тоғи ву савдо даштида,
Ҳайрат айлаб боқмағай Фарҳод ила Мажнун сари. *Фавойидул-кибар*, 584-Т;

~ **хораси** – офат, кулфат тоши:
Навоий зғни ялангдур деманг ки бордур анга
Фано ҳасири бало хораси насиж ила наҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
~ **чоҳи** – офат кудуғи, кулфат зиндони, чукури:
Мен бало чоҳида ву Мажнун фароғат даштида,
Лофи ишқ урса ажаб йўқ ким топибдур ерни кенг. *Бадойиул-васат*, 265-Т;
~ **ўти** – офат ўти, азобу укубат ўти:
Бало ўти ёнадур тўш тўшимдин эй носиҳ,
Эшит насиҳат-у зинҳор келма ёнимға. *Ғаройибус-сиғар*, 340-Т;
~ **ўқи** – офат, кулфат ўқи:
Бало ўқи кўзи ёғдурди эй мусулмонлар,
Нелар келур манга ул икки номусулмондин. *Бадойиул-васат*, 340-Т;
~ **ғубори** – офат, мусибат тўзони, гардн, чанги:
Бало ғубори вафо аҳлиға ёғар гўё,
Сипеҳр чанбари парвезиндин ўлди илак. *Бадойиул-васат*, 251-Т;
~ **йи ақл** – ажойиб ақл:
Чун сенинг ишқинг манга бўлдим балойи ақл-у дин,
Вадаи васл айладинг юз лутф ила эй маҳжабин. *Наводируш-шабоб*, 653-Т;
~ **йи беҳисоб** – беҳисоб, сонсиз – саноқсиз бало:
Тан тирикларнинг ҳисоби топмағанни дағи айт,
Жонда ҳам дард-у балойи беҳисобимни дегил. *Бадойиул-васат*, 280-Т;
~ **йи жовид** – абадий мусибат.
Ёндилар аро икавла навмид,
Ким бўлди аён балойи жовид. *Лайли ва Мажнун*, 321-Т;
~ **йи жовидон/жовидона** – доимий жабру жаво, азобу укубат:
Хаста жонингға балойи жавиддондур қотили
Ким таманносида умри жовидон қилсанг фидо. *Фавойидул-кибар*, 34-Т;
Кўргач бу балойи жовидона,
Қўзғалмай нейласун замона. *Лайли ва Мажнун*, 108-Т;
~ **йи жовидоний** – абадий бахтсизлик, доимий жабру жафо:
Зойил эрмас ишқ бир соат кўнгулдин вой ким
Ани жонимға балойи жовидоний асрадим. *Наводируш-шабоб*, 435-Т;
~ **йи жон** – жон офати, жон мусибати:
Тиғи худ ўтти суъубат кўрки муҳлик йараси,
Бу замон бошимға қолибтур балойи жон бўлуб. *Ғаройибус-сиғар*, 72-Т;
Феъл ичра улус балойи жони бил ани,
Олам элининг ёмон ёмони бил ани. *Назмул-жавохир*, 15-157;
~ **йи жонсўз** – жон ўртовчи бало:
Ўлмай мени мудбири сиёҳрўз,
Бўлдум санга чун балойи жонсўз. *Лайли ва Мажнун*, 327-Т;
~ **йи ишқ** – ишқ, севги дарди:
Балойи ишқ ногаҳ учрар ушбу телбадин ўзга,
Улусни бу балойи ногаҳондин асрағил ё Раб. *Наводируш-шабоб*, 47-Т;
~ **йи ногаҳон** – тўсатдан учровчи офат, кулфат:
Балойи ишқ ногаҳ учрар ушбу телбадин ўзга,
Улусни бу балойи ногаҳондин асрағил ё Раб. *Наводируш-шабоб*, 47-Т;
~ **йи осмоний** – тақдир, қазодан битилган мусибат:
Баяк ногаҳ қазойи осмонин,
Аён қилди балойи осмоний. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т;

~ **йи фирок** – фирок мусибати, изтироби:
Ўзидин сипоҳин йирок истади,
Асири балойи фирок истади. *Садди Искандарий*, 463-Т;
~ **и фурқат** – фурқат изтироби, азоби:
Лайли ки балойи фурқати бор,
Икки мажнунча меҳнати бор. *Лайли ва Мажнун*, 336-Т;
~ **йи ҳирмон** – маҳрумлик алами, умидсизлик дарди:
Ажал Навоийни кутқар балойи ҳирмондин,
Ки ул заиф бу дард ичра асру эмганди. *Ғаройибус-сиғар*, 461-Т;
~ **йи Худо** – Тангрининг офати, Худо берган мусибат:
Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
Не дилрабо ки балойи Худо эмиштуксен. *Ғаройибус-сиғар*, 370-Т;
~ **йи хумор** – хумор дарди, кайфдан кейинги бош оғриқ:
Даврон гули ву гулшани хориға арзимас
Гулгун майи балойи хуморига арзимас. *Бадойиул-васат*, 171-Т;
~ **йи хунрез** – қонхўр, бешафқат бало:
Бўлмаса бу икки мотамангез,
Бошимға икки балойи хунрез. *Лайли ва Мажнун*, 164-Т;
~ **йи қатиқ** – ашадий кучли бало:
Тенгри кўрқунчидин анча йиғлади ки кўзлари кўрмас бўлди.
Бирав анга деди ки не балойи қатиқдур кўрмаслик. *Насойимул-муҳаббат*, 443-Т;
~ **ҳижрон** – ҳижрон азоби, мусибати:
Лутфунг била бир кун этмадинг ёд,
То тушти манга балойи ҳижрон. *Бадойиул-васат*, 481-Т;
~ **йи ҳойил** – даҳшатли бало:
Кўнгли аро юз балойи ҳойил
Бўлди яна навд сари мойил. *Лайли ва Мажнун*, 311-Т;
~ **ву ваҳшат** – хавф-хатар, қайғу-алам ва қўрқинч:
Кўзга чун дермен ки эй тардоман-у юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг бало ву ваҳшати. *Фавойидул-кибар*, 577-Т;
~ **ву дард** – азобу укубат, офату кулфат:
Юз меҳнат-у ғам кўнглума еткурди фирок,
Жонимға бало ву дард ўкин урди фирок. *Ғаройибус-сиғар*, 553-Т;
Магар ўлар куни Фарҳод бирла Мажнуннинг,
Бало ву дардиға ишк айлади мени ворис. *Бадойиул-васат*, 69-Т;
~ **у жаврқаш** – дард-алам, жабру жафо чекувчи:
Айлади мен зори маҳзунни бало ву жаврқаш,
Ул ки дилдоримни мундақ маст-у бебок айлади. *Бадойиул-васат*, 450-Т;
~ **ву меҳнат** – азоб-укубат, мусибат, машаққат, қийинчилик:
Келтуруб чок айлабан кўксум ани ўрниға сол,
Мени бедиллик бало ву меҳнатидин кутқару. *Фавойидул-кибар*, 493-Т;
~ **ву фитна хайли** – золимлар, жабру ситам қилувчилар:
Кўнгул қасдиға ёлғуз тири борон қилмади ғамзанг,
Бало ву фитна хайли келгали ҳам айлади шориъ. *Ғаройибус-сиғар*, 237-Т;
~ **ву эмгак**– азоб-укубат, машаққат:
Тут ўзунгга фард-у бекаслик бало ву эмгакин,
Ё биравга ўрганиб айру тушуб эмганмагил. *Наводируш-шабоб*, 371-Т;
~ **бўл-** – мусибат, бахтсизлик келтирмоқ, кулфат солмоқ:
Эй кўнгул тарки насиҳат айладим овора бўл,
Юз бало етмас ки мен ҳам бир бало бўлдум санга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;

Жаҳонни куйдурур оҳим ўти бало бўлғай,
Бу ўтдин этмаса мажнун бошим ҳазар ногаҳ. *Наводируш-шабоб,* 551-Т;

~ **қил-** – мусибат, азоб-уқубат қилмоқ:
Не кўзлардур ки олмиш кўз юмуб очқунча кўнглумни,
Қилиб ҳар гўшада бемор-у қисми юз бало қилмиш. *Бадойиул-васат,* 199-Т;

~ **ёғ-** – офат, мусибат, бахтсизликка учрамоқ, кулфатда қолмоқ:
Мен аёғ кўйида беркиттим жафодин қочмайин,
Гарчи бошимға бало ёғди мунинг подошиға. *Бадойиул-васат,* 410-Т;

~ **ёғдир-** – мусибат, жабру жафо, кулфат, бахтсизлик келтирмоқ:
Даҳр ичинда офият нетсун ки ичкач бир қадаҳ
Ёғдурур оламға ул шўхи қадаҳпаймо бало. *Бадойиул-васат,* 22-Т;

~ **тоши ёғдур-** – кулфат келтирмоқ, бало тоши ёғдирмоқ:
Юз бало тоши агар ёғдурса дилбар бошима,
Шод ўлурмен барчаси гар тегса яксар бошима. *Наводируш-шабоб,* 564-Т;

~ **ға қол-** – ғам-аламга учрамоқ, офатга дучор бўлмоқ:
Гар десанг қатиқ балоға қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшаглиғ била қилғил маош. *Бадойиул-васат,* 187-Т;

~ **ға топшур-** – ғам, ҳасратларга дучор қилмоқ:
Фурқат ҳажри ғамға йўлуқтурди мени,
Ҳижрон куни юз балоға топшурди мени. *Ғаройибус-сиғар,* 566-Т;

~ **майдониға торт-** – офат, ҳалокатга йўлиқмоқ, мусибатда қолмоқ:
Бўйла расволиғ била тортинг бало майдониға,
Ҳар уқубат бирла ким имкони бўлғай ўлтурунг. *Фавойидул-кибар,* 330-Т;

~ **чек-** – ғаму андуҳ кечирмоқ, кулфатга дучор бўлмоқ:
Эй Навоий кўнглум илгидин чекармен юз бало,
Туҳмат айлармен ки бор ул моҳрухсор илгидин. *Фавойидул-кибар,* 465-Т;

~ **ур-** – кулфатда қолмоқ, офатга йўлиқмоқ:
Тушумда васли эрди эй кўнгул ё Раб бало урсун,
Санга ким мени уйғатти ажаб ҳолатда афғонинг. *Ғаройибус-сиғар,* 285-Т.

БАЛОАНГЕЗ [بلاانگیز] – бало, мусибат, бахтсизлик келтирувчи:
Эй мусулмонлар фиғон ишқи балоангиздин,
Оҳ-у вовайло балолиғ фурқати хунрездин. *Фавойидул-кибар,* 456-Т;
Эй санга хунрез мужгону балоангез кўз,
Бизга мужгонинг синони захмидин хунрез кўз. *Фавойидул-кибар,* 204-Т.

БАЛОБИЛ [بلابیل] – булбуллар:
...бир равзасини бу мавзун наволиғ балобил ва матбуъ садолиғ анодил гулбонгидин рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати фирдавси барин қилибдур.
Мажолисун-нафоис, 4-Т.

БАЛОЖЎЙ [بلاجوی] – бадбахт, мусибат изловчи; бало тиловчи; ошиқ:
Кўрунуб қайда боқса ул баложўй,
Гул-у хор-у гиёҳи ошнорўй. *Фарҳод ва Ширин,* 281-Т.

БАЛОКАШ [بلاکش] – жафокаш, балога мубтало бўлган, азоб тортувчи, бахтсиз:
Юзумдин дийдаи гирёни маҳрум,
Висолимдин балокаш жони маҳрум. *Фарҳод ва Ширин,* 343-Т;
Минг балокашни қилиб қатл гунаҳ қазғанди,
Мени тиргузгуча умрида савоб айласа бас. *Бадойиул-васат,* 177-Т;

~ **бўл-** – балога мубтало бўлмоқ:
Бир луқмаға мен бўлуб балокаш,
Бир луқмахўр оллима асокаш. *Лайли ва Мажнун,* 164-Т.

БАЛОКАШЛИК [بلاكش ليک] – жафокашлик, азобланишлик, жабру жафо чекиш:

Шоҳ мендин ишқ аро ожизрак ўлса тонг эмас,
Қим балокашлик менинг хўйумдур анинг иззу жоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 426-Т;
Эй Навоий ишқ аро қочма балодин зинҳор,
Чун ки ошиққа балокашлик келибтур лозима. *Наводируш-шабоб*, 542-Т.

БАЛОЛИҒ/БАЛОЛИК [بلالیغ / بلالیق] – балолик, офатлик, мусибатлик; аламлик:

Кўргали ҳуснунгни зор-у мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эди ким ошино бўлдум санга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;
Сен киби султонни севмак ҳаддим эрмастур вали
Бу балолиқ ишқ фарк этмас гадо ву шоҳни. *Наводируш-шабоб*, 649-Т;
Не балолиғ ҳажр эрур ким зор ўлмишам,
Кел ки ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам. *Мезонул-авзон*, 56-Т;
Оразинг ҳуснинг фузун қилған балолиғ қош эрур,
Ёхуд ул юз шамъини ёрутқали наққош эрур. *Наводируш-шабоб*, 197-Т.

БАЛОРАК [بلارک] – ялтироқ ўткир қилич;

Совуғ шиддатидин ки кўзлар қотиб,
Анга қавс ҳар дам балорак отиб. *Садди Искандарий*, 233-Т;
Шахс жисми лойи нафъ ўлғай бақоси шонида,
Фарқи топқач хасм илгидин балорак зарбатин. *Бадойиул-васат*, 491-Т.

БАЛОРАКФИГАН [بلارک فگان] – ўткир қилич солувчи, ишлатувчи:

Тўқуз юз минг ул навъ новак фиган
Не новакфиган ким балоракфиган. *Садди Искандарий*, 321-Т.

БАЛОСИЗ [بلاسیز] – офатсиз, мусибатсиз, бахтсиз, балосиз:

Чун балосиз ком йўқ топмас бақо комин магар,
Ким ки ани ўртамас оти фано бўлған бало. *Ғаройибус-сиғар*, 50-Т.

БАЛОХЎР [بلاخور] – балохўр:

Танимдек дарду балохўри поймоли йўқ экандур. *Муншаот*, 14-223.

БАЛОШЎР [بلاشور] – бало келтирувчи:

Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи балошўр. *Фарҳод ва Ширин*, 372-Т.

БАЛОҒАТ [بلاغت] – етуклик, баркамоллик, бенуқсонлик; нотиқлик:

Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балоғатда бири айтур дақойиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т;
Бериб нуктадонлиғ фасоҳат анга,
Ясаб нуктаронлиғ балоғат анга. *Садди Искандарий*, 76-Т;
Китобинг ўзга кутубдин ки бордурур аблағ,
Балоғатингға муносиб Ҳақ айламиш иблоғ. *Новодируш-шабоб*, 294-Т;

~ **аҳли** – етук кишилар, баркамоллар, сўз усталари:
Фасоҳат ва балогат аҳли натойижи табъидин ҳар не мазкур бўлса мушорун илайҳ бу ҳақирни қилур эрдилар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т;

~ **боби** – бадиий ифодалаш, сўз баркамоллиги, сўз етуклиги:
...анинг баёнидадур ким назмда балоғат ва насрда фасоҳат таърифида... *Назмул-жавоҳир*, 15-126;

~ **буржи** – балоғат чўққиси; камолат чўққиси:
Султои Соҳибқирон... балоғат буржининг мунир ахтаридур. *Мажолисун-нафоис*, 30-Т;

~ **жавоҳири** – сўз дурри, латиф сўзлар, иборалар, бебаҳо, қадри баланд сўзлар:
...балоғат жавоҳири била мурассаъ луғотларин ва фасоҳат завоҳири била мукаллал нукотларин... музайян ва муҳалло қилурлар. *Вақфия*, 714;

~ **хилйаси** – нафис сўзлар безаги:

[Ҳомнинг] *тили шикасталик зоҳир қилиб фасоҳат ва балоғат хилйасидин ори қолди.* *Муҳокамтул-лугатайн,* 168-Т.

БАЛОҒАТДИСОР [بلاغت دثار] – энг етук, баркамол:

Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон... ва ҳасаби шарҳида балоғатдисор муншилар тарихе тартиб беribдурлар. *Мажолисун-нафоис,* 203-Т;

...зулоли анинг дарёйи ҳаёт табъидин раҳаи бўла олғай балоғатдисоре ким... анинг хуққаи пур гавҳариға такаллум вақти диққати калом била татаббуъ қила олғай.

Назмул-жавоҳир, 15-130.

БАЛОҒАТКЎШ [بلاغت كوش] – ифодали сўзлашга уриниш; ~ **ўл-** – ифодали нутқ сўзламоқ:

Деман ки сўз айтурга балоғаткўш ул,
Нафсиғға салоҳ истар эсанг хомуш ул. *Назмул-жавоҳир,* 15-158.

БАЛОҒАТМАОБ [بلاغت مآب] – нотиқ, ифодага моҳир:

Бу балоғатмаоб ва фазойил-интисоблардин ҳам бирари агар замон саҳифасида ўз назмлари саводидек мавжуддурлар. *Мажолисун-нафоис,* 190-Т;

Хирадманд бўлса балоғатмаоб,
Не бўлғай ишн гайри ройи савоб. *Садди Искандарий,* 347-Т.

БАЛОҒАТОЙИН [بلاغت آيين] – балоғатли, гўзал ифодали:

Изҳор этибан виқор-у тамкин,
Юз нукта суруб балоғатойин. *Лайли ва Мажнун,* 172-Т.

БАЛОҒАТОСОР [بلاغت آثار] – фозиллар; ширинсухан:

Туркигўй балоғатосорлар бу ҳарфнинг ҳам таркин тутубтурлар ва ҳеч навъ назмға жилвai зуҳур бермайдурлар. *Мажолисун-нафоис,* 216-Т.

БАЛОҒАТ-ТАЗЙИН [بلاغت تزيين] – нодир сўз билан ифодалаш, зийнатлаш:

...араб тили фасоҳатойини била мумтоз ва балоғат-тазйини била муъжизатироздур ким ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур.

Муҳокаматул-лугатайн, 167-Т;

Иккинчи мажлиснинг ихтитоми. Бу латофатойин аиззаға ва бу балоғат-тазйин ажиллаға ким табълари натижасидин олам аҳли хушҳол ва зеҳнлари бодасидин хотирлари соғари моламолдур. *Мажолисун-нафоис,* 75-Т.

БАЛОҒАТШИОР [بلاغت شعار] – етук нотиқ, ифодага моҳир:

Ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатшиор булағойи фасоҳатдисор ибрати фархунда ишоратларидур. *Назмул-жавоҳир,* 15-126;

Қилиб чунки бўлса балоғатшиор,
Масиҳодин анфоси жонбахш ор. *Садди Искандарий,* 98-Т.

БАЛОҲАТ [بلاهت] – жоҳиллик, бемулоҳазалик, нодонлик, калтафаҳмлик:

Ул ки зотингда балоҳат чоғламиш,
Санга бу янглиғ суқайфа боғламиш. *Лисонут-тайр,* 81-Т;

Мавлоно Абдураззоқ... толиби илм кишидур. Аммо балоҳати ғолибдур.

Мажолисун-нафоис, 160-Т.

БАЛЧАҒ [بلچاغ] – шамшир дастаси, гардаси:

Йўқ ки тиғин тўкти коним балки чекти дам била
Ул ики аждар ки кўрсатмш қилинчин балчағи. *Наводируш-шабоб,* 580-Т;

Не ажаб қон тўкса тиғинг ким анинг ошомиға,
Оғзин очқан икки аждар зоҳир этмиш балчағи, *Наводируш-шабоб,* 587-Т.

БАЛЧИҒ/БАЛЧИҚ [بلچیغ/بلچیق] – лой, балчиқ:

Сириш ким кони қилди куйининг туфрағин оғушта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясалғай деб. *Ғаройибус-сиғар*, 74-Т;
Гавҳар балчиққа тушкан била киймати ушалмас ва ўз баҳосидан қолмас.
Маҳбубул-қулуб, 14-109;
Ки кирган бу балчиғға имкон эмас,
Киши ботса чиқмағлиғ имкон эмас. *Садди Искандарий*, 474-Т;
Ғам йўқ ки куйи гардин кўзлардин оҳ учурди,
Ким ашк балчиқ эткан бир ғўшада қолибтур. *Наводируш-шабоб*, 171-Т;
...маҳбуб баҳор аёймида бир ён борадурмиш бўлғай ва ёғин жиҳатидин ер балчиғ бўлмиш бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 245-Т.

БАЛҒАМ [بلغم] – балғам:

Ки сафро ву савдо ву балғам дурур,
Вале руҳ табъ мунга зам дурур. *Садди Искандарий*, 384-Т;
Юз не не васфинг дединг ҳури чигил,
Балғаму кондин эса оқ-у кизил. *Лисонут-тайр*, 157-Т;
Балғам-у сафрову савдо бирла қон,
Дафъ ўлуб бўлди саманбар нотавон. *Лисонут-тайр*, 160-Т.

БАМ [بم] – музикадаги садо; баланд овоз:

Бу дайр ичра навойи эй муғанни,
Навоий ноласидек зер-у бам туз. *Фавойидул-кибар*, 204-Т;
Эй муғанний бўлма ғофил ким забони ҳол ила
Навҳа айлайдур менинг ҳолимға созинг бамлари. *Ғаройибус-сиғар*, 449-Т.

БАМИҚДОР [بمقدار] – етарли, каноат-ҳосил:

Барчасин бу ҳумаюн Ҳазратнинг мехрпартав тожиға муносиб ва бамиқдор кўрдум. *Назмул-жавоҳир*, 15-135.

БАМОҲИЙ [بماهی] ойдан баликқача; кўкдин денгиз тубигача:

Дема ўқ балки ҳар бир барқи оҳи,
Ки секриб ўртабан моҳ то бамоҳиий. *Фарҳод ва Ширин*, 97-Т;
Қизиқ кум уза то бамоҳий киби. *Садди Искандарий*, 477-Т.

БАН- [بن] – боғланмоқ; тўғри, хуш келмоқ:

Гадолар силкидин кўйи харобат ичра хориждур,
Бирав ким элгига тушса қуруғ нон бодаға банмас. *Наводируш-шабоб*, 226-Т.

БАНАҚД [بنقد] – нақди, нақдгинаси, бори, мавжуди:

Чарх боғи бирла жаннат гулшанин қилман мақом,
Ким манга холо банақд эй ҳур сарви хушхиром. *Фавойидул-кибар*, 643-Т.

БАНГ [بنگ] – наша, қорадори; кўкнори:

Ишқи бебок уза ким зуҳд хаёлин қилса
Эрур андақ ки егай бодаи ноб устида банг. *Бадойиул-васат*, 260-Т;
Қўпти дағи уйга тебради данг,
Май ичра киши еган киби банг. *Лайли ва Мажнун*, 294-Т;
Латта ки маҳкам тугубан банг анга,
Ет курубан банг яшил ранг анча. *Ҳайратул-аброр*, 7-135;
Душман мақолоти – банг хаёлоти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;

~ **е-** – қорадори емоқ:

Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,
Нашот ойин хаёл айлаб емак банг. *Бадойиул-васат*, 500-Т.

БАНГИ [بنگی] – банги, нашаванд, кашанда:

Афюни ву банги – одамийлар нанги. *Маҳбубул-қулуб*, 14-39;

Этиб юз жавҳари покизани хок,
Ки андин бангие бўлғай фараҳнок. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т.

БАНД I [بند] – 1. тугун:

Ишқдин чун бор эрди кўнглида банд,
Бандини кўрса эрди ҳожатманд. *Сабъаи сайёр*, 10-264;

Басо банд ким анинг зимнида кўп кушодлар ва басо номуродлиғ ким анинг сўнгида ўкуш муродлар бўлғай. *Муншаот*, 14-212;

2. буғин-бўғин:

Айирман сочинг банд бандин кўнгулдин,
Агар банд бандимни даврон айирдик. *Наводируш-шабоб*, 337-Т;

Ишқ аро панд этма ким не суд эй аҳбоб ким
Ҳар фиғонда банд бандим бир биридин айрилур. *Наводируш-шабоб*, 138-Т;

3. кишан, тушов, бўғов; боғлиқ, боғлаш:

Телба кулағиға панд – кўюн аёғиға банд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-157;

4. ҳибс:

Сайид Кутб Лакаданг... басе заҳмат тортилди то бандқа қарор тутти. Банддин кочиб ҳоло Самарқандда эшитилур ким мажолисда Сайид Куроза била мажлисоройдур. *Мажолисун-нафоис*, 86-Т;

5. арқон, матрап:

Қайси каманд ўлмади ҳаргиз каманд,
Равзаи фирдавс ғазолиға банд. *Ҳайратул-аброр*, 7-11;

6. тутқич:

...гулдаста банди ким раёҳин аросида хошокни сиғурғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-132;

7. макру ҳийла, амал:

Агарчи сипеҳр золининг макри бешумордур ва лекин ҳунари даҳи бордур ким нечук ким изз-у илосининг мадори йўқтур банд-у балосининг ҳам эътибори йўқтур. *Муншаот*, 14-212;

8. тўсиқ, басталик:

Шарт бу ким етса газанде санга,
Солса фалак ҳийласи банде санга. *Ҳайратул-аброр*, 7-210;

Эй кайди замона бирла хурсанд,
Бўлған санга ўзлукунг яна банд. *Лайли ва Мажнун*, 169-Т;

9. тутқунлик, тўрга илинганлик:

Қушка юнг маскан аро хушракдурур озодлиғ,
Бўлғанидин банд аро сайёд ипак доми била. *Наводируш-шабоб*, 546-Т;

10. соч, зулф ҳалқалари:

Мусалсал сунбулининг банд банди,
Қарору хуш сайдининг каманди. *Фарҳод ва Ширин*, 246-Т;

11. мафтунлик, вобасталик:

Кўнгул меҳри узоринг бирла хурсанд,
Сочинг ҳар тариға жон риштаси банд. *Фарҳод ва Ширин*, 290-Т;

~ **и азим** – йирик кишан, катта тушов:

Шоҳ оёғингға солиб банди азим,
Йўқ ки шаҳ ҳар қайси сайёди лаим. *Лисонут-тайр*, 73-Т;

~ **и жунун** – мажнунлик, жунунлик банди:

Бир паридин гар санга банди жунун тушти не тонг,
Эй Навоий қочмағай девоналар зулонадин. *Бадойиул-васат*, 363-Т;

~ **и зулф** – соч ўрими, гажаклари:

Банди зулфунг бўйнума тушкач ҳалок этти мени,
Итка жоно ҳеч ким ўлтургали тақмас марас. *Ғаройибус-сиғар*, 199-Т;

~ **и рох** – йўл тўсиғи, басталиги:
Куфр-у имон роҳравға кеш эмас,
Асл йўлда банди роҳи беш эмас. *Лисонут-тайр*, 199-Т;
~ **и савсан** – савсан банди:
Басдур юз-у қадинг гул-у савсан яна недур,
Гулгун елакнинг устида тек банди савсани. *Бадойиул-васат*, 433-Т;
~ **и сунъ** – ясалган, ижод этилган банд:
Айламиш гулдаста банди сунъ тўн-у жисмидин,
Санъати ким арғувон барги аро насрин эрур. *Бадойиул-васат*, 147-Т;
~ **и сунъ** – ясалган, ижод этилган банд:
Айламиш гулдаста банди сунъ тўн-у жисмидин,
Санъати ким арғувон барги аро насрин эрур. *Бадойиул-васат*, 147-Т;
~ **и ҳижрон** – ҳижрон риштаси:
Иштиёкингдин Навоий ўлди ву етмас санга,
Гўйиё бу навъ аёғин банди ҳижрон боғлади. *Ғаройибус-сиғар*, 458-Т;
~ **-у кушод** – асирлик ва озодлик:
Андақ элга етса бу банд-у кушод,
Сен ким ўлғайсен заъифи номурод. *Лисонут-тайр*, 141-Т;
~ **бўл-** – эгалланмоқ, ишғол этилмоқ, банд қилмоқ:
Чун кивуруб ҳар сари рахти нажот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот. *Ҳайратул-аброр*, 7-99;
~ **ўл-** – 1. боғланмоқ, ёпишмоқ:
Сўз дема икки шакардек лаби ким банд ўлмиш,
Кула олмастин иши эмди шакарханд ўлмиш. *Наводируш-шабоб*, 254-Т;
2. таъсирга тушмоқ, итоаткор бўлмоқ; ўрганмоқ:
Йилан афсун қилурдин банд ўлур зулфунг не воқиъдур,
Ки қилмиш юз кўнгулни банде зоҳир айламай афсун. *Наводируш-шабоб*, 456-Т;
~ **айла-** – 1. боғламоқ, асир қилмоқ; гирифтор қилмоқ, ихтиёрсизлантирмоқ:
Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,
Банд бандим зулфи занжириға пайванд айлангиз. *Ғаройибус-сиғар*, 187-Т;
2. тўхтатмоқ:
Доғима отқан ўқунг гар тегмаса жисмимдадур,
Ўқни банд айларгадур туфрақ уза қўйған ҳадаф. *Наводируш-шабоб*, 304-Т;
3. ром қилмоқ, ихтиёрини олмоқ:
Десам зулфунгму кўнглум айлади банд,
Дер эй мискин анинг бир торидур бу. *Бадойиул-васат*, 380-Т;
4. тузоққа туширмоқ, илинтирмоқ, тузоқ қўймоқ:
Гулшани васлин тилар жон ер қуйи жисми заиф,
Неча қудсий қушға мундақ торни банд айлайин. *Ғаройибус-сиғар*, 374-Т;
~ **эт-** – 1. тақмоқ:
Гулни ки дастори уза банд этиб,
Сарви сапидор уза пайванд этиб. *Ҳайратул-аброр*, 10-196;
2. қамамоқ, асир қилмоқ:
Фикр этиб комгор-у давлатманд,
Деди: ҳар ким ки Жобир этмиш банд. *Сабъаи сайёр*, 7-304;
3. боғламоқ; уламоқ, баста қилмоқ:
Чекиб жон риштасин чобуксуворим ким каманд этмиш,
Кўнгул сайдин ҳамоно ул каманди бирла банд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т;
Буюрди ки қосидни банд эттилар,
Сияҳчол сари олиб кеттилар. *Садди Искандарий*, 160-Т;

Ишқин жон риштасиға банд этиб,
Васл кўнгул ториға пайванд этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-17;

4. чигаллаштирмоқ:
Банд этибдур жадал аҳли ишин ашкол андақ
Ким не «Мифтоҳ» анга суд қилур не «Талхис». *Ғаройибус-сиғар*, 223-Т;

~ **қил-/эт-** – 1. асир олмоқ, тутқун қилмоқ:
...сипоҳ тортиб Румға юруб қайсарни тутти ва банд қилди.
Тарихи мулуки ажам, 16-214;
Бўлуб нафсингға тобиъ банд этарсен тушса душманни,
Санга йўқ нафсдек душман қила олсанг қил ани банд. *Ғаройибус-сиғар*, 111-Т;

2. эгалламоқ, ишғол қилмоқ, банд этмоқ:
Мир Ҳусайн Муаммоий... муаммо фанининг латофат ва нозуклукин ул ерга етқурди ким андин ўтмак мумкин эрмас. Бу йўлни ҳукм қилса бўлур ким банд қилди. *Мажолисун-нафоис*, 145-Т;
Элга не келса айламас панд,
Ул ки кўнглини қилди ғафлат банд. *Арбаин*, 16-266;

3. ром қилмоқ, мафтун этмоқ, ақлу-ҳушни олмоқ:
Кайда қилғай соядек мен телбаи хокини банд,
Ким қуёш бўйиға солмиш сунбулунг печон каманд. *Наводируш-шабоб*, 116-Т;

4. тўхтатмоқ:
Шайх чун сўзни бу ерга қилди банд
Қилди шўх-у барча дайр аҳли писанд. *Лисонут-тайр*, 111-Т;

~ **банддин айир-** – банд-банддин айирмоқ:
Тош урмақ ила тани нажандин,
Гўё ки айирди банд банддин. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;

~ **банд қил-** – бўғин бўғинга ажратмоқ:
Зулм тиғидин танимни қилмадингму банд банд,
Фурқатингдан банд бандимни жудому қилмадинг. *Бадойиул-васат*, 273-Т;

~ **ға қарор топ-** – асир бўлмоқ, тутқун бўлмоқ:
Сайид Қутб Лакаданг... басе заҳмат тортилди то бандқа қарор тутти.
Мажолисун-нафоис, 86-Т;

~ **дин чиқар-** – озод қилмоқ, эркинликка чиқармоқ:
Кайхусрав ани банддин чиқариб яна сипоҳ бошлатиб йибарди.
Тарихи мулуки ажам, 16-208;

~ **дин қоч-** – асирликдан қутулмоқ, тутқунликдан қочмоқ:
Сайид Қутб Лакаданг... банддин қочиб ҳоло Самарқандда эшитилур ким мажолисда Сайид Қуроза била мажлисоройдур. *Мажолисун-нафоис*, 86-Т;

~ **сол-** – кишан солмоқ, занжирбанд қилмоқ:
Парирўйумдин айру эй ҳаким оч қайд-у бандимни,
Ки мен дев ўлмишам девона эрман ким солурсен банд. *Наводируш-шабоб*, 115-Т;

~ **топ-** – кишанланмоқ, боғланмоқ:
Вужудумда аносир банд топмай,
Таним ичра сўнгак пайванд топмай. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т.

БАНД II [بند] – таржиъбанднинг такрорланадиган байти:
Мавлоно Муқимий ...туркча таржиъе айтибдур ким хайли чошниси бор ва анинг банди бу байтдурур. *Мажолисун-нафоис*, 69-Т.

БАНДА [بنده] – 1. тобе, қарам, қул, хизматкор:
Гарчи халқ озодасимен ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англа ким бир банда озод айлагай. *Бадойиул-васат*, 449-Т;

Ким неча вақт эрур ки бандангмен,
Меҳрдек хоки раҳфикандангмен. *Сабъаи сайёр*, 10-347;

2. ихтиёрни топшириш; маҳлиё:
Лутф агар қилсанг дамодам бандамен,
Дам бадам қилсанг жафо ҳам бандамен. *Муншаот*, 14-197;
3. камина, фақир:
Бу банда дойим сизга давлатхоҳлиғ сўзин айтибмен. *Муншаот*, 14-184;
Мавлоно Ҳалокий... зиҳи муваффақ бандае ки улдур. *Мажолисун-нафоис*, 108-Т;

~ **и амр** – буйруққа бўйсунган, ўз ихтиёридан чиққан:
Бешинчига чун еткуруб гомни,
Қилиб бандаи амри Баҳромни. *Садди Искандарий*, 64-Т;

~ **и афканда** – бечора, вайрон, мағлуб бўлган, фақир:
Бу бандаи афкандани бир мисоли вожибул-имтисол била туфрағдин кўтарилиб эрди. *Муншаот*, 14-158;

~ **и бечора** – бечора банда:
Бу мулк ичинда яхши ёман таъни тошидин,
Анга етишти бандаи бечора жафо. *Фавойидул-кибар*, 698-Т;

~ **и даргоҳ** – даргоҳ фақири, бандаси:
Ва бу фақир ҳам ким бу ҳазратнинг бандаи даргоҳи ва ул Ҳазратнинг хокроҳимен, маҳрум бўлмасун. *Мажолисун-нафоис*, 131-Т;

~ **и мухлис** – ихлосманд, ихлосли, садоқатли қул:
Бандаи мухлиснинг давлатхоҳлик юзидин хотириға келган сўзни ҳам борған ёронларға айтилибдур. *Муншаот*, 14-166;

~ **и нафс** – нафс бандаси, нафси бузуқ, баднафс:
[Тавба] ҳақдин нажот вақти етмакдур ва бандаи нафс мутобаатин тарк этмакдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-47;

~ **и фармон** – буйруққа бўйсунувчи, итоаткор, фармонбардор:
Дайр пири тутса май нўш этсам эрмас айб ким
Заҳр агар ич дер ки аниинг бандаи фармонимен. *Ғаройибус-сиғар*, 383-Т;

~ **и хоксор** – бечора, фақир, камтарин қул; мен бечора:
Бандаи хоксор агарчи туфрағдин ўксук эрдим аммо ул қуёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим. *Муҳокаматул-лугатайн*, 187-Т;

~ **и хос** – махсус, энг яқин хизматкор:
Кўргузуб ҳар санамға бир ихлос,
Ки самад мажлисида бандаи хос. *Сабъаи сайёр*, 10-188;

~ **и Худо** – Тангри, Худо бандаси:
Ким шоҳи мулк бандасиға чора қилмас,
Йўқ чора эмди мулки Худо бандаи Худо. *Фавойидул-кибар*, 698-Т;

~ **и човуш** – *хизматкор, эшик оғаси*:
Ишқ... истиклоли била ҳусн саропардаи кибриё ва боргоҳи истиғноси теграсида бир бандаи човуш ва бир каминаи ҳалқа багўшдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-66;

~ **и чокар** – хизматкор қул:
Қад гар будур эй сарви суманбар,
Тубий санга бир бандаи чокар. *Мезонул-авзон*, 36-Т.

БАНДАВАШ [بنده وش] – бандаваш, кулларча:
Ки чексун келиб мол ила пешкаш,
Бажо келтуруб қуллуғунг бандаваш. *Садди Искандарий*, 222-Т.

БАНДАВОР [بنده وار] – қулдай, қул каби, қулмонанд:
Деди ким кўп бу кун хидматқа бор,
Тур Сикандар ҳадматида бандавор. *Лисонут-тайр*, 160-Т;

Хожаға бандавор туттилар,
Суртубан жисмини қуруттилар. *Сабъаи сайёр*, 10-316.

БАНДАЗОД/БАНДАЗОДА [بنده زاده / زاد بنده] – қулвачча, қулдан туғилган:
Чу мен бандамен бу ики бандазод,
Алар афви бирла мени айла шод. *Садди Искандарий*, 273-Т;
Атосининг оти Динор эрмиш. Ва ул бандазода эрмиш, аммо икки оламдин озода эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 14-Т.

БАНДАКИРДОР [بنده کردار] – итоаткор:
Улус ким санга бандакирдордур,
Санга дағи бир қодири бордур. *Садди Искандарий*, 502-Т.

БАНДАЛИҒ/БАНДАЛИҚ/БАНДАЛИК [بنده لیک/بنده لیق/بنده لیغ] – қуллик; тобелик; хизматкорлик, мулозимлик:
Ахтаридин меҳрға фархундалик,
Бадру ҳилол айлаб анга бандалик. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;
Дедим Илоҳи подшоҳларнинг бандаси қариса ани озод қилурлар сен подшоҳлар подшоҳи сен бандалиғингда қаридин мени озод қил. *Насойимул-муҳаббат*, 187-Т;
Ҳар қаён деса бор борурбиз ва ҳар қаён деса бўл бўлурбиз бандалик будур. *Насойимул-муҳаббат*, 233-Т;
Шаҳдин ул бандалик ки кўргаймен,
Ҳавсала қайда ким сингургаймен. *Сабъаи сайёр*, 10-354;
Зулфиға эй мушк и старсен қаримчи бандалиғ,
Йўқ ҳадинг кечкил бу савдодин ўзунгни сотма кўп. *Ғаройибус-сиғар*, 77-Т;
Олло Олло ўлтурур шармандалик,
Ёдима келса бу янглиғ бандалик. *Лисонут-тайр*, 20-Т;
Ул хазратқа бовужуди бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиғ шогирдликка дағи ўзумни мушарраф... қилдим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т;
Хизматимда озодалар иши бандалик изҳори ва илайимда сарафрозлар даъби сарафкандалик атвори. *Вақфия*, 14-250;

~ **зоҳир эт-** – ходимлик зоҳир қилмоқ, мулозим бўлмоқ:
Истарам Луқмон киби касб айласам паррандалик,
То етиб ул остонға зоҳир этсам бандалиқ. *Муншаот*, 14-194;

~ **эт-** – хизматкорлик этмоқ, хизматда бўлмоқ:
Анча ёр алтофидин ҳар кун етар шармандалиғ
Ким эрур кам ҳар бирига юз йил этсам бандалиғ. *Бадойиул-васат*, 229-Т;

~ **фикрин қил-** – ходимлик (қилишга жазм) этмоқ, мулозимлик қилмоқ:
Ҳақдин бу беҳисоб иноятларни бил ва мунга кўра бандалиқ фикрини қил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-130.

БАНДАНАВОЗ [بنده نواز] – раҳмдил, шавкатли, меҳрибон:
Теграмда аниси ғамгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ. *Ғаройибус-сиғар*, 554-Т;
Қуллуғдин сўнг сўзни бу навъ эт оғоз,
К-эй маҳзи сахо подшоҳи банданавоз. *Муншаот*, 14-213;
Ким бу сўзлар ки шоҳи банданавоз,
Қилди бу қулға мужиби эъзоз. *Сабъаи сайёр*, 10-338;

~ **бўл-** – раҳмдил, шафқатли бўлмоқ:
Ҳамиша банданавоз бўлғай. *Муншаот*, 14-191.

БАНДАНАВОЗЛИҚ/БАНДАНАВОЗЛИҒ [بنده نوازلیغ/بنده نوازلیق] – бечорапарварлик, инсонпарварлик:

Алар даҳи банданавозлиғ юзидин илтифот қилдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-71;

Банданавозлиғ нишони била бошимни фалакдин ўткардингиз. *Муншаот*, 14-167;

~ **қил-** – меҳрибонлик қилмоқ:

...арздошт ул ким банданавозлиқ қилиб йибарган нома етишти. *Муншаот*, 14-193;

...охирида подшоҳ дуоси зайлида бу навъ банданавозлиқ қилибтурлар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-59.

БАНДАПАРВАР [بنده پرور] – инсонпарвар, саховатли:

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло подшоҳи марҳаматгустар ва султони бандапарварнинг сояи давлатин... мустадом тутсун. *Муншаот*, 14-212;

Етти чун зарра меҳри анварға,
Банда султони бандапарварға. *Сабъаи сайёра*, 10-352;

Лутфунг ҳам улуска файзгустар бўлсун,
Зотинг ҳам ўзига бандапарвар бўлсун. *Муншаот*, 14-213.

БАНДАПАРВАРЛИҒ [بنده پرورلیغ] – инсонпарварлик, саховатлик, камбағалпарварлик:

Ғарибнавозлиғи ким бу афтодаға мужиби сарафрозлиғ эрди, бандапарварлиғи ким бу шикастаға дилнавозлиғ берди. *Муншаот*, 14-209.

БАНДАР [بندر] – порт; чегара бошланиши:

Сипоҳи масун барча офотдин
Ўтуб бандару мулки Гужротдин. *Садди Искандарий*, 393-Т.

БАНДАФАРМОН [بنده فرمان] – фармон қули, бандаси; амир қули:

Бўлубтур бу кун мулки Эрон манга,
Бари шоҳлар бандафармон манга. *Садди Искандарий*, 221-Т.

БАНДАХОНА [بنده خانه] – қулнинг уйи; камина, фақир уйи; тураргоҳи, манзилгоҳи:

Ўтар ёринг Навоий арз қил ким
Қадам кўйсанг яқиндур бандахона. *Ғаройибус-сиғар*, 409-Т;

Тонгласи ҳазрати Махдум бандахонаға ташриф келтурдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-15;

Бир куи подшоҳ ҳазратлари бандахонада эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-22.

БАНДВАР [بندور] – асир, тобеъ; ~**эт-** – асир, тутқин этмоқ:

Хол-у зулфиға кўнгул берманг ким
Қушни бандвар этар ул дона ву дом. *Бадойиул-васат*, 316-Т.

БАНДИ [بندی] – боғлиқ, асир; қарам, тобеъ:

Даҳр аро эл бандининг маҳбусимен,
Бу сабаб бирла алар маънусимен. *Лисонут-тайр*, 10-304;

Икки банди-ўқ эрди боғ ичра,
Келгач ул мажлиси фароғ ичра. *Сабъаи сайёр*, 10-21.

БАНДЛИҚ [بندلیق] – бўғинли, бандли:

Бу турфа ки ёзғали рақамни,
Йўнмишсен бандлиқ қаламни. *Лайли ва Мажнун*, 316-Т.

БАНД-У БАСТ [بند و بست] – тақатақ бекик, маҳкам боғлиқ:

Тўра барча қуллоб ила банд-у баст.
Макин айлабан кейнида аҳли шаст. *Садди Искандарий*, 322-Т.

БАНИ [بنی] – авлод: болалар, уруғ, қавм, қабила; ~**Асад** – Асад авлоди; Бани Асад қабиласи:

Ҳам хайли Бани Асадға воли,
Юз хайли Бани асадча моли. *Лайли ва Мажнун*, 172-Т;

~ **Исроил** – Исроилдан тарқаганлар, яҳудийлар:
Бани Исроил қавмидин подшоҳи Матинё эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-220;
Бани Исроил таронаси била тараннум тузди. *Вақфия*, 14-235;
Одам – Одам авлоди, одамзодлар:
Олам аҳли кўнглида олам ғами,
Ҳуд будур кўпрак бани Одам ғами. *Лисонут-тайр*, 165-Т;
Жунунни тарк этибан оқил ул деди зоҳид,
Бўлур эмиш бани Одамға мунча нодонлиғ, *Бадойиул-васат*, 231-Т;
~ **Шайбон қабиласи** – Шайбон қабиласига мансуб кишилар:
Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмиш.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-10.

БАНИУЛЛОҲ [بنی‌الله] – Аллоҳ бандалари:
Қайси тил бирла ё баниуллоҳ,
Сени таъриф этай мене гумроҳ. *Вақфия*, 14-235;
Ибрий тил била ани Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштақдир. Араб Худ деди яъни баниуллоҳдир. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-109.

БАННО [بناء] – уста, бинокор, меъмор:
Қилғали бу коргаҳ вазъиға фикр-у бода ич,
Ким хирад идроки ожиздур анинг банносидин. *Фавойидул-кибар*, 459-Т;
Ҳар кун ул иш ки қилса банноси,
Шаҳ келиб айлагай тамошоси. *Сабъаи сайёр*, 10-133;
~ **ву ҳаддод** – бино ва темирчилик устаси:
Неча минг бу иш узра устод эди,
Ки санъатда банно ву ҳаддод эди. *Садди Искандарий*, 433-Т.

БАННОЛИҒ [بنالیغ] – бинокорлик, меъморлик:
Дебдурлар ки ул кундуз баннолиғ касбига машғул эрди ўлча ҳосил қилса эрди кеча андин муҳаққари баҳра олур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 64-Т;
Суви келгач яна ясаб балчиғ,
Ибтидо айлар эрди баннолиғ. *Сабъаи сайёр*, 10-186.

БАНОГЎШ [بناگوش] – қулоқнинг остки юмшоқ қисми, қулоқнинг солинчоғи; сирғаси:
Сафшикан ул турки баногўш ўлуб,
Қатл хаёлиға зириҳбўш ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-195;
Икки гавҳар ким баногўшунгдадур анжум киби,
Ҳусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар қулағ. *Наводируш-шабоб*, 297-Т.

БАНОТУН-НАЪШ [بنات النعش] – юлдузлар тўплами:
Ва лекин бу қадар бикри парисон,
Банотун-наъшдек бўлмиш паришон. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;

БАР I [بر] – мева, ҳосил, самара; баҳра:
Киши ҳанзал экса аччиғ бар топар,
Ва гар найшакар экса шаккар топар. *Садди Искандарий*, 314-Т;
Дафъ ўлуб ағёр топсам бар ул ул хилват аро,
Безабонлиғ ичра шарҳи дарди ҳижрон айласам. *Бадойиул-васат*, 324-Т;
~ **е-** – лаззатланмоқ, баҳра олмоқ:
Ва умри нахли мевасидин бар емади. *Мажолисун-нафоис*, 74-Т;
Ҳаёт гулшанидин қайда бар егай кўнглум,
Ки ғам хазонига бўлмиш бадал баҳори анинг. *Бадайиул-васат*, 263-Т;
~ **топ-** – лаззатланмоқ, баҳра олмоқ:
Висол тухмини эктим фироқ бар топтим,
Вафо ниҳолини тиктим жафо самар топтим. *Ғаройибус-сиғар*, 320-Т.

БАР II [بر] – **~уст, -ма** маъносини берувчи олд кўмакчи:

Каломе ки сендин топиб интизом,
Анинг лафз бар лафзи муъжизнизом. *Садди Искандарий*, 59-Т;
Ул ки қўйуб бодияда ҳар қадам,
Бу ҳам этиб пўя қадам бар қадам. *Ҳайратул-аброр*, 7-328.

БАРАБАС [برعبث] – беҳуда, фойдасиз:

Агар қойил эрмас бу ишка киши,
Бўлур барабас офариниш иши. *Садди Искандарий*, 313-Т.

БАРАК [برک] – безак, зеб-зийнат:

Бўлубтур сарви нозим ҳусн шамъи бошида анинг,
Барак зарриштаси ул ким янар бир неча торандин. *Ғаройибус-сиғар*, 382-Т.

БАРАКАТ [برکت] – 1. барака, саодат, бахтлилик, фаровонлик:

[Деҳқонлар] ҳар қаён қилсалар ҳаракат элга ҳам кут еткурур, ҳам баракат. *Маҳбубул-қулуб*, 14-37;

2. хайр, эзгулик; саодат:

Ул дуо баракати била умрдин бархурдор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;
Анинг адолати баракатидин Ҳақ таоло етти йилдин сўнгра ким ёмғур берди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-139.

БАРАКОТ [برکات] – баракатлар, мўллик, фаровонлик; саодатлар; бахтлилик:

...вилоят-у каромат аҳлидурлар ва халойиққа иршод-у иҳдо қилурлар муборак зотларининг баракоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмағай. *Насойимул-муҳаббат*, 4-Т.

БАРАКС [برعکس] – акси, терси:

Сариғ юзумдин эл йиғлар магар ким ўлмаким етти,
Ки мундақ хосият баракс бўлди заъфаронимға. *Бадойиул-васат*, 18-Т.

БАРАНДА [برنده] – етакчи, олиб кетувчи; раҳбар: **~ и рох** – йўловчи, йўл кўрсатувчи, раҳнома:

Гумроҳларға барандаи роҳдурур,
Бу бешада яъни Асадуллоҳ дурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-135.

БАРАНДОЗ [برانداز] – *бузувчи, қўпорувчи, кўчирувчи, барбод қилувчи, хонавайрон* каби маъноларни англатади:

Эр суратида шоҳидедур танноз ва мулойим кисватида мурсидедур хона барандоз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-31;
Чун амали бирла навосоз ўлуб,
Ул най уни хонабарандоз ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-226.

БАРАНДОХТА [برانداخته] – вайрон, бузилган, кўпорилган; **~ кил-** – вайрон килмоқ:

Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди вале хонабарандози қолибтур. *Ғаройибус-сиғар*, 162-Т.

БАРАНҒАР [برانغار] – қўшиннинг ўнг қаноти:

Баранғар анга хайли машрикзамин,
Самарқанддин то ки сарҳадди Чин. *Садди Искандарий*, 185-Т.

БАРАС [برص] – бадандаги оқ доғ, пес:

...Фиръавннинг бир қизи бор эрди ким анга барас иллати бор эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-134;
Яна Мусо а.с.нинг мўъжизи бу ким оғзи суйи била ул барас филҳол дафъ бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-134.

БАРАФТОД [برافتاد] – йиқилиш, бузилиш, вайрона; ~ ўл- – йиқилмоқ, бузилмоқ, вайрон бўлмоқ:
То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафс-у ҳаво касри барафтод ўлмас. *Вақфия*, 14-253.

БАРАҲМАН [برهمن] – брахман, оташпарастлар ибодатхонасининг руҳонийси:
Тарқағач барча эл бараҳман чуст,
Ул эшикни муқаффал айлаб руст. *Сабъаи сайёр*, 10-188.

БАРАҲНА [برهنه] – яланғоч:
Ул ким дуо ели била гоҳи бу ниҳоятсиз даштдин ким наъл бараҳна қадам урубмен. *Муншаот*, 14-145.

БАРАҲНАЛИҒ [برهنه ليغ] – яланғочлик:
Ҳар ойина ким беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ... даст берур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-13.

БАРБАРИ [بربرى] – барбар қавм, халқ номи, барбарликка мансуб:
Бари барбариға асир ўлдилар,
Синон захмидин дастгир ўлдилар. *Садди Искандарий*, 194-Т;
Яна гарми кини солиб юзга чин,
Чопиб барбари қасдиға гармкин. *Садди Искандарий*, 194-Т.

БАРБАТ [بربط] – барбат, мусика асбоби:
Чу ун бирла барбат навосин тузуб,
Бири ўлтуруб ул бири тиргузуб. *Садди Искандарий*, 356-Т.
Қаён ким етиб барбатидин нағам,
Не йўл анда топиб кудуратни ғам. *Садди Искандарий*, 51-Т.

БАРБАТЗАН [بربط زن] – барбатчи:
Бовужуди жамоли фитнафикан,
Бор эмиш хуш наво-у барбатзан. *Сабъаи сайёр*, 10-336.

БАРБАТНАВОЗ [بربط نواز] –барбатчи:
Қуёш чеҳралиғ шўхи барбатнавоз,
Ки жон риштаси тор анга чолса соз. *Садди Искандарий*, 50-Т.

БАРБОД [برباد] – 1. нобуд, яксон: кўкка совурилган, талафотга учраган:
Даҳр элида бирав ки Осаф ниҳолдур билгай ким Сулаймон тахти барбоддур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-16.
Ишқ ҳам майға айласа имдод,
Тонг эмас борса бор-у йўқ барбод. *Сабъаи сайёр*, 10-1.

2. шамолга совурилган; кўкка совурилган:
Гияҳ юз минг бўлур бўстонда барбод,
Вале юз йил турар бир сарви озод. *Фарҳод ва Ширин*, 180-Т;

~ **бўл-/ўл-** – кўкка совурилмоқ, барбод қилинмоқ, йўқ қилинмоқ:
Чу ғасп айлади Шаҳрирод мулк
Анинг нангидин бўлди барбод мулк. *Тарихи мулуки ажам*, 16-252;
Шаҳ сипаҳ чекса фақир аҳволиға етмас футур,
Бу вале чеккач нафас барбод ўлур ҳашмат анга. *Ғаройибус-сиғар*, 33-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўқ қилмоқ, кўкка совурмоқ; вайрон қилмоқ:
Куфри зулфи дин-у имонимни барбод айлабан,
Қилғанин жон қасди эткил номусулмонимға арз. *Ғаройибус-сиғар*, 228-Т;
Фақр даштида десанг фориғу озода борай,
Кир таваккул била ву ваҳмни барбод эткил. *Бадойиул-васат*, 282-Т;

Паришонмен эй оҳ афлокдин,
Бу абтар варақларни барбод қил. *Наводируш-шабоб*, 368-Т;
Сарсари ғайратни чу бунёд этиб,
Ҳирсу тамаъ рахтини барбод этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-154;
Бу золимлар мулкни барбод бергучилардур ва мулк аҳли йиғиш турғанларин битиргучилардур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-16.

БАРВАҚТ [بروقت] – эрта, барвақт:
Оз киши бирла устига сурдум,
Анга барвақт ўзумни еткурдум. *Сабъаи сайёр*, 10-397.

БАРГ I [برگ] – 1. япроқ, барг:
Қаро йиғачнинг сариғ баргларин ел учурғани... *Муншаот*, 14-138;
Ҳар кимса ки айламас ошуқмағни хаёл,
Яфрағни ипак қилур чечак баргини бол. *Маҳбубул-қулуб*, 14-104;

2. маҳбуб юзини тўсиб турган соч тарамлари:
Навоий айлама кўрмак хаёл ул гулни,
Ки баргдин юзига беҳисоб эрур ҳойил. *Бадойиул-васат*, 294-Т;

3. ҳосил, самара:
Ё Раб ул барг насиб эт ки Навоий топқай,
Боғи тавҳид гул-у булбулидек барг-у наво. *Бадойиул-васат*, 5-Т;

4. эзгулик, яхшилик:
Ел ўйла етишти маҳражондин
Ким барг кўтарди меҳри жондин. *Лайли ва Мажнун*, 339-Т;

~ **тўтилари** – япроқ сабзаси:
Бу гулшан аро барг тўтиларига
Хазон тифли бас боиси рам бўлубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 143-Т;

~ **и асфар** – сариғ япроқ:
Хазон ичра чун барги асфар сочиб,
Фалак ҳар сари юз минг ахтар сочиб. *Садди Искандарий*, 303-Т;

~ **и асфарафшон** – сариғ барглар сочилган:
Ел су уза барги асфарафшон,
Мавий варақи ясаб зарафшон. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;

~ **и бало** – бало барглари:
Бешалар муҳлик балолардин тўла,
Шохи андуҳ-у тааб барги бало. *Лисонут-тайр*, 42-Т;

~ **и бид** – мажмунтол барги:
Бўлуб ахзар синонинг сарв монанд,
Анинг устида барги бид пайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т;

~ **и гул** – гул япроқлари:
Барги гул ким сочилди кўйи аро,
Ул менинг пора пора кўнглум эмиш. *Наводируш-шабоб*, 266-Т;
Не аракдур ким ичинда ғаркадур нозук танинг,
Барги гулдек ким гулоб ичра чўмар сар-то-кадам. *Бадойиул-васат*, 300-Т;

~ **и дасторим** – саллага санчилган гул:
Англа бошимға туташқан шуълаи ҳажр эй рафик,
Кўрма санчилған хазони барги дасторим сари. *Фавойидул-кибар*, 593-Т;

~ **и коҳ** – сомон парчаси:
Эй насими васл эсиб жисмимни жонон сари элт,
Ким фироқи заъфидин андақ ки барги коҳдур. *Наводируш-шабоб*, 155-Т;

~ **и лола** – лола япроғи; лола гулбарги:
Боги хуснунг ким гул очти ранг-ранг эй муғбача,
Гўйи ичтинг майға барги лола ву насрин солиб. *Гаройибус-сиғар*, 68-Т;
~ **и мамот** – ўлимлик жиҳозлари:
Шаҳ этти неча кимса таъйин ки бот,
Анга соз этиб барча барги мамот. *Садди Искандарий*, 274-Т;
~ **и норанж** – норанж, апельсин барги, гули:
Қилиб норанж олтундин аён ганж,
Либос айлаб ўзига барги норанж. *Фарҳод ва Ширин*, 166-Т;
~ **и резон** – куз, хазон фасли:
Гулшанга хазон бўлуб ситезон,
Ашжорға солди барги резон. *Лайли ва Мажнун*, 341-Т;
~ **и суман** – ёсмин, суман гули япроғи:
Куйдуруб кўнглум кўзумни тира қилди то анга
Юз ўти барги суман зулфи сумансо бўлди дуд. *Фавойидул-кибар*, 121-Т;
~ **и ток** –ток барги:
Қадаҳ тут ким қизартай чеҳра эй соқий ки ҳижронинг
Юзумни асфар андағ ким хазони барги ток этмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 207-Т;
~ **и умид** – умид япроқлари:
Шайх айлаб юз жафо бир қатра узрунг қўлмаса,
Бўйла ўтлардин керак барги умидинг сўлмаса. *Наводируш-шабоб*, 656-Т;
~ **и хазон** – хазон барги:
Баҳори ҳусни таманноси ичра барги хазон,
Сиришк қонларидин бўлди чеҳраи зардим. *Фавойидул-кибар*, 409-Т;
~ **и шажар** – дарахт барглари:
Кўрунмас зор кўнглум жаҳд этиб пайконларинг ичра,
Магар ул қушқа бўлмиш касрати барги шажар ҳойил. *Фавойидул-кибар*, 373-Т;
~ **и ҳавас** – ҳавас барги:
Қолмади тан нахлида барги ҳавас,
Балки учурди ани совуғ нафас. *Ҳайратул-аброр*, 7-287.

БАРГ II [برگ] – асбоб, жиҳоз, безак; зарур нарсалар; маҳлис, сафар анжоми:
Эли ҳеч тинмай ясаб соз-у барг,
Муҳайё қилиб чавшан-у худ-у тарг. *Садди Искандарий*, 184-Т;
Даҳр шўхи макрига берма кўнгул йўл баргин эт,
Сен киби ҳар гўшада невчун ки юз меҳмони бор. *Бадойиул-васат*, 148-Т;
Базмда шоҳона ясаб соз-у барг.
Бошим уза эгри кўйуб нимтарк. *Ҳайратул-аброр*, 7-63;
~ **у наво** – шодлик жиҳозлари; ризку рўз, турмуш асбоб-яроқлари;
Учку тилаб хайлиға барг-у наво,
Гар гала минг бўлса бўлуб пешво. *Ҳайратул-аброр*, 7-134;
Эй Навоий даҳр боғида чу йўқ барг-у наво,
Барги фақр эт истама ўзни наволиғ орзу. *Наводируш-шабоб*, 517-Т.

БАРГАНЖ [برگنج] – ганж, бойликка эга:
Улус бўлса маъмур барганж эрур,
Ки андин жаҳон фатҳи беранж эрур. *Садди Искандарий*, 218-Т.

БАРГАШТА [برگشته] – қайтган; омади кетган, омадсиз, иши юришмаган:
Ахтари толиъ ўлуб баргашта,
Булъажаб қавм аро саргашта. *Фавойидил-кибар*, 667-Т;

~ **бахт** – бахти қаро, бахтсиз, толеъсиз:
Чу Шеруяйи дун баргашта бахт,
Бу янглиғ лақаблар била олди тахт. *Тарихи мулуки ажам*, 16-250;
~ **и бесарупой** – телба, бечора, яланг оёқ:
Эй саргаштаи худрой ва эй бахти баргаштаи бесарупой ул вақтдин бери ким мазаллат туфрағидин рўзгоринг чеҳрасин супурдум. *Муншаот*, 14-215.

БАРГАШТАЛИК [برگشته لیک] – омади кетганлик, омадсизлик, юз ўгирганлик:
Гаҳи ким бўлуб рафъ саргашталик,
Ҳам ул даврадин бахт баргашталик. *Садди Искандарий*, 468-Т.

БАРГВАШ [برگ وش] – япроқсимон:
Агарчи илик титрар ул баргваш,
Томурлар курур ўйла ким обкаш. *Садди Искандарий*, 281-Т.

БАРГГОҲ [برگ گاه] – барггоҳ:
Гар самандинг гардидин қолман не тонг ким борур ул,
Каҳ рубойи ким бу ҳусндек жисм барггоҳидур. *Наводируш-шабоб*, 158-Т.

БАРГЛИК [برگ لیک] – баргли, япроқли:
Сарвнинг ҳар барги бағрим қонидин сероб эрур,
Йўқса бўлмас арғувоний барглик сарви равон. *Ғаройибус-сиғар*, 346-Т.

БАРГРЕЗ [برگ ریز] – 1. хазон, хазон бўлиш, япроқ тўкилиш; куз:
Бас йўқ зди боғ аро бу рустахез,
Ким этибан сарсаридай баргрез. *Ҳайратул-аброр*, 7-284;
2. карилик:
Зор тандин минг туган солмиш қаро ўлсам не тонг,
Гулбуни умрумға бу янглиғ ки бўлмиш баргрез. *Наводируш-шабоб*, 202-Т;
3. омадсизлик, толеи пастлик:
Агар гоҳи умиди бўстони хазондин баргрезга қолғанлар журъа била ёд қилса камоли қуёшидин зарраи кам бўлмағай ва ҳаёти гулистони ҳирмон баргрезидин хозонға учраганларни журъа била ёд қилса... *Муншаот*, 14-139;
~ **бўл-** – хазон бўлмоқ:
Ул заъф насими тез бўлди,
Бўстониға баргрез бўлди. *Лайли ва Мажнун*, 341-Т.

БАРГРЕЗОН [برگ ریزان] – барг тўкилиш; хазон; куз:
Гулшанға хазон бўлуб ситезон,
Ашжориға солди баргрезон (барги резон). *Лайли ва Мажнун*, 341-Т;

БАРГСИЗ [برگ سیز] – баргсиз, бебарг:
Оразингни боғ аро чун кўрди ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди недин ким бас паришошн бўлди гул. *Бадойиул-васат*, 295-Т.

БАРГУЗИДА [برگزیده] – танланган, сайланган, мумтоз; назар эътиборли:
Мунунг ислоҳи учун баъзи баргузида бандалари бошиға нубувват тожин қўйуб белига ҳидоят камарин боғлаб бу махлуқотнинг амр-у наҳйиға ўз оллидин маҳкум ва буларға ҳоким қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 3-Т;
Салотин Тенгри таолонинг баргузида ва азизроқ бандаларидурлар. *Муншаот*, 14-183;
...даҳр бўстонининг сарвсифат озодавашларининг писандидароқ шевасидурур ва сидқи қавл васфида ким сипеҳр шабистонининг субҳосо тоза дамларининг баргузидароқ шимаси... *Садди Искандарий*, 343-Т.

БАРГУСТАВОН [برگستوان] – зирих; от, филга ёпиладиган ўқ ўтмас ёпинчиқ:
Аламлар қаро ву синонлар қаро,
Бедод узра баргуставонлар қаро. *Садди Искандарий*, 186-Т;

Ало то абри найсон зиндапили,
Кияр баргуставон чархи нили. *Фарҳод ва Ширин*, 99-Т;
Бинафша айлабан шидда бирла дирахш,
Саманд узра баргуставон ҳам бинафш. *Садди Искандарий*, 186-Т.

БАРД [برد] – совуқ:

Оҳим андақдур ки лаълинг шавқидин бир катра қон,
Тўкса кўз ёқутдек боғландурур барди анинг. *Бадойиул-васат*, 270-Т;

~ **и муфрид** – қаттиқ, мислсиз совуқ:

Бири ел ки элни қилур дарднок,
Бири барди муфрид ки айлар ҳалок. *Садди Искандарий*, 235-Т.

БАРДАВОМ [بردوام] – доимий; доимо; ҳамиша, давомли, узлуксиз:

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун. *Муншаот*, 14-167;
Илоҳи подшоҳи Исломни муслимин бошиға тутқил бардавом. *Муножот*, 16-299;
Масрифи секкиз кишидур бардавом,
Ким ангадур шарҳ ила нотиқ калом. *Ҳайратул-аброр*, 7-114.

БАРДАСТ [بردست] – қўлда:

Анингдек очти аждар оғзиға шаст,
Ки деди гурди анжумбус бардаст, *Фарҳод ва Ширин*, 209-Т.

БАРДОР [بردار] – *кўтар, ол; кўтариш, олиш* маъноларини ифодаловчи сўз:

Яна бир лутфдин айлаб хабардор,
Латофат гулшанидин баҳра бардор. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;

~ **и ано** – машаққат, заҳмат:

Бийиклик етса ул дори фанодин,
Қутулғай жон бу бардори анодин. *Фарҳод ва Ширин*, 375-Т.

БАРДУЛ-АЖУЗ [برد العجوز] – қишнинг сўнгги кунларидаги қаттиқ совуқ:

Ул қавм ким ўз кучларига мағрур эрдилар хошокдек совуруб тоғ ва тошға уруб барисин ҳалок қилди ва бу ҳол шаввал ойида бардул-ажуз вақтида эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-108.

БАРЖАСТАЛИҒ [برجسته لیغ] – бўртиб туриш, яққол кўриниш; катта, йирик, таниқли:

Ишқ сахросида ким пўя уруб секрармен,
Бу икин зумраи ушшоқ аро баржасталиғим. *Бадойиул-васат*, 322-Т.

БАРЖАҲОН [برجهان] – жаҳонда, жаҳонга:

Недин ким бўлуб баржаҳон халқ ъур,
Солиб ноладин даҳраро нафҳи сур. *Садди Искандарий*, 485-Т.

БАРЗАГАР [برزه گر] – деҳқон, ғаллакор:

Барзагарға андин ком ҳосил пуштакашға андин мурод восил.
Маҳбубул-қулуб, 14-37;

...ва тақво ву вараъда муболағаси бор экандур ва дебдурлар ки анинг барзагари ва деҳқонлиғ олотидин бири била ки вақф экандур.
Насойимул-муҳаббат, 322-Т.

БАРЗАХ [برزخ] – икки нарсанинг оралиғи; тўсиқ; аъроф:

Ўрун гарчи кофирға дўзахдурур,
Анинг адлидин ўрни барзахдурур. *Садди Искандарий*, 139-Т.

БАРЗИКР [برذکر] – зикрда:

...кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодға мазбут ва маҳфуз эмас,
Паҳлавонға барзикр эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т.

БАРИ I [برى] – 1. ҳамма, барча:

Даҳр илики келди аҳли номус бари,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бари,
Оллингда неча қилса забинбус бари,
Лекин бордур айбинга жосус бари. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;
Бари элга бу сўзда бор иттифоқ,
Ки душвор эрур дард-у доғи фироқ. *Садди Искандарий*, 492-Т;

2. ҳаммаси, барчаси:

Жафо қилур бари гулчеҳралар вафо қила кўр,
Вафо ҳам элга қилурсен вали манга қила кўр. *Ғаройибус-сиғар*, 131-Т;
Бўлмиш эди соат ихтиёри,
Жамъ ўлди қабила аҳли бари. *Лайли ва Мажнун*, 298-Т.

БАРИ II [برى] – пок, тоза; холи, озод:

Ҳар гирифторға ким ул нобуд ҳаёти андин бари ва ҳар умидворға ким ул номавжуд руҳи андин сипари. *Маҳбубул-қулуб*, 14-56;

~ **айла-/қил-** – халос қилмоқ, озод қилмоқ:

Манга кўнгул ҳажринг аро зордур эй рашки пари,
Юзунгни кўргузгил-у айла ғуссадин жонни бари. *Мезонул-авзон*, 41-Т;
Кел бизга вафо бирла, эй парий
Бу телбани фурқатдин қил бари. *Мезонул-авзон*, 51-Т.

БАРИД [بريد]– хабарчи; чопар:

Ки етти ул бариди ҳомили роз,
Кўлинда бир буроқи баркпарвоз. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;

~ **и нурбахш** – зиё таратувчи хабарчи; қуёш:

Ким етти бариди нурбахши,
Ҳамраҳ анга маҳзи нур рахши. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т.

БАРИН I [برين] – ўхшаш, монанд:

Тоат айларда мўри хаста барин,
Лек исён маҳали шери арин. *Сабъаи сайёр*, 10-15.

БАРИН II [برين] – баланд, юксак, юкори, олий:

Ҳам рафиқингға арши баринда макон,
Ҳам буроқингға хулди баринда чора. *Бадойиул-васат*, 7-Т;
Тикондин йўл ки сарву ёсминға,
Тамуғдин балки фирдавси баринға. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т.

БАРИНВОР [برين وار] – энг юксак (осмондай):

Йўнуб атрофин андоқ берди ҳанжор,
Ки қасри айлагай чархи баринвор. *Фарҳод ва Ширин*, 310-Т.

БАРИҒА [بريغه]– ҳаммага, барчага:

Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл,
Ки бариғадур кина қилмаққа майл. *Садди Искандарий*, 167-Т.

БАРКАМОЛ [بركمال] – баркамол, мукаммал, камолотга етган:

Гарчи фалакдин топибан ҳар камол,
Лек фалокат ҳам анга баркамол. *Ҳайратул-аброр*, 7-217;
Ани сев ким ҳусни бўлғай баркамол,
Бўлмағай мулкин қуёшиға завол. *Лисонут-тайр*, 157-Т.

БАРКАНДАЛИҚ [برکنده لیق] – кўпорилиш; тушкунлик:

Раъийятқа бўлса парокандалиқ,
Топар салтанат нахли баркандалиқ. *Садди Искандарий*, 503-Т.

БАРКАРОН [برکران] – чеккада, четда, холи; ~ **бўл-** – холи бўлмоқ, кутулмоқ:
Ки эй фарзанд ғамдин баркарон бўл,
Бу иш ким коминг ўлмиш комрон бўл. *Фарҳод ва Ширин*, 225-Т.

БАРЛАС [برلاس] – 1. барлос (уруғ, қабила номи):
Ким кўнгул сайд этса лўли бўлса ким тут муғтанам,
Айтман арлат ё барласдин бирар мирзода топ. *Наводируш-шабоб*, 68-Т;
Эй Навоий бир ясакийвашға пири соқийвашқа андақ мен хароб,
Ким унутмишмен жаҳон тархан ила барласидин. *Фавойидул-кибар*, 456-Т;
2. киши лақаби:
Маҳмуд Барлас келиб пешкаш ва сочиқ келтуруб куллуқ хизматкорлиғларин изҳор қилди. *Муншаот*, 14-11.

БАРЛАСИЙ [برلاسی] – барлос уруғидан, барлос қавмидан:
Темурий нажод шаҳзодалар ва барласий ниҳод озодалар ва арлатий исмлик садрнишинлар... алолоси мавжуд эрди. *Вақфия*, 14-425.

БАРЛУТФ [برلطف]– лутфга:
Керак жони ҳам бўлса ишнинг бу тавр,
Ки барлутф лутф-ўқ берур жавр жавр. *Садди Искандарий*, 314-Т.

БАРМАҒ/БАРМАҚ [برماغ / برماق] – панжа, қўл бармоқлари:
Икки бармағ бирла туттум лаълин ул рухсор аро,
Айла ким булбул тутар гул яфрағин мункар аро. *Ғаройибус-сиғар*, 44-Т;
Икки бармақ ки тутар сиймни миқроз киби,
Фақр торин дағи қатъ эткучидур ул миқроз. *Наводируш-шабоб*, 276-Т;
Мир Муфлисий... илкига ва бармақларига халқалар солур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 37-Т;
Фироқ истасам андоқ танимдин ўт чиқарур,
Ки гар табиб элигим тутса бармағи қабарур. *Наводируш-шабоб*, 140-Т;
Дема илик тиғи ки бир бармағи,
Ойни икки бўлди ишорат чоғи. *Ҳайратул-аброр*, 7-42.

БАРНО [برنا] – гўзал, чиройли, навжувон:
Эшиттим ки бир турфа барно эди,
Юзи дилкаш-у қадди раъно эди. *Садди Искандарий*, 283-Т;
Ёмон гар яхши ҳар не бўлди ҳодис,
Анга бир турфа барно эрди боис. *Фарҳод ва Ширин*, 465-Т.

БАРОАТ [برائت] – поклик, бегуноҳлик; фазилат:
...ва ўз бароати учун ўтқа кирди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-206.

БАРОБАР [برابر] – тенг, бир хилда, баравар:
Ҳақ тонуқтур ким тирикликдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқи бори баробардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;
~ **бўл-** – баробар, тенг бўлмоқ:
Ўлса деб эрдинг Навоий тиргузай васлим била,
Билтур ўлганлар била ани баробар бўлди тут. *Бадойиул-васат*, 54-Т;
Агар қасри заррин эрур гар бузуғ,
Баробар қилур партавидин ёруғ. *Садди Искандарий*, 365-Т.

БАРОЗАНДА [برازنده] – арзийдиган, лойиқ, ярашган:
Каёний салотин нишони анга
Барозанда тожи Каёний анга. *Садди Искандарий*, 203-Т.

БАРОМАД [برامد] – чиқиш, кўтарилиш, юксалиш; ~ **қил-** – кўтарилмоқ, юксалмоқ:
То ҳар ким иши қилиб баромад,
Ишқ аҳли аро бўлуб саромад. *Лайли ва Мажнун*, 377-Т.

БАРОР [برار] – ривож:

Шаҳ Баҳром ила барори анинг,
Ки йўқ ансиз даме қарори анинг. *Садди Искандарий*, 11-Т.

БАРОТ [برات] – 1. шаъбон ойининг ўртасидаги кун (бу кун ислом динида байрам ҳисобланади):

Шаъбон ойининг ўртасида ким барот бўлғай ҳар куни ўтмак юз адад ким йигирми ботмон. *Вақфия*, 14-268;

2. ёрлиқ қогози, оқлиқ коғози; озодлик хати:

Ҳақ лутфидин илгида бароти,
Мазмуни бари улус нажоти. *Лайли ва Мажнун*, 53-Т;

3. ҳужжат, чек:

Мавлоно Абдураззоқ... соҳиби жамъ вазифаларин кечрак барот битидурган учун шикоятка фақир қошиға келдилар. *Мажолисун-нафоис*, 160-Т;

~ **-у қадр** – ислом динидаги икки қутлуғ кун:

Андин бўлуб оти жилваорой,
Андақ ки барот-у қадр аро ой. *Лайли ва Мажнун*, 101-Т.

БАРПОЙ [برپای] – барқарор, устувор; бунёд:

Ростлиқ таърифида ким вужуд уйи бу туз сутун била барпой.
Ҳайратул-аброр, 7-200.

БАРР [بَرّ] – ер, қитъа, қуруқлик; дашт, биёбон, чўл:

Араб барриға гаҳ бўлуб тезгард,
Шутурмурғ кўрмакка водийнавард. *Садди Искандарий*, 399-Т;

~ **и араб** – араб диёри, араб чўли; Арабистон:

Ким барри арабға кордоне,
Бор эрди арабға ҳукмроне. *Лайли ва Мажнун*, 89-Т;

~ **-у баҳр** – қуруқлик ва сув (ер юзи):

Раҳрав ул иккидек бу кўҳна саро,
Қилмай иҳсоз барр-у баҳр аро. *Сабъаи сайёр*, 10-308;

Оламнинг барр-у баҳрин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотка кирди.
Тарихи мулуки ажам, 16-217.

БАРС [برس] – барс, йўлбарс:

Йўқ эрса жамъ бўлса барсдек юз,
Алардин ҳосили йўқ ғайри пуф юз. *Фарҳод ва Ширин*, 98-Т;
Барсни ва итни ул кийик олғучи қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198.

БАРСЧИ [برس چی] – барсни овчиликка тарбияловчи, барсни ўйнатувчи.
Муҳокаматул-луғатани, 178-Т.

БАРТАРАФ [برطرف] – нобуд, барбод, бартараф; ~ **бўл-/ўл-** – нобуд бўлмоқ, адо, йўқ бўлмоқ:

Эй Навоий оғзидин кўнглумда гар бор эрди шак,
Қатлима чун демади сўз бартараф бўлди шаким. *Бадойиул-васат*, 308-Т;
Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,
Сабзалиғ-у гуллук ўлуб бартараф. *Ҳайратул-аброр*, 7-286;

~ **айла-/эт-/кил-** – йўқ қилмоқ, тамом қилмоқ; барбод қилмоқ:

Ато сўгини айлагач бартараф,
Сарир-у нигин топти андин шараф. *Садди Искандарий*, 121-Т;
Бордур инсон зотида анча шараф,
Ким ёман ахлоқин этса бартараф. *Лисонут-тайр*, 245-Т;
Навоий телбаликни бартараф қил,
Яна бир лаҳза сўз бошига келгил. *Фарҳод ва Ширин*, 80-Т.

БАРТАҚДИР [برتقدير] – чунончи, масалан, агар; борди-ю:

Бу сўзни анинг юзига қилмақ изҳор бартақдир ки чиндур.

Маҳбубул-қулуб, 14-102;

Иккинчи ул ким бартақдир ким сўзлари чин бўлса сен бу бедодни бу қавмға қилмағанинг яхширак. *Тарихи мулуки ажам,* 16-230.

БАРТОС [برطاس] – бартос (қавм, халқ; вилоят; шаҳар номи):

Жаванғарда мағриб эли бир сари,
Яна сари бартоси ву барбари. *Садди Искандарий,* 186-Т;
Жаванғарида эри бартос-у рус,
Фалак хайлидек барча тун-у шумус. *Садди Искандарий,* 188-Т.

БАРУМАНД [برومند] – баҳраманд, фаровон; фойдали; омадли; бахтли, саодат-ли, эътиборли:

Аммо умидим улдур ким бу икки умидим мевасидин дағи баруманд ва муродим будур ким бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд бўлғаймен.

Вақфия, 14-261;

Ки қойил эрур сўнгғи фарзандимиз,
Билик мазраъидин барумандимиз. *Садди Искандарий,* 529-Т;

~ **бўл-** – бахтли, саодатли, обрўли бўлмоқ, шон-шарафли бўлмоқ:

Бирав ким илм ила бўлди баруманд,
Анга ким ворис ўлди бўлди фарзанд. *Фарҳод ва Ширин,* 498-Т;

~ **ўл-** – 1. манфаатли бўлмоқ:

Раъийят бу бермакка хурсанд ўлуб,
Сипоҳи олурдин баруманд ўлуб. *Садди Искандарий,* 253-Т;

2. обрўли бўлмоқ, шон-шарафли бўлмоқ:

Сикандар баруманд ўлуб бахтидин,
Шабистонға кирди тушуб тахтидин. *Садди Искандарий,* 135-Т;

~ **эт-** – баҳраманд этмоқ, ҳосилли қилмоқ:

Нахлни деҳқон ки баруманд этиб,
Шохиға юз мевани пайванд этиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-311.

БАРУМАНДЛИҚ [برومند ليق] – баҳрамандлик, фойдаланишлик:

Саодат гулидин барумандлиқ
Эрур Тангри ҳукмиға хурсандлиқ. *Садди Искандарий,* 214-Т;

~ **эт-** – фойдаланмоқ:

Қилса тасаввур била хурсандлиқ,
Ёди била этса барумандлиқ. *Ҳайратул-аброр,* 7-171;

~ **топ** – баҳрамандлик топмоқ:

Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ. *Ҳайратул-аброр,* 7-55.

БАРХАБАР [برخبر] – хабардор; ~**бўл-** – хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, воқе бўлмоқ:

Демангиз ким бархабар бўл телба кўнглумдин чу ул,
Қайда ким борса Навоийни хабардор айламас. *Ғаройибус-сиғар,* 196-Т;
Иккисин де ки бархабар бўлали,
Икки нодирға баҳравар бўлали. *Сабъаи сайёр,* 10-82;

~ **кил-** – хабардор этмоқ, воқиф қилмоқ, билдирмоқ:

Бу ишдин дағи пир равшан замир,
Мени бархабар қилса ўзни хабир. *Садди Искандарий,* 521-Т.

БАРХУРДОР [برخوردار] – баҳраманд; мамнун:

Сизни умр-у давлатдин бархурдор тилаб дуо қилибмен. *Муншаот,* 14-184;

~ **бўл-** – бахтиёр, шоду хуррам бўлмоқ:
Мен агар бар топмадим сенсиз ҳаётим шохидин,
Нахли умрунгдин сен эй бадмеҳр бархурдор бўл. *Фавойидул-кибар*, 376-Т;
Кулагач юзлук хуш ахлоқ ким нифоқ кудуратидин бўлғай йироқ гулшани биҳишт эрур жилвагоҳ... мундақ киши бўлсун умридин бархурдор.
Маҳбубул-қулуб, 14-101.

БАРХУРДОРЛИҒ/БАРХУРДОРЛИК [برخورداريغ/ برخورداريق] – баҳрамандлик:
Маҳваше ким покрў ошиқни қилғай баҳравар,
Ҳуснидин ойни бархурдорлиғларму эмас. *Фавойидул-кибар*, 229-Т;
Комимиздин етса бархурдорлик,
Сендин ўлғай борча миннатдорлик. *Лисонут-тайр*, 40-Т.

БАРЧА [برچه] – ҳамма, жамъи, бари:
Сипеҳру меҳр юзунгдин нишонадур барча,
Ғараз сен-ўқ сену ул бу баҳонадур барча. *Ғаройибус-сиғар*, 401-Т;
Яна чиний олот минг барча,
Идора аро меҳри сайёрча. *Садди Искандарий*, 354-Т;
Мажлис асносида кўп айтур эрмиш ки эй барчани ҳечка сотқан ва ҳечни барчаға саткун алған. *Насойимул-муҳаббат*, 129-Т;
Ҳақ сўзи ҳар жузви варақ то варақ,
Барча ҳақойиқ балким барча ҳақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-104.

БАРЧАСИЗ [برچه سيز] – ҳаммасиз, барчасиз, барисиз:
Фалак-у анжуми бемеҳр-у дани
Барчасиз қилди сени дағи мени. *Фавойидул-кибар*, 682-Т.

БАРЪАКС [برعكس] – аксича, тескарисига; зид, тескари:
Абулбарака – ҳар не ким Хожа Хурд Қози васфида битилибдур анинг моддасида тамом баръакс воқиъдур. *Мажолисун-нафоис*, 169-Т.

БАРҚ [برق] – 1. чақмоқ, яшин, чақин:
Ул куёштин айру ашким-у ёмғурининг барқидур,
Ўт туташқан ришта янглиғ жисми печу тоб аро. *Ғаройибус-сиғар*, 42-Т;
Дамим ўти кўкка чиқар ўйла тез,
Ки барқ инмагай ерга андақ сариъ. *Наводируш-шабоб*, 11-Т;
2. ўт, олов; аланга:
Барқи тиғинг ки вужудум хасини куйдурди,
Дудидин тийра гар ўлса кулидин бер сайқал. *Бадойиул-васат*, 289-Т;
3. шуъла, нур:
Аввал ки жамолидян сочиб барқ,
Ўт ичра вужудум айлаган ғарқ. *Лайли ва Мажнун*, 120-Т;
Бу ўтлар аро ки орази ғарқ,
Ўртарға жаҳонни ҳосила барқ. *Лайли ва Мажнун*, 108-Т;
~ **и ажал** – ўлум чақмоғи:
Барқи ажал чобукига маркаби тез,
Солибан руҳ хайли ичра гурез. *Сабъаи сайёр*, 10-82;
~ **и андух** – ғам, қайғу яшини:
Дами дуд-у широри куҳ то куҳ,
Ясаб абру бало ву барқи андуҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 390-Т;
~ **и бало** – бало офати, бало чақмоғи:
Оҳ ўтидин айлади зоҳир кўнгул барқи бало,
Неча ким кўнглумга офат ёмғурин ёғдурди кўз. *Фавойидул-кибар*, 219-Т;

Ҳар не кўнглунг истади сурдунг манга,
Юз туман барқи бало урдунг манга. *Лисонут-тайр*, 114-Т;

~ **и васл** – васл, висол нури:
Эл кўзин ёрутти барқи васл у ҳижрон кожидин,
Қайси ўтлар ким кўзумга барқдек чақилмади. *Ғаройибус-сиғар*, 486-Т;

~ **и висол** – висол нури, висол ўти:
Зулмати ҳижронда этмиш кўнглум эй барқи висол,
Ламъа солиб гаҳ гаҳи йўл кўргуз ул гумроҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т;

~ **и гармрав** – тезюрар чақмоқ, тез учар яшин:
Бу рахш ки барқи гармравдур,
Йўқ йўқ ки буроқи баркравдур. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т;

~ **и гирдор** – яшин, чақмоқ иши, одати, тарзи:
Ё ўтқа борурда барқи гирдор,
Намруд юзига солиб анвор. *Лисонут-тайр*, 80-Т;

~ **и гирев** – узлуксиз, қутулмас чақин:
Бу ки ҳар ён чақилур барқи гирев айлар булут,
Кўнглума ул шуълаи оҳ-у бу пурафғон эрур. *Наводируш-шабоб*, 179-Т;

~ **и гом** – бахт қадами, одими:
Суръат аро барқдин дарахши,
Рижъат аро барқи гом рахши. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т;

~ **и дурахшон** – порлоқ яшин:
Сипеҳр осибидин солим қутулмағлиғ не имкондур,
Қи меҳри ташт-у тиғ-у кулгуси барқи дурахшондур, *Бадойиул-васат*, 107-Т;
Демай ўл ани ким барқи дурахшон
Демай барқи дурахшон меҳри рахшон. *Фарҳод ва Ширин*, 79-Т;

~ **и жафо** – ситам, озор, жавр яшини:
Мазоҳир истабан асмоға ишқ-у ҳусн кўргуздунг,
Ки пайдо хирмони ажз ўлди ву барқи жафо пайдо. *Наводируш-шабоб*, 3-Т;

~ **и жаҳонгард** – яшиндай тез кезувчи (от):
Бўйла ким солди самандин пўяға ваҳ не ажаб,
Олам ичра солса ўт барқи жаҳонгарди анинг. *Бадойиул-васат*, 270-Т;

~ **и жаҳонсўз** – жаҳонни ўртавчи чақмоқ:
Адолат аро фасли наврўздек,
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек. *Садди Искандарий*, 131-Т;
Гарчи ики доғ эди ниҳон сўз,
Ҳирон ўти барқи жонсўз. *Лайли ва Мажнун*, 331-Т;

~ **и зот** – чақмоқ моҳияти:
Қилиб чун барқи зотин музҳири кулл,
Жаҳонни ақл хошоки бўлуб кул. *Фарҳод ва Ширин*, 80-Т;

~ **и ибтило** – азоб-уқубат чақмоғи:
Ким тушуб оламға тўфони бало,
Кул қилиб гардунни барқи ибтило. *Лисонут-тайр*, 283-Т;

~ **и ишқ** – ишқ чақиии, ишқ алангаси:
Барқи ишқинг солибан жонларға ўрт,
Шуъласи ободу вайронларға ўрт. *Лисонут-тайр*, 258-Т;
Эй Навоий чун чақилди барқи ишқ,
Тушти андин хонумоним ичра ўт. *Наводируш-шабоб*, 86-Т;

~ **и ломиъ** – ёлқинли чақмоқ:
Чобуки ким ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,
Барқи ломиъдур саманди гарди андақ ким саҳаб. *Ғаройибус-сиғар*, 60-Т;

~ **и офат** – офат чақмоғи, офатижон:
Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,
Барқи офат чақилиб ул корвонға тушти ўт. *Ғаройибус-сиғар*, 90-Т;
Тири борони ғаминг кўнглумга ким ёғди эрур,
Ҳар тарафдин барқи офат ламъаи пайкон анга. *Наводируш-шабоб*, 9-Т;
~ **и оҳ** – яшин, чақин оҳи:
Не суд хорани гар қилса барқи оҳим мўм,
Ки кўнгли ичра шарарча сирояти йўқ анинг. *Бадойиул-васат*, 297-Т;
~ **и рахшон** – порлоқ яшин; типик май:
Ғам этти тира мени жоми май уюр соқий,
Ки кўзларимни ёрутсун бу барқи рахшонинг. *Наводируш-шабоб*, 9-Т;
~ **и рахшанда** – порлоқ яшин:
Қилич йўқ ҳилоли дирахшанда ул,
Чопар вақтида барқи рахшанда ул. *Садди Искандарий*, 98-Т;
~ **и рухсор** – нурли, шуълали рухсор:
Ғам этти тира мени жоми май эвур соқий,
Ки кўзларимни ёрутсун бу барқи рухсоринг. *Наводируш-шабоб*, 341-Т;
~ **и тайр** – яшин, чақмоқ кушмонанд:
Демай барқ ким тойири барқсайр,
Қўлида пар ул навъ ким барқи тайр. *Садди Искандарий*, 62-Т;
~ **и тиғ** – чақмоқ шуоъи, партави, фурунғи:
Ер тутар қатиқ кўнгулга ишқ ўтининг учқуни,
Барқи тиғи тоғни ул навъ ким айлар шикоф. *Наводируш-шабоб*, 302-Т;
~ **и тобон** – порлоқ чақмоқ:
Ботил ки чақилса барқи тобони анинг,
Кўзини юмуб очқунча имкони анинг. *Назмул-жавоҳир*, 15-144;
~ **и ханжари ишқ** – ишқ ханжари шуъласи; ишқ ханжарини тоблайдиган ўти, олови:
Ҳар барқ ки кўрдунг озари ишқ,
Ҳар ламъаси барқи ханжари ишқ. *Лайли ва Мажнун*, 84-Т;
~ **и хатар** – яшиндай хатар, чақмоқдек офат:
Нетти етса эрди бир барқи хатар,
Қўймаса эрди вужудумдии асар. *Лисонут-тайр*, 102-Т;
~ **и хотиф** – шиддатли чақмоқ; кўз қамаштирувчи яшин:
Эй хуш ул роҳрави гарм ки бу йўл қатъин,
Барқи хотифдек этар даҳрни айлаб равшан. *Наводируш-шабоб*, 38-Т;
~ **и ғам** – ғам ўти, оташи:
Кўнгулни то паришон айладинг юз барқи ғам сочти,
Нечук ким ўтни қўзғарлар бўлур андин шарар пайдо. *Фавойидул-кибар*, 37-Т;
~ **и ҳаводис** – тасодифлар чақмоғи, нохуш ҳодисалар:
Чархи ғаддор фитналиқ нужуми била анга бир зарафшон варақи мовий ва барқи ҳаводис анга ел учурган бир сариғ гул яфрағи била мусовий.
Маҳбубул-қулуб, 14-62;
~ **и ҳусн** – ҳусн яшини:
Жаҳонни ул қуёшнинг барқи ҳусн ўртагай эрди,
Гар ансиз баҳри ашким бўлмаса эрди агар мониъ. *Ғаройибус-сиғар*, 238-Т;
~ **айла-** – равшан этмоқ, порлоқ қилмоқ, чақнатмоқ:
Жом даври ламъасин барқ ўйла ким,
Чиқти мағриб тоғидин мушкин булут. *Фавойидул-кибар*, 75-Т.

~ **чақ-** – чақмоқ чақмоқ:
Шер узра қиличи барқ чақиб,
Мур ўлса шикаста ашки окиб. *Лайли ва Мажнун*, 68-Т;
~ **ур-** – яшин урмоқ, яшин тушмоқ:
Оҳ ўти ўртарга жисмимни не мониъ кўз ёшим,
Барқ урғач ўртанур гар бўлса дарё узра хас. *Наводируш-шабоб*, 232-Т.

БАРҚАНДОН [برقندان] – қир, даштда аҳоблар хурсандчилик изҳорида бир-бирига кичик тош, кесак отиш; шодлик аломати куни (Burhān-i KAT⊥, Ankara 2000, 72.):
Эй Навоий бизни ёд эткайму барқандон куни,
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун кадаҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 104-Т.

БАРҚАРОР [برقرار] – турғун, қатъий, қарор топган; доимий:
Бу жиҳатдин Султони Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўзафзун давлатлари даврониғача ким қиёматқача баркарор ва олам инқирозиғача пойидор бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 5-Т;
Рабиъи ким аносири арбаъа таркиби аининг махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскун чаҳор девори анинг вилояти била барқарордурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-124.

БАРҚВАШ [برق وش] – яшинга ўхшаш, яшинсимон, яшиндай:
Ул шаҳсувор васфида ким қаронғу тунда тира хокдондин буроқи баркваш узра чиққани,.. *Фарҳод ва Ширин*, 89-Т;
Чун барқваш ўлди осмондев,
Ясрибка бу барқи солди партев. *Лайли ва Мажнун*, 80-Т.

БАРҚВОР [برق وار] – яшиндек, чақмоққа монанд:
...бу фурқат чангалидин курбат саҳросиға қадам урулса ҳам чун қазо ҳодийси инонкаш бўлғусидур барквор секирмакдин ўзга сабркирдор елмакдин ўзга чора бўлмағусидур. *Муншаот*, 16-148.

БАРҚГОМ [برق گام] – яшиндек тез юрадиган, тез қадам:
Магар барқгом ашҳабидур сипеҳр,
Анга айни кўзгуси рахшанда меҳр. *Вақфия*, 14-243;
Буроқи иноят анинг маркаби улви хироми ва Жабраили ҳидоят анинг пайки барқгоми лайлатул-меърож анинг шабистони... *Муножот*, 16-294.

БАРҚГОМЛИҚ [برق گام لیق] – яшиндек тез юришлик:
Ул мусофири баводипаймо балки ул рокиби самовотпаймо меърожи кечасининг таърифи ким буроқи барқгомлиқ ва пайки буроқхиромлиқ қилди.
Сабъаи сайёр, 10-22.

БАРҚКИРДОР [برق کردار] – чақмоксифат, чақмоқ сингари, яшинга ўхшаш, яшин-дек:
Ҳар лафз кийматда дурри саминдин обдоррақ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барққирдоррақ. *Муҳокаматул-луғатайн*, 182-Т;
Ё ўтқа борурда барққирдор,
Намруд юзига солиб анвор. *Лайли ва Мажнун*, 80-Т.

БАРҚМИСОЛ [برق مثال] – чақиндай, чақин каби; яшноқ; шод, кўркам:
Рутбаси анда ки юз пайки хаёл,
Урса минг йил қадами барқмисол. *Фавойидул-кибар*, 683-Т.

БАРҚОЙИН [برق آیین] – яшин сифак, барқ монанд:
Ҳар обдор лафзи куйган кўнгуллар ўтиға таскин ва ҳар оташбор калимаси совуғон юраклар ҳароратиға барқойин. *Муншаот*, 14-227.

БАРҚОСО [برق آسا] – яшиндек, чақмоқдек:
Зиҳи Буроқинг изи меҳр-у сайри баркосо,
Бу барқ сайри била пўяси фалакфарсо. *Наводируш-шабоб*, 6-Т.

БАРҚОСОР [برق آثار] – яшиндек, чақинга ўхшаш:

Чу тегди ул хаданги баркосор,
Йиқилди бу хадангафкан нигунсор. *Фарҳод ва Ширин*, 229-Т.

БАРҚПАРВОЗ [برق پرواز] – яшиндек чопқир, яшиндек парвозли:

Ки етти ул бариди ҳомили роз,
Кўлинда бир буроқи баркпарвоз. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т.

БАРҚРАВ [برق رو] – яшиндек тез югурувчи:

Ҳажрдин васлға минг йил ки Навоий чинади,
Баркравлар аёғи оллида бир гомдадур. *Фавойидул-кибар*, 141-Т;

Бу рахш ки барқи гармравдур,
Йўқ йўқ ки буроқи баркравдур. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т;

Ўт ёлиндек сен қачон чопсанг саманди баркрав,
Бир алам ул ўтқа бошинг устида гулгун ялав. *Фавойидул-кибар*, 490-Т.

БАРҚРАФТОР [برق رفتار] – яшиндек тез юрувчи, тезрав:

Чархи кажрав узра сурма баркраф торингни ким
Ростлар кўнгли фазосидин анга майдон керак. *Наводируш-шабоб*, 331-Т;

Мени маҳзунни ишқи баркрафтор,
Ул офат ўтиға айлаб гирифтор. *Фарҳод ва Ширин*, 104-Т.

БАРҚСАЙР [برق سیر] – чақмоқдек сайр қилувчи:

Демай барқ ким тойири барксайр,
Бўлди пар ул навъ ким барқи тайр. *Садди Искандарий*, 62-Т.

БАРҚФОМ [برق فام] – чақин тусли:

Ашҳаби ранг ичра бўлуб баркфом,
Ранги не ким пўяда ҳам барқгом. *Ҳайратул-аброр*, 7-69.

БАРҚХЕЗ [برق خیز] – чақиндек тез чопар от; тез чақновчи:

Тугаткач дуо чопти борика тез,
Анга дағи бориқ бўлуб баркхез. *Садди Искандарий*, 192-Т;

Илгида эрди буроқи баркхез,
Барқ анинг бирла қилолмай ситез. *Лисонут-тайр*, 23-Т.

БАРҚХИРОМ [برق خرام] – яшиндек тез юрувчи:

...қилким жардайи тезкомиға ўзга равонлиғ-у хаёлим соҳиби баркхиромиға ўзга гавҳарафшонлиғ юзланди. *Ғаройибус-сиғар*, 3-16.

БАРҚХЎ [برق خو] – яшиндек тез юрадиган, чопқир:

Ҳам аввал ҳамла рахши баркхўдин,
Ўтуб туфрақ-у ел-у ўт-у судин. *Фарҳод ва Ширин*, 91-Т.

БАРҚЧА [برق چه] – яшиндек:

Ҳавои муфрит ҳарорати ва ўтдин айрилған шароратлардин ҳар бирининг баркча шарорати. *Фавойидул-кибар*, 710-Т.

БАРҲАМ [برهم] – йўқолиш, йўқотиш; ~ **бўл-** – йўқолмоқ, бузилмоқ, ту-гамоқ:

Наҳс юлдуздек кўзи чун тушти барҳам бўлди базм,
Муҳтасиб майхона аҳли базмиға еткурди кўз. *Фавойидул-кибар*, 219-Т;

~ **ур-** – йўқотмоқ, нобуд қилмоқ:

Кўп захм танимни урди барҳам,
Ул келди бу захмларға марҳам. *Лайли ва Мажнун*, 242-Т;

Ўз элгида ул қизиған темурни кўрди деди чун менинг сиррим ошкор бўлди кутулдум. Дукконни барҳам урди ва бу йўлға кирди. *Насойимул-муҳаббат*, 39-Т.

БАРҲАМАН [برهمن] – 1. брахман:

Анда не раҳбон эди не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан. *Ҳайратул-аброр*, 7-88;
Сочинг куфрида ўлсам кабрим узра қўйма хиркамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт. *Ғаройибус-сиғар*, 85-Т;

2. хизматчи, дарвозабон:

Қўпубан чун эшик сари кочти,
Келибан барҳаман эшик очти. *Сабъаи сайёр*, 10-211;

3. сокий, май қуювчи:

Май бер эй барҳаман ар муғбача ишқида кўнгул,
Бўлса бадмаст фироқи била таъзир этайин. *Наводируш-шубоб*, 486-Т.

БАРҲАМЛИҒ [برهم لیغ] – йўқотишлик, бузилишлик, нобуд қилишлик:

Манзурнинг парчами ошуфталиғи шарҳида ва ўз кўнгулининг анда барҳамлиғи адосида бу матлаъ кўнгулларнн ошуфта ва дарҳам қилгудек тушубтур.
Мажолисун-нафоис, 229-Т.

БАРҚҲАРИҚ [برق حریق] – ёндирувчи чакмоқ:

Ким ки қатъ этса таваккул қадами бирла тариқ,
Ёғину сел анга музий эмас ва баркҳариқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-52.

БАРҲАҚ [برحق] – ҳаққоний, ҳақ, рост, тўғри, чин:

Ким олим эса нуқтада барҳақ де ани,
Гар базм тузар биҳшити мутлақ де ани, *Назмул-жавоҳир*, 15-173;
Ғайри Ҳақ ким қодири барҳақдур ул,
Барча фоний боқийи мутлақдур ул. *Лисонут-тайр*, 230-Т.

БАРҲАҚЛИҒ [برحق لیغ] – ҳаққонийлик, ҳақлик, ростлик, тўғрилик:

Билдуруб элга ҳақ-у барҳақлиғин,
Англатибан қодири мутлақлиғин. *Ҳайратул-аброр*, 7-123.

БАС [بس] – 1. кифоя, етарли; тамом, бас:

Хўблар минг бўлсалар мен хастаға бир ёр бас.
Анда меҳр атворининг мингдин бири гар бор бас. *Наводируш-шабоб*, 240-Т;
Агар афлок ҳаводиси ва рўзгор навоибидин менинг барча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса менга басдур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-34;

2. ғоят, бениҳоя, зиёд, ортиқ:

Бас машаққат ким андин руҳға алам етар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-87;
Чу Озармидўхт ўлди маснаднишин,
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин. *Тарихи мулуки ажам*, 16-253;

3. фақат:

Кўнгул ҳадиққасида бир ниҳоли наврасдур,
Ким ушбу боғда жинси башардин ул бастур. *Фавойидул-кибар*, 188-Т;
Сен ўлғил замон аҳлиға шоҳ-у бас,
Санга адл тарвижи дилхоҳ-у бас. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257;

4. демак:

жабб – икки сабаби ҳафиф искотидур, мафоъилунда бас, мафоъ қолғай ва фаал анинг ўрниға қўярлар. *Мезонул-авзон*, 16-Т;

5. шунчалик, шу қадар:

Бас ки кўнглумни фалак мажруҳ-у вайрон истагай,
Истарам ўлмакни андақ ким ўлук жон истагай. *Наводируш-шабоб*, 625-Т;

6. чунки:
Қатл учун ол айлади тўн йўқса ул қаттолваш,
Ғарқа бўлмиш қонға бас ким бўлди қон тўкмак фани. *Наводируш-шабоб,* 581-Т;
Бизга маълум эт ки бас мажҳул эрур,
Ақл анинг идрокидин маъзул эрур. *Лисонут-тайр,* 87-Т;
7. роса; ғоят, жуда:
Деди Ҳудҳуд ким аё раҳрав рафиқ,
Бу саволинг воқеъ ўлди бас дақиқ. *Лисонут-тайр,* 196-Т;

~ **бўл-** – етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ:
Ҳар навъ эл суҳбат ва хусусияти ки аларға ҳавас бўлғай бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай. *Маҳбубул-қулуб,* 14-11;
Олиме ки жоҳилни мукобалага келтуруб илзом қилмағи ҳавас бўлғай анинг ўзига ушбу иҳонат-ўқ бас бўлғай. *Маҳбубул- қулуб,* 14-108;

~ **айла-/эт-/қил-** – тугатмоқ, тўхтатмоқ, тамом этмоқ:
Эй Навоий сўзда маъни йўқтурур маънида сўз
Дурри маъни истар эрсанг айлагил гуфтор бас. *Бадойиул-васат,* 180-Т;
Эй ки даҳр аҳли вафоси йўқ дебан озурдасен,
Ошнолиғни алардин сен ҳам эт бас мен киби. *Хазойинул-маоний,* IIб-627;
Гар ҳавас қилдинг лабини эмди бас қил эй кўнгул,
Тарки жон эттинг бу ғамдин гар ҳавасдур ушбу бас. *Ғаройибус-сиғар,* 191-Т;
Бу достон дағи эллик олтмиш байт бор ким барчасин битмак мужиби итноб бўлур учун бас қилилди. *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-68.

БАСАР I [بصر] – кўз; кўриш, кўра олиш қуввати; кўз қуввати:
Ҳажр шоми ойни рухсоринг соғинсам қилма айб,
Ким басар ҳисси қаронғу кечада қилди ғалат. *Наводируш-шабоб,* 282-Т;
Наргис ул нур бирла очти басар,
Адам уйқусидин кўзинда асар. *Сабъаи сайёр,* 10-10.

БАСАР II [بسر] – умр; вақт ўтказиш; истиқомат, хизмат қилиш; саранжом қилиш:
Шайх Абу Исҳоқи Шоми ани кўп зиёрат қилур эрмиш ерда чиллахона ўз муборак эли била қазиб ўн икки йил анда басар элтибдур.
Насойимул-муҳаббат, 206-Т;
Ва ул Шайх мулозаматин ихтиёр қилди ва йиллар анинг суҳбатида басар элтти ва Шайх илгидин хирқа кийди. *Насойимул-муҳаббат,* 310-Т.

БАСИР [بصير] – кўрувчи, кўра олувчи; ўткир кўзли; сезгир:
Қилурни айла риоят демакта асра адаб,
Ки дўст феълинг-у қавлунғадур басиру самиъ. *Фавойидул-кибар,* 289-Т.

БАСИРАТ [بصيرت] – фаросат, зийраклик, сезгирлик, ўткир зеҳнлик:
Вале ким ки бўлғай басират фани,
Не мумкин адо айлай олмақ ани. *Садди Искандарий,* 279-Т;
Шайхул-ислом дебдур ки ҳеч кимга ҳақорат кўзи била боқманг анинг дўстлари яшурун бўлғайлар. Агар басират-у фаросат кўзи бу тойифаға боқмасанг ўзунга ситам қилмиш бўлғайсен. *Насойимул-муҳаббат,* 106-Т;
Назар қилса топқан басират кўзи
Эрур бу баридин ажабрақ ўзи. *Садди Искандарий,* 399-Т;

~ **аҳли** – донолар, донишмандлар, билимдонлар:
Басират аҳли қошинда зоҳирдур ким тафовут не чоғлиқдур.
Мажолисун-нафоис, 233-Т;

~ **кўзи** – ўткир кўз; фаҳм, идрок:
Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар. *Ҳайратул-аброр*, 7-81;

~ **шамъи** – келажак чироғи, порлоқ келажак; идроклилик, фаҳмлилик:
Бу жиҳатдин кўзларин басират шамъи ёрутканлар дунё сари кўз солмайдурлар. *Муншаот*, 14-211;

~ **куҳли басират** – кўз сурмаси; кўзни равшан қилувчи:
Ўйла ким кўр гадо куҳли басират тилагай,
Кўзума раҳшинг аёғи изи туфрағиға ҳирс. *Бадойиул-васат*, 205-Т;

~ **кўзига ғафлат пардасин сол-** – калтафаҳмлик қилмоқ, фаҳмсизлик кўрсатмоқ:
[Аҳли нужум] сўзи ёлғандур ва ўзи ростлиғ кишваридин йирақ қолғандур ва басират кўзига ғафлат пардасин солғандур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

БАСИТ [بسيط] – 1. кенг, ёйиқ, текис; ~ **и олам** – кенг олам, кенг жаҳон, бепоён ер:
Басити олам аро гар сен ўлмасанг босит,
Кўнгулга қайда бўлур Зуҳра лаҳни бастафзой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т;

2. бўлинмас, яхлит, якка:
Зоти анинг жавҳаре эрди басит,
Олам анга марказ ўлуб ул муҳит. *Ҳайратул-аброр*, 7-83;

3. содда, оддий, мураккаб бўлмаган:
Барчасиға бор анинг илми муҳит,
Гар мураккаб бўлсун ул шайъ гар басит. *Лисонут-тайр*, 41-Т;

4. аруз фани атамаси; аруз вазнининг бир баҳри:
Еттинчи дойира ким андин уч баҳр мустахраж бўлур ва ул араб шуароси назмининг махсусидур тавил ва мадид ва басит баҳридур. *Мезонул-авзон*, 57-Т;

~ **айла- –** очиқ қилмоқ; нашъали қилмоқ:
Алар жавҳарини басит айладинг,
Бирин секкизига муҳит айладинг. *Садди Искандарий*, 48-Т.

БАСМА [بسمه] – матога босилган гул:
Аёғ илгидаги зарринаси ўт,
Тўни зар басмаси андин шарора. *Наводируш-шабоб*, 664-Т;

~ **қил-** – гул туширмоқ, матога гул босмоқ:
Турфа ойидур узоринг кўк анга мовий либос,
Анжум анинг танга танга басма қилған сарҳали. *Ғаройибус-сиғар*, 471-Т.

БАСО [بسا] – кўп, анча, кўпгина; бир қанча; аксар:
Ва басо маони аҳли хўрдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнлар ки Анварий ва Салмон шеърида ҳар бири биринг жонибин тутуб баҳслар қилиб... *Муҳокаматул-луғатайн*, 186-Т;
Басо банд ким анинг зимнида кўп кушодлар ва басо номуродлиғ ким анинг сўнгида укуш муродлар бўлғай. *Муншаот*, 14-212.
Басо киши ки иши масжид ичра панд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин этишти футух. *Ғаройибус-сиғар*, 102-Т.

БАСОРАТ [بصارت] – кўзлик; кура билишлик; ўткир кўзлилик:
Кўз тутуб эл нафъ-у басорат анга,
Уммат этиб суд-у тижорат анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

~ **аҳли** – ўткир зеҳнлилар, билимдонлар, донишмандлар, донолар:
Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурлар ки бу матлаъ тарсиъға вокеъ бўлур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 185-Т;

Басорат аҳли не ким туттилар кўз,
Нечук ким ком эди ёруттилар кўз. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;

~ **айла-** – зеҳнли бўлмоқ, билимдон бўлмоқ; фаҳм қилмоқ:
Ёрингни танир ишта маҳорат айла,
Диққат била ҳолиға басорат айла. *Назмул-жавоҳир*, 15-153.

БАСРАЛИҚ/БАСРАЛИҒ [بصره ليغ / بصره ليق] – басралик:
Ҳорис бин ал Асад ал-Муҳосибий... Зоҳир улуми ва ботин улумиға жомиъ ва анга тасниф бор. Асли басраликдур ва боғдодлиғларнинг пиридур.
Насойимул-муҳаббат, 33-Т.

БАСРУҒ/БАСРУҚ [باسروغ / باسروق] – катта чодир, уйни ёмғир, иссиқ шамолдан муҳофаза қилувчи кигиз, пўстак:
Бир мутааййин нима ким оқ уйдур анга хиргоҳ от қўюбтурлар. Аммо анинг аж-зосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андақ ки тунглук ва узук ва турлуғ ва басруғ (басруқ)... *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т.

БАСТ I [بست] – боғланиш, бирикиш, боғлиқ; банд:
Ким кириб ғўта истаса пайваст,
Сув бўлур паст ул ўлса ғўтаға баст. *Сабъаи сайёр*, 10-315.

БАСТ II [بسط] – хушҳоллик; хурсандлик, шодлик; ёзилиш:
Хожа Султон Муҳаммад... суҳбати мужиби баст ва такаллуми мужиби нишот-дур. *Мажолисун-нафоис*, 151-Т;
Шайх Абу Саидқа ҳар қачон азим қабз воқиъ бўлса эрди, Пир Абулфазли Ҳасан қабрининг қасди қилур эрди ва ул қабз бастқа мубаддал бўлур эрди... бизинг Шайхқа бир кун қабзе воқиъ бўлди. Гирён бўлуб ва деди ки пир қабри зиёратиға борурбиз. Ул борурда баст воқиъ бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 180-Т;

~ **эт-/қил-** – ёймоқ, кенгайтирмоқ; шод қилмоқ, хурсанд қилмоқ:
Жамъи сокит бўлуб фақир бир неча ул бобда баст қилиб абёт ўқур эрдим.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-16;
Бу илмқа тартиб бериб баст қилиб кутуб битиди. *Насойимул-муҳаббат*, 18-Т;
Такаллуф била мажлисоро бўлуб,
Иши баст этарда мадоро бўлуб. *Садди Искандарий*, 387-Т.

БАСТА [بسته] – боғлиқ, банд, боғланган:
Ишларин гар шикаста баста дедим,
Юзидин бирни жаста жаста дедим. *Сабъаи сайёр*, 10-244;

~ **йи бало** – балога мубтало, гирифтор:
Ул ерда ки зору мубталосен,
Ғам домида бастайи балосен. *Лайли ва Мажнун*, 203-Т;

~ **и банд** – бало туткуни:
Неча сен бастаи банд-у балосен,
Балолар банди ичра мубталосен. *Фарҳод ва Ширин*, 416-Т;

~ **и дом** – тузоққа илинган:
Кўзи қатл этти кўнглум ичра зулфи мубтало бўлғач,
Ки қуш бисмил учундур бастаи доми бало бўлғач. *Бадойиул-васат*, 77-Т;

~ **и зулф** – зулф бастаси, тутқини:
Настае ким бастаи ул зулф эрур,
Ўйла йўқ девонаи фарзонае. *Мезонул-авзон*, 31-Т;

~ **и зуннор** – христиан, яҳудий белбоғи билан боғланган:
Бастаи зуннор қил бир риштаға эй пири дайр,
Ҳар сари тори чупулған эски шолингдин мени. *Наводируш-шабоб*, 606-Т;

~ **и танаб** – богланган; асир, ихтиёри ўзида йўк:
Эй йигит буён кел ки шавқдин харобингмен,
Бўйни боғлиқ ит янглиғ бастаи танобингмен. *Мезонул-авзон*, 48-Т;
~ **и ғам** – ғамга дучор, кайғуга мубтало, гамга учраган:
Мени соғиниб бастаи ғам бу дам,
Эрур қавм-у хайлимда мотам бу дам. *Садди Искандарий*, 414-Т;
~ **и ҳижрон** – ҳижрон банди:
Соқиё манга ки ё васл керакдур ё май,
Махлас истар эса ё бастаи ҳижрон бўлган, *Наводируш-шабоб*, 487-Т;
~ **и доми фироқ эт-** – фироқ, айрилиқ тузоғига илинтирмоқ.
фироқ тўрига солмоқ:
Иш тариқидин йирақ этмиш басе,
Бастаи доми фироқ этмиш басе. *Лисонут-тайр*, 55-Т;
~ **кил-** – шеърлар ёзмоқ, басталамоқ:
Алар... мужалладлар битибдурлар ва муболағалар била басталар килибдурлар.
Маҳбубул-қулуб, 14-43.

БАСТАЛИҒ/БАСТАЛИК [بسته لیغ / بسته لیق] – басталик; тўсиқ, боғланганлик, бандлик, боғлик:
Ким бариға ҳамнафасдур нафс-у руҳ,
Басталиғ бирдин етар бирдин футуҳ. *Лисонут-тайр*, 142-Т;
Ва ҳар ким санга вафо ва ёманлиқ килди, сени ўзидин вораста қилди расталиқ яхширақ ки басталик? *Насойимул-муҳаббат*, 175-Т.

БАСТАФЗОЙ [بسطفزای] – шодликни, хурсандчиликни орттирувчи:
Басити олам аро гар сен ўлмасанг босит,
Кўнгулга қайда бўлур Зуҳра лаҳни бастафзой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т.

БАТ [بط] – 1. ўрдак:
Юзинда мунинг май бати лаъли ноб,
Анинг устида бўрдаған бат кабоб: *Муншаот*, 14-93;
2. **май бати** – май идиши, ўрдак шаклидаги май идиши:
Эй Навоий май бати қонин оқиз базм ичра ким,
Гар кабоб айлар валекин элни маст айлар бу бат. *Наводируш-шабоб*, 282-Т;
3. **бўрдаған бат** – семирган ўрдак, семиз ўрдак:
Мунунг юзида май бати лайли ноб,
Ичинда анинг бўрдаған бат кабоб. *Садди Искандарий*, 229-Т.

БАТАНГ [به تنگ] – танг, зиқ, зерикиш, хафа, дикқи нафас:
Неча нозик кўнгли келгай ёрнинг мендин батанг,
Ким фидо кўнглига жон-у жисми афгорим менинг. *Наводируш-шубоб*, 349-Т;
Ҳамроҳидин батанг эди Мукбил,
Хайрбодиға табъ этиб мойил. *Сабъаи сайёр*, 10-309;
~ **бўл-** – сиқилмоқ, дикқат бўлмоқ, тангликда қолмоқ:
Қачанғача бўлай ўзлук мусиқи ичра батанг,
Хуш ул ки жилвагоҳим водийи фано кўрсам. *Бадойиул-васат*, 315-Т;
~ **кел-** – сиқилмоқ, зерикмоқ, зиқ бўлмоқ, диккатланмоқ:
Сен кеч бориб ул батанг келса,
Истаб сени бедаранг келса. *Лайли ва Мажнун*, 351-Т.

БАТАР I [بتر] – баттар, ёмонроқ, бадтар:
Ҳам гули фирдавс бўлуб жилвагар,
Ҳасрати дўзах ўтидип ҳам батар. *Ҳайратул-аброр*, 7-27;
Фурқатида ким ўлумдиндур хатар,
Секкиз учмак етти дўзахдин батар. *Лисонут-тайр*, 41-Т;

~ **ўл-/бўл-** – баттар бўлмоқ, ёмон бўлмоқ:
Ишқ ичра қони мен киби зеру забар ўлған,
Ҳар ким ки йўқ андин батар ўлған батар ўлған. *Мезонул-авзон*, 35-Т;
Манга ишқингда Мажнун бирла Фарҳод ўхшағай ул чоғ,
Ки бу бўлғай жиҳон расвоси ул мундин батар бўлғай. *Наводируш-шабоб*, 611-Т;
~ **кил-** – баттар айламоқ, ёмон қилмоқ:
Андин ки батар эмас батар қилди мени,
Жон олғуча не дей ки нелар қилди мени. *Ғаройибус-сиғар*, 568-Т.

БАТАР II [بَتَر] – аруз фани атамаси; аруз вазнидаги баҳр:
Батар – жабб ва харм ижтимоидур, мафоъилунда бас фо қолғай, фаъ анинг ўрниға қўярлар. *Мезонул-авзон*, 16-Т;
Батар – фаъулунда ватади мажмуъ искотидур. *Мезонул-авзон*, 20-Т.

БАТАХСИ [به تَخصی] – айникса, хусусан:
Бари бўлсун офоқ аро комкор,
Батахсинг шаҳзодан номдор. *Садди Искандарий*, 500-Т.

БАТАХСИС [به تَخصیص] – айникса, хусусан:
Батахсис ким юз туман минг бало,
Ки бу кишвар ўлғай алардин тўла. *Садди Искандарий*, 428-Т;
Батахсис мулозим ким алардек мунча ҳамида хисолға ким мазкур бўлди муттасиф бўлғай. *Ҳолота Саййид, Ҳасан Ардашер*, 15-96;
Биз анинг ашъорин батахсис касойидин оз кўруб эрдук.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-27.

БАТИЙ [بَتّی] – аста, секин, суст:
Жоҳил ки ғараздур ашҳаб-у жарда анга,
Сўз рахши батийдур тараб айларда анга. *Назмул-жавоҳир*, 15-159;
~ **ул-илож** – суст, секин даъволанувчи:
Носиҳи талх гуфтордек табъ андин озурда ва лекин замнида мақсуд ҳосил табиб батийул-илождек мариз андин пажмурда, аммо сўнгида сиҳҳат восил.
Маҳбубул-қулуб, 14-56.

БАТИЙСАЙР [بتّی سیر] – оҳиста, сайр, секин юрар:
Дайри сабукравға нигоҳбон бўлуб,
Лек батийсайр-у гаронжон бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-87.

БАТИРАВЛИҒ [بتّی رولیغ] – суст юрмоқлик, секин юрмоқлик, вазмин юрмоқлик:
Батиравлиғи ҳилм аёғи киби
Гаронжонлиғи сабр тоғи киби. *Садди Искандарий*, 49-Т.

БАТТОЛ [بطال] – баттол; беҳудо; бахтсиз; ялқов, ишёқмас:
Ва ҳам алар сўзидур ки дарвишлар ки ўз ишларига машғулдурлар, керак ки баттолни ўз ароларида қўймасалар ки бир бекор юз даркор кишини бекор қилур.
Насойимул-муҳаббат, 283-Т.

БАТҲО [بطحا] – водий; ҳижоздаги ер номи:
Бири деб ким юзланиб саҳро сари
Вақттур азм айласанг Батҳо сари. *Лисонут-тайр*, 104-Т;
Шайх деб ким мунда топтим ани мен,
Рум диёрида нетай Батҳони мен. *Лисонут-тайр*, 104-Т.

БАХАЙР [بخیر] – хайрли:
Дайр аро тинди қулағим роҳибо зикринг бахайр,
Ким саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх. *Ғаройибус-сиғар*, 109-Т.

БАХИЛ [بخيل] – очкуз, қизғанчиқ, ҳасадчи, бахил:
Мизожи ким тилар хилват Худоё бўлмасун офат,
Бахилмен гар қилиб ишрат ичар маҳфи майи гулранг. *Наводируш-шабоб*, 334-Т;
Бахилнинг молин асрардин меҳнати қаттиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-90;
~ **бўл-** – баҳил бўлмоқ:
Рашкдин бир бирга қиймас меҳрини жон-у кўнгул,
Рост андақ ким ҳасуд эл молиға бўлғай бахил. *Бадойиул-васат*, 283-Т;
~ **қил-** – бахиллик қилмоқ:
Тангри учун кет ким бахил қилман санга,
Эй ажал, Қўймасанг ким дарди ўқ олғай Навоий жонини. *Ғаройибус-сиғар*, 454-Т.

БАХИРАД [بخرد] – оқил, хушманд, мутабассир:
Бу сўз еткан замон Баҳроми бахирад,
Хито хониға бар эрди сипаҳбанд. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т.
Ниҳони неча маҳрами роз била
Ҳам ул бахиради чорапардоз ила. *Садди Искандарий*, 271-Т.

БАХИРАДПИСАНД [بخردپسند] – ақллиликни ёқловчи:
Хирад ўйла қилмиш сени аржманд,
Ки феълинг эрур барча бахирадписанд. *Садди Искандарий*, 494-Т.

БАХОВАР [باخاور] – шарқ, шарқий, шарққача, кун чиқишгача:
Чу майдон азмиға солиб таковар,
Бузуғлуқ бохтардин то баховар. *Садди Искандарий*, 138-Т;
Жаҳон мулкин кезиб кишвар бакишвар,
Худуди бохтардин то баховар. *Фарҳод ва Ширин*, 275-Т.

БАХСУМ [بخسوم] – тариқдан ҳозирланган ичкилик:
[Сартлар] қимизни ва сўрмани ва бахсумни ва бўзани дағи туркча дерлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 177-Т.

БАХТ [بخت] – иқбол, саодат, омад; толе, тақдир, қисмат:
Оҳ ким бахтим оғир уйқусидин уйғанмади,
Гарчи юз минг фитна уйғанди мен афғон айлагач. *Наводируш-шабоб*, 97-Т;
Чу Хурмузни бахт этти маснаднишин,
Адолат била тузди олам ишин. *Тарихи мулуки ажам*, 16-226;
~ **ахтари** – бахт юлдузи:
Гул эмас ким қон этиб афлок бахтим ахтарин
Қилди тиғи зулм ила юз пора анинг пайкарин. *Наводируш-шабоб*, 449-Т;
~ **уйқуси** – бахтсизлик:
Халойиқ ўлганимни бахтим уйқуси соғинмишлар,
Нечук ким тонимаслар тавъамоннинг кўрса қардошин. *Бадойиул-васат*, 370-Т;
~ **и баланд** – бахтли, омадли, саодатли, бахти баланд:
Ки эй толиъи саъду бахти баланд,
Ки сендин бўлур одами аржуманд. *Садди Искандарий*, 70-Т;
Чу Баҳроми Чўбинни бахти баланд,
Жаҳон мулкида айлади аржманд. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;
~ **и баргаштаи бесарупой** – яланғоч, ялангоёқ, телба; бахти қаро, бебахт:
Эй саргаштаи худрой ва эй бахти баргаштаи бесарупой ул вақтдин бери ким мазаллат туфрағидин рўзгоринг чеҳрасин супурдум. *Муншаот*, 14-215;
~ **и бархўрдор** – бахтга манфаатдор:
Ким ки ул бир кўнгли севган нахл ҳаддин бар эди,
Аллоҳ Аллоҳ умридин не бахти бархўрдори бор. *Бадойиул-васат*, 141-Т;
~ **и бедор** 1. уйғоқ, мададкор бахт; доимий бахт:
Анинг дек мастлиғ уйқусидин очқай Навоий кўз,
Сабоҳи ҳашр ул ҳам ёвар ўлса бахти бедори. *Бадойиул-васат*, 420-Т;

Ул икки нечун ки бахти бедор,
Бўлуб бир бирга масти дийдор. *Лайли ва Мажнун*, 306-Т;

~ 2. абадий шодлик, иқбол:
Бийик ҳиммат-у бахти бедоридин,
Басе мулк фатҳ ўлди ҳар саридин. *Садди Искандарий*, 243-Т;
Ул қаро тунда бахти бедори,
Солған эрмиш ани менинг сари. *Сабъаи сайёр*, 10-357;

~ **и гаронхоб** – бадбахтлик, бахтини ғафлат босган:
Уйқу хос ўлди менинг бахти гаронхобимға,
Уйқусизлиқ неча ким дийдаи гирёнима хос. *Ғаройибус-сиғар*, 225-Т;

~ **и гумроҳ/гумрах** – адашган; бахтсиз:
Учрамас ҳар кўй бошинда туруб йўл асрасам,
Равшан эрмас вах ки шамъи бахти гумроҳим менинг. *Наводируш-шабоб*, 348-Т;
Менмудурмен ким сенинг васлинг муяссардур манга,
Бахти гумраҳдин қачан бу қисса бовардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;

~ **и жовид** – доимий бахт, абадий саодат, мангу иқбол:
Бахти жовид ушбу бўлғай ким кўзум суртарга чарх,
Итларининг йўли туфрағин муайян айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т;

~ **и жовидона** – абадий, мангу бахт:
Чун ёр эди бахти жовидона,
Тортар эди мени бехудона. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т;

~ **и забун** – бахтсиз, шўри қуриган:
Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун,
Гўйиё мен бир ёнар ўтмен қаронғулуғ тутун. *Ғаройибус-сиғар*, 360-Т;

~ **и комрон** – бахтли, ўз бахтига эришган, мақсудига етишган:
Баҳор ўлди чу бахти комрондин,
Ани Ҳақ айласун эмин хазондин. *Муншаот*, 14-206;

~ **и нек** – гўзал бахт:
Мен ки бор эрди хизматинг комим,
Ёр ўлуб бахти нек-у фаржомим. *Сабъаи сайёр*, 10-87;

~ **и некхох** – бахтиёрлик, баланд толеълик, бахтлилик:
Навоиё яна ғар ёр юзини кўрсам,
Мутиъу қул бўлайин бахти некхоҳимга. *Ғаройибус-сиғар*, 415-Т;

~ **и нигун** – омадсиз, бахтсиз, омади келмаган, иши юришмаган:
Биз гуруҳи ожиз-у зор-у забун,
Барчани хор айлабан бахти нигун. *Лисонут-тайр*, 186-Т;

~ **и нофаржом** – бахти кора, толеи паст:
Мен ютуб хуноба йиллар эл чекарлар жоми айш,
Чора йўқ ул ким азалдин бахти нофаржоми бор. *Фавойидул-кибар*, 186-Т;

~ **и сахткўш** – ҳаракат, тиришқоқлик билан эришилган бахт:
Кетиб эркан дурур бу лаҳза хушум,
Ки солмиш мунда бахти сахткўшум. *Фарҳод ва Ширин*, 270-Т;

~ **и сияҳкор** – бахтиқоралик, бахтсизлик, толесизлик:
Эй Навоий истасам зулфин паришон қилма айб,
Найлайин сармояи бахти сияҳкорим будур. *Наводируш-шабоб*, 156-Т;

~ **и фаррух** – гўзал, кутли бахт:
Чун ёварим ўлди бахти фаррух,
Қўйди манга фатҳ ила зафар рух. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т;

~ **и кирандуд** – очилмас бахт, бахти коралик:
Ғам туни қилмиш қаро боскан киби музтар мени,
Бўйла ким нокормен бу бахти кирандуд ила. *Бадойиул-васат*, 395-Т;

~ **и хумоюн** – муборак бахт, бахт қуши:
Ҳар субҳ анга ким толиъ ўлур бода қуёши,
Хуш бахти ҳумоюн била ҳуш толиъ феруз. *Бадойиул-васат*, 163-Т.

БАХТИЁР [بختیار] – бахтли, бахтиёр, саодатли; шод, хурсанд:
Черик бўлса ву бўлмаса бахтиёр,
Сипаҳға адув хайлининг ҳукми бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-18;
Тилар қилмағиға ўзин бахтиёр,
Эрур лек қилмасда беихтиёр. *Садди Искандарий*, 211-Т.

БАХШ [بخش] – мурувват, эҳсон бахш:
Шаҳға дема лутф чоғи тож бахш.
Балки гадоларға даги тож бахш. *Ҳайратул-аброр*, 7-98.

БАХШАНДА [بخشنده] – бахш этувчи, берувчи, ато қилувчи, бахшиш қилувчи:
Кетур соқий ул май ки рахшандадур,
Анинг нашъаси файз бахшандадур. *Садди Искандарий*, 103-Т.

БАХШАНДАЛИҚ [بخشنده لیق] – ато қилишлик, бахш этишлик:
Сўзунг айлабан умр бахшандалиқ,
Юзунгдин халойиққа фархундалиқ. *Садди Искандарий*, 102-Т.

БАХШИ [بخشی] – котиб, мирзо:
...неча нависанда неча бахши неча парвоначи жонлариға етиб неча ҳийла била қутулурлар. *Муншаот*, 14-186;
Сартқа гарчи бу борур яхшилар,
Турк ила ҳам яхши борур бахшилар. *Ҳайратул-аброр*, 7-228.

БАХШИЙЛИҒ [بخشی لیغ] – эҳсонлик, бахшишлик:
Неча ким бахшийлиғ лаълинг шакархандидадур,
Анча жон олмақ даги ул кўз шакар хобинда бор. *Наводируш-шабоб*, 150-Т.

БАХШИШ [بخشیش] – ҳадя, туҳфа, инъом, эҳсон, мурувват, карам, марҳамат:
Ҳар киши ким жаҳон аро мавжуд,
Барчанинг бахшиши санга мавъуд. *Сабъаи сайёр*, 10-30;
~ **топ-** – туҳфа бўлмоқ, ҳадъя этилмоқ:
Чу бахшиш топиб андағ мулк-у жоҳи,
Бўлуб ул дам гадо ҳам подшоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 121-Т;
Тилаб уммат гуноҳин ҳар не ким истаб топиб бахшиш,
Зиҳи сойил зиҳи бозил зиҳи рифъат зиҳи меърож. *Фавойидул-кибар*, 95-Т;
~ **қил-** – инъом-эҳсон, карам қилмоқ:
Фалакка бу бахшиш қилурға не ҳад,
Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад. *Садди Искандарий*, 59-Т.

БАХШЛИҚ [بخش لیق] – ҳадъялик, эҳсонлик, туҳфалик:
Лек бирав қилса равон бахшлиқ,
Руҳ киби сўз била жон бахшлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-240.

БАХШОЙИШ [بخشایش] – туҳфалар, ҳадъялар, эҳсонлар, марҳаматлар:
Адлидин анча элга бахшойиш,
Ким раиятқа йўқ жуз осойиш. *Сабъаи сайёр*, 10-61;
Агар афвнинг бўлса гунжойиши,
Гуноҳ аҳлига етса бахшойиши. *Садди Искандарий*, 307-Т;
~ **кўргуз-** – марҳамат қилмоқ, ҳадъя этмоқ, эҳсон кўргузмоқ, мурувват айламоқ:
Мазлумға бахшойиш кўргуз ки золимдин осойиш кўргайсен.
Маҳбубул-қулуб, 14-85;

~ **топ-** – марҳамат топмоқ, мурувватга эга бўлмоқ; авф этилмоқ, гуноҳи кечирилмоқ:
Топти чун қилған ишта бахшойиш,
Неча кун дедим эттинг осойиш. *Сабъаи сайёр*, 10-388.

БАХЯ [بخیه] – чопон кирғоғига тикилган жияк, мағз:
Бир кун намозда эрди кўрди ки дарвешлардин бири хирқасиға бахя тикадур.
Ҳар бахя ки туз келмайдур. *Насойимул-муҳаббат*, 181-Т;
Хирқа уза бахя ки ҳарён чекиб,
Зуҳд-у риё вуслаларидин тикиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-133.

БАХЯЛИҚ/ БАХЯЛИҒ [بخیه لیغ / بخیه لیق] – жиякли, жияклик, мағзлик:
Нужуму чарх деб ўгма гадонинг бахялиқ шолин,
Тутунни чарх учкунларни анжум эътикод этма. *Фавойидул-кибар*, 507-Т.

БАХЯСОЗ [بخیه ساز] – жияк тикувчи, жиякчи:
Азрақ уза ким бўлубан бахясоз,
Анжуми наҳси фалак нақшбоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-133.

БАЧА [بچه] – ёш, бола:
Кўнглумга дема зуҳддин эй шайх ҳар кун,
Кофир бачаи май қилур ошом кўнгулда. *Наводируш-шабоб*, 26-Т;
қақнус бача – Қақнус номли афсонавий қуш боласи:
Чун ки ул куллар ўгулди тоғча,
Махфий эрмиш кулда бир қақнус бача. *Лисонут-тайр*, 255-Т.

БАШАР [بشر] – инсон, одамийзод; инсоният, башар:
Деди ким аё фариштапайванд,
Келмай сифатинг башарға монанд. *Лайли ва Мажнун*, 202-Т;
Одам ки башар насли силкига эрур пайванд,
Суратда санга волид маънида санга фарзанд. *Ғаройибус-сиғар*, 110-Т;
~ **жинси** – одам авлоди, одамзод, инсоният:
Мен башар жинсиға жон ўйнаб вафойи кўрмадим,
Қочқай одам хайлидин ҳар ким ки бўлса одами. *Наводируш-шабоб*, 636-Т;
~ **табъи** – одамзод назари, инсон табиати:
Карам башар табъида ноёб ва нобуддур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-81;
~ **хайли** – инсоният, одам авлоди:
Башар хайли доррул-бақога аҳли азиматдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96.

БАШАРА [بشره] – юз, чеҳра, афт, бет:
Дедилар ким башарангда инбисоте зоҳир бўлур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-57;
Сайиднинг ҳумоюн башараларида суфрат ғолибдур.
Мажолисун-нафоис, 147-Т.

БАШАРИЙ [بشری] – одамга оид, инсонга мансуб:
Ҳур йўқ йўқ не ҳур балки пари,
Не пари балки офати башарий. *Сабъаи сайёр*, 10-97.

БАШАРИЙЯТ [بشریت] – инсонийлик, одамийлик:
Ва чун бу махлуқнинг зотларида башарийятни дохил қилди.
Башарият муқтазоси била алардин нописанд ишлар вужуд тутти.
Насойимул-муҳаббат, 3-Т;
Башарийят муқтазосида ким қилғани марғубдур ва қилғучининг ўз оллида маҳбуб. *Наводируш-шабоб*, 684-Т.

БАШАРЛИҚ [بشرلیق] – инсонлик, одамзодлик:

Ким бахшқа йўқ қошида даҳшат,
Чун кетти башарлиқ этти ваҳшат. *Лисонут-тайр,* 200-Т;
Эгнидин солиб анонийят тўнин,
Айириб ўтдин башарлиқ учқунин. *Лисонут-тайр,* 25-Т.

БАШАҚ [باشاق] – бошоқ:

Шажар яфроғлари ўқдек қадингнипг ҳажрида бордур,
Башақлар ким чаман ашки намидин бўлди зангори. *Ғаройибус-сиғар,* 473-Т;
Тири борон ким ғаминг қилди туганмас қарнлар,
Терсалар анда башақ терган киби пайкон улус. *Бадойиул-васат,* 172-Т.

БАШАҚ/БАШАҒ [بشاق / بشاغ] – ёй ўқи учига ўрнатилган ўткир учли темир, ёй ўқининг ўткир учи:

Кўнглум ўтидин йиғоч кулдур башақ бир қатра сув,
Ногаҳ ул шўхи жафокаш отса бир новак манга. *Ғаройибус-сиғар,* 36-Т;
Башағларинг учи эрмас ки чиқти жисмимдин,
Чиқармишам учубан еткали санга парлар. *Бадойиул-васат,* 139-Т;
Захм аро қилған башақ жонимға етмиш эй рафиқ,
Раҳм этиб Тангри учун чек доғи пайконим чиқар. *Наводируш-шабоб,* 157-Т;
Шарар анда ки бўлғай ўтқа фарзанд,
Башақ дек ким эрур темурга пурканд. *Фарҳод ва Ширин,* 472-Т.

БАШАҚЧИ [باشاقچی] – бошоқчи:

Ўрақчиға андин рўзи башақчининг ёруб андин кўзи. *Маҳбубул-қулуб,* 14-37.

БАШАҒЛИҒ [بشاغ لیغ] – ўткир учли, пайкон:

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг башағлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил. *Ғаройибус-сиғар,* 295-Т;
Кўнгул ғам шамъидин чиқмаққа бўлди,
Башағлиғ новакинг шамъи ҳидоят. *Бадойиул-васат,* 57-Т.

БАШОМ [بشام] – кечгача, шомгача, қош қорайгангача:

Ушбу сифат йўқ ки саҳар то башом,
Қўй саҳару шомни ким бардавом. *Ҳайратул-аброр,* 7-116.

БАШОРАТ [بشارت] – хушхабар, башорат, мужда:

Бу иш бўлғач не шаҳ қилса ишорат,
Манга ҳуд бўлгусидур ул башорат. *Фарҳод ва Ширин,* 478-Т;
То йўлда муҳибларидин бирининг ўйига еттилар ул дарвиш башорат ва ниёз била илгари келди. *Насойимул-муҳаббат,* 236-Т;

~ **бўл-** – башорат, мужда бўлмоқ:

Ҳазрати Шайх остонида хидматда бўлғаймен. Ҳазрати Шайх буюрдилар ки башорат бўлсун санга ким подшоҳлар сенинг рикобингда югургайлар. *Насойимул-муҳаббат,* 271-Т;

~ **бер-** – башорат, мужда бермоқ:

Жабраил башорат берди ким минг пайғамбар Исҳоқ наслидин мутаваллид бўлғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-118.

БАШОРАТЛИҒ [بشارت لیغ] – башоратли, хушхабарли, севинчли хабар:

Ул Мулкороға фош этти башорат,
Бу навъ этти башоратлиғ ишорат. *Фарҳод ва Ширин,* 238-Т.

БАШОШАТ [بشاشت] – очиқ чеҳралик; табассум; ~ **қил-** – табассум қилмоқ:

...мен мундақ дедим ул мундақ жавоб айтти ва башошат қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат,* 308-Т.

БАЯК [به یک] – бир марта:

Қаён ким солиб гом баяк назар,
Юз анча қилиб гоми анинг гузор. *Садди Искандарий*, 63-Т.

БАЯКБОР [به یکبار] – бир марта, бир йўла, бирданига:

Маҳжуб эди ул шўх улусдин чу май ичти,
Ҳар хайл била бўлди баякбор мусоҳиб. *Фавойидул-кибар*, 53-Т;
Топмайин ғайри қайтмақ чора,
Бузулуб ёндилар баякбора. *Сабъаи сайёр*, 10-298.

БАЪД [بعد] – кейин, сўнг:

Аммо баъд фукаронинг гадойи ва ғаройиб мастураларнинг чеҳра кушойи ал-фақирул-ҳақир Алишер ал-мулаққаб бин-Навоий мундақ арз қилур.
Маҳбубул-қулуб, 14-8.

... ва алар суҳбати юмни тарбияти натижасидин кўп толиблар баъд-у нуқсон пойгоҳидин курб-у камол пешгоҳиға етибдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 243-Т;
Аммо баъд ажиллаи асҳоб оллида андақ маъруз бўлур. *Муншаот*, 14-133.

БАЪЗАН [بعضاً] – аҳён-аҳён, айрим пайтда, гоҳ-гоҳ:

Баъзи эллик йиғоч дебтурлар икки вилоятнинг фосили в баъзан ортуқ ўксук ҳам дебтурлар. *Тарихи мулуки ажам*, 15-239.

БАЪЗИ [بعضی] – айрим, баъзи, бир қисм:

Ишқ аро Мажнунни дер баъзи фузун баъзи мени,
Лек ҳолим англаған топмас маҳалли ихтилоф. *Ғаройибус-сиғар*, 246-Т;
Ва ул қаптан била юрур эрди андақ ки баъзи машойих хирқа била ва баъзи гилим бирла ва баъзи тайласун била. *Насойимул-муҳаббат*, 51-Т;

~ **да** – баъзан, баъзида, айрим пайтда, аҳён-аҳёнда:

Бўлуб олтун кумуш баъзида зоҳир,
Вале баъзида қийматлиғ жавоҳир. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т.

БАЪИДУЛ-ФАҲМ [بعید الفهم] – фаҳмдан узоқ, тушуниш қийин, мушкул:

Розим ар созинг лисонидин баъидул-фаҳм эса,
Анга руҳафзо унунгни дағи ҳамроз айласанг. *Наводируш-шабоб*, 360-Т.

БАЪС [بعث] – қўрқув; тирилиш:

Яъс қаро шомидин сўнгра субҳи уммид тулуъ этар ва баъс зулумоти зимнида ҳаёти жовид навида етар. *Муншаот*, 14-212.

БАҚАМ [بقم] – бақам, дарахт номи; қизил (бўёқ):

Новакинг кўнглум аро синғай дебан пайванд учун,
Кўз қароси обнус-у қон ёшим бўлмиш бақам. *Наводируш-шабоб*, 402-Т;
Қуруғ жисмимда қонлиғ захм эмастур қатъ учун ҳар ён,
Ки пайванд айламишсен ул сўнгакларни бақам бирла. *Ғаройиб-сиғар*, 400-Т.

БАҚАРА [بقره] – сигир, ҳўкиз; Қуръон сураларидан бирининг номи:

Тангри таоло ҳукми била буюрди ким бир уйни келтуруб ўлтурунг ва анинг бир узвини мақтулға урунг то айтсун ким қотили кимдур... Андақ ки бақара сурасида мазкурдур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 14-44.

БАҚАРЛУҚ [بقرلوق] – молли, сигирли; ~ **бўл-** – сигирли бўлмоқ:

То иш анга етти ким бир уй ким ўрта ёшлиғ бўлғай ранги сариғ, зират ва юк заҳматин кўрмаган бўлғай ва нопок ерда ўтламамиш бўлғай ва умрида анга машаққат етмиш бўлғай то бақарлуқ бўлғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 14-44.

БАҚИЯ [بقیه] – қолдиқ, қолгани:

Кечкан ҳаётим бақиясин ва ўткан авқотим татиммасин бир ишка сарф қилғаймен. *Вақфия*, 14-265.

БАҚИЪ [بقيع] – жой, макон; қабр; Мадина шаҳридаги машҳур қабристон:

Мен ки дайр ўлди манга тақви ву тоат буқъаси
Ўлганимда куфр гўристонин айлармен бақиъ. *Наводируш-шабоб*, 288-Т.

БАҚЛО/БАҚЛ [بقل / بقلا] – сабзавот:

Ул тўрбани силкти ярим дирам қолиб эрди. Кўпти асҳобиға деди ким башорат сизга ким нон-у бақло бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 153-Т;

~ **и ҳамқо**– семизўт:

Рев-у ранг аҳди муриди бўлмағил ким Хизр эмас,
Хирқасин ҳар аҳмоқ этса бақли ҳамқодек яшил. *Бадойиул-васат*, 294-Т.

БАҚО/БОҚИЙ [بقا / باقی] – 1. абадийлик, мангулик, боқийлик:

Ки билса жаҳонға вафо йўқтурур,
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқтурур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;

2. мавжудлик, борлик:

Бу гулшан ичра ки йўқтур бақо гулиға сабот
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиғ била от. *Наводируш-шабоб*, 696-Т;
Топмағунг дайри фано аҳлида ёнг боштин бақо,
Қилмағунча бодаи вахдат вужудунгни адам. *Фавойидул-кибар*, 385-Т;

3. ишонч:

Чу давронға йўқтур бақо ву сабот.
Ҳам андин эрур бевафорақ ҳаёт. *Садди Искандарий*, 513-Т;

~ **айвони** – боқийлик қасри, дунё ҳаёти, борлиқ:

Бақо айвони кўп олий эмастур,
Ҳаводисдин жаҳон холи эмастур. *Фарҳод ва Ширин*, 127-Т;

~ **анжоми** – боқийлик, абадийлик маскани, умри:

Топмақ имкон йўқ висолинг комини,
Ул фанолардин бақо анжомини. *Лисонут-тайр*, 265-Т;

~ **гулзори** – тарки дунё, жаннат гулзори:

Фано доридин бақо гулзориға риҳлатлари жумъа куни муҳаррам ойининг ўн еттисида... воқиъ бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-76;

~ **гулшани** – жаннат гулзори:

Бу фано тангнойидин бақо гулшани фазосиға хиром кўргузди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 119-Т;

~ **дашти** – мангулик саҳроси, абадийлик биёбони:

Бақо дашти нечук қатъ ўлмасун айлаб мурур айём,
Ки ҳар манзил анга бир кун дурур ҳар дам анга бир гом.
Наводируш-шабоб, 417-Т;

~ **иқлими** – мангулик иқлими:

Не давлатдур ки бу ҳолатда андақ борди ўздин ким
Бақо иқлимидин рахтини то мулк и адам чекти. *Наводируш-шабоб*, 605-Т;

~ **кўйи** – абадийлик кўчаси:

Эшит бу неча сўз ким вақт эрур танг,
Ки айлармен бақо кўйига оҳанг. *Фарҳод ва Ширин*, 239-Т;

~ **мулки** – абадийлик олами, мангу тириклик маскани; у дунё:

Хуш ул ринди ки борғай кулбадин гулшанға борғандек,
Бақо мулкига чун дори фанодин интиқол ўлғай. *Фавойидул-кибар*, 563-Т;

~ **нақди** – мавжудлик даври:

Бақо нақди ҳаётингга чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру. *Наводируш-шабоб*, 505-Т;

~ **олами** – нариги дунё, у дунё, охират:
Фано тангнойидин бақо оламиға хиром қилдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-252;
~ **расми** – боқийлик, абадийлик расму одати:
Ҳам вужуд ойини маҳкамдур анга,
Ҳам бақо расми мусалламдур анга. *Лисонут-тайр*, 230-Т;
~ **сарманзили** – абадийлик маскани; у дунё:
...ва подшоҳлари ҳам фано маҳаллидин кетиб бақо сарманзилиға етибдурлар.
Мажолисун-нафоис, 190-Т;
~ **сарчашмаси** – абадийлик, тириклик манбаи *(жон бағишловчи афсонавий оби хаётдан киноя)*:
Бақо сарчашмаси зулматда дерлар йўқ ки ул зулмат
Сикандар оҳи ўтидин йиғилған дуди ҳирмондур. *Бадойиул-васат*, 107-Т;
~ **файзи** – боқийлик лутфу карами, файзи:
Фано туфрағиға чун бўлдилар паст,
Бақо файзи ета бошлади пайваст. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;
~ **и абад** – абадий тириклик, абадий борлик:
Навоий агар кўнглунг бақои абад истар,
Бу дайри фано ичра керак бўлғасен фоний. *Фавойидул-кибар*, 615-Т;
~ **и жовид** – абадий, доимий, ҳамишалик:
Бори номуродларға Ҳақ бу фано давлатин қариб қилғай ва тавба саодати била бақои жовид насиб эткай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-46;
~ **и жовидон** – абадийлик, ҳамишалик:
Фоний ўлсун ким бақои жовидон истар ани,
Фоний ўлғанларға даврон дохил этмасдин бурун. *Фавойидул-кибар*, 466-Т;
~ **и жовидоний** – абадийлик, доимийлик:
Ҳам нақши вужудин этти фоний,
Ҳам топти бақои жовидоний, *Лайли ва Мажнун*, 361-Т;
Вужуд майкадаси туфрағида фоний умиди ҳақ карамидин бақои жовидоний.
Маҳбубул-қулуб, 14-46;
~ **и локалом** – абадий жавобсиз баҳс:
Саҳар гулистони куёш сариғ гули била зеб тутар жаҳонаро маснади хуршид тимсол бақои локалом гирд болишти била ороста ва мустадом бўлсун.
Муншаот, 14-210;
~ **и лониҳоят** – ниҳоясиз абадийлик:
Дур топса бақои лониҳоят
Ҳам сендин эрур ушул иноят. *Лайли ва Мажнун*, 32-Т;
~ **и мутлақ** – мутлақ абадий:
Жумла жаҳон фонийи мутлақ дурур,
Боқийи мутлақ тиласанг Ҳақ дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-320;
~ **бўл- –** мангу, абадий бўлмоқ:
Андақ ки жоҳ-у жалолиға вафо бўлмас меҳнат ва малолиға дағи бақо бўлмас.
Муншаот, 14-212;

Боқий топар ул ки бўлди фоний,
Раҳравға фано бақо бўлубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 144-Т.

БАҚОЁ [بقایا] – боқийлар; бошқалар, қолганлар:
Анинг бирла бу можаро сургали,
Бақоёни девонға келтургали. *Садди Искандарий*, 178-Т.

БАҚООРОМГОҲ [بقا ارامگاه] – абадийлик қароргоҳи, у дунё:
...алар бу фано домгоҳидин бақооромгоҳиға бариб дурурлар.
Мажолисун-нафоис, 31-Т.

БАҚОСИЗ [بقاسيز] – бебақо, саботсиз, фоний, омонат:

Ҳам даҳр бақосиздур ҳам умр вафосиздур,
Хуштур нафасе ўзни аҳбоб ила хуш тутмақ. *Бадойиул-васат*, 247-Т;

Бил муни ким умр вафосиз дурур,
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-320;

Ки гардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз. *Фарҳод ва Ширин*, 145-Т.

БАҚОСИЗЛИҒ [بقاسيزليغ] – вақтинчалик, омонатлик, саботсизлик:

ва чарх гунбади бақосизлиғида ким бир мутаҳаррик ҳабоб дурур су устида.
Фарҳод ва Ширин, 459-Т;

Жаҳоннинг ишванамо ажузасининг вафосизлиғи ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиғи муайяндур. *Вақфия*, 14-246.

БАҚҚОЛ [بقال] – баққол:

Бир кун Миср мадорисидин бирида кезар эрдим кўрдум ким мадраса эшикида бир кари баққол эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 359-Т:

Бу навъ била ўн беш йил ўткандин сўнгра ногоҳ бир кун ул қари баққолнинг уни манга келди. *Насойимул-муҳаббат*, 359-Т.

БАҒАЙР [بغير] – ...дан ўзга; ~ **и захр** – заҳардан бошқа, заҳардан ўзга:

Жонивор умрини қилурға табоҳ,
Бутмай анда бағайри заҳри гиёҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-110;

~ **и Лайли** – Лайлидан ўзга, бошқа:

Кимнинг булуб демакка майли,
Малфуз ўлмай бағайри Лайли. *Лайли ва Мажнун*, 101-Т.

БАҒДОДИЙ [بغدادى] – бағдодлик; **бағдодиййул-асл** – асли бағдодли:

Абу Саиди Харроз... Иккинчи табақадиндур ва бағдодиййул-аслдур.
Насойимул-муҳаббат, 45-Т;

Абул-Ҳусайни Нурий... Иккинчи табақадиндур ва бағдодиййул-аслдур.
Насойимул-муҳаббат, 48-Т.

БАҒДОДЛИҒ/БАҒДОДЛИК [بغدادليغ / بغدادليق] – бағдодлик:

Сарий бин Муғаллис ас-Сақатий... Саййидут-тойифа Жунайд қуддиса сирруҳунунг устодидур ва бағдодлиғларнинг шайхи ва пири.
Насойимул-муҳаббат, 34-Т;

Абул-Аббос ибн Ато... иккинчи табақадиндур. Бағдодликдур.
Насойимул-муҳаббат, 86-Т.

БАҒИЙЯ [بغيه] – итоатсиз; фоҳиша:

Айлар назари тавқиъ кўйунг гадойидин шаҳ,
Тутқан киби бағийя шаҳдин назар гадо кўз. *Наводируш-шабоб*, 220-Т.

БАҒИР/БАҒРИ [باغير / باغرى] – жигар; қалб; кўнгил; юрак; кўкс:

Жигаргундур сиришким нега ким бор
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж. *Ғаройибус-сиғар*, 96-Т;

Даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар.
Маҳбубул-қулуб, 14-83;

Оллингда сенинг висолдин боғ,
Бағримда менинг фироқдин доғ. *Лайли ва Мажнун*, 131-Т;

~ **захмлари** – қалб яралари; кўнгил дардлари:

Чун бағир захмлари бутмади пайванд қилиб,
Итларинг оллида ташлай неча парканд қилиб. *Фавойидул-кибар*, 59-Т;

~ **парголаси** – жигарпора, жигархун, жигар парчалари:
Заъфдин оҳиста чиқти ноласи,
Юз уза сочиб бағир парголаси. *Лисонут-тайр*, 125-Т;
~ **пораси** – жигарпораси:
Фироқ ўлмаса ошиқи нотавон,
Бағир порасин кўздин этмас равон. *Садди Искандарий*, 417-Т;
~ **чоки** – қалб яралари, кўнгул дардлари:
Ёшуруб эрдим бағир чокини ваҳ ким қилди фош,
Ҳар тараф кўздин тарашшуҳ айлаган қон оқибат. *Наводируш-шабоб*, 72-Т;
~ **и бутав** – соғлом, соғ:
Тортибан тиғи жафо бағримни юз чок айлади,
Борди ул ким дер эдилар эл мени бағри бутав. *Фавойидул-кибар*, 491-Т;
~ **и сув** – маъюс, ғамгин, қайғули:
Агар бағрим судур ўлмай нетай ким анда ғамзангдин,
Су берган заҳри бирла қатраи пайкон эрур мамзуж. *Наводируш-шабоб*, 94-Т;
~ **и тош** – шафқатсиз, жоҳил, бераҳм:
Чиқти ёрим кеча йўл азмин қилиб ул бағри тош,
Бас ажойибтур қаронғу кеча чиқмағлиқ куёш. *Ғаройибус-сиғар*, 205-Т;
~ **хуноби** – жигар қони:
Бағрининг хунобини ул нотавон,
Кўз йўлидин ҳар тараф айлаб равон. *Лисонут-тайр*, 194-Т;
~ **и қаро** – ғамгин, қайғули, маъюс:
Бу тоза туган ким ғамидин кўнглум ярадур,
Кўнглум қуши ғам дашти аро бағри кародур. *Наводируш-шабоб*, 196-Т;
Чун барги тушарга майл қилди,
Бағри қаро дашт уза ёйилди.
Дашт узра ки сайр ўлур сабоға.
Бағри қаролар учар ҳавоға. *Лайли ва Мажнун*, 113-Т;
~ **ёр-** – жигар, юрак, қалбни пора қилмоқ; жабру ситам келтирмоқ:
Кўш ки бағир ёрмақ ўлуб ком анга,
Шоҳ илиги устида ором анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-214;
~ **и су бўл-** – маъюслаңмоқ, ғам чекмоқ:
Эй Навоий неча бағринг су бўлуб тўккунг сиришк,
Тойири давлат чу боқмас бўйла об-у донаға. *Ғаройибус-сиғар*, 401-Т;
~ **сув эт-/қил-** – маъюслантирмоқ; қайғуга солмоқ:
Кўз ёшимни қон қилиб бағрим сув эттинг эй фирок,
Йўқ ки ёлғуз суни қон қилдинг су қилдинг қонни ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 329-Т;
Тиларсен фақр даштин қатъи қилғайсен эранлардек,
Бағир су қил юрак парголасидин ўзга зод этма. *Бадойиъул-бидоя*, II-503;
~ **иға тиш беркит-** – ўзини тута билмоқ, сабр қилмоқ; чидамоқ:
Чу элга ишва айлар лаълин ул ороми жон тишлаб,
Келурмен бағрима тиш беркитиб яъни ки қон тишлаб. *Ғаройибус-сиғар*, 57-Т;
Дарддин бағриға зори дам-бадам беркитти тиш,
Кут учун бемор янглиғ ким ғизосин тишлади. *Фавойидул-кибар*, 589-Т;
~ **и тол-** – чарчамоқ, мадорсизланмоқ, ҳолдан тоймоқ:
Ул гул паёмини ел дей олмас эй Навоий,
Йўл пўясидин анинг бағри магар толибтур. *Наводируш-шабоб*, 171-Т;
~ **тош боғла-** – шафқатсиз, жоҳил, бераҳм бўлмоқ:
Ҳар неча қилсам вафо сендин вафодин йўқ асар,
Тош экин бағрингму ёхуд боғладинг бағрингға тош. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

БАҒИШ [باغیش] – 1. чодир банди, арконлари, бағишлари: *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т;

2. тизза банди:

Қилди бағишда ўлтуруб бунёд,
Шаҳ дуосин ки чархи кўҳна ниҳод. *Сабъаи сайёр*, 10-335.

БАҒИШЛА- [باغیشلا] – 1. ато этмоқ, эҳсон қилмоқ, ҳадъя айламоқ:

Жонимни олур ғами ниҳоним,
Дафъ айла ву ё бағишла жоним. *Лайли ва Мажнун*, 297-Т;

2. топширмоқ:

Ўзидин бурунғи жамъи акосира замонидин қолған шалтоқларни жамъи раоёға бағишлаб, дафтарларни буюрди ким ювдилар ва яхши ойинлар ораға киюрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-233.

БАҒИШЛАМАҚ [باغیشلاماق] – бағишлов, бағишлаш:

Султон Бадиуззамон Мирзо... базм асбобидин ичмак ва бағғишламақта бемонанд. *Мажолисун-нафоис*, 198-Т.

БАҒИШЛАН- [باغیشلان] – ато этилмоқ, эҳсон қилинмоқ, туҳфа қилинмоқ:

Ҳамул адл ким тутти сендин вужуд,
Гуноҳинг бағишланди буд-у нобуд. *Садди Искандарий*, 145-Т.

БАҒЛИ/БАҚЛИ [بقلی / بغلی] – бақла (таом номи), ловия, сабзавотли таом:

Манга парзада ўтмак ва бағли ҳавас бўлди. Филҳол бағли соткучининг уни келди техда ки қошимға келтурди. *Насойимул-муҳаббат*, 126-Т;

... Абу Саиди Муқрий деди ки Шайх Абу Абдуллоҳи Рудборий била бақли ейдур эрдим. Бир бақли олдим яна ўрниға қўйдум. *Насойимул-муҳаббат*, 167-Т.

БАҒОЯТ [بغایت] – ғоятда, жуда, ниҳоят, ўта, оша:

Хатинг ҳам хубдур хаттингда холинг ҳам бағоят хуб,
Лабинг ҳам хуб эрур лаълингда нуткунг ҳам бағоят хуб. *Наводируш-шабоб*, 48-Т;

Мунбасит бўлди шаҳи хуршидваш,
Кўнглига сўзлар бағоят келди хуш. *Лисонут-тайр*, 201-Т;

Зеҳи шаҳд хушунг бағоят малиҳ,
Мусалсал сўзунг бениҳоят малиҳ. *Фавойидул-кибар*, 108-Т.

БАҲАР [بهر] – ҳар, ҳар бир, ҳар бири:

Баҳар ҳол чун кеткулукдур киши,
Кетар фикри дойфим керактур иши. *Садди Искандарий*, 277-Т.

БАҲИЛ/БИҲИЛ [بحیل] – бахш, афв; узр:

Кўзларинг коним ғидо қилсун агар ёлғон десам.
Бир қошуқ коним баҳил ўл икки хунхор оллида. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;

~ **қил-** – афв қилмоқ:

Неча кун айш этканингн муттасил,
Ким май ичтинг мен санга қилдим баҳил. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Кўзум ҳақини баҳил қилдим эй жавоҳири ашқ,
Ки бари ҳам анинг оқ мақдамиға сочиласиз. *Ғаройибус-сиғар*, 174-Т.

БАҲИЛЛИК/БИҲИЛЛИК [بحیل لیک] – бахшишлик; афв этишлик, узрлик:

Соз этти ағалиғ-у сингиллик,
Кўп истади синглидин биҳиллик. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;
Баҳиллик истабан озода шаҳдин,
Дема шаҳ ким бари хайл-у сипаҳдин. *Фарҳод ва Ширин*, 206-Т.

БАҲИМ [بهيم] – хайвон:

Ғазабда сабаъ шаҳват ичра баҳим,
Агарчи эрур одамизода шайх. *Наводируш-шабоб*, 112-Т.

БАҲЛА [بهله] – овчининг лочин қўндирадиган чарм қўлқопи:

Мавлоно Садруддин... дойим туркча айтиб қуш сола отланғай ва таблбоз боғлаб белига баҳла санчқай. *Мажолисун-нафоис*, 181-Т;

~ **и зарнигор** – зарли чарм қўлқоп:

Агар шунқор эгасидек белингда баҳлаи зарнигор йўқ ҳам шукрдур ким илкинг баҳла панжасидек нокор йўқ ва андин сенга озор йўқ. *Махбубул-кулуб*, 14-129.

БАҲМАН [بهمن] – 1. Шамсия йили ҳисобидаги ойларнинг ўн биринчиси (22 январдан – 22 февраль кунларига тўғри келади):

2. баҳман ойида очиладиган гул номи, бойчечак:

Сиймдин баҳман чаман Қофини то зол айлади,
Қушлар ул сийм остида симурғдек ноёб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 168-Т;

3. Эрон подшоҳларидан бирининг номи:

Баҳман подшоҳ бўлғандин сўнгра адл ойин қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-211;

~ **ели** – қиш шамоли, қиш изғирини:

Ёйилган замон шавкати Баҳмани,
Равон қилди баҳман елидек ани. *Тарихи мулуки ажам*, 16-212;
Қилур табъи борид нафасни совуқ
Бурудатда баҳман елига ёвуқ. *Садди Искандарий*, 282-Т;

~ **чериги** – қиш совуғи; аёз; қаҳратон қиш:

... баҳман чериги чопкунидин шарора маздакининг сипоҳи тош бирла темур калъасида мутаворий. *Муншаот*, 14-140.

БАҲМАНИЙ [بهمنى] – баҳманий, Баҳманга мансуб:

Эрур Баҳманий тожнинг гавҳари,
Яна Кайқубодий сипеҳр ахтари. *Садди Искандарий*, 389-Т.

БАҲМАННИЖОД [بهمننجاد] – Баҳман наслидан, авлодидан:

Тушуб ер уза шоҳи баҳманнижод,
Ўчуб машъал-у дудаи Кайқубод. *Садди Искандарий*, 199-Т.

БАҲО I [بها] – 1. қиймат, нарх:

Қуллуғунг доғин кўюб кўнглумни ғамдин соткун ол,
Ким бу нақди қалбдин ортуқ баҳоси йўқ анинг. *Фавойидул-кибар*, 335-Т;

2. пул:

Кафш олай деса баҳоси қайдин еткай. *Махбубул-кулуб*, 14-128;
Тирик кишисин ўлукдек ёткузуб кафан баҳоси олғанларнинг ҳийлапардозлиғи... *Вақфия*, 14-264;

~ **айла-/қил-** – қадрламоқ, баҳо бермоқ:

Гарди рахшингға баҳо жон тиладинг,
Ани туфрақча баҳо айламадинг. *Наводируш-шабоб*, 342-Т;
Аёғи туфрағининг қийматин жонлар деган ҳайҳот,
Ҳаёт иксирини туфраг бирла тенг баҳо қилмиш. *Наводируш-шабоб*, 11-Т;

~ **бер-** – баҳоламоқ, баҳо бермоқ:

Эй Навоий майдин осойиш бўл булур важҳ ила,
Ким баҳо бермак керак сен ақл-у дониш гавҳарин. *Наводируш-шабоб*, 449-Т;

~ **ға кивур-** – сотишга қўймоқ, нарх қўймоқ:

Ул водийда араб уйларин тикиб жилва бериб баҳоға кивурурлар эрмиш. *Мезонул-авзон*, 13-Т.

БАҲО II [بها] –ҳусн, жамол, гўзаллик, кўрк, қадр:

Ишқ ахтаредур дурахшонда башарият кўзи нур ва зиёси андин ва гавҳаредур рахшанда инсоният тожининг зеб ва баҳоси андин. *Маҳбубул-қулуб,* 14-65;

Муҳаббатға зебу пироя адабдин етар ва маваддатға равнақ ва баҳо таркидин кетар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-59.

БАҲОДУР [بهادر] – 1. қаҳрамон, жасур, қўркмас, ботир:

Рустам бағоят баҳодур киши эрди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-253;

Баҳодурлар фалакдек барча хунрез,
Шиҳобосо синонлар айлабан тез. *Фарҳод ва Ширин,* 120-Т;

2. шахс номи:

Қуллуқ арзадошт ул ким Абушаҳма Баҳодурға фарзандғинаси воқеаси юзлангандин сўнгра шаҳрға келиб юқари ўтти. *Муншаот,* 14-212.

БАҲОДИРВАШ [بهادروش] – жасурсифат, баҳодирваш:

Бас баҳодирваш эрур лекин мулойим ҳам эрур,
Ким Навоий кўнглига тушмиш анинг васвоси чўх. *Фавойидул-кибар,* 113-Т.

БАҲОДИРЛИҚ/БАҲОДИРЛУҚ/БАҲОДУРЛУҒ [بهادرلوغ/بهادرلوق/بهادرليق] – каҳрамонлик, жасурлик, баҳодирлик, кўркмаслик, паҳлавонлик:

Еттинчи фасл фосиқ ва бадмаош баҳодирлиқ лофин урғанлар зикрида. *Маҳбубул-қулуб,* 14-17;

Искандар... сипоҳийлиқ русуми ва баҳодирлиқ фунунида ҳам ягона бўлди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-216;

Абобакр Мирзонинг... баҳодурлуғи ва қиличи зарби чағатой улусида машҳурдур.

Чун табъида назм чашниси бор эмиш ҳам ул баҳодурлуқ таврида бу туюқ андин машҳурдур. *Мажолисун-нафоис,* 192-Т.

БАҲОЙИМ [بهايم] – ҳайвонлар, тўрт оёқли ҳайвонлар:

Андақ ки туйур ва баҳойим ва сибонинг тиллари ким ҳар бирининг ўзгача хуруш-у такаллумлари бор. *Муҳокаматул-луғатайн,* 167-Т;

Баҳойим тобеъи фармонинг эрмиш,
Жаноҳи тайр шодурвонинг эрмиш. *Фарҳод ва Ширин,* 415-Т;

Мавлоно Шиҳоб... андақ ки инсоният сийратидин сибоъ ва баҳойим сийратиға мубаддал бўлубтур. *Мажолисун-нафоис,* 149-Т.

БАҲОЛ [بحال] – баҳол; ~ **қил-** – бир ҳолатга солмоқ, ўзгартирмоқ:

Сурати қилди кўнглини баҳол,
Анча юз ким варақдағи тимсол. *Сабъаи сайёр,* 10-97.

БАҲОЛИҒ [بهالیغ] – қийматлиқ, қимматбаҳолик; мутабар:

Эшак мунчоғин тожға тиккани била фируза ерин тутмас ва ҳеч ким анинг кам баҳолиғин унутмас. *Маҳбубул-қулуб,* 14-109;

... бир авқори виқор ва баҳолиғ киши кирди. *Насойимул-муҳаббат,* 347-Т;

Ахлоқ шахснинг оғир баҳолиғ либосидур ва ул либос жинсининг сангин дебоси. *Маҳбубул-қулуб,* 14-83.

БАҲОНА [بهانه] – баҳона, асоссиз сабаб, ўринсиз важ:

Чу бўлар бўлди ўзингни хуш тут,
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут. *Фавойидул-кибар,* 66а-Т;

Ул ки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали. *Муҳокаматул-луғатайн,* 189-Т;

~ **бўл-** – баҳона бўлмоқ:
Эмди ким бу фасона бўлди анга,
Бас муносиб баҳона бўлди анга. *Сабъаи сайёр*, 10-198;
Келмай ул қотили замона манга,
Бўлди ҳажр ўлгали баҳона манга. *Наводируш-шабоб*, 13-Т;
~ **айла-/қил-** – баҳона қилмоқ, асоссиз сабаб кўрсатмоқ:
Ҳажр аро ким ўзни май бирла фасона айларам,
Йиғламаққа бода ичмакни баҳона айларам. *Бадойиул-васат*, 321-Т;
Баҳона била қилди ким бу бедил,
Ки қилмиш эрди бу кишварни манзил. *Фарҳод ва Ширин*, 304-Т;
Деди ким шом келай кўнглум ичра ўтдур ким,
Баҳона қилмағай ул шўхи симбар ногаҳ. *Наводируш-шабоб*, 551-Т.

БАҲОНАСИЗ [بهانه سيز] – баҳонасиз, сабабсиз, асоссиз:
Лабинг баҳонасиз эл қонини тўкар хар дам,
Манга чу етти иш албатта бир баҳона қилур. *Ғаройибус-сиғар*, 158-Т.

БАҲОР [بهار] – 1. кўклам, баҳор:
Навоий баҳор ўлди тавбангни синдур,
Ки хуштур бу фасл ичра хумморлиғлар. *Фавойидул-кибар*, 157-Т;
Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг наҳори. *Маҳбубул-қулуб*, 14-114;

2. чаман, гулзор:
Чун баҳориға хазон солур шикаст,
Бўлур ул гуллар каро туфраққа паст. *Лисонут-тайр*, 154-Т;
3. дарахт гули:
Эмди ким ҳаётим гулшанининг баҳори хазонға етишти ва гулшанда очилған йигитлик гуллари тўкула киришди. *Вақфия*, 14-260;
4. гўзал, соҳибжамол, ёр:
Бер мужда кўнгул ки гулъузорим келадур,
Жон гулшанида тоза баҳорим келадур. *Муншаот*, 14-177;
5. чароғон кеча, юлдузлар чараклаб турган тун:
Тоййри сидранишин буроқ баркгоми ва сойири Руҳуламиннинг улвий хироми афлок шабистони юзи баҳоридин гулшан ва малойик уйуни рахши ғуборидин равшан. *Маҳбубул-қулуб*, 14-8;

~ **и васл** – етишиш баҳори:
Бас муносибдур баҳори васл аро кўз ёшининг,
Кисватин қондин хазони хижр ким ол айламиш. *Наводируш-шабоб*, 244-Т;
~ **и жамол** – гўзал чирой, жамолнинг камолотга етган даври:
Баҳори жамолингда ноламни хуш тут,
Ки тенгдур баҳор ўтса булбул била зоғ. *Фавойидул-кибар*, 295-Т;
~ **и зиндагоний** – тириклик, ҳаёт баҳори:
Лекин бу баҳори зиндагоний,
Бир нахлни айлади хозоний. *Лайли ва Мажнун*, 109-Т;
~ **и ишқ** – севги, муҳаббат баҳори:
Булъажаблиғлар баҳори ишқ аро кўр ким мени
Гаҳ булутдек йиғлатур гоҳи чақиндек кулдурур. *Ғаройибус-сиғар*, 142-Т;
~ **и мурoот** – ҳурмат, диққат, эътибор баҳори:
Бўлуб зобилистон-у кобилистон,
Баҳори муроотидин гулистон. *Садди Искандарий*, 209-Т;

~ **и нозпарвард** – нозу карашма соҳибаси:
Хазон ранги юзига берса тонг йўқ шуълаи дардим,
Ким элга шамъи базм ўлмиш баҳори нозпарвардим. *Ғаройибус-сиғар*, 328-Т;

~ **и олам** – олам баҳори:
Эй юзунг боғи баҳори олам,
Арақ ул юзда гул узра шабнам. *Фавойидул-кибар*, 651-Т;

~ **и оламоро** – оламни безатувчи баҳор, кўклам:
Эй Навоий юз гул очти жонинга ул сарви ноз,
То либос этти баҳори оламородек яшил. *Бадойиул-васат*, 294-Т;

~ **и ораз** – баҳор орази:
Ғунчасен ғамдин вали соқий баҳори оразин
Очса билман ким недин очилмағайсен эй кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 292-Т;

~ **и сиҳҳат** – сиҳҳат баҳори:
... аср ҳукомаси ва давр атиббоси анинг баҳори сиҳҳати хазони савдо била анинг мақоми таъйини Жазойир била дарёға қилғанлари...
Фарҳод ва Ширин, 252-Т;

~ **и хондон** – гуллар очилган кўклам боғлари:
Ҳам кулубсен баҳори хондондек,
Ҳам тўкуб ашк абри найсондек. *Сабъаи сайёр*, 10-64;

~ **и хаёт** – ҳаёт баҳори:
Бу ким баҳори ҳаётим хазонға юзланмиш,
Эрур далили совуғ оҳ-у чеҳраи коҳи. *Фавойидул-кибар*, 651-Т;

~ **и хусн** – маҳбуба, гўзал:
Эй баҳори ҳусн эшитсанг бир Навоий оҳини
Керак албатта хазон елин соғинсанг гоҳлар. *Ғаройибус-сиғар*, 135-Т.

БАҲОРИЙ [بهاری] – баҳор фаслига мансуб, кўкламги, баҳорги:
Баҳорий равза топқач зеб-у тазйин,
Ич-у тошиға гулгун бўлди ойин, *Фарҳод ва Ширин*, 157-Т;
Мунингдек дилкушо масканда баҳорий булут қатароти лола жомиға тушкани карроба саҳобидин бода селин лолагун жомға қуймаққа боис кўрунди.
Муншаот, 14-135.

БАҲОРИЙЯ [بهاریه] – баҳор қасидаси:
Мавлоно Низом... қасидани яхши айтур. Бу баҳорийя матлаъ анингдур.
Мажолисун-нафоис, 126-Т.

БАҲОРИСТОН [بهاریستان] – 1. Жомий асарининг номи:
Ораз-у кўйунгни васф айларни қилған орзу,
Айламак авло Баҳористон била Бўстонни ҳифз. *Бадойиул-васат*, 217-Т;
2. хурсандчилик, шодлик:
Базмни бу биҳиштваш бўстон,
Айлабан ҳар замон баҳористон. *Сабъаи сайёр*, 10-64;
3. ~ **и ҳаёт** – ҳаёт баҳористони:
Ҳазрати Махдумий Нуранниng «Баҳористон» отлиғ китобин ким ани баҳористони ҳаёт ва нигористони нажот деса бўлур.
Муҳокаматул-лугатайн, 183-Т.

БАҲОРОЙИН [بهارآیین] – баҳор каби, баҳор монанд:
Кўкартурга муҳаббат даштин ашким ёмғури бирла,
Ҳар оҳим дудидин кўк бир баҳоройин саҳоб айлар. *Навдируш-шабоб*, 11-Т.

БАҲОРОН [بهاران] – баҳорги, баҳорий:
Қилиб кирпик ўқидин тири борон,
Нечук ким тоғ аро абри баҳорон. *Фарҳод ва Ширин*, 295-Т.

БАҲР I [بحر] – денгиз:
Чархи дайир баҳридин эл тутмасун соҳил умид
Ким қутулмас ҳар киши ким тушти ул гирдоб аро. *Ғаройибус-сиғар*, 42-Т;
~ **и ажз-у ниёз** – ўта муҳтожлик, бенаволик, бениҳоя шикасталик денгизи:
Ки эй ғарқаи баҳри ажз-у ниёз,
Бўла алмаған дардинга чорасоз. *Садди Искандарий*, 514-Т;
~ **и амиқ** – чукур, тубсиз денгиз:
Толпинма ашкинг ичра Навоий ки чиқмади,
Ҳеч кимса ғавта бирла бу баҳри амиқдир. *Ғаройибус-сиғар*, 366-Т;
Баҳри ахзардин кавокиб тобнок,
Ҳар бири рахшандалиғдин дурри пок. *Лисонут-тайр*, 130-Т;
~ **и андеша** – андеша денгизи:
Вали дер замон қайси бир дафтарин,
Сочиб баҳри андешанинг гавҳарим. *Садди Искандарий*, 92-Т;
~ **и ато** – ато денгиз, ҳадъя дарёси:
Манга гарчи хато сондин фузундур,
Санга баҳри ато андин фузундур. *Фарҳод ва Ширин*, 511-Т;
~ **и афв** – афв денгизи:
Чу тушса баҳри афвунгға талотум,
Ажаб йўқ юз жаҳон журм ўлмағи гум. *Фарҳод ва Ширин*, 511-Т;
~ **и афлок** – фалак денгизи:
Ҳам қадр-у атода баҳри афлок,
Ҳам ҳутф-у баҳода гавҳари пок. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;
~ **и ахзар** – яшил денгиз:
Баҳри ахзардин кавокиб тобнок,
Ҳар бири рахшандалиғдин дурри пок. *Лисонут-тайр*, 130-Т;
~ **и ашк** – кўзёши дарёси:
Шасти ғамзанг бирла баҳри ашк аро тутқач мени,
Кесма бошим ким балиққа сурмади сайёд тиг. *Наводируш-шабоб*, 300-Т;
~ **и аъзам** – улкан денгиз:
Муҳитиға марказ ки беиштибоҳ,
Эрур баҳри аъзамға ул нуктагоҳ. *Садди Искандарий*, 461-Т;
~ **и бало** – даҳшатли тўфон, денгиз бўрони:
Боғи хирад нахлини хошок этиб,
Баҳри бало мавжини кўлок этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-16;
~ **и балоғат** – вояга етиш, балоғатга етиш, камоллик:
Кони фазилат гуҳариға амин,
Баҳри балоғат аро дурри самин. *Ҳайратул-аброр*, 7-48;
~ **-у барр** – сув-у куруқлук:
Гар мени мажнуни шайдо пўя қилсам баҳр-у бар,
Йўқса шаҳр-у кўй аро ҳар дам югурсам бехабар. *Бадойиул-васат*, 473-Т;
~ **и бақо** – жаннат дарёси:
Тожингға тарсиъ абад зевари,
Авжи уза баҳри бақо гавҳари. *Ҳайратул-аброр*, 7-72;
~ **и бекарон** – чексиз денгиз:
Ҳақ вужуди келди баҳри бекарон
Мавжи анинг офаринишдин аён. *Лисонут-тайр*, 288-Т;

Навоий бода баҳри бекаронига мени солғил,
Ки гардун баҳрининг мавжи балосидин канор айлай. *Наводируш-шабоб*, 613-Т;

~ **и бепоён** – чексиз денгиз;
Чўмғали кўймас курук найдек сўнгаклар ашк аро,
Турфа кўр ким баҳри бепоён аро солим будур. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;

~ **и бодаи исён** – исён бодаси, денгизи:
Тортибан солғил Навоийни карам дарёсига,
Ким бўлубтур ғарқа баҳри бодаи исён аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т;

~ **и васл** – висол денгизи:
Эй кўнгул ғаввоси баҳри васл ўлуб мен не ажаб,
Ким насиб эмди ушул покиза гавҳардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;

~ **и гардун** – осмон, фалак:
Ибрики вузуси баҳри гардун,
Ҳар қатра ки томса дурри макнун. *Лайли ва Мажнун*, 62-Т;

~ **и гирдоб** – гирдоб бўлиб окувчи; ишк ҳижрони, изтироби, азоби:
Дуди оҳимнинг куюндек печ ила тобин кўрунг,
Тира ҳажрим окшомининг баҳри гирдобин кўрунг. *Фавойидул-кибар*,348-Т;

~ **и дурр** – дарё дурлари:
Бу жиҳатдин ҳадисидур жонбахш,
Кафининг баҳри дурри уммонбахш. *Сабъаи сайёр*, 10-68;

~ **и жабборлиғ** – жабборлик дарёси:
Тушуб мавжға баҳри жабборлиғ,
Аён айлабан мавжи қаҳҳорлиғ. *Садди Искандарий*, 171-Т;

~ **и жавоҳир** – жавоҳир дарёси:
Зотинг ўлуб баҳри жавоҳир нишон,
Сўз аро баҳринг кафи гавҳарфишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-42;

~ **и жазар** – жазар денгизи:
Булардин эрур айру баҳри жазар,
Ки ваҳм айлай олмас суйидин гузар. *Садди Искандарий*, 452-Т;

~ **и жафо** – жафо дарёси, денгиз:
Ушшоқ кўзидин дурр-у гавҳар окизурға
Бир баҳри жафо кони малоҳат етилибдур. *Фавойидул-кибар*, 185-Т;

~ **и жуд** – саховат дарёси, эҳсон денгизи:
Ки Тенгрига чун мавж уруб баҳри жуд,
Жамиъи халойиққа берди вужуд. *Вақфия*, 14-239;

~ **и жўш** – жўшқин денгиз:
Ё Раб урарда караминг баҳри жўш,
Чексалар ул хайл фиғон-у хурўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-32;

~ **и жўшон** – жўш уруб турган денгиз:
Бўлуб ҳар новакаш бир баҳри жўшон,
Рубоъи баҳри соз айлаб хурушон, *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;

~ **и занг-у ҳабаш** – занг-у ҳабаш денгизи:
Учунчи эрур баҳри занг-у ҳабаш,
Ки ошубдин келди девонаваш. *Садди Искандарий*, 452-Т;

~ **и заххор** – улуғ дарё:
Яна баҳри заххори андак амиқ,
Ки анда фалак жунгидек юз ғариқ. *Садди Искандарий*, 88-Т;

~ **и зот** – дарё асоси; ўзлиги:
Чу бир жунбиш этти аён баҳри зот,
Падид ўлди амвожидин койинот. *Садди Искандарий*, 48-Т;

~ **и зоҳир** – улуғ дарё; кенг ўлка:
Ҳақ эҳсонидин баҳри зоҳир аро
Билоди ким эрди Жазоир аро. *Садди Искандарий*, 152-Т;
~ **и зўр** – зўр мавжли денгиз:
Аларнинг баҳри зўридин нишона,
Ки ҳар ён кемалар айлаб равона. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
~ **и ирфон** – илм-маърифат денгизи:
Баҳри ирфон дури Саййид Ҳасан ул ким афлок,
Етти дуржи аро бир кўрмади андақ дури пок. *Наводируш-шабоб*, 667-Т;
~ **иноят** – улкан иноят, илтифот:
Қилмаса олуда этак хирқапўш,
Ҳожат эмас баҳри иноятка жўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-30;
~ **и истиғно** – бемуҳтожлик, эҳтиёжсизлик дарёси:
Баҳри истиғно аро топиб мақом,
Ул муҳит атрофида айлаб ҳиром. *Лисонут-тайр*, 236-Т;
~ **и ишқ** – ишқ денгизи:
Ўлук ушшоқ баҳри ишқ атрофида тонг эрмас,
Эрур хаслар ки сурмиш ҳар тараф бу баҳр кўлаки. *Наводируш-шабоб*, 582-Т;
~ **и камол** – камолот денгизи; мукаммаллик, етуклик баҳри:
Яна бир сойил деди ким эй рафиқ,
Бўлмишам баҳри камол ичра ғариқ. *Лисонут-тайр*, 184-Т;
~ **и карам** – карам, саховат дарёси:
Баҳри карамнинг чу бўлди маълум,
Бир қатрадин этма бизни маҳрум. *Лайли ва Мажнун*, 54-Т;
Айламагинг афви хато бас қани,
Баҳри карам бирла ато бас қани? *Ҳайратул-аброр*, 7-31;
~ **и каф** – денгиз кўпиги:
Дирам йўқ ки баҳри кафинг дур сочиб,
Саҳоб айла ким ерга мўл дур сочиб. *Садди Искандарий*, 102-Т;
Баҳри кафидин анинг гадолиқ айла,
Дарёйи карамға ошнолиқ айла. *Назмул-жавоҳир*, 15-134;
~ **и кон** – кон баҳри:
Кўзларимдин баҳри кон меҳмоним ўлсанг бир кеча
Ҳам дур эткайлар фидо элгингда ҳам исор лаъл. *Наводируш-шабоб*, 369-Т;
~ **и латофат** – латофат денгизи, дарёси:
Чаман баҳри латофат бўлди нисон дурлари бирла,
Қизил толдин муҳайё қилди ҳар ён шохи маржонин. *Ғаройибус-сигар*, 341-Т;
~ **и маввож** – тўлқинли, мавжли денгиз:
Бўлуб борғанда дурре лойиқи тож,
Вали қайтиб нечук ким баҳри маввож. *Фарҳод ва Ширин*, 94-Т;
~ **и мавж** – мавжли, тўлқинли денгиз:
Ҳақ вужуди баҳри мавж эткан аён,
Мавж нақшидин тенгизга не зиён. *Лисонут-тайр*, 245-Т;
~ **и мавжвар** – мавжли, тўлқинли денгиз:
Чун топиб таскин бу баҳри мавжвар,
Қолмайин ул мавжлардин ҳеч асар. *Лисонут-тайр*, 230-Т;
~ **и май** – май дарёси:
Ориғ ичмак эрур жоним ҳаёти,
Тукатмак баҳри май умрум нажоти. *Фарҳод ва Ширин*, 320-Т;

~ **и махофат** – хавф, хатарли денгиз:
Қолиб кемалар юз минг офат аро,
Кема аҳли баҳри махофат аро. *Садди Искандарий*, 467-Т;
~ **маъни** – маъно денгизи:
Далил ўлди бу суратларға оти,
Валекин баҳри маъни дурри зоти. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;
~ **и маоний** – маънолар денгизи:
Бўлуб кил ким андақ диловар наҳанг,
Ки баҳри маонийда қилмай даранг. *Садди Искандарий*, 92-Т;
~ **и мағриб** – мағриб денгизи:
Иккинчи қил баҳри мағриб гумон,
Ки мавжиға ором йўқ бир замон. *Садди Искандарий*, 452-Т;
~ **и нажот** – озодлик, халослик, кутулиш денгизи:
Ҳар ноумидлиғ барри аро анинг ҳаёйи эҳсони юз кўргузса баҳри нажот еткай.
Муншаот, 14-143;
~ **и озор** – озор, ранж денгизи:
Ато ву қолмағи дарё аро зор,
Ано ву кўнглида юз баҳри озор. *Фарҳод ва Ширин*, 274-Т;
~ **и пайкарон** – денгиз киёфалари:
Ҳақ вужуди келди баҳри пайкарон,
Мавж-у анинг офаринишдин аён. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
~ **и раҳмат** – илтифот, марҳамат, мурувват дарёси:
Чу баҳри раҳматинг мавж урса пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидин ким бўлса юз кўҳи хато пайдо. *Бадойиул-васат*, 4-Т;
~ **и Рум-у Фаранг** – Рум ва Фаранг денгизи:
Сурар эрди якронини бедаранг,
Анга тегру ким баҳр-у Рум-у Фаранг. *Садди Искандарий*, 447-Т;
Алардин бири баҳри Рум-у Фаранг,
Ки сенсен бу дам тенгизга наҳанг. *Садди Искандарий*, 451-Т;
~ **и сафо** – поклик, мусаффолик дарёси:
Бил яна тўртунчи русул маъшари,
Ҳар бири бир баҳри сафо гавҳари. *Ҳайратул-аброр*, 7-104;
~ **и сиришк** – кўз ёши дарёси:
Эмас жунундин агар тоғларда бўлса қарорим,
Ки қолди баҳри сиришким тубида мулк-у диёрим. *Бадойиул-васат*, 310-Т;
~ **и сифот** – дарё сифатлари, хислатлари:
Ким баҳри сифотин этса идрок,
Тонг йўқ сифат айласа дури пок. *Лайли ва Мажнун*, 74-Т;
~ **и соф** – соф, сокин дарё:
Топти ёғин риштаси чун баҳри соф,
Ел илигин килдинг анга ҳуллабоф. *Ҳайратул-аброр*, 7-21;
~ **и тажрид** – денгиз танҳолиги, ёлғизлиги:
Дурри вахдат топмағай ҳаргиз фано гирдобидин,
Солики ким ўзни ғарки баҳри тажрид этмагай. *Наводируш-шабоб*, 628-Т;
~ **и тар** – окин дарё:
Кўп совуғлуқ керак ўлмакқа кўнгул маҳзи риё:
Баҳр муз боғламағай су юзини тутмаса санг. *Фавойидул-кибар*, 354-Т;
~ **и тасаввур** – тасаввур дарёси; кенг фикрли:
Идроки камолингни хирад ҳадди соғинған,
Бир қатра аро айлади юз баҳри тасаввур. *Ғаройибус-сиғар*, 123-Т;

~ **и уммон** – 1. катта денгиз, океан:
Ики кўз ким аросидин чиқиб ёш ўтти бошимдин,
Биайниҳ ғарқ бўлған кемалардур баҳри уммонда. *Ғаройибус-сиғар*, 404-Т;
Анга нур сочмаққа монанд бу,
Ки сочқай киши баҳри уммонға су. *Садди Искандарий*, 68-Т;
2. бирор нарсанинг буюклиги, улуғлиги, беқиёслигига нисбат:
Девон демай ки баҳри уммондур ҳар ғазал анда жавоҳирдин мамлу бир сафина.
Муҳокаматул-луғатайн, 190-Т;
~ **и фалак** – фалак денгизи, афлок; коинот
Баҳри фалак урди ул сифат мавж;
Ким айлади икки фардни завж. *Лайли ва Мажнун*, 300-Т;
Баҳри фалакдин санга ғавҳар хирож,
Ғавҳари зотинг бари оламга тож. Ҳайратул-аброр, 7-71;
~ **и фано** – фано денгизи, бақосизлик денгизи; бу дунё:
Баҳри фанода ғавта садафвор урмасанг,
Сендин етишмагай дури мақсуд ҳар тараф. *Бадойиул-васат*, 235-Т;
Эр эсанг оллингдадур баҳри фано,
Чўмғил-у қилғил ўзингни ошино. *Лисонут-тайр*, 84-Т;
~ **и Фаранг** – Фаранг денгизи:
Яна манзили бўлди баҳри Фаранг,
Қилиб бир жазира ичинда даранг. *Садди Искандарий*, 456-Т;
~ **и фикр** – фикр дарёси:
Мойаи савдо димоғиға тушуб,
Ғарқи баҳри фикр уларға евушуб. *Лисонут-тайр*, 84-Т;
~ **и фирок** – фирок, айрилиқ денгизи:
Той эткан замон дашт-у баҳри фирок,
Ки кўнглида туғён солиб иштиёқ. *Садди Искандарий*, 477-Т;
~ **и Хазар** – Каспий денгизи:
Булардин эрур айру баҳри Хазар,
Ки ваҳм айлай олмас суйидин ғузар. *Садди Искандарий*, 452-Т;
~ **и Худо** – Тенгри баҳри:
Бир нафас маст ўлмасам ҳижронғами айлар халок,
Жонима раҳ:ı айлабан баҳри Худо тутқил кадаҳ. *Наводируш-шабоб*, 105-Т;
~ **и шигарф** – қизил ранг май:
Паҳлавонона кетур соғари жарф,
Қуйубан майдин анга баҳри шигарф. *Фавойидул-кибар*, 686-Т;
~ **и ғам** – ғам денгизи:
Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,
Мавж урар юз баҳри ғам бу хотири маҳзун аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;
~ **и ғафлат** – ғафлат денгизи:
Менинг бирла сойир эл ичра не фарқ,
Ки бўлғай алар баҳри ғафлатда ғарқ. *Садди Искандарий*, 443-Т;
~ **и ғуфрон** – шафқат денгизи, афву марҳамат денгизи:
Баҳри ғуфронингға тушкан чоғда мавж,
Журм эрур ҳар неча тутқан бўлса авж. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
~ **и ҳинд** – ҳинд денгизи:
Ҳисоб ичра тўртинчидур баҳри ҳинд,
Ки жанбида бир нови суруди синд. *Садди Искандарий*, 452-Т;

~ **-у бар**– хўлу курук; ер сув; бутун дунё:
Ул мусофирлар кезиб кўп баҳр-у бар,
Қилмиш эрдилар чу мақсадни мафар. *Лисонут-тайр*, 243-Т;
Сикандар ки фатҳ айлади баҳр-у бар,
Кириб тахти фармонига хушк-у тар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-217;
~ **у кон** – денгиз ва кон; сероблик, фаровонлик:
Ҳар кўнгул мундақдур ани бил кўнгул,
Йўқса баҳру кон эса андин тўнгул. *Лисонут-тайр*, 187-Т;
Сочти эрса нозими олиймакон,
Олам аҳли узра нақди баҳр-у кон. *Лисонут-тайр*, 269-Т;
~ **эт-** – дарё, денгизга айлантирмоқ:
Ер юзин баҳр этти ашким эй ки айтурсан мени
Тоғлар узра недин аҳли жунун янглиғ юрур. *Бадойиул-васат*, 11-Т.
~ **ўл-** – денгиз сувидек кўп бўлмоқ, дарё, денгизга айланмоқ:
Кўзум хуноби лаълинг шавқидин баҳр ўлди тонг эрмас,
Чиқиб гулгун бу дарёнинг саҳоби ёғса қон андин. *Наводируш-шабоб*, 11-Т;

БАҲР II [بحر] – аруз фани атамаси, турдош вазилар туркуми:
Ва анинг шарҳи будур ким ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазнда эрканин ва арконига қайси зиҳоф кириб не навъ тағайюр топқанин битигайлар. *Мезонул-авзон*, 12-Т;
Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос. *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т;
Аларнинг бу маснавийлари баҳрида фақирнинг «Хамса»сидин «Фарҳод ва Ширин» воқиъ бўлубтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-60.
~ **и ашъор** – шеър вазни:
Фанни адворда сеҳр айлаб фош,
Баҳри ашъорда худ гавҳарпош. *Фавойидул-кибар*, 687-Т.

БАҲР III [بهر] – насиба, ҳисса, тегиш; улуш:
Берганда ғизо олур учун баҳр,
Оғзиға наволалар келиб заҳр. *Лайли ва Мажнун*, 159-Т;
Мол улдур ким эл андин олса баҳр,
Душман андин топса тенгдур нўш-у заҳр. *Маҳбубул-қулуб*, 14-90;
~ **бўл-** – насиба бўлмоқ:
Ё бу замон аҳлиға бўлди баҳр,
Нўш олибан қуймақ эл оғзиға заҳр. *Ҳайратул-аброр*, 7-179;
~ **бер-** – фойда бермоқ, улуш бермоқ:
Бериб қабриға анча вақфдин баҳр,
Ки ул тоғ-у навоҳини қилиб шаҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т;
~ **еткур-** – баҳраманд қилмоқ, фойда бермоқ:
Шайх Нажмиддини Кубро қутби даҳр
Бир назардин кимга ким еткурса баҳр. *Лисонут-тайр*, 134-Т;
~ **топ-** – баҳраманд бўлмоқ, баҳра топмоқ:
Чу Баҳроми Шопурға қолди даҳр,
Бари даҳр эли адлдин топти баҳр. *Садди Искандарий*, 109-Т;
Деди: нўши лабидин топқай эл баҳр,
Деди: ул нўшдин эл қасмидур заҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 372-Т.

БАҲРА [بهره] – 1. ҳисса, насиба, тегиш, улуш:
Май ичиб тоатни фавт этманг ки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло дағи ҳирмондур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;

2. фойда, манфаат, роҳат, ҳузур-ҳаловат:
Йўқ фурқат аро баҳрам не тандин-у не жондин,
Биллоҳ ки тўюбтурмен ҳам мундин-у ҳам андин, *Фавоийидул-кибар*, 437-Т;
Ажаб ранже ки андин саъб йўқ ранж,
Вале чеккан кишининг баҳраси ганж. *Маҳбубул-қулуб*, 14-57;

~ **и вофий** – етарли фойда, манфаат:
...то андин турк улусиға ҳам ҳази шофий ва баҳраи вофий муяссар бўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-128;

~ **ет-** – роҳат олмоқ, ҳаловат кўрмоқ:
Васлидин баҳра етмай тиғи ҳижрон кўнгулни ҳалок қилғани ва ҳажр заҳр берганга ўхшар ва васлдин тарёк топилмағани. *Мажолисун-нафоис*, 12-Т;

~ **еткур-** – фойдалантирмоқ, баҳраманд этмоқ, манфаат кўргузмоқ:
Баҳра еткурмади зуҳд аҳлиға файз иксири,
Нақди умрин чу риё касбида қилди мазруф. *Фавойидул-кибар*, 298-Т;
Хон васлингдин улуска баҳра еткургил ки мен
Яхшимен сойил киби ҳасрат ебан телмургали. *Бадойиул-васат*, 460-Т;

~ **бўл-** – фойда, манфаат бўлмоқ:
Ким шуҳрати чун жаҳонға толғай,
Турк элиға дағи баҳра бўлғай. *Лайли ва Мажнун*, 381-Т;

~ **ол-** – манфаат кўрмоқ, фойда олмоқ:
Илм ўқуб амал қилмаған ерни шиёр қилиб тухм солмағанға ўхшар ё тухм солиб маҳсулидин баҳра олмағанға. *Маҳбубул-қулуб*, 14-107;

~ **топ-** – роҳат қилмоқ, ҳаловат топмоқ, ҳузур қилмоқ:
Бериб мулк эли лек моли омон,
Ки андин топиб баҳра яхши ёман. *Садди Искандарий*, 253-Т;
Ҳам кўруб жонон жамолин кўз била,
Васлидин ҳам баҳра топиб сўз била. *Лисонут-тайр*, 26-Т;
Ики кўз жамолингдин ар баҳра топти,
Кўнгул ютти қонлар будур қушқа қору. *Фавойидул-кибар*, 505-Т.

БАҲРАБАР [بهره بر] – баҳра, баҳраманд:
Умид ул ки чун бўлсалар бархабар,
Шаҳ-у шоҳзода бўлуб баҳрабар. *Садди Искандарий*, 510-Т.

БАҲРАБАРДОР [بهره بردار] – баҳраланувчи, наф олувчи, фойдаланувчи:
Яна бир лутфдин айлаб хабардор,
Латофат гулшанидин баҳрабардор. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;

~ **ўл-** – баҳраманд бўлмоқ:
Эл бўлмади ҳолидин хабардор,
Ким васлдин ўлди баҳрабардор. *Лайли ва Мажнун*, 310-Т.

БАҲРАВАР [بهره ور] – баҳраманд, баҳра олувчи;
Яна бўлди Фисоғурси нуктавар,
Ки шаҳ бокликдин керак баҳравар. *Садди Искандарий*, 504-Т;
Баҳравар андин одам авлоди,
Олам аҳлиға зилли иршоди. *Сабъаи сайёр*, 10-45;

~ **бўл-/ўл-** – баҳраманд бўлмоқ, фойдаланмоқ, манфаат кўрмоқ:
Анга ҳар киши солса очиб назар
Бўлуб кўнгли мазмунидин баҳравар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257;
Фақр ичра не тонг ўзлукидин кимса Навоий,
Фард ўлди фано шевасидин баҳравар ўлған. *Бадойиул-васат*, 359-Т;

Латофат суйи ул юз «жим» ила «лом» икки ёндин зулф,
Бу сўзни фаҳм айлар баҳравар бўлган жамолингдин. *Бадойиул-васат*, 340-Т;
Ҳам ўзи ҳуснидин ўлди баҳравар
Баҳра ҳам топти анга қилған назар. *Лисонут-тайр*, 90-Т;

~ **кил-** – баҳраманд қилмоқ:
Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилған,
Менинг жонимни дағи ишқ бирла баҳраманд этмиш. *Фавойидул-кибар*, 260-Т.

БАҲРАДАР [بهره در] – баҳравар, баҳра топиш:
Буйурди ки эл бўлғали баҳрадар,
Сулук-у маротибға қилғай гузар. *Ғаройибус-сиғар*, 515-Т.

БАҲРАЁБ [بهره یاب] – фойдаланувчи, манфаат кўрувчи, нафланувчи:
Бу қасидани айтқан тарихдин сўнгра яна беш йил умр гулзоридин баҳраёб ва ҳаёт чашмасидин сероб зрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-9;
Ва бу тоифанннг бебаҳралари бу руҳ нақдидин баҳраёб ва лаб- ташналари бу оби ҳаётдин сероб бўлдилар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т.

БАҲРАЙН [بحرین] – 1. икки дарё, икки денгиз.
Эй Навоий мажмаъул-баҳрайн бўлғай ошикор,
Майл қилса сайли ашким ногаҳон Жайҳун сари. *Бадойиул-васат*, 447-Т;

2. географик ном:
Самуд Ҳижозда сокин бўлди, Саҳор Тайда, Там Уммонда ва Баҳрайнда... *Тарихи мулуки ажам*, 16-200;
Қатиф аҳли Баҳрайн-у Бағдод ҳам,
Сипаҳдор аларға келиб Густаҳам. *Садди Искандарий*, 186-Т.

БАҲРАМАНД [بهره مند] – баҳра олувчи, манфаатдор, фойда кўрувчи:
Ҳудҳуд ул нури хираддин баҳраманд,
Раҳбарлиқ афсаридин сарбаланд. *Лисонут-тайр*, 37-Т;
Аммо туркнинг улуғдин кичикига дегинча ва нукардин бегига дегинча сарт тилидин баҳраманддурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;

~ **бўл-/ўл** – фойда олмоқ, манфаат кўрмоқ; мақсадга етмоқ:
Агар худ залил эрди, гар аржманд,
Бари бўлди ўз комиға баҳраманд. *Вақфия*, 14-246;
Ки равзан ичиндин не ким чиқса ел,
Ҳам ул ел била баҳраманд ўлғай эл. *Садди Искандарий*, 267-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – фойдалантирмоқ, баҳра бермоқ; баҳраманд қилмоқ:
Чунки инсонни бу гавҳар бирла айлаб баҳраманд,
Сарфароз айлаб малойик хайли ичра жон аро. *Фавойидул-кибар*, 7-Т;
Қадамранжа айлаб бу ён еттингиз,
Мени хушдил-у баҳраманд эттингиз. *Садди Искандарий*, 259-Т;
Бу фақирни ўз ёрлиғлариға баҳраманд ва ўз муҳаббатлариға аржманд килибтурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-62;

~ **топ-** – баҳра топмоқ, мақсадга етмоқ:
Ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд топтим. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9.

БАҲРАМАНДЛИҚ [بهره مندلیق] – баҳрамандлик:
Пастликдин баландлиқ топқай,
Зўрдин баҳрамандлиқ топқай. *Сабъаи сайёр*, 10-41.

БАҲРАМОН [بهره مان] – баҳра берувчи, наф кўрсатувчи:
Кубод ўлди чун мулк уза қаҳрамон,
Халойиққа андин эди баҳрамон. *Тарихи мулуки ажам*, 16-241.

БАҲРАСИЗ [بهره سیز] – бебаҳра:

Кўнгул-у кўз санга муштоқ-у йўлуксанг чиройингдин
Ани бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат. *Фавойидул-кибар*, 80-Т.

БАҲРИЙ [بحری]– денгиз, дарёга оид:

Баҳрий жонвардин ажойиб сувар ғоятсиз ва дарёйи суратдин ғаройиб пайкар ниҳоятсиз. *Муншаот*, 14-144.

БАҲРКИРДОР [بحرکردار]– дарё феъллик, феъли атвори дарё, денгиз:

Ва ул тенгизлар суғалиб бир неча кудуратосор хайдек му-лавваскикка фошлар нахват елидин зулолосор таҳаррук ва бахркирдор тамаввуж нукуши кўргузурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-29.

БАҲРМАОНИ [بحرمعانی] – баҳрмаонии:

Бўлуб кел ким андақ диловар наҳанг,
Ки баҳрмаонида қилмай даранг. *Садди Искандарий*, 92-Т.

БАҲРНИШИН [بحرنشین] – денгизда яшовчи:

Еткач-ўқ музд айлабан таъйин.
Бўлдилар кема ичра баҳрнишин. *Сабъаи сайер*, 10-268.

БАҲРНЎШ [بحرنوش] – денгиз, дарё лаззати:

Маломат бодасининг бахрнўши,
Мазалат тоғининг мажнун хурўши. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т.

БАҲРОМ [بهرام] – Миррих (Марс); қадимги Эрон шоҳларидан бирининг номи:

Тез этибан қатлиға Баҳром тиғ,
Тортибан ўз ҳолиға ҳардам дариғ. *Хайратул-аброр*, 7-23;

...ва кўк бўз ашҳаби сипеҳри тиз дуди Баҳром камар ножахи била оти оллида бир пиёдадур. *Лайли ва мажнун*, 65-Т;

~ **и кин** – Баҳром адовати, қасоси:

Зуҳалранг ўлуб лек Баҳроми кин,
Замири аро барча ҳангоми кин. *Садди Искандарий*, 291-Т;

~ **и фалак** – фалак Баҳроми, Миррих (Марс) сайёраси:

Қатлингға Баҳроми фалак ногиҳон,
Тиғ чекиб олғуси ганжи ниҳон. *Ҳайратул-аброр*, 7-150.

БАҲРОМВАШ [بهرام وش] – Баҳромға ўхшаш:

Чу тортиб Зуҳра лаҳни бор-у будни,
Олиб баҳромвашлардин хиradни. *Фарҳод ва Ширин*, 82-Т.

БАҲРОМИЙ [بهرامی] – Баҳромга мансуб; барҳомий каманд – Баҳром сирт-моғи, бўғови:

Гўр учун очмақ недур ҳар лаҳза баҳромий каманд,
Чун сени Баҳромдек айлар ажал гўри шикор. *Ғаройибус-сиғар*, 151-Т.

БАҲРОМНАБАРД [بهرام نبرد] – жанговар:

...Хусрави баҳромнабард сипоҳи анжумадад чекиб жаҳон мулкин олмак.
Садди Искандарий, 255-Т.

БАҲРОСИБ [بحراسیب] – денгиз мусибати:

Адам бўлди қонуни баҳросиби,
Нигун бўлди ойини густосиби. *Садди Искандарий*, 204-Т.

БАҲРПАЙМОЙ [بحرپیمای] – денгизда кезувчи, денгиз саёҳатчиси:

Ададда уч юз эллик баҳрпаймой,
Фалак уммонида ҳар бир янги ой. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т;

Гаҳи соз этиб базм дарё аро
Кириб каштийи баҳрпаймо аро. *Садди Искандарий*, 315-Т.

БАҲРРЕЗ [بحر ریز] – дарё монанд кўз ёши:
Алар қолдилар ашкдин баҳррез,
Бориб ашкдек шоҳи дарёситез. *Садди Искандарий*, 465-Т.

БАҲРСОЙ [بحرسای] – дарё кезувчи, денгизда сузувчи:
Агар умр-у тавфиқ берса Худой,
Кема тўрт йил бўлғуси баҳрсой. *Садди Искандарий*, 462-Т.

БАҲРУЛ-АБРОР [بحر الابرار] – яхшилик дарёси; яхшилик, саховат, ҳиммат:
Дурратут-тож ўлуб сифоти анинг,
Баҳрул-аброр наъти зоти анинг. *Муншаот*, 14-143.

БАҲРУН-НАЖОТ [بحر النجات] – нажот денгизи:
Фарҳоднинг айнул-ҳаёт суйин баҳрун-нажот ҳавзи ариғиға очиб кўзидин ул чашма рашҳотидек ашки рудин сочиб... *Фарҳод ва Ширин*, 313-Т.

БАҲС [بحث] – 1. баҳс, тортишув, мунозара:
Қаю баҳс ким диққатиға етиб,
Не ким бўлса мажҳул маълум этиб. *Садди Искандарий*, 316-Т;

2. мавзу, тема:
Йўқ Искандари оламорода баҳс,
Эрур балки Хизру Масиҳода баҳс. *Садди Искандарий*, 229-Т;

~ **и тақаддум** – пеш, илғор баҳс:
Биз фано туфраги бўлдуқ дайр аро эй аҳли зуҳд,
Хонақаҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум айлангиз. *Бадойиул-васат*, 165-Т;

~ **айла-** – баҳс юритмоқ, мунозара қилмоқ:
Чу ушшоқ ичра дермен дарси ишқин меҳр тонг эрмас,
Ки дерлар илм баҳс айлар замон раҳмат бўлур нозил. *Наводируш-шабоб*, 272-Т;

~ **афлок Баҳромиға бор-** – баҳс авжига чиқмоқ, мунозара учига чиқмоқ, қизимоқ:
Етиб вақт тушти ажал домиға,
Борур баҳс афлок Баҳромиға. *Тарихи мулуки ажам*, 16-228;

~ **ка сол- –** мунозара қилдиртирмоқ:
Андин сўнгра уламони йиғиб анинг била баҳска солди.
Тарихи мулуки ажам, 16-227;

~ **қил-** – баҳслашмоқ, тортишмоқ:
Фақр кўйида мусаллам тут ки қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар киши ким қилса ирфон бирла баҳс. *Ғаройибус-сиғар*, 93-Т.

БЕАВН [بی عون] – мададсиз, ёрдамсиз, кўмаги йўқ; қудратсиз:
Андақ ким Фиръавни беавн ва Намруди мардуд ва яна ҳам булардек беадаб ва беҳаёлар ким қилиб саҳв-у хатолар... *Маҳбубул-қулуб*, 14-76.

БЕАДАБ [بی ادب] – адабсиз, тарбиясиз, беҳаё.
Ногаҳ анга ёвуса бир беадаб,
Тош ила ўқдин анга еткай тааб. *Ҳайратул-аброр*, 7-66;
Васл не янглиғ муяссар бўлғусидур чун эрур
Дилбарим нозик мижоз-у мен беғоят беадаб. *Ғаройибус-сиғар*, 61-Т.

БЕАДАБЛИҒ/БЕАДАБЛИҚ [بی ادبلیغ / بی ادبلیق] – 1. одобсизлик, тарбиясизлик, нодонлик:
Ёшинг эллик бўлди юз қўйғил фано туфрағиға,
Ким шабоб айёми айш-у беадаблиғ чоғи бас. *Ғаройибус-сиғар*, 201-Т;

Чун Ҳом Нух алайҳиссаломға беадаблик қилған жиҳатдин анинг муборак тилига Ҳом борасида қарғиш ўтиб эрди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;

Беадаблиғлар ки қилдим билмишам,
Афвунг оллинда сияҳрў келмишам. *Лисонут-тайр*, 125-Т;

2. менсимаслик, бепарволик; эркалик:

Вале не суд ки ул шўх беадаблиғ ила
Малул этар мени юз катла ҳар нафас жондин. *Наводируш-шабоб*, 494-Т;

~ **кўргуз-** – адабсизлик кўргизмоқ:

Қариғанда тавба хушрақдур йигитлар ишқидин,
Беадаблиғлар ки кўргуздунг йигитлик чоғи бас. *Фавойидул-кибар*, 226-Т;

~ **бўл-** – беадаблик, адабсизлик бўлмоқ:

...не нафси нафси раҳмон бўлғай васф қилмақ ғоят беадаблиғ бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 12-Т.

БЕАДАБОНА [بی ادبانه] – одобсиз, ҳурматсизлик билан, адабсизларча:

Мавлоно Яқиний... охир дамида беадабона сўзларидин тавба қилиб аҳли салоҳ тарийқи билан кечти. *Мажолисун-нафоис*, 68-Т;

Не кўз ки Тенгри билур ким, кечурмадим ҳаргиз,
Кўнгулда беадабона хаёл жонондин. *Наводируш-шабоб*, 494-Т;

~ **сўзлар айт-** – одобсизларча, ўринсиз сўзлар гапирмоқ:

Маст ва ошуфта аларға йўлуқуб беадабона сўзлар айтиб балки сафоҳатлар қилубтур. *Хажатул-мутаҳаййирин*, 15-19.

БЕАДАД [بی عدد] – сон-саноқсиз, ҳисобсиз, чексиз, бениҳоя, ҳаддаи ортиқ:

Ҳам муножот аҳлининг кўнглида биминг бехисоб,
Ҳам харобот аҳли жонинда умидинг беадад. *Наводируш-шабоб*, 114-Т;

Беадад накш ўлди ул пар ҳолидин,
Ноқил ул пар соҳиби афъолидин. *Лисонут-тайр*, 45-Т;

~ **бўл-** – ҳисобсиз, бениҳоя бўлмоқ:

Тор ила нағма беадад бўлубан,
Тор йўқ нағмаларға мад бўлубан. *Сабъаи сайёр*, 10-99;

~ **айла-** – сонсиз-саноқсиз, беҳисоб айламак:

Бу биёбон йўлин айлаб беадад,
Ўйла ким йўқ раҳравиға ҳадд-у адд. *Лисонут-тайр*, 260-Т;

~ **топ-** – бениҳоя кўп деб билмоқ, сон-саноқсиз деб тушунмоқ:

Анинг шавкатин беадад топибан,
Неча Аҳмад истаб Аҳад топибан. *Садди Искандарий*, 68-Т.

БЕАДД [بی عدّ] – ҳисобсиз, чексиз:

Аларнинг маноқиби беҳаддур ва маҳомиди беадд мунча била хатм қилилди.
Насойимул-муҳаббат, 20-Т;

Маноқиби беҳаддур ва каромати беадд. *Насойимул-муҳаббат*, 372-Т.

БЕАДИЛ [بی عدیل] – тенги йўқ, ўхшаши йўқ, бемонанд, тенгсиз:

Оти Алидур. Ўз замонида беназир эрмиш ва ўз вақтида беадил.
Насойимул-муҳаббат, 193-Т;

Малак шева шоҳе эди беадил,
Фалак девга қилди ани қатил. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198.

БЕАДОЛИК [بی ادالیک] – бажармаслик, адо қилмаслик, бажо келтирмаслик:

Дайн адоси чу дин аломатидур,
Беадолик динға шайн ўлғай. *Арбаин*, 16-265.

БЕАЙШ [بی عیش] – айшсиз:

Ҳар кунунг байрам бўлуб жоҳинг ҳилол *ўлсун мудом,*
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин. *Бадойиул-васат,* 491-Т.

БЕАЛАМ [بی الم] – қайғусиз, дардсиз, ҳасратсиз, изтробсиз.

Не кишвар ки очмакқа урдунг қадам,
Анинг фатҳи худ бўлмади беалам. *Садди Искандарий,* 334-Т.

БЕАМАЛ [بی عمل] – амалсиз, амал қилмайдиган; илмига амал қилмаслик:

Олиме ким илми эрди беамал,
Ё ғаний ким молиға бухл эрди ёр. *Маҳбубул-қулуб,* 14-89.

БЕАНДОЗА [بی اندازه] – беўлчов, бениҳоя, чексиз, чегарасиз, беҳад, беҳисоб:

Холи ҳижронида кўнглум дарди беандозадур,
Доғдин борғач қаро ташвиши анинг тозадур. *Бадойиул-васат,* 146-Т;

Халойиқ руҳи аларнинг жонпарвар нафасларидин тозадур ва улус осойиши аларнинг руҳбахш каломларидин беандоза. *Мажолисун-нафоис,* 30-Т;

Юклабан эгнига беандоза юк,
Юк таширдин қолмайин эгнида тук. *Лисонут-тайр,* 74-Т;

~ **бўл-** – кўп бўлмоқ, сон-саноқсиз бўлмоқ, сероб бўлмоқ:

Ани назм эт ки тарҳинг тоза бўлғай,
Улуска майли беандоза булгай. *Фарҳод ва Ширин,* 111-Т;

~ **қил-** – андозасиз, бениҳоя қилмоқ:

Нашотин ҳар замон май тоза қилғай,
Тараб ҳар лаҳза беандоза қилғай. *Фарҳод ва Ширин,* 171-Т;

~ **тут-** – бениҳоя кўп узатмоқ, кетма-кет май узатмоқ:

Соқийи гулчеҳра гулгун бода беандоза тут,
Ким бу гулшан ичрадур хори малолат беҳисоб. *Бадойиул-васат,* 32-Т.

БЕАНДОМ [بی اندام] – ўхшовсиз, қўпол, хунук, кўрксиз:

... бу жиҳатдин алардин ноҳамвор маош ва беандом атвор зоҳир бўлур эрди.
Мажолисун-нафоис, 8-Т;

Батахсис ки муфрит тарбият кўрмиш бўлғай ва мукобалада беандом лофлар урмиш бўлғай. *Маҳбубул-қулуб,* 14-42.

БЕАНДОМЛИҒ [بی اندامليغ] – ўхшовсизлик, қўполлик, хунуклиқ, кўрксизлик:

Ул беандомлиғлар ва бебокликлар ким алардин зоҳир бўлур эрди, барчасин салоҳға келтурди. *Насойимул-муҳаббат,* 102-Т;

Ноҳиқий ким ани дев била шаётиндин мутаваллад бўлған ўғул деса бўлур ноҳамворлиқ ва беандомлиғи андин кўпрак эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-75.

БЕАСЛ [بی اصل] – аслсиз, зотсиз, таги паст:

Илоҳи беасллар мазаллатидин асра ва бедиёнатлар туҳматидин асра.
Муножот, 16-298;

Беасл халойиққа сафо келди ҳаром,
Ҳар иш ки эрур ғайри жафо келди ҳаром. *Назмул-жавоҳир,* 15-146.

БЕАЪМОМ [بی اعمام] – амаки, тоға (яқин қариндоши) йўқлиги:

Ва оз фурсатдин сўнгра малик ҳам оламдин чиқди ва анинг беаъмомидин Қобус отлиғ кофир мақҳур Миср тахтида салтанатқа ўлтурди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-128.

БЕАҚЛ [بی عقل] – ақлсиз, фаҳм-фаросатсиз:

Ва ёхуд эрур тифли беақл-у рой,
Ки эрмас сўзинда хирад раҳнамой. *Садди Искандарий,* 160-Т;

Сайид Имод... беақл маошлиқ била ҳар не топқанин зоиъ қилди.
Мажолисун-нафоис, 190-Т.

БЕБАДАЛ [بی بدل] – тенги йўқ, мислсиз, тенгсиз, монанди йўқ, ўхшаши йўқ:
Ишим расволиқ ичра бебадалдур,
Улуска то жаҳон бўлғай масалдур. *Фарҳод ва Ширин*, 476-Т;
Аҳмад Ҳожибек Султон Малики Кошғарийнинг ким замонининг бебадалларидин эрди. *Мажолисун-нафоис*, 177-Т.
~ **қил-** – тенгсиз, монандсиз қилмоқ:
Чун сени Тангри бебадал қилди,
Ҳар ла тофат аро масал қилди. *Сабъаи саёр*, 10-18.

БЕБАНДА [بی بنده] – ихтиёрсиз, бебанда:
Бирав ким бу маънига пояндадур,
Хирадманд-у фархунда бебандадур. *Садди Искандарий*, 454-Т.

БЕБАР [بی بر] – ҳосилсиз, мевасиз, беҳосил, самарасиз:
Дур тишингдин донаи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтур ким экиннинг офатидур жолалар. *Ғаройибус-сиғар*, 137-Т;
Чаман сарви қолиб бебар менинг сарвум бўлуб дилбар,
Ани ел айлабан музтар бу елдек сакратиб адҳам. *Фавойидул-кибар*, 412-Т.

БЕБАРГ [بی برگ] – баргсиз; бечора, ночор:
Ўзин топти бебарг-у ҳайрон басе,
Элин ҳам ваҳм-у паришон басе. *Садди Искандарий*, 249-Т;
Чун нахли ҳаёт бўлди бебарг,
Шарбат бўлур элга шарбати марг. *Лайли ва Мажнун*, 319-Т.

БЕБАРГЛИК [بی برگلیک] – ожизлик, кучсизлик, ҳолсизлик, дармонсизлик:
Лек учунчн кун анга бебарглик,
Айлади зоҳир биёбон марглик. *Лисонут-тайр*, 79-Т.

БЕБАРЛИК [بی برلیک] – мевасизлик, беҳосиллик, самарасизлнк:
Ростлар бўлса анинг арсасида барҳўрдор,
Жаврдин бас нега бебарлик эрур сарру фани. *Наводируш-шабоб*, 666-Т.

БЕБАСАР/БЕБАСИР [بی بصر / بی بصیر] – кўр, сўкир; нодон; бефаҳм, фаросатсиз:
Гулшани даҳр ичра ки ҳар бебасар,
Бор эди наргис киби кўтаҳ назар. *Ҳайратул-аброр*, 7-252;
Тушгилар бир навъ ила жамъ бебасир,
Ё мусафирлиқ била ё худ асир. *Лисонут-тайр*, 208-Т.

БЕБАСАРЛИҒ/БЕБАСАРЛИҚ [بی بصرلیق / بی بصرلیغ] – кўрлик; нодонлик:
Басра шаҳрида лаиме бор эди,
Бебасарлиғ фаннида динор эди. *Лисонут-тайр*, 151-5;
Гар бебасарлиғ айнидин наргис кўзунгдин лоф урар,
Аҳли назар англар ким ул ҳам кўр эрур ҳам бадалаф. *Бадойиул-васат*, 238-Т;
Сен ажаб кўтаҳназарлик айладинг,
Бўйла ерда бебасарлиқ айладинг. *Лисонут-тайр*, 217-Т.

БЕБАШАР [بی بشر] – бебашар:
Чу халқ нури юзунгда зоҳир ўлди бебашар ул ким,
Ҳақиқат расми бор эрканда ишкингни мажоз эткай. *Бадойиул-васат*, 444-Т.

БЕБАҚО [بی بقا] – бақосиз, вақтинча, қиска, омонат:
Ҳар не ким бебақодур анга кўнгул боғламақ хатодур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-86;
Чун будур давр неча кун хуш бўл,
Бебақо даврда фониваш бўл. *Фавойидул-кибар*, 671-Т;

БЕБАҲО [بی بها] – 1. баҳоси йўқ, қимматли, тенгсиз, ўта даражада аъло:

Басе бебаҳо туҳфа бори нафис,
Ки табъ ани топқай ўзига анис. *Садди Искандарий*, 249-Т;

Ҳар сифат туҳфаси ниҳоятсиз,
Бебаҳо лаъл-у дурри ғоятсиз. *Сабъаи сайёр*, 10-85;

2. топилмайдиган, топилмас; нархлаб бўлмайдиган:

Олам аҳлидин вафо мухтожи бўлма ким алар,
Ҳам чекарлар бу матои бебаҳоға эҳтиёж. *Фавойидул-кибар*, 97-Т;

~ **бўл-** – бебаҳо бўлмоқ:

Кимга ким бўлса насиб ул офати жондек анис,
Бебаҳо бўлғай қошинда моҳи Канъондек анис. *Бадойиул-васат*, 176-Т.

БЕБАҲОНА [بی بهانه] – сабабсиз, важсиз, баҳонасиз:

Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўла тутсалар бебаҳона ичинг. *Садди Искандарий*, 436-Т;

Ҳукм килғай ки сиз фасона денгиз,
Демангиз узру бебаҳона денгиз. *Сабъаи сайёр*, 10-55;

~ **бер-** – баҳонасиз бермоқ:

Элга лакларни бебаҳона бериб,
Гар баҳона топиб хазона бериб. *Сабъаи сайёр*, 10-238;

~ **бўл-** – баҳонасиз бўлмоқ:

Эрур бу икки бўлғач бебаҳона,
Бари аъзоға сув қилмақ равона. *Сирожул-муслимин*, 16-281.

БЕБАҲР [بی بهر] – бебаҳра, баҳрасиз, баҳраси йўқ, бенасиб;

Бобо Жалил... Мажзуб эрди кавн-у фасод оладин бебаҳр-у бешуур киши эрди. *Насойимул-маҳаббат*, 414-Т;

~ **и фазл** – илм-фандан баҳрасиз, фазлдан бебаҳра:

Амалға боқма ки бебаҳри фазл эрур яксон,
Фузайл Бармакий ўлсун вагар Фузайли Аёз. *Ғаройибус-сигар*, 226-Т;

~ **бўл-/ўл-** – бенасиб бўлмоқ, баҳрасиз қолмоқ:

Деди баъзи ки нўш эткан дурур заҳр,
Ки бўлғай нўшидин Парвиз бебаҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т;

Манга ҳажрингда май заҳр ўлди биллаҳ,
Тарабдин умр бебаҳр ўлди биллаҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т.

БЕБАҲРА [بی بهره] – фойдасиз, бенасиб, баҳрасиз:

Мир Ҳайдар... чун жунун нашъасидин бебаҳра эмасдур сулуки тарийқида кўп офат андоз бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 168-Т;

Эй Навоий факрдин бебаҳрадур юз ғам етиб,
Солики ким шукр борида шикоят айласа. *Наводируш-шабоб*, 23-Т;

~ **қол-** – баҳрасиз қолмоқ:

... шояд ул жамоат ҳар навъ номасмуъ узр била ул давлатдин маҳрум ва бу саодатдин бебаҳра қолмағайлар. *Вақфия*, 14-260.

БЕБИЗОАТ [بی بضاعت] – мол-мулксиз, бисотсиз, фақир:

...саккиз юз саксан бирда бу бебизоат адимул-истиоат ҳазрати устоди саййиди... Мавлоно нурул-миллати ва дини Абдурраҳмон ал-Жомий. *Насойимул-муҳаббат*, 1-Т;

Ким сени зор-у бебизоатни,
Ўртаган журм ўтиға тоатни. *Вақфия*, 14-236;

Андақ ки анинг таърифини қилмақ бу фақирдек бебизоатларнинг ҳадди эмас. *Насойимул-муҳаббат*, 362-Т.

БЕБИМ [بی بیم] – кўрқинчсиз, довюраклик билан:
Боши узра ким эрканин қилди фаҳм,
Такаллумга тил очти бебиму ваҳм. *Садди Искандарий*, 200-Т.

БЕБОЖРО [بی باجرا] – бебожро, божсиз:
Бири Филикус эрди ул хайл аро,
Хирожини бергучи бебожро. *Садди Искандарий*, 154-Т.

БЕБОК [بی باک] – 1. қўрқмас, ҳайиқмас:
Наҳанге ки баҳр ичра бебок эрур,
Гар ул сувда юз минг дури пок эрур. *Садди Искандарий*, 158-Т;

2. ҳаёсиз, парвосиз:
Кўзун уйқуда кўргач ўлдум оё ўлмайин неткай,
Киши гулшанда бехуд кўрса турки масти бебокин. *Ғаройибус-сиғар*, 342-Т;

3. мулоҳазасиз, андешасиз:
Яхшини бебокдин айлар жудо,
Покни нопокдин айлар жудо. *Ҳайратул-аброр*, 7-251;
Бебок ҳамдамликка ярамас нопок маҳрамликка ярамас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;

~ **и нодон** – бефарқ, бепарво; мағрур; парвосиз маҳбуба:
Бу ки чок айлаб яқа усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар бебок нодонимға айт. *Наводируш-шабоб*, 85-Т;

~ **қил-** – қўрқмас, ботир қилмоқ:
Маст чиқмиш тиғ ила аҳли назар қатли учун,
Эй кўнгул наззораи ул қотили бебок қил. *Фавойидул-кибар*, 375-Т.

БЕБОКЛИК [بی باکلیک] – ҳаёсизлик, бефарқлик; шафқатсизлик; бераҳмлик:
Ким тутса шафоатинг умиди
Бебокликидин анга не бок. *Ғаройибус-сиғар*, 258-Т:
Пок васлиға керактур поклик,
Йўқ ки лавси журм аро бебоклик. *Лисонут-тайр*, 139-Т;
Ногаҳ эй аҳбоб даврон қилмағай бебоклик,
Йўқса биздек юз туман жонон учун ўлсак не бок. *Ғаройибус-сиғар*, 263-Т.

БЕБОКОНА [بی باکانه] – беҳаёларча, тортинмаслик, одобсизлик, андишасизлик билан, ҳурматсизлик билан:
Шайх эшиткач бўйла бебокона сўз,
Сакрабан қўптиву ул ён қўйди юз. *Лисонут-тайр*, 231-Т.

БЕБУНЁД [بی بنیاد] – бунёдсиз, азалий эмас, абадий эмас:
Курраи хок келди бебунёд,
Сув ичинда кесакка не бунёд. *Сабъаи сайёр*, 10-382;
Эй кўнгул ер кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда кўр бу сафҳани барбод бил. *Ғаройибус-сиғар*, 289-Т.

БЕВА [بیوه] – бева, тул аёл:
Қўяр эрди ҳамлин фалак беваси,
Сатарвонлиғ ар бўлмаса шеваси. *Садди Искандарий*, 190-Т;
Бу қатла Жиржис а.с. ни бир ажуза бева уйида банд қилдилар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-185;
Эр киши кўп ясанса бева бўлғай, бу сифат зуъафоға шева бўлғай.
Маҳбубул-қулуб, 14-105.

БЕВАЖҲ [بی وجه] – сабабсиз, асоссиз, ўринсиз, далилсиз:
Керак Парвез паймониға кирмак.
Эрур беважҳ эл конига кирмак. *Фарҳод ва Ширин*, 464-Т;

Деди Ҳудҳуд ким бу сўз беважҳ эмас,
Ҳар киши бу сўзни ҳолидин демас. *Лисонут-тайр*, 85-Т.

БЕВАЗН [بی وزن] – вазисиз, енгил; салмоқсиз, қадр-қимматсиз:
Лутфи йўқтин кўнглума бевазн эрур шамшоду сарв,
Оҳ тортиб айласам ул қомати мавзунни ёд. *Наводируш-шабоб*, 124-Т;
~ **айла-** – қадрсиз этмоқ:
Шукуҳу хилми айлаб элни бевазн,
Гиёҳу хасқа тоғ оллинда не вазн. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т.

БЕВАФО [بی وفا] – 1. вафосиз, аҳду паймонни бузувчи:
Ўзга ойлардин вафо нақл этсалар манъ айламан,
Лек инонман ани ким ул бевафо қилғай вафо. *Наводируш-шабоб*, 39-Т;
2. тошюрак, бераҳм:
Ҳошалиллоҳ ким Навоий айлагай тарки вафо
Бевафо кофирлар олса жонни ҳам имонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 422-Т;
3. адолатсиз, кажрафтор, бемурувват:
Кел эй соқий ву бу андешалардин бизни қуткарғил,
Вафо жомини тут ким бевафодур чарх даврони. *Фавойидул-кибар*, 608-Т;
4. ўткинчи, бақосиз; бир лаҳзалик:
Бу гулшан гуллари чун бевафодур,
Алардин чекма эй булбул тарона. *Фавойидул-кибар*, 515-Т;
Олам умрдек бевафодур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-82;
5. золим, шафқатсиз:
Бевафо ҳақшунос элдин йироғлиғ иста ким
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедод-у жафо. *Маҳбубул-қулуб*, 14-113;
~ **бўл-** – бевафо бўлмоқ:
Жон-у умрумдур ул ой гар бевафо бўлса не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо. *Фавойидул-кибар*, 41-Т.

БЕВАФОВАШ [بی وفاوش] – вафосизларга ўхшаш; маҳбуба:
Қутулсанг бевафовашлар ғамидин эй кўнгул шукр эт,
Яна чекма бало ўзни биравга ошно айлаб. *Бадойиул-васат*, 44-Т;
Йўқ вафо аҳлида бир зор-у паришон мен киби,
Бевафовашларни севмакдин пушаймон мен киби. *Наводируш-шабоб*, 606-Т.

БЕВАФОЛИҒ/БЕВАФОЛИҚ [بی وفالیق / بی وفالیغ] – 1. вафосизлик, аҳдига вафо қилмаслик:
Вафо йўлинда Навоий ўлди ва кўрмади ғайри бевафолиғ,
Вафо шиори билур ки ёриға бевафолиғ шиор бўлғай. *Фавойидул-кибар*, 610-Т;
Шайхингизга бевафолиқ бошлабан,
Қиблангизни дайр ичинда тошлабан. *Лисонут-тайр*, 118-Т;
Ёр келгумдур дебан борди ву келмас вақ яна
Бевафолиғ зоҳир этти аҳди ёлғанлиғ дағи. *Бадойиул-васат*, 452-Т;
2. меҳрсизлик, шафқатсизлик, мурувватсизлик, бераҳмлик:
Бевафолиғ тонг эмас элдин ки деҳқони азал
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида. *Наводируш-шабоб*, 556-Т;
Чу даврон иши бевафолиқ дурур,
Фузун шоҳлиғдин гадолиқ дурур. *Садди Искандарий*, 121-Т;
Қадаҳ кетур ки неча даҳр элига кўргузсанг
Вафо натижа эмас ғайри бевафолиғлар. *Бадойиул-васат*, 139-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – вафосизлик қилмоқ, аҳдни бузмоқ:
Сипоҳим бевафолиғ айладилар,
Ҳамма мендин жудолиғ айладилар. *Сабъаи сайёр*, 10-397;
Ит кимсага бевафолиғ этмас,
Бошин олиб ўзга сари кетмас. *Лайли ва Мажнун*, 273-Т;
Анга яхши ки айлаб дилраболиқ,
Вафо аҳлиға қилғай бевафолиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 418-Т;
Ва ул бевафолик қилиб Паҳлавондин айрилди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 108-Т.

БЕВАФОСОН [بی وفاسان] – бевафоларча, бевафо каби:
Мушаъбидлар сипеҳри бевафосон,
Уғурлаб мухра кўк тосидин осон. *Фарҳод ва Ширин*, 141-Т.

БЕВАҚТ [بی وقت] – бемаҳал, бемаврид:
Ул ким иши бевақт-у маҳал бўлмағусн,
Ҳар ишта ки саъй этса ҳалал бўлмағуси. *Назмул-жавоҳир*, 15-169;
Бевақт ўлуб этти бўйла тақрир,
Ким мундақ эмиш азалда тақдир. *Лайли ва Мажнун*, 208-Т.

БЕВАҲМ [بی وهم] – ваҳмсиз; қўрқмаслик, қўркинчсиз; ~ **у бим/бийм** – ваҳмсиз ва қўрқувсиз:
Турфа бу ким Бул-башар келди атоларға ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳм-у бийм. *Бадойиул-васат*, 297-Т;
Ул иш дафъи бу навъ эди ким ҳаким
Ки қилди қабул ани беваҳму бийм. *Садди Искандарий*, 266-Т;
~ **-у бок** – ваҳмсиз ва хавфсиз:
Ваҳм айла эй сипеҳр бу кун оҳим ўқидин,
Ким ҳажр дардидин яна беваҳм-у бокмен. *Ғаройибус-сиғар*, 357-Т;
Шаҳ ул мурларни қилурға ҳалок,
Деди отланиб халқ беваҳм-у бок. *Садди Искандарий*, 421-Т;
~ **-у бок ўл-** – ваҳмсиз ва хавфсиз бўлмоқ:
Агар заҳр ичсам элгингдин таажжуб этма эй соқи,
Ки бўлмиш маст-у ошиқ шеваси беваҳм-у бок ўлмақ. *Ғаройибус-сиғар*, 256-Т;
~ **-у бок айла-** – ваҳмсиз ва хавфсиз айламоқ:
Қаён азми беваҳм-у бок айлади,
Тенгиз бағрини чок чок айлади. *Садди Искандарий*, 449-Т.

БЕВОСИТА [بی واسته] – воситасиз; тўтридан-тўғри:
Исҳоқ ал-Калободи ал Бухорий ўз кутубида бевосита андин сўзлар ривоят қилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 95-Т;
Паҳлавоннинг вусоқларидин бири бу фақир қошиға изтироб била югуруб келди ки Паҳлавонға бевосита ғаши воқиъ бўлуб ҳуши зойил бўлди ва бехуд йиқилибтур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т.

БЕВУЖУД [بی وجود] – мавжуд бўлмаган, вужудга келмаган:
Сужуд ичра бу суд тутса вужуд,
Эрур бевужуд ул ки қўйған сужуд. *Садди Искандарий*, 86-Т;
Анинг баҳри раҳмати қошида не вужуд бўлғай ва бевужудлар хатоси анинг дарёйи вужуди оллида не мавжуд. *Сабъаи сайёр*, 10-13.

БЕВУҚУФ [بی وقوف] – бехабар, хабарсиз, воқиф эмас:
Андақ ки бир оз нима бевукуфроқ киши қошида ўқуса эрди кўп яхшиликға ўткарур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-21.

БЕГАЗАНД [بی گزند] – зиёнсиз, зарарсиз, озорсиз:
Алар чун нишона топиб дилписанд,
Чиқариб ани қалъадин бегазанд. *Садди Искандарий*, 328-Т.

БЕГАРОН [بی گران] – чексиз, ҳадсиз; баҳосиз:
Не кавкаб ки нури анинг бегарон,
Қуёш бирла хусн ичра айлаб қирон. *Садди Искандарий*, 391-Т.

БЕГАҲ/БЕГОҲ [بیگاه / بیگه] – бевақт, ўринсиз, бемаҳал, бемаврид:
Сўз дей олурлар гаҳ-у бегаҳ маҳалл-у бемаҳал,
Бас маҳалдур тарк қилсам балки хонумонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 421-Т;
Ғаразим бу ки унуттурмаға мен ўзни анга,
Қўйида кезмакдин афғон гаҳ-у бегоҳ чекиб. *Ғаройибус-сиғар*, 74-Т;
Сўруб аҳволин анинг гоҳ-у бегоҳ,
Тилаб махфи ғамидин бўлмақ огоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 305-Т;
Шаҳнинг тахтидин етти шаҳрох,
Олам аҳлиға гоҳ-у бегаҳ роҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-134.

БЕГИМ [بیگیم] – 1. бекзода:
Барча ани бегим-у мирзо дебан,
Хулқини хуш хуснини зебо дебан. *Ҳайратул-аброр*, 7-270;
2. шоҳнинг хотинига ҳурмат юзасидан берилган ном:
Ул дурри гаронмояни Тенгри таоло Мирзо била Бегим учун поянда тутсун.
Муншаот, 14-199.

БЕГОНА [بیگانه] – 1. ўзга, бошқа, ёт:
Шайх ани кўргач деди ким бегоналарға ошинолар аросида не иш?
Насойимул-муҳаббат, 90-Т;
Бегона бўлубтур ошинодин,
Бегонаға ошино бўлубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 143-Т;
Бу фони дайрдин бўлғач хиромим,
Келиб бегонае тутқай мақомим. *Фарҳод ва Ширин*, 129-Т;
2. ажралган, айрилган, озган; нодон:
Ёруғ кунда шамъи кофурий ёққанни ақлдин бегона дерлар.
Маҳбубул-қулуб, 14-80;
Андин айру ошиқ-у девонамен,
Ақл-у ҳуш-у сабрдин бегонамен. *Лисонут-тайр*, 62-Т;
~ **бўл-** – айрилмоқ, ақлу хуши кетмоқ; ақлдан озмоқ:
Бу эрди бийм ким девона бўлғай,
Хирад ойинидин бегона бўлғай. *Фарҳод аа Ширин*, 190-Т;
~ **айла-** – ёт айламоқ, бегона айламоқ:
Висолингға бегона айлаб кўнгулни,
Фирокинг била ошино айладинг-ло. *Ғаройибус-сиғар*, 435-Т;
~ **кил-** – айирмоқ, оздирмоқ:
Эй пари телбамен андақ ким ўзумни таниман
Ўз ўзимдин чу мени қилди ғаминг бегона. *Наводируш-шабоб*, 565-Т.

БЕГОНАВАШ [بیگانه وش] – бегонасифат, ошнолиги йўқ, ётга ўхшаш:
То унутти ошинолиғ расмин ул бегонаваш,
Ошно йиғлар менинг ҳолим кўруб бегона ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 317-Т;
Чу ул бегонавашдин ошнолиғ кўрдум айлабмен
Узумни бир йўли бегона барча ошноларға. *Фавойидул-кибар*, 552-Т;

Бўлмас ул бегонаваш чун ошно бўл эй кўнгул,
Бир кишига ошно ким ошносидур анинг. *Бадойиул-васат*, 274-Т.

БЕГОНАВАШЛИҚ [بیگانه وش لیق] – кобилиятсизлик, фасодкорлик:
Муҳаммад Ҳусайн Мирзо... бағоят саркашлик ва бегонавашлиқ гўё зотида бор.
Мажолисун-нафоис, 200-Т.

БЕГОНАВОР [بیگانه وار] – бегонасимон, бегонага ўхшаш, бегоналарча:
Зоҳир ўлуб ўзига бегонавор,
Юз урубан ҳар сари девонавор. *Ҳайратул-аброр*, 7-76.

БЕГОНАЛИҒ/БЕГОНАЛИҚ [بیگانه لیق / بیگانه لیغ] – 1. бегоналик, ётлик; бехабарлик:
Ошино ёрим яна бегоналиғдин қилди-ло,
Ўзни ўз ёриға ҳар фан бирла душман қилди-ло. *Наводируш-шабоб*, 572-Т;
Важҳи маош учун киши ким деса фикр этай,
Қисмат ризосидин анга бегоналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 518-Т;
2. йўқотишлик, озишлик; узоқ бўлишлик:
Агарчи табъида девоналиқ бор,
Тарийқи ақлдин бегоналиқ бор. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;
~ **туш-** – бегоналикка учрамоқ, бегоналикка тушмоқ:
Тушуб ошиноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналик. *Садди Искандарий*, 169-Т;
~ **айла-/эт-** – илтифотсизлик, бегоналик этмоқ:
Ошнолардин тилармен айласам бегоналиғ
Қайда мумкин бўлмағум бегоналарға ошно. *Фавойидул-кибар*, 705-Т;
Ошнолиғ тарк этиб чун ёр этар бегоналиғ,
Мен қила олман саломат кўйида фарзоналиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 499-Т.

БЕГОНАПАРАСТ [بیگانه پرست] – бегона, ўзини узоқ олувчи:
Манга бегонадурур ул бут-у мен ишқида маст,
Ошино бўлмайин этти мени бегонапараст. *Наводируш-шабоб*, 76-Т.

БЕГОР [بیگار] – мажбурий иш, текинга ишлатиш:
Жон фидо қилғум дурур лаълинг қабул этсун десам,
Дер ки Руҳуллоҳ бу навъ ишларга бегор айламас. *Ғаройибус-сиғар*, 195-Т.

БЕГУМОН [بی گمان] – шубҳасиз, гумонсиз, шаксиз:
Бари Тенгри тақдиридур бегумон,
Киши қилмағи яхшидур гар ёман. *Садди Искандарий*, 461-Т;
Водийи тавҳид қатъ ўлған замон,
Водийи ҳайрат кўрунур бегумон. *Лисонут-тайр*, 217-Т.

БЕГУНАҲ/БЕГУНОҲ [بی گناه / بی گنه] – гуноҳсиз, айбсиз:
Кўр таажжуб ишқнинг бўстонидин,
Об-у ранги бегунаҳлар қонидин. *Лисонут-тайр*, 127-Т;
Ишқ журмидин нетиб инкор этай халқ ичра ваҳ,
Ким эрурмен бу гуноҳ ичра бағоят бегунаҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 432-Т;
Бириси бу ким ул икки кинахоҳ,
Ки қатлимға кўл сундилар бегуноҳ. *Садди Искандарий*, 202-Т;
~ **айла-** – бегуноҳ айламоқ:
Қулоғи лаъли ҳамоно ки дурур эрмиш чу мени
Бегуноҳ айлади қатл ани тутубтур қоним. *Фавойидул-кибар*, 387-Т.

БЕГУНАҲЛИҒ [بی گنه لیغ] – айбсизлик, гуноҳсизлик:
...ва гуноҳ қилурда бегуноҳлиғин девонавор даъво қилмоқ...
Фарҳод ва Ширин, 82-Т;

Вагар худ бегунаҳлиғинда шакдур,
Билай ул дам ки не қилмақ керакдур. *Фарҳод ва Ширин*, 492-Т.

БЕД [بید] – тол (дарахти):
Бўлуб ахзар синонинг сарв монанд,
Анинг устида барги бед пайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т;
Занбақ анда лолагун бутқай шажарлар сурх бед,
Ҳар чаманға берса су қонлиғ сиришким ёғини. *Фавойидул-кибар*, 563-Т.

БЕДАВЛАТ [بی دولت] – давлатсиз, бедавлат; камбағал:
Ва Жиржис а.с. уй ичидин солим чиқиб яна ул бедавлатлар даъватиға машғул бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-185.

БЕДАВЛАТЛИҚ [بی دولت لیق] – камбағаллик, бахтсизлик, бадбахтлик:
Мавлоно Хуррамий... аммо ўз зоти бедавлатликлари жиҳати-дин бу сафарлардин келгандин сўнгра борғандин бурунракдин бехабарраҳ ва бадфеълраҳ келди. *Мажолисун-нафоис*, 85-Т.

БЕДАВО [بی دوا] – давоси йўқ, иложи йўқ, чорасиз:
Фироқ тираликининг можароси ва ўз куймакликининг дарди бедавоси. *Мажолисун-нафоис*, 17-Т;
Зор кўнглум илгида озор ҳам илгидадур,
Бедаво озорини касб этти бу зор илгидин. *Фавойидул-кибар*, 464-Т;
~ **дард** – тузалмайдиган касаллик; давосиз дард, оғир хасталик:
Даме ким шаҳ ўз адлидин фард эрур,
Анга ул даме бедаво дард эрур. *Садди Искандарий*, 145-Т.

БЕДАРАНГ [بی درنگ] – 1. тўхтовсиз, тез, тезлик билан:
Чекиб қавси қузаҳни бедаранги,
Анга боғлаб синон янглиғ хаданги. *Фарҳод ва Ширин*, 209-Т;
Тунд бўлуб котили пўлодчанг,
Деди икингизни чопай бедаранг. *Ҳайратул-аброр*, 7-186;
2. тез юришли, чаққон:
Баҳори булут пилдек бедаранг,
Қилур жилва ҳар ён бари пилранг. *Садди Искандарий*, 379-Т.

БЕДАРД [بی درد] – 1. бепарво, беғам, ҳеч нарса билан иши йўқ:
Юз меҳнат-у бим дарди бир ён,
Бедард ҳаким дарди бир ён. *Лайли ва Мажнун*, 166-Т;
Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ,
Ки бедард кўп, лек дард аҳли камдур. *Наводируш-шабоб*, 134-Т;
2. дардсиз, дарди йўқ, ғам-у аламсиз, андуҳсиз:
Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма наммом ва номард мулозаматида дам урма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-126.
~ **и фироқ** – дардсиз айрилик:
Ким анга талк этмади дарди фирок охир мазоқ,
Васли софи мумкин эрмас чунки бедарди фирок. *Наводируш-шабоб*, 655-Т.

БЕДАРДЛИҒ [بی درد لیغ] – беишқлик, бемуҳаббатлик; дардсизлик, беғамлик:
Мутрибо туз бир суруди дарднок,
Соқиё бедардлиғдин мен ҳалок. *Лисонут-тайр*, 92-Т;
Зоҳир айлаб борчангиз бедардлиғ,
Кўргузуб фақр ичра юз номардлиғ. *Лисонут-тайр*, 119-Т.

БЕДАРИҒ [بی دریغ] – аёвсиз, шафқатсиз, қўрқмасдан:
Меҳрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ,
Йўқса невчун дафн этар ҳар кун куёштин ерга тиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 239-Т;

Қоёдек белида камар узра тиғ,
Камардин адув чопқали бедариғ. *Садди Искандарий*, 407-Т;
Ки солиб улус таркидин қинға тиғ,
Қилиб тарк қон тўкмагин бедарнғ. *Садди Искандарий*, 64-Т.

БЕДАРМОН [بی درمان] – кучсиз, кувватсиз; нложсиз, давосиз:
Қарилиқ дарди бедармондир ахир,
Бир иш кўнглумда кўп армондир ахир. *Фарҳод ва Ширин*, 179-Т;
Гар манга бу дард бедармон эрур,
Лек дармони санга осон эрур. *Лисонут-тайр*, 20-Т;
~ **бўл-** – дирмонсиз бўлмоқ.
Мунунгдек май манга армон бўлубтур,
Ки дардим асру бедармон бўлубтур. *Фарҳод ва Ширин*, 306-Т.

БЕДАСТ [بی دست] – дастасиз, қўлсиз; ~ **у по** – қўл-оёқсиз; қўлидан иш келмаслик:
Бу иноятлар муқобаласида хизмате топай деб даст-у по урмақ мушкил ва бедаст-у полардек боқиб турмақ андин мушкилрақ. *Вақфия*, 14-250.

БЕДИЁНАТ [بی دیانت] – диёнатсиз, инсофсиз, номуссиз, хиёиаткор:
Илму тақвосидин кўнгулларда шукуҳ ва диққат фаросатидин бедиёнатларга кўнглида андуҳ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21;
Чун омонатда бедиёнат эди,
Иши шаҳ молиға хиёнат эди. *Сабъаи сайёр*, 10-180.

БЕДИЛ [بی دل] – дилсиз; ошиқ:
Бедилинг хайли русулсен сен аларға дилрабо,
Ё Наби руҳий фидок аҳлан ва саҳлан марҳабо. *Наводируш-шабоб*, 7-Т;
Йўқтур андуҳ-у малолат ўтиға хас мен киби,
Бедил-у бечора ву бемор-у бекас мен киби. *Наводируш-шабоб*, 621-Т;
Қилди чун диққат била маҳваш хитоб,
Ожиз ўлди бедил айтурдин жавоб. *Лисонут-тайр*, 248-Т;
Бедил кишисин топиб алар ҳам
Қилдилар ул ишка ёр-у маҳрам. *Лайли ва Мажнун*, 123-Т;
~ **-у бекас** – дардли, аламли, ёлғиз, кимсасиз:
Эй ишқ ўтида хасим нечуксен,
Эй бедил-у бекасим нечуксен. *Лайли ва Мажнун*, 246-Т;
~ **и афтода** – тушкунликда қолган, нотавон, фақир, хоксор:
Эй парирух ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,
Истасанг ошиқ менингдек бедили афтода топ. *Наводируш-шабоб*, 68-Т;
~ **и зор** – қайғули, ҳасратли, новатон ошиқ:
Бу ваҳм-у бимдин ул бедили зор,
Ки Хусравдин биравга еткай озор. *Фарҳод ва Ширин*, 407-Т;
~ **и зори ҳақир** – камтар ва хоксор ошиқ:
Бор эди бир бедили зори ҳақир,
Бўлди бир бадмехр ишқиға асир. *Лисонут-тайр*, 262-Т;
~ **и шайдо** – қайғули, хасратли ошиқ:
Чун Навоий ўлмади сенсиз хижолат ичрадур,
Йўкса сиҳҳатдин эмас ул бедили шайдо хижил. *Фавойидул-кибар*, 361-Т;
~ **и ғамкаш** – ҳолсиз, ҳасратли, ғамкаш ошиқ:
Кўтардилар равон маҳвашни бир ён,
Яна ул бедили ғамкашни бир ён. *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;
~ **и ғойиб** – ғойиб бедил, дардли ошиқ:
Ким яна ошиқ жавобин англағай,
Бедили ғойиб хитобин англағай. *Лисонут-тайр*, 205-Т;

~ **ўл-** – бедил бўлмоқ:
Юз кўнгул бирла санавбар бедил ўлғай қаддиға
Жилва берса зорлар кўнглин олиб дилдор қад. *Ғаройибус-сиғар,* 117-Т;

~ **тут-** – бедил тутмоқ:
Замон аҳлидин ўзин соҳибдил тутқан ёлғон айтур ва бедил тутқаннинг ҳам сўзи ёлғанлиқ сари қайтур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-92.

БЕДИЛЛИҚ/БЕДИЛЛИК/БЕДИЛЛИҒ [بی دل لیغ / بی دل لیک/بی دل لیق] – юраксизлик, кўрқоқлик, беҳоллик; бемеҳру муҳаббат:
Навоий жисмининг заъфиға боис бўлди бедиллиқ,
Вали бедиллиғим сўрсанг анга дилбар эрур боис. *Бадойиул-васат,* 70-Т;
Ул ки соҳибдил бу даъво зуҳури андин мушкил ва агар ул киши замон аҳлининг бедиллиғиға юраксизлик маҳмил. *Маҳбубул-қулуб;* 14-92;
Гарчи баъзи қилди бедиллиқ аён,
Ҳудҳуд иршодин қилиб шарҳ-у баён. *Лисонут-тайр,* 243-Т;

2. мафтунлик, ошиқу беқарорлик:
Гар менинг бедиллиғим дарди давосин истасанг,
Эй Навоий бу маразға кўнглум олғандур даво. *Бадойиул-васат,* 25-Т;
Бу мушкилрақ ки мундақ зору бедил,
Ки бедиллиқ эрур жониға мушкил. *Фарҳод ва Ширин,* 418-Т;
Келтуруб чок айлабан кўксум ани ўрниға сол,
Мени бедиллик бало ву меҳнатидин кутқару. *Фавойидул-кибар,* 493-Т;
Ғояти бедиллиғидин ғам даштида эткан нотавон кўнглин ёд қилур.
Мажолисун-нафоис, 241-Т.

БЕДИЛОНА [بی دلانه] – кўнгилсиз, бедилона:
... ва бедилона ажзға тушмакдин ғоятсиз иззат кўрмақ. *Фарҳод ва Ширин,* 503-Т.

БЕДИН [بی دین] – динсиз, ғайридин:
Десанг қолғай обод диннинг уйи,
Бу бедин била бўлмағил ҳамвисоқ. *Наводируш-шабоб,* 308-Т.

БЕДОД [بی داد] – адолатсизлик, зулм; жабр, ситам:
Давр эли бедодидин гар махлас истарсен мудом,
Кўп аёғидин бош олма кулбаи ҳаммор аро. *Ғаройибус-сиғар,* 44-Т;
Сенсиз ишим фарёд эрур,
Ўз жонима бедод эрур. *Мезонул-авзон,* 42-Т;

~ **ўл-** – жабр, ситам, азоб чекмоқ:
Ярақ-у сипоҳ барча барбод ўлуб,
Фалакдин укуш навъ бедод ўлуб. *Садди Искандарий,* 225-Т;

~ **айла-/еткур-/эт-/қил-** – жабр-ситам кўрсатмоқ, зулм қилмоқ, қийнамоқ, азоб бермоқ:
Ҳажри чун кўнглумга бедад айлабан,
Ани истарга сени ёд айлабан. *Лисонут-тайр,* 20-Т;
Лутф этиб гар ёд этар ё зулм ила бедод этар,
Мен ризосин истарам ёдидан бу бедодидин. *Фавойидул-кибар,* 455-Т;
Агар Шеруя дағи этти бедод,
Анга дағи фалакдин етти бедод. *Фарҳод ва Ширин,* 475-Т;
Ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-234;
Неча ашкимдин манга эй ишқ бедод эткасен
Оҳдин жисмим хасин ҳар лаҳза барбод эткасен. *Фавойидул-кибар,* 470-Т;

Қилма бедод бурунрақ ки кетургайлар юз,
Анга ким зулмкаш эл чекса фиғон дод берур. *Фавойидул-кибар*, 172-Т;
Анинг бедодидин ким бўлса ношод,
Қилур жониға бедод узра бедод. *Фарҳод ва Ширин*, 416-Т.

БЕДОДГАР [بی دادگر] – золим, зулм қилувчи, жабрловчи, ситамгар:
Ва бу мукаддима золим била мазлум ҳолидин киноят ва бедодгар била додхоҳ аҳволидин ҳикоят дурур. *Вақфия*, 14-254;
Чарх била анжуми бедодгар,
Қаҳрлари ўтиға дуд-у шарар. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;
Сипоҳи чекти кўргузмакка бедод,
Ки бермас олами бедодгар ёд. *Фарҳод ва Ширин*, 348-Т.

БЕДОДИЙ [بی دادی] – жабр-ситамли, зулм қилувчи, золимлик, қотиллик:
Ҳар золиме ким жабборлиғ тоғида бедодий коплонининг ҳар холидин бир кўз тикар ким мазлум фароғати кийигин кайда кўргай. *Вақфия*, 14-254.

БЕДОР [بی دار] – уйғоқ, хушёр, сергак:
Бахтим уйқусидин афғонлар чекардин гўйиё,
Ҳар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 130-Т;
Истасанг уйғанмақ ул бедорлар ҳамсуҳбати,
Ким бу ғафлатни магар дафъ айлагай огоҳлар. *Наводируш-шабоб*, 149-Т;
~ **бўл-/ўл-** – уйғонмоқ, хушёр бўлмоқ:
Бир уйқу бўлсун ул майдин падидор,
Ки бўлғайбиз қиёмат субҳи бедор. *Фарҳод ва Ширин*, 482-Т;
Эй сабух аҳли мени бир жом бирла тиргузунг,
Ким ўлум ҳоли хумор илгида бедор ўлмишам. *Бадойиул-васат*, 313-Т;
~ **айла-/қил-** – 1. уйғотмоқ; кўзғатмоқ:
Тушта васли бўлса гар худ барча сўнгғи уйқудур,
Эй Хизр ҳайвон суйи ичмакка бедор айлама. *Бадойиул-васат*, 392-Т;
Уйқуда ул кўз манга юз фитна бедор айламиш,
Ноз ила уйғанса неткай англа хонумонима. *Фавойидул-кибар*, 527-Т;
Уйғаниб субҳ уйқусидин меҳр шамъин тор қил,
Кўз очиб ҳар гўшадин бир фитнани бедор қил. *Ғаройибус-сиғар*, 306-Т.

БЕДОРЛИҒ/БЕДОРЛИК [بی دارلیق/بی دارلیغ] – уйғоқлик, хушёрлик, сергаклик:
Ҳар кун акшомғача ҳажрингда манга зорлик иш,
Кеча тонг отқуча андуҳ ила бедорлиғ иш. *Ғаройибус-сиғар*, 215-Т;
Мену фуркат айёми ву зорлиғлар,
Ҳар окшом тонг откунча бедорлиғлар. *Фавойидул-кибар*, 156-Т;
Маст эди етти анга хушёрлиғ,
Уйқусиға қўйди юз бедорлиғ. *Лисонут-тайр*, 147-Т;
Усрук ки элга буюрғай хушёрлик уйкучидекдур ким элга буюрғай бедорлик. *Маҳбубул-қулуб*, 14-32;
~ **айла-** – хушёр бўлмоқ;
Язак аҳлиға айла бедорлик,
Тилайа аро айла хушёрлик. *Садди Искандарий*, 180-Т.

БЕДОҒ [بی داغ] – доғсиз; белгисиз:
Туганлар мамуғидин ҳар ён ул тоғ,
Очиб юз лола, лекин барча бедоғ. *Фарҳод ва Ширин*, 444-Т.

БЕДУД [بی دود] – тутунсиз:
Ким эмас бир бирдин айру нур-у зулмат эй рафик,
Шуълаи ишрат кани бедуди меҳнат эй рафик. *Наводируш-шабоб*, 654-Т.

БЕДУРД [بی درد] – куйкумсиз, чўкиндасиз:
Васли софи мумкин эрмас чунки бедурди фирок
Зинҳор ул бода сари қилма рағбат эй рафиқ. *Ғаройибус-сиғар*, 257-Т.

БЕЁД [بی یاد] – беёд, ёдсиз, унутиш:
Сен ўлсанг чу қойим-мақомим менинг,
Беёд ўлмағай нанг-у номим менинг. *Садди Искандарий*, 121-Т.

БЕЁР [بی یار] – ёрсиз, маъшуқасиз; бедўст:
Таън қилманг ким Навоий бекас-у беёр эмиш,
Ким анга оламда ошиқлиқ иш ўлмиш ишқ эш. *Ғаройибус-сиғар*, 209-Т;
Қолиб дарду бало беёр-у мунис,
Бўлуб ҳижрон туни бешамъи мажлис. *Фарҳод ва Ширин*, 458-Т.

БЕЖАДАЛ [بی جدل] – жанжалсиз, мунозарасиз, бебаҳс:
Мушкили афлок бўлуб бежадал,
Бу Алийи фикрати оллида ҳал. *Ҳайратул-аброр*, 7-217.

БЕЖАЗБ [بی جزب] – жозибасиз, ёқимсиз:
Бежазб сариғ эрур риёлиқ,
Сунъ айлай олурму гуҳар балиғ. *Лайли ва Мажнун*, 364-Т.

БЕЖИГАР [بی جیگار] – жигарсиз; бефарзанд
Бежигар бўлсам бало тортарға вах эмди не тонг,
Борди кўздин чун бағир парголасидин кўпрагим. *Фавойидул-кибар*, 398-Т.

БЕЖИҲАТ [بی جهت] – сабабсиз, ўринсиз, беҳуда; ҳадсиз:
Қадаҳ ичмак ёзуғ деб асру мардуд этмагил эй шайх,
Бу қасм эрса азалдин бежиҳатдур бизни ёзғурмақ. *Ғаройибус-сиғар*, 255-Т;
Нечук одамий бежиҳат ғам егай,
Вагар бўлса юз минг жиҳат ҳам егай. *Садди Искандарий*, 437-Т.

БЕЖО [بیجا] – беҳуда, ўринсиз, хато:
Ул ки бежо нуқта била ҳабибни хабис қилғай ва муҳаббатни меҳнат анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27.

БЕЖОН [بی جان] – жонсиз, бежон, ўлик:
Вола ул суратқа жоно то бўлубтурмен эрур,
Сурати бежон кўзидек ул тараф ҳайрон кўзум. *Фавойидул-кибар*, 423-Т;
Ўлуг ошиқ била маъшуқи бежон,
Нечук ким сарв бирла ишқи печон. *Фарҳод ва Ширин*, 483-Т;
~ **айла-** – жонсиз қилмоқ, бежон қилмоқ:
Бу суратларни айлаб гарчи бежои,
Буларни айлабан сурат, ани жон. *Фарҳод ва Ширин*, 310-Т.

БЕЖУРМ [بی جرم] – гунохсиз, айбсиз, пок:
Бу неча рамида жонидин кеч,
Бежурм гуруҳ қонидин кеч. *Лайли ва Мажнун*, 202-Т.

БЕЗ I [بیز] – без:
Без ки сарт қадуд дер ва биз ки мо ва наҳну маъниси биладур.
Муҳокаматул-луғатайн, 175-Т.

БЕЗ II [بیز] – *сочувчи, таратувчи, сепувчи;* қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб келади.

БЕЗА- [بیزه] – 1. безамоқ, ясатмоқ, зийнат бермоқ; пардозламоқ, зеб бермоқ:
Ул безабон «Махзани асрор»идин,
Бу ёрутуб «Матлаи анвор»идин. *Ҳайратул-аброр*, 7-51;

Зарварақ бирла безабтур гул юзин вақ турфа кўр,
Ким баҳор ичра хазон зоҳир қилибтур гулшаним. *Ғаройибус-сиғар*, 313-Т;

2. яшнатмоқ, равнақ бермоқ:
Кўнгулда қадд-у узоринг хаёлин эттим нақш,
Бу боғни безадим сарв-у гул ниҳоли била. *Ғаройибус-сиғар*, 425-Т;
3. маҳбубанинг гулгун қиёфасини кўнгулда тасаввур қилмоқ:
Жон эви ичра хаёлингни безар бўлса кўнгул,
Пари ўлур тарағ ўқунгнунг-у пайкон кўзгу. *Ғаройибус-сиғар*, 394-Т.

БЕЗАБОН [بی زبان] – тилсиз, соқов:
Амрингдин айру тилга такаллум чу йўқ не айб,
Гар ҳам эта олмаса бу безабон санга. *Ғарайибус-сиғар*, 31-Т;
Амал риштасин тама игнасига чекиб ул безабоннинг кўрар кўзин ҳам тикиб мақсуди ани сайёд қилмақ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-40;
Барча сўзлар мушкилидур бу ҳадис,
Безабонларнинг тилидур бу ҳадис. *Лисонут-тайр*, 247-Т.

БЕЗАБОНЛИҒ [بی زبان لیغ] – тилсизлик; соқовлик; имо-ишора:
Дафъ ўлуб ағёр топсам бар ул хилватаро,
Безабонлиғ ичра шарҳи дарди ҳижрон айласам. *Бадойиул-васат*, 324-Т;
Ва ул ва Шайх бир бири била сирда безабонлиғ тили била сўзлар айтиштилар. *Насойимул-муҳаббат*, 314-Т.

БЕЗАКЛИК [بیزاک لیک] – безаклик; нақшлик:
Қабр тошидур безаклик сарбасар гул баргидин,
Тоза тоза доғлиғ куҳи бало бўлған таним. *Ғаройибус-сиғар*, 322-Т.

БЕЗАЛ- [بیزال] – ясатилмоқ, зийнат берилмоқ, безалмоқ:
Эй ки кўрмайсен куруқ шохи безалган гул била,
Ҳажр тошидин саросар жисми афгоримға боқ. *Ғаройибус-сиғар*, 256-Т;
Безалди чу ул маҳвашқа жамол,
Жамолин кўруб васлидин коминг ол. *Садди Искандарий*, 511-Т.

БЕЗАН- [بیزان] – ясанмоқ, безанмоқ, ўзига оро бермоқ:
Ишқ тим тим қонидин кулбам безанса не ажаб,
Ким эрур гул баргидин булбул эвининг зийнати. *Ғаройибус-сиғар*, 438-Т.

БЕЗАНМАК [بیزانماک] – ясаниш, безаниш:
Эранлар ясанмағи ким намойиш учундур, хотунлар безанмагидекдур ки оройиш учундур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-72;
Эрур бас чу ҳусну малоҳат санга,
Ясанмақ безанмак не ҳожат санга. *Муҳокаматул-луғатайн*, 173-Т;
Илоҳи шамъ ҳусни безанмаги ҳам сендин ва парвона жони ўртанмаги ҳам сендин. *Муножот*, 16-297.

БЕЗАРАР [بی ضرر] – зарарсиз:
Ким ул хора бир тош эрур безарар,
Вале ганждин элгадур юз хатар. *Садди Искандарий*, 218-Т.

БЕЗОДЛИҒ [بی زادلیغ] – бесармоя, ҳеч нарсасиз:
Яъни бу йўл зодидур безодлиғ,
Зод-у тўша қайдидин озодлиғ. *Лисонут-тайр*, 169-Т.

БЕЗОР [بی زار] – безор:
Жон фидо қилсам қилурлар дўстлар душманлиғим,
Не ажаб гар дўстлуғ ойинидин безор эсам. *Наводируш-шабоб*, 419-Т;

~ **бўл-** – жонидан тўймоқ, безмоқ:
Габраки шол солиб эгнимга,
Бўлубан хуш-у хираддин безор. *Фавойидул-кибар*, 652-Т;
Номуборак базмиға ул ки гирифтор бўлгай номақбул ҳаракотидин умридин безор бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-74.

БЕЗОРЛИҒ [بی زارلیغ] – жонга текканлик, зерикканлик:
Бу кўнгул озоридин безормен бор муддате,
Бўлғали бизлар аро озорлиғ безорлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 243-Т.

БЕИДРОК [بی ادراک] – идроксиз, онгсиз, фаросатсиз, бетамиз:
Воиз айтур ҳур умиди бирла ул ой таркин эт,
Эй Навоий кўр ки ул пургўне беидрок эмиш. *Бадойиул-васат*, 204-Т;
Борма маҳвашлар тамошосиға дерсен мен киби
Зоҳидо қилдинг гумон ким мунча бендрок мен. *Фавойидул-кибар*, 458-Т.

БЕИЖТИНОБ [بی اجتناب] – қочмайдиган, тортинмайдиган, четлашмайдиган; забардаст:
Шайх Абулаббос Қассоби интисоб,
Ким замонда қутб эди беижтиноб. *Лисонут-тайр*, 230-Т.

БЕИКРОҲ [بی اکراه] – зўрловсиз, мажбур қилмасдан:
Дайр пири илгидин зуннор белга боғлабан,
Бут қошида қилмас эрсанг сажда беикроҳ қайт. *Фавойидул-кибар*, 82-Т.

БЕИЛЛАТ [بی علت] – иллатсиз:
ва алод-давом ул биродар нисбатиға назорат беиллат илохий шомилдур.
Насойимул-муҳаббат, 247-Т.

БЕИЛОЖ [بی علاج] – иложсиз, беилож:
Илоҳи беилож дардға алил қилма ва бемурувват номардға залил қилма.
Муножот, 16-298.

БЕИЛТИФОТ [بی التفات]– бемурувват, бемеҳр, илтифотсиз, марҳаматсиз:
Лек ул олийсифоти пок зот,
Бор эди бу барчаға беилтифот. *Лисонут-тайр*, 166-Т;
Кўруб шаҳни бу навъ беилтифот,
Юзумга менинг келди мунча уёт. *Садди Искандарий*, 202-Т.

БЕИНОЯТ [بی عنایت] – иноятсиз, марҳаматсиз:
Ҳар неча ким беиноят ўлуб
Қилдинг мени бегуноҳ мажрим. *Бадойиул-васат*, 485-Т.

БЕИНСОФЛИҒ [بی انصاف لیغ] – инсофсизлик, ноинсофлик:
Боғ гулгаштида беинсофлиғдур гар десам
Сарвни қадингға гулни оразингға ўхшатай. *Бадойиул-васат*, 455-Т.

БЕИНТИҚОЛ [بی انتقال] – ажрамайдиган, кўчмайдиган:
Рўзи ўлғай то абад беинтиқол,
Катъ қилған қушқа гулзори висол. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

БЕИНТИҲО [بی انتهاء] – интиҳосиз, ҳадсиз, чексиз, охири йўқ:
Қилиб таъна мусрифка беинтиҳо,
Не ким зоиъ этканга берди баҳо. *Садди Искандарий*, 369-Т;
Ва бизга ул маҳв сабабидин максуд идрок ва фаҳмининг абвоби беинтиҳо ва инқито очилди. *Насойимул-муҳаббат*, 81-Т.

БЕИСТИТОАТ [بی استطاعت] – кудратсиз, кучсиз, заиф, нотавон:
Бу бесомони кам бизоат ва бу нотавони беиститоат бу алтоф мукобаласида не дей олғаймен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-58.

БЕИХТИЁР [بی اختیار] – 1. эрксиз, ихтиёрсиз, чорасиз, иложсиз:

Тилар қилмағиға ўзин бахтиёр,
Эрур лек қилмасда беихтнёр. *Садди Искандарий*, 211-Т;
Дам-бадам оҳим чекарга сабр ила тоқатни акл,
Ихтиёр этти вале беихтиёр этти фироқ. *Ғаройибус-сиғар*, 254-Т;

2. ихтиёрдан ташқари, ўз-ўзидан:

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам айб этмангиз,
Ким эрур бу иш манга беихтиёр эй дўстлар. *Бадойиул-васат*, 113-Т;
Ёшурун эрди ғамим муфрит қадаҳ ўткан кеча,
Йиғлатиб беихтиёр эткан эмиш эл ичра фош. *Фавойидул-кибар*, 258-Т;

3. тўсатдан:

Барча беихтиёр ўкурдилар,
Қўпуб анинг сари югурдилар. *Сабъаи сайёр*, 10-272;

4. ўз-ўзига кучи етмаган, хоҳишини идора қилолмаган:

Не тонг нолада қолмаса ихтиёрим,
Ки зулм ичра беихтиёрим етишти. *Бадойиул-васат*, 460-Т;

5. ҳушсиз, онгсиз, мафтун:

Ола келур бўлса Мажнун шева ву беихтиёр,
Қўймайин ўз ихтиёриға бу сари бошқару. *Фавойидул-кибар*, 492-Т;

~ **бўл-/ўл-** – ихти ёрсиз бўлмоқ:

Не пок Мажнун ки бир паричеҳра пок ҳусниға зор бўлғай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса бўлғай. *Фавойидул-кибар*, 609-Т;
Ишқ ичинда беқарор ўмағлиғин,
Ҳолида беихтиёр ўлмағлиғин. *Лисонут-тайр*, 117-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – чорасиз, иложсиз қилмоқ:

Ани май чу беихтиёр айламиш,
Ўпуб ер бу сўз ошкор айламиш, *Садди Искандарий*, 413-Т;
То ки қилдим бир париваш дарди ишқин ихтиёр,
Телбалик афғонида беихтиёр эттинг мени. *Ғаройибус-сиғар*, 488-Т;
Худой учун яна ҳар сари бехабар борма,
Фиғон-у нолада беихтиёр қилма мени. *Ғаройибус-сиғар*, 450-Т.

БЕИХТИЁРЛИҒ/БЕИХТИЁРЛИК [بی اختیارلیق / بی اختیار لیغ] – эрксизлик, чорасизлик, ихтиёрсизлик, ноиложсизлик; мафтунлик:

Машшотаи қазо безамиш хол-у хаттини
Беихтиёрлиғда манга борму ихтиёр, *Ғаройибус-сиғар*, 150-Т;

Ҳар ойина ким беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғ у водий тутмақ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмақлик даст берур. *Хамсатул-мутахаййирин*, 15-13;

Деманг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрликда манга ихтиёр йўқ. *Бадойиул-васат*, 244-Т.

БЕИХТИЁРОНА [بی اختیارانه] – беихтиёрона, эрксизларча, ихтиёрсизларча:

Чун муҳлик интизоридин жон оғизга етти ва шикиболиғ ихтиёри иликдин беихтиёрона кетти. *Муншаот*, 14-142.

БЕИШТИБОҲ [بی اشتباه] – шубҳасиз, бешак, аник, бегумон:

Рафиқ икки дарвеши беиштибоҳ,
Эрур яхширақ ким адув икки шоҳ. *Садди Искандарий*, 170-Т;
Кимга ким қилди вафо вақ ким жафо подош эди,
Олам аҳлида вафо мавжуд эмас беиштибоҳ. *Наводируш-шабоб*, 682-Т.

БЕИШТИБОҲЛИҚ [بی اشتباه لیق] – шубҳасизлик, бегумонлик, бешаклик:
Илоҳи ул бедорлиғин огоҳлиққа еткур ва бу хушёрлиғни беиштибоҳлиққа уландур. *Муножот*, 16-295.

БЕИШҚ [بی عشق] – ишқсиз, ишқи йўқ, муҳаббатсиз; бедард:
Беишқ кўрунмай анда кўзга,
Ҳар ён зойир малакдин ўзга. *Лайли ва Мажнун*, 379-Т;
Бўлур ҳусн ичра бир ани ки аҳли ишқ дарк айлар,
Йўқ эрса зоҳиди беишқнинг йўқ мунча идроки. *Наводируш-шабоб*, 582.

БЕК/БЕГ [بیک] – бек, амалдор:
Бил ки оламда не шаҳ қолди не бег,
Шоҳи мағфурдек-у бегларидек. *Фавойидул-кибар*, 677-Т;
Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва нукардин бегига дегинча сарт тилидин баҳраманддурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;
Чун пари ву ҳурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 174-Т.

БЕКА [بیکه] – хонима, бека, бек хотини:
Лайливу Ширинға ҳам айла гаҳи илтифот,
Бекага чун йўқ гузир уй қиз ила доядин. *Наводируш-шабоб*, 488-Т.

БЕКАМ-У КЎСТ [بی کم و کست] – тўлиқ, етук, бекаму-кўст:
Чун анга нукта йўқ эди жуз рўст,
Кўрганин шарҳ қилди бекам-у кўст. *Сабъаи сайёр*, 332-Т;
Айтмай Мажнун сўзин санга рост,
Лайли ғами ичра бекаму кост. *Лайли ва Мажнун*, 88-Т.

БЕКОРА [بی کاره] – корчи:
Шайхул-ислом дебдур ки бу каромот эмас ки тасаввуф тириқида бекорадур. *Насойимул-муҳаббат*, 126-Т.

БЕКАРОН [بی کران] – 1. чексиз, чегарасиз, ҳадсиз, бепоён; баҳосиз:
Бўлиб ғарқа муҳити бекаронға,
Қолиб бир тахта ул бехонумонға. *Фарҳод ва Ширин*, 268-Т;
Топшурдилар ани нуктадонға,
Гавҳарни муҳити бекаронға. *Лайли ва Мажнун*, 102-Т;
2. кўп, мўл, ошиб-тошган, ҳаддан оша:
Не кавкаб ки нури анинг бекарон
Қуёш бирла ҳусн ичра айлаб кирон. *Садди Искандарий*, 291-Т;

БЕКАРОНА [بی کرانه] – чексиз, ниҳоясиз:
Жисмим аро доғи бекарона
Ишқ ўтларидин келиб нишона. *Лайли ва Мажнун*, 190-Т.

БЕКАС [بی کس] – ёлғиз, ғариб, кимсасиз:
Хаста кўйунгда ётмишам бекас,
Туткучим қопқучим итингдуру бас. *Ғаройибус-сиғар*, 198-Т;
Эй ишқ ўтида хасим нечуксен,
Эй бедил-у бекасим нечуксен? *Лайли ва Мажнун*, 246-Т;
~ **у бемор** – ғарибу хаста:
Сўрмасдин анга қатл тилар йўқ эса кўнглум,
Ошиқму эмас бекасу беморму эрмас. *Бадойиул-васат*, 175-Т.

БЕКАСЛИК [بی کس لیک] – ёлғизлик, ғариблик, танҳолик, кимсасизлик:
Ёлғиз-у бекаслигига йиғлади,
Чорасин билмаслигига йиғлади. *Лисонут-тайр*, 124-Т;
Бекаслиг-у дард кўйида гард ўлмақ
Хушроқ ки ёман била ҳамовард ўлмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-176.

БЕКАНГАШ [بی کانگش] – кенгашсиз; бемаслаҳат:

Дема ким бир яхши сўз бирла Навоий жонини,
Олсам ул бўлгайму рози яхши сўзга бекангаш. *Ғаройибус-сигар*, 213-Т.

БЕКЛИК [بیک لیک] – амирлик, амалдорлик; беклик, улуғлик:

Гадоға хумсидин ер салтанат дурур не ажаб,
Қачон ки беклик анинг рубъидин муяссардур. *Бадойиул-васат*, 514-Т;
Икки този бор эрди бекликда,
Ҳар бири сайд вақти шири шикар. *Фавойидул-кибар*, 716-Т.
Қилибтур Паҳлавон Неъмат таманно,
Ки беклик хонақаҳда қилса хизмат. *Фавойидул-кибар*, 715-Т.

БЕКОМ [بیکام] – истаказ, тилаксиз; мақсадсиз:

Йўқ ҳазин кўнглумдин ўзга ёридин беком-у баҳр,
Неча ушшоқ ичра анинг инфиолин кўргабиз. *Фавойидул-кибар*, 203-Т;

~ **айла-/эт-** – тилаксиз, мақсадсиз айладмоқ.

Шаква қилмақ сендин эй гардун раво эрмас дема,
Бизни беком айлаб эл комин равому қилмадинг. *Фавойидул-кибар*, 639-Т;
Вафо аҳлини чарх беком этиб,
Жафо хайлини комрон қилди-ло. *Наводируш-шабоб*, 571-Т;

БЕКОР [بیکار] – ишсиз, бекорчи; беҳуда, бефойда, яроқсиз:

Бир иш деса бўлмас сазовор эмас,
Ки бир ришта тоб анда бекор эмас. *Садди Искандарий*, 313-Т;

~ **ўл-** – чиппакка чиқмоқ, йўққа чиқмоқ, бенатижа қолмоқ:

Анга ким хома гуҳарбор ўлғай,
Ҳайф ким бухл ила бекор ўлғай. *Фавойидул-кибар*, 681-Т.

БЕКОРЛИҚ [بیکارلیق] – ишсизлик, бекорчилик:

Қўюб бекорлиқ фарзона бўлғил,
Илик ур ишка ву мардона бўлғил. *Вақфия*, 14-252.

БЕКУЛФАТ [بی کلفت] – кулфатсиз, беранж:

Алар дебдурлар ки биз биравни топали ки сизинг мусоҳабатинг ва хидматингни бекулфат қабул қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 395-Т;
...анга илтижо қилур эрди. Ул бекулфат қопуб бовужуди кибар сен подшоҳ қошиға борур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 415-Т.

БЕКУСУФ [بی کسوف] – тутилмаслик (қуёш); сўнгмаслик:

Яна бу адад бирла олтун зуруф,
Куёшдек фирузон вали бекусуф. *Садди Искандарий*, 291-Т.

БЕЛ I [بیل] – 1. бел:

Ёқа чок-у ўзи бебок-у белида зуннор,
Бир иликида пичоқ бир қўлида жоми шароб. *Бадойиул-васат*, 32-Т;

2. бирон нарсанинг ўрта қисми, ўртаси, бели:

Чу маст ўлдум эса май била йунгуз баданим,
Тонгинг ушалған наъшим белига риштаи ток. *Бадойиул-васат*, 256-Т;

~ **боғла-** – бирон ишга аҳд қилмоқ, киришмоқ; отланмоқ:

Қуллуққа белимни икки ерда боғлай мен *Муншаот*, 14-198;
Қуллуққа кўнгилни чуст боғла
Хизматқа белингни руст боғла. *Вақфия*, 14-249;

~ **га зуннор боғла-** – белга зуннор боғламоқ; кофирликни бўйнига олмоқ:

Белга маҳкам боғлабан зуннорни
Ўздин айлай шодмон куффорни. *Лисонут-тайр*, 93-Т;

Чу ишқ куфри аро белга боғладим эуннор,
Бут оллида яна айб айламанг сужудумни. *Бадойиул-васат*, 435-Т;

БЕЛ II [بيل] – курак, ўткир белкурак:
Таширға тош-у хишт-у бел ароба,
Тутуб Чин ичра обод-у хароба. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
Ул дебдур ки ҳар бел ки урур эрдим агар ўзгалар урған белдин туфрақ чиқар эрди мен урған белдин кўнгул нури чиқар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 183-Т;
Ки балчиғ пуштасин навки итик бел,
Ваё пору била қор аритур эл. *Фарҳод ва Ширин*, 303-Т.

БЕЛАН- [بيلان] – беланмоқ:
Кимга ким доғи вафо кўрса шаҳид айламаса,
Лоласининг не учун қонга бўлмиш кафани? *Наводируш-шабоб*, 666-Т.

БЕЛБАҒ/БЕЛБАҚ/БЕЛБОҒ/БЕЛБОҚ [بيلباغ / بيلباق] – белбоғ, камар, қийиқ; белбоғча:
Чиқиб устига бармақ шаҳсувори,
Бўғун белбағи ву тирнақ узори. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т;
Йўқ эрса ул уй ўхшар бир кишига,
Ки анда бўлмағай иштан-у белбақ. *Наводируш-шабоб*, 681-Т;
Не кўрунди қоматингча найшакар ширину туз,
Не андин банди белингда боғлаған белбағча. *Ғаройибус-сиғар*, 433-Т.

БЕЛГУ [بيلگو] – белги, асар, ному-нишон, нишона:
Ўйла ким ҳар кимса не ким қилғуси,
Баъзи ишта бор анинг бир белгуси. *Лисонут-тайр*, 271-Т;
Кетур бир бода эй соқий ки ичсам қолмағай боқий,
Фанодин бал бақодин ҳам замирим лавҳида белгу. *Наводируш-шабоб*, 506-Т.

БЕЛГУЛУК [بيلگولوک] – белгили, нишоналик:
Ишқ ўтидин қуллуғунг доғини қўйдум кўксума,
Ўзни бу навъ айладим ишқ аҳли ичра белгулук. *Ғаройибус-сиғар*, 268-Т;
... базининг кафш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса белгулукларин мулозимларға топшуруб...
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-95.

БЕЛИЧА [بيليچه] – белигача:
Дунё сари ким майл ўқин отти ахий,
Анинг ваҳлиға белича ботти ахий. *Назмул-жавоҳир*, 15-160.

БЕЛОВ [بيلاو] – кайрок:
Бало аро чу мен ўлдум бало қиличларини
Не тонг эткали лавҳи мазорим ўлса белов. *Бадойиул-васат*, 378-Т.

БЕЛУЖ [بلوج] – 1. белуж (халқ, қавм номи):
Ул элга ки дашт саридур майл,
Турк-у араб-у белуж-у ҳар хайл. *Лисонут-тайр*, 73-Т;
2. юрт, эл номи:
Бабо Шиҳоб белуж элидин эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 414-Т.

БЕМАДАД [بی مدد] – ёрдамсиз; нафсиз, бебаҳра, фойдасиз:
Не тонг бўлса бу бирга фаҳм-у хирад,
Яна бир хираддин эса бемадад. *Садди Искандарий*, 349-Т.

БЕМАДОР [بی مدار] – мадорсиз, дармонсиз, ҳолсиз:
Деганимдин бемадор эттинг мени,
Қилғанимдин шармсор эттинг мени. *Лисонут-тайр*, 181-Т.

БЕМАЗА [بی مزه] – мазасиз, мазмунсиз, тутуриксиз:

Лафзлари бемаза таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст. *Ҳайратул-аброр*, 7-64;
Йўқса ёлғои демакда ким базадур,
Чун узоқ чекти асру бемазадур. *Сабъаи сайёр*, 10-54.

БЕМАЗАЛИҚ [بی مزه لیق] – бемазалик, мазмунсизлик, тутуксизлик:

Ҳолда асҳоб дағи пирдек,
Бемазаликда бариси бирдек. *Ҳайратул-аброр*, 7-138.

БЕМАЙ [بی مای] – майсиз, шаробсиз, ичкиликсиз:

Даме бемай-у нукл масрур эмас,
Манга анинг ислоҳи мақдур эмас. *Садди Искандарий*, 72-Т.

БЕМАКОНЛИҚ [بی مکان لیق] – маконсизлик, жойсизлик:

Нишони бенишонликдин йиракрақ,
Макони бемаконликдин киракрақ. *Фарҳод ва Ширин*, 80-Т;
Макони бўлмайин жуз бемаконлик,
Нишони қолмайин жуз бенишонлик. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т.

БЕМАКР [بی مکر] – ҳийласиз, фиребсиз, макрсиз:

Яна билмакдурур бемакр-у тазвир,
Ки Ҳақдиндур ёман яхшиға тақдир. *Сирожул-муслимин*, 16-277.

БЕМАЛОЛ [بی ملال] – бемалол, эркин, тўсиқсиз, озорсиз:

Ҳақгўй кушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғочнинг бемалол янгшамоғп малолат келтурур *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;
Ҳар бири анча урунуб бемалол,
Ким йиқилиб қўпқали топмай мажол. *Ҳайратул-аброр*, 7-137.

БЕМАЛОМАТ [بی ملامت] – маломатсиз:

Каъба истарсен муғайлон чекса тил қайғурмағил,
Бемаломат топмади кимса саломат эй кўнгулч. *Наводируш-шабоб*, 383-Т.

БЕМАЛОҲАТ [بی ملاحت] – кўрксиз, чиройсиз: кўрпмсиз, ўхшовсиз:

Бемалоҳат хўб ким дебо кияр бор ўйла ким
Маъни ўлғай чошнисизлик анга пуркор лафз. *Бадойиул-васат*, 218-Т.

БЕМАНЗИЛ [بی منزل] – манзилсиз, маконсиз, жойсиз:

Ҳаббазо ишқ ки гар йаъс фазосидур анинг
Барча беманзил-у маъво ву маконларға малоз. *Ғаройибус-сиғар*, 123-Т.

БЕМАНСАБЛИҒ [بی منسب لیغ] – мансабсизлик, берутбалик:

Ҳеч ким йўқтур ки ёр оллида йўтур мансаби,
Бизга бемансаблиғ ўлмиш мансаб ул даргоҳда. *Наводирун-ниҳоя*, 2-20.

БЕМАР [بی مر] – ҳисобсиз, ҳадсиз:

Десанг эй сокий бадал бўлсун қадаҳ тут бехисоб,
Ким тўкар қоними бехад ким эрур бемар яра. *Бадойиул-васат*, 23-Т;
Етти ғам-у меҳнати бемар анга,
То ки висол ўлди муяссар анга. *Ҳайратулаброр*, 7-163.

БЕМАЪНИ/БЕМАЪНО [بی معنی] – маъносиз, мазмунсиз; беасос:

Яқиндур ким бу бемаъни фасона,
Эрур бошгин оёк макр-у баҳона. *Фарҳод ва Ширин*, 346-Т;
Гавҳари маъний ҳамоно улдурур,
Сайри бемаъни манга бу йўлдурур. *Лисонут-тайр*, 69-Т;
Маъно аҳли ҳақиқати махфий ва сурат аҳлиннг ҳақиқати даъво ва даъво ҳақиқатда бемаъно. *Маҳбубул-қулуб*, 14-46.

БЕМАЪНИЛИҒ [بی معنی لیغ] – маъносизлик:

Ким эрур ул маҳзи бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғ-у абтарлиғинг. *Лисонут-тайр*, 69-Т.

БЕМАҲАЛЛ [بی محل] – бевақт, бепайт, ноўрин:

Сўз дей олурлар гаҳу бегаҳ маҳалл-у бемаҳалл,
Бас маҳалдур тарк қилсам мулк-у хонумонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 423-Т;
Уйдаги бутни бемаҳал қилибан,
Ясаған бут била бадал қилибан. *Сабъаи сайёр*, 10-191.

БЕМАҲОБАТ [بی مهابت] – қўркинчсиз, ваҳмсиз, дадил:

Етишкач ғор ичига бемаҳобат,
Кўзига учради мундақ китобат. *Фарҳод ва Ширин*, 210-Т.

БЕМЕҲНАТ [بی مهنت] – машаққатсиз, заҳматсиз, озорсиз:

Анинг ҳукмидадур бемеҳнат-у ранж,
Тўла ҳар ерда Қорун ганжидек ганж. *Фарҳод ва Ширин*, 284-Т.

БЕМЕҲР [بی مهر] – меҳрсиз, шафқатсиз, тошюрак:

Агарчи келмади бемеҳр ёр жаври ёман,
Чу яхши боқсанг эрур ёри меҳрибон яхши. *Бадойиул-васат*, 11-Т;
Ул ой менинг била бемеҳр эканин англабмен
Мени ўзига вафосиз деганни англабмен. *Мезонул-авзон*, 49-Т.

БЕМЕҲРЛИК [بی مهرلیک] – меҳрсизлик, шафқатсизлик:

Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз бутмади,
Гар десанг ким кўрмайин бемеҳрлик бу сўзга бут. *Ғаройибус-сиғар*, 80-Т;
Ваъдаи меҳрин манга юз қатла ёлған этти чарх,
Сен даҳи бемеҳрлик қилсанг юз ул ёлғанча қил. *Бадойиул-васат*, 286-Т.

БЕМИНГ [بی مینگ] – беминг, беҳисоб:

Ҳам муножот аҳлининг кўнглида беминг беҳисоб,
Ҳам харобот аҳли жонинда умидинг беадад. *Наводируш-шабоб*, 114-Т.

БЕМИННАТ [بی منت] – миннатсиз, қилинган яхшиликни юзига солмаслик:

...бу диққатпеша ва зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст ва бехабардурлар... қолған аҳли хизмат ва убудиятни шоҳ лутфидин шоистаи эҳсони беминнат. *Мажолисун-нафоис*, 166-Т.

БЕМИСЛ [بی مثل] – мислсиз, бекиёс, тенги йўқ, ўхшаши йўқ:

Соҳибқиронлиқ лақаби била сарафроз қилибдурлар ва бемисл-у анбозлиғ васфи била мумтоз этибдур. *Муокаматул-луғатайн*, 187-Т;

~ **и айём** – мисилсиз кунлар:

Вали айтиб ки ул бемисли айём,
Агар ул марздин кўса йироқ гом. *Фарҳод ва Ширин*, 407-Т;

~ **и нодир** – тенгсиз, мислсиз, нодир:

Бажо келтурди ул бемисли нодир,
Неким Бонуға бўлди ҳукм содир. *Фарҳод ва Ширин*, 324-Т.

БЕМИСЛЛИҚ/БЕМИСЛЛИҒ [بی مثل لیغ / بی مثل لیق] – мислсизлик:

...менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хаёл далолат бемисллиққа қилур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-123;

Синса кўнглумда ўкунг суртуб исиғ қондин анга,
Бемисллиғ чирмағай мен риштаи жондин анга. *Ғаройибус-сиғар*, 35-Т.

БЕМИСОЛ [بی مثال] – тенгсиз, тенги йўқ, ўхшашсиз:

Покрў нисо таърифида ким инсон ансиз ҳолидур ва олудаваш ризол ким нурсизликдин дажжоли бемисолдур. *Наводируш-шабоб*, 675-Т;

Назокатда ҳар ҳуллаи бемисол,
Бўла олмайин пардапўши хаёл. *Садди Искандарий*, 291-Т.

БЕМИҚДОР [بی مقدار] – миқдорсиз, ўлчовсиз; қадрсиз:
Меҳри мунир оллида заррадин ҳақир ва хоксор баҳри заххор назарида бир қатрадин бемиқдор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-62;
Деди ким мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёмов расм қўйғай.
Тарихи мулуки ажам, 16-242.

БЕМОЖАРО [بی ماجری] – мажорасиз, ғавғосиз, тўполонсиз, жанжалсиз:
Бири Файлақус эрди ул хайл аро,
Хирожини бергучи беможаро. *Садди Искандарий*, 154-Т.

БЕМОНАНД [بی مانند] – монандсиз, ўхшаши йўқ, тенги йўқ;
Анбиё сарҳайлига фарзанд ул,
Хайли одам ичра бемонанд ул. *Лисонут-тайр*, 31-Т;
Султон Бадиуззамон Мирзо... базм асбобидин ичмак ва бағишламақта бемонанд. *Мажолисун-нафоис*, 198-Т.

БЕМОНАНДЛИҒ [بی مانندلیغ] – бемонандлик, тенги йўқлик:
...мулкунг саҳросидин ҳар лола қуёш машъалидин оташнокроқ бемонандлиғингға... гувоҳи содиқ. *Муножот*, 16-293.

БЕМОР [بیمار] – 1. хаста, бемор:
Хаста кўнглум оҳи кўнглунгга дедим қилғай асар,
Қайда ўлтурсун вали бемор ўқи сандон аро. *Ғаройибус-сиғар*, 41-Т;
Кўрди чун устод андақ эҳтиёж,
Келди ким беморға қилғай илож. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
2. хаста, мубтало, ошиқ:
Мен мудово айлайин беморинга,
Еткурай сиҳҳат париваш ёринга. *Лисонут-тайр*, 160-Т;.
3. сузук (хумор кўзга ишора):
Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,
Бер муайян ким бўлур беморлар нозикмизож. *Ғаройибус-сиғар*, 95-Т;
То ки ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,
Истабан жинсийят оғриқ шевасин қилмиш писанд. *Ғаройибус-сиғар*, 115-Т;
4. маҳбуба зулфи:
Сунбули зулфи агар ошуфтадур айб этма ким
Гул юзинда топқан икки нозанин бемори бор. *Наводируш-шабоб*, 181-Т;
~ **и бедил** – хаста ошиқ:
Анинг ҳажрида мен бемор-у бедил,
Қушемен ким қилурлар ним бисмил. *Фарҳод ва Ширин*, 478-Т;
~ **и девона** – хаста, бемор, телба:
Истасангиз кўнглумни ким саҳро ву ашким селидин
Қайда солди эркин ул бемори девонамни су. *Ғаройибус-сиғар*, 392-Т;
~ **и фурқат** – фурқат хасталиги:
Англадим ким саъб эмиш бемори фурқат ранжи лек,
Шарбати заҳр-у ғизоси қон эканни билмадим. *Бадойиул-васат*, 325-Т;
~ **бўл-** – хаста бўлмоқ:
Қатъ қилмақ ишқ водисин эрур бас турфа иш,
Хосса мажрухи ки ҳам бемор бўлғай ҳам аёқ. *Наводируш-шабоб*, 311-Т;
~ **эт-** – бемор, хаста қилмоқ:
Кўзи ҳажри мени бемор этти,
Қаро оғриққа гирифтор этти. *Ғаройибус-сиғар*, 484-Т;

Наргисин гул узра ким бемор этар ноз уйқуси,
Мисли шўхидур ки суст эткай ани ёз уйқуси. *Ғаройибус-сиғар*, 452-Т.

БЕМОРИСТОН [بیماریستان] – касалхона:
Йигирми икки қатла бемористонға тушти. *Насойимул-муҳаббат*, 112-Т.

БЕМОРЛИҒ/БЕМОРЛИҚ [بیمارلیغ / بیمارلیق] – 1. бетоблик, хасталик, касаллик:
Ўлма ким беморлиғдин саҳлдур чун тиргузур,
Ани ё Раб ким саломат асра бу бемор учун. *Наводируш-шабоб*, 492-Т;
Бирав келиб деди ки Шайх Луқмонға беморлиғи торий бўлубдур бузуқ рабатда йиқилибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 188-Т;
Гаҳи бекаслик айлаб кўнглини реш,
Гаҳи беморлиғдин жонида неш. *Фарҳод ва Ширин*, 274-Т;
2. кўз хуморлиги:
Эгри боқмақ бирла ул кўз қатл этар ушшоқни,
Гўйиё беморлиқ этмиш мизожин мунҳариф. *Наводируш-шабоб*, 306-Т;
3. ташвиш:
Ҳар кимда подшоҳлиқ йўқ комкорлиқ йўқ,
Ҳар кимда хотун йўқ ғамғусорлиқ йўқ,
Ҳар кимда фарзанд йўқ дўстдорлиқ йўқ,
Ҳар кимда булар ҳеч қайси йўқ беморлиқ йўқ. *Тарихи мулуки ажам*, 16-244;
4. умидсизлик:
Ҳаддин ўтти чунки ранж-у зорлиғ,
Тори ўлди жисмиға беморлиғ. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
~ **чек-** – азоб-уқубатлар чекмоқ:
Боис эрмиш йиғламақларға бўлуб кўнгли заиф,
Ақиқи ким фурқат ичра чекса кўп беморлиғ. *Фавойидул-кибар*, 291-Т.

БЕМОЯ [بی مایه] – ҳеч нарсаси йўқ, қашшоқ; ночор:
Эшиттим ки бир шаҳға бемояе,
Насиҳат била еткуруб воя. *Садди Искандарий*, 508-Т;
~ **бўл-** – бечора, қашшоқ бўлмоқ:
Ки ҳар неча бемоя бўлса лаъим,
Анга кимсадин йўқтурур ҳеч бим. *Садди Искандарий*, 124-Т.

БЕМУДОРО [بی مدارا] – муросасиз, аёвсиз; андешасиз:
Қадам урмағим бемудоро бўлуб,
Ким ул хора йўлумда хоро бўлуб. *Садди Искандарий*, 71-Т.

БЕМУЗД [بی مزد] – ҳақсиз, тўловсиз, бекорга:
Чун ганж ияси нақдини ҳар ён ўзи сочқай,
Бемузд ажаб йўқтур агар сайғаса хозин. *Бадойиул-васат*, 507-Т.

БЕМУНТАҲО [بی منتهی] – туганмас, ниҳоясиз; ҳаддан ошиқ:
«Мим»ки «нун»дин қилибан интиҳо,
Жонға қўюб миннати бемунтаҳо. *Ҳайратул-аброр*, 7-14.

БЕМУРУВВАТ [بی مروت] – ҳимматсиз, саховатсиз, мурувватсиз:
Илоҳи... ва бемурувват номардга залил қилма. *Муножот*, 16-298;
Бир қатла саҳвдин унутсанг лақабинг бемурувват. *Маҳбубул-қулуб*, 14-79.

БЕМУРУВВАТЛИҒ [بی مروتلیغ] – ҳимматсизлик, хасислик, мурувватсизлик:
... ишлари ноэътимодлиғ ва нопоклик варзишлари бемурувватлиғ ва бебоклик. *Маҳбубул-қулуб*, 14-38.

БЕМУҲОБО [بی مهابا] – рўйи хотир қилмаслик, тортинмаслик, беиболик, юз-хотирсиз, мулоҳасиз:
Яна шаҳ қуллуғида бемуҳобо,
Надиму ғамгусор-у банда бобо. *Муншаот*, 14-203;

Бемуҳобо ёниға ёндашти,
Шавқ ўти хожа бошидин ошти. *Сабъаи сайёр*, 10-318.

БЕМУҲАССАЛ [بی محصل] – ҳосилсиз:
Ул васлни чархи бемуҳассал,
Қилди яна ҳажр ила мубаддал. *Лайли ва Мажнун*, 332-Т.

БЕНАВО [بی نوا] – 1. фақир, миекин; нотавон:
Жондин севиб ани бенаволар,
Ҳар ким ки кўруб қилиб дуолар. *Лайли ва Мажнун*, 95-Т;
Ул ҳазратнинг баски... эҳтимоми бўстонидин илтифот шамоли бу бенаво ҳолиға шомилдур. *Вақфия*, 14-263;

2. бебаҳра, маҳрум:
Навоиё мени гар ёр бенаво қилса,
Кўп ортуқ андин ким гайрдин наво кўрсам. *Бадойиул-васат*, 315-Т;
Ғусса чангидин навойи топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга. *Ғаройибус-сиғар*, 40-Т;
Бўйла булбулни бенаво тутма,
Бенаволиғ анга раво тутма. *Сабъаи сайёр*, 10-34;

3. навосиз, ҳомуш:
Ҳавойи гулшани қудс эт Навоий ким хуш эрмастур,
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмақ бенаво асру. *Ғаройибус-сиғар*, 388-Т;
Неча ким сурди жалолийят сўзин
Солмади ул бенаво қушлар ўзин. *Лисонут-тайр*, 243-Т;

4. дардсиз, бехабар:
Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ,
Ҳар киши ким фақр йўлинда Навоийвор ўлар. *Фавойидул-кибар*, 178-Т.

БЕНАВОЛИҒ/БЕНАВОЛИК [بی نوالیغ / بی نوالیق] – ғариблик, бечоралик, бебаҳралик:
Навоий бенаволиғ бирла дойим май ичар бир кун,
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб. *Ғаройибус-сиғар*, 74-Т;
Топиб мендин ўксуклар андир раво,
Манга кўрди кўп бенаволиғ раво. *Садди Искандарий*, 191-Т;
Наво ишқ ичра сен топ эй Навоий,
Ки бизга бенаволиғлар наво бас. *Наводируш-шабоб*, 233-Т;
Анга бас йўқ эди бу бенаволик,
Қаламдек сарнигунлуқ юз қарилиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т;
Изҳор этибан бу бенаволик,
Қилсам эди кут учун гадолик. *Лайли ва Мажнун*, 164-Т;
Ишқ лаҳнин минг наво бирла тузуб,
Бенаволиғлар суруди кўргузуб. *Лисонут-тайр*, 49-Т.

БЕНАДОМАТ [بی ندامت] – бепушаймон, надоматсиз, ўкинчсиз:
Чу ноз жилвасини сарвдек қилур билингиз,
Ки қатл этардин эрур бенадомат ул қомат. *Наводируш-шабоб*, 84-Т;
Ҳамул бўлди кин бенадомат яна,
Ҳамул қойим ўлди қиёмат яна. *Сабъаи сайёр*, 10-9.

БЕНАДОМАТЛИҚ [بی ندامتلیق] – ўкинчсизлик, пушаймонсизлик:
Ўлардин бенадоматлиқлар айлаб,
Ўзи бирла қиёматлиқлар айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 399-Т.

БЕНАЗИР [بی نظیر] – тенги йўқ, мисли йўқ, ўхшаши йўқ:
Истатти қабойил ичра пири,
Таълим берурга беназири. *Лайли ва Мажнун*, 96-Т;

Паҳлавон Муҳаммад Гўштигир... мусиқий ва адвор илмида даврининг беназиридур. *Мажолисун-нафоис*, 132-Т;

~ **и даврон** – замонанинг, даврнинг ягонаси:
Хожа Афзал... ҳисоб ва зарб ва қисмат илмида беназирдур. *Мажолисун-нафоис*, 185-Т.

БЕНАМУД [بی نمود] – бемонанд, ўхшашсиз; беназир:
Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд балки нобуд-у номавжуд вужуд-у мавжуддин сен максуд. *Муножот*, 16-293.

БЕНАНГ [بی ننگ] – орсиз, уятсиз:
Ҳар киши ким ному бенанг ўлса кирсун дайр аро,
Хонақаҳ тутсун ғанимат ул ки нангу номи бор. *Наводируш-шабоб*, 184-Т.

БЕНАСИБ [بی نصیب] – 1. насибасиз, баҳрасиз; ҳиссасиз:
Мавлоно Шўхий... отаси тавридин ҳам бенасиб эмасдур. *Мажолисун-нафоис*, 118-Т;

Недур аҳволинг эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим. *Фарҳод ва Ширин*, 413-Т;

2. ишқ-муҳаббатдан бехабар; бедард:
Бенасиб эрдинг фано ойинидин эй шайх ким
Дўст васлин тоат-у тақвоға иснод айладинг. *Наводируш-шабоб*, 346-Т;

~ **айла-** – маҳрум қилмоқ, ажратмоқ:
Макридин хориж қилиб мулкидин айлаб бенасиб,
Қарнлар саргашта-у оворалиғ даврон аро. *Фавойидул-кибар*, 7-Т.

БЕНАФЪ [بی نفع] – бефойда, манфаатсиз:
Кишининг ки бенафъ эрур махзани,
Жаҳон аҳлидур сарбасар душмани. *Садди Искандарий*, 218-Т;

~ **у зарар** – фойда-зарарсиз:
Эмас афлок-у анжум ҳоли бенафъ-у зарар лекин ани Тенгри билур эрмас мунажжим билмаги мумкин. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

БЕНАҚШЛИҒ [بی نقشلیغ] – нақшсиз:
Жисм айвонида хатт-у нақш ила зеб истасанг,
Чек фано хаттини ву бенақшлиғ нақшини сиз. *Наводируш-шабоб*, 207-Т.

БЕНИЁЗ [بی نیاز] – 1. эҳтиёжсиз, муҳтожсиз:
Агарчи барча элдин хўбдур ва бари халойиқдин марғуб аммо сарафрозлардин хўброқдур за бениёзлардин марғуб рок. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;
Фалотун сўзидур ки эй сарафроз,
Ҳақ этмиш сени халқдин бениёз. *Садди Искандарий*, 502-Т;

2. Худо, Тангри:
Қилмадим умрумда бир ракъат намоз,
Сарбасар маҳзи ниёз эй бениёз. *Лисонут-тайр*, 20-Т;

~ **айла-** – бемуҳтож айламоқ:
Ҳақиқат сари турктоз айлагай,
Жаҳон шуғлидин бениёз айлагай. *Ғароибус-сиғар*, 514-Т.

БЕНИЁЗЛИҒ/БИНИЁЗЛИК [بی نیازلیق/بی نیازلیغ] – эҳтиёжсизлик, муҳтожсизлик, бека-мукўстлик:
Бениёзлиғи жанбида чархи нигун бир гадойи ннёзманд, чорасизлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7;
Ҳар жиҳати ки анга не итлоқ қилса бўлур бениёзлиқ ерига борди, парво қилмади. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-130.

БЕНИШОН/БЕНИШОНА [بی نشان / بی نشانه] – дом-дараксиз, номаълум, асарсиз; аломатсиз:

Ғайб сирридин бериб оғзи нишон,
Ўзи ғайб аҳлидек аммо бенишон. *Лисонут-тайр*, 97-Т;

...хусусан салтанат ганжининг дурри самини... фақру фано хайлининг бенишонаси. *Ғаройибул-сиғар*, 13-Т;

Баҳром ғойибядин нишон топиб ўздин ғойиб ва бенишон бўлуб Хоразм мулкига нишон йибариб... *Сабъаи сайёр*, 10-365.

БЕНИШОНЛИҚ/БЕНИШОНЛИҒ [بی نشانلیق / بی نشانلیغ] – белгисиз, бедараклик, беномлик:

Этак силкиб аёқ тортиб баридин,
Қўюб юз бенишонлиқ ҳар саридин. *Фарҳод ва Ширин*, 92-Т;

Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фақр аҳли йўлида нотаванлиқ кишига. *Назмул-жавоҳир*, 15-154;

Оғзи ҳажридин агар бўлсам адам зинҳор ким
Бенишонлиғ кишвари сари нишонимни тиланг. *Фавойидул-кибар*, 343-Т.

БЕНИҚОБ [بی نقاب] – никобсиз, пардасиз:

Қош-у юзунгни мунажжим чунки кўрди беникоб,
Деди кўр ким қавс буржидин туғубтур офтоб. *Ғаройибус-сиғар*, 59-Т.

БЕНИҲОЯТ [بی نهایت] – чексиз, чегарасиз, поёни йўқ, ниҳоясиз:

Юзунгда зарварақ ҳар ён лутфи бениҳоятдур,
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т;

Чун уётлиқ қилиб риоятдин,
Лутф-у эҳсон бениҳоятдин. *Сабъаи сайёр*, 10-204.

БЕНИҲОЯТЛИҒ [بی نهایتلیغ] – чексизлик, ниҳоятсизлик, чегарасизлик:

Ул жумладин маъшуқ ҳусн ва жамолининг бениҳоятлиғи ва нозу истиғносининг беҳадду ғоятлиги. *Маҳбубул-қулуб*, 14-69.

БЕНОМ-У НИШОН [بی نام و نشان] – ному нишонсиз; дараксиз; номаълум:

Демагил кўйини бенам-у нишонларга малоз,
Ким эрур тож деҳ-у мулкситонларға малоз. *Ғаройибус-сиғар*, 122-Т;

Ичтилар кўп май-у фош айламади қилғандек
Мени оваро бенам-у нишон ичра нуфуз. *Бадойиул-васат*, 106-Т.

БЕНОМ-У НИШОНЛИҒ [بی نام و نشانلیغ] – ному нишонсизлик; номаълумлик, бедараклик, белгисизлик:

Асар йўқ кўнглида ул шўҳнинг ном-у нишонидин,
Натижа акс берди бизга бенам-у нишонлиғлар. *Бадойиул-васат*, 151-Т.

БЕНОМУСЛУҚ [بی ناموس لوق] – виждонсизлик, номуссизлик, орсизлик, нисофсизлик:

Шаҳға беномуслуққа токатим
Йўқ учун ортар бу ишта шиддатим. *Лисонут-тайр*, 223-Т.

БЕНУР [بی نور] – жилосиз, нурсиз, хира:

Мушкум бу хатода бўлди кофур,
Кофур ила мушкум ўлди бенур. *Ҳайратул-аброр*, 7-11;

Руҳ эткан ила танимни маҳжур,
Чун шамъи ҳаётим ўлса бенур. *Лайли ва Мажнун*, 266-Т;

~ **и имон** – нурсиз имон:

Не ким қилғанидин пушаймон кўруб,
Замирини бенури имон кўруб. *Садди Искандарий*, 284-Т.

БЕНУҚСОН [بی نقصان] – нуқсонсиз, камчиликсиз, беайб:
Ёд қил ул эй ҳусни бенуқсонни ҳам,
Ўтдек ул гулшан сари чеккил алам. *Лисонут-тайр*, 52-Т.

БЕОБ [بی آب] – 1. сувсиз,
Истарам ул гулни сероб-у бу ким беоб эрур,
Хаста кўнглум ғунчадек қон боғланибтур ту-бату. *Бадойиул-васат*, 373-Т;
2. нурсиз, хира:
Кўзумдин ашк туганди кўнгулдин ўт ўчти,
Ғамингда бу ики беоб-у тобдур асру. *Наводируш-шабоб*, 518-Т;
~ **у тоб айла-** – куритмоқ. сувсиз қилмоқ:
Гули рухсорини май шабнами айлар тар-у тоза,
Латофатда куёшнинг чашмасин беоб-у тоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 172-Т.

БЕОЗАРМ [بی آزرم] – беҳаё, уятсиз; уялмайдиган тарзда:
Яна тонгла тузулди беозарм,
Мажлис ўлди ики кунгидин ҳам гарм. *Сабъаи сайёр*, 10-253.

БЕОЗОР [بی آزار] – озорсиз, беозор:
Бағоят муҳаббатлиғ шакли бор эрди ким кўрган кишига андин ваҳм ғолиб бўлур эрди, аммо ул ғоятқа беозор-у мазлум эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 414-Т.

БЕОЗОРЛИҒ [بی آزارلیغ] – беозорлик:
Бирав ўзни фалак озоридин озод қилди ким
Фано туфроғи ичра тушти беозорлиғларга. *Наводируш-шабоб*, 568-Т.

БЕОРОМ [بی آرام] – тинчсиз, оромсиз; беқарор, беҳаловат:
Мен киби парвона ишқ ўтида беоромдур,
Ким ани ҳам ўртаган бир сарви симандомдур. *Бадойиул-васат*, 143-Т;
~ **бўл-/ўл-** – тинчлиги бузилмоқ, оромн кетмоқ:
Ҳосилан неча вақт чун Баҳром,
Ишқ дардидин ўлди беором. *Сабъаи сайёр*, 10-93;
Сарғариб ашкин тўкуб мендек ёқа чок айламиш,
Бир ниҳони меҳр ила бўлди беором субҳ. *Бадойи ул-васат*, 83-Т;
~ **эт-** – тинчини бузмоқ, ҳаловатинн кеткизмоқ:
Солди ўт кўнглумга ву ором тутти гайр ила,
Шуъла янглиғ сўзлуғ кўнглумни беором этиб. *Бадойиул-васат*, 42-Т.

БЕОРОМЛИҒ/БЕОРОМЛИҚ [بی آرام لیغ / بی آرام لیق] – тинчсизлик, оромспзлик:
Неча эй ором-у жон ҳажрингда беоромлиғ,
Дўстлуғ кўргуз ки ҳаддин ошти душманкомлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 243-Т;
Тани титратмадин ором топмай,
Бу беоромлиқ анжом топмай. *Фарҳод ва Ширин*, 297-Т;
Деди Ҳудҳуд к-эй шиоринг хомлиқ,
Ҳуш водийсида беоромлиқ. *Лисонут-тайр*, 188-Т.

БЕОХИР [بی آخر] – охирсиз, сўнгсиз, абадий; азалий:
Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,
Ки анда зоҳир аввал то беохир. *Фарҳод ва Ширин*, 236-Т.

БЕОҚИБАТЛИҒ [بی عاقبت لیغ] – беоқибатлик, бадбахтлик:
Ва филвоқеъ ҳолиқ ибодатининг тарки ва махлуқ бандалиғининг иштиғоли ким айни бебоклик ва маҳзи беоқибатлигдур.
Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер, 15-97.

БЕПАЙВАНДЛИҒ [بی پیوندلیغ] – боғланишсизлик, уланмаганлик:
...ҳар лола куёш машъалидин оташнокроқ... бепайвандлиғингга... далили мувофик. *Муножот*, 16-293;

Биравға вобаста эмас киши мадҳида ким
Ул бепайвандлиғ мужиби саодатмандлиғдур. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

БЕПАРВО/БЕПАРВОЙ [بی پروای / بی پروا] – бепарво, парвоси йўқ, эътиборсиз; беғам:
Йўлида юз минг куҳан пир олса килмас илтифот,
Кимса кўрг анму экин бу навъ бепарво йигит. *Ғаройибус-сиғар*, 86-Т;
...аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй маризга агарчи бир жонибдин илож ет-курур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-24;
Эй Навоий, қилмағил парво улус кўп сўз деса,
Муғтанам тут ҳолиё ул шўхи бепарвойни. *Фавойидул-кибар*, 604-Т.

БЕПАРВОЙЧА [بی پروایچه] – бепарволикча:
Лайли ву Ширин ситам айларда ўз ушшоқиға,
Ҳаргиз эрмас эрдилар ул шўхи бепарвойча. *Наводируш-шабоб*, 540-Т.

БЕПАРВОЛИҒ/БЕПАРВОЛИК [بی پروالیق / بی پروالیغ] – бепарволик, парвосизлик; беғамлик, ғофиллик:
Ўлтурур чун ҳажр бепарволиғинг ортуксидур,
Дард муҳликтур не ҳожат шарбат ичра захри ноб. *Наводируш-шабоб*, 42-Т;
Халқ кўп парвосидин жон топқанинму айтайин,
Ё ани ким не қилур жонимға бепарволиғи. *Наводируш-шабоб*, 610-Т;
Ишим ишратқа базморолик эрди,
Фароғат бирла бепарволик эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 182-Т;
Бўлмағай эрди бу бепарволиғинг,
Ғафлат ичра маҳз-у истиғнолиғинг. *Лисонут-тайр*, 179-Т;
Ҳарами Иброҳим а.с.ни зиёфат қилмай бепарволиғ бида ани узатти. *Тариҳи анбиё ва ҳукамо*, 16-118;
Эмастур анда бу худройлиғдин,
Эрур оламға бепарвойлиғдин. *Фарҳод ва Ширин*, 175-Т;
~ **қил**--бепарволик қилмоқ:
Мавлоно Фазлуллоҳ... лавандвашлиғи ғолиб учун бепарволиғ қилиб дастмоясиға нуксонлар вокеъ бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 189-Т.

БЕПАРДА [بی پرده] – беоҳанг, бемақом, беуслуб:
Парда ёп роз узра-у дохил бўл ушбу базм аро,
Ким эрур хориж агар бепарда овоз айласанг. *Наводируш-шабоб*, 360-Т.

БЕПАРТАВ [بی پرتو] – нурсиз, бенур:
Наби шаръидин аёғ чиқарған кажрав ва кўзи зулмат водияси бидоят шамъи-дин бепартавдур. *Бадойнул-васат*, 493-Т.

БЕПИР [بی پیر] – пирсиз, бераҳнамо, етакчисиз:
Ансиз қадам урса англа макр-у тазвир,
Маълун деса бехрак ки десалар бепир. *Маҳбубул-қулуб*, 14-118.

БЕПОЁН [بی پایان] – чексиз, поёнсиз; охири йўқ, интиҳосиз:
Сел ун чекти ву савдо менда бепоён ҳануз,
Дашт сарсабз ўлди ву мен телба саргардон ҳануз. *Ғаройибус-сиғар*, 177-Т;
Дур-у гавҳар хаёлин жонға солди,
Мунингдек баҳри бепоёнга солди. *Фарҳод ва Ширин*, 103-Т.

БЕПОЁНЛИҒ [بی پایانلیغ] – чексизлик, интиҳосизлик, кенглик:
Шоми ҳажрим тор-у бепоёнлиғин англай десанг,
Фаҳм ўлур ялдо туни янглиғ сочинг ҳар торидин. *Наводируш-шабоб*, 465-Т;
Ошиқ дард-у шавқининг фаровонлиғи ва ажз-у ниёз ва сўз-у гудозининг бепоёнлиғи ва ҳар умур ким мунга муносибдур... *Маҳбубул-қулуб*, 14-69;

Маърифат водийсин андин сўнгра бил,
Дашт бепоёнлиғин наззора қил. *Лисонут-тайр*, 206-Т.

БЕР- [بير] – 1. бермоқ, келтирмоқ:
Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олғайму ани ток. *Маҳбубул-қулуб*, 14-109;
Димоғига бермиш сабо ёр исин,
Анингдек ки булбулға гулзор исин. *Садди Искандарий*, 234-Т;
2. бахш этмоқ, ҳадя қилмоқ, ато этмоқ, эҳсон килмоқ:
Масихо ким нафас била ўлукка жон берди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93;
Руқъаи эҳсондин эй мунъим гадо комини бер,
Ким бу янглиғ ганж топмас кимса бу вайрон аро. *Наводируш-шабоб*, 20-Т;
3. сочмоқ, тарқатмоқ, эслатмоқ:
Боғ атри чу насими гул-у шамшод берур,
Ёрнинг гул юз-у шамшод кадин ёд берур. *Фавойидул-кибар*, 172-Т;
4. яратмоқ:
Тенгри бермиш ул пари пайкарга андақ тор оғиз,
Ким киши билмас ки анда йўқмудур ё бор оғиз. *Фавойидул-кибар*, 219-Т;
5. қўшма феълларда ёрдамчи феъл функциясини ўтайди:
Ишқ аро расволиғим элга берур Мажнунни ёд,
Ўйла ким айлар они кўрган мени маҳзунни ёд. *Наводируш-шабоб*, 124-Т.

БЕРАБТ [بی ربط] – бекоида, бетартиб, беалоқа, боғланмаслик:
Эй Навоий ишқ аро бераbт агар сурсам ҳадис,
Анда мазмун бил ғараз мақсуд кўрма иртибот. *Ғаройибус-сиғар*, 229-Т.

БЕРАВНАҚ [بی رونق] – равнаксиз, бежило, безиё; беривож:
Мадҳ услуби эди беравнақ,
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ. *Фавойидул-кибар*, 680-Т.

БЕРАНГЛИҚ [بی رنگ لیق] – рангсизлик, безебу зийнатлик, кўримсизлик:
Фақр аро беранглик душвордур беҳад валек
Хиркада тикмак эрур осон қизил сариғ яшил. *Фавойидул-кибар*, 378-Т.

БЕРАНЖ [بی رنج] – ранжсиз, аламсиз, қийинчиликсиз:
Улус бўлса маъмур барганж эрур,
Ки андин жаҳон фатҳи беранж эрур. *Садди Искандарий*, 218-Т;
~ **и хумор** – хуморилик дардини тортмасдан:
Бода беранжи хумор эрмиш фано жомида лек
Ичмак ани келмамиш ҳар булҳаваснинг шониға. *Ғаройибус-сиғар*, 399-Т.

БЕРАҲМ [بی رحم] – шафқатсиз, бағри тош, раҳмсиз:
Не бало бераҳмдур ул ой ки кўнглумнинг анга
Ёшурун оҳи асар қилмас бийик фарёди ҳам. *Наводируш-шабоб*, 407-Т;
Хўблуғ расмин иликдин берма эй бераҳм ким
Хўблар ошиқларидин қилдилар аксарға раҳм. *Фавойидул-кибар*, 422-Т.

БЕРАҲМЛИҒ/БЕРАҲМЛИҚ [بی رحم لیغ / بی رحم لیق] – раҳмсизлик, шавқатсизлик:
Раҳм эмас бераҳмлиғдур сурмасанг бошимға раҳш,
Ким бу кўп қатла анинг помоли бўлған бош эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 134-Т.

БЕРГУ [بیرگو] – бериладиган; **олғу бергу** – оласи-бераси, олиш-бериш; муносабат, алоқа:
Эй Навоий жон олиб деди берай коминг валек
Дам ура олмас анга ҳоли бу олғу бергудин. *Наводируш-шабоб*, 474-Т.

БЕРИ [بیری] 1. – бери, яқин; *нари* сўзининг зиди:
Арз этсалар ки ёр керак ё ики жаҳон,
Ер айтқумдурур бери икки жаҳон нари. *Фавойидул-кибар*, 576-Т;

Кел бери эй рашки қамар лаъли лабинг танги шакар
Фурқатинг ўтинда кўнгул чекти сипеҳр узра шарар. *Мезонул-авзон*, 41-Т;
2. – кўмакчи сўз (..дан) буён, бери; то, бошлаб:
Эй ки сўрдунг ким қачондин телбасен андин бери,
Ким ниҳони зор ул шўхи пари рухсорамен. *Фавойидул-кибар*, 475-Т;
Мир Муртоз – кичик ёшидин бери ким илм касбиға машғулдур.
Мажолисун-нафоис, 138-Т.

БЕРИЁ [بی ریا] – риёсиз:
Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукр-у ҳаё. *Ҳайратул-аброр*, 7-101.

БЕРИЛ- [بیریل] – берилмоқ:
Васли гар бўлмас муяссар юз туман жон-у жиҳон,
Гар берилса ўтруда бермак эмас имкон эваз. *Наводируш-шабоб*, 276-Т.

БЕРИОЯТ [بی رعایت] – андешасиз, юз-хотирсиз, риоясиз:
Тааммул мунда вожибдур бағоят,
Ки бўлмағай бу навъ иш бериоят. *Маҳбубул-қулуб*, 14-88.

БЕРИШ- [بیریش] – беришмоқ:
Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқан хирад атиясидин. *Арбаъин*, 16-267;
Султон Аҳмад Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо бошлиғ салотин ва подшоҳзодалар бир бирига навбат беришмай аларнинг маҳфуф маҳофасин эгинларига кўтариб Масаллоға элттилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-78.

БЕРИШТА [بی رشته] – ипсиз, риштасиз:
Сипеҳр ажзосини беришта ву банд,
Анингдек бир бирига берди пайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 118-Т.

БЕРК [بیرک] – 1. маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ:
Чун бор эди элга бими офат,
Ер беркига мойил ўлдилар бот. *Лайли ва Мажнун*, 214-Т;
Саргаронмен ишқдин чопсанг бошимни боғла берк,
Ким чопарда рахш узулуб қолмағай фитрокдин. *Наводируш-шабоб*, 467-Т;
Мир Муртоз... машҳурдур ким икки ҳариф илигига тушса бири била ўйнаб яна бирининг этакин берк тутиб ўлтурур. *Мажолисун-нафоис*, 138-Т;
Не де олурмен тузубан баркини,
Мумкин эмас худ тутарим таркини. *Ҳайратул-аброр*, 7-337;
2. яширин, пинҳон, махфий:
Қилиб Фарҳод берк ўз бағриға тиш,
Ўзин солмай чу тушмиш бошиға иш. *Фарҳод ва Ширин*, 207-Т;
Ҳурмуз битиб йибарди ким хазойин била ўғул ушоғингни берк ерга мазбут қилиб Румға бориб Қайсардин мадад тила. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;
3. юксак, мустаҳкам (тоғ):
Не ер ким бўлуб беша ё берк тоғ,
Ки қатъида массоҳ топмай фароғ. *Садди Искандарий*, 457-Т;
~ **берк** – ниҳоятда мустаҳкам:
Икки ёндин ҳамойил берк берк андақ чекиб,
Ким яна бир бирдин айрилмас мисиллик ўрнашиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т.

БЕРКИ- [بیرکی] – маҳкамланмоқ, санчилмоқ; ёпилмоқ, тўхтамоқ:
Ишқ аро тиш бағрима урсам ичармеи қон дағи,
Бал чекармен ҳажр ўқидин беркиган пайкон дағи. *Фавойидул-кибар*, 592-Т.

Қароғ эрмас ки қилмишмен кўзум сели йўлин маҳкам
Сиришк эрмас ки ул йўл беркимай қилмиш тарашшух ҳам.
Наводируш-шабоб, 426-Т.

БЕРКИТ- [بيركيت] – 1. жойламоқ, яширмоқ:
Қайси бир ким ўз сипоҳин беркитиб,
Бузғали ул бириси тадбир этиб. *Лисонут-тайр*, 212-Т;
2. ўрнатмоқ, қоқмоқ, санчмоқ, ботнрмоқ:
Кўнглум ичра ким сиғишмас новакинг пайконлари,
Беркитибтурлар ўкунг шавқини юз мисмор ила. *Фавойидул-кибар*, 530-Т;
Махфий асрордин ўтубдур чун бу иш,
Дермен эмди беркитиб бағримға ниш. *Лисонут-тайр*, 108-Т;
3. тўсмоқ, ёпмоқ:
Қилмади маҳбус кўнглум кулбасида ғамни ишқ.
Раҳналарни то маломат тошидин беркитмади. *Наводируш-шабоб*, 599-Т;
4. маҳкамламоқ, боғламоқ:
Муғанниё неча оҳанги ҳажр вах бер ҳам
Висол созини беркит фирок риштасин уз. *Наводируш-шабоб*, 599-Т;
5. қамал қилмоқ, ўраб олмоқ; куршаб олмоқ:
Шопур йигит бўлғандин сўнгра черик тортиб тойир устиға бориб,
Тойир қўрғонини беркитти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-230;
~ **аёғ/қадам беркит-** – бирон жойда турғунлашмоқ, бирон жойдан қадам узмаслик:
Мен аёғ кўйида беркиттим жафодин қочмайин,
Гарчи бошимга бало ёғди мунунг подошиға. *Бадойиул-васат*, 410-Т;
Навоийдек қадам майхонада беркит сутун янглиғ,
Десанг оллингға юз ғам келмагай кўйсанг қадам ҳар ён. *Бадойиул-васат*, 369-Т.

БЕРКИТМАК [بيركيتماك] – яшириш, бекитиш:
Анга бу дайри фано ичра тутти муғбача май,
Ки тишни бағриға беркитмакини қилди газак. *Бадойиул-васат*, 251-Т.

БЕРМАК [بيرماك] – берув, бериш:
Ич Навоий ки бу тун раз қизини бермак эмиш,
Пири майхона сени ўзига фарзанд қилиб. *Фавойидул-кибар*, 59-Т;
Ул жиҳатдин будурур одат ким
Олмақ осондур бу мушкил бермак. *Наводируш-шабоб*, 686-Т;
Чун ювди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бай эл фарздур бермак закот. *Ғаройибус-сиғар*, 82-Т.

БЕРМАКЛИК [بيرمكليك] – бериш, беришлик:
Оразинг муҳтож дема ким ошиқ этма халқни,
Ўтқа бермакликдурур куйдурма деб панд эй кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 340-Т.

БЕРМАМАК [بيرماماك] – бермаслик:
Аё мукрим-у ҳужра тайёр анга,
Карамдин эмас бермамак бор анга. *Садди Искандарий*, 256-Т.

БЕРМАСЛИК [بيرمسليك] – бермаслик:
Ўз паришон кўнгли жамъийятин мумкин эрмасликин ва бу жамъийятни ҳеч ким нишон бермаслик бобида. *Фавойидул-кибар*, 714-Т.

БЕРОҲ [بى راه] – 1. йўлсиз; адашган, гумроҳ:
Сен чу бу йўлдин эрурсан бохабар,
Дағи биз бероҳларға роҳбар. *Лисонут-тайр*, 132-Т;

2. важсиз; ноаниқ:

Нақдини бу ҳодиса бероҳидин,
Балки ўкуш бими гузаргоҳидин. *Ҳайратул-аброр*, 7-101.

БЕРОҲЛИҒ/БЕРОҲЛИК [بی راه لیق / بی راه لیغ] – йўлсизлик, гумроқлик, йўлдан озганлик:

...ва ноҳамвор афъолиға андом бергай ва бероҳлиғдин чиқиб ҳақиқат йўлиға киргай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-48;

Ёки қилур вақтда бероҳлиқ,
Бўлмақ ул иш айбиға огоҳлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-264.

БЕРУД [بی رود] – рудсиз (руд мусиқа асбоби):

Эмас эрди бир лаҳза беруд-у май,
Агар навбаҳор-у вагар фасли дай. *Садди Искандарий*, 283-Т.

БЕРУН [بیرون] – ташқари:

Маъшуқ иштиёқидин хаёл қилмиш бўлғай ким ани кўргач фиғони жондин бурун чиққай ва жони худ рашкдин фиғондин берун чиққани ғариб адо топибдур. *Мажолисун-нафоис*, 29-Т.

БЕРУСТАМ [بی رستم] – Рустамсиз, берустам:

Аноси чу воқиф бўлуб ҳолдин,
Ки берустам айрилмиш ул Золдин. *Садди Искандарий*, 486-Т.

БЕСАБАБ [بی سبب] – сабабсиз, асоссиз:

Ким Навфал иши ажаб кўрунди,
Ёнмағлиғи бесабаб кўрунди. *Лайли ва Мажнун*, 203-Т;

Ақл оллида бесабаб кўрунди,
Сендин манга бас ажаб кўрунди. *Лайли ва Мажнун*, 203-Т.

БЕСАБАБЛИҒ/БЕСАБАБЛИҚ [بی سببلیق / بی سببلیغ] – важсизлик, асоссизлик, сабабсизлик:

Манзурнинг хўйининг булъажаблигида меҳрида ошиқ жон берса бовар қилмаслиғининг бесабаблиғида. *Мажолисун-нафоис*, 204-Т;

Ҳақ биладур ва сабаблиқ ўзи била. Пас сабаби ҳижоб маҳали бўлғай ва бесабаблиқ кашф маҳали. *Насойимул-муҳаббат*, 56-Т.

БЕСАБОТ [بی ثبات] – беқарор; ўткинчи, саботсиз:

Фалак ситезасидин бўлма соқиё маҳзун,
Кадаҳ кетур ки эрур бесабот олами дун. *Ғаройибус-сиғар*, 366-Т;

Аммо даврон боғининг хас ва хошок ойинлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кўзига ҳилм аҳли оғирлиққа мансуб... *Маҳбубул-қулуб*, 14-84.

БЕСАБР [بی صبر] – сабрсиз, чидамсиз, бетоқат:

Уз ҳолиға зор йиғлар эрди,
Бесабр-у қарор йиғлар эрди. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т;

~ **-у ором** – сабру оромсиз:

Кимса мендек ишқ аро бесабр-у ором ўлмасун,
Ер анга бир сен киби бадмеҳр-у худғом ўлмасун. *Наводируш-шабоб*, 484-Т;

~ **-у сомон** – сабру қарорсиз:

Васл комин сабру сомондин топарлар ваҳ ки мен
Ҳажр ошуби аро бесабр-у сомонмен басе. *Бадойиул-васат*, 462-Т.

БЕСАБРЛИҒ [بی صبرلیغ] – сабрсизлик, тоқатсизлик, чидамсизлик:

Кўнглум уйин ҳар неча ким истасанг ғам топқасен,
Доғи ҳажру ғусса ву бесабрлиғ ҳам топқасен. *Ғаройибус-сиғар*, 358-Т;

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлиғин анинг шарорат англа. *Назмул-жавоҳир*, 15-138.

БЕСАЖДА [بی سجده] – саждасиз, намозда ибодат вазиятини инобатга олмаслик:
Ҳар саждада Ҳаққа бўйла восил,
Бесажда дағи бу васл ҳосил *Лайли ва Мажнун*, 63-Т.

БЕСАМАР [بی ثمر] – беҳосил, мевасиз, самарасиз:
Чун вафо йўқ даҳр гулзорида эй тонг қушлари,
Саҳвдур ким бесамар ашжорида ўлтурдунгуз. *Бадойиул-васат*, 161-Т;
Чаманда сарв бас раъно шажардур,
Йўқ андин нафъ чун ким бесамардур. *Фарҳод ва Ширин*, 128-Т.

БЕСАОДАТ [بی سعادت] – саодатсиз, бахтсиз, иқболсиз:
Бесаодат жоҳил бўлса олим сўзидин анга ор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-72.

БЕСАОДАТЛИҚ [بی سعادت لیق] – саодатсизлик, бахтсизлик, иқболсизлик:
Бесаодат жоҳил бўлса олим сўзидин анга ор ва филҳақиқат жоҳиллиқдин бесаодатликроқ не нима бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-72.

БЕСАР [بی سر] – бошсиз, паришон; ~ **-у бун** – тартибсиз, бесаранжом:
Дайр эрди биноси бесар-у бун,
Ўйла ким бу рафъи дайри куҳун. *Сабъаи сайёр*, 10-187;
~ **-у пой/пойлик** – паришонҳол:
Мундин ўтмас ки қирқ йил бир менингдек худройи бесар-у пой, ошуфтасор паришонрўзгор киши била мусоҳиблиқ қилғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т;
...санга Тангри мундақ бийик мартаба беribдур, сен нечук ўзунгни мундақ жунун ва бесар-у пойликка солибсен. *Насойимул-муҳаббат*, 59-Т;
Бесар-у сомон-у саргардон бари,
Қадрда туфрағ ила яксон бари. *Лисонут-тайр*, 239-Т;
~ **-у сомон бўл-** – бахтсиз, чорасиз бўлмоқ:
Қилсанг тамаъ элдин ҳадафи хузлон бўл,
Саргашта-у хор-у бесар-у сомон бўл. *Назмул-жавоҳир*, 15-164;
...барча малул-у гирён ва ул мотамдин паришон ва бесар-у сомон бўлдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т.

БЕСАРМОЯ [بی سرمایه] – моясиз, манбасиз, сармоясиз; чорасиз, иложсиз:
Ки чу мен зори бесармоя еттим,
Териб бу дилрабога зевар эттим, *Фарҳод ва Ширин*, 112-Т.

БЕСАРМОЯЛИҒ [بی سرمایه لیغ] – сармоясизлик, кўли қисқалиқ, қашшоқлик:
...ва бу икки била фироқ бесармоялиғидин мустағни [бўлдум]. *Муншаот*, 14-205.

БЕСАРУДИЛЛИК [بی سر و دل لیق] – хавассизлик, хоҳишсизлик; кўнгилсизлик:
Хотирим савдоомиз хаёллардин мушавваш бесарудилликдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса кўнглумга ноҳуш. *Ғаройибус-сиғар*, 3-20.

БЕСАРУПО(Й) [بی سر و پا(ی)] – бошяланг, оёқяланг, телба, бечора:
Дашт узра югурди бесару пой
Гаҳ тортиб ҳўй-у гаҳ чекиб вой. *Лайли ва Мажнун*, 279-Т;
Гар юзингдин ҳусн эли юзинда бир ҳол этса фош,
Ул арода бесарупо заррадек киргай куёш. *Наводируш-шабоб*, 698-Т;
Қирқ йил бир менингдек худройи бесарупой ошуфтасор паришон рўзгор киши била мусоҳиблик килғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т.

БЕСАРУПОЛИҒ/БЕСАРУПОЙЛИК [بی سروپالیغ/بی سروپایلیغ] – жунунлик, довдираганлик; ақлдан озганлик:
Агар юз мунча бўлса расволиғим,
Сияҳрўлуғ-у бесаруполиғим. *Садди Искандарий*, 56-Т;
Сен нечук ўзунгни мундақ жунун ва бесарупойликка солибсен. *Насойимул-муҳаббат*, 59-Т;

Эй Навоий бесаруполиғ чу қилдинг ихтиёр,
Кир фано кўйига боқма кафш ила дасторға. *Фавойидул-кибар,* 553-Т.

БЕСАР-У СОМОН [بی سر و سامان] – фаромуш, бечора ожиз; паришонҳол:
Йўқ даҳрда бир бесар-у сомон мендек,
Ўз ҳолиға саргашта ву ҳайрон мендек. *Ғаройибус-сиғар,* 55-Т;
Барча малул гирён ва ул мотамдин паришон ва бесар-у самон бўлдилар.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 119-Т.

БЕСАР-У СОМОНЛИҒ [بی سر و سامانلیغ] – фаромушлик, паришонлик, ожизлик, бечоралик:
[Харобат аҳли] майхона тараддудидин бехонумонлиғи паймона тааллуқидин бесар-у сомонлиғи. *Маҳбубул-қулуб,* 14-45.

БЕСАЪЙ [بی سعی] – уринишсиз, ҳаракатсиз:
Гар ул саъй бирла олиб хушку тар,
Бу бесаъй базл айлабан баҳру бар. *Садди Искандарий,* 100-Т.

БЕСИПАҲ [بی سپه] – сипоҳсиз, қўшинсиз, лашкарсиз:
Шаҳлиғ ойини айлабан занбур,
Айламас бесипаҳ сукуну мурур. *Сабъаи сайёр,* 10-296.

БЕСИРФА [بی صرفه] – сахий, қўли очиқ; зарарсиз:
Бесирфа деган кишига тили қотилдур,
Алқисса ки кимсанинг балоси тилидур. *Назмул-жавоҳир,* 15-139.

БЕСИРФАЛИҚ [بی صرفه لیق] – сахийлик; зарарсизлик:
Шаҳе ким анга адл бўлғай қилиқ,
Эрур айласа сирфа бесирфалиқ. *Садди Искандарий,* 142-Т.

БЕСИФАТЛИҒ [بی صفتلیغ] – сифатсизлик:
...ҳар қачон... Ҳакими Термизий руҳиға таважжуҳ воқиъ бўлур эрди ул таважжуҳ асари маҳзи бесифатлиғ зуҳури эрди. *Насойимул-муҳаббат,* 72-Т.

БЕСОМОН [بی سامان] – қашшоқ; иложсиз, чорасиз:
Мен ўлсам ишқ нақди ҳуд эрур кўнглумга мавруси,
Киши фарзанди гарчи бўлса бесомон эрур ворис. *Фавойидул-кибар,* 94-Т;
Ки бесомон бўлуб бечораликдин,
Гузирим йўктурур оворалиқдин. *Фарҳод ва Ширин,* 192-Т.

БЕСОМОНЛИҚ/БЕСОМОНЛИҒ [بی سامانلیق / بی سامانلیغ] – қашшоқлик; ожизлик, бечораҳоллик:
...ва бесомонлиқ ва нохушлиқларе ки зикрн тарки адабдур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-68;
Маъмурлар нофармонлигидин рўзгори қатиғ ва маҳкумлар бесомонлиғидин тириклиги ачиғ. *Маҳбубул-қулуб,* 14-116;
Ҳуснунгга ҳайратдин ўлди барча бесомонлигим,
Мен киму сомон чу ортар ҳар нафас ҳайронлиғим. *Ғаройибус-сиғар,* 336-Т.

БЕСУКУНЛУҚ [بی سکونلوق] – беқарорлик, бесабрлик, енгилтаклик:
Гар ишқ захмиға васл марҳам десанг ки қўйсун,
Ҳижронда асру қилма бесабр-у бесукунлуқ. *Фавойидул-кибар,* 306-Т.

БЕСУРМА [بی سورمه] – сурмасиз:
Лайли кўзидек фусунгару шанг
Бесурма валек сурмайи ранг. *Лайли ва Мажнун,* 315-Т.

БЕСУТУН [بی ستون] – 1. беустун, устунсиз; фалак:
Сутун бошиға отиб этти нигун,
Ани дағи бу гунбади бесутун. *Тарихи мулуки ажам,* 16-233;

2. Фарҳод қазиган тоғнинг номи:

Бесутун Фарҳод қабридур қизарған лоладин,
Ё анинг қонидин ўлмиш туфрағи ҳар ён қизил. *Бадойиул-васат*, 284-Т;
Кўлларин масс айлаган деди: сутун,
Қорнин эткан масс деди ким бесутун. *Лисонут-тайр*, 209-Т.

БЕТААБ [بی تأب] – бемашаққат:

Тенгиз тул-у арзин важаб бар важаб,
Топиб зарбу қисмат била бетааб. *Садди Искандарий*, 460-Т.

БЕТААЙЮН [بی تعین] – 1. бетайин, зое, бекор; бефойда, бехуда:

бир қариға яқин кўпрак авқотларин бетаайюн ўткарибдурлар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-91;

2. кўзга кўринмайдиган; оддий, содда; хоксор, камтар:

Мирхонд... ул миқдор бетаайюн ва фониймашраб ва хушахлоқ кишидур ким андин ўтмас. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т.

БЕТААЙЮНЛУҚ/БЕТААЙЮНЛУҒ [بی تعین لوغ / بی تعین لوق] – оддийлик, кўримсизлик; кам-тарлик, хоксорлик:

Берма эй зоҳид таайюндин ўзунгга имтиёз,
Ўзни элдин бетаайюнлуқ била мумтоз қил. *Бадойиул-васат*, 293-Т;
... аларни асҳоб орасида гояти бетаайюнлукдин мутлақо танимаслар эди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-13;
Ахир бу Қусам Шайх ғоят инқитоъи ва камоли бетаайюнлуғидин Бухоронинг тимларидин бирида анвоъи савдо ва сотиғ қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 238-Т.

БЕТААММУЛ [بی تأمل] – ўйламасдан, андишасиз; бадиҳа:

Уруб чун ишқ барқин бетааммул,
Агар сарву агар хас ким бўлуб кул. *Фарҳод ва Ширин*, 412-Т;
Мавлоно Муҳаммад Бадахший... агар муҳоваротда гоҳи сўзга бетааммул жавоб берур чун ғалат кам тушар. *Мажолисун-нафоис*, 141-Т.

БЕТААССУФ [بی تأسف] – таассуфсиз, афсусланмай, ачинишсиз:

Улфат шартини бетаассуф қилмақ,
Билгил ки эрур тарки такаллуф қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-157.

БЕТАВАККУЛ [بی توکل] – зътимодсиз, умидсиз, беишонч:

Таваккул сифати ва бетаваккул мазаммати. *Ғаройибус-сиғар*, 520-Т.

БЕТАВАҚҚУФ [بی توقف] – тўхтовсиз, бетўхтов:

Тасаввуф эмас зуҳд-у тақви ву тоат,
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф. *Фавойидул-кибар*, 300-Т;
Бу аснода Шайхнинг хотириға ул лутф жонибидин бир нима келди. Бетафаққуф кўпти ва ул таббоҳ уйига борди. *Насойимул-муҳаббат*, 338-Т;
Макон чун қилур ўзга олам сари,
Ўтар бетаваққуф жаҳаннам сари. *Садди Искандарий*, 141-Т.

БЕТАВАҲҲУМ [بی توهم] – гумонсиз; беваҳм, қўркувсиз; андишасиз:

Кўк мазраи ичра бетаваҳҳум,
Оқ уйини тиктн турки анжум. *Лайли ва Мажнун*, 221-Т;
Тилим эй тиғи гам кес бетаваҳҳум,
Ки эмди истаман андин такаллум. *Фарҳод ва Ширин*, 445-Т.

БЕТАВЖИҲ [بی توجیه] – тавжиҳсиз, изоҳлаб бўлмайдиган; ўринсиз, хато, нотўғри, асос-сиз:

Ким ки сендин эвуруб чехра қаро топиб важҳ,
Ким ҳадисингга қилиб таън дебан бетавжиҳ. *Наводируш-шабоб*, 520-Т.

БЕТАВФИҚ [بی توفیق] – тавфиқсиз, бетавфиқ; ёрдам, мадад:
Қулларин Халил Мисрий отлиғ дўстига йибариб қувват тилади ул бетавфиқ нима бермай қулларин маҳрум қилиб қайтарди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-115.

БЕТАКАЛЛУФ [بی تکلف] – такаллуфсиз, дабдабасиз:
Мир Ҳусайн Жалойир... факиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабъ йигитдур. *Мажолисун-нафоис,* 167-Т;
Соқиё чини идиш бирла такаллуф қилма ким
Бетакаллуфларға хушракдур суроҳидин суну. *Наводируш-шабоб,* 507-Т.

БЕТАКАЛЛУФЛУҚ [بی تکلف لوق] – такаллуфсизлик, оддийлик; соддалик, хоксорлик, камтарлик:
Ул мазмунда ким такаллуфлуқ тўн мужиби кулфатдур бекакаллуфлуқ била адами улфат. *Ғаройибус-сиғар,* 531-Т;
Яна бири зотий бетакаллуфлуқ ким филвоқеъ алар қошида ипак била палос орасида тафовут бўлмағай. *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер,* 15-94.

БЕТАКАЛЛУФОНА [بی تکلفانه] – бетакаллуфона, такаллуфсиз:
Ва дер эрди ки мен хотунлар либоси киймасмен ва нозиклар ғизоси емасмен ва пашмина кияр эрди ва бетакаллуфона таом ер эрди ангача ки улғайди.
Насойимул-муҳаббат, 310-Т.

БЕТАЛАБ [بی طلب] – беистак, талабсиз, бетилак, умидсиз, орзусиз, ҳавассиз:
Беталаб йўқ васлу мен толиб вали махжурмен,
Қолмишам дармонда ушбу нуктаи мубҳам била. *Фавойидул-кибар,* 520-Т.

БЕТАНГ [بی تنگ] – бетанг:
Деди шаҳ ки ўн кунга бўлса даранг,
Ўт-у елсиз эл келгусидур бетанг. *Садди Искандарий,* 265-Т;
Бу дам ким бу ерда қилибмен даранг,
Билурмен элдур сафирдин бетанг. *Садди Искандарий,* 461-Т.

БЕТАРАҲҲУМ [بی ترحم] – шафқатсиз, бағри тош:
Муддаилар бетараҳҳум ёр бепарво басе,
Ҳам алар кўп зулм этарлар ҳам бу истиғно басе. *Бадойиул-васат,* 425-Т.

БЕТАРИҚ [بی طریق] – йўлсиз, йўлдан озган, бераҳнамо:
Бу нукта сўрди фано дайри ичра пири тарик,
Ки бетариққа етмас ҳидояти тавфик. *Фавойидул-кибар,* 303-Т;
Масх бобида масхарадур бетариқ такаллум сурмак. *Бадойиул-васат,* 505-Т.

БЕТАРОВАТ [بی تراوت] – тароватсиз, тозасизлик, бетароват; ~ **кил-** – тароватсиз қилмоқ:
...ети семиз ўйини ети орук ўй едилар ва ети тоза кўкарган хўшани ети курук хўша чирмашиб бетароват килди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-125.

БЕТАХАЛЛУФ [بی تخلف] – хилофсиз, ўзгаришсиз, аниқ; гумонсиз:
Комили бийноға чун эрди якин,
Бетахаллуф деди бари сўзни чин. *Лисонут-тайр,* 210-Т;
Димоғиға қўйуб қилди тавақкуф,
Ки ҳуши зойил ўлғай бетахаллуф. *Фарҳод ва Ширин,* 368-Т.

БЕТАЪН [بی طعن] – таънасиз, маломатсиз:
Бу сўз сидқиға даги бетаън-у танз,
Далолат қилур ояти «кунту канз». *Ғаройибус-сиғар,* 514-Т.

БЕТАҚРИБ [بی تقریب] – суриштирмай, ноаниқ, бирданига, тўсатдан, танимай, сирдош бўлмай:
Сўз асносида таҳорат қасди ким таждиди вузуъ қилғай ногоҳ бетакриб ул азимат таркин тутти. *Насойимул-муҳаббат,* 333-Т.

БЕТАҲАММУЛ [بی تحمل] – таҳаммулсиз, сабрсиз; **~ўл-/бўл-** – сабрсиз, чидамсиз, тоқатсиз бўлмоқ:
Совуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул кўзга келтур юз,
Ки анда аблақ этмишмен мураттаб теграси кундуз. *Наводируш-шабоб*, 203-Т;
Агар мундин ортуқ тааммул бўлур,
Машаққатдин эл бетаҳаммул бўлур. *Садди Искандарий*, 266-Т;

~ **қил-** – сабрсиз, чидамсиз тоқатсиз қилмоқ:
Ишва бирла бетаҳаммул қилмаса ул муғбача,
Не учун дайр аҳлидин бир лаҳза кам бўлмас хуруш. *Наводируш-шабоб*, 262-Т.

БЕТАҲАММУЛЛУҚ/БЕТАҲАММУЛЛУҒ [بی تحمل لوغ / بی تحمل لوق] – сабрсизлик, бетоқатлик:
Шавқ ўтиға куюб нечун ки хасе,
Бетаҳаммуллуқ айлар эрди басе. *Сабъаи сайёр*, 10-366;
Ваъз мажолисида хонандалиқ ва гўяндалиқ ва самоъ суҳбатида бетаҳаммуллуғлар қилиб азим сайҳалар ва саъқалар тортар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 408-Т;
Солур ҳайрат-у шавқ жониға тоб,
Қилиб бетаҳаммуллуқ ани ҳароб. *Садди Искандарий*, 235-Т.

БЕТАҲАРРУК [بی تحرک] – ҳаракатсиз, қимирлолмаслик:
Гар босмади жисмим ул оғир юк,
Мундақ нега бўлди бетаҳаррук. *Лайли ва Мажнун*, 168-Т.

БЕТАҲОШИ [بی تحاشی] – тортинмаслик, чекинмаслик; кўркмасдан; дангал:
Эй Навоий бу муҳол андешаға чирмашма кўп,
Журъат айлаб бетаҳоши сўзларинг ҳаддин ошиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т;
Бетаҳоши сўз демак мундақ табоҳ,
Тифллардин келмагай эй пири роҳ. *Лисонут-тайр*, 109-Т;
Чун етти ул остонаға боши,
Кирди уй ичига бетаҳоши. *Лайли ва Мажнун*, 354-Т.

БЕТОБ I [بی تاب] – 1 – оромсиз; хаста, бетоб, бемор, беҳол:
Соқиё дай шиддатидин ақл-у ҳис бетоб эрур,
Чораси жоми билурин ичра лаъли ноб эрур. *Муншаот*, 14-140;
Фурқат ўтидин жисми бетоб эрканин... бу матлаъда ғариб навъ адо қилур. *Мажолисун-нафвис*, 205-Т;

~ **-у тавон** – кучсиз, қувватсиз:
Анинг вужуди тажаллиси садамотидин бетоб-у тавонмен. *Маҳбубул-қулуб*, 14-71;

~ **-у тўш** – беором, дармонсиз, бемадор:
Ким туш эрмасдур бу ой бетоб-у тўш,
Шукр эт қил эмди жоми басл нўш. *Лисонут-тайр*, 225-Т;

~ **бўл-** – кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ:
Шукуҳидин бўлуб бетоб танлар,
Кўнгуллар заъф этиб титраб баданлар. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;

~ **қил-** – хаста, бетоб қилмоқ:
Бу нома ки жонни қилди бетоб,
Ёзмаққа жавоб йўқтур асвоб. *Лайли ва Мажнун*, 252-Т.

БЕТОБ II [بی تاب] – тобланмаган, эшилмаган, хом; қувватсиз:
Ғам туни гар тобсиз жисмим куяр ваҳ не ажаб,
Куйдурурлар кеча кўпрак ришта ким бетоб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 129-Т.

БЕТОБЛИҒ [بی تابلیغ] – касаллик, хасталик, дармонсизлик:
Мусофир ёри ҳажридин кўнглининг хароблиғин ва ул ошубдин жони бетоқат ва бетоблиғин хуброқ важҳ била адо қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 206-Т;

Бу май ичкандин кайфият изҳори кўнгли бетоблигдиндур.
Маҳбубул-қулуб, 14-61.

БЕТОҚАТ [بی طاقت] – сабрсиз, тоқатсиз, қарорсиз, беором:
Кўп муддатдур ким сафарға боридур ва ўлуг тиригидин хабарим йўқтур ва иштиёқидин бетоқатмен. *Насойимул-муҳаббат*, 326-Т;
Телба кўнглум бўлса бетоқат малоли ҳажр аро,
Жуз висол уммиди ҳарфидин ани овутмангиз. *Фавойидул-кибар*, 205-Т;
Шайх жисмидин бориб ул ерда тоб,
Кўнглини бетоқат айлаб изтироб. *Лисонут-тайр*, 96-Т.

БЕТОҚАТЛИҒ/БЕТОҚАТЛИК [بی طاقتلیق / بی طاقتلیغ] – сабрсизлик, тоқатсизлик:
Маъшуқ умидида дард-у касратини изҳор қилиб бетоқатлиғиға раҳм этмасида бу матлаъға ўқ жавоб ул... *Мажолисун-нафоис*, 223-Т;
Йўқ эрса эмди бетоқатлиқ этсам,
Бошимни олибан бир сари кетсам. *Фарҳод ва Ширин*, 250-Т;
Ҳар неча ўзин забт қилур эрди ким ани халқ маълум қилмағай.
Аммо бетоқатлиғ инон ихтиёрин иликдин чиқарур эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-124;
Вах не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғим ким дилбарим,
Бовужуди ҳусн ҳам ширин эрур ҳам бар шўх. *Ғаройибус-сиғар*, 107-Т;
~ **қил-** – тоқатсизлик қилмоқ:
Чун Одам алайҳис-салом Ҳобил фироқида кўп бетоқатлиқ қилур эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-101.

БЕТОҚАТНОБ [بی طاقتناب] – сабрсиз, чидамсиз; бемажол, беҳол, бедармон:
Бу фикр ғам ўтиға кабоб этти мени,
Бу дағдаға бетоқатноб этти мени. *Назмул-жавоҳир*, 15-134.

БЕТЎШ [بی توش] – бемадор, кучсиз; ~ **у тоб** – куч-қувватсиз:
Очлиғ бирла тайағи беҳисоб,
Ич-у ташин айлабан бетўшу тоб. *Лисонут-тайр*, 74-Т;
Танлари йўл ранжидин бетўшу тоб,
Жонлари дард-у машаққатдин хароб. *Лисонут-тайр*, 238-Т.

БЕТЎША [بی توشه] – озиқсиз, емаксиз:
Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубан гўшае. *Ҳайратул-аброр*, 7-215.

БЕТЎШАЛИҚ/БЕТЎШАЛИҒ [بی توشه لیق / بی توشه لیغ] – озиқ-овқатсизлик, йўл анжомисизлик; анжомсиз:
Гоҳу маркаб бирла эй ким бормадинг максад йўлин,
Қатъ ўлур бетўшалиғ зоди фано коми била. *Наводируш-шабоб*, 546-Т;
Навоий Каъбаи мақсуд сари гар қадам қўйсанг,
Тажарруд басдурур ҳамроҳингу бетўшалиғ зодинг. *Бадойиул-васат*, 266-Т;
Ғамдин дурур ўзни шод топмақ билгил,
Бетўшалиқ ичра зод топмақ билгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-174.

БЕУЗРИЙ [بی عذری] – узрсиз, сабабсиз:
Бешинчи ҳаждурур ва ул беузрий... *Вақфия*, 14-261.

БЕФАЛОҲ [بی فلاح] – нажотсиз, хайриятсиз, омадсиз:
Анда салоҳ ўлса барида салоҳ,
Бўлмаса солиҳ бариси бефалоҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-91.

БЕФАРҚ [بی فرق] – фарқсиз, бетафовут:
Ёнар ўтдек ўлди қадам то бефарқ,
Тахаррук ани қилди андақ ки барқ. *Садди Искандарий*, 175-Т.

БЕФОЙИДА [بی فایده] – фойдасиз, натижасиз, нафи тегмайдиган:

Забтини билиб ки мумкин эрмас,
Бефойида иш натижа бермас. *Лайли ва Мажнун*, 195-Т;

Бефойида сўзни кўп айтма ва фойидалиғ сўзни эшитурдин қайтма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124;

Мавлоно Савсаний... бефойида эл била мусоҳиблик килмас, невчун ким бежиҳат машаққатларни ўзига раво кўрмас. *Мажолисун-нафоис*, 108-Т.

БЕФУРУҒ [بی فروغ] – ёругликсиз, шуъласиз, нурсиз, хира:

Нужум ўлди Чин хайлидек бефуруғ,
Қазо килди кўк марғзорин куруғ. *Садди Искандарий*, 329-Т.

БЕФУСУН [بی فسون] – афсонасиз, алдовсиз:

Масоҳат била бефусуну фириб,
Билиб ҳавздек ким эрур бир жариб. *Садди Искандарий*, 460-Т.

БЕФУТУР [بی فطور] – камчиликсиз, футур етмаган, зарар етмаган, бузилмаган:

Улуми диниядин кўнгли мулки маъмур керак ва яқиний фаросатдин хотири жамъияти бефутур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-21.

БЕХАБАР [بی خبر] – хабарсиз, ғофил, вокиф эмас:

Бедили ким бехабар тушкай бирав ҳижрониға,
Не балодур гар гаҳи андин хабар ҳам бўлмаса. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;

Анча истиғрокиндур баҳравар,
Ким ул ишдин бўлғусидур бехабар. *Лисонут-тайр*, 33-Т;

Деди булбул эй ишқдин бехабар,
Менинг куймагимдин санга не хабар. *Садди Искандарий*, 382-Т;

~ **бўл-/ўл-** – бехабар, хабарсиз бўлмок:

Анингдек бехабар бўлдум ўзумдин,
Ки зойил бўлди нур икки кўзумдин. *Муншаот*, 14-207;

Маст ул ки жаҳон меҳнатидин топти фароғат,
Давронға келиб кетканидин бехабар ўлған. *Бадойиул-васат*, 359-Т.

БЕХАБАРЛИҒ/БЕХАБАРЛИК [بی خبرلیغ / بی خبرلیق] – хабарсизлик, ғофиллик:

Бўлмас ҳеч иш ўзидин бехабарлиғ бас дурур,
Ишқи ғолиб элгида ҳар кимса ким мағлуб эмиш. *Фавойидул-кибар*, 244-Т;

Афғонида барча бехабарлик,
Алфозида барча пардадарлик. *Лайли ва Мажнун*, 154-Т.

БЕХАВФ [بی خوف] – хавфсиз, хатарсиз:

Гузин Фарҳодға бехавфу кулфат,
Бўлуб Шопур ила ул навъи улфат. *Фарҳод ва Ширин*, 276-Т.

БЕХАЛАЛ [بیخلل] – зарар етмаган, халалсиз, мустаҳкам:

Яна уч юз ул навъ ким бехалал,
Бири минг сипоҳига бўлгай маҳол. *Садди Искандарий*, 446-Т.

БЕХАСОРАТ [بی خسارت] – хасоратсиз, афсус-надоматсиз; зиёнсиз:

Ҳар суд ки бехасорат айлаб,
Бўстон-у саро иморат айлаб. *Лайли ва Мажнун*, 73-Т.

БЕХАТО [بی خطا] – хатосиз, тўппа-тўғри:

Ҳар ўк ул қоши ё кўксумга отса бехато еткай,
Ва гар худ ўзгаларга отса ҳам сўйлаб менга етгай. *Фавойидул-кибар*, 591-Т;

Фаҳм этар ул нуктани ким бехато,
Элга мусаббибдин эрур ул ато. *Ҳайратул-аброр*, 7-149.

БЕХЕШ [بی خویش] – қариндош-уруғсиз; бегона, кимсасиз:

Саҳрода қолиб ғариби бехеш,
Ҳайратда шубони чораандеш. *Лайли ва Мажнун*, 284-Т;

Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехеш ва пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфрагидин ёрутурлар эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-14.

БЕХЕШОНА [بی خویشانه] – ўзгача, бўлакча, ўзига хос, алоҳида:

Мавлоно Муҳаммад Жомий ахлоқ ва сифоти дарвешона ва сулук равиши бехешона... сойир фазлийётда комил эрди. *Мажолисун-нафоис*, 28-Т.

БЕХИЛОФ [بی خلاف] – хилофсиз, каршиликсиз, тўсиқсиз; очиқдан-очиқ, тўғридан-тўғри:

Хатоға тадорук недур бехилоф,
Аён қилмоқ ўз саҳвиға эътироф. *Маҳбубул-қулуб*, 14-110.

БЕХИРАД [بی خرد] – ақлсиз, эси паст, хушсиз:

Фалак хайли бўлур девона кўргач ул паривашни,
Мени мажнунға шайхи бехирад талқин қилур парҳез. *Наводируш-шабоб*, 204-Т;

Хираддин эрур ғайб илми йироқ,
Эрур бехираддин хирад яхшироқ. Садди Искандарий, 350-Т.

БЕХИРАДЛИҒ [بی خردلیغ] – ақлсизлик, нодонлик:

Деди ул човуш к-эй хайли ҳариф,
Бехирадлиғ бирла бўлған муттасиф. *Лисонут-тайр*, 240-Т.

БЕХОБ [بی خاب] – уйқусиз, бедор:

Уйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,
Кўз қароси демагил бу дийдайи бехоб аро. *Ғаройибус-сиғар*, 42-Т;

Хажр ўтидин шом агар мендек эмас бехоб шамъ,
Риштаи жонига невчун солди печу тоб шамъ. *Наводируш-шабоб*, 292-Т.

БЕХОБЛИҒ [بی خابلیغ]– уйқусизлик, уйғоқлик:

Очлиғ-у бехоблиғ анча бериб,
Ким сўнгак узра этинг бари эриб. *Лисонут-тайр*, 73-Т.

БЕХОНУМОН [بی خان و مان] – 1. уй-жойсиз, сарсон-саргардон, бечора; хонумонсиз:

Дедилар эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач мени бехонумонға тушти ўт. *Ғаройибус-сиғар*, 90-Т;

2. вайрона:

...ғояти бедиллиғидин ғам даштида эткан нотавон кўнглин ёд қилур ва тарки жони айлаган бехонумон кўнгли ёди била ўз андуҳин зиёд қилур. *Мажолисун-нафоис*, 241-Т;

~ **и овора** – сарсон-саргардон:

Кўнгил баҳридин махфий дурларни олий мажлиска бу навъ нисор қилилур ким бу сафар ким бу нотавони бечора ва бу бехонумони овора илайига тушубтур. *Муншаот*, 14-143.

БЕХОНУМОНЛИҒ [بی خان و مانلیغ] – уй-жойсизлик, дарбадарлнк, сарсону-саргардонлик, оворалик:

Ошиқ элга нотавонлиғдур нишон,
Ишқдин бехонумонлиғдур нишон. *Лисонут-тайр*, 136-Т;

[Харобот аҳли] майхона тараддудидин бехонумонлиғи паймона тааллуқидин бесар-у сомонлиғи. *Маҳбубул-қулуб*, 14-45.

БЕХОСТ [بی خاست] – беихтиёр, тўсатдан, бехос, кутмаганда:

Роқим ки рақами ростдур ростлар кўнглига қабулийяти бехост. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27;

Чорлаб-у бориб уйига бехост,
Ҳар кун айлаб бириси сухбат рост. *Сабъаи сайёр*, 10-258.

БЕХУД [بی خود] – 1. ҳушсиз, ўзидан кетган, ақлу ҳуши кетган:
Мажозий ишққа бир маҳбуб бўлғай анинг ишқида бехуд ва мағлуб бўлғай.
Маҳбубул-қулуб, 14-86;

Вале гулчеҳра ғамгин эрди беҳад,
Узинда эрди гоҳи гоҳ бехуд. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т.

2. маст:
Кўзун уйқуда кўргач ўлдум оё ўлмайин неткай,
Киши гулшанда бехуд кўрса турки маст бебокин. *Ғаройибус-сиғар*, 342-Т;

3. ихтиёрсиз:
Мунда чоҳ ичра бехуд-у мазлум,
Қавм-у хайли ишини қил маълум. *Сабъаи сайёр*, 10-258;

~ **бўл-** – беҳуш бўлмоқ:
Чун мен буларни эшиттим ва кўрдум бехуд бўлдум. *Насойимул-муҳаббат*, 348-Т;

~ **айла-/қил-** – ҳушсиз қилмоқ, маст қилмоқ:
Эмас қон бодадур бехуде айлаб,
Йиқарға элни қилмиш чархдин қос. *Наводируш-шабоб*, 665-Т;
Бехуд қилибан бу ҳолат ани
Ул меҳр-у муҳаббат ниҳони. *Лайли ва Мажнун*, 295-Т.

БЕХУДБИН [بی خودبین] – бепарас, худпараст эмас:
Ул санамға сажда қилсам зоҳиди бехудбин не айб,
Бутпараст ўлмақ кўп ортуқрақ ки бўмоқ худпараст. *Наводируш-шабоб*, 77-Т.

БЕХУДЛУҒ/БЕХУДЛУҚ/БЕХУДЛИҒ [بی خودلیغ / بی خودلوق / بی خودلوغ] – 1. ҳушсизлик; девоналик:
...ва ул мушоҳада бехудлуғида алардин [сиддиқлардин] шуур, алардин маслуб.
Маҳбубул-қулуб, 14-70;

Неча бу бехудлуғ ила йилу ой,
Вой агар келмасанг ўзунга вой. *Ҳайратул-аброр*, 7-128;
Ул су еткач манга бехудлуқ асари зоҳир бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 266-Т;

2. манманлик:
Хожа Мусайяб, ул дағн вазорат бехудлуғидин мусулмонларға ажаб зулмлар қилурға бел боғлаб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 72-Т;
Муҳаммад Солиҳ... баъзи дедилар ким бехудлуғ оламида ёмон мусоҳиблар бу ёмон йўлға тутубтурлар. *Мажолисун-нафоис*, 170-Т;

3. қаттиқ мастлик, ўзни билмаслик:
Ҳажр дардиға даво бехудлуғ эрмиш соқиё,
Бу бало ичра тутармен соғари саҳбо умид. *Бадойиул-васат*, 96-Т;
Десанг халос ўлай барисидин Навоийдек,
Бехудлуқ-у май ичмак-у девоналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 519-Т;

4. мубталолик, ўзлигини йўқотганлик, ўзни билмаслик:
Ошиқ-у мажнун-у майдин маст ҳам,
Дарди бехудлуғ била ҳамдаст ҳам. *Лисонут-тайр*, 119-Т;
Гаҳи бехудлуғумдн сесканиб тутсам адаб расми,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда. *Ғаройибус-сиғар*, 49-Т.

БЕХУДОНА [بی خودانه] – ҳушсизларча, телбалардек, беихтиёр, мастона:
Ўздин бориб фиғоним эмас тонг ки дайр аро,
Ҳар сари боқса замзамаи бехудонадур. *Наводируш-шабоб*, 186-Т;

Яна иш азмиға бўлди равона,
Ўкуб Хотам дуосин бехудона. *Фарҳод ва Ширин*, 224-Т;
Хожа худ андақ ўзидин борди,
Ки олиб бехудона сипқарди. *Сабъаи сайёр*, 10-320;

~ **айла-** – мастона айламоқ:
То ичармен май қадаҳдек йиғларам бехуд бўлуб,
Топмасам бир дам фиғони бехудона айларам. *Бадойиул-васат*, 321-Т.

БЕХУМОР [بی خمار] – хуморсиз:
Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бехумор,
То таҳаррук бўлди бу тоси нигун давронига. *Ғаройибус-сиғар*, 399-Т.

БЕЧОРА [بیچاره] – чорасиз, иложсиз, тадбирсиз:
Ул сувлар оқиб бари кўзидин,
Бечора сувдек бориб ўзидин. *Лайли ва Мажнун*, 160-Т;
Гар кўнгулни айласа ул қотили хунхора сайд,
Қатл учун қони тўкулмай найлагай бечора сайд. *Наводируш-шабоб*, 119-Т;

~ **и ажзпайванд** – чорасиз, ожиз, иложсиз, нотавон:
...ва чорасизлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд.
Маҳбубул-қулуб, 14-Т;

~ **бўл-** – чорасиз, бечора бўмоқ:
Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Малолат даштида овора бўлмиш. *Фавойидул-кибар*, 266-Т;

~ **қил-** – чорасиз қилмоқ:
Ки хоқон ҳар неча ким чора қилди,
Қазо ичра ўзин бечора қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 173-Т.

БЕЧОРАЛИҒ/БЕЧОРАЛИҚ [بیچاره لیغ / بیچاره لیق] – чорасизлик, иложсизлик, ожизлик:
Бу қайғу элтибан ани ўзидин,
Оқиб бечоралиқ ашки кўзидин. *Фарҳод ва Ширин*, 312-Т;
Кўрди ажаб ажз ила бечоралиқ,
Оллиға тушти ажаб овфалиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-255;
Чораи кор истабан бечоралиғ кўнглум тилар,
Хонумоним таркин қилиб оворалиғ кўнглум тилар. *Ғаройибус-сиғар*, 155-Т;
Манга ғаминг аро бечоралиғ дурур чора,
Не ғам агар мени бечора айламадим. *Бадойиул-васат*, 325-Т;
Не истар чора дарди ишқ учун эл,
Чу йўқ бечоралиғдин ўзга чора. *Бадойиул-васат*, 386-Т;
Баримизга ул навъ бечоралиғ,
Солиб тоғ-у водийда оворалиғ. *Садди Искачдарий*, 427-Т;
Кўнглига сабрдин ўзга чорае ишқида билиб сабр кила олмағандин бечоралиқ изҳори қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 437-Т.

БЕЧУН [بی چون] – мислсиз, тенгсиз, монандсиз:
...фалакнинг мухолиф ҳаракатидин ҳар жаво арраси келса зикриёкирдор тилларри жуз холиқи бечун ҳамдиға зокир бўлмағусидурур. *Муншаот*, 14-146.

БЕШ I [بیش] – 1. кўп, ортиқ, зиёд:
Ки тириклик нафаси беш эрмас,
Хизр умри ҳаваси беш эрмас. *Фавойидул-кибар*, 682-Т;
Ганжға ул бир нигоҳбон беш эмас,
Уйла ким ул кўйға чўпон беш эмас. *Лисонут-тайр*, 174-Т;

2. тўла:
Анга ким ўзи охир андеш эмас,
Бу лаҳву ҳаво анча кун беш эмас. *Садди Искандарий*, 279-Т;

~ **у кам** – кўпу оз:
Агар айш-у роҳат у гар дард-у ғам,
Бариға насиби етар беш-у кам. *Садди Искандарий*, 498-Т;

~ **тут-** – ортиқ, зиёда тутмоқ:
Иффат ҳарамида кеш тутқай,
Такво била зуҳд беш туткай. *Лайли ва Мажнун*, 135-Т.

БЕШ II [بیش] – беш (саноқ сон);
Анинг подшоҳлиғин Банокатий беш йил дебтур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-204;
Демак ким тўрт-у олтидин мубарро,
Ки беш-у иккидин даҳи муарро. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т;

~ **ганж** – беш хазина; «Хамса»даги беш достон:
Етишмай кўп ул ишда панжумға ранж,
Насиб ўлди беш ганжидин тўрт ганж. *Садди Искандарий*, 72-Т;

~ **вақт намоз** – бир кунда беш маҳал ўқиладиган намоз:
Беш вақт намоз бари тарк бўлмаса... *Муншаот*, 14-187;

~ **кун** – қисқа давр, қисқа муддат:
Чун ҳумоға тўъмадур охир бошингда ҳар сўнгак,
Ул ҳумо бошингға беш кун соягустар бўлди тут. *Наводируш-шабоб*, 69-Т;

~ **юк** – беш эшак юки (500 *кг* га яқин):
Муқриға йиллиқ нақд юз олтун, буғдой беш юк. Хонақоҳ таббоҳининг йиллиғи нақд икки юз сексан олтун, буғдой беш юк. *Вақфия*, 14-267;

~ **ўнча** – маълум бир қисқа муддат ичида:
Гар эгридур ёғибан ўқу боғланиб бўйни
Бўлур кабақ йиғачидек беш ўнча кунда нигун. *Ғаройибус-сиғар*, 524-Т;

~ **ҳис** – беш сезги (кўриш, эшитиш, татиш, ушлаб сезиш, ҳид билиш):
Исломим шахси беш ҳисдин бирининг ўксуклуги жиҳатидин ноқис бўлмағай. *Вақфия*, 14-261;

~ **олти қатра** – бироз, озгина:
Этиб беш олти қатра сутка мухтож,
Ул ўлса тўқ агар ул бўлмаса оч. *Фарҳод ва Ширин*, 84-Т.

БЕША [بیشه] – 1. тўқай, ўрмон, чангалзор:
Чун гиёҳ бутмиш ўйла ким беша,
Тубини маҳкам айламиш реша. *Сабъаи сайёр*, 10-377;
Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ. *Ғаройибус-сиғар*, 235-Т;

2. макон, манба:
Манозил сайридин хуршид ўз манзилиға яъни асад буржиға юзлангани ва қулон овидин шер ўз бешасиға яъни Журжон тахтгоҳи гардун иштибоҳиға қайтқанини эшитилди. *Муншаот*, 14-175;
Салтанат баҳрининг дурри яктоси... шижоат бешасининг ҳунарбар шеришикори... султонис-салотин Абулғози Султон Ҳусайн. Баҳодирхон. *Мажолисун-нафоис*, 202-Т;

~ **и жаҳл** – нодонлик тўқай зори, жоҳил тўқайзор:
Вокиф ул ким бешаи жаҳл ичра жисминг ҳужраси
Нафс сайёди ҳаво сийдин тутарға козадур. *Бадойиул-васат*, 146-Т;

~ **и Мазандарон** – Мазандарон бешаси, тўқайи:
Эй Навоий билки чекмишам беихтиёр,
Десалар ким бешаи Мазандаронға тушти ўт. *Ғаройибуç-сиғар*, 90-Т;

~ **и нигор** – тўқай сурати манзараси:
...ва рой Искандари соҳибқирони ҳинд сари бошлаб бешаи нигорда кишлоқ кўргузгани... *Садди Искандарий*, 287-Т;

~ **и тақдир** – тақдир қароргоҳи:
Бешаи тақдир шер шарзаси,
Шернинг андин ҳарос-у ларзаси. *Лисонут-тайр*, 32-Т.

БЕШАБИҲ [بی شبیه] – тенгсиз, ўхшаши йўқ, монандсиз:
[Паҳлавон Муҳаммад] паҳлавонлиғ жаҳонининг жаҳон паҳлавони сурат-у маънида бешабиҳ-у беназири. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т.

БЕШАВ [بیشو] – бешов, бештаси:
Ҳавосси хамсила мақсуд бўлмади мудрик,
Кўнгулни топ ики уч узв беш эмас бу бешав. *Фавойидул-кибар*, 490-Т.

БЕШАВКАТ [بی‌شوکت] – ҳайбатсиз, салобатсиз:
Неча ким мусин(н) киши ҳазл ва хиффат кўргузса анинг қошида бешавкат ва беэътибор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-84.

БЕШАКК [بی شک] – шубҳасиз, аниқ, бегумон:
Дайр аро кир пандни гўш айлагил,
Бода бешак соф эрур нўш айлагил. *Наводируш-шабоб*, 693-Т;
Чунки бу иш келди бешак ишқ иши,
Ким ки ошиқ эрмас ул эрмас киши. *Лисонут-тайр*, 136-Т.

БЕШАЛАСИ [بیشه لسی] – бешаласи:
Бас муқаррардур ким бешаласи хос ким ким бўлмаса муважжаб нуқсони бўлур. *Вақфия*, 14-261.

БЕШАМЪ [بی شمع] – шамсиз, ёруғликсиз:
Қолиб дарду бало беёру мунис,
Бўлуб ҳижрон туни бешамъи мажлис. *Фарҳод ва Ширин*, 458-Т.

БЕШАРАР [بی شرر] – ёлқинсиз, алангасиз:
Ҳажр ўти жонимга ортуқдур, анга бас бешарар,
Ўртамак дўзах била яъни не бир хошокни. *Хазойинул-маоний*, 1Va-359.

БЕШИБҲ [بی شبه] – ўхшашсиз, тенгсиз, монандсиз; ~ **-у мисол** – ўхшаши ва тенги йўқ:
Саъди ву Хусрав-у Салмон-у Камол,
Ким эди ҳар бири бешибҳ-у мисол. *Фавойидул-кибар*, 679-Т;

~ **-у назир** – тенгсиз-у беназир:
...ва паҳлавонлиғ жаҳонининг жаҳон паҳлавони сурат-у маънода беҳшибҳ-у назир яъни паҳлавон Муҳаммади Куштигир. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;
Ҳар бири ўз таврида бешибҳ-у назир,
Бордилар барча не айлай тадбир. *Фавойидул-кибар*, 693-Т.

БЕШИК [بیشیک] – бешик:
Қирофий анга деди ким сени икки бешик аросида кўрармен. Оз фурсатда Дуққий уйланди ва анга икки фарзанд бўлди. Икки бешик аросида ўлтуруб Қирофий сўзин соғинур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 144-Т;
Бешик даврида чини ву хитойи,
Бўлуб юз нўшлаб дастонсаройи. *Фарҳод ва Ширин*, 134-Т.

БЕШИКАСТ [بی شکست] – тўлиқ, камчиликсиз, беайб, бут-бутун; ~ **у кусур** – ҳеч камчиликсиз ва ўзгаришсиз, тўлалигича:
Дедилар шаҳға бешикаст-у кусур,
Сўзни ким бўлди юқори мазкур. *Сабъаи сайёр*, 10-184.

БЕШИКЕБ [بی شکیب] – сабрсиз, тоқатсиз, бардошсиз; **~ -у тавон** – бесабру тоқат:

Қўпуб ул хайл бешикеб-у тавон,
Бўлдилар шаҳзода сари равон. *Сабъаи сайёр*, 10-151.

БЕШИНЧИ [بیشینچی] – 1. бешинчи:

Ҳукмрон бешинчи торам авжида бир каҳрамон,
Тиғи қаҳридин толиб қон сурса кин-у ваҳшатин. *Бадойиул-васат*, 486-Т;

Абул-Аббоси Динавари қаддасаллоҳу сирраҳу. Бешинчи табақадиндур. *Насойимул-муҳаббат*, 87-Т;

«Садди Искандарий»да ким «Хамса»нинг бешинчи китобидур машруҳ адо қилибтурмен. *Тарихи мулуки ажам*, 16-215;

Учунчи доиранинг бешинчи баҳри мушокилдур. *Мезонул-авзон*, 52-Т;

2. бешинчи фалак, Миррих (Баҳром, Марс) сайёрасининг қароргоҳи:

Бешинчига чун еткуруб гомни,
Қилиб бандаи амри Баҳромни. *Садди Искандарий*, 64-Т;

Киши тиғидин топмайин баҳрамон,
Бешинчи мамоликда ул каҳрамон, *Садди Искандарий*, 50-Т;

3. «Хамса»нинг бешинчи достонига «Садди Искандарий»га ишора:

Валекин бешинчида табъи нажанд,
Неча кун бўлуб лавҳға пайванд. *Садди Искандарий*, 73-Т.

БЕШОМ [بی شام] – шомсиз, кечкурунсиз:

Даҳр аро чун қайгусиз йўқ ҳеч ишрат эй рафик,
Айш субҳин истама бешом офат эй рафик. *Наводируш-шабоб*, 654-Т.

БЕШУБҲА [بی شبهه] – шубҳасиз, гумонсиз:

Не ким кўрганни келганлар яко-як,
Туруб арз эттилар бешубҳа ву шак. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т.

БЕШУКУҲ [بی شکوه] – савлатсиз, шону-шавкатсиз.

Неча улуғ киши тамасхур ва тийбат қилса анинг қошида бешукуҳ виқор. *Маҳбубул-кулуб*, 14-84.

БЕШУМОРА/БЕШУМОР [بیشمار / بی شماره] – ҳисобсиз, сон-саноқсиз, кўп:

Шаҳу шаҳзода ҳар ён бешумора,
Ғаройиб айлар эрдилар назора. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т;

Ким хайл-у шоҳ ошиқ-у маъшуқ эрур якин,
Гулчеҳра ки ошиқ анга бўлса бешумор. *Ғаройибус-сиғар*, 528-Т;

Айвон била тоқи бешумора,
Ул навъ ки гунбаз-у минора. *Лайли ва Мажнун*, 378-Т.

БЕШУУР [بی شعور] – онгсиз, ҳиссиз; фаҳмсиз:

Келибтур ул пари эй бешуур телба кўнгул,
Келиб ўзунгга не дедурмен англағил боре. *Наводируш-шабоб*, 626-Т;

Ул тун ул кишвар саросар ёрумиш,
Воқиф элни бешуур этмиш ул иш. *Лисонут-тайр*, 44-Т.

БЕШУУРЛУҚ [بی شعورلوق] – шуурсизлик:

Ва ани бу оламда ҳузур ва шуур мақомидин ўткариб бехудлуқ ва бешуурлуқ оламиға еткурур эмишлар. *Насойимул-муҳаббат*, 240-Т.

БЕЭВАЗ [بی عوض] – тенги йўқ, тенгсиз, бебадал:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Ани айлаб халқ ичинда беэваз. *Лисонут-тайр*, 16-Т.

БЕЭЪТИБОР [بی اعتبار] – эътиборсиз, назардан четда қолган:

Ва бу афкандаи беэътибор агарчи зарradин камрак эрдим ул саҳоб тақвийяти била гуногун дурлар сочтим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 186-Т;

Дедилар ким биз гуруҳи хору зор,
Ҳарзакор-у ожиз-у беэътибор. *Лисонут-тайр*, 240-Т;

~ **бўл-** – эътиборсиз бўлмоқ:

Бир заифа қизиға насиҳат қилиб айтадур ки эй фарзанд хуснунгни элга кўп кўргузма ки хор-у беэътибор бўлур. *Насойимул-муҳаббат*, 162-Т.

БЕЭЪТИБОРЛИҚ/БЕЭЪТИБОРЛИҒ [بی اعتباریلیغ / بی اعتبارلیق] – эътиборсизлик:

Замон навойиби лагадкўбидин хоксорликка қолиб беэътиборликка тушар эрканда ул салогин ул шикастаи афтодаға дастгирлик юзидин илтифот ва шафқат кўргузур эрмишлар. *Муншаот*, 14-176;

Ва гоҳ лаимлар элинда хорлиғ ва гоҳ арзоллар оллида беэътиборлиғ кўрдум. *Маҳбубул-қулуб*, 14-9.

БЕЭЪТИДОЛ [بی اعتدال] – бемуътадиллик:

Кўп оғзима куйу қуй адл жомин ай муғ ким
Қазо бу шевада беэътидол қилди мени. *Ғаройибус-сиғар*, 465-Т;

~ **эт-** – бемуътадил этмоқ:

Ошкор этмас эдим ишқин вале ўткан кеча,
Бода зўр айлаб йиғи беэътидол этмиш мени. *Бадойиул-васат*, 448-Т.

БЕЭЪТИДОЛЛИК [بی اعتداللیق] – бир меъёрда турмаслик, муътадил бўлмаслик, бир зайлда бўлмаслик:

Йўқ ки барчаға нима бергай беэътидоллик била то мулк бузулғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-193;

Ул девона беэътидолликлар қилса эрди анга таъзир ва адаб қилур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-19.

БЕЭЪТИМОД [بی اعتماد] – ишончсиз, ишончни йўқотган:

Керакмас мухолифға анча инод,
Ки қилгай мувофикни беэътимод. *Мафубул-қулуб*, 14-89.

БЕЭҲТИМОМЛИҒ [بی اهتمامليغ] – аҳамиятсизлик, эътиборсизлик, диққат қилмаслик, бепарволик:

Агар андағи ишларда беэҳтимомлиг воқеъ бўлса Мирзо табуғида бу кул уётлиғ бўлғусидур. *Муншаот*, 14-170.

БЕҚАДР [بی قدر] – қадри йўқ, кадрсиз:

Лаъли оллинда анингдек ким эрур беқадр тош,
Бўлмиш ул янглиғ лабинг оллинда бемиқдор лаъл. *Наводируш-шабоб*, 369-Т;

Эй Навоий чун гуҳар беқадр эрур шаҳ оллида,
Не ажаб гар бўлса назмингдин қошида хор лафз. *Ғаройибус-сиғар*, 233-Т.

БЕҚАЙД [بی قید] – бандсиз, боғловсиз, боғсиз, бетушов; ~ **ўл-** – банддан бўшамоқ:

Лойиқ ул сен ки беқайд ўлғасен,
Саъй этиб бир шоҳға сайд ўлғасен. *Лисонут-тайр*, 52-Т;

~ **қил-** – бандсиз қилмоқ:

...бир жаҳон халқин мулоямат била сайд ва бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори беқайд қилғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т.

БЕҚАРОР [بی قرار] – оромсиз, тинимсиз; тоқатсиз; қарорсиз:

Ва хуб айтур эрди андақ ки эшиткан хаввосс-у авом хушҳол бўлмаққа беихтиёр ва ўрганмакда беқарор эрдилар. *Ҳолоти Раҳлавон Муҳаммад*, 103-Т;

Вале нотавон кўнгли зори анинг,
Ҳазин хотири беқарори анинг. *Садди Искандарий*, 386-Т;

~ **бўл-/ўл-** – қарорсиз бўлмоқ:
Шайх ун тортти ва беқарор бўлди самоъда. *Насойимул-муҳаббат*, 147-Т;
Киши ишқида зор ўлмақ бу бўлғай,
Ғамидин беқарор ўлмақ бу бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 354-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – қарорсиз, оромсиз, тоқатсиз қилмоқ:
Неча кил ки таҳаййул бирла бу сурат нигор айлай,
Анга ошиқ ясаб кўнглумни амдо беқарор айлай. *Наводируш-шабоб*, 613-Т;
Эй фалак бир ой ғамидин асру зор эттинг мени,
Пўйадин тун кун ўзунгдек беқарор эттинг мени. *Ғаройибус-сиғар*, 488-Т;
Юз урма ҳар тараф эй шўх-у зор қилма мени,
Қарор тут нафаси беқарор қилма мени. *Ғаройибус-сиғар*, 450-Т.

БЕҚАРОРЛИҒ/БЕҚАРОРЛИК [بی قرارلیغ / بی قرارلیق] – оромсизлик, бетоқатлик, сабрсизлик, тинимсизлик:
Жуҳҳол ситамидин шеваси азо бўлғанларнинг сугворлиғи ва амал қаламидин рўзгори қаро бўлғанларнинг беқарорлиғи... *Вақфия*, 14-253;
Неча ким ошти беқарорлиғи,
Етмади ҳеч кимса ёрлиғи. *Сабъаи сайёр*, 10-119;
Қилдилар беқарорлиқ беҳад,
Ҳар бири сўгворлиқ беҳад. *Сабъаи сайёр*, 10-126.

БЕҚИЁС [بی قیاس] – беҳад, беҳисоб; ўлчовсиз, сон-саноқсиз, беқиёс:
Шоҳ алтофини чун кўруб беқиёс
Қўпуб ройи ҳинд айлади илтимос. *Садди Искандарий*, 299-Т;
Илоҳи тилимни неъмати беқиёсингға шокир айла ва кўнглумни ҳамду сипосингға зокир айла. *Муножат*, 16-298;
Бовужуди бу Ҳақ эткай илтимос,
Истагил деб лутф қилгай беқиёс. *Лисонут-тайр*, 216-Т.

БЕҚИЙЛ-У ҚОЛ [بی قیل و قال] – гап-сўзсиз, эътирозсиз:
Гар мунга боисдурур фазлу камол,
Олами инсоф аро беқийл-у қол. *Лисонут-тайр*, 176-Т.

БЕҚИЙМАТ [بی قیمت] – 1. қадрсиз, эътиборсиз; бебаҳо:
Беқиймат эрур ул ки бийик ҳиммати бор,
Гарчи неча кам ҳиммати бор қиймати бор. *Назмул-жавоҳир*, 15-178;
2. касод, арзимас, нархи паст:
Асрадинг каттон кафан қилмақ учун не суд ким,
Ҳашр бозорида беқийматдурур мундақ матоъ. *Ғаройибус-сиғар*, 234-Т.

БЕҚОИДА [بی قاعده] – тартибсиз, интизомсиз:
Аларнинг [навкарларнинг] аҳволидин ҳам воқиф бўлмақ вожибдур ким беқоида воқиъ бўлмағай ва барча ҳушёрликка вобастадур. *Муншаот*, 14-170.

БЕҚОИДАЛИҒ/БЕҚОИДАЛИК [بی قاعده لیق / بی قاعده لیغ] – қоидага амал қилмаслик; тартиб ва интизомдан ташқари чиқиш:
Яна бири бу ким сен ҳар беқоидалиғ ким қилибсен анга кўра сазо ва жазо топибсен. *Муншаот*, 14-217;
Ҳатто ки ўз фарзандлариға ва ходим-у мамлукларига ки ҳар неча алардин беқоидалиқ кўрсалар хушунат била аларға сўз демаслар балки насиҳатни йумшақ ва чучук тил била қилурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 7-Т;
Мунча беқоидалиғларнинг асносида барчанинг талофиси ва тадоруки учун от юборурсен. *Муншаот*, 14-217.

БЕҚОНУН [بی قانون] – қонунсиз:

Эгриликда шуҳра бўлмақ истамассен айлама,
Аҳли исён хидматида қадди бекунунни кўж. *Ғаройибус-сиғар*, 188-Т.

БЕҚУСУР [بی قصور] – нуқсонсиз, камчиликсиз; мукаммал, баркамол:

Чу қаср ўлди жаннат кибн бекусур,
Худ эрди муҳайё шаробан таҳур. *Садди Искандарий*, 360-Т;
Кўзгу равшанроқ неча қилса зухур,
Зоҳир ўлғай акс анда бекусур. *Лисонут-тайр*, 90-Т.

БЕҒАЙР [بی غیر] – бошқаси ила, – сиз:

Кимнинг ки бўлуб демакка майли
Малфуз ўлмай бағайри Лайли. *Лайли ва Мажнун*, 101-Т.

БЕҒАЙРАТ [بی غیرت] – ғайратсиз, дангаса, ишёқмас:

Тиланчи ва гадо кўпраги бегайрат ва беҳаё. *Махбубул-кулуб*, 14-39;
Қушлар айлаб ҳолатингдин ҳайрате,
Йўқ сенингдек бир яна беғайрате. *Лисонут-тайр*, 67-Т.

БЕҒАЙРАТЛИҒ [بی غیرتلیغ] – ғайратсизлик:

Халқ ичинда бор эди беғайрате,
Элга беғайратлиғидин ҳайрате. *Лисонут-тайр*, 68-Т.

БЕҒАМ [بی غم] – ғамсиз, ғуссасиз, бедард:

Ғамимни му дейин ё беғам элнинг можаросин му
Кўнгул ҳолин му ёхуд кўнглум олғаннинг жафосин му? *Ғаройибус-сиғар*, 397-Т;
Чу хон ҳам бор эди Фарҳодға ғам,
Анинг саридин эрмас эрди беғам. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;

~ **и ғофил** – бепарво ва бехабар:

Ул ки айтур кўнглакинг ул гул ғамидин чок эмас,
Англамайдур беғами ғофил ки кўксум чок эмиш. *Бадойиул-васат*, 204-Т;

~ **у ранж** – ғам-ғуссасиз:

Бас жоҳил эрур ки беғаму ранж,
Тўктунг этакига махзану ганж. *Лайли ва Мажнун*, 32-Т;

~ **бўл-** – хурсанд бўлмоқ, беғам бўлмоқ:

Кимса зиндонда қачан хуррам бўлур,
Байтул-эҳзонда нетиб беғам бўлур. *Лисонут-тайр*, 166-Т;

~ **айла-** – ғамсиз айламоқ:

Деди ўзумни маҳрам айлабмен,
Сизни ул ишда беғам айлабмен. *Сабъаи сайёр*, 10-345.

БЕҒАМХЎР [بی غمخوار] – ғамхўрсиз; меҳрсиз:

Ғам емак бўлмиш ишим йўқтур вале ғам ер кишим,
Турфа иш ким гарчи беғамхўр мен ғамхўрмен. *Наводируш-шабоб*, 470-Т.

БЕҒАРАЗ [بی غرض] – ғаразсиз, рост, пок юрак:

Вале ҳар не иш қилғанинг беғараз
Топибтур бу оламда бир бир эваз. *Садди Искандарий*, 145-Т;
Носиҳи содиқ ки эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз. *Ҳайратул-аброр*, 7-326.

БЕҒАШ [بی غش] – 1. тўғри, пок; покдил:

Ёр танбал эди софу беғаш
Зоти хуш ҳайъати хуш нуктаси хуш. *Фавойидул-кибар*, 693-Т;

2. холис, соф, тоза; бошқа нарса аралашмаган:
Чун холису поку беғаш ўлди,
Олтун не ки кимиёваш ўлди. *Лайли ва Мажнун*, 360-Т.

БЕҒОЯТ [بیغایت] – беҳад, туганмас, чексиз:
Ери эрди очуқ беғоят анга,
Гул-у сабза пас бениҳоят анга. *Садди Искандарий*, 305-Т;
Гарчи беғоятдурур раънолиғинг,
Бениҳоят ҳусн ила зеболиғинг. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
Не алҳон бўлса бир ғамдин ривоят,
Бўлуб бу ғамдин ул ғамгин беғоят. *Фарҳод ва Ширин*, 141-Т.

БЕҲ I [بیه] – яхши, хўб, гўзал:
Ки адл ичра этканга бир соате,
Эрур беҳ ки жинну башар тоати. *Садди Искандарий*, 140-Т;
Носиҳи содиқ ки эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз. *Ҳайратул-аброр*, 7-326.
Яъни бу саводи ғам ғубори
Беҳ ким манга нофаи татори. *Лайли ва Мажнун*, 307-Т.

БЕҲ II [بیه] – беҳи сўзининг қисқартирилган шакли:
Анга ғам тиғи бу боғ ичра ҳаром ўлди ким
Кийди пашмина сариғ юз била андақ ким беҳ. *Фавойидул-кибар*, 511-Т.

БЕҲАВО [بی هوا] – ҳавосиз, ёмон, ночор:
Фалак зулми улус бедоди ё бир сарви раънонинг,
Менинг ҳолимни айлаб беҳаво ҳар ён ҳавосинму? *Ғаройибус-сиғар*, 397-Т.

БЕҲАВСАЛА [بی هوسله] – ҳафсаласиз; бардошсиз, сабрсиз; рағбатсиз:
Разл беҳавсала микнат кўрса ўзин азиз тутмақ не ғариб ва жоҳи майни нашъасидин ўзин унутмақ не ажиб. *Бадойиул-васат*, 500-Т.

БЕҲАДД [بی حد] – чексиз, ҳадсиз; сон-саноқсиз, ниҳоясиз:
Кел ки ҳажрингда ҳазинмен беҳад,
Не манга сабр не ҳушу не хирад. *Мезонул-авзон*, 44-Т;
Эътибори кўп эл аро беҳад,
Жоҳ-у молиға йўқ ҳисоб-у адад. *Сабъаи сайёр*, 10-154;
~ **у адд** – жуда кўп, сон-саноқсиз:
Яна ишлар ҳам масал қавл ва ғазал ва чорзарбдек ва савт-у нақш ҳуд беҳадду адд боғлабдур ки халойиқ орасида машҳурдур.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 108-Т;
Аларға туман мингдин ортуқ адад,
Туман минг демай, балки беҳадд-у адд. *Садди Искандарий*, 423-Т;
~ **эт-** – ҳадсиз, чексиз этмоқ:
Кўрган ўлғай сен бошингни бир овуч тош остида,
Тожингға зийнат агар лаълу дури беҳадд эт. *Новодируш-шабоб*, 88-Т.

БЕҲАЁ [بی حیا] – уятсиз, шарм-ҳаёсиз, ор-номуссиз:
Комиллар – аҳли ҳаё ва нокислар – беҳаё. *Маҳбубул-қулуб*, 14-82;

БЕҲАЁЛИҒ/БЕҲАЁЛИҚ [بی حیالیغ / بی حیالیق] – ҳаёсизлик, уятсизлик, бешармлик:
Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,
Лаби ўрниға урмақ беҳаёлиғдур қадам воиз. *Ғаройибус-сиғар*, 233-Т;
Ҳазл этти не ҳазл беҳаёлиқ.
Мажнунға буюрди кадхудолиқ. *Лайли ва Мажнун*, 298-Т;

Замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туканлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин багримда тиканлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-83.

БЕҲАМИЯТ [بی حمیت] – ҳамиятсиз, номуссиз, беор:

Бир қатла саҳвдин унутсанг лакабинг бемурувват жафолари мукобаласида узрхоҳликка жон бермасанг хитобинг беҳамият. *Маҳбубул-қулуб*, 14-79.

БЕҲАМИЙЯТЛИҒ [بی حمیتلیغ] – ҳамиятсизлик; номуссизлик, орсизлик:

Мутойиаба рухсат берган навкар бобида ким яна ихтилоти беҳамийятлиғдур ва беҳиммatлиғ. *Бадойиул-васат*, 502-Т.

БЕҲАМОЛ [بی حمال] – шериксиз, тенгсиз, мислсиз:

Таодул била тут ани беҳамол,
Ичарда манга йўқ гарчи эътидол. *Садди Искандарий*, 138-Т.

БЕҲАМТО [بی همتا] – ягона, якка; тенги, ўхшаши йўк:

Жилва қилди даҳр аро кўп хусни беҳамто йигит,
Гул киби позукбаданлиғ сарвдек раъно йигит. *Фавойидул-кибар*, 636-Т;

Бу вақтда ким шаҳзодаи беҳамто Қичик Мирзо... дсвонаи сияҳрўй сияҳпушқа йўлуқмайдур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-39.

БЕҲАНГОМ [بی هنگام] – вақтсиз, ноўрин, бевақт, пайтсиз:

Ул ҳануз хом эрди ва бу маънидпн хуруш қилури беҳангом эрди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-61.

БЕҲАНЖОР [بی هنجار] – ноўрин, тартибсиз:

Дайр пири гар деса бор-у йўқунгни ўтқа сол,
Йўқ эса қилма йўқ-у боринги беҳанжор харж. *Фавойидул-кибар*, 98-Т.

БЕҲАРОС [بیحراث] – кўркувсиз, эҳтиётсизлик:

Чу сўз етти бу ерга мен беҳарос,
Қўпуб айладим бир дуо илтимос. *Садди Искандарий*, 527-Т.

БЕҲАСИБ [بی حسیب] – ҳисобсиз:

Хазойин ки жамъ эттилар беҳасиб,
Ҳак этти Сикандарга барин насиб. *Садди Искандарий*, 215-Т.

БЕҲАҚИҚАТ [بی حقیقت] – ҳақиқатсиз:

Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафй ул ки беҳақиқат эрур. *Фавойидул-кибар*, 699-Т;

Тенгри сенинг жазонгни бергай ки беҳақиқат эл санга зулм қилдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 412-Т.

БЕҲБУД [بهبود] – 1. яхшнлик, тўғрилик; хублик; хушаҳвол:

Йўқ эрди муолажатда беҳбуд,
Чун етти ажал илож не суд. *Лайли ва Мажнун*, 337-Т;

2. фойда, нажот:

Шайх ким пир эрди ву сизлар мурид,
Барчаға иршодидин беҳбуд умид. *Лисонут-тийр*, 117-Т.

БЕҲЖАТ [بهجت] – кувонч, шодлик:

Бу бандаға беҳжат ва сарафрозлиғ мужиби бўлган рукъа етишти. *Муншаот*, 14-172.

БЕҲИ [بیهی] – беҳи (мева тури):

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга симо
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донаи савдо.
Мазаллат туфрағи сариг юзумда бордур андак ким
Беҳида гард ўлтурган масаллик тук бўлур пайдо. *Бадойиул-васат*, 21-Т.

БЕҲИЖОБ [بی حجاب] – пардасиз, очиқ-ойдин; уятсиз:

Хосса маъшуқ оллида қилмақ аён,
Бўйла тунд-у беҳижоб этмак баён. *Лисонут-тайр*, 109-Т;

Не ки ул сўрса беҳижоб деса,
Мушкилига анинг жавоб деса. *Сабъаи сайёр*, 10-223;

~ **ўл-** – равшан бўлмоқ, очиқ-ойдин бўлмоқ:

Жоми май урди ҳижоб ўтиға су,
Беҳижоб ўлди тариқи гуфтугў. *Лисонут-тайр*, 226-Т;

~ **айла-** – дарёдан чиқиб тошмоқ; тошмоқ:

Баҳридин бир қатра айлаб беҳижоб,
Даҳрни сели бало бирла хароб. *Лисонут-тайр*, 126-Т.

БЕҲИЖОБЛИҚ/БЕҲИЖОБЛИҒ [بی حجابلیق / بی حجابلیغ] – пардасизлмк, уятсизлик, ҳаёсизлик:

Абдуллатиф Мирзо... ғариб бадфеъллиқлари бор эрди ким зикридин беҳижоблиқ лозим келур. *Мажолисун-нафоис*, 195-Т;

Қабоҳати ҳолотини мазкур қилакда кўп беҳижоблиғ керак. *Мажолисун-нафоис*, 178-Т;

Пастрақ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлик ва нохушликларе ки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликка сабаб. *Маҳбубул-қулуб*, 14-68.

БЕҲИЖОБОНА [بی حجابانه] – бепардаларча; уятсизларча:

Бошлади нукта беҳижобона,
Ким пари қилмиш эрди девона. *Сабъаи сайёр*, 10-320.

БЕҲИКМАТЛИҒ [بی حکمتلیغ] – бедонишлиғ, ҳикматсизлик, билимсизлик:

Беҳикматлиғини дарду ғам билса керак,
Ҳикмат топарини муғтанам билса керак. *Назмул-жавоҳир*, 15-167.

БЕҲИЛЛ [بی حلّ] – беқонун, бераво, бешариат, бегунох:

Гар яна бир қатла ўз васлингга еткурсанг мени,
Истарам ҳажринг беҳилдурмен гар ўлтурсанг мени. *Бадойиул-васат*, 443-Т.

БЕҲИММАТ [بی همّت] – ҳимматсиз, саховатсиз, хасис:

Олий ҳиммат шоҳбозедур баландпарвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи боз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80.

БЕҲИММАТЛИҒ [بی همتلیغ] – ҳимматсизлик, мурувватсизлик; шижоатсизлик, сустлик, назари пастлик:

Мутояба рухсат берган навкар бобида ким яна ихтилоти беҳамийятлиғдур ва беҳиммат лиғ. *Бадойиул-васат*, 502-Т.

БЕҲИСОБ [بی حساب] – ҳисобсиз, сон-саноқсиз, кўп:

Сиёсатлиғ ҳокимнинг иҳтисобида ва кўп қонин тўкардин қатли беҳисобида. *Фавойидул-кибар*, 703-Т;

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб эмас маҳсуб. *Ғаройибус-сиғар*, 57-Т;

Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзғайлар. *Сабъаи сайёр*, 10-56;

~ **айла-** – ҳисобсиз, чексиз айламоқ:

Қулимен дайр пирининг ки журмум беҳисоб ўлса,
Ҳисоб этмас вале эҳсон-у лутфин беҳисоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 185-Т.

БЕҲОЖИБ [بی حاجب] – дарвозабонсиз, тўсиқсиз:

Шоҳ даргоҳиға гар бор эса ҳожиб монеъ,
Эй гадо мужда ки беҳожиб эрур бу даргоҳ. *Фавойидул-кибар*, 517-Т.

БЕҲОЛ [بیحال] – ҳолсиз; қувватсиз, бемадор, заиф, ожиз; маъюс:

Бу иш ул кема аҳлин айлабан лол,
Бири хушҳол бўлса ўни беҳол. *Фарҳод ва Ширин*, 273-Т;

Мовий беҳол кўнглак вах не фаррухфол экин,
Ким танингға суртулур бу важҳдин беҳол экин. *Наводируш-шабоб*, 477-Т;

~ **бўл-** – беҳол бўлмоқ:

Бу сўз маҳбуб эшиткач лол бўлди,
Навиди васлидин беҳол бўлди. *Фарҳод ва Ширин*, 91-Т;

~ **айла-/эт-/кил-** – кучсизлантирмоқ, ҳолсиз қилмоқ, ожиз қилмоқ:

Нуктаси нутқум тилин лол айлабан,
Жилваси ақлимни беҳол айлабан. *Лисокут-тайр*, 19-Т;

Мунда ҳам ани дард этиб беҳол,
Ҳам ўшул икки янглиғ этти хаёл. *Сабъаи сайёр*, 10-271;

Кўруб Ширинни ҳайрат лол қилди,
Таажжуб бир йўла беҳол қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 296-Т.

БЕҲОЛВАШ [بی حالوش] – хаста ҳол, заиф:

Солур эрди гомини беҳолваш,
Чарх анинг килганларидин кинакаш. *Лисонут-тайр*, 124-Т.

БЕҲОЛЛИҚ/БЕҲОЛЛИҒ [بی حاللیق / بی حاللیغ] – 1. нотавонлик, заифлик:

Хушҳоллиқ этти ани беҳол,
Беҳоллиқ этти нуткини лол. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;

Ким анга юзланди гунг-у лоллиқ,
Ҳар замон ўз ҳолидин беҳоллиқ. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

2. хасталик, паришонлик:

Маҳбубнинг зулф очканидин ва ўз ошуфта аҳволлиғи ва қоши чинидин кўнглининг беҳоллиғи бобида. *Мажолисун-нафоис*, 220-Т.

БЕҲОСИЛ [بی حاصل] – фойдасиз, натижасиз, самарасиз:

Оз эмас фикр айламакка даҳри беҳосил ғами,
Хулладек хилъат сўзи ё равзадек манзил ғами. *Наводируш-шабоб*, 656-Т;

Бу хаёлинг келди беҳосил хаёл,
Балки бошдин то оёғ ботил хаёл. *Лисонут-тайр*, 140-Т.

БЕҲУДА [بیهوده] – 1. беҳуда, бекор, кераксиз; фойдасиз:

Нух умри ву Сулаймон мулкига йўқтур бако,
Ич Навоий бода ким олам ғами беҳудадур. *Ғаройибус-сиғар*, 170-Т;

Васл истасанг ул фоний андак ки Навоий ким
Ҳар иш ки мунунг ғайри бордур бари беҳуда. *Бадойиул-васат*, 385-Т;

2. асоссиз, бемаъни, бекорчи, бўлар-бўлмас:

Рақиб беҳуда тақрири бирла юз тақсир,
Заиф ғамзадалар отига рақам қиладур. *Хазойинул-маоний*, 16-201.

БЕҲУДАКЎШ [بیهوده کوش] – беҳуда ҳаракат:

Скандарға бу мужда берди сурўш,
Ки эй одамийзоди беҳудакўш. *Садди Искандарий*, 469-Т.

БЕҲУДАЛИҒ [بیهوده لیغ] – беҳудалик, фойдасизлик, бенатижалик:

Чекиб барча олудалиғдин аёғ
Тутуб бари беҳудалиғдин қироғ. *Садди Искандарий*, 73-Т.

БЕҲУЗУР [بی حضور] – ҳаловатсиз, беором; беҳаловат:

Лек кўнгли чу беҳузур эрди,
Анда ҳар лаҳза бу хутур эрди. *Сабъаи сайёр*, 10-106;

~ **бўл-** – ҳаловатсиз, беором бўлмоқ:
...аларнинг муборак мизожларига ориза воқеъ бўлуб неча кун беҳузур бўлуб яна сиҳҳатлари хабари келди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-42.

БЕҲУНАР [بی هنر] – ҳунарсиз, қобилиятсиз, истеъдодсиз:
Ҳунарманд қошида беҳунар илик тебратмаса айб туҳматин анга тақар.
Маҳбубул-қулуб, 14-107;
Чун ҳунарвар узра чиқти беҳунар,
Тоздин қолди куйирок тожвар. *Лисонут-тайр*, 36-Т.

БЕҲУНАРЛИҒ [بی هنرلیغ] – ишёқмаслик, ишга қўл урмаслик:
Бор эрди бир паҳлавони зўргар,
Беҳунарлиғ фанида соҳибҳунар. *Лисонут-тайр*, 78-Т.

БЕҲУРМАТ [بی حرمت] – ҳурматсиз(лик):
Бирав анга шаҳодат арза қилди. Ул ачиғланиб деди ки тек тур беадаб-у беҳурмат қавм келиб анинг дўстларидин бирига шаҳодат арза қилурлар.
Насойимул-муҳаббат, 80-Т;
~ **эт-** – ҳурматсизлик этмоқ:
Тилади ки аларни ранжида қилғай ва беҳурмат эткай.
Насойимул-муҳаббат, 299-Т.

БЕҲУРМАТЛИК/БЕҲУРМАТЛИҒ [بی حرمتلیک / بی حرمتلیغ] – ҳурматсизлик:
Халқ жонибидин беҳурматлики эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфодин сақлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;
Ҳазлга шуруъдин беҳурматлиғ ўқ ортар ва ҳазлнинг ниҳояти жидолға тортар.
Маҳбубул-қулуб, 14-109.

БЕҲУШ [بی هوش] – ҳушсиз, ўзидан кетган; телба:
Ки ҳажридин анинг маҳзунмен асру,
Бўлай беҳуш ким мажнунмен асру. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;
~ **бўл-/ўл-** – ҳушсиз бўлмоқ, ўзидан кетмоқ:
Ки ҳажридин анинг маҳзунмен асру,
Бўлай беҳуш ким мажнунмен асру. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;
Қачан беҳуш ўлурмен ўзлукумдин,
Агар тўлдурмасанг жоним лаболаб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – ҳушсиз айламоқ, хушини оғдирмоқ:
Завқ ила шайх ўзни беҳуш айлади,
Нуктадин оғзини хомуш айлади. *Лисонут-тайр*, 107-Т;
Деди Хисрав: сен этсанг ани беҳуш,
Камингаҳда қўяймен юз зириҳпўш. *Фарҳод ea Ширин*, 365-Т;
Мени ҳолимни англардин йирок кил,
Неча беҳуш эсам беҳушрақ қил. *Фарҳод ва Ширин*, 370-Т;

БЕҲУШВОР [بیهوشوار] – ҳушсиздек; беҳушларча:
Гаҳ дер эрди маст-у беҳушвор,
Сув яратмақ магар эрур душвор. *Сабъаи сайёр*, 10-309;
Кирди чун қаср ичига беҳушвор,
Ҳайрат ичра не масту не ҳушёр. *Сабъаи сайёр*, 10-317.

БЕҲУШЛУҒ/БЕҲУШЛУҚ [بیهوشلوغ / بیهوشلوق] – ҳушсизлик, мастлик:
Бўлғанда ҳажр тунлари беҳушлуғ ишим,
Кўз мардуми дурур юзума су урар кишим. *Бадойиул-васад*, 318-Т;
Ҳажр аро ҳолим гаҳи беҳушлуқ гаҳ гам емак,
Ишқинг иқболида қил наззора хоб-у хўрдима. *Фавойидул-кибар*, 539-Т;

Йўқ бу водий ичра жуз хомушлуқ,
Гунг-у кар бўлмағлиғ-у беҳушлуқ. *Лисонут-тайр*, 228-Т.

БИАЖМАИҲИМ [باجمعهم] – ҳаммаси, бари, тамоман, ҳаммалари:
Ва сарт биажмаиҳим агар турк иборати адосида ожиздур муҳик ҳам бор.
Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т.

БИАЙНИҲИ/БИАЙНИҲ [بعينه]– худди, худди ўзи, айнан:
Кўзум учар ки ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Биайниҳи анга кирпиклар ўлмиш икки қанот. *Ғаройибус-сиғар*, 83-Т;
Наргис кўзи айлаб ани волиҳ,
Ёри кўзидек кўруб биайниҳ. *Лайли ва Мажнун*, 129-Т;
Кўзу қошинг биайниҳи наргис бошинда нун,
Зулфунг аёғинг остида чун вард аёғи дол. *Ғаройибус-сиғар*, 301-Т.

БИБИ [بی بی] – мўътабар аёл, хоним, уй соҳибаси, бека:
Хожа ким биби борида додакка айланғай бибининг иффат этаги кулға булғанғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-106.

БИБИК [بیبیک] – биби, хонум:
Шайх Абусаиди Абулхайр... дебдур ки Марвда эрдук ки анда бир қари хотун бор эрди ки ани бибик дер эрдилар бизинг қошимизға келди.
Насойимул-муҳаббат, 449-Т.

БИГАН-/БЕГАН- [بیگان] – мақбул топмоқ, маъқул кўрмоқ:
...ва хаёлимға андақ келур ким сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни биганмагай.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;
Қайси яхшироқ айтибдурлар ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмағиға бар ва сен биганурсен? Фақир дедим барча яхши айтибдурлар ва мен биганурмен.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 115-Т.

БИД [بید] – мажнун тол:
Бўлуб ахзар синонинг сарв монанд,
Анинг устида барги бид пайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т.

БИДОЯТ [بدایت] – бошланиш, ибтидо, аввал:
Дема туш вақти ул юз кундин ортукдур муни кўргил,
Ким ул ёндин ниҳоят бўлса бу ёндин бидоятдур. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т;
Бирав ҳамдидиндур бидоят анга,
Ки йўқ ибтидо ву ниҳоят анга. *Садди Искандарий*, 480-Т;

~ **и ҳол** – аввалги, ибтида ҳоли:
Ул бидояти ҳолида Саййид Бурҳонуддини Муҳақиқи Термизийнинг муриди эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 304-Т;
Бидояти ҳолда Хавф вилоятининг Синжон отлиғ кентида шерик-у нувисанд эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 318-Т;

~ **ул-анбиё** – анбиёлар аввали:
Чун вилоятнинг интиҳосида валийнинг руҳи набийнинг жисмида мушобаҳат топар тариқатда ниҳоятул-анбиё бидоятул-анбиё бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 283-Т;

~ **айла-** – бошламоқ, оғоз қилмоқ:
Топти Мажнун шуҳрат-у қолди менинг қиссам ниҳон,
Ким ўлар ҳар ким фасонамни бидоят айласа. *Набодируш-шабоб*, 23-Т.

БИДЪАТ [بدعت] – номаъқул, хилоф, бидъат:
Кичик Мирзо... бидъатлар тарикига носиҳ ва аҳли суннаг ва жамоат қоидасиға росих эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-39.

Базм майдони аларға жилвагоҳ,
Зоҳир айлаб бидъати ҳар дам табоҳ. *Лисонут-тайр,* 77-Т;

~ **и саййиа** – ёмон одат; зарарли расм:
Бедиёнат судур бидъати саййиадур било зарур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-16.

БИЁБОН [بیابان] – чўл, биёбон, дашт:
Биёбон қатъ этиб манзил-баманзил,
Анга тегру ки айтиб эрди комил. *Фарҳод ва Ширин,* 205-Т;
Эй Навоий бу биёбон қатъин осон айладинг,
Ашкдин мундақ ки ҳар манзилда чектинг юз булоқ. *Наводируш-шабоб,* 311-Т.

БИЁБОНГАРД [بیابان گرد] – биёбон кезувчи:
Бириси муқбили биёбонгард,
Яна бир мудбири биҳор навард. *Сабъаи сайёр,* 10-307.

БИЁБОНИЙ [بیابانی] – саҳрода яшовчи киши; саҳрога хос:
Шоҳ чун сўрди лутф этиб ани,
Ўпта ер сойири биёбоний. *Сабъаи сайёр,* 10-80;
Водийи ҳижронда ағёриға ёр ўлдим не тонг,
Гар бўлур ғули биёбоний била девона дўст. *Ғаройибус-сиғар,* 91-Т.

БИЁБОНЛИҒ [بیابان لیغ] – биёбонлик:
Фурқати даштида ҳам саргашта ҳам оворамен,
Ким кўйунлуғдур ишим ғули биёбонлиғ дағи. *Бадойиул-васат,* 452-Т.

БИЁБОННИҲОД [بیابان نهاد] – чўл, биёбон табиат, мижоз, дашт хислат:
Ки мен ваҳшимен биёбонниҳод,
Атодим ато ваҳши ву ваҳшзод. *Садди Искандарий,* 413-Т.

БИЗ I [بیز] – 1. биз (кишилик олмоши):
...биз ки мо ва наҳну маъноси биладур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 175-Т;
Шайх Абдуллоҳ ушбу рисолани бизнинг қошимизға келтуруб эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-15;
Бизинг эмин йўл ўзга сари қолмиш,
Бу сари бизни дарё мавжи солмиш. *Фарҳод ва Ширин,* 272-Т;

2. мен маъносида:
...бу якинда бир икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз. *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-27.

БИЗ II [بیز] – бигиз: *Муҳокаматул-луғатайн,* 175-Т.

БИЗЗАРУР/БИЗЗАРУРА/БИЗЗАРУРАТ [بالضرور / بالضروره / بالضرورت] – заруратан, мажбуран, но-илożликдан, зарурат юзасидан:
агар аҳёнан биззарур воқиъ бўлса наввобға муқаррар қилилса ким ҳукм бўлмаған киши мутлақо муртакиб бўлмаса... *Муншаот,* 14-189;
Ҳам бари дурди эмас ҳам барча соф,
Биззарурадур улуска ихтилоф. *Лисонут-тайр,* 207-Т;
Ки хоқон топмайин андин кудурат,
Ул эткай азми ғурбат биззарурат. *Фарҳод ва Ширин,* 258-Т.

БИЗЗОТ [بالذات] – шахсан, бевосита, зотида, аслида:
Чун аларға биззот машраби тавҳид воқеъ бўлғандур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-11;
Ҳар кишида бу сифаф биззот эрур,
Ул киши поку шарифавқот эрур. *Лисонут-тайр,* 142-Т.

БИЗОАТ [بضاعت] – мол; мулк:

Бири ул жумладин шижоатдур,
Шаҳға бу иш улуғ бизоатдур. *Сабъаи сайёр*, 10-397;

Ҳар қачан биравни топсанг ки бизоатинг анинг элгида бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 18-Т.

БИИЗНИЛЛОҲИ ТАОЛО [بإذن الله تعالى] – Ҳақ таолонинг изми ила:

Боқиб товуғларға дебдур ки учунгиз тирилиб ича бошлабдилар биизниллоҳу таоло. *Насойимул-муҳаббат*, 378-Т.

БИЙИЗ [بيز] – бигиз:

... бийиз ки дирафш дерлар. *Муҳокаматут-луғатайн*, 175-Т.

БИЙИК [بييک] – 1. буюк, улуғ; баланд, юксак, олий:

Бодаи лаълинг учун азми харобот эткали,
Риндлар ичра эрур қадрим бийик шоним азиз. *Бадойиул-васат*, 155-Т;

Бийикрак фалак касридин пояси,
Равоқиға тушмай булут сояси. *Садди Искандарий*, 359-Т.

Шайхул-ислом дебдур ки бир кун бир бийик ерда ўлтуруб эрдим. Кўрдум ки сел келур ва бир аморий келтурур ва бир киши ул аморийда ўлтуруб бийик бийик айтур. *Насойимул-муҳаббат*, 111-Т;

~ **бўл-** – баланд, буюк бўлмоқ:

Даҳр гулзорида гул ишқида булбулнинг уни,
Гар бийик болғай фиғонимдек хироши қайдадур. *Наводируш-шабоб*, 198-Т.

БИЙИКЛИК/БИЙИКЛИГ [بييکليک / بييکليگ] – 1. катталик; буюклик:

Бийиклик ичра тоққуз осмонча,
Тубининг давраси икки жаҳонча. *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т;

Бор эрди қасрнинг ўрнида бир тош,
Бийикликда фалакдин ошуруб бош. *Фарҳод ва Ширин*, 309-Т;

2. мағрурлик, манманлик:

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. *Маҳбубул-қулуб*, 14-77;

~ **қил-** – буюклик қилмоқ:

Нафс не амр этса бўлған зери даст,
Ул бийиклик қилса қилған ўзни паст. *Лисонут-тайр*, 144-Т;

~ **кўр-** – буюклик кўрсатмоқ; юқори қўймоқ:

Салтанат тахти узра топти нишаст,
Кимда кўрди бийиклик этти паст. *Сабъаи сайёр*, 10-72.

БИЙИКРАКЛУК [بييکرکلوک] – буюкликрок:

Анинг била Юсуф бин ал-Ҳусайн аросида сўзлар бор ки барчада мартабада анинг бийикраклуки Юсуф бин ал-Ҳусайндин зоҳир бўлур.
Насойимул-муҳаббат, 60-Т.

БИЙЛА [بيله] – бундай, шу хилда, шу каби, шундай:

Агар бу ики шаҳға бўлмай масоф,
Валекин бўлуб бийла доим хилоф. *Садди Искандарий*, 170-Т;

Уятқа солиб бийла ҳолат мени,
Ҳалок айлабан бал хижолат мени. *Садди Искандарий*, 89-Т.

БИЙМ/БИМ [بيم] – хавф, хатар, қўрқинч, ваҳм, таҳлика:

Оллимизда етти водийдур азим,
Ҳар бирида беҳад-у андоза бим. *Лисонут-тайр*, 197-Т;

Оз нукта дегил тилар эсанг жонға салоҳ,
Ташвишлик ғалат биймидин имонға салоҳ. *Назмул-жавоҳир*, 15-158;

~ **и бало** – бало ваҳми, хавфи:
Не ажаб яхши сўздир ул масала,
Ки бало яхширақ ки бийми бало. *Сабъаи сайёр*, 10-216;

~ **и вабо** – вабо тарқалиш хавфи:
Бўлди бағрим яраси уйла афан,
Ки шамимидин эрур бийми вабо. *Бадойиул-васат*, 28-Т;

~ **и вабол** – гуноҳ кўркинчи:
Келди маъмуриға уммиди висол,
Осий ву жофисиға бими вабол. *Лисонут-тайр*, 45-Т;

~ **и жон** – жон таҳликаси:
Бу турфа ки ҳар не қолса андин,
Чун шаҳрға етти бими жондин. *Лайли ва Мажнун*, 373-Т;

~ **и офат** – офат ваҳми, бало, дард ваҳми:
Мени ҳажр офатидин қуткар-у қатлимға таъжил эт,
Недин ким бийми офат келди ишта айламанг таъхир. *Наводируш-шабоб*, 133-Т;

~ **и қатл** – қатл ваҳми:
Қатл дағи ҳайф анга ким ишқ даъви айлабан,
Бийми қатл ўлғач бу даъвисидин инкор айлади. *Фавойидул-кибар*, 620-Т;

~ **и ҳажр** – таҳлика, ҳафв жудоси, фироқи:
Бийми ҳажридин Навоий гар йўқ айман мургдек,
Шукр ким эрмас муайян мургдек миоди ҳам. *Наводируш-шабоб*, 407-Т;

~ **и ҳалок** – таҳлика ҳалокати:
Заъфим андоқтур ки дам урсам эрур бийми ҳалок,
Не учун ким ул таҳаррукдур анга беҳад аниф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т;

~ **-у умид** – хавотирли умид:
Мен ки ишим бўлди парастиш мудом
Бийм-у умид иккиси бўлмиш ҳаром. *Ҳайратул-аброр*, 7-142;

~ **ўл-** – қўрқмоқ, хафсирамоқ:
Бир нафас гар бўлмаса илкимда сим,
Ҳажридин жонимға бор ўлмакка бим. *Лисонут-тайр*, 149-Т;

~ **эт-** – кўркитмоқ:
Васл тамаъ айласанг ҳажр била бим этар,
Вой Навоий манга ўтмасанг ул воядин. *Наводируш-шабоб*, 488-Т.

БИЙМДОР [بيمدار] – кўрқинчли, хавфли; **эт-** – қўрқоқ қилмоқ:
Деганимдин биймдор эттинг мени,
Қилғанимдин шармсор эттинг мени. *Лисонут-тайр*, 181-Т.

БИЙН [بين] – қараш, назар; хоҳиш, ихтиёр:
Тарийқи зулм ё кийн мунча бўлғай,
Жафо қилмакка бийн мунча бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 396-Т.

БИЙНАНДА [بينانده] – кўрувчи, кўра олувчи; ҳушёр:
Бийнандадир ўлса киши ўз айбиға ҳозир,
Кўз очма бўлурға яналар айбиға нозир. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124.

БИКИН [بيكين] – *кўмакчи сўз* -дек, -дай, каби, сингари:
Бу чигин кўйи эмди бўлди қиёғ,
Ки кўнгулни қияр қиёғ бикин. *Бадойиул-васат*, 497-Т;
Юз бу оламча яратмоқ кудратинг оллинда жоиз,
Сад бикин ижод қилмак ўзгаларга йўқ мужавваз. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;

БИКР [بكر] – янги, очилмаган, нодир, нозик, тоза, бутун; афифа:

Бас бу бир неча бикр субҳгаҳи
Ки манга айбдин кўрунди таҳи. *Сабъаи сайёр*, 10-403;

Бикр сифат ғунча бўлуб парда чех,
Риштаи бахтидин очилмай гирех. *Ҳайратул-аброр*, 7-79;

Мажмуъ эл анда эрди ул тун,
Кадбону ва зол-у бикр-у хотун. *Лайли ва Мажнун*, 301-Т;

~ **и маъни** – янги, очилмаган маъно:

Ким такаллум анда ширкат топмағай,
Бикри маънининг узорин ёпмағай. *Лисонут-тайр*, 246-Т.

~ **и парисон** – гўзал пари санам каби:

Валекин бу қадар бикри парисон,
Банотун-наъшдек бўлмиш паришон. *Бадойиул-васат*, 11-Т.

БИЛ- [بيل] – 1. билмоқ, англамоқ, тушунмоқ:

Кўнглума ёр истабан меҳнат келурни билмадим,
Жонға етмай ул ҳануз офат келурни билмадим. *Наводируш-шабоб*, 401-Т;

Билмади ким не иш экин ҳодис,
Ким ул ишга бўлуб экин боис. *Сабъаи сайёр*, 10-291;

Ғозий ўзин чунки аён қилмади,
Кимса анинг ким эканин билмади. *Ҳайратул-аброр*, 7-277;

2. сезмоқ; ҳис этмоқ:

Нур Саидбек... латофати бор эрканин шеъридин билса бўлур. ўқуған билғай.
Мажолисун-нафоис, 71-Т;

3. ҳисобламоқ:

Мени рад аҳлидин ул соат билинг,
Ҳар не истар кўнглунгиз ул дам қилинг. *Лисонут-тайр*, 183-Т;

4. танимоқ, тан олмоқ:

Эл молин ўзунгга мол билгил,
Хайлин ўзунгга аёл билгил. *Лайли ва Мажнун*, 372-Т;

~ **а кўр-** – билиб, синаб кўрмоқ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

БИЛА [بيله] – билан; бирга, биргаликда; ёрдамида, воситасида, оркали:

Тутубан кунже ўз фиғони била,
Қолибан баҳр ичинда жони била. *Сабъаи сайёр*, 10-328;

Бир кун алар хидматида бир дарвиш дер эрди ки агар. Худованди таоло мени биҳиш-у била дўзах аросида муҳайяр қилса мен дўзахни ихтиёр қилурмен ней учун ки ҳаргиз нафсим муроди била зишт қилмайдурмен.
Насойиму-муҳаббат, 233-Т;

Эмас ҳар ён оқар сулар била ер,
Ки ер ҳарён исиғдин оқизур тер. *Фарҳод ва Ширин*, 256-Т;

Ҳам кўруб жонон жамолин кўз била,
Васлидин ҳам баҳра топиб сўз била. *Лисонут-тайр*, 26-Т.

БИЛА- [بيله] – қайрамоқ, чархламоқ, ўткирламоқ:

Аларға [салотинға] тақарруб тиламак ўз қатлиға бало тиғин биламакдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-96.

БИЛАК [بيلك] – билак:

Суртқандек кўзини сарпанчаси накшиға юз,
Кўз ёрутсам элгидин ранчамда бўлсун ул билак. *Бадойиул-васат*, 254-Т;

...аларнинг [Жомийнинг] назми ҳар синф шеърдин оламнинг золининг кулоқ била билагин самин дурлар била музайян... қилибтурлар.

Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-11.

БИЛАМАК [بيلاماک] – қайраш, чархлаш:

...ўз риштаи ҳаётин узмақдур ва оғуни ичарга сурмак ва аларға такарруб тиламак ўз қатлиға бало тиғин биламақдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-96.

БИЛАН [بيلان] – билан; бирга; орқали, воситасида:

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай,
Журму гунаҳдин оҳ надомат билан санга. *Ғаройибус-сиғар*, 30-Т;

Бу банданинг дағи тўрт девонимға ким туркча тил билан назм топибдурур.

Мезонул-авзон, 12-Т.

БИЛГУ [بيلگو] – билим, билгу:

Файз еткач ул маонидин манга,
Топти билгу назми фанидин манга. *Лисонут-тайр*, 272-Т.

БИЛГУР- [بيلگور] – билдирмоқ, англатмоқ, маълум қилмоқ; намойиш этмоқ, зоҳир қилмоқ:

Новакинг кўнглумда қилмиш хона бовар қилмасанг,
Кўксума элгингни келтур ким турубтур билгуруб. *Ғаройибус-сиғар*, 66-Т;

Су аро гул акси ё кўк пардасинда меҳрдек
Билгурур мови катан кўнглак аро нозук танинг. *Наводируш-шабоб*, 340-Т;

Зулмда Заҳҳоклиғи билгуруб,
Икки йилон эгнида ҳалқа уруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-267;

Киши гавҳарға жола айласа от,
Ҳам анинг гавҳаридин билгурур бот. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т.

БИЛГУРТ- [بيلگورت] – билдирмоқ:

Манга билгуртмай бекаслигимни,
Диёримға қарин эрмаслигимни. *Фарҳод ва Ширин*, 449-Т;

Савуғ оҳимни билгуртуб дамингдин,
Кўзум ёшини англат шабнаминг дин. *Фарҳод ва Ширин*, 388-Т.

БИЛГУТ [بيلگوت] – билгут (уруғ, қабила номи):

Эй Навоий манга бас ул санами лўливаш,
Бекка қипчақ-у ақар шаҳға қиёт-у билгут. *Наводируш-шабоб*, 71-Т;

Эй Навоий мени зор айлади бир лўливаш,
Ким ҳам арлат манга бўлди унут ҳам билгут. *Фавойидул-кибар*, 74-Т.

БИЛДУР- [بيلدور] – билдирмоқ, англатмоқ:

Бегунаҳ қонимни тўкти ишқ эмди не асиғ
Келсалар Фарҳодила Мажнун анга билдургали. *Наводируш-шабоб*, 645-Т;

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъъум даст бермас кимсага бўлмай дирам пайдо. *Ғаройибус-сиғар*, 53-Т;

Ҳар не ки санга биликдур келтургил,
Ҳолингни ҳам андин эл аро билдургил. *Назмул-жавоҳир*, 15-178.

БИЛИК/БИЛИГ [بيليک] – билим, илм, ақл:

Ардашер... барча билик била эрдамда ягона бўлуб шуҳрат тутти.

Тарихи мулуки ажам, 16-223;

Киши йўқ билик ичра монанд анга,
Арастуйи фарзона фарзанд анга. *Садди Искандарий*, 118-Т;

~ **авжи** – илм осмони, чўққиси:

Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр сўз жисмининг жони ул. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-67;

~ **аҳли** – олимлар, илм аҳли:
Бор эди иккинчи масканнинг муқими нодири,
Кўп билик аҳли дуруст эткан анга ўз ҳирфатин. *Бадойиул-васат*, 485-Т;
~ **бўл-** – билимли, илмли бўлмоқ:
Дайр аро беҳушмен ким бода тутқач муғбача,
Ўзни билмак расм эмастур ким бўлғай билик. *Фавойидул-кибар*, 321-Т.

БИЛИКЛИК [بيليكليك] – билимли, илмли, ақлли:
Ариғлар ки ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин бир билур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-20.

БИЛИКСИЗ [بيليكسيز] – билимсиз, заковатсиз:
Сўнгакка иликдур эранга билик,
Биликсиз эран ул сўнгаксиз илик. *Насойимул-муҳаббат*, 391-Т.

БИЛИЛ- [بيليل] – билинмоқ:
...анга «Маҳбубул-қулуб» от қўюлди ва бу битилган фавоиднинг кайфияти чун билилди ани уч қисм қилинди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-11.

БИЛИМ [بيليم] – билим:
Тасаввур айласам энгимда нуқтам мавҳум,
Билим синарға етар англа нотавон бўлмақ. *Наводируш-шабоб*, 319-Т.

БИЛИН- [بيلين] – билинмоқ, маълум бўлмоқ; сезилмоқ.
Бу йўл мусофирининг ҳоли оҳ ким мутлук,
Билинмади ки навъ ўлди ё не бўлғусидур. *Ғаройибус-сиғар*, 131-Т.
Чунки андин билинмайин асаре,
Элга маънндин ўлмайин хабаре. *Сабъаи сайёр*, 10-32.

БИЛИС [بلیس] – иблис; ~ **и лаин** – лаънати иблис:
Ул деб ани шаҳпари руҳул-амин,
Ташлаб ани гарчи билиси лаин. *Ҳайратул-аброр*, 7-268.

БИЛКУЛЛ [بالكل] – мутлақо; бутунлай, тамомила:
Турк улусининг хуштабълари мажмуи сарт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;
Сайд касдига уйла қўйди кўнгул,
Ки адув чиқти ёдидин билкулл. *Сабъаи сайёр*, 10-374.

БИЛКУЛЛИЙ/БИЛКУЛЛИЙЯ [بالكلى / بالكليه] – бутунлай, батамом, тамоман:
Калима ҳақиқати ўзга калима айтмақдин билкуллий нафй бўлмақдир кўп айтмақ шарт эмас. *Насойимул-муҳаббат*, 142-Т;
Чун атом Тенгри хукмин буткарди билкуллийя ўзумни Тенгри йўли сулукига боғладим. *Насойимул-муҳаббат*, 359-Т.

БИЛЛАҲ/БИЛЛОҲ [بالله] – худо ҳаки, азбаройи худо:
Манга ҳажрингда май заҳр ўлди биллаҳ,
Тарабдин умр бебаҳр ўлди биллаҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т;
Топмайин дунёда коми динни барбод айладим,
Ҳайф дўзах ҳам манга биллоҳ гар аъмолим будур. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;
Жонни олғил ки тўймишам биллоҳ,
Кўнгул ўлмакка қўймишам биллоҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-115.

БИЛЛАҲИЛ-АЗИМ [بالله العظيم] – улуғ худо ҳаки (қасам):
Ўзингиз билурсиз ким Мирзонинг мофиз-замирин нисбат сизга бу факирдин яхширақ кимса билмас. Биллаҳил-азим ким ушбу биткандек маълум қилибмен. *Муншаот*, 14-185.

БИЛЛУР [بيللور] – тиниқ, шаффоф, биллур:
Кўрунуб сувда хуршиди жаҳонтоб,
Биллур ичра нечук ким лаъли сероб. *Фарҳод ва Ширин*, 265-Т;
~ **и ноб** – тоза, соф биллур:
Биллури нобдин бир турфа сандуқ,
Ясамайдур дегайсен ани маҳлуқ. *Фарҳод ва Ширин*, 185-Т;
~ **и соф** – соф биллур:
Ранги гуногун қилиб биллури соф,
Лаъл ила ёқут деб айтиб гузоф. *Лисонут-тайр*, 70-Т.

БИЛЛУРГУН [بيللورگون] – биллурий, биллур рангли:
... касри кофурий аро биллургун қадаҳ ичра кофурий мизож май нуш этиб...
Фарҳод ва Ширин, 162-Т.

БИЛЛУРИЙ [بيللورى] – биллурий, биллур рангли:
...кўзи жазъи биллурий дуржға тушуб сувда меҳри ховарийдек биллурда ойинаи Искандарийға тушкани... *Фарҳод ва Ширин*, 183-Т.

БИЛЛУРИН/БИЛУРИН [بيللورين] – биллурдай шаффоф:
Соқиё дай шиддатидин ақл-у ҳисс бетоб эрур,
Чораси жоми биллурин ичра лаъли ноб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 168-Т;
Соъидин кўрдик занахдон остида фикрат чоғи,
Ким ки кўрмайдур билурин даста кўзгу остида. *Фавоийдул-кибар*, 31-Т.

БИЛЛУРКИРДОР [بيللوركردار] – биллур рангли; энг мусаффо, порлоқ:
Баҳрун-нажот ҳавзин қаср оллинда метини хорошикофи била намудор қилиб ул ҳавз ва ариғ атрофин сафода биллуркирдор ва жилода ойинаи чини даври била дастасидин намудор қилғани... *Фарҳод ва Ширин*, 306-Т.

БИЛЛУРПАЙВАНД [بيللورپيوند] – биллурпайванд:
Жаҳон ҳам кор ила кофурмонанд,
Ҳаво ҳам муз била биллурпайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 170-Т.

БИЛМАК [بيلماك] – 1. билиш, англаш; моҳиятига етиш:
Хони ҳусни завкини билмакка ёхуд бармағи
Лаъли хандон ичра эрмас ким намакдон ичрадур. *Ғаройибус-сиғар*, 146-Т;
Кунҳи зотингдин хирадгар бўлса аъмо не ажаб,
Зарраға юз минг қуёш моҳийятин билмак не ҳад.
2. хабардор бўлиш, хавф топиш:
Бода моҳиятин табаҳ билмак,
Ичмаган дам-бадам гунаҳ билмак. *Сабъаи сайёр*, 10-65.

БИЛМАКЛИК [بيلماكليک] – билишлик, англашлик, тушинишлик:
Чу анда булъажаб кўрди шамойил,
Бўлуб шаҳзода билмакликка мойил. *Фарҳод ва Ширин*, 186-Т.

БИЛМАСЛИК [بيلماسليک] – билмаслик:
Деди авло ки билмасликка солсам,
Эшитсам ҳам эшитмасликка солсам. *Фарҳод ва Ширин*, 402-Т;
Арзадошт ҳомили билмаслик ва ғафлат жиҳатидин мулозаматдин қолған эрмиш. *Муншаот*, 14-219;
Ки билмаслигинг ибтидосидур ул,
Кичик ёшлиғинг иқтизосидур ул. *Садди Искандарий*, 163-Т.

БИЛОЗАРУР [بلا ضرور] – заруратсиз, кераксиз:
... Бедиёнат судур бидъати саййиадур билозарур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-16.

БИЛОВ [بيلاو] – эгов, қайрок тош:

Бало аро чу мен ўлдум бало қиличларини,
Не тонг эткали лавҳи мазорим ўлса билов. *Бадойиул-васат*, 378-Т.

БИЛОД [بلاد] – шаҳарлар, мамлакатлар, ўлкалар, вилоятлар:

... курбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсои билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз қўйдилар. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;

Сайр бўлди бари оламда ишим,
Аёғим остида тай бўлди билод. *Фавойидул-кибар*, 650-Т;

~ **и Жазоир** – Жазоир мамлакати:

Ҳам ул етти дарё ким зохир дурур,
Ки анда билоди Жазоир дурур. *Садди Искандарий*, 451-Т;

~ **и Фаранг** – Европа мамлакатлари:

Яна мулк очмаққа қилмай даранг,
Юруб фатҳ қилди билоди Фаранг. *Садди Искандарий*, 149-Т.

БИЛОИХТИСОС [بلا اختصاص] – ихтисоссиз, касбсиз:

Йўқ ул ким икки шаҳға бу расми хос,
Ҳар иккига бир бир билоихтисос. *Садди Искандарий*, 361-Т.

БИЛОИШТИБОҲ [بلا اشتباه] –шубҳасиз, бегумон:

Чиқар йўлида тўрт оромгоҳ,
Бешинчи мақсад билоиштибоҳ. *Садди Искандарий*, 70-Т;

Чу мен ғолиб эрдим билоиштибоҳ,
Ҳам охир манга берди нусрат Илоҳ. *Садди Искандарий*, 320-Т.

БИЛОЛ [بلال] – ҳабаший Билол, илк муаззин:

Равзада кавсар қироғинда хаёл эттим Билол,
Юз аро лаб лаъл уза шабранг холингни кўруб. *Фавойидул-кибар*, 57-Т.

БИЛОНИҲОЯТ [بلا نهايت] – бе ниҳоят; чексиз, ниҳоятсиз:

Киши туканмагини фараз қилса ул фаржалар бирла минг балки юз минг билониҳоят ортар. Маҳбубул-қулуб, 14-127.

БИЛОХИРА [بالآخره] – сўнгра, охирида:

Яна фасли билохира ҳазрат махдумзода таърифида муболаға қилиб эрдигиз ул таъриф мужиби хушҳоллиқ ва умидворлиқ бўлиб эрди ким мунинг асносида аларнинг бир муборак китобати келди. *Муншаот*, 14-228.

БИЛОХИРАД [بلا خرد] – хирад заифлиги:

Яна фасли билохирад ҳазрат махдумзода таърифда муболаға қилиб эрдингиз. *Муншаот*, 14-228.

БИЛТАК/ПИЛТАК [بيلتک] – дудук, тутулиб гапирадиган; чучук тилли:

Навоий ул юз-у лаб шавқидин ногаҳ наво чекса,
Дам урмас булбул-у тўти ки будур кажжа ул билтак. *Наводируш-шабоб*, 323-Т.

БИЛТУР [بيلتور] – бултур, ўтган йил:

Ўлса деб эрдинг Навоий тиргузай васлим била
Билтур ўлганлар била ани баробар бўлди тут. *Бадойиул-васат*, 54-Т;

Сўрғандин сўнгра ул хожа дебдур ки билтур кемада эрдим мухолиф ел қўпти. *Насойимул-муҳаббат*, 352-Т.

БИЛТУРҒИ [بيلتورغی] – бултурги, ўтган йилги:

Бўлмангиз мағрури ҳусн эй шўхлар ким боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 193-Т.

БИЛФАРЗ [بالفرض] – фаразан, айтайлик, башарти:

Филмасал билфарз топсанг ҳам бу ганж,
Қил хаёл эй нотавони ғуссасанж. *Лисонут-тайр*, 80-Т.

БИЛФЕЪЛ [بالفعل] – амалда, амалий суратда:

Шаҳлар оллинда топиб бу зътибор,
Шавкатим Симурғча билфеъл бор. *Лисонут-тайр*, 73-Т.

БИЛХАЙР [بالخير] – хайирли, бахтли:

Қаламға чун туканди сафҳада сайр,
Сўз итмоми эди ким тамма билхайр. *Фарҳод ва Ширин*, 429-Т.

БИЛХОСИЯ [بالخاصيه] – хусусан, хосияти жиҳатидин, хосияти билан:

Билхосия ишқи хонапардоз,
Кўнгли аро солди махфий ул роз. *Лайли ва Мажнун*, 233-Т;

Лаъли ёқути муфарриҳдур магар билхосия,
Ким хаёлидин манга йўқтур насиб ила фараҳ. *Наводируш-шабоб*, 102-Т;

Билхосия ишқи хонапардоз,
Кўнгли аро солди махфи ул роз. *Лайли ва Мажнун*, 233-Т.

БИЛҚИСЛИҚ [بلقيس] – маликалик, Сулаймон пайғамбар хотини каби ҳукумронлик қилишлик:

Бир иш Билқисликка бўлса мониъ,
Сулаймонға пари ҳам келди тобиъ. *Фарҳод ва Ширин*, 415-Т.

БИЛҚУВВА [بالقوه] – куч-қувватига қараб; имкониятига қараб:

Сенда ҳам билқуввa ул мавжуд эрур,
Феълға келса даво максуд эрур. *Лисонут-тайр*, 246-Т.

БИЛҲАҚИҚА/БИЛҲАҚИҚАТ [بالحقيقه / بالحقيقة] – ҳақиқатдан, чиндан:

Агарчи билҳақиқа икаласи бир маслаҳат-ўқдур Хуросон вилоятиға юбарилди.
Муншаот, 14-151;

Ишқи комил гулшани ичра гули раъно недур,
Билҳақиқа бўлмаса маъшуқ-у ошиқ муттаҳид. *Бадойиул-васат*, 94-Т.

БИНАНДА [بيننده] – кўрувчи, кўра олувчи, зийрак; ҳушёр; сезгир:

Чу бинанда бу нуктаға топти пай,
Бўлуб хушдил айлар равон тарки май. *Садди Искандарий*, 355-Т;

Бинандадур ўлса киши ўз айбиға ҳозир,
Кўз очма бўлурға ёналар айбиға нозир. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124.

БИНАНДАЛИҒ [بيننده ليغ] – кўришлик, сезгирлик, фаросатлик:

Эй Навоий, йиғламоқдин тира бўлмиш кўзларинг,
Ишқ аро бинандалиғларға керактур тез кўз. *Фавойидул-кибар*, 205-Т.

БИНАФШ/БИНАФША [بنفش / بنفشه] – гунафша; бинафша; сапсар:

Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Вах ки ёқсам хотиримға ҳеч ранг илло бинафш. *Ғаройибус-сиғар*, 220-Т;

Бинафша анда ким гардун кўкартиб,
Гажак янглиғ хирад бўйнини тортиб. *Фарҳод ва Ширин*, 246-Т;

Бинафша бошин андин айлаб куйи,
Ки остиға анинг кириб бил суйи. *Садди Искандарий*, 380-Т;

Гулшан ичра кўп бинафшангдин дема эй боғбон,
Нил ила кўр холлар хар ён юзи гулзорида. *Ғаройибус-сиғар*, 47-Т.

~ **и абр** – бинафшагун булут:
Яъни уйакурда меҳри дилкаш,
Юзида бинафши абр эрур хеш. *Лайли ва Мажнун*, 343-Т.

БИНАФШАГУН/БИНАФШГУН [بنفش گون / بنفشه گون] – бинафша ранг:
Бу гул-у сабза ким келиб зебо,
Тўни лекин бинафшагун дебо. *Сабъаи сайёр*, 10-96;
Ёпти чу етишти бўйла банди,
Гул узра бинафшгун паранди. *Лайли ва Мажнун*, 343-Т.

БИНАФШАЗОР [بنفشه زار] – бинафшазор:
Гул бинафшазор аро тушкан киби ул шўхнинг,
Кўнглаки воло бинафш-у тўони ҳам камхо бинафш. *Ғаройибус-сиғар*, 220-Т;
Шомнинг мушкбўй сиёҳ жардалари субҳнинг мўғулчин чобуксувори туркътозидин эмин не фалак бинафшазориға ва не кавокиб жолаларига куёш ўти ҳароратидин тобу гудоз. *Вақфия*, 14-236.

БИНАФШАПЎШ [بنفشه پوش] – сапсар ранг:
Эй Навоий ул бинафшапўш гулнинг васфида
Бўлмасун ҳар не ёзарсен коғиди илло финафш. *Ғаройибус-сиғар*, 220-Т.

БИНАФШАРАНГ [بنفشه رنگ] – бинафшаранг:
Арғавонгун юз бинафшаранг хат жоним олур,
Хилъати бўлсун анинг гар арғавани гар бинафш. *Фавойидул-кибар*, 264-Т.

БИНИШ [بینش] – назар, қараш, кўриш, билиш, тушуниш, фаҳмлаш:
Қайу ерда ким айни биниш дурур,
Сабабни билур ким ики иш дурур. *Садди Искандарий*, 526-Т;
Ва сарт аросида аҳли табъ-у дониш ва зумраи илму-у зеҳн-у биниш кўпракдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

БИННАЗР [بالنذر] – назрга, аҳдга; **юфуна бинназри** – (инсони сураси 7-оят) назр аҳдига вафо қиладилар:
Не назр этса қилғай вафодин адо,
Ки яфуна бинназр дебдур Худо. *Садди Искандарий*, 343-Т.

БИНО I [بنا] – 1. бино, иморат, қурилиш:
Боғи жаннатдек фазосидур васиъ,
Ўртада қасри биноси бас рафиъ. *Лисонут-тайр*, 153-Т;
2. асос, таянч; тузилиш:
Эй навҳагар айла навҳа бунёд,
Ким умр биноси келди барбод. *Лайли ва Мажнун*, 358-Т;
Қазодин бўлғали олам биноси,
Анга тегру ки бўлғай интиҳоси. *Фарҳод ва Ширин*, 476-Т;
~ **йи дайрпайванд** – майхонага туташ бино, майхона биноси:
Ул бинойи дайрпайвандни ҳамвор қилиб ўрнида мадрасае бино қилилди. *Вақфия*, 14-258;
~ **йи рафиъ** – баланд, осмонўпар бино:
Бу гулшан ичинда фазойи васиъ,
Фазо ўртасида бинойи рафиъ. *Садри Искандарий*, 359-Т;
Сен даги топибан фазойи васиъ,
Ўтруда солғасен бинои рафиъ. *Сабъаи сайёр*, 10-50;
~ **йи салтанат** – салтанат қасри, рутбаси:
Бинойи салтанат зотингга боқий,
Саодат маҳваши базмингда соқий. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т;

~ **бўл-/қилил-** – курилмоқ, бунёд бўлмоқ:
Шаҳ давлатидин итти бу дайр-у калисо,
Ўрнида бўлди мадраса ву масжиде бино. *Ваққия*, 14-258;
«Ихлосия» мадрасаси мукобаласида ким ...хонақоҳе бино қилилди.
Ваққия, 14-259;

~ **қил-** – яратмоқ, курмоқ, асос солмоқ:
Паҳлавон бир лангар бино қилибдур ки анинг таърифини қилмак куёшни равшанликка ва майни мастликка таъриф қилғандекдур.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 108-Т;

Кўруб табъи ул марзни ошини,
Қилиб анда Искандария бино. *Садди Искандарий*, 149-Т;

~ **куй-** – берилиб кетмоқ, кўнгил кўймоқ, ишонмоқ, ҳирс кўймоқ:
Ажал гар сўнгғи дам бўлса бу дам коминг Хизр умри,
Бу номаълум мавъидқа бино қўйган зиҳи ғофил. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

БИНО II [بِنا] – аруз фани атамаси; баҳрлар таянчиғи, баҳрлар таянган асос жузлар:
Ва байтни ки уй ати била атабдурлар муносабатин муни дебдурлар ки уйнинг биноси чун тўрт рукн биладур, бу байтнинг биноси ҳам тўрт рукн биладур.
Мезонул-авзон, 13-Т.

БИНО III [بِينا] – кўрувчи, ўткир кўзли, зийрак:
Нома ки саводи нуқтасидин оқарған кўзга мардуми бино кетургай.
Муншаот, 14-195;

Қилиб чун меҳнат ўти дудини фош,
Агар кўр-у агар бино тўкуб ёш. *Фарҳод ва Ширин*, 412-Т.

БИНОГЎШ [بناگوش] – солинчак (қулоқда):
Сочингнинг тира шомидин юзунг субҳиға йўл топмак,
Биногўшунг дағи дурри шабафрўз ахтариндиндур. *Наводируш-шабоб*, 189-Т;
Икки гавҳар ким биногўшунгдадур анжум киби,
Ҳусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар кулоғ. *Наводируш-шабоб*, 297-Т.

БИР [بير] – 1. бир (сон):
Ҳар кимга ким бир вафо кўргуздум юз бевафолиғ кўрмағунча қутулмадим.
Маҳбубул-қулуб, 14-83;

Саволе айлай олмай кимса бир сўз,
Шукуҳидин тикиб бари анга кўз. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т;

2. бир хил, барибир, тенг, фарқсиз:
Чу ўлганда берур бу икки матоъ,
Тирикликта нейичун қилурлар низоъ. *Садди Искандарий*, 127-Т;

~ **бир** – 1. бирма-бир, кетма-кет, биттама-битта, аста-аста, навбат билан:
Гарчи атфол отти бир бир жисми урёнимға тош,
Кўр ки хирман хирман ўлди жамъ ҳар ёнимға тош. *Фавойидул-кибар*, 253-Т;
Улум авроқи чун бир бир ёпилди,
Диловарлиқ салоҳи майли қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 137-Т;

2. биттама-битта, алоҳида, батафсил:
Ҳам Уторуд ҳам ўзум ҳам ул париваш назмини
Бир бир айлаб шарҳ-у айтиб ҳар бирининг риққатин. *Бадойиул-васат*, 489-Т;

3. бирин-кетин, туганмас, тўхтовсиз, узлуксиз:
Таҳ таҳ юраким қон эди бир бир ситамидин,
Кўп кўп келури чоғида келса эди оз оз. *Бадойиул-васат*, 495-Т;

4. алоҳида-алоҳида, бошқа-бошқа:
Сарсаройин ҳар куюн қилғай бадан туфрағининг
Жузъи жузъин бир бир ушбу гунбади гардон аро. *Наводируш-шабоб*, 5-Т;
5. ҳар бир, ҳар битта, ҳар қайсиси:
Лаълининг ҳар бир ҳадиси шаҳддек ширин эрур,
Ори ори доимо гул баргидиндур ангубин. *Ғаройибус-сиғар*, 344-Т;
6. устма-уст, қават-қават:
Бир бир устида қўюбмен фуркатингдин неча доғ,
Ишқ хони ичра қўйғандек табақ узра табақ. *Бадойиул-васат*, 250-Т;

~ **бирга/бирига/бирларига** – бири иккинчисига, ўзаро:
Абнойи жинсдин бир бирига мустаҳсан акобирдин асоғирға аҳсан.
Маҳбубул-қулуб, 14-58;
...ва бот ёғи ароға кирса бир бирларига мадад еткургайлар.
Тарихи мулуки ажам, 16-219;
Бир бирига иккиси ёр-у рафик,
Ҳамдам-у ҳамроз-у ғамхўр-у шафик. *Лисонут-тайр*, 146-Т;

~ **биридин/бирларидин** – бир биридин, ўзаро:
Яна бир ўзгача ишқ икки элги зўридин,
Бағир била юраким бир биридин айриладур. *Ғаройиб-сиғар*, 166-Т;

~ **дам** – бир лаҳза, бироз фурсат, бир нафас:
Бир дам этти жисмиға наззорае,
Шавқ ўтиға айлайин деб чорае. *Лисонут-тайр*, 264-Т;
Синса укоб эгни уза бир қанот,
Тез учар лек анга бир дам ҳаёт. *Ҳайратул-аброр*, 7-181;

~ **дамда** – тезда, тезликда, бир лаҳзада, тез фурсатда, бир нафасда:
Ким тонгла ул ойни ҳозир айлай
Бир дамда ишини охир айлай. *Лайли ва Мажнун*, 216-Т;

~ **ён** – бир томон, бир тараф, қаёққадир:
...маҳбуб баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 245-Т;
Бу бари бир ёну бу бир ён ки қотил ҳар шашим
Меҳр кўргузмак била зулм этмаса изҳор ҳам. *Наводируш-шабоб*, 408-Т;

~ **замон** – бир лаҳза, қисқа фурсат, бир муддат; бир вақт, тўсатдан:
Минг қатла шукрин десам оз эрур,
Гар бўлса бир замон манга коми висол. *Мезонул-авзон*, 37-Т;
Чун бир замондин сўнгра ўз ҳолига келди, кўпти ва ул либосини манга кийдурди. *Насойимул-муҳаббат*, 265-Т;

~ **ин бирин** – бирин кетин, кетма кет:
Сочингға ёпишса хор-у хошок,
Ким тортар экин бирин бирин пок. *Лайли ва Мажнун*, 247-Т;
Не ки кўргуздилар санга бир бир,
Айлай ани бирин бирин таъбир. *Сабъаи сайёр*, 10-50;

~ **икки** – бир-икки, озгина, саноғлиққина, бироз:
Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,
Йўқ нафъ анга ғайри музд бир икки дирам. *Маҳбубул-қулуб*, 14-90;

~ **йўли** – биратўласи, биракай; қандай бўлмасин:
Маломат аҳлиға эй пири дайр аёғ тутсанг,
Бу навъ қўйма Навоийни бир йўли мастур. *Бадойиул-васат*, 151-Т;

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмақ бузулған рўзгоримни. *Ғаройибус-сиғар*, 483-Т;

~ **мунча** – бироз, бир қадар, сал:
Ким ани йиллар чекиб юб тараған,
Бу замон бир мунча ишга яраған. *Лисонут-тайр*, 232-Т;

~ **навъ** – бир хил, бир турли, ажойиб:
...бир навъ қабулийятни анинг зотида халқ қилиб эрди.
Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад, 15-112;
Мавлоно Дарвеши Машҳадий... сойир назмларда бир навъ табъи бор.
Мажолисун-нафоис, 84-Т;

~ **неча** – бир канча, бир неча, бирмунча:
Яна бир неча вақт доройи даҳр,
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр. *Тарихи мулуки ажам*, 16-215;
Сен шикибо, бўл вале бир неча кун,
Ҳар дам оҳ-у нола бирла чекма ун. *Лисонут-тайр*, 223-Т;

~ **нима** – 1. бир оз:
Бир китъа ер тўрт жериб ва бир нима, Инжил булукидин Боди Мурғондик тўрт жериб. *Вақфия*, 14-266;

2. бир нарса, нимадир:
Бир мажлисда қарилиғнинг машаққатларининг бобида сўз ўтадур эрди ҳар киши бир нима дейдур эрди. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-101;

~ **рўй** – бир юзли, тили бошқаю дили бошқа бўлмаслик:
Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
Тилу кўнглнингнн бир қилиб бир рўй. *Арбаин*, 16-59;

~ **ҳол** – ўзгача ҳолат:
Жабраил алайис-салом бу амрға иштиғол кўргузди бир ҳол тили анга онт берди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-99;

~ **умр** – доим, абадий, ҳарвақт, умрбод, умр бўйи:
Бир умр ҳақ айласун каромат ё Раб,
Ким кирсун аросиға қиёмат ё Раб. *Муншаот*, 14-207;

~ **қатла** – бир марта, бир вақт, бир кун:
Бир қатла пири била бир сафарға борур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 29-Т;

~ **сўзга тур-** – сўзида турмоқ, сўзининг устидан чиқмоқ, ваъдага вафо қилмоқ:
Турмай окса кўздин ашким не ажаб ким тавбадин,
Гарчи кўп сўз дедим аммо бир сўзумга турмадим. *Фавойидул-кибар*, 399-Т;

~ **тут-** – бир хил тутмоқ, бир қилмоқ, бирлаштирмоқ:
Тилинг била кўнглунгни бир тут. *Махбубул-қулуб*, 14-125;

~ **қил-** – жамламоқ, тўдаламоқ, йиғмоқ:
Яна бир қилиб фикри ахтарпараст.
Кавокибға қилди ани пойбаст. *Садди Искандарий*, 211-Т.

БИРАВ [بیرو] – бир кимса, биров, кимдир:
Бирав ким рашк элтурмен кечурмакка хаёл ичра,
Не кечкай кўнглума гар эл била кўрсам висол ичра. *Бадойиул-васат*, 412-Т;
Сари сўрди ким не нимадур ки уйқуни элтур. Ҳар киши бир нима деди. Бирав деди ким кўп очлиғ бирав деди ки суни оз ичмак. *Насойимул-муҳаббат*, 160-Т;
Шайхқа тушканда ул янглиғ бало,
Ким бирав ишқига бўлди мубтало. *Лисонут-тайр*, 119-Т.

Ул Ҳалложни қарғади ким илоҳи биравни анга гузорла ким илиг аёғин кескай ва кўзин ўйғай ва дорға тутқай. *Насойимул-муҳаббат*, 93-Т.

БИРАР [بیرر] – бирар; бир дафъа, бир нафас:

Бу китобни ғариб навъ битибдур анга ўхшар ким илтизом қилмиш бўлғай ким ғалатсиз мисраъ битмагай баъзи ерда бирар иккирар балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибдур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-24;

Бирар ер ким туганса эрди хоро,
Ерида туфрақ ўлса ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 308-Т;
Қаро кўзум бирар бери боқ ахи,
Жароҳатимга марҳаме ёқ ахи. *Мезонул-авзон*, 50-Т.

БИРАРИ [بیرری] – баъзиси, бирортаси:

Чун аларнинг латойифи назми андин кўпрактур ким ҳожат бўлғай ким баъзи битилгай ё элга маълум бўлсун деб бирари забт этилгай. *Мажолисун-нафоис*, 77-Т.

БИРАРТА [بیررته] – бироз, озгина:

Бирорта шифта жону кўнгулга раҳм айла,
Ки бу харобдур ул бир ябобдур асру. *Наводируш-шабоб*, 518-Т;
Бу ким фироқи ўзумдин хабарсиз этти мени,
Ўзи бирарта хабардорму экин аё. *Фавойидул-кибар*, 39-Т.

БИРАЪС [برأس] – **расъан биръас** – бошма-бош, тенг:

Қаср уза бир гунбади олий асос,
Гунбари гардун била раъсан биръас. *Ҳайратул-аброр*, 7-92.

БИРГИНА [بیرگنه] – ёлғиз:

Қилди адам манзили кошонаси,
Ҳар бирисин биргина куш донаси. *Ҳайратул-аброр*, 7-321.

БИРДАМЛИҚ [بیردملیق] – бир нафаслик, бир лаҳзалик, бирпаслик:

Васли бирдамлиқ ки тушкай иттифоқ
Икки олам шаҳлиғидин яхшироқ. *Лисонут-тайр*, 41-Т.

БИРДЕК [بیردیک] – бир хил, тенг, ўхшаш, фарксиз:

Зулф-у юзи фурқати айёмидин сўрман ҳисоб,
Ким Навоий кўзига бирдек бўлубтур ёвм-у лайл. *Наводируш-шабоб*, 382-Т.

БИРЁН [بریان] – ковурдоқ, ковурма, ковурилган, кабоб:

Ўртама кўнглумни комин ҳосил этмасдин бурун
Қушни ким бирён этибтур бисмил этмастин бурун. *Фавойидул-кибар*, 466-Т;

Деди ким бир кун бирён балиғ бишуруб қисмат чоғида яхшироқ қисмни ўз қошимда қўйдум. *Насоиймул-муҳаббат*, 104-Т.

БИРЖИС [برجیس] – Муштарий (Юпитер);

Илм афлокида биржис маҳал
Барча ашколи улум оллида ҳал. *Фавойидул-кибар*, 670-Т.

БИРИК- [بیریک] – бирикмоқ, қўшилиб кетмоқ; ёпишмоқ, қадалмоқ:

Деди кўксунгга бир ўқ андақ урай ким бириксун,
Лек тегмай неча ўқ бир бирга маҳкам бўлмағай. *Наводирун-ниҳоя*, 2-569;
Эй Навоий эрни анинг лаълдур ё юқти қон,
Бирикканда бағрима шўхи ситамгаримға тиш. *Фавойидул-кибар*, 253-Т.

БИРИНЖ [برنج] – мис ва қўрғошин аралашмаси, бронза:

Мис-у рўй-у қалъи, биринж-у темур,
Яна қўрғашун бирла толу кўмур. *Садди Искандарий*, 429-Т.

БИРИНЖИНА [برنجينه] – сариғ мис, бронза; сарғиш:

Сув юкидин қад қуйи мойил анга,
Барқи биринжина ҳамойил анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-279.

БИРИЧА [بيريچه] – биридек:

Кўрдилар ким анда юз меҳри мунир,
Зарранинг юздин биричадур ҳақир. *Лисонут-тайр*, 239-Т.

БИРКА [بيركه] – ховуз, кўл:

Насим айлағач бирка сари шитоб,
Қилиб барча сиймобни сиймноб. *Садди Искандарий*, 233-Т;
Чашмаи ҳайвондин ўткан хушклаб,
Биркадин дафъи аташ қилған талаб. *Лисонут-тайр*, 157-Т;

~ **и моҳиён** – балиқли ҳовуз, балиқли кўл:

Сув-у судағин ўйла кўрди аён,
Ки кўргай киши биркаи моҳиён. *Садди Искандарий*, 471-Т.

БИРЛА [بيرلا] – билан:

Офият жонимға етти эй хушо муғ ким мени,
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа. *Ғаройибус-сиғар*, 45-Т;
Макр-у афсун ғоятиға еткучи,
Пашша бирла пилни жуфт зткучи. *Лисонут-тайр*, 221-Т;
Мир Муфлисий... дойим ўз ўзи бирла сўзлашур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 37-Т.

БИРЛАН [بيرلان] – билан:

Чаманда кеча ётиб маст оразин ёпмиш,
Қўп эмди тонг ели ул гулни лутф бирлан оч. *Наводируш-шабоб*, 88-Т;
Сен дағи ушбу сўзни айлаб жазм,
Керак этсанг бу ваъда бирлан азм. *Сабъа сайёр*, 10-292;
Сўз дедим чун бу навъ адо бирлан,
Хожау сарви маҳлиқо бирлан. *Сабъаи сайёра*, 10-345.

БИРЛИК [بيرليک] – яккалик, ягоналик, танҳолик:

Борсен сен борлиғ зебандаси,
Бирлику жабборлиғ арзандаси. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
Ва ҳар ким Тенгрини бирлик била билса анга шерик келтурмагай ҳеч нимани. *Насойимул-муҳаббат*, 369-Т;

Бирлик эди ву ададе йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди. *Ҳайратул-аброр*, 7-20;

БИРОДАР [برادر] – ака-ука, оға-ини:

[Сартлар] улуғ қардош ва кичик қардошни иккаласин биродар дерлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;

Шайх аларға иршод ижозати битибдур. Ижозатномада биродар унвони била зикр қилибдур анинг учун ки муаммар бўлған экандурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 317-Т;

~ **и диний** – ҳамдин, ягона эътиқодли:

Хожалар хонадони хулфосидин бу заифқа етибдур ва ҳар не бу йўлда касб қилибдур барини сизга топшурдуқ андақ ки биродари диний Мавлоно Ориф топшурди. *Насойимул-муҳаббат*, 244-Т.

БИРОДАРЗОДА [برادرزاده] – ака-ука, оға-ини фарзандлари:

Оти Муҳаммад бин Алий ад-Достонийдур... Шайх Язиднинг биродарзодасидир анинг муридидур. *Насойимул-муҳаббат*, 190-Т.

БИРТА [بيرتَه] – битта, бир дона:

Бирта ўтмакни икки бўлуб ярмин бир очға берганин сахий де ўзи емай барини мухтожға берганни ахий де. *Маҳбубул-қулуб,* 14-80.

БИР-У БОР [بير و بار] – ягона, доимий, мавжуд; Тангри:

Ул ки андин ўзга бариға маърази заволдур. Ул бир-у бор лам язал ва ло язолдур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-86.

БИРҚАЛ [برقَل] – пистирма:

Яна баъзи лафзға бир лом илҳоқ қилурлар ким ул шайнинг ул сифатда русухиға далолат қилур. Андақ ки қаҳал ва ясал... ва бирқал ва тусқал ва суюрғал. *Муҳокаматул-луғатайн,* 186-Т.

БИСЁР [بسيار] – кўп, мўл, ортиқ, сероб, анча:

Супуруб ер жабин била бисёр,
Айлади муддаосини изҳор. *Сабъаи сайёр,* 10-144;
Санъат аҳли боғлабан бисёр ток,
Меҳри рахшон авжидек юз чорток. *Лисонут-тайр,* 76-Т;

~ **бисёр** – мўл-мўл, кўп-кўп, мўл-кўл:

Лабидин жон томиб бисёр бисёр
Сўзидин шаҳд оқиб харвор харвор. *Фарҳод ва Ширин,* 295-Т;

~ **эт-** – кўп, мўл этмоқ:

Пайғамбар ўқ отмақнинг фазилатин бисёр этти. *Рисолаи тир андохтан,* 16-304.

БИСЁРГЎ [بسيارگو] – сухандон, кўп сўзловчи:

Пок ошиқ ўртаниб парвонадек дам урмаған
Бўлғанидин яхширак булбул киби бисёргў. *Бадойиул-васат,* 380-Т.

БИСЁРДОН [بسياردان] – кўп билувчи, билағон, донишманд, билимли, ақлли, доно:

Эшитмишмен ки Бону кордондур,
Пари пайкар дағи бисёрдондур. *Фарҳод ва Ширин,* 339-Т;
Эшитиб кирди ҳакими кордон,
Ақли куллдек олими бисёрдон. *Лисонут-тайр,* 160-Т.

БИСЁРНАҚШ [بسيارنقش] – сернақш, бениҳоя нақшли, ўта нақшланган:

Саъй ила бу гунбади бисёрнақш,
Ҳар неча ким айлабан изҳор нақш. *Ҳайратул-аброр,* 7-97.

БИСМ [بسم] – бисмиллоҳ(нинг қисқаргани):

Нуқаи бо бисм учун тафсир,
Юз мужаллад қила олиб таҳрир. *Сабъа сайёр,* 7-42.

БИСМИЛ [بسمل] – бисмиллоҳ деб сўйиш, бўғизлаш; ~ **ўл-** – бисмиллоҳ айтмоқ:

Қатл қилмай кетти туш тушдин кўнгулни шўхлар,
Бисмил ўлмастин бурунрак бўлди пора пора сайд. *Наводируш-шабоб,* 119-Т;

~ **ним бисмил** – чала сўйилган:

Тушти ерга маризи бедилдек,
Толпиниб сайди ним бисмилдек. *Сабъаи сайёр,* 10-114;
Қон била туфраг аро кўнглида тоб,
Ним бисмил кушдек айлаб изтироб. *Лисонут-тайр,* 194-Т;

~ **эт-/қил-** – бисмиллоҳ айтмоқ:

Бисмил эткач сайдини андақ ки қилғайлар кабоб,
Раҳм этиб кўнглумни чун ким окти коним ўртадинг. *Наводируш-шабоб,* 353-Т;
Ул қони тўлған забунни бисмил қилмасдин бурун не дей ки қанотин сувуруб қўлтуғинму ёрадур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-41;

Навоийни ул ой ким руҳи қудси қилди анфоси,
Деса бисмил қилурмен не дегай ул ғайри бисмиллоҳ. *Бадойиул-васат*, 415-Т.

БИСМИЛЛОҲ [بسم الله]– оллоҳ номи билан, тангри ҳаки:
Йўл ёман-у яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ дегил-у қўйғил қадам. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;
~ **ир раҳмонир-раҳим** – меҳрибон ва раҳмдил Худо номи билан:
Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим. *Ҳайратул-аброр*, 7-11.

БИСОТ [بساط] – 1. гилам, палос, тўшак:
Манзиле кўрулди, сахо аҳли ҳимматидин рафиъроқ ва бисоте топилди – зако хайлидин бадиърақ. *Муншаот*, 14-134;
Ўзни топқай бисот аро пайваст,
От ила пил аёғи остида паст. *Сабъаи сайёр*, 10-40;
2. ўрин, жой, маком:
Шоҳ ки гулшанни бисот айлади,
Базм тузуб азми нишот айлади. *Ҳайратул-аброр*, 7-60;
Манга чун толиъи фарҳунда кавкаб,
Бу авж узра бисот этти мураттаб. *Фарҳод ва Ширин*, 110-Т;
3. томон, тараф:
Чу ул қайтибан Ҳинд мулкига бот,
Суруб шоҳ мағриб бисотиға от. *Садди Искандарий*, 393-Т;
4. бисоб, асбоб-анжом, нарса:
Чунки зарбафт ҳар бисот ўлди,
Ҳар бисот юз инбисот ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-200;
5. шахмат тахтаси:
Шопур ани янги боштин шатранж бисоти вазъи била ободон қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-225;
Анингдек ки тифл истабан инбисот,
Чу шатранж ўйнарға ёйса бисот. *Садди Искандарий*, 205-Т;
6. баланд мартаба:
Халойиққа бу шахдин ўлсун нишот,
Даме бўлмасун холи андин бисот. *Маҳбубул-қулуб*, 14-13;
Ки Бону маҳд ичинда маскан эткай,
Анинг олий бисотин равшан эткай. *Фарҳод ва Ширин*, 470-Т;
~ **и комрони** – саодатга эриштирувчи гилам, палос:
Тўшалгач бу бисоти комрони,
Ўзи ўлтурди лек ўлтуртуб ани. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т;
~ **и масоф** – кураш палоси:
Манга мунча ҳикмат тариқида лоф
Ажаб ерда ёйдим бисоти масоф. *Садди Искандарий*, 181-Т;
~ **и неъмат** – фаровонлик бисоти:
Чун зиёфат элги очсанг даҳр чекмас заррае
Чашни луъбат Ҳотам-у Бармак бисоти неъматин. *Бадойиул-васат*, 490-Т;
~ **и тараб** – шодлик мажлиси, хурсандлик базми:
Бисоти тараб жилвагоҳида бўл,
Қаён ким эсанг ҳақ паноҳида бўл. *Садди Искандарий*, 448-Т;
~ **и фазаъ** – хавф, қўрқинч, ваҳм, қайғу:
Икки уч кун атбоъи айлаб жазо,
Нуридида бўлди бисоти фазо. *Садди Искандарий*, 275-Т;

~ **и хисравий** – олий даргоҳ:
Расули қасру токи Кисравийдин,
Не Кисро ким бисоти Хусравийдин. *Фарҳод ва Ширин*, 340-Т;
~ **и хуррам** – ишратхона, кайфу сафо манзили:
Шаҳни май ул бисоти хуррам аро,
Солибан ҳар дам ўзга олам аро. *Сабъаи сайёр*, 10-79;
~ **ёй-** – жаҳонни олмоқ:
Фаридун ким оламда ёйди бисот,
Басе олам аҳлиға етти нишот. *Тарихи мулуки ажам*, 16-202.

БИССАВОБ [بالصواب] – тўғриси, аниғи; **валлоҳу аълам биссавоб** – тўғрисини Худо яхшироқ билади:
Чу доно мунда тортиб сўз хитобин,
Чу валлоҳу аълам биссавобин. *Фарҳод ва Ширин*, 203-Т;
Чун Навоийдин узулдунг бар савоб ўлмак анга,
Жонидин маҳжур ўлар валлоҳу аълам биссавоб. *Наводируш-шабоб*, 42-Т.

БИСТАР [بستر] – тўшак, кўрпа-ёстиқ; ётар жой, ўрин:
Эмин уюбан бу олами пур шарар аро,
Қил хобгаҳингни яхшироқ бистар аро. *Назмул-жавоҳир*, 15-174;
Ғам заъфида дашт узра ётсанг,
Қум бистар экин аёғ узатсанг. *Лайли ва Мажнун*, 248-Т;
~ **и ноз** – нозлик тўшаги:
Анга бир уйда солиб бистари ноз,
Келиб ётқурдилар ҳузн айлаб оғоз. *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;
~ **и синжоб** – силовсин тўшаги:
Эй Навоий ёр кўйида қаро туфроғ аро
Қолибан ортуқ кўрармен бистари синжобин. *Бадойиул-васат*, 358-Т;
~ **и ҳижрон** – фироқ, ҳижрон тўшаги:
Бистари ҳижронда билдим санчилур хори фироқ,
Ҳар сари мўҳ танда бир пайкон эканни билмадим. *Бадойиул-васат*, 323-Т.

БИТ(И)- [بيتْ] – ёзмоқ, битмоқ:
Ки ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,
Битигаймен ўтуз йилин ўтуз ой. *Ғаройибус-сиғар*, 511-Т;
Скандар ўқуғач битиди мисол,
Қи сиз келгали бўлманг ошуфтаҳол. *Садди Искандарий*, 252-Т.

БИТИК [بيتيک] – хат, мактуб, нома:
Етиб маҳвашнинг оллинда ер ўпти,
Битикни ерга қўйди дағи кўпти. *Фарҳод ва Ширин*, 420-Т;
Скандарга ёзған эмишлар битик,
Биравни йибарган эмишлар итик. *Садди Искандарий)*, 198-Т.

БИТИКЛИК [بيتيکليک] – битиклик, ёзилган, битилган:
Қиличда дағи исмидур битиклик,
Ки ул бу исмдин топмиш итиклик. *Фарҳод ва Ширин*, 212-Т;
Ул ишни саранжом қилиб келдим менинг элгимга бир пора коғиз берди анда бу битиклик эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 35-Т.

БИТИКЧА [بيتيکچه] – битикча, мактубча, номача:
Маҳфий ғаминг ёзарда йиғилған битикча бор,
Дардинг ниҳон тутардин оқарған сўнгакларим. *Бадойиул-васат*, 307-Т.

БИТИКЧИ [بيتيكچى] – хат ёзувчи, котиб, мирза:

Яна Муҳаммад Аминбек била Хожа Фахриддин битикчи бобида ҳам нишонлар ким битилиб эрди. *Муншаот*, 14-165;

~ **қавм** – котиблар авлоди:

Хожа Мансур – Журжон мулкидиндур ва битикчи кавмидиндур. *Мажолисун-нафоис*, 125-Т.

БИТИЛ- [بيتيل] – ёзилмоқ:

Тонгласи айлаб яна ул ён гузар
Ул битилган тошқа солди назар. *Лисонут-тайр*, 204-Т;

Амир Қосими Анвар... табаррук жиҳатидин икки матлаъ битилур. *Мажолисун-нафоис*, 6-Т.

БИТИМАК [بيتماك] – ёзиш, ёзув, битик:

Уй китобасида сўз битимак ва изорасиға нима боғламақ. *Наводируш-шабоб*, 681-Т;

Эл бағоят алар назмлариға мойил в шеърларин ўқумақ ва битимакка рағиб бўлдилар. *Мажолисун-нафоис*, 6-Т;

Ул ки тариқи битимакдур китоб,
Назм ила наср ўйла ки дурри хушоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-229.

БИТИНМАК [بيتينماك] – ёзилиш, битилиш:

Аён бўлғай оллингда ҳангомае,
Битинмак манга фарз эди номае. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т.

БИТИР- [بيتير] – битирмоқ, ёзиб тамомламоқ:

Деманг ҳажр ўқи шарҳини нома ёз ким
Қуяр сафҳа ву хома эрмас битирдик. *Наводируш-шабоб*, 337-Т;

Бу золимлар мулкни барбод бергучилардур ва мулк аҳли йиғиштурғанларин битиргучилардур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-16;

Не гоят ки табъим ҳаросон эди,
Юз анча битар вақт осон эди. *Садди Искандарий*, 91-Т.

БИТИРИ [بيتيرى] – битириш, тамомлаш:

Етар Тангридин анча қувват манга,
Ки битирига фурсат манга. *Ғаройибус-сиғар*, 510-Т.

БИТТАБЪ [بالطبع] – табиатан, табиий равишда:

Сифла нишонаси шарорат дурур,
Шуълаға биттабъи ҳарорат дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-236;

Қуёш тобиндин ер анинг қизиқ,
Ки биттабъ айлаб ҳавони исиқ. *Садди Искандарий*, 473-Т.

БИЧАК/ПИЧАК [بيچك] – игна, сўзан:

Ярамни теккали бошинг уза бичакму экин,
Бичакда риштаи жонимму ё ипакму эин. *Ғаройибус-сиғар*, 353-Т.

БИЧАҚ/БИЧАҒ [بيچاق / بيچاغ] – пичоқ:

Кўнгулни айлагандек захм ғамзанг,
Бичақ балким қилич ҳам яра қилмас. *Наводируш-шабоб*, 241-Т;

Навоий назм аро тиғи забонин элга сурди ким
Бичақ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий. *Наводируш-шабоб*, 582-Т;

Магар тиғидин сарсар андак эсиб,
Ки ҳар ерга тегса бичақдек кесиб. *Садди Искандарий*, 231-Т;

Алардин икки киши анга бичағ торттилар ва ул деди ки бичағларингизни манга беринг ким ейин. *Насойимул-муҳаббат*, 124-Т.

БИЧАҚЧИЛИҚ [بيچاقچيليق] – пичоқчилик:

Ва Шайх Муҳаммади Саккок қудиса сирруху ким ўз замонининг машойихининг ягонаси эрди бичақчиликка мансубдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 4-Т.

БИЧ(И)- [بيچى] – бичмоқ, кесмоқ:

Турк алфозининг возни асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузъий мафҳумот учун алфоз вазъ қилибтур ки ...чубрутмақ жирғамақ, бич(и)мақ...

Муҳокаматул-луғатайн, 170-Т.

БИЧИН [بيچين] – маймун:

Бичин топса ер то ичиға сиғар,
Не ким қолса ўрниға барин йиғар. *Садди Искандарий*, 123-Т.

БИШ-/ПИШ- [بيش] – пишмоқ, етилмоқ:

Кўнглумга чекиб новак ож айлади пайвандин,
Ҳар захм ким ул бишти эл анга сунгак санчар. *Ғаройибус-сиғар*, 157-Т;
Солиб жўъ жаҳон димоғиға дуд,
Анинг оши ким тонгла бишкай не суд. *Садди Искандарий*, 368-Т.

БИШУР-/ПИШУР- [بيشور] – пиширмоқ, ҳозирламоқ; меъёрига келтирмоқ:

Ошиқ ўлди ким ки май бердинг магар эй муғбача,
Ишқ ўти бирла бишурмишлар магар ки дашини. *Ғаройибус-сиғар*, 496-Т;
Бир кун бу навъ важҳдин таом бишуруб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 13-Т;

БИШУРМАК/ПИШУРМАК [بيشورماک] – пишириш, етиштириш; ҳозирлаш:

Хублар лаъли хаёлотин бишурмак дур ишим,
Шуълалиғ кўнглум бу соғарларға гўё дош эрур. *Наводируш-шабоб*, 197-Т;
Суду сармоянгни нечун нобуд қилди бир йўли,
Сен бишурмак ҳар замон бир ўзгача савдо не суд. *Бадойиул-васат*, 100-Т.

БИШУРТ-/ПИШУРТ- [بيشورت] – пиширтирмоқ:

Деди ўлтур била таом ели. Пас лазиз таом бишуртти ва била едук.

Насойимул-муҳаббат, 151-Т.

Деди сикбож бишур. Саҳл сикбож бишуртти ва қозон била анинг оллиға қўйдилар. *Насойимул-маҳаббат*, 153-Т.

БИЪСАТ [بأثت] – юбориш, ирсал; фаолият:

Тенгри таоло Ашмуил а.с. ни мабъус қилди ва анинг биъсати замонида олий имом Тенгри раҳматиға борди... *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-155.

БИҚОЪ [بقاع] – ер бўлаклари, манзиллар жойлар; ~**и хайр-** меҳмонхона, хайр бинолари:

Ва ул биқоъи хайр жумласидин бири будур ким тарих секиз юз саксан бирда ким ул ҳазрат кўшки Марғани ёнида бу фақирға саро ва ҳавли ясағали ер иноят қилди. *Вақфия*, 14-256.

БИҒ [بيغ] – фикр, жазм, ният, қасд:

Ки ул эткунча разм учун биғим,
Учуруб эрди бошини тиғим. *Сабъаи сайёр*, 10-398;
Чун фалак тожири таманно манзили мазраидин куёш Юсуфин биғ мизони каффасиға киюрди. *Муншаот*, 14-138;
Бу ҳолатда қотил чекиб тиғи қатл,
Бирисига қилди аён биғи *Садди Искандарий*, 171-Т;

~ **айла-/қил-** – жазм қилмоқ:

Бошимға дард чекмасдин бурун тиғ,
Бу дам базми нашоти айлагил биғ. *Фарҳод ва Ширин*, 139-Т;
Гар ул рой ила қилди ҳар ишни биғ
Мунга Ҳақ насиб айлади рой-у тиғ. *Садди Искандарий*, 499-Т;

Ўз қатлини айламиш эди биғ,
Пинҳон қилиб эрди заҳрлиғ тиғ. *Лайли ва Мажнун*, 300-Т.

БИҲАМДИК [بحمدک] – сенинг (Оллоҳ) шон-шарафинг билан:
Биҳамдик фатҳ абвобил – маоний,
Насиб эт кўнглума фатҳи ўлмак ани. *Фарҳод ва Ширин*, 77-Т.

БИҲАМДИЛЛАҲ [بحمد الله] – Худога шукур:
Васлинга еттим биҳамдиллаҳ ки зойиъ бўлмади,
Ул ки қон йиғлар эди ҳар дам хаёлингдин кўзум. *Ғаройибус-сиғар*, 325-Т;
Агарчи асру кўп золим дурур номеҳрибон моҳим,
Биҳамдиллаҳ ки ҳам одил дурур ҳам меҳрибон шоҳим. *Фавойидул-кибар*, 413-Т.

БИҲАҚ [بحق] – ҳақиқатдан:
... ва маъбудун биҳақ исботидир. *Насойимул-муҳаббат*, 242-Т.

БИҲИЛ [بهل] – кечириш, авф этиш, рози бўлиш, баҳридан ўтиш:
Ваҳм этма бу ишта тангдилмен,
Ким ҳар не ки айласанг биҳилмен. *Лайли ва Мажнун*, 226-Т;
~ **бўл-** – рози бўлмоқ, бағишламоқ:
Амринг била чунки тутмадим йўл
Руҳунгға нечук дейин биҳил бўл. *Лайли ва Мажнун*, 325-Т;
~ **айла-/қил-/эт-** – кечирмоқ, авф этмоқ, рози бўлмоқ, бағишламоқ, фидо қилмоқ:
Қатра қатра қон ки сенсиз юттум айларман биҳил,
Ёрибан кўксум итингга берсалар қошуқ қошуқ. *Наводируш-шабоб*, 320-Т;
Бу соат меҳнатимдин фориғ ўлдунг,
Биҳил қилғил ки ранжимдин қутулдунг. *Фарҳод ва Ширин*, 446-Т;
Қутқаринг жони нотавонимни,
Биҳил эттим бариға қонимни. *Сабъаи сайёр*, 10-124.

БИҲИЛЛИҚ/БИҲИЛЛИК [بهل لیک / بهل لیق] – дуо; илтижо; афв, кечирим:
Биҳиллик истабан озода шаҳдин,
Дема шаҳ ким бари хайл-у сипаҳдин. *Фарҳод ва Ширин*, 206-Т;
Кўп бўйла қилиб рамидадиллиқ
Ўпти оёгин тилаб биҳиллиқ. *Лайли ва Мажнун*, 226-Т.

БИҲИШТ/БЕҲИШТ [بهشت] – жаннат:
Хиттаси хушрок Эрам гулзоридин,
Суйи дилкашрақ биҳишт анҳоридин. *Лисонут-тайр*, 44-Т;
Навоий васл беҳиштида шукр қил бу нафас,
Ким яна чекмагасен ҳажр дўзахида азоб. *Ғаройибус-сиғар*, 61-Т;
~ **и адн** – жаннат; иқоматгоҳ:
Бади фитратта биҳишти адн аро,
Шохсори хулд аро достонсаро. *Лисонут-тайр*, 47-Т;
~ **и барин** – энг гўзал жаннат:
Чу ул остон маъман ўлди манга,
Биҳишти барин маскан ўлди манга. *Садди Искандарий*, 514-Т;
~ **и васл** – висол чоғи, висол боги:
Биҳишти васл аро қўй ким даме танаъъум этай,
Ки ҳажр дўзахида чекмишам азоб асру. *Фавойидул-кибар*, 498-Т;

~ **и жамол** – жаннатий жамол:
Зиҳи биҳишти жамолинг келиб менинг чаманим,
Хат-у юзунг бу биҳишт ичра сабза ву саманим. *Наводируш-шабоб*, 424-Т;

~ **и жовидон** – абадий жаннат:
Агар барча беҳишти жовидон ки аларға дузахча бор андин истипоб ё ор қилсалар муҳиқ бўлғайлар. *Насойимул-муҳаббат*, 12-Т.

~ **и соний** – иккинчи жаннат; гўзал боғ:
Тузуб суҳбат биҳишти сони ичра,
Май ичса «Боғи Навъ» айвони ичра. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;

~ **қил-** – гўзал, обод, кўркам жой қилмоқ:
Сиришк қони чу нақш айладим нигор етишти,
Биҳишт қилди бузуғ манзилини нақши нигорим. *Бадойиул-васат*, 310-Т;

БИҲИШТВАШ [بهشتوش] – жаннатга ўхшаган боғ:
Базмни бу биҳиштваши бўстон,
Айлабан ҳар замон баҳористон. *Сабъаи сайёр*, 10-64.

БИҲИШТИЙ [بهشتی] – жаннат, биҳиштга ўхшаш:
Келиб ёдиға ҳар дам тахт-у жоҳи,
Биҳиштий қаср ила хайлу сипоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 274-Т;
Ҳар мўъмин ким нишонаға ўқ отса Худойи таоло анга биҳиштийлар савобин бергай. *Рисолаи тир андохтан*, 16-304.

БИҲИШТОЙИН [بهشت آیین] – жаннатга ўхшаш:
Хўб руҳафзо зишт умрфарсо хушхулқ нозанинг ҳури биҳиштойин.
Маҳбубул-қулуб, 14-123.

БИҲИШТОСО [بهشت آسا] – жаннатга ўхшаш, гўзал боғ:
Хушсизға атр чун топти машом,
Кўз очиб кўрди биҳиштосо мақом. *Лисонут-тайр*, 225-Т;
... ул қуёш ани туфрағин кўтариб биҳиштосо манзилиға олиб борғани.
Фарҳод ва Ширин, 289-Т;
Деди бир сойил ки эй улвий-хиром,
Масканимдур бир биҳиштосо мақом. *Лисонут-тайр*, 153-Т.

БИҲИШТСАРО [بهشت سرا] – жаннатсимон, жаннатга ўхшаш:
Гўйиё андағи жазоир аро,
Шаҳри эрмиш оти Биҳиштсаро. *Сабъаи сайёр*, 10-278.

БИҲОР [بحار] – дарёлар, денгизлар:
Биҳор суйидин жаҳон жисми терга ғариқ ва бухор ўтидин хаёл пайкари ерда ҳариқ. *Муншаот*, 14-135;

~ **амвожи** – дарё, денгизларнинг мавжлари, тўлқинлари:
Жибол тоши ва дашт кумиға ноқа сурган биҳор амвожи талотумидин нафъ ва зарар кўрган. *Маҳбубул-қулуб*, 14-34.

БИҲОРНАВАРД [بحارنورد] – дарё, денгиз кезувчи; бахтсиз:
Бириси Мукбили биёбонгард,
Яна бири Мудбири биҳорнавард. *Сабъаи сайёр*, 10-307.

БОБ I [باب] – эшик, дарвоза:
Уни бузғай ул сеҳр асбобини,
Ўти очғай ул қалъанинг бобини. *Садди Искандарий*, 247-Т;
Анга ки масжид аро етмади кушод не ғам,
Етишса майкадаға фатҳи бобдур асру. *Наводируш-шабоб*, 518-Т.

БОБ II [باب] – 1. бўлим, боб, қисм, жузъ:

Аввалғи боб тавба зикрида. *Маҳбубул-қулуб*, 64;

Араб тилининг сарфи истилоҳининг абвобида бир бобдур ки анга муфоала боби от қўюбтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 14-47;

2. хусус; ҳақ; бора; тўғри; масала; соҳа; мавзу:

Паҳлавон пирининг бу кариған чоғида умрдек бевафолиқ бобида маснавий айтибдур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 108-Т;

Сидқ аро ҳолингни тағйир этмадинг,
Ёрлиғ бобинда тақсир этмадинг. *Лисонут-тайр*, 122-Т;

Вафо бобида иккимиз де даъви,
Муҳаббат шартида ҳам биз де даъви. *Фарҳод ва Ширин*, 424-Т;

~ **и вафо** – вафо боби:

Навоий англа ки боби вафо ёзилмайдур,
Агар фусусдур гар нусус йўқса фукук. *Фавойидл-кибар*, 315-Т.

БОБ III [باب] – 1. падар, папа, патриарх, улуғ машоих, буюк руҳоний:

Ҳамоно андақ ки кўпрақ акобирни Хуросонда шах дерлар ва Самарқанда хожа (хвожа) ва Румда боб ва Ҳинда қози дерлар.

Насоиймул-муҳаббат, 342-Т;

Оти Умардур. Фарғонада бўлур эрди. Ул ерда улуғ машойихни боб дерлар.

Насойимул-муҳаббат, 178-Т.

БОБАШОРАТ [بابشارت] – башоратлик:

... илоҳий фазл-у икромиға ва қалб қуввати ва яқин қуввати номутаноҳи файз-у фазлға бор экан вақтда ишорат бобашорат ҳукми била.

Насойимул-муҳаббат, 246-Т.

БОБАҲО [بابها] – қиймат, ҳусн, жамол, гўзаллик, равшанлик:

Илм шаҳри анбиёға интиҳо,
Васфида айтиб Алиййи бобаҳо. *Лисонут-тайр*, 32-Т.

БОБИЛ-ХИЛОФГУНА [بابيل خلافگونه] – тескари, зид, акси; эгрилик, нотўғрилик:

Анга ўхшар ки баъзи вужуҳни санамақда бобил-хилофгуна воқиъ бўлғандур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 14-23.

БОБО [بابا] – мўйсафид, кекса; банда бобо; кулбобо:

Ўғул гар борди Тангри раҳматиға,
Яшасун қарнлар бобоси анинг,
Агар бобо бек ўғли айлади нақл,
Ҳақ этсун равзани маъвоси анинг. *Бадойиул-васат*, 498-Т;

Яна шаҳ қуллуғида бемуҳобо,
Надим-у ғамгусор-у банда бобо. *Муншаот*, 14-203.

БОВАР [باور] – ишонч, ишониш; тўғри, ҳақиқат:

Менмудурмен ким сенинг васлинг муяссардур манга,
Бахти гумроҳдин қачан бу қисса бовардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;

~ **бўл-** – ишонмоқ, тўғри келмоқ:

Қаю иш ки бўлмиш муяссар санга,
Бўлур чу бу андеша бовар санга. *Садди Искандарий*, 90-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – ишонмоқ, инонмоқ:

Турфарақ будур ким ул ким жон анга қилдим фидо,
Бовар айлаб ҳолима ҳар не ки дер аҳли ҳасад. *Ғаройибус-сиғар*, 117-Т;

Агар фарзо жунунум дағи кеткай,
Неча ким айтсам ким бовар этгай. *Фарҳод ва Ширин*, 251-Т;

Деган анга ўзини ёр-у ёвар,
Бу сўзни қилурлар эрди бовар. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;
Анда улуқ биное солди ким ...киши кўрмагунча бовар қилмас.
Тарихи мулуки ажам, 16-199;

~ **қилмаслиғ** – ишонмаслик, шубҳа билан қарашлик:
Манзурнинг хўйининг булъажаблиғида ва меҳрида ошиқ жон берса бовар қилмаслиғининг бесабаблиғида. *Мажолисун-нафоис*, 204-Т;

~ **қилдур-** – ишонтирмоқ:
Ким етар соянгдин элга шоҳлиғ,
Санга бовар қилдуруб гумроҳлиғ. *Лисонут-тайр*, 81-Т.

БОВАРЛИҚ [باورلیق] – ишонишлик;
Яхши ул эрур ки айлабан боварлиқ,
Қилғай санга яхшилиқ сари ёварлиқ. *Назмул-жавоҳир*, 15-146.

БОВАҚОРЛИҚ [باوقارلیق] – виқорли, вазминли; улкан, юксак; бардошли:
Елдек сайр аро сабуксорлиғ таайюн қилмақ ва тоғдек сукун аро бовақорлиғ, амрин буюрмақ. *Садди Искандарий*, 435-Т.

БОВУЖУД(И) [باوجود(ی)] – шундай бўлса-да; шундай экан; гарчи, агарчи; қисқаси:
Бовужуд мунча нақд ул дунхисол,
Тўнига тикмиш эди гардунмисол. *Лисонут-тайр*, 152-Т;
Ҳадис таржимаси шохининг ўтдин нажоти бовужуд убудийят ва бахилнинг жаннатдин ҳирмони бовужуд сиёдат. *Бадойиул-васат*, 494-Т;
Ва табъида тамаъ муфрит учун бовужуди фазойил эл қошида иззати камрақ эрди. *Мажолисун-нафоис*, 18-Т;
Бовужуди шеър фаннида маҳоратлиқ киши эрди, адвор ва мусиқий фаннида ҳам комил эрди. *Мажолисун-нафоис*, 18-Т.
Бовужуди мунча қатла махсуслардин аларға иноят ва муҳаббат юзидин мулозамат тариқида илтимос воқиъ бўлди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-98;
Абдулқаҳҳор... ва баҳодур киши эрдир зотида бовужуди омийлиғ мулоямат бор эди. *Мажолисун-нафоис*, 175-Т;

~ **и бевафолиғ** – асосли бевафолиғ:
Замонға бовужуди бевафолиғ таън қиманг ким
Замона аҳлидин расми вафо бобинда сайланмиш. *Фавойидул-кибар*, 261-Т.

БОВУЖУДИ КИМ [باوجودی کیم] – гарчи ким, бовужуди ким:
Не учун ҳар дам сариғрағдур юзумнинг олтуни
Бовужуди ким юзида ашкдин симоби бор. *Ғаройибус-сиғар*, 165-Т;
Иттифоқан бу шеъри била ўзин ҳажв қилибдур ким бовужуди ул ким ҳеч мазаси йўқтур ва кофияси ҳам ғалатдур. *Мажолисун-нафоис*, 91-Т.

БОВУРЧИ [باورچی] – ошпаз, баковул:
Ҳорун деди ким киймакин хазонадин еткурай ва емакин бовурчидин буюрай.
Маҳбубул-қулуб, 14-129.

БОД I [باد] – ел, шамол; ~ **и сабо** – тонг шаббадаси, майин шамол:
Гаҳ тайри ҳаводин айлаб эълом,
Гаҳ боди сабодин айлаб эълом. *Лайли ва Мажнун*, 317-Т;
Қўп эй боди сабо жонон сари эс,
Масиҳ анфоси янглиғ жон сари эс. *Фавоийдул-кибар*, 234-Т;

~ **и сабоҳ** – тонг шаббадаси, майин шамол:
Боғи васли атри жонимдур дам урмай эй Масиҳ,
Ким манга воқиъдурур боди сабоҳға эҳтиёж. *Фавойидул-кибар*, 97-Т;

~ **и хазоний** – куз шамоли:
Чу яфрағин тўкар боди хазоний,
Бурун рангини айлар заъфароний. *Фарҳод ва Ширин*, 140-Т;
~ **и бурут** – олифта қўйилган мўйлаб; худбин:
Ит эти қоплон каби кути анинг,
Кибр ели боди бурути анинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-267.

БОД II [باد] – бошад (бўлмоқ) сўзининг қисқарган варианти; бўлсин:
Топқали хоки танимға новаки ишқинг кушод,
Кўнглум айтур хайрмақдам жоним айтур хайрбод. *Ғаройибус-сиғар*, 114-Т.

БОДА [باده] – 1. май, шароб:
Ки май жозиби бўлғай ажзо анга,
Тамом ўлмағай бода асло анга. *Садди Искандарий*, 254-Т;
2. баҳра; бахрамандлик:
Шоҳ дуосида туганди калом,
Эмди Навоийға эрур бода ком. *Ҳайратул-аброр*, 7-330;
~ **базми** – ичкиликбозлик, маишатбозлик:
Ҳеч замони мусодакатлиқ асҳоб бода базми тарҳин солурға андин яхширақ йўктур. *Муншаот*, 14-92;
~ **тунгаги** – май идиши:
Сўфи ибрикиға халал бўлди,
Бода тунгаги била бадал бўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-105;
~ **ўти** – май таъсири, кайфи; мастлик:
Бода ўти жисмимға туташиб... бу ниёз рукъасин густохлиғ қилинди. *Муншаот*, 14-137;
~ **ҳавоси** – май таъсири, май истаги:
Ринди хароботий ки май ичмак била ўтар авқоти ҳубобдек бода ҳавоси бошида суроҳидек бош қўяр ери соғар кошида. *Маҳбубул-қулуб*, 14-45;
~ **и айш** – айш-ишрат майи бодаси:
Қилиб майхона туфрағин ватан қон ютмағим кўргил,
Ки бу бир бодаи айшим дурур ул маснади жоҳим. *Ғаройибус-сиғар*, 330-Т;
~ **и асфар** – сариғ май:
Жоми зар ичра бодаи асфар,
Озар ичра эди яна озар. *Сабъаи сайёр*, 10-178;
~ **и васл** – васл, висол бодаси:
Бодаи васлинг олур ҳушумни деб кўркутма ким
Ваҳм бу сўздин ачиғдурур оғзимда нуш. *Ғаройибус-сиғар*, 217-Т;
~ **и ваҳдат** – бирлик, ёлғизлик, ваҳдат шароби; Оллоҳга яқинлик майи:
Топмағунг дайри фано аҳлида янг боштин бақо,
Қилмағунча бодаи ваҳдат вужудунгни адам. *Фавойидул-кибар*, 385-Т;
~ **и гулгун** – қизил рангли тиниқ май; ёқут ранг, лаъл рангли май:
Ул юзин гулранг этиб мен ашк хунобин ютуб,
Ким эрур ул бодаи гулгун-у мен қон ичкучи. *Наводируш-шабоб*, 644-Т;
~ **и гулранг** – қизил, гулранг май:
Даҳр бўстонида гулгун хона қилсанг орзу,
Бодаи гулранг қўйған кулбаи хаммор бас. *Бадойиул-васат*, 180-Т;
Ошкоро бодаи гулранг ичмак хуштурур,
Чун ниҳон айлар кавокиб гулларин гулфом субҳ. *Бадойиул-васат*, 83-Т;
~ **и гулфом** – қизил май, ёқутранг маи:
Ҳажр етса май била дедим овунғай мен валек
Ёрсиз бор эрмиш ичмак бодаи гулфом талх. *Ғаройибус-сиғар*, 107-Т;

Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,
Сипкариб ул бодаи гулфомни. *Ҳайратул-аброр*, 7-63;

~ **и давр** – замон шароби, майи:
Ўзгалар бирла ичарсен май у мен зорға ул,
Бодаи давр ки эрур таъми ачиғ лаззати талх. *Наводируш-шабоб*, 110-Т;

~ **и ёқутранг** – ёқутранг май:
Бўйла мавсимда керактур айш базмин тузгали,
Ҳам зумуррудранг ер ҳам бодаи ёқутранг. *Бадойиул-васат*, 259-Т;

~ **и жом** – май, бода қадаҳи:
Зоҳид айтур ким май ичма вах анинг ҳукми била,
Соғ ўлса олғайму масти бодаи жоми аласт. *Наводируш-шабоб*, 77-Т;

~ **и жонфизой** – руҳлантирувчи, куч берувчи май:
Навоий сўмур бодаи жонфизой,
Ки қолмиш на Маллув на Хоқон на Рой. *Садди Искандарий*, 229-Т;

~ **и исён** – журм, гуноҳ майи, бодаси:
Тортибан солғил Навоийни карам дарёсиға,
Ким бўлубтур ғарқа баҳри бодаи исён аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т;

~ **и ишқ** – ишқ майи, севги бодаси, васл майи:
Бодаи ишқингда эт кўнглумни маст,
Лек ул янглиғ ки бўлғай майпараст. *Лисонут-тайр*, 258-Т;
...ўз қотилиға зор-у ҳайронлиғин ва анинг бодаи ишқидин кўз ва зулфидек маст ва паришонлиғин хуш дебдур. *Мажлисун-нафоис*, 230-Т;

~ **и кавсар** – кавсар, жаннат чашмасининг суви, шароби:
Кўйи туфрағида қон йўқса Навоий яхшироқ,
Бодаи кавсар чекардин равзаи мену уза. *Бадойиул-васат*, 389-Т;

~ **и кофур** – ниҳоятда тоза хушбўй май, шароб:
Одина кун Баҳромнинг... тахти ож узра жоми биллуридин бодаи кофур мизожошом қилғани... *Сабъаи сайёр*, 10-334;

~ **и кофургун** – оқ, кофур рангли май:
Кўнглум ўлди ҳажр ўтидин реш эй соқий манга,
Бодаи кофургун дурдидин олиб марҳам эт. *Бадойиул-васат*, 59-Т;

~ **и лаъл** – лаълий, қизил бода; лаб:
Водаи лаълинг мизожи руҳпарвардур баси,
Гўйиё мамзуж этиб оби ҳайвондин анга. *Ғаройибус-сиғар*, 35-Т;

~ **и мақсуд** – мақсад майи:
Бодаи мақсуд жоми завқидин табъим юзин,
Вах неча дойим хумори жаҳл тутқай мунҳасиф. *Ғаройибус-сиғар*, 246-Т;

~ **и мушкин** – хушбўй бода, май:
Даҳр мушкин чун ҳаво кофури пинҳон айлади,
Бодаи мушкини кофурий мизож ичмай нетай. *Ғаройибус-сиғар*, 441-Т;

~ **и ноб** – тоза, тиниқ, соф май:
Бир дам аҳбоб била базми сабуҳи тузубан,
Чекингиз дамни ғанимат билибан бодаи ноб. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;

~ **йи рангин** – ранг-баранг май, шароб:
Бу сариғ рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил,
Ичсанг олтун жом ичинда бодайи рангин солиб. *Ғаройибус-сиғар*, 68-Т;

~ **и сандал** – сандал исли май:
Сандал насим била бодаи сандал шамим ичмак... *Сабъаи сайёр*, 10-306;

~ **и соф** – соф, тиниқ май, бода:
Бодаи соф била дафъи кудурат қилсун,
Ани ким тира қилур давр элининг меҳнати кўп. *Наводируш-шабоб*, 67-Т;

~ **и тахуро** – тоза, соф май; жаннат шароби:
Бу иқбол нишони ким бандаға етишти махмурға етган бодаи тахуро мисолғаму ўхшатайин. *Муншаот*, 14-214;

~ **и хотир** – эсдан оздирадиган май:
Ани тортмағлиғ не бу лой дейин,
Ҳам ул бодаи хотир олай дейин. *Садди Искандарий*, 73-Т;

~ **и шавқ** – шавқ-завқ майи: – майнинг қолдиғи, қуйқуми; иноят, илтифот:
Ҳар дард соғарида анинг бодаи шавқининг дурди томса дарёйи ҳаёт қилғай. *Муншаот*, 14-143;

~ **и шафақгун** – шафақ рангли бода:
Аввал қадаҳингни айла гардун,
Қўйғил анга бодаи шафақгун. *Лайли ва Мажнун*, 367-Т;

~ **и хамро** – қизил, ёқут ранг май:
Бўйла ким лаълинг майининг шавқидин маст ўлмишам,
Бодадек қоним тўк этсам бодаи ҳамрони ёд. *Ғаройибус-сиғар*, 120-Т;

~ **тут-** – бода бермоқ, май, қадаҳ тутмоқ:
Карам айлаб эй муғ манга бода туттунг,
Қачон шайх кўргузди мундақ каромат. *Фавойидул-кибар*, 81-Т.

БОДАКАШ [باده کش] – майхўр, бода ичувчи:
Сен эмди ғам ема кўнглунгни хуш тут,
Тараб бирла ўзунгни бодакаш тут. *Фарҳод ва Ширин*, 344-Т.

БОДАМ [بادم] – бодам:
Анга ичмак бўлуб ноком янглиғ,
Мариз-у шираи бодам янглиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 134-Т;
Кўзи оллида эй бодам қилдинг ишва даъвосин,
Магар кирпикларидиндур фишони жисми афгоринг. *Наводируш-шабоб*, 358-Т;
Базм бу навъ ўлди эса нақли ҳадисин дема ким
Ғунча била наргисидин шаккар у бодам етар. *Наводируш-шабоб*, 177-Т.

БОДАНЎШ [باده نوش] – май, шароб ичувчи:
Вале чун қилиб бода торажи хуш
Бўлуб утрудин моҳваш боданўш. *Садди Искандарий*, 230-Т;
Эй Навоий дема ким жон-у кўнглумни найладинг,
Иккисин қилдим фидо чун боданўшин тутти қўш. *Наводируш-шабоб*, 262-Т.

БОДАОМИЗ [باده آمز] – бодали, бода аралаш:
Келди ву қилди суҳбатангизи,
Қилғали гулга бодаомизи. *Сабъаи сайёр*, 10-254;
Эрур гул барги узра оби ҳайвон,
Лабинг ул дан ки бўлғай бодаомиз. *Наводируш-шабоб*, 209-Т.

БОДАОШОМ [باده آشام] – майхўр:
Бу ки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам бадам,
Базми айш ичра лабо лаб бодаошомимға айт. *Ғаройибус-сиғар*, 89-Т;
Эй Навоий ўлсам армон элткумдур ичмайин
Бир сабуҳи гулъузори бодаошомим била. *Бадойиул-васат*, 412-Т;
Ул муқамиршева шўхи бодаошомим керак. *Бадойиул-васат*, 257-Т.

БОДАПАЙМО(Й) [باده پیما(ی)] – соқий, май қуювчи:
Дамбадам мискин Навоийнинг дегил қон ютмағин,
Эй қадаҳ гар ҳамдам ўлсанг бодапаймойим била. *Ғаройиб-сиғар*, 412-Т;

Хумори ҳажри ичинда саъб аҳволимни ул билгай,
Ки ичкай андин айру майни шўхи бодапаймоси. *Бадойиул-васат*, 421-Т;
Бу базми ғусса ичра бодапаймой,
Бўлур ҳар лаҳза мундақ мажлисорой. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т.

БОДАПАЙМОЙЛИҒ/БОДАПАЙМОЙЛИК [باده پیمایلیق/باده پیمایلیغ] – соқийлик:
Топмаса лаъли майиға бодапаймолиғ кўнгул,
Хуштурур наззора ҳам лаъли қадаҳпаймосида. *Наводируш-шабоб*, 562-Т;
Шаҳ этти аён бодапаймойлик,
Ки шўх айлагай мажлисоройлиқ. *Садди Искандраий*, 387-Т.

БОДАПАРАСТ [باده پرست] – майхўр, ичкиликка берилган:
То бўлуб дайри фано аҳли маст,
Мену мендек яна юз бодапараст. *Фавойидул-кибар*, 695-Т;
Бодаи ғафлат ани маст айласа,
Маст не ким бодапарает айласа. *Хайратул-аброр*, 7-314.

БОДАПАРАСТОНА [باده پرستانه] – майпарастларча, майхўрларча:
Соқиё бодаи мастона кетур,
Дайрдин бодапарастона кетур. *Фавойиул-кибар*, 661-Т.

БОДАПОЛО [باده پالا] – майни сузишда ишлатиладиган мато, дока:
Париваш рахш уза сархуш пари жавлон қилур нетсун,
Жунун жомиға килмай бодаполо аҳли тақво фаш. *Ғаройибус-сиғар*, 211-Т;
Гар Навоий маст агар махмур ўтар бу дайрдин
Бодаполодин кафан муғ дайрини мадфан қилай. *Ғаройибус-сиғар*, 470-Т.

БОДАПОЛОЛИК [باده پالالیق] – матолик, докалик (май сузишдаги):
Май учун зоҳид ридоси андин ўлмас раҳн ким
Бодапалоликка ҳам лойиқ эмас ул пора бўз. *Фавойидул-кибар*, 212-Т.

БОДАСИЗ [باده سیز] – майсиз:
Бу чаман ким тўкулур шом гул очилса сабоҳ.
Бодасиз шом-у сабоҳ ўлмақ эмас бизга салоҳ. *Наводируш-шабоб*, 101-Т.

БОДАФУРУШ [باده فروش] – май сотувчи:
Қули бўлдим неча ким муғбачаи бодафуруш,
Мени махмурни бир жом ила мамнун қилди. *Наводируш-шабоб*, 620-Т;
Бода дарёсиға солғил мени эй бодафуруш,
Мен ғариқ ўлсам эмас ғам чу сен ўлғунг маллоҳ. *Фавойидул-кибар*, 105-Т;
~ **кил-** – май сузишда матони ишлатмоқ:
Бодаға раҳн айлаганда офият дасторини
Йирттим бир гўшасидин бодаполо қилғали. *Наводируш-шабоб*, 627-Т.

БОДБОН [بادبان] – елкан, кема чодири:
Шиор айлаб бу ишни кема тири кўр ки су узра,
Хиром айлаб ҳавоға бодбондин солди сажжода. *Ғаройибус-сиғар*, 524-Т;
Буюрди сафойинни турғуздилар,
Солиб лангарин бодбон туздилар. *Садди Искандарий*, 469-Т;
Бу завраққа гулмех этиб кавкабин,
Қилиб бодбон субҳ чодиршабин. *Муншаот*, 14-143.

БОДГИР [بادگیر] – туйнук; бурун тешиги, коваги; ~ **икки бодгир** – бурунинг икки тешиги, коваги:
Лаъл эшиги узра икки бодгир,
Ҳайъати матбуъ-у ўзи дилпазир. *Ҳайратул-аброр*, 7-92;

БОДИЯ [بادیه] – чўл, дашт, биёбон, саҳро:
Сидқ бирла айлабан азми ҳарам,
Бодия қатъиға урдилар қадам. *Лисонут-тайр,* 123-Т;
Деввашлардин қочиб тутти Навоий бодия,
Бу жиҳатдин теграсида дашти ваҳшин айланур. *Бадойиул-васат,* 134-Т;
~ **и ишқ** – ишқ саҳроси, дашти:
Тонг эмас бодияи ишқингда кирмак ки қилибмен,
Боғламақ Каъбаи кўйинг сари иҳром таманно. *Ғаройибус-сиғар,* 11-Т;
~ **и ломакон** – йўқлик саҳроси; у дунё:
Қолмади чун йўлида асло макон
Қилди макон бодияи ломакон. *Ҳайратул-аброр,* 7-47;

БОДИЯПАЙМОЙ [بادیه پیمای] – дашт, чўл кезувчи:
Маст-у овора кўнгул этти ву раҳм этмади ул,
Бодапаймой демай бодияпаймой манга. *Наводируш-шабоб,* 15-Т;
Ким бўлса ҳарам шавқи била бодияпаймой.
Кўздин учар уйқу. *Бадойиул-васат,* 470-Т.

БОДОВАРД [بادآورد] – 1. шамол келтирган ганж, бойлик:
Гаҳи Шабдизи оламгардидин деб,
Замони ганжи бодовардидин деб. *Фарҳод ва Ширин;* 113-Т;
2. маҳбуба кўчасининг тупроғи:
Ел кетургач кўйи туфроғини топтим шоҳлиғ,
Эй Навоий қил тамошо ганжи бодовардима. *Фавойидул-кибар,* 539-Т.

БОДОМА [بادامه] –бодом шаклли муҳр:
Кўзунг хаёли кўнгул махзанин тасарруф этиб,
Магар ки ҳифзи учун бости муҳри бодома. *Бадойиул-васат,* 386-Т;

БОДПАЙМО(Й) [بادپیما(ی)] – шамолдек тез юрувчи, чопқир (от):
Ҳажр даштида кўйундек мен дели ул мен киби,
Хоксору подпаймо дағи саргардон эмас. *Ғаройибус-сиғар,* 201-Т;
Кетурдилар бу хинги бодпаймой,
Равон минди шафақ гулгуниға ой. *Фарҳод ва Ширин,* 292-Т.

БОДПО/БОДПОЙ [بادپا(ی)] – чопқир, учқур (от):
Ўпуб ул бодполарнинг аёғин,
Тушуб йўлға тутуб икки қулоғин. *Фарҳод ва Ширин,* 313-Т;
Бас ки кўз оқ-у қаросин суртмишмен шавқин,
Ҳам қаро ҳам оқ ўлубтур бодпойин туйноғи. *Наводируш-шабоб,* 587-Т;
~ **чархпаймой** – осмонда кезувчи:
Шимол эркин дедим рахшин чақилғач барқдек куйдум,
Самум эрмиш ҳамоно бодпойи чархпаймойи. *Фавойидул-кибар,* 561-Т.

БОДРИНГ [بادرینگ] – бодринг:
Дедим ки сусизмен ва кўнглум тозағина хиёр тилар ки бўғзумни ўлуткаймен. Ул йигит деди ки кир дағи уз. Шайх дебдур ки менинг ул йигит сўзига имоним бор эрди. Боқтим эрсам полизе кўрдум ки тўла қовун ва бодринг ва хиёр эрди. Андин узуб оташимға таскин бердим. *Насойимул-муҳаббат,* 123-Т.

БОЖ [باج] – бож, хирож:
Не навъ ўлғай андин хирож истамак,
Суда дурри кўп бўлса бож истамак. *Садди Искандарий,* 159-Т;
Агарчи соя солмас бошиға тож,
Валекин тожварлардин олур бож. *Фарҳод ва Ширин,* 284-Т;

Балки ул ҳусн олиб куёшдин бож,
Ҳеч кўзгуга бўлмайин мухтож. *Сабъаи Сайёр*, 10-221.

БОЗ I [باز] – лочин:
Чу ноз ул тазарв ошикор айлабан,
Басе бозу шоҳин шикор айлабан. *Садди Искандарий*, 356-Т.

БОЗ II [باز] – сўз бирпкмасида *ўйновчи, ўйнатувчи* маъноларини ифодалайди; ~ **ишқбоз** – ҳакиқий ошиқ:
Кому ноком ўлди шайхи ишқбоз,
Майни ким тутмиш эди ул дилнавоз. *Лисонут-тайр*, 112-Т.

БОЗГАШТ [بازگشت] – қайтиш; ~ **айла-/кил-** – қайтмоқ, қайтиб келмоқ:
Бозгашт айлади чу хаста кўнгул,
Неки истар, топар шикаста кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 715-Т;
Вақт чун етти Навоий Ҳаққа қилди бозгашт,
Гарчи золи чарх иши юз лоба ву минг лоғ эди. *Бодойиул-васат*, 455-Т.

БОЗГУН [بازگون] – тескари, чаппа, акс:
Киш-у синжобин не тонг гар кийса музи бозгун,
Ким чиқармиштур кишиликдин ани синжоб-у киш. *Ғаройибус-сигар*, 214-Т;
Зулм ила феъли бозгун бошлаб,
Чархдин ани сарнигун ташлаб. *Сабъаи сайёр*, 10-384.

БОЗГУНА [بازگونه] – терс, акс; арабий ёзувнинг бир тури:
... ва алар барча анинг амриға инқиёд қилиб Кашмир шоҳи номувофиқ афсун ўқиб маскади ройи бозгуна жавоб бериб хоқони Чин чин сўзидин қошиға чин солғани. *Садди Искандарий*, 212-Т;
Мавлоно Мажнун ...бозгуна хатни андак равон ва соф битир ким маҳалли тааж-жубдур. *Мажолисун-нафоис*, 10-Т;
~ **ур-**– билиб билмасликка солмоқ; ишни тескари қилмоқ, чатоқлаштирмоқ:
Эранлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-46;
Муни ҳам урди наъли бозгуна,
Ишидин бўйла кўргузди намуна. *Фарҳод ва Ширин*, 277-Т.

БОЗГЎЙ [بازگوی]– такрорланган сўз, тарона; такрор:
[Паҳлавон Муҳаммад] амал ясаб эрди ва бозгўйида бу икки байтин боғлаб эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 105-Т.

БОЗЖУСТ [بازجوست] – ахтариш, қидириш; текшириш:
Ики уч йил ўтти ву ул етмади,
Киши ҳам ани бозжуст этмади. *Садди Искандарий*, 162-Т;
Икки тоғ орасида массоҳи чуст,
Яқинроқ ерин айлади бозжуст. *Садди Искандарий*, 432-Т.

БОЗИ/БОЗИЙ [بازی] – алдов, фириб, ҳийла; ~ **бер-** – алдамоқ, фириб бермоқ:
Каюмарс эди лек даврони дун,
Анга берди бози баридин бурун. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;
Бўлуб тулкуга бу янглиг ниёзи,
Қим ул кўй итларига берма бози. *Фарҳод ва Ширин*, 386-Т;
~ **е-** – алданмоқ, фириб емоқ:
Ва анинг мушоҳада бобида ва шайтондин бози еганда кўп сўзлар бор. *Насойимул-муҳаббат*, 155-Т;
Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,
Не бози емак хуш-у не бози бермак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-91;

~ **бер-** – алдамоқ:
Бўйла юз бози еб-у бози бериб,
Нафс матлубин юрур эрди териб. *Лисонут-тайр*, 59-Т.

БОЗИГАР [بازیگر] – алдамчи, ҳийлагар, фирибгар:
Ҳиндуйидур булъажаб бозигар ул кўз даврида,
Ҳинд эли аҳли тамошо хайли мужгон ҳар тараф. *Бадойиул-васат*, 239-Т;
Тамаъ тутма фалакдин ком ким ханжар қилур ошом,
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўълии бозигар. *Наводируш-шабоб*, 195-Т.

БОЗИЛ [باذل] – сочувчи, эҳсон қилувчи, саховатли:
Тилаб уммат гуноҳин ҳар не ким истаб топиб бахшиш,
Зеҳи сойил зиҳи бозил зиҳи рифъат зиҳи меърож. *Фавойидул-кибар*, 95-Т;
Бозил илгин юққари сойил қўлин кўргил қуйи,
Тенг бўлурму термак-у сочмак хирад мезонида. *Наводируш-шабоб*, 558-Т.

БОЗИЧА [بازیچه] – ўйинчоқ; ~ **и атфол** – болалар ўйинчоғи; қўғирчоқ:
Гарчи мажнунмен сенинг куйунгни ўқ айлаб ватан,
Анда ўқ бўлсам бўлай бозичаи атфол ким. *Ғаройибус-сиғар*, 337-Т;
Ақл пири ким малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул пари ишқи аро бозичаи атфолдур. *Бадойиул-васат*, 125-Т.

БОЗОВАРД [بازاورد] – қайта келтириш; ҳадя, туҳфа:
Ёр агар ҳижрон аро солди Навоийни йирак,
Бок эмастур васл аро гар қилса бозовардини. *Ғаройибус-сиғар*, 483-Т.

БОЗОВАРДЛИҚ [بازآوردلیق] – қайта келтиришлик; туҳфа; ~ **кил-** –қайта келтирмоқ; ҳадя қилмоқ, туҳфа этмоқ:
Фалак ул ойни ким мендин йироқ солған била ўлдум,
Тирилмак мушкил эрмас эмди бозовардлиқ қилса. *Бадойиул-васат*, 414-Т.

БОЗОР [بازار] – 1. бозор; савдо-сотиқ жойи:
Бир пўстинфурушлуқ дўкони ҳам бор бозорнинг ғарбисида болохонаси била.
Вақфия, 14-266;
Ғофиле қўйди қадам бозорға,
Хайлу тобиъ нафси бадкирдорға. *Лисонут-тайр*, 58-Т;
2. суд, фойида:
...ихлос нукудин оллиға тўқуб наът-у дуо бозоридин иликка кивургай.
Назмул-жавоҳир, 15-123;
~ **аҳли** – бозордаги сотувчи ва харидорлар:
Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.
Муншаот, 14-188;
~ **и шайд** – фириб, макр бозори:
Корвонлар тез этиб бозори шайд,
Қилдилар ул турфа қушни ўйла сайд. *Лисонут-тайр*, 224-Т;
~ **и хусн** – ҳусн бозори:
Бозори ҳусни даврида ҳар неча хайли хат,
Қилди ғулув валек харидормен ҳануз. *Фавойидул-кибар*, 210-Т;
~ **гарм бўл-** – ишқ савдоси, маҳбубга харидорлиги ортмоқ:
Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг. *Мезонул-авзон*, 35-Т;
~ **топ-** – тадбир қилмоқ, фириб бермоқ:
Чу топти ҳийлагар бу навъ бозор,
Яна изҳор айлаб ранж-у озор. *Фарҳод ва Ширин*, 366-Т;

~ **и ушал-** – бозори касод бўлмоқ:
Ўзунгни сотмағингда хусн савдосидин эй Юсуф,
Ҳабибим етса эрди не ушалғай эрди бозоринг. *Наводируш-шабоб*, 358-Т.

БОЗОРҒИНА [بازارغینه] – бозорча:
То тирик эрди риҳлат анга эрди. Ул деб эрди ки бу бозорғинамиз. Харконийға тушкай. *Насойимул-муҳаббат*, 181-Т.

БОЗОРГОН [بازارگان] – бозорчи, савдогар:
Девонийларға ҳукм бўлса ким атрофдин келган бозоргонларнинг жонибин риоят қилсалар. *Муншаот*, 14-191;
Рустам бозоргонлар сурати била бориб Бижанни банддин халос қилғани. *Тарихи мулуки ажам*, 16-208.

БОЗОРИЙ [بازاری] – бозорий, бозорга тегишли, бозор аҳли:
... ва деди мен не алоҳийят била бу ишни қилурмен ки бир бозорий кишимен. *Насоиймул-муҳаббат*, 371-Т.

БОЗОРИЙЗОДА [بازاری زاده] – савдогар, тожир:
Ва ҳам Хизр алайҳис-салом анга дебдур ки сизинг шаҳрда бозорий зодайидур ўн етти ёшидадур не атоси билур ки ул кимдур ва не ўзи. *Насойимул-муҳаббат*, 209-Т.

БОЗУ [بازو] – билак:
Чу зўр ортуқ айлаб тарозусидин,
Чиқиб йўқ ки оранж бозусидин. *Садди Искандарий*, 513-Т;
Тақдир кути бозосу оллида сабаб риштаси чурукда... *Маҳбубул-қулуб*, 14-52;
Ҳамул хорокани пўлод бозу,
Ариққа мен етишмай қўймасун су. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;
~ **и адл-** – адолат қўли; одиллик:
Кучланибан панжаю бозуйи адл,
Асрабан ойини тарозуйи адл. *Ҳайратул-аброр*, 7-28.

БОЗХОСТ [بازخواست] – талаб, даъво:
Мирзо навкарлиги ҳайсийятидин иноят ва ҳурмат алар бобида кам бўлмаса лекин бекоидалиғи биридин зоҳир бўлса бозхост ва сиёсатда мазкур тутулмаса. *Муншаот*, 14-190;
~ **қил-** – даъво, талаб қилмоқ; итоб қилмоқ:
Чун не ким шарҳ айладим бор эрди рост,
Муътарифмен ҳар не қилсанг бозхост. *Лисонут-тайр*, 110-Т.

БОИС [باعث] – сабаб, важ, баҳона, мужиб:
Менинг мажнунлуғумға ишқ савдо гар эрур боис,
Валекин бу икига бир пари пайкар эрур боис. *Бадойиул-васат*, 69-Т;
Менинг жунунумға гар ул пари эрур боис,
Ҳалокимга қад ила пайкари эрур боис. *Ғаройибус-сиғар*, 93-Т;
Анга боис бирав муҳаббатидур,
Балки андуҳ-у доғ фурқатидур. *Сабъаи сайёр*, 10-348;
~ **и алам** – гам ва андуҳга сабаб:
Ул ҳазратнинг нозук мизожига мужиби гам ва муборак хотириға боиси алам бўлгай. *Вақфия*, 14-265;
~ **и афгорлиғ** – ғамгинлик, хасталик, жудолик, кўнгил шикасталикка сабаб:
Ғамандўз воқиа ким иттилои жоига бонси афгорлиғ эрди, етишти. *Муншаот*, 14-160;

~ **и бесомонлик** – саросималик сабаби:
... шифо фасли бурудат касратидин ва ёғин шиддатидин мужиби паришонлик ва боиси бесомонлик дурур. *Садди Искандарий*, 235-Т;

~ **и дард** – ғам сабаби:
Ишқ ўлди кишига боиси дард,
Қилмақ ики қавм фикридин фард. *Лайли ва Мажнун*, 365-Т;

~ **и илтифот ва имтиёз** – лутф, карам, шафқат асоси:
Халойиқдин кишига мужиби таъзим ва эъзоз ва акобирдин асогирға боиси илтифот ва имтиёз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;

~ **и инбисот** – севинчга сабаб, шодликка сабаб:
Фақир эшиткач мужиби нишот ва хушҳоллиқ ва боиси инбисот ва фориғулболлиқ бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-40;

~ **и ифтихор** – фахрланиш сабаби, асоси:
Ул умур зоҳир-у ботинимға мужиби мубоҳот ва қуванмақ ва дунё ва охиратимга боиси ифтихор ва ўкунмактур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-8;

~ **и иқбол** – иқбол мужиби, сабаби:
Номанг ки эрур боиси иқбол-у тараб
Еткурса тараб мени ҳазинға не ажаб. *Ғаройибус-сиғар*, 539-Т;

~ **и калол** – ҳорғинлик сабаби, чарчаш боиси.
Арздоштнииг шарҳи мужиби малолдур ва ҳолнинг баёни боиси калол. *Муншаот*, 14-163;

~ **и кифоят** – кифоят сабаби, боиси:
Бу амн ила адли бениҳоят,
Шаҳр аҳлиға боиси кифоят. *Лайли ва Мажнун*, 72-Т;

~ **и малол** – малоллик сабаби:
Сўз итноби ул нозук табъға мужиби калол ва фасонаи тўли ул латиф зеҳниға боиси малол бўлмасун. *Мажолисун-нафоис*, 203-Т;

~ **и малолат** – малоллик, оғир олншлик сабаби, ранжишликнинг боиси:
Фирок зовиясида оворалнкнинг баёни мужиби кудурат ва боиси малолат бўлғай. *Муншаот*, 14-199;

~ **и мақсуд** – мақсад сабаби:
Боиси мақсуд зоҳид зуҳд қилди мен фано
Фақр иқболидин ул мушкилни осон айладим. *Бадойиул-васат*, 316-Т;

~ **и нисён** – унутиш боиси:
Бода чун боиси нисён эмиш анча ичайин,
Ки манга ҳар не ки жуз ёр дурур бўлсун унут. *Наводируш-шабоб*, 41-Т;

~ **и нишот** – сезинч боиси, шодлик сабаби:
Илтимос ул ким ҳарён Хизрвор қадам урса хужаста мақдамини боиси нишот ва сурур билғайлар. *Муншаот*, 14-214;

~ **и ором** – тннчлик ва осойишталик сабаби:
Ул заъф сўнгғида шифо кайфияти ёзилиб эрди ғамгин кўнгулга мужиби таскнн ва алам ўтларига боиси ором бўлди. *Муншаот*, 14-207;

~ **и рам** – чўчиш, хуркиш сабаби, боиси:
Бу гулшан аро барг тўтиларига,
Хазо тифли бас боиси рам бўлубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 143-Т;

~ **и ранж** – машаққат, ранж сабаби:
Истарам ўзни харобот ичинда лояъқил,
Ҳуш чун боиси ранж ўлди нетармен айрилиб. *Ғаройибус-сиғар*, 76-Т;

~ **и сайд** – сайд боиси:
Музаввир макри бўлди мужиби қайд,
Нечук ким тулку луъби боиси сайд. *Фавойидул-кибар,* 720-Т;

~ **и савдо** – савдо боиси:
Кўрса ҳуш аҳли ютар мендин жунун ҳолимға бок,
Ким хирад аҳли улуснинг боиси савдосимен. *Наводируш-шабоб,* 496-Т;

~ **и сафо ва нур** – ёруғлик ва равшанликнинг сабаби, зиё ва нурнинг боиси:
[Байтнинг] мутолааси кўнгулга мужиби айш ва ҳузур ва мушоҳадаси кўзга боиси сафо ва нур бўлғай. *Муншаот,* 14-161;

~ **и такаллуф** – безашга сабаб; жимжимадорлик, ҳашамнинг асоси:
Ийҳомангиз нукта бор ки, назмға мужиби зеб-у зийнат ва боиси такаллуф у санъатдур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 174-Т;

~ **и таҳайюр** – ҳайратланиш, ажабланиш сабаби, манбаи:
Паҳлавоинииг бу навъ ғариб ишлари ва ажиб зарофатларики табъға мужиби таажжуб ва ақлға боиси таҳайюр бўлгай кўп эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 117-Т;

~ **и фано** – тугалнш ва йўқ бўлишга сабаб:
Бу ҳол дағи аларға одоби тариқатда ким тасаввуфда боис фано бўлғай кўп мадад берур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-13;

~ **и хилват** – хилват сабаби:
Фасона боиси хилватдур элга воиздин,
Недин ки келтурур афсонаваш калом уйку. *Наводируш-шабоб,* 516-Т;

~ **и хорлиғ** – хорлиғ сабаби:
Шоҳи ки эрур сипеҳр микдорлиғи,
Туфрақ киби хасми боиси хорлиғи. *Мажолисун-нафоис,* 76-Т;

~ **и хорхор** – ҳаяжон, тараддуд, хавотир сабаби:
Томар қатра қатра кўзум ёши гул гул
Магар боиси хорхорим етишти. *Бадойиул-васат,* 460-Т;

~ **и юз минг** – юз минг сабаб:
Ошинолиғ айлабан ўз жонимизға ҳар замон,
Боиси юз минг бало ву меҳнат у ғам бўлмангиз. *Наводируш-шабоб,* 213-Т;

~ **и қувват** – қувват манбаи, қувват асоси:
Заиф танга боиси қувват ва наҳиф жонга мужиби сиҳҳат бўлди. *Муншаот,* 14-193;

~ **и ғафлат** – ғафлат боиси:
Эй Навоий чу эрур боиси ғафлат кўп сўз,
Қаридинг иш қила кўр айтмағил афсона. *Фавойидул-кибар,* 518-Т;

~ **бўл-** – сабаб, лойиқ бўлмоқ:
Чун майи васл ўзгалар ичмакка боис бўлғуси,
Ҳар нафас хуноби ҳижрон ютмағингни билди тут. *Ғаройибус-сиғар,* 79-Т.

БОЙ [بای] – бой, бадавлат, мол-мулки кўп:
Бой эмас ул ки мол касратидин
Кўрмагай фоқа-у талаб ранжин. *Арбаин,* 15-60;
Ҳимматидин бизни ҳам этсун худой,
Фақр йўлида ғаний имонға бой. *Ҳайратул-аброр,* 7-100;

~ **эл** – бойлар, бадавлатлар:
Чун юди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот. *Ғаройибус-сиғар,* 82-Т;

~ **бер-** – ютқазмоқ, бой бермоқ:
Басо аҳлуллоҳ ки арғанун унидин дайрға кирди ва дин ва ислом нақдин муғбачаларға бой берди. *Маҳбубул-қулуб,* 14-30.

БОЙИСТ/БОЙИСТА [بایيست / بایيسته] – керак(лик), лозим(лик), зарур(лик); мақбул, яхши:

Итига тўъмадур бойиста бўлғай деб каён борса,
Кўнгул сайдини фитрокига айлаб устувор элтур. *Наводируш-шабоб*, 182-Т;
Эй Навоий итларига туъмадур бойист ўлуб,
Ёр агар истар кўнгул таслим қилғил жон била. *Наводируш-шабоб*, 557-Т.

БОЙЛА- [بایله] – бел боғламоқ: шайланмоқ, тайёрланмоқ, тайёр турмоқ:

Яна рой чун хушдил айлаб элин,
Скандар яроғиға бойлаб белин. *Садди Искандарий*, 301-Т.

БОЙЛИҒ/БОЙЛИҚ [بایلیغ / بایلیق] – бойлик, молу мулк:

Бойлиғ истар эсанг эл илкидин,
Ҳар на кўрсанг баридин ўл навмид. *Арбаин*, 16-60;
Ёсағлиқ аро бойлиқ марғзори ичра ҳар сурук қўйдин йилда ҳамалдек минг кўзига кониъ бўлмағандин... *Вақфия*, 14-255.

БОЙРИ [بایری] – саҳройи:

Бу бойри бандаларини назм тариқининг барча навъида таърифлар битиб соҳибқиронлиқ лақаби била сарафроз қилибдурлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 187-Т;
Муҳаммад Али... Султони соҳибқироннинг бойри қуллари ва мавруси бандаларидурлар. *Мажолисун-нафоис*, 73-Т.

БОЙРИЛИҚ [بایریلیق] – саҳройилик:

Бойрилиқ айёмида хизматгорлиқ қилған жонсипорлар ва жалойир ғавғоси ва қавчин алолоси мавжуд эрди. *Вақфия*, 14-245.

БОЙҚУШ [بایقوش] – бойўғли:

Ободлар анинг зулмидин вайрона кабутар токчалари бойқушға ошиёна.
Маҳбубул-қулуб, 14-15.

БОЙҒИЗИ [بایغیزی] – саҳройи, ёбоний, рустойи; қурук, мақтанчоқ:

Оғзинг билан тенглиқ талашур писта уялмас,
Ул оғзи очуқ бойғизининг пучлиғин кўр. *Наводируш-шабоб*, 73-Т.

БОК [باک] – 1. кўрқинч, хавф, вахм:

Ҳар кимда ки даҳр ибтилоси кўпдур,
Йўқ бок агар ҳаққа ризоси кўпдур. *Назмул-жавоҳир*, 15-143;

2. зарар:

Ҳар неча ким оси ву гумроҳбиз,
Бок йўқ чун мунчадин огоҳбиз. *Лисонут-тайр*, 26-Т;

3. андиша:

Бу ишдин жаҳон бўлмасун дарднок
Чу қойим-мақом ўлди пайдо не бок. *Садди Искандарий*, 499-Т;
Агарчи елдин эрмас баҳриға бок,
Вале минг чок ўлур чун бўлди кўлок. *Фарҳод ва Ширин*, 98-Т;

4. ажаб:

Деб ки гарчи торттим умрумда ранж,
Бок эмас бир кун насибим бўлса ганж. *Лисонут-тайр*, 80-Т;
Намоз адосида қилғил кўнгулни Тангрига туз,
Кўнгул туз ўлса эмас бок бўлса қибланг каж. *Фавойидул-кибар*, 96-Т;

~ **кил-** – хавф қилмоқ, парво қилмоқ:

Ғайрға шояд ғуборим ҳойил ўлғай кўргали,
Кўйида эй ишқ ҳасрат бирла жисмим бок қил. *Фавойидул-кибар*, 375-Т.

БОКЛИК [باكليک] – хавфлик, кўркинчлик:

Агар бор эса боклик нийяти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати. *Садди Искандарий*, 504-Т.
Ҳусн аро ул ким насибинг қилмади жуз боклик,
Хотирим лавҳини ғайринг нақшидин пок айлади. *Наводирун-ниҳоя*, 2-574.

БОЛ I [بال] – асал:

Шаҳди лабинг остида қўяй хол,
Ул нуқта киби ки ёзсалар бол. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т.
Ажаб ҳолат ки тутмай болни бармақ ялайдурмен.
Ҳолоти Саййид, Ҳасан Ардашер, 15-23.

БОЛ II [بال] – канот:

Минг туман қуш айлабан ул ён сафар,
Урса минг йил ул ҳавода бол-у пар. *Лисонут-тайр*, 42-Т;

~ **-у пар** – қаноту пат(пар):

Телбалар юз пора кўнглидек ясабсен бол-у пар,
Гарчи ғайбатда париға ҳожат эрмастур канот. *Бадойиул-васат*, 56-Т.

БОЛ III [بال] – *хотир, кўнгил, хаёл* каби маъноларда келиб, қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб қўлланади.

БОЛА [باله] – бола, фарзанд:

Ёрдин бўлмас жудо, жонға бало бўлган кўнгул,
Қуш боласидек ки айрилмас кичикдин ўрганиб. *Бадойиул-васат*, 42-Т.

БОЛАЛА- [بالالا] – бола туғмоқ, болаламоқ; кўпаймоқ:

Пил Ҳиндистондин ўзга ерда болалади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-248;
Чун бўлур эрди болалаб завқ пок,
Мўр боласин қилур эрди ҳалок. *Ҳайратул-аброр*, 7-209.

БОЛИШ/БОЛИШТ [باليش / باليشت] – болиш, ёстиқ:

Солибтур чор болиш гул тутубтур чоргоҳ булбул,
Не суд ул шаҳ ичай деб мул мушарраф айламас авранг.
Наводируш-шабоб, 334-Т;

Сипеҳр узра бўлсун санга тахтгоҳ.
Қуёш гирди болиштидин такягоҳ. *Садди Искандарий*, 296-Т.

БОЛИШ [باليش] – олтин қаср; нашъу намо сарой:

... бу рубъи маскунда шоҳнинг чаҳор болиш салтанати солди ва чаҳор болиш салтанат узра тўртунчи фалакнинг гирд болишин муттако қилди.
Назмул-жавоҳир, 15-136.

БОЛИҒА [بالغه] – балоғатли; етук, баркамол:

Чун Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ҳикмати болиға ва қудрати шойиаси...
Вақфия, 14-237.

БОЛКУШОЙ [بال كشای] – канот очувчи, ёювчи:

Кошки хаттиға еткурмагай эрди поки,
Ким бу тўти бўлур ул кўзгу била болкушой. *Бадойиул-васат*, 425-Т;
Келгач ўзича Меҳри равшан рой,
Деди ким фитна бўлди болкушой. *Сабъаи сайёр*, 10-302.

БОЛО [بالا] – баланд, юқори, юксак:

Низомий эрди андақ пили воло,
Ки чекти ганж-у гавҳар пили боло. *Фарҳод ва Ширин*, 98-Т.

БОЛОДАСТ [بالادست] – кўли баланд, устун, қудратли, кучли; обрўли, эъти-борли:

Ул фано аҳли аро болодаст,
Ким фано туфрағида эрди паст. *Фавойидул-кибар*, 685-Т;
Ёнди шайх-у ринди болодаст ҳам,
Ул гуруҳ ичра баланду паст ҳам. *Лисонут-тайр*, 125-Т.

БОЛОХОНА [بالاخانه] – уйнинг тепасига қурилган хона, болохона:

Бир намадфурушлуқ дўкони болохонаси била ҳам бозорнинг ғарбисида ва бир пўстинфурушлуқ дўкони ҳам бор бозорнинг ғарбисида болохонаси била.
Вақфия, 14-266.

БОЛТУ [بالتو] – болта:

Иброҳим а.с. шаҳрда колғанин билиб ани мухотаб қилдилар ким бу ишни сен қилибсен. Ул айтти улуғ бут ким болту анинг бўйнидадур ул қилди.
Тарихи анбиё ваҳукамо, 16-114.

БОМ [بام] – том, кубба:

Тилаб ул кабутарлар оромин,
Ясадинг фалак қасрининг бомини. *Садди Искандарий*, 48-Т.

БОМДОДОН [بامدادان] – тонг, эрталэб, саҳар:

Сур эли юз урди бомдодон,
Қиз бирла куёв қошиға шодон: *Лайли ва Мажнун*, 269-Т.

БОМИҚДОР [بامقدار] – миқдорли, лойиқ, муносиб, қимматбахо, қадри баланд:

Ҳар дурри ким гуҳаррез илгидин сочиб дурур барчасин бу ҳумоюн ҳазратнинг меҳрпартав тожига муносиб-у бомиқдор кўрдум. *Назмул-жавоҳир*, 15-135.

БОНГ [بانگ] – овоз, садо; ~ **и нўшо-нўш** – устма-уст, кетма-кет ичиш ва ундаш, майхўрликнинг жўшқин садоси:

Ҳам муғанний чекиб фалакка хурўш,
Ҳам етиб кўкка бонги нўшо-нўш. *Сабъаи сайёр*, 10-79.

БОНИ/БОНИЙ [بانی] – бинокор, курувчи, иморат ясовчи:

Бўлуб меъмори кудрат анда бони,
Сувдин қилмай хароб андоқ бинони. *Муншаот*, 14-145;
Қўпуб яна устоди боний ҳасаб,
Қўйиб тошни тошқа лаб ба лаб. *Садди Искандарий*, 433-Т.

БОНУ [بانو] – хонум, малика; маҳбуба:

Бари парда аҳлиға бону эди,
Ки шаҳ бирла зону базону эди. *Садди Искандарий*, 385-Т;
Бу ғамда мадад қилди бонуға Ҳақ,
Ки олмақ керак барча андин сабақ. *Садди Искандарий*, 494-Т;

~ **йи даҳр** – даҳр хонуми:

Чу бонуйи даҳр ўлди доно анга,
Ки юз қўйди ул етти дарё анга. *Садди Искандарий*, 190-Т;

~ **и замона** – замона хонуми:

Тукаткач сўзни бонуйи замона,
Қўнуб наввоб эшиткач ул фасона. *Фарҳод ва Ширин*, 346-Т;

~ **йи иффатпаноҳ** – иффатпаноҳ Бану:

Нечук ким васийят ёзиб эрди шоҳ,
Амал қилди бонуйи иффатпаноҳ. *Садди Искандарий*, 490-Т;

~ **йи сардор** – сардор хонум:
Пари пайкар била бонуйи Сардор,
Қилиб Фарҳодға дағи хабардор. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т.

БОР I [بار] – 1. мавжуд, бор (йўқнинг зиди):
Дилбаро сендин бу ғам ким менда бордур кимда бор,
Фурқатингдин бу алам ким менда бордур кимда бор. *Наводируш-шабоб*, 148-Т;
Ул ким Шерозға келди ва аларнинг мартаба ва мақомин баён қилди ва алар тили била сўз айти ва аларнинг фазлиға гувоҳлиғ берди ва борлар уламо мажлисида деди ким валлоҳ биз одамий бўлмадук ва адаб ўрганмадук.
Насойимул-муҳаббат, 92-Т.

2. такрор, бир неча марта:
Невчун ки ҳар қайсини борлар маълум қилибтур. *Муншаот*, 14-217;
3. барча, ҳамма:
Фосиқ ки эрур бор иши муҳмал,
Ёрлиқасанг ани кимга мудхал. *Лайли ва Мажнун*, 33-Т;
4. сўроқ ҳолатида келиб инкор (йўқ)ни билдиради:
Гар десам хомуш ўлай тоқатму бор,
Ўзни забт айлай десам кувватму бор. *Лисонут-тайр*, 227-Т;

~ **у йўқ** – 1. ҳарна бори, бисотидаги бори:
Топқач ани ғайридин кўнглунгни уз,
Бор-у йўқунгни анинг ишқида туз. *Лисонут-тайр*, 188-Т;
2. барча нарса: мавжудлик:
Дайр пири гар деса бору йўқунгни ўтқа сол,
Йўқ эса қилма йўқу боринғни беханжар харж. *Фавойидул-кибар*, 98-Т;
Анинг ишқин берк тутмак керак,
Яна бор-у йўқни унутмак керак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-86;
3. бойлик ва камбағаллик, бой ва бенаво:
Бор-у йўқнинг меҳнатин чекмас бу давлат басдурур,
Ҳар киши оламда қониъ бўлса йўқ-у бор ила. *Наводируш-шабоб*, 521-Т;

~ **ўл-** – бор бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; омон бўлмоқ, соғ-саломат бўлмоқ:
Сен Навоийға вафо айламасанг бор ўлсун
Шоҳ Абулғозийи бин Бойқаро, эй қарокўз. *Ғаройибус-сиғар*, 185-Т;

~ **айла-/эт-** – яратмоқ, бор қилмоқ:
Худой ки сунъ ошкор айлади,
Ки йўқтин халойиқни бор айлади. *Вақфия*, 14-239;
Йўқтин эттинг бор ҳардам юз Масиҳи руҳбахш,
Лек унсурдин мужаррад барчаси жавҳармисол. *Фавойидул-кибар*, 361-Т.

БОР II [بار] – мева, ҳосил:
Ғам гулшанида қаддим эрур ул йиғач ким
Пайкон-у бори ҳажринг анинг барг-у боридур. *Наводируш-шабоб*, 190-Т;

~ **и андуҳ** – ғам, қайғу меваси:
Бу маънидин тутуб ғаҳ дашт-у ғаҳ кўҳ,
Заиф эгнига юклаб бори андуҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 360-Т;

~ **и файз** – файз меваси, ҳосили:
Эй Навоий муғтанамдур пири дайр-у муғбача,
Ким биридин етмаса етар биридин бори файз. *Фавойидул-кибар*, 275-Т.

БОР III [بار] – қабул, ижозат; изн, рухсат:
Деди ким тонгла асраб бор чоғин
Муҳайё айлангиз кўрмак яроғин. *Фарҳод ва Ширин*, 341-Т;
~ **аҳли** – сарой маъмурлари:
Бор аҳли жаҳонға шоҳ-у сарвар бўлған.
Дин маъракасида гурд-у сафдар бўлған. *Назмул-жавокир*, 15-40;
~ **маломат/маломат** – қабул, ижозат, рухсат, изн малолати, маломати:
Бу чаман ичра муҳаббат нахли экманг зинҳор,
Ким бериб ҳасрат гули бори малолат келтурур. *Фавойидул-кибар*, 174-Т;
~ **и ом** – умумий қабул, рухсати ом:
Сикандар яна тахтин айлаб мақом,
Халойиққа ҳукм айлади бори ом. *Садди Искандарий*, 136-Т;
Бори ом ўлғанда ҳозир айласун,
Ҳар ким ўз фазлини зоҳир айласун. *Лисонут-тайр*, 193-Т;
~ **бер-** – рухсат бермоқ:
Ҳам ул қавм эҳзориға берди бор,
Қилиб йумни мақдамларин эътибор. *Садди Искандарий*, 490-Т;
~ **иста-** – ижозат истамоқ, рухсат сўрамоқ:
Парастандалардин чу бор истади,
Ани оллиға шаҳриёр истади. *Садди Искандарий*, 156-Т.

БОР IV [بار] – кўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб келиб *ёғдирувчи, тўкувчи, таркатувчи, ёғувчи* маъноларини беради; **замҳарирбор** – совуқ ёғдирувчи:
Бовужуди ул ким булут ҳаводин замҳарирбор ва тун мушки ул замҳаридин кофуркирдор эрди. *Маҳбубул-кулуб*, 14-48.

БОР- [بار] – 1. бормоқ, кетмоқ, жўнамоқ:
Эй Навоий борғали жонон сари жоним етар,
Жонға жонондин вафо мен хастаға жондин жафо. *Ғаройибус-сиғар*, 53-Т;
2. уйқуга кетмоқ, ухламоқ:
Андак уйқуга Навоий борди ҳижрон шоми ким
Яхшидур гар ҳашр ғавғосида дағи уйғанур. *Фавойидул-кибар*, 143-Т;
3. ҳолсизланмоқ, ўзидан кетмоқ, ҳушсизланмоқ:
Чу жонон акси кўргузгай бу кўзгу,
Ўзумдин борғамен ул навъ ким су. *Фарҳод ва Ширин*, 332-Т;
Шайх жисмидин бориб ул ерда тоб,
Кўнглини бетокат айлаб изтироб. *Лисонут-тайр*, 96-Т;
4. оқмоқ, оқиб етмоқ:
Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса очилғай ул гули раъно. *Ғаройибус-сиғар*, 54-Т;
5. ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ:
Ўғил гар борди Тенгри раҳматиға,
Яшасун қарнлар бобоси анинг. *Бадойиул-васат*, 498-Т;
Ганж эрди умри анинг воияси,
Борди ганж устида жон сармояси. *Лисонут-тайр*, 81-Т;
6. кўчирмоқ:
...аммо санойида китоби тасниф қилибдур, «Бадойиъи Атойиға мавсум ким эмди баёзға борди. *Мажолисун-нафоис*, 137-Т.

БОРА I [باره] – сида, ҳақида, хусусида, тўғрисида:
Сайид Куроза... улча мақдури шафқат ва мурувват эрди..
Анинг борасида маъъи тутулур эрди. *Мажалисун-нафоис*, 89-Т;

ва баъзи ҳар синфдин аҳли тариқ паҳлавонлар ва улуғ кишиларга шойиста хидматлар қилиб аларнинг борасида дуо қилиб фотиҳа ва тақбир ўқуб ҳимматлар тутуб... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т;

...аё кимдур ки бизинг борамизда бу эҳсон қиладур? *Насойимул-муҳаббат*, 64-Т.

БОРА II [بارە] – қалъа девори, қурғон девори:

Зулм тоши ул ҳисор томиға рахна қилмақдин ва номашруъ умр нақби била бораси йиқилмақдин Тенгри таоло иноятига сиғиниб ўзунгиз уҳда бўлғайсиз. *Муншаот*, 14-152;

Керак қилмағ андақ анинг чораси,
Ки бўлғай нигун бурж ила бораси. *Садди Искандарий*, 244-Т.

БОРА III [بارە] – от, улов:

Чақиб барқ ўти оҳалар ишнари,
Чекиб раъд уни боралар кишнари. *Садди Искандарий*, 190-Т.

БОРА БОРА [بارە بارە] – аста-секин, аста-аста, тобора, секин-секин, кам-кам:

Фано йўли Навоий бас қатиқдур,
Магар осонрақ ўлғай бора бора. *Бадойиул-васат*, 387-Т.

БОРАКАЛЛОҲ [بارک الله] – Оллоҳ барака берсин, Худо муборак этсин:

Дарвеш десам улус уза шоҳ,
Шоҳу дарвеш боракаллоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т.

БОРАНДА [بارندە] – ёғувчи:

Ўтуб бир бириндин чу боранда абр,
Қилиб наъра андақки ғаррон хизабр. *Садди Искандарий*, 381-Т.

БОРБАСТ [باربست] – бир-бирига уланган, пайванд қилинган:

Навосози деҳқони озарпараст,
Бу навъ этти сўз риштасин борбаст. *Садди Искандарий*, 111-Т.

БОРВАР [بارور] – сермева, мевали, самарали, ҳосилдор:

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-79;

Гулшани хилъатда бўлуб ҳар шажар,
Илм-у адаб мевасидин борвар. *Ҳайратул-аброр*, 7-286.

БОРГИР [بارگیر] – юк; юкли; бойгир, от:

Деди эй жувонмард тақвони озуғунг қил ва зуҳдни йўлунг ва вараъни боргиринг ва кўркунчлуғлар тариқида сулук қил. *Насойимул-муҳаббат*, 452-Т.

БОРГОҲ/БОРГАҲ [بارگە / بارگاە] – 1. подшоҳ даргоҳи, қабулхонаси; қаср; маҳкама; даргоҳ:

Карам боргоҳида маснаднишин,
Адам хонақоҳида халватгузин. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;

Фалакнинг боргаҳида қиймоч ўлмиш қуёшин жирми,
Сутундек дуди оҳим анга мундақ ким улашур. *Наводируш-шабоб*, 160-Т;

2. чодир, хайма, ўтов:

Ҳам ул сабзаға тушти хайл-у сипоҳ,
Тикилди яна чархсо боргоҳ. *Садди Искандарий*, 305-Т;

~ **даври** – даргоҳ атрофи, қаср тегараси:

Деди боргаҳ давридин элни сур,
Саропарда даргоҳидин ҳам итур. *Садди Искандарий*, 327-Т;

~ **и айш** – ишрат, айш боргоҳи:

Боргоҳи айшида бир гўшаи тутсанг ўрун,
Жаннатойин базмиға эл жамъ бўлмастин бурун. *Фавойидул-кибар*, 646-Т;

~ **и иззу истиғно** – иззат ва истиғно кошонаси:
Боргоҳи иззу истиғнодур ул,
Юз туман минг аршдин аълодур ул. *Лисонут-тайр*, 190-Т;

~ **и истиғно** – нозу истиғно кошонаси, нозу карашма:
Ишқ... ихтиёр ва истиқлоли била ҳусн саропардин кибриё ва боргоҳи истиғноси теграсида бир бандаи човуш ва бир каминаи ҳалқа багўшдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-66;

~ **и рафиъ** – юксак баргоҳ:
Бу андозасиз коргоҳи васиъ
Аросида бу биргоҳи рафиъ. *Садди Искандарий*, 398-Т;

~ **и торами азҳар** – баланд гумбаз; кўк, осмон, фалак:
Боргаҳи торами азҳар киби,
Хайли бу тарам аро ахтар киби. *Ҳайратул-аброр*, 7-204;

~ **и қурб** – яқинлик ва етишишлик боргоҳи:
Боргоҳи қурб аро топиб мақом,
Майл этиб андин яқинроқ ҳам хиром. *Лисонут-тайр*, 25-Т.

БОРЕ [باری] – 1. бир марта:
Биҳамдиллаҳ ки кўрдук сени боре,
Ани кўрганча бўлди эътиборе. *Фарҳод ва Ширин*, 409-Т;

2. ҳеч, бирор марта:
Навоий олам аҳли гар вафосиз келди май ичкил,
Анга чун чора йўқ боре ўзунгни тутмагил маҳзун. *Бадойиул-васат*, 335-Т;

3. ҳеч ҳам, ҳеч бўлмаса, лоақал:
Яхшилик қила олмасанг ёманлиқ ҳам боре қилма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-120;
... бири била ўйнаб яна бирининг этакин берк тутуб олтурур ким бири қочса, боре бири элгида бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 138-Т;

4. энди, оқибатда; ҳарҳолда:
Боре алар бу илтимосдин хушҳол бўлуб азим шуғлға машғул бўлдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-50;
Мавлоно Хизрий... хожаси ани ё ул хожасини озод қилибдур боре хожавор юрур. *Мажолисун-нафоис*, 116-Т.

БОРИ [باری] – Яратган, Худо, Тангри:
Назар аҳлиға гард хайли келди сурма бил бори,
Не равшан сурма эй кўз топмишанг наззора қил бори. *Фавойидул-кибар*, 616-Т;
Дема ким кўйдум Навоий жониға доғи ажал,
Шукр бори мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг. *Ғаройибус-сиғар*, 273-Т.

БОРИД [بارد] – совуқ:
Анга ябс-у ҳарорат бўлди ворид,
Иложидур ҳавойи ратб-у борид. *Фарҳод ва Ширин*, 256-Т;
Бало заҳрини чекмай зуҳдунг эй сўфи эрур борид,
Ҳақиқат ишқиға ҳам чошни ишқи мажоз эрмиш. *Фавойидул-кибар*, 250-Т;
Чу йубс-у ҳарорат бўлур муштаил,
Ани борид-у ратб этар муътадил. *Садди Искандарий*, 236-Т.

БОРИКБИНЛИК [باریک بین لیک] – нозик нарсаларни кўра билишлик; ўткир зеҳн-лилик:
Ул оғиз пайдо эмастур нуктаъи айтилмайин,
Бил дағи зоҳир эмас борикбинлик қилмайин. *Фавойидул-кибар*, 642-Т.

БОРИЛ- [باریل] – борилмоқ:
Бир панжшанба куни ул ҳазрат хизматларида Гозургоҳдин дашт юзи била Хиёбон сари бориладур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-18.

БОРИНЧА [بارینچه] – боринча:

Кули бўлғамен танда жон боринча,
Бадан ичра жондин нишон боринча. *Садди Искандарий*, 293-Т.

БОРИР-КЕЛИШ [بارير کيليش] – қатнов, борди-келди; ~ **қил-** – борди-келди қилкилмоқ, бориш-келиш қилмоқ:

Аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилди ким мусофирлар фароғат била борир-келиш қилғайлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243.

БОРИЧА [باریچه] – борича, кучи етганича, имкон борича:

Дайр пири не ажаб гардунни сағор айламак,
Ваъда чун қилмиш ки бергай бода майлим борича. *Бадойиул-васат*, 396-Т;
Сокий... ва муқаррар кишилар ани имкони борича таъриф қилурлар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 176-Т;

Мен дағи бу йўлда жоним борича,
Жисм аро тобу тавоним борича. *Лисонут-тайр*, 47-Т.

БОРИШ [باریش] – 1. бориш:

Борғанингдин жон талашмоқ эрди мен маҳзунға иш,
Қилдинг у жонимни олдинг ул боришқа келиш. *Ғаройибус-сиғар*, 213-Т;

2. ташриф буюриш, бориш

Оллоҳ оллоҳ эй ҳаётим ул боришқа бу келиш,
Ким бири куйдургами борғай бири ўлдургали. *Бадойиул-васат*, 559-Т;

3. оқиш:

Кўрмаган Хизр суйининг боришин,
Кел-у кўр оби ҳаётимға хиром. *Бадойиул-васат*, 316-Т.

~ **келиш** – бориш-келиш:

Ишқ ичинда жуз ўлум мушкил ки бўлғай бизга иш,
Ким бўлубтур жон била ғамзанг аро бориш келиш. *Наводируш-шабоб*, 257-Т;
Икки доноға тааммул бўлди иш,
Туздилар матлуб ила бориш келиш. *Лисонут-тайр*, 223-Т;

~ **-у келиш** – бориш – келиш:

Йигитли ким борибан келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш бориш-у келиш. *Фавойидул-кибар*, 241-Т.

БОРИШ- [باریش] – келишмоқ, мос тушмоқ, мувофиқлашмоқ:

Чун ул бу ишни англади, эл била андақ боришти ким барча ани тилади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-209;
Мавлоно Ҳожи... бовужуди тасаннун ул равза бошидағи саодат била боришур. *Мажолисун-нафоис*, 159-Т.

БОРИҚ/БОРИҚА [بارق/بارقه] – зиё, нур, яшин таратувчи, дурахшон; қадимги араб сардорлари ва подшоҳларидан бирининг номи:

Йўлин тутти бариқнинг ошуфтаваш,
Анга сурди бариқ дағи гинаваш. *Садди Искандарий*, 193-Т;
Тукаткач дуо чопти бориққа тез,
Анга дағи бариқ бўлуб баркхез. *Садди Искандарий*, 192-Т;

~ **йи зиё** – шуълали яшин:

Деди ки не кимё эрур ишқ,
Не бориқайи зиё эрур шиқ. *Лайли ва Мажнун*, 200-Т;

~ **йи латофат** – ёрқин, нурли латофат:

Не барқ ки барқи офат ул юз,
Ё бориқайи латофат ул юз. *Лайли ва Мажнун*, 108-Т;

~ **йи сармадий** – абадий равшанлик:
Нур дема бориқайи сармадий,
Борика йўқ шаъшаи Аҳмадий. *Ҳайратул-аброр*, 7-34.

БОРКАШ [باركش] – 1. юк ташувчи, юк кўтарувчи, ҳаммол:
[Эшак] забунедур боркаш хоркаш, балки анборкаш. *Маҳбубул-қулуб*, 14-99;
2. ғамгин, андуҳли, мубтало, ғамли:
Кўпрак эранларни аларға забун ва боркаш қилибдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-479;

БОРЛИҒ/БОРЛИК [بارلیغ / بارلیق] – 1. борлик, мавжудлик:
Тенгри мундақ балоларни... йўқлуғ зиндонидин борлиғ шаҳристониға еткурмасун. *Маҳбубул-қулуб*, 14-16;
Маҳлуқот зеболари йўқлуқ хилватидин борлиғ саҳросида арбада оғоз қилмайдур эрдилар. *Вақфия*, 14-236;
Сендадур ҳам бирлик-у ҳам борлиғ,
Ҳайлиғ-у қодирлиғ-у ғаффорлиғ. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
2. бойлик, бадавлатлик, молу мулклик:
Эй Навоий суҳбатингдин қилса ор ул кўрка бой,
Йўқ ажаб невчун ки сенсен бир гадо ул борлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 243-Т;
Навоий ашк дурр-у лаълидин не васл топқай ким
Бу давлат етмади Қорун масаллиқ борлиғларға. *Наводируш-шабоб*, 117-Т;
Чун Ҳақ таоло боридур ки анга адам раво эрмас. Не зиён қилғай ки анинг мулкида мен йўқи бўлсам ки ҳаргиз ул йўққа борлиғ бўлмаса. *Насойимул-муҳаббат*, 198-Т;
Борлиқ асбобини фоний билиб,
Йўқлуқ ўти ичра ўзин кул қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-139;
Борликда агар даҳр жафоси кўпдур,
Йўқсизда вале фоқа балоси кўпдур. *Назмул-жавоҳир*, 15-143.

БОРМАҚ/БОРМАҒ [بارماق / بارماغ] – бориш, кетиш, жўнаш:
Ардашер деди ким мулкни ёт кишига қўйуб бормақ керак. *Тарихи мулуки ажам*, 16-224;
Барди ёру тўзман эл бормаққа ҳам турмаққа ҳам,
Чин десам ролик ўлтурур Тангрига топшурмаққа ҳам. *Наводируш-шабоб*, 405-Т;
Телба кўнглумни сўра келди ву ул эткан эмиш,
Ани мен ход бормағум биллоҳ топиб келтургали. *Наводируш-шабоб*, 645-Т;
Неча дедим ул санамға бормағин,
Қилмади ул тарк ахир бармағин. *Бадойиул-васат*, 521-Т.

БОРМАҒЛИҚ [بارماغلیق] – боришлик:
Вале айлаб Меҳин Бону ҳамиша,
Анинг қошиға бормағлиқни пеша. *Фарҳод ва Ширин*, 305-Т.

БОРОН [باران] – ёмғир:
Гар ул ғамзадин ўкни паррон қилур,
Менинг кирпи ким тийри борон қилур. *Садди Искандарий*, 389-Т;
~ **и фано** – фано, тинимсиз ёғин:
Абри ҳасрат емғури ву тири борони фано,
Кисвати мавт-у ҳалоким турфа тору пўдидор. *Наводируш-шабоб*, 163-Т;
~ **и фироқ** – фироқ ёғини:
Синса кўнглум не ажаб ким санги борони фироқ,
Бўлди хомлиғ жисм уйин саридин синдурғудек. *Баддойиул-васат*, 252-Т;

~ **и ғам** – андуҳ, ғам-ғусса ёмғири; серёмғир, фаровои ёмғир:
Тири борони ғаминг жисмини қилди ерга паст,
Ваҳ ки ёмғур касрати йикти ғаминг вайронини. *Ғаройибус-сиғар*, 454-Т.

БОРУ [باروـ] – қалъа девори:
Чиқиб бору анга гардунға тегру,
Ўтуб хандақ яна гардунға тегру. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т.

БОРУВ [باروو] – бориш, борув:
Бор лафзи ки бнр маъниси мавжудлуғдур ва бир маъниси амрдур борувға.
Муҳокаматул-луғатайн, 174-Т.

БОРУР-КЕЛУР [بارور کیلور] – бориш-келиш:
Ғофил бўлмай ишингда ғамдин,
Борур келурингда бир қадамдин. *Лайли ва Мажнун*, 266-Т.

БОРУСТ [باروست] – маҳкамлик:
Яна икки уч минг киши барча жуст,
Иш этмак учун кун бакун боруст. *Садди Искандарий*, 447-Т.

БОРҒУЛУҚ/БОРҒУЛУҒ [بارغولوق / بارغولوغ] – боришлик:
Муғ кўйи азмидин мени манъ этма эй рафиқ,
Бу йўл эрур чу аҳли маломатқа борғулук. *Бадойиул-васат*, 249-Т;
Ва дебдур ки ҳар ишда бўлсанг андақ бўл ки Азроил бошингға келса ул ишдин ўзга ишка борғулуғ бўлмағайсен ва бари ҳолотинг сенинг била бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 221-Т.

БОС- [باس] – 1. бирор нарсаининг юзини копламоқ:
Босиб махлас йўлин туфрағи анинг,
Чиқиб ҳар сари минг сўқмағи анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
2. енгмоқ, тор-мор қилмоқ, ғалаба қилмоқ, устун чиқмоқ:
Баҳром анинг сипоҳин урушиб бости. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;
3. жинсий алоқа қилмоқ:
Бу ҳолатда маст нар товус югурди дағи модасин босиб жуфт бўлди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-26;
4. муҳрламоқ; муҳр босмоқ; муҳр эгаси бўлмоқ:
Султон Ҳусайн... отаси... Хоразм тахтида ҳукумат қилиб аморат девониға муҳр бости. *Мажолисун-нафоис*. 169-Т;
5. уйқуси келмоқ, уйқу ғалаба қилмоқ, ухлаб қолмоқ:
Бизнн ҳижронингда сўнгғи уйқу бости бори сен,
Кўз очиб ноз уйқусндин бизни қилсанг ёд ую. *Ғаройибус-сиғар*, 396-Т;
6. ният, мақсад, жазм қилмоқ:
Кўнгул босканин чунки фаҳм этти шоҳ,
Савол этти шоҳона айлаб нигоҳ. *Садди Искандарий*, 156-Т.

БОСИЛ- [باسیل] – енгилмоқ, тор-мор бўлмоқ:
Баҳром андин босилиб қочиб хоқон қошиға борди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247;
Ардувон... Ардашер била урушиб босилди ва катлға етти.
Тарихи мулуки ажам, 16-224.

БОСИРА [باسیره] – кўраш, сезиш; зийрак; кўз:
Майил ўлди кўк тамошасиға ҳисси босира,
Топти чун ҳар лаҳза бир уъжуба пайкар руъятин. *Бадойиул-васат*, 485-Т.

БОСИТ [باسط] – тўшовчи, ёзувчи, очувчи; ~ **и олам** – тўшалган жаҳон, кенг-лик бахш этувчи:
Босити олам арогарсен ўлмасанг босит,
Кўнгулга қайда бўлур Зуҳра лаҳни бастфизон. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

БОСМА [باسمه] – босма; ~ **қил-** – гул солмоқ, матога гулнинг расмини ту-ширмоқ, гул босмоқ:
Турфа ойедур узоринг кўк анга мовий либос.
Анжум анинг танга танга босма қилган зарҳали. *Ғаройибус-сиғар*, 471-Т.

БОСТУР- [باستور] – бостирмоқ:
Аммо Баҳром Азарбайжондин Гуржистон била Дашти Қифчақдин чиқиб Хоразм бостуруб Журжон навоҳисида хоқонға шабихун уруб... *Тарихи мулуки ажам*, 16-136;
Ижозат сўзин арз қилғач туруб,
Таёғлатти қаҳр айлабан бостуруб. *Садди Искандарий*, 191-Т.

БОТ [بات] – 1. тез, илдам, зуд; тезда, тезликда, дарров, шитоб билан:
Аммо чун барча изҳори истеъдод қилиб эрдилар мубтадиға бот баҳра олмақ душвор эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-70;
Ботрақ бу зиндондин халос этмак керак. *Тарихи мулуки ажам*, 16-227;
2. кеч бўлмасдан, кечиктирмай:
Тоат этса оз-у кўп ё бот-у кеч,
Бари ву йўқи эрур оллида ҳеч. *Лисонут-тайр*, 167-Т;
3. чуқур, кучли:
Мавлоно Нур... машмумотни икки қош орасиға қўюб исласа керак ки иси ботрақ маълум бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 152-Т;
~ **бот** – тез-тез, илдам-илдам:
Кеч кеч келури вақтида ҳам рози ўлурмен,
Бот бот келурига қиладур анда дағи ноз. *Бадойиул-васат*, 495-Т;
Ўтар эрди ўқуб бир бирни бот бот
Кўрунди бир эшик ҳайҳот ҳайҳот! *Фарҳод ва Ширин*, 221-Т;
~ **бўл-** – тез бўлмоқ, тезлашмоқ:
Бот бўлғай ажал бисотига мотлиғи,
Золимға укубатдур ўлум ботлиги. *Назмул-жавохир*, 15-38;
~ **айла-** – тез, илдам амалга оширмоқ:
Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен. *Назмул-жавоҳир*, 15-17;
~ **бот қил-** – тез-тез қилмоқ:
Манзилға бот бот қилиб истиъол,
Отин гоҳ айтиб бадр гоҳи ҳилол. *Садди Искандарий*, 51-Т.

БОТ- [بات] – 1. чўкмоқ, чўммоқ, ғарқ бўлмоқ:
Ул қатра хуружидин бало дарёсига ботма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-120;
Фалак ётиб аёғ илгин узатиб,
Эшак янглиғ қаро балчикка ботиб. *Фарҳод ва Ширин*, 399-Т;
2. яширинмоқ:
Қуёш ботқай узорин дарҳам айлаб,
Фалак қочқай равон қаддин хам айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 121-Т;
3. кўмилмоқ:
Тоғ агар туфраққа ботсун ки сохибвиқордур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-84;
4. йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, ер ютмоқ:
Кўрди шаҳ ким сипоҳи даштнавард,
Ботти андақ ки йўқ алардин гард. *Сабъаи сайёр*, 10-380.

БОТИЛ [باطل] – 1. бузуқ, бузилган; бехуда:
Ҳақ таоло қудратидин ул ботил сипоҳ ҳалок бўлдилар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-111;

2. ноҳақ, асоссиз, нотўғри, беҳуда:
Ҳақни ботилдин бире ул ким қилди фарқ,
Адли бирла равшан этти ғарб-у шарқ. *Лисонут-тайр*, 28-Т-Т;
~ **бўл-/ўл-** – йўқ бўлмоқ, бекор бўлмоқ, пучга чиқмоқ:
Недин ой сафҳаси бўлган қародин доғлиғ гўё
Жамолинг дафтарин ёзғанда бўлмиш бир варақ ботил. *Ғаройибус-сиғар*, 292-Т;
Намоз ботил ўлур чунки эгридур миҳроб,
Гириҳдур офати дин тушса ёр қошида. *Фавойидул-кибар*, 518-Т;
Чу нозирға тамошо ҳосил ўлғай,
Яна ҳосил тилисми ботил ўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 250-Т;
~ **қил-/эт-** – бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ, инкор айламоқ:
Уммеди ки Ҳақ эткай анинг саъйини ботил
Ҳар ким ки ниҳон айлади ботилни Ҳақ ичра. *Наводируш-шабоб*, 537-Т;
Қил яхшилик-у демакни дохил қилма,
Миннат била яхшиликни ботил қилма. *Назмул-жавоҳир*, 15-140.

БОТИН [باطن] – 1. яширин, сирли ички дунё; кўнгил, хаёл, рух:
Эрмангиз Фарҳод-у Мажнун оллида кўксумни ким
Ботинимнинг дард-у доғин аҳли зоҳир кўрмасун. *Бадойиул-васат*, 328-Т;
2. ички олам; инсоннинг кўнгли ва руҳи:
Мавлоно Ҳамидиддин... ботинининг ғоят софлиғидин неча йилдур ким Мавлоно Муҳаммади Араб фиребин еб... *Мажолисун-нафоис*, 141-Т;
3. яширин, пинҳон, ниҳон:
Ботин ҳолида дағи бийик маротиб ҳосил қилиб ғариб кутуб ва расойил тасаввуф илмида... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-14;
~ **уйи** – кўнгул уйи:
Бу иноятлар сипоси била бузулған ботиним уйи маъмур бўлди. *Муншаот*, 14-167;
~ **харими** – яширин ҳарам, ички хона; яширин олам; ички олам, сир-асрор уйи:
Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 518-Т;
~ **и қаро** – ичи каро:
Маҳжабинлардин сияҳдиллик не тонг эй ким анинг,
Ботини кўрсанг қародур гар кўрунур зоҳир оқ. *Фавойидул-кибар*, 16-335.

БОТИНИЙ [باطنی] – ботинга оид:
Хожа Абдулвафони Хоразмий... Хожа улуми зоҳирий ва ботинийни такмил қилиб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 9-Т.

БОТИР [باتر] – ботир, баҳодир:
...агарчи ато анодин етти пуштға дегинча бу рафеъ дудмоннинг ботири бандаси ва бу васеъ остонанинг мавруси туғмаси... *Бадойиъул-бидоя*, 1-17.

БОТЛИҒ [باطلیغ] – тезлик, зудлик, илдамлик:
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға укубатдур ўлум ботлиғи. *Назмул-жавоҳир*, 15-165;
Бу иш маразнинг ялиғиға далолат қнлур иа сиҳҳатнинг ботлиғидин хабар берур эрди. *Муншаот*, 14-208.

БОТМАҒ [باتماغ] – ғойиб бўлиш, ботиш, уфққа яшириниш (куёш):
Эрур ҳам ушбу кўҳантоқ аро,
Қуёш ботмағи тира туфрағ аро. *Садди Искандарий*, 489-Т.

БОТМОН [باتمان] – оғирлик ўлчози (8 пудга тенг келади):
Бир сабат узум учун бир боғни куйдурмакдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун хирмонни совурмакдин алами йўқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-23;

Яна бир тож ким вазни олтмиш ботмон эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247;
Каффаи мезон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи хок ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-49;
Кўмуклук ерга тошидур шабахгун,
Ки бор вазн ичра минг ботмондин афзун. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т.

БОФАР [بافر] – дабдаба, ҳашамат; иқтидор:
Не янглиғ ки ҳукм этти тутти вужуд,
Ижозат бериб шоҳ бофар-у жуд. *Садди Искандарий*, 338-Т.

БОХАБАР [باخبر] – хабардор, эшитган, билган:
...бир заифа Гулбор қасабасидин Широз шаҳрига келиб эрди.
Гоҳлар бизинг уйга келур эрди ва бохабар заифа эрди.
Насойимул-муҳаббат, 454-Т;
Деди соҳиб дарди ринди бохабар,
К-эй ҳамийятда тўнғузлардин батар. *Лисонут-тайр*, 117-Т;
~ **бўл-** – хабардор бўлмоқ, хабар топмоқ:
Насрдин дағи баҳравар бўлғай,
Назмдин дағи бохабар бўлғай. *Арбаин*, 16-262;
~ **қил-** – билдирмоқ хабардор этмоқ:
Мусофирни манозиллардин бохабар қилғучи ул. *Маҳбубул-қулуб*, 14-119.

БОХТАР [باختر] – ғарб, ғарб томон:
Бохтарға солдинг ўт эй офтоби ховари,
Истасанг ким бохтар тингғай маҳи ховарни ёп. *Фавойидул-кибар*, 72-Т;
Бу сабабдин ёрумиш гўё Хуросон кишвари,
Ким чиқибтур бохтардин офтоби ховари. *Бадойиул-васат*, 465-Т;
Жаҳон мулкин кезиб кишвар бакишвар,
Ҳудуди бохтардин то беховар. *Фарҳод ва Ширин*, 275-Т;
Тож-у меҳру анда кавкабдин гуҳар,
Мулки ховар ҳаддидин то бохтар. *Лисонут-тайр*, 191-Т.

БОШ [باش] – 1. калла, бош:
Не тан не танда бош не бош аро кўз,
Не юз не юзда лаб не лаб аро сўз. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т;
Юз бало тоши агар ёғдурса дилбар бошима,
Шод ўлурмен барчаси гар тегма яксар бошима. *Наводируш-шабоб*, 564-Т;
2. бирон нарсанинг тепа қисми, чўққиси:
Оллида сочиқму эркин ёки гуллар баргидин
Сарв бошиға сабо ҳар лаҳза сийафшон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 160-Т;
Густохлиқ юзидин бир неча сўз битиб коғаз бошин ёпуштуруб йибарилди.
Муншаот, 14-171;
3. бошланиш, аввал:
Таним ул куйнинг бошиға ташла,
Бошимни итлари қошиға ташла. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т;
Қуюб юз кордон ҳар иш бошида,
Яна минг коргар ҳар юз қошида. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
4. мия, ақл-ҳуш:
Тушкали қаддинг ҳавоси бошима ул бош аро,
Бош аро кестим алиф ёзган алифдек бош аро. *Навдируш-шабоб*, 18-Т;
5. уст, тепа; юқори, олд ён, томон:
Ўткариб тўққуз фалак бошидин оҳим дудини,
Ул муваллаҳларға ани паржам эттинг оқибат. *Фавойидул-кибар*, 76-Т;

Икки бошта ёнса чароғи анинг,
Тўн ўртаси унғай димоғи анинг. *Садди Искандарий*, 237-Т;
Мавлоно Муҳаммади Муаммоий... микнати чоғида Шерозда Ҳазрати Хожа Ҳофиз қабри бошида гунбаз ясади. *Мажолисун-нафоис*, 48-Т;

6. оғиз:
Иттифоқо бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-216;

7. чоғи, пайти, вақти:
Субҳи давлат юзунг эй тавсани гардун санга ашҳаб,
Тожинг устидаги дур ўйла ки тонг бошида кавкаб. *Мезонул-авзон*, 43-Т;

8. палла, тарози палласи:
Туз айлаб тарозу икки бошини,
Темурдин ясаб муҳр этиб тошини. *Садди Искандарий*, 137-Т;

~ **дин** – энг бошидан, бошланишдан:
Бошдин ки қадам килиб дурур меҳр,
Истаб сени бўлди заъфарон чеҳр. *Лайли ва Мажнун*, 11-Т;

~ **яланг** – беҳаё, бепарда:
[Фосиқларнинг] кўнгуллари тўбичоқ секретурдин ором топмақ ва сўзлари бош яланг юзга чопмақ: *Маҳбубул-қулуб*, 14-18;

~ **бармағ** – бош бармоқ:
Оқибат макр ва фусун била обид содадин иқрор топти ва анинг маҳосини тукидин бош бармағин боғлаб куффорға топшуради. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-189;

~ **косаси** – бош суяги:
Эл бошининг косасидин жом анга,
Май ерда қон бўлуб ошом анга. *Ҳайратул аброр*, 7-86;

~ **дин аёқ/аёғ** – 1. аввалдан охиргача, бошдин охирнгача; бутунлай, тўлиқ:
Куфр эли хилъатларин келтурдилар,
Шайхқа бошдин аёқ кийдурдилар. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
Бу авроқни ол ва боштин оёғиға назар сол хотирингға ҳар не айткудек сўз келса айт. *Муҳокиматул-лугатайн*, 187-Т;

2. бутун бадани, ҳамма вужуд:
Бош аёғи бошдин аёғ жон бўлуб,
Бошдин аёғ жон не ки жонон бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-14;
Талабингда югуруб пайки назар,
Анча ким боштин аёги қабариб. *Наводируш-шабоб*, 65-Т,

~ **иға дуд сол-** – ғам келтирмоқ:
Дуд солмиш бошима ҳажрон бало тоши магар
Жисм уйининг гунбази бошини равзан айладинг. *Бадойиул-васат*, 268-Т;

~ **идин дуд чиқар-** – ғам келтирмоқ:
Шуълаи ораз ила муғбачалар,
Дайр аро дуд бошимдин чиқариб. *Наводируш-шабоб*, 65-Т;

~ **нигун айла-** – бош эгмоқ; эгилмоқ:
Ани элтурда нақдн жон масаллик,
Нигун айлар бошин чавгон масаллик. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;

~ **ни елга бер-** – бошидан жудо бўлмоқ:
Сўз бор ким эшитучи таниға жон киюрур ва сўз бор ким айтучи бошин елга берур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-125;

~ **и бор-** – боши кесилмоқ, бошидан ажралмоқ:
Шоҳ розин асрамақда тилин тиймағаннинг боши боribдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-61;

~ **иға бор-** – ҳузурига бормоқ:
Қўпуб Шопурнинг қошиға борди,
Аёғин ўпкали бошиға борди. *Фарҳод ва Ширин*, 279-Т;
~ **еткур-** – бормоқ, етмоқ:
Аёғин ўпгали бошим йўлига еткурдум,
Фиғон ки зулфи киби поймол қилди мени. *Ғаройибус-сиғар*, 465-Т;
~ **кўтар-** – бош кўтармоқ, бош тортмоқ, воз кечмоқ:
Порсо ёрим соғинмас масжид-у сажжодадин,
Не учун ким то май ичмиш бош кўтармас бодадин. *Ғаройибус-сиғар*, 354-Т;
~ **ин гардунға еткур-** – хурсанд, мамнун бўлмоқ; ҳурматланмоқ:
Ҳунарвар еткуруб гардунга бошин,
Муҳайё айлабан афзор-у тошин. *Фарҳод ва Ширин*, 154-Т;
~ **иға иш туш-** – оғир аҳволга тушмоқ, ташвиш тушмоқ:
Окара бошлади бош-у тўкила бошлади тиш,
Сафар ярағини қилғил ким тушти бошинга иш. *Фавойидул-кибар*, 241-Т;
~ **и кўкка ет-** – хурсанд, мамнун, хушнуд бўлмоқ:
Борчаларнинг боши кўкка етиб Мирзонинг давлатларининг дуосин бажо келтурдилар. *Муншаот*, 14-194;
~ **ға ет-** – бошига етмоқ; нобуд қилмоқ:
Ва ул бузургларни аларнинг бошиға етибдур санайдур ва дейдур ки мен мунча солиҳ-у муттақи элнинг бошиға етибмен эмди сен мени бир ҳаммор бошиға кўйдунг ки ҳамр шурбиға иштиғол кўргузур. *Насойимул-муҳаббат*, 317-Т;
~ **индур-** – бош эгмоқ, таъзим қилмоқ; эътибор бермоқ:
Шайх Озарий ... Дерлар ки Гулбарга подишоҳи Шайхқа бир лак ярмақ таклиф қилди, аммо ўз расмлари била бош ерга қўймақ таклифи ҳам кўргузди. Шайх ул важҳға бош индурмади. *Мажолисун-нафоис*, 10-Т;
Ул солорға адаб ва тавозуъ била бош индурди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-60;
~ **ирғат-** – бош қимирлатмоқ; маъқулламоқ, тасдиқламоқ;
Неча боққан сайи ҳайрат бўлуб фош,
Кулумсуб гоҳ гоҳи ирғатиб бош. *Фарҳод ва Ширин*, 185-Т;
~ **қа кел-** – устига келмоқ, олдига келмоқ, ҳозир бўлмоқ:
Ҳажридин ўлдум деманг ким бошима келмиш Масиҳ,
Айтинг ул осойиши руҳ-у равоним келдиму? *Бадойиул-васат*, 375-Т;
~ **олиб кет-** – бутунлай чиқиб кетмоқ, ташлаб кетмоқ:
Халқ ўзга мулк азми эттилар,
Жон овучлаб бош олибан кеттилар. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Мани истамасанг нетайин,
Бош олиб қаён кетайин. *Мезонул-авзон*, 55-Т;
~ **олиб бор-** – бутунлай чиқиб кетмоқ:
Ўзига бу мулкдин теккан балолар тоши озори ва бош олиб ўзга мулкка боруринг изҳори. *Фавойидул-кибар*, 698-Т;
~ **олиб чиқ-** – ташлаб кетмоқ, бутунлай чиқиб кетмоқ:
Эй Навоий етса бир элдин балийят бошинға,
Бошинг олиб чиққил ул элдин равоне мен киби. *Фавойидул-кибар*, 599-Т;
~ **дин кеч-** – кечирмоқ, афв этмоқ:
Бошингдин кечтим охир бил ғанимат,
Бошинг олиб йўлунгға қил азимат. *Фарҳод ва Ширин*, 353-Т;
~ **окар-** – сочи окармоқ, сочга оқ тушмоқ:
Чун бошинг окармақ бўлди ҳангома санга,
Оқ хат била ўлмакдин эрур нома санга. *Назмул-жавоҳир*, 15-174;

Бош оқариб юз каролиғдур яна тарки адаб
Дўст ғайрат айламастин бурна қил исёни бас. *Ғаройибус-сиғар*, 202-Т;

~ **фидо қил-** – ўзини фидо қилмоқ, бағишламоқ;
Берса Навоий санга ёри Худо,
Сен дағи қил бошинг-у жонинг фидо. *Ҳайратул-аброр*, 7-187;

~ **има тегирмон тоши айландур-** – қийин аҳволга солмоқ, қийнамоқ, азобламоқ:
Кўк тегирмон тоши айландурмақ истар бошима,
Дема ой ву кун бошим узра бу ким сайёрдур. *Фавойидул-кибар*, 184-Т;

~ **торт-** – бўйин товламоқ, бош тортмоқ:
Мавлоно Абдулвосеъ... хуффат ва таҳаттукка бош тортар.
Мажолисун-нафоис, 150-Т;
Давлат талаб айласанг худодин,
Бош тортма шаръи Мустафодин. *Лайли ва Мажнун*, 370-Т;

~ **гардунга бош торт-** – кўкка етмоқ, осмонга туташмоқ:
Ўт туташқан даштлар ҳар сари фош,
Тортибан ёлинлари гардунға бош. *Лисонут-тайр*, 42-Т;

~ **сун-** – энгашмоқ, қабул қилмоқ; бўйинсунмоқ:
Ул нима ким бош анга сунмай намоз,
Ул нима ким кўнглига кечмай ниёз. *Ҳайратул-аброр*, 7-271;

~ **тўлға-** – рад этмоқ, бош тортмоқ:
Шафақ бирла фалакдин тўлғамай бош,
Тошиб иш бошиға оқ-у қизил тош. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;

~ **ур-** – 1 ялинмоқ, ёлвормоқ, афсусланмоқ:
Париваш бўлди чун мундақ гуҳарпош,
Аёқ тутмақ учун қўпти уруб бош. *Фарҳод ва Ширин*, 331-Т;
Ҳар нафас етмас киши бошиға тиғ,
Бош урар минг оҳ ила юз минг дариғ. *Лисонут-тайр*, 217-Т;

2. бош чиқармоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; оқа бошламоқ:
Мулоҳаза қилибтурлар. Аллоҳу акбар деб такбири таҳрима боғлағандин сўнгра ҳар туги тубидин бир катра қон бош урубтур. *Насойимул-муҳабат*, 6-Т;
Мадлоно Ҳожи Муҳаммад... баъзи маҳал бирар назм дағи андин бош урар.
Мажолисун-нафоис, 144-Т;

3. эсламоқ, хотирга келтирмоқ:
Балх анинг чиқмайдур эрмиш ёдидин,
Ким бош урди хотири ношодидин. *Лисонут-тайр*, 171-Т;

~ **чек-** – 1. бош тортмоқ, бўйин товламоқ:
Вафодин чекса бош ул сарви маҳваш,
Ажаб эрмастур ўлмақ сарви дилкаш. *Наводируш-шабоб*, 255-Т;

2. бош кўтармоқ, униб чиқмоқ:
Даҳр бўстонида бош чеккан ниҳол атрофида,
Шох эмас новак дегил яфрағ эмас пайкон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 139-Т;

3. қад кўтармоқ, юксак ҳолда турмоқ; юксалмоқ; бош товламоқ, саркашлик қилмоқ:
Чекиб бош ул жазира ичра тоғи,
Бу тоғ узра ети секкиз булағи. *Фарҳод ва Ширин*, 257-Т;
Назар қил ким не амр-у наҳи этар Ҳақ,
Ҳақ амр-у наҳйидин бош чекма мутлақ. *Фарҳод ва Ширин*, 500-Т;

~ **чик-** – кўкармоқ, униб чиқмоқ:
Даҳр бўстонида бош чиққан ниҳол атрофида,
Шох эмас новак дегил яфрағ эмас пайкон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 139-Т;

~ **идин чиқ-** – ёдидан кўтарилмоқ, эсидан чиқмоқ:
Хиркасида қолмади зеболиғи
Бошидан чиқди бари раънолиғи. *Лисонут-тайр*, 144-Т;
~ **чиқар-** – 1. кўрунмоқ, унмб чиқмоқ:
Сабзаи тардек ки сувдин бош чиқарғай лутфи бор,
Оразингдин ким чиқарға айламиш оҳанг хат. *Наводируш-шабоб*, 281-Т;
2. ҳар нарсанинг бошини топмоқ, учини топмоқ:
Фалак дақойиқидин кимса бош чиқармади ҳаргиз,
Ким ушбу риштанинг асру тугунлари чекилибдур. *Ғаройибус-сиғар*, 133-Т;
~ **эврул-** – бош айланмоқ:
Эй жунун арбоби саргардонлиғим афсонасин
Гўш қилманг ким эшиткандин ани бош эврулур. *Бадойиул-васат*, 122-Т;
~ **элт-** – бош олмоқ, бош кесмоқ:
Бўрк ўрниға бош элтур нақд ўрниға жон олур,
Атфоли гаминг ичра бас турфа ўюнлардур. *Наводируш-шабоб*, 188-Т;
~ **ни фалакдин ўткар-** – хурсанд қилмоқ, хушнуд этмоқ:
Банданавозлиғ нишони била бошимни фалакдин ўткардингиз. *Муншаот*, 14-167;
~ **ўғурла-** – яширинмоқ, бекинмоқ:
Фалак ҳар лаҳза гарчи бош ўғурлаб,
Ер узра ёғдурурға тош ўғурлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 309-Т;
~ **қашиб кеч-** – афсусланмоқ:
Навоий улча қазодин эрур бўйин сунғил,
Ким ул ки бош чекибан сўнгра кечқасини қашиб. *Фавойидул-кибар*, 64-Т;
~ **кочур-** – четга тортмоқ, олиб қочмоқ:
...Фарҳоднинг тож соясидин бошин кочуруб... *Фарҳод ва Ширин*, 172-Т;
~ **қўй-** – 1. қуламоқ, йиқилмоқ, ағдарилмоқ:
Маккада бўлғач ул ахтар нури фош,
Барча бутлар қўйдилар туфраққа бош. *Лисонут-тайр*, 22-Т;
2. итоатда бўлмоқ; таъзим қилмоқ, бош эгмоқ, сажда қилмоқ:
Гар илги хома сари қилмайин майл,
Қўюб хаттиға бошин юз туман хайл. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т;
Бари бошин қўюб қошига анинг,
Қўпубан эврулуб бошиға анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 273-Т;
~ **ерга қўй-** – бош эгмоқ, тобе бўлмоқ:
Шайх Озарий... Дерлар ки Гулбарга подишоҳи... ўз расмлари била бош ерга қўймақ таклифи ҳам кўргузди. *Мажолисун-нафоис*, 10-Т;
~ **индур-** – бош эгмоқ, салом бермоқ:
Керакмас ғарра бўлмақ шоҳиди давлат бош индурса,
Ки бир хомлиғ эрур анинг саломи хайрбоди ҳам. *Фавойидул-кибар*, 418-Т.

БОШИЧА [باشيچه] – ўзича; ўз ўзича:
Бош тушуб ул рўдда сой тошича,
Бош кесибан ҳар киши ўз бошича. *Ҳайратул-аброр*, 7-186;
Мавлоно Биноий... риёзатлар ҳам тортти чун пири ва муршиди йўқ эрди ўз бошича қилған учун ҳеч фойида бермади. *Мажолисун-нафоис*, 81-Т;

БОШЛА- [باشلا] – 1. бошламоқ, бирор ишни бажаришга киришмоқ:
Оҳу вовайло ву афғон бошлади,
Халқ аро ғавғо ву тўфон бошлади. *Лисонут-тайр*, 63-Т;
Ўқумақ бошлағач ул зори маҳзун,
Бу эрди нома алфозиға мазмун. *Фарҳод ва Ширин*, 411-Т;

2. йўл кўрсатиб, бош бўлиб, эргаштириб, етаклаб бормоқ:
Исфандиёрни мулк ваъдаси қилиб сипоҳ бошлатиб Аржасип интиқомиға йибарди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-210;
Ҳам мадад айлаб мени гумроҳға,
Лутф этиб йўл бошланг оташгоҳға. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
3. кўмакчи феъл вазифасида келади:
Мавлоно Муҳаммад Неъматободий... ул дағи муаммоға ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда яхшиғина ўрганиб айта бошлади. *Мажолисун-нафоис*, 62-Т.

БОШЛАТ- [باشلات] – бошлатмоқ:
Доно киши эрди. Дойим авлодиға черик бошлатиб Қобил авлоди устига юборур эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-104.

БОШЛИҒ I [باشلیغ] – бошлиқ, раҳбар; бошчилик:
Бошларидин кечтилар ишқ аҳли ҳижрон даштида
Волиқ-у Фарҳод ва Мажнун Навоий бошлиғ. *Бадойиул-васат*, 228-Т;
Бу тойифадин бирав дебдур ки Мадинада эрдим бир улуқ бошлиғ ажаме кўрдум. *Насойимул-муҳаббат*, 107-Т;
Музаффар Ҳусайн Мирзо бошлиғ салотин ва подшоҳзодалар... аларнинг маҳфуф маҳофасин... Мусаллоға элттилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-78;
Афлотун бошлиғ ва Арастудек вазири бор эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-217.

БОШЛИҒ II [باشلیغ] – нумератив сўз – **та** маъносида:
Вале базм юз бошлиғ Оқ уй аро,
Оқ уй таши тун мушки бирла қаро. *Садди Искандарий*, 229-Т.

БОШЛИҒ III [باشلیغ] – жароҳатлик, хасталик:
Ул куҳан дайр гадойи бошлиғ,
Яъни ошуфта Навоий бошлиғ. *Фавойидул-кибар*, 696-Т.

БОШСИЗ [باشسیز] – 1. бебош; ақлсиз, бошсиз:
Мен чу кечтим ишқ аро боштин маломат қилмангиз,
Ким ажабтур бошсиз элнинг қулоғин толғамақ. *Наводируш-шабоб*, 310-Т;
2. учи, уч қисми, бошланиши:
... ва Хусравнинг туғи бошсиз ва боши худсиз ўрдусиға сурмаги. *Фарҳод ва Ширин*, 348-Т.

БОШҚА/БОШҒА [باشغه / باشقه] – 1. ўзга, бўлак, айрн:
Ишрат ва нишот асбобидин бошқа ... егулукдин ё бирор нима харжидин ... лутф кўргузур эрдилар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-93;
Мавлоно Муҳаммади Бадахший... муаммодин бошқа дағи назмлари бор. *Мажолисун-нафоис*, 144-Т;
2. алоҳида:
Ва ов ва қуш ки салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутааййин эшитур иккаласин шикор дерлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т;
Қилурға ниёзимнинг исботини,
Тутуб бошқа бошқа алар отини. *Садди Искандарий*, 94-Т;
~ **бошқа/бошға** – алоҳида-алоҳида:
Балки ҳар бири бошқа бошқа ўзларин соҳибазо кўргузуб ошубвашаин зоҳир қилдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т;
Қилурға ниёзимнинг исботини,
Тутуб бошқа бошқа алар отини. *Садди Искандарий*, 94-Т;
Бир пари узра неча ё кўргузур қавси кузаҳ,
Бошға бошға эрмас ул икки муғаййир ёйча. *Наводируш-шабоб*, 540-Т.

БОШҚАР- [باشقار] – 1. бошқармоқ, етакламоқ, йўлламоқ, йўл кўрсатмоқ:

Юрумаган йўлга элни бошқармак мусофирни йўлдин чиқармакдур.

Маҳбубул-қулуб, 14-32;

Бу нидо ёманларни фисқ кунжидин масжид сари бошқарур.

Маҳбубул-қулуб, 14-29;

Иттифоқо бас ки чекти ранж ул,
Бахти бу кун ганжға бошқарди йўл. *Лисонут-тайр,* 80-Т;

2. бажармоқ, уддаламоқ; раҳбарлик қилмоқ;

Ани келтуруб тахтқа ўлтурттилар ул дағи бошқара олмади.

Тарихи мулуки ажам, 16-254.

БОШҚАРМАҚ/БОШҚАРМАҒ [باشقارماق / باشقارماغ] – бошқарув, бошқариш; йўллаш, йўл кўрсатиш:

Телбараб ҳар дам бўлур ғойиб Навоий неча ким
Бизга ани ақл кўйи сари бошқармақдур иш. *Бадойиул-васат,* 189-Т;
Эй Навоий тортайин дермен кўнгулдин интиқом,
Йўқса юз ғамни недур ҳар дам анга бошқармағим. *Фавойидул-кибар,* 404-Т.

БОЯСТА [بايسته] – керакли, лозим:

Чун кўнглунгни машғул қилсанг ҳар занн ва гумонға ки хотиринга киргай зойиъ қилғайсан авқотингни ул нимага ким бояста ва шояста бўмағай.

Насойимул-муҳаббат, 97-Т;

Неча қатлға кимса шоястадур,
Қасосида то хайр боястадур. *Садди Искандарий,* 308-Т.

БОҚ- I [باق] – 1. тикилмоқ, кўз солмоқ, карамоқ:

Дам бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йирақтин боқибан қон ютубу оҳ чекиб. *Ғаройибус-сиғар,* 74-Т;
Боқиб деди фазл аҳлиға пири роҳ,
Ки сиз шоир ул дағи хуштабъ шоҳ. *Садди Искандарий,* 527-Т;
Деди: кўрдум деди ки кўзгуга боқ,
Боқти кўзгуга бор эди юзи оқ. *Сабъаи сайёр,* 10-241;
Бобир Султон... бир мажлисда акобир сори боқиб Шоҳрух Мирзодин нақл қилдилар. *Мажолисун-нафоис,* 192-Т;

2. эътибор бермоқ:

Киши яхши боқса зарурат чоғи,
Кераклик дурур бу дағи ул дағи. *Садди Искандарий,* 207-Т;

3. карамоқ, назар солмоқ:

Кўрса ҳуш аҳли ютар мендин жунун ҳолимға боқ,
Ким хирад аҳли улуснинг боиси савдосимен. *Наводируш-шабоб,* 496-Т;
Боқмайин мулк ила сипоҳ сари,
Қилмайин майл додхоҳ сари. *Сабъаи сайёр,* 10-103;

4. интилмоқ, илтижо қилмоқ:

Боқма Навоий яна ноз аҳлига,
Арзи ниёз айла ниёз аҳлиға. *Ҳайратул-аброр,* 7-120;

5. ўкимоқ:

Ҳар киши ул «Насабнома»ға боқса билғай ким хоқону рой анга бир турк ва бир хинду бандадур. *Мажолисун-нафоис,* 203-Т;

6. интизор бўлиб кутмоқ:

Юз зевар-у дур тақиб турурлар,
Йўлунгға сенинг боқиб турурлар. *Лайли ва Мажнун,* 361-Т;

7. кидирмоқ, изламоқ:
Чун боққали ихтиёр топти
Ҳар сари ки боқти ёр топти. *Лайли ва Мажнун*, 361-Т.

БОҚ- II [باق] – боқмоқ, ўтлатмоқ, қарамоқ:
Кеча оташгоҳ ўтин ҳоло ёқар,
Бўлди чун кундуз тўнгузларни боқар. *Лисонут-тайр*, 117-Т.

БОҚИЙ [باقی] – 1. абадий, доимий, мангу:
Ки то бўлса гардунға давворлиқ,
Анга боқий ўлсун жаҳондорлиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-13;
2. руҳий тириклик, руҳий баҳрамандлик:
Истадилар фонию боқий жаноб,
Ҳар тилаги ҳақ қошида мустажоб. *Ҳайратул-аброр*, 72-11;
Эрур Ҳақ ки боқий дурур лоязол,
Ки етмас камолиға анинг завол. *Садди Искандарий*, 502-Т;
3. қолдиқ:
Майи гулгун тутуб гулчеҳра соқий,
Ичар эл қўймайин бир қатра боқий. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т;
~ **и мутлақ** – мутлақ, мангу, абадий:
Ғайри Ҳақ ким қодири барҳақдур ул,
Барча фоний боқийи мутлақдур ул. *Лисонут-тайр*, 230-Т;
~ **ўл-** – боқий бўлмоқ:
Ало то подшаҳлиқ боқий ўлғай,
Тараб базмида маҳваш соқий ўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т;
~ **айла-** – абадий қилмоқ, мангу қолдирмоқ:
Васл айлади иккиликни боқий,
Ваҳдат қадаҳини тутти соқий. *Лайли ва Мажнун*, 303-Т;
Ўтар дам ўйла фоний бўлди мутлақ,
Ким ул ишқини боқий айлади Ҳақ. *Фарҳод ва Ширин*, 485-Т;
~ **кил-** – кечиктирмоқ, қолдирмоқ:
Бода келтур, эй соқий,
Қилма айшни боқий. *Мезонул-авзон*, 48-Т.

БОҚИЙЛИҒ [باقی لیغ] – абадийлик:
Фоний эрканни ву боқийлиғни ҳам,
Маст эрканни ву соқийлиғни ҳам. *Лисонун-тайр*, 218-Т.

БОҚИШ [باقیش] – караш, назар солиш:
Юзни кўргач бошимға тушти мумкин зулфи савдоси,
Фиғон ким бир боқишда юз бало бошимға келтурдум. *Ғаройибус-сиғар*, 315-Т;
Не мангишдур ки танлар ҳабоси анинг,
Не боқишдур ки жонлар фидоси анинг. *Мезонул-авзон*, 54-Т.

БОҚИШ- [باقیش] – бир бирига қарамоқ, боқмоқ:
Дедилар қачан чиқибсен? Дедим ўткан оқшом. Алар бир бирига боқиштилар.
Насойимул-муҳаббат, 107-Т;
Ва ул сайҳа била ҳозирлар кўзидин ғойиб бўлди. Бизлар бир биримизга боқиштук ва дедук ки сўзни ҳеч кишига айтса бўлмас.
Насойимул-муҳаббат, 156-Т.

БОҚМАҚ [باقماق] – караш, назар ташлаш, боқиш:
Кўз учи бирла боқтинг-у қийдинг Навоий кўнглини
Билдинг ани ким бир қиё боқмаққа хожатманд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 126-Т;

Не луъливашдур ул қотил ки қон тўмаккадур яксар,
Қиё боқмақлари поки этинг мужгонлари наштар. *Наводируш-шабоб*, 194-Т.

БОҚТУР- [باقتور] – қаратмоқ:
Ул ойина ким чекиб манори,
Боқтурди ани Фаранг сари. *Лайли ва Мажнун*, 360-Т.

БОҒ I [باغ] – 1. боғ, чаман, гулзор, гулшан:
Подшоҳ ул йил ки Хуросон тахтин олғанда ким «Жаҳонаро» боғи тарҳин солдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-18;
[Фосиқ муфтининг] бир сабат узум учун бир боғни куйдирмакдин ғами йўқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-22;

2. китоб, достон:
«Ҳайратул-аброр» боғида табъим гуллар очибдур Шайх Низомий руҳи «Махзанул-асрор»дин бошимға дурлар сочибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т;

3. борлиқ, дунё:
Ким кести вужуд боғидин хори адам,
Ул боғда ҳар гул ўти ким чекти алам,
Жон эвини ёрутти назар шамъини ҳам. *Бадойиул-васат*, 11-Т;

~ **авроқи** – япроқлар; куз, хазон:
Қилиб зарҳал хазон наққоши тартиб,
Қилурға боғ авроқини тазҳиб. *Муншаот*, 14-139;

~ **и аҳад** – жаннат, биҳишт; Худонинг боғи:
Балки бу қандил аро айлаб аён,
Боғи аҳад фохтаси ошён. *Ҳайратул-аброр*, 7-12;

~ **и биҳишт** – жаннат боғи:
Қайси Эрам гулшани мину сиришт,
Гулшани мину дема боғи биҳишт. *Хайратул-аброр*, 7-77;
Ясаб Чин элин турки чинисиришт,
Тароватда андақ ки боғи биҳишт. *Садди Искандарий*, 185-Т;
Ғам тунини нури сиришт айлади,
Ер юзини боғи биҳишт айлади. *Ҳайратул-аброр*, 7-35;

~ **и висол** – висол боғи:
Ёд этибсен гўйиё боғи висол,
Ким бўлубсен бу сифат ошуфтаҳол. *Лисонут-тайр*, 50-Т;

~ **и гашт** – боғ сайри:
Бир кунгина тарки дашт қилсун,
Гуллар била боғи гашт қилсун. *Лайли ва Мажнун*, 111-Т;

~ **и гулгашт** – чаман гулзори сари:
Мени боғи гулгаштиға чекма деҳқон
Вафолиғ дегил гулмудур ёсаминму. *Бадойиул-васат*, 378-Т;

~ **и гулистон** – гулистон чаманзори:
Кўзларим боғи гулистон бўлмиш ул юз шавқидин,
Барги гуллардин сочилғин ашки гулгун ҳар тараф. *Наводируш-шабоб*, 307-Т;

~ **и давлат** – бахту саодат, иқбол боғи:
К-эй шараф авжида мехри иқбол,
Боғи давлат аро фархунда ниҳол. *Фавойидул-кибар*, 675-Т;

~ **и даврон** – замон, даврон боғи:
Боғи даврон гуллари чун бевафодур тонг эмас,
Кеча гар тонг кушларининг нолаи шабхизи бор. *Фавойидул-кибар*, 137-Т;

~ **и жаннат** – жаннат боғи, бўстон:
Оразинг акси дурур кўздаги ёш эвруладур,
Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла. *Ғаройибус-сиғар*, 52-Т;
~ **и жаҳоноро** – жаҳоноро боғи:
Чексалар тангла тутуб боғи жаҳоноро сари,
Дайр аро топиб суроҳи айлабан пайдо қадах. *Бадойиул-васат*, 48-Т;
~ **и жинон** – жаннат боғи:
Фалак боқти фиғонимға ажал раҳм этти жонимға,
Хазонлиғ бўстонимға гули барги жинон келди. *Ғаройибус-сиғар*, 449-Т;
~ **и жоҳ** – юқори даражали боғ:
Ой-у кун боғи жоҳингдин икки гул,
Тун ул гулшанда мушкинфом сунбул. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т;
~ **и Зоғон** – Ҳирот кўчаларидан бирининг номи:
Яна икки дўкон амаласи «Боғи Зоғон» кўчасида воқиъдур. *Ваққия*, 14-266;
~ **и ишқ** – муҳаббат гулзори, чамани:
Гули завқ элга боғи ишқ аро ким
Манга ғам даштида хори бало бас. *Наводируш-шабоб*, 233-Т;
~ **и коинот** – фалак, осмон боғи:
Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхширақ ҳаёт гули. *Сабъаи сайёр*, 10-274;
~ **и латофат** – зариф, латиф, хуштаб боғ:
Қаддининг сарвиға ким боғи латофат нахлидур,
Чашмаи ҳайвондин ўзга жўйбори бўлмасун. *Ғаройибус-сиғар*, 367-Т;
~ **и навъ** – Ҳирот атрофидаги боғ номи:
Тузуб суҳбат Бихишти соний ичра,
Май ичса «Боғи навъ» айвони ичра. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;
~ **и назаргоҳ** – тамошо, назаргоҳ боғи:
Ҳусни боғидур назаргоҳим Навоий зинҳор
Солмағил гоҳи назар боғи назаргоҳим сари. *Бадойиул-васат*, 465-Т;
~ **и назм** – назм, шеърият боғи, гулзори:
Кўнгулдин жаҳл ранжи дофиъи гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд. *Ғаройибус-сиғар*, 111-Т;
~ **и равзаойин** – жаннатмонанд боғ:
Ҳамоно тўрт боғи равзаойин
Ичинда тўрт касри хулд тазйин. *Фарҳод ва Ширин*, 455-Т;
~ **и раҳмат** – раҳмат боғи; марҳаматли боғ:
Боғи раҳматдин яна эсти насим,
Бўлди юз минг ранж-у меҳнатдин салим. *Лисонут-тайр*, 141-Т;
~ **и ризвон** – жаннат боғи:
Бу латофатойин аиззаға ва бу балоғаттазйин ажиллаға ким... Тенгри боғи ризвонни мақом қилсун. *Мажолисун-нафоис*, 75-Т;
~ **и рухсор** – гўзал юзли:
Юзунг гул гул бўлубтур бодадин вах кўзгуга боқ ким
Не янглиғ тоза тоза гуллар очмиш боғи рухсоринг. *Наводируш-шабоб*, 358-Т;
~ **и руҳафзон** – руҳлантирувчи гулшан:
Қилди ясағач бу боғи руҳафзони,
Назм анинг булбули хушалҳони. *Мажолисун-нафоис*, 3-Т;
~ **и Сафед** – Ҳирот боғларидан бирининг номи:
Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди Тенгри раҳматиға борғанда алар азо сўрар дастур била «Боғи Сафед»ға келиб эрдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-19;

~ **и сипеҳр** – фалак, осмон боғи:
Бу йанглиғ кеча ул чароғи сипеҳр,
Юзи тоза гулбарги боғи сипеҳр. *Садди Искандарий*, 62-Т;
~ **и субҳ** – субҳ боғи:
Дона еб ҳосил этиб фазла нажас айламагай,
Боғи субҳни не риоят қилибан тарки адаб. *Наводируш-шабоб*, 40-Т;
~ **и тавҳид** – танҳалик, ваҳдат боғи:
Ё Раб ул барг насиб эт ки Навоий топқай,
Боғи тавҳид гул-у булбулидек барг-у наво. *Бадойиул-васат*, 5-Т;
~ **и тараб** – шодлик чаманзори:
Анга ким жаҳон бўлса боғи тараб,
Тенгиз бўлса ҳавзи анинг не ажаб. *Садди Искандарий*, 460-Т;
~ **и уммид** – катта орзу, тилак, умид боғи:
Деди юз минг лутф ила шоҳи расул,
К-эй очилған боғи уммидингға гул. *Лисонут-тайр*, 121-Т;
~ **и умр** – умр боғи, чамани:
Не кун ўлғай ки нигорим келгай,
Боғи умрумда баҳорим келгай. *Бадойиул-васат*, 463-Т;
Кўзларимнинг мардуми холинг саводиға фидо,
Боғи умрум гулбуни сарви равонинг садқаси. *Фавойидул-кибар*, 611-Т;
~ **и фано-** – у, нариги дунё боғи, фано боғи:
Навҳаи боғи фано тузмак керак,
Ул тараф парвоз кўргузмак керак. *Лисонут-тайр*, 42-Т;
~ **и фаррух** – гўзал, бахтли боғ:
Дема боғи фаррух шабистон дегил,
Бу шабнам била кавкабистон дегил. *Садди Искандарий*, 96-Т;
~ **и хулқ** – ахлоқ, хулқ боғи:
Эй Навоий чин баҳор эркин ва ёхуд кўргузур,
Боғи хулқидин улусқа довари аъзам баҳор. *Ғаройибус-сиғар*, 137-Т;
~ **и хулд** – абадийлик, мангулик боғи; жаннат боғи:
Эй Навоий воиз-у фирдавси аъло зикри ким
Боғи хулд ул ҳурпайкар остонидур манга. *Бадойиул-васат*, 13-Т;
~ **и Эрам** – Эрам боғи, жаннат боғи:
Туканди зеб аро боғи Эрамдек,
Қаю боғи Эрам байтул-ҳарамдек. *Фарҳод ва Ширин*, 160-Т;
Айтма кишвар, де ки боғи Эрам,
Дема Эрам айт ки Байтул-ҳарам. *Ҳайратул-аброр*, 7-307;
~ **и қадр** – шараф, эътибор, қадр боғи, гулзори:
Зиҳи равзадин хулқунг ортуқ баси
Келиб боғи қадрингда Тўба хоси. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;
~ **и хаёт** – ҳаёт боғи:
Қадинг ниҳоли ки боғи ҳаёт тарфини тутмиш,
Магар ки Хизр-у Масиҳо су ву ҳавосида бутмиш. *Бадойиул-васат*, 190-Т;
~ **и ҳалок** – ҳалокат боғи, чамани:
То боғи ҳалокимда не гуллар ки очилғай,
Захмим дағи қон су киби тинмай ки борадур. *Наводируш-шабоб*, 196-Т;
~ **и хусн** – зеболик, гўзаллик, хушрўйлик, боғи:
Боғи хуснунг ким гул очти ранг ранг эй муғбача,
Гўйи ичтинг майга барги лола ву насрин солиб. *Ғаройибус-сиғар*, 68-Т.

~ **у бўстон** – боғу гулзорлар:
Соғиниб осудалиғ бирла ватан,
Боғу-у бўстон бирла гулзор-у чаман. *Лисонут-тайр*, 56-Т;
~ **у роғ** – боғлар, боғу роғлар:
Жилвагоҳинг гоҳ боғ-у гоҳ роғ,
Муфтахир зеболиғингдин роғ-у боғ. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
~ **ўл-** – чаманзор бўлмоқ:
Кўзунг наргис узоринг гул қадинг сарв-у сочинг сунбул,
Бузуғ кўнглум хаёлидин буларнинг турфа боғ ўлмиш. *Наводируш-шабоб*, 264-Т;

БОҒ II [باغ] – 1. банд, боғич, илгак:
Деди ақл-у фаҳм ани кўргач акиби кўзлари
Ваҳ ки тўн боғин яна ул шўх часпон боғлади. *Ғаройибус-сиғар*, 458-Т;
Қилич боғи белинг қучқан ҳасаддин,
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб. *Бадойиул-васат*, 34-Т;
Ва бу Муҳаммади Маъшуқ қабапўш турк эди. Бир кун Туснинг жомеъида Шайх Абу Саид қуддиса сирруҳу мажлис айтадур эрди.
Ул етиб тўнининг бир боғин боғлади. Шайх хомуш бўлди ва тили сўзга эврулмади. *Насоиймул-муҳаббат*, 195-Т;
2. соч ўрими, боғи:
Соч боғингдин чиққан аё сунбули пурчинмудур,
Ё терисин солған икки афъии мушкинмудур. *Фавойидул-кибар*, 198-Т.

БОҒБОН [باغبان] – боғбон:
...боғбон чаман аро ризо ва ихтиёри биладур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-64;
Девона боғбон инод юзидин дебдур ким... «мунда экмасмен».
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-16;
~ **и даҳр** – дунёни парвариш қилувчи; Худо, парвардигор:
Боғбони даҳр ҳар нахли ки пайванд айлади,
Хўб эди гар бўлмаса эрди яна синдурмаги. *Наводируш-шабоб*, 602-Т;
~ **и маст** – маст боғбон:
Ишқ кўнглум боғин асраб тоза охир солди ўт,
Боғбони мастдек ким бўстонин ўртади. *Бадойиул-васат*, 412-Т.

БОҒБОНЛИҒ/БОҒБОНЛИК [باغبانليغ / باغبانليک] – боғбонлик:
Мир Шайхим боғбонликда воқиф кишидур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-17;
Боғбоне бор эди бас беҳунар,
Боғбонлиғ санъатидин бехабар. *Лисонут-тайр*, 66-Т;
Сайид Ғиёс ким ул боғнинг таъмири ва боғбонлиғи анга мутааййин эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-18.

БОҒИШ [باغيش] – чодир, ўтов остонаси:
Қилди боғишда ўлтуруб бунёд.
Шаҳ дуосин ки чархи кўҳнаниҳод.
Бу оқ уйунгга боргоҳ ўлсун,
Боргоҳинг жаҳонпаноҳ ўлсун. *Сабъаи сайёр*, 10-335.

БОҒЛА- [باغلا] – 1. туғмоқ, боғламоқ:
Ҳар тикан бир ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади,
Эй жигар парголаси сенсиз ичим кон боғлади. *Ғаройибус-сиғар*, 457-Т;
Муборак белларига рисолат камарин боғлаб бу халойиқ орасида сарафроз ва муъжизапардоз қилди. *Вақфия*, 14-238;

Белга маҳкам боғлабан зуннорни,
Ўздин айлай шодмон куффорни. *Лисонут-тайр*, 93-Т;

2. тақамоқ, тўнкармоқ, ағдармоқ:
Бирав ким ёлғон сўзни биравга боғлағай, ўзининг қаро бўлғон юзин ёғлағай.
Маҳбубул-қулуб, 14-95;
3. битмоқ, ёзмоқ, атамоқ, бағишламоқ:
...Султон Абусаид Мирзо отиға боғлабтур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 105-Т;
Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал. *Садди Искандарий*, 516-Т;
4. яратмоқ:
Кўпрак ўз шеъриға мусиқий боғлар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 54-Т;
5. тўсмоқ, ғов бўлмоқ:
Даҳр аро офат тушарни чоғлабан,
Отланиб тушмак йўлини боғлабан. *Лисонут-тайр*, 191-Т;
6. ёпмоқ, маҳкамламоқ, бекитмоқ:
Ки чун маҳваш ул уй ичра кириб чуст,
Эшикларни киридин боғлади руст. *Фарҳод ва Ширин*, 483-Т;
Сипоҳ еткач эшикни боғлаб дайр томиға чиқти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247;
7. тугамоқ, тамом бўлмоқ, тамоман тўсилмоқ:
Муддате боғланди элга йўл тамом,
Бўлди ожиз йўл ўтардин хос-у ом. *Лисонут-тайр*, 270-Т;
8. тиймоқ, манъ этмоқ, тўхтатмоқ:
Кўзга то кирди хаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,
Боғламишмен кўрийа ҳар сари мужгондин анга. *Ғаройибус-сиғар*, 35-Т;
9. бурмоқ, йўлантирмоқ:
Ки суни боғлағай ул наҳр ичига,
Алоло тушти мулк-у шаҳр ичига. *Фарҳод ва Ширин*, 311-Т;
10. тўпламоқ:
Қони анинг зулми қилиб тира бахт,
Ўйла ки қон боғлаб ичи лахт лахт. *Сабъаи сайёр*, 7-250.

БОҒЛАМАҒ/БОҒЛАМАҚ [باغلاماغ / باغلاماق] – боғлаш, боғланиш:
Муни хушоянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламағининг душворлиғи бор. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;
Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламақ эмастур хўб. *Сабъаи сайёр*, 10-54.

БОҒЛАН- [باغلان] – 1. солмоқ, боғланмоқ:
Чун харита ичра боғланди бари,
Шаҳ қўйидур ё пиёда юқари. *Лисонут-тайр*, 214-Т;

2. тугамоқ, тамом бўлмоқ, имконсиз қолмоқ, иложсиз қолмоқ:
Мавлоно Хусравий... фақир қошиға баъзи маҳалда шеър келтурса эрди бурунрақ андақ калом сурар эрди ким дахл қилмақ йўли боғланур эрди.
Мажолисун-нафоис, 51-Т;
Малакдин тўлуб бас ки ҳар кўл анга,
Нузул эткали боғланиб йўл анга. *Садди Искандарий*, 68-Т;
3. битилмоқ, ёзилмоқ:
... матлаи бу навъ боғланибдур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-71;
4. тузилмоқ, бир-бирига уланмоқ, ғуж бўлмоқ:
Ғунчадек қон боғланибтур кўнглум эй гул хирмони,
Борғали кўз жўйборидин жамолинг гулшани. *Ғаройибус-сиғар*, 459-Т;
Анор доналарининг боғланғани нечук ким ёқути руммоний. *Муншаот*, 14-141.

БОҒЛАТ- [باغلات] – бекитмоқ, ёптирмоқ, маҳкамлатмоқ:

Кўз тутар эрдим қалам кирпикларимдин боғлатиб,
Гар азалда кўрсам эрди суратинг наққошини. *Ғаройибус-сиғар,* 469-Т;

Эшикни устидин боғлатиб ул муҳофизға ташқаридин посбонлик буюрурлар эрди. *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер,* 15-95.

БОҒЛАШТУР- [باغلاشتور] – байт қўшмоқ, байт битмоқ:

Ва юз машаққат била бир байт ким боғлаштурғайлар даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-26.

БОҒЛИҒ/БОҒЛИҚ [باغليغ / باغليق] – 1. боғлиқ, боғлиғлиқ, боғланган, тугилган:

Кўнгул кушидур анинг зулфи тобдори била,
Чибин ки боғлиғ эрур анкабут тори била. *Ғаройибус-сиғар,* 420-Т;

Мавлоно Дарвеш Деҳакий... девони доим белига боғлиғ.
Мажолисун-нафоис, 3-Т;

Сендин манга таҳаммул эмас бир замон йирағлиғ,
Жон риштаси эрур чу сенинг сунбулингға боғлиғ. *Мезонул-авзон,* 47-Т;

Эй йигит буён кел ким шавқдин харобингмсн,
Бўйни боглиғ ит янглиғ бастаи танобингмен. *Мезонул-авзон,* 48-Т;

2. тааллуқли, қарашли:

Агар киши подшоҳ ясағлиғидур иши илгари борури иноятқа боғлиғдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-85;

3. ёпиқ, боғлиғ:

Хумор ғолиб-у майхона эшики боғлиғ,
Тараҳҳум айла манга ё муфаттиҳ – ал-абвоб. *Наводируш-шавоб,* 44-Т;

Майкада боғлиқ эрди тўктим ашк,
Анча ким бўлди фатҳи боб яна. *Наводируш-шабоб,* 527-Т;

4. сирли, пинҳон:

Сабр била кўп боғлиқ иш очилур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-104;

~ **бўл-** – боғланмоқ, боғлиқ бўлмоқ:

Шири гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлғай ит,
Ким эшикинг итларин топқай ўзига акрабо. *Наводируш-шабоб,* 7-Т.

БОҒОТ [باغات] – боғлар, боғли жойлар:

Сифлий маҳалласида неча боғот олтмиш жериб ...бир қитъа ўн саккиз жериб ер рақбаси дафаот била ким бир бирига туташдур. *Вақфия,* 14-266;

Мавлоно Фасиҳи Руний Жўки Мирзо хизматида бўлур эрди ва анинг боғоти касрларнинг китобалари Мавлононнг ашъоридур. *Мажолисун-нафоис,* 40-Т.

БОҒУДУВВ [باغدو] – сабоҳ, эрта тонг вақти:

Магар тажаллийи ҳуснунгға мазҳар ўлди куёш,
Ки зоҳир айлади анга жило била боғудувв. *Бадойиул-васат,* 371-Т.

БОҒЧА [باغچه] – боғча, кичик бог:

Алар дебдурлар ким боғча Шайхимнинг эмас Алишернингдур ул эътироз килмағусидир. *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-17;

Баҳор бўлғанда дарвеши мазкур келиб ул боғчанинг буйрулған ишига қиём кўргузурда ул ҳазратдағи гоҳи келиб муборак хотирлари ташхиси учун бир оз замон анда бўлур эрмишлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-16;

~ ***и даҳр*** – даҳр боғи:

Боғчаи даҳр ки юз тоза гул,
Тошти қаён ким назар этти кўнгул. *Ҳайратул-аброр,* 7-57.

БОҒЧАЛ [باغچال] – ўрдакнинг бир тури:

Ва ўрдакнинг анвоъи билур кушчилар қошида масалан: чўрка ва ирка... темур канот ва ола луға ва ола пўка ва боғчал ва бу йўсунлуқ дерлар.

Муҳокаматул-луғатайн, 176-Т.

БОҲИР [باهر] – равшан, аниқ, ошкор:

Амир Шайхим Суҳайлий ... ҳамида ахлоқ ва писандида маош атворидин боҳир эрди. *Мажолисун-нафоис*, 77-Т;

... ҳаракотидин зоҳир телбалар атвори ва калимотидин боҳир усруклар шиори. *Маҳбубул-қулуб*, 14-32.

БОҲИС [باحث] – баҳслашувчи:

Фано хонакоҳи аро сомит ўлғил,
Йўқ ул ким баҳо дарсгоҳида боҳис. *Наводируш-шабоб*, 89-Т;
Сен иста файз фано аҳли гунг-у лолидин,
Ки ишқ дарсини билмас мужодил-у боҳис. *Бадойиул-васат*, 69-Т.

БУ [بو] – бу (кўрсатиш олмоши):

Ғараз ким бу сўз етса анжомиға,
Бу тарих юз қўйса итмомиға. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257;

Ул шоғирдиға боқиб айтти ким бу халқни ким кўрарсен булар биҳиштни тўла қилмақ учундур. *Насойимул-муҳаббат*, 101-Т;

Бу саодатларға топқан дастрас,
Урмаған Ҳақ ёдидин айру нафас. *Лисонут-тайр*, 17-Т;

~ **дам** – ҳозир, шу вақт:

Скандарни кўр ким бу дам чархи дун,
Ки қилди ажал уйқусиға забун. *Садди Искандарий*, 476-Т;

Валодат кунидин тутуб то бу дам,
Барин шарҳ ила айлагаймен рақам. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;

~ **ки** – шунчалик, шунчаки, қанчалик ким:

Бу ки тарихимиз баён қилдинг,
Элга аҳволимиз аён қилдинг. *Сабъаи сайёр*, 10-393;

~ **навъ** – бу хил, бунга ўхшаш, бу тартибда:

Хожа чун кўрди ул рухи маҳваш,
Сўнгра бу навъ посухи дилкаш. *Сабъаи сайёр*, 10-155;

~ **нафас** – энди, ҳозир:

Асра Навоий бу нафас муғтанам,
Лек дегил ҳар нафасе шукр ҳам. *Хайратул-аброр*, 7-304;

~ **сифат** – бу тартиб, бу хил, бу ҳолат:

Бўйла қақнусқа бу сифат товус,
Ҳам наволиғ аро бўлуб маънус. *Сабъаи сайёр*, 10-100;

~ **янглиғ** – шу каби, шунга ўхшаш:

Не кўруб эрди ўйла турфа жамол,
Не бу янглиғ эшитмиш эрди мақол. *Сабъаи сайёр*, 10-156.

БУГРАК [بوگراک] – буйрак:

Лубёға илик суртубдур ва дебдур қўй бугракига охшар нохудни бармағи била силаб дебдур ки италгу бошиға ўхшар. *Насойимул-муҳаббат*, 390-391-Т.

БУГУН/БУКУН [بوگون / بوکون] – бугун, ушбу кун:

Яхшилиқ тухмин сочғил ким будур деҳконға сўз,
Бир не ким эктинг букун борин ҳамон тутма ани кўз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-111;

Ул ки букун кутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул. Хамсатул-мутаҳаййрин, 15-58;
Букун сендин хабар топа олмадуқ. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-91;
Букун ул пил бу ҳинду эрур бил,
Кичикрак бўлса хам лекин эрур пил. *Фарҳод ва Ширин*, 99-Т.

БУД [بود] – 1. борлиқ, мавжудлик:
Сен ул навъ мавжуд эдинг бал вужуд,
Ки будунгға йўқ эрди нанги набуд. *Садди Искандарий*, 47-Т;
Ишқ ўртади ул сифат вужудум,
Ким бўлди набуд барча будум. *Лайли ва Мажнун*, 242-Т;
Киши фаҳм этса асл ила будин,
Англар ул дурни катраи сувдин. *Сабъаи сайёр*, 10-71;
2. вужудга келиш, пайдо бўлиш:
Асл-у будунгни айлагил тақрир
Деди ровий ки эй баландсарир. *Сабъаи сайёр*, 10-236;
3. баҳра, нафъ, фойда:
Олмағидин ғайри зиён буд йўқ,
Турфа бу ким бермагидин суд йўқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-148;
~ **-у набуд** – бору йўқ, ҳаммаси, барчаси:
Даме ким анга зоҳир ўлмай вужуд,
Ким эрди адам ичра буд-у набуд. *Садди Искандарий*, 77-Т.

БУДАЙ-БУДАЙ [بودای بودای] – кўшиқ, шаркий тури:
Чун ўзанларнинг ўзмағи ва ўзбекларининг будай будайи ҳеч вазн била рост эмас анга тааррўз қилилмади агарчи асарлари бар аммо анинг аруз илмиға дахли йўқтур. *Мезонул-авзон*, 60-Т.

БУДЛУҒ [بودلوغ] – борлиғ:
Сизга не сон не ҳисоб-у не вужуд,
Будлуғ туҳмат қилиб аммо набуд. *Лисонут-тайр*, 240-Т.

БУЁН [بویان] – бу тараф, бўёк:
Қил буён жавлон ким жонни хоксоринг айлайин,
Бошинга эврулгали кўпкан ғуборинг айлайин. *Бадойиул-васат*, 354-Т;
Майлини доим кўрур эрдим буён,
Ким йиқилмак айламиш ҳоло аён. *Лисонут-тайр*, 270-Т.

БУЖАҲЛЛИҚ [بو جهللیق] – Абу Жаҳлга монанд; қайсарлик; жоҳиллик:
Ё шараф ганжига топиб аҳллиқ,
Салб қилса сийрати бужаҳллиқ. *Лисонут-тайр*, 245-Т.

БУЗ- [بوز] – 1. вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ:
[Афросиёб] Балхни бузуб кўп ғанойим била мулкига қайтти.
Тарихи мулуки ажам, 16-210;
2. тор-мор қилмоқ, енгмоқ, ғалаба қилмоқ:
Баҳром... Журжон навоҳийсида хоқонға шабихун уруб оз киши била уч юз минг черикин бузуб ўз илки била [хоқон] бошин чопти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-236;
Олди шаҳлар мулкини чокарлари,
Куфр уйини бузди динпарварлари. *Лисонут-тайр*, 16-236;
3. йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ; ранжитмоқ:
Ганж умидиға фиғонлар кўргузуб,
Лек ул уммид ила ўзни бузуб. *Лисонут-тайр*, 80-Т;

Эй Навоий ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,
Ҳар хироши ким унунг зоҳир қилур афғон аро. *Ғаройибус-сиғар*, 42-Т;

4. аҳддан қайтмоқ, онтидан қайтмоқ:
Эй кўнгул даҳр аҳлиға йўқ ваъда ву паймон дуруст,
Неча куйгунг сен дағи уз ваъда буз паймонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 422-Т.

БУЗКУШ [بزکش] – сўювчи, қассоб:
Шайх деди яхши кўр анинг карами эмасму ким бир бузкуш ўғли бузурглар садрида ўлтурғай ва туфраққа кирмагай ва девор анинг устига йиқилмағай...
Насойимул-муҳаббат, 182-Т;
Ким зиҳи хуш-соат-у фархундаҳол,
Ким қачон бир бузкуш ўғлиға сақол. *Лисонут-тайр*, 232-Т.

БУЗМАҚ/БУЗМАҒ [بوزماق / بوزماغ] – бузиш, вайрон, хароб қилиш:
Аниият уйин бузмақ бобида ким фано зовиясин тузмакдур.
Ғаройибус-сиғар, 532-Т;
Ҳақни ўзидин мутанаффир қилмак ва элнинг қабулин ўзидин бузмакда моҳир эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 58-Т;
Бу шакл бирла жаҳон бузмағи яқин гар эмас,
Улуста ҳар тараф ошуб-у ибтилоға боқинг. *Наводируш-шабоб*, 357-Т.

БУЗУЛ- [بوزول] – 1. вайрон бўлмоқ, инқирозга учрамоқ, ҳукмронлиги туга-моқ:
Ҳофиз Шарбатий... Султон Абу Саид Мирзонинг Ироқда бузулғанида Маккага бориб мужовир бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 36-Т;
Навоий асру бузулмиш боқиб иноят ила,
Анинг бузуғлуғини бир кўз учи бирла яса. *Наводируш-шабоб*, 6-Т;

2. шикаста бўлмоқ, ғам-андуҳга тўлмоқ, хафа бўлмоқ:
Эй алифдек қоматнинг майли бузулған жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро. *Ғаройибус-сиғар*, 41-Т;
Шаҳ алтоф ила борчасин шод этиб,
Бузулған кўнгулларни обод этиб. *Садди Искандарий*, 253-Т;

3. айнимоқ, бузулмоқ:
Соқиё ул шўхнинг жомин риоят айлагил,
Ким бузулмиш май чиқиб бошиға дасторида печ. *Фавойидул-кибар*, 101-Т;

4. жони узилмоқ, вафот этмоқ:
Зол чархи киби тани бузулуб,
Риштаи жони торидек узулуб. *Сабъаи сайёр*, 10-113.

БУЗУР [بوذر] – уруғ, дона, базр:
Чун ҳабибим чеҳра очти шавқ ўтиға кўйдилар,
Бузур ўлсун ёки Салмон ё Анас ёхуд Шуъайб. *Наводируш-шабоб*, 51-Т.

БУЗУРГ [بزرگ] – катта, улуғ, буюк; ҳурматли:
Саъдиддин Қошғарий ким... Муҳаммад Асаддек бузурглар суҳбати шарафиға дағи мушарраф бўлур эрдилар.
Хамсатул-мутақаййирин, 15-12;
Мавлоно Мирхонд... Балх Куббатул-исломнинг мутааййин донишманди ва бузурги эрди. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т.

БУЗУРГВОР [بزرگوار] – улуғвор, ҳурматлн, атоқли:
Бу фақир ул бузургвор суҳбатиға етар эрдим кўп илтифотлари бор эрди.
Мажолисун-нафоис, 32-Т;
«Нафаҳотул-унс» китоби туганди ва ул еоҳибдавлат саъйидин бу бузургворлар исми олам сафҳасида қолди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-50;

~ **и олиймиқдор** – улуғвор, юксак қадрли:
Мундақ бузургвори олиймиқдор «Баҳористон» отлиғ китобида ким саккиз равза очибдур. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т;

~ **и рафиъмиқдор** – юксак мартабали шахс:
Фақир иккаласи бузургвори рафиъмиқдорға ниёзмандлиғ ва гадолиғ юсидин татаббуъ қилиб мен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 183-Т.

БУЗУРГЗОДА [بزرگزاده] – улуғзода; олий мартабали; асилзода:
Алар муборак сафар азимати қилурда бузургзодалардин бирига зикр таълимин деган экандурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 242-Т;
Мавлоно Бурҳониддин Ҳирий шаҳрининг бузургзодаларидиндур.
Мажолисун-нафоис, 134-Т.

БУЗУРГЛУК [بزرگلوک] – буюклик, улуғлик:
Жамъи эътироз қилдилар ки бу манзилат ва бу бузурглук била бир гўдакка мунча таъзим қиладир. *Насойимул-муҳаббат*, 21-Т;
Андақ ки Жунайддин сўнгра ани Жунайд ўрниға ўлтурттилар бузурглукдин.
Насойимул-муҳаббат, 84-Т.

БУЗУРГМАНИШ [بزرگ منش] – баланд ҳиммат, олий ҳиммат, олий табиат:
Мавлоно Хусравий даъвийлиқ ва бузургманиш ва тундхўй киши эрди.
Мажолисун-нафоис, 51-Т;
Мавлоно Юсуф... бот бузургманиш ва мутасаввир йигит бўлди.
Мажолисун-нафоис, 65-Т.

БУЗУРГМАНИШЛИҚ [بزرگ منشایق] – олийҳиммат лик, олийтабиатлик:
Сайид Ғиёсиддин... улвий нисбадин тазвир ва бузургманишликда беихтиёр тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 147-Т.

БУЗУҚ/БУЗУҒ [بوزوق / بوزوغ] – 1. вайрона, харобот:
Не тонг агар ўқибу вайрон кўнгулга роғибдур,
Қуруғ ниҳол бузуг боғ аро муносибдур. *Бедойиул-васат*, 131-Т;
Не кўкка, не куёшқа инса бошим,
Бузуқ уй бўлса кўк равшан куёшим. *Вақфия*, 14-246;
Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнған кибидур,
Тош ким ёғдурур ул шўхи ситамгар манга. *Ғаройибус-сиғар*, 36-Т;
2. бузуқ жой, вайрона, хароба:
Агар қасри заррин эрур гар бузуқ,
Баробар қилур партавидин ёруғ. *Садди Искандарий*, 65-Т;
Туна кунгача эрдим зор-у ғамкаш,
Йиқилған бир бузуғ нчра мушавваш. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т.
3. ишдан чиққан, тартибсиз:
Ём отлари била ёмхоналар иши бузуқдур. *Муншаот*, 14-194;
4. фисқ-фужурли; фоҳиша:
Қари қаҳба гулгуна-у вусма била юзу қошлиғ – бузуқ мафсақадур.
Маҳбубул-қулуб, 14-106;

~ **кунгул** – гамли, гамгин, андуҳли, қайғули, ғуссали, жароҳатли:
Ани ул нағма лаҳни зор қилди,
Бузуғ кўнглига беҳад кор қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т;
Борди Жайпур оллиға шодон,
Ки бузуқ кўнглунг бўлди ободон. *Сабъаи сайёр*, 10-263;

~ **экин** – ҳайдалган, экишга тайёрланган, шудгор қилинган:
Етишти косид-у йўқ анда ёрнинг рақами,
Бузуқ экинга булут келди ву йўқ эрди нами. *Муншаот*, 14-197;

~ **эт-** – бузуғ этмоқ, бузмоқ:
Рўзгоринг бузуғ эткан эса чарх,
Сен ким- у айламак ани ислоҳ. *Бадойиул-васат*, 82-Т.

БУЗУҒЛУҒ /БУЗУҒЛУҚ /БУЗУҚЛУК [بوزوغلوغ / بوزوغلوق / بوزوقلوق] – 1. вайроналиклик, харобагар-чилик; бузуқлик:
Кишвари хотирима мунча бузуғлуғлар эрур,
Барчаси хайли муҳаббат қадамидин ораз. *Фавойидул-кибар*, 273-Т;
Ким бузса бузуқлукка сазовор ўлсун,
Ҳақ лаънат-у қаҳриға гирифтор ўлсун. *Вақфия*, 14-270;
Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд. *Ғаройибус-сиғар*, 119-Т;
Навоий усру бузулмиш боқиб иноят ила,
Анинг бузуғлуғини бир кўз учи бирла яса. *Наводируш-шабоб*, 6-Т;
2. бузуқлик:
Бузуғлуқ эй фалак кўргуздунг охир,
Бузулған хотиримни буздунг охир. *Фарҳод ва Ширин*, 450-Т;
3. нотинчлик, ғулғула:
Яна зулфунг бузуғлуғ солди кўнглум хону монинда,
Йилан андақ ки солғай қузғалан қуш ошиёнинда. *Наводируш-шабоб*, 530-Т;
~ **қил-** – бузуқлиқ қилмоқ:
Навоий чун ўлар эй сарсари ох
Бузуғдуқ қилғали даврон сари эс. *Фавойидул-кибар*, 234-Т;
[Навдар] ўн икки йил Эрон мулкида туруб бузуғлуқ қилди.
Тарихи мулуки ажам, 16-203;
~ **қа юз қўй-** – бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, харобага айланмоқ;
Хуросонда Нишопурдур ким ани Таҳмурас бунёд қилиб эрди туганмасдан бурун юз бузуқлукка қўйди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-225.

БУЙРУҒ/БУЙРУҚ [بويروغ / بويروق] – амр, фармон:
Аҳли савдо эшитур ҳар не кўнгул деса ки бор,
Шиҳна буйруғиға бозор-у дукон ичра нафоз. *Фавойидул-кибар*, 132-Т;
Агар ёмон агар яхши кимса йўқ озод,
Недин ки буйруғи яхши ёманғадур нофиз. *Наводируш-шабоб*, 129-Т.

БУК- [بوک] – букмоқ, қистирмоқ, эгмоқ:
Бўрка учин ичкари буккан аён,
Ҳирс-у ҳаво кушлариға ошён. *Ҳайратул-аброр*, 7-268.

БУКАН- [بوکان] – буканмоқ, бурканмоқ, ёпинмоқ:
Бир манзил Нишобурдин Дизбодғача ки ёғин ёғадур эрди икки буканиб ҳадис жузвин кўксумда тутуб борибмен. *Насойимул-муҳаббат*, 210-Т.

БУКО [بکاء] – йиғи, йиғлаш; ~ **и муфрит**– қаттиқ йиғи, ҳаддан ортиқ йиғи:
Агар букои муфрит юзланса ишининг гуфториға далолат қилур аларға бу ҳол юзланибдур. *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*, 15-99.

БУКРАЙ- [بکرای] – букилмоқ, эгилмоқ, букраймоқ:
Чарх шабгардига гўё накди умрингдур гараз,
Тегрангга ҳар кун ки икки букрайиб айланадур. *Ғаройибус-сиғар*, 138-Т.

БУКУЛ- [بوکول] – энгашмоқ, эгилмоқ, букилмоқ:
Қатъ этиб йўлни яёқ атфол ҳам,
Ҳар тараф икки букулган зол ҳам. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Қади икки букулган пирзоли,
Фалак золи киби ҳийлатсиголи. *Фарҳод ва Ширин*, 437-Т.

БУКУЛМАК [بوكولماك] – эгилиш, букулиш (намозда):
Бўлмади тоатқа хам қаддинг йигитликда не суд,
Ракъат эмди ким букулмак айлади бунёд кад. *Фавойидул-кибар*, 125-Т.

БУКУНЛИК [بوكونليك] – бир кунлик, шу бугунлик:
Фирокида букунлик тонглаликмен,
Ғамидин ўйла ким сусиз баликмен. *Фарход ва Ширин*, 467-Т.

БУЛ [بول] – бу, шу (кўрсатиш олмоши):
Бул Рустамдур ким амирул-мўъминин Умар ... Мадойниға Саъд Ваққосни араб черикин бошлатиб йибарганда...
Тарихи мулуки ажам, 16-253;
Бу икки байт бул рукъадиндур. *Хамсатул-мутахаййирин*, 15-31.

БУЛ- [بول] – топмоқ:
Кўнгул худ эттиву жон ҳамдами була олман,
Бу икки лаҳза ки бор ул заиф меҳмоним. *Ғаройибус-сиғар*, 321-Т;
Дема ким булди ажал кирмак учун рахна ву бас,
Ангача йўл дурур киргали минг турлук ғам. *Наводируш-шабоб*, 418-Т.

БУЛАМАҒ [بولاماغ] – буламиқ, буламач (овқат тури):
Баъзи емаклардин қаймағ ва қатлама ва буламағ ва қурутни ҳам туркча айтурлар. *Мухокаматул-луғатайн*, 177-Т.

БУЛАҒО [بلغاء] – сўз усталарн, моҳир адиблар, калам аҳли:
Буҳур ва авзони... давойири илмидин ки араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурлар. *Мезонул-авзон*, 61-Т;
Аммо турк булағоси бу фойидаға таарруз қилиб дурлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 177-Т.

БУЛ-БАШАР [بو البشر] – Одам Ато, ҳазрати Одам:
Бу сабқат ки зотингға берди аҳад,
Санга бул-башар тонг йўқ ўлмақ валад. *Садди Искандарий*, 58-Т;
Бул-башар рухсори чун тутти жамол,
Кавкаби ул нурдин топти камол. *Лисонут-тайр*, 22-Т.

БУЛБОД [بولباد] – сершамол; бузуқ, тартибсиз; зулм:
Жузъ бир киши ким сипеҳри булбод,
Билмас яна бир анинг киби ёд. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т.

БУЛБУЛ [بلبل] – 1. булбул:
Ўйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбул-у тўти киби гуфтор этай. *Лисонут-тайр*, 36-Т;
Дема булбул де они қақнуси зор
Топиб лаҳнидин анинг қақнус озор. *Фарход ва Ширин*, 97-Т;
2. ошиқ:
Чун булбулининг гули шукуфта,
Топти бари халқдин нуҳуфта. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т;
3. дид:
... инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолиға шефта ва руҳи.
Муҳокаматул-луғатайн, 182-Т;
~ **и бедил** – дарди, аламли, мафтун булбул:
Кўкси ичра оташин гул ғунчасининг нақшидур,
Булбули бедилға гўё ким эмас ўтлуғ кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 359-Т;

~ **и гулзори шавқ** – шавқ, иштиёқ гулзорининг булбули:
Чек наво эй булбули гулзори шавқ,
Савти алҳонинг келиб асрори шавқ. *Лисонут-тайр*, 49-Т;

~ **и девона** – телба ошиқ:
Бу ақшом ҳолима шамъ ўртаниб парвона андин кўп,
Чаманда оташин гул булбули девона андин кўп. *Фавойидул-кибар*, 71-Т;

~ **и зор** – зор, фарёдли булбул:
Киргач анга ул шукуфта гулзор,
Кўрдин тикан ичра булбули зор. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т;

~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат булбули:
Даҳр бўстонида бир ҳусн гули очилмас,
Булбули ишқ агар бўлса навосиз не ажаб. *Бадойиул-васат*, 35-Т;

~ **и мажнун** – мажнун, телба булбул:
... ва ўзин булбули мажнундек гулруҳи Лайлиси фироқиға солиб ғам тоғида Фарҳод била ҳамовоз қилмак. *Фарҳод ва Ширин*, 102-Т;

~ **и нолон** – нола қилувчи булбул:
Билмай сени ул гул қувар эй зор Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 462-Т;

~ **и нутқ** – хушовоз, хушсуҳан шоирлар, адиблар:
Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай. *Сабъаи сайёр*, 10-33;
Мутакаллиме ки араб фусаҳоси балоғат гулбонгин сипеҳр гулшанидин ошурғанда анинг булбули нутқи тараннуми била аларни забонбаст ва даъволари овозасин ерга паст қилди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 165-166-Т;

~ **и рух** – жон булбули:
Чоқлар бўлған таним қон лаъли ву кўз дурридин,
Булбули руҳумғадур гавҳарлар ўткарган қафас. *Наводируш-шабоб*, 232-Т;

~ **и худрой** – ўжар, қайсар булбул:
Гоҳ афғонингни тузгил булбули худрой ила,
Гоҳ дилдорингни ёндаштур гули худрў била. *Фавойидул-кибар*, 521-Т;

~ **и хушалҳон** – хушовоз булбул:
Қилди ясағач бу боғи руҳафзони,
Назм аҳли анинг булбули хушалҳони. *Мажолисун-нафоис*, 3-Т;
Гулшане келди жисми инсоний,
Нутқ анинг булбули хушалҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-33;

~ **и хушнаво** – сўз устаси:
Фазл-у камол ҳадиқасининг мардумаки бийноси, такаллум-у мақол ҳадиқасининг булбули хушнавоси... Абул-Ғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ...
Муҳокаматул-луғатайн, 189-Т;

~ **и шабхез** – тунда хониш қилувчи; бедор ошиқ:
Қайснинг ҳажр шабистонида шабнами гулоби юзига сочилғандин кўзи очилғани ва булбули шабхез била ишқ достонлари адосида нола қилғани...
Лайли ва Мажнун, 123-Т;

~ **и шайдо** – шайдо булбул:
Оташин гул теграсида лаългул юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмай булбули шайдо учун. *Ғаройибус-сиғар*, 369-Т;

~ **и шўрида ҳол** – паришон ҳол, бечора булбул:
Не ҳинду тўтийи ширин мақол ул,
Не тўти булбули шўридаҳол ул. *Фарҳод ва Ширин*, 97-Т;

~ **и ғамнок** – ғамгин булбул:
Ҳажрингда юзи сарғарибан дам ура олмас бечора Навоий,
Гўё ки хазон фаслида бебарг-у наводур ул булбули ғаммок.
Наводируш-шабоб, 649-Т.

БУЛБУЛА [بلبله] – май кўзачаси:
Қўй гул-у булбулни гулгун май тўла тут булбула,
То ўкуй булбул мақолотин очиб гул дафтарин. *Ғаройибус-сиғар*, 382-Т;
Сув тарабангез чекиб ғулғула
Уйла ки ишрат нафаси булбула. *Ҳайратул-аброр*, 7-312.

БУЛБУЛВАШ [بلبل وش] – булбулсифат, булбул каби:
Гулда йўқ бўйи вафо шамъда йўқ шуълаи меҳр,
Ўзни булбулваш-у парвона мисол айламангиз. *Фавойидул-кибар*, 216-Т.

БУЛБУЛВОР [بلبل وار] – булбулдек, булбул каби, булбул сингари:
Намудор ичра гулкирдор бўлса,
Такаллум ичра булбулвор бўлса. *Фарҳод ва Ширин*, 496-Т.

БУЛБУЛЛУҒ [بلبل لوغ] – булбуллик; ошиқлик:
Булбуллуғунг ўлса айла парвоз,
Парвоналиғингни қилғил оғоз. *Лайли ва Мажнун*, 353-Т.

БУЛБУЛОЙИН [بلبل آیین] – булбулсифат, булбулдек, булбулга ўхшаш, булбулмонанд:
Чун ғазал гулзорида мажмаъ тузуб,
Булбулойин минг тараннум кўргузуб. *Лисонут-тайр*, 35-Т.

БУЛБУЛЧА [بلبلچه] – булбулдек:
Киши ким сайди доми бўлди бордур,
Анинг оллида минг булбулча бир зоғ. *Наводируш-шабоб*, 659-Т.

БУЛДОН [بلدان] – шаҳарлар; мамлакатлар, вилоятлар, юртлар, ўлкалар: Тужжори саёҳат-шиор ақолим ва булдон ҳолидин хабардор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-34.

БУЛДУРГА [بولدورگا] – қамчи сопидаги илгак, боғич:
... аммо булдургасин ва чубчурғасин туркича айтурлар.
Муҳокаматул-луғатан, 177-Т.

БУЛЖАР [بلجر] – қўшин йиғиладиган жой:
Чу еттик анинг жар-у булжариға,
Шаҳи Рум эли бирла пайкориға. *Садди Искандарий*, 225-Т;
Черикка айлабан миод-у булжар,
Тавачи ҳар тараф еткурди улжар. *Фарҳод ва Ширин*, 196-Т;
Бухородин Марвға етканда кофила икки фариқ бўлдилар. Ва баъзи Машҳади мукаддас равзи сари майл қилдилар ва баъзи Ҳират сари мутаважжих бўлдилар. Бу булжар била ки Нишобурда бир бирларига қўшулғайлар.
Насойимул-муҳаббат, 321-Т.

БУЛАҒ/ БУЛАҚ [بولاغ / بولاق] – 1. булоқ, чашма:
Эй Навоий бу биёбон қатъин осон айладинг,
Ашкдин мундақ ки ҳар манзилда чектинг юз булақ. *Наводируш-шабоб*, 311-Т;
Ул навъ ким ети йил ёғин ёғмади дағи рудхона ва булағлар қуруди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-108;
Хаёлин этти Навоий бошинда манзилга,
Недин ки бир тепада жори ўлди икки икки булағ. *Наводируш-шабоб*, 299-Т;

Бўлуб икки кўзи наззора чоғи,
Нечук ким нафтнинг ўтлуғ булағи. *Фарҳод ва Ширин*, 208-Т;

2. кўз:
Дойим юзунг хаёли Навоий кўзиндадур,
Гойиб эмасдурур пари анинг булағидин. *Бадойиул-васат*, 343-Т.

БУЛТУР [بولتور] – ўтган йил, бултур:
Ўлса деб эрдинг Навоий тиргузай васлим била,
Бултур ўлганлар била ани баробар бўлди тут. *Бадойиул-васат*, 54-Т.

БУЛТУРҒИ [بولتورغی] – бултурги:
Бўлмангиз мағрури хусн эй шўхлар ким боғаро,
Сиз каби бултурғи гуллардин бири пайдо эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 193-Т.

БУЛУК [بلوک] – шаҳар атрофи, қишлоқ, кент:
Сабғур булукида Сабада Равон кентида икки қитъа узум боғи ҳам бир бирига туташ... *Вақфия*, 14-266;
Ва маҳдудот ким шаҳар тавобиъидадур Олинжон булукида Фаррошон мавзиида йигирми беш жериб боғ... *Вақфия*, 14-266;
... булуклар кент бакент бу навъ амал қилсалар. *Муншаот*, 14-188.

БУЛУКОТ [بلوکات] – бўлаклар, қисмлар, гуруҳлар:
Шаҳрда таъйин қилинур булукот улуғларин Хожа Фахриддин янглиғ барча бу дастур била мукаррар қилинса. *Муншаот*, 14-188.

БУЛУТ [بولوت] – булут, абр:
Гар кўзум ёшиға ул гул мултафит бўлмас не ғам,
Гул булутдин тозадур сероб эмас гулдин булут. *Ғаройибус-сиғар*, 80-Т;
Саросар ул булут гавҳар ародур,
Ки найсоний булут янглиғ қародур. *Фарҳод ва Ширин*, 97-Т;

~ **бухтиси** – чексиз қора булут, чақмоқ чақувчи ҳадсиз булут:
Араб теваси ҳудий лаҳни била бодия қатъида тез бўлур, ... булут бухтиси раъд садосидин соиқаангез. *Маҳбубул-қулуб*, 14-31;

~ **мамуғи** – булут уюми, пахта (хирмонига ўхшаш) булут уюми, тўп-тўп оқ булут:
Агарчи эрур мушак отмақ иши
Булут мамуғин ўртай олмас киши. *Садди Искандарий*, 124-Т.

БУЛУТЛУҚ [بولوتلوق] – булутлик:
Сунбулунгни тараганда гул уза тонгдур арақ,
Ким булутлуқ кечанинг албатта бўлмас шабнами. *Ғаройибус-сиғар*, 493-Т.

БУЛУҒ [بلوغ] – балоғат, йигитлик, вояга етиш:
Ҳар не бу дайр ул дегандекдур якин,
Булуғ-у уллуғ бўлуб рафъ ўртадин. *Лисонут-тайр*, 178-Т;
Ва чун Султон Валад булуғ ҳаддиға етти. *Насойимул-муҳаббат*, 305-Т.

БУЛФУЗУЛ [بو الفضل] – сергап; кераксиз, беҳуда, қўлидан келмайдиган ишлар билан шуғулланувчи:
Ҳар бирининг ҳалқаси топиб вусул,
Тавқда малъун бўлуб ул булфузул. *Ҳайратул-аброр*, 7-103.

БУЛЪАЖАБ [بو العجب] – ажойиб, ғаройиб, ҳайрон қоларли:
Ул пари кўнгли учун руҳум асиру зор эрур,
Булъажаб таши қанотсиз кушға пидруфтор эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 129-Т;
Туркнинг асли хилқатда сартдин табъи мулойимроқ эрканга мундин булъажабрақ тануғ йўқдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;
Анга етмай бу сўзни сўрдунг сен,
Булъажаб иш манга буюрдунг сен. *Сабъаи сайёр*, 10-83;
~ **қил-** – ҳайратда қолдирмоқ:
Замонда булъжаб осиблар солмиш фалак то ким
Бу янглиғ ул замон ошуби таврин булъажаб қилмиш. *Бадойиул-васат*, 196-Т.

БУЛЪАЖАБВАШ [بو العجب وش] – таажжубланарли; ғалатироқ:
Деди ул булъажабваш одамизод,
Ки кўргач ани кўнглум бўлди ношод. *Фарҳод ва Ширин*, 350-Т.

БУЛЪАЖАБВАШЛИҚ [بو العجب وشلیق] – таажжубнамолик; таажжубланарли; кизикарли:
Эй сабо кўнглум не етти кўйида ким айлар эмиш
Булъажабвашлиқлар ул ошуфтаи расво басе. *Бадойиул-васат*, 425-Т.

БУЛЪАЖАБЛИҒ/БУЛЪАЖАБЛИК [بو العجبلیق / بو العجبلیغ] – ажойиблик, ғаройиблик:
Булъажаблиғлар дурур ишқ ичра ким ақл англамас,
Йўқ эса исиғ кўнгул оҳи недин бўлғай совук. *Наводируш-шабоб*, 320-Т;
Ҳиндуйи зоҳир қилиб нақшу нигор,
Айлади кўп булъажаблиғ ошикор. *Лиоснут-тайр*, 61-Т;
Аён ҳолингда кўп кўп булъажаблик,
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблик. *Фарҳод ва Ширин*, 297-Т;
Булъажаблиғ ишқ аро кўргул ки кўнглум чекса оҳ
Захми оғзидин мушаъбиддек сочар ҳарён ўтин. *Ғаройибус-сиғар*, 386-Т;
Ҳар бири табъи ичра юз найранг,
Булъажабликқа айлабан оҳанг. *Сабъаи сайёр*, 10-45.

БУЛЪАЖАБСОЗ [بو العجب ساز] – ажаблантирувчи, таажжублантирувчи:
Учунчида тилисми булъажабсоз,
Бу иккидин дағи мушкилрак ул роз. *Фарҳод ва Ширин*, 189-Т.

БУЛҒА- [بولغا] – 1. аралаштирмоқ, ботирмоқ, қориштирмоқ:
Чин айта олур тилни ёлғанға булғама. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124;
Тун қирға булғабан қўлини,
Берк айлар эди саҳар йўлини. *Лайли ва Мажнун*, 306-Т;
2. расво қилмоқ, ифлослантирмоқ:
Италгуга туғдорининг кучи етмаса сўнгги била ани булғар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-107;
Ким йигитликка қилур тавба йигитлик улдур
Қари булғар соқолин қилса қадаҳпаймолик. *Наводируш-шабоб*, 315-Т.

БУЛҒАН- [بولغان] – 1. аралашмоқ; булғанмоқ; бесаранжомликка тушмоқ:
Ё ғоят ўсруклукидин булғанадур,
Ул маст киби ки булғанур тўлғанадур. *Ғаройибус-сиғар*, 545-Т;
2. ифлос бўлмоқ; харом бўлмоқ:
Ул кўз оллида мукалкал кўзлари ҳусн аҳлкининг,
Кулга булғанган сурук девоналардур гулхани. *Наводируш-шабоб*, 586-Т;

3. номи булғанмоқ, бузуқилик қилмоқ, бузуқ йўлга кирмоқ.
Хожа ким биби борида додакка айланғай бибининг иффат этаги кулга булғанғай. *Маҳбубул-қулуб,* 14-106

БУЛҒАНЧУҒЛУҚ [بولغانچوغلوق] – булғанчиқ; тўс-тўполон; фитналик:
Ривоятдур ки Ҳизқил а.с.дин сўнгра бани Исроил аросида миллат ҳайсийятидин кўп бўлғанчуғлуқ воқиъ бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-152.

БУЛҒАТ- [بولغات] – булғатмоқ, безовта қилмоқ, кийнатмоқ:
Ҳасм неча ҳақир бўлса кўнгул кўзғатур ва хас неча ушоқ бўлса кўз булғатур.
Маҳбубул-қулуб, 14-121.

БУЛҒАШ- [بولغاش] – аралашмоқ, булғашмоқ; тўполон кўтармоқ:
Юзга солса кўнглум аҳволин манга йўқтур гуноҳ,
Кўз ёшим ким булғашиб чиқса бағир қон била. *Наводируш-шабоб,* 561-Т;
Демас мен ки қўзғалди олам эли,
Ки бўлғашти бу сабзторам эли. *Садди Искандарий,* 190-Т.

БУЛҒАҒ [بولغاغ] – тўполон, ғала-ғовур, тўс-тўполон, ғавғо, фитна:
Дема кўнглунг мулки қай чоғдин бу навъ ўлмиш хароб,
То бу кишвар аҳлиға тушти фироқинг булғағи. *Бадойиул-васат,* 428-Т;
... ва кўнгул мулки халқ ҳужуми булғағида ва гоҳ аморат маснадида ўлтурдум.
Маҳбубул-қулуб, 14-10.
Мавлонони Тансўфи булғағида Хоразмда Ўзбек шаҳид қилди.
Мажолисун-нафойис, 10-Т.

БУЛҲАВАС [بو الهوس] – 1. ҳавасга берилган, ҳавас қули; енгилтак:
Бода беранжи хумор эрмиш фано жомида, лек
Ичмак они келмамиш ҳар булҳаваснинг шониға. *Ғаройибус-сиғар,* 399-Т;
Мунофиқ булҳаваслар ҳарзаси тундбоди совурмақтин сақлағучи.
Маҳбубул-қулуб, 14-84;
2. орзули, ҳавасманд, ишқибоз:
Вале шаҳ керак бўлмаса булҳавас,
Иши бўлса шаҳлиғ хаёли ву бас. *Садди Искандарий,* 507-Т;
Учмағ-у зоҳид тамуғ-у булҳавас,
Бўлса ҳавас ёр Навоийға бас. *Ҳайратул-аброр,* 7-142.

БУЛҲАВАСЛИҚ [بو الهوس ليق] – ҳавасга берилишлик, енгилтаклик; беқарорлик:
Мужда бер эй шайх ким тортиб надомат оҳини,
Булҳаваслиқ жузв авроқини барбод айладим. *Наводируш-шабоб,* 411-Т.

БУМ I [بوم] – 1. ер, жой, замин, манзил; мамлакат, диёр:
Бу хатарлиқ бумдин кетмак керак,
Каъба водисиға азм этмак керак. *Лисонут-тайр,* 123-Т;
Ким матофи эрди бир бегона бум,
Айласа маълум ул бум эрди Рум. *Лисонут-тайр,* 94-Т;
2. шаҳар:
Ки обод-у бум ичра воқеъ дурур,
Жазойир ки анда мазориъ дурур. *Садди Искандарий,* 451-Т;
~ **марз-у бум** – мамлакат:
Кўнгли мулкига ғам ҳужум этти,
Балки торожи марз-у бум этти. *Сабъаи сайёр,* 10-119;
~ **и манҳус** – бадбахт, наҳсли замин:
Мен-у хайлим нечук ким буми манҳус,
Бўлуб бир ғор аро тоғ ичра маҳбус. *Фарҳод ва Ширин,* 419-Т.

БУМ II [بوم] – бойкуш:

Бузуғ кўнгул аро ишқинг чу кирди қочти хирад,
Бу аждаҳони кўруб бум қўйди ўз ватанин. *Фавойидул-кибар*, 436-Т;
Вале юз мунча гар нур ўлса маълум,
Не маълум айлагай хуффош ила бум. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т.

БУН [بن] – таг, ост:

Наҳанге дурур солхўрду кўҳун.
Бу дарёға сайр айлаган авж-у бун. *Садди Искандарий*, 401-Т;
Дайр эрди биноси бесар-у бун,
Ўйла ким бу рафъи дайри куҳун. *Сабъаи сайёр*, 10-187.

БУНГОҲ [بنگاه] – лашкаргоҳ, кўшин қароргоҳи:

Барин айлабан нукл бунгоҳға,
Будур арзимиз ким дедук шоҳға. *Садди Искандарий*, 427-Т;
Узакач халойиқ била шоҳни,
Ҳам ул нақб уза чекти бунгоҳни. *Садди Искандарий*, 270-Т.

БУНДУР [بندر] – алдармон, илинтириш, тузоққа илинтириш:

Хол-у зулфиға кўнгул берманг ким
Қушни бундур этар ул дона-у дом. *Бадойитул-васат*, 11-Т.

БУНЁД [بنیاد] – асос, негиз, пойдевор:

Жаҳон касриғадур су узра бунёд,
Чу йўқ бунёди андин бўлмағил шод. *Наводируш-шабоб*, 657-Т;
Бурунрақ солиб турфа бунёд анга,
Бериб зикр або ву аждод анга. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;

~ **и амал-** – амал бунёди:

Чиққач айтиб сўзлар ул олиймаҳал,
Қилди мусҳил дағи бунёди амал. *Лисонут-тайр*, 160-Т;

~ **и бедод** – жабр, ситам асоси:

Ишқ чун бунёди бедод айлаган,
Дин-у имонимни бедод айлабан. *Лисонут-тайр*, 114-Т;

~ **и хайр** – эзгулик, яхшилик бунёди:

Яна қатла оламни сайр айлади,
Мамоликда бунёди хайр айлади. *Садди Искандарий*, 151-Т;

~ **бўл-/ўл-** – вужудга келмоқ, пайдо бўлмоқ:

Ифрот кўргузмакдур ки бошиға салтанат ҳавоси бунёд бўлғай.
Маҳбубул-қулуб, 14-75;

Бу букъаи то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди. *Вақфия*, 14-259;

~ **айла-/эт-/қил-** – 1. юзага келтирмоқ, вужудга келтирмоқ, пайдо қилмоқ, қурмоқ:

Ўртанур эл фурқатингдин нола бунёд айласам.
Қўзғалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам. *Муншаот*, 14-161;
Шаҳ нуктасидин халқни қил шод эмди,
Мақсудни яъни айла бунёд эмди. *Назмул-жавоҳир*, 15-136;
Истабан Тенгридин сўзумга кушод,
Достон тарҳин эткамен бунёд. *Сабъаи сайёр*, 10-76;
Фалак давридин ранжамен соқиё
Кел эмди қадаҳ даври бунёд қил. *Наводируш-шабоб*, 368-Т;

2. ёзмоқ; киришмоқ, жазм этмоқ:

Фақир ул рисоланнит аввал саҳифасин очиб хутбасин ўкумақ бунёд қилдим.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-15;

~ **қўй-** – асос солмоқ:
Мавлоно хидматларининг иноят ва хилофатлари Чалабий Ҳусомуддинға мунтақал бўлди ва шиқбозлиғ анинг била бунёд қўйдилар.
Насойимул-муҳаббат, 305-Т.

БУНЁДСИЗЛИҒ [بنيادسيزليغ] – пайдо бўлмаслик, вужудга келмаслик:
... Даҳр эви бунёдсизлиғида ким бир тўда туфрағдурурсу ичинда.
Фарҳод ва Ширин, 459-Т.

БУНЧА [بونچه] – бунча, бунчалик:
Ҳақим иносни комил дебтур ани,
Ки бўлғай зотида бунча хислат. *Наводируш-шабоб*, 692-Т;
Олам асбоби учун ғам емагил:
Арзимас бунчаға олам гўё. *Фавойидул-кибар*, 33-Т.

БУНЯ [بنيه] – киши табиати, яратилиш, борлик:
Ҳар кишиға ишқ-у ҳиммат бўлса ёр,
Буня ву тан заъфиға не эътибор. *Лисонут-тайр*, 137-Т.

БУР- [بور] – бурмоқ; букмоқ:
Турк алфозининг возиъи асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузвъий мафхумот учун алфоз вазъ қилибдур ки... бўсмак, бурмак, турмак, тамшимақ...
Муҳокаматул-луғатайн, 170-Т.

БУРАҲНА [برهنه] – яланғоч:
Алқисса бир бузуқта Имомни топмиш ким паришон зоҳир била сочи тирнағи етилган чапон кийиб сарпо бураҳна қибла сари мутаважжиҳ Қуръон ўқуб ўлтуруб эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 59-Т.

БУРГУТ [بورگوت] – ов қуши, бургут:
Юқоридин инди икки бургут,
Қилдилар икки ҳамомани кут. *Лайли ва Мажнун*, 321-Т;
Кирди бургут ўртаға яъни уқоб,
Деди эй қушлар аро моликриқоб. *Лисонут-тайр*, 77-Т.

БУРД [برد] – ирода; бирсўзлик:
Ўт ки шайъи муҳриқдур ва ўт мурур маъноси била ва ўт муқаммирға бурд жиҳатидин амр ва ут ки баридин ўқ ҳаракатдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;
Вале Қаландар ошуфта киши эрди бурд лафзидин аччиғи келур эрди.
Мажолисун-нафоис, 52-Т.

БУРДА- [بورده] – майдаламоқ, бўлакламоқ; ~ **ған** – қийма:
Мунунг юзида май бати лаъли ноб,
Ичинда анинг бўрдаған бат кабоб. *Садди Искандарий*, 229-Т.

БУРДБОР [بردبار] – бардошли, чидамли, сабр-тоқатли, матонатли:
Баъзи карим ахлоқ ва бурдбор подшоҳи олиймиқдор комқор дарёйи мадҳиға ботибдурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-97;
Бурдбор-у малаквашқа итоатдурур иш,
Шўх шайтонсифат эшитса не сўз бош чекар. *Фавойидул-кибар*, 699-Т.

БУРДБОРЛИҒ/БУРДБОРЛИҚ [بردبارليغ / بردبارليق] – бардамлик, сабртоқатлик, вазминлик:
Яна хилм-у бурдборлиғдур ким бу тойифаға ҳар кимдин ҳар шиддат етишса алар лутф-у мудоро била ўткарурлар ва муқобалада миннатдорлиғ била узр қўларлар. *Насойимул-муҳаббат*, 8-Т;

Ҳар киши таҳаммул ва будборлиғни ўз шиори қилса Тенгри ани бизинг суҳбатимизға еткургай. *Насойимул-муҳаббат*, 334-Т;
Яна бири таҳаммул ва бурдборликдур ким ҳар кишидин ҳар не аларға етишса ким филвоқиъ нафси амрда қатиғ бўлғай...
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-94.

БУРЖ I [برج] – 1. бурж куёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири: Ҳамал, Сабр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мизон, Акраб, Қавс, Жади, Далв, Ҳут:
Ўн икки поялиғ бир тахти олий,
Ўн икки бурж анга гардун мисоли. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т;
Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди кўр ким қавс буржидин туғубтур офтоб. *Ғаройибус-сиғар*, 59-Т;
2. ўрин, жой, манзил:
Девонаға қолди ғам туни дард,
Ўз буржиға чиқти моҳи шабгард. *Лайли ва Мажнун*, 309-Т;
~ **и об** – жадй, далв, ҳут буржлари; қиш, ёғин ойлари:
Куёшдек сайрда бордур шитоби,
Ки бар дам манзил эткай буржи оби. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;
~ **фархундафол** – бахтли бурж, бахт келтирувчи:
Аларға бу ерга етишкач мақол,
Тулуъ айлади буржи фархундафол. *Садди Искандарий*, 448-Т;
~ **и шараф** – шараф буржи:
Оразинг хуршиди келди ахтари буржи шараф
Даврида хатт шоми мушкосо юз урмиш ҳар тараф. *Наводируш-шабоб*, 304-Т;
~ **и ҳаё** – шарм, ҳаё буржлари:
Қайси дур ул дуржи вафо гавҳари,
Қайси гуҳар буржи ҳаё ахтари. *Ҳайратул-аброр*, 7-36.

БУРЖ II [برج] – қалъа деворининг чўққиси, минора; шаҳар деворининг бурилиш жойларига куриладиган ва соқчилар турадиган қоровулхона:
Ясаб хандақ ташида бору ву бурж,
Париваш қўрғонининг нақдиға дурж. *Фарҳод ва Ширин*, 362-Т;
~ **у бору** – қалъа соқчилари қоровулхоналари ва деворлари:
Ясаб устида бурж-у бору дағи,
Аду дафъин этмакка кўшиш чоғи. *Садди Искандарий*, 244-Т;
~ **у кох** – қалъа ва сарой:
Дўстлар даҳр вафосини хаёл айламангиз,
Бурж-у кохига тамаъ ғайри завол айламангиз. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

БУРЖЛУҚ/БУРЖЛУҒ [برج لوق / برج لوغ] – буржлик, миноралик; чўққилнк, фалак буржлари:
Снпехр эмин эмас манжаниқи оҳимдин,
Ўн икки буржлуқ ушбу бийик ҳисори ила. *Ғаройибус-сиғар*, 421-Т;
Ўн икки буржлуқ гардун ҳисори
Ҳаводис тошидин то бўлса ори. *Муншаот*, 14-151.

БУРКА- [بوركا] – буркамоқ, ёпмоқ, ўрамоқ, чулғамоқ:
Боғ аро хат ичра оғзингдин қизариб сарғариб,
Ғунча зангори либоси бирла бошин буркади. *Фавойидул-кибар*, 571-Т.

БУРНА [بورنا] – аввал, илгари, олдин, бурун:
Ҳаво хуштурур тут қадаҳ ёр ахи,
Қадаҳни ўзунг бурна сипқар ахи. *Бадойиул-васат*, 456-Т;

Ўлардин бурна ўлмак недур бу,
Бошим юз тиғ ила бўлмак недур бу. *Фарҳод ва Ширин*, 449-Т.

БУРНАҒИ [بورناغی] – олдинги, аввалги, илгариги, ўтган даврдаги:
Раво кўрмакин анга маҳрумлуқ
Эрур бурнағидин батар шумлуқ. *Садди Искандарий*, 367-Т;
Ҳамул шоҳона базми ишратанжом
Тузулди ул сифат ким бурнағи шом. *Фарҳод ва Ширин*, 223-Т;
Ваъда қилдинг ҳам вафо ҳам қатл-у парво қилмадинг,
Қил вафо ваъдангға ёхуд бурнағи ё сўнграғи. *Бадойиул-васат*, 428-Т.

БУРНО [بورنا] – ўспирин, ёш; йигит; ~ **и ситеза** – йигитлик ғурури:
Қилиб хороға бурнойи ситеза,
Уруб зарб айлар эрди реза реза. *Фарҳод ва Ширин*, 296-Т.

БУРОҚ [براق] – Бурок (афсонавий учар от бўлиб, диний эътиқодга кўра гўё Муҳаммад Меърож туни унга миниб Маккадан Байтул-муқаддасға ва ундан осмонга кўтарилган экан):
Бу шориъ бирла топқан йўл яраки,
Етиб манзилға андақ ким буроқи. *Фарҳод ва Ширин*, 89-Т;
Тушуб бўлғач оромгоҳи висоқ,
Топиб пайк-у жаннатқа элтиб буроқ. *Садди Искандарий*, 69-Т;

~ **и барқваш** – чақиндек тез чопқир:
Ул шаҳсувар васфида ким қаронғу тунда тира хокдондин буроқи барқваш узра чиққани... *Фарҳод ва Ширин*, 89-Т;

~ **и барқрав** – чақмоқдек тез чопқир:
Бу рахш ки барқи гармравдур,
Йўқ йўқ ки буроқи барқравдур. *Лайли ва Мажнун*, 47-Т;

~ **и барқхез** – чақмоқдек тез чопар от:
Элгида эрди буроқи барқхез,
Барқ анинг бирла кила олмай ситез. *Лисонут-тайр*, 23-Т.

БУРОҚХИРОМЛИҚ [براق خراملیق] – буроқдек хиромон юришлик:
Ул мусофири баводийпаймо балки ул рокиби самовотпаймо меърожи кечасининг таърифи ким буроқи барқгомлиқ ва пайки буроқхиромлик қилди. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

БУРРОН [بران] – кескир, ўткир:
Ул ой қаслдима тиғи буррон чекиб,
Мен оллида шукронаға жон чекиб. *Ғаройибус-сиғар*, 75-Т.

БУРРОНЛИҚ [برانلیق] – кескирлик, ўткирлик:
Булар устида тиғи обдори,
Келиб бурронлиқ ичра зулфикори. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т.

БУРТАҚ/БУРТАҒ [بورتاق / بورتاغ] – эгри-бугри, пасту баланд, нотекис; тошлоқ, бузуқ тор йўл:
Етмаклик эрур мушкил мақсадга недин ким бор
Кўз хира ву тун тира от оқсоғ-у йўл буртак. *Бадойиул-васат*, 247-Т;
Кўз оч ашки надомат соч ўз аҳволингға ким бордур
Тунунг тира кўзунг хира йўлунг буртақ отинг оқсоғ. *Наводируш-шабоб*, 296-Т.

БУРУДАТ [برودت] – совуқ, совуқлик:
Қиш эмиш май боиси зоти бурудатдин бирав
Зуҳд этиб совуққа гар тонгса эрур маъзур қиш. *Бадойиул-васат*, 201-Т;

Булутдин ким томиб ҳар қатраи су,
Бурудатдин ёғиб оламға инжу. *Фарҳод ва Ширин*, 169-Т;
Қилур табъи борид нафасни совуқ,
Бурудатда баҳман элига ёвуқ. *Садди Искандарий*, 282-Т.

БУРУЖ [بروج] – 1. буржлар; чиқиш, чўққи:
Билмадинг ким ул сифат олий буруж,
Ким мен айлаб эрдим ул оқшом уруж. *Лисонут-тайр*, 216-Т;
2. манзиллар, ўринлар, жойлар:
Ел киби чун қатъи буруж айлабан,
Арш фасилиға уруж амлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-46.

БУРУН I [بورون] – бурун (аъзо):
Чунки ғусл айламакка кўз юмғай,
Қулағ-у бурнини тутуб чўмғай. *Сабъаи сайёр*, 10-315;
Бурнин тешиб ип тақиб икки қулағин кесиб югуртти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-231;
Чунки ғусл айламакка кўз юмғай,
Қулоғ-у бурнини тутуб чўмғай. *Сабъаи сайёр*, 10-315;
Огиз устида бурни турфа тимсол,
Тутуб ёнида манзил ҳинду ву хол. *Фарҳод ва Ширин*, 294-Т.

БУРУН II [بورون] – аввал, илгари:
Субҳа торини йиғ эй шайх ки бир лаҳза бурун,
Тақтилар муғбачалар риштаи зуннор манга. *Ғаройибус-сиғар*, 37-Т;
Хуросонда Нишопурдур ким ани Тахмурас бунёд қилиб эрдн туганмасдин бурун юз бузуқлуққа қўйди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-225;
Нурунгға тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳар не йўқ андин бурун андин бурун. *Ҳайратул-аброр*, 7-33.

БУРУНЧАК [بورونچک] – 1. бурунчак, рўмол, рўмолча:
Тун узра ойдин-у ойдинда субҳ эркинму,
Ва ё сочингда бурунчак уза лачакму экин. *Ғаройибус-сиғар*, 353-Т;
Орияти дасторин бошиға бурунчак қилгайлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-42;
Ул йўқ эрди, ул йўқ сузлуқ заруратидин аёлининг бурунчакин олиб бозорға элаткан эрмиш ким сотиб егулук келтургай. *Насоймул-муҳаббат*, 47-Т;
2. юзга тутиладиган ипак парда:
Анга бурунчак ва чарх йибарди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-245;
Сочида шабнам бурунчак эй кўнгул эрмас ажаб,
Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб қилмағил. *Наводируш-шабоб*, 374-Т.

БУРУНҚИ/БУРУНҒИ [بورونغی / بورونقی] – аввалги, олдинги, дастлабки, илгариги:
Мундағи ҳолотни нишон келган куннинг бурунки куни арзадошт қилиб ... *Муншаот*, 14-157;
Ваҳ ким бурунғи меҳр-у пайванд,
Гўё унутилди аҳд-у паймон. *Бодайиул-васат*, 481-Т;
Абулбарака... подишоҳ дегандур ким ҳар неча бадмаош ва бадбахт бўлса ул бурунғи қозидин яхшироқ бўлгусидур. *Мажолисун-нафоис*, 179-Т;
Бурунғи давлат муяссар бўлди.
Бурунки икки ҳарфи бири дағи бир келди *Наводируш-шабоб*, 672-Т.

БУРУНҒИЧА [بورونغیچه] – аввалгидек:
Етиштилар андак ки маъҳуд эди,
Бурунғича ўн шайн мавжуд эди. *Садди Искандарий*, 434-Т;

Бийикрак чекти Мулкоро макомин,
Бурунғича юз айлаб эҳтиромин. *Фарҳод ва Ширин*, 161-Т.

БУРУТ [بروت] – мурут, мўйлаб:
Хоксор ул ким бурутин елга берди золи чарх,
Ул кишиларнинг ки кўп кўргуздилар боди бурут. *Фавойидул-кибар*, 90-Т;
Ит эти коплон киби кути анинг,
Кибр ели боди бурути анинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-267.

БУРХ [برخ] – бадиий санъат тури:
Яна бир маҳалда бурх санъатин мавҳибат назари била аларға каромат килдилар ва Ҳазрати Махдум «Нафахотул-унс»да битибдурлар ки бурх сифати «Кувватул-кулуб» китобида мазкурдур. *Насойимул-муҳаббат*, 244-Т.

БУРЧ [برچ] –карз:
Хўб эрмас дайн муддаоси элга,
Ким қаттиғ эрур бурч балоси элга,
Қайтармақ эрур анинг давоси элга,
Ким диндин эрур бурч адоси элга. *Назмул-жавоҳир*, 15-137;
Кўрмаклик вомхоҳни мотамидур,
Алқисса ки бурч одамининг гамидур. *Назмул-жавоҳир*, 15-149;

~ **и шараф** – шарф бурчи:
Ки эй бурчи шараф маснад нишони,
Саодат тахт-у тожининг амини. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т;

~ **қил-** – карз қилмоқ:
Дебдур ки юз дирам ки берилди яна бир дирам недур? Шайх дебдурлар ки ул беш дирам бурч қилиб ул юз дирам берган шукронаға берилгай
Насойимул-муҳаббат, 6-Т.

БУРЧЛУҚ/БУРЧЛУҒ [برچلوق / برچلوغ] – қарзли, карздор:
Бурчлуқ азобига колғанларнинг йўлум бошида турмағлиғи ва фарзандин гарав қўйғанларнинг этагимга илик урмағлиғи. *Вақфия*, 14-263;
Алийи Саҳлға маълум бўлуб эрди ул важҳни саранжом қилиб Маккаға, Умарнинг бурчлуғиға йибарди. *Насойимул-муҳаббат*, 63-Т.

БУРҚАЪ [برقع] – парда, никоб, ҳижоб:
Кўнгуллар накдини торож этарга ёпмағинг бурқаъ,
Анингдектур ки юз боғлар қаракчи карвон кўргач. *Ғаройибус-сиғар*, 98-Т.

БУРҚАЪНИШИН [برقع نشين] – парда, никоб остида ўтирувчи, парда орқасига яширинган; пок:
Солиб ўт жонға лаъли оташини
Жаҳонға чеҳраи бурқаънишини. *Фарҳод ва Ширин*, 330-Т.

БУРҚАЪПЎШ [برقع پوش] – никоб, парда, чимматли:
Даҳр ичра сукут жомидин мадҳуш ўл,
Лаб бирла сўзунг юзига бурқаъпўш ўл. *Назмул-жавоҳир*, 15-158.

БУРҚАЪРАБОЙ [برقع ربای] – парда кўтарувчи, очувчи:
Елни қилиб чобуки бурқаърабой
Кеча саводида аён килдинг ой. *Ҳайратул-аброр*, 7-30.

БУРҚАҒ [برقغ] – нотекис, баланд-паст; машаққатли:
Кўз оч ашки надомат соч ўз аҳволингға ким бордур,
Тунунг тира кўзунг хира йўлунг бурқағ отинг аксак. *Наводируш-шабоб*, 296-Т.

БУРҲОН [برهان] – далил, ҳужжат, гувоҳ, дастак:

Бурҳон истамакка алил бўлса алар кунашдин равшанрақ мўъжиза бобида яди байзо кўргузгайлар. *Вақфия*, 14-238;

~ **и сотиъ** – равшан, ёркин ер далим:

... анинг вужуди исботида ҳужжати қотиъ ва бурҳони сотиъ экан бобда... *Садди Искандарий*, 255-Т;

~ **и урафо** – далил билувчи; етик далил (суфийликда):

Султони уламо ва бурҳони урафо эрди ва кидвайи ушшоқ. *Насойимул-муҳаббат*, 161-Т;

~ **қотиъ** – кескин далил, қатъий далил:

Батахсис ки мунча бурҳони қотиъ била ҳам қатъ топқай. *Муҳокаматул-луғатайн*, 188-Т.

БУС-/ПУС- [بوس] – пистирма, тузоқ курмоқ; пистирмада бўлмоқ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

БУТ I [بت] – 1. бут, санам; маҳбуба:

Май ўти бут юзидин урғач алам
Куйдуруб ул шуълаға мусҳафни ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-190;

2. гўзал, севгили, маъшуқа:

Кўруб кабки дарининг сайр-у гомин
Қилиб ёд ул бути раъно хиромин. *Фарҳод ва Ширин*, 387-Т;

~ **васли** – маъшуқа, гўзал васли:

Эмди ким ул бут васли берди даст,
Куфр аҳли янглиғ ўлди бутпараст. *Лисонут-тайр*, 159-Т;

~ **васфи** – бутни сифатлаш, мақташ, таърифлаш:

Аҳли нуқсондин эди мудбирға сўз,
Ўйла ким бут васфидин кофирға сўз. *Лисонут-тайр*, 72-Т;

~ **и айёр** – ҳийлагар соҳиб жамол, ҳийлагар маҳбуба:

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга. *Ғаройибус-сиғар*, 37-Т;

~ **и банно** – меъмор санам:

Фиғон ки ул бути банно басе жафотарҳун,
Кўнгулда қилди ҳануз ўлмай ошино иҳдос. *Фавойидул-кибар*, 92-Т;

~ **и бебок** – тошбағир санам:

Бошиға чунки алиф кескай ул бути бебок,
Эмас маҳалли таажжуб гар ўлса бўркида чок. *Фавойидул-кибар*, 329-Т;

~ **и бегонаваш** – бегонасифат санам:

Не итни ул бегонаваш ити ки соғиндим,
Ит ошиноға ялинған киби ул ойға ялиндим. *Наводируш-шабоб*, 395-Т;

~ **и гулранг** – гулранг буркаъ, ниқоб:

Сози ул сарви гулжабиннинг чанги,
Гули устида буркаъи гулранг. *Сабъаи сайёр*, 10-252;

~ **и гулрух** – гулрух санам; маҳбуба:

Хужаста тонг ки очиб ораз ул бути гулрух,
Баҳор ҳусни киби субҳум айлагай фарруз. *Фавойидул-кибар*, 116-Т;
Бор ул бути гулрух париваш
Савдосида юз хирад мушавваш. *Лайли ва Мажнун*, 59-Т;
Саъй этиб шоҳи камрон Фаррух,
Ким малул ўлмағай бути гулрух. *Сабъаи сайё*, 10-169;

~ **и гулчеҳр** – соҳибжамол санам:
Шарт мундақ қилиб бути гулчеҳр,
Ки анга ул ки гарм айлаб меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-223;

~ **и дилоро** – дилоро санам:
Ул вақт ким ул бути дилоро
Гулшан сари бўлди маҳфил аро. *Лайли ва Мажнун*, 173-Т;

~ **и зебо** – зебо санам:
Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Ваҳ ки ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш. *Ғаройибус-сиғар*, 220-Т;
Ул бути зебо гар истар ашким окса айби йўқ,
Зийнат аҳли майл этарлар дойимо инчу сари. *Наводируш-шабоб*, 616-Т;

~ **и заррин** – заррин санам, бут:
Ул бути заррин магар ишқда то бил боғладим,
Заъф аро мендин қамишлардур нишон бал коҳлар. *Наводируш-шабоб*, 149-Т;

~ **и маҳваш** – ойдек гўзал санам:
Мутабассим бўлуб бути маҳваш,
Анга афсона бошлади дилкаш. *Сабъаи сайёр*, 10-332;
Тун ҳам кечу йўл дағи йирақ сен дағи сархуш,
Ўлтур ки дами ўлтурали эй бути маҳваш. *Наводируш-шабоб*, 251-Т;

~ **и маҳсимон** – маҳсимон гўзал санам:
Заъфлиғдур дедилар ул бути маҳсимони
Жон фидо ву тан анга садқа кўнгул курбони. *Бадойиул-васат*, 467-Т;

~ **и нозанин** – нозанин санам:
Ақл ҳавос эрур адам жон-у кўнгулга йўқ вужуд,
Тафриқа тушкали мен-у ул бути нозанин аро. *Наводируш-шабоб*, 21-Т;

~ **и озар** – ўт, оловли, алангали санам:
Уйга ҳануз кирмайин динима тушти юз халал,
Бу ки келур кўр эй кўнгул ул бути озари мудур. *Наводируш-шабоб*, 146-Т;

~ **и паймонғусил** – аҳдни бузувчи ёр:
Жон олса найлай ул бути паймонғусил,
Чун бермишам кўнгулни анга ишқи дил била. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;

~ **и паризод** – паризод санам:
Лайли демай бути паризод,
Бир ариза бирла эрди ношод. *Лайли ва Мажнун*, 103-Т;

~ **и паричеҳр** – паричеҳрли санам:
Ким келгусидур бути паричеҳр,
Андақ ки Ҳамал фазосиға меҳр. *Лайли ва Мажнун*, 282-Т;

~ **и раъно** – гўзал, латоиф санам:
Кўруб кабки дарининг сайр-у гомин,
Қилиб ёд ул бути раъно хиромин. *Фарҳод ва Ширин*, 387-Т;

~ **и сарвқад** – сарвқад санам:
Эй бути сарвқад-у гулрухсор,
Ғунчанг айтур чоғи ширингуфтор. *Фавойидул-кибар*, 652-Т;

~ **и симбар** – кумуш баданли санам:
Йилон сандалосо сажар шоҳиға
Сочидек бути симбар соқиға. *Садди Искандарий*, 302-Т;

~ **и симинбадан** – кумуш бадан, оқ бадан санам:
Чиқмайин бу дайрдин мумкин эмас бўлмақ халос,
Ҳар кеча юз минг бути симинбадан яғмосидин. *Ғаройибус-сиғар*, 339-Т;

Навоий ёрға гул барги тегса ўлгудек эрдинг,
Не айб ўлсанг кўруб захм ул бути симинбадан узра, *Фавойидул-кибар*, 545-Т;

~ **и ситамгер** – ситамгар санам:
Не ким қилур кўрунур ул бути ситамгар хуш,
Чу ноз-у ишва била базмдин чиқар сарҳуш. *Бадойиул-васат*, 191-Т;

~ **и тарсо** – насроний санам:
Дайр эмас эрди ерим озғуруб,
Солди бу ён бир бути тарсо мени. *Бадойиул-васат*, 461-Т;

~ **и худрой** – шўх, ўжар соҳибжамол санам:
Ҳур зоҳиқа Навоий икки дунё дод ул,
Бути худрой демак шўхи худрой манга. *Наводируш-шабоб*, 15-Т;

~ **и Чин** – Чин гўзали; маҳбуба, маъшуқа:
Ҳулла бирла ҳаririни бути Чин,
Бериб эрди бу ранг ила ойин. *Сабъаи сайёр*, 10-335;

~ **и чолок** – шинам гўзал санам:
Чун эшитти отин бути чолок,
Ишқдин тушти кўнглига топок. *Сабъаи сайёр*, 10-265;

~ **и шакарлаб** – шакарлаб санам:
Таклиф этти бути шакарлаб,
Ким ҳар киши бўлса аҳли мактаб. *Лайли ва Мажнун*, 111-Т;

~ **и ҳумоюн** – қутлуғ, қут келтурувчи санам:
Лек ҳайратдин эрди дойим лол,
Сўрди бир кун бути ҳумоюн фол. *Сабъаи сайёр*, 10-332;

~ **и ҳур** – ҳур санам:
Ул бути ҳур сифат шавқидин
Бўлди нобуд манга буд-у набуд. *Фавойидул-кибар*, 649-Т;

~ **и ҳурий** – жаннатий гўзал, шаҳло кўзли маҳбуба:
Ҳам кўруб бўйла қасри кофурий,
Ёдима кирди ул бути ҳурий. *Сабъаи сайёр*, 10-364.

БУТ II [بوت] – оёқ, бут, сон:
Фалакпайкар тани кўҳи балойи,
Қўл-у бут ҳар бири бир аждаҳойи. *Фарҳод ва Ширин*, 208-Т.

БУТ III [بوت] – бут, бутун; барқарор; тоза, пок:
Тилинг била кўнглунгни бир тут кўнгли ва тили бир киши айтган сўзла бут.
Маҳбубул-қулуб, 14-125.

БУТ- [بوت] 1. ишонмоқ, кўнгил қўймоқ; қабул қилмоқ:
Навоий тарки ишқ эттим деса бутманг ки бутмаслар,
Киши ҳар сўз эшитса усрук-у девонадин даги. *Наводируш-шабоб*, 635-Т;

2. амалга ошмоқ, бажарилмоқ:
Ошуқлар иши андин буткай ва йиқилганларга андин дастгирлик еткай.
Маҳбубул-қулуб, 14-98;
Деди бу ажз бирла бутмас ишим,
Бор дурур Тангрим ар йўқ эрса кишим. *Сабъаи сайёр*, 10-153;

3. тузалмоқ, битмоқ (яра):
Эй ки кўнглунг чоки бутти васлдин шукр айлагил,
Ким менинг захмимдур ул ким кўрмамиш марҳам юзин. *Бадойиул-васат*, 352-Т;

4. ўсмоқ, кўкармоқ, унмоқ; пайдо бўлмоқ, вужудга кслмоқ:
Зиҳи каддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин. *Мезонул-авзон*, 34-Т;

Жонивор умрини қилурға табоҳ,
Бутмай анда бағайри заҳр гиёҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-7;

5. битмоқ, тамом бўлмоқ:
Тиғи ишқинг ярасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган. *Бадойиул-васат*, 520-Т.

БУТА [بوته] – бута, туп:
Ул зулол атрофида ҳар муғайлон бутаси гулшани нажот ниҳолидур. *Вақфия*, 14-262.

БУТАВ [بوتاو] – битав, бириккан:
Адиб Аҳмад... ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манқулдур. Дерлар ки кўзлари бутав эрмиш ва асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир бўлуб ўзга басирлардек андақ эмас эрмиш ки кўз бўлғай ва кўрмас бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 390-Т;

Тортибан тиғи жафо бағримни юз чок айлади,
Борди ул ким дер эдилар эл мени бағри бутав. *Фавойидул-кибар*, 491-Т.

БУТҒАР [بتگر] – буттарош, бут ясовчи:
Ким Ҳалилуллоҳ Озар ўғлидур,
Бутшикан кўр ки бутгар ўғлидур. *Сабъаи сайёр*, 10-71.

БУТКАДА [بتكده] – бутхона, бутпарастлар ибодатхонаси:
Риё мазаллатида сўздур агарчи Каъбадур ва фано мадҳида нукта сурарға агар худ буткададур. *Бадойиул-васат*, 508-Т;
Бирдурур гар Каъба бирла буткада
Бўлсалар маъмур ё оташкада. *Лисонут-тайр*, 211-Т.

БУТКАР- [بوتكار] – 1. бутун қилмоқ; даволамоқ:
Васлдин буткармас таскин берур эрди сўруб,
Хаста кўнглум дардини ким ҳажридин афгор эди. *Наводируш-шабоб*, 619-Т;
Деб эмиш бир кун келиб кўнгли ярасин буткарай,
Келса буткил эй кўнгул бу сўзга худ бўлмас бутуб. *Ғаройибус-сиғар*, 67-Т;

2. кийинтирмоқ, усти-бошини бут қилмоқ:
Либос зеболиғини тиласанг бир ялангни буткар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124.

3. бажармоқ, амалга оширмоқ, адо этмоқ; жон бермоқ:
Қазоро бемор бўлди ва неча кундин сўнгра Тангри ҳукмин буткарди.
Насойимул-муҳаббат, 9-Т;
Андин сўнг уч кун тирик эрди тўртунчи кун Тангри ҳукмин буткарди.
Насойимул-муҳаббат, 174-Т;
Икки рахна сари равон бордилар,
Кажи ваҳшат ила руст буткардилар. *Садди Искандарий*, 271-Т.

БУТКАРМАК [بوتكارماك] – эски ҳолатига келтириш; тамомлаш:
Чок бўлган кўнглума қилмақ илож осон эмас,
Ғунча ким очилди буткармак ани имкон эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 197-Т.

БУТЛОН [بطلان] – ботиллик, натижасизлик, маъносизлик:
Ва яхши боқса Табиъийя ва Дахрийя мазҳаби мундин яхширақдур. Ва сўзнинг яқини ва бутлонида кўп сўзлар битибдур. Ва ул жавоб битибдур.
Насойимул-муҳаббат, 316-Т;
Барча анбиё шариатиға қалам тутмаган илки била бутлон рақами чекти ва китобларига наск хати тортти. *Вақфия*, 14-241.

БУТМАК [بوتماك] – 1. бажариш, амалга ошириш:
Ишим бутмакига дуо айлади,
Бари ҳожатимни раво айлади. *Садди Искандарий*, 515-Т;

2. даволаниш, жароҳатнинг битиши, тузалиши:
Чун Навоий кўнглини синдурдунг эмди бутмаки
Мумкин эрмас этти чун ҳар ён тушуб бир парча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т;
3. тиклаш, қуриш:
Не қилмақ дурур бир иморатни паст,
Ки мумкин эмас бутмак ўлғач шикаст, *Садди Искандарий*, 308-Т.

БУТПАРАСТ [بت پرست] – бутпараст, бутга сиғинувчи, бутга сажда қилувчи:
Сужудунгга бутлар бўлуб ерга паст,
Анингдек ки бут оллида бутпараст. *Садди Искандарий*, 59-Т;
Пири дайр оллинда айлаб ўзни маст,
Куйдуруб Мусҳаф бўлайин бутпараст. *Лисонут-тайр*, 93-Т.

БУТПАРАСТЛИҚ [بت پرستلیق] – бутпарастлик, бутга сигинишлик:
Бутпарастлик яхшироқ ким худпарастлиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-77;
Отаси Язид замонида бутпарастлиқ шойъе бўлди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-103.

БУТРА- [بوترا] – тарқалмоқ, сочилмоқ:
Эй саломат аҳли бутранг ким мени бир муғбача,
Дайрдин ўсрук чиқиб бу навъ расво айламиш. *Наводируш-шабоб*, 245-Т;
Олам аро бир киши телбарамай қолмағай,
Бўйла ки еткач насим зулфунг аро бутрамиш. *Ғаройибус-сиғар*, 77-Т.

БУТРАТ- [بوترات] – тарқатмоқ, кочирмоқ:
Зулф-у юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп,
Даҳр боғида гулу сунбул исин бутратма кўп. *Ғаройибус-сиғар*, 77-Т;
Сабр-у ором сипоҳин неча ким йиғсам ишқ,
Гаҳ ани синдирадур гоҳ муни бутратадур. *Бадойиул-васат*, 115-Т.

БУТРАШ- [بوتراش] – тарқалишмоқ, сочилмоқ:
Тонг откач эр ва хотуни касб учун тарқашиб ўғул ва қизлари кўй ва кўчада бутрашиб... *Маҳбубул-қулуб*, 14-39;
Хўблар бутрашибан кўзғалишур ишқ аҳли,
Масту бебок магар бўлди паридор ул шўх. *Наводируш-шабоб*, 109-Т.

БУТТАРОШ [بت تراش] – бут ясовчи; буттарош:
Иброҳим Халилнинг атоси озари буттарош эрди. *Муншаот*, 14-184;
Субҳа дема бут ки, йўнуб буттарош
Дона ясаб ҳар не қолиб реза тош. *Ҳайратул-аброр*, 7-133.

БУТУН [بوتون] – 1. тўлиқ, тўлалигича:
Эй Навоий тут бутун бу аҳд аро паймонани,
Чун бутунлук йўқтурур эл аҳд ила паймонида. *Наводируш-шабоб*, 556-Т;
2. бут, бутун, бузилмаган:
Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра бағримни бутун. *Бадойиул-васат*, 520-Т;
Манзар отлиғ золим кишидур. Элнинг бутун кемасин зулм била олур эрди ва бу кема ўн фақирнинг эрди. *Тариҳи анбиё ва ҳукамо*, 16-146;
3. синмаган, дарз кетмаган, ёрилмаган, ишдан чиқмаган;
Жудо қилса хармухра ферузадин,
Бутун чини ўлса синуқ кўзаднн. *Садди Искандарий*, 207-Т;
Жисм аро бир парлари қолмай бутун,
Пора пора ўйла ким қоқшалған ўтун. *Лисонут-тайр*, 238-Т;

~ **қил-** – бутун қилмоқ, бутунламоқ:
Недур эй шайх ушатмақ соғаримни
Бутун кил бор эсанг аҳли каромат. *Бадойиул-васат*, 66-Т.

БУТУНЛУК [بوتونلوک] – мукаммаллик, тўлалик, тугаллик, тўкислик:
Нафс амрида ҳар неча ки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг синғайсен. *Назмул-жавоҳир*, 15-146;
Эй Навоий тут бутун бу аҳд аро паймонани,
Чун бутунлук йўқтурур эл аҳд ила паймонида. *Наводируш-шабоб*, 556-Т.

БУТУТ/БУТИТ [بوتیت / بوتوت] – амалга ошмоқ; вужудга келмоқ:
Соқий кетур қадах ки чу ғам айламиш ҳужум,
Бутутмайин кўнгулдин алар барча бутрамиш. *Бадойиул-васат*, 199-Т.

БУТФИКАН [بت فکن] – бутни йиқитувчи, ағдарувчи, синдирувчи:
Бўлди вале манзарадин бутфикан
Сўнгра наби Ҳақ эвида бутшикан. *Ҳайратул-аброр*, 7-43.

БУТХОНА [بتخانه] – бутхона, бутпарастлар ибодатхонаси:
Ул санам кўйида кундуз ким кеча сойир кўнгул,
Шаҳ паридур ким анга кундуз мақар бутхонадур. *Наводируш-шабоб*, 192-Т;
Чектилар бутхонаға хор-у дижам,
Маст қилди сажда бут оллида ҳам. *Лисонут-тайр*, 113-Т.

БУТШИКАН [بت شکن] – бут синдирувчи, будпарастликка қарши:
Бўлди вале манзарадин бутфикан
Сўнгра наби Ҳақ эвида бутшикан. *Ҳайратул-аброр*, 7-14.

БУТШИКАНЛИК [بت شکن لیک] – бут синдиришлик, бутни йўкотишлик:
Ишни чун ким бу ерга еткурди,
Бутшиканликка рахшини сурди. *Сабъаи сайёр*, 10-189.

БУХЛ [بخل] – бахиллик, хасислик, курумсоқлик:
Олиме ким илми эрди беамал,
Ё ғаний ким молиға бухл эрди ёр. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;
Ақл ҳисобидин эрур бас йирақ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхширақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-145;
Бухл англа бирин бирин ҳаво бил ахир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил ахир. *Назмул-жавоҳир*, 15-141;
~ **айла-/эт-** – бахиллик қилмоқ, хасис бўлмоқ:
Сойилмен-у максудум эрур нақди висолинг бухл айлама жоно,
Ким барча мазоҳибда ки ишқ аҳли ародур, мазмум эрур имсок.
Наводируш-шабоб, 649-Т;
Жуд-у саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони дағи бухл этмагнл. *Ҳайратул-аброр*, 7-144.

БУХОР [بخار] – дуд, тутун; булут:
Икки кўзум ки дард-у бало жўйборидур,
Оҳим бухори устида абри баҳоридур. *Наводируш-шабоб*, 190-Т;
Ушбу ҳолатда зангайи хунхор,
Тоғ аро ул сифат ки тира бухор. *Сабаъи сайёр*, 10-229;
~ **ажзоси**–булут ҳосил қилувчи зарралар:
Қилиб ел хайлидек бир дам жаҳонгард,
Бухор ажзоси янглиғ осмонгард. *Фарҳод ва Ширин*, 506-Т;
~ **и оҳ** – дудли, дардли, ражли оҳ:
Бухори оҳим эрур лойик англағил эй ишқ,
Баҳори ҳуснига ногаҳ кераклик ўлса булут. *Ғаройибус-сиғар*, 86-Т;

~ **и уд** – хуш ҳид берувчи, уд ёғочи тутуни:
Ғам дўзахининг бухори уди,
Оташгадайи фирок дуди. *Лайли ва Мажкун*, 161-Т.

БУХОРОЛИҒ [بخارالیغ] – бухоролик:
Абу Бакри Фолизбони Бухорий... бухоролиғдур. Бузург эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 148-Т;
Мавлоно Сайфий бухоролиғдур. *Мажолисун-нафоис*, 79-Т.

БУХТИ [بختی] – 1. нортуя:
Самандедур коҳилхиром аммо манзилға еткургучи ва бухтидур сақилгом лекин маъманга тушургучи. *Маҳбубул-қулуб*, 14-56;
2. булут:
То фалак бухтилари тузгай қарор,
То тўлун ой оқ уй эткай ошкор. *Муншаот*, 14-192;
Чунки «Уштурнома» айлаб ошкор,
Нуктаси бухтиларин тортиб қатор. *Лисонут-тайр*, 34-Т;
~ **симкаш** – кумуш ортилган туя; қорли булут:
Бухтийи симкаш қатор қатор,
Юки ичра дирам ҳазор ҳазор. *Сабъаи сайёр*, 10-26;
~ **и чарх/фалак** – осмон булути:
Бор эди ул арода бир маҳмил,
Бухтийи чарх ўлуб анга ҳомил. *Сабъаи сайёр*, 10-143;
Бу ким кўктин ўтуб сухонлиқ айлаб,
Фалак бухтисиға куҳонлиқ айлаб, *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т;
Кўтарса маҳмили ҳуснунгни чарх бухтиси,
Ики ёнида муносибдур ой-у кундин занг. *Наводируш-шабоб*, 335-Т.

БУХТУН-НАСАР [بخت النصر] – золим подишоҳ; қадимги Бобил қироли Набукадназар:
Яқиндин анга тира бўлди басар,
Ки лашкаркаши бўлди Бухтун-насар. *Садди Искандарий*, 107-Т.

БУХУР [بخور] – хушбўй тутатқи; хушбўй гиёҳ ва доривор:
Чарх мижмор ёйиб бу дуд узра,
Атри мушку бухур уд узра. *Сабъа сайер*, 10-23;
Бухур-у удсўз-у нофа ву тийб,
Ниҳоятсиз қилиб шоҳона тартиб. *Фарҳод ва Ширин*, 479-Т;
~ **и омода** – тайёр хушбўй тутатқи:
Ичилур эрди мушкбў бода,
Мушку анбар бухури омода. *Сабъаи сайёр*, 10-140.

БУХУРОТ [بخورات] – хушбўй гиёҳ ва дориворлар:
Димоғиға тутуб ҳар дам бухурот,
Ани ўз ҳолиға келтурдилар бот. *Фарҳод ва Ширин*, 409-Т;
Ва неча юз ходим уд сўзлар била бухурот куйдуруб ел тарафидин атрофида олиб юрурлар эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-248.

БУШ- [بوش] – озорланмоқ, хафа бўлмоқ, аччиғланмоқ, дарғазаб бўлмоқ:
Аёққа кирса пе бушқай бало муғайлони
Гар ўлса бодиядин Каъбаи сафо малҳуз. *Ғаройибус-сиғар*, 231-Т;
... ул қавмнинг идроку фаҳми оз тушар андақ кишига юз мунча машаққат не бушар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-28.

БУШМАС [بوشماس] – беғазаб; хафасиз, беранж:
Элиг бер кўзга суртай бушмас эй шўх,
Кафи пойингни ким ўптум не бушти. *Бадойиул-васат*, 424-Т.

БУШУРҒАН- [بوشورغان] – озор чекмоқ, хафа, бўлмоқ, ранжимоқ, аччиғланмоқ:
Турк алфозининг возиъи асру кўп вақтда муболага изҳори қилиб жузъий мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдур... андақ ки кўруксамак ва бушурғанмақ ва бўхсамақ. *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

БУЮК [بويوک] – катта, улуғ, улкан:
Остида кўрди буюк шоҳона тахт,
Ёнида мунис шаҳи фархунда – бахт, *Лисонут-тайр*, 225-Т.

БУЮР- [بويور] – буюрмоқ, фармон бермоқ, буйрук қилмоқ, амр этмоқ:
Буюрма тавба яна носиҳо ки муғбачалар,
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасинда насуҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 102-Т;
Не ким аввалғи ҳотиф ҳукм сурди,
Иккинчи ҳотиф ани-ўқ буюрди. *Фарҳод ва Ширин*, 108-Т;
Агарчи тавба буюрдунг манга бил эй зоҳид,
Ки синғуси ёна чун тутса дилситон бода. *Бадойиул-васат*, 403-Т.

БУЮРМАҚ/БУЮРМАҒ [بويورماق / بويورماغ] – фармон, буюрмиш:
Мени ул муродингға ҳамроз қил,
Буюрмағи бирла сарафроз қил. *Садди Искандарий*, 202-Т;
Буюрмақта ўтуб Дороға навбат,
Етишди ишта мулкроға навбат. *Фарҳод ва Ширин*, 146-Т;
Шайх деди ким муни ўзумиз қилур биз, яна биравга аритмағин буюрмақ не? Яъни ўзум аритмақ керак ва еткан футуҳни дарвишлар ишига сарф қилмақ керак. *Насойимул-муҳаббат*, 39-Т.

БУЮРУЛ- [بويورول] – ҳукм килинмоқ, амр этилмоқ, буйрук қилинмоқ:
Султони Соҳибқирон тарихин анга [Хожа Масъуди Кумийға] буюрулди. *Мажолисун-нафоис*, 50-Т;
Наввобдин ҳар қайси муносиб кўрунса таворих ўкумақ буюрулса... *Муншаот*, 14-187.

БУЪД [بعد] – 1. узоқлик; олислик; масофа; оралиқ:
Қурб Қофин гўйиё ёд айладинг,
Буъд аро мундақ ки фарёд айладинг. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
2. узоқлашиш:
Таайюноти мухталифа касрати ва осори мутабойина воситасидин буъд ва ҳижрон ва ғафлат ва пиндор ва ғайрат гирифтори бўлубтурлар. *Насоимул-муҳаббат*, 15-170;
~ **и умр** – умр масофаси, узоқлиги; давоми:
Қилдинг-у кўнглумни юз чок этмагунча бормадинг,
Буъди умри эй ситамгар яхшилар бординг келиб. *Наводируш-шабоб*, 58-Т.

БУҚАЛАМУН [بوقلمون] – 1. ранг-баранг; хамелеон:
Мухралар хосиятда гуногун,
Ҳам талаввун ичинда буқаламун. *Сабъаи сайёр*, 10-45;
2. товламачи, лаганбардор, икки юзлама:
Жаҳони буқаламун ичра тутмиш элга гудоз,
Магар ки тосиға ўт ёқти чархи шуъбадабоз. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т.

БУҚАЛАМУНДИСОР [بوقلمون دثار] – ўзгарувчан, товланма; хамелеонга ўхшаш:
Сипеҳри дуншиор жуз талаввун ва рангомезлиқ ва рўзгори буқаламундисор ғайри дуранглик ва ҳийлаангизлик эрмас. *Муншаот*, 14-137.

БУҚАЛАМУНЛУҒ/БУҚАЛАМУНЛУҚ [بوقلمونلوق / بوقلمونلوغ] – турланишлик, товланишлик, хамелеонлик:
Тири қаламзан чу топиб ул шараф,
Буқаламунлуғин қилиб бартараф. *Ҳайратул-аброр*, 7-45;
Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,
Алқисса басе буқаламунлуқ қилди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-10;
Чун рўзгор ҳарунлиғидин ва лайл-у наҳор буқаламунлуғидин Паҳлавон... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 103-Т;
Фалак золи мушъабидлиғининг буқаламунлуғи Мажнунни Навфал қизи висолиға еткурмасдин бурун айирғандек Лайлини. *Лайли ва Мажнун*, 297-Т.

БУҚЪА [بقعه] – 1. ер, жой, муайян жой:
Мен ки дайр ўлди манга тақвиу тоат буқъаси,
Ўлганимда куфр гўристонин айлармен бақиъ. *Наводируш-шабоб*, 288-Т;
Ҳар нафас бир буқъани айларда сайр,
Маъни ўлди ногаҳон бир турфа дайр. *Лисонут-тайр*, 95-Т;
2. хонақоҳ, сарой:
Мубаррот буқъалари такмилиға имдод еткурур. *Муншаот*, 14-213;
Расмдур ким мусофирлар мутааййин буқоъ гаштига ҳам борурлар. *Мажолисун-нафоис*, 41-259;
Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди. *Вақфия*, 14-259;
3. мозор:
Уйунг Шайх Лукмон мазори эмас,
Сени кимса ул буқъа шайхи демас. *Садди Искандарий*, 367-Т;
~ **и муфрит** – қаттиқ йиғи, аччиғ йиғи:
...дарде анинг оллиға келур ким агар буқъайи муфрит юзланса ишининг гуфториға далолат қилур. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-99;
~ **и хайр** – кўпчилик фойдаланадиган, хайр ишига аталган бино:
Ғафлат ва нодонлиғинг ул мартабада ким буқъаи хайр ясамаққа ўзунгга бози бериб... *Муншаот*, 14-217.

БУҒДАЙ [بوغدای] – буғдой:
Бўлуб ломакон сатҳидин хвонлари,
Адам мулки буғдайидин нонлар. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т;
Вагар арпа ҳам сочса бўлмаққа тўқ,
Анда буғдай ўрмағнинг имкони йўқ. *Садди Искандарий*, 314-Т;
[Фосиқ муфтининг] бир ботмон буғдай учун бир хирманин совурмакдин алами йўқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-22.

БУҒЗ [بغض] – кек; нафрат, душманлик:
Кимга ким ҳубб-у буғз-у манъ-у ато,
Ҳақ учун бўлди жазм бил ани. *Арбаин*, 16-262.

БУҒИНА [بوغنه] – бугина:
Мавлоно Ҳожии Суғдий... буғина масални яхшиғина боғлаган учун умед ул ким Тангри анга раҳмат қилмиш бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 71-Т.

БУҒРА I [بوغرا] 1. – таом тури:

Бир кун Гавҳаршод бегим мадрасаси толиби илмлари бир боғда суҳбат тутуб буғра пиширадур эрмишлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-75.

БУҒРА II [بوغرا /] – икки ўркачли туя:

Ул ки бўлғай буғра янглиғ улуғ,
Йўл нечук қатъ айлағай бўлмай озуғ. *Лисонут-тайр*, 55-Т.

БУҒУ [بوغو] – буғу, кийик (эркак):

Яна суйкуннинг ҳам эркагин буғу ва тишисин марал дер.
Муҳокаматул-луғатайн, 176-Т;

Буғу ву марал найситонида сайд,
Шакардин баринг аёғида қайд. *Садди Искандарий*, 305-Т.

БУҲАЙРОТ [بحيرات] – кичик дарёлар, кўллар:

Искандарнинг... буҳайрот шарҳидин элга таҳайюрот солиб ва анҳор можаросидин сойилни бахрдек хушклабликдин сероб қилғани. *Садди Искандарий*, 450-Т;

Яна ҳам ўн олти буҳайрот эрур,
Ки ҳар бирга бир ўзгача от эрур. *Садди Искандарий*, 451-Т.

БУҲУР [بحور] – баҳрлар, аруздаги вазилар:

Ул ҳазратгинг муборак хотирлари шеър буҳур ва авзонига... мойил эрди.
Мезонул-аззон, 11-Т;

Турк тили била шеър ажам шуароснға махсус буҳур ва авзон даги назм силкига кирди. *Мезонул-авзон*, 20-Т;

~ **и усул** – баҳр усуллари:

Бешинчи дойира ким андин тўққуз буҳури усул мустахраж бўлур.
Мезонул-авзон, 55-Т.

БЎ [بو] – ҳид, ис:

Эй Навоий даҳр бўстонида кўптур лавн-у атр,
Лек йўқ мехру вафодин анда мутлақ ранг-у бў. *адойиул-васат*, 372-Т;

Энги гулзорида кўп ранг ила бў,
Лаби айнул-ҳаётидин ичиб су. *Фарход ва Ширин*, 293-Т.

БЎД [بود] – бўй, қад; тана:

Бўдуна бўдум агар тенг бўлди жонон оллида,
Зарра йўқу бари тенгдур мехри раҳшон оллида. *Наводируш-шабоб*, 27-Т.

БЎЁҒЛИҒ [بویاغلیغ] – бўёғли, рангли.

Фурқатингдин лоладекдур чок чок ўлган
Нега ким ҳам қон аро бўлмиш кўнгул ҳам куйук. *Бадойиул-васат*, 255-Т.

БЎЁҒЧИ [بویاغچی] – бўёкчи:

Баланд ҳолот ва аржманд каромат соҳиби эрди. Атоси бўёғчи эрди.
Насойимул-муҳаббат, 358-Т.

БЎЁҒЧИЛИҚ [بویاغچیلیق] – бўёкчилик:

Аммо ҳавориюн имон келтуруб динини қабул қилдилар. Ва алар ўн икки киши эрдилар пешалари бўёғчилиқ эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-177.

БЎЗ I [بوز] – бўз:

Боглабан бир пора бўзда беш-у кам,
Ўтка ани ташлай олғай сувға ҳам. *Лисонут-тайр*, 214-Т;

Эрдин сўз ҳунар эпчидин бўз ҳунар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-123;

Ва Табарий дебдур ким Омил ва Табаристонни даги ул бино қилди ва форсий китоб битимак ва бўз тўқимакни ул ихтироъ қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-199;

Элга зиён анинг суди ўнғай олиб оғир сотмак анинг мақсуди. Олурда каттонни бўз деб сотарда бўз васфида каттондин ортуғ юз сўз деб. *Маҳбубул-қулуб*. 14-35.

БЎЗ II [بوز] – оқиш, кулранг:

Бири ранги қародурур бири бўз,
Қаро ердур дағи ва бўз туфрақ. *Ғаройибус-сиғар*, 533-Т;

Баъзи оқилу доноси ўз таврлари била ки калом сурубтурлар ани бўз кийизга ўхшата масал урубтурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-97;

темур бўз – пишитилган темир, пўлат:

Ки гўё ғояти маҳкамлиғидин,
Анинг отин дебтурлар темур бўз. *Бадойиул-васат*, 510-Т;

кўк бўз – от туси, тўриқ от:

Қуёш устинда гардун сабз ханги.
Кўрунмас маҳвашим чун минса кўк бўз. *Наводируш-шабоб*, 210-Т;

~ **туфрағ** – оқ – кулранг ер, шўрхок ер:

Кўк жафосидин эрур хобгаҳинг бўз туфрағ,
Бўлса остингда сипехр ашҳаби янглиғ кўк бўз. *Бадойиул-васат*, 164-Т.

БЎЗА [بوزه] – бўза, (ичимлик):

[Сартлар] қимизни ва сўрмани ва бахсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

БЎЗАХОНА [بوزه خانه] – бўза ичиладиган жой, майхона:

... ҳамул беш ўн кунда абтар девонани бўзахонада... бўйнин чопиб ўлтурди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-75.

БЎЗЛА- [بوزلا] – ҳазин овоз билан йиғламоқ; бўзламок:

Бўтам деб гоҳ бўзлаб гоҳ ўкурса,
Жафо тошин синук кўксига урса. *Фарҳод ва Ширин*, 451-Т.

БЎЗЛАМАҒ [بوزلاماغ] – бўзлаш:

Тева бўзламағи. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т.

БЎЗЛУГ [بوزلوگ] – бўзлик, бўз матолик; бўз ранглик:

Керак либоси малоҳатда маҳваш эл дилкаш,
Гар эгни ҳуллалиғ ўлсун ва гар тани бўзлуг. *Фавойидул-кибар*, 320-Т.

БЎЙ I [بوی] – ҳид, ис; тароват:

Кийдуруб ҳулла барча сандал бўй,
Ким париваш бу ишга қилмиш хўй. *Сабъаи сайёр*, 10-331;

Ким топти машоми ишкдин бўй,
Тарк этти бу бўй ила так-у пўй. *Лайли ва Мажнун*, 799-Т;

~ **йи муҳаббат** – муҳаббат таровати:

Мидоди мушки дилжўйи муҳаббат,
Келиб ҳар ҳарфидин бўйи муҳаббат. *Фарҳод ва Ширин*, 433-Т;

~ **эт-** – ҳидламоқ, искамоқ:

Васл баргин уз ки мен ҳижрон гулин бўй этмишам,
Меҳр таркин тут ки мен меҳнат била хўй этмишам. *Ғаройибус-сиғар*, 320-Т;

БЎЙ II [بوی] – 1. қад, бўй, қадду қомат:

Туз бўйунг оқ-у қаролиғ дол-у гул тундин эрур.
Эйла ўқ ким абнус ўлғай анга пайванди ож. *Бадойиул-васат*, 75-Т;

Қилур тун бирла зулф-у кун бирла энг,
Этар лекин бўйи бирла сочин тенг. *Фарҳод ва Ширин*, 163-Т;

Ким топти машоми ишкдин бўй,
Тарк этти бу бўй ила так-у пўй. *Лайли ва Мажнун*, 79-Т;

2. эгин, уст:

Сарвга тортиб қабо чеккан куёшға соябон,
Чобуким бўйида ширдағ бошида қалпағидур. *Фавойидул-кибар*, 169-Т.

БЎЙДОШ [بویداش] – баробар бўйли, тенг қадам, бўйи басти тенг:

Не ажаб сарви саҳиға инмаса бошинг сенинг,
Ким эмастур қадд-у раъноликда бўйдошинг сенинг. *Бадойиул-васат*, 270-Т;
Боғбон ким сарв узра айламиш пайванд гул,
Сарв бўйлуқ гулрухумдур йўқса бўйдошимудур? *Хазойинул-маоний*, IIIа-93.

БЎЙМАК [بویماک] – ўсиш, бўй кўтарилиш:

Ул парипайкарга фориғбол бўймак истабан,
Тун-у кун Тангридин истидъо пар-у бол эткамен. *Фавойидул-кибар*, 459-Т.

БЎЙЛА [بویلا] – бунака, бу каби, бу хил, бундай:

Қачан даврон манга бир бўйла ишратни раво кўрган,
Ки ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дард-у доғинда. *Ғаройибус-сиғар*, 49-Т;
Сен жон варақида бўйла айлаб таҳрир,
Ул сафҳада бу нақшни айлаб тасвир. *Вақфия*, 14-247;
Чун Набиға арз этибтурлар ани,
Бўйла дебтур ул ҳидоят махзани. *Лисонут-тайр*, 32-Т.

БЎЙЛА КИМ [بویلاکیم] – бундай ким:

Не айб қўзғаса давронни бўйла ким ҳар тун
Ичиб қадаҳ солур ул шўхи нозанин ғавғо. *Наводируш-шабоб*, 36-Т.

БЎЙЛУҒ/БЎЙЛУҚ [بویلوغ / بویلوق] – бўйлик, қоматлик, гавдалик:

Очилди чаман гулъузорим қани,
Сиҳисарв бўйлуғ нигорим қани. *Мезонул-асзон*, 53-Т;
...менинг вафотимдин неча йилдин сўнгра бир навҳат бийик бўйлуқ азрақ кўзлук
Аҳмад отлиғ йигит сенинг хонқоҳингдин киргай. *Насойимул-муҳаббат*, 224-Т;
Боғ аро сарви саҳи ёнида кўрдум эски ток,
Бўлди туз бўйлуғлар ичра ҳам қадимдин ибратим. *Фавойидул-кибар*, 384-Т.

БЎЙУН/БЎЙНИ [بویون / بویني] – 1 бўйин, гардан:

Деди ул гумроҳни судраб келтурунг,
Хидматимға еткуруб бўйнин узунг. *Лисонут-тайр*, 64-Т;
Аморини қўюб бўйниға бори,
Кишидин поялар топиб амори. *Фарҳод ва Ширин*, 480-Т;

2. зимма:

Новакингнинг тўсидин эрмас нишони бўйниға,
Ким эрур қатл айлаган аҳбоб қони бўйниға. *Фавойидул-кибар*, 531-Т;

~ **боғлиғ** – бўйни боғлик:

Айтсам эй шўх бўйни боғлиғ итингмен. *Фавойидул-кибар*, 200-Т;

~ **уз-** – бўйнини кесмоқ, калласини танасидан жудо қилмоқ:

Дилписандим келмаса бўйнин узай,
Кўп укубат бирла ани ўлтурай. *Лисонут-тайр*, 193-Т;

~ **и син-** – ўлмоқ, ҳалок бўлмоқ:

Қози чун бу қазийяни сўрди ва маккорадин бу жавобни эшитти, деди ки бўйни синсун ул кишининг ким санга бу сўзни ўргатибдур. Вакил чун Дорул-кудодин чиқти бир ердин йиқилди бўйни синди ва ҳалок бўлди.
Насойимул-муҳаббат, 331-Т;

~ **сун-** – тобе бўлмоқ, итоат қилмоқ:

Оразу зулфунг ғамидин кофири ишқ ўлғали,
Бутқа бош индурман-у сунман бўйун зуннорға. *Наводируш-шабоб*, 534-Т;
Ўйун вақтида тарк қилғай ўйун,
Не ким Тенгри амр этти сунғай бўйун. *Садди Искандарий*, 279-Т;

Ниҳон ишкинг агар катлимга боисдур бўйун сундум,
Кечар жон нақдидин ул ким ёшурғай шоҳ учун махзан. *Фавойидул-кибар*, 64-Т;

~ **ур-** – бўйнини кесмоқ, бошидан жудо қилмоқ, калласини узмоқ:
Киши қони тўкканни бўйнин уруб,
Қўлин кестурурнинг қўлин кестуруб. *Садди Искандарий*, 136-Т;
Сиёсат қиличи била кишвар ҳарамидин фитна ва ошуб шахсини бўйнин урғайлар. *Вақфия*, 14-240;

~ **тўлға-** – итоатсизлик қилмоқ, бош тортмоқ:
Агар тиғ урса ул қотил бўйун сунмай нетай охир,
Не янглиғ кимса бўйнин тўлғағай Ҳақнинг қазосидин. *Наводируш-шабоб*, 458-Т;

~ **қаши-** – қийин аҳволга тушмоқ; афсусланмоқ, пушаймон бўлмоқ:
Эй Навоий бевафо давр аҳлига индурма бош,
Ким алар қошида бош индурган эл бўйнин қашиб. *Бадойиул-васат*, 47-Т.

БЎЙУНЁРЛИҒ [بويون يارليغ] – бўйсунишлик, итоат қилишлик:
Аммо анга баъзи қилсалар эрди, баъзига бўйунёрлиғ бермас эрди ким сажда қилғайлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-251.

БЎКА [بوكه] – баҳодир, паҳлавон; курашчи:
Мавлоно Бу Алишоҳ бўка ким бу фанда асрининг бебадалидур.
Ҳамсатул-мутаҳҳайирин, 15-70.

БЎКТАР [بوكتار] – темир ҳалқачалардан тўқилган махсус уруш кийими:
Чиқса уруш бўктару хафтонидин.
Кийса тараб ҳулла-у каттонидин. *Ҳайратул-аброр*, 7-70.

БЎЛ- I [بول] – 1. бўлмоқ:
Бу банда айтур сўзни бўйнумдин адо қилмиш бўлғаймен. *Муншаот*, 14-186;
Жамрий ўкунуб бийик бўлмас ўчку югуруб кийик бўлмас.
Маҳбубул-қулуб, 14-123;
Урушда душман оз деб ғофил бўлмамақ керак ким кўп ўтунни оз ўт куйдурур.
Тарихи мулуки ажам, 16-244;

2. бирор нарсага айланмоқ, бирор ҳолат ёки шаклга ўтмоқ:
Уки кўнглум шуъласин гаҳ сокин этди гоҳ тез,
Гаҳ ўтин бўлди гаҳи сув урди пайкондин анга. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;

3. ён босмоқ, қарашмоқ, ишонмоқ:
Ҳар киши Тенгрига бўлса Тенгри ул кишига бўлур. *Муншаот*, 14-182;

~ **ар бўлди** – бўлари бўлди:
Чу бўлар бўлди ўзингни хуш тут,
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут. *Фавойидул-кибар*, 660-Т.

БЎЛ- II [بول] – бўлмоқ, айирмоқ, ажратмоқ, жудо қилмоқ:
Анингдек ташнамен эй муғбача гар қўш тутар бўлсанг
Фалакнинг ҳуккасин бўл икки то бўлсун икки жоним. *Фавойидул-кибар*, 392-Т;
Ўлардин бурна юз ўлмак недур бу,
Бошим юз тиғ ила бўлмак недур бу? *Фарҳод ва Ширин*, 449-Т;
Бўлуб қурси маҳи тобонни икки,
Қиши андақ ки бўлғай нонни икки. *Фарҳод ва Ширин*, 89-Т.

БЎЛА [بولا] – бўлсин учун, бўлиши учун:
Бу ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлар осонликға бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 11-Т;
Ҳажр дарди ву фирок андуҳиға таскин бўла,
Ўлтуруб улфат била бир бирларига ёндашиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т.

БЎЛДУР- [بولدور] – амалга оширмоқ:

... батахсис араб ва Яздижирд муддате саъй қилиб илик аёқ урди ва бўлдура олмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-254.

БЎЛМАҚ/БЎЛМАҒ [بولماق / بولماغ] – бўлиш:

Шайхи жоҳил бўлмақ ўз асрори бирла мунбасит,
Ғафлат аҳли банг ила қилған кибидур инбисот. *Ғаройибус-сиғар*, 229-Т;
Ун не кўздур ким эрур нозу карашма жомидин,
Бўлса махмур офат аммо бўлмағи ўсрук бало. *Наводируш-шабоб*, 29-Т.

БЎЛМАҒЛИҒ/БЎЛМАҒЛИҚ/БЎЛМАҚЛИҚ [بولماقليق / بولماغليق / بولماغليغ] – бўлмоқлик, бўлишлик; амалга ошмоқлик:

Нокас киши бўлмағлиғда ва ножинс киши бўлмағлиғ бобида. *Наводируш-шабоб*, 689-Т;

Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ,
Ки йўқ салоҳ ила бўлмағлиғ эмди бизга салоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 102-Т;
Заъфи кўплуктин Навоийнинг кам ўлмас ноласи,
Не мунофидур фиғон булбулға бўлмағлиқ орук. *Бадойиул-васат*, 249-Т;
Ҳусн боғи ичра қаддинг сарв бўлмақлиққа туш,
Ҳар ҳаво қилғани кўнгул ул қад уза сарв узра куш. *Наводируш-шабоб*, 247-Т.

БЎЛУК [بلوک] – 1. улуш, қисм, бўлак:

Ки ўн тўққуз эрди учунчи бўлук,
Ки бор эрдилар олам ичра мулук. *Садди Искандарий*, 109-Т;

2. туман, қишлоқ:

Гумбурақ бўлукида... бағот ва дарахтон ва сарой ва боғча ва сойир арозиси била. *Вақфия*, 14-267.

БЎЛУЛ- [بولول] – шуғулланмоқ, этилмоқ, бўлмоқ:

Бари бу сўздин манга ҳайрат-у таажжуб юзланди. Астарободда хайли вақт бўлулди. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;
Устод Қулмуҳаммад... тарбиятиға машгул бўлулди. *Мажолисун-нафоис*, 58-Т.

БЎЛМАМАҚ [بولماماق] – бўлмаслик:

Гарчи билдим ки ҳарис ўлди жаҳонда маҳрум,
Бўлмамақ мумкин эмас ёр висолиға ҳарис. *Наводируш-шабоб*, 273-Т.

БЎЛУШ- [بولوش] – бўлишмоқ:

Бир бири бирла бўлушуб ўйла дўст,
Ким киши ким кўрса дегай мағз-у пўст. *Ҳайратул-аброр*, 7-227.

БЎЛҒАНЛИҚ [بولغانليق] – бўлганлик, ён босишлик:

Тенгрига бўлғанлиқнинг маъниси буни дебтурлар ким Тенгри таолонинг буйруғи била амал қилинғай. *Муншаот*, 14-126.

БЎМ-БЎЗ [بوم بوز] – ўта бўз, ўта даражада оқ-кулранг:

Яна бир ранг ё бир сифатнинг хум ул ҳолига муболаға учун анинг аввалида аввал ҳарфиға бир... «мим» изофа қилиб ул шайъға зоид қилурлар... кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

БЎРДА- [بورده] – семирмоқ; **бўрдаған бат** – семирган ўрдак, семиз ўрдак:

Юзинда мунинг май бати лаъли ноб,
Анинг устида бўрдаған бат кабоб. *Муншаот*, 14-141;

бурдаған мокиён – семиз товуқ:

Катакда қолиб бўрдаған мокиён,
Не маълуми учмақда суду зиён. *Садди Искандарий*, 256-Т.

БЎРИЁ- [بوريا] – бўйра:

Шод ўлубтур фақр кўйида Навоий айла ким
Салтанат фарши гадолиғ бўриёсидур анинг. *Бадойиул-васат*, 275-Т;
Хонақоҳ ичра ки солиб бўриё,
Ранг анга зарқ ўлубан бу риё. *Ҳайратул-аброр*, 7-134;
Чатр ила тожин бошиға урдилар,
Бўриё тонин бузуб куйдурдилар. *Лисонут-тайр*, 77-Т;

~ **йи фақр** – фақирлик палоси, камбағаллик ридоси

Ҳар гадо ким бўриёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга. *Ғаройибус-сиғар*, 33-Т;

~ **йи ҳажр** –жудолик, айрилиқ бўйраси хирқаси:

Эрур урён танимда бўриёйи ҳажр нақшин,
Кўнгул бир нотавон куш ким гирифтор ўлди дом ичра. *Фавойидул-кибар*, 542-Т.

БЎРИЁБОФ [بوریاباف] – бўйра тўқувчи:

Бирав кўнгли оллинда ким софдур,
Агар заркаш ар бўриёбофдур. *Садди Искандарий*, 84-Т.

БЎРИ [بوری] – бўри:

Бўрини қўзи била қилған семиз,
Кийик жамъ-у хайлиғадур раҳмсиз. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;
Чун бўридин кўйға етса тумтарақ,
Ул шабондин анда бир ит яхширақ. *Маҳбубул-қулуб*, 131-Т;

БЎРИЛИК [بوریلیک] – бўрилик, ваҳшийлик:

Ким бўрилик этса қовла ани,
Ул эр ити бирла овла овла ани. *Лайли ва Мажнун*, 372-Т.

БЎРК [بورک] – бош кийим; қалпоқ, телпак, бўрк:

Мавлоно ҳамул масжидға кирганда... бошидағи эски бўрк била эрди.
Лайли ва Мажнун, 73-Т;

Лола каби зоҳир айлабан кўрк,
Эгри қўйубан кизил тери бўрк. *Лайли ва Мажнун*, 73-Т;

Ва қирқ адад бўрк бизга берди йигирми манга ва йигирми анга. Ва ҳар бўркда Шероз бузургларидин бирининг отин битиди. *Насойимул-муҳаббат*, 314-Т;

Мавлоно Ашраф... кийиз бўрк устида курчук чирмар эрди.
Мажолисун-нафоис, 12-Т;

Жилва му қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз. *Ғаройибус-сиғар*, 182-Т;

Ё Раб буне гулдур ким бошиға чечак санчар,
Гаҳ эгри қўйар бўркин гаҳ белга этак санчар. *Ғаройибус-сиғар*, 157-Т;

~ **ўрнида бош элт-** – бўрк ўрнига бош элтмоқ, салла ўрнига калла олмоқ:

Бўрк ўрниға бош элтур нақд ўрниға жон олур,
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур. *Наводируш-шабоб*, 188-Т.

БЎРКА [بورکه] – бўрка, сувдон:

Ва мен шикастахотир бордим ки раквани олғаймен. Кўрдум ки бир бўркада чучук сувдур. Ул сувдин олдим. *Насойимул-муҳаббат*, 357-Т.

БЎРКЛУК [بورکلوک] – бўрклик, телпаклик:

Абу Абдиллоҳи Денаварий дарёда кема ичида қолди мураққаъин кесар эрди ва тикар эрди то бир бўрклукка еткурди. *Насойимул-муҳаббат*, 96-Т.

БЎРТАҒ [بورتاغ] – нотекис; бўртган ер:
Чу оллимда келган бийик тоғ эди,
Тоши итик-у йўли бўртағ эди. *Садди Искандарий*, 70-Т;
Навоий ҳосил эт ҳиммат қаноти ким учар кушқа,
Наво қилғанда мақсадқа не мониъ дашт бўртағи. *Фавойидул-кибар*, 569-Т.

БЎРТАҒЛИҒ [بورتاغليغ] – ғадир-будирлик, ўнқир-чўнқирлик, нотекислик:
Бу бўртағлиғ бирла юз печ анга,
Чиқа олмағудек киши ҳеч анга. *Садди Искандарий*, 70-Т.

БЎРЧИН [بورچين] – ўрдакнинг макиёни:
Тағи турк ўрдакнинг эркагин сўна ва тишисин бўрчин дер.
Муҳокаматул-луғатайн, 176-Т.

БЎС [بوس] – кўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб келиб ўпиш маъносини беради:
Анингдек очти аждар оғзига шаст,
Ки деди гурди анжумбўс бардаст. *Фарҳод ва Ширин*, 209-Т;
Дайр аро асмоъи нокус айлайин,
Бут сужудинда заминбўс айлайин. *Лисонут-тайр*, 93-Т.

БЎСА [بوسه] – ўпич, бўса:
Гар Навоий ҳажридин ўлмиш вале юз жон топар,
Лаъли руҳафзосидин бир бўса инъом айлагач. *Фавойидул-кибар*, 99-Т;
Гадолиғ эттим эса бўсае аччиғланибан
Деди ки асру уятсиз гадо эмиштуксен. *Ғаройибус-сиғар*, 370-Т.

БЎСАҒА [بوساغه] – бўсаға. остона: *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т;
Кўнгулда сариғ юзни олтун бўсағаға суртмак муддаоси бениҳоят эрди.
Муншаот, 14-164;
Магар ажал сарсари туфрағимни бўсагадин совурғай ва ўлум сайли хошокимни бу эшикдин сургай. *Муншаот*, 14-154.

БЎСТОН [بوستان] – боғ, гулзор, чаманзор:
Не бўстон ки сайр ичра мавжуд эди,
Ҳақоратдин оллимда мардуд эди. *Садди Искандарий*, 87-Т;
~ **и изор** – бўстон либоси:
Бўлди бўстони изоринг бодадин афрукта. *Ғаройибус-сиғар*, 276-Т;
~ **и офат** – офат бўстони:
Орази гул гул бўлуб майдин оқизди қон ёшим,
Кўр не гуллар очти ул бўстони офат гулбуни. *Наводируш-шабоб*, 600-Т;
~ **и роз** – сирли бўстон, чаманзор:
Кўнглум эрур булбули бўлстони роз,
Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-73;
~ **и ҳол** – бўстон ҳолати:
Нағма туз эй қумрйи бўстони ҳол,
Нағманг ичра мундариж алҳони ҳол. *Лисонут-тайр*, 50-Т;
~ **и ҳусн** – зеболик, гўзаллик бўстони:
Жисм боғида равон шакли тасаввур қилди ақл,
Бўстони ҳусн аро сарви хиромоним кўруб. *Ғаройибус-сиғар*, 70-Т.

БЎСТОНАФРУЗ [بوستان افروز] – гултожихўроз:
Бўлди бўстони изоринг бодадин афрухта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг. *Ғаройибус-сиғар*, 276-Т;

Юзу холинг ғамидин бўстонафрўз эрур жисмим,
Ки тутмиштур ичимни тухли ғам хуноби ташимни. *Фавойидул-кибар*, 578-Т.

БЎСТОНИЙ [بوستانی] – бўстоний:
Шаҳ қилиб хилъатини райҳоний,
Рост андақ ки сарви бўстоний. *Сабъаи сайёр*, 10-202.

БЎСТОНСАРО(Й) [(ی)بوستان سرا] – чаманда сайровчи булбул, гулзорда сайр этувчи:
Бу гулшан булбулу бўстонсаройи,
Дема бўстонсаро дастонсаройи. *Фарҳод ва Ширин*, 505-Т.

БЎТА I [بوته] – бўталоқ; туя боласи; фарзанд, ўғил:
Бўтам деб гоҳ бўзлаб ҳўб ўкурса
Жафо тошин синуқ кўксига урса. *Фарҳод ва Ширин*, 451-Т.

БЎТА II [بوته] – заргарлар маъдан эритадиган идиши:
Тадвир бўталаридин сайрот сими сув бўлуб симобдек оқиб арз конига етишгай.
Муншаот, 14-89.

БЎТАЛИҒ [بوته لیغ] – бўталоқли:
Алар ожиз бўлғандин сўнгра Солиҳдин ғариб муъжиза тиладилар ким хора тошидин дуо қилиб бир бўталиғ тева чиқарғил. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-109.

БЎХСА- [بوخسا] – эзилмоқ, азобланмоқ; истироб чекмоқ:
Ҳажри андуҳида бўхсабмен била олман нетай,
Май иложимдур кўпуб дайри фаноға азм этай. *Муҳокаматул-луғатайн*, 171-Т.

БЎХСАМАҚ [بوخساماق] – истироб, азобланиш, эзилиш, қийналиш:
Форсигўй турк беклар ва мирзодалар бўхсамақни форсий тил била тиласалар ки адо қилғайлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 171-Т.

БЎШ [بوش] – бўш, очиқ, эркин:
Чу кўймай банд аро бир узвини бўш,
Димоғиға келтургайлар анинг ҳуш. *Фарҳод ва Ширин*, 377-Т;
Дедим алар бўшдур. Деди бўш бўлса бошларин нега беркитибсиз?
Дедим анинг учун ки орик қолғай. *Насойимул-муҳаббат*, 454-Т.

БЎШЛУҒ [بوشلوغ] – қорин бўшлиги; очлик:
Ва бу зуруф ошлиғ зуруфидур ва буларнинг кути ошлиғдур чун қорин очлиғи яъни бўшлуғи зоҳир бўлса ани ашлиғ ва ҳубуб била тўла қилурлар.
Насойимул-муҳаббат, 455-Т.

БЎЯ- [بویا] – бўямоқ, тус бермоқ, рангга солмоқ:
Тоза туган зоҳир этиб лоладин,
Ул туганин қопға бўяб жоладин. *Ҳайратул-аброр*, 7-251;
... кари ким соқолин вусма била бўяғай йигитдекдур ким ани гулоб била ювғай
Маҳбубул-қулуб, 14-205.

БЎЯЛ- [بویال] – бўялмоқ, рангланмоқ; ўзга тус бермоқ:
Жоним лабинг шаҳиди эканга тануқдурур,
Ҳар ол ришта қанға бўялған кафан аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;
Қаро кийзлар бўюнлариға солиб,
Ки юздин кийз-у кийздин юз бўялиб. *Фарҳод ва Ширин*, 453-Т.

БЎҒ- [بوغ] – бўғмоқ:
Кимга ким дўлоб чархидек солур саргашталик,
Бўғзин ип бирла бўғар қилған сайи фарёд-у чиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 239-Т.

БЎҒМАҒ [بوغماغ] – бўғиш, халок қилиш:

Бўрига ки қўй бўғмағи пешадур,
Шабон меҳнатидин не андешадур. *Садди Искандарий*, 308-Т.

БЎҒУЗ/БЎҒЗИ [بوغز / بوغزی] – бўғиз, томок; кекирдак, ҳалкум:

Берай ким тамаъ риштаси қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси. *Садди Искандарий*, 253-Т;

Агар фосиқдур ва бадмаош сурма ҳам ҳайфдур бўғзиға муносибдур тош. *Маҳбубул-қулуб*, 14-29;

Қуюб бўғзиға шарбат оғзиға қут,
Бўлуб ул туъма ву шарбат анга қут. *Фарҳод ва Ширин*, 270-Т.

БЎҒУЗЛА- [بوغوزلا] – сўймоқ, бўғизламоқ:

Кўнгулга ҳажр захми ким уруб ўздин ирақ солдинг,
Бўғузлаб ташлаған кушдек тўкуб қон изтироб айлар. *Наводируш-шабоб*, 185-Т;

Чунки солди икки қўлиға шикол,
Қайбур отиб бўғузлади филҳол. *Сабъаи сайёр*, 10-355.

БЎҒУЗЛАҒУ [بوغوزلاغو] – бўғиз, молни бўғизлаганда бўғизнинг пичоқ тортиладиган ери:

Егулуклардин агарчи кўй мўчаларидин баъзиға от кўюптурлар, аммо оркани ва ошуғлук иликни ... ва ўрта иликни ва бўғузлағуни туркча айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

БЎҒУМ [بوغوم] – бўғин:

Ўқларингга ёқти бағрим қониму эй қоши ё,
Йўқса анда зеб учун ҳар ё бўғум пайвандидур. *Навобирум-шабоб*, 152-Т.

БЎҒУН [بوغون]– бўғин; суякларнинг бирлашган жойи:

Ғаминг бўғун бўғунумни айирди ҳам хуштур,
Итингга ташламақ учун бирин бирин сўнгаким. *Ғаройибус-сигар*, 314-Т;

Сўнгакдин эмас риштаи жисмимда бўғунлар,
Ул торда ранжим ададининг тугунидур. *Бадойиул-васат*, 110-Т.

БЎҲТОН [بهتان] – ёлғон, туҳмат:

Кўрмайин ул ким иши бўҳтон эрур,
Бил ки бу хислат била шайтон эрур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-114;

~ **айла-** – бўҳтон қилмоқ:

Эй Навоий дема икрор айла ишқи таркини,
Ким инонғай гар ўзумга бўйла бўҳтон айласам. *Бадойиул-васат*, 324-Т.

В

ВА (/у/ву/ю) [و] – ва, ҳам (боғловчи):

...ва Хусравнинг туғи бошсиз ва боши ҳўдсиз ордусиға сурмаги ва черигин курған сари кўчурмаги. *Фарҳод ва Ширин*, 348-Т;

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзо ву дилбанд. *Ғаройибус-сиғар*, 15-Т;

Фано ҳавас қил-у факр эт ҳаво Навоийдек,
Вале ҳаво ву ҳавас қилмағил ҳаво ву ҳавас. *Ғаройибус-сиғар*, 191-Т.

ВАБО [وبا] – 1. вабо; офат, бало:

Айш-у суҳбат хайлиға туткай насимидин вабо,
Қайда солсам захми исланған юракнинг марҳамин. *Ғаройибус-сиғар*, 349-Т;

2. зарар етказувчи:

Гул иси гар жуал балосидур,
Ҳам ул ис-ўқ анинг вабосидур. *Сабъаи сайёр*, 10-405;

~ **бўл-** – вабо бўлмоқ:

Шайх Ҳофиз Умар дебдур ки бир вақт бу вилоятда азим вабо бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 290-Т.

ВАБОИЙЯ [وبائیه] – вабо, ўлат:

Ўйла ким шаҳ морға бўлғай умид ҳам жаъфарий,
Ё вабоийя халққа тоун ҳам ўлғай бир сари. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-457.

ВАБОЛ [وبال] – 1. увол; зарар; зиён:

Қарилиғда гар билсам эрди бу ҳол,
Йигитлик чоғи қилмас эрдим вабол. *Садди Искандарий*, 284-Т;

2. сайёранинг куйиға тушиши:

Бу вақтда Ҳайдар Кўкалтошнинг толининг кавкаби нуҳусат тиралиғидин чиқиб саодат буржиға юзланган учун ва иқболининг ахтари ражъат ваболидин қутулиб... сипеҳросо боргоҳға юзланди. *Муншаот*, 14-181;

Мискин Навоий жониға кўйунгда қилма қасд,
Сайд айламак ҳарам кушин охир вабол экин. *Ғаройибус-сиғар*, 362-Т;

~ **ўл-** – гуноҳ бўлмоқ, айб бўлмоқ:

Динингға куфрдин вабол ўлсун,
Кофир ўлмақ санга ҳалол ўлсун. *Сабъаи сайёр*, 10-192;

~ **и жон бўл--** жонга увол, зиён етмоқ:

Қилма ул иш ким етиб нуқсон санга,
Охири бўлғай ваболи жон санга. *Лисоиут-тайр*, 151-Т.

ВАВ [واو] – араб алифбосида ҳарф номи, абжад ҳисобида 6 ададни англатади:

Қайда мумкиндур алифдек чиқмақ элдин хосса ким
Кун аро олти жиҳатдин қолмишам андақ ки вав. *Наводируш-шабоб*, 508-Т.

ВАГАР [وگر] – 1. агар, «ва» билан «агар»дан тузилган сўз:

Саъй этиб келтур менинг сари вагар худ келмаса,
Оллида бедиллигимнинг дастонин ўткару. *Фавойидул-кибар*, 492-Т;

Вагар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,
Азал тақсимидин бўлди муқаррар. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т;

2. хоҳ, ёки, ё:
Амалға боқма ки бебаҳра фазл эрур яксон,
Фузайли Бармакий ўлсун вагар Фузайли Аёз. *Ғаройибус-сиғар*, 226-Т.

ВАДИАТ [وديعت] – 1. амонат:
Чун етти суруши осмоний
Топшурди вадиате ниҳоний. *Лайли ва Мажнун* 319-Т;
Ул бурунғи пир анга боқиб табассум қилди ва илгин тутуб сўнгғи пирға топшурди ва деди ки бу Тангри таолодин вадиатидур санга.
Насойимул-муҳаббат, 310-Т;
Бу лаҳза ки топшуруб вадиат,
Туфрағ сари айлагум азимат. *Лайли ва Мажнун*, 344-Т;

2. рух, жон:
Ажал пайки қачан ким етса филҳол
Вадиатни дегач топшур. Десам: Ол. *Вақфия*, 14-247.

ВАДОЙИЪ [ودايع] – омонатлар (сақлаб турадиганлар):
Сўнгра раийятни вадойиъ деди,
Хуррам ани бил ки бу гамни еди. *Ҳайратул-аброр*, 7-123.

ВАДУД [ودود] – дўст, муҳиб:
Берса элга шоҳлиғ ҳаййи вадуд,
Сен де бори ки санга анга не суд. *Лисонут-тайр*, 82-Т.

ВАЁ [وبا] – ваё, ва лекин; балки:
Шуури борму илгида қаламнинг
Ваё ул хома навкида рақамнинг. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т;
Юзинда май гулидур ё юзин кўргузди кўзгудин,
Ваё жаннат гули аксини зоҳир айлади сувдин. *Наводируш-шабоб*, 500-Т.

ВАЖАБ [وجب] – қарич, ўлчов бирлиги:
Бир важаб ер қолмаған офоқ аро,
Балки бу кирёси нилифоқ аро. *Лисонут-тайр*, 17-Т;

~ **барважаб** – қаричма-карич:
Тенгиз тул-у арзин важаб барважаб,
Топиб зарбу қисмат била бетааб. *Садди Искандарий*, 460-Т.

ВАЖАЪ [وجع] – дард, алам, оғриқ, азоб:
Бир дардманд кўнглида кўрсанг важаъ анга,
Гар кўнглунг оғримас ул эмас бу дурур важаъ. *Бадойимул-васат*, 221-Т;
Невчун ким то тирикдурур ул золими лаин,
Кўнглунггадур ҳалокату жонингғадур важаъ. *Наводируш-шабоб*, 287-Т.

ВАЖД(А) [وجد(ه)] – тариқат аҳлига хос ҳаяжон; завку шавқ:
Важд била қалам ёзған қазони қайтарай деган курук ерда кема сурай дер.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-486;
Шайх дебдур ки анингдек муҳаққиқи важда кўрмадим.
Насойимул-муҳаббат, 88-Т;
Дайр аро ҳар дам йиқилма важд этиб эй шайх ким
Пири дайр оллинда мустаҳсан эмас ҳар беадаб. *Бадойиул-васат*, 35-Т;

~ **-у сарир** – ҳаяжонли қичқириқ:
Эл таажжуб қилдилар ки бу фақир,
Бежиҳат қилди аён важду сафир. *Лисонут-тайр*, 270-Т;

~ **-у саъқа** – ҳаяжонли кичқирик, шавқу завқли ҳайқирик:
[Шайхи риёйининг] уйғақлиғида дегани барча ёлғаи.
Симои усулдин ташқари важд-у саъқаси таъриф оҳангидин нари.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-480;

~ **и филлоҳ** – ҳақжамолидин руҳий лаззат олиш ҳолати:
Ногоҳ бир муғанния муҳаббатиға мубтало бўлди ва элдин маҳфий эрди ва ул важду сайҳалар ки важди филлоҳда тортар эрди боқий эрди аммо аввал Тангри ишқида эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 162-Т;

~ **-у ҳол** – шавқу завқ ҳолати:
Амир Хисрав Деҳлавийдур ким... пок алфоз ва маонийлиқ ашъори ишқ аҳли аросида ғавго ва важд-у ҳол анжумани фазосида алоло солибдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-68;

~ **-у ҳолат** – шавқу завқ, завқу шавқ:
Лафзингдин улусқа важд-у ҳолат,
Етмай санга баҳра жуз малолат. *Вақфия*, 14-248;

~ **-у ҳол аён эт-** – беҳуш бўлмоқ, ўзидан кетмоқ:
Кўргач ул ҳолат тушуб кўнглига хуш.
Важд-у ҳол этти аён айлаб хуруш. *Лисонут-тайр*, 270-Т;

~ **-у ҳол айла-/қил-** – аҳволни билмоқ, хабардор бўлмоқ; ҳол-аҳволини баён қилмоқ:
Жой ул бўлғай ки айлаб важд-у ҳол,
Бошидин елдек чиқарғай ул хаёл. *Лисонут-тайр*, 186-Т;
Мавлоно Риёзий... ваъз айтиб минбарда ўз ашъорин ўқуб йиғлаб важд-у ҳол қилур. *Мажолисун-нафоис*, 109-Т;

~ **-у рақс айла-** –ҳаяжонланмоқ:
Шайхқа бу рамздин вақт ўлди хваш (хуш),
Важд-у рақс айлаб йиқилиб қилди ғаш. *Лисонут-тайр*, 185-Т;

~ **-у ҳол бер-** – шавқу завқ ато қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ:
Субҳоналлоҳ... зоҳир юзидин мунча фазл-у камол ва маъно тарафидин мунча важд-у ҳол бера олур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т.

ВАЖИҲА [وجيهة] – кўркам, басавлат, келишган; шарафли; ҳурматли:
[Кубод] бағоят важиҳа ва мутакаллим киши эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 519;
Чун ўзлари дағи фақир ва фано тариқи акмал важиҳа била зоҳир эрди.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-96.

ВАЖҲ I [وجه] – чехра, юз; ~ **и сабих** – гўзал, латиф чехра:
...орифлар самоъи мажмаъида кўнгуллар тарвижи учун уч нимага мухтож дурурлар: равойиҳи таййиба ва важҳи сабиҳ ва савти малиҳ.
Насойимул-муҳаббат, 162-Т;

ВАЖҲ II [وجه] – сабаб, боис, восита:
Ҳар важҳ ила нотавонға ҳамсуҳбатлиқ,
Кўп яхши ки комронға ҳамсуҳбатлиқ. *Назмул-жавокир*, 15-173;
Ҳамд важҳида бири сарчашмаи оби ҳаёт,
Ҳадди лутф ичра бири сарҳалқаи аҳли наим. *Бадойиул-васат*, 297-Т;

~ **и акмал** – етарли сабаб, боис, йўл:
Мавлоно Ҳамидиддин... аммо важҳи акмал била тилар ки такмил қилғай.
Мажолисун-нафоис, 141-Т;

~ **и аҳсан** – гўзал бир важҳ, восита, сабаб:
Яхширақдур кўрмаган оламда ҳусн аҳли юзин,
Ким санамлар ишқининг бу келди важҳи аҳсани. *Наводируш-шабоб*, 586-Т;

~ **и *маош*** – хизмат ҳақи, тирикчилик воситаси:
[Фируз бинни Яздижурд] кўпрак муҳтожларға хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-239;
Мавлоно Мажнуний... китобатқина қила олур ки важҳи маош ҳосил қилғай. *Мажолисун-нафоис*, 113-Т;

~ **и сим** – кумуш танга:
Бир кун Ҳазрати Мавлоно анга дедилар ки Дамашққа бор Мавлоно Шамсуддин талабиға ва мунча важҳи сим элт ва ул султони маъно кафши ичига сол ва муборак кафшининг юзин Рум сари қил. *Насойимул-муҳаббат*, 307-Т;

~ **и тасмия** – от қўйиш сабаби:
Зулқарнайн ким анинг лақабидур важҳи тасмиясини мундақ дебтурлар ким ул замонда минг йилни бир қарн дер эрмишлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-25;

~ **и ҳасан** – обрў, эътибор боиси; гўзаллик важҳи:
Неча бўлсалар умр бирла асан,
Топарлар камол ичра важҳи ҳасан. *Садди Искиндарий*, 286-Т;
Ҳажр эмди Навоий гар ўлтурса не армон,
Мунча ки мурод анга бу важҳи ҳасан эрди. *Фавойидул-кибар*, 583-Т.

ВАЖҲ III [وجه] – 1. маблағ, пул, мол, нарса:
Ҳам анча важҳ андин элга етсун,
Ани еткургач ўз мулкига кетсун. *Фарҳод ва Ширин*, 493-Т;

2. обрў, иззат, ҳурмат; бойлик:
Дона ўйнаб важҳин исор этсанг андин яхши ким
Эвуруб тасбиҳ-у ёрмақ судин эткайсен ҳисоб. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т;
Сен лутф этиб агар навосоз ўлғунг,
Бу важҳ била анга сарафроз ўлғунг. *Назмул-жавохир*, 15-137;

3. нарх, қиймат:
Гавҳари байъин икола айлади,
Тутти ву важҳин ҳавола айлади. *Лисонут-тайр*, 70-Т;

~ **и май** – май ҳақи, май бадали; май нархи:
Важҳи май жон нақди ву тан доғидур эй муғбача,
Хилқатим ганжинасин юз қатла гар худ ахтарай. *Ғаройибус-сиғар*, 446-Т.

ВАЖҲАСИЗ [وجهه سيز] – важсиз, сабабсиз, баҳонасиз:
Чеҳра ёпиб мени куйдурма ахи,
Важҳасиз жонима ўт урма ахи. *Наводируш-шабоб*, 639-Т.

ВАЖҲУЛЛОҲ [وجه الله] – Худо жамоли:
Юзунг лавҳида важҳуллоҳ аёндур,
Не тонг гар олмасам ул кўзгудин кўз. *Наводируш-шабоб*, 221-Т.

ВАЗЗОН [وزّان] – ўлчовчи; торозибон:
Аммо бу ҳисоб хиради дурбин ваззони била ва ақли дурандиш мезони била рост эрмас. *Муншаат*, 14-155.

ВАЗИР [وزير] – вазир:
Қилди куллуғни ўйла табъпазир.
Ки шаҳ этти ани қошинда вазир. *Сабъаи сайёр*, 10-331;

~ **и кордон** – таржрибали вазир:
Чиқиб шаҳзода бирла шоҳ икавла,
Вазири кордон бирла учавла. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т;

~ **и ростгом** – собит қадам, дадил, шаҳд қадам, тўғри юрувчи вазир:
Ҳар бирига бир вазири ростгом,
Яна бир фарзину лекин кажхиром. *Лисонут-тайр*, 212-Т.

ВАЗИРЗОДА [وزیرزاده] – вазирнинг ўғли, фарзанди:
Мавлоно Ёрий – вазирзода эрди. *Мажолисун-нафоис*, 61-Т.

ВАЗИФА [وظیفه] – 1. вазифа, топшириқ:
Вазифа кўнглума ҳар кун эрур бир доғ ишкингдин,
Қаноатдин тузубмен бир дирам бирла маошим. *Фавойидул-кибар*, 578-Т;
Мавлоно Абдураззоқ... соҳиби жамъ вазифаларин кечрақ барот битидурган учун шикоятқа бу фақир қошиға келдилар. *Мажолисун-нафоис*, 160-Т;
2. маош, ойлик, нафақа:
Ҳар бирининг йиллик вазифаси минг икки юз олтун накда бўлғай.
Вақфия, 14-267.

ВАЗИЪ [وضیع] – кичик, паст; авом; оддий:
Чу яксар йиғилди шарифу вазиъ,
Сўзи қилди огоз беҳад бадиъ. *Садди Искандарий*, 130-Т.

ВАЗН [وزن] – I, оғирлик, ўлчов:
Эй Навоий не ажаб ҳажр этса хасдек поймол,
Ишқ аро тоғдек вазн-у саботим йўқ эди. *Фавойидул-васат*, 610-Т;
Яна бир тож эрди ким вазни олтмиш ботмон эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-247;
2. шеърий ўлчов:
Мавлоно Муин Воиз... шеърида вазн ва қофия ва радифға муқайяд эмас эса муоф бўла олур. *Мажолисун-нафоис*, 139-Т;
3. мусиқа, куй, оҳанг пардаси:
Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чек ки ҳай ҳай ўланг ҳай ўланг. *Садди Искандарий*, 378-Т;
4. миқдор, қадр, қиммат, аҳамият:
Шукуҳу ҳилми айлаб элни бевазн
Гиёҳу хасқа тоғ оллида не вазн. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;
~ **каффаси** – тарозу палласи:
...ул сочилған дурларни бу ҳазратнинг олий исмиға вазн каффасиға қўйдум.
Назмул-жавоҳир, 15-135;
~ **и фисқ** – фисқ вазни, миқдори, аҳамияти:
Вазини фисқ ичинда кай қари кофир дебтур ва ани таржиҳ ҳам қилибтур ким ўзида бу ҳоли ниҳон ва анда ашкор эрканин билиб. *Бадойиул-васат*, 501-Т.

ВАЗОЙИФ [وظایف] – вазифалар, топшириқлар; маош, харж:
Бу икки буқъанинг иморати ва саканасининг вазойифи била
барча маунати андин ҳосил бўлуб шарт қилған дастур била сарф бўлғай.
Вақфия, 9(10)-652;
Арбоби вазойиф – икки олими муттақий мударрис бўлғай. *Вақфия*, 14-267.

ВАЗОН [وزان] – эсиб турувчи (шамол):
Худ ўлмас тараб ели ул дам вазон,
Етар умр боғиға фасли хазон. *Садди Искандарий*, 281-Т;
Гарчи ул вақт эрди фасли хазон,
Гул сочар бошлади насимн вазон. *Сабъаи сайёр*, 10-251.

ВАЗОРАТ [وزارت] – вазирлик:
Мавлоно Осафий – отаси подшоҳи замоннинг вазорат девонида муҳр босибдур.
Мажолисун-нафоис, 80-Т;
Аморат наврўзиси била сарафроз ва вазорат зайлучаси узра муомалапардоз килдилар. *Вақфия*, 14-244.

ВАЗОРАТЪИЁБ [وزارت عیاب] – вазир мансаблиги:

Бири расми бўлди садоратмаоб,
Бири исми бўлди вазоратъиёб, *Вақфия*, 14-245.

ВАЗЪ [وضع] – 1. аҳвол, ҳол; шакл, тузилиш, равиш, усул, тартиб; одат:

Жисмдин сўрсам ки бу вазъингга на эрди сабаб,
Дер анга бўлдн сабаб ўтлук бағирнинг хирқати. *Хазойинул-маоний*, IV6-601;
Жаҳон аҳлидек эрмас вазъ-у таври,
Бир андақ кўрмаган афлок даври. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т;

2. ўринга қўйиш, ўринлаштириш:

Гуруҳи демишлар ки бу жирми хок,
Эрур вазъ нчинда баланду мағок. *Садди Искандарий*, 455-Т;

3. ҳолат:

Чу шайхухат ўлди табиатқа жуфт,
Куво вазъиға заъф солди нухуфт. *Садди Искандарий*, 286-Т;

4. табъ, феъл:

Айлади ҳақ вазъида нодир ани,
Не ки қилайин деса қодир ани. *Ҳайратул-аброр*, 7-166;

~ **и бехудона** – пасткашлик ҳолати:

Ким қум уза қолибан нишона,
Ётмағлари вазъи бехудона. *Лайли ва Мажнун*, 146-Т;

~ **у ирфон** – маърифатли бўлиш, хушфеъл бўлиш;

Вазъу ирфондин басе шаҳду шакар,
Ким бўлуб бечораларға чорагар. *Лисонут-тайр*, 34-Т;

~ **у ҳайъат** – тузилиш сурати, кўриниши:

Бўйла вазъ-у ҳайъати мафтун ила,
Бўйла нутқ-у нағмаи мавзун ила. *Лисонут-тайр*, 52-Т;

~ **қил-** – 1. тартиб бермоқ, тузмоқ:

Турк алфозининг возиъи асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузъий мафҳўмот учун алфоз вазъ қилибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;
Алфоз ва иборат вазъ қилурда турк сартқа фойиқ келибдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т;

2. ихтиро қилмоқ, яратмоқ:

Халил ибну Аҳмад рубоий қоидасин вазъ қилибдур.
Муҳокаматул-луғатайн,185-Т;

Мухталиф топиб садойи ширинин,
Қилди андин вазъ мусиқи фанин. *Лисонут-тайр*, 254-Т;

~ **и ҳамл қил-** – пайдо бўлмоқ; туғмоқ, кўзи ёримоқ:

Ҳумой рой ва хирадлиғ хотун эрди, чун ҳомила эрди вазъи ҳамл қилди ва салтанат хубби қўймади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-212.

ВАЗЪЛИҚ [وزعلیق] – шакллик; усуллик, ҳолатлик, табълик:

Валекин улуқ вазълиқ жонвар,
Аларға ажаб вазъ бирла сувар. *Садди Искандарий*, 453-Т.

ВАИД [وعید] – кўркитиш, таҳдид этиш, огоҳлантириш:

Деди меҳмонинг бўлуб юз жавр ила айлай ҳалок,
Ваҳ ки бор ул шўхнинг ҳар ваъдасида юз ваид. *Ғаройибус-сиғар*, 120-Т;
Улуғларнинг ҳам ваид ва таҳдидин эскармадинг. *Муншаот*, 155;
Ки мен «Хамса»да айлаб эрдим ваид,
Ки ҳар ким ки айтурға тутса умид. *Садди Искандарий*, 525-Т.

ВАЙЛ [ويل] – дўзах:

Ҳам аҳли равзаға фирдавс сенсизин чаҳи вайл,
Ҳам аҳли вайл иши ҳажринг ўтида вовайло. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;
Умматидин келса бир ул навъ хайл,
Ким бариға бўлса жазо чоҳи вайл. *Ҳайратул-аброр*, 7-29.

ВАЙЛО [ويلا] – фарёд, вовайло; **чек-** – фарёд қилмоқ:

Чекиб Фарҳод ҳижронида вайло,
Узун йўл тутти андак ким Суҳайло. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т.

ВАЙРОН [ويران] – 1. хароба, вайрона:

Дарвеш тўни йиртуқ андақ турур ким ганж маони бузуқ.
Сафо аҳли жаҳонда андак дурур ким Фаридун ганжи вайронда.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-482;

2. йиқиқ, бузуқ, хароб:

Гунбазин қилди иморат ғунчанинг ёз ёмғури,
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон хануз. *Ғаройибус-сиғар*, 177-Т;
Ваҳ ки кўнглум ноласи ҳар дам бузулған жон аро,
Гўйиё бир чуғз эрур, фарёд этар вайрон аро. *Мажолисун-нафоис*, 205-Т;

3. манзил:

Бермаса кўк қасриға вайронини,
Тоқи фалакка йиқуқ айвонини. *Ҳайратул-аброр*, 7-171;

4. роҳатсиз:

Вайрон тани ғам қуши макони,
Синган боши ҳам қуш ошёни. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т;

5. *нотинч, нообод, қийналиш*:

Ўт солибан хотири вайронима,
Тонгдин оқшомға етиб жонима. *Ҳайратул-аброр*, 7-334;

6. ёмон кайфият, ғамгинлик, хаста ҳоллик:

Тушуб дилбар хаёли жони ичра,
Солиб ўт хотири вайрони ичра. *Фарҳод ва Ширин*, 312-Т;

~ **бўл-** – хароб бўлмоқ, бузилмоқ, жафо кўрмоқ:

Ҳажри кўнглумни бузуб ғам сели ҳамвор этти вой,
Ким асар ҳам йўқтур ул маъмурадин вайрон бўлуб. *Ғаройибус-сиғар*, 72-Т;

~ **айла-/қил-** – 1. хароб қилмоқ, бузмоқ, харобатга айлантирмоқ:

Балхдин азми Нишопур айлади,
Ани вайрон муни маъмур айлади. *Лисонут-тайр*, 171-Т;
Каъбани йиқибсен балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен.
Муншаот, 14-217;
Ваҳ ки кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза касди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйин вайрон қилур. *Ғаройибус-сиғар*, 139-Т;

2. хафа қилмоқ, озор бермоқ:

Қасрини ҳам чарх чун даврон қилур,
Хаста ошиқ кўнглидек вайрон қилур. *Лисонут-тайр*, 154-Т;

~ **эт-** – бузмоқ, емирмоқ, битмоқ:

Тиғи суви шаҳрни бўстон этиб,
Куфр мулку дайрини вайрон этиб. *Лисонут-тайр*, 29-Т;
Чиқти ул вайрон тавофин майл этиб,
Санчар эрдн ниш ҳар ён ким етиб. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

~ **кўнгул кишварин вайрон қил-** – кўп жафо ва алам кўргазмоқ, жароҳатли дилни хароб қилмоқ:
Эккали ғам тухми хайли дард-у ашким селидин,
Айлабан вайрон чу кўнглум кишварин яғмо қилиб. *Бадойиул-васат*, 39-Т.

ВАЙРОНА [ویرانه] – 1. хароба, бузилган жой, йиқилган бино, ташландиқ маскан:
...Ободлар анинг зулмидин вайрона кабутар токчалари байқушға ошиёна.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-456;

2. жавр тортган, азоб чеккан, жароҳатланган кўнгул:
Ёр то азм этти табъимға бузуғлуғ кўйди юз,
Бўлмишам ул ҳусн ганжи ҳажридин вайрона табъ *Фавойидул-кибар*, 285-Т;
Вайронаедур масканим андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикта ўт ашким билан девор нам. *Мезонул-авзон*, 41-Т;

~ **и даврон** – даврон, замон вайронаси:
Йўқ ки оҳимдин қилибтур тира бу вайронни дуд,
Ким қаранғу айламиш вайронаи давронни дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 118-Т;

~ **и муҳаққар** – таҳқирланган вайрона:
Навоий айла макон чарх гулшанин яъни,
Ки чуғз бўлма бу вайронаи муҳаққар. *Фавойидул-кибар*, 26-Т;

~ **и ғам** – ғам вайронаси:
Чун одамийда йўқ вафо кўр ул пари ишки аро,
Жавлонгаҳим дашти фано вайронаи ғам масканим. *Ғаройибус-сиғар*, 331-Т.

ВАЙРОНАЛИҚ/ВАЙРОНЛИК [ویر انه‌لیق / ویر انلیق] – вайроналик; вайронлик:
Туттилар аҳли жунун вайроналиқ ул жамъдин,
Ким паришонлиғлар ичра бўлди вайрон мен киби. *Наводируш-шабоб*, 606-Т;
Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосиға вайроналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 518-Т;
Ки вайронлиқларида юз халалдур,
Агар қилсаи мадад воқиъ маҳалдур. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т.

ВАЙРОНАСЎЗ [ویر انه سوز] – вайрона, харобани куйдирувчи:
Ишқ элининг ўти келди хонасўз,
Уйла ким аждар дами вайронасўз. *Лисонут-тайр*, 202-Т.

ВАЙРОНЛИҚ/ВАЙРОНЛИҒ [ویر انلیق / ویر انلیغ] – бузуқлик, хароблик:
Ўлубмен бегунаҳ Хусрав гунаҳкор,
Бу вайронликка ул бўлгай табаҳкор. *Фарҳод ва Ширим*, 380-Т;
Хотирим вайронлиғим билгай бирав ҳижронида,
Ул ки ҳар соат биравни йўқлағай вайронида. *Бадойиул-васат*, 20-Т.

ВАКИЛ [وکیل] – вакил, кафил, ишончли (одам):
Ришвахўр муфтилар қошида манкуб ва ҳийлакор вакиллар оллида маъюб.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-462;

ВАКОЛАТ [وکالت] – вакиллик, гувоҳлик:
Навоий оғзида неъмал-вакил эрур зикринг,
Сўруғ куни карамингға буюр ваколат анга. *Фавойидул-кибар*, 12-Т;
Айлади байъ завқу ҳолатидин,
Сарви гулрухни шаҳ ваколатидин. *Сабъаи сайёр*, 10-91.

ВАЛАД [ولد] – фарзанд, ўғил, бола:
Қачон ким валад бўлса одам санга,
Бас аҳфод эрур ўзгалар ҳам санга. *Садди Искандарий*, 59-Т;

Валаддур ул дуру волид садафдур,
Садаф яъни ато ву дур халафдур. *Фарҳод ва Ширин*, 128-Т.

ВАЛАҲ [ولح] – азим, катта; ~ **и пурфан** – азим, катта хилагар, фиребгар:
Даҳр раъноси фан-у макри била топсанг фириб,
Тоъни макр эткай аён бу валаҳи пурфан яна. *Бадойиул-васат*, 394-Т.

ВАЛАҲУ [ولهٗ] – ва унга *(«ва» билан «лаҳу» (унга) сўзларидан ташкил топган)*:
Эй Навоий анга ким бор эса бу роҳи насиб,
Равваҳаллоҳу таоло валаҳу ҳусн-у маоб. *Бадойиул-васат*, 33-Т.

ВАЛВАЛА [ولوله] – дод-вой, тўполон; фиғон, нола, фарёд:
Баҳрға бир валвалау истироб,
Ким тегиб ахтар юзига ҳар хубоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-24;
Чун валвала чекти кўй аро табли асас,
Май ич анга тегру ким тинар савти жарас. *Ғаройибус-сиғар*, 549-Т.

ВАЛЕ/ВАЛИ [ولی] – лекин, аммо, балки:
Келди тиргузгали заъфим кўруб ул Исо дам,
Келгани ҳам ўз ишин қилди вале кеткани ҳам. *Бадойиул-васат*, 312-Т;
Борликда агар даҳр жафоси кўпдур, йўксизда вале фоқа балоси кўпдур.
Назмул-жавоҳир, 15-143.

ВАЛЕК [ولیک] – лекин, аммо, бироқ, балки:
Нега ким ул кишиға офат эрур,
Юкла миннат валек жонингға. *Арбаин*, 16-265;
Валек ул ой узорин оҳ тоби,
Назарда қилмиш эрди моҳтоби. *Фарҳод ва Ширин*, 321-Т.

ВАЛЕКИН [ولیکن] – валекин:
Тил била оғзини айлаб бўйла пок,
Тутқай эр отин валекин ҳавлнок. *Лисонут-тайр*, 40-Т;
Тани ранжу балонинг кўҳсори,
Валекин оғзи ул кўҳсор ғори. *Фарҳрд ва Ширин*, 208-Т.

ВАЛИАҲД [ولی عهد] – валиаҳд, подшо меросхўри, тожу тахт меросхури, ворис:
Бу ким мулкумга йўқ эрди валиаҳд,
Оғу таъми берур эрди есам шаҳд. *Фарҳод ва Ширин*, 176-Т;
~ **эт-/қил-** – валиаҳд қилмоқ:
Жаҳондин узар чоғда пайвандини,
Валиаҳд этиб эрди фарзандини. *Садди Искандарий*, 142-Т;
[Кайковус] қариб эрди Қайхусравни валиаҳд қилиб тиригида ани подшоҳ қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-207;
~ **бўл-** – валиаҳд бўлмоқ:
Манучеҳр бўлди валиаҳд анга,
Ки маснад эди бу куҳан маҳд анга. *Садди Искандарий*, 106-Т.

ВАЛИЙ [ولی] – 1. авлиё, азиз:
Искандар... ҳам ҳаким эрди ҳам валий. *Тарихи мулуш ажам*, 513;
Будур ул ки торихлар нақили,
Ҳам ани набий деб дурур ҳам валий. *Садди Искандарий*, 470-Т;
2. эга, соҳиб:
Итка ким еткай валийдин тарбият,
Қушқа ҳам тонг йўқ набидин тарбият. *Лисонут-тайр*, 135-Т;

~ **йи мутлақ** – ҳақиқий авлиё:
...Музд ким анга ҳақдур ани деса бўлгай ким валийи мутлақдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-159;

~ **йи шалойин** – шалойим хасталиги соҳиби:
Балки мулзам бўлса ҳам шаҳр зариф ва шўхлари валийи шалойин ҳам дерлар.
Мажолисун-нафоис, 138-Т.

ВАЛИМА [وليمه] – базм, зиёфат; тўй:
Шайхул-ислом Шайх Амудин накл қилибдур ки бирчоқ
Маккада тенглик тушти сўфилар кадхудо бўлдилар ва валима берур эрдилар.
Ул ҳам уйланди. *Насойимул-муҳаббат,* 173-Т.

ВАЛИНЕЪМАТ [ولی نعمت] – 1. соҳиби эҳсон, сахий, неъмат эгаси:
Яна бири бу ким сен ҳар бекоидалиғ ким қилибсен анга кўра сазо ва жазо топибсен ким ул... мураббий ва валинеъматнинг ва сойир азизларнинг кўнгулларининг озоридур. *Муншаот,* 14-217;

2. мураббий, тарбиячи, подшоҳ:
Навкар ки валинеъматидин риоят кўргай ва бек ва махдумидин тарбият ва иноят кўргай. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-477.

ВАЛИЮЛЛОҲ [ولی الله] – Оллоҳнинг валийси, улуғ бандаси:
Деди кўп сўзлаган хато кўп этар,
Ул ки дерлар ани валиюллоҳ. *Арбаин,* 16-269.

ВАЛЛАЙЛ [والليل] – Қуръон сураларидан бирининг номи, «ал-Лайл» сураси (Тун қоронғуси билан қасам ичаман); бирор нарсанинг қоралигини таърифлашда *Сураи валлайл* (тун қоронғуси)га ўхшатилади:
Ояти «Вашшамс» хуршиди изоридин ўқу,
Сураи «Валлайл» хатти мушкборидин ўқу. *Хазойинул-маоний,* 500-Т;
Атфоли нужум айлабан майл,
Ўқурға ву ўкумағи валлайл. *Лайли ва Мажнун,* 46-Т.

ВАЛЛОҲ(У) [والله] – Оллоҳ, Худо; Худо ҳакки:
Кўйунг уммиди юзунг ҳасрати бирла агар ўлсам,
Ёвумай равзаға валлоҳ тиламай ҳурни биллоҳ. *Ғаройибус-сиғар,* 416-Т;

~ **аълам** – Худо яхшироқ билади:
Ло-у наам бирла хато ё савоб,
Ёзиб анга валлоҳу аълам жавоб. *Ҳайратул-аброр,* 7-226;

~ **аълам биссавоб** – тўғрисини Аллоҳ яхшироқ билади:
Чун Навоийдин узулдунг бор савоб ўлмақ анга,
Жонидин маҳжур ўлар валлоҳу аълам биссавоб. *Наводируш-шабоб,* 40-Т.

ВАЛМУТАХАЛЛИҚ [والمتخلق] – хулқли;

~ **у биахлоқиллоҳ** – хушхулқин, одобли, тарбияли:
валмутахаллику биахлоқиллоҳи сифати била муттасиф бўлди.
Маҳбубул-қулуб, 88.

ВАЛОДАТ [ولادت] – туғилиш, таваллуд:
Султони Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўзафзун давлатлари давриғача ким қиёматқача барқарор ва олам инқирозиғача пойидор бўлғай. *Мажолисун-нафоис,* 5-Т;
Муқаддима аларнинг насаблари ву валодатлари ва сойир авқотларининг сулуки ва бу фақир алар хизматларига қачан мушарраф бўлғаним.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-8;

Ўзига шараф билди доно муни,
Ки ул воқиф эрди валодат куни. *Садди Искандарий*, 118-Т.

ВАЛОЯТ [ولايت] – валилик; ҳокимлик, ҳукмдорлик:
Ул рой асҳобидин эрди аммо анга бир валоят эшиги очилди.
Насойимул-муҳаббат, 37-Т;
Шайхзода Пуроний... икки пуштидин валоят анга маврусийдур.
Мажолисун-нафоис, 148-Т;

~ **аҳли** – валилар, авлиёлар, каромат кўрсатувчилар:
Одоби ҳидоят аҳли янглиғ,
Ойини валоят аҳли янглиг. *Лайли ва Мажнун*, 287-Т;
Бу иш эрур валоят аҳли иши,
Қила олмас бу ишни ўзга киши. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-94.

ВАЛОЯТОСОР [ولايت آثار] – ҳукмдорлик нишонаси:
Ул китоб халойиқ аросида машҳур ва ўқимақ битимак шойиъ бўлди ва машойининг валоятосор ҳолоти зикридин ва фойизул-анвор мақолоти фикридин қобул толибларға нафълар ва шавқ-у иродат аҳлиға файзлар етишти.
Насойимул-муҳаббат, 1-Т;
Бу валоятосор гуруҳ ва бу фасоҳатшиор анбуҳнинг руҳларини ким халойиқ руҳи аларнинг жонпарвар нафасларидин тозадур. *Мажолисун-нафоис*, 30-Т;

ВАЛОЯТШИОР [ولايت شعار] – валий нишоналик:
Мавлоно Садруддин... отаси донишманд ва муттақий ва валоятшиор киши эрмиш. *Мажолисун-нафоис*, 181-Т.

ВАЛХОҲ [والخاه] – бскорчиликни хоҳловчилар, истовчилар:
Эй Навоий пора пора бўлса кўнглунг яхшидур,
Ким тараддутсуз олишқайлар ани валхоҳлар. *Наводируш-шабоб*, 149-Т.

ВАЛҲАҚ [والحق] – ҳақиқат:
Соҳибназарлар кўзига маҳбуброқ ва аҳли диллар кўнглига марғуброқ бўлуб ҳурмати ғайратдин ва шуҳрати ниҳоятдин ўтти валҳақ. *Ғаройибус-сиғар*, 14-Т.

ВАР [ور] – агар, вагар:
Гар фалак сайридур истар сени айлаб так-у дав,
Вар малак зикрин эшитсанг санга дер мадҳ-у сано. *Ғаройибус-сиғар*, 56-Т;
Гар вали ким халқдин акмалдур ул,
Вар наби қил фарз ким мурсалдур ул. *Лисонут-тайр*, 230-Т.

ВАРАМ [ورم] – шиш, қабарчик:
Жисмимға варам ҳайъати ҳар тош ки урдунг,
Ул тошни гўё ки ҳам ул ерда ёшурдунг. *Хазойинул-маоний*, 116-350;
Ул бу янглиг суруб фусун била дам,
Ким бўла бошлади таниға варам. *Сабъаи сайёр*, 10-329.

ВАРАЪ [ورع] – тақво, парҳезкорлик, художўйлик:
Ким туъма топмас эткали ифтор-у рўзадур,
Эрмас вараъ бир очқа ғизо базлидур вараъ. *Бадойиул-васат*, 221-Т;
Андақ ки салоҳ анга вараъдин бўлди,
Билгил ки фасод анга тамаъдин бўлди. *Назмул-жавоҳир*, 15-159;

~ **аҳли** – тақво аҳли, тақводорлар:
Бу ҳол ўлса минбар узра ошикор,
Вараъ аҳлининг кўнглин айлаб фигор. *Садди Искандарий*, 77-Т.

ВАРАЪКАШ [ورع كش] – парҳезкор, тақводор:
Қадаҳкашға харобат ўлди маркум,
Вараъкашға муножот ўлди мақсум. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т.

ВАРАЪПЕША [ورع پیشه] – парҳезкорлик, тақводорлик:
Ул дебдур ки отам манга васийят қилди ки илм ўрган зоҳир одоби учун ва вараъпеша қил ботин одоби учун. *Насойимул-муҳаббат*, 136-Т.

ВАРАҚ [ورق] – 1. қоғоз, саҳифа, варақ:
Ҳар варақ назми дилкушосинда,
Бир жаҳони сипеҳр аросинда. *Сабъаи сайёр*, 10-38;
Дониш тила ву ҳар сари гар кеткайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб неткайсен. *Назмул-жавоҳир*, 15-165;

2. япроқ, барг:
Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,
То ки минойи аро чирмалса оҳи ҳасратим. *Ғаройибус-сиғар*, 310-Т;
Гул уза шабнам чу тушуб ҳар варақ,
Кўргузуб афрухта юзда арақ. *Ҳайратул-аброр*, 7-79;

3. юз, башара:
Сариғ варақ ол обкашдин,
Ошиқ юзи ашки лаълвашдин. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;

4. ёзиғ, ёзилган қоғоз:
Жон пардаларидин анда аврок,
Жондин бериб ул варақни ушшоқ. *Лайли ва Мажнун*, 374-Т;
Туканмас меҳри йўқ ҳажрим туни шарҳин савод айлаб,
Варақ афлок ўлуб ул тун саводин ўқ мадад айлаб. *Наводируш-шабоб*, 59-Т;

~ **варақ** – бирма-бир, варақма-варақ:
... ҳар фасона сафинасин варақ варақ балки ҳар тарих жўнгин сафҳа сафҳа ахтариб. *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т;

~ **бар-варақ** – варақма-варақ:
Назар солди очиб варақ бар-варақ,
Бўлиб мултафид чун очиб ҳар варақ. *Садди Искандарий*, 521-Т;

~ **и зарфишон** – зарга бўялган саҳифа:
Юзида зарбафтдин истаб нишон,
Ҳажв битарга варақи зарфишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-268;

~ **и мовий** – ҳаворанг қоғоз; тиниқ юлдузли осмон:
Чархи ғаддор фитналиқ нужуми била анга бир зарафшон варақи мовий ва барқи ҳаводис анга ел учурған бир сариғ гул яфрағи била мусовий. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-494;

~ **и осмон** – осмон қавати, табақаси:
Ул чоғдин ким варақи осмон
Дудаға зирних қилур шустмон. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;

~ **и ул-ҳаёл** – варақ ўйлари, хаёллари:
Хожа Уккоша мазорида сокиндур гўё шеър тахаййули учун бўлғай ким варакул-ҳаёл муртакибидур андақ ким мағлуб ҳам бўлған чоғликдур. *Мажолисун-нафоис*, 113-Т;
Қилмади Навоийға бу иқболини рўзи,
Ул ким варақи қисмат уза бўлди рақамкаш. *Наводируш-шабоб*, 251-Т.

ВАРАҚНАВАРД [ورق نورد] – варақловчи, варақка кўз юргизувчи:
Сўз гулшанининг шукуфтаварди,
Илм оятининг варақнаварди. *Лайли ва Мажнун*, 61-Т.

ВАРАҚНИГОР [ورق نگار] – варақловчи; хат битувчи, ёзувчи; муаллиф:
Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазонадори.
Маҳбубул-қулуб, 14-26;
Аммо баъд бу паришон ажзонинг варақнигори ва бу ошуфта аврокнинг қиссагузори меҳнат паймонасининг журъачаши ва маломат хумхонасининг сабукаши... *Ғаройибус-сиғар*, 4-Т;
Сунъи килки варақнигор ўлди,
Юз ажаб нақш ошикор ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-30;

ВАРАҚУЛ-ХАЁЛ [ورق الخيال] – кўнгул дафтарида ёзилган ўй-хаёллар:
Мавлоно Мажнуний... гўё шеър тахайюли учун бўлғай ким варақул-хаёл муртакибидур. *Мажолисун-нафоис*, 119.

ВАРД [ورد] – атиргул, қизил гул:
Кўр нечук ўлғай бу чаман ичра вард,
Доий чу бор олтун ила ложувард. *Ҳайратул-аброр*, 7-229;
Бахти чаманида биткан ул вард,
Ким бошиға атридин етиб дард. *Лайли ва Мажнун*, 229-Т;
Зулфунгда хол жим аросида нуқтадек,
Юзунгда зулф вард ёниндағи дол икин. *Ғаройибус-сиғар*, 361-Т;
~ **аёғи «дол»** – вард сўзининг охирги дол «д»; маҳбуба зулфи:
Кўзу қошинг биайниҳи наргис бошинда нун,
Зулфунг аёғинг остида чун вард аёғи дол. *Ғаройибус-сиғар*, 301-Т;
~ **нйятун-насойим** – атир гули ҳийдини анқитадиган шабада:
Ҳам субҳу оразингдур вардийятун-насойим,
Ҳам шоми сунбулингдур мискийятуш-шамойим. *Наводируш-шабоб*, 394-Т;
~ **тер-** – гул термоқ; фойдаланмоқ, юзни томоша қилмоқ:
Юзи гулзоридин чун вард тергунг,
Не айтаймен ўзунг инсоф бергунг. *Фарҳод ва Ширин*, 360-Т;
~ **ўл-** – севикли бўлмоқ:
Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,
Вой анга ки яхшилардин ул фард ўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-176.

ВАРЗИШ [ورزش] – 1. машқ, риёзат; иш, фаолият; одат:
Тариқи ишқ аро комил дурур кўнгул не ажаб,
Камол топмақ этиб ишни ишқ ила варзиш. *Бадойиул-васат*, 197-Т;
Жаҳонда ҳар киши ким бир иши бор,
Ишида ул кишининг варзиши бор. *Фарҳод ва Ширин*, 182-Т;
2. иш, ҳаракат:
[Фосиқлар] ишлари мастлиғ варзишлари худпарастлиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-458;
~ **айла-/эт-/қил-** – шўғулланмоқ, машғул бўлмоқ; қўлламоқ;
Айлабан бу тариқни варзиш,
Ки биравга югурткайлар иш. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-473;
Деди: ҳар ким бир ишни варзиш этар,
Иш камолини кўр не ерга етар. *Сабъаи сайёр*, 10-109;
Май кўп ичсам ажаб йўқ эй соқий,
Қон ютарларға қилмишам варзиш. *Наводируш-шабоб*, 226-Т;
Ул саодат буржининг қуёши бир ой камонхонада варзиш қилғандин сўнгра...
Муншаот, 14-142.

ВАРИ- [ورى] – якинлашмоқ; бормоқ:
Чун вабо балоси ул вилоятқа киribдур барча кентларга ёйилибдур ва кўп халойиқ ул заҳмат била борибдурлар, аммо Бабо Хуш Келди бўлур кентда варимайдур. *Насойимул-муҳаббат*, 411-Т.

ВАРИД [ورید] – томир; **ҳаблил-варид** – елкадаги йўғон қон томири:
Сиз тушуб ул шоҳдин беҳад баъид,
Ул ёқинрақ сизга мин ҳаблил-варид. *Лисонут-тайр*, 38-Т.

ВАРТА [ورطه] – 1. қийинчилик, мушкул, оғир аҳвол; ҳалокат; гирдоб:
...андин сўнгра буюрдум ки андақ ки сойир дарвишлар нима ерлар ул дағи егай ва ул вартадин халос бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 286-Т;
Ки топмай таҳаррукнинг имконини,
Ёман вартада кўргай ўз жонини. *Садди Искандарий*, 244-Т;
Авлиё бу вартаға бўлмиш асир,
Анбиёға бу юришдин йўқ гузир. *Лисонут-тайр*, 162-Т;
2. ҳалокатли ҳолат:
Бу қаттиғ вартада илгимни тутқай,
Кўзумни бир халаф бирла ёруткай. *Фарҳод ва Ширин*, 129-Т;
Ушбу муҳлик варта ичра гарчи элдин қолмамиш
Ҳеч умидим қатъ қилман дўстдин аммо умид. *Бадойиул-васат*, 102-Т;
~ **и ҳалок** – ҳалокат гирдоби:
...ва олам ҳокдин этак силкарга ашъор ва бу вартаи ҳалокдин элик тортарға иршод. *Садди Искандарий*, 474-Т.

ВАРҚА [ورقه] – ёввойи кабутар, кўкарчин; очиқ бўз ранг:
Ҳам ул Мисрдин варка ву бошдек,
Дағи дашт элидин темуртошдек. *Садди Искандарий*, 177-Т.

ВАСАТ [وسط] – ўрта; ўртача; марказ:
Салом қилдим жавоб бердилар ва сўзлар ки сулук маддаида ва васатида ва охирида керакликдур манга баён қилдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 240-Т;
Анга ким васат меҳри раҳшон келиб,
Мунга лек мулки Хуросон келиб. *Садди Искандарий*, 241-Т;
~ **-ул-ҳаёт** – ўрта ёш, ҳаёт ўрталари:
Ва учунчи девонни ким васат-ул-ҳаёт майхонасида ишқ била шавқ паймонасидин юзланган бадниъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-19;
~ **бўл-** – ўртада бўлмоқ: (сўз ўйини: жон сўзининг ўртасидаги алиф қандай бўлса, алифдек қоматинг менинг жоним орасида шундай ўрин олган):
Жон аросиға кирар ҳар дам хиромон қоматинг,
Гарчи сокиндур алиф ким жонга бўлмиштур васат. *Ғаройибус-сиғар*, 299-Т.

ВАСАТЛИҚ/ВАСАТЛИҒ [وسطلیق / وسطلیغ] – ўртача; ўртачалик:
Ким этса васатлиқ (васатлиғ) йўлинда зухур,
Анга тузса ойини хайрул-умур. *Садди Искандарий*, 205-Т.

ВАСВАСА [وسوسه] – тўғри йўлдан оздириш; васваса; шубҳа:
Соқиё май ки мени васвасадин,
Айлади шифтааҳвол хирад. *Наводируш-шабоб*, 121-Т;
Имон топқан кишига Ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин. *Назмул-жавоқир*, 15-169.

ВАСВАСИЙТОБ [وسوسیتاب] – васвасага тушган хулқ-атворли;
Абдуллатиф Мирзо савдойи мизож ва васвасийтабъ ва девонасор киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 195-Т.

ВАСВОС [وسواس] – васвасага солувчи, беқарор қилувчи, иккилантирувчи:
Бас баҳодирваш эрур лекин мулойим ҳам эрур,
Ким Навоий кўнглига тушмиш анинг васвоси чўҳ. *Фавойидул-кибар*, 113-Т;

Тонгға тегру ичига ваҳму ҳарос,
Ҳар замон кўнгли ичра юз васвос. *Сабъаи сайёр,* 10-210;
Қўюб васвосу савдоларни бир ён,
Етиштим пир даргоҳиға гирён. *Фарҳод ва Ширин,* 108-Т.

ВАСИЙ [وصی] – васийят, етим-есир, хастани молини идора қилувчи шахс:
Яъқуб алайҳис-салом Тангри раҳматига борди ва Юсуф алайҳис-саломни васий қилиб эрди ва анинг васийяти била Қудусда Иброҳим ва Исҳоқ алайҳумус-салом жаворида қўйдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 15-206.

ВАСИЙЯТ [وصیت] – панду насиҳат; васият:
Мени ҳуд айлади қатл ушбудур васийят ким
Кўнгулни ҳам карам айлаб етурса бот манга. *Наводируш-шабоб,* 12-Т;
Бийик тахт узра мақом айлади,
Васийят ишига қиём айлади. *Садди Искандарий,* 213-Т;
Мавлоно Қабулий... фақир анинг васийятини бажо келтируб тадфинидин сўнгра девонин очтуқ... *Мажолисун-нафоис,* 56-Т;

~ **қил-** – васият қилмоқ:
Васийят қилди қабри бошида Фарҳод ва Мажнун,
Жунун саҳросида ул тошлар ким кўксума урдум. *Фавойидул-кибар,* 393-Т;
Ва Шайх Аббос дебдур ки Шайх Серавони деди ким сизга васийят қилурмен бир кишига яхшиликка ки бу тойифани севгай. *Насойимул-муҳаббат,* 116-Т.

ВАСИЙЯТНОМА [وصیت نامه] – ўлим олдидан ёзиб қолдириладиган васият хати, васиятнома:
Ва анинг сойир салотин учун васиятномаси бор ким не дастур била салтанат қилғайлар. *Тарихи мулуки ажам,* 16-244.

ВАСИЙЯТ-РАСОНАНДА [وصیت-رساننده] – васийят хабардори:
Чу сенсен жаҳон аҳли донандаси,
Улуснинг васийят-расонандаси. *Садди-Искандарий,* 481-Т.

ВАСИЛА [وسیله] – 1. йўл, восита, васила; сабаб, баҳона, боис:
Турранг ки тоби юзда ўтумға василадур,
Ул шамъ шуъласи аро мушкин фатиладур. *Бадойиул-васат,* 117-Т;
Ки зоҳир айлабан бир тавр ҳийла,
Бир ишни айлагай навъи васила. *Фарҳод ва Ширин,* 558-Т;
Тешиб эл кемасини ҳийла била.
Ғарқ этиб сувға бу васила била. *Сабъаи сайёр,* 10-303;

2. туҳфа, совға:
Хоқони Саид Шоҳруҳ Мирзо... йил бошида тақвим истихрож қилиб бу васила била шояд Мирзонипг муборак дийдорин кўра олғайман.
Мажолисун-нафоис, 192-Т;

~ **ҳижобин дафъ қил-** – орзуга етмоқ, орзу тўсиқларинн бар-тараф қилмоқ:
Таваккул Ҳақ йўлида восита асбобин рафъ қилмақдур ва васила ҳижобин дафъ қилмақ. *Маҳбубул-қулуб,* 14-51;

~ **бўл-** – восита, сабаб бўлмоқ:
Гарчи жонондин азиз эрмас эрур жондин азиз,
Ким васила бўлди маҳзун жон била жонон аро. *Наводируш-шабоб,* 20-Т;

~ **иста-** – йўл қидирмоқ, сабаб истамоқ:
Маҳкуми анинг неча қабила,
Иқболиға истабан васила. *Лайли ва Мажнун,* 90-Т;

~ **қил-** – васила қилмоқ:
Чун Юсуф мухаллиси учун Тенгри таолоға илтижо қилмай махлукни васила қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-125.

ВАСИЛОТ [وسيلات] – йўллар, воситалар; баҳоналар, сабаблар:
Ул нисонинг солиҳоти, балки восилотидин эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 448-Т.

ВАСИТ [وسيط] – ўрта, ўртадги; аруз илми атамаси:
Еттинчи дойира ким андин уч баҳр мустахраж бўлур ва ул араб шуароси назмининг махсусидур: тавил ва мадид ва васит баҳридур. *Мезонул-авзон*, 57-Т.

ВАСИЪ [وسيع] – 1. кенг, ёйиқ, бепоён:
Бу андозасиз коргоҳи васиъ,
Орасида бу боргоҳи рафиъ. *Садди Искандарий*, 398-Т;
2. катта, улуғ, кенг:
Субҳоналлоҳ не васиъ даргоҳ ва не рафиъ боргоҳдур ким анда пил хартуми пашша хартумиға забундур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-575;
~ **ўл** – кенг бўлмоқ:
Чун гули мурод анга рафиъ ўлди басе,
Ул нахлға ҳам соя васиъ ўлди басе. *Иазмул-жавоҳир*, 15-163.

ВАСИҚАТ [وثيقت] – аҳднома, хат:
Фаҳм қилмай булар ҳақиқатини,
Топмайин фикр ила васиқатини. *Сабъаи сайёр*, 10-46.

ВАСЛ [وصل] – 1. васл, учрашув, етишув:
Куфройини била сур эткамен,
Васл ила жонингни масрур эткамен. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Сендин ёнар ўт ичрадур юрагим,
Ўтумға сув ур васл ила мираким. *Мезонул-авзон*, 50-Т;
2. кўришиш, ёрга етишиш:
Чун васл ила берди муждагони,
Навфал олиб уйга борди ани. *Лайли ва Мажнун*, 205-Т;
Шавқдин ихтилот ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб. *Арбаин*, 16-267;
~ **айёми** – васл, бир-бирига етишишлик кунлари:
Васл айёми ичра эрдук шод,
Шукр этиб қайғудин эдук озод. *Сабъаи сайёр*, 10-164;
~ **базми** – етишиш базми, эришиш хурсандчилиги:
Менму эрдим ё Раб ул иқбол ила,
Васл базмида ул истиқлол ила. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
~ **боғи** – етишиш боғи:
Лек ул сирри ҳақойиқ махзани,
Васл боғи гулларининг гулшани. *Лисонут-тайр*, 189-Т;
~ **даврони** – етишган пайтлари, эришиш даврлари:
Васл давронин унутмағлиғлари,
Ҳажр ойинини тутмағлиғлари. *Лисонут-тайр*, 54-Т;
~ **жоми** – етишиш қадаҳи:
Ҳажри андуҳида жоми май ичиб,
Васл жомин чун топиб жондин кечиб. *Лисонут-тайр*, 19-Т;
~ **иши** – эришиш чоғи, етишиш ҳаракати:
Ким вафо вақти тағофулдур ишинг,
Васл иши ичра такосулдур ишинг. *Лисонут-тайр*, 114-Т;

~ **коми** – дўстлар суҳбатига муяссар бўлиш; висол бахти:
Қосид келди зоҳир этиб кўп таъжил,
Бир нома қўлида васл комиға далил. *Муншаот*, 14-178;
~ **кўйи** – етишиш кўчаси, эришиш йўли:
Бу деганларни қабул этмак керак,
Васл кўйида нузул этмак керак. *Лисонут-тайр*, 81-3;
~ **меърожи** – етишишнинг юқори мақоми
Боши узра мавҳибот тожи анинг,
Жилвагоҳи васл меърожи анинг. *Лисонут-тайр*, 85-Т;
~ **нури** – етишиш шуъласи:
Васл нуридин кўз ул янглиғ ёрур,
Ким ародин менлик-у сенлик борур. *Лисонут-тайр*, 245-Т;
~ **саҳоби** – висол булути:
Васл саҳобин чу қилиб қатрабор,
Айлабан ул ўтқа сукун ошикор. *Ҳайратул-аброр*, 7-17;
~ **умиди** – етишиш орзуси, нияти:
Мен васл умидига кўп эттим тадбир,
Тадбир не суд гар эмастур тақдир. *Муншаот*, 14-163;
Чунки қилдинг қурб Қофи сари азм,
Тузгил эмди васл умиди бирла базм. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
~ **чоғи** – эришув пайти, мақсадга етган вақт:
Васл чоғи етти андуҳи фироқ,
Ҳар не дер эрдинг йироқ эрмиш йироқ. *Лисонут-тайр*, 242-Т;
~ **и баҳор** – баҳор васли:
Чекар гул оллида булбул фиғон магар билди,
Ки ўтса васли баҳори хазони фурқат эмиш. *Бадойиул-васат*, 197-Т;
~ **и боқий** – абадий, мангу васл:
Агар васли боқий керак истагил,
Фано кўйига рахти хирмон чекиб. *Ғаройибус-сиғар*, 76-Т;
~ **и жанон** – жонон васли:
Не ажаб кечрак муяссар бўлса ўлсам эй рафик,
Бўйла ким уммидвори васли жонон этти шавк. *Бадойиул-васат*, 242-Т;
~ **и жонфизо** – етишиш пайтидаги жон роҳати, ҳаловати:
Кўз топти жамоли дилрабо бирла сабот,
Кўнгул доғи васли жонфизо бирла сабот. *Назмул-жавоҳир*, 15-143;
~ **и зулол** – ҳаёт бахш васл:
Кўнглума васли зилоли била бергил таскин,
Ким ани куйдурдилар ишқ ўтининг ҳурқати кўп. *Наводируш-шабоб*, 67-Т;
~ **и иқбол** – учрашув, васл бахти, омади, давлати:
Кимга еткай васли иқболи агар ҳижрон аро,
Сенда бўлса ғам чекарга сабр-у тоқат эй кўнгул. *Наводируш-шабоб*, 383-Т;
~ **и руҳпарвар** – руҳлантурувчи васл:
Аввал манга васли руҳпарвар не эди,
Сўнгра қилмақ ҳажр ила музтариб не эди. *Ғаройибус-сиғар*, 567-Т;
~ **и савдо** – васл ҳаваси, орзуси, истаги:
Навоий сен чу ҳижрон лойиқисен,
Пишурма васли савдойи муҳоли. *Наводируш-шабоб*, 640-Т;
~ **и софий** – софлик, поклик васли:
Васли софий мумкин эрмас чунки бедарди фироқ,
Зинҳор ул бода сари қилма рағбат эй рафик. *Ғаройибус-сиғар*, 257-Т;

~ **и шом** – шом васли:
Миъжар сочи узра тори ноёб,
Ул навъ ки васли шоми маҳтаб. *Лайли ва Мажнун*, 108-Т;
~ **ўл-** – васл ўлмоқ, эришмоқ:
Ўйла муҳликдур ғами ҳижрон ки гар васл ўлмаса,
Ё ўлум андин киши бўлмақ эмас имкон халос. *Фавойидул-кибар*, 272-Т;
~ **шаъми ёқил-** – ёр билан учрашмоқ, ёрга етишмоқ:
Шукр ки дилбар ёниб яна манга келди,
Маскани айшимда васл шамъи ёқилди. *Мезонул-авзон*, 45-Т;
~ **ошкоро бўл-** – учрашув ошкоро бўлмоғи; мақсадга эришмоқ:
Бўлғанда бу васл ошкора,
Нутқ урғали йўқ бирига ёра. *Лайли ва Мажнун*, 144-Т;
~ **қил-** – боғламоқ, қўшмоқ:
Баъзи алфознинг охирида бир «жим» ҳарфи васл қилурлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 178-Т.

ВАСЛА [وصله] – ямоқли:
Яраларимда мамуғлар эмас ки ҳажр элги,
Бу васлалар била тан хирқасиға тикти йурун. *Наводируш-шабоб*, 450-Т.

ВАСЛАЛИҒ [وصله ليغ] – ямоқли:
Жуббаи синжобинг ичра васла висла қоқими,
Туғди ҳижрон шомида бир бир саодат анжуми. *Фавойидул-кибар*, 641-Т;
Хирқасида васлалар бари ариғ,
Ранглар анда қизил яшил сариғ. *Лисонут-тайр*, 143-Т;
Силк этак зарришта бирла гул тўқулған жинсдин,
Ким эмас тори чубулған васлалиғ машабдек. *Ғаройибус-сиғар*, 261-Т.

ВАСЛПАЙВАНД [وصل پيوند] – висолга эришган:
Алқисса ул икки ёри дилбанд,
Чун бўлдилар ўйла васлпайванд. *Лайли ва Мажнун*, 308-Т.

ВАСЛСИЗ [وصل سيز] – васлсиз, учрашувсиз:
Васлсиз бўлмас Навоий кўз-у кўнглига илож,
Ким журуҳ узра журуҳ ўлмиш қуруҳ узра қуруҳ. *Наводирун-ниҳоя*, 2(20)-92.

ВАСМА [وسمه] – ўсма:
Васма ву гулгунадин ул орази зебо эрур,
Сабза ву гулдин нечук ким зеб топқай бўстон. *Бадойиул-васат*, 330-Т;
Ложувард-у васма бирлан зеб берган қошларинг,
Жилвагар бўлған икки товус эрур гулзор аро. *Наводируш-шабоб*, 19-Т;
~ **чек-** – ўсма қўймоқ:
Васма чекиб сабза била қошиға,
Меъжар этиб шабнам ила бошиға. *Ҳайратул-аброр*, 7-248.

ВАСМАЛИҒ/ВАСМАЛИҚ/ВАСМАЛИК [وسمه ليغ/ وسمه ليق/ وسمه ليک] – ўсмалик:
Улусни саждаға тарғиб этарга Хизри раҳ бўлди,
Демасман васмалиғ [Париж, №316-317; Стамбул, Сулаймония Фотиҳ №4056; Стамбул Универс. кутб. №2794: **васмалик**] қошинг ки миноранг мехробин.
Фавойидул-кибар, 351-Т;
Дона тушмиш икки товус аро ул ким дедим,

ВАСМАЛИК [وسمه ليک] – икки қошингнинг ўртасида хол экин. *Наводируш-шабоб*, 477-Т.

ВАСМАСИЗ [وسمه سيز] – ўсмасиз:
Ёзуқсиз журмсиз бедод этар фош,
Манга ул сурмасиз кўз васмасиз қош. *Фавойидул-кибар*, 258-Т.

ВАСОВИС [وساويس] – васвасалар:

...ва замир хилватгоҳини хавотир ғавғосидин муарро ву кўнгул зистгоҳини васовис хужумидин мубарро қилдим. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-16.

ВАСОЙИЛ [وصايل] – йўл(лар), восита(лар), васила(лар):

Ўзга ҳар фанда ким расойил анга,
Барча ҳақ васлиға васойил анга. *Сабъаи сайёр*, 10-44;

Ақл-у хуш-у хирад-у жонни анинг йўлида қўйдум,
Топмадим васл муҳайё қилибан мунча васойил. *Бадойиул-васат*, 287-Т.

ВАСОТАТ [وساتت] – воситалик, восита бўлишлик:

Шайх буюрдилар ки аларнинг иродати мундин сўнгра санга менинг иродатимдур аммо сенинг васотатинг аларға нафъ қилур, *Насойимул-муҳаббат*, 284-Т.

ВАССАЛОМ [والسلام] – тамом, охир; тугаш:

Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳар не йиғиб ҳамроҳ этиб вассалом. *Ҳайратул-аброр*, 7-222;

~ **қил-** – тамом қилмоқ, охирлатмоқ:

Қиёматқача ҳашматинг мустадом
Саломинг қилиб шоҳлар вассалом. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257.

ВАССОФ [وصاف] – васф қилувчи, таъриф-тавсиф қилувчи, мадҳ қилувчи, мақтовчи:

Бировнинг васфи ким анинг вассофи Хожаи Коинот бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, XV-74;

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф. *Сабъаи сайёр*, 10-55.

ВАСФ [وصف] – таъриф-тавсифлаш, мақташ, сифатлаш:

Ансорийнинг «Илоҳийнома»сидур ким анинг васфида қалам тили ожиз-у лол ва қаламзан хомасил алқану шикаст мақолдур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-73;

~ **и жаннат** – жаннат васфи, таъриф-тавсифи:

Воиз айлар васфи жаннат ичра кавсар бодасин,
Бўл Навоий маст хоҳи мундағи хоҳ андағи. *Наводируш-шабоб*, 580-Т;

~ **и зот** – зот, соҳиб таърифи, васфи:

Ул муҳр хутути васфи зотинг,
Хотам алифин ву таси отинг. *Лайли ва Мажнун*, 40-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – таърифламоқ, тавсифламоқ, мақтамоқ:

Сафо ву зийнати имкондин ортуқ,
Не ким васф айлагайлар андин ортуқ. *Фарҳод ва Ширин*, 484-Т;

Сен муни кўр ким чекиб жон ой-у йил,
Ўз ўзунгни васф этарсен муттасил. *Лисонут-тайр*, 182-Т;

Эрур ишларин васф қилмақ маҳол,
Ким ул васфдин нутқ эрур гунгу лол. *Садди Искандарий*, 425-Т.

ВАТАД [وتد] – аруз вазнининг ўлчовларидан бири:

Аруз фанида назм авзони усулининг биносин уч рукнға қўюбтурлар ким аларни сабаб ва ватад ва фосила дебтурлар. *Мезонул-авзон*, 13-Т;

~ **и мажмуъ** – икки ҳаракатли ҳарф (бўғин) билан бир ҳаракатсиз ҳарфдан ташкил топган сўз, калима:

Ватад дағи икки қисмдур: ватади мажмуъ ва ул лафзедурур: икки бурунғи ҳарфи мутаҳаррик ва бир сўнгғи ҳарфи сокин андақ ким «шажар» ва «саҳар» ва самар ва Хўтан ва Адан. *Мезонул-авзон*, 14-Т;

~ **и мафрук** – икки ҳаракатли ҳарф орасидаги бир ҳаракатсиз ҳарфдан ташкил топган сўз, калима:
Ватади мафрук ва ул лафзедур: бурунқи ва сўнгғи ҳарфи мутаҳаррик ва ўртадағи ҳарфи сокин, андақ ким «хома» ва «нома»... *Мезонул-авзон*, 14-Т.

ВАТАН [وطن] – 1. она юрт, ватан:
Сафар қилмаған ором фароғатин қайда билсун ва ғурбат чекмаған ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум қилсун. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-538;
Бўйла минг эмгакдаги бечорадин,
Ўз ватану мулкидин оворадин. *Ҳайратул-аброр*, 10-216;
2. ўрин, жой, маскан:
Дардинга жон-у кўнглум ўлди ватан.
Истаган топти мунда ё анда. *Бадойиул-васат*, 20-Т;
Мисрда хожае бор эрди ғани,
Эшиги ҳожат аҳлининг ватани. *Сабъаи сайёр*, 10-203;
~ **и нур** – ватан нурлари:
Туъмаси зулмат ватани нур уза,
Мушк сочиб сафҳаи кофур уза. *Ҳайратул-аброр*, 7-223;
~ **айла-/эт-/қил-** – маскан қилмоқ, ўрнашмоқ, (бирор жойни) ихтиёр қилмоқ:
Не учун Фарҳод-у Мажнун тоғ-у дашт айлар ватан,
Гар эмаслар мен алахон-у аламондин хижил. *Фавойидул-кибар*, 360-Т;
Чора будур ки кўҳсор ичра
Ватан этқай қаранғу ғор ичра. *Сабъаи сайёр*, 10-218;
Ғаминг нечук ки нечук кунжини ватан қилмиш,
Ғамингда гўшаи вайронадурур ватаним. *Наводируш-шабоб*, 434-Т;
~ **азми қил-** – ватанга, манзилга қайтишни ният қилмоқ:
Йиракқ мулклардин вале келган эл,
Ватан азми қилдилар андақ ки ел. *Садди Искандарий*, 213-Т.

ВАТАНГОҲ/ВАТАНГАҲ [وطنگاه / وطنگه] – туғилиб ўсган жой; маскан; манзил:
Кўнглумда ки юз тешук тешуб оҳ
Ҳар бир биригиз учун ватангоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 236-Т;
Эй даштни айлаган ватангоҳ,
Йўл озмишан ўл замон огоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 151-Т;
Мавошини элтурга яксар суруб,
Ватангаҳларига дегин еткуруб. *Садди Искандарий*, 427-Т.

ВАТАНСОЗ [وطنساز] – маскан, уй; ~ **қил-** – маскан қурмоқ, жой қилмоқ, уй қурмоқ:
Гар зоғ тикан аро ватансоз қилур,
Булбул бари гул баргига парвоз қилур. *Назмул-жавоҳир*, 15-127.

ВАТИРА [وطیره] – йўл, йўриқ; услуб, тарз; равиш:
Келибдур сифат бу ватира анга,
Жиҳат бу ки бўлмас жазира анга. *Садди Искандарий*, 458-Т.

ВАФО [وفا] – 1. аҳд, садокат, ваъдада туриш:
Андин сўрдилар вафо недур? Деди ким ул ки ҳар не андин кайттинг яна анинг бошиға бормағай сен. *Насойимул-муҳаббат*, 148-Т;
Одамий бўлса вафо андин йирақ,
Ит вафо бобида андин яхширақ. *Лисонут-тайр*, 118-Т;
Бу даҳр ажузе ки вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишаедекдур ки ҳаёси йўқ анинг. *Назмул-жавоҳир*, 15-171;

2. доимийлик, абадийлик:
Ёр васлидин вафо кўз тутмасам айб этма ким
Умру давлатдин вафо тутмайдурур доно умид. *Хазойинул-маоний*, 111а-67;
Анга ким жаҳондин вафо етмади
Жаҳон ичра тинмади то кетмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-203;
3. ишонч:
Ки билса жаҳонға вафо йўқ турур,
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқ турур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;
Навоий жаҳонға вафо йўқ дурур,
Анинг даъб-у расми жафо-ўқ дурур. *Садди Искандарий*, 205-Т;

~ **аҳли** – вафодорлар, аҳдида турувчилар:
Давр аёғиндин вафо аҳлин унутма соқиё,
Ким вафо йўқ жуз унутмағлиғ фалак давронида. *Бадойиул-васат*, 387-Т;
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлиғ сори домонкашон. *Лисонут-тайр*, 233-Т;

~ **жоми** – ёридан вафо кўриш, садоқат жоми:
Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-184;

~ **йи аҳд** – вафо аҳди:
Эй Навоий сен киби маҳрум қолғай ким ки ул
Олам аҳлидин вафойи аҳд-у паймон истагай. *Наводируш-шабоб*, 625-Т;

~ **кўсини чал-** – вафодорликни овоза қилмоқ:
Ки биз фарзандлиқ тарҳини солиб,
Буён келдук вафо кўсини чалиб. *Фарҳод в Ширин*, 357-Т;

~ **гули оч-** – вафоли бўлмоқ, вафо кўргузмоқ, лафзида турмоқ, аҳду паймонда турмоқ:
Абнойи замонға ким бир вафо гули очти ким алардин юз жафо тикани бағриға санчилмади. *Муншаот*, 14-211;

~ **кўргуз-** – вафо қилмоқ, лафзида турмоқ:
Йўқ ёринға сидқ ила сафо кўргузгил,
Ким қилмаса хасмлиқ вафо кўргузгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-176;
Ҳар кимга ким бир вафо кўргуздум юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-509;

~ **тут-** – вафодор бўлмоқ:
Ёр васлидин вафо кўз тутмасам айб этма ким
Умр-у давлатдин вафо тутмай дурур доно умид. *Бадойиул-васат*, 102-Т;

~ **айла-/қил-** – аҳдда турмоқ, вафо айламоқ; садоқат кўрсатмоқ:
Вафо аҳли иши мундақ бўлурму,
Вафо айлар киши мундақ бўлурму? *Фарҳрд ва Ширин*, 467-Т;
Замона кимга вафо қилди ким манга қилғай,
Замона айла вафо соқиё кетур майи ноб. *Наводируш-шабоб*, 50-Т;
Гаҳи манга ул санам қилур вафо ваъдаси,
Вафосидин зулм-у кин вале фузундур басе. *Мезонул-авзон*, 45-Т;
Ким ки ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдага вафо қилмақ. *Арбаин*, 16-264.

ВАФОДОР [وفادار] – вафолик киши, доимий дўст, садоқатли ёр:
Топилмаса гар ёри вафодор кам эмас,
Андин киши гар топса вафодор мусоҳиб. *Фавойидул кибар*, 53-Т;

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш. *Ҳайратул-аброр,* 7-180.

ВАФОДОРЛИҚ [وفادارلیق] – вафодорлик, сўзига содиқ туришлик, ваъдада туришлик:
Ва ҳар кимга вафодорлиқ қилиб ўтруда ранж-у ано ҳам чексанг яна убудият тамаъ қилурлар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-78.

ВАФОЖЎЙ [وفاجوی] – вафо ахтарувчи, вафо изловчи:
Вафо бозорининг қосидлигида ва вафожўйлар хаёлининг фосидлигида.
Наводируш-шабоб, 682-Т.

ВАФОЙИ [وفایی] – вафолик:
Не оламға топмиш вафойи киши,
Не шоҳлиққа кўрмиш бақойи киши. *Садди Искандарий,* 385-Т.

ВАФОКЕШ [وفاکش] – вафодор, вафоли, вафо қилувчи:
Яна ёри ки соф-у беғашдур,
Ҳам вафокеш-у ҳам жафокашдур. *Муншаот,* 14-203;
Ким ёнди чу Навфали вафокеш,
Лайли эли бўлди фикрат-андеш. *Лайли ва Мажнун,* 222-Т.

ВАФОЛИҒ [وفا لیغ] – вафодор, вафоли:
Гар замон аҳли жафосиға чидарсен иста ёр,
Чун топилмас истама ани вафолиғ орзу. *Наводируш-шабоб,* 517-Т;
Бевафо одам ҳақшунос ва вафолиғ итдин кам. Вафолиғ кутуз ит яхширақ ким вафосиз хушбарно йигит. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-534.

ВАФООМИЗ [وفا آمیز] – вафоли, садоқатли:
Ани истаб яна қошиға дойим.
Вафоомиз сўзлар деб мулойим. *Фарҳод ва Ширин,* 357-Т.

ВАФОСИЗ [وفاسیز] – 1. бевафо, аҳд бузар; садоқатсиз:
Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йуқ. *Маҳбубул-қулуб,* 14-82;
Ул ой менинг била бемеҳр эканни англабмен,
Мени ўзига вафосиз деганни англабмен. *Мезонул-авзон,* 49-Т;
Вафосиздур чу хайли одамизод,
Вафосизни не қилсун одами ёд. *Фарҳод ва Ширин,* 439-Т;
2. ўткинчи, бир лаҳзали:
Ки гардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз. *Фарҳод ва Ширин,* 145-Т;
Ҳам вафосиз келди насрину гули,
Ҳам бақосиз сарв била сунбули. *Лисонут-тайр,* 154-Т.

ВАФОСИЗЛИҒ/ВАФОСИЗЛИК [وفاسیزلیق / وفاسیزلیغ] – вафосизлик, бевафолик:
Даҳр боғидин вафосизлиғ агар фаҳм этмади,
Нега шабнам ашкидин фан қилди наргис йиғламақ. *Ғаройибус-сиғар,* 257-Т;
Навойи дер эсанг куймайин вафосизлиғ (/ **вафосизлик**),
Тавақкуф этма замон аҳлидин ваго киби қач. *Наводируш-шабоб,* 98-Т;
Анга ҳам вафосизлиғ этти жаҳон,
Кишига жаҳон қолмади жовидон. *Тарихи мулуки ажам,* 16-203;
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлиғ сари доманкашон. *Лисонут-тайр,* 233-Т;
Эй Навоий умр бобида вафосизлиқ сўзи,
Ким бўлур мазкур эрур шўхи жафокоринг ғараз. *Бадойиул-васат,* 211-Т;

Вафосизлиқ жаҳон аҳлига хўдур,
Вафо элдин аларға жусту жўдур. *Фарҳод ва Ширин*, 440-Т.

ВОФИР [وافر] – мўл, кўп, тўла, мукаммал:
Ва дебтур ки чун манга ботин аҳволидин хабар бўлди ва зоҳир улумин хўд вофир касб қилиб эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 266-Т.

ВАФОТ [وفات] – ўлим, қазо:
Амир Қосим Анвор... вафотлари санаи хамса ва салосина ва самона миада воқеъ бўлубдур. *Мажолисун-нафоис*, 7-Т;
Анинг [Абу Бакри Сайдалони] муридларидин бири дебдур ки анинг вафотидин сўнгра қабриға лавҳ ёндуруб қабри бошиға қўйдум. *Насойимул-муҳаббат*, 114-Т;
~ **қил-** – қазо қилмоқ, дунёдан ўтмоқ:
Ва сўнгра Бағдод кентларидин бирига борди ва мутааҳҳил бўлди ва анда вафот килди. *Насойимул-муҳаббат*, 135-Т;

ВАФҚ [وفق] – мос, мувофиқ; уйғун, уйғунлик:
Кел бир дам эй хариф харобат сари ким
Май вафқидур бу хирқа била жилсонимиз. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

ВАХОМАТ [وخامت] – қўрқинч, ваҳима, хавф:
Не тан аро бўлди захомат анга,
Не бу захоматда вахомат анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-224.

ВАШ [وش] – сўз бирикмасида келиб ўхшаш, каби, -дек маъноларни англатади.
Ҳаббазо эй шаҳбози шоҳваш,
Ҳайъатинг ҳам хуш жамолинг дағи хуш. *Лисонут-тайр*, 53-Т.

ВАШРАБУ [واشربوا] – Қуръон ояти: **кулу вашрабу ва ло тусрифу**: енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар:
Чун деди Тангри ки «Кулу вашрабу»,
Ёнида деди ки «Вало тусрифу». *Ҳайратул-аброр*, 7-146.

ВАШШАМС [والشمس] – Қуръон сураларидан бирнинг номи, «қуёш билан қасамёд қиламан».
Зеҳи бошинг ўза вашшамс зеваридин тож,
Сочинг саводида тафсир Лайлатул-миърож. *Наводируш-шабоб*, 92-Т.

ВАЪД [وعد] – бўйнига олиш, сўз бериш, ваъда:
Сикандар қабул этти бари сўзин,
Бу ваъд вафосиға тутти ўзин. *Садди Искандарий*, 338-Т.

ВАЪДА [وعده] – 1. ваъда, аҳду паймон:
Эй кўнгул даҳр аҳлиға йўқ ваъдау паймон дуруст,
Неча куйгунг сен дағи уз ваъда буз паймонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 422-Т;
Сен дағи ушбу сўзни айлаб жазм,
Керак этсанг бу ваъда бирла азм. *Сабъаи сайёр*, 10-292;
2. ишонтириш:
Гаҳи манга ул санам қилур вафо ваъдаси,
Вафосидин зулм-у кин вале фузундур басе. *Мезонул-авзон*, 45-Т;
~ **и васл** – васл, учрашув ваъдаси:
Ваъдаи васле ки жонондин келур ҳижрон куни,
Тиндурур кўнглумни сўз янглиғ ким ул жондин келур. *Ғаройибус-сиғар*, 132-Т;
~ **и дийдор** – дийдор кўриш ваъдаси:
Беҳишт меҳнат эмас бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эрса жафони бўлғусидур. *Ғаройибус-сиғар*, 130-Т;

~ **и жаннат** – жаннат ваъдаси:
Ваъдаи жаннат била овутсалар,
Ишқ ўтидин кўнглини совутсалар. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
~ **и қатл** – қатл қилиш ваъдаси:
Ваъдаи қатл қилиб ваъдаға қилғунча вафо,
Нега мен хастани ўлтурди тавоҳҳум ё Раб. *Ғаройибус-сиғар*, 63-Т;
Ваъдаи қатл этти ву иҳмол этар ўлтурди фикр,
Ким тараҳҳум ёхуд истиғно-мудур иҳмолида. *Наводируш-шабоб*, 559-Т;
~ **айла-/қил-** – ваъда қилмоқ, сўз бермоқ:
Вафо ваъда айлаб жафо айладинг ло,
Жафо ваъдасиға вафо айладинг ло. *Ғаройибус-сиғар*, 435-Т;
Кеча кундуз майға тутмишсен мени,
Ваъда қилғандин унутмишсен мени. *Лисонут-тайр*, 114-Т;
Ваъда қилдинг ҳам вафо ҳам қатл-у парво қилмадинг,
Қил вафо ваъдангға ёхуд бурнағи ё сўнграғи. *Бадойиул-васат*, 428-Т;
~ **и васл айла-** – васл ваъдасини бермоқ:
Чун сенинг ишқинг манга бўлдим балойи акл-у дин.
Ваъдаи васл айладинг юз лутф ила эй маҳжабин. *Наводируш-шабоб*, 653-Т;
~ **и васл эт-** – учрашиш, суҳбатлашиш ваъдасига сўз бермоқ; васл ваъдасини бермоқ:
Ваъдаи васл этса ул ширин санам ғам тоғини,
Қозғамен тирнағларимни тешаи Фарҳод этиб. *Бадойиул-васат*, 43-Т;
~ **и субҳи висол айла-** – тонгги висолга ваъда қилмоқ:
Шоми ҳижроним кўрубсен меҳр отин тутмадинг,
Ваъдаи субҳи висол айлаб ани ёрутмадинг. *Мажолисун-нафоис*, 219-Т;
~ **и шамъи висол эт-** – висол шамъи вадасини этмоқ:
Шоми ҳажрим кўрдунг аммо зулм таркин тутмадинг,
Ваъдаи шамъи висол эттинг вале ёрутмадинг. *Фавойидул-кибар*, 345-Т.

ВАЪДАГОҲ [وعده گاه] – ваъдагоҳ; ваъдалашган жой:
Ажз ила хоки роҳға юз қўйди,
Отланиб ваъдагоҳға юз қўйди. *Сабъаи сайёр*, 10-231;

ВАЪЗ [وعظ] – панд, насиҳат, нутқ:
Шайх Маждуддин Хоразмда ваъз айтур эрди ва Хоразмшоҳнинг аноси ваъзиға борур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 269-Т;
Ани қўймай яъс-у бедиллиқ аро,
Сурди анча ваъз бирла можаро. *Лисонут-тайр*, 243-Т;
~ **жашни** – насиҳат сўзлари, (ваъз) айтиладиган йиғилиш, мажлис;
Мени чу майкададин ваъз жашниға тиладинг,
Таҳаммул айла даме ким ёзай хуморимни. *Наводируш-шабоб*, 607-Т.

ВАҚОЙИЪ [وقايع] – воқеалар:
Анинг дардида кўрганлар вакоиъ,
Ки қилдилар муроду ком зоиъ. *Фарҳод ва Ширин*, 486-Т;
Аммо муқаррардур ким бу вақойиъдин ул ҳазратнинг муборак хотириға анча ким керак танбиҳ ва эътибор ва тажрибаи рўзгор ҳосил бўлмиш бўлғай.
Муншаот, 14-150.

ВАҚТ [وقت] – 1. вақт, замон, давр:
Орифи Фаркатий... кўп вакт Хуросонда Ҳирот тахтида бўлур эрди.
Мажолисун-нафоис, 181-Т;

Яна бир неча вакт доройи дахр,
Ичиб нўш даврон анга берди захр. *Тарихи мулуки ажам*, 16-215;

2. пайт, фурсат:
Бир лаҳза ўткандин сўнгра худ сўз айтурнинг вақти ўтти.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-26;

Билса ки Ҳақ ҳозир эрур барча вақт,
Қилғанига нозир эрур барча вақт. *Ҳайратул-аброр*, 7-264;
Ки андин вақтима етса ҳузуре,
Биравдин топмаса кўнглум футуре. *Фарҳод ва Ширин*, 508-Т;

3. умр:
Навоий вақтни тоатқа ё ишратқа сарф эт ким
Соғинсам ўртанурман ҳарза ўткарган замонимдин. *Ғаройибус-сиғар*, 379-Т;

4. соат, муайян вақт:
Ҳар кун ики вақт эди йиғилмақ
Ул қабр бошида навҳа қилмақ. *Лайли ва Мажнун*, 358-Т;

5. фасл, мавсум:
То қишда совуғ табъга матлуб ўлғай,
То айш совуғ вақтда марғуб ўлгай. *Муншаот*, 14-142;
Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кеч ки етишсанг терар ўғлон ушоғ. *Ҳайратул-аброр*, 10-326;

~ **ичра** – ҳукмронлик даврида, подшоҳлик пайтида:
Сеннинг вақтинг ичра кўруб заъф-у ранж,
Замони ки назм айладим «Панж ганж». *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;

~ **и такаллум** – сўзлашув, суҳбат вақти:
Лаълича эмас оғзи қилур вақти такаллум,
Гўйиё ки қилибтур бу жаҳолатдин ўзин гум. *Наводируш-шабоб*, 437-Т.

ВАҚТЛИҒ/ВАҚТЛИК [وقتليغ / وقتليق] – муддатлик, пайтлик, фурсатлик:
Бу фақирнинг мунча вақтлиғ саъй ва эмгагини ва узун йиллар торткан риёзатини нафси шум ҳавоси ва феъли мазмум муқтазоси била зойиъ қилдинг.
Муншаот, 14-216;

Юзига бокиб-у бориб ўзидин,
Оқиб хуш вақтлик ашки кўзидин. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т.

ВАҚТСИЗ [وقت سيز] – бевақт, бемаврид:
[Риёкор шайхлар] маҳалсиз сайҳаси бағоят совуқ андақ ки вақтсиз ун торткан товуқ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-480.

ВАҚТХУШ [وقت خوش] – хурсандлик, вақтихуш, хушвақт:
Шайх бир байт ўқуғач имомқа вақтхуш бўлуб важд юзланиб симоъ тузди.
Хамсатул-мутаҳиййирин, 15-28.

ВАҚТШУНОС [وقت شناس] – вақтшунос, куннинг шарофатлигини аниқловчи; вақтни қадру қимматини билувчи:
Ҳукамо бўлдилар чу вақтшунос,
Бўйла соат ишига бўлди киёс. *Сабъаи сайёр*, 10-138.

ВАҚФ [وقف] – 1. вақф:
Чун бу фақир мазкур бўлган маҳдудотни вақф эрканига иқрор қилиб бир киши тасарруфиға ким ўз қибалимдин мутавалли қилиб эрдим кўйдум.
Вақфия, 14-269;

2. аруз қоидаларидан бири (сареъ, мунсареҳ, муқтазаб баҳрларида учрайди):
Вақф мафъулоту «то»сининг исконидур, мафъулон анинг ўрнига қўярлар.
Мезонул-авзон, 19-Т;

~ **и Алишер** – Алишер вақфи:
Ва фақирнинг «Вақфия»сининг тасҳиҳин қилурда «мин вақфи Алишер» тарих топибдур. *Мажолисун-нафоис*, 178-Т;

~ **бўл-** – вақф бўлмоқ, тайин қилинмоқ:
Бу биқоъға мухаллад ва муаббад вақф бўлғанини муқаррар ва муайян қилдилар. *Вақфия*, 14-270;

~ **и саҳиҳи шаръий қилил-** – назр, инъом, бахшиш, ҳадя қилмоқ:
... юқари мазкур бўлған биқоъға вақфи саҳиҳи шаръий қилилди. *Вақфия*, 9(10)-657;

~ **эт-/қил-** – вақф этмоқ, нисор этмоқ, бахшиш қилмоқ; тайинламоқ:
Вақф этиб дилбариға жон мулкин,
Садқа айлаб ики жаҳон мулкин. *Сабъаи сайёр*, 10-107;
Умр нақдиға иморат айланг эй дайр аҳли ким
Вақф жон мулкин қилибмен кулбаи хаммор учун. *Фавойидул-кибар*, 469-Т.

ВАҚФА [وقفه] – вақфа, қурбон қилиш пайти; қурбон байрамнинг арафа куни:
Ошнолиғ бу навъ воқиъ бўлди ким... Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;
Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт ул ким вақфада зиёрат жиҳатидин имом равзасиға келилиб эрди. *Муншаот*, 14-170.

ВАҚФИЙ [وقفی] – вақфга оид; вақфдан даромад олувчилар:
вақфийлар бедодидин ғариб талабанинг рукъа тиламаги. *Вақфия*, 720.

ВАҚФИЙЯ [وقفیه] – 1. вақфнома, вақф васиқаси, вақф ҳақидаги ҳужжат:
Яна шарт ул ким ҳар уттуз йилда мутавалли «Вақфийя»ни муқаррар янги битқай. *Вақфия*, 14-269;
Вақф қилған маҳдудлар ким шаҳр ва тавобинлалур... тафсили форсий вақфийяларда ким мукаррар айтилибдур. *Вақфия*, 14-265;
2. асар номи:
Авло ул ким ҳам дуо сари ружуъ ва «Вақфийя»нинг такмилиға шуруъ қилилғай. *Вақфия*, 14-265.

ВАҚФИЙЯТ [وقفیت] – вақфия, вақф васиқаси:
Кузоти изом мурофаи шаръи зимнида вақфийят ҳукми қилиб бу маҳдудотни ўз сижиллоти била мувашшаҳ... қилдилар. *Вақфия*, 14-269.

ВАҒО [وغا] – 1. уруш, тўқнашув; жанг:
Насими ваға бир сари сурди гард,
Кўрунди халойиққа дашти набард. *Садди Искандарий*, 190-Т;
2. жанжал:
Тушуб чун ваға оламиға дами,
Дами саъй этиб фатҳ ўлуб олами. *Садди Искандарий*, 99-Т.

ВАҲ [وه] – оҳ, ўкинч, ташвиш, афсус; ажаб, ажабо:
Ваҳ бу не изҳори хижолат бўлур,
Бу не деган лутфу адолат бўлур. *Ҳайратул-аброр*, 7-132;
Ваҳ ки ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга. *Ғаройибус-сиғар*, 35-Т;

~ **ваҳ** – ўкинч, афсус, ажаб:
Не икки анбаросо зулф ваҳ ваҳ,
Не икки жонфазолаб Аллоҳ, Аллоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 292-Т.

ВАҲАЛ [وحل] – 1. лой, балчиқ:

Умр кемаси ваҳалға ботди,
Кўнглини ўлумга қўйди ётди. *Лайли ва Мажнун*, 338-Т;

2. намлик, зах:

Уйи ким ваҳалдин чекар юз киши,
Ани чекмак эрмас дурур мўр иши. *Садди Искандарий*, 73-Т.

ВАҲДАТ [وحدت] – яккаю ягоналик, ёлғизлик, танҳолик:

Чу қилди жилва шодурвони ваҳдат,
Насими васл очиб домони ваҳдат. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т;
К-эй фузул айвонида ўлтурғучи,
Лофи ваҳдатдин «анал ҳақ» урғучи. *Лисонит-тайр*, 216-Т;

~ **асрори** – Худонинг яккаю ягоналигининг сири, Худога яқинлашиш сири:

Назму насридин ки таҳрир айлабан,
Ваҳдат асрорини тафсир айлабан. *Лисонут-тайр*, 34-Т;

~ **аҳли** – Худони ёлғиз, ягона деб таниганлар, орифлар:

Англа ул сўзни нуктаи тавҳид
Ваҳдат аҳлида йўқ мунга тардид. *Сабъаи сайёр*, 10-31;

~ **баҳри** – танҳолик денгизи:

Мен ҳам восита шамъин ўчурай ва ваҳдат баҳрида Аллоҳ зикри била қадам урай. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-537;

~ **жоми** – бирлик қадаҳи, бирлик хушнудлиги:

Ул талаб аҳли аро хомуш эди,
Кўнгли ваҳдат жомидин беҳуш эди. *Лисонут-тайр*, 189-Т;

~ **пояси** – яганаликни топиш чўққисининг зинапояси:

Етти бирлик гавҳаридин тож анга
Бўлди ваҳдат пояси меърож анга. *Лисонут-тайр*, 215-Т;

~ **хилватхонаси** – ўлим, вафот; гўр, лаҳад:

Алар касрат анжуманидин кўз юмуб ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-77;

~ **қадаҳи** – бирлик, танҳолик қадаҳи:

Васл айлади иккиликни боқий,
Ваҳдат қадаҳини тутти сокий. *Лайли ва Мажнун*, 303-Т;

~ **и васл** – танҳоликка эришиш нияти, орзуси:

Ваҳдати васл ичра ул янглиғ мурод,
Ул сифат маъшуқ бирла иттиҳод. *Лисонут-тайр*, 228-Т;

~ **и висол** – танҳолик висоли:

Ким шиддати ваҳдати висоли,
Бермай анга иккилик мажоли. *Лайли ва Мажнун*, 257-Т;

~ **и вужуд** – вужуд танҳолиги:

Ваҳдати вужуд қойилларининг кидвасидур. Зоҳир фуқаҳо ва уламасидин кўп анда таън килибдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 361-Т;

~ **и гуҳар** – художуй, Оллоҳни бир ва борлигини тан олган:

Ваҳдати гуҳарин элига олган,
Узлат камарин белига чалған. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;

~ **и жовид** – мангу танҳолик:

Ваҳдати жовид топқай шоҳқа,
Восил эткай ўзни зиллуллоҳқа. *Лисонут-тайр*, 43-Т;

~ **и зот** – ёлғиз Оллоҳ:

Ваҳдати зотиға куёшдек танук,
Заррадин афзуну куёшдин ёруқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;

~ **и ишқ** – бирлик, яккалик ишқи:
Ишқ ўти сўзига маҳрук эт мени,
Ваҳдати ишқ ичра маъшуқ эт мени. *Лисонут-тайр*, 259-Т;
~ **и сирф** – танҳолик жабру жафоси; ҳақиқий бирлашиш:
Неча иккилик нақши нобуд ўлуб,
Бир-ўк ваҳдати сирф мавжуд ўлуб. *Садди Искандарий*, 67-Т;
Ҳам ул ваҳдати сирф бўстони дин,
Не бўстон ҳақиқат гулистони дин. *Садди Искандарий*, 77-Т.

ВАҲДАТСАРО [وحدت سرا] – тинчлик, танҳолик, роҳат ер, маскан:
Бўлуб рафъ ўзлук аро пардаси,
Падид ўлди ваҳдатсаро пардаси. *Садди Искандарий*, 67-Т.

ВАҲДОНИЙЯТ [وحدانیت] – ягоналик, тангрилик:
Шайх деди ким Тангри сўзин эшитти ваҳдонийят кўнглига кашф бўлди ва инсонийят сифати маҳв бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 36-Т.

ВАҲИД [وحید] – ёлғиз, битта; ~ **и замон** – давр ягонаси:
Кўрди Масъуд ул сифат меҳмон,
Фазлу дониш аро ваҳиди замон. *Сабъаи сайёр*, 10-250.

ВАҲЙ [وحی] – ваҳй, хабар:
Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур,
Ким ғамим таскини ғамгин хотирим оромидур. *Ғаройибус-сиғар*, 145-Т;
Чун рақам айлаб «Илоҳийнома»ни,
Ваҳйиға айлаб муҳаррир хомани. *Лисонут-тайр*, 34-Т.

ВАҲЙАСАРЛИҚ [وحیاثرلیق] – ваҳй сингари таъсирли, кучли сўз:
Оз фурсатда ул ҳазратнинг ваҳйасарлиқ сўзи ва илҳом хосиятлиқ ваъдасидек сўзумга пок маоний гавҳари тож ва ўзумга пок гавҳарлик аҳли маоний муҳтож бўлди. *Вақфия*, 14-250.

ВАҲЙОСОР [وحی آثار] – ваҳй белгилари, Жабраил келтирган хабар нишоналари; таъсирли сўзлар:
Ва бу ҳақир била илтифотлари кўп бор учун ваҳйосор рукъалари била мушарраф қилиб ишларга маъмур қилурлар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 257-Т.

ВАҲ КИ/ВАҲ КИМ [وه که / وه کیم] – таажжуб, таассуф:
Ваҳ ки ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,
Нотавон жонимға тушкан шуъла жоним ўртади. *Муншаот*, 14-155;
Кўзларим шўробасин ваҳ ким оқиздинг юз сари,
Бир малоҳат аҳли тўккач гулга шабнам эй кўнгул. *Наводируш-шабоб*, 391-Т.

ВАҲЛ [وحل] – лой, балчиқ:
Дунё сари ким майл ўқин отти ахи,
Анинг ваҳлиға белича ботти ахи. *Назмул-жавоҳир*, 15-160.

ВАҲМ [وهم] – 1. ваҳима, ҳаяжон; кўрқинч:
Қатл ҳукми қилди шоҳи бахтиёр,
Ваҳмдин қочди гадо беихтиёр. *Лисонут-тайр*, 64-Т;
Чу ул лавҳларни ушатти ҳаким
Керак ташқари турса бир дам ваҳим. *Садди Искандарий*, 269-Т;
2. сақланиш, хавф, хатар:
Атфол санг арбадаси ваҳмидин даме,
Девоналар киби чиқа олман високдин. *Ғаройибус-сиғар*, 363-Т;

Ижозат берди хон ройин кўруб хўб,
Ки ваҳми бор эди Баҳромдин кўп. *Фарҳад ва Ширин*, 488-Т;

3. хаёл, гумон, ўйлов, фикр:
Бийикрак мақом ичра афлокдин,
Не афлокдин ваҳму идрокдин. *Садди Искандарий*, 75-Т;
Қилиб рафъ ҳар ваҳму андешани,
Тенгиз ичра солдилар ул шишани. *Садди Искандарий*, 470-Т;

~ **айла-/эт-/қил** – кўрқмоқ, хавфланмоқ:
Валоятдин кўруб ҳолида партав,
Ани ваҳм айлаб ўлтурмакка Хусрав. *Фарҳод ва Ширин*, 407-Т;
Суртсам мужгон кафи пойингға кўп ваҳм этма ким
Қилмади афгор гул баргини булбул тирнағи. *Хазойинул-маоний*, IIа-331;
Чарх ушшоқ оҳи ўтидин магар ваҳм этти ким
Қубба қилди меҳрини ўз ҳайъати қалқон бўлуб. *Ғаройибус-сигар*, 73-Т;
Гар Навоий ишқи ортар оҳидин сен ваҳм қил,
Ким ўчурур шамъни гарчи ёрутур ўтни дам. *Наводируш-шабоб*, 402-Т.

ВАҲМЛИҒ [وهم لیغ] – ваҳмлик:
Бўлуб сарв-у ҳут авжидин ваҳмлиғ,
Тубидин топиб кўп уй-у балиғ. *Садди Искандарий*, 468-Т.

ВАҲМНОК [وهم ناک] – ваҳимга тумган:
Бўлуб эл бу икки балодин ҳалок,
Кириб нақб аро бир неча ваҳмнок. *Садди Искандарий*, 272-Т;

~ **айла-** – ваҳимага тушмоқ:
Адув кўнглин айлади ваҳмнок,
Ки кўрдилар ани ажаб саҳмнок. *Садди Искандарий*, 323-Т.

ВАҲМСИЗ [وهم سیز] – ваҳмасиз, қўркувсуз; ~ **кил-** – кўрқмайдиган, ваҳмсиз қилмоқ:
[Баҳром Монийнинг] атбоин ўзидин ваҳмсиз қилди.
Тарихи мулуки ажам, 16-227.

ВАҲШ [وحش] – йиртқич, ваҳший, ёввойи, даштий:
Келмай нафси ўзига хуши,
Саҳро ваҳши киби хуруши. *Лайли ва Мажнун*, 197-Т;
Одам била ваҳш келди кам жинс,
Одамға ҳам одам ўлди ҳамжинс. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;

~ **и биёбон** – биёбон ваҳши:
Одамлардин чу кўп ваҳшатқа қолдим истарам,
Тутмақ элни тарк этиб ваҳши биёбон бирла унс. *Бодайиул-васат*, 179-Т;

~ **-у тайр** – ёввойи ҳайвон ва қуш:
Тангри раззоқлиғин билган рўзи учун ғам емагай ва қассомлиғин билган ризқ оз-у кўпида сўз демагай ул ки ваҳш-у тайр ризқиға зоминдур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-486;

~ **тут-** – қўрқинч тутмоқ:
Мен ким-у ул хублар шоҳи била улфат магар,
Ваҳш тутқай даштаро Мажнуни шайдо бирла унс. *Бадойиул-васат*, 179-Т.

ВАҲШАТ [وحشت] – 1. ваҳшат, ёлғизлик, одамлардан узоқлашиш, ваҳшийлар билан улфат бўлиш:
Ваҳшатим дашт узра зоҳирдур жунундин анча ким
Ваҳш ким Мажнунға ром эрди эрур мендин рамон. *Наводируш-шабоб*, 442-Т;

Ҳайратда вуҳуш ваҳшатимдин,
Меҳнатда туюр меҳнатимдин. *Лайли ва Мажнун,* 257-Т;

2. кўрқинч, ваҳима, хавф-хатар:
Бадхўйлиқ ул ваҳшат эрур шиддатдин
Ким элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин. *Назмул-жавоҳир,* 15-155;
Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор,
Ки носиҳқа ҳам бим нуқсони бор. *Садди Искандарий,* 174-Т;

~ **танўри** – кўрқинч, ваҳима тандири:
Тешуклар бурнида ваҳшат танўри,
Танўри йўқ ки нафт ўтиға мўри. *Фарҳод ва Ширин,* 208-Т;

~ **қа кол-** – кўрқинчликда қолмоқ:
Одамлардин чу кўп ваҳшатқа қолдим истарам,
Тутмақ элни тарк этиб ваҳши биёбон бирла унс. *Бадойиул-васат,* 178-Т;

~ **кел-** – кўркмоқ:
Ул рафиқе ким анга дедим ки жон айлай туфайл,
Мунча андин жонима ваҳшат келурни билмадим. *Наводируш-шабоб,* 401-Т.

ВАҲШАТАНГЕЗ [وحشت انگیز] – кўрқинчли, хавфли, хатарли; ваҳимали; ваҳима солувчи:
Жанубий ҳаддидин сарсар қилиб тез,
Тенгиз аҳлиға бўлди ваҳшатангез. *Фарҳод ва Ширин,* 264-Т;
Табъ ичра эрур таҳаммуломизлиғи,
Андин ортуқ ки ваҳшатангизлиғи. *Назмул-жавоҳир,* 15-145;
Бу навъ ваҳшатангиз чиндин бўл йирақ ки мулояматимиз ёлғон андин яхширақ. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-524.

ВАҲШАТАФЗО/ВАШАТФИЗОЙ [وحشت افزا / وحشتفزای] – ўта ваҳшийлик; кўркувни орттирувчи:
Ғам туни эрмас ки оҳимдин қаронғудур сипехр
Бу куҳан дайр ичра беҳад ваҳшатафзо бўлди дуд. *Фавойидул-кибар,* 121-Т;
Деди Ҳудҳуд к-эй фақири тирарой,
Бу хаёлинг зотинга ваҳшатфизой. *Лисонут-тайр,* 75-Т.

ВАҲШАТЗОЙ [وحشت زای] – хавф, хатар оргтирувчи:
Аҳраман бешаси азмига секратиб ул ваҳшатзой балки савдоафзой бешаға кириб... *Фарҳод ва Ширин,* 215-Т.

ВАҲШАТЛИҒ [وحشت لیغ] – ёввойилик:
Мажнуннинг ваҳшатлиғ элидин улфат риштасин узгани. *Лайли ва Мажнун,* 194-Т.

ВАҲШАТОБОД [وحشت آباد] – ваҳшатлик, ёввойилик, дахшатлик обод, фаровон манзил, маскан:
Дема мулк ким ваҳшат ободи зишт,
Тамуғ белгуруб ғойиб ўлғач биҳишт. *Ғаройибус-сиғар,* 512-Т.

ВАҲШАТОЙИН [وحشت آیین] – ваҳшат қилиқ, ваҳшатмонанд; хайбатли, кўрқингли:
Не ачиғ ки масти ваҳшатойин,
Лабида каф юзида мавадин чин. *Фарҳод ва Ширин,* 128-Т.

ВАҲШАТОМИЗ [وحشت آمیز] – кўрқинчлик, ваҳималик, ваҳшат билан қоришган:
... Мажнуннинг ўтдек изтироб ва ҳаводек шитоб била Лайли хашами ўрниға етиб қутур итни наззора эткани ва ит ошноға ялинғандек ул ошнорўй итка ялинғани ва элдин ҳайратангиз хитоб эшитиб ваҳшатомиз жавоб бергани. *Лайли ва Мажнун,* 230-Т.

ВАҲШЗОД [وحشزاد] – ёввойи; ваҳшзода; девзода:

Ки мен ваҳшиймен биёбонниҳод,
Атодин ато ваҳши ву ваҳшзод. *Садди Искандарий*, 413-Т;
Юруб оқибат ваҳшзоди журун,
Анинг сари солди качаклик сутун. *Садди Искандарий*, 406-Т.

ВАҲШИЙ [وحشی] – 1. ваҳший, ёввойи:

Ҳамул хайли ваҳший аро етти ун,
Соғиндилар ўлмиш қиёмат бу кун. *Садди Искандарий*, 405-Т;
Маҳмуди сайёднинг сифати доми ва фириби донаси била ваҳший кушларни сайд қилгани. *Наводируш-шабоб*, 691-Т;

2. жоҳил, нодон одам:

Бу ваҳшийға хитоб этса қўзум деб,
Бу бекасни соғинса ёлғузум деб. *Фарҳод ва Ширин*, 452-Т;

~ **йи дашт** – дашт ваҳий ҳайвонлари:

Ёдиға чу кирди ваҳшийи дашт,
Қилмақ кийик-у қулан била дашт. *Лайли ва Мажнун*, 243-Т;

~ **йи мағрибий** – мағрибий ваҳший; улкан ваҳший ҳайвон:

Алар ичра ул ваҳшийи мағрибий,
Қамиш хайли ичра тераклар киби. *Садди Искандарий*, 430-Т;

~ **йи саҳрони сайд кил-** – саҳрода хайвонларни ов килмоқ; ёлғизликни ихтиёр қилиб саҳрога чиқиб кетмоқ:

Эй қилиб зулфунг каманди ваҳшийи саҳрони сайд,
Юз мен-у Фарҳод ила Мажнун киби шайдони сайд. *Фавойидул-кибар*, 122-Т.

ВАҲШИЙОЙИН [وحشی آیین] – ваҳшатбойин, ваҳшат монад, ваҳшат қилиқ:

Деди ваҳшийойини девонаваш,
Чу ифрот ила эрди паймонаваш. *Садди Искандарий*, 413-Т.

ВАҲШИЙФИКАН [وحشی‌فکن] – ёввоии ҳайвонларни, овловчи:

Тузуб мажлис аҳли била анжуман,
Равон истабан гурди ваҳшийфикан. *Садди Искандарий*, 410-Т.

ВАҲШИЙФИОЛ [وحشی فعال] – ваҳший феъллик:

Бу ҳайъат била туздилар чун ясал,
Адад ичра минг деви ваҳшийфиол. *Садди Искандарий*, 406-Т.

ВАҲШИЙШИКОР [وحشی شکار] – йирткичларни овловчи:

Кўп этти чу лутф-у карамошикор,
Деди к-эй адубанд ваҳшийшикор. *Садди Искандарий*, 410-Т.

ВАҲҲОБ [وهاب] – саховатли, олиҳиммат, сахий (Худонинг сифати):

Ки Ҳақ бўлса ваҳҳоб-у гаффор ҳам,
Эрур лек жаббор-у қаҳҳор ҳам. *Садди Искандарий*, 512-Т;
Тамуғ учмағ яратмиш Ҳаййи Жаббор,
Агар Ваҳҳоб эрур Қаҳҳор ҳам бор. *Фарҳод ва Ширин*, 174-Т.

ВАҲҲОБЛИҒ [وهاب لیغ] – олиҳиммат лик, саховатлик, бахшиш килишлик:

...аммо нечук ки ваҳҳоблиғи тақозойн бу навъ мавҳабат ва жамолийят қилди. *Вақфия*, 14-237.

ВИДОД [وداد] – 1. муҳаббат, дўстлик:

Ғамдин айлар шодлиг аҳли видод,
Бор аларга номурод ўлмоқ мурод. *Лисонут-тайр*, 165-Т;

2. умид боғлаш, хоҳиш:
Бўлди Жайпур кўнгли беҳад шод.
Солди Масъуд бирла тарҳи видод. *Сабъаи сайёр,* 10-257.

ВИДОЪ [وداع] – хайрлашиш, ажралиш, видоъ:
Ул ки айлар мен ғами ҳажринда жон бирлан видоъ,
Қаш жондек айласа бу нотавон бирлан видоъ. *Бадойиул-васат,* 221-Т;
... аларнинг видоъ дийдорларига мушарраф бўлуб, Куръон ўқуғали бошлади.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-76;
~ **и дори ғурур** – магрурлик уйидин кетиш, бу дунёдан ўтиш:
Мен чу қилдим видоъи дори ғурур,
Икки минг йил қилиб сипеҳр мурур. *Сабъаи сайёр,* 10-394;
~ **и дунёйи дун** – бу разил дунёдин видолашиш, вафот этиш:
Ким ки дунё аҳли дунлардин тилар бўлғай халос,
Шарт эрур аввал видои дунёйи дун айламак. *Наводируш-шабоб,* 332-Т;
~ **айла-/эт-/кил-** – хайрлашмоқ, видолашмоқ; вафот этмоқ.
Фиғон бирла видоъ айлаб даду дом,
Ҳам ул ер теграсида топиб ором. *Фирҳод ва Ширин,* 480-Т;
Ҳам керак оқибат видоъ этмак,
Барчанинг таркини қилиб кетмак. *Сабъаи сайёр,* 10-375;
Мир Ислом Ғаззолий... Султон Абу Саид Мирзо чоғида оламға видоъ қилди.
Мажолисун-нафоис, 16-Т.

ВИЗР [وزر] – гуноҳ; юк, оғирлик, вазн; меҳнат, заҳмат:
Вазир визрдин муштакдур ва бу феъл анинг зотига аҳакк ва алякдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-457.

ВИЛОЯТ [ولايت] – вилоят; ўлка:
Ҳазрати Шайх асҳобни йиғиб амр қилибдурлар ки вилоятларингизға боринг. Алар Ҳазратнинг амри била ўз вилоятларига боribдурлар.
Насойимул-муҳаббат, 267-Т;
... истиқбол расми бирла Мурғоб вилоятигача келиб эрдилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-20;
Қайси вилоятқа ки азм айлабан,
Эл ҳараму боғида базм айлабан. *Ҳайратул-аброр,* 7-227;
~ **дарёси** – илм хазинаси, ижод хазинаси:
... «Насри ул-лаолий» ким ул ҳазратнинг вилояти дарёсидин чиққан самин луълулардур. *Назмул-жавоҳир,* 15-127;
~ **и аъло даража** – аъло даражали вилоят:
Ва Шайхнинг фазойил-у камолоти улум-у маорифи аъло маротибидин балки каромот-у вилоёти аъло даражасида шаърдин ташқаридур.
Насойимул-муҳаббат, 360-Т.

ВИЛОЯТДАСТГОҲ/ВАЛОЯТДАСТГОҲ [ولايت دستگاه] – вилоят улуғи, эгаси; мўътабар:
... бир куни ҳазрати иршодпаноҳ вилояти дастгоҳ... мавлоно Муҳаммад Табадгоний... *Хамсатул-мутаҳаййирин,* 15-28.

ВИЛОЯТМАОБ [ولايت مآب] – вилоятдаги мурожаат маскани:
Ва ул ҳазрати вилоятмаобнинг хорик одоти ва ҳакойик-у ма орифи андин кўпрак-дур ки қалам тили била шарҳ қилса бўлғай. *Насойимул-муҳаббат,* 349-Т.

ВИЛОҲАТАФЗОЙ [ولاهت افزای] – вилоятларни руҳлантирувчи:

Вов ҳарфининг вилоҳатафзойларининг вақойи «Наводир»дин.

Наводируш-шабоб, 505-Т.

ВИРД [ورد] – дуо; вазифа, одат; доимий машғулот:

Анингдск қилдн хоро йўнмағин вирд,
Ки юз Қоран қошида бўлди шогирд. *Фарҳод ва Ширин*, 156-Т;
Бу мамоликда кимга бу иш вирд,
Барча бордур манга камин шогирд. *Сабъаи сайёр*, 10-344;

~ **и забон ўл-** – яхшилик тиламак, дойимо дуо этмак:

Неча ким ёр ситам эткан ила узди вафо,
Ёдин этканча ўти вирди забон ўлди манга. *Наводируш-шабоб*, 695-Т;

~ **и забон айла-** – дуо қилмоқ, яхшилик тиламоқ, шукр этмоқ:

Хўжа Бу Наср этти минбарни макон,
Эл дуосин айлабан вирди забон. *Лисонут-тайр*, 177-Т;
Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглини меҳриға макон айласун. *Ҳайратул-аброр*, 7-185;

~ **қил-** – дуо, одат қилмоқ:

...қирқ кун балиғ ичинда эрди ва бу тасбиҳни вирд қилиб эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-170.

ВИСОЛ [وصال] – 1. учрашув, бирлашув, эришув, етишув:

Деди егил ки мен уйумда эрдим муни келтурдилар ея олмадим ки хотирим сенинг сари эрди анинг ҳайбатидин дей олмадим ки висолдадур мен.

Насойимул-муҳаббат, 149-Т;

Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг аёғи туфрағи. *Арбаин*, 16-269;
Фонийи овворани ул йўлға сол,
Қатъ қилғач йўл насиб эткил висол. *Лисонут-тайр*, 260-Т;

2. юз, чирой, жамол:

Ўйла хўй этти ой жамоли била,
Бўлди машъуф анинг висоли била. *Сабъаи сайёр*, 10-103;
Саъд чиқти чағир хаёли била,
Кўнгли дилдорининг висоли била. *Сабъаи сайёр*, 10-229;

~ **и бениҳоят** – доимий висол:

Кетиб ул фурқати беҳадд-у ғоят,
Бўлуб рўзи висоли бениҳоят. *Фарҳод ва Ширин*, 483-Т;

~ **и жовдоний** – абадийлик, мангулик висоли:

Алқисса ул икки ёри жоний,
Топқач бу висоли жовдоний. *Лайли ва Мажнун*, 357-Т;

~ **и жонфазо** – жонга роҳат, ором берувчи висол:

Ишқ бемориға йўқ элдин давоға ихтиёж,
Йўқ ўлукка жуз висоли жонфазоға эҳтиёж. *Фавойидул-кибар*, 97-Т;

~ **иқболи** – етишиш иқболи:

Агар ошиқ будур маъдум хушроқ,
Висол иқболидин маҳрум хушроқ. *Фарҳод ва Ширин*, 433-Т;

~ **и коми** – етишиш мақсади:

Ким висоли комиға ё еткабиз,
Ё таманносида жон тарк эткабиз. *Лисонут-тайр*, 46-Т;

~ **шахди** – етишишлик завқи, висол лаззати:
...саводин Мажнун ўкуб оғзи висол шаҳдидин ширин бўлғанда комиға зунбур неши санчилғани... *Лайли ва Мажнун*, 245-Т;
~ **айла-** – учрашмоқ, эришмоқ:
Юзунг била юзума қош бўлса айла висол,
Ки бўлмаса ароларида ғайр ул хат-у хол. *Наводируш-шабоб*, 696-Т;
~ **иста-** – етишишни истамоқ, ёрга етишишни хоҳламоқ:
Деди: бўл фоний висолим истасанг бўлдум фано
Эй Навоий сўр ки мундин ортуқ истарму хануз. *Наводируш-шабоб*, 219-Т;
~ **топ-** – етишмоқ, эришмоқ:
Эй Навоий икки оламдин кечиб топтим висол,
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим. *Ғаройибус-сиғар*, 310-Т.

ВИСОЛОЙИН [وصال آیین] – висолга эришиш усули:
Берди маҳваш лутф ила таскин анга,
Кўргузуб коми висолойин анга. *Лисонут-тайр*, 225-Т.

ВИСОЛПАРВАРД [وصال پرورد] – висолга эришиш мақсадида ўсган:
Юз йил киши ҳажр аро чекиб дард,
Бўлса нафаси висол парвард. *Лайли ва Мажнун*, 317-Т.

ВИСОҚ [وثاق] – 1. уй, хона, маскан:
Атфол санг арбадаси ваҳмидин даме,
Девоналар киби чиқа олман висоқдин. *Ғаройибус-сиғар*, 363-Т;
Дард-у бало ву ғуссани кўнглум аро кетурди ишқ,
Дўстларин бирав киби ким тилагай висоқиға. *Ғаройибус-сиғар*, 409-Т;
2. аҳд, келишув:
То сайр ила етти иттифоқи,
Ул ерга ким ул санам висоқи. *Лайли ва Мажнун*, 232-Т;
3. ҳовли; манзил; ҳарам:
Мавлони Улои Шоший... бу муаммони ким фақирнинг оти андин ҳосил бўлур битиб бир шогирдидин висоқимга юбориб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 34-Т;
Бир мадрасада ясай висоқин,
Ҳужра аро соз этай яроқин. *Лайли ва Мажнун*, 376-Т;
~ **тут-** – маскан, манзил қилмоқ:
Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифоқ,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т.

ВИТР [وطر] – ёлғиз, танҳо; арафа кун (қурбон байрамидан аввалги кун):
Учу тўрт англа мағриб-ла ашода,
Вали қил витрни вожиб арода. *Сирожул-муслимин*, 16-285.

ВИФОҚ [وفاق] – мувофиқлик, бирдамлик, ҳамдамлик:
Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,
Лек кўп эрди бадиъи нифоқ. *Фавойидул-кибар*, 693-Т;
Мен унуттум айлабан ҳозир вифоқ,
Сен дағи ани унутсанг яхшироқ. *Лисонут-тайр*, 181-Т.

ВИҚОР [وقار] – 1. оғирлик, чидам, вазминлик; тамкин; улуғворлик:
Шукуҳи анинг жисмидин олди тоб,
Виқори солиб кўнглига изтироб. *Садди Искандарий*, 161-Т;
Гаҳи таъриф этиб ҳусну жамолин,
Виқору ҳушу фарҳангу камолин. *Фарҳод ва Ширин*, 465-Т;

Улча сенинг ҳилму виқоринг дурур,
Мен киби эл мидҳати оринг дурур. *Ҳайратул-аброр,* 7-319;

2. матонатлик, сабрлик, бардошлик:
Виқор узра бир дам чу ўлтурдилар,
Сутурлобу кўзгуни келтурдилар. *Садди Искандарий,* 375-Т;
Ки неча шоҳға ишқ ойиндур,
Лек кўҳ викору тамкиндур. *Сабъаи сайёр,* 10-367;

~ **шамъин ўчур--** мағрурликни емирмоқ:
Ўтедур номус уйин куйдиргучи еледур иззат хирманин совурғучи ва виқор шамъин ўчургучи. *Маҳбубул-кулуб,* 9(10)-488.

ВИҚОРЛИҚ [وقارلیق] – матонатлик, виқорлик:
Бир пир йўлуқти яхши юзлик ва ҳайбатлик ва виқорлик. *Насойимул-муҳаббат,* 348-Т;
Фаридун Ҳусайн Мирзо... зоти таъзим ва виқорлик ва хулқи адаб ва ҳурматшиорлик. *Мажолисун-нафоис,* 200-Т.

ВО [وا] – эй (ундов сўз); очиқ:
Кўнглума асҳоб зулми жанбида во ҳасрато,
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим. *Наводируш-шабоб,* 401-Т;

~ **қил-** – кутқармоқ, ажратмоқ, узоқлаштирмоқ, жудо қилмоқ:
Яздижурдни дағи Тус вилоятидағи Чашмаи сабз навоҳийсида от йиқиб ўлтурди. Баъзи сув оти дебтурлар баъзи дебтурлар ким фаришта от сурати била келиб ани эл бошидин во қилди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-234.

ВОБАСТА/ВОБАСТ [وابسته / وابست] – боғлиқ, алоқадор:
Тангри таоло ризоси ато ризосиға вобастадур ва Тенгри таоло ғазаби ҳам ато ғазабиға вобастадур. *Муншаот,* 14-183;
Кўрди ул маҳбут хайли хастани,
Юз балийятториға вобастани. *Лисонут-тайр,* 239-Т;

~ **и тавфиқ** – муваффақиятга боғлиқ, баҳрамандликка алоқадор:
Жавҳари мақсуд чун вобастаи тавфиқ эрур,
Деса бўлмас ким мунунг саъйи анинг иҳмоли бор. *Ғаройибус-сиғар,* 154-Т;

~ **бўл-/ўл-** – боғланмоқ:
Чу дўст лутфиға бу барча бўлди вобаста,
Недин керак кишига васл нақдидин тардид. *Фавойидул-кибар,* 117-Т;
Бари бир бири жавфида тў ба-тў,
Бири бирга вобаст ўлуб мў ба-мў. *Садди Искандарий,* 48-Т;

~ **қил-** – боғламоқ:
Ҳар ким санга яхшилиқ қилди сени ўзига вобаста қилди. *Насойимул-муҳаббат,* 175-Т;
Хуросон мулкининг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг сойиб райиға ва тадбири мулк оройиға вобаста қилғудек эрди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер,* 15-96.

ВОБАСТАЛИҒ/ВОБАСТАЛИҚ [وابسته لیغ/وابسته لیق] – алоқадорлик, боғлиқлик, боғланган бўлишлик:
Фақр йўлинда оғирроқ юк эрур вобасталиғ,
Эй кўнгул тарки тааллуқ айлабан ул сари бор. *Бадойиул-васат,* 117-Т;
Ақлнинг силсилаи зулфунга вобасталиғи
Кўрунур айла ки занжир ичида девона. *Фавойидул-кибар,* 517-Т;
Кимга ким дунёғадур вобасталиқ,
Етса ул андешадин дилхасталиқ. *Лайли ва Мажнун,* 137-Т;

... вафоға ҳаё била пайвасталиқ андақ ки ҳаёға вафо била вобасталиқ.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-508;

Васма сари топти чу вобасталиқ,
Бўлди икки фитнаға пайвасталиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-160.

ВОВ [واو] – араб алфавитининг йигирма олтинчи ҳарфи; абжад ҳисобида санақ аломати олтини билдиради: (Арабчада ҳарфларнинг ўзгариш қоидасига асосан «вов» маълум жойларда «алиф»га ўзгаради. Бу ерда Навоий ана шунга ишора қилиб руҳнинг вови ҳарфлар ўзгариш қоидасига мувофиқ «алиф»га ўзгариб роҳ(май) бўлганини айтади, яъни «эй соқий, сени майинг жондан ясалган экан»):
Қайда мумкиндур алифдек чиқмақ элдин хосса ким
Кун аро олти жиҳатдин қолмишам андақ ки вов. *Наводируш-шабоб*, 508-Т.

ВОВАЙЛО [واويلا] – эй воҳ, афсус, эй аттанг:
Заъф топмиш эрди истило анга,
Шавқдин иш оҳу вовайло анга. *Лисонут-тайр*, 138-Т;
Оҳ-у вовайлодин ўлдум оҳ-у вовайло агар,
Бокмаса ул шўх кўнглум оҳ-у вовайлосиға. *Наводируш-шабоб*, 562-Т.

ВОВИЙ [واوی] – «в» ҳарфли, «в» ҳарфи бор:
Туркий алфозда бу маъруф мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилур: ҳам «вовий»си ҳам «ёййи»си. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т.

ВОДИЙ [وادی] – водий, дара:
Ҳамул водийда бир гул узди хушбў,
Сепиб барги аро беҳуш дору. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т;
Роҳбар чун кўрди ожизлиғларин,
Қўнди бир водийда жамъ айлаб барин. *Лисонут-тайр*, 56-Т;
~ **и адам** – йўқлик водиси; у дунё:
Навоий оғзи хаёлиға тушти истамангиз,
Ки тушмиш эмди йўли водийи адам бирла. *Фавойидул-кибар*, 545-Т;
~ **и айман** – айман (халқи, кавми) водиси, манзили:
Эй водийи айман ичра қўйчи
Итмен санга ўз қошингда кўй чи! *Лайли ва Мажнун*, 286-Т;
~ **и даргаҳ** – водий даргаҳи:
Шайх ани кўргач деди к-эй раҳнавард,
Васл истаб водийи даргаҳ навард. *Лисонут-тайр*, 257-Т;
~ **и дард** – дард, изтироб водиси:
Овора ву саргардон ишқ аҳлиға боқ ҳар ён.
Ким водийи дард ичра не навъ қўйуинлардир. *Наводируш-шабоб*, 183-Т;
~ **и истиғно** – истигно водийси; сўфийлик водийларидан бирининг номи:
Водийи андин сўнгра истиғнодурур,
Анда тенг аъло ву гар аднодурур. *Лисонут-тайр*, 210-Т;
~ **и ишқ** – ишқ водийси:
Кўнгул то водийи ишқиға тушти қилмади бир ҳам,
Ватанни ёд ул овораи бехонумон ҳаргиз. *Ғаройибус-сиғар*, 178-Т;
Чун водийи ишқ топти манзил,
Ўтмаклиги мушкил эрди мушкил. *Лайли ва Мажнун*, 79-Т;
~ **и махофат** – хавф-хатар йўли, кўрқинчли водий:
Ким бу манзил маҳалли офат эрур,
Жонситон водийи махофат эрур. *Сабъаи сайёр*, 10-360;

~ **и муқаддас** – муқаддас водий:
Қад-у юзи шажар-у ўт бу йўлда эй кўнглум,
Адаб била йўру ким водийи муқадасдур. *Фавойидул-кибар*, 188-Т;
~ **и нуқсон** – нуқсон водиси:
Раҳзанлик айламак ашён сари,
Бошламақ йўл водийи нуқсон сари. *Лисонут-тайр*, 149-Т;
~ **и сабр** – сабр, тоқат водиси:
Водийи сабримдағи хору хасунг қилдим гумон,
Кўнглум атрофида ҳар ён навки пайконин кўруб. *Ғаройибус-сиғар*, 70-Т;
~ **и суубат** – қийинчилик, машаққат водийси:
Водийи суубатидин қушлар ҳудҳуддин саволот қилғани ва анинг жавоб айтқан. *Лисонут-тайр*, 131-Т;
~ **и тавҳид** – яккаю ягоналнк водийси; сўфийлик водийларидан бирининг номи:
Ким анингдек водийи тавҳид аро,
Гулшанн тажрид ила тафрид аро. *Лисонут-тайр*, 217-Т;
~ **и талаб** – талаб водийси:
Водийи аввал талаб водисидур,
Бошлаған ул ён шараф ҳодисидур. *Лисонут-тайр*, 197-Т;
~ **и тафрид** – ёлғизлик, танҳолик водиси:
Ҳар не касб айлаб эди тавҳид аро,
Водийи тафрид ила тажрид аро. *Лисонут-тайр*, 218-Т;
~ **и туз** – тўғрилик водийси:
Заъфу ожизлик анга кўргузди юз,
Ким ниҳоятсиз эди водий туз. *Лисонут-тайр*, 124-Т;
~ **и фано** – фано водийси; фонийлик олами:
~ Чектуруб кушларға кўп ранжу ано,
Сўнгги манзил ўлди водийи фано. *Лисонут-тайр*, 272-Т;
~ **и фақр-у фано** – фақру фано водийси, фақирлик ва йўқлик водийси; сўфийлик водийларидан бирининг номи:
Мундин ўтса ўтруға келмас яно,
Йўл аро жуз водийи фақр-у фано. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
Барчадин сўнг водийи фақр-у фано,
Ўтмас андин сайр ила солик яна. *Лисонут-тайр*, 197-Т;
~ **и фуркат** – фуркат водиси:
Эл ёғиндин панаҳ истар киби кўйунг ёди,
Водийи фуркат аро ашкфишонларға малаз. *Ғаройибус-сиғар*, 123-Т;
~ **и хирмон** – маҳрумлик, умидсизлик водийси:
Айла саврулған аносир ҳар тараф ким топмағай,
Бир бирисидин нишон бу водийи хирмон аро. *Наводируш-шабоб*, 5-Т;
~ **и ҳуррам** – шодлик водийси; жаннат:
Йўл эмас Ясрибда йиртибтур юзин тирнағ ила,
Мақдаминг то етмади ул водийи ҳуррам аро. *Ғаройибус-сиғар*, 32-Т;
~ **и ҳажр** – айрилиқ, жудолик олами:
Водийи ҳажр ичра солиб кўп хатар,
Хору гиёҳини қилиб ништар. *Ҳайратул-аброр*, 7-17;
~ **и ҳайрат** – ҳайрат водийси:
Мундин ўтсанг водийи ҳайрат дурур,
Водийи ҳайратта кўп шиддат дурур. *Лисонут-тайр*, 197-Т;
~ **и ҳамим** – қизиган, иссиқ водий:
Дебан эл Водийи ҳамим отин,
Ҳиркати айлаб ани исботин. *Сабъаи сайёр*, 10-308;

~ **и ҳижрон** – ҳижрон, айрилиқ водийси:
Чун улар водийи ҳижрон йўлида,
Берса авло жонни жонон йўлида. *Лисонут-тайр*, 43-Т;
~ **и ҳиммат** – ҳиммат водийси:
Водийи ҳиммат қилиб ул ким тилар оламда жоҳ,
Қилмақ олуда нажосатқа ўзин ҳиммат-мудур. *Наводируш-шабоб*, 167-Т;
~ **и ҳиром** – умидсизлик водийси:
Ул ки қолиб зулмати ҳижрон аро,
Ё озиқиб водийи ҳиром аро. *Ҳайратул-аброр*, 82;
~ **қатъ эт-** – кезмоқ, кезиб ўтмоқ:
Амри бирла анча водий қатъ этиб,
Ким басе олий манозилга етиб. *Лисонут-тайр*, 39-Т;
~ **и қат айла-** – водийни кезмоқ:
Чун қасойид даштиға солиб кумайт,
Водийи қат айлабан ҳар турфа байт. *Лисонут-тайр*, 35-Т.

ВОДИЙИ [وادیی] – водийи:
Булардин нари водийидур назах,
Назоҳатда боғи эрамдин фарах. *Садди Искандарий*, 395-Т.

ВОДИЙНАВАРД [وادی‌نورد] – даштқезар:
Адудин чиқарди шаҳ иқболи гард,
Биз ўлдуқ баёбанда водийнавард. *Садди Искандарий*, 225-Т;
Кўруб қолмайин ўзда водийнавард,
Ўзин солди даргаҳға андақ ки гард. *Садди Искандарий*, 317-Т.

ВОДИЙНИШИН [وادی نشین] – манзили водий:
Ватангоҳи ақсойи мағрибзамин,
Эли эрмиш ул ерда водийнишин. *Садди Искандарий*, 195-Т.

ВОЖИБ [واجب] – 1. вожиб, фарз, бажарилиши мажбурий, зарурий, шарт:
Бу неъматлар шукри барчаға ўз хурди ҳолиға кўра вожиб ва лозимдур.
Муншаот, 14-220;
Ки вожибдурур эҳтироми анинг,
Недин ким бийикдур мақоми анинг. *Садди Искандарий*, 389-Т;
2. Худо, Тангри:
Кўрмишам вожиб бақосин равшан андақ ким куёш,
То ки имкон соя янглиг кўзда фонийдур манга. *Бадойиул-васат*, 13-Т;
~ **и биззот** – зотан, ҳақиқатан, ҳеч қандай гап-сўзсиз; Худо:
Ҳамд анга ким вожиби биззот эрур,
Ҳомид анинг зотига заррот эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;
~ **ул-ижтиноб** – узоқлашиш лозим бўлган:
Мунажжим... зижи ҳеч ва тафҳим ва тақвими ғалат тақсим ва устурлоби вожибул-ижтиноб ва рифъатул-қамари бефойда ва бесамар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-471;
~ **ул-изъон** – бўйсуниш мажбурий:
Бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси поясини асраб ва вожибул-изъон ҳукмларига итоат ва фармонбардорлиқ қилиб *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т;
~ **ул-имтисол** – фармонбардорлик, бўйсуниш мажбурий:
Бу фақири ҳақирға бир нишони олийшон юбарилиб эрди ва бу бандаи афканда-ни бир мисоли вожибул-имтисол била туфрағдин кўтарилиб эрди.
Муншаот, 14-158;

~ **ур-риоя** – риоя, андеша қилиниши лозим ва зарур, аҳволини назарга олиш зарур:
Сайид Қуроза... бағоят маҳрум ва вожибур-риоя ва номурод кўринди.
Мажолисун-нафоис, 85-Т;

~ **ул- иттибоъ** – тобеъ бўлиш, бўйсуниш лозим:
Бу вожибул-иттибоъ амр вукуъидин... дуд бошимға ошти. *Ғаройибус-сиғар,* 16-Т;

~ **ут- таъзим** – улуғлаш, ҳурматлаш лозим булган зот;
Зиҳи исминг азим раҳмонлиғ-у раҳимлиғинг вожибут-таъзим.
Муножот, 16-293;

~ **ул-эҳтиром** – ҳурмат қилиш лозим, ҳурмат қилиниши зарур:
Бу милкнинг жамиъи назм аҳли шуаройи ширинкаломи ва фусаҳойи вожибул-эҳтироми ҳар не ҳар маъно била ким авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз била ким ажзо изориға намойиш беribдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн,* 186-Т;
Мир ул вилоятнинг вожибул-эҳтиром содотидиндур.
Мажолисун-нафоис, 134-Т;

~ **бил-** – бажарилиши зарур деб билмоқ:
ҳазрати борий шукри неъматини вожиб билмак. *Низмул-жавоҳир,* 15-131;

~ **бўл-/ўл-** – зарур бўлмоқ:
Чу қилди олам аҳлига тааҳҳуд,
Ёман элга бўлур вожиб ташаддуд. *Фарҳод ва Ширин,* 175-Т;
Анга тегру ким бўлди лафзи дуруст,
Тааллум иши вожиб ўлди нухуст. *Садди Искандарий,* 117-Т.

ВОЖИБОТ [واجبات] – зарур бўлган нарсалар, диний мажбуриятлар:
Яна фиқҳ илмида ибодатдин фаройиз ва сунан ва вожибот ва мустаҳабот ва бу ибодатга мувофиқ адъия ким... Паҳлавонға барзикр эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 110-Т.

ВОЖИД [واجد] – вужудга келтирувчи, бор қилувчи:
Агар вожиду мажид эт эътибор,
Агар ҳайй-у қайюм бир ҳукми бор. *Садди Искандарий,* 139-Т.

ВОЖУН [واجون] – тескари, чаппа, паришон; паст:
Атосин ҳам билур эрди гулрўй,
Ким эрур дев феълу вожун хўй. *Сабъаи сайёр,* 10-265;

~ **бўл-** – пастлашмоқ, орқага кетмоқ:
Иш поёни ки зишту вожун бўлғай,
Улдур ки ёман иш била мақрун бўлгай. *Назмул-жавоҳир,* 15-156;

~ **қил-** – орқага кетмоқ, йўқ қилмоқ:
Куфрон била ҳар ким ўзи дун қилғай,
Камлик сари неъматини вожун қилгай. *Назмул-жавоҳир,* 15-143.

ВОЗИЪ [واضع] – тузувчи, бажарувчи; ижодкор:
Халил ибн Аҳмад... бу фан [аруз]иинг возиъидур. *Мезонул-авзон,* 8;
Бу лафз возиъи азизларға жойи таслим ва таҳсиидур ки багоят хўб қилибдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн,* 177-Т.

ВОЗИҲ [واضح] – очиқ, ошкор:
Туркнинг мулоямати табъининг сартдин ортуғлуғиға далиле мундин возиҳроқ... бўла олурму. *Муҳокаматул-луғатайн,* 169-Т;
Риоятингни авлодмонанд балки акбодпайванд маръий тутмағим шоҳ ва гадо оллида возиҳ ва яхши ёман қошинда лойиқ бўлди. *Муншаот,* 14-216;

Бўйла ғафлатқа ўлум рожиҳ дурур,
Аҳли ҳуш оллинда бу возиҳ дурур. *Лисонут-тайр*, 46-Т.

ВОИЗ [واعظ] – 1. воиз, ваъз айтувчи, насиҳатгўй, панд-насиҳат қилувчи:
Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,
Лаби ўрниға урмақ беҳаёлиғдур қадам воиз. *Ғаройибус-сиғар*, 233-Т;
Воизинг бас ато ано ўлуми,
Ким аларча эрур санга носиҳ. *Арбаин*,16-266;

2. лақаб, куня:
Ҳукм бўлди ким Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-79;

~ **и аблаҳ** – нодон воиз:
Дайр ичра бу кун кавсар-у май бўлди насибим,
Танглаға манга ваъда берур воизи аблаҳ. *Фавойидул-кибар*, 512-Т;

~ **и пургў** – сергап воиз:
Навоийё чу эмас барча ерда жилваи ҳусн,
Биҳишт воизи пургўға ву Ҳирот манга. *Наводируш-шабоб*, 12-Т.

ВОИЗО [واعظا] – эй воиз, эй насиҳатгўй:
Воизо айлаб енгиллик неча ким кавсар майин,
Мақтасанг ҳошо ки мен ратли гирондин кечкамен. *Бадойиул-васат*, 348-Т.

ВОЙ/ВАЙ [وای / وی] – оҳ, вой; мусибат, ғам, ғусса:
Бу ғамда нетиб тирик бўлай вой,
Узрунгни не тил била қўлай вой. *Лайли ва Мажнун*, 325-Т;
Деди ўз жонима не қилдим вой,
Бўлурин бўйла иш не билдим вой. *Сабъаи сайёр*, 10-114;
Эй кўнгул ҳижрон кунидур тортиб афғон йиғлағил,
Вай кўз айрилғунгдур ул гулчеҳрадин қон йиғлағил. *Бадойиул-васат*, 292-Т;
Кўрмасам қошинг бўлурмен турғанин бирла фиғон,
Войи эрур бас чу бўлмаса Навоий бирла нун. *Ғаройибус-сиғар*, 360-Т;

~ **торт-/чек-** – оҳу фарёд чекмоқ, кайғурмоқ:
Ато жўнг ичра қолди тортибан вой,
Ўғул заврақта бўлди баҳрпаймой. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т;
Вале ваҳм айла андин ким чекиб вой,
Дамо-дам қон ютар бир нотавонинг. *Ғаройибус-сиғар*, 283-Т;
Ота ўғлиға йиғлабан ҳой ҳой,
Қизиға ано тортибан вой вой. *Садди Искандарий*, 171-Т.

ВОЙВАЙЛИ [وایویلی] – дод вой; ғам-ғусса:
Ёлғуз ато йўқ ки қавм-у хайли,
Тортиб бу азода войвайли. *Лайли ва Мажнун*, 351-Т.

ВОЙЧА [وایچه] – войча; ғам-гуссадек:
Ўкма кўп булбулни ул гул ҳажрида ким кечалик,
Ноласи эрмас Навоий тортқан бир войча. *Наводируш-шабоб*, 540-Т.

ВОЛА [واله] – мафтун, шайдо, берилиш:
Майлни қўй ки вола ву зор ул,
Жон бериб васлиға харидор ул. *Сабъаи сайёр*, 10-282;

Мулки араб ичра ажабдин ажаб,
Вола анга ҳам ажаму ҳам араб. *Ҳайратул-аброр*, 7-199;

~ **айла-/эт-/қил-** – мафтун қилмоқ:
Сен ҳамоно ки анда етмишсен,
Ўзни нақшимға вола этмишсен. *Сабъаи сайёр*, 10-333;
Сойри халқ ичинда пинҳони,
Шоҳни ҳам вола айлаб алҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-338;

~ **ўл-** – мафтун бўлмоқ, ҳайрон қолмоқ:
Манзаримднн ўтарда ногоҳе,
Ҳуснума вола ўлди жин шоҳи. *Сабъаи сайёр*, 10-333.

ВОЛИЙ [والی] – 1. ҳоким, вилоят ҳукмдори:
Эл даги анга муттафиқ бўлуб хуруж қилдилар дағи сипо хон волийсини ўлтуруб Заҳҳок устига юрудилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-201;
Бирав эрди Тароз уза волий,
Ҳиммати пасту мансаби олий. *Сабъаи сайёр*, 10-256;

2. бошлиқ:
Ҳам хайли Бани Асадға волий,
Юз хайли Бани Асадча моли. *Лайли ва Мажнун*, 172-Т;

~ **и кишварпаноҳ** – кишварпаноҳ вилоят ҳукмдори:
Ўзи дағи волийи кишварпаноҳ,
Чиқти ёпиб чархни гарди сипоҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-198;

~ **и Рум-у Рус** – Руму Рус ҳукмдорлари:
Бу фурсат аро волийи Рум-у Рус
Шаҳий эрди оти малик Филикус. *Садди Искандарий*, 114-Т.

ВОЛИД [والد] – ота, падар:
Валаддур ул дур-у волид садафдур,
Садаф яъни ато ву дур халафдур. *Фарҳод ва Ширин*, 128-Т;
Куняти Абу Исҳоқдур. Абу Амри Зажжожийнинг волидидур.
Насойимул-муҳаббат, 141-Т.

ВОЛИДА [والده] – она:
Шайхзода Ансорий... андақ зоҳир бўлур ким волидаси дағи хуштабъдур.
Мажолисцн-нафоис, 156-Т;
Эй Навоий ул йигит ой-у куёштин туғди-му,
Ким анга лойиқ бу волиддур дағи ул волида. *Наводируш-шабоб*, 559-Т.

ВОЛИДАЙН [والدین] – ота-она:
Икинчи ул ки қил хидмати волидайн,
Бер ул иккининг куллуғин фарзи айн. *Садди Искандарий*, 507-Т;
Бири эрур макрумати волидайн,
Бил ки мунунг қилмағидур фарзи айн. *Ҳайратул-аброр*, 7-160;
Бу нахли баландпоя волидайнға борвар ва жаддайнға соягустар.
Муншаот, 14-200.

ВОЛИҲ [واله] – шайдо, мафтун; асир, гирифтор, мубтало:
Наргис кўзи айлаб ани волиҳ,
Ёри кўзидек кўруб биайниҳ. *Лайли ва Мажнун*, 129-Т;
Агарчи волиҳ этти ҳайрат ани,
Вале ишқ ичра ўртаб ғайрат ани. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;

Чун эрур парвона шамъи мажлисоро волиҳи,
Найласун ул машъали меҳри жаҳоноройни. *Фавойидул-кибар*, 603-Т;

~ **и савсан** – савсан шайдоси, асири:
Ул юз-у комат керак ваҳ ўзни куч бирла
Мойили гул айлайин ё волиҳи савсан қилай. *Ғаройибус-сиғар*, 469-Т;

~ **и бир сарв** – бир гўзал сарв мафтуни, шайдоси:
Нақди жаннатдур Навоий Кавсаросо май ичиб,
Ўзни зор-у волиҳи бир сарв ҳуризода эт. *Наводируш-шабоб*, 88-Т;

~ **и паймона** – мафтунлуқ паймонаси, қадаҳи:
Ишқ таркига ки иршод этарам ушшоқин,
Маст бергандек эрур волиҳи паймонаға. *Фавойидул-кибар*, 119-Т;

~ **и ҳайрон** – мафтунлик, мубталолик, гирифторлик хайронлиги:
Ул бир чодаршаб ўзига чирмай эрди ва бир наълайн илайига қўйуб эрди ва кўзи очуқ колиб эрди бир волиҳи ҳайрондек. *Насойимул-муҳаббат*, 157-Т;

~ **бўл-/ўл-** – мафтун, асир, мубтало бўлмоқ:
...бу фақир ҳам ул келганларида кўруб аларнинг волиҳи бўлуб эрди.
Насойимул-муҳаббат, 258-Т;

Эсмайин лутфунг риёзидин чаман сари насим,
Гулга булбул қайда волиҳ бўлди бу бўстон аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т;
Эй ниҳоли коматинг сарсабз жон бўстонида,
Жилвасидин волиҳ ўлмақ сарву тубо шонида. *Наводируш-шабоб*, 558-Т;

~ **эт-/қил-** – шайдо, асир, гирифтор, мафтун қилмоқ:
Агар ул ҳусн тамошосиға бўлсам мойил,
Руҳни волиҳ этиб ақлни шайдо айлаб. *Наводируш-шабоб*, 64-Т;
Каломига волиҳ қилиб жонини,
Равон жон аро чекти жопонини. *Садди Искандарий*, 392-Т;
Каломиға волиҳ қилиб жонини,
Равон жон аро чекти жононини. *Садди Искандарий*, 392-Т;
Мени бир муғбача ошуфта ву волиҳ қилмиш,
Найлай ислом аро гар кўп эса мирз мирак. *Ғаройибус-сиғар*, 264-Т.

ВОЛИҲЛИҒ [والهليغ] – шайдолик, мафтунлик, мубталолик:
Дами васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эгнида,
Яна бир дам ниёз-у ажз ила бошим аёғинда. *Ғаройибус-сиғар*, 49-Т.

ВОЛО [والا] – 1. баланд, юқори; қадрли, олийқадр:
Бу не янглиғ ҳазрати воло дурур,
Аллоҳ Аллоҳ бу не истиғно дурур. *Лисонут-тайр*, 261-Т;

2. юқори сифатли, олийжаноб, кимматбаҳо мато:
Палоси ҳузну мен эй атласи чарх,
Манга лойиқ эмас воло қумошинг. *Ғаройибус-сиғар*, 271-Т;

~ **йи мовий** – кимматбаҳо мовий мато кийим:
Вали бўлса кўнглаки самовий анга,
Лақаб ичра волойи мовий анга. *Садди Искандарий*, 466-Т.

ВОЛОПОЯ [والا پایه] – юксак поя, юксак муҳит:
Эй жанобинг паст этиб гардуни волопоя,
Вай замиринг синдуруб фирдавси аъло нузҳатин. *Бадойиул-васат*, 490-Т.

ВОМ [وام] – карз, бурч:
Ҳам айлаб субҳ сафҳамдин сафо вом,
Ҳам олиб ранг хомам навкидин шом. *Фарҳод ва Ширин*, 110-Т.

ВОМИҚ [وامق] – киши номи; «Вомиқ-у Азро» достонидаги Азро маҳбуби:
Недин йўз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ,
Юзунгдин гар изори боғида гул очмади Азро. *Гаройибус-сиғар*, 28-Т.

ВОМУСИБАТО [وا مصيبتا] – эй, оҳ мусибат; эвоҳ, афсус:
Ва сойир фукаро ва масокин вовайло ву вомусибато ниқобин фалаки асирға тортиб навҳалар ва нудбалар кўргуздилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 15-119.

ВОМХОҲ [وام خاه] – қарз қистовчи:
Кўрмаклик вомхоҳни мотамидур.
Алқисса ки бурч одамийнинг ғамидур. *Назмул-жавоҳир*, 15-149.

ВОНА [وانه] – ~ **и фар** – аруз атамаси:
Ўйла йўқ дефоилотун вонаи фар, фоилотун зонаи фоилун. *Мезонул-авзон*, 83-Т.

ВОПАС [واپس] – охирги, сўнги, кейинда, орқада, кетинда:
Кўйунгда ки йўқ менинг киби хас,
Басдин дағи қадр ичинда вопас. *Лайли ва Мажнун*, 256-Т.

ВОР [وار] – сўз бирикмасида каби, ўхшаш маъноларда келади:
Нозир эрди ҳар тараф ошуфтавор,
Бир тараф тушти кўзи беихтиёр. *Лисонут-тайр*, 96-Т.

ВОРАСТА [وارسته] – кутилиш, озод бўлиш:
Минг балодин деса вораста бўлай,
Кимса қилдинг ўзини вораста. *Наводируш-шабоб*, 679-Т;
Ҳар ким санга вафо ва ёманлик қилди сени ўзидин вораста қилди.
Насойимул-муҳаббат, 175-Т.

ВОРАСТАЛИҒ [وارسته ليغ] – кутилганлик, халос бўлганлик, озодлик; балоғатга етганлик:
Чун фано аҳлиға қайд ўлди сочинг силсиласи,
Қилмади нафъ тажарруд била ворасталиғим. *Бадойиул-васат*, 322-Т.

ВОРИД [وارد] – 1. келган, эришган, восил бўлган; нақл килган:
Менинг назарим анга тушти кўрдум ки олий вориде анга нозил бўладур ва пас шигарф ҳоли анга юзланадур. *Насойимул-муҳаббат*, 285-Т;
Табъингға дами бўлур не ворид,
Юз йил битий олмайин Уторид. *Вақфия*, 14-248;
2. даромад, кирим:
Бир кеча хонақоҳ ходимиға деди ки кеча воқиф бўл ки икки дарвешка азим ворид еткусидур. *Насойимул-муҳаббат*, 289-Т;
~ **бўл-** – нақл қилмоқ, келмоқ, учрамоқ, дуч келмоқ; юз тутмоқ:
Ўқусалар ҳар лафзларига юз айб топилғай ва ҳар таркибларига юз эътироз ворид бўлгай. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;
Анга абсу ҳарорат бўлди ворид,
Иложидур ҳавойи рутбу борид. *Фарҳод ва Ширин*, 556-Т.

ВОРИДОТ [واردات] – хотирга келган нарсалар; ақлий тушунчалар:
Кимса йўлинда бўлур бу воридот,
Ўзни забт эткан топар хайру нажот. *Лисонут-тайр*, 102-Т;
...ва муносиб андақ кўрунур ким киши зоҳир ҳолатиға эврулгай ва ботин воридотиға айланғай. *Муншаот*, 14-226;
Воридоти аршдин пайғомдек,
Вокиоти ваҳй ила илҳомдек. *Лисонут-тайр*, 94-Т;

~ **и ғайбий** – ғойибий ақлий тушунчалар:
Мен дарс таркин туттум ва риёзат-у хилватка машғул бўлдум.
Улуми ладуний ва воридоти ғайбий кўруна бошлади.
Насойимул-муҳаббат, 265-Т.

ВОРИС [وارث] – меросхўр, ворис:
Бориб Юсуф жамоли нақдиға жонон эрур ворис,
Нечук ким пири Канъонға маҳи Канъон эрур ворис. *Фавойидул-васат*, 94-Т;
Воқиъ ўлған замон бу иш ҳодис,
Нақд кўп мендин ўзга йўқ ворис. *Сабъаи сайёр*, 10-192;
~ **и барҳақ** – чинакам меросхўр, ворисликка ҳақли:
Бу олий жоҳподшоҳлар мулк-у тахт ва салтанатин ва тож-у сипоҳ ҳашаматин аларға вориси барҳақ ва мулкка ҳориси мутлақ яъни Султони соҳибқиронға мусаллам тутғай. *Мажолисун-нафоис*, 202-Т;
~ **бўл-/ўл-** – ворис, меросхўр бўлмоқ:
Ҳар кимга улум бўлса восил,
Гар дарди ву ҳоли йўқ не ҳосил. *Лайли ва Мажнун*, 381-Т;
Бутратқали молини ҳаводис,
Қуймағай агар бор ўлса ворис. *Лайли ва Мажнун*, 91-Т;
~ **кел-** – ворис, меросхўр келмоқ; пайдо бўлмоқ:
Ҳадис ўлмиш набидин бўйла ҳадис,
Ки олим келди пайғамбарға ворис. *Фарҳод ва Ширин*, 497-Т.

ВОРИССИПОР [وارث سپار] – ворисларга, меросхўрларга қолдирувчи:
... молин азиз асраб ўзини хор эткай ва ўз молин тамғадин ўғурлаб ўзига мазаллат эткай ё ворисипор учун йиғинғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-34; (9(10)-472.

ВОСИЛ [واصل] – етишувчи, эришувчи:
Ҳам камоли нафс бўлмиш ҳосилим,
Андин ўлмиш восилим коми дилим. *Лисонут-тайр*, 184-Т;
~ **и даргоҳ** – оллоҳга етишиш:
Шайх Санъон восили даргоҳ эди,
Кўнгли ғайб асроридин огоҳ эди. *Лисонут-тайр*, 93-Т;
~ **и Ҳақ** – Ҳаққа етган, Худога етишган:
Зумраи таҳқиқ софий машраби,
Восили Ҳақ Бу Туроби Нахшаби. *Лисонут-тайр*, 143-Т;
~ **айла-/қил-** – етишмоқ, эришмоқ:
Қоба қавсайн авжи ҳосил айлади,
Ли мааллоҳ қурби восил айлади. *Лисонут-тайр*, 215-Т;
Ҳам талаб завқини восил қил манга,
Ҳам тилаб топмағни ҳосил қил манга. *Лисонут-тайр*, 257-Т;
~ **бўл-/ўл-** – етишмоқ, эришмоқ, кўшилмоқ:
Ишин то Ҳаққа восил бўлди жони,
Қилиб фаҳм ошкоро ву ниҳони. *Фарҳод ва Ширин*, 462-Т;
Ки шояд анга нафъи ҳосил ўлғай,
Кўп элга ҳам бу маъни восил ўлғай. *Сирожул-муслимин*, 16-289.

ВОСИТА [واسطه] – 1. восита, орқали, сабаблн, туфайлп:
Деди ким Ҳақ таоло манга айтти ким ул сўзни яна айт. Айтқандин сўнгра айтти ким сени санга бағишладим. Ўзи ва анинг аросида восита кивурмади ким анинг била бу тойифа аросида васила ва восита ўзи-ўқтур. *Насойимул-муҳаббат*, 59-Т;
Мавлоно Субҳий.... Мавлоно Муҳаммад Бадахший воситаси била фақирга ошно бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 99-Т;

2. чора, сабаб:
Ҳак субҳонаҳу ва таоло кўнгулга кирмаган восита била ва хотирга кечмаган васила била мулоқот ҳузури... насиб қилғай. *Муншаот*, 14-156;

~ **и жоҳ** – мансаб, амалга эришиш воситаси:
Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини ву халқни гумроҳ этар. *Ҳайратул-аброр*, 7-228;

~ **айла-** – восита қилмоқ:
Чархи золим кинаварлар тиғин айлаб восита,
Қатли ом ойинида тутқай ғанимат фурсатин. *Бадойиул-васат*, 490-Т;

~ **шамъин ўчур-** – восита-сабабларни маҳв қилмоқ:
Мен ҳам восита шамъин ўчурай ва ваҳдат баҳрида Оллоҳ зикри била қадам урай. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-537;

~ **кил-** – ўртага қўймоқ, орага туширмоқ:
Қайсар ўз ҳаддини билиб шафиълар восита қилиб хирож қабул қилди.
Тарихи мулуки ажам, 16-225.

ВОСИТАСИЗ [واسته سيز] – воситасиз, бевосита, тўғридан тўғри:
... андақ маълум бўлур ки Шайх Заккариййаи Мултонийнинг воситасиз муридидур. *Насойимул-муҳаббат*, 426-Т;
Ва воситасиз таваккул бодиясиға қадам уруб максуд каъбасиға етибдурлар.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-487.

ВОСИТАСОЗ [واسطه ساز] – воситачи, сабабчи:
Ҳазрати иззатқа ниёз айлабан,
Туҳфаларин воситасоз айлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-95.

ВОСИЪ [واسع] – кенг:
Деди яхши туфайли сен аммо мамлакат восиъдур. *Насойимул-муҳаббат*, 46-Т;
Шайх Маликёр сўнгрдин азимат қилди чун дарё восиъ эрди.
Насойимул-муҳаббат, 339-Т.

ВОФИЙ [وافى] – тўлиқ, тугал, етарли, комил:
Мавлоно Ҳожи Муҳаммад... табъи софий ва тафаккури барча вақтларга вофий.
Мажолисун-нафоис, 144-Т;
Тааммул бирла ройи топти шофий,
Ки бор эрди анинг фикрига вофий. *Фарҳод ва Ширин*, 477-Т;
Улуғларга вофий ниёзмандлиқ ва хидмат ва кичикрак нотавонларга расми меҳр-у шавқат ва меҳрпайвандлиқ... *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т.

ВОФИР [وافر] – 1. мўл, кўп, бениҳоя, чексиз:
Комил ҳамд ва вофир шукр ул сониъға ким инсон хилқати байтининг назмин аносир тўрт рукни била тузди. *Мезонул-авзон*, 11-Т;
2. аруз вазнига тегишли бир баҳр:
Алардин бири комил баҳридур ва бири вофир баҳри ким мусаммани солимида оз шеър воқиъ бўлубтур. *Мезонул-авзон*, 57-Т.

ВОШХОНА [واش خانه] – душман, ғаммоз маскани, хонаси:
Дуди оҳим ким чиқар уй тунгликидин бутрабан,
Вошхона айламиш бу кулбаи аҳзонни дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 118-Т.

ВОЯ [وايه] – 1. ҳисса, улуш, насиба:
Ким ани шоҳ айламиш соянг сенинг,
Ким эрур бу муддао воянг сенинг. *Лисонут-тайр*, 82-Т;
Ганж эрди умри анинг вояси,
Борди ганжи устида сармояси. *Лисонут-тайр*, 81-Т;

2. фойда, баҳра:
Тузлук эрмас шифоси ву вояси ҳам,
Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам. *Назмул-жавоҳир*, 15-164;

~ **топ-** – ҳожат чиқмоқ:
Топилди чун бу янглиғ турфа воя,
Кўрунди тошдин бир зинапоя. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т;

~ **қил-** – насиб қилмоқ:
Ҳадисини эл жониға воя қил,
Ҳам ул доядин жонға сармоя қил. *Садди Искандарий*, 1235.

ВОЯСИЗ [وایه سیز] – баҳрасиз, ҳиссасиз, насибасиз:
Чиқарди жаҳон мулкидин воясиз,
Қўли комдин нақдидин моясиз. *Тарихи мулуки ажам*, 16-218.

ВОҚИА [واقعه] – воқеа, ҳодиса; ҳақиқат:
Истаб ани бир ики дилором,
Ул воқиа ичра кўйдилар гом. *Лайли ва Мажнун*, 122-Т;
Халил Султон ҳазрати султонус-салотиннинг воқиасидин сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. *Мажолисун-нафоис*, 193-Т;
Бир кеча аларни воқиада кўрган дур ким анинг сари боқиб айтибдурлар... *Хамситул-мутаҳаййирин*, 15-75;

~ **и фирок** – ажралиш ҳодисаси, айрилиш воқеаси:
Эсти магар хазон ели ким хам ўлиб видоъ учун,
Воқиаи фирок эрур сунбулу ёсмин аро. *Наводируш-шабоб*, 21-Т.

ВОҚИАН [واقعا] – ҳақиқатан, дарвоқе, дарҳақиқат:
Мавлано Комий... воқиан адаблиғ ва тавозуъ ва инсоннийятлиғ одми йигит бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 81-Т;

ВОҚИОТ [واقعات] – воқеалар, ҳодисалар:
Воридоти аршдин пайгомдек,
Воқиоти ваҳй ила илҳомдек. *Лисонут-тайр*, 94-Т;
Бу хоксори паришон рўзгор шабоб авонининг бидоятидин кухулат замонинииг ниҳоятиғача даврон воқиотидин ва сипеҳри гардун ҳодисотидин... ақдом урдум. *Маҳбубул-кулуб*, 9(10)-451.

ВОҚИФ [واقف] – 1. хабардор, билувчи:
Қочар бу телба кўнгул яна воқиф ул эй ақл,
Ки толпинур кўп-у кўксум шикофи очиладур. *Ғаройибус-сиғар*, 166-Т;
Мир Шайхим боғбонликда воқиф кишидур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-17;

2. вақф қилувчи:
Модоми ки шарти воқиф била мувофиқ амал қилғайлар... *Вақфия* 14-269;

~ **и асрор** – сирларга воқиф:
Чун азал қисматидин ҳеч нима хориж эмас,
Айламас фоқасидин воқифи асрор гила. *Наводируш-шабоб*, 544-Т;

~ **и асрор и пинҳон** – пинҳон сирларга воқиф:
Ишқинг юз минг балосин ким яшурдум халқдин,
Йиғлабан ул воқифи асрори пинҳонимға айт. *Фавойидул-асрор*, 84-Т;

~ **и сирри ниҳон** – пинҳон сирларга воқиф,
Яна бир сойил деди тортиб фиғон,
К-эй сен ўлған воқифи сирри ниҳон. *Лисонут-тайр*, 161-Т;

~ **бўл-/ўл-** – хабардор бўлмоқ, огоҳ булмоқ, билмоқ:
Яхшилик эрур ёманға маҳкам бедод,
Воқиф бўл-у зоҳир этма ҳар дам бедод. *Назмул-жавоҳир*, 15-175;

Ул бўлмайин ушбу ишта воқиф,
Ким қилди нидо хужаста ҳотиф. *Лайли ва Мажнун*, 84-Т;
Чу бўлди барча аҳволимға воқиф,
Манга худ бўлди ул иккинчи ҳотиф. *Фарҳод ва Ширин*, 108-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – хабардор килмоқ, англатмоқ:
Гаҳ пок замиру гаҳ ҳотиф,
Дилдорини айлаб ани воқиф. *Лайли ва Мажнун*, 352-Т;
Чунки ўлгум яшурун ишқим баён қил шаммае,
Воқиф этма лек ишқ аҳлин бу мохфий зорима. *Наводируш-шабоб*, 542-Т;
Мажлис аҳлидин бирав деди ким магар сизинг маҳосинингиз туги ададидин сизни воқиф қилибдур. *Мажолисун-нафоис*, 180-Т.

ВОҚИФЛИҒ [واقف ليغ] – воқифлик:
... ва афъол фазойиҳидин сарафкандалиғ ва огаҳлиғдур башарият инодиға воқифлиғдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-47.

ВОҚИЪ [واقع] – юз берган, пайдо бўлган, воқиа:
Қи вайронлиғларида юз халалдур
Агар қилсам мадад воқиъ маҳалдур. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т;

~ **бўл-/ўл-** – юз бермоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ, пайдо бўлмоқ:
Шайх Камол Турбатий... фақирниинг ани кўрарга кўп орзум бор эрди ошнолиғ бу навъ воқиъ бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;
Деди ул ён жанибат сургулуктур,
Бу иш гар воқиъ ўлса кўргулуктур. *Фарҳод ва Ширин*, 291-Т;
Яқинда бу матлаъ воқиъ бўлубтур густохлнк қилилди. *Муншаот*, 14-171;
Воқиъ ўлған замон бу иш ҳодис,
Накд кўп мендин ўзга йўқ ворис. *Сабъаи сайср*, 10-192.

ВОҲ [واه] – воҳ, эвоҳ:
Жамоли зоҳир учун ўлдунг эй Навоий зор,
Чу топти оразини хатт уялдинг эркин воҳ. *Наводируш-шабоб*, 113-Т.

ВОҲАСРАТО [وا حسرتا] – оҳ, воҳ, эвоҳ:
Чекиб воҳасрато ул кишвар аҳли,
Фазаъ ичра нечук ким маҳшар аҳли. *Фарҳод ва Ширин*, 489-Т;
Дедилар воҳасрато ўз ҳолиға,
Ўт тушиб ҳар қайси парру болиға. *Лисонут-тайр*, 239-Т.

ВОҲИД [واحد] – якка, танҳо:
... ва ҳисдин ғойиб ишларга иттилоъ ва андин хабар айтмақ ва воҳид замонда мутааддид ва мухталиф маконда ҳозир бўлмақ... *Насойимул-муҳаббат*, 11-Т;

~ **и доно** – танҳо, яккаю ягона доно:
Воҳиди доно жабарути боргоҳиға кимса,
Андин зиёнбуде тасаввур этмас. *Ҳайратул-аброр*, 7-11.

ВОҲИМА [واحيمه] – ваҳима, таҳлика, ҳар хил хаёлга бориш:
Бу ки васл иқболида мумкиндур осиби фирок,
Васл етмай кўнглума солур тараддуд оҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т.

ВУЖУД [وجود] – 1. борлиқ, мавжудлик, ҳаёт:
Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудга не вужуд. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-92;
Яхши боқсанг мавжда йўқтур вужуд,
Баҳрдин ўзга эрур бари набуд. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
Сизга анда не вужуду не адам,
Бал вужудингиз адамдин даҳи кам. *Лисонут-тайр*, 241-Т;

2. тан, вужуд, жисм, гавда:
Фаҳм айлади Қайс чун бу ҳолат,
Су қилди вужудини хижолат. *Лайли ва Мажнун*, 134-Т;

~ **анжумани** – борлиқ йиғини:
баъзи вужуд анжуманида зовияи зуҳур ва бақодурлар. *Мажолисун-нафоис*, 177-Т;

~ **аҳли** – мавжудлар, вужуд аҳли:
Вужуд аҳлининг номи вужудунг била,
Келиб жуди қойим вужудунг била. *Садди Искандарий*, 47-Т;

~ **базмгоҳи** – борлиқ, ҳаёт базмгоҳи:
Бу олийжоҳ подшоҳлар... вужуд базмгоҳидин сурди ва адам фаромушхонасиға кивурди. *Мажолисун-нафоис*, 201-Т;

~ **гулшани** – туғилиш, ёруғ дунё:
Адам шабистонидин вужуд гулшаниға келганин қалам булбули тилидин сайрамақ. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;

~ **гулистони** – борлиқ, мавжуд дунё, мавжудот:
Азали азалда ким мавжудот раънолари адам шабистонидин вужуд гулистониға жилвасоз бўлмабдур эрдилар. *Вақфия*, 14-236;

~ **жилвагоҳи** – туғилиш:
Адам ниҳонхонасидин ажаб ганже вужуд жилвагоҳига жилваи зуҳур кўргузди. *Назмул-жавоҳир*, 15-128;

~ **ойини** – борлиқ қонуни:
Ҳам вужуд ойини маҳкамдур анга,
Ҳам бақо расми мусалламдур анга. *Лисонут-тайр*, 230-Т;

~ **тахтгоҳи** – борлиқ, мавжудот:
Тангри мундақ балоларни адам чоҳидин вужуд тахтгоҳига келтирмасун. *Маҳбубул-қулуб*, 14-257;

~ **и мутлақ** – абадий борлиқ; вужуд; Оллоҳ, Худо:
Ҳиммати назариға мосиваллоҳ номавжуд балки вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-482;

~ **и номавжуд** – номавжуд борлиқ:
Вужуди мулоҳазасида офариним вужуди номавжуд,
Зоти мутолаасида аввалин ва охирин буду нобуд. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-450;

~ **и хок** – вужуд, жисм хоки:
Гўристон ичра жони поки
Гўр аҳли киби вужуди хоки. *Лайли ва Мажнун*, 352-Т;

~ **и ҳақиқий** – суфизм термини; борлиқ сифатини йўқотган:
вужуди ҳақикий ангадур ва муқаввим вужуди анинг важҳи била. *Насойимул-муҳаббат*, XV-123;

~ **кел-** – рўй бермоқ:
Ва мен ҳам алардин эрдим ва мендин зиллати вужудқа келди ва мени аларнинг аросидин сурдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 360-Т;
Саййид Қутб... андин фасоде вужудқа келди ким қатл ҳукми бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 88-Т;

~ **бер-** – пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ:
Ки Тангриға чун мавж уруб баҳри жуд,
Жамиъи халойиққа берди вужуд. *Вақфия*, 9(10)-636;

~ **топ-** – юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ:
Вужудум этти адам оқибат бу ҳайрат ким,
Адамдек оғзи аро сўз не навъ топти вужуд. *Наводируш-шабоб*, 122-Т.

ВУЖУҲ [وجوه] – важҳлар:
То уч кундин сўнгра ақабаҳ вужуҳ била адам йўлиға азимат қилдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-180;

Фақир... туҳфа табаррук алар хизматиға йибарсам Хожа Дехдордин йибарилур эрди. Анга ўхшар ки баъзи вужуҳни санамақда бобил-хилофғуна воқиъ бўлгандур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-23.

ВУЗАРО [وزرا] – вазирлар:

Вузаро майл этиб баҳона сари,
Бошлабан шаҳни ул хазона сари. *Сабъаи сайёр*, 10-239.

ВУЗУЪ [وضوء] – таҳорат; обдаста:

Мир Муртоз... ҳоло вузуъ ва намозида муболаға жиҳатидин анга васвос пайдо бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 138-Т;

Ибриқи вузуъси баҳри гардун,
Ҳар қатра ки томса дурри макнун. *Лайли ва Мажнун*, 62-Т;

~ **қил-** – таҳорат қилмоқ:

Бағдодда эрдим ва Дижла қирағида вузуъ қиладур эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 84-Т.

ВУЗУҲ [وضوح] – баён, равшан, аниқ, тушунишлик;

Ҳар нукта ки кургузуб вузуҳин,
Шод айлаб Абу Ханифа руҳин. *Лайли ва Мажнун*, 70-Т;

~ **бер-** – аниқламоқ, ойдинлаштирмоқ:

Ким ўтруда еткай анингдек футуҳ,
Ки шарҳиға бердим юқорроқ вузуҳ. *Садди Искандарий*, 86-Т;

~ **топ-** – ҳақиқат топмоқ:

Сирри вахдат нуктасидур бас дақиқ эй порсо,
Май қуёши ламъаси бирла магар топқай вузуҳ. *Наводируш-шабоб*, 106-Т.

ВУРУД [ورود] – келиш, етиш, етишиш:

Қаю қўл бўлса элга вуруд,
Кўруб шаҳд оққанни андақ кируд. *Садди Искандарий*, 305-Т;

Макон тутти чун тахт уза Яздижурд,
Таади ву зулм айлади элга вуруд. *Тарихи мулуки ажам*, 16-234.

ВУСЛАТ [وصلت] – етишиш, эришиш, қовушиш; васл, алоқа:

Атласи гардунға етти росте ушшоқ уни,
Ким қаба невчун кучар нозук танин вуслат туни. *Ғаройибус-сиғар*, 494-Т;

Вуслатлари гарчи элга гам кўплугидур,
Қил вуслат аларға ким ҳашам кўплугидур. *Назмул-жавоҳир*, 15-159;

~ **башорати** – етишиш хаёли, қовушиш дараги:

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат башорати яна жисмига жон берур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-518;

~ **қил-** – етишмоқ, қовушмоқ, қариндошлашмоқ:

Бизинг бирла ки сен вуслат қилурсен,
Шарафдур бизга бу сен ҳам билурсен. *Фарход ва Ширин*, 345-Т.

ВУСЛАТАНДЕШ [وصلت انديش] – васл андешаси:

Андақ ки расули ҳошимикаш,
Баҳр ичра чу бўлди вуслатандеш. *Лайли ва Мажнун*, 80-Т.

ВУСУЛ [وصول] – васллар, етишиш, эришиш, мушарраф бўлиш:

Бу байтни гўё ки матлуб вусули вақти айтмиш бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 437-Т;

Жамил зикрлиғ ўлган жамолинг этти таманно,
Вусул фикрлиғ элга висолинг ўлди тавалло. *Наводируш-шабоб*, 2-Т;

~ **топ-** – эришмоқ, топишмоқ, етишмоқ:

Хар бирининг ҳалқаси топиб вусул,
Тавқда малъун бўлуб ул бул фузул. *Хайратул-аброр*, 7-103;

Ани ҳам ким хирож қилди қабул,
То суманбар баҳоси топти вусул. *Сабъаи сайёр*, 10-93.

ВУСУЛФИКРЛИК [وصول فكرليک] – васлга эришиш, фикри-зикри васлга эришишлик:
Жамилзикрлик ўлған жамолинг этти таманно,
Вусулфикрлик элга висолинг ўлди тавалло. *Наводируш-шабоб*, IV(20)-8.

ВУСУҚ [وثوق] – эътимод, ишонч; суянч:
ва ул кун торих саккиз юз йигирми иккида жамодил-охир ойининг ўн биринчи куни эрди ки сиҳҳат ва саломат ва рафоҳийят ҳолида ва вусуқи тамом илоҳий фазл-у икромиға ва қалб куввати... *Насойимул-муҳаббат*, 246-Т.

ВУСЪАТ [وسعت] – 1. кенглик, катталик, ёйиқлик:
Кўксининг вусъати юз минг олам
Кўнглининг анча ки арши аъзам. *Фавойидул-кибар*, 683-Т;
Икки оламча мулки вусъат ичра,
Ети гардунча тахти рифъат ичра. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;
Гарчи ҳар қаср эди фалакпайванд,
Рифъату вусъати фалакмонанд. *Сабъаи сайёр*, 10-135;
2. масофа:
Нор ила нур ўртада етти тенгиз,
Ҳар бирининг вусъати андозасиз. *Лисонут-тайр*, 236-Т;
Шаҳр йўқ ким вусъат ичра бир жаҳон,
Ул жаҳон халқи саводида ниҳон. *Лисонут-тайр*, 44-Т;
~ **и даргоҳ** – олий даргоҳ кенглиги:
Умр ўтуб мақсадқа етмак оҳ бу,
Ҳол бу ву вусъати даргоҳ бу. *Лисонут-тайр*, 239-Т;
~ **и машраб** – йўл-йўриқнинг кенглиги:
Бошининг туки бирор нима озроқ учун бурун кўп мутараддид ва мутағаййир бўлур эрди, аммо эмди вусъати машраби ул ерга етиб дурур ким мажлисда бош яланг ўлтурур ва бир сари мў ғами йўқтур. *Мажолисун-нафоис*, 151-Т.

ВУСҚО [وثقى] – зўр; ишончли, ишонарли:
... ва бу Хожа Абдуллоҳ тўрт йил Шиблий хизматини қилиб эрди ва кўп нима анга исор қилиб эрди ва Шиблий ани Хуросон жаводи деб эрли ва ҳофизи вуско эрди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-120.

ВУФУР [وفور] – фаровон, сероб:
Хусусан жамиъ ки аларни Ҳақ субҳонуҳу ақл нури ва табъ ҳадиқи била ораста ва инсоф вуфури ва идрок касрати била пийроста қилибдур. *Муншаот*, 14-228.

ВУШОҚ [وشاق] – ёш хизматкор:
Ва агар емасалар эрди Паҳлавоннинг вушоқлари кўтариб султонни боғқа элтурлар эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 111-Т;
... бик ногоҳ Паҳлавоннинг вушоқларидин бири бу фақир қошиға изтироб била югуруб келди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т.

ВУҚУФ [وقوف] – воқиф, хабардор, огоҳ:
Сипеҳр аҳволининг соҳиб вуқуфи,
Жаҳоннинг корбанду файласуфи. *Фарҳод ва Ширин*, 187-Т;
Мавлоно Муқимий сўфийя истилоҳотидин ҳам вуқуфи бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 69-Т;
~ **аҳли** – хабардор кишилар, бохабар кишилар:
Мир Саййид Ҳасани Бовардий... мундақ байт айтти ва вуқуф аҳли бу байтнинг маъниси йўқтур ва номавзундур деганда эмасдур деб баҳс қилди. *Мажолисун-нафоис*, 147-Т;

~ **-у дахл-у тасарруф** – воқифу дахлу тасарруф қўллаш:
Чун Паҳлавоннинг барчада вукуф-у дахл-у тасарруфи зоҳир балки ул фунунда аҳли фандек моҳир эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;

~ **у шуур** – воқифу онг:
Ва шеър-у муаммо бобида илми ва амалисида Паҳлавон соҳиби вукуф ва жалд эрди ул навъ ким замон шуаросининг юзидин бирига анча вукуф-у шуур йўқдур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 106-Т;

~ **ўл-** – воқиф бўлмоқ:
Ки чун шаҳға ул иштин ўлди вукуф,
Ҳаёти қуёшиға етти кусуф. *Садди Искандарий*, 479-Т;

~ **топ-** – хабардор, воқиф бўлмоқ:
Бордур агар фикр ила топсанг вукуф,
Қони-у анқоға мувофиқ хуруф. *Ҳайратул-аброр*, 7-165;
Басл аро ҳижрон ёшурди ишқ кўнглум қатлиға,
Мезбон заҳр эзди сувға топмайин меҳмон вукуф. *Бадойиул-васат*, 236-Т;

~ **бер-** – хабардор қилмоқ:
Васл умиди бирла ҳажрин қилмиш эрдим ихтиёр,
Қатлдин кўнглумга аввал бермади ҳижрон вукуф. *Хазойинул-маоний*, 237.

ВУҚУЪ [وقوع] – воқе бўлиш, юз бериш:
Мен ки турк алфозига айлаб шуруъ,
Назм топти табъу қилкимдин вукуъ. *Лисонут-тайр*, 271-Т;

~ **бўл-** – пайдо бўлмоқ, юз бермоқ:
Ҳам бу тарих ичра ким қилдим шуруъ,
Ихтитомиға доғи бўлди вукуъ. *Лисонут-тайр*, 274-Т;

~ **топ-** – воқеъ бўлмоқ, юз бермоқ:
Шишнинг топти вужуди чун вукуъ,
Ўл куёш қилди жабинидин тулуъ. *Лисонут-тайр*, 22-Т;
Берганда пири дайр май элгимга деб эди,
Оллимға ҳар не муғбачалардин топар вукуъ. *Бадойиул-васат*, 223-Т;
Ҳайрат қилиб ул қабилани лол,
Ким топти вукуъ бўлмаған ҳол. *Лайли ва Мажнун*, 355-Т.

ВУҲ [وه] – ~ оҳ, воҳ:
Барча авқотим ўтуб андуҳ ила,
Мотам аҳлидек фиғон-у вуҳ ила. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Шағоли тортибан афғани андуҳ,
Чекиб кирган кишининг ҳолиға вуҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т.

ВУҲУШ [وحوش] – ваҳший ҳайвонлар:
Даврида вуҳуш бўлди пайдо,
Ҳуш ичра алар вале бу шайдо. *Лайли ва Мажнун*, 313-Т;
Ул сифат ким ҳам туйуру ҳам вуҳуш,
Жамъ ўлур эшиткач ул хуруш. *Лисонут-тайр*, 255-Т.

В-ЭЙ [و ای] – ва эй, ва ҳой:
Эй хатинг муанбар в-эй қадинг санубар,
Раҳм қил ки бўлдим фурқатингдин абтар. *Мезонул-авзон*, 35-Т;
Эй кўнгул ҳижрон кунидур тортиб афғон йиғлағил,
В-эй кўз айрулғунгдур ул гулчеҳрадин қон йиғлағил. *Бадойиул-васат*, 292-Т.

Г

ГАБР [گبر] – оташпараст, ўтга сиғинувчи, мажусии:

Май ичти деб мени ёзғурманг эй мусулмонлар,
Ки раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд. *Ғаройибус-сиғар*, 112-Т;
Кофири ишқ харобат эли оллида туруб,
Сўнгғи сафлар бари габру муғу тарсо эрди. *Фавойидул-кибар*, 590-Т.

ГАБРАКИ [گبرکی] – оташпарастий, мажусий; оташранг:

Ўлтуруб бир габраки жом этти нўш,
Ким кўруб Шайх этти тарки ақл-у хуш. *Лисонут-тайр*, 112-Т;
Габраки шол солиб эгнимга
Бўлубан хуш-у хираддин безор. *Фавойидул-кибар*, 652-Т.

ГАВАЗН [گوزن] – буғу; кийик:

Гавазн ўлтуруб чун суруб гўртак,
Қилиб май аро найшакардин газак. *Садди Искандарий*, 315-Т;
Фусун бирла юмронни шери жаён,
Гавазнни салобатда бабри ябон. *Садди Искандарий*, 224-Т.

ГАВСОЛА [گوساله] – бир ёшли бузоқ:

Анга ғамза бўлса жаҳон соҳири,
Манга бўлди гавсола юз сомири. *Садди Искандарий*, 390-Т;
Кунаш-у ўт-у бут ва гавсола ва ғайруху барча анинг маҳлуқотидурлар.
Вақфия, 14-241.

ГАВҲАР [گوهر] – 1. гавҳар, дур, қимматбаҳо тош:

Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,
Англа ким бир қатла барқи офатиға арзимас. *Фавойидул-кибар*, 223-Т;
Неча ганж ичра бўлса гавҳар-у дурр,
Кўр ки бордур анинг калиди темур. *Муншаот*, 14-151;

2. фарзанд:

Агарчи ақди завж айлаб муқаррар,
Бўлуб эрди анга гавҳар муяссар. *Фарҳод ва Ширин*, 335-Т;

3. асл, насл-насаб:

Юнус алайҳис-саломнинг зоти гавҳариға дарё қаърин балки балиғ қурсағин садаф этти. *Вақфия*, 14-240;
Асл-у гавҳар била хонлар хони,
Жавҳари зот ила жонлар жони. *Фавойидул-кибар*, 672-Т;

4. кўз ёши:

Кўз ёшим дурри ятимин маҳрами ишқ айламан,
Ҳар неча ким пок гавҳардур валекин ёш эрур. *Наводируш-шабоб*, 197-Т;

5. тўрт гавҳар: ер, сув, ўт, ҳаво:

Тўрт гавҳарга бергасен тартиб,
Тўрт унсурни қилгасен таркиб. *Сабъаи сайёр*, 10-49;

6. мол, жон:
Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бар-у баҳрнинг лаъл ила гавҳарин. *Садди Искандарий*, 484-Т;
7. гўзал, чиройли, маҳбуба:
Пардада эрди ниҳон бир гавҳари,
Ҳуснининг шармандаси ҳур-у пари. *Лисонут-тайр*, 219-Т;
Ахтаредур ишқинг асру тобнок,
Гавҳаредур сирри ишқинг асру пок. *Лисонут-тайр*, 258-Т;
8. сўз, гап, ибора; фикр, ўй:
Бу хоксорға сабо авойилида ким оғиз ҳуққасидин бирор гавҳар зоҳир бўла бошлар ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрди...
Муҳокаматул-луғатайн, 179-Т;
Алардин рухсат шарафиға мушарраф бўлғандин сўнгра ҳам ул кун ул самин жавоҳир назм силкига кирди ва ул гавҳарлар аларнинг қулағиға етти.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-55;
9. эътиборли, улуғ, ҳурматга лойиқ:
Бу хоксорнинг ато-бобоси ул ҳазратнинг або ва аждоди хизматларида ким ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар.
Вақфия, 14-246;
10. асос, устун:
Илм дарёси вилоят гавҳари,
Олам аҳлиға ажойиб мазҳари. *Лисонут-тайр*, 31-Т;
11. асосий хусусият:
Инсоният боғининг дилписандрақ шажари эҳсондур ва одамийлик конининг аржмандрақ гавҳари ҳам эҳсондур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-505;

~ **и алфоз** – жавоҳир сўзлар:
Қаддинг ул нахли ки бари гавҳари алфоз эрур,
Аллох Аллоҳ не қади раъно ву гавҳарбор лафз. *Бадойиул-васат*, 217-Т;

~ **и анжум** – юлдузлар гавҳари:
Тўкуб феруза гун кўк мотамингға гавҳари анжум,
Сени феруза ву гавҳар хаёли айлабан мафтун. *Ғаройибус-сиғар*, 341-Т;

~ **и аржманд** – юксак, ҳурматли, иззатли, шарафли:
... мурувват маъданининг гавҳари аржманди... султонус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон. *Мажолисун-нафоис*, 208;

~ **и баён** – гўзал, чукур маъноли ифода:
... ишқ аҳлин амоси лисон шарфи ва гавҳари баён лутфи била сойир инсоннинг дуратут-тожи қилди. *Ғаройибус-сиғар*, 3-Т;

~ **и воло** – қимматбаҳо тош:
Анинг ул гавҳари волоси бордур,
Ки бу ўлмакдин истиғноси бордур. *Фарҳод ва Ширин*, 358-Т;

~ **и васл** – васл жавоҳири:
Бўлмайин ғарқи фано истамагил гавҳари васл,
Дур топилмас киши то баҳрда бўлмас ғаввос. *Бадойиул-васат*, 205-Т;

~ **и жайб** – кўнгил, дил, дилдаги муддао:
Ўзим-ўқ қилдим ўз айбимни изҳор,
Шикастаи гавҳари жайбимни изҳор. *Фарҳод ва Ширин*, 468-Т;

~ **и зебанда** – ярашадиган, чиройли қиладиган, лойиқ, муносиб:
... сипаҳдорлик майдонининг Сомн Наримони сарафрозлиғ тожининг гавҳари зебандаси... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон. *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т;

~ **и зот** – пок, асли зот:
Тангрига гавҳари зотинг эди кулли мақсуд,
Сунъ дарёсин азал субҳи қилурда маввож. *Бадойиул-васат*, 73-Т;
~ **и ишқ** – ишқ асли, ишқ асоси:
Нутфа ки бўлуб бу мазҳари ишқ,
Маъни садафида гавҳари ишқ. *Лайли ва Мажнун*, 92-Т;
Гоҳи ҳажр тунида ахтари ишқ,
Рахшанда нечук ки гавҳари ишқ. *Лайли ва Мажнун*, 137-Т;
~ **и кибриё** – улуғлик, юксаклик гавҳари:
Зиҳи тожинга гавҳари кибриё,
Бу гавҳардин офоқ топиб зиё. *Фавойидул-кибар*, 10-Т;
~ **и кони вафо** – вафо конининг гавҳари:
Десун ани гавҳари кони вафо,
Кони вафо йўқ ки жаҳони вафо. *Ҳайратул-аброр*, 7-185;
~ **и кони маоний** – гавҳардек чукур равшан маънолар кони:
Сўзин тут гавҳари кони маоний,
Шакар жуллоблиғидин асра ани. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т;
~ **и коний** – ҳақиқий гавҳар; чин инсон:
Солики фоний ва гавҳари коний орифий маоний Саййид Ҳасан Ардашер.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-89;
~ **и маоний** – маънолар гавҳари; маъноли сўзлар, сермазмун иборлар:
... қўйнида номаи саросар зеби алфоз ва гавҳари маоний ул ҳуққа оғзини мухри ихфо урған балки у нома бошин ғайр кўзи тушмасин деб ёпуштурған.
Муншаот, 14-179;
~ **и маъни** – маъноли сўз, қимматли гап, етук мазмунли. сўз:
Гавҳари маъни ки мазкур айладинг,
Номуносиб амр мазбур айладинг. *Лисонут-тайр*, 69-Т;
~ **и мақсуд** – энг қадру қимматга сазовор гавҳар; мақсаднинг асли, асосий мақсад:
Кимни пушаймонлиғ этиб ашкпош,
Гавҳари мақсуд анга ҳар қатра ёш. *Ҳайратул-аброр*, 7-263;
Ажаб эмастур агар топти гавҳари мақсуд,
Бирав ки бўлди фано ашки бахрида ғаввос. *Ғаройибус-сиғар*, 223-Т;
~ **и меҳр** – қуёш:
Илми дарёсига ҳубоб сипеҳр,
Иўқ ки ул баҳр ичинда гавҳари меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-41;
~ **и назм** – шеърият, назм жавоҳирлари:
Эй Навоий Шоҳи Ғозий гавҳари назминг билур,
Ким фидо ҳар лафзиға кўздин дури макнун этар. *Фавоийидул-кибар*, 160-Т;
~ **и ноёб** – ноёб гавҳар, дур; гўзал санам
Қани ул меҳри жаҳонтоб ахир,
Қани ул гавҳари ноёб ахир. *Фавойидул-кибар*, 670-Т;
Чун ўл ишни билдилар ва халойиқни муноди била чиқардилар ва ул гавҳари ноёбни тилай бордилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-59;
~ **и обдор** – сержило, ёниб турувчи, бебаҳо гавҳар:
Бир ов ҳангомаси ғавғосида ва чопмақ ва отмақ орасида Хусрав Парвезнинг сарафрозлиқ тожидин гавҳари обдор ва дурри шоҳвор узулуб ерга тушти.
Маҳбубул-қулуб, 14-59;

~ **и олий** – қадри баланд, олий қадр:
Бу дурж-у икки садафни тўла дур этканга,
Зеҳи улувви гуҳар балки гавҳари олий. *Ғаройибус-сиғар*, 521-Т;
~ **и олий миқдор** – юксак навли йирик гавҳар:
Асолат бахрининг дурри шоҳвори адолат маъданининг гавҳари олий миқдори сипаҳбудлиғ маъракасининг Рустами достони... *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т;
~ **и пок** – пок, тоза, нодир гавҳар:
Чу топти бу навъ гавҳари пок,
Баҳр ўлди бу завқдин тарабнок. *Лайли ва Мажнун*, 102-Т;
Деди кўнглида Бону ким бу ғамнок,
Ки мундақ мумкин эрмас гавҳари пок. *Фарҳод ва Ширин*, 328-Т;
~ **и покиза** – улуғвор, покиза инсон; тоза гавҳар:
Биҳамдиллоҳ кўз-у кўнглумда сен йўқ эрса топилмас,
Сенингдек гавҳари покиза олам баҳр-у қонинда. *Наводируш-шабоб*, 530-Т;
~ **и рахшанда** – порлоқ гавҳар:
Ким бу сифат гавҳари рахшандани,
Қайси гуҳар дурри дурахшандани. *Ҳайратул-аброр*, 7-297;
~ **и сарчашма** – булоқ бошидек тиниқ гавҳарлар:
Гавҳари сарчашмен жондин ёруқ,
Ҳар не йўқ андин ёруқ андин ёруқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-85:
~ **и сероб** – сероб гавҳарлар; гавҳардек нодир сўз тизимлари:
Сўз таърифида бир неча сўз ким офариниш дарёсидин бурунғи чиққан гавҳари сероб дурур. *Садди Искандарий*, 75-Т;
~ **и тақво** – парҳизкор, тақводорлар гавҳари:
Зуҳд аҳлидин ибодат анда кўп,
Гавҳари тақво ву тоат анда кўп. *Лисонут-тайр*, 190-Т;
~ **и улви** – баланд мартабали, асл даражали:
Зотинг эди гавҳари улви нажод,
Тутмади ер сояси бирла савод. *Ҳайратул-аброр*, 7-38;
~ **и уммон** – денгиз, океан гавҳари:
Не шабаҳ эрди ки мазмуни била ашқимдин,
Ташида лаъл ичида гавҳари уммон топтим. *Ғаройибус-сиғар*, 319-Т;
~ **и уммоний** – денгиз гавҳари:
Гозургоҳнинг ушоқ тоши лаъли кони ва гавҳари уммонийға танноз.
Вақфия, 9(10)-650;
~ **и шабчароғ** – кечаси чироғдек ёниб нур берувчи гавҳар;
кўнгилни ёритувчи, баҳраманд қилувчи:
Бу гавҳари шабчароғ ҳар тира рўзгор лойиқи эмас ва бу шамъи тавфиқни ҳодийи иноят ҳар кимга бермас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-48;
Бал машъалаи фароғ сенсен,
Ё гавҳари шабчароғ сенсен. *Лайли ва Мажнун*, 137-Т;
~ **и шаҳвор** – шоҳларга муносиб гавҳар; энг улуғ, қимматли:
Бошдин аёқ гавҳари шаҳвор эди,
Қайси «Туҳфатул-аҳрор» эди. *Ҳайратул-аброр*, 7-55;
~ **якдона** – яккаю ягона, камёб; энг асл, керакли мақсад:
Мавлоно Фахриддин Луристоний ки ўз замонасининг ягонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари якдонаси эркандур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-10;
Инс-у малак жони ву жононаси,
Икки жаҳон гавҳари якдонаси. *Ҳайратул-аброр*, 7-35;

~ **и якто** – қимматбаҳо тош; улуғ зот, аслзода, яккаю ягона:
Бу рисолада мастур бўлған гуруҳнинг муқтадо ва пешвоси ул гавҳари яктодур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-54;
Мавлоно Нуриддин Абдурраҳмон Жомий... бу рисолада мастур бўлған гуруҳнинг муқтадо ва пешвоси ул гавҳари яктодур... *Мажолисун-нафоис*, 76-Т;

~ **и ҳол** – туб, асл ҳол, моҳият:
Инсони чу анда солди ғаввосмисол,
Ҳам гавҳари ҳои берди ҳам дурри мақол. *Ғарийибус-сиғар*, 3-Т;

~ **и мақсуд топ-** – мақсад гавҳарига етишмоқ, асл мақсадга эришмоқ:
Мукбил адаб ва тавозуъ фойдасидин гавҳари мақсуд топиб шоҳ гулшанида ором топти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-60;

~ **и мақсуд тила-** – асл мақсадни хоҳламоқ:
Бу дарёға кирган гавҳари мақсуд тиласа дам асрамақ керак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-61;

~ **соч-** – чиройли сўзлар айтмоқ:
Пас ул ким такаллумға оғзин очар,
Мухотабқа сўз йўқ ки гавҳар сочар. *Садди Искандарий*, 346-Т;
Боди хазондек дирами зар сочиб,
Абри баҳори киби гавҳар сочиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;

~ **ўл-** – улуғ бўлмоқ, ҳурматли ўлмоқ:
Гавҳар ўлди ҳиммати одам садаф,
Бу садафқа ул гуҳардиндир шараф. *Лисонут-тайр*, 173-Т;

~ **эт-/қил-** – дур қилмоқ:
Камсухан элни суханвар қилғай,
Ҳар сўзин ўйла ки гавҳар қилғай. *Фавойидул-кибар*, 665-Т;
Қуёш хорани жавҳар эткан киби,
Тенгиз қатрани гавҳар эткан киби. *Муншаот*, 14-162.

ГАВҲАРАФШОН/ГАВҲАРФИШОН [گوهرافشان / گوهرفشان] – 1. гавҳар сочувчи, гавҳар ёғдирувчи; қимматбаҳоли, баҳрали:
Ки бор абри баҳори гавҳарафшон,
Чақин ҳам олам аҳлиға зарафшон. *Бадойиул-васат*, 497-Т;
Бу сафҳани айлаган зарафшон,
Сўз бу сифат этти гавҳарафшон. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т;
Ало то қуёш зарфишон ўлғуси,
Саҳоб илги гавҳарфишон ўлғуси. *Садди Искандарий*, 103-Т;

2. безак берувчи:
Не коғазга ким килки гавҳарфишон,
Қилиб меҳри заркаш анга зарфишон. *Садди Искандарий*, 79-Т;

3. дур сочувчи; хаттот:
Аввалидур муншийи гавҳарфишон,
Ким гаҳи ул рукъа ёзар гаҳ нишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-228;

4. наф етказувчи, баҳрамапд қилувчи:
Ул икисидин бири гавҳарфишон,
Гавҳарида нури яқиндин нишон. *Ҳайратул-аброр*, 30-22.

ГАВҲАРАФШОНЛИҒ/ГАВҲАРФИШОНЛИҚ [گوهرافشان لیغ / گوهرفشان لیق] – гавҳарафшонлик; гавҳар сочишлик; ширинсуханлик:
Кўнглумга ўзга қувват кирди ва табъимға ўзга жавдату жалодат хосил бўлди, килким жардайи тезкомиға ўзга равонлиғу хаёл саҳоби барқ хиромиға ўзга гавҳарфшонлиғ юзланди. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-16;

Сўзум узалди ву адо қиладурған мақсудум йироқ қолди. Агарчи хомамнинг гавҳарафшонлиғиға ниҳоят йироқдур ва лекин дуо гавҳарафшонлиғи била ихтисор қилмақ яхшироқ. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-22;

Бу гавҳарфишонлиғдин чун улуғ мақсуд торих илми махзаниға вукуф топмағлиқ... *Садди Искандарий*, 103-Т;

Аёғдин бошиға хусравнишонлиқ,
Сўзида баҳрдек гавҳарфишонлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т;

... хома тили равонлиғидин не фойда ва тил хомаси гавҳарфишонлиғидин не натижа. *Муншаот*, 14-210.

ГАВҲАРБОР [گوهربار] – гавҳар сочувчи, гавҳар ёғдирувчи:

Лаъли жонбахшинг такаллум вақти бир бир сочти дур,
Оллоҳ Оллоҳ ким кўрубтур бўйла гавҳарбор лаъл. *Наводируш-шабоб*, 369-Т;

Қаддинг ул нахли ки бари гавҳари алфоз эрур,
Оллоҳ Оллоҳ не қади раъно ву гавҳарбор лафз. *Бадойиул-васат*, 217-Т.

ГАВҲАРЗОЙ [گوهرزای] – гавҳар яратувчи; қимматбаҳо, нодир маънолар ифода этувчи:

Дарёе ки табъи гавҳарзойи била бу даврон жайби гавҳардин тўла ва даврон аҳли кўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-54;

Табъи гавҳарзойи била бу даврон жайби гавҳардин тўла. *Мажолисун-нафоис*, 76-Т.

ГАВҲАРКАШ [گوهرکش] – гавҳар ёғдирувчи:

Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак ҳилол-у ёнида хуршиди занг. *Бадойиул-васат*, 259-Т.

ГАВҲАРЛИК [گوهرلیک] – гавҳарлик; пок гавҳарлик аҳли маоний; донишманд кишилар, илм аҳли, улуғлар:

Бу аъраз аро жавҳари зот анга,
Қилиб пок гавҳарлик исбот анга. *Садди Искандарий*, 96-Т;

Сўзумга пок маоний гавҳари тож ва ўзумга пок гавҳарлик аҳли маоний муҳтож бўлди. *Вақфия*, 9(10)-645.

ГАВҲАРМЕҲР [گوهرمهر] – порлоқ қуёшмеҳр:

Илми дарёсиға ҳубоб сипеҳр,
Йўқ ки ул баҳр ичинда гавҳармеҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-41.

ГАВҲАРНИГОР [گوهرنگار] – гавҳар безакли; қимматбаҳо дурлар билан безатилган:

Қаср ичи наққошлиғдин зарнигор,
Ташида наққорлиғ гавҳарнигор. *Лисонут-тайр*, 153-Т;

Ясадилар ул уйни гавҳарнигор,
Сутунни вале қилдилар зарнигор. *Садди Искандарий*, 344-Т.

ГАВҲАРНИСОР [گوهرنثار] – гавҳар сотувчи; нодир гавҳар сўзарни битувчи:

Бу дам ки гавҳарнисор хоманг,
Таҳрир этибан етишти номанг. *Лайли ва Мажнун*, 258-Т.

ГАВҲАРНИСОРЛИҒ [گوهرنثارلیغ] – гавҳар нодир сўзлар нисо қилишлик:

...мадҳида хома найининг шакарборлиги ва кўнгул садафиниг гавҳарнисорлиғи. *Сабъаи сайёр*, 10-41.

ГАВҲАРНИШОН [گوهرنشان] – чиройли, маънодор сўзлар сочивчи:

... бу баргузиданинг назми гавҳарнишони ва насри лаълуфишонидур. *Назмул-жавоҳир*, 15-126.

ГАВҲАРОЙИН [گوهرآیین] – гавҳарли, гавҳар қадалган; сермазмун:

Мурассаъ ипар бирла тазйин топиб,
Яна ғашийа гавҳаройин топиб. *Садди Искандарий*, 301-Т;
Ганжинайи фикри гавҳаройин,
Андин бари халқ ўлуб гуҳарчин. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т.

ГАВҲАРОМУДА [گوهرآموده] – гавҳар билан тўла безатилган ганж:

Қаю «Хамса» бир гавҳаромуда ганж,
Тасарруф жафосидин осуда ганж. *Садди Искандарий*, 526-Т.

ГАВҲАРОРОЙ [گوهرآرای] – маъноларни безатувчи:

Чун «Қасойид»ға касд этиб ройи,
Дур сочиб табъи гавҳаророийи. *Сабъаи сайёр*, 10-44.

ГАВҲАРПОШ [گوهر پاش] – гавҳар сочувчи, ёғду берувчи, нур сочувчи:

Гар зарафшон қилса тазҳиб аҳли навки хомасин,
Дурафшон эрмас Навоий килки гавҳарпошидек. *Фавойидул-кибар*, 317-Т;
Лаби лаълини гавҳарпош қилди,
Бу янглиғ нукта дуррин фош қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 297-Т.

ГАВҲАРПОШЛИҒ [گوهر پاش لیغ] – гавҳар сочувчилик, ёғду сочувчилик:

...ва наводир тазийини таърифида табъи балоғатшиор гавҳарпошлиғ кўргузмак... *Садди Искандарий*, 350-Т.

ГАВҲАРРЕЗ [گوهر ریز] – мўътабар, қимматли сўз айтувчи, гавҳар тўкувчи:

Ўзларининг хуршид файз табъларидин зухур қилған рисола ки ўз гавҳаррез қаламларидин нигориш топибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т;
...бу ҳазрат ким бу мажлис аҳлининг садрнишинидурлар ва сабаби маонийлари гавҳаррез ва бу жамоат... *Мажолисун-нафоис*, 131-Т.

ГАВҲАРСАНЖ [گوهرسنج] – сўз сараловчиси, ўлчовчи:

Сўз тилисмидин ул ки очти ганж,
Бўлди мезони табъи гавҳарсанж. *Сабъаи сайёр*, 10-70.

ГАВҲАРСИЗ [گوهرسیز] – гавҳарсиз:

Гар ул бўлмаса кимсага йўқ шараф,
Анингдек ки гавҳарсиз ўлғай садаф. *Садди Искандарий*, 75-Т;
Саҳосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор.
Маҳбубул-қулуб, 14-80.

ГАВҲАРФУРУШ [گوهرفروش] – гавҳарфуруш; латофатли сўзлар айтувчи:

Бу дурларни ким сочти гавҳарфуруш,
Садаф оғзидек сойил ўлди хамуш. *Садди Искандарий*, 129-Т.

ГАВҲАРШАМОЙИЛ [گوهرشمایل] – гавҳар шакл, гавҳармонанд:

Сиришким ишқида гавҳаршамойил
Вале ул бад гуҳарлар сари мойил. *Фарҳод ва Ширин*, 105-Т.

ГАВҲАРШИКАМ [گوهرشکم] – садафдали гавҳар:

Риштасидин чун бу гуҳар бўлди кам,
Бир садаф ўлди яна гавҳаршикам. *Ҳайратул-аброр*, 7-34.

ГАДО [گدا] – 1. гадо, тиланчи, сойил:

Тиланчи ва гадо кўпраги бегайрат ва беҳаё. *Маҳбубул-қулуб*, 14-39;
Донаға гадой майл қилмай,
Бал шаҳрда бир гадо топилмай. *Лайли ва Мажнун*, 72-Т;

Куйига киргач мени мунглуғ ҳужум этти ракиб,
Ўйла ким итлар гадо кўрганда ғавғо қилдилар. *Фавойидул-кибар*, 157-Т;

2. фақир, камбағал, бечора:
Қуфл очарда гадо ву соҳиби тож,
Тенг бўлурлар калилга мухтож. *Муншаот*, 14-151;
Мавлоно Муҳаммад Бадахший подшоҳ ва гадоға мақбул ва мулойимдур. *Мажолисун-нафоис*, 148;

3. бахил; текинхўр:
Гадо улдур ким сочмағай ва тергай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-54;

4. ошиқ:
То гадойингдур Навоий тахт ила жоҳ истамас,
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахт-у тож. *Ғаройибус-сиғар*, 96-Т;
Мен ишқ эли гадоси сен ҳусн элига султон
Бўлмас гадоға ҳаргиз султон висоли имкон. *Мезонул-авзон*, 46-Т;

~ **йи булҳавас** – ҳар нарсага ҳавас қилувчи гадо:
Сайр учун шоҳе сурар чоғда фарас,
Ошиқ ўлди бир гадойи булҳавас. *Лисонут-тайр*, 63-Т;

~ **йи васл** – васл гадойи:
Гадойи васлинг эрур бунбул айла раҳм эй гул,
Ки бир қарор ила колмас гадо тавонгар жам. *Наводируш-шабоб*, 399-Т;

~ **йи додхоҳ** – арз-дод, адолат истовчи гадо:
Шоҳ додиға нетиб етсун ки мулки ишқ аро,
Қадри олийшоҳ ила тенгдур гадойи додхоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 426-Т;

~ **йи жандапўш** – жанда кийган гадо:
Гул эрур юз хўрдаси бирла гадойи жандапўш,
Эй Навоий муфлиси кониъни бил шоҳи ғани. *Наводируш-шабоб*, 581-Т;

~ **йи камин** – гадо хилватгоҳи:
Лакал-ҳамду ё акрамул-акрамин,
Карам аҳлин эткан гадойи камин. *Садди Искандарий*, 54-Т;

~ **йи мазлум** – мазлум гадо:
Етишибмен гадойи мазлуми,
Ҳар не матлуби бўлса маҳруми. *Сабъаи сайёр*, 10-16;

~ **йи муваҳҳиш** – ваҳшатга солувчи гадо, кўрқинчли сойил:
Улуғ кичикдин ҳар турлукда гадойи муваҳҳиш фосид хавотиридек софий кўнгулга мушаввиш. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-476;

~ **йи мухтож** – мухтож гадо:
Ким ани ичса гадойи мухтож
Бўлғай оллинда гадо соҳиби тож. *Фавойидул-кибар*, 673-Т;

~ **йи наҳиф** – озғин, нимжон гадо:
... ва бу гадойи наҳиф минг ганжи сипеҳросо саховат узрин нетиб қўла олғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-133;

~ **йи ниёзманд** – ҳожатманд, мухтож гадо:
Бениёзлиғи жанбида чархи нигун бир гадойи ниёзманд чорасозлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7;

~ **йи румий** – Румли гадой:
Кундуз санга бир гадойи румий,
Хуршиддин эгнида куруми. *Лайли ва Мажнун*, 34-Т;

~ **йи рох** – кўча чанги, ғубори:
Яъни бари узрадур паноҳинг,
Бор улча бар гарди роҳинг. *Лайли ва Мажнун*, 34-Т;

~ **йи талош** – гадолар талаши:
Юзи тубан тушубан маркабинг изига малак,
Ер узра курсни қилған киби гадойи талаш. *Наводируш-шабоб*, 242-Т;

~ **и факр/фақир** – фақр, фақир, қашшоқ гадо:
Вали қойили бордур асру ҳақир,
Деди тунд ўлуб к-эй гадойи фақир. *Садди Искандарий*, 508-Т;
Гадойи факр ила сўз айта олмас подшо густоҳ,
Шоҳ оллинда нечук ким дам ура олмас гадо густоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 105-Т;

~ **йи хаста** – хаста гадо:
Кўнгулда зорлиғ бирла фиғон кўйунгда айб этма,
Ғадойи хастайидур жуз фиғон-у зорлиғ билмас, *Ғаройибус-сиғар*, 200-Т;
Ўтарсен ўниай ўйнай мен гадойи хаста йўл узра,
Қолурмен бир қиё боқмақ учун ёлбара ёлбара. *Наводируш-шабоб*, 529-Т;

~ **йи хон** – гадо дастархони, гадо таоми:
Мутиъи амринг агар подшоҳ агар сойил,
Гадойи хонунг агар ҳушманд агар мажзуб. *Ғаройибус-сиғар*, 57-Т;

~ **йи хонақах** – гадо хонақаҳи:
Юз йил киши гар жаҳонда шаҳдур,
Йўқ эрса гадойи хонақаҳдур. *Лайли ва Мажнун*, 369-Т;

~ **ву шоҳ** – ҳамма; гадову шоҳ:
Ҳажр аро истар жамолинг ҳам Навоий ҳам кўнгул,
Ким тиларлар тира тунларда гадо ву шоҳ шамъ. *Ғаройибус-сиғар*, 238-Т.

ГАДОВАШ [گداوش] – гадоваш:
Ниёз-у ажзидин ар ўлса дам бадам не ажаб,
Гадоваше ки анга подшо эрур мунис. *Бадойиул-васат*, 174-Т.

ГАДОЗОДА [گدازاده] – гадойбачча; **и хирадманд** – ақлли гадойбачча:
...гадозодаи хирадманд акобир ҳамрози, ғанийзодаи лаванд арзол дамсози.
Маҳбубул-қулуб, 14-112.

ГАДОЙИ [گدایی] – гадойи, гадога мансуб:
Деман гул бандасидур бўйни боғлиғ,
Гадойидур тўни ҳар ён ямағлиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 88-Т.

ГАДОЛИҚ/ГАДОЛИҒ [گدالیق / گدالیغ] – 1. гадолик, тиланчилик:
Йўқ гадолиғда ихтиёрим ким
Тангри қилмиш мени санга муҳтож. *Ғаройибус-сиғар*, 97-Т;
Эгри йўлар кўргузуб нафси даний,
Солибан шайд-у гадолиққа ани. *Лисонут-тайр*, 59-Т;
Анга тенг подшолиғ ё гадолик
Гадолиққа тенг этмай подшолиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 138-Т;
2. бечоралик, ошиқлик:
Нечук шаҳни қилай меҳмон манга ким
Гадолиқ кунжида бир бўриёдур. *Фавойидул-кибар*, 164-Т;
Фақир иккаласи бузургвори рафиъмиқдорға ниёзмандлиғ ва гадолиғ юзидин татаббуъ килибмен ва отин «Туҳфатул-афкор» дебмен.
Муҳокаматул-луғатайн, 183-Т;

~ **ашки соч-** –муҳтожлик йиғиси, тиланчилик кўз ёшини тўкмоқ:
Гадолиғ ашкин сочмақ ва шайъуллоҳ авучин очмақ. *Лайли ва Мажнун*, 35-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – тиламак, истамак, орзу этмак:
Ишқ аро шоҳ-у гадо тенгдур гадо балким фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишнинг яғмосидин. *Наводируш-шабоб*, 467-Т;
Гадолиғ этти Навоий анинг висолини лек
Шаҳ этса ор не тонг бенаво гадолардин. *Хазойинул-маоний*, IVа-287;
Қилур гадолиғ ул ой хони ҳуснидин ушшоқ,
Нечук ки шоҳи жаҳон базми айшидин фуқаро. *Наводируш-шабоб*, 35-Т;
Ринд эмасмен дайр аро гар жоми Жамдин ўтса сўз,
Май гадолиғ қилғали синган сафолимни десам. *Бадойиул-васат*, 311-Т;
Изҳор этибан бу бенаволик,
Қилсам эди кут учун гадолик. *Лайли ва Мажнун*, 164-Т.

ГАДОЛИҚЧА [گداليقچه] – гадоликдек, гадолик монанд:
Бўлмаса Ҳақ ёдидин огоҳлиқ,
Бил ки гадоликча эмас шоҳлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-320.

ГАДОПЕША [گداپيشه] – гадойликка ўрганган:
Деди сўрған дам ул гадопеша,
Ҳожатимдур бир арра бир теша. *Сабъаи сайёр*, 10-239.

ГАДОШЕВАЛИК [گداشيوه ليک] – гадога ўхшашлик, тиланчига монандлик:
Хасис табъға дўстедур лаимваш гадошевалик ва разолат анинг таврига хуш.
Маҳбубул-қулуб, 14-54.

ГАЖ [گچ] – махсус девор сувоғига ишлатиладиган ганч:
Икки рахна сари равон бордилар,
Гаж-у хишт ила руст буткардилар. *Садди Искандарий*, 271-Т.

ГАЖАК [گجک] – 1. гажак, чаккага тушиб буралиб турган соч толалари:
Зулфунг устида гажак куллоблар тақлидидур,
Иўқса килки сунъдин ул турранинг ташдидидур. *Хазойинул-маоний*, IVб-153;
Гажакдек ки зулфум аро тобдур,
Кўнгулларни тортарға куллобдур. *Садди Искандарий*, 390-Т;
2. илмоқ, чўп, махсус таёқ:
Кейин боғлади қўлларин чунки руст,
Гажак бирла тутти отин даги чуст. *Садди Искандарий*, 407-Т.

ГАЖАКЛИК [گجک ليک] – эгик ҳалқа, илмоқ; гажаклик:
Юруб оқибат ваҳшзоди журун,
Анинг сари солди гажаклик сутун. *Садди Искандарий*, 406-Т.

ГАЖДУМ [گجدم] – чаён:
Бор камар акраб демай ишқинг маломат кулзуми,
Оразинг кофурида ул зулфи мушкин гаждуми. *Бадойиъул-бидоя*, I(20) – 597.

ГАЖКОРЛИК/ГАЖКОРЛИҒ [گجکارليق / گجکارليغ] – ганч билан ишланган:
Ҳам кирибан ҳам чиқиб андин насим,
Тошида гажкорлиғи сода сим. *Ҳайратул-аброр*, 7-92;
Бўлуб гажкорлиғ сиймин равоқи,
Нечук ким қош ичинда кўзнинг оқи. *Фарҳод ва Ширин*, 159-Т.

ГАЗ [گز] – 1. камоннинг парсиз ўқи:
Ё бирав газ бирла бўлғай қотилинг
Ё гуруҳа бирла қилғай бисмилинг. *Лисонут-тайр*, 65-Т;

2. андоза, таёқ, чўп:
Сойислиғиға зуҳул уруб фол,
Газ даста била қўлида ғарбол. *Лайли ва Мажнун*, 49-Т.

ГАЗАК [گزک] – 1. май ичгандан сўнг тановул қилинадиган енгил овқат:
Майда бўлса манга ул лаъли шакарханд газак,
Заҳр бўлсун тилар ўлсам шакар-у қанд газак. *Фавойидул-кибар*, 325-Т;
Юз пора бағрима тиш урармен ютарда қон,
Бу бўлса май не танг алар ўлмақ газакларим. *Бадойиул-васат*, 307-Т;
Емакка улус майли бўлғанда фош,
Газак ўртадин чиқди тортилди ош. *Садди Искандарий*, 361-Т;
2. яранинг совуқ тегиб қизариши, газак олиши:
Ҳам ул уч тўрт кунда гўё бир узвиға туган кўпуб ул жароҳат газак бўлуб охир бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-74;
3. оғриқ:
Бошимға ҳавас лаълинг оламға видоъ эттим,
Чиқса киши мажлисдин бошиға газак санчар. *Ғаройибус-сиғар*, 157-Т;
~ **қил-** – газак қилмоқ:
Давр аёғин соқиё тутқанда лаълинг қил газак,
Ким майе еткурмамиш жуз заҳри даврон огзима. *Наводируш-шабоб*, 535-Т;
Анга бу дайри фано ичра тутти муғбача май,
Ки тишни бағриға беркитмакини қилди газак. *Бадойиул-васат*, 251-Т.

ГАЗАНД [گزند] – зарар, зиён, озор:
Айшимға ёмон кўз этмагай эмди газанд,
Хосса ки ул ўқ бўлубтур ўт узра сипанд. *Ғаройибус-сиғар*, 543-Т;
Оразинг муштоқидур бу кўз ки бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиг кўзга ёруқлиғдин газанд. *Ғаройибус-сиғар*, 115-Т;
Хожанинг суд-у моясига газанд,
Тегуруб икки бул-ажаб фарзанд. *Сабъаи-сайёр*, 10-342;
~ **и ҳаккок** – заҳматкаш наққош, сангтарош, ўймакор уста:
Ҳам гавҳари ришта шуғлидин пок,
Ҳам лаълида йўқ газанди ҳаккок. *Лайли ва Мажнун*, 101-Т;
~ **ет-** – зиён кўрмоқ, заҳмат чекмоқ:
Етмайин жониға ҳажридин газанд,
Ҳилвати васлида ҳар дам нақшбанд. *Лисонут-тайр*, 85-Т;
~ **еткур-** – зарар кўрсатмоқ, жароҳат қилмоқ:
Мунча сўзга бу лаими худписанд,
Анга ханжар бирла еткурмиш газанд. *Лисонут-тайр*, 72-Т;
~ **-у укубат ет-** – заҳмат, азоб, қийинчилик кўрмоқ:
...чун ноаҳлға айтсанг анга ҳамл қилмиш бўлғайсен ва санга газанду укубат еткай. *Насойимул-муҳаббат*, 94-Т;
~ **тегур-** – зарар етказмоқ:
Ким кўрса бу ҳоли бадписанди,
Жониға тегурмагай газанди. *Лайли ва Мажнун*, 145-Т.

ГАЗАНДА [گزنده] – ништар урувчи, ари, чаён каби чақувчи жонворлар:
Шарт бу ким етса газанда санга,
Солса фалак ҳиласи банде санга. *Ҳайратул-аброр*, 7-210;
Осуда чаранда ву паранда,
Уйқуда газанда ву даранда. *Лайли ва Мажнун*, 304-Т.

ГАЗДАСТА [گزدسته] – камчи:

Сойислиғиға Зуҳал уруб фол,
Газдаста била қўлида ғарбол. *Лайли ва Мажнун*, 49-Т.

ГАЗИСТОН [گزستان] – юлғунзор; бутазор:

Абу Сулаймони Хаввоши Мағрибий... улдур ки бир кун бир газистон аросидин эшак миниб борур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 144-Т.

ГАЗОФ [گزاف] – 1. ёлғон, бефойда, беҳида, асоссиз, уйдирма, сохта, хато:

Эй ки ошиқсен биравга келса ҳар дам юз бало,
Шукрдин ўзга не сўз ким айтсанг бордур газоф. *Наводируш-шабоб*, 302-Т;
Манга ҳам бор эди ишқида лофи,
Тилармен бўлмағай лофим газофи. *Фарҳод ва Ширин*, 481-Т;

2. риёкорлик:

Лек номус ўлтурур ким кўп газоф,
Зоҳир айлабмен уруб тақвода лоф. *Лисонут-тайр*, 222-Т;

~ **лофи газоф ур-** – ёлғон сўзламоқ, бехуда валақламоқ:

Окибат вақти уруб лофи газоф,
Тушти чун иш узни тутқайсиз муоф. *Лисонут-тайр*, 118-Т.

ГАЙБУР/ҚАЙБУР [قیبور / گیبور] – учи кенг найза, ёй уқининг бир тури:

Чун ки солди ики қўлиға ишкол,
Гайбур отиб бўғузлади филҳол. *Сабъаи сайёр*, 10-355;
Не парра ғам сипоҳи гайбури ул,
Балийат қалъасининг кунгури ул. *Фарҳод ва Ширин*, 263-Т.

ГАЛА [گله] – гала, тўда; пода:

Бир лаҳзадин сўнгра эл гала қаросин ул чоҳ бошиға суварғали келтуруб чоҳ устида ёпқан тошни олиб қалин қўй ва мавошийға сув бердилар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-136;

Ки эл уйқусидин ешилган гала,
Ҳам ул даштаро бўлса ногаҳ яла. *Садди Искандарий*, 404-Т;
Шайх кундуз галадин огоҳ эди,
Кеча манзилгоҳи оташгоҳ эди. *Лисонут-тайр*, 116-Т.

ГАЛИЗ [گلیز] – сўлак; тупук:

Шакар тангини айлади шаҳдрез,
Кўп ул шаҳд зимнида неши гализ. *Садди Искандарий*, 388-Т.

ГАНГИРА- [گنگیره] – гангирамоқ, эсини йўқотмоқ:

Турк алфози возии асру кўп вақтда муболаға изҳор қилиб жузвин мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдур ки... андақ ки гангирамақ, ядамақ, қадамақ. *Муҳокаматул-луғатайн*, 16-13; 170-Т.

ГАНДАРА- [گندرا] – айнимоқ, ҳидланмоқ; бадбўйликдин ҳуш кетмоқ; гандирамоқ:

Ҳар киши замзам суйидин келтуруб,
Гандарабан шишада бас ким туруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-214;
Кўнглак аро мушк-у абири тараб,
Кўнглида юз ит ўлуб-у гандараб. *Ҳайратул-аброр*, 7-138.

ГАНЖ [گنج] – 1. хазина, бойлик, ганж:

Мунча ким вайрона кездим ганж ҳам бир йўк эди,
Бўйла вайрон ким кўрубтур анда мадфун мунча ганж. *Ғаройибус-сиғар*, 534-Т;
Ҳиммасиз ганж топса бийикларга ҳамдаст бўлмас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80;

2. нақд, олтин, кумуш:
Тўкай олингға ул қадар мол-у ганж,
Ки етсун сипоҳингға йиғмақда ранж. *Садди Искандарий*, 337-Т;
Султон Искандар Шерозий... етти ё секиз йиллик салтанатида гўё ки уч ганж топибдур. *Мажолисун-нафоис*, 197;
3. илм, билим; маъно:
...ул ганж жавоҳиридин замир сайрафиси ниҳоятсиз қийматлиғ лаъл ва дурри самин олди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;
Дема йилон аждар эрур нақд санж,
Музмар анинг жавфида юз турфа ганж. *Ҳайратул-аброр*, 7-223;
4. мақсад, муддао:
Яъни анга ганж ким ҳавасдур,
Чирмашса йилон ажаб эмасдур. *Лайли ва Мажнун*, 307-Т;
5. қимматбаҳо сўзлар, тўплам, бебаҳо тўплам («Хамса»га ишора):
Тўрт девон бирла назми Панж ганж,
Даст берди чекмайин андух-у ранж. *Лисонут-тайр*, 268-Т;
Бу беш ганждин ким жаҳондур тўла,
Ки кўк жавфида дағи йўқдур хало. *Садди Искандарий*, 79-Т;
6. бахт қуши; Семурғ:
Ганж эрди, ишқ махфий зот анга,
Яшурун ҳусн эрди кун миръот анга. *Лисонут-тайр*, 87-Т;

~ **и Афридун** – Афридун ганжи:
Соқиё куп ганжидин тут бизга лаъли наб ким
Бу боринда майл бўлмас ганжи Афридун сари. *Бадойиул-васат*, 447-Т;

~ **и бақо** – маънавий тириклик:
Ганжи бақо зикрига ул ким етиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-11;

~ **и беинтиҳо** – поёнсиз, ниҳоясиз, чексиз хазина:
Назарға келиб ганжи беинтиҳо,
Вали ҳар бири изра юз аждаҳо. *Садди Искандарий*, 89-Т;

~ **и беқиёс** – тенги йўқ, беқиёс хазина:
Бериб Баҳром анга ҳашмат азосин,
Ливо ву тож-у ганжи беқиёсин. *Фарҳод ва Ширин*, 494-Т;

~ **и бодовард** – ел келтирган бойлик, ганж (Хисрави Парвезнинг саккиз хазинасидан иккинчисининг номи.Афсонага кўра, Рум қайсари Парвездан қўрқиб бойликларини кемаларга ортиб оролга қочираётганда денгизда қаттиқ шамол туриб, кемаларни Парвез томонга сурган. Парвез бу бойликни қўлга киритиб – «Ганжи бодовард» деб номлаган), шамол келтирган бойлик:
Ел келтиргач куйи туфрағини топтим шоҳлиғ
Эй Навоий қил тамошо ганжи бодовардима. *Фавойидул-кибар*, 539-Т;
Гаҳи Шабдизи оламгардидин деб,
Замоне ганжи бодовардидин деб. *Фарҳод ва Ширин*, 113-Т;

~ **и вайрон/вайрона** – вайронадаги хазина, ганж:
Урма меҳнат лофини аллингда бу тоқи сипеҳр,
Фақр кўйинда агар ўз ганжи вайронингча бор. *Наводируш-шабоб*, 145-Т;
Бирав ким эрур ганжи вайронаси,
Не ғам аждарҳо бўлса ҳамхонаси. *Садди Искандарий*, 61-Т;

~ **и васл** – васл ганжи:
Кўнгул ким бузулди тилаб ганжи васл,
Ани чуғди ҳажр ошиён қилди ло. *Наводируш-шабоб*, 571-Т;

~ **и гаромий** – қимматли, нодир ганж:
Чекиб хоконға ул ганжи гаромий,
Ки бўлғай хайлиға анъоми омий. *Фарҳод ва Ширин*, 213-Т;
~ **и даъво** – ганж, хазина даъвоси:
Не вайронда эски таноби билиб,
Йилон соғиниб ганжи даъво қилиб. *Ғаройибус-сиғар*, 513-Т;
~ **и илм** – илм макони, илм хазинаси:
Галжи илм эттим кўнгул кунжин етишкач сели ишқ,
Ҳар иморат ким қилиб эрдим хароб ўлди яна. *Ғаройибус-сиғар*, 407-Т;
~ **и илоҳий** – Худога тегишли, илоҳий ганж; илоҳий бойлик:
Йўқ ки ушул риштаи гавҳарбаҳо,
Ганжи илоҳийға эрур аждаҳо. *Ҳайратул-аброр*, 7-11;
~ **и ифлос** – нопок ганж:
Бу ранг омизлиғдин ганжи Қорун, .
Кишида бўлса тутқай ганжи ифлос. *Наводируш-шабоб*, 665-Т;
~ **и иқбол** – бахт хазинаси:
Ва гар яхшилиқ кимга афъол эрур,
Казоси анинг ганжи иқбол эрур. *Садди Искандарий*, 312-Т;
~ **и мадфун** – кўмилган, хазина, ганж:
Тус мазорлари бобида ким вайрона ва ганжи мадфунға балки садаф ичра дурри макнунға мушобиҳдурлар. *Ғаройибус-сиғар*, 535-Т;
~ **и маоний** – маъно хазиналари:
Бу янглиғ ки ганжи маоний тўкуб,
Жаҳон аҳлиға жовидоний тўкуб. *Садди Искандарий*, 79-Т;
Кўнгул ганжин қилиб ганжи маоний,
Оғиз абвоби савтидин ниҳоний. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т;
~ **и махзан** – давлатмандлик:
Бирига неча ганжи махзан тўлуб,
Яна бирга етканда тазъиф ўлуб. *Садди Искандарий*, 215-Т;
~ **и маҳфий** – махфий ганж:
Анинг чун риштаи умрини уздунг,
Эрур бу ганжи махфий дастмуздинг. *Фарҳод ва Ширин*, 210-Т;
~ **и мақсуд** – мақсад хазинаси, муддао:
Ганжи мақсуд кимга бўлса умид,
Ул насиҳатлар эрур анга калид. *Муншаот*, 14-151;
~ **и ниҳон** – яширин, ниҳоний ганж, бойлик:
Олиб заҳмати жисм-у ранжи равон,
Хирад айтибан ани ганжи ниҳон. *Садди Искандарий*, 240-Т;
Қатлиға Баҳроми фалак ногаҳон,
Тиғ чекиб олғуси ганжи ниҳон. *Ҳайратул-аброр*, 7-150;
~ **и пинҳон** – яширин ганж:
К-эй бари асрори ирфон мойили,
Зотингиз бу ганжи пинҳон қойили. *Лисонут-тайр*, 47-Т;
~ **и равон** – чексиз катта хазина; Қорун хазинаси; жон, ҳаёт хазимаси, дафинаси:
Ики йилғача ўйла ким корвон,
Келур эрди шаҳ сари ганжи равон. *Садди Искандарий*, 216-Т;
~ **и роз** – сирлар хазинаси:
Ҳам қилиб ўз сирри бирла ганжи роз,
Ҳам хилофат бирла айлаб сарфароз. *Лисонут-тайр*, 18-Т;

Тангри ки инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз. *Ҳайратул-аброр*, 7-58;

~ **и сурат** – сурати хазина:
Бўлуб ул ганжи сурат дилфирибинг,
Етиб ҳам ганжи маънидин насибинг. *Фарҳод ва Ширин*, 108-Т;

~ **и файз** – файз бойлиги, файзлик, файзга бой:
Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмақ. *Наводируш-шабоб*, 680-Т;

~ **и фароғат** – фароғат ганжи:
Алар ул аждаҳодин фориғул-бол
Бўлуб ганжи фароғат бирла хушҳол. *Фарҳод ва Ширин*, 214-Т;

~ **и хаёл** – хаёл хазинаси:
То наша етса кўнглума ул бода завқидин
Ганжи хаёлдин сочамен ҳар тараф туҳаф. *Бадойиул-васат*, 235-Т;

~ **и худ** – ўз ганжи, ўзига тегишли ганж; бойлик:
Ганжи худ ганжи иллоҳий ёнида,
Ким келиб пинҳон жаҳон вайронида. *Лисонут-тайр*, 27-Т;

~ **и шингарф** – ярашиғли бойлик; тотли ҳаёт:
Бирав топти Машриқда ганжи шигарф
Ёзиғлиғ эшигида бу турфа ҳарф. *Садди Искандарий*, 454-Т;

~ **и шоҳ** – шоҳ хазинаси:
Қўйуб мунча нукуд-у ганжи шоҳи,
Ки андин ёрубан маҳ то бемоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 106-Т;

~ **и яқин** – ҳақиқат ганжи:
Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари. *Ҳайратул-аброр*, 7-48;

~ **и қаноат** – қаноат хазинаси; қаноатли бўлиш:
Деди бу не меҳнати жонкоҳ эрур,
Ганжи қаноат манга ҳамроҳ эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-174;

~ **и Қорун** – Қорун бойлиги:
Сафар асбоби бирла ҳар сафина,
Нечук ким ганжи Қорундин дафина. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т;
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси. *Ғаройибус-сиғар*, 520-Т;

~ **и ҳикмат** – ҳикмат хазинаси; аллома, донишманд:
Икки ганжи ҳикмат ани йўллабан,
Чиқардилар авранг уза қўлдабан. *Садди Искандарий*, 134-Т;

~ **и ҳусн** – ҳусн ганжи, хазинаси:
Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро. *Ғаройибус-сиғар*, 41-Т;

~ **тут-** – хазина, бойлик тўпламоқ:
Ул балолар бирла ўлмак хор-у зор,
Ганж тутмақ душман илкида қарор. *Лисонут-тайр*, 80-Т;

~ **ўл-** – ганж бўлмоқ:
Иста йиртуқ жанда кийганларда маъни махзанин,
Ким бу янглиғ ганж ўлур ул навъ вайронлар аро. *Бадойиул-васат*, 17-Т.

ГАНЖА [گنجه] – Ганжа (шаҳар номи; Низомий бу шаҳарда туғилган, ўсган ва дафн қилинган):
Ким Ганжада ганжлар яшурған,
Ҳар ганжига ким ясади қўрған. *Лайли ва Мажнун*, 60-Т.

ГАНЖАОРОМ [گنجه آرام] – Ганжада оромгоҳи, яъни Низомий:

Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечук ким ганжпоши Ганжаором. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т.

ГАНЖАПАРВАРД [گنجه پرورد] – Ганжада етишган, (Низомийга ишора):

Бу ганж олған ул нодири фард эрур,
Ки ганжи анинг Ганжапарвард эрур. *Садди Искандарий*, 78-Т;
Чу аввали фосиҳи Ганжапарвард,
Рақамзад қилди бу афсонаи дард. *Фарҳод ва Ширин*, 115-Т.

ГАНЖБАХШ [گنج بخش] – бойлик, хазина, ҳадя этувчи:

Ганжабахше ким рўзафзун жаноби исмидин кишваркушойлиқ сиккасининг миръоти беҳбуд нақшин зоҳир этти. *Бадойиул-бидоя*, I(20)-15.

ГАНЖЗОР [گنجزار] – ганж, хазина, ери, маскани:

Чиқариб риёзатда қирқ арбаин,
Бу иш ганжзориға бўлди амин. *Садди Искандарий*, 519-Т.

ГАНЖИНА [گنجینه] – хазина, кон:

Важҳи май жон нақдиға тан доғидур эй муғбача,
Хилқатим ганжиниасин юз қатла гар худ ахтарай. *Ғаройибус-сиғар*, 446-Т;
Қилиб кўнглини роз ганжинаси,
Юзин айладинг зот ойинаси. *Садди Искандарий*, 52-Т;

~ **йи замир** – кўнгил, дил хазинаси:

... ўз ганжинайи замири хизонасидин муносиб алфоз била ўз либосларға тағйир бериб... *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-17;

~ **йи фикр** – фикр хазинаси, бойлиғи:

Ганжинайи фикри гавҳаройин,
Андин бари халқ ўлуб гуҳарчин. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т.

ГАНЖНОМА [گنج نامه] – хазина ҳақида маълумот:

Мағриб ганжномасин ўқуб мехрдек бошдин қадам қилиб Мағрибқа борди. *Садди Искандарий*, 454-Т.

ГАНЖПАРДОЗ [گنج پرداز] – хазиначи, ганж тарқатувчи:

Салотин хайлининг сарафрози ва хавоқин мулкининг ганжпардози... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодурхон. *Ҳайратул-аброр*, 7-67.

ГАНЖПОШ [گنج پاش] – 1. олтинлар, дурлар сочувчи:

Яна сўрди фармондиҳи ганжпош,
Ки эй нуктада айлаган ганж фош. *Садди Искандарий*, 403-Т;

2. Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ига ишора бор:

Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечук ким ганжпоши Ганжаором. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т.

ГАНЖРЕЗ [گنج ریز] – ганж тўкувчи, сочувчи:

Ҳам ул ганжрез-у ҳам ул ганжпош,
Бўлуб базлдин даҳр аро ганж фош. *Садди Искандарий*, 78-Т;
Чу қилдим қалам навгини нуктабез
Қила бошлади навкидин ганжрез. *Садди Искандарий*, 517-Т.

ГАНЖСАНЖ [گنج سنج] – хазина ўлчовчи, қўруқловчи; хазинадор:

Дема йилон аждар эрур ганжсанж,
Музмар анинг жавфида юз турфа ганж. *Ҳайратул-аброр*, 7-223;

Бу панжа эрур хамсаи ганжсанж,
Ки доно қўйубтур отин панжганж. *Садди Искандарий*, 514-Т.

ГАНЖСУРАТ [گنج صورت] – жозибадор гўзал маъшуқа:
Бўлуб ул ганжсурат дилфирибинг,
Етиб ҳам ганжи маънидин насибинг. *Фарҳод ва Ширин*, 20.

ГАНЖУР [گنجور] – хазиначи, хазина сақловчи:
Анинг ошуфта ҳолидин бу ранжур,
Нечук ким ганжи яғмо топса ганжур. *Фарҳод ва Ширин*, 145-Т;
Алар ул хазойинға ганжур ўлуб,
Аларнинг нигоҳбони бу мўр ўлуб. *Садди Искандарий*, 396-Т.

ГАНЖФАШОН [گنج فشان] – ганж, хазина сочувчи:
Бу тил била кимса топмади ком,
Жуз ганжфашон ганжа ором. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т;
Ганжа шаҳи ганжфашон пайрав ул,
Шаҳ бу сўз иқлими аро Хусрав ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-50.

ГАНЖФИШОНЛИҒ [گنج فشان لیغ] – ганж, хазина сочувчилик:
... ганж оллида вайронадек кўрунгай ганжфишонлиғ қилмақ ва ҳинд соҳирини ким Кашмир жодулари анинг аллида ип эша олмаслар. *Лайли ва Мажнун*, 54-Т.

ГАНЖХЕЗ [گنج خیز] – бойлик берувчи:
Кўнгли билик гавҳаридин ганжхез,
Илги саховат кафидин ганжрез. *Ҳайратул-аброр*, 7-69;
Биравга етишканга қисмат пашез,
Яна бирга қисмат қилиб ганжхез. *Садди Искандарий*, 78-Т.

ГАНЖХОНА [گنج خانه] – ганжхона:
... ўз хизонайи хотири ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатқа табдил еткуруб ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрниға рақам қилур эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-17.

ГАР [گر] – 1. агар:
Деди ким гар гадо гар шоҳ бўлсун,
Агар ғофил вагар огоҳ бўлсун. *Фарҳод ва Ширин*, 190-Т;
Не учун киймиш қизил тўн даҳр бўстонида гул,
Гар оқизмақ истамас ошуфта булбул қонини. *Ғаройибус-сиғар*, 454-Т;
2. хоҳ:
Гар жафо қил гар вафо ким дилистоним сен менинг,
Гар мени ўлтур-у гар тиргуз ки жонимсен менинг. *Фавойидул-кибар*, 336-Т;
Ансизин эрмас эрди бир соат,
Хоҳ айш айласун вагар тоат. *Сабъаи сайёр*, 10-376;
3. ёки, ё:
Музаҳҳаб қилиб ани боштин аёқ,
Агар раҳба гар бурж гар худ равоқ. *Садди Искандарий*, 617;
4. гарчи, агарчи:
Гар учмағ-у гар тамуғ дурур йўл,
Сен лутф айла йўлдошим бўл. *Лайли ва Мажнун*, 39-Т;
– **...гар... гар... гар** – гар, агар, бордию:
Оллингда бас қатиқ йўл-у қатъиға йўқ гўзар,
Гар шоҳ гар гадо бўл-у гар шадд-у гар яваш. *Наводируш-шабоб*, 250-Т.

ГАРАВ [گَرَو] – гаров:

Хирқа куйдурди хумор ўтиға қилма эй шайх,
Ани қилсам гарави кулбаи хуммор гила. *Наводируш-шабоб*, 544-Т;

Не тажарруд уйидур дайр ки ўзлук ҳам йўқ,
Қилғали майға гарав зуҳраи авбошинда. *Бадойиул-васат*, 389-Т;

Чу хирқа бодаға раҳн ўлди бўлмишам саргум,
Гаравға навбати дастор-му экин аё. *Фавойидул-кибар*, 39-Т;

~ **бўл-** – гарав бўлмоқ:

Бўлуб сўз майиға чу ҳуши гарав,
Анга журъакаш йўқ магар ким бирав. *Садди Искандарий*, 79-Т;

~ **айла-/қил-** – гарав қилмоқ:

Ки машъуф ўлуб жомил мастонаға,
Гарав айлабан хирқа майхонаға. *Садди Искандарий*, 83-Т;

Хам боши муғ дайрида очилмайин,
Аҳли вараъ хирқа гарав қилмайин. *Ҳайратул-аброр*, 7-19;

~ **бағла-** – гарав қилмоқ:

Сизга ўз муддаомни собит қила олман аммо бир кишини ҳакамлиқға мусаллам тутсангиз гарав боғлармен. *Хамсатул-мутаҳҳайирин*, 15-18.

ГАРД I [گَرد] – 1. чанг, ғубор:

Кўзумга ўқи гардидин зиёдур,
Магар ўқ мил-у гарди тўтиёдур. *Фавойидул-кибар*, 163-Т;

Чу ул аждар била қилғанда новард,
Тутуб эрди жаҳонни киргун гард. *Фарҳод ва Ширин*, 213-Т;

... яъни дунё бир кесакдур ва ул кесакдин бизинг насибамиз бир гард. *Насойимул-муҳаббат*, 44-Т;

2. ғам ғубори; ғам, ҳасрат:

Насими ки зайлиға еткурса гард
Анинг дардидин тортқай оҳи сард. *Садди Искандарий*, 492-Т;

3. асар, нишона, из; фойда, баҳра, наф:

Кириб раҳши гетинавардинг била,
Ёруттунг бу кишварни гардинг била. *Садди Искандарий*, 318-Т;

Равшан ўлуб юзидин ул боргоҳ
Сурма қилиб гардини бу коргоҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-48;

4. тупроқ заррачалари:

Жисмим гардин учурди оҳим,
Эй чарх аримадиму гуноҳим. *Лайли ва Мажнун*, 335-Т;

Тушуб шоҳ раҳши сиёҳ гардидин,
Элик юзни йуб размгоҳ гардидин. *Садди Искандарий*, 410-Т;

5. юк, қолдиқ:

Тани йўл гардидин чу пок ўлди,
Чиқибон хожа завқнок ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-173;

6. парда, ҳижоб; амалдорлик либоси:

Хилъати давлат яланг эгнимда гард,
Икки аёғ сайрим учун раҳнавард. *Ҳайратул-аброр*, 7-338;

~ **и адам** – йўқлик гарди:

Васфи зотингда сабт ҳарфи қидам,
Йўқ вужудунг юзига гарди адам. *Сабъаи сайёр*, 10-12;

~ **и алам** – алам гарди:

Кўзунга истамасанг гарди алам,
Боқма бу гунбади даввор сари. *Фавойидул-кибар*, 607-Т;

~ **и анбар** – анбар зарраси; хушбўй, кора соч, соч толалари:
Хилватқа кириб очиб суманбар
Кўрди саман узра гарди анбар. *Лайли ва Мажнун*, 252-Т;
~ **и анбаролуд** – анбар аралаш, анбар ҳидли гард:
Фалакдин ўтти гарди анбаролуд,
Чу майдон ичра сурдунг ашҳобингни. *Бадойиул-васат*, 435-Т;
~ **и бало** – бало ғубори, кулфат:
Бу ким аҳли вафо ноёб эрурлар андин иркин ким
Бу эски Тоқ аларға ёғдурур гарди бало асру. *Ғаройибус-сиғар*, 388-Т;
Сарвари оҳин байтул-эҳзониға офат дегани хушоянда дебтур ва вайронидин гарди бало бошига ёғарини дилрабоянда адо қилибдир.
Мажолисун-нафоис, 220-Т;
~ **и жаройим** – гуноҳлар ғубори:
Шояд бу маҳал бир оҳ урғай,
Ким гарди жаройимим учурғай. *Лайли ва Мажнун*, 383-Т;
~ **и мазаллат** – мазаллат, хўрлик, хорлик гарди:
Шўхи чобуклар ғубори тавзанига солма кўз,
Юзда истар бўлмасанг гарди мазаллат эй рафиқ. *Ғаройибус-сиғар*, 258-Т;
~ **и майдон** – майдон чанги:
Кўзумда гарди майдонинг танимда нақди пайконинг,
Анга кўз мардуми хазин мунгға жон кулбаси макзан. *Ғаройибус-сиғар*, 374-Т;
~ **и малол** – чанг, тўзон қийинчилиги, малоллиги:
Сўрма ҳолимни сабодин ким гаҳи,
Кўнглумга ўлтурмасун гарди малол. *Наводируш-шабоб*, 379-Т;
~ **и малолат** – малоллик гарди:
Йиқиб айвонини сайли залолат,
Ёқиб деворидин гарди малолат. *Вақфия*, 14-257;
~ **и маркаб** – от туёғи чанги:
Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,
Гаҳи ки секритибан чарх соҳатида Бурок. *Ғаройибус-сиғар*, 249-Т;
~ **и миҳан** – заҳмат гарди:
Фано тайласонини қилғай кафан.
Кафан бас анга балки гарди миҳан. *Садди Искандарий*, 257-Т;
~ **и наълайн** – ковуш чанги:
Куёш чун ки нур англамай айнидин,
Ани ёрутуб гарди наълайнидин. *Садди Искандарий*, 79-Т;
~ **и нисён** – унутиш гарди:
Йўқ чу дунёда вафо эй сарсари дашти фано,
Гарди нисён совуруб дунё ву мофиҳоға соч. *Бадойиул-васат*, 78-Т;
~ **и рахш** – олачипор югурик от тўзони:
Гарди рахшингға баҳо жон тиладинг,
Ани туфроқға баҳо айламадинг. *Наводируш-шабоб*, 342-Т;
~ **и рах/рох** – йўл чанги:
Чарх юз минг кўзи гўё ёруди тортилибан,
Сурмагун тун ичида сурмасифат гарди раҳинг. *Ғаройибус-сиғар*, 270-Т;
Яъни Бори узрадур паноҳинг,
Бор ўлжа ки бор гарди роҳинг. *Лайли ва Мажнун*, 34-Т;
~ **и раҳнавард** – йўловчи гарди, тўзони:
Дедим ки кўзга чекай гарди раҳнавардингни,
Фиғон ки топмади кўз тўтиёға гардингни. *Ғаройибус-сиғар*, 466-Т;

~ **и саманд** – саман от чанги:
Бу ҳам хуштур ки мониъ бўлғай эл наззора айларга,
Бу ким майдонида хоки таним гарди саманд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т;
Самандинг ким ялиндек тез эрур юз шукр ким гардун
Анга бизни самандарваш мунга гарди саманд этмиш. *Фавойидул-кибар*, 259-Т;
~ **и сафар** – сафар гарди:
Сафарда мужаби ҳирмон дийдори аҳли шавқ ичра,
Намоно васл хуршидиғадур гарди сафар ҳойил. *Фавойидул-кибар*, 373-Т;
~ **и сипоҳ** – сипоҳлар тўзони:
Яна хоқон чекиб гардунға оҳин,
Фалакдин ўткариб гарди сипоҳин. *Фарҳод ва Ширин*, 215-Т;
~ **и сурма** – сурма чанги; назар, эътибор:
Ҳам мавкиби ҳумоюндин ким гарди сурмаси адолат ва нусрат кўзлари равшан.
Муншаот, 14-206;
~ **и тааб** – хасталик гарди, дарди, ғами:
Шоҳ андоқ ул иштин тарабнок ўлуб,
Ки гарди тааб кўнглидин пок ўлуб. *Садди Искандарий*, 410-Т;
~ **и фано** – фано, фонийлик гарди:
Фосиқ-у зоҳид дема ким эсти эрса ғам ели,
Совурур гарди фано вайрона ву маъмурдин. *Наводируш-шабоб*, 491-Т;
~ **и хори** – гард тикани, зарралари:
Ўлтурса юзунга гарди хори
Ким аритур эркин ани бари. *Лайли ва Мажнун*, 247-Т;
~ **и широк** – боғ, тасма гарди:
Балодур нафс ширки фахр йўлида хуш ул фоний,
Ки бир раҳравға жисми турфағин гарди широк этмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 207-Т;
~ **и Яздий** – Яздий гарди, чанги, тупроғи:
Эврулур бошиға жонлар, ваҳ ки ҳар жон риштаси,
Чирмашибтур гарди Яздий миъжари ҳарториға. *Ғаройибус-сиғар*, 407-Т;
~ **и хайжо** – жанг тўзони:
Қалин тиғ ул гарди ҳайжо аро
Укуш мур оқиб лойи дарё аро. *Садди Искандарий*, 190-Т;
~ **айла-/эт- –** 1. коронғи қилмоқ; хаста қилмоқ:
Гард айлади боғни шабистон,
Яфрағ ани қилди кавкабистон. *Лайли ва Мажнун*, 339-Т;
Дарди хоки танини гард этти,
Гардни қўй ки кўҳи дард этти. *Сабъаи сайёр*, 10-119;
2. гард, чанг, тўзон, ғубор айламоқ:
Бодпойинг йўлида хоки таним гард айладим,
Ваҳ ким гард-ўқ муродим юзига бўлди ҳижоб. *Наводируш-шабоб*, 42-Т;
~ **бўл-/ўл-** – гард, чанг бўлмоқ:
Қаён ким ишқ аро бир фард бўлғай,
Кўзи нури йўлунгдин гард бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 241-Т;
Оҳ шояд кўйи сари элткай деб шодмен,
Гарчи гард ўлди йўлинда жисми меҳнатпарварим. *Бадойиул-васат*, 309-Т;
~ **фано гардини қоқ-** – йўқлик чангу ғуборини қоқмоқ:
Димоғим заъфига ашк этса ҳосил,
Юзум узра фано гардини қоққил. *Вақфия*, 14-247;

~ **и фано ўлтир-** – емирилмоқ, хароб бўлмоқ:
Анинг ёнида шаҳр қилди бино,
Ки ўлтурмасин анга гарди фано. *Садди Искандарий*, 243-Т.

ГАРД II [گرد] – қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб, айланувчи, кезувчи маъноларини билдиради:
Қилиб ел хайлидек бир дам жаҳонгард,
Бухор ажзоси янглиғ осмонгард. *Фарҳод ва Ширин*, 506-Т.

ГАРДАН [گردن] – бўйин, гардан:
Орқага дастори учи теккани,
Тебранури бирла уруб гардани. *Ҳайратул-аброр*, 7-268.

ГАРДАНБАСТА [گردن بسته] – бўйни боғланган:
Эй ки бўйнум боғладинг кўйида журми ишқ ила,
Асра гарданбаста қўлни лек ҳар ён чекмагил. *Бадойиул-васат*, 287-Т;
Бўлуб рухсориға ҳар сари гуллар,
Желилик барча гарданбаста қуллар. *Фарҳод ва Ширин*, 88-Т.

ГАРДАНГИЗ [گرد انگیز] – тўзон, ғубор, кўтарувчи, чангитувчи:
Маркаб эрмас ким сабо майдонда гардангиз эрур,
Рақиб эрмас барги гулдур ким сабодин тез эрур. *Наводируш-шабоб*, 193-Т.

ГАРДАНДА [گردنده] – айланувчи:
Не гирдоб ким чархи гардандадек,
Не игрим сипеҳри наварданддек. *Садди Искандарий*, 401-Т;
гунбази гардандаи олий бунёд – айланувчи осмон:
Ким гунбази гардандаи олий бунёд,
То даврида таъжилға бўлғай муътод. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-7.

ГАРДАНКАШ [گردن کش] – бўйин товловчи, бўйсунмовчи:
Чун чиқиб тахти хилофат уза Ҳақдин бўлубан,
Хукми гарданкашиға мулкдин амри хараж. *Бадойиул-васат*, 73-Т.

ГАРДАНФАРОЗ [گردن فراز] – узун бўйинли; манманлик, кеккайиш:
Қилиб жилва ҳар ён вале масти ноз,
Суроҳи киби маст-у гарданфароз. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ГАРДБАСТ [گردبست] – гардбаст:
Ул ашҳаб гардбаст эрди ва раҳвор,
Нечук ким бўлса ғалтон дурри шаҳвор. *Фарҳод ва Ширин*, 314-Т;

ГАРДИЗ [گردیز] – гардиз:
Орияти дастурин бошиға бурунчақ қилғайлар ки оруси мастурадур ва гардизи номастурдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-72.

ГАРДИШ [گردش] – юриш, ҳаракат, айланиш:
Аларға ки қодир эмастур киши,
Билинмас сукуни била гардиши. *Садди Искандарий*, 443-Т;
~ **и айём** – замона ўтнши, кунлар ўтиши:
Ул тараф ур тоб-у кўн ул том уза,
Сарфароз ўл гардиши айём уза. *Лисонут-тайр*, 53-Т;
Ҳусн сотма шафанинг раигидин, эй золи сипеҳр,
Ким ани қўймағуси гардиши айём қизил. *Ғаройибус-сиғар*, 308-Т;

~ **и афлок** – фалак гардиши:
Ҳар не кўкдин келса бўл туфрағдек ҳомил-у гар
Нописандинг бўлса манъи гардиши афлок қил. *Фавойидул-кибар*, 375-Т;
~ **и гардун** – фалакс сайри: фалак кезувчи:
Ҳар киши нўши майи лаълингдин ичса журъае
Қайда қилғай ўзга неши гардиши гардунни ёд. *Наводируш-шабоб*, 124-Т;
Дема кўйида ул ойнинг нега саргардонсен,
Бўлди бу меҳнатима гардиши гардун боис. *Фавойидул-кибар*, 93-Т;
~ **и давр** – давр, замон айланиши, ўзгариши:
Ани ҳам чархи мухолифпеша,
Гардиши давр хилофандеша. *Фавойидул-кибар*, 685-Т;
~ **и даврон** – замон ўзгариши, давр ўтиши; ўткинчи дунё:
Ул киши ким тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-206;
~ **и замона** – ўзгариш, хилма-хиллик:
Ким қилди чу гардиши замона,
Мажнун сўзин эл аро фасона. *Лайли ва Мажнун*, 152-Т;
~ **и паргор** – сайр паргори; етти кат осмон паргори:
Қолди хуррамлиғ фалакдин ташқари кўр эй рафик,
Ким қазо нақкошининг не гардиши паргори бор. *Бадойиул-васат*, 116-Т;
~ **и чарх** – айланиш, йўлланиш:
Анга дағи гардиши чархи барин,
Салтанат ичра бериб андақ нигин. *Ҳайратул-аброр*, 7-205.

ГАРДИШНАМОЙ [گردش نمای] – айланма, айланишни кўрсатувчи:
Бошига парвоз ила гардишнамой,
Ўйла ки султон боши узра хумой. *Ҳайратул-аброр*, 7-211.

ГАРДЛИҚ/ГАРДЛИҒ [گردلیق / گردلیغ] – чанглик, тўзонлик, ғуборлик:
Агар кўйунгда ўлтурмақ топар жониға юз миннат,
Агар йиллар Навоий бу ҳавода гардлиқ қилса. *Бадойиул-васат*, 414-Т;
Гардлиғ чавгон ҳамида ахтар ўлғай айла ким
Гўйи ғавғаб даврида чавгон мушкбез. *Наводируш-шабоб*, 201-Т.

ГАРДОЛУД [گرد آلود] – чангга ботган, чанг босган:
Телба итдек тур Навоий ул парвашсиз не тонг,
Оғзидин гар ўт сочар аъзоси гардолуд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 127-Т;
Инфиолингдин куёш кирди қаро туфраг аро,
Қилғанингда жилва ул рухсори гардолуд ила. *Бадойиул-васат*, 394-Т;
~ **эт-** – чангга ботмоқ:
Юз кўйуб туфраққа гардолуд этар юз аҳли дин,
Ҳар қаён юз кўйсанг ул рухсори гардолуд ила. *Наводируш-шабоб*, 536-Т.

ГАРДОН [گردان] – айланадиган, айланма; осмон, фалак:
Борур йўл уруб тоб кўрганғача,
Қўйун ўйла ким чархи гардонғача. *Садди Искандарий*, 224-Т;
~ **бўл-** – айланмоқ; атрофида гирди-капалак бўлмоқ; хизматда бўлмоқ:
Қулаққа бўлса гардон халқ учун фикр,
Эшиттурсам садойи ҳалқаи зикр. *Вақфия*, 14-247;
Бўлуб гардон анингдек тўрт саркор,
Ки саргардон қолиб бу етти паргор. *Фарҳод ва Ширин*, 150-Т.

ГАРДОНСИПЕХР [گردان سپهر] – айланувчи, сайр этувчи осмон, фалак:

Бу эрди иши то ки гардонсипехр,
Ҳамал жилвагоҳиға еткурди меҳр. *Садди Искандарий*, 238-Т;
Таололлоҳ ул холиқи моҳ-у меҳр,
Қаю моҳ ила меҳр гардонсипехр. *Садди Искандарий*, 400-Т.

ГАРДУН [گردون] – 1. осмон, фалак:

Ишқ даштинда бало гарди манга чун парда бас,
Атласи гардунни ёпмасмен тани урёнима. *Наводируш-шабоб*, 566-Т;
Сайрдин гардунга солди изтирор,
Ерга анинг жавфида берди қарор. *Лисонут-тайр*, 15-Т;
Гуҳар чўмса дарёға бўлсун ҳаёт,
Қуёш ботса гардунға етсун сабот. *Садди Искандарий*, 491-Т;

2. дунё, олам, жаҳон:

Анга даҳи гардун жафо айлади,
Ажал чоҳиға мубтало айлади. *Тарихи мулуки ажам*, 519;

3. осмон, фалак, чарх:

То абад мардуд-у малъун айлабан,
Ибрати офок-у гардун айлабан. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
Ҳамоно қатъ ўлуб гардун нифоки,
Ажаб мансуба тушти иттифоқи. *Фарҳод ва Ширин*, 407-Т;

4. арава:

Жанбида гардун кўрубан тавсанин,
Ўй ки юруб янчар анинг хирманин. *Ҳайратул-аброр*, 7-69;

~ **бахри** – осмон денгизи; дунё, олам:

Чун алар латойифи назми андин кўпрокдур ким гардун баҳри андин тошар. *Мажолисун-нафоис*, 83;

~ **и волопоя** – фалакнинг энг юксак муҳити:

Эй жанобинг паст этиб гардуни волопоясин,
Вай замиринг синдуруб фирдавси аъло нузҳатин. *Бадойиул-васат*, 490-Т;

~ **и гардон** – айлани осмон, фалак; ўзгарувчи дунё:

Мени юз ранж ила Ҳақнинг қазоси,
Яна гардуни гардон иқтизоси. *Фарҳод ва Ширин*, 366-Т;

~ **и дойир** – фалак кезувчи:

Ароба дема ким гардуни дойир,
Бўлуб хоро юки остида сойир. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;

~ **и дунпарвар** – пасткаш, разилларни тарбия қилувчи дунё, фалак:

Бенаволар сари гардунларға раҳм ўлмас не тонг,
Йўқ ки дунлар балки йўқ гардуни дунпарварға раҳм. *Фавойидул-кибар*, 422-Т;

~ **и душман** – ағёр, душман:

Мундин ўтмас дўстлуқ гардуни душман шевадин,
Ким ўзин душманларин қасдиға душман айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т;

~ **и олий** – юксак фалак:

Кўруб тўртунчи манзарни чу холи,
Деван к-эй меҳрсиз гардуни олий. *Фарҳод ва Ширин*, 397-Т;

~ **и олийасос** – энг юксак осмон:

Келиб табъи гардуни олийасос,
Маоний дури анда анжумқиёс. *Садди Искандарий*, 79-Т;

~ **и сабукпай** – фалакда тезюрар, осмонни тез кезувчи:

Ки мендин сўнгра гардуни сабукпай,
Чу минг ел айласа ер даврасин тай. *Фарҳод ва Ширин*, 201-Т;

~ **и сабукрав** – тез кезувчи чарх, гардун:
Шаҳе эрди ки дерлар ани Хусрав,
Мутиъи амри гардун сабукрав. *Фарҳод ва Ширин*, 335-Т.

ГАРДУНАДАБ [گردون ادب] – юксак жазо; ~ **қил-** – шафқатсизлик билан жазоламоқ:
Санга тақлид қилмиш гул ки осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига ани турғузуб гардунадаб қилмиш. *Бадойиул-васат*, 11-Т.

ГАРДУНАСОС [گردون اساس] – баланд, юқори, олий:
Ҳам ул хайли ваҳший қилиб илтимос,
Дедилар ки эй шоҳи гардун асос. *Садди Искандарий*, 421-Т;
Тўрида тахти курдилар гардунасос,
Зийнат -у зеб анда беҳадду қиёс. *Лисонут-тайр*, 111-Т.

ГАРДУНВАШ [گردون وش] – фалакваш, осмондек юксак:
Тилисм айлаб бу гардунваш ҳисорин,
Қилиб маҳзун ҳисори ичра барин. *Фарҳод ва Ширин*, 229-Т.

ГАРДУНВОР [گردون وار] – кўкдай, осмон каби; ~ **қад** – кўкдай юксак қад:
Эй Навоий ул қуёш васлин гадолиғ қилгали,
Зоҳир айлабмен сариғлиғ далқ-у гардунвор қад. *Ғаройибус-сиғар*, 117-Т.

ГАРДУНЖАНОБ [گردون جناب] – баланд даражали, улуғ мартабали, кудратли; даргоҳи кенг:
Чу хоқон кейин қолди айлаб ҳижоб,
Чиқарди чиқиб шоҳи гардунжаноб. *Садди Искандарий*, 342-Т;
Подшоҳе бор эди гардунжаноб,
Махзан-у ганжи сипоҳдек беҳисоб. *Лисонут-тайр*, 199-Т.

ГАРДУНЖОҲ [گردون جاه] – фалак монанд олий мартаба:
Бу хусрави гардунжоҳни ким насаби бобида хома сурсам юз минг хон-у хоқонни
бу жузвий мухтасарда йиғиштурса му бўлур. *Мажолисун-нафоис*, 203-Т.

ГАРДУНИХТИШОМ [گردون اختشام] – юксак ҳашаматли:
Ёр ғойиб дард муҳлик халқ ғофил найлайин,
Ғаврума ким еткай илло шоҳи гардунихтишом. *Фавойидул-кибар*, 11-Т.

ГАРДУНКАМОН [گردون کمان] – гардун, фалак камони, ёйи:
Шуълаи гугирд кўргузди қазо куйдургали,
Дарди ишқ аҳлин бу ким гардункамон айлар кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 372-Т.

ГАРДУНКЎБ [گردونکوب] – юксак кўкларга кутарилган, осмонга етган:
Тушти дарёда ул сифат ошуб,
Ки су амвожи бўлди гардункўб. *Сабъаи сайёр*, 10-311.

ГАРДУНМАОБ [کردون مآب] – осмонда бўладиган, осмонга тегишли:
Алам чекти чун субҳи гардунмаоб,
Юз очти шаҳи машриқи интисоб. *Садди Искандарий*, 405-Т.

ГАРДУНМАСНАД [گردون مسند] – юксак тахт эгаси:
Ки гардумаснадо анжумсипоҳо,
Ҳумойуноризо исматпаноҳо. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т.

ГАРДУНМАҚОМ [گردون مقام] – баланд мартаба:
Ул кеча ул шаҳи гардунмақом,
Ким ани Ҳаққ истади гардунхиром. *Лисонут-тайр*, 23-Т.

ГАРДУНМАҲАЛ [گردون محل] – олиймақом, юксак рутбали:

Яна сўрди доройи гардунмаҳал,
Ки эй чарх ашколи оллингда ҳал. *Садди Искандарий*, 383-Т.

ГАРДУНМИСОЛ [گردون مثال] – гардунмонанд, гардунсифат:

Бовужуд мунча накд ул дунхисол,
Тўниға тикмиш эди гардунмисол. *Лисонут-тайр*, 152-Т.

ГАРДУННАБАРД [گردون نبرد] – фалак жангчиси:

Мураттаб қилиб шоҳи гардуннабард,
Кириб кемага бўлди дарёнавард. *Садди Искандарий*, 465-Т.

ГАРДУННАВАРД [گردون نورد] – фалак кезувчи:

Қолиб пўядин пайки афлок гард,
Қадам олмайин рахши гардуннавард. *Садди Искандарий*, 66-Т;
Ул қуёш зулфи хомидин чиқса оҳим тўлғаниб,
Бир қўйун бил ани ким даври эрур гардуннавард. *Бадойиул-васат*, 97-Т.

ГАРДУННАЗИР [گردون نزیر] – гардун, фалак назир, монанд:

Деди к-эй шаҳаншаҳи гардунсарир,
Сиррингға йўқ авжи гардунназир. *Садди Искандарий*, 335-Т.

ГАРДУННАМОЙ [گردون نمای] – айланма, шарга ўхшаш (куёшга ишора):

Қўлидин гаҳи меҳр гардуннамой
Гаҳи бармағидин ики пора ой. *Садди Искандарий*, 399-Т.

ГАРДУННАҲИБ [گردون نهیب] – жаҳонгир:

Ки айлаб карам шоҳи гардуннаҳиб,
Бу кишварга рухсоридин берса зеб. *Садди Искандарий*, 299-Т.

ГАРДУННИШИН [گردون نشین] – осмон, кўкда яшовчи, ўтирувчи:

Қаро юз била чархи гардуннишин,
Нечук ким харос уйи узра чибин. *Садди Искандарий*, 49-Т.

ГАРДУНПАЙКАР [گردونپیکر] – осмон монанд, осмон киёфа:

Қачан ким минса гардунпайкари тез,
Қўлида чеккан ўлса тиғи хунрез. *Фарҳод ва Ширин*, 431-Т.

ГАРДУНРАВ [گردون رو] – кўк, фалакда кезувчи; чукур фикрли, кенг мулаҳазали:

Худ риёзида фикри гардунрав,
Айриб чарх мазраин жав жав. *Сабъаи сайёр*, 10-41.

ГАРДУНРИФЪАТ [گردون رفعت] – осмон монанд юксаклик: юксак мартабалик:

Яъни ул Ҳазрати гардунрифъат авсофин битирға котиби лавҳи қалам илгига олса варақ сарҳасидин ўзга лойиқ эрмас. *Назмул-жавоҳир*, 15-133.

ГАРДУНСАЙР [گردون سیر] – фалакни сайр қиливчи:

Булардин бошқа гардунсайр кишти,
Равонликда ел-у судин сиришти. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т.

ГАРДУНСАРИР [گردون سریر] – баланд, улкан тахтли; кудратли шоҳ:

Ҳам куёшдек ҳусн ила офокгир,
Ҳам қамардек энг била гардунсарир. *Лисонут-тайр*, 199-Т;
Қаю шоҳ ким довари тахтгир,
Не довар шаҳаншоҳи гардунсарир. *Садди Искандарий*, 96-Т.

ГАРДУНСО/ГАРДУНСОЙ [گردون سا / گردون سای] – кўкка тегувчи, жуда юксак:

Бурун қадам бу макондин чу ла макон қўйдунг,
Бу нав де ки анинг гоми эрди гардунсо. *Наводируш-шабоб*, 6-Т;
Ҳамул водию гардунсой хоро,
Ки кўрмиш эрдим ўлди ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 282-Т;
Деди шаҳридур ул биҳишт осо,
Нахли тўби мисоли гардунсо. *Сабъаи сайёр*, 10-241;

~ **йи гулранг** – гулранг юксак тахт:

Тўшаб қаср ичра юз дебойи гулранг,
Қўйулди тахти гардунсойи гулранг. *Фарҳод ва Ширин*, 164-Т.

ГАРДУНФИРОШ [گردون فراش] – фалакмонанд:

Талаттуф била шоҳи гардунфирош,
Бериб дўстлардек адусиға ош. *Садди Искандарий*, 275-Т.

ГАРДУНХАРОШ [گردون خراش] – осмонга тақалган, осмонни тирнаган:

Рифъат жаҳонининг куллаи гардунхароши... Ҳусайн Баҳодирхон...
Муҳокаматул-луғатайн, 189-Т.

ГАРДУНХИРОМ [گردون خرام] – кўкда кезувчи:

Эшиткач бу сўз сойири чарҳгом,
Равон қўпти бўлмаққа гардунхиром. *Садди Искандарий*, 63-Т;
Ким Расулиллоҳға бўлғач бу мақом,
Ким буроқин айлади гардунхиром. *Лисонут-тайр*, 165-Т;
Ул кеча ул шаҳи гардунмақом,
Ким ани Ҳаққ истади гардунхиром. *Лисонут-тайр*, 23-Т.

ГАРДУНЧА [گردون چه] – фалакча:

Ҳар оқ уй чархи гардун коргоҳи,
Яна гардунча анинг боргоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т;
Икки оламча мулки вусъат ичра,
Етти гардунча тахти рифъат ичра. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;
Ул қуёшча юзига нур анга тўрт ниқоб,
Етти гардунча жамолиға ниқоб айласа бас. *Бадойиул-васат*, 177-Т.

ГАРДУНШИКОФ [گردون شکاف] – кескир, кўкни тешадиган овоза:

Яна наъразан бўлди аҳли масоф,
Яна кўс уни бўлди гардуншикоф. *Садди Искандарий*, 405-Т.

ГАРДУНШУКУХ [گردون شکوه] – энг юқори, шон-шавкатли:

Чу бу нуктани сурди донишпажух,
Қабул айлади шоҳи гардуншукух. *Садди Искандарий*, 371-Т;
Дуолар қилиб муттафиқ ул гуруҳ,
Дедилар ки эй шоҳи гардуншукух. *Садди Искандарий*, 373-Т.

ГАРИ [گری] – арзирли, лойиқ, муносиб:

Берсалар ишқ аҳли юз жон ҳар бири,
Ҳусни юз минг мунчаға қилғай гари. *Лисонут-тайр*, 158-Т.

ГАРМ [گرم] – 1. иссиқ, қайноқ:

Совуғ оҳи ким чекармен гарм ўлур оқмаққа ашк,
Чашмаларда сув бўлур иссиқ ҳаво бўлғач совуқ. *Хазойинул-маоний*, IIIб-323;
Ва гар кўрса иш бутмас озарм ила,
Темур юмшамас пўзиши гарм ила. *Садди Искандарий*, 317-Т;

2. жозибали, жўшқин:
Хожа Муайяд Меҳна... ваъз мажолиси багоят гарм ва пуп-шур воқеъ эрди.
Мажолисун-нафоис, 49;
Шайх Абу Усмони Мағриби дебдур ки бир вақт Абул-Хусайни
Бунон ракс ва самоъда гарм эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 138-Т;
3. тез, қизғин:
Эй хуш, ул раҳрави гармки бу йўл қатъин,
Барқи хотифдек этар даҳрни айлаб равшан. *Хазойинул-маоний*, 116-442;
4. қаттиқ, қатъийлик билан:
Икки сари мундақ ўлгач озарм,
Бир бирини сўриштилар гарм. *Лайли ва Мажнун*, 205-Т;
~ **и кин** – гина, адоват жўшқини:
Яна гарми кини солиб юзга чин,
Чопиб барбари қасдиға гарми қин. *Садди Искандарий*, 194-Т;
~ **и меҳр** – меҳри иссиқ; муҳаббатли:
Гарми меҳр ўлған ила золи фалак топма фириб,
Ким бу айёранинг асру кўп эрур макр-у фани. *Бадойиул-васат*, 428-Т;
~ **и сайр** – иссиқ ўлкада учувчи қушлар:
Ким кушедурмен маконим гарми сайр,
Ҳинд ақсосида қилган сайру тайр. *Лисонут-тайр*, 57-Т;
~ **и такаллум** – қизғин суҳбат.
Қилиб Фарҳод-у Мажнун ишқи ўтин шарҳ эй равий,
Бўлуб гарми такаллум фориғ ўлмишсен магар мендин. *Бадойиул-васат*, 344-Т;
~ **и шабтоб** – майда ҳашарот; нур капалак:
Не кавкав ани жолаи ноб де,
Дема жола ким гарми шабтоб де. *Садди Искандарий*, 97-Т;
~ **и шикор** – қизғин ов:
Жунун эрмас, кийиклар суҳбати дермен манга шояд,
Бирўқ еткай ғалат ул қоши ё гарми шикор ўлғач: *Ғаройибус-сиғар*, 99-Т;
~ **и ғам** – қизғин ғам, алам:
Гарми ғам аро ўзумни салман,
Бу ғамға нетай ки тўза олман. *Лайли ва Мажнун*, 185-Т;
~ **и ҳангома** – ҳангома, воқианинг қизғини:
Қазодин кўруб гарми ҳангомани,
Йўнуб «Хамса» таҳририға хомани. *Садди Искандарий*, 91-Т;
~ **айла-/эт-** – иситмоқ; қизитмоқ; кўнгулни ўзига тортмоқ; ҳароратли этмоқ:
Май батининг кўр нишотафзолиғин хузн аҳлига,
Ким сочар суҳбатни гарм айлар учун минқори ўт. *Ғаройибус-сиғар*, 90-Т;
Шарт мундақ қилиб бути гулчеҳр,
Ки анга ул гаҳ гарм айлаб меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-223;
Муқбили хуш баён-у зебочеҳр,
Ўйла гарм этти шоҳ кўнглида меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-330;
~ **бўл-/ўл-** – қизимоқ; авжланмоқ; завқ-шавқли бўлмоқ:
Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг. *Хазойинул-маоний*, IV6-350;
Чу суҳбат бўлди гарм андақ ки дилхоҳ,
Санам ҳолин тафаҳҳус айлади шоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 470-Т;
Будур сўз ҳосили ким бу қамарчеҳр,
Ким анинг сари гарм ўлмиш санга меҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 345-Т;

Адаб бирла шоҳона соғар сўмур,
Димоғинг чу гарм ўлди афсона сур. *Садди Искандарий*, 107-Т.

ГАРМИКИН [گرم کین] – ўта қаттиқ кина; душманлик:
Яна гарми кини солиб юзга чин,
Чопиб Барбари қасдиға гармикин. *Садди Искандарий*, 194-Т.

ГАРМИҲАНГОМА [گرم هنگامه] – завқ-шавқли ҳангома:
Қазодин кўруб гарми ҳангомани,
Йўнуб «Хамса» таҳририға хомани. *Садди Искандарий*, 91-Т.

ГАРМЛИҒ [گرملیغ] – иссиқлик, қизғинлик; ёқимлилик:
Не гармлиғни қўйар не фусурдалиғни башар,
Неча ки куйуб эрур ўт-у муз киби киш-у ёз. *Ғаройибус-сиғар*, 172-Т.

ГАРММЕҲР [گرم مهر] – меҳри иссиқ, меҳрибон, оташин меҳр:
Ул куёш ҳар дам бўлур бир зарра бирла гарм меҳр,
Меҳр шамъин сен дағи бир ўзга ой бирла ёрут. *Ғаройибус-сиғар*, 80-Т.

ГАРМНАФАС [گرم نفس] – юракдан чиқадиган таъсирли сўзлар:
Сидқ ила ҳар гармнафас ким уруб,
Рев-у риё хирманини куйдуруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-154.

ГАРМПУЙ [گرم پوی] – тезюрар, тез чопар:
Ки то мен бу майдонда гўй урғамен,
Самандим қилиб гармпўй урғамен. *Садди Искандарий*, 165-Т;
Йўқ ул гўй ким гунбази гармпўй,
Ки саргаштадур тун кун андақ ки гўй. *Садди Искандарий*, 493-Т;
Қилғанда рахшин гармпўй ул шаҳсувори тунд хўй,
Қилғай дебан оллида гўй олман бошим майдонидин. *Хазойинул-маоний*, IVб-41.

ГАРМРАВ [گرم رو] – йўрға, чаққон, тезюрар:
Бири пайки назардин тездаврақ,
Бири рахши камондин гармраврақ. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;
Гармравларға агар ҳамқадам ўлмаққа ҳадим йўқ,
Ҳам аларнинг сўнгича урғали бир гом таманно. *Фавойидул-кибар*, 9-Т;
Гармрав ашку совуғ оҳ эттилар ожиз мени,
Вах ки ишқингдин юзумға келди кўп исиқ-совуқ. *Бадойиул-васат*, 244-Т.

ГАРМРЎ [گرم رو] – иссиқ юзли, юлдузи иссиқ, ошиқ:
Ишқ дарсин гармрўлар билди йўқ афсурдалар,
Ким киши то ўртамиш ўзлукни билмас бу сабақ. *Наводируш-шабоб*, 309-Т;
Эй куёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийда ким
Гармрўлар оҳидин мунча хароратдур санга. *Ғаройибус-сиғар*, 40-Т.

ГАРМСЕР [گرم سیر] – иссиқ иқлимли мамлакат:
Бу мулк дурур гармсер ул тариқ,
Ки гар эсмаса ел бўлур эл ҳариқ. *Садди Искандарий*, 225-Т.

ГАРМХЕЗ [گرم خیز] – тез юрар, ҳаракатчан:
Шаҳсуворим тавсани айларму аё пўятез,
Ё қуёш тарки фалак рахшин қилибтур гармхез. *Наводируш-шабоб*, 201-Т;
Ҳар гомидин жаҳон ёруса элга тонг эмас,
Ул солике ки барг киби бўлса гармхез. *Хазойинул-маоний*, 116-218.

ГАРМХЎЙЛУҚ [گرم خوی لوق] – оташмижоз; аччиқланувчи:

Хоқони Чин анинг қуёшдек гармхўйлуқ била тиғи жаҳон
Тортиб қиладурғанин эшитиб... *Садди Искандарий*, 314-Т.

ГАРМШИКОР [گرم شکار] – қизғин ов:

Жунун эрмас кийиклар суҳбати дерман манга шояд,
Бир ўқ еткай ғалат ул қоши ё гармшикор ўлғач. *Ғаройибус-сиғар*, 99-Т.

ГАРОЙ [گرای] – сўз бирикмасида *хоҳловчи, ихтиёр* килувчи маъноларида келади:

Сен чу бўлуб сархуш-у хилватгарой,
Анда қилиб ҳар не тилаб нафс-у рой. *Ҳайратул-аброр*, 7-127.

ГАРОЙАНДАЛИҚ/ГИРОЙАНДАЛИҒ [گرای انده لیغ / گرای انده لیق] – вазминлик; улуғворлик:

Не ким бўлмағай анда пойандалик,
Анга яхши эрмас гаройандалик. *Садди Искандарий*, 502-Т.

ГАРОМИЙ/ГИРОМИЙ [گرامی] – азиз, кимматли, нодир:

Неча ул дурри гаромий шавқида хизрон туни,
Кўз етишкунча сиришким сайлини дарё кўрай. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
Алардин бири бир исм эрди номи,
Бу хосийят ани айлаб гиромий. *Фарҳод ва Ширин*, 384-Т.

ГАРОН/ГИРОН [گران] – 1. оғир, вазмин:

Уйқу хос ўлди менинг бахти гарон хобима чун
Уйқусизлик неча ким дийдаи гирёнима хос. *Хазойинул-маоний*, 16-293;
Жавҳарини ўйла гаронмоя бил,
Ким анга кун лаълини ҳамсоя бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-295;

2. қимматбаҳо, қадрли:

Воизо айлаб енгиллик неча ким кавсар майин,
Мақтасанг хошоки мен ратли гарондин кечкамен. *Бадойиул-васат*, 14-Т.

ГАРОНА/ГИРОНА[گرانه] – соҳил, қирғоқ; чек, чегара:

Иҳота айладинг эй баҳри ашк ер курасин,
Ажаб эмастур агар йўқ турур гарона санга. *Бадойиул-васат*, 14-Т.

ГАРОНБОР/ГИРОНБОР [گران بار] – оғир юкли, юки оғир:

Сабукрух соқий фаножоми тутқил,
Ки ўзлук юкидин гаронборлар-биз. *Бадойиул-васат*, 156-Т;
Босиб сим бўлғач гаронбор ани,
Ҳам ул шоҳдек ким босар кор ани. *Садди Искандарий*, 380-Т.

ГАРОНБОРЛИҒ/ ГИРОНБОРЛИҒ [گران بارلیغ] – оғир юклик, вазминлик:

Дунё ки қатиғ дурур гаронборлиғи,
Қатиғроқ анинг улусининг ёрлиғи. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-97.

ГАРОНЖОН/ГИРОНЖОН [گران جان] – вазмин, босиқ:

Қарида гарчи сабукруҳлуқ фаровондур,
Вале йигитлар аро чун кирар гиронжондур. *Фавойидул-кибар*, 135-Т;
Дайри савукравға нигоҳ банд бўлуб,
Лек батий сайру гаронжон бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-87.

ГАРОНЖОНЛИҒ / ГАРОНЖОНЛИҚ / ГИРОНЖОНЛИҒ / ГИРОНЖОНЛИК [گران جان لیغ / گران جان لیق] – сусткашлик, оғиртабиатлик, оғирлик, вазминлик:

Батирўлиғи ҳилм аёғи киби,
Гаронжонлиғи сабр тоғи киби. *Садди Искандарий*, 49-Т;

...ва кўхи гуноҳдин лангар солғанларнинг гаронжонлиқ кемасин бир пари коҳдек мақсуд соҳилиға еткурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-29;
...ҳилм аҳли оғирлиққа мансуб ва гаронжонлиқ била маъюбдурлар.
Маҳбубул-қулуб, 14-84.

ГАРОНМОЯ/ГИРОНМОЯ [گرانمایه] – қимматбаҳо, қимматли; асл:
Қулақда асра гаронмоя сўзни ву фикр эт,
Ки дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф ҳоли. *Ғаройибус-сиғар*, 521-Т;
Равон Шайх олди бу иблоғдин,
Гаронмоя нақдимни туфрағдин. *Садди Искандарий*, 529-Т;
Умри гаронмояни аввалдин охириғача қаноат-у тақво ва узлат-у инзиво била ўткарибдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 430-Т;
Ул дурри гаронмояни Тангри таоло мирзо била Бегим учун поянда тутсун.
Муншаот, 14-199.

ГАРОНСАНГ/ГИРОНСАНГ [گران سنگ] – оғир тош; оғир, вазмин:
Не деб эмди қилай майдонға оҳанг,
Бошимғаму урай гурзи гаронсанг. *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т;
Вужудунг ҳажр тоғидек гаронсанг,
Аёғин сабр шахсидек куҳанланг. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т.

ГАРОНСИЗ/ГИРОНСИЗ [گران سیز] – бекадр, киматсиз:
Жаҳони ул қуёшнинг барки ҳусни ўртагай эрди,
Гаронсиз баҳри ашким бўлмаса эрди агар мониъ. *Ғароибус-сиғар*, 3(20)-241.

ГАРОНХЕЗ/ГИРОНХЕЗ [گران خیز] – сусткаш, секинлик:
Кема суръати ул сифат тез эди,
Ки жанбида гардун гаронхез эди. *Садди Искандарий*, 471-Т.

ГАРОНХОБ/ГИРОНХОБ [گران خواب] – қаттиқ уйқуда:
Уйқу хос ўлди менинг бахти гаронхобимға
Уйқусизлиғ неча ким дийдаи гирёним хос. *Ғаройибус-сиғар*, 225-Т;
Кўп урди бу нав печ ила тоб,
Кўз очмади маҳваши гаронхоб. *Лайли ва Мажнун*, 348-Т.

ГАРРО/ГАРРОЙ [گررا / گررای] – қул, ғулом, банда:
Шайхул-ислом дебдур ки ул гарро ҳоли маҳалли ғайратдур, аммо Ҳақ ихтиёри бандаларға бесабаб-у иллатдур. *Насойимул-муҳаббат*, 17-239;
Луъбати Чин гар тилар хоқон не тонг гар ройи ҳинд
Севди эрса бир малоҳатшевалиғ гарройни. *Фавойидул-кибар*, 604-Т.

ГАРЧИ [گرچی] – агарчи, гарчи:
Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалғини англағил мажози. *Лайли ва Мажнун*, 361-Т;
Ваъда васлидин этса ул сўзи ширин ҳадис,
Гарчи ёлғон айтур ани соғинурмен чин ҳадис. *Бадойиул-васат*, 70-Т.
Шайх дайр асҳобиға имдод этиб,
Гарчи дин аҳлиға хижлатлар этиб. *Лисонут-тайр*, 105-Т.

ГАЧ [گچ] – ганч:
Чун ки одина бу рафиъ равоқ,
Қилди тоқин саҳар гачидин оқ. *Сабъаи сайёр*, 10-334.

ГАЧА [گچه] – ғалча:
гача ҳинду ҳарза деганидек таън қилди. *Садди Искандарий*, 1520.

ГАЧКОРЛИҒ [گچکار لیغ] – ганжкорлик:

Бўлуб гачкорлиғ симин равоқи,
Нечук ким қош ичинда кўзнинг оқи. *Фарҳод ва Ширин*, 159-Т.

ГАШТ [گشت] – 1. айланиш, сайр қилиш, кезиш:

Ким ани кўрса гашт-у сайр кўрмас,
Ани кўрган кишини ғайр кўрмас. *Фарҳод ва Ширин*, 284-Т;
Иш анга ишрат-у шикор эрди,
Гашти саҳро-у лолазор эрди. *Сабъаи сайёр*, 10-352;

2. ҳаракат, юриш:

Хоҳ шаҳр ичра хоҳ дашт ичра,
Хоҳ ором-у хоҳ гашт ичра. *Сабъаи сайёр*, 10-353;

3. сафар:

Қилиб шоҳ мағрибзамин гаштини,
Бийик тоғи бирла очуғ даштини. *Садди Искандарий*, 394-Т;

~ **и боғ** – боғ гашти, сайри:

Оҳ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ,
Лола янглиғ ўртагай ҳар бир шарар гулларга доғ. *Наводируш-шабоб*, 297-Т;

~ **и саҳро** – саҳро гашти:

Иманга ижрат-у шикор эрди,
Гашти саҳро-у лолазор эрди. *Сабъаи сайёр*, 10-11;

~ **айла-/эт-** – кезмоқ, сайр қилмоқ:

Киши – ким айлади бу баҳр гаштин,
Бу янглиғ деди дарё саргузаштин. *Фарҳод ва Ширин*, 268-Т;
Чамандин ел равон осо келур ҳар дам ажаб эрмас,
Ки гул гашти чаман айлар бугун сарви хиромоним. *Хазойинул-маоний*, 1116-405;
Жигархуни бедил қилиб дашт тай,
Ҳамул шаҳр гашт этгкали урди пай. *Садди Искандарий*, 311-Т.

ГАҲ/ГАҲИ [گه / گهی] – гоҳ, гоҳи, баъзан, баъзида; аҳён:

Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,
Алқисса басе букаламунлуқ қилди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-10;
Дайр эшикинда таним дафн айласанг эй муғбача,
Бода лойидин гаҳи топқай иморат мадфаним. *Фавойидул-кибар*, 396-Т;
Гаҳи ҳушумда гаҳи ҳушдин фард,
Бошимга келмайин жуз меҳнат-у дард. *Фарҳод ва Ширин*, 270-Т;

~ **гаҳ** – гоҳо, баъзан-баъзан; аҳён-аҳён:

Дединг аввал ким Навоий сени гаҳ гаҳ тиргузай,
Ҳеч билман ким санга жоно не болди окибат. *Ғаройибус-сиғар*, 81-Т;
Қолиб бу навъ икки кеча кундуз,
Олиб гаҳ гаҳ нафас лек очмайин *кўз*. *Фарҳод ва Ширин*, 301-Т;

~ **гаҳи** – гоҳ гоҳи, баъзида:

Бас не навъ айлай таманно ким висоли шамъи дин,
Ҳажр шоми гаҳ гаҳи бўлғай мунаввар суҳбатим, *Ғаройибус-сиғар*, 310-Т;

~ **у бегаҳ** – вақт-бевақт, вақти-вақти билан:

Сўз дей олурлар гаҳу бегаҳ маҳаллу бемаҳал,
Бас маҳалдур тарк қилсам мулк-у хонумонни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 421-Т;

~ **гаҳ гаҳи... гаҳи гаҳи...** – гоҳ гоҳи... гоҳи гоҳи:

Рақиб-у васл нўши мен-у ҳижрон нешида раҳм эт,
Ани ҳам гаҳ гаҳи ўлтур мени гаҳи гаҳи тиргуз. *Наводируш-шабоб*, 203-Т;

~ **гаҳ... гаҳ** – гаҳ... гаҳ...
Куйуб анодек ғамида жони
Гаҳ судради гаҳ кўтарди ани. *Лайли ва Мажнун*, 145-Т;
Бир неча кун уйда эрди побаст,
Фарёд анга гаҳ баланд-у гаҳ паст. *Лайли ва Мажнун*, 158-Т;
Фурқатингдин йиғлабан Ҳақдин висолинг истарам,
Гаҳ сочармен бошқа туфрақ гаҳ кўйармен ерга бош. *Ғаройибус-сиғар*, 205-Т;
~ **гоҳ... гоҳ...** – гоҳ... гоҳ...:
Бўлуб кўп зикр мактуб ичра Парваз,
Ани деб гоҳ золим гоҳ хунрез. *Фарҳод ва Ширин*, 433-Т;
~ **гаҳ... гаҳи...** – гаҳ... гаҳи...:
Ул ҳар не қилурдин ўлмай огоҳ,
Гаҳ нола қилиб гаҳи чекиб оҳ. *Лайли ва Мажнун*, 210-Т;
~ **гаҳи... гаҳи...** – гаҳи... гаҳи...
Гаҳи қилсам тавофи гулшани қудс,
Гаҳи бўлсам муқими равзаи унс. *Вақфия*, 14-217;
~ **гоҳи гоҳ...** – гоҳи гаҳ...
Жунун осорини кўп зоҳир этти,
Ўзига келди гоҳи гоҳ кетти. *Фарҳод ва Ширин*, 420-Т;
~ **гоҳи... гаҳ...** – гоҳи... гаҳ...
Чиқиб айлар эди ул тоғни гашт,
Мутофий эрди гоҳи тоғ-у гаҳ дашт. *Фарҳод ва Ширин*, 384-Т;
~ **гоҳи... гоҳи...** – гоҳи... гоҳи...:
Юзунг ёшимға хунолуд гоҳи,
Дамимдин бошинг узра дуд гоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 446-Т;
~ **ки** – вақтики, қачонки, ҳар қачон:
Гоҳи ки маст эгарур бодпо хирад хайли,
Борур хавоға, қуюн еткач ўйла ким хошок. *Фавойидул-кибар*, 329-Т.

ГАҲЗАН [گهزن] – кафшгар асбоби, қолипи:
Тожирга ки даст топти раҳзан,
Ночах анинг ёнида гаҳзан. *Лайли ва Мажнун*, 373-Т.

ГЕВ [گیو] – Гев (киши номи) – Гавдарснинг ўғли, Рустамнинг ўгай ўғли:
Сипаҳдор анга тус-у Гавдарз-у Гев
Фаромарз ила Рустам-у Зол-у нев. *Садди Искандарий*, 107-Т.

ГЕТИЙ [گیتی] – дунё, олам, жаҳон:
Чу ул тогдин инди топиб наво,
Қуёш чиқти тоғ гетий сари ливо. *Садди Искандарий*, 183-Т;
Бўлуб гети аро меҳри само ул,
Ҳам ул ойинаи гетийнамо ул. *Фарҳод ва Ширин*, 230-Т.

ГЕТИЙНАВАРД [گیتی‌نورد] – дунё кезувчи, жаҳонгашта:
Кириб раҳши гетийнавардинг била,
Ёруттунг бу кишварни гардинг била. *Садди Искандарий*, 318-Т;
Лозими ишқ ўлди шавқ-у сўз-у дард,
Барқ янглиғ пўяи гетийнавард. *Лисонут-тайр*, 92-Т.

ГЕТИЙНАМО/ГЕТИЙНАМОЙ [گیتی نما / گیتی نمای] – ойнаи жаҳон, жаҳоннамо:
Бирин сойир эттинг нечук ким симё,
Синоат ичра миръоти гетийнамо. *Садди Искандарий*, 52-Т;

Эй хуш ул май ким анга зарф ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетийнамо Жамшид ани ичган гадо. *Ғаройибус-сиғар*, 27-Т;
Сафол ичра бир журъа лойи манга,
Эрур жоми гетийнамойи манга. *Ғаройибус-сиғар*, 501-Т;
Бўлуб шаҳға ул навъ ишратфазой,
Ки ёд айламай жоми гетийнамой. *Садди Искандарий*, 254-Т.

ГЕТИЙОРОЙ [گیتی آرای] – жаҳонни безовчи, жаҳонни зийнатловчи:
Чекарда ул жамоли гетийорой,
Гаҳи оҳи чекиб гоҳи чекиб вой. *Фарҳод ва Ширин*, 311-Т.

ГЕТИЙПАНОҲ [گیتی پناه] – ҳаммага паноҳ, соябон, бутун дунё соябони:
Валекин чу Доройи гетийпаноҳ,
Ки аниг сари чекмиш эрди сипоҳ. *Садди Искандарий*, 225-Т.

ГЕТИЙСИТОН [گیتی ستان] – ер юзини олувчи:
Деди к-эй шаҳаншоҳи гетийситон,
Адолатда дунё ву укбоситон. *Садди Искандарий*, 277-Т.

ГЕТИЙФУРЎЗ [گیتی فروز] – олам ёритувчи:
Ёрук ўйла ким меҳри гетийфурўз,
Бу маънидин оти келиб Нимрўз. *Садди Искандарий*, 239-Т;
Ишқ келди машъали гетийфурўз,
Дема машъал шуълаи офоксўз. *Лисонут-тайр*, 202-Т.

ГЕЧ [گیج] – гангиш, довдираш; ҳайрон; ~ ўл- – ҳайрон бўлмоқ:
Бошин тутуб ўлди бир замон геч,
Сўз демади яхши ё ёмон ҳеч. *Лайли ва Мажнун*, 155-Т;
~ **кил-** – гангиб қолмоқ:
Қила олмайин эл қиёсини ҳеч,
Таҳайюр анинг мағзини қилди геч. *Садди Искандарий*, 181-Т.

ГИЁҲ [گیاه] – ўсимлик, ўт, гиёҳ:
Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ,
Қуёш ҳароратидин не ажаб қуруса гиёҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 418-Т;
Ул гул ҳарими гулшанида бир гиёҳ эдим,
Андак кўнгарди ҳажр ки қолмади киртишим. *Бадойиул-васат*, 318-Т;
Гиёҳ боғ аро чинийойин бўлуб,
Ки ҳар гул анга луъбати чин бўлуб. *Садди Искандарий*, 379-Т;
Кўрунуб қайда боқса ул баложўй,
Гул-у хор-у гиёҳи ошнорўй *Фарҳод ва Ширин*, 281-Т;
~ **и даман** – гиёҳ дамани, ери, манзили:
Пойимол этмаса андин ки келур меҳр иси,
Аёғ остинда недин қолди гиёҳи дамани. *Наводируш-шабоб*, 666-Т;
~ **и меҳр** – меҳр гиёҳи:
Истаманг ахир гиёҳи меҳр ё барги вафо,
Ким кўкармайдур булар ҳаргиз жаҳон бўстонидин. *Фавойидул-кибар*, 448-Т;
Айтсам хуштур кўнгул боғи гиёҳи меҳр ила
Дер ки бу жавҳарни Тенгри бермамиш пулодима. *Бадойиул-васат*, 391-Т.

ГИЛ [گل] – лой, балчиқ:
Кавсар майини шаҳд уза сунъ илги томизиб,
Лаълинг мухаммар айлади ул об-у гил била. *Ғаройиб-сиғар*, 406-Т.

ГИЛА [گله] – гина, ўпкалаш;

Ёрдин яхши эмас айлама ки ёр гила,
Йўқса ул ёрдин эри манга бисёр гила. *Наводируш-шабоб*, 544-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – ўпкаламоқ; гина, шикоят қилмоқ:

Эй Навоий, десанг ойини ризо ҳосил этай,
Ёрдин ҳар не келур айлама зинҳор гила. *Хазойинул-маоний*, 550;

Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,
Не учуп шайтондин эткайсен гила. *Лисонут-тайр*, 148-Т;

...бу хайлнинг муддаосидин жузвий ўксук муяссар бўлса норози бўлиб, гила қилғанларнинг ҳайрати... *Вақфия*, 720;

Кўп жафосидин агар ўлсам эрур турфа бу ким
Яна мендин қилур ул шўхи жафокор гила. *Наводируш-шабоб*, 544-Т.

ГИЛАМАНД [گله مند] – гинахон:

Абнойи жинсимдин халқ гиламанд эрдилар ким элдин номиқдур олурлар нима бермас деб мендин ҳам шикоят қилурлар. *Бадойиул-васат*, 507-Т.

ГИЛАМАНДЛИҒ/ГИЛАМАНДЛИК [گله مندلیق/گله مندلیغ] – ўпкалаш, гина қилишлик:

Ҳамият ул эмас ки махдум яна биравга кўпрақ мултафит бўлғандин шикоят изҳор қилғай ва гиламандлиғ гуфт-у гузори то иш анга еткай ким неъмат куфрони ароға тушкай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-41;

Матлубин истаб топа олмаслиғидин ва ҳеч ҳамдам ани бу мусабатда зорлиғин сўрмаслиғидин ўз ўзи била гиламандлик изҳори қилибдур.

Мажолисун-нафоис, 238-Т.

ГИЛАОМЕЗ [گله آمیز] – гинаомиз, шикоятомиз:

Маҳваши бехабар эркондин анинг хотири зори ҳайронидин шарҳи ҳол ва ғамкаши ғофил эркондин анинг рози пинҳонидин гилаомез мақол.

Мажолисун-нафоис, 219.

ГИЛЕМ [گلیم] – гилам, палос:

Гилеми солиниб гулгуну зебо,
Ясалиб кўргаси гулранг дебо. *Фарҳод ва Ширин*, 157-Т.

ГИЛИМ [گلیم] – қабо, уст кийим:

Ул дебдур ки кемада эрдим ел қопти ва кўлак бўлди ва халқ дуоға фарёд торттилар, кемада дарвеше эрди бошин гилимиға чирмаған... халқ дуоға машғулдурлар сен ҳам бир нима дегил. Бошин гилимдин чиқарди.

Насойимул-муҳаббат, 117-Т.

ГИЛШОҲ [گل شاه] – балчиқ, лойдин яратилган одам; қадимги эрон ҳукмдори Каййумарснинг оти:

Одам деганлар қавли била ани гилшоҳ дебдурлар, бу маъни била ким балчиғдин яратилди, яъни киши пуштидин эмас эрди. *Тарихи мулуни ажам*, 16-197.

ГИН [گین] – қўшма сўз таркибида **-ли** аффикси маъносини билдиради:

Бадан дардидин ранжа ву хаста дағи,
Кўнгул ҳажридин зор-у андуҳгин ҳам. *Наводируш-шабоб*, 429-Т.

ГИР [گیر] – қўшма сўз таркибида *олувчи, тортувчи* маъносини ифодалайди:

Икки жонибдин бўлуб оромгир,
Тўктилар ўртада шатранжи кабир. *Лисонут-тайр*, 212-Т;

ГИРД [گرد] – айлана; доира, теварак:

Чу Лайли қилди Мажнун кўнглининг сарманзилин хилват,
Не суд ар қўймаса ҳай гирдида ани араб ҳаргиз. *Бадойиул-васат*, 163-Т;

Даврида харамнинг ўлди дойир,
Ер гирдида мисли чархи сойир. *Лайли ва Мажнун*, 189-Т;

Яна бир ҳам ишка саъй бўлди кўп,
Шамъ боши гирдиға эврулди кўп. *Лисонут-тайр*, 234-Т;

~ **и Яздий** – Яздий атрофи, тевараги (халқи):

Латофат ойи ул юз шоми савдо сунбули тобинг,
Соч узра гирди Язди миъжар ул шом ичра маҳтобинг. *Фавойидул-кибар*, 351-Т;

~ **бўл-** – атрофга тўпланмоқ, теваракда жам бўлиб турмоқ:

Хўблардин санга гар етса ғуборе, не ажаб,
Шоҳға бўлмади гирд, айламайин хайли сипоҳ. *Хазойинул-маоний*, IVб-535.

ГИРДА [گرده] – тўгарак; кулча; теварак:

[Мадрасанинг] ҳар толиби илми оллинда Уторид ким... тифли абжадхон ходимлари суфрасида ой гирдаси ва қуёш курси икки фатир ва таббохлари тахтасида ун сепкан бир зувола хамир. *Вақфия*, 14-259.

ГИРДБОД [گردباد] – уюрма, қуюн:

Сарғашта ву пўягарниҳод ул,
Ғам бодиясида гирдбод ул. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т;

Совурғил ақл ўйин гардун мени Мажнун агар бўлсам,
Таним туфрағи ву оҳим елидин гирдбод айлаб. *Наводируш-шабоб*, 59-Т.

ГИРДБОЛИШТ [گرد بالیشت] – тўгарак, юмолоқ ёстиқ; лўла болиш:

Бўлса мардумлуқ била меҳмоним ул кўз равшани,
Кўз қаросин гирдболишт айламак қилғум йирак. *Бадойиул-васат*, 243-Т;

Гирдболишт бўлса ой бошинг қўярға важҳи бор,
Ким анинг даври юзунг ойнинг ўлғай ҳоласи. *Фавойидул-кибар*, 580-Т.

Гирдболишт анга хуршид ўлди,
Ул эрур Исойи Марйам гўё. Фавойидул-кибар, 33-Т;

Жаҳоноро маснади хуршидтимсол бакойи ло калом гирдболшти. *Муншоот*, 14-210.

ГИРДНОМА [گرد نامه] – гирднома:

Агар қилса гузар ул сари ома
Бари саргашталикка гирднома. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т.

ГИРДОБ [گرداب] – 1. гирдоб, уйрум; қуюн:

Баҳри ашким ўйла дарёдур ки даври чархдек,
Бўлғали лойиқдурур ҳар сари гирдоби анинг. *Наводируш-шабоб*, 350-Т;

Билоди баҳр ичинда бўлса ноёб,
Миноридин нишонлар бўлса гирдоб. *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т;

2. хумдан май сузиб олинганда ўрнида пайдо бўладиган чуқурча:

Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар завракин,
Баҳри гамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;

~ **и бало** – бало гирдоби:

Ўйла гирдоби бало ичра тушубтурмен ки бор
Неча дерсен бим аммо йўқ турур қатъа умид. *Бадойиул-васат*, 102-Т;

~ **и баҳри ано** – кўркинчли, машаққатли денгиз гирдоби:

Еринг бўлса гирдоби баҳри ано,
Сени туъма қилғач наҳанги фано. *Садди Искандарий*, 402-Т;

~ **и бим** – хавф – хатарли гирдоб:
Балиғларни бутратти гирдоби бим,
Анингдек ки тол яфрағини насим. *Садди Искандарий*, 402-Т;
~ **и офат** – офат гирдоби:
Тан-у жон заврақин ғарқ эткали гирдоби офатдур,
Қуюнлар ким югурур ишқ даштининг саробидин. *Ғаройибус-сиғар*, 355-Т;
~ **и шавқ** – шавқ гирдоби:
Ринд ичига тушубан тоби шавқ,
Ашк бўлуб жисмиға гирдоби шавқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-266;
~ **ға туш-** – ғарқ бўлмоқ; ташвишга тушмоқ; қийинчиликка учрамоқ:
Сиришки дарёсидин гирдобға тушганин ва тори жисми ул гирдобдин печу тобға қолғанин бу матлаъда изҳор қилур. *Мажолисун-нафоис*, 205-Т;
~ **айла-** – гирдоб айламоқ, гирдобга учрамоқ:
Эй Навоий заврақи умрунг кутулмас ким қазо,
Даврига анинг фалак баҳрини гирдоб айламиш. *Фавойидул-кибар*, 263-Т.

ГИРЁН [گریان] – йиғловчи, йиғлаб турган:
Айла расвомен ки кўй-у кўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирён-у баъзи халқ хандондур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;
Олиб эгниға маҳдин нозанинлар,
Юруб оллида гирён маҳжабинлар. *Фарҳод ва Ширин*, 300-Т;
~ **кўз** – доим йиғлаб турадиган кўз; ёшли кўз:
То ўюлди ханжари ҳижрон била гирён кўзум,
Ул танур ўлди ки зоҳир айлади тўфон кўзум. *Фавойидул-кибар*, 423-Т;
~ **бўл- –** йиғламоқ, кўз ёши қилмоқ:
Ўлтурур уй сақфиға оҳим тафидин қатралар,
Ё менинг ҳолимғадур ким тому тош гирён бўлур. *Хазойинул-маоний*, 16-180;
Хирқаи иршодидин урён бўлуб,
Ким ки ул ҳолат кўруб гирён бўлуб. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
~ **эт-** – йиғлатмоқ:
Мени гирён этиб бу сурати ҳол,
Ким кулуб кирди ҳужрама иқбол. *Сабъаи сайёр*, 10-404;
Кўзларинг шўхлуғидин ки эл эрди гирён,
Ани бир шўх кўзи ишваси гирён этмиш. *Бадойиул-васат*, 201-Т.

ГИРЁНЛИҒ [گریان لیغ] – йиғловчилик; йиғичилик:
Ўлтуруб тун субҳ тиргузмак мени зоҳир дурур,
Шомнинг гирёнлиғи ву субҳининг кулгусида. *Бадойиул-васат*, 409-Т;
Ул кўзумга чун етиб таскин топиб гирёнлиғи,
Кўздин олғач яна ашкимни равона айларам. *Фавойидул-кибар*, 420-Т.

ГИРИБОН [گریبان] – ёқа, кийим ёқаси:
Тушти гўё булбул афғони муассир гулга ким
Чок чок этти гирибонини домониғача. *Наводируш-шабоб*, 553-Т;
~ **чоки гирибон айла-/эт-/қил-** – 1. ёқа йиртмоқ; сабрсизлик қилмоқ, доду вой солмоқ:
Тиғи ҳажрингдин ниҳон кўксум шигофин оҳ ким
Элга равшан айлади чоки гирибон оқибат. *Ғаройибус-сиғар*, 495-Т;
Билгасен тийғи фироқинг била кўнглум чокин,
Эмди ким ҳажр санга чоки гирибон этмиш. *Бадойиул-васат*, 201-Т;

2. бўғилмоқ, қайғурмоқ:
Неча чоки гирибон қилди хома,
Тўкуб ашкини афғон қилди хома. *Фарҳод ва Ширин*, 88-Т.

ГИРИБОНЛИҒ [گریبانلیغ] – ёқалик; паришон, қайғу-хасратли:
Хаста жоннинг сўгида девонаедур мотами,
Кўкракимнинг захмидин чоки гирибонлиғ кўнгул. *Бадойиул-васат*, 295-Т.

ГИРИФТ [گرفت] – тутиш; чанг солиш; музикавий термин; сас, наво; найсимон мусика олати:
Йўқ ки ёлғуз шаддидин тушти кулуб ичра кушод,
Ҳар гирифти дағи арвоҳ ичра солди юз футуҳ. *Наводируш-шабоб*, 106-Т.

ГИРИФТОР [گرفتار] – 1. гирифтор, банд, асир, маҳкум:
Ҳасуд бемор балки муҳлик маразға гирифтор. *Маҳбубул-қулуб*, 139;
Ҳайҳот ким бирав ғамидин зормен яна,
Фарёд ким балоға гирифтормен яна. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;
2. ошиқ:
Зулфунг ки эрур тугун тугун гўё,
Эл бўлди бирин бирин гирифторинг. *Фавойидул-кибар*, 337-Т;
Пардадин айлаб назар зори сари,
Ёшурун боқиб гирифтори сари. *Лисонут-тайр*, 106-Т;
~ **и бало** – балога гирифтор:
Манга ул вақтдин ким ҳамдам ўлдунг,
Гирифтори бало ву мотам ўлдунг. *Фарҳод ва Ширин*, 457-Т;
~ **и беқайд** – боғсиз асир, банди:
... алар ким бир жаҳон халқин мулоямат била сайд ва бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори бекайд қилғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т;
~ **и қайд** – кишанли асир, банд:
Ул бобда ким ҳусн куши ашк донаси била сайд бўлмас ва жон риштаси била гирифтори қайд. *Ғаройибус-сиғар*, 531-Т;
~ **-у асир** – асиру мубтало:
Ул бу зулматка гирифтор-у асир,
Қавм хайли ким эди фармонпазир. *Лисонут-тайр*, 116-Т;
~ **-у наҳиф** – ошиқ бўлишлик; мубталолик, асирлик:
Шайхи мазлум гирифтор-у наҳиф,
Тушмаган иш бошиға тушкан заиф. *Лисонут-тайр*, 100-Т;
~ **бўл-/ўл-** – асир тушмоқ, гирифтор бўлмоқ:
Оллоҳ Оллоҳ бўйла офатнинг гирифтори бўлуб,
Найлагай бир мен киби зоре заифи абтаре. *Наводируш-шабоб* 578-Т;
Ўйнамағай жонини ҳар зор анга,
Бўлмағай эл кўнгли гирифор анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-202;
Мавлоно Сонеий... зулм ва баднафслиғи жиҳатидин подшоҳ сиёсатиға гирифтор бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 77;
Сартосар ажал тошидин афгор ўлдим,
Сенсиз не балоларга гирифтор ўлдим. *Ғаройибус-сиғар*, 560-Т;
Кўрган эл девона ву зор ўлдилар,
Ишқ домиға гирифтор ўлдилар. *Лисонут-тайр*, 192-Т;

~ **-у нажанд бўл-** – итоат ва хушомадгўйлик қилмоқ:
Бўл яна таҳға гирифтор-у нажанд,
Илкини ўпмак била бўл сарбаланд. *Лисонут-тайр*, 53-Т;

~ **и беқайд қил-** – асир, гирифтор қилмоқ:
Субҳоналлоҳ... бир жаҳои халқин мулоямат била сайд ва бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори беқайд қилғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўлиқмоқ, асир, банди қилмоқ; гирифтор, мубтало қилмоқ:
Чеҳра ептинг хаста жонимни анга зор айлабан,
Зулф бандинг телба кўнглумни гирифтор айлабан. *Наводируш-шабоб*, 480-Т;
Шайх Шибли дебдур ки улча ул дер мен ҳам дермен аммо мени телбалик қутқарди ва ани ақл гирифтор қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 93-Т;
Фусунпардоз мундақ сурди гуфтор,
Ки ани макр ила айлай гирифтор. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т;
Малолат маҳдида зор этти ани,
Бу қайд ичра гирифтор этти ани. *Фарҳод ва Ширин*, 133-Т;
Шўх кўп йўқ бириси ки аййор ул шўх,
Шўхлуғ бирла қилур элни гирифтор ул шўх. *Наводируш-шабоб*, 109-Т.

ГИРИФТОРЛИҒ/ГИРИФТОРЛИК [گرفتارلیغ / گرفتارلیق] – дучорлик, гирифторлик, йўлиқишлик; асирлик, бандлик:
Ғам-у дард зиндони ичра кўнгулга
Тушуб ўтлаш ўтлаш гирифторлиғлар. *Фавойидул-кибар*, 156-Т;
...Хисрав анинг гирифторлиғи бобида бир ҳийлагар топиб сўз риштасин тугушканлари. *Фарҳод ва Ширин*, 162-Т;
Менда бу мобайн эрур зорлиқ,
Халқ жафосиға гирифторлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;
Кўпрак нима ким бўлса гирифторлиғи,
Кўпрак келур эл оллиға душворлиғи. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-97.

ГИРИҲ [گره] – 1. тугун, боғ чигал:
Демай ким ўқи очти тори зириҳ,
Ки тори тахайюлдин очти гириҳ. *Садди Искандарий*, 119-Т;
Анинг навкига мониъ ўлмай зириҳ,
Ким ул хас кўнглидин очиб гириҳ. *Садди Искандарий*, 99-Т;
Демасмен ким кесиб ўқи зириҳни,
Тахайюл ториди очиб гириҳни. *Фарҳод ва Ширин*, 125-Т;
Сунбули зулфи гириҳ узра гириҳ,
Қайси гириҳ ким зириҳ узра зириҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-195;

2. эгрилик:
Агарчи ёва гириҳ бўлса ўқи туз чиқмас,
Қоши гириҳ била зулм ўқин этмади тақсир. *Хазойинул-маоний*, 16-163;
Қошинда ким гириҳ зоҳир қилиб ғам,
Янги ой фитналиқ андақ келиб кам. *Фарҳод ва Ширин*, 329-Т;

3. мушкуллик, қийинчилик:
Кўп гириҳ тушти Навоий ишига,
Сен кушоде бер анга ё фаттоҳ. *Хазойинул-маоний*, IIIб-106;
Истамас бўлсанг ишинг узра гириҳ тузлук қил,
Ким ёғин риштасиға қатраси худ келди тугун. *Фавойидул-кибар*, 431-Т;

4. ўрим, соч ўрими:
Гириҳ гириҳ чу тўкарсен етар аёғинга соч,
Гириҳларин чу очарсен тушар қулоч қулоч. *Наводируш-шабоб*, 98-Т;

~ **ур-** – богламоқ, тугмоқ:
Нақдин гулдек дағи совурмағил,
Ғунча киби дағи гириҳ урмағил. *Ҳайратул-аброр*, 7-150;

~ **сол-** – қошни чимирмоқ:
Солма ул кўй ичра қошингға гириҳ ким шишадур,
Тоат айлар ерда тушса эгри меҳроби анинг. *Хазойинул-маоний*, IIа-355.

ГИРИҲГИР [گره گیر] – тугунли; жингалак:
Занахдоним била зулфи гириҳгир,
Ҳазин кўнглунга эркин чоҳ-у занжир. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т.

ГИРИҲКОРЛИҚ/ГИРИҲКОРЛИҒ [گره کارلیق / گره کار لیغ] – тугунлик, чигаллик; мушкиллик; нақишлик, зийнаткорлик:
Барча чаманлар гул-у гулзорлиқ,
Ҳар чамани йўли гириҳкорлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-311;
... Гавҳаршод ағо мадрасаси сари ким кошиси гириҳкорлиғидин ақл меъмори ҳайрон ва шамсаси зарнигорлиғидин хирад муҳандиси саргардондур.
Вақфия, 14-259.

ГИРИҲКУШОЙ [گره کشای] – тугунларни ечувчи; мушкил, қийин ишларни ҳал қилувчи:
... итик зеҳни дақойиқ ришталарининг гириҳкушойи ва ариғ табъи ҳақоийқ чеҳраларининг парда рубойи. *Ғаройибус-сиғар*, 6-Т;
Тасаввуф ва диққат мушкилотининг гириҳкушойи шайх Заҳириддин Саноий.
Маҳбубул-қулуб, 14-25.

ГИРИҲКУШОЙЛИҒ [گره کشای لیغ] – тугунларни ечувчилик, қийинчиликларни ҳал қилувчилик:
... мен ҳақири нотавон дағи ақл гириҳкушойлиғи ва тавфиқ раҳнамойлиғи била ул ҳазратинг қуллуғида неча навъ хисмат ким дунё суди андин пайдо...
Вақфия, 14-252.

ГИРИҲЛИК [گره لیک] – тугунли, чигал, мушкул:
Таважжуҳ чун анинг руҳиға қилғай,
Гириҳлик ришташи банди очилгай. *Фарҳод ва Ширин*, 189-Т;
Варам узра варам тўккан киби пинҳон хирад аҳли,
Гириҳлик кўнглум ичра ишқдин доғ узра доғ ўлмиш. *Наводируш-шабоб*, 264-Т;
Гириҳлар ҳажридин қошиға тушкай,
Гириҳлик ишқ иши бошиға тушкай. *Фарҳод ва Ширин*, 418-Т.

ГИРИҲНОК [گره ناک] – тугунли; чигал; машаққатли; мушкил:
Сарриштайи диққати гириҳнок,
Ҳар бир гириҳида юз дури пок. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т;
Машшота қилурда васмани пок,
Қошингни худ айламас гириҳнок. *Лайли ва Мажнун*, 255-Т;

~ **эт-** – мушкил, қийин этмоқ:
Ҳар лаҳза ишимни чархи бебок,
Ул ришта била этиб гириҳнок. *Лайли ва Мажнун*, 37-Т.

ГИРУДОР [گرودار] – ҳукмдор, фармондор; ~ **айла-** – буюрмоқ, ҳукм қилмоқ:
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил икки анча эътизор айлаб ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-142;

ГИРУЖАЛД [گروجلد] – олишувга тайёр, кураштолиъ:

... бу юзча куштигирдин анчаси паҳлавон ва талабкаш ва йигирмага яқин қадар гируҗалд навхосталар ки барча маъракада турарлар эрди хатто ки салотин мажлисида ҳам. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т.

ГИСУ/ГЕСУ [گیسو] – соч, зулф, ўрилган соч, кокил:

Раҳима деди ким Айюб қошиға бу кун кут топмайдур манга гесу бўлмаса бўлмасун. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-131;

Аёғин ўпкали гар тушти гесу,
Болур дойим чироғ олти қаранғу. *Фарҳод ва Ширин*, 87-Т;

Юзига тушуб эрди уйкуда гесу,
Қуёшни яшурғанда тун не тонг уйқу. *Фавойидул-кибар*, 505-Т;

Барисин бериб Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак гесусидин икки торни соткун олибдур. *Насойимул-муҳаббат*, 89-Т;

~ **йи анбарин** – коп-қора хушбўй ҳидли соч:

Демай зулф икки гисуйи анбарин,
Қарариб алар атридин мушки чин. *Садди Искандарий*, 60-Т;

~ **йи анбаршамим** – хушбўй, анбар ҳидли зулф, ўрилган соч:

Бор-му ул икки ўрулган гесуйи анбаршамим,
Ё этак солмиш Муҳаммадда ёзилған икки мим. *Бадойиул-васат*, 297-Т;

~ **йи мушкбў** – мушкли, яхши ҳид тарқатадиган соч;

Гисуйи мушкбў жаҳонни тутуб,
Мушкининг атири осмонни тутуб. *Сабъаи сайёр*, 10-22;

~ **йи мушкин** – мушк ҳидли соч:

Юзи ёнида гисуйи мушкин,
Келтуруб карвон нофаи Чин. *Сабъаи сайёр*, 10-94;

~ **йи мушкрез** – мушк таратувчи:

Демай хол гесуйи мушкрез,
Қилиб офариниш узра мушкбез. *Садди Искандарий*, 62-Т;

~ **йи пуртоб** – жингила қилинган кокил, зулф:

Меҳр эшитгач бу сўзни солди таноб,
Не таноб икки гисуйи пуртоб. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

ГОВ [گاو] – корамол:

Учи кўк ҳути ву Саврини санчиб,
Туби ер гов-у моҳисини янчиб. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т;

Мавлоно Малик... анинг била ҳазл қилувчилар малики гов дерлар. *Мажолисун-нафоис*, 107.

ГОВИСТУР [گاویستور] – молга сиғинувчи:

... ва гумроҳроқ бўлуб тангрилик даъвосин кўпрак қилди. Ва баъзи Намруд говистур дебтурлар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 196.

ГОЗУР [گازور] – кир ювувчи:

Субҳ савбини гозури афлок,
Меҳр собуни суртуб юди пок. *Сабъаи сайёр*, 10-334;

Гозурдин ўз ҳоли кайфиятин савол қилди. *Тарии мулуки ажам*, 511.

ГОЗУРГАҲ [گازورگه] – гозургох:

Гозургоҳнинг ушшоқ тоши лаъли кони ва гавҳари уммонийға танноз ва қаро туфрағи мушки азфар ва таблаи анбарға таънасоз... *Вақфия*, 14-256.

ГОЗУРЛУҚ [گازورلوق] – кир ювишлик, ювғучилик:
...гозурлуқ ишин макруҳ тутуб илм ва фазл ва адаб касбин қилиб... сипоҳийлиқ қоидасин хўб билди. *Тарихи мулуки ажам*, 511.

ГОМ [گام] – 1. одим, қадам, юриш:
Агарчи Ганжада ороми анинг,
Вале ганж узра дойим гоми анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т;
Гар қўя олмас эсанг бу йўлға гом,
Ишқ ойинида бўлсанг нотамом. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
2. азм, йўналиш; қасд, ният, истак, интилиш:
Фалакдин итикрак хироми анинг,
Қилиб баркни тира гоми анинг. *Вақфия*, 14-243;
3. оёқ:
Ки минмакдин бўлуб ороми анинг,
Даме тинғай қабарған гоми анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 313-Т;
Урармен қадам то ки борғунча гом,
Ки бўлғай муяссар манга ушбу ком. *Вақфия*, 14-262;
~ **и баргом** – қадам-бақадам, аста-секин:
Қўптию дайр ичига қилди хиром,
Икки ҳамроҳи бирла гом баргом. *Сабъаи сайёр*, 10-209;
Кесарлар эрди йўлни гом баргом,
Юруб манзил баманзил тутмай ором. *Фарҳод ва Ширин*, 280-Т;
~ **и бехудона** – хушсизлардек истак, майл:
Солур эди гоми бехудона,
Оғзида валек бу тарона. *Лайли ва Мажнун*, 139-Т;
~ **и фақр ур-** – фақр қадами қўймоқ:
Авло эрур ул ки уруб гоми фақр,
Кў йи фано ичра чекиб жоми фақр. *Ҳайратул-аврор*, 7-338;
~ **қўй-** – қадам қўймоқ, юрмоқ, кирмоқ, киришмоқ:
Вале айтиб ки ул бемисли айём,
Агар ул марздин қўйса йирақ гом. *Фарҳод ва Ширин*, 407-Т;
Адл тариқиға қўюб гомни,
Адл ила ўрганмади исломни. *Ҳайратул-аброр*, 7-313;
~ **ур-** – юрмоқ, қадам қўймоқ, йўналмоқ:
Жамъи ки изин топиб саранжом
Лайли ҳашами сари уруб гом. *Лайли ва Мажнун*, 146-Т;
Ҳар тараф ким гом уруб юз порсо ёлин уруб,
Ҳар қаён ким кўз солиб яғмо-у қатл ойин солиб. *Ғаройибус-сиғар*, 68-Т;
~ **сол-** – қадам қўймоқ:
Қаён ким солиб гом баяк назар,
Юз анча қилиб гоми анинг гузар. *Садди Искандарий*, 63-Т.

ГОҲ/ГОҲИ/ГОҲО [گاه/گاهی/گاها] – 1. гоҳ, гоҳо, баъзан, гоҳида:
Бориб гоҳ шаҳр ичра ҳаммом учун,
Иморат аро бода ву жом учун. *Садди Искандарий*, 315-Т;
Уки кўнглум шуъласин гоҳ сокин этти гоҳ тез,
Гоҳ ўтун бўлди гоҳ су урди пайкондин анга. *Ғаройибус-сиғар*, 35-Т;
Ғам барки ву меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин,
Тонг йўқ ки ўтка гаҳ шарар гоҳи тутун фарзанд. *Хазойинул-маоний*, 1-153;

Ориф Фаркатий... гоҳ сабақ ўқур эрди ва гоҳ лавандлиқ қилур эрди.
Мажолисун-нафоис, 185;

Мавлоно Ҳалокий... гоҳи назм айтур. *Мажолисун-нафоис*, 107;

Ул ки шоҳ хизматида мендин ўзин шод эткай,
Илтимосим бу ки гоҳи мени ҳам ёд эткай. *Муншаот*, 14-202;

~ **гоҳ гоҳи** – баъзан, вақти-вақти билан:
Бу навъ бирла мени гоҳ гоҳ ёд айланг,
Шикаста хотир-у ғамгин кўнгулни шод айланг. *Муншаот*, 14-193;
Неча гумроҳға исён бўлса лекин кўптур уммиди,
Агар туз йўлға кўнгли гоҳ гоҳ ўлса ниҳон мойил. *Наводируш-шабоб*, 388-Т;
Гоҳ гоҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надомат ки қиёматни ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-129;

~ **у бегаҳ** – эрта-кеч, вақт-бевақт:
Шоҳнинг тахтидин етти шоҳроҳ,
Олам аҳлиға гоҳ-у бегаҳ роҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-134;

~ **лар** – гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида, онда-сонда:
Эй баҳори ҳусн эшитсанг Навоий оҳини
Керак албатта хазон елин соғинсанг гоҳлар. *Хазойинул-маоний*, 1а-147;

~ **у гоҳ** – вақти бевақт:
Жунун аро ёришиб гоҳу гоҳ қичқиришиб,
Етишсак иккимиз ул тунд шаҳсуворғача. *Хазойинул-маоний*, IVa-325.

ГОҲ [گاه] – қўшма сўз таркибида келиб жой, макон, вақт каби маъноларни англатади.

ГУВО [گوا] – гувоҳ, шоҳид:
Чун қозийул-ҳожотсен даъвийи меҳрнинг қилғали,
Дард-у фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво. *Бадайиул-васат*, 3-Т;
Эй қилиб лутфу ато бирла улус коми раво,
Эй вужуду адам иккиси вужудингға гуво. *Бадойиул-васат*, 4-Т.

ГУВОРИШ [گوارش] – ҳазм, тез ҳазм; хуш таъм:
Ҳамил Хожа Алиға нома йибарди ким сен тонгдин чоштғача дору ва шарбат ва гуворишимизсен ки таомни тилаганча солғайсен ва мен тонгдин чоштгоҳғача кезарман ки егали нима топқаймен. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-102.

ГУВОРО [گوارا] – севимли, ёқимли:
Не ким бўлса мизожингға гуворо,
Анга кўп майл қилма ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 501-Т;
Соҳиё жоми дилоро хуштур,
Ичида роҳи гуворо хуштур, *Фавойидул-кибар*, 666-Т;

~ **бўл-** – ёқи, севимли бўлмоқ:
Майи васл эй ки нўш айлаб ўзунгни айладинг сархуш,
Гуворо бўлсун ар бим ўлмаса бу май хуморидин. *Бадойиул-васат*, 365-Т.

ГУВОҲ/ГУВАҲ [گواه] – гувоҳ, шоҳид, исбот:
Бўлуб зоти раҳшанда миръот анга,
Гувоҳ ушбу даъвида заррот анга. *Садди Искандарий*, 50-Т;
Чун қозиюл-ҳожот сен даъвий меҳринг қилғали,
Дард-у фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво. *Бадойиул-васат*, 3-Т;
Деди: бу сўз ар сен-сен гувоҳим,
Ки Фарҳод амрида йўқтур гуноҳим. *Фарҳод ва Ширин*, 492-Т;

~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат гувоҳи:
Дема ки тоза тиканлар гувоҳи ишқинг эрур,
Юзи қаролиғи ёлғон бўлурдин ўлди гувоҳ. *Наводируш-шабоб*, 526-Т;

~ **и содиқ** – содиқ гувоҳ:
Якрўй якжиҳатлигиға гувоҳ ва шавқи ғоятсиз эканига чувоҳи содиқ.
Маҳбубул-қулуб, 14-62;

~ **и ҳол** – ҳол-аҳвол гувоҳи, шоҳиди:
Ва бу мақом Соликнинг сидқиға долдур ва ихлосиға гувоҳи ҳолдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-62;

Ул чабук оллида бошин этти Навоий гўй,
Чавгон саргузаштима басдур гувоҳи ҳол. *Ғаройибус-сиғар*, 301-Т;

~ **бўл-/ўл-** – гувоҳ бўлмоқ:
Олам аро қаҳри илоҳий бўлуб,
Хулқ ила халқ икки гувоҳи бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-213;
Гувоҳ ўлди тожи фитувват мунга,
Далил ўлди меҳри ниубувват мунга. *Садди Искандарий*, 60-Т;

~ **айла-** – гувоҳ айламоқ:
Гарчи гувоҳ айлади собитгуноҳ,
Озму ўтар шаръда ёлғон гувоҳ. Ҳайратул-аброр, 7-325.

ГУВОҲЛИҒ [گواه لیغ] – гувоҳлик:
Ул ким Широзға келди ва аларнинг мартаба ву мақомин баён қилди ва алар тили била сўз айтти ва аларнинг фазлиға гувоҳлиғ берди.
Насойимул-муҳаббат, 92-Т.

ГУГИРД [گوگرد] – гугурт:
Айлаб юз ўтин ёқарға таъжил,
Гугирд ўти юзда ҳар тараф нил. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т;
Юзунгга ҳусн фузун бўлди нил зийнатидин,
Магар ки ёруди гугирд ўтидин бу чарог. *Хазойинул-маоний*, 16-314;
Нил тортиб оразинг оройишин фан айладинг,
Шуълаи гугирд бирла шамъи равшан айладинг. *Бадойиул-васат*, 268-Т;

~ **и аҳмар** – қизил гугурт, олтин гугурт:
Не кибрит гугурди аҳмар ҳам ул,
Не гугурд иксири акбар ҳам ул. *Садди Искандарий*, 58-Т.

ГУДАРЗ [گدرز] – қуш навъи; Ашконийлар қиролидан подишоҳ исми; саркарда; паҳлавон номи:
Сипаҳдори гударз эрди бу тус,
Сиёвушқа ёрутти нори мажус. *Садди Искандарий*, 107-Т;

~ **и ашкон** – ашконийлар саркардаси:
Жаҳон олди гударзи ашкон яна,
Анга ҳам жаво қилди даврон яна. *Садди Искандарий*, 110-Т.

ГУДОЗ [گداز] – 1. эриш, куйиш; маҳв қилиш:
Чу ҳар неча ўт бўлса сўзандарақ,
Гудоз ичра олтун фурузандарақ. *Садди Искандарий*, 262-Т;
Чун чекти фиғони жон гудозин,
Мундақ тўкти ниҳуфта розин. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;

2. дард, алам, андуҳ, изтироб:
Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магар ки тошиға ўт ёқди чархи шуъбадабоз. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т;

Ва андухдин кўнглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо мутлақ ҳеч кишига изҳор қила олмас эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 108-Т;

Сўз-у гудозин ҳам дегали махвага топмағонидин алами ва розин айтколи мушфиқе кўрмагандин ғами марақ воқеъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 231;

~ **и жисм** – жисм изтироби, андухи:

Вале очмағлиғи мушкилдур асру,
Гудози жисм-у ранжи дилдор асру. *Фарҳод ва Ширин*, 188-Т;

~ **айла-** – жўшкинлаштирмоқ, куйдирмоқ:

Гоҳ висол ичра бўлуб айшсоз,
Гоҳ фироқ ўтиға айлаб гудоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;

~ **топ-** – эримоқ, ёнмоқ, куймоқ:

Нури рухсоринг кўнгулни қилди суда кўрмадук,
Шамъ тоби айла ким андин лекин топқай гудоз. *Наводируш-шабоб*, 200-Т.

ГУДОЗАНДАЛИҒ [گداز انده لیغ] – эритувчилик, эритиб куювчилик:

Гудозандалиғ ичра минг коргоҳ
Қилиб ўйла ким кўра тайёргоҳ. *Садди Искандарий*, 432-Т.

ГУЗАР [گذر] – ўтиш, кечиш; ўтиш жойи;

Гузарда кўрмак учун заъфдин йиқилмиш мен,
Гадойи хастадек ул кўй аро тутуб гузари. *Наводируш-шабоб*, 592-Т;

Кўзум ашкининг руди оқар тез-у тунд андақ,
Ки гар уйқу кўз сари келур ҳам гузар йўқтур. *Наводируш-шабоб*, 166-Т;

Субҳ селоби сиришким оқти кўп эй дўстлар,
Ранд учун келманг ким ул судин гузар йўқтур бу кун. *Фавойидул-кибар*, 471-Т;

~ **айла-/эт-** – ўтмоқ, йўл олмоқ, юрмоқ:

Қониъ ул ишга чу назар айлади,
Қилмади парво ву гузар айлади. *Ҳайратул-аброр*, 7-174;

Гузар айлаб бурунғи равза сари,
Шаҳ-у шаҳзода-у дастур бари. *Фарҳод ва Ширин*, 46;

Бу ўлганларга умри Хизр бергай гар яна ногаҳ,
Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузар анда. *Ғаройибус-сиғар*, 46-Т;

Бу даштқа қилмайин гузар ҳеч,
Топмай бу балийядин хабар ҳеч. *Лайли ва Мажнун*, 87-Т;

~ **сол-** – бориб кўрмоқ, хабар олмоқ:

Ким бу нодир сари гузар солғай,
Барча аҳволиға назар солғай. *Сабъаи сайёр*, 10-244;

~ **кил-** – ўтмоқ, хаёлга келмоқ, эсламоқ:

Қади ҳавосидин гаҳи шажар сари назар қилай,
Юзи хаёлидин гаҳи чаман сари гузар қилай. *Мезонул-авзон*, 14-Т;

Ул бузуқ сари чун ки солди назар,
Қилди ўз ҳоли хотириға гузар. *Сабъаи сайёр*, 10-172.

ГУЗАРГОҲ [گذرگاه] – ўтадиган жой, йўл:

Гузаргоҳи рус-у диёри фаранг,
Қаю ерга еткач ўтуб бедаранг. *Садди Искандарий*, 424-Т;

Кўйида чун туфроғ ўлдум эсмасун ул ён сабо,
Эй Навоий ул мақомимдур гузаргоҳим эмас. *Фавойидул-кибар*, 233-Т;

Мени буюрди ким йўл бошида кофила гузаргоҳида асрағайлар, то ҳар киши ўтса тавбиҳ-у сарзаниш қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 152-Т.

ГУЗИДА [گزیده] – 1. маъқул, ёқимли; ~ **атвор** – табиати ёқимли ахлоқли:
Мавлоно Султон Али... онча ҳамида ахлоқ ва гузида атвор била ороста ва пиростадур. *Мажолисун-нафоис*, 138;
2. тарихий китоб номи:
«Гузида»да мундақ битибдур ким Ардашер бағоят хирадмдад ва доно киши эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 216.

ГУЗИН [گزین] – танланган, маъқул ва мақбул бўладиган, сара:
Гузин Фарҳодга бехавф-у кулфат,
Бўлуб Шопур ила ул навъ улфат. *Фарҳод ва Ширин*, 276-Т;
~ **и айём** – мақбул айёмлар:
Деди ким аё гузини айём,
Ишқ ояти ичра ҳарфи идғом. *Лайли ва Мажнун*, 228-Т;
~ **айла-/эт-** – сараламоқ, танлаб олмоқ:
Ҳамул Балх ким қилди Ҳушанг шоҳ,
Жаҳондин гузин айлабан тахтгоҳ. *Садди Искандарий*, 239-Т;
Ишқ аҳли бирла ўлтур ва ошиқлиқ эт гузин,
Ҳар ким ки ошиқ эрмас анга бўлмағил қарин. *Насойимул-муҳаббат*, 186-Т.

ГУЗИР [گزیر] – чора, илож, тадбир:
Неча фикр этти ҳакими беназир,
Кўрмади ул иш давосидин гузир. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
Оразу холинг гирифтори эса кўнглум не тонг,
Ким гузири йўқтур ул кушнинг бу обу донадин. *Хазойинул-маоний*, IVб-495;
Неча туфрағ эса жисми ҳақирим,
Вале бир икки сўздин йўқ гузирим. *Фарҳод ва Ширин*, 180-Т;
Йўқ эрди гузири неча сўздин,
Борғудек ўлуб дегунча ўздин. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т.

ГУЗОР [گذار] – ўтиш, йўл:
Гар анда сайр бўлса ихтиёринг,
Ҳадойиқ жониби тушса гузоринг. *Фарҳод ва Ширин*, 455-Т;
Даҳр боғининг насими совурур гул хирманин,
Анга ул гул гулшани сари гузоре бўлмасун. *Ғаройибус-сиғар*, 367-Т;
~ **айла-/қил-** – ўтмоқ, юрмоқ, йўл олмоқ:
Лутф айлабан эй насими кудс осор,
Бир қатла фано гулшанига айла гузор. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-89;
Мен ким бу тараф гузор қилдим,
Бу ранжни ихтиёр қилдим. *Лайли ва Мажнун*, 59-Т.

ГУЗОРА [گذاره] – ўтиш; тешиш:
Чекиб ул ёға бир ўқ ошкора,
Ки хора тошидин ўткай гузора. *Фарҳод ва Ширин*, 226-Т;
~ **қил-** – ўтмоқ; тешмоқ:
Ким бағри сипеҳрнинг тешилди,
Ул нола ўқи гузора қилди. *Лайли ва Мажнун*, 347-Т;
~ **айла-/қил-** – ўтмоқ, бормоқ:
Еттинчи қуллаға айлаб гузора,
Зуҳалга дер эди айлаб назора. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т;

Бу тоғ ичра киши қилса гузоре,
Кўрар ҳижрон тунидек тира ғоре. *Фарҳод ва Ширин*, 189-Т.

ГУЗОРАНДА [گذارنده] – тартибга соладиган, безатувчи:
Бу торихи сурат нигорандаси
Бу янглиғ бўлур сўз гузорандаси. *Садди Искандарий*, 104-Т;
Бу Чини нигориш гузорандаси,
Эрур бу гузориш нигорандаси. *Садди Искандарий*, 371-Т.

ГУЗОРИ [گذاری] –йўловчи:
Ким дағдағa топмағай муҳожир,
Хоҳи гузори ву хоҳи тожир. *Лайли ва Мажнун*, 373-Т.

ГУЗОРИШ [گذارش] – баён, таъбир, ривоят;
Гузоришқа ул ким қалам қилди тез,
Қаламдин бу янглиғ болур нуктарез. *Садди Искандарий*, 130-Т;

~ **айла-/қил-** – ҳикоя қилмоқ, баён айламоқ:
Чу ул ой суратин айлаб гузориш,
Ўзи хоро уза айлаб нигориш. *Фарҳод ва Ширин*, 311-Т;
Ҳар нукта ки айлабан гузориш,
Мажнунни қилур эди сипориш. *Лайли ва Мажнун*, 354-Т;
Йўнуб хома коғаз нигориш қилай,
Ҳам ул доситонни гузориш қилай. *Садди Искандарий*, 93-Т;

~ **бер-** – баён қилмоқ, ҳикоя қилмоқ, шарҳламоқ:
Чу ториға дастон гузориш бериб
Бағирларға тирнағи хориш бериб. *Садди Искандарий*, 50-Т;
Бу маҳд алвоҳига қилған нигориш,
Бу янглиғ қиссаға берди гузориш. *Фарҳод ва Ширин*, 300-Т;

~ **кўргуз-** – баён қилмоқ, ҳикоя қилмоқ:
Кўнгулдин дағи сўз дурри нутқ шарафиға соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;

~ **сурати тут-** – хаёлидин кечмоқ, тасаввур этмоқ, баён этилмоқ:
...ўз камоҳия ҳолатлари кайфийятида гузориш сурати тутубтур.
Муҳокаматул-луғатайн, 187-Т;

~ **топ-** – бяён этилмоқ, ёзилмоқ:
«Ғаройибус-сиғар» девонидур ким кичик ёшда тақриримдин гузориш таҳриримдин нигориш топибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;
Аларнинг бу маснавийлари баҳрида «Фарҳод ва Ширин» воқиъ бўлубтур ва аларнинг мадҳида турфа дастоне гузориш топибдур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-60.

ГУЗОРЛА- [گذارله] – 1. йўлиқтирмоқ, дучор қилмоқ:
Ул Халложни қарғади ким Илоҳий биравни анга гузорла ким элик аёғин кескай ва кўзин уйғай ва дорға тортқай ва барча анга воқиъ бўлди устоди дуоси била.
Насойимул-муҳаббат, 94-Т;

2. йўли тушмоқ, бормоқ; зиёрат қилмоқ:
... ва дерлар ки Шайх Низомиддин авлиё ҳамроҳлиғи анинг шайхидур таййи арз тариқи била ҳаж гузорлабдур. *Нисойимул-муҳаббат*, 178-Т.

ГУЗОФ/ГАЗОФ [گذاف] – бемаънилик, беҳудалик:
Қилиб ёд даъво ву лофимни ҳам,
Соғиниб бурундин гузофимни ҳам. *Садди Искандарий*, 89-Т;

Манга ҳам бор эди ишқида лофи,
Тилармен бўлмағай лофим гузофи. *Фарҳод ва Ширин*, 481-Т.

ГУКРА- [گوکره] – гуркирамоқ, гулдирамоқ:
Сахоб эрмас ки гукраб тоғ уза ҳар сари айланмиш,
Ки дуди оҳу афғоним фалак тоқиға чирманмиш. *Хазойинул-маоний*, IVa-147.

ГУЛ [گل] – 1. гул:
Кофур қошида мушк соро эрмиш,
Гул жанбида сунбул ошкоро эрмиш. *Назмул-жавоҳир*, 15-38;
Боғ аро гулларга ўт солди Навоий ноласи,
Бенаво булбулға ваҳ мундақ ун ўлғайму экин? *Фавойидул-кибар*, 463-Т;

2. гўзал, жонон, ёр, маҳбуба, маъшуқа:
Сариғ қизил алвон била хилъатларинг эй гул,
Раънолиғ эрур ул ки либосингда аёндур. *Фавойидул-кибар*, 142-Т;
Чу ошиқ англади қилғач тааммул,
Ки елдин тушкудекдур ер уза гул. *Фарҳод ва Ширин*, 319-Т;

3. гулга ўхшаш:
Қилди чу зийнат била боғи сипеҳр,
Ахтарининг ҳар гулини рашки меҳр. *Ҳайратул-аброр*, 7-83;
Кўз ёшнни субҳдек ёшурған,
Яъни гул меҳрдин дам урған. *Лайли ва Мажнун*, 218-Т;
Булбулни ки қилди зор-у ғамнок,
Гул кўнглакини ҳам айлади чок. *Лайли ва Мажнун*, 246-Т;
Юзин мисли гулбарги хандон очиб,
Яна оллида гул киби хон очиб. *Садди Искандарий*, 364-Т;
Чун бу мавоҳиб била ғинолар ва бу ғанойим била истиғнолар муяссар бўлди мунунг натойижи гуллари рўзгор аҳлиға беҳад-у миқдор очила бошлади.
Муҳокаматул-луғатайн, 180-Т;

4. Ҳирот вилоятидаги бир қишлоқ номи:
Ҳиротруд вилоятидаги Гул кенти жамиъ боғот ва дарахтон ва сарой ва боғча ва сойир арозиси била. *Вақфия*, 14-267;

5. самара:
Менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари ул ҳазратнинг хизмати баҳорида очилди. *Вақфия*, 9(10)-652;

6. ҳар қандай яхши нарсалар, гўзалликлар, ажойиботлар:
Ҳаёт равзасининг наврас сабзазорининг назохати вақти ким ўн беш ёштин қирк ёшқачадур ки инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолиға шефта бўлур.
Муҳокаматул-луғатайн, 182-Т;

7. ўт, олов; ишқ ўти, ҳароратли ҳолат, ўт солиш:
Чун ғунчани пора пора қилди,
Ишқ ичра анча бу гул очилди. *Лайли ва Мажнун*, 174-Т;
...алар зулм боғида май ичиб гул сочарлар балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар. *Ҳайратул-аброр*, 7-121;

8. қон:
Қаракчи қони ўлса рахтида доғ,
Бу гул тожирға айлар тоғни боғ. *Фарҳод ва Ширин*, 175-Т;

9. қонли ёш:
Секиз гул барги бирла бетааммул,
Сариғ гул узра оқизди қизил гул. *Фарҳод ва Ширин*, 405-Т;

10. фарзанд:
Муроди боғи юз гулдин баруманд,
Вале ул ўзга гулга орзуманд. *Фарҳод ва Ширин*, 127-Т;

~ **аруси** – янги келинчак: .
Баҳор эрди ву гул арусиға зеб,
Арусона булбулға андин фиреб. *Садди Искандарий*, 378-Т;

~ **атри** – гул атри, гулнинг атир каби хушбўй ҳиди:
Оз озғина берган сойи гул атри насим,
Булбулдек ишим нола-у фарёд ўлған. *Ғаройибус-сиғар*, 562-Т;

~ **варақи** – гул япроқлари:
Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гулшан аро тозадур. *Ҳайратул-аброр*, 7-61;

~ **вақти** – гул мавсуми:
Гул вақтида биров хор ғамидин мубтало эрканининг изҳори ва лоладек бағрида юз доғ била эрканининг намудори. *Мажолисун-нафоис*, 211;

~ **гул** – 1. чаман-чаман; кип-кизил:
Энгим гулбаргидин бўлганда маҳзун,
Юзунг гул гул қилурму ашки гулгун. *Фарҳод ва Ширин*, 413-Т;
Жабинлар гул гул-у кирпиклари хор,
Қабоғлари кенг кенг-у оғизлари тор. *Фарҳод ва Ширин*, 247-Т;

2. шоду хуррам:
Тилар чун ғунча шаккарханда қилмақ,
Топар ул кулгудин гул гул очилмақ. *Фарҳод ва Ширин*, 163-Т;
Дам бадам ичмас эсанг гулгун май,
Не учун оразинг ўлмиш гул гул. *Фавоийдул-кибар*, 367-Т;

~ **дафтари** – гул япроғи, япроғ:
Ҳуснинг авроқиға эй гулшан қувонма асру ким
То хабар толқунг совурмиш тонг ели гул дафтарин. *Наводируш-шабоб*, 450-Т;

~ **дек бадан** – тоза бадан, соф тан:
Гулдек баданинг бўлуб саломат ё Раб,
Шамшодинға бўлсун истиқомат ё Раб. *Муншаот*, 14-207;

~ **зикри** – гул ҳақида сўз, гул ҳақида ҳикоя:
Гул зикрин эшитурмену йўқ гулдин асар,
Бу боғ эшигидин истарам онча гузар. *Хазойинул-маоний*, 16-749;

~ **ишқи** – гулга етиш орзуси, гул севгиси; ёр васли:
На булбулнинг ғунчадек қонлиғ кўнглида гул ишқи хорхоридин асар. *Вақфия*, 9(10)-634;
Ер қади ҳажридин сарв майлин мафқуд дебдур ва юзи шавқидин гул орзусин нобуд билибдур. *Мажолисун-нафоис*, 230-Т;

~ **сафхаси** – гул япроғи:
Номасидин тил топибан сўз насиб,
Ўйла ки гул сафҳасидин андалиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-228;

~ **чоғи** – баҳор фасли, гул очилар пайт, гул мавсуми:
Гул чоғи ҳар гулга бир булбул тараннум кўргузуб,
Тоза қонлиғ доғ ила кўнглум қуши афғон тузуб. *Наводируш-шабоб*, 52-Т;

~ **юз** – чиройли юз, гўзал чеҳра:
Биз қизил гул юзунг афкандаси,
Савсани озод қадинг бандаси. *Мезонул-авзон*, 50-Т;

~ **яфрағи** – хатчўп:
Муттақий покрав масжидда муътакиф бўлған чоғи мусҳаф
авроқи орасида гул яфрағи. *Маҳбубул-қулуб*, 14-111;
~ **и айш** – айш, ишрат гули:
Нашоти боғи ҳар кун тоза бўлсун,
Гули айш анда беандоза бўлсун. *Фарҳод ва Ширин*, 180-Т;
Васл боғида гули айш-у мурод
Анча топти жон насимидин гушод. *Лисонут-тайр*, 244-Т;
~ **и андуҳ** – қайғу, ғам-алам гули:
Деман ким ҳар бири бир пора қондур,
Гули андуҳ баргидин нишондур. *Фарҳод ва Ширин*, 399-Т;
~ **и аҳмар** – қизил гул:
Ёхуд тикан ичра гули аҳмар янглиғ,
Валекин тан аро руҳи мунаввар янглиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 14-Т;
~ **и баҳор** – баҳор гули:
Ёнинда сенинг гули баҳори
Кўнглумда менинг фироқ хори. *Лайли ва Мажнун*, 131-Т;
~ **и биёбон** – биёбон, чўл дашт гули:
Эй Навоий ким сўрар бўлса мени девонани,
Дашт уза сўрғай магар гули биёбондин хабар. *Бадойиул-васат*, 128-Т;
Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийни кўруб
Қилдилар ҳайрат ки не гули биёбондур яна. *Ғаройибус-сиғар*, 417-Т;
~ **и бўстон** – бўстон гули:
Навбаҳори даҳрға қўйманг, кўнгул ким йўқ вафо,
Не гули бўстонида не лолаи худрусида. *Фавойидул-кибар*, 538-Т;
Ҳар ким ул юз киймати тағйир топса айб эмас,
Икки кун бир навъ бўлмайдур гули бўстонға нарх, *Фавойидул-кибар*, 114-Т;
~ **и васл** – васл гули:
Гули васл агар даҳр боғида йўқ,
Етар қатлима ҳажр ҳари азоб. *Наводируш-шабоб*, 61-Т;
~ **и дард** – дардли, хаста гул:
Очмади жуз гули дард анча ки бедил булбул,
Қилди кўксида кўнгул ўрнида пинҳон ғунча. *Наводируш-шабоб*, 554-Т;
Меҳнат тиканидин очилиб вард,
Райҳони машаққат-у гули дард. *Лайли ва Мажнун*, 322-Т;
~ **и жамол** – ҳусн, гўзаллик гули:
Нужуми хол эрур ул гули жамол узра,
Нечук ки мушк сочилғай ҳарири ол узра. *Фавойидул-кибар*, 546-Т;
~ **и завқ** – шодлик, лаззат, завқ гули:
Гули завқ элга боғи ишқ аро ким
Манга ғам даштида хори бало бас. *Наводируш-шабоб*, 233-Т;
~ **и ишрат** – ишрат гули:
Мумкин эмас андин гули ишрат яна бутмак,
Торожи хазон бўйла ки боғимға етишти. *Фавойидул-кибар*, 604-Т;
~ **и мақсуд** – асл негиз, натижа; чин мақсад:
Бу чаман ўлмағида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-239;
~ **и меҳр** – меҳр гули:
Йугурмакликда ҳар гунбод ки сакрир ул маҳи гулхад,
Гули меҳр алдарар беҳад уялур кунбади аҳзар. *Наводируш-шабоб*, 194-Т;

~ **и муасфар** – сарик гул:
Танг нафас этти ани сафар,
Ул ранг ила ким гули муасфар. *Лайли ва Мажнун*, 310-Т;
~ **и мурод** – мақсад гули:
Чун гули мурод анга рафиъ бўлди басе,
Ул нахлға ҳам соя васиъ бўлди басе. *Назмул-жавоҳир*, 15-163;
~ **и навхоста** – янги очилган гул; ёш гўзал маҳбуба:
Боғ аро кўрсанг гули навхоста,
Барча учун сухбат эт ороста. *Ҳайратул-аброр*, 7-299;
Айлабан ул шўхни ороста,
Субҳ дами чун гули навхоста. *Ҳайратул-аброр*, 7-246;
~ **и насрин** – настаран гул:
Лафзлар анда гули насрин бўлуб,
Маъни анча меваи ширин бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-229;
~ **и ношукуфт** – очилмаган гул, гулғунча:
Жаҳон боғидин гулбун ўлса ниҳуфт,
Тар-у тоза бўлсун гули ношукуфт. *Садди Искандарий*, 214-Т;
~ **и оташин** – 1. қизил гул; жозибали, гўзал жамол:
Кўйсанг Навоийё не ажаб хас киби ки бор
Севган кишинг изори гули оташин йигит. *Фавойидул-кибар*, 83-Т;
Маскан учун бўлди чу гулбуннишин,
Жониға ўт ёқти гули оташин. *Ҳайратул-аброр*, 7-189;
2. оташ ранг гул, чўғдек қизил гул:
Қилибтур гули оташин ғунчаси,
Кўнгулни ўкуш сўзи ҳижрон манга. *Наводируш-шабоб*, 14-Т;
~ **и раъно** – раъно гул:
Бу гулшанда гули раъно тўкулмак ваҳлидин гўё,
Жамолинг кеч қилур пайдо дема булбулдин айлар нанг.
Наводируш-шабоб, 334-Т;
~ **и рухсор** – гул юз, гўзал чеҳрали:
Зоҳид учмағни этар васф-у мен ул ой кўйин,
Гулшани хулд анга ул гули рухсор манга. *Ғаройибус-сиғар*, 36-Т;
~ **и садбарг** – атиргул; кирк оғайни гули:
Жолалар эрмас гули садбарг уза ким айламиш,
Жисмини тишлар била ҳажрингда юз парганд гул. *Наводируш-шабоб*, 385-Т;
~ **и сарвқомат** – сарвқомат гўзал гул, санам:
Фароқинг аро эй гули сарвқомат,
Нав сарв-у не гул кўргали инстиқомат. *Фавойидул-кибар*, 80-Т;
~ **и сероб** – нам гул, серсув гул; сержилва, янги очилган гул:
Юзунг ки айни ҳароратдин ўлди ғарқи арақ,
Де ани чашмаи хуршид ё гули сероб. *Наводируш-шабоб*, 44-Т;
Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек,
Ким танимда ҳар замон титрар кўнгул симобдек. *Ғаройибус-сиғар*, 260-Т;
Ғунчаи сероби ҳайвон чашмасидур гўйиё,
Анда су инмиш оқиб ҳар ён гули серобидин. *Бадойиул-васат*, 342-Т;
~ **и суманбар** – маҳбуба:
Ким ғам ема эй гули суманбар,
Зулфунг сочиб ул юз узра анбар. *Лайли ва Мажнун*, 176-Т;

~ **и сурий** – шодлик, қизил гул:
Эй гули сурий жамолинг дафтаридин бир варақ,
Сабза ву райҳон сенинг хаттингдин элтурлар сабоқ. *Ғаройибус-сиғар*, 493-Т;
Эй гули сурий чаманда оразинг шармандаси,
Сарв бу озодлиғ бирла қадингнинг бандаси. *Ғаройибус-сиғар*, 437-Т;
~ **и тоза** – тоза, янги очилган гул:
Ҳам ул қаср даврида бир турфа боғ,
Анга ҳар гули тоза равшан чароғ. *Садди Искандарий*, 252-Т;
~ **и халқ** – халқ гули:
Гули халқи андақ ки боғи биҳишт,
Суйи чашмаи зиндагони сиришт. *Садди Искандарий*, 98-Т;
~ **и хандон** – очилган гул; маҳбуба:
Кўнгли ранж била куюб жониға дсмаганин булбул куйса гули хандониға ғам бўлмасқа ташбиҳ қилиб ишқ чаманида булбулдек гулбонг урғани.
Мажолисун-нафоис, 232-Т;
Не гули хандон не Исодур не Юсуф муждаси,
Топти бир маҳжур ўлар ҳолатда жоноп муждасин. *Хазойинул-маоний*, 16-480;
~ **и худрў** – ўзича ўсган гул, ёввойи гул:
Гоҳ афғонингни тузгил булбули худрой ила,
Гоҳ дилдорингни ёндаштур гули худрў била. *Фавойидул-кибар*, 528-Т;
~ **и шакарханд** – дилрабо табассумли маъшуқа:
Деб ким қани ул гули шакарханд,
Ким бу гул эрур юзига монанд. *Лайли ва Мажнун*, 128-Т;
~ **и шамъжабин** – пешонаси порлоқ гўзал:
Ўртанур ишқда парвона чекар ун булбул,
Ул гули шамъжабин ишқида менмен жомиъ. *Ғаройибус-сиғар*, 237-Т;
~ **и шукуфта** – очилган гул:
Чун булбулини гули шукуфта
Топти бари халқдин нухуфта. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т;
~ **и Эрам** – жаннат гули:
Ўртар эди бу ўт ул санамни,
Дўзахқа солиб гули Эрамни. *Лайли ва Мажнун*, 332-Т;
~ **и эҳсон** – эҳсон гули:
Эй гадо олам элига шайлиллоҳ дема ким
Бу чамандин келмади ҳаргиз гули эҳсон иси. *Бадойиул-васат*, 440-Т;
~ **и ҳамд** – мадҳ гули; санам, маҳбуба:
Навоий ўлди гули ҳамд-у шукрунга булбул,
Ани бу боғ аро лутф айлаб айла нағмасарой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т;
~ **и ҳамро** – қизил гул:
Қил ҳаво ул гулшани мино сари,
Майл кўргуз ул гули ҳамро сари. *Лисонут-тайр*, 50-Т;
~ **бўл-** – қизармоқ, гулранг бўлмоқ:
Юзунг ким майдин ўлмиш гул уза гул
Кўнгул боғланмиш андин қон уза қон. *Бадойиул-васат*, 332-Т;
~ **бер-** – гулламоқ, гул очмоқ:
Булутдин ким бўлур сероб туфрағ,
Мулавван гул берур минойи яфрағ. *Вақфия*, 14-251;
~ **оч-** – 1. гул кўкартмоқ, гуллатмоқ, обод қилмоқ:
Қуёш била абри баҳордек қаро туфрағдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-454;

2. вояга етмоқ, ўсмоқ, ривож топмоқ; обрў топмоқ:
Бандаи хоксор агарчи туфрағдин ўксук эрдим аммо ул қуёш тарбияти била ранго ранг гуллар очтим. *Муҳокаматул-луғатайн,* 187-Т;

~ **очил-** – 1. гулламоқ, гул ёзмоқ:
Агар юз қатла булбул чексун афғон,
Баҳор ўлмай гул очилмақ на имкон. *Муншаот,* 14-152;
2. яшнамоқ, обод бўлмоқ:
Талаб баҳорида боғинг ки гулбун этти аён,
Бу гулбунунгға даги тоза гуллар очилсун. *Муншаот,* 14-199;

~ **боши уза гул очил-** – давлат, бахт эгаси бўлмоқ:
Шохи тарабим бу дам қилиб гул,
Бошим уза тонгла очилиб гул. *Лайли ва Мажнун,* 180-Т;

~ **дек очил-/киби очил-** – яшнамоқ, барқ урмоқ:
...турк нозимлари ўз алфозлари билан шеърга машғуллуқ қилғайлар ва кўнгул ғунчаси доғидин ки ...баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 190-Т;
Рухсоринг гул киби очилмиш,
Ашким ҳам жоладек сочилмиш. *Мезонул-авзон,* 36-Т;

~ **киби хандон айла-** – кулмоқ, қаҳқаҳа урмоқ, хурсанд бўлмоқ:
Не баҳорида шод бўл чандон,
Айлабан ўзни гул киби хандон. *Муншаот,* 14-138;

~ **сочмақни бас қил-** – иноят кўргизиш, иззат-эҳтиром кўрсатишлик, сахийлик қилишликни бас қилмоқ:
Бошлариға гул сочсанг алардин юзунгга тикан санчилур агар ул гул сочмағни бас қилсанг бағрингга чўкур тикилур. *Маҳбубул-қулуб,* 110;

~ **гул эт-/қил-** – қип-қизил қилмоқ, чиройли, гўзал қилмоқ:
Юзин май гул гул эткандин хирош эрмас унум балким
Кўнгулда хорхори нолам андомин фигор этмиш. *Ғаройибус-сиғар,* 203-Т;
Анжуман аҳли юзин гул гул қилали май била,
Мехрдин топқунча анжум гуллари бир бир шикаст. *Ғаройибус-сиғар,* 84-Т;
Ўз кўнглакини анга жул этти,
Қон ёшидин ани гул гул этти. *Лайли ва Мажнун,* 237-Т.

ГУЛАНДОМ [گل اندام] – 1. гул бичим, гулбадан; гўзал қоматли, хушбичим; нозанин:
Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бари ҳам сарвқомат ҳам гуландом. *Фарҳод ва Ширин,* 325-Т;
Ҳам гул иси ҳам сарв бўйи кўнглума ёқмас,
То эврулар ул сарви гуландом кўнгулда. *Наводируш-шабоб,* 26-Т;
Сарв-у гулга боғ аро дермен ки айлай жон фидо,
То ки жоним қасди бир сарви гуландом айламиш. *Наводируш-шабоб,* 252-Т;
Ким уйга саманбару гуландом,
Чун боғдин этти азм ул шом. *Лайли ва Мажнун,* 169-Т;
Ҳеч иш сарви гуландомимға беандом эмас,
Ғайр зулм-у жаври ким хорж дурур андомдин. *Фавойидул-кибар,* 481-Т;
2. Гуландом (исм):
Дилором-у Дилорой-у Дилосо,
Гуландом-у Саманбўй-у Самансо. *Фарҳод ва Ширин,* 325-Т.

ГУЛАФШОН [گل افشان] – гул сочувчи; хурсанд ва шод этувчи; гулдек очилиб турувчи:
Бу ҳазрат ким бу мажлис аҳлининг садрнишинидурлар... гул-шани табьлари гулафшон ва суманбез сархайлга вусули илоҳий етсун. *Мажолисун-нафоис,* 135;

Гулшани кўйингдин айру боғи ризвонни нетай,
Бошима гар гул сочар сенсиз гулафшонни нетай. *Наводируш-шабоб*, 634-Т;
Кўзларим боғи сочарда ашк гулгун оштилар,
Бу бири айнул-ҳаёт ул бир гулафшондин дағи. *Наводируш-шабоб*, 601-Т.

ГУЛБАРГ [گل برگ] – 1. гул япроғи, гулбарг, гул:
Чун ки гулбарг узра сочилди гулоб,
Наргис очилди ки эрди масти хоб. *Лисонут-тайр*, 125-Т;
Юзида хол бўлуб гулбарг уза зоғ,
Ва ё тер остида су ичраки боғ. *Фарҳод ва Ширин*, 317-Т;

2. гўзал, чирой, кўркам юз:
Энгим гулбаргидин бўлғанда маҳзун,
Юзинг гулгул қилурму ашки гулгун? *Фарҳод ва Ширин*, 413-Т;

3. дилбар, маъшуқа:
Дедим ким сизга дей аввал хабарни,
Қилай хандон бурун гулбарги тарни. *Фарҳод ва Ширин*, 408-Т;

~ **и айш** – айш, шодлик, хурсандчилик гуллари:
Ул киши умри баҳоридаи терар гулбарги айш,
Ким кафида лолагун май бирла бўлғай соғари. *Наводируш-шабоб*, 638-Т;

~ **и аҳмар** – қип-қизил, қизил гулбарглар:
Фарҳоднинг ишқ шуъласида куйуб ул ўтни жон пардасида яшурмакдин ҳажр хунобасин йутуб ул заҳрни кўнгул ичинда сингурмакдин гулбарги аҳмардек жамоли заъфарони ва нахли санавбардек ниҳоли хизрони бўлуб...
Фарҳод ва Ширин, 252-Т;

~ **и боғи сипеҳр** – сипеҳр боғи гулбарглари:
Бу янглиғ кеча ул чироғи сипеҳр,
Юзи тоза гулбарги боғи сипеҳр. *Садди Искандарий*, 62-Т;

~ **и изор** – тоза очилган гулбарглар:
... ҳусн хаёлин гулбарги изор боғи ва наргиси бемор чироғи била коффаи халойиқнинг қурратул-айни этти. *Ғаройибус-сиғар*, 3-Т;

~ **и нозпарвард** – нозли гулбарг:
Не учун ўлмагамен мен ки ишқ булбули мен,
Хазонға қолқуча гулбарги нозпарварди. *Ғаройибус-сиғар*, 453-Т;

~ **и раъно** – гўзал, чиройли, хушбўй раъно гули:
Чу туздунг ҳусн боғин изор-у қадни қилдинг,
Бирин гулбарги раъно бирисин сарви чолок. *Наводируш-шабоб*, 321-Т;

~ **и рухсор** – гулбарг чеҳрали:
Ҳам кўнгул гулзорида гулбарги рухсорин ҳавас,
Ҳам назар бўстонида қадди ниҳолин орзу. *Фавойидул-кибар*, 499-Т;

~ **и сайрон** – янги очилган гул, гулбарг сайри:
Тира ул юз тобидин ўлса тонг йўқ боғбон,
Қайда мундақ ўт анинг гулбарги сайронида бор. *Наводируш-шабоб*, 150-Т;

~ **и тар** – янги очилган тоза, соф гул япроғи:
Бу хилъат ким қилибтур хўй чиган рухсорани пинҳон,
Эрур гулбун пинҳон бутти бир гулбарги тар анда. *Наводируш-шабоб*, 24-Т;

~ **и тарий** – янги очилган гул япроғи:
Юзун хўй тоза қилғанни назора айладим, гўё
Эрам гулзорида сероб гулбарги таридур бу. *Фавойидул-кибар*, 506-Т;
Гул уза шабнам эмас ул юзда гул монанди ким
Инфиолдин ботибтур терга гулбарги тарий. *Наводируш-шабоб*, 589-Т;

~ **и хондон** – очилиб турган гўзал гул, гулбарг:
Кўнглума ул юз-у лаб ёдиму иркин ғам туни,
Ё шабистоним тўла гулбарги хондонму экин, *Ғаройибус-сиғар*, 352-Т.

ГУЛБЕЗ [گل بیز] – гул ҳиди сочувчи:
Боғ аро эрдунгму ким бу кеча гулбез эсти ел.
Бода ичтингму ки беҳад ишратангез эсти ел. *Фавойидул-кибар*, 381-Т;
Агар жон пардаси кирпикларингдин бўлди парвизан,
Бу ҳам хуштур ки рухсоринг хаёлидин эрур гулбез. *Наводируш-шабоб*, 204-Т;
Ярим кеча ким насими гулбез
Бўлди чаман аҳли узра гулрез. *Лайли ва Мажнун*, 124-Т;
Боғ аро гул сочти ноз уйкусида ул сарв уза,
Тонг насимининг магар парвезани гулбези бор. *Фавойидул-кибар*, 137-Т.

ГУЛБОНГ [گل بانگ] – баланд ёкимли овоз билан нола тортиш; хушовоз билан сайраш:
Баҳор андак ки булбул гулчи зори тоза истармен,
Ки ул гулбонг ила ўзни баландовоза истармен. *Фавойидул-кибар*, 480-Т;
Эй хори ғамимни жонға урган
Гулбонгин анинг жаҳонға урган. *Лайли ва Мажнун*, 247-Т;
Бўлди гулшан гуллари хомуш ноланг ҳузнидин,
Эй Навоий бу не гулбонг-у ҳазин овоздур. *Фавойидул-кибар*, 165-Т;
Чаман ҳусни динор агар донгдур,
Ки бечора булбулға гулбонгдур. *Садди Искандарий*, 382-Т;
~ **и самад** – ёкимли баланд овозда ҳамд-у сано қилиш:
Муаззин Каъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти. *Наводируш-шабоб*, 604-Т;
~ **и сулу** – ширали, ширадор гулбонг:
Куфр аҳлининг жавобин еткуруб,
Балки гулбонги сулуни ул уруб. *Лисонут-тайр*, 32-Т;
~ **чек-** – баланд ва хушовоз билан нола чекмоқ, сайрамоқ:
Бу чаманнинг гулларига йўқтур эй булбул вафо,
Авло ул ким айласанг гулбонг чекмакликни бас. *Ғаройибус-сиғар*, 199-Т.

ГУЛБОР [گلبار] – гул ёғдирувчи:
Насими субҳ ўлур боғ ичра гулбор,
Бўлур боғ оташин гул бирла гулнор. *Фарҳод ва Ширин*, 164-Т;
Юз узга зулфунгни қилдинг-му паришон ноз ила,
Ким гаҳи гулбор-у гоҳи анбаромиз эсти ел. *Фавойидул-кибар*, 381-Т.

ГУЛБУН [گلبون] – гул тупи; гул пояси:
Вой ким бир гул хазонға солди айшим гулбунин,
Ушбу фасл ичра ки топмиш жумлаи олам баҳор. *Ғаройибус-сиғар*, 137-Т;
Мунга тегру килдинг маротиб навард,
Ки очтинг башар гулбуни ичра вард. *Садди Искандааий*, 52-Т;
~ **и ахзар** – яшил гул тупи:
Қирағида ҳар гулбуни ахзари
Бақо ичра бир Хизри пайғамбари. *Садди Искандарий*, 240-Т;
~ **и меҳнат** – гул тупи машаққати:
Гулбуни меҳнат аро қонлиғ кўнгуллар ғунчадур,
Тандадур ҳар сари пайконинг анинг ҳар кўнглидек. *Наводируш-шабоб*, 328-Т;

~ **и умр** – гул, гулбун умри:
Зор тандин минг туган солмиш қаро ўлсам не тонг,
Гулбуни умрумға бу янглиғ ки бўлмиш баргрез. *Наводируш-шабоб*, 202-Т;
~ **и кадд** – гул кадди:
Гулбуни каддиға эл кўнгли осилмиш ғунчадек,
Мундин ул нахли бало васфин диловез айладим. *Фавойидул-кибар*, 421-Т;
~ **и ҳусн** – гул, гул тупи ҳусни:
Ва балоғат бўстонининг чаман оройлари хаёл гулшанидин соҳибжамол маъшуқлар гулбуни ҳусниға бергудек бир оташин гул вазн гулдастасиға боғлай олмағайлар. *Ғаройибус-сиғар*, 3-Т;
~ **ўл-** – гулбун, гул бутаси, гул тупи бўлмоқ:
Гулбун ўлди масту сарв асру бийик биллоҳ ки бар
Сарви гулрўйум қадининг зътидоли ўзгача. *Наводируш-шабоб*, 547-Т.

ГУЛБУНМИСОЛ [گلبون مثال] – мисли гулбун:
Дема чархи мину ки гулбунмисол,
Гул ул хайл ки кўргузуб ранги ол. *Садди Искандарий*, 203-Т.

ГУЛБЎЙ [گلبوی] – атргул ҳидли, хушбўй:
Соқиё тут манга гулбўй қадаҳ,
Халқ кўнглидин аламшўй қадаҳ. *Фавойидул-кибар*, 666-Т.

ГУЛГАШТ [گل گشت] – гул сайри, гул сайли; ~ **и боғ** – боғ гулгашти:
Гуллар ўлмиш оташин то ўтлуғ оҳим тортибон,
Айламиш мен оразинг ҳижронидин гулгашти боғ. *Наводируш-шабоб*, 295-Т;
~ **и гулзор** – гулзор гулгашти:
Сарви гулрўйум қилур гулгашти гулзор эй насим,
Дамбадам сариғ қизил гул ул гули раъноға соч. *Бадойиул-васат*, 78-Т;
~ **и чаман** – чаманда гул сайри, чаман гулгашти:
Гулгашти чаман хуштур агар соқий ву мутриб,
Бу келса тута тута ву ул бир чола чола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т;
Чамандин ел равоносо келур ҳар дам ажаб эрмас,
Ки гулгашти чаман айлар бу кун сарви хиромоним. *Бадойиул-васат*, 303-Т;
~ **айла-/эт-** – гул сайри қилмоқ, гулзорни айланиб юрмоқ:
Гул сари боқмади булбул чун ким
Кўрди гулгашт этасен гулшан аро. *Наводируш-шабоб*, 22-Т;
Ганж узра аёғингға мурур ўлди ғурур,
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди ғурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-154;
Қул ўлди сарв то гулгашт этарга,
Қадинг базми тарабдин кўпти озод. *Ғаройибус-сиғар*, 119-Т.

ГУЛГУН [گلگون] – 1. гулранг, пуштиранг, қизил:
Туна кундин такаллуф ўлди фузун,
Гулжабинлар тутуб майи гулгун. *Сабъаи сайёр*, 10-252;
Кон эмас ким ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач. *Ғаройибус-сиғар*, 100-Т;
2. Гулгун (Ширин отининг номи):
Ўзи гулранг-у гулмонанд зоти,
Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти. *Фарҳод ва Ширин*, 291-Т;
~ **юз** – гулга ўхшаш, гул тусли:
Ул фасл кетиб ки гулда сунбул,
Очқай гулгун юз узра кокул. *Лайли ва Мажнун*, 340-Т;

~ **су** – қон:
Бодаи васлин ғанимат тут Навоий зинҳор,
Ким не қонлар ким бу гулгун суни истаб ютмадинг. *Фавойидул-кибар*, 345-Т;
~ **ашк тўк-** – қон йиғламоқ; аламдан қон-қон йиғламоқ:
Заъфароний юзда гулгун ашк тўкмак ие осиғ,
Ишва кўрган даҳр боғининг гули раъносидин. *Хазойинул-маоний*, 16-456;
~ **бўл-** – қизармоқ:
Сиришким қонидин ҳар сабза ким бўлмиш қизил бутмиш
Улус бошиға пар санчар масаллик ким бўлур гулгун. *Наводируш-шабоб*, 456-Т;
Бу фасл ичра ки олам бўлди гулгун,
Шафақгун аксидин миръоти гардун. *Фарҳод ва Ширин*, 164-Т;
~ **қил-** – қизартирмоқ; қон-қон йиғлаттирмоқ:
Анжуман аҳли юзин гулгун қилали май била,
Меҳрдин топкунча анжум гуллари бир бир шикаст. *Ғаройибус-сиғар*, 84-Т;
Шоҳ ила қилди гулгун мул,
Мул алар чеҳрасин қилиб гул гул. *Сабъаи сайёр*, 10-237.

ГУЛГУНА [گلگونه] – 1. упа-элик, зийнат:
Гул юзунг шавқида тиғи ишқ ила бўлсанг шаҳид,
Бўлғусидур ҳурлар гулгунаси қонлиғ кафан. *Наводируш-шабоб*, 501-Т;
Кўнгул қонин кўп ул хунхор кўз ичти эмас гўё
Юзунг гулгунадин гулгун ким ул қондин сироятдир. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т;
Гулгуна чекарга қилсам оҳанг,
Зам айлай анга бу чеҳрадин ранг. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т;
2. қизил, қип-қизил:
Хаёлинг ҳусниға кўнглумда зийнат берса ҳижронинг,
Эрур гулгуна қон машшота ишку кўзгу пайконинг. *Ғаройибус-сиғар*, 285-Т.

ГУЛГУНАЛИҚ [گلگونه لیق] – қизил упа-эликлик; элик:
Орази гулранги гули тозаси,
Гул уза гулгуналиқ анинг ғозаси. *Ҳайратул-аброр*, 7-188;
Қон тўкар кўз оразинг гулгуналиқ кўрган маҳал,
Не учун ким суйи анинг қонила бўлмиш бадал. *Ғаройибус-сиғар*, 297-Т.

ГУЛГУНАСИЗ [گلگونه سیز] – упа-эликсиз:
Бовужуд ул юз эрур гулгунасиз,
Ким кўрунур оллида гулгунасиз.
Юз қизиллиқ йўқ турур эй аҳли зуҳд,
Токи мункарсиз майи гулгуна-сиз. *Бадойиул-васат*, 520-Т.

ГУЛГУНПЎШ [گلگون پوش] – қизил кийган:
Ҳам этти нофаи мушкунг камарни мушки давож,
Ҳам этти гулшани лутфунг шафақни гулгунпўш. *Бадойиул-васат*, 185-Т.

ГУЛГУНҚАБО [گوگون قبا] – гулгунқабо, гулгун либос, кийим:
Ўл моҳи гулгунқабо бирла тилаб ҳамранглиғ
Ғавта еб гулранг ашким баҳри ичра олмен. *Наводируш-шабоб*, 476-Т;
Гар кўрмадинг шафақ уза хуршид эй кўнгул,
Иҳсос қил ани юз-у гулгунқабосидин. *Бадойиул-васат*, 346-Т.

ГУЛДАСТА [گلدسته] – гулдаста, гул боғлами, гул ўрами; яхшилик, бахтлилик, саодатмандлик мажмуаси:
Таҳ ба-таҳ қон дема ким икки юзунг шавқидин,
Дард боғида қилур лола ву гулдаста кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 292-Т;

Бўлуб чун тазарв айлабан майли сарв,
Бу гулдаста майли муталлоъ тазарв. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ГУЛДАСТАБАНД [گلدسته بند] – 1. гул дасталовчи:
Гулшани фирузани чеккан баланд,
Гулларидин мехрни гулдастабанд. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;
2. алломалар, шоирлар, илм аҳли:
Назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т.

ГУЛЖАБИН [گل جبين] – гулюзли, чиройли, ҳусндор, гулдай сўлим:
Гулжабинин кўзга кўп суртар эсам айб этмангиз,
Неча ким бир гулжабинликдин берур ҳар лаҳза ёд. *Фавойидул-кибар*, 120-Т;
Туно кундин такаллуф ўлди фузун,
Гулжабинлар тутуб майи гулгун. *Сабъаи сайёр*, 10-252.

ГУЛЖАБИНЛИҒ/ГУЛЖАБИНЛИҚ/ГУЛЖАБИНЛИК [گل جبين ليق/گل جبين ليغ/گل جبين ليک] – ҳусндор, чиройли, гулдай сўлим:
Деди олғил ким паризодинг будур,
Гулжабинлик сарвозодинг будур. *Лисонут-тайр*, 161-Т;
Эй Навоий даҳр бўстонида булбул сен киби
Бўлмағай топсанг йуруб бир гулжабинлиғ. *Фавойидул-кибар*, 496-Т.

ГУЛЗОР [گلزار] – 1. гулзор, чаман, гулбоғ:
Юзда хуй туғёнидин гар кулса оғзи йўқ ажаб,
Ғунчаға бўлмас очилмақ ичмайин гулзор су. *Ғаройибус-сиғар*, 394-Т;
Лек эмас бўлса қади сарфароз,
Бўлмаса гулзори аро сарви ноз. *Ҳайратул-аброр*, 7-202;
2. юз чиройи, гўзаллиги:
Юзи гулзоридин чун вард тергунг,
Не айтай мен, ўзунг инсоф бергунг. *Хазойинул-маоний*, 146;
~ **и аласт** – аласт гулзори, Оллоҳнинг руҳлари яратилишидан сўнг («Аласту бираббикум»га ишора):
Кўргуз эй товуси гулзори аласт,
Жилваи ким қилғасен давронни маст. *Лисонут-тайр*, 49-Т;
~ **и васл** – васл гулзори:
Эй кўнгул гулзори васлинг субҳидин ноланда қуш,
Йўқ ки атфоли фироқинг элгидин парканда қуш. *Фавойидул-кибар*, 246-Т;
~ **и висол** – гулбоғ висоли:
Рўзи ўлғай то абад беинтиқол,
Қатъ қилған қушқа гулзори висол. *Лисонут-тайр*, 43-Т;
~ **и жамол** – гўзаллик гулзори:
Саҳвдур тубо демак раъно ниҳолингни кўруб,
Ёки жаннат боғи гулзори жамолингни кўруб. *Фавойидул-кибар*, 57-Т.
Гулзори жамолида ки пайдо эмас оғзи,
Ул навъ гул очилди ки бир ғунча топилмас. *Наводируш-шабоб*, 228-Т;
~ **и нигорхона** – расмхона гулзори:
То дашти баҳор бирла рангин бўлғай,
Гулзори нигорхонаи Чин бўлғай. *Ғаройибус-сиғар*, 568-Т;
~ **и рухсор** – гўзал чеҳрали санам:
Анинг ким қадин тўбо этти Худой,
Биҳишт этти гулзори рухсорини. *Бадойиул-вақат*, 457-Т;

~ **и Халил** – нақлга кўра, Иброҳим пайғамбарни куйдириш учун Намруд ёққан ўт гулзорга айланган. Шу ўтни «гулзори Халил» деб атаганлар:
Жоним ўртарга ул ўтлуқ чеҳра гулзори Халил,
Ани равшан айлаган гугирд ўти ёнида Нил. *Бадойиул-васат*, 475-Т;

~ **и шавқ** – завқ-шавқ гулзори; етишиш иштиёқи, муштоқлик:
Чек наво эй булбули гулзори шавқ,
Савти алҳонинг келиб асрори шавқ. *Лисонут-тайр*, 49-Т;

~ **и Эрам** – Эрам боғи, жаннат гулзори:
Сарвға боғ ичра ҳар ён жилва қилмақ хуштурур,
Соядек невчун ётибдур сарви гулзори Эрам. *Бадойиул-васат*, 300-Т;

~ **и ҳусн** – ҳусн гулзори:
Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин
Тобдоннинг аксидек алвон қизил сариғ яшил. *Фавойидул-кибар*, 378-Т.

ГУЛЗОРИЧА [گلزارچه] – гулзоридек, гулзорича:
Гул юзунгдин қатра тер ҳар ерда тома ул судин
Чарх ул ерни ясай олур эрам гулзорича. *Бадойиул-васат*, 396-Т.

ГУЛЗОРЛИҚ [گلزارلیق] – гулзорлик, чаманзорлик:
Барча чаманлар гул-у гулзорлик,
Ҳар чамани йўли гириҳкорлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-311.

ГУЛЗОРСИЗ [گلزارسیز] – гулзорсиз:
Навбаҳор айёми бўлмиш мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгандек хазон фасли гулу гулзорсиз. *Хазойинул-маоний*, 1а-182;
Тонг эмастур гар диёр-у ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гул-у гузорсиз озорсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т.

ГУЛИСТОН [گلستان] – 1. гулзор, гулбоғ, боғ, чаманзор:
Ғунча бориб тоза гулистон келиб,
Зарра бориб меҳри дурахшон келиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-48;
Солиб ул гулистон сари гузарни,
Кивургай қўлға сарви симбарни. *Фарҳод ва Ширин*, 338-Т;

2. иноят, ҳиммат, саховат:
Ҳақ субҳонаху ва таоло барча толиби ниёзмандларға... ул гулистондин нафҳа ва ул раёҳиндии шаммае насиб қилсун. *Маҳбубул-қулуб*, 14-51;

3. хурсанд бўладиган гўзал оромгоҳ:
Ки анҳоридин мулки Зобулистон,
Бўлуб зеб-у зийнат аро гулистон. *Садди Искандарий*, 239-Т;
Ишк ошубидин... гулистон сайрида гул анинг кўзларига хор кўрунганин пайдо этар. *Мажолисун-нафоис*, 216;

4. яшноқ, бахт:
Хосса ки гулум хазонға тушти,
Дай ели бу гулистонға тушти. *Лайли ва Мажнун*, 344-Т;

5. Саъдий Шерозийнинг машҳур асарлари:
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,
Бу «Гулистон» янглиғу ул «Бўстон». *Лисонут-тайр*, 266-Т;

~ **и биҳишт** – жаннат гулистони:
Ясабан гул бари абирсиришт,
Базмни қилди гулистони биҳишт. *Сабъаи сайёр*, 10-251;

~ **и жаннат** – жаннат гулистони:
Чу зотингда имондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатта бўл гулфишон. *Садди Искандарий*, 438-Т;

~ **и Халил** – олов, Халил ташланган олов:
Бу не намудори жамил эй кўнгул,
Балки «гулистони Халил» эй кўнгул. *Ҳайратул-аброр*, 7-196;
~ **и Эрам** – Эрам боғи, жаннат гулистони:
Куйунг эрур ул равза ки хижлат топиб андин,
Ким бўлди гулистони Эрам Боғи Жаҳон ҳам. *Бадойиул-васат*, 305-Т;
~ **и хусн** – гулистон гўзаллиги, чиройи, ҳусни:
Кўнглум ичра гулистони ҳуснидур эй боғбон.
Кел ки оҳим фарқи йўқтур нафҳаи гулбездин. *Фавойидул-кибар*, 456-Т;
~ **бўл-** – обод бўлмоқ, яшнамоқ:
Бўлуб Зобулистон-у Кобулистои,
Бахори муроотидин гулистон. *Садди Искандарий*, 209-Т;
~ **қил-** – обод қилмоқ; хурсанд қилмоқ:
Чиқти гулгун тўн кийиб гул санчибон дасторға,
Қилди оламни гулистон ул ки гулгун рахш уза. *Хазойинул-маоний*, IVб-561.

ГУЛКИРДОР [گل کردار] – гулдек, гул каби:
Намудор ичра гулкирдор бўлса,
Такаллум ичра булбулвор бўлса. *Фарҳод ва Ширин*, 496-Т.

ГУЛЛУК [گللوک] – гуллик:
Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,
Сабзалиқу гуллук ўлуб бартараф. *Ҳайратул-аброр*, 7-286.

ГУЛМИХ/ГУЛМЕХ [گل‌میخ] – 1. қалпоқдор узун мих, тиконли мих:
Дур тўла сандуқ дер хар ён темур гулмих ила
Кўрган эл ишқинг тўла кўксумда ҳар ён доғини. *Фавойидул-кибар*, 563-Т;
...ул ҳазратнинг сипеҳросо тахти кавкабмисол сабот ва давом гулмихлари бирла истиҳком топсун. *Муншаот*, 14-209;
2. юлдузлар:
Бу завраққа гулмих этиб кавкабин,
Қилиб бодбон субҳ чодиршабин. *Муншаот*, 14-143.

ГУЛМОНАНД [گل مانند] – гул сингари, гулга ўхшаш:
Ўзи гулранг-у гулмонанд зоти,
Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти. *Фарҳод ва Ширин*, 291-Т.

ГУЛНИШОНЛИҒ [گل نشانلیغ] – гулнишонлик:
Қасри гулгунда гулфишонлиғ этиб,
Сокини базми гулнишонлиғ этиб. *Сабъаи сайёр*, 10-252.

ГУЛНОР [گلنار] – анор гули, қизил гул; қизил ранг; қип-қизил:
Бу ҳурмат бирла эрмас оташин гул оқ гул эрди ким,
Юзунг барқидин ўт тушти анга ким бўлди гулнори. *Ғаройибус-сиғар*, 473-Т;
Қизил хайлининг ранги гулнор ўлуб,
Анга шуълаи нор минқор ўлуб. *Садди Искандарий*, 303-Т;
~ **и харир** – қизил шойи:
Келиб ул ким харири гулнори,
Ҳулла анинг юзида зангори. *Сабъаи сайёр*, 10-96;
~ **ўл-** – гулнор бўлмоқ:
Ҳусни ўти шуъласи гулзор ўлуб,
Ҳар сари гулзорида гулнор ўлуб, *Ҳайратул-аброр*, 7-195;

~ **айла-** – қизартирмоқ:
Майи гулгун юзунга шуъла солиб,
Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор. *Фавойидул-кибар*, 652-Т;
~ **қил-**– гулнор қилмоқ:
Иброҳим саловотур-раҳмон алайҳининг вужуди гулбунига ёнар ўтни гулзор балки гулнор қилди. *Вақфия*, 14-240.

ГУЛНОРГУН [گلنارگون] – гулнор рангли:
Алар гулноргун қаср ичра гулпош,
Кўтармай лаългун майдин даме бош. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т.

ГУЛНОРИЙ [گلناری] – анор гулли; қизил рангли гул:
Мақоми бўлди гулнорий аморий,
Ғазоли теграсида лолазори. *Фарҳод ва Ширин*, 472-Т;
Гул юзунг ҳажрида чиқса ўтлуғ оҳим гоҳлар,
Кўкта гулнорий булутлардек кезар ул оҳлар. *Наводируш-шабоб*, 149-Т;
...хақон Фарҳод бирла гулнорий қаср майли қилиб гулгун май оти била базм равшан этиб чаман райоҳиндин холи бўлуб... *Фарҳод ва Ширин*, 162-Т.

ГУЛОБ [گلاب] – атиргул, гул суви, атир гул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик:
Соқиё лаъл уза хай кўрубон бехудмен,
Майга мамзуж гулоб айлаб они юзума соч. *Хазойинул-маоний*, IV б-105;
Олам аро чеҳрадин гул очиб,
Хўй бирла гулоб ерга сочиб. *Лайли ва Мажнун*, 169-Т;
Ки ул янглиғ гулоб урғач юзига,
Очиб бедил кўзин келди ўзига. *Фарҳод ва Ширин*, 411-Т;
~ **и ҳуш** – эс-ҳуш гулоби:
Илгидин май чу боданўш олибан,
Май била ул гулоби ҳуш алибан. *Сабъаи сайёр*, 10-63;
~ **сочил- –** гулоб сочилмоқ; уйқудан уйғотмоқ:
Чунки гулбарг узра сочилди гулоб,
Наргис очилди ки эрди масти хоб. *Лисонут-тайр*, 125-Т.

ГУЛОБОМЕЗ [گلاب آمیز] – гулоб аралаш; гулоб исли:
Ошуқуб терлаб иложимға етиштинг эй Масиҳ,
Не ажаб гар шарбати лаълинг гулобомиз эрур. *Наводируш-шабоб*, 193-Т;
Гул юзига хўй тушиб лаълиға кўнглум қилди заъф,
Бўйла ким заъф айламиш қанди гулобомездин. *Фавойидул-кибар*, 456-Т.

ГУЛОБПОШ [گلاب پاش] – май сочувчи, соқий; маънодор, нодир сўзлар айтувчи:
Кўп киши ерга обпош ўлди,
Кўпдин ози гулобпош ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-53.

ГУЛОБХОНА [گلاب خانه] – гулоб тайёрладиган жой, гулоб сақланадиган хона:
Гулобхонадағи гул киби сўлуб жисми,
Қилиб гулоб киби тернинг ўртасида шиноҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 418-Т;
Тер ким гулидин бўлуб равона,
Уйни қилибан гулобхона. *Лайли ва Мажнун*, 104-Т.

ГУЛОГИН [گلاگین] – гулдор, гул билан безатилган:
Дегайлар сарвқадду хилъатингни,
Валекин сарв ким кўрмиш гулогин. *Ғаройибус-сиғар*, 346-Т;
Туруб базм ичра юз гулчеҳраи Чин
Бариға ҳулла гулранг-у гулогин. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т.

ГУЛОЙИН [گل آیین] – гулмонанд:

Найлайин ул қадд-у ораз ғамидин боғни ким
Анда йўқ сарв сифат қадд-у гулойин ораз. *Фавойидул-кибар*, 275-Т.

ГУЛОЛА [گلاله] – жингалак соч, фатила; зулф, кокил:

Юз тақво ву зуҳд аҳлин этар масту паришон,
Ул наргиси сармаст-у ул ошуфта гулола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т.

ГУЛОМЕЗ [گل آمیز] – гул аралаш, гул ҳидли:

Не тароватдурур ул юзда ки хўйдин қилмиш,
Гулни шабнамзада шабнамни гуломез яна. *Бадойиул-васат*, 405-Т.

ГУЛОРОЙЛИК [گل آرای لیق] – гул билан безашлик; хуш адолик, гўзал тараннум:

~ **қил-** – гул билан безамоқ; хуш тараннум қилмоқ:

агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлик қилса яна бири фироқ хазонида хорнамойлик қилибдурур. *Ғаройибус-сиғар*, 20-Т.

ГУЛПОШ [گل پاش] – гул сочувчи, гул очувчи:

Елга рухсор-у танинг очиб магар бердинг ҳаёт,
Ким умид аҳлиға гулпошу самандбез эсти ел. *Фавойидул-кибар*, 381-Т;
Алар гулноргун қаср ичра гулпош,
Кўтармай лаългун майдин даме бош. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т;

ГУЛРАНГ [گل رنگ] – гулранг, гул тусли; қизил:

Нома ёзған чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,
Ок варақ гулранг бўлди то ки сочти қон кўзум. *Муншаот*, 14-208;
Гул киби жисмингға эй соқий бинафш ойин тутунг,
Уйладур ким бодаи гулранг учун соғар бинафш. *Фавойидул-кибар*, 265-Т;

~ **и ораз** – гулранг чеҳра:

Оч ул гулранги оразни ки андақ ҳеч суратда,
Қазо наққоши не чеҳрагушой ўламиш не рангомиз. *Наводируш-шабоб*, 204-Т;

~ **и рухсор** – гулранг чеҳрали:

Англаман гулранги рухсорингда майгул лаб-мудур,
Ё топибтур офариниш базмида гул узра мул. *Наводируш-шабоб*, 367-Т;

~ **и хушбў** – ёқимли гулранг май:

Кетур соқий майи гулранги хушбў,
Ки урғай чорасиз дард ўтиға су. *Фарҳод ва Ширин*, 306-Т;

~ **и қабо** – гулранг қабо; устки кийим:

Турфа ҳолин-му дейин қадди ниҳолин-му дейин,
Мови кўнглак уза гулранги қабосин-му дейин. *Наводируш-шабоб*, 482-Т;

~ **айла-** – гулранг айламоқ, кизил гулранг айламоқ:

Бути гулчеҳрадек шанг айлагайлар,
Юзидек ани гулранг айлагайлар. *Фарҳод ва Ширин*, 142-Т;

~ **бўл-** – гулранг бўлмоқ:

Бўлуб гулранг равзан тобдон ҳам,
Эшик гулранг балким остон ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т.

ГУЛРЕЗ [گل ریز] – гул тўкувчи, гул сочувчи; мушак учкунларининг осмондаги гул шакли:

Ярим кеча ким насими гулбез,
Бўлди чаман аҳли узра гулрез. *Лайли ва Мажнун*, 124-Т;

Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтин ки чектим тез,
Ул ўт шароралари бўлди ҳар тараф гулрез. *Ғаройибус-сиғар*, 183-Т;

~ **и чинор** – гул сочувчи чинор:
Бу навъ ўт сари бўлғач ел гузари,
Сочиб ҳар сари гулрези чинори. *Фарҳод ва Ширин*, 167-Т;

~ **айла-/қил-** – гул сочмоқ, гул тўкмоқ:
Азимат кўйиға тез айланг охир,
Анинг бошиға гулрез айланг охир. *Фарҳод ва Ширин*, 399-Т;
Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангиз,
Дамимдин ўт тушуб бир бошиға қилди ани гулрез. *Наводируш-шабоб*, 204-Т.

ГУЛРЕЗЛИК [گل ریزلیک] – гул ҳиди сочишлик, хушбўй ҳид таркалишлик:
Неча тикон янглиғ этиб тезлик,
Тонг елидин бошиға гулрезлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-218.

ГУЛРУХ [گل رخ] – 1. гул юзли, гўзал юзли:
Гулрух этар эрди чу майдонға азм,
Қилмақ учун гўй ила чавгонға азм. *Ҳайратул-аброр*, 7-302;
Чу гул термакка ул сарви гуландом,
Қўяр гулшанда гулрухлар била гом. *Фарҳод ва Ширин*, 388-Т;

2. маҳбуба, маъшуқа:
Ғараздин пок топиб ани гулрух,
Кўруб фархунда рухсорини фаррух. *Фарҳод ва Ширин*, 359-Т;

~ **и бўстон** – бўстон гўзали:
Қилғали жилва гулрухи бўстон,
Сунъ машшотаси ясаб дастон. *Сабъаи сайёр*, 10-11;

~ **и душиза** – пок, покиза гулрух, санам:
Йўқ ки сурук гулрухи душизадур,
Бошларида меъжари покизадур. *Ҳайратул-аброр*, 7-282;

~ **и и жоҳ** – гул юзли маҳбуба:
Безаб гулрухи жоҳ-у иқболни,
Юзида ясаб зулф ила холни. *Садди Искандарий*, 376-Т;

~ **и Лайли** – Лайлимонанд гулчеҳрали гўзал:
... ва ўзин булбули Мажнундек гулрухи Лайлиси фироқиға солиб ғам тоғида
Фарҳод била ҳамовоз қилмақ. *Фарҳод ва Ширин*, 102-Т;

~ **и маҳваш** – ой юзли гўзал санам:
Кўк аруси тўнин қилиб зарваш,
Чиқти андақ ки гулрухи маҳваш. *Сабъаи сайёр*, 10-177;

~ **и маҳсимо** – гўзал чеҳрали моҳ рухсор:
Кеча ҳижронида май тортар эдим,
Келди ул гулрухи маҳсимо хуш. *Бадойиул-васат*, 198-Т;

~ **и паризод** – гул юзли, гулрухли паризод:
Ким анда ки гулрухи паризод
Бўлди Мажнуни васлидин шод. *Лайли ва Мажнун*, 332-Т;

~ **и раъно** – гулюзли, гўзал юзли санам:
Гулрухи раъно қадим чун боғ тавоф айлар бориб,
Инфиолидин гули раъно қизариб сарғариб. *Наводируш-шабоб*, 55-Т;

~ **и таннoз** – гулчеҳрали танноз:
Эй сабо ҳолимни арз эт гулрухи таннозима,
Эгма қаддимнинг саломин айт сарви нозима. *Наводируш-шабоб*, 542-Т.

ГУЛРУХСОР [گل رخسار] – гулрух, гулрухсор, гул юзли:
Мен не қилғаймен анга лойиқ магар минг сарв-у гул,
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун. *Наводируш-шабоб*, 492-Т;
...гулрухсори ёнида сариғ лола санчқан ва ёнида зулфни кокулидек кейин солған намудорида. *Мажолисун-нафоис*, 218.

ГУЛРУХСОРСИЗ [گل رخسارسیز] – гулрухсорсиз:
Гаҳ сарв узра гаҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳ ки менмен гунг-у лол ул сарви гулрухсорсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т;
Ошиқи ким бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз.
Ўйла булбулдур ки қолмишдур гул-у гулзорсиз. *Наводируш-шабоб*, 652-Т.

ГУЛРУХСОРЧА [گل رخسارچه] – гулрухсорча, гулрухсор сифат, монанд:
Сарв-у гул ҳусн ичра йўқ ул сарви гулрухсорча,
Ўйла ким қумри ву булбул нолада мен зорча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т.

ГУЛРЎ(Й) [گل روی] – гул юзли; гўзал, чиройли:
Ҳар бири бир тифли суман бўйдек,
Тифл дема шоҳиди гулрўйдек. *Ҳайратул-аброр*, 7-280;
Қамоли санъатидин сарви гулрў,
Равон айлаб узори ўтидин су. *Фарҳод ва Ширин*, 317-Т;
Гулрўйнинг ғунчадек оғзи ва рухсори уза кўрганин зарра хуршид юзида пайдо бўлғанға хуб ташбиҳдур. *Мажолисун-нафоис*, 211-Т.

ГУЛСИЗ [گل سیز] – гулсиз:
Ки эй гулсиз ўлғам хазондийда боғ,
Ёруғ нуридин айру тушкан чароғ. *Садди Искандарий*, 493-Т;
То ким ул гулсиз булут янглиғ ҳавойи бўлмишам,
Базми айши ёдидин ашким қолинмас бодадин. *Ғаройибус-сиғар*, 355-Т.

ГУЛФИШОН [گل فشان] – гул сочувчи; эзгу ҳид, атр таратувчи:
Сахо равзасида гулфишон насим
Ато вардида рухпарвар шамим. *Садди Искандарий*, 101-Т;
Ёғлиғи нақши ки бўлуб гул нишон,
Савсану гул узра бўлуб гулфишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-196.

ГУЛФИШОНЛИҒ [گل فشان لیغ] – гулфишонлик; қизғин суҳбат:
Қасри гулгунда гулфишонлиғ этиб,
Сокини базми гулнишонлиғ этиб. *Сабъаи сайёр*, 10-252.

ГУЛФОМ [گل فام] – гулранг, қизил гулранг, гўзал:
Қилғали хилъатин ул сарви гуландом қизил,
Қилди қон тўкмак ила даҳрни гулфом қизил. *Ғаройибус-сиғар*, 307-Т;
Ҳар қачон ул қилиб нишотқа азм,
Тузса гулфом қасри саҳнида базм. *Сабъаи сайёр*, 10-248;
~ **айла-** – қизартирмоқ:
Сабза ву гул истамен то васма ву гулгунадин,
Қошни айлаб сабзагун оразни гулфом айладинг. *Наводируш-шабоб*, 359-Т;
Дайрни қилмиш кўзумға гулситон эй муғбача,
Ул майи гулгун ки рухсорингни гулфом айламиш. *Наводируш-шабоб*, 252-Т.

ГУЛФОМИЙ [گل فامی] – гулрангли, қизил гулрангли:

Ҳам ул кундин сариғ чеҳрамда гулгун ашкдур эй шайх,
Ки бир зарбафти гулфомий кийиб чиқти гуландоме. *Бадойиъул-бидоя*, 1(20)-532.

ГУЛХАД [گل خد] – гулёнок, чеҳраси гўзал:

Югурмакликда ҳар гунбаз ки сакрар ул маҳи гулхад,
Гули меҳр алдарар беҳад уёлур гунбази ахзар. *Наводируш-шабоб*, 194-Т;
Андин яшурурлар эрди беҳад,
Ким билмагай ани сарви гулхад. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;
Ҳам аввал кунда берди сарви гулхад,
Атоға ҳадяи таълими абжад. *Фарҳод ва Ширин*, 136-Т;
Султони соҳибқироннинг латиф табъи натоижининг зеболари... ҳар бириси даврон арсаси гулистонида равонлиғ ва рангликдин сарви озодедур гулхад.
Мажолисун-нафоис, 208.

ГУЛХАН [گلخن] – 1. гулхан, ўт, олов:

Уларда тенг дурур: шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳиб фирош ўлсун. *Хазойинул-маоний*, IIа-290;
Гарчи гулхан кули макони анинг,
Лек дўзах ўтида жони анинг. *Сабъаи сайёр*, 10-151;

2. гўлох; ўтхона:

Эрур чу даҳр бузуғ гулхан ушбу авло ким
Бузуғда кечса ёзинг гулхан ичра ўтса қишинг. *Фавойидул-кибар*, 333-Т;
Мудбир такаббур натижасидин шаҳар гулханида мақом тутуб...
Маҳбубул-қулуб, 14-60.

ГУЛХАНДА [گلخنده] – янги тоза очилган гул; табассум:

Ул пари ишқида бу девонани
Эй ки истарсен келиб гулханда кўр,
Бир кадаҳ ул гулни хандон айлади.
Эй кўнгул наззора эт гулханда кўр. *Бадойиул-васат*, 521-Т.

ГУЛХАНИЙ [گلخنی] – 1. ўт ёкувчи, гўлох, ёндирувчи, ўт хирмани:

Оташин гулнинг ниҳолисен унут эй андалиб,
Кулдин ўзга гулханий бистар солурму остида. *Фавойидул-кибар*, 31-Т;

2. гадо, бечора; ошиқи бекарор:

Пар эмас булбулда бал ким оташин гул шавқидин,
Гулханий девонадур ким юқмиш аъзосиға кул. *Хазойинул-маоний*, 1б-401;

~ **и мажнун** – ошиқликда девона бўлган; гўлохда ўт ёкувчи:

Чун гулханийи мажнунни шаҳзода ишқи машхур этти бу сўз шаҳзода қулағиға ҳам етти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-63;

~ **и меҳнаткаш** – меҳнаткаш ўт ёкувчи, бечораҳол, фақир:

Бир гулханийи меҳнаткаш кўнглига бир шаҳзодаи хуршидваш ишқи ҳарорати тушти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-63.

ГУЛХАНТОБ [گلخنتاب] – ўт ёкувчи, гўлохи:

Гулхантоб гулханға кафча урадур эрмиш йўл бермайдур.
Насойимул-муҳаббат, 164.

ГУЛХАНТОБЛИҚ [گلخنتاب لیق] – ўт ёкувчилик, гўлохилик:

Гулханға кирсалар кўрубтурлар ки бир яланғоч телба гулхантобликка машғулдур. *Насойимул-муҳаббат*, 164.

ГУЛЧА [گلچه] – гул каби, гулдек:

Нетай эй кунни ансиз ким эмас бир сабза ву гулча,
Ҳам ой қалқони ҳам кун найзаси ҳижрон масоффинда. *Бадойиул-васат*, 400-Т;
Жисмим ўлди гулбун ул гулсиз ва лекин тоза доғ,
Анда гулча касрати гулбун аро яфраға. *Ғаройибус-сиғар*, 433-Т.

ГУЛЧЕҲР/ГУЛЧЕҲРА [گلچهر / گلچهره] – чеҳраси гулдай, гул чеҳрали, хушрўй:

Яна бир бу ки дебтур сарви гулчеҳр,
Эранларга агар бор эрса бемеҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 359-Т;
Топмадим гулчеҳралардин шаммаи бўйи вафо,
Эй Навоий неча ким елдек таку пўй этмишам. *Ғаройибус-сиғар*, 321-Т;
Қилди ҳар навъ ким эди мумкин,
Сарв гулчеҳра шайнини сокин. *Сабъаи сайёр*, 10-164;

~ **и зебо** – гул чеҳрали зебо:

Деса ким бормайин гулчеҳри зебо,
Бўла олмай ҳазин кўнгли шикибо. *Фарҳод ва Ширин*, 305-Т;

~ **и хуршедваш** – қуёшга ўхшаш гўзал:

Ўзи бир тахт устида Жамшидваш,
Ёнида гулчеҳраи хуршидваш. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

~ **и Чин** – гулчеҳарали Чин санами:

Туруб базм ичра юз гулчеҳраи Чин,
Бариға ҳулла гулранг-у гулогин. *Фарҳод ва Ширин*, 165-Т.

ГУЛЧЕҲРАЛИҒ [گلچهره لیغ] – гулчеҳралик:

Хижолатдин қизармиш гул таҳаррук сарвдин кетмиш,
Магар боғ ичрадур гулчеҳралиғ сарви хиромоним. *Фавойидул-кибар*, 391-Т.

ГУЛЧИБИН [گل چبین] – гулчивин; гулпашша:

Сарвқадлик гулчибинлик достнинг ҳижронида
Бўлмағум не гул била не сарви раъно бирла дўст. *Бадойиул-васат*, 63-Т.

ГУЛЧИН [گل چین] – гул терувчи, боғбон:

Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлуб анда халқ гулчин. *Вақфия*, 14-248;
Қиш-у ёз мамлу раёҳин анга
Келиб наҳлаи шаҳди гулчин анга. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ГУЛШАКАР [گل شکر] – гулқанд, ширин, мазали:

Хор-у қамишнинг тубидин лукмахўр,
Лек бериб таъм анга гулшакар. *Ҳайратул-аброр*, 7-71.

ГУЛШАН [گلشن] – 1. гулбоғ, чаман, боғ:

Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,
Кўзума сенсиз гулафшон боғи хор афшон эрур. *Хазойинул-маоний*, IIа-103;
Ки то ўлғай жаҳон боғи бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларға бу гулбонг бор ўлсун. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;

2. обод, зийнатли:

Эл кўзини партави равшан қилиб,
Бал қаро туфрағни гулшан қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;
Кеча ойдин тобидин равшан эди,
Чарх анжум вардидин гулшан эди. *Лисонут-тайр*, 130-Т;

3. шод, хурсанд; шодлик, хурсандлик:
Кўз уйи машъали андин равшан юз боғи анжумани андин гулшан.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-435;

4. ёруғ, чароғон:
Руҳул-аминнинг улвий хироми афлок шабистони юзи баҳоридин гулшан.
Маҳбубул-кулуб, 14-8;

5. севгили, маҳбуба:
Лек ёдингдин чиқиб ўз масканинг,
Шах қошинда жилва айлар гулшанинг. *Лисонут-тайр*, 49-Т;

~ **раёҳини** – тил имкониятлари; сўзлари:
Ул гулшан раёҳинидин кўнгул гулчини ҳад ва ғоятсиз нукҳатлиғ гул ва ёсамин қўйниға солди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;

~ **тикани** – туркий тилнинг турли-туман маъноларга ва истеҳзоли, аччиқ маъноли сўзларга бойлигига ишора:
Аммо [туркий тил] махзанининг йилани хунхор ва гулшанининг тикани беҳад-у шумор. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;

~ **и аслий** – асли мақсад; абадий, бошқа дунё; у дунё:
Чун бу қушқа риҳлат оғоз ўлғуси,
Гулшани аслийға парвоз ўлғуси. *Лисонут-тайр*, 21-Т;
Топмайин ул гулшани аслийға йўл,
Балки кулли маҳв ўлуб хотирдин ул. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

~ **и ахзар** – гулхона, гулзор; зангори олов:
Базми бўлуб гулшани ахзар киби,
Курси газак ҳар сори ахтар киби. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;

~ **и бихишт** – жаннат гулзори:
Кулагач юзлук хуш ахлоқ ким нифоқ кудуратидин бўлғай йирақ гулшани биҳишт эрур жилвагоҳ. *Маҳбубул-қулуб*, 135;

~ **и васл** – гулшан, чаманзордаги васл:
Гулшани васл тилар жон ер қуйи жисми заиф,
Неча қудсий қушға мундақ торни банд айлайин. *Ғаройибус-сиғар*, 374-Т;

~ **и вақт** – гуллар очилган вақт, чоғ:
Навоий гулшани вақтида эҳсон ёмғурин ёдур,
Ки анда гул била булбулға йўқ баргу наво пайдо. *Наводируш-шабоб*, 4-Т;

~ **и гардун** – фалак гулшани:
Анжумани гулшани гардун бўлуб,
Анда қуёш соғари майдин тўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;

~ **и гул** – гуллар гулшани:
Очилған ҳар тараф бир гулшани гул,
Ўгулган ҳар сари бир хирмани гул. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т;

~ **и давлат** – яшноқ, тараққий этган давлат; иқбол, бахт:
Етса-ўқ ул пўяда жисминг туши
Билгил ани гулшани давлат қуши. *Ҳайратул-аброр*, 7-273;

~ **и даврон** – даврон, замон гулшани:
Олам аҳлининг вафосизлиғларидин чексам оҳ,
Сунбулистон айлагай бу гулшани давронни дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 119-Т;

~ **и даҳр** – ҳаёт, олам:
Гулшани даҳр ичра ки ҳар бебасар,
Бор эди наргис киби кўтаҳ назар. *Ҳайратул-аброр*, 7-252;

~ **и дилкаш** – жозибали, ё қимли гулшан:
Гарчи дунё гулшани дилкаш дурур,
Кўзга су бирла ҳавоси хуш дурур. *Лисонут-тайр*, 153-Т;
~ **и дилосо** – кўнгулга монанд гулшан:
...Аллоҳ Аллоҳ ул равзаи руҳафзода не назорат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдур ким анинг боғбони... такаллум қилур.
Муҳокаматул-луғатайн, 168-Т;
~ **и жаннат** – жаннат гул боғи, гулшани:
Дегай ки гулшани жаннатда очилибдур гул,
Киши ки май гулини кўрса ул изор ичра. *Наводурш-шабоб*, 560-Т;
~ **и ишқ** – ишқ гулшани:
Гулшани ишқ айла олийшон эрур ким анда бор,
Сидра шохи бирла тубо бир икки хошок-у хас. *Бадойиул-васат*, 174-Т;
Эй гулшани ишқ боғбони,
Гулгун қадаҳи кетур ниҳони. *Лайли ва Мажнун*, 111-Т;
~ **и иқбол** – гулшан бойлиги, иқболи:
Гулшани иқбол хори меҳнатиға арзимас,
Бодаи гулгун хумори накбатиға арзимас. *Фавойидул-кибар*, 223-Т;
~ **и койинот** – коинот гулшани:
Қаю ғунча ким гулшани койинот,
Бу жонбахш ел бирла топти ҳаёт. *Садди Искандарий*, 77-Т;
~ **и кўй** – кўчалар гулшани, гулзори:
Магар ел ҳожиб ўлмиш гулшани кўйга
Ки моънидур борурға хаста бўлбулдин фиғон аро. *Наводируш-шабоб*, 25-Т;
~ **и лутф** – лутф гулшани:
Ҳам этти нофаи мушкунг камарни мушки давож,
Ҳам этти гулшани лутфунг шафакни гулгунпўш. *Бадойиул-васат*, 185-Т;
~ **и мино** – кўк осмон:
Қил ҳаво ул гулшани мино сари,
Майл кўргуз ул гули ҳумро сари. *Лисонут-тайр*, 50-Т;
~ **и рухсор** – гулшандек гўзал чеҳра:
Сабзаи хатт оразинг боғини хадро айламиш,
Гулшани рухсоринг ўзга ранг пайдо айламиш. *Наводируш-шабоб*, 245-Т;
~ **и табъ** – гулшан хулқ:
... ул Ҳазрат хирмани маонисининг хушачинидурлар ва гулшани табълари гулафшон ва саманбез... *Мажолисун-нафоис*, 131-Т;
~ **и тавфиқ** – покликнинг энг юқори кўтарилиши:
Гулшани тавфиқдин эскан насим,
Кўнглига таъсир этиб эрди азим. *Лисонут-тайр*, 122-Т;
~ **и тажрид** – тарки дунёлик; ёлғизлик гулшани:
Ким анингдек водийи тавҳид аро,
Гулшани тажрид ила тафрид аро. *Лисонут-тайр*, 217-Т;
~ **и фирдавс** – жаннат боғи гулзшани:
Қадинг ҳам гул сочар ҳам соя солур ҳам хиром айлар,
Ажаб гар гулшани фирдавс аро мундақ ниҳол ўлғай. *Фавойидул-кибар*, 562-Т;
Пок руҳларининг қудсий ошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс ҳавосиға парвоз қилди: *Хамсатул-мутаҳҳайирин*, 15-10;
~ **и фируза** – осмон, фалак:
Гулшани фирузани чеккан баланд,
Гулларидин меҳрни гулдастабанд. *Ҳайратул-аброр*, 7-15;

~ **и хазро** – яшил гулшан:
Доми зулфайнин бир очиб тортмақ бирла қилиб,
Юз туман қудсий туйури гулшани хазрони сайд. *Фавойидул-кибар*, 122-Т;
~ **и хулқ** – гулшан табиати:
Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сиёҳ калима албатта меҳр айлама фош. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т;
~ **и чарх** – чарх гулшани:
Чун гулшани чарх гулъузори,
Мағриб сари тортти имори. *Лайли ва Мажнун*, 123-Т;
~ **и чархи барин** – юлдузлар чарақлаб турган осмон:
Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айнул-яқин. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-59;
~ **айла-/эт-/қил-** – гулзор этмоқ, боғу бўстонга айлантирмоқ:
Бор эрмиш гўё висол аҳли нашот айларга ким
Ҳажр аро қон ёш ила давронни гулшан айладим. *Фавойидул-кибар*, 413-Т;
Ҳар ким ки муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб кўйини гулшан этар. *Назмул-жавоҳир*, 15-151;
Эй кўнгулни ишқидин равшан қилиб,
Ҳажр хористонини гулшан қилиб. *Лисонут-тайр*, 258-Т;
~ **харимида мақом қил-** – боғ аро жойлашмоқ, сайр қилмоқ:
Ул қилиб гулшан ҳаримида мақом,
Боғ аро товусдек айлаб хиром. *Лисонут-тайр*, 191-Т;
~ **и мино сари азм қил-** – меърож, осмонга чиқишга азм қилмоқ:
Қилиб ул гулшани мино сари азм,
Тузуб ул сабзаи раъно уза базм. *Фарҳод ва Ширин*, 166-Т.

ГУЛШАНВОР [گلشن وار] – гулшандай, чаман каби:
То берай кўнглум ўлуб гулшанвор,
Кўзга шаҳзода юзидин анвор. *Фавойидул-кибар*, 666-Т.

ГУЛШАНМИСОЛ [گلشن مثال] – гулзордек, гулшандек:
Боғ анга ҳар сафҳаи гулшанмисол,
Жадвали атрофида равшан зулол. *Ҳайратул-аброр*, 7-104.

ГУЛШАНОЙИН [گلشن آیین] – гулшандек безакли:
Гул-у сабза айвонида бўлди тўй,
Бўлуб гулшанойин била шаҳр-у кўй. *Садди Искандарий*, 378-Т.

ГУЛШАНЧА [گلشنچه] – гулшанча, гулшандек:
Бўлур гулшан харими сар басар гул,
Латофат ичра бир гулшанча ҳар гул. *Фарҳод ва Ширин*, 164-Т.

ГУЛЪИЗОР/ГУЛЪУЗОР [گل عذار] – гул юзли, гул ёноқли; ол ёноқли; гулрухсор, гулчеҳра:
Очилди чаман гулъизорим қани?
Сиҳисарв бўйлуғ нигорим қани? *Мезонул-авзон*, 53-Т;
Баҳор андақ ки булбул гулъизори тоза истармен,
Ким ул гулбанг ила ўзни баландовоза истармен. *Фавойидул-кибар*, 480-Т.
~ **и гулгунпўш** – қизил кийимли:
Ҳар сари гулъизори гулгунпўш,
Жоми гулранг айлар эрди нўш. *Сабъаи сайёр*, 10-251;
~ **и саманбўй** – жасмин, суман ҳуд:
Эй нигори парирўй
Гулъизори саманбўй. *Мезонул-авзон*, 52-Т;

~ **и сарврафтор** – гўзал сарвюришли санам:
Эй Навоий сарв бирла гулни найлай чунки мен,
Волиҳи бир гулъизори сарврафтор ўлмишам. *Бадойиул-васат*, 314-Т;

~ **и сарвқад** – ол ёноқли сарвқад:
Сарвда йўқ гул киби рухсор гулда кўз-у қош,
Ҳусн аро эй гулъизори сарвқадсен сен тўкуз. *Наводируш-шабоб*, 206-Т.

ГУЛҚАНД [گُل قند] – гулқанд, дори навларидан:
Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,
Табъиға гулқанд янглиғ судманд . *Лисонут-тайр*, 34-Т;

~ **ўл-** – гулқанд бўлмоқ:
Юзу бирла лабини кўрса қилур кўнглум заъф,
Гар кўнгул қувватининг мужиби гулқанд ўлмиш. *Наводируш-шабоб*, 254-Т.

ГУЛҲОЧА [گلهاچه] – ~ **гул** – нақорат; қўшиқнинг банд-бандида такрорланадиган сатр; болалар ўйини:
Келтуруб атфол ўйунига кўнгул,
Лек ўйун ҳар сари «гулҳоча гул». *Ҳайратул-аброр*, 7-280.

ГУМ [گم] – йўқолиш, ғойиб, адашиш, йўлдан озиш:
Барининг жисми тун дуди аро гум,
Очуқ кўзлар қолиб андақ ки анжум. *Фарҳод ва Ширин*, 394-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, кетказтирмоқ:
Ҳам ул дам ишқ даштида мени гум қилди бехудлуғ,
Агар ҳушу хирад саъйи била бир лаҳза топилдим. *Хазойинул-маоний*, 16-144;
Ўзум учун анинг учун менда ғам,
Ул гум этиб ҳақда ўзин мени ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-329;
Зулм ўзунгга фискдур эй ҳушёр,
Гум қил ани бўлса санга ҳуш ёр. *Ҳайратул-аброр*, 7-125;
Сўзунгдин етиб элга қути ҳаёт,
Хизр суйини гум қилиб ул уёт. *Садди Искандарий*, 102-Т;

~ **бўл-/ўл-** – 1. йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; ғойиб бўлмоқ:
Эй Навоий панд эшитмай телба кўнглунг бўлди гум.
Десанг андақ бўлмай аҳволин ўзингга панд бил. *Бадойиул-васат*, 293-Т;
Қазодин ўйла туфрақ ўлди зотим,
Ким ул туфрақ аро гум бўлди отим. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;
Чу ёшларга боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларга мазҳаб йўли. *Садди Искандарий*, 505-Т;

2. ўзлигин йўқотиб бошқача тус олмоқ:
Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиъуҳум калбуҳум. *Ҳайратул-аброр*, 7-56;

~ **эт-** – гум этмоқ:
Қаро кийсам дағи тутсам азосин,
Гум этсам жон аро ишқи балосин. *Фарҳод ва Ширин*, 478-Т.

ГУМНОМЛИҒ [گمنامليغ] – беномлик, номаълумлик, эътибордан қолганлик:
...деди ул дунёда гумномлиғ ихтиёр қилиб эрди Ҳақ ҳам ани пинҳон асрар эрди.
Насойимул-муҳаббат, 17-129.

ГУМОН [گمان] – 1. гумон, иштибоҳ:
Оғзинг гумони эрди Навоийда шукр ким
Нуткунг яқинға қилди бадал барча шакларим. *Хазойинул-маоний*, IIIа-411;

Гаҳ гумон ул ким йўлуқса шарза шер,
Туъма айлай қорнини ёриб далер. *Лисонут-тайр*, 75-Т;

2. ўй, хаёл, фикр, тасаввур:
Азамат бобида гумондин улуқ,
Не ким андин улуқ йўқ андин улуқ. *Сабъаи сайёр*, 10-13;
Андуҳ-у бало гумондин ортуқ,
Заъф анча ки бўлмас андин ортуқ. *Лайли ва Мажнун*, 257-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл қилмоқ, кўнгилга келтирмоқ; шуҳа қилмоқ:
Ҳар неча ким рост фиғон айлади,
Сидқини ҳам кизб гумон айлади. *Ҳайратул-аброр*, 7-212;
Чу фаҳм этти хоқон ким ул тунд шер,
Эрур ул гумон айлагандин далер. *Садди Искандарий*, 321-Т;
Итларинг хайли мени улди гумон айладилар,
Ки бошимда кеча то субҳ фиғон айладилар. *Хазойинул-маоний*, IV6-146;
Эй Навоий кисвати факр иста йўқса чархнинг,
Атласин кийдинг гумон эт оқибат искилди тут. *Ғаройибус-сиғар*, 79-Т;
Эл пари ву ҳурни дегай гумон қилғанча хўб,
Лек эрур ҳури паризодим менинг юз анча хўб. *Наводируш-шабоб*, 43-Т;
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон. *Тарихи мулуки ажам*, 508;
Гумон қилма бор эрсанг ишта доно,
Сипоҳ-у мулк ила бўлмақ тавоно. *Фарҳод ва Ширин*, 142;

~ **элт-** – хаёл қилмоқ, фикрламоқ, фараз айламак:
Яна бир навъ иборат ва адолари бор ким биравдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбаткуна берурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

ГУМОНЛА- [گمانله] – гумонсиратмоқ; шубҳалантирмоқ:
Ул Ҳалложни қарғади ким Илоҳий биравни анга гумонла ким илик аёғин кескай. *Насойимул-муҳаббат*, 93.

ГУМОНО [گمانا] – гумон, шубҳа:
Фироқ ўтиға куймайсен ҳамоно,
Бу ўт ичра кул ўлмайсен гумоно. *Фарҳод ва Ширин*, 376-Т.

ГУМОШТА [گماشته] – ноиб, вакил:
Яна шарт ул ким ҳеч замонда садр гумошталари ва мутаваллилар бу саркорда мадхал қилмағайлар. *Вақфия*, 14-269;
Бухтун – Наср бинни Гударз... Лухрасгнинг гумоштаси зрди. *Тарихи мулуки ажам*, 510;
[Сосон] Ардувоннинг форс вилоятида бир гумоштаси эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 515.

ГУМРАҲ/ГУМРОҲ [گمره / گمراه] – 1. гумроҳ, йўлини йўқотган, йўлидан адашган:
Зулмати ҳижронда этмиш кўнглум эй барқи висол,
Ламъа солиб гаҳ гаҳи йўл кўргуз ул гумроҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т;
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти ахи,
Дунёга бирав ки дунёни сотти ахи. *Назмул-жавоҳир*, 15-161;

2. бечора, факир, саргардон; овора:
Қайси тил бирла ё набийуллоҳ,
Сени таъриф этай мени гумроҳ. *Вақфия*, 14-235;

~ **и маккор** – йўлдан озган маккор, фирибгар:
Чу мундақ ваъда қилди шоҳи ғаддор,
Ўпуб ер тебради гумроҳи маккор. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т;
~ **бўл-** – адашмоқ, йўлдан озмоқ; сарсон-саргардон бўлмоқ:
Қадаҳ чароғини оллимға тутқил эй соқий,
Ки зухд зулматида асру бўлмишам гумраҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 408-Т;
Вале бу турфарақ ким ақли огоҳ,
Бўлуб ҳар сари минг йўл ичра гумроҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
~ **эт-/қил-** – йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ:
Етиб кўзи киби гулгун ҳарир уза бемор,
Валек мендек этиб сиҳҳат аҳлини гумроҳ. *Хазойинул-маоний*, 16-567;
Кимни ки гумроҳ қилибан толиъи,
Жодаи шаръинг ўлуб шориъи. *Ҳайратул-аброр*, 7-39.

ГУМРОҲВАШ [گمراه وش] – адашганга ўхшаш, адашгандек:
Эй Навоий гар ҳидоят етса йўлға киргамен,
Гарчи муғ дайрида ҳоло бор эсам гумроҳваш. *Бадойиул-васат*, 189-Т.

ГУМРОҲЛИҒ/ГУМРОҲЛИҚ [گمراه لیغ / گمراه لیق] – хабарсизлик, ношудлик:
Бизга чун мониъ дурур гумроҳлиқ,
Берсанг ул шаҳ сирридин огоҳлиқ. *Лисонут-тайр*, 39-Т;
Бўлди Ҳудҳуд сўзидин огоҳлиғ,
Ким аларни жаҳл ила гумроҳлиғ. *Лисонут-тайр*, 54-Т;
Агар бўлса баъзиға огоҳлиғ,
Бўлуб лек кўпракка гумроҳлиғ. *Садди Искандарий*, 96-Т.

ГУМШУДА [گم شده] – йўқолган, адашган:
Ҳам ғам туни кўргузуб вафосин,
Ҳам гумшудаларға раҳнамосин. *Лайли ва Мажнун*, 140-Т.

ГУН [گون] – кўшма сўз таркибида келиб *ранг, тус* каби маъноларни англатади:
Субҳидам ким сипеҳри мийногун,
Ерни байзодин этти байзогун. *Сабъаи сайёр*, 10-207.

ГУНА [گونه] – тур, хил:
Ҳам ул хвон аро гуна таом,
Бўлуб лаҳза лаҳза табиатқа ком. *Садди Искандарий*, 342-Т;
~ **гуна** – ранг-баранг, хилма-хил:
Зоҳир этти хаёли суратгар,
Фикрат уйида гуна гуна сувар. *Сабъаи сайёр*, 10-46;
Жўнаға анда бердилар ором,
Тортиб оллиға гуна гуна таъом. *Сабъаи сайёр*, 10-245;
~ **гун** – ранг-баранг:
Ҳажр ўтида ҳам жунунға солғай,
Ҳам меҳнати гуна гунға солғай. *Лайли ва Мажнун*, 165-Т;
~ **и барги хазон** – ранг-баранг куз [хазон] барглари:
Юз ки ясаб гунаи барги хазон,
Кулгали атфол бўлуб заъфарон. *Ҳайратул-аброр*, 7-287;
~ **и рухсори гулфом** – ранг баранг гулранг чеҳрали санам:
Даҳр гулзориға ўт солди жамоли баркидин
Май ўтидин гунаи рухсори гулфом айлагач. *Фавойидул-кибар*, 99-Т.

ГУНАВАРД [گونه ورد] – ҳар хил гул, турли гул:

Кўк ўланг атрофида ҳар гунавард,
Анжум ила дойираи ложувард. *Ҳайратул-аброр*, 7-83.

ГУНАШ [گنش] – қуёш:

Юсуф туш кўруб эрди ким гунаш-у ой ва ўн бир кавкаб анга сажда қилдилар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-123;

Эрмас бу исиғ гунашда чикмақ имкон,
Хуштур кишига бўлса совуғ соя макон. *Муншаот*, 14-135.

ГУНАҲ/ГУНОҲ [گناه / گنه] – айб, гуноҳ:

Гарчи бордур жаҳон жаҳон гуноҳим,
Ҳам сен-ўксен ниҳон ниҳон паноҳим. *Сабъаи сайёр*, 10-16;

Ишқ агар бўлса гунаҳ мен-мен гунаҳкор эй кўнгул,
Тонмағим ноҳақдурур бу ишда чун Ҳақдур гувоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 432-Т;

Ҳар неча кўп бўлса гуноҳим менинг,
Шукр ки бор сендек илоҳим менинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-344;

Навоийға бўлса гунаҳ беҳисоб,
Анга ҳам гуноҳига ҳам не ҳисоб. *Садди Искандарий*, 69-Т;

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳад ки еткамен,
Бошдин аёқ гуноҳ-у залолат билан санга. *Ғаройибус-сиғар*, 29-Т;

~ **аҳли** – гуноҳкорлар:

Гуноҳ аҳли тавқ-у занжирға гирифтор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-36;

~ **ўл-** – гуноҳ бўлмоқ:

Нима ким анда иштибоҳ ўлғай,
Солиб ўтсам манга гуноҳ ўлғай. *Сабъаи сайёр*, 10-76;

~ **бағишла-** – гуноҳини бағишламоқ, гуноҳини кечирмоқ:

Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади. *Рисолаи тирандохтан*, 16-303.

ГУНАҲБАХШ [گنه بخش] – гиноҳни кечирувчи, бағишловчи:

Гунаҳбахшесен бўлғил-у журмпўши.
Шафоатгарийлик-у хайрул-бароё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т.

ГУНАҲВОР [گنه وار] – гуноҳли, гуноҳкор:

Ки бир шиша соз этти сандуқваш,
Гунаҳвор сандуқ аро кирди хваш. *Садди Искандарий*, 469-Т.

ГУНАҲКОР/ГУНОҲКОР [گنه کار / گناه کار] – айбдор, гуноҳкор:

Гар ортуғ дедим сўз гуноҳкормен,
Сиёсат қилурға сазоормен. *Садди Искандарий*, 333-Т;

Ки айни карамдин қачон ким илоҳ
Гунаҳкордин ўткарур бир гуноҳ. *Садди Искандарий*, 54-Т;

Сенинг шафоатинг уммеди чун эрур мумкин,
Гуноҳкор биравдур ким йўктур анга гуноҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 398-Т;

~ **бўл-** – гуноҳкар бўлмоқ:

Гуноҳкор бўлғач анга узржўй,
Карам баҳридин бўлғай ул журмшўй. *Садди Искандарий*, 306-Т;

~ **қил-** – гуноҳлар қилмоқ:

Чу кўрмай ком шаҳдин ҳар табаҳкор,
Мени қилмаса оллинда гунаҳкор. *Фарҳод ва Ширин*, 508-Т.

ГУНАҲКОРЛИҒ [گنه کارلیغ] – гуноҳкорлик, айбдорлик:

Манга зоҳир этса гунаҳкорлиғ,
Не тонг қилса ҳинду сийаҳкорлиғ. *Садди Искандарий*, 293-Т.

ГУНАҲЛИҚ/ГУНАҲЛИҒ [گنه لیق / گنه لیغ] – гуноҳкорлик; айбдорлик:

Шаҳ оллинда ки қоҳирлиқ ишидур,
Гунаҳсизрақ гунаҳликрақ кишидур. *Фарҳод ва Ширин*, 492-Т;
Гунаҳлиғ киши бўлмаса чек солиб сойир халқдин қат қилур эрди.
Тарихи мулуки ажам, 16-201.

ГУНАҲСИЗ/ГУНОҲСИЗ [گنه سیز / گناه سیز] – 1. айбсиз, гуноҳсиз, гуноҳдан холи; пок, тоза:

Қатлим истаб қонлиғ ашким сайлидин ўтти ракиб,
Не учун ё Раб кирар эркин гунаҳсиз қонима. *Наводируш-шабоб*, 566-Т;
Ҳурмуз билди ким Баҳром қайд қилибдур ва ўғли гунаҳсиз эркандур.
Тарихи мулуки ажам, 16-245;

2. асоссиз, беҳуда, бекордан-бекор:

Ҳумоюн исми мазкур бўлған била сойир нос ўлумдин ва подшоҳни гунаҳсиз ўлтурмакдин ва шақоватдин озод қилур. *Тарихи мулуки ажам*, 215.

ГУНБАД/ГУНБАЗ [گنبذ / گنبد] – 1. гумбаз, иморат куббаси:

Билиб Баҳром чун сўрмақ қилиб фан,
Ки ул гунбад дурур ёриға мадфан. *Фарҳод ва Ширин*, 485-Т;
Айвон била токи бешумора,
Ул навъ ки гунбаз-у минора. *Лайли ва Мажнун*, 378-Т;

2. осмон, фалак:

Сув узра гунбади гардун ҳисоби,
Анга соз этмак андақ ки ҳубоби. *Фарҳод ва Ширин*, 147-Т;

3. сайёра, планета:

Чектинг этканда даҳр бунёдин,
Етти гунбад сипеҳри минодин. *Сабъаи сайёр*, 10-7;

4. иморат, бино:

Мени хилватдин эй зуҳд аҳли муғ дайри сари бошланг,
Ки беҳад хушҳаводур кўп терилган гунбазу даҳлез. *Хазойинул-маоний*, 116-208;
Мавлоно Саломий шаҳр масжиди жомеъида
Мулук гунбазида ходимдур. *Мажолисун-нафоис*, 101;

5. дахма, мозор гунбази:

Мавлоно Муҳаммад Муаммоий... ҳазрат Хожа Ҳофиз қабри бошида гунбаз ясади. *Мажолисун-нафоис*, 52;

6. табақа:

Деди эй сойири фалакпаймой,
Чарх гунбадларида жилванамой. *Сабъаи сайёр*, 10-48;

~ **и айвон** – айвон гунбази:

Ичида гунбади айвонға лойиқ,
Яна даҳлизи гунбадға мувофиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 310-Т;

~ **и ахзар** – 1. кўк, гумбази, мовий осмон:

Сидкинг бўлубан урмақ бу гунбази ахзар чарх,
Қасрингға давр урғандек бир сабз кабутар чарх. *Фавойидул-кибар*, 110-Т;

2. ҳашаматли бино:

Анинг ганжидин ҳар дирам ахтаре,
Яшил кўп анга гунбази ахзаре. *Садди Искандарий*, 78-Т;

~ **и бесутун** – устунсиз гунбаз; осмон, фалак:
Сутун бошиға отиб этти нигун,
Ани даҳи бу гунбади бесутун. *Тарихи мулуки ажам*, 16-233;
~ **и гарданда** – осмон; чарх, фалак:
Ким гунбази гардандаи олий бунёд,
То даврида таъжилға бўлғай мўътод. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-7;
~ **и гардон** – айланувчи гунбаз; фалак, осмон:
Уй ки адно тебранур сокинга хотиржамъ эмас,
Не ажаб гар амн йўқтур гунбади гардон аро. *Ғаройибус-сиғар*, 41-Т;
~ **и гардун** – осмон, фалак:
Сакримак ичра ки анинг йўқ ҳади,
Гунбади гардун киби ҳар гунбади. *Ҳайратул-аброр*, 7-70;
Ул назмға жонни қилибан халқ фидо,
Солурлар эди гунбади гардунға садо. *Ғаройибус-сиғар*, 6-Т;
~ **и гармпўй** – тезюрар, югурик осмон:
Йўқ ул гўй ким гунбади гармпўй,
Ки саргаштадур тун кун андак ки гўй. *Садди Искандарий*, 493-Т;
~ **и гул** – гунбазга ўхшаш ғунча:
Исмати боғидин қочиб булбул,
Ёшунуб ғунча гунбади аро гул. *Сабъаи сайёр*, 10-69;
~ **и даввор** – 1. айланиб турувчи фалак, ўзгарувчан дунё:
Туз иши йўқ гунбади давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-206;
Истади фонус аро суврат киби саргашталик,
Элга ул ким давр берди гунбази давворға. *Хазойинул-маоний*, IV б-561;
2. май ва сув бетидаги кўпик:
Май ҳубоби гунбадин базм ичра ул дам доир эт,
Ким шафақ май зоҳир эткай гунбади даввор аро. *Хазойинул-маоний*, II а-16;
~ **и жафогўш** – жафоли фалак:
Ани даҳи гунбази жафогўш,
Уз жуфтиға айлади ҳамоғўш. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т;
~ **и зарнигор** – хашаматли зарнигор сарой, кўшк:
Баҳромнинг қуёшдек зарбофий либос кийиб гунбади зарнигорға азм қилиб олтун соғарда асфар май ичкани. *Сабъаи сайёр*, 10-177;
~ **и ложувард** – кўк осмон; зангори фалак:
Фалакни анингдек тутуб дуд-у гард,
Ки пинҳон бўлуб гунбази ложувард. *Садди Искандарий*, 181-Т;
~ **и мавзун** – мавзун гунбад:
Ҳар не рақам гунбади гардун аро,
Барчаси бу гунбади мавзун аро. *Ҳайратул-аброр*, 7-92;
~ **и махлут** – фалак, осмон билан қоришиқ, боғлик:
Фано риёзатида қаддин айлаган чавгон,
Қошинда гўйча йўқтур бу гунбади махлут. *Наводируш-шабоб*, 279-Т;
~ **и мино** – кўк, мовий осмон:
Хуштурур вайронайи таскин учун лекин ирок,
Юз минг йиллик йўл фалакнинг гунбади миносидин. *Фавойидул-кибар*, 453-Т;
Дайр айвони била гунбади рифъат юзидин,
То ки ахзар била бу гунбади мино эрди. *Хазойинул-маоний*, IV б-616;

~ **и нилуфар** – кўк, кўкимтир осмон, фалак:
Жало бирла нилуфар бир навъ тутмиш зеб ким
Собит-у сайёра бирла гунбади нилуфари. *Наводируш-шабоб*, 638-Т;
Гулшани фақр ичра то кардим эрур бал ким эмас,
Гунбади нилуфарий гулшанда бир нилуфарим. *Ғаройибус-сиғар*, 316-Т;
~ **и нухтоқ** – тўққиз гунбаз, фалак, осмон:
Йўқ илигимда бир овуч туфрақ,
Ясамақ ком гумбази нухтоқ. *Сабъаи сайёр*, 10-40;
~ **и рукн** – гунбад устуни, таянчиғи:
Гунбади рукниға махориж бўлуб,
Шаҳр йўлидин йўли хориж бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-92;
~ **и тезгард** – гунбад чопқири:
Мададкор ўлуб гунбади тезгард,
Сикандар ҳадисиға бердим навард. *Садди Искандарий*, 498-Т;
~ **и хазро** – кўк гунбаз; осмон:
Сутуннинг бир учи дарё уйига,
Бир учи гунбади хазро уйига. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т;
Уйла секрир эрди истиғно ели,
Синғудек бу гунбади хазро бели. *Лисонут-тайр*, 132-Т;
~ **и чархи гардон** – кўк, мовий осмон:
Бири гунбади чархи гардон аро
Анингдек ки заршамса айвон аро. *Садди Искандарий*, 50-Т;
~ **и чархи муаллақ** – муаллақ чарх гунбади:
Таҳаррук бирла сақфи бўлмайин шақ,
Нечук ким гунбади чархи муаллақ. *Фарҳод ва Ширин*, 263-Т;
~ **и чархи мушаъбид** – найрангбоз чарх гунбади:
Ҳабоби гунбади ақл уйига зидд,
Нечук ким гунбади чархи мушаъбид. *Фарҳод ва Ширин*, 216-Т;
~ **и қиргун** – қоп-қора осмон:
Мен гунбази қиргунда маҳбус,
Ул қир этибан эшикни мадрус. *Лайли ва Мажнун*, 78-Т.

ГУНБАДИЙ [گنبدی] – гунбадий, гунбадга оид; ~ **йи хужра** – гунбадий ҳужра; кўз:
Гунбадийи ҳужрада зоти ниҳон,
Ўйла ки кўк гунбази ичра жаҳон. *Ҳайратул-аброр*, 7-52.

ГУНБАДНИШОН [گنبد نشان] – гунбаз монанд; юксак, баланд:
Ҳабоб ар су уза гунбаднишондур,
Пуф эткач ул ҳамондур су ҳамондур. *Фарҳод ва Ширин*, 459-Т.

ГУНГ [گنگ] – 1. соқов, тилсиз:
Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т;
Йўқ бу водий ичра жуз хомушлук,
Гунг-у кар бўлмағлиғ-у беҳушлук. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
2. маст, ҳушсиз:
Ким бари зокир эди ул гунг-у лол,
Барчаси мажмуъ ул ошуфта ҳол. *Ҳайратул-аброр*, 7-88;
~ **-у лол** – ҳайратда қолган; соқов, тилсиз:
Ошиқи бечора кўргач бўйла ҳол,
Ғойати ҳайратдин ўлди гунг-у лол. *Лисонут-тайр*, 196-Т;

Тонг откунча гунг-у лол эдилар,
Сармасти майи висол эдилар. *Лайли ва Мажнун*, 298-Т;

~ **-у лоллиқ** – соқовлик, тилсизлик; ожизлик, беҳушлик:
Ким анга юзланди гунг-у лоллиқ,
Ҳар замон ўз ҳолидин беҳоллиқ. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

~ **и модарзод** – туғма гунг, соқов:
Гар ҳабибим қилса изҳори калом эй пири дайр,
Исойи Марямни ул дам гунги модарзод бил. *Ғаройибус-сиғар*, 289-Т;

~ **-у лол айла-** – ҳайрон қолдирмоқ:
Бу янглиғ мени айлабан гунг-у лол,
Аён айлади Исоосо мақол. *Садди Искандарий*, 515-Т;

~ **-у хомуш бўл-** – хомуш, ожиз бўлмоқ:
Санга барча амри фаромуш ўлуб,
Тилинг шукрида гунг-у хомуш ўлуб. *Садди Искандарий*, 280-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – сўздан қолдирмоқ, ҳайратга солмоқ:
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкил эрур барчасидин бу мушкил. *Вақфия*, 14-253;
Не дер сўз ки кўнглум аро бор эди,
Мени чун ки гунг этти барин деди. *Садди Искандарий*, 515-Т.

ГУНГЛИК [گُنگلیک] – совоқлик, гунглик:
Аёғ ланглигидур халойиқ тараддудидин ва путю гунглигидур сўзда эл ташаддудидин. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-485.

ГУНГМАҚОЛ [گنگ مقال] – тили тутилган: айтишдан ожиз, сўзлашдан ожиз:
Ҳусни васфида нутқ гунгмақол,
Юзи зикрида нафси нотиқи лол. *Сабъаи сайёр*, 118-14;
Ҳам гунгмақол бўлмақ авли,
Бу узрда лол бўлмақ авли. *Лайли ва Мажнун*, 36-Т.

ГУНГРАН- [گنگرن] – ғазабланмоқ, аччиғланмоқ; ўз-ўзидан гапирмоқ:
Дўст жавридин ингранма душман бедодидин гунгранма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;
Гунграниб ҳарён урар эрди кадам,
Ғойибин истарга мажнуни дижам. *Лисонут-тайр*, 179.

ГУНЖОЙИШ [گنجایش] – сиғиш, сиғим; киргизишлик, сиғдиришлик:
Анча бўлуб вусъат-у оройиши,
Ким сари мў йўқ яна гунжойиши. *Ҳайратул-аброр*, 7-26;
Қилиб ҳарб аҳлининг оройиши,
Ясаб улча имкон гунжойиши. *Садди Искандарий*, 323-Т;
Валекин бу дафтарда гунжойиши,
Эмас сиққудек барча оройиши. *Садди Искандарий*, 153-Т.

ГУНОБОДЛИҒ [گوناباد لیغ] – Гуноддан, гунободлиғ:
Мавлоно Файзий Гунободлиғдур. Кўпрак авқот Гозургоҳда бўлур ва толиби илмлиқ қилур. *Мажолисун-нафоис*, 123-Т.

ГУНОГУН [گوناگون] – ранг-баранг, хилма-хил, турли-туман:
Арз этар эрди гуногун либос,
Меҳмон қилмас эрди тарки палос. *Сабъаи сайёр*, 10-157;
Ранги гуногун қилиб биллури соф.
Лаъл ила ёқут деб айтиб газоф. *Лисонут-тайр*, 70-Т.

ГУНОГУНЛИГ [گوناگون لیغ] – ҳар турлилик:

Қалам шаккининг гуногунлиғи ва аҳли қалам шиккининг буқаламунлуғи ва қайси хутут китобатиға шуруъ қилмақ аъмол номасиға мужиби қароликдур.

Ҳайратул-аброр, 7-223;

...замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди баид ҳар навъ...

Маҳбубул-қулуб, 14-9.

ГУРБИЗ [گور بیز] – ҳийлагар, маккор, фирибгар:

Сен эмассен золиму гурбиз ва ул эмасдур мазлуму ожиз. *Маҳбубул-қулуб*, 124.

ГУРГ [گرگ] – жонивор; курт, занб:

Ғаҳи бабр уруб гоҳ шер ўлтуруб,
Вагар пил-у гург ул далир ўлтуриб. *Садди Искандарий*, 315-Т;
Васе тезрави рахши хорошикан,
Бари гург зўр-у бари пил тан. *Садди Искандарий*, 301-Т.

ГУРГДАН [گرگدن] – каркидон; ҳайвон:

Ўзи пилпайкар оти гургдан,
Вале каркадан ким эрур гург тан. *Садди Искандарий*, 406-Т.

ГУРД [گرد] – паҳлавон, баҳодир, кўркмас:

Бу майдонда Фирдавси ул гург эрур,
Ки гар келса Рустам жавобин берур. *Ғаройибус-сиғар*, 510-Т;
Бор аҳли жаҳонға шоҳ-у сарвар бўлған,
Дин маъракасида гурд-у сафдар бўлған. *Назмул-жавоҳир*, 15-167;
Ким бўлур ҳар лаҳза ранж афзун манга,
Не эди ким қилдинг эй гардун манга. *Лисонут-тайр*, 100-Т;

~ **и анжумбўс** – юлдузларни ўпувчи; боши кўкка етган ғолиб паҳлавон:

Анингдек очти аждар оғзиға шаст,
Ки деди гурди анжумбўс бардаст. *Фарҳод ва Ширин*, 209-Т;

~ **и ваҳшийфикан** – йиртқичларни йиқитувчи паҳлаван:

Тузуб мажлис аҳли била анжуман,
Равон истабан гурди ваҳшийфикан. *Садди Искандарий*, 410-Т;

~ **и далир** – жасур паҳлавон, қаҳрамон, шижоатли ботир:

Чу майдон аро кирди гурди далир,
Анингдек ки аждар масофиға шер. *Садди Искандарий*, 406-Т;

~ **и мардумшикор** – одам овловчи:

Чу аҳволиға бўлди заъф ошикор,
Белидин тутуб гурди мардумшикор. *Садди Искандарий*, 196-Т;

~ **и разм озмун** – моҳир, тажрибали паҳлавон:

Бу янглиғ ўн уч гурди размозмун,
Кириб бўлдилар деввашқа забун. *Садди Искандарий*, 408-Т.

ГУРДАГОҲ [گرده گاه] – буйрак жойи; бел, бикин:

Бири суғлубан гурдагоҳиға тиғ,
Тўкуб ерга қонин анинг бедариғ. *Садди Искандарий*, 199-Т.

ГУРЕЗ/ГУРИЗ [گریز] – 1. қочиш; илож, чора:

Йўқ эрди гуриз неча сўздин
Борғудек ўлуб дегунча ўздин. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т;
Ғаҳи бу ёниб тунд ул кирса тез,
Ғаҳ ул тез ёнғач бу айлаб гурез. *Садди Искандарий*, 407-Т;

Кўз уйидин ул пари рам қилди мардум ашкидин,
Бўлди чун ҳамхона тардоман эрур авло гурез. *Хазойинул-маоний*, 16-228;
Ул дебдур ки тўрт нимадур ки андин гурез йўқтур: кўз ва тил кўнгул ва ҳаво.
Насойимул-муҳаббат, 42-Т;

2. ҳазар, парҳез:
Фалак ерга бу навъ ўлур фитнарез,
Ки андин керак табъ қилғай гурез. *Садди Искандарий*, 236-Т;

ГУРЕЗГОҲ [گریزگاه] – қочадиган жой, паноҳ:
Ул бари олам узра шоҳ ўлди,
Манга ҳар ер гурезгоҳ ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-397.

ГУРЕЗОН/ГУРИЗОН [گریزان] – қочган, қочувчи:
Боши устида Бону ашкрезон,
Қарор-у сабр кўнглидин гурезон. *Фарҳод ва Ширин*, 405-Т;
Лайлидин ўлуб тараб гурезон,
Тонг шамъидек ўлди ашкрезон. *Лайли ва Мажнун*, 308-Т.

ГУРЖИ [گرجی] – гуржи, грузин (халқ номи):
Тушуб чаркас-у гуржи сари йўли,
Бўлуб барча гуржи ву чаркас кули. *Садди Искандарий*, 150-Т.

ГУРЗ [گرز] – гурзи:
Гурз ила Баҳром бошин янчибан,
Найза била суратиға санчибан. *Ҳайратул-аброр*, 7-270;
~ **и гаронсанг** – катта, оғир гурзи:
Не деб эмди қилай майдонға оҳанг,
Бошимғаму урай гурзи гаронсанг? *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т.

ГУРЗА I [گرزه] – катта заҳарли холдор илон:
Не хартум ким гурза мори дамон,
Салобатда аждар ҳамон ул ҳамон. *Садди Искандарий*, 289-Т.

ГУРЗА II [گرزه] гурзи, уруш асбоби:
Неча гурза неча сунбода айлаб,
Камар қазмақ ишин омода айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т.

ГУРОЗ [گراز] – тўнғуз, кабан:
Ва сарт барчасин хук ва гуроз лафзи била айтур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т.

ГУРПАКЛАШ-/КЎРПАКЛАШ- [گورپاکلاش] – озмоқ:
Турк алфози возии асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузвий мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдур ки андақ ки... сизғурмақ, гурпаклашмақ, чупрутмақ... *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

ГУРУҲ [گروه] – 1. тўда, тўп, гуруҳ:
Бор икинму биз киби маҳзун гуруҳ,
Орзу ву саъйидин мағбун гуруҳ. *Лисонут-тайр*, 241-Т;
Қаҳринг йўқ этар халқни ким турғали бўлмас,
Сарсар йўлида пашша гуруҳиға таҳаввур. *Хазойинул-маоний*, 16-150;
Туруб анда гуруҳи аҳли ҳикмат,
Равон бўлдилар икки аҳли давлат. *Фарҳод ва Ширин*, 205-Т;

2. жамоа:
Дуолар қилиб муттафиқ ул гуруҳ,
Дедилар ки эй шоҳи гардуншукуҳ. *Садди Исшндарий*, 373-Т;

Ишк аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хисрав Деҳлавий.
Маҳбубул-қулуб, 14-25;

~ **о гурух** – гуруҳо-гуруҳ:
Бу ҳолатда чиқти гуруҳо гурух,
Ки яъжуждин тўлди саҳро ву кўҳ. *Садди Искандарий*, 430-Т;

~ **и афкор** – афкор, жароҳатли гурух, жамоа:
Андин бўлуб гуруҳи афкор,
Эткан Юсуфларин талабкор. *Лайли ва Мажнун*, 132-Т;

~ **и аҳли ҳикмат** – ҳикмат аҳли гуруҳи:
Туруб анда гуруҳи аҳли ҳикмат,
Равон бўлдилар икки аҳли давлат. *Фарҳод ва Ширин*, 205-Т;

~ **и бехабар** – хабарсиз ғофиллар:
Деди к-эй ғофил гуруҳи бехабар,
Ҳолингиз ғафлат аро зер-у забар. *Лисонут-тайр*, 38-Т;

~ **и дарднок** – дардманлар гуруҳи:
Шеванидин ул гуруҳи дарднок,
Заъф айлаб кўп бўлур эрмиш ҳалок. *Лисонут-тайр*, 255-Т;

~ **и девсор** – дев сифат, дев монанд:
... ва ул гуруҳи девсори девонавор етиб анинг оллида саф тузатканлари.
Сади Искандарий, 403-Т;

~ **и донишвар** – донишманд аҳли, донишвор гуруҳи:
Манзил ўлғач аларға ул кишвар,
Азм этиб ул гуруҳи донишвар. *Сабъаи сайёр*, 10-90;

~ **и зор** – натавон, заиф гурух:
Охирул-амр ул гуруҳи зордин
Ранж тортардин суруг афкордин. *Лисонут-тайр*, 237-Т;

~ **и инс** – инс, инсон гуруҳи:
Эрур сен-у ул гуруҳи инсдин
Бари офаринишда бир инсдин. *Садди Искандарий*, 307-Т;

~ **и касир** – кичик бир гуруҳ:
Шўру ғавғода бир гуруҳи касир,
Бошлари узра бир баланд сарир. *Сабъаи сайёр*, 10-390;

~ **и мустаманд** – ғамли, қайғулилар гуруҳи:
Бўлубан жамъ ул гуруҳи мустаманд,
Шайхқа ҳар бир бериб бир навъ панд. *Лисонут-тайр*, 102-Т;

~ **и ожиз-у зор-у забун** – чорасизлар тўдаси:
Биз гуруҳи ожиз-у зор-у забун,
Барчани хор айлабан бахти нигун. *Лисонут-тайр*, 86-Т;

~ **и сара** – гўзал, яхши, сираланган гурух:
Бўлуб фосил ул тоғқа бу дара,
Убур эткали ул гуруҳи сара. *Садди Искандарий*, 426-Т;

~ **и тожир** – савдогарлар, тожирлар гуруҳи:
Деди ким гуруҳи тожир эрдук,
Яман сари Хутандин сойир эрдук. *Фарҳод ва Ширин*, 270-Т;

~ **и хавос** – гуруҳ хосиятлари:
Шаҳ оллиндағи ул гуруҳи хавос,
Бориб айлаб ўтдин аларни халос. *Садди Искандарий*, 272-Т;

~ **и хирадпеша** – ҳушёр, мулоҳазали гуруҳ:
Чу кўнгли бишурди бу андешани,
Тилатти гуруҳи хирадпешани. *Садди Искандарий*, 377-Т;

~ **и хор-у зор** – бечоралар гуруҳи:
Дедилар ким биз гуруҳи хор-у зор,
Ҳарзакор-у ожиз-у беэътибор. *Лисонут-тайр*, 239-Т;
~ **и чолок** – чаққон, фаросатли, зийрак гурух:
Бу фаслда ул гуруҳи чолок,
Гулшанға ёйилдилар тарабнок. *Лайли ва Мажнун*, 114-Т;
~ **и шабгир** – тунги гурух:
Жамъ ўлубан айлабан бу тадбир.
Қилдилар ушул гуруҳи шабгир. *Лайли ва Мажнун*, 277-Т;
~ **и ҳикмат** – ҳикмат аҳли:
Ясағанда гуруҳи ҳикмат кисм,
Боғламишлар анга бу навъ тилисм. *Сабъаи сайёр*, 10-251.

ГУРУҲА [گروهه] – палаҳмон тоши:
Ё бирав газ бирла бўлгай қотилинг,
Ё гуруҳа бирла қилғай бисмилинг. *Лисонут-тайр*, 65-Т.

ГУРШОСБ [گورشاسب] – Гуршосб (кадимги Эрон ҳукмдорларидан бири):
Яна мулк узра қилди Гуршосб ҳукм,
Нечук ким қилиб эрди Луҳросб ҳукм. *Садди Искандарий*, 107-Т.

ГУСИЛ [گسیل] – узиш, сиииш; ~ **топ-** – ажралмоқ:
Ики ёни ким ҳеч топмай гусил,
Бўлиб Қоф атрофиға муттасил. *Садди Искандарий*, 426-Т;
Су афлокдин ҳеч топмай гусил,
Бўлуб давраси давриға муттасил. *Садди Искандарий*, 466-Т.

ГУСТАР [گستر] – соя солувчи; соя:
Карам қил эл паноҳинг ичра кирса ким хуштур,
Чаманда мева доғи берса соягустар шох. *Хазойинул-маоний*, III6-117.

ГУСТАҲАМ [گستهم] – Навзар бин Манучеҳрнинг исми:
Қатиф аҳли Баҳрайн-у Бағдод ҳам,
Сипеҳрдор аларға келиб Густаҳам. *Садди Искандарий*, 186-Т.

ГУСТОХ [گستاخ] – густох, адабсиз, ибосиз, андишасиз:
Қон тўкуб ул бути зебо густох,
Бориб ул ён мени шайдо густох. *Фавойидул-кибар*, 111-Т;
Ҳам чуғз қўнуб қўлиға густох,
Ҳам бўм бошиға суртубон шох. *Лайли ва Мажнун*, 263-Т.

ГУСТОХЛИК/ГУСТОХЛИҒ [گستاخ لیغ/ گستاخ لیق] – 1. кўрслик, дағаллик, андишасизлик:
Замон подшоҳи ўз ажзиға муътариф бўлди кулоқ тутти ва густохлиғидин пушаймон бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 333-Т;
Якинда бу матлаъ воқиъ бўлубтур густохлик қилилди. *Муншаот*, 14-171;
Фақир густохлик юзидин хотир итмийнони учун ҳолларин сўрдум.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-77;
Бу густохликка авф умидидур ва ул густохликларга ислоҳ умиди...
Муншаот, 14-174;
Бартараф бўлган замон ул олами,
Айлабан густохлиғ бир маҳрами. *Лисонут-тайр*, 185-Т;
2. эркинлик, эркалик:
Мир Атоуллоҳ... фақир густохлиқ юзидин Мирға дермен...
Мажолисун-нафоис, 138-Т;

Бу фақир густохлиқ қилиб илтимос қилдим ким махдумзода ўтрудин кўптилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-77.

ГУСТОХОНА [گستاخانه] – густохона, беандишалик билан, адабсизлик билан:

Мавлано Муҳаммад Олим.. бахсда кўп густохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 17;

Сиёсат айларам мужгон синони бирла мундақ ким,
Кўзум ул юзга густохона боқиб бахраманд этмиш. *Бадойиул-васат*, 193-Т.

ГУСТУВОН [گستوان] – зириҳли от, фил:

Ало то абри нисон зиндафили,
Кияр бир густувони чархи пили. *Фарҳод ва Ширин*, 99-Т.

ГУФТ [گفت] – сўз; нутқ; гап:

Қилиб тахт уза иш ярағини гуфт,
Бари навъдин ошикор-у нухуфт. *Садди Искандарий*, 183-Т;

Чу ҳар илмдин бўлди гуфт-у шанид,
Димоғини шаҳнинг қизитти набид. *Садди Искандарий*, 135-Т;

Бу эрди муттасил гуфт-у шуниди,
Худойидин ўғул эрди умиди. *Фарҳод ва Ширин*, 129-Т;

~ **-у шунуд** – гап-сўз, суҳбат:

Бўлди басе пардада гуфт-у шунуд,
Парда чу кўпмади ародин не суд. *Ҳайратул-аброр*, 7-221;

~ **-у шунуфт** – гапириб туруб тинглаш:

Ва дойим бу фан баҳсин ва гуфт-у шунуфтин қилур эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 110-Т.

ГУФТОР [گفتار] – 1. сўз, сўзлаш, гапириш:

Ҳамул сўздин инкор йўқтур манга,
Яна навъ гуфтор йўқтур манга. *Садди Искандарий*, 319-Т;

Топти сокин сокин ул такрордин,
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин. *Лисонут тайр*, 267-Т;

2. баён:

Бу назм тарихи гуфтори ва ўзининг истеъфо ва истиғфори.
Лисонут-тайр, 274-Т;

~ **ўл-** – сўзламоқ, гамирмоқ, гуфтор бўлмоқ:

Кўзга кўнглум дардидин йиғларға имкон қилмағай,
Тилга дардим шарҳини айларга гуфтор ўлмағай. *Ғаройибус-сиғар*, 464-Т;

~ **эт-** – сайрамоқ; нола қилмоқ:

Уйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбулу тўти киби гуфтор этай. *Лисонут-тайр*, 36-Т;

~ **қил-** – арз қилмоқ:

Қорчиғай қилди аён гуфторини,
Кўргузуб чангол ила минқорини. *Лисонут-тайр*, 73-Т.

ГУФТОРЛИҒ [گفتارلیغ] – сўзлашишлик, гапиришлик:

Мунинг шакар гуфторлиғиға ло ило ниҳоя муждасин еткургай. *Муншаот*, 14-181.

ГУФТУГУЗОР [گفت گذار] – сўзлашиш, суҳбат, баҳс:

Ҳамият ул эмас ки махдум яна биравга кўпрак мултафит бўлғандин шикоят изҳор қилғай ва гиламандлиғ гуфтугузори. *Маҳбубул-қулуб*, 14-41;

Бу бирининг ул бири била омизиш ва гуфтугузори бор.
Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т.

ГУФТУГЎ/ГУФТУГЎЙ [گفتگو / گفتگوی] – суҳбат, гаплашиш, суҳбат:

Мен тийра уйда беҳуду юз навъ гуфтугў,
Ҳар кўк бошинда телбалигим можаросидин. *Хазойинул-маоний*, 16-498;
Бу дам дағи ёнсанг бўлур сулҳжўй,
Манга дағи сулҳ узрадур гуфтугўй. *Садди Искандарий*, 319-Т;
Маҳвашлар аро бу гуфт-у гўдур,
Иқболинг аларға орзудур. *Лайли ва Мажнун*, 176-Т;
Ҳар дам етибан фалакка хўйум,
Авбош ила барча гуфт-у гўйум. *Ғаройибус-сигар*, 5-Т;
Навоий ўлмади таҳид гуф-у гў била фахм,
Магар ки айлагасен тилни катъ жонни фидо. *Наводируш-шабоб*, 1-Т.

~ **айла-** – гапирмоқ; сўзлашмоқ:

Ким анинг васфин орзу айлаб,
Келса ул ишда гуфтугў айлаб. *Сабъаи сайёр*, 10-223.

ГУШОД/ГУШОДА [گشاد / گشاده] – очиқ; фарах; шодлик:

Бўлди кўнглум шод топғач тиғидин кўксум гушод,
Йўқ ажаб ҳар кимга ким еткач гушоди бўлса шод. *Наводируш-шабоб*, 118-Т;
Бу дайр ичора фано расмин бирав ким ихтиёр эткай,
Гушод имкони йўктур кечмайин ул ихтиёрдин. *Бадойиул-васат*, 365-Т;
Азимат қилса ул ён шоҳзода,
Ажаб йўқ ким бўлур кўнгли гушода. *Фарҳод ва Ширин*, 257-Т;
Тутилмиш зулфунга лекин юз очсанг очилур кўнглум,
Сенинг оллингдадур ул телманинг банди гушоди ҳам. *Фавойидул-кибар*, 417-Т;

~ **топ-** – очилмоқ, кутулмоқ, фатҳ қилмоқ:

Бир бирга назар гушод топти,
Ҳам бу ву ҳам ул мурод топти. *Лайли ва Мажнун*, 355-Т;

~ **ўл-** – кутилмоқ, очилмоқ, фарах, шод бўлмоқ:

Гишод ўлғай анга ул барча новак,
Чиқарғай пар анингдек ким чаковак. *Фарҳод ва Ширин*, 227-Т;

~ **эт-** – кутилмоқ, холис, озод бўлмоқ:

Чу манга факр-у фано келди мурод,
Ул тарафдин Хак насиб эткай гушод. *Лисонут-тайр*, 271-Т.

ГУШТОСБИЙ [گوشتاسبی] – Гуштосбга мансуб; Гуштосб; қадимги Эрон ҳукумдорларидан Хистаспас:

Умурида ойини Луҳросбий,
Сипоҳида қонуни Гуштосбий. *Садди Искандарий*, 154-Т.

ГУҲАР [گهر] – 1. гавҳар, қимматбаҳо тош:

Дури ишқингни то топмиш, агар чок ўлса сар тосар,
Гуҳар ютқан балиғ янглиғ дам урмас нотавон кўнглум.
Хазойинул-маоний, 16-431;

Гуҳар керак эрса бенаволик айла,
Дарёйи карамға ошнолик айла. *Назмул-жавоҳир*, 15-134;

2. чукур маъноли сўз:

Бу сўзлар гавҳарин дуржин ки очтинг,
Гуҳар ул дурждин оламға сочтинг. *Фарҳод ва Ширин*, 181-Т;
Бўлса ҳакиқат гуҳаридин йирак,
Ришта сўзин сўзламаган яхширак. *Ҳайратул-аброр*, 7-54;

3. асл, аслзода:
Яқин эрмас малаксен ё башарсен,
Худо ёринг ки бас олий гуҳарсен. *Фарҳод ва Ширин*, 283-Т;
Абр ки ҳар қатра гуҳардур анга,
Гул очилурдин не хабардур анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-178;

~ **и бебаҳо** – бебаҳо гавҳар:
Ичингда сирри ҳақиқатни яшурғай дер эсанг,
Улустин ул гуҳари бебаҳони пинҳон йут. *Наводируш-шабоб*, 82-Т;

~ **и маъни** – гавҳарга ўхшаш қиммат баҳоли, гўзал маъноли:
Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-62;

~ **и обдор** – тоза гавҳар:
Пўя қабурчуқ била айлаб нисор,
Мақдамима юз гуҳари обдор. *Ҳайратул-аброр*, 7-339;

~ **и пок** – холис, пок:
Лаълдек ул ким гуҳари пок ўлуб,
Кўҳи бало остида ғамнок ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-213;

~ **и шабчароғ** – кечани ёритадиган порлоқ гавҳар:
Нури бериб кулбаға шамъи фароғ,
Шамъни қўй ким гуҳари шабчароғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-84;

~ **соч-** – нур сочмоқ:
«Девон»ни ки айладинг муҳайё,
Сочти бошиға гуҳар Сурайё. *Лайли ва Мажнун*, 65-Т.

ГУҲАРБОР [گهربار] – гавҳарлар ёғдирувчи, фойда етказувчи; мўътабар ва маъноли сўзлар айтувчи:
Олий мажлисда ер ўпуб, арз қилдимким, ул эътирозни гуҳарбор алфоздин эшитмак муроддур. *Мажолисун-нафоис*, 153;

~ **и ишқ** – гавҳарлар ёғдирувчи ишқ:
Кўнгли анинг маҳзани асрори ишқ,
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-198;

~ **ўл-** – ўткир қаламли, фасоҳатли бўлмоқ:
Анга ким хома гуҳарбор ўлғай,
Ҳайф ким бухл ила бекор ўлғай. *Фавойидул-кибар*, 681-Т;

~ **айла-** – дурлар сочмоқ:
Зор ўлармен ул пари йўқ ким хабардор айласам,
Жилва қилғач оллида кўзни гуҳарбор айласам. *Мажолисун-нафоис*, 226-Т.

ГУҲАРЗОТ [گهرزاد] – аслзода, олий насабли:
Кўрунгач бу сифат олий гуҳарзот,
Бўлуб ҳам оллида ер ўптилар бот. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т.

ГУҲАРЛИҒ/ГУҲАРЛИК [گهرلیک / گهرلیغ] – гавҳарли, жавоҳирли:
Муҳаққақ билди ким ул ким ўйнар тош,
Қочурмиштур гуҳарлиғ (/**гуҳарлик**) тождин бош. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т;
Анингдек бўлса тахтинг рифъати ким
Гуҳарлик айласа тожингға фарқад. *Наводируш-шабоб*, 661-Т.

ГУҲАРНИГОР [گهرنگار] – гавҳар билан безалган:
Маъшуқ умидида дард-у ҳасратини изҳор қилиб бетоқатлиғиға раҳм этмасида бу матлаъға ўқ жавоб ул табъи дурбордин ва хомаи гуҳарнигордин рақам топиб дурур ким васфида ақл ҳайрондур. *Мажолисун-нафойис*, 223-Т;

Азоси бобида дурбор қаламдин гуҳарнигор рақам ким саҳфайи кофурий нажодни нуктайи мушкин савод била оройиш бериб эди. *Муншаот*, 14-224.

ГУҲАРНИСОР [گهرنثار] – гавҳар сочувчи:

Бу дам ки гуҳарнисор хоманг,
Таҳрир этибан етишти номанг. *Лайли ва Мажнун*, 258-Т.

ГУҲАРПОШ [گهرپاش] – 1. гавҳар сочувчи, ёғду берувчи, нур сочувчи; чукур маъноли сўз айтувчи:

Сен эл бошиға бўлуб гуҳарпош,
Бир пок гуҳар демай ки шобош. *Вақфия*, 14-248;
Париваш бўлди чун мундақ гуҳарпош,
Аёқ тутмақ учун қўпти уруб бош. *Фарҳод ва Ширин*, 331-Т;

2. кўз ёши тўкувчи:

Дема ёлғуз бўлуб сўздин гуҳарпош,
Ки сўзча юз ики кўздин гуҳарпош. *Фарҳод ва Ширин*, 328-Т.

ГУҲАРПОШЛИҚ [گهرپاش لیق] – гавҳарафшон:

... ва баъзи замонда айшу нишот била илиги зарпошу баъзи авонда ибодат била кўз гуҳарпошликка мутааммилу муштағил учун бу хошок дарёдек кўнглига кирмас. *Ғаройибус-сиғар*, 3(20)-15.

ГУҲАРРЕЗ [گهرریز] – гавҳар тўкувчи; маъноли сўзлар гапирувчи; ширинсўз:

Кўнгли садафи бўлуб гуҳаррез,
Килки қамиши дағи шакаррез. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;
Яна чун жоми май бўлди равона,
Гуҳаррез ўлди Фарҳоди ягона. *Фарҳод ва Ширин*, 328-Т.

ГУҲАРРЕЗЛИҚ [گهرریزلیق] – яхши сўзлар айтишлик; эътиборга лойиқ сўзларни тарқатишлик; гавҳарафшонлик:

...ва гузориш дебочасини Сикандари давроншиносида бир неча гуҳаррезлиқ била мурассаъ этмак... *Садди Искандарий*, 480-Т.

ГУҲАРСАНЖ [گهرسنج] – гавҳар сараловчи:

Ғарқи ҳаво абри гуҳарсанждек,
Тупрақ ичинда ётибан ганждек. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;
Дабири гуҳарсанжи чобук ракам,
Очиб сафҳаи дард чекти қалам. *Садди Искандарий*, 480-Т.

ГУҲАРФИШОН/ГУҲАРАФШОН [گهرفشان / گهرافشان] – 1. гавҳар сочувчи; ёмғир:

Токи хазон ели зарафшон эрур,
Абри баҳорий гуҳарафшон эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-71;

2. маъноли сўзлар сочувчи:

Баҳр ўлди маоний гуҳарфишони ҳам ул,
Олам элининг шоҳи сухандони ҳам ул. *Назмул-жавоҳир*, 15-130;
Мундақ деди сўз гуҳарфишони,
Айтурда бу нуктадин нишони. *Лайли ва Мажнун*, 169-Т.

ГУҲАРФИШОНЛИҒ [گهرفشانلیغ] – гавҳар сочувчилик; баҳра берувчилик; ~ эт- – фойда келтирмоқ:

Ул биридек элга зарфншонлиғ эт,
Бу бири янглиғ гуҳарфишонлиғ эт. *Ҳайратул-аброр*, 7-71.

ГУҲАРЧИН [گهرچین] – гавҳар териш; манфаатдор бўлиш:
Ганжинаи фикри гавҳаройин,
Андин бари халқ ўлуб гуҳарчин. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т.

ГЎДАК [گودک] – ёш бола, гўдак; насиҳат укмайдиган, гапга кирмайдиган; ошиқнинг кўз ёши, кўнгли, ихтиёри:
Шоми ҳажр уйғақмен беҳад келурдин кўзга ёш,
Уйқуға кўймас югурмакдин бу хайли гўдаким. *Хазойинул-маоний*, IIIб-412;
Ишқингга йўқ ислоҳ тадбирдин,
Чу гўдаксен ўттук бу тақсирдин. *Садди Искандарий*, 257а12.

ГЎДАКЛИК [گودک لیک] – гўдаклик:
Ки гўдаклигинг чун ки ғолибдурур,
Санга гўй-у чавгон муносибдурур. *Садди Искандарий*, 163-Т.

ГЎЁ I [گویا] – 1. худди, гўё, гўёки, мисли:
Кишига ўхшамас гўё паридур,
Пари йўқ офтоби ховаридур. *Фарҳод ва Ширин*, 336-Т;
Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур. *Садди Искандарий*, 168-Т.

ГЎЁ II [گویا] – сўзловчи; оҳанг:
Келибдур аклдек боштин аёқ хуш,
Такаллум вақти гўё йўқса хомуш. *Фарҳод ва Ширин*, 340-Т;
Ҳақ мунунг нутқин чу гўё айлади,
«Мантиқут-тайр» ошкоро айлади. *Лисонут-тайр*, 252-Т;
~ **булбул/қуш** – сайроқи булбул, қуш:
Навоий ҳамдингга булбул тили бўлуб гўё,
Валек ҳайрати васфингда ғунча оғзи хамуш. *Бадойиул-васат*, 185-Т;
Балки қудси руҳининг гўё қуши,
Арш боғидин келиб кўнглум туши. *Лисонут-тайр*, 253-Т;
~ **лаъли гўё** – ширин сўзли оғиз:
Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гўёси,
Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси. *Бадойиул-васат*, 421-Т;
~ **тили гўё** – гапдон, бийрон тил:
Ушшоқ аро ё Раб ки Навоийға мақоме
Бергил ки сенинг ҳамдингға бўлсун тили гўё. *Хазойинул-маоний*, 16-23.

ГЎЁКИ [گویاکه] – гўёки, худдики; гўё:
Мавлоно Хизрий... гўё ки биравнинг мамлуки экандур. *Мажолисун-нафоис*, 123;
Тош урмақ ила тани нажандин,
Гўё ки айирди банд бандин. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т.

ГЎЁЛИҒ/ГЎЁЛИҚ [گویالیغ / گویالیق] – чуқур маъноли, оҳангдор сўзлаш:
Ўз таврида Ҳақ таоло анга гўёлиғ беribдур. *Насойимул-муҳаббат*, 400-Т;
Барча андиндур ки бўлмас барча қуш,
Нуктаи рангину гўёликка туш. *Лисонут-тайр*, 250-Т.

ГЎЙ I [گوی] – сўз, гап:
Тушда Юсуф ҳайъатин кўрдум ҳабибим ёдидин,
Гўйи ул қолиб бу руҳи маҳз учун андозадур. *Хазойинул-маоний*, IIIа-105;
Асҳобидин ҳар қайсиға марази тори бўлса эрди гўйи ул эрди ким ўзи муолажа қилур эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т;

~ **и меҳр** – меҳр сўзлари:
Чу мағрибқа отти ҳақими сипеҳр,
Сикандар тилисми киби гўйи меҳр, *Садди Искандарий*, 251-Т;
~ **и тилисм** – тилисм сўзлари:
Чу ерга тегиб руст гўйи тилисм
Неча бора бўлғай анга салби жисм. *Садди Искандарий*, 247-Т;
~ **и шаҳр** – шаҳар сўзлари, гаплари:
Қолиб дашт мажнуни жонгоҳдин,
Юзин йиртти гўйи шаҳр оҳдин. *Садди Искандарий*, 417-Т.

ГЎЙ II [گوی] – ёрдамчи сўз бўлиб *айтувчи* маъносини англатади:
Бузург Уммид ҳикматжўйи анинг,
Не ҳикматжў хушомадгўйи анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 113-Т.

ГЎЙ III [گوی] – чавгон ўйинидаги тўп:
Зулфидин чавгон чекиб эл бошини гўй эткали,
Кўз ёшимни гўйдек ҳар сари ғалтон айламак. *Ғаройибус-сиғар*, 259-Т;
Ҳамул гўй отилғач қочиб як ба-як,
Масалдур ки минг қарғаға бир кесак. *Садди Искандарий*, 249-Т;
~ **и афлок** – фалак тўгараги:
Бу ён кўк юзин хайли кўлак анга,
Ҳабоб англатиб гўйи афлок анга. *Садди Искандарий*, 88-Т;
~ **и занах/занахдон** – занахдон ияк, бақбақа айланаси:
Не тонг ёшунса кеча зулфида қуёш гўйи,
Агар бу навъ эса чавгани зулфу гўй занах. *Наводируш-шабоб*, 108-Т;
Оғзинга олма олиб ким манга тишлаб бердинг,
Ҳам ушул оғиз ила гўйи занахдон топтим. *Ғаройибус-сиғар*, 318-Т;
~ **и зақон** – бағбақа:
Сунъ килкидин ёзилди гўйи ул гўйи зақан,
Нуқталар янглиғ занохдонингда икки хол анга. *Бадойиул-васат*, 9-Т;
~ **и ғабғаб** – чавгон тўпига монанд соқоқ, бағбақа:
Гардлиғ чавгон ҳамида охтар ўлғай айла ким
Гўйи ғабғаб даврида чавгон зулфи мушкбез. *Наводируш-шабоб*, 201-Т;
~ **и ғалтон** – чавгон тўпи:
Агар кўпса қадд майли чавгон киби,
Таҳаррукда бош гўйи ғалтон киби. *Садди Искандарий*, 282-Т;
~ **ўл-** – чавгон тўпи бўлмоқ:
Бу гўй ўлмиш дури ғалтони гўё,
Дема дур балки нақди жони гўё. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;
~ **ур-** – гапирмоқ, такаллум айламоқ:
Бу арсада айлаган так-у пўй,
Сўз соҳатида бу навъ урар гўй. *Лайли ва Мажнун*, 230-Т;
Сокиё май бер ки бу даврон аро гўй урди ул,
Ким фалак чавгон бирла қилмади ҳар дам ситез. *Наводируш-шабоб*, 201-Т;
~ **эт-/қил-** – эгилмоқ, таъзим қилмоқ:
Ҳар сари жавлон қилиб еткач манга чектинг инон,
Бу икин журмим ки йўлунгда бошим гўй этмишам. *Ғаройибус-сиғар*, 320-Т;
Бошимни гўй қилибмен йўлингда эй чобук,
Отинг аёғи қаён бўлса андадур бошим. *Хазойинул-маоний*, IIIа-231.

ГЎЙАНДА [گوینده] – қисса; шеър айтувчи, ашулачи, хонанда:
Шайхул-ислом дебдур ки Абул-Қошми Сойиҳ қавм била меҳмонлиғда эрдилар гўйандае ўқуди. *Насойимул-муҳаббат*, 120-Т;

Дерлар ки Деҳлида гўйандае бор эрмиш Муҳаммад Кабир отлиғ.
Насойимул-муҳаббат, 329-Т;

Бойсунғур Мирзо... хаттот ва наққош ва созанда ва гўйанда мунча беназир киши ким анинг тарбиятидин ароға кирди. *Мажолисун-нафоис*, 199;

Шаҳрнинг созанда ва хонанда ва гўйандаси дойим алар суҳбатида ҳозир бўлурлар эрди. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-93.

ГЎЙАНДАЛИҒ/ГЎЙАНДАЛИК [گوی انده لیغ / گوی انده لیق] – киссагўйлик; ашула; куй-навосозлик:

Ул даҳи барчасиға лойиқ хидматлар қилиб сўҳбатлар тузатиб неъматлар тортиб созандалиғ ва гўйандалиғлар буюруб самоъ ва сафо қилиб аларни хушҳол ва мунбасит узатур эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;

Ваъз мажлисида хонандалиқ ва гўйандалиқ ва самоъ суҳбатида бетаҳаммуллуғлар қилиб азим шайхлар ва саъқалар тортар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 408-Т.

ГЎЙАНДУД [گوی اندود] – гўй тўплаган, гўй зарбасини еган:

Қалб гўйандуд ила биг этса васлин эй кўнгул,
Доғдин мунча дирам ким менда бордур кимда бор. *Наводируш-шабоб*, 148-Т.

ГЎЙИЁ [گوییا] – худди, мисли; гўё:

Дема булбул зулмиға гул боғламиш бир гўйиё,
Чарх зулмидин анинг ҳам боғлаған зуннори бор. *Бадойиул-васат*, 116-Т;

Ул дарахт эрди гўйиё сандал,
Барги кўзгулари топиб сайқал. *Сабъаи сайёр*, 10-313.

ГЎЙЧА [گویچه] – гўйдек, гўй каби, гўймонанд:

Фано риёзатида қаддин айлагач чавгон,
Қошинда гўйча йўқтур бу гунбади махлут. *Наводируш-шабоб*, 279-Т.

ГЎКРА-/ГЎКИР- [گوکره / گوکر] – ўкирмоқ, бўкирмоқ:

Бир тевани бости ва сақат қилди ва бийикка чиқиб, бир гўкради.
Насойимул-муҳаббат, XV-14;

Аёкчи кетур май ки тортай далир,
Ки сархуш бўлуб... гўкрай андақ ки шер. *Садди Искандарий*, 166-Т.

ГЎЛ [گول] – содда, нодон:

Мавлоно Вайсий... асру содда ва гўл киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 44;

Келмагай бу сўз мажонин хайлидин,
Жамъи гўл-у тифл ойин хайлидин. *Лисонут-таир*, 71-Т;

~ **у нодон** – ақлсиз, тадбирсиз, нодон:

Қасди дин-у ғорати жон айлабан,
Лекин ўзни гўл-у нодон айлабан. *Лисонут-тайр*, 106-Т;

Бўлуб боис ул гўл-у нодон иши,
Черик жамъиға чопти ҳар ён киши. *Садди Искандарий*, 178-Т.

ГЎНГРАН- [گونگران] – бўқирмоқ; чидамоқ, бардош бермоқ:

Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин гўнгранма.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-540.

ГЎР I [گور] – 1. қабр, мозор, лаҳад:

Ажаб шаҳре ки уй гўр ўлға ву суккони жонсиз тан,
Муошир мотамийлар навҳа аҳли нағмакор анда. *Ғаройибус-сиғар*, 46-Т;

Чу наққоб этти ер казмағни пеша,
Тириклай гўр аро кирмиш ҳамеша. *Фарҳод ва Ширин*, 111-Т;

2. Шоҳ Баҳромнинг лақаби:

Баҳром Гўр замониғача Румда эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 217;

~ **айла-/эт-** – дафн қилмоқ, гўр, айламоқ:

Охир чу ажал анга мақом айлади гўр,
Туфрақ ичида қилди ватан ўйлаки мўр. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-168;
Овда ким шер қилди гўрға зўр,
Зўр ила шер уйини айлади гўр. *Сабъаи сайёр*, 10-74;
Ажал шарбат айшини шўр этиб,
Чикарди жахондин ерни гўр этиб. *Тарихи мулки ажам*, 16-237.

ГЎР II [گور] – кулон:

...баъзи дебтурлар ки гўр овиға кўп мойил эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 218;
Чопибан кўх-у дашт сари саманд,
Гўр бўйниға солур эрди каманд. *Сабъаи сайёр*, 10-353.

ГЎРДАВ [گوردو] – кулондек чопкир, ёввойи эшак:

Минг от барча оҳутек-у гўрдав,
Бари гўр-у оҳудин элтиб гарав. *Садди Искандарий*, 353-Т.

ГЎРИСТОН [گورستان] – гўристон, кабристон, мозор:

Дард устига дард чун узалди,
Ул гўристон ичинда қолди. *Лайли ва Мажнун*, 331-Т;
Ерни дафн этти ишқ айвонида,
Дин-у имон аҳли гўристонида. *Лисонут-тайр*, 127-Т;

Бу иш вукуъидин сўнгра нодим бўлуб паришонҳол гўристонлар кезар, эди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-158;

Мавлоно Муҳаммад Неъматободий... Гозургоҳ гўристонида мадфундур. *Мажолисун-нафоис*, 67.

ГЎРИСТОНИЙ [گورستانی] гўристонга оид:

Гўристонийи муайян эрди,
Ким ул ҳай элига мадфан эрди. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т.

ГЎРКАН [گورکن] – гўрков:

Ул ки киши ўлмакидин шод эрур,
Гўркан-у ғосил-у жаллод эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-240.

ГЎРХОНА [گورخانه] – мақбара:

Хожа Маҳмуди Фаранхўдий... қабри ўзи ясағай гўрхонасидадур. *Насойимул-муҳаббат*, 408-Т;

Мир Али Дўст... анга маъруф мадраса ва гўрхона ва работи басдур. *Мажолисун-нафоис*, 176.

ГЎСОЛАПАРАСТ [گوساله پرست] – молпараст; ~ **бўл-** – молга сиғинмоқ; диндан қайтмоқ:

...ул ўн кун жиҳатидин ким мавъидқа ўтуб эрди қавми сомири иғвоси била гўсолапараст бўлуб эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-140.

ГЎСОЛАПАРАСТИШ [گوساله پرستش] – мол параст: ~ **қил-** – молга сиғинмоқ:

Ва қавм бобида Ҳақ таолодин хитоб келди ким ул ўн ики минг киши ким гўсолапарастиш қилмайдурлар жамиъ бани Исроил элини қатл қилсунлар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-140.

ГЎШ [گوش] – қулоқ; ~ **айла-/эт-/қил-/сол-** – эшитмоқ, қулоқ солмоқ:

Миҳинбону бу сўзлар айлагач гўш,
Кўруб маъқул бирдам бўлди хомуш. *Фарҳод ва Ширин*, 464-Т;

Сўзин Хусрав қилиб бошдин аёқ гўш,
Яқин эрди ки борғай мағзидин ҳўш. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;
Миҳин Бону қилиб ҳайрон сўзидин,
Сўзин чун гўш этиб бориб ўзидин. *Фарҳод ва Ширин*, 326-Т;
Шайх солғач маҳваш алфозиға гўш,
Ишқ туғён айлабан чекти хурўш. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Дайр аро кир пандни гўш айлагил,
Бода бешак соф эрур нўш айлагил. *Наводируш-шабоб*, 693-Т.

ГЎША [گوشه] – бурчак, чекка жой, хилват; узлат:

Йаманда Сафо масжидида халқ Абдурраззоқ қошида ҳадис ўқурлар эрди ва масжид гўшасида бир йигит бошин хирқа ёқасиға тортиб эрди.
Насойимул-муҳаббат, 110-Т;

Ўзи сипоҳийлиқ таркин тутуб дарвешлик водисиға тушуб ва кипана пўшлуқ шиққида Машҳадда гўшае ихтиёр қилди. *Мажолисун-нафоис*, 59-Т;

Эй хуш ул ким гўша тутқай ўйла ким топилмағай,
Ахтариб давронни давр аҳли азалдин то абад. *Фавойидул-кибар*, 123-Т;

Кўзум чун оразидин бўлди маҳжур,
Етардим гўшаларда зору ранжур. *Фарҳод ва Ширин*, 169;

Рухсори жонибинда ул холи анбаролуд,
Ут гўшасида гўё анбар тушуб қилур дуд. *Хазойинул-маоний*, 155-Т;

Ким бузуғнинг гўшасидин бир чаён,
Ниши нўгида ажал заҳри аён. *Лисонут-тайр*, 116-б;

~ **и боғ** – боғ бурчаги, узлати:
Чаманға ғамзада кўнглумни чекма эй булбул,
Ки келди жуғдқа вайрона кунжи гўшаи боғ. *Наводируш-шабоб*, 299-Т;

~ **и вайрон** – харобот бурчаги:
Ғам туни ул ой хаёлидин бузуқ кўнглум ёрур,
Гўшаи вайронға басдур партави маҳтаб шамъ. *Наводируш-шабоб*, 292-Т;

~ **и вайрона** – харобот бурчаги; бузуқ, эски уй бурчаги:
Бу хаёлат ичра ул кошонада,
Ётмиш эрди гўшаи вайронада. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

~ **и домон** – этакнинг учи:
Пок этак истар эсанг бир пок этаклик истабан,
Хоки наълайниға юз қўй гўшаи домонин ўп. *Ғаройибус-сиғар*, 77-Т;

~ **и майхона** – бурчакдаги майхона:
Гўшаи майхонадин гулшанға хирмон ким манга,
Гул уза насрин майи гулранг уза кўп ёғи бас. *Ғаройибус-сиғар*, 201-Т;

~ **и макру хиял** – фириб, алдаш гўшаси:
Деди Ҳудҳуд: К-эй баҳона фан санга,
Гўшаи макр-у хиял маскан санга. *Лисонут-тайр*, 67-Т;

~ **и мехроб** – меҳроб бурчаги:
Манга эмди гўшаи меҳроб ила тоат етар,
Эй кўз ул меҳроби қошни кўрма ким офат етар. *Фавойидул-кибар*, 726-Т;
Равшан эрур кўз ки тутар ком ила,
Гўшаи меҳроб ики бодом ила. *Ҳайратул-аброр*, 7-167;

~ **и хотир** – хотирда сақлаш, эслаш:
... аларнинг борасида дуо қилиб фотиҳа ва такбир ўқуб ҳимматлар тутуб гўшаи хотирларин анинг сари масруф қилиб кисватлар ҳавола қилиб эрдилар.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 111-Т;

~ **тут-** – узлатда бўлмоқ, узоқлашмоқ:
Эй кўнгул давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут,
Ё алардин етса юз минг ғусса афғон айлама. *Наводируш-шабоб*, 528-Т;
Отаси... подшоҳлиғин анга бериб ўзи гўша тутуб ибодатқа машғул бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 510;

~ **ихтиёр қил-** – ёлғизликни ихтиёр қилмоқ:
Мир Ёдгорбек... Мулозамат тарийқини тарк қилиб гўша ихтиёр қилди.
Мажолисун-нафоис, 42.

ГЎШАНИШИН [گوشه نشين] – хилватгоҳликни ихтиёр қилган, одамлардан четлашган:
Ҳар гўшанишин-у бенавойи,
Қилғайлар анинг учун дуойи. *Лайли ва Мажнун*, 187-Т.

ГЎШАТОБ [گوشه تاب] – чолғу қулоғи:
Чу мажнун қилдинг эмди эй муғанний гўшатобингни,
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнумға тумор эт. *Хазойинул-маоний*, 16-98.

ГЎШВОРА [گوشواره] – сирға:
Бу ишка гарди Яздий меъжари дом,
Ичинда дона инжу гўшвора. *Наводируш-шабоб*, 664-Т.

ГЎШИШ [گوشش] – узлат; хилват; дарвишлик:
Ранжи гўшиш еткуруб жисмингға неш,
Дарди ноёб айлабан жонингни реш. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
Бу равишларға чу етти ул гўшиш,
Барчаға бирликда гум бўмақдур иш. *Лисонут-тайр*, 215-Т;

~ **қил-** – узлат қилмоқ:
Мени айла огаҳ ки ул иш қилай,
Неча айлай олғанча гўшиш қилай. *Садди Искандарий*, 335-Т.

ГЎШИШНАМОЙ [گوشش نمای] – узлатнамой, хилватнамой:
Бу жониб ки шаҳ бўлди гўшишнамой,
Зарурат ки бўлғай мутиъ аҳли намой. *Садди Искандарий*, 444-Т.

ГЎШМОЛ [گوشمال] – қулоқ бураш, жазолаш, танбиҳ бериш; озорлаш:
Берай гўшмоле ки ҳар бадсикол,
Тузалғай чу ёд эткай ул гўшмол. *Садди Искандарий*, 161-Т;
Эй Навоий уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ чархи мухолифдур адиб. *Хазойинул-маоний*, IIа-34;
Яна нархларға қилиб иштиғол,
Оғир сотқучиға бериб гўшмол. *Садди Искандарий*, 137-Т;
Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас эгри кўрар гўшмол. *Ҳайратул-аброр*, 7-201.

ГЎШОЙИШ [گوشایش] – очиқлик; очилиш; эътиборлик, обрў-эътибор қозонишлик; хотиржамлик:
Анга қилғач назар истаб гўшойиш,
Жаҳон тимсолиға топти намойиш. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т;
Ёъқуб ки муни кўрди мулкни ўғлиға берди ва ўзин билкуллий ё Шайҳқа таслим қилди ва Шайхнинг ҳусни тарбияти била гушойиш топти ва вилоят мартабасида собит-кадам бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 371-Т.

ГЎШОЙЛИҒ [گوشای لیغ] – обрў-эътиборлик, эътиборлик; шон-шавкатлик;
...ва жаҳон гўшойлиғ сипеҳрининг меҳри мунири Султон Бадийуз-замон Баҳодир мадҳида. *Садди Искандарий*, 101-Т.

Д

ДАББОБА [دبابه] – қалъа ишғолида ишлатиладиган ускуна; шахмат донаси:

Сафлар ичра пил ила зуррофа ҳам,
Руҳ била даббоба ву кашшофа ҳам. *Лисонут-тайр*, 212-Т.

ДАБДАБА [دبدبه] – дабдаба, улуғлик овозаси:

Беш навбат ғулғула ким йўқ ҳади,
Ғулғула йўқ дабдабаи Аҳмади. *Ҳайратул-аброр*, 7-311;
Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий. *Ҳайратул-аброр*, 7-99.

ДАБИР [دبير] – 1. ҳисобчи, котиб:

Бир кун ул подшоҳ дабирга ғазаб қилиб ҳисобға тилади.
Тарихи мулуки ажам, 513;

2. саркотиб; ёзувчи:

Дабир истади сафҳа ву хомае,
Аносиға ёзмақ учун номае. *Садди Искандарий*, 480-Т;
Жавоҳир анча ким фикрат дабири,
Ҳисоб айлаб топалмай мингда бири. *Фарҳод ва Ширин*, 185-Т;

~ **и гуҳарсанжи чобукрақам** – тезликда гавҳар сараловчи ҳисобчи котиб:

Дабири гуҳарсанжи чобукрақам,
Очиб сафҳам дард чекти қалам. *Садди Искандарий*, 480-Т;

~ **и мазкур** – эслатилган, тилга олинган, қайд қилинган котиб:

Уйни ёрутуб дабири мазкур,
Таълим олибан фариштадин ҳур. *Лайли ва Мажнун*, 102-Т;

~ **и рақамсанж** – тажрибали котиб:

Дабири рақамсанж-у фархундарой,
Бу навъ ўлди кофир уза мушксой. *Садди Искандарий*, 421-Т;

~ **кўк дабири** – осмон котиби; Уторуд юлдузи:

Эй кўк дабири кимсага бир нома ёзмадинг,
Ким хома янглиғ ани сарандоз қилмадинг. *Ғаройибус-сиғар*, 279-Т.

ДАБИРИСТОН [دبيرستان] – ёзув уйи; мактаб:

Таҳайюр юзидин Искандарни олиб ўғилчилай улғайтиб подшоҳ ўғли дабиристонида дабирга топшурди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-216;
Ун тўрт ёшимда мажлисқа ўлтурттилар ва мен адаб дабиристонида кичик эрдим ва шеър айтур эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 209-Т.

ДАБИСТОН [دبستان] – мактаб, бошланғич мактаб:

Шод ўлди жамолидин дабистон,
Андақ ки баҳордин гулистон. *Лайли ва Мажнун*, 109-Т;
Дабистони фазлида кўйғач кўнгул,
Ўзин тифли мактаб кўруб аҳли кул. *Вақфия*, 14-233;

~ **и фано** – фанолик мактаби:

Дабистони фанода шурб дарсин,
Равон қилмай эмассен аҳли машраб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т.

ДАБИҚИ [دبيقى] – нафис, ҳарир абрашим матоси (Мисрнинг Дабиқ шаҳрида тўқилган):
Бир кун Рай масжидида пойтобае тилади, бирав анинг оллиға дабиқи солди.
Насойимул-муҳаббат, 44-Т.

ДАБУР [دبور] – ғарб шамоли:
Кезиб айлади барчасиға убур,
Нечук ким сув узра сабо ву дабур. *Садди Искандарий*, 458-Т;
Сени тилаб туну кун бас ки айлабан таку пўй,
Нафасларини ола олмайин сабо ву дабур. *Наводируш-шабоб*, 132-Т.

ДАБҚУР [دبقور] – ҳарбий бўлинма, кичик бўлим:
Қилиб неча дабқур сафоройлиқ,
Кийимдин қилиб зийнатафзойлиқ. *Садди Искандарий*, 404-Т;
Ясали ки бу тўл ила кўргузуб,
Будур турфа ким етти дабқур тузуб. *Садди Искандарий*, 185-Т;
~ **дабқур** – гуруҳма гуруҳ; бўлинма бўлим:
Қабоб қўрғанни дабқур дабқур ул хайл,
Тушарга қилдилар тушлуқ тўши майл. *Фарҳод ва Ширин*, 361-Т.

ДАВ [دو] – 1. югуриш, чопиш, елиш; сира, навбат:
Ул пари ишқида кочмакдур ўзимдин ғаразим,
Бу ки ғам даштида Мажнундек этарлар так-у дав. *Фавойидул-кибар*, 503-Т;
Неча кун васл учун айлаб так-у дав,
Ани ҳам ўлтуруб тош ичра Хусрав. *Фарҳод ва Ширин*, 113-Т;
2. қимор ўйинида қўйилган пул; таваккал қилиш:
Жонни бир дав ила гар хаста Навоий ўйнар,
Ул мукаммир сифат албатта эрур ғаш сари. *Хазойинул-маоний*, IIIб-635.

ДАВВОР [دوّار] – айланувчи; чарх, осмон:
Бири ер бири чархи даввордек,
Сукун бирла сайр ичра паргордек. *Садди Искандарий*, 409-Т;
Ул маҳи бадмеҳр агар ёр ўлса махлукум дурур,
Гунбади даввор ҳам бал собит-у сайёр ҳам. *Наводируш-шабоб*, 408-Т.

ДАВВОРЛИҚ [دوّارلیق] – айланувчанлик:
Ки то бўлса гардунға давворлиқ,
Анга боқий ўлсун жаҳондорлиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-455;

ДАВВОРСО [دوّارسا] – чархга ўхшаган, осмонга монанд:
Наъли изи гунбади давворсо,
Ул ки лақаб келди анга порсо. *Ҳайратул-аброр*, 251.

ДАВЛАТ [دولت] – 1. давлат, салтанат:
Деса зоҳир қилай ул иш ризосин,
Ғанимат англабан давлат асосин. *Фарҳод ва Ширин*, 341-Т;
Ул давлат маслаҳатининг дақойиқидин ҳеч вақт номаръи қўймадингиз.
Муншаот, 16-155;
2. бойлик, молу дунё:
Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,
Англа ким бир қатла барқи офатиға арзимас. *Хазойинул-маоний*, IVб-288;
Бил муни ким умр вафосиз дурур,
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-320;
3. бахт, саодат, иқбол; хушбахтлилик, толе:
Бор-у йўқнинг меҳнатин чекмас бу давлат басдурур,
Ҳар киши оламда қониъ бўлса йўқ-у бор ила. *Хазойинул-маоний*, 116-526;

Мавлоно Масиҳий... дерлар ким Макка зиёрати давлатиға мушарраф бўлди.
Мажолисун-нафоис, 26-Т;

4. кудрат:
Шаҳ давлатидин этти бу дайр-у калисо,
Ўрнида бўлди мадраса ву масжиде бино. *Вақфия*, 14-258;
5. ҳукумат:
Дин-у давлат арбоби ва мулк-у миллат асҳоби ҳазратларида фақири ҳақирнинг арзадошти ул ким... *Муншаот*, 14-214;
6. ҳукмронлик, подшолик:
Давлат ул табақадин Ашконийларға мунтақил бўлғанда Сосондин бир ўғил қолиб эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-222;
Орияти давлатқа кўнгул боғламай эл била бас ки яхшилик қилди анга Некукор лақаб кўйдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232;
7. баҳрамандлик, улуғликка эришиш:
Мавлоно Кавсарий... Хожа Осафийнинг мусоҳиблиғининг давлатидиндурур ким гоҳ гоҳи шеър айтур. *Мажолисун-нафоис*, 95-Т;
8. мадад, ёрдам; максад:
Шукри лиллоҳ не ким мурод эттим,
Давлатингдин муродима еттим. *Сабъаи сайёр*, 10-201;
Умрлар жон чексалар аҳли талаб,
Бири бу давлатқа етмакдур ажаб. *Лисонут-тайр*, 131-Т;

~ **қуши** – бахт куши, бахт белгиси:
Пардадин ногоҳ иззат човуши,
Жилва қилди ўйла ким давлат қуши. *Лисонут-тайр*, 239-Т;
Ким чу давлат қуши бу ён еткай,
Бу сув-у дон бирла сайд эткай. *Сабъаи сайёр*, 10-22;

~ **и аркон** – давлат арконлари, таянчлари, давлатнинг улуғ зотлари:
Ҳисобин битиб шаҳ сари кеттилар,
Ҳам ул давлати аркони арз эттилар. *Садди Искандарий*, 362-Т;

~ **и бедор** – уйғоқ, ҳушёр давлат:
Кўрқанда сабуҳи учун этсанг бу ҳазиндин,
Бахт уйқусин ул давлати бедорға маъруз. *Фавойидул-кибар*, 274-Т;
Биравга давлати бедор ёр эмас эй шайх,
Ки шарҳи воқъа айларга қилди ком уйку. *Наводируш-шабоб*, 516-Т;

~ **и боқий** – боқий давлат эгаси:
Давлати боқий Навоийдек эрур топмақ муҳол,
То тамом ўзлукни фоний қилмағайсен эй кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 293-Т;

~ **и васл** – иқбол бахти; давлатга етишишлик зафари:
Нафс гоҳи солибан кўнглума ишрат ҳаваси,
Чун мунинг давлати васлини таманно айллаб. *Наводируш-шабоб*, 64-Т;
Мажнунга ки етти давлати васл,
Фаҳм этмаган эрди лаззати васл. *Лайли ва Мажнун*, 311-Т;

~ **и дийдор** – насиб этиш, висол давлатига эришиш:
Бизга олам боғидин ул сарви гулрухсор бас,
Гоҳ андин жилва гоҳи давлати дийдор бас. *Ғаройибус-сиғар*, 198-Т;
Неча ўртанса бу ғамдин ул ғариб,
Давлати дийдор эмас эрди насиб. *Лисонут-тайр*, 262-Т;

~ **и жовид** – доимий бахтиёрлик, абадий давлат:
Тахтинг ўлуб давлати жовид мулк,
Сояи чатринг аро хуршид мулк. *Ҳайратул-аброр*, 72-2;

~ **и зоҳир** – очиқ-ошкор давлат эгаси:
Давлати зоҳир ки маҳбуб айладинг тарк айла ким
Қайдинга зулфайни дол-у ломидин асбоби бор. *Ғаройибус-сиғар*, 165-Т;

~ **и иёб** – давлатга қайтиш; давлат соҳиби, ҳукмдор:
Ҳакимсурат дарвешсийрат балки дарвеши аҳам ҳукумати қасам яъни аҳавий-маоб давлати иёбға мавоизосо калом ва насойиҳи молокалом демак.
Садди Искандарий, 511-Т;

~ **и наззора** – маҳбубанинг қараши, назари:
Васли иқболи ву мен ҳайҳот басдур бу шараф,
Ким йирокдин давлати наззорае бордур манга. *Бадойиул-васат*, 11-Т;

~ **и сармад** – юксак, олий давлат:
Жодаи шаръ била ким ки ўзин туз қилди,
Давлати сармад анга ҳар саридин юз қилди. *Маҳбубул-қулуб*, 134;

~ **и фақр** – фақрлар давлати:
Давлати фақр истагил невчун ки бор ул кўй аро,
Судқ ила киргач агар аъло ву адно писанд. *Ғаройибус-сиғар*, 114-Т;

~ **и хусн** – ҳусн бойлиги, давлати:
Куванма давлати ҳуснунгға эй париваш ким
Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг. *Бадойиул-васат*, 263-Т;

~ **ўл-** – давлатли бўлмоқ:
Агар хўд топти таскин давлат ўлди,
Кўнгулга ком-у жонға роҳат ўлди. *Фарҳод ва Ширин*, 194-Т.

ДАВЛАТАНЖОМ [دولت انجام] – охири давлат:
Куллук арздош ул ким мазлуме ким бу давлатанжом замонда ва маҳруме ким бу саодат фаржом давронда бир қари хушҳол ва фориғбол кечурубдур.
Муншаот, 14-227.

ДАВЛАТЛИҒ/ДАВЛАТЛИК [دولت لیغ / دولت لیق] – саодат, ҳиммат соҳиби, бадавлат; пурвиқор:
Гаҳ давлатлиғ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,
Гаҳ фалакрав маркабингға етмайин пайки сабо. *Наводируш-шабоб*, 7-Т;
То ул рўзафзун давлатлик остон туфрағи юзлардин айрилибдур.
Муншаот, 14-210;
Бу фақири хоксор ва бу хокваши беэътибор ким бу давлатлиғ эшик остонасиға туфрағдек тушуб эрдим. *Муншаот*, 14-154.

ДАВЛАТМАНД [دولت مند] – 1. бадавлат, мулкдор:
Кулоҳи давлат ул давлатмандға дастор ва узунрак алоқаси тулку қуйруғидин намудор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-44;
Маҳмуд хотамлик давлатмандларнинг фархунда фарқлариға нубувват тожин кўюб... халойиқ орасида сарафроз ва муъжизапардоз қилди. *Вақфия*, 14-238;
2. бахтиёр, хушбахт, бахти кулган:
Мусо алайҳис-саломнинг давлатманд бошиға рисолат тожи кўйулди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-136;
Даҳр аро ани дегил давлатманд,
Ким бирав сари эмас дилбаста. *Наводируш-шабоб*, 679-Т.

ДАВЛАТМИСОЛ [دولت مثال] – давлат мисол:
Келиб барчадин хозин-у кутвол,
Ўпуб шоҳ аёғини давлатмисол. *Садди Искандарий*, 215-Т.

ДАВЛАТОЙИН [دولت آیین] – бахтиёр бўлишлик:

Бирав даҳр аро давлатойин эрур,
Ки ҳар сўз ким ул айткай чин эрур. *Садди Искандарий*, 343-Т.

ДАВЛАТОШИЁН [دولت آشیان] – давлат саройи, қасри:

Бир кеча ул шоҳи давлатошиён,
Даҳр аро парвозини айлаб аён. *Лисонут-тайр*, 44-Т.

ДАВЛАТПАНОҲ [دولت پناه] – ҳукмрон подшоҳ, давлат паноҳи:

Чу отланди доройи давлатпаноҳ,
Сикандарга утру тузатти сипоҳ. *Садди Искандарий*, 184-Т.

ДАВЛАТСАРО [دولت سرا] – подшоҳ қасри:

Сурди чун давлатсаро сари саманд,
Бўлдилар ҳозир ул икки мустаманд. *Лисонут-тайр*, 201-Т.

ДАВЛАТХОҲ [دولت خواه] – хайрихоҳ; дўст;

Қуллуқ арзадошт ул ким сафардин саломатлиқ била қайтиб масканга тушкан хабардин давлатхоҳ қуллар шодмон бўлдилар. *Муншаот*, 14-171;

Номуродларнинг паноҳи ва подшоҳнинг давлатхоҳи. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-455.

ДАВЛАТХОҲЛИҚ/ДАВЛАТХОҲЛИҒ [دولت خواه لیق/دولت خواه لیغ] – хайрихоҳлик:

Чун сизнинг тобуғингизда айтурча давлатхоҳлиғ сўзини айтурға маъмурмен. *Муншаот*, 14-186;

Бу навъ нодир йигит пайдо бўлуб подшоҳ давлатхоҳлиғиға мундақ ишлар қиладур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-213;

...ҳар не ким бу бандаи мухлиснинг давлатхоҳлиқ юзидин битибмен. *Муншаот*, 14-165.

ДАВЛАТХОҲОНА [دولت خواهانه] – хайрихоҳлик, дўстона:

Хаёлингға келган давлатхоҳона сўзунг бўлса айт. *Муншаот*, 14-169.

ДАВЛАТҚАРИН [دولت قرین] – давлатга яқин, давлат билан ажралмас:

Бўлуб шод хоқони давлатқарин,
Дуолар била айлабан офарин. *Садди Искандарий*, 335-Т.

ДАВОБ(Б) [دواب] – ҳайвонлар; махлуқот:

Ва бу аснода Тенгри таоло баҳр давоббидин бир доббани судин чиқарди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-163.

ДАВО [دوا] – 1. дори, малҳам:

Исо иши чиққан жонни танға кивурмак дуо била мунунг тандин чиқадурған жонға мониъ бўлмақ даво била. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-463;

Ҳазрати Шайх Мавлоноға зоҳир бўлуб дебтурлар ки сенинг дардингнинг давосин Ҳақ таоло бизнинг шифохонада қўйубтур. *Насойимул-муҳаббат*, 150;

2. қувват, дармон:

Подшоҳи исломнинг шафқат била чорасозлиғи борча ғамзадалар дардиға даводур. *Муншаот*, 14-212;

3. чора, тадбир, илож:

Харобот аҳли ъур-у доғ дер ким куйдурунг соқий,
Даво йўқ сирмабан қочмақдин ўзга шайх дасторин. *Ғаройибус-сиғар*, 375-Т;

Ул киз атаси фироқидин бетоқат эрди Сулаймон алайҳис-салом анинг давосин тилаб топмас эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-166;

~ **и мизож** – мизож шифоси:
Сен давойи мизожи қилғайсен,
Ул ғамининг иложи қилғайсен. *Сабъаи сайёр,* 10-217;
~ **айла- /эт-/қил-** – даволамоқ:
Раҳм этиб дардима даво айла,
Васл ила ҳожатим раво айла. *Сабъаи сайёр,* 10-320;
Ҳақ ким санга солди бу балони,
Ожиз эмас эткали давони. *Лайли ва Мажнун,* 268-Т;
Рафиқлар бошима йиғлашурлар, ўлдим агар,
Табиб қилғали бу дардима даво ожиз. *Хазойинул-маоний,* III5-209;
Қони сабр эткунча дардим чорасин,
Ё даво қилғунча бағрим порасин. *Лисонут-тайр,* 74-7;
Чу ғунчанг шавқи пинҳондур кўнгулда,
Даво қил дарди пинҳонимға ани. *Фавойидул-кибар,* 613-Т;
~ **кўр-** – даволанмоқ:
Ким бу иш ким анга раво кўрди,
Жониға юз бало даво кўрди. *Сабъаи сайёр,* 184-5.

ДАВОБАХШ [دوابخش] – давобахш, даво бахшловчи:
Бат бат ки олиб дами давобахш,
Оламға эсиб насими жонбахш. *Лайли ва Мажнун,* 46-Т.

ДАВОВИН [دواوين] – девонлар, китоблар:
Ва ғариб расойили маънави зуҳур қилди ва ажиб давовин ва ғазал-у қасойид ва маснавий ёйилди. *Муҳокаматул-луғатайн,* 190-Т;
Наввобдин ҳар қайси муносиб кўрунса таворих ўқумақ буйрулса батахсис «Зафарнома» агар машойих сўзи ё баъзи давовин дағи гуфт-у шунуфт бўлса номуносиб эрмас. *Муншаот,* 14-187.

ДАВОЖ [دواج] – ёпинчиқ; чойшаб; тўшак:
Чун фано гарди ёпар не суд тахти жоҳинга,
Кўкнинг анжумдин мукаллаф атласин қилсанг давож. *Ғаройибус-сиғар,* 95-Т;
Нужум жавҳаридин тожи чоқинга тарсиъ,
Сипеҳр атласидин тахти рифъатинг давож.
Хазойинул-маоний, II6-96;
Адолат дастгоҳи ким давожидур ким анинг бахти фалак мисоли китобасиға мувофиқ. *Назмул-жавоҳир,* 15-129;
~ **айла-** – кўрпа-тўшак, ёпинчиқ айламоқ:
Поя аро соҳиби тож айласун,
Меҳрваш-у чарх давож айласун. *Ҳайратул-аброр,* 7-318.

ДАВОЖЎ [دواجو] – даво, илож, чора, тадбир қидирувчи, изловчи:
Дард етканда давожў ёлғуз эрканда рафиқ,
Ғусса вақти ёр-у ғамгинликда ғамхўр эрдингиз. *Фавойидул-кибар,* 209-Т.

ДАВОЙИ [دوايی] – дори-дармонга оид, давога оид иложлар:
Сен давойи мизожи қилғайсен,
Ул ғамининг иложи қилғайсен. *Сабъаи сайёр,* 10-217;
Дардингға худ этмадим давойи,
Бу турфа ки ҳар нафас балойи. *Лайли ва Мажнун,* 329-Т.

ДАВОЙИР [دوايير] – 1. айлана, доира(лар), гардиш:
То чарх давойиридин ўлғай айём,
То шеър-у хаёлотиға йўқтур анжом. *Мезонул-авзон,* 61-Т;

2. доиралар (аруз фанига оид):
Буҳур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидин ки араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурлар ки ансиз бу фанға вукуфе ва шууре бўла олмас. *Мезонул-авзон*, 61-Т;
3. зулм, муснбат, офат, жафо:
Фалакда давойир ки расм этти сунъунг,
Жаҳон кунжидек анда юз минг завоё. *Хазойинул-маоний*, IVб-10.

ДАВОЛИ [دوالی] – маккор, найрангбоз; томир хасталиги:
Фарангисдек Ховарон мулкидин,
Даволи киби Шервон мулкидин. *Садди Искандарий*, 177-Т.

ДАВОМ [دوام] – узлуксиз, доим, давомли, абадий, мангу; сабот:
Ул ҳазратнинг қиблаи иқбол ва Каъбаи омолдек даргоҳининг сабот ва давоми учун дуо қилғаймен. *Вақфия*, 14-262;
Ул ҳазратнинг сипеҳросо тахти кавкабмисол сабот ва давом гулмихлари бирла истеҳком топсун. *Муншаот*, 14-209;
~ **и таважжуҳ** – доимо, узлуксиз хайрихоҳона назар, диққатда:
Оз сўз айтур эрди. Сўз айтурига мониъ ҳамоно ки давоми таважжуҳда истиғрақ бўлмиш бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 408-Т.

ДАВОСИЗ [دواسیز] – давосиз:
Не рафиқи ким давосиз дарди ҳолимни десам,
Не шафиқи ким ниҳоятсиз малолимни десам. *Бадойиул-васат*, 311-Т;
Фироқинг зулмидектур шоми ҳажрим муддати яъни
Давосиз дердим ул янглиғдурур ким субҳи йўқ шомим.
Наводируш-шабоб, 420-Т.

ДАВОСИЗЛИҒ [دواسیزلیغ] – давосизлик, бедаволик:
Даво дардимға гар топман эмас ғам,
Ки дардимға давосизлиғ даво бас. *Фавойидул-кибар*, 235-Т.

ДАВОТ [دوات] – сиёхдон, давот:
Ул Ҳазрат хизматларида астағина ўкудум. Султонзода мажлисларида алар давот ва қалам ва қоғоз тиладилар дағи бу байтни битидилар.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-20;
Лайли тилабан давот-у хома,
Филҳол муҳаррар этти нома. *Лайли ва Мажнун*, 245-Т.

ДАВР [دور] – 1. айлана, теварак, доира, ҳалқа:
Эй чарх не даврлар ки пайваст эттинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини маст эттинг. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;
Васл шоми ул қаду юз даврида парвонавор,
Чеврулуб куйсам не тонг шабъи шабистонимдур ул. *Хазойинул-маоний*, IVб-39;
2. замон, вақт, пайт, муддат:
Гар мужтаниб ўлса давр аро нуксондин,
Жудиға камоли узр билгил андин. *Назмул-жавоҳир*, 15-171;
Мурассаъ жавоҳир била бўлса жом,
Вале давр аро жом топса хиром. *Садди Искандарий*, 49-Т;
3. давр, замон:
Паҳлавон Муҳаммад Кўштигирдур ким... мусиқий ва адвор илмида даврининг беназиридур. *Мажолисун-нафоис*, 132-Т;
Нуҳ давринда магар ким ошиқ эрди рўзғор,
Йўқса ашки сайлидин не эрди тўфон айламак. *Хазойинул-маоний*, IVб-331;

4. давра, улфатлар давраси:
Чун соқийи давр жоми ишрат,
Тутти яна чекма заҳри меҳнат. *Вақфия*, 14-249;
5. айланиш:
Жом давридин халос ўлмақни зинҳор истама,
Эй ки бўлмақ истадинг андуҳи даврондин халос. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
~ **аёғи** – даврада айланиб турган май қадаҳи:
Давр аёғин соқиё тутғанда лаълинг қил газак,
Ким майе еткурмамиш жуз заҳри даврон оғзима. *Хазойинул-маоний*, 11а-306;
~ **аҳли** – замондошлар:
Қаъба ери давраи иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-64;
Давр аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ёман яхши жазо кўргузгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-176;
~ **бевафолари** – замон, бир даврдаги золим ва жоҳил кишилар:
Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғон-у фарёд.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-509;
~ **эли** – замона одамлари:
Тўла қадаҳ керак ичсам кўнгулни қилғали холи,
Ки анда давр элидин дарду ғусса кўп йиғилибдур. *Хазойинул-маоний*, 1а-145;
~ **и айём** – кунлар, замонлар айланиши, даври:
Даври айёмға йўқ чунки вафо эй соқи,
Сен вафо айла ву бас айлама даври ақдоҳ. *Наводируш-шабоб*, 101-Т;
~ **и афлок** – фалак даври, замон чархи:
Чу уч ёшиға чекти даври афлок,
Такаллум қилди андақ ким дури пок. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;
~ **и ақдоҳ** – май қадаҳларининг даврада айланиши:
Сен вафо айла ву бас айлама даври ақдоҳ. *Наводируш-шабоб*, 101-Т;
~ **и гардон** – осмон, фалак айланиши:
Танима давр аҳлини ул ки жон қилсанг фидо,
Ҳолинга тағйир бергач даври гардон танимас. *Фавойидул-кибар*, 228-Т;
~ **и гардун** – фалак, чарх айланиши; дунё:
Анга қилмади даври гардун вафо,
Жафо бирла ҳам қилмади иктифо. *Садди Искандарий*, 476-Т;
~ **и гул** – гул даври:
Сенинг кун намудоринг ўлди суол,
Ҳаётингға даври гул исидин хулал. *Садди Искандарий*, 382-Т;
~ **и дун** – разил, пасткаш дунё:
Эй Навоий ич фано жомин йўқ эрса тенг дурур,
Даври дун ройинг била гар бўлмади гар бўлди тут. *Наводируш-шабоб*, 70-Т;
~ **и ёвар** – мададкор, ёрдамчи давр, замон:
Ёр эрди сипеҳр-у даври ёвар,
Ақл айламайин бу ишни бовар. *Лайли ва Мажнун*, 304-Т;
~ **и жом** – қадаҳ, жом давраси:
Бу ким Жамшидқа даврон вафо кургузмайин йиқти,
Ўқи кайфийятин ким ёзилибтур даври жом ичра. *Фавойидул-кибар*, 550-Т;
Қадаҳ кетур ки фалак жавридин амон ҳирзи,
Замона ёзмади жуз даври жом-у соғар аро. *Фавойидул-кибар*, 26-Т;

~ **и замон** – маълум бир даврдаги яккаю ягона ҳукмрон:
Чу Баҳром даври замоне эди,
Замонида машҳури Моний эди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-227;
~ **и занахдон** – занахдон, сақоқ айланаси:
Ҳиндуйи соҳирдурур даври занахдонида хол,
Тавқи ғабғаб шаклидин бир акси меҳробин кўрунг. *Фавойидул-кибар*, 348-Т;
~ **и ишқ** – севги вақти, севги-муҳаббат:
Васл бодасидин ўзга руҳлариға ком йўқ ва ҳақ мушоҳадасидин ўзга кўнгулларига ором йўқ. Булар даври ишқда васлдин ком топқан ва ҳинд малик [шоҳлар қошида] муқтадир мақомида ором топқан. *Маҳбубул-кулуб*, 98;
~ **и лайл-у наҳор** – кеча – кундуз:
Қиёс этмайин даври лайл-у наҳор,
Анингдек қиш ичра мунунгдек баҳор. *Садди Искандарий*, 231-Т;
~ **и мустаъжил** – тез айланувчи давр, шошилинч дунё:
Бода ич десанг ки еткай даври мустаъжил ғами,
Истабан қатлингни ногаҳ ишқининг мушкил ғами. *Наводируш-шабоб*, 656-Т;
~ **и мухолиф** – тескари айланувчи:
Навоий сари эй даври мухолиф,
Наво савтин тараннум қилмадинг ҳеч. *Наводируш-шабоб*, 99-Т;
Мунча хориж нағма ким даври мухолиф кўргузур,
Эй Навоий топмадим бирин боқиб адворға. *Наводируш-шабоб*, 534-Т;
~ **и нишот** – хурсандлик навбати, шодлик фурсати:
Чу эврулди уч тўрт даври нишот,
Падид ўлди эл кўнглига инбисот. *Садди Искандарий*, 360-Т;
~ **и нун** – «нун» ҳарфининг айланаси; маъшуқа бағбағаси:
Зақани даври нун бўлуб не ажаб,
Нуқта кўргузса ул чаҳи ғабғаб. *Сабъаи сайёр*, 53-26;
~ **и паргор** – паргор доираси; халқаси:
Умр даврининг бақосин билмаганлар ҳар тараф,
Суда ёмғур нуқтасининг даври паргорин кўрунг. *Ғаройибус-сиғар*, 285-Т;
~ **и рўзгор** – замона қисмати, ҳаёт даври:
Мен даври рўзгор қаролиғин истарам,
Қатлимға тонг йўқ ул кўзи қоши қароға ҳирс. *Бадойиул-васат*, 207-Т;
~ **и самоъ** – музика тинглаш даври:
Қилмай ул зуҳра жабин базмда бир даври самоъ,
Не учун бўлди экин шифта кўнглум раққос. *Бадойиул-васат*, 205-Т;
~ **и сипеҳр** – фалак айланиши; тақдир:
Эврулуб ком бирла даври сипеҳр,
Васл топти Суҳайл бирла Меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-305;
~ **и соғар** – замон, давр қадаҳи, соғари:
Соқиё ҳижрон ҳумори лол-у мадҳуш айламас,
Бермагайсен бизга етса даври соғар интизор. *Фавойидул-кибар*, 163-Т;
~ **и тараб** – шодлик, хурсандлик даври, замони:
Айш жомин тутманг эй даври тараб соқийлари,
Бизга ким чарх этти бизни меҳнати давронға. *Бадойиул-васат*, 192-Т;
~ **и тасалсул** – бирин-кетин уланиб кетган айланмалар, занжирсимон айланалар:
Юзунг давринда зулфунгдин салосул,
Қилибдурлар аён даври тасалсул. *Хазойинул-маония*, IIа-205;

~ **и фалак** – фалак айланиши, даври; замон чархи:
Гар даври фалак муовин ўлғай,
Ҳар навъ била ки мумкин ўлғай. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;
Тоғ киби торит қаноат этаки ичра аёғ,
Даври фалакдин санга бир курс агар шом етар. *Наводируш-шабоб*, 177-Т;
~ **и фалаквор** – фалакдек, фалаквор:
Эвургач низосин даври фалаквор,
Бўлуб қалқан ўзига чархи даввор. *Фарҳод ва Ширин*, 138-Т;
~ **и харобот** – майхона аҳли:
Ким дайри харобот аро ким бор эса махмур
Қўптик дағи бўлдик. *Фавойидул-кибар*, 634-Т;
~ **и чарх** – фалак айланиши; чарх даври:
Аларни даври чарх айлаб адамвор,
Менинг жисмимни худ туфраққа ҳамвор. *Фарҳод ва Ширин*, 428-Т;
Афсарингни шом туфраққа урар чун даври чарх,
Субҳ заррин тожини бошингға афсар бўлди тут. *Наводируш-шабоб*, 69-Т;
~ **и шарор** – аланга даври:
Неча анжум била чарх офатидин чарханжумдек,
Ҳавони оҳим ўтидин тўла даври шарор айлай. *Наводируш-шабоб*, 313-Т;
~ **и қамар** – ой даври, ойнинг ўзгариш вақти:
Юзунг даврига ой даврини ташбиҳ эткамен вақти,
Ки анда хол ила хат фитнаи даври қамар бўлғай. *Наводируш-шабоб*, 611-Т;
~ **и ҳусуд** – ҳасадчи давр:
Фарҳод била Ширин май висолидин балки висол майидин пурҳол балки беҳол бўлғанлари ва чархи кабуд балки даври ҳусуд соқийси аларнинг айш соғари балки соғари айшиға... *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;
~ **эт-** – айланмоқ:
Суҳоваш донасин дастоси гардун,
Минг йил давр этса бўлмай тортмақ ун. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т.

ДАВРА [دَوْرَه] – 1. айлана, доира, гардиш, бирор нарсанинг гирди, атрофи:
Ишқ ўртар ким сари ким айланур,
Ким тушар ўт даврасиға ўртанур. *Лисонут-тайр*, 203-Т;
Бийиклик ичра тўққуз осмонча,
Тубининг давраси икки жаҳонча. *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т;
2. йиғин, суҳбат, базм:
Заҳан чоҳи ул давранинг нуқтаси,
Тушуб чоҳ аро аҳли даврон басе. *Саддӣ Искандарий*, 356-Т;
~ **и афлок** – фалак давраси:
Айлади сокин қураи хокни,
Сойир этиб давраи афлокни. *Ҳайратул-аброр*, 7-18;
~ **и базм** – базм давраси:
Давраи базминг ичра турған эл,
Шоҳлар қуллуғунгға боғлаб бел. *Сабъаи сайёр*, 10-63;
~ **и иродат** – айланши хоҳиши, иродаси:
Каъба ерида давраи иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат. *Лайли ва Мажнун*, 62-Т;
~ **и меҳр** – меҳр давраси:
Дам анга субҳ кўра жирми сипеҳр,
Ҳар бир олтун кулича давраи меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-179;

~ **и паргор** – ғилдирак айланаси, паргор, циркуль айланаси:
Эй Навоий нуқтаи айш истасанг майхонада,
Бош кўтарма май тағори давраи паргоридин. *Наводируш-шабоб*, 465-Т.

ДАВРОН [دوران] – 1. айланиш, фалак, гардиш, доира:
Гар бўлса мутиъ чарх даврони манга,
Еткурса мени ул ойға ё ани манга. *Муншаот*, 14-177;
Тушулгач черик даврини шақ қилиб,
Сипоҳ ҳифзи айларга хандақ қилиб. *Садди Искандарий*, 26061;

2. замона, давр, аср:
Даврон бу муродима етурди,
Не истадим оллима кетурди. *Лайли ва Мажнун*, 219-Т;
Хожа Афзал... ҳисоб ва зарб ва қисмат илмида беназири даврондир.
Мажолисун-нафоис, 188;

3. ер юзи, дунё; тириклик, ҳаёт:
Юзи нури ёрутти айвонни,
Уйла ким меҳр нури давронни. *Сабъаи сайёр*, 10-213;
Иш анга етти ранжи даврондин,
Ки тамоми илик юдум жондин. *Сабъаи сайёр*, 10-216;

4. подшоҳлик, ҳукмронлик:
[Баҳром] зулм биносин бузди ва адл асосин тузди аммо даврони умридек бевафо эрди ва умри давронидек бебақо; *Тарихи мулуки ажам*, 16-228;

5. навбат:
Бу базм аҳли нифоқидин торикмиш кўнглум эй соқий,
Эзиб беҳуш дору тут манга етканда давронинг. *Хазойинул-маоний*, 16-377;

~ **аҳли** – замона аҳли:
...даврон аҳли кўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур.
Мажолисун-нафоис, 83;

~ **базми** – дунё, замона ишрати, айши:
Даврон базмида ким бир мурод жоми ичти ким сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади? *Муншаот*, 14-211;

~ **боғи** – дунё, олам, жаҳон:
Аммо даврон боғининг хас ва хошокойинлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кўзига хилм аҳли оғирликка мансуб ва гаронжонлик била маъюбдурлар.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-510;

~ **булағоси** – замон сўз усталари; маҳоратли адиблар; буюк кишилар:
Замон шуароси олий даргоҳда ходим ва даврон булағо ва зурафоси маолий боргоҳда мулозим эрдилар. *Мезонул-авзон*, 4;

~ **кўзи** – замон кўзи; замон аҳли:
Бу янглиғ ясаб пешкашлар ўзи,
Ки ҳайрон қолиб анда даврон кўзи. *Садди Искандарий*, 353-Т;

~ **майи** – ҳаёт, шодлик, даврон майи:
Қуйма бу кун жамима даврон майи,
Жоним ол оғзимға қуйи имон майи. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;

~ **саҳифаси** – жаҳон, дунё, олам варақлари:
Маснавийларим абёти агар олам саҳифасидин ювулса ва даврон саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолса. *Муҳокаматул-луғатайн*, 182-Т;

~ **хайли** – даврон жоҳиллари:
Даврон хайлидин баъзи аҳбоб ки бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва шаррдин асарсиздур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-453;

~ **халойиқи** – замона кишилари, давр аҳолиси:
Аларнинг очуқ кўнгулларининг фавоиди даврон халойиқидин ўксулмасун.
Хамсатул-мутақаййирин, 15-54;

~ **ҳаводиси** – замона ҳодисалари; турли-туман ҳодисалар:
Умид ул ким мундақ соф табъ кўзгусига ҳаргиз даврон ҳаводисидин ғуборе ўлтурмагай. *Мажолисун-нафоис*, 253;

~ **и висол** – висол дамлари, учрашув онлари:
Эй Навоий фурқатим айёми мундақ қолмағай,
Қолмади чун ул ки даврони висолим бор эди. *Ғаройибус-сиғар*, 482-Т;
Ўйла ошиқ ки ҳижрондин кўруб дард-у малол,
Шодлиғдин йиғлағай топқанда даврони висол.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-99;

~ **и дун** – пасткаш, тубан замон:
Каюмарс эди лек даврони дун,
Анга берди бози баридин бурун. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;

~ **и замон** – замон даврони:
Аммо бу замон ва давронда ё даврони замон инқилоб ва қусуридин ё даврон ва замон аҳли хирад ва инсонийят футуридин ҳоло бу варақ эврулубтур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-505;

~ **и куҳангард** – қадимги, эски майхона:
Яқин англаб ки даврони куҳангард,
Анга ҳам тутқуси бу соғари дард. *Фарҳод ва Ширин*, 335-Т;

~ **и мушъабид** – найрангбоз дунё, фалак:
Ўт-у мижмар дема бор ул садаф ким дурларин анинг
Эвурди қонға даврони мушъабид чархи пурфан ҳам. *Бадойиул-васат*, 515-Т;

~ **и нофаржом** – бефойда, натижасиз замон, дунё:
Маст-у чок айлаб ёқа йиғлаб замон бедодидин,
Бир қадаҳ майға сотиб даврони но фаржомни. *Наводируш-шабоб*, 604-Т;

~ **қил-** – даврон сурмоқ:
Машъали хур бирла ки даврон қилиб,
Тос аро ўт хирқада пинҳон қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-245;

~ **ға келиб кет-** – туғилмоқ ва ўлмоқ:
Маст ул ки жаҳон меҳнатидин топти фароғат,
Давронға келиб кетканидин бехабар ўлған. *Бадойиул-васат*, 11-Т.

ДАВРОНГАРД [دوران گرد] – давронлар, замонлар кечирувчи; айланувчи:
Қани ул ким фалаки даҳрнавард,
То эрур саъй била давронгард. *Фавойидул-кибар*, 683-Т.

ДАВРОНЧА [دورانچه] – давриндек; замондек:
Давр ичинда фитна кўп хуб ҳаманча валек,
Бўлмағай мингдин бири ул фитнаи давронча хуб. *Наводируш-шабоб*, 43-Т.

ДАВРОНШУНОС [دوران شناس] – замон, давронни билувчи, давроншунос:
...ва гузариш дебочасини Сикандари давроншуносида бир неча гуҳаррезлик била мурассаъ этмак... *Садди Искандарий*, 498-Т.

ДАВУЛҒА [دوولغه] – дубулға, уруш кийими, бош кийим:
Давулғада чиний ялав дилпазир,
Яна чавшан устига чиний ҳарир. *Садди Искандарий*, 185-Т;
Кумушдек ёруқ барчанинг кўҳаси
Бош узра давулғалари чаркаси. *Садди Искандарий*, 186-Т;
Давулға бўлуб тўпи янглиғ бари,
Ўтаға бош узра сариғ қуш пари. *Садди Искандарий*, 188-Т.

ДАГАЛА [دگله] – устки либос, ширдоғ, камзўл, кафтан: *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

ДАД [دد] – йиртқич ёввойи ҳайвон:

Дад ҳар сари кетса кетмак ўлмас,
Насносни одам этмак ўлмас. *Лайли ва Мажнун*, 272-Т;

Кўрунуб жонивор баҳр ичра беҳад,
Нечук ким дашт ичинда ҳар нечук дад. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т;

~ **у ваҳш** – ваҳший, йиртқич ҳайвонлар:

Тутуб гар жаҳонни асоси анинг,
Дад-у ваҳш жирми либоси анинг. *Садди Искандарий*, 105-Т;

~ **у дом** – ҳайвонлар; жонивор; йиртқич ҳайвонлар:

Кўруб ким ҳалқа урмишлар дад-у дом,
Тутуб ул нуқтадек давр ичра ором. *Фарҳод ва Ширин*, 480-Т;

Гаҳ ёр-у масоҳибим дад-у дом,
Гаҳ тутмай улар била ҳам ором. *Лайли ва Мажнун*, 257-Т.

ДАДАК [ددک] – жория, чўри; жонон, гўзал:

...ўзин биравга қул деб сотқан дадакдур балки дадакдин юз қатла камракдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-478;

Замона аҳли ки давлат чоғи қулунгдурлар,
Мулоямат яна кўп қилма ул дадаклар ила. *Фавойидул-кибар*, 536-Т;

Дерлар ки аларға ҳаргиз қул ва дадак бўлмас эрди. Алардин бу маънода сўруб-турлар. *Насойимул-муҳаббат*, 241-Т;

Ой ила хуршид ато бирла ано бўлса санга,
Қул дадакдин ҳосил ўлғандек дурур мирзо ўғул. *Фавойидул-кибар*, 359-Т.

ДАДИЛ [ددیل] – довюрак, шахдам; жасурона, мардонавор:

Дадил эрур ки кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Бу ким салосили зулфинг тугунлари ешилибдур. *Хазойинул-маоний*, 16-164.

ДАЖЖОЛ [دجّال] – 1. алдоқчи, ҳийлагар, фирибгар:

Ҳам ани дажжол топиб ҳам наби,
Исо ила тенг бўлурму маркаби. *Маҳбубул-қулуб*, 14-92;

Руҳни нафс оллида қул айлабан,
Ҳуллани дажжолға жул айлабан. *Ҳайратул-аброр*, 7-138;

2. афсонавий махлуқ:

Исо алайҳис-салом осмондин ингай дағи дажжолни ҳалок қилиб сойир милал аҳлин хотамун нубувват миллатиға далолат қилғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-181;

~ **и бемисол** – тенги йўқ, монандсиз ҳийлагар, фирибгар:

Покрў нисо таърифида ким инсон ансиз ҳолидур ва олудаваш рижол ким нурсизликдин дажжоли бемисолдур. *Наводируш-шабоб*, 675-Т.

ДАЖЛА [دجله] – Дажла (дарё номи, Бағдод шаҳри ёнидан ўтади):

Истамас бўлса муҳаббат аҳли ёшин Дажладек,
Невчун чекти қазо машшотаси оллингға Нил. *Наводируш-шабоб*, 111-Т.

ДАЙ [دی] – 1. жадй (кишнинг биринчи ойи 22-декабрдан бошланади):

Қасд этар эл жониға ҳар дам совуғлуқ бирла дай,
Соқиё синмас ҳаво заҳри кетур тарёк-у май. *Муншаот*, 14-140;

Эмас эрди бир лаҳза беруд-у май,
Агар навбаҳор-у ва гар фасли дай. *Садди Искандарий*, 283-Т;

2. шиддатли совуқ:

Булут мушкфом ҳавоға қорнинг суда сиймидин кофурбор ва дай шоҳи шабихунидин ўт зардуштининг хайли манқал кўрғанида ҳисорий... *Муншаот*, 14-140;

~ **ели** – совуқ ел, шамол:
Хосса ки гулум хазонға тушти,
Дай ели бу гулистонға тушти. *Лайли ва Мажнун*, 344-Т;

~ **сарсари** – қишнинг совуқ шамоли:
...тун мушки ул замхаридин кофуркирдор эрди ва дай сарсаридин кор кўнгли мулкига ишқ сипоҳи чопкунидин нишона кўргузур эрди.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-484;

~ **хони** – бўрон:
Чу дай хони ел хайлидин ул солиб,
Чаман кишвари сари чопқун солиб. *Садди Искандарий*, 232-Т;

~ **шиддати** – қишнинг қаттиқ совуғи:
Соқиё дай шиддатидин ақлу ҳис бетоб эрур,
Чораси жоми билурин ичра лаъли ноб эрур. *Хазойинул-маоний*, 16-112.

ДАЙЁР [ديّار] – яшовчи, истиқомат қилувчи; уй эгаси:
Ёр мавжуд анда йўқ ағёр,
Ёрдин ўзга балки йўқ дайёр. *Сабъаи сайёр*, 10-27;
Тилаб хилвати холи ағёрдин,
Не ағёрдин балки дайёрдин. *Садди Искандарий*, 326-Т;
Ёр ила бир хилват истармен ки ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай. *Ғаройибус-сиғар*, 463-Т.

ДАЙЖУР [ديجور] – энг қоронғи тун; қоронғилик, зулмат:
Топиб ул тиралиқ Сукротдин нур,
Нечук ким Муштарийдин шоми дайжур. *Фарҳод ва Ширин*, 199-Т;
Шоми дайжур зулмати кетти,
Тиара тундин қуёш тулуъ этти. *Сабъаи сайёр*, 10-72.

ДАЙЖУРИЙ [ديجورى] – зуматли, коп коронғили:
Суфҳи шанба ки шоми дайжурий,
Юзига хулла ёпти кофурий. *Сабъаи сайёр*, 10-139.

ДАЙИР- [ديير] – таянмоқ, суянмоқ:
Агарчи дайирса ўсрук йиқилдим аммо шукр,
Ки бари муғбача кўйида бўлдум уфтода. *Бадойиул-васат*, 384-Т.

ДАЙН [دين] – қарз, бурч:
Ваъда ким қилдинг ўйладур ким дайн
Фарздур қарзни адо қилмақ. *Арбаин*, 16-264;
Бу жиҳатдин беш юз танга ниёз юзидин Мавлоно хидматиға йибарди Мавлоно дағи ани дайн адосиға еткурди. *Насойимул-муҳаббат*, 330-Т;
Йиртинг умрум сижиллин тиғ ила бошим чопиб,
Қолмади бўйнумда ҳижрон ўлтуруб борди бу дайн. *Фавойидил-кибар*, 433-Т.

ДАЙР [دير] – 1. роҳиблар манзилгоҳи, бутхона; монастирь:
Бирав ки дайр сари зоҳир айлади ихлос,
Бурунғи нафъи бу ким хонақоҳдин ўлди халос. *Хазойинул-маоний*, 116-275;
Чун санга дайр тавофи эрди фан,
Дайр эшигида недин туттинг ватан. *Лисонут-тайр*, 77-19;
2. майхона:
Дайрда май гадолиғиға ашғоли илгида майхонанинг синуқ сафоли.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-481;
Шайх чун сўзни бу ерга қилди банд,
Қилди шўх-у барча дайр аҳли писанд. *Лисонут-тайр*, 81-10;

3. дунё, жаҳон; бу дунё:
Бу фоний дайр аро чун қилди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-119;
Жаҳондин кўр ки кимлар ком олибдур,
Бу эски дайр кимлардин колибдур. *Фарҳод ва Ширин*, 500-Т;

~ **аҳли** – майхонага доим қатновчилар:
Навоий эгнингга қўйдунг сабу ичмакка дайр аҳли,
Бу эрди умрлар эй муғбача анинг муроди ҳам. *Хазойинул-маоний*, IV6-432;

~ **пири** – майхоначи, майхона бошлиғи:
Муғбачалар юзи оллида бутпараст дайр пири аёғида боши туфракка паст.
Маҳбубул-қулуб, 14-45;
Эй кўнгул дин аҳли заркидин малул эрсанг сипеҳр
Дайр пири бўйла мушкилларға ҳаллол айламиш. *Хазойинул-маоний*, 1116-247;

~ **и бедод** – жабр, зулм, адолатсизлик дунёси, замони, дайри:
Дайри бедод этар эй соқийи гулчеҳра мени,
Ўйла қил маст ки давронға мен айлай бедод. *Фавойидул-кибар*, 118-Т;

~ **и жаннат** – жаннатий майхона:
Дайри жаннат ҳури айндур хублуктин муғбача,
Май зулоли бирла кўп айноъ тусаммо салсабил. *Бадойиул-васат*, 283-Т;

~ **и зулматасос** – зулматасос майхона:
Бўлуб майкада дайри зулматасос,
Мен анда қари кибри ҳақношунос. *Садди Искандарий*, 56-Т;

~ **и куҳан** – қадимги тиниқ май; куҳна майхона:
Соқиё май бер ки бу дайри куҳан авзоъида,
Бўлди ўз нодонлиғимни англамақ донолиғим. *Наводируш-шабоб*, 432-Т;
Гўрдек тира эрди дайри куҳун,
Чарх ул тираликда бесар-у бун. *Сабъаи сайёр*, 10-118;

~ **и мажус** – оташпарастлар бутхонаси:
Совуқ келур кўзума хонакоҳ-у зуҳд-у риё,
Хушо шарори зардушт бирла дайри мажус. *Фавойидул-кибар*, 230-Т;

~ **и муғ** – мажусий, оташпараст бутхонаси, ибодатхонаси:
Ишқи кофир чун Навоий телбани дин мулкидин
Хориж айлаб мойили дайри муғ-у тарсо қилиб. *Бадойиул-васат*, 40-Т;

~ **и муғон** – муғлар, оташпарастлар бутхонаси:
Ҳар сари солди кўз чекиб афғон,
Субҳдин ёруб эрди дайри муғон. *Сабъаи сайёр*, 10-211;

~ **и Сумнот** – Ҳиндустондаги машҳур бутхона; Сумнот бутхонаси:
Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилвои ҳусн,
Тенг ўлди Каъба ила дайри Сумнот манга. *Наводируш-шабоб*, 12-Т;

~ **и фоний** – фоний дунё:
Фиғон ким лутф-у кариға тафовут йўқни ҳам англаб,
Фано аҳлиға жаврин қилмади бу дайри фоний бас. *Ғаройибус-сиғар*, 190-Т;

~ **и фано** – фоний дунё:
Ул фано жонимни чу сипқарайин,
Маст ўлуб дайри фаноға борайин. *Фавойидул-кибар*, 684-Т;
Хонақоҳ ичра эрур шайх-у ўзин кўрсатмак,
Эй хушо муғбачалар жилваси ву дайри фано. *Ғаройибус-сиғар*, 56-Т;

~ **и хароб** – хароб бўлган бутхона, бузилган ибодатхона, черков:
Вах ки ул муғбача ҳардам ки ичар бодаи ноб,
Қўзғалар арбадасидин бу куҳан дайри хароб. *Мезонул-авзон*, 43-Т;

Ёғин аҳволинга йиғлар ки кўз оч уйқудин,
Ким эрур сайл мамарри бу куҳан дайри хароб. *Фавойидул-кибар,* 45-Т;

~ **у калисо** – христианлар ибодатхонаси, бутхона, черков:
Шаҳ давлатидин этти бу дайр-у калисо,
Ўрнида бўлди мадраса ву масжиде бино. *Вақфия,* 14-258.

ДАЙРПАЙВАНД [دیر پیوند] – бутхонага монанд, дайрга боғлиқ, дайрга доир:
Ул бинойи дайрпайвандни ҳамвор қилиб ўрнида мадрасае бино қилилди.
Вақфия, 14-258.

ДАККА [دگّه] – така:
Йўқ ул ким фосиқ-у хаммору зукка,
Ки бузғай гарчи бўлғай хожа дакка. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-458.

ДАКОКИН [دکاکین] – дўконлар; маконлар, масканлар:
Ҳирот дорус-салтанатида ва теграсида ҳар не мустағал ва дакокин ва боғ ва ер ва кориз ким ул ҳазрат овони давлатида бу фақирнинг мулки эрди. *Вақфия,* 14-260.

ДАЛВ I [دلو] – кудуқдан сув оладиган чарм идиш, қовға:
Тенгиз далви суйин ҳар дам қилиб қут,
Анингдек ким су ичкай далвдин ҳут. *Фарҳод ва Ширин,* 263-Т.

ДАЛВ II [دلو] – бурж номи, ўн икки буржнинг ўн биринчиси; қиш фаслининг иккинчи ойи:
Қишнинг тўрт ойида ким қавс ва жадй ва далв ва ҳут бўлғай ҳар куни ўтмак юз адад ким... фуқароға улашғайлар. *Вақфия,* 721;
Далв йўлида сув уруб гоҳи,
Ҳут ансиз сувдин йироқ моҳи. *Сабъаи сайёр,* 10-26.

ДАЛДА [دلده] – паноҳ; пана (жой):
Давр эли жавридин ўлдум қани майхона йўли,
Ким эрур қочқали кўп далдаси бир лаҳза паноҳ. *Фавойидул-кибар,* 517-Т.

ДАЛДАЛА- [دلده له] – пана истамоқ, ўзни пана жойга олмоқ:
Не анжуманда ки ул бўлди эл тафарруж этиб,
Мен элга далдалаб андин канора айлармен. *Фавойидул-кибар,* 483-Т.

ДАЛИЛ [دلیل] – 1. далил, исбот, хужжат, шоҳид, белги:
Эрур бебирр-у эҳсоннинг далили,
Гуҳардек баҳри уммоннинг далили. *Фарҳод ва Ширин,* 123-Т;
Ул дебдур ки ориф Тангридин Тангрига боқар ва олим далилдин ва соҳиби важд далилдин мустағни дурур. *Насойимул-муҳаббат,* 85-Т;
Кавсаросо суйи далили анинг,
Ҳар тараф руди салсабили анинг. *Сабъаи сайёр,* 10-242;
Мавлоно Риёзий... бу маънига тахаллуси далилдур ким ҳар нимарса ким хаёл қилса эрди айтур эди. *Мажолисун-нафоис,* 69;

2. йўл бошловчи, етакчи, бошқарувчи:
То ки ани еткурубан ул далил,
Ўйгача ким қўйди биносин Халил. *Ҳайратул-аброр,* 67-24;

3. важҳ:
Чун ки супурги йиғар инак далил,
Ётмак эшик кейнида хор-у залил. *Ҳайратул-аброр,* 7-241;

~ **и беиштибоҳ** – шак-шубҳасиз далил:
Ва ошиқлиғида якдиллиғига далили беиштибоҳ... *Маҳбубул-қулуб,* 14-62;

~ **и мувфиқ** – мувофиқ далил гувоҳи:
... ва муҳаббати ниҳоятсиз эрканига гувоҳи далили мувофиқ.
Маҳбубул-қулуб, 14-62;

~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат далили:
Мен ул қуёшсиз ки заъфарон риштасидек ўлдум ажаб эмастур,
Далили ишқ ул ки ранги асфар дағи бадан ҳам низор бўлғай.
Фавойидул-кибар, 609-Т;

~ **и рох** – йўл ҳужжати, асоси, далили; йўлбошловчи:
Далили роҳи шафақранг-у жоми минойи,
Шафақ майини кўр-у чарх жоми минусин. *Фавойидул-кибар,* 444-Т;

~ **и эътироф** – иқрор, эътироф далили:
Қоши кўнглум ўғрисидур роқиъ ўлмағлиқ не суд,
Ўғри бош солғач қуйи бордур далили эътироф. *Ғаройибус-сиғар,* 246-Т;

~ **уллоҳ** – оллоҳнинг далили, худонинг юборган йўл кўрсатувчиси:
Отқач ўт сари Халилуллоҳни,
Ишқ кўйида далилуллоҳни. *Лисонут-тайр,* 261-Т;

~ **бўл-** – далил булмоқ:
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил. *Ҳайратул-аброр,* 7-220;

~ **айла-/эт-/қил-** – шоҳид қилмоқ, далил кўрсатмоқ:
Ҳақ анга раҳматни далил айлабан,
Шуълани гулзори Халил айлабан. *Ҳайратул-аброр,* 7-117;
Лаълинг ғами кўнглумни далил этди куярга,
Май англади зойил ичидин шуъла ҳиросин. *Хазойинул-маоний,* IIа-267.

ДАЛИЛОВАРЛИҚ [دليل آورليق] – далил келтирувчилик:
Асҳоб аросида ани бил шарлиқ
Ким шар сари айлагай далиловарлиқ. *Назмул-жавоҳир,* 15-146.

ДАЛИР [دلير] – шижоатли, жасоратли, довюрак:
Нетиб ўзумни тасаввур қилай висол ичра,
Далир чун боқа олман анга хаёл ичра. *Фавойидул-кибар,* 543-Т;
Мавлоно Муҳаммад Олим... бағоят далир ва шўхтабъ ва хира киши эрди.
Мажолисун-нафоис, 16-Т;
Ҳам тануманду ҳам шужоъу далир,
Ул сифат ким жазира ичраки шер. *Сабъаи сайёр,* 10-277;

~ **и хорапарков** – қаттиқ тош тарашлаш далири, жасури, ботири:
Ҳам ул кун ўқ далири хорапарков,
Муҳайё қилди хоро ичра бир нов. *Фарҳод ва Ширин,* 288-Т;

~ **эт-/қил-** – довюрак этмоқ:
Лаълинг ғами кўнглумни далир этти куярга,
Майл айлади зойил ичидин шуъла маросин. *Наводируш-шабоб,* 468-Т;
Қилиб хайлин аъдоға андақ далир,
Ки бўлғай қулан қасдида наррашер. *Садди Искандарий,* 155-Т.

ДАЛИРЛИК [دليرليک] – жасурлик, мардлик, йигитлик:
Аларда шояд ки фоҳиш тафовут бўлғай деб жамъ қилмағиға далирлик қилилмас эрди. *Ғаройибус-сиғар,* 23-Т.

ДАЛИРОНА [دليرانه] – жасурларча, ботирлардек, дадиллик билан:
Адаб сиёсати чекти кўзумга мужгондин,
Синон ки баҳра далирона қолмағай андин. *Наводируш-шабоб,* 494-Т.

ДАЛК [دلک] – уқалаш, массаж қилиш; ҳаммомда ходимлик қилиш:

Андақ ки атиббо даъбидур ки мориз мизожидин муқийя била маразни зойил қилғандин сўнгра... тараддуд ва далк буюрурлар.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 114-Т;

Далк ходимлиғи тариқин чун киши андин яхширақ билмас эрди.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 114-Т.

ДАЛЛА [دلّه] – жодугар, ҳийлагар; мунофиқ:

Дема парихон ки эрур пири зол,
Қади бўлуб далла сифатлиққа дол. *Ҳайратул-аброр*, 7-246;

~ **и пурфан** – ҳунари кўп жодугар, ўта ҳийлагар:

Даҳр раъноси фану макри била топсанг фириб,
То не макр этгай аён бу даллаи пурфан анга. *Хазойинул-маоний*, IIIб-540.

ДАЛЛАТУЛ-МУҲТОЛА [دلّة المحطاله] – маккора, айёра; фирибгар аёл:

Атаб кўк пирзоли хола ани,
Ано деб даллатул-муҳтола ани.
Этиб тадбир ила ул холани бикр,
Ҳар оқшом даллатул-муҳтолани бикр. *Фарҳод ва Ширин*, 437-Т.

ДАЛЛОЛ [دلّال] – даллол:

Анга суд олғувчиға нуқсони мол икки жонибдин ёлғон онт ичгувчи даллол.

Маҳбубул-қулуб, 9(10)-472.

ДАЛЛОЛА [دلّاله] – даллол хотин; ҳийлагар воситачи хотин:

Юзига эй фалак не зеб бер не ҳусн сотғил ким
Қуёш ҳусниға не машшота ҳожатдур не даллола. *Бадойиул-васат*, 382-Т.

ДАЛЛОЛАЛИҚ [دلّاله لیق] – даллолчилик, воситачилик:

Зоҳир этиб ўртада даллолалиқ,
Айтма даллола ки муҳтолалиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-248.

ДАЛОЙИЛ [دلایل] – далиллар, ҳужжатлар:

Зулму таадди ву васойил била,
Ваъда-у пайғом-у далойил била. *Ҳайратул-аброр*, 7-147;

Мунча қавий далойил ва азим шавоҳид била бу фақирнинг вуқуфи, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собит ва равшан бўлди.

Муҳокаматул-луғатайн, 188-Т;

~ **кўргуз-** – далиллар кўрсатмоқ:

Фусундин кўргузуб анча далойил,
Ки Бонуни қилиб ул ишка мойил. *Фарҳод ва Ширин*, 463-Т.

ДАЛОЛ [دلال] – ноз, карашма, қилиқ:

Тарки ишқ этти Навоий тутубан тақвию зуҳд,
Эй санамлар анга кўп ғанжу далол айламангиз. *Хазойинул-маония*, IVб-220;
Мунча ву мунча юз жамол била,
Яна юз ганж-у юз далол била. *Сабъаи Сайёр*, 10-97;

Султон соҳибқироннинг шариф зеҳни хасойисининг раъноларидан ғанж ва далоли шарҳида ким ҳар қайси замон сафхаси бўстонида рангинлиғ...

Мажолисун-нафоис, 208.

ДАЛОЛАТ [دلالت] – 1. нишона, аломат, белги; гувоҳлик, шоҳидлик:

Ёруғлуғ эмас мумкин андин ки бор,
Далолат тариқида уфтода шайх. *Наводируш-шабоб*, 112-Т;

Ул айтти ким бу ишлар анга далолат қилур ким бу кеча арабда қурайш қабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлғай. *Тарихи мулуки ажам* 16-244;

2. кўрсатиш, йўлга солиш, ундаш:
Муҳаммад Абдуллоҳ Гозурий... дунё таркига далолат қилур эрди.
Насойимул-муҳаббат, 119;
Бу фақирни фақр тариқига далолат ва иршод қилурлар эрди.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-91;

~ **қил-** – кўрсатмоқ; ундамоқ:
Бу ўғулни ўзга фойдалиғ ишка тошшур ки анинг мартабаси андин бийикракдур ки баззозлиғқа бош индургай атаси ани илм таҳсилиға далолат қилди. Оз фурсатда рўзгор уламосининг саромади бўлди. *Насоймул-муҳаббат*, 330-Т;
Чин дер элга жон хатари, хайрға далолат қилғучиға ўлум зарари.
Маҳбубул-қулуб, 14-15.

ДАЛҚ [دلق] – жанда, дарвешлар кийими:
Шойиста дурур қари бажуз далқ-у асо,
Кўргузса сақолиға кулярлар уқало. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-527;
Эй Навоий ул қуёш васлин гадолиғ қилғали,
Зоҳир айлабмен сариғлиғ далқ-у гардуввор кад. *Хазойинул-маоний*, 16-141;

~ **и пашмина** – жанда, дарвешлар кийими:
Бири нолаи дарднок айлабан,
Бири далқи пашмина чок айлабан. *Садди Искандарик*, 77-Т;

~ **и хизрваш** – яшил тўн:
Ризқ учун эгнида далқи хизрваш,
Лек яшил барг бирла нафси хуш. *Лисонут-тайр*, 58-Т.

ДАМ I [دم] – 1. лаҳза, он, вақт; фурсат:
Эл кирмаса хилватимға бир дам,
Қўйса мени меҳнатимға бир дам. *Лайли ва Мажнун*, 179-Т;
Бу иштин даме ўтмади беш-у кам,
Ки ўт қалъадин кўкка чекти алам. *Садди Искандарий*, 271-Т;
Мавлоно Яқиний... охир дамида беадабона сўзларидин тавба қилиб аҳли салоҳ тарийқи билан кечти. *Мажолисун-нафоис*, 68-Т;

2. вақт; аҳвол, ҳолат, турмуш:
Ишқ исидин эт дамимни мушкин,
Ишқ ўтидин эт юзумни рангин. *Лайли ва Мажнун*, 73а6;
Мози ву мустақбал аҳволин такаллум айла кам
Не учун ким дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам. *Маҳбубул-қулуб*, 14-126;

~ **и накд** – ҳозирги вақт, яқин фурсат:
Дами нақд агарчи бу маъдум эмас,
Вале етмак оқшомга маълум эмас. *Садди Искандарий*, 437-Т.

ДАМ II [دم] – 1. нафас:
Қайси чамандин эсиб келди сабо ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жони аро ёр-ёр. *Мезонул-авзон*, 59-Т;
Ишқ элининг ўти келди хонасўз,
Ўйла ким аждар дами вайронасўз. *Лисонут-тайр*, 155-1;

2. овоз, ун, садо:
Агарчи ишқ фақр аҳлини расво қилурда булардин фароғдур ва лекин ул ўтни ёрутурға най дамидин ел-у майдин ёғдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-469;
Ҳар илмда ҳар киши ки аълам,
Еткач оча олмай оллида дам. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

3. дам (ўтни алангалантирувчи ускуна); темирчилар дами:
Фироқинг ичра улус ўртамакка эй моҳим,
Чақин дурур дамим-у илдирим дурур оҳим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 173-Т;

Дам анга субҳ кўра жирми сипеҳр,
Ҳар бир олтин кулича кўради меҳр. *Сабъаи сайёр*, 44;
Темурчидин сўраб дам бирла кўра,
Белига боғлади чармин танўра. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т;
Неча кўра ву дамни даркор этиб,
Филиззотдин бир намудор этиб. *Садди Искандарий*, 246-Т;

4. илҳом:
Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чарогимни ёрутубтур.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;

5. шамол, ел:
Ел совурса бу тўкуз афлокни,
Дам учурди англағил хошокни. *Лисонут-тайр*, 211-Т;

~ **и армон** – бир лаҳза армон:
Жондин олиб дард бу дармон била,
Бормайин охир дами армон била. *Ҳайратул-аброр*, 7-184;

~ **бадам** – 1. тез-тез, дам-бадам, бетўхтов:
Ким йиқилди оҳ-у афғон тортибан,
Дам бадам ул нотавонлиғ ортибан. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
Ки чун *тушти кабоб кўрғанни* Парвез,
Адоват ўти бўлди дам бадам тез. *Фарҳод ва Ширин*, 362-Т;

6. тез вақтда, якин фурсатда, ҳозиргина:
Эй Навоий Вомиқ-у Фарҳод-у Мажнун бордилар,
Бўлма ғофил дам бадам қилғунг азимат сен дағи. *Хазойинул-маоний*, 115-351;
Дам бадам тонг ёрибан олам эли ғавғосидур,
Бодадин хушвақтликни қилмангиз эҳмол субҳ. *Хазойинул-маоний*, IVa-109;

~ **и давобахш** – давобахш ели, шамоли, нафоси:
Бат бат ки олиб дами давобахш.
Оламға эсиб насими жонбахш. *Лайли ва Мажнун*, 46-Т;

~ **и жонбахш** – жонбахш нафас:
Чунки кўрдунг ким ўлубмен тута мотам қайт бат,
Ул дами жонбахш-у лаъли оби хайвонимға ет. *Наводируш-шабоб*, 78-Т;

~ **и Исо** – *Исо нафаси*:
Жаҳл аро ўлган кўнгулларга дами Исо бўлуб,
Чун эсиб танлар қубуриға риёзингдин насим. *Бадойиул-васат*, 297-Т;

~ **и Исовий** – ҳаётбахш Исо нафаси:
Ўлук тиргузур бўлса ҳайвон суйи,
Қилур ҳам бу ишни дами Исовий. *Садди Искандарий*, 76-Т;

~ **и сарл** – иссиқ нафас:
Ҳар неча кўнглум совуғ оҳидин айтур оҳ ким
Ёрға ёқмас не ким айтур бу дами сардим менинг. *Ғаройибус-сиғар*, 280-Т;

~ **и фусунсоз** – фусунсоз овоз:
Анга бу бас ки жаҳон мулкин олди сўз бирла,
Чекиб сипоҳ муғанний дами фусунсози. *Наводируш-шабоб*, 647-Т;

~ **и хваш/хуш** – яхши нафас; яхшилик, илтифот; шодлик дами:
Сен қон ютуб эл бўлуб қадаҳкаш,
Элдин санга етмайин дами хваш. *Вақфия*, 14-248;
Дами хуш урмадим афғон ичинда,
Даме хуш бўлмадим ҳижрон ичинда. *Фарҳод ва Ширин*, 419-Т;

~ **ур** – нафас чиқармоқ; гапирмоқ, сўзламоқ:
Чун ҳукмни англадинг дам урма,
Бал ким дам урарға дағи турма. *Вақфия*, 14-249;
~ **айла-/ур- –** дам урмоқ; гап очмоқ:
Тун урди кўмурларини дарҳам,
Меҳр ўтини субҳ айлади дам. *Лайли ва Мажнун*, 128-Т;
Айлабан бу навъ юз афсун-у дам,
Олғуча ул луқмае ё бир дирам. *Лисонут-тайр*, 59-Т;
Манзур лабидин оби ҳаётни хижил ва Исо ани қошида дам урмағдин мунфаил дегани оби ҳаётдек равоносо ва Исо дамидек руҳафзо тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 212;
тинчимоқ; гап очмоқ:
Вале они Парвиз тиндурмади,
Дам урмади то мулкдин сурмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-246;
Мундақ бўлғандин сўнгра киши нечук ато ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. *Муншаот*, 14-183;
Қадаҳ келтургил-у дам урма даҳр сирридин,
Ки мубҳам ўлди бу сўз ҳар неча ким айтилди. *Бадойиул-васат*, 432-Т;
~ **эт-** – дам бермоқ:
Дам учин кўраға маҳкам этти,
Равон тўкти кўмур дағи дам этти. *Фарҳод ва Ширин*, 287-Т;
~ **чек-** – оҳ чекмоқ, ичига тортмоқ:
Моҳиё ким ҳар қачан ким чекса дам,
Ютқай икки олам-у халқини ҳам. *Лисонут-тайр*, 181-10.

ДАМ III [دم] – 1. қон:
Кўзум ки қон аро бўлди ниҳон ажаб эрмас,
Ки айнға чу дам ўлди қарин дам қилди. *Хазойинул-маоний*, 16-616;
Чун кетти йигитлик-у узалди қарилиқ,
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;
2. қизил рангли май:
Соқиё тортай кабутар дам кетур бир бода ким,
Бир кабутарбоз учун ўлдум ғаму меҳнат била. *Хазойинул-маоний*, 1116-538.

ДАМАН [دمن] – 1. ташландиқ ер:
Ҳам чаман аҳлиға сен маҳбубсен,
Ҳам даман хайлиға сен марғубсен. *Лисонут-тайр*, 32-14;
Ким ёр мақоми ул дамандур,
Ким туфрағи жониға ватандур. *Лайли ва Мажнун*, 233-Т;
2. саҳро, дашт:
Ҳар кун яна бир тараф хироми,
Ҳар тун яна бир даман мақоми. *Лайли ва Мажнун*, 195-Т.

ДАМГИР [دمگیر] – нафас олиш:
Қаро сувға бошин юз тута берса,
Тўлар оғзи ву бўлмас лек дамгир. *Бедойиул-васат*, 11-Т;
Саводи дуди оламға ёпиб қир,
Вале ул қир ҳажр аҳлиға дамгир. *Фарҳод ва Ширин*, 392-Т.

ДАМЛИҒ/ДАМЛИҚ [دم لیغ/دم لیق] – лаҳзалик, дамлик, нафаслик:
Етти чарх авроқи тўлғай етти баҳр ўлса мидод,
Ул куёш васлиға бир дамлиғ хаёлимни десам. *Бадойиул-васат*, 311-Т;

Сенсиз эрур дард-у ғамлиқ,
Ким қолмиштур бир икки дамлиқ. *Лайли ва Мажнун*, 270-Т;
Васли бир дамлиқ ки тушкай иттифоқ,
Икки олам шаҳлиғидин яхшироқ. *Лисонут-тайр*, 41-Т.

ДАМОВАНД [دماوند] – Дамованд (Мазондараннддаги бир шаҳар номи):
Дағи аввал киши ким шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди.
Тарихи мулуки ажам, 16-197.

ДАМОДАМ [دمادم] – узлуксиз, кетма-кет:
Алардин дамодам шаҳи номвар
Бўлуб ҳикмат ойинида баҳравар. *Садди Искандарий*, 373-Т;
Қадаҳ партави ким дамодам тутуб,
Шабистонни хуршеддек ёрутуб. *Садди Искандарий*, 135-Т.

ДАМОН [دمان] – ҳайбатли, даҳшатли, ҳамла қилувчи, наъра тортувчи:
Тўла ғорлар аждаҳойи дамон,
Дами ўйла ким аждаҳойи замон. *Садди Искандарий*, 88-Т;
Мунда ким юз минг туман пили дамон,
Бор ҳамон ул бир ўлук пашша ҳамон. *Лисонут-тайр*, 241-Т;
Ки бўлсун бу икки пили замондек,
Қайу пили замон пили дамондек. *Фарҳод ва Ширин*, 99-Т.

ДАМОР [دمار] – ҳалокат, талофат, маҳв; ўлим:
Қочинглар аҳли саломат ки кофири масти
Чиқарғали хирад-у сабрдин дамор келур. *Фавойидул-кибар*, 170-Т;
Санам зулфидек айлабан тор-у мор,
Қўпарур эрди барчамиздин дамор. *Садди Искандарий*, 351-Т;

~ **чиқар-** – ҳалок қилмоқ:
...аждаҳо уни ўқ йиланидин дамор чиқарғандек аждаҳони ўқ йилани била тору-мор қилмағи... *Фарҳод ва Ширин*, 205-Т.

ДАМСАРД [دم سرد] – совуқ нафас:
Совуғ дамлар била ул золи дамсард,
Чиқарди кўкка ул туфрағдин гард. *Фарҳод ва Ширин*, 442-Т.

ДАМСАРДЛИҚ [دم سردلیق] – совуқ нафаслик; нохушлик:
Қизикракдурмен ул ой ошқида ҳар неча ким то субҳ,
Бу иш таркида ўзни этиб дамисардлиқ қилса. *Бадойиул-васат*, 413-Т;
Недур мунча лофи жаҳонгардлиқ,
Эрур бу сифат лофи дамсардлиқ. *Садди Искандарий*, 443-Т.

ДАМСОЗ [دم ساز] – ҳамдам, ҳамсуҳбат, ҳамдард, улфат, суҳбатдош; сирдош:
Ғамингда май берур кўнглумга қувват,
Ки фурқат аҳлининг дамсозидур бу. *Наводируш-шабоб*, 519-Т;
Бўлмади кимса ёр-у дамсозим,
Демадим ҳам кишига ўз розим. *Сабъаи сайёр*, 10-82;

~ **эт-/қил-** – дўст тутмоқ:
Ани ўз базмим аро дамсоз этай,
Суҳбатимда ҳамдам-у ҳамроз этай. *Лисонут-тайр*, 193-Т;
Қилма раз фарзандини кўп ҳамдам-у дамсоз ким
Пардадардур асру бу шоҳидваш-у маккора қиз. *Наводируш-шабоб*, 207-Т;

~ **ўл-** – дўст бўлмоқ:
Бир бирига ҳамдам-у дамсоз ўлуб,
Каъба азми қилдилар ҳамроз ўлуб. *Лисонут-тайр*, 172-Т.

ДАМСОЗЛИҚ/ДАМСОЗЛИҒ [دم سازلیق/دم سازلیغ] – улфатлик, ҳамдардлик; сирдошлик:
Вали чарх айлаб ситамсозлиқ
Заволида ҳам берди дамсозлиқ. *Тарихи мулуки ажам*, 16-249;
Ҳузни ўлса айлаган дамсозлиқ,
Айшида қилған аён ҳамрозлиқ. *Лисонут-тайр*, 39-Т;
Ул қила олмаса ҳамовозлиқ,
Қилса аёлғу била дамсозлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-64;
Қилғамен дамсозлиғ ҳажрида минг йил жон била
Англасам васлида бир дам мени дамсоз этар. *Наводируш-шабоб*, 159-Т.

ДАМЧА [دم چه] – лаҳзадек, лаҳза каби:
Чу тортар оқибат жоми фанони,
Борур дам фаҳм этар бир дамча ани. *Фарҳод ва Ширин*, 128-Т.

ДАН(Н) [دن] – хум, май идиши:
Минг соғар ичилса ўйла ким оби ҳаёт,
Бирининг таҳида дурди дан бўлса не тонг. *Ғаройибус-сиғар*, 25;
Соқиё ўзлук ила мушкил эрур қатъи анинг,
Дермен ўздин борайин жонима қуй дурди дан. *Наводируш-шабоб*, 386.

ДАНГ [دنگ] – 1. ҳушсизлик, карахтлик; гаранг; онгсиз:
Бир қаландар бор эди мабҳути данг,
Субҳу шом анинг ғизоси эрди банг. *Лисонут-тайр*, 154-Т;
Соф май ламъаси ву соқийи маҳваш ҳусни,
Тира зоҳидқа асар қилмади ким бор эди данг. *Бадойиул-васат*, 260-Т;
2. ҳайрон; ҳайрат:
Қолдилар ул фасонадин бари данг,
Кишидек ким айлай хумор уза банг. *Сабъаи сайёр*, 10-195;
Сикандар шукуҳи қилиб лол ани,
Қайу лол ким данг-у беҳол ани. *Садди Искандарий*, 156-Т;
~ **айла-/қил-** – ҳайратлантирмоқ, мот қилмоқ:
Эгнингга солай либоси гулранг,
Ким ранги хирадни айлагай данг. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т;
Ки чун хайлни ҳайрат қилиб данг,
Қилибан Армания сари оҳанг. *Фарҳод ва Ширин*, 289-Т.

ДАНГОНА [دنگانه] – ҳаражати ўртада, халпана:
Неча муфлис истаб дедим май учун
Қилали ичин аро дангонае. *Ғаройибус-сиғар*, 502-Т;
Неча муфлис ўлсам дедим май учун.
Қилали ичин аро дангоне. *Фавойидул-кибар*, 628-Т.

ДАНДОНА [دندانه] – 1. тиш, дандона:
Тишларимдин икки дандона ки чарх айлади кам,
Рахналар бўлди ажал киргали жон чиққали ҳам. *Наводируш-шабоб*, 418-Т;
2. суяк; қовурға суяк:
Чок этиб ёним ки кўргуздунг сўнгак дандонасин,
Булажаб ҳолимға қилди заъф жисмим кулгудин. *Бадойиул-васат*, 341-Т;
Зор жисмимда сунгак ким билгурур дандонаси,
Гўйиё кўнглум уйининг фаршиға дандонадур. *Фавойидул-кибар*, 173-Т;

3. қалъа, қаср деворларининг юқори қисмидаги дандона, кунгура:
Қасри ул ҳусн шаҳининг эрур андақ оли,
Ки фалак кунгураси қасриға дандона эмиш. *Хазойинул-маоний*, IV6-272.

ДАНДОНАМОНАНД [دندانه مانند] – дандона-монад:
Ики ёндин қилиб хорони пайванд,
Тўшаб фаршин дандонамонанд. *Фарҳод ва Ширин*, 307-Т.

ДАНДОНАСИЗ [دندانه سیز] – дандонасиз:
Оғиз ўлуб дурж вале донасиз,
Тишлар ўлуб «син» вале дандонасиз. *Ҳайратул-аброр*, 7-287.

ДАНИЙ [دنی] – пасткаш, тубан, разил, ярамас:
Данийларға бирав ким зарфишондур,
Эшак оллиға тўкмак заъфарондур. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;
Эгри йўллар кўргузуб нафси даний,
Солибан шайд-у гадоликка ани. *Лисонут-тайр*, 59-Т;
~ **авқот** – ёмон вақт:
Яхшироқ юз катла ул офотдин,
Ор қилғудек даний авқотдин. *Лисонут-тайр*, 44-16.

ДАПТАВУЛ [دپتاول] – эзиш, тепиш, уруш; тўқмоқ, кўлоғоч:
Муҳокаматул-луғатайн, 42-Т, 178-Т.

ДАР I [در] – эшик:
Кулбамнинг эмас хиштлари дарзи ки очмиш,
Ҳолимга фигон қилғали оғзин дару девор. *Хазойинул-маоний*, 16-200.

ДАР II [در] – олд кўмакчи:
Кўзума ани памудор айладнг,
Дар маҳал бу лутф изҳор айладинг. *Лисонут-тайр*, 180-Т;
Тўкубан сайд қони пай дар пай.
Анга ҳамранг тортар эрди май. *Сабъаи сайёр*, 10-78;

ДАРА [دره] – 1. икки тог оралиғидаги тор йўл, дара:
Апдақ ки «ара» лафзин саро ва даро била қофия қилса бўлур, «сара» ва «дара» била ҳам қофия қилса бўлур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;
Бўлуб фосил ул тоғка бу дара,
Убур эткали ул гуруҳи сара. *Садди Искандарий*, 426-Т;
2. Дараи Дубиродарон (жой номи):
Мавлоно Яқиний... қабри Дараи Дубиродарондадур. *Мажолисун-нафоис*, 68-Т;
Рикобида санъатгар эл беҳисоб,
Қилиб ул дара сари бари шитоб. *Садди Искандарий*, 432-Т.

ДАРАВ [درو] – экин ҳосили, ғалла:
Қачан сочса туфраққа буғдай бирав,
Йўқ имкон ким арпа қилғай дарав. *Садди Искандарий*, 314-Т.

ДАРАЖА [درجه] – мартаба, поғона; даража:
Руъят чоғи бийик даража бирла янги ой,
Кўрди назора аҳли қошингнинг ҳилолидин. *Фавойидул-кибар*, 475-Т;
Йиллар олий садорат мансибида мутамаккин эрди ва подшоҳнинг иноята аъло даражада. *Мажолисун-нафоис*, 161-Т.

ДАРАЖОТ [درجات] –мартабалар, поғоналар, иззат-ҳурмат:
Бадрақаи роҳи нажоти бўлуб,
Мужиби рафъи даражоти бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-95;

Аларнинг охир маразида Шайх Садриддин Қунявий иёдатка келди ва деди ки даражот рафъи бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 300-Т.

ДАРАК [درک] – хабар, дарак; огоҳлик; **ул-асрор** – сирлардан хабар бериш:

Аларға ҳам не расволиғлар насиб этти ва даракул-асрорға кетиб ишлари не ерга етти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-76.

ДАРАНГ [درنگ] – 1. секин, аста; имирсилаш; кечикиш:

Сайд сари чекиб даранг била,
Тикти икки кўлин ҳаданг била. *Сабъаи сайёр*, 10-108;

Яна озим ўлдум чу қилмай даранг,
Насиб ўлди Ҳақдин диёри Фаранг. *Садди Искандарий*, 221-Т;

Деди шаҳ ки ўн кунга бўлса даранг,
Ўт-у елсиз эл келгусидур батанг. *Садди Искандарий*, 265-Т;

2. тўхталиш, қарор топиш, ором:

Қатил ўлди ул дағи топмай даранг,
Вале келтуруб мулк ҳолига нанг. *Тарихи мулуки ажам*, 16-253;

Яна манзили бўлди баҳри Фаранг,
Қилиб бир жазира ичинда даранг. *Садди Искандарий*, 459-Т;

~ **айла-/қил-** – шошилмаслик, кечиктирмоқ, орқага солмоқ:

Кеч келмакидин ўлсам жононнинг эмас тонг ким
Ул умр даранг айлар бу умр шитоб айлар. *Хазойинул-маоний*, 116-177;

Чу тортиб новакин айлаб даранги,
Анингдек урди кўзгуга хаданги. *Фарҳод ва Ширин*, 228-Т;

Чу маъмурани тузди қилмай даранг,
Тенгиз майли қилди нечук ким наҳанг. *Садди Искандарий*, 151-Т;

~ **бўл-** – тўхталмоқ, сокин бўлмоқ:

Рокибға дағи даранг бўлди,
Маркабнинг аёғи ланг бўлди. *Лайли ва Мажнун*, 79-Т.

ДАРАНДА [درنده] – йирткич:

Осуда чаранда ву паранда
Уйқуда газанда ву даранда. *Лайли ва Мажнун*, 304-Т;

Ул бобда иноятни кам қилмай дарандани ботрақ узатурға мулозимлар ҳоким дурлар. *Муншаот*, 14-194.

ДАРАНЧАР [درنچر] – даранчар:

Даранчар деган суни олтинчи де;
Билоди саводин кўнгул етинчи де. *Садди Искандарий*, 452-Т;

Яна бир алардин даранчар суйи,
Манофиъда ул навъ ким зар суйи. *Садди Искандарий*, 239-Т.

ДАРАФШ I [درفش] – бигиз:

«Ейий» мисол уч ҳаракатдин ортуғ топилмас «без» ки сарт «кадуд» дер ва «биз» ки «мо» ва «наҳну» маъноси биладур ва «биз» ки «дарафш» дерлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т.

ДАРАФШ II [درفش] – байроқ, ялов:

Бинафш айлабан шадда бирла дарафш,
Саманд узра баргуствон ҳам бинафш. *Садди Искандарий*, 186-Т;

Кова оҳангарни улуқ тарбият қилиб тайаммун учун анинг йиғачқа боғлаб алам қилған сахтиёнини мурассаъ қилди ким дарафши Ковиёни ани дерлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-202.

ДАРАХТ [درخت] – 1. дарахт:

Юзунг хижолатидин арғувонға тушти тағайюр,
Дарахти рангидин англар киши ки қани қурушмиш. *Наводируш-шабоб*, 261-Т;
Машҳур мундақдур ки алар сулук айёмида қирқ арбаин чиқарибтурлар ва тўрт арбаин бир дарахт устида чиқарибтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 178;
Ҳамоно икки шох берди дарахт,
Бирин йўндилар тахта-у бирни тахт. *Садди Искакдарий*, 120-Т;

2. комат; вужуд, борлиғ:

Ким эскирибан ҳаёти рахти,
Майл этса йиқилғали дарахти. *Лайли ва Мажнун*, 90-Т;

ДАРАХТИСТОН [درختستان] – дарахтзор; ўрмон:

... ул қавм бетоқат бўлуб аёл атфоллари била шаҳарларидин чиқиб беша ва дарахтистонға юзландилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-132.

ДАРАХТОН [درختان] – дарахтлар; дарахтзор:

Ҳиротруд вилоятида Гул кенти жамиъ боғот ва дарахтон ва сарой ва боғча ва сойир арозиси била. *Вақфия*, 14-267.

ДАРБ [درب] – дарвоза:

Мазори Ҳирий шаҳрида Хушк ва Ферузобод дарби аросидадур. *Насойимул-муҳаббат*, 221-Т.

ДАРБАДАР [دربدر] – дайди, саёқ, дарбадар:

Эл ки йиғар ҳар не ул айлар нисор,
Андин эрур дарбадар-у хокисор. *Ҳайратул-аброр*, 7-241;
Эй пари гар телбараб бўлмиш Навоий дарбадар,
Бу анга мақсуд эрур ким истагай ҳарён сени. *Хазойинул-маоний*, IVa-355;

~ **қил-** – дарбадар қилмоқ:

Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда,
Барин йиғ емди андақ ким аталар. *Ғаройибус-сиғар*, 16-Т.

ДАРБАНД [دربند] – 1. бўсағa, эшик олди; танба; ғалақа:

Чу дарбанднинг оғзиға ёвушуб,
Неча кун черик ўттилар чўпрушиб. *Садди Искандарий*, 251-Т;
Иморати икки ошом дурур ва бозор сари икки дарбанди бор ва ҳар дарбандида икки дарвоза ва бир айвон мавжуддур. *Вақфая*, 14-266;
Сен ки ул ён азимат эткунгдур,
Чунки дарбанд ичига еткунгдур. *Садди Искандарий*, 123-29;

2. дарвоза:

Ҳар ҳисорида бир бийик дарбанд,
Рифъат ичра келиб фалакпайванд.
Лек дарбандлар очилмай ҳеч,
Ҳаддин ортуқ йўлида тоб ила печ. *Сабъаи сайёр*, 10-221;

3. дарвозаси берк қалъа, хисор:

Ҳам ул дам ки оттурди қурғанға гўй,
Ки дарбанд қилди йиқилмакка рўй. *Садди Искандарий*, 250-Т;

4. ҳудуд:

Ки дарбанди олий намудоридин,
Яқин келмагай кимса минг қаридин. *Садди Искандарий*, 244-Т;

5. жой номи:

[Нуширавонға] арз қилдилар ким қифчақ Дарбандға муставлий бўлубтур. Ул йўлға убур қилиб... Дарбандни олиб ободон қилиб яхши кишилар таъйин қилиб андақ мазбут қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243;

Дарбанд навоҳийсидағи қифчақ бузған қўрғанларни иморат қилиб кишилар таъйин қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243.

ДАРБАНДОНЛИК [دربندان لیق] – қамал, куршовда қолмоқлик, муҳосираликқ басталик:
Ки бу муддат ки дарбандонлиқ эрди,
Фалакдек бизга саргардонлиқ эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 468-Т.

ДАРБАСТ [دربست] – куршаб олинган, тўсиқли; Дарбаст (вилоят номи):
Анинг ўлди Тароз-у Дарбаст,
Неча кишвар дағи анга пайваст. *Сабъаи сайёр*, 10-274.

ДАРБОЙИСТ [دربایست] – 1. зарур, лозим, сазовор, мувофиқ:
Ул от сизга дарбойистрақдур олинг боринг. *Насойимул-муҳаббат*, 71;
2. керак, зарур, даркор:
Ҳудҳудни сув топмақ амриға муқаррар этиб эрди ким тахти йилиға биёбонларға гузар берурда сув дарбойист бўлур эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-164;
~ **и зебо** – мақбул зеболик:
Кўзларим қилсун садаф кирпикларим этсун қалам,
Бўлса дарбойисти зебо суратинг нақкошиға. *Наводируш-шабоб*, 538-Т;
~ **бўл-** – муносиб бўлмоқ, лозим бўлмоқ:
Не ким шаҳлиқ аро шойиста бўлғай,
Ким ул шаҳларға дарбойист бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 173-Т.

ДАРБОН [دربان] – дарвозабон, эшик соқчиси:
Гарчи ки ўн қатла тараддуд қилиб,
Ҳожиб-у дарбони тамаддуд қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-219;
Мен гадоға ҳар неча кўйи сари бормақдур иш
Тўъма солмақ кеткай дарбонға ёлбармақдур иш. *Хазойинул-маоний*, IIIб-251;
~ **и мониъ** – қаттиққўл дарвозабон; соқчисиз тўсиқ:
Гирифтор мажлисидин кўпарға сурук қалтабони мониъ ва агар ани ғофил қилиб эшигига етса дарбони мониъ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-78.

ДАРВЕШ [درویش] – 1. бенаво, қашшоқ, фақир:
Ҳар не илгимга тушти сарф эттим,
Шоҳ-у дарвеш даҳрдин кеттим. *Сабъаи сайёр*, 201-8;
Деди ким шаҳға бўлма ширкатандеш,
Деди ишқ ичра тенгдур шоҳ-у дарвеш. *Фарҳод ва Ширин*, 373-Т;
2. қаландар, зоҳид; пок, софдил:
Бу фақирнинг манзили ул дарвешлар хонақоҳлари живорида воқиъ бўлуб эрди.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-99;
Шаҳ юриб олам очар дарвеш оламдин кочар,
Ҳам ўзинг инсоф бергил ким бу не нисбат анга. *Хазойинул-маоний*, 1а-76;
3. шахс номи, лақаб;
Дарвеш Сайид Ҳасан Хуросон вилоятининг атрофидин эрдилар.
Насойимул-муҳаббат, 160;
Бу маънидин фарзанд Мавлоно Дарвеш Муҳаммад соҳиб вукуфдур.
Муншаот, 14-186;
~ **и аҳамм** – муҳим аҳамиятга молик дарвеш:
Ҳакимсурат дарвешсийрат балки дарвеши аҳамм ҳукумати қасам...
Садди Искандарий, 511-Т;
~ **и беиштибоҳ** – шак-шубҳасиз, янглишмаслик:
Рафиқ икки дарвеши беиштибоҳ
Эрур яхширақ ким аду икки шоҳ. *Садди Искандарий*, 170-Т;

~ **и мужаррад** – ёлғиз, танҳо дарвеш:
Шайхул-ислом дебдур ким бузург эрди дарвеши мужаррад ва зариф сўфиййанинг зурафосидин. *Насойимул-муҳаббат*, 173-Т;

~ **кил-** – дарвешлик, фақирлик, қилмоқ:
Шоҳлар дарвеши ву дарвешлар шоҳи ки Ҳақ
Шоҳ қилди суратин дарвеш қилди сийратин. *Бадойиул-васат*, 489-Т.

ДАРВЕШВАШ [درویش وش] – сўфиларга ўхшаш, дарвешсифаг:
Шоҳ дарвешваш эрса шаҳдур,
Шоҳ-у дарвеш ишидин огаҳдур. *Фавойидул-кибар*, 674-Т;
Мавлоно Атоий... дарвешваш ва хушхулқ ва мунбасит киши эрди.
Мажолисун-нафоис, 68-Т;.
Ул сипоҳий йигит эрди. Оти Мақсуд Али, аммо номурод ва дарвешваш йигит эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 402-Т.

ДАРВЕШВАШЛИК [درویش وش لیک] – дарвеш сифатлик:
Бошиға кийз бўрк қўяр эрди ва назм аҳлининг акобири била суҳбат тутуб эрди. Кўпи ани дарвешвашлик жиҳатидин таъзим қилурлар эрди.
Насойимул-муҳаббат, 437-Т;
Кўнглига Ҳақдин етиб огоҳлиғ,
Билди ким дарвешликдур шоҳлиғ. *Лисонут-тайр*, 147-Т.

ДАРВЕШДЎСТ [درویش دوست] – фақирларга иноят қилувчи, камбағалларга шафқат қилувчи:
Ҳақ субҳонаҳу ва таоло дарвешдўст подшоҳлар сояи иқболин дарвешлар бошиға мустадом... тутсун. *Муншаот*, 14-124.

ДАРВЕШЛИК/ДАРВЕШЛИҒ/ДАРВЕШЛИК [درویش لیک/درویش لیغ/درویش لیق] –
1. фақирлик, камбағаллик, дарвешлик; тақводорлик:
Пайғамбар дарвешликни тавонгарликка ва фақрни ғиноға ихтиёр қилди.
Насойимул-муҳаббат, 51-Т;
Шоҳо келди шоҳлик мусаллам санга,
Не шаҳлиқ ки дарвешлик ҳам санга. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255;
Бошиға кийз бўрк қўяр эрди ва назм аҳлининг акобири била суҳбат тутуб эрди. Кўпи ани дарвешвашлик жиҳатидин таъзим қилурлар эрди.
Насойимул-муҳаббат, 437-Т;
Кўнглига Ҳақдин етиб огоҳлиғ,
Билди ким дарвешликдур шоҳлиғ. *Лисонут-тайр*, 147-Т;
Бу иш дарвешликда хуш сифатдур,
Вале шаҳлиғда нохуш хосиятдур. *Фарҳод ва Ширин*, 174-Т;
2. зоҳидлик, сўфийлик:
Салотин илтифот қилурлар эрди аммо дойим майллари дарвешлик сари эрди.
Насойимул-муҳаббат, 403-Т;
Нечун ким дарвешлик фано касбидур балки фанойи маҳздур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-12;
Мавлоно Муқбилий... дарвешлик суратида юрур. *Мажолисун-нафоис*, 87-Т;
Шоҳлар дарвиши ву дарвешлар шоҳи ки бор
Шоҳлиғ сурат анга дарвешлиғ сийрат анга. *Ғаройибус-сиғар*, 34-Т.

ДАРВЕШМАШРАБ [درویش مشرب] – дарвеш табиат:
Мавлоно Муқимий ... ҳарийлиғ эрди. Дарвешмашраб киши эрди. Сўфийя истилоҳатидин ҳам вукуфи бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 69-Т.

ДАРВЕШОЙИН [درويش آيين] – дарвешсифат, дарвешмонанд, дарвешойин:

Тут анга ким иши бўлди тамкин,
Оти султон ўзи дарвешойин. *Фавойидул-кибар*, 673-Т.

ДАРВЕШОНА [درويشانه] – дарвешларга ўхшаш, дарвешсимон, дарвешларча:

Бу халойиқдин кўпи андақ эрди ким борур чоғларида Паҳлавоннинг мурувват ва караминдин йўл харжиси ва баъзи дарвешона либослар ва табаррукларға ҳам мустафид бўлуб борурлар эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;

Мавлоно Муҳаммад Жомий... ахлоқ ва сифоти дарвешона ва сулук ва равиши бехешона. *Мажолисун-нафоис*, 28-Т.

ДАРВЕШСИЙРАТ [درويش سيرت] – дарвешсийрат:

Ҳакимсурат дарвешсийрат балки дарвеши аҳам ҳукумати қасам...
Садди Искандарий, 511-Т.

ДАРВЕШСИФАТ [درويش صفت] – ахлоқи, сифати дарвешларга монанд; дарвешсифат:

Яъқуб Мирзо... дарвешсифат ва фонийваш эрди.
Мажолисун-нафоис, 195-Т.

ДАРВЕШХЎЙ [درويش خوى] – дарвешларга ўхшаш, феъли дарвешларча, қилиғи дарвешона:

Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,
Шаҳ ўлса вале бўлса дарвешхўй. *Тарихи мулуки ажам*, 16-255.

ДАРВЕШХЎЙЛУҚ [درويش خويلوق] – дарвешхўйлик:

Султон Маъсуд Мирзо... вафо ва дилжўйлуқ анинг шиори сахо ва дарвешхўйлуқ анинг шаҳкори. *Мажолисун-нафоис*, 201-Т.

ДАРВОЗА [دروازه] – дарвоза, шаҳар, қалъа эшиги:

Фитна хайлиға мамар дарвозаси,
Фитнагар токи сипехр андозаси. *Лисонут-тайр*, 96-Т;

Хандақининг умқиға андоза йўқ,
Буржи ўн икки анга дарвоза йўқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-87;

Бор эди дарвозаға сурмак ҳамон,
Ҳар саридин халқ югурмак ҳамон. *Ҳайратул-аброр*, 7-174.

ДАРГАҲ/ДАРГОҲ [درگاه/درگه] – 1. эшик, остона, бўсаға:

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг. *Мезонул-авзон*, 60-Т;

Отланиб шаҳ сари хиром этти,
Ўпубан даргаҳ эҳтиром этти. *Сабъаи сайёр*, 10-199;

2. даргоҳ; ҳовли, уй:

Бошимни пири харобот даргаҳида кўйай,
Ки бор эшикида шоҳ-у гадо гадо била шоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 408-Т;

Бўйла даргоҳ ичра пири бохабар,
Кўрмади махлуқ жинсидин асар. *Лисонут-тайр*, 131-Т;

Мир Ҳайдар... ато-атодин бу даргоҳнинг байриси балки туғмасидур.
Мажолисун-нафоис, 168-Т;

3. сарой, қаср, шоҳ саройи, ўрда:

Ул даргоҳдин келди расули мақбул,
Афлокдин андақ ки наби қилди нузул. *Муншаот*, 14-208;

Шоҳ даргоҳига гар бор эса ҳожиб мониъ,
Эй гадо мужда ки беҳожиб эрур бу даргоҳ. *Хазойанул-маоний*, IV6-535;

4. Тангри хузури, Худо қаршиси:
Шайх Лукмон деди ки бизга Ҳақ даргоҳида арбада буюрурсен.
Насойимул-муҳаббат, 110;

Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсен,
Қабули халқ учун ортукси тоат илтизом айлаб. *Ғаройибус-сиғар,* 72-Т;

~ **и изз-у жалол** – иззат ва улуғлик, шукуҳлилик саройи, қасри:
Ким эрур бу даргаҳи изз-у жалол,
Ҳар киши йўл топмағи йўқ эҳтимол. *Лисонут-тайр,* 131-Т;

~ **и олийшон** – баланд мартабали, мўътабар жой:
Эй Навоий Каъбаи мақсуд жойин истасанг,
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин ўп. *Хазойинул-маоний,* 16-87;

~ **и фалакиштибоҳ** – фалакиштибоҳ даргоҳи:
Фалакнинг андин ким фазл аҳлиға ҳасади бор, пуртақсир била ани даргоҳи фалакиштибоҳдин йирақ солибдур. *Мажолисун-нафоис,* 168-Т;

~ **и шаҳи олийжаноб** – олий жаноб шоҳ даргоҳи:
Эй Навоий бир сари бўлди бу ғамлар чун санга,
Азми даргоҳи шаҳи олийжаноб ўлди яна. *Ғаройибус-сиғар,* 407-Т;

~ **и қадр** – эътибор, шараф, хосият, даража даргоҳи:
Шоҳи сипеҳрқадр Абобакр ул шаҳи
Ким кўк равоқи даргаҳи қадриға тоқ эрур. *Ғаройибус-сиғар,* 531-Т.

ДАРГАҲНАВАРД [درگه نورد] – шаҳар-қишлоқ, саройлар кезувчи:
Шайх ани кўргач деди к-эй раҳнавард,
Васл истаб води ву даргаҳнавард. *Лисонут-тайр,* 257-Т;
Чу етти паёмовари раҳнавард,
Бўлуб жабҳадин хоки даргаҳнавард. *Садди Искандарий,* 63-Т.

ДАРГАҲНИШИН [درگه نشين] – сарой аҳли:
Уторид ки мавлойи даргаҳнишин,
Қачан хома йўнса бўлуб ризачин. *Садди Искандарий,* 79-Т;
Сўзин фаҳм этиб хайли даргаҳнишин,
Шоҳ оллинда арз эттилар келишин. *Садди Искандарий,* 317-Т.

ДАРГАҲҲИРОМ [درگه حرام] – даргоҳҳиром:
Ёниб чун бўлуб ўрниға раҳҳиром
Яна бир бўлуб хоки даргаҳҳиром. *Садди Искандарий,* 177-Т.

ДАРГИР [درگير] – 1. олишув:
Билиб барча ким манъ-и даргир эмас,
Ризодин ўкун ҳеч тадбир эмас. *Садди Искандарий,* 444-Т;
2. таъсир, асар:
Насиҳат мизожида даргир йўқ,
Кучум етмас-у ўзга тадбир йўқ. *Садди Искандарий,* 72-Т.

ДАРГОҲЛИҒ [درگاه ليغ] – даргоҳлик:
Санга айлабан хоки даргоҳлиғ,
Анинг отин айтсам эди шоҳлиғ. *Садди Искандарий,* 481-Т.

ДАРД [درد] – 1. дард, оғриқ:
Агар сен ани есанг барча нур бўлғай ва агар ул сени еса барча дард бўлғай.
Насойимул-муҳаббат, 120;

Гар манга бу дард бедармон эрур,
Лек дармони санга осон эрур. *Лисонут-тайр,* 20-Т;

2. ғам, кулфат, азоб, қайғу, меҳнат, заҳмат:
Паҳлавон мотамидин гамзада бўлуб юз дард-у ҳасрат била қайтиб келдилар.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 118-Т;

Ранжимни ўзунгга олдинг асру,
Дарду аламимға қолдинг асру. *Лайли ва Мажнун,* 343-Т;
Ё Раб ки Навоий ғам-у дардиға давобер,
Ким ёр саломатлиғи дардиға даводур. *Фавойидул-кибар,* 191-Т;

3. ишқ, севги, муҳаббат:
Маъшуқ ҳусну жамолининг бениҳоялиғи ва ноз-у истиғносининг беҳадд-у ғоятлиғи... андин сўнг ошиқ дард-у шавқининг фаровонлиғи.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-499;

Ҳар кимга ўлум бўлса восил,
Гар дардию ҳоли йўқ не ҳосил. *Лайли ва Мажнун,* 62;

3. ошиқ:
Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
Кўпраги дард эрди лекин ози соф. *Лисонут-тайр,* 208-Т;

~ **и азалий** – азалий ишқ дарди:
Қайснинг дарди азалий ҳароратидин халойиқ назариға исиғ кўрунгани.
Лайли ва Мажнун, 89-Т;

~ **аҳли** – ошиқлар:
Дард аҳлининг нафаси бир ўтдур ким қаттиқ кўнгулни юмшатур ва куруғ кўзни йиғлатур. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-511;
Чарх дард аҳлига бедод айлабан,
Тоғ тоғ андуҳ ижод айлабан. *Лисонут-тайр,* 100-Т;

~ **и бедаво** – иложсиз дард; тузатиб бўлмайдиган оғриқ:
Насиҳат аҳли ўлтурманг дамодан ишқ-у дард аҳлин,
Демай бедардсиз биллоҳ ки дарди бедаводурсиз. *Бадойиул-васат,* 157-Т;
Фироқ тиралигининг можароси ва ўз куймаклигиниинг дарди бедавоси.
Мажолисун-нафоис, 217-Т;

~ **и бедармон** – иложсиз дард, даволаб бўлмайдиган хасталик; кутулиш қийин бўлган ҳодиса:
Чу андақ ҳажри бепоёнға қолди,
Не ҳижрон дарди бедармонға қолди. *Фарҳод ва Ширин,* 392-Т;

~ **и биёбони** – муҳаббат саҳроси, дарди:
Ишқида саргашта чу гардун бўлуб,
Дард биёбонида Мажнун бўлуб. *Ҳайратул-аброр,* 7-74;

~ **и ганж** – ганж дарди:
Дард-у ганжи шарҳини эй ким тиларсен қилмишам
Ғусса неши навки бирла ганжи вайронимда сабт. *Бадойиул-васат,* 60-Т;

~ **и дил** – кўнгил дарди; кўнгид изтироби, ғами, ҳасрати:
Ҳусули ранж-у дарди дилдур асру,
Ул ойнинг оллида мушкилдур асру. *Фарҳод ва Ширин,* 306-Т;

~ **и дом** – тузоқ дарди, изтироби:
Гарчи дарди дом қилдилар рам,
Мажнуни рамида турди бир дам. *Лайли ва Мажнун,* 201-Т;

~ **и жилвагоҳ** – дард, ғам-гусса, ранж жилвагоҳи:
Сафҳа юзи дарди жилвагоҳи,
Масаттар хатти ҳижр шоҳроҳи. *Лайли ва Мажнун,* 375-Т;

~ **и жовидона** – абадий, мангу хасталик дарди:
Ул тоқ уза дарди жовидона
Чолсун бу тарабда шодиёна. *Лайли ва Мажнун,* 92-Т;

~ **и жонгох** – қалб, жонга азоб берувчи дард:
Даво топмайин дарди жонгоҳиға,
Қадам қўйди ўз хони даргоҳиға. *Садди Искандарий*, 321-Т;
~ **и жоний** – жон изтироби:
Валекин будур дарди жоний манга,
Ғам-у меҳнати жовидоний манга. *Садди Искандарий*, 488-Т;
~ **и жонсўз** – жон ўртовчи дард:
Не жон-у анда не юз дарди жонсўз
Не кўнгул не анга минг неши дилсўз. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т;
Чу Фарҳод анча оҳ-у дарди жон сўз,
Кўруб ким зоҳир этти ул сиёҳрўз. *Фарҳод ва Ширин*, 367-Т;
~ **и ишқ** – ишқ дарди:
Кимга дарди ишқ муставлодурур,
Тарки жон этмак анга авлодурур. *Лисонут-тайр*, 92-Т;
Дарди ишқ ойини мундағму бўлур,
Зуҳд эли тамкини мундағму бўлур. *Лисонут-тайр*, 109-Т;
~ **и иштиёқ** – соғинганлик қайғуси; муштоқлик дарди:
Қил ҳиром эй кабки кўҳсори фирок,
Лаъл этиб кўзунгни дарди иштиёқ. *Лисонут-тайр*, 51-Т;
~ **и муфрит** – ҳаддан ташқари дард:
Йўл кўрунур эрди ву поёни йўқ,
Дарди муфрит эрди ву дармони йўқ. *Лисонут-тайр*, 131-Т;
~ **и мухлик** – ҳалок қилувчи дард, хасталик:
Дард мухлик умрининг таъжили кўп жонинг учун,
Ким масиҳимни келтур бошимға бирдам эй рафик. *Ғаройибус-сиғар*, 251-Т;
~ **и ниҳон** – яширин, ниҳон дард, хасталик:
Дардини бас ки ниҳон туттум ўлармен пинҳон,
Воқиф эткил ани бу дарди ниҳондин ё Раб. *Фавойидул-кибар*, 51-Т;
~ **и ноёб** – кам учрайдиган дард:
Ранжу кўшиш санчибан жисмингға неш,
Дарди ноёб айлабан жонингни реш. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
~ **и ноёфт** – ноёб, ниҳоятда кам учрайдиган дард, хасталик:
Биз ким-у васл муроди ҳайҳот
Дарди ноёфт эрур бизга талаб. *Фавойидул-кибар*, 48-Т;
~ **и сар** – 1. бош оғриқ; дардисар:
Эй Навоий хонақоҳда кўрмадинг жуз дарди сар,
Ани дафъ айларга юзлан кулбаи хамморға. *Хазойинул-маоний*, IV6-561;
Майда соқий магар қилиб эди ҳал,
Дарди сар дафъиға қизил сандал. *Сабъаи сайёр*, 10-306;
2. қийинчилик, мушкул ташвиш; ғам ташвиши, андуҳи:
Эй Навоий фақр мулкин тут ғанимат зинҳор,
Ким ғино-у салтанатнинг кўптурур дарди сари. *Хазойинул-маоний*, IIб-644;
Нетай мундин нари тиғ-у камарни,
Бошимға тож янглиг дарди сарни. *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т;
~ **и тан** – тан дарди, хасталиги:
Ул ой фидоси қилурға топилмади жоним,
Неча ки дарди таним туфрағини ахтарди. *Ғаройибус-сиғар*, 454-Т;
~ **и тоза** – янги хаста, дард, қайғу:
Вале юз мунча дарди тоза бирла,
Ғам-у андуҳи беандоза била. *Фарҳод ва Ширин*, 419-Т;

~ **уйи** – дунё; ҳаёт:
Йиғилишиб ғам шоми зоҳир айласунлар дард уйин,
Кимга ким байтул-ҳазанда шамъдек топилди ёр. *Ғаройибус-сиғар,* 162;
~ **и фирок** – ҳижрон хасталиги, ажралиш изтироби; айрилиқ:
Ҳилол-у меҳр-у шиҳоб ўлди наъл-у доғ-у алиф,
Фалакка бўлғали сендин насиб дарди фирок. *Ғаройибус-сиғар,* 454-Т;
Ёр иштиёқи суубатида ва дарди фирок укубатида бу матлаъ беҳад дилнавоз ва бағоят жонгудоз воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис,* 218-Т;
~ **и фурқат** – фирок дарди:
Бўлуб маънус ранжи ғурбатимда,
Келиб маълуф дарди фурқатимда. *Фарҳод ва Ширин,* 448-Т;
~ **и химор** – хумор дарди:
Дўстлуғ айлаб тутунг гаҳ гаҳ лаболаб жом ким
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор эй дўстлар. *Бадойиул-васат,* 113-Т;
~ **и шавқ** – зўр ҳавас, шавқ дарди:
Итлари синған сафоли ичра чектинг дарди шавқ,
Эй Навоий ани жом ўзунгни жамшид айладинг. *Ғаройибус-сиғар,* 277-Т;
~ **и шалойин** – шалайим хасталиги:
Ҳажр дардин кўнглума кам қилди ҳолинг оқибат,
Доғ эмиш дарди шалойин хастаға охир даво. *Ғаройибус-сиғар,* 54;
~ **и ғамандуд** – ғамли, қайғули, ғамгин дард:
Манга бас эрди бу дарди ғамандуд,
Ки то Тангри вужудум қилди мавжуд. *Фарҳод ва Ширин,* 452-Т;
~ **и ғурбат** – ғурбат дарди:
Чу дарди ғурбатингни ёд этармен,
Ҳазин жонимға юз бедод этармен. *Фарҳод ва Ширин,* 419-Т;
~ **и ҳажр** – ҳижрон, жудолик хасталиги, дарди:
Дарди ҳажрингдин Навоий юзи олтун ашки дур,
Ҳар киши сенинг гадойингдур эрур мундақ ғани. *Ғаройибус-сиғар,* 447-Т;
Дарди ҳажрингдин Навоий кўкси узра доғ-у наъл,
Тан ҳаримиға ажаб гар шамса ву айвон эмас. *Ғаройибус-сиғар,* 198-Т;
~ **и халок** – ҳалокат дарди:
Вале чун билмиш эрди ишқи покин,
Бу янглиғ ишқ аро дарди ҳалокин. *Фарҳод ва Ширин,* 334-Т;
~ **и ҳасрат** – дарду ҳасрат:
Сен жаҳон мулкида минг йил бўлди тут,
Дарди ҳасрат бирла охир ўлди тут. *Лисонут-тайр,* 137-Т;
~ **-у ҳасрат** – дарду ҳасрат:
Неча бўлғай васлинг уммидиға дард-у ҳасратим,
Раҳм қил ким йўқ турур ҳажрингда эмди тоқатим. *Мажолисун-нафоис,* 223-Т;
Маъшуқ умидида дард-у ҳасратини изҳор қилиб бетоқатлиғиға раҳм этмасида... *Мажолисун-нафоис,* 223-Т;
~ **и ҳижрон** – айрилиқ ғам-алами, ҳижрон дарди, изтироби:
Сендин айри то асири дарди ҳижрон қолмишам,
Бу ки ўлмай қолмишам ҳолиға ҳайрон қолмишам. *Ғаройибус-сиғар,* 337-Т;
Саъб эрур гарчи дарди ҳижронинг,
Азм этарбиз гар ўлса фармонинг. *Сабъаи сайёр,* 10-254;
~ **и ҳол** – мушкул ҳол-аҳвол:
Илоҳи дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилса санга таважжуҳ эткаймен ва агар сен рад қилсанг неткаймен ва кимга кеткаймен. *Муножот,* 16-295;

Ҳайрат этти зойил андин ақлу ҳуш,
Дарди ҳолин дер киши бўлди хамуш. *Лисонут-тайр*, 263-Т;

~ **-у бало** – дарду бало:
Сен эттинг шамъ-у гулда жилва ким парвона ву булбул,
Бири куйди бирига бўлди юз дард-у бало пайдо. *Наводируш-шабоб*, 3-Т;

~ **у бало тиканлари** – ғам, кулфат, жазо, офат тиканлари:
Сафар водийсида мусофир аёғиға дард-у бало тиканлари кўп санчилур.
Маҳбубул-қулуб, 154; 9(10)-538;

~ **-у бало чоқини** – ғам-кулфат, жафо, озор яшини:
Бу ишқ изҳоридур ва барчанинг шавқ-у ано ёлинидин ажз-у ниёзлиқ ҳолоти ва дард-у бало чоқинидин сўзу гудозға мубоҳоти ўзин бу ишққа мансуб қилмакдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-69;

~ **-у бехудлуқ** – ҳушсизлик дарди:
Ошиқи Мажнун-у майдин маст ҳам,
Дард-у бехудлуқ била ҳамдаст ҳам. *Лисонут-тайр*, 119-Т;

~ **-у доғ** – дарду доғ:
Гуруҳи эрди дард-у доғ ичинда,
Ариқ қазмаққа шоғил тоғ ичинда. *Фарҳод ва Ширин*, 282-Т;

~ **-у ишқ оташкадаси** – ишқ манбаи:
...назм бешасининг ғазанфари ва дард-у ишқ оташкадасининг самандари ва завқ-у ҳол водийсининг покрави Амир Хусрав Деҳлавийдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-498;

~ **-у меҳнат** – меҳнат азоби:
Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,
Дард-у меҳнат бирла хуштур эр киши. *Лисонут-тайр*, 61-Т;

~ **-у офат** – офату дард:
Деди минг манзил масофат англағил,
Борчасида дард-у офат англағил. *Лисонут-тайр*, 236-Т;

~ **-у оҳ** – оҳу азоб:
Ҳеч қайси қавм аро йўқ бўйла шоҳ,
Ансиз ўлғанларга юз минг дард-у оҳ. *Лисонут-тайр*, 45-Т;

~ **-у ранж** – дарду ранж:
Ким узун эрди йўл-у кўп офати,
Бениҳоят ранж-у дард-у шиддати. *Лисонут-тайр*, 238-Т;

~ **-у суубат** – дарду азоб:
Бир манзил эрур анда басе ранж-у укубат,
Тушкан кишига анда ўкуш дард-у суубат. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-474;

~ **-у ғам** – дарду ғам:
Дард-у ғам эрди анга ёр-у надим,
Ҳажр зиндонида Юсуфдек муқим. *Лисонут-тайр*, 124-15;

~ **-у ҳол** – ғам – қайғу, дарду ҳол:
Ва дард-у ҳол аҳли абётдин маълум қилурлар ким Паҳлавоннинг табъида не қадар дарду ҳол чошниси бор экандур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т;

~ **ила доғ** – дард ила доғ:
Гар атфол этса майли сабза ву боғ,
Кичикдин эрди қасмим дард ила доғ. *Фарҳод ва Ширин*, 453-Т;

~ **ин айт-** – ғам андуҳларини сўзламоқ, ҳасрат қилмоқ, кўнгилни ёзмоқ:
Тавба қилиб машойих хизматиға бориб ўз дардин айтиб турғанининг иложин тиламиш. Магар имом Юсуф ибн Ҳусайн хизматиға Райға борурдин ўзга чора топмамиш. *Насойимул-муҳаббат*, 82;

~ **пайдо бўл-** – тўлғоқ тутмоқ, туғиш дарди тушмоқ:
Сафураға туғурур дарди пайдо бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-136;
~ **туш-** – ғам тушмоқ:
Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳодийи тавфиқни сарвақтиға еткурди ва кўнглига дарде тушти. *Насойимул-муҳаббат,* 160;
~ **эт-/қил-** – хаста қилмоқ, изтироб чекмоқ:
Боқиб кўнглига ву тавҳид этиб дард,
Ки бу уйдин чиқарғум оқибат гард. *Фарҳод ва Ширин,* 140-Т;
Мажмуъи девони дард қилди,
Дардинг ки манга даво бўлубтур. *Ғаройибус-сиғар,* 143-Т;
~ **-у ғам айла-** – дарду ғам айламоқ:
Сурудий ким улусни хуррам айлаб,
Анинг хуррамлиғин дард-у ғам айлаб. *Фарҳод ва Ширин,* 141-Т;
~ **бўл-** – изтироб чекмоқ, ошиқлик ғам ва алами, ташвиш тортмоқ:
Дард келди ишқ сўзидин нишон,
Дард бўлмай ошиқ ўлмас жонфишон. *Лисонут-тайр,* 92-Т;
~ **жомин тут-** – ишқ дардининг жомини тутмоқ:
Дард жомин тут мени зор эткудек,
Ишқ дарди кўнглума кор эткудек. *Лисонут-тайр,* 92-Т;
~ **кел-** – дард келмоқ, дард пайдо бўлмоқ:
Дард келди ишқ сўзидин нишон,
Дард бўлмай ошиқ ўлмас жонфишон. *Лисонут-тайр,* 92-Т;
~ **элт-** – қайнамоқ, азобламоқ:
Сен ўзунг бирла ниёз-у дард элт,
Жисми зор-у жони ғампарвард элт. *Лисонут-тайр,* 190-Т;
~ **и дил қил-** – кўнгулга дард, изтироб бермоқ, келтирмоқ:
Кишига дарди дил қилман кўнгулга тиғлар урсанг,
Ки эрмас ҳўблардин нотавонларға шикоят хўб. *Наводируш-шабоб,* 48-Т;
~ **и дилин айт-** – ўз хасталигини баён қилмоқ; ҳижрон азобини айтмоқ:
Паривашнинг туфулийят жиҳатидин ёрлиғ билмасин ва анинг шавқидин шайдо кўнгли ҳушёрлиғ билмасин зоҳир қилиб дард аҳли қошида *ўз* дарди дилин айтибдур. *Мажолисун-нафоис* 244-Т;
~ **-у меҳнат тошиға бош ур-** – кулфат азоб-уқубатга дучор бўлмоқ:
Кўп урдум дард-у меҳнат тошиға бош,
Ки синди ҳар тарафдин бош-у ҳам тош. *Муншаот,* 14-207.

ДАРДКАШ [دردکش] – дардли, дардманд, аламкаш:
Бир ўт дардкашларға солғай ки даҳр,
Топа олмағай шуъладин ўзга баҳр. *Садди Искандарий,* 77-Т;
Жунундин ақлкуш бал дардкаш ҳам,
Пари рухсора бал девонаваш ҳам. *Фарҳод ва Ширин,* 104-Т.

ДАРДЛИҒ [دردلیغ] – дардли, хасталик; қайғули, аламли, гамли:
Дардлиғ кўнгул шуълалиғ чароғ, ёшлиғ кўз – сулуқ булағ.
Маҳбубул-қулуб, 14-121;
Оразинг муштоқидур бу кўз ки бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлуғдин газанд. *Ғаройибус-сиғар,* 115-Т;
Заифе чекса эрди дардлиғ оҳ,
Бу тортар эрди юз минг оҳи жонкоҳ. *Фарҳод ва Ширин,* 363-Т.

ДАРДМАНД [دردمند] – 1. хаста, дардли; ғамли, қайғули:

Илоҳи хаёлимни ниёз-у дард аҳлиға мойил тут ва ниёзим кўзин дардмандлар аёғи туфрағи била ёрут. *Муножот*, 16-299;

Муҳаммад Али... дардманд йигит эрди. *Мажолисун-нафоис*, 73-Т;

2. ишқ дардига мубтало ошиқ:

Ожиз ўлғач чорадин ул дардманд,
Келди устоз оллиға зору нажанд. *Лисонут-тайр*, 159-Т;

~ **и маҳжур** – ҳижрон дардманди:

Ё Раб мени дардманди маҳжур
Ким ишқ ўти жоним этти маҳрур. *Лайли ва Мажнун*, 366-Т;

Мискин мени дардманди маҳжур,
Топмай тан аро нишонайи руҳ. *Лайли ва Мажнун*, 131-Т;

~ **и ношод** – дардли, қайғули, нохурсанд:

Султонсен-у йўқтурур санга ҳукм,
Лекин мени дарманди ношод. *Бадойиул-васат*, 480-Т;

~ **и овора** – саргардон ошиқ:

Санга эй дардманди овора,
Сўз будур ки гар айлабан чора. *Сабъаи сайёр*, 10-301;

~ **бўл-/ўл-** – хаста, дардманд бўлмоқ:

Билки сендиндур бари дардим не фикринг ҳолима,
Дардманд эл ҳолин ул билгай ки бўлғай дардманд. *Фавойидул-кибар*, 129-Т;

Истагунча эй кўнгул ҳар дам даво дард истагил,
Ким даво топмақ эмастур мумкин ўлмай дардманд. *Наводируш-шабоб*, 116-Т;

~ **айла-/эт-** – хаста, дардли этмоқ:

Дардманде айлади бир кун савол,
Ким недур сизга бу меҳнат ичра ҳол. *Лисонут-тайр*, 201-Т;

Гар маразнинг лозими дард ўлди билман эй кўнгул,
Дардманд эткайму аё дилистонимни мараз. *Бадойиул-васат*, 210-Т.

ДАРДМАНДЛИҒ [دردمندليغ] – дардлик, ғамлик, қайғулик, аламлик:

Оташгоҳ ҳарорати гармравларидин бири Хусрави номи ва майкада дардмандлиғи номиларидин бири Жомий. *Маҳбубул-қулуб*, 14-65.

ДАРДМАНДОНА [دردمندانه] – дардли, ғамли, қайғули, дардлик, хасталикка доир:

...ҳар дардмандона байт била ишқ аҳли кўнглига барқи бало чақилғай... *Мажолисун-нафоис*, 203-Т;

Ҳар муғанний ки дардмандонарақ нағма чекар анинг захмаси захмлиқ юракка коргаррақ тегар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-468;

~ **туш-** – ошиқона бўлмоқ:

Ишқ зулми тортқанда кўзга ҳам ёр ва ҳам ғайр сари бокардин манъ қилур маънида бу матлаъ ҳам ошиқона ҳам дардмандона тушубдур. *Мажолисун-нафоис*, 236-Т.

ДАРДМАНДШЕВА [دردمندشيوه] – касалванд:

Мавлоно Сайфий... бағоят дарвешваш ва фонийсифат ва дардмандшева йигитдур. *Мажолисун-нафоис*, 153.

ДАРДНОК [دردناک] – 1. дардлик, дардга мубтало; ошиқ, севгига мубтало бўлган:

Не назми дер эрсам мени дарднок,
Ки ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок. *Хазойинул-маоний*, 1а-469;

Замири ройи покингдин дариғо,
Фиғони дарднокингдин дариғо. *Фарҳод ва Ширин*, 299-Т;

2. хастали, хафа:
Бу иштин жаҳон бўлмасун дарднок,
Чу қойим-мақом ўлди пайдо не бок. *Садди Искандарий*, 499-Т;

3. ғамли:
Ошиқ ани бил ки эрур дарднок,
Ҳам тил-у ҳам кўзи ву ҳам кўнгли пок. *Ҳайратул-аброр*, 7-193;

~ **бўл-** – дарднок бўлмоқ:
Маъшуқ чу дарднок бўлди,
Ошиқни не дей ҳалок бўлди. *Лайли ва Мажнун*, 352-Т;
Тири борони фироқингдин танимни истамен,
Ким кўзунгга учрағай ким бўлмиш асру дарднок. *Наводируш-шабоб*, 323-Т;

~ **айла-/эт-** – дардлик этмоқ, дардга мубтало этмоқ:
Бири нолаи дарднок айлабан
Бири далқ пашмина чок айлабан. *Садди Искандарий*, 77-Т;
Ҳам ани жаҳон дарднок айлади,
Не берганни олиб ҳалок айлади. *Садди Искандарий*, 475-Т;
Ғариблиғ на кўнглумни дарднок этти,
Шикасталик яна кўксумни чок чок этти. *Ғаройибус-сиғар*, 459-Т.

ДАРДО КИ [دردا کی] –эй воҳ; дариғ, афсуски:
Дардо ки лаҳза фузундур малолатим,
Ҳижрон малолатидин эрур саъб ҳолатим. *Бадойиул-васат*, 317-Т;
Дардо ки олам аҳлида бир ёр топмадим,
Тун кун ниёзи шом-у дуойи саҳар била. *Ғаройибус-сиғар*, 403-Т.

ДАРДОЛУД [درد آلود] – дардли, ғамли, дардга ўралиб қолган, аламли:
Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,
Бу важҳидин ки қилур майл хублар сари дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 111-Т;
Кўнгул ҳароратин англатти оҳи дардолуд,
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд. *Мезонул-авзон*, 49-Т.

ДАРДПАЙВАНД [درد پیوند] – дардга улашган, дардчил:
Эшиткучи бўлса дардпайванд,
Ёрур ичи анинг ўтка монанд. *Лайли ва Мажнун*, 382-Т.

ДАРДПАРВАНД [درد پروند] – дардчил, дардга улашган:
Ул гар бўлуб эрса дардпарванд,
Лекин манга икки анчадур дард. *Лайли ва Мажнун*, 335-Т.

ДАРДПАРВАР [درد پرور] – дардли, кўп дард чеккан:
Чун Навоий ўлди итлар дардпарвар жисмини
Тўъма қилмақ йўқ ки рад айларда айлар талош. *Бадойиул-васат*, 187-Т.

ДАРДПАРВАРД [درد پرورد] – оғриқ, дард, алам билан етишган:
Бу базми ғам ичра дардпарвард
Бу навъ чекар суруди пурдард. *Лайли ва Мажнун*, 318-Т;
Кетур соқий шароби дардпарвард,
Ки бўлди кўнглумуз парвардаи дард. *Фарҳод ва Ширин*, 139-Т;
Ғамгин чекиб оҳи дардпарвард,
Бу нав деди ки эй жувонмард. *Лайли ва Мажнун*, 223-Т;

~ **бўл-** – дардпарвард бўлмоқ:
Сомиъ неча бўлса дардпарвард,
Афсонада ҳам керакдурур дард. *Лайли ва Мажнун*, 381-Т.

ДАРДПЕША [درد پیشه] – дард соҳибш; дардли, қайғули:
Аввалғи зумрадин бовужуд дардпешасининг ғазанфари ва ишқ оташгоҳининг самандари маъдани жавоҳири маънавий Амир Хусрав Деҳлавий.
Ғаройибус-сиғар, 8-Т.

ДАРДСИЗ [درد سیز] – беғам, бепарво, дардсиз:
Ишқсиз кесак, дардсиз эшак. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-540;
~ **бўл-/ўл-** – дардсиз бўлмоқ:
Эй Навоий дардлиғ назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз дағи бўлур ани ўқуғач аҳли дард. *Бадойиул-васат*, 98-Т;
Агарчи дардсиз ўлмас даво валек менинг,
Бу дард истаганимдин эмас даво малҳуз. *Ғаройибус-сиғар*, 231-Т.

ДАРЁ [دریا] – 1. денгиз; дарё:
Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйиға бир маза бор. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-193;
Сўз дурредур ки анинг дарёси кўнгул. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;
2. денгиз:
Ғаройиб ки дарёда бўлгай ниҳон,
Анга зоҳир ўлди жаҳон дар-жаҳон. *Садди Искандарий*, 152-Т;
Бўлди тожир лужжаи савдода ғарқ,
Лек бўлди кемаси дарёда ғарқ. *Лисонут-тайр*, 84-Т;
Илми дарёсиға ҳубоб сипеҳр,
Иўқ ки ул баҳр ичинда гавҳари меҳр. *Сабъаи сайёр*, 25-5;
3. чексиз, чегарасиз, мўл:
Ўзи дарё сўзи дурдек муҳайё,
Яна маънидин ул дур ичра дарё. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т;
Дема ганж ким етти дарё дегил,
Не дарё тўққуз чархи воло дегил. *Садди Искандарий*, 400-Т;
4. асар, китоб («Мантиқут-тайр»га ишора):
Дурға гарчи топмаса ҳам дастрас,
Йиғса дарё мавжидин хошок-у хас. *Лисонут-тайр*, 269-Т;
5. маъно дарёси; илм:
Гарчи ғаввосе чекиб ранж-у ано.
Ўзни бу дарёға айлаб ошино. *Лисонут-тайр*, 269-Т;
Биров ким бу дарёда ғаввос эди,
Манга нуктае дур масаллик деди. *Садди Искандарий*, 401-Т;
6. баҳра олиш, саёҳат қилиш:
Қатра ичгунча дастрас манга йўқ,
Ғайри дарё чекар ҳавас манга йўқ. *Сабъаи сайёр*, 10-40;
~ **йи аброр** – 1. эзгулик, поклик дарёси:
... ки агар ул дарёйи абрордур бу абри баҳордур ки мартабада андин баландрок ва баҳрада андин фойидамандрокдур. *Муҳокаматул-луғатйин*, 183-Т;
2. Хусрав Деҳлавий қасидасиининг номи:
Сўз асносида Мир Хусрав алайҳи раҳманинг «Дарёйи аброр» отлиғ қасидаси мазкур бўлди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-34;
~ **йи афлок** – фалак дарёсининг юлдузлари, нодир дурлари:
Дурри зоти бўлуб дарёйи афлок,
Ки ҳар дурри эрур бир ахтари рок. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;

~ **йи Афранжа-у Рум** – Фаранг ва Рум денгизи:
Ки дарёйи Афранжа-у Рум эди,
Ки ҳолот анга ғайри маълум эди. *Садди Искандарий*, 457-Т;
~ **йи бепоён** – бепоён денгиз:
... ва бу таъриф била мир Хусрав нуввира мақаддаҳу авсофи ким бу гавҳарнинг дарёйи бепоёни ул. *Садди Искандарий*, 75-Т;
~ **йи вусул** – вуслат дарёси:
Бу Саид ул ғарқи дарёйи вусул,
Ким анинг васфида ожиздур укул. *Лисонут-тайр*, 188-Т;
~ **йи гард** – дарё тўлқини, пўртаналари:
Бу дарёйи гард ичра тушкан киши,
Нафас қайтарурдин су ютмақ иши. *Садди Искандарий*, 190-Т;
~ **йи даҳр** – олам, дунё дарёси:
Деди ким паём этти дарёйи даҳр,
Адолат била кишвароройи даҳр. *Сади Искандарий*, 162-Т;
~ **йи жарф** – чукур дарё:
Борғанида бор эди дурри шигарф,
Лек ёнғанда келиб дарёйи жарф. *Лисонут-тайр*, 26-Т;
Қаю қатра су балки дарёйи жарф,
Ки қилмиш анга ҳақ давотим зарф. *Садди Искандарий*, 92-Т;
~ **йи жуд** – дарё инъоми, эҳсони, сахийлиги:
Санга кўргузуб мавжи дарёйи жуд,
Сен айлаб аён коргоҳи вужуд. *Садди Искандарий*, 47-Т;
~ **и заххор** – тўлиб тошган мавжли дарё:
Ҳукамо шоҳни дебдурлар дарёйи заххор ва қавм-у хайлин дарё теграсидаги анҳор. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-461;
~ **йи зоҳир** – очиқ-ойдин, юзадаги дарё:
Бурун етти дарёйи зоҳирни денг,
Яна ўн икки минг жазойирни денг. *Садди Искандарий*, 464-Т;
~ **йи илм** – билим оқими:
Кўнгли бўлуб маскан-у маъвойи илм,
Қатра киби пайкари дарёйи илм. *Ҳайратул-аброр*, 7-216;
~ **йи лутф** – лутф дарёси:
Оразинг ўзра эрур хўй касрати дарёйи лутф,
Недин холинг латофат баҳрининг нилуфари. *Фавойидул-кибар*, 572-Т;
~ **йи махофат** – хавфли дарё:
Қиличи суйи дарёйи махофат
Бўлуб жавҳарлар анда мавжи офат. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;
~ **йи Нил** – Нил дарёси:
Рутубат аро гўйи ул хайли пил
Бўлубтур бари ғарки дарёйи Нил. *Садди Искандарий*, 379-Т;
~ **йи офат** – ғорат келтирувчи дарё; Хусрав қўшинлари:
Қайу бир сайл ким дарёйи офат,
Қайу дарё ки тўфони махофат. *Фарҳод ва Ширин*, 348-Т;
~ **йи раҳмат** – раҳмати дарёмонанд:
... бу табақанинг аҳли иршодидин толибларға барчани ўз фазл-у карами била дарёйи раҳматиға ғарик ва ўз баворики курбиға ҳарик қилғай.
Насойимул-муҳаббат, 259-Т;
~ **йи улум** – билимлар дарёси:
Ул ким бу тўқуз фалакни ақл этса хаёл.
Дарёйи улумиға топар қатрамисол. *Мажолисун-нафоис*, 4-Т;

~ **йи Уммон** – Уммон денгизи; тегсиз денгиз, энг чукур денгиз; океан:
Баҳри аш ким ичра эй ғаввос ким йиғдинг гуҳар,
Бу ки қаърин истадинг дарёйи уммондурму ул. *Фавойидул-кибар*, 355-Т;
~ **йи фано** – фанойлик дарёси:
Базми маъни била дарёйи фано,
Май тағари бу тенгизга гирдоб. *Фавойидул-кибар*, 656-Т;
~ **йи фасоҳат** – фасоҳат дарёси:
Қайу шаҳзода ул кони малоҳат,
Такаллум вақти дарёйи фасоҳат. *Фарҳод ва Ширин*, 496-Т;
~ **йи хунхўр** – қонхўр дарё:
Сипаҳ дема дарёйи хунхўр де,
Фалак баҳри андин намудор де. *Садди Искандарий*, 185-Т;
~ **йи Чин** – Хитой денгизи:
Бешинчи тенгиз келди дарёйи Чин,
Жазира кўп ул суда ҳар дам нишин. *Садди Искандарий*, 452-Т;
~ **йи шавқ** – дарё ва денгизга ўхшаб жўш уриб тўлқинланиб турган шавқ ва истак:
Дарёйи шавқидин мени манъ этма эй хирад,
Ким ўлгум ўйла ким тушар айру судин балиғ. *Фавойидул-кибар*, 293-Т;
~ **йи шоҳи** – шоҳлик дарёси; Фарҳоднинг насл-насаби шоҳлардан эканлигига ишора:
Билиб ул хаста ҳолотин камоҳи,
Ки бор эрмиш дури дарёйи шоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 429-Т;
~ **йи эҳсон** – эҳсон дарёси:
Чу шабнам десам жавҳари жон эрур,
Ки ҳар қатра дарёйи эҳсон эрур. *Садди Искандарий*, 97-Т;
~ **йи қидам** – қадимий дарё:
Зотиға дарёйи қидам чун тошиб,
Бир ён азал бир ён абаддин ошиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-102;
~ **йи ғам** – ғам дарёси:
Ҳар замон кўнглумга ишқ афсонасин ёзмақ не суд,
Чайқалиб дарёйи ғам айлар чу зойил ҳар замон. *Бадойиул-васат*, 341-Т.

ДАРЁАТО [دریا اتا] – саховатли, эҳсонли, мурувватли:
Эшиттим ки ҳоруни дарёато,
Демиш ким чу афв айласам бир хато. *Садди Искандарий*, 57-Т;
Бу сўз ким деди шоҳи дарёато,
Шак эрмас ки бордур саросар хато. *Садди Искандарий*, 164-Т.

ДАРЁБОР [دریابار] – азим дарё, денгиз:
Искандарнинг ҳукамодин дарёбор васфин савол эткани...
Садди Искандарий, 450-Т.

ДАРЁВАШ [دریاوش] – дарё каби, дарёдек:
...ва дарёваш сафиналар адам дарёси тубин тутмақ ва хоқонни дарё талотуми
Мулкоро била Чин мулкига солмақ. *Фарҳод ва Ширин*, 259-Т.

ДАРЁГАРД [دریاگرد] – дарёда юрувчи; сузувчи; ғаввос:
Бу тараф ҳийла сози дарёгард,
Неча кун елдек эрди баҳрнавард. *Сабъаи сайёр*, 10-195.

ДАРЁДИЛ [دریادل] – қалби денгиз каби кенг:
Афв фазилатида ким дарёдил жуванмардлар мужримлар гуноҳи хас-у хошокин
бахшиш насими била кўнгул баҳридин... *Садди Искандарий*, 306-Т;

Ёзмиш эрди ҳакими дарёдил,
Айламак зол сеҳрини ботил. *Сабъаи сайёр*, 10-233.

ДАРЁЖАНОБ [دریا جناب] – кенг даргоҳ, улкан даргоҳ:
Сўз андин сўруб шоҳи дарёжаноб,
Бериб бўйла Сукроти доно жавоб. *Садди Искандарий*, 450-Т.

ДАРЁЗАДА [دریازده] – дарё фалокатига учраган:
... ҳар тарих жўнгин сафҳа сафҳа ахтариб дарёзада ажносқа рад илигин урмақ.
Фарҳод ва Ширин, 109-Т.

ДАРЁЗАМИР [دریاذمیر] – қалби, дили дарё:
Бу маҳозин тилсимотини истеҳком била итмомға еткурмакнинг таҳрири ва ҳам жавоҳир пири дарёзамир равшан кўнглига ер тутқаннинг баёни.
Садди Искандарий, 513-Т;

Дуо қилди донойи дарёзамир,
Ки олсун жаҳон шоҳи дарёназир. *Садди Искандарий*, 455-Т.

ДАРЁЙИ [دریایی] – дарёга тегишли, дарёга мансуб, дарёли, сувли:
Баҳрий жонвардин ажойиб сувар ғоятсоз ва дарёйи суратдин ғаройиб пайкар ниҳоятсиз. *Муншаот*, 14-144.

ДАРЁКАШ [دریاکش] – кемачи, қайиқчи:
Соқиё жом кетур дарёваш,
Ки замоне бўлайин дарёкаш. *Фавойидул-кибар*, 682-Т;
Ваҳ ки ул киштида дарёкаш манга худ йўқ ҳаёт,
Эл дегандин ким фалоннинг кофири бебокидур. *Хазойинул-маоний*, 16-152.

ДАРЁМИСОЛ [دریا مثال] – дарё каби, дарёмонанд:
Аёқчи кетур жоми дарёмисол,
Ки баҳр ичрадур шоҳи дарёнавол. *Садди Искандарий*, 449-Т;
Ки чун сурди доно бу янглиғ мақол,
Хабар топти доройи дарёмисол. *Садди Искандарий*, 456-Т.

ДАРЁМОЯ [دریامایه] – сармояси дарё каби кўп, жуда бой:
Ичинда неча дарёмоя тожир,
Гуҳар савдосиға бўлған мусофир. *Фарҳод ва Ширин*, 269-Т.

ДАРЁНАВАРД [دریانورد] – денгиз саёҳатчиси:
Топиб ҳукм маллоҳи озодмард,
Равон кемани қилди дарёнавард. *Садди Искандарий*, 449-Т;
Мураттаб қилиб шоҳи гардуннабард,
Кириб кемага бўлди дарёнавард. *Садди Искандарий*, 465-Т.

ДАРЁНАВОЛ [دریانوال] – бахшиши денгиз каби:
Чу доро сипоҳиға билди бу ҳол,
Деди лутф этиб шоҳи дарёнавол. *Садди Искандарий*, 217-Т;
Яна қатла доройи дарёнавол,
Деди: к-эй ҳакими Масиҳомисол. *Садди Искандарий*, 235-Т.

ДАРЁНАЗИР [دریا نذیر] – дарёмонанд:
Дуо бирла хоқони дарёназир
Деди к-эй жаҳондори дарёзамир. *Садди Искандарий*, 333-Т.

ДАРЁНАСАБ [دریا نسب] – муътабар, улуғ авлод, насл:

Келиб дарёнасаб гавҳар ҳасаблиқ,
Ишида неча боксанг булъажаблиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т.

ДАРЁСИТЕЗ [دریا ستیز] – дарёдек, денгиздек қаҳрли:

Алар қолдилар ашкдин баҳррез,
Бориб ашкдек шоҳи дарёситез. *Садди Искандарий*, 465-Т.

ДАРЁТАВОФ [دریا طواف] – дарё зиёрати:

Ҳам ул кун ки шаҳ бўлди дарётавоф,
Анинг кўксининг жўнги дарёшигоф. *Садди Искандарий*, 450-Т.

ДАРЁХИРОМ [دریا خرام] – сокин, текис, хиромон окувчи дарё:

Қўпуб раҳши дарё қирағиға гом,
Инонин чекиб шоҳи дарёхиром. *Садди Искандарий*, 447-Т;
Гумон айлабан хайли дарёхиром,
Ки гардун аро айламишлар мақом. *Садди Искандарий*, 466-Т.

ДАРЁЧА [دریاچه] – дарёча:

Дема ҳавз айтқил дарёча ани,
Суйи лекин зулоли зиндагони. *Фарҳод ва Ширин*, 309-Т;
Тузуб шарҳ айларда дебочае,
Ясаб баҳр оллинда дарёчае. *Садди Искандарий*, 161-Т.

ДАРЁШИКОФ [دریا شکاف] – ёрик, дарз дарё:

Ҳам ул кун ки шаҳ бўлди дарётавоф,
Анинг кўксининг жўнги дарёшикоф. *Садди Искандарий*, 450-Т.

ДАРЁШИТОБ [دریا شتاب] – шошқин дарё:

Буйурди яна шоҳи дарёшитоб,
Ки келтурди Сукроти ҳикматмаоб. *Садди Искандарий*, 459-Т.

ДАРЁШУКУҲ [دریا شکوه] – улкан, шон-шавкатли:

Ки арз этти хоқони дарёшукуҳ,
Ки эй номвар шоҳи анжумгуруҳ. *Садди Искандарий*, 318-Т;
Бу ойин била шоҳи дарёшукуҳ,
Юруб қилди дарёни юкдин сутуҳ. *Садди Искандарий*, 449-Т.

ДАРЖ [درج] – 1. киритиш, қайд этиш; ~ **эт-/қил-**– киритмоқ баён этмоқ фасоҳат дурларини сочмоқ:

... бу замонғача улча мумкин бор тилаб топиб зикрларин ва баъзи ҳолот-у сўзларин ўз маҳалида дарж қилдим. *Насойимул-муҳаббат*, 2-Т;
Анда ким дарж этти кушлардин мисол,
Ўзга тилдур ўзга сўздур ўзга ҳол. *Лисонут-тайр*, 35-Т;
Бир қасида айтиб анда басе дақиқ ва ғариб тарокиб дарж қилиб битиб йибариб эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-70;
Бу ким мактуб аро дурлар қилиб дарж,
Латиф нақди кўп айлаб эдинг харж. *Фарҳод ва Ширин*, 429-Т.

2. асар:

Ва бу амалда баси мақомат ва шуаботни дарж қилиб эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 105-Т;
Анда ким дарж этти кушлардин мисол,
Ўзга тилдур ўзга сўздур ўзга ҳол. *Лисонут-тайр*, 35-Т;

Бу қасидада дағи кўп маоний гавҳари дарж ва умр нақди харж бўлубдур.
Муҳокаматул-луғатайн, 184-Т;

Хутутни яхши битир назми ҳам яхшидур. Бу яқинда дарже битиб эрди. Олти асл қаломни тартиб била сабт этиб эрди ва даржнинг охирида неча байт маснавий ҳам хатлари таърифида назм қилиб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 157-Т;

~ **қилил-** – киритилмоқ, қайд қилинмоқ:
... халойиқ аросида машҳурдур ки барчаси дарж қилилса мужиби итноб бўлур.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 105-Т.

ДАРЖИЙ [درجی] – ёзув; ~ **бит-** – бирор нарса ҳақида ёзмоқ:
Хожа Маҳмуд... бу яқинда даржий битиб эрди. *Мажолисун-нафоис*, 157-Т.

ДАРЖЛИҒ [درج لیغ] – хазинали қутича, гавҳар қутича; сўзлар хазинаси:
ва ҳар байт лафз-у маъно била даржлиғ гавҳар демай ким шуълалиғ озар...
Ғаройибус-сиғар, 3(20)-11.

ДАРЗ [درز] – 1. дарз; гишт, идиш ёриғи; ёрилган жойи:
Мусо алайҳис-салом мутаваллид бўлди аноси ани бир тобутқа мамуғлар аросида таъбия қилиб дарзларин қир била тутуб Нил рудиға солиб Тенгри таолоға топшурди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-134;

Ўзин бир тош дарзи ичра солиб,
Кўруб ҳолин анинг ҳайратқа қолиб. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т;

2. ёриқ, чок чок кетгани:
Пардаи исматда ҳар гулрух ки урсун лофи зуҳд,
Кўнглакининг дарзи дарзи ичра кўрмишлар ани. *Бадойиул-васат*, 514-Т;
Кулбамнинг эмас хиштлари дарзи ки очмиш
Ҳолимга фиғон қилғали оғзин дару девор. *Хазойинул-маоний*, 16-200.

ДАРЗДЎЗЛИҚ [درزدوزلیق] – чокдўзлик, дарздўзлик:
... юз дарздўзлиқ била ямамақнинг ихтитоми ва ул мъморлиқ узр ҳужрасиға юз урмақ... *Ҳайратул-аброр*, 7-331.

ДАРЗИЛИҚ [درزی لیق] – чокдўзлик; тикувчилик:
Мавлоно Ховарий ҳам самарқандлик дурур. Дарзилиққа мансуб эрди. Бадихани равон айтур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 63-Т.

ДАРИ [دری] – тоғ дараларида яшовчи, каклик; тустовуқ; **кабки дари** – тоғ каклиги; тустовуқ:
Йўрғаламақ вақти чу солиб аёғ,
Кабки дари оллида андақ ки зоғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-70;
Рахшинг хиром ичра ўтар кабки даридин,
Истармен анинг наълини товус паридин. *Муншаот*, 14-169;
Не янглиғ турфа қушсен вах ки товус-у тазарв эрмас,
Жамолингча нечук жилвангни де кабки дари янглиғ. *Бадойиул-васат*, 227-Т.

ДАРИ- [دری] – дар бадар бўлмоқ; йўлиқмоқ; ҳозир бўлмоқ, келмоқ:
Бовужуди ким заволи бор эди,
Чун ани кўрди заволи дариди. *Лисонут-тайр*, 185-Т;
Ўсрук йўл озиқиб даримақ ҳар сари не суд,
Бир эй рамида сайд не бўлғай бу ён дари. *Фавойидул-кибар*, 576-Т;
Аммо Бобо Хушкелди бўлур кентка даримайдур. *Насойимул-муҳаббат*, 15-163;
Ва ҳазрат муъжизасидин мулкига завол дариб, Шеруя ки анинг ўғли эрди маъмур бўлди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-249;

Ҳар соликка ким бу мақом дариғай ва хилқати риёзат нури била нафсоният лавсидин ариғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-50.

ДАРИЧА [دریچه] – дарча, эшикча:

Ғояти ғазабидин бир тош олиб, уй даричасидин анга отти. *Насойимул-муҳаббат*, 116;

~ **оғиз даричасидин чиқ-** – оғиздан чиқмоқ, гапирмоқ:

Чиқа олмай оғиз даричасидан,
Нафъ топмай бирав натижасидан. *Сабъаи сайёр*, 10-32.

ДАРИҒ [دریغ] – афсус, надомат:

Дедилар меҳнатларимиздан дариғ,
Тортқан шиддатларимиздин дариғ. *Лисонут-тайр*, 241-Т;
Навойи баши кеч айладинг дариғ,
Йигитликни барбод килдинг дариғ. *Садди Искандарий*, 278-Т;
Мирзабек... ҳайф ва юз минг ҳайф ва дариғ ва юз минг дариғ ким ҳаёт сарчашмасидин сероб бўлмади. *Мажолисун-нафоис* 74-Т;
Дариғ-у дард ки аҳбобдин бири йўқтур,
Неча тафаккур ила ким шумора айлармен. *Фавойидул-кибар*, 483-Т;

~ **тут-** – аямоқ, қизғанмоқ:

Олам яхшилиғин киши сўзидин дариғ тутмас. *Маҳбубул-қулуб*, 100;
Фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариғ тутмағайсан. *Насойимул-муҳаббат*, 126.

ДАРИҒО [دریغا] – эҳ афсус, ҳай аттанг маъноларини билдирувчи ундов сўз:

Замир-у ройи покингдин дариғо,
Фиғони дарднокингдин дариғо! *Фарҳод ва Ширин*, 299-Т.

ДАРК [درک] – 1. фаҳм, идрок, ақл; фаҳмлаш, тушуниш, англаш:

Ки гардун хозини даркида ожиз,
Кўзи кўрмай мингидин бирни ҳаргиз. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т;
Шоҳлар оллида човуш янглиғ,
Ақл онинг даркида беҳуш янглиғ. *Фавойидул-кибар*, 657-Т;

2. фаҳм, идрок билан топиш, ҳис этиш; доно:

Эй Навоий ул қуёш ҳуснини фаҳм эттим дема,
Ким анинг даркида хайли ҳисс-у идрок ўртанур. *Фавойидул-кибар*, 167-Т;
Билик аҳлиға сирри номаълум,
Фанзидин аҳли дарк ўлуб маҳрум. *Сабъаи сайёр*, 10-32;

~ **и маъний** – маъно нозикларини англаш:

Эшитмаклики завкнок айлабан,
Вали дарки маъний ҳалок айлабан. *Садди Искандарий*, 83-Т;

~ **айла-/қил-** – билмоқ, сезмоқ, фаҳмламоқ:

Бўлур ҳусн ичра бир ани ки аҳли ишқ дарк айлар,
Йўқ эрса зоҳиди беишқнинг йўқ мунча идроки. *Хазойинул-маоний*, IIа-330;
Телба кўнглум беҳод-у ёр ул тараф юзланди вой,
Дарк қилмас нешлар санчиб хабардор айласам. *Наводируш-шабоб*, 404-Т.

ДАРКОР [درکار] – зарур, керак, лозим:

Ва ҳам алар сўзидур ки дарвешлар ки ўз ишларига машғулдурлар керак ки баттолни ўз ароларида қўймаслар ки бир бекор юз даркор кишини бекор қилур. *Насойимул-муҳаббат*, 283-Т;

Зеб-у зийнат ичинда ул паркор,
Топти ҳар не ки бор эди даркор. *Сабъаи сайёр*, 10-169;

~ **бўл-** – керак бўлмоқ, зарур топилмоқ, лозим бўлмоқ:
Бурун ул киши қилди тўрт саркор,
Ки жамъ эткайлар улча бўлса даркор. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
~ **эт-** – даркор этмоқ:
Неча кўра ву дамни даркор этиб,
Филиззотдин бир намудор этиб. *Садди Искандарий*, 246-Т.

ДАРМАНДОНА [درمندانه] – дардмандона, хасталарча:
Ишқ ошуб-у бедоди ҳикоятида ва ҳажр зулм-у таъдоси имкоятида бу матлаъ асру дардмандона ва бағоят ниёзмандона тушубтур. *Мажолисун-нафоис*, 235-Т;
Ҳар муғанний ки дардмандонарақ нағма чекар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-30.

ДАРМАҲАЛ [درمحل] – ўз вақтида; бир вақтда:
Дармаҳал бу лутф изҳор айладинг,
Тундлуққа гарчи мен эрдим муҳиқ. *Лисонут-тайр*, 180-Т;
Ёр ҳижронида сарвақтимға еттинг эй ажал,
Жон фидонг этсам ҳануз оздур ки қилдинг дармаҳал. *Бадойиул-васат*, 285-Т.

ДАРМИЁН [درميان] – ўртада, орада:
Курки хайлига қарчиғай дармиён,
Алар жўжа янглиғ бу бир мокиён. *Садди Искандарий*, 138-Т;
Эшиттим базмининг бир нуктадони,
Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни. *Сирожул-муслимин*, 16-274.

ДАРМОН [درمان] – 1. куч, қувват, даво:
Кўнгул дардиға дармондур насиҳат,
Қилали ўлча имкондур насиҳат. *Фарҳод ва Ширин*, 194-Т;
Йўл кўринур эрди ву поёни йўқ,
Дард муфрит эрди ву дармони йўқ. *Лисонут-тайр*, 131-Т;
2. даво; чора, тадбир, илож:
Дардима гар қилур эрсанг дармон,
Қилайин ҳар не айласанг фармон. *Сабъаи сайёр*, 10-163;
Ёр васлида... ҳижрон доғи била ногоҳ куймаки ва васл аро ўртагай дағи дармонсиз дебтур яъни маҳзи дармон. *Мажолисун-нафоис*, 230-Т;
~ **эт-** – дармон этмоқ:
Хаста кўнглум ишига сомон эт,
Талабинг дардин анга дармон эт. *Сабъаи сайёр*, 10-16.

ДАРМОНДА [درمانده] – қийин аҳволда қолган, нотавон, бечора:
Лаъли ёдидинки кўнглум музтарибдур эй рафиқ
Панд анга кўп берма ким дармондадур жони била.
Фавойидул-кибар, 519-Т;
Вилоятлардин келган дармондалар ҳолининг тафтиши ва аларни ризолари била узатмақнинг ташвиши... *Вақфия*, 14-263;
~ **бўл-** – нотавон, ночор бўлмоқ:
Эмас ясанғали чар салмас илгидин кўзгу,
Ки болди кўргали дармонда ўз жамоли била. *Ғаройибус-сигар*, 425-Т.

ДАРМОНДАЛИҚ [درمانده ليق] – ночорлиқ, нотавонлиқ:
Кўзни ўйуб кўнгулни ўртай ки ёр истаб,
Солди кўнгул мени бу дармондалиққа ё кўз. *Наводируш-шабоб*, 220-Т.

ДАРМОНСИЗ [درمان سيز] – беромон, дармонсиз:
Ёр васлида ҳижрон балоси бимидин ўлум орзу қимақ ки ҳижрон доғи била ногоҳ куймагай ва васл аро ўртаган доғни дармонсиз дебдур.
Мажолисун-нафоис, 230-Т.

ДАРО/ДАРОЙ [درا/درای] – кўнғироғ:

Андақ ки аро лафзин саро ва даро била қофия қилса бўлур.

Муҳокаматул-луғатайн, 175-Т;

Гарчи Лайли маҳмилидин нола кўп чеккай дарой,
Савти муҳлик бўлмағай Мажнуни музтар кўнгулдек. *Хазойинул-маоний* IIIб-341.

ДАРОЗДАСТ [درازدست] – қўли узун, кудратли:

... ва Золни муқайяд қилди ва яна озод қилди ва форсийлар ани дароздаст дебдурлар кўп мулкка тасарруф илкин сунғандин. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-210.

ДАРОЗНАФАС [دراز نفس] – эзма, сергап:

Кел Навоий фасонани қил бас,
Ким эмишсен ажаб дарознафас. *Сабъаи сайёр*, 209.

ДАРОҲИМ [دراهم]– тангалар, чақалар, дарҳамлар:

Баҳо туганларим ўлмиш висол учун ҳайҳот,
Киши бу туҳфани сотқайму ул дароҳимға. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
Йима бози нужуми тирадин ким
Эрур қалб ила ким рўқаш дароҳим. *Фавойидул-васат*, 390-Т.

ДАРРА [درّه] – дарра, энли камчи:

Табли бирла тожини синдурдилар,
Дарра аъзосин яланглаб урдилар. *Лисонут-тайр*, 62-Т.

ДАРРАНДА [درّنده] – йиртқич, ваҳший ҳайвон:

Кўруб атрофида даррандаларни,
Яна жарранда ву паррандаларни. *Фарҳод ва Ширин*, 448-Т;
Осуда чарранда ву парранда,
Уйқуда газанда ву дарранда. *Лайли ва Мажнун*, 304-Т;
Шижоатиға ҳайрон колурлар эрди ким беша сибоъини мисли қоплан ва арслан ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-237.

ДАРРОКТАБЪ [درّاک تبع] – ақлли, зийрак; сезгир; зеҳни ўткир:

Яна сўрди Искандари поктабъ,
Ки эй ҳикматойини дарроктабъ. *Садди Искандарий*, 349-Т.

ДАРРОН [درّان] – парча-парча қилувчи; йиртқич:

Ани разм эли шери даррон дебан,
Отин анжуман аҳли ҳаррон дебан. *Садди Искандарий*, 192-Т;
Ажал ханжарлари жисмини даррон,
Ўтуб андин ажал ғавғоси паррон. *Фарҳод ва Ширин*, 395-Т.

ДАРРОНЧА [درّانچه] – йирткичдек:

Аёғ-у илик барча андақ ки мур,
Вале шери даррончa ҳар бирга зўр. *Садди Искандарий*, 395-Т.

ДАРС [درس] – ўқиш, сабоқ:

Мавлоно Олим... Донишманд кишмдур, дарс ва ифодага машғул.

Мажолисун-нафоис, 82-Т;

Дарсдин фориғ бўлсам эрди адиб хизматиға борур эрдим.

Насойимул-муҳаббат, 119;

~ **и ишқ** – ишқ дарси, сабоқи:

Чу ушшоқ ичра дермен дарси ишкин меҳри тонг эрмас,
Ки дерлар илм баҳс айлар замон раҳмат бўлур нозил. *Наводируш-шабоб*, 372-Т;

~ **и ҳиммат** – олийҳимматлик сабоқи:
Чопиб фалак узра кўси риҳлат,
Айтиб мулк ичра дарси ҳиммат. *Лайли ва Мажнун*, 63-Т;
~ **айт-** – ўргатмоқ, дарс бермоқ:
Мавлоно Фасиҳуддин... зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмағай ким дарс айтмағай. *Мажолисун-нафоис*, 166-Т;
~ **ўқу-** – таълим олмоқ, ўрганмоқ:
То ўқубмен ишқ ҳарфин дарсу такрору сабоқ,
Вомиқу Фарҳоду Мажнун дастонидур манга. *Хазойинул-маоний*, IIIб-21;
~ **таркин тут-** – дарсни ташламоқ, ўқимаслик:
Мен дарс таркин туттум ва риёзат ва хилватқа машғул бўлдум.
Насойимул-муҳаббат, 143.

ДАРСГОҲ [درس گاه] – дарсхона, мактаб:
Ишқ эрмиш асли илм фано дарсгоҳида,
Аҳли усул ҳар не ки дер сарбасар фуруъ. *Бадойиул-васат*, 223-Т;
Фано хонақоҳи аро сомит ўлғил,
Йўқ ул ким бақо дарсгоҳида боҳис. *Наводируш-шабоб*, 89-Т.

ДАРСХОН [درس خوان] – дарс ўқиган; ўқувчи; талаба:
Эй ақл қай фасона ки бир вақт бор эди.
Нуҳ поя минбар узра малак дарсхонимиз. *Ғаройибус-сиғар*, 179-Т.

ДАРУН [درون] – ичкари; дохил; Хуросондаги бир шаҳар номи:
Сарахс вилоятидин нари даруни Боризғача кўпрак табъ аҳли анинг замонида анга шогирди эрдилар. *Мажолисун-нафоис*, 117-Т.

ДАРУҒА [دروغه] – ижтимоий тартиб ҳокими:
Муҳаммад Жаъбар... Муҳаммад Али Кўкалтош ўғлидур ким атоси Машҳади муқаддасаи равзийя даруғасидур. *Мажолисун-нафоис*, 173-Т;
Яна ул ким шаҳр даруғасидин беклар била Хожа фалон андақ соҳиб вуқуф бўлсалар ким жузвий ишдин куллий имдод тиламаслар. *Муншаот*, 14-189;
Мавлоно Риёзий... яна даруғадин қаён қочиб борганин киши билмас ул ўзин забт қила олмас. *Мажолисун-нафоис*, 109-Т.

ДАРУҒАЛИҚ [دروغه لیق] – даруғалик мансаби ва амали:
Бири топти даруғалиқ ишратин,
Бири урди сарҳад сари навбатин. *Вақфия*, 14-245.

ДАРХОСТ [در خواست] – илтимос, ўтинч, талаб, сўров:
Навмид чиқиб яна бир мулозимни дархост таъкидиға йибарибтур.
Насойимул-муҳаббат, 163;
Не ром айлаб ани дархост бирла,
Не айлаб қатл зарби рост бирла. *Фарҳод ва Ширин*, 377-Т;
~ **қил-** – илтимос қилмоқ, сўрамоқ, ўтинмоқ:
Ҳукамо ҳам келиб алар бўйла рост,
Қилдилар шоҳга ер ўпуб дархост. *Сабъаи сайёр*, 186-21;
Мир хизматлариға бориб ул Мисрнинг гуноҳин дархост қилибтурлар.
Насойимул-муҳаббат, 163.

ДАРХУРД/ДАРХВАРД [درخورد] – лойиқ, муносиб, яраша; учраган, дуч келган:
Нечук тамаъ қилайин меҳр ила вафосин ким
Ҳақир жонима дархурд эмас жафоси ҳануз. *Ғаройибус-сиғар*, 174-Т;

Навоий зор-у музтардур қатил айларга дархурддур,
Жамолинг ийди акбардур қил охир ани курбони. *Фавойидул-кибар*, 565-Т;
Элга нишот ўлса анга дард эрур,
Дард анинг жониға дархурд эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-238;
Эмас бу теша урмақ ишка дархвард
Кеча кундуз қақарбиз оҳани сард. *Фарҳод ва Ширин*,286-Т.

ДАРЪ [درع] – зириҳ, совут:
Ҳизр қолқони дуо даръи недур эй порсо,
Чун бало тоши ёғар мен телбаи урён сари. *Ғаройибус-сиғар*, 476-Т.

ДАРЮЗА [دریوزه] – тиланчилик; гадолик:
Тонимай хармуҳрани ферузадин,
Фориғ этти нафсни дарюзадин. *Лисонут-тайр*, 48-4;
~ **қил-** – истамоқ, тиламоқ:
Агар қилса хармуҳра дарюза ул,
Болур кирса илкига феруза ул. *Садди Искандарий*, 85-Т.

ДАРЮЗАНАМОЙ [دریوزه نمای] – тиланчи, гадоймонанд:
... бу ҳадиқа чаманпирояларининг дарюзанамойи фақиру ҳақир, яъни Навоий. *Назмул-жавоҳир*, 15-124.

ДАРҲАМ [درهم] – 1. авзо ўзгариши, тартибсиз ҳолга келиши қайниши:
Базмда даъволари ҳотамлиқ размда талошлари рустамлиқ Утағаларидин насри тойирға рам найзаларидин симоки ромиҳ юзи дарҳам. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-458;
Кавокиб бирла ул тун ранги дарҳам,
Тўкулмиш гўйиё сунбулға шабнам. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т;
2. ўраб олган:
Қилғач ярасини курт дарҳам,
Тил бирла яламоқ анда марҳам. *Лайли ва Мажнун*, 235-Т;
~ **бўл-** – дарҳам бўлмоқ:
Эй Навоий сен чекарсен оҳ лекин яхшидур,
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;
~ **айла-/эт-** – аралаштирмоқ, ўрамоқ:
Қуёш ботқай узорин дарҳам айлаб,
Фалак қочқай равон қаддин хам айлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 121-Т;
Меҳнат юкидин қадинг хам этса,
Чин бирла юзунгни дарҳам этса. *Лайли ва Мажнун*, 327-Т.

ДАРҲАМЛИҒ [درهم لیغ] – чигаллик, тартибсизлик; паришонлиғ:
Ўйла ким тун дудини оҳим паришон айлади,
Тонг елидиндур ки муғбарр сунбулунг дарҳамлиғи. *Наводируш-шабоб*, 630-Т.

ДАРҲОЛ [درحال] – тезда, зудлик билан:
Тилаб хоқон-у Мулкорони дарҳол,
Алар дағи кўруб ул пурхатар ҳол. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т;
Дарҳол тажрид қилди ва бир муршид талабиға мусофир бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 265-Т.

ДАСОТИН [دساتین] – достонлар; қўшиқ, нағма:
Наво ичра минг лаҳн созинг қани
Дасотини хотирнавозинг қани. *Садди Искандарий*, 90-Т.

ДАСТ [دست] – 1. қўл; ҳукм, фармон:
Етти кўкни Ҳақ айласун пастинг,
Етти кавкабни хам фурў дастинг. *Сабъаи сайёр*, 10-402;

2. марта, навбат:
Неча ки жаҳд айласа казиб киши,
Бир икки даст илгари борғай иши. *Ҳайратул-аброр*, 7-208;

~ **бардаст** – кўлма-кўл; ҳамдам, ҳамроҳ:
Қилди яна жавр била зердаст,
Даст бардаст айлади туфраққа паст. *Ҳайратул-абрар*, 7-253;
Машаққат хайлидин бўлған сайи паст,
Етиб ул хайл хайли даст бардаст. *Фарҳод ва Ширин*, 505-Т;

~ **и зўр** – зўр, кучли қўл:
Бу янглиғ чу кўрди алар дасти зўр,
Хаёл айла ким тушти дарёға шўр. *Садди Искандарий*, 430-Т;

~ **бер-** – 1. хосил бўлмоқ, пайдо бўлмоқ, муяссар бўлмоқ, қўл келмоқ, кувватламоқ:
Ишқ басе душвор эрур билгил ғанимат берса даст,
Бўйла мушкил ишни ўлмак бирла осон айламак. *Хазойинул-маоний*, IV б-331;
Деди билман нс ҳолат даст бермиш,
Ки сизга мужиб ушбу мотам эрмиш. *Фарҳод ва Ширин*, 249-Т;
Назм элидин ҳеч кимга даст бермайдур. *Мажолисун-нафоис*, 250;
Соқий элгин берди ким ўптум дағи ичтим қадаҳ,
Найласун ичмай қадаҳ ҳар кимга мундақ берса даст. *Наводируш-шабоб*, 77-Т;

2. имкон, илож, имконият бўлмоқ:
Ул воқиалар ки даст берди,
Билмиш эди ким сабаб ул эрди. *Лайли ва Мажнун*, 332-Т;
Кўнгулга келди бу ким гар берур даст,
Ани қилмақ керак туфрақ уза паст. *Вақфия*, 14-258;
Яна ул ким манга бу берди даст,
Ки кўнгул салтанат аро пайваст. *Сабъаи сайёр*, 10-399;

3. қўл бермоқ, кўришмоқ, саломлашмоқ:
Хайдар Қаландарнинг бозорни даврон урғани ки фалак давронида мундақ савдо кишига даст бермайдур. *Фавойидул-кибар*, 712-Т;

~ **топ-** – 1. қўлга тушмоқ, қўлга туширмоқ, асир олинмоқ:
Мусо Имрон жавоб йибарди ким менинг Чурфатда минг душманим бор ки ҳар қачан манга даст топсалар... тирик қўймаслар. *Насойимул-муҳаббат*, 102;
Валек ул илм сари топти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон паст. *Фарҳод ва Ширин*, 198-Т;

2. зафар, ғалаба қилмоқ:
Ройи гардунға даст топқусидур,
Кўкни оллида паст топқусидур. *Сабъаи сайёр*, 10-219;

3. устун бўлмоқ, голиб келмоқ:
Учунч ул ки гар ул бўлуб кинпараст,
Таадди била топса мулкумга даст. *Садди Искандарий*, 224-Т;

~ **қил-** – қувватламоқ:
Ул сени айлар чу тиҳи даст бил,
Билгач ўз ўзунгни тиҳи даст қил. *Ҳайратул-аброр*, 7-254.

ДАСТА [دسته] – 1. тутқич, соп, даста:
Учида беркитиб бир кўҳпора
Бўлубан дастаси анинг минора. *Фарҳод ва Ширин*, 219-Т;

2. бир тутам, туп; ҳар нарсанинг ушлайдиган жойи:
Сен абраш узра вале гул ёғоч уза даста,
Иўл ўз аёғи била борғай ул ки минди сурук. *Хазойинул-маоний*, III б-322;

Йўқ ки ул санчар бинафша дастасин дасторға,
Эгнида хилъатларин дағи қилур аксар бинафш. *Хазойинул-маоний*, 116-271;

3. масхара:
Жилвагар ул кўзгуда жон сурати,
Даста бўлуб анга ариғ ҳайъати. *Ҳайратул-аброр*, 7-78;

~ **и вард** – даста, тутам атргул:
Борурда эди чу дастаи вард,
Чун келди баҳори нозпарвард. *Лайли ва Мажнун*, 53-Т;

~ **и шаба** – бир тутам, ҳовуч кора тош:
Баъзи тилимдин бирар номуносиб лафзни чиқариб бир дастаи шаба ичра бир дурри моҳвор тутқандек бир лафз кийурур эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 13-Т.

ДАСТАНДОЗЛИҒ/ДАСТАНДОЗЛИК [دست اندازلیغ /دست اندازلیق] – қўл силктиш, қўл кўтариб ташлаш:
Ул элги кесилганнинг ҳикояти ким қўлиға туҳмат тиғи дастбурд кўргузди ва ул ҳамдардлариға еткач дастандозлиғ била навҳа тузди. *Садди Искандарий*, 496-Т;
Кўргузди ва ул ҳамдардлариға еткач дастандозлик била навҳа тузди.
Сабъаи сайёр, 319a14.

ДАСТАРХОН [دسترخان] – дастархон:
Тукаткач ишин шоҳи бисёрдон,
Бакавул келиб ёйди дасторхон. *Садди Искандарий*, 342-Т.

ДАСТАФШОН [دست افشان] – қўл ўйнатиш, қўл силташ:
Жаноҳин ўлуб сакрдин хокрўб,
Гаҳи дастафшон гаҳи пойкўб. *Садди Искандарий*, 83-Т;
Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи дастафшон гаҳи пойкўб. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-68.

ДАСТАФШОНЛИҒ [دست افشان لیغ] – воз кечишлик; бахридан ўтишлик:
Дину дунё накдини сочтим чу кирдим дайр аро,
Бу эди аввал қадаҳ ичканда дастафшонлиғим. *Ғаройибус-сиғар*, 336-Т.

ДАСТБАНД [دست بند] – қўли боғли; таъсир, мубтало, гирифтор:
Жавоб эшитти ким не ҳожатинг бор андин ортуқ ки санга бердим яъни сўфиларнинг дастбандидин кутқардим. Шайхул-ислом дебдур ки кўрубмен бир ерда ким сўфилар дастбанди битибдур... *Насойимул-муҳаббат*, 114-Т.

ДАСТБЎРД [دست برد] – олишув, куч, қудрат; устунлик:
Бу эрди ишқ хайли дастбўрди,
Ки сен кўрдунг сипоҳинг дағи кўрди. *Фарҳод ва Ширин*, 142;
Расволиқ кўйида аёғи яланг боши ҳам бадмастлар дастбўрдидин манглайи захмлик қоши ҳам. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-481;
Ки бир дастбурд айлабан ошкор,
Қилурға ҳам ул сайдлардин шикор. *Садди Искандарий*, 430-Т.

ДАСТБЎС [دست بوس]– қўл ўпиш, мулокот, бир-бирига етишишлик:
Қош жоним риштасидин бўлса эрди ёғлиғи,
Ким ул ойнинг дастбўси давлатиға учрамиш. *Ғаройибус-сиғар*, 222-Т;
Чу айлаб дастбўсидин сарафроз,
Алар айлаб дуо ву мидҳат оғоз. *Фарҳод ва Ширин*, 199-Т;
Бари дастбўсиға топтим шараф,
Олиб ёндилар мени келган тараф. *Садди Искандарий*, 523-Т.

ДАСТГИР [دستگیر] – 1. ёрдамчи, қўлловчи, мададкор, раҳнамо:
То пайё пай бўлғай ул уфтодаларға дастгир,
Умр-у давлат ё Раб афзун қил дамодам шоҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т;
Тавбасиға дастгир ўлди қабул,
Айлади ҳурмат ҳаримида нузул. *Лисонут-тайр*, 141-Т;
Алар сарафрози ким эрди асир,
Ки шаҳ лутфи бўлди анга дастгир. *Садди Искандарий*, 421-Т;
2. йўл кўрсатувчи:
Сени дерлар дин элига дастгир,
Куфр дайриға недин бўлдунг асир. *Лисонут-тайр*, 106-Т;
~ **бўл-/ўл-** – 1. мадад бермоқ, ёрдам бермоқ:
Биёбонларда саргашта ва овора бўлғанларға раҳнамойлиқ қилмақ ва дастгир бўлмақ. *Насойимул-муҳаббат*, 11-Т;
Куяр шавқ ўтида жони асири,
Эрур ерида бўлсам дастгири. *Фарҳод ва Ширин*, 329-Т;
2. эгаси бўлмоқ:
Мир Ҳусайн Али Жалойир... умид ул ким подшоҳона лутф ва карам анинг дастгири бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 168-Т;
3. қўлга тушмоқ, асир олинмоқ:
Сезиб эрди ки ул ғурбат асири,
Ҳамоно бўлди душман дастгири. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т;
Керак дастгир ўлса давлат иши,
Йўқ эрса нетар кўп черикни киши. *Садди Искандарий*, 159-Т;
~ **қил-** – асир олмоқ, қўлга туширмоқ:
Ул... сипоҳ ясаб... қайсарни ва борча элин маст дастгир қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 215.

ДАСТГИРЛИҚ [دستگیرلیق] – ёрдам кўрсатишлик, қўллашлик, ёрдам қўлини чўзишлик:
Бу муддао била ул ки қадам кўйди ботти. Шайх дастгирликка қўлин узатти. *Маҳбубул-қулуб*, 14-118;
Ул салотин ул шикастаи афтодаға дастгирлиқ юзасидин илтифот ва шафқат кўргузур эрмишлар. *Муншаот*, 14-176;
~ **қил-** – ёрдам қўлини бермак:
Баҳр-у барр дармондаларига дастгирлиқ қилур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-153.

ДАСТГОҲ [دستگاه] – 1. дастгоҳ; қудрат, иқтидор; ярог, асбоб-ускуна:
Карим ўлса оламда ҳар навъ шоҳ,
Анга сен карам қилдинг ул дастгоҳ. *Садди Искандарий*, 54-Т;
Ёги ўлсанг анга сипоҳинг йўқ
Бўлса ҳам разм-у дастгоҳинг йўқ. *Сабъаи сайёр*, 10-86;
2. амал, мартаба:
Дастгоҳин баландрақ қилди.
Қошида аржумандрақ қилди. *Сабъаи сайёр*, 10-183;
3. важ, сабаб:
Бу даъви дастгоҳин бир замон йиғ,
Чу даъви ичра маъни йўқ не ассиғ? *Фарҳод ва Ширин*, 505-Т.

ДАСТЁР [دستیار] – ёрдамчи, кўмакчи, ҳимоячи;
Назоирхон била сургучи мақол дастёр била йирлағучи қаввол. *Маҳбубул-қулуб*, 14-32;
Садр керак уламоға дастёр бўлса ва машоихқа кўргузур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-458.

ДАСТЁРЛИҒ [دستيارليغ] – кўмаклашишлик, ёрдамлашишлик; ҳимоя қилишлик:
Ул дашт ва тоғни ҳидоят дастёрлиғи ва иноят поймардлиғи
била даст-у пой уруб қатъ қилғач дарё илайига келди. *Муншаот*, 14-144.

ДАСТЁРСИЗ [دستيارسيز] – бедастёр, ёрдамчисиз:
Воиз ки дастёрсиз ўлмас сухангузор,
Анга ёрод-у мунга аёлғучи ҳукми бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

ДАСТКОР [دستكار]– 1. қўш иши, ҳунар; ўймакорлик:
Ҳам жавоҳирға дасткор фаранг,
Айлаб омода шиша ранго ранг. *Сабъаи сайёр*, 10-190;
2. ёрдамчи, мададкор, дастёр:
Хито мулкига ҳам тушкан гузори
Келиб оллиға Моний дасткори. *Фарҳод ва Ширин*, 275-Т.

ДАСТЛИҚ [دست ليق] – мададлик, кўмаклик, ёрдамлик:
Соқий эрур коми дилим мастлиқ,
Мониъ эрур лек тиҳи дастлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-256.

ДАСТМОЯ [دستمايه] – сармоя, нақд пул:
Мавлоно Фазлуллоҳ... лавандвашлиги ғолиб учун бепарволиқ қилиб даст-моясиға нуқсонлар воқиъ бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 189-Т.

ДАСТМУЗД [دستمزد] – иш ҳақи, маош; бахшиш:
Анинг чун риштаи умрини уздунг,
Эрур бу ганжи махфий дастмуздунг. *Фарҳод ва Ширин*, 210-Т.

ДАСТОВИЗ [دست آويز] – туҳфа; ҳадя, совға:
Итинг ки шерзабундур анга топа алман,
Десам кўрай ани бошимдин ўзга дастовиз. *Ғаройибус-сиғар*, 183-Т;
Эй Навоий итларин кўрмакка борсанг бағринг уз,
Ким гузирнинг йўқтурур бу навъ дастовиздин. *Фавойидул-кибар*, 457-Т;
Кўр ки ҳар кирпик учиға боғлабан бир пора лаъл,
Келтурубтур лабларнинг оллида дастовиз кўз. *Фавойидул-кибар*, 205-Т.

ДАСТОМУЗ [دست آموز] – қўлга ўргатилган; қўлбола:
Анингдек топти сиймин соидинг ёди била улфат,
Ки дастомуз кушдек ансиз ўлмас ҳар замон кўнглум. *Хазойинул-маоний*, 15-431;
~ **қил**-– қўлга ўргатмоқ, хонаки қилмоқ:
Кўнглум ул луъбат элигида гирифтор ўлмиш,
Қўшни ул навъ ки луъбаҳли қилур дастомуз. *Бадойиул-васат*, 164-Т.

ДАСТОН [دستان] – 1. қисса; достон:
Бу дастон дағи эллик олтмиш байт бор ким барчасини битмак мужиби итноб бўлур учун бас қилилди. *Хамсатул-мутаҳайирин*, 15-68;
Эй Навоий ишқ манъин элга иршод айладинг
Оллоҳ Оллоҳ бу не макру ҳийла ву дастон бўлур. *Хазойинул-маоний*, 16-180;
Лутф ила булбулға минг дастон эрур,
Зоғи хориж савти бепоён эрур. *Лисонут-тайр*, 250-Т;
2. наво, нағма:
Қайси куш булбул ки минг дастони бор,
Ҳар бир ул дастонда бир афғони бор. *Лисонут-тайр*, 253-Т;
~ **и ниёз** – умид, эҳтиёж достони:
Гар менинг ҳолим десанг туз барча дастони ниёз,
Дилбаримдин нағма соз этсанг суруди ноз туз. *Бадойиул-васат*, 167-Т;

~ **айла-** – қисса, дастон айламоқ:
Эй Навоий ишқ манъин элга иршод айладинг,
Аллоҳ Аллоҳ бу не макр-у ҳийла ву дастон айладинг. *Ғаройибус-сиғар*, 144-Т;
~ **ур-** – куйламоқ, наво қилмоқ:
Ўнгда туркинавоз уриб дастон,
Қўзғалиб ҳар навода Туркистон. *Сабъаи сайёр*, 10-63.

ДАСТОНГУСТАР [دستان گستر] – достон айтувчи, достонгўй:
Алқисса Паҳлавоннинг барча навъ ишларининг хушлуғи баёнида ва ҳар тавр сийрат ва суратининг дилкашлиғи шарҳида забоноварлар тили қосир на дастонгустарлар нутқи ожиздур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т.

ДАСТОННАВОЗ [دستان نواز] – достонгўй, достоннавочи:
Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,
Аҳли ғино ҳар сари дастоннавоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-126;
Мен ки ул шаҳр нағмасози эдим,
Базмлар дастоннавози эдим. *Сабъаи сайёр*, 10-342.

ДАСТОНОРОЛИҒ [دستان آرالیغ] – дастонгўйлик, достон тўқувчилик:
Бешинчи иқлим йўлидин келган мусофирнинг дастоноролиғи.
Сабъаи сайёр, 10-276.

ДАСТОНСАРО/ДАСТОНСАРОЙ [دستان سرا/دستان سرای] – достон айтувчи, куйловчи, хушхон:
Қачон хома дастонсаро айлабан,
Саводи жаҳонни қаро айлабан. *Садди Искандарий*, 80-Т;
Бу зебо базмнинг алҳоннамойи,
Бу янглиғ бўлди сўз дастонсаройи. *Фарҳод ва Ширин*, 133-Т;
Булбули ишқ ўлди чу дастонсаро,
Кирди тамошоға бу бўстон аро. *Ҳайратул-абрар*, 7-189.

ДАСТОНСАРОЙЛИҒ [دستان سرای لیغ] – достон ўқишлиқ; хониш қилишлик:
Булбуле ким гул хори ҳижрони ғунчадек кўнглин фигор қилмиш бўлғай дастонсаройлиғ била не тараннум кургузгай. *Муншаот*, 14-161.

ДАСТОР [دستار] – салла:
Не топибан бошида дасторини,
Не кўрубан белида динорини. *Ҳайратул-аброр*, 7-259;
Чиқти гулгун тўн кийиб гул санчибан дасторға,
Қилди оламни гулистон ул ки гулгун раҳш уза. *Хазойинул-маоний*, IVб-561;
Мир Ихтиёриддин... аммо ҳабислар дер эрмишлар ким дасторин бу навъ донишмандона чирмағунча кўп заҳмат кўрар эркин. *Мажолисун-нафоис*, 143-Т;
~ **айла-** – дастор, салла қилмоқ:
Чун мени мажнун шажар яфрағидин қилдим либос,
Авло улдур ким гиёҳдин эмди дастор айласим. *Наводируш-шабоб*, 404-Т.

ДАСТОРЧА [دستارچه] – саллача, дасторча:
Мавлоно деди ким ул дасторчани ким санга бердук эски имомамиздин ясаббиз.
Насойимул-муҳаббат, 338-Т.

ДАСТОС [دستاس] – қўл тегирмон, ёрғучоқ; ~ **и гардун** – осмон тегирмони, фалак гардиши:
Суҳоваш донасин дастоси гардун,
Минг эл давр этса бўлмай тортмақ ун. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т.

ДАСТПЕЧ [دست پیچ] – маҳкам ушлаш; сабаб, восита; ~ **кил-** – восита қилмоқ; қаттиқ сақламоқ:
Ул ки қаноатни қилиб дастпеч,
Ҳолига бу печ етушкайму ҳеч. *Ҳайратул-аброр*, 7-170.

ДАСТРАНЖ [دست رنج] – қўл меҳнати; машаққат:
Бир дирам олмақ чекибан дастранж,
Яхширақ андин ки бирав берса ганж. *Ҳайратул-аброр*, 7-153;
Айлар чу сукут топса тил осойиш,
Ҳам бўлмаса дастранж эл осойиш. *Назмул-жавоҳир*, 15-152.

ДАСТРАС [دست رس] – 1. қўл етиш, етишиш, эришиш:
Нахли қаддинг айла олийдур ки термак мевасин,
Бўлса дағи дастрас мумкин эмастур дастрас. *Наводируш-шабоб*, 224-Т;
Ул ойға етмаса қўл ўтлуқ оҳ ила, не ажаб,
Чинор куйса бўлурму қуёшга дастраси. *Бадойиул-васат*, 437-Т;
2. имконият, фурсат, қудрат, иқтидор:
Қатра ичгунча дастрас манга йўқ,
Ғайр дарё чекар ҳавас манга йўқ. *Сабъаи сайёр*, 10-40;
Санга ким барча ишка дастрасдур,
Анинг фикри дағи душвор эмасдур. *Фарҳод ва Ширин*, 339-Т;
~ **йўқ** – имкони йўқ, етишпш мумкин эмас, қўли қискалик:
Чун ҳеч бу кадхудолиғ асбобиға дастраси йўқ эрди. Етти йил анинг қўйчилик амрин қилмақни ихтиёр қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукимо*, 16-121;
Дайр пири журъасин гар тутса бизга муғбача,
Нақди жондин ўзга утрусида йўқтур дастрас. *Наводируш-шабоб*, 223-Т;
~ **топ-** – имкон топмоқ, етишмоқ, эришмоқ:
Йўқса ҳар мағрур дуни булҳавас,
Бу бийик давлатқа топмас дастрас. *Лисонут-тайр*, 186-Т;
Топиб чун васл этиб мундақ ҳавас ҳам,
Ҳавас қилганға топиб дастрас ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 94-Т;
~ **бер-** – имконият, фурсат бермоқ:
Тераргa ҳар нафас кўпрак ҳавас бер,
Ҳавас бергач аларға дастрас бер. *Фарҳод ва Ширин*, 77-Т;
~ **бўл-** – етишмоқ, эришмоқ:
Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас. *Ҳайратул-аброр*, 7-326.

ДАСТУПО [دست وپا] – қўл-оёқ; ~ **ур-** – қўл урмоқ, жазм этмоқ, интилмоқ:
Жаҳон баҳри эмин муҳлик туман минг шукр ким гарчи
Қўл урдум даступо туттум валек охир канор андин. *Хазойинул-маоний*, 16-516;
Нечук ўлса оёғ уза туройин,
Ётиб ўлгунча даступо урайин. *Сабъаи сайёр*, 10-153.

ДАСТУР I [دستور] – 1. буйруқ, фармойиш; ижозат, рухсат:
Равон хоқон-у дастури хунарвар,
Анинг кейнича сурдилар таковар. *Фарҳод ва Ширин*, 732-Т;
Тонг эртадин пирдин дастур тилаб тафсир дарсиға Бу Ал Фақиҳ қошиға бордук. *Насойимул-муҳаббат*, 111;
2. расм, одат; йўсин:
Сизнинг дағи қошингизда ҳамул дастур била воқиъ бўлубтур. *Муншаот*, 14-186;
Мавлоно Қабулий... васийяти дастури била девонин сенинг қошингга келтуруб-биз. *Мажолисун-нафоис*, 56-Т;
3. қўлланма, намуна:
Анга «Фавоидул-фавоид» от қўюб эрди ва бу рўзгорда бу диёрда яъни хиндда сулук ва тариқат арбобиға дастур бўлубтур. *Насойимул-муҳаббат*, 179;

~ **и мулкоро** – давлатга оро берувчи дастур:
Деди дастури мулкориға ким бот,
Ки таъхир ичра келди бими офот. *Фарҳод ва Ширин*, 161-Т;
~ **и хирадманд** – доно дастур:
Тилаб барини дастури хирадманд,
Иш аҳволидин ўлди нуктапайванд. *Фарҳод ва Ширин*, 148-Т;
~ **и ягона** – ягона дастур:
Чу кўп қилди жазаъ шоҳи замона,
Ўпуб туфрағни дастури ягона. *Фарҳод ва Ширин*, 193-Т;
~ **и хунарвар** – ҳунарвар дастур:
Равон хоқон-у дастури ҳунарвар,
Аниинг кейнича сурдилар таковар. *Фарҳод ва Ширин*, 232-Т;
~ **ўл-** – ижозат, рухсат бўлмоқ:
Давот-у хома ё аврок-у ажзо,
Бу дастур ўлса бир ҳар навъ ашё. *Сирожул-муслимин*, 16-286;
~ **топ-** – имкон топмоқ; ижозат олмоқ:
Қазодин ул ики уч кунда Шопур,
Топиб Фарҳод побўсиға дастур. *Фарҳод ва Ширин*, 432-Т.

ДАСТУР II [دستور] – дастёр:
Ниқўмачас оллида дастур эди,
Ки ҳикматка оламда машҳур эди. *Садди Искандарий*, 117-Т;
~ **гиромий** – азиз, қадрли вазир:
Атоси бирла дастури гиромий,
Учавнинг қасраро бўлди хиромий. *Фарҳод ва Ширин*, 222-Т.

ДАСТУРЛИҚ/ДАСТУРЛУҒ [دستورلیق/دستورلوغ] – раҳнамолик:
Бу муддао била қадам қўйди ботди шайх дастурликка қўлин узатди. *Маҳбубул-қулуб*, 153,
Ва маснавида Ҳазрати Шайх Низомий ва Мир Хусрави Деҳлавий жонибидин даги бу дастурлуғ кўп воқиъ бўлубтур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 187-Т.

ДАСТУРСИЗ [دستورسیز] – рухсатсиз, ижозатсиз:
Деди андин дастурсиз ва йўлға мутаважжиҳ бўлубсиз қайтинг анинг хидматиға боринг. *Насойимул-муҳаббат*, 147-Т.

ДАФ [دف] – чилдирма, доира:
Кимдур эй гулруҳ муғанни ҳусн-у савтунг жанбиға,
Янги ой бирла қуёш журмидин ўлса чанг-у даф. *Наводируш-шабоб*, 304-Т;
Соқий хароби жоми хароботи ишқмен,
Тутқил қадаҳ муганни этиб соз-у чанг-у даф. *Хазойинул-маоний*, IIIб-307;
Етургач Зухрага давлат рикоби,
Дафин йиртиб кудуми эҳтисоби. *Фарҳод ва Ширин*, 91-Т.

ДАФАК [دفک] – доирача:
Бум ки азми фалак ўлди анга,
Доирадин ой дафак ўлди анга. *Ҳайратул-аброр*, 48-8.

ДАФАОТ [دفعات] – дафъаларча, қайта-қайта:
...яна бир дафъа боғ била ер туташ ўн жариб яна бир қитъа ток тўрт жариб яна боғот била ер рақбаси дафаот била ким бир бирига туташдур. *Вақфия*, 14-266.

ДАФИНА [دفینه] – 1. кўмилган бойлик, хазина, ганж:
Сафар асбоби бирла ҳар сафина,
Нечук ким ганжи Қорундин дафина. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т;

Ул боғда кироманд дафина топти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-242;

2. маънолар хазинаси:
Элдин кўнглида кийнаси махфий хазинасининг дафинаси.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-456;
Сафина демай ки хазинадур ҳар байти бир уй маоний гавҳарларидин анда [девонда] юз дафина. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т.

ДАФН [دفن] – кўмиш, ўликни кўмиш; йўқотиш, кутулиш:
Кўнгул шигофи дема анда сабр дафни учун,
Ки ҳажр қотили ўлтурди қазди ишқ магок. *Хазойинул-маоний*, 1116-334;
Ким дафн иши бор дурур зарурат,
Ул тутқусидур не навъ сурат. *Лайли ва Мажнун*, 355-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – 1. кўммоқ, гўрга қўймоқ:
Кўйи туфрағиға дафн айланг таним қилмай кафан,
То ким ул туфрағи бирла топсун омизиш бу тан. *Хазойинул-маоний*, 116-449;
Дафн этиб қабрин намудор эттилар,
Қабрин инсондек падидор эттилар. *Лисонут-тайр*, 135-Т;
Шайх дебдур ки чун ул ўзин дарвешларга фидо қилди дарвешлар анинг учун қабр ясаб хонақоҳ ичида дафн қилдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 91-Т;
Мир Шоҳий... ани охират ерида дафн қилдилар. *Мажолисун-нафоис*, 28-Т;

2. хазина, бойликни ерга яширмоқ, бекитмоқ:
Ул дирамни бир ерда дафн қилдим ва анга бир аломат қўйдум.
Насойимул-муҳаббат, 97;
Деди ки аввал боргил ва ул дирам ки дафн қилибсен ўзунгга сарф қил.
Насойимул-муҳаббат, 97.

ДАФОЙИН [دفاين] – ерга беркитилган хазиналар, кўмилган бойликлар:
Тушти Жобир дафойини қўлиға,
Балки олам хазойини қўлиға. *Сабъаи сайёр*, 10-304;
Ичинда бор экан зоҳир хазойин,
Булардин айру ҳар махфий дафойин. *Фарҳод ва Ширин*, 230-Т.

ДАФТАР [دفتر] – 1. дафтар:
Дерлар ки оғиз ўт деса куймас вале бу оҳ,
Чун сабт бўлса хома ву дафтарни куйдурур. *Хазойинул-маоний*, 1116-168;

2. китоб:
Адо бўлди ҳар байт аро дафтаре,
Ҳар уй ичра қилдим ниҳон кишваре. *Садди Искандарий*, 153-Т;
Бу фақир ҳам «Хамса»да бу дафтар аввалида алар мадҳида дастоне ороста қилибмен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-63;

3. достон:
Мен киби англаб вафо кўрган жафо топилмағай,
Ахтарилса сарбасар аҳли муҳаббат дафтари. *Хазойинул-маоний*, 116-334;
Бу девон тутти ул кишварни андақ,
Ки девон тузмагай дафтарни андақ. *Фарҳод ва Ширин*, 510-Т;

4. назм китоби, шеър тўплами:
Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гулшан аро тозадур. *Ҳайратул-аброр*, 7-61;

5. ҳисоб-китоб тўплами:
Тилаб дафтар ул шоҳ девонидин,
Ки махзан эди жамъ фармонидин. *Садди Искандарий*, 215-Т;

6. услуб, қонун-қоида китоби:
Қаю қилса дафтар юзидин қабул,
Анга ҳукм айлаб тариқи вусул. *Садди Искандарий*, 215-Т;
7. дунё, олам:
Ун саккиз минг олам-у одам яратиб айламак,
Бир кишини офариниш дафтаридин мунтахаб. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-450;
~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат дафтари:
Кўйуб Фарҳод-у Мажнун қиссасин кўр дафтари ишқим,
Ки бир икки хатинда то билур ул икки мазмундек. *Ғаройибус-сиғар*, 268-Т;
~ **и солус** – муомала қонун-қоидаси:
Елга бериб дафтари солусни,
Утқа солиб хирқаи номусни. *Ҳайратул-аброр*, 7-138;
~ **и ҳажр** – ҳажр ҳақида қисса, достон:
Навоий дафтари ҳажринг ёзиб кўз тўкти хунобин,
Чу очсанг сафҳа сафҳа кўргасен қон ўтканин таҳ таҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 424-Т.

ДАФЪ [دفع] – қайтариш, йўқотиш, узоқлаштириш, ҳайдаш, кеткизиш:
Базм аро гар йўқ май била дафъ,
Ҳам ёман эрмас ун била каф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т;
Чу Зардушт дафъиға қилди ғулу,
Алар ўтиға тиғ ила урди су. *Садди Искандарий*, 149-Т;
Оллингизға келса ҳар яхши ёмон,
Дафъиға маъзур бўлмай бир замон. *Лисонут-тайр*, 47-Т;
~ **и аташ** – ташналик, чанқов , хуморликни йўқ, дафъ қилиш:
Лаби ҳайвон суйидин гар мени қилди фориғ,
Не ажаб бода эрур хор-у қилур дафъи аташ. *Бадойиул-васат*, 190-Т;
Чашмаи ҳайвондин ўткан хушклаб,
Биркадин дафъи аташ қилған талаб. *Лисонут-тайр*, 157-Т;
~ **и бало** – балони қайтариш:
Ким ки бўлса бир балоға мубтало,
Ул дуо килғач бўлуб дафъи бало. *Лисонут-тайр*, 94-Т;
~ **и газанд** – зарар, заҳмат, офатни дафъ қилиш:
Ки ел хайлини анда банд айламиш,
Халойиққа дафъи газанд айламиш. *Садди Искандарий*, 269-Т;
~ **и жунун** – жунунликни дафъ этиш, телбаликни рад этиш:
Дўстлар дафъи жунунум гар тиларсиз боғлангиз,
Ул пари кўйида бу девонанинг занжирини. *Бадойиул-васат*, 436-Т;
Айладим тумор агар тумор этар дафъи жунун,
Бу мени қилмиш жунун илгида мағлуб эй кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 296-Т;
~ **и инфиол** – хижолатни бартараф этиш:
Ғунчаи хандон ки дерлар мунфаилдур оғзидин,
Лек кулмак бирла истар қилса дафъи инфиол. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
~ **и кудурат** – дил ғашлигини кетказиш, йўқотиш:
Бодаи соф дафъи кудурат қилсун,
Ани ким тира қилур давр элининг меҳнати кўп. *Наводируш-шабоб*, 67-Т;
~ **и малол** – дафъ қилиш малоллиги:
Саҳл эрур бу ҳам агар дафъи малолимға гаҳи
Бўлмаса боғлиғ юзумга кулбаи хуммор ҳам. *Наводируш-шабоб*, 408-Т;
~ **и маломат** – таъна ва нуқсонларни йўқотиш:
Мирхонд... гоҳи бирор аёқ ичарда дафъи маломат ё касрати нишот учун нард ўйнарға ҳам таназзул қилурлар. *Мажолисун-нафоис*, 145;

~ **и озор** – озор дафъи:
Ки бўлмақ ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жило дафъи озор эди. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;
~ **и офат** – офат дафъи:
Чу тадбир ила дафъи офат этиб,
Анинг ройидин шаҳ мубоҳат этиб. *Садди Искандарий*, 118-Т;
~ **и офот** – офат дафъи:
Каромат мен қилдим ул лаҳза ким
Риё бимидин дафъи офот учун. *Ғаройибус-сиғар*, 505-Т;
~ **и ранж** – ранжни кетказиш, дафъ қилиш:
Бузуғ *соясида қилиб* дафъи ранж,
Тушумга кириб махфий оллинда ганж. *Садди Искандарий*, 86-Т;
~ **и савдо** – эҳтирос, истак, орзу дафъи:
Дафъи савдо истадим лаъли майдин бир йўли,
Ул пари савдозада кўнглумни мажнун килди ло. *Фавойидул-кибар*, 35-Т;
Ҳар киши ғолиб ўлса савдоси,
Дафъи савдо қилур тамошоси. *Сабъаи сайёр*, 73-25;
~ **и фасод** – фасод дафъи:
Модда ким бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўк айлар анга дафъи фасод. *Ҳайратул-аброр*, 7-324;
~ **и фуркат** – айрилиқ, жудолик дафъи:
Чекма заҳмат эй табиб эрмас чу мумкин айламак,
Шарбати васл ўлмағунча дафъи фуркат дардини. *Ғаройибус-сиғар*, 482-Т;
~ **и хам** – эгрилик, букикликни дафъ этиш:
Зулфининг тобини машшотадин очмақ эмас имкон,
Дол ё ломни ким ёзган икин дафъи хам айлаб. *Фавойидул-кибар*, 61-Т;
~ **и хумор** – хуморни дафъ этиш:
Ҳашр субҳиға чу маст ўлғум гар этсам бир саҳар,
Бодаи лаълинг била дафъи хумор эй муғбача. *Наводируш-шабоб*, 552-Т;
~ **и зарар айла-** – зарарни қайтармоқ, зиёндан кутулмоқ:
Бу ким чуғз янглиғ басар айладим,
Соғиндим ким дафъи зарар айладнм. *Садди Искандарий*, 478-Т;
~ **айла-/қил-** – қайтармоқ, йўқотмоқ, кетказмоқ:
Нукта қилма тақво ву тоатқа ким дафъ айламас,
Фазлдин етмай башорат Бишр бўлғил гар Фузайл. *Наводируш-шабоб*, 364-Т;
Не ким ваҳм эди кўнглидин килди рафъ,
Замиридин андешани қилди дафъ. *Садди Искандарий*, 299-Т;
Ани дафъ айласам олам менингдур,
Бу меҳри оламоро ҳам менингдур. *Фарҳод ва Ширин*, 473-Т;
~ **эт-** – адо қилмоқ, соқит қилмоқ:
Чу дафъ этти муздурнинг номини,
Қилар оз-у кўп элга инъомини. *Садди Искандарий*, 321a10;
~ **бўл-/ўл-** – кетмоқ, қайтмоқ, йўқолмоқ:
Ёғмағунча ашк дафъ ўлмас кўнгулдин тийралик,
Бу ёғинни гўиё дебтур қазо ул ўтқа ёғ. *Хазойинул-маоний*, 16-316;
Мазлум оҳи барқидин хабар берур ким яшм била дафъ бўлмас балки лутф суйи била ўчурмагунча дафъ бўлмас. *Бадойиул-васат*, 498-Т;
Филҳол асал ва розёна тилаб еди ва ул оғриқ дафъ бўлди.
Насойимул-муҳаббат, 273-Т;
Қилдилар иттифоқ ила чора,
Ким алар дафъ бўлди якбора. *Сабъаи сайёр*, 10-333;

Урмак очилурнинг ўлса дафъи,
Ганжинг уза ташлай икки афъи. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т.

ДАФЪА [دفعه] – марта, карра, қайта; ~ **дафъа** – қайта-қайта, бир неча марта, кўп марта:
Дафъа дафъа дуди оҳим ҳадсиз учқун бирла кўр,
Ғам тунидек бир бир узра чарху анжум мунтабик. *Хазойинул-маоний*, IVб-315;
Таажжуб айламангиз дафъа дафъа фарёдим,
Қи шавқ кўнглума ёдин замон замон соладур. *Хазойинул-маоний*, IVб-159;
Бориб Фарҳоднинг оллинда бир бир,
Барисин дафъа дафъа айла тақрир. *Фарҳод ва Ширин*, 195-Т;
Дафъа дафъа гул сочилайдур гулафшон боғида,
Ким менинг гулгун ёшимдин қатра қатра қон эрур. *Наводируш-шабоб*, 179-Т.

ДАХЛ [دخل] – 1. кириш, аралашиш, муносабатда бўлиш, алоқада бўлиш:
Баҳри раҳматдин ки топтинг халқ уза бир қатра бас,
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж. *Хазойинул-маоний*, 1а-123;
Мавлоно Қавсий... захим ва кучлидур, аммо ҳеч иш ким анда кучнинг дахли бўлғай қила олмас. *Мажолисун-нафоис*, 98-Т;
2. даромад, кирим, баҳраманд бўлиш:
Дахл-у зироат била ул турфа наҳр
Мазраъини кент қилиб балки шаҳр. *Ҳайратул-аброр*, 7-315;
~ **и имкон** – имкон дахли, таъсири:
Гаҳи деб ки йўқ дахли имкон мунга,
Тасарруф қила олмақ инсон мунга. *Садди Искандарий*, 89-Т;
~ **и тамом** – тўла, тамомила киришиш, алоқадорликда бўлиш, таъсир кўрсатиш:
Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб дахли тамом ва маҳорати молокалом топиб эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 103-Т;
~ **бер-/эт-** – аралаштирмоқ, яқинлаштирмоқ:
Инсофқа чун ки дахл берди,
Ўз сўзларининг жавоби эрди. *Лайли ва Мажнун*, 82а13;
Бузург Уммид дахл этмак кўруб фарз,
Тилаб хилват равони айлади арз. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;
~ **қил-** – 1. аралашмоқ, муносабатда бўлмоқ, алокада бўлмоқ:
Йўқ фикҳ фақат ҳадис-у тафсир,
Ҳар қайда ки дахл қилди бир бир. *Лайли ва Мажнун*, 70-Т;
Эн Навоий дахл қилма гар тилар эрсанг наво,
Ҳар неча хораж наво кўрсанг сипеҳр адворини. *Хазойинул-маоний*, IIIб-592;
2. бостириб кирмоқ, ҳужум қилмоқ:
Бу ишдин хоқони турк воқиф бўлуб черик тортиб Жайхундин ўтуб анинг вилоятиға дахл қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-235.

ДАХЛСИЗ [دخل سیز] – дахлсиз; алоқасиз:
Хато ройи ўнг келмаса дахлсизларға ширкат балки нақиз тутқанларға зиёда туҳмат. *Маҳбубул-қулуб*, 14-15.

ДАХМА [دخمه] – мақбара, соғона:
Мир Шоҳий... або ва аждоди дахмасида халойиқни ўтру чиқариб ани охират ерига дафн қилдилар. *Мажолисун-нафоис*, 28-Т.

ДАШНА [دشنه] – ханжар:
Елги аро дашнае тутуб тез,
Ким бўлса ул икки ишратангиз. *Лайли ва Мажнун*, 294-Т;
Тенгиз кўнглида андоқ меҳрдин юз шуъла пайдодур,
Қиё бағрида мундақ кулгудин минг дашна пинҳондур.
Хазойинул-маоний, 1116-136;

Фуркат ичра чиқарма жонимни,
Дашна урмай оқизма қонимни. *Сабъаи сайёр*, 10-388;

~ **и тез** – ўткир, кескир ханжар:
Назар Фарҳодға солди Парвиз,
Дегил кўксига тегди дашнаи тез. *Фарҳод ва Ширин*, 350-Т;

~ **и хунрез** – қон тўкузчи ханжар:
Тушубан борди ул пайи била тез,
Тутуб илгига дашнаи хунрез. *Сабъаи сайёр*, 10-230;

~ **е-** – жароҳатланмоқ:
Кўнгул мужгонинг узра кирпикимда қатра қондектур,
Бу янглиғ дашна ебтур то асир ўлмиш фироқингға. *Хазойинул-маоний*, 535.

ДАШНОМ [دشنام] – ҳақорат; туртки:
Дашномдин ўзга ақлға ком ўлмас,
Бу турфа ким дашном анга дашном ўлмас. *Назмул-жавоҳир*, 15-179;
Фитна қилиб ваъда ву пайғом ила,
Ақлни маст айласа дашном ила. *Ҳайратул-аброр*, 7-59;

~ **айла-** – сўкмоқ, қарғамоқ;
Ул не жондур ким гадо янглиғ килурлар шоҳлар,
Юз дуо жонига ҳар қайсини дашном айлагач. *Фавойидул-кибар*, 99-Т.

ДАШТ [دشت] – 1. чўл, саҳро, биёбон:
Ов учун даштка ётакда борса эрди эл кўзидин ким йирақ бўлди итларин қўяр эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 99;
Бобо Савдоий... ақли зойил бўлуб элдин чиқиб бош аёғ яланг девоналардек тоғ-у даштда кезар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 20-Т;

2. текис жой, дала:
Хонға магар дашт сари эрди базм,
Отланибан шаҳр таши қилди азм. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;

3. қуруқлик, сувсиз чўллар:
Қум-у даштингда анча сўз-у гудоз,
Баҳр-у мавжунгда бу қадар так-у тоз. *Сабъаи сайёр*, 10-311;

~ **и адам** – йўқлик дашти, чўли:
Риё йўлида гар кўп печ-у ҳам бор,
Қадам кўй ким эрур дашти адам туз. *Фавойидул-кибар*, 204-Т;
Бўлса алар азими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам. *Ҳайратул-аброр*, 7-56;

~ **и ано** – азоб, уқубат дашти:
Истаганлар бизни саҳройи балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз. *Бадойиул-васат*, 154-Т;

~ **и бало** – бало дашти:
Деб ўзига ким эрур бу тунму,
Ё дашти балода тира кунму? *Лайли ва Мажнун*, 83-Т;

~ **и баҳор** – кўклам, баҳор дашти:
То дашти баҳор бирла рангин бўлғай,
Гулзори нигорхонаи Чин бўлғай. *Ғаройибус-сиғар*, 568-Т;

~ **и васиъ** – бепоён дашт:
Аро ерда тоғе эди бас рафиъ,
Ки ёнида икки дашти васиъ. *Садди Искандарий*, 180-Т;

~ **и ваҳши** – саҳро, дашт йиртқичлари:
Деввашлардин қочиб тутти Навоий бодия,
Бу жиҳатдин теграсида дашти ваҳши айланур. *Бадойиул-васат*, 134-Т;

~ **дашт** – дашту саҳро; дашма дашт:
Боришда не дей сунъидин саргузашт,
Фалак тавсанидин чиқиб дашт дашт. *Вақфия*, 14-243;
~ **и жунун** – жунун, савдойилик дашти:
Бўлди Фарҳод ила Мажнунча кўнгул мундақ ким
Кўргузур дашти жунун бирла бало тоғиға ҳирс. *Бадойиул-васат*, 206-Т;
~ **и истиғно** – муҳтожсизлик дашти:
Чу ишқ бодияси келди дашти истиғно,
Шаҳ ўлди зор анга гар гадо эрур мунис. *Бадойиул-васат*, 174-Т;
~ **и малоҳат** – ниҳоят жозибадор, кўнгил тортадиган жой:
Ё йўлукуб моҳрухи дилкаше,
Дашти малоҳат аро Лайливаше. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;
~ **и махуф** – кўркинчли, ваҳимали дашт:
Не дашти махуф эмиш фано саҳроси,
Ким анда кирарга йўқ бало яраси. *Ғаройибус-сиғар*, 567-Т;
~ **и мийнусиришт** – гуллаган саҳро:
Топиб равзасин дашти мийнусиришт,
Олиб сабзасидин насими биҳишт. *Садди Искандарий*, 204-Т;
~ **и набард/навард** – уруш майдони:
Насими ваға бир сари сурди гард,
Кўрунди халойиққа дашти набард. *Садди Искандарий*, 190-Т;
Ҳавони анингдек тутуб тирагард,
Ки бўлмай аён кўзга дашти набард. *Садди Искандарий*, 189-Т;
~ **и нигор** – нигор дашти:
Чу дашти нигор ичра қилдим мақом,
Керактур манга зарнигор эмди жом. *Садди Искандарий*, 306-Т;
~ **и норпарвард** – оташ шуълали дашт, саҳро:
Не кўрди турфа дашти норпарвард,
Кўрунмай саҳнида жуз сабза ву вард. *Фарҳод ва Ширин*, 245-Т;
~ **и пўя** – дашларда кезиш, эсиш:
Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин
Анга етмен не илдам сайр икин чабук суворимға. *Фавойидул-кибар*, 525-Т;
~ **и савдо** – орзу, ҳавас, истак дашти:
Дашти савдода ҳавойи ишқ-у меҳнат кўпдин,
Бесару по пўялар бирла қўйун ҳампосимен. *Наводируш-шабоб*, 496-Т;
~ **и фано** – фанолик, йўқлик дашти, чўли; у дунё:
Дашти фано сари хиром айласам,
Мулки адам ичра мақом айласам. *Ҳайратул-аброр*, 7-184;
Эй Навоий, гар қилур кўнглунг ҳарам тавфини қасд,
Қатъ этиб дашти фано мақсад ҳаримин қил тавоф. *Хазойинул-маоний*, 1а-323;
~ **и фироқ** – фироқ дашти:
Дашти фироқ ичра тирик йўқ чу ваҳш-у тайр.
Гўё ели салум-у гиёҳидур оғулуқ. *Бадойиул-васат*, 249-Т;
~ **и хаёл** – дашт хаёли:
Сиғмайин кўйунгда гар қавдинг мени,
Асру кенг саҳро дурур дашти хаёл. *Наводируш-шабоб*, 379-Т;
~ **и хирмон** – насибсизлик, маҳрумлик дашти:
Бир Хизирваш ҳимматин берма эликдин нега ким
Дашти хирмон қатъиға охир қилавузи керак. *Ғаройибус-сиғар*, 265-Т;

~ **и қифчақ** – Дашти қипчоқ:
Бало абридин тушкач ул илдирим,
Кўруб Дашти қипчақдин то Қирим. *Садди Искандарий*, 98-Т;
Баҳром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти қифчақдин чиқиб Хоразм бостуруб, ...хоқонни дастгир қилиб ўз илки била бошин чопти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-236;
~ **и ғам** – ғам, ҳасрат дашти:
Жунун кўнглумни дашти ғамға солиб,
Не ғам ҳар лаҳза бир оламға солиб. *Фарҳод ва Ширин*, 105-Т;
~ **и хамим** – жазирама дашт:
Чекти Мукбил басе азоби алим,
То анга қатъ бўлди дашти хамим. *Сабъаи сайёр*, 10-309;
~ **ини сипеҳр мазрасидек кўкартир-** – бойимоқ, бадавлат бўлмоқ:
Улус аро акобири изомдин сойир авонғача раоё аро тавонгарлиқ жўйбор ва даштини сипеҳр мазраасидек кўкартиб тамаввул маҳсулларин ҳосил қилгандек. *Вақфия*, 14-255;
~ **тут-** – дашни маскан қилмоқ, даштка азм қилмоқ:
Ул пари чун борди хоҳи телбалардек дашт тут,
Хон зуҳд-у офият кунжини маскан айлагил. *Бадойиул-васат*, 290-Т.

ДАШТБОНЛИҒ [دشت بانلیغ] – қўриқчилик, назоратчилик:
Шомда ҳалол рўзи касби учун нозирбонлиг яъни даштбонлиғ қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 26-Т.

ДАШТИЙ [دشتی] – даштга мансуб, дашт ҳайвонлари:
Сулаймондек бариға ҳукми жорий,
Агар даштий ву ёхуд кўҳсорий. *Фарҳод ва Ширин*, 159.

ДАШТНАВАРД [دشت نورد] – чўл, саҳро, биёбон кезувчи:
Билди шаҳ ким ҳарифи даштнавард,
Бор эмиш кордон-у оламгард. *Сабъаи сайёр*, 10-81;
Кўрди шаҳ ким сипоҳи даштнавард,
Ботти андоқ ки йўқ алардин гард. *Сабъаи сайёр*, 10-380.

ДАШТПАЙМО/ДАШТПАЙМОЙ [دشت پیما / دشت پیمای] – дашт кезувчи, саҳро кезувчи:
Пўянамо ва даштпаймо эрдилар чун дур талаб элга ёвуштилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-60;
Юз мунча ғам ўлса умрфарсой,
Бўлсам эди кўҳу даштпаймой. *Лайли ва Мажнун*, 166-Т;
Йўқ турур Фарҳод ила Мажнун магар ким билдилар,
Тоғча андуҳ бирла даштпаймомен бу кун. *Бадойиул-васат*, 365-Т;
Сабрдан йўқ музтариб овора кўнглумга асар,
Ул сифат ким даштпаймо жисмима оромдин. *Фавойидул-кибар*, 481-Т;
Анга топшуруб даштпаймо саманд,
Кириб парда ичра шаҳи аржуманд. *Садди Искандарий*, 339-Т;
Бўлуб ҳам коргар ҳам корфармой,
Миҳинбону қошиға даштпаймой. *Фарҳод ва Ширин*, 288-Т;
~ **ўл-** – дашт, саҳро кезувчи бўлмоқ:
Миниб от ўлди ул ён даштпаймой,
Нечук ким тавсани гардун миниб ой. *Фарҳод ва Ширин*, 150-Т.

ДАШТПАЙМОЛИҒ/ДАШТПАЙМОЛИҚ [دشت پیمالیغ / دشت پیمالیق] – саҳро, дашт кезувчилик:
Қила олмайин кимса ҳампойлик,
Ул айлар эди даштпаймолик. *Садди Искандарий*, 472-Т;

Фарҳоднинг хоқон била Чин азмиға даштпаймолиғи ва Чинда юз кўргузган ойинаи чиний ғамидин шайдолиғи... *Фарҳод ва Ширин*, 244-Т.

ДАШТРАВ [دشت رو] – дашт кезувчи, саҳройи:

Тоғни дашт қилиб даштни тоғ айлади дардим,
Қилма ҳар даштрав-у куҳкан элни манга нисбат. *Фавойидул-кибар*, 79-Т.

ДАЪБ [داب] – одат, расм, усул, тарз:

Замон аҳли вафосизлиғ била гар қилдилар қатлим,
Фараҳ топқай магар руҳум алар даъби вафо бўлғач. *Бабойиул-васат*, 77-Т;
Сахий булутдур иши хирман балки маҳзан бермак, бахил мўрдур даъби хўша балки дона термак. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-506;
Мунда кўп гурду сипаҳсолор ҳам,
Зоҳир айлаб даъб ҳам пайкор ҳам. *Лисонут-тайр*, 162-17;

~ **и бедод** – жабр, адолатсизлик одати, хислати:

Не эл не киши балки шайтон-у дев,
Келиб барчаға даъби бедод-у рев. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т;

~ **и фиғон** – нолиш, сайраш одати, хислати:

Бу гулшан аро бўйи вафо етмади гулдин,
Булбулға ки минг навҳа била даъби фиғондур. *Фавойидул-кибар*, 142-Т;

~ **бўл-/ўл-** – одатланмоқ, одат бўлмоқ:

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий ...манзил аларнинг хонақоҳи эшикида воқиъ эрди тонг отқанда андақ ким ўюн атфол даъби бўлур. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;
Бинафша солхўрд элдек ки бош солди қуйи гўё,
Яқин англаб хазони умр анга даъб ўлди қайғурмақ. *Ғаройибус-сиғар*, 255-Т;

~ **эт-** – одат қилмоқ:

Қаноат гўшасин тутқил ки чун Анқо бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда курб Кофинда нишимандур. *Ғаройибус-сиғар*, 533-Т;
Тавозуъ яхширақ аммо яхширақдур,
Агар даъб этса ани аҳли давлат. *Наводируш-шабоб*, 692-Т.

ДАЪВА [دعوا] – дуо, тилак, истак; **мустажобуд-даъва** – дуоси қабул бўладиган:

Ишқ зулми ҳаддин ўтти кўнглуми эй порсо,
Гўйиё пир мустажобуд-даъва ани қарғамиш. *Хазойинул-маоний*, IVб-274;
Шайбон Али Миср машойихининг мутақаддимларидиндур мустажобуд-даъва эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 94.

ДАЪВАТ [دعوت] – чақириш, чақирик, таклиф:

Хожа Юсуфдин сўнгра бу тўрт кишидин ҳар бири иршод ва даъват мақомида эрмишлар. *Насойимул-муҳаббат*, 124;
Иброҳим алайҳис-салом ул мажлисдин чиқиб халойиқни илайина юзидин Тенгри таолоға далолат қилиб даъватин фош қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-114;

~ **кил-** – чақирмоқ, таклиф қилмоқ:

Ҳар тақдир била Шуъайб алайҳис-салом Иброҳим алайҳис-салом шариатиға даъват қилур эрди ва даъвати муддатида минг етмиш киши даъватиға кирдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-132;
Мир Ҳайдар Мажзуб... халқни ўз навкарлигига даъват қилиб хуруж қилур сўзин айтур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 40.

ДАЪВИ/ДАЪВО [دعوی] – даъво, даъво қилиш, исботлаш; ҳақ талаб қилиш:

Вафо бобида иккимиз де даъви,
Муҳаббат шартида ҳам биз де даъви. *Фарҳод ва Ширин*, 424-Т;
Пайғамбарлик даъвисида муъжизаси паргорсиз доира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибтур. *Тарихи мулуки ажам*, 216;

Сизда гар бўлса эрди мардоналиқ,
Даъвийи ихлос аро фарзоналиқ. *Лисонут-тайр*, 87-1;

~ **йи дилдорлиғ** – дилдорлик даъвоси:
Эй пари девона деб кўнглумни қавма ҳар замон,
Даъвойи дилдорлиғ қилсанг кўнгулни асрағил. *Бадойиул-васат*, 281-Т;

~ **йи домхоҳ** – тузоққа илиниш даъвоси:
Берур аввал озрақ хайл-у сипоҳ,
Ки қолмас анга даъвийи домхоҳ. *Садди Искандарий*, 506-Т;

~ **йи ихлос** – ихлос даъвоси:
Сизда гар бўлса эди мардоналиқ,
Даъвойи ихлос аро фарзоналиқ. *Лисонут-тайр*, 118-Т;

~ **йи ишқ** – ишқ даъвоси:
Давойи ишқ эрур ё васл ё марг ул эмас мумкин,
Бу бирдур кимса топилса бу дардиға даво бўлган. *Фавойидул-кибар*, 473-Т;

~ **йи иъжоз** – муъжиза давоси, даъвогарлиги:
Лаъли ул кофирнинг элга жон бағишлар эй Масиҳ,
Неча анфосинг била даъвойи иъжоз эткасен. *Бадойиул-васат*, 363-Т;

~ **йи масоф** – жанг майдони даъвоси:
Даъвийи рост гар газоф айлар,
Пўяда даъвойи масоф айлар. *Сабъаи сайёр*, 10-388;

~ **йи меҳр** – даъво меҳри:
Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни,
Даъвийи меҳрингга тануқ тортадурмен оҳни. *Наводируш-шабоб*, 649-Т;

~ **йи муғтанам** – муғтанам даъвоси:
Дағвойи муғтанам ўзни қилман,
Сени худ ғайри ғанимат билман. *Фавойидул-кибар*, 682-Т;

~ **йи фақр** – фақирлик, камбағаллик, йўқсиллик даъвоси:
Даъвийи фақр этсанг эй зоҳид кам ўл майхонада;
Ким бу йўлда кимсага бўлмас вужуд ўлмай адам. *Наводируш-шабоб*, 394-Т;

~ **йи хушадолиқ** – хушадолик, гўзал ифодалик даъвоси:
Қилмай даъвийи хушадолиқ
Арз айла навойи ё гадолиқ. *Лайли ва Мажнун*, 36-Т;

~ **йи шаръий** – шариат йўл-йўсинида даъвогарлик:
Қилғум агар адл этса маръий букун,
Сенинг ила даъвийи шаръий букун. *Ҳайратул-аброр*, 7-130;

~ **йи ҳақиқат** – ҳақиқат даъвоси:
Маъни аҳли ҳақиқати маҳфий ва сурат аҳлининг ҳақиқати даъви ва даъвийи ҳақиқатда бемаъни. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-483;

~ **айла-** – талашмоқ, тортишмоқ, исботламоқ:
Айласанг даъво баҳо сен дағи ол,
Йўлда харж айларга чунтайингга сол. *Лисонут-тайр*, 115-Т;
Қатл дағи ҳайф анга ким ишқ даъво айлабан,
Бийми қатл ўлгач бу даъвосидин инкор айлади. *Хазойинул-маоний*, IVa-375;

~ **эт-** – даъво этмоқ:
Ул ким ано афсоҳ этти даъви
Фош этти бу даъви ичра маъни. *Лайли ва Мажнун*, 35-Т;
Муҳаммадни яратти чунки Ҳақк айни муҳаббатдин,
Киши вазнин мувофиқ чунки даъво этса содиқдур. *Наводируш-шабоб*, 672-Т;

~ **кил-** – ўзини улуғ кўрсатмоқ:
Аҳли мажлис куйдурур тилин кесиб бошин узуб,
Шамъ даъво қилса моҳи мажлисоройим била. *Ғаройибус-сиғар*, 411-Т;

Саййид Жаъфар... атоси махдийлик даъво қилғандин не балолар ким бошиға келди. *Мажолисун-нафоис*, 146-Т.

ДАЪВОДОР [دعوىدار]– даъвога ўхшаш, даъводек:

Шарт ила даҳри фано ичра эмас шарти адаб,
Беадаблиғдин дур этса шайх даъводор шарт. *Бадойиул-васат*, 213-Т.

ДАЪВОЛИҚ [دعوى لیق] – ўзини катта кўрсатиш:

Мавлоно Хусравий... даъволиқ ва бузургманиш ва тундхўй киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 51-Т.

ДАЪВООМИЗ [دعوى آمیز] – даъвогар, даъводор, даъвочи; даъвогарлик:

Ва турк улусида ато дерлар ва шуҳрати бағоят кўптур ва даъвоомиз сўзи ҳам кўп. *Насойимул-муҳаббат*, 389-Т.

ДАҚАВУЛ [دقاول] – ўсмир, хизматчи; ҳамроҳ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

ДАҚИҚ [دقیق] – 1. нафис, гўзал, нозик, латиф:

Шоҳ Ғариб Мирзо шўхтаблиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозик тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. *Мажолисун-нафоис*, 199-Т;

Йибарди нуктадону хушманд эл,
Дакик идроклик мушкилписанд эл. *Фарҳод ва Ширин*, 341-Т;

2. қийин:

Фигон ки ишк ҳадиси дақиқ эрур андақ,
Ки қосир ўлмиш ани англамақдин идроким. *Ғаройибус-сиғар*, 332-Т;

3. чукур текшириш, диққат билан ўрганиш:

Қилинди чу таҳқиқ дақиқ ила,
Қилай эмди тадқиқ таҳқиқ ила. *Садди Искандарий*, 117-Т;

4. қисқа:

Тариқат одоби сулукида андақ дакик равиш била тариқларини туздилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-12;

5. ингичка:

Яна бир мисол «тўр» ки домдур, яна «тўр»ки андин дақиқракдур ки қуш ўлтурур йиғачдур ва «тўр» ки андин дақиқракдур уйнинг тўридур... *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;

6. сермаъно, сермазмун, чуқур маъноли, диққатга сазовор фикр:

Булар ул ҳазратнинг дақиқ сўзин ё англамай ё англасалар буюрулған йўсун била амал қилмай. *Муҳокаматул-луғатайн*, 191-Т.

ДАҚИҚТАБЪ [دقیق تبع] – нозик табъ:

Ва бирав бир маҳзан бир ерда дафн қилди ва устида бир зангий сарнигун ости, дақиқтабъ нигун зангдин канз вужудин таҳқиқ қилур.*Мажолисун-нафоис*, 152-Т.

ДАҚОЙИҚ [دقایق] – 1. нафисликлар, чукур, нозик маънолар; нукталар:

Вах не янглиғ бу харабот аро ҳушёр бўлай,
Ки дақойиқтур анга бир бирисидин мубҳам. *Бадойиул-васат*, 313-Т;

Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т;

2. чигалликлар, чалкашлнклар:

Сен-ўқ сен ки чобук андешае,
Дакойиқ аро нозук андешае. *Садди Искандарий*, 517-Т;

~ **и фунун** – фан, илм дақойиқлари:

Ва аларнинг мухлисларидин бири мунаввар марқадлари устида олий иморат ясаб баъзи муридлари ва шогирдларидин ул иморатда дақойиқи фунунин ва ҳақойиқи улумин ҳоло дарс айтиб... *Насойимул-муҳаббат*, 440-Т;

~ **хайли** – илму маърифат кишилари, донишмандлар, адиблар:
Бу мақомотдин сўнгра ҳақойиқ аҳлиға равшан ва дақойиқ хайлиға мубарҳан эркин. *Вақфия*, 14-244.

ДАҚОЙИҚШИОР [دقایق شعار] – нозик нукталар, маънодор сўзлар; нафис дидли, фасоҳатли:
Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хидматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида азим ул дурур... *Ғаройибус-сиғар*, 23-Т.

ДАҒАЛ [دغل] – кўпол; фирибгар, маккор, ҳийлагар:
Ул гадо чун ишқ аро эрди дағал,
Бўлди расволиққа аҳволи масал. *Лисонут-тайр*, 64-Т;
То ки сотти бир кун ул қалби дағал,
Бир ғанига соз этиб мундақ амал. *Лисонут-тайр*, 70-Т.

ДАҒАЛЛИҚ [دغل لیق] – маккорлик, ҳийлакорлик, кўполлик:
Ишларида дағаллик мақдур ва ҳаддидин нари, ваъдаларида хилоф хаёл ва гумондин ташқари. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-473;
Уғул атоға бози бермак пешалари дағаллиқларин киромул-котибайндин ошурмақ андешалари. *Маҳбубул-қулуб*, 43.

ДАҒАЛВАШ [دغل وش]– дағалваш, дағал сифат:
Лек тамуғ ҳам бу неча ғашға ҳайф,
Ут дағи бу хайли дағалвашқа ҳайф. *Ҳайратул-аброр*, 7-138.

ДАҒДАҒА [دغدغه] – 1. қўрқинч, ваҳима, даҳшат:
Мен ки муғ дайри аро эрдим шод,
Хотирим дағдағалардин озод. *Фавойидул-кибар*, 650-Т;
2. паришонлик, нотинчлик:
Чу ўқумақ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас. *Ҳайратул-аброр*, 7-55;
3. даъво:
Бу дағдағадин канора иста,
Ҳар фикр ила бўлса чора иста. *Лайли ва Мажнун*, 268-Т;
4. шавкат, улуғворлик:
Дағдағаси суни жаҳонгард этиб,
Сарсари туфрағни худгард этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-250;
5. хоҳиш, истак, орзу:
Аларға ҳам дағдағаға ул ким бу баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-71;
~ **и азми кишвари таҳқиқ** – кишвар ҳақиқатини излаб топиш орзунияти:
Яна ҳидояти тавфиқ ул ки бергай Ҳақ,
Кўнгулга дағдағаи азми кишвари таҳқиқ. *Фавойидул-кибар*, 303-Т;
~ **и умргох** – жон чиқар кўрқинчи, даҳшати:
Гарчи хаёлимға келур гоҳ гоҳ,
Ким неча бу дағдағаи умргоҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-337.

ДАҒИ [دغی] – яна, тағин; ҳам, ҳамда:
Гул бўлса тикан дағи бўлур бўстонда,
Дур бўлса дағи садаф бўлур уммонда. *Ғаройибус-сиғар*, 23-Т;
Меҳрбонлар қани аҳбоб дағи
Хамнишинлар қани асҳоб дағи. *Фавойидул-кибар*, 675-Т;
Ўзлугидин дағи асар топмай,
Балки ўздин дағи хабар топмай. *Сабъаи сайёр*, 10-26.

ДАҒО [دغا] – алдов, фириб, хийла:
Ҳар кимса ки пок эса дағодин,
Тенгри ани асрасун балодин. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-190;
Исён аро қолған ибтилониму дейин?
Маъмур эткан нафси дағониму дейин? *Хазойинул-маоний*, 16-767.

ДАҒОБОЗ [دغاباز] – хийлагар, фирибгар:
Тушуб ўт ўртаниб корураандоз,
Ҳам ул заврақ ки ул хайли дағобоз. *Фарҳод ва Ширин*, 273-Т.

ДАҒОБОЗЛИҚ [دغابازلیق] – шармандачилик, уятсизлик:
Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ. *Ҳайратул-арбор*, 7-137.

ДАҒОПАРДОЗ [دغا پرداز] – алдамчи, хилагар, фирибгар:
Махфий ўлуб ики дағопардоз,
Тутқай ўрнида ер ики ғаммоз. *Сабъаи сайёр*, 10-184.

ДАҲ [ده] – ўн (10):
Зарраға садяк эса оғзинг манга йўқ ҳеч шак,
Чеҳранг ўлғандек қуёшнинг даҳ сади йўқ ҳеч райб. *Хазойинул-маоний*, 16-71.

ДАҲА [دهه] – бир даҳа –ўн кун (декада):
Дерлар ки чун Шайх ани хилватқа ўлтуртти ва анинг чилласидин бир даҳа ўтти анча важде етишти ки ҳоле муставли бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 173.

ДАҲАНА [دهنه] – манзилнинг кираверіши, кириш жой; оғиз; тирқиш:
Фақир Астробод йўлида Тахти Сулаймон даҳанасидин алар
хизматиға бу рубоийни битиб эрдим. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-41;
То неча кундин сўнгра ким Астробод даҳанасидин кирдук.
Насойимул-муҳаббат, 163;
Бу маҳалда ким кўнгул тиламасдек амри воқиъ эмас даҳаналарда андақ мазбут кишилар кўйуб... агар амри ҳодис бўлса ки мужиби тараддуди хотир бўлса даҳаналар тарафидин хотир бикуллий жамъ бўлса. *Муншаот*, 14-190.

ДАҲАНБАСТ [دهانبست] – хомуш:
Авом рўзасин баён қилмақ даҳанбастлар очлиғин аён қилмақ.
Ғаройибус-сиғар, 527-Т.

ДАҲЛИЗ [دهلیز] – йўлак; даҳлиз:
Ходим ва фаррошлар ҳар кеча... дағи хонақоҳнинг гунбазида ва
даҳлизларида шамъ ёндурғайлар. *Вақфия*, 14-269;
Ўз диёрида қаср ила боғи,
Тоқ-у даҳлиз-у ҳужраси дағи. *Сабъаи сайёр*, 10-169;
Мени хилватдин эй зоҳид аҳли муғдайри сари бошланг,
Ки неча хуш ҳаводур кўп тирилган гунбад-у даҳлиз. *Наводируш-шабоб*, 204-Т.

ДАҲР [دهر] – 1. замон, давр; дунё, олам.
Гарчи даҳр аҳли хийласоз ўлғай,
Ёмани кўп-у яхшиси оз ўлғай.
Лек кундузни дегучи кечадур,
Билса бўлғай ки даҳр аро нечадур. *Сабъаи сайёр*, 10-405;
Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин
фиғон-у фарёд. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-509;
То жаҳон бўлса даҳр шоҳи бўл,
Даҳр элининг жаҳонпаноҳи бўл. *Муншаот*, 14-206;

Заҳр ичгилу май ичма даҳр ичра Навоийдек,
Ким нафъ хумор-ўқдур бу соғари давронидин. *Хазоинул-маоний*, IVб-453;

2. замона:
Навжавоне эрди шаҳ ҳуд домидин,
Даҳрнинг сарфитнаи айёмидин. *Лисонут-тайр*, 220-Т;

3. ер юзи:
Гулининг шамъини мунаввар қил,
Атридин даҳрни муаттар қил. *Сабъаи сайёр*, 10-34;

~ **азоби** – қийинчилик, машаққат олами:
Қариға бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик об-у тоби эрмас. *Назмул-жавоҳир*, 15-171;

~ **и ано** – азоб, уқубат даври, замони, дунёси:
Не келса оллинға тут саҳл ким жафо кўргай,
Бирав ки даҳри анодин кўруб инод этадур. *Бадойиул-васат*, 11-Т;

~ **аҳли** – дунё халқи, одамлари, халойиқ:
Барча даҳр аҳлиға бу мотамсаро
Кийдуруб анинг азосида қаро. *Лисонут-тайр*, 100-Т;

~ **и бадфаржом** – оқибати ёмон, бахтсиз дунё:
Бир замон айрилма аҳбоби никуфаржондин,
Ким эрур ахир жудолиғ даҳри бадфаржом. *Фавойидул-кибар*, 24-Т;

~ **и бемаъни** – бемани замон, даврон:
Ким дедим узлат эшигин очқамен,
Даҳри бемаъни элидин қочқамен. *Лисонут-тайр*, 267-Т;

~ **и бепок** – бепок даҳр, давр:
Манга лек зулм ўлди афлокдин,
Сариъанжум-у даҳри бепокдин. *Садди Искандарий*, 487-Т;

~ **бозори** – дунё, замон бозори:
Даҳр бозорининг нақди рўйандуддур ва айём жашнининг
шаҳди заҳролуд. *Мунишот*, 14-211;

~ **боғи** – дунё, олам боғи, табиат:
Даҳр боғи сари майл эткан аён,
Айлаган бу хокдонни ошиён. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

~ **и буқаламун** – буқаламун дунё, замон:
Баниёзлиғи жанбида чархи нигун бир гадой ниёзманд ва чорасозлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд. *Муҳокаматул-луғатайн*, 9(10)-450;

~ **и вайрон** – вайрона дунё:
Санга ким равзаи ризвонда фароғат бўлғай,
Даҳри вайрон чамани ичра не улфат бўлғай. *Наводируш-шабоб*, 669-Т;

~ **и даний** – ризолатга тўла дунё, тубан замон:
Чу Ҳурмузға тушти бу даҳри даний,
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани. *Тарихи мулуки ажам*, 16-229;

~ **деҳқони** – Худо, Оллоҳ:
Даҳр деҳқони ки юз минг сарв қилди жилвагар,
Гулшани даврон аро бермас кадингдек ёд сарв. *Фавойидул-кибар*, IVб 516;

~ **и дун** – разил, пасткаш дунё:
Мен чекиб андуҳ ўйла элжони бўлсун ул Масиҳ,
Саврул эй чархи нигун вай даҳри дун барбод бўл. *Ғаройибус-сиғар*, 303-Т;
Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;

~ **и жафопеша** – жафо-одат давр, замон:
Неча жафо ву ситам тортқай аҳли вафо,
Даҳри жафопешадин чархи ситам кордин. *Ғаройибус-сиғар*, 358-Т;

~ **и нофаржом** – бефойда дунё:
Умр шаҳди бас чучукдур лекин охир қилмаса,
Марг заҳри бирла ани даҳри нофаржом толх. *Ғаройибус-сиғар*, 11-Т;
Чун замон аҳли замона ранги тутмақдур зарур,
Даҳри нофаржом учун эл ҳоли нофаржомдур. *Бадойиул-васат*, 144-Т;

~ **и Турон** – Турон олами, дунёси:
Яна даҳри Туронни қилди азиз,
Ки нисбатда Парвизға эрди қиз. *Садди Искандарий*, 113-Т;

~ **и фитнаангиз** – фитна-фасод қилувчи давр, замон, дунё:
...куҳулат замонининг ниҳоятнғача даврон воқиотидин ва сипеҳри гардун ҳодисотидин даҳри фитнаангиз буқаламунлиғидин ва замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди баид ҳар нав шақ ва суратда ақдом урдум.
Маҳбубул-қулуб, 14-9;

~ **и хонмон** – замон, дунё рўзгор буюмлари:
Чекмак била оҳ ўти духонин
Тор айлади даҳр хонмонин. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;

~ **и ғаддор** – бевафо, меҳрсиз дунё, замон:
Қаҳҳорлиғи сарсари учурурға собит ва сайёр настараннинг сочилған яфроғлари жабборлиғи куйун савурурға даҳри ғаддор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7.

ДАҲРБАНД [دهربند] – дунё соқини:
Кимсани чун дойираи даҳрбанд,
Охир этар туфрақ аро шаҳрбанд. *Ҳайратул-аброр*, 7-293;

ДАҲРНАВАРД [دهرنورد] – дунё кезувчи, сайёҳ:
Қани ул ким фалаки даҳрнавард,
То эрур саъй била даврongард. *Фавойидул-кибар*, 683-Т.

ДАҲШАТ [دهشت] – 1. қўрқинч, чўчиш, қўрқиш, безовталик:
Ул пари даҳшати ишқидин эта олмон анга,
Телбалик бирла ҳам ўзни мени расво густох. *Хазойинул-маоний*, IIIб-112;
Ким баҳсқа йўқ қошида даҳшат,
Чун кетти башарлиқ этти ваҳшат. *Лайли ва Мажнун*, 200-Т;

2. қиёмат хавфи:
Ҳашрда дағи қўпуб андин азоб,
Кўнглида йўқ даҳшати ёвмул-ҳисоб. *Ҳайратул-аброр*, 101-21;

3. нотинчлвк, хавф:
Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате. *Садди Искандарий*, 136-Т;

~ **эт-** – даҳшат этмоқ, беҳад кўрқмоқ:
Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этмас тиғ сур,
Мен баҳилмен гар санга бу бир овуч қондур ғараз. *Ғаройибус-сиғар*, 227-Т.

ДАҲШАТАНГЕЗ [دهشت انگیز] – даҳшатли, қўрқинчли:
Бу навъ ики сипоҳи хунрез,
Қон тўккали барча даҳшатангез. *Лайли ва Мажнун*, 211-Т.

ДАҲЯК [ده یک] – ўндан бир:
Мундақ эмас эрди ву эрмас шаке,
Мунча не ким эрмас эди даҳяки. *Ҳайратул-аброр*, 7-313.

ДЕ- [دى] – 1. демоқ, гапирмоқ, айтмоқ:
Аммо маълум бўлсун ким аруз фаннида назм авзони усулининг биносин уч рукнга қўюбтурлар ким аларни сабаб ва ватад ва фосила дебтурлар.
Мезонул-авзон, 13-Т;
Дер эрмишлар ки бизинг тариқимиз суҳбатдур. *Насойимул-муҳаббат*, 132;
2. атамоқ, билмоқ, санамоқ, кўрмоқ:
Жаҳон нўқ олами кубро де ани,
Жаҳонда мақсади акбо де ани. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-62;
Бир бўл-у бир кўр-у бир де бир тила,
Майл қилма мунда иккилик била. *Лисонут-тайр*, 215-Т;
3. ўйламоқ, гумон, фараз қилмоқ:
Ўлтур деб анга ки бўлса фармон,
Ким йўқ анга мундин ўзга армон. *Лайли ва Мажнун*, 77-Т;
Муниси жон деганим офати жон бўлди ло,
Жонима бедодидин шева фиғон бўлди ло. *Хазойинул-маоний*, IIIб-574;
4. етказмоқ:
Дегасен Мискин Навоий ноласин булбул киби,
Эй сабо у гул ҳаримиға мажолинг борида. *Хазойинул-маоний*, 16-544;
5. хоҳламоқ:
Бода ич ким гар десанг ўзни мукаддар қилмайин,
Солма кўз дунлар сари андоқ ки чархи дун сари. *Хазойинул-маоний*, IVa-349;
6. ижод қилмоқ, яратмоқ;
Оку қаро мадҳида ҳар не ки дедим ёкмас,
Эмди бу мазаллатдин оқ тавба қаро тавба. *Хазойинул-маоний*, IIIб-708;
7. буюрмоқ, амр қилмоқ;
Муғ пири май бериб тилади жонни муғбача,
Ҳар неки дедилар қилуридин тажонмадим. *Хазойинул-маоний*, 116-420;
8. кўмакчи феъл функциясида;
Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимға солғай деб
Агар ўлтурса қоним ранги туфрағида қолғай. *Ғаройибус-сиғар*, 74-Т;
Мен сени деб қилмағимдур чун хижил,
Сен мени ҳам қилма айтиб мунфаил. *Лисонут-тайр*, 181-Т.

ДЕБО [ديبا] – 1. нозик, нафис ипак мато; ҳарир:
Қилиб маснад қаноат бўрёсин
Кийиб дебо киби узлат палосин. *Вақфия*, 14-246;
Туҳфалар ким йибарди Қайсари Рум,
Буруса жинси Фаранг дебоси. *Наводируш-шабоб*, 676-Т;
Ясалсун борча ойин бирла зебо,
Тутулсун бариға аксун-у дебо. *Фарҳод ва Ширин*, 131-Т;
2. ҳарир кийим:
Кўрди ки келур нигори зебо,
Боштин аёғиға хазз-у дебо. *Лайли ва Мажнун*, 217-Т;
Чун кийиб сўз ҳарир-у дебосин,
Дилкаш айлаб жамоли зебосин. *Сабъаи сайёр*, 10-33;
~ **йи гулгун** – гулгун дебо:
Кезиб гулчеҳралар ҳар сари мавзун,
Кийиб боштин аёқ дебойи гулгун. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т;
~ **йи гулранг** – гулранг дебо:
Тўшаб қаср ичра юз дебойи гулранг,
Қўйулди тахти гардунсойи гулранг. *Фарҳод ва Ширин*, 164-Т;

~ **и заркор** – зар билан тўқилган шойи, ҳарир:
Етти ранг дебойи заркордин.
Мукаллал қилиб дурри шаҳвордин. *Садди Искандарий*, 290-Т;

~ **и Чин** – Чин шойиси:
Бари рахти дебойи Чин-у Хитой,
Жавоҳир бари узра зийнатфазой. *Садди Искандарий*, 353-Т;
Бу дебо узра пайкароройи чин,
Бу навъ айлади нақши дебойи Чин. *Садди Искандарий*, 350-Т.

ДЕБОЧА [ديباچه] – 1. кириш сўз, муқаддима:
Қасида дебочасида ул они форсий иборат била битибтур.
Насойимул-муҳаббат, 152;
...фихристида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси Қайюми мутлақ сифати
била мутарро эканнинг баёни. *Фарҳод ва Ширин*, 78-Т;

2. девоннинг нақшлар билан безатилган биринчи саҳифаси:
«Тазкиратул-авлиё» китоби ким... анинг дебочасида ўзларининг Шайх Мажидиддинга иродатларин зоҳир қилибтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 169;

~ **и хусн** – нақшли илк саҳифа кўрки; нафис муқаддима гўзаллиги; нафис чеҳра:
Эй сафҳаи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочаи ҳуснингда абад нуқтаси туғро. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т.

ДЕВ [ديو] – 1. дев; шайтон; афсонавий баҳайбат кўркинчли махлуқ:
Таворихда мундақ мусбатдур ким девлар ани саждада топиб тош била бошин янчиб ўлтурдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;
Беша ичра девлар мақтули ўлсун эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай. *Хазойинул-маоний*, 1116-347;

2. муғомбир, алдоқчи, маккор, фирибгар:
Толиби илмлар аросида Ноҳиқий ким ани дев била шаётиндин мутаваллад бўлған ўғул деса бўлур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-75;
Ўйла ким мендурмен инсон бўлмасун,
Йўқ ки инсон дев-у шайтон бўлмасун. *Лисонут-тайр*, 20-Т;

3. бало:
Нафс-у ҳаво девига бермакка тоб,
Авжи ҳақиқат фалакида шиҳоб. *Ҳайратул-аброр*, 7-231;

4. даҳшат:
Қўюб эрди каминда Жобир нев,
Киноварлар масоф вақтида дев. *Сабъаи сайёр*, 10-295;

5. тез, чопқир, илдам:
Чун пари ву ҳурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим. *Муҳокаматул-луғатайн*, 174-Т;

~ **и ваҳшийфиол** – ваҳший феълли девлар; лашкарлар:
Бу ҳайъат била туздилар чун ясал,
Адад ичра минг деви ваҳшийфиол. *Садди Искандарий*, 406-Т;

~ **и лаин** – лаънати дев, лаънатланган дев:
Кўр не малаквашни қилиб нафси дун,
Деви лаин оллида хору забун. *Ҳайратул-аброр*, 7-219;
Шаётинга маҳалла ҳайратдур ва деви лаинга мужиби ибрат ва нафратдур.
Маҳбубул-кулуб, 9(10)-481;

~ **и хунхор** – қонхўр дев:
Қайу тун қиргун минг деви хунхор.
Мени қилдинг буларга қат учун хор. *Фарҳод ва Ширин*, 396-Т;

~ **и ғурур** – магрурлик, шайтоплик; зўравонлик:
Тутуб ер димоғингда деви ғурур,
Малойик қочиб суҳбатингдин зарур. *Садди Искандарий*, 281-Т.

ДЕВБАНД [ديوبند] – дев билан курашувчи, девни енгувчи, мағлуб этувчи; кучли, жасур, паҳлавон:
Неча девбанд эрди ул аржуманд,
Ажал деви охир ани қилди банд. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;
Димоғидин олиб бир жом ила хуш,
Мени қил девбанд-у аждаҳокуш. *Фарҳод ва Ширин*, 196-Т;
~ **и чарх** – чарх девбанди:
Қалам айлаб анингдек чуст-у ширин,
Ки айтиб девбанди чарх таҳсин. *Фарҳод ва Ширин*, 220-Т.

ДЕВБОД [ديوباد] – 1. куюн, уюрма, чанг-тўзон; девваш ҳаво тўзони:
Мажнуннинг атоси девбоддек дашт атрофида эврулуб ўз девонаниҳодин саргашталикда тапмағи... *Лайли ва Мажнун*, 262-Т;
2. гирдоб:
Қилиб хасмни бир бир ул девзод,
Анингдек ки хошокни девбод. *Садди Искандарий*, 99-Т;
Қуйун йўқ ким ҳуйуни девзод ул,
Деман ким девзод ул девбод ул. *Фарҳод ва Ширин*, 120-Т;
3. кучли паҳлавон:
Яна пилча хинги тозинажод,
Демай девзод-у дейин девбод. *Садди Искандарий*, 290-Т;
Ул пари ишқида мен девона эрмен девмен,
Ишқ водисинда ҳар оҳим эрур бир девбод. *Наводируш-шабоб*, 118-Т.

ДЕВВАШ [ديوش] – девга ўхшаш, девдай, девсимон; ваҳший, қўпол:
Бу янглиғ уч гурд разм озмум
Кириб бўлдилар деввашқа забун. *Садди Искандарий*, 408-Т;
Укуш рев ила ҳисн азми қилиб,
Ҳам ул девваш халқдин айрилиб. *Садди Искакдарий*, 431-Т.

ДЕВДАШИ- [ديودشی] – чайқалмоқ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

ДЕВЗАДА [ديوزده] – дев урган, жин урган:
Чарх мисосида булутдек ғирев,
Девзада ўйла ки кўрганда дев. *Ҳайратул-аброр*, 7-24.

ДЕВЗОД [ديوزاد] – 1. дев авлоди, девдан тарқаган:
Қилиб хасмни бир бир ул девзод,
Анингдек ки хошокни девбод. *Садди Искандарий*, 99-Т;
2. зўр гавдали юғурик (от):
Ки чун девона минса девзоди,
Ёнида ул сифат ҳавро нажоди. *Фарҳод ва Ширин*, 431-Т.

ДЕВЗУЛМ [ديوظلم] – девмонанд зулм:
Бирав йўқ кофири қотилниҳоди
Париваш девзулми ҳурзоди. *Фарҳод ва Ширин*, 104-Т.

ДЕВКАШ [ديوكش] – девкаш:
Бари девпайкар бари ғулваш
Бари ғулбанд-у бари девкаш. *Садди Искандарий*, 405-Т.

ДЕВКИРДОР [ديو كردار] – девсифат, девтарз, дев қилиқ:

... мундақ ғаддорнинг забуни ва мундақ паризоднинг мафтуни ва мундақ девкирдорнинг мажнуни. *Маҳбубул-қулуб*, 14-66.

ДЕВКУШ [ديوكوش] – кучли, паҳлавон; катта, йирик:

Олиб бир девкуш хоро ки оттим.
Жаҳаннам хиттаси сари узаттим. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т.

ДЕВКУШЛУК [ديوكوش لوک] – дев ўлдиришлнк, девни мағлуб қилиш; ботирлик, паҳлавонлик:

Кўрунуб ҳайъатидин тезхушлук,
Билиниб пайкаридин девкушлук. *Фарҳод ва Ширин*, 218-Т.

ДЕВЛОХ [ديولاخ] – девлар макони:

Хирад бошин эвуруб девлохи,
Қуруғ шох анда ҳар бир дев шохи. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
Паёпай девлох анинг жиболи,
Саросар девбод анинг шамоли. *Фарҳод ва Ширин*, 216-Т.

ДЕВМОНАНД [ديو مانند] – девмисол, девга ўхшаш;

Намудор аро ҳар бири бир пари,
Вали девмонанд ўлуб пайкари. *Садди Искандарий*, 290-Т.

ДЕВНАЖОД [ديو نجاد] – дев насаб, девдан тарқалган; девдай кабиҳ:

Бир париваш ҳаюни дев нажод,
Балки дев-у пари била ҳамзод. *Сабъаи сайёр*, 10-253;
Девнажод ки қаён гом олиб,
Йўқ ки башар хайли малак қўзғалиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-197.

ДЕВНИҲОДЛИҒ [ديو نهادليغ] – девтабиатлик; ичи қоралик, қабиҳлик:

Ўз хилқати девниҳодлиғин тавзиҳ қилмақ ва кибрлар фискин ўз тоатиға таржиҳ қилмақ. *Фавойидул-кибар*, 707-Т.

ДЕВОЙИН [ديو آيين]– девга ўхшаш, дев сингари; макрли, ҳийлагар:

Хавослари иблисшиор-у девойин шевалари макр-у пешалари кин. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-481.

ДЕВОН [ديوان] – 1. дафтар, девон; тўплам, мажмуа:

Ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхширақ эмас. *Насойимул-муҳаббат*, 184;
Ул жумладин бири «Ғаройибус-сиғар» девонидур ким кичик ёшда тақриримдин гузориш ва таҳриримдин нигориш топибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;

2. давлат маҳкамаси идораси, шоҳлар, хонлар маҳкамаси:

Бири турк айвонида ости муҳр,
Бири сарт девонида бости муҳр. *Вақфия*, 14-245;
Магар шоҳ девониға кетмамиш,
Ётар махзан ичра магар етмамиш. *Садди Искандарий*, 157-Т;

3. давлат кирим-чиқим ишлари (дафтархонаси)нинг бошлиғи:

Неча девон неча нависанда неча бахши неча парвоначи жонларига етиб неча ҳийла била қутулурлар. *Муншаот*, 129;

4. кўшк, айвон, қаср, шоҳлар саройи:

Яна «Наводируш-шабоб»... девонидур ки йигитлик авоилида баёним килкидин намойиш девониға ва оройиш бўстониға киритбдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;
Қилди кўп девонни эл нақшу нигор аммо эмас
Уйла ким қилдим нигорим васфини девонда нақш. *Хазойинул-маоний*, IIIа-139;

5. ҳусндор, гўзаллик мажмуаси:

Хусни левони уза матлаъдур ул пайваста қош,
Котиби тақдир анинг мисраъларин ёзмиш туташ. *Хазойинул-маоний*, IVб-264;

~ **и ҳуси** – гўзаллик девони:
Йўл шабистон ичра топмас ҳар кеча келтурмаса,
Ул куёш девони ҳуснидин неча парвона шамъ. *Бадойиул-васат*, 224-Т.

ДЕВОНА [ديوانه] – 1. девона, ақлу ҳушидан озган:
Девона ки маст бўлса дойим,
Кулмакка сўзи эрур мулойим. *Ғаройибус-сиғар*, 7-Т;
Бир неча кун ўтмади ким яна бир девона ани уруб ўлтурди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-19;
Малак хайли бўлур девона кўргач ул паривашни
Мени мажнунға шайхи бехирад талқин қилур парҳез. *Хазойинул-маоний*, 116-208;
2. ошиқ:
Ул пари лутф айлабан девоналар кўнглин олур,
Не ажаб ушшоқи бедилшюг кўнгул олдурмаги. *Хазойинул-маоний*, IIа-342;
Ерга тушти ёлбариб девона зор,
К-эй парию ҳурдин ҳуснингға ор. *Лисонут-тайр*, 191-7;
3. сарсону саргардон, гадой, тиланчи:
Моваройннаҳрий девона кишидур ки элнинг эвларига борур эрди.
Насойимул-муҳаббат, 167;
~ **и абтар/абтарий** – нотавон, бахтсиз девона:
Ишқ саҳроси аро оқил итурганлар мени,
Бўлдилар навмид бир девонаи абтар топиб. *Фавойидул-кибар*, 68-Т;
Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдилар ким туна кун девонаи абтарийи усрук аларға йўлуқуб кўп беадабона ҳарзалар деб оғзиға келган сафоҳат қилған эркандур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-74;
~ **и банди** – тутқин банди девона:
Лабинг шавқида бир девонаи банди наботи Миср,
Сочинг савдосида бир пўст пўши нафаи Чин ҳам. *Наводируш-шабоб*, 428-Т;
~ **и бехонумон** – уй-жойсиз, саргардон девона:
Гар Навоий истади оворалиғ эй аҳли ҳуш,
Ғам еманг девонаи бехонумони биш эмас. *Ғаройибус-сиғар*, 189-Т;
~ **и беъэтидол** – бекарор девона:
Сўрма кўнглум ҳолини бедод ила ўлтургуси,
Ўзин ул девонаи беъэтидолим бу кеча. *Бадойиул-васат*, 330-Т;
~ **и бекарор** – қарорсиз девона:
Не ким билиб эрди баридин сўз,
Девонаи бекароридин сўз. *Лайли ва Мажнун*, 243-Т;
~ **и жулида** – жулдур, лахтак кийимли девона:
Суроҳий то майи лаълинг висолин орзу қилмиш,
Ани бу орзу девонаи жулидаму қилмиш. *Наводируш-шабоб*, 263-Т;
~ **и зор** – нотавон, бечора девона:
Ул ки топилмас башар жинсида вақ ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим. *Наводируш-шабоб*, 434-Т;
~ **и номурод** – истагига етолмаган девона; бечора фақир:
Чун девонаи номурод бу муродни кўрди. *Маҳбубул қулуб*, 9(10)-495;
~ **и олий сифат** – ҳақиқий ошиқ:
Бор эди девонаи олий сифот,
Халқ мажнун ул ҳақ айтиб анга от. *Лисонут-тайр*, 178-Т
~ **и ошуфтаҳўй** – ошиқ, шайдо, девона феълли:
Фонийи девонаи ошуфтаҳўй,
Неча сўз гар сендин этти гуфтугўй. *Лисонут-тайр*, 250-Т;

~ **и расво** – расвойи девона:
Ваҳш тайр ўлмиш рамида мендин-у мажнунға ром,
Мен киби девонаи расвойи нодондурму ул. *Фавойидул-кибар*, 355-Т;
Чун тузалди тан уйи қавғай эди андин равон,
Йўқ кўнгул девонаи расавойи нодони қош. *Ғаройибус-сиғар*, 221-Т;

~ **и саргашта** – саргашта девона:
Дўстлар кўнглум ҳадисин демангиз Тангри учун,
Ким мен ул девонаи саргаштадин безормен. *Ғаройибус-сиғар*, 368-Т;

~ **и сияҳрўй** – хулқу атвори, ифлос юриши билан эл назаркдан қолган киши; ўзини камтар қилиб кўрсатиш:
Шаҳзодаи беҳамто Кичик мирзо... девонаи сиёҳрўй сияҳпўшқа йўлиқмайдур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-39;

~ **и фарзона** – донишманд, билимдон девона:
Хастае ким бастаи ул зулф эрур,
Ўйла йўқ девонаи фарзонае. *Мезонул-авзон*, 30-Т;

~ **и фосиқи абтарий** – ёмон ишлар билан шуғулланувчи девона:
Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрди ким дойим маст юрур эрди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-74;

~ **и шайдо** – ақлдан озган ошиқ, шайдо ошиқ:
Ул пари побусин айлар ваъда ваҳ ким томағум,
Бўлса юз минг жон мини девонаи шайдо эваз. *Бадойиул-васат*, 210-Т;

~ **бўл-** – 1. девона, телба бўлмоқ; ошиқ бўлмоқ; гирифтор бўлмоқ:
Чу ҳар дам ул пари бегона бўлғай,
Якиндур ким киши девона бўлғай. *Фавойидул-кибар*, 557-Т;
Баҳромнинг ўз париваши ҳажридин девона бўлғани. *Сабъаи сайёр*, 10-127;
Бу эрди бим ким девона бўлғай,
Хирад ойинидин беғона бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 190-Т;

~ **қил-** – девона қилмоқ, ҳайратга солмоқ:
Қаср уза тушти жин алолоси,
Мени девона қилди савдоси. *Сабъаи сайёр*, 10-333.

ДЕВОНАВАШ [ديوانەوش] – девонаваш, девонасифат, девонанамо:
Ки жомиға ўзни қилиб журъакаш,
Сўз айлай адо маст-у девонаваш. *Садди Искандарий*, 84-Т;
Жунундин ақлкуш бал дардкаш ҳам,
Парирухсора бал девонаваш ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 104-Т.

ДЕВОНАВАШЛИҒ [ديوانه وش ليغ] – девонавашлик, ўзини девоналикка солиш; чапанилик:
Не ажаб гар бор эсам девонавашлиғ бирла хаш
Ким кўнгул олған париўйум эрур девонаваш. *Хазойинул-маоний*, 16-274.

ДЕВОНАВОР [ديوانه وار] – 1. девоналарча, девоналардай, телбалардай, телба сифат:
Дарди ҳажрингдин Навоий телбаробтур эй пари,
Гар эшитмак истасанг девонавор абёт кел. *Хазойинул-маоний*, IV6-395;
Мавлоно Бу Али – девонавор юрур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 115-Т;
2. парвонага ўхшаш ошиқ:
Эврулуб шамъ ўтиға парвонавор,
Ўзни ташла шуълаға девонавор. *Лисонут-тайр*, 236-Т;
Фарҳод девонавор парикаш била паривашин эгнига олмак. *Фарҳод ва Ширин*, 313-Т.

ДЕВОНАКИРДОР [ديوانه كردار] – девона қиликли, тарзли; девонасифат:

Фано дайри ичра қаландарсифат,
Кезиб балки девонакирдор ҳам. *Ғаройибус-сиғар*, 503-Т; *Фавойидул-кибар*, 628-Т.

ДЕВОНАЛИҒ/ДЕВОНАЛИҚ [ديوانه ليغ /ديوانه ليق] – девоналик, телбалик; ошиқлик, гирифторлик:

Ошуфталиғиға йўқ ниҳоят,
Девоналиғиға ҳад-у ғоят. *Лайли ва Мажнун*, 153-Т;
Не айб Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамий ким бўлса анинг ёри паризод. *Ғаройибус-сиғар*, 113-Т;
Десанг халос олай барисидин Навоийдек,
Бехудлук-у май ичмак-у девоналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 519-Т;
Гаҳ қилиб шамъға парвоналиқ,
Гаҳ пари ишқида девоналиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-74;
Эй Навоий неча солғай ошуб
Ул пари кўйида девоналиғинг. *Ғаройибус-сиғар*, 273-Т;
Неча девоналиқ Фарҳод янглиғ,
Чекиб тил тешаи пўлод янглиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 86-Т;

Мажнунни ишқ тариқида ўзига ўхшатмақ ва девоналиқ расмин анга ўргатмақ камоли ошиқлик ва девоналиққа долдур... *Мажолисун-нафоис*, 243-Т;

~ **қа сол-** – ўзни жинниликка солмоқ, ўзни телба қилиб кўрсатмоқ:

...Хожа Абдулқодир қочиб қаландар бўлуб ўзин девоналиққа солиб мулкдин мулкка мутаворий юрур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 191-Т;

~ **қил-** – девоналик қилмоқ; девоналикка солмоқ:

То бўлуб бехуд Навоийдек қилай девоналиғ,
Ким тараҳҳум қилмаса қилғай тамошо ул пари. *Ғаройибус-сиғар*, 499-Т;
Навоий ул пари базмида гар девоналиқ қилса,
Эрур ҳам маст тонг йўқ мазмдин судратсалар ани. *Фавойидул-кибар*, 620-Т.

ДЕВОНАМИСОЛ [ديوانه مثال] – девонадек, девонасифат:

Девонамисол беқарор этти мени,
Саргашталик ичра хоксор этти мени. *Муншаот*, 14-193.

ДЕВОНАМОНАНД [ديوانه مانند] – девонасифат:

Ишим чун телбаликка топти пайванд,
Ажаб йўқ сўз десам девонамонанд. *Фарҳод ва Ширин*, 422-Т;
Ким ул девонасори девпайванд,
Ўзи дев-у сўзи девонамонанд. *Фарҳод ва Ширин*, 435-Т.

ДЕВОНАНИҲОД [ديوانه نهاد] – девона табиатли, хислатли; мажнун:

Мажнуннинг атоси девоподдек дашт атрофида эврулуб ўз девонаниҳодин саргашталикда топмағи... *Лайли ва Мажнун*, 262-Т.

ДЕВОНАПАЙВАНД [ديوانه پيوند] – девоналарча, девонавор:

Пари андақ бўлуб девонапайванд,
Ки жисмидин узуб тиш бирла парканд. *Фарҳод ва Ширин*, 197.

ДЕВОНАСОЗ [ديوانه ساز] – девонага айлантирувчи:

Қилиб ваҳм ким ашқи девонасоз,
Анга қилмағай ногаҳ ифшойи роз. *Садди Искандарий*, 231-Т.

ДЕВОНАСОР [ديوانه سار] – девонасифат, девонага ўхшаш:

Муғанние бор эрди хушовоз аммо кичик ёшлиғ ва девонасор ва шўх эрди.
Насойимул-муҳаббат, 71;

Мавлоно Шаҳидий... ошуфтаваш ва девонасор киши кўрунур.
Мажолисун-нафоис, 186-Т;

Мени девонасор бечора,
Ўзум ўз жонима ситамсоро. *Сабъаи сайёр*, 10-40.

ДЕВОНАШИОР [ديوانه شعار] – девонасифат, девонавор; мажнун, шайдо, девонашиор:
Кўйида этти кўнгул ваҳ қачан ул
Насри девонашиорим келгай. *Бадойиул-васат*, 463-Т.

ДЕВОНБОШИ [ديوان باشى] – девонбоши, давлат маҳкамаси бошлиғи:
Мавлоно Олим... бир кун бир жамоат эл била девонбошиға қазияи арз қилди.
Мажолисун-нафоис, 89.

ДЕВОНИЙ [ديوانى] – девонга тегишли:
Яна ул ким девонийларга ҳукм бўлса ким атрофдии келган бозургонларнинг жонибин риоят қилсалар. *Муншаот*, 14-191;
~ **кил-** – мусодара қилмоқ, давлат ихтиёрига олмоқ:
Бор-у йўқ жиҳотин девоний қилдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-74.

ДЕВОНХОНА [ديوان خانه] – фалак девонхонаси, осмон:
Уторид фалак девонхонасининг қаламзан-у роқимидур.
Муҳокаматул-луғатайн, 190-Т.

ДЕВОР [ديوار] – 1. девор, том:
Бир қиш кеча тонг откунча маъшуқ девори тубида туруб эрди ва устига қор ёғадур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 16-Т;
Вайронаедур масканим андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикда ўт ашким билан девор нам. *Мезонул-авзон*, 39;
Шайх Камол Турбатий... деворда битилган абётни ўқуб бир байт устида баҳсқа туштилар. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;
2. чегара:
Унсурни тузук сарой қилдинг,
Деворини чордой килдинг. *Лайли ва Мажнун*, 31-Т.

ДЕВОРЧА [ديوارچه] – деворча, девордек:
Абри раҳмат сояи сиҳҳат бошимға солмағай,
Ул куёш кўйи қироғинда бузуғ деворча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т.

ДЕВПАЙВАНД [ديو پيوند] – ниҳоятда кучли; баҳайбат:
Ким ул девонасори девпайванд,
Ўзи дев-у сўзи девонамонанд. *Фарҳод ва Ширин*, 435-Т.

ДЕВПАЙКАР [ديو پيكر] – дев гавдали, баҳайбат:
Тутуб ул девпайкар узра ором,
Қўйубан аҳраман водисиға гом. *Фарҳод ва Ширин*, 215-Т;
Анга рокиб ҳамиша ул париваш
Бўлуб ул девпайкар ҳам парикаш. *Фарҳод ва Ширин*, 291-Т.

ДЕВСИЙРАТ [ديو سيرت] – дев қилиқли, дев табиат; девсийрат:
Девсийратлардин эй гардун мени оғритма ким
Юз аларча оғритурға ул пари рухсор бас. *Фавойидул-кибар*, 231-Т;
Дард кўр ким девсийратлар биландур ул пари.
Гарчи бор андин малак хайлиға дағи тергаким. *Бадойиул-васат*, 307-Т.

ДЕВСОН [ديوسان] – девсимон, дев каби:
Бурнағи банд аро топиб қўрған,
Девсон занги ву оти Қатрон. *Сабъаи сайёр*, 10-221.

ДЕВСОР [ديوسار] – дев шаклли, девга ўхшаш:
Шоҳ худ турмиш эрди майдонда
Зангийи девсор жавлонда. *Сабъаи сайёр*, 10-231;
Ул пари пайкар малакваш мен жунундин девсор,
Туткан эл бир лўлийи ошуфта парчам бирла унс. *Хазойинул-маоний*, IV6-239;
~ **и девонавор** – девсифат девоналардек:
Искандарнинг мўр хайлин шикор эткали сипоҳин тузаткани ва ул гуруҳ девсори девонавор етиб анинг оллида тузатканлари... *Садди Искандарий*, 403-Т.

ДЕВХУШ [ديوهوش] – нияти девникидай ёмон:
Чиқти бир неча девхуш бирла,
Кинакаш балки хиракаш бирла. *Сабъаи сайёр*, 10-258.

ДЕГИН [ديگين] – ...гача, ...га қадар:
Қасри ети гунбази гардон келиб,
Етти атосиға дегин хон келиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-67;
Гоҳи бу қочиб ул кенидин суруб,
Ки майдон бошиға дегин еткуруб. *Садди Искандарий*, 195-Т;
Ғаминг тунида куюб шамъдек саҳарга дегин,
Узумга уйқуни айлаб ҳаром йиглармен. *Хазойинул-маоний*, IIIa-269;
Бу чоққа дегин истар эрмиш маҳал,
Ки бир ерда юзланса кин-у жадал. *Садди Искандарий*, 411-Т;
Фунун бозори ичра шўр тушти,
Уторидга дегин ғавғо ёвушти. *Фарҳод ва Ширин*, 326-Т.

ДЕГИНЧА/ДЕГУНЧА [ديگينچه/ديگونچه] – ...гача, қадар:
Ва Исо алайхис-саломдин сексан йилға дегинча даниға ҳалал йўқ эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-182;
Маккадин Мадинаға дегинча маҳофасин ашроф эгинларига кўтариб элтурлар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 75;
Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак,
Ким киёматқа дегунча бу иликдур ул этак. *Хазойинул-маоний*, 16-348;
Дедилар ким карилиғда ҳеч ниманинг завқи йигитликдагича эрмас ғизодин ва шарбатдин ҳатто сувға дегинча. *Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*, 15-101.

ДЕГУЛУК [ديگولوک] – айтгилик, айтишга арзийдиган:
Хирадманд улдур ким ёлған демас аммо барча чин дегулук ҳам эмас. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-524;
Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулук эмас. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-543.

ДЕЙИЛ- [ديل] – дейилмоқ, айтилмоқ; аталмоқ:
Ишқ ичра жунун анинг сифоти,
Мажнун дейилиб жаҳонда оти. *Лайли ва Мажнун*, 86-Т;
Ҳар бир кун минг йилчилиқ йўл бор эмиш дейилса мингдин бирини дейилмамиш бўлғай. *Муншаот*, 14-144;
Маснавийда бир жамоат хўб таърифида мундақ дейилибдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 173-Т.

ДЕЙИШ- [دییش] – гаплашмоқ, айтишмоқ, дейишмоқ, гапиришмоқ:

Манга бу эл ичра не бир ҳамдами,
Ки бир дам икавлан дейишсак ғами. *Ғаройибус-сиғар*, 513-Т;

Кимса ёри бирла хуш турғам дейишиб мунграшиб,
Ётса гоҳи чирмашиб ўлтурса гоҳи ёндашиб. *Ғаройибус-сиғар*, 73-Т;

Ўзига келгач ул икки дилхоҳ,
Не дейишгандин ўлмадим огоҳ. *Сабъаи сайёр*, 10-373.

ДЕЙИШМАК [دییشماک] – гаплашиш, сўзлашиш:

Рашкдин ишқинг тутармен жон-у кўнглумдин ниҳон,
Бўлмас эл сиррин дейишмак икки номаҳрам била. *Фавойидул-кибар*, 520-Т.

ДЕКЛАЙ/ДЕКЛА [دیکلای / دیکلا] – енги киска устки кийим:

Гар Навоий ақли мабҳут ўлса қилманг айб ким
Ҳошия зарбафт этиб, деклай кияр дилбар бинафш. *Фавойидул-кибар*, 265-Т;

Икки юзга ҳам деклай-у тўн бериб,
Яланг тўн аларча яна ўн бериб. *Садди Искандарий*, 276-Т;

Тугма гулгун деклайида лаъл пайкони эмас,
Гулга боғлабтур кўнгул булбуллар аммо барча қон. *Хазойинул-маоний*, IIIб-445;

Қизил ҳошия деклайингда эмас ким
Этак қатл этар чоғда қонимға урдунг. *Фавойидул-кибар*, 346-Т;

Яшил енгинг ки сариғ декладин кўрунди не тонг,
Хазон дарахти бўлур ҳам бирарта ахзар шох. *Бадойиул-васат*, 91-Т.

ДЕМАК [دیماک] – дейиш, айтиш:

Оз сўз демакнинг манфаатида ва кўп сўзнинг мазарратида.
Ғаройибус-сиғар, 525-Т;

Демакка фитна таълимин бўлуб ҳам,
Қулоғинг сари бош элтибтур ул қош. *Ғаройибус-сиғар*, 206-Т;

Мурувват барча бермакдур емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур демак йўқ. *Фавойидул-кибар*, 720-Т;

Десам бордур жаноби аъло
Гардунни демакдурур муалло. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т.

ДЕМАКЛИК [دیماک لیک] – демаклик, айтишлик:

Десам ки эрур сахо анга фан,
Демаклик эрур қуёшни равшан. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

Анга узр айтур фасона қолмади,
Йўқ демакликка баҳона қолмади. *Лисонут-тайр*, 129-Т;

Демаклик эмас ҳукмрони замон,
Демактур Ануширавони замон. *Садди Искандарий*, 140-Т.

ДЕПСА- [دیپسا] – тепинмоқ, тепиниб турмоқ:

Мажлисда ўлтуратурғач секриб ул азизнинг бўйниға миниб аёгин депсар эрди.
Насойимул-муҳаббат, 71;

Депсаб-у сайҳа чекиб андақ ки пил,
Чангаки нафс оллида хору залил. *Ҳайратул-аброр*, 7-136.

ДЕҲ I [ده] – берувчи, бағишловчи:

Турк-у мўғул қуллари хонлар анинг,
Мулк деҳи мулкситонлар анинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-67.

ДЕҲ II [ده] – қишлоқ:

Шаҳрдин шаҳрғача деҳлар буюрди ва ҳайли ишга қонун ва қойида қўйди.
Тарихи мулуки ажам, 507;

[Мавлоно Лутфий] Мавлононинг қабри шаҳр навоҳийсида деҳи Канорда ким ўз маскани эрди андадур. *Мажолисун-нафоис*, 67-Т.

ДЕҲҚАНАТ [دهقنت] – деҳқончилик:

Амир Давлатшоҳ... фақр ва деҳқанат била қаноат қилди. *Мажолисун-нафоис*, 167-Т.

ДЕҲҚОН [دهقان] – 1. *кишлоқ бошлиғи; бадавлат киши; деҳқон:*

Йўлда Исфаройин шаҳрига етканда бир деҳқон уйига тушти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-289;

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур ўзга ишлари таърифи маҳолдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-474;

Такаббур айлама деҳқон деким бу гулшанда,
Қачон гул очилибтур ким ул сочилмайдур. *Хазойинул-маоний*, 1116-158;

2. тажрибакор, ишбилармон, иш бошқарувчи:

Мулки жаҳон мазраъи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул. *Ҳайратул-аброр*, 7-98;

3. соҳиб, яратувчи, холиқ:

Хирад деҳқони мундағ нуктаи дер:
Ки дона сочқали яхши керак ер. *Фарҳод ва Ширин*, 336-Т;

~ **и азал/қазо/сунъ** – тақдир; Оллоҳ, Тангри:

Бевафолиғ тонг эмас элдин ки деҳқони азал,
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида. *Наводируш-шабоб*, 556-Т;

Ул хабари ҳусининг рухсорини деҳқони сунъ
Арғавони тун уза айлаб турур олав гули. *Бадойиул-васат*, 502-Т;

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одами хокини гулистони сунъ. *Ҳайратул-аброр*, 7-72;

Йаракан бўлдум-у деҳқони қазо,
Заъфарон экти ёшим ариғига. *Фавойидул-кибар*, 700-Т;

~ **и озарпараст** – оташпарст деҳқон:

Навосози деҳқони озарпараст,
Бу навъ этти сўз риштасин тори баст. *Садди Искандарий*, 111-Т.

ДЕҲҚОНЛИҚ/ДЕҲҚОНЛИҒ [دهقانليغ / دهقانليق] – деҳқонлик, деҳқончилик:

Лақаби Халилуллодур... санъати деҳқонлиғ. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-119;

Утуз биринчи фасл – деҳқонлиқ зикрида. *Маҳбубул-қулуб*, 14-37;

~ **қил-** – деҳқончилик қилмоқ:

... ва усоди Абу Алийи Даккоқ била суҳбат тутубтур ва ул деҳқонлиқ қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 183-Т.

ДЕҲҚОНЧИЛИҚ [دهقانچيليق] – деҳқончилик:

Жабраил алайҳиссаломға амр бўлди ким Одамға деҳқончилиқни ўгратқил... деҳқончилиқ қилсун. *Рисолаи тир андохтан*, 16-303.

ДИГАР [ديگر] – ўзга, бошқа:

Ва Мавлоно хидматлари анинг бошин кўтариб илтифот ва навозиш қилиб пешиндин намози дигаргача Мавлоно хидматлари самоъда эрмишлар. *Насойимул-муҳаббат*, 305-Т;

Бир кун намози дигарга яқин иккаласи дарё ёқасида ўлтуруб эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 339-Т;

Шайх Або Бакри Тўсий Шайх Маликёри Парронға деди ким кел то сунинг ул юзига бориб намози дигарни адо қилали. *Насойимул-муҳаббат*, 339-Т.

ДИГАРГУН [ديگرگون] – бошқача, ўзгача:

Не паридур ким хирад асҳобини мажнун этар,
Ҳусни ҳар соат кўнгул ҳолини дигаргун этар. *Фавойидул-кибар,* 160-Т;

~ **топ-** – ўзини бошқача ҳис этмоқ:

Бокса ҳар ён ҳайратин афзун топар,
Узни ҳайрат ичра дигаргун топар. *Лисонут-тайр,* 218-Т;

ДИДБОН [ديدبان] – қоровул; навбатчи:

Қайда ким заврақи топиб таскин,
Анда бир дидбон қилиб таъйин. *Сабъаи сайёр,* 144-12.

ДИДБОНЛИҚ [ديدبان ليق] – назорат қилишлик, кўз солишлик:

Ки киши ким қўюб эди Жобир,
Дидбонлиққа ҳар сари нозир. *Сабъаи сайёр,* 146-1.

ДИЁНАТ [ديانت] – 1. динга эътиқодлилик, дин туйғуси, диндорлик, диёнат:

Барча хиёнатни диёнат билиб,
Барча диёнатда хиёнат қилиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-225;
Икинчи ҳарф давлатдин эрур дол,
Топиб дин-у диёнат андин иқбол. *Фарҳод ва Ширин,* 123-Т;

2. виждон, инсоф:

Хаёлим бу ким чун оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажузасининг вафосизлиғи ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиғи муайяндур. *Вақфия,* 14-246;

3. ҳақиқат:

Килк учин итиклик ила неш этиб,
Сидқ-у диёнат юзини реш этиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-225.

ДИЁНАТЛИҚ [ديانت ليق] – эътиқодли; инсофли, виждонли, диёнатли:

Буларға худ диёнатлиқ мададкордин не чора ва кифоятлиқ вазирдин не гузир бўла олғай эрди. *Вақфия,* 14-244.

ДИЁР [ديار] – 1. ўлка, мамлакат:

Шамъ чекиб тил чу узатти наво,
Шом диёри уза чекти ливо. *Ҳайратул-аброр,* 7-149;

Баъзи дебтурлар ким ҳамул кеча ким Исҳоқ алайҳис-салом бақо оламиға юзланди Яъқуб алайҳис-салом Канъондин маҳфий чиқиб Шом диёриға азимат қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-120;

2. ўлкалар, мамлакатлар:

Султон Маҳмуд Сабуктегин қиш фаслида Ғазнийдин куффор диерининг баъзини олурға чиққан экандур ва Санойи анинг мадҳида қасидае айтқан экандур ки анинг арзиға еткургай. *Насойимул-мухаббат,* XV-168;

3. ватан, макон; манзил:

Не кўк эдию не кўк ичра бир не ер узра мулк,
Не мулк ичинда диёр-у не ул диёрда ёр. *Вақфия,* 14-236;
Жунун кўр ғурбат ичра ким танишмак мумкин эрмастур,
Диёримдин агар сарвақтима бир ошино еткай. *Хазойинул-маоний,* IV6-617;

~ **и ислом** – ислом диёри:

Ҳақ таоло кўп йиллар диёри ислом ва аҳли ислом бошиға поянда ва мустадом тутқай. *Муншаот,* 14-180;

~ **и жануб-у шимол** – жанубу шимол диёрлари, ўлкалари:

Яна ҳам диёри жануб-у шимол,
Киши қолмағи топмайин эҳтимол. *Садди Искандарий,* 175-Т;

~ **и Фаранг** – Фаранг диёри:
Гузаргоҳи рус-у диёри Фаранг,
Қаю ерга еткач ўтуб бедаранг. *Садди Искандарий*, 424-Т;
~ **и ховар** – шарқ мамлакати:
Бу тараф ким кема шиновар эди,
Гуйиё ким диёри ховар эди. *Сабъаи сайёр*, 168-20.

ДИЖАМ [دژم] – дарғазаб:
Кўнграниб ҳар ён урар эрди қадам,
Ғойибин истарга мажнуни дижам. *Лисонут-тайр*, 179-Т;
Чектилар бутхонага хору дижам,
Маст қилди сажда бут оллида ҳам. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
~ **кил-** – эзмоқ, хор қилмоқ:
Рақиб оллида афтода-у дижам қиладур. *Хазойинул-маоний*, 16-20.

ДИЖАМВОР [دژموار] – ғазаб билан:
Атосининг аёғиға дижамвор
Тушуб айлаб ўзин туфраққа ҳамвор. *Фарҳод ва Ширин*, 224-Т;
Вале солмай ўзин зор-у дижамвор,
Йўнуб хорони тахта тахта хамвор. *Фарҳод ва Ширин*, 308-Т.

ДИЗ [دیز] – қўрғон, қалъа:
Қилса сойилни сўз била ожиз,
Фатҳ бўлгай анга икинчи диз. *Сабъаи сайёр*, 119;
Ул ким кўли очса оҳанин диз,
Лекин бу тилисм очарга ожиз. *Лайли ва Мажнун*, 58-Т.

ДИЙДА [دیده] – кўз:
Миским Навоий берса жон эй дийда ҳар дам тўкма қон,
Ул ҳар неча қилса фиғон сен асрағил зинҳор дам. *Ғаройибус-сиғар*, 335-Т;
Вагар қилса ҳам завқ топмас эди,
Вали лаҳвдин дийда ёпмас эди. *Садди Искандарий*, 283-Т;
~ **и бедор** – уйғоқ, ҳушёр кўз:
Кўйи туфрағин менинг дийдамға сол эй тонг ели,
Ким эрур ул сурма лойик дийдаи бедор учун. *Наводирун-ниҳоя*, 405;
~ **и бехоб** – уйқусиз кўз:
Шоми ҳижроним висол аҳлиға беҳад қисқадур,
Ани сўрдиклар Навоий дийдаи бехобидин. *Хазойинул-маоний*, IIа-260;
~ **и гирён** – йиғлоқи кўз:
Келмаса равшан зилол албатта бўлур чашма кўр,
Бас оёғ чекма Навоий дийдаи гирёнидин. *Наводируш-шабоб*, 464-Т;
Киргабиз ул шоҳ йўлиға жон била,
Жон овучлаб дийдаи гирён била. *Лисонут-тайр*, 46-Т;
~ **и дийдор** – юз, чехра:
Кўйи туфрағин менинг дийдамға сол эй тонг ели,
Ким эрур ул сурма лойик дийдаи дийдор учун. *Фавойидул-кибар*, 469-Т;
~ **и дурпош** – кўзи дур, ёш сочувчи:
Дур сочар кўздин Навоий лек ул йўқтур ки ёр,
Бир кеча сунғай аёғин дийдаи дурпошима. *Фавойидул-кибар*, 529-Т;
~ **и жаҳонбин** – оламни кўрувчи кўз:
Ул тарафдин канизаки чиний,
Қон тўлиб дийдаи жаҳонбини. *Сабъаи сайёр*, 10-272;

~ **и ибрат** – ибратли назар:
Деб чу очиб дийдаи ибратни кенг,
Бор ила йўқ бори ву йуқини тенг. *Ҳайратул-аброр,* 7-340;
~ **и пурхун** – қонга тўлган кўз, қонли кўз ёши:
Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қанидек,
Анда ёр андақ ки мардум дийдаи пурхун аро. *Ғаройибус-сиғар,* 43-Т;
~ **и равшан** – равшан назар, ёруқ кўз:
Қилмаса равшан жамолинг ламъаси кўз мардуми
Қўйман ул юзи қаран дийдаи равшан аро. *Наводируш-шабоб,* 38-Т;
~ **и тардоман** – ўйноқи, ҳаёсиз кўз:
Эй Навоий дўст худ йўқ вақ не ҳолатдур ки бор,
Бошим узра душман икки дийдаи тардоманим. *Ғаройибус-сиғар,* 328-Т;
~ **и хунбор** – кўзлардан қонли ёш ёғдирувчи:
Оташин лаълдек аҳкар тўкадурлар ҳар дам,
Лаби ҳажрида икки дийдаи хунбор манга. *Бадойиул-васат,* 10-Т;
~ **и хайрон** – ҳайрон кўзлар:
Эй мусаввир лутф этиб ёзғил мени жононға тўш,
Ўйла ким тушкай юзи бу дийдаи ҳайронға тўш. *Бадойиул-васат,* 192-Т.

ДИЙДАБОН [دید بان] – кузатувчи, посбон, қоровул:
Қайда ким заврақи топиб таскин,
Анда бир дийдабон қилиб таъйин. *Сабъаи сайёр,* 10-277.

ДИЙДАБОНЛИҚ [دیدبان لیق] – посбонлиқ, сақловчилик, қоровуллик:
Ки киши ким кўйуб эди Жобир,
Дийдабонликка ҳар сари нозир. *Сабъаи сайёра,* 10-280.

ДИЙДОР [دیدار] – 1. юз, чеҳра:
Устод Қавомиддин... мирзонинг муборак дийдорин кўра олғаймен деб эшикка келиб судурни восита қилиб ани маъзур кўргузуб тақвим арз қилибдур.
Мажолисун-нафоис, 192-Т;
Майда аксингдур кўз андин олмасам соқий не тонг,
То ки дийдор ўлса майдин мастлиғ мақсуд эмас. *Наводируш-шабоб,* 235-Т;
2. юз кўришиш, учрашиш:
Ва ҳам ул дебдур ким дийдор дўстлук калидининг миннатидур.
Насойимул-муҳаббат, 74-Т;
Истарам ағёр аёғин ўпкамен балким кўзин
Ким бориб кўйига етмиш давлати дийдориға. *Хазойинул-маоний,* IVб-575;
~ **и фаррух** – гўзал, хусндор чеҳра:
Миҳин Бону бу янглиғ сурди посух,
Ки эй алфози хуш дийдори фаррух. *Фарҳод ва Ширин,* 408-Т;
~ **масти дийдор бўл-** – етишмоқ, муяссар бўлмоқ:
Ул икки нечук ки бахти бедор,
Бўлуб бир бирига масти дийдор. *Лайли ва Мажнун,* 306-Т;
~ **кўрсат-** – учрашмоқ:
Агар сенинг меҳринг жиҳатидин парастиш қилур бўлсам, бир дийдор кўрсат.
Насойимул-муҳаббат, XV-84.

ДИЛ [دل] – 1. юрак, дил:
Қасд этар кўнглум ки олғай лабларингдин коми дил,
Эмди таҳқиқ айладим ким қасди жон айлар кўнгул. *Хазойинул-маоний,* IVa-215;

2. кўнгил, хотир, жон; руҳ, майл, хоҳиш, ҳавас:
Бўлуб бари асир-у зори анинг,
Дил-у жон бирла хидматкори анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т;

~ **сангин дил** – тош юрак:
Куфр дайридин чиқиб моҳ пайкаре,
Кофири сангин дили сийминбаре. *Лисонут-тайр*, 119-1.

ДИЛАФГОР [دل افگار] – дили хаста, кўнгли вайрон; ошиқ, маҳбуба:
Кўнгулни қилиб юз яра ишқ ўқи,
Тараҳҳум қилинг ким дилафгорларбиз. *Бадойиул-васат*, 156-Т;
Хаданги ғамзау ошуфта зулфунгдин йўқ эркандур,
Дилафгоре паришон рўзгоре мен киби ҳаргиз. *Хазойинул-маоний*, IIIа-115.

ДИЛАФГОРЛИҒ [دل افگارلیغ] – дилхасталик; дили вайронлик:
Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асра ки бор,
Санга дилдорлиғ иш бизга дилафгорлиғ иш. *Ғаройибус-сиғар*, 215-Т.

ДИЛАФРЎЗ [دل افروز] – дилни ёритувчи, кўнгилни шод этувчи:
Бўлмақ не ажаб базми дилафрўзи очуқ,
Ким тифли бор эрса ё анга рўзи очуқ. *Назмул-жавоҳир*, 14-177;
Боис не чу сўрди ул дилафрўз,
Бедил чекибан бир оҳи жонсўз. *Лайли ва Мажнун*, 120-Т;

~ **эт-** – дилни ёритмоқ, кўнгилни шод этмоқ:
Ё Раб ани халқ дилафрўзи эт,
Хаста Навоийға дағи рўзи эт. *Ҳайратул-аброр*, 7-62.

ДИЛАФРЎЗЛУҚ [دل افروزلوق] – дилни ёритувчилик; мафтунлик:
Илоҳи гул узориға дилафрўзлуқ ҳам сен бердинг ва булбул фиғон-у зориға жигарсўзлуқ ҳам сен бердинг. *Муножот*, 16-297.

ДИЛАФРЎХТА [دل افروخته] – дилга баҳра берувчи, баҳраманд этувчи:
Ғазалгўй акобир ва шуаро оллида мундақ муқаррардур ки ғазал тавриға Шайх мухтариъдурлар жонсўхта ишқибозларға ва дилафрўхта ва жонгудозларға фил-воқиъ ғариб ҳаққе собит қилибдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 424-Т.

ДИЛБАНД [دلبند] – 1. дили боғлиқ, кўнгил берган; боғловчи; ошиқ:
Шаҳга меҳмон-у азиз-у дилбанд,
Ҳам қариндош яна ҳам фарзанд. *Фавойидул-кибар*, 672-Т;
Ҳам қаро ҳам узун-у ҳам дилбанд,
Маҳвашим сочидин келиб монанд. *Сабъаи сайёр*, 10-123;

2. азиз, жигарбанд:
Яна Баҳром Мулкороға фарзанд,
Гузин Фарҳодға ҳамзод-у дилбанд. *Фарҳод ва Ширин*, 248-Т;

~ **бўл-** – дили боғланмоқ, бировга кўнгил қўймоқ:
Ҳар ким ки бирав ишқиға бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керактур пайванд. *Вақфия*, 14-252.

ДИЛБАНДЛИК [دلبندلیق] – дилбандлик, кўнгилни тортувчилик, ширин сўзлик, хушмуомалалик:
Аёқчилар шакаргуфтор-у дилбанд,
Қилиб дилбандлиқ бирла шакарханд. *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т.

ДИЛБАР [دلبر] – дилни элтувчи, дилни ўзига тортувчи; жонон, гўзал, маъшуқа:
Дилбарим Лайли сифатдур англангиз эй аҳли ишқ,
Бу сабабдиидур агар ҳажрида Мажнунвор эсам. *Хазойинул-маоний*, 116-423;

Деди ким дилбарингнииг де сифотин,
Деди тил гайратидин тутман отин. *Фарҳод ва Ширин*, 372-Т;

~ **и зебо** – зебо дилбар:
Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин.
Ўртанур мунглуғ кўнгул бемеҳрим истиғносидин. *Ғаройибус-сиғар*, 379-Т;

~ **и тарсо** – дилни тортувчи, гўзал санам, соҳибжамол тарсо:
Дайр пири элгидин зуннор этармен орзу,
Ҳар қачон ким айласам ул дилбари тарсони ёд. *Ғаройибус-сиғар*, 121-Т;

~ **и чобук бало** – тезликда бало келтирувчи дилбар:
Хатти зулф-у қошларинг эй дилбари чабук бало,
Ул не юздур ким эрур давринда юз турлук бало. *Наводируш-шабоб*, 29-Т;

~ **и хаммор** – соқий дилбар:
Ҳижрони хумори аро ранжур ўларимни
Ким айлагай ул дилбари хамморға маъруз. *Фавойидул-кибар*, 274-Т;
Дема эй шайх Навоийға ки чиқ майкададин,
Чиқмайин қўйса гар ул дилбари хаммор мени. *Наводируш-шабоб*, 617-Т.

ДИЛБАРЛИҒ [دلبرلیغ] – гўзаллик, маҳбублик, жононалик:
Гаҳ вафо гаҳ ноз-у гаҳ афсун била ўзгинасин,
Кўргузуб ҳар лаҳза дилбарлиғда бир турлуккина. *Фавойидул-кибар*, 536-Т.

ДИЛБАСТА [دل بسته] – ошиқ, мафтун бўлган:
Даҳр аро ани дегил давлатманд,
Ким бирав сари эмас дилбаста. *Наводируш-шабоб*, 679-Т;
Ким мен дилбастаи зори балокаш
Бурун эл янглиғ эрдум шод-у дилхваш. *Фарҳод ва Ширин*, 277-Т.

ДИЛБАСТАЛИҒ/ДИЛБАСТАЛИК [دلبسته لیق / دلبسته لیغ] – кўнгил қўйганлик, ошиқлик:
Бир ул ким етиб ишқдин хасталиқ,
Бирав жониби бўлса дилбасталик. *Садди Искандарий*, 418-Т;
Эй ҳилолингға нигунқад била пайвасталиғим,
Дилкушо ғунчаи хандонингга дилбасталиғим. *Бадойиул-васат*, 322-Т;
ва қадимий бандалар учун ул фархунда сифотни дилбасталиғдин ўз паноҳида тутсун. *Муншаот*, 14-177.

ДИЛБОНГ [دل بانگ] – дил садоси, дил ноласи:
Ки то бўлғай жаҳон боғи бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларға бу дилбонг бор ўлсун. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т.

ДИЛГИР [دلگیر] – ранжиган, озор топган; гамгин:
Бу силсила ҳалқасида дилгир,
Бу навъ шакар садойи занжир. *Лайли ва Мажнун*, 89-Т;
Оллоҳ Оллоҳ фироқ шоми саводи не бало дилгир ва умрфарсо эрмиш. *Муншаот*, 14-181;
Зулфи печу тобиға бориб келур шайдо кўнгул,
Бовужуди тийралик кўргил ки кўп дилгир эмас. *Хазойинул-маоний*, 16-250.

ДИЛДОР [دلدار] – дилдор, кўнгилни ўзига тортиб турувчи; маҳбуба, севгили, ёр:
Не савод ул висолнинг шоми,
Балки дилдор зулфининг доми. *Сабъаи сайёр*, 10-39;
Чун сафар айлар эди бир қатла дилдор эй кўнгул,
Дарди ҳажриға бўлуб эрдук гирифтор эй кўнгул. *Хазойинул-маоний*, IIа-б411.

ДИЛДОРЛИҒ/ДИЛДОРЛИК [دلدارليغ / دلدارليق] – маҳбублик, севимлилик:

Фиғон ким кўнглум олған дилбарим дилдорлиғ билмас,
Билур ошиқни ғамгин қилмақ-у ғамхўрлиғ билмас. *Ғаройибус-сиғар*, 200-Т;

Эй пари девона деб кўнглумни қовма ҳар замон,
Даъвийи дилдорлиғ қилсанг кўнгулни асрағил. *Бадойиул-васат*, 281-Т;

Ғамдин Навоий ўлгусидур кўнглин асрағил,
Чун сенча кимса билмади дилдорлиқ фани. *Бадойиул-васат*, 434-Т;

Бериб қавм-у хайлиға дилдорлиғ,
Тилар эрди Ҳақдин мадодкорлиғ. *Садди Искандарий*, 238-Т.

ДИЛДОРСИЗ [دلدارسيز] – дилдорсиз; севгилисиз, маҳбубасиз:

Равза ашжори ўтундур гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмағлиғ дами дилдорсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т.

ДИЛДЎЗ [دلدوز] – 1. дилга озор берувчи, дилозор:

Кўнглум ярасин тикти валекин ўки бирла,
Жонимға алифдек дурур ул новаки дилдўз. *Бадойиул-васат*, 163-Т;

2. таъсирли; кўнгилдан ғамни кетказувчи:

Не жон-у анда не юз дарди жонсўз,
Не кўнгул не анга минг неши дилдўз. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т.

ДИЛЖЎ/ДИЛЖЎЙ [دلجوى / دلجو] – кўнгил овловчи, кўнгил изловчи, кўнгилга тасалли берувчи:

Ҳар гул ки очибдурму ул орази дилжўда,
Гулларму экин суда гул аксиму кўзгуда. *Бадойиул-васат*, 398-Т;

Алар дилжўй ўлуб лекин бу бедил,
Кўрунди неча кундин сўнгра манзил. *Фарҳод ва Ширин*, 274-Т;

Ҳар киши дил хоҳ-у дилжўйум эди солди йирақ,
Шоҳи дилжўйумни дағи моҳи дилхоҳимни ҳам. *Фавойидул-кибар*, 408-Т;

Манга дилхоҳ моҳимдур дағи дилжўй шоҳимдур,
Ки ё Раб тушмагай айру не дилжўйум не дилхоҳим. *Фавойидул-кибар*, 414-Т;

~ **и муҳаббат** – кўнгилга тасалли берувчи муҳаббат:

Мидоди мушки дилжўйи муҳаббат,
Келиб ҳар ҳарфидин бўйи муҳаббат. *Фарҳод ва Ширин*, 433-Т.

ДИЛЖУЙЛУҚ/ДИЛЖЎЙЛУҒ [دلجويلوق / دلجويلوغ] – кўнгил очиш; хурсанд қилиш:

Табибға ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолиға шафқат ва марҳамат керак... Сўзида рифқ-у дилжўйлуқ ва ўзида озарму хушхўйлуқ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-463;

Бедил эл дилжўйлуқ ё дилшиканлиқ расмини
Фаҳм қилмаслар бу ишни дилистонлардин сўрунг. *Фавойидул-кибар*, 342-Т;

Паҳлавоннинг барча вақт ёр-у мусоҳиби эрдилар ва ҳақиқатмаоб аҳли тариқ ва тариқатиктисоб аҳли таҳқиқ ки Паҳлавон дойим аларнинг хидмат ва дилжўйлуғида истиғол кўргузур эди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т;

Эрур хидматида бари якжиҳат,
Кўрур элга дилжўйлиқ маслаҳат. *Садди Искандарий*, 463-Т;

Дайр аҳлиға кўп риоят этиб,
Лутф-у дилжўйлуқ бағоят этиб. *Сабъаи сайёр*, 10-209;

~ **айла-/эт-/кил-** – 1. ҳод-аҳвол сўрамоқ:

Хушвақт бўлуб дилжўйлуқлар қилиб қошимда ўлтурди. *Мажолусун-нафоис*, 41-Т;

Ул ой ошуфталарин айлар эмиш дилжўлуқ,
Мунда эй шифта кўнглум не турарсен ахир. *Бадойиул-васат*, 134-Т;
Бор эрди қошимда куёшдин ёруқ,
Ки қилғунг дурур лутф-у дилжўйлуқ. *Садди Искандарий*, 332-Т;
Саъд дилжўйлиқ айлабан беҳад,
Айлар эрди ул иккини бехуд. *Сабъаи сайёр*, 10-205;

2. меҳрибонлик қилмоқ:
Миҳин Бону навозиш айлабан соз,
Анга дилжўйлуқлар қилди огоз. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;

3. ёқимли бўлмоқ, севимли бўлмоқ:
Улфат ишида эрур такаллуф қилмақ,
Дилжўйлуқ айларда таваққуф қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-157;

~ **кўргуз-** – меҳрибонлик кўрсатмоқ:
Тилаб ҳикмат аҳлини мажмуъ тузуб,
Бариларға дилжўйлуқ кўргузуб. *Садди Искандарий*, 450-Т.

ДИЛКАШ [دلکش] – дилни ўзига тортадиган, ёқимли, севимли, марғуб:
Умр базмида нашот асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса. *Хазойинул-маоний*, 1Va-15;
Аларға айлагач жузви ишорат,
Падидор ўлди юз дилкаш иборат. *Фарҳод ва Ширин*, 128;
Ҳар пари чеҳраи ки маҳваш эрур,
Мовий ўлса либоси дилкаш эрур. *Сабъаи сайёр*, 10-305;
Аҳмад Ҳожибек... сурати хуш ва сийрати дилкаш ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. *Мажолисун-нафоис*, 177-Т;

~ **наво** – дилни ўзига тортадиган мақом; куй:
Чекти анча лаҳн аро дилкаш наво,
Ким симоин ваҳш-у тайр айлаб ҳаво. *Лисонут-тайр*, 255-Т;

~ **и оҳанг** – ёқимли, дилкаш оҳанг:
Навоий неча соқийи шангдур,
Муғанний дағи дилкаши оҳангдур. *Садди Искандарий*, 95-Т;

~ **суруд** – ёқимли ашула:
Бу маҳалда чектилар дилкаш суруд,
Чолибан ҳуш олғучи хушнағма руд. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

~ **бўл-** – дилкаш бўлмоқ:
Зарури бўлди авзоъиға тағйир,
Ки дилкам бўлғай ушбу сафҳа тасвир. *Фарҳод ва Ширин*, 103-Т;

~ **айла-/қил-** – мафтун қилмоқ:
Чун кийиб сўз ҳарир-у дебосин,
Дилкаш айлаб жамоли зебосин. *Сабъаи сайёр*, 10-33;
Мунда паришонлиғи нохуш қилиб,
Анда мураттаблиғи дилкаш қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-60;

~ **нақши дилкаш эт-** – дилкаш нақшлар этмоқ:
Ҳам ташида нақши дилкаш этти,
Ҳам ичларини мунаққаш этти. *Лайли ва Мажнун*, 59-Т.

ДИЛКАШЛИҒ [دلکش لیغ] – ёқимлилик, жозибалилик, ёқимтойлик:
Йигитлик баҳорининг хушлуғи ва баҳор йигитликининг дилкашлиғида гул-у булбулдек барг-у наво тузмак... *Садди Искандарий*, 378-Т;

Алқисса Паҳлавоннинг барча навъ ишларининг хушлуғи баёнида ва ҳар тавр сийрат ва суратиннг дилкашлиғи шарҳида забоновархар тили қосир ва дастонгустарлар нутқи ожиздур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т;

Мунча ҳусн-у жамол-у зеб била,
Мунча дилкашлиғ-у фиреб била. *Сабъаи сайёр*, 10-32.

ДИЛКАШНАВО [دلکش نوا] – жозибали, ёқимли, дилни шод этувчи наво:

Сурук турфа тўтийи дилкашнаво,
Ки ҳар ён тутуб беша ичра ҳаво. *Садди Искандарий*, 303-Т.

ДИЛКУШ [دلکش] – жозибали, ёкимли:

Ҳам димоғини бода айлаб хуш,
Ҳам қўлағида нағмаи дилкуш. *Сабъаи сайёр*, 10-79.

ДИЛКУШО/ДИЛКУШОЙ [دلکشا / دلکشای] – кўнгил очувчи, кўнгилни шод этувчи:

Мунингдек дилкушо масканда баҳорий булут қатороти лола жомиға тушкани карроба саҳобидин бода селин лолағун жомға куймаққа боис кўрунди. *Муншаот*, 14-135;

Ғунчадек кўнглумни очқан бўлса тиғинг чок этиб,
Тонг эмастур ким бўлур дойим равон су дилкушой. *Фавойидул-кибар*, 568-Т;

Ки ҳар бир чаман ким кўрар дилкушой,
Бўлур боғбониға фикратнамой. *Садди Искандарий*, 398-Т;

Эй муғанний бир навои дилкушо тузгил ки чанг
Халқ панди сен киби маҳзуни абтар кўнглини. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;

Деди шаҳ эй саодат шамъи ройинг,
Кунгул ороми нутқи дилкушойинг. *Фарҳод ва Ширин*, 194-4;

~ **ўл-** – кўнгил, дил шод бўлмоқ:

Гаҳ тутулса гаҳ очилса кўнглим эрмас айб ким
Сунбулунг дилбанд хандон ғунчанг ўлмиш дилкуши. *Ғаройибус-сиғар*, 477-Т.

ДИЛКУШОДА [دلکشاده] – шод, хурсанд:

Шак эрмас ким булардин шоҳзода,
Танаъъум бирла бўлғай дилкушода. *Фарҳод ва Ширин*, 148-Т.

ДИЛМУРДА [دل مرده] – кўнгли ўлик, орзу ҳаваси қолмаган:

Ўз фиолимдин ажаб озурдамен,
Дам бадам афсурда-у дилмурдамен. *Лисонут-тайр*, 20-Т.

ДИЛНАВОЗ [دلنواز] – 1. дилни овловчи, дилни яратувчи, кўнгилни овловчи:

Қадинг сарви ноз эй йигит,
Сўзунг дилнавоз эй йигит. *Мезонул-авзон*, 54-Т;

Ёр иштиёқи суубатида ва дарди фироқ укубатида бу матлаъ беҳад дилнавоз ва бағоят жонгудоз воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 224;

2. севгили маъшуқа:

Ком-у ноком олди шайхи ишкбоз,
Майни ким тутмиш эди ул дилнавоз. *Лисонут-тайр*, 112-Т;

Гар бўлди ул икки ёр озим,
Не мен қолғум не дилнавозим. *Лайли ва Мажнун*, 358-Т.

ДИЛНАВОЗЛИҒ [دلنوازلیغ] – дилнавозлик:

Қуллуқ арзадошт ул ким ғарибнавозлиғи ким бу афтодаға мужиби сарафрозлиғ эрди бандапарварлиғи ким бу шикастаға дилнавозлиг берди. *Муншаот*, 14-209;

~ **айла-** – дилнавозлик айламоқ:

Лутф ила дилнавозлиғ айлаб,
Ҳолима чорасозлиғ айлаб. *Сабъаи сайёр*, 10-345.

ДИЛОВАР [دل آور] – 1. ботир, қаҳрамон, паҳлавон:
Бир диловардур кўнгул ким ғам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак тоза доғидур қизил қалған анга. *Ғаройибус-сиғар*, 34-Т;
Диловар секретиб маркаб чекиб тиг,
Қилиб бир ҳамла тунд ул навъ ким миғ. *Фарҳод ва Ширин*, 210-Т;
2. кўнгил кўтарувчи, хурсанд қилувчи:
Етишмак ҳамон-у етишмак замон,
Диловар қўлидин йиқилмақ ҳамон. *Садди Искандарий*, 194-Т.

ДИЛОВАРЛИҚ/ДИЛОВАРЛИҒ [دل آورلیق / دل آورلیغ] – ботирлик, қаҳрамонлик:
Улум авроқи чун бир бир ёпилди,
Диловарлиқ силоҳи майли қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 137-Т;
Чу тутти мусаллам камолотин эл,
Диловарлиғ амриға жуст этти бел. *Садди Искандарий*, 119-Т;
... ва диловарлиқ майдонида шижоат варзишини қиличдек тез этиб ўқдек тузатмак... *Фарҳод ва Ширин*, 132-Т.

ДИЛОВАРСИФАТ [دل آورصفت] – диловарсифат, диловар хусусиятли:
Бўлуб илм-у ҳикматка ҳамдаст ҳам,
Диловарсифатдур забардаст ҳам. *Садди Искандарий*, 160-Т.

ДИЛОВЕЗ [دل اویز] – кўнгилни банд қилувчи, ёқимли:
Хар неча ким ҳусн диловезрак,
Ишқ ўти эл кўнгли аро тезрак. *Ҳайратул-аброр*, 7-191;
Гунчалар шавкингда гўё боғлағандурлар кўнгул,
Ким неча ким эсти ул ёндин диловез эсти ел. *Фавойидул-кибар*, 381-Т.

ДИЛОЗОР [دل آزار] – дилга озор берадиган, кўнгилни оғритадиган:
Диним бошиға титрар эсам тонг эмас ул кўз,
Кофирму эмас маст-у дилозорму эрмас. *Бадойиул-васат*, 175-Т.

ДИЛОЗОРЛИҒ [دل‌آزارلیغ] – дилозорлик:
Лутфу дилжўлуғ эрур хўб паривашларға,
Эй пари билки эмас жавру дилозорлиғ иш. *Хазойинул-маоний*, 16-278.

ДИЛОЗУРДА [دل آزرده] – дили озор топган, ранжиган:
Ҳар дилозурдаға ким новаки зулм этти кушод,
Гарчи бор эрди хато лек хато айламади. *Наводируш-шабоб*, 667-Т;
~ **и бекас** – кимсасиз, дили озор топган:
Имонсиз киби сиздин ўксук басе,
Атосиз дилозурдаи бекасе. *Садди Искандарий*, 130-Т.

ДИЛОРО/ДИЛОРОЙ [دل آرا / دل آرای] – 1. кўнгил безаги, кўнгилни юмшатадиган; севгили:
...ҳам ул радифда бу матлаъ даҳи асру дилоро ва андуҳафзо тушубтур.
Мажолисун-нафоис, 225-Т;
Бари нома мазмуни бирдек паём,
Дилоро сўз-у хотиросо калом. *Садди Искандарий*, 219-Т;
Гунг этти Масиҳонию тор этти куёшни,
Ул нутқи дилором ила ул ҳусни дилоро. *Хазойинул-маоний*, 1116-12;
2. шахс номи; Дилорой:
Дилором-у Дилорой-у Дилосо,
Гуландом-у Саманбўй-у Самансо. *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т.

ДИЛОРОЛИҒ [دل آرالیغ] – маҳбубалик, гўзаллик:

Дилоролиғ анда жаҳон даржаҳон,
Латофат ани кўздин айлаб ниҳон. *Садди Искандарий*, 76-Т.

ДИЛОРОМ [دل آرام] – 1. дилором, кўнгилни ўзига тутувчи; маҳбуба, севикли:

Ҳам ком топар ики дилором,
Ўртада менга дағи етар ком. *Лайли ва Мажнун*, 229-Т;

Бир мақоми амн топ андақ бурун ором тут,
Сўнгра туз базм-у дилоромингға бир дам жом тут. *Наводируш-шабоб*, 70-Т;

2. шахс номи; Дилором:

Дилоромнинг дилоро ҳусни камолинда сўз сурмак ва ани Баҳроми бедилға етирмак. *Сабъаи сайёр*, 10-90.

ДИЛОСО/ДИЛОСОЙ [دل آسا / دل آسای] – 1. кўнгилга хуш ёқадиган, ёқимли, ғамхўр, дилни ёқловчи:

...Аллоҳ Аллоҳ ул равзаи руҳафзода не назорат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдур ким анинг боғбони... каримаси била такаллум қилур.
Муҳокаматул-луғатайн, 168-Т;

Солур эрди ҳар кун алар сари кўз,
Топиб дилписанд иш дилосой сўз. *Садди Искандарий*, 501-Т;

...батахсис ғазал таврида ким барчадин дилсороқ ва нашотаф-зороқ дурур...
Мажолисун-нафоис, 4-Т;

2. шахс номи; Дилосо: *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т.

~ **қил-** – кўнгулга ёқимли қилмоқ, кўнгил очмоқ:

Нафасингни манга дилосо қил,
Лоф ила неча кун мувосо қил. *Сабъаи сайёр*, 10-326.

ДИЛОШУБ [دل آشوب] – кўнгилни тинчсизлантирувчи:

Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дилошуб. *Лайли ва Мажнун*, 64-Т;

Байтул-аҳзонининг тийралигин дуди ҳижронидин дегани хуб ва вайрониниинг емирулгани ашк тўфонидин дегани дилошуб воқиъ бўлубтур.
Мажолисун-нафоис, 227.

ДИЛПАЗИР [دل پذیر] – ёқимли, гўзал; маъқул:

Ва ҳусн-у жамолда дилпазир ва фазл-у камолда беназир эрди.
Тарихи мулуки ажам, XIV-187;

Йўқ нома ки дилпазир-у маҳбуб эрди,
Хаттида кўнгул муроди мактуб эрди. *Муншаот*, 14-179;

~ **бўл-** – маъқул бўлмоқ:

Тил ки фасиҳ ва дилпазир бўлғай хўбрақ бўлғай агар кўнгул била бир бўлғай.
Маҳбубул-кулуб, 126;

Ўқчи этти ўзни меҳнатқа асир,
Ким бу шояд шаҳға бўлғай дилпазир. *Лисонут-тайр*, 194-Т;

~ **туш-** – маъқул келмоқ, ёқмоқ:

Ул навъ ки йўқ санга назири,
Ёринг дағи тушти дилпазири. *Лайли ва Мажнун*, 176-Т;

~ **қил-** – ёқтирмоқ, маъқул қилмоқ:

Эй хуснни дилпазир қилған,
Эл кўнглин анга асир қилған. *Лайли ва Мажнун*, 27-Т.

ДИЛПИСАНД [دل پسند] – кўнгилга хуш келадиган, ёқимли; мақбул:

Бас қобил эди ву дилписанд ул,
Озодаваш-у ниёзманд ул. *Лайли ва Мажнун*, 153-Т;

Зуҳд-у тақво барча вақтда дилписанддур йигитликда дилписандрак.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-532;

Султон Бадиуззамон Мирзо... разм атворидин отар тутарда дилписанд ва базм асбобидин ичмак ва бағишламақта бемонанд. *Мажолисун-нафоис,* 198-Т;

~ **ўл-** – дилга ёқадиган, яхши, хўб бўлмоқ:
Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси муъжиз низомда тилаган топар...
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-464;

~ **айла-** – мақбул топмоқ:
Боғи атрини судманд айла,
Қуши лаҳнини дилписанд айла. *Сабъаи сайёр,* 10-34.

ДИЛРАБО [دل ربا] – 1. дилни ўзига тортувчи, дилкаш, жозибали, кўнгилни тортувчи:
Кўнгил олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
Не дилрабо ки балойи худо эмиштуксен. *Хазойинул-маоний,* Ia-341;
Гарчи ки шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо. *Ҳайратул-аброр,* 7-161;
2. маҳбуба, гўзал, жонон:
Дилраболар даги жоним сафҳасида гўйиё,
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур. *Хазойинул-маоний,* 16-193;
Кўтарди орқасиға бодпони,
Нечук ким бодпо ул дилрабони. *Фарҳод ва Ширин,* 319-Т.

ДИЛРАБОЛИҒ/ДИЛРАБОЛИК [دل ربالیغ/دل ربالیق] – дилни тортувчилик, маҳбублик:
Фалак арусида йўқ меҳр-у дилраболиғ кўп,
Нечук ки ҳусн-у жамол аҳлиға вафо била ноз. *Ғаройибус-сиғар,* 172-Т;
Бериб ғам нақди айлаб дилраболиғ ваъда қилдинг васл,
Карам қилдинг йиқуғ кўнглумни олдинг лутф кўргуздунг.
Наводируш-шабоб, 344-Т;
Дилраболиғ фаннида моҳирсен,
Даҳрда сен киби йўқ бу фан аро. *Наводируш-шабоб,* 22-Т;

~ **айла-** – дилбарлик қилмоқ, маҳбублик қилмоқ:
Анга яхши ки айлаб дилраболик,
Вафо аҳлиға қилгай бевафолик. *Фарҳод ва Ширин,* 418-Т.

ДИЛРАБОЯНДА [دلرباینده] – кўнгилни ўзига жалб қиладиган:
Сарсари оҳин байтул-эҳзонига офат дегани хушоянда дебтур ва вайронидин гарди бало бошига ёгарини дилрабоянда адо қилибдур. *Мажолисун-нафоис,* 227.

ДИЛРАБОЯНДАЛИК [دلرباینده لیق] – жалб қилишлик; мубтало қилувчилик:
Лабим пешаси жонфизояндалик,
Кўзум шеваси дилрабояндалик. *Садди Искандарий,* 391-Т.

ДИЛРАМИДА [دلرمیده] – дили вайрона; қалб, юраги ғам-андуҳга ботган:
Яъни Мажнуни дилрамида
Борур эди бўлмай орамида. *Лайли ва Мажнун,* 222-Т.

ДИЛРЕШЛИК [دلریش لیک] – хастадиллик, дилафгорлик;
Ва лекин кўргузуб дилрешлик ҳам,
Қилиб ойини дурандешлик ҳам. *Фарҳод ва Ширин,* 468-Т.

ДИЛСИТОН [دلستان] – дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи; маҳбуба, маъшуқа:
Агарчи тавба буюрдинг манга бил эй зоҳид,
Ки синғуси ёна чун тутса дилситон бода. *Хазойинул-маоний,* IIIa-307;

Гар видоъинг вақти ўлсам бориб ўздин не ажаб,
Ким эрур кўп саъб сендек дилситон бирлан видоъ. *Хазойинул-маоний*, III-293.

ДИЛСЎЗ [دلسوز] – жон куйдирувчи, жонкуяр:
Ва агар мунунг била мағлуб бўлмаса муттафиқ аҳбоб ва мувофиқ вафокаш ёрлар-у хайрандеш дўстдорлар дилсўз мулозимлар ва меҳрандўз ходимлар.
Муншаот, 14-226;

Дарди ҳажрингда куяр кўнглум-у ўз ҳолимға
Кишисизликдин ўзумдурмен ўзумга дилсўз. *Бадойиул-васат*, 164-Т.

ДИЛСЎЗЛУҚ [دلسوزلوق] – гамхўрлик, меҳрибонлиқ жонкуярлик:
...бу фақирни сохиб азо тутуб ҳолимға дилсўзлуқлар билан ашк тўкуб...
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-78;
Ва чинордек дилсўзлуқлари аҳволларида ҳувайдо. *Ҳайратул-аброр*, 7-233.

ДИЛСЎХТА [دلسوخته] – юраги куюшган:
Ҳам ул ўтдин ул хайли дилсўхта,
Куйуб бу бири ул бир афрухта. *Садди Искандарий*, 272-Т.

ДИЛСЎХТАВОР [دلسوخته وار] – ғамгин, аламли, кўнгли куйгандек:
...дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмақ.
Фарҳод ва Ширин, 503-Т.

ДИЛТАНГ [دلتنگ] – сиқилган, юраги тор, ғамли, қайғули:
Чаманда сарвино зим жилва қилмақ айламас оҳанг,
Жаҳон бўстонидин биллаҳ бўлубмен ғунчадск дилтанг.
Наводируш-шабоб, 334-Т;

Ҳар ким ки мақоми умр авранги эмиш,
Ғафлат майининг ҳамиша дилтанги эмиш. *Назмул-жавоҳир*, 15-174;

~ **бўл-/ўл-** – ғамгин бўлмоқ, қайғули бўлмоқ:
Ки Хусрав гарчи ул кун бўлди дилтанг,
Ёниб дилтанг уйига қилди оҳанг. *Фарҳод ва Ширин*, 355-Т;
Хонақоҳ ичра риё аҳлидин ўлдум тилтанг,
Эй хушо аҳли харобот била майхона. *Фавойидул-кибар*, 518-Т.

ДИЛТАНГЛИҒ/ДИЛТАНГЛИК [دلتنگليک / دلتنگليغ] – дилтанглик, қайғулик; хасталик:
Ва ҳам ул дебдур ки дунё улдур ки сени Тангридин маҳжуб қилур ва ҳам ул дебдур ки шикоят ва дилтанглиғ маърифат озлиғидин зоянда болур.
Насойимул-муҳаббат, 143-Т;

Басе дилтанг эди бедил ғамидин,
Бўлуб дилтанглик ҳосил ғамидин. *Фарҳод ва Ширин*, 321-Т.

ДИЛФИГОР [دلفگار] – дилхаста, дили яра:
Кўнглига Навоийнинг урар ишқ ниҳон ўқ,
Найлаб бўла олғай бу дилфигор мулоҳиз. *Хазойинул-маоний*, IV6-289.

ДИЛФИРИБ [دلفريب] – 1. кўнгилни алдовчи; мафтун қилувчи, йўлдан оздирадиган:
Қадд-у андомим ушалиб жилвасидин дўстлар,
Ваҳ не дилкаш қомат-у не дилфириб андоми бор. *Хазойинул-маоний*, II6-188;

2. дилрабо, дилбар:
Бўлуб ул ганжи сурат дилфирибинг,
Етиб ҳам ганжи маънидин насибинг. *Фарҳод ва Ширин*, 108-Т;

Жаҳон маккораси шўхи дурур бас дилфириб охир,
Не эр ким бошидин кечкай анинг мардонае бўлғай. *Ғаройибус-сиғар,* 490-Т;

~ **ўл-** – дилфиреб бўлмоқ:
Лек бу не ҳусн ўлубан дилфиреб,
Не бу жамол олибан андин шикеб. *Ҳайратул-аброр,* 7-188.

ДИЛФУРЎЗ [دلفروز] – кўнгилга шавқ берувчи, дилни ёритувчи; шодлантирувчи; куй номи:
Илоҳи жоми васли дилфурўзи,
Мени лабташнаға бот айла рўзи. *Муншаот,* 14-214;
Лек ўлғуси дард-у сўзи кўпрақ,
Ҳангомайи дилфурўзи кўпрақ. *Лайли ва Мажнун,* 88-Т.

ДИЛХАРОШ [دل خراش] – кўнгилни тирновчи, кўнгил дардларини қўзғовчи; куй номи:
Ер базмиға чу йўл топмас Навоий не асиғ,
Дилхарош афғон-у гар дилкаш тараннум айлагай. *Наводируш-шабоб,* 632-Т;
Аён айлабан нуктаи дилхарош,
Дер эрди ву кўздин тўкар эрди ёш. *Садди Искандарий,* 494-Т.

ДИЛХАСТА [دلخسته] – кўнгли дардлик, кўнгли эзилган, дили вайрон; ошиқ:
Қайси дилхастаға еткурди фароғат нўши,
Ким насиби яна юз неши бало айламади. *Наводируш-шабоб,* 667-Т;
Ки мен дилхастаи зори балокаш,
Бурун эл янглиғ эрдим шод-у дилхуш (дилхваш). *Фарҳод ва Ширин,* 277-Т;

~ **бўл-** – дилхаста бўлмоқ:
Ғам била жонимға еттим ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум дилистоне топмадим. *Ғаройибус-сиғар,* 322-Т.

ДИЛХАСТАЛИҒ [دلخسته ليغ] – кўнгли дардлик, дилхасталик, дили вайронлик; ошиқлик:
Кимга ким дунёғадур вобасталиғ,
Етса ул андешадин дилхасталиғ. *Лисонут-тайр,* 137-Т.

ДИЛХОҲ [دلخواه] – 1. кўнгил истаги, дил хоҳиши:
Ёр кўнгли истамиш кўнглумга сурмак тиғ ким
Ҳар не дилхоҳи анинг мен телбанинг дилхоҳидур. *Наводируш-шабоб,* 158-Т;
Ёшунған эмиш қаро булутқа моҳим,
Гардунни совурмағлиғ эрур дилхоҳим. *Муншаот,* 14-160;
...Вилоятдин келган дармондалар ҳолининг тафтиши ва аларни ризолари била узатмақнинг ташвиши сарҳад беклари элчиси таклифининг заҳмати ва аларни дилхоҳлари била қайтармақнинг меҳнати... *Вақфия,* 14-263;

2. кўнгилга яқин, кўнгил тортган:
...хожалар хонаводаси баъзи дилхоҳ элнинг маразининг юки остига кириб ул юкни кўтариб мариз сиҳат топар. *Насойимул-муҳаббат,* XV-3б;
Чу суҳбат бўлди гарм андақ ки дилхоҳ,
Санам ҳолин тафаҳҳус айлади шоҳ. *Фарҳод ва Ширин,* 470-Т.

ДИЛХОҲВАШ [دلخواه وش] – кўнгил истаганнамо; дил истагига мойилдек:
Кўнглум олиб будурур мақсуд анга ким ўртагай,
Бу ким ўзни дилситоним кўргузур дилхоҳваш. *Хазойинул-маоний,* IIIб-252.

ДИЛХОҲЛИҒ [دلخواه ليغ] – ёқимлилик, мулойимлик, сертакаллуфлик:
Узр ила дилхоҳлиғлар айлагай,
Ҳолидин огоҳлиғлар айлагай. *Лисонут-тайр,* 64-Т.

ДИЛХУН [دلخون] – юраги қон, ичи қон ёш:
Навоий оташин гул ғунчасидек,
Эрур куймак сени дилхунға махсус. *Бадойиул-васат*, 208-Т.

ДИЛХУШ/ ДИЛХВАШ [دلخوش] – кўнгли шод, хурсанд:
Чиқиб шоҳ оллиндин ўлтурди дилхваш,
Бўлуб асбоб жамъиға рақамкаш. *Фарҳод ва Ширин*, 145-Т;
Чу сурди нуктани бу навъ дилкаш,
Баёнидин атоси бўлди дилхваш. *Фарҳод ва Ширин*, 183-Т;
Чунки ўлтурди тахт уза дилхваш,
Тўрт тўти наво чекиб дилкаш. *Сабъаи сайёр*, 10-182.

ДИЛШИКАН [دلشکن] – кўнгулга озор берувчи:
Нигоримға бедод фан бўлди ло
Дилоро дедим дилшикан бўлди ло. *Фавойидул-кибар*, 555-Т.

ДИЛШИКАНЛИК [دلشکن لیک] – дилга, кўнгулга озор беришлик:
Бедил эл дил жўйлиқ ё дилшиканлик расмини,
Фаҳм қилмаслар бу ишни дилситонлардин сўрунг. *Фавойидул-кибар*, 342-Т.

ДИЛШИКАСТА [دلشکسته] – кўнгли синиқ, гамгин, маъюс:
Алар ҳазратида бирав деди ки фалон киши бемордур ва хотирингиз таважжуҳи дарюза қилур ки ул бозгашт хаста баъдазон таважжуҳи дил шикаста.
Насойимул-муҳаббат, XV-133;

~ **бўл-** – кўнгли синиқ, ғамгин бўлмоқ:
Гар дилшикаста бўлса Навоий ажаб эмас,
Невчун ки дилшикан ҳам эрур шўх дилбари. *Фавойидул-кибар*, 621-Т.

ДИЛШОД [دلشاد] – хурсанд:
Эшиткач ани ғамгин-у дилшод,
Юз завқ-у нишот ила тутуб ёд. *Лайли ва Мажнун*, 196-Т.

ДИЛШУДА [دلشده] – кўнгил, дилни бой берган; ошиқ, шайдо:
Кўнглум сарарға келди вале олди жонни ҳам
Мундақ бўлурму дилшудаларнинг иёдати. *Ғаройибус-сиғар*, 470-Т;
К-эй дилшудаларға ошнохўй,
Бошдин аёғингға ошнорўй. *Лайли ва Мажнун*, 314-Т.

ДИМОҒ [دماغ] – 1, мия, бош, ақл маркази:
Зулфи занжири магар бўлғай иложим эй ҳаким,
Ким димоғимни паришон айламиш савдо басе. *Хазойинул-маоний*, IIIа-323;
Чу Жамшид тахт уза тутти мақом,
Димоғиға йўл топти савдойи хом. *Тарихи мулуки ажам*, 507;

2. бурун:
Баргин чу мулаввас айлади бум ила зоғ,
Эмди ани исламакка юз ҳайф димоғ. *Хазойинул-маоний*, 1а-491;

3. кайфият, руҳий ҳолат, таъб; хотир:
Неча кун димоғиға солди ғурур,
Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-222;
Мавлоно Қабулий... чун димоғида бирар нима паришонлиғ бор ва таврида лавандлиқ. *Мажолисун-нафоис*, 96-Т;

4. табиат, кўнгил:
Димоғи саҳиҳ – гуфтори фасиҳ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-522;
Солиб жуъ жаҳон димоғиға дуд,
Анинг оши ким тонгла пишгай не суд. *Садди Искандарий*, 368-Т;

5. орзу-истак, хоҳиш:
Айшқа тарғиб келиб ул нидо,
Боғ димоғин тар этиб ул садо. *Ҳайратул-аброр*, 7-312;
6. хаёл, ақл, хуш:
Мавлоно Муҳаммади Араб... ул дағи донишманд киши эрди. Димоғи хабт қилди ва хаёли Мир Хайдар хаёли борған сари борди. *Мажолисун-нафоис*, 36-Т;
Сабр қўлларин шикасталик энгагига сутун этиб заъф димоғин савдо чароғи дуди била мушавваш қилиб... *Вақфия*, 14-234;

~ **заъфи** – кайфиятдаги ожизлик:
Димоғи заъфи қувват дағи топқай,
Муборак жисмн сиҳҳат дағи топқай. *Фарҳод ва Ширин*, 94;

~ **и пўлод** – жаҳлдор:
Мактабдор бегуноҳ маъсумларға жафокор. Атфол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртакиб зоти бемадоро димоғи пўлод ва кўнгли хоро. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-466;

~ **и ҳоким** – ақл, идрок, орзу-истак ҳокими:
Ақл керак ки илмға ғолиб бўлса ва димоғи ҳокими ки ақл маҳалидур заиф бўлуб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 383-Т;

~ **гарм эт-** – сархуш, маст қилмоқ:
Ғазаб ул навъ гарм этти димоғин,
Ки дуди тира қилди кун чароғин. *Фарҳод ва Ширин*, 346-Т;

~ **қизи-/қизиғ бўл-** – шодланмоқ:
Муғ дайрида даст берса бир лаҳза фароғ,
Ким бу муғбача ишқидин қизиғ бўлса димоғ. *Хазойинул-маоний*, 16-753;
Чу эврулди лаболаб давр аёғи,
Қизиди базм янглиғ эл димоғи. *Фарҳод ва Ширин*, 325-Т;

~ **қизит-** – шодлантирмоқ, хурсанд қилмоқ:
Арз улким аввалғиси димоғларни қизитибдур, агар иккинчиси ҳам кўзларни ёрутса ғояти лутф бўлғусидур. *Муншаот*, 14-95.

ДИН [دين] – эътиқод, бирор нарсага ишониш, дин:
Бўйла базм ичра алар ҳар бири ким тутса қадаҳ,
Нақди дин бергали бир мен киби девона керак. *Хазойинул-маоний*, IVa-183;
Чинга хатар ғамзаси таррорidин,
Динға халал турраси зуннорidин. *Ҳайратул-аброр*, 7-301;
Олам аро илм илми диндур,
Дин илми фиқҳ эрур яқиндур. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

~ **аҳли** – диндорлар, худога ишонганлар:
Кўйи ул дайр ки дин аҳлини айлаб кофир,
Қоши ул дайрда бу куфр элига меҳроб. *Хазойинул-маоний*, IVб-48;
Шайх дайр асҳобига имдод этиб,
Гарчи дин аҳлиға хижлатлар етиб. *Лисонут-тайр*, 105-Т;

~ **и ислом** – ислом дини:
Офият кунжида эрдам ким деди эй муғбача,
Дини исломим уйин бузмаққа майли бода эт. *Наводируш-шабоб*, 88-Т;

~ **-у дониш** – дину билим, илм:
Насиҳо не навъ пинҳон тоат айлай ким олур,
Дин-у дониш нақдини бир номусилмон ҳар кеча. *Ғаройибус-сигар*, 405-Т;

~ **тарк эт-** – динсиз бўлмоқ, диндан чиқмоқ:
Бода ичмак ринд-у маст ўлмағни ҳам,
Тарк этиб дин бутпараст ўлмағни ҳам. *Лисонут-тайр*, 117-Т.

ДИНИЙ [دینی]– динга мансуб, динга оид:

Мударрис керак ки ...диний улум билса ва яқиний масоил элга таълим қилса.

Маҳбубул-қулуб, 14-23.

ДИНИЙЯ [دینیّه] – динга оид, тегишли:

Сайру сулукдин сўнгра улуми диниййа ҳақойиқи ва маорифи яқиниййа дақойиқидин ўз завқ ва камоли авлиё ва акобир ва машойих...

Насойимул-муҳаббат, 360-Т.

ДИНОЙИН [دین آیین] – дин, шариат тартиб талабига амал қилувчи; мазҳаб тариқи:

Эй зоҳиди динойин дайр ичра тутуб таскин,
Зуннор ипини тортиб хирқанг ямадинг боре. *Ғаройибус-сиғар,* 488-Т.

ДИНОР [دنار] – 1. олтин танга, олтин пул; пул бирлиги:

Майли жамъ айларга динор-у дирам,
Ул сифат ғолиб ки Ҳотамға карам. *Лисонут-тайр,* 151-Т;
Лек лаънат анга ки қул бўлғай,
Хоҳ динор-у хоҳ дирҳамға. *Арбаин,* 16-264;
Тошларингдин яхширақ бўлмақ танимда доғлар,
Сиккаи Беҳбуд урғандек дурур динорға. *Бадойиул-васат,* 397-Т;

2. қип-қизил, яшноқ:

Чаман ҳусни динор агар донгдур,
Ки бечора булбулға гулбонгдур. *Садди Искандарий,* 382-Т.

ДИНПАНОҲ [دین پناه] – дин ҳомийси, динпаноҳ:

Деди эй тақвиятори динпаноҳ,
Қайси дил бирла бўлайин узрхоҳ. *Лисонут-тайр,* 125-Т;
Мақсуд чу шоҳи динпаноҳ ўлди манга,
Укбо сари ҳар не зоди роҳ ўлди манга. *Вақфия,* 14-256.

ДИНПАРВАР [دین پرور] – дин ҳомийси:

Олди шаҳлар мулкини чогарлари,
Куфр уйини бузди динпарварлари. *Лисонут-тайр,* 29-Т;
Хожаи динпарвари олий насаб,
Ким отиға Порсо эрди лақаб. *Лисонут-тайр,* 176-Т.

ДИНЧ [دینج] – тинч:

Қўй анча бўлуб динч (бошқа қўлёзмаларда **тинч**) ким сони йўқ,
От анча ки қўй анча имкони йўқ. *Садди Искандарий,* 275-Т.

ДИР [در] – кўп муддат, узоқ вақт:

Нутқнинг гарчи шикоят дири бор,
Шукрдин дағи ҳикоят ери бор. *Фавойидул-кибар,* 693-Т.

ДИРАМ [درم] – 1. дирҳам, танга; кумуш танга:

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъъум даст бермас кимсага бўлмай дирам пайдо. *Ғаройибус-сиғар,* 53-Т;
Кўнгул тошлар қаросин доғлар ким қўйди ғам ҳар ён,
Жунун ифротидин девона сочқандек дирам ҳар ён. *Хазойинул-маоний,* III6-504;
Берсалар беш ўн дирам ғаввоси дун,
Баҳр ичра солур ўзни сарнигун. *Лисонут-тайр,* 82-Т;

2. нур, ёруғлик:

Гардун ки кўзин юзига очти,
Анжум дирамин бошиға сочти. *Лайли ва Мажнун,* 48-Т;

3. қиммат; қиймат:

Маъни дирамиға сиккапардоз
Узлат ҳарамида маҳрами роз. *Лайли ва Мажнун,* 56-Т.

ДИРАМЛИҚ [درم ليق] – дирҳамлик, кумуш тангалик:
То фалаки даввор тўққуз хони анжум дирамлари била музайяндур ул дирамлиқ хонлар мулк фатҳ қилған жайшингда сочиқ бўлсун. *Муншаот*, 14-210.

ДИРАМПОШЛИҚ [درم پاشليق] – дирам, танга, кумуш танга сочувчилик; сахийлик:
... ва ул ҳавода баҳор насими шукуфа яфрағин тўккандек дирампошлиқ қилиб умид гулбунидин муроди гули очилғани. *Лайли ва Мажнун*, 169-Т.

ДИРАМСАНЖ [درم سنج] – пул ўлчовчи:
Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур. *Назмул-жавоҳир*, 15-146.

ДИРАМСИЗ [درم سيز] – дирҳамсиз; камбағал, қашшоқ:
Чун ювди кўзлар саводин ашк ёруғ юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот. *Ғаройибус-сиғар*, 3-80.

ДИРАМЧА [درمچه] – дирҳамдек, дирҳамча:
Кўп тажаммул сотмағил эй чарх ким ҳар кавкабинг,
Бир дирамча йўқ турур дайри фано қаллошиға. *Наводируш-шабоб*, 538-Т.

ДИРАФШ I [درفش] – байроқ: Бинафш айлабан шадда бирла дирафш, Саманд узра баргуствон ҳам бинафш. *Садди Искандарий*, 26166.

ДИРАФШ II [درفش] – бигиз: *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т.

ДИРНО ТАЛОЛО [درنا تلالا] – қўшиқда нақарот:
Ариғнинг икки ёнидин алоло,
Нашот аҳли тузуб дирно талоло. *Фарҳод ва Ширин*, 318-Т.

ДИРОЯТОСО [درايت آسا] – ақлу дониш, билим берувчи:
...ҳидояторо авроқлари бидоятин ва дироятосо сабақлари ни-ҳоятин ул кимён ҳамди ва жавоҳир шукри била мулаххас ва мунаввар қилурлар. *Вақфия*, 14-233.

ДИРҲАМ [درهم] – танга, тийин:
Биравдин биравга етишмай ғаме,
Кишидин киши олмайин дирҳаме. *Садди Искандарий*, 253-Т.

ДИСОР [دثار] – сўз бирикмасида кўриниш, шакл маъноларини англатади:
Сипеҳри дуншиор жуз талаввун ва рангомезлиқ ва рўзгори буқаламундисор ғайри дуранглик ва ҳийлаангизлик эрмас учун... *Муншаот*, 14-137;
Ҳатто ким ҳазрати салтанатшиор хилофатдисор Султон Бадиуззамон мирзо... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-79.

ДИЯТ [ديت] – хун баҳо, хун олиш:
Ишқ тиғи қилса юз минг қатли ом,
Не қисос-у не дият не интиқом. *Лисонут-тайр*, 126-Т;
Ўлган ўлса ўзимга тиғ урайин,
Диятиға ўзимни ўлтурайин. *Сабъаи сайғр*, 10-111;
Қози ўлуб адл ҳаримиға хос,
Қилди равон ҳукми дият ё қисос. *Ҳайратул-аброр*, 7-131.

ДИҚҚАТ [دقت] – 1. ингичкалик; нозиклик:
Шоҳлар нодири атвор ичра,
Нукта-у диққат-у ашъор ичра. *Хазойинул-маоний*, IVб-441;
Юзига бериб зеб санъат била,
Солиб зулфиға тоб диққат била. *Садди Искандарий*, 76-Т;
2. синчковлик, эътиборлик, нозик табълик:
Сайидзода Мунший табъида хайли диққат бор. *Мажолисун-нафоис*, 112-Т;

3. ўта хушёрлик; эҳтиёткорлик:
Шаҳ бу хазойинға чу ҳозир бўлуб,
Диққат ила барчага нозир бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-95;
Ки ҳар неча ким диққати бордур,
Талаффуз аро лакпати бордур. *Садди Искандарий*, 301-Т;
4. фикр-мулоҳаза:
Бу диққатлар айлаб суханварни лол,
Қайу лол ким ўлтуруб инфиол. *Садди Искандарий*, 166-Т;
5. тушуннш ҳаддан ташқари қийин бўлган мазмун:
Диққат аро фикри каён ким кетиб,
Нуктаи мавҳумни юз қисм этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-93;

~ **и гирехнок** – чигал нарса, кўп уриниш керак бўлган нарса:
Сарриштаи диққати гириҳнок,
Ҳар бир гириҳида юз дурри пок. *Лайли ва Мажнун*, 56-Т;

~ **тут-** – эътибор қилмоқ, синчиклаб қарамоқ:
Ки ҳар қилғанға ҳужжат ҳам тутарсен,
Бу ҳужжат ичра диққат ҳам тутарсен. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т.

ДИҚҚАТЛИҒ/ДИҚҚАТЛИК [دقّت لیغ/دقّت لیق] – нозик, чуқур маъноли, мазмундор:
Алар макри таърифида кўп улумда доно ва кўп диққатлиғ ҳукамо китобларин тасниф этибдурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-480;
Бонсунғур Мирзо... табъи диққатлиғ ва зеҳни жавдатлиғ. *Мажолисун-нафоис*, 201-Т.

ДИҚҚАТОЙИН [دقّت آیین] – нозик табъ:
... ва ул маротиб ижмоли юзидин идрок ва диққатойинлари ва уқул хурдабинлари қошида уч қисм бирла мунқасим дурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-125.

ДИҚҚАТПЕША [دقّت پیشه] – ҳар бир нарсага эътибор билан қарайдиган:
Бу диққатпеша ва зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст ва бехабардурлар. *Мажолисун-нафоис*, 166-Т.

ДИҚҚАТСОЗЛИҒ [دقّت سازلیغ] – чуқур қарайдиган, қаттиқ эътибор берадиган:
Ул хумоюн табънинг бу навъ диққатсозлиғ ва нуктапардозлиғларини сипеҳр дабири йиллар битиса тамом этмас. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т.

ДИҚҚАТШИОР [دقّت شعار] – нозиклик белгиси, одати; нозикликни шиор қилган:
Ва зарофатосор шуаро ва диққатшиор зурафо ки Паҳлавоннинг барча вакт ёр-у мусоҳиби эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т.

ДИҲҚАНАТ [دهقنت] – диҳқанат; қаноаткорлик:
Або ву аждоди тариқидин ким аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай кечиб гўшае ихтиёр қилиб фақр ва диҳқанат била қаноат қилди. *Мажолисун-нафоис*, 167-Т.

ДОББА [دابّه] – 1. миниш, юк ташиш ҳайвони:
Хайрсиз ғаний ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим – добба ки анга юклагайлар китоб. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-514;
2. махлуқот:
Ва бу аснода Тенгри таоло баҳр давоббидин бир доббани судин чиқарди *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-163.

ДОВ [داو] – дов (қиморда тикиш):
Ринд бўлғай икки олам ўйнағай бир дов ила,
Бўлмағай лекин хароботи фано қаллошидек. *Фавойидул-кибар*, 317-Т;
Ва мутааххириндин икки оламни бир дов била ўйнаған муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамзори шамсул-миллати ваддин Хожа Ҳофиз Шерозийдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-68.

ДОВАР [داور] – шоҳ, ҳоким:

Доваро Хусраво фалак жоҳо,
Сарфарозо шаҳо шаҳаншоҳо. *Сабъаи сайёр*, 10-401;
Яна касрий ўлди жаҳон довари,
Ки гардундин ўтти анинг афсари. *Садди Искандарий*, 113-Т;
Эшиткач тунд ўлуб доройи довар,
Ғазабдин қилмади ул сўзни бовар. *Фарҳод ва Ширин*, 346-Т;

~ **и тахтгир** – тахтгир подшоҳ:

Қаю шоҳ ким довари тахтгир,
Не довар шаҳаншоҳи гардунсарир. *Садди Искандарий*, 96-Т;

~ **и чорарас** – илож, чора билувчи подшоҳ:

Эшиткач бу сўз довари чорарас,
Алар чорасин қилмақ этти ҳавас. *Садди Искандарий*, 427-Т;

~ **и каҳрамон** – қаҳрамон подшоҳ:

Эшиткач бу сўз довари қаҳрамон,
Сукун ихтиёр айлади шодмон. *Садди Искандарий*, 250-Т.

ДОВАРЛИҒ [داورلیغ] – ҳакимлик; подшоҳлик:

Шайх Абул-Аббоси Шақони келди. Шайх ани Саййид Ажалдин йўққарирақ ўлтуртти. Саййид андин ранжа бўлди ва кўнглига доварлиғ кирди.
Насойимул-муҳаббат, 198-Т.

ДОВУДИЙ [داودی] – музикада классик куй номи:

...қироат гулшанининг Исавий нафас андалиби хуш алҳонлари ва тажвид равзасининг Довудий нағма фохтаи ширин адолари ҳар кун... *Вақфия*, 14-258.

ДОВУДОСОР [داوداثار] – Довуд пайғамбар сингари:

Илтимос ул ким ҳарён Хизрвор қадам урса хужаста мақдамини боиси нишот ва сурур билгайлар ва ҳар қайда Довудосор дам урса дамини мужиби инбисот ва ҳузур тасаввур қилғайлар. *Муншаот*, 14-214.

ДОВУДТИМСОЛ [داود تمثال] – Довуд тимсол; Довудмонанд:

Руҳпарварликда анинг жонафзо баёнидек Масиҳмисол руҳгусторликда анинг ҳаётосо алҳомидек Довудтимсол. *Муншаот*, 14-225.

ДОД I [داد] 1. – арз, фарёд:

Эй золи замона доду фарёд,
Атфолингға неча зулм-у бедод. *Лайли ва Мажнун*, 67а8;
Чун бўлди сабр Тенгри додиға етар,
Собир киши окибат муродиға етар. *Назмул-жавоҳир*, 15-180.

ДОД II [داد] – 1. инсоф, адолат:

Гударз бин Уйғур. Улуқ подшоҳ бўлди ва дод ва адл ва инсоф тарикидин чикди.
Тарихи мулуки ажам, 16-220;

Ўтар чоғда мобайни ғарб-у шимол,
Тилаб дод жамъи парокандаҳол. *Садди Искандарий*, 424-Т;

2. арз тинглаш:

Бўлмаққа жаҳонда адл-у доди,
Мундин даҳи кўп эса муроди. *Лайли ва Мажнун*, 73-Т;

~ **айла-/эт-** – инсоф қилмоқ, адолат айламоқ:

Мулк-у кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла. *Хазойинул-маоний*, IVa-403;
Алар қатлин ойини дод эткасен,
Бу иш бирла руҳумни шод эткасен. *Садди Искандарий*, 202-Т;

~ **ин бер-** – бирор ишни ўрнига қўймоқ, жуда яхши бажармоқ:
Яна Хожа Масъуд Ироқий ҳам назм қилибтур ва балоғатнинг додин беribтур.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, XV-200;
...Лақитдек маликул-калом сухангузорлар ва маъний офарин фасоҳатшиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари бнла назм адосининг додин бердилар.
Муҳокаматул-луғатайн, 32;

~ **иста-** – ёрдам сўрамоқ, адолат тиламоқ:
Ҳажрдин дод истадим дединг сабур ўл войи ким

~ **бер-** – адолатлик кўрсатмоқ:
Аён айласун реши дард-у камин,
Ёқай дод бермак била марҳамин. *Садди Искандарий,* 12-83;

~ **ол-** – ўч олмоқ, мазлумнинг шикоятини эшитиб, золимни жазоламоқ:
Ки уч йил икки юз хоробур устод,
Ола олмай ҳам анча хорадин дод. *Фарҳод ва Ширин,* 288-Т;
Тиярмен оху ашкимни улус бедодидин йўқса
Олур додим алардин ушбу сарсар бирла тўфоним. *Хазойинул-маоний,* IIIб-405.

ДОДГАР [دادگر] – адолатли, одил; арз тингловчи:
Ки фориғ бўлуб халқ бедодидин,
Фароғ истамай додгар ёдидин. *Садди Искандарий,* 85-Т;
Хайли инсоннинг атоси бул-башар,
Ким ани халқ этти ҳаййи додгар. *Лисонут-тайр,* 140-Т;
Арз қилиб барчани шоҳ оллида,
Додгари мулкпаноҳ оллида. *Ҳайратул-аброр,* 7-95.

ДОДГАРЛИК [دادگرلیک] – адолатлик, одиллик, адолатпешалик; шоҳлик:
Ки берди манга додгарлик илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ. *Садди Искандарий,* 136-Т.

ДОДГУСТАР [داد گستر] – одил, адолатли, адлу инсофли:
Ғам қуёшидин куйуб эрдим Навоий солмаса,
Зилли раъфат шаҳриёри додгустар бошима. *Наводируш-шабоб,* 564-Т.

ДОДХОҲ [دادخواه] – 1. зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар:
...ва бу муқаддима золим била мазлум ҳолидин киноят ва бедодгар била додхоҳ аҳволидин ҳикоятдур. *Вақфия,* 718;
Абулбарака... подшоҳ ҳазратиға анинг зулмидин додхоҳ кўп келган жиҳатдин маъзул бўлди *Мажолисун-нафоис,* 182;
2. арз тингловчи:
Қачан тахт анга бўлса оромгоҳ,
Ки ўз додин истар эди додхоҳ. *Садди Искандарий,* 372-Т.

ДОЖ [داج] – тим қора; қоп-қора; ~ **айла-** – қоп-қора қилмоқ:
Юзунг хуршидидин ул тун топиб хайли кавокиб нур,
Сочингнинг зулмати ул кеча тун рангини айлаб дож. *Фавойидул-кибар,* 95-Т.

ДОИЙ [دائی] – даъват этувчи, истовчи, хоҳловчи:
Кўр нечук ўлғай бу чаман ичра вард,
Доий чу бор олтун ила ложувард. *Ҳайратул-аброр,* 7-229.

ДОИЙА [دائیه] – 1. орзу, мақсад; истак, хоҳиш; ирода:
Чун бу тариқ доийаси пайдо қилибтурлар тарк ва тажрид қилиб Мавлоно Низомиддин суҳбатларига уланибтурлар. *Насойимул-муҳаббат,* XV-137;

...бу баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар бу доийа пайдо бўлуб чун туркча алфоз била назмға илтифот қилмас эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-71;

2. тақозо:
Рисолат мутобаатининг доийаси қавий бўлур ва алардин бу сўз ноқили ҳазрати Махдумий Нурандур... *Насойимул-муҳаббат*, XV-137;

3. чақирик, тилак изҳор этмак:
Ништар урарға чидамай хордин,
Булбул этиб доийа минқордин. *Ҳайратул-аброр*, 46-1.

ДОЙ [دای] – пахса, пахса лойи:
Ким барисин ер била ҳамвор этинг,
Дой аро ўлтуртунгу девор этинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-303;
Кетар ҳушум қачан истар ул бут қасри деворин,
Магар ким йўғрулубтур бода бирла дайрнинг дойи. *Фавойидул-кибар*, 561-Т;
Чекиб ҳифзи учун даврида девор,
Қилиб дойин ҳисори оҳанийвор. *Фарҳод ва Ширин*, 507-Т;
Келди йўл ул ерга ким ул дой эди,
Ҳар сари юз нола била вой эди. *Ҳайратул-аброр*, 7-303.

ДОЙГАР [دایگر] – пахсачи:
Бўлуб ҳар дойгар гардунға пайваст,
Қолиб бел урғучи болчиғ аро паст. *Фарҳод ва Ширин*, 150-Т.

ДОЙИМ [دایم] – доимо, ҳамиша, ҳамма вақт:
...Мавлоно дойим ул китобни ўзидин айирмай ўзи била асрар эрмиш... *Насойимул-муҳаббат*, X-170;
Кўзунгни Тенгри дойим шаҳ жамоли бирла ёрутсун.
Ёман кўздин сени сендин ёман кўзни йирақ тутсун. *Муншаот*, 14-198;
Висол айёми тонг йўқ очса рухсор,
Ки дойим очилур гул бўлса наврўз. *Хазойинул-маоний*, IIа-119.

ДОЙИМИЙ [دایمی] – 1. ҳамма вақт, ҳамиша:
Ва бовужуди бу суубатлар барчадин саъброқ кўнгул рўзасидур ки Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмакдур ва рўзани дойимий кўнгулга буюрурлар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-170;

2. давомли, узлуксиз давом этувчи; турғун, доимий:
Шайх Абдуллоҳ Муборак ва шайх Абу Али Сақфий била суҳбат тутубтур ва Шиблийни кўрубтур ва дойимий мужоҳадаси бор эрмиш ва улум ва муомалатда комил эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, XV-113.

ДОЙИМО [دایما] – ҳамма вақт, ҳамиша:
Бу навъ эди дойимо хаёлим,
То бўлди қазодин ул мажолим. *Лайли ва Мажнун*, 60-Т;
Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Дойимо «азза ман қанаъ» билгил. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-525;
Чун тикондин айру эрмас дойимо гул яфрағи,
Не учун олур кафи пойин кўзум мужгонидин. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

ДОЙИМҒИ [دایمغی] – одатдаги, ҳар доимги, қабул қилинган:
Шер қулағиға етиб ул мақол,
Савтини дойимғидек этти хаёл. *Ҳайратул-иброр*, 7-211;
Иноят қилиб дойимғи дастур била ваҳйосор рукъалар била сарафроз қилилса бу фақирнинг мужиби саодати дорайни бўлғусидур. *Муншаот*, 14-168.

ДОЙИР [دایر] – айланувчи, доир, оид, тегишли:

Бўлуб су қаср атрофида дойир,
Тўкулди дашт уза бўлмакка сойир. *Фарҳод ва Ширин*, 320-Т;

Чархи дойир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким тушти бу гирдоб аро. *Хазойинул-маоний*, 1а-82;

~ **айла-/эт-** – айлантирмоқ:

Соқиё жом айла дойир ким ғаниматдур ҳаёт,
Туткусидур чун ажал косини даврон оқибат. *Хазойинул-маоний*, 1116-78;

Айлагач дойир тўқуз афлокни,
Қосир этти фаҳмидин идрокни. *Лисонут-тайр*, 15-Т;

Май ҳабоби гунбадин базм ичра ул дам дойир эт,
Ким шафақ май зоҳир эткай гунбади даввор аро. *Наводируш-шабоб*, 19-Т;

~ **бўл-/ўл-** – айланмоқ:

Кема гирдоб аро бўлиб дойир
Еллар ул даврада эмас сойир. *Сабъаи сайёр*, 10-328;

Дедилар ки то дойир ўлғай сипеҳр,
Сипеҳр узра то айлагай сайр меҳр. *Садди Искандарий*, 296-Т;

Даврида ҳарамнинг ўлди дойир
Ер гирдида мисли чарх сойир. *Лайли ва Мажнун*, 189-Т.

ДОЙИРА [دایره] – 1. айлана, тўгарак:

...пайғамбарлик даъвисида муъжизаси паргорсиз дойира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибтур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232;

Дойира атрофидин марказга чеккандек хутут,
Тирборони фалак кўнглумга топмиш бари йўл. *Хазойинул-маоний*, IIа-218;

2. чарх, олам тузилиши:

Дойирани жуз бу сифат тузмайин,
Силсилани бир биридин узмайин. *Ҳайратул-аброр*, 6-23;

3. доира, аруз илми атамаси:

Бу дойира исми замон зурафосидин баъзининг хаёлиға келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим. *Мезонул-авзон*, 27-Т;

~ **и азима** – азим, катта доира:

Бир дойираи азимада жамъ қилиб ҳар бирининг вазнига алоҳаддиҳи мисол келтуруб тўққузласини яна бир мисрадин ҳам истихрож қилиб ул дойирани дойираи мужтамиа дейилди. *Мезонул-авзон*, 26-Т;

~ **и дахрбанд** – дахрбанд фалак:

Кимсани чун дойираи даҳрбанд,
Охир этар туфраға аро шаҳр банд. *Ҳайратул-аброр*, 7-293;

~ **и ложувард** – осмон:

Кўк ўланг атрофида ҳар гунавард,
Анжум ила дойираи ложувард. *Ҳайратул-аброр*, 7-83;

~ **и мақсуд** – истак, мақсад майдони; муродхона:

Кўйунгда Навоийға чарх урмақ агар етса,
Бир дойираи мақсуд ўлғуси анга ҳар чарх. *Фавойидул-кибар*, 110-Т;

~ ***и нуқтаи мавҳум*** – *гардиш, фалакнинг мавҳум нуқтаси:*

Ғунча оғзи аро ваҳм этса ул ойнинг оғзин,
Топқуси дойираи нуқтаи мавҳум кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 356-Т;

~ **и сипеҳр** – осмон гардиши, дунё:

То дойираи сипеҳр бўлғай,
То ким анга нуқта меҳр бўлғай. *Муншаот*, 14-176;

~ **и ушр** – фалакнинг ўнинчи доираси:
Бал анга ҳар дойираи ушр гард,
Рутба аро бир фалаки ложувард. *Ҳайратул-аброр*, 7-104;
~ **и ғабғаб** – бағбақа, соқоқ доираси:
Бу навъ дойираи ғабғабин аросинда хол,
Магар ки ҳинду эрур ким пари қилур тасхир. *Наводируш-шабоб*, 141-Т;
~ **и ҳақиқатмаоб** – ҳақиқат манбаи, доираси:
Ул авқотда жаноби ҳақиқатмаоб қутби дойираи ҳақиқат ва муршиди аҳли шариат ва тариқат кошифи улуми раббоний Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгоний. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер*, 15-98.

ДОЙЛИҒ [دای‌لیغ] – пахсали:
Келиб чор дарчор паргор анга,
Секиз лойлиғ тўрт девор анга. *Садди Искандарий*, 358-Т.

ДОЛ(Л) [دال] – 1. далил, белги, ишорат, далолат:
Чун Юсуф алайҳис-салом ул икавнунг ғойибдин оғизлариға келган сўзларнинг бирини неъмат ва бирини балийятқа дол кўрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-125;
Қаро тун каддин этти саждаға дол,
Анча ким толиъ ўлди субҳи висол. *Сабъаи сайёр*, 10-176;
Бу ишга анбиёни қилди ирсол,
Ки бўлғайлар улуска дин сари дол. *Фарҳод ва Ширин*, 118-Т;
2. араб алифбосидаги саккизинчи ҳарф; эгилган, букук:
Оғзиға зулфи ғамидин ким эрур номамда «мад»,
Бўйла «мад» тортарда анинг мим-у доли бирла мен. *Хазойинул-маоний*, IIIб-475;
Жонимдағи жим икки долингға фидо,
Андин сўнг алиф тоза ниҳолингға фидо. *Ғаройибус-сиғар*, 537-Т;
3. севгилининг зулфи, гажаги:
Кокулунг элга жаҳонни тийра қилған дуд эрур,
Ҳар сори зулфунг ики ёнида тушкан дол анга. *Хазойинул-маоний*, IIIа-15;
Кин вақти ки очилиб каманди,
Дол ўрниға фатҳ зулфи банди. *Лайли ва Мажнун*, 75-Т;
4. эгилган, букук:
Жисмим андуҳ ичра дард остида қолмиш не ажаб,
Эгма қад бирла агар зулфунг ғамидин долмен. *Ғаройибус-сиғар*, 352-Т;
~ **айла-/қил-** – эгмоқ, букмоқ; эгилмоқ:
Зулф ичра бўлғамен пурпеч-у хамлиғ тордек,
Заъфлиғ жисмимни ким ҳижрон юки дол айламиш. *Наводируш-шабоб*, 244-Т;
Тушганим Мажнун била Фарҳод аёғиға кўруб,
Гаҳ танимни нун қилиб гоҳе қадим дол айламиш. *Бадойиул-васат*, 186-Т;
Еткач алиф қадинг қилиб дол,
Мажнуни аёғин ўпти филҳол. *Лайли ва Мажнун*, 218-Т;
~ **ўл-** – белги, нишона бўлмоқ, далил бўлмоқ:
Дол ўлди димоғи заъфиға бу,
Ким шабнами бирла оқизур су. *Лайли ва Мажнун*, 114-Т;
Дол ўлди ёман кишига қонлар сари,
Озди киши ким борди ёманлар сари. *Назмул-жавоҳир*, 15-160;
~ **топ-** – йўл-йўруқ топмоқ, далолат топмоқ:
Чун истади ул тушига таъбир,
Ўз ҳолиға дол топти бир бир. *Лайли ва Мажнун*, 322-Т.

ДОЛБОЙ [دالبای] – ов қушига бериладиган гўшт, бир бўлак гўшт:
Не кўкка чиқмақ эрур долбой-у ўтаға била,
Ки болу пар бу эса мумкин эрмас ул парвоз. *Хазойинул-маоний*, 16-217.

ДОЛОН [دالان] – далон; даҳлиз, йўлак:
Ва ходим ва фаррошлар ҳар кеча мадраса масжидидаги долонида дағи хонақоҳнинг гунбасида ва даҳлизларида шамъ ёндурғайлар. *Вақфия*, 14-269.

ДОЛУ ГУЛ [دال و گل] – нақш, безак:
Зулфини очмиш сабо юзига чиқмиш тоби мул,
Зулф-у юзи аксидин тўниға тушмиш дол-у гул. *Ғаройибус-сиғар*, 302-Т.

ДОМ [دام] – 1. тузоқ, тўр:
Ва дебтур ки қуш ки ердин юқори учқай агарчи осмонға етмагай аммо домдин йироқ бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-148;
Юзунг сунбули анбаринфом аро,
Саодат тазарви тушуб дом аро. *Садди Искандарий*, 61-Т;
Рам еган кўнглум қушин тутмақка гўё сафҳада,
Нуқта ву хат бирла сочиб дона ёймиш домини. *Фавойидул-кибар*, 586-Т;
2. асорат, мубтало:
Эй кўнгул ёр ўзгалар домиға бўлди пойбаст,
Санга мушкил ҳолат-у бизга катиқ иш берди даст. *Хазойинул-маоний*, 16-96;
Кўрган эл девона ву зор ўлдилар,
Ишқ домиға гирифтор ўлдилар. *Лисонут-тайр*, 192-Т;
3. душман тузоғи; макр, ҳийла:
Кўргузуб ихлос ишида ихтисос,
Сени адув домидин айлай халос. *Ҳайратул-аброр*, 123-16;
~ **и бало** – бало тузоғи:
Навоий жисмин ўқунг захми этти доми бало,
Висол қушлари андин магар ки рам қилди. *Ғаройибус-сиғар*, 455-Т;
~ **-у дад** – йиртқич ва йиртқичмас ҳайвонлар:
Ажаб йўқ ки ярмақ солар бехирад,
Кумуш банддин ром қилур дом-у дад. *Садди Искандарий*, 321а8;
~ **и дард** – ошиқ тузоғи:
Боши уза доми дард солиб шур,
Кийиклар эди ву ул қалин гўр. *Лайли ва Мажнун*, 331-Т;
~ **и зулф** – зулф тузоғи:
Малойик доми зулфидин қутулмас ваҳ қутулғайму,
Хозин кўнглум қушиға айласа ул ҳалқадин илмак. *Наводируш-шабоб*, 322-Т;
~ **и зулфайн** – икки зулф тузоғи:
Доми зулфайнин бир очиб тортмақ бирла қилиб,
Юз туман куфсий туйури гулшани хазрони сайд. *Фавойидул-кибар*, 122-Т;
~ **и рох** – йўл тузоғи:
Ишқ бўстониға кирганда ҳавойи қуш киби,
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим билмадим. *Фавойидул-кибар*, 425-Т;
~ **и сайёд** – овчи тузоғи:
Қуш қочар сайёд домидин ажаб қушмен ки мен
Зулфни истаб орзуйи доми сайёд айларам. *Бодайиул-васат*, 317-Т;
~ **и тазвир** – ҳийла, фириб доми, тузоқи:
Ёйар доми тазвир эл сайдиға,
Қилиб баҳрдин дона омода шайх. *Наводируш-шабоб*, 112-Т;

~ **и фирок** – фироқ доми:
Иш тариқидин йирақ этмиш басе,
Бастаи доми фироқ этмиш басе. *Лисонут-тайр*, 55-Т;
~ **ёй-** – ҳийла қилмоқ:
Тамаввуж баҳр уза ким тутмай ором,
Алар устида сунъ илги ёйиб дом. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т.

ДОМАН/ДОМОН [دامان / دامن] – 1. этак:
Тушти гўё булбул афғони муассир гулга ким
Чок чок этти гирибонини домониғача. *Хазойинул-маоний*, 116-559;
2. ҳар бир нарсанинг охири:
Тиканлар ким чекиб ҳар сари домон,
Дебан ким бормағил ул ён хиромон. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
3. саҳро, биёбон:
Ким етди чу ул дамонға Мажнун,
Ким сайр этиб эрди меҳри гардун. *Лайли ва Мажнун*, 230-Т;
~ **и ваҳдат** – танҳолик биёбони:
Чу қилди жилва шодурвони ваҳдат,
Насими васл очиб домони ваҳдат. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т.

ДАМОНА/ДОМОНА [دامانه] – чет, кирғоқ, этак:
Етишкач тоғнинг дамонасиға,
Ҳакими аҳд хилватхонасиға. *Фарҳод ва Ширин*, 232-Т;
Бу мобайн аларнинг тарабхонаси,
Бу тоғ ўйла ким Қоф домонаси. *Садди Искандарий*, 426-Т;
Анга тегру ҳар ким ўзи отланиб,
Ҳам ул тоғ домонасин айланиб. *Садди Искандарий*, 429-Т.

ДОМАНГИР [دامنگیر] – ҳақини талаб қилувчи, даъвогар:
Ўйла фони бўл ки домангиринг имкон бўлмағай,
Ким этак мавжуд агар йўқтур нени тутқай илик. *Фавойидул-кибар*, 324-Т;
~ **бўл-** – тўхтатмоқ, тўсиқ бўлмоқ:
Алқисса чун аларға ҳақ йўлининг сулуки домангир бўлуб мулозаматдин ижтиноб зоҳир қилиб истиғфор тариқидин кириб арзға еткурдилар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-97;
Миҳин Бону била Ширинниng Фарходни фироқ хоро камари этагидин домангир бўлуб висол атлас чархи ҳаримида тўқуз парда ичра маҳрам қилиб...
Фарҳод ва Ширин, 320-Т.

ДОМАНКАШОН [دامنکشان] – этак судраб юриш, судралиш:
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлиғ сари доманкашон. *Лисонут-тайр*, 233-Т;
Менда ё Раб қўйма менликдин нишон,
Ўзлукунгда маҳв қил доманкашон. *Лисонут-тайр*, 264-Т.

ДОМАНФИШОН [دامن فشان] – мафтун, ўзидан кетган, беҳуш:
Ул оҳангдин бизни қилсанг хушон,
Ки бўлсак сарандоз-у доманфишон. *Садди Искандарий*, 100-Т.

ДОМГАҲ/ДОМГОҲ [دامگاه / دامگه] – ов учун тузоқ қўйилган жой; бу дунё:
Бир ниёзманд деди ки Хожа бизга имон дуоси била мадад қилсалар бўлгай ки бу шайтон домгоҳидин саломат жон элткайбиз. *Насойимул-муҳаббат*, 233-Т;
Висол гулшанин эй жон куши кўп истармен
Бу домгаҳ аро гўё ки асру қийналдинг. *Ғаройибус-сиғар*, 286-Т;

фано домгоҳи – ўткинчи, вақтинчалик дунё тузоғи:
Иккинчи мажлис ул жамоати азизлар зикрида ким... алар фано домгоҳидин бақо оромгоҳиға боришдурлар. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т.

ДОМОНЛИҒ [دامان ليغ] – номусли; покиза; **покдомонлиғ** – тозалик, покизалик, иффатлилик:
Чун сув ичра зотима таскин бўлуб,
Покдомонлиғ манга ойин бўлуб. *Лисонут-тайр*, 83-Т;
Покдомонлиғ қилибмен фан дема,
Узни сувда ғайр тардоман дема. *Лисонут-тайр*, 83-Т.

ДОМХОҲ [دامخاه] – домхоҳ:
Берур аввал озрак хайл-у сипоҳ,
Ки қолмас анга даъвийи домхоҳ. *Садди Искандарий*, 506-Т.

ДОН I [دان] – тана, вужуд:
Саводин солиб жузви доним аро,
Дема жузви доним ки жоним аро. *Садди Искандарий*, 518-Т.

ДОН II [دان] – сўз таркибида «билувчи» маъносини беради:
Эшитмиш ки Бону кордондур,
Пари пайкар дағи бисёрдондур. *Фарҳод ва Ширин*, 339-Т.

ДОНА [دانه] – 1. уруғ, дон:
Чу мазраъ ичра сочтинг ҳар не дона,
Ҳам ул дона кўтаргунг жовидона. *Фарҳод ва Ширин*, 475-Т;
Мазраъи ишқ ичра сочмоқ қобилият донасин,
Айлади кўк тосидин гўё қазо деҳқони кайл. *Хазойинул-маоний*, 116-387;
Анда бир тун қўнғали кошона йўқ
Жисм кут олмакқа су ву дона йўқ. *Лисонут-тайр*, 42-Т;

2. тузоқ атрофига сепилган дон:
Савмдин кўнглим куши майл этти су ву донаға,
Лекин оғзин боғладим қўрқиб ажал сайёдидин. *Хазойинул-маоний*, IIIа-259;

3. битта, ягона; ҳар бири:
Кўксум ичра ким ғамунгдин нордек бўлди шикоф,
Гўйиё ҳар бир бағир парголаси бир донадур. *Ғаройибус-сиғар*, 138-Т;

4. хол:
Дағи қонин кўргузур Мажнун мазаллат шолида,
Холдин ҳумрат киби бир донанинг ҳар болида. *Наводируш-шабоб*, 559-Т;
Холи қўяйин юзунгга ёна,
Бўстон афрузи ичра дона. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т;
Оразу холинг гирифтори эса кўнглум не тонг
Ким гузори йўқтур ул қушнинг бу обу донадин. *Хазойинул-маоний*, 1116-259;

5. кўз ёши:
Кўзларим донаи суйиға келур васл қуши,
Лек тутмакқа ул ой туррасидин дом керак. *Бадойиул-васат*, 11-Т;

6. қимор ўйинининг донаси, ошиқ:
Қадаҳка хирқам этиб раҳн вах ки субҳамни
Қимор айлагали дона айлади ул шўх. *Хазойинул-маоний*, 1116-115;

7. тиш:
...бир-бирига қовушмай ўз ҳолиға кулуб боши кўксига тушуб, оғзи ҳуққасидин доналари тўкулуб... *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;

8. анор доналари:
Ўз илгида бир анор бўлса билмас ки неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида донаси бор. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-471;

~ **дона** – алоҳида-алоҳида доналар, бирин-кетин:
Меваидур ким назар боғида баъзи тутти ранг,
Қатра қатра лаългун бу дона дона ёш аро. *Наводируш-шабоб*, 18-Т;
ву дом – дону тузоқ:
Ҳажр ўқлари захмидин жисмим била ашкимни,
Тутмаққа бало сайдин ғам дона ву дом этмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 213-Т;
~ **и сабр** – ёлғиз сабр:
Дур тишингдин данаи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтур ким экиннинг офатидур жолалар. *Ғаройибус-сиғар*, 137;
~ **йи савдо** – шайдолик, девоналик:
Бехи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо. *Бадойиул-бидоя*, 59;
~ **и тасбих** – тасбиҳ доналари:
Тан қушиға хирқани дом айласа,
Донаи тасбиҳ ила ром айласа. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
Донаи тасбиҳ майли айламас кўнглум қуши,
Риштаи зуннори зулфунг бўлғали доним мening. *Ғаройибус-сиғар*, 281-Т;
~ **и хашхош** – кўкнори уруғи:
Ҳакими қудратинг оллинда чарх ила анжум,
Муҳаққар айла ки хашхош-у донаи хашхош. *Ғаройибус-сиғар*, 203-Т;
Минг яшар пил янгла туғқан ёшча,
Чархи аъзам донаи хашхошча. *Лисонут-тайр*, 211-Т;
~ **и хол** – хол донаси:
Донаи холи узра кўр сабзаи хат нишонаси,
Донаи хол эмас эрур меҳри гиёҳ донаси. *Ғаройибус-сиғар*, 473-Т;
Гар тутулмақ истамас кўнглум қуши бас негадур,
Донаи ҳол узра зулфи домининг очилмағи. *Наводируш-шабоб*, 574-Т;
~ **и хол** – ҳол-аҳвол, холат уруғи:
Экиб тухмини андақ ким очилғай бўстонафруз,
Очар хуноба кўз боғида эксам донаи холим. *Ғаройибус-сиғар*, 376-Т;
~ **соч-** – уруғ сепмоқ:
Вақт ила не дона сочмағни билиб,
Ким фараҳ қилғай гуле ҳосил қилиб. *Лисонут-тайр*, 66-Т.

ДОНАДЎСТ [دانه دوست] – тутқин, тузоққа илинувчи; донга дўст бўлган:
Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қуш ки бўлғай донадўст. *Ғаройибус-сиғар*, 91-Т.

ДОНАК [دانک] – донак, уруғ, дон:
Ҳар кун ярим донак касб қилур эрди ва анинг қути андин эрди.
Насойимул-муҳаббат, 150-Т.

ДОНАЛИҒ [دانه لیغ] – тасбиҳ донаси:
Тутмадим отинг қилиб фарзоналиғ (/фарзоналик),
Субҳа элдин осмайин юз доналиғ (/доналик). *Лисонут-тайр*, 20-Т.

ДОНАНДА [داننده] – билимдон, олим:
Чу сенсен жаҳон аҳли донандаси,
Улуснинг васийят расонандаси. *Садди Искандарий*, 481-Т.

ДОНАНДАЛИҒ [داننده لیغ] – билимдонлик, донишмандлик:
Санга Тенгри чун берди донандалиғ,
Ўзунгга насиҳат расонандалиғ. *Садди Искандарий*, 493-Т.

ДОНАНДАҲАРФ [دانندە حرف] – *сўзлар билимдони; донишманд:*

Деди ҳикматойини донандаҳарф,
Ки қилдинг саволе беғоят шигарф. *Садди Искандарий*, 173-Т.

ДОНАПОШ [دانە پاش] – дон сепгич:

Дегил дуддин шуъла дом этти фош,
Шарарлардин ўлди анга донапош. *Садди Искандарий*, 232-Т.

ДОНАРЕЗ [دانە ریز] – дон тўкувчи, дон сочувчи:

Басе эл бўлуб том уза донарез,
Учуруб кабутар берур эрди хез. *Садди Искандарий*, 439-Т.

ДОНАТАЛАБ [دانە طلب] – дон, уруғ талаб:

Англа зийрак куш ани ким кўрубан мундақ дом
Бўлмағай *теграсида* обхўр-у донаталаб. *Наводируш-шабоб*, 40-Т.

ДОНГ [دانگ] – ҳар бир нарсанинг олтидан бир қисми; улуш:

бу маблағ ва миқдордин чаҳор донгинн ўзи олғай ду донгин ул иккавга еткургай. *Вақфия*, 14-268;

...яна бир қитъа ер ва ток туташ беш ярим жариб яна бир боғ бир жариб ва донге яна бир қитъа ер бир жариб-у чаҳор донг... *Вақфия*, 14-266;

Чаман ҳусни динор агар донгдур,
Ки бечора булбулга гулбонгдур. *Садди Искандарий*, 382-Т.

ДОНИШ [دانش] – билим, маърифат:

Эр кишига зеб-у зийнат ҳикмат-у донишдурур,
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур. *Маҳбубул-қулуб*,14-105;

Хожа Хурд... бовужуди фазл-у камол ва ақл-у дониш ҳиляси била оростадур. *Мажолисун-нафоис*, 178-Т;

~ **аҳли** – илм аҳли, олимлар:
Дониш аҳли киффасида келтурур нодонни чарх,
Фикри йўқ ким рост келмас бу хирад мезонида. *Бадойиул-васат*, 387-Т;

~ **и беҳисоб** – беҳисоб донишмандлар:
Пас ушбу қадар дониши беҳисоб,
Дегил кимдин ўлди санга иктисоб. *Садди Искандарий*, 478-Т;

~ **и дин** – дин илми, билими:
Қочиб адамға бор ақл-у фаҳм-у дониши дин,
Ватан боринда бу ет эл аро не бор манга. *Фавойидул-кибар*, 19-Т;

~ **и Уторид** – донишманд Уторид:
Бу атторлиғда мақосид билиб,
Ани дол дониши Уторид қилиб. *Садди Искандарий*, 80-Т;

~ **у фарҳанг** – билим ва ақл:
Бу навъ муғбача май тутса дайр аро кишига,
Киши эмас гар анга қолса дониш-у фарҳанг. *Хазойинул-маоний*, IVб-340;

~ **тила-** – илм истамоқ:
Дониш тила ву ҳар сари гар кеткайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб неткайсен. *Назмул-жавоҳир*, 15-165.

ДОНИШВАР [دانشور] – билимдон, ўқимишли:

Айта олман санга эй донишвар,
Ки бор эрди шаҳ ила ҳар кишвар. *Фавойидул-кибар*, 670-Т;

Хожа Авҳад Муставфий – донишвар киши эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*,XV-161;

Султони Соҳибқирон... ҳақойиқи маонийсини ҳеч донишвар алардин яхшироқ билмади. *Мажолисун-нафоис*, 131-Т.

ДОНИШВАРИЙ [دانشوری] – донишмандий:

Бирав йўқ ки ҳиндуйи луъбоварий,
Не ҳинду ки жодуйи донишварий. *Садди Искандарий*, 79-Т.

ДОНИШМАНД [دانشمند] – донишманд, билимли, олим, доно:

Ул дағи Ҳазрати Шайх Нажмуддини Қубранинг хулафосидиндур бағоят донишманд ва фозил эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 272-Т;

Ва алардин бири Шайх Баҳоуддин Қубрадур ки оғаси донишманд Мавлононинг ки оти Муҳаммад эди. *Насойимул-муҳаббат*, 273-Т;

Мир Ҳайдар Фахрёбий – сайидий эрди донишманд ва ширин такаллум. *Насойимул-муҳаббат*, XV-161.

ДОНИШМАНДЛИҚ [دانشمند لیق] – донишмандлик:

Донишманд бўлғунча бир навъ мустаҳсан маошға муваффақ бўлди ким андин ортуқ мумкин эрмас бовужуди донишмандлиқ. *Мажолисун-нафоис*, 137-Т.

ДОНИШМАНДОНА [دانشمندانه] –билимдонларча:

Мир Ихтиёриддин... дасторин бу навъ донишмандона чирмағунча кўп заҳмат кўрар иркин. *Мажолисун-нафоис*, 143-Т.

ДОНИШМАНДШЕВА [دانشمند شیوه] – донишманд йўсин, тарз; донишмандшева:

Мавлоно Софий... бағоят дарвешваш ва фонисифат ва донишмандшева йигитдур. *Мажолисун-нафоис*, 148-Т.

ДОНИШНАВАРД [دانش نورد] – билимдон, доно:

Тааммул қилиб деди донишнавард,
Ки эй барча шаҳлар аросида фард. *Садди Искандарий*, 349-Т.

ДОНИШОГОҲ [دانش آگاه] – билимдон, билимли, доно:

Сикандар сиридин дағи шоҳлар,
Хирадпеша-у донишогоҳлар. *Садди Искандарий*, 341-Т.

ДОНИШОГОҲЛИҒ/ДОНИШОГОҲЛИК [دانش آگاه لیغ / دانش آگاه لیق] – билимдонлик, олимлик:

Баҳор-у йигитлик дағи шоҳлиғ,
Яна ҳикмат-у донишогоҳлиғ. *Садди Искандарий*, 385-Т;

Жаҳон ичра мундақ топиб шоҳлиқ,
Нечук шоҳлиғ донишогоҳлиқ. *Садди Искандарий*, 476-Т.

ДОНИШОЙИН [دانش آیین] – 1. билим билан ораста, донолик йўл-йўриқлари:

Яна шоҳ Арастуға қилди хитоб,
Ки эй донишойини ҳикматмаоб. *Садди Искандарий*, 146-Т;

2. тилак, истак:

Қилиб донишойин дуо ибтидо,
Дуодин сўнг этти бу янглиғ адо. *Садди Искандарий*, 369-Т.

ДОНИШОМУЗ [دانش آموز] – билимдон:

Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,
Ўйла дарс аҳлиға мундақ донишомузе керак. *Ғаройибус-сиғар*, 265-Т;

Ким Омир элида Қайси бадрўз,
Бу ҳайдаки эрди донишомўз. *Лайли ва Мажнун*, 68а5;

Қўпуб оллинда чун ер ўпти Фарҳод,
Ҳакими донишомуз этти бунёд. *Фарҳод ва Ширин*, 239-Т.

ДОНИШПАЖУҲ [دانش پجوه] – илм эгаси, донишмандлик соҳиби:

Деди ҳикматойини донишпажуҳ
Ки эл бўлмасун бу аламдин сутуҳ. *Садди Искандарий*, 266-Т;
Бари ҳикматойин-у донишпажуҳ
Фалатунманиш бал Аристушукуҳ. *Садди Искандарий*, 292-Т.

ДОНИШПАРВАР [دانش پرور] – илм ҳомийси:

Миҳинбону ки донишпарвар эрди,
Билик аҳлиға шоҳ-у сарвар эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т.

ДОНИШҚАРИН [دانش قرین] – билимли етук олим; донишмандлар дўсти:

Чу ойин топиб шоҳи донишқарин,
Деди нуктавар жониға офарин. *Садди Искандарий*, 421-Т.

ДОНО [دانا] – билимдон, донишманд, хирадманд:

Оз оз ўрганиб доно бўлур қатра қатра йиғилиб дарё бўлур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-532;

Доноға такаллуф тўни киймак киндур,
Ҳар чини сари оразида бир чиндур. *Назмул-жавоҳир*, 15-172;

~ **йи бисёр** – бисёр, зўр доно:

Дегач нукта донойи бисёрдон,
Дебан офаринлар шаҳи комрон. *Садди Искандарий*, 271-Т;

~ **йи даврон** – замона донишманди:

Чу арз этти сўзин донойи даврон,
Писанд этти барин доройи даврон. *Фарҳод ва Ширин*, 339-Т;

~ **йи зоҳид** – зоҳидлар доноси:

Сени саййиди пок донойи зоҳид,
Дедим эй улусқа сўзунг фитна солған. *Бадойиул-васат*, 497-Т;

~ **йи огоҳ** – огоҳ, ҳушёр, доно, донишманд:

Адаб бирла кириб шаҳзода ву шоҳ,
Қўпуб ўз ўрнидин донойи огоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 201-Т;

~ **йи олам** – олам доноси:

Ёруткач базмни донойи олам,
Тилаб шаҳзодани доройи олам. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;

~ **йи офоқ** – ягона билимли:

Сикандар ки донойи офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди. *Садди Искандарий*, 130-Т;

~ **йи роз** – яширин, сирли, махфий ҳикмат:

Деди мир Хусравға донойи роз,
Ки сен шоҳи ғозийға сен мадҳсоз. *Садди Искандарий*, 527-Т;

~ **йи ҳикматмаоб** – ҳикматпараст донишманд:

Не жоду ки донойи ҳикматмаоб,
Сўзи назм девонида интиҳоб. *Садди Искандарий*, 79-Т;

~ **йи ҳиндинажод** – ҳинд насабли доно, донишманд:

Гузоранда донойи ҳиндинажод
Бу торихни мундақ айлар савод. *Садди Искандарий*, 287-Т;

~ **бўл-** – донишманд бўлмоқ, олим бўлмоқ:

Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ эл ичинда бўлса доно охир. *Назмул-жавоҳир*, 15-153.

ДОНОВАР [داناور] – доно, билимли, олим:

Туттилар ҳиндуйи нофаржомни,
Ҳашвлиғ доновари айёмни. *Лисонут-тайр*, 41-10.

ДОНОВАШ [داناوش] –доносифат:

Тилаб бир неча доноваш кишини,
Саранжом эттилар доно ишини. *Фарҳод ва Ширин*, 243-Т.

ДОНОЛИК/ДОНОЛИҒ [دانالیغ / دانالیق] – билимдонлик, оқиллик:

Мусаннафотидин бири «Жавоҳирут-тафсир» дур ким «Ал-Бақара» сурасин бир мужаллад битибдур қатъи мунсиф била юз жузв бўлғай барча хиралик ва донолиқ. *Мажолисун-нафоис*, 139-Т;

Жаҳон мулкини олди чун Ардашер,
Тавоно-у доно шаҳ эрди далир.
Уларда не нафъ этти донолиғи,
Не дафъ айлай олди тавонолиғи. *Тарихи мулуки ажам*, 16-225;

Қолиб ҳайрон анинг донолиғидин,
Таҳаввур бирла бепарволиғидин. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;

Соқиё май бер ки бу дайри кўҳан авзоида,
Бўлди ўз нодонлиғимни англамақ донолиғим. *Наводируш-шабоб*, 432-Т.

ДОНОМАНИШ [دانامنیش] – доно табиатли; донишмандлик:

Деди нуктапардози донолиш,
Ки эй нуктадин зотинга парвариш. *Садди Искандарий*, 313-Т.

ДОР I [دار] – 1. ёғоч:

Айнул-Қузот тил шарафидин Масиҳ гуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил суръатидин дорға сазовор. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-519;

Кўруб дор остида жисми харобин,
Ҳам ул бўйниға боғлаған танобин. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;

~ **айла-** – дор айламоқ:

Ҳалқа ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини,
Журми ишқимға магар ҳукм айлади дилдор дор. *Бадойиул-васат*, 125-Т;

~ **ға чек-** – дорға осмоқ:

Бири деб ки дорға чекарда яхши турди ва бири деб ки бўйнин чопарда яхши ўл-турди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-473;

~ **ур-** – дор қурмоқ:

Анга тегру ки дор урмушлар эрди,
Утун ўт дағи келтурмишлар эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т.

ДОР II [دار] – ҳовли, уй-жой, макон:

Ҳам каҳфи кифоятнигни дор айла манга,
Ҳам дурри иноятингни нисор айла манга. *Хазойинул-маоний*, 16-741;

~ **и амон** – омонлик, хотиржамлик, уй-жойи, манзили:

Хас киби тушти Навоий май уза ғам нета ўлғай,
Хосса ким анга ҳабоб уйи киби дори амондур. *Фавойидул-кибар*, 197-Т;

~ **и бақо/ул-бақо** – мангулик уйи, абадият; нариги дунё:

Ва Яъқуб алайҳис-салом Иъйснинг ғурбати айёмида... неча вақт рисолат амриға машғул эрди то дори бақоға борди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-122;

... ва малик Филикуснинг дори бақоға кеткани ва Искандарнинг мулки фани тахтин мақом эткани. *Садди Искандарий*, 114-Т;

Чун ки бу дорул-фанодин қилди азм,
Равзаи дорул-бақоға тузди базм. *Лисонут-тайр*, 182-Т;

~ **и сурур** – мағрурлик уйи; бу дунё:

Ким эткан замон тарки дори ғурур,
Ки бўлди мақомим бу дори сурур. *Садди Искандарий*, 144-Т;

~ **и фано/ул-фано** – фонийлик уйи, бу дунё:
Беш кун бу дори фано тириклигига масрур ва давлатиға мағрур бўлмамақ керак. *Маҳбубул-қулуб*, 14-116;
Софийи ақл савмасин шукр ким бузуб,
Дорул-фанойи ишқда хаммормен яна. *Ғаройибус-сиғар*, 419-Т;
... ўзининг мадфанини Нил рудида Мисрдин бир йиғач йирақ муқаррар қилди ва дорул-фанодин гулшани бақоға хиром қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-129;
Жамол-у зийнат-у зеб-у сафода,
Бўлуб юз анча ким дори фанода. *Фарҳод ва Ширин*, 484-Т;
~ **и шеван** – нола, фиғон уйи, манзили:
Қолиб анжум аро бу дори шеван,
Дирам остида ул янглиғ ки маҳзан. *Фарҳод ва Ширин*, 503-Т;
~ **ул-амон** – саломатлик уйи, тинчлик ва осойишталик манзили:
Ғаму андуҳ яъжужиға ҳар девор саддедур,
Фано майхонасидек топмадуқ дорул-амон ҳаргиз. *Ғаройибус-сиғар*, 179-Т;
Хонақоҳ[да] бода ичкан айман эрмас шайхдин,
Ким фано дайридадур дорул-амондур ким ичар. *Бадойиул-васат*, 138-Т;
~ **ул-мулк** – марказ, пойтахт:
Лухрасп бинни Авранд Кайковуснинг инисининг ўғлидур.
Дорул-мулки Балх эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-209;
~ **ул-хилофат** – шоҳ даргоҳи, шоҳ маҳкамаси:
Бир кун ўтуб дорул-хилофат сари,
Уйла ки ҳақ раҳмати офат сари. *Ҳайратул-аброр*, 7-231;
~ ***ул-қазо*** – *ҳукм уйи*; қозихона:
Аввал эрур котиби дорул-қазо,
Иш анга ношаръиға бермак ризо. *Ҳайратул-аброр*, 7-224;
Манга дорул-қазойи ишқ аро қон даъво этти шавқ,
Ики хунрез кўз бирла бу даъвоға гуво бўлдум. *Бадойиул-васат*, 314-Т;
~ **ул-қасос** – қасос оладиган дунё; бу дунё:
Тиғ сурмай нетсун ул қотил ки турмай икки кўз,
Қонима дорул-қасоси ишқ аро бўлди харгоҳ. *Наводируш-шабоб*, 521-Т;
~ **и ғурур** – севинч, шодлик уйи:
Ким эткан замон тарки дори ғурур,
Ки бўлди мақомим бу дори сурур. *Садди Искандарий*, 144-Т;
... аммо ҳоло бу фано дорул-ғуруридин бако дорус-сурурига интиқол қилибдурлар. *Мажолисун-нафоис*, 5-Т;
~ **ул-ҳаводис** – ҳодисалар уйи; дунё, олам:
Дунё дорул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламаққа ғафлат
боисдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-518;
~ **ул-хуффоз** – корихона:
Ва ғунбазни «Дорул-хуффоз» дейилди. *Вақфия*, 14-71;
~ **ус-салом** – тинчлик жойи; у дунё, жаннат; Бағдод шаҳри:
Ул бирига вайл эви бўлди маком,
Зумраи исломға дорус-салом. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;
Субҳ андин хилватимға нафҳаи руҳул-қудус,
Шом мундин кунжи фақрим равзаи дорус-салом. *Фавойидул-кибар*, 415-Т;
~ **ус-салтанат** – подшоҳ қароргоҳи, саройи; пойтахт, марказ:
Ҳирот дорус-салтанасида ҳар не мустағал ва даконин ва боғ ва ер ва кориз ким ул ҳазрат овони давлатида бу факирнинг мулки эрди. *Вақфия*, 14-172;
Аҳмад Ҳожибек.... Ҳирот дорус-салтанасида ўн йилға яқин ҳукумат қилди.
Мажолисун-нафоис, 177-Т;

~ **ус-салх** – кушхона, мол сўйиладиган жой:
Ҳар кун ўз нафси бирла разм айламак,
Дағи дорус-салхқа азм айламак. *Лисонут-тайр*, 143-Т;
~ **ус-сурур** – шодлик уйи, хурсандлик маскани; жаннат:
Чун тақарубда топиб дорус-сурур,
Кўнглига ул қурбдин солған ғурур. *Лисонут-тайр*, 17-Т;
~ **уш-шифо** – шифо топадиган жой; шифохона:
Майи лаълингдин ул ким бўлди ранжур,
Анго доруш-шифо майхона бўлғай. *Фавойидул-кибар*, 558-Т;
Мавлоно Байзоий... доруш-шифода мухофизатин қилғандин
сўнгра сиҳат топиб яна Ҳисорға борди. *Мажолисун-нафоис*, 190-Т;
~ **ул-фанодин азм қил-** – дор фанодин интиқол ул ўлмоқ, вафот этмоқ; фоний дунёдин кўчиб кетмоқ:
Чунки бу дорул-фанодин қилди азм,
Равзаи дорул-бақоға тузди базм. *Лисонут-тайр*, 182-Т.

ДОРАЙН [دارین] – икки олам, дунё ва охират:
Иноят қилиб дойимғи дастур била ваҳйосор рукъалар била сарафроз қилилса бу фақирнинг мужиби саодати дорайни бўлғусидур. *Муншаот*, 14-168.

ДОРАНДА [دارنده] – мулк эгаси:
Ул бобда иноятни кам қилмай дорандани ботрак узатурға
мулозимлар ҳокимдурлар. *Муншаот*, 14-135;
Доранда мутаважжиҳ учун дуо била ўзни муборак хотирға бермак вожиб кўрунди деб куллук дуо била арзадошт битилди. *Муншаот*, 14-171.

ДОРО [دارا] – шоҳ, подшо:
Вафо қилмай ул оламороға мулк,
Яна муштаал бўлди дороға мулк. *Садди Искандарий*, 108-Т;
~ **йи анжумсипоҳ** – сипоҳи, лашкари юлдуздек беҳисоб подшоҳ:
Нари юзда доройи анжумсипоҳ,
Боши узра гардун киби боргоҳ. *Садди Искандарий*, 183-Т;
~ **йи Баҳман** – шоҳ Баҳман:
Каёнийлар ўлғанда бир бир ниҳон,
Ки доройи Баҳманға қолди жаҳон. *Садди Искандарий*, 114-Т;
~ **йи гардунмаҳал** – гардун муҳлат, гардун фурсат шоҳ:
Яна сўрди доройи гардун маҳал,
Ки эй чарх ашколи оллингда ҳал. *Садди Искандарий*, 383-Т;
~ **йи гардунсарир** – қуратли подшо:
Аниңг-дек ки доройи гардунсарир,
Аду илгига бўлди зор-у асир. *Садди Искандарий*, 209-Т;
~ **йи гардуншукуҳ** – кўкдай шукуҳли, савлатли подшо:
Яна қатла доройи гардуншукуҳ
Деди к-эй ҳакими Фалотун шукуҳ. *Садди Искандарий*, 210-Т;
~ **йи гетипаноҳ** – дунё суянчиги; подшо:
Ва лекин чу доройи гетипаноҳ
Ки анинг сари чекмиш эрди сипоҳ. *Садди Искандарий*, 225-Т;
~ **йи давлатпаноҳ** – давлатпаноҳ подшоҳ:
Чу отланди доройи давлатпаноҳ,
Сикандарга утру тузатти сипоҳ. *Садди Искандарий*, 184-Т;
~ **йи даврон** – даврон, замон подшоҳи:
Ки доройи даврон шаҳи покзод,
Ки бермиш тариқи фасоҳатка дод. *Садди Искандарий*, 164-Т;

~ **йи дарёмисол** – шоҳ қалби дарё каби:
Ки чун сурди доно бу янглиғ мақол,
Хабар топти доройи дарёмисол. *Садди Искандарий*, 456-Т;
~ **йи дарёнавол** – хайр-эҳсони дарё каби кенг, сахий ҳимматли подшо:
Яна қатла доройи дарёнавол,
Деди к-эй ҳакими масиҳомисол. *Садди Искандарий*, 235-Т;
~ **йи двхр** – жаҳон подшоҳи:
Валекин бу фурсат ки доройи даҳр
Берур эрди бу қиссадин элга баҳр. *Садди Искандарий*, 116-Т;
~ **йи доро** – шоҳлар шоҳи:
Анинг ўғли доройи доро эди,
Ки андин сўнг ул оламоро эди. *Садди Искандарий*, 108-Т;
~ **йи жаҳонпаноҳ** – жаҳонпаноҳ подшо:
Қул бўлсанг аларға шоҳ сенсен,
Доройи жаҳонпаноҳ сенсен. *Лайли ва Мажнун*, 371-Т;
~ **йи замона** – замона подшоҳи:
Ким ул кундин ки доройи замона,
Ки бўлсун тож-у тахти жовидона. *Фарҳод ва Ширин*, 467-Т;
~ **йи кишвар** – кишвар ҳукмдори:
Не кишвар ки бўлди мусаххар анга,
Мутий ўлди доройи кишвар анга. *Садди Искандарий*, 125-Т;
~ **йи кордон** – тажрибакор шоҳ:
Бўлди доройи кордон хомуш,
Киргучи танға тоб-у мағзима ҳуш. *Сабъаи саёр*, 10-392;
~ **йи мушкилписанд** – мушкил ишларни ҳал қилувчи, зеҳнли шоҳ:
Яна сўрди доройи мушкилпасанд,
Ки эй барча мушкилларинг дилписанд. *Садди Искандарий*, 440-Т;
~ **йи олам** – олам, жаҳон подшоҳи:
Ёруткач базмни донойи олам,
Тилаб шаҳзодани доройи олам. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;
~ **йи Рум** – Рум подшоҳи:
Бу янглиғ сипаҳ бирла доройи Рум
Сипоҳин ясаб ўйла ким нахли мум. *Садди Искандарий*, 189-Т;
~ **йи соний** – иккинчи подшоҳ:
Сикандарни доройи сони тутай,
Жаҳон мулкининг шоҳи ани тутай. *Садди Искандарий*, 225-Т;
~ **йи соҳибхирад** – ақл-идрок соҳиби Доро:
Не қилдук ки доройи соҳибхирад,
Баримизға мундақ чекиб хатти рад. *Садди Искандарий*, 463-Т;
~ **йи фаржамшукух** – шавкатли улуғвор подшоҳ:
Деди шоҳ доройи фаржамшукух,
Ки доро сипоҳи дағи ҳар гурух. *Садди Искандарий*, 216-Т;
~ **и чархбаланд** – чарх юксак подшоҳ:
Мени дағи доройи чархбаланд;
Чу ҳикмат била айламиш баҳраманд. *Садди Искандарий*, 372-Т;
~ **йи ҳикматсиришт** – ҳикматли подшо:
Ёни сўрди доройи ҳикматсиришт,
Ки эй ҳарфи ҳикмат санга сарнавишт. *Садди Искандарий*, 312-Т.

ДОРОНАЖОД [دارا نجاد] – доро, шоҳ наслу насабидан:

Яна ҳукм қилди ки доронажод,
Қаён ким киши бўлса ғамгин-у шод. *Садди Искандарий*, 213-Т.

ДОРОПАРАСТ [دارا پرست] – шоҳпараст, подшопараст; шоҳга содиқлар:

Гуруҳи ки доропарасг эрдилар,
Анинг ҳукмиға зердаст эрдилар. *Садди Искандарий*, 212-Т.

ДОРОСАРИР [دارا سریر] – шавкатли Доро, буюк подшоҳ, саркарда:

Анга бўлди иш бўйла суратпазир,
Вале шоҳи жамқадр доросарир. *Садди Искандарий*, 250-Т.

ДОРОФАР [دارافر] – ҳоким, шавкатли шоҳ:

Қўюб шоҳи дорофар оллиға юз,
Не дорофар Искандар оллиға юз. *Садди Искандарий*, 247-Т.

ДОРОЧА [داراچه] – подшохча:

Агар шаҳғадур мулк ила эътибор,
Менинг кишварим икки дороча бор. *Садди Искандарий*, 320-Т;
Эмас бизга дороча хайл-у гуруҳ,
Анга лек ўн бизча фарр-у шукуҳ. *Садди Искандарий*, 325-Т.

ДОРОШУКУҲ [دارا شکوه] – Доро мартабали, шавкатли шоҳ:

Чу Дорони даҳр этти жондин сутун,
Скандари жаҳондори дорошукуҳ. *Садди Искандарий*, 204-Т.

ДОРУ [دارو] – дори:

Дору дардға мувофиқ тушти. *Насойимул-мухаббат*, XV-76;
Лабинг нўш дорусидин не асиғ.
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб. *Ғаройибус-сиғар*, 76-Т;
Ҳамул водида бир гул узди хушбў
Сепиб барги аро беҳуш дору. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т;

~ **йи бехуш** – беҳушлик дориси; кора дори:

Истабан ҳуши замон меҳнатидин эй соқий,
Жомима дорўйи беҳуш эзиб қотсанг кўш. *Наводируш-шабоб*, 253-Т;
Соқиё ҳуш керакмас манга ҳижрон дамида
Бода тут доруйи беҳушни даги бодаға қат. *Наводируш-шабоб*, 73-Т;

~ **йи ҳижрон** – ҳижрон, жудолик дориси; беҳуш қиладиган дори:

... заҳри хирмон балки беҳуш доруйи ҳижрон кўшкани...
Фарҳод ва Ширин, 333-Т.

ДОРУГИР [داروگر] – талаш, тортишиш:

Гар ул олам ўлди тузуб доругир,
Бу олам берур истаса бир фақир. *Садди Искандарий*, 499-Т.

ДОРУХОНА [داروخانه] – дорихона, аптека:

Дорухонаси бор эрди ва иши тартиб-у низом била бор эрди ва қалин муридлиқ ва яхши муомалалиқ. *Насойимул-муҳаббат*, 165-Т.

ДОС [داس] – ўрок:

Ғам мазраъида кўнглум-у ул қош хаёли,
Дастон ки мудом асрағай ўзн била досин. *Наводируш-шабоб*, 468-Т;
Анга сўзлар айтиб итик дос-дек,
Итик дос-дек йўқ ки олмос-дек. *Садди Искандарий*, 161-Т;
Бўлуб ҳар панжанинг тирнаги беш дос
Ки хиддат ичра хар дос ўлғай олмос. *Фарҳод ва Ширин*, 208-Т;

амал досини тут- – эзгу амаллар билан безанмок:

Ўрмакда амал заръи досини тут,
Иблис бу йўлда акл васвосини тут. *Назмул-жавоҳир*, 15-152.

ДОСТДОР [داستدار] – даллол, ёрдамчи:

Не даврида хайли достдори,
Не оллида сарви гулъизори. *Лайли ва Мажнун*, 126-Т.

ДОСТОН/ДОСИТОН [داستان] – достон, қисса:

Биҳамдуллоҳ ки бу ғам достони,
Фироқ аҳлиға мотам достони. *Фарҳод ва Ширин*, 511-Т;

Арода тек бир икки достон ҳам,
Деб-у Фарҳоддин этиб нишон ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 113-Т;

Баҳона тарикини барбод қил,
Суруб доситон нукта бунёд қил. *Садди Искандарий*, 103-Т;

Йўнуб хома коғаз нигориш қилай,
Хам ул доситонни гўзариш қилай. *Садди Искандарий*, 93-Т; қ. **дастон.**

ДОФИЪ [دافع] – қайтарувчи, даф қилувчи, йўқотувчи:

Гиёҳ анда туман минг барча нофиъ,
Ададсиз ранжға ҳар қайси дофиъ. *Фарҳод ва Ширин*, 83;

Ғайри сандал иси ки нофиъ ўлуб,
Бошининг оғриғига дофиъ ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 1129;

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт ул ким гоҳ гоҳ илтифот қилиб йибарилган иноятнома ким мутолааси фурқат дардиға дофиъ... эрди. *Муншаот*, XIII-138;

~ **и газанд** – зарарни қайтаргувчи:

Сабр аччиғдур, аммо судманд; қаттиғдур, аммо дофиъи газанд. *Маҳбубул-қулуб*, 77;

~ **и савдо** – зерикишни қайтарувчи:

Ким, керак қилмоқ ўйла иш пайдо,
Ким ул иш бўлса дофиъи савдо. *Сабъаи сайёр*, 10-132.

ДОХИЛ [داخل] – дахлдор, тегишли:

Фузул эл бобида ким барча ишка дахл қилурлар ҳар хориж ишка дохил дурурлар. *Наводируш-шабоб*, 684-Т;

Булар боиси барча нафсонийят,
Ки анда эмас дохил инсонийят. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-477;

Мавлоно Руҳий Боризий... Хуросон афозилининг дохилидур. *Мажолисун-нафоис*, 17-Т;

~ **и авбош** – бевошлар, дайдилар билан дахлдор:

Бенаволар оллиға умри абаддин яхширақ,
Ким Навоий дайр ичинда дохили авбош эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 134-Т;

~ **и зумра** – дахлдор жамоат, гурух:

Ё дохили зумраи хос айла мени,
Ё ранжи авомдин халос айла мени. *Ғаройибус-сиғар*, 568-Т;

~ **и мулк** – мамлакат таркибига кирувчи қисмлар:

Дохили мулкунг ичинда юз кишвари Рум,
Тобиъ сипаҳинг хайлида юз қайсари Рум. *Муншаот*, 14-177;

~ **и Чин** – Чин ичкариси:

Ки ул ерда ким дохили Чин эди,
Рисолатқа бу навъ ойин эди. *Садди Искандарий*, 338-Т;

~ **бўл-** – кирмоқ:

...ҳазрати Шайх Фаридуддини Аттор битиган «Тазкиратул-авлиё»дин баъзи кибори машойих ким «Нафаҳотул-унс»ға дохил бўлмайдурлар эрди ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим. *Насойимул-муҳаббат*, 2-Т;

Парда ёй роз асрау дохил бўл ушбу базм аро,
Ким эрур хориж агар бепарда овоз айласанг. *Хазойинул-маоний*, 116-365;

~ **айла-/эт-/кил-** – 1. киритмоқ, қайд этмоқ:
Анинг уммидлиғиға қабул айла,
Шафоат қилған элга дохил айла. *Фарҳод ва Ширин*, 94-Т;
Фони ўлсун ким бақойи жовидон истар ани,
Фони ўлғанларға даврон дохил этмастин бурун. *Фавойидул-кибар*, 466-Т;
...ва ҳазрати Шайх Фаридуддини Аттор битиган «Тазкиратул-авлиё»дин баъзи кибори машойих ким ...ҳар кайсини муносиб маҳалда дохил қилдим.
Насойимул-муҳаббат, 2-Т;

2. ичмоқ:
Бир неча журъани баданға дохил қилиб бир неча қатрани андин хориж этма.
Маҳбубул-қулуб, 14-120.

ДОЧИН [داچن] – долчин:
Шажар ким бўлуб жавз бўё ери,
Келиб шохиға дочини тери. *Садди Искандарий*, 302-Т.

ДОШ [داش] – хумдон, сопол идишлар пишириладиган ўтхона:
Сафол чўчак ҳар дошдин минг чиқар қиймати бир дирамдин ортуқ эмас ва кунда юз синса киши ҳайф демас ва таассуф емас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-103;
Кўнгулга бода гарчи дош янглиғ солди ўт лекин.
Бишурмак жуз қадаҳ савдоси йўқтур ушбу дошимда. *Фавойидул-кибар*, 547-Т;
Дуди оҳим дош дудидекму равзандин чиқар,
Ё солибтур фурқатинг бу кулбаи аҳзонға ўт. *Хазойинул-маоний*, 100.

ДОШГАРЛИК [داشگرلیک] – кулолчилик:
Ва Шайх Иброҳим Ожирий ки ҳишт авалабтур ва Мирчаи Сафолфуруш ки Хуросон элининг пири эрмиш дошгарлик қилибтур. *Насойимул-муҳаббат*, 5-Т.

ДОШЛИҒ [داشلیغ] – хумдон; ўтхона:
Анинг ридосин ўз ридосиға чирмаб дошлиғ ўтға ташлади ва анинг кенича дошқа кириб олиб чиқди. *Насойимул-муҳаббат*, 30-Т.

ДОШХОНА [داشخانه] – дошхона, хумдон:
Илигдин хишт жона элни ўртар,
Бўлубтур хиштхона дошхона. *Наводируш-шабоб*, 685-Т;
Дуди оҳим ким чиқар уй тунглукидин бутрабан,
Дошхона айламиш бу кулбаи аҳзонни дуд. *Хазойинул-маоний*, 16-186.

ДОЯ [دایه] – энага:
Ато анонгға раҳмат эй ўғул ким кўрмамиш сендек,
Не ул тўққуз ато бал не бу тўрт асрағучи доя. *Фавойидул-кибар*, 527-Т;
Доя ки бу ишқи пок кўрди,
Ул шуълайи сўзнок кўрди. *Лайли ва Мажнун*, 143-Т;
Лайлию Ширинға ҳам айла гаҳи илтифот,
Бекага чун йўқ гузир уй қизила доядин. *Хазойинул-маоний*, 116-493;

~ **йи даҳр** – замон, давр дояси:
Сен самандарсен-у мен лола киби қон аро ким
Дояйи даҳр бериб тур манга қон-у санга сут. *Наводируш-шабоб*, 71-Т;

~ **йи жигарсўз** – ичкуяр энага;
Англаб эди дояйи жигарсўз,
Ҳам ул неча маҳрами ғамандўз. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;

~ **йи ишқ** – ишқ дояси:
Не қатра сут ичургач дояйи ишқ,
Бўлуб бир гавҳари сармояйи ишқ. *Фарҳод ва Ширин*, 134-Т.

ДОЯГОНА [دایه گانه] – энагаларча:
Еткурди ву ётти доягона,
То тонгла не ўйнағай замона. *Лайли ва Мажнун*, 145-Т.

ДОЯКИРДОР [دایه کردار] – дояларча, доядек меҳрибон:
Аруси чарх тун кун доякирдор,
Бўлуб ҳар таври ҳолидин хабардор. *Фарҳод ва Ширин*, 134-Т.

ДОЯМОНАНД [دایه مانند] – доялардек, дояларча:
Ҳам бу ясаб ўзни доямонанд,
Ҳам ул мунга айлаб ўзни фарзанд. *Лайли ва Мажнун*, 143-Т.

ДОҒ [داغ] – 1. белги, нишона, из, асар:
Сариғ яфраг уза ким ўлтуруб зоғ,
Бўлуб андак ки сориғ лолада доғ. *Муншаот*, 14-139;
Агар нафс этса майли лола ву боғ,
Юзин нун нуқтасидин айласам доғ. *Вақфия*, 14-246;

2. ҳасрат, алам, ҳижрон; муҳаббат жафолари:
Абу Муҳаммад йиғлади ва деди ким эй қариндош барча бу дардға гирифтордурлар ва бу доғқа мубтало. *Насойимул-муҳаббат*, 84-Т;
Ҳам анинг ёди била боғ ичрамен,
Ҳажридин юз дард ила доғ ичрамен. *Лисонут-тайр*, 62-Т;
Ўт узра не эрди куймағинг ёғ,
Куйганга не эрди қўймағинг доғ. *Лайли ва Мажнун*, 121-Т;

3. афсус:
Азмида ул қавмға доғ узра доғ,
Қатъида бу хайлға боғ узра боғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-14;

4. доғ, жуда қайнаган, қаттиқ қизиган:
Эй Навоий тўкма ўтлуғ кўнглунг узра ашк ким
Ўртанур кўпрақ куяр ҳолатда куйсанг ёғ доғ. *Хазойинул-маоний*, 116-303;

5. куюкли, куйган жон (баданда):
Захмдур лола киби догларинг дудидин,
Ханжари ишқ шаҳиди уза қонлиғ кафани. *Хазойинул-маоний*, 116-589;
Томуғ ўти била аҳли азоб жониға доғ
Эмас фироқ ўти бирла доғи ҳижрондек. *Хазойинул-маоний*, 1а-256;

~ **доғ** – булғанган:
Баски қўйдунг кўксума кўнглумни олған чоғ доғ,
Жисмим ўлмиш хирқам ул янглиғки майдин доғ доғ. *Хазойинул-маоний*, 116-303;
Фуркат ўти дофиъи доғ ўртамакдур дема ким,
Ўртаган жоним ул ой доғи фироқидур ҳануз. *Ғаройибус-сиғар*, 176-Т;

~ **и ажал** – ажал нишонаси, доғи:
Дема ким қўйдум Навоий жониға доғи ажал,
Шукр бори мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг. *Ғаройибус-сиғар*, 399-Т;

~ **и андоза** – андоза доғи:
Доғима андоза марҳамлиғ мамукдин истаган,
Кўнглум ичра бўйла ҳар ён доғи андоза бил. *Фавойидул-кибар*, 370-Т;

~ **и андух** – ҳижрон, қайғу, алами:
Лоласида ким кўрунуб анбух,
Хуноби фироқ-у доғи андух. *Лайли ва Мажнун*, 322-Т;

~ **и бало** – бало доғи:
Гул вақтида бирав хор ғамиға мубтало эрканининг изоҳори ва лоладек бағрида юз доғи бало. *Мажолисун-нафоис*, 204-Т;

~ **и вафо** – вафолик изтироби:
Кимга ким доғи вафо кўрса шаҳид айламаса,
Лоласининг не учун қонға бўялмиш кафани. *Наводируш-шабоб*, 666-Т;
~ **и идбор** – бахтсизлик, омадсизлик изтироби, доғи:
Навоий сариғ юзида доғи идбор,
Чу кўрдум гумони сариғ лола қилдим. *Ғаройибус-сиғар*, 339-Т;
~ **и интизор** – интизор, кутиш изтироби:
Фатилаларни ярамдин чекиб туташтурди,
Магар ғамингда кўяр доғи интизор кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 293-Т;
~ **и иштиёқ** – иштиёқ изи, асари:
Кўкси аро шуълайи фироқи,
Бу ўт била доғи иштиёқи. *Лайли ва Мажнун*, 127-Т;
~ **и ишқ** – ишқ доғи; ишқ қайғуси, изтироби:
Жон ки қат қат қон бўлубтур доғи ишқинг кетмагай,
Лола баргидек ани бир бир совурсанг куйдуруб. *Ғаройибус-сиғар*, 66-Т;
~ **и иқбол** – иқбол нишони, алами, ҳасрати:
Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур,
Тоати мақбулум улдур доғи иқболим будур. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;
~ **и ниҳон** – яширин алам, изтироб, хасрат доғи:
Бу маънидин ки дойим чун ниҳондур ул пари кўздин
Иши жон-у кўнгулда ўртамак доғи ниҳон эрмиш. *Бадойиул-васат*, 200-Т;
Кўзум хуноб аро бўлмиш биайниҳ айла ким кўнглум
Қароси қон аро кўнглумда ки доғи ниҳон бўлмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 204-Т;
~ **и пайкон** – камон ўқининг учи доғи; қайғу, алам киприклари:
Захм аро қилған башақ жонимға етмиш эй рафик,
Раҳм этиб Тенгри учун чек доғи пайконим чиқар. *Наводируш-шабоб*, 157-Т;
~ **и пинҳон** – яширин доғ, изтироб:
Кўп яшурдум ҳолиш охир чок этиб кўксумни ишқ,
Ошикор этти кўнгулнинг доғи пинҳониғача. *Наводируш-шабоб*, 553-Т;
Доғи пинҳондур Навоий кўнглида эй лоларух,
Нуқтаи холинг ки кўздин дойимо маъдум эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 148-Т;
~ **и пинҳонлиғ** – яширин изтироб:
Бўстонафрўз эрур ҳар ён ниҳон тухми анинг,
Ҳажр хуноби аро юз доғи пинҳонлиғ кўнгул. *Бадойиул-васат*, 295-Т;
~ **и саодат** – саодат нишони:
Бошим сари наззора қил эй чарх-у идборингни бил,
Доғи саодат англағил ҳар захм анинг чавгонидин. *Фавойидул-кибар*, 452-Т;
~ **и сиёҳ** – кора доғ:
Вале ул лоланинг доғи сиёҳи,
Оғиз очқач кўрунган дуди оҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
~ **и ситам** – зулм, азият, ситам доғи, изтироби:
Кўнгул ким васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла,
Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла. *Ғаройибус-сиғар*, 399-Т;
~ **и фироқ** – фироқ изтироби, алами, ҳасрати:
Доғи фироқ эй дилрабо андақ кўзум қилди қаро,
Ким кўз қаросидек манга матлуб эрур доғи ажал. *Бадойил-васат*, 289-Т;
Деди Ҳудҳуд к-эй ҳақиқатдин йирақ,
Жонинға кўйған дирам доғи фироқ. *Лисонут-тайр*, 150-Т;

~ **и фуркат** – фуркат доғи, изтироби:
Ким ки васли ичра ёқсанг шамъи улфат эй рафик,
Кўз тут ул шамъ ўтидин ўқ доғи фуркат эй рафик. *Ғаройибус-сиғар*, 257-Т;
~ **и хунолуд** – қонга буланган, бўялган доғ, алам, изтироб:
Кўксум очтим ҳар қилди гумон ул тифл ким
Лолалар бирла безабмен доғи хунолуд эмас. *Наводируш-шабоб*, 235-Т;
~ **и ғам** – ғам-ғусса доғи, изтироби:
Ишқ нақди доғи ғам кирмиш Навоий кўнглига,
Ваҳ ки бир дам аждаҳодин холи эрмас махзаним. *Ғаройибус-сиғар*, 322-Т;
Неча бир лоларуз доғи ғамин истаб таним узра,
Қўйуб юз доғ ани қонлиғ ёшимдин лолазор айлай. *Наводируш-шабоб*, 613-Т;
~ **ҳажр** – айрилиқ, жудолик, ҳижрон доғи, изтироби:
Ёқтинг ўт бергали эй ишқ ҳаётимға халал,
Доғи ҳажр ўртагуча ўртаса то доғи ажал. *Бадойиул-васат*, 289-Т;
~ **и ҳижрон** – ҳижрон доғи, алами, истироби:
Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижроним кўруб. *Ғаройибус-сиғар*, 70-Т;
~ **и ҳирмон** – тилакка етиша олмаганлик доғи, ғами:
Ул жаҳон сари бу армон элттугум,
Бўйла ўтдин доғи ҳирмон элттугум. *Лисонут-тайр*, 268-Т;
Май ичиб тоатни фавт этманг ки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;
~ **куйдур-** – қизитилган нарса билан юзга хол қўймоқ:
Нилдин холу алиф юз узра то нақш айладинг,
Доғ куйдурмак ишим бўлмиш алиф кесмак фаним. *Хазойинул-маоний*, 16-415;
~ **кўй-** – куйдирмоқ; азоб бермоқ, қийнамоқ, ўзига мафтун қилмоқ:
Васл аро аҳбоб ила ул золим анга қўйди доғ,
Ким ул ўтқа тўзмагандин доғи ҳижрон истадим. *Хазойинул-маоний*, IVб-439;
~ **доғ айла-** – доғ-доғ айламоқ:
Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб доғ доғ,
Жисмимда ҳар ердин нишон бир доғи ҳижрон айладинг. *Бадойиул-васат*, 276-Т;
~ **доғ қил-** – қайғу, алам, кулфат, изтироб қилмоқ:
Менинг кўнглумни ишқ ул гул юзин мул,
Бу қилди доғ доғ ул қилди гул гул. *Наводируш-шабоб*, 366-Т.

ДОҒЛА- [داغله] – доғламоқ:
Асо тутти дағи белин боғлади,
Тушуб йўлға гардун ичин доғлади. *Садди Искандарий*, 486-Т.

ДОҒЛИҒ [داغليغ] – доғлик; аламлик, қайғулик:
Недур ой сафҳаси бўлған қародин доғлиғ гўё
Жамолинг дафтарин ёзғанда бўлмиш бир варақ ботил. *Ғаройибус-сиғар*, 292-Т;
Мураққаъ бас манга юз доғлиғтин чунки дайр ичра,
Сафол элгимда дурди бода истардин гадо бўлдум. *Бадойиул-васат*, 314-Т.

ДОҒСИЗ [داغسيز] – доғсиз; доғи йўқ:
Юзин кўр қилмағил мужгон-у хатт-у холидин нола,
Ки бўлмас хорсиз гул дудсиз ўт доғсиз лола. *Бадойиул-васат*, 382-Т.

ДОҒСЎЗ [داغ سوز] – доғ, хасрат, аламларни ўртовчи:
Ваҳ ки яна ул солур жонима бир хурваш,
Наъл бур-у доғсўз риндваш-у журъакаш. *Мезонул-авзон*, 45-Т.

ДОҒУЛИЙ [داغولی] – алдамчи, фирибгар, айёр:
Булардин ким ки дер ўзин валийдур,
Агар қилсанг яқин бир доғулийдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-472.

ДУ [دو] – икки:
...бу маблағ ва миқдордин чаҳор донгини ўзи олғай ду донгин ул иккавга еткургай. *Вақфия*, 14-268;
Барча кундуз гули нуҳуфта киби,
Кеча лекин маҳи ду ҳафта киби. *Сабъаи сайёр*, 10-8.

ДУБАЙТИЙ [دوبیتی] – икки байтли:
Рубоъий вазни ким дубайтий ва тарона ҳам дерлар. *Мезонул-авзон*, 36-Т.

ДУБДУРУН [دوبدورون] – дукурлаш, дукур-дукур:
Тизгиниб ўйла ким қуюн айланиб ўйла ким тутун,
Рахши солиб чу дубдурун хайли балони қўзғатиб. *Наводируш-шабоб*, 40-Т;
Чу кўчадин қулағим дубдурун эшитса кўнгул,
Дукулдар айла ким ки ул нозанин сувар келур. *Фавойидул-кибар*, 170-Т.

ДУБОРА [دوباره] – икки марта:
Шаҳ билиб чун наззора этти ани,
Оздурур деб дубора этти ани. *Сабъаи сайёр*, 10-239.

ДУВОЖ [دواج] – ёпинчиқ; кўрпа-тўшак:
Поя аро соҳиби тож айласун,
Мехрвашу чарх дувож айласун. *Ҳайратул-аброр*, 186.

ДУГОНА [دوگانه] – жуфт; эгизак; дўст, дугона:
Йўқ йўқ дема ани икки дона,
Ул дона эмас эди дугона. *Лайли ва Мажнун*, 357-Т;
Дугонаға ким ики бадандур,
Ҳар бирига бошқа бир кафандур. *Лайли ва Мажнун*, 357-Т;
Бир наъш ила ул икки дилором
Андақ эди ким дугона бодом. *Лайли ва Мажнун*, 356-Т.

ДУГОҲ [دوگاه] – мақом номи:
Йана дугоҳ [бошқа кўлёзмаларда **сегоҳ**] амалидур ким Мавлоно Хусравийнинг шеъриға боғлабдур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 104-Т.

ДУД [دود] – 1. тутун:
Кўнгул ҳароратин англатти оҳи дардолуд,
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд. *Мезонул-авзон*, 49-Т;
Гаҳ аждар қилди жисмин оташолуд,
Замоне дев солди бошига дуд. *Фарҳод ва Ширин*, 255-Т;

2. оҳ, оҳу нола:
Оташин юзлук муғанний ки халқидин мулойим суруд чиқарғай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқарғай. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-468;

3. саросима; пушаймонлик:
Ўз қилған ишининг кабоҳати хотирига келиб дуд бошиға ошти. *Муншаот*, 14-94;

4. тўзон:
Фалакни анингдек тутуб дуд-у гард,
Ки пинҳон бўлуб гунбази ложувард. *Садди Искандарий*, 181-Т;

5. зулм:
Фалак машъали кўкдин ўлган нигун,
Замона бўлуб дудидин киргун. *Садди Искандарий*, 183-Т;
6. хиралик:
Ҳар тира саҳоб зулматандуд,
Гардун уза ишқ ўтидин дуд. *Лайли ва Мажнун*, 84-Т;
7. ғам, алам:
Ғам дўзахининг бухори уди,
Оташкадайи фирок дуди. *Лайли ва Мажнун*, 161-Т;

~ **и ажиб** – ажойиб дуд:
Ушалғач садо чиққай андин ғариб,
Яна шуъла ву риҳ-у дуди ажиб. *Садди Искандарий*, 247-Т;

~ **и андух** – қайғу, ғам-алам, оҳу нола:
Чиқиб кўнгли ўтидин дуди андух,
Тутуб меҳнат саҳоби водий-у куҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 444-Т;

~ **и афғон** – қайғу-аламли нола:
Дема кўкдин куёш кетмиш фалакка тиралик етмиш,
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним. *Ғаройибус-сиғар*, 317-Т;

~ **и гуноҳ** – гуноҳ, исён тутуни; дуди:
Тира эса ҳар неча дуди гуноҳ,
Билки сурар они шаҳид урған оҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-274;

~ **и дом** – тузоқ изтироби:
Лекин дуди домдин чекиб гом,
Тутқил бу рамида бирла ором. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;

~ **и залолат** – гумроҳлик дуди:
Дашти жунунға кирмангиз эй аҳли ишқ ким
Гум айлар анда халқни дуди залолат. *Бадойиул-васат*, 318-Т;

~ **и мижмар** – мушк-анбар, хушбўй хидларни тутатиладиган идиш; мажомир, бухурдон:
Кўнглум ул хат шавқидин юз захмлиғ жисм ичра бор,
Ўт ичинда анбар эткан дуди мижмар кўнглидек. *Бадойиул-васат*, 261-Т;

~ **и офат** – офат дуди, тўзони:
Дуди офатдин қарорса оламе.
Ёрубан еткач дуосидин дами. *Лисонут-тайр*, 94-Т;

~ **и оҳ** – ўтли оҳ, фироқ машаққати:
Ногаҳон кўз солди тортиб дуди оҳ,
Бир тараф ким базм тузмиш эрди шоҳ. *Лисонут-тайр*, 220-Т;
Дуди оҳимдин шарарлар бўлса кўнглум ўтидин,
Олами ишқ ичра они анжуми гардун денгиз. *Хазойинул-маоний*, IVб-217;

~ **и чароғ** – чироғ дуди:
Ишидин анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп кеча дуди чароғ. *Садди Искандарий*, 237-Т;

~ **и шарар** – учқун, ёлқин, аланга дуди:
Чарх била анжуми бедодгар,
Қаҳрлари ўтиға дуди шарар. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;

~ **и ғазаб** – ғазаб оҳи, фироқ ўти:
Қаҳри ўти чекса чу дуди ғазаб,
Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб. *Ҳайратул-аброр*, 7-86;

~ **и ғам** – ғам дуди:
Ёк муғбача шуълаи мажуси
Ким дуди ғамимдур обнуси. *Лайли ва Мажнун*, 366-Т;
~ **и ҳижрон** – фироқ ўти, айрилиқ азоби:
Байтул-аҳзонининг тираликин дуди ҳижронидин дегани...
Мажолисун-нафоис, 220-Т;
Шамъи васл эй ким кўзунг ёрутти шод ул ким менинг,
Рўзгоримға қарарди дуди ҳижрон бирла юз. *Фавойидул-кибар*, 220-Т;
~ **бўл-** – дуд бўлмоқ:
Кўктадур оҳим куруғ тандин этиб мунглуғ кўнгул,
Шуъла дафъ ўлмай ўтундин дуд бўлмас муртафиъ. *Наводируш-шабоб*, 290-Т;
Кўнглума тиғ урғач оҳимдин ҳувайдо бўлди дуд,
Шуъланинг устига чун қўйдунг су пайдо бўлди дуд. *Фавойидул-кибар*, 121-Т;
~ **чиқар-** – тутун чиқармоқ: хурсанд қилмоқ:
Абётиға маъни оташолуд,
Назми чиқариб димоғидин дуд. *Лайли ва Мажнун*, 196-Т;
Шуълаи ораз ила муғбачалар,
Дайр аро дуд бошимдин чиқариб. *Хазойинул-маоний*, 116-71;
~ **қил-** – тутун, дуд қилмоқ:
Чун танимни ҳажр ўти куйдурди оҳ урсам не тонг,
Дуд қилмай найлагай аҳкар уза тушкан самон. *Наводируш-шабоб*, 442-Т.

ДУДА [دوده] – 1. куя, курум; тутуннинг иси:
Тенгдур шаҳ-у гадо хати ким дуда бир дурур,
Шаҳ базми шамъидин дағи гулхан чароғидин. *Бадойиул-васат*, 343-Т;
Эй Навоий не ажаб гар назмим элни йиғлатур,
Ким ёзилмиш ҳажр ўтининг дудасидин дафтарим. *Фавойидул-кибар*, 403-Т;
Дема кул ғам туни шамъиға дуда,
Қарариб олам айлаб ани суда. *Фарҳод ва Ширин*, 392-Т;
2. уруғ, авлод:
Тут анга ким эрур иш огоҳи,
Мафхари дудаи Мироншоҳий. *Хазойинул-маоний*, IVa-417;
3. тонгдаги қорайган вақт:
Ул чоғдин ким варақи осмон,
Дудаға зирних қилур шустмон. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;
4. қоронғилик нишонаси:
Қилмақ учун тира шафақ ҳарфини,
Шом қўшар дудаға шингарфини. *Ҳайратул-аброр*, 7-333;
~ **и Кайқубод** – Кайқубод даргоҳи; тахти:
Тушуб ер уза шаҳи Баҳманнажод,
Учуб машъал-у дудаи Кайқубод. *Садди Искандарий*, 199-Т.

ДУДААНДУД [دود اندود] – курум, ис, дуд, куя қоплаган:
Ўт анча эмас ки бу қаро дуд,
Йўқ дуд ки шоми дудаандуд. *Лайли ва Мажнун*, 167-Т.

ДУДЛУҒ [دودلوغ] – оҳу нолалик, фарёдлик:
Агар қилмади дудлуғ расми фош,
Недин дойим андин тўлар кўзга ёш. *Садди Искандарий*, 416-Т;
Рўбарў ҳар узви ҳар узвумға тўшдек тушмагай,
Юзи кўзгуси вале бу дудлуғ афғонға тўш. *Бадойиул-васат*, 192-Т.

ДУДМОН [دودمان] – хонадон, оила; қабила:

То бу вақтқача ким милк дудмонининг тахти салтанатиға хотам ва тожи хилофатиға сазовор ва мусаллам... *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т;

Ва ул Турондўхт сингли эрди ва акосира дудмонидин андин соҳибжамолрақ тарамайдур эрди. *Тарихи мулуш ажам*, 16-253.

ДУДОҒ [دوداغ] – лаб:

Эй дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати,
Лаззати бўлғай насибим бўлса лаълинг шарбати. *Ғаройибус-сиғар*, 451-Т;

Дудоғ устида анингдек ки кўрунгай нуқта,
Холи остида ҳамул навъ кўрунмиш дудоғи. *Фавойидул-кибар*, 612-Т.

ДУДСИЗ [دودسیز] – бедуд, тутунсиз:

Юзин кўр қилмағил мужгон-у хатт-у ҳолидин нола,
Ки бўлмас хорсиз гул дудсиз ўт доғсиз лола. *Бадойиул-васат*, 382-Т.

ДУДУҚТАРОШЛИҚ [دودوق تراش لیق] – дудук чолғу асбобини ясаш ҳунари:

Саидзода ким лўлиларга ўткангай маймунбозлиқ ва дудукта- рошлиқдин ўзга не ўргангай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122.

ДУЗД/ДУЗДИ [دوزد / دوزدی] – ўғри; ўғрилик:

Анга ёрманиб хуша дузди хаёл
Сипеҳр узра чиқмағни курмай маҳол. *Садди Искандарий*, 283-15.

ДУКУЛДА- [دوکولده] – дукулламоқ, тепмоқ, урмоқ (юрак ҳақида):

Чу кўчадин қулағим дубдурун эшитса кўнгул
Дукулдар ўйла ки ул нозанин савор келур. *Фавойидул-кибар*, 170-Т.

ДУКУЛДАМАК/ТУКУЛДАМАК [دوکولداماک / توکولداماک] – дукуллаш:

Не туш ки ҳажри балосин кўрарда сескансам,
Дукулдамак (Париж Миллий кутубхона Suppl.turc. №316-317 нусхасида **тукулдамак**) била қуштини уйғатур юрагим. *Ғаройибус-сиғар*, 314-Т.

ДУЛДУЛ [دولدول] – Дулдул, Ҳазрати Муҳаммаднинг Алига ҳадя қилган учар, тез чопар от номи; чопқир от:

Дулдулининг пояси андақ ки барқ
Зулфиқоридин аду қон ичра ғарқ. *Лисонут-тайр*, 32-Т.

ДУЛТУ [دولتو] – сиртлон:

Макр ила саводи анбаролуд,
Дулту тушукига солибан дуд. *Лайли ва Мажнун*, 304-Т.

ДУЛУҒА [دولوغه]– темирли бош кийим, дубулға:

Дулуғадин тиғ ким от сакратиб рангин қилиб,
Шуъласи Баҳром важҳи дуди Кайвон жабҳатин. *Бадойиул-васат*, 491-Т;

Қадди жавшан аро кўнглумда анингдек ким ўқ,
Чаркаси дулуға ул ўқ уза пайкон янглиғ. *Хазойинул-маоний*, IIIб-306.

ДУМСАЙ- [دومسی] – ранжимоқ, тумсаймоқ, хафа бўлмоқ; дарғазаб, бўлмоқ:

Муҳокаматул-луғатайн, 169-Т.

ДУМУЪ [دموع] – кўз ёшлари:

Ишқ ичра сурхрў бўла олманг чу сепмасанг,
Рухсори заъфарони уза лолагун думуъ. *Бадойиул-васат*, 223-Т.

ДУН [دون] – 1. пасткаш, разил; хор:

Эй харобат аҳли дунлардин мурувват истаманг,
Доғи ҳирмон жонда хушроқ ким арозилдин дирам. *Хазойинул-маоний*, IIб-398;

Бу иккидин ўксук мени зори дун,
Валек сен ул иккидин ҳам фузун. *Муншаот*, 14-162;
Ул уч уй элидин бири дун эди,
Агарчи тамаввулда Қорун эди. *Садди Искандарий*, 368-Т;

2. лаёқатсиз, ножинс, бузуқ феъл:
Дун ки топиб илм риёсат учун,
Хилъат этиб ҳулла нажосат учун. *Ҳайратул-аброр*, 128-26;
Кўра олмасни билдик яхши гар дун,
Менинг нақшимни девор узра гардун. *Фарҳод ва Ширин*, 457-Т;

~ **мартаба** – мартабаси паст:
Паҳлавон Муҳаммад Гўштигирдур... ўзга фазойилиға кўра
дун мартабасидадур. *Мажолисун-нафоис*, 132-Т;

~ **и бул-ҳавас** – пасткаш хомхаёл зот:
Йўқса ҳар мағрур дуни бул-ҳавас,
Бу бийик давлатқа топмас дастрас. *Лисонут-тайр*, 186-Т;

~ **и лаим** – лаънати, зоти паст:
Кўп машаққатлар била дуни лаим,
Бир бир узра жамъ айлар эрди сим. *Лисонут-тайр*, 151-Т.

ДУНБОЛ [دنبال] – кет, орқа; орқа томон:
Ҳушу сабри қолмади ўз ҳолида,
Ўзи ҳам борди алар дунболида. *Лисонут-тайр*, 220-Т.

ДУНБОЛА [دنباله] – орқа томон, кет; ~ **и пайкон** – камон ўқининг учи, башоқи:
Ўқ аро дунболаи пайкон киби,
Хор ичинда алиф бўлғай киби. *Ҳайратул-аброр*, 7-214.

ДУНЁ [دنیا] – 1. жаҳон, олам, борлиқ:
Фард бўлким ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк,
Кйм фано йулида тарки аҳли дунё айламиш. *Хазойинул-маоний*, IIб-249;
Икки дунёдин бори толибларинг,
Ғайри сендин мужтаниб роғибларинг. *Лисонут-тайр*, 197-11;

2. бойлик:
Дунё саридин санга сурур бўлди ғурур,
Бу барча ғурур ўлди ғурур ўлди ғурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-154;
Эрур косиб ҳабибуллоҳ вале қилған фано касби,
Йўқ ул косиб ки дунё мол-у жоҳин ихтисоб айлар. *Хазойинул-маоний*, IIа-207;

~ **йи дун** – разил дунё, бевафо дунё:
Эй Навоий иста маъний оламин ким келди дун,
Ҳар киши ким майли ушбу дунёйи дун саридур. *Фавойидул-кибар*, 187-Т;

~ **ву мофиҳо** – дунё ва ундаги барча нарсалар:
Йўқ чу дунёда вафо эй сарсари дашти фано,
Гард нисён совуруб дунё ву мофиҳоға соч. *Хазойинул-маоний*, IIIб-101;
Хожа Алоуддин... улвувви ҳимматдин дунё ву мофиҳоға этак силкиб мақсуд
каъбасида мунзавий бўлибтур. *Мажолисун-нафоис*, 186-Т;

~ **йи укбо** – у, нариги дунё, охират:
Ким ки бу куймак анга одат дурур,
Дунёйи укбода саодат дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-197;

~ **дин бор-/кет-/чик-/ўт-** – вафот этмоқ:
Шайх Аму дунёдин борғандин сўнгра ул иршод маснадиға-ўлтурди.
Насойимул-муҳаббат, XV-102;

Шайхул-ислом дебтур ки Абулҳусайн Кошоний манга деди ким Абу Усмон Мағрибий деди ким ул кунки мен дунёдин кетсам малойик туфраг совурғусидурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 80;

Барчасин бу тойифаға харж қилди ва дарвеш дунёдин чиқти. *Насойимул-муҳаббат*, 88;

Шайх етти юз тўксан бирда шаввол ойи жумъа туни дунёдин ўтубтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 72;

~ **тарки дунё қил-** – олам ташвишларини тарк қилиб, охиратнинг ҳаракатини қилмоқ:

Мумкин эрмас эрса тарки дунё қилмақ,
Укбо била хушдур ани савдо қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-139;

~ **арусини талоқ қил-** – дунёдан кечмоқ, дунёдин кўнгил узмоқ:

Эй Навоий эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида. *Хазойинул-маоний*, 1а-85;

~ **дин этак силк-** – умид узмоқ:

Ҳақ тилар бўлсанг Навоий силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок кўйма ўзни бу мурдор аро. *Ғаройибус-сиғар*, 44-Т.

ДУНЁВИЙ [دنیاوی] – дунёвий, дунёга оид:

... ва анинг руҳи мададидин бу шикастаи ғамзода ва бу хастаи мотамзоданинг дунёвий мақосидин ва ухравий муродотин ҳосил. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 120-Т.

ДУНЁГУЗИН [دنیاگزین] – дунё, бойликни хоҳловчи:

Зарбофт кисватлиғ дунёгузин, нажосат устидаги илтирағучи чибин. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-532.

ДУНЁДУСТ [دنیادوست] – дунёни дўст тутувчи, бойликни яхши кўрувчи:

Бўлма дунёдўст гар истар эсанг осудалиғ,
Лек ҳар не қилсалар бўл аҳли дунё бирла дўст. *Бадойиул-васат*, 63-Т.

ДУНЁЛИҒ/ДУНЁЛИК [دنیالیک / دنیالیغ] – дунёлик, бойлик, мол-ашёлик:

Ул деди ки аввал кўнглунгни саҳв-у ва ғафлатдин мужаррад қил ва ҳаводин нафсингни ва лағвдин тилингни инак тажжарруд ҳосил бўлди хоҳ дунёлиғинг бўлсун ва хоҳ бўлмасун. *Насойимул-муҳаббат*, 99-Т;

Такаллуф аҳлининг дунёға шифталиғида ву дунёликка фирифталиғида. *Ғаройибус-сиғар*, 525-Т;

Дуруст хўй қилур элни чирк дунёлиғ,
Нечук ки қилғай ирик жамиъ бўлса узвда шўх. *Бадойиул-васат*, 87-Т;

Пас васийят қилди ким қила олғанча дунёликдин оз нимага қониъ бўл. *Насойимул-муҳаббат*, 28-Т.

ДУНЙИ [دنیی] – дунё:

Нечук ким шоҳ топмиш дун-у дунйи,
Санга ҳам еткай ушбу икки маъни. *Фарҳод ва Ширин*, 502-Т;

~ **йи фоний** – фоний дунё:

Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Бокмаса туз дунйийи фони сари. *Ҳайратул-аброр*, 7-220.

ДУНЛУҚ/ДУНЛУҒ [دونلوق / دونلوغ] – разиллик, ёвузлик; пастлик:

Гардун гаҳ манга жафо ву дунлуқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-452;

То ишқ шиддатида тавшалмас одамизод,
То одамилиғ андин кетмас йирақ-у дунлук. *Фавойидул-кибар*, 306-Т;

Дунлуғидин ит била яксон бўлуб,
Бал ит анинг қошида инсон бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-218.

ДУНПАРВАР [دون پرور] – ёмон, паст кашларни тарбияловчи; чарх, фалак, тақдир:
Бевафолар сари гардунға раҳм эрмас не тонг
Йўқ ки дунлар балки йўқ гардуну дунпарварға раҳм.
Хазойинул-маоний, IVб-436.

ДУНСИРИШТ [دون سرشت] – паст хулқ, нокас табиат:
Тушди дарёға лаими дунсиришт,
Чекти қаъриға ани ул феъли зишт. *Лисонут-тайр*, 152-Т.

ДУНСИФАТ [دون صفت] – пасткаш, нокас, разилсифат:
Тутай дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Тун-у кун анинг ҳифзидин ранжи бор. *Садди Искандарий*, 122-Т;
Қавлабан кетмай халойиқ кўйидин,
Балки чиқмай дунсифатлар уйидин. *Лисонут-тайр*, 68-Т.

ДУНУВ(В) [دونو] – пастлик, тубанлик (мартабада):
...Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музаҳрафоти нофаржом бири ғояти шараф ва улувви манзиладин ва бири ниҳояти наҳусат ва дунувви мартабадин ародин чиқтилар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т.

ДУНХИСОЛ [دون خصال] – пасттабиат, пасткаш; ёмонхулқ:
Бовужуди мунча нақд ул дунхисол,
Тўниға тикмиш эди гардунмисол. *Лисонут-тайр*, 152-Т.

ДУНШИОР [دون شعار] – пасткаш нишонли, одатли:
Сипеҳри дуншиор жуз талаввун ва рангомезлиқ ва рўзгори букаламундисор...
Муншаот, 14-137.

ДУО [دعا] – 1. тилак, истак; Худодан ёлвориб яхшилик тилаш:
Манга солим ўл деб дуо қилмангиз ким
Биганмас саломатни аҳли маломат. *Хазойинул-маоний*,IVб-83;
Чун бу янглиғ ани таъриф айлади,
Эл дуосин анга таклиф айлади. *Лисонут-тайр*, 133-17;
2. талаб, мақсад:
Санга ҳам чу шогирд эди ҳам мурид,
Дуосини сендин тутарбиз умид. *Садди Искандарий*, 529-Т;
3. узоқ умр тилаш:
Нафъидин эл вирди дуои жонингға,
Йамқусу фил-арзи сенинг шаънингға. *Ҳайратул-аброр*, 7-233;
4. тумор:
Манга ёзинг дуо ким ул парини кўргамен ногоҳ,
Езар чун пари кўзга аён бўлған замон таъвиз. *Хазойинул-маоний*, IIIб-133;
~ **йи давлат** – бахту саодат, иқбол дуоси:
Шоҳ чун қилди бу матлаъни адо мулк-у малик,
Чекти ун деб офарин бирла дуойи давлатин. *Бадойиул-васат*, 489-Т;
~ **йи саҳар** – саҳар дуолари:
Дардоки олам аҳлида бир ёр топмадим,
Тун кун ниёзи шом-у дуойи саҳар била. *Ғаройибус-сиғар*, 403-Т;
~ **йи субҳ** – тонг, субҳ дуолари:
Дуойи субҳ била бода таркин истармен,
Тилар сабуҳи хумор айлабан азоб манга. *Фавойидул-кибар*, 20-Т;
~ **йи хайр** – бировга яхшилик тилаб қилинган дуо:
Шафқат ва марҳамат юзидин дуойи хайр била таҳсинлар қилдилар ва хутбасининг аввалғи байти будур ким... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-55;
Ва бу ҳақир борасида илтифотлари кўп эрди ва кўп қатла фотиҳа била дуойи хайр қилибтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-60;

ёман дуо – баддуо, ёмонлик тилаш, қарғиш:
Нуҳ уйғаниб маълум қилиб Ҳомни ёман дуо қилди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-106;
...тўртунчи – подшоҳи ислом ҳазратида ким муборак тилларига ёман дуонг ўтубтур. *Муншаот*, 14-217;

~ **хатми** – яхши тилакларнинг адо этилиши дуоси:
Чун ки дуо хатмини айлаб қўпуб,
Уйга азимат қилибан ер ўпуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-219;

~ **айла-/қил-** – яхшилик тиламоқ:
Мен демакни чу муддао айлаб,
Ул ижозат бериб дуо айлаб. *Арбаин*, 16-262;
Навоий дуо айлар ул ҳур учун
Малойик мадад айланг олин аро. *Бадойиул-васат*, 18-Т;
Телбарабтур Навоий эй ушшоқ,
Ул эди гарчи дуо қилдингиз. *Наводируш-шабоб*, 211-Т;
Шайх Абу Абдураҳмон Суламий дебтур ки анга дедим мени бир дуо қил.
Насойимул-муҳаббат, XV-90;
Муддао чун бари савоб эрди,
Ҳар дуо қилса мустажоб эрди. *Арбаин*, 16-262.

ДУОГЎЙ [دعاگوی] – дуо қилувчи, яхши тилак қилувчи, тилакдош; яқин одам; ошиқ:
Ҳам дуогўйи анинг аҳли яқин,
Ҳам малойик ки дегайлар омин. *Фавойидул-кибар*, 696-Т;
Гоҳ фақр аҳлиға ҳам раҳм кўзи бирлан боқ,
Ким дуогўйунг эрурлар фуқаро эй қарокўз. *Ғаройибус-сиғар*, 185-Т;

ДУОГЎЙЛУҚ [دعاگوی لوق] – дуогўйлик:
Илоҳи подшоҳи исломни муслимин бошиға тутқил бардавом, яъни бандаларнинг устига кўланкангни қил мустадом, то шоҳ-у гадоға дуогўйлуқ қилмиш бўлғаймен. *Муножат*, 16-299.

ДУОЙИ [دعایی] – дуойи:
Дуойи ки бўлғай сазовор анга,
Жулус амри айлаб жаҳондор анга. *Садди Искандарий*, 156-Т;
Айтилди чу шоҳ учун санойи,
Шаҳзодаға ҳам керак дуойи. *Лайли ва Мажнун*, 74-Т.

ДУОСОЗ [دعاساز] – дуогўй:
Равон ҳикмат аҳли сўз оғоз этиб,
Тилин шаҳға бари дуосоз этиб. *Садди Искандарий*, 245-Т.

ДУР/ДУРР I [دُرّ] – 1. дур, йирик марварид, инжу:
Неча ганж ичра бўлса гавҳар-у дур,
Кўр ки бордур анинг калиди темур. *Муншаот*, 14-151;
Эй ғаминг гавҳари жону тан аро,
Икки дур янглиғ ики махзан аро. *Хазойинул-маоний*, 116-2;

2. Фаридиддин Аттор, Абдурраҳмон Жомий асарларига ишора:
Ул сочилған дурни бу Ҳазратнинг олий исмиға вазн қаффасиға кўйдум.
Назмул-жавоҳир, 15-135;
Мавлоно Абдурраҳмон Жомий... мусаннафотлари дуррлари зикрин қилилса гардун баҳри андин тошар.. *Мажолисун-нафоис*, 77-Т;

3. кўз ёши:
Шоҳ оёғиға дур сочиб кўзидин,
Борди ўпгач аёғини ўзидин. *Сабъаи сайёр*, 189-17;

Қулағим дурри ашкинг қилса кавкаб,
Бўлурму кўзларинг дурдин лаболаб. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т;

4. севги, ишқ:
Дуррум анга зеби торак ўлғай,
Иншоаллоҳ муборак ўлғай. *Лайли ва Мажнун*, 173-Т;

5. маънолар, сўзлар:
Бу дурлар ки мен сочтим офоқ аро,
Нужум ўрниға чархи Нуҳ тоқ аро. *Садди Искандарий*, 510-Т;
Бу ким мактуб аро дурлар килиб дарж,
Латиф нақди кўп айлаб эдинг харж. *Фарҳод ва Ширин*, 179;

6. фарзанд:
Мукаллал меҳр дурри бирла тожи,
Анинг бир ўзга дурға эҳтиёжи. *Фарҳод ва Ширин*, 127-Т;

~ **тишлар** – дур каби оқариб турган тишлар тизими:
Чу мен дур тишларинг ҳажридин ўлдум не асиғ гар чарх
Нужум ашкини ёғдирса бошимға ўйла ким жола. *Хазойинул-маоний*, IIIб-522;

~ **и Адан** – Адан дурри; энг тоза инжу:
Кўзунг-у зулф-у кошингдин инжудек бўлди ёшим,
Халқ ушбу важҳдин дерлар ани дурри Адан. *Ғаройибус-сиғар*, 365-Т;

~ **и амонат** – энг қадирли омонат:
Топшурубан дурри амонат санга,
Қилди карам тожи каромат санга. *Ҳайратул-аброр*, 7-298;

~ **и анжум/анжум дурри** – юлдуз дурдоналари:
Пардалар бир-бирига айланган,
Дурри анжумдин инжу турланган. *Сабъаи сайёр*, 39-8;
Ки анжум дуррин гар тўкар чархи куз,
Эмас бир гуҳарнинг баҳоси ҳануз. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;

~ **и ашк** – ёш дурлари:
Айла мужгон ханжариға ёпишибтур дурри ашк,
Ким магар андин ятима йўқ турур бебокрак. *Наводируш-шабоб*, 325-Т;

~ **и байзо** – тоза дур:
Садафда дурри байзо чеҳр янглиғ,
Фалак сандуқи ичра меҳр янглиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 187-Т;

~ **и беҳамто** – яккаю ягона, тенги йўқ, бемонанд дур:
Ким сумурган нафас ул дарёни,
Сочибан юз дурри беҳамтони. *Фавоийидул-кибар*, 682-Т;

~ **и васл** – дур каби нодир васл:
Ишқ ҳажрида дури васл истаманг эй аҳли дард,
Кўнглунгуз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз. *Ғаройибус-сиғар*, 187-Т;

~ **и ваҳдат** – ваҳдат самараси:
Дурри ваҳдат топмағай ҳаргиз фано гирдобидин,
Солики ким ўзни ғарқи баҳри тажрид этмагай. *Наводируш-шабоб*, 628-Т;

~ **и висол**–дур каби нодир висол:
Шуша олтунлар эрур дурри висолингға баҳо,
Кохи аъзом узра эскирган алифлар ҳайъати. *Хазойинул-маоний*, 116-600;

~ **и гаронмоя** – қимматбаҳо, инжу; нодир дур:
Бу нахли баландпоя волидайнға борвар ва жаддайнға соягустар ва бу дурри гаронмоядин абоға осойиш ва уммаҳотқа оройиш. *Муншаот*, 14-141;
Ул дурри гаронмояни Тенгри таоло Мирзо била Бегим учун поянда тутсун. *Муншаот*, 14-199;

~ **и дарёйи жуд** – дарё дурлар эҳсони:
Не тимсол ким дурри дарёйи жуд,
Не дарё ву сарв-у боғи вужуд. *Садди Искандарий*, 399-Т;
~ **и дарёйи шоҳи** – дарёнинг шоҳ дури:
Билиб ул хаста ҳолатин камоҳи,
Ки бор эрмиш дури дарёйи шоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 429-Т;
~ **и дурахшанда** – порлоқ, нурли дур:
Ким бу сифат гавҳари рахшандани,
Қайси гуҳар дурри дурахшандани. *Ҳайратул-аброр*, 7-297;
~ **и зот** – зоти ягона, нодир дур:
Дурри зотингға етти баҳр садаф,
Бир ўғулдин етти атоға шараф. Сабъаи сайёр, 10-21;
Далил ўлди суратларға оти,
Валекин баҳри маъни дурри зоти. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;
~ **и етим** – тенги йўқ дур, тоза танҳо дур, гавҳар:
Ул дебдур ки менинг пирим дер эрди ким Муҳаммад дурри етимдур ки оламда адили йўқтур. *Насойимул-муҳаббат*, 72-Т;
~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат дури, марвариди:
Дури ишқингни таматмиш агар чок ўлса сар тосар,
Гуҳар ютқан балиғ янглиғ дам урмас нотавон кўнглум. *Ғаройибус-сиғар*, 323-Т;
~ **и кавкабойин** – юлдузнамо, порлоқ дур:
Эй Навоий сузди ким давронни гардундек қазо,
Жуз бу дурри кавкабойин бирла тазйин айламас. *Бадойиул-васат*, 173-Т;
~ **и лаъл** – лаълий дур, лаб:
Ул бағир қани бу кўз ёшидурур чун оқибат,
Дурри лаълинг қон ила дарёға мунжар бўлди тут. *Наводируш-шабоб*, 69-Т;
~ **и макнун** – яшириган тоза дур:
Боқса ул туфрағ эмас олтун эрур,
Тошлари лаъл-у дурри макнун эрур. *Лисонут-тайр*, 59-Т;
Ҳар садқа ки толиъингни маймун айлар,
Қатрангни ҳавоси дурри макнун айлар. *Назмул-жавоҳир*, 15-180;
Кийдурубан ҳуллаи мавзун анга,
Зевар этиб, юз дурри макнун анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-65;
~ **и маъни** – дур каби қимматбаҳо маънолар, чиройли, нозик, чуқур фикрлар:
Эй Навоий силкидин тушкан йирак дур бобида,
Дурри маъни била назм этмак эмастур муҳтамал. *Наводируш-шабоб*, 381-Т;
~ **и маънийи хос** – дурдек қимматбаҳо маънолар хослиги:
Бу дарё ичра ул ким бўлди ғаввос,
Чикарди бўйла дурри маънийи хос. *Фарҳод ва Ширин*, 259-Т;
~ **и мақол** – гавҳар, дурсифат нодир сўз, нутқ:
Инсони чу анда солди ғаввосмисол,
Ҳам гавҳари ҳол берди ҳам дурри мақол. *Ғаройибус-сиғар*, 3-Т;
~ **и мақсуд** – мақсад, олийният, тилак дури:
Баҳри фанода ғавта садафвор урмасанг,
Сендин етишмагай дури мақсуд ҳар тараф. *Бадойиул-васат*, 235-Т;
Бу кавкаблардин айлаб Тенгри мавжуд,
Нубувват маъшариға дурри мақсуд. *Маҳбубул-қулуб*, 14-8;
~ **и мо-авҳо** – ваҳй (хабар) дурлари; қимматли хабарлар:
Тахти остида фарши ав-адно,
Тожи устида дурри мо-авҳо. *Вақфия*, 14-235;

~ **га мукаллал** – тўла дур ўтказилган осмон юлдузлари:
Чарх қилур зоҳир этиб кавкабин,
Дурға мукаллал қаро чодиршабин. *Хайратул-аброр*, 7-333;
~ **и назм** – назм дурлари:
Хаёл бикрларин жилвагарлик эткали ҳар ён,
Сен айладинг ҳулали дурри назм бирла мужалло. *Наводируш-шабоб*, 2-Т;
Эй Навоий дурри назминг хутбадек топқай шараф,
Лутф ила қилса назар байрам куни султон санга. *Наводируш-шабоб*, 17-Т;
~ **и ноб** – тоза, тиниқ, марварид; қимматбаҳо тош:
Бир қуёш ҳажрида гар куймас недин бас мен киби,
Кавкаби ашкин тўкар андақ ки дурри ноб шамъ. *Хазойинул-маоний*, 116-297;
...ва саховат саҳоби ёғинидин садафдек огзи қуруған софий
замирларға дурри ноб сочмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-132;
Салтанат баҳрининг дурри ноби ва хилофат маъданининг лаъли сероби офариниши... *Сабъаи сайёр*, 10-59;
~ **и ноёб** – ноёб марнарид; маъно дурлари:
Бу дурри ноёб вафому экин,
Гар ул эмас меҳри гиёму экин. *Ҳайратул-аброр*, 7-177;
Истабан топмай дури ноёбни,
Мундадур тарк айламак асбобни. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
~ **и обдор** – тиниқ, соф дурр:
...банда навозлиқ қилиб юбарган нома етишти дурри обдордек маонийси фироқ ўтиға сув урди. *Муншаот*, 14-192;
Эй Навоий ўйла назм эттинг бу дурри обдор,
Ким ажаб йўқ рашҳасидин гар тутар оламни су. *Ғаройибус-сиғар*, 392-Т;
~ **и пок** – тоза гавҳар; нозик табъ:
Тиғ ила эткан сайи кўксингга чок,
Сен бериб андақ ки садаф дурри пок. *Ҳайратул-аброр*, 7-233;
.. назм илми қойиллари ва шеър фанни комиллари ким дақойиқ дурри покининг баҳри уммони... бўла олғайлар. *Мажолисун-нафоис*, 3-Т;
Ва улча салтанат дуржининг дурри поки... Султон Муҳаммад Мирзо... бобида битилиб эрди. *Муншаот*, 14-199;
~ **и рахшан/рахшанда** – порлоқ, нурли дур:
Ки бўлғай анда юз минг дурри рахшан,
Дурри рахшан киби лаъли Бадахшон. *Фарҳод ва Ширин*, 106-Т;
Ҳар қулағида дурри рахшанда,
Икки кавкаб киби дурахшанда. *Сабъаи сайёр*, 10-96;
~ **и самин** – қимматбаҳо тош; бебаҳо гавҳартош:
Ул ки садафдек неча тийра жабин,
Тўлдурубан қўйниға дурри самин. *Сабъаи сайёр*, 39-8;
Ул ки чин сўзни ёлғанға қотар дурри саминни нажосатға отар.
Маҳбубул-қулуб, 14-162;
~ **и саодат** – бахт-саодат дури:
... ва забун шерикка жафо қилмаса то доноси дурри саодат бар бергай.
Маҳбубул-қулуб, 14-38;
~ **и Сафид** – ок инжу; қўрғон номи:
Ва ўз ўғли Исфандиёрни ким Дурри Сафид қўрғонида маҳбус қилиб эрди чиқариб... Аржасп интиқомиға йибарди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-210;
~ **и сероб** – дурахшон гавҳарлар:
Бир неча топқил ки ноёб ўлғай ул,
Йўқ ки лаъл-у дурри сероб ўлғай ул. *Лисонут-тайр*, 190-Т;

~ **и сиришк** – кўз ёши:
Зуҳра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочинг ёйиб зурри сиришк исор этар. *Наводируш-шабоб*, 146-Т;
~ **и соф** – соф дур:
Буҳл ила чун ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмағида кўксин шигоф. *Ҳайратул-аброр*, 7-150;
~ **и тож** – тожга ўрнатилган инжу:
Ҳам шоҳға дурри тожи торак бўлсун,
Ҳам халқға зилли ҳақ таборак бўлсун. *Муншаот*, 14-200;
~ **и уммоний** – океан, денгиз марвариди:
...илгида ҳуққаи лаболаб лаъли коний ва дурри уммоний, балки қўйнида номаи саросар зеби алфоз ва гавҳари маоний ул ҳуққа оғзини муҳри ихфо урған, балки у нома бошин ғайр кўзи тушмасин деб ёпуштурған. *Муншаот*, 14-179;
~ **и хуршедранг** – порлоқ дур:
Баҳрда тушса дури хуршедранг,
Зимнидадур ғарқаи коми наҳанг. *Ҳайратул-аброр*, 7-161;
~ **и хушоб** – ялтироқ, тоза дур:
Этар хорани меҳр лаъли музоб,
Қилур қатрани баҳр дурри хушоб. *Муншаот*, 14-162;
Адаб бирла бериб гоҳи жавоби,
Ки ҳар лафзи анинг дурри хушоби. *Фарҳод ва Ширин*, 316-Т;
~ **и шабафруз** – кечани ёрутувчи порлоқ, нурли дур:
Нигин-у лаъл йўқ дурри шабафрўз,
Дема дурр гавҳари лекин жаҳонсўз. *Фарҳод ва Ширин*, 130-Т;
~ **и шабчароғ** – чароғ каби ксчани ёритадиган дур, ярқираб ёниб турган дур; порлоқ дур:
Кўнгулни гавҳари ишқинг ки равшан айлади гардун
Магар бу уйни дурри шабчароғ бирла ёрутмиш. *Бодайиул-васат*, 190-Т;
~ **и шигарф** – турли, рангбаранг дур:
Хамса ичра ки анга ҳар бир ҳарф,
Баҳр эрур зимнида юз дурри шигарф. *Фавойидул-кибар*, 661-Т;
~ **и шоҳвор** – энг аъло йирик дур:
Ғунчадин ортуқдур оғзи ғунчаға айланг назар,
Бўйла икки руста дурри шоҳвори бор-му. *Фавойидул-кибар*, 497-Т;
~ **и шоҳона/шоҳвор** – шоҳларга муносиб ноёб дур:
Ул садаф ичра агар минг донадур,
Ё агар ҳуд бир дури шоҳонадур. *Лисонут-тайр*, 82-Т;
Эй Навоий кисвати гар обгундур не ажаб,
Бу якиндур ким бўлур су ичра дурри шоҳвор. *Ғаройибус-сигар*, 136-Т;
Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафидур дурри шаҳворсиз. *Ҳайратул-аброр*, 7-180;
~ **и якдона** – танҳо, якдона дур:
Қўйубтур таворихда фасонасин,
Ети давр деган дурри якдонасин. *Садди Искандарий*, 93-Т;
~ **и эҳсон** – эҳсон дури:
Қачан ким сочар дурри эҳсонини,
Жайрон шўразор-у гулистонини. *Садди Искандарий*, 366-Т;
~ **и якто** – дунёда ягона, қимматбаҳо:
Дурри яктодин қилиб ғофил кўнгул,
Жола сари айлаган мойил кўнгул. *Лисонут-тайр*, 157-Т;

Киши ўзлукни қўймай ани топмас
Тенгиз кесмай дурри яктони топмас. *Фарқод ва Ширин*, 240-Т;

~ **и ятим** – нодир йирик марварид; энг қимматбаҳо марварид; ягона дур:
Сўз ки жон гулшанида келди насим,
Бал кўнгул баҳри ичра дурри ятим. *Сабъаи сайёр*, 10-34;
Кўз ёшим дурри ятимин маҳрами ишқ айламан,
Ҳар неча ким пок гавҳардур валекин ёш эрур. *Наводируш-шабоб*, 197-Т;

~ **и ғалтон** – йирик, юмалоқ дур:
Оҳ вакти чун оқар ашким қаро ҳижрон туни,
Муҳрайи айлар шабаҳ ҳар бир дурри ғалтонни дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 118-Т;
Ушул дур орзусидин ки зарварақ киймиш,
Юзумнинг олтунида ашк дурри ғалтондур. *Наводируш-шабоб*, 183-Т;
Манзурнинг саводи хатти аро лаъли хандони муқобаласида ўз баҳри ғами аро кўзининг дурри ғалтонин солибдур ва дилписанд тушубтур.
Мажолисун-нафоис, 220-Т;

~ **и ғоятсиз** – тенгсиз дур, беғоят дур:
Ҳар сифат туҳфаси ниҳоятсиз,
Бебаҳо лаъл-у дурри ғоятсиз. *Сабъаи сайёр*, 10-85;

~ **и ҳақойиқ** – ҳақиқат сўзлари:
Неча анда дуржи дақойиқдурур,
Вале мунда дурри ҳақойиқдурур. *Садди Искандарий*, 83-Т.

ДУР II [دور] – йироқ, олис:
Гўристони ичра зор-у маҳжур,
Ўлган кишидек ҳаётидин дур. *Лайли ва Мажнун*, 337-Т.

ДУР- [دور] – турмоқ:
... ва хоқони Чин анинг [Искандарнинг] қуёшдек карамхуйлуқ била тиғи жаҳон тортиб келадурғанин (бошқа қўлёзмаларда **турғанин**) эшитиб муқобаласида заррадек беҳисоб черик йиғиб анга мувофақатқа элчи йибариб номувофиқ жавоб топқани... *Садди Искандарий*, 314-Т.

ДУРАНГ [دورنگ] – икки ранг:
Кибр этибан эл била феълин дуранг,
Қуллаи зулм узра нечук ким паланг. *Ҳайратул-аброр*, 7-267.

ДУРАНГЛИК [دورنگ ليک] – икки ранглик:
... ва рангомезлиқ ва рўзгори буқаламундисор ғайри дуранглик ва хийлаангизлик эрмас учун... *Муншаот*, 14-137.

ДУРАНДЕШ [دوراندیش] – узоқни кўзловчи, мулоҳазали, оқибатини ўйлаб иш қилувчи:
Аммо бу ҳисоб хиради дурбин ваззони била ва ақли дурандеш мезони била рост эрмас. *Муншаот*, 14-155.

ДУРАНДЕШЛИҚ [دور انديش ليق] – мулоҳазалилик, узоқни кўрувчилик:
Валекин кўргузуб дилрешлиқ ҳам,
Қилиб ойини дурандешлиқ ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 468-Т.

ДУРАР [درر] – дурлар, инжулар, марворидлар:
Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дураридин покрақ,
Мулкунг саҳросидин ҳар лола қуёш машъалидин оташнокрақ.
Муножат, 16-293;
Шайх деди дарёйи топтуқ маввожи маъони дураридин ва Муҳаммади ҳақойиқидин бағоят ошкор ва асру яшурун. *Насойимул-муҳаббат*, 298-Т;

Дурр-у лаълингға чун шикаст қилиб,
Лаъли маҳлул окиб дурар сочилиб. *Сабъаи сайёр,* 10-21.

ДУРАРБОР [دربار] – дур сочувчи; маъноли сўз айтувчи:
Хотирим бўстонин латойиф гуллари била ороста айлар эрди ва дурурбор тилига мажлисда баъзи абётим мазкур... *Ғаройибус-сиғар,* 13-Т;
Маъшуқ уммидида... бу матлаъда-ўқ жавоб ул табъи дурарбордин... рақам топибдур. *Мажолисун-нафоис,* 229.

ДУРАФШ/ДУРАФШОН/ДУРФИШОН [درفش/ درفشان / درفشان] – дур сочувчи; гўзал назм битувчи:
Боши узра тожи каёни бўлуб,
Дурафши анинг кодёни бўлуб. *Садди Искандарий,* 105-Т;
Ки сўз таври келди сенинг шонингға,
Бўлуб хатм табъи дурафшонингға. *Садди Искандарий,* 323а11;
Чун сурмиш килки дурфишонни,
Таҳрир этмиш бу достонни. *Лайли ва Мажнун,* 87-Т;
~ **бўл-** – дур сочилмоқ:
Чун икинчи авж уза урди алам,
Дурафшон бўлди Уторидқа қалам. *Лисонут-Тайр,* 24-Т.
Чун саҳоби назмим ўлди дурфишон,
Назмима эрди Навоийдин нишон. *Лисонут-тайр,* 271-Т.

ДУРАФШОНЛИҒ/ДУРАФШОНЛИК [درفشان ليغ / درفشان ليق] – дур сочувчи; маънодор сўз айтишлик:
Навоий қилмағил бас назм бирла дурафшонлиғ ким
Маони бикрига зевар ҳадисинг гавҳариндиндур. *Наводируш-шабоб,* 189-Т;
Дурафшонликқа килким фош қилғил,
Тилимни дағи гавҳарпош қилғил. *Фарҳод ва Ширин,* 77-Т;
~ **эт-/қил-** – дур сочмоқ, дурафшонлик этмоқ:
Етур анга караминг баҳридин паёпай файз,
Ки наътинг ичра дурафшонлиғ этсун идроки. *Фавойидул-кибар,* 624-Т;
Дур киби пок нукторонлиғ этай,
Шоҳ мадҳида дурафшонлиғ этай. *Сабъаи сайёр,* 10-60;
... кунуз-у хазойиндин меҳр-у саҳобдек зарпош-у дурафшонлиғ қилиб сипоҳ-у раийятни ул эҳсонардин обод этиб... *Садди Искандарий,* 212-Т.

ДУРАХШ [درخش] – порлаш, яркираш; нур, зиё:
Отланиб филҳол андақ ким дурахш
Имтиҳонға сурди гулхан сари рахш. *Лисонут-тайр,* 64-Т;
Анингдек ки тушкай чақиндин дурахш,
Сикандар сафидин бирав сурди рахш. *Садди Искандарий,* 190-Т;

ДУРАХШАНДА [درخشنده] – порлоқ, нурли, равшан; ишқ юлдузи:
Ишқ ахтаредур дурахшанда башарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавҳаредур рахшанда инсоният тожининг зеб ва баҳоси андин. *Маҳбубул-кулуб,* 14-65;
Бири рўй-у мис бирла обод эди,
Яна бир дурахшанда пўлод эди. *Садди Искандарий,* 373-Т;
~ **бўл-** – дурахшанда бўлмоқ:
Ўйла ким туғса меҳри рахшанда,
Тоқ лавҳи бўлур дурахшанда. *Сабъаи сайёр,* 10-19.

ДУРАХШАНДАЛИК [درخشنده لیق] – порлоқлик, нур сочишлик:

Анинг лаълида гар дурахшандалиқ,
Мунунг дағи дуррида рахшандалиқ. *Садди Искандарий*, 81-Т.

ДУРАХШОН [درخشان] – порлоқ, ялтироқ, ёруғ; **мехри дурахшон** – порлоқ қуёш:

Тун кунум ким ёруғ ул юздин эрур ваҳ ки ани
Моҳи анварму дейин меҳри дурахшонму дейин. *Наводируш-шабоб*, 485-Т;
Чиқиб жавфида юз минг чашмарахшон,
Бири ул жумладин меҳри дурахшон. *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – ёритмоқ:

Меҳрни кундуз дурахшон айлади,
Ойни шамъи шабистон айлади. *Лисонут-тайр*, 16-Т;
Меҳри сафҳанг юзин дурахшон эт,
Зарварақдин ани зарафшон эт. *Сабъаи сайёра*, 10-59;
Эрур ҳижрон туни бас тийра эй гардун дурахшон қил,
Саодат матлаидин ахтари фарҳунда фолимни. *Хазойинул-маоний*, IIа-339;

~ **бўл-** – равшан бўлмоқ, нурли бўлмоқ:

Бир замондин сўнгра Бобонинг ҳоли мутағаййир бўлди ва суратида азамате пайдо бўлди ва куёш курсидек дурахшон бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 265-Т.

ДУРБИН [دوربین] – узоқни кўрувчи:

Аммо бу ҳисоб хиради дурбин ваззони била ва ақли дурандеш мезони била рост эрмас. *Муншаот*, 14-155.

ДУРБОР [دوربار] – дур ёгдирувчи; чуқур ва ҳикматли сўзлар изҳор қилувчи:

...шариф замирингиз не нима хаёл қилғай ким мундин шойистарақ бўлғай ва дурбор қаламингиз не нукта таҳрир қилғай ким мундин бойистарақ бўлғай. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-51;

Яъни ул киши ким анинг хомаи дурбори бу номаи гавҳарнигор қилибдурлар ва ул кимса ким бу номаи гавҳарнинг дурлари анинг хомаи дурборидин сочилибдурур. *Назмул-жавоҳир*, 15-129;

...насойиҳ ва мавоиз дурбор алфозларидин зоҳир қилиб... хилофат тахти ва салтанат маснади азимат қилдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-78;

Қаро туфрағ уза ул абри пурбор,
Туруб қилди ўзин ул навъ дурбор. *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т;
Саҳоби ким бўлуб дурбор йиғлаб,
Анга кирган кишига зор йиғлаб. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;

~ **бўл-/ўл-** – серёмғир, сел бўлмоқ:

Истабан васлинг гулистонин ҳавойи бўлмасам,
Абри нисондек кўзум дурбор бўлғай-му зди. *Фавойидул-кибар*, 598-Т;
Роқибу маркаб юзу аъзосидин терму оқар,
Ё булут дурбор ўлуб хуршид анжумрез эрур. *Хазойинул-маоний*, IIб-197.

ДУРБОШ [دورباش] – узоқлаш (маънодаги бу сўз шоҳ келаётганида унга йўл очишни таъминлаш аскарланинг найзасини ва йўл очиш амалини билдиради):

Итикликта ҳар хора тоши анга,
Камарда келиб дурбоши анга. *Садди Искандарий*, 243a15;

...ва чопқуни дурбоши ким жаҳонни барҳам ва бу фаслда фадакващ оқ уй ким қуёшдек шуъладин балки шуъладек бодадин равшан бўлғай. *Садди Искандарий*, 229-Т;

Агар кўксунгга урсанг гусса тоши,
Вагар жонингга меҳнат дурбоши. *Фарҳод ва Ширин*, 417-Т;

~ **айла-** – узоқ бўлмоқ; четлатмоқ, узоқлаштирмоқ:
Адолат тарикини фош айлади,
Сиёсат анга дурбош айлади. *Садди Искандарий*, 137-Т.

ДУРД [درد] – май қуйқаси; дурди:
Бодадин хушнуд ўлубмен то мени жоми фано,
Давр элининг софи ву дурдиға хушнуд айлади. *Хазойинул-маоний*, 16-649;
Қадаҳ дурдиға кўл узатиб дурур,
Аёғи бу лой ичра ботиб дурур. *Садди Искандарий*, 73-Т;
~ **и жом** – жомдаги май қуйқаси:
Кайт эй сўфи ки пири дайр дурди жомиға,
Бўлмағунг шориб агар сафи эмастур машрабинг. *Наводируш-шабоб*, 343-Т;
~ **и пиёла** – пиёладаги май қуйқаси:
Май эл била ичибан бизни хоки роҳ айлаб,
Фиғон ки тўкмади дурди пиёла айлаб. *Фавойидул-кибар*, 32-Т;
~ **и соғар** – қадаҳдаги май қуйқаси:
Қон ютармен дури соғар шавқидин эй пири дайр,
Соғари бир муғбача лаъли қадаҳ паймосидин. *Ғаройибус-сиғар*, 379-Т;
~ **и фирок** – фирок дурди, қадаҳи:
Нўши васлинг барида тутма десам дурди фирок,
Дер ки заҳр ичмаклик авло оби ҳайвондин бурун. *Фавойидул-кибар*, 472-Т;
~ **и хаммори** – майфуруш хумидаги май қуйқаси:
Майи соф ҳам тутмасанг яхшидур,
Ғамим дафъиға дурди хаммор ахи. *Бадойиул-васат*, 456-Т;
~ **и хирмон** – май қуйқаси хирмони:
Шафақгун май хилоли жом агар кўрсанг
Ки софи хирс бирла дурди хирмон эрур Мамзуж. *Наводируш-шабоб*, 94-Т;
~ **и хум** – хум дурди, май қуйқаси:
Гар дурди хум бўлсун агар соф пиёла,
Ичтум-у азалдин манга бу бўлди хавола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т;
Эй Навоий хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг. *Бадойиул-васат*, 268-Т;
~ **и шавқ** – кучли кайф берувчи май қуйқаси:
Итлари синған сафоли ичра чектинг дурди шавқ,
Эй Навоий ани жом ўзунгни Жамшид айладинг. *Ғаройибус-сиғар*, Іб 280;
~ **и қадаҳ** – қадаҳдаги май қуйқаси:
Неча харобот ичра аёғ яланг ёқа чок,
Ичарга дурди қадаҳ ҳар тараф шитоб манга. *Фавойидул-кибар*, 20-Т;
~ **и қадаҳполо** – қадаҳдаги май дурди:
Гар будур ҳодисаи давр харобот ичра,
Хирқаи чок била дурди қадаҳполо бас. *Бадойиул-васат*, 182-Т.

ДУРДИЙ [دردی] – дурдий, май қуйқаси:
Соқиё ўзлук ила мушкил эрур қатъи анинг,
Дермен ўздин борайин жонима қуй дурдийдан. *Наводируш-шабоб*, 438-Т;
Чун бода ёқар даврда не соф-у не дурдий,
Чун давр ўтар хоҳ алам хоҳ танаъъум. *Наводируш-шабоб*, 437-Т.

ДУРДКАШ/ДУРДИЙКАШ [دردکش / دردی کش] – май қуйқасини ичувчи; майхўр:
Май ичра аксинг аро соф чашға айш-у ношот,
Қадаҳда нашъанг ила дурдкашға завқ-у сурур. *Хазойинул-маоний*, 116-136;
Уч қадаҳи соф била шаҳ бўлса хуш,
Лойи дағи қолса чекар дурдкаш. *Ҳайратул-аброр*, 7-56;

Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур не аҳли дарс,
Улча аврақ узра сабт ўлмас не билгай Мавлавий. *Ғаройибус-сиғар*, 492-Т;
Қил ишқ дайринда мақарр сукконига солғил назар,
Ким бор бу мажмаъ ичра ҳар дурдийкаши ҳаммор Жам. *Ғаройибус-сиғар*, 325-Т;

~ **бўл-** – қуйқа, қолдиқни баҳам кўрмок:
Итларинг синған сафоли ичра бўлдум дурдкаш,
Бўлмасун ҳаргиз тахи ул бодадин бу соғарим. *Бадойиул-васат*, 309-Т.

ДУРДНЎШ [دردنوش] – май қуйқасини ичувчи; майхўр:
Не қаҳринг ўтидин эмин фақиҳи сойими даҳр,
Не раҳматингдин навмид ринди дурднўш. *Бадойиул-васат*, 185-Т;
Чу ул май дурдидин бўлмиш хуруши,
Сафо аҳлидур анинг дурднўши. *Фарҳод ва Ширин*, 100-Т;
Зоҳид агар бўлди бориб дурднўш,
Фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-107.

ДУРДОН [دردان] – дуршунос:
Ҳозир эрди мусофири пурдон,
Нуктадин кўнгли ҳуққаи дурдон. Сабъаи сайёр, 10-335.

ДУРДОНА [دردانه] – йирик ва нурли дур:
Ҳам ул чарх бағриға дурдонадур,
Ҳам ул баҳр-у гавҳарға афсонадур. *Садди Искандарий*, 76-Т;
Кўрди ушул хиттани бутхонае,
Ҳар бутининг ҳайъати дурдонае. *Ҳайратул-аброр*, 7-88.

ДУРДОНАЛИҚ [دردانه لیق] – дурдонадай бўлиш; дурдоналик:
Зоҳир юзидин ар тиласа тожу изз-у жоҳ,
Дарду бало муҳитиға дурдоналиқ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 519-Т.

ДУРДОШОМ [درد آشام] – май қуйқасини ичувчи:
Гар Навоий волиҳинг дур қавмағил эй муғбача,
Ани ҳам бу дайр аро бир ринди дурдошом тут. *Наводируш-шабоб*, 70-Т;
Чун харобат ичра кирдинг маст бўл ким мугбача
Маҳрами базм айламас жуз ринди дурдошомни. *Хазойинул-маоний*, IIа-348;
Маст-у расвомен харобот ичра кўрдунг эй рафиқ,
Бўлмағунг бўлсанг менингдек ринди дурдошом кет. *Фавойидул-кибар*, 81-Т;
Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зиндапили Жомий улдур. *Фарҳод ва Ширин*, 100-Т;
Навоий тонгла ҳур-у софийи кавсардин ортуқдур,
Бу кун ул муғбача ишқида булсанг дурди ошоми. *Наводируш-шабоб*, 575-Т.

ДУРЖ [درج] – 1. қиммагбаҳо тошлар сақланадиган қутича; жавоҳир қутиси:
Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т;
Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,
Икки куёш ўлди авжи бир бурж. *Лайли ва Мажнун*, 303-Т;
Лаълинг ул ўт ки кўнгул мажмар анга,
Ё кўнгул дурж-у лабинг гавҳар анга. *Хазойинул-маоний*, IVa-9;

2. жисм:
Дурларидин ер юзи мамлу бўлуб,
Балки фалак дуржлари ҳам тўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-50;
Таним дуржиға пок гавҳар қани,
Бар-у баҳр шоҳи Сикандар қани. *Садди Искандарий*, 488-Т;

3. тиш:
Қолмай оғиз дуржида дурри самин,
Тишлари син лек кашиш бирла син. *Ҳайратул-аброр*, 7-287;

~ **и вафо** – вафо хазинаси:
Қайси дур ул дуржи вафо гавҳари,
Қайси гуҳар буружи ҳаё ахтари. *Ҳайратул-аброр*, 7-36;

~ **и дақойиқ** – нозиқ маънолар сақлайдиган жой:
Неча анда дуржи дақойиқдурур,
Вали мунда дурри ҳақойиқдурур. *Садди Искандарий*, 83-Т;

~ **и кавкабафрўз** – ёруғ юлдуз ли осмон:
Ҳар лаган дуржи кавкабафрўзи,
Кавкаби гавҳари шабафрўзи. *Сабъаи сайёр*, 10-8;

~ **и кимёлик** – ноёб, нодирликлар кутичаси:
Ҳам зотинга дуржи кимёлик,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолик. *Лайли ва Мажнун*, 359-Т;

~ **и лаъл** – оғиз; лаъл қутича:
Нашъа ёқути муфарриҳдин гар эрмас дамбадам,
Дуржи лаълингда недин кулгудурур кулгу уза. *Бадойиул-васат*, 389-Т;

~ **и маъни** – нодир маънолар қутичаси:
Дуржи маънини чун очибдурлар,
Олам аҳлиға дур сочибдурлар. *Сабъаи сайёр*, 10-54;

~ **қилил-** – дурж қилинмоқ:
Ва савт-у накс худ беҳадд-у адд боғлабтур ки халойиқ аросида машҳурдур ки барчасин дурж қилилса мужиби итноб бўлур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 105-Т.

ДУРЖИ [درجی] – дурчи; етти фалак дурларининг танҳоси:
Ҳусн авжи узра тобон ахтар ул,
Лутф дуржи ичра рахшон гавҳар ул. *Лисонут-тайр*, 191-Т;
Баҳри ирфон дури Саййид Ҳасан ул ким афлок,
Етти дуржи аро бир кўрмади андақ дурри пок. *Наводируш-шабоб*, 667-Т.

ДУРЛУҚ [درلوق]– дурлик, дури бор:
Агарчи йўқ турур дурлуқ талаши,
Эрур тош ўлса ҳам чақмақ тоши. *Фарҳод ва Ширин*, 114-Т;
Тўла гавҳар акикинг ҳуққасидин баҳри ашким кўр,
Ки кўк анжум била дурлуқ садафдек қаъриға ётмиш. *Бадойиул-васат*, 194-Т.

ДУРМАСАЛЛИК [درمثللیک]– дурмонандлик, дурсифатлик:
Бирав ким бу дарёда ғаввос эди,
Манга нуктае дурмасаллик деди. *Садди Искандарий*, 401-Т.

ДУРНИСОР [درنثار]– дур сочиш; баҳра берувчи ёмғир; дурли ёмғир:
Қилди булут ашки билан дурнисор,
Бўлди чақин кулгусидин хоксор. *Ҳайратул-аброр*, 7-156.

ДУРНИСОРЛИК [درنثارلیق] – энг қийматга лойиқ маънолар ёзиб қолдирмоқ:
Толии саъд ёрлиқ қилди,
Қаламим дурнисорлиқ қилди. *Сабъаи сайёр*, 10-387.

ДУРПОШ [درپاش] – дурдек сочувчи; қийматбаҳо сўзлар айтувчи; кўзи ёшли:
Эй кўз ашкимни сориғ юзумга дурпош айлама,
Ёшурун ишқим сўзин машҳури авбош айлама. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;

Сўз аҳли эрур тўкар замон ёш,
Бир шамъ ки ашкин этса дурпош. *Лайли ва Мажнун*, 364-Т;
Ким ҳоли назм аро эрур фард,
Дурпоши баёни назмпарвард. *Лайли ва Мажнун*, 86-Т.

ДУРРАТУТ-ТОЖ [درة التاج] – тожга қадалган дур; энг юксак, энг олийсифат дур:
Дурратут-тож ўлуб сифоти анинг,
Баҳрул-аброр наъти зоти анинг. *Муншаот*, 14-143.

ДУРРОЖ [درّاج] – 1. кирғовул:
Шабистонинг аро суббухийлардин юз туман товус,
Гулистонинг аро қуддусилардин юз туман дуррож. *Фавойидул-кибар*, 95-Т;
Чуғздин рам айласа не айб дуррожу тазарв,
Хосса бўлса мастлиғдин ўзгача оламлари. *Хазойинул-маоний*, 1а-398;
Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-210;
Тазарви хироманда дуррож ҳам,
Қилиб ҳуш нақдини торож ҳам. *Садди Искандарий*, 304-Т;

2. шахс номи:
Абулҳасан Дуррож учунчи табақадиндур. Абулҳасан Дуррож Бағдоддин Юсуф бинни Ҳусайн Розийға келди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-94;

~ **и маст** – маст дуррож:
Панд эшитмас эди дуррожи маст.
Кизбдин этмас эди афғонни паст. *Ҳайратул-аброр*, 7-211.

ДУРСИЗ [درسیز] – дурсиз, инжусиз:
Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруған не эътибор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-80;

ДУРТАЛАБ [در طلب] – гаввос, дур изловчи:
Пўянамо ва даштпаймо эрдилар чун дурталаб элга ёвуштилар.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-492.

ДУРУД [درود] – дуо, олқиш, таҳсин:
Анга ҳар дам юз дуруд-у минг салом,
Олам аҳлидин ило явмил-қиём. *Лисонут-тайр*, 23-Т;
Ва жадид наът ва қариб дуруд ул нозимға ким олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди. *Мезонул-авзон*, 11-Т;

~ **и номаъдуд** – сонсиз-саноқсиз мақтов, таҳсин:
Дуруди номаъдуд ул маҳбуби оқибат маҳмудға ким Ҳақ таоло анга анча қурб ва манзалат берди ким олам ва одам вужудидин мақсуд анинг вужуди эрди.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-450;

Юзин меҳрдек айлагач хоки суд,
Ҳабибиға еткурди Ҳақдин дуруд. *Садди Искандарий*, 63-Т.

ДУРУР [دورور] – кесимлик аффикси:
Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-155;
Ким бу гулшанға камол андиндурур,
Ҳам хазон-у ҳам завол андиндурур. *Лисонут-тайр*, 154-Т;
Киши чинда сўз деса зебодурур,
Неча мухтасар бўлса авлодурур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-83.

ДУРУСТ [دوروست] – 1. бутун; тўлиқ, комил:

Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол нигаҳбони дуруст,
Ҳар дўст ки сўз ичра десанг ани дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст. *Назмул-жавоҳир,* 15-147;

2. яхши, тўғри, рост:

Эй кўнгул даҳр аҳлиға йўқ ваъда ву паймон дуруст,
Неча куйгунг сен даги уз ваъда буз паймонни ҳам. *Фавойидул-кибар,* 422-Т;
Мавлоно Шомий... имлоси дуруст эмас эрди ким шеърин биткай.
Мажолисун-нафоис, 83-Т;

3. шикастсиз, саломат:

Кемаларни қирақға боғлаб руст,
Халқ-у амволини чиқарди дуруст. *Сабъаи сайёр,* 10-281;

4. ўринли, яхши:

Ки синдурғасен лавҳаларни нухуст,
Ки бу иш саранжом бўлғай дуруст. *Садди Искандарий,* 270-Т;

5. холис, самимий, сидқидил:

Ҳақ била чун қилди бу нийят дуруст,
Ким тилабан мужда бирав этти чуст. *Ҳайратул-аброр,* 7-316;

~ **бўл-** – яхши, тўғри, рост, ўринли, бутун бўлмоқ:

Шайхул-Ислом дебдур ким тажрид дуруст бўлса мулки Сулаймон маълум эмас ва тажрид дуруст бўлмаған бўлса енгнинг иликдин ортуғлуғи маълумдур.
Насойимул-муҳаббат, 31-Т;

~ **айла-** – қатъий киришмоқ, жазм этмоқ:

Ки чун «Хамса» азмин дуруст айладим,
Магар комиға неча руст айладим. *Садди Искандарий,* 72-Т;

~ **қил-** – асос солмоқ, киришмоқ, таъсир этмоқ:

...тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар.
Насойимул-муҳаббат, 184;

Таълимға бил пе чуст қилди,
Не ул деди бу дуруст қилди. *Лайли ва Мажнун,* 103-Т.

ДУРУСТЛУҚ [دوروستلوق] – саломатлик, соғлиқ; яхшилик:

Танпўшунг дуруст бўлса тан дурустлуғунгға шокир бўл ичинг қутиға ғизо топмасанг ич оғриғинг йўқ шукриға бўл. *Маҳбубул-қулуб,* 169.

ДУРУШТ [درشت] – дағал, нотекис:

Ки ул мулк аларға қолиб неча пушт,
Чиқармай алардин сипехри дурушт. *Садди Искандарий,* 472-Т.

ДУРУШТГЎЙ [درشت گوی] – дағал муомалали, қўпол сўзли:

Агар фанида моҳир бўлса аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй...
Маҳбубул-қулуб, 14-24;
Аксари фосиқ ва бадхўй ва қолғани кажтабъ-у дуруштгўй.
Маҳбубул-қулуб, 14-31.

ДУРУШТЛУҚ [درشت لوق] – қўполлик, дағаллик:

Агарчи хўйлари дурушлуқда намоёндур аммо атфол ноҳамворлиғи ислоҳиға ирик суҳондур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-27.

ДУРУШТХЎЙ [درشت خوی] – қўпол, дағал қилиқли:

Дуруштхўй қилур элни чирк дунёлик,
Нечук ки қилғай ирик жамъ бўлса узвида шух. *Бадойиул-васат,* 111-Т.

ДУРЧА [درچه] – дурдек, дур каби:
... ва ҳар тошдин бир дурча оройиш фаҳм бўлур. *Муншаот*, 14-188.

ДУТОҲ [دوتاه] – икки букилган, эгилган:
Қамар хар ой боши муъжизнамой илгингдин,
Қочиб бошини ўғурлар ки бўлур ўйла дутоҳ. *Хазойинул-маоний*, 539.

ДУХОН [دخان] – тутун, дуд:
Чекмак била оҳ ўти духонин,
Тор айлади даҳр хонумонин. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;
Чекиб чун ишқ норининг духонин,
Қарартиб дард элининг хонумонин. *Фарҳод ва Ширин*, 421-Т;
~ **и ҳуркат** – дуд, тутун ёниши, алангаланиши:
Жаннати лутфунг насими эсса Руҳуллоҳ дами,
Нисбатида кўргузуб дўзах духони ҳуркатин. *Бадойиул-васат*, 490-Т.

ДУХУЛ [دخول] – дохил; дохил бўлиш, кириш:
Уйи ким духулдин чекар юз киши,
Ани чекмак эрмас дурур мур иши. *Садди Искандарий*, 73-Т;
~ **айла-** – кирмоқ, кириб кетмоқ:
Ки ҳарён кириб рубъи маскун аро,
Духул айламиш тоғ-у ҳомун аро. *Садди Искандарий*, 451-Т.

ДУЧОР [دچار] – учраш, йўлиқиш, рўпара келиш; ~ **бўл-** – йўлиқмоқ; рўпара, юзма-юз келмоқ:
Кишига бўлмасун бу фитна дучор,
Ки унидин нажоти тари учар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-469;
Ушбу маҳалда икки бечора ёр,
Бўлди қитол аҳлиға ногаҳ дучор. *Ҳайратул-аброр*, 7-186.

ДУЧЎБА [دوچوبه] – чодир:
Дучўба учи бу феруза хиргоҳ,
Анинг икки кўмачи меҳр ила моҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т.

ДУШ- [دوش] – тушмоқ:
Ложарам девона ву расвойи олам бўлғамен,
Чун душуб [бошқа қўлёзмаларда **тушуб**] тур эй пари пайкар сенинг била ишим.
Ғаройибус-сиғар, 326-Т;
Арслан итдек аёғиға душуб,
Хуша тухми дур бўлурға ёвушуб. *Лисонут-тайр*, 24-Т.

ДУШАНБА [دوشنبه] – душанба:
Алар етти юз тўқсон бирда рабиул-аввал ойининг учида душанба кечаси олам-дин ўтубтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 243-Т.

ДУШАШ [دوشش] – икки олтилик; нард ўйинида икки олти чиқиши:
Қазо нарроди кўк тосинда ой кун каъбатаннидин,
Душаш нақши била эл нақди умрун бешумор элтур. *Хазойинул-маоний*, IIб-18.

ДУШВОР [دشوار] – қийин, огир, мушкул:
Халқ ишига гар бу намудор эрур,
Бир киши топмоқ иши душвор эрур. *Ҳайратул-аброр*, 105-23;
Халқ душвор ўлмаким ҳайронидурлар турфа кўр,
Ким эрур душвор ҳажрим оллида ҳайрон ўлум. *Ғаройибус-сиғар*, 333-Т;

Эй Навоий, ёр васли гарчи бас душвор эди,
Фони ўлғач бўйла душвор ўлди осон окибат. *Хазойинул-маоний*, 1116-78;

~ **кел-** – қийин, оғир келмоқ:
Элга жон бермак санга душвор келса тонг эмас,
Сен ки то жон олмадинг элдин танаъъум килмадинг. *Фавойидул-кибар*, 334-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – қийинлаштирмоқ, мушкул этмоқ:
Тиғ ила душвор айлабсен Навоий қатлини,
Чеҳрадин буркаъни олғил ким басе осон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 139-Т;
Алар уй сифатида илҳоҳ килиб, ўзларига ишни душвор килдилар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-141;

Мен куйуб эл базми гарм ўлмакни яъни гўйиё
Ани элга дўст ўз жонимга душман айладим. *Фавойидул-кибар*, 413-Т;
Гарчи ул равзаи ризвон сари рафтор этти,
Ҳажридин умрини аҳбобка душвор этти. *Наводируш-шабоб*, 667-Т;

~ **бўл-/ўл-** – қийин, мушкул бўлмоқ:
Ул дебдур ки Маккада ихлосдин вақтим душвор бўлди.
Насойимул-муҳаббат, 124-Т;

Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард аҳлига невчун
Ансал Мажнунни асраб айлагай Лайлини овора. *Наводируш-шабоб*, 529-Т;
Шуруъи даги нопадидор ўлуб,
Ки тағйир васфида душвор ўлуб. *Садди Искандарий*, 92-Т;
Йигитлик айши бисёр ўлди бисёр,
Қарилик ранжи душвор ўлди душвор. *Фарҳод ва Ширин*, 178-Т.

ДУШВОРИЧА [دشواريچه] – мушкулидек, душворича:
Эй Навоий айладим ҳар кўй аро сайр-у сулук,
Келмади оллимга ишк ойининг душворича. *Бадойиул-васат*, 396-Т.

ДУШВОРЛИҒ/ДУШВОРЛИК [دشوارليغ / دشوارليق] – мушкуллик, қийинчилик:
Жонга бир душворлиғ кўймай риёзат ранжидин,
Сарф бўлди накди авкотим таносонлиғда ҳайф. *Ғаройибус-сиғар*, 245-Т;
Бу ҳарф ҳам ул жумладиндур ким турк тилининг ширинашъор ва шакаргуфторлари душворлиги жиҳатидин мутлақ таарруз қилмайдурлар.
Мажолисун-нафоис, 216-Т;

Бари душворлиғларни ўзунга айласанг осон,
Борур душворлиғлар даги бўлғай шояд осонлик. *Бадойиул-васат*, 246-Т;
Манга ким бўйла душвор иш тушубтур,
Ишим душворликка ёвушубтур. *Фарҳод ва Ширин*, 178-Т;
Бўлмади юз анчага меъморлик,
Санъатнинг устодига душворлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-23;

~ **бўл-** – мушкуллик, душворлик бўлмоқ:
Қилсун осон ўзлукидин бўлса ҳар душворлик,
Ҳар киши даврон ғами душворин осон истагай. *Наводируш-шабоб*, 625-Т.

ДУШВОРПИСАНДЛИК [دشوار پسندليق] – оғирлик, мушкулликни маъқул саналганлик, топканлик:
... чун Ҳак субҳонаҳу ва таоло табъға ғаробат сари майлни зоти ва диққат ва душворписандликка шуриъни жобили қилиб эрди.
Муҳокаматул-луғатайн, 180-Т.

ДУШМАН [دشمن] – адув, мухолиф; ёв:
Ким деди мехрингни ул маҳвашка равшан айлагил,
Куч билан жонингга жононингни душман айлагил. *Бадойиул-васат*, 290-Т;

Вале бўлди чун ганжи ву махзани,
Халойиқ эрур жонининг душмани. *Садди Искандарий*, 124-Т;

~ **и жон** – жон душмани:
Ғамзаи қотил ила кофири хунрез кўзин,
Душмани жон му атай офати имон му дейин. *Наводируш-шабоб*, 485-Т;
Дўст бўлмас гар жамол аҳлиға жон қилсанг фидо,
Душмани жондур агар жон-у жаҳон қилсанг фидо. *Фавойидул-кибар*, 34-Т;

~ **и ғаддор** – бераҳи, золим; хиёнатчи душман:
Чархнинг мехриға мағрур ўлмағил ким ғадри бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст. *Наводируш-шабоб*, 87-Т;

~ **қил-** – душмАн, рақиб қилмоқ:
Айламакдин танға андух-у бало тошин ҳисор,
Жонима хайр-у саломат хайлини душман қилай. *Ғаройибус-сиғар*, 469-Т.

ДУШМАНДЎСТЛУҒ [دشمن دوست لوغ] – душман билан дўстлашишлик:
Дўст душмандин манга кўпрак чу тегурди жафо;
Не ажаб гар эмди душмандўстлуғ бўлғай фаним. *Ғаройибус-сиғар*, 328-Т.

ДУШМАНКОМЛИҒ [دشمن كاملیغ] – ғанимлик, душманликни мақсад қилишлик:
Дўст ким қилғай мени бедод душман кулгуси,
Бўйла душманкомлиғдин яхширакдур ўлганим. *Ғаройибус-сиғар*, 328-Т;
Неча эй ороми жон ҳажрингда беоромлиғ,
Дўстлуғ кўргуз ки ҳаддин ошти душмонкомлиғ. *Ғаройибус-сиғар*, 243-Т.

ДУШМАНЛИҒ/ДУШМАНЛИК [دشمن لیغ / دشمن لیق] – адоват, ёвлик, хусумат; рақобат:
Дўстлуқ ким қилса душманлиғ топардин даҳр аро,
Бўлмамиш гўё муҳаббат аҳли ҳаргиз мунақид. *Бадойиул-васат*, 94-Т;
Сизнинг бу адоватингиз ҳаргиз адам бўлмас, бу душманлиқ орангиздин ҳаргиз кам бўлмас. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-541;
Ани ким дўстдин айлаб тарабнок,
Улус душманлиғидин бермайин бок. *Фарҳод ва Ширин*, 422-Т;
Ислоҳ бўлур жуҳуд душманлиғиға,
Топмас чу гумон суд душманлиғиға,
Муслиҳ тилагил рабуд душманлиғиға,
Лек этма талаб ҳасуд душманлиғиға. *Назмул-жавоҳир*, 15-172;
Десанг ким ҳар замон бир ёрнинг душманлиғин кўрмай,
Замон аҳли била аз майл кўргуз ёрлиғларға. *Наводируш-шабоб*, 568-Т.

ДУШМАНОЙИН [دشمن آیین] – душманмонанд, душман тарзидек:
Мен чу асрай олмадим сирримни найлаб айб этай,
Душманойин дўстлар гар ошкоро қилдилар. *Фавойидул-кибар*, 157-Т.

ДУШМАНСИЗ [دشمن سیز] – душмансиз:
Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур. *Муншаот*, 14-154.

ДУШМОНВОР [دشمان وار] – душманвор, душман сифат, душманларча:
Муддаилар ичра ким қатлимға душмонвор дўст,
Тиғ урди дўстком этти мени душмон аро. *Наводируш-шабоб*, 38-Т.

ДУШОБ [دوشاب] – шинни, узум шинниси:
Фукаро сирка ва душоби андин ағниё нукл-у майи ноби андин.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-474;
Рўза ойида ҳар кеча ўн беш ботмон буғдой беш ботмон полудаи душобдин ё мавизобдин ўттуз табақ масолиқ улча эҳтиёж бўлғай. *Вақфия*, 14-268.

ДУҒ [دوغ] – айрон:

Ва дебдур ки қирқ йилдур ки нафсим бир ичкуча совуғ су ё дуғ тилар ва ҳануз анга бермайдурмен. *Насойимул-муҳаббат*, 190-Т.

ДЎЗАХ [دوزخ] – 1. дўзах, тамуғ, жаҳаннам:

Ул дўзах ўтидин ишқ аҳлини тахвиф этар,
Ишқ ўтин гар кўрмамиш тутмақ бўлур ани маоф. *Хазойинул-маоний*, 116-307;

Ўртар эди бу ўт ул санамни,
Дўзахқа солиб гули Эрамни. *Лайли ва Мажнун*, 91а20;

2. азоб, машаққат:

Бориб журмсиз кирма дўзах аро,
Ўзунгга кетурма узун можаро. *Садди Искандарий*, 438-Т;

3. кийинчилик:

Сафар азми дўзахға сони дурур,
Ватан ҳубби имон нишони дурур. *Садди Искандарий* 438-Т;

4. охират ўтхонаси:

Дўзах манга етса жовидони,
Ишқи ўтидин қизиткил ани. *Лайли ва Мажнун*, 193-Т;

~ **и фурқат** – фурқат изтироби, дўзахи:

Берди йўл равзаи жаннат сари,
Мен тушуб дўзахи фурқат сари. *Фавойидул-кибар*, 686-Т;

~ **и қаҳр** – дўзах қаҳри, ғазаби:

Дўзахи қаҳрингдин айрилса хавоға бир шарар,
Айлаб анфоси Масиҳо барқи офат хислатин. *Бадойиул-васат*, 490-Т;

~ **и ғам** – ғам-ғусса дўзахи:

Дўзахи ғам дуди оламни тутуб,
Шуъласин кўнглум ўтидин ёрутуб. *Лисонут-тайр*, 100-Т;

~ **и хижрон** – айрилиқ, фироқ, изтироби, дўзахи:

Барқ янглиғ олам ўртар ламъаи шоми фироқ,
Дўзахи ҳижрон чиқарған учқун ўлғайму экин. *Фавойидул-кибар*, 463-Т.

ДЎЗАХВАШ [دوزخ وش] – дўзахсифат, дўзахваш:

... ва дўзахваш фазосида сели балодек рудхона. *Муншоат*, 14-148.

ДЎЗАХСИРИШТ [دوزخ سرشت] – бадхулқли:

Хўб руҳафзо зушт умрфарсо хушхулқ нозанин ҳури биҳиштойин.
Ёман мизожлиқ зишт деви дўзахсиришт. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-542.

ДЎЗАХЧА [دوزخچه] – дўзах каби, дўзахга тенг:

Навоий хонақаҳи дўзахча бордур шайх анга молик,
Не тонг гар андағи элга насиҳатдин азоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 173-Т;

Гарчи бор дўзахча ишқинг шуъласи,
Бизни ўз илгинг била ул сари эт. *Муҳокаматул-луғатайн*, 174-Т.

ДЎК- [دوک] – тўкмоқ:

Шоми ҳажримдин не огоҳ ул ки ҳижрон тунлари,
Тонгға тегру дўкмади (Париж кўлёзмаларида **тўкмади**) шўробани бир шом талх. *Ғаройибус-сиғар*, 107-Т.

ДЎККОН [دوکان] – 1. дўкон; ишхона:

Бузуғ қабримни кўрган ўқчи дўкконига ўхшатғай,
Фироқинг ўқидин анда кўруб пайкон-у пар ҳар ён. *Наводируш-шабоб*, 460-Т;

Аҳли савдо эшитур ҳар не кўнгул деса ки бор,
Шиҳна буйруғига бозор-у дўккон ичра нафоз. *Фавойидул-кибар*, 132-Т;

... дебдур ки атомнинг Бағдод бозорида бир дўккони бор эди. Мен дўккон эшикида ўлтуруб эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 68-Т;

Чун манга Аттор дўкконидин иш,
Шаккар-у қанд олмақ эрди ёз-у қиш. *Лисонут-тайр*, 253-Т;

3. асар муаллифига ишора:
Балки тўти янглиг ул дўкконда фан,
Бор эди бўлмақ манга шаккаршикан. *Лисонут-тайр*, 253-Т;

~ **и гуҳар** – гавҳар дўкони:
Давотим ки очти дўккони гуҳар,
Дўккони гуҳар йўқ ки кони гуҳар. *Садди Искандарий*, 91-Т.

ДЎКМАК [دوكماك] – тўкиш, сочиш:
Неча ким очиб ганж дўкмакка (бошқа қўлёзмаларда: **тўкмакка**) қўл,
Вали маҳзани роз ганжури ул. *Садди Искандарий*, 78-Т.

ДЎКОНЧА [دوكانچه] – кичик дўкон:
Бухоронинг тимларидин бирида андақ савдо ва сотиқ қилди ва чиқиб бир дўкончада ўлтуруб асҳоб ва фарзанларидин ҳар ким ки анинг эдилар тилади.
Насойимул-муҳаббат, 129.

ДЎЛАШ- [دولاش] – ўралашмоқ, илашмоқ:
Навоий туркларнинг тарки тутса айб қилманг ким
Анга бир туркмани маҳваш ғами маҳкам дўлашибтур. *Бадойиул-васат*, 116-Т.

ДЎЛОБ [دولاب] – чарх, чиғирик:
... ва Искандарнинг муҳит марказига еткани ва чарх дўлоби ани айландуруб Искандарийя азм эткани. *Садди Искандарий*, 456-Т;
Кимга ким дўлоби чархидек солур саргашталиқ,
Бўғзин ип бирла бўғар қилған сайи фарёду жиғ. *Хазойинул-маоний*, 16-313.

ДЎНАН [دونان] – тўрт яшар от:
Бир қулунни курра дерлар.
Ўзга той ва ғўнан ва дўнан ва тулан ва чирғав ланға дегунча фасиҳрақлари туркча дерлар ва кўпраги муни ҳам билмаслар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

ДЎПТУЛ- [دوپتول] – топталмоқ, аёқ ости бўлмоқ, эзмоқ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

ДЎРТ [دورت] – тўрт (4):
Даҳр золин дўрт (бошқа қўлёзмаларда: **тўрт**) мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бари мундақ кадхудолиғдик мени. *Ғаройибус-сиғар*, 480-Т;
Демай етти обо ву дўрт уммуҳот,
Ки хилқат тўни кейди чун қойинот. *Ғаройибус-сиғар*, 514-Т.

ДЎСТ [دوست] – 1. яқин ўртоқ, қалин ошна, ёр, дўст (душманнинг зидди):
Қилди душман раҳм бас ким қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул душман тап эмди тутмағил зинҳор дўст. *Наводируш-шабоб*, 87-Т;
Дўстлар дўстлар вафосин асрағайлар. *Насойимул-муҳаббат*, 105;
Мевага мағз ўлса бўлур пўст ҳам,
Кимсаға ҳам душман ўлур дўст ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-236;

2. маҳбуба, маъшуқа, меҳрибон ёр:
Дўст уйида чу бўлуб меҳмон,
Ҳар не керак ҳозир этиб мезбон. *Ҳайратул-аброр*, 7-117;

3. худо:
Ким анга жуз дўст зуҳур этмагай,
Балки анинг ғайри хутур этмагай. *Ҳайратул-аброр*, 7-116;

~ **тут-** – яқин тутмоқ, дўстлашмоқ:
... ато душманин ўзунгга дўст тутма. *Маҳбубул-қулуб*, 159.

ДЎСТВАШ [دوست وش] – дўстваш, дўст каби:

Мен ўлар ҳолатда душманлар кўрунуб дўстваш,
Невчун ўлмай ким келур бошимға душманвор дўст. *Наводируш-шабоб*, 87-Т.

ДЎСТГОНИЙ [دوستگانی] – дўстлик қадаҳи:

Соқиё дўстлуғи кўргузгил,
Дўстгоний қадаҳи еткузгил. *Фавойидул-кибар*, 692-Т;
Кетур соқий анга бир дўстгоний,
Ки тутқай дўстларға дўст ани. *Фарҳод ва Ширин*, 512-Т;
Бу янглиғ ки жоми маоний тутуб,
Малак хайлиға дўстгоний тутуб. *Садди Искандарий*, 83-Т.

ДЎСТДОР [دوستدار] – дўстдор, биродар; ошиқ, муҳиб; меҳрибон:

Не даврида хайли дўстдори,
Не оллида сарви гулъизори. *Лайли ва Мажнун*, 126-Т;
Мен айттим: ё Расулаллоҳ мен агарчи бу тойфадин эмасмен,
Аммо санга зоҳирдур ки буларнинг дўстдоримен. *Насойимул-муҳаббат*, 103-Т.

ДЎСТДОРЛИҚ [دوستدارلیق] – дўстсеварлик, меҳр-муҳаббат:

Ҳар кимда хотун йўқ – ғамгусорлиқ йўқ, ҳар кимда фарзанд йўқ дўстдорлик йўқ. *Тарихи мулуки ажам*, 16-244.

ДЎСТДУШМАНЛИҒ [دوست دشمن لیغ] – дўстдушманлик:

Недур ажзим аллинда тавсанлиғинг.
Анга ким эрур дўстдушманлиғинг. *Садди Искандарий*, 387-Т.

ДЎСТКОМ [دوست کام] – хушбахт, комёб, саодатманд:

Муддатаелар ичра ким қатлимға душмонвор дўст,
Тиғ сарди дўстком этти мени душман аро. *Наводируш-шабоб*, 38-Т.

ДЎСТЛАШ- [دوست لاش] – дўстлашмоқ, дўст бўлмоқ:

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқан хирад атиясидин. *Арбаин*, 16-267.

ДЎСТЛУҒ/ДЎСТЛУҚ [دوست لوغ / دوست لوق] – 1. дўстлик, иноқлик:

Дўст душмандин манга кўпрак чу еткурди жафо,
Не ажаб гар эмди душман дўстлуғ бўлғай фаним. *Ғаройибус-сиғар*, 328-Т;
Ул дебдур ки мен Ҳақни дўстлук ва севуклук юзидин парастиш қилурмен.
Насойимул-муҳаббат, 24-Т;

Бир бирин дўстлар агар гаҳ гаҳ,
Кўрсалар дўстлуқ ўлур ғолиб. *Арбаин*, 16-267;
Мундин ўтмас дўстлуқ гардуни душман шевадин,
Ким ўзин душманларим қасдиға душман айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т;
Жавоб берди ким мен санга дўст эрдим бу дўстлуқ айбингни манга ёпти, дўстлуғунг жиҳатидин яхши қиласан ё ёмон. *Насойимул-муҳаббат*, 27-Т;
Соқиё қил дўстлуғ тут бода ким йўқтур ғами,
Бўлса олам душмани ҳар кимга сендек бор дўст. *Наводируш-шабоб*, 87-Т;
Агар дўстсен дўстлуқ бу эмас,
Киши дўстлук мундақ ишни демас. *Садди Искандарий*, 318-Т;

2. севги, муҳаббат:

Ҳазл бирла дўстлуқ изҳори айлаб ох ким
Жумлаи олам элин жонимға душман айладинг. *Бадойиул-васат*, 268-Т;

3. дўсти бор:

Оламда ҳаргиз дўстлук киши душмансиз бўлмайдур. *Муншаот*, 14-154.

ДЎСТОНА [دوستانه] – дўстлардек, дўстларча, дўстона:

Агар хасм бу сўзга индурса бош,
Узатқай қилиб дўстона маош. *Садди Искандарий*, 317-Т.

ДЎШ I [دوش] – кифт; елка; ~ **бардўш** – ёнма-ён, елкама-елка:

Кўйубан рўбарў дўш бардўш,
Бўлуб ўз бедили бирла ҳамоғўш. *Фарҳод ва Ширин*, 482-Т;
Базмида бу навъ дўш бардўш,
Шоҳлар бари ёндашиб қадаҳнўш. *Лайли ва Мажнун*, 77-Т.

ДЎШ II [دوش] – ёнбағир, тоғ ёнбағри; байир, тепалик, баландлик:

Муҳокаматул-лугатайн, 176-Т.

ДЎШИЗА [دوشیزه] – бокира қиз:

Йўқ ки сурук гулрухи дўшизадур,
Бошларида меъжари покизадур. *Ҳайратул-аброр*, 7-282;

~ **дин ниқоб ол-** – ғойибдин хабар топмоқ:

Саҳар вақти бир рой топти савоб,
Олиб ғайб дўшизасидин ниқоб. *Садди Искандарий*, 327-Т.

Е

Е- [ى] – 1. емоқ, танавул қилмоқ:

Сиҳҳат тиласанг кўп ема иззат тиласанг кўп дема.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-540; (14-121);

Бу ким мулкумга йўқ эрди валиаҳд,
Оғу таъми берур эрди есам шаҳд. *Фарҳод ва Ширин*, 176-Т;

2. қўшма феъл ясашда иштирок этади:

Агар юз йил бу ишка есам армон,
Чу бу дардимға дармон йўқ не дармон. *Фарҳод ва Ширин*, 345-Т.

ЕВУТКАР [يوتكر] – безовта бўлмоқ:

Фироқинг бимидин бир ерда йўқ ғам шоми оромим,
Кеча ер кўп евуткар ким ки бор қасдида бир душман. *Фавойидул-кибар*, 488-Т.

ЕГУЛУК [ييگولوک] – ейишга лойиқ нарса; озиқ-овқат, таом:

Икки дарвиш бир бирига етиб муҳаббат юзидин кўруштилар ва мувофақат била ўлтуруб улча егулуклари бар эрди едилар тавозуъ била бир биридин айрилиштилар. *Насойимул-муҳаббат*, 17-Т;

Яна ғизо ва ҳар таом ки еса бўлур егулук дерлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 175-Т;

Тушка тегру таом-у суҳбат эди,
Егулукларда зеб-у зийнат эди. *Сабъаи сайёр*, 10-158.

ЕДУР- [ييدور] – 1 едирмоқ:

Не қилмиш бу меҳмон ки ўлтургасен,
Анга ёлбариб заҳр едургасен. *Садди Искандарий*, 367-Т;

Сенинг рўзинг сангадур анинг қисмати анга тиламасангиз ҳам еткурур емасангиз ҳам едурур. *Маҳбубул-қулуб*, 71.

ЕДУРМАК [ييدورمک] – тўйғазиш, едириш; таъсир кўрсатиш:

Анга сен едурмак учун сўз била,
Тикиб кўз ки ани еван кўз била. *Садди Искандарий*, 367-Т;

Ҳунарларни топмақ едурмакдур ва айларини ёпмақ кийдурмакдур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-507; (14(20)-80).

ЕЙИЛ- [ييل] – ейилмак:

Деди ки бу сўз дейилмиш эрди,
Мажнунға бу ғам ейилмиш эрди. *Лайли ва Мажнун*, 278-Т.

ЕЛ [ييل] – 1. шамол; шабада:

Қўймас эди теграсидаги эл,
Ким эскай анинг сари совуқ ел. *Лайли ва Мажнун*, 94-Т;

Ўт иши қовурмақ, ел иши совурмақ. *Маҳбубул-қулуб*, 157;

Айлади ошуфта савдои димоғим рангларин,
Тонг елидин анда ким бутрашти ул ошуфта соч. *Хазойинул-маоний*, 100;

Тонгғача бу эди анга аҳвол,
Тонг ели қилди жисмини беҳол. *Сабъаи сайёр*, 10-128;

2. учқур от:
Чу чиқти елга гулбарги таридек,
Фалак рахшиға меҳри ховаридек. *Фарҳод ва Ширин*, 122;
~ **суубати** – шамол ташвиши, кийинчилиги:
Топқуча ел суубати ором,
Кемага анча бўлмиш эрди хиром. *Сабъаи сайёр*, 10-280;
~ **тегирмани** – шамол, ел тегирмони:
Жон мазраида бўлса не тонг дард хирмони,
Оҳимдин ўлди чунки фалак ел тегирмони. *Бадойиул-васат*, 11-Т;
~ **га бор-** – учмоқ, учиб кетмоқ:
Анингдек оҳ туфонин чиқарди,
Қи маҳвашнинг ниқоби елга борди. *Фарҳод ва Ширин*, 298-Т;
~ **бер-** – ҳалок қилмоқ, йўқотмоқ, совурмоқ:
Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,
Елга берур оҳ-у надомат ани. *Ҳайратул-аброр*, 7-323;
Сўз бор ким эшитувчи таниға жон киюрур ва сўз бор ким
айтғучи бошин елга берур. *Маҳбубул-қулуб*, 162;
Амал мазраин эккали берма ер,
Ҳаво ву ҳавас хирманин елга бер. *Хазойинул-маоний*, IIIб-707.

ЕЛ- [ییل] – елмоқ, югурмоқ, чопмоқ, тез юрмоқ:
Фироқ даштида иткан кўнгул елиб чика олмас,
Анинг бу води аро ғул раҳнамуниму эркин? *Хазойинул-маоний*, IV-480.

ЕЛАК [ییلاک] – енгсиз енгил устки кийим:
Ёқа чокидин ҳажр ташрифини
Кўрунг ким елак бўлди кўнглак манга. *Фавойидул-кибар*, 117-Т;
... ва елак ва йағлиғ, терлик, кур йўсунлуқ нималарни барисин турк тили била айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;
Кўнглак ўрниға елак кийдинг ҳамоно эй куёш,
Ким яди байзоға мониъ бўлмағай *ҳар* сари енг. *Бадойиул-васат*, 262-Т;
То елак савсани айлаб сен-у гулгун терлик,
Ўзидин савсан-у гул тер ила ёптурлар илик. *Фавойидул-кибар*, 322-Т;
Бинафила яфрағидин му либос этибтур гул,
Йўқ эрса гул киби жисмингдадур бинафш елак. *Фавойидул-кибар*, 323-Т.

ЕЛЛАН- [ییللان] – ҳаволанмоқ; мағрурланмоқ:
Не елланмакдур эй шаҳ мўр хайлидек черикидин ким
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар. *Ғаройибус-сиғар*, 1-138.

ЕЛМАК [ییلماک] – елмак, ел эсиш:
...чун қазо ҳодийси инонкаш бўлғусидур, барқвор секирмакдин ўзга абркирдор елмакдин ўзга чора бўлмағусидурур. *Муншаот*, 14-148.

ЕЛПИ- [ییلپی] – елпимоқ:
Сарвинозим гул чоғи гулшанға кирди эй насим,
Ҳам ани елпи ву ҳам гул яфрағин бошиға соч. *Хазойинул-маоний*, IIб-100.

ЕЛПИГУЧ [ییلپیگوچ] – елпиғич:
Ҳақгўй кушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғачнинг бемалол янғшамағи малолат келтурур ва мусҳаф авроқин хирад пири тиловат қилурда лаим тифлнинг елпигуч била варақни совурмағи кудурат еткурур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-510; (14-84);
Ул ки еткурди қулағиға овуч,
Деди тахрик ичра икки елпигуч. *Лисонут-тайр*, 209-Т.

ЕЛСИЗ [يلسيز] – шамолсиз:

Деди шаҳ ки ўн кунга бўлса даранг,
Ўт-у елсиз эл келгусидур бетанг. *Садди Искандарий*, 265-Т.

ЕМА/ЙИМА [يمه] – *яна*:

Ема бози ки луъбатбоз эрур гардун фирибингга,
Бу луъбатлар ки эл кўнглин олур анинг қавурчаги. *Фавойидул-кибар*, 569-Т.

ЕМАК [يماک] – овқат, таом; нон:

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-529; 14-108);
Хони васлингдин агар бўлмас муяссар бир емак,
Ҳам ғаниматдур талашмак итларинг бирла сўнгак. *Бадойиул-васат*, 254-Т;
Очқа емак берса яланғачқа тўн,
Юз тилаганларга минг-у бирга ўн. *Ҳайратул-аброр*, 7-169;

~ **-ичмак** – ейиш-ичиш, овқат ва сув:

Яна бири рўзадур ким сойир халойиқ фажр тулуъидин кунаш ғурубиғача емак-ичмакдин ва мубошаратдин имсоқ қилурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 6-Т;
Қазодин не *келса* ўзларин ризоға ёсабтурлар ва олам аҳлининг қатиғ ранж ва ирик маломатиға чидабдурлар емак-ичмакдин кечибдурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 63.

ЕМАКЛИК [يماک ليک] – ейишлик, овқат, таом, емаклик:

Емаклик эрур мушкил мақсадқа недин ким бор,
Кўз хийра ву тун тийра от оқсоқ-у йўл буртоқ. *Бадойиул-васат*, 247-Т;
Шаҳи даштпаймо басе оч эди,
Бағоят емакликка муҳтож эди. *Садди Искандарий*, 368-Т.

ЕМАМАК [يماماک] – емаслик:

Чун ул мақомда ўзин кўрди, ғурури анда пайдо бўлди ва ўзига деди ки нима емамак Ҳақ таоло сифатидур ва бу манга ҳоло хосилдур.
Насойимул-муҳаббат, 286-Т.

ЕМУР- [يمور] – емирмоқ, қулатмоқ, ағдармоқ, йиқитмоқ:

Ҳажрдин туфраг бўлдим гўйиё ашким суйи
Бошима чархи кўҳан тоқин емурди бу кеча. *Хазойинул-маоний*, IVa-307.

ЕМРУЛ- [يمرول] – қуламоқ, емирилиб тушмоқ:

Ўткарибмен умрни вайронада,
Бошима емрулгудек кошонада. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
...ва уй аннинг устига емрулмагай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-107;
Ҳажр аро байтул-ҳазанда қилмангиз ашкимни манъ,
Емрулуб вайрона кулбам қолғамен кош остида. *Хазоинул-маоний*, IIIa-303.

ЕНГ [ينگ] – енг, кийим енги:

Қизил кўнглак енгин оразға ёпсанг важҳи йўқ вақиъ,
Қуёш оллида кўрмайдур киши гулгун булут мониъ. *Фавойидул-кибар*, 289-Т;
Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв
Ки икки ёнидин айрилмиш ики ахзар шох. *Хазойинул-маоний*, Ia-131;
Шайх бир енг бирла бир унгурин олиб чорлади ки эй Бу Али Тусий қайдасен, кел. *Насойимул-муҳаббат*, XV-121;
Яшил енгинг ки сариғ дакладин кўрунди не тонг,
Хазон дарахти бўлур ҳам берар то аҳзар шох. *Бадойиул-васат*, 91-Т;
Юзунгни олмасам эрди энгимдин,
Аритсам эрди ашкингни енгимдин. *Фарҳод ва Ширин*, 416-Т.

ЕНГ- [ینگ] – енгмоқ, ғолиб бўлмоқ; йўқ қилмоқ, даф қилмоқ:
Ақл васвоси хароб этмиш мени ҳужжат била,
Соқиё, бир айш жоми тут манга-у ани енг. *Хазойинул-маоний*, IIIб-366;
Бедилни енгиб эди бу қайғу,
Ким бахт кўзига солди уйқу. *Лайли ва Мажнун*, 217-Т;
Енгиб ул ҳол аро ҳайронлиғ ани,
Қилиб саргашта саргардонлиг ани. *Фарҳод ва Ширин*, 172-Т.

ЕНГИЛ [ینگیل] – енгил, чаққон, юксиз:
Навоийё нега афлок муртафиъ бўлмиш,
Агар ғамимдин эмас вазн каффасида енгил. *Фавойидул-кибар*, 367-Т;
Факр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин,
Ким қилур йўл қатъин осонрақ неча бўлған енгил. *Хазойинул-маоний*, 116-378;
~ **айла-** – кутказмоқ:
Узлугунгдек оғир йукунг йўқ бил,
Ул оғир юкдин ўзни айла енгил. *Сабъаи сайёр*, 10-387.

ЕНГИЛ- [ینگیل] – енгилмоқ, ют казмоқ, мағлубиятга учрамоқ:
Оз деган оз енгилур, оз еган оз йиқулур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-542; (14-124).

ЕНГИЛЛИК [ینگل لیک] – енгилтаклик, ўйламасдан иш кўришлик, ўйламасдан гапиришлик:
Оғирлик вазнидиндур селдин ғамсиз Ҳирий тоғи,
Енгиллик фартидин барбод эрур қамғақ яфроғи.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-510; (14-84;
Воизо айлаб енгиллик неча ким кавсар майин,
Мақтасанг, хошо ки мен ратли гарондин кечкамен. *Бадойиул-васат*, 348-Т.

ЕНГСИЗ [ینگ سیز] – енгсиз:
Танға тош-у қўлға тиш захмати ки солди телбалик,
Фош қилди элга кўнглаксиз бадан енгсиз илик. *Наводируш-шабоб*, 330-Т.

ЕР [یر] – 1. ер, замин, тупроғ:
Эмас ҳар ён оқар сулар била ер,
Ки ер ҳар ён исиғдин оқизур тер. *Фарҳод ва Ширин*, 256-Т;
Қайси давлат қуёшин чекти камол авжи уза,
Ким яна ер тубида маскан анга айламади? *Хазойинул-маоний*, 11а-404;
Фалакдин ерга сочтим анча анжум,
Ки офоқ ўлди ул анжум аро гум. *Фарҳод ва Ширин*, 503-Т;
2. ўрин, жой, макон:
Яна айлади азми Шом-у Ҳалаб,
Насиб ўлди ул ерга ком-у тараб. *Садди Искандарий*, 150-Т;
...бир ер топсанг бизни ёшур ки бу жамоат бизни қатлимизға келадурлар.
Насойимул-муҳаббат, XV-72;
3. даража, мартаба:
Ҳам ул ерга еттинг ки ком айладинг,
Ҳусулида йиллар хиром айладинг. *Садди Искандарий*, 469-Т;
Алламал асмоға чун айлаб мушарраф ер бериб,
Тахт-у жоҳ-у ишрат узра равзаи ризвон аро. *Хазойинул-маоний*, IVб-9;
4. ўрин, бадал:
Бағриму кўнглум аро мундақ ки солди лаълинг ўт,
Дам ерига ғайри ўт келмак не имкон оғзима. *Наводируш-шабоб*, 11;
5. ер юзи, олам, дунё:
Ҳазрати Хожаи Азизон дер эрмушлар ки ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур ва биз дербиз ки тирнағ юзичадур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-133;

Хуршид ҳароратидин анжум,
Ер сояси остида бўлуб гум. *Муншаот*, 14-136;

6. мамлакат; диёр, ватан:
Бу гулшандин ки булбул зоғ ила тенгдур фироқ авло,
Нетай ул ерда ким йўқтур арабға фарқ ҳиндудин? *Хазойинул-маоний*, 116-505;

~ **мухраси** – ер шари:
Ер тубига хандақи андақ кириб,
Ким ани ер муҳрасидин айириб. *Ҳайратул-аброр*, 7-181;

~ **мижмари** – ер ўтхонаси:
Ўт киби ер мижмари остида меҳр,
Ёпиб этак мижмари узра сипеҳр. *Ҳайратуя-аброр*, 7-44;

~ **туби** – кўринмас жой:
Меҳр чун шарқ чоҳидин чиқти,
Ер туби хобгоҳидин чиқти. *Сабъаи сайёр*, 136-2;

~ **-у кўк** – ҳамма жой, бутун олам:
Афлок шаҳи тоби-у хайл ўлди анга,
Балки ер-у кўк хайли туфайл ўлди анга. *Хазойинул-маоний*, 16-741;
Шайхул-ислом дебтур ки ер-у кўк аҳлида ҳар кимдин раста бўлгайсен суд қилғайсен. *Насойимул-муҳаббат*,XV-103;

~ **била тенг қил-** – хўрламоқ, камситмоқ; мағлуб қилмоқ:
Ўйла усрук чиқти жавлон айлаб ул эй ким қилур,
Ер била тенг кўк уза секритса ногаҳ ашҳабин. *Хазойинул-маоний*, IVб-459;

~ **бирла ҳамвор айла-** – хўрламоқ, камситмоқ; янчиб ташламоқ; мағлуб қилмоқ:
Баски ноҳамвор бедод ул жафокор айлади,
Мен жафокаш пайкарин ер бирла ҳамвор айлади. *Хазойинул-маоний*, IVб-650;

~ **билан яксон айла-** – хўрламоқ, камситмоқ; эзиб ташламоқ; йўқ қилмоқ:
Толиъимнинг кувватин кўр ким балият тошлари,
Кимга кўктин инса айлар ер билан яксон мени. *Хазойинул-маоний*, 111-575;

~ **га кўз тик -** – хижолат тортмоқ:
Қўпубан чун кўруштилар маҳжуб,
Турубан ерга тикти кўз ҳар хуб. *Сабъаи сайёр*, 199-26;

~ **ўп-** – узр сўрамоқ; саломлашмоқ:
Барча ер ўптилар ки бизга не ҳад,
Айламак ё қабул ёхуд рад. *Сабъаи сайёр*, 10-138;
Маҳваш ишидин чу парда қўпти,
Иккисининг оллида ер ўпти. *Лайли ва Мажнун*, 122-Т;

~ **га кир-** – ботмоқ (кун):
Кундуз уялиб бу ҳолатидин,
Ким ерга кириб ҳижолатидин. *Лайли ва Мажнун*, 65-Т;

~ **га юз қўй-** – сажда қилмоқ, таъзим қилмоқ:
Қулоқ тутти ву ерга қўйди юзин,
Алардек қул қилди шаҳнинг ўзин. *Садди Искандарий*, 415-Т;

~ **узор бўл-** – гулламоқ, яшнамоқ:
Бўлуб олам ул сабзадин маргзор,
Яшил хат бўлуб ер юзига изор. *Садди Искандарий*, 187-Т;

~ **га кир-** – хўрланмоқ:
Чун бу навъ ани ўзидин айириб,
Титраб ул сарғариб-у ерга кириб. *Сабъаи сайёр*, 10-68;

~ **топ-** – вужудга келмоқ:
Фано ул навъ этиб нафйи вужуди,
Ки ер топиб набуд ўрнида буди. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-61;
~ **тут-** – жойламоқ, ўрнашмоқ:
Хадангинг то ки қонлиғ кўз кароси ичра ер тутти,
Эрур мили ки чиқмиш лоланинг доғи аросидин. *Наводируш-шабоб*, 457-Т;
Ҳумой кўнглига анинг меҳри ер тутуб анга иноят ваъдалари битиб йибарди.
Тарихи мулуки ажам, 512;
Келиб ер тутти Бону хизматида,
Малак ул навъ ким гардун катида. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;
бир ерга ет- – юқори даражага етмоқ:
Ва қаҳат шиддати бир ерга етти ким халойиқ бор-у йўқин балки ўз нарсаларин егуликка соттилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-126;
~ **сол-** – жой ҳозирламоқ:
Яна бир уйда ер солиб ниҳоний,
Йиғиштурдилар ул кўҳи балони. *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т.

ЕР ИЧАР [ییر ایچار] – емак – ичмак, озиқ-овқат:
Ер ичари барча харом-у хариш,
Бу емак ичмакдин анга парвариш. *Ҳайратул-аброр*, 7-160.

ЕРЛИК [ییر لیک] – ерлик, жой, ўринга эга бўлган:
Чун бўлуб ҳукм ўлтуруб бари,
Ерлик ўз ерига икки сари. *Сабъаи сайёр*, 10-63;
Чу ерлик ўз ерида тутти ором,
Аёғчилар паёпай туттилар жом. *Фарҳод ва Ширин*, 330-Т.

ЕРЧА [ییرچه] – ердек, ерча:
Урарда белни киргач фиғонға,
Отиб бир ерча балчиғ осмонға. *Фарҳод ва Ширин*, 150-Т.

ЕТ- [ییت] – 1. етмоқ, бирор жойга бориб етмоқ:
Еткач ёши тўрт-у беш араси,
Таълим сўзин солиб атоси. *Лайли ва Мажнун*, 96-Т;
...куш ки ердин юқори учқай агарчи осмонға етмагай, аммо домдин йирақ бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-148;
Чу оз фурсат бу янглиғ кўшиш этти,
Ариғнинг боши қаср ўрниға етти. *Фарҳод ва Ширин* 309-Т;
2. бормоқ, учрамоқ, йўлиқмоқ:
Ва деди: Эй фарзанд сен ул Боязидға ет! *Маҳбубул-қулуб*, 153;
Ҳар ком санга етса тааммулдин бил,
Нокомлиқ урса юз тағофулдин бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-167;
3. эришмоқ; юиоло ёшга етмоқ, кирмоқ:
Етса максуд муддао бирла,
Мени ёд эткасен дуо бирла. *Арбаин*, 16-270;
Ву баҳона бирла рухсорига еткайманму деб,
Риштаи жоним аро тортилди жоним гавҳари. *Хазойинул-маоний*, IIа-333;
Ва ёши тўққуз юз ўн икки йилға етти. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-102;
4. ўтмоқ:
Сулаймон алайҳис-саломнинг аноси улдур ким нубувват ва салтанат Довуд алайҳис-саломдин сўнгра анга етти. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-159;
5. етарли бўлмоқ:
Ҳамоно ки бир кун Хожа табхе буюрғандурлар ки матбахий ўтун етмайдур деб келгандур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-154;

6. англамоқ, тушунмоқ:
Ишим ўлмушдур эҳтиёт этмак,
Нуктанинг тор-у пудига етмак. *Сабъаи сайёр*, 10-56;
7. зиён, алам етказмоқ:
Яхши ёманга сўкунч еткуриб ақрабдек ҳар неча ки етса ниш уруб...
Маҳбубул-қулуб, 48;
8. ҳосил бўлмоқ:
Рафъ ўлубан меҳнат-у фарсудалиғ,
Етса эди ком ила осудалиғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-335;
9. етмоқ, кифоя қилмоқ:
Не ғам соқий агар ҳуд жоми Жам йўқ,
Етар майхонанинг синған сафоли. *Хазойинул-маоний*, *1а-371*;
Ўтти кўп айём-у Навоийға ишинг фитна эди
Мунча-ўқ ўлғай ситам эй фитнаи айём етар. *Хазойинул-маоний*, IIб-181;
10. келмоқ, етиб келмоқ; ёрдамга етиб келмоқ:
Деб эдинг еткум Навоийға қотиғрақ тушса иш,
Ушбу дам ким ҳажр қасд айлаб турур қонимға ет. *Хазойинул-маоний*, IIа-50;
Ул наззорадин бехабар эл етиб ўтин ўчиргунча андин не
хабар қолди ву не асар. *Маҳбубул-қулуб*, 88.

~ **а кўр-** – ета олмоқ:
Яна бир коф ва «р» ҳарфи ки баъзи лафзнинг охириға илҳоқ қилурлар. Андин муболаға ва саъй ирода қилурлар андақ ки била кўр ва қила кўр ва кета кўр ва ета кўр. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

ЕТАРЕТМАС [يِيتَار يِيتماس] – етишлик-етмаслик, муяссар бўлишлик, яшашлик-яшамаслик.
Ким бу бийик поя ки қилдим баён,
Кимга етаретмаси эрмас баён. *Ҳайратул-аброр*, 7-107;
Эй Навоий дам бу дамдур тут ғанимат бода ич,
Ўзга бир дамга етаретмаска воқиф эманг. *Бадойиул-васат*, 260-Т.

ЕТИК [يِيتيك] – етик, авж, чўққи:
Қадди қўпқач сарв агар тушса аёғин ўпкали,
Йўқ ажаб ким паст ўлур соя қуёш бўлғач етик. *Бадойиул-васат*, 254-Т.

ЕТИЛ- [يِيتِيل] – етишмоқ, эришмоқ, камолотга етмоқ, вояга етмоқ:
Чун бу мақсудқа етилди, ани саккиз қисм этилди. *Мажолисун-нафоис*, 5-Т;
Эй Навоий етилиб қоши анинг шукр де ким,
Ҳусни қасриға аён бўлди яна то ки намой. *Хазойинул-маоний*, IIIб-583.

ЕТИМ [يِيتيم] – етим, ота-онасиз, авбош:
Етим этса ичиб кўй ичра бедод,
Бу ғамдин тифли мактаб бўлмас озод. *Фарҳод ва Ширин*, 175-Т.

ЕТИШ- [يِيتِيش] – 1. муяссар бўлмоқ, қўлга киритмоқ:
Неча йил ул мулкда қолди ва машойих ва азизлар суҳбатиға етишти.
Насойимул-муҳаббат, 1-Т;
... ва машойихнинг вилоятосор ҳолоти зиридин ва фойизул-анвор мақолоти фикридин қабул толибларға нафълар ва шавқ-у иродат аҳлиға файзлар етишти (Стамбул ун-т нусхасида етушти). *Насойимул-муҳабат*, 1-Т;
2. битмоқ, охир этмоқ:
Чун қилди табиати мурувват,
Заъф ўлди чум-у етишти қувват. *Лайли ва Мажнун*, 106-Т;

3. келмоқ; етмоқ, етишмоқ:
Ёниб юз қўйуб рахш-у йўлдашиға,
Танилмай етишкач алар қашиға. *Садди Искандарий*, 68-Т;
Ҳам ул хорокани пўлодбозу
Арикка мен етишмай қўймасун су. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;
Сипах оз чоғда мулк-у кишваридин,
Етишти дафъа дафъа ҳар саридин. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т;
...шайх аёғ устида туруб ул ошни ичадур эрди ким бир дарвеш етишти ва оқ покиза хирқа кийиб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-101;
4. тегмоқ, безор бўлмоқ:
Жониға етишти завқ-у ҳолат,
Рафъ ўлди бари ғам-у малолат. *Лайли ва Мажнун*, 89-Т.

ЕТИШИЛ- [ييتيشيل] – етишилмоқ:
Бу навъ ким ўзлуги била барча ишининг нақир ва қитмириға етишиладур. *Муншаот*, 14-186.

ЕТИШМАК [ييتيشماک] – етишиш, эришиш:
Висол авжи бийик эй кўнгул куши сен паст,
Етишмак анда не мумкин агар ҳаво қилсанг. *Бадойиул-васат*, 273-Т;
Сен чу урсанг фано йўлида алам,
Йўққа мумкин эмас етишмак алам. Сабъаи сайёр, 10-382;
Ки бу баҳр ичра ким поён анга йўқ,
Етишмак қаъриға имкон анга йўқ. *Фарҳод ва Ширин*, 112-Т.

ЕТКАЗ- [ييتكاز] – кўрсатмоқ:
Анинг сари хидмат етказиб фош,
Ким бўлғай анинг ишига подош. *Лайли ва Мажнун*, 276-Т.

ЕТКУЗ- [ييتكوز] – етказмоқ:
Соқиё дўстлуғи кўргузгил,
Дўстқони қадаҳи еткузгил. *Фавойидул-кибар*, 692-Т.

ЕТКУР- [ييتكور] – 1. етказмоқ, келтирмоқ:
Солиб маллоҳ еткурдилар ани,
Кема ёниға келтурдилар ани. *Фарҳод ва Ширин*, 269-Т;
Жонни жононға Навоий топшур,
Ёрни еткура кўр ёр сари. *Фавойидул-кибар*, 607-Т;
Гар бўлса мутиъ чарх даврони манга,
Еткурса мени ул ойға ё ани манга. *Муншаот*, 14-177;
2. кўрсатмоқ, чолмоқ:
Юз меҳнат-у ғам кўнглума еткурди фирок,
Жонимга бало ву дард ўқин урди фирок. *Хазойинул-маоний*, 16-758;
3. эриштирмоқ, қовуштирмоқ:
Кўнглум истар ором ул ойни берай юз мужда ким
Еткурур янглиғдурур гардун мени дилхоҳима. *Хазойинул-маоний*, 116-575;
4. айтмоқ, хабар бермоқ:
Қўйғил ки ул чин хабарни душман еткурсун ва таҳаммул қил ки ул айб можаросин адувси сурсун. *Маҳбубул-қулуб*, XIII-65;
Ул ки сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўткан гуноҳини ўз бўйниға индургай. *Маҳбубул-қулуб*, 127.

ЕТКУРМАК [ييتكور ماک] – етказиш; таъзим қилиш:
Ўзни ул ҳолатдин ўлтурмак не суд,
Оҳ-у воҳим кўкка еткурмак не суд. *Лисонут-тайр*, 60-Т;

Ижозат агар бўлса келтурмаки,
Юзин ситонингга еткурмаки. *Садди Искандарий*, 297-Т.

ЕТКУРМАМАК [يېتكور ماماک] – еткизмаслик:
Жаҳон хоки эрур бир кесак вале нопок
Этак еткурмамак авло мулаввас ўлса кулух. *Наводируш-шабоб*, 2-93.

ЕТКУРУЛ- [يېتكورول] – етказилмоқ:
Аммо баъд ажиллаи асҳоб оллида андақ маъруз бўлур ва аиззаи аҳбоб хизматида андақ арзға еткурулур... *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-549; (14-133).

ЕТМАК [يېتماک] – етиш, етмак:
Ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илиги тегмакдин маъмун. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;
Мақсудға етмагинг таваккулдин бил,
Хасмингға зафар хилл-у таҳаммулдин бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-167; (10(10)-72).

ЕТМАКЛИК [يېتماكلىک] – етмаклик, етишлик; эришишлик:
Ранг-у накш-у лавндин чиқмай киши,
Мумкин эрмас мунда етмаклик иши. *Лисонут-тайр*, 232-Т;
Етмаклик эрур мушкил мақсадча недин ким бор,
Кўз хира ва тун тийра от оқсақу йўл бурток. *Бадойиул-васат*, 247-Т.

ЕТМАС [يېتماس] – етмаслик, етуб бормаслик:
Етмаги ҳам кимсага мутлак эмас,
Етмаси ҳам жазму муҳаққақ эмас. *Ҳайратул-аброр*, 7-111.

ЕТМИШ [يېتمېش] – етмиш (70):
Ва салтанатининг муддати етмиш йил эрди ва баъзи етмиш икки дебдурлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232;
Зотиға фахр этиб етмиш икки фариқ,
Оразинг шамъидин ёниб икки саро. *Хазойинул-маоний*, IIIб-138.

ЕТТАВ [يېتّاو] – еттов, етти нафар:
Хилофи шаръ агар етти кўкка чиққунгдур,
Яқин ки етти тамуғдин батардур ул еттав. *Фавойидул-кибар*, 490-Т.

ЕТТИ/ЕТИ [يېتى/يتى] – етти:
Ҳафтаедур кўрмамишмен ул бути чолокни,
Не ажаб гар ўртаса оҳим ети афлокни. *Хазойинул-маоний*, IVa-359;
Қўйубтур таворихда фасонасин,
Ети давр деган дурри якдонасин. *Садди Искандарий*, 93-Т;
Кўзи тушкач ойға чекти бир оҳ,
Ки дудидин қараради етти хиргоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 330-Т;
~ **гунбад** – етти фалак, кўк:
Чектинг этканда даҳр бунёди,
Етти гунбад сипехри минодин. *Сабъаи сайёр*, 10-7;
~ **иқлим** – ер юзи, етти иқлим:
Ҳам ети кўк хукми муяссар анга,
Ҳам етти иқлим мусаххар анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-155;
~ **кавкаб** – Катта айиқ юлдузи, Етти юлдуз:
Демак Етти кавкаб эрур нурлук
Ваё чархи аъзам бағоят улуқ. *Садди Искандарий*, 312a17;
~ **кишвар** – ер юзи, бутун олам:
Билгай ани ким ети кишвар шаҳи,
Ети фалак мушкилининг огоҳи. *Ҳайратул-аброр*, 7-151;

~ **кох** – етти осмон; коинот:
Етти кох ичра етти фарзона,
Дегали ҳикматингдин афсона. *Сабъаи сайёр*, 10-7;
~ **кохи рафиъ** – етти қат осмон:
Сунъунг этти бу етти кохи рафиъ,
Нажм гавҳарлари била тарсиъ. *Сабъаи сайёр*, 10-7;
~ **кўк** – етти фалак, коинот:
Сунъунг била тўрт зид мувофиқ,
Ҳукмунг била етти кўк мутобиқ. *Лайли ва Мажнун*, 29-Т;
~ **фалак** – етти фалак, етти сайёра:
Етти фалакни ки қилиб мустадир,
Ҳар бири бир шамъ ила бўлди мунир. *Ҳайратул-аброр*, 7-179;
~ **чарх** – етти чарх, етти фалак:
Қадринг етти чархдин муъалло,
Зотинг худ икки жаҳондин аъло. *Лайли ва Мажнун*, 41-Т;
~ **эшик** – етти эшик:
Дема тамуғ етти эшигин очиб,
Ким етти оғзи анинг ўтлар сочиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-106;
~ **кандил** – етти ёриткич, етти сайёра:
Не бу етти қандили воло эди,
Не тўққуз сипеҳри муалло эди. *Садди Искандарий*, 77-Т;
~ **хубоб** – етти осмон:
Чун илминг баҳриға тушуб мавж,
Бу етти хубоб уза тутуб авж. *Лайли ва Мажнун*, 63-Т.

ЕТТИНЧИ/ЕТИНЧИ [يتّينچى / يتينچى] – 1. еттинчи (тартиб сон):
Қолиб еттинчи қўрғон посбони,
Ўтуб чабуксувори осмони. *Фарҳод ва Ширин*, 91-Т;
Еттинчи бало ул эди ким азим еллар ва тира ҳаволар ва раъд-у барқ аларни ҳалок этти. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-138;
Еттинчи доира ким андин уч баҳр мустахраж бўлур ва ул араб шуароси назмининг махсусидур ва алар тавил ва мадид ва басит баҳрларидур. *Мезонул-авзон*, 57-Т;
Қолиб еттинчи қўрғон посбони,
Ўтуб чобуксувори осмоний. *Фарҳод ва Ширин*, 91-Т;
Етинчига чун абир айлаб саманд,
Саодатдин ўлуб Зуҳал баҳраманд. *Садди Искандарий*, 64-Т;
2. Зуҳал сайёрасининг қароргоҳи, осмоннинг еттинчи қавати:
Етинчига чун обир айлаб саманд,
Саодатдин ўлуб Зуҳал баҳраманд. *Садди Искандарий*, 64-Т.

ЕТУР- [يتور] – еткурмоқ, етказмоқ, келтирмоқ:
Даврон бу муродима етурди,
Не истадим оллима кетурди. *Лайли ва Мажнун*, 219-Т;
Тутай ким бийик тоғқа чиксун маланг,
Толун ойға секриб етургайму чанг. *Садди Искандарий*, 124-Т;
Кўзумга Тенгри етурсун икки тобонингни
Ҳал айлабан қаро қилмақ икки қирақ била. *Муншаот*, 14-163.

ЕТУРМАК [يتورماك] – етказиш:
Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага имон кетурмак. *Сирожул-муслимин*, 16-276;

~ **ато** – етти иқлим, етти қават осмон:
Дуо хатм этиб деди бу сўз яна,
Ки етти ато бирла тўрт ано. *Садди Искандарий,* 16-Т;

ЕТУРМАМАК [ییتورماماک] – етказмаслик:
Жаҳон хоки эрур бир кесак вале нопок,
Этак етурмамак (**еткурмамак** – Süleymaniye kıp., 3886) авло муллаввас ўлса кулух. *Наводируш-шабоб,* 107-Т.

ЕТУШ- [ییتوش] – етишмоқ: эришмоқ:
Ул ки қаноатни қилиб дастпеч,
Ҳолиға бу печ етушкайму ҳеч. *Ҳайратул-аброр,* 7-170;
Истар ки етушкай улча мақсуди анинг,
Маъдум керак ҳар не ки мавжуди анинг. *Муншаот,* 9(10)-560; (14-147).

ЕТУШМАК [ییتوشماک] – етишиш, эришиш, эътибор бериш:
Қаро улусқа забт-у сиёсат вожибдур ва чоғирнинг манъи доғи лозим ва додхоҳларни тилаб яхши сўриб арзлариға етушмак фарз, вассалом.
Мунжаот, 9(10)-624; (14-222).

ЕЧИЛ- [ییچیل] – ечилмоқ:
Икки орзу риштасидин ўзга ким гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзга ким тугуни жоним гулшанидин очилмади. *Вақфия,* 14-201.

ЕШ- [ییش] – ечмоқ; бўшатмоқ:
Бир кеча икки ўғри иттифоқ қилиб тавилани тешиб ул отни ешиб чиқариб элтибдурлар. *Насойимул-муҳаббат,* 8-Т;
Кофири мастидур ул кўз ким каманди зулф ила,
Ешибан ёнида қўйған риштаи зуннор эрур. *Хазойинул-маоний,* 16-159;
Ул оқшом ки юзига луъбати Чин,
Ешиб марғула ёйди зулфи мушкин. *Фарҳод ва Ширин,* 90-Т.

ЕШИЛ- [ییشیل] – ечилмоқ:
Ешилмас эди ноқадин маҳмили,
Ҳар ўн кунда бир шаҳр эди манзили. *Садди Искандарий,* 310-Т;
Далил эрур ки кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Бу ким салосили зулфунг тугунлари ешилибтур. *Ғаройибус-сиғар,* 133-Т.

ЕШТУР- [ییشتور] – ечтирмоқ, бўшатмоқ, озод қилмоқ:
Алар ким киргач Хожа ҳам ул дастур била қўпарлар ва аларни ўлтуртурлар ва илигларин ештурурлар ва сўрарлар ки қайдалиғсиз? *Насойимул-муҳаббат,* 8-Т.

Ё

Ё I [يا] – араб алифбосидаги «й» ҳарфининг номи:

Ва «ё» била касра орасида дағи бу навъдур андақ ки «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир» алфози била қофия қилса бўлур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 157-Т;

Ва «ё» ҳарфидур чун «ё» ҳарфидин сўнгра мутаҳаррик «алиф» воқиъ бўлгай чун талаффузга кирмагай. *Мезонул-авзон*, 32-Т.

Ё II [يا] – ёки (айирувчи боғловчи):

Ҳусн-у раънолик била дастори уза санчибан,
Вах ки шафтолу гулидур ё эрур олу гули. *Хазойинул-маоний*, IIIб-702;

Қисматда насиб хайр ё шарр бўлмиш,
Саъй этмайин ул санга муяссар бўлмиш. *Назмул-жавоҳир*, 15-179;

Бу дўстлуғ айбингни манга ёпти дўстлуғунг жиҳатидин билмадим яхши киларсен ё яман... *Насойимул-муҳаббат*, 78;

~ **ё... – ё...** – ёки... ёки:

Лек қонуни эрди ютмағинг,
Бир-у ё ўн йўқ эрса юз ё минг. *Сабъаи сайёр*, 10-380;

~ **...ё ёки... ёки...** – ё... еки... ёки:

Ул лаҳза ажаб бало бўлур иш,
Ё ўлмак-у ё жало бўлур иш. *Лайли ва Мажнун*, 216-Т;

Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,
Ё бу Хусравнинг бу Жомийнинг дурур. *Лисонут-тайр*, 271-Т;

Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил,
Ё сабр-у таҳаммул мен бечорага бергил. *Маҳбубул-қулуб*, 115;

ё... ё... ехуд... – ё... ё... ёки:

Ишқи комил элни ё Фарҳод ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани ёхуд араб. *Наводируш-шабоб*, 45-Т.

Ё III [يا] – эй, хой (ундов):

Майи нуткум тарабхез айла ё Раб,
Найи килким шакаррез айла ё Раб. *Фарҳод ва Ширин*, 86-Т;

То паёпай бўлгай ул афтодаларға дастгир,
Умр-у давлат ё раб афзун қил дамодам шоҳима. *Хазойинул-маоний*, 116-575;

Журм Навоийни кўп этмиш малул,
Ё Раб ўзунг тавба бериб қил қабул. *Ҳайратул-аброр*, 7-266;

~ **хай(ю)** – эй тириклар:

Торткач субҳ муаззини ё хай,
Учубан кўздин уйқу бошдин май. *Сабъаи сайёр*, 10-65.

Ё/ЁЙ [يا/يای] – 1. ёй, камон:

Чиқиб тош узра очай деб эшикни,
Ўқ-у ёйингға чун урғунг илигни. *Фарҳод ва Ширин*, 227-Т;

Иъйс ўқ ва ёсин олиб тоғ сари югурди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-120;

Чекиб ул ёға бир ўқ ошкора,
Ки хора тошидин ўткай гузора. *Фарҳод ва Ширин*, 226-Т;

Навий нетар қоба қавсайн агар,
Топа олса қошинг киби икки ё. *Фавойидул-кибар*, 10-Т;

2. қайрлма қош:
Чок айлармен ёкам ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хаданге отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга. *Ғаройибус-сиғар*, 36-Т;
Новакандоз ўлгали кофир кўзунг, эй қоши ё,
Кимсага жон қолмағай фахм айладим андоздин. *Хазойинул-маоний*, IIа-147.

ЁБАНДА [يابنده] – топувчи, топа олувчи, топағон:
Деди ким дашт аро шитобанда,
Балки жўянда келди ёбанда. *Сабъаи сайёр*, 10-82.

ЁБАНДАЛИК [يابنده ليق] – топувчилик топағонлик:
Талаб йўлида қил шитобандалиқ,
Ки жўяндаға келди ёбандалиқ. *Садди Искандарий*, 259-Т.

ЁБИС [يابس] – курук, куриган; иссиқ, ҳарорат:
Бирин ҳорри ёбис деди барча хайл,
Бирин борид айлаб рутубатқа майл. *Садди Искандарий*, 384-Т;
Яна ул эрди ким чун ул ҳазрат ҳукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин маош мазрааси ёбис қолмасун деб бирар нима зироатқа иштиғол кўргуздум. *Вақфия*, 14-255;

~ ўл- – куруқ бўлмоқ, иссик бўлмоқ:
Чу ҳору ёбис ўлмишдур мизожи,
Нақизи бирла қилмақдур иложи. *Фарҳод ва Ширин*, 255-Т.

ЁБОН [يابان] – ёвон, дашт, чўл, дала:
Деди к-эй дашт аро шитобанда,
Бил ки жўянда келди ёбонда. *Сабъаи сайёр*, 10-83;
Гар шердур ки мўрча йўқтур ҳисоб анга,
Ким топмади кўзи бу ёбон гирдида шараф. *Бадойиул-васат*, 307-Т.

ЁБУ [يابو] – от турларидан бири:
Яна от анвоида ки тубучақ ва арғумақ ва яка ва ёбу ва тату йўсунлуқ барини туркча-ўқ айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 176-Т.

ЁВА I [ياوه] – кўринмас:
Жилва қилиб ҳар гули навбоваси,
Ғунчада дилкаш кўрунуб ёваси. *Ҳайратул-аброр*, 7-285.

ЁВА II [ياوه] – 1. беҳуда, пойма-пой сўз:
Ростлар кўнглини айлар тира нодон ёвадин,
Шамъини ул навъ ким нодон ўчургай дам била. *Ғаройибус-сиғар*, 524-Т;
Илик зулфунгға элтур орзудин ёва айтурмен,
Биравдек ким йилон тутмақ учун оғзидадур афсун. *Хазойинул-маоний*, 16-457;
Ёва деб ул ҳар неча фарёд этиб,
Туш тушидин хайли ҳам имдод этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-271; (6(10)-237);
Дами йўқ ёва айтурдин қароринг,
Жунун илгингдин олмиш ихтиёринг. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т;

2. ёлғон:
Чун мониъи хуш ўлуб жунуни,
Ёва сўз ўлуб анинг фунуни. *Лайли ва Мажнун*, 73-15;
Ёва дейсан ўзунгдаму йўқсен,
Ёки хони ҳаётдин тўқсен. *Сабъаи сайёр*, 10-362.

ЁВАР [ياور] – 1. ёрдамчи, мададкор, қўллайдиган, ҳамкор:
Сикандарга ким ёвар афлок эди,
Бисот ичра бир кун тарабнок эди. *Садди Искандарий*, 156-Т;
Шукр ки эҳсонинг ўлуб ёварим,
Топти ниҳоят варақин дафтарим. *Ҳайратул-аброр*, 7-344; (6(10)-304);

Мажнунни қилиб ёнида ёвар,
Ўт остида ел киби таковар. *Лайли ва Мажнун*, 210-Т;

2. дўст, биродар:
Будур комим ки Баҳроми диловар,
Ки бор эрди манга ул ёр-у ёвар. *Фарҳод ва Ширин*, 451-Т;
Ҳар кимса ки иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ён ки юз урса ҳиммати раҳбаридур. *Назмул-жавоҳир*, 15-177; (10(10)-82);

~ **бўл-/ўл-** – мададкор бўлмоқ, йўлдош бўлмоқ:
Иқбол мутиъ-у бахт ёвар бўлди,
Хуршид раҳи ву сипеҳр чокар бўлди. *Вақфия*, 9(10)-654); (14(20)-250);
Анингдек мастлиғ уйқусидин очқай Навоий кўз,
Сабоҳи ҳашр ул ҳам ёвар ўлса бахти бедори. *Хазойинул-маоний*, IIIб-576;
Давлат-у иқбол гар ёвар бўлуб,
Толиъ-у бахт-у шараф раҳбар бўлуб. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

ЁВАРЛИҚ/ЁВАРЛИҒ [ياورليق/ياورليغ] – ёрдам, кўмаклик, мададкорлик:
Яхши ул эрур ки айлабан боварлиқ,
Қилғай санга яхшилик сари ёварлиқ. *Назмул-жавоҳир*, 15-146; (10(10)-51);
Магар шаҳ лутфи-ўқ ёварлиқ эткай,
Менинг журмумға узроварлиқ эткай. *Фарҳод ва Ширин*, 469-Т.

~ **-у лайл** – кечаю-кундуз:
Зулф-у юзи фурқати айёмидин сўрманг ҳисоб,
Ким Навоий кўзига бирдек бўлубтур ёвм-у лайл. *Хазойинул-маоний*, 116-387.

ЁВУ- [ياوو] – яқинлашмоқ, яқин келмоқ, етишмоқ; юришмоқ:
Нозанин хотириға келмасангиз сиз дағи хуш,
Ёвуманг мен киби базмиға ву хуноба ютунг. *Ғаройибус-сиғар*, 288-Т;
Алар тааммуллар қилиб мунга қарор бердилар ким тонгла сабоҳдин ҳеч киши анга ёвумағайлар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-227;
Бўлуб ул навъ атрофида сокин,
Ки бўлмай эл ёвумақ анда мумкин. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т;
Эй ёвумай номаға хоманг сенинг,
Хома йўқ-у Ҳақ сари номанг сенинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-39.

ЁВУЗ [ياووز] – ёвуз:
Бошдин аёқ кимса ки туздур сўзи,
Ёки бўёлған-у ёвуздур сўзи. *Ҳайратул-аброр*, 7-207; (6(10)-181).

ЁВУРҚАН [ياوورقان] – от ёпинчиғи; ўқ ўтмас махсус ёпинчиғ:
Вале бодполарға солған кежим,
Сақарлот-у барча ёвуркан кежим. *Садди Искандарий*, 188-Т.

ЁВУТ- [ياووت] – яқинлаштирмоқ; учратмоқ:
Бегонани уй сари ёвутма,
Ўрнунг ки қизиқ турур совутма. *Лайли ва Мажнун*, 270-Т;
Чу мен безормен эткан кўнгулдин демангиз келмиш,
Нега ул телбаи расвони бу жониб ёвутмишлар. *Наводируш-шабоб*, 136-Т;
Олам яхшилиғин киши ўзидин дариғ тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас. *Маҳбубул-қулуб*, 100;

Ул ком ила кўнглини овутма,
Бу равза сари ани ёвутма. *Лайли ва Мажнун*, 380-Т.

ЁВУШ- [ياووش] – яқинлашмоқ, қўшилмоқ; етишмоқ:
Чу бир бирларига ёвушти икав,
Ато ву ўғулдек қучушти икав. *Садди Искандарий*, 342-Т;

Сипаҳ дарёси ичра жўш тушти,
Ки мавжи чарх баҳриға ёвушти. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т;
Шайхқа ул хайл чу ёвуштилар,
Барчаси маркабларидин туштилар. *Ҳайратул-аброр*, 7-198;
Кўкка мотамзадалар навҳаси гар ёвушти,
Мени мотамзадаға лек қатиғ иш тушти. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-77.

ЁВУҚ [ياووق] – яқин:
Эй ки азм эттинг ҳарам матлуб ҳамраҳдур санга,
Сен йираксен андин аммо ул санга беҳад ёвуқ. *Бадойиул-васат*, 244-Т;
Буюрди ки сурдилар анча товуқ,
Ки кунжид ҳисобиға бўлғай ёвуқ. *Садди Искандарий*, 166-Т;
Ким ки восил бўлди рафъ ул ародин курб-у буъд,
Каъба суккониға йўл хоҳи йирақ, хоҳи ёвуқ. *Хазойинул-маоний*, IIа-179.

ЁВШАН [ياوشان] – ювшан (ўсимлик):
Тенгиз йўқ ким ғадири ваҳшатангез,
Қайу ўт ул ки ёвшандин бўлур тез. *Фарҳод ва Ширин*, 128-Т.

ЁВҒАН [ياوغان] – ёвғон; гўштсиз, ёғсиз овқат:
Мубоҳот қилмас емакдин кулоч,
Ғамин билмас ар топса ёвған умоч. *Садди Искандарий*, 124-Т.

ЁД [ياد] – 1. ёд; хотира, эслаш қобилияти:
Магар ёдингда йўқтур ким санга мен,
Дедим юз қатла к-эй мажнуни гофил. *Хазойинул-маоний*, IIа-398;
Кўнгул не мужда берурсен ки базм аро тунагун,
Ҳарифлар аро ёд этмиш ул санам бизни. *Бадойиул-васат*, 451-Т;
Чекиб Фарҳод учун оҳи ҳалокин,
Анинг ёдида берди жони покин. *Фарҳод ва Ширин*, 187;

2. ўй, хаёл:
Ким кўрди бу навъ одамизод,
Ким бермагай ўйла одамий ёд. *Лайли ва Мажнун*, 8269;
Ёдингға ўлум кирмаги мотам санга бас,
Улмакни яқин айламагинг ғам санга бас. *Назмул-жавоҳир*, 15-171;

~ **айла-/эт-/қил-** – эсламоқ, хотирламоқ, хаёлига келтирмоқ, ёдлаб олмоқ; эсга туширмоқ:
Туганган фаҳм этиб умри бақосин,
Совуқ оҳ урди ёд айлаб атосин. *Фарҳод ва Ширин*, 190;
Кўшиш била ани ёд этмай,
Бир қатла ки эшитиб унутмай. *Лайли ва Мажнун*, 57620;
Кетур сокий май-у кўнглумни шод эт,
Қадимий куллуғум ҳақини ёд эт. *Фарҳод ва Ширин*, 502-Т;
Унутмағил ки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд. *Мезонул-авзон*, 35-Т;
Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабан,
Ани истарға сени ёд айлабан. *Лисонут-тайр*, 20-Т;

~ **бер-** – ўргатмоқ:
Руқъа ким бермиш эрди доно ёд,
Укумағлиғни айлагач бунёд. *Сабъаи сайёр*, 10-231;

~ **дин чиқ-** – эсдан чикармоқ:
...ҳар не қаламим тахтиға кирса ёдимдин чиқмас эрди.
Насойимул-муҳаббат, XV-119;

Сайд қасдиға ўйла қўйди кўнгул,
Ки адув чиқти ёдидин билкулл. *Сабъаи сайёр,* 10-295;

~ **ол-** – эсда тутмоқ, эслаб қолмоқ:
Кўз учи, қоши ёсидур соҳир,
Ани ёд ол алардин эй сомир. *Хазойинул-маоний,*IIб-421;

~ **ға кел-** – эсга тушмоқ, хотирига келмоқ:
Юсуф алайҳис-салом бурун анинг тушин айтти ким кўп нима малик унутуб эрди ким ёдиға келди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-126;
Дойим бу сифат амр келур ёд андин,
Ким неъматини фосид этар куфрондин. *Назмул-жавоҳир,* 15-168;

~ **бил-** – 1. ёддан билмоқ:
...дебтур ки мен уч юз минг ҳадис ёд билурмен юз туман ис-
нод била. *Насойимул-муҳаббат,* XV-119;

2. эсламоқ, хотирламоқ:
Не шоҳ анинг зоти киби ёд билур,
Не табъ анинг табъидек истаб топилур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 189-Т;

~ **тут-** – эсда олиб қолмоқ, хотирада тутмоқ:
...Бобур Мирзо мажлисида бу шеър ўтадур эрди, манга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттум. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад,* 116-Т;
Барчасиға кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутубмен.
Муҳокаматул-луғатайн, 182-Т.

ЁДА- [یاده] – азобланмоқ, эзилмоқ, бўшашмоқ, заифлашмоқ, қийналмоқ, азоб-уқубат, жафо чекмоқ:
Ишким ўтида ёдарму эркин,
Ҳажрим ғамида чидарму эркин. *Лайли ва Мажнун,* 183-Т;
Дардимдин ўзи ёдаб экинму,
Ҳажримдин иши ҳароб экинму. *Лайли ва Мажнун,* 184-Т.

ЁДАТ- [یادت] – азоблантирмоқ, азоб-уқубат, жафо чектирмоқ:
Кўруб заиф мени тўҳмат этма жаврунга ким
Ёдатти ҳажр мени йўқса жавридин ёдаман. *Наводируш-шабоб,* 455-Т.

ЁДГОР [یادگار] – 1. эсдалик, хотира:
Қила олғанча ул бўлсун шиоринг,
Ки яхши от қолғай ёдгоринг. *Фарҳод ва Ширин,* 500-Т;
Ул чеҳрадин эрди ёдгори,
Бўлмаса эди ёнида хори. *Лайли ва Мажнун,* 129-Т;

2. шахс номи:
Ёдгор Муҳаммад Мирзо ким мулк вориси эрди азим черик била ул ҳазратнинг устига юруди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-236.

ЁЁК [یایاق] – яёв, пиёда:
Ҳам ёёқ черик сипоҳ оллида чуст,
Қилғали ҳангома ойинин дуруст. *Лисонут-тайр,* 212-Т.

ЁЗ [یاز] – ёз; кўклам, баҳор.
Ёз топа олмай чу исиғдин паноҳ,
Соя учун кўпрук анга хобгоҳ. *Ҳайратул-аброр,* 7-172;
Ёз ёмғури еткач айладинг бот,
Ер чакманини яшил сақарлот. *Лайли ва Мажнун,* 30-Т.

ЁЗ- I [يأز] – 1. ёзмоқ, битмоқ:

Кўз саводидин қаро жон сафҳасин қилдим варақ,
Бу икининг рашкидиндур гар санга ёзмақ битик. *Хазойинул-маоний*, IV б-336;

Мавлоно Лутфий... ўн мингдин ортукрақ маснавийси бор баёзға ёзмаған учун шуҳрат тутмади. *Мажолисун-нафоис*, 72;

2. чизмоқ:

Не сурат ёзғали топиб чу даст ул,
Жаҳонни айлабан суратпараст ул. *Фарҳод ва Ширин*, 275-Т;

3. кўчирмоқ:

Ким ки ёзмақта музд қилса ҳавас,
Барча мақсуди музд бўлса ву бас. *Сабъаи сайёр*, 10-408;

4. тақдир битилмоқ:

Чу олимға ёзған дурур бу варақ,
Мени қўймади ихтиёримға Ҳақ. *Садди Искандарий*, 220-Т.

ЁЗ- II [يأز] – тарқатмоқ, яйратмоқ, кетказмоқ:

Чун кўч элидин назарни ёздим,
Очкунча юмуб назарни оздим. *Лайли ва Мажнун*, 224-Т;

Мени чу майкададин ваъз жашниға тиладинг,
Таҳаммул айла даме ким ёзай хуморимни. *Наводируш-шабоб*, 607-Т;

Жавр ўқин жонимға соқий ёзмади,
Васл жомидин хуморим ёзмади. *Бадойиул-васат*, 519-Т.

ЁЗДУР- [يازدور] – ёздирмоқ:

Мавлоно Султонали Машҳадийға ёздуруб ҳазратимизға юбаргил. *Муншаот*, 14-158;

Ки қалқан қуббасида мисли Хотам,
Сулаймон ёздрубтур исми аъзам. *Фарҳод ва Ширин*, 212-Т.

ЁЗИ [يازى] – саҳро, дашт, чўл:

Алар асҳобға дегандурлар ки ёзидин ўтун териб келтурунг ва ул замон ёғин ёғадур экандур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-154;

Ва ўзларин Юсуф алайҳис-саломға мушфиқ кўргузуб Ёқуб ад-дин ани гаштка элтурбиз деб ёзиға бориб ани чоҳға солиб кўнглакни қўй қониға булғаб Юсуфни бўри еди деб... *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-123;

~ **ёбон** – ёзи ёвон, чўл, дашт:

Фарши саропардаси ёзи ёбон,
Куш паридин боши уза соябон. *Ҳайратул-аброр*, 7-204.

ЁЗИЛ- I [يازيل] – ёзилмоқ, битилмоқ:

Абад шомиғача не бўлса мавжуд,
Ёзилди ул варақта буду нобуд. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т;

Қоматинг ёдида кўксўм ичра кескан ҳар алиф,
Рост бўлмиш ул алифдек ким ёзилғай жон аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т;

Нома-у қосид била топмас Навоий дарди шарҳ,
Чун туганмас меҳнати не ёзилиб не айтилиб. *Хазойинул-маоний*, II а-36.

ЁЗИЛ- II [يازيل] – ечилмоқ (чигал, тугун):

Шиканжи туррасидин ким гириҳ ёзилмайдир,
Бинафшае дурур аммо ҳануз очилмайдур. *Хазойинул-маоний*, III б-158;

Ҳар кимса ки оллиға ёзилди ҳунари,
Сўз пардаси устида ёпилди ҳунари. *Назмул-жавоҳир*, 15-173.

ЁЗИЛ- III [يازيل] – тарқалмоқ, кетмоқ; сочилмоқ, ёйилмоқ:

Аталди бири Миср-у Бағдодқа,
Ёзилди бири мулк-и Навшодқа. *Садди Искандарий*, 218-Т;

Сокиё лаълинг майидин гар иложи қилмасанг,
Бу хуморим лаъли май бирла ёзилғудек эмас. *Хазойинул-маоний*, IV6-*242;*

Кўзда ашким қонидин ҳар сари кўргил қатралар,
Нуқталар янглиғ ки қўйғайлар қачан ёзилса қон. *Хазойинул-маоний*, 116-509.

ЁЗИЛМАҚ [يازيل ماق] – ёзилиш, битилганлик:

Чун нигин ичра ҳамиша хат ёзилмақ расм эрур,
Сабзада ғунчанг киби хатт ичра ким кўрмиш нигин. *Наводируш-шабоб*, 451-Т.

ЁЗИҒЛИҒ/ЕЗИҒЛИҚ [يازيغ ليغ/يازيغ ليق] – 1. ёзилган, битилган:

Бу мунаққаш сақф торихи ёзиғлиғ чун эмас,
Кўп машаққат чиқтим аммо қолди мубҳам эй рафик. *Ғаройибус-сиғар*, 251-Т;

Эрур бир лавҳи сим узра ёзиғлиқ,
Топарсен дев бўйнида осиғлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 204-Т;

2. тақдир:

Бирав топти Машриқда ганжи шигарф,
Ёзиғлиғ эшигида бу турфа ҳарф. *Садди Искандарий*, 454-Т.

ЁЗМАНДОНА [يازمندانه] – ёзишга мансуб, яхши:

Ўз ниёзи ва бадхўй ёри нози шарҳида бу нозанин матлаи
ёзмандона вокиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 220.

ЁЗМАҚ/ЁЗМАҒ [يازماق/يازماغ] – ёзиш, битиш:

Ҳануз этмай қалам ёзмағни одат,
Эшикдин кирди иқбол-у саодат. *Фарҳод ва Ширин*, 110-Т;

Ёзмағида музтариб эрдим жавоб уммидиға,
Чун жавобе топмадим жуз изтиробе топмадим. *Фавойидул-кибар*, 411-Т;

Бўлуб ҳар кирпиги бир навки хома,
Қарартиб қатл учун ёзмаққа нома. *Фарҳод ва Ширин*, 294-Т;

Бу нома ки жонни қилди бетоб,
Ёзмаққа жавоб йўқтур асбоб. *Лайли ва Мажнун*, 252-Т;

Бар эрди сипоҳи аро бир киши,
Аду жониби нома ёзмақ иши. *Садди Искандарий*, 347-Т.

ЁЗУҚ/ЁЗУҒ [يازوق/يازوغ] – гуноҳ, айб:

Гар ёзуқсиз ўлтурурсен ғам еман лекин ғамим
Мунчадур ким бўлмағай ногаҳ санга андин ёзуқ. *Бадойиул-васат*, 249-Т;

Ёзуғум бор эса қатл айла ўзунг,
Ҳажр жаллодиға топшурма ахи. *Наводируш-шабоб*, 639-Т;

Эй ки бўйнумға ёзуқ деб қатл тиғин сурмадинг,
Сен не қилсанг қил менинг бўйнумға бўлсун ул ёзуқ. *Бадойиул-васат*, 244-Т.

ЁЗУҚСИЗ [يازوقسيز] – бегуноҳ, айбсиз:

Гар ёзуқсиз ўлтурур сен ғам еман лекин ғамим
Мунчадур ким бўлмағай ногаҳ санга андин ёзуқ. *Бадойиул-васат*, 249-Т;

Неча эл бўйиига тиғ урса бўлғай.
Езуқсиз нечани ўлтурса бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 251-Т.

ЁЗУҒЛУҒ [يازوغ لوغ] – ёзиғлик, гуноҳлик:

Шайх Абу Толиб... келди ва кўрсий устида ўлтурди ва мен ёнида эрдим. Элга боқти ва деди ким билман ки не дегаймен, ёзуғлуғимен ёзуғлуғлар аросида.
Насойимул-муҳаббат, 158-Т.

ЁЗҒУР- [يازغور] – айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ; оздирмоқ:

Истама таҳсин ки шокирмен не келса оллима,
Шукр қилмай найлай алурсен қазо не ёзғуруб. *Ғаройибус-сиғар*, 66-Т;

Бу ишта кимга тиғи таън урайин,
Ўзумни йўқса кимни ёзғурайин. *Фарҳод ва Ширин*, 428-Т;

Мен дедим: бу сўзни мендин сўрмангиз,
Гар жавоби демасам ёзғурмангиз. *Лисонут-тайр*, 183-Т;

Ихтиёри санга ҳам йўқ эди не ёзғурайин,
Бўйла чун ёзған эмиш хомаи тақдир санга. *Наводируш-шабоб*, 16-Т.

ЁЗҒУРМАҚ/ЁЗҒУРМАҒ [يازغورماق/يازغورماغ] – ёзғириш, айблаш, йўлдин оздириш:

Қадаҳ ичмак ёзуғ деб асру мардуд этмагил эй шайх,
Бу қасм эрса азалдин бежиҳатдур бизни ёзғурмақ. *Ғаройибус-сиғар*, 255-Т;

Ёғдурур ҳар дам мени ул қотил ўлтургум дебан,
Ўлтурур ҳар дам мени балким анинг ёзғурмағи. *Наводируш-шабоб*, 603-Т.

ЁЙ [يای] – 1. ёй, камон; камалак:

Қоши бу чок кўнгулдин айру,
Филмасал ёйи эрур курбонсиз. *Хазойинул-маоний*, IIа-123;

Бу ёйиға чун қурар эди ўқ,
Гардун кўзига урар эди ўқ. *Лайли ва Мажнун*, 279-Т;

2. камондек букик, эгилган:

Боқиб чун кўрди каддин ўйла ким ёй,
Дегайсен кўрди девона янги ой. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т;

3. ўн икки буржнинг тўққизинчиси; Қавс (Қавснинг шакли куйи қисми от шаклидаги ва ёйдан ўқ отаётган одаммонанд шаклдир).

Бўлуб қош учидин ишратнамой,
Бериб қоба қавсайндин мужда ёй. *Садди Искандарий*, 65-Т; *қ.* **Ё.**

ЁЙ- [يای] – 1. ёзмоқ, солмоқ, тўшамоқ, ёймоқ:

Ёйиб ҳам бодбондин кўкка аълам,
Тутуб ҳам лангари кўк узра ором. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т;

Ул чоққача ким сипеҳри ходком,
Офоқ уза ёйди пардайи шом. *Лайли ва Мажнун*, 136-Т;

Кўк ҳулласидин ёйиб атлас йўлунға анжум,
Анжум дуридин сочиб бошинг уза гавҳар чарх. *Хазойинул-маоний*, IV6-П2;

Бир кун бир улуғ киши ани уйига элтти ва мулавван атъима кўп илайига ёйди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-167;

2. соч ўрамларини ёзмоқ, соч толаларини тарқатмоқ, ёзмоқ:

Шом ила субҳ ар сариғ оғриғ эмаслар бас недур,
Тун сочин ёйиб куёш йиртиб юзин тутмақ азо. *Хазойинул-маоний*, IVa-25;

3. ошкоро қилмоқ, маълум қилмоқ; тарқатмоқ:

Чун мунаввар қилди нуридин кўзин,
Ёнибан ейди алар ичра сўзин. *Лисонут-тайр*, 234-Т;

Ҳар ғаройиб ким ёйиб саҳро аро,
Андин ортуғ кўргузуб дарё аро. *Лисонут-тайр*, 16-Т.

Бўлуб қаш учидин ишорат намой,
Бирин қоба қавсайн мужда ёй. *Садди Искандарий*, 65-Т.

ЁЙИЛ- [يایيل] – 1. тарқалмоқ, таралмоқ:

Неча кун чун манозил қатъ қилди,
Черик Арман саводиға ёйилди. *Фарҳод ва Ширин*, 348-Т;

Ушшоқи ҳажр чоҳидин ўлған замон халос,
Кўйида мўр хайли масаллик ёйилдилар. *Хазойинул-маоний*, IIIб-159;

2. ошкора бўлмоқ, маълум бўлмоқ:
Ишқим ихфосини вах ким қилмадим ҳаргиз хаёл,
То ул ойнинг ҳуснидек олам аро ёйилмади. *Наводируш-шабоб*, 644-Т;
Чу нукта деди элга ёйилди ҳунари,
Невчун ким тил остида келди хунари. *Назмул-жавоҳир*, 15-173; (10(10)-78;

3. сочилмоқ, тўкилмоқ:
Чун барги тушарга майл қилди,
Бағри қаро дашт уза ёйилди. *Лайли ва Мажнун*, 113-Т;
Ишқ ичра тирикликда париишонлиғим англар,
Кўрган киши саҳрода ёйилған сўнгакимдин. *Бадойиул-васат*, 49;

оғзи ёйил- – хурсанд бўлмоқ, кулмоқ:
Ато ул дурға чун наззора қилди,
Садафдек оғзи кулмактин ёйилди. *Фарҳод ва Ширин*, 131-Т.

ЁЙИЙ [یایی] – «ё» ҳарфи билан ёзилувчи:
Ва маъруф ва мажҳул қофияда «вовий», «ёйий» ҳам ки форсий ашъорда воқиъ бўлур икки ҳаракатдин ортуқ бўлмас, «вовий» андақ ки худ ва дуд ва зўр ва нур ва ёйий андақ ки пир ва шер. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т.

ЁЙЧА [یایچه] – ёйча, ёйдек:
Бир пари узра неча ё кўргузур қавси кизоҳ,
Бошға бошға эмас ул икки муғаййир ёйча. *Наводируш-шабоб*, 540-Т.

ЁЙҚА- [یایقه] – чайқамоқ:
Тегмаса базмингда май басдурур ул сув манга,
Ким сен ичар жомни сувчи олиб ёйқамиш. *Хазойинул-маоний*, 16-282.

ЁЙҚАЛ- [یایقال] – чайқалмоқ:
Вах ки ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот,
Ким борур ёйқалиб-у қайтмас ул оби ҳаёт. *Хазойинул-маоний*, II-101.

ЁКИ [یاکه] – ёки:
Париму ёки малак йўкса руҳи покмудур,
Ки зоҳир ўлмади мунча латофат инсондин. *Хазойинул-маоний*, 499;
Киши ўрганса қилмағил маҳрум,
Ёки нафъ олса бўлмағил мониъ. *Арбаин*, 16-268.

ЁЛ [یال] – ёл:
Ғазанфар худ нетар чангол-у ёлин,
Чекар бўлса тиши уйнинг маҳолин. *Фарҳод ва Ширин*, 347-Т.

ЁЛА- I [یالا] – яламоқ:
Ё Раб ул шаҳд-у шакар ё лабдурур,
Ё магар шаҳд-у шакар ёлабдурур? *Мезонул-авзон*, 58-Т.

ЁЛА- II [یالا] – ўқни ёйга ўрнатмоқ, отишга ҳозирламоқ:
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур. *Мезонул-авзон*, 58-Т.

ЁЛАНГ [یالانگ] – яланг, яланғоч:
Магар ким кўйида ёланг аёғ ул ой хиром этмиш,
Навоий кўзларига сурма бўлмиш ул қаро туфраг. *Хазойинул-маоний*, IIа-166;
Баҳлул деди ким ул оч қолса не егай ва ёланг қолса дардин кимга дегай.
Маҳбубул-қулуб, 168.

ЁЛАНГЛИҚ [يالانگ ليق] – яланғочлик, кийимсизлик:

Бу яқиндур ким жамол аҳли ёлангликда басе,
Яхширакдур ўлса коши накшлик эгнида тўн. *Хазойинул-маоний*, 116-703.

ЁЛБАР- [يالبار] – ёлвормоқ, ялинмоқ, ялиниб сўрамоқ:

Тутмадим бўғзум сабудек бода тарки айлабан,
Май тилармен пири дайр оллида балким ёлбариб. *Наводируш-шабоб*, 55-Т;
Деди ул чаҳдин ани кутқарсам,
Йиғлабан зор зор ёлбарсам. *Сабъаи сайёр*, 10-299;
Бирар нома ким ул тараф борибан,
Келиб номабар бирла ёлбарибан. *Садди Искандарий*, 316-Т.

ЁЛБАРИШ [يالباريش] – ёлвариш:

Ҳол устида эрканим сўзин ўткаришинг,
Ҳолимни сўрарға келмаса ёлбаришинг. *Ғаройибус-сиғар*, 75.

ЁЛБАРМАҚ/ЁЛБАРМАҒ [يالبارماق/يالبارماغ] – ёлвориш:

Еткач ул котил эрур бўғзумда икки бармағим,
Тиғи ўрнин кўргузуб сургил дебан ёлбармағим. *Фавойидул-кибор*, 403-Т;
Мен гадоға ҳар неча кўйи сари бормакдур иш,
Тўъма солмақ итка ву дарбонға ёлбармакдур иш. *Бадойиул-васат*, 188-Т.

ЁЛИН [يالين] – ёлқин, аланга, учқун, оташ, олов:

Ғазанфар худ не тар чангол-у ёлин,
Чекар бўлса тиши уйининг маҳолин. *Фарҳод ва Ширин*, 347-Т;
Ўртаса ишқ мени сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлиндин не ажаб. *Хазойинул-маоний*, IVб-50;
Олам ўртар ишқдин тушкан ёлин,
Сўзнок эткан ҳаводиндур чакин. *Лисонут-тайр*, 203-Т.

ЁЛИН- [يالين] – ялинмоқ, ёлвормоқ:

Не итни ул бути бегонаваш ити ки согиндим,
Ит ошноға ёлинған киби ул итка ёлиндим. *Хазойинул-маоний*, 116-400;
Ком истаю неча элға ёлингайсен,
Нафсингға хилоф айла ким тинғайсен. *Назмул-жавоҳир*, 15-146.

ЁЛИНЛИҚ [يالين ليق] – ўтли, алангали:

Ки урди нафтлик қорурани-ўқ,
Ушатти ул ёлинлик кўрани-ўқ. *Фарҳод ва Ширин*, 273-Т.

ЁЛИҚ [ياليق] – ёйлик:

Кўп қилма намоз амрида бепарволик,
Ракъат била қил оҳ хадангни ёлиқ. *Назмул-жавоҳир*, 15-158.

ЁЛҚИ- [يالقى] – ҳоримоқ; чарчамоқ; кулоқ кизимоқ:

Карвон ёлқибан урардин гом,
Топмиш эрди ҳам ул замон ором. *Сабъаи сайёр*, 10-370;
Булар элга менинг ишқим ишидин,
Кулағим ёлқибан эл карғишидин. *Фарҳод ва Ширин*, 419-Т.

ЁЛҚИТ- [يالقيت] – безор қилмоқ, малол келтирмоқ:

Эмас ой кун ики поғундасин кўк золи беркитмиш,
Кулакка бас ки ҳажрингда ани ёлқитти афғоним. *Фавойидул-кибар*, 391-Т;
Висол шоми дей олман лабингни ёлқитсам,
Вале табанга кўз суртайин мўчаклар ила. *Фавойидул-кибар*, 536-Т;

Ранг йўктур чун қизил гулдин санга эй андалиб,
Эл қулағин асру кўп ёлқитма фарёдинг била. *Ғаройибус-сиғар,* 412-Т.

ЁЛҒАН [يالغان] – ёлғон, уйдирма:
Лаби юз ваъдани андақ манга ёлғон қилди,
Ки дей олмас киши юз йилда бир андақ чин сўз. *Хазойинул-маоний,* 16-137;
Чин сўзми ёлғанға чулғама чин айта олур тилни ёлғанға
булғама. *Маҳбубул-қулуб,* 162;
~ **аҳли** – ёлғончилар, ёлғон гапирувчилар, ваъдага хилоф иш қилувчилар:
Ёлғон аҳли ишқ янглиғ қатлим этма чеҳра оч,
Бир кўруб ишқ ичра ўлмакка мени хурсанд бил. *Хазойинул-маоний,* 111а-211.

ЁЛҒАНЛИҒ/ЁЛҒАНЛИҚ [يالغان ليغ/يالغان ليق] – алдамчилик, ёлғонлик:
Ҳар не ўткан сўзларим чиндур десам ёлғон эрур,
Чин будур ким дегамен умр ўтти ёлғанлиғда ҳайф. *Ғаройибус-сиғар,* 245-Т;
Ёр келгумдур дебан борди ву келмас вақ яна,
Бевафолиғ зоҳир этти аҳди ёлғанлиғ дағи. *Бадойиул-васат,* 452-Т;
Замон аҳлидин ўзин соҳибдил тутқан ёлғон айтур ва бедил тутқаннинг ҳам сўзи ёлғанлиқ сари қайтур. *Маҳбубул-қулуб,* 124.

ЁЛҒАНЧА [يالغانچه] – ёлғонча, ёлғондек:
Бу ки тарки ишқ этарлар ваъда ёлғон қилса ёр,
Қилса бўлмас бўлса ёр ул ваъдаси ёлғанча хуб. *Наводируш-шабоб,* 43-Т;
Ваъдаи меҳрин манга юз қатла ёлғон этти чарх,
Сен дағи бемеҳрлик қилсанг юз ул ёлғанча қил. *Бадойиул-васат,* 286-Т;
Эй Навоий ваъдаи васл этмиш ул номеҳрибон,
Чин ҳам ўлса ақл инонмасликка юз ёлғача бор. *Фавойидул-кибар,* 168-Т.

ЁЛҒАНЧИ [يالغانچى] – ёлғончи:
Неча бўлса ёлғанчи эл аржаманд,
Сўзи аржаманд ичрадур нописанд. *Садди Искандарий,* 344-Т;
Тангри дўстлари сидқ-у сафо маъданидур.
Ёлғанчини дебдурлар ки Тангри душманидур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-543; (14(20)-125).

ЁЛҒУЗ [يالغوز] – 1, якка, битта, танҳо, тенги йўқ:
Ҳариф бўлмаса зинҳор майға сўнма илик,
Ки заҳрдур киши ким бодани ичар ёлғуз. *Наводируш-шабоб,* 205-Т;
Фард киши даврда топмас наво,
Елғуз овучдин ким эшитмиш садо. *Ҳайратул-аброр,* 7-181;
Хублар амжумани ичра назиринг йўқтур,
Меҳрни анжум ичида деса бўлур ёлғуз. *Хазойинул-маоний,* 16-135;
Бу ваҳшийға хитоб этса кўзум деб,
Бу бекасни соғинса ёлғузум деб. *Фарҳод ва Ширин,* 452-Т;
2. фақат:
Ул этти вафо чарх қилди ситам,
Анга йўқ ки ёлғуз яна бизга ҳам. *Тарихи мулуки сажам,* 16-252;
~ **у бекас** – танҳо ва кимсасиз, чорасиз:
Елғуз-у бекаслигига йиғлади,
Чорасин билмаслигига йиғлади. *Лисонут-тайр,* 124-Т;
~ **бўл-** – танҳо бўлмоқ, ёлғиз бўлмоқ:
Ёлғуз бўл топма ранжпарвард ўлмақ,
Хушрақ чу ёман рафиқдек фард ўлмақ. *Назмул-жавоҳир,* 15-176;

~ **қол-** – танҳо қолмоқ, яккаланмоқ:
Маҳласиға топмайин имконға йўл,
Таркади мажмуъ-у ёлғуз қолди ул. *Лисонут-тайр*, 116-Т.

ЁЛҒУЗИН/ЁЛҒУЗУН [يالغوزين/يالغوزون] – ёлғизликда, танҳоликда.
Кўнглини истай Навоий бу сабабдин этти ким,
Ўз била қилғай икавлан улғариб ёлғузин. *Бадойиул-васат*, 339-Т;
Менмудурмен ки разм чун туздум,
Чин сипоҳини ёлғузун буздум. *Сабъаи сайёр*, 10-123;
Шавкатидин не ёр анга не рафиқ,
Ёлғузун айлар эрди қатъи тариқ. *Сабъаи сайёр*, 10-277.

ЁЛҒУЗЛУҒ [يالغوزلوغ] – ёлғузлик, танҳолик, кимсасизлик:
Бадан вайронида ул ҳусн ганжи ҳажридин гоҳи,
Ки ўз ёлғузлуғидин чуғдек тортар фиғон кўнглум. *Ғаройибус-сиғар*, 323-Т;
Ғурбат-у ёлғузлуғ-у маҳзунлуғ-у ҳасрат била,
Ҳар замон юз минг бало ичра солиб ҳижрон аро. *Фавойидул-кибар*, 7-Т;
Бўлуб ёлғузлуғумда қавм-у хайлим,
Эришиб ҳар каён ким бўлса майлим. *Фарҳод ва Ширин*, 449-Т.

ЁМАН [يامان] – ёмон, номаъқул:
Бериб юз ганж яхши сўзга бехост,
Ёман сўзни қилиб ислоҳ ила рост.
Ёманмен айттим топиб сўзум печ,
Анинг базмида сўз ўтмай ёман ҳеч. *Фарҳод ва Ширин*, 125-Т;
Неча ким хирад ичра бўлса ками,
Йиландин ёманрақ эмас одами. *Садди Искандарий*, 346-Т;
Бу эл эрур барча ёмандин ёман,
Ким ки йўқ андин ёман андин ёман. *Ҳайратул-аброр*, 7-137;
Ёмандин яхшилиқ кўз тутмақ фосид хаёлдур, итдин кийиққа ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-541; (14-122);
~ **кўз** – ёмон кўз; ҳасад:
Беҳад эшитиб чу булажаб сўз,
Деб ким анга тушмасун ёман кўз. *Лайли ва Мажнун*, 96-Т;
Ҳар сари узорингга чекиб нил,
Ёман кўз учун қилай ани мил. *Лайли ва Мажнун*, 350-Т;
~ **навъ** – паст, нобоп хил:
Ва лекин бу жонимға эмгак дурур,
Ки асру ёман навъ ўлмак дурур. *Садди Искачдарли*. 56-Т;
~ **яхши/яхши ёман** – барча, ҳамма:
Ёман яхшига кўп зул этмагил ким гар будур даврон.
Қутулғунг ким ки андин яхширақ йўқ мен ёмандин ҳам.
Хазойинул-маоний, IIа-221;
~ **дин ёман** – жуда ёмон:
Бу икки замима феъл ки ёмандур гўё икки нохуш тавъамондур ул мундин ёман ва бу андин ёман иккаласи ёмандин ёман. *Маҳбубул-қулуб*, 75;
~ **лар** – бузуқ ахлоқлилар:
Ёманлардин офоқни пок этиб,
Вале яхшиларни тарабнок этиб. *Садди Искандарий*, 288-Т;
~ **дуо қил-** – қарғамоқ. баддуо қилмоқ:
Нуҳ уйғаниб маълум қилиб Ҳомни ёман дуо қилди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-106.

ЁМАНЛИҒ/ЁМАНЛИК [يامان ليغ/يامان ليق] – ёмонлик, ёвузлик, фирибгарлик:

Яна зуҳдум тарикин афв қил эй пири дайр охир,
Ки сендин яхшилиғдур неча биз қилсақ ёманлиғлар. *Бадойиул-васат*, 151-Т;

... Насрободий ки ҳеч кимни ёманлиғ била ёд қилмағай.
Насойимул-муҳаббат, 132-Т;

Мавлоно Дарвиши Машҳадий... табъи ёманлиғ сари ҳар неча деса яхши борур. Бу фақир андин жунун ва ошуфталиғлар кўрдум аммо ҳажвларин зоҳир қилмади. *Мажолисун-нафоис*, 84-Т;

Агар кофири муфлис масаллик топмади коме,
Ва лекин нафси чун кофир эди қилди ёманлиғлар. *Хазойинул-маоний*, IV5-736;

Адам кўрғаниға қочиб амонлик,
Фалак олам аро сочиб ёманлик. *Фарҳод ва Ширин*, 121-Т;

Манга Чин аҳли не қилмиш ёманлик,
Ки бу навъ олғамен бариға қонлик. *Фарҳод ва Ширин*, 251-Т;

Яхшидин ёманлар ҳам ёманлиғ тамаъ кўз тутмас яхши ёманларға ҳам яхшилиғни унутмас. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-539; (14(20)-539);

Не феъли ки келди биравдин ёман,
Ёманлик кўрардин анга йўқ амон. *Садди Искандарий*, 312-Т.

ЁМ ОТИ [يام آتى] – почта оти; чопар от:

Ём отлари била ёмхоналар иши бузуқдур, ул бобда куллар тобуғида сўз арз қилилибтур. *Муншаот*, 9(10)-598; (14-194);

~ **боғла** – элчи, чопар мнниб кетиши учун бекатларда от сақламоқ:

Қайсар... ўз ўғлумдур деб Искандарни ўғулчилай асраб валиаҳд қилди ва элчи йибармак учун ём оти боғламағин Дороб қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-214.

ЁМХОНА [يامخانه] – почта бекати, ёмхона; элчи, чопарларнинг от алмаштириш жойи; отлар сақланадиган жой:

Ём отлари била ёмхоналар иши бузуқдур ул бобда куллар тобуғида сўз арз қилилибдур. *Муншаот*, 14-194.

ЁМҒУР/ЁМҚУР [يامغور/يامقور] – ёмғир, ёғин:

Булут бошиға етса ёмғур сочар,
Ғалатдур ки ёмғур сочар дур сочар. *Садди Искандарий*, 85-Т;

Берди найсон ёмғуриға ул шараф,
Ким гуҳар қозғанди базлидин садаф. *Лисонут-тайр*, 15-Т;

Ул ашкин абри раҳмат ёмғури бил,
Не ёмғур фазл баҳрининг дури бил. *Фарҳод ва Ширин*, 510-Т;

...форисий ашъор баҳорида файз саҳобидин ёғқан маоний ёмқурининг ҳар қатраси риштасиға шўхтобъ абкори бармағлари учи била юз гириҳ тўкар...
Ғаройиб-сиғар, 9-Т.

ЁН [يان] – 1. ён, тараф, томон:

Чун солди хазон совурди ҳар ён,
Гул баргларин учурди ҳар ён. *Лайли ва Мажнун*, 341-Т;

Сувдадур мақсудима чун етмагим,
Бас хатодур ўзга ён азм этмагим. *Лисонут-тайр*, 83-Т;

Туну кун соядек ёнида бўлсам,
Не қилса ҳукм-у фармонида бўлсам. *Фарҳод ва Ширин*, 478-Т;

Рум тили била деди ки ҳар сабоҳ кўпар эрдим... бирав бу ёндин тортар эрди ва бирав ул ёндин. *Насойимул-муҳаббат*, XV-166;

2. биқин, ёнбош:
Кўйида ўлди Навоий бу сифат ким бор эди
Такя хоров-у ҳасири ёни остида тўшак. *Хазойинул-маоний*. 16-348;
Егулуклардин агарчи кўй мўчаларидин баъзиға от кўйубтурлар, аммо... ён сўнгакни... туркча айтурлар.
Муҳокаматул-луғатайн, 177-Т;

Қатл ишига чун ёнидин чекти тиғ,
Бошин анинг чопмақ учун бедариғ. *Ҳайратул-аброр*, 7-186;

3. ёнида, олдида, ҳузурида, якинида *(кўмакчи)*:
...Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин ошнолиғ бермай ўтарлар ёнингдин. *Маҳбубул-қулуб*, 37;

4. сабаб, боис:
Ул ён ки Тангри таоло амри эрди баъзи Рай шаҳриға дебдурлар.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-139;

~ **и ерга ет-** – кўзига уйқу келмоқ:
Эй хуш ул ким гарчи тунлар ёни ерга етмади,
Кўрди ўз шамъи шабистонини бир тун ёнида. *Хазойинул-маоний*, 560.

ЁН- I [يان] – 1. қайтмоқ:
Келиб ғунча ву боғи ридвон ёниб,
Етиб қатра ву баҳри уммон ёниб. *Садди Искандарий*, 68-Т;
Рози эса бахтдин қувансақ,
Йўқ деса қабила сари ёнсақ. *Лайли ва Мажнун*, 277-Т;
Чинори тебратиб илгини ҳар ён,
Ки эй кирган киши Тенгри учун ён. *Фарҳод ва Ширин*, 217-Т;
Ёнди шайх-у ринди болодаст ҳам,
Ул гуруҳ ичра баланд-у паст ҳам. *Лисонут-тайр*, 125-Т;

2. жўнамоқ; қайтиб бормоқ:
Етинг аҳл-у аёлингизға ёниб,
Диёр-у мулк-у молингизға ёниб. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;

3. кўзғалмоқ; кетмоқ:
Бу ердин ёнарнинг худ имкони йўқ,
Набард айласам ғайри нуқсони йўқ. *Садди Искандарий*, 182-Т;

4. етмоқ:
Қилиб майл уммат низомиға ҳам,
Ёниб «ли мааллоҳ» мақомиға ҳам. *Садди Искандарий*, 67-Т;

ЁН- II [يان] – ёнмоқ, куймоқ, куйиб-пишмоқ, куюнмоқ:
Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,
Ёнса йиғач ёлғуз иши дуд эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-181;
Эй кўнгул ишқ ўтидин ёнма,
Бор-у ташвиш берма яна манга. *Наводируш-шабоб*, 13-Т;
Бу дағи ёниб неча қилди баён,
Бўлмади мақсуди жамъ ичра аён. *Лисонут-тайр*, 234-Т;
Чун мунаввар қилди нуридин кўзин,
Ёнибан ёйди алар ичра сўзин. *Лисонут-тайр*, 234-Т.

ЁНА [يانه] – якин:
Қўйуб мулки маврусинга ёнани.
Раво кўрсанг уй ичра бегонани. *Садди Искандарий*, 133-Т;
Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутағаййир ва бар неча хусусият била мутамаййиздур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 167-Т;

ЁНГИЛ- [يانگيل] – янглишмоқ, хато қилмоқ:

Неча улусқа май-у бизга заҳри соқийдур,
Дединг ки мастмен ар чин дединг ёнгил бори. *Наводируш-шабоб*, 626-Т;
Не балодур ким фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай. *Бадойиул-васат*, 450-Т.

ЁНГҒАҚ [يانگغاق] – ёнғоқ:

Мени ўлтуртти ва суфра келтурди. Суфрада нон эрди ва ёнғоқ ва туз. Мен оч эрдим емакка машғул бўлдум. *Насойимул-муҳаббат*, 146-Т.

ЁНДАШ- [يانداش] – ёндошмоқ, яқинлашмоқ, ёнма-ён турмоқ, тенглашмоқ:

Заъфлиғ жисмимда билдурган бўғунлар нетайин,
Англа ёндашқан тугунларнинг шабиҳи тор аро. *Наводируш-шабоб*, 19-Т;
Вале топмас эди бу ишга чора,
Ки ёндашқай биллур-у санги хора. *Фарҳод ва Ширин*, 321-Т;
Араба чу эл даврига ёндашиб,
Ики даврадин ҳам ҳисоби ошиб. *Садди Искандарий*, 322-Т;
Кулаги дурру лаъли ким куёшқа ёндашибтурлар,
Шараф авжида ул кавкаб саодат ахтаридур бу. *Хазойинул-маоний*, IVб-524;
Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,
Ҳар сари ҳайрат била эл турдилар. *Ҳайратул-аброр*, 7-130.

ЁНДАШМАҚ [يانداش ماق] – ёндашиш, яқинлашиш:

Санга ёндашмак истаб қоматим ё оҳим ўқ бўлди,
Ҳасаддин бир тараф қурбонинга бир ён садақингга. *Бадойиул-васат*, 391-Т.

ЁНДАШТУР- [يانداش تور] – ёнма-ён қўйиб кўрмоқ, солиштирмоқ, тенглаштирмоқ:

Тоатимни кибрлар фисқига ёндаштурсалар,
Не бу андин яхширақ бўлғай не ул мундин ёман. *Фавойидул-кибар*, 708-Т;
Орази ёнига гул санчар жамол изҳорига,
Англатур ҳуснин ани ёндаштуруб рухсорига. *Хазойинул-маоний*, 16-552.

ЁНДУР- I [ياندور] – ёндирмоқ, ёқмоқ, куйдирмоқ:

Хазин кўнглум қушининг парлари чўрканди ул кун ким
Бузуғ тан ошиёнин шуълаи ҳажрингга ёндурдунг. *Бадойиул-васат*, 265-Т;
Неча йиллардур ки ўзи ёндурган чароғи ўчмайдур деб машҳурдур.
Насойимул-муҳаббат, XV-155;
Қилиб тунни ёруқ кунни қаронғу,
Судин ўт ёндуруб ўтдин сепиб су. *Фарҳод ва Ширин*, 141-Т.

ЁНДУР- II [ياندور] – қайтармоқ:

Барин табъ бир жониб айландуруб,
Бурунғи барин табъ ила ёндуруб. *Садди Искандарий*, 48-Т;
Танимда касрати пайкони то тийғини ёндурди,
Ҳам ул дамдин эрур тийғи юзидин инфиъол ичра. *Хазойинул-маоний*,IIIб-568.

ЁНДУРМАҒЛИҚ [ياندورماغ ليق] – ёндиришлик:

Бу янглиғ ўтқа ёндурмағлиқ (Bodleian Ktp., Eliot koll. №2117: **ёндурмағлиғ**) ани,
Кул ўлғач кўкка совурмағлиқ ани. *Фарҳод ва Ширин*, 374-Т.

ЁНИДАҒИ [يانيداغی] – ёнидаги:

Зулф-у юзи хад ёнидаги дол,
Фам нуқтаси оғзи устида хол. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т.

ЁНМАҚ/ЁНМАҒ I [يانماق/يانماغ] – қайтиш:

Ўлармен то етармен мақсадимга ёнмақ имкон йўқ,
Бадан заъфи бил йўл шиддатидин гарчи толғаймен. *Наводируш-шабоб*, 469-Т;

Чун не истаб барин топиб бир бир,
Ёнмағин ошкор этиб тақдир. *Сабъаи сайёр*, 19-27;
Вале дев ёнмак ҳавас килмайин,
Ҳам ул шўр-у ғавғони бас килмайин. *Садди Искандарий*, 408-Т;
Ёнмаққа ҳам ўлдунг эрса мойил,
Келганча дурур йўлунгда манзил. *Лайли ва Мажнун*, 269-Т.

ЁНМАҚ/ЁНМАҒ II [يانماق/يانماغ] – ёниш:
Жонимни ки ўртадинг бас эрди,
Ёнмак би сифат керакмас эрди. *Лайли ва Мажнун*, 121-Т;
Туфрағимдин аҳли ишқ этса танаввур шодмен,
Ким ичимда ишқ ўти ёнмағ била муътодмен. *Наводируш-шабоб*, 471-Т.

ЁНМАҒЛИҒ [يانماغ ليغ] – кайтишлик:
Ким Навфал иши ажаб кўрунди,
Ёнмағлиғи бесабаб кўрунди. *Лайли ва Мажнун*, 222-Т.

ЁНЧАҚ [يانچاک] – безакли от ёпинғичнинг икки ёни, безакнинг этаги:
Тазарви эрди раъноликда оти,
Ики ёнчак бўлуб икки қаноти. *Мажолисун-нафоис*, 176-Т.

ЁП-I [ياپ] – 1. ёпмоқ, бекитмоқ, яширмоқ; юммоқ:
Қуёш ким эрур нур сочмақ иши,
Нетиб нур ила ани ёпқай киши. *Садди Искандарий*, 102-Т;
Ўлмак истаб ишқ аро ву топмайин,
Ул таманнодин кўзини ёпмайин. *Лисонут-тайр*, 138-Т;
Ришгаи жонни тугуб зулфидин очқанда гириҳ,
Пардадорликлар этиб юзига ёпқанда ниқоб. *Хазойинул-маоний*, IVб-49;
Мамолик жилвасидин кўзни ёпти,
Ки Юнон мулкин ул жом ичра топти. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т;
2. ёймоқ, солмоқ:
Тириклик қушлариға ёпибан дом,
Тенгиз амвожидин андақ ки сайёд. *Хазойинул-маоний,IIа-393;*
3. тўсмоқ:
Юзунг оллида ҳар нафас тутма кўзгу,
Қуёшни қамар ёпмақ эрмас муносиб. *Хазойинул-маоний*, IIIб-56;
4. босмоқ, қопламоқ:
Сабзаи хат ёпқан оғзинг ўпсам эй гул не ажаб,
Тупрағимдин ғунча бутса захмлиқ пайкон киби. *Бадойиул-васат*, IIIб-395;
Чун юзин юз туман черик ёпқай,
Сайд кейнича ҳар бири чопқай. *Сабъаи сайёр*, 10-378;
5. йўқ қилмоқ, тугатмоқ:
Қани султону шоҳид-у хайли,
Барчасин ёпти ажалнинг зайли. *Хазойинул-маоний*, IVб-423.

ЁП- II [ياپ] – қилмоқ, ясамоқ, яратмоқ:
Ёпти қаввоси қазо бир бирига мушкин қавс,
Отқали кирпик ўқин жон била кўнглум сари вой. *Хазойинул-маоний*, IIIб-583.

ЁПИЛ- [ياپيل] – ёпилмоқ, бекитмоқ; кийгизмоқ:
Жаҳонни дуди оҳи тира қилған,
Муроди субҳиға ул тун ёпилған. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т;
Ташрифот ким иноят бўлуб эрди ҳижрон дўзахида азоб тортадурған урён жисмимға висол биҳиштидин биҳишт ҳуллаларидек ёпилди. *Муншаот*, 14-194;

Субҳ бўлди заъфдин беҳол ўзи,
Кўз юмуб очқунча ёпилди кўзи. *Лисонут-тайр*, 120-Т.

ЁПИЛМАҚ [ياپيلماق] – ёпилишлик:
Қотибтур кўзларим ким не таҳаррук не ёпилмақ бор,
Қиё боққай му бир деб азм этарда бас ки телмурдим. *Ғаройибус-сиғар*, 315-Т.

ЁПИН- [ياپين] – ёпинмоқ, устига солмоқ, киймоқ, кийинмоқ:
Жунун йўлида бу расвоға ёпма пардаи исмат,
Ки йўл қолур агар андағ оғир либос ёпиндим. *Хазойинул-маоний*, 116-400.

ЁПИШ-/ЁПУШ- [ياپيش/ياپوش] – 1. ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ:
Рангсиз холинг жамолинг хонида эй сиймбар,
Ё адасдур ё ёпушмиш бир адас чоғлиғ шакар. *Наводируш-шабоб*, 135-Т;
Заъфим ичра қасри томиға тайалғандектурур,
Ҳар саман кўрсанг ёпушқан томининг деворида. *Ғаройибус-сиғар*, 47-Т;
Қошингнинг хаёлиға жон риштасин кўр,
Ки ёпушти ёй узра маҳкам сингирдек. *Наводируш-шабоб*, 337-Т;
Раҳн хирқам ким тўшабтурлар ани майхонада,
Гўйиё ҳар ён ёпушқан дурдлар пайвандидур. *Фавойидул-кибар*, 147-Т;
Навоий ёр лаълида учуқтур йўқса ёпишти
Чибиннинг парридин бир пора қўнған чоғда бол узра. *Фавойидул-кибар*, 533-Т;
2. осилмоқ, таламоқ:
Йўлунгда ўлди Навоий-у бўлди туфрағ ҳам,
Ёпушса эрди бу кўй итлари аёғиға қош. *Хазойинул-маоний*, 260;
Тўрт киши андағ хушунот била Хожаға ёпуштилар ки гўё арода қоне воқиъ бўлубдур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-129.

ЁПИШМАҒЛИҒ [ياپيشماغ ليغ] – ёпишмоқлик:
Жаҳондин силкиниб чиққан этак топиб ёпишмағлиғ,
Муйассар бўлса не ишдур талаб йўлида хок ўлмак. *Ғаройибус-сиғар*, 257-Т.

ЁПИШТУР-/ЁПУШТУР- [ياپيشتور/ياپوشتور] – ёпиштирмоқ:
Кўз ки учқан чоғда устиға ёпиштурдум сомон,
Номабар қуштур ки сариғ рукъа элтур ёр учун. *Фавойидул-кибар* ,469-Т;
Густохлиқ юзидин бир неча сўз битиб коғаз бошин ёпуштуруб йибарилди. *Муншаот*, (9(10)-580; (14-171);
Тануредур ичим гўё кизитқан ишқ оти ани,
Ёпуштурған кабоб ўрни анга ҳар доғи пинҳон. *Ғаройибус-сиғар*, 452-Т.

ЁПИШТУРУЛ- [ياپيشتورول] – ёпиштирилмоқ:
Бошим оқарди ишқда ё ишқ тиғидин
Мамуғ ёпиштурулди бу афгор бошиға. *Фавойидул-кибар*, 533-Т.

ЁПМАҚ [ياپماق] – бекитиш, ёпиш яшириш:
Эшик ёпмаққа чун сундум илигни,
Ёпилғач ул Ҳақ очти юз эшикни. *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т;
Ҳунарин элнинг ошкор этмак,
Йўқ эса бари айбини ёпмак. *Фавойидул-кибар*, 706-Т.

ЁПУРҒАҒ [ياپورغاغ] – япроқ; барг:
Оҳ ўти учкунлари ким чарх уруб,
Лола ёпурғағини ел совуруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-339; (6(10)-299).

ЁПУҒ [ياپوغ] – ёпиғ, ёпинғич:
Тушта кўрган киби ёпуғи қаро,
Изтироб ўти тушти жони аро. *Сабъаи сайёр*, 10-148.

ЁР [يار] – ёр, дўст, ҳамроҳ:

Эй кўнгул ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,
Ваҳ санга душман бўлуб ул ўзгаларга ёр эмиш. *Мажолисун-нафоис*, 215-Т;

Ҳар журм ки узр эрур анга ёр,
Ул журмни айлагил манга ёр. *Лайли ва Мажнун*, 39-Т;

Деди к-эй мисли йўқ устоди нақкош,
Демай нақкош ки ёр-у қариндош. *Фарҳод ва Ширин*, 410-Т;

Ёр улдур ки ҳар не ким ўзига истамас ёриға ҳам истамагай.
Маҳбубул-қулуб, 130;

2. маҳбуба, севгили:

То пайки сабо кетурди ёрим хабарин,
Шарҳ айлади сарви гулъизорим хабарин. *Муншаот*, 14-182;

Бор-у йўқдин ўзни фоний айламак,
Ёр ишқин жовидоний айламак. *Лисонут-тайр*, 137-Т;

~ **и азиз** – ҳурматли дўст, азиз биродар:

...анинг сабабин адо қилғали ва боисин арзға еткургали ёри азиз Мавлоно Мир Ҳусайн Бовардийни ким юз ул даргоҳ туфрағидин қуёшқа етиб эрди.
Муншаот, 14-158;

~ **и вафодор** – вафоли ёр, аҳдидан қайтмас:

Топилса гар ёри вафодор кам эрмас,
Андин киши гар топса вафодор мусоҳиб. *Фавойидул-кибар*, 53-Т;

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Ёр деган ёри вафодор эмиш. *Ҳайратул-аброр*, 7-180;

~ **и дилбанд** – дилбанд ёр:

Алқисса ул икки ёри дилбанд,
Чун бўлдилар эйла васлпайванд. *Лайли ва Мажнун*, 308-Т;

~ **и жон** – жон, қалб ёри:

Ким кирди уй ичра ёри жони,
Йўқ йўқ ки рафиқи жавидони. *Лайли ва Мажнун*, 354-Т;

Жон азиз асру фидойи ёри жони бўлғали,
Ар не икин ошиқи бечора ул боши нетар. *Фавойидул-кибар*, 140-Т;

~ **и зариф** – зариф ёр, дўст:

Бода хуштур гар ҳарифим бўлса бир ёри зариф,
Май ҳарифи гар зариф эрмас анга эрмен ҳариф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т;

~ **и мажлис** – ёру дўстлар мажлиси:

Деди к-эй барчангиз кўнглумга муънис,
Кеча кундуз ҳариф-у ёри мажлис. *Фарҳод ва Ширин*, 448-Т;

~ **и меҳрбон** – меҳрибон ёр:

Агарчи келмади бемеҳр ёр жаври ёман,
Чу яхши боқсанг эрур ёри меҳрбон яхши. *Бадойиул-васат*, 424-Т;

~ **и меҳросор** – меҳрли, муҳаббатли:

Ёр ким ёри учун чекса жафо бил ани ёр,
Ўлса оздур кимса андақ ёри меҳросор. *Наводируш-шабоб*, 493-Т;

~ **и ошино** – ёру дўстлар:

Кўйида ўлди Навоий қочти андин итлари,
Йўқ эди ўлганда ёри ошинолар бошима. *Наводируш-шабоб*, 550-Т;

~ **и сара** – хуб, гўзал ёр:

Ўзидек ясаб неча ёри сара,
Йўқ сара неча лаъми масхара. *Лисонут-тайр*, 77-Т;

~ **и шафиъ** – шифоатли ё р:
Кўрди чу тиғ остида қўлдошини,
Ёри шафиъ ўлди очиб бошини. *Ҳайратул-аброр*, 7-186;
~ **и ғамгусор** – меҳрибон, ғамни кетказувчи ёр:
Навоийё ғамим ўлтурди ғамзода май бер,
Йўқ эрса бошла мени ёри ғамгусорғача. *Фавойидул-кибар*, 554-Т;
~ **и ғор** – ажралмас дўст, ҳамроҳ:
Ғор аро ёриға айлаб жон нисор,
Ёри анинг один (отин) айлаб ёри ғор. *Лисонут-тайр*, 27-Т;
Кетур соқий май-у бўл ғамгусорим,
Демай ким ғамгусорим ёри ғорим. *Фарҳод ва Ширин*, 214-Т;
~ **и ҳамдамсиз** – ҳамдамсиз дўст:
Деманг ки ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам ўлур,
Ки ҳам дурур дам эмас бода ёри ҳамдамсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 172-Т;
~ **и ҳамҳоба** – ёстиқдош ёр:
Сен ки умре манга анис эрдинг,
Ёри ҳамҳоба-у жалис эрдинг. *Сабъаи сайёр*, 10-154;
~ **-у ёвар** – ёру мададкор:
Дегананга ўзни ёр-у ёвар,
Бу сўзни килурлар эрди довар. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;
~ **-у мусоҳиб** – дўст ва қариндошлар:
Паҳлавоннинг барча вақт ёр-у мусоҳиби эрдилар ва ҳақиқатмаоб аҳли тариқ ва тариқатиктисоб аҳли таҳқиқ ки Паҳлавон дойим аларнинг хидмат ва дилжўйлуғида иштиғол кўргузур эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т;
~ **-у хаводор** – дўст:
... барча Паҳлавонға ёр-у ҳаводор эрдилар беихтиёр сўгворлиғ расмини бажо келтуруб ўзни мотами туттилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т;
~ **-у ушшок** – дўсту ошиқлар, ёру дўстлар:
...теграсидаги ёр-у ушшок ва мулозим-у ҳамнишин ва сойир фуқаро ва масокин авлиё ву аткиё фиғонин фалаки асирға тортиб навҳалар ва нудбалар кўргуздилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т;
~ **бўл-/ўл-** – дўст бўлмоқ, мададкор бўлмоқ:
То давр дурур давр санга ёр ўлсун,
То чарх дурур чарх мададкор ўлсун. *Муншаот*, 14-174;
~ **бил-** – дўст тутмоқ:
Ёр ки бор анда вафо ёр бил,
Умр деган ёри вафодор бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-180.
~ **айла-/эт-/қил-** – дўстлаш моқ; дўст этмоқ:
Нафъ еткурмакка шиор айладинг,
Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-234;
Деди Маллу бурун ани ёр эт,
Таври меҳр-у муҳаббат изҳор эт. *Сабъаи сайёр*, 10-257.
Тангри санга сабр ёр қилсун,
Хаёлинг уза пойдор қилсун. *Лайли ва Мажнун*, 345-Т.

ЁР- [يار] – ёрмоқ, бўлмоқ, ажратмоқ, тилмоқ:
Не ажаб ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Бас ки ёғди устига атфол элидин хоралар. *Бадойиул-васат*, 523;
Раҳм этиб эй дўстлар мажруҳ кўксумни ёринг,
Қўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтаринг. *Бадойиул-васат*, 266-Т;
Ёшим сайли била бағрингни ёрдим,
Югурмак бирла гардингни чиқардим. *Фарҳод ва Ширин*, 446-Т;

Ки гар тоғ-у вагар ердур ёрарбиз,
Қаро туфраққа кирсанг ҳам кирарбиз. *Фарҳод ва Ширин*, 448-Т;
Тиғ ила кўксумни ёрсанг шуълаи оҳим не тонг,
Чун ёлин ортар киши чок этса ахгар кўнглини. *Фавойидул-кибар*, 588-Т.

ЁРАН- [یاران] – ёранмоқ, маъқул келмоқ:
Не назми ки ўтлуқ кўнгулдин чикардин,
Дедим ким менинг хотиримға ёранғай. *Наводируш-шабоб*, 677-Т.

ЁР ЁР [یار یار] – ёр-ёр:
Сен куёш бирла муносибсен, ўйунда хублар,
Икки икки чунки киргайлар аташиб ёр ёр. *Бадойиул-васат*, 125-Т;
Десанг сен ки жон кардашим ёр ёр,
Мен айтай ки мунглиғ бошим ёр ёр. *Садди Искандарий*, 378-Т;
Айалғунг неча ёр ёр ўлғуси,
Менинг йиғларим зор зор ўлғуси. *Садди Искандарий*, 378-Т.

ЁРИЛ- [یاریل] – 1. йиртилмоқ; кўркмоқ:
Бу иш тушта гар жилва килғай эди,
Ҳам ул лаҳза заҳрам ёрилғай эди. *Садди Искандарий*, 487-Т;
2. очилмоқ ёрилмоқ (қаварчик, пўрсилдоқ):
Ёрилғач суйи дема ҳар ён томиб,
Фано абридин дурри ғалтон томиб. *Садди Искандарий*, 257-Т.

ЁРИЛМАҚ [یاریلماق] – ёрилиш, бузилиш:
Уйлар не ажаб ёрилмақ ахир,
Бир бири уза йикилмақ ахир. *Лайли ва Мажнун*, 167-Т.

ЁРИМЧУҚ/ЁРУМЧУҚ [یاریمچوق/یارومچوق] – 1. майда, майда чивин:
Ёримчуқ пашша ниши била ожиз қилурсен,
Нечук ким пил янглиғ қавийдур хасми бебок. *Наводируш-шабоб*, 321-Т;
2. ярим-ёрти, арзимас даражада:
Ёрумчук кўруб сайр тарк этмадим,
Ери қолмади ким анга етмадим. *Садди Искандарий*, 88-Т;
Ва Кисро тоқин дебтурлар ким ёримчук эрди ул тугатти.
Тарихи мулуки ажам, 16-239.

ЁРИШ- [یاریش] – ёришмоқ; мусобақа қилмоқ:
Эй жон-у кўнгул бир бирингизга қоришинг,
Ул кўй сари рахши таманно ёришинг. *Ғаройибус-сигар*, 556-Т.

ЁРЛИҚ/ЁРЛИҒ I [یارلیق/یارلیغ] – амр, фармон; ёрлиғ:
Чу ёздинг субҳиға ёрлиқ босорға ол томғосин,
Шафақдин ҳал қилиб шингарф қилдинг, меҳрдин ҳотам.
Хазойинул-маоний, 116-397.

ЁРЛИҚ/ЁРЛИҒ II [یارلیق/یارلیغ] – 1. дўстлик, ҳамкорлик:
Сен чунки бу ёрлиқ қилурсен,
Ҳар не дер эсанг ўзунг билурсен. *Лайли ва Мажнун*, 229-Т;
Неча қилса Доро жаҳондорлиғ.
Аромизда воқиъ эди ёрлиғ. *Садди Искандарий*, 227-Т;
Рафик-у ёрлиқ мундақ бўлурму,
Амонатдорлик мундақ бўлурму? *Фарҳод ва Ширин*, 409-Т;
Парийвашининг туфулийят жиҳатидин ёрлиғ билмасин ва анинг шавқидин шайдо кўнгли ҳушёрлиғ билмасин. *Мажолисун-нафоис*, 244-Т;

Ул парийваш тифл вах ким ёрлиғ билмас нетай,
Шавқидин шайдо кўнгул ҳушёрлиғ билмас нетай. *Мажолисун-нафоис*, 245-Т;
Юзи гулчеҳра сокийнинг тараб ҳукмиға туғродур,
Юзинда майгули ул ёрлиғ узра ол тамғадур. *Бадойиул-васат*, 149-Т;
Эй Навоий фард бўл васл истасанг ким халқдин,
Ҳар киши ким ёрлиғ узгай Худо ёри анинг. *Бадойиул-васат*, 275-Т;
Эй Навоий одамийлиғдин йирақдур сен киби,
Ёрлиққа ким ки майли одамийзод айласа. *Бадойиул-васат*, 402-Т;
Ҳар ким ки бирав била ёрдур ёки ёрлиғ даъвоси бордур керак ким ўзиға раво тутмағанни ёриға раво тутмаса. *Маҳбубул-кулуб*,XIII-55;
Деди нисбат иккимизда ёрлиғ,
Ҳамдам-у ҳаммашраб-у ҳамкорлиғ. *Лисонут-тайр*, 146-Т;

2. меҳр боғлаш:
Дунё ки қатиғ дурур гаронборлиғи
Қатиғрақ анинг улусининг ёрлиғи. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-97;
Йўқ олам ичинда фардлиқ меҳнатидек,
Ким кимсага қилса ёрлиқ нисбатидек. *Назмул-жавоҳир*, 15-144;

3. ёрдам:
Анинг ботинидин тила ёрлиғ,
Бийик ҳиммatидин мададкорлиғ. *Садди Искандарий*, 514-Т;

~ **қил-** – ёрдам қилмоқ:
... ул қариғанда ани фуругузошт қилғайлар ва анга ёрлиғ қилмағайлар. *Насойимул-муҳаббат*, 132-Т;
Не мушкил ишингда қилиб ёрлиғ,
Балолардин этти нигаҳдорлиғ. *Садди Искандарий*, 279-Т.

ЁРЛИҒА-/ЁРЛИҚА- [يارليغه/يارليقه] – ёрлақамоқ, кечирмоқ, марҳамат қилмоқ, афв қилмоқ, гуноҳидан кечмоқ:
... анинг шогирди манга деди ким бизинг пир рамазоннинг сўнгғи куни саждаға бошин қўйуб субҳға дегинча зорлиғ била айтур эрди ким Худоё ул рўза ким туттум сенинг учун ва ул ҳаж ва намоз ки қилдим ва Қуръон ким ўкудум барчадин тавба қилурмен мени ройагон ёрлиға. *Насойимул-муҳаббат*, 148-Т;
Деди ким улдур ки бир гуноҳни биравдин карам била афв қилғандин сўнгра яна ул гуноҳ била ҳеч кишига азоб қилмағай ки мен бу гуноҳ била фалон бандамни ва дўстумни ёрлиғабмен. *Насойимул-муҳаббат*, 177-Т;
Барчанинг қилған гуноҳин афв қил,
Ёрлиқаб лутф айлаб озод айлагил. *Лисонут-тайр*, 174-Т.

ЁРМАН- [يارمان] – чирмашмоқ, чирмашиб кетмоқ:
Анга ёрманиб хуша зирҳи хаёл,
Сипеҳр узра чақмақни кўрмай муҳол. *Садди Искандарий*, 302-Т.

ЁРМАШ- [يارماش] – чирмашмоқ, ўралмоқ, чирмашиб ўсмоқ:
Чиқти туз ҳар нахл уза бир ишқпечон ёрмашиб,
Вах ки бир кад ишкидин жисмимда печу ҳам ҳануз. *Ғаройибус-сиғар*, 176-Т;
Чиқти зулфин солғач-ўқ чоҳи занахдондин кўнгул,
Анкабут ул навъ кимториға чиққай ёрмашиб. *Ғаройибус-сиғар*, 73-Т.

ЁРМАҚ/ЁРМАҒ [يارماق/يارماغ] – пул, танга; олтин:
Чу сўз топти ниҳоят тўкти ёрмақ,
Тааммулсиз нечук ким тош-у туфрақ. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т;
Жонни ёрмаққа сотти хожаи хас,
Ким бу савдони тожир эткай-у бас. *Сабъаи сайёр*, 10-91;

Ҳажр аро кўйди дирамдек доғлар кўксин ёриб,
Васл эрур мумкин Навоийнинг чу кўптур ёрмағи. *Бадойиул-васат*, 429-Т;
Васли байъиға тўкуб эл сим мен ёрдим юрак,
Комима мушкил ки еткаймен бу бўлса ёрмағим. *Фавойидул-кибар*, 388-Т;
Шоҳ эшигида ёрмакни зоиъ қилғучи жамоат ким алардин не Тангриға тоатдур ва не шаҳға итоат. *Маҳбубул-қўлуб*, 9(10)-458; (14-17).

ЁРМАҚ II [يارماق] – ёриш, бўлиш:
Ул захми забун ила ҳамиша,
Эл бағрини ёрмақ анга пеша. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т;
Бало тоғини мужгон бирла ёрмақ,
Ёриб тирнақ ила ердин қўнгармақ. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т;
Бўлмади гар хома бошин ёрмағинг,
Ёрди қамар хомасини бармағинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-38; (6(10)-31);
Тира кулбамда хаёлиға малолат ваҳмидин,
Нотавон жисмимни ҳар ёндин тутуб ёрмақдир иш. *Бадойиул-васат*, 188-Т;
Деҳқон ки дона сочар ерни ёрмақ била ризқ йўлин очар.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-474; (14-32).

ЁРО [يارا] – қувват, мадор, илож:
Талашмаққа не ҳадд-у ёро эди,
Ким ул шамъи айвони доро эди. *Садди Искандарий*, 386-Т;
Бу ўтдин су бўлиб хороси анинг,
Вале йўқ сўрғали ёроси анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т;
Кишига йўқ бизинг эл ичра ёро,
Анга қилмақ бу сўзни ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 345-Т;
~ **йи эълом** – билдириш, маълум қилиш иложи:
Мундин ортуқ тилга ҳадди калом ва қаламға ёройи эълом йўқ турур.
Муншаот, 14-220.

ЁРОД [يارا] – чолғу асбоби;
Воиз ки дастёрсиз ўлмас сухангузор
Анга ёрод-у мунга аёлғувчи ҳукми бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

ЁРОН [ياران] – дўстлар:
...ва ҳеч замони мусодақатлиқ асҳоб бода базми тарҳин солурға андин яхшироқ йўқдур ким маргуб ёронлар машҳуд бўлгайлар ва ағёр юзига ҳужра эшиклари масдуд. *Муншаот*, 14-140;
Ёрлиқ қайда кетти эй еронлар,
Йўқ мусулмонлиқ эй мусулмонлар. *Сабъаи сайёрга*, 10-126.

ЁРОНА [يارانه] – дўстона:
Сўзи эрди мақбул-у ёрона ҳам,
Писанд эткудек хеш-у бегона ҳам. *Садди Искандарий*, 333-Т.

ЁРСИЗ [يارسيز] – дўстсиз, ёрсиз:
Вале Фарҳодсиз бор эрди ранжур,
Нечук ким ёрсиз Фарҳоди маҳжур. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;
Ёрсиз маҳзун кўнгул девона бўлмай найласун,
Вомиқ-у Мажнун киби афсона бўлмай найласун. *Мажолисун-нафоис*, 231-Т;
Тонг эмастур гар диёр-у ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гул-у гулзорсиз озорсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т.

ЁРСИЗЛИҒ [يارسيزليغ] – ёрсизлик, дўстсизлик; ёлғизлик:
Гаҳи ёрсизлиғлар айлаб ҳалоким,
Гаҳи дард-у ғам кўргузуб ёрлиғлар. *Фавойидул-кибар*, 157-Т;
Ёрсизлиғдин Навоийни яна кўркутмангиз,
Ким бу шаъб ишка юрак бости кўнгул тўқтади ҳам. *Бадойиул-васат*, 312-Т.

ЁРУ- [ياﺭو] – 1. ёримоқ, яшнамоқ, порламоқ, чақнамоқ:
Дойим бу тариқ-у шевани тут,
Ҳам ёру ву ҳам жаҳонни ёрут. *Лайли ва Мажнун*, 139-Т;
Бир неча иш бўлса муяссар санга,
Давлат била ёруғай ахтар санга. *Ҳайратул-аброр*, 96-б;
2. ёруғлиқ пайдо қилмоқ:
Аммо фатилаларға бирар нима ҳаракат бермак керак эрди ки яхши туташқай ва ёруғай. *Насойимул-муҳаббат*, 239-Т;
Ул тун ул кишвар саросар ёрумиш,
Вокиф элни бешуур этмиш ул иш. *Лисонут-тайр*, 44-Т;
3. туғ моқ:
...ул черикни бошлаб Ялош устига борурда Исфаройинға еткач ўғли Нўширавон била кўзи ёруди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-240;
4. тонг отмоқ, ёришмоқ:
Киши ўзни ясаған бирла булурму ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас, ўйла ким субҳи содиқ. *Маҳбубул-қулуб*, 118;
Ёрурда куёш партавидин саро,
Қачан фарқ ўлур фаҳм заррот аро. *Садди Искандарий*, 57-Т.

ЁРУМАҚ [ياروماق] – ёриш, ёришиш:
Истар эрди тириклигида ўзи,
Ёрумақ ўз чароғи бирла кўзи. *Сабъаи сайёр*, 10-142;
Ёрумақ истар эсанг аввал орит кўнглунгни,
Эй Навоий кўзи ёруб киши ким кўнгли ориб. *Наводируш-шабоб*, 57-Т.

ЁРУМАҒУР [ياروماغور] – ёримағур:
Мен тўкуб ашк фалакдек вале бехудлуғума
Дамбадам ёрумағур субҳни чандон топтим. *Фавойидул-кибар*, 401-Т.

ЁРУТ- [ياروت] – 1. ёритмоқ, равшан қилмоқ, порлатмоқ:
Олиб кирган ки ани йўлға тутти,
Қаронғу тунни кундуздек ёрутти. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т;
Чун меҳр саҳар йўлин ёрутти,
Икки тева лек йўлумни тутти. *Лайли ва Мажнун*, 224-Т;
Ҳам ул ўтға ким назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб. *Садди Искандарий*, 82-Т;
2. ободонлаштирмоқ, яхшиликка йуналтирмоқ:
Кириб рахши гетинавардинг била,
Ёруттунг бу кишварни гардинг била. *Садди Искандарий*, 318-Т;
3. кучайтирмоқ, авжига чиқармоқ:
Яна чун «Фарҳод ва Ширин» шабистониға хаёлим йўл тутубтур. Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чароғимни ёрутубтур.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;
4. кўнгулни ёрутмоқ, хушнуд этмоқ, севинтирмоқ:
Яхши сўз кўнгулни ёрутур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-192;
Мактабни ёрутқач ул паричеҳр,
Андак ки сипеҳр гунбадин меҳр. *Лайли ва Мажнун*, 109-Т.

ЁРУТМАҚ/ЁРУТМАҒ [ياروتماق/ياروتماغ] – ёритиш:
Гар қилмаса кўз ёрутмақ оҳанг,
Кўзга нега келди сурмайи ранг. *Лайли ва Мажнун*, 138-Т;
Эй Навоий ишқини ҳап ким ёрутмақ истаса,
Ер юзинда топмағай тутруқ учун хас мен киби. *Наводируш-шабоб*, 621-Т;
Ишқ ўти кўнглум ёрутмақ истаса йўқтур ажаб,
Ким чурук бўлған сўнгаклардин курук хошоки бор. *Бадойиул-васат*, 140-Т;

Равшан этмас базмни ҳусн аҳли сендек ким этар,
Даҳр ёрутмағни гар анжум қуёшқа ўтканур. *Фавойидул-кибар*, 143-Т.

ЁРУТУЛ- [ياروتول] – ёритилмоқ:
...кўзларин ёрутулса тоғдин қуёш чиққандек бўлғай ва бахордин гул очилғандек бўлғай. *Муншаот*-14-135.

ЁРУТҚУ [ياروتقو] – ёритадиган:
Эмас кулбамни ҳаргиз ул қуёш ёруткудек эй чарх,
Ўзумни шамъдек ҳар тун неча бошдин аёғ ўртай. *Наводируш-шабоб*, 612-Т.

ЁРУШ- [ياروش] – ёришмоқ:
Ким ўтларидин жаҳон ёрушти,
Хирманларига шуъла тушти. *Лайли ва Мажнун*, 143-Т.

ЁРУҚ/ЁРУҒ I [ياروق/ياروغ] – ёрик, нурли, равшан; бахт:
Гавҳари сарчашмаи жондин ёруқ,
Ҳар не йўқ андин ёрук андин ёрук. *Ҳайратул-аброр*, 7-85; (6(10)-73;
Очибан кўксумни ёрғил қилмасам дағи ёруқ,
Айлагил бари хаёлинг манзилин очуқ ёруқ. *Наводируш-шабоб*, 320-Т;
Бор эрди қошимда қуёшдин ёруқ,
Ки қилғунг дурур лутф-у дилжўйлук. *Садди Искандарий*, 332-Т;
Истаб мени бўлғали фароғинг,
Мендин ўчубан ёруқ чароғинг. *Лайли ва Мажнун*, 324-Т;

2. соф, покиза, тоза:
Тан махзанининг нуҳуфта сими,
Жон гулшанининг ёруғ насими. *Лайли ва Мажнун*, 92-Т;
Қози... шаръий ҳийлалар гириҳидин кўнгли очуқ фуқаҳо тазвирлари тиралари-дин замири ёруқ. *Маҳбубул-қулуб*, 21;

~ **олам** – ер юзи; тириклик, ҳаёт:
Бу дам ким аён бўлди бу можаро,
Ёруғ олам ўлмиш кўзумга қаро. *Садди Искандарий*, 202-Т;

~ **кўнгуллук** – хушгабиат, софдил, самимий:
Шайхул-ислом дебтур ки Кошонда қавме бор эрдилар ёруқ кўнгуллук.
Насойимул-муҳаббат, XV-103;

~ **қил-** – ёритмоқ:
Ало то ким куёшдин бўлғай анвор,
Ёрук қилғай жаҳон мулкини ҳамвор. *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т.

ЁРУҚ/ЁРУҒ II [ياروق/ياروغ] – ёрик, жароҳатланган:
Қаддинг қошинда нечук сарв ўзин дегай озод,
Ки сабзранг қулунгдур анинг аёғи ёруқ. *Бадойиул-васат*, 248-Т;
Дастор йиртуғлуғидин ғам ема, боши ёруғларга боқиб Тенгри ҳамдидин ўзга дема. *Маҳбубул-қулуб*, 169.

ЁРУҒЛУҒ/ЁРУҒЛУҚ [ياروغلوغ/ياروغلوق] – 1. ойдинлик, зиё, разшанлик, порлоқлик:
Томса чароғ ўтиға бир қатра сув,
Уйда ёруғлуқдин илик ўзга юв. *Ҳайратул-аврор*, 7-261; (6(10)-228);
Ганждин еткай асар вайронинга,
Зоти нуридин ёруғлуғ жонинга. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
Ёруғлук мунча йўқ анжумға мақдур,
Очиб рухсори шамъин юз тумани ҳур. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;
Бу машъал чу ўз шуъласин ёрутуб,
Русул шамъи андин ёруғлук тутуб. *Садди Искандарий*, 58-Т;

...фақир тариқида мартаба ҳосил қилған ва фано расмида ёруқлуқ топиб ўзлук зулматидин халос бўлған ул ки сизинг муборак хотирингизға зоҳирдур.

Насойимул-муҳаббат, 259-Т;

Ул ёруғлуғ шавқ ўтин тез айлагай,
Ким талаб рахшинг сабукхез айлагай. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
Совуғ оҳимдин ёруғлуқ оз вале кўп тиралик,
Қишда ул янглиғ ки тун бўлғай узун кун қисқариб. *Наводируш-шабоб*, 55-Т;
Ёруғлуғ ки атрофин анинг тутуб,
Ани оғзининг шуъласи ёрутуб. *Садди Искандарий*, 97-Т;

2. шам, чироқ:

Ва ҳар йил тўрт юз олтун хонақоҳ ва гунбаз дағи мадраса ва масжид ва дорул-хуффоз фарши учун кийиз била бўриё ва ёруғлуғ учун харж қилғай.

Вақфия, 9(10)-658; (14-268).

ЁРҒАҒ [يارغاغ] – туксиз пўстин; пўстин:

Жисм заъфидин тери колмиш сўнгак узра яна,
Ҳажр ўқи паррон ўтар чун етса бу ёрғағима. *Бадойиул-васат*, 385-Т;
Сунбулунгға бир хитойи бандадур мушки Хутан,
Гар далил истар эсанг бордур либоси ёрғағи. *Бадойиул-васат*, 428-Т.

ЁРҒУ [يارغو] – қабул; муқобиллик; ҳимоя; ҳукм:

Бу келмакдин эрди ғараз бу манга,
Ки бўлғай жанобингда ёрғу манга. *Садди Искандарий*, 333-Т;

~ **айла-** – ҳимоя қилмоқ:

Мен арода бўлғамен ҳукм эткучи,
Ерғу айлаб узрунгузга еткучи. *Лисонут-тайр*, 149-Т.

ЁРҒУЧАҚ [يارغوچاق] – қўл тегирмон:

Ҳақ таоло ул кумни буғдай қилди. Ҳожар андин ёрғучақ била ун қилиб ўтмак пишурди ва Иброҳим алайҳис-саломни уйғатти ким таом егай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-115;

Ҳазм этар фикрин ҳам эткил фарз этай нонинг учун,
Қилди чарх анжумни дона ой-у кунни ёрғучақ. *Бадойиул-васат*, 241-Т.

ЁС [ياس] – ўлим, ҳалокат:

Бу кафан ким либосим айлабсиз,
Хилъати мавт-у ёсим айлабсиз. *Сабъаи сайёр*, 10-361.

ЁСАМИН/ЁСУМАН [ياسمين] – ёсуман (оқ ва сариғ рангли хушбўй гул, **жасмин** шу сўзнинг русча шакли):

Кўрди ўзини чаман ичинда,
Сарв-у гул-у ёсамин ичинда. *Лайли ва Мажнун*, 124-Т;
Танингча эмас кўнглакинг ичра қилса,
Киши ҳулла ичра гул-у ёсамин жамъ. *Бадойиул-васат*, 222-Т;
Тикандин йўқ ки сарв-у ёсаминға,
Тамуғдин балки фирдавси баринға. *Фарҳод ва Ширин*, 422-Т.

ЁСТА- [ياسته] – бош остига қўл қўйиб ётмоқ:

Мен ким-у қилмақ ҳавас анинг қўлидин муттако,
Қўйида бас ётсам илгимни бошимға ёстабан. *Наводируш-ниҳоя*, 391.

ЁСТАН- [ياستان] – ёстанмоқ, такя қилмоқ:

Ли мааллоҳ оситонин ёстаниб,
Қоба қавсайн иттиҳодин қазғаниб. *Лисонут-тайр*, 25-Т;

Эй хуш ул ким бошининг остидадур дилбар кўли,
Қим Навоий кечалар бари ўзи илгин ёстанур. *Хазойшул-маоний*, IIIб-179.

ЁСТУҒ [ياستوغ] – ёстиқ, болиш:
Ул дебдур ки сўфийнинг ракваси овучидур ва ёстуғи кўли ва хазинаси улдур, яъни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло.
Насойимул-муҳаббат, 30-Т.

ЁСУМАН [ياسومان] – ёсуман:
Ва ул гулшан раёҳинидин кўнгул гулчини ҳадд ва ғоятсиз нукҳатлиғ гул ва ёсуман қўйниға солди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т; к. **ЁСАМИН.**

ЁТ [يات] – бегона, нотаниш; ўзга:
Бу навъ ўлса мундақ ики зот аро,
Не бўлғай гумон эт ики ёт аро. *Садди Искандарий*, 169-Т;
Ишлари талай олғанни таламақ ёт юртда чугурткадек сабза ва яфрағни яламақ.
Маҳбубул-қулуб, 18;

Мени от англамақдин ишқ этиб ёт,
Мен отдин ёт-у мендин ёт ўлуб от. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т;
Етишмай анда ёт элнинг аёғи,
Не ёт эл ким узуб ёт ўтни дағи. *Фарҳод ва Ширин*, 507-Т.

ЁТ- [ياتـ] – 1. ётмоқ, жойлашмоқ, ўрнашмоқ:
Ғайр ул ким ётибан йўлунгда шук,
Қармабан қонингни ичкай бир мушук. *Лисонут-тайр*, 65-Т;
Ул ерга дегин ки Қайси бедил,
Туфрағ уза ётмиш эрди ғофил. *Лайли ва Мажнун*, 144-Т;
Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хирад синжоби хор-у хора бўлмиш. *Хазойинул-маоний*, IVб-273;
Шайх Ширвоний деди ким мен рўзгоре ки қум устида ётур эрдим.
Насойимул-муҳаббат, XV-90;

2. ухламоқ:
Ёшурун барча халқ ётқан чоғ,
Хилвати равзаниға қўйди кулағ. *Сабъаи сайёр*, 10-157.

ЁТАҒ/ЁТАҚ [ياتاغ/ياتاق] – ётоқ, тунаш маскани, тунаш:
Қаплан киби сакриди ётағдин,
Ё ўйла ки кўк ғазоли тоғдин. *Лайли ва Мажнун*, 353-Т;
Ов учун даштға ётақда борса эрди эл кўзидин ким йирақ бўлди, итларин қўяр эрди ва Тенгри зикриға машғул бўлур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-99.

ЁТИШ [ياتيش] – тунаш, дам олиш; коровулхона; ~ **иши** – соқчилик хизмати; ~ **тавочиси** – соқчиларни назорат қилувчи, назоратчи; посбонлар, тунги соқчилар:
Яна ул ким тавочи бекларига ҳукм бўлса ким ётиш элин мазбут таъйин қилиб ётиш тавочиси ҳар кун аларнинг ётишиға келган келмаганин яхши тергаса, то ётиш иши фавт бўлмаса. *Муншаот*, 14-190-191.

ЁТЛИҚ I [ياتليق] – *киз фарзанд*:
Бир ётлиғи бор эмиш париваш,
Бошдин аёғи латиф-у дилкаш. *Лайли ва Мажнун*, 81.

ЁТЛИҚ II [ياتليق] – бегоналик, ётлик:
Санга мендин етибдур анча ётлиқ,
Ки юзингдин уётлиғ мен уётлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 446-Т;

Агарчи бор здим Бонуға ётлиқ,
Ўлар дамда уётлиғмен уётлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 481-Т;
Ким зулм ила бўлса тийра авқотлиғи,
Бор лозими умр тулининг ётлиғи. *Назмул-жавоҳир*, 15-165; (10(10)-69).

ЁТМАҒ/ЁТМАК [ياتماغ/ياتماق] – ётиш:
Эл ётмағида чу бўлдилар суст,
Ул дағи жунун айлади руст. *Лайли ва Мажнун*, 150-Т;
Ким кум уза қолибан нишона,
Ётмағлари вазъи бехудона. *Лайли ва Мажнун*, 146-Т;
Бодполарға ботмақ ўлди иш,
Балчиғ устида ётмақ ўлди иш. *Сабъаи сайёр*, 10-378.

ЁТМАМАҚ [ياتماماق] – ётмаслик:
Сабоҳғача намоз қилмақ керак ва бир замон ётмамақ керак.
Насойимул-муҳаббат, 183-Т.

ЁТҚУР-/ЁТҚУЗ- [ياتقور/ياتقوز] – ёткизмоқ:
Анга бир уйда солиб бастари ноз,
Келиб ётқурдилар ҳузн айлаб оғоз. *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;
Ётқурдилар ани маҳд ичинда,
Гул яфрағи тушти шаҳд ичинда. *Лайли ва Мажнун*, 93-Т;
Ки чун зойил бўлуб Фарҳоддин ҳуш,
Ани ётқурдилар тахт узра мадҳуш. *Фарҳод ва Ширин*, 300-Т;
Қат юзида тўшак солиб неча қат,
Анда ётқузди зор-у хастани бот. Сабъаи сайёр, 10-266.

ЁТУҚ [ياتوق] – аскарий сувдон:
Дайрға кирди Навоий куфри не пинҳон не фош,
Тавба чун синди ичарга не сурох не ётуқ. *Бадойиул-васат*, 244-Т.

ЁТУҒАН [ياتوغان] – ётуған (чалғу асбоби):
Эй йирав сен ҳам эшикни кўргуз,
Ётуған бирла улуғ йирни туз. *Фавойидул-кибар*, 671-Т.

ЁТУҒАНЧИ [ياتوغانچى] – ётуған чалувчи, созанда:
Ётуғанчи ву йирав тузгач ун,
Сен қадаҳ ол-у тўқуз қатла йукун. *Фавойидул-кибар*, 671-Т.

ЁХУД [ياخود] – ёки:
Эй Навоий ул паридин одамийлиғ кўрмасанг,
Айб эмас ул ҳурдур ёхуд малак инсон эмас. *Хазойинул-маоний*, 1а-202;
Жонда қўйдум чирмаған мактубини ҳижрон аро,
Билман ул мактуб эрур ёхуд «алиф»дур жон аро. *Муншаот*, 14-157.

ЁШ I [ياش] – 1. гўдак; ёш:
Ажабдур уч ёшида кўзга атфол,
Нечук ким ўн ёшида ўзга атфол. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т;
Йугурур ҳар кирпикимга артилиб бир катра ёш,
Шўх ёшлардек ки ўйнарлар чубук маркаб қилиб. *Ғаройибус-сиғар*, 68-Т;
Чун санга тўқсан-у юзга етти ёш,
Ҳам кари демак бўлур ҳам сени ёш. *Лисонут-тайр*, 109-Т;
Ики уч ёшдин ўн бир ўн икки ёш,
Ўқумақ фикрига солди қуйи бош. *Фарҳод ва Ширин*, 255-Т;

2. ёш йигит, навқирон:
Ёшлардек этиб йиғи ву фарёд,
Қилмай ато аносин вале ёд. *Лайли ва Мажнун*, 197-Т;
Чу ёшларға боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларға маҳзаб йўли. *Садди Искандарий*, 505-Т;

~ **поёниға ет-** – *улғаймоқ, қаримоқ; ёши поёнига етмоқ:*
Чун анга ҳам етса поёниға ёш,
Ул дағи айлаб ато қилғанни фош. *Лисонут-тайр*, 255-Т;

~ **улғай-** – кексаймоқ, қаримоқ:
Ёш улғайса то ки муқарнасдур дард,
Балким мамлу сипеҳри атласдур дард. *Назмул-жавоҳир*, 15-170.

ЁШ II [ياش] – кўз ёши:
Кўз уйида хифзини қилиб фош,
Ким кўз ичинда эмас ажаб ёш. *Лайли ва Мажнун*, 93-Т;
Дурин қил кўзларига ҳар замон ёш,
Валекин лаъл-у ёқутини қон ёш. *Фарҳод ва Ширин*, 78-Т;
Шайхнинг қўйнида кўргач бошини,
Тўкти рухсориға ҳасрат ёшини. *Лисонут-тайр*, 125-Т;
Тилаб қатлим бошимдин ошқил эй ёш,
Юзумга ҳар не сендин келди шобош. *Фарҳод ва Ширин*, 445-Т;

~ **тўк-** – йиғламоқ:
Сикандар қошиға келиб қўйди бош,
Бошин чун кўтарди дебан тўкти ёш. *Садди Искандарий*, 273-Т.

ЁШАР/ЯШАР [ياشار] – *яшар; ёшли:*
Ҳечликдин ўзга топмас бир пашиз,
Ўйла ким бир хаста юз ёшар каниз. *Лисонут-тайр*, 214-Т.

ЁШАР- I [ياشار] – ёшланмоқ, кўзга ёш келмоқ:
Не қуёшдур ки хаёл ичра юзи,
Назаримда чу келиб кўз ёшариб. *Наводируш-шабоб*, 65-Т;
Эмассен ҳолима хондон-у гирён,
Ки ёшармиш санга кўп кулгудин кўз. *Наводируш-шабоб*, 221-Т;
Кўзум ёшарди аён бўлғач ул жамоли бадиъ,
Булутқа сув тўлар ул дам ки бўлди фасли рабиъ. *Хазойинул-маоний*, IУа-161;
Кўзи бу дуд ранжидин ёшариб,
Қўпуб йиғлайу шоҳ оллиға бориб. *Фарҳод ва Ширин*, 193-Т.

ЁШАР- II [ياشار] – яшамоқ, умр кўрмоқ:
Иброҳим алайҳис-саломга сексан ёшарғанда Тенгри таоло Исмоил алайҳис-саломни берди. *Тарихи анбиё ва хукамо*, 16-116.

ЁШАРТ- [ياشارت] – ёшлатмоқ, кўзга ёш келтирмоқ:
Ҳар кўзни ки ул етиб ёшартиб,
Учкан кулунг анга сурма тортиб. *Лайли ва Мажнун*, 138-Т.

ЁШЛИҒ I [ياشليغ] – ёшли, ёш тўкувчи:
Кўздур ул тифл ўрни ву истар югурмак ашк ила,
Гўйиё ким бор анга бу ишка боис ёшлиғ. *Бадойиул-васат*, 228-Т;
Дардлиғ кўнгул, шуълалиғ чароғ; ёшлиғ кўз – сулуқ булоғ.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-540; (14-540).

ЁШЛИҒ II [ياشليغ] – ёшлик:
Мавлоно Мерак... сайр расми била Хуросонға келди. Бир неча вақт туруб муавадат қилди. Кичик ёшлиғ хом табърақ йигитдур. *Мажалисун-нафоис*, 188-Т;

Кўздур ул тифл ўрнию истар югурмак ашк ила,
Гўйиё ким бор анга боис бу ишга ёшлиғ. *Хазойинул-маоний*, IIIя-161;

кичик ёшлиғ – 1. ёш, ўсмир:
Муғанний бор эрди хушовоз, аммо кичик ёшлиғ ва девонасор-у шўх эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 9-Т;

Ки билмасликинг ибтидосидур ул,
Кичик ёшлиғинг иктизосидур ул. *Садди Искандарий*, 163-Т;
Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуъосиға сазовор этар ва ул дуо баракоти била умрдин бархурдор. *Маҳбубул-қулуб*, 81;

2. ёш маҳбуба;
Бир кичик ёшлиғ учун бўлмиш улуғ тинмас ишим,
Гарчи ишқида даме тинғали қўймас мени оҳ. *Хазойинул-маоний*, IVб-535;

ўрта ёшлиғ – ўрта ёшлик:
...бир уй ким ўрта ёшлиғ бўлғай ранги сариғ зироат ва юк захматин кўрмаган бўлғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, (16-141; (8(10)-566);
Ишда ошукмак ё ўғлон ишидур сабр била иш қилғучи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-526; (14-104).

ЁШУН- [ياشون] – бекинмоқ, яшириномоқ:
Тоғ аро ёшунди чу заррин ғазол,
Мушки Хутон сочти насими шамол. *Ҳайратул-аброр*, 7-303; (6(10)-266);
Шеруя қардошларин қатл қилурда қочиб эрди ва ёшунуб юрур эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-254;

Қирғовул қорда ёшунған кибидур айбларинг
Элга бас зоҳир агарчи сен этарсен иғмоз. *Хазойинул-маоний*, IIIа-280.

ЁШУНМАҚ/ЁШУНМАҒ [ياشونماق/ياشونماغ] – яшириниш, бекиниш:
Ғунчаи тифл иши овунмақ бўлуб,
Ўйнамағи барча ёшунмақ бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-280; (6(10)-246);
Шамъ ўти фонус аро ёшунмағи мумкин эмас,
Ҳулла ичра барқ ўтин пинҳон не имкон айламак. *Фавойидул-кибар*, 319-Т.

ЁШУР- [ياشور] – 1. яширмоқ, бекитмоқ:
Алар изтироб юзидин дедилар ки бир ер топсанг бизни ёшур ки бу жамоат бизнинг қатлимизға келадурлар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-72;

2. сир тутмоқ, пинҳон сақламоқ:
Яъқуб алайҳис-салом айтти ким бу тушунгни қардошларингдин ёшур ким алардин санга осиб тегмагай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-123;
Қуёшингни қуёшимдек ёшурдунг,
Манга ҳижрон тунин ҳаддин ошурдунг. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т.

ЁШУРМАҚ [ياشورماق] – яшириш, бекитиш:
Демагил ишқин ниҳон тутқил мени урёнға ким,
Тийғи захмин йўқ нимам боғларға ёшурмаққа ҳам. *Наводируш-шабоб*, 410.

ЁШУРУН [ياشورون] – яширин, махфий:
Илтимосим бу дурур ким барча элдин ёшурун,
Қилғасен мискин Навоий дардин изҳор эй кўнгул. *Фавойидул-кибар*, 646-Т;
Чеҳрасини буркаъ аро ёшуруб,
Ишқ ўти янглиғ ёшурун куйдуруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-277; (6(10)-243);
Ёшурун эрди ғамим вах ким бало тоши ёғар,
Бошима ишқи ниҳонин эл аро билгургали. *Хазойинул-маоний*, IIa-274;
Йўлда ҳар ғам етса ҳамдамлиқ қилай,
Ёшурун дард ўлса маҳрамлиқ қилай. *Лисонут-тайр*, 47-Т;

Ва Лукмон ҳам ёшурун имон келтуруб эрди... *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-108.

ЁШЧА [ياشچه] – ёшдек, ёшча:

Минг яшар пил янгла туғқан ёшча,
Чархи аъзам донаи хашхашча. *Лисонут-тайр*, 211-Т;
Бўлуб ўн ешқа умрининг мурури,
Йигирми ёшча кадд-у жисм-у зўри. *Фарҳод ва Ширин*, 137-Т.

ЁЪС [يأس] – умидсизлик:

Жафолар ким мен англабмен жаҳондин,
Вафосидин манга ғолибдурур ёъс. *Бадойиул-васат*, 61.

ЁҚ [ياق] – тараф, томон: *Муҳокаматул-луғатайн*, 160-Т;

Ва Намруд коҳинлар хабари била ким ул тифл бу ёқинда мутаваллид бўлур деб эрдилар ҳукм қилиб эрди ким ҳар тифл мутаваллид бўлғач ўлтурсунлар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-113.

ЁҚ- I [ياق] – ёкмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ, ўртамоқ:

Бийикрак чиқти ву ҳар сари боқти,
Замин бирла замонни ўтқа ёқти. *Фарҳод ва Ширин*, 295-Т;
Ҳам саҳобидин чақинлар чақиб,
Тобидин оламда ўтлар ёқиб. *Лисонут-тайр*, 42-Т;

...ул бадиълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши қоқибмен ва ул уйга фитна ва офат ўтин ёқибмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-181-Т.

ЁҚ- II [ياق] – хуш келмоқ, кўнгилга ёқмоқ; маъқул бўлмоқ:

Кўз мардумидек кўнгулга ёққан,
Яъни ки ҳамиша ашки оққан. *Лайли ва Мажнун*, 218-Т;
Турфа кўр ким халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфарақ бу ким биравга ёқмади бир хизматим. *Хазойинул-маоний*, 1а-411;
Тавбадин сўз Навоийё дема ким
Ҳеч ёкмайдур ул фасона манга. *Наводируш-шабоб*, 13-Т;

Подшоҳнинг муборак хотириға аларнинг мулозамати ёқти ва суҳбат ва сўзи бағоят хуш келди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-96.

ЁҚ- III [ياق] – 1. суртмоқ, қўймоқ (дори):

Ишқ ўти ахгарлари таскин берур чун дардима,
Ёққали марҳамдек ани дағи пинҳонимға ўқ. *Хазойинул-маоний*, IIIб-342;
Ёкмангиз захмимға марҳам ким ўлармен қилса кам,
Чоклик бағримдин ул ой тиғининг озорини. *Фавойидул-кибар*, 577-Т;

2. нисбат бермоқ, тўнкамоқ:

Аҳли ишқ нчра манга ёкма вараъ тўҳматини,
Зоҳидо қилма ҳунар аҳлиға бизни маъюб. *Хазойинул-маоний*, 16-27.

ЁҚА I [ياقه] – ёқа, гирибон:

Ёқа чок-у ўзи бебок-у белида зуннор,
Бир иликида пичақ бир қўлида жоми шароб. *Хазойинул-маоний*, IIIа-48;

~ **чок айла-/эт-/қил-** – ғамга, қайғуга солмоқ; ёқасини йиртмоқ:

Бўлуб ошиқ ғами шарҳида ғамнок,
Ёқа чокин ўқуб айлаб ёқа чок. *Фарҳод ва Ширин*, 136-Т;
Фироқинг сўғи ичра кеча кўздин сочиб ашк,
Висолинг ҳасратидин ёқасин субҳ этиб чок. *Хазойинул-маоний*, 116-326;
Кирмиш эди анда Қайси ғамнок,
Гул янглиғ этиб ёқасини чок. *Лайли ва Мажнун*, 118-Т.

ЁҚА II [ياقه] – ёқа, бўй, соҳил:

Сув ёқасиға ким ёғиб мулдур,
Бу ёқа тугмаси бўлуб ул дур. *Сабъаи сайёр*, 10-11;

Ва ариқ оритурда ким балчиғ била кумни ариғ ёкасиға йиғарлар – мутавалли муздур тутуб кўтаргай. *Вақфия*, 14-269;

Асмаъий ул су ёкасида даме
Ултуруб ювди замиридин ғами. *Лисонут-тайр*, 155-17.

ЁҚАР- [ياقار] – ялинмоқ, ожизлик билдирмоқ:

Боқмади ҳолимға ғайри ноздин ўсрук кўзунг,
Неча ким оллинда ёлбардим ёқардим ҳар намат. *Бадойиул-васат*, 214-Т.

ЁҚИЛ- [ياقيل] – ёндирилмоқ, куймоқ, ёқилмоқ:

Ким экан ул шуълаға ёқилғучи,
Ё бу жароҳатқа даво қилғучи. *Ҳайратул-аброр*, 7-59;

Қалади вах ки ўтундек сўнгакларимни сипеҳр,
Бу янги ўтқа ки тан кулбасида ёқиладур. *Хазойинул-маоний*, 16-210;

Маълум андақ ким кўнглунгуз ҳарамида фатҳ оламидин матлуб шамъи ёқилса бу тира рўзгор парвонадек ул маъман гирдига эврулгай. *Муншаот*, 14-162.

ЁҚМАҚ [ياقماق] – ёқиш, ўт қалаш:

Ишқ ўтиға истасанг тутруқ хасдек таним,
Шуъла ёқмақ истасанг ушшоқни куйдургали. *Наводируш-шабоб*, 645-Т;

Кеча тонг отқунча ўт ёқмақ иши,
Куфр ўтини равшан этмак варзиши. *Лисонут-тайр*, 116-Т;

Килдинг офат барқидин жонимға ўт ёкмақ ҳавас,
Тифл ўт ёкмақ учун қилғандек ўт чақмақ ҳавас. *Фавойидул-кибар*, 237-Т.

ЁҚУТ [ياقوت] – 1. кимматбаҳо тош, ёқут:

Ранги гуногун қилиб биллури соф,
Лаъл ила ёқут деб айтиб газоф. *Лисонут-тайр*, 70-Т;

Чу асли пок гавҳар келди ёқут,
Тешиб бағрини қон айлар анга кут. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т;

2. қизил:

Бу бирин ёқут йўқ ким қон дегил,
Олам аҳли қатлидин оққан дегил. *Лисонут-тайр*, 33-Т;

Қилмақ била лола баргидин қут,
Эрнинг ёпибан дур узра ёқут. *Лайли ва Мажнун*, 315-Т;

~ **и аҳмар** – қизил ёқут; май, шароб:

Магар қонлиғ кўнгулнинг қушларидур ёндашиб учқан,
Тўнунгда тугма ким ёқути аҳмардин қатор эттинг. *Фавойидул-кибар*, 347-Т;

Имтиҳон учун буюрдим ким бир табақда ўт ва бирида ёқути аҳмар келтурдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-135;

Захмлик кўнглум лабинг шавқида бўлмиш қонаро,
Лаъли руммоний ила ёқути аҳмар кўнглидек. *Хазойинул-маоний*, IIа-182;

~ **и маҳлул** – эритилган ёқут:

Май ул сийм устида ёқути маҳлул,
Тутуб ёқут хат соқийи мақбул. *Муншаот*, 14-206;

~ **и музоб** – -эриган ёқут; қизил май; кўз ёши, қонли кўз еш.

Англа мийно қадаҳ ичра майи ноб,
Жоми ферузада ёқути музоб. *Фавойидул-кибар*, 668-Т;

Ҳажр аро маст ул Навоий ким фараҳ касбига ишқ,
Майни ёқути музоб-у лаъли сайёл айламиш. *Хазойинул-маоний*, IIIа-247;

~ **и муфарриҳ** – кайф қилувчи май, хурсанд қилувчи май:

Бода тафриҳини ёқути муфарриҳ бермади,
Хуша лаъл-у дур магар еткурди достон токдин. *Наводируш-шабоб*, 499-Т;

Нашъа ёқути муфарриҳдин ғар эрмас дам-бадам,
Дуржи лаълингда недан кулгудурур кулгу уза. *Бадойиул-васат*, 471-Т;

~ **и ноб** – қизил ёқут; қизил май:
Оҳ-у афғон чекма деб оғзимға жоно мухр қўй,
Чунки лаълинг хотам-у ёқути нобингдур нигин. *Ғаройибус-сиғар*, 344-Т;
Ич Навоий май ки фаҳм эттук табиби ишқдин,
Ғусса-у ғам заҳриға тарёқ эмиш ёқути ноб. *Хазойинул-маоний*, 16-61;

~ **и обдор** – тоза, порлоқ, ёқут:
Иноят қуёши васфида ким файз матлаъидин тулуъ этса тартиби хорани ёқути обдор ва лаъли оташин қилур. *Садди Искандарий*, 85-Т;

~ **и руммоний** – анор доналарига ўхшаш қип-қизил ёқут; руммоний энг катта ёқут:
Нор ахгарларининг ламаоти нечук ким лаъли коний ва анор доналарининг боғланғани нечук ким ёқути руммоний. *Муншаот*, 14-141;

~ **и сероб** – тиниқ тоза ёқут; тиниқ ғуборсиз май:
Ҳизрнинг айни яшунмас кўкдин инмас ҳам Масиҳ,
Нетсун ул муъжиз бу дам ёқути серобиндадур. *Бадойиул-васат*, 471-Т;
Не суд ўлмақ лабинг ёқути сероб,
Чу айлабсен сусиз қонимға ани. *Фавойидул-кибар*, 614-Т;

~ **эт-** – ёқутранг қилмоқ:
Тут манга ул бодани ким қут этай,
Каҳрабо рангини ёқут этай. *Ҳайратул-аброр*, 7-233.

ЁҚУТГУН [ياقوت‌گون] – ёқут тусли; қизил:
Кетур соқий ул жоми ёқутгун,
Ки эл табъида ишрат эткай фузун. *Садди Искандарий*, 254-Т.

ЁҚУТРАНГ [ياقوت‌رنگ] – ёқутранг:
Ишқ дашти зоғининг минқоридур ёқутранг,
Гўйиё тушкан дурур лаълинг ҳалоки лошиға. *Наводируш-шабоб*, 538-Т;
Соқий олиб кел майи ёқутранг,
Қуй хати Бағдодғача бедаранг. *Ҳайратул-аброр*, 7-232.

ЁҚУТФОМ [ياقوت فام] – ёқут рангли:
Сешанба куни Баҳромнинг гулгун либос била қасри гулнорийға таважжуҳ қилиб шафақгун ҳуллалик хуршид била соғари ёқутфом ичинда лаълранг май ичкани... *Сабъаи сайёр*, 10-236.

ЁҒ [ياغ] – ёғ, мой:
Не хас ким ўтунгдин куяр лоғ лоғ,
Не ҳожат яна қўймағ ул ўтка ёғ. *Садди Искандарий*, 388-Т;
Ҳар мазорда бир чароғдон кўрдим, ёнадурған ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. *Насойимул-муҳаббат*, 239-Т;
Итиг тешаларига ҳар қатра тоғ,
Бичақ оллинда андақ ким сариғ ёғ. *Фарҳод ва Ширин*, 151-Т.

ЁҒ-/ЁҚ- [ياغ/ياق] – 1. ёғмоқ (қор, ёмғир), тушмоқ:
Изори бўлди сариғ лола янглиғ,
Дури ашк анда ёққан жола янглиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
Бир қиш кечаси қор ёққан эрмиш ва бағоят совуқ эрмиш.
Насойимул-муҳаббат, XV-164;
Андақ ким ҳам осмондин ёғар эрди ҳам ердин сув кайнаб чиқар эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-105;
Секизинчи соҳат узра юз туман сийминбадан
Зоҳир айлаб сабза узра жола ёққан ҳайъатин. *Хазойинул-маоний*, IIIа-393;

2. оқмоқ:
Ўйла шиддат бирла чарх айлар мени саргашта ким
Захми кўп тандин ёғар шудрунг каби қон ҳар тараф. *Хазойинул-маоний*, 1а-324;
осмондан раҳмат ёғ- – Оллоҳнинг раҳмати, файзи футуҳ бахш этилмоқ:
Деди ки фалон дарвешлар хонакоҳиға ким мен битибмен ки ҳар кун осмондин дарвешларға раҳмат ёғар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-108;
инжу ёғ- – қор ёғмоқ:
Булутдин ким томиб ҳар қатраи су,
Бурудатдин ёғиб оламға инжу. *Фарҳод ва Ширин*, 169-Т;
тош ёғ- – оғир мусибатларға тушмоқ:
Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингға гардундин ёғар тош. *Маҳбубул-қулуб*, 14-87.

ЁҒАЧ [ياغاچ] – дарахт; ёғоч:
Куйди жисм-у йиғлабан кўнглумда хаттинг шавқидур,
Гарчи мумкин йўқ кўкармак сув била куйган ёғач. *Хазойинул-маоний*, 116-100;
Қайси дор ёғачини сенинг била боғлағайлар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-92.
Ёғачининг самари бордур ва самарининг таъми заҳри ҳотил. *Муншаот*, 14-148.

ЁҒДУ [ياغدو] – нур, зиё, ёғду; равшанлик:
Қадаҳ чархида май меҳрини соқий,
Солиб ёрут манга ул ёғдудин кўз. *Наводируш-шабоб*, 221-Т;
Меҳр ёғдусида зарра бўлмағандек ошикор,
Юз туман минг меҳр пинҳондур юзунг ёғдусида. *Бадойиул-васат*, 410-Т;
Меҳри оламтоб агар бўлса жамолинг кўзгуси,
Кеча ҳам кундуз киби тутғай жаҳонни ёғдуси. *Муншаот*, 14-205;
Субҳ этар ҳар сари ёғду била;
Тун қаросин пок супургу била. *Ҳайратул-аброр*, 195-19.

ЁҒДУР- [ياغدور] – 1. ёғдирмоқ:
Яна ким ҳукм қилдинг тирборон,
Санга ёғдурмамиш ўқ хайли ҳижрон. *Фарҳод ва Ширин*, 375-Т;
...ҳар не тиласа қилмақ масал ёмғур ёғдурмақ ва ел эстурмак ва сел келтурмак ва дафъ қилмақ. *Насойимул-муҳаббат*, 11-Т;
Бошин силади фироқи авбош,
Ким ёғдурғум бу бош уза тош. *Лайли ва Мажнун*, 92-Т;
2. оқизмоқ:
Ашкдин кирпик уза ул хат учун,
Еғдуруб сабзаға шудрунг йиғлай. *Хазойинул-маоний*, IIа-375;
фитна ёғдур- – офат ва бало юбормоқ:
Эй Навоий фитна ёғдурса ул ой ишқ аҳлиға,
Осмондин ҳар не ким келса не қилғай чора эл? *Хазойинул-маоний*, 1а-286;
~ **ўт ёғдур-** – отмоқ, замбаракдан ўқ отмоқ:
Ясаб коруралар ўт ёғдурурға,
Кема ву кема халқин ёндурурға. *Фарҳод ва Ширин*, 273-Т.

ЁҒДУРМАҚ [ياغدورماق] – ёғдириш:
Нотавон бошимға ёғдурмақдин ўзга қасди йўқ,
Сарсари офат учурса ҳажр кўйи туфрағин. *Фавойидул-кибар*, 481-Т.

ЁҒДУРТ- [ياغدورت] – ёғдиртмоқ:
Деман гулбарг сочинг осмондин,
Ки ёғдуртунг ёғин устига қондин. *Фарҳод ва Ширин*, 165.

ЁҒИ [ياغى] – душман, ёв:

Ул ишорат била подшоҳ юруб ҳам ул кеча мулкни олиб ёғини дафъ қилди.
Насойимул-муҳаббат, XV-162;

Ёғи ўлсанг анга сипоҳинг йўқ,
Бўлса ҳам разм-у дастгоҳинг йўқ. *Сабъаи сайёр*, 10-86;
Ёғи ўлсанг анга сипоҳинг йўқ,
Бўлса ҳам разм-у дастгоҳинг йўқ. *Сабъаи сайёр*, 10-86;

...нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битигайлар ва бот ёғи ораға кирса бир бирларига мадад қилғайлар. *Тарихи мулуки ажам*, 514;

Бузди ҳусн аҳли кунглум андағ ким,
Ёғи мулкини турктоз аҳли. *Бадойиул-васат*, 378;
Дўстлар қатлиға андақ келди ул султони ҳусн,
Қим салотин қўймағайлар қатл учун ёғиға юз. *Бадойиул-васат*, 161-Т.

ЁҒИЛИҚ [ياغيلىق] – *ёвлик, душманлик; итоатсизлик*:

Умр элликка чу етти яна элликдин эмас,
Ёғилиқ Тенгрига ву амриға нопарволиқ. *Хазойинул-маоний*, 116-320.

ЁҒИН [ياغين] – 1. ёғин, ёмғир, қор:

Қўпти ву ўлтурди турғунча ёғин,
Чун ёғин турди битиб барур чағин. *Лисонут-тайр*, 179-Т;

Бир манзил Нишопурдин Зарбодғача ки ёғин ёғар эрди.
Насойимул-муҳаббат, XV-119;

Даҳр боғида нечук васл гули бутсун ким
Ҳажр ўқидур ёғини ашк суйидур жувуни. *Бадойиул-васат*, 430-Т;

Асҳоб ким ўтун теribтурлар матбахға келгунча ёғин жиҳатидин ўтунлар ўл бўлғандур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-154;

Тун қарongғу бўлди ву тутти ёғин,
Кўрди Мажнун саъб ул йўл бармағин. *Лисонут-тайр*, 179-Т;

2. ёш ёғини, ашк қатралари тўлқини:

Кўзумдин тўкуб қатра ёғин дағи,
Илигин ҳам ўптум аёғин дағи. *Садди Искандарий*, 524-Т.

ЁҒИНСИЗ [ياغين سيز] – ёғинсиз:

Куруди чеккали қондин кўзум никоб қизил,
Бале ёғинсиз ўлур чун бўлур саҳоб қизил. *Наводируш-шабоб*, 375-Т;

Саховатсиз киши ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки татар. Мевасиз йиғач ҳамон-у ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамон-у тутун ҳамон.
Маҳбубул-қулуб, 14-79-80.

ЁҒИҚ- [ياغيق] – қаршилашмоқ, ёвлашмоқ:

Баҳрами чўбин мутағаййир бўлуб анга ёғиқди дағи Парвиз отиға ва анинг навкарлиғиға ўзин мансуб қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-245.

ЁҒЛА- [ياغله] – доғ қилмоқ, шувут қилмоқ:

Бирав ким ёлғон сўзни биравга боғлағай ўз каро бўлғон юзин ёғлағай.
Маҳбубул-қулуб, 127.

ЁҒЛИҒ/ЁҒЛИҚ [ياغليغ/ياغليق] – дастрўмол, рўмолча:

Қўй ки мовий ёғлиғингни юздин олмай зир замон,
Не учун ким хуш кўрунур зарварақ узра шамат. *Бадойиул-васат*, 214-Т;

Қилсанг ул ёғлиғ аро бир шеър ҳам ёзмақ ҳавас,
Анда ҳар ён нақш бу назми паришонимни қил. *Фавойидул-кибар*, 363-Т;

...мажлис аҳли илайларига кўзалик сув қуйдуруб баъзининг кафш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса белгулукларин мулозимларға топшуруб... *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-95;

...ва йилак ва ёғлиғ, терлик, кур йўсунлуқ нималарни барисин турк тили била айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;

Орияти дасторин бошиға бурунчақ қилғайлар ки аруси мастурадур ва кардиз номастурдур кашидалиғ ёғлиғ фарфиғалачак солғайлар. *Маҳбубул-қулуб*, 54.

ЁҒМАҒАР [ياغماگار] – ёғмагар; ёв; талон-тарож қилувчи:

Вах ки диним кишварин торож қилди кофири,
Куфр элига хоми дин аҳлиға ёғмагари. *Ғаройибус-сиғар*, 498-Т.

ЁҒМАҒЛИҒ [ياغماغ ليغ] – ёғиш, тўкилиш:

Донаи ашким ки ёғмағлиғ била афсонадур,
Тухми меҳрин экмак учун ҳам ёғин ҳам донадур. *Наводируш-шабоб*, 196.

ЁҒМО [ياغما] – ёғмо, талон-тарож:

Арманидур гўйиё ул шўхи кофир туркман,
Ким етар дин мулкига кофир кўзи ёғмоси шўх. *Фавойидул-кибар*, 113-Т;

~ **йи дин** – дин йўлида талон-тарож:

Дониш илига солғучи торожи ақл-у хуш,
Ислом элига қилғучи ёғмойи дин йигит. *Фавойидул-кибар*, 83-Т;

~ **қил-** – талон-тарож қилмоқ:

Анча кўнглумни жунун-у ишқ яғмо қилдилар,
Ким мени девонани оламға расво қилдилар. *Фавойидул-кибар*, 157-Т.

ЁҒСИЗ [ياغسيز] – ёғсиз:

Магар мен ёғ соткучимен. Дебдур ё саййиди муни ёғсиз емагумдур.
Насойимул-муҳаббат, 380-Т.

ЁҒЧА [ياغچه] – ёғча, ёғдек:

Соқиё кўнглумни равшан истасанг тут бода ким
Ёрута олмас нима ул шуълани бу ёғча. *Ғаройибус-сиғар*, 433-Т.

ЁҲУДИЙ/ЁҲУД [ياهودى/ياهود] – ёҳуд, ёҳудий:

Анинг ридосин ўз ридосиға чирмаб дошлиғ ўтға ташлади ва анинг кенича дошқа кириб, олиб чиқти. Анинг ридосиға ўтдин осиб тегмайдур эрди ва ёҳудийнинг ридоси анинг ичинда куйуб эрди. Ёҳуд бу ишни кўрди муслимон бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 30-Т.

Ж

ЖАБАЛ [جبل] – тоғ:

Не кудратинг жабалини қилиб тазалзул паст,
Не ҳикматинг қуёшиға бериб завол ҳалал. *Наводируш-шабоб*, 363-Т.

ЖАБАРУТ [جبروت] – азамат, кудрат; буюклик, улуғлик; улуғ фахр; маъно олами:

... ва кибр ибтилосиға илож ҳам анинг кибриё ва жабарутининг тааққули бўла олур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-72;

Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-24; (6(10)-18);

Илоҳи, азимат ва жабарут сенинг шаънингдадур. *Муножот*, 16-293;

Кибриё ва жабарут асоси холиқи жаббордур бу сифатқа ул сазо ва бу сифат анга сазовордур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-77.

ЖАББ [جب] – аруз фани атамаси:

Зиҳофоти ўн бирдур ва фуруъи дағи ўн бирдур аммо зиҳофоти... жабб, икки сабаби хафиф искотидур мафоилунда пас мафо қолғай, фаоланинг ўрниға кўйғайлар. *Мезонул-авзон*, 16-Т; 173-Т.

ЖАББОР [جبار] – 1. қудратли; кудрат соҳиби; жабр қилувчи, ғазаб қилувчи:

Ишқни жабборлар фаҳм айламаслар нега ким
Бордур анда жонреш-у хотири афгор шарт. *Бадойиул-васат*, 213-Т;

Тамуғ учмақ яратмиш ҳаййи жаббор,
Агар Ваҳҳоб эрур Қаҳҳор ҳам бор. *Фарҳод ва Ширин*, 174-Т;

шоҳи жаббор – қудратлилар шоҳи; Оллоҳ:

Сиёсатлар ки айлар шоҳи жаббор
Менинг сари дурур ҳар сирфа ким бор. *Фарҳод ва Ширин*, 376-Т.

ЖАББОРЛИҒ/ЖАББОРЛИҚ [جبارلیغ/جبارلیق] – қаҳр, ғазаб қилувчилик; золимлик; ғазабкорлик:

Тушуб мавжға баҳри жабборлиғ,
Аён айлабан мавжи қаҳҳорлиқ. *Садди Искандарий*, 171-Т;

Авж тутуб шуълаи жабборлиқ,
Мавж уруб лужжаи қаҳҳорлиқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-28; (6(10)-21);

Бирлик-у жабборлиғ арзандаси,
Борсен сен борлиғ зи бандаси. *Лисонут-тайр*, 18-Т;

Ҳар золиме ким жабборлиғ тоғида бедодий қапланининг ҳар холидин бир *кўз* тикар ким мазлум фароғати кийигин қайда кўргай. *Вақфия*, 14-254;

...настараннинг сочилган яфроғлари жабборлиғи қуюни совурурға даҳри ғаддор. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-450; (14-7).

ЖАББОРСИФАТ [جبار صفت] – золимсифат, қаҳрли:

Насибин вилоятида малике бор эрди мутакаббир ва жабборсифат.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-178.

ЖАББОРСИФАТЛИҒ [جبار صفت لیغ] – жабборсифатлик:

...чун салтанати замони имтидоб топти ва улуҳийят муддаоси била жабборсифатлиғ бунёд қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-133;

Ва ул кофире эрди ким йиллар жабборсифатлиғ била салтанат қилди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-150.

ЖАБИН [جبين] – 1. манглай, пешона:
Жабинида анвори шоҳаншаҳи,
Каломида эҳёйи руҳуллаҳи. *Вақфия,* 14-242;
2. юз, бет:
Жабинлар гул гул-у кирпиклари хор.
Қабағлар кенг кенг-у оғизлари тор. *Фарҳод ва Ширин,* 247-Т;
Жабинға тушар бир бир устига чин,
Ҳамоно ки «бе»син яшурур жабин. *Садди Искандарий,* 281-Т;
3. жамол:
Юз узра ки ўт ёқиб жабини,
Аҳқар анга лаъли оташини. *Лайли ва Мажнун,* 107-Т;
4. бош:
Қўйдум отининг аёғиға жабин,
Дедим: аё носири шаръи мубин. *Ҳайратул-аброр,* 7-278;
~ **сурт-** – пешонани ерга суртмоқ; садоқатли, вафодорлик изҳор қилмоқ:
Десанг хизматингда жабин суртайин,
Сени тахти жоҳимға ўлтуртайин. *Садди Искандарий,* 335-Т;
Фано йўлиға чу кирдинг Навоий урма нафас,
Бу дашт туфрағиға суртмай жабин боре. *Наводируш-шабоб,* 643-Т.

ЖАБИНЛИҚ/ЖАБИНЛИҒ [جبين ليق /جبين ليغ] – юзли; **гул жабинлиқ** – гул юзли; гул чеҳрали:
Деди олғил ким паризодинг будур,
Гул жабинлиқ сарви озодинг будур. *Лисонут-тайр,* 161-Т;
Ҳур суратлиғ паризоде ажаб,
Гул жабинлиғ сарви озоде ажаб. *Лисонут-тайр,* 97-Т.

ЖАБИНФАРСОЛИҚ [جبين فرسالیق] – пешона, бошни ишга солиш:
Қилсанг кеча саждаға жабинфарсолиқ,
Кундузунга ул намоз эрур зеболиқ. *Назмул-жавоҳир,* 15-158; (10(10)-63).

ЖАБРАИЛ [جبرائيل] – Жабраил (Тангри билан пайғамбарлар ўртасида воситачи, вахй келтирувчи тўрт фариштадан бирининг номи):
Риқобингда човуш ўлуб Жабраил,
Бу маънига миъраж шоми далил. *Садди Искандарий,* 61-Т.
~ **и амин** – посбон, сақловчи Жабраил:
Келиб ҳосило Жабраили амин,
Етиб турфа товуси хулди барин. *Садди Искандарий,* 63-Т.

ЖАБРАИЛОСО [جبرائيل آسا] – Жабраил сифат:
Жабраилосо аён юз роз анга,
Курб арши авжида парвоз анга. *Лисонут-тайр,* 37-Т;

ЖАБҲА [جبهه] – пешона, манглай; юз, чеҳра:
Соч ила қошинг аро жабҳангни кўрган соғинур,
Қим тўкилмиш қадр шоми нури меҳроб устина. *Хазойинул-маоний,* IIа-320;
Шукуҳинг жабҳасидин чун Сурайё,
Ети қатра аракдек етти дарё. *Фарҳод ва Ширин,* 119-Т;

~ **и ҳур** – ҳур чеҳрали гўзал:
Чунки ул субҳ нурунг этти зуҳур,
Ўйла ким тийра шом жабҳаи ҳур. *Сабъаи сайёр*, 10-10;
~ **тегур-** – ер ўпмоқ, таъзим қилмоқ:
Очқач устодининг отин кўрди,
Упубан ерга жабҳа тегурди. *Сабъаи сайёр*, 10-233.

ЖАВ [جو] – арпа; кичик, оддий:
Ки юз мендек туман андақ ки Хусрав,
Ҳабо бўлса қазо оллинда бир жав. *Фарҳод ва Ширин*, 428-Т;
~ жав – доналаб:
Худ риёзида фикри гардунрав,
Айириб чарх мазраин жав жав. *Сабъаи сайёр*, 10-41;
~ **бажав** – бирма-бир, доналаб:
Лек анинг шарти будур ким роҳрав,
Ҳар не ким бор-у йўқини жав бажав. *Лисонут-тайр*, 169-Т;
Суруб ҳайъат сари чун фикрати раҳш,
Сипеҳр ажзосин айлаб жав бажав бахш. *Фарҳод ва Ширин*, 135-Т.

ЖАВАК [جوک] – маржонранг атлас:
Жавак атлас айлаб ўзига либос
Кийиб бўрк ўрнида бошига тос. *Садди Искандарий*, 303-Т.

ЖАВАЛОН [جولان] – жавлон:
Шаҳр ичида хожавор жавалон,
Айлаб не салом-у не хавалон. *Лайли ва Мажнун*, 72-Т.

ЖАВАНҒАР [جونغر] – чап қўл; қўшиннинг сўл қаноти:
Жаванғар ҳам олти юз минг адад,
Булар бошқа андин ки бўлғай мадад. *Садди Искандарий*, 186-Т;
Жаванғарда мағриб эли бир сари,
Яна сари бартоси ву барбари. *Садди Искандарий*, 186-Т;
Жаванғарида эрди Бартос-у Рус,
Фалак хайлидек барча тунд-у шумус. *Садди Искандарий*, 188-Т;
Ҳам баранғар ҳам жаванғар кинсигол,
Ҳам яна ғул-у ҳаровалда бу ҳол. *Лисонут-тайр*, 213-Т;
Булар дағи юз минг келиб жон аро,
Чекиб саф жаванғарда майдон аро. *Садди Искандарий*, 188-Т.

ЖАВВ [جوّ] – бўшлиқ; осмон, фалак сатҳи:
Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотман гар фалак жавви,
Тўла бўлсун филури бир куёш ўлсун. *Наводируш-шабоб*, 503-Т.

ЖАВДАТ [جودت] – жавдат; сахийлик, яхшилик:
Чун Уторид чархиға еттим табиат қилди майл,
Кўргали назмин ки зоҳир қилди табъи жавдатин. *Бадойиул-васат*, 11;
Кўнглумга ўзга қувват кирди ва табъимға ўзга жавдат ва жалодат ҳосил бўлди.
Ғаройибус-сиғар, 11.

ЖАВДАТЛИҚ [جودت لیق] – сезгирлик, кусурсизлик, баркамоллик:
Бойсунғур Мирзо – табъи диққатлиғ ва зеҳни жавдатлиғ.
Мажолисун-нафоис, 201-Т.

ЖАВЗ [جوز] – ёнғоқ:
Сажар ким бўлуб жавз бўё ери,
Келиб шоҳиға дочини тери. *Садди Искандарий*, 302-Т;

~ **и бўё** – ҳинд ёнғоғи, мускат ҳидлик ёнғоқ:
Фалак ким етиб жавзи бўё анга,
Бош айланмағи солди гўё анга. *Садди Искандарий*, 302-Т.

ЖАВЗАҲАР [جوزهر] – ойнинг ҳаракат йўли билан қуёш ҳаракат йўлининг жанубдаги кесишган жойи; қуйруқли юлдуз:
Парранда хажинг жавзаҳар дум.
Сайр амрида рижъат ичра анжум. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т.

ЖАВЗО [جوزاء] – *астр.* ўн икки буржнинг учинчиси ва ой номи:
Жавзода чу тутти меҳр ором ичма,
Кўп бўлса зарурат ўлмайин шом ичма. *Ғаройибус-сиғар*, 564-Т;
Чун сипеҳр заргарининг анбури учидин бир кулича олтук секриб сувға тушти, яъни чарх корхонасида жавзонинг икки пайкари аросидин қуёш курси саратон обгириға таҳвил қилди. *Муншаот*, 14-135;
Кун туш эди ву тамуз фасли
Жавзо била меҳри тоб васли. *Лайли ва Мажнун*, 230-Т;
~ **аёғи** – жавзо ойининг охири:
Бу кун ким фасл эрур жавзо аёғи,
Қуёшинг ўтидиндур лола доғи. *Фарҳод ва Ширин*, 256-Т;
~ **куни** – йилнинг энг узун куни, 22 июнь:
Жавзо кунидин дағи ул чеҳра жамил эрмиш,
Ялдо тунидин дағи ул зулф тавил эрмиш. *Хазойинул-маоний*, IIIб-14.

ЖАВЛАҲА [جولهه] – тўқувчи; бўзчи:
Жавлаҳа ғирвошида оҳордек
Йўқ ки заган паррида мурдордек. *Ҳайратул-аброр*, 153-10.

ЖАВЛОН [جولان] – 1. ўйноқлаш, жавлон; кезиш, айланиш:
Жавлонинға арса етти кишвар бўлсун,
Ҳар не тиласанг барча муяссар бўлсун. *Муншаот*, 14-172;
Чу боғлаб бодпо жавлониға бел,
Фалак авроқин элтиб ҳар тараф ел. *Фарҳод ва Ширин*, 104-Т;
2. ҳамла, юриш:
Гузин солди бу навъ майдон аро,
Адусин асир этти жавлон аро. *Садди Искандарий*, 411-Т;
~ **и саманд** – жавлон, ўйноқи саман от:
Керак ўз чобуки қатлваши Мажнуншиорим ким
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерга жавлони саманд этмас. *Бадойиул-васат*, 181-Т;
~ **қил/ур-** – айланмоқ, ўйноқламоқ; жавлон қилмоқ:
Ломакон майдонида жавлон қилиб,
Андин оҳангги ажаб майдон қилиб. *Лайли ва Мажнун*, 25-Т;
Иш куни бу рахш уза жавлон уруб,
Юз туман аъдо черигин синдуруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-70;
Чиқти ов авжиға жавлон айлаб ул чобуксувор,
Жон нисор ул сайд учун ким жон анга қилғай нисор. *Хазойинул-маоний*, 16-690;
~ **ин ўп-** – из, чангни ўпмоқ:
Бодпойи сайриға ҳамтаклик айлана олмасанг,
Ерга мендин юз қўюб кўрган сой-у жавлонин ўп. *Хазойинул-маоний*, 1а87;
~ **бер-** – 1. жилва бермоқ:
Бўйла майдонда чуст-у чолоке
Рахш жавлон берурда бебоке. *Сабъаи сайёр*, 10-36;

2. ўйнатиб юргизмоқ:

Чу рахшиға ҳар сари жавлон бериб,
Замон аҳли жавлониға жон бериб. *Садди Искандарий*, 356-Т;
Чу разм ичра рахшиға жавлон бериб,
Аду чун кўруб ваҳмдин жон бериб. *Садди Искандарий*, 99-Т.

ЖАВЛОНГАҲ/ЖАВЛАНГОҲ [جولانگه/ جولان گاه] – жавлон қиладиган жой, майдон:

Ёр жавлонгаҳидин келди сабо,
Пайкарим туфрағини қилди ҳабо. *Бадойиул-васат*, 28-Т;
Бўлмиш эрди ўлган элдин банд йўл,
Сайр этиб ёнгунча жавлонгоҳин ул. *Лисонут-тайр*, 89-Т.

ЖАВОБ [جواب] – жавоб (саволнинг муқобили):

Не янглиғ дегабиз бу сўз жавобин,
Ки ҳуд ул деб эшитмиш ўз жавобин. *Фарҳод ва Ширин*, 358-Т;
Бу фақирнинг бир ғазал жавоби воқиъ бўлубтур ким ўзум инсоф юзидин муътарифмен ким андин юз мартаба ортуқрақ тушубтур. *Мажалисун-нафоис*, 219-Т;

~ **и савоб** – тўғри, ҳақ жавоб:

Равонрақ кетурсанг жавоби савоб,
Савоб ўлғуси бизга дағи жавоб. *Садди Искандарий*, 321-Т;

~ **и тасдиқ** – тасдиқ жавоби:

Бу учурда юқоридин бу фақир хизматиға рақаме тортилди ва убудиятиға қаламе сурулди ким жавоби тасдиқдин ва хитоби сидқдин ўзга билилмади. *Муншаот*, XIII-101;

~ **ўл-** – жавоб бўлмоқ:

Демакка жавоб ўлмади сахти гўш,
Қиш айёми булбулдек ўлди хамуш. *Садди Искандарий*, 383-Т;

~ **айт-** – жавоб айтмоқ, асар ёзмоқ; маълум асарга жавобия ёзмоқ:

Мавлоно Фасиҳи Руний... Ҳазрати Шайхнинг «Махзанул – асрор»иға жавоб айтибдур. *Мажолисун-нафоис*, 40-Т;

~ **бер-** – жавоб бермоқ:

Неча панд ила топса эрди хитоб,
Берур эрди носиҳқа мундақ жавоб. *Садди Искандарий*, 283-Т;

~ **топ-** – жавоб топмоқ:

Чун ҳар иш бобида қилғунгдур хитоб,
Топмаған чағда саволингға жавоб. *Лисонут-тайр*, 21-Т;
Ки чун хоқон бу сўз нъломи бирла,
Жавобин топти андақ коми бирла. *Фарҳод ва Ширин*, 183-Т.

ЖАВОД [جواد] – сахий, саховатли, қўли очиқ:

Жавоб илгида пири дайрнинг май завракин кўрсин,
Бирав ким кўрмамиш дарё ичинда жўнг тимсолин. *Ғаройибус-сиғар*, 377-Т;
...ва Хожа Абу Абдуллоҳ тўрт йил Шиблий хизмати қилиб эрди ва кўп нима анга исор қилиб эрди ва Шиблий ани Хуросон жаводи деб эрди ва ҳофиз ва сика эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 217-Т;
Жавод илкининг баҳри андақ амиқ,
Ки юз Ҳотам андақ тенгизда ғариқ. *Вақфия*, 14-243.

ЖАВОЛИҚИ [جوالقی] – жандапўш, қаландарлар:

Ҳар неси ки бор эди барҳам урди ва бир сурук жаволикиларға қўшулуб Мултон сари тушти ва Шайх Рукниддин хонақоҳиға етиштилар. *Насойимул-муҳаббат*, 426-Т.

ЖАВОМИЪУЛ-КАЛИМ [جوامع الكليم] – маънодор сўзлар мажмуъсиз; сермазмун гап, нутк:

Сен бўлмасанг анбиёда кимдур,
Ким нутқи жавомиъул-калимдур. *Лайли ва Мажнун*, 41-Т.

ЖАВОН [جوان] – ёш, янги; зўр; ~ **давлат** – хушбахт, бахту иқбол эгаси:

Яна ул ки соҳибқирон ҳам эрур
Жавон давлату паҳлавон ҳам эрур. *Садди Искандарий*, 28762.

~ **и маҳ** – ёш гўзал; ой:

...кашидалиғ ёғлиқ фарфиға лачак солғайлар ки жавони маҳдур.
Маҳбубул-қулуб, 14-42.

ЖАВОНА [جوانه] – жонивор боласи, кабутар жўжаси:

Чун чиқти жавонаға пар-у бол,
Чарх айлади ани музтарибҳол. *Лайли ва Мажнун*, 321-Т.

ЖАВОНБАХТ [جوان بخت] – бахтиёр, хушбахт; бахти очиқ:

Тўрида боргаҳнинг бир бийик тахт,
Аниинг устида бир шоҳи жавонбахт. *Фарҳод ва Ширин*, 371-Т;

...ва қарилиғда димоғ тааққулдин қосир ва ҳакимнинг пиронарой ила шоҳи жавонбахтқа йўл кўргузгани. *Садди Искандарий*, 279.

ЖАВОНДАВЛАТ [جوان دولت] – жувондавлат, бахт-давлатли:

Яна ул ки соҳибқирон ҳам эрур,
Жавондавлат-у паҳлавон ҳам эрур. *Садди Искандарий*, 325-Т.

ЖАВОНИБ [جوانب] – теварак-атроф, тарафлар:

Яна атроф ва жавонибдин келган хабарлар дағи барчаси давлатқа мувофиқ эрди. *Муншаот*. 14-171;

Жавонибдин бу янглиғ эрди ҳолат,
Анинг кўнглига иш эрди ҳаволат. *Фарҳод ва Ширин*, 385-Т.

ЖАВОНМАРД [جوان مرد] – мард; сахий, очиқ қўлли:

Ва алар дебтурлар ки озод мард улдур ки бирав ранжида қилғандин ранжида бўлмагай ва жавонмард улдур ки ранжида қилурға муставжиб бўлғанни ранжида қилмағай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-148;

Анга деб к-эй шиорнинг кин-у новард,
Қилурда қатл тиғингдек жаванмард. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т;

Ки ҳам шоҳсен ҳам жаҳонпаҳлавон,
Жавонмард ўзунг давлатинг навжавон. *Садди Искандарий*, 270-Т.

ЖАВОНМАРДЛИҒ [جوان مردليغ] – сахийлик, жавонмардлик:

Маккадин Шайх Абул-Аббоси Қассоб келди ва сўрди ким жавонмардлиғ недур? Шайх деди ки жавонмардлиғ улдур ки ҳарисани ёронларға совутмағайсен.
Насойимул-муҳаббат, 193-Т;

Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиғ,
Ки ойини бўлғай жавонмардлиғ. *Садди Искандарий*, 306-Т.

ЖАВОР/ЖИВОР [جوار] – 1. ён, қатор, яқин ер:

Ва хайли азизлар ким аларға тирикликда мусоҳиб эрдилар ва қабрлари парокканда ерларда воқиъ эрди йиғуштуруб, алар жаворида қўйулди.
Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер, 15-102; (10(10)-15);

Нур Саидбек... қабри Марвда Хожа Юсуф Ҳамадоний... жаворидадур.
Мажолисун-нафоис, 71-Т;

2. ҳамсоя:
Бор эрди жаворинда аҳли диле,
Тарикатнинг одобида комиле. *Садди Искандарий*, 283-Т;

~ **и раҳмат** – охират:
... беш йуз бешда жумодил-охир ойининг ўн туртида Тангри таоло живори раҳматиға восил бўлди. *Насойимул-муҳаббат*, 229-Т;
Чун Шайх Салоҳуддин Ҳақ живори раҳматиға борди.
Насойимул-муҳаббат, 305-Т.

ЖАВОРИҲ [جوارح] – тана аъзолари, органлар:
Инсоннинг зеб-у раънолиғи андин ва башарнинг тобу тавонолиғи андин. Ҳавос ва қувога андин қувват жавориҳ ва аъзоға андин сиҳҳат.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-535; (14-114);
Барча жавориҳ била аъзода тенг,
Сурати навъи ву ҳаюлода тенг. *Ҳайратул-аброр*, 7-122.

ЖАВОҲИР [جواهر] – 1. гавҳарлар, қимматбаҳо тошлар:
Ва иттифоқо ул учурда Султон Абдусаид Мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб бўлмаса тафаҳҳусида муболағалар қилиб элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-101;
Ки ҳар ганжида улча зоҳирдурур,
Нисорингға юз минг жавоҳир дурур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;
2. бадиий юксак ибора ва сўзлар, чукур маъноли сўзлар:
Девон демай ки баҳри уммондур ҳар ғазал анда жавоҳирдин мамлу бир сафина сафина демай ки хазинадур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т;
Мурассаъ жавоҳир била бўлса жом,
Вале давр аро жом топса хиром. *Садди Искандарий*, 49-Т;
3. дур, гавҳар, қимматли нарсалар:
Тилатти бир табақ бирла жавоҳир,
Деди муздунг эмас эй ишта моҳир. *Фарҳод ва Ширин*, 297-Т;

~ **нужуми** – юлдузга ўхшаш саноқсиз гавҳарлар:
Ул жавоҳир нужумидин ҳомун,
Бўлди андақ ки қуллаи гардун. *Сабъаи сайёр*, 198-9;

~ **и асрор** – «Сирлар жавоҳири» – асар номи:
...форсий иборатда ул жумладин нозими «Жавоҳири асрор» шайх Фаридиддин Аттордур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-25;

~ **и ашк** – ашк, ёш дурлари:
Кўзум ҳақини баҳил қилдим эй жавоҳири ашк,
Ки борий ҳам анинг ўқ мақдамиға сочиласиз. *Ғаройибус-сиғар*, 174-Т;

~ **и жоннисор** – жон фидо қилувчи жавҳар:
Етурса қадам бошима муғбача,
Эрур жавоҳири жоннисорим менинг. *Ғаройибус-сиғар*, 504-Т;

~ **и кон** – гавҳарлар кони:
Кўнгли ичра улум пинҳони,
Кон ичинда жавоҳири кони. *Сабъаи сайёр*, 10-213;

~ **и нафойис** – тоза гавҳар; кўнгилга ўта яқин кишилар:
Ўн ёри жавоҳири нафойис,
Зоҳир қилиб ул баданға ўн ҳис. *Лайли ва Мажнун*, 43-Т;

~ **и обдор** – тиниқ, порлоқ гавҳар:
Бу банда чун ул жавоҳири обдор қийматин билдим. *Муншаот*, 14-179;

~ **и пок** – пок, тоза, тиниқ жавоҳир:
Бор эрди чу кирдим анда бебок,
Олам олам жавоҳири пок. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т;
Ҳар ганжида сайрафийи идрок,
Ҳадсиз топибан жавоҳири пок. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;
~ **и самин** – қиймат баҳо жавоҳирлар, тошлар:
Олдим бу жавоҳири саминдин,
Софий дур-у лаъли оташиндин. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т;
Андақ гулшани дақойиқ гул-у раёҳини била ороста ва ул навъ махзани маоний жавоҳири самини била пироста кўрмайдур. *Муҳокаматул-лугатайн*, 190-Т;
~ **тўрт жавоҳир** – тўрт унсур (сув, тупроқ, ўт, ҳаво);
Вазъинн ул дам ки мураттаб қилиб,
Тўрт жавоҳирни мураккаб қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-91.

ЖАВОҲИРЛИҒ [جواهرلیغ] – гавҳарга ўхшаш қимматбаҳо; дурли:
Ҳилм инсон вужудининг фавоқиҳлиғ боғидур одамийлиғ оламининг жавоҳирлиғ тоғи... *Маҳбубул-қулуб*, 14-83.

ЖАВОҲИРНИСОР [جواهرنثار] – гавҳар бағишлайдиган:
Абри кафи баҳри жавоҳирнисор,
Тиғи бу дарё суйиға жўйибор. *Ҳайратул-аброр*, 7-68; (6(10)-57).

ЖАВОҲИРНИШОН [جواهرنشان] – қимматли, қадирли; улуғ зотли:
Зотинг ўлуб баҳри жавоҳирнишон,
Сўз аро баҳринг кафи гавҳарфишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-42.

ЖАВОҲИРНИШОНЛИҒ [جواهرنشانلیغ] – гавҳар сочишлик, қимматли илм тарқатишлик:
Бу гавҳарфишонлиғдин чун улуғ мақсуд торих илми махзаниға вукуф топмағлиғ ва бу жавоҳирнишонлиғ (Süleymaniye, Fatih ktb. №4056, Ayasofya böl. №3854: **жавоҳирнишонлик**) дин куллий мурод салотини мозия ҳолоти мақшуф бўлмағ эрди. *Садди Искандарий*, 103-Т.

ЖАВОҲИРСАНЖ [جواهرسنج] – жавоҳир ўлчовчи:
Бўлуб аҳли ғино жавоҳирсанж,
Ҳаддин ортуғ тўкуб жавоҳир-у ганж. *Сабъаи сайёр*, 10-86.

ЖАВОҲИРСЕВАР [جواهرسیور] – жавоҳир севар:
Жавоҳирсевар салотин инкорида ва анинг тошқа мушобаҳати изҳорида. *Ғаройибус-сиғар*, 530-Т.

ЖАВОҲИРФИШОН [جواهرفشان] – жавҳарлар сочувчи; нур сочувчи:
Яна дағи кўп гавҳарфишон,
Басе наср дағи жавоҳирфишон. *Тарихи мулуки ажам*, 16-252; (8(10)-647).

ЖАВР [جور] – зулму ситам, азият, жафо, озор, адолатсизлик:
Не афлок-у не муттасил анда давр,
Не эл не анинг давридин элга жавр. *Садди Искандарий*, 47-Т;
Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаврингни кўнгулга эй париваш қил бас. *Мезонул-авзон*, 38-Т;
Шиоринг ҳар неча жавр-у жафодур,
Баҳилмен чун менинг даъбим вафодур. *Фарҳод ва Ширин*, 447-Т;
~ **-у дод** – жавру дод:
Эй ки бир мулк ичра чектинг жавр-у доде топмадинг,
Тангри мулкидур борур бўлсанг қаёни мен киби. *Фавойидул-кибар*, 599-Т;
~ **-у жафо** – жавру жафо:
Чарх ранжим-му дейин даҳр шикажин-му дейин,
Жонима ҳар бирининг жавр-у жафосин-му дейин. *Наводируш-шабоб*, 482-Т;

Бергуча ишқ-у вафо таркига пандим неткай,
Берсангиз жавр-у жафо манъида жононаға панд. *Фавойидул-кабир*, 119-Т;

~ **-у зажр** – жавру жафо:
Сиз бу жавр-у зажр бирла кетмайин,
Ғайр ул там узра ўк майл этмайин. *Лисонут-тайр*, 67-Т;

~ **-у зулм** – зулму ситам:
Ўз диёримда ғариб элдин етар чун жавр-у зулм,
Эл диёринда ғариб ўлмағлиғим эрмас ғариб. *Наводируш-шабоб*, 49-Т;
Жавр-у зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,
Чунки сендиндун ҳаёти жовидонидур манга. *Бадойиул-васат*, 13-Т;

~ **и қазо** – қазо жаври:
Бири жаври қазодур жонима бирга қазо етти,
Халос эрмас киши ҳар ҳол ила Тангри қазосидин. *Фавойидул-кибар*, 484-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – зулм, ситам айламоқ, жабрламоқ; шайдо қилмоқ:
Шайхқа чун туттилар май неча давр,
Ишқи айлай бошлади ақлиға жавр. *Лисонут-тайр*, 112-Т;
Эй Навоий олам аҳли жавр этарда тенг дурур,
Хоҳ шоҳи чархқадр-у хоҳ моҳи сарвқад. *Фавойидул-кибар*, 123-Т;
Навоий жавр этма кўр лутфила,
Тани зорини жони афгорини. *Бадойиул-васат*, 485-Т;
Атрофиға эврулуб неча давр,
Ўз кўксиға тошдин қилур жавр. *Лайли ва Мажнун*, 151-Т;
Кўруб хоқони Чин фарзандин ул тавр,
Кўп этти манъиға ҳам лутф-у ҳам жавр. *Фарҳод ва Ширин*, 116-Т;

~ **бер-** – жабрламоқ, жабр бермоқ:
Керак шони ҳам болса ишнинг бу тавр,
Ки барлутф лутф-ўк берур жавр жавр. *Садди Искандарий*, 314-Т.

ЖАВРАНДЕША [جور انديشه] – жавр, ситам андеша:
Маст-у бехуш ўлмағум тун кун Навоий сўрмағил,
Чархи жаврандеша жуз ғаддорлиғ билмас нетай. *Наводируш-шабоб*, 642-Т.

ЖАВРКАШ [جور كش] – азият тортувчи, жабр кўрган:
Бўлдум чекибан жавр-у жафо зор асру,
Мен жаврқаш-у ёр жафокор асру. *Ғаройибус-сиғар*, 563-Т;
Айлади мен зори маҳзунни бало ву жаврқаш,
Ул ки дилдоримни мундақ маст-у бебок айлади. *Бадойиул-васат*, 450-Т.

ЖАВРФАН [جورفن] – зулмкор, ситамгар, жабр қилувчи:
Ёнибан сурдилар ватан сари,
Келдилар шоҳи жаврфан сари. *Сабъаи сайёр*, 10-110.

ЖАВФ [جوف] – бир нарсанинг ичи; бўшлиқ, кавак:
Барин йутти бир бир наҳанги фано,
Ичи жавфида жамъ қилди яна. *Садди Искандарий*, 402-Т;
Элдин кечиб ул ки тутса тоғ аро қарор,
Совуғда ери бу тоғнинг жавфида ғор. *Хазойинул-маоний*, 16-751;
Сайрдин гардунға солди изтирор,
Ерга анинг жавфида берди қарор. *Лисонут-тайр*, 15-Т;
Чу тоғ аҳволини қилди шумора,
Этиб ҳар жавфнинг жавфин назора. *Фарҳод ва Ширин*, 334-Т;
етти кўк жавфи – етти осмон бўшлиғи:
Етти кук жавфи тўла ғамни азалдан гўйиё
Ишқ жамъ айлаб менинг жоним учун асраб эди. *Хазойинул-маоний*, 16-604;

қалам жавфи – қамиш қалам каваги:
Навоиё қаламинг жавфи баҳр йўлимидур,
Ки турмайин ичидин дурри шаҳвор келур. *Хазойинул-маоний*, IVб-169;
~ **и чоҳи бобил** – бобил чоҳи:
Ҳам хатлари шоҳроҳи бобил,
Хам килкида жавфи чоҳи бобил. *Лайли ва Мажнун*, 58-Т.

ЖАВШАН [جوشن] – совут, зириҳ:
Кийиб жавшан устига чиний ҳарир,
Келиб су уза сабзадек дилпазир. *Садди Искандарий*, 191-Т;
Солиб танға сўз жавшан-у бактарин,
Қойуб бош уза пок назм афсарин. *Садди Искандарий*, 74-Т;
Ва жиба ва жавшан ва кўҳа ва қанғалдурук ва қарбичи ва кежим ва оҳа йўсунлуқ уруш асбобин ҳам турк тили била айтурлар.
Муҳокаматул-лугатайн, 177-Т;
Яна бору уза юз новакафкан,
Чекиб ўқлар килиб бариси жавшан. *Фарҳод ва Ширин*, 228-Т;
~ **и зангсоз** – ҳабаший совут, зириҳ:
Келиб барчаси жавшани зангсоз,
Ёруқ кўзгудек зангдин бениёз. *Садди Искандарий*, 188-Т;
~ **и заркор** – зарбезакли совут, зирҳ:
Разм куни бўлса темур ичра ғарқ,
Жавшани заркор қадам то ба фарқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-69; (6(10)-58);
~ **яфрағи** – совут, зирҳнинг темир япроқчалари:
Кош бўлса ҳар туган жисмимда жавшан яфрағи,
Ким ўқи кўнглумга еткач ўтмаса тандин доғи. *Бадойиул-васат*, 58.

ЖАВҚ ЖАВҚ [جوق جوق] – кўп кўп; тўп-тўп; гуруҳ-гуруҳ:
Қачан жавқ жавқ ўлса авбоши маст,
Тушар тақво ақлиға кўп кўп шикаст *Садди Искандарий*, 321a4;
Малойик тутуб йўл бошин жавқ жавқ,
Тамошосида барча кўнглида шавқ. *Садди Искандарий*, 68-Т.

ЖАВҲАР [جوهر] – 1. гавҳар, қимматбаҳо тош:
Соқиё нақди ҳаётим жавҳаридур жом аро,
Ким эрур жон ичра май аксинг майи гулфом аро. *Фавойидул-васат*, 24-Т;
Ададсиз жавҳар-у нақди гиромий,
Сулаймон хотами Жамшид жоми. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;
2. ёғду:
Жолаи офат киби ул ой баҳори ҳуснида,
Чархи анжум жавҳаридин ёғдурур бошимға тош. *Бадойиул-васат*, 11;
3. асос; унсур; моҳият:
Жавҳари жоним олиб тут журъае эй мугбача,
Ким бу нақд аҳли фанонинг буди ву нобудидур. *Наводируш-шабоб*, 163-Т;
Этиб юз жавҳари покизани хок,
Ки андин бангийи бўлгай фарахнок. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т;
4. нодир, ноёб:
Қаноат жавҳаредур ким элни мундақ икки балодин ўткарур ва мундақ ккки ибтилодин қутқарур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-54;
5. нозик ҳис-туйғулар:
...жон ва кўнгул жавҳарларин нисор этсам қадрин билмамиш булғаймен.
Муншаот, 14-201;

6. ҳаёт:
Тушса бирав илгига дурри ятим,
Бордур анинг жавҳари жониға бим. *Ҳайратул-аброр*, 7-177;
7. тоза:
Лутф ила бер илгима май жавҳари,
Май не ки ойинаи Искандари. *Ҳайратул-аброр*, 7-256;

~ **и бебаҳо** – бебаҳо гавҳар:
Йўқ оғзим бўлуб жавҳари бебаҳо,
Не пайдо вужуди анга не баҳо. *Садди Искандарий*, 390-Т;

~ **и жисм** – жисм жавҳари:
Жавҳари жисми тира кон ичра,
Олами мухтасар макон ичра. *Сабъаи сайёр*, 10-212;

~ **и жон** – жон жавҳари:
Баҳо бу бенаводин гар қабул айлар эсанг бордур,
Бирига жавҳари жоним бирига нақди Исломим. *Фавойидул-кибар*, 392-Т;
Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул. *Садди Искандарий*, 75-Т;

~ **и зот** – нодир зот, асли дур:
Асл-у гавҳар била хонлар хони,
Жавҳари зот ила жонлар жони. *Фавойидул-кибар*, 672-Т;
Бу аъроз аро жавҳари зот анга,
Қилиб пок гавҳарлик исбот анга. *Садди Искандарий*, 96-Т;

~ **и ишқ** – ишқ гавҳари; муҳаббат:
Жавҳари ишқинг олурға халқ маҳфий нақдидек,
Жон ичинда бир неча доғи ниҳоним бор эмиш. *Ғаройибус-сигар*, 210-Т;

~ **и маъний** – маъно жавҳари:
Жавҳаре бу ишта комимдур менинг,
Жавҳари маъний ҳамоно ул дурур. *Лисонут-тайр*, 69-Т;

~ **и ноёб** – ноёб, нодир гавҳар:
Нуқтаи мавҳум эрур оғзинг нетиб ком истайин,
Ким таматтуъ касб қилди жавҳари ноёбдир. *Бадойиул-васат*, 358-Т;

~ **и олий** – олий сифатли гавҳар:
Бири бу икки жавҳардин хабардур,
Бири бир жаҳари олий асардур. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;

~ **и пайкон** – киприк жавҳарлари, дурлари.
Жавҳари пайконларингнинг маҳзани жон истадим,
Жондин ортуқ туҳфани жон ичра пинҳон истадим. *Фавойидул-кибар*, 423-Т;
Кўнгулда жавҳари пайконини чу йиғмиш жон,
Ажаб эмас ки бу вайронани хизона қилур. *Ғаройибус-сигар*, 158-Т;

~ **и пинҳон** – пинҳон дур, жавҳар:
Коми пинҳон оғзидин топмаққа кўп сўрманг баҳо,
Кимса таъйин айламайдур жавҳари пинҳонға нарх. *Фавойидул-кибар*, 114-Т;

~ **и пок** – соф дур:
Одами ҳам ки келди жавҳари пок,
То билур ким ки айласа идрок. *Сабъаи сайёр*, 10-71;

~ **и покиза** – соф, олий гавҳар:
Этиб юз жавҳари покизани хок,
Ки андин бангийи бўлғай фарахнок. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т;

~ **и руҳ** – руҳ жавҳари, асл руҳ, жон:
Дерлар сени дур савоб эмас бу,
Сен жавҳари рух-у дур курук су. *Лайли ва Мажнун*, 55-Т;

Лаъл майнинг жавҳари рух ўлди чун қатраси,
Гўйи эъжози Масиҳо зоҳир айлар майфуруш. *Наводируш-шабоб*, 262-Т;

~ **и сайёл** – май, шароб:
То фано сайлида бўлғай нобуд,
Кўруб ул жавҳари сайёл хирад. *Наводируш-шабоб*, 121-Т;
Ўқларидин, жавҳари пайкон кўнгулга суд эди,
Ҳар не ким отти етишкач ўттилар паррон не суд. *Фавойидул-кибар*, 130-Т;

~ **и тақво** – тақводорлик асли, асоси:
Зоҳид аҳлидин ибодат анда кўп,
Жавҳари тақво ву тоат анда кўп. *Лисонут-тайр*, 190-Т;

~ **и фард** – ягона, танҳо гавҳар:
Вафо гулбунининг очуқ варди ул,
Саҳо баҳрининг жавҳари фарди ул. *Садди Искандарий*, 101-Т;

~ **и ғамзадой** – қайғуни таркатувчи гавҳар-май:
Аёқчи бир ул жавҳари ғамзадой,
Дема ғамзадой жоми мотамзадой. *Садди Искандарий*, 121-Т.

ЖАВҲАРДОР [جوهردار] – ялтироқ, порлоқ; гавҳарлик:
Қатлима тийғ ўлғали ким чарх иши озордур,
Мавжи ашким аксидин пўлоди жавҳардордур. *Фавойидул-кибар*, 184-Т.

ЖАВҲАРИЙ [جوهری] – қимматбаҳо тошларни ажратувчи; жавҳаршунос:
Жавоҳир англа сифат ани жавҳарий қафаси,
Ки бордур анда қайу бирин истасанг ҳосил. *Маҳбубул-қулуб*, 14-78;
Вужуди олтуни ул қалб-у ғашдин айрилибан,
Ла жавҳарий ани кўрса топар тамоми иёр. *Маҳбубул-қулуб*, 104.

ЖАВҲАРМИСОЛ [جوهر مثال] – гавҳарга ўхшаш, гавҳарсифат:
Йўқдин эттинг бор ҳар дам юз Масиҳи рухбахш,
Лек унсурдин мужаррад барчаси жавҳармисол. *Хазойинул-маоний*, IIб-376.

ЖАВҲАРШУНОС [جوهرشناس] – гавҳаршунос:
Бу дурлар аро ақли жавҳаршунос,
Иши риштаси бирла айлаб қиёс. *Садди Искандарий*, 510-Т;
Ки ҳар лафзини ақли жавҳаршунос
Кўруб жавҳари фард айлар киёс. *Тарихи мулуки ажам*, 16(20)-256; (8(10)-647).

ЖАДАЛ [جدل] – 1. жиддий тортишиш, баҳс, мунозара; уруш, жанг:
Мамоликка юзланмасун деб халал,
Чиқиб утру изҳор қилди жадал. *Садди Искандарий*, 209-Т;
Жиддидин масожид жамоат аҳлидин мамлу ва мадорис баҳс ва жадал хайлидин ғулув. *Маҳбубул-қулуб*, 14-12;
Жадал аҳлининг мадрасасида кил-у коли ҳам худписандликка тортар маоли бу анинг сўзин рад қилур ва ул мунинг сўзин ҳар қайси биганур ўз сўзин ва ўзин. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-502; (14-73);

2. ғайрат сарфлаш, уриниш:
Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал. *Садди Искандарий*, 516-Т;
баҳс-у жадал – уруш, жанжал:
Достонлар ки айттим мужмал,
Манга йўқ ҳеч анда баҳс-у жадал. *Сабъаи сайёр*, 10-75;

~ **кўргуз-** – жадал кўрсатмоқ, номоиш қилмоқ:
Дин тариқида адолат туздилар,
Ким ҳужум айлаб жадал кўргуздилар. *Лисонут-тайр*, 28-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – жўшқинлик билан киришмоқ; тиришмоқ:
Жадал айлабан додхоҳи била,
Келиб ул икки уч гувоҳи била. *Садди Искандарий*, 144;
Неча қатла шоҳ этти ўйла жадал,
Анга маҳваш кетурди бўйла бадал. *Сабъаи сайёр*, 10-340;
Ҳажр бемориға қотил заҳр эрур ҳайвон суйи,
Эй Масиҳ асра нафас бу нуқтада қилма жадал. *Хазойинул-маоний*, III6-378;
Бир бирининг сўзига айлаб хилоф,
Гар жадал қилдилар эрдилар муоф. *Лисонут-тайр*, 209-Т.

ЖАДВАЛ [جدول] – 1. китобдаги хат чизиғи, жадвал:
Муҳандисвор айлар эрди аввал,
Ариғнинг икки ёнин икки жадвал. *Фарҳод ва Ширин*, 307-Т;
Тун юзи олтун била жадвал анга,
Балки ўтук тақаси зарҳал анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-269;
2. жўяк:
Тўрт тараф жадвали бозор анга,
Кирган улус барча харидор анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-308;
3. ришта, тор, умид ришгаси; тўғри йўл, белгиланган аниқ режа:
Бўлуб коргарлар дағи ишда чуст,
Ража жадвали бирла пок-у дуруст. *Садди Искандарий*, 432-Т;
~ **торт-** – китоб бетларинн чизмоқ, зийнатламоқ:
Мавлоно Ҳавойи... ўз ашъорин ўзи битиб жадвал тортиб тазҳиб қилиб тайёр ясаб элга берур ким бу жиҳатдин шуҳрат тутқай. *Мажолисун-нафоис*, 55-Т.

ЖАДВАЛСИЗ [جدول سيز] – чизиқсиз, жадвалсиз:
Ва пайғамбарлиғи даъвосида муъжизаси паргорсиз дойира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибдур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-232.

ЖАДД [جدّ] – бобо; аждод:
Хожа Баҳоуддин дебтурлар ки тақдир ҳасби била мутааммил бўлурда жаддим буюрди ким бориб Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобоға ташрифи ҳузур илтимос кил. *Насойимул-муҳаббат*, 235-Т;
Хожа Маҳмуд... жадди дарвеш киши эрди, хонақоҳи ва муридлари бор эрди. *Мажолисун-нафоис*, 157-Т;
бузургвор жадд – катта бобо, улуғ бобо:
Йиллар бузургвор жаддлари мазори бошида Шайхул-ислом эрдилар ваъзда нафаслари бағоят муассир ва самоъда ҳаракотлари асру мурикк. *Насойимул-муҳаббат*, 406-Т;
~ **-у аб/обо** – бобо ва ота:
Дегач абжад бошиға эврулурлар,
Қамар бирла қуёш яъни жадд-у аб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т;
Жадд-у обо санга авлоди қани,
Оға ини санга аҳфоди қани. *Фавойидул-кибар*, 659-Т;
~ **и аъло** – насаб жиҳатидан олий табака:
Насабда жадди аъло анга Жамшид,
Ҳасабда сўнгғи мавло анга хуршид. *Фарҳод ва Ширин*, 336-Т;
~ **и комраво** – бахтли, мақсадига эришган ота, бобо:
Барча шаҳларға ато ўрнигасен,
Ё жадди комраво ўрнигасен. *Фавойидул-кибар*, 669-Т.

ЖАДДА [جدّه] – ота ёки онанинг онаси, буви:

Уйғонғандин сўнгра ул дарвешнинг сурати хотирда эрди ва бизга жаддайи эрди солиҳа аномиз аноси ул воқиани аларға айттук. *Насойимул-муҳаббат*, 238-Т;

~ **и Аҳмади Мухтор** – Аҳмад Мухтор бувиси, қавм-қариндоши:

Шаъри қонунисини вақт била маъри тутқан,
Солики жаддаи Аҳмади Мухтор кани? *Наводируш-шабоб*, 669-Т.

ЖАДДАЙН [جدّين] –бобо ва буви:

Бу наҳли баландпоя волидайнға борвар ва жаддайнға соягустар ва бу дурри гаронмоядин абоға осойиш ва уммаҳотға оройиш. *Муншаот*, 14-200.

ЖАДИД [جديد] – янги; аруз вазнидаги баҳрлардан бирининг номи:

Ва баъзи расоилларида келтурубтурлар ки етти юз олтмиш тўққузда Ҳирот шаҳрида хонақоҳи жадидида Мавлоно Заҳириддин Ҳилватий ҳазратларининг живорида сокин эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 418-Т;

Мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс ва сариъ ва жадид ва қариб ва хафиф ва мушокил биноси субоийётқадур. *Мезонул-авздн*, 23-Т;

Учунчи дойиранинг иккинчи баҳри жадиддур. *Мезонул-авзон*, 51-Т;

~ **и махбун** – хафифи махбун, аруз атамаси:

Ва сарнъи матвий ва жадиди махбун ва қариби макфуф ва хафифи махбун ва мушокили макфуф кимусаддасул-ажзодурлар. *Мезонул-авзон*, 25-Т.

ЖАДЙ [جدی] – 1. эчки; улоқ:

...йўқсизлиқ широмларида қўй кутуб йилда жадйдек беш ўчку музд олғанни ғанимат билгангача киши оз топилгай. *Вақфия*, 718;

2. ўн икки бурждан бирининг номи (кийик шаклида фараз этилган):

Чун жадйни соғди чарх золи,
Сут қатраларин аритти ҳоли. *Лайли ва Мажнун*, 810;

...яъни хуршид қавс чиллахона гўшасидин жадй қулласи авжиға таҳвил қилиб ул бирида бурунғи кеча эриша олмай... *Муншаот*, 9(10)-556; (14-142);

3. ой номи (22 декабрь – 21 январга тўғри келади; дайга баробар):

Қишнинг тўрт ойида ким қавс ва жадй ва далв ва ҳут бўлғай.
Вақфия, 9(10)-558; (14-268);

Кўрунуб таккасидин жадйи поя,
Асад қапланининг остида соя. *Фарҳод ва Ширин*, 233-Т.

ЖАДЪ [جدع] – аруз фани атамаси:

Жадъ, мафулотунинг иккаласи сабабининг исқоти ва тосининг исқотидур, лот қолур фоанинг ўрнида қўярлар. *Мезонул-авзон*, 19-Т.

ЖАЁН/ЧАЁН [جيان] – чаён, даҳшатли, қўркинчли:

Фусун бирла йумранни шери жаён,
Гавазнни салобатда бабри ёбон. *Садди Искандарий*, 224-Т;

Каҳридин ар шери жаён кўрди бим
Ўрди бошин уй сути ичган етим. *Ҳайратул-аброр*, 7-321;

Ишқ қўйида агар шери жаёндур итдур,
Тонг йўқ ар фахр-у мубоҳот ила бу нуқта сурай. *Наводируш-шабоб*, 593-Т.

ЖАЗАБОТ [جزبات] – жазба; тариқат аҳлининг ҳолати:

Ҳақиқий ишқ беқарори ва анинг тажаллийёти садаматининг беихтиёри қалақ ва изтиробда анга яраша керак бўлғай ва ғалабот жазаботи хам анга ўхшаш керак бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-511; (14-86);

Андақ ки дер эрмишлар ки мабодийи аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоратидин уч мазорға етиштим. *Насойимул-муҳаббат*, 239-Т.

ЖАЗАЪ [جزع] – бетоқатлик; доду фарёд:

Жазаъ тўфониға чун бўлди таскин,
Деди Шопури меҳнаткашқа Ширин. *Фарҳод ва Ширин*, 479-Т;

Довуд алайҳис-салом бошиға туфрақ совуруб жазаъ бунёд қилди эрса хитоб келди ким сен хотирингни жамъ тут... *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-160;

Эй Навоий чун замон зулмиға суд этмас жазаъ,
Касб қил бу шевани ву қилма кўп шеван яна. *Хазойинул-маоний*, IIIa-540;

~ **и акбар** – қиёмат куни бўладиган доду фарёд, энг кучли доду фарёд:

...ва қиёмате юзлангай ким жазаъи акбар вовайлоси ошубу фазаъ маҳшарда асафоси аларнинг ниҳодидин фалаки ғаддорға майл этқай ва бу сипеҳри давворға еткай. *Маҳбубул-қулуб*, 93;

Маҳшар кунида ким жазаъи акбар ўлгуси,
Ҳажрингда келди кўнглума юз анча рустахез. *Хазойинул-маоний*, II6-218;

~ **эт-/қил-** – бетоқатлик, доду фарёд этмоқ:

Билса Фарҳод ила Мажнун жазаъ эткайлар эди,
Ишқ безодидан улча манга бўлди ворид. *Наводируш-шабоб*, 127-Т;

Чу кўп қилди жазаъ шоҳи замона,
Ўпуб туфрағни дастури ягона. *Фарҳод ва Ширин*, 193-Т.

ЖАЗБ/ЖАЗБА [جزب/جزبه] – тортиш, берилиш, жалб этиш; ҳаяжонга тушиш; тариқат аҳлининг ўзидан кетган ҳолати:

Қавий жазбалари бор эрмиш ва жазба тариқи била ҳар қачан ҳар кимга тиласалар эркан тасарруф қилурлар эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 249-Т;

Бобо Савдойи... аввал Ховарий тахаллус қилур эрди. Ғайб оламидин анга жазбае етти ким ақли зойил бўлуб элдин чиқиб бош аёғ яланг девоналардек тоғ ва даштда кеза бошлади. *Мажолисун-нафоис*, 21-Т;

Қуш бўлур бошимға қўнғач дуди оҳимдин каро,
Кўр жунун жазбин ким анда кўнса бўлғай банда қуш. *Фавойидул-кибар*, 246-Т;

Мир Муфлисий... Машҳад содотидиндур табъи хуб эрди ким анга жазба етишти ким ақли зойил бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 37-Т;

~ **и хут** – балиқ дами:

Бу тенгизлардин қачан қилсанг убур,
Жазби ҳуте ул замон айлар зуҳур. *Лисонут-тайр*, 236-Т;

~ **қил-** – кўнгилни тортмоқ, қилмоқ:

Шайх ибнул Арабий дебтур ки мен мундин билдим ки мурид таважжуҳ сидқи била Шайхни ўз жонибиға жазб кила олур эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 231-Т;

Анингдек ки май жазби анинг иши,
Ола олмағай жазб қилмай киши. *Садди Искандарий*, 254-Т.

ЖАЗВУРД [جزورد] – жазвурд:

Заъфлиқ жисмимни ўртаб бўлма оҳимдин малул,
Хоссият жазвурдни бўлғай самонни ўртамак. *Наводируш-шабоб*, 327-Т.

ЖАЗИРА [جزيره] – 1. орол; географик жой номи:

Чун ҳинд дарёсиға еттик, мухолиф ел қўпти ва кемани ушатти ва мен бир тахта пораға қолдим ва бир жазираға чиқтим. *Насойимул-муҳаббат*, 356-Т;

Жазира аро неча уйлук киши,
Келиб заъф ила ажз аларнинг иши. *Садди Искандарий*, 142-Т;

Яна Ардашер ки ани Гавошер дерлар Кирмонда ва Аҳвоз, Хузистонда ва Мўсил жазирадин хиттаи Баҳрайндин *Тарихи мулуки ажам*, 516;

Тўшубтур даври ўн шаръи жазира,
Ки таърифида қолур ақл хира. *Фарҳод ва Ширин*, 257-Т;

Ва бу иш кайфияти бу эрди ким Сулаймон алайҳис-салом ким Жазира мулукидин бирин ким отин Сайдун дебтурлар ва бутпараст эрди ўлтурди ва қизин ким малоҳат зевари била ораста эрди қўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-166;

2. чангалзор:
Ҳам тануманду ҳам шужо-у далер,
Ул сифат ким жазира ичра ки шер. *Сабъаи сайёр*, 10-277.

ЖАЗЛ [جزل] – кунда, қолип; сахий, дароятли, комил инсон; аруз фани атамаси:
Мезонул-авзон, 173-Т.

ЖАЗЛИҒ [جزليغ] – жазлиғ, от асбоблари:
Ва отнинг эйарин агарчи зин дерлар аммо кўпрак ажосин масал: жибилгар ва ҳано ва тўқум ва жазлиғ ва ўланг, қўм ва ўланчағ...
Муҳокаматул-луғатайн, 177-Т.

ЖАЗМ [جزم] – қатъий, аниқ, муқаррар; карор, ният:
Ҳумой жазм билди ким анинг ўғлидур. *Тарихи мулуки ажам*, 16-213;
Фақирға деб эрдилар ким «Улча мумкин бор, бу юрушнинг манъиға саъй қилғайсен ва ул матлуб сурат богламағай азимат жазм бўлса бизга битиб йибаргайсен». *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-43;

~ **и кўч** – кўчиш, кўч нияти:
Манозил етиб бўлдилар жазми кўч,
Қопуб ҳар тараф қилдилар азми кўч. *Садди Искандарий*, 179-Т;

~ **и нийят** – қатъий нийят:
Кетмакка ки жазми нийятим бор,
Кетсам санга худ не миннатим бор. *Лайли ва Мажнун*, 293-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – бел боғламоқ, карор қилмоқ; муқаррар қилмоқ:
Неча ким тавоққуфни жазм айлагунг,
Қачан бўлса бу йўлға азм айладунг. *Садди Искандарий*, 436-Т;
Фиръавн эшиткач Мусо алайҳис-салом қатлин кўнглига жазм қилиб анинг изҳориға ҳукм қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-135;
Бу ён азм айламак жазм айла филҳол,
Черик жамъ айлабан азм айла филҳол. *Фарҳод ва Ширин*, 454-Т;
Муттасил бўлсанг сифотуллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила. *Лисонут-тайр*, 248-Т.

ЖАЗО [جزا] – 1. эваз, бадал:
Ким ки ғанимат учун айлар ғазо,
Манъи шаҳодат анга басдур жазо. *Ҳайратул-аброр*, 7-274; (6(10)-240);
...ва бу қазия бир акс бўлубтур яхшилик жазоси хушунатдин ўзга накш тутмас ва сурат боғламас. *Маҳбубул-қулуб*, 14-78;

2. жазо, чора:
Кўп жафо чектим кўнгулдин еткурай десам жазо,
Топмағумдур кимса ул номеҳрбондин хубрақ. *Наводируш-шабоб*, 314-Т;
Ким бу гавғо аҳлини ҳар ён сурунг,
Кетмаганларни жазоға еткурунг. *Лисонут-тайр*, 192-Т;

~ **йи амал** – бадал, чора амали:
Натижа мунга ғайри ғуфрон эмас,
Жазойи амал бўлмай имкон эмас. *Садди Искандарий*, 147-Т.

~ **айла-/кўргуз-/қил-** – жазо этмоқ:
Ики уч кун атбоъи айлаб жазо, эри.
Нури дийда бўлди бисоти фазо. Садди Искандарий, 275-Т;
Давр аҳлиға лутфи жазо кургузгил,
Эл қилса ёман яхши жазо кўргузгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-176;

Филҳол ани бавл хабси била имтиҳон килдилар, жазоъ қилмай сабр қилур эрди.
Насойимул-муҳаббат, 61-Т.

~ **бер-** – жазоламоқ, жазо бермоқ:
Мумкин йўқ ким одамизод аларға сазо бергай, магар Тангри аларға бало бирла жазо бергай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-20.

ЖАЗОЙИР [جزایر] – ороллар:
...ва ҳар даштда неча хайл хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг қўлларида ва қуллаларида ва ҳар баҳрнинг жазо-йирида ва савоҳилида не тавойиф бор.
Муҳокаматул-луғатайн, 167-Т;

аҳли жазойир – оролларда яшовчилар:
Қарақчилар дурур аҳли жазойир,
Бўлурлар бегарон баҳр ичра сойир. *Фарҳод ва Ширин*, 272-Т.

ЖАЗОЛАТ [جزالت] – мўллик, ортиқлик, тинмаслик; фасоҳат:
...аларға насиб бўлубтур ки кўп абёти алфоз жазолатидин ва маъни ва таркиб салосатидин деса бўлур. *Насойимул-муҳаббат*, XV-178.

ЖАЗЯ/ЖИЗЯ [جزیه] – жизя (мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ):
... бани Исроил ул ерга етиб эрди ким барча зулм кўрарлар эрди сўнгра аларға жазя таъйин қилиб эрди. *Тарихи анбиё ва ҳикамо*, 16-156.

ЖАЗЪ [جزع] – ақиқ тош, оламунчоқ; кўз, қорачиғи, кўз соққаси:
...қизил олтун қаро туфрағча кўрунмай кўзи жазъи биллурий дуржға тушуб суда меҳри ховаридек биллурда Ойинаи Искандариға тушкани...
Фарҳод ва Ширин, 183-Т.

ЖАЗЪКОР [جزع کار] – қимматбаҳо тошлар билан зийнат берувчи:
Бу дард ичра ул ким жазъкоррақ,
Ризо бермаган дарди душваррақ. *Садди Искандарий*, 492-Т.

ЖАЙБ [جیب] – 1. чўнтақ, кисса; кисват:
Фақир мутаажжиб бўлдум ва охистарақ илик жайбимға элттим ва мулоҳаза қилдим ўзум битиб жайбимға салған мусаввада мавжуд эрди, ҳайрат ва тааж-жубум ортти. *Мажолисун-нафоис*, 116-Т;
Йилан жайб аро солмақ этма ҳавас,
Ким ахир йиландур бу тасбиҳ эмас. *Садди Искандарий*, 206-Т;
2. ёқа, кийимнинг ёқаси:
Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб,
Билмай асли ниятин қилмақ ғалатдур шакк-у райб. *Хазойинул-маоний*. IIIб-657;
3. ён, яқинлик:
Ва гар берса ўз жайби ичра маҳал,
Ўзи катлиғадур таноби ажал. *Садди Искандарий*, 206-Т;
4. кўнгил, дил, дилдаги муддао:
Чиқиб Ҳазрати шайх хидматиға келиб жайб била сулукка иштиғол кўргузур-лар. *Насойимул-муҳаббат*, 397-Т;

~ **и Мусойи Имрон** – Мусои Имрон жайби:
Тушмаган бўлса қуёшингдин қулиға партаве,
Бас не байзо эрди жайби Мусойи Имрон аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т.

ЖАЙРОН [جیران] – кийик; жайрон:
Элгингга ҳино ёқиб муаййан,
Гаҳ жайрон-у гаҳ кўзи жайрон. *Лайли ва Мажнун*, 238-Т;
Эрур конлиғ кўнгулда кўзларинг ваҳ турфадур асру,
Ки чиқмаслар дами икки жайрон лолазоримдин. *Ғаройибус-сиғар*, 380-Т;

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрони мушк ичида ағнамиш. *Хазойинул-маоний*, 1а-282;
Ва гар қилса ибо тарҳини бунёд,
Ғазанфардин етар жайронға бедод. *Фарҳод ва Ширин*, 137.

ЖАЙҲУН [جيحون] – Амударё:
Эрним ғами ашкин этса Шайҳун,
Борурму эркин ул ашки майгун. *Лайли ва Мажнун*, 184-Т;
Тиғ ила қонни қилғасен Жайҳун,
Гурз ила тоғни эткасен ҳомун. *Сабъаи сайёр*, 10-62.

ЖАЙШ [جيش] – лашкар, қўшин:
То фалаки даввор тўққуз хони анжум дирамлари била музайяндур ул дирамлик хонлар мулк фатҳ қилғач жайшингда сочиқ бўлсун. *Муншаот*, XIII-149;
Яна тузди Баҳроми Шопур жайш,
Ки илгинга олди тўла жоми айш. *Садди Искандарий*, 112-Т.

ЖАЛД [جلد] – абжир, чаққон, эпчил; зийрак; моҳир, уста:
Неча минг жалд маллоҳи ҳунарвар,
Балиғ янглиғ сув ичра мавжпарвар. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т;
Сипоҳийликда жалд киши эрди ва шеъри равон воқиъ болур эрди.
Мажолисун-нафоис, 47-Т;
Султон Масъуд Мирзо мулозими эрди. Шўхтабъ киши эрди.
Туркий ва форсий шеърда жалд эрди. *Мажолисун-нафоис*, 27-Т.

ЖАЛДЛИҚ [جلدلیق] – зийраклик, чаққонлик:
Навоий ўйнади жон халқдин бурун раҳм эт,
Чу қилди жалдлиқ эмди керак анга жалду. *Ғаройибус-сиғар*, 398-Т.

ЖАЛДУ (ЖУЛДУ) [جلدو] – бахшиш, инъом:
Навоий ўйнади жон халқдин бурун раҳм эт,
Чу қилди жалдлик эмди керак анга жалду, *Хазойинул-маоний*, 16-538;
Ҳажр аро тузди Навоий васл мулкин берди ёр,
Андақ иш қилғанға мундин кам керакмас жалдуси. *Хазойинул-маоний*, 16-598;
Тутуб жулду олур ёрмаққа қалқон,
Дегил ким айламишлар тоғни галқон. *Фарҳод ва Ширин*, 370-Т.

ЖАЛИ [جلی] – равшан, очиқ, йирик хат; сулус хатининг тури:
Дерлар ки жали қалам била ўз мадрасасининг деворида битибдур ки бизинг Баҳоуддин нек бахтдур яхши тирилди ва яхши ўлгай.
Насойимул-муҳаббат, 307-Т;
Ҳар сари мева йиғачи жадвали,
Соф била хинду ки чекарлар жали. *Ҳайратул-аброр*, 7-284; (6(10)-249).

ЖАЛИЛУЛ-ҚАДР [جليل القدر] – улуғ мартабали, қадри баланд:
Ул Мисрнинг Саъиди аҳлидиндур. Кўп жалилул-қадр ва кабируш-шон экандур.
Насойимул-муҳаббат, 378-Т.

ЖАЛИС [جليس] – бирга ўтирувчи, ҳамсуҳбат; анис:
Не лойик ки ани анис айлагай,
Такаллуф юзидин жалис айлагай. *Садди Искандарий*, 388-Т;
Ул ваҳш ки эрдилар жалиси,
Бир жайрон эди анинг аниси. *Лайли ва Мажнун*, 314-Т;

~ **и меҳнат** – меҳнат, машаққатда биродар, дўст:
... ва ошиқпеша бекарорларнинг жалиси меҳнати ва маъшуқшева гулъизорларнинг аниси суҳбати бўлуб хавосс-у авомм орасида ...топар эрди.
Ғаройибус-сиғар, 7-Т.

ЖАЛЛА [جلّه] – буюк, олий бўлиш; **малики аллом жалла ва ало** – буюк ва олий мартабали олим:
Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била... малики аллом жалла ва алонинг каломи мўъжизнизоми ул тил била нозил ва расулнинг аҳодиси саодатанжоми ул лафз била ворид бўлубдур. *Муҳокаматул-лугатайн*, 163-Т.

ЖАЛЛОБЛИҒ [جلّاب ليغ] – савдогарлик, жаллоблик:
Сўзин тут гавҳари кони маоний,
Шакар жаллобліғидин асра ани. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т.

ЖАЛЛОД [جلّاد] – жон олувчи, ўлим ҳукмининг ижрочиси:
Васма бирла қошин ул маҳваш ки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличиға яшил кин айламиш. *Ғаройибус-сиғар*, 210-Т;
Бас неча мужримға бир жаллод ғамзанг хайлидин,
Бир ёзуғлуғ зор кўнглумга неча жаллод эрур. *Бадойиул-васат*, 128-Т;
~ **и мағбун** – дарғазаб жаллод:
Эрур машҳур ким жаллоди мағбун,
Чу минг қон тўкса айлар тиғ мадфун. *Фарҳод ва Ширин*, 460-Т;
~ **и фалак** – ўлим малаги; Азроил:
Бўйла ҳолатда етишти бир малак,
Қобизи арвоху жаллоди фалак. *Лисонут-тайр*, 163-Т;
~ **и ҳажр** – ҳажр жаллоди:
Истаса ҳар кимни ўлтурмак учун жаллоди ҳажр,
Ваҳ ки мендин ўзгани ул ғамза таъйин айламас. *Бадойиул-васат*, 172-Т;
~ **айла-/қил-** – жаллод айламоқ:
Дам урарға топмади ҳад кимса то ушшоқ учун.
Шаҳна айлаб ғамзасин кирпикни жаллод айлади. *Бадойиул-васат*, 443-Т;
Қатл учун ғамзани жаллод қилиб,
Зулм учун кўзни фусунсоз айлаб. *Фавойидул-кибар*, 66-Т.

ЖАЛЛОДЛИҒ [جلّادليغ] – жаллодлик:
Ришва бермак бирла йўқ озодлиғ,
Ҳам қилур тиғи ажал жаллодлиғ. *Лисонут-тайр*, 162-Т.

ЖАЛО [جلا] – ватандан айрилиш, ғурбатда бўлиш:
Эй Навоий чун ватанда бир дам хуш урмағаним,
Мумкин эрмас ихтиёр этмай жалони найлайин. *Наводируш-шабоб*, 489-Т;
Ҳам вужуд иқлимидин юз ғам кўруб бўлған жало,
Ҳам адам даштида беному нишоне мен киби. *Хазойинул-маоний*, VI6-357;
Қила олмайин бу бало ихтиёр,
Баримиз қилурбиз жало ихтиёр. *Садди Искандарий*, 170-Т;
~ **йи ватан** – ватандан жудо бўлиш:
Гар кўнгулларни жалойи ватан истар бўлсанг,
Еш тугунларни ву зулфунгни тара эй қаро кўз. *Ғаройибус-сиғар*, 185-Т;
Қилиб Навоий оворани жалойи ватан,
Бало-у дардға ҳамхона қилди ул шўх. *Бадойиул-васат*, 90-Т;
~ **бўл-** – кетмоқ, тарк этмоқ:
Фарҳоднинг умри хайли вужуд мулкидин жало бўлғани ва ул жало паришонлиғидин ажал хайлиға мубтало бўлғани *Фарҳод ва Ширин*, 443-Т;

Ул лаҳза ажаб бало бўлур иш,
Ё ўлмак-у ё жало бўлур иш. *Лайли ва Мажнун*, 216-Т;
Ишқ била ким ки ошно бўлди,
Офият мулкидин жало бўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-103;

~ **айла-/қил-** – айрилмоқ, тарк айламоқ:
Тишим ёдида кўнглунг чекса нола,
Ёшингни совуғ оҳ айларму жало. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т;
Нечук сизга маълум ўлур ул бало,
Ки андин бурунрақ қилурсиз жало. *Садди Искандарий*, 427-Т;

~ **ихтиёр қил-** – ватанни тарк қилмоқ; ғурбатни ихтиёр қилмоқ:
Хожа Афзал... Маждуддин Муҳаммад бузуғлиғида ким аҳволиға футур етмаган киши қолмади, ани дағи подшоҳқа ёман кўргузди ким заруратидин жало ихтиёр қилди. *Мажолисун-нафоис*, 185-Т.

ЖАЛОДАТ [جلادت] – улуғлик; баҳодирлик, қаҳрамонлик:
Чу Ҳақдин эди ул саодат манга,
Бу душвор иш ичра жалодат манга. *Садди Искандарий*, 73-Т;
Огаҳ бўлғач алар дағи бот,
Ойини жалодат айлаб исбот. *Лайли ва Мажнун*, 211-Т;

~ **кўргуз-** – баҳодирлик кўратмоқ:
Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқанни берур амриға одат кўргуз. *Назмул-жавоҳир*, 15-143; (10(10)-48);

~ **қил-** – баҳодирлик, жасурлик қилмоқ:
Неча минг киши якдил-у якжиҳат,
Жалодат қилиб барчасиға сифат. *Садди Искандарий*, 465-Т.

ЖАЛОЖИЛ [جلاجل] – қўнғироқ:
Эй мутриби зуҳражабин бу нағма ким чектинг ҳазин,
Камдур жаложил ғар нужум ўлса санга хуршид даф. *Бадойиул-васат*, 238-Т.

ЖАЛОЙИР [جلایر] – жалоир (қабила номи):
...бойлиқ айёмида хизматгорлик қилған жонсипорлар ва жалойир ғавғоси ва қавчин алолоси мавжуд эрди... *Вақфия*. 14-245.

ЖАЛОЛ [جلال] – улуғ, виқор:
Андақ ким жоҳу жалолиға вафо бўлмас меҳнат ва малолиға дағи бақо бўлмас. *Муншаот*, XIII-151;
Ва ул маъшуқ ҳуснидин иборатдур ким инналлоҳа жамилун юҳиббул-жамола андин хабар берур ким ишқ бу эътибор ва жалоли била... *Маҳбубул-қулуб*, 92.

ЖАЛОЛАТ [جلالت] – улуғлик, улуғворлик, виқорлилик:
Йўқ ул сенда пинҳон ки сен анда гум,
Жалолатдин аммо ишинг уштулум. *Садди Искандарий*, 402-Т;
Зоҳир уламосидин баъзи ўз жалолат ва бузурглуки била анинг оллида ниёзмандлиқ қилур эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 376-Т.

ЖАЛОЛИЙЯТ [جلالیت] – улуғлик, буюклик, виқорлилик:
Кўруб ишқ аҳлиға куймаклик авло,
Жалолийят била айлаб тажалло. *Фарҳод ва Ширин*, 412-Т;
Неча ким сурди жалолийят сўзин,
Солмади ул бенаво қушлар ўзин. *Лисонут-тайр*, 243-Т.

ЖАМ [جم] – Жамшид:

Бода ич ким чарх жоми сиррини Жам билмади,
Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур. *Садди Искандарий*, 156-Т.

ЖАМАЛ [جمل] – нор туя:

Бир кун айлаб ул навоҳийда ҳаял,
Тонгласи ул ён яна сурди жамал. *Лисонут-тайр*, 156-16.

ЖАМЖАНОБ [جمجناب] – Жамшид жаноблари:

Хосса базми ким куёш жомин шафақ роҳи била,
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб. *Ғаройибус-сиғар*, 59-Т.

ЖАМИЛ [جميل] – 1. чиройли, гўзал:

Эй жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил,
Ой юзунгдур аҳсани тақвим учун равшан далил. *Хазойинул-маоний*, IIIб-663;

2. яхши, гўзал:

Ул қади тубидин ортуқ, юз ризвондин жамил,
Қим берур жон лаъли ҳар ким бўлса кўзидин қатил. *Хазойинул-маоний*, IIIб-653;
Жавзо кунидин дағи ул чеҳра жамил эрмиш,
Ялдо тунидин дағи ул зулф тавил эрмиш. *Бадойиул-васат*, 202-Т.

ЖАМИЛА [جميله] – чиройли, гўзал:

Шайх Маждуддин Хоразмда ваъз айтур эрди ва Хоразмшоҳнинг аноси ваъзиға борур эрди ва жамила заифа эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 269-Т;
Иффат ҳарамида ул жамила,
Савдосида зор юз кабила. *Лайли ва Мажнун*, 288-Т.

ЖАМИЪ [جميع] – 1. ҳамма, барча:

Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва камолотни касб қилиб, сипоҳийлик русуми ва баҳодирлук фунунида ҳам ягона бўлди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-216;
Бўлуб сифатингга мазҳар жамиъ махлуқот,
Алар муфассалу инсон ки айладинг мужмал. *Хазойинул-маоний*, IIб-368;

2. бутун:

Баъзи дебтурлар ки Авж бир тоғ порасин кўтариб жамиъ қавмнинг устига ташлаб барисин ҳалок қилди деб келадур эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-144;

~ **и абнойи жинс** – айни жинсдан бўлганларнинг ҳаммаси:

...андақ ки оз фурсатлда жамиъи абнойи жинсин мағлуб қилиб бариға фойиқ ва ғолиб қилибдур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;

~ **и абнойи замон** – барча замондошлар:

... андақ ки ботин жамъийяти барча абнойи замондин кўпрак воқиъ эрди, андақ ки ботин жамъийяти дағи жамиъи абнойи замондин балки кўп мозий машойихидин дағи ҳамоно ки артуқрақ эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 257-Т;

~ **и азҳор** – барча, ҳамма чечаклар:

... ва анинг ихтишоми ҳадиқаси насаб гули ва фарзанд мевасидин ўзга жамиъи азҳор ва фавоқиҳ била музайян эрканин айтмақ... *Фарҳод ва Ширин*, 126-Т;

~ **и аҳли турук** – бир тариқатдагиларнинг барчаси, ҳаммаси:

Жамиъи аҳли турук ўзларин Паҳлавонинг фотиҳа тақбириға еткурмагунча ўз тариқларида ишлари тамом бўлмас эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 112-Т;
Хожа Юсуфи Бурҳон... ва тажарруд ва инқито расмин кўп маслук тутар эрди. Жамиъи аҳли туруқнинг соҳиби тариқи эрди. *Мажолисун-нафоис*, 54-Т;

~ **и аҳлуллоҳ** – барча художуйлар, диндорлар:

Яна бу фақирнинг пири ва устоди ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди жамиъи аҳлуллоҳининг муқтадо... *Муҳокаматул-луғатайн*, 182-Т;

~ **и маҳлуқот** – ҳамма барча маҳлуқот:
То ул бу мазҳарийят шарафидин жамиъи маҳлуқотқа сарафроз бўлди ва бу ташриф била барисидин имтиёз топти. *Муҳокаматул-луғатайн*, 165-Т;
Бўлуб сифатинга мазҳар жамиъи маҳлуқот,
Алар муфассал-у инсонни айладинг мужмал. *Наводируш-шабоб*, 369-Т;

~ **и милал** – ҳамма, барча миллатлар:
Ки инсон булардин мураккаб дурур,
Жамиъи милалға бу мазҳаб дурур. *Садди Искандарий*, 384-Т;

~ **и назм** – ҳамма, барча назм:
Бу мулкнинг жамиъи назм аҳли шуаройи ширин камоли ва фусаҳойи вожибулиҳтироми ҳар не ҳар маъно била ким авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз била ким ажзо изориға намойиш беribдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 186-Т;

~ **и сифот** – барча, ҳамма сифатлар:
Малойиксифат пок зотинг сенинг,
Малакваш жамиъи сифотинг сенинг. *Садди Искандарий*, 101-Т;

~ **и табъ аҳли** – заковатли кишилар, шоир, санъат аҳли:
Яна ҳайрат даст берди ким Мир Хусравнинг бу хаёлиға жамиъи табъ аҳли таъриф ва таҳсин ўзга ҳеч нима зоҳир қилмадилар. *Мажолисун-нафоис*, 246-Т;

~ **и тараддуд** – ҳамма, барча, бутун тараддуд:
Ки ҳар ўн кун ул қавм уйқудадур,
Жамиъи тараддуддин осудадур. *Садди Искандарий*, 396-Т;

~ **и яхшилар** – ҳамма, барча яхшилар:
Чикармен телба итдек офийат кўйидин ўт сочиб,
Жамиъи яхшиларни мен ёмандин асрағил ё Раб. *Наводируш-шабоб*, 47-Т;

~ **и қурро** – барча қорилар:
Ҳофиз Алим Жомий... Ва қироат илмида жамин курро анинг шогирдлигига мубоҳат қилурлар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 43-Т.

ЖАМИҚТИДОР [جم اقتدار] – Жамшидмонанд иқтидор; иқтидорли:
Эй Навоий бода ич дард-у балодин ғам ема,
Чун санга ҳомий дурур шоҳаншоҳи Жамиқтидор. *Ғаройибус-сиғар*, 153-Т;
Демангиз нетти фироқ охир ки бўлдунг душмани,
Манъи васли хусрави Жамиқтидор этти фироқ. *Ғаройибус-сиғар*, 254-Т.

ЖАМЛИҚ [جملیق] – жамшидлик, Жамшидга тенглик; буюк қудратли, шукуҳли:
Искандар-у Жамликдур ишқингда Навоийға,
Ким рахшингиз-у наълин кўзгу била жом этмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 213-Т;
Фано дайри гадойимен эски сафол ичра,
Тамошо айлаб эй шаҳлар кўрунг ул жом ила Жамлиқ. *Фавойидул-кибар*, 307-Т.

ЖАММОЗА/ЖАМОЗА [جمازه] – югурук, чопқир туя:
Бу қофила аҳлиға ҳарам шавқи тамом,
Жаммозалари пўйа била абри хиром. *Ғаройибус-сиғар*, 9-Т;
Чун этти узрининг тамомин,
Тез урди жамоза сари гомин. *Лайли ва Мажнун*, 273-Т;
Руҳин қилиб ул умид тоза,
Ҳар сари сурар эди жамоза. *Лайли ва Мажнун*, 262-Т.

ЖАММОЗАЛИҚ [جمازه لیق] – чопқир туялик:
Мундақда ики жаммозалиқ тез,
Еттилар этиб жаммозалар хез. *Лайли ва Мажнун*, 285-Т.

ЖАММОЛ [جمّال] – туякаш, туябон; туя ҳайдовчи:

Яна икки юзда солиб жаммол-у сутур,
Ки шояд савоҳилға тушкай убур. *Садди Искандарий*, 446-Т.

ЖАМОАТ [جماعت] – 1. жамият, одамлар, кўпчилик:

Алар сўрған эмиш ким бу жамоат,
Не қилмишлар икин тақво ву тоат. *Фарҳод ва Ширин*, 485-Т;

Бийик қироати маҳзи раънолиқ ва аноният жамоатдин илгари чиқмағи айни расволиқ ва нафсоният. *Маҳбубул-қулуб*, 14-28;

Чун йўл эрди ҳам қатиқ-у ҳам йироқ,
Ул жамоат барча айлаб иттифоқ. *Лисонут-тайр*, 128-Т;

2. кишилар тўдаси, гуруҳ:

Алар изтироб юзидин дедилар ки бир ер топсанг бизни ёшур ки бу жамоат бизинг қатлимизға келадурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 10-Т;

Мени шаҳ сўзи бирла мужрим билинг,
Вале сиз жамоат шафоат қилинг. *Садди Искандарий*, 293-Т;

~ **и абдол** – абдол жамоати:

Ул дебдур ки саёҳатда Лубнон тоғиға туштум. Анда жамоати абдол йўлуқтилар. *Насойимул-муҳаббат*, 104-Т;

~ **и азизлар** – азиз жамоат, улуғлар тўдаси, гуруҳи:

Иккинчи мажлис ул жамоати азизлар зикрида ким фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатиға йигитликда мушарраф бўлубмен. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;

~ **и атфол** – гўдак, ёшлар жамоати:

Дедилар ким бу жамоати атфолдин биз тилаганда сен келиб бизинг била ошино бўлдунг. Сенинг учун фотиҳа ўқули деб ўз Фотиҳаларига мушарраф қилдилар. *Мажолисун-нафоис*, 31-Т;

~ **и дарвиш** – дарвишлар жамоати:

Шайхул-ислом дебдур ки ул бир кун жамоати дарвешлар била тамошоға чиқиб эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 61-Т;

~ **и зоҳирий** – зоҳирий жамол:

Султон Бадийуз-замон Мирзо ҳусни сурат-у ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ву камоли ботиний била пироста... *Мажолисун-нафоис*, 198-Т;

~ **и касир** – катта гуруҳ, кўпчилик:

Ашуро айёмида жамоати касир алар хизматида ўлтуруб эрдилар ва алар маърифатда сўз айтадур эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 232-Т;

~ **и маволийваш** – фазилатли жамоат, илмаҳли:

Ул буқъада ким фақир йиқилиб эрдим жамоати маволийваш эл сайр қилиб деворда битилган абётни ўқуб бир байт устида баҳсқа туштилар. *Мажолисун-нафоис*, 41-Т;

~ **и мафлук** – фалокатга йўликканлар, қийинчиликка дуч келганлар:

Фалак вафоға азо тутқан ўлса аҳли вафо,
Тирик нетиб йуругайлар жамоати мафлук. *Фавойидул-кибар*, 315-Т;

~ **и маходим** – махдумлар, улуғ зотлар жамоати:

Аввалғи мажлис жамоати маходим ва азизлар зикрида ким бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим. *Мажолисун-нафоис*, 5-Т;

~ **и машойих** – шайхлар жамоаси:

Тонгласи бу икки шайх жамоати машойих била Шайх Серавоний саломиға бордилар. *Насойимул-муҳаббат*, 90-Т;

~ **и мусофирлар** – мусофирлар жамоати:

... кўрдум ки жамоати мусофирлар келдилар ва ароларида бир йигит эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 285-Т;

~ **и уламо** – уламолар жамоати:
Мавлоно Шамсуддин Кўнйаға етканда Мавлоно Жалолуъддин мадрасадин чиқиб жамоати уламо анинг риқобида борадур эрдилар.
Насойимул-муҳаббат, 303-Т;

~ **и фузало** – фозиллар, олимлар жамоаси:
Жамоати фузало била ки анинг суҳбатида бўлур эрдилар мутааддид мажолисда мунозара ва мужодала қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 228-Т;

~ **и хуб** – гўзал бир жамоат:
Ва хубларнинг кўз ва қошлари аросин ки қабағ дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоати хуб таърифида мундақ дейилибдур...
Муҳокаматул-луғатайн, 173-Т;

~ **и қаландарлар** – бир тўда қаландарлар:
Бир кун жамоати қаландарлар Ҳамадонға етибтурлар...
Насойимул-муҳаббат, XV-172.

ЖАМОАТНУҚУД [جماعت نقود] – мавжуд жамоат, жамоат аҳли:
Ул неча табақалар аввалғи жамоатнуқуди кундузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур.
Маҳбубул-қулуб, 3(10)-464; (14-24).

ЖАМОАТХОНА [جماعت خانه] – йиғилиш жойи, мажлисхона:
Ва ҳам Шайх Алоуддавла дебдур ки бир кун жамоатхонада ғойиб бўлди.
Насойимул-муҳаббат, 280-Т;
Дебтурлар ки Шайх Абулаббоснинг хонақоҳида сўфилар жамоатхонасида мавзиъи бор эрди ки Шайх қирқ бир йил анда бўлғандур.
Насойимул-муҳаббат, 192-Т.

ЖАМОД [جماد] – тош, жонсиз жисм, минерал:
Лекин бут ўлуб эмас жамоди,
Йўнған ани буткар устоди. *Лайли ва Мажнун*, 59-Т;
... эй нодон қавм, бу жамодлардин ҳеч нафъ ва зарар йўқдур.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-153;
Сенинг тахтинг бир неча жамоддур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-163;
Нозук ҳарир агар танингға ҳойил ўлмағай,
Кўрса жамод мумкин эмас мойил ўлмағай. *Хазойинул-маоний*, IIIа-337.

ЖАМОДОТ [جمادات] – жонсиз нарсалар, жонсиз табиат:
Ул жумладин бир нечаси булардурлар маъдум ижоди ва мавжуд эъдоми... ва мавто аҳёси ва аҳё амотаси ва жамодот ва наботот ва ҳайвонот каломининг самоъи ва маонисиға вукуф. *Насойимул-муҳаббат*, 11-Т.

ЖАМОЛ [جمال] – 1. ҳусн, чирой, гўзаллик:
Якинрақ келтуруб кўзгу жамолин,
Назора қилди ул маҳрў жамолин. *Фарҳод ва Ширин*, 248-Т;
Ва Тойирға Пушардин бир киз бўлди ким назокат ва жамолда назири йўқ эрди.
Тарихи мулуки ажам, XIV-214;
Жамол ичра маҳи тобондин афзун,
Маҳи тобонни кўйким, андин ортук. *Фарҳод ва Ширин*, 174;

2. яхшилик, яхши хусусият:
...яъни халқнинг жамоли асбобнинг исботидадур ва факр жамоли асбоби таайъюн ва мусаббиб исботида ва анга ружуъда ва ризо анинг аҳкомиға.
Насойимул-муҳаббат, XV-81;

3. юз, чехра:
Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,
Кўз истар ким кўрса жамолингни тўқ. *Мезонул-авзон*, 37-Т;

Деди ким жамолига ёпсун никоб,
Ки қилмас тун оқшом тулуъ офтоб. *Садди Искандарий*, 411-Т;

~ **авжи** – юкори даражали гўзалик, нодир гўзаллик:
Ҳамоно хублар султонинингдур,
Жамол авжи маҳи тобонинингдур. *Фарҳод ва Ширин*, 316-Т;

~ **аҳли** – хусндорлар, гўзаллар:
Гар жамол аҳли жафо бобида бор аҳли камол,
Лек ижоди жафо қилмаққа сенсен мужтаҳид. *Бадойиул-васат*, 93-Т;

~ **даври** – хуснлилик пайтлари, ёшлик:
Жамол даврида ушшоқ кўнглуни асра,
Ки чин хайлиға ойин шитобдур асру. *Хазойинул-маоний*, 116-523;

~ **латофати** – гўзаллик, хусндорлик латофати:
... ва жамол латофати ганжиға хароблиғ қилғучи ҳам ул. *Маҳбубул-қулуб*, 14-92;

~ **и бадиъ** – гўзал, нафис чеҳра, юз,
Кўзум ёшарди аён бўлғач ул жамоли бадиъ
Булутка су тўлар ул дам ки бўлди фасли рабиъ. *Фавойидул-кибар*, 288-Т;

~ **и гетиорой** – жаҳонга оро берувчи жамол:
Чекарда ул жамоли гетиорой,
Гаҳи оҳи чекиб гаҳи чиқиб вой. *Фарҳод ва Ширин*, 311-Т;

~ **и гулшан** – гулшан жамоли, гўзаллиги:
Жамоли гулшанида илгасен гули хандон,
Бу ҳуснни ўртагали бўлдунг оташин боре. *Наводируш-шабоб*, 643-Т;

~ **и дилрабо** – дилрабо жамол:
Васлиға чун еттим очти ул жамоли дилрабо,
Ўзликим борди фано елига андақ ки ҳабо. *Фавойидул-кибар*, 643-Т;

~ **и жилваоро** – жилваоро жамол, ҳусн:
Ким айламас анда ошкоро,
Жузъ сидқ жамоли жилваоро. *Лайли ва Мажнун*, 221-Т;

~ **и жонфазо** – роҳатижон жамол:
Чу кўрдилар жамоли жонфазойин,
Унуттилар тааддий расм-у ройин. *Фарҳод ва Ширин*, 369-Т;

~ **и зоҳир** – зоҳир жамоли:
Жамоли зоҳир учун ўлдунг эй Навоий зор,
Чу топти оразини хатт уялдинг иркин воҳ. *Наводируш-шабоб*, 113-Т;

~ **и зуҳур** – зоҳир жамол:
Балки мазҳар либосида яшунуб,
Ўз жамоли зуҳуриға овунуб. *Сабъаи сайёр*, 10-12;

~ **и оламоро/оламорой** – оламга орой, безак берувчи жамол:
Эй жамолинг истамам ким кўргамен оламаро,
Бир дам ўлсам ул жамоли оламородин йирак. *Наводируш-шабоб*, 316-Т;
Ёман оламда эрдим шоми ҳажримдин биҳамдуллоҳ,
Ёрутти тира кулбамни жамоли оламоройи, *Фавойидул-кибар*, 561-Т;
Ҳажридин олам қаронғудур вале ғам йўқ гаҳи,
Жилва қилса ул жамоли оламоро бирла дўст. *Бадойиул-васат*, 63-Т;
Кўрунгач ул жамоли оламоро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 298-Т;

~ **и офтоб** – куёшмонанд жамол:
Ул ким агар очиб никобин,
Кўргузса жамоли офтобин. *Лайли ва Мажнун*, 165-Т;

~ **и раҳмат** – марҳаматлик жамол:
Ройинг ичра ким келибтур ҳар ёруғлуғ манбаъи,
Фард воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин. *Бадойиул-васат*, 490-Т;
~ **и сабиҳ** – гўзал чеҳра, чирой:
Тулуъ субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,
Зиҳи камоли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 101-Т;
~ **и Юсуфи Канъон** – Канъонли Юсуф жамоли:
Нега олам ўртади ҳуснунг ўтидин ламъае,
Тушмаган бўлса жамоли Юсуфи Канъон аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т;
~ **-у ноз** – жамолу назокат:
Эрур аҳбоб ишкингнинг кусури хусни нақшидин,
Жамол-у ноз то кўпрак ниёз-у шавқ ҳам кўпрак. *Наводируш-шабоб*, 322-Т;
~ **-у хублуғ** – жамолу гўзаллик, назокатлик:
Чунки ифроти жамол-у хублуғ,
Айлади зоҳир манга маҳбублуғ. *Лисонут-тайр*, 70-Т;
~ **-у сутур** – жамолу сутур, парда:
Яна икки юзда солиб жамол-у сутур,
Ки шояд савоҳилға тушкай убур. *Садди Искандарий*, 446-Т;
~ **тут-** – жамол сақламоқ:
Булбашар рухсори чун тутти жамол,
Кавкаби ул нурдин табти камол. *Лисонут-тайр*, 22-Т.

ЖАМОЛИЙЯТ [جماليت] – марҳамат, илтифот:
Васл боғидин жамолийят ели,
Ё Масиҳо қудси анфоси дили. *Лисонут-тайр*, 244-Т;
Жамолийятнинг бўстонида секиз учмақ бир райҳони дилнавоз ва жалолийятнинг зиндонида етти тамуғ бир самуми жонгудоз. *Муножот*, 16-293;
Ким ул бирни ўртар жалолийяти,
Бу бирни севаргай жамолийяти. Вақфия, 9(10)-636; (14-239).

ЖАМОЛНАМОЙ [جمال نمای] – жамол кўрсатувчи:
Зиҳи тажаллийи ҳуснунг келиб жаҳонорой,
Жамиллар санга ойинаи жамолнамой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т.

ЖАМОЛОРОЛИҚ [جمال آرالیق] – жамолоройлик; ўзига оро беришлик:
Кўп нафсга бермагил жамолоролиқ,
Ким ранжға солур ани кўп раъноликқ. *Назмул-жавоҳир*, 15-152; (10(10)-57).

ЖАМОЛСИЗ [جمال سیز] – чиройсиз, кўримсиз:
Ҳусн-у жамолсиз киши ширин калом эса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93.

ЖАМРИЙ [جمری] – авом. паст табақага мансуб; пасткаш:
Жамри ўкунуб бийик бўлмас, ўчку югуруб кийик бўлмас.
Маҳбубул-қулуб, 14-123;
Саййид Қурозо... Самарқанд жамрийлари бирла ҳам заду хўрд қилиб ғолиб бўлмаса мағлуб дағи эмас. *Мажолисун-нафоис*, 86-Т.

ЖАМШИД [جمشید] – Жамшид, юксак мартабали улуғ подшоҳ; Эроннинг қадимги подшоҳларидан бирининг номи; Жамшосбнинг отаси; Ҳазрати Сулаймон пайғамбарнинг лақаби; Буюк Искандарнинг лақаби:
Итлари синған сафоли ичра чектинг дарди шавқ,
Эй Навоий ани жом ўзунгни Жамшид айладинг. *Ғаройибус-сиғар*, 277-Т;

~ **и сохибқирон** – соҳибқирон, жаҳонгир, бахтиёр Жамшид:
То бу фархунда замон ва хужаста даврон ким бу Жамшиди соҳибқирон салтанат тахтин олди. *Вақфия*, 9(10)-640; (14-244).

ЖАМШИДВАШ [جمشیدوش] – Жамшед каби:
Узи бир тахт устида Жамшидваш,
Ёнида гулчеҳраи хуршидваш. *Лисонут-тайр*, 155-Т.

ЖАМШИДВОР [جمشیدوار] – Жамшедсифат, Жамшедваш:
Кириб боргоҳ ичра Жамшидвор,
Бўлуб тахт-у давлатдин уммидвор. *Садди Искандарий*, 410-Т.

ЖАМШИДЛИҒ [جمشیدلیغ] – Жамшидлик; Жамшидмонанд; Жамжид мавқеи:
Зотиға Жамшидлиғ ойин бўлуб,
Кўзгу анга жоми жаҳонбин бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-255; (6(10)-222).

ЖАМШИДСАРИР [جمشید سریر] – Жамшидмонанд:
... ва ул жамшидсарир хилофат тахти салтанат авжин ўз пойбўси била сарбаланд этти. *Муншаот*, 9(10)-569; (14-158).

ЖАМШИДШУКУҲ [جمشید شکوه] – Жамшедга ўхшаш, шону шавкатли:
Деди шоҳи Дорофару Жамшидшукух,
Ки Доро сипоҳи дағи ҳар гуруҳ. *Садди Искандарий*, 267a11.

ЖАМЪ [جمع] – 1. жамъ, гуруҳ; жамоат:
Истамассен хотири ушшоқи ҳайронингни жамъ,
Йўқса невчун қилмадинг зулфи паришонингни жамъ. *Бадойиул-васат*, 225-Т;
Чун Бағдодқа еттилар жамъи сўрдилар ки булар не элдурлар қайдин келиб қаён борадурлар? *Насойимул-муҳаббат*, 297-Т;

2. йиғин, мажлис аҳли:
Ёпар фонус бирла шуъласин шамъ,
Кўрарлар пардадин ул шуълани жамъ. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
Ийдгоҳ аҳлин даме қилма паришон эй сипеҳр,
Ким эрур бу жамъ бир икки замон меҳмон санга. *Хазойинул-маоний*, II-23;

3. йиғиш, тўплаш:
Алар ҳам ул кун бу ишга муносиб кутуб жамъиға машғул бўлубдурлар ва «Шавоҳидун-нубувват ли тақвияти якини аҳлул-футувват» китоби таҳририға шуруъ қилибтурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-51;

4. тўпланган, йиғилган, йиғма:
Райнинг машойихи дебтурлар ки Абулқосимда тўрт нима жамъ эрди ки ўзгада йўқ эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 75-Т;

5. ҳамма, барча:
Жамъи сокит бўлуб факир бир неча ул бобда баст қилиб абёт ўкур эрдим. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-16;
Бўлуб анга жамъи халойиқ мурид,
Лек бари шайхқа лойиқ мурид. *Ҳайратул-аброр*, 7-135;

~ **и асбоби мурод** – мурод, мақсад асбобларининг ҳаммаси:
Кўрди ўзни бир назиҳ гулшанда шод,
Теграсида жамъи асбоби мурод. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

~ **и басир** – ҳушёрлар, донолар:
Туштилар бир навъ ила жамъи басир,
Ё мусофирлиғ била ёхуд асир. *Лисонут-тайр*, 159-9;

~ **и бегунаҳ** – гуноҳсиз жамоат:
Бу жамъи бегунаҳ қониға кирдинг,
Сипоҳингни ўз илгинг бирла қирдинг. *Фарҳод ва Ширин*, 352-Т;

~ **и бенаво** – бенаво жамоат, йиғин:
Не дерсан бас бу жамъи бенавоға,
Туноҳе қилмамайин қолған балоға. *Фарҳод ва Ширин*, 85-Т;
~ **и касир** – кўпчилик жамоат:
Кўрунди бу ҳолатда жамъи касир,
Уруб ҳалқа суҳбат тутуб дилпазир. *Садди Искандарий*, 522-Т;
~ **и машойих** – ҳамма, барча шайхлар:
Душанба куни ийнинг йигирми тўққузида жамъи машойих ҳозир эрдилар.
Насойимул-муҳаббат, 347-Т;
~ **и сифот** – ҳамма, барча сифатлар:
Малойиксифат пок зотинг сенинг,
Малакваш жамъи сифотинг сенинг. *Садди Искандарий*, 101-Т;
~ **и тайр** – барча, ҳамма қушлар:
Лек семурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр. *Лисонут-тайр*, 246-Т;
~ **и фуқаҳо** – ҳамма, барча фақиҳлар:
Андин сўнгра буюрди даврпшларга ким сиз енгиз ки фуқаҳо ҳаром емаслар, жамъи фуқаҳо ҳозир эрдилар, ул суфа бошиға келмадилар.
Насойимул-муҳаббат, 368-Т;
~ **и хавосс** – хоссалар гуруҳи:
Буён Хусрав била жамъи хавоси,
Хавоси демайин ким ом-у хоси. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;
~ **и хотир** – хотиржам:
Жамъи хотир бирла қилмақ йўлға азм,
Бу улуқ мақсадқа тутмақ ўзни жазм. *Лисонут-тайр*, 133-Т;
~ **и шамъ** – барча, ҳамма шамъ:
Чу Ҳаққ айлаб ул нурни шамъи жамъ,
Анинг нуридин ёрутуб жамъи шамъ. *Садди Искандарий*, 58-Т;
~ **бўл-/ўл-** – йиғилмоқ, тўпланмоқ:
Кўрди девори йиқилған кўй аро,
Жамъ бўлған эл узатиб можаро. *Лисонут-тайр*, 270-Т;
Бўйла йўл қатъида жамъ ўлмай кўнгул,
Шубҳа бирла бормағи мумкин дегул. *Лисонут-тайр*, 133-Т;
Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди кўярлар отин эҳсон. *Маҳбубул-қулуб*, 14-110;
Итларинг ғавғо қилур гўё Навоий ўлди ким
Боши узра жамъ ўлуб афғон қилурлар ёр-у дўст. *Хазойинул-маоний*, IIа-53;
~ **айла-/эт-/қил-** – 1. йиғмоқ, тўпламоқ, қўшмоқ:
Очиб ҳар тараф абрмонанд каф,
Ки жамъ айлагай ҳар не бўлғай садаф. *Садди Искандарий*, 449-Т;
Хазойин ки доро қилиб эрди жамъ,
Ниҳон ошкоро қилиб қилиб эрди жамъ. *Садди Искандарий*, 214-Т;
Истамас бўлса сабо бир бир кўнгул жамъ айламақ,
Нега зулфунгни паришонлиғдин айлар тор тор. *Бадойиул-васат*, 125-Т;
Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-59;
Роҳбар чун кўрди озжизлиғларин,
Қўнди бир водийда жамъ айлаб барин. *Лисонут-тайр*, 56-Т;
Нега ким Тангри ҳеч мўъминда,
Бухл-у бад хўйлуқни қилмади жамъ. *Арбаин*, 16-263;

Ошуфта сочин гаҳи қилиб жамъ,
Ул тира тун ичра кўргузуб шамъ. *Лайли ва Мажнун*, 348-Т;
Киши бу навъ ғамноклик била не нишотомез алфозға рабт бергай ва бу паришонлиқ била не маоний гавҳарин жамъ қила олғай. *Вақфия*, 14-265;

2. тузмоқ:
Амир Иқбол Сийистоний Шайх Алоуддавладин ки анинг пиридур ва анинг сўзлари бир китоб жамъ қилибтур. *Насойимул-муҳаббат*, 265-Т;

~ **тут-** – сақланмоқ; огоҳлик қилмоқ:
Эй Навоий шоҳ лутфидин кўнгулни жамъ тут,
Гар паришон келса бок эрмас Хуросондин хабар. *Наводируш-шабоб*, 174-Т;
Эй Довуд хотирингни жамъ тут ки бурчунг яқинда адо бўлди.
Насойимул-муҳаббат, 329-Т.

ЖАМЪИЙЯТ [جمعیّت] – 1. жамъият, одамлар гуруҳи; мажлис аҳли:
Ва жаҳон мазраъида жамъийят доналарин экти. *Муҳокаматул-луғатайн*, 189-Т;
Яна базм ўлди анжумдек муҳайё,
Бўлуб жамъийят андақ ким Сурайё. *Фарҳод ва Ширин*, 171-Т;
Деди: мен бу халқнинг жамъийятин,
Кўрдим, аммо билмадим кайфийятин. *Лайли ва Мажнун*, 209-2;
Хайрийят жамъийятдадур ва жамъийят суҳбатда. Бу шарт била ки бир бирига нафй бўлулғай. *Насойимул-муҳаббат*, 241-Т;

2. хотиржамлик, осудалик:
Умид ул ким борча меҳнатлар давлатқа ва барча паришонлиғлар жамъийятқа бот мубаддал бўлғай. *Муншаот*, 14-212;
Бу қадар донишу салоҳият,
Мунча жамъийяту рафоҳият. *Сабъаи сайёр*, 131-1;

3. мол-мулк:
Ва Яъқуб алайҳис-саломға бу фарзандлар муяссар бўлғандин сўнг, кўй ва сойир мавоший ва ваиддин кўп жамъийят ҳосил бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-121;

~ **и зоҳир** – тўпланган жамоа:
Ҳалол рўзи касбига масофатлар қатъ эткан жамъийяти зоҳир тилаб-у ботин паришонлиғлари анга еткан. *Маҳбубул-қулуб*, 14-34;

~ **и хотир** – хотиржамъ жавият:
Берибан кўнглума жамъийяти хотир кутқар,
Ҳар не ким андин эрур тафриқа андин ё Раб. *Фавойидул-кибар*, 51-Т.

ЖАМҚАДР [جم قَدر] – Жамшид мартабали; юксак мартабали:
Анга бўлди иш бўйла суратпазир,
Вале шоҳи жамқадр доросарир. *Садди Искандарий*, 250-Т.

ЖАНБ [جنب] – ён, ён томон, карши (и/сида):
Аммо дерлар ки анга шеър тавридин бошқа тавре бор эрмиш ки шеър анинг жанбида кам эрмиш ва сўзлари бу маъно шоҳидидур.
Насойимул-муҳаббат, 429-Т;
Камдур эй гулрух муғанний ҳусн-у савтинг жанбида,
Янги ой бирла куёш журмидин ўлса чанг-у даф. *Наводируш-шабоб*, 304-Т.

ЖАНГ [جنگ] – уруш, жанг:
Қаплан била шер бабри хунрез,
Қон тўккали жанглар қилиб тез. *Лайли ва Мажнун*, 82-Т;
Керак шер оллида ҳам шери жанги,
Агар шер ўлмаса бари паланги. *Фарҳод ва Ширин*, 98-Т;

Анга киргали шери жанги керак,
Мунга ҳам диловар наҳанги керак. *Садди Искандарий*, 517-Т;

~ **и пай** – жанг қадами:
Қиркқандин ики уч кун ўтибан бўлмиш эди,
Ўйла ким жанги пай эткайлар ики дилкаш ёй. *Бадойиул-васат*, 424-Т.

ЖАНГАЛ [جنگل] – ўрмон; чакалакзор, бутазор:
Гўйиё сайдлардин ул жангал,
Вокиъ эрди тўла буғу ну марал. *Сабъаи сайёр*, 10-294;
То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангал ҳамон. *Ҳайратул-аброр*, 7-207;
Сайд жангал ичини қилди талаш,
Йўли ҳам тор эди ву ҳам чирмаш. *Сабъаи сайёр*, 19-294.

ЖАНГЖЎЙ [جنگجوی] – урушқоқ; жанговар:
Бу ҳайъат била чобуки жангжўй,
Туруб ўртада бошлади гуфтугўй. *Садди Искандарий*, 191-Т.

ЖАНГИЙ [جنگی] – урушқоқ; жанговар; зўравон:
Анга киргали шери жангий керак,
Мунга ҳам диловар наҳанги керак. *Садди Искандарий*, 517-Т.

ЖАНДА [جنده] – дарвишлар тўни; тўн, чопон:
Жанда бирла киши дарвиш эмас бўлса фано,
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг хоҳ ипак. *Хазойинул-маоний*, 16-348;
Факр тут гар истасанг учмақ ки бу уммид ила,
Бойнига тасбиҳ осиб юнгдин кийибтур жанда куш. *Фавойидул-кибар*, 246-Т;
Гар Навоий жандасин шоҳ олди тонг йўқ чунки ишқ,
Пок-у беғаштдур гадонинг кисватин султон кияр. *Наводируш-шабоб*, 180-Т.

ЖАНДАЛИҒ [جنده لیغ] – жандалик; қуроқ тўнли:
Ишқ кўйининг гадойимен ки анда тенгдурур,
Шоҳ эса зарбафтлиг ё сойил ўлса жандалиғ. *Бадойиул-васат*, 229-Т.

ЖАНДАПЎШ [جنده پوش] – жанда кийган; дарвиш:
Гул эрур юз хурдаси бирла гадойи жандапўш,
Эй Навоий муфлиси қониъни бил шоҳи ғани. *Хазойинул-маоний*, 11б-587;
Бир кун айлар эрди жоми айш нўш,
Кўрди ким борурлар икки жандапўш. *Лисонут-тайр*, 145-Т.

ЖАНИБАТ [جنیبت] – ядак от, чивгар, жанойиб:
Лойиқ санга келди бу жанибат,
Отлан ки махал эрур бу ғанимат. *Лайли ва Мажнун*, 48-Т;
Деди ул ён жанибат сургулуктур,
Бу иш гар вокиъ ўлса кўргулуктур. *Фарҳод ва Ширин*, 291-Т;
Ўн сакиз минг от тавиласида парвариш топар эрди ки тўрт минги ўзининг жанибати эрди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-248.

ЖАНИБАТКАШ [جنیبت کش] – ядак отни етакловчи:
Саҳни ҳавода тўшалиб мафраши,
Азмда ел хайли жанибаткаши. *Ҳайратул-аброр*, 7-204; (6(10)-177);
Деди: кўдаги бандазодам менинг,
Жанибаткаши хонаводам менинг. *Садди Искандарий*, 160-Т.

ЖАННАТ [جنّت] – 1. биҳишт; боғу-бўстон:

Қатраси кавсар суйидин ҳам фариҳ,
Туфрағи жаннат гулидин ҳам назиҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-80;

Сен эрсанг ҳамраҳим жаннатдурур йўл,
Ғараз бу эрса бисмиллаҳ равон бўл. *Фарҳод ва Ширин*, 105;

~ **аҳли** – *яхши* одамлар, улуғлар:

Ва лекин жаннат аҳли пайрави ит,
Етишти қайда ким ул эл етишти. *Маҳбубул-қулуб*, XIII-75;

~ **и ахлоқ** – жаннат ахлоқи:

Аршпарвоз ўлди кирган жаннати ахлоқ аро,
Эй хуш ул ким топти ул хушхўйлуқнинг учмағин. *Фавойидул-кибар*, 482-Т;

~ **и аъло** – аъло, юксак жаннат:

Ул манзарадин ким отидур жаннати аъло,
Кўйунг эрур аъло. *Ғаройибус-сиғар*, 493-Т;

~ **и васл** – васл жаннати:

Жаннати васл орзусидин битик қилдим рақам,
Утрусида ғайри дўзахдин азобе топмадим. *Фавойидул-кибар*, 411-Т;

Жаннати васл истаманг аҳбоб ким саҳросида,
Бир тамуғ эрмиш сафар аҳлиға манзил ҳар замон. *Бадойиул-васат*, 341-Т;

~ **и кўй** – жаннат кўчалари:

Жаннати кўйингда тан сойир дурур кўнглум этиб,
Шукр ул учмағда жисмим эмди фориғболдур. *Бадойиул-васат*, 126-Т;

~ **-у жинон** – боғу бўстон, жаннату беҳишт:

Аноларнинг аёғи остидадур,
Равзаи жаннат-у жинон боғи. *Арбаин*, 16-269;

~ **-у хур** – жаннату ҳур:

Жаннат-у ҳурни зуҳд аҳлиға кечмай нетайин,
Басдурур чунки манга муғбачаи майхона. *Наводируш-шабоб*, 565-Т;

ЖАННАТМИСОЛ [جنت مثال] – жаннатмонанд, жаннат каби:

Жамолингни жаннатмисол айлади,
Бўйунг тубаосо ниҳол айлади. *Садди Искандарий*, 280-Т;

Гоҳ жаннатмисол гулшан аро,
Қасри жаннат намуна маскан аро. *Сабъаи сайёр*, 10-98.

ЖАННАТНАМУДОР [جنت نمودار] – жаннат кўринишли, жаннат сифат:

Ўзи чунки жаннатнамудор ўлуб,
Сулар дағи жаннатқа анҳор ўлуб. *Садди Искандарий*, 239-Т.

ЖАННАТОЙИН [جنّت آیین] – жаннатмонанд:

Бу янглиғ тўрт боғи жаннатойин,
Ичинда тўрт қасри равзатазйин. *Фарҳод ва Ширин*, 148-Т;

Жаннатойин базмиға эл жамъ бўлмастин бурун,
Илтимосим бу дурур ким барча элдин ёшурун. *Фавойидул-кибар*, 646-Т;

~ **ул – маъво** – жаннатул-маъво, саккиз жаннатнинг бирини номи:

Ҳақ таолодин ўлсун кабри пурнур,
Равони жаннатул – маъвода масрур. *Муншаот*, 14-224;

~ **бўл-** – жаннатмонанд бўлмоқ:

Неча кунда бари муҳайё бўлуб,
Ки Чин кишвари жаннатосо бўлуб. *Садди Искандарий*, 378-Т.

ЖАННАТОСО [جنت آسا] – жаннат каби (зеб-зийнатли):

Чу бу ишни маълум этиб хос-у ом,
Бари жаннатосоға айлаб хиром. *Садди Искандарий*, 252-Т;

Жаннатосо қаср ичинда манзили,
Ҳурваш манзур анинг ҳам маҳмили. *Лисонут-тайр*, 165-Т;

Еридур нузҳат ичра жаннатосо,
Анинг ёнинда тоғи чархфарсо. *Фарҳод ва Ширин*, 285-Т.

ЖАННАТОСОР [جنت آسار] – обод, маъмур; жаннатмисол:

Неча анжуман жаннатосордур,
Тамуғдур агар кимса беёрдур. *Садди Искандарий*, 233-Т;

Вале чунки манзури ўлғач бу наҳр,
Ясаб анда бир жаннатосор шаҳр. *Садди Искандарий*, 241-Т.

ЖАННАТСАРИР [جنّت سرير] – жаннат тахти:

Бу оламда бўлмағлиғ офоқгир,
Яна олам аҳлида жаннатсарир. *Садди Искандарий*, 146-Т.

ЖАННАТСИРИШТ [جنت سرشت] – жаннатмонанд табиат:

Дўзах ўлуб гулшани жаннатсиришт,
Дўзах анинг қошида боғи биҳишт. *Ҳайратул-аброр*, 7-285; (6(10)-249).

ЖАННОТ [جنّات] – жаннатлар; боғлар, гулзорлар:

Руҳунгни ки равзадур паноҳи,
Жанноти наим жилвагоҳи. *Лайли ва Мажнун*, 329-Т.

ЖАНОБ [جناب] – 1. мартаба(ли), даража(ли):

Истадилар фонию боқий жаноб,
Ҳар тилаги Ҳақ қатида мустажоб. *Лисонут-тайр*, 127-3;

Қилдим эса кимё хитобинг,
Андин ҳам эрур бийик жанобинг. *Лайли ва Мажнун*, 359-Т;

2. даргоҳ, остона; ҳузур:

Чиқарсун Хизр янглиғ оби ҳаёт,
Етурсун Скандар жанобиға бот. *Садди Искандарий*, 75-Т;

~ **и аъло** – баланд, олий мартабали; Ҳақ таоло:

Десам бордур жаноби аъло,
Гардунни демак дурур муалло. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

~ **и маорифпаноҳ** – олий мартабали маорифпарвар:

Ва мурод бу мубҳам адодин ул ҳазратқа жаноби маорифпаноҳ,
Хожа Ҳофиз Алийи Жомийдур. *Насойимул-муҳаббат*, 422-Т.

~ **и сипеҳринтисоб** – мартабаси фалакка тегишлик жаноб:

Қўпуб ўзгалардек жанобимға кел,
Жаноби сипеҳринтисобимға кел. *Садди Искандарий*, 221-Т.

ЖАНОБАТ [جنابت] – ғусл, ювиниш:

Ким кириб суға пок ғусл эткай,
То жанобат қудрати кеткай. *Сабъаи сайёр*, 10-322;

Не жанобатдур бу ву бебоклик,
Чун чўмуб тун кун етишмас поклик. *Лисонут-тайр*, 84-Т.

ЖАНОЗА [جنازه] – 1. мурда; тобут:

Алар дер эрмишлар ки ҳазрати шайх Абу Саиди Абулхайрдин сўрубтурлар ки сизинг жанозангиз илайида қайси оятни ўқусунлар? *Насойимул-муҳаббат*, 242-Т;

Чун қаро бодом тобут узра расмидур кадим,
Кўз жанозам сари сол ким сенсизин бўлдум қатил. *Бадойиул-васат*, 476-Т;

2. мурда солинган тобут:
... торих икки юз қирқ бешда Зуннун қуддиси сирруҳу оламдин ўтти. Жанозасин элтурда бениҳоят яшил қушлар жанозасиға соя қилдилар ки борған халойиқ аларнинг кўлагасида эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 19-Т.

ЖАНОҚ [جناق] – эгарнинг қоши:
Бу чархи ложувард уза хуршид гўйиё,
Кўк бўз таковариға музаҳҳаб жаноқ эрур. *Хазойинул-маоний*, 16-734.

ЖАНОҲ [جناح] – қанот:
Бу қушлар жаноҳи ели чун етиб,
Шаётин ғуборини барбод этиб. *Садди Искандарий*, 62-Т;

~ **и тайр** – қушлар қаноти:
Баҳойим толи'и фармонинг эрмиш,
Жаноҳи тайр шодурвонинг эрмиш. *Фарҳод ва Ширин*, 415-Т.

ЖАНОҲАЙН [جناحين] – икки қанот:
Сиймин байзосин жаноҳайни остиға яшурур ва ҳар гадоға
ул соя тушса салотин анинг гадойи дурур. *Садди Искандарий*, 65;
Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи дастафшон гаҳи пойкўб. *Садди Искандарий*, 83-Т.

ЖАНУБ [جنوب] – жануб:
Солиб ҳинд ҳадди жанубини йўл,
Ки ул турфа кишвар бўлуб рост қул. *Садди Искандарий*, 393-Т.

ЖАНУБИЙ [جنوبی] – жанубий:
Ва бу «Ихлосия» мадрасаси жанубий ҳаддининг тошидин ким Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг жанубий ҳадди ким қирағи бўлған... *Вақфия*, 14-258;
Жанубий ҳаддидин сарсар келиб тез,
Тенгиз аҳлиға бўлди ваҳшатангез. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т.

ЖАР [جر] – жар, хабар; овоза:
Черикка айлабан миод-у булжар,
Тавачи ҳар тараф еткурди ул жар. *Фарҳод ва Ширин*, 198-Т;
Чу еттук анинг жар-у булжариға,
Шаҳи Рум эли бирла пайкориға. *Садди Искандарий*, 225-Т;
Чу эл фикридин кўнглини тиндуруб,
Юруш ҳукмини элга жар еткуруб. *Садди Искандарий*, 30.

ЖАРАС [جرس] – кўнғирок:
Ишқ эли кўнглум фиғонидин топар мақсадка йўл,
Дашт аро ҳар ён озиққанларни чорлар бу жарас. *Ғаройибус-сиғар*, 202-Т;
...агар мирҳожлик маҳмили ҳарамида ҳукмрон бўла олмасам жарасдек чок кўксумда изтироблик кўнглумдин фиғон тортиб ул маҳмил туфайли мақсадқа етишсам. *Вақфия*, 14-262;
Карвони дард ила қатъ эт муҳаббат даштини,
Ким нидои муждаи васл айлар анда ҳар жарас. *Хазойинул-маоний*, 116-227;
Чу гум ўлди чок-у ҳазин кўнгул ғами ҳажр даштида эй фалак,
Йўл озарда аҳли саломат ул кўнгул унини жарас айладинг.
Наводируш-шабоб, 338-Т.

ЖАРДА [جرده] – сариқ от, тўриқ рангли от:
... ва шомнинг мушк бўй сипоҳ жардалари субҳнинг муғулжабин чобуксувори турктозидин амин. *Вақфия*, 14-236;

Магар ваҳм адҳамидур тезрафтор,
Не адҳам жардаи шабдезрафтор. *Фарҳод ва Ширин*, 95-Т.

ЖАРИБ [جريب] – ер ўлчови; 40×40 кв. аршин, 919,3 м^2:
Масоҳат била бефусун-у фириб,
Эрур ҳавздек ким эрур бир жариб. *Садди Искандарий*, 460-Т;
Ва маҳдудод ким шаҳр тавобиъидадур Олинжон булукида Фаррошон мавзиида йигирми беш жариб боғ, йигирми уч жариб бир бирига муттасил яна бир қитъа боғ била ер ўн саккиз жариб ким андин икки ярим жариб узум боғи...
Вақфия, 9(10)-656; (14-266).

ЖАРИДА [جريده] – якка, танҳо:
Ул теграда жамъ ё жарида,
Ал-қисса йўқ эрди офарида. *Лайли ва Мажнун*, 290-Т.

ЖАРИМА [جريمه] – жарима, штраф, тавон:
Аммо подшоҳнинг ўз иш кучидин воқиф бўлуб сиёсатидин қулларнинг ваҳмининг бир улуқ натижаси будур ким алардин жарима оз воқиъ бўлур.
Муншаот, 14-170;
Ҳар мужримдин жаримасиға кўра журмона олсалар. *Муншаот*, 14-189;
Раоёға хирожни орттурди ва сипоҳиға жузвий жарима учун қатлни лозим тутти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-245.

ЖАРОЙИМ [جرايم] – гуноҳлар, жиноятлар:
Шояд бу маҳал бир оҳ урғай,
Ким гарди жаройимим учурғай. *Лайли ва Мажнун*, 383-Т.

ЖАРОҲАТ [جراحت] – 1. яра; жароҳат:
Чу ишқ ўтин яралиқ кўнглум ичра ёқти ул ой,
Ўнгалди захми бу марҳам жароҳатимға ёқиб. *Наводируш-шабоб*, 63-Т;
Жароҳатлар ки солиб ханжари оҳ,
Танида дард хайлиға камингоҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 390-Т;
Кўргузубан лоба малоҳат уза,
Лобаси туз сепса жароҳат уза. *Ҳайратул-аброр*, 7-59;
2. озор, ранж:
Навоий минг жароҳат бирла тун ул кўй аро кирмиш,
Ки оқмиш ерга юқмиш томға ҳар сари қон анда. *Хазойинул-маоний*, IIа-20;
Юз йўл таниға ясаб жароҳат,
Меҳнат кирибан чиқарға роҳат. *Лайли ва Мажнун*, 235-Т;
3. хасталик:
Ҳар итка ки етса бир жароҳат,
Кулдин етишур таниға роҳат. *Лайли ва Мажнун*, 242-Т;
...лаъли шаҳвордек алфози кўнгул жароҳатиға жавҳари руҳ еткурди.
Муншаот, 14-192;
4. ғам, алам, қайғу:
Илоҳи бирав ҳусниға малоҳат берурсен ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатиға сепурсен. *Муножот*, 16-297;
Танимни қилса ғамзанг юз жароҳат,
Етар ҳар захмдин жонимға роҳат. *Бадойиул-васат*, 58-Т.
... анинг кўнгли жароҳатларин мунинг ҳам кўнгли оғритқани ва анинг талх комин ачитқани. *Лайли ва Мажнун*, 81а9;
...умид улдур ким анинг дағи бу жароҳатиға марҳаме етиб андин кўнглиға коме еткай. *Муншаот*, 14-212.

ЖАРОҲАТАНГИЗ [جراحت انگیز] – жароҳатловчи, озор келтирувчи:

Ҳар ел ки эсиб ҳароратомиз,
Мажнун дамидек жароҳатангиз. *Лайли ва Мажнун*, 230-Т.

ЖАРОҲАТЛИҒ/ЖАРОҲАТЛИК [جراحت لیغ /جراحت لیق] – ярадор; жароҳатлик:

Дамо дам заъфим андиндур ки мужгонинг хаёлидин,
Жароҳатлиғ кўнгулга санчилур бир хор ҳар соат. *Бадойиул-васат*, 65-Т;
Такаллумлар ки лафзинг сурди дарҳам,
Жароҳатлиғ кўнгулга эрди марҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 408-Т;
Нўши васл эй ким тиларсен ниши ҳижрон кўрмайин,
Чун эмас бағринг жароҳатлиғ не марҳам топқасен. *Ғаройибус-сиғар*, 359-Т.

ЖАРРАНДА [جرّنده] – паррандалар эркаги, сўнаси:

Кўруб атрофида даррандаларни,
Яна жарранда ву паррандаларни. *Фарҳод ва Ширин*, 448-Т.

ЖАРРОР [جرّار] – кўркмас, жанговар, ботир:

Сакиз юз сипоҳи жарроргa,
Ики юз яна аҳли бозоргa. *Садди Искандарий*, 445-Т.

ЖАРРОРЛИК [جرّارلیق] – ботирлик, жангаворлик:

Тайёр қилиб сипоҳи жаррор,
Жаррорлик ичра барча тайёр. Лайли ва Мажнун, 211-Т.

ЖАРУҲ [جروح] – жароҳатли, мажруҳ:

Васлсиз бўлмас Навоий кўз-у кўнгулга илож,
Ким жаруҳ узра жаруҳ ўлмиш қаруҳ узра қаруҳ. *Наводируш-шабоб*, 11.

ЖАРФ [جرف] – чукур; бепоён:

Қаю қатра сув балки дарёйи жарф,
Ки килмиш анга Ҳақ давотим зарф. *Садди Искандарий*, 92-Т;
Яна бердилар жилва жоми шигарф,
Тўла майдин андақ ки дарёйи жарф. *Садди Искандарий*, 412-Т;

~ **и дарё** – чукур дарё:

Масофида ул кун ки доро эди,
Бу бир қатра ул жарфи дарё эди. *Садди Искандарий*, 325-Т;

~ **и чоҳи амик** – чукур зиндон, чоҳ:

Не гирдоб ким жарфи чоҳи амиқ,
Қуёш Юсуфин айлагудек ғарик. *Садди Искандарий*, 467-Т.

ЖАРҒА [جرغه] – саф, қўшин, қатор; мартаба:

Илоҳи йўк эрдим бор эттинг, тифл эрдим улуғлар жарғасиға қоттинг.
Муножот, 16-294;

Қийдурубан жарға хур кисватин,
Ҳар не хашин бўлса ҳусн хилъатин. *Ҳайратул-аброр*, 132-18.

ЖАСАД [جسد] – гавда, жисм, жусса, тан; улук мурда:

Бу ваъиддин сўнг ул ўн киши ким аҳдларин синдуруб эрдилар, жасадлари эриб окти. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-144;
Дема то жонинг жасадда бўлғуси қилғум жафо,
Қайда қолмиш жон манга чун заъфдин йўқтур жасад. *Фавойидул-кибар*, 131-Т;
Қонлиғ жасадида бир сурук зоғ,
Бир лолада ўйла ким неча доғ. *Лайли ва Мажнун*, 235-Т.

ЖАСИМ [جسیم] – йирик, катта, гавдали:

Ва ул тоифа бағоят захим ва жасим эл эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 116-143.

ЖАСТ [جسته] – сакраш, ирғиш, санчиш; халос бўлиш:
Бир учин қилиб шиша даврига раст,
Яна бир учин туттуруб элга жаст. *Садди Искандарий*, 152-Т.

ЖАСТА ЖАСТА [جسته جسته] – аста-аста, аста-секин; парча-парча; кам-кам; оралатиб-оралатиб:
Ишларин гар шикаста баста дедим,
Юзидин бирни жаста жаста дедим. *Сабъаи сайёр*, 10-244.

ЖАТ [جت] – ҳинд лўлиларининг бир тоифаси; ҳайвон ўйнатувчи:
Жат ва лўлининг кўраги мазҳик ҳаракоти ва туз усули муаллақ урмакларида хоксорлиғ ошкор, сарнигун турмағларида безътиборлиғ падидор.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-475; (14-39);
Айиғ луъбидин жатка ким нон эрур,
Ани итка солмақ не имкон эрур. *Садди Искандарий*, 123-Т.

ЖАТУТ [جتوت] – жатут (халқ номи), ҳинд лўлиларининг бир тоифаси: Эй Навоий айлади лўливаше қўнглумни қайд, Халкни атрок асир этти вале бизни жатут.
Фавойидул-кибар, 90-Т.

ЖАФ(Ф) [جف] – зулм, жафо:
Ким элга жафф чоҳин тамуғ зайли қилур,
Кавсар суйин ўзига ўлум саймн қилур. *Назмул-жавоҳир*, 15-180.

ЖАФО [جفا] – зулм, ситам, озор, кочиш, узоқлашиш, вафонинг акси:
Ва атонг авлодидин баъзи анга интиқом туздилар ва хор-у забун қилиб жафолар кўргуздилар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-122;
Боқиб гардунга деди: К-эй ситамкор,
Жафода кавкаби бахтимга ҳамкор. *Фарҳод ва Ширин*, 447-Т;
~ **йи осмон** – фалак ситамлари, жафолари:
Андақ ки жафойи осмондин,
Окшом киши қалса корвондин. *Лайли ва Мажнун*, 139-Т;
~ **йи рўзгор** – замона зулми:
Шоҳига даги жафойи рўзгор,
Тахта узра тахтдин берур қарор. *Лисонут-тайр*, 154-Т;
~ **бўл-/ўл-** – жафо бўлмок:
Анча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо,
Ким кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо. *Ғаройибус-сиғар*, 52-Т;
Ки даврон ки ойини ўлмиш жафо,
Не кайка не давронга айлар вафо. *Садди Искандарий*, 108-Т;
~ **айла-/қил-** – жабр-зулм қилмоқ, қийнамоқ:
Бир камоли дониш-у дикқат аро,
Бир жафо айлар замон шиддат аро. *Лисонут-тайр*, 248-Т;
Тариқи зулм ё кин мунча бўлғай,
Жафо қилмакка ойин мунча бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 398-Т;
~ **торт-** – жафо чекмоқ, жафо тортмоқ:
Вафо қатл бағри тошим ким ҳақ этмиш,
Жафо тортарда санги хора бизни. *Наводируш-шабоб*, 637-Т.

ЖАФОГАР [جفاگر] – жафо қилувчи, озор етказувчи:
Хуш ул ки зулм аҳлин айлаб нигун,
Жафокаш жафогарни кўргай забун. *Садди Искандарий*, 137-Т;
Кўп жафосидин агар ўлсам эрур турфа бу ким
Яна мендин қилур ул шўхи жафогар гила. *Хазойинул-маоний*, 116-550;
Топиб таскин жафогарлар ҳужуми,
Тепукдин тинса кўнглум марз-у буми. *Фарҳод ва Ширин*, 508-Т.

ЖАФОГАРЛИК [جفاگرلیک] – жафо қилувчилик:

Ким вафолиғ ёр кўрди хуррам ўлсун ошиқи,
Ким вафо қилғай жафогарликда бир ёри анинг. *Фавойидул-кибар*, 353-Т;
Юз жафо элдин чекиб бу ким жафогарликка от,
Эл аро пайдо қилибмен бу жафони найлайин? *Наводируш-шабоб*, 489-Т.

ЖАФОГУСТАР [جفاگستر] – золим, жафо қилувчи, жафочи:

Гар жафоси бор-у раҳми йўқ анга не эътироз,
Ким Худо бермайдур ул шўхи жафогусторга раҳм. *Фавойидул-кибар*, 422-Т.

ЖАФОЖЎ [جفاجو] – жафо қилувчи; ситамгар; жафо қилиш йўлини изловчи:

Мен жафо тортарға хўй эттим ки йўқ имкони ким
Ул жафожў то қила олғай жафо қилғай вафо. *Наводируш-шабоб*, 39-Т.

ЖАФОКАШ [جفاکش] – қийналган, азият чеккан, эзилган, жабру жафо тортган:

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдур ва ани ул суубатидин ўткармакдур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-507; (14-81);
Ёрни дерлар ки чекмиш юз жафо мен зор учун,
Бўлса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун. *Хазойинул-маоний*, IIа-286.

ЖАФОКАШЛИК [جفاکش لیک] – жафокашлик; азобланишлик, азият чекишлик:

Жафогарликда йўқ эрмиш сенингдек дерга йўқ ҳаддим,
Йўқ эркандур жафокашликда боре мен киби ҳаргиз. *Бадойиул-васат*, 160-Т;
Факирни жафокашликка нисбат қилибтурлар. Агарчи сўз кўп эрди, малул бўлмағайсиз деб уш мунчаға ихтисор қилилди. *Мунжаот*, 9(10)-620; (14-229).

ЖАФОКЕШ [جفاکیش] – азият, жафо берувчи; маҳбуба:

Не жафокеш мен кўрунг ким бор анга қилмақ жафо,
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;
Кўнглум ўтидин йиғач кулдур башақ бир қатра сув,
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга. *Хазойинул-маоний*, 16-31;
Улус англаб ки Парвези жафокеш,
Бўлуб юз макр бирла ҳийлаандеш. *Фарҳод ва Ширин*, 402-Т.

ЖАФОКОР [جفاکار] – жафо қилувчи; золим:

Ва лекин мен неча бўлсам хатокор,
Биҳамдиллоҳ сен эрмассен жафокор. *Фарҳод ва Ширин*, 511-Т;
Эй Навоий умр бобида вафосизлик сўзи,
Ким бўлур мазкур эрур шўхи жафокоринг ғараз. *Бадойиул-васат*, 211-Т;

~ **айла-** – жафокор айламоқ:

Бас ки ноҳамвор бедод ул жафокор айлади,
Мен жафокаш пайкарин ер бирла ҳамвор айлади. *Фавойидул-кибар*, 620-Т.

ЖАФОКОРЛИҒ [جفاکارلیغ] – жафокорлик:

Иш вафо қилмақ эрур гар қила олсанг ки эмас,
Эй вафосиз бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш. *Ғаройибус-сиғар*, 215-Т.

ЖАФОКЎШ [جفاکوش] – жафо қилишга тиришувчи:

Ани дағи гунбади жафокўш,
Ўз жуфтиға айлади ҳамоғуш. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т.

ЖАФОПАРВОЗ [جفاپرواز] – жафопарвоз:

Чарх ўртангай куёш ўтиға кўрганни десам,
Ул қуёш бедоди ву чархи жафопарвоздин. *Наводируш-шабоб*, 440-Т.

ЖАФОПЕША [جفاپیشه] – азоб берувчилар, золимлар, ситамгарлар:

Ғами етти чархи жафопешадин,
Ҳам ул анжуми хорижандешадин. *Ғаройибус-сиғар*, 508-Т;

Чун жафопешалар йирақ борди, жафокаш оғзидин бир ушалған дирам чиқарди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-490; (14-57).

ЖАФФАЛҚАЛАМ [جفّ القلم] – қаламнинг ёзишдан тўхташи, бирдан:

Тийр илигида не қалам не рақам,
Балки рақам ояти жаффалқалам. *Ҳайратул-аброр*, 7(20)-23; (6(10)-17);

Чун анинг тағйирининг имкони йўқ,
Нега ким қилмиш ўзи жаффалқалам. *Фавойидул-кибар*, 697-Т.

ЖАШН [جشن] – байрам; ўйин-кулги мажлиси, базм; зиёфат:

Ўлугни тиргузур лаълинг масиҳосо калом айлаб,
Такаллум жашнисин шарбати йуҳйил-изом айлаб. *Ғаройибус-сиғар*, 71-Т;

Чун бу иморат туганди олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб анда азим жашн қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-199;

~ **и азим** – улуғ маърака:

Тилар эрди жашни азим айламак,
Халойиқни ғарқи наъим айламак. *Садди Искандарий*, 377-Т;

~ **и хусравона** – катта, шоҳларга муносиб йиғин:

Тузубмен тонгла жашни хусравона,
Қилай элчини узре деб равона. *Фарҳод ва Ширин*, 344-Т;

~ **туз-** – маъракa, йиғин, зиёфат қурмоқ, тузмоқ:

Ва подишоҳона жашн тузуб азим ошлар бериб хатм қоидасини бажо келтурдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 199-Т;

Ҳажр ўти сурати чу бўлди паст,
Жашн тузди шаҳи нишотпараст. *Сабъаи сайёр*, 10-173.

ЖАШНИЙ-БАҲР [جشنی بحر] – шоҳона базм, зиёфат:

Деди ким нуктасидур жашний-баҳр,
Манга андин насиб эрмас магар заҳр. *Фарҳод ва Ширин*, 351-Т.

ЖАЪБА [جعبه] – ўқдон, садоқ:

Эрур анинг киби туз кўнгли ошиёнида – ўқ,
Сипеҳр жаъбасидин истасанг намудори. *Хазойинул-маоний*, IIIа-409.

ЖАЪД [جعد] – жингалак соч; зулф:

Қўрқарам ким бўлмағай озурда нозук қоматинг,
Эгнинга қош қош ки солмиш жаъди анбарбор бор. *Бадойиул-васат*, 125-Т.

ЖАЪЛИЙ [جعلی] – қалбаки, саҳта, ўйдирма:

...бу афсоналарни ясаб биравга боғласалар эшиткан киши инана олмағай балки жаълийдур деб айтқучининг такаллумиға қулақ солмағай. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т.

ЖАЪЛИЙРАНГ [جعلی رنگ] – сохтаранг:

Мавлоно Шаҳидий... ошуфтаваш ва девонасор киши кўрукур аммо бу тариқлари жаълийранг ҳам бор. *Мажолисун-нафоис*, 186-Т.

ЖАЪФАРИЙ [جعفری] – заҳарли қора илон:

Ўйла ким шаҳ морға бўлғай мумид ҳам жаъфарий,
Ё вобойи халққа тоун ҳам ўлғай бир сари. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-457; 14-15;

Эрур кафча ву афъи ву жаъфарий,
Бўлуб ҳар бир ул ганжнинг аждари. *Садди Искандарий*, 423-Т.

ЖАҲАННАМ [جهنم] – дўзах:

Ул хатни қирқиб мабразға ташлағали яхши ва иясини молики дўзах жаҳаннамға бошлағали. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-466; (14-27);

Не зулмат жаҳаннам не водий сақар,
Ки Яъжуж хайли бўлди мақар. *Садди Искандарий*, 425-Т;

~ **хиттаси** – дўзах ўлкаси:

Олиб бир девкуш хоро ки оттим,
Жаҳаннам хиттаси сари узаттим. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т.

ЖАҲД [جهد] – саъй, тиришиш, ғайрат, ҳаракат:

Жаҳдим андокдур етишгайманму деб васлиға бот, Ким қабул этмон оғир деб чиқса эгнимдин қанот. *Хазойинул-маоний*, 114;

~ **-у жид** – астойдил тиришиш, ҳаракат қилиш:

То неча минг йил сипеҳри тезгард,
Жаҳд-у жидд бирла бўлуб гетинавард. *Лисонут-тайр*, 251-Т;

~ **-у сурат** –самимий уриниш; тиришиш ва шошилиш:

Жаҳд-у сурат аро тай айлаб арз,
Ҳолатим айласанг Суҳайлға арз. *Сабъаи сайёр*, 10-301;

~ **-у тоқат** – жаҳду тоқат, астойдил ҳаракат ва тоқат:

Бири фарз азосиға ўлжа мумкиндур жаҳд-у тоқат била...
Насойимул-муҳаббат, 169-Т;

~ **-у шитоб** – саъи-у ҳаракат, шитоб:

Ёр истасанг Навоий сабр истагил ки дойим,
Келди висол ишига жаҳд-у шитоб мониъ. *Фавойидул-кибар*, 287-Т;

~ **-у шитоб қил-** – ғайрат сарфламоқ, астойдил ошиқмоқ:

Яна аҳли ҳақ ким кўюб хўрд-у хоб.
Қилурлар ибодатқа жаҳд-у шитоб. *Садди Искандарий*, 237-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – тиришмоқ, астойдил ҳаракат қилмоқ:

Яна анча йибармакка қилиб аҳд,
Ани ҳам еткуруб кўп айлабан жаҳд. *Фарҳод ва Ширин*, 493-Т;

Эй Навоий қил дуо жониғау жаҳд айла ким
Майлинг анинг қуллуғидин ўзга сари бўлмасун. *Хазойинул-маоний*, 1а-138;

Нақди қаноатға чу йўқдур фано,
Жаҳд эт-у бу нақд ила топғил ғино. Ҳайратул-аброр, 7-165;

Берса Ҳақ тавфиқ жадд-у жаҳд этай,
То яна сизни анга ҳамаҳд этай. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

Шаръ ишига ул ки мундақ қилса жаҳд,
Ким анинг осори қолғай то бу аҳд. *Лисонут-тайр*, 28-Т;

Ул отасидин интиқом тортарға Румдин черик тортиб жаҳд қилиб Хуросонға юруди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-209.

ЖАҲДСИЗ [جهدسيز] – жаҳдсиз:

... яъни агар иноятинг бўлса дўстларингнинг ишин сабаб-у жаҳдсиз ясарсен.
Насойимул-муҳаббат, 168-Т.

ЖАҲИМ [جحيم] – тамуғ, жаҳаннам, дўзах:

Етишти бир уфунатлиқ насими,
Ки қилғай атри жаннатни жаҳими. *Фарҳод ва Ширин*, 207-Т;

нийрони жаҳим – дўзох ўти:

Ким дўст дурур ноз-у наъим англа ани,
Душман эса нийрони жаҳим англа ани. *Назмул-жавоҳир*, 15-160;

заққуми жаҳим – дўзахдаги заҳарили дарахт:

Чун харита бошини очти лаим,
Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим. *Лисонут-тайр*, 59-Т.

ЖАҲЛ [جهل] – 1. нодонлик, билимсизлик, илмсизлик:
Кўнглумизга бўлмаған равшан бу роз,
Жаҳлимиз кўпдин кўп-у илм оздин оз. *Лисонут-тайр*, 86-Т;
Ким ки андин ортиқ ўксук истагай,
Бордур анинг жаҳли ортук акли кам. *Хазойинул-маоний*, IVб-725;
2. ғафлат; жаҳолат:
То улус жаҳлдин халос бўлуб,
Илм хилватгаҳиға хос бўлуб. *Арбаин*, 16-261;
Бўлуб дунё ву дининг жаҳлдин ҳеч,
Кел этма жаҳл-у мундақ жаҳлдин кеч. *Фарҳод ва Ширин*, 107-Т;
3. атоқли от; ўта жоҳил:
Хазрат Муҳаммади арабий саллаллоҳу алайҳи ва саллам илми ай-нул-ҳаётининг мукобаласида Абу Жаҳл/ (Бу Жаҳл) зулмоти жилваи зуҳур қилди. *Вакфия*, 14-237;

~ **аҳли** – нодонлар, билимсизлар:
Худҳуд ул сўз нафйиға очиб нафас,
Деди: к-эй жаҳл аҳли янглиғ булҳавас. *Лисонут-тайр*, 61-Т;
Жаҳл аҳли била кимга ки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай. *Назмул-жавоҳир*, 15-144;

~ **майи** – нодонлик, илмсизлик майи:
...хушёрлари жаҳл майидин маст усруклари май ва маъшуқапараст. *Маҳбубул-қулуб*, 57;

~ **-у жавр** – жаҳолату адолатсизлик, жаҳлу жафо:
Жаҳл-у жавр-у зулмидин ғаврига ет,
Ҳам ўзига ҳам ўзунгга ориф эт. *Лисонут-тайр*, 260-Т.

ЖАҲЛЛИҚ [جهل ليق] – нодонлик, билимсизлик; **Бу Жаҳллик** – Абу Жаҳлга ўхшаш ёмонлик қилиш:
Ё шараф ганжиға топиб аҳллиқ,
Салб қилса сийрати Бу Жаҳллик. *Лисонут-тайр*, 245-Т.

ЖАҲОЛАТ [جهالت] – нодонлик, билимсизлик, ғафлат:
Дедук ким жунунунгга оғоз эмиш,
Жаҳолат санга кўп-у ақл оз эмиш. *Садди Искандарий*, 163-Т;
Басо жаҳолат-у бебоклик фанида ғаний,
Ки подшоҳ ани ўз мулкидин қилур ихрож. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-533; (14-112);
Биз жаҳолатқа гирифтор ўлғабиз,
Фурқати ошубидин зор ўлғабиз. *Лисонут-тайр*, 46-Т.

ЖАҲОН [جهان] – 1. олам, дунё, борлиқ:
Жаҳон бўлмасун дўст гар бўлмаса дўст. *Мезонул-авзон*, 32-Т;
Меҳри оламтоб агар бўлса жамолинг кўзгуси,
Кеча ҳам кундуз киби тутғай жаҳонни ёғдуси. *Муншаот*, 14-205;
2. вужуд, борлиқ:
Исён ўтидин куюб жаҳоним,
Дуди бирла тира хонумоним. *Лайли ва Мажнун*, 36-Т;

~ **аруси** – дунё гўзали, олам келини:
Жаҳон аруси бирла суҳбат айлама рағбат,
Недин ки рағбат ила тутмас эл била суҳбат. *Фавойидул-кибар*, 92;

~ **аҳли** – барча халқлар, одамлар:
Адолат била хос эрур йўкса ом,
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257;
Мавлоно Абдураҳмон Жомий... аларнинг ёруғ хотираларининг натойижи жаҳон аҳлидин кам бўлмасун. *Мажолисун-нафоис*, 76-Т;

~ **боғи** – олам, борлиқ, табиат:
Ки то бўлғай жаҳон боғи бу гулшан мевадор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларға бу гулбонг бор ўлсун. *Муҳокаматул-луғатайн*, 168-Т;
~ **вориси** – олам меросхўри:
Келиб айни инсон-у инсони айн.
Жаҳон вориси Шоҳ Султон Ҳусайн. *Маҳбубул-кулуб*, 14-13;
~ **кишвари** – дунё мамлакатлари, вилоятлари:
Яқин англағай табъи донишвари,
Ки меросинг эрмиш жаҳон кишвари. *Тарихи мулуки ажам*, 16-257;
~ **мулки...** – дунё, шоҳлик, ер юзи:
Жамшид. Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебтурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чун салтанатқа ўлтурди жаҳон мулкин адл -у дод била тузди.
Тарихи мулуки ажам, 16-199;
~ **и бегарон** – чексиз олам:
Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил. *Фарҳод ва Ширин*, 100-Т;
~ **и бенаво** – бераҳм, бенаво дунё:
Сипеҳр ўртаб жаҳони бенавони,
Кули бирла қаро айлаб ҳавони. *Фарҳод ва Ширин*, 392-Т;
~ **и буқаламун** – буқаламун дунё:
Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магар ки тосиға ўт ёқди чархи шуъбада боз. *Ғаройибус-сиғар*, 171-Т;
~ **и латофат** – дунё, жаҳон латофати:
Латофат ниҳон истаб аҳли жаҳон,
Жаҳони латофат сен айлаб ниҳон. *Садди Искандарий*, 101-Т;
~ **и маоний** – маъно олами, маъно дунёлари:
Гар ул чархдин йўқ нишони анга,
Недур юз жаҳони маоний анга. *Садди Искандарий*, 92-Т;
~ **и маърифат** – маърифат жаҳони:
Эй қилиб инсонни кони маърифат,
Кўнглини айлаб жаҳони маърифат. *Лисонут-тайр*, 259-Т;
~ **и савдо** – жаҳон шайдолиғи, ҳаваси, орзуси:
Ҳар телба ки нотавони савдо,
Ул кеча анга жаҳони савдо. *Лайли ва Мажнун*, 161-Т;
~ **и суғро** – кичик дунё, дунё ичида дунё:
Ҳойил дема бу жаҳони суғро,
Суғро эмас ул хужаста туғро. *Садди Искандарий*, 42-Т;
~ **и фоний** – ўткинчи дунё:
То қолғуси боқий бу жаҳони фоний,
То бўлғуси инсонға ҳаёт имкони. *Муншаот*, 14-159;
~ **даржаҳон** – олам ичида олам:
Келиб бир бири ичра ҳар бир ниҳон,
Фазо ҳар бирига жаҳон даржаҳон. *Садди Искандарий*, 48-Т;
~ **жаҳон** – олам олам, дунё дунё, сонсиз ҳисобсиз:
Гарчи бордур жаҳон жаҳон гуноҳим,
Ҳам сен-ўксен ниҳон ниҳон панаҳим. *Сабъаи сайёр*, 10-16;
~ **икки жаҳон** – у дунё ва бу дунё:
Жаҳон ичра жаҳон ким топти макнат,
Солиб икки жаҳон халқиға ҳайрат. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-62;

Шаҳ хизматини тузлук ила айлағил адо,
То икки жаҳонда бўлғасен комраво. *Муншаот*, 14-155;

~ **дин бор-/кет-** – ўлмоқ:
Фироқи ичра юб илгини жондин,
Анинг ишқи била борди жаҳондин. *Фарҳод ва Ширин*, 441-Т;
Жаҳондин кетиб ком ола олмади,
Кишига жаҳон жовидон қолмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-222;

~ **дин кеч-** – ҳаёт баҳридин кечмоқ:
Навоий жаҳондин кечиб иста ёр,
Санга бўйла ғурбатда не бор аҳе. *Хазойинул-маоний*, IIIб-632;

~ **дин ниҳон бўл-** – дунёдин яширинмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ:
Скандар бўлурда жаҳондин ниҳон,
Мулуки тавойифқа берди жаҳон. *Тарихи мулуки ажам*, 16-221;

~ **ға видоъ эт-** – дунё билан видолашмоқ, ўлмоқ:
Дағи Сиёмак ўғли Ҳушангни ким набираси эрди валиаҳд қилиб вафосиз жаҳонға видоъ этти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-197;

~ **ғамини е-** – дунё ғанму ҳасратини билмоқ, кайғурмоқ:
Укбо ғами ул ер ани доно бил,
Еганни жаҳоннинг ғамини доно бил. *Назмул-жавоҳир*, 15-177.

ЖАҲОНАФРЎЗ [جهان افروز] – олам ёритувчиси, обод қилувчиси:
Ишқ иши ғам шоми дард-у сўздур,
Шамъ анга оҳи жаҳонафрўздур. *Лисонут-тайр*, 92-Т;
Орази машъали жаҳонафрўз,
Партави шуъласи келиб жонсўз. *Сабъаи сайёр*, 10-279.

ЖАҲОНБИН [جهان بين] – жаҳонни кўрсатувчи, узоқни кўра олувчи кўз:
Соқиё жоми жаҳонбин олғил,
Ичига бодаи рангин солғил. *Фавойидул-кибар*, 668-Т;
Деди ким олибан кирдилар аввал,
Жаҳонбин жомни андақ ки машъал. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т;
Кўнгул жоми жаҳонбиндур тўла кил софи май бирла,
Ки солғай акс не ким бўлса аҳволи жаҳон анда. *Наводируш-шабоб*, 25-Т.

ЖАҲОНБОНЛИҚ/ЖАҲОНБОНЛИҒ [جهان بانليق/جهان بانليغ] – жаҳонни кўрувчилик; ҳукмдорлик:
Деди ким бу кишвар салотинидин
Хабарлиқ жаҳонбонлиқ ойинидин. *Садди Искандарий*, 126-Т;
... саодат ахтари тожининг гавҳари бўлмағлиқ била бошин кўкка еткурди ва жаҳонбонлиғ тожи бир анжумсипоҳ фарқи била мубоҳот кўргузди. *Ғаройибус-сиғар*, 10-Т;
Ки чун Ҳақ айлаб зоҳир ҳидоят,
Манга қилди жаҳонбонлиқ иноят. *Фарҳод ва Ширин*, 176-Т;
Жиҳонбонлиғ амрида хусравнижод,
Ангача ки Кайхусрави Кайкубод. *Садди Искандарий*, 154-Т;

~ **қил-** – ҳукмдорлик қилмоқ:
Тўртунчи табақа Сосонийлар эрдилар ким жаҳон мулкида жаҳонбонлиқ қилдилар. *Садди Искандарий*, 111-Т.

ЖАҲОНГАРД [جهان گرد] – жаҳонгашта; дунё кезувчи:
Чу туфроғ ўлғуси жисми жаҳонгард,
Замиринг ичра андин қолмасун гард. *Фарҳод ва Ширин*, 447-Т;

Қилиб ел хайлидек бир дам жаҳонгард,
Бухор ажзоси янглиғ осмонгард. *Фарҳод ва Ширин*, 506-Т;
Тун кун қилур сипехр новард,
Сенинг талабингдадур жаҳонгард. *Лайли ва Мажнун*, 29-Т.

ЖАҲОНГАРДЛИҚ/ЖАҲОНГАРДЛИҒ [جهان گردليق/جهان گردليغ] – жаҳонгашталик:
Недур мунча лофи жаҳонгардлик,
Эрур бу сифат лофи дамсардлик. *Садди Искандарий*, 443-Т;
Ким жаҳонгардлиғ эрур ҳавасим,
Йўқ ани манъ этарга дастрасим. *Сабъаи сайёр*, 10-145.

ЖАҲОНГАШТА [جهان گشته] – саёҳатчи, дунё кезувчи:
Мир Лаванд... жаҳонгашта киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 115-Т.

ЖАҲОНГИР [جهان گير] – дунёни фатҳ этувчи; ғолиб хоқон:
Салотини ки бўлдилар жаҳонгир,
Не янглиғ қилдилар ҳар ишда тадбир. *Фарҳод ва Ширин*, 501-Т;
Мулк шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони хоқони жаҳонгири соҳибқирон яъни Темур Кўраган. *Мажолисун-нафоис*, 191-Т.

ЖАҲОНГИРЛИҒ/ЖАҲОНГИРЛИК [جهان گيرليغ/جهان گيرليک] – жаҳонгирлик:
...базмсозлиғ сипехрининг ахтари фархундаси жаҳондорлиғ базмининг Искандари Жамшиди жоҳи жаҳонгирлиғ анжуманинг хуршиди олампаноҳи...
Муҳокаматул-луғатайн, 189-Т;

Ки айлаб жаҳонгирликни ҳавас,
Ҳавас қилғанига топиб дастрас. *Садди Искандарий*, 325-Т;
Йиғилғач сипаҳ тарки базм айлайин,
Жаҳонгирлик сари азм айлайин. *Садди Искандарий*, 74-Т.

ЖАҲОНДОВАР [جهان داور] – жаҳон ҳукмдори, жаҳон подшоҳи:
Қани жаҳондовари Чингизхон,
Қани жаҳон хони Темур Кўрагон? *Ҳайратул-аброр*, 7-253; (6(10)-221);
Гарчи шоҳедурур жаҳондовар,
Ки анга барча ишда Ҳақ ёвар. *Сабъаи сайёр*, 10-396.

ЖАҲОНДОР [جهان دار] – жаҳонни эгалловчи ҳукмдор, подшоҳ, қудратли шоҳ:
Жаҳондорларни жаҳон қилса паст,
Топа олмағай-му гадоларға даст. Садди Искандарий, 109-Т;
Йўқ эрди жаҳондори анжумсипоҳ,
Жаҳон ичра андақ ки Ҳушанг шоҳ. *Тарихи мулуки ажам*, 16-198;
~ **и дарё замир** – дарёдил жаҳондор:
Дуо бирла хоқони дарёназир,
Деди к-эй жаҳондори дарёзамир. *Садди Искандарий*, 333-Т;
~ **и кишварситон** – жаҳон ҳукмдори, қудратли шоҳ:
Сикандар жаҳондори кишварситон,
Ишидин чу назм ўлса ҳар доситон. *Садди Искандарий*, 93-Т.

ЖАҲОНДОРЛИҚ/ЖАҲОНДОРЛИҒ [جهان دارليق/جهان دارليغ] – жаҳондорлик; қудратли подшоҳлик:
Бор эди зотида сазоворлик,
Ким Ҳақ анга берди жаҳондорлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-130; (6(10)-112);
Чу маснаддин элтти анинг рахтини,
Ким олди жаҳондорлиғ тахтини. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256; (8(10)-648);

Бу фурсатқа тегру ки доройи даҳр,
Жаҳондорлиғ тахтидин тобти баҳр. *Садди Искандарий*, 215-Т;
Ки то бўлса гардунға давворлик,
Анга боқий ўлсун жаҳондорлик. *Маҳбубул-қулуб*, 14-13;
Бурунрақ киши ким тузуб руд-у жом,
Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом. *Тарихи мулуки ажам*, 16-197; (8(10)-604).

ЖАҲОНКУШОЙ [جهان کشای] – олам очувчи, дунёни ёритувчи, кўз олдига келтирувчи:
Хуршиди жаҳонкушойсен сен,
Миръоти жаҳоннамойсен сен. *Лайли ва Мажнун*, 361-Т.

ЖАҲОНКУШОЙЛИҒ/ЖАҲОНКУШОЙЛИК [جهان کشای لیغ/جهان کشای لیق] – жаҳонни забт этувчилик; жаҳонгирлик:
... ул натижа умидига киши ул йўлға қадам солғай ва Арастуға жаҳонкушойлиғ тили очилмақ ва адл натижаси жаҳонгирлик эрканин собит қилмақ.
Садди Искандарий, 146-Т;
Хилофат тахтининг тожи зебандаси ва салтанат тожининг мулкбахшандаси жаҳондорлиғ кишварининг соҳиб сарири ва жаҳонкушойлиғ (Süleymaniye, №3854; Bodlein Elliot №339 ktb. **жаҳонкушойлиғ/жаҳонкушойлик**) сипеҳрининг меҳри мунири Султон Бадиуззамон Баҳодир мадҳида.
Садди Искандарий, 101-Т.

ЖАҲОНМАРД [جهان مرد] – жаҳонмард:
Ки ҳам шаҳсен ҳам жаҳонпаҳлавон,
Жаҳонмард ўзунг давлатинг навжавон. *Садди Искандарий*, 270-Т.

ЖАҲОННАМО/ЖАҲОННАМОЙ [جهان نما/جهان نمای] – жаҳонни кўрсатувчи:
...ва Хизрнинг жисми тилсимида равшан кўнглидек тилсим жисмида жоми жаҳоннамой топқани. *Фарҳод ва Ширин*, 223-Т;
Эй ишқ ғариб кимёсен,
Бал ойинаи жаҳоннамосен. *Лайли ва Мажнун*, 359-Т;
Иккинчи дедим ёруқсен асру,
Андақ ки жаҳоннамой кўзгу. *Лайли ва Мажнун*, 360-Т.

ЖАҲОННАМОЛИҚ [جهان نمالیق] – ойнаи жаҳон, жаҳонни акс эттирувчи кўзгуча монанд.
Ҳам зотинга дуржи кимёлиқ (/кимёлиғ),
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ (/жаҳонномалиғ). *Лайли ва Мажнун*, 359-Т;
Топқач ани бу сифат сафолиқ,
Тақти отиға жаҳоннамолиқ. *Лайли ва Мажнун*, 361-Т.

ЖАҲОНОРО/ЖАҲОНОРОЙ [جهان ارای/جهان ارا] – жаҳонни безовчи; дунёга жило берувчи:
Юз қуёш ўлса кетмагай ер юзидин қаронғулуқ,
Кирса жаҳоноро кўнгул ҳажри замонидин асар. *Наводируш-шабоб*, 176-Т;
Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул зоти малики сифотни фалак ҳаводисидин масун ва ройи жаҳонорони ҳаводис қудратидин маъмун тутсун.
Мушаот, 9(10)-600; (14-196);
Гар жаҳоноро эмастур жаннату кавсар бу ҳавз,
Бас ушоқ тоши нединдур лаъл бирла инжудин. *Хазойинул-маоний*, 115-466;
Анча ким ҳусни жаҳоноро анга,
Юз минг анча ноз-у истиғно анга. *Лисонут-тайр*, 89-Т;
Шайх кўргач ул жаҳоноро жамол,
Истимоъ эткач бу руҳафзо мақол. *Лисонут-тайр*, 107-Т;
Нилуфардек либослар бирла ой,
Бўлди хуршиддек жаҳонорой. *Сабъаи сайёр*, 10-275;
Чун кўярмен ул жаҳонорой иши базмиға юз,
Айш базмин соқиё боғи жаҳонорода туз. *Хазойинул-маоний*, IIа-117.

ЖАҲОНОРОЙИШ [جهان آرایش] – жаҳоноройиш, жаҳонга оройиш берувчи:

Чун қўйармен ул жаҳоноройиши базмиға юз,
Айш базмин соқийё боғи жаҳонорода туз. *Наводируш-шабоб*, 206-Т.

ЖАҲОНОРОЙЧА [جهان آرایچه] – жаҳоноройча:

Ҳаргиз эрмас меҳр ул ҳусни жаҳоноройча,
Меҳр анинг оллинда меҳр оллинда бўлғай ойча. *Наводируш-шабоб*, 540-Т.

ЖАҲОНОФАРИН [جهان آفرین] – жаҳонни яратувчи, Худо:

Чу сад бўлди андақ ки чархи кабуд,
Жаҳонофаринға шаҳ этти сужуд. *Садди Искандарий*, 433-Т.

ЖАҲОНПАЙМО/ЖАҲОНПАЙМОЙ [جهان پیما/جهان پیمای] – 1. жаҳонни кезувчи, жаҳонгашта:

Бу эл Хуросон ракибларининг жаҳонпаймо маркаблари бир пўя била жаҳондин кеткани балки яна жаҳонға еткани. *Наводируш-шабоб*, 690-Т;

Ишқ мулкидин хабарлар топса Лайли тонг эмас,
Ким анинг Мажнун била пайки жаҳонпаймойи бор. *Ғаройибус-сиғар*, 161-Т;

Ер эрур жон ичра, сен ғофил вале истаб ани,
Кеча кундуз ел киби бўлмақ жаҳонпаймо не суд. *Бадойиул-васат*, 100-Т;

2. учқур от:

Тилаб ҳиммат дуо бирла қўпуб тез,
Жаҳонпаймоси узра айлади хез. *Фарҳод ва Ширин*, 224-Т.

ЖАҲОНПАЙМОЛИҒ/ЖАҲОНПАЙМОЛИҚ [جهان پیمالیغ/جهان پیمالیق] – жаҳонгашталик:

Бу йўлда гармрўларнинг тонг эрмас гар чақин янглиғ
Жаҳонпаймолиғ этса ёрутуб оламни ҳар коми. *Бадойиул-васат*, 468-Т;

Туфрағ ўлдум ул куёш хажрида ву суд этмади,
Чархи сойирдек ани истай жаҳонпаймолиғим. *Наводируш-шабоб*, 432-Т;

Ишдур санга Ҳақ сари қадамфарсолиқ,
Қилма талабан лаҳв жаҳонпаймолиқ. *Назмул-жавоҳир*, 15-152.

ЖАҲОНПАНОҲ [جهان پناه] – жаҳон ҳомийси, подшоҳ:

Ҳам шоҳи жаҳонпаноҳ бўлсун,
Ҳам аҳли жаҳонға шоҳ бўлсун. *Лайли ва Мажнун*, 77-Т;

То жаҳон бўлса даҳр шоҳи бўл,
Даҳр элиннг жаҳонпаноҳи бўл. *Муншаот*, 9(10)-609; (14)-206.

ЖАҲОНПАҲЛАВОН [جهان پهلوان] – жаҳон паҳлавони:

Ки ҳам шаҳсен ҳам жаҳонпаҳлавон,
Жавонмард ўзунг давлатинг навжавон. *Садди Искандарий*, 270-Т;

Таҳаввур била ҳар жаҳонпаҳлавон,
Тилаб нусрат анча ки тоб-у тавон. *Садди Искандарий*, 197-Т.

ЖАҲОНПАҲЛАВОНЛИҒ [جهان پهلوان لیغ] – жаҳондаги энг зўр паҳлавонлик:

Рустамға жаҳонпаҳлавонлиғ лақабин бериб сипоҳсолор килди.
Тарихи мулуки ажам, 16(20)-206; (8(10)-611.

ЖАҲОНСЎЗ [جهان سوز] – жаҳонни ёкувчи; куёш; маҳбуба; ситамгар:

Адолат аро фасли наврўздек,
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек. *Садди Искандарий*, 131-Т;

Валекин ҳусн ўтин айлаб жаҳонсўз,
Буларни андин этти аламафрўз. *Фарҳод ва Ширин*, 79-Т.

ЖАҲОНСЎЗЛУҚ [جهان سوزلوق] – жаҳонни ёкувчилик:

Қилиб тиғи барқи жаҳонсўзлуқ;
Юзи машъали оламафрўзлуқ. *Садди Искандарий*, 155-Т.

ЖАҲОНТОБ [جهان تاب] – жаҳонни ёритувчи, оламни қиздирувчи:

Кўруб туфрағда ул меҳри жаҳонтоб,
Мени титратмадин андақ ки симоб. *Фарҳод ва Ширин*, 108-Т;
Ҳусн анжумани ичра юзин кўрмамиш эрдим,
Анжуман аро хуршиди жаҳонтобдек эрмиш. *Ғаройибус-сиғар*, 212-Т.

ЖАҲОНТОБЛИҒ [جهان تاب ليغ] – жаҳонни ёрутувчилик:

... бу варақ юзин қаро қилғаннинг ҳоли ва васл гавҳари шабчароғининг жаҳонтоблиғи ва гавҳари шабчароғ васлидек ноёблиғи. *Садди Искандарий*, 416-Т.

ЖАҲОНФАЙЛАСУФ [جهان فيلسوف] – жаҳон, дунё файласуфи:

Чу қобил эди топти беҳад вуқуф,
Ки ҳикматда бўлди жаҳонфайласуф. *Садди Искандарий*, 260-Т.

ЖАҲОНХУДОВАНД [جهان خداوند] – жаҳон ҳокими, ҳукмрони; шаҳонга эгаши қилувчи:

Бу турфа ки ул жаҳонхудованд,
Юз мунчаға ҳам эмас ризованд. *Лайли ва Мажнун*, 73-Т.

ЖАҲОНХУСРАВ [جهان خسرو] – жаҳон подшоси, ҳукмдори:

Жаҳонхусрав ул чоғда Доро эди,
Анға шоҳлиғ ошикоро эди. *Садди Искандарий*, 153-Т.

ЖАҲОНЧА [جهان چه] – жаҳонча, бутун оламча:

Ки жаннат ичра боғи осмонча,
Мунунгдек боғ аро қасри жаҳонча. *Фарҳод ва Ширин*, 484-Т;
То абад бўлсун жаҳон мулки анинг фармонида,
Юз жаҳонча мулк бу мулкига дохил ҳар замон. *Бадойиул-васат*, 342-Т.

ЖАҲР [جهر] – ошкора; овозни чиқариб гапириш; **зикри жаҳр, жаҳр зикри** – овозни чиқариб зикр қилиш:

Эй Навоий ёр ёдинда малак маҳрам эмас,
Фақр одоби аро тажвиз қилма зикри жаҳр. *Бадойиул-васат*. 114-Т;
Ва дерлар ки ул Хоразмда жаҳр зикри айтур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 323-Т.

ЖАҲУЛ [جهول] – жуда нодон, ўтакетган билимсиз:

Ҳам залум айлаб хитобин ҳам жаҳул,
Чун халойиқдин ани мумтоз этиб. *Лисонут-тайр*, 17-Т;
Бўлмаса эрди Навоий сирри ишқингға амин,
Не залум эткай эдинг анинг хитобин не жаҳул. *Хазойинул-маоний*, 16-392.

ЖАҲФ [جهف] – аруз фани атамаси:

Жаҳф, фоилотунни хабн қилмақдур ва фосилани исқот қилмақ тан қолғай ва фаъланинг ўрниға қўярлар. *Мезонул-авзон*, 17-Т; 173-Т.

ЖАҲФА [جهفه] – кучли оқим:

Ва сайл элтур эрди ани дарёғача ва жаҳфағача ва жаҳфа сайл мавзиъидур ва ани анинг учун жаҳфа дерлар ки сайл анда киргай ҳар не бўлса супургай ва элткай. *Насойимул-муҳаббат*, 111-Т.

ЖЕЛИ [جيلى] – жела, сиртмоқ, тавқ, кул бўйнидаги темир ҳалқа:

Тавқлар бўлмиш жели тортарға имон аҳлини,
Ҳалқалар занжири зулфунг риштаси зуннорида. *Хазойинул-маоний*, 1а-376.

ЖЕЛИЛИК [جیلی لیک] – желалик, бўйнига жела (темир ҳалка) солинган:

Бўлуб рухсориға ҳар сари гуллар,
Желилик барча гарданбаста қуллар. *Фарҳод ва Ширин*, 88-Т.

ЖИБА [جیبه] – *уруш кийими, совут; зирҳ*:

Ва жиба ва жавшан ва куҳа ва қанғалдуруқ ва қарбичи ва кижим ва йўсунлуқ уруш асбобин ҳам турк тили била айтурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;

Кижим барчаға шер-у бабр-у паланг,
Жиба узра ҳафтон дағи ушбу ранг. *Садди Искандарий*, 189-Т.

ЖИБАЧИ [جیبه چی] – жиба, зирҳ, силоҳ, совут ясовчи:

Ҳунар ва пешада андак ки қушчи ва барсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибачи ва йўрғачи ва ҳалвачи ва кемачи ва қуйчи. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

ЖИБИЛГИР [جبل گر] – гавҳарли жабдуқ; жавҳар қадалган юган:

Рахш уза урған эгари зарнигор,
Балки жибилгир анга гавҳарнигор. *Ҳайратул-аброр*, 7-269;

Ва отнинг эйарин агарчи зин дерлар, аммо кўпрак ажзоин масал жибилгир ва ҳана ва тўқум... *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

ЖИБИЛЛАТ [جبلّت] – хўй, хўй-атвор; яратилиш, туғма:

Чун табъи жибиллий саломатдин ва жибиллати зоти истиқоматдин орий эрмас эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 6-Т;

Таом киллатидур анча ким муяссур ва анинг жибиллати риоятидур анча ким мақдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-50.

ЖИБИЛЛИЙ [جبلی] – вужуд; туғма, табиий:

Яна кимса ҳар ишка мажбур эрур,
Жибиллий ҳисолиға машғул эрур. *Садди Искандарий*, 211-Т;

...ва диққат ва душворписандликка шуруъни жибиллий қилиб эрди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 180-Т;

фанойи жибиллий – туғма, табиий фонийлик; ўзликни йўқотиб, илоҳиятга сиғиниш:

...чун аларға фақри зотий ва фанойи жибиллий мавжуд эрди. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-97; (10(10)-12).

ЖИБОЛ [جبال] – тоғлар:

От манга жибол қулласидин,
Тўн манга сумун ҳулласиди. *Лайли ва Мажнун*, 257-Т;

Ва жибол қулласи оромгоҳим бўлди ва гоҳ саҳро этаги паноҳим бўлди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-452; (14-9);

Поёпай девлох анинг жиболи,
Саросар девбод анинг шамоли. *Муншаот*, 14-147; *Фарҳод ва Ширин*, 216-Т.

ЖИБРИЛ [جبریل] – Жабраил (тўрт буюк фаришталардан бири):

Фалак гунбади ичра қандилдек,
Ваё арш буржида Жибрилдек. *Садди Искандарий*, 49-Т;

~ **и хужастафаржом** – оқибатли Жабраил:

Ҳазрати Малики алломнинг каломи муъжизнизоми Жибрили хужастафаржом воситаси била Хайрул-аном алайҳис-салавоти вас-саломға нозил бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 3-Т.

ЖИГАР [جگر] – бағир, жигар; юрак:

Фироқ ўтидин куяр баданим тиғидин эриб оқар жигарим. *Мезонул-авзон*, 57-Т;

Жигаргўшасин топмай ул торарўз,
Жигардин чекиб оҳи афлоксўз. *Садди Искандарий*, 310-Т;

~ **и кабоб бўл-** – куйинмоқ:
Кўнгли иши изтироб бўлди,
Гўё жигари кабоб бўлди. *Лайли ва Мажнун*, 336-Т.

ЖИГАРГОҲ [جگر گاہ] – жигаргоҳ:
Бу савдо кўруб тожири нотавон;
Жигаргоҳидин ешти нақдин равон. *Садди Искандарий*, 311-Т.

ЖИГАРГУН/ЖИГАРГУНА [جگرگون/جگرگونہ] – жигарранг; қонли кўз ёш:
Олам аҳли базмидин гар йўқ жигаргун соғари,
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;
Неча бўлғаи захмлиқ кўнглумни маҳзун айламак,
Захми қонидин кўзум ёшин жигаргун айламак. *Хазойинул-маоний*, IIа-184;
Ажаб лаъли сен эй ашки жигаргун,
Ажаб йўқ ким эрур ғам тоғи коринг. *Ғаройибус-сиғар*, 283-Т;
Жигаргуна лек қон аросида ғарқ,
Боши узра тиғе анингдек барқ. *Садди Искандарий*, 311-Т;
Яна лаълинг ғами ашкимни жигаргун қилди,
Ҳам жигаргун ани ҳам бизни жигархун қилди. *Наводируш-шабоб*, 620-Т;
Эй кимни қилиб париға мажнун,
Ашки суйин оқизиб жигаргун. *Лайли ва Мажнун*, 28-Т.

ЖИГАРГЎША [جگرگوشہ] – 1. азиз фарзанд; жигарпора:
...мундин кечмак – бир жигаргўшадин кечмакдур... *Маҳбубул-қулуб*, 157;
Шоҳ худ меҳр иштиёқидин,
Бал жигаргўшаси фироқидин. *Сабъаи сайёр*, 10-287;
2. яқин қариндош; авлод:
Чу қутқарди мазлумни тўшаси,
Қутулған худ эрмиш жигаргўшаси. *Садди Искандарий*, 311-Т;
Тиғ ила бағрим айласам пора,
Чун жигаргўшам этти не чора. *Сабъаи сайёр*, 10-288.

ЖИГАРРАНГ [جگررنگ] – жигарранг:
Жигарранг ўлуб қон аро ҳайъати,
Бўлуб боис ул ишка қон тўхмати. *Садди Искандарий*, 311-Т.

ЖИГАРРЕШ [جگرریش] – кўнгли яра, аламли; бағри пора:
Десам шаҳ шаҳ десам дарвеш дарвеш,
Ғариби хаста Фарҳоди жигарреш. *Фарҳод ва Ширин*, 406-Т.

ЖИГАРСЎЗ [جگرسوز] – бағирни куйдирувчи; жуда ачинарли; изтиробга солувчи; изтиробли:
Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг
Бағрини кўйдургали оҳи жигарсўзе керак. *Ғаройибус-сиғар*, 265-Т;
Жигарсўз ҳодиса ким истимоъи кўзга мужиби хунборлиқ ва ғамандўз воқиа ким иттилоъи жонға боиси афгорлиғ эрди етишти.
Муншаот, 19(10)-571; (14-160);
Маалқисса чу Фарҳоди жигарсўз,
Фано базмида бўлди мажлисафрўз. *Фарҳод ва Ширин*, 461-Т.

ЖИГАРСЎЗЛУҚ [جگرسوزلوق] – жигарсўзлик:
Илоҳи, гулизориға дилафрўзлуқ ҳам сен бердинг ва булбул фиғон-у зориға жигарсўзлуқ ҳам сен бердинг. *Муножот*, 16-297.

ЖИГАРТОБ [جگر تاب] – аламли:

Бор анда ғизо ғами жигартоб,
Сув ўрнида қатра қатра хуноб. *Лайли ва Мажнун*, 377-Т.

ЖИГАРХОР [جگر خار] – куюнчак, куюнувчи; қайғули:

...Паҳлавон номуслиғ ва ғайратлиғ жигархор киши эрди ва андуҳдин кўнглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо мутлақ ҳеч кишига изҳор кила олмас эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 108-Т;

Бағри куяридин ул жигархор,
Килди атосин дағи хабардор. *Лайли ва Мажнун*, 336-Т.

ЖИГАРХОРЛИК [جگر خارلیق] – юракка тикан қадалганлик; қайғулик, изтироб-аламлик:

Лаълинг майидин бизга жигархорлик ўлмиш,
Йўқ чора насиб ўлса кишига бу навола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т;
Қилиб шаҳға гоҳи парасторлик,
Гаҳи ғамза бирла жигархорлик. *Садди Искандарий*, 386-Т.

ЖИГАРХУН [جگر خون] – бағри қон; ҳаддсиз кўп қайғу-алам чеккан; ошиқ:

Яна лаълинг ғами ашкимни жигаргун қилди,
Ҳам жигаргун ани ҳам бизни жигархун қилди. *Наводируш-шабоб*, 620-Т;
Тушуб туфраққа Шопури жигархун,
Қилиб қон ёши мужгонин табархун. *Фарҳод ва Ширин*, 479-Т;

~ **и бедил** – бағри қон бедил:

Жигархуни бедил қилиб дашт тай,
Ҳам ул шаҳр дашт эткали урди пай. *Садди Искандарий*, 311-Т.

ЖИД (Д) [جدّ] – ғайрат, саъй, ҳаракат, тиришқоқлик:

Жидд била айлаб кўрубан сарсари,
Ажз ила юз узр кўлуб бир сари. *Ҳайратул-аброр*, 7-141;
Яна икки уч йил жидд била таҳсилға машғул бўлдум.
Насойимул-муҳаббат, 227-Т;

~ **-у жаҳд** – саъйи ҳаракат:

Не келса оллинға кўп қилма дафъиға кушиш,
Ки жидд-у жаҳд ила тағйир топмади тақдир. *Наводируш-шабоб*, 141-Т;

~ **-у жаҳд айла-/эт-** – ҳаракат қилмоқ, киришмоқ:

Ишта бўлмай суст айлаб жидд-у жаҳд,
Ҳозир эттилар равон бир турфа маҳд. *Лисонут-тайр*, 225-Т;
Берса Ҳақ тавфиқ жидд-у жаҳд этай,
То яна сизни анга ҳамаҳд этай. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

~ **айла-** – тиришмоқ, саъй-ҳаракат қилмоқ:

Иффати забти андақ айлар жидд,
Ким де олмас кўҳни эл шоҳид. *Сабъаи сайёр*, 10-69.

ЖИДОЛ [جدال] – низо, жанжал; уруш:

Носиҳо жидол айриқ кийиклардин дебан,
Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс. *Ғаройибус-сиғар*, 93-Т;
Тузалди яна икки ёндин ясал,
Яна ошикор ўлди расми жидол. *Садди Искандарий*, 199-Т.

ЖИЖАЙ- [جیجای] – ковжирамоқ, курушмоқ; тиржаймоқ; ташқарига чиқиб турмоқ:

Андақ ки кувармақ ва куруқшамақ ва ушармак ва жижаймак...
Муҳокаматул-лугатайн, 169-Т.

ЖИЖИҒЛИҒ [جیجیغلیغ] – гўжа ош, таом номи:

...ҳар куни ўтмак юз адад ким йигирми ботмон уч тангалик эт билан мураттаб қилғайлар ва агар эт топилмаса жижиғлиғ ош пишуруб фуқароға бергайлар.
Вақфия, 9(10)-658; (14-268).

ЖИЗ-У БИЗ [جيز و بيز] – жиз-биз; қовурма гўшт (таом номи):

Ваҳ ки юз очқач ул оташпора рағмиға менинг,
Элга андақ солди ўт ким чиқти мендин жиз-у биз. *Наводируш-шабоб*, 207-Т.

ЖИЛАВ [جيلاو] – юган, жилов, тизгин:

Эл инони ихтиёри чиқти яксар илгидин,
Пўяда ҳар сари ул чобук ки қайтарди жилав. *Фавойидул-кибар*, 491-Т;
Қўлумда банди жунун тосмаси не фикр эткай,
Париваше ки миниб дев қўлға олса жилав. *Бадойиул-васат*, 378-Т;
...ва подшоҳ эллик қадамға яқин отни тўқтатур учун жилавин тутуб рикобида югурди то тўқтади. *Насойимул-муҳаббат*, 271-Т;
Охир бир маркабға минди ва жилавини қўйди, то қаён ки Тангри таоло элтса борғай. *Насойимул-муҳаббат*, 231-Т.

ЖИЛАВДОР [جلاودار] – жиловдор:

Дема не иркин Навоийнинг жилавдор ўлмағи,
Ваҳ не иркин ҳар не ким ҳукм этса ул мирзо манга. *Фавойидул-кибар*, 16-Т.

ЖИЛВА [جلوه] – 1. ялтироқлик, порлоқлик; кўриниш бериш:

Қаддинг ки жилва уза жилва кўргузур ҳар дам,
Ажаб эмас манга ҳайронлиғ узра ҳайронлиғ. *Бадойиул-васат*, 231-Т;
Андақ ки дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зоҳир бўлур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;

2. гўзал, жозибали; ноз, карашма:

Суҳбатида ҳар неча бешак-у райб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи ғайб. *Ҳайратул-аброр*, 7-98;
Париваш ҳажрида озорларидин ани хабардор қилмақ орзу айлабтур ва анинг жилваси муқобаласида кўзин гуҳарбор қилмағни ҳавас қилибтур. *Мажолисун-нафоис*, 232;

3. рафтор, юриш, ҳаракат:

Мактаб сари жилва айлади соз,
Боштин оёғиға ҳусн ила ноз. *Лайли ва Мажнун*, 6266;
Жилва била ҳар бути сийминбари,
Кўргузуб ул равзада ҳуру пари. *Ҳайратул-аброр*, 7-297;

~ **и васл** – ноз, карашма васл:

Қадди раъносидин элга жилваи васлин нетай,
Чун манга йўқ жузъ дур-у бўлмақ гули раъносидин. *Ғаройибус-сиғар*, 379-Т;

~ **и зот** – аслу, зоти жилва-соҳиб:

Айни маъшуқлукда жилваи зот,
Ўзини кўргали тилаб миръот. *Сабъаи сайёр*, 10-12;

~ **и зот ойинаси** – ўзни кўрсатиш ойнаси; жуда мусаффо, тиниқ:

Сўзи махзани роз ганжинаси,
Юзи жилваи зот ойинаси. *Вақфия*, 9(10)-638; (14-242);

~ **и зуҳур** – зоҳир жилвалар:

Туркий гўй балоғат асрор бу ҳарфнинг ҳам таркин тутубтурлар ва ҳеч навъ назмға жилваи зуҳур бермайдурлар. *Мажолисун-нафоис*, 216-Т;

~ **и май** – май, шаробнинг жозибали йилтираши:

Ул жилваи майдин масти бехуд... *Маҳбубул-қулуб*, 14-67;

~ **и ноз** – ноз, назокат жилвалари:

Тонг йўқ фалак узра айлабан жилваи ноз,
Наълайни малакка бўлса миҳроби намоз. *Ғаройибус-сиғар*, 547-Т;

То ки анда жилваи ноз айлагай,
Ҳусниға ошиқлиғ оғоз айлагай. *Лисонут-тайр*, 88-Т;

~ **и парвоз** – парвоз жилвалари:
Ул ерда ки рахшинг қилибан жилваи парвоз,
Учмаққа малак қушлариға анда не ёро. *Бадойиул-васат*, 7-Т;

~ **и қадд** – қадду қомат жилвалари:
Сарвдин булбул не тонг рам қилса тўбидин малак,
Жилваи қадд ҳолатида эътидолингни кўруб. *Фавойидул-кибар*, 57-Т;

~ **и ҳусн** – жилвагар ҳусн, жамол:
Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилваи ҳусн
Тенг ўлди Каъба ила дайри Суманот манга. *Наводируш-шабоб*, 13-Т;
Ул қилибан жилваи ҳусн ошикор,
Сен кўнгул бирла анга ойинадор. *Лисонут-тайр*, 88-Т;

~ **кўргуз-** – жилва қилмоқ, кўргузмоқ:
Неча Лайливашрак ул ой жилва кўргузди манга,
Кўрди мен шайдони ҳам ишқингда Мажнунваррак. *Бадойиул-васат*, 242-Т;

~ **бер-** – акслантирмоқ, гўзал, жозибали кўрсатмоқ:
Кўнгулга жилва бермак керак ва сочилған жавоҳирдин муносибни термак керак. *Садди Искандарий*, 3611;
...фасоҳат гавҳарлари била оройиш ва назм раъноларига жилва берурлар эрди. *Мажолисун-нафоис*, 3-Т;

~ **и зуҳур қил-/бер-** – ўзини намоён қилмоқ, ошкор, зоҳир бўлмоқ; эътиборни жалб қилмоқ:
Ҳазрати Муҳаммади арабий саллаллоҳу алайҳи васаллам айнул-ҳаётининг муқобаласида Абу Жаҳл зулмоти жилваи зуҳур қилди. *Вақфия*, 14-237;
Туркигўй балоғатосорлар бу харфнинг ҳам таркин тутубтурлар ва ҳеч навъ назмға жилваи зуҳур бермай ўтубтурлар. *Мажолисун-нафоис*, 216-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – 1. намойиш қилмоқ; ўзни кўрсатмоқ:
Вале шаклар жилва айлаб маҳиб,
Ки эл кўнгли топиб алардин наҳиб. *Садди Искандарий*, 467-Т;
То ичсам ани ул юз-у лаб жилва айласа,
Жон кўзгусида рафъ бўлуб мосиво анга. *Бадойиул-васат*, 10-Т;
Лек ёдингдин чиқиб ўз масканинг,
Шаҳ қошинда жилва айлар гулшанининг. *Лисонут-тайр*, 49-Т;
Бу таврда яна азизлар ҳам жилва қилурлар ким замон аҳли тааммул қилсалар барин билурлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-74;
...бу хилофат бўстонининг варди ким саодат чаманидин жилва қилмиш тароватидин олам вайронини гулшан этсун. *Муншаот*, XIII-141;

2. ўзни гўзал ва порлоқ суратда кўрсатмоқ:
...товусларни асрағучи ҳам уйларидин суруб чиқарди ҳам ул замон жилва қила бошлаб қуйруғларин чатр қила бошладилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-25;
Оташин гул жилва қилғач гул чоғи,
Ҳар паринға ўт ёқиб бир яфрағи. *Лисонут-тайр*, 50-Т;

~ **и ҳусн айла-/ошкор қил-** – ҳуснини кўз-кўз қилмоқ, жамо лини кўрсатмоқ:
Чун айлар жилваи ҳусн ул парий ушшоқ аро неткай,
Юзин яшурмаса бўлған замон телба ҳам пайдо. *Ғаройибус-сиғар*, 53-Т;
Ул қилибан жилваи ҳусн ошкор,
Сен кўнгул бирла анга ойинадор. *Лисонут-тайр*, 88-Т;
Жилваи ҳусн айласа меҳри шариф,
Боис ўлур сояға жирми касиф. *Ҳайратул-аброр*, 20-9.

ЖИЛВАГАР [جلوه گر] – 1. жилва қилувчи, жилва билан кўринувчи:

То қизил тўн ичра бўлди жилвагар моҳим менинг,
Меҳр этар ҳар тун шафақ хуноби ичра изтироб. *Хазойинул-маоний*, 1115-47;

Соя истай бўлмаса гар жилвагар,
Бил ки Симурғ ўлмас эрди соявар. *Лисонут-тайр*, 88-Т;

2. аксланиб кўриниб турган; маълум бўлиб турган:

Жилвагар ул кўзгуда жон сурати,
Даста бўлуб анга ариғ ҳайъати. *Ҳайратул-аброр*, 7-78;

Ҳар сувар ичра жилвагар ҳам сен,
Жилвагар демайин сувар ҳам сен. *Сабъаи сайёр*, 10-14;

~ **айла/қил-** – жилвагар қилмоқ:

Ваҳ ки манга жилвачар айлар чоғи,
Истабан эҳсон дағи таҳсин дағи. *Ҳайратул-аброр*, 7-65;

Жилвагар қилди чаман зеболарин,
Боғ аро ёйиб чечак раъноларин, *Лисонут-тайр*, 16-Т;

~ **бўл-/ўл-** – кўринмоқ, намоён бўлмоқ:

Ложувард-у васма бирлан зеб берган қошларинг,
Жилвагар бўлған икки товус эрур гулзор аро. *Наводируш-шабоб*, 16-Т;

Гулгун тўн аро қомати му жилвагар ўлди,
Гул баргида му бўлди ниҳон савсани озод. *Наводируш-шабоб*, 117-Т;

Майда соқий юзи чун жилвагар ўлмиш не ажаб,
Тутсам ул кўзгуни оллимда фаровон ўтру. *Бадойиул-васат*, 377-Т;

Бўлуб жилвагар юз туман моҳваш,
Вале жилва ичра сукун бирла хваш. *Садди Искандарий*, 49-Т.

ЖИЛВАГАРЛИҒ/ЖИЛВАГАРЛИҚ/ЖИЛВАГАРЛИК [جلوه گرلیغ /جلوه گرلیق/جلوه گرلیک] – жилвагарлик:

...йўқ ким бу ғазал ғазолалари жилвагарлик соз балки пардадарлик оғоз қилсалар бу байтнинг насиҳатсоз воизлари ва мавъизапардоз носиҳлари мониъ бўлғайлар. *Ғаройибус-сиғар*, 19-Т;

Қаён бокқач қилиб равшан назарлиқ,
Бир иқлим этти зоҳир жилвагарлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т;

Эй фалак жилванг учун айлай равонимни фидо,
Жилвагарлик олмағил сарви равонимдин менинг. *Бадойиул-васат*, 268-Т;

~ **эт-** – жилвагарлик этмоқ:

Хаёл бикрларин жилвагарлик эткали ҳар ён,
Сен айладинг ҳулали дурри назм бирла мужалло. *Наводируш-шабоб*, 2-Т.

ЖИЛВАГОҲ/ЖИЛВАГАҲ [جلوه گاه/جلوه گه] – кўриниш, жилваланиш жойи; намоён бўлиш ўрни:

Не ким чарх-у анжум санга жилвагоҳ,
Ки жилванг чоғи арш ўлуб хоки роҳ. *Садди Искандарий*, 61-Т;

Жилвагоҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айнул-яқин. *Ҳайратул-аброр*, 7-52;

2. мақом:

Ул банд ила бўлди жилвагоҳим,
Мундак му азим эмиш гуноҳим. *Лайли ва Мажнун*, 167-Т;

Боши узра мавҳибат тожи анинг,
Жилвагоҳи васл меърожи анинг. *Лисонут-тайр*, 85-Т;

~ **и ҳусн** – ҳусн жилвагоҳи:
Жилвагоҳи ҳуснида бир дам тамошо истарам,
Нетти бир дам бўлса олам даштидин пинҳон улус. *Бадойиул-васат*, 172-Т;

~ **бўл-/ўл-** – жилвагоҳ бўлмоқ:
Ёр аксининг ўлуб жилвагоҳи,
Киши ким боштин аёғи қабариб. *Наводируш-шабоб*, 65-Т;
Авжи гардун хоки роҳ ўлди анга,
Боғи жаннат жилвагоҳ ўлди анга. *Лисонут-тайр*, 140-Т;

~ **айла-/қил-** – жилвагоҳни мақом қилмоқ:
Тангла шаҳ базмини айлаб жилвагоҳ,
Ҳар бирига лутфлар кўргузса шаҳ. *Лисонут-тайр*, 195-Т;
Бошим ердин олиб иноят кўли,
Қилиб жилвагоҳим ҳидоят йўли. *Садди Искандарий*, 524-Т.

ЖИЛВАГУСТАР [جلوه گستر] – жилва кўрсатувчи, жозибали кўринувчи:
Мақсуд жамоли жилвагустар бўлсун,
Нури била офоқ мунаввар бўлсун. *Муншаот*, 9(10)-572; (14-162).

ЖИЛВАДЕҲ [جلوه ده] – жилваланувчи:
Бўлуб чунки якроиға жилвадеҳ,
Синони била ердин олиб зириҳ. *Садди Искандарий*, 291-Т.

ЖИЛВАЛИҒ [جلوه لیغ] – жилвалик:
Қадд-у оғзинг ҳажрида гулшанға майл этман ки йўқ
Сарв дилкаш жилвалиғ ё гунча шаккархандалиғ. *Бадойиул-васат*, 229-Т.

ЖИЛВАНАМО/ЖИЛВАНАМОЙ [جلوه نما/جلوه نمای] – жилва кўрсатувчи; жилва қилувчи:
Дақиқ маъни гулъизорлари салис алфоз кисватларида жилванамой ва ғариб мақсуд моҳрухсорлари латиф адо ҳуллаларида чеҳракушой.
Муҳокаматул-луғатайн, 190-Т;
Пардаға кирди шўхи жилванамо,
Ўйла ким шом бўлса меҳри само. *Сабъаи сайёр*, 10-276;
Барча юз ноз бирла жилванамой,
Жилваи ҳусн бирла ҳушрабой. *Сабъаи сайёр*, 10-46;
Қилди Масъуд бир тараф имо,
Бўлди бир гулзор жилванамо. *Сабъаи сайёр*, 10-251.

ЖИЛВАОЙИН [جلوه ایین] – жилваойин, жилвамонанд:
Гул этти чиқиб жилваойин яна,
Тикиб чиниға новаи чин яна. *Садди Искандарий*, 382-Т.

ЖИЛВАОРО/ЖИЛВАОРОЙ [جلوه آرا/جلوه آرای] – жилваланиб турадиган, товланиб турадиган:
Ҳар ён назар этса ошкоро,
Лайли назарида жилваоро. *Лайли ва Мажнун*, 195-Т;
Андин бўлуб оти жилваорой,
Андақ ки барот-у қадр аро ой. *Лайли ва Мажнун*, 101-Т;
Бўлур бу кўзгу ичра жилваоро,
Қилурға ғайб сиррин ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 188-Т.

ЖИЛВАОФАТ [جلوه آفت] – офат жилвали, ўта нозли:
Қасдима азм этти ваҳ ўлмактин ўзга чора йўқ,
Ким эрур ҳам жилваофат ҳам кадди раъно бало. *Бадойиул-васат*, 35.

ЖИЛВАСОЗ [جلوه ساز] – 1. жилва қилувчи; ўзини гўзал суратда кўрсатувчи:
Жилвасоз ўлғанда майдон ичра чобук шўҳлар,
Шоҳу сархайл андин ўзга шаҳсуворе бўлмасун. *Хазойинул-маоний*, 1а-338;

Шоҳ бўстонида юз гул жилвасоз,
Сенда ҳижрон шуъласидин минг гудоз. *Лисонут-тайр*, 50-Т;

2. рақс қилиш:
Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,
Ақли ғино ҳар сари достоннавоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-126;

~ **бўл-** – хуш кўринмоқ, гўзал суратда пайдо бўлмоқ:
...мавжудот раънолари адам шабистонидин вужуд гулистониға жилвасоз бўлмайдур эрдилар... *Вақфия*, 14-236;
То ки гул бўстонда бўлғай жилвасоз,
Минг наво бирла қилурмен шарҳи роз. *Лисонут-тайр*, 62-Т;

~ **эт-/қил-** – жилвалантирмоқ, безамоқ:
...сен дағи ҳар бирисини бир исм била мумтоз кил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз эткил. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-69; (5(10)-785);
Чу қилдинг малак хайлини жилвасоз,
Алар қисмати бўлди зикр-у ниёз. *Садди Искандарий*, 48-Т.

ЖИЛД [جلد] – 1. жилд, муқова, китоб муқоваси:
Шавқида кўксумни шигоф айладим,
Жилдиға кўнглумни ғилоф айладим. *Ҳайратул-аброр*, 7-55; (6(10)-45);
Навоий назмининг авроқи зулфунгдин паришондур,
Анинг жилдиға сунбул теридин шероза истармен. *Хазойинул-маоний*, VIa-285;

2. тери, чарм:
Қон кўймай солса ракларига
Жилди ёпишиб сўнгакларига. *Лайли ва Мажнун*, 234-Т.

ЖИЛО [جلا] – равшанлик, порлоқлик, ялтироқлик:
Рисолатинг дамидин шаръ кўзгусига жило,
Сиёсатинг ўтидин куфр роҳибиға жало. *Фавойидул-кибар*, 11-Т;
Сабзаи хат ёрутубтур оразиинг миръотин оҳ,
Кўзгуга бу навъи ким бермиш жило зангор ила. *Хазойинул-маоний*, 116-526;
Кўзгу ул бўлғай ки тортиб юз бало,
Бергасен лавҳи замирингға жило. *Лисонут-тайр*, 58-Т;

~ **бер-** – сайқал бермоқ, равшан қилмоқ:
Бермайин бу кузгуга аввал жило,
Акс анда солмағай ул подишо. *Лисонут-тайр*, 90-Т.

ЖИМ [جيم] – араб алифбесида «ж» ҳарфининг номи:
Икки зулфунг кўнгул доми не янглиғ асрай ул қушни,
Ани тутмаққа жид маълум ўлур чун «жим»у «дол»ингдин.
Хазойинул-маоний, IIIa-255;
Жонимдағи жим икки долингға фидо,
Андин сўнг алиф тоза ниҳолингға фидо. *Ғаройибус-сиғар*, 537-Т.

ЖИН (Н) [جن] – жин; пари, малоика:
Мавлоно Толиъий ... имоми жинн-у инс Али ибни Мусо ар-Ризо мадҳида қасида айтибдулар. *Мажолисун-нафоис*, 20-Т;
Жинн-у инс-у ваҳш-у тайр устида шоҳ,
Айлаб эрди ани лутф айлаб илоҳ. *Лисонут-тайр*, 134-Т;

~ **алолоси** – шовқин-сурон:
Қаср уза тушти жин алолоси,
Мени девона қилди савдоси. *Сабъаи сайёр*, 10-333;

~ **-у башар** – жину башар:
Оламни Сулаймонға халқ айлаб маъмур,
Ҳукми солди жин-у башар хайлиға шўр. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-168;

~ **-у инс** – жинну инс:
Тахт устида бир ажаб тимсол,
Жинн-у инс ичра йўқ юзига мисол. *Сабъаи сайёр*, 10-163;

~ **-у инсон** – жинну инсон:
Анча чектим бир куёш ҳажрида афгон бу кеча,
Ким фиғонимдин уйумас жинн-у инсон бу кеча. *Мажолисун-нафоис*, 235-Т;
... қачон ул савт била «Забур»ни ўқуса эрди ваҳш-у тайр жинн-у инс йиғилиб беҳол бўлурлар эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-158;

~ **-у малойик** – дев ва фаришта:
Яъни ул жинн-у малойик сарвари,
Тахти фармонида олам кишвари. *Лисонут-тайр*, 17-Т.

ЖИНОН [جنان] – жаннат:
Икинчи хўд жинондин бул-ажабрақ,
Учунчи қаср андин бул-ажабрақ. *Фарҳод ва Ширин*, 160-Т;
Кўюнг эрур ул равза ки хижлат топиб андин,
Гум бўлди гулистони Ирам боғи жинон ҳам. *Хазойинул-маоний*, IIIб-409;
... макони равзаи жинон ва руҳига фирдавси аълода имкон бўлсун.
Мажолисун-нафоис, 192-Т.

ЖИНОНВАШ [جنان وش] – жаннатга ўхшаш; жаннатмонанд:
Жинонваш ҳиволи ву боғи анинг,
Не пайдо учи не қирағи анинг. *Садди Искандарий*, 358-Т;
Жинонваш Самарқанд мавжуд йўқ,
Ки қилмиш бино ани Искандар-ўқ. *Садди Искандарий*, 186-Т.

ЖИНОС [جناس] – аруз фани атамаси: *Мезонул-авзон*, 173-Т.

ЖИНОЯТ [جنايت] – айб, гуноҳ; жиноят:
Гар эрмас мунча бирла ҳам кифоят,
Менинг бўйнумға юкларсен жиноят. *Фарҳод ва Ширин*, 427-Т;
Шоҳ алардин кўруб жиноят кўп,
Ҳам бўлуб эрди беиноят кўп. *Сабъаи сайёр*, 10-198.

ЖИНОҲТАЙР [جناح طير] – қанотли парранда:
Баҳойим тобии фармонинг эрмиш,
Жиноҳтайр шодурвонинг эрмиш. *Фарҳод ва Ширин*, 557.

ЖИНС [جنس] – 1. тур, хил, нав; жинс:
Қилур чин кўпи юзни бадранг жинс,
Фатилакаш андақ ки худранг жинс. *Садди Искандарий*, 282-Т;
Яна «нун» ҳарфидур ҳар «нун» ки «вов» ва «алиф» ва «ё»дин сўнгра вокиъ бўлса ки мокабил ҳаракатининг жинсидин бўлса... *Мезонул-авзон*, 31-Т;

2. уруғ-аймоғ, жинс:
Ким аё бу хайлдин бўлған азиз,
Чун сен-у биз барчамиз бир жинсбиз. *Лисонут-тайр*, 133-Т;
Одам била ваҳш келди кам жинс,
Одамға ҳам одам ўлди ҳамжинс. *Лайли ва Мажнун*, 204-Т;

3. мато, мол:
Суд эмиш кўз тушса асфар жинси сари ваҳ кани,
Сарви нозим ким сариғ гул баргидин киймиш кабо. *Фавойидул-кибар*, 41-Т;
Тухфалар ким юбарди қайсари Рум,
Буруса жинси фаранг дебоси. *Наводируш-шабоб*, 676-Т;

4. шахс:

Пас чун бу мухтасарда ҳеч нима ул жинс сўзлардин сиғурса бўлмас ва алар шарҳида бу нукта сурса бўлмас. *Мажолисун-нафоис*, 203-Т;

~ **и башар** – одамзод жинси:

Бўлса жисми башарга бўйла карам,
Шак эмас андадур Навоий ҳам. *Сабъаи сайёр*, 10-30;

Кўнгул жинси башардин асраб охир,
Мени девона қилди бир паризод. *Бадойиул-васат*, 95-Т;

~ **башар жинси** – инсоният:

Башар жинсинға ўз хатоси дилпазирдур ва мардуд фарзанди ногузир. *Маҳбубул-қулуб*, 14-102;

~ **и бани Одам** – одамзод жинси:

Ул малаксимо ки солмиш ҳуснидин оламға ўт,
Қайда қўйғай солмайин жинси бани Одамға ўт. *Фавойидул-кибар*, 85-Т;

Солғуси жинси бани Одамға ўт,
Не бани одам бари оламға ўт. *Ҳайратул-аброр*, 7-59;

Йўқ вафо жинси бани Одамда бўл навмид ким
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одами. *Наводируш-шабоб*, 574-Т;

~ **и зебо** – ипакдан тўқилган мато; палос:

Тўқулған киби жинси зебо аро,
Укуш жонвари нақши дебо аро. *Садди Искандарий*, 466-Т;

~ **и инсон** – инсонлар, одамлар:

Не иборатлар адо қилдинг дегил,
Жинси инсондин бу келмас бари бил. *Лисонут-тайр*, 109-Т;

~ **и коҳий** – сариғ тусли, сариғ рангли:

Не худранг бал жинси коҳий дегил,
Топиб тор-у пуди табоҳи дегил. *Садди Искандарий*, 282-Т;

~ **и махлуқот** – махлуқот, махлуқлар, ҳайвонлар жинси:

Жинси махлуқот инс-у ваҳш-у тайр,
Кўрмай анинг хизматидин ўзни ғайр. *Лисонут-тайр*, 162-Т;

~ **и муламмаъ** – ранг баранг, гуногунранг, турли нақшу нигор:

Бу айвон ичра бир тахти мурассаъ,
Анинг устида юз жинси муламмаъ. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т;

~ **и мўр** – қумурсқа, чумоли:

Тузуб чарға солсунлар ул навъ шўр,
Ки ул дашт аро қолмасун жинси мўр. *Садди Искандарий*, 421-Т;

~ **и одам** – одамзод жинси:

Рашкдин бехуд тулармен халқни ким қилмағай,
Жинси одам ул пари пайкар малаксимони ёд. *Ғаройибус-сиғар*, 121-Т;

~ **и одамизод** – одамзод жинси:

Бевафолар рағмиға севдум парини эй кўнгул,
Ким вафо изҳори жинси одамизод айламас. *Бадойиул-васат*, 173-Т;

~ **и тайр** – парранда тури:

Бу ашжор учида ҳар жинси тайр,
Бўлуб тойир ўлғанда афлоки сайр. *Садди Искандарий*, 303-Т;

~ **и фаранг** – европадан чиққан мато:

Алам шуққаси дағи жинси фаранг,
Ҳам ул барча зарбафт-у ҳам етти ранг. *Садди Искандарий*, 188-Т;

~ **и Хитой** – хитой матоси:
Тўни ипак бўлмаса кўнгли ҳазин,
Жинси Хито бўлмаса қошида чин. *Ҳайратул-аброр*, 7-268; (6(10);
Яна бир қасрин айлаб шитойи,
Тўшаб кофургун жинси Хитойи. *Фарҳод ва Ширин*, 143-Т;
~ **и хазина** – хазина турлари:
Ёзилған бу ки не жинси хазина,
Эрур ул уйда зоҳир ё дафина. *Фарҳод ва Ширин*, 221-Т;
~ **и шеър назм** – шеър назм турлари:
Эй Навоий қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назминг ўлди барчасиға қофия балким радиф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т.

ЖИНСИЙЯТ [جنسیت] – ҳамжинслик, жинсдошлик:
Ул ки қаҳр этса қиличидин дамодам қон томар,
Бағридин қон томғучилар бирла не жинсийяти. *Фавойидул-кибар*, 622-Т;
То ким ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,
Истабан жинсийят оғриқ шевасин қилмиш писанд. *Ғаройибус-сиғар*, 115-Т;
Гаҳи ҳамроҳлик хосийятидин,
Гаҳи ҳампешалик жинсийятидин. *Фарҳод ва Ширин*, 280-Т.

ЖИРМ [جرم] – жисм, тана:
Сипеҳр авжи уза чун поя топтим,
Қуёш жирми била оламни ёптим. *Фарҳод ва Ширин*, 503-Т;
Чарх ки бир қурс ила тузди маош,
Боғлади ой жирмини кўксига тош. *Ҳайратул-аброр*, 99-5;
~ **и касиф** – йўғон гавда:
Жилваи ҳусн айласа меҳри шариф,
Боис ўлур сояға жирми касиф. *Ҳайратул-аброр*, 7-38; (6(10)-31);
~ **и мовий** – (етти) қат осмон:
Йўқ йўқ ки бу етти жирми мовий,
Анда етти чобуки самовий. *Лайли ва Мажнун*, 31-Т;
~ **и сипеҳр** – фалак, осмон:
Дам анга субҳ кўра жирми сипеҳр,
Ҳар бир олтун кулича давраи меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-179;
~ **и туроб** – жисми хок; борлик, юр юзи:
Кўлаканг топса эрди жирми туроб,
Анга гардундин ўткай эрди жаноб. *Сабъаи сайёр*, 10-18;
~ **и хок** – *жонсизларга нисбатан жисм ўрнида ишлатилади:*
Гуруҳе демишлар ки бу жирми хок
Эрур вазъ ичинда баланд-у мағок. *Садди Искандарий*, 455-Т;
~ **и ғабро** – ер юзи, ер кўриниши:
Бас олами ўлди зоти ғабро,
Юз анча ки ушбу жирми кубро. *Лайли ва Мажнун*, 43-Т;
Ул анвордин жирми ғабро ёруб,
Не ғабро шабистони хазро ёруб. *Садди Искандарий*, 62-Т;
~ **и хилол** – ой ҳайъати, шакли:
Чарх-у шафақ базмида фонуси ол,
Уйла ки минқош анга жирми хилол. *Ҳайратул-аброр*, 7-171.

ЖИРҒА- [جرغه] – завқ сурмоқ айшу ишрат қилмоқ, лаззатланмоқ, роҳатда, шод-хурамда кун кечирмоқ: *Муҳокаматул-луғатайн*, 170-Т.

ЖИСМ [جسم] – 1. гавда, жасад, жусса:
Эй ғамзада қалблар давоси,
Мотамзада жисмлар шифоси. *Лайли ва Мажнун*, 54-Т;
Халойиқ ғавғоси ул мартабада эрди ким неча юз минг халқни тасаввур қилса бўлғай ким бир жисм бўлуб эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-78;
Кашаф жисмиға жисми масс этар чоғ,
Урунғандек бири бирга ики тоғ. *Фарҳод ва Ширин*, 263-Т;
2. шахс:
Алар дер эрмишлар ки мен бу жисм эмасмен ки ошиқлар назарида манзурмен. *Насойимул-муҳаббат*, 299-Т;
Толпинур кул ичра мендек шуъла тортиб гўйиё,
Қим қуёшнинг жисмиға ўт ёқти ул гул ҳасрати. *Хазойинул-маоний*, 16-595;
3. шакл, форма:
Кашафлар ҳар бирининг саҳми беҳад,
Ясаб сув узра жисми бирла гунбад. *Муншаот*, 14-145;
4. асл, моҳият:
Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр сўз жисмининг жони ул. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-67;
Эрур салтанат жисмиға нури айн,
Музаффар Ҳусайн ибни Султон Ҳусайн *Муншаот*, 14-202;
Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қайу меҳр сўз жисмининг жони ул. *Садди Искандарий*, 82-Т;
5. осмон сатҳи:
Кўк табъиға чун ҳарорат ошиб,
Жисмиға шафақдин ўт туташиб. *Муншаот*, 14-136;
6. чеҳра:
Ринд ичига тушубан тоби шавқ,
Ашк бўлуб жисмига гирдоби шавқ. *Ҳайратул-аброр*, 7-266;
7. бардош, тоқат:
Бирига ҳажар жисмидин тўшадур,
Анга накд бил ким жигаргўшадур. *Садди Искандарий*, 52-Т;
~ **бўстони** – инсон жисми:
Жисм бўстониға шажар сўзлар,
Руҳ ашжориға самар сўздур. *Сабъаи сайёр*, 10-42;
~ **иҳёси** – жисмга жон, тириклик бериш:
Они аъзонгизда қон янглиғ билинг,
Жисм иҳёсида жон янглиғ билинг. *Лисонут-тайр*, 41-Т;
~ **уйи/биноси** – гавда тузилиши, бутун бадан:
Чун басе кўпдур чиқиб жон жисм уйи емрулгали,
Етса хирман хирман ул тошларни ҳар ёнимға ўк. *Хазойинул-маоний*, III6-342;
Лутф кўргузди ву кўнглин овлади,
Балки руҳин жисм уйидин қовлади. *Лисонут-тайр*, 195-Т;
Ғам тундбодидин жисми биноси вайрон. *Мажолисун-нафоис*, 220-Т;
~ **и афгор** – афгор жисм:
Эй ки кўрмайсен куруқ шохи безалган гул била,
Ҳажр тошидин саросар жисми афгоримға боқ. *Ғаройибус-сиғар*, 256-Т;
Новаки ғамзанғға пайкон истасанг эй қоши ё,
Кел андин бениҳоят жисми афгаримда бор. *Наводируш-шабоб*, 151-Т;

~ **и бемор** – хаста, бемор жисм:
Чиқса жоним айб қилма жисми беморимға боқ,
Қўйса жоним ҳайрат этма нолаи зоримға боқ. *Ғаройибус-сиғар*, 256-Т;
Билмагил ҳолимни гар аҳбоб сўрмаслар ажаб,
Ким қилибтур танимасдек жисми беморимни заиф. *Фавойидул-кибар*, 300-Т;
~ **и бетоб** – хаста жисм:
Навоий офият истар эсанг қўй даҳр золин ким
Ҳариф эрмастур ул маккораға бу жисми бетобинг. *Фавойидул-кибар*, 352-Т;
~ **и беқарор** – беқарор жисм:
Сочиб оламға жисми беқарори,
Қиёмат ўти ву дўзах шарори. *Фарҳод ва Ширин*, 218-Т;
~ **и вайрон** – кўнгли бузилган:
Ишқ баркидин эди жонида ўт,
Ул шарардин жисми вайронида ўт. *Лисонут-тайр*, 138-Т;
Ҳайратим жонимни ўртар найлайин,
Жисми вайронимни ўртар найлайин. *Лисонут-тайр*, 228-Т;
~ **и ваҳм** – ваҳм, кўркинчли жисм:
Ҳумой оллиға жисми ваҳмтекни,
Солиб ки элт итига бу сўнгакни. *Фарҳод ва Ширин*, 387-Т;
~ **и гардолуд** – чангли, чанг босган жисм:
Телба эт деб ҳар тараф йўлдин қочарлар аҳли ҳуш,
Ул сочиб оғзим югурсам жисми гардолуд ила. *Ғаройибус-сиғар*, 410-Т;
~ **и гулгун** – гулбадан:
Жисми гулгун кўнглаки гул узра гул,
Кўрмагидин тобсиз юз минг кўнгул. *Лисонут-тайр*, 98-Т;
~ **и дарднок** – дардли жисм:
Этиб минг захм жисми дарднокин,
Тилаб албатта қилмақ ўз ҳалокин. *Фарҳод ва Ширин*, 464-Т;
~ **и жаҳонгард** – жаҳонгашта жисм:
Чу туфрағ ўлғуси жисми жаҳонгард,
Замиринг ичра андин қолмасун гард. *Фарҳод ва Ширин*, 447-Т;
~ **и заиф** – заиф жисм, тан:
Қайда борди нигорим ким гум ўлди қарорим,
Ўлди жисми заифим куйди жони низорим. *Мазанул-авзон*, 52-Т;
Лабингда жисми заифим сўзи эрур ул навъ,
Ки ришта ўткарилур лаъли обдор ичра. *Наводируш-шабоб*, 560-Т;
~ **и зор** – хаста, зор жисм:
Ҳажринг ўти жисми зорим қилди кул эй ёр кел,
Гар бино қилсанг мазорим тарҳин ул кул бирла қил. *Мажолисун-нафоис*, 222-Т;
Ҳажр тоби ичра ким кўрмиш бу жисми зордек,
Ким топибтур барқ шакли ўтқа тушкан тордек. *Ғаройибус-сиғар*, 269-Т;
Яъни ғам ўтида жисми зорим,
Йўқ жон киби сарви гулизорим. *Лайли ва Мажнун*, 131-Т;
~ **и зори мубтало** – зору мубтало жисм:
Кўрди чун Лайли юзинда нил қилди нилгун,
Бас ки мажнун жисми зори мубталосин тишлади. *Фавойидул-кибар*, 589-Т;
~ **и зори ғамнок** – зору ғамгин жисм:
Жузи ҳажринг ичра жисми зори ғамнок ўртанур,
Ўйла ким барқи бало чақилса хошок ўртанур. *Фавойидул-кибар*, 166-Т;

~ **и зори урён** – зору ёлонғоч жисм:
Шуъла ул янглиғ ки ўртар шохни айлаб ниҳон,
Сатр келди ушбу жисми зори урён ўтиға. *Ғаройибус-сиғар*, 429-Т;
~ **и инсоний** – инсоний жисм:
Гулшане келди жисми инсоний,
Нутқ анинг булбули хуш илҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-33;
~ **и меҳнатзада** – бахтсиз жусса, қалб:
Не исён ўти балки оташкада,
Анга хайма бу жисми меҳнатзада. *Садди Искандарий*, 55-Т;
~ **и меҳнатпарвар** – меҳнатпарвар жисм:
Оҳ шояд кўйи сари элткай деб шодмен,
Гарчи гард ўлди йўлида жисми меҳнатпарварим. *Бадойиул-васат*, 309-Т;
~ **и наҳиф** – озғин, бемадор жисм:
Давр ранжидин тилармен майға тушмак ўйла ким
Майға тушкан қил киби ғарқ ўлса бу жисми наҳиф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т;
~ **и низор** – озғин, заиф жисм:
Бу жисми низор ичра кўнглумни гумон қилманг,
Шохи ки курур анда ким кўрди самар ҳаргиз. *Ғаройибус-сиғар*, 178-Т;
Ажал чу етти анинг кўйи сари юзлансам,
Фидоси жисми низор ўлса жони зорғача. *Фавойидул-кибар*, 554-Т;
~ **и нотавон** – кучсиз гавда; ошиқ гавдаси:
Нечук ким тахта жисми нотавони,
Етиб оғзиға ҳар дам хаста жони. *Фарҳод ва Ширин*, 268-Т;
Ваъда айлаб васл жисми нотавоним ўртама,
Келмагунгдур, интизор, ўтиға жоним ўртама. *Хазойинул-маоний*, IIа-314;
~ **и саргардон** – паришон, саргардон жисм:
Топқасен чархи нужуми муҳтариқ истасанг назар,
Тоза юз минг доғ бирла жисми саргардонима. *Бадойиул-васат*, 406-Т;
~ **и сўзнок** – ўтли, алам ли жисм:
Тоба уза жисми сўзноки,
Буғдай киби кўкси узра чоки. *Лайли ва Мажнун*, 326-Т;
~ **и урён** – урён, ёлонғоч жисм:
Раҳм кўргузгай азоб айлар малак гар ошиқинг,
Кирса дўзоҳқа яралиғ жисми урёни била. *Наводируш-шабоб*, 561-Т;
Жисми урёним ки кўп толпинди тоғ-у дашт аро,
Хор-у хородин тамошо айла ҳар ёнида нақш. *Бадойиул-васат*, 203-Т;
~ **и фигор** – жароҳатли, ярали жисм:
Чу итларинг ялади қонларимни захматларидин,
Ғариб марҳам эди ки топти жисми фигорим. *Бадойиул-васат*, 310-Т;
Ярамға хеч марҳамдин етишмас анча роҳат ким
Чиқариб тил этинг қонин ялар жисми фигоримдин. *Ғаройибус-сиғар*, 380-Т;
Ўйла мажруҳ ўлмишам ким қилмадилар туъма ҳам,
Айлаб итларга асар жисми фигоримни кўруб. *Наводируш-шабоб*, 56-Т;
~ **и хароб** – хароб, хаста, ранжли жисм:
Кўруб дор остида жисми харобин,
Хам ул бўйниға боғланған танобин. *Фарҳод ва Ширин*, 381-Т;
~ **и хас** – хас жисм:
Ё жон қуши учти жисми хасдин,
Азми ватан айлади қафасдин. *Лайли ва Мажнун*, 168-Т;

~ **и хок** – хок, тупроқ жисм:
Фалакда иккисининг руҳи поки,
Қолиб туфраққа икки жисми хоки. *Фарҳод ва Ширин*, 483-Т;

~ **и хокпайванд** – хокпайванд жисм:
Бу ҳам хуштур ки жисми хокпайванд,
Тараккуб қайдиға бўлғунча побанд. *Фарҳод ва Ширин*, 376-Т;

~ **и хоксор** – хоксор жисм:
Қилған ани жисми хоксори,
Жони била кўнглининг мазори. *Лайли ва Мажнун*, 323-Т;

~ **и хунбор** – қон ёшли жисм:
Ашк ким андин томар гирён кўзанинг судқаси,
Қонға ким мундин чиқар бу жисми хунборим фидо. *Ғаройибус-сиғар*, 51-Т;

~ **и чок** – ярали жисм:
Андақ тани дарднок бирла,
Йўқ йўқ ки бу жисми чок бирла. *Лайли ва Мажнун*, 326-Т;

~ **и шариф** – шароватли жисм:
Ул жисми шариф худ эрур пок,
Ёшинг била ҳам юсанг эмас бок. *Лайли ва Мажнун*, 346-Т;

~ **и ғаввос** – ғаввос жисми, ғавдаси:
Қилиб фотиҳа хатми ихлос ила,
Кўзум баҳрида жисми ғаввос ила. *Садди Искандарий*, 94-Т;

~ **и ғамнок** – ғамгин жисм:
Менда бир ўтдур ки гар дам урсам афлок ўртанур,
Асрасам кўнглумда жон-у жисми ғамнок ўртанур. *Наводируш-шабоб*, 195-Т;

~ **и ғампарвард** – ғамли жисм; ғам билан ўсган жисм:
Чунки ҳаддин ўтти ранж-у дард анга,
Туфрағ ўлди жисми ғампарвард анга. *Лисонут-тайр*, 106-Т;
Эй ки юз минг доғ қўйдунг жисми ғампарвардима,
Бил ки бўлмиш ҳар бири оҳир даво ҳар дардима. *Фавойидул-кибар*, 539-Т;

~ **и ғамфарсуд** – қайғуда қолган жисм, ғамли, қайғули жисм:
Хублар кўйида истиғно елидин ҳар ғубор,
Ким кўпар бир нотавоним жисми ғамфарсудидур. *Наводируш-шабоб*, 163-Т;
Истаган Мажнун мазорин кел ки андин ким эмас,
Телба кўнглумни яшурған жисми ғамфарсуд ҳам. *Наводируш-шабоб*, 412-Т;
Не отинг бўлмаққа толи не итинга туъмамен,
Тушкали кўйунг аро бу жисми ғамфарсуд ила. *Бадойиул-васат*, 395-Т;

~ **и ҳақир** – хор, ҳақир жисм:
Эрур ғам баҳрида жисми ҳақирим,
Ҳамул заврақ била бўл дастгирим. *Фарҳод ва Ширин*, 259-Т;

~ **-у жон** – гавда ва рух:
Бирав ким анга бўлса махмурлук,
Етар жисм-у жониға ранжурлук. *Садди Искандарий*, 416-Т;
Ишқинг ўти жисм-у жони нотавоним ўртади,
Турфа ўт эрди ки пайдо ву ниҳоним ўртади. *Мажалисун-нафоис*, 240-Т;

~ **и доғи паст ўл-** – хор бўлмоқ:
То заъф қилиб яна димоғи
Паст ўлди ер узра жисми доғи. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т.

ЖИСМЛИҒ [جسملیغ] – жисмлик:
Ул дайрға бордим, кўрдум асру заиф жисмлиғ ки уйқусизлиқ асари анда зоҳир эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 452-Т.

ЖИСМОН [جسمان] – жисмон, гавда, тана:

Сабр ўзни чиқармақдур хузуз нафсонидин ва танаъумот жисмондин ва нафсни хабс қилмақдур ибодат меҳнатида ва қадамни собит куймақдур.

Маҳбубул-қулуб, 14-56.

ЖИСМОНИЙ [جسمانی] – жисмга тегишли, жисмоний:

шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдур ким бари халойиққа сунна тдур ва мубоҳ. *Маҳбубул-қулуб,* 14-67;

Рафъ ўлуб барча қайди жисмоний,
Бўлғуси зоти ўйла руҳоний. *Сабъаи сайёр,* 10-19.

ЖИСМОНИЙЯ/ЖИСМОНИЙЯТ [جسمانیّه/جسمانیّت] – жисмоният:

... бу тойифадин биз баъзини кўруббиз ки аларнинг руҳонийят суратлари мутажассид ва мутамассил бўлур жисмонийят суратлариға ва ул мутажассида суратлариға афъол-у аҳвол ўткарурлар, кўрганлар сағинурлар ки ул аҳвол аларнинг жисмонийя сувариға ўтадур. *Насойимул-муҳаббат,* 350-Т.

ЖИФА/ЖИЙФА [جیفه] – ўлимтик; ҳаром ўлган ҳайвон:

Даҳр иши олудалиғдур эй хушо ул покрў,
Ким ўтар бу жифаға кўнглини мойил қилмайин. *Хазойинул-маоний,* 116-483;
Чу сифла ганж топар мужиби ҳалоки эрур,
Ки жийфадур мушук илгига чун тушар маслух. *Хазойинул-маоний,* IIIб-111;
То кўрунди кўзига бир жифа калб,
Пайкаридин поклик ойини салб. *Лисонут-тайр,* 233-Т;

~ **и дунё** – фони дунё:

Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Боқмаса туз дунёи фонисари. *Ҳайратул-аброр,* 7-220; (6(10)-192).

ЖИҚЖИҒ [جیق جیغ] – жиқжиғ (қуш номи):

Яна ёзи қушларидин тоғдақ, чағруқ, қуйруғ... жиқжиғдек қушларни отлари йўқтур. *Муҳокаматул-луғатайн,* 176-Т.

ЖИҒ [جیغ] – ғичирлаш; фиғон, дод солиш, фарёд қилиш:

Кимга ким дўлоби чархидек солур саргашталик,
Бўғзин ип бирла бўғар қилған сойи фарёду жиғ. *Хазойинул-маоний,* 16-313.

ЖИҲАТ [جهت] – 1. тараф, томон, ён, атроф:

Қайда мумкиндур алифдек чиқмоқ элдин хосса ким
Кун аро олти жиҳатдин қолмишам андақ ки вов. *Хазойинул-маоний,* IIа-291;
Танидин тўрт гавҳар нақши бориб,
Бўйи олти жиҳат тўнин чиқариб. *Фарҳод ва Ширин,* 93-Т;

2. сабаб, важ, боис:

Ул уйдин чиқарға жиҳат кўрмайин,
Бажуз қайтмақ маслаҳат кўрмайин. *Садди Искандарий,* 270а16;

... аларнинг мадад ва ҳимматлари жиҳатидин ул бечора яна ўз ҳолиға келур эрмиш. *Муншаот,* 9(10)-584; (14-176).

ЖИҲАТСИЗ [جهت سیز] – бежиҳат; сабабсиз:

Жиҳатсиз эй кўнгул севдунг жаҳонни,
Менинг пандимдин айлаб ўзни отил. *Наводируш-шабоб,* 663-Т;
Хаста кўнглим гар лабинг уннобини истар не тонг,
Нега айрилғай жиҳатсиз хаста ўз уннобидин. *Хазойинул-маоний,* IIа-260;
Жиҳатсиз куймагига солди чун кўз,
Сола бошлади дарди ишқдин сўз. *Фарҳод ва Ширин,* 276-Т.

ЖИҲОД [جهاد] – жиҳод, дин йўлида хизмат қилиш, дин учун курашиш:
Саодат аҳли маъмур бўлуб шаҳоват аҳли ул жиҳодни ихтиёр қилиб жамъ қилур эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16(20)-139; (8(10)-565);
~ **айла-/қил-** – урушмоқ, жанг қилмоқ:
Рум молини айлабан барбод,
Айлар аҳли фаранг бирла жиҳод. *Сабъаи сайёр,* 10-197;
Черик тотиб кўп жиҳод қилиб қобил авлодин ким будпарастлиқ қилур эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-103;
~ **камарин ижтиҳод белига боғла-** – тиришқоқлик, ғайрат билан жанг қилмоқ, урушга отланмоқ:
Ва жиҳод камарин ижтиҳод белига боглаб ул шаръ куфраси ва ул ислом фажараси дафъига кўшиш қилғайлар. *Вақфия,* 14-240.

ЖИҲОЗ [جهاز] – асбоб-ускуналар, анжомлар;
Ешти расанни жиҳозидин чуст,
Ўз бўйниға боғлади ани руст. *Лайли ва Мажнун,* 273-Т;
Ким ёр анга ҳуш ила хираддур,
Моли ву жиҳози беададдур. *Лайли ва Мажнун,* 172-Т.

ЖИҲОТ [جهات] – 1. томонлар:
Тўрт унсур етти кўк олти жиҳот,
Нодир-у олий асоси коинот. *Лисонут-тайр,* 229-Т;
2. борлиқ; ошё:
Қолмаса олам матоъидин жиҳот,
Узга навъ ўлғай санга ул дам сифот. *Лисонут-тайр,* 198-Т;
Ки ҳар турлук яна бўлса жиҳотинг
Баҳоси узра мундақдур закотинг. *Сирожул-муслимин,* 16-235;
3. нарсалар, буюмлар:
Ҳам нақдинг учун эваздур отим,
Ҳам ўзга жиҳотингга жиҳотим. *Лайли ва Мажнун,* 226-Т.

ЖО [جا] – жой, ўрин, манзил, макон:
Вужудум хирманин ўртарга бир барқи бало урмиш,
Кўзумга ҳажр илики кожидин ҳар ўт ки жо қилмиш. *Наводируш-шабоб,* 270-Т.

ЖОБАЖО [جا بجا] – жой-жойида; тамомила; ўз ўрнига қўйиш; тугатиш:
Тукангач дуо айладим илтижо,
Қўйундин чиқиб хамсани жобажо. *Садди Искандарий,* 528-Т;
Қилиб ҳикмат ойиниға илтижо.
Бузали алар сеҳрини жобажо. *Садди Искандарий,* 246-Т.

ЖОБИР [جابر] – 1. жабр қилувчи, золим:
Сув юзинда сабо киби обир,
Отини халқ айтибан жобир. *Сабъаи сайёр,* 10-278;
Аммо Банокатий мунунг акси битибтур ким ул бағоят золим ва жобир эрди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-232;
2. Жобир (исм):
Ўзи даги муаммоға кўпрак машғул бўлур. Жобир исмиға бу муаммо анингдур. *Мажолисун-нафоис,* 93-Т;
~ **и роҳзан** – золим қароқчи, йўлтўсар:
Дашт-у дарёда лек аҳли убур,
Жобири роҳзан қилиб машҳур. *Сабъаи сайёр,* 10-278;

~ **и хунрез** – раҳмсиз золим; раҳмсиз Жобир:
Кирди завраққа Жобири хунрез,
Ел киби қўйди юз алар сари тез. *Сабъаи сайёр*, 10-280.

ЖОВИД [جاوِد] – доимий, ҳамиша, абадий, мангу:
Адли ёрутуб жаҳонни жовид,
Ул адл бошида айни хуршид. *Лайли ва Мажнун*, 75-Т;
Айтман жон оғзинга еткач менинг оғзимга қуй,
Умри жовид истасам басдур ки бўлсам журъакаш. *Хазойинул-маоний*, 116-252;
Кўнгли чун маъшуқдин навмид эди,
Жонида андуҳ ўти жовид эди. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
~ **и умр** – мангу ҳаёт, умр:
Кишига эрур гарчи уммиди умр,
Биравга эшитсангму жовиди умр. *Садди Искандарий*, 276-Т;
~ **бўл-/ўл-** – доимий бўлмоқ, абадий қилмоқ:
Мени гар умрдин чарх этти навмид,
Жаҳон мулкида бўлсун шоҳ жовид. *Фарҳод ва Ширин*, 452-Т;
Бу гардун аро табъи хуршид ўлуб,
Анинг нури оламда жовид ўлуб. *Садди Искандарий*, 79-Т;
Чун яъс дурур осудаи жовид ўлмақ,
Роҳат еткурур нафсқа навмид ўлмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;
~ **эт-/қил-** – мангу, абадий этмоқ:
Эй кўнгул васлидин ул ой бизни навмид этмагай,
Жонимизға фуркат андуҳини жовид этмагай. *Наводируш-шабоб*, 628-Т;
Ки эй жондин мени навмид қилған,
Бало ву меҳнатим жовид қилган. *Фарҳод ва Ширин*, 489-Т.

ЖОВИДОН [جاودان] – абадий, доимий, мангу:
Жаҳондин кетиб ком ола олмади,
Кишига жаҳон жовидон қолмади. *Тарихи мулуки ажам*, 16-222;
Парирўйи тарки муҳаббат қилғанин билдирур бу жиҳатдин жовидон кўнглига
фуркат ўти туташқанни ёр арзиға еткурур. *Мажолисун-нафоис*, 225-Т.

ЖОВИДОНА [جاودانه] – доимий равишда, мудом:
Ул тоқ уза дарди жовидона,
Чолсун бу тарабда шодёна. *Лайли ва Мажнун*, 92-Т;
Чу мазраъ ичра сочтинг ҳар не дона,
Ҳам ул дона кўтаргунг жовидона. *Фарҳод ва Ширин*, 475-Т;
Валек ул сойир элдин жовидона,
Сўруб Фарҳод холидин нишона. *Фарҳад ва Ширин*, 487-Т.

ЖОВИДОНИЙ [جاودانی] – доимийлик, абадийлик; мангулик; доимий, абадий:
Вале мунда сирри ниҳоний эрур,
Ки нафъи анинг жовидоний эрур. *Садди Искандарий*, 262-Т;
Агар топсам ўлумни кўрмай ани,
Бу ўлмакдур ҳаёти жовидоний. *Фарҳод ва Ширин*, 477-Т;
~ **айла-** – абадий, мангу айламоқ:
Ғайрин назаримда фоний айла,
Меҳрим манга жовидоний айла. *Лайли ва Мажнун*, 193-Т.

ЖОВИДОНЧА [جاودانچه] – дойимий, мангу каби:
Эй хуш ул ўлмак ки юз минг жонча бор,
Қайси жон ки умри жовидонча бор. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

ЖОДДА/ЖОДА [جاده/جادّه] – 1. йўл; шоҳроҳ, катта йўл, кўча:

Топилғайму ул навъ бир жодда,
Ҳам ул жодда ичра бир модда. *Садда Искандарий*, 173-Т;

Эгри келур хатти чиқарғач қалам,
Сатр йўли жоддасидин қадам. *Ҳайратул-аброр*, 7-322; (6(10)-283):

То қайси ориғ тийнатлиғ йўлдин озмиш бўлғай ва қаю пок хилқатлиқ жоддадин чиқиб қилур ишин ёзмиш бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-48;

2. йўл-йўрик:

Жаннатқа борурға истасанг йўл,
Бу жодда бирла мустақим ўл. *Лайли ва Мажнун*, 370-Т;

ва яна буюрдилар ва муболаға қилдилар ки барча аҳволға қадамни амр-у наҳй жоддасиға қўйғил ва азимат била амал қил. *Насойимул-муҳаббат*, 240-Т;

~ **и машруъ** – шариат йўли, тариқати:

Йўл эрур жоддаи машруъ дағи тўша ву су,
Санга ойини убудиййат анга фарз-у сунан. *Фавойидул-кибар*, 454-Т;

~ **и мустақим** – тўғри йўл, кўча:

Топар айласа фикр табъи салим,
Ки бу навъ икин жоддаи мустақим. *Садди Искандарий*, 314-Т;

~ **и нофармонлиғ** – йўл-йўрикка бўйсунмаслик тариқини тутиш:

... бу навъ подшоҳи нозим-у сухандон тарғиби ва талқини эҳсони ва таҳсини қоъдаи муҳаббат ва мувофақатни унутуб ва жоддаи нофармонлиғ ва залолатни тутуб, кўпи балки бариси форсийға мойил бўлдилар ва ул тил била назмға қойил. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т;

~ **и шаръ** – дин, шариат йўли; тартиб, низом:

Қози керак ким жодаи шаръдин қадам чиқармағай ва сироти мустакимдин ташқари бормағай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-22;

Кимни ки гумраҳ қилибан толии,
Жоддаи шаръинг ўлуб шории. *Ҳайратул-аброр*, 7-39; (6(10)-32);

Йўл эрур жоддаи шаръ дағи тўша-у сув,
Санга ойини убудият анга фарз-у сунан. *Хазойинул-маоний*, II6-442.

ЖОДУ [جادو] – сеҳр, аврок, жоду:

Назарға келгали ул икки наргиси жоду,
Кўнгулда йўқтурур ором-у кўзда ҳам уйқу. *Хазойинул-маоний*, 16-538;

Чу афсунгар этти кўзин жодусин,
Анга солди ошуб-у ноз уйқусин. *Садди Искандарий*, 280-Т;

Сеҳр ила ул кўз қилиб зулфи камандин аждаҳо,
Бузди олам халқин-у бас айламас жоду ҳануз. *Наводируш-шабоб*, 219-Т;

Ҳаким оллида ҳеч жоду сўзи,
Нечук ким Искандар қошида ўзи. *Садди Искандарий*, 249-Т;

~ **йи донишвор** – донишвор жоду:

Бирав йўқ ки ҳиндуйи луъбовари,
Не ҳинду ки жодуйи донишвари. *Садди Искандарий*, 79-Т;

~ **йи сабзранг** – яшил ранг, сабзаранг жоду:

Борур чоғда минг жодуйи сабзранг,
Валекин келиб барчаси аҳли занг. *Садди Искандарий*, 249-Т;

~ **йи табъ** – жоду табъли:

Ҳам соҳир хомаси фусунсоз,
Ҳам жодуйи табъи сеҳрпардоз. *Лайли ва Мажнун*, 58-Т;

~ **йи ҳинд** – ҳинд сеҳргари:

... ва маснавийда устози фан Фирдавсий ва нодири замон
Шайх Низомий ва жодуйи ҳинд Мир Хисравдек. *Муҳокаматул-луғатайн*, 188-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – жоду айламоқ:
Жон-у кўнглум муддате саргаштадур кўйунг аро,
Бошларин айландурурға бўйла жоду айладинг. *Бадойиул-васат*, 267-Т;
Мусо эмас эрса килки ногў,
Жавфи аро музмар этти жоду. *Лайли ва Мажнун*, 57-Т;
Ки алар ғамзаси қилиб жоду,
Юз туман кўздин элиткай уйку. *Сабъаи сайёр*, 10-55.

ЖОДУЛУҒ [جادولوغ] – сеҳргарлик, жодулик:
Кўргач бу тилисми соҳири ҳинд,
Жодулуғ ишида моҳири ҳинд. *Лайли ва Мажнун*, 58-Т.

ЖОЗИБ [جاذب] – 1. жазб; ўзига тортувчи, ром қилувчи, жозибали; севимли:
Ишқи ўти бўлмас элга жозиб,
Андақ ки зиёда субҳи козиб. *Лайли ва Мажнун*, 364-Т;
Шаҳзодаи париваш девонасин кўрарга чун девонаи номурод бу муродни кўрди. Андақ ки пок ишқ билхосият маъшуқ кўнглига жозиб бўлди. *Маҳбубул-қулуб*, 87;
2. мойил:
Мунда ким етса содиқ-у козиб,
Табъи бўлғач сув ичгали жозиб. *Сабъаи сайёр*, 10-314.

ЖОЗИБА [جاذبه] – жазб, ўзига тортувчи, жозибали:
Бу иноятлар жозибаедур. *Муншаот*, 14-198;
~ **и номутаноҳий** – туганмас тортувчи қувват:
Собиқаи лутфи илоҳий етиб,
Жозибаи номутаноҳий етиб. *Ҳайратул-аброр*, 10-156.

ЖОЗИМ [جازم] – 1. жазм қилувчи, қатъий қарор қилувчи, бир ишга маҳкам бел боғловчи:
Сен анга ким бу дам мулозимсен,
Жон била қуллуғига жозимсен. *Сабъаи сайёр*, 10-396;
~ **бўл-/ўл-** – жазм, бўлмоқ; қарор қилмоқ:
Ики бу навъ ғолиб хасм ўлумтук мўр қатлига,
Чу жозим бўлсалар, ҳайҳот мискин мўрнинг жони. *Фавойидил-кибар*, 607-Т;
Анда сандал сотарға жозим ўлуб,
Ҳинд мулкига барча озим ўлуб. *Сабъаи сайёр*, 10-327;
Ано даги ани истарга жозим,
Бўлуб эрди фано мулкига озим. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;
Ки не навъ эмиш баҳр кайфийяти,
Сафар сари жозим бўлуб нийяти. *Садди Искандарий*, 456-Т;
~ **айла-** – қатъий ният қилмоқ, аниқ ишонч ҳосил қилмоқ:
Ки мен ҳам айладим кўнглимни жозим,
Ки тонгла бўлғамен дарёға озим. *Фарҳод ва Ширин*, 258-Т.

ЖОЙ [جای] – ўрин, макон:
Жой ул бўлғай ки айлаб важд-у ҳол,
Бошидин елдек чиқаргай ул хаёл. *Лисонут-тайр*, 186-Т;
~ **и намоз** – намоз жойи, жойнамоз:
...алар ўз мусаннафотларидин бир китоб ва жойи намоз ва бир рўпок анга бергандурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 388-Т;
~ **и таслим ва таҳсин** – тан бериш ва офарин айтишга сабаб бўлувчи нарса:
Ва бу лафз возиъи азизларга жойи таслим ва таҳсиндур ки бағоят хўб қилубдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т;

~ **и ғазаб** – қаҳр, ғазаб жойи:
Санга ҳар неча ким жойи ғазабдур,
Манга бу ишта юз айш-у тарабдур. *Фарҳод ва Ширин*, 375-Т;
~ **и ҳазар** – сокинлик, турғунлик жойи, маскани:
Валекин оллингизда бир хатар бор,
Ки андин барчаға жойи ҳазар бор. *Фарҳод ва Ширин*, 238-Т.

ЖОЙГИР [جای گیر] – ўрин олувчи, ўрнашувчи, ўрин тутувчи, ўринли:
Муриватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зиҳи хуш эл-у мулкати дилпазир. *Ғаройибус-сиғар*, 512-Т;
~ **туш-** – ўрнига тушмоқ, ўринли бўлмоқ:
ўз тарбияти асарини андин мушоҳада қилғай то анга эътимод бўлғай ки анинг тарбияти жойгир тушубтур ва агар шогирд ишида халале кўрса ул халалға ислоҳ қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 236-Т;
~ **бўл-** – ўрнашмоқ, ўрин тутмоқ, ўрин олмоқ; таъсир қилмоқ:
Арш уза курси бўлубан жойгир,
Курси уза лавҳ иқоматпазир. *Ҳайратул-аброр*, 7(20)-224; (6(10)-196);
Насиҳат қилур эрди кўп дилпазир,
Вале бўлмас эрди анга жойгир. *Садди Искандарий*, 283-Т.

ЖОЙИЗ [جائز] – мумкин, рухсат этилган; ўринли:
Не тонг гар ано тўрт қилдинг мубоҳ,
Ки тўрт ўлди шаръ ичра жойиз никоҳ. *Садди Искандарий*, 52-Т;
Дорул-қузо вакили ул маккорадин рушвати олиб анга ўргатти ким айтқай ки мен сағиндим ки андақ ки эранларга тўрт хатун олмақ раводур, хатунларға даҳи тўрт абушқаға тегмак жойиздур. *Насойимул-муҳаббат*, 331-Т;
Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас. *Муншаот*, 14-156;
~ **ул-хато** – хато қилиш ўринлилиги, жоизлиги:
Мавлоно Қосимға сўз ул ким инсон жойизул-хатодур. *Муншаот*, 14-218;
~ **тут-** – ўринли деб ҳисобламоқ; рухсат бермоқ:
анинг иршоди бўлмайин бу йўлға азм қилмақни акобири авлиё... жойиз тутмайдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;
~ **ул-хато бўл-** – хато қилиш мумкин бўлмоқ:
Одами жойизул-хато бўлмиш,
Бу хато барчаға раво бўлмиш. *Сабъаи сайёр*, 10-262.

ЖОЛА [ژاله] – 1. дўл; дўл доналари:
Жола қадаҳини тошқа урдунг,
Жола гуҳарини бошқа урдунг. *Лайли ва Мажнун*, 30-Т;
Рухсоринг гул киби очилмиш,
Ашким ҳам жоладек сочилмиш. *Мезонул-авзон*, 36-Т;
Киши гавҳарға жола айласа от,
Ҳам анинг гавҳаридин билгурур бот. *Фарҳод ва Ширин*, 327-Т;
2. тиш доналари:
Кулгил ки зоҳир ўлсун ғунчангда жолалар ким
Дур риштасиға бўлмиш ёқути ноб мониъ. *Хазойинул-маоний*, IIб-296;
3. кўз ёши доналари:
Анжум эрмас ким тушубтур чарх кўзгусига акс,
Баски ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи. *Хазойинул-маоний*, IVа-347;
Ики наргис аро юз қатра лола,
Совуғ оҳи била гулранг жола. *Фарҳод ва Ширин*, 405-Т;

Аҳками била жаҳон низоми,
Назми ики жолам интизоми. *Лайли ва Мажнун*, 41-Т;

4. шабнам, шудринг:
Ва то ҳар гул чоғи сабо машшотаси раёҳин наваруслари кулағиға жола гавҳарлари била зийнат берур. *Муншаот*, 14-159;
Жолалар туштиму гул барги аро ёхуд зрур,
Ҳуққаи лаълинг ичинда дури сероб тўла. *Хазойинул-маоний*, I б-52;

~ **и ашк** – дўлмонанд кўз ёшлари:
Ашк ҳажрида кўзум оқ этти андақ ким мамуқ,
Жолайи ашк ул мамуғдин ёғди андақ ким чигит. *Наводируш-шабоб*, 81-Т;

~ **-йи ноб** – ялтироқ дўл:
Не кавкаб ани жолайи ноб де,
Дема жола ким гарми шабтоб де. *Садди Искандарий*, 97-Т;
Тишим риштасин жолайи ноб де,
Дема жола ким дурри сероб де. *Садди Искандарий*, 390-Т;

~ **-йи офат** – офат дўли, шиддатли ёмғир:
Жолайи офат киби ул ой баҳори ҳуснида,
Чархи анжум жавҳаридин ёғдурур бошимға тош. *Наводируш-шабоб*, 221;

~ **-йи ғам** – ғам дўллари:
Сочса анжумдин фалак бошингға юз минг дурри ноб,
Жолайи ғам бил ки ёғдурғай бир офатлиғ саҳоб. *Фавойидул-кибар*, 44-Т;

~ **бўл-** – жола бўлмоқ:
Ринд муқаммирдек этиб лола шайн,
Тоси аро жола бўлуб каъбатайн. *Ҳайратул-аброр*, 7-80;

~ **қил-** – (кўз ёшини) дўлдек тўкмоқ:
Ишқингда оҳ-у нола қилур кўнглум,
Ким қон ёшини жола қилур кўнглум. *Мезонул-авзон*, 47-Т.

ЖОЛАВОР [ژاله وار] – дўлга ўхшаб, дўл мисол:
Баҳорим ўлди чу гулчеҳра шўхлар не ажаб,
Ёғар нима бошима жолавар тош ўлса. *Фавойидул-кибар*, 538-Т.

ЖОЛАЧА [ژاله چه] – дўл доналаридек:
Гавҳари обдори жолача ҳам,
Лаъл-у ёқути барги лолача ҳам. *Сабъаи сайёр*, 10-388.

ЖОЛИС [جالس] – ҳамфикр, дўст, улфат:
Бизинг шаҳ бирла беклар мажмаъи бор,
Агар жолистурурлар йўқса рақиб. *Фавойидул-кибар*, 698-Т.

ЖОЛУТ [جالوت] – Жолут (қул исми):
Луқмон ки бир қул ҳикмат ва нубувват била фарқин кўкка еткурди. Жолутқа анингдек минг қул эрди ғазаб ва сиёсат тиғи била бошин ерга тушурди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-510; (14-85).

ЖОМ [جام] – қадаҳ, май пиёласи; май, шароб қадаҳи:
Истабан ичти пари бир жомни,
Сўнг анга тутти майи гулфомни. *Лисонут-тайр*, 225-Т;
Киши ким ичса ҳиммат базмидин жом,
Топар ул жомдин комин саранжом. *Фарҳод ва Ширин*, 110-Т;

~ **жом** – қадаҳ қадаҳ:
Хоса чароғи ки киши субҳ-у шом,
Май суйидин куйғай анга жом жом. *Ҳайратул-аброр*, 7-261;

~ **и адл** – 1. ҳақиқат, ҳаққонийлик майи:
Завт қилмас давр аёғин сипқарурда соқиё,
Шаҳ ки жоми адл бирла айлагай давронни забт. *Фавойидул-кибар*, 277-Т;

Кетур соқиё тўлдуруб жоми адл,
Ки кўргузди Искандар айёми адл. *Садди Искандарий*, 138-Т;

2. баҳра жоми:
Соқийи гулчеҳра кетур жоми адл,
Кўр ки не гуллар очар анжоми адл. *Ҳайратул-аброр*, 7-132;

~ **и адола** – адолат жоми:
Дайр ичра Навоийға қилур муғбачалар зулм,
Гар пири харобот тутар жоми адола. *Наводируш-шабоб*, 523-Т;

~ **и ажал** – ажал жоми:
Даҳр шўҳидин Навоий тут қирақ ким боғласанг,
Бир аёқ су бирла акдин ул дурур жоми ажал. *Ғаройибус-сиғар*, 298-Т;

~ **и айш** – айш-ишрат жоми; завқу сафо қадаҳи:
Боши уза чатри салтанат ҳар янги тол,
Су ичкали жоми айши бир эски сафол. *Ғаройибус-сиғар*, 558-Т;
Бир кун айлар эрди жоми айш нўш,
Қўрди ким борурлар икки жандапўш. *Лисонут-тайр*, 145-Т;

~ **и алам** – алам, қайғу изтиром жоми:
Агар кўнглида бир гул ҳажридин хор-у фироқ ўлса,
Баҳона йиғламаққа бир неча жоми алам чекти. *Наводируш-шабоб*, 604-Т;

~ **и аласт** – азал жоми, азал куни:
Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,
Ким азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт. *Ғаройибус-сиғар*, 84-Т;
Шоҳ гулистонида гул ҳусниға маст,
Тортиб ул гул ишқидин жоми аласт. *Лисонут-тайр*, 50-Т;

~ **и афлок** – афлокмонанд жом:
Бу соғар бўлса эрди жоми афлок,
Қўйуб оғзиға сипқарғай эди пок. *Фарҳод ва Ширин*, 332-Т.

~ **и бало** – бало жоми, қадаҳи:
Эй Навоий бирга юз жоми бало турмиш тўла,
Ҳар неча ким соғари ишрат бу даврон ичрадур. *Ғаройибус-сиғар*, 146-Т;

~ **и бақо** – жаннат қадаҳи:
Сокиниға жоми бақодин умид,
Қайси бақо балки ликодин умид. *Ҳайратул-аброр*, 7-106;

~ **и биллури/биллурин** – биллурдан ясалган қадаҳ:
Мушкин зулфи кофурий либос била тахти ож узра жоми биллуридин бодаи кофурмизож ошом қилғани... *Сабъаи сайёр*, 10-334;
Соқиё дай шиддатидин ақл-у ҳисс бетоб эрур,
Чораси жоми биллурин ичра лаъли ноб эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 168-Т;

~ **и бода** – бода жоми, майли қадаҳ:
Биравни мумкин эмас тира айламак қайғу,
Ки солмиш ўлғай анга жоми бода ламъаси нур. *Бадойиул-васат*, 150-Т;
Зуҳд аро йўқ жуз малолат нега ким килки қазо,
Айш тарҳин қилди жоми бода давронида накш. *Бадойиул-васат*, 203-Т;

~ **и боқий** – боқий қадаҳ:
Хитоб эткасен жоми боқий ани,
Вале тутса гулчеҳра соқий ани. *Садди Искандарий*, 255-Т;

~ **и васл** – етишиш, висол қадаҳи:
Жоми васлингдин ки элни тиргузурсен бил яқин,
Ким Навои ўлгуси хунобаи ҳижрон йутуб. *Ғаройибус-сиғар*, 67-Т;
Ким туш эрмастур бу эй бетоб-у тўш,
Шукр этиб қил эмди жоми васл нўш. *Лисонут-тайр*, 225-Т;

~ **и вафо** – вафодорлик жоми, қадаҳи:
Кайу ёре ки бир ёри била жоми вафо чекса,
Вафосинда анинг йиллар бўлур дард-у бало чекса. *Ғаройибус-сиғар*, 427-Т;
~ **и ваҳдат** – яккаю ягона; Худо:
Ҳақ вужудидин бақое топибан,
Жоми ваҳдатда ликое топибан. *Лисонут-тайр*, 233-Т;
~ **и висол** – висол жоми:
То ул ой ағёр ила нўш айлади жоми висол,
Қайси ҳижрон неши ким бағрим аро санчилмади. *Наводируш-шабоб*, 643-Т;
Мен балокашмен манга базм ичра ҳижрон заҳри бас,
Соқиё айш-у нашот аҳлиға тут жоми висол. *Фавойидул-кибар*, 357-Т;
Соқиё жоми висолинг нўшидин тиргуз мени,
Ким хумори соғари ҳижрон ажаб қаттол эмиш. *Бадойиул-васат*, 187-Т;
Дам бадам нўш айлабан жоми висол,
Бир бирисидин олиб коми висол. *Лисонут-тайр*, 220-Т;
~ **и гардунваш** – осмонваш, фалакмонад жом:
Тўла қуй жоми гардунвашқа май эй соқийи маҳваш,
Ки ғам хайлини ғарқ айлар тенгиз бу навъ аёғ ўлмиш. *Наводируш-шабоб*, 264-Т;
~ **и гетинамой** – оламни акс эттирадиган қадаҳ; ойнаи жаҳоннамо:
Бўлуб шаҳға ул навъ ишратфазой,
Ки ёд айламай жоми гетинамой. *Садди Искандарий*, 254-Т;
Бирисин деди жоми гетинамой,
Бирисин деди жоми ишратфазой. *Садди Искандарий*, 254-Т;
~ **и гиромий** – қадрли, севимли май:
Кетургил соқий ул жоми гиромий,
Ки тутсун риндлар сархайли Жоми. *Фарҳод ва Ширин*, 102-Т;
~ **и гулгун** – гулгун жом, қадаҳ:
Жоми гулгун хуш турур бир сарвқад шўх илгидин,
Ул нафас ким тонг елидин гулга сарв айлар салом. *Бадойиул-васат*, 298-Т;
Кетур соқий чекиб йирлар учун ун,
Манга тўйдин улуш бир жоми гулгун. *Фарҳод ва Ширин*, 132-Т;
~ **гулнор** – анор гули рангли майли жом:
Қон икин янги доғим аро ё ҳажрингда,
Жоми гулнори ичинда майи аҳмарму икин. *Ғаройибус-сиғар*, 354-Т;
~ **и гулранг** – гулранг майли жом:
Ҳар сари гулзори гулгунпўш,
Жоми гулранг айлар эрди нўш. *Сабъаи сайёр*, 10-251;
~ **и гулфом** – гулранг:
Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳиз этай жоми гулфомдин. *Фавойидул-кибар*, 626-Т;
~ **и дамодам** – узлуксиз, кетма-кет қадаҳ:
Ҳам бўлуб жоми дамодам бирла маст,
Ҳам қилиб мастона ўзни бутпараст. *Лисонут-тайр*, 113-Т;
~ **и дарёмисол** – дарёмисол жом:
Аёқчи кетур жоми дарёмисол,
Ки баҳр ичрадур шоҳи дарёнавол. *Садди Искандарий*, 449-Т;
~ **и дилкаш** – кўнгилни очадиган, яйратадиган, баҳралантирадиган май:
Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Не ким келса ўзни дами хуш тутунг. *Садди Искандарий*, 436-Т;

~ **и ёқутгун** – қизил май:
Кетур соқий ул жоми ёқутгун,
Ки эл табъида ишрат эткай фузун. *Садди Искандарий*, 254-Т;
~ **и Жам/Жамшид** – афсонавий Жамшид қадаҳи; куёш асар номи:
Эй Навоий бизни ёд эткай му Барқандон куни,
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ. *Ғаройибус-сигар*, 104-Т;
Сикандардек кириб зулматқа хуршид,
Тилисм ичра яшунди жоми Жамшид. *Фарҳод ва Ширин*, 231-Т;
Бири кўзгуси жоми Жамшиддек,
Сафо ичра миръоти хуршиддек. *Садди Искандарий*, 354-Т;
Алар топиб яна ишратқа асбоб,
Солиб жоми Жам ичра бодаи ноб. *Фарҳод ва Ширин*, 231-Т;
Ва «Жоми Жам» китобининг итмоми тарихида битибдур.
Насойимул-муҳаббат, 428-Т;
«Жоми Жам» отлиғ маснавийси бор. *Насойимул-муҳаббат*, 428-Т;
~ **и Жамҳайъат** – ахтаршунос, фалакшунос Жамшид жоми:
Жоми Жамҳайъатнинг мазҳари ул,
Балки ойинаи Искандари ул. *Фавойидул-кибар*, 668-Т;
~ **и жаҳоннамо/жаҳоннамой** – дунёдаги ҳодисаларни акс эттувчи жом:
Кўнгулни даҳрдин ошуфт қилма ким хуштур,
Ки тира бўлмаса жоми жаҳоннамо ҳаргиз. *Бадойиул-васат*, 155-Т;
Жоми жаҳоннамойи не васф кўп эттинг эй рафиқ,
Меҳри мунир жоми ё майгада соғаримудур. *Наводируш-шабоб*, 146-Т;
~ **и жаноб** – улкан жом; ситамкор, бевафо дунё:
Хосса базми ким қуёш жомин шафақ руҳи била,
Элга тутқай Хусрави анжум сипоҳ жоми жаноб. *Бадойиул-васат*, 71;
~ **и жаҳолат** – билимсизлик-нодонлик ғурури, мастлиги, кайфияти:
Ўксумайин айши мудоминг сенинг,
Жоми жаҳолат била коминг сенинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-257;
~ **и жаҳонбин** – жаҳон ҳодисаларини аксоттурувчи жом:
Бирин хоқонға чекти туҳфаойин,
Анга тегру ки ул жоми жаҳонбин. *Фарҳод ва Ширин*, 230-Т;
Васл нуридин манга жоми жаҳонбиндур кўнгул,
Давр жоми етса тонг йўқ хотири огоҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т;
~ **жом** – коса-коса; устма-уст:
Хоса чароғи ки киши субҳ-у шом,
Май суйидин қуйғай анга жом жом. *Ҳайратул-аброр*, 7-261;
~ **и зар** – олтин қадаҳ:
Жоми зар ичра бодаи асфар,
Озар ичра эди яна озар. *Сабъаи сайёр*, 10-97;
~ **и заркор** – зарми қадаҳ:
Соқиё қил тўла жоми заркор,
Бир ғазал бошла Фаридуносор. *Фавойидул-кибар*, 667-Т;
~ **и зулол** – тиниқ, муздек булоқ сувли қадаҳ:
Давр ҳажридин тинармен эй кўнгул ҳар лаҳза ким
Соқийи маҳваш била жоми зулол оллимдадур. *Бадойиул-васат*, 524-Т;
Бу иқбол нишони ким бандаға етишти махмурға еткан бодаи таҳуро мисолғаму ўхшатайин ё биёбондаги ташналаб маҳрурға йўлуққан жоми зулолғаму нисбат қилайин? *Муншаот*, 14-214;

~ **и зумуррад** – зумрад қадах:
Афъийи ғам чу элга айлади зўр,
Ани жоми зумуррад айлади кўр. *Сабъаи сайёр*, 10-124;
~ **и зумуррадгун** – зумуррадгун жом, қадах:
Соқиё жоми зумуррадгун аро қўй лаълимай,
Ким эрур шангарф беҳад хушнамо зангор ила. *Фавойидул-кибар*, 537-Т;
~ **и ишрат** – ишрат жоми:
Жоми ишрат тортмақдин яхширақ иш топмадим,
Чунки бу давр ичра билмас кимса иш анжомини. *Фавойидул-кибар*, 586-Т;
Чун соқийи давр жоми ишрат
Тутти яна чекма заҳри меҳнат. *Вақфия*, 9(10)-644; (14-249);
~ **и ишратфазой** – ишрат майдони қадаҳи, базм, зиёфат жоми:
Бирисин деди жоми гетинамой,
Бирисин деди жоми ишратфазой. *Садди Искандарий*, 254-Т;
~ **и ишқ** – ишқ, муҳаббат жоми:
Кўнгулнинг хонумонин берди барбод,
Жоми ишқинг ки хонумони обод. *Бадойиул-васат*, 95-Т;
~ **и кавсар** – жаннат жоми:
Мен-у соғар фақиҳ-у жоми кавсар,
Вале ҳар кимса кўрсин ўз аёғин. *Фавойидул-кибар*, 441-Т;
~ **и каёний** – каёнийларнинг май ичадиган идиши:
Аёкчи майи дўстгоний кетур,
Тўла айла жоми каёний кетур. *Садди Искандарий*, 108-Т;
~ **и каромат** – каромат жоми, қадаҳи:
Жузъ Навоий бариға жоми каромат туттунг. *Ғаройибус-сиғар*, 57-Т;
~ **и комрон** – бахтли жон:
Тилаб ҳар неча кунда бир дам ани,
Ичиб бир неча Жоми комрони. *Фарҳод ва Ширин*, 334-Т;
~ **и лаболаб** – лаболаб, лабигача тўла жом:
Сенсизин базм ичра қат қат кўнгул бетоб эди,
Дамбадам жоми лаболаб чекканим хуноб эди. *Ғаройибус-сиғар*, 444-Т;
~ **и лаъл** – қизил май:
Тахти гулранг уза тутуб ором,
Жоми лаъл ичра бодаи гулфом. *Сабъаи сайёр*, 10-237;
Юзунгда хуш кўрунур жоми лаълинг ул янглиғ,
Ки тоза гулшан аро лаълранг соғар хуш. *Бадойиул-васат*, 191-Т;
~ **и луъливаш** – гўзал, шўх мўли сифат:
Навоий бўлди луъливаш ки келмиш анга луъли хуш,
Қани бир жоми луъливаш ки луъли тушса бир соғар. *Наводируш-шабоб*, 195-Т;
~ **и май** – май тўла жом, қадах:
Жоми майдек тўла қон бўлди ичим бермай даст,
Ёр базми аро бир жоми майи ноб тўла. *Ғаройибус-сиғар*, 52-Т;
Ҳажрдин ўлди Навоий соқиё тут жоми май,
Эй муғанний сен наво оҳангида кўпса қобуз. *Фавойидул-кибар*, 207-Т.
~ **и майошом** – майхўрлик, ичкилик жоми:
Жонлардин уруб чунки қилиб жоми майошом,
Юз шуъла забона. *Фавойидул-кибар*, 634-Т;
~ **и майи ноб** – таниқ тоза майли қадах:
Соқиё тут манга жоми майи ноб,
Жоми май дема ки лаъли сероб. *Фавойидул-кибар*, 660-Т;

Ўз илгингга жоми майи нобни,
Олиб истасанг бир бир аҳбобни. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т;

~ **и марг** – марг, ўлик қадаҳи, жоми:
Юз қадаҳ қилғил мурассаъ ким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 104-Т;

~ **и мастона** – мастона қадаҳ:
Ки машъуф ўлуб жоми мастонаға,
Гарав айлабан хирқа майхонаға. *Садди Искандарий*, 83-Т;

~ **и мино/миноранг** – кўкимтир рангли май идиши:
Жоми минойи иликдин қўйма бу давронда ким
Ёғдурур давр аҳли узра гунбади мино бало. *Бадойиул-васат*, 23-Т;
Равон бир шўхи сабзаранг ҳар ён,
Тутуб бир жоми миноранг ҳар ён. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т;
Жоми минойи илигидин қўйма ким бу шевасиз,
Кимса хушҳол ўлмади бу тоқи мино остида. *Фавойидул-васат*, 31-Т;

~ **и моломол** – лимма-лим, тўп-тўла жом:
Бандамен соқийға ким бир жоми моломол ила,
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени. *Ғаройибус-сиғар*, 481-Т;
Эй сабуҳ аҳли ичинг май ким бағоят хуштурур,
Лаҳн нўшонўш бирла жоми моломол субҳ. *Фавойидул-кибар*, 107-Т;

~ **и мотамзадой** – қайғу тарқатувчи май жоми:
Аёқчи бер ул жавҳари ғамзадой,
Дема ғамзадой жоми мотамзадой. *Садди Искандарий*, 121-Т;

~ **и мурод** – мурод жоми:
Агар биздин малоле эрди сизга эй висол аҳли,
Сиз-у жоми мурод эмди ки ҳажр ўтиға куйдук биз. *Фавойидул-кибар*, 213-Т;
Бўйла сўзларда тутуб жоми мурод,
Номурод андин топиб коми мурод. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

~ **и муғгирдор** – атроф муғбачалар жоми:
Диним аҳволиға аччиғ йиғларам ким муғбача,
Нўш этар дайр ичра ҳар дам жоми муғгирдор талх. *Бадойиул-васат*, 89-Т;

~ **и муғона** – муғларникидек жом:
Истар Навоий ўзни май-у ишқдин халос,
Мониъ валек соқий-у жоми муғонадур. *Наводируш-шабоб*, 187-Т;
Истасам жоми муғона тутса коми муғбача,
То тирикмен айлагумдур дайр пири ҳизмати. *Наводируш-шабоб*, 585-Т;

~ **и муғоний** – муғанний жоми, қадаҳи:
Санга Кавсар суйи ву лаҳни Довудий ки дайр ичра,
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғанний бас. *Ғаройибус-сиғар*, 190-Т;

~ **и муҳаббат** – муҳаббат, севги жоми:
То жоми муҳаббатингни тортиб,
Кўнглумга етишти ишқдин тоб. *Бадойиул-васат*, 482-Т;

~ **и нашот** – хурсандчилик қадаҳи:
Бода келтур чун куёштин чекти махфи жом субҳ,
Ким эрур жоми нашот ичмакка хушҳангом субҳ. *Бадойиул-васат*, 83-Т;

~ **и нашотандуз** – хурсандчилик қадаҳи:
Соқиё даврон ғамидин ранжамен кўнглум аро,
Паст қил андуҳ ўтин жоми нашотандуздин. *Бадойиул-васат*, 346-Т;

~ **и нилуфари** – кеча, оқшом тийралиги:
Тушуб давр аро жоми нилуфари,
Анга берк юз минг шараф гавҳари. *Садди Искандарий*, 49-Т;

~ **и нўш** – лаззатли қадаҳ:
Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-184;
~ **и нўшанўш** – кетма-кет қадаҳ ичиш:
Жоми нўшанўш хуштур ул сифат ким дайр аро,
Бода олиб муғбача нўш айлабан қилдурса нўш. *Наводируш-шабоб*, 243-Т;
~ **и нўши баҳр** – лаззаҳли май баҳраси:
Васлидин ваҳ ким дамодам элга жоми нўши баҳр,
Бизга соғар соғар анинг фурқати базмида заҳр. *Бадойиул-васат*, 113-Т;
~ **и пайваст** – туташ, кетма-кет қадаҳ:
Магар қилғай мени бу жоми пайваст,
Алар янглиғ фано тупрағиға паст. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;
~ **и пирона** – оқилона жом:
Аёқчи манга жоми пирона тут,
Деман хусравона фақирона тут. *Садди Искандарий*, 278-Т;
~ **и пок** – пок, тоза жом, қадаҳ:
Жоми пок-у майи наб андин пок,
Қуёш-у чашмаи ҳайвондин пок. *Фавойидул-кибар*, 666-Т;
~ **и рангин** – рангин, рангдор майли жом, қадаҳ:
Кетур соқий манга бир жоми рангин,
Ки тушмиш ғам тоши кўнглумга сангин. *Фарҳод ва Ширин*, 154-Т;
Сикандар узатти ани чин сари,
Ўзи қўйди юз жоми рангин сари. *Садди Искандарий*, 343-Т;
~ **и расволиғ** – расволиғ жоми:
Жоми расволиғ ила ҳар дам ўлуб,
Олам аҳлиға сафойи ғамим. *Наводируш-шабоб*, 421-Т;
~ **и руҳафзо** – руҳлантирувчи, жонлантирувчи қадаҳ:
Соқиё тут жоми руҳафзо ки муҳлик ҳажридин,
Ким бўлуб маҳзун иложин соғари саҳбо қилиб. *Бадойиул-васат*, 40-Т;
~ **и руҳбахш** – руҳбахш қадаҳ:
Дайр пири анча тутти элги жоми руҳбахш,
Ким яқин бўлди ушатғай тавба бўлса юз нусуҳ. *Наводируш-шабоб*, 106-Т;
~ **и сабуҳ/сабуҳий** – эрталаб ичиладиган май:
Қизарди лола ву сарғарди руҳ хижлатдин,
Бу лолалар ки изорингда очти жоми сабуҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 102-Т;
Субҳдам гул ёқти шамъ-у лола зоҳир қилди жом,
Яъни ёқиб шамъ ол жоми сабуҳий бирла ком. *Бадойиул-васат*, 298-Т;
Барча тинса ангадур ким кўп-у чиқ жоми сабуҳ,
Ҳайфдур ким ўтадур уйқу била субҳи шабоб. *Фавойидул-кибар*, 45-Т;
Хуштурур жоми сабуҳ эй шайх сен ҳам ичкасен,
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлук моҳ субҳ. *Наводируш-шабоб*, 104-Т;
~ **и сандалфом** – сандал ранг қадаҳ, жом:
Ичибан тахт сари қилди хиром,
Тутти маҳвашқа жоми сандалфом. *Сабъаи сайёр*, 10-319;
~ **и сафо** – хурсандчилик қадаҳи:
Ки жоми сафо урди элга сало,
Ки жомиға еткурмасин Ҳақ бало. *Садди Искандарий*, 116-Т;
~ **и саҳбо** – қизил майли қадаҳ:
Бўлди менинг ўлмакимга савдо бойис,
Савдоға ҳавойи жоми саҳбо бойис. *Ғаройибус-сиғар*, 541-Т;

Менда ҳижрон дарди ву йўқ сабр боре дўстлар,
Чорае гар қилсангиз жуз жоми сабо қилмангиз. *Бадойиул-васат*, 165-Т;

~ **и симин** – кумуш жом, қадаҳ:
Тутуб шаст ила моҳийи симгун,
Қилиб жоми симин ичардин нигун. *Садди Искандарий*, 315-Т;

~ **и соф** – соф май, жом:
Сикандар ичиб айш учун жоми соф,
Қилур эрди Кашмир мулкин тавоф. *Садди Искандарий*, 253-Т;

~ **и тавфиқ** – тавфиқ, мадад жоми:
Кетур илгимга дағи жоми тавфиқ,
Етур кўнглумга дағи роҳи таҳқиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 86-Т;

~ **и талаб** – талаб, тиланиш қадаҳи:
Е Раб ки бу хушгувор бода,
Жоми талабиға кўй зиёда. *Лайли ва Мажнун*, 192-Т;

~ **и тараб** – шодлик, хурсандлик қадаҳи:
Дам бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йирақтин боқибан қон йутуб-у оҳ чекиб, *Ғаройибус-сиғар*, 74-Т;

~ **и тақвошикан** – тақво, зоҳидликни йўқотадиган шароб:
Кетур соқий ул жоми тақвошикан,
Ки кўнглумга тушмиш ҳавойи ватан. *Садди Искандарий*, 434-Т;

~ **и фано** – йўқлик, фонийлик жоми; ўлим:
Жонни халос айлади жоми фано зуҳддин,
Ё Раб ани айлама жами фанодин халос. *Ғаройибус-сиғар*, 225-Т;
Чун насиби айладинг жоми фано,
Бермак иқболи бақосин бил яна. *Лисонут-тайр*, 251-Т;

~ **и фароғ** – фароғат қадаҳи:
Аёқчи тўла айла жоми фароғ,
Ки кўп фикрдин йубс топмиш димоғ. *Садди Искандарий*, 530-Т;

~ **и фақр** – фақирлик, ожизлик жоми, қадаҳи:
Авло эрур ул ки уруб гоми фақр,
Кўйи фано ичра чекиб жоми фақр. *Ҳайратул-аброр*, 7-338;

~ **и фирок** – айрилиқ, фирок жоми, қадаҳи:
Соқийи базм яна тутма манга жоми фирок,
Ким бу соғарнинг эрур чашнийи шиддати талх. *Наводируш-шабоб*, 110-Т;

~ **и фируза** – ҳаворанг жом:
Илгига олди жоми фируза,
Лаъл май андин этти дарюза. *Сабъаи сайёр*, 10-275;

~ **и фирузида** – машҳур лоларанг қадаҳ:
Англа мийно қадаҳ ичра майи ноб,
Жоми ферузада ёкути музоб. *Фавойидул-кибар*, 668-Т;

~ **и фуркат** – фуркат қадаҳи:
Васл нўши бирла жон топқанға ваҳ андин не ғам,
Ким тўладур заҳри қотил бирла жоми фуркати. *Фавойидул-кибар*, 623-Т;

~ **и хароботи ишқ** – харобат, майхона жоми ишқи:
Соқий хароби жоми хароботи ишқмен,
Тутқил қадаҳ муғанни этиб соз чанг-у даф. *Бадойиул-васат*, 235-Т;

~ **и хусравона** – хусравона жом:
Қўйуб ул ганж-у жоми хусравона,
Ёниб хайли сари бўлди равона. *Фарҳод ва Ширин*, 230-Т;

~ **и хусравоний** – хусравона жом:
Гаҳи ким синдуруб тожи каёни,
Олиб илгига жоми хусравоний. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;
~ **и хушгувор** – лаззатли майли қадаҳ:
Эй ки бизни хонкоҳ сари тиларсен дайрдин.
Шайхнинг хилватда жоми хушгувори борму. *Фавойидул-кибар*, 498-Т;
~ **и чархи гардун** – жоммонанд фалак, чарх:
Эй Навоий ул куёш ёдида андақ ким куёш,
Бизга рангин айла жоми чархи гардон бирла юз. *Фавойидул-кибар*, 221-Т;
~ **и шабона** – тунги май:
Кўз очқаймен магар маҳшар сабоҳи,
Ки ичмишмен ажаб жоми шабона. *Фавойидул-кибар*, 515-Т;
Тараб бирла жами шабона ичинг,
Тўла тутсалар бебаҳона ичинг. *Садди Искандарий*, 436-Т;
~ **и шавқ** – шавқ жоми:
Чекармен алар жоми шавқини хваш,
Вале пир жомиға мен дурдкаш. *Садди Искандарий*, 95-Т;
~ **и шамшидсоз** – шамшиддан ясалган қадаҳ, жом:
Кетур соқий ул жоми шамшидсоз,
Ки қилғай жаҳондин мени бениёз. *Садди Искандарий*, 106-Т;
~ **и шароб** – май, шароб жоми, қадаҳи:
Ёқа чок-у ўзи бебок-у белида зуннор,
Бир элигида бичақ бир қолида жоми шароб. *Бадойиул-васат*, 32-Т;
~ **и шигарф** – гўзал, ажойиб қадаҳ:
Яна бердилар жилва жоми шигарф,
Тўла майдон андақ ки дарёйи жарф. *Садди Искандарий*, 412-Т;
~ **и шоҳ** – шоҳ, подшоҳ қадаҳи:
Кетур соқий манга бир жоми шоҳи,
Ки бўлғай ғам сипоҳининг паноҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 183-Т;
~ **и шоҳона** – шаҳона жом:
Аёқчи манга жоми шоҳона тут,
Туканган сайи тўлдуруб яна тут. *Садди Искандарий*, 113-Т;
~ **и шукрона** – шукрона қадаҳ:
Шукр неъматқа чу ҳамдаст бўлай,
Жами шукрона ичиб маст бўлай. *Фавойидул-кибар*, 695-Т;
~ **и қотил** – қотил жоми:
Кетур соқий манга бир жоми қотил,
Лаболаб айлабан заҳри ҳалоҳил. *Фарҳод ва Ширин*, 458-Т;
~ **и ҳаёт** – ҳаёт қадаҳи:
Эшиттим ки Маҳмуди Ғозиғи даҳр,
Чу жоми ҳаёт ичра ҳал қилди заҳр. *Садди Искандарий*, 142-Т;
~ **и ҳарифона** – улфатчилик жоми:
Нўш айлар эмиш қадаҳни жонона тўла,
Соқий манга тут жоми ҳарифона. *Ғаройибус-сиғар*, 538-Т;
~ **и хусравони** – подшоҳлик томи:
Гаҳи ким синдуруб тожи каёний,
Олиб илчига жоми хусравоний. *Фарҳод ва Ширин*, 124-Т;
~ **и ҳидоят** – тўғри йўл топиш; тўғри йўлга солиш:
Ичурса жоми ҳидоят наво тузуб Жоми,
Навоий магар бўлғай ижтиноб манга. *Фавойидул-кибар*, 20-Т;

Гарчи етиб жоми ҳидоят манга,
Сўзда сукут ўлди бағоят манга. *Ҳайратул-аброр*, 7-63;

~ **и ҳилолий** – *янги ой шаклида ясалган қадаҳ*:
Дўстлар мискин Навоий тира шомин ёд эттинг,
Ёр ила жоми ҳилолий чексангиз маҳтоблар. *Ғарибус-сиғар*, 152-Т;
Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,
Неча ким тўла келса холи қилиб. *Садди Искандарий*, 83-Т;

~ **и ҳузур** – жом ҳузури:
Дайрдин маст чиқиб май тиладим,
Кимсадин етмади бир жоми ҳузур. *Фавойидул-кибар*, 655-Т;

~ **и ҳусн** – жом ҳусни, гўзаллиги:
Юрурда раҳши айлаб тоғни паст,
Ўзи от узра жоми ҳуснидин маст. *Фарҳод ва Ширин*, 295-Т;

~ **мурод жоми ич-** –муродга етишмоқ; мурод жомини ичмоқ:
Даврон базмида ким бир мурод жоми ичти ким сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади? *Муншаот*, XIII-150;

~ **торт-** – қадаҳ тарқатмоқ:
Тутали бир нафас қаср ичра ором,
Вале ором тутмай тортали жом. *Фарҳод ва Ширин*, 323-Т;

~ **и ғурур ич-** – ғурур жомини ичмоқ:
Агар жоми ғурур ичмакка мажлис тутмамиш невчун,
Назойирхвон ила ўз лаҳнин этти зир-у бам воиз. *Ғаройибус-сиғар*, 233-Т;

~ **и ғурур чек-** – ғурурга берилмоқ:
Халойикдек тилаб зоҳир ҳузурин,
Жаҳоннинг чекмасам жоми ғурурин. *Вақфия*, 9(10)-642; 14(-247);

~ **ўл-** – жом бўлмоқ:
Хонқоҳдин ташна лаб еттим карам қил пири дайр,
Ким тоғар ўлсун ичар зарфим менинг жом ўлмасун. *Наводируш-шабоб*, 484-Т;

~ **чек-/торт-** – қадаҳ узатмоқ, бермоқ:
Гарчи жуз жом дам бадам чекмай,
Адл қонунидин қадам чекмай. *Сабъаи сайёр*, 10-74;
Иши ов овламақта чекмак жом,
Тортибан жом қилмақ овға хиром. *Сабъаи сайёр*, 10-74;

~ **эт-** – жом, қадаҳ этмоқ:
Кесук бошнинг косасин жом этиб,
Вале қон май ўрнига ошом этиб. *Садди Искандарий*, 50-Т.

ЖОМА [جامه] – либос, кийим:
Разм майдонида ким икки тарафдин аҳли ҳарб,
Бош ила жон таркин айларлар ажаб ҳангомадур.
Кинаварлар анда жавшан кийсалар тан ҳифзига,
Жисм сандуқи учун гўё ки оҳан жомадур. *Наводируш-шабоб*, 685-Т.

ЖОМАБОФ [جامه باف] – тўқувчи:
Жомабоф омода қилди коргоҳ,
Қилғали зарбафт ани киймакка шоҳ. *Лисонут-тайр*, 193-Т.

ЖОМАБОФЛИҚ [جامه باف لیق] – тўқувчилик:
Мавлоно Нажмий ҳам машҳадликдур. Жомабофлик ҳирфасиға мансубдур.
Мажолисун-нафоис, 114-Т.

ЖОМАЧОК [جامه چاک] – кадаҳ, кўзача:

Дер Навоий бўлса мур дайрида масту жомачок,
Ким тирикликдин бу султонлиғ анинг мақсудидур. *Хазойинул-маоний*, 116-167.

ЖОМГИР [جامگیر] – жом оладиган; майга интиладиган:

Ки сўз тахтида бўлдум оромгир,
Бўлай таҳният базмида жомгир. *Садди Искандарий*, 121-Т;
Неча вақт ўлуб айш ила жомгир,
Кўнгул топмади анда оромгир. *Садди Искандарий*, 151-Т.

ЖОМИЪ I [جامع] – жамловчи, тўпловчи, қамраб олувчи:

Улуми зоҳир ва ботинийда жомиъ эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 287-Т.

~ **и Қуръон** – Қуръон жамлаган; Халифа Усмон:

Тангри айлаб жомиъи Қуръон ани,
Халқ деб Усмон бин Аффон ани. *Лисонут-тайр*, 30-Т.

ЖОМИЪ II [جامع] – одамлар тўпланадиган жой; масжид:

Саккиз юз ўттузда Ҳирот жомиъида бир фидойи замон подшоҳиға захме урди. *Насойимул-муҳаббат*, 419-Т;

Хожа Ҳасани Хизр Шоҳ... қабри Астрободда масжиди жомиъ рўба-рўйидадур. *Мажолисун-нафоис*, 49-Т;

Шайх Абу Саид Абулхайр дебтур ки одина куни отамиз била масжиди жомиъға борадур эрдук. *Насойимул-муҳаббат*, XV-108.

ЖОМИЪА [جامعه] – тўпланганлар, жамоат; ~ **и томма** – бутун, тўла, ҳамма жамоа:

... Саййидут-тойифа Жунайд қуддиса сирруҳудин воқиъ бўлди калимадур жомиъаи томма ва башоратидур шомилаи омма бизга ва авлодимизға ва асҳоб-у аҳбобимизға ки ҳозир ё ғойиб-дурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 246-Т.

ЖОМИЪИЙЯТ [جامعیّت] – тўлиқлик, мукаммаллик:

Андин сўнгра ким турк тилининг жомиъийяти мунча далойил била собит бўлди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;

... бу умматда аларнинг камоли суварий ва истикмоли маънавийлари жомиъийяти била тўрамамиш бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-184.

ЖОМИЪУЛ-АСЛ [جامع الاصل] – асли нақшбандийлар тариқатидин:

Кунияти Абдулфазлдур жомиъул-асл, нишобурииййул-мавлид. *Насойимул-муҳаббат*, 374-Т.

ЖОМОСБ [جاماسب] – Каёнийлардан Кайкуштасбнинг вазири, ҳикмат ва ҳаётда юксак билимли:

Яна бўлди Жомосби кишваристон,
Жаҳон бўлди инсофидин бўстон. *Садди Искандарий*, 112-Т.

ЖОМРАСОН [جامراسان] – жом келтирувчи, сокий:

Танга чу ҳаёт жомидур комрасон,
Бўл танға нашот комидин жомрасон. *Назмул-жавоҳир*, 15-152; (10(10)-57).

ЖОН [جان] – I. рух; тириклик, ҳаёт:

Алата ки жон бўлғай инсон била,
Тирик бўлғай инсон дағи жон била. *Садди Искандарий*, 84-Т;
Эй кўнгул билгил ки бу жон не сенингдур не менинг.
Балки анингдур десанг кимнинг дейин ким ёрнинг. *Мезонул-авзон*, 33-Т;
Ҳажр агар будур нетаймен жонни жон нетсун мени,
Ким эрур ҳар лаҳза мендин жон-у мен андин малул. *Бадойиул-васат*, 279-Т;

2. руҳият, ички ҳолат, руҳий аҳвол:
Гул иси роиҳаси димоғиға жўш солди ва гулбун насими жониға анча хуруш юзландурди. *Назмул-жавоҳир*, 15-127;
Уртаниб ўз шуълаи ҳирмонидин
Дуд чиқти ҳар бирининг жонидин. *Лисонут-тайр*, 55-Т;
3. аъзои бадан, вужуд:
Белинг-у зулфунг ҳаёлин шарҳ этармен мўбамў,
Ташнадурмен лаълингга то бордурур жонимда су. *Мезонул-авзон*, 32-Т;
4. ҳаракат, қувват, имконият:
Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар қилди анча ки имкони бор. *Садди Искандарий*, 119-Т;
5. ўй, хотир, эс:
Мен бу афсоналарни туттум ёд,
Айладим жон саҳифасида савод. *Сабъаи сайёр*, 10-48;
6. вужуд:
Мавлоно Яқиний... Мавлоно тирик бўлса эрди жони бирла инсоф бергай эрди. *Мажолисун-нафоис*, 226-Т;
7. кўнгил:
Чу меҳмон узатиб кўлин хониға
Қўюб мизбон миннатин жониға. *Садди Искандарий*, 364-Т;
8. севикли жонон:
Эсти андақ насими ул ёндин,
Ким хабар берди нафҳаси жондин. *Сабъаи сайёр*, 161-16;

~ **балоси** – тириклик офати:
Хосса не киши ки жон балоси,
Не жон ки бари жаҳон балоси. *Лайли ва Мажнун*, 165-Т;

~ **жавҳари** – жон гавҳари:
Ақиқ лаълинга жон жавҳарин нисор айлай,
Саводхолинга кўз мардумин фидо қилай. *Ғаройибус-сиғар*, 386-Т;

~ **иси** – роҳат, баҳра:
Сабодин сарви равонининг келган хабарин сурар ва андин жон иси келган муносабат била руҳи равонининг ҳадисин сўрар. *Мажолисун-нафоис*, 238;

~ **коҳи** – жонни ўртайдиган:
Бир тараф анча дарди жон коҳи
Бир тараф нохужаста ҳамроҳи. *Сабъаи сайёр*, 10-333;

~ **меҳнати** – жон изтироби:
Жон меҳнати келди зикри анинг,
Умр офати бўлди фикри анинг. *Лайли ва Мажнун*, 45-Т;

~ **мулки** – кўнгил:
Ҳуснидин офоқ аро ғавғо эди,
Зулмидин жон мулкига яғмо эди. *Лисонут-тайр*, 89-Т;

~ **риштаси** – қон томири; кўнгил орзу умид истаги:
Чалиб чун ғино нотавон риштасин,
Узуб нотавонларға жон риштасин. *Садди Искандарий*, 293a15;

~ **уйи** – вужуд, юрак, калб:
Қайси бўлур жисм уйи ким жон уйи,
Жон уйи ҳам дема ки имон уйи. *Ҳайратул-аброр*, 7-154;

~ **хатари** – жон хавф – хатари:
Чун дер элга жон хатари хайрға далолат қилғучиға ўлум зарари. *Маҳбубул-қулуб*, 14-15;

~ **и азиз** – азиз, ширин жон:
Эл тарафидин моли олам бир қаро пулдин кам ва фидо қилған жони азиз анча йўқ ким бир пашиз. *Маҳбубул-қулуб,* 14-15;
~ **и асир** – жон асири:
Куяр шавқ ўтидин жони асири,
Эрур ерида бўлсам дастгири. *Фарҳод ва Ширин,* 329-Т;
~ **и афгор** – руҳсизланган, хаста жон:
Ҳам рамад тегган кўзунгга чашми бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингга жони афгорим фидо. *Ғаройибус-сиғар,* 51-Т;
Юз туман мунда жони афгори,
Барча бир сари ву бу бир сари. *Сабъаи сайёр,* 85-15;
~ **и бемор** – хаста, бемор жон, вужуд:
Ошикоро юз туган гарчи тани зоримда бор,
Анча юз дағи ниҳони жони беморимда бор. *Наводируш-шабоб,* 151-Т;
~ **и бенаво** – бечора, бахтсиз жон:
Бизингдек халқ жони бенавоси,
Сенинг бир тори мўйунгнинг фидоси. *Фарҳод ва Ширин,* 385-Т;
~ **и дардпарвард** – хаста, қайғули, дардга чўмган жон:
Деб эрдинг менда ҳам кўптур ғам-у дард,
Бу сўздин куйди жони дардпарвард. *Фарҳод ва Ширин,* 426-Т;
~ **и жаҳон** – бутун дунё, бутун борлик; бутун олам гўзалларнинг гўзали:
Ўз ичкан соғарингнинг журъасин оғзимға чун қўйдунг,
Газак ҳам яхши бўлғай берсанг эй жони жаҳон тишлаб. *Фавойидул-кибар,* 52-Т;
~ **и заиф** – заиф жон, хастадил:
Бериб наъшин оллинда жони заиф,
Солиб жисминг устига жисми наҳиф. *Садди Искандарий,* 488-Т;
~ **и зор** – бечора жон:
Чун Навоий ўлди ғамдин эй ситамгарлар не суд,
Жони зорим йўқса жисми нотавонимни тиланг. *Фавойидул-кибар,* 343-Т;
Билмас кўнгул эмди жони зорим хабарин,
Ким пайк кетурди шаҳсуворим хабарин. *Муншаот,* 14-182;
~ **и маъйус** – маъюс жон:
Ичинда шамъ ўтлуқ жони маъйус,
Тири бирла сўнгак андақ ки фонус. *Фарҳод ва Ширин,* 394-Т;
~ **и маҳжур** – ҳижронда колган жон, маҳрум жон:
Ошиқ ўлмай сиз ки дерсиз тавба қил эй аҳли зуҳд,
Нетсун ичмай жони маҳжур ўлса жонон ичкучи. *Наводируш-шабоб,* 644-Т;
Тилар ул сари еткай жони маҳжур,
Равон майл айлади ул сари Шопур. *Фарҳод ва Ширин,* 282-Т;
~ **и меҳнатпарвар** – машаққат, изтиробда парваришланган жон:
Дўстлар бирла тутуб ишрат баҳорин муғтанам,
Бир нафас осуда бўлғай жони меҳнатпарвари. *Наводируш-шабоб,* 638-Т;
~ **и мурод** – мурод жоми:
Бўйла сўзларда тутуб жоми мурод,
Номурод андин топиб коми мурод. *Лисонут-тайр,* 224-Т;
~ **и низор** – хаста жон:
Қайда борди нигорим ким гум ўлди қарорим,
Ўлди жисми заифим куйди жони низорим. *Мезонул-авзон,* 52-Т;
~ **и нолон** – нола, фиғонли жон:
Жони нолон кўнгул била не ажаб,
Посбонинг кеча юрутса жарас. *Ғаройибус-сиғар,* 198-Т;

~ **и ношод** – қайғули ранжли жон:
Мени шод айлагил бир журъа била,
Ки ғамдин жонға етти жони ношод. *Ғаройибус-сиғар*, 116-Т;
Ҳар ниёз-у ажз ким бу жони ношодимда бор,
Вах ки юз минг анча ноз ул сарви озодимда бор. *Фавойидул-кибар*, 193-Т;
~ **и нотавон** – заиф, хаста жон:
Фидо бариға жони нотавоним,
Не қилсанг ҳам турубтур хаста жоним. *Фарҳод ва Ширин*, 427-Т;
~ **и огоҳ** – огоҳ жон:
Умид ул ким қадам сарвақтима еткургай огоҳи,
Навоий гар талаб йўлида бўлса жони огоҳим. *Ғаройибус-сиғар*, 330-Т;
~ **и пажмон** – ғамгин жон, эзилган вужуд:
Не сўз ким сен дединг жонимға ёқти,
Ҳадисинг жони пажмонимға ёқти. *Фарҳод ва Ширин*, 344-Т;
~ **и пок** – пок кўнгил, пок ҳаёт; руҳи пок:
Вале ваҳдатда жони поки анинг,
Бўлуб Ҳақ бирла истиҳлоки анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 486-Т;
Ўлукка гар андин эрур жони пок,
Валекин тирикни ҳам айлар ҳалок. *Садди Искандарий*, 76-Т;
~ **и покфаржом** – тоза пок оқибатли кўнгул, қалб:
Тушти жони покфаржомға ишқ,
Кирди қондек етти андомиға ишк. *Лисонут-тайр*, 99-Т;
~ **и пурошуб** – серҳаёжон жон:
Хабар ҳар қаён топса маҳбубидин,
Чекиб нола жони пурошубидин. *Садди Искандарий*, 234-Т;
~ **и пурфан** – маккор жон:
Балодин асрасун даврон танингни,
Не ёлғуз тан ки жони пурфанингни. *Фарҳод ва Ширин*, 331-Т;
~ **и ранжфарсуд** – ранжда эзилган жон:
Кел ким йўлунгда туфрақ бошингға садқа бўлсун,
Ҳам жисми дардпарвар ҳам жони ранжфарсуд. *Бадойиул-васат*, 101-Т;
~ **и хароб** – ожиз, хароб жон:
Чу йўқтур бир назар қилмакқа тоби,
Чиқарға ёвушур жони хароби. *Фарҳод ва Ширин*, 328-Т;
~ **и хоксор** – хоксор жон:
Хоки пойи бўлди жони хоксорим кон йутуб,
Ким чиқиб лаълини ўпкай риштаи зулфин тутуб. *Ғаройибус-сиғар*, 67-Т;
Киши кетурса манга сарви гулизоримни,
Анга фидо қилайин жони хоксоримни. *Наводируш-шабоб*, 607-Т;
Эй Навоий шукр ким майдонға ул шаҳ қўйди юз,
Ким йўлида қолмади навмид жони хоксор. *Ғаройибус-сиғар*, 145-Т;
~ **и ширин** – тотли, ширин жон:
Асиғ йўқ жони ширин берса Фарҳод,
Чу Ширин лаълидин ком олди Парвиз. *Наводируш-шабоб*, 209-Т;
~ **и Ширин** – Ширин жони:
Лабинг жони Ширин киби бўлди ким
Фидо бўлди юз жони Ширин санга. *Фавойидул-кибар*, 22-Т;
~ **и қурбон** – жон қурбони:
Бир ўқ ким элга отти ул қоши ё,
Юз ўқ жони қурбонимға етти. *Бадойиул-васат*, 456-Т;

~ **и ғамандуз** – ғамгин, хафа жон:
Жоним ўйида анча ғаминг нақдини йиғдим,
Ким бўлди кўнгул маҳзани бу жони ғамандуз. *Бадойиул-васат*, 163-Т;
~ **и ғампарвард** – ғамли, хастали бўлиб ўсган жон:
Бари ҳолатда чун ҳамдардим ўлдунг,
Аниси жони ғампарвардим ўлдунг. *Фарҳод ва Ширин*, 389-Т;
Ўлсанг ул йўл ичра ранж-у дард ила,
Жисми зор-у жони ғампарвард ила. *Лисонут-тайр*, 65-Т;
Сен ўзунг бирла ниёз-у дард илат,
Жисми зор-у жони ғампарвард илат. *Лисонут-тайр*, 190-Т;
~ **и ғуссапарвар** – ғам, қайғу билан парвариш топган жон:
Ваъда қилдинг ким келай қатлиқгға ваҳ лутф айла ким
Асру кўп чекти бу жони ғуссапарвар интизор. *Фавойидул-кибар*, 163-Т;
~ **и ҳабиб** – севикли, ҳабиб жон:
Эй жони ҳабиб-у кўнгли аҳбобқа лол,
Мен ҳам қилдим жон-у кўнгулни ирсол. *Ғаройибус-сиғар*, 558-Т;
~ **и ҳаваснок** – ҳавасли, мойил кўнгил:
Ғам туни ул ҳусн шамъи бошиға парвонадек,
Эврулуб ҳар лаҳза бу жони ҳаваснок ўртанур. *Фавойидул-кибар*, 166-Т;
~ **и ҳазин** – қайғули, ғамли, ҳасратли жон:
Навоий не асиғ жононға етмас,
Наволар ким чекар жони ҳазиним. *Фавойидул-кибар*, 417-Т;
Йиллар лаби лаълинг ғамидин жони ҳазиним,
Ҳасрат суйини хуни жигар бирла йутубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 153-Т;
~ **-у жаҳон** – бутун дунё, воқеъликдагилар:
Жон-у жаҳонни кўрубан хокча,
Кавн-у макон нақдини хошокча. *Ҳайратул-аброр*, 7-139;
~ **-у кўнгул кишвари** – жону кўнгил маскани, кишвари:
Айлабан ул хайл бўлғунча хабар,
Жон-у кўнглум кишварин зер-у забар. *Лисонут-тайр*, 19-Т;
~ **кивур-/киюр-** – руҳлантирмоқ, хурсанд қилмоқ, шодлик бахш этмоқ:
Чучук тил била мажруҳ таниға жон киюрур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;
Исо иши чиққан жонни танға кивурмак дуо била. *Маҳбубул-қулуб*, 14-24;
Сўз бор ким эшитувчи таниға жон киюрур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-125;
~ **оғизға ет-** – қаттиқ саросимага тушмоқ; ўлар ҳолатга келмоқ:
Чун муҳлик интизордин жон оғизға етти. *Муншаот*, 14-141;
~ **ға ет-** – 1. жондан тўймоқ:
Кел ки ғамингдин жонға етибмен,
Ҳажрда ўлмак чора этибмен. *Мезонул-авзон*, 53-Т;
2. зерикмоқ, жониға тегмоқ, безор бўлмоқ, зериктирмоқ, безор қилмоқ:
Бу жиҳатлардин халойиқ андин жониға етиб эрдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-250;
неча бахши неча парвоначи жонларига етиб неча ҳийла била кутулурлар. *Муншаот*, 14-186;
~ **овучла-** – жонини ҳовучламоқ, хавф-хатардан жон сақламоқ:
Халқ ўзга мулк азми эттилар,
Жон овучлаб бош олибан кеттилар, *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Юз офат ичинда жон овучлаб,
Минг маҳлакадин ниҳон овучлаб. *Лайли ва Мажнун*, 83-Т;
~ **ни таслим қил-** – вафот қилмоқ:
Анга қилғач бу навъ ишларни таълим,
Равони жонни қилди Ҳаққа таслим. *Фарҳод ва Ширин*, 205-Т;

~ **қасди эт-** – хуруж қилмоқ, ўлдиришга шайланмоқ:
Жон қасди кўп этти ёр ҳижрони манга,
Ҳирмон ўқин урди улча имкони манга. *Муншаот*, 14-177;
~ **элт-** – қутулмоқ, халос бўлиб чиқмоқ:
Бир ниёзманд деди ки Хожа бизга имон дуоси била мадад қилсалар бўлғай ки бу шайтон домгоҳидин саломат жон элткайбиз. *Насойимул-муҳаббат*, XV-126;
~ **дин илик юв-** – ҳаётдан умид узмоқ, ўлимга ҳозирланмоқ:
Ҳар нафас юз офатдин кўнгул сув бўлуб жондин илик ювуб... *Муншаот*, 14-145;
Иш анга етти ранж даврондин,
Ки тамоми илик ювдум жондин. *Сабъа сайёр*, 10-216;
~ **дин тўй-** – жондан тўймоқ; ҳаётдан тўймоқ, безор бўлмоқ:
Тўйди жондин Навоий ҳажр аро тут эй ажал,
Ўйла май ким чун ичра то ҳашр айилмас киши. *Хазойинул-маоний*, 116-630;
~ **и куй-** – алам, изтироб чекмоқ, ачинмоқ:
Эмди дағи бу кулнинг жони куйганда ўзгаларнинг этаги куймас.
Муншаот, 14-186;
бирор таъномез ва киноятангез сўз ғоят жонлари куйгандин ва кўнгиллари таҳаммул қилмағандин арз қилғайлар. *Муншаот*, 14-150;
~ **ға вой** – ҳолига вой; аҳволи ачинарли, таассуфли:
Ва агар [подшоҳ] ситезарўй бўлса ва худрой мушфиқ Навоий жониға вой.
Маҳбубул-қулуб, 14-15;
~ **ға ўт сол-**– азоб бермоқ, қийнамоқ:
Ваҳ ки яна ўт солур жонима бир ҳурваш.
Наълбур-у доғсўз риндваш-у журъкаш. *Мезонул-авзон*, 45-Т;
~ **бер-** – 1. ўлмоқ, вафот этмак:
Эй Навоий бермайин жон ишқдин дам урма ким
Ҳар не ким дер ўлмайин ошиқ эрур ул барча лоф. *Хазойинул-маоний*, 116-307;
Фироқингда жон бердим бошимға қадам еткур,
Агар ҳуд тирик эрмиш чу ёлғон дедим ўлтур. *Мезонул-авзон*, 57-Т;
Ёди бирла ҳар киши ким берса жон,
Бордур ул ўлмак ҳаёти жовидон. *Лисонут-тайр*, 242-Т;
2. тирилтирмоқ, ҳаёт бағишламоқ:
Жонда жон берур сўзи дурму лаби хандониму,
Руҳум ороми дейинму ани жоним жониму. *Ғаройибус-сиғар*, 395-Т;
Тийғи девона Навоийни не ғам қатл этса,
Чун анга жон яна ул ҳури паризод берур. *Хазойинул-маоний*, IVa-93;
Минг йил ар Заҳҳок улустин тўкти қон,
То Масиҳ ўлган баданга берди жон. *Лисонут-тайр*, 211-Т;
3. тайёр бўлмоқ, жону тан билан кутиб олмоқ:
Қатл учун жон бермак шиори, эл молу жониға қасд шикори.
Маҳбубул-қулуб, 14-15;
~ **ичра ер бер-** – кўнгулга жойламоқ:
Ўпуб кўзумга қўюб жоним ичра ер бердим,
Алиф киби ки бўлубтур макони жон ичра. *Муншаот*, 14-174;
Бор анга ишқ ичра жон бермак мурод,
Ишқ қайдидиндурур барча кушод. *Лисонут-тайр*, 137-Т;
~ **била итоат айла-** – сидқидилдан бўйсунмоқ:
Не ким ул икки деса фармон била,
Бу бири айлаб итоат жон била. *Лисонут-тайр*, 224-Т;

~ **ол-** – 1. жон олмоқ; ўлдирмоқ:
Деди: жонингни олса лаъли ёди,
Деди ким ушбудур жоним муроди. *Фарҳод ва Ширин*, 373-Т;
2. мафтун қилмоқ; жон олмоқ:
Бу бири ким соз унидин жон олиб,
Нағмадин ул бир баданға жон солиб, *Лисонут-тайр*, 222-Т;
~ **талаш-** – қалбни яксон қилмоқ; ҳаёт, жон билан ўйнашмоқ:
Борғанингдин жон талашмақ эрди мен маҳзунға иш,
Келдингму жонимни олдинг бу боришқа бу келиш. *Хазойинул-маоний*, 16-276;
~ **топ-** – 1. қувватланмоқ, манфаатланмоқ:
Ҳаёти қайдидин Ширин қилиб шўр,
Янги жон топибан бечора Шопур. *Фарҳод ва Ширин*, 301-Т;
Ҳар бирининг рухидин юз тийразот,
Жон топиб ичкан киби оби ҳаёт. *Лисонут-тайр*, 35-Т;
2. истак-орзуга етмоқ:
Кўнглини ўйла шодмон топти,
Дегасен ўлмиш эрди жон топти. *Сабъаи сайёр*, 10-84;
~ **топшур-** – жон бермоқ:
Ҳайратидин ул заифи нотавон,
Биз сўз айта олмадин топшурди жон. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
~ **дин кеч-** – жондин кечмоқ:
Кечиб аввал диёр-у хонумондин,
Вале сўнгра жаҳондин балки жондин. *Фарҳод ва Ширин*, 485-Т;
Ул дам ки куйарда кечти жондин,
Не фикри анинг ики жаҳондин. *Лайли ва Мажнун*, 365-Т;
~ **торт-** – азоб чекмоқ, қийналмоқ:
Эрур уч йил ки жон тортиб ҳамиша,
Ушолмай қолмади метин-у теша. *Фарҳод ва Ширин*, 286-Т;
~ **сари майл айла-** – тирилмоқ:
Дебон «Айнул-ҳаёт» ул чашмани хайл,
Ки ўлган ичса айлар жон сари майл. *Фарҳод ва Ширин*, 285-Т;
~ **чек-** – 1. азоб-машаққат чекмоқ:
Ҳак йўлида бош қўюб-у жон чекиб,
Меҳнатини то эрур имкон чекиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-273;
2. ҳайратланмоқ:
Кўнглак узра неча ҳулла ранг ранг,
Санъатида жон чекиб Рум-у Фаранг. *Лисонут-тайр*, 98-Т;
~ **ўйна-** – жон фидо қилмоқ:
Мен башар жинсиға жон ўйнаб вафое кўрмадим,
Қочмай одам хайлидин ҳар ким ки бўлса одами. *Ҳазойинул-маоний*, 115-642;
~ **ўрта-** – жонни қийнамоқ:
Меҳр ораз ёри чеҳра очиб жон ўртарининг тазарруъи ва ошкора лутф кўргузуб кўнглини пинҳон ўртарининг тазаллуми. *Мажолисун-нафоис*, 241;
~ **чиқ-** – жон бермоқ, вафот этмоқ:
Бу муҳлик ғамда чиқса жони анинг,
Яқин бўйнумға бўлғай қони анинг. *Фарҳод ва Ширин*, 329-Т;
~ **тарк/таркин эт-** – ўлмоқ:
Ким висоли комиға ё эткабиз,
Ё таманносида жон тарк эткабиз. *Лисонут-тайр*, 46-Т;

Бирав ким акс кўргач ҳуши кетса,
Узин кўрган не тонг жон таркин этса. *Фарҳод ва Ширин*, 298-Т;

~ **айла-/қил-** – жон айламоқ:
Халвате топиб сени жисмим аро жон айласам,
Балки жон халватсаройи ичра меҳмон айласам. *Бадойиул-васат*, 323-Т;
Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рагимда қон қил. *Лайли ва Мажнун*, 192-Т.

ЖОНАЖОН [جانه جان] – бирлаган, мустаҳкам; жонажон:
Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда жонажон эрур,
Бу жиҳатдин бир бириси бирла жонажон эрур. *Бадойиул-васат*, 146.

ЖОНАФРУЗ [جان افروز] – жонга роҳат берувчи, яшнатувчи:
Суйи кавсар суйидек жонафрўз,
Ўти дўзах ёлинидек пурсўз. *Хазойинул-маоний*, IVa-413.

ЖОНБАХШ [جان بخش] – ҳаётбахш, руҳлантирувчи:
Қайу ғунча ким гулшани койинот,
Бу жонбахш ел бирла топти ҳаёт. *Садди Искандарий*, 77-Т;
Зиҳи нуткунг такаллум вақти жонбахш,
Масиҳо янглиғ анфосин равонбахш. *Фарҳод ва Ширин*, 497-Т;
Дедим таронаи жонбахш мутрибо сен худ,
Фироқ сози тузуб ўлтурур кўки чолдинг. *Хазойинул-маоний*, 16-378;

~ **бўл-** – жонбахш бўлмоқ:
Шаҳ ким ичиб ул майи равонбахш,
Базм ичра бўлуб ҳадиси жонбахш. *Лайли ва Мажнун*, 77-Т;

~ **айла-/қил-** – жонбахш айламоқ:
Юзидин бири ким бўлуб мустажоб,
Ани халқ жонбахш айлаб хитоб. *Садди Искандарий*, 98-Т;
Санга гарчи жонбахш қилди калом,
Якин эрди ким айлагай қатли ом. *Садди Искандарий*, 132-Т.

ЖОНБАХШЛИҒ/ЖОНБАХШЛИК [جان بخش ليغ/جان بخش ليق] – жон бағишлаш, жонга роҳат беришлик:
Лабға майдин ранг-у манға лаълидин жонбахшлиғ,
Бермаса гулранг майдин не учун олмас лабин. *Наводируш-шабоб*, 447-Т;
Топмаған бўлса лабингнинг шарбатидин чошни,
Бас бу не жонбахшлиғдур чашмаи ҳайвон аро. *Бадойиул-васат*, 5-Т;
Чучук лафзинг Масиҳонинг туфулийятдаги нутқи,
Билинг жонбахшлик кўнглига кирган хаёлидур. *Фавойидул-кибар*, 194-Т.

ЖОНВАР/ЖОНИВОР [جانور/جانور] – жонвор, жондор; ҳайвон:
Кўрунуб жонвар баҳр ичра беҳад,
Нечук ким дашт ичинда ҳар нечук дад. *Фарҳод ва Ширин*, 264-Т;
Паёпай чучук сўз чу пайғом ўлур,
Анингдек ки хаш жонвар ром ўлур. *Садди Искандарий*, 346-Т;

~ **накши дебо** – гўзал қиёфали жонвор:
Тўқулған киби жинси зебо аро,
Укуш жонвари накши дебо аро. *Садди Искандарий*, 466-Т;
Ичинда жонивор бошдин аёк дев,
Бўлуб ҳар шакл бирла кўргузиб рев. *Фарҳод ва Ширин*, 216-Т.

ЖОНГОҲ [جان گاه] – жон, руҳ манзили, уйи:
Ҳасрат овучин коқиб чекиб оҳ,
Ким тортар эди фиғони жонгоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 179-Т;

Даҳр боғида тикандин айру чун гул бутмади,
Гар тикан жонғоҳдур аммо эрур гул жонфизой. *Бадойиул-васат*, 457-Т;
Ҳам елига қисм сарсари оҳ,
Ҳам ўти сумуми ишқи жонғоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т.

ЖОНГУДОЗ [جانگداز] – 1. жонни қийновчи, азоб берувчи:
Куймаган ишқ ичра эрмас ишқибоз,
Ошиқ эрмас ул ки эрмас жонгудоз. *Лисонут-тайр*, 202-Т;
Гулшанға насими субҳ розим еткур,
Не роз ҳадиси жонгудозим еткур. *Муншаот*, 9(10)-602; (14-199);
2. жозибали, кўнглига ҳарорат солувчи:
Ёр иштиёқи суубатида ва дарди фироқ укубатида бу матлаъ беҳад дилпазир ва бағоят жонгудоз воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 218-Т.

ЖОНГУДОЗЛИҚ [جانگداز لیق] – жон қийновчилиқ, ситамгарлик:
Шоҳиди раънодин луъбандузлуқ тилар ринди фарзонадин жонгудозлик ва дилсозлуқ истар. *Бадойиул-васат*, 70.

ЖОНДОР [جاندار] – жонли, тирик; ҳаёт:
... чўлилик биёбонида жонсипорлик қилған жондорлар...
Вақфия, 9(10)-640; (14-245).

ЖОНИБ [جانب] – 1. томон, тараф, жиҳат:
Савоб иш мутлақ анинг жонибидур,
Бари ишта Ҳақ анинг жонибидур. *Фарҳод ва Ширин*, 434-Т;
Шайх ибнул-Арабий дебтур ки мен мундин билдим ки мурид таважжуҳ сидқи била Шайхни ўз жонибиға жазб қила олур эрмиш. *Насойимул-муҳаббат*, 231-Т;
Барин табъ бир жониб айландуруб,
Бурунғи барин табъ ила ёндуруб. *Садди Искандарий*, 48-Т;
Яна ул ким девонийларға ҳукм бўлса ким атрофдин келган бозургонларнинг жонибин риоят қилсалар. *Муншаот*, XIII-133;
Бу кишвар жониби овора қилди,
Бирав ишқи била бечора қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 366-Т;
2. боис, сабаб:
Дин жонибидин етиб кушодинг,
Еткай ики даҳр аро муродинг. *Лайли ва Мажнун*, 96;
~ **идин (кўмакчи):** – ... га кўра, нуқтаи назаридан:
Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса... *Муҳокаматул-луғатайн*, 167-Т;
Хоқон сулҳ жонибидин кириб Фарғонадин ерини Нўширавонға мусаллам тутуб қизин анга бериб узатти. *Тарихи мулуки ажам*, 16-243;
~ **и асфал** – паст томон:
Фазлалари дафъи учун икки йўл,
Жониби асфалдин ўлуб зоҳир ул. *Ҳайратул-аброр*, 53-19;
~ **и бадгўй** – юзаки ҳурмат:
Булбул киби хушгўй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг жониби бадгўй тутубтур. *Ғаройибус-сиғар*, 154-Т;
~ **и ос-у рус** – ос ва рус (халқлари) томони, тарафи:
Чу азим бўлуб жониби ос-у рус,
Бўлуб юзлари ваҳмдин сандарус. *Садди Искандарий*, 150-Т;
~ **ини асрамақ** – жонибини асрамоқ, сақламоқ, ёқламоқ:
Бу маҳалда ҳар ҳол била бўлса навкар жонибини асрамақ вожибдур.
Муншаот, 9(10)-579; (14(20)-170);

~ **ини тут-** – ёнини олмоқ, ёкламоқ:
Шағол жонибин тутмақ товуқ тухмин курутмақдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-89.

ЖОНИЙ [جانی] – 1. *жонга тегишли, жондан, кўнгилга энг яқин дўстлар:*
... ва лекин тавақкуъ аҳбоби жонийдин ул ким дуо ели била гоҳи бу ниҳоятсиз даштдин... балийёт хас-у хорин супургайлар. *Муншаот*, 14-145;
Номанг ки манга муждаи жоний эрди,
Ҳижрон ғамидин хатти амоний эрди. *Муншаот*, 14-157;
2. Жоний (тахаллус):
Мавлно жоний... Райҳоний тахаллус қилур эрди ва вилояти муносабати била анга Жоний тахаллус буюрулди. *Мажолисун-нафоис*, 96-Т.

ЖОНКОҲ [جانکاه] – жонни қийновчи; умрни қисқартирувчи; аламли, ҳасратли:
Даво топмайин дарди жонкоҳиға,
Қадам кўйди ўз хони даргоҳиға. *Садди Искандарий*, 321-Т;
Ёрни кўнглумда жон янглиғ ниҳон қилғай эдим,
Айби кўнглумнинг будур ким нолаи жонкоҳи бор. *Хазойинул-маоний*, IIIа-71;
Бир наъраи жонкоҳ била йиддлар қозғанғани ҳам илгидин кетибдур.
Маҳбубул-қулуб, 35.

ЖОНЛИҒ/ЖОНЛИҚ [جانلیغ/جانلیق] – жонивор, ҳайвон:
Мақсуди ани сайёд қилмақ ва ўзга жонлиғлар қасдиға жаллод қилмақ.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-477; 14-41);
Эй висолинг хаста кўнглум марҳами ороми жон,
Ўлмадим ҳижрон элидин мен қатиқ жонлиқ ёмон. *Мажолисун-нафоис*, 226-Т;
Сурулди гала дағи хандак сари,
Ки жонлиқ нима қолмади ташқари. *Садди Искандарий*, 429-Т;
Бўлмиш ўн йилғи ўлуктин манга заъф афзунроқ,
Ваҳ ки жонлиғ киши ким кўрди бу миқдор заиф. *Бадойиул-васат*, 237-Т.

ЖОНН [جان] – дев, пари:
Гар оти ўлуб замон бадиъи,
Зоти келиб инс-у жонн бадиъи. *Лайли ва Мажнун*, 74-Т;

ЖОННАВОЗ [جان نواز] – кўнгилни ўзига тортадиган, хурсанд қиладиган сўз:
Такаллум қилиб шаҳ басе жоннавоз,
Дема жоннавоз айт меҳмоннавоз. *Садди Искандарий*, 299-Т.

ЖОНОН [جانان] – севгили, маъшуқа:
Ки бу хайл эрур жисм-у ул жонлари,
Агар жон булар бўлса жононлари. *Садди Искандарий*, 523-Т;
Анга ким йўқ ҳадим жонон демакка,
Қайу жонон демак ким жон демакка. *Фарҳод ва Ширин*, 422-Т;
Ҳали кўнглум умидвор бўлди жондин,
Ҳам жонға висол ўлди тамаъ жонондин. *Муншаот*, 14-214;
Ки жон ким андадур жонон вафоси,
Нечук қилғай ани душман фидоси. *Фарҳод ва Ширин*, 364-Т;

ЖОНОНА [جانانه] – жонона:
Кўйди кўнглум ким недин манзил эмас жононаға,
Тушти ўт ганж орзусида бизинг вайронаға. *Ғаройибус-сиғар*, 400-Т;
Лутуф жисмининг жон-у жононаси,
Шараф баҳрининг дурри якдонаси. *Садди Искандарий*, 500-Т.

ЖОНОНСИЗ [جانان سيز] – жононсиз:

Жоним ул ой ҳажр-у жононсиз манга ранж истама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 149-Т;
Жон манга жонон учундур йўқ ки жонон жон учун,
Умр жононсиз қатиқ жонсиз вале осон эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 148-Т;
Деб эдинг жононсиз ўлсанг жонинг олғум эи ажал,
Жон фидонг ар ваъдани ўткармасанг миъодидин. *Бадойиул-васат*, 345-Т.

ЖОНОНЧА [جانان چه] – жононча, жонондек:

Эй кўнгул Фарҳод-у Мажнун бўлғай эрди бизча зор,
Бўлса эрди Лайли ву Ширин бизинг жононча хуб. *Наводируш-шабоб*, 43-Т.

ЖОНОФАРИН [جانآفرين] – жон яратувчи; Худо:

Бу сурат бирла эй жон офати бошдин аёқ жонсен,
Ки бир сендек мусаввир қилмади жонофарин сурат. *Фавойидул-кибар*, 87-Т;
Ва шаҳодат бормағин қойим қилиб калимаи шаҳодат баёни қилиб ва жонни жонофарингға топшурди. *Насойимул-муҳаббат*, 342-Т.

ЖОНПАРВАР [جان پرور] – жонлантирувчи, қувват берувчи, роҳат келтирувчи:

Ки толибдур ҳавойи жонфазоға,
Ки муътод эрди жонпарвар ҳавоға. *Фарҳод ва Ширин*, 470-Т;
... ва хужаста асар мавкибнинг жонпарвар хабаридин ҳажр зиндонида маҳбус ва маҳжуд бўлған наҳифлар фориғбол бўлғайлар. *Муншаот*, 14-178;
Итларинг меҳмоним ўлса туъма ярам қонидур,
Қотил ўлғач турфа кўр ким бўлди жонпарвар яра. *Бадойиул-васт*, 23-Т;
Равза янглиғ ҳавоси жонпарвар,
Суйи кавсар киби равонпарвар. *Сабъаи сайёр*, 10-242.

ЖОНРЕШ [جان ريش] – ярали, жароҳатли қалб; ҳасратли, ранжли жон:

Ишқни жабборлар фаҳм айламаслар нега ким,
Бордур анда жонреш-у хотири афгор шарт. *Бадойиул-васат*, 213-Т.

ЖОНСАНЖ [جان سنج] – жонни тортувчи:

Жонсанж ўлуб изидин тарозу,
Ақраб топиб анда нўшдору. *Лайли ва Мажнун*, 49-Т.

ЖОНСИЗ [جان سيز] – ўлик, жонсиз:

Ансиз ўлмак эрур ўлмак жонсиз,
Бўлайин жонсиз-у бўлмай ансиз. *Наводируш-шабоб*, 216-Т;
Жонсиз имкони нафас йўқ кишига ваҳ ки манга,
Не учун тинмас икин бир нафас афғон сенсиз. *Фавойидул-кибар*, 221-Т;
Чу Ширин жони эрди онсиз ўлди,
Даме ким ўлди онсиз жонсиз ўлди. *Фарҳод ва Ширин*, 484-Т.

ЖОНСИПОР [جان سپار] – жонини фидо қилувчи, жонини аямовчи, жонини таслим қилувчи; садоқатли:

Шоҳға жонин тилар эткай нисор,
Шоҳ Ҳусайн ул ки эрур жонсипор. *Муншаот*, 14-203.

ЖОНСИПОРЛИҚ/ЖОНСИПОРЛИК [جان سپارليق/جان سپارليک] – жонни фидо қилиш:

Жон кўлға тутуб нисорликка,
Сакриб ўзи жонсипорликка. *Лайли ва Мажнун*, 353-Т;
... эрлик ва инсоният улдур ким мукобаласида қуллуқ ва хидматкорлик балки якжиҳатлик ва жонсипорлик қилғай. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-477; (14-41);

... ва чўлилик биёбонида жонсипорлиқ қилған жондорлар ва бойрилиқ айёмида хизматгорлиқ қилған жонсипорлар... *Вақфия*, 9(10)-640; (14-245);
Фарзанд керак заифлиғда отасиға хизмат маҳаллин топтим деб, жонсипорлик қилса. *Муншаот*, 9(10)-592; (14-186).

ЖОНСИТОН [جان ستان] – жон олувчи, халок қилувчи:
Соқийё жоми лабингдин эл тамаъ қилғанда нўш,
Бизга ғамзангдин эрур бир жонситон наштар тамаъ. *Наводируш-шабоб*, 293-Т;
Тан фироқинму десун жон иштиёқинму десун,
Мен ҳаёли тангудози жонситонинму дейин. *Фавойидул-кибар*, 468-Т;

ЖОНСИТОНЛИҚ [جان ستان ليق] – жонситонлик:
Бирида аждар айлаб жонситонлиқ,
Дамидин қилғуси оташфишонлиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 202-Т.

ЖОНСЎЗ [جان سوز] – *жон ўртовчи, азоб берувчи*:
Ҳар лаҳза чекиб жонсўз,
Тортиб ўтлуқ дамин жаҳонсўз. *Лайли ва Мажнун*, 141-Т;
Ҳарзагард ўлди шоҳиди раъно,
Лек жонсўз ринди фарзона. *Бадойиул-васат*, 509-Т;
Ишқ оламсўз эрур жонсўз ҳам,
Шавқ ўтидин куфр-у имонсўз ҳам. *Лисонут-тайр*, 92-Т.

ЖОНСЎХТА [جان سوخته] – жони куйган, қийналган, эзилган:
Шайх мухтариъдурлар жонсўхталар ва ишқибозларға ва дил афрўхталарға ва жонгудозларға филвоқиъ ғариб ҳаққе собит қилибтурлар.
Насойимул-муҳаббат, XV-172.

ЖОНФИДОЛИҒ [جان فداليغ] – жонфидолик:
Кўйида жоним фидосидур бу маъно бирла ким,
Оллида дойим қилурмен жонфидолиғ орзу. *Наводируш-шабоб*, 517-Т.

ЖОНФИЗО/ЖОНФИЗОЙ [جان فزا/جان فزای] – 1. *жонни қувватлантирувчи, жонга роҳат берувчи*:
Суйи руҳафзо ҳавоси жонфизо,
Саҳнида мавжуд жонпарвар ғизо. *Лисонут-тайр*, 153-Т;
Ҳадиси пок-у нутқи жонфизойиндин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро агар абраш агар акмаҳ. *Бадойиул-васат*, 381-Т;
2. *ҳаёт орттирувчи, бахрлантирувчи*:
Не воқиф киши уйдин олмай қадам,
Ки не жонфизодур тавофи ҳарам. *Садди Искандарий*, 256-Т.

ЖОНФИЗОЛИҒ [جان فزاليغ] – руҳлантирувчилик:
Лаби лаъли ҳалоқи мен агарчи жонфизолиғда
Масиҳо бирла ул гўё ўлук бирла Масиҳодур. *Бадойиул-васат*, 149-Т.

ЖОНФИЗОЯНДАЛИҚ [جان فزاينده ليق] – жонга оройиш берувчилик, хурсанд қилувчилик:
Лабин пешаси жонфизояндалиқ,
Қўзум шеваси дилрабояндалиқ. *Садди Искандарий*, 391-Т.

ЖОНФИШОН [جان فشان] – жонини фидо қилувчи:
Ўзидин чу жонида қолмай нишон,
Солиб ўзни жонон сари жонфишон. *Садди Искандарий*, 66-Т;

Дард келди ишқ сўзидин нишон,
Дард бўлмай ошиқ ўлмас жонфишон. *Лисонут-тайр*, 92-Т;
Хўтан мулки ки жаннатдин нишондур,
Саводи узра жаннат жонфишондур. *Фарҳод ва Ширин*, 454-Т.

ЖОНФИШОНЛИҚ/ЖОНФИШОНЛИҒ [جان‌فشان‌لیق /جان‌فشان‌لیغ] – жон фидо қилувчилик:
Бу соат нетиб мезбонлиқ қилай,
Қабул айласанг жонфишонлиқ қилай. *Садди Искандарий*, 201-Т;
Ки меҳмониға қилғай мезбонлик,
Демай ким мезбонлиқ жонфишонлиқ (/**жонфишонлиғ** – Оксфорд, Bodlein кутубхонаси, Eliot фонди, №2117). *Фарҳод ва Ширин*, 480-Т.

ЖОНФОРСОЙ [جان فارسای] – покиза, соф дил, калб:
Лабида асради жонимни ишқи жонфорсой,
Курутти қонин-у қон ичра айлади маҳфуз. *Бадойиул-васат*, 219-Т.

ЖОНФУРЎЗ [جانْ فروز] – кўнгил ёритувчи:
Ким дард-у гудоз-у сўз бирла
Юз шуълаи жонфурўз бирла. *Лайли ва Мажнун*, 362-Т.

ЖОНЧА [جانْچه] – жон каби, жондек, жонча:
Эй хуш ул ўлмак ки юз минг жонча бор,
Қайси жон ки умри жовидонча бор. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

ЖОРИЙ [جاری] – 1. окувчи, оқиб турган; айланиб юрган; юриб турган; кечган, юрган:
Ишқ аҳкоми кўзу кўнглум ародур жорий,
Ки қазо амриғадур баҳр ила қон ичра нафоз. *Хазойинул-маоний*, IVб-134;
Даъби бу янглиғ эди жорий анинг
Эл бўла олмай харидори анинг. *Лисонут-тайр*, 219-Т;
2. амалга ошириш:
Сулаймондек бариға ҳукми жорий,
Агар дашта ву ёхуд кўҳсори. *Фарҳод ва Ширин*, 386-Т;
3. юритилган:
Бор эмиш улус тилида жорий,
Сендин бу ажаб кўрунди бари. *Лайли ва Мажнун*, 155-Т;
4. тасвирланиш, нишонланиш, намоён бўлиш; кўриниш:
Сарбаландлиғи сабза тилидин... жорий ва нобаржолиғи садо тақриридин зокир. *Муншаот*, XIII-88;

~ **бўл-/ўл-** – 1. оқмоқ; оқиб турмоқ:
Ва бир тоштин ўн икки булағ жорий бўлуб алар сероб бўлур эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-145;
2. давом этмоқ, узаймоқ:
Ҳаётингиз зулоли абадға дегинча жорий бўлсун. *Муншаот*, XIII-138;
3. тақозо қилмоқ, ҳукм бўлмоқ:
... чун иродатуллоҳ мунга жорий бўлуб эрди ким олам юзин Одам авлоди туткай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-100;
Не оғзингға жорий ўлуб жуз гузоф,
Не кўнглунгга тори бўлуб жуз хилоф. *Садди Искандарий*, 281-Т;
4. айтилмоқ, тилга олмоқ:
Яна сидқдур ки ғайри воқиъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмағай. *Насойимул-муҳаббат*, XV-172;

~ **қил-** – жорий қилмоқ:
Насиб эт анинг мулкини шоҳға,
Диосини қил жорий афвоҳға. *Садди Искандарий*, 508-Т;
... Ҳақ таоло анинг тилига жорий қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 287-Т.

ЖОРИЙА [جاريه] – чўри:
Ногоҳ кўрдум ки ул жорийа анинг боши устида турубтур ва айтадур ки сени тиргузгай ул киши бу навъ ўлтурубтур. *Насойимул-муҳаббат*, 453-Т;
~ **и ҳабашиййа** – ҳабаш занги чўри:
Йўлда бир кун жорийаи ҳабашиййа пайдо бўлди, юзида бурқа боғлиғ.
Насойимул-муҳаббат, 453-Т.

ЖОРРА [جارّه] – араб грамматикасидаги атама:
«Аз қалбуҳўм» таркибида «аз» – «мин» маъноси биладур,
«мин» ҳуруфи жорраидиндур ва мадхулин мажрур қилур.
Хамасатул-мутаҳаййирин, 15-32; (5(10)-746).

ЖОРУБ [جاروب] – супурги:
Гису ки бўлуб йўлиға жоруб,
Оламға сочиб ғубори ошуб. *Лайли ва Мажнун*, 283-Т.

ЖОРУБКАШ [جاروب كش] – супурувчи, хизматкор:
Ва ул Ҳазратининг муборак марқадлари Жом вилоятида Хиржирд қасабасидадур ва фақир хам ул остона жорубкашларидинмен.
Мажолисун-нафоис, 7-Т.

ЖОСУС [جاسوس] – сир олувчи, жосус:
Қутб талабиға чиқти ва йўлда ҳаромийлар дедилар жосусдур ва боғлаб асрадилар. *Насойимул-муҳаббат*, 373-Т;
Хабар Хусравға етти ким расуле,
Расуле йўқ ки жосуси фузуле. *Фарҳод ва Ширин*, 430-Т;
~ **ул – қулуб** – қалб, дил сирларини жосуслари:
Ва иккаласи жосусул-қулуб эрдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 212-Т.

ЖОФИЙ [جافی] – жафокор, жафо қилувчи:
Келди маъмурига уммиди висол,
Осий ву жофийсиға бими вабол. *Лисонут-тайр*, 45-Т.

ЖОҲ [جاه] – 1. мансаб, амал, мартаба:
Эрур чун олам ичра жоҳ фоний яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни камрон кўргач. *Ғаройибус-сиғар*, 98-Т;
Қайси бир топиб эди эркин бу жоҳ,
Фақр ойинида бу хайл-у сипоҳ. *Лисонут-тайр*, 186-Т;
Бил муни ким умр вафосиз дурур,
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур. *Ҳайратул-аброр*, 7-320;
2. давлат, бойлик:
Пас авло бу ким кай тараф тушса шоҳ,
Киши зилли жоҳиға чеккай паноҳ. *Садди Искандарий*, 445-Т;
Кесиб даштнинг роҳ-у бероҳини
Анга солғуча сояи жоҳини. *Садди Искандарий*, 272а8;
3. буюклик, шаън-шараф, шавкат, эътибор:
Даҳр бўлғунча жоҳингиз бўлсун,
Тенгри дойим паноҳингиз бўлсин. *Муншаот*, 14-197;

~ **мастлиғи** – буюк мартаба, амал, мансаб:
Алар дер эрдилар ким дунё жоҳининг мастлиғи чоғир мастлиғиға ўхшамас ким чоғир мастлиғи ичкан кунидур аммо жоҳ мастлиғи агар соҳиби жоҳ йиллар жоҳ устидадур ким мастдур. *Ҳолати Сайиид Ҳасан Ардашер,* 15-100; (10-(10)-14);

~ **-у жалол** – шон-шавкат, улуғлик ва мартаба:
Шоҳ дарди ишқ агар қилса ҳавас бор ўйла ким
Сойил эткай салтанат жоҳ-у жалолин орзу. *Фавойидул-кибар,* 499-Т;
Чун тааммул қилиб бу жоҳ-у жалол,
Кўнглига ҳар дам ўткариб бу хаёл. *Сабъаи сайёр,* 10-79;

~ **-у мулк** – мартаба ва бойлик:
Эрга ҳиммат дин эрур юз эътибор
Жоҳ-у мулк-у ганжнинг не дахли бор. *Лисонут-тайр,* 173-Т.

ЖОҲВАШ [جاه وش] –маснабдор каби, юқори мартабали сингари:
Васл аро ўзни хаёл айлаб нашотим бордур,
Сойил андақ ким ясағай ўзни аҳли жоҳваш. *Бадойиул-васат,* 189-Т.

ЖОҲДУСТ [جاه دوست] – амалпараст:
Шопур жоҳдўст ва бадгумон киши эрди. *Тарихи мулуки ажам,* 16-226.

ЖОҲИЙ [جاهی] – юксак мартабали, олий мақоми:
Жоҳий тахтин чарх мусамман айлаб,
Туфрақдек ул ўзин фуруътан айлаб. *Ғаройибус-сиғар,* 11.

ЖОҲИЛ [جاهل] – билимсиз, нодон, жоҳил:
Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олим-у жоҳил азиз. *Ҳайратул-аброр,* 7-212;
Чу ошиқ жоҳил эрди ишқ қаттол,
Санам оллиға ҳолин қилди ирсол. *Фарҳод ва Ширин,* 475-Т;
Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-456; (14(20)-14);

~ **-у мажҳул** – жоҳилу мажҳул:
Бошдин аёғи минбарининг пояси дастон,
Ҳам ўзи ву ҳам маърифати жоҳил-у мажҳул. *Фавойидул-кибар,* 369-Т;

~ **и нодон** – нодон жоҳил:
Ўйладур ким жоҳили нодон маст,
Симдин бут айлаб ўлғай бутпараст. *Лисонут-тайр,* 151-Т;

~ **и нохирадмаид** – беақл, нодон:
... зоти фақир давлатиға мулойим ва мувофиқ йўқ ки мутакаббири худписанд ва жоҳили нохирадманд. *Маҳбубул-қулуб,* 82;

~ **и худкома** – ўзидан бошқани билмайдиган илмсиз киши:
Илмдин ори улуснинг жоҳили худкомаси.
Ўрганурга жидд-у жаҳд эткан жаҳон алломаси. *Маҳбубул-қулуб,* 14-112;

~ **и котилваш** – қотилваш жоҳил:
Турфа бу ким жоҳили қотилваше,
Кўрмаги нохуш демаги нохуше. *Ҳайратул-аброр,* 7-217; (6(10)-190);

~ **бўл-** – жоҳил бўлмоқ:
Саодатманд агар олим бўлса нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор беса-одат жоҳил бўлса олим сўзидин анга ор. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-501; (14-72);

~ **қил-** – жоҳиллик қилмоқ:
Не ким қилди жоҳил ки эрди ёман,
Тутуб акси топтим ёмандин амон. *Садди Искандарий,* 479-Т.

ЖОҲИЛЛИҚ [جاهللیق] – жоҳиллик, нодонлик:

Ва филҳақиқат жоҳилликдин бесаодатликрақ не нима бор? *Маҳбубул-қулуб*, 14-72.

ЖОҲИЛИЙЯТ [جاهلیت] – жоҳиллик, илмсизлик; араб жамиятида исломгача бўлган давр:

... Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмиш ким Боғдодда салтанат қилибдур ва жоҳилийят замонида амирул-мўъминин Умар... илгида ислом шарафиға мушарраф бўлубтур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-10.

ЖОҲИЛСИРИШТ [جاهل سرشت] – нодон табиат, жоҳил хулқ-атворли:

Шўхи саркаш деди эй жоҳилсиришт,
Рози ўлсанг ҳар не ўлса сарнавишт. *Лисонут-тайр*, 110-Т.

ЖУАЛ [جعل] – тезаккўнғиз, қоракўнғиз, калҳамач:

Неча ким ранг-у бўйи жонфазодур,
Жуал хайлиға атридин вабодур.
Жуал кўнгли учун боғ ичра булбул,
Дей олмайму ки руҳафзо эмас гул. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;
Жуалдур тезак ташимақдин забун
Ки бўлмиш қарариб юзи сарнигун. *Садди Искандарий*, 123-Т.

ЖУББА [جبّه] – 1. ҳашаматли тўн:

Яна уч тўққуз давлат арконига,
Тўн-у жубба бирла анинг ёниға. *Садди Искандарий*, 276-Т;

Андақ нақл қилдилар ким замон подшоҳи ҳукми била бир иш учун Астаробод вилоятиға борур эрдим. Йўлда бир мажнунсифат мажзуб йигит йўлуқти андақ ки иродат аҳлининг одатидур ниёз била бир дирам анга тута бердим, олмади ва мен бир курта жубба кийиб эрдим, деди ки курта жуббани олурам... ул курта жуббани ул дарвешка бердим. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;

2. жанг кийими:

Жуббаси йўқ эрди чун ким кўрдилар
Қалбни қин остида ўлтурдилар. *Лисонут-тайр*, 48-13;

~ **курта жубба** – тўндай кенг, фақат аврадан иборат тўн; яктаксимон узун кўйлак:

Мен бир курта жубба кийиб эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;

Бир лаҳзадан сўнгра ҳам ул йигит етишти ва менга боқиб деди ки курта жуббани олурам. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;

~ **и синжоб** – синжоб, тулки терисидан тиқилган ҳашаматли пўстин:

Жуббаи синжобинг ичра васла васла қоқими,
Тўғри ҳижрон шомида бир бир саодат анжуми. *Фавойидул-кибар*, 641-Т.

ЖУБУТ [جبوت] – сеҳргар:

Эй Навоий айлади лўливаше кўнглумни қайд,
Халқни атрок асир этти вале бизни жубут. *Фавойидул-кибар*, 90-Т.

ЖУВУН [جوون] – дарё, сой:

Даҳр боғида нечук васл гули бутсун ким
Ҳажр ўқидур ёғини ашк суйидур жувуни. *Бадойиул-васат*, 430-Т.

ЖУД [جود] – сахийлик; инъом, эҳсон:

Жуди илайида тўққуз афлок,
Афлок қошида тўдайи хок. *Лайли ва Мажнун*, 75-Т;

Разм аро ҳар шоҳнинг мулкинки олиб базм аро,
Бир гадоға жуд этиб ани кўруб чун зиллатин. *Хазойинул-маоний*, III6-686;

~ **аҳли** – сахийлар:
Эй адамдин барчаға халлоқи жуд,
Бари жуд аҳлиға файёзи вужуд. *Лисонут-тайр*, 249-Т;
~ **хавоси** – баҳра етказишлик. мойил бўлишлик:
Жуд ҳаиосидин иртифоъ тутса тақвиятидин тўфрақтин лолаи сероб ва гули оташин очилур. *Садди Искандарий*, 2410;
~ **и қойим** – сахийлик, жувонмардлик:
Вужуд аҳлининг коми вужудунг била,
Келиб жуди қойим вужудунг била. *Садди Искандарий*, 47-Т;
~ **эт-/қил-** – сахийлик қилмоқ:
Дониш анга касб-у жуд пеша,
Дониш била жуд этиб ҳамиша. *Лайли ва Мажнун*, 90-Т;
Тиламай жуд қил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-193.

ЖУДО [جودا] – айрилиш, фироқ;
Неча вақт айлаб ватандин жудо,
Ано ву неча симтандин жудо. *Садди Искандарий*, 476-Т;
Оҳ ким волиҳмен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хондондин жудо. *Наводируш-шабоб*, 650-Т;
Менга эй санам жафо айладинг,
Ўзунгдин мени жудо айладинг. *Мезонул-авзон*, 54-Т;
~ **бўл-** – айрилмоқ:
Чун андин етти баҳр бўлди жудо,
Нега тутмади ер юзин қил адо. *Садди Искандарий*, 455-Т;
Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқ-у бордин,
Не ғамим сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо. *Хазойинул-маоний*, IIIб-11;
~ **айла-/эт-/қил-** – айирмоқ, ажратмоқ:
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Бил ким гуҳари шарифрақ йўқ андин. *Назмул-жавоҳир*, 15-125;
Чаён нўш сочмақ қилиб ибтидо,
Этиб нишининг банд бандин жудо. *Садди Искандарий*, 65-Т;
Хонумондин айириб қилғанда зиндон ичра ҳабс,
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо. *Хазойинул-маоний*, IIIб-11;
Яхшини бебокдин айлар жудо,
Покни нопокдин айлар жудо. *Ҳайратул-аброр*, 7-251; (6(10)-219);
Бурун офоқ мулкин қилди тақсим,
Жудо қилди яко як етти иқлим. *Фарҳод ва Ширин*, 234-Т.

ЖУДОЛИҒ/ЖУДОЛИК [جوداليغ/جوداليق] – айрилик, жудолик:
Жудоликка шод ўлма асҳобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин.
Чу гардун иши бевафолиғдурур,
Саранжом расми жудолиғдурур. *Садди Искандарий*, 437-Т;
Бир замон айрилма аҳбоби никуфаржомдин,
Ким эрур охир жудолиғ даҳри бадфаржом аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т;
Висол ичра етишмай ошнолик,
Фалак солди аро ерда жудолик. *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;
Бир замон айрилма аҳбоби никуфаржомдин,
Ким эрур охир жудолиғ даҳри бадораржом аро. *Фавойидул-кибар*, 24-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – жудолик айламоқ:
Сипоҳим бевафолиғ айладилар,
Барча мендин жудолиғ айладилар. *Сабъаи сайёр*, 10-397;
Сендин тун-у кун жудолиғ эттим,
Бимаслик-у бевафолик эттим. *Лайли ва Мажнун*, 329-Т;
Сен ким элдин қилиб жудолик,
Қилмишсен аларға ошнолик. *Лайли ва Мажнун*, 302-Т.

ЖУЗ [جزء] – бўлак, бошқа, ўзга:
Макони бўлмайин жуз бемаконлик,
Нишони қолмайин жуз бенишонлик. *Фарҳод ва Ширин*, 93-Т;
Ул худовандиға қилмай жуз вафо,
Лек мендин зоҳир ўлғай жуз жафо. *Лисонут-тайр*, 233-Т;
Чунки бу қуббаи хазроъ аро жуз ҳодиса йўқ,
Эй кўнгул авло эрур кулбаи хаммор манга. *Бадойиул-васат*, 10-Т;
Қабиҳ этти Навоий ҳақ жаҳонни,
Элидин тутмағил кўр жуз қабоҳат. *Бадойиул-васат*, 58-Т;
Гарчи жуз журм-у гуноҳим йўқ менинг,
Сендин ўзга ҳам паноҳим йўқ менинг. *Лисонут-тайр*, 124-Т.

ЖУЗВ [جزو] – 1. парча; қисм; фасл:
Толабе кўксумизда пайдо бўлди ки ул жузвда не экин пир билди ва деди...
Насойимул-муҳаббат, 191-Т;
Бу тойифадин бирида Имом Аҳмад сўзларидин бир жузв эди ани ҳужжатул-ислом Имом Муҳаммад олиб тааммул қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 230-Т;
Ки бир жузвиға чун ким бўлди толиб,
Хирад табъиға ҳайрат бўлди ғолиб. *Фарҳод ва Ширин*, 118-Т;
Ҳам ўзи ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул куярдин кул бўлуб. *Лисонут-тайр*, 255-Т;
2. аруз фани атамаси: *Мезонул-авзон*, 37-Т, 41-Т;
3. майда, оз, бирор нарсанинг бир қисми, бир донаси:
Жузви олтун била қилиб рўкаш,
Ки кўрунгай назарға зарринваш. *Сабъаи сайёр*, 10-190;
4. аъзо, бадан аъзолари:
Жузви жузвумни айириб ким паришон айладинг,
Бордур анинг шарҳи ажзоъйи паришонимда сабт. *Бадойиул-васат*, 60-Т;
Майи ишқ айла дурур тез ки ичканга қилур,
Жузви жузви аро ҳар қатраи кон ичра нуфуз. *Бадойиул-васат*, 106-Т;
Жузви жузвимни фиғон ким мунфак этти тиғи ҳажр,
Ҳар биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга. *Фавойидул-кибар*, 18-Т;
~ **жузв** – бўлак-бўлак, парча-парча:
Куйдиргали жузв жузвин олдинг,
Ғам дўзахи ичра дағи солдинг. *Лайли ва Мажнун*, 615;
Айириб бир биридин узв узвин,
Дема ким узв узвин жузв жузвин. *Фарҳод ва Ширин*, 506-Т;
~ **и дон** – жузвгир, жизвдон:
Савобин солиб жузви доним аро,
Дема жузви доним ки жоним аро. *Садди Искандарий*, 518-Т;
~ **и лоянфак** – бўлакларга бўлинмас, ажралмас қисм; кўнгул бермайдиган:
Жузв жузвимни фиғон ким мунфак этти тиғи ҳажр,
Бир биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга. *Хазойинул-маоний*, 16-31;

~ **-у кул** – майда ва йирик, катта ва кичик; бору йўқ, ҳамма нарса:
Чу бўлди равон ҳар тараф ул русул,
Қилурда демакта билиб жузв-у кул. *Садди Искандарий*, 223-Т.

ЖУЗВДОН [جزودان] – жузвдон, чарм халта:
Эй Уторид ўп остонимни,
Қўйғил оллимға жузвдонимни. *Сабъаи сайёр*, 10-59;
... умид ажзосин фақр жузвдониға солиб тажарруд кутубин таҳаммул орқасиға кўтариб ҳар кун бир манзил ва ҳар ой бир шаҳар қатъ қилған мубтадийлар.
Вақфия, 9(10)-632; (14-234);
Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,
Қўюб хизматида мени нотавон. *Садди Искандарий*, 521-Т.

ЖУЗВИЙ [جزوی] – 1. жузвга хос, кисман, хусусий; асосий бўлмаган:
Топиб жузвий суд бирла сурур,
Солиб кўнглига ул сурури ғурур. *Садди Искандарий*, 81-Т;
Деди ким мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёман расм қўйғай, ёман русум жузвий бўлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий қилурлар.
Тарихи мулуки ажам, 16-242;
Яна ул ким юқоридин ҳар навъ ҳукм етса, агар куллий ва агар жузвий вақтида ҳукм йўсуни била ишка файсал берилмай ҳеч ишка шуруъ қилилмаса...
Муншаот, 14-189;

2. озгина, андак, арзимас:
Бу жамоат била масжиди жомиълар орасида жузвий масофате бор.
Вақфия, 14-259;
Мирзонинг муборак мижозларида жузвий заъф ким бор эрди сиҳҳатқа мубаддал бўлуб парҳез ушаттилар. *Муншаот*, 14-168;

~ **ўксук** – арзимас қисм; етар-етмас:
Ва Ялошнинг подшоҳлиғининг замони беш йил жузвий ўксукдур.
Тарихи мулуки ажам, 16-240; (8(10)-636);
Макка боруббиз деб таваққуъ маркабин эшигимга сурганлар риояти бу хайлнинг муддаосидин жузвий ўксук муяссар бўлса... *Вақфия*, 14-264;
Ёдгорбек... жузвий муштағалоти ҳосили била қаноат қилиб эрди.
Мажолисун-нафоис, 38-Т.

ЖУЗЖОНОНЛИҚ [جزجانان لیق] – жузжонолик:
Мавлоно Жоний жузжононлиқ дурур. Райҳоний тахаллус қилур эрди ва вилояти муносабати била анга Жоний тахаллус буюрулди.
Мажолисун-нафоис, 86-Т.

ЖУЗЪ [جزع] – қисм, бўлак, парча:
Недур яна жузъ-у жузъдин олмақ,
Оташгадайи балоға солмақ. *Лайли ва Мажнун*, 180-Т;
Ё сўфийи мазҳари жамоли,
Жузъи ҳақдин ўлуб замири холи. *Лайли ва Мажнун*, 188-Т;
Анбиё сархайли султони русул,
Ким эрур анинг туфайли жузъ-у кулл. *Лисонут-тайр*, 21-Т;
... ва ҳар жузв ким битилур эрди илтифот қилиб факирға берурлар эрди.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-50;
Сарсаройин ҳар қуйун қилғай бадан туфрағининг
Жузъ жузъин бир бир ушбу гунбади гардон аро. *Наводируш-шабоб*, 5-Т;
Жузъи жузъ айрилса бир бирдин не ғам гар қўймасанг,
Лутф этиб ёлғуз мени ул водийи ҳижрон аро. *Наводируш-шабоб*, 5-Т;
Тиларсен ўзлукунгнинг жузъ-у жузъдин мунфак эткайсен,
Навоий назмининг жузъини қилғил жузъ-у ло-йанфак. *Наводируш-шабоб*, 327-Т.

ЖУЗЪИЙ [جزئی] – озгина, андак; арзимас:

... кулли муносабатнинг куллиётидин жузъий умрнинг жузъиётиға дегинча мутааммин ва мутакаффил бўлурдек эл вожиб ва лозим бўлди.

Вақфия, 9(10)-640; (14-244);

Умид ул ким банда еткунча яйлақларда бўлғайлар ким мизожда жузъий ҳарорат бор. *Муншаот*, 14-168.

ЖУЗЪИЙЁТ [جزئیّات] – парчалар, бўлаклар: аҳамиятсиз, кичик хусусий масалалар:

Ва бу алфоз возиълари кўп нимада жузъийётқа таарруз қилиб ғариб мазмун ва мафҳимлар учун алфоз вазъ қилибдурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 175-Т;

Бу учурда ул вилоятдин дағи жузъийёт учун Мавлоно Худойбердини куллуққа йибарилди. *Муншаот*, 14-168;

Шайх дебдур ки ул куллиётни дебдур жузъийёт мундин дағи кўпракдур. *Насойимул-муҳаббат*, 270-Т.

ЖУЛ [جول] – жул, ёпинчиқ:

Оқибат ерга кирарсен гар худ,
Бўлса кўк атласи рахшинг уза жул. *Фавойидул-кибар*, 367-Т;

Шафақ гулгуниға хуршид этиб ранг,
Яна жул чархи атлас каҳкашон танг. *Фарҳод ва Ширин*, 81-Т;

Хирқаи тақвони қилиб итка жул,
Рукъаларни ҳар сари жул узра гул. *Ҳайратул-аброр*, 7-190;

~ эт- –ёпмоқ:

Ўз кўнглагини анга жул этти,
Қон ёшидин ани гул гул этти. *Лайли ва Мажнун*, 237-Т.

ЖУЛБУР/ЧИЛБУР [جلبر] – от ёпинчиғи: *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

ЖУЛГА [جولگه] – кўкаламзор; яйлоқ, ўтлоқ:

Чу еттилар эрмас эди ул дара,
Очуқ жулгаи эрди хўбу сара. *Садди Искандарий*, 342.

ЖУЛДУ [جولدو] – ҳадя, инъом, бахшиш:

Навоий уйнади жон халқдин бурун раҳм эт,
Чу қилди жалдлиқ эмди керак анга жулду. *Ғаройибус-сиғар*, 398-Т;

Тутуб жулду олур ёрмакка қалқан,
Дегил ким айламишлар тоғни талқан. *Фарҳод ва Ширин*, 370-Т.

ЖУЛИЙЛИК [جلی لیک] – очиқлик, ошкоралик, равшанлик:

Бўлуб рухсориға ҳар сари гуллар,
Жулийлик барча гарданбаста қуллар. *Фарҳод ва Ширин*, 88-Т.

ЖУЛЛОБ [جلاب] – гулоб:

Ало то ким гуҳар сероб бўлғай,
Шакарнинг шираси жуллоб бўлғай. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т.

ЖУЛЛОБЛИҒ [جلاب لیغ] – гуллоблик:

Сўзин тут гавҳари кони маъони,
Шакар жуллоблиғидин (Suleymaniye Ktb. Fatih, N 3755: **Жуллоблик**)асра ани. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т.

ЖУЛУС [جلوس] – мажлис, ўтириш; тахтга ўтириш маросими:

Мухлисхона дуодин сўнгра қуллуқ арзадошт ул ким аввали жулусда ким ул хуршиди авжи салтанат олам аҳли кўзин ўз партави била баҳраманд қилди. *Муншаот*, 9(10)-569; (14-569);

Жулус ичра етти башорат манга,
Ки оллинда қилди ишорат манга. *Садди Искандарий*, 524-Т;
Қилиб тожварларға ҳукми жулус,
Бари олтурурға бўлуб хокбус. *Садди Искандарий*, 177-Т;

~ **буюр-** – қамамоқ:
Деди ким қилдилар барин маҳбус,
Чоҳ қаъри аро буюрди жулус. *Сабъаи сайёр*, 10(20)-13;

~ **қил-** – ўлтирмоқ:
Басе бу дайри кўҳан наҳбасида қилма жулус,
Ки анда ҳар киши мажлис тузар бўлур маҳбус. *Хазойинул-маоний*, IVa-129.

ЖУМ [جم] – тўпланиш, йиғин;
Атфол тутуб ул уй ичин жум,
Кўк хиргаҳини нечук ки анжум. *Лайли ва Мажнун*, 102-Т.

ЖУМАЛ/ЖУММАЛ [جمل] – ҳарфлар бўйича ҳисоблаш; абжад, абжад ҳисобида ҳарф бўйича ҳисоблаш қоидаси:
Бу тарихда ғаробат бор ким тарихнинг ой ва кунининг зикридин йили ҳисоби жумал қоидаси била ҳосил бўлур. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-35.

ЖУМЛА [جمله] – барча, ҳамма, жумла:
Жумлаи рақам силкига маркум ўлуб,
Барча улум оллида маълум ўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-217;
Жумла аъзосиға қўйди заъф юз.
Гоҳ эгилди жисми гоҳи бўлди туз. *Лисонут-тайр*, 107-Т;

~ **и ашё** – жумла, барча ашёлар:
Жумлаи ашёға бўлдум ошиқ-у ошуфтаҳол,
Олам-у одам юзин чун қилди миръоти жамол. *Наводируш-шабоб*, 697-Т;

~ **и жаҳон** – бутун жаҳон:
Жумлаи жаҳон аҳли хато қилсалар,
Журм билан нома қаро қилсалар. *Ҳайратул-аброр*, 7-80; (6(10)-23);

~ **и олам** – барча олам:
Эй Навоий ҳеч билман ким топибмен васлини,
Ё магар ким жумлаи олам мусаххардур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 39-Т;
Эй куёш невчун қошингдин соядек сурдунг мени,
Равшан айлаб жумлаи оламни куйдурдунг мени. *Наводируш-шабоб*, 618-Т;

~ **и умр** – бутун умр:
Яна бир сойил деди к-эй покзод,
Жумлаи умрумда кўрмаймен мурод. *Лисонут-тайр*, 164-Т;

~ **и хайл** – бутун жамоа:
Қилиб маркабларидин тушкали майл,
Шаҳ-у шаҳзода балким жумлаи хайл. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т;

~ **и шогирд** – ҳамма, барча шогирдлар:
Айлаб ани ҳакими аржуманд,
Жумлаи шогирдлар ичра писанд. *Лисонут-тайр*, 158-Т;

~ **и қуш** – ҳамма, барча қушлар:
Қайси қуш Қофи фано анқоси ул,
Жумлаи қушлар тили доноси ул. *Лисонут-тайр*, 251-Т.

ЖУМЛАТУЛ-МУЛК [جملة الملک] – девонбеги, хазиначи:
Муҳаммад Солиҳ, Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиби ихтиёр ва жумлатул-мулк эрди. *Мажолисун-нафоис*, 170-Т.

ЖУМЛАФУРУШ [جمله فروش] – турли нарсаларни сотувчи:

Бир ўт пайдо бўлубтур ва масжидқа чун ёғачдин экандур туташибдур ва андин ул бозорға тушубтур ки ани жумлафурушлар бозори дер эрмишлар.

Насойимул-муҳаббат, 220-Т.

ЖУМОДИЙУЛ-АВВАЛ [جمادی الاول] – жумодул-аввал (ҳижрий йил ҳисобида бешинчи ойнинг номи):

Бу нома ки ёзди қаламим тортиб тил,
Торихин анинг жумодийул-аввал бил.
Куннинг рақамини чоршанба қилғил,
Тўққуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил. *Муҳокаматул-луғатайн*, 192-Т;

...дебдурлар ки хотирға келур ки чун Жом вилоятидин ўтар эрдилар қиёс андақ қилур ким жумодил-аввалнинг охири ё жумодий ул-охирнинг аввалари эрди иркин мазкур бўлған йилдин ки бу фақирнинг атоси жамъи касир ниёзмандлар ва мухлислар била аларнинг зиёрати қасдиға чиқиб эрдилар.

Насойимул-муҳаббат, 245-Т.

ЖУМОДИЙУЛ-ОХИР [جمادی الأخر] – ҳижрий йил ҳисобида олтинчи ой номи:

Ва ул кун торих саккиз юз йигирми иккида жумодийул-охир ойининг ўн биринчи куни эрди ки сиҳҳат ва саломат ва рафоҳиййат ҳолида вусуқи тамом...

Насойимул-муҳаббат, 246-Т;

Қиёс андақ қилилур ким жумодийул-аввалнинг охири ё жумодийул-охирнинг аввалари эрди эркин.

Насойимул-муҳаббат, 245-Т.

ЖУМОДУС-СОНИЙ [جماد الثانی] – ҳижрий йил ҳисобида олтинчи ой; жумодул-охирнинг маънодоши:

Ойи анинг жумодус-соний,
Панжшанба ёзилди унвони. *Сабъаи сайёр*, 10-411.

ЖУМОН [جمان] – йирик инжу, дур:

Мурассаъ маснадинг аъло жумондин,
Фалак фирузайи ким тушмиш андин. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т.

ЖУМЪА [جمعه] – жумъа, ҳафта кунларидан бешинчи кун:

Шибли мавт маразидин бир жумъа куни ўзида хиффат кўрди Букайрға деди ким масжидқа мени еткур. *Насойимул-муҳаббат*, 113-Т;

Мавлоно Муин Воиз... шаҳар масжиди жомиъида жумъа куни ва ийдгоҳда икки байрам куни ваъз ул айтур. *Мажолисун-нафоис*, 140-Т;

~ **масжиди жумъа** – жума намози ўқиладиган катта масжид:

Шайхи мукри салоти вақтида эл,
Масжиди жумъани солиб чиқадур. *Хазойинул-маони*, 116-709.

ЖУНА [جونه] – 1. Жуна (асар қаҳрамонининг исми):

Ким ўшул хулқ ила камоли хирад,
Жунани ожиз айлади беҳад. *Сабъаи сайёр*, 10-246;
Қилди юз лутф бирла истимзож,
Жунадин ким тиларму бода мизож. *Сабъаи сайёр*, 10-246;
Жунаға анда бердилар ором,
Тортиб оллиға гуна гуна таом. *Сабъаи сайёр*, 10-245;

~ **и меҳр** – қуёш:

Жунаи меҳр чун узор очти
Ҳиндуйи Шом аскари қочти. *Сабъаи сайёр*, 10-254.

ЖУНАЙД [جنید] – Жунайд (шахс номи); ~ **и сони** – Султон Ҳусайн Байқароға ишора:

Ҳиммат тутубан Жунайди сони,
Очтим бу хазойини маони. *Лайли ва Мажнун*, 66-Т.

ЖУНБИШ [جنبش] – ҳаракат; завқ:

Сендин алар жунбиш-у ороми ҳам,
Ўйла ки ижоди ҳам эъдоми ҳам. *Ҳайратул-аброр*, 7-22; (6(10)-16);

Ҳар сари қаро булутқа жунбиш,
Айлаб қаро девдек ғурунбиш. *Лайли ва Мажнун*, 82-Т;

~ **бўл-** – ҳаракатда бўлмоқ:

Қуруғлуқ ичра чун қолмади ҳеч иш,
Равоне кемаларга бўлди жунбиш. *Фарҳод ва Ширин*, 261-Т;

~ **айла-** – ҳаракат қилмоқ:

Таанни била жунбиш айлаб насим.
Ёйиб мушк зимнида авроқи сим. *Садди Искандарий*, 62-Т.

ЖУНБИШНАМОЙ [جنبش نمای] – ҳаракатчан; ҳаракатчанлик; ҳаракатга кириш:

Балиғлар ки бўлғанда жунбишнамой,
Ўта олмағай суръат этса бир ой. *Садди Искандарий*, 471-Т;

Қалин кишти ўлғанда жунбишнамой,
Теранг баҳр бўлди ғурунбишнамой. *Садди Искандарий*, 449-Т.

ЖУНАҚ [جنق] – узанги: эгарнинг қоши:

Гардундин ўтар замон бурақи,
Ой кун бўлубан икки жунақи. *Лайли ва Мажнун*, 43-Т;

Пўя қилурда чобуқум учти рикобида пари,
Нақш соғинма зеб учун сизған анинг жунақи. *Ғаройибус-сиғар*, 555.

ЖУНУН [جنون] – жунун, ақлдан озганлик, савдойилик:

Ким топса эди жунунға пайванд,
Мажнунға илож банд эрур банд. *Лайли ва Мажнун*, 861;

Мир Ҳайдар Мажзуб ... хаёли жунун вақти ҳотамус-салтанатликқа росих бўлур эрди. *Мажолисун-нафоис*, 36-Т;

Қайси Омирни чу ишқ этти забун,
Зойил этти ишқ аро ақлин жунун. *Лисонут-тайр*, 259-Т;

Бурун андин ки куйгай жони зорим,
Жунун олғай иликдин ихтиёрим. *Фарҳод ва Ширин*, 250-Т;

~ **аҳли** – ошиқлар:

Мажнунни ишқ тариқида ўзига ўхшатмақ ва девоналиқ расмин анга ўргатмақ камоли ошиқлиқ ва девоналиққа долдур ва ишқ ва жунун аҳлиға бу навъ бас булъажаб ҳолдур. *Мажолисун-нафоис*, 243-Т;

~ **дашти** – дашту саҳро каби бепоён, ҳадсиз жунун:

Ҳуши йўқ кўнглум жунун даштида бир шайдо эмиш,
Қим анинг қошида Мажнун асру кўп доно эмиш. *Хазойинул-маоний*, IIIа-145;

~ **оёғи-** – ошиқлик:

Савдо тутунига сочи монанд,
Ҳар тори жунун оёғиға банд. *Лайли ва Мажнун*, 85-Т;

~ **айла-** – жунун айламоқ:

Анга ишқ амри жунун айламиш,
Жунун ақл-у фаҳмин забун айламиш. *Садди Искандарий*, 387-Т.

ЖУНУНЛУҚ [جنون لوق] – ошуфталик, девоналик; сабру тоқатсизлик:

Бир жом ул париваш то тутти ким ки кўрди,
Айтур мени эрур бу ё маст ё жунунлуқ. *Фавойидул-кибар*, 306-Т.

Захми кўп танда жунунлуқ кўнгул оромидии
Телбалар маскани фаҳм ўлди ки вайрона эмиш. *Фавойидул-кибар*, 265-Т.

ЖУНУНСИЗ [جنون سيز] – девона бўлмаган ҳолда, бежунун:

Ясаб ўзни такаллуф бирла маҳзун,
Жунунсиз лек шакли мисли мажнун. *Фарҳод ва Ширин*, 365-Т.

ЖУНУНШЕВА [جنون شيوه] – жунунтарз, жунунодат:

Деди к-эй жунуншеваи ҳарзарой,
Недур бу ки ҳар йил аро ўн бир ой. *Садди Искандарий*, 382-Т,

ЖУРДА [جرده] – Журда (киши исми):

Хожа Аҳмади Мужаллид Хуросоннинг шўхтабъларидин эрди, аммо ким ул назм ё муаммо била ҳажв ё ҳазл қилмаған бўлғай Журда отиға бу муаммо анинг ҳазилларидиндур. *Мажолисун-нафоис*, 61-Т.

ЖУРЖОН [جرجان] – Журжон (жой номи):

Не деб Журжонға борди ул сийаҳбахт,
Қаро тун бирла солиб кўнглига жўш. *Фавойидул-кибар*, 708-Т.

ЖУРКАН-/ЧУРКАН- [جركن] – ёнмоқ; азоб кўрмоқ:

Турк алфозининг возиъи асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб жузвъининг мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдур ки соҳибининг вукуф киши то зоҳир килмас инанса ҳам бўлмас. Андақ ки чичаркамак, журканмак, ўртанмак...
Муҳокаматул-луғатайн, 170-Т.

ЖУРМ [جرم] – гуноҳ, айб:

Тавба эрур журмға топмақ вукуф,
Оллидағи йўлини кўрмак маҳуф. *Ҳайратул-аброр*, 7-263; (6(10)-230);
Билиб журмум олингға келдим залил,
Агар тортсанг тиғ қоним сабил. *Садди Искандарий*, 333-Т;
Одами ўз журмиға мухтор эмас,
Тавбасидин дағи хабардор эмас. *Ҳайратул-аброр*, 156-2;

~ **аҳли** – гуноҳкорлар, жиноятчилар:

Чу баҳри раҳматинг мавж урса пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидин ким бўлса юз кўҳи хато пайдо. *Хазойинул-маоний*, 1116-8;

~ **и ишқ** – ишқ, севги гуноҳи, айби:

Эй ки бўйнум боғладинг кўйида журми ишқ ила,
Асра гардунбаста қўлни лек ҳар ён чекмагил. *Бадойиул-васат*, 287-Т;

~ **ўл-** – гуноҳ бўлмоқ:

Неча менда журм ўлса беҳад падид,
Не янглиғ бўла олғамен ноумид. *Садди Искандарий*, 55-Т;

~ **айла-/қил-** – журм, гуноҳ қилмоқ:

Ўзига иноятни журм айласун,
Қўпуб боргаҳ сари азм айласун. *Садди Искандарий*, 295-Т;
Эй шайх, мен журм қилибмен. *Насойимул-муҳаббат*, 115-Т.

ЖУРМОНА [جرمانه] – гуноҳ учун олинадиган ҳақ:

Ишкнинг бу тўрт эрур шукронаси,
Яна икки иш эрур журмонаси. *Лисонут-тайр*, 110-Т;
Бу эди шукрона ҳам журмона ҳам,
Кўп балолар бор мундин яна ҳам. *Лисонут-тайр*, 110-Т;
Журм эса ёр бошим узра етиб ўлмаганим,
Эй Навоий мени ўлтурмак эрур журмона. *Бадойиул-васат*, 384-Т;
Агар ошиқлиғим журм эрди ўлтур солма ҳижронға,
Кўп ўлса журм худ эрмас раво журмона андин кўп. *Фавойидул-кибар*, 71-Т.

ЖУРМПЎШ [جرم پوش] – айб, гуноҳни ёпувчи:
Гунаҳбахш сен бўлғил-у журмпўши,
Шафоатгарлик хайрул-бароё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т.

ЖУРМСИЗ [جرم سیز] – гуноҳсиз:
Бир ўт эса ки манга журмсиз жафони кам эттинг,
Юз ўтдур ул ки жиҳатсиз улусни муҳтарам эттинг. *Наводируш-шабоб*, 356-Т;
Ёзуқсиз журмсиз бедод этар фош,
Манга ул сурмасиз кўз вусмасиз қош. *Фавойидул-кибар*, 272-Т.

ЖУРМШЎЙ [جرم شوی] – гуноҳни ювувчи, афв этувчи:
Гуноҳкор бўлғач анга узржўй,
Карам бахридин бўлғай ул журмшўй. *Садди Искандрий*, 306-Т.

ЖУРРАБОЗ [جرّہ باز] – лочин, лочиннинг пари; лочиннинг сўнаси:
Фалак жавфида ғарқ ўлуб журрабоз,
Пар-у бол урар чун нишеб-у фароз. *Садди Искандарий*, 256-Т.

ЖУРУН [جرون] – ўжар, қайсар:
Юруб оқибат ваҳшзодаи журун,
Анинг сари солди гажаклик сутун. *Садди Искандарий*, 406-Т.

ЖУРУҲ [جروح] – яралар, жароҳатлар:
Васлсиз бўлмас Навоий кўз-у кўнглига илож,
Ким журуҳ узра журуҳ ўлмиш қаруҳ узра каруҳ. *Хазойинул-маоний*, 116-110.

ЖУРЪА [جرعه] – қултум (ичимлик):
Номус дасторин бошидин олиб бир журъа учун майфуруш оёғиға солиб.
Маҳбубул-қулуб, 14-45;
Анинг журъаси элни маст айлабан,
Демай маст ким майпараст айлабан. *Садди Искандарий*, 82-Т;
~ **и васл** – висол дафъаси, пайти:
Эй бўлғали ишқим ичра мадҳуш,
Бир журъаи васл қилмаған нўш. *Лайли ва Мажнун*, 247-Т;
~ **и май** – май қултуми:
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,
Тегмиш анга майгун лаби жонимға даводур. *Наводируш-шабоб*, 648-Т;
~ **ло журъа ич-** – сипқармоқ, қултумламасдан ичмоқ:
Деди: ич ло журъа эй улвий жаноб,
Журъа қолса бил ки эрмастур ҳисоб. *Лисонут-тайр*, 112-Т;
~ **тут-** – журъа май тутмоқ:
Нақди исломим олиб бир журъа тут эй муғбача,
Бўл равон ким ҳеч кофир била савдо айламас. *Наводируш-шабоб*, 239-Т.

ЖУРЪАДОН [جرعه دان] – ичимлик идиши; қадаҳ ғилофи:
Ул пири ким ринд қилур журъадон,
Мушки Хўтан айлади анда ниҳон. *Ҳайратул-аброр*, 7-252;
Тарк аҳлидек намудори анинг,
Журъадонда лекин асрори анинг. *Лисонут-тайр*, 154-Т.

ЖУРЪАКАШ [جرعه کش] – 1. май ичувчи, май тотувчи:
Ваҳ не янглиғ соғ ўлай мен телба бу ҳолатда ким
Ул пари ҳам бор дурур девонаваш ҳам журъкаш. *Ғаройибус-сиғар*, 213-Т;
Букун Фарҳод ул озодавашдур,
Ки йўқлуқ бодасидин журъакашдур. *Фарҳод ва Ширин*, 359-Т;

2. соқий, косагул:
Эй нигори маҳвашим эй ҳарифи журъакашим.
Тут қадаҳ ки беҳад эрур ишқ тобидин оташим. *Мезонул-авзон*, 48-Т;
Ясасалар не ажаб дайр уза мазоримни,
Менинг ки муғбачалардур ҳарифи журъакашим. *Ғаройибус-сиғар*, 312-Т;
3. мадад етказувчи:
Бўлуб сўз майиға чу ҳуши гарав,
Анга журъакаш йўқ магар ким бирав. *Садди Искондарий*, 79-Т.

ЖУРЪАКАШЛИК [جرعه کش لیک] – соқийлик, косагуллик:
Журъакашлик динлари ва кофирвашлик ойинлари.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-454; (14-17-18).

ЖУРЪАНЎШ [جرعه نوش] – бир култумлар май ичувчи:
Сен анинг саҳвиға бўлғил пардапўш,
То фано базмида бўлғай журъанўш. *Лисонут-тайр*, 251-Т.

ЖУРЪАТ [جرأت] – журъат; жасорат, ғайрат:
Кўрушкил бари бирла ҳурмат била,
Далир ўлмағил сўзда журъат била. *Садди Искандарий*, 523-Т;
Бўлса ҳам хилват муяссар ваҳ ки ҳаргиз йўқ турур,
Пойбўси давлатин зоҳир қилурға журъатим. *Ғаройибус-сиғар*, 412;
Далир ўлмиш эди май журъатидин,
Не май жоми паёпай журъатидин. *Фарҳод ва Ширин*, 326-Т;
~ **айла-/қил-** – журъат қилмоқ:
Эй Навоий бу муҳол андешаға чирмашма кўп,
Журъат айлаб бетаҳоши сўзларинг ҳаддин ошиб. *Фавойидул-кибар*, 62-Т;
То ки мумкиндур кезиб бир меҳрибон ёр истагил,
Бағри тошларни севарга қилма журъат эй рафиқ. *Ғаройибус-сиғар*, 258-Т;

ЖУРЪАХЎР [جرعه خوار] – майхўр; насибали, баҳраманд:
Ҳам малак дона чиний доми анинг,
Ҳам хирад журъахўри жоми анинг. *Сабъаи сайёр*, 10-44.

ЖУРЪАЧАШ [جرعه چش] – майхўр, май ичувчи:
Айтман жом оғзинға еткач менинг оғзимға қўй,
Умри жовид истасам басдур бўлмас журъачаш. *Наводируш-шабоб*, 248-Т;
Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,
Бўлуб чарх сўфийлари журъакаш. *Садди Искандарий*, 83-Т.

ЖУССА [جثه] – тана, жасад:
Улуғ жусса бирла фалакдин мисол,
Бўлуб ул фалак узра чангак ҳилол. *Садди Искандарий*, 290-Т;
Бири жусса ичра забардастрақ,
Яна бир ҳақир эрди ву пастрақ. *Садди Искандарий*, 182-Т.

ЖУССАЛИК/ЖУССАЛИҚ/ЖУССАЛИҒ [جثه لیک/جثه‌لیق/جثه لیغ] – гавдали:
Ўйла ким пашша ўзин кўрмай кичик,
Пил ўзин топмай улуғрақ жуссалик. *Лисонут-тайр*, 221-Т;
...ва азим жуссалиғ васфида ким байзонинг симин байзосин жаноҳи остиға яширур. *Садди Искандарий*, 122-Т;
Довуд алайҳис-салом барчадин кичирақ эди ва ҳақир жуссалиқ эрди ва кариҳ манзаррақ эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-157.

ЖУСТ/ЧУСТ [جست] – тез, чаққон:

Чиқарға чу қилди азимат дуруст,
Қадам урдум ул ақба йўлиға жуст. *Садди Искандарий*, 71-Т;

айла-/эт- – чуст этмоқ:

Фасиласиға ўтни жуст айлабан,
Қўйуб раъд ёниға руст айлабан. *Садди Искандарий*, 247-Т;

Чу тутти мусаллам камолатин эл,
Диловарлиғ амриға жуст этти бил. *Садди Искандарий*, 119-Т.

ЖУСТУЖЎ/ЖУСТУЖЎЙ [جست و جو/جست و جوی] – қидириш, сўраш, ахтариш, сўроқлаш:

Қилиб аҳли ҳикмат била гуфту гўй,
Этиб чора ойини жустужўй. *Садди Искандарий*, 404-Т;

Вафосизлиқ жаҳон аҳлиға хўдур,
Вафо элдин аларға жустужўдур. *Фарҳод ва Ширин*, 440-Т;

Фано йўли кийикин айла сайд шер эрсанг,
Ки даҳр жифасини жустужў қилур итлар. *Фавойидул-кибар*, 181-Т;

Қайси бир ишга қилса ул иршод,
Қилса ул навъ жустужўйи мурод. *Сабъаи сайёр*, 10-207.

ЖУФТ [جفت] – 1. жуфт, тоқнинг акси:

Ғами бирла анингдек жуфтмен ким ўлгум айрилсам,
Неча ким сарви озодим қўлидин фардлиқ қилса. *Хазойинул-маоний*, IIIб-569;

Тоқи аниng чарх тоқи бирла жуфт,
Жуфт-у тоқи ичра кўп рози нуҳуфт *Лисонут-тайр*, 95-Т;

Чу кечти жуфтдин ул тоқи офоқ,
Нечун мен жуфт кўзлай ул бориб тоқ. *Фарҳод ва Ширин*, 466-Т;

2. Эр ва хотин; нар ва мода:

Бил андақ ки жуфтунга берсанг талоқ,
Яна истагай қилмақ ўйнашлиқ. *Хазойинул-маоний*, IIIб-701;

Жуфтиға андин етишти ул шараф,
Ўйла гавҳар ҳуққаси қилғач садаф. *Лисонут-тайр*, 22-Т;

Ул ки жуфтидин ўзни айлаб тоқ,
Манга жуфт айламакка қилди талоқ. *Сабъаи сайёр*, 10-174;

~ **бўл-/ўл-** – бирикмоқ, қовушмоқ:

Йўқ ки бу икки бўлубан жуфт-у бас,
Ўзларидек юз туғуруб ҳар нафас. *Хайратул-аброр*, 7-340;

Чу шайхухат ўлди табиатқа жуфт,
Қуво вазъиға заъф солди нуҳуфт. *Садди Искандарий*, 286-Т;

~ **эт-** – жуфт этмоқ:

Макр-у афсун ғоятиға еткучи,
Пашша бирла пилни жуфт эткучи. *Лисонут-тайр*, 221-Т.

ЖУФТЛУҒ [جفت لوغ] – жуфтлик; никоҳга киришлик:

...ва Сулаймони замон рисолатин қушлар тили била арз қилғани ва товусни анқо жуфтлуғиға сўз солғани. *Фарҳод ва Ширин*, 340-Т.

ЖУЪ [جوع] – очлик; иштаҳа:

Бир икки кун ўткандин сўнгра ул элга жуъ муставли бўлуб махмаса ҳолиға етканда бешадин бир филбача пайдо бўлуб халқ ани сайд қилиб улашиб ебдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 67-Т;

Ногур аҳлидин бирав қози хидматиға келиб жуъ ташвишидин шикоят қилиб
Ногур сари борурға рухсат тилади. *Насойимул-муҳаббат*, 341-Т;

~ **аҳли** – очлар:
Емак била жуъ аҳлидек меъдаларига тўлмақ йўқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-40.

ЖУҒД [جغد] – бойқуш:
Найлаб ул товуспайкарни тилай кулбамға ким
Жуғд қўнмас дамбадам емрулгудек девона деб. *Бадойиул-васат*, 48-Т;
Эй кўнгул фарёд ила рам берма гар вайронима,
Жуғд янглиғ тойири давлат нишиман айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т;

~ **и нолон** – бойқуш ноласи:
Гар бузуқда чуғди нолон кўрмамишсен захми кўп,
Тан аро афғон чекар кўнглум қушин наззора қил. *Бадойиул-васат*, 290-Т;

~ **и ҳажр** – ҳажр бойқуши:
Кўнгул ким бузулди тилаб ганжи васл,
Ани жуғди ҳажр ошиён қилдило. *Наводируш-шабоб*, 571-Т.

ЖУҲУД [جهود] – яҳуд; яҳудий:
Чунки навмид эмас раҳматидин габр-у жуҳуд,
Журм-у исён била бизга бу умид ўлса не тонг. *Хазойинул-маоний*, IV б-368;
Жуҳудлар ани Исо алайҳис-салом соғиниб туттилар қатл қилғали.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-180.

ЖУҲУЛ [جهول] – жоҳиллар:
Қилмади Ҳудҳуд бу ишни қабул,
Ўзгалар ҳуд бор эди жамъи жуҳул. *Лисонут-тайр*, 129-Т.

ЖУҲҲОЛ [جهال] – жоҳиллар, нодонлар:
Андин бурун ки Шайх Абул-Аббоси Сурайж Шерозға келгай илм асҳоби суфийяни жуҳҳол хаёл қилур эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 92-Т;
Тўқ чиқиб халватдин ўзни рўза деб жуҳҳолдин,
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх. *Ғаройибус-сиғар*, 109-Т.

ЖЎ [جو] – ариқ; ирмоқ; оқар су:
Сен ўзунгдин бир забунрақ чун топиб,
Жўдин бехуд бўлуб еткач қопиб. *Лисонут-тайр*, 74-Т;
Сўнгра нўш этти ул зулоли ҳаё,
Анга жў оташдин ўлди нажот. *Сабъаи сайёр*, 10-315;
Судин ўлган замонда соғаркаш,
Айлагай манъи жў дафъи оташ. *Сабъаи сайёр*, 10-314;

~ **бўл-** – мос, лойиқ бўлмоқ:
Ҳушнавис ҳам ким саҳви кўп бўлғай илги фалаж иллатиға жўб бўлғай.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-465; (14-27).

ЖЎБ [جوب] – мос, муносиб, лойиқ; маъқул:
Иш азим-у йўл йирақ-у хавф кўп,
Нечук ўлғай азмимиз бу йўлда жўб. *Лисонут-тайр*, 66-13;
Шоҳлиқ хилъати қаддинг била жўб,
Шоҳлар қадди ҳам аёғингға кўп. *Сабъаи сайёр*, 10-66;
Ким ул бўлғай ойини ҳикматқа жўб,
Не андин керак бўлғай оз-у не кўп. *Садди Искандарий*, 369-Т;
От-у теваси ҳисоб ила жўб,
Қўй-у кўзим ҳисобдин кўп. *Лайли ва Мажнун*, 90-Т;

~ **бўл-** – мос, лойиқ бўлмоқ:
Хушнафис ҳам ким саҳви кўп бўлғай илги фалаж иллатиға жўб бўлғай.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-465; (14-27).

ЖЎГИЙ [جوکی] – ҳинд қароматчиси, сеҳргар; русчаси йог:

Яна бир қатла бир жўгий Шайх хидматида ҳозир бўлди... Шайх сўрди ки не кишисен ва қайдин келурсен? Жўгий жавоб бера олмади... Шайх буюрди ким ҳосил қилғанингни кўргуз. Жўгий ҳаво тутуб учти. *Насойимул-муҳаббат*, 326-Т;

Фалотунға юзланди ул ерга иш,
Ки жўгийдин ўлғай анга сарзаниш. *Садди Искандарий*, 246-Т;

Ким фусуну лаъб бирла тутти ер,
Шоҳи жўгий оҳи жўгий қасрида. *Наводируш-шабоб*, 686-Т;

~ **йи сеҳрсоз** – сеҳр қилувчи жўгий:

Не қилғай неча жўгийи сеҳрсоз,
Бири муҳрадўд-у бири ҳуккабоз. *Садди Искандарий*, 245-Т.

ЖЎГИЙЛИК [جوکی‌لیک] – найранглик; сеҳргарлик:

Даҳр жўгийликларидин турфа иш,
Чеҳра кўргузди бизинг шаҳ асрида. *Наводируш-шабоб*, 686-Т.

ЖЎЁН/ЖЎЁ [جویا/ جویان] – истовчи, қидирувчи:

Келиб чун жаҳл ғолиб нафс толиб,
Бўлуб ул нафс жўёйи матолиб. *Фарҳод ва Ширин*, 462-Т;

Хилъати ахзар била жўёйи шаҳ,
Йўл озиққанларға бўлғил хизри раҳ. *Лисонут-тайр*, 48-Т;

Топтилар ром бўлмади ҳеч,
Жўёни мақом бўлмади ҳеч. *Лайли ва Мажнун*, 90а5.

ЖЎЖА [جوجه] – жўжа:

Курук хайлиға қарчиғай дармиён
Алар жўжа янглиғ бу бир макиён. *Садди Искандарий*, 138-Т.

ЖЎЖИ [جوجی] – Жўжи (Чингизхон ўғлининг оти):

Навоий ўйла улус хониға эрур ошиқ,
Ки турки қуллари Жўжидур анинг-у чиғатой. *Фавойидул-кибар*, 59.

ЖЎЙ I [جوی] – арик; наҳр, окар сув:

Магар Ширинға бўлди орзуйи,
Чиқармақ хора ичра турфа жўйи. *Фарҳод ва Ширин*, 115-Т;

Нахл қаддингға ки бердим кўз ёшидин парвариш,
Эмди бор тортарки ёшдин юз сори жўй этмишам. *Хазойинул-маоний*, 16-427;

~ **бажўй** – арикдан-арик:

Шоҳ ёдида эрди мўй бамўй,
Балки бўстон-у боғ жўй бажўй. *Сабъаи сайёр*, 10-169.

ЖЎЙ II [جوی] – қўшма сўзнинг иккинчи компоненти бўлиб истовчи, қидирувчи маъноларини англатади:

Ҳар сари бир маст ўлуб оромжўй,
Бир бути гулрухдин ўлуб комжўй. *Ҳайратул-аброр*, 7-127.

ЖЎЙБОР [جویبار] – 1. арик, серсув жой, сой:

Латофат жўйборининг тазарви,
Малоҳат гулшанининг зодсарви. *Фарҳод ва Ширин*, 468-Т;

Яшил сафҳа чаманнинг марғзори,
Кумуш жадвалдек анинг жўйбори. *Фарҳод ва Ширин*, 166-Т;

... ва раоё аро тавонгарлиқ жўйбор ва даштини сипеҳр мазраасидек кўкартиб тамаввул маҳсулларин ҳосил қилғандин сипеҳрдек икки букулуб...

Вақфия, 9(10)-649; (14-255);

Икки кўзим ки дард-у бало жўйборидур,
Оҳим бухори устида абри баҳоридур. *Наводируш-шабоб*, 190-Т;

2. ҳақиқат оқими:
Мулк боғин баҳори адл била.
Сувариб жўйбори адл била. *Сабъаи сайёр*, 10-72;

3. баҳрамандлик:
Шароби фано жўйбори анинг,
Самуми бало лолазори анинг. *Садди Искандарий*, 257-Т;

~ **и ҳифз** – қўриқлаш сойи:
Ул саҳархандлик қуёшройлиқ чобуксуворлар шоҳи учун Тенгри таоло ўз жўйбори ҳифзидин хандақ қилиб мухолиф черигининг зулмин мунҳазим этсун.
Муншаот, 14-151.

ЖЎЛАҲА [جولهه] – тўқувчи:
Жўлаҳа ғирвошида оҳордек,
Йўқ ки заған паррида мурдордек. *Ҳайратул-аброр*, 7-258.

ЖЎЛИДА [ژولیده] – паришон, ёйиқ, таркок:
Ул гаҳ мунга аён қилиб дард,
Жўлида сочидин оритиб гард. *Лайли ва Мажнун*, 307-Т;
Дедилар: субҳоноллоҳ, бу шаҳрда худ андин жўлидарақ ва шўхинрақ йўқтур.
Насойимул-муҳаббат, XV-109;
Дема ким бўлди жунун даштида жўлида сочинг,
Ул қуёштин бошима сояи раъфатдур бу. *Бадойиул-васат*, 376-Т.
Чун мени мажнун бошим атфол тоши синдурур,
Оҳ ўти жўлида сочимдин анга киз куйдурур. *Наводируш-шабоб*, 144-Т.

ЖЎЛИДАМЎ/ЖЎЛИДАМЎЙ [ژولیده مو/ژولیده موی] – паришон соч:
Толни янги шох ила барги ғулу,
Айлади девонани жўлидаму. *Ҳайратул-аброр*, 7-79; (6(10), 68);
Бир жўлидамўй киши зоҳир бўлуб анга деди ким улча анинг талабидасен, ул биздадур деб ўтти. *Насойимул-муҳаббат*, 375-Т.

ЖЎН [جون] – Жўн (дарё номи):
Жўн дарёси ёқасида иккаласининг хонакоҳлари бор эди.
Насойимул-муҳаббат, 339-Т;
Бу икки бузургворнинг қабрлари Жўн дарёси қирағидадур.
Насойимул-муҳаббат, 339-Т;

ЖЎНГ I [جونگ] – катта кема:
Қаён ким бу суда тавоф айлабан,
Суни жўнг янглиғ шикоф айлабен. *Садди Искандарий*, 93-Т;
Икки юз жўнг ҳадсиз ҳар бири кенг,
Фалак жўнгини ҳар бир тутмайин тенг. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т;
Баҳр уза жўнг айлади туфрағдин,
Жўнг учун лангар ясади тоғдин. *Лисонут-тайр*, 15-Т;
Бу қадар чунки воя тутмиш эди,
Турфа жўнге кироя тутмиш эди.
Ғор аро ҳар не эрди пинҳони,
Жунг аро ташитиб эди ани. *Сабъаи сайёр*, 10-194;
Борғил эй Мажнун ки ул ой завракидек тез эмас,
Жўнг ким Лайли аморийсан чекар ҳомун аро. *Хазойинул-маоний*, 16-40;

Боркашларга фано манъи қачан қилғай жоҳ,
Теванинг кўнгли кичикдур гар эрур пайкари жўнг. *Ғаройибус-сиғар*, 288-Т;

~ **ўл-** – катта кема бўлмоқ:
Кема ким аврақ бирга тўлуб,
Сафина бўлуб дема ким жўнг ўлуб. *Садди Искандарий*, 459-Т.

ЖЎНГ II [جونگ] – турли шеърлар ва тарихлар ёзиладиган дафтар, термалар дафтари:
... ва ҳар фасона сафинасин варақ варақ балки ҳар торих жўнгин сафҳа сафҳа ахтариб дарёзада ажноска рад илгин урмақ... *Фарҳод ва Ширин*, 109-Т.

ЖЎШ [جوش] – 1. қайнаш, ғалаён, жўш:
Базми васлидин йирақ оғзимда хумдек муҳр эрур,
Тонг эмас қонимға майдек шавқ ўтидин тушса жўш. *Хазойинул-маоний*, 16-969;
Кел эй соқий ки тушмиш жонима жўш,
Кетур бу икки ёди бирла бир кўш. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-61;

2. завқ, шавқ:
Айлар эрди бўйла ғавғо ву хуруш,
Не танида руҳ-у не мағзида жўш. *Лисонут-тайр*, 227-Т;

~ **и ғурур** – ғурур завқи, шавқи:
Бода солиб жонингға жўши ғурур,
Йўқ санга кўп янглиғ ўзунгдин шуур. *Ҳайратул-аброр*, 7-257; (6(10)-224);

~ **сол-/туш-/ўр-** – 1. ёруғлик тушмоқ, алангаланмоқ:
Ғам хайли аро хуруш тушти,
Савдо черигига жўш тушти. *Лайли ва Мажнун*, 92-Т;
Куймак ила чекти анингдек хуруш,
Ким ўтидин тушти чаман ичра жўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-189;
Қолмай чу солиб бало ўти жўш,
Танда кўнгул-у кўнгул аро ҳуш. *Лайли ва Мажнун*, 68618;

2. ғулғула солмоқ, ғавғо солмоқ:
Ҳарорат кўнглига солмиш эди жўш,
Тараддуд жонин этмиш эрди мадҳуш. *Фарҳод ва Ширин*, 337-Т;
Тушуб дарё киби кўнгли аро жўш,
Кема оғзидек оғзи лек ҳомуш. *Фарҳод ва Ширин*, 258-Т;

3. ғайрат, ҳиммат қилмоқ:
Сипаҳ баҳри ичра яна тушти жўш,
Гар этти фалакнинг қулағин хуруш. *Садди Искандарий*, 316-Т;

4. ҳарорат, жўшқинлик солмоқ:
Кўпдек ичингга солибан бода жўш,
Кўнглунгга ул жўш ила ҳар дам хуруш. *Ҳайратул-аброр*, 7-257;

5. қизиқиш пайдо бўлмоқ:
Уйда тушти наззора аҳлиға жўш,
Ки фалак гунбазиға тушти хуруш. *Сабъаи сайёр*, 10-232;

6. жўш урмоқ:
Магар бас ки жўш урди халқи касир,
Ер ажзоси бўлди тахаллумпазир. *Садди Искандарий*, 290a17;
Қўйлар чу қабилаға ёвушти,
Қизларға хиром жўши тушти. *Лайли ва Мажнун*, 282-Т;
Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малойик паридин пардапўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-138.

ЖЎШИШ [جوشيش] – ҳаёжон; жўшқинлик:
Бари новакафган бари тиғзан,
Бўлуб барча жўшиш била рўйтан. *Садди Искандарий*, 322-Т.

ЖЎШОН [جوشان] – қайнаб турган; тўлқинланиб турган:
Қайнабан кўз чашмасидин ашк жисмим ўртади,
Етса жўшон су қаю узв узра маҳкам ўртанур. *Бадойиул-васат*, 169;
мароқи жўшон – қайнаб турган шўрва:
... ҳар зулоли хурўшон ҳарорат шиддатидин бир мароқи жўшон.
Муншаот, 14-138;
баҳри жўшон – тўлқинланиб турган денгиз:
Бўлуб ҳар новакаш бир баҳри жўшон,
Рубъйи баҳри соз айлаб хурўшон. *Фарҳод ва Ширин*, 149-Т.

ЖЎШҚУР- [جوشقور] – жўшқирмоқ:
Субҳдин лек ўйла жўшқурди,
Ким дамидин ўл ўтни совурди. *Сабъаи сайёр*, 10-334.

ЖЎЯ [جويه] – жўяк, арик:
Ва бу воқиадин сўнгра бани Исроилға курбон фарз бўлди во Қорон жўясида Шуъайб келиб Мусони кўрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-141; (8(10)-566);
Токи бир жўя аро кесмакта ток,
Айлади йилан ани санчиб ҳалок. *Лисонут-тайр*, 66-Т.

ЖЎЯНДА [جوينده] – истовчи; қидирувчи, талаб қилувчи:
Талаб йўлида қил шитобандалиғ,
Ки жўяндаға келди ёбандалиғ. *Садди Искандарий*, 259-Т;
Деди: к-эй дашт аро шитобанда,
Бил ки жўянда келди ёбанда. *Сабъаи сайёр*, 10-83.

ЖЎЯНДАЛИҒ [جوينده ليغ] – қидирувчилик, талаб қилувчилик:
Неча қилди саъй ила жўяндалиғ,
Шаҳр-у тоғ-у дашт аро пўяндалиғ. *Лисонут-тайр*, 131-Т.

ЖЎҒРОТ/ЧЎҒРОТ [جوغرات] – қатиқ:
Ани уйга келтурди тортиб инон,
Равон моҳазар чекти жўғрот-у нон. *Садди Искандарий*, 368-Т.

З

ЗАБАР [زبر] – уст, устки; арабча фатҳа белгиси.

ЗАБАРДАСТ [زبردست] – қўли баланд; истеъдодли, иқтидорли:

Бўлуб илм-у ҳикматқа ҳамдаст ҳам,
Диловарсифатдур забардаст ҳам. *Садди Искандарий*, 160-Т;

Зердастларға нафъ еткур агар тиласанг ки забардастлардин зарар кўрмагайсен. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-510; (14-85);

~ **айла-/эт-** – кучли, мартабали қилмоқ:

Ани ким Тенгри айлабтур забардаст,
Биравни кўрса ғурбат кожидин паст. *Фарҳод ва Ширин*, 396-Т;

Ҳар кимни ки оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгидин ани паст эттинг. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т.

ЗАБАРДАСТЛИҒ/ЗАБАРДАСТЛИК [زبردستليغ/زبردستليق] – қўли устунлик, зўрлик, паҳлавонлик:

Ней учун ки ул агарчи куч ва забардастлиғда замоннинг мунфариди эркандур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 102-Т;

Сахо сўзи ким сахиға мужиби забардастлик ва сойил элгига мужиби пастликдур. *Фавойидул-кибар*, 701-Т;

Чарх киби этса забардастлик,
Ер куйисида тиламак пастлик. *Ҳайратул-аброр*, 7-163; (6(10)-141.

ЗАБАРЖАД [زبرجد] – қимматбаҳо тош:

Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,
Чу олур илгига лавҳи музаххаб. *Фавойидул-кибар*, 50-Т;

Бўлуб ҳар ҳавзанинг тоши забаржад,
Ушоқ тош ўрниға сочиб зумуррад. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т.

ЗАБАРЖАДФИШОН [زبرجدفشان] – забаржад сочувчи, забаржад тўкувчи:

Ери сабза бирла зумуррад нишон,
Анга чархи мино забаржадфишон. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ЗАБОН [زبان] – тил, нутқ:

Хожа Бу Наср эти минбарни макон,
Эл дуосин айлабан вирди забон. *Лисонут-тайр*, 177-Т;

~ **и ҳол** – куй оркали ифодалаш; ҳолини баён қилиш:

Эй муғанний бўлма ғофил ким забони ҳол ила
Навҳа айлайдур менинг ҳолимға созинг бамлари. *Ғаройибус-сиғар*, 449-Т;

Йўқ йўқ ки забони ҳол бирла,
Шарҳ айлади бу мақол бирла. *Лайли ва Мажнун*, 120-Т.

ЗАБОНА [زبانه] – тилча, аланга тиллари, ёлқин; шарора:

Не оташкада ким тамуғдин нишон,
Забоналари кўкка оташфишон. *Садди Искандарий*, 55-Т;

Гар кўнглум ичра соқий-у май ўрт солмамиш,
Ҳар лаҳза оҳидин бу не ўтлуқ забонадур. *Наводируш-шабоб*, 186-Т;

Кўп асфар лавн соз этти замона,
Кўрунди зарварақ эрди забона. *Фарҳод ва Ширин*, 130-Т;
Не оташкада ким тамуғдин нишон,
Забоналари кўкка оташфишон. *Садди Искандарий*, 55-Т;

~ **торт-** – алангаланмоқ:
То фироқ мубталосининг талх талх шўробаси ҳижрон ўтининг лаҳза лаҳза забона тортариға таскин бергай. *Муншаот*, 14-163;
Не ўт ким оғзидин тортиб забона,
Бўлуб нафти ёрутқандин нишона. *Фарҳод ва Ширин*, 208-Т;

~ **чек-** – авж олмоқ, тўлкинланмоқ:
Бу қаҳр ўтидин чекиб забона,
Сўз ҳомилин айлади равона. *Лайли ва Мажнун*, 156-Т;

~ **ур-** – алангаланмоқ; сўзлашмоқ, айтиб ўтмоқ:
Ҳудҳуднинг Семурғдин фасона сурғани ва шавқ ўти қушлар ниҳодидин забона урғани. *Лисонут-тайр*, 46-Т.

ЗАБОНАЛИҚ [زبانه لیق] – тиллик:
... каромат сарпанжаси била балоғат Хайбари эшикин очқан ва карам зўрдасти била каромат баҳри лаолисин замона аҳли бошиға сочқан икки забоналиқ килки зулфикоридин нишона. *Назмул-жавоҳир*, 15-126; (10(10)-33).

ЗАБОНБАНД [زبان بند] – тили боғлиқ; мулзам; жодулик:
Афғониға мулҳақ айлабан панд,
Шояд ани айлагай забонбанд. *Лайли ва Мажнун*, 262-Т;
Элга ошиқлиғим изҳор эта олман вах ким
Қўйди оламда мени ишқ забонбанд қилиб. *Фавойидул-кибар*, 59-Т.

ЗАБОНБАСТ [زبان بست] – хомуш, қилувчи, сукут сақловчи:
Мутакаллиме ки араб фусаҳоси балоғат гулбонгин сипеҳр гулшанидин ошурғанда анинг булбули нутқи тараннуми била аларни забонбаст ва даъволари овозасин ерга паст килди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т.

ЗАБОНДОН [زبان دان] – тил билувчи; куш тилини билувчи:
Фаҳмиға махфий забондони керак,
Йўқ забондон ким Сулаймони керак. *Лисонут-тайр*, 35-Т.

ЗАБОНЛИҚ [زبان لیق] – муомалали:
... ва мутавасситул-ҳолларға иши мулоямат ва чарб забонлиқ.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 111-Т.

ЗАБОНОВАР [زبان آور] – сўзга уста, балоғат эгаси, нотиқ:
Алқисса Паҳлавоннинг барча навъ ишларининг хушлуғида баё-нида ва ҳар тавр сийрат-у суратининг дилкашлиғи шарҳида забоноварлар тили қосир ва доситонгустарлар нутқи ожиздур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т;
Забоноваре аввал истатти жуст,
Демакта далир-у адоси дуруст. *Садди Искандарий*, 161-Т;

~ **и боркаш** – гапга уста ҳаммол:
Келиб бу каломи Сикандарга хваш,
Деди к-эй забоновари боркаш. *Садди Искандарий*, 127-Т.

ЗАБТ [ضبط] – 1. эгаллаш, қўлга олиш:
Яна ул ким ул вилоятларнинг бир куллий иши даҳоналарнинг забтидур.
Муншаот, 14-190;

2. текшириш, назорат:
Ҳайбатидин йўллар қарокчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-12;

3. сақлаш:
Ул бу амвол забтиға машъуф,
Ёриға йўқ анинг ишида вукуф. *Сабъаи сайёр*, 10-328;
Сўздур анга мужиби ғаромат бўлмақ,
Тил забтидадур анга саломат бўлмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-155;
4. исбот, далил:
Не мулк ичраки бир фармон йибардим,
Анинг забтиға бир девон йибардим. *Фарҳод ва Ширин*, 510-Т;
5. эгаллаш, ўзлаштириш;
Ким чекар атфоли марҳуми забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун. *Лисонут-тайр*, 266-Т;
~ **и ҳол** – қўлга олиш вазияти:
Ишқ ичра неча етиб малоли,
Маҳваш қилур эрди забти ҳоли. *Лайли ва Мажнун*, 116-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – 1 тутмоқ, эгалламоқ, қўлга олмоқ:
Ишқ таврида кўнгул бирла тилин забт айлагин,
Ўт-у сувни жамъ этар кимга муяссар бўлди бу. *Хазойинул-маоний*, IIIб-519;
Бўлуб Бонуйи корогоҳға пеша,
Ҳисор аҳлини забт этмак ҳамеша. *Фарҳод ва Ширин*, 349-Т;
Қилуб забт ила маҳкам ўғри йўлин,
Улус молидин қисқа қилсун қолин. *Садди Искандарий*, 132-Т;
Деди: эй фарзанд де ўзлук қани,
То ки мен ҳам забт қилғайман ани. *Лисонут-тайр*, 102-Т;
2. аниқламоқ, тайин этмоқ:
Аммо буларнинг солимини ки анга ҳеч зиҳоф кирмамиш бўлғай ҳеч дойираға тартиб била забт қилмайдурлар. *Мезонул-авзон*, 26-Т;
3. ўзини босмоқ; асабларини маҳкам тутмоқ:
Ҳар неча ўзин забт қилур эрди ким ани халқ маълум қилмағай.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, XV-202;
4. тўхтатмоқ; ўзни эплаб олмоқ, сақламоқ:
Мавлоно Қудсий... ва лақва марази бор эрди, андақ ким оғзидин сув борур эрди ва забт кила олмас эрди. *Мажолисун-нафоис*, 17-Т.

ЗАБТСИЗ [ضبط سيز] – забтсиз:
Мулк иши забт-у рабтсиз бўлди,
Салтанат амри забтсиз бўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-104.

ЗАБУН [زبون] – 1. ожиз, нотавон, заиф, бечора, эзилган, хорланган:
Навоий истар эсанг салтанат фано бўл ким
Жаҳон забунунг эрур бўлмасанг жаҳонға забун. *Ғаройибус-сиғар*, 381-Т;
Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шарикка жафо қилмаса.
Маҳбубул-қулуб, 14-38;
Тақдирдин не келса Навоий итоат эт,
Ким сен киби забун эрур амри қазоға чарх. *Хазойинул-маоний*, 16-129;
2. мағлуб, енгилган:
Қавий душман забунинг бўлса мурувват қил карам ва афв кўргузгил.
Маҳбубул-қулуб, 14-125;
Неча ким ақл пири зуфунундур,
Ҳавас атфоли илкида забундур. *Фарҳод ва Ширин*, 155-Т;
3. арзимас:
Тўла баҳрида моҳийи симгун
Фалак ҳути ҳар бир қошида забун. *Садди Искандарий*, 305-Т;

~ **и ажзкеш** – нотавон, заиф бечора:
Деди Ҳудҳуд к-эй забуни ажзкеш,
Шавк-у дард ичра кўнгулни иста реш. *Лисонут-тайр*, 65-Т;
~ **и хирскеш** – тамаъгар; ҳирсга берилган:
Деди Ҳудҳуд к-эй забуни ҳирскеш,
Нафс зулми айлаган кўнглунгни реш. *Лисонут-тайр*, 144-Т;
~ **айла-/эт-/кил-** – ғалаба қилмоқ, енгмоқ:
Сикандарни ҳайрат забун айлади,
Бу ишдин ки чархи нигун айлади. *Садди Искандарий*, 331-Т;
Фалак рахшин забун айлаб саманди,
Зуҳал қаддин нигун айлаб каманди. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;
Бу андиша чун кўнглин этти забун,
Димоғиға юзланди бими жунун. *Садди Искандарий*, 443-Т;
Мени ишқ этти забун-у ожиз,
Бу эмиш дард-у муҳаббатқа хавас. *Фавойидул-кибар*, 272-Т.
Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ. *Хазойинул-маоний*, 16-306;
Ва отанг авлодидин баъзи анга интиком туздилар ва хору
забун килиб жафолар кўргуздилар. *Маҳбубул-қулуб*, 159;
~ **бўл-** – ожиз, нотавон бўлмоқ; енгилмоқ:
Сен ки мақсуд истай эй баднафси дун,
Азм этардин бўйла бўлғайсен забун. *Лисонут-тайр*, 78-Т;
Қудрат илгида бўлуб ул ҳам забун андақ ки мен,
Олмай ул мендин ҳисоб, андақ ки мен андин ҳисоб. *Хазойинул-маоний*, IV б-46.

ЗАБУНВАШ [زبون وش] – ожизларча, бечораларча:
Ҳақ андин асрасун ким ул забунваш,
Биравнинг ишкидин бўлғай мушавваш. *Фарҳод ва Ширин*, 418-Т.

ЗАБУНКУШ [زبون كوش] – ожизларни ўлдирувчи; бераҳм, золим, жафокор:
Бу ўтган икки йил ким бу банда бошига ҳаводиси рўзгордин юз навъ бало ва ишки забункуш бедодидин юз турлук ибтило юзланди. *Муншаот*, 14-173.

ЗАБУНКУШЛУК [زبون كوش لوك] – паст, арзимас, хору зорлик, нотавонлик, заифлик, ишга интилишлик:
Забункушлук эрмас шиоринг сенинг,
Бу навъ ишдур албатта оринг сенинг. *Садди Искандарий*, 332-Т.

ЗАБУНЛУҚ/ЗАБУНЛУҒ [زبون لوق/زبون لوغ] – ожизлик, нотавонлик:
Ақиқлиқ иши эрур забунлуқ,
Меҳнат чаҳи ичра сарнигунлуқ. *Лайли ва Мажнун*, 217-Т;
Ким бу тухфа йўқтур ул даргоҳда,
Не тилар ажз-у забунлуғ шоҳда. *Лисонут-тайр*, 190-Т;
Эрур ўз бахтиға бермак нигунлуқ,
Забунларға аён қилмақ забунлуқ. *Фарҳод ва Ширин*, 347-Т;
Эй ақл қилмағил кўп тавсанлиғ-у ҳарунлуқ,
Ким ишқ бизга солди ожизлиқ-у забунлуқ. *Фавойидул-кибар*, 305-Т;
Бу забунлуғлар била мунча гузоф,
Ҳам қилиб изҳор урған чоғда лоф. Лисонут-тайр, 74-Т;
~ **бўл-/ўл-** – ожизлик бўлмоқ:
Ишқ аро қочма кўнгул хор-у забунлуғдин ким,
Ошиқ ўлғанға забунлуғ бўлур-у хорлиғ иш. *Ғаройибус-сиғар*, 215-Т;

~ **айла-/қил-** – забунлиқ қилмоқ:
Шак эрмас ким баён айлаб мадоро,
Забунлуқ айлагайлар ошкоро. *Фарҳод ва Ширин*, 356-Т;
Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-452; (14-9).

ЗАБУР [زبور] – Забур (муқаддас китоб номи):
Бўлуб чунки Довуд қисми Забур,
Сенинг муъжизинг анда айлаб зуҳур. *Садди Искандарий*, 59-Т.

ЗАБҲ [ذبح] – сўйиш, бўғизлаш; ~ **бўл-** – бўғизламоқ:
Қўй анча бўлуб забҳ ким сони йўқ,
От анча ки қўй анга имкони йўқ. *Садди Искандарий*, 278а13;
Банокатий тарихида дебтур ким йигирми ики минг уй забҳ бўлди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-163;

~ **қил-** – ўлдирмоқ, қурбон қилмоқ:
Ўзин хилватда забҳ қилди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, XV-238.

ЗАВ [زو] – зиё, нур, равшанлик:
Файз кўз тутма риёзатда тешилмай юрагинг,
Очмайин равзана уй ичра қуёш солмади зав. *Ғаройибус-сиғар*, 402-Т.

ЗАВЖ [زوج] – қўш, жуфт; эр:
Сени ғофил қилиб асли ишингдин,
Саро ву боғ-у роғ-у завж-у фарзанд. *Наводируш-шабоб*, 662-Т;
Фардлиқ бобида ким фарднинг агарчи ҳар ҳарфи завждур аммо бариси фард дурур... *Фавойидул-кибар*, 700-Т.

ЗАВЖА [زوجه] – аёл, хотин, жуфт:
Ва кенти сари боқти ва завжасиға бийик ун била хитоб қилди ки тўн келтур ки кийай. *Насойимул-муҳаббат*, 348-Т;
иттифоқо анинг завжаси бу дарвозадин сайрға озим эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-113;
Завжа ким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам. *Ҳайратул-аброр*, 7-159.

ЗАВИЙУЛ-ҲАЁТ [ذوى الحيات] – ҳаёт эгаси, соҳиби:
Зол ҳарфининг завийул-ҳаётларининг зуфунунлуғи «ғаройиб»дин.
Ғаройибус-сиғар, 121-Т;
«Зол» ҳарфининг завилйул-ҳаётларининг зуфунлиғи «фавойид» дин.
Хазойинул-маоний, IV6-134.

ЗАВИЛИҚТИДОР [ذوى الاقتدار] – иқтидор соҳиби; иқтидорли, қудратли:
... ва аркони давлатдин олиймиқдор умаро ва завиликтидор вузаро ва сойҳир тамкин ичкилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 118-Т;
... ва чархи завиликтидор тупрақ ажзосини куёшдин ўткарибдур.
Назмул-жавоҳир, 15-29.

ЗАВЛОНА [زولانه] – кишан; бўғов:
Зулфи савдоси Навоийни чиқарди элдин,
Телба этти ву аёғида анинг завлона. *Наводируш-шабоб*, 565-Т.

ЗАВОЁ [زوايا] – бурчаклар, зовиялар:
Фалакда давойир ки расм этти сунъунг,
Жаҳон кунжидек анда юз минг завоё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т;
Ул ҳам ўз завоёсин ҳосил қилғандин сўнгра... *Насойимул-муҳаббат*, XV-115.

ЗАВОИД [زوائد] – кўплик, зиёда, ортиклик; **мужиби завоид** – ортикчалик, зиёдаликнинг сабабчиси, боиси:

... ҳам анинг анжомин тааққул қилса ул ҳам мужиби завоидлар бўлур. *Маҳбубул-қулуб,* 14-127.

ЗАВОЛ [زوال] – 1. завол, йўқолиш, йўқ бўлиш, тугалланиш:

Бу мужда била ки туққуси субҳи висол,
Ҳижрон қаро оқшомиға юзланди завол. *Муншаот,* 9(10)-586; (14-178);

Олим мулкининг интиқоли бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса заволи бўлмас. *Назмул-жавоҳир,* 15-172;

2. ҳалокат, инкироз:

Вале чарх айлаб ситамсозлик,
Заволида ҳам берди дамстозлик. *Тарихи мулуки ажам,* 16-249;

Аҳмаққа чу етса салтанат шанъати бор,
Султонлиғининг заволиға суръати бор. *Назмул-жавоҳир,* 15-175;

3. ғуруб, қуёш ботиши:

Ҳам қуёш айлади заволға майл,
Ҳам ҳаво қилди эътидолға майл. *Сабъаи сайёр,* 10-158;

Не кудратинг жабалини қилиб тазалзул паст,
Не ҳикматинг қуёшиға бериб завол халал. *Хазойинул-маоний,* IIб-368;

4. йўқ бўлиш, сўниш:

Ким бу гулшанға камол андин дурур,
Ҳам хазон-у ҳам завол андин дурур. *Лисонут-тайр,* 154-Т;

~ **чоғи** – қуёшнинг туш пайтидаги қайтиши:

Ул ўтдин иситти меҳри гулчеҳр,
Андақ ки завол чоғида меҳр. *Лайли ва Мажнун,* 336-Т;

~ **бўл-/ўл-** – ботмоқ, чўкмоқ:

Ани сев ким ҳусни бўлғай баркамол,
Бўлмағай мумкин қуёшиға завол. *Лисонут-тайр,* 157-Т;

Муфлис бўлмақ тараб заволи бўлғай,
Ғамгин дурур ул ки илги холи бўлғай. *Назмул-жавоҳир,* 15-161;

Сен уйқу ичрасен хуршиди авжи давлатинг туштур.
Ҳам ушбу тушта ул хуршидқа дойим завол ўлмиш. *Фавойидул-кибар,* 257-Т;

~ **айла-/қил-** – завол айламоқ, йўқ қилмоқ:

Яна бўлди гавдарз тери улуқ,
Ани ҳам завол айлади қайғулуқ. *Садди Искандарий,* 110-Т;

Меҳримга қарин завол қилғай,
Қонимни шафақмисол қилғай. *Лайли ва Мажнун,* 219-Т;

~ **еткур-** – пастламоқ, нобуд қилмоқ:

Даврон фалакка чекса сени эмин ўлмағил,
Ким еткурур завол қуёшнинг камолида. *Хазойинул-маоний,* IIб-547;

~ **бер-** – тугатмоқ, сўндирмоқ:

Сенинг бу тариқинг эрур баркамол,
Ки Ҳақ бермасун донишингға завол. *Садди Искандарий,* 492-Т;

~ **топ-** – йўқ бўлмоқ, ботмоқ (қуёш):

Неча меҳрдек топти авжи камол,
Фалак давридин топти охир завол. *Тарихи мулуки ажам,* 16-228.

ЗАВОҲИР [زواهر] – зохира (ташқи кўринишнинг кўплиги); зийнатлар:

... агар калом фиҳристин ул Қодири завоҳир шукри била муламмаъ қилмағайлар. *Ғаройибус-сиғар,* 3-Т;

... мақсуд жунгининг фиҳристин ул қодири завоҳир шукри била муламмаъ эткай. *Муншаот*, 14-143;
... фасоҳат завоҳири била мукаллал нукотларин ул маҳбуби окибат Маҳмуд наъти била музайян ва мужалло қилурлар. *Вақфия*, 14-234.

ЗАВРАҚ [زورق] – 1. қайиқ, кема:
Қайда ким заврақи топиб таскин,
Анда бир дидабон қилиб таъйин. *Сабъаи сайёр*, 10-277;
Бу дарёда кишти янги ой ўлуб,
Ки заврақ киби баҳр паймой ўлуб. *Муншаот*, 14-143;
2. сурат:
Бир неча заврақ асрабан тайёр
Янги ой заврақи киби сайёр. *Сабъаи сайёр*, 10-277;
3. давр, асбоб, йўлланма:
Саждаи шукр айлагач филҳол,
Ул тараф сурди заврақин иқбол. *Сабъаи сайёр*, 10-312;
4. ой:
Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро,
Ахтари саъди ҳилол ичра кезар пардун аро. *Ғаройибус-сиғар*, 42-Т;
Бу заврақка гулмех этиб кавкабин,
Қилиб бодбон субҳ чодиршабин. *Муншаот*, 14-143;
5. қайиқ шаклидаги май қадаҳи:
Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дунаро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т;
Кетур соқий муҳити бодаи ол,
Бу дарё ичра соғар заврақин сол. *Фарҳод ва Ширин*, 259-Т;
Ғунчанг анфоси заврақи жон қасдиға,
Йеткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано. *Ғаройибус-сиғар*, 55-Т;
~ **и май** – қайиқмонанд майли қадаҳ:
Заврақи майдин мени маст этти пири дайр ким,
Чарх чангидур тоғари бодаси узра қайуқ. *Наводируш-шабоб*, 320-Т;
~ **и меҳр** – меҳр завраки, кемаси:
Юз садаф зоҳир этти нили сипеҳр,
Ботти ул Нил ичида заврақи меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-275;
~ **и тез** – тез юрар заврак:
Сурар маркаб аларға заврақи тез,
Бўлуб суръатда судин оташангез. *Фарҳод ва Ширин*, 262-Т;
~ **и умр** – умр завраки:
Эй Навоий заврақи умрунг кутулмас ким қазо,
Давриға анинг фалак баҳрини гирдоб айламиш. *Фавойидул-кибар*, 263-Т;
~ **сур-** – бошламоқ, қадам кўймоқ:
Тангрининг ҳамди чунки топти насак,
Наът дарёсиға сурай заврақ. *Муншаот*, 14-143.

ЗАВРАҚИ ТЕЗРАВ [زورقی تیزرو] – тез сузар, юрар қайиқ, кема:
Яна юз келиб заврақи тезрав,
Ки элтиб су узра сабодин гарав. *Садди Искандарий*, 446-Т.

ЗАВРАҚЧА [زورقچه] – заврақча, қайиқча, кичик кемача:
Узди заврақчанинг маҳорини ҳам,
Ташлади жунг рахт-у борини ҳам. *Сабъаи сайёра*, 10-311.

ЗАВЪ/ЗУЪ [ضوع] – ёруғлик, нур, жило:

Файз кўз тутма риёзатда тешилмай юракинг,
Очмайин равзана уй ичра куёш солмади завъ. *Фавойидул-кибар*, 503-Т.

ЗАВҚ [ذوق] – 1. лаззат, маза:

Қарилиғда ҳеч ниманинг завқи йигитликдагича эрмас, ғизодин ва шарбатдин ҳатто суға дегунча. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-101;

Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи анинг лол этар эрди мени. *Лисонут-тайр*, 267-Т;

2. шодлик, хурсандлик:

Ул ҳазрат дағи завқ-у нашот юзидин ул йиғачни кўргузуб ўткан ҳикоятни ким алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқиъ бўлғандур, нақл қилур эрдилар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-17;

3. маънавий лаззат, ҳузур:

... назмда фусунпардоз шуарониг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушҳоллиғидин ўзимни овутубмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 186-Т;

Ҳар қачан завқ етса бадани ки топар экандур, анинг била мусоҳиб экандур, аввалидур ки завқ кўпрак ҳосил бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 281-Т;

4. ҳавас, хоҳиш, майл:

Мутакаббир душманға мулоямат сари йўл кўргузур ва муъжиб хасм хотириға инсоният завқин ўлтурғузур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-58;

5. истеъдод, маҳорат:

Шайх Саидиддин ал-Фарғоний ул ирфон арбобининг мукаммали ва завқ ва виждон асҳобининг акобиридиндур. *Насойимул-муҳаббат*, 364-Т;

~ **и висол** – висол завқи:

Ҳолиға келтурди чун завқи висол,
Кофири золим яна қилди савол. *Лисонут-тайр*, 107-Т;

~ **и талаб** – талаб завқи:

Нега матлуб тиларсен чун ким,
Не талабдур санга не завқи талаб. *Ғаройибус-сиғар*, 65-Т;

~ **и хонумон** – шодлик, хурсандчилик жиҳозлари:

Ки элдин борди завқи хонумони,
Эшитмиш бўлғасен дағи ани. *Фарҳод ва Ширин*, 439-Т;

~ **-у инбисот** – шоду-хуррамлик:

Бу биридин айш-у нашот гулларининг очуғлуғи ва ул биридин завқ-у инбисот уйларининг ёруғлуғи *Маҳбубул-қулуб*, 14-114;

~ **-у хушлук** – завқу шодлик:

Алар дер эрмишлар ки мен бу жисм эмасмен ки ошиқлар назарида манзурмен, балки ул завқ-у хушлукмен ки муридлар ботинида менинг каломимдин бош урар. *Насойимул-муҳаббат*, 299-Т;

~ **-у хол аҳли** – лаззат, хушҳоллик аҳли:

... оламда завқ-у ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар. *Маҳбубул-қулуб*, XIII-21;

~ **топ-** – лаззатланмоқ, маза қилмоқ:

Ҳар киши сусиз бўлса хоҳ қари хоҳ йигит су ичкач оташи дафъ бўлуб завқ топар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-101;

~ **ет-** – лаззат бермоқ; хурсанд қилмоқ:

Анга мундақ ки айшу завқ етти,
Эваз ўтрусида юз фикрат этти. *Фарҳод ва Ширин*, 83-Т.

ЗАВҚНОК [ذوق ناک] – хурсанд, шод, завкли:
Чу айтиштилар шубҳа рафъ ўлди пок,
Сикандар бўлуб хуррам-у завқнок. *Садди Искандарий*, 469-Т;
Шўхи тарсо чиқти анда завқнок,
Шайх ани кўргач бўлуб ҳар дам ҳалок. *Лисонут-тайр*, 111-Т;
~ **бўл-/ўл-** – хурсанд, шод бўлмоқ:
Шайх кийди хирқа айлаб ғусли пок,
Бўлдилар асҳоб бари завқнок. *Лисонут-тайр*, 123-Т;
Тани йўл гардидин чун пок ўлди,
Чиқибан хожа завқнок ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-173;
Ҳулди барин қушларидек шавқнок,
Амр адосидин ўлуб завқнок. *Ҳайратул-аброр*, 7-103;
~ **айла-/эт-** – хурсанд, шод айламоқ:
Эшитмакли завқнок айлабан,
Вале дарки маъни ҳалок айлабан. *Садди Искандарий*, 83-Т;
Хаста хотирни завқнок эттим,
Юзидин гард-у хайни пок эттим. *Сабъаи сайёр*, 10-388.

ЗАД [زد] – уриш; ~**-у хўрд қил-** – солишмоқ, урушмоқ; ҳамла қилмоқ:
Саййид Қуроза... Самарқанд жамрийлари бирла ҳам зад-у хўрд қилиб, ғолиб бўлмаса мағлуб даъи эрмас. *Мажолисун-нафоис*, 86-Т.

ЗАЖР [زجر] – 1. қийнаш, азоб бериш, зулм:
То ул ки зажр била элтиб ани кадхудоликка тарғиб қилибтурлар.
Насойимул-муҳаббат, 383-Т;
2. панд-насиҳат билан қайтариш:
Панд ила зажринг жунунум дафъи этмас, эй ҳаким,
Ким пари рухсорае Мажнун мисол этмиш мени. *Хазойинул-маоний*, IVб-623;
3. йўл тўсиш:
Гар йиғилиб аҳли саломат анга,
Айласалар зажр-у маломат анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
4. зўрлаш, таадди, ситам:
Айлади иснод ўзига ажрини,
Йўкса ул-ўқ қилғусидур зажрини. *Ҳайратул-аброр*, 7-115;
5. мазлумлик:
Не зажр мизожи ичра нохуш,
Не лутф табиати аро хуш. *Лайли ва Мажнун*, 149-Т;
~ **айла-** – азоб, ситам айламоқ:
Нафсинг этса шўхлуғ шарх эмгакидин қил адаб,
Тифлни андақ ки зажр айлар фалак бирла адиб. *Ғаройибус-сиғар*, 65-Т.

ЗАИФ [ضعیف] – 1. қувватсиз, кучсиз, ожиз, нотавон:
Қасдингиз агар нахиф итдур,
Бу хаста даъи заиф итдур. *Лайли ва Мажнун*, 236-Т;
Даргаҳингда бир заиф ит бирла мен ҳар кеча ким,
Гаҳ таним бошим гаҳи боши танимни ястанур. *Наводируш-шабоб*, 139-Т;
На навъ кўнглум ўлур ишқ хайли бирла ҳариф,
Ким ул шаҳ асру тавоно бу мунглуғ асру заиф. *Хазойинул-маоний*, IIа-171;
2. ўтмас:
Игнанинг нўги заиф эрса даъи кўр қилур. *Маҳбубул-қулуб*, 127;
3. бечора, иложсиз:
Рахшининг жавлонини кўргач ер ўпсам мен заиф,
Йўқ ажаб чун хам бўлур эрмиш итик елдин гиёҳ. *Хазойинул-маоний*, 16-366;

Кунйати Абу Муҳаммад. Аҳволда қавий ва сўзда заиф дебдурлар.
Насойимул-муҳаббат, 43-Т;

4. бўш, яхши йўлга кўйилмаган:
Ва анинг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 525;

~ **аҳли** – ночорлар, бечоралар:
Заиф аҳлиға алтоф таваккуъ билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил. *Назмул-жавоҳир*, 15-154;

~ **и абтар** – заиф абтар зори:
Найлагай бирмен киби зори заифи абтари. *Ғаройибус-сиғар*, 499-Т;

~ **и бенаво** – бенаво заиф:
Лайлийи заифи бенавони,
Юз дарди балоға мубталони. *Лайли ва Мажнун*, 334-Т;

~ **и бекарор** – нотинч, оромсиз заиф:
Маркабининг наълидин ҳар дам чақилған ўт эмас,
Ким кўнгул отлиғ заифи бекароримдур менинг. *Ғаройибус-сиғар*, 278-Т;

~ **и зор** – дардли, хастали заиф:
Кулақ топти дури шаҳвор сендин,
Валекин мен заифи зор сендин. *Фарҳод ва Ширин*, 181-Т;

~ **и мискин** – мискин нотавон заиф:
Ошублари чу топти таскин,
Бунёд этиб ул заифи мискин. *Лайли ва Мажнун*, 265-Т;

~ **и мубтало** – заиф ошиқ:
Қачан келгай бу иш аҳли вафодин,
Хусусо мен заифи мубталодин. *Фарҳод ва Ширин*, 385-Т;

~ **и номурод** – истагига етолмаган, бебахра, ночор заиф, хаста:
...ва бу заифи номурод Ҳазрати шориҳ хидматиға мушарраф бўлуб эрдим.
Насойимул-муҳаббат, 423-Т;

~ **и нотавон/-у нотавон** – заифу нотавон:
Ҳайратидин ул заифи нотавон,
Бир сўз айта олмадин топшурди жон. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
Санга жон шавқдин берди Навоий йўқ ажалдин ким
Ажал топқунча эрмас ул заифи нотавон пайдо. *Фавойидул-кибар*, 38-Т;
Йўл қатиқ дур мен заиф-у нотавон,
Пашша анқоға бўла олмас равон. *Лисонут-тайр*, 136-Т;

~ **и пошикаста** – оёғи шикаста; нотавон заиф:
Мискин мени зори пойбаста,
Йўқ йўқ ки заифи пошикаста. *Лайли ва Мажнун*, 250-Т;

~ **и хастажон** – иложсиз, кучсизланган бемор:
Ки яъни мен заифи хастажондин,
Малолат қалъасиға посбондин. *Фарҳод ва Ширин*, 413-Т;

~ **и хоксор** – хор, кучсиз, Фақир, камтар:
Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг кудсий нафаси посини асраб...
Муҳокаматул-луғатайн, 191-Т;

~ **и шайдо** – ошиқи мубтало:
Чун мағзида хуш бўлди пайдо,
Очти кўзин ул заифи шайдо. *Лайли ва Мажнун*, 134-Т;

~ **и ғамнок** – ғамли, фақир, хаста:
Ул ўт аро бу заифи ғамнок,
Қайси ғамнок балки хошок. *Лайли ва Мажнун*, 182-Т;

~ **бўл-/ўл-** – заиф бўлмоқ:
Ишқ тобидин ўлубмен мени бемор заиф,
Тоб кўп кўрса анингдек ки бўлур тор заиф. *Бадойиул-васат*, 237-Т;
Сиришким сайли ичра ишқ-у дардингдин заиф ўлдум,
Бу сув ичра ул ўтлар гўйиё жисмим курутмишлар. *Наводируш-шабоб*, 136-Т;
~ **айла-/эт-** – заиф айламоқ;
Ким ул очлиғ айлаб ани заиф,
Узалиб ётиб хасталардек наҳиф. *Садди Искандарий*, 255-Т.

ЗАИФА [ضعيفه] – хотин, аёл:
Демиш ким бу шаҳрнинг хароботини манга такшуф қилдилар, анда бир жамила заифа кўрдум. *Насойимул-муҳаббат*, 294-Т;
Исмоил билди ким атоси бу заифадин рози бориб сипориш қилибдур.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-118;
~ **и зори** – дардли заифа:
Етса кўрмиш заифаи зори,
Ҳар сари мў танида озори. *Сабъаи сайёр*, 10-357.

ЗАИФАҲВОЛ [ضعيف احوال] – заифаҳвол:
Заифи ҳолингга неча раҳм айлагаймен эй кўнгул,
Сен дағи раҳм эт ки мен ҳам бас заифаҳволмен. *Фавойидул-кибар*, 462-Т.

ЗАИФЛИҒ [ضعيف ليغ] – кучсизлик, ожизлик; қарилик пайти:
Фарзанд керак заифлиғда отасиға хизмат маҳаллин топтим деб, жонсипорлиқ қилса. *Муншаот*, 14-186.

ЗАИФМИЗОЖ [ضعيف مزاج] – заифмизож:
Ҳидоятинг қўлидин шарбати сафо топибан,
Ани ким иллати куфр айлабан заифмизож. *Наводируш-шабоб*, 92-Т.

ЗАЙБАҚ [زيبق] – симоб:
Хиром вақтида суръатидин юзи ки терлаб бўлуб биайниҳ,
Гул узра шабнам йўқ эрса хуршид уза сочилған сиғор зайбақ.
Наводируш-шабоб, 312-Т.

ЗАЙД [زيد] – Зайд (киши исми):
Юз узр ила Зайд сари боқиб,
Ҳасрат суйи кўзларидин оқиб. *Лайли ва Мажнун*, 244-Т;
Зайд этмади дилситонға миннат,
Деди ки эрур бу жонға миннат. *Лайли ва Мажнун*, 245-Т.

ЗАЙЛ [ذيل] – 1. этак, поён; чек, чекка; бирон нарсанинг тугалланиш жойи:
Эй Навоий хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг. *Хазойинул-маоний*, IIIб-352;
Солиб кўз кўрдилар ҳадсиз бийик тоғ,
Ер анинг зайлида бир тўда туфрағ. *Фарҳод ва Ширин*, 232-Т;
2. кўмакчи функциясида *давомида, каторида, шу билан биргаликда* маъноларини англатади:
Ва «Баҳористон»да назм аҳли асомиси зайлида бу фақирни бу навъ мазкур қилибтурлар... *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-52;
Ва лекин чун бу мудҳиш хабар зайлида сиҳҳат сўзи битилиб эрди ва ул заъф сўнгғида шифо кайфияти ёзилиб эрди. *Муншаот*, 14-207;
3. илова, қўшимча:
Тушта кўз суртар эдим юзунгга гўё хат эмас,
Бўлди мужгондин тикон бирла тўла ҳуснунгга зайл. *Хазойинул-маоний*, 116-387;

Ким элга жафо чаҳин тамуғ зайли қилур,
Кавсар суйин ўзига ўлум сайли қилур. *Назмул-жавоҳир*, 15-180;

4. охирги қатор, махсус ўрин:
... то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуаро акобири зайлида мазкур бўлғайлар...
Мажолисун-нафоис, 5-Т;

5. эшик, атроф;
Насими ки зайлиға еткурса гард,
Анинг дардидин торткай оҳи сард. *Садди Искандарий*, 492-Т.

~ **и мими меҳнат** – меҳнат зайли:
Оғзи нафаси насими меҳнат,
Қуйруғ анга зайли мими меҳнат. *Лайли ва Мажнун*, 235-Т.

ЗАЙЛУЧА [زيلوچه] – гиламча, палос:
... балки салтанатнинг барча маслаҳат-у аҳволиға мушорун илайҳи ва муътамадун алайҳи ва иморат зайлучасида сокин ва тақарруб маснадида мутамаккин дурур. *Мажолисун-нафоис*, 78-Т;
Ипак зайлуча ҳам солдирди филҳол,
Деди Ўлтурсун ул шўрида аҳвол. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т.

ЗАЙМУРОНБЎЙ [زيمورانبوی] – хушбўй гиёҳлар:
Зод ҳарфининг займуронбўйларининг зиёси ғаройибидин. *Ғаройус-сиғар*, 226-Т.

ЗАЙН [زين] – 1. зийнат, безак:
Шаҳға мақбул дағи мулкка зайн,
Сўзи матбуъ ўзидек Ибни Ҳусайн. *Фавойидул-кибар*, 666-Т;
Дахрға берсун мудом макдамидин зеб-у зайн,
Шоҳ Муҳаммад Бадиъ ибни Музаффар Ҳусайн. *Муншаот*, 14-199;
Ул қуёш ким арабқа бердинг зайн,
Ул сифат ким араб боши уза айн. *Сабъаи сайёр*, 10-18;

2. ярашуғлик:
Шоҳ умрига зеб ила зайн ул,
Шоҳға балки курратул-айн ул. *Сабъаи сайёр*, 10-327;

3. Зайн (исм):
Сойир шеър аснофидин табъи муаммоға мулойимрақ тушубтур.
Зайн исмиға бу муаммо анингдур. *Мажолисун-нафоис*, 93-Т.

ЗАЙТУН [زيتون] – зайтун:
Чу зайтун бўлуб чарх ила муттасил
Бўлуб чарх зайтуни андин хижил. *Садди Искандарий*, 302-Т.

ЗАЙФ [ضيف] – меҳмон:
Яна бир бу ким ҳар қачан келди зайф,
Анга қилғасен бермайин тўъма хайф. *Садди Искандарий*, 367-Т.

ЗАЙЪАТ [زينت] – зойиъ бўлиш:
Ва ул ҳар лаҳза ўз камолин кўрарга бир кўз очқай пас шайхнинг ранжи зайъатиға кушуш қилғай ўз ҳаққида. *Насойимул-муҳаббат*, 282-Т.

ЗАКИЙ [ذكی] – ўткир ақлли, зукко, қобилиятли; синчков, сезгир:
...аммо бағоят зийрак-у закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш.
Насойимул-муҳаббат, 390-Т;
Адиб Аҳмад... бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши эрди.
Насойимул-муҳаббат, XV-157.

ЗАКО [ذكا] – зукколик, зийраклик, зеҳнлик; сезгирлик:

... ҳазрати Мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зеҳн-у ва закосидин мутабассим балки мутаажжиб бўлур эрмишлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-10;

~ **хайли** – ўткир ақл эгалари, заковатли кишилар:

... сахо аҳли ҳимматидин рафиърақ ва бисоте топилди зако хайлининг хаёлидин бадиърақ. *Муншаот*, 14-134.

ЗАКОТ [زكات] – ислом динидаги солиқ:

Шайх дебтур ки санга фарз бўлур закотниму дейнн ё манга фарз бўлур закотни-му дейин? *Насойимул-муҳаббат*, 6-Т;

Чун юди кўрлар саводин ашк ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот. *Гаройибус-сиғар*, 318;

~ **и ҳавлон** – йиллик бож, закот ва солиқлар йиғиш бошланиши:

Тамғачи этиб бошиға жавлон,
Ҳар дам тилагай закоти ҳавлон. *Лайли ва Мажнун*, 373-Т;

~ **и ҳусн** – ҳусн солиғи, чирой кўрсатиш, ҳусн билан хурсанд қилиш:

Закоти ҳусн учун эй муғбача лутф айла бир соғар,
Ки дунё бирла диним йўқлуғидин бўлмишам маҳзун. *Наводируш-шабоб*, 456-Т;
Гар закоти ҳусн улашмак истасанг эй кўркабой,
Бил яқин ким ушбу мунглуғдек топилмас мустаҳиқ. *Фавойидул-кибар*, 304-Т.

ЗАКОТСИЗ [زكات سيز] – закотсиз:

Бир анбонда тўла ўтмакдур. Мирға ҳавола қилиб деди ки улаш закотсиз ва тамонносиз. *Насойимул-муҳаббат*, 375-Т.

ЗАКОТЧИ [زكاتچى] – закот йиғувчи амалдор:

Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била закотчилар алардин мустахлас қилсалар. Закотчилар ишидин тавочи моҳ бамоҳ балки ҳафта баҳафта вуқуф топиб арза еткурсалар. *Муншаот*, 14-191.

ЗАЛАЛ [زلل] – 1. нуқсон, ғалат; адашиш:

Табъима тушса хато бирла залал,
Килкима саҳв ўлди этса ё ҳалал. *Лисонут-тайр*, 274-Т;

2. аруз фани атамаси:

Фасл. Мафоъилун: зиҳофоти ўн бирдур ва фуруъи даги ўн бирдур... залал, ҳатм ва харм ижтимоъидур мафоъилунда пас фо қолғай. *Мезонул-авзон*, 15-16-Т.

ЗАЛАМА [ظلمه] – золимлар:

Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ-у мадорнсидин осуда залама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидин фарсуда. *Маҳбубул-қулуб*, 14-12.

ЗАЛИЛ [ذليل] – хор, тубан, паст:

Гар юзунг истаб Навоий кўзларингга хордур,
Не ажаб дин аҳли куффор оллида бўлмақ залил. *Хазойинул-маоний*, IIIб-375;
Дема ким шайтонға бўлмишмен залил,
Ул сенинг нафсингни айлабтур вакил. *Лисонут-тайр*, 148-Т;

~ **бўл-/ўл-** – паст, тубаи бўлмоқ:

Гаҳи ҳинд мулкида бўлғай залил,
Таажжубда кўрмакка товус-у пил. *Садди Искандарий*, 399-Т;
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил. *Ҳайратул-аброр*, 7-220;

~ **айла-/қил-** – хор қилмоқ, хорламоқ:

Анинг ким мизожин алил айлабан,
Биёбонда зор-у залил айлабан. *Садди Искандарий*, 480-Т;

Яхъё алайҳис-салом катли интиқомиға жуҳудларни кирди ва қолғанидин баъзини овора ва баъзини залил қилди. *Тарихи мулуки ажам*, 514;

Жисмимни қатил қилдингиз-ло,
Жонимни залил қилдингиз-ло. *Лайли ва Мажнун*, 335-Т.

ЗАЛИЛЛИҚ [ذلیل لیق] – хорлик, тубанлик:

Нафсни чун тақво риёзати била зари даст қилдилар, шайтонни залиллиқ била ерга паст қилдилар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-541; (14-122).

ЗАЛИЛОНА [ذلیلانه] – бечораларча, хасталик билан:

Залилона ғавғо ву фарёд этиб,
Чу шаҳнинг васийятларин ёд этиб. *Садди Искандарий*, 485-Т.

ЗАЛИЛУЛЛОҲ [ذلیل الله] – Оллоҳнинг ҳақири, залили:

От қач ўт сари Халилуллоҳни,
Ишқ кўйида залилуллоҳни. *Лисонут-тайр*, 261-Т.

ЗАЛЛА [ذلّه] – ўкинч, ачиниш, ранж, алам:

Бирав кўруб деди ким Фатҳни дерлар ки мутаваккилларнинг имомидур онак залла боғлади. *Насойимул-муҳаббат*, 31-Т.

ЗАЛОЛ [ضلال] – тўғри йўлдан адашишлик, гумроҳлик:

... алардин ҳар хато ва залол воқиъ бўлса мувохазасиға машғул бўлмағайлар. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-94;

~ **аҳли** – адашганлар, йўлдан озганлар:

Худоё залол аҳлиға раҳнамоё,
Юздин жилва айларға ашё мароё. *Фавойидул-кибар*, 8-Т.

ЗАЛОЛАТ [ضلالت] – хорлик, ҳақирлик, тубанлик; гумроҳлик, йўлдан озганлик:

Қўймасанг бизни бу ғафлат домида,
Тиралик бирла залолат шомида. *Лисонут-тайр*, 39-Т;

Ёманни дема ки излот этар иркин шайтон,
Дегил фасодда мундин етар залолат анга. *Фавойидул-кибар*, 12-Т;

Бу разолат кишилик такаббуридин хўбрақ ва бу залолат яхшилиқ тасаввуридин марғубрақ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-39;

~ **аҳли** – адашганлар, йўлдан озганлар:

Яна «Минҳожун-нажот» қасидасида ҳидоят тариқин тузубмен ва залолат аҳлиға нажот шаҳроҳин кўргузубмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 184-Т;

~ **туни** – исён, гумроҳлик қоронғилиги:

Солурға залолат тунига зиё,
Алар ичра ирсол этиб анбиё. *Садди Искандарий*, 96-Т.

ЗАЛОЛАТАНГИЗ [ضلالت انگیز] – адашишга бошловчи, адаштирувчи:

... хилватиягиз мунаввар бўлуб партави андин бу тира рўзгорнинг залолатангиз авқотиға тушсун. *Муншаот*, 14-161.

ЗАЛУМ [ظلوم] – золим, ситамкор:

Парий қабул эта олмай магар ким мен,
Қилиб отимни залум-у жаҳул бирла адо. *Наводируш-шабоб*, 1-Т;

~ **айла-/эт-** – золимлик, ситамкорлик қилмоқ:

Ғайри инсон ким қилиб ани қабул,
Ҳам залум айлаб ҳитобин ҳам жаҳул. *Лисонут-тайр*, 17-Т;

Бўлмаса эрди Навоий сирри ишқингға амин,
Не залум эткай эдинг анинг хитобинг не жаҳул. *Ғаройибус-сиғар*, 297-Т.

ЗАМ I [زم] – танбеҳ; маломат:

Биравга ким бир мадҳ дединг ўн зам била халос бўлмақ йўқтур.
Маҳбубул-қулуб, 14-78.

ЗАМ II [زم] – қўшиш, жамлаш;

Яна юз минг муғул бирла зам,
Юз эллиг минг ул сари қалмақ-у ям. *Садди Искандарий*, 185-Т;

Ҳар зуҳд ки ажб эрур анга зам,
Кўнглум ҳарамиға қилма маҳрам. *Лайли ва Мажнун*, 39-Т;

Жоҳил ки ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам. *Хазойинул-маоний*, 16-764;

~ **бўл-** – бирга бўлмоқ:

Ўртаб эди ани ёр дағи,
Зам бўлди бу икки зор дағи. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т;

~ **айла-/қил-** – қўшмоқ, бирга олиб бормоқ:

Тоатқа риёни айласанг зам,
Соғинмағил ани фисқдин кам. *Лайли ва Мажнун*, 370-Т;

Ранг ҳайвон сувига зам қилдим,
Ул пари суратин рақам қилдим. *Сабъаи сайёр*, 10-87;

Сўфий Пири Сесадсола... сўфиликка табобатни зам қилибтур.
Мажолисун-нафоис, 155-Т;

ЗАМАН [زمن] – замонлар:

Ҳам ул суг рафъиға шоҳи заман,
Мулукона соз айлабан анжуман. *Садди Искандарий*, 275-Т.

ЗАМБУР [زمبور] – занбур, ари, асалари:

Лаълидин ком олмағунча билмадим ширинлиғин,
Барги гул замбур коми ичра киргач бол эрур. *Хазойинул-маоний*, 16-156.

ЗАМЗАМ [زمزم] – замзам, Маккадаги булоқ номи:

Бир кун Масжиди Ҳарамда Замзам яқинида бир хонанда ўқуди.
Насойимул-муҳаббат, 25-Т;

Ишқинг Навоий айлар улустин ниҳон валек,
Фош айлар элга замзамаи бехудонаси. *Бадойиул-васат*, 437-Т.

ЗАМЗАМА [زمزمه] – майин овоз, оҳиста овоз; нағма; жўр бўлиш:

Чун ўқимақ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас. *Ҳайратул-аброр*, 7-55; (6(10)-45);

~ **и бехудона** – беихтиёр оҳиста садо:

Уздин бориб фиғоним эмас тонг ки дайр аро,
Ҳар сари боқса замзамаи бехудонадур. *Наводируш-шабоб*, 186-Т;

~ **и таҳният** – қутлов нағмаси, навоси:

Зуҳра тараб барбатини соз этиб,
Замзамаи таҳният оғоз этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-46;

~ **чек-** – нағма қилмоқ:

Жилвага ноз айламайин гул ҳануз,
Замзама чекмай анга булбул ҳануз. *Ҳайратул-аброр*, 7-19; (6(10)-13);

~ **қил-** – оҳиста овоз билан ўқимоқ, қироат қилмоқ:

Ҳамул оқшом Шайхнинг зовияси эшигига борди ки анга мужда еткургай кўрди ки чироғ ёқибтур ва замзама қиладур. *Насойимул-муҳаббат*, 424-Т.

ЗАМЗАМАПАРДОЗ [زمزمه‌پرداز] – майин, оҳиста куйловчи:
Шоҳид ўзи эрди навосоз ўзи,
Соқий ўзи замзама пардоз ўзи. *Ҳайратул-аброр*, 7-49.

ЗАМИМ [ذميم] – зишт, бад, ёмон:
Ўзлукунг сайлидин ахлоқи замимингни кетар,
Ким кетар муҳмал ила неча мухолиф амроз. *Наводируш-шабоб*, 475-Т.

ЗАМИМА [ذميمه] – ёмон, ярамас, қоралашга лойиқ:
Бу икки замима феъл ки ёмондур... *Маҳбубул-қулуб*, 14-54;
~ **и хисол** – ёмон хислатлар:
Иккинчи қисм: ҳамидаи афъол ва замимаи хисол хосиятида.
Маҳбубул-қулуб, 14-47.

ЗАМИН [زمين] – ер, ер юзи; мамлакат, ўлка, вилоят:
Керак Ироқдин Макка балки мағриб заминғача олсангиз бу воқиъа бўлмаса эрди. *Муншаот*, 14-186;
Азимат айлабан мағриб заминға,
Етурсам ўзни Фарҳоди гузинға. *Фарҳод ва Ширин*, 488-Т;
~ **и сиёх** – қаро ер:
Деман ки этса ижозат борурға кўйидин,
Дебан замини сиёҳ мулзам этса найлагамен. *Наводируш-шабоб*, 473-Т;
~ **-у замон** – еру кўк (осмон):
Туфрақ ўлурдин топа олмай омон,
Раҳши аёғида замин-у замон. *Ҳайратул-аброр*, 7-115.

ЗАМИНБЎС [زمين بوس] – таъзим қилиш, ер ўпиш, сажда қилиш; ~ **айла-/қил-** – сажда қилмоқ, ер ўпмоқ, таъзим қилмоқ:
Дайр аро асмаъи нокус айлайин,
Бут сужудинда заминбўс айлайин. *Лисонут-тайр*, 93-Т;
Оллингда неча қилса заминбўс бари,
Лекин бордур айбинга жосус бари. *Назмул-жавоҳир*, 15-138; (10(10)-43).

ЗАМИННАВАРД [زمين نورد] – от; ер кезувчи:
Бор эди бир заминнаварди анинг,
Бўлмайин барқ ҳамнаварди анинг. *Сабъаи сайёр*, 10-244.

ЗАМИНРЎБ [زمين روب] – фаррош; хизматкор:
Тош узра қилиб танини саркўб,
Мужгонини айлабан заминрўб. *Лайли ва Мажнун*, 325-Т.

ЗАМИР I [ضمير] – 1. дил, кўнгил, юрак, қалб:
Тилига келган билан кўнглин содиқ тут ва қаламиға ёзилған била замирини мувофиқ тут. *Маҳбубул-қулуб*, 14-130;
Мазмуни била кўнглум ўти кам бўлди,
Алфози била замир хуррам бўлди. *Муншаот*, 14-195;
2. фикр, хаёл:
Яна чун «Сабъаи сайёра» расадин замирим боғлабтур.
Муҳокаматул-луғатайн, 181-Т;
Шоҳи Ғозий эрур карам тенгизи,
Пок-у софий замиру равшанрой. *Хазойинул-маоний*, IIIб-698;
Эл шамъи замири ки вафо боғлиғидур,
Равшанлиғи тира туннинг уйғаглиғидур. *Назмул-жавоҳир*, 15-174;

3. асос; замир:
Мудаккик замирида мамлу фунун,
Келиб диққат аҳли аро зуфунун. *Садди Искандарий*, 51-Т;
Таши ул навъ ким комил замири,
Ичи андақ ки соҳибдил замири. *Фарҳод ва Ширин*, 230-Т;
4. хотира:
Ва улуми ғариба ва фунуни ажиба ким файзи илоҳидин муборак замириға мунаққаш эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-142;
... агарчи тифл эрдинг андақ эрмас ки замирингдин унутилмиш бўлғай.
Муншаот, 14-215;

~ **и шиша** – шиша замири:
Етишмай майи ваҳдат фуруғи бўлмағуча,
Замири шишаси соқий изоридек сода. *Бадойиул-васат*, 385-Т.

ЗАМИР II [ضمير] – олмош; шахс:
Алар [араблар] лафзға бир ҳарф орттурған била мунга ўхшаш бир замирни ортурубдурлар, бағоят мухтасар ва муфид тушубтур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 177-Т.

ЗАМИРОНБЎЙ [ضميران بوی] – замирлар калималари; қалб, виждон сўзлари:
«Зод» ҳарфининг замиронбўйларининг зиёси. *Наводируш-шабоб*, 275-Т.

ЗАММА [ضمّه] – араб ёзувида ундош ҳарф устига қўйилиб «у», «ў» товушларини билдирувчи ҳаракат:
Ва тариқи будур ким мулоҳаза ҳаракатининг нафсиға воқиъ бўлғай йўқ ким аҳволиға ким ул фатҳа ва замма ва касрадур; ва малфуз эътибор қилғайлар.
Мезонул-авзон, 30-Т;
Яна туркча алфоздур ким анда «алиф» ва «вов» ва «ё» фатҳа ва замма ва касра ҳаракати ўрниға битилур ки ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобиға кирмас.
Мезонул-авзон, 32-Т;

~ **и баёни вовий** – «в» товуши устига қўйилган қисқа унли «у»:
Аммо улча китобатда бордур ва лафзда йўқтур, атф вовидек масал жон-у жаҳон ва заммаи баёни вовидек, масал: бу ва ту: ва замма ишмоми вовидек, масал хуб-у хўрд, андақ ки бу масал учаласига шомилдур. *Мезонул-авзон*, 31-Т.

ЗАМОЙИМ [ضمائم] – ёмон хислатлар, ёмонликлар; **мажмуи замойим афъол** – ярамас хулқлар, қилиқлар йиғиндиси:
... мажмуи замойим афъол мунга дохилдур ва барининг дафъи шикасталиғ ва фанодин ҳосил. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-503; (14-75);
феъли замойим – ёмон хатти-ҳаракатлар, ёмон хулқ, феъл:
Ким анга феъли замойимдур лақаб,
Мубтало бўлур анга аҳли талаб. *Лисонут-тайр*, 142-Т.

ЗАМОЙИР [ضمائر] – олмошлар:
Яна ортуқи «нун»лардур ким сўз иртиботи учун замойирда «нинг» лафзида битилур, масал «анинг» ва «менинг» ва «сенинг» лафзида. *Мезонул-авзон*, 32-Т.

ЗАМОН I [زمان] – 1. вақт, давр, замона:
Чобуки ким қатл учун сурди яна майдонға от,
Одаме қолмас тирик солған замон жавлонға от. *Хазойинул-маоний*, IIб-87;
Мавлоно Бадахший... Улугбек Мирзо замонида Самарқандда шуаро ани хушгўйлуққа мусаллам тутубдурлар. *Мажолисун-нафоис*, 22-Т;
2. муддат, давомат, фурсат:
Ялошнинг подшоҳлиғининг замони беш йил жузвий ўксукдур.
Тарихи мулуки ажам, 16-240;

3. дақиқа, лаҳза, шу заҳоти, шу дам:
Бу сўз еткан замон Баҳроми бахрад,
Хито хониға бор эрди сипоҳбанд. *Фарҳод ва Ширин*, 487-Т;
Ки ани киюрган замон қошингға
Барисин нисор айладим бошингға. *Тарихи мулуки ажам*, 16-256;
~ **абноси** – замон фарзандлари, давр кишилари:
Ҳар неча қилдим вафо кўргуздилар жавр эй кўнгул,
Айб қилма гар замон абносидин ёд айламан. *Хазойинул-маоний*, IIIа-275;
~ **аҳли** – замондошлар, одамлар:
Замон аҳли бевафолиғидин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар. *Махбубул-қулуб*, 14-83;
Мавлоно Орифий... замон аҳли ани Салмони Соний дерлар эрди.
Мажолисун-нафоис, 23-Т;
~ **замон** – дамба-дам, тез-тез; баъзан, аҳён аҳён; ҳар замон:
Носиҳлари дам бадам забунрақ,
Савдоси замон замон фузунрақ. *Лайли ва Мажнун*, 150-Т;
Манга эй саманбарим жафо қилма беҳисоб,
Юзунгга замон замон чекиб ёпмағил ниқоб. *Мезонул-авзон*, 46-Т;
Жунунум ўлса дамодам таажжуб этманг ким,
Кўзумга ул пари ўлур замон замон пайдо. *Наводируш-шабоб*, 34-Т;
~ **и сиҳҳат** – сиҳҳатлик замони:
Тонгла ки етиб замони сиҳҳат,
Топса баданинг нишони сиҳҳат. *Лайли ва Мажнун*, 176-Т;
~ **и шабоб** – йигитлик даври:
Куҳан дайр бедод-у зулми била,
Дариғо ки ўтти замони шабоб. *Наводируш-шабоб*, 61-Т;
~ **и хаёт** – умр, ҳаёт:
Ки розидур Искандар ўлмакка бот,
Бўлуб шаҳға минг йил замони ҳаёт. *Садди Искандарий*, 202-Т;
~ **-у замин** – ер у осмон:
Анга кун илик берса мундақ нигин,
Нигинида танг йўқ замон-у замин. *Садди Искандарий*, 60-Т;
~ **-у макон** – замону макон:
Не анга замон-у макон эҳтимоли, не замон-у макон андин холи.
Маҳбубул-қулуб, 14-77.

ЗАМОН II [زمان] – кафил, гарант; кафиллик:
Чу бир дамға йўқтур кишига замон,
Фалак зулмидин аламон аламон. *Садди Искандарий*, 437-Т;
Чу шаҳ халқ ризқиға бўлмиш замон,
Эрур ортуқ эксук етурмак ёман. *Садди Искандарий*, 370-Т.

ЗАМОНА [زمانه] – замона, давр; фалак; тақдир:
Ҳар сари талоялар равона,
То тонгла не айлагай замона. *Лайли ва Мажнун*, 215-Т;
Десанг замона ситезини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш тут-у қилма замона бирла ситез. *Хазойинул-маоний*, 16-233;
~ **аблақи** – замона олачипори; кеча-кундуз:
Замона аблақи қолғай равишдин,
Ул ошуби замон сакратса абраш. *Хазойинул-маоний*, IIа-147;
~ **аҳли** – замон одамлари, машҳурлар:
Фаридун Мирзо... ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона.
Мажолисун-нафоис, 200-Т;

~ **и мушъабид** – найрангбоз замона:
Амн ила замонаи мушъабад,
Атрофиға даҳрнинг чекиб сад. *Лайли ва Мажнун,* 304-Т;
~ **и рангомиз** – ранг-баранг, тез ўзгарувчан; буқаламун:
замонаи рангомиз гуногунлигидин муддати мадид ва аҳди баид ҳар навъ шак -у суратда иқдом урдум. *Маҳбубул-қулуб,* 14-9.

ЗАМОНЛИҒ [زمان لیغ] – пайтлик, фурсатлик:
Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор ўлсам не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор. *Ғаройибус-сиғар,* 145-Т;
Ул умр бир замонлиғ эрур истама вафо,
Афгон ки ул ҳам ўйла ки аҳли замонадур. *Наводируш-шабоб,* 186-Т.

ЗАМҲАРИР [زمهریر] – совуқ; қаҳратон қиш:
Яна замҳарир-у узун тун дағи,
Қўшулса ел-у қор-у чопқун дағи. *Садди Искандарий,* 235-Т;
Ёғиб андақ бурудат замҳарири,
Ки тахта тош боғлаб су ҳарири. *Фарҳод ва Ширин,* 170-Т;
Дегайсен юқоррақ чиқиб замҳарир,
Қуйирақ тушубтур сипеҳри асир. *Муншаот,* 9(10)-551; (14-136);
Қиш таърифида ким тунд ели кўнгул хасратлиқ ушшоқ совуқ оҳидин нишона кўргузур ва совуқ замҳарири ичи ўтлуқ бедиллар кофурбор нафасидин фасона айтур. *Садди Искандарий,* 229-Т.

ЗАМҲАРИРБОР [زمهریربار] – қаттиқ совуқ тарқалиши; қаҳратон қиш:
...бовужуди ул ким булут ҳаводин замҳарирбор ва тун мушки ул замҳаридин кофуркирдор эрди. *Маҳбубул-қулуб,* 14-48.

ЗАН I [زن] – аёл, хотин; **-у марди** – оила:
Шайх Абдуллоҳ... анинг уйида зан-у марди хуштабъдурлар.
Мажолисун-нафоис, 157-Т.

ЗАН(Н) II [ظن] – гумон; фикр, тахмин, шубҳа:
Ва вақтинг чун кўнглунгни машғул қилсанг ҳар занн ва гумонға ки хотирингга киргай зойиъ қилғайсен. *Насойимул-муҳаббат* XV-93;
Яқин бўлмаса ғояти занн керак,
Киши барча ишта хирадфан керак. *Садди Искандарий,* 175-Т.

ЗАНАБ [ذنب] – 1. дум, қуйруқ:
Дема тараб айларда занабдур яхши,
Ким андин эл истарга адабдур яхши. *Назмул-жавоҳир,* 15-162;
2. қуйруқли юлдуз:
Ул ой жамоли аро зулфидин ажаб қолдим,
Ки ой аросида қилмиш аён занаб суврат. *Хазойинул-маоний,* IIIб-88.

ЗАНАХ [زنخ] – ияк; сақоқ:
Оғзи ки бир нукта демай жуз хилоф,
Барча бинойи занах-у ўзга лоф.
Бўлди сақол пардаси чун бартараф,
Анда занах зоҳир ўлуб ҳар тараф. *Ҳайратул-аброр,* 7-268; (6(10)-234);
~ **чоҳи** – ияк чукурчаси:
Зулфин очқанда занах чоҳиға тушган минг кўнгул,
Қўймаса ул чоҳ уза рухсори шамъин ёрутуб. *Хазойинул-маоний,* 16-73;

~ **ур-** – бехуда гаплар гапирмоқ; лоф урмоқ:
Хатинг сипоҳи чу чиқти нечук ки мур-у малах,
Дема ки қочмасун арбоби ишқ-у занах. *Наводируш-шабоб*, 113-Т.

ЗАНАХДОН [زنخدان] – жағ, ияк:
Юз уза сиймин занахдонингда хатти мушкбўй,
Ўтка қўйған олмадин гўё ки чиққан дуд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 126-Т;
Занахдоним била зулфи гирихгир,
Ҳазин кўнглунгга иркин чоҳу занжир. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т;
Ҳам занахдонида юз минг жон асир,
Чоҳида юз Юсуфи Канъон асир. *Лисонит-тайр*, 97-Т;
гўйи занахдон – ияк тўгараги, иякнинг тўгарак бўлиши:
Қошининг ёйи чекилмиш зулфи чавгониғача,
Зулфи чавгони дағи гўйи занахдониғача. *Хазойинул-маоний*, IIб-559.

ЗАНБАҚ [زنبق] – савсаннинг бир тури:
Занбақ анда лолагун буткай шажарлар сурх бед
Ҳар чаманға барча сув қонлиғ сиришким ёғини. *Фавойидул-кибар*, 563-Т;
Занбақ варақи аро сепар мушк,
Ким атри димоғини қилар хушк. *Лайли ва Мажнин*, 114-Т.

ЗАНБИЛ [زنبل] – замбил:
...Тинот Мисрнинг кентларидиндур. Занбил тўкур эрмиш. Киши кўрмайдур ки нечук тўқар эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 133-Т.

ЗАНБИЛБОФЛИҒ [زنبلباف ليغ] – замбил тўкувчи, сават тўкувчи:
Ва окшом уйига азимат қилғач занбилбофлиғдин ҳосил қилған нима била рўза очар эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-162; (8(10)-580).

ЗАНБУР [زنبور] – ари:
Эй кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин юз тешук,
Ҳар тешукдур шаҳди занбури уйи янглиғ чучук. *Ғаройибус-сиғар*, 267-Т;
Занбур ғавғосидин ниш мутасаввардур ва асал савдосидин нўш муяссардур.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-511; (14-85).

ЗАНБУРИЙ [زنبوری] – арига оид:
Очибан ҳар чароғи кофурий,
Дуд ила бир ниқоби занбурий. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

ЗАНБУРХОНА [زنبورخانه] – ари уяси; илма-тешик:
Бўлуб минг ғусса ўқиға нишона,
Замирим бўлмаса занбурхона. *Фарҳод ва Ширин*, 508-Т.

ЗАНГ I [زنگ] – занг; чанг, гард:
Гул барг уза қилмишсен то сабзаи тар пайдо,
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо. *Хазойинул-маоний*, IIIа-21;
Дафъ қилиб занги хаёлотни,
Асрамақ ул навъ бу миръотни. *Ҳайратул-аброр*, 7-116;
~ **и ғам** – ғам гарди, ғубори:
Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур ай соқий майи вахдат мисиллиғ ғамзадо. *Ғаройибус-сиғар*, 27-Т;
~ **айла-** – занг айламоқ:
Меҳр юзин ойина ранг айладинг,
Юзда кусуфин анга занг айладинг. *Ҳайратул-аброр*, 7-21;

~ **тут-** – зангламоқ:
Гиёҳи ништар аммо занг тутқан,
Гули эл қони бирла ранг тутқан. *Фарҳод ва Ширин*, 246-Т.

ЗАНГ II [زنگ] – қўнғироқ:
Захмидин кўп қон борурдин қолди чох ўлған кўнгул,
Зангдек афғон чекиб хайлида бўлғай эрди кош. *Ғаройибус-сиғар*, 205-Т;
Гар куёш зангин фалак рафторлиғ рахшингға ос,
Ким тузар ул занг навҳинг нағмасин афғон аро. *Бадойиул-васат*, 15-Т.
Яшил яфрағлиғ ашжор эмас ҳажрингда эй дилдор,
Ки оҳим тиғидин гулзор миръоти тутубтур занг. *Наводируш-шабоб*, 334-Т;
~ **и зар** – олтин, зар қўнғироқ:
Сабо пайки айлаб чамандин гузар,
Ҳамиша баҳор англағил занги зар. *Садди Искандарий*, 380-Т.

ЗАНГ III [زنگ] – Ҳабашистон; ҳабаший:
Ҳам аввалғи йил тартибан тиғи кин,
Қилиб Занг шоҳи била биғи кин. *Садди Искандарий*, 154-Т;
~ **аҳли** – ҳабашийлар; ҳабаш аҳли:
Тўкуб эрди қон анча ул хайлдин,
Ки занг аҳли рухсори ул сайлдин. *Садди Искандарий*, 154-Т;
Ҳировулда занг аҳли тағйин бўлуб,
Аларға яна ўзга ойин бўлуб. *Садди Искандарий*, 133;
~ **зулам** – зулматдек қаро ҳабаший:
Тиш ки рахнасидин ҳасрат-у ғам дуди чиқиб,
Тутти гўё кўз ики кўзгусини занги зулам. *Наводируш-шабоб*, 418-Т;
~ **и зулмат** – қоронғилик; қоп-қоратун:
Чу қилди куёш кўзгуси юз ниҳон,
Яна занги зулматқа қолди жаҳон. *Садди Искандарий*, 363-Т.

ЗАНГ IV [زنگ] – дастакзан:
Шамар сулар бўлуб ойина оҳанг,
Ўланг айлаб аён ул кўргузди занг. *Фарҳод ва Ширин*, 166-Т.

ЗАНГВАШ [زنگ وش] – қўнғироқ табиат, беҳуда овоз чиқарадиган:
Эр уруб лаъли тож ила гулбонг,
Зангваш эл қайси ҳарза ким демагай. *Бадойиул-васат*, 501-Т.

ЗАНГИ [زنگی] – қора танли, ҳабаш:
Ҳировулда занги тайин бўлуб,
Аларға яна ўзга ойин бўлуб. *Садди Искандарий*, 261619;
Эй басо занги ки келди тира зот,
Ким анга халқ ичра кофур ўлди от. *Лисонут-тайр*, 76-Т;
~ **йи девсийрат** – девсийрат ҳабаш:
Шаҳзодаи парисурат абушқага ишлари ғадр-у бедод зангийи девсийрат ўйнашқа расмлари муҳаббат ва иттиҳод. *Маҳбубул-қулуб*, 57;
~ **йи девсор** – девмонанд занги:
Шоҳ худ турмиш эрди майдонда,
Зангийи девсор жавлонда. *Сабъаи сайёр*, 10-231;
~ **йи наҳс** – бахтсиз занги:
Зангийи наҳс қўйди қалъаға пай,
Саъдин ғор ичинда бости май. *Сабъаи сайёр*, 10-230;

~ **йи хунхор** – қонхўр занги:
Ушбу ҳолатда зангийи хунхор,
Тоғ аро ул сифат тийра бухор. *Сабъаи сайёр*, 10-229;
~ **йи шабранг** – тим қора ҳабаший монанд:
Шамъ Зуҳал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-46; (6(10)-37).

ЗАНГИБОР [زنگی‌بار] – Ҳабошистон (зангилар вилояти); зулматистон:
Ва ҳар куни то хандақдин чиқиб Зангибор шоҳининг гулчеҳралар сунбул зулфидек паришон хайлин торумор қилиб фалак ҳисорин фатҳ қилғай.
Муншаот, 9(10)-563; (14-150);
Киши чопти офоқ аро бедиранг,
Бажуз Рум ила Зангибор-у Фаранг. *Садди Искандарий*, 175-Т.

ЗАНГИШИОР [زنگی شعار] – зангига ўхшаш, қоп-қора:
... туннинг зангишиор черики шабихунидин фориғ... *Вақфия*, 14-236.

ЗАНГЛИК [زنگ لیک]– кирли, зиштли; исёнли:
Дайр туфрағида бутмиш сабза деб кўрган киши,
Занглик юз навки пайкон бу таним нокорда. *Хазойинул-маоний*, IIIб-542.

ЗАНГОР [زنگار] – 1. яшил, зангор:
Жунун туморида зангор-у шингарф айлама зойиъ,
Ки дафъ айлар ани ул лаъл-у хат шингар-у зангори. *Бадойиул-васат*, 420-Т;
Лаъли узра сабзаи хатти намудориға бок,
Шўхи ранг омизинг шангарф-у зангориға бок. *Мажолисун-нафоис*, 218-Т;
2. занг, моғор:
Хатда рухсоринг сув эркинму ёшунган сабзада,
Йўкса кўзгудур ки қолмиш ҳар тараф зангор аро. *Ғаройибус-сиғар*, 44-Т.

ЗАНГОРГУН [زنگارگون] – кўк тусли:
Шиққаи шингарфи бўлуб сарнигун,
Шоҳ ливоси бари зангоргун. *Ҳайратул-аброр*, 7-282;
Сарвлари саркаш-у зангоргун,
Ҳар бири кўк боргаҳиға сутун. *Ҳайратул-аброр*, 10-77.

ЗАНГОРИ [زنگاری] – сариқ-яшил ранг:
Боғ аро хат ичра оғзингдин қизариб сарғариб,
Ғунча зангори либоси бирла бошин буркади. *Фавойидул-кибар*, 571-Т;
Мухталиф келди чархи зангори
Андин ортуқ нужуми сайёри. *Сабъаи сайёр*, 10-384.

ЗАНГСОЗ [زنگ ساز] – зангий, ҳабаший ҳозирлаган:
Килиб барчаси жавшани зангсоз,
Ёруқ кўзгудек зангдин бениёз. *Садди Искандарий*, 188-Т.

ЗАНЖИР [زنجیر] – занжир, банд, кишан:
Бўйунлариға сагбон чекса занжир,
Соғинурлар му занжиримни бир бир. *Фарҳод ва Ширин*, 423-Т;
Бўйнума занжир тортиб жисмима ёғдурдунг ўк,
Англадинг гўё ки мажнун ўлмишам урён дағи. *Хазойинул-маоний*, IVa-353;
~ **и гесу** – ҳалқасимон ўралган соч:
Кўнгулни телба айлаб қайдиға ҳар ён оқар судин,
Чаман занжири гесусинда юз чин-у шикан қилдинг. *Фавойидул-кибар*, 350-Т;

~ **и жунун** – ишқ мубталолиги:
Ҳалқа ву занжирида юз минг фунун,
Ҳалқаи савдода занжири жунун. *Лисонут-тайр,* 96-Т;
Занжири жунунға баста айла,
Бу бандин анга хужаста айла. *Лайли ва Мажнун,* 383-Т;
~ **и зулф** – занжирга ўхшатиб ўрилган соч ўримлари:
Кўнглума жон риштаси ё ҳажр тори чирмашиб,
Қайд солди ё сенинг занжири зулфунг бандидур. *Фавойидул-кибар,* 147-Т;
Магар занжири зулфунг шомида мотам насибимдур,
Ки ҳар соат харош айлармен ул қуллоб ила ораз. *Ғаройибус-сиғар,* 227-Т;
~ **и иродат** – иродат занжири, ўз иродасига бўйсундириш, тобеъ қилиш:
... бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори беқайд қилғай.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 113-Т;
Қайди зулфайни чу ёр айлади занжири иродат,
Тушти ҳар ҳалқасидин бўйнума бир тавқи саодат. *Фавойидул-кибар,* 78-Т;
~ **-у тавқ** – занжиру тавқ, халқа:
Гуноҳ аҳли тавқ-у занжирға гирифтор, бу занжир-у тавқлари салосил ва ағлолдин намудор. *Маҳбубул-қулуб,* 14-36;
~ **и тазаллум** – зулм, дод-фиғон, ситам занжири:
Қуллоби чу бўлди ҳалқаға банд,
Занжири тазаллум ўлди пайванд. *Лайли ва Мажнун,* 189-Т;
~ **эт- –** занжирламоқ, кишанга солмоқ:
Бўлмаса девона бас не важҳдин занжир этиб,
Келтурубтурсен аёғи сари зулфи мушкбў. *Хазойинул-маоний,* IIIб-509.

ЗАНЖИРА [زنجیره] – жайнамоз безаги, нақши:
Аёққа айласам занжирмонанд,
Мусалло даврининг занжирасин банд. *Вақфия,* 14-217.

ЗАНЖИРЛИҚ [زنجیرلیق] – кишанланган:
Банду занжирлик гуноҳкорлар шаҳар зиндонида андақ ки ишқ муқайядлари байтул-аҳзонида. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-473; (14-37).

ЗАНЖИРМОНАНД [زنجیرمانند] – занжирга ўхшаш, занжир каби:
Аёққа айласам занжирмонанд,
Мусалло даврининг занжирасин банд. *Вақфия,* 14-217.

ЗАНОМАРД [زنامرد] – заномард; эр-хотин; эр-хотин ҳаёти:
Деса бўлур ким анинг уйида заномард хуштабъдурлар.
Мажолисун-нафоис, 157-Т.

ЗАР [زر] – зар, олтин:
Оразинг зар хуккалардин эй малоҳат машъали,
Мусҳафедур ложуварду олтун анинг жадвали. *Хазойинул-маоний,* 16-641;
~ **и мағриб** – мағриб олтини, зари:
Сочай бошинг узра зари мағриби,
Қуёш ерга мағрибда сочқан киби. *Садди Искандарий,* 397-Т;
~ **и маҳфий** – маҳфий зар, олтин:
Булар барча махзани жавоҳир била,
Зари маҳфий ву сими зоҳир била. *Садди Искандарий,* 215-Т;
~ **андар зар** – зар устига зар, олтин устига олтин:
Бу шуғли ичра айлаб саҳв таркин,
Зар андар зар қилиб барг узра баргин. *Фарҳод ва Ширин,* 168-Т.

ЗАРАНДУД [زر اندود] – олтин копланган; зарли:
Базми ғамида шаҳмен сариғ юзумда қон ёш,
Бу лаълранг бода ул соғари зарандур. *Бадойиул-васат*, 130-Т.

ЗАРАР [ضرر] – зиён, зарар; заҳмат:
Бордур ёман элга ҳамнишинлиғда зарар,
Хуррамлиқ аро ранж-у хазинлиғда зарар. *Назмул-жавоҳир*, 15-169;
Табибо яна сабрдин дема сўз,
Ки бу шарбатингдин зарардур манга. *Бадойиул-васат*, 12-Т;
Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони кўпрак бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-123;

~ **и ом** – кўпчиликка зарар:
Чучук тил ки аччиғликка эврулди зарари ом бўлди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-94;

~ **еткур-** – зарарлантирмоқ:
Ишқ ўтидин етса ногаҳ бир шарар,
Еткурур юз баркдин кўпрак зарар. *Лисонут-тайр*, 126-Т;
Анга дедилар ки нафсингга кўп зарар еткурасен. Деди ки ҳеч зарар еткурмайдурмен. *Насойимул-муҳаббат*, 442-3-Т;

~ **топ-** – зарар топмоқ, зарар кўрмоқ:
Пил ўлса сенинг хасминг десанг ки зарар топмай,
Бир пашшаға оламда етурма зарар ҳаргиз. *Ғаройибус-сиғар*, 178-Т.

ЗАРАРЛИҒ [ضرر لیغ] – зиёнлик, пуксонлик, офатлик, офат етказадиган:
Уртабан ушшоқ жисмин ғофил ўлма оҳидин,
Ким зарарлиғ дуд зоҳир айлар ўт тушган сомон. *Хазойинул-маоний*, 16-461.

ЗАРАФШОН [زرافشان] – олтин сочувчи:
Чекилган ҳар таноби бодбоннинг,
Шуъои хатти меҳри зарафшоннинг. *Фарҳод ва Ширин*, 260-Т;
Не коғазға ким килки гавҳарафшон,
Қилиб меҳри заркаш анга зарафшон. *Садди Искандарий*, 79-Т;
Ҳар байти меҳри гавҳарафшон,
Анжум била айлагай зарафшон. *Вақфия*, 14-249.

ЗАРАФШОНЛИҒ [زرافشان لیغ] – зар сочувчилик; саховатлик, карамлилик:
Сабо қилғач су ичра зарафшонлиғ,
Сунинг тиғини айлаб зарнишонлиғ. *Фарҳод ва Ширин*, 168-Т;
Ул биридек элга зарафшонлиғ эт,
Бу бири янглиғ гуҳарафшонлиғ эт. *Ҳайратул-аброр*, 10-71.

ЗАРБ [ضرب] – 1. уриш, зарба:
Гўйи чавгон зарбидин тутмақ била ҳар дам ҳаво,
Бим эрур ким шишаи гардунни қилғай рез рез. *Хазойинул-маоний*, 116-205;
Абобакр Мирзо... баҳодирлуғи ва киличи зарби чағатой улусида машҳурдур. *Мажолисун-нафоис*, 192-Т;

2. куч, кудрат:
Зарби ишқидин музайяндур юзумнинг олтуни,
Эй Навоий демагил ким сиккаи беҳбуд эмас, *Хазойинул-маоний*, 116-239;

3. аруз атамаси, байтнинг иккинчи мисрасининг сўнгги рукни ёки сўзи:
... сўнгғи мисраънинг бурунқи жузвин «ибтидо» дерлар ва сўнгғи жузвин «зарб». *Мезонул-авзон*, 33-Т;

~ **и даст** – қўл зарби, кучи:
Бу сарвға зарби даст бермак,
Ҳар шохиға юз шикаст бермак. *Лайли ва Мажнун*, 333-Т;
~ **и ишқ** – ишқ зарби, кучи:
Зарби ишқидин музайяндур юзумнинг олтуни,
Эй Навоий демагил ким сиккаи бехбуд эмас. *Наводируш-шабоб*, 235-Т;
~ **-у қисмат** – кўпайтириш ва бўлиш (тақсим):
Ҳакими муҳосиб бу сифат била,
Билиб ҳосилин зарб-у қисмат била. *Садди Искандарий*, 458-Т.

ЗАРБА [ضربه] – 1. уриш, зарба бериш; бирор оғир мушкуллик:
Жисми анинг ҳам ҳаводис зарбасидин нилгун,
Топмайин мақсудини мендек неча айлаб шитоб. *Хазойинул-маоний*, IV6-46;
2. ҳамла, зўрлик:
Ҳар сари шиҳобвор ҳарба,
Чун майл қилиб тамом зарба. *Лайли ва Мажнун*, 212-Т;
~ **сол-** – урмоқ, зарба бермоқ:
Солиб чун зарба тоғ авжиға пайваст,
Қилиб ҳар зарб била бир қуллани паст. *Фарҳод ва Ширин*, 119.

ЗАРБАФТ [زربفت] – зардан тўқилган мато, зарбоф:
Шоҳлиғ зарбафтидин юзланди ор,
Ташлаб ани жанда қилди ихтиёр. *Лисонут-тайр*, 147-Т;
Эски чапан била фориғ туфрағда ўлтурмақ яхширақ ким зарбафт хафтон кийиб бирав оллида турмақ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-112;
Исоға етиб чу кимёси,
Зарбаф бўлуб куёш либоси. *Лайли ва Мажнун*, 49-Т;
Эшак оллида заъфарон хуб эмас,
Ки нодонға зарбафт марғуб эмас. *Садди Искандарий*, 206-Т;
~ **и гулгун** – гулгун зарбофт тўн:
Бир паридур лолазор ичра сариғ гуллар аро,
Ё ул ой эгнидадур зарбафти гулгун махмали. *Ғаройибус-сиғар*, 471-Т;
~ **и гулфом** – гулранг зарбафт тўн, кийим:
Ҳам ул кундин сариғ чеҳрамда гулгун ашкдур эй шайх,
Ки бир зарбафти гулфоми кийиб чиқти гуландоми. *Наводируш-шабоб*, 575-Т;
~ **и чин** – зардан тўқилган Хитой матоси:
Кичим барча устида зарбафти Чин,
Пашизалари лаъл-у дурри самин. *Садди Искандарий*, 353-Т.

ЗАРБАФТЛИҒ [زربفت لیغ] – зарли тўн, чопон; заррин кийим:
Ишқ кўйининг гадойимен ки анда тенгдурур,
Шоҳ эса зарбофтлиғ ё сойил ўлса жандалиғ. *Бадойиул-васат*, 229-Т.

ЗАРВАРАҚ [زروق] – 1. олтин қоғоз, юпқа олтин япроғи:
Дема лавҳа ким лавҳаи зарнигор,
Қилиб зарварақ бирла афсар нигор. *Садди Искандарий*, 303-Т;
Учуб барг ўтидин ҳарён шарора,
Нечук ким зарварақдин пора пора. *Муншаот*, 9(10)-553; (14-139);
Ораз уза зарварақ нигори,
Ул ўт-у бу дудинг шарори. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т;
Кўп асфар лавн соз этти замона,
Кўрунди зарварақ эрди забона. *Фарҳод ва Ширин*, 130-Т;

2. тиллақош:
Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудур?
Ё магар кўк токи узра анжуми рахшонмудур? *Хазойинул-маоний,* IIа-95;
3. зарли мато:
Ул ўтлуқ юзни қилмақ зарварақ пинҳон эмас мумкин,
Не имкондур кўрарга шуълани бўлмақ шарар ҳойил. *Хазойинул-маоний,* IVб-387.

ЗАРВАРАҚЛИК [زرورق ليق] – сарнқлик; зийнатлик, оройишлик, ярашиқлик:
Вўсма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза,
Жилвагар бўлған ики товус эрур гулзор аро. *Ғаройибус-сиғар,* 44-Т.

ЗАРВАШ [زروش] – зарли, зарга ўхшаш, безатилган:
Яна бир хилъате кийиб заркаш,
Зарваш уй ичра роҳи асфаркаш. *Сабъаи сайёр,* 10-47.

ЗАРГАР [زرگر] – заргар, олтин, кумуш безаклар ясовчи:
Заргар ўлтурди аён айлаб ҳунар,
Ким ясағай шоҳға лойиқ камар. *Лисонут-тайр,* 193-Т;
Ёлғанни чиндек айткучи суханзар кумушни олтун била рўкаш қилғучи заргар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-94;
Ҳинд мулкидин бир заргар йигит Ҳинд подшоҳидин мисол келтуруб паҳлавон изҳориға илтимос еткурубтур. *Насойимул-муҳаббат,* 275-Т;
~ **и Чин** – Чин заргари:
Дай устоди нечук ким заргари Чин,
Зилол атфоли лавҳин қилди симин. *Фарҳод ва Ширин,* 169-Т.

ЗАРГАРЛИК [زرگرليک] – заргарлик:
Деди: Заргарлик ичра не асбоб
Ки бўлур айлангиз топарда шитоб. *Сабъаи сайёр,* 10-190.

ЗАРД [زرد] – сариғ, сариғлик; сарғайган юз; шафақ:
...куёш гулидек гулбун сикеҳридин тулуъ этса оқибат хазон офтоб зардиға мунтақилдур. *Муншаот,* 14-137;
Ғам хазонин зоҳир этмиш чеҳраи зардим менинг,
Борғали елдек баҳори нозпарвардим менинг. *Ғаройибус-сиғар,* 280-Т;
Сотма эй гул ноз кўп боққил хазон боғиға ким
Бор эмиш гулранг бир кун чеҳраи зарди анинг. *Бадойиул-васат,* 270-Т.

ЗАРДАК [زردک] – сабзи:
Ошиға ким солса қилиб зийнат иш,
Зардак-у шалғам киби олтун кумиш. *Ҳайратул-аброр,* 7-167; (6(10)-146).

ЗАРДОЛУ [زردآلو] – ўрик:
Шайхул-ислом дебдур ки бир кун мендин нафс зардолу тилади. Дедим бир йил рўза тутқил санга зардолу берай... олдим ки ваъдаға вафо қилғай мен, нафс фарёд қилди ки не иш қилғунгдур манга ҳеч зардолу керакмас. Эмди ки нафс андин тамом кечти, бир неча зардолу едим ва бир нечани кўтардим ва Шайх Абу Тоҳир қошиға ки менинг пири суҳбатим эрди ва оллида қўйдум. Шайх ўрук сари боқти ва деди ки Аҳмад бизинг учун вақф ўруги келтурубсен. *Насойимул-муҳаббат,* 225-Т;
Ширада зардолу этиб қанд ҳал,
Йўқ каду амруд кадуйн асал. *Ҳайратул-аброр,* 7-283; (6(10)-247).

ЗАРДЎЗЛУҚ [زردوزلوق] – зардан тикилган кашта:

Агар шунқордек бошингда зардўзлуқ тумағадин тож эмастур, шукр қил ким кўзунг ёруқ дунёни кўрарга муҳтож эмастур. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-546; (14-129).

ЗАРДЎШТ [زردوشت] – Зардўшт, оташпарастлик динининг асосчиси; зардўшт дини:

Вале тутти зардўшт ойини ул,
Мажус ўлди истаб алар дини ул. *Садди Искандарий*, 107-Т;

Гуштосб зардўшт динини ихтиёр қилиб элни ҳам ул миллатқа киюрди.
Тарихи мулуки ажам, 16-210; (8(10)-614).

ЗАРИР [زریر] – исфарак, сариғ ўсимлик:

Ва гар қиш ҳавоси тўқуб замҳарир,
Ки бард айлар эрди бақамни зарир. *Садди Искандарий*, 234-Т.

ЗАРИФ [ظریف] – 1. пок, покиза, зарофатли, гўзал, латиф; хуштаъб, зийрак, нозикфаҳм:

Зариф покиза бўлур ва покиза улдур ки хеч нима била пайванди бўлмағай.
Насойимул-муҳаббат, 188-Т;

Мавлоно Моний... соҳибжамол ва зариф ва раъио йигитдур.
Мажолисун-нафоис, 200;

2. доно:

Анга ким эрур нуктадон-у зариф
Улуғ иш дурур танимағлиғ ҳариф. *Садди Искандарий*, 158-Т;

~ **қил-** – зарофатли, пок қилмоқ:

Сени не навъ зарофат била киши ўгсун,
Ки Ҳақ бошингдин аёғинға тегру қилди зариф. *Наводируш-шабоб*, 305-Т.

ЗАРИФВАШ [ظریف‌وش] – хушгаъб, зийрак:

Мавлоно Муҳаммад Омилнй... зарифваш ва нозикшева киши эрди.
Мажолисун-нафоис, 59-Т.

ЗАРКАШ [زرکش] – олтинли, зарли безак тортилган:

Катон заркаш зарофатдур чу кийдинг юз латофатдур,
Белингда вах не офатдур мурассаълиғ камар ханжар. *Фавойидул-кибар*, 148-Т;

Эрга хулқ-у феъл эрур зеб-у жамол,
Янги заркаш ҳулласидур эски шол. *Лисонут-тайр*, 71-Т;

~ **либос** – зар кийим:

Саркаш аблақ сакратиб давриндек ул хуршидваш,
Эгнида заркаш либоси дағи андағ ким қуёш. *Фавоидул-кибар*, IIIа-111;

~ **таноб** – зардан ўрилган ип, аркон:

Бўлуб ҳар поядин заркаш таноби,
Фалак қутрини қатъ эткан шиҳоби. *Фарҳод ва Ширин*, 197-Т.

~ **қил-** – зарли безак қилмоқ:

Кўк аруси тўнин қилиб заркаш,
Чиқти андақ ки гулруҳи маҳваш. *Сабъаи сайёр*, 10-177.

ЗАРКОР [زرکار] – заркор; зар билан ишланган:

Жоми Жам даврида шавкат аҳлининг торихидур,
Ким аён айлаб турур ул соғари заркор хат. *Бадойиул-васат*, 214-Т;

Тут фано вайрони ким акси юзин қилди сариғ,
Мунъиме ким қаср-у айвонини заркор истади. *Фавойидул-кибар*, 585-Т;

Ҳунар килки била айлаб ҳунаркор,
Ичин заркор-у тошин дағи заркор. *Фарҳод ва Ширин*, 159-Т.

ЗАРКОРЛИҒ/ЗАРКОРЛИҚ [زرکارلیغ/زرکارلیق] – зар билан нақш солувчилик;

Анга бу ранг ила бергайлар ойин,
Қилиб заркорлиғ (/**заркорлик**) бирла ҳар ойин. *Фарҳод ва Ширин*, 143-Т;

Магар айлаган ул сипеҳрдорлиқ,
Қилиб эрди қалқанни заркорлиқ. *Садди Искандарий*, 473-Т.

ЗАРКЎБ [زركوب] – заркўб, олтин, кумуш билан безовчи:
Мавлоно Жалолуддин хидматлари заркўблар ҳаволисидин ўтарда аларнинг зарби унидин аларға ҳол воқиъ бўлубтур ва самоъға кирибдурлар.
Насойимул-муҳаббат, 304-Т.

ЗАРНИГОР [زرنگار] – олтин билан безалган, зарланган:
Висол қайда ву мен қайда соқиё май тут,
Ки мур сайри эмас чархи зарнигорғача. *Фавойидул-кибар*, 554-Т;
Қаср ичи наққошлиқдин зарнигор,
Ташида наққошлиғ гавҳарнигор. *Лисонут-тайр*, 153-Т;
Ясадилар ул уйни гавҳарнигор,
Сутунни вале қилдилар зарнигор. *Садди Искандарий*, 344-Т.

ЗАРНИГОРЛИҚ [زرنگارلیق] – олтин билан безатилганлик, тилла сувига йўғрилганлик:
кошиси гиреҳкорлиғидин ақл меъмори ҳайрон ва шамсаси заринторлиғидин хирад муҳандиси саргардондур. *Вақфия*, 9(10)-652; (14-259).

ЗАРНИСОР [زرنسار] – зар, олтин сочиш:
Оллида хазони зарнисорин дағи,
Кофирфишон киш била корин дағи. *Бадойиул-васат*, 3-19.

ЗАРНИШОН [زرنشان] – олтин қадалган, зарлик; зарга ўхшаш, зар белгили:
Кўнгул ким зарнишон пайконларингдин нотавон бўлмиш,
Магар бу боғ аро ул барглар бирла хазон бўлмиш. *Хазойинул-маоний*, 16-262.

ЗАРНИШОНЛИҒ/ЗАРНИШОНЛИК [زرنشان لیغ/زرنشان لیق] – олтин қадалган, зарринлик:
Сабо қилғач сув ичра зарфишонлиғ (/**зарфишонлик**),
Сунинг тиғини айлаб зарнишонлиғ (/**зарнишонлик**). *Фарҳод ва Ширин*, 168-Т.

ЗАРОГИН [زراگین] – зарли:
Миниб устига ҳиндуйи низавар,
Зарогин қабо балки заррин камар. *Садди Искандарий*, 291-Т.

ЗАРОЙИР [زرایر] – зарралар:
Шабнамлари ким сочиб заройир,
Оламни тутуб нужуми сойир. *Лайли ва Мажнун*, 45-Т.

ЗАРОЙИФ [ظرایف] – зебо, гўзал, латиф, камёб; нозик маъноли сўзлар:
Жаҳонда зоҳир айлаб кўп заройиф,
Жаҳон аҳлин дағи қилди тавойиф. *Фарҳод ва Ширин*, 118-Т;

~ **и ёвоқит** – нозик маъноли сўзлар ёқутлари:
...латойифи лаолийи самин била мамлу ва заройифи ёвоқити оташини била машҳун ва иноятн баҳористонидин ғариб равза очилди.
Назмул-жавоҳир, 15-128; (10(10)-35);

~ **бош ур-** – нозик маъноли сўзлар вужудга келтирмоқ:
Тўртинчи мажлис аср фузалоси зикрида ким шеърға машҳур ва мубоҳий эмастурлар, аммо алардин назм тариқида кўп латойиф зоҳир бўлур ва кўп заройиф бош урар. *Мажолисун-нафоис*, 132-Т.

ЗАРОЙИФШИОР [ضرایف شعار] – зарофатли ажойиб шеърлар:
...ва сабт бўлған ашъор барча заройифшиор ким эллик олтмиш ва юз ғазалға яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султон соҳиб қироннинг фирдавсосо суҳбатида ва сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзға еткурур эрдим. *Ғаройибус-сиғар*, 3-17.

ЗАРОФАТ [ظرافت] – зарифлик, нозиклик; нозик фаҳмлилик; ғаройиблик; гўзаллик:

Манга тиғ урса ризо бердим-у ағёрга йўқ,
Мен туруб ўлтурур ани не зарофатдур бу. *Бадойиул-васат*, 376-Т;

Зарофат ҳолатида базлагўлар.
Уторидға қилиб ҳар дам ғулулар. *Фарҳод ва Ширин*, 125-Т;

Паҳлавоннинг бу навъ ғариб ишлари ва ажиб зарофатлари ки табъға мужиби таажжуб ва ақлға боиси таҳайюр бўлғай кўп эрди.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 117-Т.

ЗАРОФАТАНДЕША [ظرافت انديشه] – нозик фаҳмлилик, покиза кўнгилли, софдил; ўта андишали:

Бу диққатпеша ва зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст ва бехабардурлар... *Мажолисун-нафоис*, 166-Т.

ЗАРОФАТДИСОР [ظرافت دثار] – зарофатли, нозик фаҳмлик:

...ва яна дағи латофатшиор нозимлар заройифи ва зарофатдисор роқимлар латойифи ҳар ёндин истимоъ тушар ким кўпраки ғазал услубиға машғул...
Ғаройибус-сиғар, 9-Т.

ЗАРОФАТЛИҒ [ظرافت ليغ] – зарофатлик:

Адҳами Иброҳим Шоҳ туркманнинг тахаллусидур. Турман бекларида мутааййин хуштаб зарофатлиғ киши эрди. *Мажолисун-нафоис*, 184-Т.

ЗАРОФАТОСОР [ظرافت آثار] – зарофатли, нозик фаҳмли:

Ва зарофатосор шуаро ва диққатшиор зурафо ки Паҳлавоннинг барча вақт ёр-у мусоҳиби эрдилар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 119-Т.

ЗАРПОШ [زرپاش] – зар сочувчи; саховатли:

Эй ки сахо кўйида авбош сен,
Телба-у усрук киби зарпош сен. *Ҳайратул-аброр*, 7-150;

Ҳам ҳаким эрди ҳам муҳандисваш,
Гоҳ зарпош эди ву гаҳ заркаш. *Сабъаи Сайёр*, 10-179;

Ичса бўлғай шаҳи фархунда маош,
Илги зарпош-у тили гавҳарпош. *Хазойинул-маоний*, IV6-693.

ЗАРРА [ذره] – 1. энг майда бўлак, энг кичик қисм, зарра:

Кибр аҳли қошида арши аъзам,
Фақр аҳли қошида зарридин кам. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

Мени ки муғбача дайр ичра айлагай ўсрук,
Не тонг кўзумга қуёш бўлса заррадин ўксук. *Бадойиул-васат*, 257-Т;

Анинг ҳар ахгари ёқути аҳмар,
Мунинг ҳар зарраси рахшанда ахтар. *Муншаот*, 14-139;

2. чанг, тўзон:

Юз хўб жилва қилса бормас кўзумдин ул ой,
Ким зарра хайли бўлмас ҳаргиз қуёшқа қойил. *Хазойинул-маоний*, IIIa-400;

3. қуёш нурлари:

Вужудунг айлади мавжуд улусни ким бўлмас
Вужуд зарраға мавжуд бўлмағунча қуёш. *Хазойинул-маоний*, 16-260;

4. жуда оз, андак:

Илми ки бир зарра илмида фош,
Ҳидоят спеҳрида юз минг қуёш. *Вақфия*, 14-233;

Дардини миннат тутуб жонимға айлармен қабул,
Англасам ким гум бўлур бир зарра озор илгидин. *Хазойинул-маоний*, IV6-488;

5. заррача:
... кўнгулларин ҳидоят зилоли оритғанлар олам меҳрини заррае кўнгулга олмайдилар. *Муншаот*, XIII-150;

~ **и бетоблиғ** – хасталик зарралари:
Эй Масиҳо субҳи айшим тира бўлмиш гўйиё,
Зарраи бетоблиғ хуршиди тобонимдадур. *Ғаройбис-сиғар*, 136-Т;

~ **и беҳадд** – чексиз кўп зарралар, беҳад зарралар:
Ул пари мажнунлариға садяк ўлғай эй куёш,
Чунки қилсанг зарраи беҳадд-у бепоёнингни жамъ. *Бадойиул-васат*, 225-Т;

~ **и кам** – заррача кам:
...хазонға учраганларни журъа била ёд қилса камоли куёшидин зарраи кам бўлмағай. *Муншаот*, 14-139;

~ **и камсармоя** – камина (ниҳоят даражада камтарлик юзасидан ўзини заррага ўхшатиш), ҳеч қандай қийматсиз зарра:
... ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида ўткан ҳолатдин бир неча варақ нигориш қилғаймен. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-8;

~ **и мақсуд** – максад зарралари:
Ул куёшқа эи фалак ҳар заррани этмакинг,
Зарраи мақсуд йўқ жуз бизга озоринг ғараз. *Бадойиул-васат*, 211-Т;

~ **и саргашта** – саргашта зарралар:
Ой-у кун ким базм тузгайлар фалак харгоҳида,
Зарраи саргаштадин не бўлғусидур ғамлари. *Ғаройибус-сиғар*, 449-Т;

~ **зарра** – майда-майда; аста-секин:
Гар ўлсам зарра зарра ул куёш тиғи жафосидин,
Тажовуз қилмағаймен заррае ойнинг вафосидин. *Наводируш-шабоб*, 457-Т;
Қум эмас Батҳода ким меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра зарра жисми бир бирдин тўкулди ғам аро. *Ғаройибус-сиғар*, 32-Т.

ЗАРРАВОР [ذره وار] – зарра каби, заррадек:
Қуёш нурида маҳв ўлуб зарравор,
Кўнгулни қила олмайин устувор. *Садди Искандарий*, 515-Т;
... ул қуббаи хуршидминвол даврида зарравор эврулурда фирок занжирида иштиёқ силсиласида ҳалқа бўлған. *Вақфия*, 9(10)-654; (14-262).

ЗАРРАМОНАНД [ذرّه مانند] – заррамонанд:
Ани ким ошиқ айлаб заррамонад,
Қилиб саргашталиклар бирла хурсанд. *Фарҳод ва Ширин*, 421-Т.

ЗАРРАПАРВАРЛИК [ذره پرورلیک] – *илтифотлилик*, бечорапарварлик:
Ҳар ойина ким андақ бўлғусидур куёшдин заррапарварликдин ўзга иш келмагусидур. *Муншаот*, 14-166.

ЗАРРАСОН [ذره سان] – зарра каби майда бўлаклар:
Сўз насридин назми хушрақ ва парокандасидин жамъи дилкашрақ эрканин даъво қилмақ... ва ул баҳрайнға қатра нишон ва найирайнға заррасон ўзин еткурмақ. *Сабъаи сайёр*, 10-50.

ЗАРРАЧА [ذره چه] – заррача:
Заррани хуршиддек равшан қилғанча бор,
Заррача меҳр этмак ул хуршидсимодин тамаъ. *Ғаройибус-сиғар*, 235-Т;
Не огаҳ ул ки ҳашматдин куёшни заррача кўрмас,
Куёш ҳижронидин саргашта бўлса заррае ногаҳ. *Бадойиул-васат*, 415-Т;
Юз заррача саргашталиким бўлса *не тонг ким*
Юз меҳрдин ул шўх зиёдат етилибтур. *Фавойидул-кибар*, 185-Т.

ЗАРРИН/ЗАРРИНА [زرين/زرينه] – зарли, олтин билан зийнатланган:

Эй хуш ул ким лаългун май ич дебон таклиф учун,
Илги бир заррин камарнинг бўйниға куллоб эрур. *Хазойинут-мионий*, 16-212;
То ҳар йил боши куёш заррин ғазоласи ҳамал ўтлағида лолазор узра жилва қилур. *Муншаот*, XIII-105;
Аёғ илгидаги зарринаси ўт,
Тўни зар басмаси андин шарора. *Наводируш-шабоб*, 664-Т;

~ **ливо** – олтин байроқ, зар туғ; куёш:

Саҳар ошикор этти заррин ливо,
Ки бўлди ёруғ маҳчасидин ҳаво. *Садди Искандарий*, 184-Т.

ЗАРРИНАЗАНГ [زرين ازنگ] – заррин тусли занг (кўнғироқ):

Кичим ҳар тўқузға яна ўзга ранг,
Жаложиллари барча зарриназанг. *Садди Искандарий*, 291-Т.

ЗАРРИНВАШ [زرينوش] – олтинсимон, зарлиликка ўхшаш:

Жузви олтун билан қилиб рўкаш,
Ки кўрунгай назарға зарринваш. *Сабъаи сайёр*, 10-22.

ЗАРРИНКАМАР [زرينكمر] – зарликамар; ботир, пахлавон:

Белин гарчи камар топмай камоҳи,
Вале зарринкамарлардур сипоҳи. *Фарҳод ва Ширин*, 284-Т;
Тоғқа берибан либоси хоро,
Зарринкамар эттинг ошкоро. *Лайли ва Мажнун*, 30-Т;
Сурса майдон ичра ҳар чобук югурмакдур ишим,
Кейнича ул чабуки зарринкамар бўлғайму деб. *Бадойиул-васат*, 45-Т.

ЗАРРИНЛАКАН [زرينلكن] – заррин шамдон:

...ва ҳар лавмҳа мутазойид ва мутакосир зоҳир бўлур, то сипеҳр шабистонининг шамъи зарринлакани бадри мунир бўлғай. *Мажолисун-нафоис*, 248-Т.

ЗАРРИНТАХТ [زرين تخت] – олтин тахт:

Хубгоҳ бўлди шаҳға зарринтахт,
Уйқуси келмас эрди ўйла ки бахт. *Сабъаи сайёр*, 10-97.

ЗАРРИНТОЖ [زرين تاج] – зарли тож:

Ишқ ўти бошиға тушкан ким ул ўтдин чиқса дуд,
Шоҳи зарринтож ила чатриға не ҳожат анга. *Наводируш-шабоб*, 8-Т;
Афсарингни шом туфраққа урар чун даври чарх,
Субҳ зарринтожини бошингға афсар бўлди тут. *Наводируш-шабоб*, 69-Т.

ЗАРРИНҒАЗОЛ/ЗАРРИНҒАЗОЛА [زرين غزال / زرين غزاله] – олтинранг кийик; куёш:

Ёни айлаб қоши тазими ҳилол,
Мақдамидин жади ўлуб зарринғазол. *Лисонут-тайр*, 25-Т;
Ёшунди мушк ичинда Чин ғазоли,
Дема Чин ким фалак зарринғазоли. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;
Қайу зарринғазола турки Чин де,
Қаро туфракка кирган маҳжабин де. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;
Ғазоле дема ким зарринғазола,
Шафақдин ҳар ён атрофида лола. *Фарҳод ва Ширин*, 472-Т;

~ **и чархи кажрафтор** – маккор, ҳийлагар тақдир:

Жоми заррин тут ки бўлмас меҳр кўргузмак била,
Кимсага зарринғазоли чархи кажрафтор сайд. *Бадойиул-васат*, 97-Т.

ЗАРРИШТА [زررشته] – зар ип, олтин каби ялтироқ ип; нур:

Ор тилар пашминадин аблаҳ тилар зарриштани,
Ким эшак ҳалвони андақ самон кўрмас лазиз. *Ғаройибус-сиғар*, 121-Т;
Не қийиғ иркин ул ой тунида ким тикка чоғи,
Меҳр англа зарришта еткурмиш фариса осмон. *Бадойиул-васат*, 330-Т;

~ **бўл-** – зарришта, зарин бўлмоқ:

Юзида зарришта бўлуб заъфарон,
Курси қамардин табақ устида нон. *Ҳайратул-аброр*, 7-168; (6(10)-146).

ЗАРРИШТАКАШ [زررشته کش] – зар билан тикилган:

Ёғлиғи ул ҳуллаи зарриштакаш,
Ким анга жонлар чекибан риштакаш. *Ҳайратул-аброр*, 10-269.

ЗАРРОБХОНА [ضراب خانه] – кумуш ва тилла тангалар зарб қилинадиган корхона:

... ва *кавокиби сайёр дурусти сикка* хутутидин муарродурур, ул сода сиймлар очқан кишварлар зарробхонасида сиккаи адлингга сўқулсун.
Муншаот, 9(10)-612; (14-210).

ЗАРРОТ [ذرات] – зарралар; парчалар:

Боқибан бир зарраға зарротдин,
Ҳайрат айлаб наф-у ё исботдин. *Лисонут-тайр*, 218-Т;
Мазоҳирдин жамолинг меҳри гар зоҳирдурур тенг йўқ.
Қачон заррот хайли манъи нури офтоб айлар. *Наводируш-шабоб*, 172-Т;
...олам қаййуми ҳасти нестнамойдур ки олам зарротидин ҳеч зарраға вужуд ва қавоми ўзи била эмас балки анинг қаййумлуғи биладур.
Насойимул-муҳаббат, 229-Т;

Қачан ким кирон айласа найирайн,
Кўрунурму заррот аро тушса шайн. *Садди Искандарий*, 352-Т;

~ **и кавн** – борлиқ, дунё зарралари:

Зихи зуҳири жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо. *Наводируш-шабоб*, 1-Т.

ЗАРРОҚ [ضرّاق] – маккор, риёкор:

Бир заифа етишти ва анга деди, эй заррок, фалон киши фавт бўлди, намозиға бормассен? *Насойимул-муҳаббат*, 174-Т.

ЗАРУР [ضرور] – зарур, лозим, вожиб:

Су хумор аҳли ичарлар ул ҳам ўлғандин зарур.
Ичмагум ҳайвон суйин эй Хизр топкум то кадаҳ. *Бадойиул-васат*, 84-Т;
Адоват била қилди бизга мурур,
Сипаҳ тортмак бизга бўлди зарур. *Садди Искандарий*, 340-Т.

ЗАРУРАТ [ضرورت] – 1. лозим, зарур:

Алар ҳам чун кўруб бу навъ сурат,
Басе йиғлаб вале ёниб зарурат. *Фарҳод ва Ширин*, 495-Т;
Яна бир дағи турфа сурат дурур,
Ки шаҳ билмак ани зарурат дурур. *Садди Искандарий*, 207-Т;

2. чорасизлик, ноилоҗлик:

Ҳар неча ки саъб эди бу сурат,
Гом урди анинг сари зарурат. *Лайли ва Мажнун*, 264-Т;
Мурид дебдур ким ташламай чорам йўқ эрди заруратдин ташладим.
Маҳбубул-қулуб, 14-73;

~ **бўл-/ўл-** – керак бўлмоқ, лозим бўлмоқ:
Кўп ҳукм етишти ким ёниб келсун бот,
Чун бўлди зарурат айладим азми Ҳирот. *Муншаот*, 14-163;
Сарвумға ажиб сурат ўлди,
Ким тарки чаман зарурат ўлди. *Лайли ва Мажнун*, 344-Т;
~ **юзидин сўр-** – вазият тақозоси билан сўрамоқ, ночор сўрамоқ:
Зарурат юзидин сўрдум ки бу шеърни қачан ёд қилиб тутуб эрдинг?
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 116-Т;
~ **қил-** – зарурат қилмоқ:
Вале чун мен ҳақир-у ищ улуғдур,
Бу сўз арзин зарурат қилғулуғдур. *Фарҳод ва Ширин*, 182-Т.

ЗАРУРАТАН [ضرورتاً] – заруратга кўра, ночор, ноплож:
Заруратан хоқонға пешкашлар била арздошт қилиб киши йибардилар.
Тарихи мулуки ажам, 16-236; (8(10)-633);
... хусусан алардек бузургворга заруратан Қуръон ўқумақ бунёд қилибтурлар.
Насойимул-муҳаббат, 249-Т;
Чун сен булар мамлакатин ҳар кайсини заруратан биравга бергунгдур.
Тарихи мулуки ажам, 16-218.

ЗАРУРИЙ [ضروری] – зарур бўлган, керакли, лозим:
Совуғнинг бўйла кофур-у билурий,
Оқартиб барча оламни зарурий. *Фарҳод ва Ширин*, 170-Т;
Бари оламни тутқач меҳр нури,
Ёрурди эл кўзи андин зарурий. *Фарҳод ва Ширин*, 503-Т.

ЗАРУРИЙЙА [ضروریّة] – зарурлик:
Фанойи маҳз етар ситтаи зарурийя,
Недин ки йўққа зарурат эмас бу навъ олтав. *Фавойидул-кибар*, 490-Т.

ЗАРФ [ظرف] – тавоқ, идиш; қадаҳ, коса:
Яна бир аёғ ҳам олиб бадсикол,
Ки ул зарф бор эрди яшил сафол. *Садди Искандарий*, 144-Т;
Уй олтун фарши олтун томи олтун,
Май олтун зарфи олтун жоми олтун. *Фарҳод ва Ширин*, 169-Т;
Ул деди ким эй Саъди дарвешлар сўфраси учун пул келтурурсен,
ул зарфни келтур ким анда олтмиш икки ақча қўйубсен. Шайх Саъди филҳол ул
зарфни хозир қилди. *Насойимул-муҳаббат*, 163-Т;
~ **и чиний** – чинни идиш:
Тутуб ҳар сари бир Чин нозанини,
Туман минг ноз ила бир зарфи чиний. *Фарҳод ва Ширин*, 171-Т.

ЗАРФИШОН/ЗАРАФШОН [زرفشان] – 1. олтин сочувчи, саховатли:
Анингдек ки бўлғанда ул зарфишон,
Етиб барча оламға андин нишон. *Садди Искандарий*, 103-Т;
Бу сафҳани айлаган зарафшон,
Сўз бу сифат этти гавҳарафшон. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т;
2. нур таратувчи:
Эмастур анжумунгнинг зарфишони,
Ки оҳим ўқларидиндур нишони. *Фарҳод ва Ширин*, 447-Т;
~ **ўл-** – олтин сочувчи, саховатли бўлмоқ:
Илги саховатдин ўлуб зарфишон,
Лутфи талаттуф била гавҳарфишон. *Ҳайратул-аброр*, 7-68.

ЗАРФИШОНЛИК/ЗАРФИШОНЛИҒ [زرفشان ليق/زرفشان ليغ] – зарафшонлик, олтин сочувчилик:

Чун саховат элги очсанг даҳр чекмас заррае,
Зарфишонлиғда куёш сарпарчасининг ҳимматим. *Бадойиул-васат*, 490-Т;

... анинг кайфияти ҳароратидин олам аҳлиға зарфишонлиғи хазоносо, балки хуршидвашдурур. *Муншот*, 14-139;

Сабо қилғач су узра зарфишонлик,
Сунинг тиғини айлаб зарнишонлик. *Муншаот*, 9(10)-553; (14-138).

ЗАРШАМСА [زرشمسه] – заршамса; кўёшга ўхшаш шип безаги:

Бири гунбади чархи гардон аро,
Анингдек ки заршамса айвон аро. *Садди Искандарий*, 50-Т.

ЗАРЪ I [ذرع] – ўлчов бирлиги; газ:

Сувнинг сатҳиға чун бўлуб раҳшунос,
Неча заръ эрканни айлаб киёс. *Садди Искандарий*, 594-Т.

ЗАРЪ II [ذرع] – экин, деҳкончилик:

Нун чекиб эл саҳми учун ёсини,
Балки бақа заръи учун босини. *Ҳайратул-аброр*, 7-4;

Ўрмакда амал заръи фано досини тут,
Иблис бу йўлда ақл васвосини тут. *Наводируш-шабоб*, 11-Т.

ЗАРҚ [زرق] – 1. алдов, макр, риё, ҳийла:

Факр исми бирла мунча зарқ-у шайд-у бу риё
Салтанатдекдур ки қилғай подшоҳи бўриё. *Маҳбубул-қулуб*, 14-45;

Ҳаво совуқ эрди, мен ани шайд-у заркка ҳамл қилиб отни суруб ўттум. *Насойимул-муҳаббат*, 410-Т;

Зарк (Т: ризк) учун эгнида далқи Хизрваш,
Лек ёшил барг бирла нафси хуш. *Лисонут-тайр*, 12-56;

2. мунофиқлик, иккиюзламалик, ғийбат, фиску фасод:

Эй кўнгул дин аҳли зарқидин малул эрсанг сипехр
Дайр пирин бўйла мушкилларга ҳаллол айламиш. *Хазойинул-маоний*, IIIб-247;

3. қаҳр, ғазаб; жирканч:

Зарк ўтидин ҳар бири дўзах киби,
Лек бурудатдин ўлуб ях киби *Ҳайратул-аброр*, 7-136.

~ **-у газоф** – макр, ҳийлагар газоф:

Шуъбадагар пешасидек тош-у соф,
Зимнида юз макр ила зарк-у газоф. *Ҳайратул-аброр*, 7-193;

~ **-у макр** – макру ҳийла:

Эй Навоий жонға шайх кўп эткай зарқ-у макр,
Йўқлуқ асбобини муғ дайридин осон чекмагил. *Бадойиул-васат*, 287-Т;

~ **-у риё** – макру ҳийла:

Ким зарқ-у риё ву шўр бирла;
Ошиқ этар ўзини зўр бирла. *Лайли ва Мажнун*, 363-Т;

Иблис сифат эл сари майл этма Навоий,
То бўлмағасен зарқ-у риё қайрида мағлул. *Фавойидул-кибар*, 369-Т.

ЗАРҚПАРАСТ [زرق پرست] – зарқпараст; сохтапараст, фирибпараст:

Ҳақ раҳмати умиди била тун кун маст,
Кўп ортуқрак ки зоҳиди зарқпараст. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-482; (14-46).

ЗАРҚСОЗЛИҒ [زرق سازلیغ] – ҳийлагарлик, маккорлик:
... солим жисмин хасталиққа солиб шарбат важҳи тилаганлар зарқсозлиғи.
Вақфия, 14-264.

ЗАРҲАЛ [زرحل] – 1. зар безакли, зар билан зийнатлаш:
Олтун исирға ки қулақ оғритур,
Зарҳал этукдур ки аёқ оғритур. *Ҳайратул-аброр*, 7-167; (6(10)-145);
Турфа ойедур узоринг кўк анга мовий либос,
Анжум анинг танга танга босма килған зарҳали. *Хазойинул-маоний*, 1а-421;
Ҳилал қаср ичра ҳарён зеби зарҳал,
Кавокибдек гуҳар бирла мукаллал. *Фарҳод ва Ширин*, 169-Т;
~ **и туркоз** – зарҳал туркоз:
Жаба сарбасар зарҳалли туркоз,
Кичим барча зарбафт чинийтироз. *Садди Искандарий*, 322-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – зар билан безамоқ; зарламоқ:
Йиғач-у қамишдин ясаб хон-у мон,
Ани сандал-у зарҳал айлаб гумон. *Садди Искандарий*, 143-Т;
Кўк атласи бари зарҳал эткан,
Анжум дуридин мукаллал эткан. *Лайли ва Мажнун*, 31-Т;
Эй ки зарҳал қилмақ истарсен саманди наълини,
Топмағунгдур анда суртарга юзум олтунидек. *Фавойидул-кибар*, 326-Т.

ЗАРҲУҚҚА [زرحقه] – қимматбаҳо тошлар солиб кўйиладиган зарли қутича:
Ўтлуқ оҳининг шарарлари маҳбуб юзига ким сочилур зархуққа ҳариринг зарришталариға ташбиҳ килур. *Мажолисун-нафоис*, 213-Т.

ЗАФАР [ظفر] – 1. зафар; бахт, иқбол:
Қаю ишга ким ройи озим бўлур,
Зафар ёр-у давлат мулозим бўлур. *Садди Искандарий*, 12;
Сабринг неча ким кўнгулни маҳзун айлар
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар. *Назмул-жавоҳир*, 15-158;
2. ғалаба, ғолиблик:
Зафарға сурма рахшининг ғубори,
Қуёшқа шуъла тиғининг шарори. *Фарҳод ва Ширин*, 125-Т;
Иш сабр сари анга ишорат англа,
Сабрни зафар сари башорат англа. *Назмул-жавоҳир*, 15-138;
~ **бўл-/ўл-** – мақсадга ёндошмоқ, ғалаба қилмоқ:
Ки бўлғач Сикандарға мундақ зафар,
Адусиға даргоҳи бўлди мақар. *Садди Искандарий*, 212-Т;
Неча ки Ҳақ лутфидин ўлди зафар,
Саъйини ҳам бил сабаби муътабар. *Ҳайратул-аброр*, 7-327;
~ **бер-** – зафар бермоқ, зафарга эришмоқ:
Сипаҳ тутса оламни андақ ки дуд,
Зафар бермаса Ҳақ таоло не суд. *Садди Искандарий*, 502-Т;
~ **топ-** – ғалаба қилмоқ:
Ҳамоно ки Чингиз топиб зафар,
Анинг мулкини қилди зер-у забар. *Садди Искандарий*, 170-Т;
Бу қатла ҳам Афросиёбқа зафар топа олмади.
Тарихи мулуки ажам, 16-208; (8(10)-612);
~ **айла-** – зафар айламоқ; ғалаба қилмоқ:
Бирисин зафар айлабан чирадаст,
Яна бир сари зоҳир ўлса шикаст. *Садди Искандарий*, 170-Т;

ЗАФАРНОМА[ظفرنامه] – зафарнома:

Рақам айлаган бу зафарномани,
Адо бўйла қилди бу ҳангомани. *Садди Искандарий*, 212-Т.

ЗАФАРПАЙКАР [ظفرپیکر] – ғолиб, зафарли, енгилмас;

Умид ул ким зафарпайкар роятнинг хумоюнфол кўлкасидин фироқ даштида ҳижрон самумидин маҳрур бўлган заифлар осудаҳол ва хужастаасар мавкибнинг жонпарвар хабаридин ҳажр зиндонида маҳбус... *Муншаот*, 14-178;

~ **ливо** – зафарли байроқ, енгилмас туғ:

соҳибқироне ки зафарпайкар ливонсин гулистондин эсган насимдин ўзга нима мутаҳҳаррик қила олмас. *Вақфия*, 9(10)-637; (14-637).

ЗАФОДИЪ [ضفادع] – қурбақалар:

Бешинчи, зафодиъ балоси эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-138.

ЗАХ [زخ] – зах; қурукнинг зидди:

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзум ки йўл йўл ўлубтур сиришкдин зах зах. *Ғаройибус-сиғар*, 106-Т.

ЗАХИМ [زخیم] – катта, баҳайбат, гавдали:

Ва ул тойифа бағоят захим ва жасим эл эрдилар. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, XV-216;
Мавлоно Қавсий... захим ва кучлукдур. *Мажолисун-нафоис*, 98-Т.

ЗАХИРА [ذخیره] – захира, эҳтиёт учун йиғилган мол, озиқ-овқат:

Кўнгул чокига ғам тухмин хатинг фикри тўла қилмиш,
Захира кўр ки хайли мўр маскан ичра тошибдур. *Хазойинул-маоний*, IIIб-148;
Бахилнинг андақ ки бугун топқани захира бўлғай... *Маҳбубул-қулуб*, 14-111;
Захира емакдин ки мавжуд ўлуб,
Алар зулмидин барча нобуд ўлуб. *Садди Искандарий*, 427-Т;
Туганиб чун алар захираси пок,
Бўлубан кема аҳли барча ҳалок. *Сабъаи сайёр*, 10-18;

~ **йи жон** – жон озиғи; қуввати:

Лаълида йиғиб захирайи жон,
Оғзи суйи анда шираи жон. *Лайли ва Мажнун*, 100-Т.

ЗАХМ [زخم] – 1. яра, жароҳат:

Учуб қўнуб айлаб анга қинлар,
Захм устида ўйла ким чибинлар. *Лайли ва Мажнун*, 236-Т;
Қомати ҳажрида харён ёрадин қонлиғ кўнгул,
Бир кийикдекдур ки ўқ захми била бўлмиш фигор. *Хазойинул-маоний*, 16-190;

2. ошиқлик, севишлик:

Неча бўлғай захмлиқ кўнглумни маҳзун айламак,
Захми қонидин кўзум ёшин жигаргун айламак. *Хазойинул-маоний*, IIб-184;
Йилондин кимга захме бўлса ҳодис,
Ҳамул захм – ўқ бўлур қатлиға боис. *Фарҳод ва Ширин*, 196;

3. озор, ранжиш, кўнгул яраси:

Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқан захмларига адл била марҳам қўйди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-202;

4. зарба, уриш кучи, қуввати:

... тиш захми била ул дирамни пора пора ушатур эрмиш. *Маҳбубул-қулуб*, 14-57;

5. хафалик, маломат:

Ул чибин чун кўзини айлаб кўр,
Кўнглининг захми ичра солиб шўр. *Сабъаи сайёр*, 10-18;

6. бахтсизлик, омадсизлик:
Захми оғзида лабинг зикри ву аҳволи қатиқ,
Жон етиб оғзиға ҳол устидадур хаста кўнгул. *Ғаройибус-сиғар*, 299-Т;
Бошиға ки урди захм гардун
Боши тукидин ададда афзун. *Лайли ва Мажнун*, 263-Т;
7. заҳматлар:
Ким булса танида кўп фигори,
Ҳар захмдин ўлса изтирори. *Лайли ва Мажнун*, 242-Т;

~ **и забон** – сўз маломати, озори:
Ул заҳми забон ила ҳамиша,
Эл бағрини ёрмақ анга пеша. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т;
Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин. *Назмул-жавоҳир*, 15-160;

~ **и забун** – ожизлик нотавонлик жароҳати:
Ул захми забун ила ҳамиша,
Эл бағрини ёрмақ анга пеша. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т;

~ **и корий** – таъсирли, таъсир этувчи захм:
Ки чун ул ҳажр дастининг шикори,
Еди бағриға андақ захми кори. *Фарҳод ва Ширин*, 443-Т;

~ **и ниҳон** – нинҳон, яширин захм:
Фатила эди анда пайкони марҳам,
Қало ўқ ки захми ниҳонимға урдунг. *Фавойидул-кибар*, 346-Т;

~ **айла-/қил-** – яраламоқ, ярадор қилмоқ; ошиқ қилмоқ, ўзиға гирифтор қилмоқ:
Ўқларинг захм айлагандин танда хайли ғам кириб,
Ўйла ерга еттилар ким йўқтур андин нари йўл. *Хазойинул-маоний*, IIа-218;

~ **кел-** – жароҳат, захмат келтирмоқ:
Анга чун ким бу янглиғ келди тўз захм,
Дема тўз захмини бир балки юз захм. *Фарҳод ва Ширин*, 211-Т;

~ **е-** – яраланмоқ; муҳаббатга гирифтор бўлмоқ:
Тиғидин захм едим еткач ул ой қошинда,
Ҳар не бошинда эди бордим анинг бошинда. *Хазойинул-маоний*, IIIб-532;

~ **ур-** – жароҳатламоқ, ярдор қилмоқ:
Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро. *Ғаройибус-сиғар*, 43-Т.

ЗАХМАПАРДОЗЛИҒ [زخمه پردازلیغ] – мизробпардозлик; жўр бўлишлик:
Каклик хуруши савтиға Ҳудҳуднинг захмапардозлиғи. *Лисонут-тайр*, 12-47.

ЗАХМЛИҚ/ЗАХМЛИҒ [زخم لیق/زخم لیغ] – 1. ярали, жароҳатли:
Зулфидин эй захмлиқ кўнглум кутулғунг йўқтурур,
Ким сенинг ҳар ҳалқаи захмингда бир қуллоби бор. *Ғаройибус-сиғар*, 164-Т;
Ҳар сари бир захмлиғ узвум узулган топмиш эл,
Нотавон жисмимни ким кўйида итлар судрамиш. *Ғаройибус-сиғар*, 316-Т;
Кечқурунрақ пайдо бўлубтур бош ва юзи захмлиқ қонға булғанған.
Насойимул-муҳаббат, 411-Т;
2. аламли, изтиробли:
Ҳар муғанний ки дардмандонарақ нағма чекар анинг нағмаси захмлиқ юракка коргаррақ тегар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-30;
3. ошиқ:
Захмлиғ кўнглумни айлар чок чок ул қоши ё,
Ахтарур гўё ки ғойиб айлаган пайкон керак. *Наводируш-шабоб*, 331-Т.

ЗАХМНОК [زخم ناک] – захмли; дардли, аламли:

Екаси майхора шўхлар илгидин чок кўнгли хам алар ишки тиғидин захмнок.
Маҳбубул-қулуб, 61-62;

Дунё давлати андақ ки бемадордур меҳнати дағи нопойдордур.
Ҳаводис тиғидин нечук ким фуқаро кўкси захмнокдур, ағниё бағри чок чокдур.
Муншаот, 9(10)-614.

ЗАХОМАТ [زخامت] – йўғонлик; семизлик, тўлалик:

Юз эллик қари авжи рифъат анга,
Яна мунча дағи захомат анга. *Садди Искандарий*, 387;
Бир қариға яқин захомат анга,
Реша бандидин истикомат анга. *Сабъаи сайёр*, 10-377.

ЗАХХОР [زخار] – жўшқин, сертўлқин денгиз:

Яна баҳри заххори андақ амиқ,
Ки анда фалак жунгидек юз ғариқ. *Садди Искандарий*, 88-Т;
Замири лужжаи заххори маъни,
Каломи гавҳари шаҳвори маъни. *Фарҳод ва Ширин*, 101-Т.

ЗАЪФ [ضعف] – кувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик, касаллик:

Жоним ичра заъфдур юзлангали жононға заъф,
Бўлмасун жононима заъф ўлса ўлсун жонға заъф. *Фавойидул-кибар*, 302-Т;
Топиб анга жисми нотавон заъф,
Кўнглида дағи замон замон заъф. *Лайли ва Мажнун*, 110-Т;
Анга неча қувват мунга анча заъф,
Дей олғанча қувват дей олғанча заъф. *Садди Искандарий*, 182-Т.

~ **и аҳвол** – хасталик ҳолати:

Ёр шавқидин ўлар ҳолатдадурмен эй табиб,
Не иложинг бор менинг худ заъфи аҳволим будур. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;

~ **и жисмоний** – хаста тан:

Етти иқлим хон-у хокони,
Англабан шаҳда заъфи жисмоний. *Сабъаи Сайёр*, 10-133;

~ **и табиий** – табиий ҳолсизлик:

Заъфи табиий худ ўлуб бир сари,
Барчалари бир сари бу бир сари. *Ҳайратул-аброр*, 7-196;

~ **и қавий** – кучли, қаттиқ заифлик:

Етиб тира кўзларга заъфи қавий,
Бўлур уйлари кунжида мунзавий. *Садди Искандарий*, 281-Т;

~ **и ҳол** – заифлик, хасталик ҳолати:

Муттафиқ Ҳудҳуддин эттилар савол,
Барчани саргашта айлаб заъфи ҳол. *Лисонут-тайр*, 86-Т;
Кўзда кирпикларни тилар айлабан ҳар тариға.
Заъфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам. *Фавойидул-кибар*, 420-Т;

~ **торий бўл-** – кўз ожизлиги бўлмоқ, кўрмаслик пайдо бўлмоқ:

Мавлоно Ёрий... факр ва номуродликда кўзига заъф торий бўлди андақ ким нима кўрмас бўлди. *Мажолисун-нафоис*, 61-Т;

~ **ўл** – заиф, хаста бўлмоқ:

Бўлмиш таниға иситма озим,
Заъф ўлмиш анинг била мулозим. *Лайли ва Мажнун*, 175-Т;

~ **айла-/эт-** – заиф, хаста айламоқ:

Урунуб анча шўр-у шайн қилди,
Ки заъф айлаб эси озиб йиқилди. *Фарҳод ва Ширин*, 405-Т;

Шукуҳидин бўлуб бетоб танлар.
Кўнгуллар заъф этиб титраб баданлар. *Фарҳод ва Ширин*, 237-Т;
Алқисса куёв чу бўлди беҳол.
Заъф айлади пайкарини помол. *Лайли ва Мажнун*, 301-Т.

ЗАЪФАР[زعفر] – заъфарон:
Бир гул юзи фироқида хуноби ашк ила,
Юз заъфар ани ичра кўзум лолакордур. *Наводируш-шабоб*, 141.

ЗАЪФАРОН [زعفران] – сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; сарик ранг:
Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмас ки бағримдин эрур парголалар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-91;
Сандал-у мушк-у абир-у заъфарон,
Табъ жаҳлидин саросар заъфарон. *Лисонут-тайр*, 34-Т;
Данийларға бирав ким зарфишондур,
Эшак оллиға тўкмак заъфарондур. *Фарҳод ва Ширин*, 504-Т;
~ **дўконин оч-** – юз сарғаймоқ:
Не хазонида барг айшини соч,
Юз уза заъфарон дўконин оч. *Муншаот*, 14-138.

ЗАЪФАРОН-АФШОНИЙ [زعفران افشانی] – заъфарон сочувчи, сарик ранг берувчи:
...қизил толнинг коҳий яфрағларин баъзи жисмида қолғай шингарф хутути узра заъфарон-афшоний қилғандин нишона кўргузди. *Муншаот*, 14-91.

ЗАЪФАРОНЗОР [زعفران زار] – заъфарон экилган боғ; ишқдан сарғайган юз:
Юзумдин ўйуб тоза парголалар,
Очиб заъфаронзор аро лолалар. *Садди Искандарий*, 488-Т;
Қон ёшим сариғ юз узра ошкор этт фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фирок. *Ғаройибус-сиғар*, 253-Т;
Кўрма сариғ барг-у қил наззора рухсорим сари,
Қўй хазон боғин гузар қил заъфаронзорим сари. *Фавойидул-кибар*, 594-Т.

ЗАЪФАРОНИЙ [زعفرانی] – заъфароний ранг, сарнқ ранг, сариғ:
Заъфароний юзда гулгун ашк тўкмак не осиғ,
Ишва кўрган даҳр боғининг гули раъносидин. *Хазойинул-маоний*, 16-456;
Бўлмайин субҳ заъфароний чеҳр,
Чарх кўргузмас анга ҳаргиз меҳр. *Сабъаи сайёр*, 108-13;
~ **айла-** – сариғ, заъфароний айламоқ:
Ким боғ юзин хазоний айлаб,
Кўк баргини заъфароний айлаб. *Лайли ва Мажнун*, 111-Т.

ЗАЪФАРОНЧЕҲР [زعفران چهر] – заъфарон, сариғ юз, хаста чеҳра:
Боштин ки қадам қилиб турур меҳр,
Истар сени бўлди заъфарончеҳр. *Лайли ва Мажнун*, 29-Т.

ЗАЪФЛИҒ/ЗАЪФЛИҚ [ضعف لیغ/ضعف لیق] – хасталик, дармонсизлик:
Таковар суруб заъфлиғ тан била,
Ниҳон жисми зориға шиван била. *Садди Искандарий*, 472-Т;
Неча бош қўйдум йўлида ваҳ ки қилди поймол,
Заъфлиғ жисмимға зулфи торидек солиб шикаст. *Ғаройибус-сиғар*, 83-Т;
Кеча ким зулфунг хаёли кўнглум ичра айланур,
Тонгға тегру заъфлиқ жисмим билан дек тўлғадур. *Наводируш-шабоб*, 139-Т;

Заъфлиқ жисми тоби чун кетти,
Шоҳнинг чорбоғиға етти. *Сабъаи сайёр*, 10-270.

ЗАЪФПАЗИР [ضعف پزیر] – заифланишлик, безармонлик:
Будур инсоф ки чун бўлди қўйи заъфпазир,
Йўқтурур ҳеч муфарриҳда нашотафзолиқ. *Наводируш-шабоб*, 315-Т.

ЗАЪФРАВОН [ضعف روان] – жон, юрак, руҳий хасталик:
Яна равзанинг сабзаси заъфарон,
Иси хасталар жисмидин заъфравон. *Садди Искандарий*, 143-Т.

ЗАЪҚА [ضعقه] – қичқирик, нола, оҳ; ~ **ур-** – оҳ урмоқ:
...агар амалдин бурун савоб раво бўлса залалдин ҳам бурун азоб раво бўлғай. Муни деди ва заъқа урди ва шурға тушти ва андин сўнгра уч кундин ортуқ тирилмади ва борди. *Насойимул-муҳаббат*, 23-Т;
Бир кун Масжиди Ҳарамда замзам яқинида бир хонанда ўқуди... ул эшитти ва заъқае урди ва жон берди. *Насойимул-муҳаббат*, 25-Т.

ЗАҚАН [ذقن] – энгак, ияк, занахдон:
Лаби лаълинг майидин рашҳаъи томмиш зақан сари
Дема ким ранги майгун бу латофат бирла хол ўлғай. *Фавойидул-қибар*, 562-Т;
Тавқи ғабғаб ул закан остида нун,
Оби ҳайвонға ҳубоб аммо нигун. *Лисонут-тайр*, 98-Т;
~ **чоҳи** – энгак, ияк чуқурчаси:
Сунбулунгнунг расани бўлмаса, йўқ,
Зақанинг чоҳидин имкони нажот. *Хазойинул-маоний*, IVб-93;
Зақан чоҳи ул давранинг нуқтаси,
Тушуб чоҳ аро ақли даврон басе. *Садди Искандарий*, 356-Т;
~ **даври** – занахдон атрофи, бағбақа:
Зақан даврида андақ хатти мавҳум,
Ки қилғай ани солим завқ маълум. *Фарҳод ва Ширин*, 294-Т.

ЗАҚҚУМ [زقوم]– заққум (дарахт номи); заҳарли дарахт; ~ **и жаҳим** – дўзахда ўсадиган дарахт; заҳарли дўзах дарахти:
Чун харита бошини очти лаим,
Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим. *Лисонут-тайр*, 59-Т.

ЗАҒАН [زغن] – қузғун; заған:
Дам урма бу чаманда Навоий ки бир гуле
Билмас заған фиғонини булбул навосидин. *Хазойинул-маоний*, IVб-507;
Гулхан-у юз зоғи нажасхордек,
Ё заған атрофида мурдордек. *Ҳайратул-аброр*, 7-270.

ЗАҲМАТ [زحمت] – кийинчилик, азоб, машаққат, заҳмат; алам, кулфат, ранж, азият:
Йигитликингда қариларға қилмадинг хидмат,
Қарилиғингда йигитларга бермагил заҳмат. *Фавойидул-кибар*, 73-Т;
Жамъи ки муаммо айтурлар басе заҳмат била бир байтдин ё бир рубоийдин бир исм ҳосил қилурлар. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 106-Т;
Савдо-у ришта заҳматиға учради кўнгул,
Зулфу белинг хаёлида фикри дақиқдин. *Хазойинул-маоний*, 16-490;
~ **и жисм** – жисм заҳмати:
Олиб заҳмати жисм-у ранжи равон,
Хирад айтибан ани ганжи ниҳон. *Садди Искандарий*, 240-Т;

~ **еткур-** – азоб бермоқ, озор етказмоқ:
... сўз туттурди ким Сиёвуш наслидин Фаруд Турондадур анга осиб ва заҳмат еткурмангиз. *Тарихи мулуки ажам*, 16-207;
~ **торт-** – машаққат чекмоқ:
Бу муддаоға далил бу ким бу муддатда заҳмат тортиб ясаған мураққаъни... *Муншаот*, XIII-119;

Бу янглиғ ерда меҳнат ортар эрди,
Ясаб ўткунча заҳмат тортар эрди. *Фарҳод ва Ширин*, 308-Т;
~ **чек-** – заҳмат чекмоқ:
Басе заҳмат чекиб су келтурубтур,
Ҳамоно шаҳ дағи ани кўрубтур. *Фарҳод ва Ширин*, 470-Т.

ЗАҲР [زهر] – 1. заҳар, оғу:
Ҳамоно кўрган бўлғай ки йилан ул сутдин ичиб заҳрин анда тўкмиш булғай. *Насойимул-муҳаббат*, 53-Т;

Ким бузуғиинг гўшасидин бир чаён,
Неши нўгида ажал заҳри аён. *Лисонут-тайр*, 155-Т;

2. бало:
Ва гар Тенгри кўргузмасун қилса қаҳр
Майи рифқ жоми аро қуйса заҳр. *Садди Искандарий*, 293-Т;
3. ножўя:
Неча ким таоми келиб нўши баҳр,
Келиб меҳмонсиз мазоқиға заҳр. *Садди Искандарий*, 364-Т;
4. таъсир, совуқ шабада:
Бориб заҳри ву урмайин тоб-у печ
Анинг заҳрин айлаб ҳаво заҳри ҳеч. *Садди Искандарий*, 232-Т;
5. зиён; заҳматга қолишлик:
Ганж уза истар ки йилан топса баҳр
Андин эмас баҳра вале ғайри заҳр. *Ҳайратул-аброр*, 7-253;
Висол нўшини то мумкин бўлғай истар эсанг,
Фироқ заҳрини бас улча бўлғай имкон ют. *Хазойинул-маоний*, IIб-86;
6. май, шароб:
Бадмастқа дамодам ичмағидин не баҳр ким одамийлиғ қатлиға ичар қадаҳ қадаҳ заҳр. *Маҳбубул-қулуб*, 138-139;
~ **и андух** – ғам, қайғу оғуси:
Агар нўши висол ар заҳри андух,
Не ким тутсанг ичарбиз соқиё хуш. *Фавойидул-кибар*, 249-Т;
~ **и балокаш** – балокаш заҳар:
Зоҳид сен-у кавсар биз-у муғ дайри недин ким
Биз заҳри балокашбиз-у сен нўши риёчаш. *Фавойидул-кибар*, 255-Т;
Машаққат ғори ичра аждаҳоваш,
Маломат жомидин заҳри балокаш. *Фарҳод ва Ширин*, 391-Т;
~ **и бегумон** – бегумон заҳр:
Хизр умри ву Сикандар мулки топқан ёрсиз,
Оби ҳайвон ичра заҳри бегумондур ким ичар. *Бадойиул-васат*, 138-Т;
~ **и даврон** – даврон заҳри:
Давр аёғин соқийё тутқанда лаълинг қил газак,
Ким майи еткурмамиш жузъ заҳри даврон оғзима. *Наводируш-шабоб*, 535-Т;
Истагунча бода ичтик заҳри даврон базмида,
Ким ки қон ютмақ била анинг маоши эврулур. *Фавойидул-кибар*, 158-Т;

~ **и гияҳ** – гиёҳ заҳри:
Гар бўлса табиб тухмиёна,
Бил заҳри гияҳ бутарга дона. *Лайли ва Мажнун*, 319-Т;
~ **и меҳнат** – меҳнат қайғуси, заҳри:
Улусқа софийи ишрат тутуб эи сокийи даврон,
Ҳамоно заҳри меҳнатни менинг жонимға асрадинг. *Бадойиул-васат*, 266-Т;
~ **и муҳлик** – ҳалок этувчи, ўлдирувчи заҳар:
... заҳри муҳликдур – агарчи миқдори ўксукдур. *Маҳбубул-қулуб*, 127;
~ **и ниҳони** – яширин заҳр:
Неча қатла тилаб заҳри ниҳони,
Ича олмай чу эл фаҳм айлаб ани. *Фарҳод ва Ширин*, 464-Т;
~ **и ноб** – ўткир заҳар:
Нўши васл ар етмаса ғам йўқ Навоий ким мудом,
Ҳажрдил аҳли вафо жомида заҳри ноб. *Ғаройибус-сиғар*, 445-Т;
Йўлда дарёлардурур хунобдин,
Демайин хуноб заҳри нобдин. *Лисонут-тайр*, 42-Т;
~ **и парвард** – заҳарли; қайғу, ғамда тарбияланган, ўсган:
Қилса кўнглум чок тиғи заҳри парварди анинг,
Қўймангиз марҳам ки ўлтурсун мени дарди анинг. *Наводируш-шабоб*, 31;
~ **и пинҳон** – пинҳон, яширин заҳр:
Чарх узукнинг ҳалқасидур лек ҳар кавкав анга,
Қатл учун остида қилған заҳри пинҳон хотами. *Наводируш-шабоб*, 574-Т;
~ **и сокий** – сокий заҳри, оғуси:
Неча улусқа май-у бизга заҳри сокийдур,
Дединг ки мастмен ар чин дединг ёнгил боре. *Наводируш-шабоб*, 626-Т;
~ **и фироқ** – айрилиқ, жудолик, фироқ оғуси, балоси, заҳмати:
Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур,
Ё заҳри фироқ ичра ништарму икин оё. *Ғаройибус-сиғар*, 55-Т;
Заҳри фироқингдин қайу ошиқ ки бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса Исо анга топмас даъво. *Бадойиул-васат*, 3-Т;
~ **и чашм** – чашм, булоқ заҳри:
Ё қатл қилурға келди хишминг,
Подзаҳрдин ўлди заҳри чашминг. *Лайли ва Мажнун*, 315-Т;
Кўзунг қотилдур аммо заҳри чашминг,
Эрур ўлтурмагимга заҳри қотил. *Бадойиул-васат*, 288-Т;
~ **и қотил** – ўлдирувчи заҳар, ўткир заҳар:
Жаҳон жоми тўладур заҳри қотил,
Анга майл айламас ким бўлса оқил. *Наводируш-шабоб*, 662-Т;
Ҳижрон бериб эрди заҳри қотил,
Ўлгунча бу сўғ қилди бисмил. *Лайли ва Мажнун*, 330-Т;
Хос лиллоҳ шарбатимни заҳри қотил бирла из,
Чун иш андин ўтти ким келгай масиҳим эй табиб. *Ғаройибус-сиғар*, 64-Т;
~ **и ғам** – ғам заҳри:
Ҳар майи ким ансиз ичтим топқали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била. *Бадойиул-васат*, 411-Т;
~ **и ғусса** – ғусса заҳри:
Ул ичиб эл бирла руҳафзо қадаҳлар ошкор,
Мен бало жомида заҳри ғуссани пинҳон чекиб. *Бадойиул-васат*, 41-Т;
~ **и ҳалок** – ҳалоклик, ўлум заҳри:
Андақ ки шарифидин ўлган баданға руҳпок етар касифидин ҳаётлиқ танға заҳри ҳалок ҳоссияти зуҳур этар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 166-Т;

~ **и ҳалоҳил** – ўткир заҳар:
Чарҳдин жонимғадур юз тиғи қотил ҳар замон,
Даврдин жамимға минг заҳри ҳалоҳил ҳар заман.
Яшил айлаб ани заҳри ҳалоҳил,
Бўлуб барча хилоф аҳлиға қотил. *Фарҳод ва Ширин*, 119-Т;

~ **и ҳижрон** – ҳижрон балоси, заҳари:
Ҳабиб ғайр ила май ичти эй кўнгул қон ют,
Эл ичра васл майин бок-у заҳри ҳижрон ют. *Наводируш-шабоб*, 82-Т;
Навоий айла анинг ишқи таркини йўқ эса,
Чу ғайр май ичар бок-у заҳри ҳижрон ют. *Наводируш-шабоб*, 82-Т;

~ **и ҳирмон** – айрилиқ азоби, ғуссаси:
... балки даври ҳасуд соқийси аларнинг айш соғари балки соғари айшиға заҳри ҳирмон балки беҳуш доруйи ҳижрон қўшқани... *Фарҳод ва Ширин*, 333-Т;

~ **бер-** – пайини қирқмоқ, умрини қисқа қилмоқ:
Яна бир неча вақт Доройи даҳр
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр.
Фалак заҳр агар берди Дороға бот,
Сикандарга ҳам бермай оби ҳаёт. *Тарихи мулуки ажам*, 16-215.

ЗАҲРА [زهره] – 1. ўт, сафро:
Хаёл ила дағи густохлиққа заҳрам йўқ,
Мен-у фироқ манга вах не иш висол била. *Наводируш-шабоб*, 533-Т;
Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим вахмдин албатта заҳрам ёрилиб. *Хазойинул-маоний*, 1а-103;
Бу иш тушда гар жилва қилғай эди,
Ҳам ул лаҳза заҳрам ёрилғай эди. *Садди Искандарий*, 487-Т;

2. журъат, шижоат, жасорат:
Ичимла ишқдин юз барк-у дам урмаққа заҳрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб вах мушкил эрмиш асрамаглиғ дуд. *Хазойинул-маоний*, 16-135;
Ул муножотида дебдур ки илоҳий агар сенинг амринг бўлмаса эрди, кимга заҳра бўлғай эрди ким бузургвор отингни тилга мазкур қилғайз.
Насойимул-муҳаббат, 54-Т;
Лек анинг сари боқарга заҳра йўқ,
Кўзга ул жониб назардин баҳра йўқ. *Лисонут-тайр*, 200-Т;

3. майл, ҳавас:
Ани ҳам васф этардин баҳрамиз йўқ,
Отин дағи тутарға заҳрамиз йўқ. *Фарҳод ва Ширин*, 284-Т.

ЗАҲРКОМЛИҒ [زهرکام لیغ] – бахтсизлик:
Мажнуннинг фироқ чоҳида таннур ичиндаки ўтдек тоби ва ҳажр бандида тузакка тушкан қушдек изтироби ҳаким фусунидин жунунининг туғёни ва табиб парҳезидин иситмасининг ғалаёни ва ўз заҳркомлиғиға тўккан талх талх шўробаси ва бу шўробадин комиға ачиғ ачиғ хунобаси...
Лайли ва Мажнун, 157-Т.

ЗАҲРЛИҒ/ЗАҲРЛИК [زهرلیغ/زهرلیک] – захарли, ҳалок қилувчи:
Ўз қатлини айламиш эди биғ,
Пинҳон қилиб эрди заҳрлиғ тиғ. *Лайли ва Мажнун*, 300-Т;
Мен чу ўлдум кирпикининг заҳрлиғ пайконидин,
Гар ўлукни тиргузур лаъли шакарбори нетай. *Фавойидул-кибар*, 593-Т;

Муни билмай ки тутқан заҳрлиқ жом,
Килур ҳам заҳр ошомин саранжом. *Фарҳод ва Ширин*, 462-Т.

ЗАҲРНОК [زهرناک] – заҳарли:
Бўлуб лола қан сабза тиғи ҳалок,
Гиёҳи дағи сар басар заҳрнок. *Садди Искандарий*, 88-Т.

ЗАҲРНЎШ [زهرنوش] – заҳар ичадиган; ~ **айла-** – заҳар ичмоқ; қийинчилик тортмоқ:
Фалак жомидин анча заҳрнўш айлабмен эй ҳамдам,
Ки майдин элни юбмен соғар-у паймонадин дағи. *Хазойинул-маоний*, 541.

ЗАҲРОБ [زهر آب] – заҳарли сув:
Вагар худ ичса сув ўрнида заҳроб,
Чаманда гул бутар лавнида юз тоб. *Фарҳод ва Ширин*, 336-Т.

ЗАҲРОЛУД [زهر آلود] – заҳар аралашган, заҳарли, заҳарланган:
Гиёҳ эрмас ки ишқ аҳли шаҳиди бағриға қолған
Бўлубтур барча заҳролуд ништар ошкор анда. *Ғаройибус-сиғар*, 46-Т;
Ул кўнгулга ким қаттиғ сўздин решдек бўлғай аччиғ тил заҳролуд нешдек бўлғай. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93;
Захмлар ким солди заҳролуд тиғинг жисмима,
Оғзин очиб ҳар бири ҳолимға айлар заҳрханд. *Фавойидул-кибар*, 129-Т.

ЗАҲРОШОМ [زهر آشام] – заҳар ичган:
Жоми ҳижрон чеккали билдим ки жаврунг саъб эмас,
Май неча талх ўлса кўрмас ани заҳрошом талх. *Ғаройибус-сиғар*, 108-Т.

ЗАҲРПАРВАРД [زهر پرورد] – оғули, заҳарли:
Қилса кўксум чок тиғи заҳрпарварди анинг,
Қўймангиз марҳам ки ўлтурсун мени дарди анинг. *Бадойиул-васат*, 2-316.

ЗАҲРФОМ [زهر فام] – ғазабли, дарғазаб:
Баҳр анинг қасди била заҳрфом,
Заҳр асири айлаб ани талхком. *Ҳайратул-аброр*, 7-147.

ЗАҲРХАНД [زهر خند] – аччиқ кулиш, захарханда; масхара қилиб кулиш:
Чарх ким ҳар субҳ эл қатлиға айлар заҳрханд.
Бу анинг ширин табассум бирла шаккархандидур. *Наводируш-шабоб*, 152-Т;
Топиб лаззат ким айларсен табассум,
Эрур ул заҳрханд эрмас шакарханд. *Хазойинул-маоний*, IIа-397;
Манга даврон оғу берди анга нўш,
Мен этсам заҳрханд айлар шакарханд. *Фавойидул-кибар*, 126-Т.

ЗАҲРЧАШМ [زهر چشم] – қаҳрли, ғазабли назар:
Заҳрчашм-у тиғи қотил ғамзаи хунрез ила
Қилғучи элга тириклик расмини мушкил йигит. *Бадойиул-васат*, 61-Т.

ЗАҲҲОК [ضحّاک] – Заҳҳок (Фирдавси «Шоҳнома» сидаги золим подшоҳ исми):
Минг йил ар Заҳҳок улустин тўкти қон,
То Масиҳ ўлган баданға берди жон. *Лисонут-тайр*, 211-Т.

ЗАҲҲОКЛИҒ [ضحّاکلیغ] – Заҳҳоклик; золим подшоҳмонанд; золимлик:
Зулмда Заҳҳоклиғи билгуруб,
Икки йилан эгнида ҳалқа уруб. *Ҳайратул-аброр*, 7-267; (6(10)-234).

ЗАҲҲОР [ضحّار] – тошқин, жўшкин денгиз:
Қатрағача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсаи заркордин. *Ҳайратул-аброр*, 7-26; (6(10)-19).

ЗЕБ [زيب] – 1. безак, зийнат:

Эр мажлиси ичра роҳ эрур зеб,
Хотун кишига салоҳ эрур зеб. *Лайли ва Мажнун*, 250-Т;

Ложуварди вусма бирла зеб берган қошларинг,
Жилвагар бўлған ики товус эрур гулзор аро. *Хазойинул-маоний*, IIа-16;

Зеб аро оройиши бўстон киби,
Жилвада товуси Ҳиндустон киби. *Лисонут-тайр*, 61-Т;

2. кўрк, хусн, чирой:

Нечук ким эрур адл шаҳларға зеб,
Эрур хам гадо хокраҳларға зеб. *Садди Искандарий*, 138-Т;

Одамининг зеби ҳимматдин эрур,
Нафснинг таъдиби ҳимматдин эрур. *Лисонут-тайр*, 131-4;

3. пардоз, зеб бериш:

Ки гарчи юзи зебдин эрди фард,
Ниёз оҳидин лек топти навард. *Садди Искандарий*, 81-Т;

Кимса неча зеб-у тамаъдин йирақ,
Зимнида осойиш эрур яхширақ. *Ҳайратул-аброр*, 10-99;

~ **аҳли** – гўзаллар, хусндорлар:

Келди зеб аҳлиға раънолиғ-у ушшоққа сўз,
Ул бири чун кўпалакдур бу бири парвона. *Хазойинул-маоний*, IIа-321;

~ **и алфоз** – сўзлар безаги:

балки қўйнида номаи саросар зеби алфоз ва гавҳари маоний... *Муншаот*, 14-179;

~ **и жамол** – жамол, гўзаллик зебу зийнати:

Чу гул қилди бу навъ зеби жамол,
Қачан қолғай ул лаҳза булбулға ҳол. *Садди Искандарий*, 382-Т;

~ **и жаҳон** – жаҳон зеби:

Расад ким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур. *Фарҳод ва Ширин*, 498-Т;

~ **и зоҳир** – зоҳир зеб-зийнатлар:

Одам ўлған зеби зоҳирдин демас,
Ким ки андин фахр этар одам эмас. *Лисонут-тайр*, 61-Т;

~ **и изор** – юз, чеҳра зеби:

Ики шоҳ ишида ҳикоятгузор,
Бу янглиғ берур сўзга зеби изор. *Садди Искандарий*, 174-Т;

~ **и мажоз** – гўзаллик, зийнат мажози:

Ўзга санамлар хам эрур жилвасоз,
Барчасининг ҳуснида зеби мажоз. *Ҳайратул-аброр*, 7-54;

~ **и мушки ноб** – ўта хушбўй муши зеби:

Эй жамолинг гулшанида сабзаи сероб хат,
Оразинг кофури узра зеби мушки ноб хат. *Мажолисун-нафоис*, 216-Т;

~ **и олам** – олам безаги, хусни:

Ул ҳусн ки зеби олам эрди,
Зеб устида яна зеб берди. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т;

То фасли баҳор зеби олам бўлғай,
Ул зеб ила боғ сабз-у хуррам бўлғай. *Муншаот*, 14-135;

~ **и тож** – зебу зийнатли тож:

Яна бир сойил деди к-эй зеби тож,
Менда воқиъдур талаввунлуғ мизож. *Лисонут-тайр*, 141-Т;

~ **и тожу тахт** – тожу тахт безаги:
Гавҳар ким шоҳларға зеби тож-у тахт эрур. *Маҳбубул-қулуб*, 162;
~ **и торак** – дастор, кулоҳ, қалпоқ безаги:
Агар бўлмаса зеби торак анга,
Не ким бўлса бўлсун муборак анга. *Садди Искандарий*, 510-Т;
Халққа зеби торак айла ани,
Ўқуғанға муборак айла ани. *Сабъаи сайёр*, 10-411;
~ **-у жамол** – зебу жамол:
Эрга хулқ-у феъл эрур зеб-у жамол,
Янгғи заркаш ҳулласидур эски шол. *Лисонут-тайр*, 71-Т;
~ **-у зайн** – зебу зийнат ва пардоз:
Вужудидин офок аро зеб-у зайн,
Улус хон бин хон Султон Ҳусайн. *Садди Искандарий*, 96-Т;
~ **-у зевар** – безак ва гўзаллик:
Тўнида ортуқ андин зеб-у зевар. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-458; (14-17);
~ **-у зийнат** – зебу зийнат, ҳусну пардоз:
Зеб-у зийнат фузун бурдиндин кўп,
Айш-у ишрат бурунғи кундин кўп. *Сабъаи сайёра*, 10-253.
~ **-у оро** – зебу зийнат, зебу оройиш:
Топиб ул дағи ах зар зеб-у оро,
Қолиб саргашта андин чархи ҳазро. *Фарҳод ва Ширин*, 158-Т;
~ **-у оройиш** – ҳусну пардоз:
...лозим кўрунди турк тили шарҳида бир неча вараққа зеб-у оройиш бермак...
Муҳокаматул-луғатайн, 191-Т;
~ **-у пироя** – зебу зийнат:
Муҳаббатға зеб-у пироя адабдин етар ва муваддатқа равнақ ва баҳо таркидин кетар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-59;
~ **-у раъно** – зебу раъно, зебу хужрўй:
Инсоннинг зебу раънолиғи андин. *Маҳбубул-қулуб*, 14-114;
~ **-у тазйин** – зебу безак, оройиш:
Боғладилар мулкин ойин сар басар,
Шаҳр элида зеб-у тазйин сар басар. *Лисонут-тайр*, 76-Т;
~ **-у тож** – зебу тож:
Дурга берди ул баҳо бирла ривож,
Ким сарир аҳлиға бўлди зеб-у тож. *Лисонут-тайр*, 15-Т;
~ **-у фар** – орасталик; безак-ҳашам:
Фалак боғи андак ки топиб зеб-у фар,
Ки бир чарх ўлуб анда ҳар нилуфар. *Садди Искандарий*, 65-Т;
Атласи гардун била минг зеб-у фар,
Турма тўни остида кўк астар. *Ҳайратул-аброр*, 7-98;
~ **бер-** – безатмоқ, кўнгил қўймоқ:
Ул ҳусн ки зеби олам эрди,
Зеб устида яна зеб берди. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т;
Алар ҳам бериб тахт-у тожиға зеб,
Жаҳондин едилар неча кун фиреб. *Тарихи мулуки ажам*, 16-221;
~ **топ-** – безалмоқ, зийнатланмоқ:
Холларининг нуқтасидин топти зеб ул турфа хат,
Гарчи хат узра бўлур бир нуқта-у бўлмас нуқат. *Хазойинул-маоний*, 116-287;
Чу Ковус маснад уза топти зеб,
Неча кун анга чарх берди фиреб. *Тарихи мулуки ажам*, 16-207;

~ **тут-** – зеб топмоқ; безалмоқ, зийнатланмоқ:
... ва то саҳар гулистони куёш сариғ гули била зеб тутар. *Муншаот*, 14-209;
~ **-у зийнат бўл-** – зебу зийнат бўлмоқ:
Гуфт-у шунид кўп ўтти охир фақир деди ким агар сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ топса мужиби мубоҳат ва зеб-у зийнат бўлур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-23; (5(10)-748);
~ **-айла-** – зеб айламоқ, зеб бермоқ:
Савсани тун бирла ул қад савсани озод эрур,
Ё бинафша баргидин зеб айлаган шамшод эрур. *Фавойидул-кибар*, 196-Т;
~ **-у зийнат эт-/қил-** – зебу зийнат қилмоқ, безамоқ:
Анга зеб-у зийнатлар эттим фузун,
Ки васфи эрур шарҳ этардин узун. *Садди Искандарий*, 92-Т;
Ул Ҳазратнинг латойифи табъидин бир неча матлаъ била авракка зеб-у зийнат қилғай. *Мажолисун-нафоис*, 203-Т.

ЗЕБАНДА [زیبنده] – лойиқ, муносиб, ярашган:
Эй тож-у сарир-у мулк зебанда санга,
Маъмур келиб толиъи фарханда санга. *Муншаот*, 14-175;
Борсен сен борлиғ зебандаси,
Бирлик-у жабборлиғ арзандаси. *Лисонут-тайр*, 18-Т;
~ **и тож** – муносиб тож:
Яна бир жаҳондор ҳушанг эди,
Ки зебандаи тож-у авранг эди. *Садди Искандарий*, 105-Т.

ЗЕБЛИҒ [زیبلیغ] – безатилган:
Сабза узра ясалди кошона,
Зеблиғ боргоҳ-у шомиёна. *Сабъаи сайёр*, 10-360;
Гавҳар била зеблиғ тилаб бош,
Бошиға ҳам ул гуҳар бўлур тош. *Лайли ва Мажнун*, 324-Т.

ЗЕБНОМА [زیب نامه] – ҳусни хат, хебо хат:
Чу йўндум хомаи мушкин шамома,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зебнома. *Сирожул-муслимин*, 16-273.

ЗЕБО [زیبا] – 1. безакли, зийнатли, қимматбаҳо:
Қила олмас қари дебо кийиб ўзни зебо,
Шол ҳам кийса йигитка ярашур зеболиқ. *Наводируш-шабоб*, 315-Т;
Суманбарлар бари зебо-у нозук,
Ҳунарварлар бағоят чуст-у чобук. *Фарҳод ва Ширин*, 141-Т;
2. гўзал, ҳуснли, чиройли:
Келгил эй рухсори зебо
Ким бўлурмен ношикебо. *Мезонул-аззон*, 44-Т;
3. ярашиғли:
Хачир-у тева барчаси зебо,
Барчанинг рахти атлас-у дебо. *Сабъаи сайёр*, 10-166;
4. маъшуқа, маҳбуба:
Ё Раб ул ким васл шоми ком олур зебосидин,
Тира қилма айши кўзгусини субҳ анфосидин. *Хазойинул-маоний*, IVa-269;
5. юлдузлар:
Шом зеболари қилиб зоҳир,
Тун шабистонида бўлуб сойир. *Сабъаи сайёр*, 10-14;

~ **йи тахт** – тахтга ярашган, шоҳ бўлишга муносиб:
Алар дағи зебойи тахт эрдилар,
Тавоно ву фирузбахт эрдилар. *Садди Искандарий*, 131-Т;

~ **бўл-** – яхши, гўзал бўлмоқ, ярашмоқ:
Ки палос ичра этти чун дебо,
Ташласам ани бўлмагай зебо. *Сабъаи сайёр*, 10-176;

~ **айла-** – зебо айламоқ:
Ул ки бизни зор-у ани асру зебо айламиш,
Ани нопарво ву бизни ношикибо айламиш. *Фавойидул-кибар*, 242-Т.

ЗЕБОАРУС [زیباعروس] – гўзал, чиройли келин, зеб-зийнатли келин:
Чун саромад келди эрликда хурус,
Ҳақ анга берди неча зебоарус. *Лианут-тайр*, 85-Т;
Ки Чин ичра Искандари филикус,
Чу топти ики ўйла зебоарус. *Садди Искандарий*, 385-Т.

ЗЕБОГУЙ [زیبا گوی] – нотиқ, гўзал сухан:
Қойили хуш каломи зебогўй,
Ким бу майдон элидин элтти гўй. *Сабъаи сайёр*, 10-36.

ЗЕБОЖАМОЛ [زیبا جمال] – зебожамол:
Яна анча товуси зебожамол,
Латофатда товуси жаннатмисол. *Садди Искандарий*, 291-Т;
Хироманда товуси зебожамол,
Малак хайлидин зоҳир айлаб мисол. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ЗЕБОЛИҚ/ЗЕБОЛИҒ [زیبالیق/زیبالیغ] – 1. гўзаллик, хусндорлик:
Сарви титраб гул қизариб кола айлар андалиб,
Кўргали боғ ич ра қадд-у орази зеболиғинг. *Ғаройибус-сиғар*, 266-Т;
Лаҳза лаҳза чунки ортар ул пари зеболиғи,
Дам бадам афзун бўлур мажнун кўнгул шайдолиғи. *Наводируш-шабоб*, 610-Т;
Гарчи беғайрат дурур раънолиғинг,
Бениҳоят хусн ила зеболиғинг. *Лисонут-тайр*, 51-Т;

2. ярашиғлиғ, мос:
Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос зеболиғин тиласанг бир ялангни буткар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-124;
Бу матлаъ ҳам ким кофия тағайюр топибдур ҳам ул радифда воқиъ булубтур. Бу матлаъ ғояти зеболиғда ва ниҳояти раънолиғда воқиъ бўлубтур.
Мажолисун-нафоис, 230-Т.

ЗЕБОРЎЙ [زیباروی] – зебо чехра, зеборўй:
Дерлар ким Язид бағоят зеборўй ва писандидахўй эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-103;
Яздижирд бинни Баҳом отаси васияти била салтанат тахтиға ўлтурди ва ул подшоҳе эрди бағоят зеборўй ва хушбўй. *Тарихи мулуки ажам*, 16-238; (8(10)-634).

ЗЕБОСИРИШТ [زیبا سرشت] – гўзал табиатли, хулқли:
Ясаб чун ки ҳам дўзах-у ҳам биҳишт,
Башарни қилиб зишт-у зебосиришт. *Садди Искандарий*, 95-Т.

ЗЕБОИЗОР [زیبا عزار] – гўзал юз, зебо чехра:
Эмди ки бу гулруҳи зебоизор,
Топти хатт-у хол ила накш-у нигор. *Ҳайратул-аброр*, 7-195.

ЗЕБОХЎЙ [زیبا خوی] – хуш ахлоқ:
Дер эди: Эй рафиқи зебохўй,
Бўлма мендин бу сўзга посухжўй. *Сабъаи сайёр*, 10-324.

ЗЕБОЧЕҲР [زیباچهر] – хушрўй:
Муқбили ҳуш баён-у зебочеҳр,
Ўйла гарм этти шоҳ кўнглида меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-330;
Шоҳ деди: эй рафиқи зебочеҳр,
Кўнглумуз боғида кўп экан меҳр. *Сабъаи сайёр*, 10-254.

ЗЕВАР [زیور] – безак, зийнат:
Даҳр хуш гулшан эрур найлай ким
Йўқ вафо гулларидин зевар анга. *Фавойидул-кибар*, 14-Т;
Етиб анда олтинчи кўк зевари,
Ўпуб бошиға санчибан муштари. *Садди Искандарий*, 79-Т;
Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қиз ки эрур ёман ликолиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 142;

~ **бўл-** – безак, зийнат бўлмоқ:
Булар киймаки барча ахзар бўлуб,
Оламға яшил шуққайи зевар бўлуб. *Садди Искандарий*, 187-Т;

~ **бер-** – безатмоқ:
Бари чабуксувор-у моҳпайкар,
Жавоҳирдин бериб пайкарга зевар. *Фарҳод ва Ширин*, 247-Т;
Гулининг ҳар яфраги бузулған кўнглум равзасиға зевар берди.
Муншаот, 14-208;

~ **эт-** – безак, зийнат этмоқ; безамоқ:
Кийдурубан хуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга. *Ҳайратул-аброр*, 7-65.

ЗЕВАРОРОЙ [زیور آرای] – безакловчи, зийнатловчи:
Аммо баъд сўз байтул-ҳарамнинг бодияпаймойи ва назм шоҳбайтининг зеваройи алфақирул-ҳақир Алишер ал-мутахаллис бин-Навоий...
Ғаройибус-сиғар, 3-9.

ЗЕР [زیر] – 1. ост, бирор нарсанинг таги:
Деди: К-эй ғофил гуруҳи бехабар,
Ҳолингиз ғафлат аро зер-у забар. *Лисонут-тайр*, 21-8;

2. музикада энг ингичка овоз, нозик товуш:

~ **-у бам** – энг ингичка ва энг йўғон товуш:
Навоий айлади ҳижронда нола ву фарёд,
Хароб қилди ул оҳанги зер-у бам бизни. *Хазойинул-маоний*, III6-624;

3. чолғунинг баланд товуш берадиган тори, авж тори:
Зуҳра йўлида наво тузуб зер,
Мутриблардек бўлуб миёнгир. *Лайли ва Мажнун*, 49-Т;
Мотами ҳижронда созидур Навоий жисми ким
Ноласидин зерини тақмиш ўкурмакдин бамин. *Ғаройибус-сиғар*, 349-Т;
Муғанний аҳли гоҳи нукта узра қил-у қол этти,
Тағанний ҳайли нағма ичра гоҳи зир-у бам чекти. *Наводируш-шабоб*, 604-Т.

~ **-у забар** – остин-устун; нотинч, сергавғо:
Айлабан ул хайл бўлғунча хабар,
Жон-у кўнглум кишварин зер-у забар. *Лисонут-тайр*, 19-Т;

Агар адл йўқ ошикор-у ниҳон,
Яқин бил ки зер-у забардур жаҳон. *Садди Искандарий*, 139-Т;

~ **и мағриб** – мағрибнинг пастки томони:
Қилиб эрди минг байза ҳар йил қабул,
Зери мағрибидин топарға вусул. *Садди Искандарий*, 157-Т;

~ **и нигин** – узук таги; қарам, қўл ости; мансаб поғонаси:
Биравга ки мулк ўлса зери нигин,
Нигин бирла ул бўлса маснаднишин. *Садди Искандарий*, 345-Т;

~ **-у забар бўл-/ўл-** – пасту баланд бўлмоқ, турли ҳолатларни бошидан кечирмоқ:
Чу минсанг ашҳабинг ул дам қўёш бўлғай санга монанд,
Ки берса кўк бўзин жавлон жаҳон зер-у забар бўлғай. *Наводируш-шабоб*, 611-Т;
Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлған,
Ҳар ким ки йўқ андин батар ўлған, батар ўлған. *Мезонул-авзон*, 35-Т;
Ишқ ичра қани мен киби зер-у забар ўлған,
Ҳар ким ки йўқ андин батар андин батар ўлған. *Бадойиул-васат*, 359-Т;

~ **-у забар айла-/қил-** – остин-устин қилмоқ; мағлуб қилмоқ, хору зор қилмоқ:
Чу кўк сари ердин сафар айлади,
Ер-у кўкни зер-у забар айлади. *Садди Искандарий*, 485-Т;
Ҳажринг сипоҳи зеру забар қилди мени,
Ғам кишвари ичра дарбадар қилди мени. *Хазойинул-маоний*, 16-773;
Ҳамоно ки Чингиз топиб зафар,
Анинг мулкини қилди зер-у забар. *Садди Искандарий*, 170-Т.

ЗЕРДАСТ/ЗЕРИ ДАСТ [زیردست] – тобе, муте, мағлуб, заиф:
Забардастлар зердастинг сенинг,
Битиклар келиб барча пастинг сенинг. *Садди Искандарий*, 47-Т;
Шаҳватпараст – нафсға зердаст. *Маҳбубул-қулуб*, 14-101;
Ҳунарда зердастинг барча олам,
Ҳунар йўқ ким камолу фазл аро ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 331-Т;

~ **бўл-/ўл-** – қарам, таслим бўлмоқ:
Ки андин етиб шавкатиға шикаст
Бўлур зердастиға ул зердаст. *Садди Искандарий*, 210-Т;
Деди Ҳудҳуд к-эй ғурур илгида паст,
Жаҳл ила ғафлатқа бўлған зери даст. *Лисонут-тайр*, 73-Т;
Ҳирс жоми айлаган кўнглунгни маст,
Сен бўлуб ул мастлиғдин зери даст. *Лисонут-тайр*, 160-Т;
Билиб ким анга ҳасм ўлур зердаст,
Валекин топар ўзга ердин шикаст. *Садди Искандарий*, 182-Т;

~ **айла-/қил-** – тобе, қарам айламоқ:
Қачан бир адусини паст айлади,
Анинг мулкини зердаст айлади. *Садди Искандарий*, 146-Т;
Қилиб саркаш эл шавкатин ерга паст,
Забардастларни қилиб зердаст. *Садди Искандарий*, 288-Т.

ЗЕРДАСТЛИК [زیردست لیک] – қарамлилик; мутелик, тобелик:
Саҳо сўзи ким саҳийға мужиби забардастлик ва сойил илгига мужиби зердастликдур. *Хазойинул-маоний*, IV б-729.

ЗЕРНИГИН [زیرنگین] – зернигин; фармонбардор:
Жаҳон мулкин этканда зернигин,
Олинмай қолиб эрди мағрибзамин. *Садди Искандарий*, 392-Т;

Яна қилди шопури шопур кин,
Ки офоқ анга бўлди зернигин. *Садди Искандарий*, 112-Т.

ЗЕҲН [زهن] – фаҳм, идрок, тезфаҳмлик:

Ва ўз шарифтабъ ва латиф зеҳнларидин дағи агарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмаққа моҳир эрди. *Муҳокаматул-луғатайн*, 190-Т;

Лекин зеҳни бориб қилиб ҳал,
Ул янглиғ ким набийи мурсал. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т;

~ **-у зако** – зеҳну заковат:

Анинг зеҳн-у закоси латофатидин ва ҳофизаси тезлиги зарофатидин бир неча калима хотирға келур. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т.

~ **и олий** – олий, юксак зеҳн:

Ани чун табъи пок-у зеҳни олий,
Қилиб эрди замон соҳибкамоли. *Фарҳод ва Ширин*, 326-Т.

ЗЕҲНЛИК [زهن ليک] – идрокли, тезфаҳм:

Кичик Мирза хуб табълиқ ва тез идроклик шўх зеҳнлик қаавий ҳофизалиқ йигит эрди. *Мажолисун-нафоис*, 197-Т;

Аммо баъд-у солим-у мавзун табълиқ назм аҳлиға ва матбуъ-у мулойим зеҳнлик шеър хайлиға маъруз ул ким бу банда... *Мезонул-авзон*, 11-Т;

...балки қобили фаҳм-у зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргузадур: *Мезонул-авзон*, 61-Т.

ЗИ-БОЛ [ذی‌بال] – тасмия ҳадисига ишора (куллу амрин зи-болин лам йубда бисмиллоҳи фа-ҳува ажрам, яъни Аллоҳнинг исми билан бошланмаган ҳар бир эслиг иш ўксукдир):

Бу ишга ҳадис ҳам эрур шоҳи ҳол,
Ким собит эрур кулли амрин зи-бол. *Хазойинул-маоний*, IV6-767.

ЗИД(Д) [ضدّ] – карши, қарама-қарши, акс, бир нарсанинг тескариси; мукобил, мухолиф:

Эл ичра эй ҳасуд сени қилди Ҳақ залил,
Ким ноҳақ элга зидд сен-у Ҳақ молиға бахил. *Фавойидул-кибар*, 721-Т;

Хўблар базмида жамъ ўлмаққа бор ул ой мужид,
Ҳуснин изҳор айламакка истар атрофида зид. *Хазойинул-маоний*, 1116-119;

Ҳубоби гунбади ақл уйига зид,
Нечук ким гунбади чархи мушаъбид. *Фарҳод ва Ширин*, 216-Т;

тўрт зид – бир-бирига қарама-қарши тўрт унсур (туфроқ, сув, ҳаво, ўт):

Сунъунг била тўрт зид мувофиқ,
Ҳукмунг била етти кўк мутобиқ. *Лайли ва Мажнун*, 39-Т;

Нечук ким тўрт уйига тўрт зидди нуқсони шойиъдур,
Бешинчи уйи дағи ағёрдин ул навъ зойиъдур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-126.

ЗИДДАЙН [ضدّين] – карама-каршилик, икки мукобил элемент:

Ҳамиша то аносир тўрт зиддайн,
Қилур таркиби инсонни мувофиқ. *Муншаот*, 9(10)-607; (14-204).

ЗИДДИЯТ [ضدّيت] – зиддият, қарама-каршилик:

Су бирла ўт аро чун зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаё суйидур ки ўтқа офат эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 523-Т.

ЗИЁ [ضياء] – нур, ёруғлик; равшанлик:

Равшандурур ки меҳр юзунгдин олур сафо,
Йўқса не важҳ ила қамар андин топар зиё. *Фавойидул-кибар*, 6-Т;

Муршиди атвор-у қутби авлиё
Кўнглида шамъи ҳидоятдин зиё. *Лисонут-тайр*, 251-Т.

~ **тут-** – ёрутмоқ:

Раҳматингдин зиё тутуб ҳар шамъ,
Бир шабистонни ёрутуб ҳар шамъ. *Сабъаи сайёр*, 10-19.

ЗИЁД [زياد] – ортиқ, кўп:

Манга айёми гарчи ёд эрмас,
Лек тўрт ойдин зиёд эрмас. *Сабъаи сайёр*, 10-409;

~ **бўл-** – зиёд бўлмоқ:

Муваффақ бу кун сенсен эй покзод,
Ки ҳар кун бу тавфиқинг ўлсун зиёд. *Садди Искандарий*, 212-Т;

~ **эт-/қил-** – орттирмоқ, кўпайтирмоқ:

Хуш ул ки лола киби лаъл жом аро майни,
Зиёда қуймақ ила ишратин зиёд этадир. *Бадойиул-васат*, 118-Т;

Ким бизни даҳи дуода ёд эт,
Бу ишқ ўти шуъласин зиёд эт. *Лайли ва Мажнун*, 194-Т;

... тарки жон айлаган бехонумон кўнгли ёди била ўз андуҳин зиёд қилур. *Мажолисун-нафоис*, 248.

ЗИЁДА/ЗИЁДАТ [زياده/زيادت] – ортиш; зиёда, ортиқ, кўп; ортиқча:

Истасанг қилмағасен жонинга меҳнатни зиёда,
Бўлғил ўз қисминга хурсанд-у тамаъ килма зиёдат. *Фавойидул-кибар*, 79-Т;

Чун ул иш эди хилофати одат,
Ҳар дам эди ғамлари зиёдат. *Лайли ва Мажнун*, 132-Т;

Чу таъриф эттилар ҳаддин зиёда,
Ҳавас қилди кўрарга шоҳзода. *Фарҳод ва Ширин*, 150-Т;

Ҳам демакдин зиёда яхшилиғи
Яхширақ олам аҳлидин қилиғи. *Сабъаи сайёр*, 10-25;

~ **бўл-** – зиёда, ортиқ бўлмоқ:

Эшиткач бу ҳабарни шоҳзода,
Нашоти бўлди айтурдин зиёда. *Фарҳод ва Ширин*, 258-Т.

~ **айла-/қил-** – зиёда айламоқ:

Шарбат ичарин ирода айлаб,
Қон ютмағини зиёда айлаб. *Лайли ва Мажнун*, 159-Т.

Суруб бу нукталарни шоҳзода,
Атонинг шавқини қилди зиёда. *Фарҳод ва Ширин*, 181-Т;

ЗИЁДАТЛИҒ [زيادت ليغ] – зиёдатлик:

Ложарам оташдин дам урди ва ҳар кун курбат зиёдатлиғининг истидъосида эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 303-Т.

ЗИЁЛИҒ/ЗИЁЛИҚ [ضياليغ/ضياليق] – нурли, ёруғ:

Ҳар неча қаронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-530; (14-100);

Топқач ани бу сифат зиёлиқ, (Т-361: **сафолиқ**)
Тақти отиға жаҳоннамолиқ. *Лайли ва Мажнун*, 9-295.

ЗИЁН [زيان] – 1. зиён, зарар:

Май ичмасанг Навоий зиёндур дебан не суд,
Йўқтур ўз элгимизда чу маҳв-у зиёнимиз. *Ғаройибус-сиғар*, 179-Т;

Булар жумласи чиёнлар халойикка еткурур зиёнлар. *Маҳбубул-қулуб,* 14-16;
Ва гар худ қасд қатлим эрди мақсуд,
Манга мундин зиён йўқтур санга суд. *Фарҳод ва Ширин,* 142;

2. чиқим (фойда-киримнинг муқобили):
Авқотингни ул нимага ким бояста ва шояста бўлмағай қачан суд қила олғай ул ки сармояни зиёнға бергай. *Насойимул-муҳаббат,* 97-Т;

~ **-у суд** – зиёну фойда:
Бу йўлда суд-у зиёндин такаллум этмангиз,
Тугатти ишқида савдо зиён-у судумни. *Бадойиул-васат,* 59;

~ **бўл-/ўл-** – зиён бўлмоқ:
Нечук қилғай бир иш аҳли маоний,
Ки суди оз-у кўп бўлғай зиёни. *Фарҳод ва Ширин,* 463-Т;
Неча хоро шиддат ўлса аён,
Андин ўлмас жавоҳириға зиён. *Сабъаи сайёр,* 10-71;

~ **айла-/қил-** – зарар келтирмоқ:
Вагар нақди жузвий зиён айласа,
Шукуҳини ортар гумон айласа. *Садди Искандарий,* 370-Т;
Хожа Абдуллоҳ ани шаҳрдин узр кўлди ки сенинг сўзинг элга зиён қилур. *Насойимул-муҳаббат,* 217-Т.

ЗИЁНБУД [زیان بود] – зиён, зарар; бадкирдорлик:
...воҳиди доно жабарути боргоҳиға кимса андин зиёнбуде тасаввур этмас. *Ҳайратул-аброр,* 7-22;
Не навъ иш бирла топти дин иши суд,
Не ишдин охират топти зиёнбуд. *Фарҳод ва Ширин,* 502-Т;

~ **ўл-** – зиён, зарар бўлмоқ:
Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб. *Ҳайратул-аброр,* 7-24.

~ **эт-** – зиён, зарар этмоқ:
Олғучи гар вахми зиёнбуд этиб,
Лек бу савдо чу қилиб суд этиб. *Ҳайратул-аброр,* 7-99.

ЗИЁНЗАДА [زیان زده] – зиён кўрган, зарарланган:
Фосиқ ва хаммор зиёнзада ва зиёнкор. *Маҳбубул-қулуб,* 14-105.

ЗИЁНКОР [زیان کار] – зиён етказувчи, зараркунанда:
Фосиқ ва хаммор зиёнзада ва зиёнкор. *Маҳбубул-қулуб,* 14-105.

ЗИЁНКОРЛИҚ [زیانکارلیق] – зиён етказувчилик, зараркунандалик:
Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлиқ ва ваъдаға вафо аларға бадкирдорлиқ. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-472; (14-35.

ЗИЁРАТ [زیارت] – зиёрат:
Шайх Шиҳобуддини Сухраварди қуддиса сирруху муридларидин бири анда эрди, анинг зиёратиға бардук. *Насойимул-муҳаббат,* 416-Т;
Мавлоно Масиҳий... Дерлар ким Макка зиёрати давлатиға мушарраф бўлди. *Мажолисун-нафоис,* 26-Т;

~ **айла-/қил-** – кўрмоқ; зиёрат қилмоқ:
Кеча кундуз ибодат айлар эди,
Ҳар дам ани зиёрат айлар эди. *Сабъаи сайёр,* 10-188;
Холо ҳам ул қабр зоҳирдур, халойиқ зиёрат қилурлар. *Насойимул-муҳаббат,* 91-Т;

ЗИЁРАТГОҲ/ЗИЁРАТГАҲ [زیارتگاه/زیارت گه] – зиёратгоҳ:

Ажаб йўқ эрса зиёратгаҳ аҳли обид ким
Ибодат эткали хуш ер дурур зиёратгоҳ. *Наводируш-шабоб*, 691-Т;

Бу қул бир неча кун зиёратгоҳда эрдим ким мирохур келгандурур. *Муншаот*, 14-167;

Яна бир дард-у ғамим огоҳи,
Ҳамдамим ёр зиёратгоҳи. *Фавойидул-кибар*, 694-Т;

Кўрдум ки Хожалар табақаси Ҳирий зиёратгоҳиға ки ул вақт шайх анда эрмишлар киribдурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 254-Т.

Мавлоно Тоифий... зиёратгоҳда бўлур. *Мажолисун-нафоис*, 112-Т.

ЗИЁРЕЗ [ضیاریز] – равшанлик:

Гаҳ Ясриб уза бу барқ иниб тез,
Зулматка ашиъаси зиёрез. *Лайли ва Мажнун*, 79-Т.

ЗИЁФАТ [ضیافت] – меҳмондорчилик, меҳмон кутиш; зиёфат:

Ул навъ ки расм эрур зиёфат,
Айлаб анга дағи кўп изофат. *Лайли ва Мажнун*, 298-Т;

Агарчи мизбони ани танимади, аммо чун бағоят важиҳ ва мутакаллим киши эрди зиёфат қоидасини яхши маръий тутти. *Тарихи мулуки ажам*, XIV-222;

Кўргузуб юз туман латофат ила,
Узатиб шоҳни зиёфат ила. *Сабъаи сайёр*, 10-342;

~ **қил-** – меҳмон қилмоқ, қорнини тўйғизмоқ:

Шайх ул жамоатни зиёфат қилди. *Насойимул-муҳаббат*, XV-75;

Ва ул добба Сулаймон алайҳис-саломға деди ким сен махлуқотни зиёфат қиладур эрмишсен. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-163.

ЗИЖ/ЗИЧ [زیج] – астрономия жадвали:

Чу бахт ахтари саъд ўлмади не суд эй ким
Сипеҳр зижини ҳал қилғали расад қилдинг. *Ғаройибус-сиғар*, 128-Т;

~ **и Кўрконий** – Кўрагоний жадвали; Улуғбекнинг астрономияга оид асари:

Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди Зижи Кўрконий. *Фарҳод ва Ширин*, 499-Т;

~ **бит-** – астрономик жадвал тузмоқ:

Улуғбек Мирзо... андак ким зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зижи арода шойиъдур. *Мажолисун-нафоис*, 194-Т.

ЗИЙНАТ [زینت] – зийнат, безак:

Билик гарчи кўрунур кўзга зийнат,
Вале шаҳларға бордур ўзга зийнат. *Фарҳод ва Ширин*, 499-Т;

Минай гушиш-у саъй рахшиға тез,
Сипаҳ зийнатиға қилайин ситез. *Садди Искандарий*, 74-Т;

~ **-у зеб** – зебу зийнат:

Ҳам ул навъ этиб наъши тартибини,
Дегандин фузун зийнат-у зебини. *Садди Искандарий*, 485-Т;

Жамол-у зийнат-у зеб-у сафода,
Бўлуб юз анча ким дори фанода. *Фарҳод ва Ширин*, 484-Т;

~ **и аврак** – зийнатли варақлар:

Меҳр шамъи дардидин қиссамни ёз эй чарх ким
Зийнати аврокинг ушбу доситон бўлғусидур. *Наводируш-шабоб*, 191-Т;

Юзи кўзгуга хатти юзга зийнат берди ким кўрмиш,
Қамарға субҳдин равнақ куёшқа шомдин зевар. *Бадойиул-васат*, 127-Т;

~ **и аср** – аср зийнати:
Яна бир бу ки айладим ети қаср,
Ҳар бири ўз чоғида зийнати аср. *Сабъаи сайёр*, 10-399;
~ **и бисот** – зийнатли асбоб-анжомлар:
Ани роғиб кўруб нашот айлаб,
Бодадин зийнати бисот айлаб. *Сабъаи сайёр*, 10-26;
~ **и камол** – камол зийнатли:
То камол аҳлидин мақол ўлғай,
Одами зийнати камол ўлғай. *Сабъаи сайёр*, 10-131;
~ **айла-/бер-** – безамоқ:
Феруза тугма бирла нигорим бўйнида киш,
Ой-у тунки чарх жавҳаридин зийнат айламиш. *Фавойидул-кибар*, 251-Т;
Ва каромат тожиға истиқомат гавҳари била зийнат бергай. *Муншаот*, 14-226.

ЗИЙНАТАФЗО/ЗИЙНАТАФЗОЙ [زینت افزا/زینت‌افرای] – безак берувчи, зийнатли этувчи:
...ва то сипеҳр эврулгай жаҳон аҳлиға инъомингиз ташрифи зийнатафзо бўлсун. *Муншаот*, 14-167;
Бари рахти дебойи Чин-у Хитой
Жавоҳир бари узра зийнатфизой. *Садди Искандарий*, 353-Т.
...андақ арз қилур ким ул чоғ ким Хуросон тахти кўраганлик давоси била зийнатафзой ва кўраган фарки жаҳонбонлиқ тожи била фалак фарсой эрди.
Ғаройибус-сиғар, 5-Т.

ЗИЙНАТАФЗОЙЛИҚ [زینت افزای لیق] – зийнат этувчилик, безаклик, безатилганлик, чиройлилик:
Қилиб неча дапқур сафоройлиқ,
Кийимдин қилиб зийнатафзойлиқ. *Садди Искандарий*, 404-Т.

ЗИЙНАТЛИҚ [زینت لیق] – безакли, безатилган:
Ҳирот дорус-салтанасининг равзаи эрам зийнатлиқ ва байтул-ҳарам манзалатлиқ балдаи фахирасининг шимол ҳаддида ким... *Вақфия*, 14-256.

ЗИЙНАТСИЗ [زینت سیز] – безаксиз, безатилмаган:
Жаҳон гулшани вафо гулидин зиннатсиздур ва башарийят гули вафо ройҳасидин накҳатсиз. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-508; (14-82).

ЗИЙРАК [زیرک] – ҳушёр; ақлли:
Даҳр боғи гулларида йўқ вафо эй андалиб,
Зийрак эрсанг тутмағил бу турфа бўстон бирла унс. *Бадойиул-васат*, 178-Т;
Кир фано водийси ичра ишқ рой бирла ким
Масх-у мабҳут ўлди анда зийрак-у доно хирад. *Фавойндул-кибар*, 128-Т;
Аммо багоят зийрак-у закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш.
Насойимул-муҳаббат, 390-Т.

ЗИЙРАКЛИК [زیرک لیک] – зийраклик:
Ул дебдур ки улуғлар сухбати кичикларга Тангри тавфиқларидиндур ва аларнинг зийракликларидиндур. *Насойимул-муҳаббат*, 170-Т.

ЗИКР [ذکر] – 1. зикр, тилга олиш, хотирлаш, эслаш:
Бу тарихда ғаробат бор ким тарихнинг ой ва кунининг зикридин йили ҳисоби «жумал қоидаси» била ҳосил бўлур. *Хамсатул-мутаҳайирин*, 15-35;
Борур дам оғзида Фарҳод зикри,
Ичинда дағи ул нашод фикри. *Фарҳод ва Ширин*, 442-Т;

2. суфийлар зикри, дарвишлар зикри; тасаввуф йўлидаги одамлар овоз билан Худонинг номини тилга олишлари:
Қувонди шайх зикри ҳалқасидин найласун мискин,
Алоло ичра кўрмайдур маломат кўйи авбошин. *Хазойинул-маоний*, IIIа-283;
Зикр кўнгул била Ҳақ ёди иштиғолидур ва тил била дағи ҳам ул такаллум мақоли. *Маҳбубул-қулуб*, 14-60;
3. баён (этиш), шарҳлаш:
Ул сафар асбоби солиҳ аъмолдур ва ҳамида хисол ва анинг зикри иккинчи қисмда тафсил ва тартиб била ракамға келди. *Маҳбубул-қулуб*, 14-117;

~ **и жаҳр** – ошкора баланд овоз билан тилга олиш:
Эй Навоий ёр ёдинда малак маҳрам эмас,
Факр одоби аро тажвиз қилма зикри жаҳр. *Хазойинул-маоний*, IIIб-145;

~ **и мулуки ажам** – ажам подшоҳлари зикри:
Муғанний ажам ичра тутқил нағам,
Сиғур анда зикри мулуки ажам. *Садди Искандарий*, 106-Т;

~ **и ниҳон** – пинҳон, яширин зикр, эслаш:
Ғизо ву қут олиб зикри ниҳондин,
Кирай андақ ки ҳаргиз чиқмай андин. *Фарҳод ва Ширин*, 439-Т;

~ **и фасл** – фасл, мавсум зикри:
Лаҳв-у исён бирла ўтти умр-у ҳеч иш қилмади,
Ўт тушар жонимға зикри фасл-у айём айлагач. *Фавойидул-кибар*, 99-Т;

~ **айт-** – худо номини тўхтовсиз такрорламоқ, эсламоқ:
Ҳақгўй қушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғачнинг бемалол янгшамағи маломат келтирур. *Маҳбубул-қулуб*, 116;
Тун-у кун айлабан анинг сўзин зикр,
Бузург уммид бирла кўп қилиб фикр. *Фарҳод ва Ширин*, 364-Т;

~ **бўл-/ўл-** – тилга олинмоқ:
Яна қўшиқдур ким арғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул ҳам зикр бўлубтур. *Мезонул-авзон*, 58-Т;
Ки юз мингдин бири зикр ўлмағай зикр ўлса юз минг қарн,
Бу юз минг қарндин ҳам бўлса ҳар бир лаҳза юз минг йил. *Ғаройибус-сиғар*, 10-Т;

~ **эт-/қил-** – 1. тилга олмоқ, эсламоқ:
Бу ишнинг салоҳи недур фикр этинг,
Қошимда чу фикр эттинггиз зикр этинг. *Садди Искандарий*, 351-Т;
Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳдин ўзга кишини ул мутабаррук китобда зикр қилмадилар. *Насойимул-муҳаббат*, XV-139;
Айта ҳам олмасам сифотингни,
Қилғамен зикр тилга отингни. *Вақфия*, 14-235;
2. баён қилмоқ, ёзмоқ, тавсифламоқ:
Андақ ки ул шариф китобнинг фиҳристида ул ҳазрат анинг кайфийятини шарҳ била зикр қилибтурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 1-Т.

ЗИКРИЁКИРДОР [ذکریا کردار] – зикриёкирдор, зикриё тарзли:
...висол шажарасидин самара топғанлар бошиға фалакнинг мухолиф ҳаракатидин ҳар жафо арраси келса зикриёкирдор тиллари жуз холики бечун ҳамдиға зокир бўлмағусидурур. *Муншаот*, 14-146;

ЗИКРЛИК [ذکرلیک] – отлиқ, номлик, аталган, номланган; машҳур бўлган:
Жамил зикрлик ўлған жамолинг этти таманно,
Вусул фикрлик элга висолинг ўлди тавалло. *Наводируш-шабоб*, 2-Т.

ЗИЛ(Л) [ظلّ] – соя; қўламка; ҳомийлик:

Чатри иқболингиз қилиб олий
Шоҳка офоқ зилли иқболи. *Сабъаи сайёр*, 10-23;
Тавфидин улуска зилли шоҳи,
Атрофи сипеҳр саждагоҳи. *Лайли ва Мажнун*, 48;

~ **и жоҳ** – мартаба кўланкаси; улуғворлик:

Ки ҳаётини Ҳақ мудом этсун,
Зилли жоҳини мустадом этсун. *Сабъаи сайёр*, 10-249;
Пас авло бу ким кай тараф тутса шоҳ,
Киши зилли жоҳиға чекмай паноҳ. *Садди Искандарий*, 445-Т;

~ **и Илоҳ/Илоҳий** – худо сояси; худо ҳомийлиги; подшо:

Шаҳриёре бор эди шоҳларға шоҳ,
Олам аҳли бошида зилли Илоҳ. *Лисонут-тайр*, 191-Т;
Қани сенинг киби маҳбуби оқибат Маҳмуд,
Ки зилли отифатинг бўлсун эл уза Маҳмуд. *Бадойиул-васат*, 93-Т;
Қилди шараф касбини шоҳ отидин,
Меҳр карам зилли Илоҳ отидин. *Ҳайратул-аброр*, 10-197;
Зиҳи нозил мақоминг тахти шоҳи,
Тушуб тожинг уза зилли Илоҳий. *Муншаот*, 14-66;

~ **и иқбол** – бахт эгаси:

Чу Арман сари солди зилли иқбол,
Тилаб ул элни таҳқиқ айлади ҳол. *Фарҳод ва Ширин*, 488-Т;

~ **и рафъат** – меҳрибонлик сояси:

Ғам қуёшидин куюб эрдим Навоий солмаса,
Зилли рафъат шаҳриёри додгустар бошима. *Наводируш-шабоб*, 564-Т;

~ **и шафқат** – раҳмдиллик, шафқат ҳомийлиги:

султони бандапарварнинг сояи давлатин ва зилли шафқатин борча маҳзун бандалар ва мағбун сарафкандалар бошиға поянда ва мустадом тутсун.
Муншаот, XIII-151;

~ **и шоҳи** – шоҳ ҳомийлиги:

Тавфидин улуска зилли шоҳи,
Атрофи сипеҳр саждагоҳи. *Лайли ва Мажнун*, 188-Т.

ЗИЛЗИЛА/ЗАЛЗАЛА [زلزله] – ер қимирлаши:

Чекиб гурдлар наъра ҳойила,
Ки солиб ер ажзосиға зилзила. *Садди Искандарий*, 184-Т;
Чу бўлди тун қаро тоғи нигунсор,
Нечук ким зилзила бўлғанда куҳсор. *Фарҳод ва Ширин*, 155-Т.

ЗИЛЗОЛИҲО [زلزالها] – зилзила, ер қимирлаши:

Зуҳур айлабан арз зилзолиҳо,
Ва ахражжатул-арз асқолаҳо. *Садди Искандарий*, 184-Т.

ЗИЛЛАТ [ذلّت] – хорлик, тубанлик, пастлик:

Ва мен ҳам алардин эрдим ва мендин зиллате вужудқа келди ва мени аларнинг аросида сурдилар ва холо бозорларда манга сили урдилар ва ул зиллат учун таъдиб қилурлар. *Насойимул-муҳаббат*, 360-Т;
Тахти иззат узра насб этса биравни даври чарх,
Аэл кўйининг ғубори зиллатиға арзимас. *Фавойидул-кибар*, 223-Т;
Манқулдур ким бани Исроил уламоси бир кун дедилар ким оё ҳеч бандаға бир кун ўткайму ким андин зиллати вужудқа келмагай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-159.

ЗИЛЛУЛЛОҲ [ظلّ الله] – Худо сояси, Худо ҳомийлиги; подшоҳ:

Андин сўнг шоҳ хизматин қил,
Ул зиллуллоҳ хизматин қил. *Лайли ва Мажнун*, 371-Т;

Ваҳдати жовид топкай шоҳқа,
Восил эткай ўзни зиллуллоҳқа. *Лисонут-тайр*, 43-Т.

ЗИЛУЧА [زلوچه] – зилуча, гиламча, полосча:

Ипак зилуча ҳам солдурди филҳол,
Деди ўлтурсун ул шўрида аҳвол. *Фарҳод ва Ширин*, 315-Т;

Чун ҳаводис тундводи эсди, барбод айлади,
Йўқ ки муҳр-у дафтар-у зилуча йўқ-у борни. *Бадойиъ ул-бидоя*, 1-638.

ЗИММА [ذمّه] – масъулият, бурч, карз;

Аҳли дин ул дурур ки килғай адо,
Бот агар зиммасинда дайи ўлғай. *Арбаин*, 16-65;

Атосидин йигирми минг дирам мерос қолди, аммо эл зиммасида эрди ўн мингни элга кечти ва ўн мингни олди. *Насойимул-муҳаббат*, 153-Т.

ЗИМН [ضمن] – 1. ора, ўрта, ич; мақсад, истак; яширин мақсад:

Қайда тавақкуфқа топиб иттисоф,
Зимнида ҳар ҳарф викор ичра Қоф. *Ҳайратул-аброр*, 7-32;

2. орасида, ўртасида, ичида (кўмакчи):

Бевафодур бу кадимий давр уза бу эски тоқ,
Кўрсанг анда нўши ишрат неши ғам зимнида боқ. *Хазойинул-маоний*, IIа-389;

Кўруб ул халқ бу арзи тазаллум,
Анинг зимнида бу ҳусни такаллум. *Фарҳод ва Ширин*, 271-Т;

Оз фурсат ким бу рукъалар жамъ бўлуб ва номалар йиғилиб эрдилар ким бу авроқ зимнида сабт бўлди. *Муншаот*, 14-134.

ЗИМОМ [زمام] – юган, тизгин; ихтиёр:

Жоми май чун иликдин олди зимом,
Бўлди эл гуфтугўйи беандом. *Сабъаи сайёр*, 10-160.

ЗИН [زين] – эгар:

Ва отнинг эйарин агарчи зин дерлар... *Муҳокаматул-лугатайн*, 177-Т;

Писандида сайр-у шитоби дағи,
Қатори ву зину рикоби дағи. *Садди Искандарий*, 292613.

ЗИНА [زينه] – поя; нарвон; зинапоя:

Сўнгра Зикриё анинг учун масжидда бир ғурфа ясатти ким эшики йўқ эрди. Зина била анга чиқар эрди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-174; (8(10)-588);

Чарх уза зина анинг минбари,
Пояси ул ерга ким Муштари. *Ҳайратул-аброр*, 7-309;

Магар ким осмоннинг зинаси бўлди анга минбар
Ки анда чиққан ўз ғайрин гумон айлар адам воиз. *Хазойинул-маоний*, 16-304.

ЗИНАЛИҒ [زينه ليغ] – поялик, зинапоялик:

Поя етти зиналиғ тахтингға етти чарх ўлуб,
Тахт пўшунг зийнати тарсиъ ахтар бўлди тут. *Хазойинул-маоний*, IIIб-75.

ЗИНАПОЯ [زينه پايه] – зина:

Топилди чун бу янглиғ турфа воя,
Кўрунди ташдин бир зинапоя. *Фарҳод ва Ширин*, 235-Т.

ЗИНДА [زنده] – тирик, жонли:

Шайх Жом ул муршиди олиймақом,
Зинда пили мастдек айлаб хиром. *Лисонут-тайр*, 174-Т;

~ **и жовид** – абадий тирик:
Шаҳ сифотиға бўлуб ирфонингиз,
Зиндаи жовид бўлғай жонингиз. *Лисонут-тайр*, 48-Т.

ЗИНДАГОНИЙ [زنده گانی] – ҳаёт, умр, тириклик; зулоли зиндагоний – тириклик суви:
Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт ул ким иноятномае ким саводи зулматидин ҳижрон тиғи қотилларига зулоли зиндагоний текургай. *Муншаот*, 14-193;
Зулматқа саводи гар нишони эрди,
Мазмун анга оби зиндагоний эрди. *Муншаот*, 14-157;
Чу табъидин окиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндагоний суйи. *Садди Искандарий*, 82-Т.

ЗИНДАГОНИЙЛИҒ [زنده گانی لیغ] – тирик бўлиш, ҳаёт кечириш:
Хар қачан ул ҳолға ким ҳаёт ва зиндагонийлиғдин мақсуд улдур ким футур юзланса мукаррардур ким бу рутбадин ул мартаба бийикрак бўлғай.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-29.

ЗИНДАГОНИЙСИРИШТ [زنده گانی سرشت] – тириклик зийнатли:
Гули халки андақ ки боғи биҳишт,
Суйи чашмаи зиндагонийсиришт. *Садди Искандарий*, 98-Т.

ЗИНДАГОНЛИҒ/ЗИНДАГОНЛИК [زنده گان لیغ/زنده گان لیق] – тирик бўлиш, ҳаёт кечириш:
Ва ҳақ важд била анда тасарруф қилғай, йўқ ки ҳазл била ва зиндагонлиғ йузидин ани англағай, йўқ ки ақл била. *Насойимул-муҳаббат*, 199-Т;
Ҳар қачан ул ҳолға ким ҳаёт ва зиндагонлиғдин мақсуд ул дур ким футур юзланса муқаррардур ким бу рутбадин ул мартаба бийикрақ бўлғай.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-29; (5(10)-751);
Ва ҳам ул дебдур ки ажаб келур манга биравдин ким билгандин сўнгра ки анга Тангри сари йўлдур анинг ғайри била нечук зиндагонлик қилур.
Насойимул-муҳаббат, 137-Т.

ЗИНДАДИЛ [زنده دل] – дили тоза, ичида кири йўқ:
Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлиға ҳай,
Пас не ассиғ ани ҳайдин кавламағлиғ эй араб. *Гаройибус-сиғар*, 61-Т;
Ул зиндадил ҳаёти абад васлдин топар,
Ким неши ғамни нўш дер-у дардни даво. *Фавойидул-кибар*, 6-Т.

ЗИНДАДОР [زنده دار] – жондор:
Ул ой васлин тилар бўлсанг Навоий,
Ҳам ўл шаб зиндадор-у ҳам саҳархез. *Наводируш-шабоб*, 209-Т.

ЗИНДАПИЛ [زنده پیل] – ҳайбатли фил:
Ало то абри нисон зиндапили,
Кияр бир густувони чархи нили. *Фарҳод ва Ширин*, 99-Т;
Кўруб сармаст жоми ваҳдат ани,
Демишлар зиндапили ҳазрат ани. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-61; (5(10)-777);
Шайх Жом ул муршиди олий мақом,
Зиндапили мастдек айлаб хиром. *Лисонут-тайр*, 174-Т;
Баридин бурун зиндапили дамон,
Ки титраб алардин замин-у замон. *Садди Искандарий*, 289-Т.

ЗИНДИҚ [زندیق] – моний динига мансуб киши; динсиз, худосиз:
Моний мусаввири зиндиқ анинг замонида пайдо бўлди.
Тарихи мулуки ажам, 16-226; (8(10)-625);

Сен нечук ўзунгни мундақ жунун ва бесаруполиққа солибсен ки сени тилаб сўрасалар Рай аҳли кофир ва зиндиқ била таъбир қилурлар?

Насойимул-муҳаббат, 60-Т;

Борди Юсуф қолмади Қобус ҳам бўлмай адам,
Ичтилар жоми фано сиддиқ ҳам, зиндиқ ҳам.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-129; (8(10)-558).

ЗИНДИҚА [زندیقه] – динсиз аёл:

Сўз асносида бир сўз деди ва авом ул сўзнинг маъносиға етмайани ҳулул ва зиндиқаға нисбат бердилар ва мадуд қилдилар. *Насойимул-муҳаббат*, 45-Т;

Ва Ҳалаб аҳли анинг шонида мухталиф эрдилар ва баъзи ани илҳод ва зиндиқаға нисбат қилур эрдилар. *Нисойимул-муҳаббат*, 382-Т;

...бир қаро канизак кўрдум ки атфол анга тош урарлар эрди ва дерлар эрди ки бу зиндиқа дер ки мен Тенгрини кўрармен. *Насойимул-муҳаббат*, 451-Т;

Моний наққошнинг миллати ким зиндиқа эрди, анинг замонида шойиъ бўлди.

Тарихи мулуки ажам, 16-226;(8(10)-626).

ЗИНДОН [زندان] – 1. зиндон, камоқхона:

Ҳажр зиндони сийаҳҳол ўлди оҳим дудидин,
Эмди зиндон этти ишқ аҳлиға бу зиндонни дуд. *Ғаройибус-сиғар*, 118-Т;

Чу зиндондин кочти ул бенаво,
Нашот-у фараҳ бирла тутти ҳаво. *Садди Искандарий*, 439-Т;

2. қоронғилиқ; ғам, қайғу:

Шаҳр бир ой фурқатида байтул-аҳзондур манга,
Бир гул раъно ғамидин боғ зиндондур манга. *Ғаройибус-сиғар*, 38-Т;

Деди йўл аҳлиға зиндондур жаҳон,
Нега ким матлуби кўздиндур ниҳон. *Лисонут-тайр*, 166-Т;

Кўнглум уйин этти қайғу зиндон,
Жисм уйи яна қаронғу зиндон. *Лайли ва Мажнун*, 166-Т;

~ **аҳли** – маҳбуслар:

Зиндон аҳли туш кўруб бир бирига айтсалар эрди, таъбир қилур эрди ва ҳеч таҳаллуф қилмағандин зиндон аҳли мутаажжиб бўлур эрдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-124;

~ **и андух** – зиндон ғами, қайғуси:

Деман тун ани ким зиндони андух,
Бу зиндонға қолиб ул кони андух. *Фарҳод ва Ширин*, 394-Т;

~ **и ғам** – зиндон ғамлари, изтироби, қайғулари:

Мисри иззат истаган зиндони ғамдин қочма ким
Моҳи Канъон тахтиға бойис мазаллат жоҳидур. *Наводируш-шабоб*, 158-Т;

~ **и ҳажр** – ҳижрон зиндони:

Висол боғини сўрманг ки мен не бўлғаймен,
Фироқ мулкида зиндони ҳажр аро қолиб. *Фавойидул-кибар*, 70-Т;

~ **и ҳажрон** – айрилиқ ҳажр, ҳижрон зиндони:

Гулшани васлин манга зиндони ҳижрон айлабан,
Муддаъиға ҳажр зиндонини гулшан қилди ло. *Наводируш-шабоб*, 572-Т.

ЗИНДОНИЙ [زندانی] – камалган, маҳбус:

Муни бил ким жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру. *Фарҳод ва Ширин*, 239-Т;

Чин деб келса ани эмди
Айлай кўксумда зиндоний. *Хазойинул-маоний*, IVб-642.

ЗИНДОНЧА [زندان چه] – зиндонча, зиндондек:
Анга ким бузуқ кулба зиндонча бор,
Қошида анинг боғи ридвонча бор. *Садди Искандарий*, 440-Т.

ЗИН-НУРАЙН [ذی النورین] – Муҳаммад пайғамбарнинг икки қизига уйланган ҳазрати Усмон:
Мул ҳаё кони ки нурул-айн эди,
Ўйла ким айнайни зин-нурайн эди. *Лисонут-тайр*, 30-Т.

ЗИНО [زنا] – зино; ~ **қил-** – зино қилмоқ:
Журм-у гунаҳлардин ўтуб келтурма юзга қўркутуб,
Лола агар соғар тутуб мусича гар қилмиш зино. *Фавойидул-кибар*, 5-Т;
Бирав ул фавоҳишидин бири била зино қилғач ароларига тоун тушти.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-149; (8(10)-571).

ЗИНҲОР [زنهار] – 1. зинҳор, асло, таъкид, огоҳлантириш:
Эшитмакка қилма жадал зинҳор,
Анинг бирла қилғил амал зинҳор. *Садди Искандарий*, 511-Т;
Ҳар қачан биравни топсанг ки бизоатинг анинг илкида бўлғай ва дардингга анинг доруси мувофиқ зинҳор этакин иликдин берма ва берк тут.
Насойимул-муҳаббат, 18-Т;
Вале бир кун-у бир кеча зинҳор,
Ки бу пардада яхши бўл пардадор. *Садди Искандарий*, 328-Т;
2. ҳаргиз; ҳар қачон, доимо:
Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳон сари азимат зинҳор.
Тоат била бер ўзунгга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор. *Назмул-жавоҳир*, 15-162; (10(10)-67);
3. илтижо, илтимос,ялиниб сўраш:
Ясарда дайри фано даргоҳида қабримни,
Барисига будурур илтимос-у зинҳорим. *Хазойинул-маоний*, IIб-405;
4. эҳтиёт бўлиш, огоҳ бўлиш:
Бодаи васлин ғанимат тут Навоий зинҳор,
Ким не қонлар ким бу гулгун сувни истаб ютмадинг. *Хазойинул-маоний*, IVб-358;
~ **зинҳор** – аҳамият бермоқ:
Чекибтур саъй этиб бисёр бисёр,
Юдик бошдин оёқ зинҳор зинҳор. *Фарҳод ва Ширин*, 456-Т.

ЗИРА [زره] – зира, зиравор:
Ҳам йибарур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари. *Ҳайратул-аброр*, 7-145.

ЗИРИҲ I [زره] – зирак, сирға:
То қулағингга зириҳ солдинг-у қошингга гириҳ,
Хаста кўнглумдадурур юз гириҳ андақ зириҳ. *Хазойинул-маоний*, IVб-529.

ЗИРИҲ II [زره] – совут; уруш кийими:
Тир борони балодин чун таним бўлмиш зириҳ
Йўқ Навоий эмди андин ғам тани урёнима. *Хазойинул-маоний*, IIIа-309;
Зириҳни не қилай хафтонни найлай
Ўк-у ёни нетай қалқанни найлай? *Фарҳод ва Ширин*, 491-Т;
Уч юз олтмиш олти лаъб-у гириҳ,
Ўтуб ким синон учи кўрмай зириҳ. *Садди Искандарий*, 193-Т;
~ **узра зириҳ** – занжир, жингила-жингила:
Сунбули зулфи гириҳ узра гириҳ,
Қайси гириҳ ким зириҳ узра зириҳ. *Ҳайратул-аброр*, 7-195; (6(10)-171);

Мимлар анда гирих узра гирих,
Жазмлар анда зирих узра зирих. *Ҳайратул-аброр,* 7-13; (6(10)-7).

ЗИРИҲГАРЛИК [زره گرلیک] – зириҳ ишлаб чиқарувчилик, совут ясовчилик:
Тангри таоло зириҳгарлик санъатин анга каромат қилди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-158; (8(10)-577);
Яна бир муъжизи бу эрди ким зириҳгарлик ҳожати ифрор йўқ эрди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-158.

ЗИРИҲПЎШ [زره پوش] – зирҳ кийган (жангчи):
Сафшикан ул турки баногўш ўлуб,
Қатл ҳаёлиға зириҳпўш ўлуб. *Ҳайратул-аброр,* 7-195;
Деди Хисрав: сен этсанг ани беҳуш,
Камингаҳда қўяй мен юз зириҳпўш. *Фарҳод ва Ширин,* 149.

ЗИРНИХ [زرنیخ] – олтингугурт:
Қизил олтун сариғ зирнихдин кам,
Кумиш қадри қаро туфрағдин ҳам. *Фарҳод ва Ширин,* 106-Т;
Суфратда неча ки қилса тавбих,
Олтун била тенг бўлурму зирних. *Лайли ва Мажнун,* 364-Т.

ЗИРОАТ [زراعت] – 1. экин экиш, деҳқончилик:
Ва дебдурлар ки анинг барзигари ва деҳқонлиғ олотидин бири била ки вақф экандир анинг зироатида иш қилған экандур. Ул воқиф бўлғач ул зироат маҳсулиға дахл қилмайдур. *Насойимул-муҳаббат,* 322-Т;
Яна ул эрди ким чун ул ҳазрат ҳукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин маош мазрааси ёбис қолмасун деб бирор нима зироатқа иштиғол кўргуздум.
Вақфия, 9(10)-649; (14-255);
Зулм риштасин узучи ва авқоф бузуғин тузгучи ва зироат касратида саъй кўргузгучи. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-458; (14-17);
2. экин:
Бир кун уюклаб уйғангач кўрди ким кўйи бирав зироатиға киритбур.
Насойимул-муҳаббат, XV-98;
дахл-у зироат – экин, деҳқончилик ишига алоқадор:
Дахл-у зироат била ул турфа наҳр,
Мазраъини кент қилиб балки шаҳр. *Ҳайратул-аброр,* 7-315.

ЗИРОАТЛИҒ [زراعتلیغ] – серҳосил:
Юсуф алайҳис-салом айтти ким семиз кўйлар тоза хўшалар тўқлук ва зироатлиғ йилға далилдур. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-125; (8(10)-556).

ЗИРҲ [زرح] – совут; ~ **и хаёл** – хаёл зирҳи:
Анга ярманиб хуша зирҳи хаёл,
Сипеҳр узра чиқмағни кўрмай муҳол. *Садди Искандарий,* 302-Т.

ЗИСТ [زیست] – ҳаёт, тириклик; ~ **қил-** – яшамоқ, тирикчилик қилмоқ:
Невчун ки ҳаргиз нафсим муроди била зист қилмайдурмен.
Насойимул-муҳаббат, 233-Т;
Муфрит зуҳд-у тақво била зист қилур эрдилар. *Насойимул-муҳаббат,* 416-Т.

ЗИСТГОҲ [زیست گاه] – ҳаётгоҳ, тириклик манзили:
... ва замир хилватгоҳини хавотир ғавғосидин муарро ву кўнгул зистгоҳини васовис хужумидин мубарро қилдим. *Ғаройибус-сиғар,* 3(20)-16.

ЗИФОФ [زفاف] – тўй, никоҳ:
Яна чангадур ки турк улуси зифоф ва қиз кўчурур тойларида ани айтурлар... ва ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар. *Мезонул-авзон,* 59-Т.

ЗИШТ [زشت] – хунук, ёмон:

Бу иш гар хўб агар зишт эрди бори,
Манга биллоҳ йўқ эрди ихтиёри. *Фарҳод ва Ширин*, 249-Т;

Зишт эрса гар элдин етурур раҳмат анга,
Хўб эрса гар элга кўргузур лаънат анга. *Хазойинул-маоний*, 16-742;

~ **ўл-** – хунук, ёмон бўлмоқ:

Ёзганим хўб йўқса зишт ўлди,
Манга найлай бу сарнавишт ўлди. *Сабъаи сайёр*, 10-411;

Бу ишқ гар ўлса зишт ё хуб,
Айларлар улус бу ҳайға мансуб. *Лайли ва Мажнун*, 154-Т;

~ **қил-** – хунук, дағал қилмоқ:

Балки андақ зишт қилмиш бўлғай ки кундин кунга муҳаббат сарриштаси маҳкамрақ ва... мустаҳкамрақ бўлмиш бўлғай. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 113-Т.

ЗИШТЛИҒ [زشت لیغ] – хунуклик, ёқимсизлик:

Ул дебдур ки банданинг Ҳаққа муҳаббати софий бўлмағай, то зиштлиғни барча оламға қўймағай. *Насойимул-муҳаббат*, 61-Т.

ЗИҲ [زه] – пайдан қилинган тор; камоннинг ипи, гириши:

Коши ёсиға дедим чилла керак риштаи жон,
Бу сўзумга не ажаб бор эса ҳар гўшада зиҳ. *Фавойидул-кибар*, 511-Т;

Эрур одамға монанд-у мушобиҳ,
Илигида темурдин ё қилиб зиҳ. *Фарҳод ва Ширин*, 226-Т;

~ **от-** – камондан отмоқ; офарин ўқимоқ, таҳсин айтмоқ:

Дебан турки фалак отқанда зиҳлар,
Таваҳҳум торидин очиб гириҳлар. *Фарҳод ва Ширин*, 137-Т.

ЗИҲАЁТ [ذی حیات] – тирик, жонли ҳаёт соҳиби:

Зеҳаёт ўлмак учундур оқибат,
Бўла таҳқиқ этти аҳли маърифат *Лисонут-тайр*, 162-Т.

ЗИҲИ I [زهی] – 1. гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб:

Зиҳи висолингга толиб топуб ўзин матлуб,
Муҳаббатдин отингни ҳабиб атаб маҳбуб. *Хазойинул-маоний*, 1а-60;

Зиҳи рукъанг ҳаётимға васила,
Қўнгул захмиға марҳамлиғ фатила. *Муншаот*, 14-204;

Айириб ўзи бирла бўлди равон,
Зиҳи ҳам сипаҳдор-у ҳам паҳлавон. *Садди Искандарий*, 181-Т;

2. яхши, қандай яхши; офарин:

Сўзунгни хони нубувватқа Тенгри туз ясади,
Зиҳи камоли малоҳат, зиҳи каломи малиҳ. *Хазойинул-маоний*, 1116-105;

Тилаб уммат гуноҳин ҳар не ким истаб топиб бахшиш,
Зиҳи сойил зиҳи бозил зиҳи рифъат зиҳи миърож. *Фавойидул-кибар*, 95-Т.

ЗИҲИ II [زهی] – худди ўзи, жуда, энг:

Ажал гар сўнгғи дам бўлса бу дам коминг Хизир умри,
Бу номаълум мовъидқа бино қўйған зиҳи ғофил. *Хазойинул-маоний*, 116-377;

Ва филҳақиқат жоҳилликдин бесаодатликрақ не нима бор?
Ул ки ўзин биганғай зиҳи ғабоват ва ул ки ўз сўзин биганғай зиҳи шақоват!
Маҳбубул-қулуб, 100.

ЗИҲОФ [زحاف] – аруз фани атамаси, вазн жузвларида бўладиган ўзгариш:

Анинг шарҳи будур ки ул девонда ҳар газал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазида эрканин ва аркониға кайси зиҳоф кириб, не навъ тағайюр топқонин битқайлар. *Мезонул-авзон*, 12-Т.

ЗИҲОФОТ [زحافات] – зиҳофлар; аруз фани атамаси:
«Ҳазаж» баҳрида «аҳраб» зиҳофотида ўткан яна уч рубоий ки ҳар бир мисраъ ўзга вазнда эрди ким бу ҳам ўн икки вазн бўлур, бу шажарада жамъдур.
Мезонул-авзон, 40-Т.

ЗОБ [زاب] – хислат, хосият, сифат:
Бўлуб зоб Таҳмосбнинг навбати,
Фалакдин ўтуб чатрининг рифъати. *Садди Искандарий*, 106-Т.

ЗОБИЛ [زابل] – зобиристон:
Кишвари Зобил анга арзони,
Рустами Зол таки дарбони. *Фавойидул-кибар*, 69.

ЗОБИЛИСТОН [زابلیستان] – Зобилистон (мамлакат номи):
Агар Зобилистон солди футур,
Вале байти мақдиска берди сурур. *Садди Искандарий*, 108-Т.

ЗОБИТ [ضابط] – забт этувчи; кумондон:
Суруб элни зобит сипаҳдорлар,
Сиёсат тарикида ғаддорлар. *Садди Искандарий*, 175-Т;
Ҳосил ким номарбут сўзум бу навъ ясамак била зобит ва номазбут назмим бу янглиғ безамак била робита топар эрди. *Ғаройибус-сиғар*, 14-Т.

ЗОБИТА [ضابطه] – қонун-қоида, дастур, тартиб, низомнома:
Ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу арзи ҳолотдин бу эрди ким чун туркий алфози била ким назм воқиъ бўлубтур анга зобитае ва қонуне йўқ эркандурур.
Мезонул-авзон, 61-Т;
Бу девон Иншоаллоҳ бу зобита била ким мазкур бўлур мукаммал бўлғай.
Ғаройибус-сиғар, 17-Т;

~ **и русум** – қонун-қоида, дастур тартиблари:
Зобитаи русуми шоҳида ким корхонаи илоҳидин номудор дурур.
Садди Искандарий, 205-Т.

ЗОВИЯ [زاویه] – 1. бурчак; уй бурчаги; ҳужра:
Ул азиз чун ул воқиъадин уйғанди, ҳамул оқшом Шайхнинг зовияси эшигига борди. *Насойимул-муҳаббат*, 424-Т;
2. чет жой, канор; овлоқ жой:
Табризда ул зовияда ки сокин эрмишлар хилвате эрмиш ки кеча анда бўлур эрмишлар ки ўзларидин ўзга киши анда етмас эмиш.
Насойимул-муҳаббат, XV-180;

~ **и зуҳур** – ҳужра зуҳури, пайдо бўлиши:
... аммо баъзи вужуд анжуманида зовийи зуҳур ва бакодадурлар.
Мажолисун-нафоис, 177-Т;

~ **и фано** – фанолик ҳужраси, зовияси:
Ҳам фақр тарикида хиромин айла,
Ҳам зовияи фано мақомим айла. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-482; (14-47);

~ **и хок** – ер юзи, дунё:
Шахслари зовияи хок уза,
Сайрлари гулшани афлок уза. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;

~ **и ҳашм** – ҳужра ҳашами:
Зовияи ҳашмға ҳар зотдин,
Руҳ ёқиб шамъ бу мишкотдин. *Ҳайратул-аброр*, 7-33; (6(10)-26).

ЗОД I [زاد] – озиқ-овқат; дастмоя; рухий озик:
Яъни бу йўл зодидур безодлиғ,
Зод-у тўша кайдидин озодлиғ. *Лисонут-тайр*, 169-Т;

Оламға видоъ эттим оч ул юзни даме ким
Зоди абад элтай чу борған била бордим. *Хазойинул-маоний*, 1а-303;
Мен эллик хаж килибмен бош яланг, аёғ яланг ва зод-и хамроҳсиз.
Насойимул-муҳаббат, 203-Т;

~ **и рох/рах** – 1. йўл озиғи, сафар асбоби:
Бир зарра оғзи рамзини хар ким ки англади,
Йўли адам тарикидур-у зод раҳи фано. *Фавойидул-кибар*, 6-Т;
Яна икки юз кемади зоди роҳ,
Бўлуб ул иш аҳлиға оромгоҳ. *Садди Искандарий*, 446-Т;
Мақсуд чу шоҳи динпаноҳ ўлди манга,
Укбо сари ҳар не зоди рох ўлди манга. *Вақфия*, 9(10)-649; (14-256);
2. руҳий озиқ:
Бўйла водий қатъида беиштибоҳ,
Ғамни этмишлар эранлар зоди роҳ. *Лисонут-тайр*, 165-Т;
Не соликка ким дашт этиб жилвагоҳ,
Таваккулни айлаб анга зоди роҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 507-Т;

~ **и ғам** – озиқ-овқат ғами:
Анда ким йўқтур бу ғам эр эрмас ул,
Зоди ғамдин топти қатъ эткан бу йўл. *Лисонут-тайр*, 165-Т;

~ **эт-** – озиқ ҳозирламоқ:
Тиларсен фақр даштин қатъ қилғайсен эранлардек,
Бағир су қил юрак парголасидин ўзга зод этма. *Фавойидул-кибар*, 507-Т.

ЗОД II [زاد] – бола, фарзанд, авлод:
Булар ким анинг зод-у пайвандидур,
Бари бизга фарзанд фарзандидур. *Садди Искандарий*, 529-Т;
Ё ҳиднажод-у ҳинду ву зод
Ким қасрларини қилди обод. *Лайли ва Мажнун*, 60-Т;
Лақаб қаъқаро деб анга аҳли кин,
Ери қирвон зоди машриқзамин. *Садди Искандарий*, 407-Т;

~ **и абад** – мангулик озиқи:
Оламға видоъ эттим оч ул юзни даме ким
Зоди абад эткай чу бу борған била бордим. *Ғаройибус-сиғар*, 327-Т;

~ **и иффатмаоб** – поклик, номуслик зоди, фарзанди:
Яна зоди иффатмаобингни ҳам,
Шабистон аро офтобингни ҳам. *Садди Искандарий*, 273-Т;

~ **и шакаррез** – ширин забон, ёқимли фарзанд:
Киши мундақ бўла олмай гуҳаррез,
Магар ул ҳиндуйи зоди шакаррез. *Фарҳод ва Ширин*, 96-Т.

ЗОДА [زاده] – зода, фарзанд:
Табъингға фақр нуктаси гар зода бўлмаса,
Бўлған недур халифаи даврон санга халаф. *Хазойинул-маоний*, 1116-307;
Зода мурид-у атони пир бил,
Ҳар ишда ҳукмиға таъсир бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-33;

~ **сидин зода** – фарзандидан фарзанд:
Зодасидин зода бўлуб беадад
Зодаға ҳам волид ўлуб ҳам валад. *Ҳайратул-аброр*, 7-57;

~ **и табъ** – кўнгилли, қобилиятли, хушфаҳм, фаросатли фарзандлар:
Неча зодаи табъ эрур нописанд,
Кишининг ўз оллида бор аржманд. *Садди Искандарий*, 520-Т;
Ва мубтадийға яна одатдур ким табъидин ул нима бош урса чун ўз зодаи табъи ўзига маҳбуб эканга мажбулдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 179-Т;
~ **бўл-** – фарзад бўлмоқ:
Бу хас ҳам йўқ ки андин зода бўлғай,
Сукун-у сайр аро балким қўшулғай. *Фарҳод ва Ширин*, 507-Т.

ЗОДСАРВ [زاد سرو] – озод сарв, сарвзод; гўзал қадли санам:
Не бурно зодсарви бўстоний,
Кўруб даврондин осиби хазоний. *Фарҳод ва Ширин*, 296-Т;
Латофат жўйборининг тазарви,
Малоҳат гулшанининг задсарви. *Фарҳод ва Ширин*, 468-Т;
Деди к-эй зодсарви бўстоний,
Валекин тоқан осиби хазоний. *Фарҳод ва Ширин*, 278-Т.

ЗОДСИЗЛИК [زادسيزليق] – озиқ-овқатсизлик, нарсасизлик, емишсизлик:
Гар фано даштиға киргунгдур су худ кўз ёши бас,
Лекин аввал зодсизлик зодини омода эт. *Наводируш-шабоб*, 88-Т.

ЗОЙИД [زائد] – ортиқ, кераксиз, ортиқча:
Зойил айлар нуқтаи зойид мисол,
Юз туман кўз мардумин бир турфа ҳол. *Лисонут-тайр*, 127-Т;
~ **қил-** – қўшмоқ, орттирмоқ:
Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳам ул ҳолиға муболаға учун анинг аввалида аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб ул шайъға зойид қилурлар. *Муҳокаматул-луғатайн*, 178-Т.

ЗОЙИДА [زائده] – зиёда:
Кўркмакдин кимсага йўқ фоида,
Ғайр кўрмаклик ҳумуми зойида. *Лайли ва Мажнун*, 162-Т;
Сикандарга чу етти бу фоида,
Савол этмади нуктаи зойида. *Садди Искандарий*, 287-Т.

ЗОЙИДУЛ-ҲАДД [زائد الحد] – зиёда даражада:
... барчанинг вазъи зойидул-ҳадд ва беназир фардлар лутф-у равонликда муфрад... *Ғаройибус-сиғар*, 21-Т.

ЗОЙИЛ [زائل] – йўқ бўлувчи, йўқолувчи; фоний:
Чу кўнгли бар анинг риққатка мойил,
Эрур андин ташаддид нақши зойил. *Фарҳод ва Ширин*, 174-Т;
Ҳар дам йиқилурға жисми мойил,
Ҳуши дағи лаҳза лаҳза зойил. *Лайли ва Мажнун*, 110-Т;
~ **-у бадҳол** – зайилу ёмон ҳол, бадҳол; ақлдан озиб телбалик ҳолат:
Анда ким сен қилибан жилваи хусн,
Ҳуш ўлуб зойил-у бадҳол хирад. *Бадойиул-васат*, 98-Т;
~ **бўл-/ўл-** – йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; ўчмоқ, сўнмоқ:
Анингдек бехабар ўлдум ўзумдин,
Ки зойил бўлди нур икки кўзумдин. *Муншаот*, 14-207;
Тун-у кун зойил ўлди хўрд-у хоби,
Бўлуб афзун дамодам изтироби. *Фарҳод ва Ширин*, 473-Т;
Кўнгул бўлғали жамолингға мойил,
Кўзумга хат ўлди ҳуснингға зойил. *Мезонул-авзон*, 47-Т;

Чун жисми жаҳони бўлди ҳойил,
Нури бу камарнинг ўлди зойил. *Лайли ва Мажнун*, 42-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўқ қилмоқ:
Эй ишқ нетиб ул қаро кўзни кўрайин ким
Кўзнинг қаросин ҳажрида ашк айлади зойил. *Фавойидул-кибар*, 368-Т;
Ҳайрат этти зойил андин ақл-у ҳуш,
Дарди ҳолин дер киши бўлди хамуш. *Лисонут-тайр*, 263-Т;
Ишқ аро Мажнунни дермен ким ўзумга охшатай,
Ҳушни зойил қилиб девоналиғни ўртагай. *Мажолисун-нафоис*, 243-Т;
Тузуб мажлис асосин соқийё ақлимни зойил қил,
Ки ҳайрат ожиз этмиш чархнинг олий асосинда. *Ғаройибус-сиғар*, 45-Т;
Қадаҳ наззораси ҳушумни зойил қилса айб эмас,
Ки шоҳид акси ҳар дам жилва айлар ушбу кўзгудин. *Наводируш-шабоб*, 500-Т.

ЗОЙИР [زائر] – зиёрат(чи):
Беишқ кўрунмай анда кўзга
Ҳар ён зойир малакдин ўзга. *Лайли ва Мажнун*, 379-Т;
Хайли малак куббасининг зойири
Ўйла ки сарв узра чаман тойири. *Ҳайратул-аброр*, 7-310;

~ **и Каъбайи саодат** – саодатли Каъбани зиёратчиси:
Эй зойири Каъбайи саодат,
Лутфунгдин этармен истифодат. *Лайли ва Мажнун*, 194-Т.

ЗОЙИЧА [زائچه] – мунажжим, раммоллар жадвали, варақаси; ~ **толиъ сол-** – мунажжим бахт, қисматни юлдузлар орқали аниқламоқ; қисмат жадвалига қарамоқ:
Яна нужум илмин анча билур эрди ким бир мавлид учун зойичаи толиъ солур эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т.

ЗОЙИЪ [ضایع] – зарар, зиён; бекор, беҳуда:
Уртанур ишқида парвона чекар ун булбул,
Ул гули шамъ жабин ишқида менмен зойиъ. *Хазойинул-маоний*, 16-310;

~ **и машаққат** – беҳуда бекор, зиён машаққат:
...мундақ девон битилса худ асру бехуда заҳмат ва зойиъи машаққат тортилған бўлғай. *Ғаройибус-сиғар*, 19-Т;

~ **бўл-/ўл-** – йўқолмоқ, бекорга кетмоқ:
Кўрди илм-у ҳикмати зойиъ бўлур,
Неча йиллиқ заҳмати зойиъ бўлур. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
Беш йилдин сўнгра бани Исроилға тоун заҳмати воқиъ бўлуб кўп халқ зойиъ бўлди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-173;
Кўнгул саҳифасидин рафъ қил хавотирни,
Ки сафҳа зойиъ ўлур чун чин қилур манқут. *Наводируш-шабоб*, 279-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – йўқотмоқ, нобуд қилмоқ, беҳуда кеткизмоқ:
Зойиъ айлабдур мени алудалиғ,
Қўймас ул йўлға бу ғам фарсудалиғ. *Лисонут-тайр*, 139-Т;
Ҳабиб ишқи аро бу ки ўлмадинг эй Хизр,
Ичиб ҳаёт суйи зойиъ айладинг авқат. *Бадойиул-васат*, 57-Т;
Қилиб таъна мусрифқа беинтиҳо,
Не ким зойиъ этканга берди баҳо. *Садди Искандарий*, 369-Т;
Ани одами тарбийят била зойиъ қилма ва мунга тарбийятингни зойиъ қилма. *Маҳбубул-қулуб*, 14-109;
Кўнглига ўтти ки анинг рўзгорин зойиъ қилдим. *Насойимул-муҳаббат*, 93-Т;

~ **кечур-** – беҳуда ўтказмоқ:
Зулфунг-у юзунг фироқинда туман ҳасрат била,
Ҳайф ким зойиъ кечурдум мунча сол-у моҳни. *Хазойинул-маоний*, 116-661.

ЗОЙИҚА [ذايقه] – маза, таъм билиш; завқ:
Босирау сомиау ломиса,
Зойиқа-у шомма била хомиса. *Ҳайратул-аброр*, 7-94; (6(10)-80).

ЗОК [زاک] – чарм қорайтириш учун ишлатиладиган бўёк:
Эй Навоий – шоми ғамдин айру йўқтур субҳи васл,
Оқ эрур, лекин қарартур ҳар нени ранг этса зок. *Ғаройибус-сиғар*, 342.

ЗОКИР [ذاكر] – зикр айтувчи, ҳамд-сано айтувчи:
Заррот аро ҳар зарра ки бор зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатра ки бор ҳамдингга гўё. *Ғаройибус-сиғар*, 28-Т;
Мен қушедурмен Кўҳистон манзилим,
Анда Тенгри ҳамдиға зокир тилим. *Лисонут-тайр*, 68-Т;
~ **бўл-** – зокир бўмоқ, шукр қилмоқ:
Танпўшунг дуруст бўлмаса тандуруслуғунға шокир бўл, ичинг қутиға ғизо топмасанг ич оғриғинг йўқ шукриға зокир бўл.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-546; (14-129);
Чу бўлдум ишкида фони ҳадисин сўрмангиз мендин,
Ки қолмас зикр зокир бўлса мазкуринда мустаҳлак. *Наводируш-шабоб*, 327-Т.

ЗОЛ I [ذال] – араб алифбесида з ҳарфининг номи:
Нечук ким бўлса дил лафзиға нуқта «зол» бўлур ҳосил,
Мазаллат икки айрилған кўнгулга етти холингдин. *Хазойинул-маоний*, III-255.

ЗОЛ II [ذال] – 1. қария (кампир, чол):
Қатъ этиб йўлни яёқ атфол ҳам,
Ҳар тараф икки букилган зол ҳам. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Бу воқиъа ичра нотавон зол,
Андин ки дегайлар ўлди бадҳол. *Лайли ва Мажнун*, 320-Т;
~ **и гардун** – қари, қария:
Бағоят ҳийлагардур золи гардун,
Агар эрсен ҳазар қилғил бу тулдин. *Фавойидул-кибар*, 430-Т;
~ **и дами сард** – совуқ нафас қария:
Совуғ дамлар била ул золи дами сард,
Чиқарди кўкка ул туфрағдин гард. *Фарҳод ва Ширин*, 442-Т;
~ **и замона** – қари, маккор замона:
Эй золи замона дод-у фарёд,
Атфолинга неча зулм-у бедод. *Лайли ва Мажнун*, 145-Т;
~ **и зар** – олтин кампир; фалак:
Сийм кучидин бўлубан симбар,
Халқ лақаб айлаб анга золи зар. *Ҳайратул-аброр*, 7-132; (6(10)-114);
~ **и маккор** – қари маккор:
Эй Навоий эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида. *Ғаройибус-сиғар*, 48-Т;
~ **и маккора** – маккор кампир:
Золи маккора балки Фарҳодкуши хунхора. *Фарҳод ва Ширин*, 185;
~ **и мехрпеша** – мехрибон, раҳмдил кампир; фалак:
Мактаб аро золи мехрпеша,
Кўнглини сўруб анинг ҳамиша. *Лайли ва Мажнун*, 143-Т;

~ **и нажанд** – афтода кампир:
Чу ашёсини олди золи нажанд,
Ҳам ул дам сипоҳ сари сурдум саманд. *Садди Искандарий*, 144-Т;
~ **и офоқ** – нуроний, қари; осмон:
Бу эрмиш расм бермак золи офоқ,
Чу масмум ўлди андин сўнгра тарёқ. *Фарҳод ва Ширин*, 400-Т;
~ **и рамидаҳуши фартут** – беҳуш жуда қари кампир; осмон:
Бир золи рамидаҳуши фартут,
Тадбири хато ву ақли мабҳут. *Лайли ва Мажнун*, 176-Т;
~ **и фалак** – фалак, осомн; тақдир:
Машшота санга золи фалакдур магар эй ой
Хуршид анга кўзгу. *Бадойиул-васат*, 469-Т;
Эй Навоий чу эрур золи фалак хисмға хасм,
Гар никоҳ ўлса талоқ эт йўқ қилма никоҳ. *Фавойидул-кибар*, 105-Т;
~ **и хирад** – қарилик, ақли, ақлли чол, пир:
Дайр пири ву манга муғбачалар,
Панжа урса юзига золи хирад. *Хазойинул-маоний*, 116-125;
~ **и чарх** – 1. фалак:
Бу навъ умид ила ки ногоҳ
Бўлса санга золи чарх кинхоҳ. *Лайли ва Мажнун*, 327-Т;
Сен даги кўргузма меҳр-у шўхлуғ эй золи чарх,
Ким билур сендин кўп ортуқ шўхи маккорим мининг. *Ғаройибус-сиғар*, 275-Т;
Хоксор ул ким бурутин елга берди золи чарх,
Ул кишиларнинг ки кўп кўргуздилар боди бурут. *Фавойидул-кибар*, 90-Т;
2. бир кечалик ой, ҳилол:
Ул ҳамлда хам қилиб қадин ҳам
Ул навъ ки золи чарх қади хам. *Лайли ва Мажнун*, 144-Т;
~ **и ҳийлагар** – ҳилагар кампир; фалак:
Чарх ўлди золи ҳийлагар анинг тариқи макр,
Тажрид эли талоқ бу маккора айлангиз. *Бадойиул-васат*, 159-Т;
~ **айла-** – зол айламоқ:
Ул сут била санъат айлабан зол,
Кўргузди панир курси филҳол. *Лайли ва Мажнун*, 279-Т.

ЗОЛ III [ضال] – 1. адашган, гумроҳ, йўлдан озган:
Рўзи ортуқ бўлмағин ҳар ким ки билгай чархдин,
Зол янглиғдур ки розиқ чархини қилғай хитоб. *Хазойинул-маоний*, 1Vб-46;
2. ёмонликка йўлловчи:
Бу Лайли эди недур хаёлинг,
Эрмас эди ҳийла пеша золинг. *Лайли ва Мажнун*, 335-Т;

ЗОЛ IV [ضال] – қадимги форс қаҳрамонларидан машҳур Рустам отасининг номи:
Ҳамоно ки келди тамошоға Зол,
Йиғачин ўпуб сурди мундақ мақол. *Садди Искандарий*, 344-Т.

ЗОЛИКА [ذلک] – бу; **ғайри золика** – ва бундан бошқалар:
... ва қозон ва аёқ ва табақ ва пиёла ва қашуқ ва ғайри золика керак бўлса тартиб қилиб бергай. *Вақфия*, 9(10)-658; (14-269).

ЗОЛИМ [ظالم] – зулм қилувчи, ситамгар, жабр қилувчи, адолатсиз:
Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. *Маҳбубул-қулуб*, 14-112;

Сен жафо қилғач кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шаҳ золим эл ичра зулмға эрмиш ривож. *Ғаройибус-сиғар*, 95-Т;
Не золим ки ҳар кимсага зулм этар,
Ики фойида зулмкешка етар. *Садди Искандарий*, 141-Т;
Фосиқдин ҳаё тилама золимдин вафо тилама. *Маҳбубул-қулуб*, 14-121;

~ **и кинахоҳ** – кек сақловчи, ўч олувчи; қасосчи:
Бу янглиғ тазаллум чукўргузди шоҳ,
Киноят била золими кинахоҳ. *Садди Искандарий*, 388-Т;

~ **и лаъин** – лаънати золим:
Невчун ки то тирик дурур ул золими лаъин,
Кўнглумгадур фалокат-у жонингғадур важаъ. *Наводируш-шабоб*, 289-Т;

~ **и хас** – разил золим:
Қилмади истимоъ золими хас,
Йиғач урмағни деди қилманг бас. *Сабъаи сайёр*, 10(20)-136;

~ **и шум** – ёмон, бузуқ, расво золим:
Қотил этканинг золими шумни,
Ки қутқардинг ул хаста мазлумни. *Садди Искандарий*, 145-Т;

~ **ўл-** – золим бўлмоқ:
Киши фарзо авон-у золим ўлса,
Валекин нуктадон-у олим ўлса. *Фарҳод ва Ширин*, 497-Т.

ЗОЛИМВАШ [ظالم وش] – золимсимон, золим каби:
Ким не бўлғай бу қиссаға чора,
Деди золимваши ситамкора. *Сабъаи сайёр*, 10-134.

ЗОЛИМЛИҚ [ظالم لیق] – зулм қилувчилик, адолатеизлик:
Мазлумлуқ ибтилосида бўлған яхширақ ким золимлиқ балосида.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-516; (14-92).

ЗОЛИМСИРИШТ [ظالم سرشت] – золим табиат:
Кофири золимсиришти ишвагар,
Яна ул манзардин ўлди жилвагар. *Лисонут-тайр*, 106-Т.

ЗОЛИМТАБЪ [ظالم تبع] – золим табиатли, зулм қилувчи:
Дороб чун валиахд қилиб эрди, атоси ўрниға подшоҳ бўлди. Чун золимтабъ киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар. *Тарихи мулуки ажам*, 16-214.

ЗОМИН [ضامن] – бировнинг кафиллигини олувчи, кафил; кафиллик:
Зулф аро иста Навоий кўнглин элдин истама,
Телбани банд ичра зоминға киши топшурмамиш. *Хазойинул-маоний*, IIб-269;
Ул ки ваҳш ва тайр рнзқиға зоминдур санга еткурмагайму.
Маҳбубул-қулуб, 14-52;

~ **ўл-** – кафил бўлмоқ:
Бу ким жоним ўлумдин эмин ўлди,
Сизинг алтоф-у эҳсон зомин ўлди. *Фарҳод ва Ширин*, 181;

~ **тила-** – кафиллик тиламоқ:
Подшоҳ ани ёзғурғанда андин итлоқиға зомин тилагандур.
Хамсатул-мутаҳаййирин, 15-74.

ЗОНИЙ [زانی] – зино қилувчи; эр:
Қиз ибо қилди ким агар ҳожатимни раво қилурсен бу иш бўлур. Сўрди ким ҳожатинг недур? Ул бадбахт деди ким ҳожатим Яҳёнинг қатлидур. Ул зоний бу зония хотири учун Яҳё маъсум қатлиға ризо берди.
Тарихи анбиё ва ҳукамо, 16-175; (8(10)-589).

ЗОНИЯ [زانیه] – зино қилдирувчи; хотин:

Тарихи анбиё ва ҳукамо (16-175; 8(10)-589); қ. **ЗОНИЙ.**

ЗОНУ-БАЗОНУ [زانو به زانو] – 1. тиззама-тизза, жуда яқин:

Ки эй етти иқлим бонуси сен,
Хирад шахси зону базонуси сен. *Садди Искандарий*, 491-Т;
Макомин ёнида кўргузди Бону,
Қелиб ўлтурди ул зону-базону. *Фарҳод ва Ширин*, 330-Т;

2. яқин улфат:

Бари парда аҳлиға бону эди
Ки шаҳ бирла зону базону эди. *Садди Искандарий*, 385-Т.

ЗОР [زار] – 1. фарёд, йиғи, фиғон, оҳ:

То ким назаримда шаҳсуворим йўқтур,
Ҳижронида жуз нола-у зорим йўқтур. *Муншаот*, 14-164;
Ҳажрингда қон-у ғуссадур ичмак емакларим
Ишрат суруди нолаи зор айламакларим. *Хазойинул-маоний*, IIIб-411;

2. йиғловчи, фарёд чекувчи, фиғон тортувчи:

Ҳайҳот ким бирав ғамидин зормен яна,
Фарёд ким балоға гирифтормен яна. *Мезонул-авзон*, 47-Т;

3. ғамгин, дардли, ҳасратли; бечора, ожиз, нотавон:

Манга кўнгул ҳажринг аро зордур эй рашки пари,
Юзунгни кўргузгил-у айла ғуссадин жонни бари. *Мезонул-авзон*, 41-Т;

4. бечора, кучсиз, муҳтож, хор:

Сен куйида ҳар тараф шитобон,
Мен зорға жилвагоҳ биёбон. *Лайли ва Мажнун*, 140-Т;
Қайда билгаймен висол аҳли нашоту айшини,
Мен ки зору мубталойи дарди ҳижронмен бу кун. *Хазойинул-маоний*, 16-518;
Недур аҳволинг эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим. *Фарҳод ва Ширин*, 413-Т;

~ **-у андуҳгин** – зору қайғули:

Бадан дардидин ранжа ву хаста дағи,
Кўнгул ҳажридин зор-у андуҳгин ҳам. *Наводируш-шабоб*, 429-Т;

~ **-у асир** – зору асир; фиғону мубтало:

Сен халойиққа бўлуб фармонпазир,
Дона бирла су учун зор-у асир. *Лисонут-тайр*, 67-Т;

~ **-у забун** – ожизу нотавон; оҳу фарёд:

Ётиб оллида тифли зор-у забун,
Чекиб гаҳ гаҳи йиғлаған ун. *Садди Искандарий*, 115-Т;
Осилиб ул чоҳ ичинда сарнигун,
Ишқ истилосидин зор-у забун. *Лисонут-тайр*, 138-Т;

~ **-у забунлуқ** – ожизлик фарёди:

Шоҳ ким матлубиға куллуқ буйурғай айб эмас,
Ким ки ошиқдур анга зор-у забунлуқдур гувоҳ. *Ғаройибус-сиғар*, 426-Т;

~ **-у заиф** – зору заиф; фиғонли хаста; заифу хаста:

Биз гуруҳи биз басе зор-у заиф,
Жисм зор-у жон низор-у наҳиф. *Лисонут-тайр*, 91-Т;

~ **-у залил** – хору хаста:

Солиб дашт аро нотавон-у алил,
Олур хаста жонини зор-у залил. *Садди Искандарий*, 477-Т;

~ **-у маҳжур** – зору маҳжур:

Бориб топтилар ани зор-у маҳжур,
Бало ву дардиға йўқ ҳадд-у мақдур. *Фарҳод ва Ширин*, 323-Т;

~ **-у маҳзун** – ғамгин, қайғули фиғон:
Топиб яна ани зор-у маҳзун,
Дард ичра бурунғидин ҳам афзун. *Лайли ва Мажнун*, 149-Т;
~ **-у мушавваш** – зору паришон:
Ғамимдин бўлмадинг бир лаҳза дилхуш,
Ҳамиша бор эдинг зор-у мушавваш. *Фарҳод ва Ширин*, 452-Т;
~ **-у нажанд** – ғамли зору хор:
Ожиз ўлғач чорадин ул дардманд,
Келди устод оллиға зор-у нажанд. *Лисонут-тайр*, 159-Т;
~ **-у наҳиф** – зору нимжон:
Пари ниҳон дурур элдин вале бу девона,
Паридин ўлди ниҳон бас ки бўлди зор-у наҳиф. *Наводируш-шабоб*, 305-Т;
~ **-у низор** – зору заиф:
Ишқи золим зулмидин зор-у низор,
Дайр туфрағида ётиб хор-у зор. *Лисонут-тайр*, 100-Т;
~ **-у ожиз** – хастаю ожиз:
Мен ул мўре дурурмен зор-у ожиз,
Ки андақ ажзаро йўқ мўр ҳаргиз. *Фарҳод ва Ширин*, 426-Т;
~ **-у саргардон** – зору саргардон:
Ул парийваш ким бўлуб мен зор-у саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрон-у мен ҳайрон анга. *Ғаройибус-сиғар*, 34-Т;
~ **-у ғамнок** – зору ғамли:
Надомат ашкидин ҳар зор-у ғамнок,
Йуб этса номаи аъмолини пок. *Фарҳод ва Ширин*, 510-Т;
~ **и алҳонсаро** – сайроқи булбул зори:
Ки эй булбули зори алҳонсаро,
Вале сўз риёзида дастонсаро. *Садди Искандарий*, 89-Т;
~ **и бадном** – хасратли, бечора бадном:
Хароботи ўлмағлиғим зоҳидо,
Савол этма мен зори бадномдин. *Ғаройибус-сиғар*, 501-Т;
~ **и бадҳол** – фиғонли ҳоли ёмон:
Ўқуб бу номани ул зори бадҳол,
Кўп урди тоб жисми ўйла ким нол. *Фарҳод ва Ширин*, 420-Т;
~ **и балокаш** – балокаш фиғон:
Ки эй зори балокаш ошиқим менсиз нечукдурсен,
Мен ўлдум лол-у айта олмадим майли жавоб айлаб. *Фавойидул-кибар*, 63-Т;
~ **и бебизоат** – ожиз, бечора, камбағал:
Ким сени зори бебизоатни,
Ўртаған журм ўтига тоатни. *Вақфия*, 14-236;
~ **и бедил** – дилсиз, ҳолсиз, қайғули, хасратли фиғони:
Бу мушкилрақ ки мундақ зори бедил,
Ки бедиллиқ эрур жониға мушкил. *Фарҳод ва Ширин*, 418-Т;
~ **и бекас** – кимсасизни зоруфиғони:
Маст-у ошиқмен даги кўнглумда айрилған кишим,
Эй мусилмонлар не тонг мен зори бекас йиғламақ. *Ғаройибус-сиғар*, 257-Т;
Манга Фарҳод ишки туҳмати бас,
Ки чеҳрам кўрмайин ул зори бекас. *Фарҳод ва Ширин*, 343-Т;
~ **и бенаво** – бахтсиз бечора:
Навоийни тила андин бурун ки дегайлар,
Адам йўлин тутуб ул зори бенаво кетти. *Ғаройибус-сиғар*, 460-Т;

Навоий ар қила олмас гадолиғ эткил раҳм,
Ки бўлди бир йўли ул зори бенаво ожиз. *Бадойиул-васат*, 157-Т;

~ **и бесомон** – паришон, саросима ожизлиги:
Бода нўшум тавба таркидин ки қилди тарки хуш,
Эй кўнгул тушти яна мен зори бесомонға иш. *Фавойидул-кибар*, 247-Т;

~ **и бехуд** – ошуфтаҳол, ҳаёжон; ҳушсиз:
Ўлтурдилар икки зори бехуд,
Кўп фикр этиб эттилар яна рад. *Лайли ва Мажнун*, 186-Т;

~ **и жигархун** – жигархун ошиқ:
Бошима бир қатла кел гаҳ худ эрур ўлтургали,
Ўлди тортардин чу бу зори жигархун интизор. *Бадойиул-васат*, 124-Т;

~ **и жунун** – жунун фиғони, дард-ҳасрати:
Камар устига келди зори жунун,
Ки ўзни қўйи ташлағай сарнигун. *Садди Искандарий*, 419-Т;

~ **и заиф** – дардли, фиғонли заиф:
Ул зори заиф ногузирим,
Ким бор дурур менинг асирим. *Лайли ва Мажнун*, 182-Т;

~ **и заифи абтар** – заиф, бахтсиз фиғони:
Оллоҳ Оллоҳ бўйла офатнинг гирифтори бўлуб,
Найлагай бир мен киби зори заифи абтаре. *Наводируш-шабоб*, 578-Т;

~ **и заифи пошикаста** – зору заифу нотавон, кудратсиз:
Мен зори заифи пошикаста,
Бошимдин то аёқ аъзо шикаста. *Фарҳод ва Ширин*, 417-Т;

~ **и мажруҳ** – мажруҳ ҳасратли:
Яъни бадан ўлди зори мажруҳ,
Маъшуқи ушул бадан аро руҳ. *Лайли ва Мажнун*, 302-Т;

~ **и мазлум** – дард-ҳасратли мазлум:
Ҳамоно ки бу марз ила бум эрур,
Дағи бу неча зори мазлум эрур. *Садди Искандарий*, 424-Т;

~ **и маҳзун** – ғамгин фиғон:
Қулағиға етишти бир ҳазин ун,
Ки лаҳн айлар эди бир зори маҳзун. *Фарҳод ва Ширин*, 404-Т;

~ **и миннатдор** – миннатдорлик фиғони:
Ёрлиқ кўргузди мен жон бирла миннатдорлиқ,
Жонини Ҳақ аросин бу зори миннатдор учун. *Наводируш-шабоб*, 492-Т.

~ **и мубтало** – ожиз, нотавон ошиқ:
Яъни маҳи зори мубталодин,
Санга ки қутулмадинг балодин. *Лайли ва Мажнун*, 246-Т;

~ **и нотавон** – ғамгин, дардли, бечора нотавон:
Тангла яна зори нотавонлар,
Ҳар ён югуруб қилиб фиғонлар. *Лайли ва Мажнун*, 149-Т;

~ **и ношод** – қайғули, хасратли ожиз:
Анга ошиқ эмиш бир зори ношод,
Ғариби дардманди оти Фарҳод. *Фарҳод ва Ширин*, 441-Т;

~ **и озодаваш** – зорли озодвали:
Дегайсен ким ул зори озодаваш,
Ки ҳижрон майидин бўлуб журъакаш. *Ғаройибус-сиғар*, 509-Т;

~ **и пажмурда** – ғамгин, дардли, хасратли фиғон:
Ўзум неча ким зори пажмурдамен,
Лакадкуб гардундин озурдамен. *Садди Искандарий*, 509-Т;

~ **и паришон** –паришон нотавонлик:
Йўқ вафо аҳлида бир зори паришон мен киби,
Бевафовашларни севмакдин пушаймон мен киби. *Наводируш-шабоб*, 606-Т;
~ **и пойбаста** – фиғонга гирифтор:
Мискин мени зори пойбаста,
Йўқ йўқ ки заифи пошикаста. *Лайли ва Мажнун*, 250-Т;
~ **и расво** – расво фиғон:
Ёр бўлмақ тонг эмасмен зори расво бирла дўст,
Ким пари гоҳи бўлур мажнуни шайдо бирла дўст. *Бадойиул-васат*, 63-Т;
~ **и саргардон** – саргардонлик зорлиги:
Айланурда бошиға заъф айладим гўё асар,
Қилди анинг заъфидин бу зори саргардонға заъф. *Фавойидул-кибар*, 302-Т;
~ **и шайдо** – ошиқлик, мафтунлик зори:
Ким уйга чу келди зори шайдо,
Мағзи аро бўлди хуш пайдо. *Лайли ва Мажнун*, 286.
~ **и ғамкаш** – нотавон, фиғонли ғамкаш:
Ўзин забт эткуча ул зори ғамкаш,
Етишти телба бошиға париваш. *Фарҳод ва Ширин*, 317-Т;
~ **и ғамнок** – ғамли фиғон:
Бу ким ул шўх элни ўлтурур бу рашкдин аммо,
Билур иркинму ким эрмас тирик бу зори ғамноки. *Наводируш-шабоб*, 582-Т;
~ **и ғампарвард** – зору ғамда ўсган:
Қилди занжир-у банддин ани фард,
Ер ўпуб деди зори ғампарвард. *Сабъаи сайёр*, 10-155;
~ **и ғариб** – фиғонли ғариб:
Кимга бу навъ бало бўлса насиб,
Маст хушрақ дурур ул зори ғариб. *Фавойидул-кибар*, 690-Т;
~ **и хайрон** – фиғонли нотавон ҳайронлиги:
Вах ки даврон аҳлидин жуз бевафолиғ келмади,
Ҳар неча ким кўрдилар мен зор-и ҳайрондин вафо. *Фавойидул-кибар*, 42-Т;
Маҳваше йўқ сўрғали бу зори ҳайрондин хабар,
Ғаикаше йўқ топқали бу рози пинҳондин хабар. *Мажолисун-нафоис*, 213-Т;
~ **и хақир** – дардли ҳақир:
Бор эди бир бедили зори ҳақир,
Бўлди бир бадмеҳр ишқиға асир. *Лисонут-тайр*, 262-Т;
~ **и ҳожатманд** – дардли ҳожатманд:
Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмасин,
Хуш чиқишсанг лаҳзае зори ҳожатманд ила. *Ғаройибус-сиғар*, 411-Т;
~ **бўл-/ўл-** – ожиз, нотавон бўлмоқ, ғамгин бўлмоқ; дард, ҳасрат чекмоқ:
Агар бу фирок ўтиға зор бўлғанға ул савод зулматидин оби ҳаёт зулоли келмаса эрди ул ўтға не нима таскин бергай эрди. *Муншаот*, 14-196;
Не балолиғ ҳажр эрур ким зор ўлмишам,
Кел ки ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам. *Мезонул-авзон*, 56-Т;
~ **-у маҳзун бўл-** – зор-у маҳзунли бўлмоқ:
Йўқлуғидин зор-у маҳзун бўлдилар,
Ҳар бир ўз ҳолиға мағбун бўлдилар. *Лисонут-тайр*, 37-Т;
~ **йиғла-** – зор йиғламоқ, дардли, хасратли йиғламоқ:
Ул кун ки бу рухсат иши сурат боғлади ғариб кун эрди ким подшоҳ зор йиғлайдур эрди ва алар ҳуд зор зор йиғлайдурлар эрдилар.
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-98;

Бирав ким зор йиғлаб йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор. *Фарҳод ва Ширин*, 171-Т;

~ **зор йиғла-** – аччиқ, куюниб йиғламоқ:
Дўстлар мен телба аҳволиға йиғланг зор зор,
Ким соладур гаҳ гаҳ ул кўнглумга тушкан хор хор. *Бадойиул-васат*, 125-Т;
Деди ўл туруб йиғлайу зор зор,
Ки элга тутушубтур ажаб хор хор. *Садди Искандарий*, 326-Т;

~ **зор ўл-** – зор зор бўлмоқ:
Айалғунг неча ёр ёр ўлғуси,
Менинг йиғиларим зор зор ўлғуси. *Садди Искандарий*, 378-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – ожиз, нотавон қилмоқ, ғамгин, паришон аҳволга солмоқ:
Чу Юсуф сўзин ошкор айлабан,
Залихо киби элни зор айлабон. *Садди Искандарий*, 84-Т;
Кўк бинафша зорини анжум чу наргис зор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар. *Наводируш-шабоб*, 164-Т;
Неча кун ичра анча кор қилди,
Заиф-у нотавон-у зор қилди. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
Ким топса фиғони зор қилғай,
Шояд ки ичига кор қилғай. *Лайли ва Мажнун*, 262-Т.

ЗОРА КИ [زاره که] – кошки эди, қани энди:
Зора ки ўчук ёнар чароғи,
Бат ўртанур ортуғ ўлса ёғи. *Лайли ва Мажнун*, 104-Т.

ЗОРИБ [ضارب] – урувчи:
Анинг хосияти бу ким муҳориб,
Агар бу тиғ бирла бўлса зориб. *Фарҳод ва Ширин*, 73.

ЗОРЛИҒ/ЗОРЛИҚ [زارلیغ/زارلیق] – бечоралик, хорлик, зорлик, муҳтожлик:
Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,
Не учун ким мен қари кулдурмен ул мирзо йигит. *Фавойидул-кибар*, 636-Т;
Мужовирға даврон солиб зорлиқ,
Улусдин кўрар эрди кўп хорлиқ. *Садди Искандарий*, 259-Т;
Эй кўнгул васл ҳавас қилдинг ул,
Зорлиғлар била ё қилма ҳавас. *Наводируш-шабоб*, 237-Т;
Ул паричайкарга ёкмас зорлиғ бирла фиғон,
Телба кўнглум жуз фиғон-у зорлиғ билмас нетай. *Наводируш-шабоб*, 642-Т;

~ **қил-** – зорланмоқ:
Дўстлар кўп зорлиғ қилсам ажаб эрмас ки бор,
Зор кўнглум дўст жавридин басе озорлиғ. *Фавойидул-кибар*, 291-Т.

ЗОРЧА [زارچه] – зорча, зордек:
Сарв-у гул ҳусн ичра йўқ ул сарви гулрухсорча,
Ўйла ким кумри ву булбул нолада мен зорча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т;
Олам аҳлиға вафо айлаб жафо кўрган эрур,
Юз туман минг зор эмас аммо бири мен зорча. *Фавойидул-кибар*, 510-Т.

ЗОТ [ذات] – 1. асл, ўзлик, моҳият:
ва зотларида башарийят ғолиб эркан жиҳатдин мухталиф адён ва милал ароға тушти. *Насойимул-муҳаббат*, 3-Т;
Шайхзода Пуроний... ва ўз зотида қабуллийят кўпдур.
Мажолисун-нафоис, 148-Т;

2. Оллоҳ:
Ахли кулл ҳайратда зотинг бобида,
Зот йўқ ҳар бир сифотинг бобида. *Лисонут-тайр*, 262-Т;
Ҳамд анга ким зотиға ҳамд анча ким сазовордур. *Маҳбубул-қулуб*, 14-7;
3. жисм, гавда:
Зоти бемадоро димоғи пўлод ва кўнгли хоро. *Маҳбубул-қулуб*, 14-27;
4. шахс, зот:
Қуёш маъшуқ-у ҳар зот ўлди ошиқ,
Дема ҳар зот заррот ўлди ошиқ. *Фарҳод ва Ширин*, 79-Т;
Эй мусаллам санга ҳар яхши сифот,
Бу сифотинг била йўқ сен киби зот. *Хазойинул-маоний*, IVб-93;
Ҳақдин ўзга гар эрур ҳар навъ зот,
Филмасал ичкан эса оби ҳаёт. *Лисонут-тайр*, 230-Т;
5. инсон табиати, шахсият:
Аммо адаб ва ҳилм ва тавозуъ ва ҳаё зотлариға анингдек ғолиб эрмиш...
Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 15-89;
Киши ки топса фано кўраси ўтиға гузор,
Агарчи зотида юз навъ қалби ғашлиқ бор. *Маҳбубул-қулуб*, 14-75;
6. келиб чиқиш, насл-насаб:
Зотингға Хизр умридин осор ўлсун,
Умрунгға абад фурсати миқдор ўлсун. *Муншаот*, 14-175;
~ **и ажаб** – ажойиб, ғаройиб зот:
Даҳр аро йўқ сен киби зоти ажаб,
Умр ўтуб ўткарган авқоти ажаб. *Лисонут-тайр*, 145-Т;
~ **и башар** – башарият; ~ **и малак** – асли малак:
Зоти башар лек сифоти малак,
Балки сифоти била зоти малак. *Ҳайратул-аброр*, 7-318;
~ **и Илоҳий** – Худога тегишли зот:
Анга ким бердилар миръоти шоҳий,
Эрур ул мазҳари зоти илоҳий. *Фарҳод ва Ширин*, 174-Т;
~ **и нафис** – нафис зот:
К-эй жаҳон халқи аро зоти нафис,
Зотинга фазл-у адаб икки анис. *Фавойидул-кибар*, 678-Т;
Нечук ким анбиё раъс-у раиси,
Муҳаммаднинг эрур зоти нафиси. *Фарҳод ва Ширин*, 118-Т;
~ **и нофаржом** – бефойда, натижасиз зот:
Ҳақ таолонинг хони инъом-у карами оми борида ўзгадин нима тилаганнинг тамаъи хоми ва зоти нофаржом. *Наводируш-шабоб*, 672-Т;
~ **и нур** – ёриғлик, нурлик зоти:
Ганждин еткай асар вайронинга,
Зоти нуридин ёруғлуғ жонинга. *Лисонут-тайр*, 198-Т;
~ **и покий** – зоти пок:
Бу номаға нусха зоти покий,
Тенгри сўзидин улуска хокий. *Лайли ва Мажнун*, 42-Т;
~ **и рафиъ** – юксак, баланд, олий даражали зот:
Ким анингдек ҳоми ву зоти рафиъ,
Журмумизға бўлғуси тонгла шафиъ. *Лисонут-тайр*, 26-Т;
~ **и рахшанда** – асли зоти юлдуздек порлоқ:
Бўлуб зоти рахшанда миръот анга,
Гувоҳ ушбу даъвида заррот анга. *Садди Искандарий*, 50-Т;

~ **и фард** – якка, ёлғиз зот:
Раёҳин аро сарви озод янглиғ,
Кўрунуб русул хайлида зоти фардинг. *Фавойидул-кибар*, 331-Т;
~ **и хом** – зоти хом, етилмаган; тарбия, тажриба кўрмаган:
Дин илмининг андин интизоми,
Исломға пок зоти хоми. *Лайли ва Мажнун*, 67-Т;
~ **и шариф** – шарофатли, азиз, қадрли зот:
Хоки пойингни малойик қилдилар тожи шараф,
Оллоҳ Оллоҳ ким кўрубтур бу сифат зоти шариф. *Ғаройибус-сиғар*, 248-Т.

ЗОТИЙ [ذاتی] – табиий, туғма, шахсий:
Яна бири зотий бетакаллуфлуқ ким филвоқиъ алар қошида ипак била палос орасида тафовут бўлмағай. *Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*, 15-94;
Мавлоно Ҳамидиддин... инсонияти зотий ва дарвешвашлиғи жибиллий воқиъ бўлубтур. *Мажолисун-нафоис*, 12-122;
Чу кўрди мумкин эрмас тарки одат,
Ки зотийдур шақоват ё саодат. *Фарҳод ва Ширин*, 25.

ЗОТУЛ-БУРУЖ [ذات البروج] – буржлар эгаси, саккизинчи фалак (курси):
Икки водий чун яна қилди уруж,
Зоҳир ўлди қуббаи зотул-буруж. *Лисонут-тайр*, 24-Т;
Буржиға бу етти фалакдин уруж,
Балки анинг бобида зотул-буруж. *Ҳайратул-аброр*, 7-308.

ЗОТУЛ-ИМОД [ذات العماد] – устунлар соҳиби, азм бино соҳиби:
Бириси будур ким чун кишига абадий давлат ва сармади саодат ва ҳаёт чашмасининг навиди ва нажот манзилининг умиди исломнинг беш сутунлуқ зотулимодиға кирмагунча мумкин эрмас. *Вақфия*, 9(10)-653; (14-261).

ЗОХИР [زاخر] – тўлқинли, мавжли; ҳаяжонли:
Нажосат йўлидин тўлуб кулхани,
Зохирим деб анбор айлаб ани. *Садди Искандарий*, 123-Т;
Келиб кўнгли анингдек баҳри зохир,
Ки анда зохир аввал то ба охир. *Фарҳод ва Ширин*. 236-Т.

ЗОЯНДА [زاینده] – туғилувчи, туғувчи, кўпаювчи; ~ **бўл-/ўл-** – туғилмоқ, пайдо бўлмоқ, кўпаймоқ:
Ғам барқи ву меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин,
Тонг йўқ ки ўтқа ғаҳ шарар гоҳи тутун фарзанд эрур. *Ғаройибус-сиғар*, 126-Т;
Замона золини кўр ким не навъ бикр ўлғай,
Ки мундақ икки ўғул андин ўлди зоянда. *Наводируш-шабоб*, 683-Т;
Покдоман зуафодин не ки зоянда бўлур,
Руҳпарвардурур жонбахш зиҳи хилқати пок. *Хазойинул-маоний*, III6-700;
ва ҳалол луқма бу ишда куллийдур ки андин файз-у маърифат зоянда бўлур. *Насойимул-муҳаббат*, 5-Т;
Яна ёқут-у лаъли тобанда
Барча хородин ўлди зоянда. *Сабъаи сайёр*, 10-71.

ЗОҒ [زاغ] – 1. қарға:
Йиғач узра гар булса юз минг янгағ,
Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ. *Садди Искандарий*, 123-Т;
Хатт-у холи нуқтаси юз чоклик кўнглумдадур,
Бир қафасда турфадур вах вах кўрунг тутуб зоғ. *Хазойинул-маоний*, 16-316;

2. қаролик, қоронғилик:
Чунки хуршиди сандали боғи,
Купуб очти қанот тун зоғи. *Сабъаи сайёр*, 10-307;

~ **и хориж** – чегара, ичтидолдан ташқари зоғ:
Лутф ила булбулға минг дастон эрур,
Зоғи хориж савти бепоён эрур. *Лисонут-тайр*, 250-Т.

ЗОҲИД [زاهد] – 1. тарки дунё қилиб, тоат-ибодатга берилган диндор, тақводор:
Зоҳид ки улусқа килғай иршод,
Солсанг томуғ ичра кимга ирод. *Лайли ва Мажнун*, 32-Т;
Зоҳидлар суратида эгнида хирқа ва китфида сажжода ва бир гўшада ўлтурди.
Насойимул-муҳаббат, XV-125;

2. парҳезчи, ўзини кўп нарсада чекловчи:
Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш.
Насойимул-муҳаббат, 390-Т;

~ **аҳли** – шайхлар, тақводорлар:
Зоҳид аҳлидин ибодат анда кўп,
Жавҳари тақво ву тоат анда кўп. *Лисонут-тайр*, 190-Т;

~ **и беишқ** – ишқсиз зоҳид:
Бўлур ҳусн ичра бир ани ки аҳли ишқ дарк айлар,
Йўқ эрса зоҳиди беишқнинг йўқ мунча идроки. *Наводируш-шабоб*, 582-Т;

~ **и бехудбин** – бетакаббур зоҳид:
Ул санамға сажда қилсам зоҳиди бехудбин не айб,
Бутпараст ўлмақ кўп ортуқрақ ки бўлмақ худпараст. *Наводируш-шабоб*, 77-Т;

~ **и динойин** – дин тартибли, тарзли зоҳид:
Эй зоҳиди динойин дайр ичра таскир,
Зуннор ипини тутуб хирқанг ямадинг бари. *Ғаройибус-сиғар*, 488-Т;

~ **и зарқпараст** – ўзини зоҳид қилиб кўрсатувчи ҳийлагар, риёкор; зарқпараст, фирибпараст:
Ҳақ раҳмати умиди била тун кун маст,
Кўп ортуғроқ ки зоҳиди зарқпараст. *Маҳбубул-қулуб*, 14-46;

~ **и мағрур** – мағрур зоҳид:
Барча мазҳабда фосиқи ранжур,
Яхширакдур ким зоҳиди мағрур. *Сабъаи сайёр*, 10-37;

~ **и нодон** – нодон зоҳид:
Зоҳиди нодон ғамим ошубидин ҳар дам кулар,
Хуррам ул ким ишқ атвориға муътод ўлмади. *Фавойидул-кибар*, 597-Т;

~ **и риё** – риёкор зоҳид:
Зоҳиди риёйи кўнглидин маломат аҳли киби риштасин узмак ва саломат йўлин кўргазмак. *Ғаройибус-сиғар*, 522-Т;

~ **-у фосиқ** – зоҳиду фосиқ:
Зоҳид-у фосиқ била шоҳ-у гадо,
Қилмайин бўлмас бу йўл қатъин адо. *Лисонут-тайр*, 162-Т;

~ **и худбин** – такаббур зоҳид:
Бўлмайин дайри фано хаммори гар қилсам бадал,
Зоҳиди худбин ридосин бодапалойим била. *Ғаройибус-сиғар*, 412-Т;

~ **и ях** – совуқ, муз қилиқли зоҳид:
Қўрқутма мени тамуғдин эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлғуси дебан урма занах. *Ғаройибус-сиғар*, 542-Т;

~ **бўл-** – зоҳид бўлмоқ:
Ҳар бири ўз шуғлиға зоҳид бўлуб,
Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуб. *Ҳайратул-аброр*, 7-115.

ЗОҲИДВАШ [زاهدوش] – зоҳид табиатли, зоҳидга ўхшаш:
Мукрий ки эрур покрав-у зоҳидваш,
Алҳони хушу хусни адоси дилкаш. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-468; (14-29).

ЗОҲИР [ظاهر] – 1. очиқ-ошкора:
Вужудунг қачан қилса зоҳир қадам,
Бўлуб барча ашё вужуди адам. *Садди Искандарий*, 47-Т;
Ул оғиз пайдо эмастур нуқтаи айтилмайин,
Бил дағи зоҳир эмас борикбинлик қилмайин. *Хазойинул-маоний*, 1116-663;
Жабинида муҳаббат дарди зоҳир
Изори узра ғурбат гарди зоҳир. *Фарҳод ва Ширин*, 296-Т;
2. ташқи кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши:
Восил ўлди нафасинг руҳини англаб ориф,
Шаръ тузди чу анияг зоҳирини билди фақиҳ. *Хазойинул-маоний*, IIб-525;
Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса ғашлик... *Маҳбубул-қулуб*, 63;
3. аён, ошкор:
Зоҳир ва ботин улумида комил экандур. *Насойимул-муҳаббат*, 262-Т;
~ **илми/улуми** – маълум фан, мавжуд фанлар:
Мавлоно Ҳусайн Хоразмий Хожа Абулвафо қуддиса сирруҳунинг зоҳир илмида шогирди ва ботин илмида муридидур. *Мажолисун-нафоис*, 9-Т;
Ва дебтур ки чун манга ботин аҳволидин хабар бўлди ва зоҳир улумин худ вофир касб қилиб эрдим. *Насойимул-муҳаббат*, 266-Т;
~ **юзидин** – зоҳиран, зоҳирлигига кўра:
... ахлоқи ҳамида ва атвори писандида ва зоҳир юзидин мунча фазл-у камол ва маъно тарафидин мунча важд-у ҳол бера олур.
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 113-Т;
~ **бўл-/ўл-** – кўринмоқ, маълум бўлмоқ, билинмоқ, зоҳир бўлмоқ:
Чу лола ғунчаси зоҳир бўлур чоғ,
Неча кўнглида асрар яшурун доғ. *Фарҳод ва Ширин*, 253-Т;
Бўлуб кўп ғусса ул ғамкашға зоҳир,
Ки бу иш бўлмасун маҳвашға зоҳир. *Фарҳод ва Ширин*, 403-Т;
Лот ноқислиқ била бўлди табоҳ,
Зоҳир ўлди куфр элига ло илоҳ. *Лисонут-тайр*, 23-Т;
Бари илм-у камол аро моҳир,
Зотидин юз камол ўлуб зоҳир. *Сабъаи сайёр*, 10-142;
~ **айла-/эт-/қил-** – кўрсатмоқ, билдирмоқ, ошкора қилмоқ:
Алар ким санга қилдилар кўп хилоф,
Сипаҳ чектилар зоҳир айлаб масоф. *Садди Искандарий*, 332-Т;
Иситма чун шарорат зоҳир айлар,
Баданда ул ҳарорат зоҳир айлар. *Фарҳод ва Ширин*, 140-Т;
Муддате ким чарх этиб зоҳир нифоқ,
Шоҳ илгидин сени солди йироқ. *Лисонут-тайр*, 63-Т;
Кетур соқий ул соғари лаълранг,
Анга даврида зоҳир этмай диранг. *Садди Искандарий*, 110-Т;
Тариқи ишқ ихфосида моҳир,
Бу янглиғ ишқ сиррин қилди зоҳир. *Фарҳод ва Ширин*, 252-Т;

Базми аро ҳар фақиҳи моҳир,
Бир масъала қилди эрса зоҳир. *Лайли ва Мажнун*, 69-Т.

ЗОҲИРА [ظاهره] – очиқ, ошкора:

Шайх боқибанинг сари деди ким ё Абу Бакр, билурсен ки
Тангри таолоға не зоҳиралардур бу ғўдакта. *Насойимул-муҳаббат*, 147-Т;
... аларға олий мақомот ва зохира каромот кўп эркандур.
Насойимул-муҳаббат, XV-126.

~ **йи жон** – очиқ-ойдин, ошкора кўнгил, дил; ҳаёт:

Лаълида йиғиб зоҳирайи жон,
Огзи суйи анда ширайи жон. *Лайли ва Мажнун*, 100-Т;

~ **қил-** – ошкор қилмоқ:

Иброҳим деди ким фақр аҳли била ўлтурур сен ва ўн дирам зоҳира қилурсен.
Насойимул-муҳаббат, 30-Т.

ЗОҲИРАН [ظاهراً] – очиқ, аён, ошкора:

Ҳар бирига ўз тариқидин фирок,
Зоҳиран таклиф эрур мо-лойуток. *Лисонут-тайр*, 60-Т;
Ёр чун жонимда махфийдур тафовут йўқтурур,
Жилва қилса зоҳиран гар минг ёғач гар бир араш. *Хазойинул-маоний*, 116-252.

ЗОҲИРИЙ [ظاهری] – ошкора, аён:

Зоҳирий ва ботиний улумда комил. *Насойимул-муҳаббат*, XV-158;
Мавлоно Фидоий... сайидзодадурур ким зоҳирий сафоси бор.
Мажолисун-нафоис, 128-Т.

ЗОҲИРҲУСН [ظاهر حسن] – очиқ, ошкора хусн:

Ул дедур ким зоҳирҳуси адаби ботин ҳусн адабининг унвонидур.
Насойимул-муҳаббат, 38-Т.

ЗУ [ذو] – исмдан олдин келиб, эга, соҳиб маъноларини билдиради.

ЗУАФО [ضعفاء] – 1. заифлар, кучсизлар:

Покдоман зуафодин не ки зоянда бўлур,
Руҳпарвардур-у жонбахш зиҳи хилқати пок. *Бадойиул-васат*, 500-Т;
Деди баъзи бу навъ дилкаш эмас,
Зуафо қатли тиғ ила хуш эмас. *Сабъаи сайёр*, 10-62;

2. аёллар; хотин:

Андин кечалар атрок зуофаси иши урғуштак ва атфок варзиши оқ сўнгак.
Маҳбубул-қулуб, 9(10)-454; 14-12);

ЗУБДА [زبده] – қаймоқ; асос:

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас анча фасоҳат била санга. *Ғаройибус-сиғар*, 26-Т;

~ **и авқот** – вақт асослари:

... бу фақири шикаста ва бу ҳақири дилхастаға муносибрақ хизмат ул эрди ким зубдаи авқотим ва хулосаи ҳаётимни ул Ҳазратнинг мадҳи зоти ва таърифи сифотида сарф қилсам эрди. *Вақфия*, 9(10)-654; (14-262).

ЗУБОБ [ذباب] – пашша, чибин:

Токни қўй ки анбарин мехроб,
Устида холи анбарина зубоб. *Сабъаи сайёр*, 10-96.

ЗУВОЛА [زواله] – хамирнинг ишлов берилган бир бўлаги:

... ходимлари суфрасида ой гирдаси ва куёш курси икки фатир ва таббохлари тахтасида каҳкашон шакли ун сепган бир зувола хамир. *Вақфия*, 14-259.

ЗУД [زود] – тез, зудлик, шитоб:

Ул сарв эмас эрди зуд бобинг,
Ноҳитидин жаҳон харобинг. *Лайли ва Мажнун,* 333-Т;

~ **озуд** – шитоб, тезлик билан:

Ки вилоятда шоҳ ўлуб Маъсуд,
Ул етушсун эшикка зудозуд. *Сабъаи сайёр,* 10-256.

ЗУДО [زدا] – ариш, аритиш, пок:

Демай ки мен ўзи маъшуқ ўлуб ўзи ошиқ,
Ки тиғи ғайрат ўлуб анга нақш ғайри зудо. *Наводируш-набоб,* 17-Т.

ЗУДО ЗУД [زدازود] – тез-тез, зудликда, тезлик билан:

Ки вилоятда шоҳ ўлуб Масъуд,
Ул етишсун эшикка зудозуд. *Сабъаи сайёр,* 10-256.

ЗУДОЙ [زدای] – қўшма сўз таркибида келиб *аритувчи, кетказувчи, тозаловчи* маъноларини англатади.

ЗУЖОЖ/ЗУЖОЖА [زجاج/زجاجه] – шиша, биллур қадаҳ:

Арш қандили гумон кил шишадек софий кўнгул,
Урмағил дам ким топар елдин халал равшан зужож. *Бадойиул-васат,* 75-Т;
Мулавван зужожа нишони бўлуб,
Кўк айвонининг тобадони ўлуб. *Садди Искандарий,* 359-Т;

Ҳар лаолийи мансура ким фикрат ғаввоси сафо зужожасини бошиға тортиб риштасини қўлиға тутуб ҳамдху сано уммонадин ҳосил килғай.

Назмул-жавоҳир, 15-123; (10(10)-31).

ЗУЗАНАБ [ذو ذنب] – думли юлдуз, комета; салласининг учини осилтириб юрувчи киши:

Ахтари нахс дурур муҳтасиб ар бода тўкар,
Зузанаб бир киши солса назар ул фаш сари. *Бедойиул-васат,* 458-Т;
Қаҳри ўти чекса чу дуди ғазаб,
Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб. *Ҳайратул-аброр,* 7-86.

ЗУККА [زکه] – зукка:

Йўқ ул ким фосиқ-у хаммор-у зукка,
Ки бузғай гарчи бўлғай хожа дукка. *Маҳбубул-қулуб,* 14-17.

ЗУКУР [ذکور] – эркаклар, эрлар:

...ва иносни зукурдин айирди. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-165.

ЗУЛ(Л) [ذل] – хорлик, ҳақирлик, залиллик:

Қисмдин ортуғ тилаб хор этма ўзни эй азиз,
Ким қаноатдин дурур иззат тамаъдии барча зул. *Хазойинул-маоний,* 116-370;
Не тафовут сифла элдин хорлиғ ё иҳтиром,
Ким баҳойимдин эрур тенг хоҳ иззат хоҳ зул. *Наводируш-шабоб,* 367-Т;

Ва иродат била кирмак керак йўқ ки даъво ва қувват била ва ҳам ул дебдур ҳеч нима йўқтур ул кишида ким касб зулли ва савол зулли ва рад зулли таъшини тутмамиш бўлғай. *Насойимул-муҳаббат,* 132-Т;

~ **эт-** – хорламоқ:

Чу тарки адаб зулл этиб иқтизо,
Сўз айтурға тавфиқ бермай қазо. *Садди Искандарий,* 81-Т.

ЗУЛ-АКТОФ [ذو الاکتاف] – лақаб; Шопур лақаби; кифтлар, елкалар эгаси:

Машҳур мундақдур ким эгинларин ёриб бағринларин сўктуруб азоб била ўлар-лар эрди. Бу жиҳатдин ани зул-актоф дедилар. *Тарихи мулуки ажам,* 16-230.

ЗУЛАМ [ظلم] – зулмат:

Ёр уйидин чиқмаса олам кўзимга тирадур,
Чун куёш чиқмас жаҳондин муртафиъ бўлмас зулам. *Бадойиул-васат*, 300-Т.

ЗУЛБАҲРАЙН [ذو البحرين] – зулбаҳрайн, икки баҳрли назм:

Ва маснавийлари ҳам масал «Тажнисот» зулбаҳрайн ва зулқофиятайн.
Мажолисун-нафоис, 11-Т.

ЗУЛЖАЛОЛ [ذو الجلال] – улуғлик, азамат ва энг буюклик соҳиби; Оллоҳ сифатларидан бири:

Таололлоҳ ул сониъи зулжалол,
Ки сунъида ожиздур аҳли камол. *Садди Искандарий*, 396-Т;
Таололлоҳ ул Қодири зулжалол,
Ки ҳам лам язал келди ҳам ло язол. *Вақфия*, 9(10)-632; (14-234).

ЗУЛЖАНОҲ [ذو الجناح] – Зулжаноҳ (лақаб); жаноҳ – қанот; ён лашкарнинг ён қанотлари:

Ва ул анинг била муковаматдин ўзин ожиз кўруб ярашти ва қалин туҳфа ва таббарук бериб ўткарди ва Шумур зулжаноҳ Жайхундин ўтуб Мовароуннаҳрни олди. *Тарихи мулуки ажам*, 16-241;

ЗУЛИҚТИДОР [ذو الاقتدار] – иқтидор эгаси, иқтидорли, қудратли:

Сипеҳри даввор шабнам рашошасиға анжум зиёси бериб дурур ва чархи зуликтидор туфрақ ажзосини куёшдин ўткарибдур. *Назмул-тавоҳир*, 15-133;

ЗУЛМ [ظلم] – жавр, адолатсизлик, зулм:

Қасдима чопма ҳалокинг тиғини кўп эй сипеҳр,
Ким ул ойнинг тиғи зулмидин кўнгул афгор бас. *Хазойинул-маоний*, IIIа-129;
Не зул қилурға элни қотқил,
Не зулм қолин ўзунг узатқил. *Лайли ва Мажнун*, 372-Т;
Керак шаҳ адолатмиор айлагай,
Ки зилм аҳлини хоксор айлаганй. *Садди Искандарий*, 505-Т;

~ **-у дод** – зулму адокот, қасос:

Бири ул ким чу йўқ умр эътимоди,
Йигит қарига тенгдур зулм-у доди. *Фарҳод ва Ширин*, 180-Т;

~ **-у жавр** – зулму жавр:

Ҳеч иш сарви гуландомимға беандом эмас,
Ғайр зулм-у жаври ким хориж дурур андомдин. *Фавойидул-кибар*, 481-Т;

~ **-у зўр** – зулму зўрлик:

Фалак гардиши айлабан зулм-у зўр,
Неча йил айлабан хонагўр. *Садди Искандарий*, 439-Т;

~ **-у кин** – зулму адоват, интиқом:

Ё ки Бухтун-наср қилди зулм-у кин,
Ё ки Нуширвонға адл ўлди қарин. *Лисонут-тайр*, 211-Т;

~ **-у ситам** – зулму ситам:

Эй фалак зулм-у ситам била ўз овозинг учун,
Неча бизга ҳар замон бир иш саровоз эткасен. *Бадойиул-васат*, 363-Т;

~ **-у тааддий** – зулму озор:

Ва ҳар навъ зулм-у таадий ки алардин вокиъ бўлса эрди, бу асирлар мутиъ-у фармонпазир бу фақирни айни ифлос ва фалокатда сарнавишт ва обхориш Машҳад сари тартиб этти. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 114-Т;

~ **ўл-** – зулм бўлмоқ:

Манга лек зулм ўлди афлокдин,
Сариъанжом-у даҳри бепокдин. *Садди Искандарий*, 487-Т;

~ **айла-/эт-/қил-** – устун келмоқ, зўравонлик қилмоқ:
Ишқ мулкида тиларсен нақди жон зулм айлаб,
Соғинурсен ким магар ул ишқ арбобида бор. *Наводируш-шабоб*, 150-Т;
Кўзларим ким тарки тожик ўлди кўнглум мулкида,
Зулм этар ул навъ ким бир кишвар аҳлиға чуғул. *Наводируш-шабоб*, 367-Т;
Агар Фарҳодға зулм этти Хусрав,
Иваз бот айлади чархи сабукрав. *Фарҳод ва Ширин*, 474-Т;
Нафсдин санга зулм етса надомат эшиғин оч ва Тангри паноҳиға қоч.
Маҳбубул-қулуб, 14-91;
~ **чек-** – жабр-ситам кўрмоқ:
Киши минг зулм агар чекса керак бўлса қониъ
Лек бир зулмға минг навъ керак англаса мониъ. *Маҳбубул-қулуб*, 14-92;

ЗУЛМАТ [ظلمت] – қоронғилик; зулмат:
Ўлмиш эрдим ғам туни лаълинг хаёли берди жон,
Зулмат ичра бўлди пайдо оби ҳайвон оқибат. *Хазойинул-маоний*, IIIб-78;
Бу зулматни куёш ламъаси ёрута олмас... *Муншаот*, XIII-95;
Товушидин анинг уйғанди Шопур,
Топиб тун зулматида булъажаб нур. *Фарҳод ва Ширин*, 105;
~ **аҳли** – золимлар, гумроҳлар, ғайри динлар; жоҳиллар:
Куфр дайрида бўлуб ором анга,
Зулмат аҳлидин не иркин ком анга? *Лисонут-тайр*, 106-Т;
~ **и зулф** – зулф зулмати, зулф қоролиғи:
Эрур маҳзун кўнгул зулмати зулфида зор андақ.
Ки шоми ҳатрида ишқ аҳлидин ҳар сари ғамгинлар. *Ғаройибус-сиғар*, 141-Т;
~ **и исён** – гуноҳкорлик, тобесизлик:
Рўзгоринг қаро деб зулмати исён ичра
Зор эдинг афв илиги тутмаса оллингға сирож. *Бадойиул-васат*, 73-Т;
Тавбадур ани аритмаққа илож,
Зулмати исён аро будур сирож. *Лисонут-тайр*, 140-Т;
~ **и куфр** – гумроҳлик зулмати:
Зулфи зуннориға чирмаған изорим очти ёр,
Зулмати куфр ичра элга нури имондур даво. *Бадойиул-Васат*, 25-Т;
Дин либоси кундек ўлди муртафиъ,
Зулмати куфр ўлди андин мундафиъ. *Лисонут-тайр*, 22-Т;
Тун саводи қилди чун кунни қаро,
Зулмати куфр ул сифат ким дайр аро. *Лисонут-тайр*, 99-Т;
~ **и маҳофат** – қўрқинчли зулмат, хавфли қоронғилик:
Оқшом дема зулмати маҳофат,
Жон қасдиға ҳар сари юз офат. *Лайли ва Мажнун*, 82-Т;
~ **и ҳижрон** – ҳижрон зулмати:
Зулмати ҳижронда этмиш кўнглум эй барқи висол,
Ламъа солиб гаҳ гаҳи йўл кўргуз ул гумроҳима. *Наводируш-шабоб*, 570-Т;
~ **ўл-** – зулмат бўлмоқ:
Шамъимға ки зулмат ўлди ҳодис,
Оҳинг бўлуб ўчмакига боис. *Лайли ва Мажнун*, 267-Т.

ЗУЛМАТЗАДА [ظلمت زده] – қороғилик, зулматни кетказувчи:
Зулфи зулмат шоми ву давлат тонгидур орази,
Тира ҳажрим шомидин зулматзада бўлса не тонг. *Наводируш-шабоб*, 362-Т.

ЗУЛМАТАНДУД [ظلمت اندود] – қоп-қоронғи, ўта коронғи, зулмат қоплаган:

Қаранғу меҳр оташгоҳидин дуд,
Валек ул дуд қири зулматандуд. *Фарҳод ва Ширин*, 393-Т;
Бир тун ки сипеҳри зулматандуд
Кун сафҳасин этти анбаролуд. *Лайли ва Мажнун*, 161-Т.

ЗУЛМАТАСОС [ظلمت اساس] зулматасос:

Бўлуб майкада дайри зулматасос,
Мен анда қари кибри ҳақношунос. *Садди Искандарий*, 56-Т.

ЗУЛМАТАФГАН [ظلمت افگن] – қоронгилик ёбвчи; ~ **бўл-** – коронғилик тушмок:

Ўткан кеча ким сипеҳри пурфан,
Нур устига бўлди зулматафган. *Лайли ва Мажнун*, 78-Т.

ЗУЛМАТКИРДОР [ظلمت کردار] – коронғилик яратувчи; дунё, жаҳон:

... мунда ҳам мушкфом булут саводидин олам зулматкирдор. *Муншаот*, 14-142.

ЗУЛМАТОБОД [ظلمت آباد] зулматобод:

Менмудурмен ким куёш кулбамни равшан айламиш,
Оби ҳайвон зулматободимни гулшан айламиш. *Наводируш-шабоб*, 260-Т.

ЗУЛМАТОМЕЗ [ظلمت آمیز] – коронғилашган, хира тортган:

...*мурод аниинг ашиъасидиндур шабистоннингиз музайян бўлуб ламъае* андин бу хокисорнинг зулматомез миръотиға юз кўргузсун. *Муншаот*, 14-161.

ЗУЛМАТОСО [ظلمت آسا] – қоронғилик, қоп-қора зулматмонанд:

Соқиё оби ҳаёти май била кулбам ёрут,
Ким фироқ ўтидин анда зулматосо бўлди дуд. *Фавойидул-кибар*, 121-Т.

ЗУЛМАТФИЗОЙ [ظلمت فزای] – қоронғиликни орттирувчи; қоп-қора зулмат:

Аҳли адам шомиға зулматфизой,
Тахти шуъои абадий ичра ой. *Ҳайратул-аброр*, 7-23.

ЗУЛМАТФИШОН [ظلمت فشان] – қоронғилик сочувчи; тим қора, қоп-қора:

Юзи нурафшон сочи зулматфишон,
Нур-у зулмат куфр-у имондин нишон. *Лисонут-тайр*, 97-Т;
Ки Яъжуж азмиға эрди нишон,
Бўлуб меҳр нуриға зулматфишон. *Садди Искандарий*, 429-Т.

ЗУЛМГАР [ظلم گر] – зулмгар:

Бас жафодин чу зулмгар тўйди,
Тонгла ўлтургали кўнгул куйди. *Сабъан сайёр*, 10-137.

ЗУЛМГУСТАР [ظلم گستر] – золим, зулмкор:

Бериб зулмгустарга фарсудалик,
Раъийятка еткурсун осудалик. *Садди Искандарий*, 132-Т.

ЗУЛМИНАН [ذو المنن] – яхшилик, эҳсонлар соҳиби:

Ишқ аро куйсам кулумни лутф этиб ё зулминан,
Хайли мўри қил ким ул куй ичра қилғайлар ватан. *Фавойидул-кибар*, 434-Т;
Шайх деб ким гўйиё ким зулминан,
Бизга дайр эткандурур асли ватан. *Лисонут-тайр*, 104-Т.

ЗУЛМКАШ [ظلم کش] – зулмкаш, зулмкор:

Қилма бедод бурунрақ ки кетургайлар юз
Анча ким зулмкаш эл чекса фиғон-у дод берур. *Наводируш-шабоб*, 2-165;
Не золим ки ҳар кимсага зулм этар,
Икки фойида зулмкашка етар. *Садди Искандарий*, 141-Т.

ЗУЛМКЕШ [ظلم کیش] – зулм қилишга одатланган, зулмкор:

Муршиди комил деди эй зулмкеш,
Тиғи жаврунг бирла шайтон кўнгли реш. *Лисонут-тайр,* 148-Т;

Бечора ул мазлумлар ким бу зулмкешларға гирифтор ва бу ситам андешаларға формонбардор бўлғай. *Маҳбубул қулуб,* 14-110.

ЗУЛМОНИЙ [ظلمانی] – қоронғилик, зулматга оид:

Кўпти ҳадсиз ҳижоби пинҳоний,
Кўпи зулмоний ози нуроний. *Сабъаи сайёр,* 10-27;

Фироқ ичра рухсоринг қуёшиға бер жилва,
Ки бас тира айлабтур мени шоми зулмоний. *Бадайиул-васат,* 327.

ЗУЛМОТ/ЗУЛУМОТ [ظلمات] – зулматлар, қоронғиликлар:

Зоҳир қилайин йуғанда ани,
Зулмот аро оби зиндагони. *Лайли ва Мажнун,* 349-Т;

Ким ул тоғдин нари офот эрур,
Ул офотдин нари зулмот эрур. *Садди Искандарий,* 425-Т;

Зулфунг овора кўнгуллардин эрур,
Юз Сикандарни итурган зулумот. *Фавойидул-кибар,* 91-Т;

Чашма аро ҳаёти анинг,
Кеча саводи зулумоти анинг. *Ҳайратул-аброр,* 7-85; (6(10)-73);

~ **и офат** – офат зулматлари:

Йўли бодиясида зулумоти офат, Хизрдек ани қатъ қилғанға баҳра зулоли ҳаёт. *Маҳбубул-қулуб,* 14-57;

Бари олам юзин тутти зулумот,
Лек мумкин йўқ анда оби ҳаёт. *Сабъаи сайёр,* 10-116;

~ **и зулм** – зулм зулмати, ўта золимлик:

Адолат айни таърифида ким салотининг зулмоти зулми аросида айнул-ҳаёти жавидоний дурур ва ичканга зулоли зиндагоний еткурур. *Садди Искандарий,* 138-Т;

~ **и зулф** – тим қора, зулмат зулфи:

Юз қуёшида берур жон элга лаъли Хизир,
Истама зулмоти зулфин оби ҳайвондур му ул. *Фавойидул-кибар,* 355-Т.

ЗУЛМОТМОНАНД [ظلمات مانند] – зулмотмонанд:

Фироқ айёмидек зулмотмонанд,
Топиб зайли ажал шомиға пайванд. *Фарҳод ва Ширин,* 207-Т.

ЗУЛМПЕША [ظلم پیشه] – зулмпеша, касб-одати зулмкорлик; золим, ситамгар:

Агар шоҳға зулмпеша элида ҳам зулмдин андеша. *Маҳбубул-қулуб,* 9(10)-460; 14-20;

Не бўлғай эрди чархи зулмпеша.
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша. *Фарҳод ва Ширин,* 415-Т.

ЗУЛМФАН [ظلم فن] – фан, илм ситамгари:

Бўйла ҳукм этти чу шоҳи зулмфан,
Тушти ошиқ оллида беҳад миҳан. *Лисонут-тайр,* 193-Т.

ЗУЛОЛ[زلال] – 1. тиниқ, тоза, ширин сув:

Солур футур сафолиғ кўнгулга хориж дам,
Ел ул сифат ки тамавруж солур зулол узра. *Фавойидул-кибар,* 11-Т;

ул шуълаосо барглар акси шишаи ҳалабийда ойнаи Чиний киби зулол ичра тушгандин чаман кушлари мутаранним... *Муншаот,* 14-138;

2. манба:
Яна «Фавойидул-кибар» девонидур ким ...анда улуғларға фойидалар зулолин еткурубмен. *Муҳокаматул-луғатайн*, 181-Т;
3. жом, шароб:
Ҳамийят дағи мониъ ўлди басе,
Ки елдин зулолиға тушкай хасе. *Садди Искандарий*, 121-Т;
~ **и ашқ** – тиниқ кўз ёши:
Қатиқ дардим зулоли ашк этар фош,
Сузук су ичра қолмас ёшурун тош. *Ғаройибус-сиғар*, 206-Т;
~ **и беғиш** – соф, тиниқ зулол:
Кўз чашмасида зулоли беғиш,
Жон гулшанида ниҳоли саркаш. *Лайли ва Мажнун*, 218-Т;
~ **и васл** – васл зулоли:
Ишқ кўйида зулоли васл ичмайдур киши,
Дайр сари толиби жоми зулол ўлмақ керак. *Ғаройибус-сиғар*, 266-Т;
Гар зулоли васл эй солик қилурсен орзу,
Хотирингни орзулар ўтидин аввал совут. *Бадойиул-васат*, 54-Т;
Оҳ ўтин дединг ки паст айлай зулоли васл ила
Бу нафас ким шуъласин гардунға чекмиш оҳ кел. *Фавойидул-кибар*, 377-Т;
~ **и зиндагоний** – тириклик суви, ҳаётбахш сув:
Қўлидин тушмасун жоми каёний,
Ичинда май зулоли зиндагоний. *Фарҳод ва Ширин*, 180-Т;
Куллук дуодин сўнгра арзадош ул ким иноятномае ким саводи зулматидин ҳижрон тиғи қотилларига зулоли зиндигоний текургай. *Муншаот*, 14-193;
~ **и ойинадор** – тоза, беғубор ойина тутувчи:
Чаман оройиши зебиға бўлди хуснунгдин
Зулоли ойинадор-у насими нофагушой. *Наводируш-шабоб*, 573-Т;
~ **и софий** – тоза, соф, тип-тиниқ сув:
Бу куҳсор ичра хоро айлаган чоқ,
Қўйар мундақ зулоли софий ву пок. *Фарҳод ва Ширин*, 314-Т;
~ **и сунъ** – зулол таъсири, қудрати:
Зулоли сунъунг ичра сипехр-у сидра шоми
Тенгизда ул ҳабоби бу ҳам андақ ки хошок. *Наводируш-шабоб*, 321-Т;
~ **и Хизр** – обиҳаёт, тириклик суви, ҳаётбахш сув:
Бу соқий илгидин жоминг пайо-пай,
Зулоли Хизр ул жоминг аро май. *Фарҳод ва Ширин*, 122-Т;
Тутум ўлмакдин тирилмак ҳажрда тенгдур манга,
Эмди гар бергил зулоли Хизр агар жаллод бўл. *Ғаройибус-сиғар*, 303-Т;
~ **и хурушон** – шарқираб оқиб турган бўлоқ:
Ҳар зулоли хурушон ҳарорат шиддатидин бир мараки жўшон. *Муншаот*, 14-136;
~ **и чашмайи ҳайвон** – тиниқ, тоза ҳаётбахш чашма; оби ҳаёт:
Майи лаъмингға гўё ким ҳаёт-у жон эрур мамзуж,
Гар ул эрмас зулоли чашмайи ҳайвон эрур мамзуж. *Наводируш-шабоб*, 94-Т;
~ ***и ҳаёт** – тириклик суви, ҳаётбахш сув, оби ҳаёт:*
Суйи хоссият зулоли ҳаёт,
Топиб андин ичкан ўлумдин нажот. *Садди Искандарий*, 240-Т;
Ва анинг зулоли ҳаётининг файзи қуёш чашмасидин ўткали ёвушти.
Муҳакамтул-луғатайн, 190-Т;
~ **и ҳайвон** – тириклик суви, ҳаётбахш сув:
Лаби лаъли зулоли ҳайвони,
Хизр янглиғ либоси райҳони. *Сабъаи сайёр*, 10-221;

~ **бўл-/ўл-** – зулол бўлмоқ:
Эмас майхонанинг синған сафоли дурдидек ичсам,
Агар жоми Жам ичра Хизр суйидин зулол ўлғай. *Фавойидул-кибар*, 562-Т;
~ **топ-** – тиниқ, тоза, ширин сув топмоқ:
Вале бу сифат наҳри кавсармисол,
Ки андин жаҳон коми топиб зулол. *Садди Искандарий*, 240-Т.

ЗУЛОЛИЙ [زلالی] – 1. соф, мусаффо:
Кўзни ариғ ашки зулолий қилиб,
Балки кўнгулни дағи холи қилиб. *Ҳайратул-аброр*, 7-84;
2. Зулолий (тахаллус):
Мавлоно Зулолий ... ҳарийлиғ дурур. Атоси дарвиш киши дурур. Ғазалфурушлуқ қилур. Зеҳни сарчашмасидин назм зулолий софий зоҳир бўлур жиҳатидин анга Зулолий тахалус топилди. *Мажолисун-нафоис*, 97-Т.

ЗУЛОЛМОНАНД [زلال مانند] – тоза, тиниқ сувдек, зулолмонанд:
Бу қанд эди ул зулолмонанд,
Жазб айлади ул зулолни қанд. *Лайли ва Мажнун*, 303-Т.

ЗУЛОЛОСОР [زلال آثار] – зулолмонанд, зулолсифат:
Ва ул тенгизлар суғалиб... нахват елидин зулолосор таҳаррук ва бахркирдор тамаввуж нукуши кўргузурлар. *Хамсатул-мутаҳаййирин*, 15-29.

ЗУЛФ [زلف] – 1. соч, соч ўрими; маҳбуба, севгили сочи:
Турарда укдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар,
Гириҳ «мим» икки зулфи икки «лом» ийнак тароғ «синлар».
Хазойинул-маоний, 1а-154;
Зулфидин солса чиқарурға қаманд,
Кўпрак айлаб бу каманд ул элни банд. *Лисонут-тайр*, 98-Т;
2. кокил, гажак:
... Икки қулақ тузиға зулфлар ошуфтаҳол қўйғайлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-54;
~ **у хол** – зулфу хол:
Оташин лаълидин ўт жоним аро,
Рўзигорим зулф-у холидин қаро. *Лисонут-тайр*, 19-Т;
~ **и анбарафшон** – анбарафшон зулф; анбар таратувчи зулф:
Шамим ким сочибан зулфи анбарафшонинг,
Бўлуб савомиъ и қудсий элига атр-у димоғ. *Наводируш-шабоб*, 297-Т;
~ **и анбаролуд** – анбар аралаш зулф, тим қора ва хушбўй зулф:
Фарқи уза зулфи анбаролуд,
Гулфом ўтиға анбарин дуд. *Лайли ва Мажнун*, 107-Т;
~ **и анбарсой** – хушбуй анбар суртилган:
Дема кўнглум кош этса зулфи анбарсойида,
Ё агар жон маҳв бўлса лаъли шаккархойида. *Наводируш-шабоб*, 654-Т;
~ **и анбарфом** – хушбўй абирли:
Анбарин хат ичра маъний дурларин кўргил ниҳон,
Қатралар ҳар ён қуёшдин зулфи анбарфомида. *Ғаройибус-сиғар*, 41-Т;
~ **и гириҳгир** – бурама, жингалак зулф:
Занаҳдоним била зулфи гириҳгир,
Ҳазин кўнглунга иркин жоҳ-у занжир. *Фарҳод ва Ширин*, 414-Т;
~ **и диловиз** – кўнгулни забт қилувчи зулф:
Гулнинг атрофида юз ғунча вакил зоҳир этар,
Орази даврида ул зулфи диловиз яна. *Бадойинул-васат*, 405-Т;

~ **и дилором** – дилором зулфи:
Дема недин кўнглунга оромдур,
Муттасил ул зулфи дилором аро. *Фавойидул-кибар*, 27-Т;
~ **и дом** – зулф тузоғи:
Зулфи доминму дейин ҳажри набардин дейин,
Бирининг қайди яна бирининг адосинму дейин. *Наводируш-шабоб*, 48;
~ **и зуннор** – зуннормонанд зулф:
Сўрма дайр ичра шикастим не ки бир муғбачани,
Зулфи зуннoридин ўлди манга бир навъ шикаст. *Наводируш-шабоб*, 76-Т;
~ **и мушкбез** – мушк хиди таратувчи:
Гардлиғ чавгон ҳамида ахтар ўлғай ўйла ким
Гўйи ғабғаб даврида чавгон зулфи мушкбез. *Наводируш-шабоб*, 201-Т;
~ **и мушкбор** – мушк ёғдирувчи зулф:
Сунбул қилибан қаро изорин,
Очиб қаро зулфи мушк борин. *Лайли ва Мажнун*, 125-Т;
~ **и мушкбў/мушкбўй** – мушк таратувчи зулф:
Бўлмаса девона пас не важҳдин занжир этиб,
Келтурубтурсен аёғи сари зулфи мушкбў. *Бадойиул-васат*, 372-Т;
Не деб айлай жонни зулфи мушкбўйунг садқаси,
Бўлса минг жон оз дурур ҳар тори мўйунг садқаси. *Фавойидул-кибар*, 592-Т;
~ **и мушкин** – мушк ҳидли зулф; мушк, қора рангли зулф:
Ул оқшом ким юзига луъбати Чин,
Ешиб марғула ёйди зулфи мушкин. *Фарҳод ва Ширин*, 90-Т;
~ **и мушкойин** – мушкмонанд зулф:
Энгингда зулфи мушкойин гул узра сабзадин тазйин,
Юзунг узра хати мушкин келуб кофур уза анбар. *Ғаройибус-сиғар*, 166-Т;
~ **и паришон** – паришон зулф:
Юзунг шуъласи устида анбарин дуд,
Ки жамъ ўлди зулфи паришон-му иркин. *Наводируш-шабоб*, 497-Т;
~ **и паришонлиғ** – паришонли зулф:
Димоғи йўқ мушавваш бўлмаған гўё ки бўтратмиш,
Жаҳон боғида савдо сунбули зулфи паришонинг. *Ғаройибус-сиғар*, 285-Т;
~ ***и помол*** – *поймол зулф*:
Аёғ остида зулфи помоли,
Зақани холи лаълинг холи. *Сабъаи сайёр*, 10-182;
~ **и пурхам** – жингалак зулф:
Ҳам лом ливоға зулфи пурхам,
Бу қаср сутуни сўнгға алиф ҳам. *Лайли ва Мажнун*, 67-Т;
~ **и савдо** – шайдолиқ, орзу ҳавас зулфи:
Зулфи савдоси Навойини чиқарди элдин,
Телба этти ву аёғида анинг завлони. *Наводируш-шабоб*6 565-Т;
~ **и самансо/самансой** – хушбўй зулф:
Кўйдуруб кўнглум кўзумни тира қилди то анга,
Юз ўти барги саман зулфи самансо бўлди дуд. *Фавойидул-кибар*, 121-Т;
Менинг васлим кунин чун ҳажр шоми айлади тира,
Не суд ар ёр ораздин олур зулфи самансойин. *Бадойиул-васат*, 334-Т;
Тирадурмен ки паришон бўлубан васл кунин,
Шоми ҳажр айлади ул зулфи самансой манга. *Наводируш-шабоб*, 15-Т;
~ **и сиёҳкор** – тим қора зулф:
Бўлди қотил кўз била зулфи сиёҳкори анинг,
Кофири масте ки бир ён тушти зуннори анинг. *Фавойидул-кибар*, 349-Т;

~ **и сунбул** – сунбул зулф:
Ниҳол қаддин ики зулфи сунбулида кўрунг,
Алиф киби ки қазо килки ёзди дол ичра. *Фавойидул-кибар*, 543-Т;
Ажз-у ниёз гулчеҳралари юзидин бу навъ парда очар ва аларнинг зулфи сунбулларин чеҳралари гуллари узра сочар. *Назмул-жавохир*, 15-124; 10(10)-32;
~ **и тобдор** – ёркин, порлоқ, ажойиб жингалак зулф:
Кўнгул кушидур анинг зулфи тобдори била
Жибин ки боғлиқ эрур анкабут тори била. *Ғаройибус-сиғар*, 420-Т;
~ **и тори** – зулф сочларининг толаси:
Ҳисоб асради дин аҳли қатлин ул кофир,
Ки беҳисобадурур зулфи торининг тугуни. *Бадойиул-васат*, 11-Т;
~ **и ҳамида** – жингалак зулф:
Зулмунгни кам эткил ки вафо аҳли топилмас,
Ул зулфи хамида бу гирифтордин айру. *Бадойиул-васат*, 379-Т;
~ **и шикан баршикан** – бурама, бурилма зулф:
Эй Навоий қаддинга солди шикаст узра шикаст;
Чун санга бўлди ватан зулфи шикан баршикан. *Бадойиул-васат*, 58.

ЗУЛФАЙН [ذو الفين] – икки зулф; икки соч ўрими; эшик, сандикнинг кулф соладиган халқаси:
Чу файр хидматин ортуғрақ айларам не ажаб,
Белимга муғбача зулфайнидин икки зуннор. *Фавойидул-кибар*, 136-Т;
Тутуб қуфл оғзи зулфайнини маҳкам,
Этиб имо ани очмаска ул ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 245-Т.

ЗУЛФИҚОР [ذو الفقار] – ҳазрати Алининг Муҳаммад тортиқ қилган қиличи:
Дулдулининг пўяси андақ ки барқ,
Зулфиқоридин аду қон ичра ғарқ. *Лисонут-тайр*, 32-Т;
Ҳалоки нафс вали нутқи бил ки риштаи куфр,
Кесар ишига Али зулфиқоридур микроз. *Хазойинул-маоний*, 16-294.

ЗУЛХОФИҚАЙН [ذو الخافقين] – шарқ ва ғарбнинг хукмдори:
Шоҳ Абулғози мало зулхофикайн,
Аббадат эҳсонаҳу Султон Ҳусайн. *Лисонут-тайр*, 273-Т.

ЗУЛҚАРНАЙН [ذو القرنين] – икки шохли; Искандарни ликаби:
Умр янглиғ бевафодур халқ гўё эй Хизр,
Чекти Зулқарнайн Яъжужи вафо оллиға сад. *Фавойидул-кибар*, 123-Т.

ЗУЛҚАЪДА [ذو القعدة] – ҳижрий йил ҳисобида ўн биринчи ой номи:
Мавлоно саккиз юз олтмиш иккида зулқаъда ойида душанба кечаси дунёдин ўтти ва қабри Пўрондадур. *Насойимул-муҳаббат*, 323-Т.

ЗУЛҚОФИЯТАЙН [ذو القافيتين] – икки қофияли, қўшқофияли:
Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонға қаро бало бўлубтур.
Зулқофиятайндур қофиялари тарзи акс ким жавоб айтмақ бу фақир қошида муҳолотдиндур. *Мажолисун-нафоис*, 74-Т.

ЗУЛҲАЁТ [ذو الحيات] – зулҳаёт, ҳаёт соҳиби:
Коҳинлар ушбу тарихда деб эрдилар бир зулҳаёт дарёдин чиққай ким анинг оғзи луобидин ул мараз дафъ ўлғай. *Тарихи анбиё ва ҳукамо*, 16-134.

ЗУЛҲИЖЖА [ذو الحجة] – зулҳижжа ҳижрий йил ҳисобида ўн иккинчи ой:
Чун кайфийятини айтти ҳеч ким қабул қилмади. Етти юз етмиш саккизда зулҳижжа ойи дунёдин ўтубтур ва қабри Ҳирот Мурғобидадур.
Насойимул-муҳаббат, 322-Т;

Мирзонинг муборак мизожлари сиҳҳат топиб тахти равон била зулҳижжа ойининг йигирми бешида душанба куни ташқари чиқтилар. *Муншаот*, 14-168;
Умри саксан еттига етишти. Уч юз ўттуз тўртта зулҳижжа ойида дунёдин ўтди. *Насойимул-муҳаббат*, 112-Т.

ЗУМРА [زمره] – бўлак, қисм; тўда, жамоат, гуруҳ:
Висолдин мен агар навмид эсам ё Раб,
Ки ишқ зумрасидин қилма кимсани маъюс. *Хазойинул-маоний*, 1Va-129;
Умидим улдур ки ушбу робита юмнидин зларнинг муҳиблари ва мухлислари зумрасида машҳур бўлғаймен. *Насойимул-муҳаббат*, XV-135;
Ўзунгни бу зумрадин йирақ тутма, бошинг борса бу муддаони унутма. *Маҳбубул-қулуб*, 9(10)-512; (14-87);

~ **и анбиё** – зумраси, аҳли:
Эй зумраи анбиё шафиъи,
Олам эли буйруғунг мутиъи. *Лайли ва Мажнун*, 41-Т;
~ **и аъвон** – ёрдамчилар гуруҳи:
Не бўлғусидур аҳли тажохул қадри,
Ё зумраи аъвон-у такосул қадри. *Назмул-жавоҳир*, (15-165; (10(10)-70);
~ **и бадном** – бадном тўда:
Сипоҳий эларо чун яхши от қолмади ҳеч,
Эурр бу кун алар андақ ки зумраи бадном. *Наводируш-шабоб*, 690-Т;
~ **и дайр** – майхона аҳли:
Ким фалак жомиа то бўлғай сайр,
Жом даврин тилагай зумрай дайр. *Фавойидул-кибар*, 696-Т;
~ **и дин** – дин аҳллари, диндорлар:
Яна ул сурук зумраи динни ҳам,
Даҳи зумраи ҳикматойинни ҳам. *Садди Искандарий*, 299-Т;
~ **и илм-у зеҳн** – илм ва ўткир идрок эгаларининг гуруҳи:
Ва сорт орасида аҳли табъ ва дониш ва зумраи илм-у зеҳн ва биниш кўпракдур. *Муҳокаматул-луғатайн*, 169-Т;
~ **и инсон** – одамлар, инсонлар:
Зумраи инсон аро ҳам комили,
Келди машаққат юкининг ҳомили. *Ҳайратул-аброр*, 7-140;
~ **и ислом** – ислом аҳли:
Туҳфалар ким йибарди Қайсари Рум,
Буруса жинси Фаранг дебоси.
Турфа кўргил ки зумраи ислом,
Анга солди Фаранг яғмоси. *Наводируш-шабоб*, 676-Т;
Бу бирисин обиди асном бил,
Ул бирисин зумраи ислом бил. *Ҳайратул-аброр*, 7-110;
~ **и ишқ** – ишқ аҳли, тоифаси:
Ҳам кишвари дард каҳрамони,
Ҳам зумраи ишқ ҳукумрони. *Лайли ва Мажнун*, 352-Т;
~ **и куффор** – кофирлар тўдаси:
Мунда яксон келди йўқ-у бор ҳам,
Аҳли дин-у зумраи куффор ҳам *Лисонут-тайр*, 211-Т;
~ **и маънавий** – маънавий жамоат:
Деди ким алар зумраи маънавий,
Гуруҳи ки эттилар маснавий. *Садди Искандарий*, 522-Т;
~ **и маҳрам** – хос кишилар:
Итларнинг махсус-у маҳзундур Навоий кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро. *Ғаройибус-сиғар*, 32-Т;

~ **и ноком** – ноком, иложсиз, ночор гуруҳ:
Ишқ аро васлни ком аҳли нечук ким талашур,
Ҳажрни зумраи ноком керак килса талаш. *Фавойидул-кибар*, 255-Т;
~ **и номурод** – муродсизлар тўдаси:
Ул зумраи номурод ғофил,
Ким бўлди анга мурод ҳосил. *Лайли ва Мажнун*, 310-Т;
~ **и роз** – сирдошлар аҳли, гуруҳи:
Иста комил хидматин ғафлатни рафъ айлай десанг,
Бордур ўздин ғойиб ўлмақ зумраи роз уйқуси. *Ғаройибус-сиғар*, 452-Т;
~ **и сўфи** – тақводорлар, тасаввуф аҳли, сўфилар:
Най унин андақ ки қилиб истимоъ,
Зумраи сўфи аро тушкай самоъ. *Ҳайратул-аброр*, 7-194;
~ **и таҳқиқ** – ҳақиқат истовчилар гуруҳи:
Муқтадойи зумраи таҳқиқ ул,
Собиқ ислом аҳлиға сиддиқ ул. *Лисонут-тайр*, 27-Т;
Зумраи таҳқиқ софий машраби,
Восили Ҳақ Бу Туроби Нахшаби. *Лисонут-тайр*, 143-Т;
~ **и ушшоқ** – ошиқлар аҳли:
Ишқ саҳросида ким пўя уруб сакримен,
Бу икин зумраи ушшоқ аро баржаталиғим. *Бадойиул-васат*, 322-Т;
~ **и халқ** – одамлар, жамоат:
...агар дарвешлик камолиға етмаса, аммо мунча бўлғай ки зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлғай. *Насойимул-муҳаббат*, 299-Т;
~ **и ҳикматойин** – илм-ҳикмат вакиллари:
Яна ул сурук зумраи динни ҳам,
Дағи зумраи ҳикматойинни ҳам. *Садди Искандарий*, 299-Т;
~ **и ҳужжож** – ҳожийлар жамоати:
Ҳарими қурб аро матлуби васлидин бўлуб маҳзуз,
Йўқ андоқ ким ҳарими Каъба ичра зумраи ҳужжож. *Фавойидул-кибар*, 95-Т.

ЗУМУРРАД/ЗУМУРРУД [زمرد] – яшил тусли қимматбаҳо тош, зумрад:
Лабинг лаъл-у хатинг эй жон зумуррад,
Нечук ким лаълға ҳар ён зумуррад. *Фавойидул-кибар*, 127-Т;
Зумуррудин оллида ҳавза ки ақл,
Келиб ожиз авсофин айларда нақл. *Садди Искандарий*, 143-Т;
Бўйла мавсумда рактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг. *Хазойинул-маоний*, IIIа-181;
Бўлуб ҳар ҳавзанинг тоши забаржад,
Ушоқ тош ўрнига сочиб зумуррад. *Фарҳод ва Ширин*, 45.

ЗУМУРРАДГУН [زمردگون] – зумрад рангли:
Қилди юз рев-у ранг ила гардун,
Субҳ чодиршабин зумуррадгун. *Сабъаи сайёр*, 10-202;
Гўйиё тўти хатинг бирла лабингдин сурди нутк,
Ким либос ўлди зумуррадгун анга минкор лаъл. *Хазойинул-маоний*, IIа-207.

ЗУМУРРАДИЙ [زمردی] – зумрад тошли:
Гулга берибан зумуррадий тахт,
Ғунча киби айладинг жуванбахт. *Лайли ва Мажнун*, 30-Т.

ЗУМУРРАДНИШОН [زمرد نشان] – зумраднишон, зумрад рангли:
Ери сабза бирла зумуррадниишон,
Анга чархи мино забаржадфишон. *Садди Искандарий*, 304-Т.

ЗУМУРРАДПЎШ [زمرد پوش] – чиройли, қимматбаҳо кўк либосли:

Ул ики раҳрави зумуррадпўш,
Раҳнамойи анинг, нечук ки сурўш. *Сабъаи сайёр*, 10-209.

ЗУМУРРАДРАНГ [زمرد رنگ] – зумрад рангли, яшил тусли:

Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали,
Ҳам зумуррадранг ер ҳам бодаи ёқутранг. *Бадойиул-васат*, 11-Т.

ЗУМУРРАДФОМ [زمرد فام] – зумрадга ўхшаш, кўк тусли:

Олибан дам бадам ичиб Баҳром,
Ойдин ул соғари зумуррадфом. *Сабъаи сайёр*, 10-202;

Душанба куни Баҳромнинг навбаҳормонанд ахзар либос била гунбади ахзарға юз қўйғани ва сарви сабзаранг сабз ҳулла била жоми зумуррадфом ичинда зулоли ҳаёт нўш қилғани. *Сабъаи сайёр*, 10-201.

ЗУМУХТВАШ [زمخت وش] – нордон, тахир, какра:

Ўз илгида бир анор бўлса билмас ки неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида неча донаси бор ул дона аччиғмудур ё зумухтваш ё чучукмудур ва ё майхуш. *Маҳбубул-қулуб*, 14-33.

ЗУННОР [زنار] – христиан динидагиларнинг белига боғлайдиган чилвир, белбоғ:

Дайр пири хизматида қилса ҳар хаммор шарт,
Ким белин руст айлагай аввал эрур зуннор шарт. *Хазойинул-маоний*, 1116-284;

... хирқанг остидағи зуннорингни кёсиб имон кетургайсен.
Насойимул-муҳаббат, 233-Т;

Боғлади зуннор юз минг аҳли дин,
То Масиҳ анфосидин жон топти тин. *Лисонут-тайр*, 211-Т;

Чинға хатар ғамзаси таррорidин,
Динға халал турраси зуннoридин. *Ҳайратул-аброр*, 7-301;

~ **и зулф** – ўрилган узун соч:

Қилма кўп ошуфта ул зуннори зулф эй муғбача,
Ким тугунлар тушти андин ришта имонима. *Фавойидул-кибар*, 542-Т;

Оғиздин оҳи ким кам бўлмайин ҳеч,
Бу ел зуннори зулфидин очиб печ. *Фарҳод ва Ширин*, 329-Т;

~ **и фано** – фанолик зуннори:

Гар Навоий ўлса ул кофир диёриға чекинг,
Боғлабан судрарда зуннори фанони бўйниға. *Фавойидул-кибар*, 531-Т;

Ул пари зуннори зулфин боғламай девона мен
Бўлмишам девона яъни ақл-у имондин дағи. *Наводируш-шабоб*, 601-Т.

ЗУННОРЛИҒ [زنارليغ] – зуннор боғлаган:

Кўз-у зулфунгдин андақ куфр шойиъдур ки ер ҳасрат
Белин тақвоға маҳкам қилған эл зуннорлиғларға. *Наводируш-шабоб*, 568-Т.

ЗУННОРСИЗ [زنارسيز] – зуннорсиз:

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени эй муғбача,
Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз. *Ғаройибус-сиғар*, 175-Т.

ЗУРАФО [ظرفا] – зарифлар; нозик фаҳм, дид эгалари:

Мавлоно Мир Арғун... Хаймадўзлуқ санъатиға мансуб эрди, қадимий зурафодин эрди. *Мажолисун-нафоис*, 57-Т;

Ва замоннинг шуаро ва фузало ва зурафосидин аларнинг висоқи холи эрмас эрди. *Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер,* 15-93.

ЗУРВА [ظروه] – чўққи; **~ и арз** – юксаклик, дунё чуккиси; шоҳ:

... зулм булутлари адл куёши юзин ёпардек бўлса бу кул зурваи арзға еткургай. *Вақфия,* 14-254.

ЗУРРИЁТ [ذريات] – авлодлар, насллар, фарзандлар:

Бани Исроил Яъқуб алайҳис-салом зурриётидур ва исбот ўн бир ўғли. *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-129;

Ва ул ернинг ободонлиғиға Яъқуб алайҳис-саломнинг авлод ва зурриёти воли ва ҳоким бўлуб нубувват ва ҳукумат қилиб... *Тарихи анбиё ва ҳукамо,* 16-120; (8(10)-553).

ЗУРРОФА [زرّافه] – зурофа, жирафа:

Сафлар ичра пил ила зурофа ҳам,
Рух била даббоба ву кашшофа ҳам. *Лисонут-тайр,* 212-Т.

ЗУРУБ [ضروب] – зарблар:

...ва вафо шажараси соясида мурод самарасидин натижа кўрганлар аёғиға чархнинг мутаокиб зурубидин ҳар ситам тешаси тегса мансурвор нутқларини ғайри сониъ кун фаякун шукриға такаллум қилмағусидур. *Муншаот,* 14-146.

ЗУРУФ [ضروف] – зарфлар, идишлар:

Яна бу адад бирла олтун зуруф,
Қуёшдек ферузон вале бекусуф. *Садди Искандарий,* 291-Т;
Авони симин-у заррин зуруф,
Ки ожиз бўлуб элга андин вуқуф. *Садди Искандарий,* 250-Т;

Ҳар ниманинг кути анга муносиб бўлғай ҳожат вакти ва бу зуруф ошлиғ зуруфидур ва буларнинг кути ошлиғдур, яъни бўшлуғи зоҳир бўлса, ани ошлиғ ва ҳубуб била тўла қилурлар. *Насойимул-муҳаббат,* 455-Т.

ЗУРФА [ذرفه] – зурфа (куш номи):

Бир зурфа тазарв учун қўйуб дом,
Туткач қатлида тутмай ором. *Лайли ва Мажнун,* 334-Т.

ЗУФУНУН [ذو فنون] – 1. илм, ҳунарлар эгаси:

Тўкарсен қон кўзунг бирла берурсен жон сўзинг бирла,
Ажойиб зуфунунисен ки ҳар фан ичра сен якфан. *Ғаройибус-сиғар,* 374-Т;

2. билимли, донишманд:

Эиттим ки дер эрди бир зуфунун,
Ки бу ким йиланға қилурлар фусун. *Садди Искандарий,* 346-Т;
Замоннинг бари ишта зуфунуни,
Эрур гардун фунунининг забуни. *Фарҳод ва Ширин,* 191-Т;
Мавлоно Абдулваҳҳоб донишманд ва зуфунун киши эрди. *Мажолисун-нафоис,* 33-Т;

3. фаҳм-фаросатли:

Бу икки яфрағни қачан зуфунун,
Бир бирига қўйса бўлур коф-у нун. *Ҳайратул-аброр,* 7-57.

ЗУФУНУНЛУҒ/ЗУФУНУНЛИҒ [ذو فنون لوغ/ذو فنون ليغ] – олимлик, дононик:

«Зол» ҳарфининг завийул-ҳаётларининг зуфунунлуғи «ғаройиб»дин. *Ғаройибус-сиғар,* 121-Т;

Зол ҳарфининг завойиул-ҳаётларининг зуфунунлиғи. *Наводируш-шабоб,* 129-Т.

ЗУХР [ذخر] – орттириб сақланган нарса, жамғарма; ~ **и абад** – инсоннинг ҳаёт хулосаси, охирати:

Зухри абад истасанг фаравон қилмақ,
Бил ани ато аноға эҳсон қилмақ. *Назмул-жавоҳир*, 15-138.

ЗУЪМ [زعم] – гумон, шубҳа:

Ул ки хато сўзига ойин эрур,
Зуъмида ул ким бу хато чин эрур. *Ҳайратул-аброр*, 7-121.

ЗУҒОЛ [زغال] – кўмир:

Топиб тиғининг барқи чун иштиол,
Куйуб занги андин нечук ким зуғол. *Садди Искандарий*, 154-Т.

ЗУҲАЛ [زحل] – Зуҳал (Сатурн) юлдузи, сайёраси; буюклик, юксаклик рамзи:

Эй жанобинг юз фалакдин ҳам васиъ,
Ситонинг минг зуҳалдин ҳам рафиъ. *Лисонут-тайр*, 261-Т;
Фалак токиғача боғлаб хавоза,
Зуҳал янглиғ чиқиб устига роза. *Фарҳод ва Ширин*, 151-Т.

ЗУҲАЛВАШ [زحل وش] – Зуҳалга ўхшаш:

... ҳар бирига зуҳалваш саркор-у Уторидсон меъмор таъйин қилиб...
Фарҳод ва Ширин, 145-Т.

ЗУҲАЛОСОР [زحل آثار] – Зуҳалмонанд, Сатурн сайёрасига ўхшаш:

...ва ҳинд сипоҳойин сангкорлар шиҳобкирдор важҳ била сад ўрниға ранг тўкмак ва Уторидхаёл устодлар ва Зуҳалосор ҳаддодлар кеч ўрниға рўйи маҳлул ва аҳак ерига пулоди мушкил қўйуб сад учун фалак токиға тегурганлари.
Садди Искандарий, 421-Т.

ЗУҲАЛРАНГ [زحل رنگ] – зуҳал сифат:

Зуҳалранг ўлуб лек Баҳроми кин,
Замири аро борча ҳангоми кин *Садди Искандарий*, 291-Т.

ЗУҲД [زهد] – дунёдан воз кечиб тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақво-дорлик:

Зуҳд аро ҳар мушкилим ким бор эди эй фақиҳ,
Жомға май қуйғач-ўқ барча аён бўлдило. *Хазойинул-маоний*, IIIб-574;
Ҳам зуҳд ила иззатка сазовор ўлған,
Ҳам фисқ ила олам элига хор ўлған. *Муншаот*, 14-215;

~ **эли** – зуҳд аҳли, зоҳидлар:

Ишва била муғбачаи майфуруш,
Зуҳд элини айламайин дурднўш. *Ҳайратул-аброр*, 7-19; (6(10)-14);

~ **тор-у пуди** – парҳезгорлик, суфийликка далолат берувчи асбоблар:

Атрофида пардалар нумуди,
Исмат била зуҳд тор-у пуди. *Лайли ва Мажнун*, 154-Т;

~ **и бакамол** – камолга етган зуҳд:

Жамол ва мол ва зуҳди бакамол ва саховати тамом. *Насойимул-муҳаббат*, XV-88;

~ **и риё** – риёкор зуҳди:

Шайх ила зуҳди риёйидин малул ўлдум қани,
Дайр пири ким фано ойинин иршод айласа. *Бадойиул-васат*, 402-Т;

риёйи зуҳд хайли – риёкорлик билан зуҳдга берилувчилар; ўзини тақводор қилиб кўрсатувчилар:

аҳли диллар кўнгли бу ишқ шуъласи нуридин ва ул шуъла нури суруридин айрилмасунлар ва риёйи зуҳд хайлиға қотилмасунлар. *Маҳбубул-қулуб*, 14-93;

~ **-у вараъ** – зуҳду тақво, парҳез:

Ақл дер сол кўнглунга зуҳд-у вараъ бунёдини,
Ишқ айтур йўқтурур бунёди ул бунёднинг. *Ғаройибус-сиғар*, 282-Т;

~ **-у тақво** – ибодат ва тақводорлик:
Зуҳд-у тақво барча вақтда дилписанддур йигитликда дилписандрақ.
Маҳбубул-қулуб, 14-111;
Мавлоно Камолуддини Зоҳид... зуҳд-у тақво била ороста ва фиқҳу ҳадис илмида доно эрди. *Насойимул-муҳаббат*, 337-Т.

ЗУҲДФУРУШ [زهد فروش] – зуҳдни суиистеъмол қилувчи, риёкор сўфи:
Навоий ўзни сотар қуллуғунг била юз шукр,
Ки худфуруш эмастур йўқ эрса зуҳдфуруш. *Бадойиул-васат*, 185-Т.

ЗУҲРАВАШ [زهره وش] – Зуҳра каби; чиройли, порлоқ:
Уд-у сандал била ясаб анга чанг,
Зуҳраваш чолмағ айлабан оҳанг. *Сабъаи сайёр*, 10-86.

ЗУҲРАЖАБИН [زهره جبين] – Зуҳра юлдузи каби чарақлаб турган чиройли юз:
Қилмай ул зуҳражабин базмда бир даври самоъ,
Не учун бўлди икин шифта кўнглум раққос. *Бадойиул-васат*, 205-Т;
Эй мутриби зуҳражабин бу нағма ким чектинг ҳазин,
Камдур жаложил гар нужум ўлса санга хуршид даф. *Бадойиул-васат*, 238-Т.

ЗУҲУР [ظهور] – кўриниш, пайдо, зоҳир бўлиш:
Сенинг жамолингга гул кўзгусида булбул маст,
Сенинг зуҳуринг ила гул жамолиға маҳрур. *Хазойинул-маоний* 116-136;
Ва лекин чун ул хизматгорлиғ сурати кечрак зоҳир бўлди ва ул фармонбардорлиғ зуҳури ботрақ сурат боғламади. *Муншаот*, 14-149;
~ **и валодат** – туғилиш, валодат зоҳирлиги:
Бўлуб чун зуҳури валодат санга,
Бўлуб фош нури саодат санга. *Садди Искандарий*, 59-Т;
~ **и жамол** – жамолнинг зоҳир бўлиши:
Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг куёшиға зарроти кавн ўлуб пайдо. *Наводируш-шабоб*, 1-Т;
~ **и ҳусн** – ҳусннинг зоҳирлиги:
Зуҳури ҳуснунг учун айлабан мазоҳирни,
Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо. *Наводируш-шабоб*, 1-Т;
~ **айла-/эт-/қил-** – кўринмоқ, намоён бўлмоқ, билинмоқ, пайдо бўлмоқ:
Анга айлагач нури ҳуснунг зуҳур,
Ўқубан малак хайли аллоҳу нур. *Садди Искандарий*, 52-Т;
Ногаҳ ки зуҳур этиб хилофи,
Бош косалари бўлуб ғилофи. *Лайли ва Мажнун*, 213-Т;
Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатқа келтурмак керак то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай. *Насойимул-муҳаббат*, 240-Т;
~ **ға кел-** – пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ:
Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуштабъ салотини зуҳурға келди.
Муҳокаматул-луғатайн, 188-Т.

ЗУҲҲОД [زهاد] – зоҳидлар, обидлар:
Ва ўғли Абдуллоҳ дағи ул замонинг зуҳҳодидин эрди.
Насойимул-муҳаббат, 42-Т;
Яна фиқҳ илмида ибодотдин фаройиз ва сунан ва вожибот ва мустаҳабот ва бу ибодотқа мувофиқ адъия ким кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодға мазбут ва маҳфуз эмас, Паҳлавонға бар зикр эрди. *Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*, 110-Т.

ЗУҲҲОДКУШ [زهادکش] – художўйларнинг қотили, зоҳидларнинг қотили:
Топиб оташгоҳ ишқин аҳли хуш,
Порсо сўзанда ву зуҳҳодкуш. *Лисонут-тайр*, 98-Т.

ЗЎР [زور] – 1. куч, қувват, шиддат:
Самандар қуш бўлуб анқоча зўри бўлса жазм эрмас,
Бўла олмоғлиғи сўз-у ғамим мактубиға ҳомил. *Хазойинул-маоний*, 116-377;
2. кучли, зўравон:
Қувватингнинг ожизи гар пилтан гар шери зўр,
Миннатингнинг шокири гар гулжабин гар сарвқад. *Хазойинул-маоний*, 116-118;
3. мадор:
Ошуфта ичига юзланиб шўр,
Қолмади юрур аёғиға зўр. *Лайли ва Мажнун*, 141-Т;
4. паҳлавон:
Басе тезрав раҳши хорошикан,
Бори карк зўр-у бари пилтан. *Садди Искандарий*, 283а3;
~ **и беандоза** – беандоза кучли, зўр:
Ҳам ул илми баландовоза бирла,
Бу янглиғ зўри беандоза бирла. *Фарҳод ва Ширин*, 138-Т;
~ **и бозу** – зўр билак, кучли қўл:
Кўнгул фано кучидин зўри бозу истар ким
Вужуд панжасини англамиш бағоят шох. *Ғаройибус-сиғар*, 106-Т;
~ **аён қил-** – кучини намойиш бермоқ:
Агар шер чоғлиқ аён қилса зўр,
Эрур шер шер охир-у мўр мўр. *Садди Искандарий*, 404-Т;
~ **айла-** – куч сарфламоқ, ҳаракат қилмоқ:
Келиб тоғдек ҳар биринг тани,
Чу зўр айлабан тоғ йиқмақ фани. *Садди Искандарий*, 617;
Кўз уза нуқта қўймай айлаб зўр,
Мардуми бўлмағандек айласа кўр. *Сабъаи сайёр*, 10-408;
~ **эт-** – ғалаба қилмоқ, ғолиб келмоқ:
Тутмаққа салоҳи ишқ этиб зўр,
Кўнгли мулки аро солиб шўр. *Лайли ва Мажнун*, 136-Т;
Шарт қилдим ким вафосизларни эмди севмайин,
Ишқ зўр эткач вале ботил бўлур изҳор шарт. *Хязойинул-маоний*, 1116-284;
~ **кил-** – таадди қилмоқ, мажбур қилмоқ:
Чун зўр қилиб бу мубталоға
Солғай бу азим ибтилоға. *Лайли ва Мажнун*, 165-Т;
Кўр ки жаҳон ичра солибсен не шўр,
Робиа деди анга ким қилма зўр. *Ҳайратул-аброр*, 7-120; (6(10)-103);
~ **кетур-** – кучли таъсир этмоқ:
Ким зўр кетурди ишқи бебок,
Аввал қадаҳ олди хушини пок. *Лайли ва Мажнун*, 110-Т.

ЗЎРГАР [زورگر] – зўравон:
Зўргар чун топмади бир кун ғизо,
Бошлади ўз ҳолиға тутмақ азо. *Лисонут-тайр*, 79-Т;
Зўргар ҳам айлади ҳамроҳлик,
Йўқ анга йўл ранжидин огоҳлик. *Лисонут-тайр*, 79-Т.

ЗЎРДАСТ [زوردست] – кўли кучли, кудратли:

Ки ҳар ким анга кўргузуб зўрдаст,
Чу зўр айлабан илги топиб шикаст. *Садди Искандарий*, 514-Т;
Ўзин абжад ўкур элдин тутуб кам,
Дема дониш ки зўри даст ила ҳам. *Фарҳод ва Ширин*, 138-Т.

ЗЎРЛУҚ [زورلوق] – кучли, зўрлик:

Сизинг хайл ичра борму эркин оё,
Неча ўқ бирла кўпрак зўрлуқ ё. *Фарҳод ва Ширин*, 272-Т.

ЗЎРМАНД [زورمند] – кучли, кудратли:

Мусҳиле соз этти беҳад зўрманд,
Берди ким ани сумурди мустаманд. *Лисонут-тайр*, 160-Т;
Ғаним ўлса гардун киби зўрманд,
Ваго вақти гардунға солиб каманд. *Садди Искандарий*, 456-Т.

ЗЎРОЗМУН [زور آزمون] – куч синаш; куч синовчи:

Манга давлат ўлуб раҳнамун,
Чу бу панжаға қилди зўрозмун. *Садди Искандарий*, 513-Т.

ЗЎРСАНЖ [زورسنج] – куч ўлчовчи:

Солиб панжа ким бўлғали зўрсанж,
Топиб панжа ул панжада тоб-у ранж. *Садди Искандарий*, 513-Т.

ЗЎРХОНА [زورخانه] – зўрхона, паҳлавон, курашчилар хонаси; машқхона:

...зўрхонасида варзеш тобқан қўлдин ўзга қўл чека билмас, тожи нахшаби ки олийқадр тахтин ҳикмати нажжори... шажарасидин таркиб боғлади.

Вақфия, 14-241.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Алишер Навоий асарлари луғатининг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби 6
Манбалар ва уларнинг қисқартмалари 9
А 14
Б 232
В 467
Г 518
Д 608
Е 755
Ё 766
Ж 801
З 910

Эргаш Исмоилович ФОЗИЛОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ
асарлари луғати
I

Муҳаррир *Ҳ. Бектимиров*
Бадиий муҳаррир *Ж. Гурова*
Компьютерда сўзларни арабий шаклини тайёрловчи *О. Алимов*
Компьютерда тайёрловчи *Б. Бабаходжаева*

Нашриёт лиц. AI №211. 26.03.2012. Босишга рухсат этилди 2012 йил 7 ноябрь.
Бичими $70\times100^{1}/_{16}$. Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитураси. Кегли 10.
Шартли босма тобоғи 63,0. Нашр тобоғи 81,27. Адади 100 нусха.
Буюртма №136.

«Niso Poligraf» босмахонасида босилди.
100182, Тошкент, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51.